

ЎЗБЕК
ТИЛИНИНГ
ИЗОҲЛИ
ЛУҒАТИ





ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси

5 ЖИЛДЛИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Э. БЕГМАТОВ, А. МАДВАЛИЕВ, Н. МАҲКАМОВ,
Н. МАҲМУДОВ, Т. МИРЗАЕВ (раҳбар), Н. ТЎҲЛИЕВ,
Э. УМАРОВ, Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, **А. ҲОЖИЕВ**

Абдуваҳоб Мадвалиев таҳрири остида



«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент – 2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ДАВЛАТ ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

учинчи жилд

Н – Тартибли

Тузатилган 2-нашри

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти

КБК 81.2Ў36-4
УЎК 811.512.133.374.3
Ў 16

«O‘ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI»

ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор – Шухрат Мирфаёзов
Директорнинг биринчи ўринбосари – Умид Ҳайитов
Директор ўринбосари – Шавкат Одилжон
Мухаррирлар – Ҳабиб Абдиев, Умида Яхшибоева
Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи – Шавкатилла Лутфуллаев
Бош rassom – Шавкат Илҳомов
Rassom – Асомиддин Бурҳонов
Техник муҳаррирлар – Мирзиёд Олимов, Умида Яхшибоева
Кичик муҳаррир – Зилола Маҳкамова
Саҳифаловчилар – Доно Ҳасанова, Асқар Ёқубжонов,
Зарнигор Тўхтамурадова

Ў 16 Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н –
Тартибли / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти, 2020. – 688 бет.

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингга яқин сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиғи ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, пунигдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

КБК 81.2Ў36-4
УЎК 811.512.133.374.3

ISBN 978-9943-07-748-5

© «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»
Давлат илмий нашриёти, 2007, 2020.



НА I Нима? суроқ олмошининг қисқарган шакли. *Сенга бунинг на кераги бор? ■ -Бу на деб турибди? — ноиб қамчиси билан Авазга ишора қилди. С. Свѣев, Ёруғлик.*

НА чора қ. начора. -Совға қилиб келса суюнмас, чиқариб сотса куюнмас эдим. *На чора, қиморбознинг куну шу! — деди Ҳожжи хола. М. Исмоғлий, Фарғона т. о.*

НА II [ф. ن — йўқ, эмас] айр. боғл. Уюшиқ бўлақлар ёки уюшиқ гаплар бошида такрорланиб, уларни боғлайди ва бўлишши феъл билан инкор маъносини билдиради. *Ундан на хат бор, на хабар. ■ Йўқ, на қамоқхонасидан, на сурегунидан қўрқади Акмал! Гулчеҳрасиз ҳаёт керак эмас унга! Гулчеҳрадан айраладиган бўлса.. отиб юборсалар ҳам пинагини бузмайди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.*

НАБЗ [а. نبح — томир уриши] Қон томири уриши. *Хуш, энди менинг ёнимга келинг-чи, набзингизни кўрай. М. Осим, Карвон йўлларида.*

НАБИ [а. نبى — пайғамбар, илоҳий хабар келтирувчи] 1 дин. Худонинг хоҳишини бандаларига етказувчи; пайғамбар. *Набилар, расуллар, доҳийлар унда, Қабрлар, қасрлар тургандир қатор. А. Оряпов, Юртим шамоли.*

2 Наби (эркаклар исми).

НАБИРА [ф. نبيره — набира; эвара; авлод] Ўғил ёки қизнинг фарзанди (бобога, бувига нисбатан). *Толибжонбойнинг беш ўғли, уч қизи бор экан. Икки ўғли уйланган, бир қизи эрга теккан, набиралари ҳам бор. Ойбек, Танланган асарлар.*

НАБИРАЛИ Набирага эга бўлган, набираси бор.

НАБОР [р. набор — (ҳарф) терипш, терилган ҳарфлар] полигр. 1 Матнга мувофиқ терилган ҳарф ва белгилар йиғиндиси. *Наборни сочиб юборманг. Набор қилмоқ.*

2 Матнга мувофиқ ҳарф ва белгиларни терипш. *Қўлёзмани наборга бермоқ. Набор цехи.*

НАБОРШЧИК Босмахонада ҳарф терувчи ишчи.

НАБОТ I айн. новвот. *Сен борсанки, кенг воҳада ҳаёт бор, Демак, юртнинг лабида бол, набот бор. Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.*

НАБОТ II [а. نبات — ўсимлик] Ўсимлик, кўкат. *Бу ясси қирғоқларда боболар ётур, Тугмадир ҳар ялпиз, ҳар шох, ҳар набот. Миртемир, Асарлар.*

НАБОТОТ [а. نباتات — ўсимликлар] 1 Ўсимликлар дунёси, ўсимликлар. *Ҳужайранинг топилиши шуни иббот қилдики, наботот, ҳашарот ва ҳайвонот — ҳамма тирик жисмлар ўсиб, кўпайиб борувчи органик кичик бўлақлар — ҳужайралардан иборатдир. «Умумий биология».*

2 айн. ботаника.

НАБОТОТПУНОС [а. + ф. نباتاتشناس — ўсимликларни ўрганувчи; текширувчи] айн. ботаник.

НАВ [а. نوع — хил, тур, кўриниш] 1 Нарсаларнинг умумий белгилари билан бирлашувчи гуруҳи; тур, хил. *Меваларнинг кечпишар навлари. ■ Мардон Йўлчиевич ҳар куну тонг билан тоққа чиқиб, ёнғоқ навларини ўрганарди. Ж. Абдуллахонов, Оряят.*

2 Молнинг, буюмнинг сифат, қиймат жиҳатдан хили, тури; сорти. *Бирон буюмни*

сифатсиз ишлаб, аъло навга ҳақ олиш ноинсофлик, виждонсизлик, тўғрироғи, ўғриликнинг бошқа бир тури-ку! Н. Сафаров, Оловли ишлар.

Бир нав(ш) 1) яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас, ўртамаёна. *Ер бир нав ҳайдалди, экин бир нав экилди, лекин шундоқ бўлса ҳам, ҳосил экинни ёзда қандоқ парвариш қилинишига ҳам боғлиқ бўлгани учун одамларнинг кўнгли тўқ эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Она бир нави яшаб турганини, қудаси Жўравой ака уч-тўрт келиб хабар олганини айтди.* Ҳ. Гулом, Маишгал; 2) дуруст, тузуқ, яхши. *Мастура опа келадиган меҳмонлар билан таниш бўлганда ҳам бир нави эди.* Р. Файзий, Шўҳи дарпарда.

НАВАРА с. т. Набира.

НАВБАТ [а. نوبت — қатор, кетма-кетлик]

1 Бирин-кетин содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, бажариладиган ишлар тартиби; гал. *Тегирмон навбати билан.* Мақол. ■ *ЎзР Олий Мажлисининг навбатдан ташқари сессиялари.*

2 Қаторда ишғол этилган ўрин; гал. *Навбат олмоқ. Навбат кутмоқ. Эрга навбат — шерга навбат.* Мақол. ■ *Туламат мўйлов Нигора томонга кўз қирини ташлаб, Шербекнинг қулоғига шивирлайди: -Энди, укам, Суворонинг тўйдан кейин навбат сеники. С. Анорбоев, Оқсой. Равиан тушиликда шўрвага навбат олди. Шериклари тандирдан янги узилган сомсани столга уйиб.. Равианни кутиб туришди. «Ёшлик».*

3 Алмашишиб бажариладиган иш; навбатчилик, смена. *Ласточкин батальон штабида постда турарди. Навбати тугагач, ким биландир гаплашиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

4 Маълум босқич; бажарилган ишнинг маълум қисми, бўлаг. *Урганч бройлер фермасининг биринчи навбатини фойдаланишга топшириш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. «Ёшлик».*

5 (“бу”, “шу”, “ҳар”, “бир” каби с. билан) Марта, гал. *Бир навбат.*

Биринчи навбатда айн. биринчи галда қ. биринчи 5.

НАВБАТДАГИ 1 Навбатда турган, биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган; галдаги. *Навбатдаги масалалар. Навбатдаги вазифалар.* ■ *Навбатдаги чопиқча одам кетишидан уч кун бурун, кечки пайт иккита*

ҳамишира келиб, алланимага қариш ҳаммага укол қилди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Қаторда турган, қаторда маълум ўрин олган. *Навбатдаги одамлар.* ■ *Навбатдаги сўз ўртоқ Раҳматовга. Ўртоқ Ҳакимова тайёрлансин.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

НАВБАТЛАШМОҚ Бирор ишни бошқалар билан навбатма-навбат, галма-гал бажармоқ. *Навбатлашиб ишламоқ. Навбатлашиб ашула айтишмоқ.* ■ *Йигит югуриб бориб, ўтовларнинг бирдан қимиз олиб келди. Очил бува, Азимжон, шофёр навбатлашиб икки косадан шимирдилар.* А. Мухтор, Чнор.

НАВБАТМА-НАВБАТ рвш. Навбати билан, гали билан, навбатлашиб, галма-гал. *Китобни навбатма-навбат ўқимоқ.* ■ *Тўрт киши навбатма-навбат арра тортиб, кўприкнинг кўндалангига тўсин қилиб қўйилган йўғон ва қаттиқ ёғочини арралаётганда, қора терга ботиб кетишди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

НАВБАТЧИ 1 Бирор ишни бошқалар билан навбатлашиб бажарувчи; ўз навбати келганда, шундай ишни бажарётган шахс. *Синф навбатчиси.* ■ *Улар ишини навбатчига топшириб келган тракторчилар билан иссиқ саломлашгач, Погодиннинг кичик кабинетига кирдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Постда турган соқчи; қоровул. *Тунлари ҳар ҳовли эшигида ўша ерда яшовчилардан навбатчилар тайинланади — бегона кирмасин. Шўҳрат, Шинелли йиллар. Коридорга кирганимизда, навбатчи аёл диванда мудраб ўтирган экан, бизни кўриб ҳайрон бўлди.* Ў. Усмонов, Сирля соҳил.

3 Маълум бир вазифани бажариш учун навбатда турган (восита, транспорт). *Суриштирсам, навбатчи автобуслар ҳам аллақачон кетиб бўлган экан.* Ў. Умарбеков, Ёшлик кўчалари.

НАВБАТЧИЛИК Навбатлашиб бажариладиган иш, навбатлашиб бажариш; навбатчи вазифаси. *Навбатчиликка ўтмоқ. Навбатчилик қилмоқ.* ■ *Шу кечасиёқ отани касалхонага олиб бориб ётқизишди, учовлари унинг бошида ўтириб, навбатчилик қилишди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Умуман, Шощра навбатчилик қилмаган кун кам бўларди.* Ў. Ҳошямов, Нур борки, соя бор.

НАВБАҲОР [ф. نوبهار — эрта, илк баҳор] 1 Эрта баҳор, илк баҳор, баҳорнинг

боши. *Навбахор очилди гуллар, Сабза бўлди боғлар.* Муқдмий. *Ҳар навбахор бу кўкаламзорга ҳиротликлар от-аравада чиқиб, бир-икки кун сайр этиб, ҳордиқ чиқариб қайтишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Навбахор (хотин-қизлар исми).

НАВЖУВОН [ф. نوجوان — жула, анча ёш] 1 Ёш йигит; ўспирин. *Кексалик келиб эрди, дилда кўп эди армон, Яшнатиб, яшартиб сен, навжувон этиб келдинг.* Ҳабибий. *Куча-қуй ола-қуроқ кийинган ва безовта бир қиёфада зир югуриб юрган навжувонлар билан тўлди.* С. Сиеёв, Куёвсалом.

2 кўчма Янги, ёш. *Кумлар ўртасида бир шаҳар кўрдим, Навжувон, сулув, соз, ярқироқ шаҳар.* Миртемир.

НАВЗАМБИЛЛО, паузубиллоҳ [а. نعوذ بالله — худодан паноҳ сўраймиз; худо, ўзинг сақлагин] Худо сақласин. *Бу манзарадан ҳанг-манг бўлган Зоҳир шайх: -Ҳой, осий банда! Нега кетдинг?! Навзамбилло! Қариганда мени бир балога гирифтор этмасанг дўрғайди, — дея қичқирди С. Сиеёв, Ёруғлик. Саидхўжа ака ёқасини ушлади: -Навзамбилло! Танканинг ойнаси бўлишини энди эшитиб турибман.* С. Сиеёв, Ёруғлик.

НАВИГАЦИЯ [лот. navigatio — кемада сузиш; кемалар қатнови < navigo — кемада сузаман] 1 Кемалар қатнови; учуш аппаратларидан учуш.

2 Маълум сув йўларида маҳаллий об-ҳаво шароитларига кўра кема қатновлари мумкин бўлган вақт, мавсум.

3 Кемаларни, ҳаводан оғир учуш аппаратларини, космик кемаларни белгиланган йўлдан тўғри ва хавф-хатарсиз юргизиш усуллари ҳақидаги фан.

НАВИСАНДА [ф. نویسنده — ёзувчи] эск. кт. Ёзувчи, адиб.

НАВКАР [мўғ. нўхўр — дўст, ўртоқ; эр] 1 тар. Ҳарбий хизматкор, аскар. *Ҳусайн Бойқаро «Боги Шимол» дарвозаси яқинидаги.. чодир ичида икки-уч навкари билан ўтирарди.* М. Осим, Сехрли сўз. *Машина гув этиб, автомат ушлаган навкарлар ёнидан ўтиб, шаҳарга чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

2 кўчма Хизматкор, ходим. *Раис дала беги эмас, дала навкари.* Ойбек, О. в. шабадалар.

НАВЛИ 1 Нави, сифати жиҳатидан юқори, сара. *Навли уруғлар.* ■ *Навли уруғлиқни мамлакатимизнинг бошқа районларидан олишга тўғри келмоқда.* Газетадан.

2 Бирор навга мансуб бўлган. *Паст навли папирос.* ■ *Биз ҳам юқори навли чигитдан эжсак борми, ўттиз-ўттиз беш центнер пахта нақд экан.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

НАВНИҲОЛ [ф. نونهال — ёш, янги дарахт, кўчат] 1 Янги ўтқазилган ёки униб чиққан кўчат; ёш дарахт. *Салимхон эса экиб парварши қилган навниҳолининг биринчи мевасини егандай завқлар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 кўчма Янги туғилган, пайдо бўлган, ёш. *Ҳафиза билан Умид навниҳол муҳаббатнинг сирли оғушида маст ва мамнун юрардилар.* Мирмуҳсин, Умид.

3 кўчма Ёш йигит ёки қиз. *Нозик, навниҳол бўлсанг, толеймдан ўргилай.* Т. Тула.

НАВО I [ф. نوا — куй, оҳанг; кўшиқ] 1 Куй, оҳанг; хониш. *Қумрининг тўйи: Безалган уйи, Найнинг навоси Қайта-қайтадан Чалиниб тинмай.* Ф. Гулом. *Шундан сўнгра сен қадаҳ ушлаб, Хумор кўз-ла боққил самога, Тингла қушининг эзгу орзусин, Қулоқ бергин майин навога.* Ҳ. Олимжон.

2 кўчма Маълум бир нарсанинг завқи. *Аваз ўрнидан қушдай ениш турди. Оппоқ бўлиб ёришган янги тонг ҳавосидан, безовта кўнглида туғилган янгича бир туйғулар навосидан жон-жаҳони яйради.* С. Сиеёв, Аваз.

3 (Н — катта) Шапмақом тизимидаги иккинчи мақом номи (қ. шапмақом). *Дуторни сошлаш учун реза куйлардангина олиб турган машоқ, Отабек кутмаган жойда, “Наво”дан бошлаб юборган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 кам қўлл. Ғам-алам ифода этувчи аянчли овоз; нола. *Кўзларида нозик бир ўт чақнади. У фахр ўтимиди, ё қахр ўти — билиб бўлмади. Лекин мағрур кишининг овози билан эмас, дилгир кишининг навоси билан жавоб қилди.* М. Исмовлий, Фаргона т. о.

НАВО II снт. Ярим ёй шаклидаги безак тури; шифт билан девор оралиғидаги қайрилма энг безак. *Уста Ширин Муродовнинг ганчли ажойиб наволари кўпгина биноларни беади.* Газетадан.

НАВОБ [а. نواب — «ноиб» с. кўпл.] Бобурийлар салтанатида ва кейинчалик ундан ажралиб чиққан ҳинд вилоятларида вилоят ҳокими унвони (18-асрнинг иккинчи ярмида инглизлар навобларни ўзларига бўйсундирганлар).

НАВОЗАНДА [ф. نوازنده — мусиқачи] *кт.* Куй ижро этувчи, наво қилувчи; созанда. Баъзи ерларда созанда ва навозандалар миллий ашуладаги оҳанг, наво ва ашборлардан чалган ва куйлаганлари эшитила бошлади. Ҳамза, Танланган асарлар.

НАВОЗИП [ф. نوازش — эркалаш; хушмуомалалик] *кт.* Меҳрибонлик билан ёки лутфан қилинган муомала, мулозамат, лутф, марҳамат; эркалаш. *Азизбек одатдаги қаршилаш ёнига бир навозиш ҳам илова қилиб, ҳожига юқоридан жой кўрсатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олдинда бораётган ёш каниз тўрдаги эшикни очиб, тезгина ичкарига кириб чиқди-да, яна бояғидай билинар-билимас кулумсираб, навозиш билан бош эгди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

Навозиш кўрсатмоқ айн. павозиш қилмоқ 1. *Бекларига навозишлар кўрсатиб, сўнгга ўз ниятини ўртага ташлади.* Ойбек, Навоий. **Навозиш қилмоқ** 1) меҳрибонлик билан ёки лутфан муомала қилмоқ, марҳамат қилмоқ; эркаламоқ; 2) чалмоқ, куйламоқ.

НАВОЙИШУНОС Навоий ижодани ўрганувчи олим. *Навоийшунос олим Ҳ. Сулаймонов ташаббуси билан Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар альбом шаклида эълон қилинди.* Газетадан.

НАВОЙИШУНОСЛИК Адабиётшуносликнинг Навоий ижодини ўрганувчи соҳаси.

НАВРАСИДА [ф. نورسيده — янги етиб келган; янги етилган; янги туғилган] Ёш, янги етилган. *Кетди бойга қарз ҳисобидан Уй ҳам, ер ҳам, ҳатто ўзим ҳам, Бу етмасмиш, ўлжага кетди Наврасида, дундик қизим ҳам.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

НАВРАСТА [ф. نورسته — янги ўт-ўлан; ёш йигит-қиз] Янги, ёш, навқирон. *Ассалом алайкум, нуроний тарих, Навраста бугуним, бахт таманноси.* Ж. Жабборов, Кўёш юрти.

НАВРҮЗ I [ф. نوروز — янги кун] 1 Шамсия йил ҳисобида янги йилнинг биринчи куни (март ойининг 21-кунига тўғри келади).

2 Баҳор чоғи, баҳор. *Наврӯз ёмғири.*

Наврӯз байрами Эски сана ҳисобидаги янги йил ва баҳорнинг бошланиши муносабати билан ўтказиладиган байрам. **Наврӯзи ажам** Ўзбек мумтоз куйларидан бирининг номи.

3 Наврӯз (эркаklar исми).

НАВРҮЗ II Кечпишар ўрик нави.

НАВРҮЗГУЛ *бот.* Наврӯзгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик (халқ таботатида қайнатма ва дамлама дори сифатида қўлланади).

НАВРҮЗЛИК *тар.* Эски мактабда наврӯз муносабати билан талабалардан тўшландиغان пул ва б. нарсалар.

НАВҚИРОН [ф. نو — янги + ا. قران — бирикшиш, қўшилиш; ниқоҳ] 1 Авжи кучкуватга тўлган, қирчиллама, ёш. *Наби ака мўйсафидни ичкарига таклиф қилди. Ҳовлининг бир чеккасида утирган икки навқирон йигит ҳам аста юриб келиб, мўйсафид билан сўрашди.* А. Раҳмат, Ҳаёт лавқалари.

2 *кўчма* Ёш. *Сарҳуи бўлиб, мудрар бесадо Қирғоқдаги навқирон толлар.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

3 *кўчма* Тик қоматли, баланд. *Навқирон қоялар совуқ илжайди.* «Шарқ юлдузи».

НАВҲА [а. نوحه — дод, фарёд; ўқриб йиғлаш] *эск. кт.* Йиғи; ўқриб, дод солиб йиғлаш. *Тулкининг тавбасидан қўрқ, муғомбирнинг навҳасидан.* Мақол.

НАГАН [бельгиялик қуролсоз А. Наган (Nagani) номидан] Айланма барабанли тўппонча. *Забардаст қомат, озгин юзида қатъият, елкасидан қалин қайишни ошириб олган, ёнида наган, тиззасида узун сопли қилич.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

НАДИМ [а. نديم — бирга овқатланувчи, ҳамтовок; улфат] *кт.* 1 Яқин, сирдош дўст; ҳамсуҳбат.

2 *эск.* Шоҳ саройида: энг яқин хизматкор, маҳрам ва маслаҳатчи. *Маликул шаробнинг ўзи ҳам ёшилигида султоннинг суюкли надими бўлган.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

3 Надим (эркаklar исми).

НАДИМА [а. نديمه] *кт.* 1 Яқин, сирдош дутонга; ҳамсуҳбат аёл. *Демак.. унинг хотини маликани бутун канизаклари, надималари билан.. ўз уйига чорлайди.* Ойбек, Навоий.

2 Надима (хотин-қизлар исми).

НАДОМАТ [а. ندامت — афсус(ланиш), ўқниш; армон] 1 Пушаймон, ўқинч; ўқниш, афсусланиш, афсус. *Бермас кишига фойда сўнги надомат.* Ҳабибпй. *Бу харобани кўриб, Қурбон отанинг кўз олдига Фармонқул ва ўшанга ўхшаган дунёга надомат билан келиб, заҳмат чекиб, ҳасрат билан ўтган кишилар келди.* А. Қаҳҳор, Кўшгинор чироқлари.

2 с. т. Кимсани ёмонлаб айтилган, тарқатилган гап, маломат. Қизи туфайли зшитган надоматлари, онасининг муттасил мияга уриб турган тўқмоқдек ғиди-бидилари жонини ҳалқумига келтириб қўйган эди. М. Исмойлий, Фаргона т. о.

Надомат тошнини отмоқ Бировга маломат қилмоқ.

НАЖАС [а. نجس — ифлослик; нопоклик; ҳаром қилиш] 1 Ифлос, ҳаром нарса; ахлат. [Мулла Муҳсин:] Ҳовузнинг ифлос сувлардан, нажас нарсалардан эҳтиёт қилинса, ҳеч боки йўқ. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 нафр. Разил, палид одам ҳақида.

НАЖДАК [туркий] Майда ва юпқа, донадор кристаллардан иборат тоғ жинси.

НАЖЖОР [а. نجار — дурадгор] эск. айн. дурадгор. Адибу хуш қалам, хаттоту расом — Бари нозик табиат, соҳиб илҳом. Яна бир қанчаси нажжору наққош, Булолмас ҳеч ким ўз даврида тенгдош. Ҳабибий. Мен ўзим нажжорман, сангтарошлик ҳам қиламан.. Айбга буюрмайсиз, ўғлим мезморликни ўргансин, отасидек сангтарош бўлиб қолмасин, дедим. Мирмуҳсин, Меъмор.

НАЖЖОРБОШИ эск. Дурадгорлар бошлиғи, ишбоши. Энди Эгамберди нажжорбоши дурадгорларга бурунги нўписа ва эски тааддисини қилиб кўрсин-чи. «Муштум».

НАЖИБ [а. نجيب — асплзода, олийжаноб; истегдолли, оқил] эск. кт. 1 Хурматга сазовор, азиз, мўтабар, муҳтарам. Дунё гузал, дунё нажибдир, қонимизда янгерар бир наво. А. Шер, Роз.

2 Асплзодаларга, зодагонларга мансуб; зодагон, зоти тоза. Шунинг билан сизнинг нажиб оилангиз даҳшатли фожиа даврларини кечириб, энди масъуд кунлар арафасига етди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Нажиб (эркаклар исми).

НАЖОСАТ [а. نجاست] айн. **нажас** 1. Сиз, нажосатга ҳарис Исмоил хўжам, газабингиз авжига миниб, оллонинг беуноҳ бандаларини ҳожатхонага ташлатдингиз. К. Яппин, Ҳамза.

НАЖОТ [а. نجاة — қутулиш, халос бўлиш] 1 Халос бўлиш, қутулиш. *Нажот бермоқ. Нажот топмоқ. Нажотга чиқмоқ.* ■ *Фарёд уриб йиғлади Шаҳло, Кўкни босиб кетди носаси. Юм-юм йиғлаб, сочини юлди, Бўлмади ҳеч нажот чораси. Т. Туля. Яратганнинг ўзи нажот берсин, оллоху акбар. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Уста Фарфи давом*

этиб деди: ..бир мактуб сабаби билан.. кутмаган жойда дор остида нажотга чиққанлар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қутулиш ёки қутқариш учун зарур ёрдам, кўмак. *Золимдан нажот кутуш бефойда, маҳол. Файратий. Уғлининг дарди билан чуққан Ойша хола нажот истаб, Ёқутбиканинг олдига борди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

НАЖОТКОР [а. + ф. نجاتكار — қутқарувчи, халос этувчи] *Нажот берувчи, халос этувчи, қутулиш йўлини кўрсатувчи; қутқарувчи. Уша гузал қизча Бобурни ўз нажоткорини кутгандай кутади — буни ҳам Бобурга келиб айтувчилар бор. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Жасур нажоткорлар сафқаторида Ўзбек йигитининг номи ҳам кушиод. А. Орипов, Ўртим шамоли.*

НАЖОТСИЗ Қутулиш учун чораси, иложи бўлмаган, мушкул аҳволда қолган; ноиллож. *Катер илгарилаб кетди. Бироқ Зумрад ўғирлиб, ҳамон бепоён денгиз қаърида қолиб кетаётган ёлғиз, нажотсиз қушчани анчагача кузатиб борди. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Бошпанасиз, нажотсиз етим ўғил ва қизлар бировларнинг зулми ва исканжасига, хўрлашига ноиллож чидар, яшамоқ учун бундан ўзга чоралари йўқ эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

НАЗАР [а. نظر — кўриш қобилияти, кўриш; нигоҳ] 1 Кўз қараши; нигоҳ. *Назар солмоқ. Назар ташламоқ.* ■ *Йигитнинг совуқ назари Мадаминхўжани шошириб қўйди. М. Исмойлий, Фаргона т. о. Йўловчи.. ёшларни бирма-бир назаридан ўтказаркан, атрофга аланглаб сўради: -Идораларингиз қаерда, йигитлар? П. Турсун, Ўқитувчи. Бизнинг ишимизга ҳам бир назар солсангиз-чи. П. Турсун, Ўқитувчи. Сидиқжон қипқизариб кетди ва Зуннунхўжага “гапирсангиз-чи!” деган мазмунда назар ташлади. А. Қаҳҳор, Кўшгчинор чироқлари. Ўқитувчи лекциянинг ярмига келганда.. Йўлдошга эгилиб турган Ҳасанга назари тушди. Ибохон, Улуғ кун.*

Назар(и)га (ёки назари) *илмайди Менсиямайди, писанд қилмайди. Мендай бир муштипар кампирни назарингизга илиб келибсиз, раҳмат. С. Анорбоев, Оқсой. Назарга олмақ ёки назарда тугмоқ Эътиборга олмақ, ҳисобга олмақ. Уша вақтдаги турмуш, уша шароитдаги болаликни назарга олганда, уни “кичик меҳнаткаш” дейиш*

мумкин эди. А. Қаҳқор, Олтин юлдуз. Назардан қолмоқ Эътибори йўқолмоқ, хайрихоҳлик, яхши муносабатдан айрилмоқ.

2 (фақат эгалик қўшимчаси билан) Воқеа, ҳодиса, кимса, нарса ва ш. к. ҳақидаги субъектив фикр, уларга бўлган қараш. Назаримда, сиз янгилиянсиз. ■ Хўжайинлар назарида хизматкор — ярим одам. Ойбек, Танланган асарлар. Ишлар Элмуроднинг назарида кўнгилдагидек давом этаётганга ўхшар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Назарни паст ёки паст назар қ. паст 10. Нуқтаи назар 1) қарашлар системаси, воқеа ва ҳодисаларни англаш усули; концепция. Масалага моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан ёндашмоқ; 2) жиҳат, томон. Иқлим нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари бор. =дан қатъи назар Бирор нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда.

3 Назар (эркаклар исми).

НАЗАРИЁТЧИ Илм-фаннинг бирор соҳасида назарий масалалар билан шуғулланувчи олим. Дарвоқе, Навоий «Мезон ул-авзон» номли илмий асари билан аруз назарийтчиси сифатида танилди. «ЎТА».

НАЗАРИЙ [а. نظرى — кўришга оид; мушоҳадага асосланган, мавҳум; фикрий] 1 Назарияга оид, назария масалаларига боғлиқ бўлган, назарияга асосланган. Назарий масала. Назарий хулоса. Назарий тадқиқотлар. ■ -Бу назарий мулоҳазаларингизни майин жунли, зотли қўйлар урчитилиш устидаги ишларимизга олиб келиб боғлаганингизда, ажабланмаган бўлардим, — деди Шербек. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бирор соҳанинг назарияси билан шуғулланадиган. Назарий физика.

НАЗАРИЯ [а. نظريه — таълимот; қондалар мажмуи; умумлашма фикр] 1 Воқелик қонуниятлари ва ундаги муҳим алоқалар ҳақида бир бутун тасаввур берадиган билим шакли. Назария ҳамма вақт амалиёт билан узвий боғлиқ бўлади ва шундагина у ҳаракат ва ривожланишнинг қуролига айланади. «ЎЗМЭ».

2 Бирор фан соҳасини ёки унинг бирор қисмини ташкил этувчи асосий ғоялар, умумлашган қондалар мажмуи. Машина ва механизмлар назарияси. Ўрмончилик назарияси.

3 Бирор соҳада ҳунар олиш, малака орттириш, маҳоратни ошириш йўлидаги

билим-қондалар мажмуи. Мусиқа назарияси. Шахмат назарияси. Самолётни бошқариш назарияси.

4 Илм-фан, санъат ва б. соҳаларнинг мантиқий абстракт фикрлаш йўли билан ишлаб чиқилган асослари. Назарияни амалий иш билан боғлаш.

5 Воқеа, ҳодиса ва ш. к. ни тушуниш-тушунтиришнинг умумий принципларини асослаб берувчи илмий қонун-қондалар мажмуи. Дарвиннинг турларнинг келиб чиқиши ҳақидаги назарияси.

6 Бирор нарсага, масалага бўлган умумий ва шахсий қараш, нуқтаи назар. «Санъат санъат учун» деган беҳуда назария. Унинг ҳар бир масалада ўз назарияси бор.

НАЗАРИЯЧИ айн. назарийтчи. Ҳаёт тақозо қилган ҳар бир ислоҳотни назариячилар билан бамаслаҳат амалга ошириш фойдадан холи эмас. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

НАЗАРКАРДА [а. + ф. نظر کرده — сеҳр, афсун қилинган; худонинг панохидаги, худо сақлаган] Оллоҳнинг, улуғ кишиларнинг назари тушган, кўп илтифоту меҳрибонликларга сазовор бўлган. Навоий биринчи бўлиб қаламга олган назаркарда шайхлар орасида Исҳоқ ота, Қўрқут ота, Бобо Хушкелди каби кўплаб мўътабар номлар бор. П. Қодиров, Тил ва эл.

НАЗАРЛАНМОҚ Халқ ишонч-эътиқодига кўра, «кўз тегиб» оғримоқ ёки ёмон томонга ўзгармоқ. — Сутти камайиб кетганми, касалми, билмадим. Бувим «назарланган» дейдилар, — деди Мурод. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

НАЗАР-НАФАС Халқ ишонч-эътиқоди-га кўра, «ёмон кўз», назарлантирувчи кўз, қараш. Бувим бўлса нуқул: -Хуш, хуш, жонивор, хуш, назар-нафас қурсин, кимнинг кўзи тега қолди сенга, — дер эдилар. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

НАЗАР-НОГИРОН Кўзга ташланмайдиган, бирор эътибор бермайдиган. Етимча, назар-ногирон Мухаммаджон оғизга тушиб, пешқадамлар қаторига кириб қолди. Н. Сафаров, Танланган асарлар.

НАЗАР-ПИСАНД: назар-писанд қилмаслик Менсиямаслик, назарга илмаслик, ўзини баланд тутиб, кимсага паст назар билан қараш. Отасининг остонасида юрган бир камбағал малай йигит уни назар-писанд

қилмасин, унинг ялинишларини, ваъдаларини тингламасин! Ким у? Ойбек, Танланган асарлар. *Ўтганинда бир қайрилиб кулмайсан Ёки бизни назар-писанд қилмайсан?* Т. Тўла.

НАЗД [ф. *نزد* – ёни, яқини, атрофи]: **паздида** кўм. (б. к. билан) эск. 1) олдйда, қошида. *Азизбекни қўлга тушириб бериш билан қипчоқлар наздида ҳам Юсуфбек ҳожининг қадру қиймати юқориланган эди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар*; 2) назарида, хаёлида. *Ўшанда бу қиз унинг наздида фариштадек бўлиб жонланган, хаёлида алланечук муқаддас бир из қолдирган эди.* Ў. Ҳошимов, *Қалбинга кулоқ сол.*

НАЗЗОРА [а. *نظاره* – қараш]: **паззора қилмоқ** (ёки **айламоқ**) эск. кт. Қарамоқ, назар, нивоҳ ташламоқ. *Кўз учида ул кун қилдинг наззора, Куйингда мен йиллар кездим овра.* Ҳабибий. *Теваракка айлаб наззора, «Пиқ» этди-ю, кулди Ситора.* М. Али, *Боқий дунё.*

НАЗИРА [а. *نظيره* – ўхшаш нарса; ўхшатиш; нусха] 1 *ад.* Ўзидан олдин ўтган ёки замондош адиб асарига ўхшатиб ёки унга жавоб тариқасида ёзилган янги асар. *Шоир ғазалига ёзилган назира.* ■ *Одатда, у бир ғазал айтар, келаси анжуманда шоири замонлар мазкур ғазалга назира боғлар эдилар.* С. Спёев, Ёруғлик.

2 *Назира* (хотин-қизлар исми).

НАЗЛА [а. *نزه* – шамоллаш] 1 *Кўз ёки бурун шиллик пардасининг ялиғланиши, тумов натижасида кўз ёки бурундан оқалган шилмишқ сариқ сув.* *Ўрта Осий халқлари назла ёхуд кўк сув деб ном берган кўз касаллиги бор.* Т. Қосимов, *Кўзингизни эҳтиёт қилдинг.*

2 *Кўз касаллигининг ном; глаукома.* *Табиблар: «Сафро мияга урса – жинни, назла кўзга тушса – кўр қилади», дейишади.* Шукрулло, *Жавоҳирлар санлиги.*

НАЗМ [а. *نظم* – тизиш, териш; шеър ёзиш; шеърлар] *ад.* Шеърый асар; шеърят, поэзия жанри. [*Абдишукур*] *Шоирлик истеъдодидан тамом маҳрум бўлишига қарамай, у «милатни уйғотиш» учун вазни бузук, фикри саёз, рангсиз назмлар ёзди.* Ойбек, *Танланган асарлар.*

НАЗМБОЗЛИК Шеър ўйини, бўлар-бўлмас мавзуни назмга солиш. *Кейинги йилларда вужудга келаётган назмбозлик, айниқса, ижодкорларда улкан ўзгаришлар,*

кечаётган воқеаларга нисбатан лоқайдлик иллатлари пайдо бўлаётганлиги айтиб ўтилди. Газетадан.

НАЗМҒУЙ [а. + ф. *نظم گوی* – назм, шеър айтувчи] Шеър айтувчи. *Рўзибой Хивадаги созандаю хонанда, назмғуй, котиб, қилқалам, халфаю талқинчиларнинг қаерда туришини, шу топда қаерда юрганини илға тизиб ўтирадиган зийрак чойхоначи эди.* С. Спёев, Ёруғлик.

НАЗМИЙ *сфт.* Шеърятга оид, назмда ёзилган. *Маълумки, халқ достончилигида насрий ҳамда назмий парчаларнинг аралаш келиши табиийдир.* «ЎТА».

НАЗОКАТ [а. *نزاكت* – хушмуомалалик, латифлик, нозиклик] 1 *Кишининг юриш-туриши, ҳаракат ва қилиқларндаги нозиклик, латофат.* *Қиз асилзодаларга хос бир назокат билан ўзини эркин тутиб кулумсираётган бўлса ҳам, кўзининг ҳаёдан ялтиллаб кетганини Мавлоно Фазлиддин пайқади.* П. Қодиров, *Юлдузи тунлар.* *Зебонинг ўзи салобати, кўркамлиги, назокати, латофати ва табассуми билан хаёлни чулғаб келарди.* Шухрат, *Шинелли йиллар.*

2 *Муомаладаги нозиклик, одоб.* *Мурод дарров туриб, ҳожи билан сўрашиди ва назокат билан унга жой кўрсатди.* А. Қаҳҳор, *Йиллар.* *Майор қизнинг тирсагидан йигитлардек назокат билан ушлаб, Азамларнинг олдига олиб келди.* Шухрат, *Жаннат қилдирганлар.*

3 *Назокат* (хотин-қизлар исми).

НАЗОКАТЛИ *Юриш-туриши, ҳаракати ва муомаласи нозик, латиф ва ёқимли, назокати билан кишига ёқадиган; одобли.* *Назокатли аёл.* *Назокатли бўлмоқ.* ■ *Ўйда ёлғиз ўтирганида ҳам, ишда ҳам Гулхайрининг назокатли боқишлари, ҳароратли лаблари кўз олдидан нари кетмай, юрагига ўт туташади.* С. Нуоров, *Нарвон.* *Маҳалладаги қариялар ёшларни юксак маънавий покликка, назокатли бўлишга ўргатадилар.* Газетадан.

НАЗОРА *айн.* **наззора.** *Жаноби домла кўчанинг у ён-бўёнига назора айлаб, ичкарига суқилдилар.* Чустий, *Пардайи асрор.*

НАЗОРАТ [а. *نظارت* – бошқариш, влора қилиш; вазирлик; бошқарма] 1 *Бирор ишнинг, нарсанинг аҳволи, бориши, кишининг юриш-туриши ва ш. к. устидан доимо кузатиш, текшириш.* *Назоратдан четда қолган иш.* *Техника назорати.* *Назорат қилмоқ.* *Назорат остига олмақ.* ■ *Куль-*

тивация қилиб жўяк оладиган универсаллар иши устидан алоҳида назорат урнатилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Терговнинг боришини шахсан Халиловнинг ўзи назорат қилмоқчи.* И. Раҳим, Ихлос. [Саид] *Малоҳат билан судлашбди чоғи, ўзи ҳам милиция назоратида эмши.* А. Мухтор, Чинор.

2 эск. Шундай иш олиб борувчи муассаса, бўлим; инспекция. *Сафаров авваллари Тафтиш назоратида нозир бўлиб ишлаганида ҳам, отпусқа олмас, ўз соғлиғини ўйламас эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 эск. Комиссарлик, нозирлик, министрлик. [Обидийга] *Маориф назоратидан каттагина бир вазифани беришди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НАЗОРАТСИЗ Назорат остига олинмаган, назоратдан ташқари. *Назоратсиз болалар. Назоратсиз қолмоқ.*

НАЗОРАТЧИ Назорат идораларида ишловчи; назорат қилувчи; қараб, текшириб турувчи; нозир. *Халқ назоратчилари. Темир йўл назоратчиси.* ■ *Назоратчиларимиз жамоатчилик топшириқлари билан бирга ўз иш-вазифаларини ҳам виждонан, ҳалол адо этиб, алоҳида ибрат кўрсатмоқдалар.* Газетадан. *Ичкаридаги ҳар бир парта рақамланган. Назоратчи қуръа ташлаш йўли билан абитуриентларни жойлаштиради.* Газетадан.

НАЗР [а. نذر — тантанали ваъда; қасам-ёд; шу асосдаги қурбонлик, назр-ниёз] дин. 1 Савоб учун ёки бирор муддао билан худо йўлига аталган ёки берилган нарса. *Бир мачит ҳовлисидаги қайрағоч тағида назрга қўй сўйилар эди. Улар шу ерда тўхташди.* П. Турсун, Ҳқитувчи. *Толеим кўрсин, деб ёндим, кўйдим. Фолбинларга бордим, азиз-авлиёларга назр атадим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Азайимхон, домла ва ш.к. га ўқиб, дам солиб қўйганлиги ва б. амаллари учун бериладиган ҳақ, мол ёки пул. *Сен ҳам.. ўша ҳиндини топасан ва назрини бериб, яхшилаб қайтариқ қилдирасан.* А. Қодирий, Ҳтган кунлар. - *Назри нақдона бўлмаса, кўнглим ҳам жойига тушмайди, иш ҳам юришмайди, — деди Ҳожжи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 айн. хайр-садақа. *Кўз оғриғи уни [де-вонани] чўчитмас учун наридан туриб, ёнчигини қавлай берди: — Сизга.. назрим бор.* А. Қодирий, Ҳтган кунлар.

4 Савоб учун ёки маълум нарса эвазига ўзини-ўзи ёки фарзандини маълум шахсга, табаррук жойга бағишлаш. *Ҳамма гап шундаки, Ёдгор ота Каромат, Адолат отлиқ икки қизини бирданга Нурматжоннинг отаси Тошхўжа эшонга назр қилган эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Қуни кеча мазорга бир маликаи зебо чеҳра назр этилди.* Шу ожизани эртагаёқ ҳарамингизга ўзим келтириб топшираман. К. Яппин, Ҳамза. *Қурбон отанинг йигитлик ҳаёти якуни шуки, «бу дунё бўлмади, энди охиратдан ҳам қуруқ қолмай», деб ўзини-ўзи Саидахмадхон деган эшонга назр қилган.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

НАЗР-НИЁЗ айн. хайр-садақа. *“Ҳазрати султон” шайхларига назр-ниёзлари бекорга кетмаганига, қизининг бўйида бўлганига.. ишонди, кулумсиради.* Ҳ. Фулом, Маппал. *Зиёратга келганлар қовоқ солиб ўтирган авлиёга салом беришиб, унинг ёнига назр-ниёзларини қўйишди, эскигина сопол товоққа биттадан кумуш танга ташлашди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

НАИНКИ [ф. نائنگه — ..деб ҳам бўлмайди; аммо.. унчалик эмас] 1 юкл. Шубҳа, ажабланиш, ишонмаслик каби маъноларни ифодалайди; наҳотки. *Наинки фашист фақат душмангина бўлса, наинки унинг бутун қилиш-қилимишларини минг йиллардан бери одам боласига маълум бўлган “душман” калимаси ифода қила олса.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Фақат саналган нарсаларгина эмас маъносига; бундан ташқари; нафақат. *Умиданинг ўзига ором олиш қачон насиб бўларкин? У ўша француздан ҳам аянчроқ ҳис қилади ўзини.* Наинки вужуди, бутун ҳаёти, руҳи қийноқда. А. Мухтор, Чинор. *Жимжитлик, кимсасизлик, ярим ўлик табиат наинки инсон, жониворлар юрагига ҳам ваҳима соларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

НАЙ [ф. ناي] 1 Узун, ячи тешик нарса, ингичка труба. *Шиша най. Қамиш най.*

2 Турли нарса, асбобларнинг шундай шаклдаги қисми. *Мулла чилимининг наини лабига бир тегизгандан кейин уни Ҳайит амин томонига буриб.. бир жилмайди.* С. Айний, Қуллар.

3 Олтита тешигини бармоқлар билан бекитиб-очиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби; сибзга. *Набигул келди. Унинг кетидан бири най, бири танбур, бири дутор*

кўтарган уч йигит кирди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Йўлчи чиндан ҳам най чалишни билар эди ва яхши чалар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАЙЗА I [ф. *نيزه* — санчқи, найза] I Қўл билан отиб ёки уриб санчиш учун мўлжалланган, учи ўткир қурол. *Мудофелар қўлларидаги милтиқ, шашвар, ойболта, қилич ва найзалари билан тизилишиб олдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *От чопса, гумбулар тоғнинг дараси, Ботири ингратар найза яраси.* «Алпомиш».

2 Милтиқнинг учига ўрнатиладиган учи ўткир қисми; штик. *Нормат милтиқ найзасини ёвнинг кураклари уртасига ботирарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Газандалар чаққанда, уларнинг баданга санчиладиган аъзоси. *Ари найзаси.*

4 сфт. Санчиладиган, найзадек, найзага ўхшаш, санчилиб кирадиган даражада ўткир. *Учи найза қалам.*

5 кўчма. Сезиларли таъсир, куч. *Совуқ ўз найзасини келиб-келиб фақат тиззаю тир-сакка ураётгандай бўларди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

6 кўчма Тик, тўғри. - *Сўзга қулоқ сол, шаллақи! — Ёрмат кўзларини найзадай қадади. — Етмишда эмас, олтмиш бешда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Улар қишлоқ марказига етганда, қуёш найза бўйи кўтарилган эди.* М. Жўра, Ношпирнома.

Кун (ёки офтоб) **найзага келганда** Қуёш айни тепага келган, қизиган пайт, туш пайти. *Сал вақтдан кейин, офтоб найзага келганда, пайкалда ишлаш у ёқда турсин, нафас олиш маҳол бўлиб қолади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Айниқса, кун найзага келганда, бутун бодомзор жимжит, сукут ичида қолгандай бўларди.* Д. Нурий, Осмон устун.

НАЙЗА II Амалий санъатда нақш тури.

НАЙЗАБАРГ Гуллари оқ кўп йиллик илдиэпояли ўт.

НАЙЗАБАРДОР [ф. *نيزه بردار* — найза кўтарувчи] Найза тутган, найза билан қуролланган аскар. *Найзабардор отиқларнинг ҳамласи Шаҳарлардан эсиб ўтди ел каби, Пиёдалар тўлқинланиб босарди, Чопар эди ёвга қарши сел каби.* М. Шайхзода.

НАЙЗАБОЗ [ф. *نيزه باز* — найза ўйна-тувчи] I Найза билан қуролланиб жанг қилувчи, найза билан жанг қилишга уста, моҳир одам.

2 кўчма с. т. Бўлар-бўлмасга танқид қилишни яхши кўрадиган одам; танқидбоз.

НАЙЗАБОЗЛИК Найза жанги, найза билан жанг қилиш (қўл жанги турларидан бири). *Душман солдатлари найзабозликка дош беролмай қоча бошлади.* ■ *Ребров ажойиб жангчи, айниқса, найзабозликда ҳеч ким унга бас келолмайди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон извдан. *Дарвозахонада найзабозлик ва қиличбозлик бошланди.* Фозил Тархон буйиндан *қилич еб, отдан йиқилиб тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

НАЙЗАДАСТ [ф. *نيزه دست* — қўлида найза ушлаган, найзаси бор] фольк. Найза кўтарган, абжир. *Қорахон подшо салтанатли беклар билан.. неча найзадаст ботири билан, жиловдор шотири билан боғнинг устидан келиб қолди.* «Орзигул».

НАЙКАМАЛАК [най + камалак] айн. **камалак 2, ёй I 1.** *Горнинг оғзига яқинлашганингизда, сиз аввало қуёш нури ва булоқ суви зарраларидан найдо бўлган ажойиб най-камалакни кўрасиз.* А. Мухтор, Чинор. - *Най-камалак! — деди Анорхон осмонга кўзи тушиб.* Севинганидан *қарсақ чалиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

НАЙЛАЙИН поэт. Нима қилайин, қандай қилайин. *Ғайри, ғайри жойа келдим, найлайин, Кун тушмаган соя келдим, найлайин.* «Равшан».

НАЙМАН Ўзбек халқининг этник таркибига кирган қабилалардан бирининг номи. *Булар орасида қилчоқ, найман, лақай, қорақалпоқ, қиёт, уйғур каби кўпгина уруғлар мавжуд.* «ЎТА».

НАЙНОВ [ф. *نيناو*] I с. т. Бўйи баланд, новча. *Инглиз укки кўз, карнай бурун, кампир даҳан, қилтириқ буйин, найнов эди.* Ойбек, Нур қадириб.

2 кўчма с. т. Ўта содда, бўшашган. *Найновнинг ақли — тутиғида.* Мақол.

НАЙРАНГ [ф. *نيرنگ* — ҳйла, найранг, макр; фокус; сеҳргарлик] I эск. Кўз илғамайдиган ҳаракат, чаққонлик ва ҳйла ишлатиб кўрсатиладиган томоша, кўз боғлаш; фокус.

2 кўчма Алдамчиликка, макр-ҳйлага асосланган хатти-ҳаракат; ҳйла, лўтти-бозлик. *Унинг [Элмуроднинг] назарида, Мадминнинг бу ҳаракати соддадил одамларга ўзини ҳужуматга "берилган" қилиб кўрсатиш учун қилинган найрангга ўхшарди.* П. Турсун,

Ўқитувчи. Ана, текширувда раиснинг ҳамма найранглари очилиб, шуда қолми-қолмаслиги зумон бўлиб турганмиш-ку! «Ёшлик».

НАЙРАНГБОЗ [ф. نیرنگ باز – ҳйлакор, алдамчи; фокусчи] 1 эск. Кўз боғловчи; фокусчи.

2 кўча Алдов, макр-ҳйла билан иш тутадиган; ҳйлагар, лўттибоз. [Фуломжон:] Мени бу ерга келтирган найрангбоз қизингизни чақириб, эл олди-да, эр олдида сўроқ қилишингизни талаб этаман. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАЙРАНГБОЗЛИК 1 Найранг билан машғуллик, найрангбоз эканлик.

2 Кўз боғлаш; фокус. *Бозоришабда.. турлитуман найрангбозлик, қизиқчилик.. қилиб бериб, томошабинларни, хусусан, ёш болаларни ҳайрон қолдирар эдилар.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари.

3 кўча Найрангга асосланган иш, хатти-ҳаракат; найранг. *Найрангбозлик қилма.*

НАЙСИМОН Найга ўхшаган; най шаклида ўралган. *Амир қалтироқ қўллари билан найсимон мактубни ёзиб, ўқишга киришди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

НАЙСОН [ф. نيسان – сурёний тақвими бўйича апрель ойига тўғри келадиган 5-ой ном] 1 Ўрта баҳор; апрель ойи.

2 Эрта баҳорда, апрелда ёғадиган ёмғир. *Биз сайрга чиққанда, баҳор найсонлари бошлиниб қолсаям майли, чунки у табиатни уйғотиб юборади.* «Гулистон».

Абри найсон қ. абр.

НАЙЧА [ф. نيچه – кичик най, қамшичка] 1 Кичик ёки ингичка най. *У ерда ҳам лабораториядагидай эгри-бугри шиша найчалар, шиша идишлар, ўлчагичлар, электрокамера, ҳар хил асбоблар.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 махс. Ип ўраладиган найсимон асбоб ёки машина қисми. *Бу ернинг бола-чақаси тиши чиқиб, аввал билган сузи – арқоқ билан тароғу найча билан моки.* А. Мухтор, Опасингиллар.

3 бот. Полиз экинларида ҳосил бўлувчи тугунча, нишона. *Шу билан ошқовоқнинг тугтан найчалари сарғайиб тукилаверди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Шаҳарликлар жуда олифта, нозик келишади. Подвалда кўжатирилган картошка уруғининг найчасидан ҳам нимжон.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

4 Юпқа металл япроқча ўрами (най шакли)дан иборат, чаккага тақиладиган аёллар тақинчоғи.

НАЙЧАЛАМОҚ Тугунча ҳосил қилмоқ, тутмоқ (қовун, бодринг, қовоқ каби полиз экинлари ва б. ҳақда). *Бодринг найчалади.* ■ *Хуллас, қаттиқ меҳнатлари зое кетмади, кўшинларники чопиққа етганда, Холбойнинг пахтаси иккинчи чопиқ сўраб ғунчалади, гуллаб найчалади.* К. Яшин, Ҳамза.

НАЙЧИ Най чалувчи созанда. *Чалишни билмайман. Катта дадам: “Чалма, сен найчи бўласанми, ёмон кўраман”, дейди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАКАЗ [р. наказать – «буюрмоқ, топшириқ бермоқ» фл. дан ҳосил бўлган от. талаб ва топшириқ] Сайловчиларнинг ўзлари сайлаган депутат ёки органга берган топшириқлари, талаб ва истаклари. *Халқ депутатларига сайловчиларнинг нақазлари.* ■ *Ферма турган жойда, кичик бўлса-да, клуб очили туғрисидаги нақаз ҳам Ажарбой ака ташаббуси билан амалга оширилади.* Газетадан.

НАКИ с. т. Негаки, нима учун десанг. *Раҳмат, юзга кир, ували-жували бул, ўғлим.. Шу сўзинг ўзи олтиндан аъло. Наки, кўнглимни кўтарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НАМ [ф. نم – ҳуллик, зах, рутубат; сув, суюқлик; шудринг; кўз ёш] 1 от Бирор нарса таркибидаги ёки унга шимилган, сингитган сув. *Нам емоқ. Нам тортмоқ. Ернинг нами қочибди. Тупроқдаги намни сақлаш чоралари.*

2 Сув; суюқлик. *Нам кўрмайин, қақраб бу чўллар Асрларни кутиб олганлар.* Ҳ. Олимжон. *Бодринг – иссиқсевар, ёруғсевар ва намга талабчан ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

3 сфт. Сув шямган; ҳўл. *Нам рўмол.* ■ *Оёқ остидаги нам тупроқдан инсон учун жуда яқин, қон-қариндошлик иси димоққа уриларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Раҳимберди нам кўларини артиб: -Йиғлаганим йўқ, ўғлим, – деб жавоб берди.* Х. Тўхтабоев, Шонли авлод.

Нам юқтирмас Унча-мунча нарсага парво қилмайдиган, бетаъсир (одам).

НАМАК [ф. نمک – туз] шв. Туз.

НАМАКОБ [ф. نمک آب – тузли сув] Тузли сув, туз эритилган сув. *Намакобда тузланган бодринг. Намакоб бўлиб кетибди.* ■

Сигирингизнинг қанишарига темирлатки чиқибди, намақоб сурқадим, нос сурқадим — бўлмади, пичоқ билан қириб, керосин сурқаш керакмиш. А. Қаҳқор, Оғриқ тишлар.

НАМАКСИЗ Тузсыз. Намақсиз таом қанчалик бетаъм бўлса, мантиқсиз нутқ ҳам шунчалик бемаъни бўлади. Р. Усмонов, Одбонама.

НАМАТ [ф. *نمات* — кигиз] 1 Юнгдан босиб ишланган палос; кигиз. [Нигора] Чайланинг олдига солинган намаат устига оёқларини узатиб ўтирди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 сфт. Юнгдан босиб ишланган материал тайёрланган, тикилган (кийим). Намаат патак. ■ Туғ кулранг намаат береткасини бошидан олиб, чангини қоқди. С. Кароматов, Олтин қум. Қиличев, «иғна учидек тешиқдан туюдек шамол киради», деб кечаси қалин пахталик нимчаси билан оёғидаги намаат этигини ечмай ётарди. Мирмуҳсин, Занглаган қилпич.

НАМАГЧИЛИК 1 Ёғин-сочин вақти ва шу вақтдаги захкашлик, лойғарчилик. Қоровулхонадан янги молхонага бориш учун икки томони қинғир-қийишқ, у ер-бу ери баҳорги намғарчиликда қулаб тушган эски девор билан тўсилган кўчадан ўтилади. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ёғинғарчилик. Намғарчилик кўп бўладиган ҳудудлар. ■ Совуқ намғарчилик ҳали ёз хотираси билан мунғайиб турган кузги гулларнинг рангини учуриб кетди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

НАМИҚМОҚ Нам тортмоқ, нам бўлиб қолмоқ; хўл бўлмоқ. Заҳда сомон намиқиб қолибди. ■ Унинг [Шербекнинг] елкасига ва туртиб чиққан белига тердан намиққан қўйлаги ёпишиқ қолган. С. Анорбоев, Оқсой. Сувчилар суви эгетларга бир меъёрда тараб, жилдиратиб, тагидан намиқтиришга алоҳида эътибор берадилар. Газетадан.

НАМЛАМОҚ Нам қилмоқ, нам бермоқ, хўлламоқ. Уктамнинг боши қизиб ёнади, тер томчилари манглайдан юмалаб, киприкларини намлайди. Ойбек, О. в. шабадалар. Унинг [Гулсумнинг] кўз ёши билан намланган киприклари капалак қанотидай силкинди. П. Турсун, Ўқитувчи.

НАМЛИ Нами бор, намга эга; нам, хўл. Намли ва булутли ҳавода ўргимчаклар, шиллиқлар туғилади, шудгордан бошқа озик тополмагандан сўнг янги ўсиб чиққан гўза-

ларни қирқишга бошлайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

НАМЛИК 1 Ҳаводаги сув буғлари ва моддий жисмлар таркибдаги сув миқдори. Бу намлик, асосан, куз, қиш ва баҳор фаслларида тушиб, ўсимликка зарур бўлган миқдорни асло қондиролмайди. «Фан ва турмуш».

2 Намга эғалик; нам бўлган ҳолат. Кийимни намлигида дазмолламоқ.

НАМОЁН [ф. *نمايان* — очик-ойдин кўриниб турган, ошқора; кўринарли, сезиларли] Яққол кўриниб турадиган, гавдаланадиган; очяқ-ошқор, равшан кўриниш, курсатиш. Намоён бўлмоқ. Намоён қилмоқ. ■ Тонг ёришди. Бурқиган тутун ва чанг орқали шаҳарнинг хароб гавдаси аста-секин намоён бўлди. Ойбек, Қуёш қораймас. Сайрамов звенолар ишини, худди ойнада кўриб тургандай, яққол намоён қилди. Ойбек, О. в. шабадалар. Келди очилур чоғи — ўзлигинг намоён қил, Парчалаб кишиларни, ҳар томон паришон қил. Ҳамза. Ҳаёт бутун кўркамлиги билан улар кўзи олдида намоён. Шухрат, Шинелли йиллар. Айтсам, куч оламан «дўстлик» сўздан, Бу сўзда ўтилган йиллар намоён. Э. Раҳим.

НАМОЗ [ф. *نماز* — мусулмонларда олло-таолога ибодат, дуолар] 1 Мусулмонларнинг кунига беш маҳал қилинадиган ибодатлари мажмуи ва уларнинг ҳар бири. Эрталабки намоз. Кечки намоз. Жума намози. Намоз ўқимоқ. ■ Меъмор ювиниб, таҳорат қилиб, намозни ўқиб олган, ҳовлига чиқди. Понуштага ҳозирлик қилишни шогирдларига топширди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Умуман, ибодат. ■ Юсуфжон, мусулмонсан, намоз, рўза урнига масҳарабозлик қилиб, аҳли имон, аҳли растани тоат-ибодатдан қўяр эмишсан. Ташла бу касбни, гўмроҳ бўлма, — деди эшон. К. Яшин, Ҳамза.

Намоз куни Ҳайитнинг намоз ўқаладиган биринчи куни.

3 Намоз (эркаклар исми).

НАМОЗГАР [ф. *نمازگار* — бошқа, бошқа пайтдаги намоз; аср намози] 1 Кун ботиш олдида ўқиладиган намоз, беш вақт намознинг учинчиси.

2 эск. Кун ботиш олдидаги пайт. Шукуни намозгаргача. уруш бўлиб, Асқар понсад оғзидан ўқиб ўлибди. А. Қаҳқор, Қўшчинор чироқлари.

НАМОЗГОҲ [ф. نمازگاه — намоз ўқила-
диган жой; масжид] Кўп одам ййғиладиган,
катта маросимларда намоз ўқиладиган жой.

НАМОЗЛИК 1 Тоza, намоз ўқишда ки-
йиладиган кийим.

2 Намоз матни. *Кампир ҳар куни, шомдан
кейин Ғаффоржон шковимизни кўчага чи-
қармай, намозлик ва ҳар хил дуолар ўргатар-
ди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар.

НАМОЗХОН [ф. نمازخوان — намоз ўқув-
чи] Намоз ўқувчи; намозни канда қилмай-
диган диндор киши. *Ҳамза ҳожини минг-минг
намозхонлар ичиди, баланд овоз билан дуо
қилишди. Катталари «Ҳамза ҳожиси», кичик
қориваччалари «Ҳожии ака» дейдиган бўлишди.*
К. Япйан, Ҳамза.

НАМОЗХОНА [намоз + хона] Намоз
ўқиладиган бино, хона, жой. *Катта йўл бў-
йидаги маиший-техник хизмат кўрсати-
ладиган танҳо бир масканда.. намозхона ва
ошхона мавжуд эди.* Газетадан.

НАМОЗШОМ [ф. نمازشام — шом намози
ва у ўқиладиган пайт] 1 Кун ботиб, қорон-
ғилик туша бошлаган пайт, қош қорая
бошлаган вақт; оқшом. [Тиллабой] *Олдига
қўйилган овқатларни хўп еб олгандан кейин,
хуфтонни намозшомдаёқ чала-чулпа ўқиб
олиб, дарров ухlab қолар эди.* П. Турсун,
Ўқитувчи.

2 Кун ботгандан бироз кейин ўқиладиган
намоз, беш вақт намознинг тўртинчиси.
*Сўзни келган ерида тўхташиб, Ҳожибобо
имом бўлган ҳолда, намозшом ўқишга
кўзгалдилар.* Ф. Фулом, Шум бола.

Дили (ёки кўнгли) **намозшом бўлмоқ**
Дили қоронғи бўлмоқ, қаттиқ хафа бўл-
моқ, ранжимоқ. — *Хунук воқеадан дилим
намозшом бўлиб, хаёл суриб келаётган эдим,
Уринбойнинг сўзларица унча эътибор бер-
мабман, — деди Камол. Ҳ. Назир, Кўктерак
шабадаси.*

НАМОЗШОМАТЛАС Ипак газлама
(атлас)нинг бир тури. *Машинистка Робия-
хон турмушга чиққанда, битта жемпер
билан намозшоматлас тўёна қилганмиз,
ушанда сиз ўн тўрт сўмга қўл қўйгансиз,
тўғрими? С. Аҳмад, Сайланма.*

НАМОЗШОМГУЛ [ф. نمازشامگل — шом
пайти очиладиган гул] Гули кечкурун очи-
либ, эрталаб ёпиладиган кўп йиллик ва бир
йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг оқ, сариқ
ёки қизил гули. *Офтоб қайта бошлар, кў-*

*ланка майдон, Яна бош кўтарар намозшом-
гуллар. Секин мовийлашар қизарган осмон,
Оқариб кўрунар кумушранг йўллар.* А. Орипов,
Онажон.

НАМОЙИШ [ф. نمايش] 1 Бирор маро-
сим ёки байрам муносабати билан ўтка-
зиладиган, бирор мақсад билан уюштири-
ладиган оммавий юриш, ҳаракат. *Элмурод,
Эргаш, Муса, Омон ўша куни бўлган на-
мойишда саф олдиди навбатма-навбат
байроқни кўтариб бордилар.* П. Турсун,
Ўқитувчи.

2 Тажрибада, амалда кўрсатиш, намоеън
қилиш. *Денгизга ўхшаш тен-текис ерларда
занжирли тракторлар ўз қудратини намо-
йиш қилиб.. пароходдай сузиб юрарди.* Ш.
Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Кўчма Бирор нарсани кўрсатувчи,
намоеън қилувчи далил, бирор нарсанинг
муҳассам ифодаси. *Ҳаваскор артистларнинг
шаҳар ва қишлоқларда берган концертлари
фольклор қўшиқ ва рақсларининг ёрқин
намойиши бўлди.* Газетадан.

НАМОЙИШГОҲ [ф. نمايشگاه — на-
мойиш жойи] Намойиш ўтказиладиган жой.
*Толлар соя солиб турган кенг майдон асфальт-
ланиб, катта намойишгоҳга айлантирилди.*
Газетадан.

НАМОЙИШКОРОНА рвш. Атайин
ҳаммага кўрсатиб, очиқдан-очиқ. [Умида].
*биринчи қаторга, Бергернинг шундоқ рўпа-
расига келиб, курсини намойишкорона тарақ-
латиб ўтирди.* А. Мухтор, Чинор.

НАМОЙИШЧИ Намойиш қатнашчиси.
*Шаҳар кўчаларида намойишчиларнинг кети
узилмайди.*

НАМОЯНДА [ф. نماينده — вакил, вако-
латли] Бирор ижтимоий гуруҳга ёки соҳа-
га мансуб бўлган шахс; вакил. *Ўзбек адабиёт-
ти намояндалари. Фан намояндалари. — Кон-
гресс ишида фақат тиббиёт намояндалари-
гина эмас, шу билан бирга, кимё, физика фан-
ларининг намояндалари ҳам қатнашмоқда.*
Газетадан.

НАМРЕЗА [ф. نمریزه — тўқилган нам] айн.
шабнам. *Эрталабки намреза туфайли бўлса
керак, гуллар худди ҳозиргина узилгандек.* Н.
Аминов, Суварак.

НАМТОБ [ф. نمتاب] Намикқан, намни
сингдирган, нам ҳолатли; салқин. *Гулноз
отилиб, боғ кўчага чиқди ва Қичқириқ шало-
ласининг намтоб салқин ҳавосидан кўкрагини*

тўлдириб нафас олди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Машина эрталабки намтоб тупроқда жимжимадор тасмадек шиккита из қолдириб, район марказининг катта кўчасидан дала йўлига чиқиб кетди.* А. Мухтор, Чянор.

НАМУНА [ф. نمونه — анлаза, нусха; ўрнак, ибрат] 1 Бир турдаги нарсаларнинг шу нарсалар ҳақида тасаввур бера оладиган бир нусхаси, бўлаги, донаси. *Газлама намунаси. Галла намуналари кўргазмаси.*

2 Тимсол, мисол. *Қутбиддинлар икки кун давомида ложсувард конини ўрганишди, ўн килограммча намуна олишди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Юсуфжон қизиқ Шакаржоннинг ҳаётини ва ижодий йўли камтарлик, меҳнатсеварлик ва халққа сидқидилдан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.* Т. Обядов, Юсуфжон қизиқ.

3 Ўрнак бўла оладиган, ибрат олса, эргашса арзийдиган шахс ёки нарса; ибрат, ўрнак. *У меҳнатсеварликда ҳаммага намуна. Намуна кўрсатмоқ. Намуна олмоқ. Намуна мактаби.* ■ — *Биз мактабимиз билан фахрланамиз. Бу ерни битириб кетганлар бизга намуна ва ўрнак, — деди Аъзам Расулов.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

НАМУНАВИЙ айн. **намунали.** Район бўйича эмас, Ўзбекистон бўйича энг обрўли, намунавий колхозлар қаторига кўчади. А. Қодирий, Обяд кетмон. *Жамоатчилик ишларида фаол қатнашаётган, ўзининг намунавий хулқи, одоби билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган Барно зиммасига масъулиятли вазифа юкланди.* Газетадан.

НАМУНАЛИ 1 Ўрнак бўла оладиган, ўрнак, ибрат олса бўладиган. *Намунали хўжалик. Кўкламги чигит экишни намунали ўтказиш.*

2 Ҳаммага ибрат бўлсин учун махсус тапшиқ этилган, уюштирилган, ўтказилган. *Намунали суд.*

НАМУНЧА айн. **бунча.** — *Намунча ўйланиб қолдингиз, сиз бу қизлар билан қаерда танишган эдингиз? — деб сўради Нигора Самардан.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Вой-бў, гапира қолинг, намунча нафасингиз ичингизга тушиб кетмаса, Ғойиб ака? Ж. Абдуллахонов, Орият.*

НАМУХУШ [ф. نمخشک — ярим (чала) қуруқ] шв. Нямхуш, бироз намли. *Туйчибой ака шу гапларни айтгунча терлаб кетди, белбоғига қистириқли намхуш рўмолчаси*

билан юзларини, пешонасини артди. С. Маҳкамов, Дала тонги. *Намхуш ҳавода қиш уйқусини тарк этган тупроқнинг майин исси оҳиста қанот қоқади.* Ў. Шошимов, Нур борки, соя бор. *Намхуш шамол эсади Жунариқ соҳилидан..* Х. Салоҳ.

НАМЧИЛ Нами бироз сақланган. *Жумабой ака ер ҳиди келиб турган намчил пахтазор четига чўнқайиб, бир қисм майин тупроқни кафтида аста ёзаркан, гўё у билан гаплашарди.* Ў. Усмонов, Ўжар одамлар.

НАНАЙ қ. **ванайлар.** *Нанай тили. Нанай аёл.*

НАНАЙЛАР Россия Федерациясида Амур дарёси водийсида яшовчи кичик халқ.

НАННА бол. Нон; овқат.

НАПОРМОН қ. **нафармон.** *Ариқча бўйидаги атиргул, қизил гул, напормон гуллар очилиб ётибди. Қирлардан эсаётган майин шабада ана шу гулларнинг гунчаларини ёзмоқда, япроқларини учуриб келиб, Адолатнинг бошига сочмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Гуллар жилвасидан товланади боғ, Гунафша, гулсафсар пушти, напормон. Миртемир, Танланган асарлар.*

НАР [ф. نر — эркак жинсидаги; эркак; жасур, мардона] Эркак жинсли ҳайвон ёки парранда. *Маълумки, канарейкаларнинг фақат нари сайрайди, холос.* «Фан ва турмуш».

НАРВОН [ф. نردبان — зина, зинапоя; шоти] Икки ёни узун ёғоч ёки металл ва унга қўндалангига маҳкамланган ёғоч ёки металл погоналардан иборат, юқорига чиқиб ва тушиш учун ишлатиладиган асбоб; шоти. *Томга нарвон қўйиб чиқмоқ. Нарвонга чиқсанг, шошмай чиқ, Ўз ҳаддиндан ошмай чиқ!* Мақол. ■ *Отхона олидаги нарвонга кўзи тушиб, нарвонни кўтарганча болохонага қўйди-да, тепага кўтарила бошлади.* У. Исмоилов, Сайланма.

НАРГИС [ф. نرگيس — юн. Narkisos — юнон мифологиясида: ўз ҳуснига ошиқ бўлиб, шу ишқдан ҳалок бўлган ва маъбуллар томонидан шу номдаги гулга айлантирилган ёш йигит] 1 Оқ ёки сарияқ гулли кўп йиллик ўт ва унинг чиройли гули.

2 Наргис (хотин-қизлар исми).

НАРД(А) [ф. نرد — ўйин тури] Рақиб томонларнинг шашкаларни ўйин тахтасининг икки қарама-қарши томонига жойлаштириб, уларни ўртага отилаётган соққаларнинг кўрсаткичлари (холлари)га қараб

уяча (катак)лар бўйича суриб, уячаларни тезроқ тўлдиришдан иборат қадимги ўйин ва шу ўйин учун керак бўладиган нарсалар йиғмаси. *Нард ўйнамоқ. Нардани тезроқ олиб кел.*

НАРЁК 1 Нариги ёқ, нариги томон. - *Бувимлар келишдимми? Ҳаёт калласи билан “ҳа” ишорасини қилди-ю, нарёққа ўғирлиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ариқ нарёғидан бошланган полизда қатор-қатор тизилишган карамлар ой нурида кумушдек товланар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Давоми, кейини; бошқа жиҳати. *Бизнинг вазишариз — маълум қилиш, нарёғини ўзлари текширишади.* Ё. Хаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

НАРЗАН [Кисловодск (Россия Федерацияси)даги булоқ номи] Карбонат ангидрид-сулфатли шифобахш минерал сув. *Билмадик, Ҳайдаров шундан буён Пискентининг сувиши ичаятими, йўқми ёки ташналигини нарзан, пиво, қимиз дегандай бошқа ичимликлар билан қондириб юрибдимми?* Газетадан.

НАРИ *рвш.* 1 Сўзловчидан ёки сўз бораётган пайт ё ўриндан узоқ, олис. *Нари тур. Ҳечқиси йўқ, бир кун нари, бир кун бери. Вокзалдан нари. Тошкентдан нари.* ■ *Анварни ўзлари турган маҳалладан бир гузар нари бўлган Солиҳ маҳдумнинг мактабига берди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [Қизлар] Энди “нари ёт, бери ёт” билан бир-бирларини танириб, суриб, кўрпани тўрт томонга тотишиб, жанжаллаша бошладилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 (ч. к. билан) кўм. *взф.* Кейин; ўтгач. *Мактабдан нарими, берими?*

Кўздан нари Одам ёки одамлар назаридан йироқ; холи, панада. *Кўздан нари — кўнгишдан нари.* Мақол. **Нари борса ёки нарисин билан** Ортиғи билан, кўпи билан, жуда бўлса. *Нариси билан, ўн кунлик иш.* ■ *У [хотин] истараси иссиққина, нари борса, йиғирма беш ёшларда.* эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Нари олиб бориб, бери олиб келмоқ** Роса қийнамоқ, қийнаб ўласи қўймоқ. *Овқат ҳазм бўлмай, мени нари олиб бориб, бери олиб келди. Наридан турсин* У ёқда турсин, тугул. *Бизда милтиқ нари турсин, бир косов ҳам йўқлигини ўзингиз яхши биласиз.* С. Айний, Қуллар. **Ундан нари(га)** Ажаб бўлибди; ҳечқиси йўқ. *Келса келар, келмаса ундан нари(га). Ҳаёлидан (ёки кўз олдида)*

нари кетмаслик Унута олмаслик, кўз олдида довм намоён бўлмоқ. *Остонада ўша қиз, шунча кундан буён унинг ҳаёлидан нари кетмай қолган ўша қизнинг ўзгинаси турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Уйда ёлғиз утирганида ҳам, шидда ҳам Гулхайрининг назокатли боқишлари, ҳароратли лаблари кўз олдида нари кетмай, юрагига ўт туташади.* С. Нуров, Нарвон.

НАРИ-БЕРИ *рвш.* 1 У ёқ-бу ёққа, турли томонга. *Нарсаларни нари-бери сурмоқ.* ■ *Сафаров тугаган папироснинг чўғидан иккинчисини тутатиб олиб, нари-бери юрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *айн. наридан-бери.* - *Уйга келгач, электр чойнакда чой қўйиб, нари-бери овқатланди-да, “Қани, жўра, ҳикоянгни бошла”, дедим, — деди Шокиржон.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

Нари-бери бўлмоқ Айтишиб қолмоқ, орадан гап ўтиб, тескарилашиб қолмоқ. *Умарбек билан бироз нари-бери бўлиб қолган эдик, ҳайтовур, тагин орани очиб юбордик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НАРИГИ Сўзловчидан ёки сўз бораётган пайт ё ўриндан наридаги; узоқдаги, олисдаги; бошқа. *Нариги уй. Нариги ҳафтада бораман. Ариқнинг нариги томонига ўтмоқ.* ■ *Кейин чуқурнинг нариги бетида, эски қоп тагида ётган бир қанча темир понани олиб чиқиб кўрсатди Қудрат.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Айвоннинг нариги ёнидаги дарича орқали уйга киришур эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НАРИДАН-БЕРИ *рвш.* 1 Шоша-пиша; енгил-елши. [Уста] *Бир пиёда чойни наридан-бери ичди-да, ўрнидан турди.* О. Ёқубов, Ларза. *У [Сидиқжон] юраги ғаш бўлди-да, отхонадан отни олиб чиқди, наридан-бери эгарлади-да.* онасининг кетидан от қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Чалакам-чатти, чала-чулпа, “мендан кетгунча, эғасига етгунча” зайлида. *Ҳар қандай масалани ўзбошимчалик билан наридан-бери ҳал қилишга тиришадиган Тожибой бу сафар бирор кимсанинг маслаҳатига, қўллаб-қўлтиқлашига муҳтож бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАРИЁК *айн. нарёқ.* *У [Аҳмаджон] ярим хароба уйнинг муволишидан чиқиб, катта кўчага қараган эди, нариёқдан юзуриб келаятган ёшгина бир қизил аскарни кўриб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

НАРИЛАМОҚ Нарв кетмоқ, узоклашмоқ. *Ҳамма секин бои кўтариб, у ёқ-бу ёққа қаради. Дарҳақиқат, чанг-тўзон анча нарилаб, Карка томонга кетарди.* Мирмуҳсин, Меъмора.

НАРКО- [юн. *narkotikos* — донг қотирувчи, гангитувчи, мияни айнитувчи] Ўзлашма байналмилал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «наркотиклар», «наркозга оид» маъноларини ифодалайди (мас., *наркология, наркомания*).

НАРКОБИЗНЕС [нарко. + бизнес] Уюшган жиноятчи гуруҳ ва тўдаларнинг наркотиклар (гиёҳванд моддалар) ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ фаолияти. *Мамлакатларимиз террорчилик, экстремизм, наркобизнес.. каби таҳдидларга қарши кураш борасида ҳам ҳамфикрдир.* Газетадан. *Афсуски, биз дунёга осойишталик ис-таймиз, дея ҳайқираётган жаноблар наркобизнес вабосига негадир жиддийроқ қараш-маяпти.* Газетадан.

НАРКОЗ [юн. *narkosis* — гапиролмай қотиб қолиш, донг қотиб, серрайиб қолиш] 1 Наркотик модда. *Даврон бир неча марта наркоз таъсирида бўлди, икки марта операция қилинди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Наркотик моддалар ёки электр токи таъсирида пайдо қилинадиган, тўлиқ ёки қисман беҳушлик, оғриқ сезгисининг йўқолиши билан кечадиган чуқур уйқу ҳолати. [Наркотик моддаларни] *Венага юбориб пайдо қилинадиган наркозда, асосан, уйқу дорилари.. ишлатилади.* «ЎЗМЭ».

НАРКОЗЛАМОҚ Оғриқсиялантирмоқ; наркотик модда бериб беҳуш ёки оғриқ сезмайдиган қилмоқ.

НАРКОЛОГ Наркология мутахассиси; гиёҳвандларни даволовчи врач.

НАРКОЛОГИЯ [нарко. + юн. *logos* — фан, таълимот] Психиатриянинг сурункали алкоголизм, наркомания ва ш. к. нинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганувчи ҳамда унинг олддини олиш, даволаш усулларини ишлаб чиқувчи бўлими. *Наркология диспансери.* ■ *Москвадаги наркология шифохонасида ярим тунда тўсатдан ёнғин чиқди.* Газетадан.

НАРКОМАН Гиёҳвандлик билан касалланган шахс. қ. *гиёҳванд*.

НАРКОМАНИЯ [нарко. + юн. *mania* — жиннвлик; қаттиқ берилганлик, қизиқиш,

интилиш] Наркотик моддаларга ўрганиб қолиб, уларни истеъмол қилмасдан туrol-маслик; гиёҳвандлик, бангилик.

НАРКОТИК *сфт.* Беҳуш қиладиган, ухлатадиган ёки вақтинча оғриқни сездирмайдиган. *Наркотик моддалар.* ■ *Қорадорни анча кучли наркотик модда бўлиб, организмга зарарли таъсир утказди.* Газетадан.

НАРКОТИКЛАР [юн. *narkotikos* — гангитувчи, мияни айнитувчи] 1 Гиёҳвандлик, наркоманияга сабаб бўлувчи табиий ва сунъий моддалар.

2 Беҳуш қиладиган ёки вақтинча оғриқни сездирмайдиган дори модда (мас., морфий, афюн ва б.). *Сабаби — бу ерда таркибида наркотик бўлган экинлар ўсиши учун қилми шароити қулай.* Газетадан.

НАРРА [ф. *нэ* — эркак; эркак жинсита мансуб] Эркак жинсидаги ҳайвон. *Тўйни қилур танни элим — нарра шер, Дашту дала тонди сафо, яли-яли.* Миртемир, Танланган асарлар.

НАРРАКИ *шв.* Касалга йўлиқиб ўсган сабзавот ёки насли бузилган ўсимлик. *Нарраки сабзи. Нарраки новда (ҳосил бермайдиган новда).*

НАРСА 1 Ҳар қандай моддий мавжудот; предмет. *Йўлдошнинг кўзи комиссарнинг тушидаги тангадек қора нарсага тушди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Хотиннинг бериб кетган нарсаси уч-тўрт букланган бир қоғоз эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳаёт, тирикчилик учун зарур ҳар қандай ашё, буюм, маҳсулот. *Ош — яхши нарса.* ■ *Мана сизда нарса бор экан, сотибсиз, бизда бир парча ердан бошқа кўзга илинарли ҳеч нарса йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чарос коридорда тесқари қараб турар, қўлида газетага ўралган патнисеа ўқиаш нарса бор эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

3 Умуман, ҳар қандай ҳодиса (тап, сўз, ўйин, кулги, иш, воқеа, ҳодиса ва ш. к.). *Барот полвон дунёда икки нарсани яхши кўрар эди. Биринчиси — кураш, иккинчиси — ошула.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Бегимхон хатни қайта-қайта ўқиди. Гуё хатда ҳамма нарса ёзилган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 с. т. Одам ва, умуман, жонли мавжудот ёки уларнинг сифатини билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, уларнинг шу сўзлар ифодалаган тоифага мансублигини ифодалайди.

Сен ёш нарса, қолавер, мен кетай, эртага озон билан колхозга чиқиб кетаман. Ойдин, Фонарь тағида. Урис амадореа тегажаклик қилишни унга ким қўйибди? Камбағал нарса чориғини судраб, тинч юрса бўлмасмиди?! Ойбек, Танланган асарлар.

Бир нарса Нимади, аниқ бўлмаган. *Кумушибиби хомуши эди. Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғи кучлимиди, ҳар ҳолда, намозшомғул каби ёниқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир нарса бўлдимми?** Нима қилди? нима бўлди? *Сизга бир нарса бўлдимми? Ҳеч нарса эмас* 1) арзирли нарса эмас. Унга қараганда бу ҳеч нарса эмас; 2) қийин эмас, осон. *Бу менга ҳеч нарса эмас.*

НАРХ [ф. نرخ — баҳо, қиймат] Нарса-нинг, буюминг пул билан ўлчанадиган қиймати; баҳо. *Ибодилла катта-кичик тарақларнинг нархларини бирма-бир айтди.* Ҳ. Фулом, Машғал. [Маҳдум болага:] *Йиғирма дона нон керак экан. Нархи қанчадан? деб дарров сўраб кел!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Нарх қўймоқ (ёки қилмоқ) Нархини белгиламоқ, баҳо қўймоқ, баҳоламоқ. *Бу молга беш сўм нарх қўйилди.* ■ «Холислар» ҳар бир ботмон жўхорини 10 танга нарх қилдилар. С. Айний, Эсдашқлар.

НАРХ-НАВО [нарх + ф. نوا — яшаш воситалари; фаровонлик, бойлик; гаров] Нарх, баҳо; нархлар, баҳолар. *Бозорда нарх-наво кўтариллиб, харидору сотувчининг тортишувлари авжга минган эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Савдо ходими — дунёнинг қай бурчида нималар бўляпти, нарх-наво қалай — ҳаммасидан хабардор, турли хил одамлар билан муомала қила оладиган илми ва дипломат одам.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

НАРЯД [р. нарядить — «топшириқ бермоқ; махсус ишга юбормоқ; тайинламоқ» фл. дан қўшимчасиз ҳосил қилинган от] 1 Бирор ишни бажариш учун бериладиган ёзма ёки оғзаки фармойиш ёки буйруқ. *Наряд ёзиб бермоқ. Нарядга мувофиқ ҳақ тўламоқ.*

2 Бирор нарса олиш ёки топшириш учун ёзиб берилган ҳужжат. *Складдан наряд билан мол олмоқ.* ■ *Полвон отам билан икковимиз колхоз дўконига наряди йўқ уч машина қовун оширган эмишимиз, тухмат.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 ҳарб. Ҳарбий хизматчилар бажарадиган ёки бажараётган топшириқ, вазифа. *Нарядда турмоқ.* ■ *Интизомсиз жангчига, интизомни бузгани учун, навбатдан ташқари икки наряд бериш керак бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *—Наряддагилардан бошқаларга дам берилсин, — деди Юрвев, телалик гарнизонини айланиб чиққандан кейин.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 ҳарб. Махсус хизмат вазифаларини бажарувчи ёки бажараётган ҳарбий хизматчилар гуруҳи. *Соқчилар наряди.* ■ *Паровоз тумшуғига иккита пулемёт урнатиб, саккиз кишилик наряд юборилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

НАС с. т. Наҳс.

НАСАБ [а. نسب — қон-қариндошлик; алоқа, муносабат] Келиб чиқиш, насл-насаб; бир ота-бободан тарқалган авлод. *—Бу насаби настега итотатни қачон ўқитасиз? — ўшқирди у.* Ш. Тошматов, Эрк қуш. *Иброҳим ота ҳикояни бошлашга мажбур бўлди: —Асл насабиюми — эронлик ўзбек..* Ж. Шарипов, Хоразм.

НАСИБ [а. نصيب — улуш, қисм; тақдир, қисмат, толе] Кишига тақдирда буюрилган ҳисса, улуш; тақдир.

Насиб бўлмоқ (ёки қилмоқ, этмоқ) Тақдиран буюрилган ҳиссага муяссар бўлмоқ. *Бу ер — ари-аъло. Унча-мунчага насиб бўлмайдиган жой.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳай, мен нега уни бевақт уйғотаятман, ким билсин, бу хил уйқу кенжамга яна қачон насиб қилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳожи Маккаю Мадина тўғрисида гапирганда, эшон: —Насиб бўлса, биз ҳам борамиз, — деб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАСИБА [а. نصيبه — улуш, қисм; тақдир; омад, яқбол] 1 Кишининг тақдиран буюрилган ўз ҳиссаси, улуши. *Ишимдан хурсандман. Энди битта-яримта насибаси қўшилган хотин чиқиб қолса, уйлансам, деган уйим ҳам йўқ эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшқинор чироқлари. *Юртим, сенда экан насибам тугал, Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Умуман, ҳисса, улуш; ризқ. *Бу — сенинг насибанг.* ■ *Йўлчи бир сўмга ўзи нон-чой ичдида, оч қорнини бир қадар овутиди, қолганини “Унсиннинг насибаси”, деб белбоққа тугди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Насиба (хотин-қизлар исми).

НАСИБАЛИ Насибаси улуғ, ризқи баян; бахтли.

НАСИБАСИЗ Насибаси, толея паст; бахтсиз. *Насибасиз қилмоқ. Насибасиз қолмоқ.*

НАСИМ [а. *نسيم* — майин шабада, сабо] *кт.* 1 Енгил, ёқимли шамол; шабада, сабо. *Ариқ бўйлари, толзорлар оралаб учган шабадалар, Самарқанд насимидай, қайноқ танларга қанот уриб, эркалаб, ором бериб ўтади.* Мирмуҳсин, Умид. *Колонналар тўлиб-тошади, байроқлар баҳор насими билан ўйнашади.* Миртемир, Танланган асарлар.

2 Насим (эркаklar исми).

НАСИЯ [а. *نسيه* — муҳлатни чўзиш, кечиктириш; қарз, кредит] 1 Нақд пулсиз, пулини кейин тўлаш шарти билан бўлган ёки бўладиган савдо муомаласи; кредит. *Молни насияга олмақ. Насияга сотмоқ.* ■ [Мирзакаримбой:] *..нақд пулга мол чаққон бўлган замонда сиз анча молни насияга сотибсиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жаҳон ота аллакимнинг боқиб қўйган қўзисини насияга олиб келди.* Р. Раҳмонов, Чангал-зордаги шарпа.

2 Шундай савдо муомаласига мувофиқ тўланадиган пул, қарз. *Энди гап шу: оёқни қаттиқ тиранг. Қозоқлардан насияни тезроқ ундириш, дурусти?* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўча с. т.* Дарҳол бажарилмайдиган, қилинмайдиган, берилмайдиган. *Бу ваодаларингиз ҳаммаси насия.* ■ *Кириб тарвузни қўлига берман-у, салом-алиқни насия қилиб, куён бўламан.* С. Аҳмад, Сайланма.

Насия савдо Амалга ошмайдиган иш; пуч, хом гап. [Мирзакарим Мاستурага:] *Кел, насия савдон қўй, нақддан гапиривер!* Ҳамза, Танланган асарлар. **Хайр-маъзури насия қилмоқ қ. хайр-маъзур.**

НАСИХАТ [а. *نسيحت* — самимий наслахат, ўгит; хайрихоҳлик, самимийлик] Яхши йўлга солиш, таълим бериш мақсадида айtilган гап; наслахат, панд, ўгит. *Оталар насихати. Насихат қилмоқ. Насихат бермоқ.* ■ *Тузалар, деб насихатимизни аямдик, вақти келганда, дўстона танқид қилдик.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўзингдан бир кўйлак ортиқ йиртган кишининг сўзига қулоқ солсанг, унинг насихатларини тингласанг, албатта, одам бўласан.* С. Айний, Қуллар.

НАСИХАТГҲЙ [насихат + ф. *گوي* — айтувчи] Насихат берувчи, насихат қалувчи.

Насихатгўй одам. ■ *Элмурод ҳамма вақт мулошим ва насихатгўй бу аёлнинг бу қадар ҳаяжонга тушганини ҳеч қачон кўрмаган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАСИХАТГҲЙЛИК 1 Насихат бериш хусусиятига эгалик.

2 Насихат бериш, панд, ўгит-насихат қилиш; ўгит-насихат. *Оқсоқол.. ора-сира чой хўлаб ўтириб, насихатгўйликка ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Онам одатдагидай насихатгўйлигини бошламоқчи эди, папкамини ола, кўчага чопдим.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

НАСИХАТОМУЗ [насихат + ф. *آمیز* — ўхшаш] Насихат йўсинидаги, насихат тарзидаги; панд-насихатга ўхшаган. *Насихатомуз гап.* ■ *Тожиёв осойишта, насихатомуз сўзлай бошлади: -Ҳурматли раисимиз бизга ҳосилни йиғиб олиш ҳамда қурилишни сусайтирмаслик ҳақида тўғри ва батафсил гапириб бердилар.* Р. Файзӣй, Чўлга баҳор келди.

НАСИХАТЧИ айн. **насихатгўй.** *Иш бит-гач, насихатчи кўпаяр.* Мақол.

НАСЛ [а. *نسل* — авлод, уруғ; бола-чақа; туғилган бола (ҳайвонларда)] 1 Бир авлод-аждодга мансуб кишилар уруғи, уларнинг келиб чиқиши, зоти, насаби, таги-тахти. *Наслини суриштирмоқ. Наслдан наслга ўтмоқ. Қазисан-қартасан, асли наслинга тортасан.* Мақол. ■ *Ал-Беруний, Ал-Хоразмий Ал-Фароб авлодидан, Асли насли балки узлуқ, Балки тархон, ўзбегим.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Келажак авлод, зурриёт. *Нимани мерос қилиб қолдирайин наслимга.* С. Ахбарий, Меҳриғӣй. *Баҳодир насли ҳам бўлгай баҳодир. На мушкул бўлса, ҳал қилмоққа қодир.* Ҳабибий.

3 биол. Маълум белги-хусусиятларга эга, бир турга мансуб ўсимликлар, бир зотга мансуб ҳайвонлар гуруҳи; уруғ, зот. *Ҳайвонларни дурагайлаб, янги насл олиш.* ■ *Биз от наслини тузатишда ҳам ҳали бир иш қилмадик.* А. Қодирий, Обид кетмон.

НАСЛАН рвш. Насл эътибори билан, насл жиҳатидан. *Бу йигит биздан наслан анча юқори туради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НАСЛДОР 1 Насли яхши; зотли, зотдор. *Наслдор моллар.*

2 Таг-тахтли, зодагон. *Тўғонбек шахзода хизматда бўлган наслдор, обрўли бекларни, мулозимларни четлатиб, тун-кун шахзодага чегарасиз ҳокимиятга интилган қув, муғом-*

бир руҳининг эҳтиросларини талқин этади. Ойбек, Навоий.

НАСЛДОШ Насли, зоти бир, бир уругдан таркаган.

НАСЛИЙ Наслга оид, наслдан наслга ўтиб борадиган. *Наслий хусусиятлар. Наслий ўзгаришлар.*

НАСЛИЙ айн. **наслдор 1.** *Насли сизирлар.*

НАСЛ-НАСАБ айн. **насл 1.** *Насл-насабини суриштирмоқ.* ■ *Мутавалли: -Баҳоваддинлик хўжалар насл-насабдан биз билан қандай барабар бўла оладилар.. - дебди. С. Айний, Эсдалиқлар. Насл-насаби номаълум, ота-онасининг ҳам тайини йўқ Қораилонни бари кимса ҳам эсламади, унинг исзиз йўқолганидан фуқаро эмас, ҳукмдорларнинг ўзлари ҳам хурсанд бўлдилар. Мирмуҳсин, Меъмор.*

НАСЛСИЗ Насл қолдирмайдиган, пушти йўқ. *Ҳачирлар наслсиз бўлади.*

НАСЛЧИЛИК қ. х. Ҳайвонлар ва паррандалар наслини, зотини яхшилаш, тақомиллаштиришга қаратилган ташкилий-зоотехник тадбирлар мажмуи. *Молларни яхши парвариш қилиш билан бир қаторда насличилик ишларини тўғри уюштириш ҳам қорамоллар маҳсулдорлигини янада кўпайтиришнинг катта резервидир.* Газетадан.

НАСОРО [а. نصارى — «насоний» с. кўпл.] Христиан динига мансуб киши, кишилар; христианлар, насонийлар.

НАСОС [р. насосать — «тортмоқ, сўрмоқ, тортиб (сўриб) олмоқ»] фл. дан қўшимчасиз ҳосил қилинган от] Суюқлик ёки газни тортиб чиқариш ёки юбориш учун қўлландиган асбоб, машина. *Велосипед насоси. Ҳаво насоси. Насос билан сув чиқармоқ.* ■ *-Биламан, нефть насосларини биламан, — деди шоишлиб Ҳусейн. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

Насос станцияси Суюқликни баландликка чиқариб бериш ёки уни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтказиш учун қурилган махсус иншоот.

НАСР I [а. نثر — сочиб, тўқиб ташлаш; проза] *ад.* Прозаик асар; вазн ва қофияга эга бўлмаган ёзма нутқ масули; *зид. назм. Назмга сиғдирилмаганини насрда берибди. Қаерни кўрсатган бўлсам, барини ёзибди. С. Анорбоев, Оқсой.*

НАСР II Шашмақом таркибидаги мақомларнинг ашула бўлими.

НАСРИЙ [а. نثرى — наср билан ёзилган] Проза жанрига мансуб, прозада ёзилган,

прозаик. *Сизнинг насрий асарларингиз, ҳикояларингизда фикр ёрқин, тил уткир ва гўзал сатирик чизиқлар бордир. Ойбек, Нур қдириб.*

НАСРЛАШТИРМОҚ Назмий йўл билан ёзилган асарни наср (проза) йўли билан бермоқ. *«Фарҳод ва Ширин» достонини насрлаштираётганида, Фафур Фулом яхши қўл-ёзмаларга суянган, шу асосда тўғри фикрлаб, тўғри хулосаларга келган. «ЎТА».*

НАСРОНИЙ [а. نصرانى — масиҳий, христиан; христианларга, христианликка оид] 1 от Христиан динига мансуб киши; насоро. *Ривоятларга кўра, Исо Масиҳ Носира номи шаҳарда туғилган бўлиб, уни Носирий деб атар эдилар. Унга эргашган кишини эса насроний деб юрта бошлаганлар. «ЎЗМЭ».*

2 сф. Христианликка, насронийликка оид, алоқадор. *Руслар Византия орқали насроний динини қабул қилган ва насронийлар маданиятини ўлаштирган қадимий халқ саналади. П. Қодиров, Тил ва эл.*

НАСРОНИЙЛИК Христианлик, христиан динига мансублик.

НАСТАРИН [ф. نسترن — оқ, қизил рангли, хушбўй гули бўлган ўсимлик] Бута ёки дарахт кўринишидаги, гуллари майда тўпгул, хушбўй, оқ, пушти, қизил рангли манзарали ўсимлик; сирень. ■ *Боғларда настарин гуллаб қолоди-ю, Баҳор хурмати-чун мен узиб олдим, Кейин ўз чаккамга тақийдан кўра, Бекамга тақдимин ўйлабон қолдим. Ф. Фулом, Қизларга. Ётоқхона ҳовлисидаги настариннинг хуш бўйлари димоғимга урилди. «Ёшлик».*

НАСТАЪЛИҚ [а. نستعليق — араб ёзуви турлари — نسخ (наسخ) ва تعلق (таълиқ) номларидан] 14-асрда шаклланган ва 15-асрда Ўрта Осиё худудига ҳам тарқалган араб мумтоз хат турларидан бири (наسخ ва таълиқ хатлари асосида яратилган). *Ҳофиз Қўйқий бу нодир асарнинг нафис настаълиқ хат билан кўчирилган нусхасини кўриб, шохлик теккан гадодек қувониб кетди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.*

НАСХ [а. نسخ — ёзишма; бекор қилиш; хат (ёзув) тури] Хаттотлик услуби, араб ёзувидаги мумтоз хат турларидан бири.

НАТИЖА [а. نتيجه — хулоса, якуни; оқибат, самара] I Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисадан пировардида келиб чиққан оқибат; иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисадан келиб чиққан

кўрсаткич. *Элмурод*. “булар иш бўлди, энди тишини тишга қўйиб, натижани кутиш керак”, деб ўзини овутиди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 с.т. Фойда, наф; самара. *Тўсатдан бошланган ҳужум яхши натижа бермади*. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Пулат отанинг тепасига келиб, уни ғазабда олишиди, авраижди — натижа чиқмади*. К. Яшин, Ҳамза.

3 Фпкр, муҳокаманинг мантиқий якуни; хулоса. *Натижа чиқармоқ*. *Натижага келмоқ*. ■ *Кўрунишдан натижа чиқариб айтганда, бу қизиқ мажлис унинг [Кумуш] учун базм ўрнини эмас, аза жойини тугтганди*. А. Қодирий, Утган кунлар.

НАТИЖАДА *рвш*. Охир-оқибатда, пировардида. *Об-ҳаво ёмон келиб, натижада олти-етти кунлик иш йигирма кунга чўзилди*.

НАТИЖАЛАМОҚ *Натижа* чиқармоқ, якун ясамоқ; натижага, хулосага келмоқ. *Гапни натижалламоқ*. *Тегишувни натижалламоқ*. *Имтиҳонлар анча қувончи якунлар билан натижаланди*. ■ *Отабекнинг бу синаши ўз фикрининг тўғри бўлиши билан натижаланди*. А. Қодирий, Утган кунлар.

НАТИЖАЛИ *Яхши натижа берган ёки берадиган; самарали*. *Натижали иш*.

НАТИЖАСИЗ *Натижасиз йўқ, самарасиз; бенатижа*. *Натижасиз уриниш*. ■ *Отабекнинг ўша вақтдан сўнгги Марғилон қатнашлари фақат натижасиз, қуруққина бир қатнаш эди*. А. Қодирий, Утган кунлар.

НАТРИЙ [*лот. natrium < юн. nitron — табиий сода*] Менделеев даврий система-спнинг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон юмшоқ ишқорий металл. *Эркин натрий*. *Натрий бирикмалари*.

НАТУРА [*лот. natura — хосса, хусусият; кпшининг худқ-атвори; табиий майл; табиат*] 1 Расмга, кинога олиш, сурат чизиш ва ш. к. учун объект бўлган табиий манзара, нарса, одам ва ш. к. *Натураддан суратга олиш*. *Натура танлаш*. ■ *Боидан-оёқ натулада суратга олинган жуда кўп фильмларни мисол қилиб кўрсатса бўлади*. С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

2 *иқт*. Пул ўрнига тўланадиган мол, маҳсулот. *Натура билан ҳақ тўлаш*. ■ *Колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, улар меҳнатини натура ва пул билан рағбатлантириш системаси такомиллаштирилди*. Газетадан.

НАТУРАЛ [*лот. naturalis — табиий, туғма; асл*] 1 *Натура* (мол, маҳсулот) билан олин-надиган, бериладиган, тўланадиган. *Натурал даромад*. *Натурал солиқ*.

2 Табиий ҳолатдаги; табиий, асл, ўз. *Жисмининг натурал катталиқдаги сурати*.

Натурал сонлар Оддий ҳисоблашда қўланадиган бутун мусбат сонлар. **Натурал хўжалик** Бозорга чиқариб сотиш учун эмас, балки ўз аъзоларининг эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган хўжалик.

НАТУРАЛИЗАЦИЯ [*фр. naturalisation < лот. naturalis — ҳақиқий, қонуний*] Чет эллик шахснинг маълум давлат фуқаролигига қабул қилиниши; чет элиқнинг шундай ҳуқуққа эга бўлиши.

НАТУРАЛИЗМ [*фр. naturalisme < лот. natura*] 19-асрнинг 60-йилларида Франция, 19-асрнинг сўнгги чорагида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида пайдо бўлган ва реал борлиқни объектив (ўз ҳолича), аниқ ва ҳрссиз акс эттиришга интилган оқим ва ижодий метод. *Адабиётда натурализм инсон характериини илмий (экспериментал) ўрганишни мақсад қилиб қўйди*. «ЎЗМЭ».

НАТУРАЛИСТ 1 Табиатни ўрганиш билан шуғуланувчи олим, табиатунос.

2 *Натурализм тарафдори*.

НАТУРАЛИСТИК *Натурализмга оид*. *Натуралистик йўналиш*.

НАТЮРМОРТ [*фр. nature morte — ўлвк табиат*] Тасвирий санъат жанри; портрет, пейзаж ва ш. к. мавзулардан фарқли равишда жонсиз предметларни тасвирлаш. *Аксарият рассомлар натюрмортни ранглариин бойитиш учун яратишади*. Газетадан.

НАУШНИК [*р. наушник — қулоқчин; қулоққа тутладиган мослама*] Рақия ёки телефон орқали берилётган хабарни қулоққа тақиб эшитадиган мослама; гўшак. *Майор рақия орқали ўзи команда бериб, самолётларни қўндиришга аҳд қилди-да, Русановдан наушникни олиб қулоқ солди*. Ҳ. Гулом, Тошкентликлар.

НАФ [*а. نفع — фойда, манфаат; яхшлик; бойлик*] Бврор иш ёки нарсадан олинган ижобий натижа, таъсир; фойда. *Янги машиналар пахтачиликда жуда катта наф келтирмоқда*. *Наф қилмоқ*. *Дори ҳеч наф қилмади*. ■ -*Сенинг бир ҳафта ортиқ ишлаганинг ёки ишламаганингдан менга нима*

нафу нима зарар? — деди бой аччиғи келган ҳолда. С. Айнӣй, Қушлар.

НАФАР [а. نافر — бир неча киши; бир киши] нумератив с. (фақат шахс-киши билдирувчи суз билан) Адад. Ёнига турт нафар ясову олиб, Султонали йўлга тушиди. А. Қодирӣй, Меҳробдан чаён. Амалдор маҳрам Ёдгорни зиндондан чиқарди, зиндон-бон унга турт нафар қуролли сарбозни соқчи қилиб берди. С. Айнӣй, Дохунда.

НАФАРМОН [ф. نفرمان] Оч бинафша, қизғин бинафша рангли. Олма гули нафармон, Корхонага чопарман. «Кўшиқлар». Фил суяғидан ясалган бежиримгина қутичанинг тағида кўк, қизил, нафармон ва яна алақандай нозик рангларда жилоланган йирик бир жавоҳир ётарди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

НАФАС [а. نفس — ўпкага олинадиган ва чиқариладиган ҳаво] 1 Узлуксиз биологик жараён, яъни ўпкага олинадиган ва ундан чиқариладиган ҳаво; дам, тин. Сунгги нафас. Оғир нафас олмоқ. ■ Яна юрак ўйнаб, нафас бўғизга тиқилди. М. Исмоилӣй, Фарғона т. о. -Жуда жабр қилади, — деди Сидиқжон чуқур олган нафасини гап билан бўшатиб. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Совуқ шамолда шовуллаб турган қамишзор манзараси очилиши билан Ботмирили муздек ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди-да, туқайга кириб кетди. Ҳ. Ғулом, Мапғал.

Нафас йўллари Одам ва ҳайвонларда ҳаво ўтказадиган аъзолар. **Нафас чиқармаслик** ёки **нафасини ўчирмоқ** Жим ўтирмоқ, гапирмай ўтириш. Шу хужрага қамалларинг. Кундузи нафас чиқармайсанлар. Ойбек, Танланган асарлар. -Нафасингни ўчир! ..Туф, туф! — деди Бувинисо кўксига туфлаб. П. Турсун, Ўқитувчи. **Нафаси ичига тушиб кетмоқ** айн. дами ичига тушиб кетмоқ қ. дам 1. Ораларингизда анчагина гап ўтган экан. Шунинг учун ҳам сиз у ерга кириб бошингиз билан нафасларингиз ичларига тушиб кетган экан. П. Турсун, Ўқитувчи. **Нафаси узилди** Ўлди. Эшон Шайхулло дуо ўқир, бемор кампирнинг нафаси узилмай, уйига етиб олишини худодан тиларди. Ш. Тошматов, Тонгдиги кўланка. **Нафасини ростламоқ** қ. ростламоқ 2.

2 кўчма с. т. Бўлажак иш ҳақида оғиздан чиққан гап, изҳор қилинган ният. Ёмон

нафас. ■ [Хадича Дадавойга:] Нафасингизни совуқ қилманг! Уйғун, Навбахор. Нафасингизни иссиқ қилинг. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

Нафасинг ўзингга урсин Ёмон ният қилган, совуқ хабар келтирган кишига нисбатан айтиладиган ибора.

3 Жуда қисқа вақт; лаҳза, он. Бир нафасда. Бир нафасга. Нафас ўтмай. ■ Булутли, хомуш оқшом зулмати нафас сайин қуюқлашиб, баҳайбат қоп-қора қанотларини уфқлар устига тез ёйиб келмоқда. П. Турсун, Ўқитувчи. Мана, Меҳринисо она биладилар, онам мени бир нафас олдидан қўзғатгиси келмайди. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

4 этн. Дуохон, азайимхон ва ш. к. солган дам кучи. Уйимизда бир бечора бемор бор, шайтонлаб ётибди, тақсир, бориб дам солиб келинг, шояд нафасингиздан шифо топса. Ойбек, Танланган асарлар.

Ўтқир нафас(ли) Кучли дуохонга нисбатан айтилади. Бундан уч ой илгари, Нурини ўтқир нафасли домлага олиб борган кун, ташқари ҳовлида қорда чуққайиб идиш ювган бу қизга унинг кўзи тасодифан тушган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

5 Ҳд, ис. Қиши билан тор уйларда диққинафас бўлган кишиларнинг димоғига адирлардан гиёҳларнинг хушбўй нафаси келиб урилади. С. Аҳмад, Ҳукм.

6 Ҳарорат, об-ҳаво. Яқинлашиб келаётган қишининг нафаси теваарак-атрофда кезиб юрибди. Газетадан.

НАФАСДОШ кам қўлл. айн. ҳамнафас.

НАФАСЛИК: бир нафаслик Жуда оз вақт давом этадиган, бир лаҳзали. Бир нафаслик сукунат. ■ Бир нафаслик зилзиладан кечаги шаҳарлар бугун сахрога айланади. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

НАФАСҚИСМА айн. астма, зикнафас. Амманнинг нафасқисма касали бор эди. «Ёшлик».

НАФАҚА [а. نفقة — харажат; алимент] 1 Муҳтож одамларга ёрдам сифатида бериладиган пул; ёрдам пули.

2 Ўзидан бўлак турадиган хотин ёки эрга (етим, балоғатга етмаган болалари учун) ёки меҳнатта яроқсиз ота-онага қонунчилик асосида тўлаб туриладиган таъминот пули; алимент. Нафақа бермоқ. Нафақа тўламоқ. ■ Мен шундоқ гумон қиламанки, ё

болани ташлаб кетгани келган, ё нафақа сўрагани. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 эск. айн. **стипендия**.

НАФАҚАТ юкл. Таъкид маъносини қучайтиради; ..дан ташқари, ..гина эмас каби маънони билдиради. Бу ҳақда у нафақат мамлакат, жаҳон археологлари эътиборини жалб этган китоб яратди. С. Кароматов, Сўнгги бархан. Нон нафақат моддий бойлик, балки у маънавий бойлик ҳамдир. Газетадан.

НАФАҚАХҲҲҲ [нафақа + ф. *خور* — еювчи] Нафақа олувчи, нафақа билан таъминланган шахс. Жума куни маҳалла оқсоқоли ва маҳалладаги бир қанча нафақахўрлар узунқисқа бўлиб кириб келиди. Газетадан.

НАФИС I [а. *نفيس* — қимматбаҳо] I Гўзал ва нозик, латиф. *Нафис газлама.* ■ Шамол нафис япроқларни узади, ҳавода, эркинликда бирпасгина улар билан уйнашиб, эркалаб, сўнг ерга ташлайди. Ойбек, Куёш қораймас. Унинг [Кумушининг] нафис қора сочлари орқа-ўнгига тўзғиб, ажиб бир манзара бердилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нозик ва ёқимли. *Икковнинг кўзларида эҳтирос чақмоқ чақар, улардан гўё баҳор гулларининг нафис ҳиди анқирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Бадний жпҳатдан жуда юксак, гўзал ва нозик. *Нафис ши.* ■ Шоирнинг нафис шеърлари ҳозир унинг учун тузсиз сўзлар йиғиндидан бошқа бир нарса ҳам эмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 эск. айн. бадний. *Уртоқ Бақоев ўйлаб туриб сўради: -Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради? А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллим.*

НАФИС II Олманинг эрта ҳосилга кирадиган қишқи нави.

НАФИСА [а. *نفيسه*] 1: саноий нафиса қ. саноий. *Лекин кўкариб кела бошлагон ўзбек саноий нафисасининг тегига қайноқ сув тўкилди.* А. Қодирий, Кичяқ асарлар.

2 Нафиса (хотин-қизлар исми).

НАФИСЛАМОҚ Безамоқ, чиройли тус бермоқ. *Улар [безакчилар] тоннель йўли деворларини ҳар хил шаклдаги гуллар билан нафислайдилар.* Газетадан.

НАФИСЛИК I Нафис, нозик хусусиятга эгаллик.

2 айн. нафосат.

НАФЛ [а. *نفل* — зарур бўлганидан ортиқ, кўшимча намоз] Намоз тури. *У кишининг кўп вақтлари тасбеҳ ўғириш, нафл намозларини ўқиш билан ўтар эди.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

НАФЛИЛИК иқт. Товарлар ва хизматларнинг ўз хусусиятларига кўра эҳтиёжларни қондириш хоссаси ёки уларни ястеъмол қилишдан ҳар бир шахс оладиган муайян қониқиш. *Ҳар қандай неъматларнинг нафлилик даражаси унинг табиий хоссалари ва сифатига боғлиқ.* Газетадан.

НАФОСАТ [а. *نفاست* — аҳамият; қимматбаҳо нарса, бойлик] кт. Нарса ва ҳодисаларнинг ташқи кўринишидаги алоҳида мукамалликни, мутаносибликни ифодаловчи белгилар мажмуи; нафислик, гўзаллик, латофат. *Табиатнинг сеҳр ва нафосат тўла манзараси.* ■ Замиранинг.. аччиқланганда ҳам нафосатини йўқотмайдиган юзи жазманига янада чиройли кўринди, шекилли, йигит ширин илжайди. П. Қодирий, Уч илдиш.

НАФРАТ [а. *نفرت* — жирканиш; ёқтирмаслик] Бирон-бир шахсга ёки шахсларга, амалий фаолиятга нисбатан қаттиқ ғазаб ва жирканиш туйғуси, ғазаб аралаш жирканиш. *Нафрат қилмоқ.* ■ Полвонларнинг бирига муҳаббат, иккинчисига нафрат билан қараб турган халқ кўзида, унинг ҳаяжонли юзида икки дунё кураши акс этгандек эди. М. Исмовлий, Фаргона т. о. Унсин Мирзакаримбой уйдан нафрат қилгани учун, бир маҳаллада бўлишига қарамай.. сийрак қатнар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

НАФРАТЛАНМОҚ Бирон-бир шахсдан, унинг қилган ишларидан ғазаб аралаш жирканмоқ, нафрат қилмоқ. *Шербек йигитнинг юзсизлигидан нафратланди.* С. Анорбоев, Оқсой. *У ерда, одамлар орасида Ҳаётнинг отаси Мадаминхўжа ҳам бу бедодликдан нафратланиб, Ғуломжонга жавдираб қараб турар эди.* М. Исмовлий, Фаргона т. о.

НАФРАТЛИ Нафрат билан тўляб-тошган; жирканч. *Нафратли хатти-ҳаракат.* ■ Маҳжамга қисқа ва нафратли назар ташлади-да, шошильмай энгаиди. П. Қодиров, Уч илдиш.

НАФРАТОМУЗ [нафрат + ф. *آميز* — ўхшаш] Нафрат ифодаловчи, нафратнамо. *Ниҳоят, ичкаридан Малика чиқди. Эсонга*

нафратомуз қараб олгач, Саломнинг қўлидан ушлади: -Кетса кетавермайдим, нима қиласиз ялиниб?! - деди у. Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ?

НАФС [a. نفس — қалб, кўнгил; инсон; мақсад, интилиш; гурур, мағрурлик] 1 Эйиш-ичишга, мол-дунёга бўлган эҳтирос. Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга соладир. Мақол.

Нафс бандаси Нафсдан бошқани ўйламайдиган. -Нафс бандаси.. Биров шидан келса, сиз ошдан келасиз, - деди Мели полвон жаҳли чиқиб. П. Турсун, Ўқитувчи. **Нафси бузуқ** (ёки ёмон) Овқатдан сира қайтмайдиган, нафсини тия олмайдиган; ҳирсли. **Нафси бузуқ ҳайитда** ўлар. Мақол. **Нафси ўлик** (ёки тўйиқ) Нафсини тия оладиган, ҳар нарсага суқ билан қарайвермайдиган. **Нафсига ўт тушмоқ** Нафси ҳаддан ташқари авж олмоқ; нафси ҳақалак отмоқ. **Нафсини тўймоқ** Нафсига эрк бермаслик, узини сақламоқ. Кўзинг оғриси, қўлиниги тий, ичинг оғриси, нафсиниги тий. Мақол.

2 **Шаҳвоний ҳирс**. [Фотима ўз-ўзига:] Бундай ўз нафсларига берилган зотлар бировнинг ҳалол хотинига кўз тикиб, ҳаётда ҳеч бўлмаган ёлгон сўзларни қилиб, ширингина бир турмушни бузмоқчи бўладилар. Ҳамза, Тўхматчилар жазоси. Бойваччанинг кўзида ҳар бир хотин унинг нафси, ҳирси учун яратилган чиройли мева эди. Ойбек, Танланган асарлар.

Нафси олинмоқ (ёки оғримоқ) Нафсониятига тегмоқ, кўнгли оғримоқ. Бундан нафси олинган Соли ота жаҳлига чиқолмай, олдида дўмбиллаб юрган набирасини уйдан кўзди. А. Қаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. У [Ғулломжон] нафси оғриган киши товуши билан қулфи дилини очди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАФСАМБИР с. т. Нафсвлар. Бошдан оёқ янгидан иш бошлаган колхоз ёшларининг бу ғайрати, нафсамбирга, ҳайратда қоларли эди. М. Жўра, Кўёшдан нур эмганлар.

НАФСИЗ Фойдасиз, бефойда. Дунё танниш-билиш, ғумонлар юкин Қўтариб кексаяр бекор ва нафсиз. В. Зоҳидов, Ҳаётбахш бадият тароналари.

НАФСИАМР [a. فى نفس الامر — ҳақиқатда] 1 Ҳақиқатга мос; тўғри, рост. -Бэ-э-э, гўрними, тақсир! - деди Сафар бузчи, - у гапни қўйинг, нафсиламр гап яхши. А.

Қодирий, Меҳробдан чаён. - Уни қаранг, нафсиларини айтганда, ота-бобомизнинг замонида ҳам бунақанги пахтани ҳеч ким кўрмаган, - деди Шермат. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 **кри с.** Ҳақиқатда, ҳақиқатан ҳам. **Нафсиларга, насия жаннатдан кўра бир отим нос афзал!** Н. Мақсудий, Лайлатулжадр. -Нафсилар, гапингиз жуда тўғри.. - деди Йўлчи. Ойбек, Танланган асарлар.

НАФСОНИЯТ [a. نفسانيت — худбинлик; ёқтирмаслик, ёмон кўриш] Кишининг ўз назаридаги қадр-қиммати, обрў-эътибори; гурур; иззат-нафс. Бўтабой ака, масалага кенгроқ, нафсониятга берилмай, холисроқ қараш керак бўлар. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари. Барот полвон мингбошига ҳайрон бўлиб қараб қолди. Айниқса, иззатини билмаган, деб ўшқиритиши нафсониятига тегди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НАФСПАРАСТ Нафсига берилган, нафсининг қули. Одамлар орасида савдо ходимларига нисбатан, улар ўз манфаатларини ўйлайдиган, мол-давлат орттиришига ҳирс қўйган нафспараст кишилар, деган гаплар ҳам юради. Шукрулло, Жавоҳирлар сандивги.

НАФТАЛИН [юн. parphtha — нефть < ф. نفت — нефть] Ўтқир ҳидли, қаттиқ оқ кристалл модда (техникада ва куядори сифатида қўлланади). Билдим, аммам сандиқ очяпти.. Кўп ўтмай, нафталин ҳиди анқиб турган қўйлакни ёзиб, ёнимга келди. Р. Азпэхўжаев, Яшил чайла.

НАФТАЛИНЛАМОҚ Нафталин сепмоқ, нафталин билан ишлов бермоқ. Лобар учун энг азиз нарса битта: бисот, қўш сандиққа тиқиб нафталинлаб қўйилган моллари. Ҳ. Ғуллом, Тошкентликлар.

НАҲ с. т. Наҳ, -Бу — бир ит! — деди уста Фарфи. — Томдаги луқмани ўзи ҳам еёлмайди, бошқага ҳам едирмайди, нах итининг ўзи! А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Ҳолмат Қодирқўлга:] Яхши ҳам келганим, йўқса, зиёфат деб нах жанозангизнинг тепасидан чиқар эканман! Ҳамза, Бой вла хизматчи.

НАХТ Наҳ, худди, айнан. Қўзлари ёмон аблаҳнинг, нахт жодугарнинг қўзлари, Отин! Сиз, у келганда, ташқарига қарайдан эҳтиёт бўлинг! П. Турсун, Ўқитувчи.

НАХЎТАК Бир йиллик сертук ўт. Сапсарик қоқилар, қўқ-қизғиш нахўтақлар орасида узоқдан қип-қизил гиламга ўхшаб кўзга ташланадиган — қийғос очилган лолақиз-

галдоқлар бор эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ [ингл. nationalisation < лат. natio, nationis — миллат, халқ] Айрим шахс ёки бирлашмаларнинг хусусий мулкка бўлган ер, ишлаб чиқариш корхоналари, транспорт, банк ва б. ларни давлат ёки жамият мулкига айлантириш, давлат ихтиёрига олиш. *Ерни национализация қилиш.*

НАЧОРА криш. с. *взф.* Илож қанча, нима ҳам қила олардик; илож йўқ. *Начора, ҳаёт ниманики тақдим этган бўлса, ўшандан ортиғини қайтиб олмайди. Ў. Ҳошимов, Қалбингина қулоқ сол. - Начора, боига тушганни кўз кўрар экан-да, — деди Эргашев. Н. Сафаров, Оловли излар.*

НАША [а. نشه — кайф, маст бўлиш; мастлик; лаззат, ҳузур қилиш] 1 Поясидан тола, уруғидан ёғ олинадиган баланд бўйли техника ўсимлиги. *Заҳарли гиёҳлардан наша ҳам киши организмга ёмон таъсир қилади. Газетадан.*

2 Шу ўсимликнинг барги ва поясидан, шпрасидан тайёрланадиган, кайф берадиган наркотик модда. *Кийими исқирт бу девона нашани кўп чекиб, мияси айниганидан, оғзига келган гапни қайтармай алжирар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

Наша қилмоқ Қаттиқ таъсир этмоқ, таажжубга солмоқ; айил ботмоқ. *Аширнинг гапи Ҳўжабековга наша қилди. Хохлоб кулди. С. Анорбоев, Оқсой. Раис ёлғиз қолгач, парткомнинг сўзлари баттар наша қилди. А. Кўчморов, Ҳалқа.*

НАШАВАНД *Наша* чекнишга ўрганиб қолган; банги. - *Шофёрни топдик, ҳозир келади! — деди Камол ака ва ҳазиломуз: - Ҳа, намунча нашасидан айрилган нашаванддай бошингиз осилиб қолди? — деб кулди. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.*

НАШАВАНДЛИК *Наша* чекнишга берилганлик; бангиллик; гнёҳвандликнинг бир тури. *Отам қилмаган шўхлик йўқ бўлса керак. Қимор ўйнаган, улоқ чопган, нашавандлик қилган. дейишоди. М. Исмоилӣ, Фаргона т. о.*

НАШАПОЯ 1 *Нашанинг* пояси.

2 *Наша* экилган жой, майдон. *Тоғ орасидаги кўз илғамас жойга экилган нашапоя йўқ қилган. Газетадан.*

НАШАТИР [р. нашатырь < а. نشادر — аммиак] 1 *ким.* Аммоний хлорид, рангсиз

кристалл модда, новшадил (техника ва тиббиётда қўлланади).

Нашатир спирт Аммиакнинг сувдаги ўн фоизли эритмаси. *Малоҳат палаткага кириб келганда, врачлар довулдан қўрқиб, ҳушидан кетган онасига нашатир спирт ҳидлатаётган эдилар. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.*

2 с. т. *Нашатир спирт.*

НАШВАТИ Нокнинг сершира, сувли, оч сарик, қизил ёки сарғиш кўк йирик нави. *Туғайсари Муртоз узатган нашватини артмаёқ бир тишлади. Ш. Холмирзаев, Қял кўприк.*

НАШИДА [а. نشيده — кўшиқ, мадҳия] *поэт. Кўшиқ; тантанали шеър, мадҳия. Баҳорнинг кўнгилларни алаловчи нашидаси. — Кеча ғазаб билан юмилган лаблар Бугун куйламоқда эрк нашидасин. Ф. Фулом.*

НАШР [а. نشر — тарқатиш, тарғибот; чоп этиш, босиб чиқариш] 1 Босма асар чоп қилиш, чиқариш. *Китобни нашрга бермоқ. Нашрга тайёрламоқ. Нашр этмоқ (қилмоқ).*

2 Босма асар. *Фанлар академияси нашири.*

■ *Демократия шароитида турфа хил нашрларнинг пайдо бўлишини, шубҳасиз, ҳаммамиз табиий ҳол деб биламиз. Газетадан.*

3 Босма асарнинг ҳар бир чиқарилиши ёки тури. *Китобнинг тузатишган ва тўлдирилган нашири. Илмий нашр. — Оммавий ин-формацияларнинг калити бўлган телеграф агентликларининг қон томирлари матбуот нашрларининг ҳамма тармоқларида бориб туташиди. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.*

НАШРИЁТ [а. نشریات — нашр ва тарғибот ишлари] 1 Босма асарлар тайёрлаш ва нашр этиш ишлари, ноширлик.

2 Шундай ишлар билан шуғулланувчи муассаса. “*Фан*” *нашриёти. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.*

НАШРИЁТЧИ *Нашриёт* ходими, нашриётда ишловчи киши.

НАШРИЁТЧИЛИК *айн. ноширлик. Нашриётчилик кундан-кунга қулоқ ёймоқда.*

НАШТАР [ф. نشتر] *айн. пиштар.*

НАШЪА [а. نشه — мастлик, кайф қилиш; лаззат, ҳузур (маза) қилиш] *поэт. Эстетик лаззат, ҳузур, гашт. Ҳар шининг ўзига яраша нашъаси бор. — Далаларнинг нашъасин уй ичинг билан сурдинг, Ўз бойлигинг ўзингда, ишрат, сафолар қурдинг. Ғайратий.*

Нашъа қилмоқ 1) лаззат олмоқ, ҳузур қилмоқ, гашт қилмоқ; 2) *айн. наша қилмоқ*

қ. **наша**. Саломнинг гапи борган сари унга кўпроқ *нашъа* қилар эди. Х. Аҳмар. Ким ҳақ?

НАШЪАЛИ *позт*. Роҳат, лаззат, ҳузур бағишловчи, гаштгли. *Узоқ вақт жанг оловларида уйқусиз, хатарли кунларни ўтказган бу йигит учун.. сой бўйлари янада нашъали ва оромбахш туюлар эди*. С. Аҳмад, Қадрон далалар.

НАШЪУ НАМО [а. *نشؤونماء* — юксак ҳузур-ҳаловат] 1 Юқори даражадаги эстетик лаззат, ҳузур, гашт. *Ҳаётнинг нашъу намолари*. ■ *Хоҳласа — каклик ови қиларди*. Шундай *нашъу намо билан яшарди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *эск. кт*. Тараққиёт, ривож, гуллаш. *Ҳаётнинг нашъу намоси адолат нурига боғлиқ*. Ойбек, Навоий.

НАЪЛ [а. *نعل* — тагчарм; енгил оёқ кийими; тақа] *эск. кт. айн. нағал*.

НАЪЛАТ с. т. Лаънат.

НАЪМА [а. *نعمه* — куй, оҳанг, наво] *айн. нағма*. Чигиртканинг чириллаши, кеча ҳашаротларнинг наъмаси кучли шамол товуши билан кесилди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

НАЪМАСОЗ Созанда, мусиқачи. *Рафур Фулом чинакам устоз, оташин қалбли наъмасоздир*. М. Шайхзода, Шериягимизнинг байроқдори.

НАЪМАТАК [ф. *نعمتک*] 1 Гули хушбўй ва ҳар хил рангли, меваси ширали, шакли ва ранги ҳар хил, ёввойи ҳолда ўсадган ёки экма усулда ўстириладиган буталар туркуми (Баъзи турлари тиббиёт, парфюмерия ва фармацевтикада ишлатилади). *Йигитали қоронғида тимискаланиб, чапга бурилганда, наъматакнинг тиканли шохлари бехосдан юзига урилди*. Д. Нурий, Осмон устун.

2 Шу ўсимликнинг қазил доривор меваси. *Наъматак, қорақанд, зирк, лимон, турп ва бошқа кўп сабзавотларда «С» витамини бўлади*. М. Тўйчиев, Витаминларни унутманг.

НАЪРА [а. *نعره* — пинғиллаб гапириш; бўкириш] Ларзали, ваҳимали қаттиқ овоз. *Бомбардимон кучайгандан кучайиб борди*. Унга узоққа отар замбаракларнинг наъраси қўшилди. Шўхрат, Шиянелли йиллар. *Қўрагидан отилиб чиққан қудратли наъра узоқ-узоқларга таралади*. С. Анорбоев, Оқсой.

Наъра тортмоқ (ёки урмоқ) Ларзали, қаттиқ товуш чиқармоқ. *Сен кетган сўнг бирозроқ уруш қилдим, Наъра тортиб, мен ҳам майдонда турдим*. «Алпомиш».

НАЪТ [а. *نعت* — таъриф-тавсиф, васф; мақтов] Мумтоз адабиётда: катта ҳажмли шеърый асарлар бош қисмида келадиган, асосан, пайғамбарлар шаънига айтилган мақтовдан иборат шеърый парча.

НАЯКИ [ф. *نیاکی*] Най орқали чекиш; най билан тортиб чекиладиган. *Найки қилмоқ*. ■ *Уч йил ичиди у [Мамарашм] кирмаган кўча қолмади*. *Наякини урганди, қорадори еди, такалarga кириб, кўкнори ичди*. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Чапани йигитлар қиттак найки қилиб олдилар-да, хуфтондан оғдириб, Қаънига жунадилар*. Ойбек, Улуғ йўл.

НАҚ [а. *نقد* — бор, мавжуд, қўлдаги пул] *реш*. 1 Айтилганнинг, кўзда тутилганнинг ўзгинаси; худди, айни. - *Отангизга раҳмат, Юсвали тоға! — деди бошини қимирлатиб Мели полвон. — Гапнинг нақ онасини айтдингиз-қўйдингиз!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қоқ, айни, худди. *Нақ ярим кечада*. *Нақ шу пайтда*.

3 Оз бўлмаса; деярли. *Нақ йиқила ёздим*.

4 Роса, обдан. *Баҳорда чунонам қўш тортдики, жонвор қорабайирни нақ.. терга тушириб юборди*. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

5 Бўлмаса, акс ҳолда. [Самоварчи] *Товушини баланд қўйиб, ўзича валдирар эди: -Ҳой, аравакаш бола, отингни торт, нақ тезагини дўппингга солиб берман!* Ойбек, Танланган асарлар.

НАҚАДАР *реш*. Қандай, қанчалик. *Элмурод янги мактаб биноси қишлоқ тарихида нақадар улуғ иш эканлигини, бу улуғ ишга озми-кўми ўз меҳнати синганини ўйлаб, ўзидан ўзи ғурурланди*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Тошкент тонготири нақадар гўзал*. Файратий.

НАҚАРОТ [а. *نقرات* — гоҳ-гоҳ, такрор-такрор тақиллатиш, чертиш] Қўшиқнинг ҳар бир бандидан кейин қайтарилувчи, такрорланувчи қисми. *Юрагимга ишқинг уруғини Билсанг эдинг экканлигинени. Қалбимнинг шўх, соз қўшиғининг Нақароти эканлигинени*. Х. Салоҳ.

НАҚБ [а. *نقب* — тешик, тирқиш; ер ости йўли] Ер тагидан қовланган йўл. *Мўғуллар аксари ер остидан нақб қазиб, шаҳарга кириб олар, ўз аскарларига дарвозани очиб берар эдилар*. М. Осим, Ўтрор.

НАҚД [а. *نقد* — қўлда бор, мавжуд пул] 1 Пулни дарҳол тўлаш шарти билан бўлган ёки бўладиган савдо муомаласи. *Нақдга олмоқ. Нақдга сотмоқ*.

2 Кўлда, ихтиёрда бор, фойдаланиш ёки муомалага киритиш учун тайёр. *Нақд пул. Нақд қилмоқ.* ■ Сафохон тўра-чи? Бу зот унинг эзгу ниятини қувватлабгина қолмай, қўлига нақд маблағ ҳам тутқазди! К. Яшин, Ҳамза. -Бўлди, адаш, бўлди! — деди Колянинг олдига борган Қудрат дўпписини осмонга ташлаб. — Рухсат.. арава ҳам нақд! Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сойма-сой жилиб, ерларни бир-бирига қўша-қўша, ҳозир эллик гектарни нақд қилдик.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

3 Аниқ, ҳал бўлган, тайёр. [Фотима:] *Ўқишга кириши нақдга ўхшайди.. Пешонам қурсин.. сени катта қилиб берганим кам экан, энди боласини ҳам катта қилиб бераман, шекилли.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

НАҚДИНА [a. + ф. نقدية — бор, мавжуд пул] эск. кт. Нақд пул. Уғлим, энди бозор-ўчарнинг ҳам пайидан бўлинг.. *Нақдина пул — ҳам енгиш, ҳам қиммат, ҳам яширишга осон бўлади.* Ф. Фулом, Шум бола.

НАҚДЛАМОҚ Нақд қилмоқ, тайёр қилмоқ. *Қумир келган бўлса-я? Эсингни едингми, Қодир, сенга кумирни нақдлаб турибдими шу топада, — ўзини ўзи койирди [Қодирхўжа]. — Яна бирон корхона келаётгандир, кутиб олиш керак.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

НАҚДОНА айн. вақдина. -Назри нақдона бўлмаса, кўнгиш ҳам жойига тушмайди, иш ҳам юришмайди, — деди Ҳожжи хола. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

НАҚИБ [a. نقیب — бошлқ, раис] Хива хонлигидаги ҳарбий мансабдор. *Расмий қабул маросимларида нақиб хоннинг сўл томонида биринчи ўринда ўтирган.. хазинадан таъминланиб турилган.* «ЎЗМЭ».

НАҚЛ [a. نقل — узатиш, ўтказиш; таржима; кўчириб ёзиш; қайта ҳикоя қилиш] 1 Халқ томонидан тўқилган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган озгаки ҳикоя; ривоят. *Нақлларга, қўшиқча, ривоятларга, Мақолларга, эртакка, ҳикоятларга Мен умримда жуда кўп қулоқ осибман.* М. Шайхзода.

2 Умуман, бирор кимса, нарса ёки унинг тарихи ҳақидаги гап, ҳикоя. -*Тўхтанг, мен сизга бу тибла аёлининг нақлини айтиб берай, — деди ота.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Умарқул Тўлқин билан Учқунни икки ёнига ўтқазиб олиб, саёҳатини нақл эта бошлади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Халқ томонидан яратилган ҳикматли гап. *Халқимизда “Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрылади” деган нақл бор.*

НАҚЛИЁТ [a. نقلیات — анъанавий фанлар; транспорт] эск. 1 Халқ ҳўжалигининг юк, одам ва ш. к. ташвиш билан боғлиқ бўлган тармоғи; транспорт. *Нақлиёт ширкати. Нақлиёт воситалари.*

2 Юк, одам ташвиш. *У вақтларда ҳали темир йўл қурилмаган, шунинг учун нақлиёт фақат туя карвони билан Қизилқум чўли орқали амалга ошириларди.* С. Айний, Эсдаликлар.

НАҚШ [a. نقش — расм, безак; ўйма тасвир, гул] 1 Ўйиб, тикиб, тўқиб ёки буюк билан ишланган гул, безак. *Нафис нақшлар билан безатилган бино.* ■ *Гавҳар ойна устига солинган катта бир ўйма нақш олдидан Маҳкамни тўхтатди.* П. Қодиров, Уч илдия.

2 кўчма Кўрк, зийнат. *Одам борки, одамларнинг нақшидор, Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.* Мақол. ■ *Меҳнат бизда шараф, мардлик ишидор, Меҳнат фазилтир, инсоннинг нақши.* Э. Раҳим, Янги қадам.

Нақш олма Олманинг рангдор ва қизғин йўллари бўлган бир тури. *Адолат бутунлай ўзгариб кетганга ўхшайди, юзи ойдек тўлиб, нақш олмадек қизариб турибди.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

НАҚШБАНД [a. + ф. نقش‌بند] айн. нақшдор. *Осмонўпар бинолар, нақшбанд маъмурий идоралар, ҳашаматли маданият саройлари кўзни қамаштиради.* Газетадан. *Тўрда нақшбанд арк.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

НАҚШБАНДИЙЛИК айн. нақшбандия. *Алишер Навоий нақшбандийлик асосларини қаноат тариқи деб атаганлар.* Газетадан.

НАҚШБАНДИЯ [a. + ф. نقش‌بندي] Тасаввуфнинг 14-асрда асос солинган тарикатларидан бири. *Нақшбандияда одамнинг қадри унинг мансаби, бойлиги билан эмас, маънавий комиллиги билан улчанади.* Газетадан.

НАҚШДОР [a. + ф. نقش‌دار — нақшга эга, нақши бор, нақшли] Нақш солинган, нақш билан безатилган, нақшланган; нақшли, нақшпикор. *Шипи шарқча нақшдор уй, нақшлари эскириб, ранги хираланган, лекин ҳали диққатни тортарли ҳолда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир гал Давлатёр билан Элмурод қишлоқ оралаб кетаётганларида, бир нақшдор дарвоза очилди-ю, озгин бир йигит от етаклаб чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

НАҚШИН [а. + ф. نقشين — нақшли, нақш билан безатилган] айн. **нақшдор**. Шомга яқин шу нақшин дарвоза тагига “Форд” машинаси келиб тўхтади. Ҳ. Фулом, Машғал. Нақшин нафас ичида булбул тарона қилмас. Э. Воҳидов.

НАҚШИНКОР айн. **нақшдор**. Нақшинкор уй. Нақшинкор кўза. ■ Хонанинг тўрт томонидаги нақшинкор жавонлар китобга лиқ тўла эди. О. Ёқубов, Дийнат.

НАҚШКОР [а. + ф. نقش کار — нақш солувчи, нақш ишловчи] 1 айн. **нақшдор**. Олимхон эликбошининг кўнглидагидай зиёфат: жиҳозларга бой, гўзал, нақшкор меҳмонхонада ўтиради, яна.. донддор бойвачча билан сўхбат! Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. **наққош**. Нақшкор уста.

НАҚШЛАМОҚ Нақш бермоқ, нақш билан безамоқ. Деворларни нақшламоқ. ■ Бу ерда серсават бир киши клуб деворини нақшлаётган усталарнинг хунарига маҳлиё бўлиб турарди. Газетадан.

НАҚШЛАНМОҚ 1 **Нақшламоқ** фп. мажҳ. н. Ҳовуздан ишгирма қадамлар нарида тўрт томони очик, устуналари чиройли нақшланган каттагина шийпон. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Сақланиб қолмоқ, муҳрланмоқ. Буларнинг ҳаммаси гўдак хотирангда нақшланиб қолган бўлса ажаб эмас. К. Яшин, Ҳамза. Бир зум қараш билан юракка нақшланган унинг чеҳрасини яна кўз олдига жонлантиришга тиришди. Ойбек, Танланган асарлар.

НАҚШЛИ айн. **нақшдор**. Саҳни торроқ, лекин тўрт томони уй-айвонлар билан ўралган ташқари ҳовлидаги нақшли.. меҳмонхонанинг бирида қат-қат шоҳи кўрначаларда, иссиқ танчага сўқилиб Мирзакаримбой ўтирар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

НАҚҚОШ [а. نقاش — ўймакор; бўёқчи] Нақш ишловчи, безак, гул яратувчи уста. Қузим жимирлаб кетди, Нақшларига қарасам. Дейдилар: Уста Ширин, Наққошини сўрасам. Қ. Муҳаммадий.

НАҚҚОШЛИК Нақш чизиш, ўйиш билан шуғулланувчи соҳа; наққош касби. Ҳозир шаҳарда кўплаб кулолчилик ва наққошлик устахоналари ишлаб турибди. Газетадан.

НАҒАЛ [а. نعل — тагчарм, пошна; тақа] Оёқ кийимининг пошнасига ёки тагчарми учига қоқиладиган тақача. Ботинка наға-

лининг кўча тошларига урилиб чақиллаши эшитилди-ю, Маҳжамнинг хаёли бўлинди. П. Қодиров, Уч илди.

НАҒМА [а. نغمه — куй, оҳанг, наво] 1 эск. Куй, оҳанг, наво; мусиқа товуши. Тол шоҳларини тўлдирган паррандалар нағмаси ҳам ортиқчалик қилди. Ҳ. Фулом, Машғал. [Комил:] Бу хушнуд нағмалардан бенасиб бўлманг, деб атайин уйғотдим, бир эшитиб қолинг! О. Ёқубов, Айтсам, тилим қуяди, айтмасам — дилим.

2 Лабда юргизиб пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. Болалар тарқалишади. Қоравой нағмасини чалади.. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

3 кўчма салб. Ортиқча қилиқ, хархаша. Э, бу одамнинг нағмаси кўпга ўхшаб қолди. Уйғун, Хуррият. У [Ибодилла] дорини ишлатдим, бас, турли-туман нағма чиқаради. Ж. Шарипов, Хоразм.

4 кўчма с. т. Ортиқча ташвиш, дахмаза, икир-чикир. Тўйининг нағмаси кўп булар экан.

НАҒМАГАР [а. + ф. نغمه گر — нағма қилувчи, нағмачи] шв. Созанда, мусиқачи. Чавандозлар катта унум қилади. Қирқ кунга узмай тўйини беради, Уйинчи, нағмагар — бари келади. «Алпомиш».

НАҒМАЧИ 1 Нағма чалувчи созанда.

2 эск. Умуман, мусиқачи.

НАҲ: наҳ урмоқ Ёмонлаб қадрини пастга урмоқ, ерга урмоқ, камситмоқ. Камбағал, қашшоқни наҳ уриб келдинг, Бойликнинг домасин бизларга қилдинг. «Фольклор».

НАҲАЛ шв. Нағал. Аламига чидолмаган бири пошнасига наҳал қоқилган калта кўнжли этиги билан бошига тебди. В. Гофуров, Вафодор.

НАҲАНГ [ф. نهنگ — кит; тимсоҳ] 1 айн. **акула**, **кит**. -Заминдорларга қарам бўлгандан кўра, наҳанг оғзига бош сўққан яши, — деди Абдулқодир уҳ тортиб. Ойбек, Нур қидириб. Дарахтлар қоплаган бу оролча бениҳоя дилбар, қирғоқнинг яқинида наҳанглар сузиб юрармиш. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

2 кўчма Ўта юлғич; ўзлаштирувчи. У [Анорхон] наҳанг, сен лаққа.. Раислик муҳринг билан бирга ютиб юборади. И. Раҳим, Ихлос. Нафси наҳанг Ашуров ҳаши-паш дегунча колхознинг жуда кўп нулини камкустига сарфлаб юборди. Газетадан.

3 айн. **БАЛЫҚ** йили қ. **БАЛЫҚ** I 3.

НАХВ [а. نحو — томон; чекка, бурчак; синтаксис] эск. айн. **СИНТАКСИС**.

НАХОР [а. نهار — туш пайти, кундуз вақти] 1 Кундуз, кундуз кун.

Лайлу **нахор** Кеча-кундуз. Сени соғинганда лайлу **нахорлар**, Остона тубида бўлдим интизор. Т. Тўла.

2 Тонг ёришган пайт; эрта тонг. *Колхоз хазиначисин қўли-қўлига тегмас, Танда каби уланур оқишомига нахори.* Ф. Гулом. *Кўз тутади далада баҳор.* Кутмакдадир эл туриб **нахор**. Х. Олимжон. *Бўри ўғлини нахорда уйқудан уйғотиб, тухум ютқизди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

3 *кўча* Эрта нонуштадан олдин, нонушта қилмай, оч қоринга. *Нахор юрмоқ.* *Нахорга дори ичмоқ.*

НАХОРИ айн. **нахорлик**. [Гулжон:] *Жиндак нахори қилайлик, шояд ҳордиқларингиз чиқса.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

НАХОРИЙ сфт. *Нахорга хос; нахордаги.* *Қай томон боқар бўлсам, Бу тириклик боғида Баҳорий илиқлигу Нахорий тиниқлик бор.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

НАХОРЛИК Эргалабки овқат; нонушта. *Эрталаб Аҳмад Ҳусайн бир пиёла чой ва бир бурда чапати билан нахорлик қилиб, ўрнидан турди.* Ойбек, Нур қдириб.

НАХОТ(КИ) юкл. Сўроқ ва таажжубшубҳа маъносини билдиради. *Нахот ўғлимга ўшандоқ қаттиқликни раво кўрсам! А. Қаҳдор, Кўшчинор чироқлари.* [Сифат буви:] *Айланай, қизим, нахотки бошингга давлат қуши қўнса-ю, уни калтак олиб, ўзинг қувласанг! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

НАХР [а. نهر — дарё] эск. кт. айн. **дарё**. Ёвнинг умидлари соврилди *кўкка, Сен кечиб ўтганда Одер нахридан.* *Жаҳоннинг тақдири туғри ҳал бўлди, Сен мағрур ўтганда душман шахридан.* Уйғун. *Қулоғимга номинг кирганда, Кумлик каби ташна боқурман. Сенинг жаннат водийларингдан Нахрлардай тўлиб оқурман.* Х. Олимжон.

НАХРА Девор туйнуги. *Пахса деворнинг нахрасидан хотин кишининг боши кўринди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Холдорхон жавоб кутмай, тешани олиб югуриб кетди. Кейин тирмашиб чиқиб, теша билан девор тепасидан нахра очди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Эрталаб ҳовли супураётган келиновийси девор*

нахрасига ҳайрон бўлиб қараб турганда, Моҳидил кўзини қисиб қўйди. С. Зуннунова, Гўдак ҳдди.

НАХРУЛҲАЁТ [а. نهر الحيات — тириклик дарёси] эск. кт. Ҳаёт дарёси. *Мана, Туямўйин! Бунёд бўлади Улкан нахрулҳаёт ва нур чашмаси Ф. Зоҳид, Туямўйин қўшиғи.*

НАҲС [а. نحس — бахтсизлик; мусибат; омадсизлик] 1 *Ғусл қилмаган, нопок.*

Наҳс босган ёки наҳсда қолган Ғусл қилмаган, ювуқсиз ҳолатли. -*Менинг ҳолим-га раҳм қилинг, хўжайин!* -*Сен наҳсда қолгансан. Сенга ёрдам қилишинг фойдаси йўқ.* С. Айний, Дохунда. *Чолнинг ғазаби тутақди.* *Ўғлини “шумқадам, наҳс босган”, деб сўқди.* Ойбек, О. в. пабадалар.

2 *сўк.* Ифлос, нопок; разил, палид. -*Бўлиб қолдинг, наҳс!* — дейди *Мирвали банги, — етти отаннинг ўраси ҳам бунчалик буғдойни кўрмаган.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Йўқ бўл, наҳслар, шумғиялар! Ҳамза.*

3 *кўча* с. т. Ишти олдинга босмаган, юришмаган. [Мулладўст:] *Бу дунё ҳамма ёғидан бизни сафар қочди қилган, ўшанинг учун эллик тўртга кирибманки, иқболим наҳс, фалокатдан сира ажралолмайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

НЕ сур. олм. 1 Нарса-предмет ҳақида сўроқни ифодалайди; нима? *Сенга не бўлди? — Энди сенга нелар айтайин? Х. Олимжон.* *Не дейди сенинг ўсган ерингни? «Гўрўғли».*

2 Белги ҳақида сўроқни билдиради; қандай? *Не айби бор?*

3 Маъно кучайтириш учун қўлланади. *Акам содда дехқон йигитга ўхшайди, содда бўлгани яхши. Негаки, шумларнинг қўлига тушиб, не балоларга гирифтор бўлдим.* Ойбек, Танланган асарлар. [Қодирқул:] *Мен учун не бахтли кундирки, тўраимиз қоронғи кулбамни ёритдилар! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

НЕАНДЕРТАЛЛАР [нем. ибтидоий одам қолдиқлари дастлаб (1856 йил) қазиб топилган Неандертал (Германия) водийси номидан] Инсоният тадрижий тараққиётида питекантроп билан ҳозирги одам ўртасида жой эгаллаган қадимги қазилма одам тури. *Осиё, Урта Осиё ва Африкада топилган неандерталларнинг буйи унча баланд бўлмаган.* Газетадан.

НЕВАРА айн. **набира**. *Келинлар далада, неваралар боғча ва ясида, ҳовли жимжит.* Й. Раҳим, Чин муҳаббат.

НЕВАРА-ЧЕВАРА Набира(лар) ва чевара(лар). Бу файзли хонадонга йиғилган ўғил-қизлар, невара-чеваралар катта ҳовлини лиқ тўлалиб ўтиришибди. Газетадан.

НЕВР-, **НЕВР(О)-**, **НЕЙРО-** [юн. *neuron* — томир, нерв] Ўзлашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг нервларга, нерв системасига алоқадорлигини билдиради (мас., *невроз*, *неврология*).

НЕВРАЛГИЯ [невр. + юн. *algos* — оғриқ] *тиб.* Нерв ёки унинг бирор қисми бўйлаб тарқаладиган кучли оғриқ.

НЕВРАСТЕНИЯ [невр. + юн. *astheneia* — заифлик, толиқиш] *тиб.* Нерв системасининг узоқ вақт ақлий ёки эмоционал зўриқиши, руҳий изтироб, физиологик етишмовчиликлар (мас., тўйиб ухламаслик ва овқатланмаслик каби) натижасида келиб чиқадиган касаллик.

НЕВРОЗ [қ. *невр(о)-*] *тиб.* Узоқ вақт давом этган оғир ички кечинмалар, руҳий изтироблар таъсирида пайдо бўладиган асабий-руҳий касалликларнинг умумий номи. *Умумий невроз. Юрак неврози.* ■ *Невроз эса барча асаб касалликлари орасида сабаби аниқ хасталик саналади.* «Фан ва турмуш».

НЕВРОЛОГ Неврология мутахассиси, нерв системасини ўрганувчи шифокор.

НЕВРОЛОГИК Неврологияга, нерв касалликларига оид. *Неврологик клиника.*

НЕВРОЛОГИЯ [невр(о).. + юн. *logos* — фан, таълимот] *тиб.* Нормал ва патологик ҳолатдаги нерв системасининг тузилиши ва фаолиятини ўрганувчи фан.

НЕВРОПАТОЛОГ Невропатология мутахассиси, врач.

НЕВРОПАТОЛОГИЯ [невр(о).. + патология] Тиббиётнинг нерв системаси касалликларини, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ўрганувчи бўлими.

НЕГА сўр. олм. 1 Ҳаракат ёки ҳодисанинг сабаби ҳақида сўроқни ифодалайди; нима учун? *Қани, ростини айт-чи, нега қўним-сизсан?* А. Қаҳҳор, Қанотсизга читтақ.

2 Риторик сўроқ гапларда сўзловчининг айтилган, бўлиб ўтган ёки кўзда тутилган ҳаракат, ҳодиса ва ш. к. ларга салбий (афсусланиш, ачинаш) муносабатини билдиради. *Ғам, қўрқув титроғи билан эзилган Гулнор кўрпага ўрналиб ўйлади: Нега кеча қочмадим?* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен*

айтаман, болам, қўлимдан шунча иш келар экан, даданг ҳаёт вақтида нега “берсанг — ейман, урсанг — уламан”, деб ўтирган эканман! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Нега денг (ёки десанг) Чунки, сабаби шуки, негаки. *Маслаҳатга ҳаммаси чаққон. Нега десанг, маслаҳатгўйлик осон нарса-де: тили қимирлайди, холос.* Ойбек, Танланган асарлар.

НЕГАДИР сўр. олм. Ҳаракат ёки ҳодиса сабабининг ноаниқлигини билдиради; нима сабабдандир, нима учундир. *Негадир бу кишининг ўзи ҳам, совғаси ҳам Навоийга ёқмаган эди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Отабек тасдиқ ишорасини бергач, негадир бир энтикиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НЕГАКИ сабаб боғл. Сабаб шуки, чунки. *Негаки, ҳозирда менинг кўз ёшларимгина эмас, бутун борлиғим сиёҳдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Яхши ишласам, албатта, чакки бўлмайди. Негаки, булар қариндошларим, ҳаммадан юлсалар ҳам, мендан юлмаслар.* Ойбек, Танланган асарлар.

НЕГАТИВ I [лот. *negativus* — манфий, салбий] *фото, кино* 1 Оқ ўрнига қора, қора ўрнига оқ бўлиб тушган фототасвир ва шундай тасвир туширилган пластинка ёки плёнка; *зид. позитив.* *Негативдан позитивга сурат кўчирмоқ.* *Негативни сақлаб қўймоқ.*

2 сфт. Оқ ўрнига қора, қора ўрнига оқ туширилган; шундай фотосурат олиш учун ишлатиладиган. *Негатив сурат.*

НЕГАТИВ II сфт. Тесқари, акс мазмундаги; нотўғри, яроқсиз; ёмон, салбий (маълумот, хабар, гап-сўз). *Негатив маълумот.* ■ *..анжуманда ҳаётнинг негатив ҳодисалари очиб ташланди.* Газетадан.

НЕГИЗ I Бирор нарсанинг ҳамма устки қисмларини тутиб, кўтариб турадиган остки қисми; пойдевор, фундамент. — *Албатта, янги усулда, — дейди Берди татар, — негизи ўн қаторча пишқ гишт, юқориси хом гишт.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Бирор нарсанинг асосини ташкил этган омил; база, асос. *Ўзбекистонда чорвачиликни саноат негизиде ташкил этиш борасида кўп ишлар қилинди.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик. *Хужайра ҳар қандай организмнинг негизи ҳисобланади.* Газетадан.

3 тлш. Сўзнинг асосий маъносини билдирадиган, сўз ўзгартувчи қўшимчалар олмаган қисми. *Негиз ва қўшимча.*

НЕГОВ Қовоқни ўйиб ясалган идиш. Саидий неговда анҳордан сув олиб ичди. А. Қаҳҳор, Сароб. *Ўзим ҳам олиб кета бошладим. Бурним осилиб, негов қовоқдек бўлиб кетди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

НЕГР [исп. negro < лот. niger — қора] қ. негрлар. *Негр халқи. Негр аёл.*

НЕГРЛАР Қора ирққа мансуб одамларнинг кўп тилларда қабул қилинган номи; Африканинг туб аҳолисини ташкил этувчи қора танли халқ; занжи; ҳабаш.

НЕДИР гум. олам. Нарса ёки ҳаракат ноаниқлигини билдиради; нимадир. *Кумуш меҳмонхонага киргандан сўнг ҳам, терсайиб, тоқчалардан недир ахтаргандек юрина бошладим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НЕЙЛОН [ингл. nylon] Табiiй ипакдан ҳам пишпқ ва мустаҳкам сунғий тола ва шу толадан тўқилган газлама. *Товони қора нейлон пайтоқ чиқибди, ҳай қизлар, ким кўрди?* А. Мухтор, Тугилиш.

НЕЙРОАТОМИЯ [нейро.. + анатомия] Анатомиянинг нерв система шакли ва тузилишини ўрганадиган бўлими.

НЕЙРОДЕРМИТ [нейро.. + юн. derma — тери] тиб. Терининг руҳий-асабий изтиробларга боғлиқ ҳолда ривожланиб кучайиб борадиган, унинг қичишини, юза қатламнинг қалинлашини билан намоён бўладиган касаллиги.

НЕЙРОЛИНГВИСТИКА [нейро.. + лингвистика] Марказий нерв системасида муайян нутқий ифодаларни шакллантириш, бошқаларидан фарқлай олиш ва ш.к. билан боғлиқ жараёнларни ўрганувчи илм соҳаси.

НЕЙРОХИРУРГИЯ [нейро.. + хирургия] Хирургия (жарроҳлик)да: нерв системасининг жарроҳлик йўли билан даволанадиган касалликларини ўрганувчи соҳа. *Мен анча вақт Тошкент вилоят бирлашган касалхонасининг нейрохирургия бўлимида даволандим.* Газетадан.

НЕЙТРАЛ [лот. neutralis — на унга, на бунга мансуб; бетараф] 1 Уруш қатнашчиларининг бирортасига ҳам қўшилмайдиган, бетараф. *Нейтрал давлатлар.*

2 Халқаро битимга асосан, ҳарбий тўқнашувлар ва ҳарбий куч тўшлаш ман этилган. *Нейтрал зонадан ўтиб, сойга тушдим. Атрофга кўз ташласам, нарироқда шерикларим кўринди.* А. Убайдуллаев, Қовли издан.

3 ким. Кислотали реакция ҳам, ишқорли реакция ҳам бермайдиган. *Нейтрал эритма.*

НЕЙТРАЛИТЕТ [нем. Neutralität < лот. neutralis — бетараф, у ёки бунга тегишли бўлмаган] 1 Бошқалар тортишувига, жанжалига аралашмаслик.

2 ҳуқ. Давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳолати: уруш пайтида — урушда иштирок этмаслик, тинчлик пайтида — ҳарбий уюшма ва иттифоқларига қўшилмаслик. *Панама каналининг доимий нейтралитети ва ундан фойдаланиш ҳақидаги Америка-Панама шартномаларига кўра, АҚШ Панама билан биргаликда канал нейтралитетига кафолат беради.* Газетадан.

НЕЙТРАЛЛАМОҚ 1 Нейтрал, бетараф қилмоқ. *Армияни нейтралламоқ. Давлатни нейтралламоқ.*

2 ким. Ишқор таъсирида эритманинг кислоталик хусусиятини ёки кислота таъсирида ишқорлик хусусиятини йўқотмоқ.

НЕЙТРАЛЛАНМОҚ Нейтралламоқ фл. ўзл. н. *Нейтралланиш реакцияси (ким).*

НЕЙТРАЛЛИК айн. нейтралитет. *Австриянинг нейтралликни сақлаш ҳақидаги мажбурияти бугунги кунда ҳам ўз кучида.* Газетадан.

НЕЙТРОН [ингл. neutron < лот. neutrum — униси ҳам, буниси ҳам эмас] физ. Электр жиҳатдан нейтрал (электр заряди нолга тенг) элементар зарра; атом ядросининг таркибий қисми. *Илмий-тадқиқот реакторларида у қадар кўп уран сарф қилмасдан юқори даражада нейтрон оқимини ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир.* «Фан ва турмуш».

НЕК [ф. نيك — яхши] сфт. кт. Яхши, хайрли. *Бу боланинг қадами нек бўлгани отидан маълум. Буни сотиб олсангиз, уйингизга унинг қадами билан бирга неклик киради.* С. Айний, Куллар.

НЕКБАХТ [ф. نيكبخت — бахтли, омадли, бахти кулган] кт. Толей баланд, бахтли. *Бир намхуш, ёлғизот дала йўлини бошида Мен некбахт тузар эдим бемисл ният билан.* Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик.

НЕКБИН [ф. نيكبين — яхшиликни кўрувчи] кт. Ҳар нарсани яхши томондан кўрувчи, келажакка ишонувчи; оптимист. *Унинг тақдири ҳақида энг некбин бўлган Ҳайдар ҳожжи, энди бадбинликка тушиб, хатлар ёзади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

НЕКИ *эск. айн. нимаик.* [Навойӣ:] Халойиқ нафъидур ҳар неки билдик, Халойиқ билса бас, ҳар неки қилдик. Уйғун ва И. Сулгон, Алишер Навоӣ. Мен неки деган бўлсам, кўнглимдагини дедим, неки ёзган бўлсам, кўрган-билганимни ёздим. С. Сиёев, Ёруғлик.

НЕКЛИК Яхши хусусиятга эгалик, яхшалик. Кексалар бирон кишига неклик тиламоқчи бўлсалар: «Болаларинг орзусини кўр, топганинг тўйга, яхшиликларга буюрсин!» — дейишади. Н. Сафаров, Оловли излар.

НЕКРОЗ [юн. nekros — ўлик, ўлган] *тиб. биол.* Тирик организмдаги бпрор аъзонинг, унинг тўқима ёки хужайраларининг ўлиши, жонсизланиши.

НЕКРОЛОГ [юн. nekros — ўлик, ўлган + logos — сўз, нутқ] Бирор шахснинг вафоти муносабати билан унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган мақола, таъзиянома. Некролог эълон қилмоқ.

НЕКТАР [юн. nectar] 1 Юнон мифологиясида: худо (маъбуд)ларнинг абадий ҳаёт ва ёшлик ато этувчи илоҳий ичимлиги.

2 *бот.* Гулнинг шпраси, гулшира. Ўсимликлар доривор моддалар манбаидир. Шундай моддалардан бири гул нектаридир. «Фан ва турмуш». Асалари ўн минг гулга кўниб, бир граммдан нектар тўплайди. Газетадан.

НЕКҚАДАМ [ф. + а. نيك قدم — қадами кутлуғ] *кт.* Бахт келтирувчи, шарофатли (одам ҳақида). Фуломжон ака некқадам инсон, у қаерга, қайси хўжаликка раҳбар бўлиб борса, ўша жой гуллаб-яшнайдди. Газетадан.

НЕМИС [қад. р. немец — гўлдираб, нонаниқ гапирувчи, соқов; ажнабий] қ. немислар. Немис тили. Немис халқи. Немис аёл. ■ Шу-шу бўлди-ю, немис тилини ўрганишга ҳаракат қилди. Бироқ бир неча ой меҳнат қилгандан кейин эшитсаки, Шекспир немис эмас, инглиз экан. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

НЕМИСЛАР Германиянинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

НЕМИСЧА 1 Германияга, немис халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. Немисча ёзув.

2 Немис тили. Сиз немисча(ни) биласизми? Немисча гапирмоқ. ■ Бу ўртоғим немисча билар экан, ҳозир жуда мавриди келганга ўхшаб қолди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

НЕ-НЕ Кўп ва хилма-хил; қанчадан-қанча. Маллахондан бери яшайман, болам, не-

не хонларнинг, не-не бекларнинг отларини кўранман, не-не отлар ўз қўлимдан ҳам ўтган. Аммо бу отжон экан. Ойбек, Танланган асарлар. Улар не-не хатарли жангда Бирга ўтга кирди ёнма-ён. З. Обидов.

НЕНЕЦ қ. **ненецлар.** Ненец халқи. Ненец тили. Ненец аёл.

НЕНЕЦЛАР Россия Федерациясининг Архангельск ва Тюмень вилоятлари ҳамда Красноярск ўлкасида яшовчи халқ.

НЕО- [юн. neos — янги] Ўзлашма байналмиал қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «янги, янгича» деган маънони билдиради.

НЕОДИМ [лот. neodymium < нео.. + юн. didymos — қўшалок, эгизак] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оч кулранг металл.

НЕОКОЛОНИАЛИЗМ [нео.. + колониализм — мустамлакачилик сўсати < лот. colonia — манзилгоҳ] Жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари томонидан Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мустақил мамлакатларга нисбатан қўлланаётган, ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлмаган иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизими; янгича мустамлакачилик сўсати.

НЕОЛИТ [нео.. + юн. lithos — тош] *археол.* Тош асрининг энг кейинги даври. Дастлабки сопол буюмлар неолит даврига мансуб бўлиб, бу давр археологик ёдгорликлари дастлаб Ўзбекистоннинг Хоразм, Қуйи Зарафшон воҳаларида топилган. «Фан ва турмуш». Яҳё Фуломов экспедициясининг.. қидирувлари натижасида тадқиқ этилган неолит ва бронза даврига мансуб ёдгорликлар ҳайратомуз кашфиётлардан эди. Газетадан.

НЕОЛИТИК Неолитга оид. Сергей Павловичнинг кўп ишлари Ўрта Осиё, Қозоғистон ва ҳатто қўшни мамлакатларнинг неолитик ёдгорликларини текширишда туртки бўлиб ҳисобланди. И. Жабборов, Кўҳна харобалар сари.

НЕОЛОГИЗМ [нео.. + юн. logos — сўз] *тли.* Тилда турли эҳтиёжлар натижасида янгидан пайдо бўлган сўз ёки сўз бирикмаси. Тил ривожланган сари неологизмлар билан бир қаторда окказионал неологизмлар ҳам вужудга келади. «ЎТА».

НЕОН [лот. neon < нео..] Менделеев даврий системасининг 0 (нолинчи) гуруҳига

мансуб кимёвий элемент; ҳаво таркибида бўладиган рангсиз ва ҳидсиз газ (электр лампочкалари, сигнал, реклама ва ш. к. ёритиш асбобларини тўлдириш учун ишлатилади). *Неон лампа.* ■ *Неон чироқлари нурида залда ғужғон ўйнаётган болалар ҳудди аквариум учуда юрган балиқларга ўхшаб кўринади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

НЕОФАШИЗМ [нео... + фашизм] Ўзининг аниқ шиорлари ва фаолият усулларини ҳозирги замонга мослаб ўзгартирган, лекин гоявий-свёсий асосини, қонун-қоидаларини сақлаб қолган фашизм.

НЕПТУН [лот. Neptunus — қадимги рим мифологиясида: денгизлар маъбуди, худоси] Куёш системасининг Куёшдан кейин саккизинчи ўриндаги катта сайёраси.

НЕПТУНИЙ [лот. neptunium < Нептун сайёраси номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб, табиий ураннын парчаланишидан ҳосил бўладиган кумушсимон радиоактив кимёвий элемент.

НЕРВ [юн. νεῦρον — томир, тола] *анат., физиол.* Бош мия, орқа мия ва нерв тугунларини гавданин бошқа аъзо ва тўқималари билан боғлайдиган, асосан, нерв толалари тугундан иборат мураккаб анатомик тузилма ва уларнинг ҳар бири; асаб. *Кўриш нерви. Ҳаракатлантирувчи нервлар. Нерв системаси. Нерв тўқималари.* ■ *Тенки касаллигида айрим ҳолларда нерв системасида ҳар хил ўзгариш бўлиб, енгил ўтадиган менингит ҳам бўлиши мумкин.* «Саодат».

НЕСТ-НОБУД [ф. نېست — мавжуд эмас, йўқ + نوبود — мавжуд эмас, йўқ қилинган]: **нест-нобуд бўлмоқ** Бекорга йўқ бўлиб кетмоқ; **нобуд бўлмоқ.** Ҳосилнинг *нест-нобуд бўлишига йўл қўйилмади.* **Нест-нобуд қилмоқ** Бекорга йўқ қилмоқ; **нобуд қилмоқ.** *Олтиндан ҳам қиммат “оқ олтин” ўз вақтида ва нест-нобуд қилинмай йиғиб-териб олинди.* Газетадан.

НЕТАЙ *поэт.* Нима қйлай, начора. *Азиз дўстлар, нетай, бахти қаро бўлганга йиғлайман, Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йиғлайман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

Сўрамай-нетмай 1) сўрамай-суриштирмай; 2) сўроқсиз, бесўроқ.

НЕТОНГ *поэт.* Не ажаб. *Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз, Угай бўлсак, нетонг, соғлар орасида.* А. Орипов, Руҳим.

НЕТТО [итал. netto — соф; ҳақиқий] Маҳсулотнинг ўров-идишсиз соф оғирлиги; *зид. брутто.* *Нетто — беш килограмм.*

НЕФРИТ I [юн. nephros — буйрак] *тиб.* Буйракнинг, энг аввало, буйрак тугунчаларининг яллиғланиши.

НЕФРИТ II *мин.* Яппил ёки оқ рангли тивғиз кристалл минерал (Нефритнинг майда тошлари буйрак шаклида бўлганлигидан ушбу минерал шундай аталади).

НЕФРОЛОГ Буйрак касалликларини ўрганувчи мутахассис, шифокор.

НЕФРОЛОГИЯ [юн. nephros — буйрак + logos — фан, таълимот] Тиббиётнинг буйракнинг тузилиши ва фаолияти, касалликлари, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари каби масалаларни ўрганувчи бўлими.

НЕФТЧИ Нефть саноати ишчиси, мутахассиси.

НЕФТЬ [турк. petrol < ф. نفت] Ёнилғи сифатида ишлатиладиган ва турли маҳсулотлар (мас., керосин, бензин) олинадиган кўнгвир ёки қора ёғсимон, энг муҳим қазилма; суюқ минерал модда. *Боқу нефти. Нефть билан ишлайдиган двигатель. Нефть саноати.* ■ *Нефть ва газ бизнинг асримизда энг зарурий энергетик хомашё бўлиб қолди.* «Фан ва турмуш».

НЕЧА *сўр. олм.* 1 *Сон-миқдор ҳақида сўроқни билдиради; қанча? Костюм неча сўм туради? Соат неча бўлди? Заводда неча йил ишладингиз? Бир неча одам. Бир неча вақт. Фарғонага неча марта боргансиз? Мен буни сенга неча марта айтдим!* ■ *Хон жанобларидан сўрайдирган бир неча тилакларим бор.* А. Қодирий, Ўтпан кунлар.

2 *Ҳис-ҳаяжонни билдирувчи гапларда миқдорнинг сон-саноксизлигини, кўплигини билдиради. [Холмат:] Мен сизнинг ишқингизда неча йилдан бери куйиб юрибман-а. Энди бундан ортиқ чидашга ҳеч тоқатим йўқ. Ҳамза, Танланган асарлар. Поезд неча соат йўл юргандан кейин ана шу бекатчаларнинг бирига келиб тўхтади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

НЕЧА-НЕЧА *Бир неча, анча-мунча, кўп. Тўйга неча-неча эркак ва аёл келиб кетди.* ■ *Сиддиқжонни. колхозга тортишга неча-неча ҳаракат қилди: тушунтирди, вағда берди, яхши гапириб ҳам кўрди, ёмон гапириб ҳам кўрди — фойдаси бўлмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НЕЧАНЧИ сўр. олам. Предметнинг тартиб ўрни ҳақидаги сўроқни билдиради. *Нечанчи синфда ўқийсиз? Нечанчи қаватда турасиз?*

НЕЧИК 1 сўр. олам. Белги ҳақидаги сўроқни билдиради; қандай?, қанақа? *Сизни нечик шамоли учирди? ■ Кулоқ солгин, нодон кўзим, сўзимга, Нечик энди айшу ишрат айлайин? «Равшан».*

2 сўр. олам. Сабаб ҳақидаги сўроқни билдиради: нима учун? нима сабабдан? *Шу кечаси нечик унда буш вақтларини бундан сунг ёзиш-чизиш ишига сарф қилиш фикри кўзгалди? А. Қаҳҳор, Сароб.*

Ҳар нечик Ҳарқалай, ҳар ҳолда. *Ҳар нечик, иш дуруст бўлиб қолди.*

НЕЧИЛАМЧИ айв. нечанчи. *Раис бува, калиш нечиламчи эди? Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.*

НЕЧОВ сўр. олам. Шаҳс, киши сони, миқдори ҳақидаги сўроқни билдиради. *Сизлар нечов? ■ От суриб бу майдон ичра турарман, Сендай нечовларнинг додин берарман. «Ширин билан Шакар».*

НЕЧОҒЛИҚ рвш. 1 Нақадар, қанчалик, қандай. *Ишнинг нечоғлиқ қийинлигини билсанг эди. Курдингеми, нечоғлиқ хушёр бўлиш керак. ■ Нечоғлиқ ўзини қаттиқ ушлаган Кумуш ҳам сирини яшира олмади. А. Қодирий, Утган кунлар.*

2 боғл. өзф. Миқдор, даража мазмундаги гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади, бунда эргаш гапнинг кесими шарт майли шаклида бўлади. *Ҳожининг бу сўзи Ўзбек ойимга нечоғлиқ ёққан бўлса, Отабекни шу қадар ерга қаратган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

НЕЧТА сўр. олам. Дона, миқдор ҳақидаги сўроқни билдиради. *Нечта китобинг бор? ■ -Арава бордими? — деди Урмонжон каттакор рўмолачи билан юзини, буйнини артиб. — Нечта арава борди? А. Қаҳҳор, Қўшқинвор чироқлари.*

НЕЧУК с. т. Нечик? қандай, нима учун? *Аҳволингиз нечук? Нечук, шуни ҳам билмайсиз? ■ Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳамма, нечукдир, ўнғайсизланар, қимтинар, ерга қарар эди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

НЕЧУККИМ эрг. боғл. эск. Негаки, чунки, сабабли. *Хусусан, бундан сунг дим сара бўлғай, нечукким, бугун кулбаи вайронамга Авазим ташриф буурди. С. Спёев, Ёруғлик.*

НЕЧУН Нима учун?, нима сабабдан?, нега? *Мен нечун севаман Ўзбекистонни, Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё. А. Орипов, Юртим шамоли.*

НЕЪМАТ [а. نعمت — бахтли, фаровон ҳаёт; инъом, ҳада] 1 Табиат инъом этган егулик нарсалар; ноз-неъматлар. *Ширин меваларга ўрганган оғизларига бу ернинг нодон неъматлари ёқмади. Ойбек, Қуёш қораймас.*

2 Эзгу иш, яхши нарсa. *Булакка неъматли васлинг фаровон айладинг кетдинг. Муқимий. Мана, илм қандоқ азиз неъмат. Дунёда илмдан ортиқ ҳам лаззатли ширин неъмат борми? Ҳамза, Танланган асарлар.*

3 Неъмат (эркаклар исми).

НЕҚАДАР айв. нақадар. *Лекин мени отмадинг утга, Неқадар яхшисан, ёшлигим! Р. Парфи, Кўзлар.*

НИВЕЛИР [фр. nivelet — тўғриламоқ, бараварламоқ < niveau — ватерпас, шайтон] геод. Ернинг паст-баландлигини бирор нуқтага нисбатан ўлчайдиган геодезик асбоб.

НИВЕЛИРЛАШ Геодезик ўлчашнинг бир тури; ер сатҳи нуқталари баландликларини бирон-бир тавланган нуқта ёки денгиз сатҳига нисбатан аниқлаш, белгилаш.

НИВЕЛИРОВКА қ. **нивелирлаш**.

НИВЕЛИРОВКАЧИ Нивелирлаш ишларини бажарувчи мутахассис.

НИГИЛИЗМ [лот. nihil — ҳеч нима, ҳеч нарсa] 19-аср рус ижтимоий тафаккурида мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этишдан иборат оқим.

НИГИЛИСТ Нигилизм тарафдори.

НИГИЛИСТИК Нигилизм ва нигилистга оид. *Нигилистик қарашлар. ■ Маданий меросга нигилистик муносабат санъат ва бадиий адабиётга юзакиларча ёндашишдан келиб чиққан эди. Газетадан.*

НИГИН [ф. نغین — узук; узукка қўйилган қимматбаҳо тош] фольк. айв. узук. *Энди Равшанбек кўзининг ёшини артиб, шундай нигинга қараса, нигиннинг юзида хати бор. «Равшан».*

НИГОР [ф. نگار — ёзувчи, ёзиб олувчи; севилик, гузал; тавсиф] 1 Севгили; гузал. *Кўнглида сўё нигори келади, ҳаётбахш узори уни бахтиёр қилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ёнимда бўлсанг, нигор, жонни айлардим нисор. Ё. Мирзо.*

2 Нигор (хотин-қизлар исми).

НИГОРОН [ф. ننگارون — сеvimли, гўзал ёр] Зориқиб-толиқиб, интизор бўлиб кутувчи. Нигорон кўзлар. Нигорон бўлмоқ. ■ *Ҳаёт шохлар орасида нигорон бўлиб утирган ёрини кўрди-ю, қалбида оғир чўккан дардлари тарқалгандай, шукроналик билан жилмайди.* М. Исмонли, Фаргона т. о.

НИГОҲ [ф. نگاه — қараш, назар, кўз қараш] Кўз қараш; назар, боқиш, қараш. *Лаъли кўлига гугурт олиб, газни ёқаркан, унга зимдан қарагани, ихтиёрсиз равишда нигоҳлар яна тўқнаиди.* Д. Нурий, Осмон устун. *Майна бу бошиқларга рўмолини сал кўтариб, бир нигоҳ ташлади.* Ш. Топматов, Эрк кўш.

НИГОҲБОН [ф. نگاهبان — қараб турувчи, қоровул] Қараб турувчи, бошқариб турувчи. *Бўлмас обод эл, адолатли нигоҳбон бўлмаса, Бир-бирига меҳру шафқатли қадрдон бўлмаса.* Ҳабибий.

НИГРОЛ [лот. piger — қора + ol(eum) — ёғ, мой] Ёғли гудрон; механизмларни ёғлаш учун ишлатиладиган, нефтдан олинадиган қовушқоқ суюқлик.

НИГУН [ф. نگون — ағдарилган, тўнтарилган] Тесқари. *Авлодим толеи нигун эмас, бас, Юрт деса, жонидан кечади ҳар дам.* Б. Бойқобилов.

НИДО [а. نداء — хитоб, мурожаат; даъват, чақириқ] кт. 1 Бирор кайфиятни, ҳис-туғи уни ифодаловчи овоз, товуш. - *Қаёқданам бу балога йўлиқдим, уф-ф, — Хўжабековнинг кўрагидан тубсиз пушаймон нидоси узилиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳайқирик, айтилган фикр. *Бухорий харсантош ётқизилган айланма кучалардан борар экан, кўнглида бир нидо бор эди: «Менинг тинчгина ишлашимга имконият бермаётирлар!»* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 эск. Чақирик, даъват, ундов.

НИЁЗ [ф. نیاز — эҳтиёж; илтимос, ўтинч; ваъда; тўхфа, ҳадя] 1 эск. кт. Ёлвориш, ўтиниш. *Мен бандайи бечора дуо бирла ниёзин Оламнинг амири, шоҳи давронима айтинг.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 кам қўл. Хайр-садақа.

3 Ниёз (эркаклар исми).

НИЗО [а. نزاع — баҳс, тортишув; жанжал, тўқнашув; кураш] Узаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилик, душманлик, адоват орқасида туғилган ҳолат, муносабат;

ихтилоф, нифоқ. *Давлатлар ўртасидаги низолар. Миллий низолар. Низо уруғини сочмоқ.* ■ *Мусулмонқул ўз ғарази йўлида орада йўқ низоларни кўзгаб, куёви Шералихонни ўлдирди, гуноҳсиз Муродхонни шаҳид этди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НИЗО СОЛМОҚ ёки **НИЗО УРУҒИНИ СОЧМОҚ** Қарама-қаршиликни, келишмовчиликни вужудга келтирмоқ. *Даҳо ўйлаб, улуғ шоир билан аёли орасига низо солишни топди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. **Орадан пизони кўтармоқ** Узаро келишмовчилик, қарама-қаршиликни йўқотмоқ. [Абдураҳмонбой Қудратга:] - *Уй-жойингни қайтарай, давлатимдан баҳраманд қилай, орадаги низони кўтар!* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

НИЗОЛАШМОҚ Адоват, ихтилоф, нифоқ туфайли узаро жанжаллашмоқ. *Ориф ака узоқ қишлоқларда қолиб кетади, кўплар билан низолашиб ҳам олди, кўп дўстлар орттирди.* А. Мухтор, Чинор.

НИЗОЛИ Низога сабаб бўладиган, ихтилоф туғдирадиган, нифоқ соладиган; жанжалли. *Низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилмоқ.* ■ *Раҳмон тоға қишлоқ пешволари билан боғлиқ бўлган низоли масалаларни ҳал этишга маслаҳат сўраб келганларга очиқ бир нарса дея олмас, уларни инсофга чақиршидан бошқа йўл йўқдай туюларди назарида.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

НИЗОМ [а. نظام — тартиб, тизим; тузум; устав, ички тартиб қоидалари] 1 Маълум иш, масала бўйича қонун-қоидалар, тартиблар мажмуи. *Сайлов туғрисидаги низоми.* Қиличбозлик низоми. ■ *У уруш низомини билади.* С. Айний, Қуллар.

2 эск. айн. устав. *Бухоро ҳукуматининг ҳарбий низомига кўра, бузилган қуролни сарбоз ўз пулига тузатиши лозим эди.* С. Айний, Дохунда.

3 эск. Саф, қатор. *Низом тортмоқ.*

4 Низом (эркаклар исми).

НИЗОМНОМА [а. + ф. نظامنامه — низоми, устав, қоидалар] айн. низоми 1, 2.

НИКЕЛЛАМОҚ Металл буюмлар сиртига никель югуртирмоқ, никель қошламоқ. *Кроватни никелламоқ.*

НИКЕЛЛАНМОҚ Никелламоқ фл. мажҳ. н. *Никелланган самовар.* ■ *Ёруғ ва кенг хоналарда қулай жиҳозлар — никелланган*

кроватьлар, стол, стул, шкаф, буфетлар бор. Газетадан.

НИКЕЛЬ [нем. Kupfernickel минерали номидан < Kupfer — мис + Nickel — мис қазиб олувчиларга тўсқинлик қилувчи ёвуз рух] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, эриши қийин, ҳавода ўзгармайдиган, кумуш каби оқ ялтироқ қаттиқ металл.

НИКОТИН [фр. nicotine < тамакини дастлаб, 1560 йилда Францияга олиб келган француз дипломати J. Nicot (Ж. Нико) номидан] Тамаки ва б. баъзи ўсимликлар таркибда бўладиган алкалоид, кучли заҳар. *Жуда кўп талант эгалари алкоголь ва никотин таъсирдан ҳалок бўлган. «Фан ва турмуш».*

НИКОТИНЛИ Таркибда никотин мавжуд бўлган. *Анабазин ва никотинли дорилар ўрнига кальций содасини ишлатиш мумкин.* Газетадан.

НИХОҶ [а. نكاح — уйланиш, эрга тегиш; эр-хотинлик; эр-хотиннинг қовушиши] ҳуж. 1 Эр-хотинликни шарият йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домудла томонидан ўқиладиган шартнома. *Нихоҳ қилмоқ. Нихоҳ ўқимоқ. ■ — Ҳозир Зухур маҳсум чиқса, аянғизни чақириб, нихоҳ ўқиймиз! — деди домла. «Муптум».* Қиз нихоҳ ва унинг эртаси бўладиган бутун можарони кўз олдига келтириб, аммасининг оёғида йиқилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифоқ; эр-хотинлик. *Нихоҳ тўйи. Нихоҳ тўғрисида гувоҳнома.*

НИХОҶЛАМОҚ Оилавий иттифоқни, эр-хотинликни шарият йўли билан расмийлаштирмоқ, нихоҳ ўқимоқ. *— Бўлар иш бўлган, мени қиморбоз нихоҳлаб олган эди. — деди Ҳожи хола. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Робиянинг иддаси ўтгач, маҳалла имоми уни Тоҳирга нихоҳлаб берди. П. Қодиров, Юлдуз-ли тунлар.*

НИХОҶЛИ Нихоҳлаб олинган, нихоҳ ўқиб расмийлаштирилган. *Нихоҳли хотин.*

НИХОҶСИЗ Нихоҳ қилинмаган, эр-хотинлиги нихоҳ ўқиб расмийлаштирилмаган. *Нихоҳсиз хотин.*

НИЛ [ф. -ҳинд. نيل — кўк бўёқ модда, яндиоғ] 1 Баъзи ўсимликлардан кимёвий йўл билан ажратиб олинadиган кўк бўёқ, олтин

ранг билан товланадиган кўк кристалл модда.

2 Кўзга сурма, юзга ясама хол қўйиш учун қўлланадиган мис сурмачўп (яна қ. мил V). *Чиройлироқ хотин-қизларни ва ёш ўғлонларни чўмилтирганда, жуда катта аҳамият берилар. қошлари терилар, кўзларига сурма ва юзларига нил билан ясама холлар қўйилар эди. С. Айний, Қуллар.*

3 Маълум бир нарсанинг учи (яна қ. мил I). *Юсуфов милтиқнинг нилини осмонга қаратди-да, тепкини босди. Ёруғ осмон гумбурлаб кетди. М. Ҳазратқулов, Журъат.*

Бўёқчининг нилми? қ. бўёқчи. *— Дарахт ўстириш бўёқчининг нили эмас, — деди Комилжон. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

НИЛГУН [ф. نيلگون — кўк, осмоний ранг] эск. кт. Нилранг; мовий, кўк, нилый. *Полвоилар қадамага осмон поя, Жаранглар бош устида нилгун фазо. Ғ. Фулом.*

НИЛИЙ [ф. نيلي — тўқ кўк, зангори] айн. нилгун. *Бола ҳар кун келар оқшомда, Тут тагга бориб ўтирар Ва сарҳадсиз нилий осмонга — Кўк гумбазга боқиб ўй сурар. Х. Даврон.*

НИЛУФАР [ф. نيلوفر] 1 Йирик баргли, чиройли кагга-катта гулли, сувда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик.

2 Нилуфар (хотин-қизлар исми).

НИМ [ф. نيم — ярим, яримта] Ярим, сал, тўла эмас. *У, ним қоронғи уй ўртасида чалқанча ётгани ҳолда, бир нималар деб шивирлар. эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Унинг гапи озгида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очиқ лаби титради. П. Қодиров, Уч илди.*

НИМА сўр. олл. 1 Предмет, воқеа-ҳодиса ҳақида сўроқни ифодалайди. *Бу нима? Нима янгилик бор? Сизга нима керак эди? Отингиз нима? ■ Тошкентдан нималар келтирдингиз, бек ака? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Нима бўлди? 1) айн. **нима қилди?** *Унга нима бўлди?* 2) қандай натижа билан тугади. *Иш нима бўлди? Нима гап? Воқеа нимадан иборат? Нима учун? қ. учун. Нима қиламан (ёки қиласан, қилади) Менга (сенга, унга) нима кераги бор, бошимга ураманми. Мен буни нима қиламан? Нима қиласан ёлғон гапириб? ■ Ҳўш, у [Йўлчи] тентакни қутқазиб нима қиласан, жиян? Ойбек, Танланган асарлар. Нима қилди? Не бўлди?, қандай ҳодисага йўлиқди? Сизга нима қилди?*

2 Риторик сўроқ гапларда инкор маъносини билдиради. *Дунёни сув босса, урдакка нима қайғу?* Мақол. ■ *Юрт ишига ғамхўрлик қиладиган одамлар бор. Санларга нима.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Белги ҳақида сўроқни билдиради; қандай? *Нима гуноҳ қилдим?* Ойбек, Танланган асарлар. *Марғилонга нима юмуш билан келган эдингиз?* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

Нима қилай Қандай қилай, начора, илож қанча. *Гапга кўнмаса нима қилай.*

4 Қариндошлик муносабатлари маъносида “ким” ўрнида ишлатилади. *Уменинг нимам бўлади?* *Сиз Каримнинг нимаси бўласиз?*

5 Сўроқ гапларнинг бошида умумий сўроқни билдирувчи сўз-гап сифатида келиб, сўроқни кучайтиради, таъкиллайди. *Нима, мадрасани битиртириб, мачитга имом қиласизми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. - *Нима, бирон нарса тушиб қолдими?* – *бепарво сўради Салим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бир нима Ноаниқ нарса, предметни ифодалайди; нимадир. **Нимаси?** Сўзловчининг бирор нарса ёки хатти-ҳаракатдан таажжубланганлигини ёки норозилигини билдиради. *Канизак билан ўйнашганинг ўйнашган, Сидиқжоннинг хотинини чақиртириб, икковини уриштирганнинг, Анзират хола бечорани урдирганинг нимаси?* А. Қаҳҳор, Кўпчинор чироқлари. **Нимасини айтгасан** (ёки айтгасиз)? *кри. с. Қани-я, қани энди.*

НИМАГА сўр. олл. Сабаб ҳақида сўроқни билдиради; нега?, нима учун?, нима сабабдан? *Ака, нимага жим бўлиб кетдингиз?* Ойбек, Танланган асарлар. [Чол:] *Нимага бунақа қилганини биласизми бунинг?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НИМАГАКИ эрг. боғл. Нима учун десангиз, шунинг учунки, чунки. *Хурсанд бўлиш керак, нимагаки бугун қишлоғимизга уяз [уезд] ҳоқими Фишман тўра келдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НИМАЙКИ нисбий олл. Қандай нарса бўлмасин, нима бўлмасин ҳаммаси. *Дустлар нимаики топсалар, баҳам кўришади.* ■ *Нимаики қилсанг тилак, Барига ўқиш керак.* Қ. Муҳаммадӣ.

НИМАРСА эск. айн. нарса. [Абдишукур:] *Ука, менимча, гафлатдасан, ўқимаганиндан бўлса керак, фикринг кўп нимарсалардан ҳали гофил.* Ойбек, Танланган асарлар.

НИМДОШ [ф. *нимдашт* – тутилган, ишлатилган; эскирган, тўзган] Кийилиб, тутилиб, анчагина эскирган (асосан, кийим ҳақида). *Бир кун кечга томон Умурзоқ аканинг эски қўрғончаси олдида нимдошигина солдат ишнели кийган одам пайдо бўлади.* Ҳ. Назир, Сунмас чақмоқлар. *Куз кечаси. Соғуқ шамол бадани тиканли тили билан тирнар, нимдош кийимдан ўтиб санчар ва қалтиратар эди.* Н. Мақсудий, Лайлатул-қадр.

НИМЖОН [ф. *нимжан* – чалажон, чалаўлик, ярим жон] 1 *Куч-қуввати кам; заиф, нозик.* У [Анзират хола] олмишларга бориб қолган, нимжон, юзи жуда бурушган бўлса ҳам, қизил, товуши майин ва ёқимли бир кампир эди. А. Қаҳҳор, Кўпчинор чироқлари.

2 Заиф, нозик, ҳали ўзини тутиб олмаган, яхши ривожланмаган. *Қатор-қатор ўтқазилган ёш ва нимжон ниҳоллар эндигина япроқ чиқарган эдилар.* Ш. Рашидов, Бундан кучли.

НИМКОРЛИК [ф. *нимкаре* – тугалланмаганлик; ярим бажарилганлик; ерни тенг шерикликка ишлаш] Хусусий эгаликда бўлган ерни ижарага олиб, тенг шериклик асосида фойдаланиш шакли. 1921–1929 йиллардаги Урта Осиё ва Қозғистонда ўтказилган ер-сув ислохотлари натижасида нимкорлик барҳам топди. Газетадан.

НИМКОСА [ф. *нимкасе* – кичикроқ коса] Кичик коса; косача. У чиқариб кўкнор халтасин, Нимкосада эди оғуни. Аввал “қулт-қулт” ютди анчасин, Сунг ялади бори-ўғуни. Р. Файзӣ.

Коса тагида нимкоса Бирор гап, иш-ҳаракат ва ш. к. заминда яширинган гап ёки нарса ҳақида. *Темир Акбарович коса тагидаги нимкосага энди тушунди.* П. Қодиров, Уч илҳаз.

НИМПАЛЬТО [ним + пальто] Этаги тиззадан юқори турадиган пальто тури; калта пальто. *Жамиид секингина туриб, нимпальтосини эзига ташлади-да, эшикка чиқди.* Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди.

НИМПУШТИ [ф. *нимпешт*] Оч пушти. *Нимпушти гуллар.*

НИМРАНГ [ф. *нимранг* – оч рангли, ёрқин эмас] 1 Ранги оч, оч ранг. *Ёз кунлари маҳдумнинг боғчаси оқ, нимранг, ола-зангор, малла-ложувард ва бошқа тус капалак-*

ларнинг ялт-юлт учишлари билан алоҳида бир кўринишга кирарди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Узумнинг ўртача кечпишар бир тур. Тоқнинг тошиғи, нимранг, хусайни, қирмиска, шивирғони, доройи каби навларини ўстириш мақсадга мувофиқ. Газетадан.

НИМТА [ф. *نیمتہ* — тананинг ярми] Сўйилган мол ёки қўй танасининг бўйлама ярми. Қассоб дўконини очиб, қўй нимталарини осяпти. Ҳ. Гулом, Замин юлдузлари. Темиртош яқиндаги бир муғулни мўлжалга олиб, унғ елоканидан от солди, етиб бориб, унинг чап томасига қилич урди, муғул икки нимта бўлиб, отининг оёғи остига тушди. М. Осим, Ўтрор.

Нимта қилмоқ Ўлдирмоқ, пккига бўлиб ташламоқ (яна қ. **нимталамоқ** 2). *Ҳамма ёқ кўрбоши. Ҳозир билса, нимта қилади. Йўқол, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам!* Ш. Тошматов, Эрк қуш.

НИМТАЛАМОҚ 1 Сўйилган мол ёки қўй танасини бўйламасига пкки тенг қисмга ажратмоқ.

2 *кўчма* Парча-парча қилмоқ, парчалаб ташламоқ. *Майдон-майдон отин елсин фарзандим, Душманни нимталаб бўлсин фарзандим. «Равшан». Шерали ҳозир уни нимталаб ташлашга тайёр эди, бироқ индамай, куча эшиги томон илдам юриб кетди. С. Кароматов, Олтин қум.*

НИМТА-НИМТА Бўлак-бўлак, парча-парча. *Узинг мардсан, Фиротингни елгансан, Ғаним бўлса, нимта-нимта булгансан. «Равшан».*

НИМТАТИР 1 Унча куюқ эмас, аччиқ эмас, суюқ (дамланган чой ҳақида). *Зумрад нимтатир, суюққина чойни хўллаб кўярди. Ойбек, Зумрад.*

2 Сал товланувчан, ўхшаш. *Аваз кўксини тулдириб нафас олди. Гоҳ тўхтаб, нимтатир кўжиш уфқларга разм солди, кечаги осойишта кунини, бу ерда ўтажак осуда дамларини уйлади. С. Спёвев, Аваз.*

НИМХУШК [ф. *نیم خشک* — ярим қуруқ, чала қуриган] Бир оз нами бор, намроқ, хўдроқ. *Нимхушк тупроқ.*

НИМЧА [ф. *نیمچہ* — яримта; калта кийим] **1** Кўйлак устидан, костюм, камзул ичидан кийиладиган енгисиз ва ёқасиз калта ва ихчам кийим (асосан, хотинлар кияди). *Эғнида узун қизил шоҳи кўйлак, кимхоб*

нимча, бошида шафтолиранг ёрқин товланган ипак дуррача. Ойбек, Танланган асарлар.

2 эск. Тахминан 400 граммга яқин бўлган оғирлик ўлчови. *Нимча гўшт. — Бир қас-соддан нимча қўй гўшти олиб келдим. Бу сабил ҳам эчки гўшти экан. С. Айний, Эс-далиқлар.*

НИМЧИЛИҚ Яхши ривожланмаган, ўсмаган; заиф, нимжон, мажмағил. — *Сизга нима бўлди ўзи, сап-сарик, нимчилик-ку. Ё анави ўғил болани оламизми, кўҳликкина экан, — деди жувон эрига. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Бу ерда экин фовлаган, бўйга зўр берган эмас ва оч ерда ўсган ёки парваришсиз қолган ўсимликдек пакана, нимчилик эмас. Ойбек, О. в. шабадалар.*

НИМЧОРАК [ф. *نیم چاریک* — ярим чорак; чоракнинг ярми] эск. Саккиздан бир, чоракнинг ярми. *Нимчорак қадоқ чой.*

НИМҚОРОНҒИ Ярм қоронғи, унчалик ёруғ ҳам, қоронғи ҳам эмас. *Эркин нимқоронғи, зах хонга ҳам, сужунатга ҳам аста кўника бошлади. Т. Малик, Ибляс деворп.*

НИНА айн. *ягва. Шакархоннинг ангиш-вонаси тешилиб, бармоғига нина кириб кетмаганда, қўшиқ тонг отгунча янграши турган гап эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Чиндан колхознинг нинасига теккан бўлса, туя қилиб тўлатаман. Билсан-ку қаттиққўл-лигимни!* С. Анорбоев, Оқсой.

Нинадай гап Арзимаган, аҳамиятсиз гап. *Гапни кўп чўзма, қаердалигингни биласанми? Нинадай гап бу ерда туядай бўлади-я! — деди Темир хотинига. Б. Раҳмонов, Юрак сирларп.*

НИНАЧИ Найчасиён тана тузилишига эга бўлган, қанотли ҳашарот тури. *Илонлардан ташқари турли хил ҳашаротлар: бешиктерватар, қора чигиртка, ниначи ва бошқалар ҳам ўз ривожланиши давомида қобиғини янғилайди. «Фан ва турмуш». Утўланлар устида оқ, сариқ капалаклар, қизил, бинафшаранг ниначилар учиб юрибди. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.*

НИННИ бол. Янги туғилган бола, чақалоқ.

НИОБИЙ [лот. *niobium* < юнон мифологиясидаги Танталнинг қизи — Фива маликаси Ниоба (Niobe) номидан] Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент; қийин эрийдиган, коррозияга чидамли кулранг металл.

НИППЕЛЬ [ингл. nipple] 1 Кувур ва шлангларни, радиатор бўлакларини герметик улашга хизмат қиладиган, ҳар икки томони резбали деталь. *Радиатор ниппели.*

2 Камералардан ҳавони чиқармайдиган мослама. *Велосипед камерасининг ниппели.*

НИСАТ [а. نِسْبَة — муносабат, алоқа; қариндошлик; ўзаро боғланиш; миқдор] 1 Нарсаларнинг бир-бирига қараганда катта-кичиклиги, оз-кўплиги ва ш. к. *Кучлар нисбати.* ■ ..уруида қатнашаётган кучларнинг нисбати, мақсади кун сайин илмий асосда тушунтириб борилиши керак. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 мат. Бир соннинг иккинчи сонга қараганда қиёсий катталиги, бир соннинг иккинчи сонга бўлинишдан ҳосил бўлган бўлинма. *Икки миқдор ўртасидаги нисбат.*

Нисбат бермоқ Бирор кимса ёки нарсага олиб бориб боғламоқ; ўхшатмоқ *Менинг жунунима Мажнунни бермангиз нисбат.* Нодира. *Ота-боболаримиз қадимда кўп жойларнинг номини дов-дарахтларга нисбат бериб қўйганлар.* Газетадан.

Феъл нисбатлари тлш. Ҳаракатнинг субъект ва объектга бўлган муносабатини кўрсатадиган феъл шакллари. *Феълнинг ўзлик нисбати.* *Феълнинг ортирма нисбати.*

НИСБАТАН [а. نِسْبَاتًا] рвш. 1 Бошқаларига қиёсан; қиёсан олганда. *Деворсиз боғнинг шимол томони чакалакзор бўлгани учун уни нисбатан озроқ қум босган.* С. Айний, Эсдалликлар.

2 кум. вzf. Айприб, таъкидлаб кўрсатишни ифодалайди; қараганда, кўра. *Маҳкамнинг босиқлиги эса уни Очилга нисбатан бир неча ёш катта кўрсатарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Каспий денгизида пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўнайди.* Шухрат, Шяенелли йиллар.

3 кум. вzf. Ҳаракат-ҳолатнинг нимага, кимга варафилганлигини, муносабатини билдиради. *Элмуроднинг кўнглида, энди чолга нисбатан бўлган ҳалиги нафрат учиб, унинг ўрнига аянчагга ўхшаш бир сезги пайдо бўлди.* П. Турсун, Ҳўкитувчи.

НИСБИЙ [а. نِسْبِي] 1 Бошқаларга қиёсан олинган ёки белгиланадиган; қиёсий, солиштирма. *Пахтанинг нисбий намлиги.* *Жойнинг нисбий баландлиги.*

2 Ташқи шароит, муҳит билан боғлиқ равишда ўзгарадиган; шартли. *Нисбий тушунча.* *Нисбий ҳақиқат (флс.).*

3 тлш. Нисбат, муносабат билдирувчи. *Нисбий сифат.*

НИСБИЙЛИК 1 Нисбий ҳолат, нисбий эканлик. *Тушунчаларнинг нисбийлиги.*

Нисбийлик назарияси Ҳозирги замон физикасида: фазо ва вақтнинг ҳар қандай физик жараён учун ўринли бўлган хусусиятлари ҳақидаги таълимот (20-асрнинг 1-чорагида америкалик физик А. Эйнштейн томонидан яшлаб чиқилган). *Нисбийлик назарияси — материя мавжуд бўладиган фазо ва вақт назариясидир.* «Фан ва турмуш».

2 айн. нисбият.

НИСБИЯТ [а. نِسْبِيَّة — нисбийлик] Нисбий катталиклар, муносабатлар мажмуи; нисбийлик. *Атомлар ичида электрон, протон очилган, нисбият назарияси ёзилиб, нашр этилган бир вақтда..* Газетадан.

НИСОР [а. نِسَار — шпринликлар, ҳалалар улашиш, тарқатиш] кт. 1 айн. **қурбон.** *Ёринга, эй нисор, вафо қил, Жонингни эт нисор, вафо қил.* Ё. Мирзо.

2 айн. **чочик** II 2. [Навойий:] *Ташаккур билдириб наққошингизга, Нисор этсам бу зарни бошингизга.* Уйғун ва Й. Султон, Алишер Навоий.

НИСФ [а. نِصْف — ярим, ярымга; ўрта] эск. кт. айн. **ярым.** *Агар берсам мунга гавҳар тахтимни, Оққиз, бўлмас, билгин, нисфи баҳоси.* «Равшан». *Чамаси, нисфи шоб асноси, дўстим деб, ёнида қиз, Султоналининг уйига келган.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

НИСФКОРЛИК [а. + ф. نِصْفَكَارِي — ярим ҳосилга, тенг шерикликка ишлаш] айн. **нимкорлик.**

НИТРАТЛАР [қ. нитро..] ким. қ. х. Нитрат (азот) кислотасининг тузлари: ўғит сифатида ҳамда дори-дармон ва портловчи моддалар ишлаб чиқаришда қўлланади.

НИТРИДЛАР [нитро.. + юн. eidos — тур, хил; кўриниш] ким. Азотнинг бошқа элементлар, асосан, металллар билан ҳосил қилган бирикмалари.

НИТРО- [юн. nitron — селитра, сода] Ўзлашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи қисми: айнн қўшма сўзнинг азотга, нитрат (азот) кислотасига алоқадорлигини кўрсатади, мас., *нитратлар, нитроглицерин.*

НИТРОГЛИЦЕРИН [нитро.. + глицерин] тех. ким. Нитрат (азот) кислотаси ва глицериннинг мураккаб эфири; рангсиз

ёввишқоқ суяқлик, кучли портловчи модда (ҳарбий техникада ва тиббиётда қўлланади).

НИТРОН [қ. нитро-] Тарқибда азот бўлган оқ қаттиқ синтетик полимер ва ундан ишлаб чиқарилган пишиқ сунъий тола. *Нитрон толасидан тўқилган гиламлар жуда енгил, пишиқ ва кўркам бўлиб, оддий гиламларга нисбатан анча арзондир.* Газетадан.

НИФОҚ [а. نفاق — иккиюзламалик; мунофиқлик, рикорлик; муғомбирлик] Келтирилганлик, ихтилоф, низо, жанжал. *Амирлик рутбасини қабул қилсам, баъзи улуг зотларнинг кўнгли ранжур. Орада беҳуда сўз кўтарур. Дустлик ўрнига нифоқ вужудга келур. Ойбек, Навоий. Низога билан Шербекнинг ораларига нифоқ солишда унинг ҳам қўли бордир.* С. Анорбоев, Оқсой.

НИФОҚЧИ Нифоқ туғдирувчи, нифоқ, низо солувчи; ғаламис. *Нифоқчи — одамлар ўртасига нифоқ ташлайди, коллективни бузади, таълим-тарбияни издан чиқаради.* Р. Усмонов, Одобнома.

НИШ [ф. نیش — арв, чаёнларнинг чақаш аъзоси; найза; бирор нарсанинг ўткир учи; чақиш, нина, найза санчиш] 1 Ўткир нарсанинг учи; найза. *Кўк стрелкаларнинг шаҳарга, тепаликлар ва катта йўлларга қартилган найзалари.. ханжар нишидай армия мудофаасига санчилиб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Газандаларнинг чаққанда санчадиган аъзоси; ништар. *Йўлда чаён топибақадек дустига, Урди бир-ишқи нишини пустига.* Ҳамза.

3 Эндигина униб чиққан (ўсимлик ёки куртак). *Тупроқни кўтариб турган ниш ғўза тагини аста қовлаб кўрсам, илдизи чирий бошлабди.* С. Маҳкамов, Шогирд.

Ниш урмоқ 1) нина, найза каби ўткир учи нарсани санчмоқ. *Қайнаётган қазига ниш урмоқ;* 2) ўсиб ер бағрини ёриб чиқмоқ (ўсимликлар ҳақида). *Аввал экинларнинг ниш уришидан хирмонгача бўлган жараённи тўрт кўз бўлиб қазатган бўлса, энди кишиларнинг қалбини, қарашини, руҳини ўргана болади.* Шўхрат, Шинелли йиллар; 3) кўчма эндигина, янги пайдо бўлмоқ, туғилмоқ. *Мураббий — бола қалбда ниш ура бошлаган умид ғунчаларининг меҳрибон соҳибидир.* Р. Усмонов, Одобнома.

4 Тухумнинг учдаги ўткир бўртиғи, холи.

НИШАБ [ф. نشيب — қиялик, ёнбағир; пастлик, паст жой] 1 Юзанинг бирор то-

монга қиялиги; қиялик даражаси. *Нишаб ер. — Янги қамиш босиб, лой билан сувалган томнинг нишаби ҳовли томонда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 кўчма Бирор гап-сўз, иш-ҳаракатнинг мазмуни, йўналиши. *— Узим ҳам гапнинг нишабидан масалани тушунгандим, — деди Ботирли Нейматжонга.* Газетадан.

НИШАБИНИ ўзига оғдирмоқ (ёки тўғрламоқ) Фойдани, тушумни ўз томонига қаратмоқ. *Гулнор.. Мирзакаримбой хонадонига бошлиқ бўлиб кеккайсин, ҳеч ким билан сўзлашмасин, туғсин, бойликнинг нишабини ўз томонига тўғриласин!..* У жуда шайтон хотин. Ойбек, Танланган асарлар.

НИШАБЛИК Қия жой; қиялик, ёнбағир. *Баширжон Қирмизхонни эргаштириб, нишабликдан бир-бир босганча, пастга туша бошлади.* Н. Аминов, Суварак.

НИШОЛДА Тухумнинг оқини етмак билан кўпиртириб ва шакар қлёмв қўшиб тайёрланадиган кўпиксимон куюқ оқ ширинлик. *Ота.. нишолдага нон ботирар, самоварчи унга гулдор ниёлада иссиқ, хушбуй чой узатиб турар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

НИШОЛДАЧИ Нишолда тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс.

НИШОН [ф. نشان — белги, из; муҳр, тамга; аломат; мўлжал; орден, медаль] 1 Атайлаб қўйилган ёки табиий белги; аломат. *Боланинг ўнг бетида нишони бор. — Техник.. домланинг дарвозасига қизил нишон қўйиб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Бирор нарсанинг изи, асар, *Кечаги ёмғирдан нишон ҳам қолмаган, хушбуй шабада, дилхуш манзара, оромижон табиат.* И. Раҳим, Ихлос. *Кубан буйларидан изладим сени. Ўтди туну кунлар, топмадим нишон.* Т. Тўла.

3 Бирор нарсдан дарақ ёки далолат берувчи белги. *Ясовуллар садоқат нишони кўрсатдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бу байроқ ҳар бир жангчи учун шон-шараф белгиси.. ғалаба нишони.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Ўқ узини учун мўлжалга олинган (қўйилган) нарса; қора. *Ўқни нишонга бехато урмоқ. Нишонга олмоқ. — Туғри қилгансиз, — деб уни қўлтиқлади комиссар, — жангчининг онги қайралса, ўқи нишонга бехато тегадиган бўлади.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

5 кўчма Бирор гап қаратилган объект; бирор гапдан кўзланган мақсад; мўлжал. *Иноят сўзининг нишонга бориб тегаётганидан мамнун. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.*

6 эск. кам. қўл. Орден; медаль. *Кўкрагида яқинда олган «Меҳнат шуҳрати» нишони.. Газетадан.*

7 Нишон (эркаклар исми).

НИШОНА [ф. نشانه — белги, из, асар; кўрсаткич, мўлжал] 1 айн. **нишон** 1, 2, 3. *Шукуржоннинг.. қуёшда куйган бугдойранг юзида қандайдир теран бир қайғунинг нишонаси бор эди. О. Ёқубов, Ота изидан. Бек ва амир амалдорининг нарида туриб шивир-шивир қилаётганликларини Ҳасан овчи ёмонликдан нишона деб тушунди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

2 Мевали дарахтнинг биринчи марта қилган меваси. *Олма нишона қилди. ■ Ҳали нишона қилмаган мевани ҳисобга киритасанми? Аввал тарбия қил, гулласин, ундан кейин мевасига сават тўқсанг арзийди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.*

НИШОНДОР [ф. نشاندار — нишони, белгиси бор, белги қўйилган] 1 Нишони, белгиси бор, бирор белгига эга бўлган, белгил, белги қўйилган.

2 эск. айн. орденля. *Тоғиб бахту саодат қиз-йигитлар бизда меҳнатдан, Нишондор бўлдилар кўплар, бу увон шму фандандир. М. Ҳасанова. «Эл-юрт хўрмати» ордени нишондорининг [О. Ҳакимовнинг] биргина армони бор. Газетадан.*

НИШОНЛАМОҚ 1 Байрам, қўтлуғ кун ва ш. к. ни тантана билан ўтказмоқ, муносиб совғалар билан кутиб олмоқ. *Темир-терсак буюмлари заводининг директори эллик ёшга тўлди. Мана шу қўтлуғ маросимни нишонлаш учун завод фаоллари клубга йиғилишди. С. Аҳмад, Сайланма.*

2 Белги, нишон қўймоқ, белгиламоқ. *Ер етилгандан кейин отам жўяклар жойини нишонлаб берди. С. Айний, Эсдаликлар.*

НИШТАР [ф. نيشتار — жарроҳ пячоғи] 1 Жарроҳларнинг кескир асбоби. *Ибн Сино ечиб ташлаган қонли яктагини кийиб, қўлида ништар билан ярадорнинг тепасига келди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.*

2 Умуман, ўткир ва санчиладиган нарса. *Душман заиф жойдан ништар уради. С. Аҳмад, Хукм. Ништардан аччиқ ботди Темирдан бўлган жавоб. Файратий.*

3 айн. **ниш** 2. *Чаён заҳарли ништарини бир гал ўртанча бармоғининг учига, иккинчи марта кўрсаткич бармоғига санчиб олди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

4 кўчма Ўткир, кучли. *Қуёшнинг ништар нури баҳор ёмғирида ўсган ўтларни қовжиратиб юборган. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.*

НИШХҲҲҲҲ [ф. نشخور — кавлаш, хавш қайтариш; чайнашга қайтарилган озуқа, ем] Ҳайвонларга берилган ем-хашак қолдиги; чиқит. *Ашурмирзо бурчакда уйиб қўйилган нишхўрдлар устида беҳуш ётар эди. М. Исmoilов, Фарғона т. о.*

НИЯТ [а. نية — мақсад, ўй, мўлжал, ўйлаб қўйилган иш] Кўнгалдаги истак-орзу, аҳд, мақсад. *Яхши ният — ёрти мол. Мақол.*

■ *Ожизамиз билан мирзо Анварнинг тўйларини қилмоқ ниятимиз бор эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [Охун:] Беш-ўн қоғозни белимга туғиб, уст-бошимни бут қилиб, юртимга жўнаб кетай дегандим, ниятга ета олмай турибман. Ойбек, Танланган асарлар.*

НИҚОБ [а. نقاب — ёпинчиқ, юзга тутиладиган тўр] 1 Ўзини танитмаслик ёки ҳимоя қилиш учун юзга тутиладиган, кийиладиган нарса; маска. *Карнавал ниқоби. ■ Унғур қазийётган боёқишларнинг юзлари чақмоқдан яра, ғурра бўлиб кетибди, шуни тутиб олиб ишлашсин, деб қилдим, — деди Қудрат, темир ниқобни чолларга узатиб. М. Исmoilий, Фарғона т. о. Эй моҳтоб, очғил ниқоб, Карнавалда янгерар соз. Т. Тула.*

2 Махсус тикилган жилд, қоплама. *Уч деразали катта кабинет, баланд суянчиқли стулларга, юшиоқ креслоларга оқ ниқоб ёпилаган. П. Қодиров, Уч юлдуз.*

3 кўчма Ҳақиқатни, ҳақиқий ҳол, қиёфа ва ш. к. ни пардаловчи, яширувчи нарса, восита. *Ниқобини олмоқ. ■ Ҳа, узоқ йиллар мобайнида [Эркиннинг отаси] большевик ниқобида юрган. Т. Малик, Иблис девори. [Мутавалли] Юзидаги газаб ва норозилик аломатларини жўрттага йўқотиб, ясама шодлик ниқобини кийиб олибди. С. Айний, Эсдаликлар. Бу ҳол [Ҳомиднинг] сирини очар, юзидаги ниқобини олишга, рақиблар ила юзма-юз келишга мажбур ётар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

НИҚОБДОР [а. + ф. نقابدار — (юзда) ниқоби бор] айн. **ниқобли**.

НИҚОБЛАМОҚ 1 Ниқоб тутиб, таниб, билиб бўлмайдиган, кўринмайдиган қилмоқ.

Сувонжон қопқонни иннинг шундай олдиғинасига, тулки бошини чиқариши билан бир нарча гўштни кўрадиган қилиб ўрнатди. Ут-чўп билан ниқоблади. С. Анорбоев, Оқсой.

2 ҳарб. Қўшинларни, ҳарбий объектларни душмандан беркитиш, ўз ҳарбий кучлари, уларнинг таркиби, жойлашиш ўрни ҳақида душманни чалғитиш бўйича чора-тадбирлар кўрмоқ.

3 кўчма Яширмоқ, пардаламоқ. Чет эллик баъзи арбоблар кейинги вақтларда зўр бериб ҳийла-найранг ишлатмоқдалар, ўз мақсадларини ва ниятларини ниқобламоқдалар. Газетадан.

НИҚОБЛАНМОҚ Ниқобламоқ фл. мажх. н. Ниқобланган душман. ■ Йўлда ҳарбий юк ва аскар ортган машиналарнинг кети қарийб узишмас эди. Уларнинг ҳаммаси шохлар билан жуда моҳирона ниқобланган. Ойбек, Қуёш қораймас.

НИҚОБЛИ Ниқоби бор, ниқоб кийган, ниқобланган.

НИҚТАЛАМОҚ Узлуксиз ниқтамоқ, ниқталайвермоқ. Бола кучли оёқлари билан эшакни шундай ниқталадики, жонивор.. қаттиқ йўрғалаб кетди. Ойбек, О. в. шабадалар.

НИҚТАЛМОҚ Ниғоҳини қаратмоқ, қаттиқ тикилмоқ. Назир полвоннинг кўзлари ўзидан-ўзи чамадонга ниқталди. «Шарқ юлдузи». Мана ҳозир ҳам қурилишининг оқсаб қолишига фақат Дониёров айбдордай, бош инженер фақат унга ниқталиб туриб гапирарди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

НИҚТАМОҚ 1 Таёқ санчиб ёки оёқлари билан икки ёнига тепкилаб, юришга, илгарилашга ундамоқ (от-уловни). У [отлиқ] шеригидан қолмаслик учун отининг тизгинини силтайди, оёғи билан унинг бағрига ниқтайди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қўл ёки оёқ учи билан туртмоқ. -Рафлатда қолмай ўлинг, отаси, — деди эрининг бошига ниқтаб. — “Лайлатулқадр” бизларни иззат қилиб, ўз оёғи билан уйимизга кириб келган экан. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. Баланд бўйли, пахмоқ сочли, дов казак аскарлар халқни уриб, ниқтаб, орқага суришга киришди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тияғзлаб жойламоқ, мушглаб тикмоқ. Қодир, ниқтаб пахта тикилган қанорнинг оғзини тикиб, тарозиға келтириб қўярди. С. Маҳкамов, Дала тонги.

НИҲОЛ [ф. نهال — янги ўтказилган, ўстирилган дарахт; қаламча] 1 Ёш новда ёки кўчат. Ёш ниҳолга усталик билан қилинган пайванд тез амал олади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Янги униб чиққан ўсимлик, экин. Ёзуа ниҳоллари. Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳолдан парвариши қил! Мақол. Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра. Мақол.

Нозик ниҳол 1) ёш новда ёки кўчат. Нозик ниҳол дарахтлар; 2) кўчма нозик қомат ва шундай қоматли киши. Бежирим, келишган нозик ниҳолнинг, Беқасам калзулинг ярашибди хўп. Х. Расул.

3 кўчма Етилмаган ёш нарса; мурғак, куртак. Гуломжоннинг кўнгли синди, йўқ, кўнгли эмас, умр орзусининг ниҳоли синди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ишдан қайтган чоғимда Қийқиради ўғилчам, — Ҳали ниҳол боғимда, Баргин ёзмаган гунчам. Ё. Мирзо.

НИҲОН [ф. نهان — пинҳон, яширин, махфий] эск. кт. Киши билмайдиган, сезмайдиган; яширин, пинҳон. Муҳаббат кўнгил ичра эрди ниҳон, Булиб анга ҳар дам тилим таржимон. Ҳабибий. Бу гал эса қўзлардан ниҳон, Ўттиз тўрт газ минора нечун? М. Алп, Боқий дунё.

НИҲОЯ [а. نهايه — охир; чек, чегара] Сўнги чек, чегара, охир, поён. Ниҳоясига етмоқ. Ишни ниҳоясига етказмоқ. ■ Бекнинг асабийлиги ниҳоясига етди ва у Лаълининг сочидан бураб, теракзорга судраб кетди. Ҳ. Фулом, Машғал.

НИҲОЯСИЗ Ниҳояси, охири, поёни йўқ; бениҳоя. У онани қўлтиқлаб, ичкарига бошлади. Ҳозир буларнинг ниҳоясиз қувончларини тасвирлаш учун сўз топиш қийин эди. III. Фуломов, Ёрқин уфқлар.

НИҲОЯТ [а. نهايت — охир; чек, чегара] 1 айн. ниҳоя. Элликбошии уруш ниҳоятда оқлодиш оғлиб келишини исбот қилишга тиришди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 рвш. Ғоят, жуда, ниҳоятда. Элмурод уларнинг овозларидан ўз ишларидан ниҳоят хурсанд эканликларини сизди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 крш. с. Охир-пировардида, охири. Ниҳоят, ҳар минути бир кундай туюлган бир соат вақт ўтгач, бутадан йигирма-ўттиз метрча берида қора каска кўрунди. А. Қатҳор, Олтин юлдуз. Ниҳоят, улар ҳам чарчади, шекилли, вагонга сукунат чўкди. Газетадан.

НИҲОЯТДА *рвш.* Гоят даражада, гоят, жуда ҳам. *Ниҳоятда оғир масала. Ниҳоятда яхши иш.* ■ Бу гапни олтмишга бориб қолган бир чолдан эшитганлиги унга [Сидиқжонга] ниҳоятда наша қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НИҲОЯТИ Ҳаммася бўлиб, бор-йўғи, атиғи, фақатгина. - *Ота, — деди Салим жеркиб, — бу нарса кўпга келган тўй. Уғлингиз ниҳояти бир неча ой ишлаб қайтади. Нимасига қайғурасиз?* Ойбек, Танланган асарлар. - *Уғлингизни ўлимга олиб бораётганим йўқ, ниҳояти бир пиёла чой ичади-ю келади!* — дедим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НИҲОЯТСИЗ *айн. ниҳоясиэ.* Унсин қабр тупроғига гоҳ бошини, гоҳ кўксини қўйиб, ўлчовсиз, ниҳоятсиз қайғу билан узоқ йиғлади. Ойбек, Танланган асарлар.

НО- [ф. *ن* — эмас, йўқ; инкор маъносини ифодаловчи префикс] Қарама-қарши, инкор маънодаги сўзлар ясовчи олд қўшмача; ўзакдан англашилган белги-хусусият йўқлигини, шундай белги-хусусиятга эга эмасликни билдиради, мас., *ноаниқ, ношлож, нопок каби.*

НОАЁН [но.. + аён] Аниқ бўлмаган, номаълум. *Ранги ҳам, туси ҳам ноаён дунё, Қирқми ё эллик бу, умр ўртаси.* А. Орипов, Йиллар армони.

НОАНИҚ [но.. + аниқ] 1 Унча аниқ, равшан бўлмаган, ҳақиқатдагига унча мос келмайдиган. *Ноаниқ тасвир.* ■ — “Мажара” эмас, “можаро”, яъни жанжал деган сўз, — деди [Элмурод] бир гал болаларнинг бир шеърдаги шу сўзни ноаниқ талаффуз қилганларидан гаши келиб. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Унча ишонарли эмас, шубҳага, иккиланишга ўрин қолдирадиган. *Ноаниқ гап. Ноаниқ маълумотлар.*

3 кесим *взф.* Шубҳали, гумон. *Келиш-келмаслиги ноаниқ.*

4 Мўҳмал, мужмал, дудмол. *Ноаниқ жавоб.*

НОАНИҚЛИК Ноаниқ хусусиятга эгалик, аниқ эмаслик, номаълумлик. *Врач чиқиб кетгандан кейин, Мамлакатнинг кўнглини ғашликми, ноаниқликми, ишқилиб, ғалати бир туйғу қамраб олди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

НОАҲИЛ [но.. + аҳил] Бир-бири билан унча аҳил бўлмаган; ноиноқ. *Ноаҳил ошда.* ■ *Водокачкалардан бирини тиклашда..*

ушанчалик ноаҳил бўлган капсанчилар ҳозир бунчалик иттифоқ бўлиб қолганларига ўзлари ҳам ҳайрон эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

НОБАКОР [ф. *ناپاکار* — ишга ярамайдиган; ёвуз, баттол; ахлоқсиз; бекорчи] 1 Хулқ-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати ёмон одам. *Биласизки, чиқиб Ниёз баччағар, Атрофига йиғилди қулбаччалар. У нобакор озор берар тинч халққа, Кирдикори нуқул зарар тинч халққа!* И. Султон, Номаълум киши.

2 сўж. Ярамас, аблаҳ, разил.

НОБАКОРЛИК Нобакорга хос хусусиятга эгалик, нобакорга хос хатти-ҳаракат. *Қулмуҳаммад ёнида турган Пирназар ота ҳам ялт этиб қараб, нима деяётганига тушунгач, «бу қандай нобакорлик», деб кўзларига ғазаб тўлди.* Мирмуҳсин, Бибиғул.

НОБОП [ф. *ناپاب* — мос, мувофиқ эмас; ярамас; яроқсиз] 1 Унча мос, мувофиқ эмас; қўл келмайдиган, номувофиқ, яроқсиз. *Нобоп жой. Нобоп ер.* ■ *Айрим қишлоқ кутубхоналари нобоп ва кўримсиз хоналарга жойлашган.* Газетадан.

2 Унчалик шай эмас, бузуқ. - *Дехқон ака, эҳтиёт бўлинг, аравангиз нобоп.. — бошини чайқаб гапирди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нобоп йўлнинг, нобоп машинанинг заҳматидан Темиржоннинг бутун суяклари зирқираб оғрир, қулоқлари шанғилларди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Хулқ-атвори, юриш-туриши ёмон, ярамас. *Нобоп одам.* ■ *Йўқ, у бола кўп нобоп чиқди, шариятга шак келтирадир.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

4 Нотинч, ноқулай. *Бир оз жимликдан сўнг Равшан гапирга бошлади: — Бўри ака, замон нобоп, деб туювон кун Абдурахмон ака айтган гаплар қулоғим остидан ҳали-ҳали сира нари кетмайди. Атрофга қараб, одамни ваҳм босади.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

НОБУД [ф. *نابود* — мавжуд бўлмаган, йўқ қилинган]: *нобуд бўлмоқ* 1) исроф бўлмоқ, бекорга йўқ бўлиб кетмоқ. *Пахтанинг бир грамми ҳам нобуд бўлмасин;* 2) ҳалок бўлмоқ; ўлмоқ. *Уруш йиллари ташкилотнинг кўп аъзолари нобуд бўлди.* С. Аҳмад, Хукм. *Нобуд қилмоқ* 1) яроқсиз ҳолга келтирмоқ, ишдан чиқармоқ. *Мулла Обид билан Усмон полвон қулулли бияни миниб юришга қарши, чунки қулуллар ғўзани босиб нобуд қилади,*

дейдилар. А. Қодирий, Обид кетмон; 2) ўл-
дирмоқ, ҳалок қилмоқ. *Хотинимни ҳам кам-
бағаллик йиқитди, бу ердаги оғир иш нобуд
қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Нобудгарлик кам қўлл. айн. нобуд-
гарчилик.

Нобудгарчилик Бекорга йўқ қи-
либ юбориш, нобуд қилиш, исрофгарчи-
лик. *Нобудгарчилик — халқ хўжалиги учун
зарар.*

НОВ [ф. *ناو* — қувур ёки ёғоч тарнов; сув
йўли] 1 Сув оқishi учун ёғоч, тахта, цемент
ва ш.к. дан ишланган махсус ўзан; тарнов.
*Сув шунча кучайган эдики, новни қўпориб,
тегирмонни босиб кетиш хавфи туғилган эди.*
Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Сугориш ёки, умуман, сув сақлаш
учун ёғоч, тахта, цемент кабилардан иш-
ланган охур; тегана. *Нўмон движокни ишга
солиб, бир-бирига шохлари тегиб турган
садалар остидаги новларни сувга тўлдир
бошлади.* О. Ҳусанов, Най.

3 геогр. Океанлар остидаги кўпинча узун
чўзилган чуқур ботиклар. Масалан, *Мариана
нови, Ява нови.*

НОВА [ф. *ناره* — елкага қўйиб, лой ёки
қоричма ташиладиган тоғорача] айн. пов.
*Лойқа оқиб ўтадиган нованинг ёнига бор-
ганимизда, мастер тўхтади ва менга юз-
ланди.* П. Қодиров, Эрк.

НОВАТОР [лот. *novator* — янгиловчи,
янгилик яратувчи] Кишилик фаолиятининг
бирор соҳасида янгича илғор принцип, го-
я, усул киритувчи ва уни амалга оширувчи.
Ишлаб чиқариш новаторлари.

НОВАТОРЛАРЧА рвш. Новаторларга
ўхшаб, янгичасига. *Эндиликда эскича андо-
залар, эскирган усуллардан қатъият билан
воз кечиш, ишга новаторларча ёндашувлар
талаб қилинади.* Газетадан.

НОВАТОРЛИК Кишиларнинг бунёд-
корлик фаолиятидаги, новаторлар фаолия-
тидаги янгилик; новаторга хос хусусият,
хатти-ҳаракат. *Новаторлик таклифлари.* ■
*Драматург бу ерда новаторлик йўлидан
боради, яъни асарни тўппа-тўғри биринчи
пардадан бошлайди.* С. Аҳмад, Сайланма.

НОВОЙ [ф. *نونا* — нон пиширувчи,
нон сотувчи] Нон ёпиш, пишириш ва со-
тиш билан шуғулланувчи шахс. *Япаски нов-
вой ҳар кун пешин вақтида иккита ширмой
нонни бойга ташлаб кетар эди.* Ойбек,

Танланган асарлар. *Тандирдан янги узилган
обиноларнинг ёқимли ҳидларини сочиб.. нов-
войлар шитиллаб ўтадилар.* М. Исмоилий,
Фарғона т. о.

НОВОЙЛИК 1 Нон ёпиш касби, нон
ёпиш билан шуғулланиш. [Йўлчи:] *Қалай,
новвойликдан бир нима ортадимиз?* Ойбек,
Танланган асарлар.

2 тар. Нон ёпиладиган ва сотиладиган
жой. -*Рўмолчани елкага солиб, новвойликка
қараб югурдим, — деди Шум бола.* Ф. Фулом,
Шум бола.

НОВОЙХОНА [ф. *نوناخانا*] Нон ёпи-
ладиган, пишириладиган жой. *Зумрад дада-
сининг новвойхонасидаги хамир қорадиган
йигитлардан бирини яхши кўриб қолган эди.*
С. Зуннунова, Гулхан.

НОВОС Икки-уч яшар буқа. *Чап то-
монимиздаги тикка тақир тоғ бағридаги
бутазорда гала-гала новослар ўтлаб юриб-
ди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

НОВВОТ I [ф. *نبات* — кристалл шаклли
қанд, шакар] Шакар қиёмидан махсус
тайёрланадиган ялтироқ кристалл қаттиқ оқ
ёки сарғиш ширинлик. *Новвот чой.* ■
*Матлуба хонага кирганда, Асқар Аминовчи
олдида бир ликопчада новвот, дўнг пешо-
насида маржон-маржон тер, фамил чой ичиб
ўтирарди.* О. Ёқубов, Излайман.

НОВВОТ II махс. Тўқимачилик даст-
гоҳида: тайёр мато ўраладиган ёғоч валик.

НОВВОТРАНГ Сарғиш-кўнғир ёки оқ
ранг, новвот рангига ўхшаш. *Гув-гув шамол..
зишк тирқишидан уйга кириб, чироқ пили-
гининг новвотранг алангасини литиллатади.*
Х. Фулом, Машғал.

НОВДА 1 Дарахтнинг ёш, ингичка ва
узун, бебутоқ тармоғи. *Тол новдаси. Ток нов-
даси.* ■ *Чарос эллик қадамча юриши билан
кўча четидаги, новдаларини шода-шода қиз-
ғиш гуллар қоплаган шафтоли тагида тур-
ган Дилшодни кўриб қолди.* Ў. Ҳошйимов, Қал-
бингга кулоқ сол. *Моҳирона хомтоқ қилин-
ган новдалар, сийрак япроқлар оралаб ерга
танга-танга қуёш ёғилади.* Ж. Абдуллахонов,
Орият.

2 кўчма Ёш, нозик. *Кўнгли сув ичиб қо-
либди-да, болагинамдан айланай. Келин ҳам
новдагина, уйинчи бўлса ҳам, камсухан, ши-
касталигини айтмайсизми!* А. Мухтор, Асар-
лар.

НОВЕЛЛА [итал. novella — янгилик < лат. novus — янги] ад. Насрининг кичик жанри, кичик ҳикоя. Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида сатирик новеллага асос солдигина эмас, у 20-йиллардаёқ биринчилардан бўлиб иккита катта роман — «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»ни ёзди. Газетадан.

НОВЕЛЛИСТ [итал. novellista] Новелла ёзувчи ижодкор; новелла муаллифи. Моҳир новеллист Абдулла Қаҳҳорнинг 30-йиллар ижодини ўтишдан олдин ўқитувчи ёзувчининг замондошлари хотирасини ўқиб, ўрганиши керак. Газетадан.

НОВОКАИН [лот. Novocainum < лат. novus — янги + (ко)каин] фарм. тиб. Сунъий йўл билан олинадиган ва таркиби жиҳатдан кокаинга яқин бўлган, сувда ва спиртда яхши эрийдиган рангсиз ва ҳилсиз кристалл дори; оғриқ қолдириш хусусиятига эга. Новокаин қонга юборилганда, умумий таъсир кўрсатади. «Фан ва турмуш».

НОВУТ с. т. Нобуд. [Заргаров:] Жоним! Пайт нозик, хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турибди — бекорга новут бўлиб кетаман.. Менга раҳм қилинг! А. Қаҳҳор, Оғриқ твншлар.

НОВЧА I Бўйи баланд, дароз, узун. Новча йигит. Бўйи новча одам. ■ Ҳокимнинг новча, ҳайбатли қомати олдида.. Тешиабой ҳам одамлар назаридан четда эмас эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Новча тераклар учуда ойнинг кумуш парчаси сузади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

НОВЧА II тар. Қарол, хизматкор. Улар қишлоқдан чиқиб улғурмасданоқ, қариндош бойнинг новчалари кетмон кўтариб келиб, сотиб олинган уйларнинг том тупроғини кўкка совуриб буза бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Қанча бойникида новча бўлиб ишладим-у.. Ҳамма ерда тўғри ишладим. Ш. Топматов, Эрк қуши.

НОВШАДИЛ [а. نشادر] с. т. Нашатир. Фарғона водийсида, айниқса, Ўзганда кўп миқдорда новшадил қазиб олинган ва чет мамлакатларга ҳам сотилган. «Фан ва турмуш».

НОГАҲ [ф. ناگاه — кутилмаганда, бирдан, тўсатдан] айн. **вогаҳов**. Тегмасин ногаҳ маломат ўқлари, Сезгиру хушёр бул оху каби. Ҳабибий.

НОГАҲОН [ф. ناگاهان — тўсатдан, бирдан; кутилмаганда] Кутилмаган, тўсатдан,

қўққисдан юз берган. *Балои ногаҳон. ■ Оқсоқол сўзини тугата олмайди, ногаҳон келиб тушган ўтқир болта Шодмонбойнинг бошини баравар иккига бўлади.* А. Қодирий, Обял кетмон.

НОГАҲОНИЙ [ф. ناگاهانی — кутилмаган, тўсатдан, бехосдан бўлган, тасодифий] сфт. Кутилмаганда юз берувчи, юз берган, кутилмаган. *Бу ногаҳоний қазодан эслари чиқиб кетган бечоралар йиғлашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аҳмаджон билан Маннон бу ногаҳоний кулгидан довдираб қолишган эди.* Й. Шамшаров, Тошқир.

НОГИРОН [ф. ناگیرا — таъсир қилмайдиган, таъсир ўтказиш қобилияти йўқ] I Ишга яроқсиз бўлиб қолган, ожиз (одам ёки унинг аъзолари ҳақида). *Ногирон бола. Унинг бир қўли ногирон. ■ Пулатжон.. ногирон оёғига қараб хўрсиниб қўйди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ушанда у полиомелит касаллигига қарши эмлаш жараёнида шифокорнинг қўпол хатоси туфайли ногирон бўлиб қолганди.* Газетадан.

2 кўчма Нотўғри фикр юритадиган, тўғри фикрга эга бўлмаган. *Ёшлар ўртасида танбаллар, маънавий ногиронлар, ношукурлар ҳали ҳам бор.* Газетадан.

3 кўчма Яроқсиз бўлиб қолган, камчилиги бўлган. *Эскирган ва ёшини яшаб бўлган ногирон ускуналар ғишт заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига ҳам таъсир қилаётганлигига чидаб бўлмайди.* Газетадан.

4 кўчма Юмуқ, ожиз. *Ногирон ғунчалар ҳам бирин-сирин очила бошлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

НОГИРОНЛИК Ишга яроқсиз бўлиб қолишлик; тўғри фикрлай олмаслик. *Рухий ногиронликни тузатиш қийин.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

НОГОҲ [ф. ناگاه] с. т. Ногаҳ. *Ногоҳ бурчакдан қўнғироқли чирманда гулдураб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОГОҲОН [ф. ناگاهان] с. т. Ногаҳон.

НОДАВЛАТ [но.. + давлат] сфт. Давлат тасарруфида бўлмаган. *Нодавлат сектор. Нодавлат ташилот. ■ Республикамизда минглаб нодавлат, нотижорат ташилотлар фаолият кўрсатмоқда.* Газетадан.

НОДАВРИЙ [но.. + даврий] Мунтазам бўлмаган, узлуксизлиги таъминланмаган. *Рустам ака бир неча йшлардан бери нодав-*

рий нашрлар бўлими мудири вазифасида фаолият кўрсатмоқда. Газетадан.

НОДАРКОР [ф. *ناداركار* — кераксиз, ишга яроқсиз; ишга алоқаси бўлмаган] Кераги, даркори йўқ; кераксиз. *Нодаркор қоғозлар.*

НОДИР [а. *نادير* — сийрак; кам учрайдиган, камёб] 1 Кам топиладиган, ноёб. *Нодир қўлёмза. — Нодир улка, ҳатто таърифлашга сўз тополмайсан, — деди Комарова. Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 Қўмнатбаҳо, бебаҳо, асл. *- Ҳазина! — деди Заргаров кафтларида салқин нодир тошларнинг салмоғини сезиб. Қўзларида ҳам кристалларнинг товланиши бордек эди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. Зумрад бармоғини силади; нодир узук бармоғини, йўқ, юрагини сиқайтгандек бўлди. С. Сиев, Отлиқ аёл.*

3 Кам учрайдиган.

Нодир металллар Ер қатламида жуда кам учрайдиган элементларнинг шартли номи. *Ўзбекистон — рангли, нодир металлларга бой улка. Газетадан.*

4 Нодир (эркаклар исми).

НОДОН [ф. *نادان* — билмайдиган, хабарсиз; жоҳил, илмсиз; калтафаҳм, бефаросат] 1 Илм-маърифатдан хабари йўқ, онги, тушунчаси паст; ўқимаган, билимсиз; қолоқ. *Нодон одам. Сўзлагувчи нодон бўлса, эшитгувчи доно бўлсин. Мақол. — Наҳотки мана шу ерда ўтирган студентлар Юнусов ўйлаганчалик нодон бўлса?! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

2 Фаҳм-фаросати кам; тушунмайдиган, тентак. *Ажаб бўлди! Оёғининг тагига ўлигини ташлаган энди, ўз қадрини билмаган нодон. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

НОДОНЛИК 1 Билимсизлик, онги пастлик; жоҳиллик. *Мунозара деб ҳар қанақа куракда турмас гапларни айтавериш ғирт нодонлик аломати. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.*

2 Нодон кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш; аҳмоқчилик. *Опа, кечирасиз-да, янглишиб бир нодонлик қилиб қўйдим. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

НОДУРУСТ [ф. *نادورست* — нотўғри, хато, сохта; бузуқ, шикастланган] Унчалик дуруст эмас; чакси. *Шу дуруст бўлдими, нодуруст бўлдими? Сени ўйлар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

НОЁБ [ф. *نایاب* — топилмайдиган, танқис, камёб] 1 Куп учрамайдиган, жуда кам

бўладиган. *Ноёб талант эгаси бўлган Юсуфжон қизиқ ўз халқининг азиз фарзандларидан биридир. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

2 Қўмнатли, бебаҳо. *Ноёб қўлёмза. — Қадимда нашр этилган энг ноёб асарлар аҳолидан сотиб олинади. Газетадан.*

НОЖИНС [но.. + жинс] 1 Бошқа жинсдаги, жанси номаълум.

2 кам қўлл. Ярамас, ёмон; пасткаш, разил. *У муртад атрофига аллақандай таги паст, ножинсларни тўплаб, подшога, ҳоким тўрага, қолаверса, бизнинг манфаатларимизга зид келадиган гапларни тарқатиш билан одамлар ўртасида нифоқ уруғларини сочмоқда. К. Яшин, Ҳамза.*

НОЖОИЗ [но.. + жоиз] Ўринсиз, муносиб бўлмаган. *- Чунки юртга пахта керак, — кўрсаткич бармоғини кўкка ниқтаб гапирди Иззат Маржоновиц, — буни инкор этиш сиз билан бизга ножоиз. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

НОЖУЯ [ф. *ناجوي* — қидирилмаган, исталмаган] 1 Одоб-ахлоқ доврасига сиғмайдиган, умумий тартибга муносиб бўлмаган; чакки. *Ножуя гап. Ножуя хатти-ҳаракат. — Баҳодир ножуя ҳаракати билан Оқилани хижолатга қўйганидан қаттиқ ўқинар, лекин иш ўтган эди. М. Жалолиддинова, Кейинроқ.*

2 Ҳақиқатга мос эмас, нотўғри. *Табиибининг гапи ножуя бўлиб, бир чаламулла боланинг сўзлари эътиборга лойиқ десангиз, миннатингиз бош устига, хоним. С. Сиев, Ёрулик.*

НОЗ [ф. *ناز* — таннозлик, карашма, истиғно; ҳузур, маза; кеккайиш; инжиқлик; мулоиймлиқ] 1 Танноз аёлларга хос серишва ҳаракат, қўлиқ; ишва, карашма. *Ноз қилмоқ. — Сўз билан, ноз билан, ҳангома билан йигитларнинг кўкрагига ўт солади қирғиз қизлари. Ойбек, Танланган асарлар. Дилбар қизнинг қилиғи, нози яхши, Сўзнинг ози, машшоқнинг сози яхши! Ё. Мирзо.*

2 Ўз қадрини опяриш учун қилинадиган ноўрин талаб, ортиқча эркалик; таранг қилиш. *Қизи борнинг нози бор. Мақол. — Касали нима, озиб кетибди келинчак онамиз? — Муғомбирлик, эркалик, ноз! Ойбек, Танланган асарлар. [Нури] Ўйлучини ёларқан, унинг юрагида энди ғазаб қўзғалар эди. Ким у? Нега мунча ноз қилади, кеккаяди? Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Нозик; жиззаки. *Бошим тоз, кўнглим ноз.* Уйғун.

Ноз уйқу Нозли, хузурли, ширин уйқу.

4 *кўчма* Майинлик. *Гулларда ноз, Елларда ноз, Кел, чаманда қил парвоз!* Т. Тўла, Оромижон.

НОЗАНДАЙ, =дек с. т. х.-қ. Ёмон эмас, тушпа-тузук, дурустигина. -*Хотиржамгина ишингни қила бер, болам, Муҳаббатинг нозандек ўрганиб қолди янги жойга, — деди кампир* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

НОЗАНИН [ф. نازين — мулойим, ёқимли; танноз; суюкли; гўзал] Қадди-қомати келишган ва гўзал (қиз, аёл ҳақида). *Ана шу йигитнинг [Отабекнинг] олган хотини жуда ҳам нозанин бир қиз бўлиб, бу қизга бизнинг Ҳомид ҳам харидор экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Бой:] Ҳе пишмаган, хом калла! Бу нозанин увол! Чўриликка эмас, бекаликка арзийди-я! Ҳамза, Бой вла хизматчи.*

НОЗИГАРДОН [ф. نازگردان — бўйин бе-заги] Аёлларнинг бўйинга тақадиган тақян-чоғи; заргарлик буюми. *Зийнат қутисидай жамирлар шаҳар, Нозигардон мисол чироқлар яшнар.* Г. Жўраева, Менинг маржонларим.

НОЗИК I [ф. نازك — ингичка, енгил; юмшоқ, мулойим; мўрт, бўш; нафис] 1 Юк-сак маҳорат ва санъат билан жуда бежирим қилиб ишланган; нафис, латиф. *Искандаро ҳавас ва таажжуб билан биноларга, бой жиҳозларга, айниқса, нозик санъат буюмларига, эшик ва деразаларга назар ташлаб қўярди.* Ойбек, Нур қилириб.

2 Ингичка; мўрт, майин. *Нозик ип.* ■ *Дуторнинг нозик торларидан.. чиққан “Наво” куйи ўз носасига тушунгувчи Отабекдек йигитларга жуда муҳтож эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Юкча, ҳарир. *У гунафша гулли нозик батис кўйлак кийиб, чойшабни томоғигача тортиб, журнал ўқиб ётарди.* Ойдин, Ҳя-коялар.

4 Бежирим, латиф; хипча. *Момик пахталар унинг нозик бармоқларига ўзи илашиб чиқар, чаноқлар ҳайратдан оғиз очиб, силкиниб қоларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Йигит маҳбубасининг нозик қўлларидан тутиб, ўзига тортарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мурзин унинг паришон сочларини, нозик бўйинига ёпишган майин, жонсизгина соч толарини томоша қиларди.* Шўхрат, Шя-нелли йиллар.

5 Заиф, нимжон. *Нозик майса.* ■ *Укамни дурустроқ жойга ўрнаштиринг, ўзи нимжон, нозикроқ бола.. шамоллаб-нетиб қолмасин.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нозик, ранг-баранг парвоналар, капалаклар лампа атрофида айланар.. эдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Мулойим, майин ва ёқимли, назокатли. *Нозик табассум.* ■ *“Дилхирож” ўзининг майда қадами, нозик ҳаракатлари билан даврага кириб келди.* М. Исмовилӣ, Фарғона т. о. *Халқ кўнглини овлаган, Улфатда доим. Овози жонга ёқар, Нозик, мулойим. Қ. Муҳаммадий. У куйнинг сеҳрига берилиб, интизор кўзларини нозик юмди, бошини қуйи солди.* Шўхрат, Шянелли йиллар.

7 Салга синадиган, узиладиган, йиртиладиган; бўш, мўрт. *Нозик буюм.* ■ *Олимовнинг қўлидаги юклар ҳамманикидан оғирроқ, нозикроқ эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

8 *кўчма* Ўзига хос қийинчиликлари бўлган, алоҳида маҳорат, малака, билим талаб этадиган. *Ғуза суғорши — нозик иш.* Ойбек, О. в. шабадалар.

9 *кўчма* Ўз ишини майда икир-чикирларигача яхши билладиган; уста. *Секретарнинг отаси.. нозик гулчи эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

10 *кўчма* Алоҳида эҳтиёткорлик талаб этадиган; қаттис. *Нозик масала. Нозик пайт.* *Нозик аҳвол.* ■ *Асрора ўйлаб қараса, кўнгли иши нозик нарса экан.* С. Аҳмад, Уфқ. -*Кейинги пайтда замон нозик бўлиб қолди, — афсус билан бош чайқарди Ўсар бухгалтер.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Бўлмаса, сельпо раислигидай нозик лавозимда ўн-ўн беш йил муқим ишлаш осонми?!* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

11 *кўчма* Алоҳида эътибор, мулозамат, тақаллуф талаб этадиган, иззатталаб. *Нозик меҳмон.* ■ -*Ҳужайин банд, олдиларида нозик одам бор. Мажлис қилишяпти, — деди секретарь.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

12 *кўчма* Қичқили; инжиқ. *Бобоқулнинг кўзларидаги нозик киноя унинг иззат-нафсига ханжардек қадалди.* Ойбек, Навоий.

НОЗИК ТАБИАТ (НОЗИКТАБИАТ) ёки **ТАБИАТИ НОЗИК** Кўнгли ҳар нарсани ёқтиравермайдиган, кўтаравермайдиган; инжиқ, эрка. *Шу қадар зўқ, нозик табиат бўлиб қолгани учун Бегимхон кўп дакки эшитди.* И. Раҳим, Чин

муҳаббат. **Кўнгли нозик айн. нозик табиат.** **НОЗИК** дид ёки диди **НОЗИК** Жуда ҳам сезгир, нафосатни теран ҳис қилувчи; туйғун. **НОЗИК** дидли *рассомларни ҳам ҳайратда қолдирадиган ойнадаги нақш [Элмуроднинг] хаёлини банд этди.* Шухрат, Шинелли йиллар. **НОЗИК** жойи Камчилиги, айби. *Азиза Ёдгорнинг нозик жойларини яхши билади. Шунча кўргиликлари эвазига эрдан қасос олишга аҳд қилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

13 **НОЗИК** (хотин-қизлар исми).

НОЗИК II [ф. نازک — ингичка, енгил; кичкина] Каштачиликда ишлатиладиган ранг-баранг майда, нафис мунчоқ. *Чойхоначи.. ипак тўри ранг-баранг нозиклар, пистонлар билан безалган тўрқовоқларни.. чакалакка осган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ёстиғи устига нозик гулли тўр ёпилган.* Шухрат, Шинелли йиллар.

НОЗИКЛАШМОҚ I Нозик, бежирим бўлиб қолмоқ, хипчалашмоқ.

2 **НОЗИК**, жони бўш, чидамсиз бўлиб қолмоқ. [Уққун:] *Кабинетда утириб нозиклашиб қолганини эндигина сездим.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

3 *кўчма* Танг, қалтис бўла бормоқ. *Аҳвол нозиклашди. Масала нозиклашди.*

НОЗИКЛИК Нафислик, назокат; қалтислик; мўртлик. *Асарда ёзувчи табиат манзараларини жуда уста расмдак нозиклик билан чизади.* С. Аҳмад, Сайламова. *Масаланинг нозиклигига уювлари ҳам тушунарди ва шунинг учун иттифоқ қилгандек, чуқур бир сукутга кетган эдилар.* А. Қодирвий, Утган кунлар.

НОЗИКНИҲОЛ I [нозик + ниҳол] Бежирим, латаф ва ёш. *Шунда ўзбек қизи — сен нозикниҳол, Ҳуснингни бахш этдинг юрт чиройига.* Г. Жўраева, Менинг маржонларим.

НОЗИКНИҲОЛ II Мураккабгуллилар оиласига мансуб, гуллари оқ, пушти, қизил, сариқ, бир ёки кўп йиллик манзарали ўсимлик; экма гул тури.

НОЗИКТАЪБ [ф. + а. نازگی طبع — нозик табиатли, ҳиссиётга берилувчан] **НОЗИК** таъбли, таъби нозик. *Нозиктаъб шоирлар қасидасида, муғаннийлар қўшиғида Найманча таърифланган.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

НОЗИКФАҲМ [нозик + фаҳм] Жуда ҳам сезгир, туйғун фаҳмловчи. — *Хўп.., хўп.. майли, олам кезган нозикфаҳм шоирсиз. Қулоғим*

сизда, гапираверинг, — деди хунук илжайиб. К. Яшин, Ҳамза.

НОЗИР [а. ناظر — қузатувчи; мудир, бошлик; назоратчи; вазир] 1 Назорат қилиб турувчи; назоратчи, қаровчи, мудир. *Қироатхонанинг бир нозир бўлиб, газетхон, китобхон ўқувчилардан йигирма тийиндан ҳақ олиб турарди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Бажарилаётган иш-ҳаракатнинг тўғрилигини, мавжуд қонун, қарор ва низомларга риоя қилиб амалга оширилишини назорат қилувчи мансабдор шахс, инспектор. *Солиқ идораси нозир.*

3 эск. Вазир, министр. *Валихон мерган парини Бухорога элтишни, олий ҳазратларининг ўзларига совға қилишни, эвазига тезроқ нозир ёки қушбеги бўлишни хаёлидан утказди.* Ш. Топматов, Эрк қуши.

НОЗ-ИСТИҒНО, нозу истиғно Ноз ва истиғно, ноз ва эркалик(лар). *Дурқунгина, келишган қадди-қоматига кўплар суқланиб боқар, ўз навбатида, Зарифа ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ноз-истиғно билан муомала қиларди.* С. Кароматов, Олтин кум.

НОЗ-КАРАШМА, нозу карашма Ноз ва карашма; ноз ва ишва(лар). *Туранинг кўнглига шу пайтда на гўзал ёш хотиннинг таъзими, на унинг ноз-карашмаси ва на безаклари сиғар эди.* Ж. Шарипов, Ҳоразм. *Лаъли ўрнидан туриб, сочларини тузатди. Чироқни пасайтирди-да, ноз-карашма билан “Бўлди, ухлан!” деди.* Ҳ. Фулом, Мапғал.

НОЗЛАНМОҚ I Ноз қилмоқ, ноз-ишва, ноз-карашма қилмоқ. *Йигиталининг саволи жавобсиз қолди. — Шиппакни олиб беринг, — деди қиз яна нозланиброқ.* Д. Нурий, Осмон устун.

2 Эркалик, тантиқлик қилмоқ; таранг қилмоқ.

НОЗЛИ I Ишвали, серишва; танноз. *Юлдузхоннинг нозли кўзларидаги сирли маъно Муҳиддинни мафтун этди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. — *Вой, сиз эллаёмасангиз, ким эглай оларди? — жувон Ҳужабековнинг кўзларига нозли боқди-да, ерга қараб олди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ортиқча эркалик талаб қилувчи, нози бор.

НОЗ-НЕЪМАТ Кишига Оллоҳ томонидан табиат орқали инъом этилган неъ-

матлар, анвои мева, озик-овқатлар. *Дастурхон турли ноз-неъматлар билан безатилган. ■ Баҳорлари, ёзлари Бир-биридан ортиқдир, Мазали ноз-неъматни Халқимизга тортиқдир.* 3. Дийёр.

НОЗ-ФИРОҚ, нозу фироқ Ноз ва фироқ; ноз ва фироқлар; эркалик ва тантиқлик. *Шариф, ўзимизнинг ёнигимизни эсласанг-чи. Ноз-фироқ қилиб, мени куйдирган чоғларинг.* Н. Сафаров, Кимга туй, кимга аза. -Э, ҳали ҳам гўр экансан, болам. Дунёда хотин зоти борки, унинг ноз-фироғи бўлмай илжой йўқ, — деди Салтанат Эргашга. Б. Раҳмонов, Қўлмиш-қадирмиш.

НОИБ, нойиб [а. نائب — ўринбосар, ёрдамчи; депутат] 1 тар. Ўрта асрларда мусулмон давлатларида тобе ўлка ёки вилоят ҳокими, олий ҳукмдорнинг шу ердаги вакили, ўринбосари. *Ноиб унга ишониб топширилган худуднинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳолати учун масъул ҳисобланган.* «ЎЗМЭ».

2 эск. Ўринбосар, ёрдамчи. *Сен вилоятнинг ҳокими бўлсанг, мен сенинг ноибинг бўламан.* С. Айний, Дохунда. *Хато кетмай, сақлагин, эй яратган! Бу ўша-ку, қочқин бекнинг ноиб.* Миртемир, Асарлар.

НОИЛ [а. نائل — олувчи; тўхфа, совға; фойда]: нойл бўлмоқ эск. кт. Эршимоқ, етишмоқ, муяссар бўлмоқ. *Қуруқ томоша билан кечган унинг ой, йиллари бу кун Раъно гулини искахи башоратига ноил бўлгандек эди.* А. Қодирй, Мехробдан чаён.

НОИЛОЖ [но.. + илож] рвш. 1 Ўз майлига, эркига, хоҳишига қарши, истаги бўлмагани ҳолда, мажбурият орқасида, мажбур бўлиб, мажбуран. *Маҳкам офтобдан кўзини қисиб, унга қаради-да, жавоб ўрнига қўлини ёйди ва ноилож кулумсиради.* П. Қодиров, Уч илчиз.

2 Бирор илож, чора топа олмай, чорасиз, вижонсиз. *Бу орада қолган ўн тўрт томошабин бетоқат чапак чалиб, парда очилишини талаб қила бошлади. Администратор ноилож директор кабинетига кириб, бўлган воқеани айтиб берди.* «Муштум». *Дилфуза ноилож аҳволда қолди.. Нориннинг қуруғидан озгина чимдиган бўлиб, ётиб олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

НОИЛОЖЛИК Иложсиз, вижонсиз ҳолат, иложсизлик, чорасизлик. -*Санобархон,*

мени кечиринг, — Алижон яна ялингандек бўлди, — худо ҳаққи, ноилжликдан келдим. М. Хайруллаев, Кўнги.

НОИНСОФ [но.. + инсоф] 1 Инсофи йўқ, инсофсиз; виждонсиз; адолатсиз. *Оббо ноинсоф-эй, Ширмонбулоқнинг этагидаги қоратупроқ ерларнинг барисини қўлга киргизиб олди-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 сўк. Ҳақорат, койиш ифодалайди. *Эрталаб Хужабеков келиб кетди. Касал бўлсам ҳам, олдига чиқдим. Омонмисан, Демади-я, ноинсоф.* С. Анорбоев, Оқсой. [Насиба:] *Кечагина нима деган эдингиз! Яна лафзингиздан қайтдингизми? Ноинсоф!* А. Қаҳқор, Оғриқ тишлар.

НОИНСОФГАРЧИЛИК айн. **новинсофлик** 2. Уғлим билан эликбошининг олишиб турганини кўриб: -*Ҳай-ҳай, бу қандай ноинсофгарчилик! Урманг! — деб ўртага тушиди Вали ака.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НОИНСОФЛИК 1 Ноинсоф эканлик; адолатсизлик.

2 Ноинсоф кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш. *Ноинсофлик қилмоқ ■ Бирон буюмни сифатсиз ишлаб, аъло навга ҳақ олиш ноинсофлик, виждонсизлик, туғрироғи, ўғриликнинг бошқа бир тури-ку!* Н. Сафаров, Оловчи излар.

НОК [ф. ناک — мевали дарахт тури, олмурут] 1 Узоқ яшовчан, меваси турли ранг, шакл ва вазнда бўлган, ёғоч қаттиқ дарахт. *Боғнинг турли жойларида ҳар хил мевали дарахтлар: нок, ўрик, беҳи, жийда ва ҳоказо анчагина.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шокирали бува ҳовлисидаги катта нок салқинида эски тушакка ёнбошлаб ётган экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлаката.

2 Шу дарахтнинг меваси. *Хонтахтага терилган ликопчаларда ранг-баранг қандқурс, конфетлар, биллур идишларда олча, узум, нокдан қайнатишган мурабболар, қулуннай қиёми.* С. Анорбоев, Оқсой.

НОКАС [ф. ناکاس — одам эмас; пасткаш, виждонсиз; аблаҳ, разил] 1 Виждони, инсофи йўқ, ярамас, қабих, пасткаш. *Нокас одам. ■ -Хонхўжалик Сайфулла эшонни мен ўзимга устоз деб билар эдим. Аслида ўша нокас мени шу йўлга олиб кирди, — деди Буронбой.* О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдир.

2 сўк. Ярамас, аблаҳ. *Ҳа, тутуни булут кўрмаган нокас. Сенинг отанг шундай қу-*

румсоқ эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Қора қишда тўй қилмай, Баттар бўлгур нокас, гов. А. Орпов, Ҳайрат.

3 Бировга ҳеч нарсасини раво кўрмайдиган; бахил, хасис, қурумсоқ. Нокастан қарз бўлма — ҳам йўлда қистайди, ҳам гўрда. Мақол.

НОКАСТА айн. нокас 3. Гул даста-даста, гул бермаган нокаста. Мақол.

НОКАУТ [ингл. knock-out < knock — урмақ; зарба + out — четга, ташқарида; четлатиш] *спрт.* Боксчининг қаттиқ зарбдан гандирақлаб, йиқилиб, баъзан хушнни йўқотиб, ўн секунд давомда ўрнидан туролмайдиган ва ютқизик деб ҳисобланадиган ҳолати. Бошим гир-гир айланиб, нокаут бўлган боксчидай, гандирақлаб кетдим. С. Сиёев, Ёруғлик.

НОКДАУН [ингл. knockdown < knock — урмақ; зарба + down — пастга, қуййга; қулатиш] *спрт.* Боксчининг зарбдан гарангсиган, йиқилган, лекин ўн секунддан ошмаган вақт ичида ўрнидан туриб, жангни давом эттира оладиган ҳолати. Оломон яқун ясади: Тамом, нокдаун. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. Артур. манаман деган чарм қўлқоп усталарини нокаут ёки нокдаунга учратганида, қалбимиз чексиз ғурурга тўлганди. Газетадан.

НОКЗОР Нок дарахти билан банд ер, майдон, боғ. Намхуш тупроқ, нокзордаги дарахтларнинг шоҳларида онда-сонда сақланиб қолган ўтган йилги ҳосилнинг туршаклари ҳидига тўлган ҳаво мусаффо эди. Газетадан.

НОЛА [ф. نالا] 1 Ғам-алам, ҳасрат ифодаловчи аянчли овоз; афғон, фиғон, фарёд. Инграб, ўқисиб қолган онаси.. Кўкка, ерга сизмас носаси. Ҳ. Пўлат. Ғулмонжон руҳий азоб оташида қовурилиб, хўрлик жон-жонидан ўтиб кетган кезларида ўзини тутолмай нола қиларди. М. Исмоилйй, Фарғона т. о.

2 Ёлвориш, ўгиниш, ялтижо ифодаловчи овоз, мунгли товуш. [Миркарим] Кечакундуз худого ибодат ва нола қилиб, пачава бўлган ўз ишининг ўнгланишини ва тотли ўтмишининг қайтарилишини сўрарди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

3 кўчма Қушлар сайраши ёки мусиқа асбобларидан тарқалган овоз. Дутор нола-си. ■ Девор орқаси Соҳиб қорининг анорзори. Ҳаммаёқ жимжит, фақат онда-сонда

булбуллар носаси эшитилади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Найнинг сеҳрли носаси бутун дала бўйлаб акс садо берди. Газетадан.

4 Мусиқа безакларидан бири; ашула айтганда, бирор сўз ёки сўз бўғинида овозни чўзиб, тебратиб хониш қилиш.

НОЛАВОР айн. нолакор.

НОЛАКОР Нолага эга бўлган, нолали. Сўнги пайтларда не боиским, бу ҳазин, нолакор байтлар тез-тез хотирга келадиган бўлиб қолди, деб ўйлади Бобур. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

НОЛИМОҚ Норозилик изҳор қилмоқ, шикоят қилмоқ, зорланимоқ. Тиллабувадан кейин сўзга чиққанларнинг бири камбағалчиликдан нолиб, яна бири.. муштумзўрлар ҳақида Тиллабуванинг сўзини қувватлади. А. Қаҳҳор, Қўнчинор чироқлари. Раҳмат, биродар. Соғлигимдан нолимайман. Узоқ йиллар шоличилилик биригадасига бошчилик қилман. Газетадан.

НОЛИШ [ф. نالش — дод солиб йиғлаш, хўнграш; шикоят, арз, зорланиш] 1 Шикоят қилиш, арз қилиш, норозилик билдириш. Нолиш билан иш битмайди, Мард номардга тиз чўкмайди. Мақол. ■ — Ношукур экансиз, опа, — деди [Зайнаб], — поччамдан нолишингиз яхши эмас, сизнинг ҳам бошингизга менинг кунимни солса, нима қилар эдингиз? А. Қодирйй, Ўтган кунлар.

2 Нола, фиғон. Ҳар ким титрар Ширинбек нолишига, Ёҳаси хўл кўздан оққан ёшига. «Ширин билан Шакар».

НОЛОЙИҚ [но. + лойиқ] Лойиқ, муносиб бўлмаган; лойиқ, муносиб келмайдиган, ярашмайдиган, номуносиб. Ёшлар орасида жамоат тартиб-қоидаларини бузиш сингари юксак инсоний дидга бутунлай нолайиқ хатти-ҳаракатлар учраб туради. Газетадан.

НОЛОН [ф. نالان — нола, фиғон қилувчи; шикоят қилувчи] *эск. кт.* Нола, фиғон қилувчи, афғон чекувчи. Отмагай тонг боғ аро азминг хиромон бўлмаса, Булбули шайдолари гул узра нолон бўлмаса. С. Абдулла.

Нолон боқмоқ Илтижо билан, зорланиб қарамоқ. Аваз манзилга элтувчи йўлни билмас, тевааракка нолон боқиб, ўзига содиқ сафдош, аниқроғи, раҳнамо излаб юргандек эди. С. Сиёев, Ёруғлик.

НОЛЪ [лот. nullus — ҳеч қандай, ҳеч қайси] 1 Муайян бирлик ёки миқдорнинг

йўқлигини ифодаловчи “0” белгисининг номи.

2 Иссиқлик ва совуқлик температура-лари ўртасидаги шартли чегара. *Сув ноль даражада музлайди.* ■ *Сув ҳароратини ноль даражага етказгач, яланг оёқ қорда юриш ҳам ҳеч гап эмас.* «Фан ва турмуш».

Ноль-ноль Вақтни кўрсатишда «роса, аниқ, тўппа-тўғри» маъносини билдиради. *Меҳмонлар кечқурун соат еттига таклиф этилган. Ҳозир соат олтин ноль-ноль.* С. Абдуқаҳҳор, Санамой саккиз дема.

НОМ [ф. نام — от, исм; шон-шухрат, обрў; от сўз туркуми] 1 Шахс ёки нарсаларга қўйилган от; исм. *Шаҳар номлари. Ном қўймоқ. Ном бермоқ.* ■ *Кексалиб қолган эшоннинг хотираси анча пасайганидан кўп вақт ўз ўғилларининг номларини ҳам хотинидан сўраб олар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор соҳага, гуруҳга оидликни билдирувчи атама. *Мансур, Муслим! Сенга бир гап бўлдимиз? Муаллим деган номимиз бор, шундай вақтда иш кўрсатмасак, қачон кўрсатамиз?!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

3 Фаолиятнинг бирор соҳасида эришган ютуқ, малака даражасини кўрсатиш учун расмий йўл билан бериладиган унвон. *Фаҳрий ном. Хизмат кўрсатган артист деган ном. Классик кураш бўйича мамлакат чемпиони деган ном.*

4 Кўпчилик орасида маълум-машҳурлик; донг, доврў, шухрат. *Номи чиққан курашчи. Ном чиқарган жамоа хўжалиги.* ■ *Очил Эшназар.. Сиеб волостининг Қўштамғали қишлоғида ном чиқарган шахс эди.* М. Ўрпн-хўжаев, Унутилмас кунлар.

Номи билан Топшириғи, ваколати билан. *Ўзбекистон номи билан. Номига Шунчаки, хўжа кўрсинга, йўли учун. Номига чойхона.* ■ *Айрим туманларда маккажўхори номигагина экилаётганга ўхшайди, акс ҳолда, ер буш ётмасин деб дон сочиб, кейин ўз ҳолига ташлаб қўйилмас эди.* Газетадан. *Хури, олдин номига бироз кўнмай турар, кейин мажбуран бораётгандай, юзига қайғули ифода бериб чиқиб кетарди.* Ф. Мусажонов, Хури. *Номидан Тарафидан, псипдан; топшириғи билан. Жамоа номидан ташаккур билдирмоқ. Ўз номидан табрикламоқ.*

НОМА [ф. نام — хат, мактуб] эск. кт. 1 Расмий ёзишма, мактуб, хат. [*Маждиддин:] Мўминмирзони ўртага солиб, шахзода Бади-уззамонга нома юборинг.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Номаи аъмола [نام اعمال — амаллар, ишлар номаси, дафтари] 1) *дин. гўё икки фаришта ҳар бир кишининг савобли ишларини ва гуноҳларини ёзиб борадиган дафтар. Азал котиблари ҳар мўминнинг манга-йига номаи аъмолини ёзишлар.* С. Сиев, Ёруғлик; 2) *кўчма эск. хизмат варақаси, дафтаришчи (ҳар бир хизматчининг қилган ишлари, хизматлари ёзиб борладиган варақ ёки дафтар). Нормат бинтни противогаз халтасининг устки чўнтагига солиб қўйди ва медальонни кўриб, “номаи аъмолимнинг ҳаммаси шунда”, деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мана, Зиёдилла уч соатдан бери ўз номаи аъмолини ёзипти.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Адабий жанр: Шарқ мумтоз адабиётида реал ёки хаёлий-тўқима шахсга қарата шеърый мактуб тарзида ёзилган бадвий асар тури. *Ўзбек мумтоз адабиётида нома жанрининг пайдо бўлиши Хоразмий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг «Муҳаббатнома» асари ана шу жанрда яратилган.* Газетадан.

3 Шу маънода қўшма отлар таркибига кирди, мас. *Бобурнома, Акбарнома, Жангнома.*

НОМАРД [ф. نامرد — мард, эркак эмас] 1 Эркак эмас, мард бўлмаган. *Қўларимга ишонмаймен! Бегим, бу не ҳол? Нечун мардона кийим кийибсиз? — Номардлар кўпайиб кетгани учун мардона кийиндим.* П. Қодиров, Юлдузли туллар.

2 Яхшиликни, адолат-инсофни билмайдиган, қўлидан танглик келмайдиган; ноинсоф, верждонфуруш. *Номард одам.* ■ *Шушу, жувон “ишим битди, эшагим лойдан ўтди, деб унутиб кетадиган номардлардан эмасмиз”, деб Хўжабековнинг олдига келиб турадиган бўлди.* С. Анорбоев, Оксой.

3 сўк. Ярамас, аблаҳ, нокас.

4 Юраги йўқ, қўрқоқ. *Мард йигит қўлида аждар ўлади, Номард одам ипни аждар билади.* Фозил шоир.

НОМАРДЛИК 1 Пасткашлик, ярамаслик; ноинсофлик.

2 Номард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Иккилашиш — ҳам улим, ҳам номардлик.* Ойбек, Куёнш қорағмас. *Мардлик, жа-*

сорат, матонат ҳам қалб амрининг меваси, номардлик, қаллоблик ҳам шахснинг қаллоб қалбига боғлиқ. И. Раҳим, Қадрнабад одамлар.

НОМАТЛУБ [но.. + матлуб] *кп.* Кўнгилга ҳуш келмайдиган, кўнгилдагидек эмас; исталмаган, номақбул. *Номатлуб иш. Номатлуб шахс.* ■ *Ўқитувчи учун энг оғир изтироб ва уқубат шогирдларининг номатлуб хатти-ҳаракатларидан етади.* Р. Усмонов, Одобнома.

НОМАЪЛУМ [но.. + маълум] 1 Кимлиги, нпмаллиги аниқ маълум бўлмаган, аниқланмаган. *Номаълум миқдор. Тўйнинг қачон бўлиши ҳали номаълум.* ■ *Номаълум кимса йўлакнинг қоронғи қисмига ўзини олиб, кўзини Сайфидан узмай тура бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳали ҳеч ким билмайдиган; жумбоқ, сирли. *Номаълум орол.* ■ *Қизлар нимани ўйлайдилар ва нима тўғрисида маъюсланадилар, бу эса қизларнинг бизга номаълум бўлган ички сирларидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хоразмиининг бошланғич таълими ва қандай шароитда Хоразми ташлаб кетганлиги ҳозирча фан учун номаълум.* «Фан ва турмуш».

3 *мат.* Математик йўл билан топиллиши зарур бўлган миқдор, катталиқ. *Маълумларни номаълумлардан ажратмоқ.*

НОМАЪЛУМЛИ *мат.* Таркибида номаълум бўлган. *Икки номаълумли тенглама.*

НОМАЪҚУЛ [но.. + маъқул] 1 Маъқул эмас, маъқул келмайдиган; нодуруст. *Ҳожидир бир неча вақт сўзлагувчини ўз оғзига тикилтириб ўтиргандан сўнг, агар маъқул тушса, "ҳўп" дейди.. номаъқул бўлса, "дуруст эмас" дейди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кейин у одам номаъқул чиқса, дарҳол амалдан олиб ташлайди.* Ш. Холмғирзаев, Қил кўприк.

2 Ақл-идрок билан қилинмаган; ноҳўя, бемаъни, аҳмоқона. *Шунда мен кеча беҳтиёр қилган номаъқул ишимнинг қанчалиқ фожияли эканини биратўла англадим.* А. Мухтор, Туғилиш.

Номаъқул бузоқнявт гўпгўяни емоқ Бекор, беҳуда айтмоқ, нотўғри гаширмоқ; нотўғри хатти-ҳаракат қилмоқ. *-Билиб қўйингки, хотиним ҳалол! Тўхмат қилганлар номаъқул бузоқнинг гўштини ебди!* — деди Қамбар. Уйғун, Асарлар.

НОМАЪҚУЛЧИЛИК Бемаъни, ноҳўя ҳаракат, иш; бемаънигарчилик. *Номаъқулчилик қилмоқ.* ■ *Бобом узоқ ва оғир сукут-*

дан сўнг кампирни овутади: -Бас, йиғлама, золимлар кўп, хоинлар кўп, уларнинг шундай номаъқулчиликлари, итликлари бўлиб туради. Ойбек, Болалык. -Нимага сананглаб юрибсизлар? Бу қандай номаъқулчилик! — деб қичқирди Саид амин. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

НОМАҚБУЛ [но.. + мақбул] Қабул қилиб бўлмайдиган, тўғри келмайдиган; номатлуб. *Номақбул таклиф. Номақбул усул.* ■ *-Ойнагулни элига ўтказиб юборишнинг бир неча йўллари бор, бироқ бу йўллар номақбул. Шундай қилиш керакки, хамирдан қилин беозор тортиб олишдай бўлсин, — деди Фарҳод. А. Ҳакимов, Илон изидан. Деворларга ёзиб-чизиб ташланган номақбул сўзлару антиқа расмларни ўчириб ташлашга ожиздирлар.* Газетадан.

НОМАҲРАМ [но.. + маҳрам] *дин.* Яқин қариндошлик алоқаси бўлмаганлиги сабабли бир-бирини кўриш ёки бир-бирига кўрвини ман этилган, лекин никоҳланиши мумкин бўлган эркак ва аёл (бир-бирига нисбатан); *зид. маҳрам* 4. *"Абдуваҳобнинг турқини худо кўтарсин, ундан хотин қизғанадиган ўрни йўқ. Уни номаҳрам деб бўлмайдди, одам эмас — қул", дейишарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Йўқ, йўқ. Сиз менга номаҳрамсиз. Бошқага қилинган фотиҳани бузмай туриб, менга яқинлашманг.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

НОМ-БАНОМ [ф. نامبنام — ҳар бир номни (алоҳида) айтиб] *айн. помма-пом.* Урмонжоннинг бу гапларини, айниқса, тажрибакор чоларни ном-баном айтганини кўриб, Бўтабой ичида зил кетди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

НОМГУЙ [ф. نامگوی — номини айтувчи] *этно.* Урф-одатларга кўра, ёшлигида номни айтилиб унаштириб қўйилган йигит ёки қиз. *Нуриддин болаликдан бир хешларининг қизига «номгўй», қиз ҳам сочини тараб, уни кутиб ўтирган эди.* Э. Аъзам, Жавоб. *Номгўйимиз ўтганда, уялибгина қолар эдик, бемаҳал чоғларда келганда, тўрдаги эшикни очиб, ичкарига кириб олар эдик.* «Гулихиромон».

НОМДОР [ф. نامدار — маълум номга эга; машхур, шуҳрат қозонган] Ном, шуҳрат чиқарган; донгдор, шуҳратли. *Бу кампирнинг етти ўғли бор эди, еттовиди ҳам номдор ал эди.* «Алпомиш». *Ҳозир Сафаров республикамизнинг номдор, тажрибали пахтакорларидан бири.* Газетадан.

НОМДОРЛИК Машхурлик, ном чықарганлик, шуҳратта эгалик. *Ҳозир баъзилар отасининг номдорлиги билан гурурланиб, ҳеч кимни менсимай, ўзига бино қўйиб юришини одат қилишган!* Мирмуҳсин, Умид.

НОМЕНКЛАТУРА [лот. nomenclatura — номлар, исмлар рўйхати] 1 Ишлаб чиқариш, фан, техника, санъат ва ш.к. нинг бирор соҳасида қўлланадиган номлар, атамалар, терминлар ва шу номлар билан аталувчи нарсалар рўйхати ёки мажмуи. *Географияки номенклатура. Кимё номенклатураси. Ботаник номенклатура.*

2 Саноат ва бирор ҳўжалик тармоғи ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг таснифланган рўйхати. *Заводда ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси.* ■ *Мана шу молларни ишлаб чиқариш номенклатурасини ва ҳажмини яқин муддат ичида тиклаш керак.* Газетадан.

3 Бирон-бир юқори (раҳбарий) орган томонидан тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахслар ва уларнинг рўйхати. *Абдулаев ўз оғайнисини номенклатурада сақлаб қолиш учун курашмоқда.* III. Рашидов, Бўрондан кучлш.

НОМЕР [лот. numerus — сон, рақам] 1 Бир турдаги предметларнинг ичида ҳар бирининг тартиб рақами. *Уй номери. Телефон номери.* ■ *Шукур, эл қатори эшигимда номер қоқилган. Ҳар қаерда бир юзу олтимиш учинчи, деб хат ташласанг келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

2 Ҳужжат, рўйхатта олиш ва ш.к. белгиси сифатидаги маълум рақамлар ёзилган ёрлик, тахтача. *Машина номери. Велосипед номери. Паспорт номери.*

3 Кийим-кечак, пойабзал ва ш.к. нинг катта-кичиклигини, ўлчамини билдирувчи рақам. *Мен ундан икки номер катта этик кияман.*

4 Меҳмонхона, ҳаммом ва ш.к. да алоҳида бўлма, хона. -*Меҳмонни меҳмонхонага олиб бордим. Унга икки хонали жуда яхши номер олиб қўйилган экан,* — деди Мелибой ака. А. Қаҳҳор, Думли одамлар. *Қўқонда номерда бир ўрис инженер билан танидим.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Театр, цирк, концерт ва ш.к. нинг ҳар бир алоҳида ижро этиладиган қисми. *Программа номерини эълон қилмоқ.* ■ *Конферансе — ёшига бир марий йигити чиқиб:*

-*Концертимизнинг биринчи номерида ўзим машқ қилиб бераман,* — деди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Авдеев навбатдаги масъулиятли номерни бажаришга тайёргарлик кўриш учун қўшни хонага кириб кетди.* «Фан ва турмуш».

6 Ҳарб. Тўпчилар, пулемётчилар гуруҳида маълум хизматни бажарувчи жангчи.

Номерш ўтмайди с. т. Найранги ўтмайди, кетмайди. -*Ҳар қандай ўл билан ўз ишингизни битириш пайида бўласиз. Энди номерингиз ўтмайди, оғайни, ҳа, билиб қўйинг. Мен сизнинг дўстингиз эмасман,* — деди Нуриддин. О. Ҳусанов, Дўстлар.

НОМЕРЛАМОҚ Тартиб номери қўймоқ, қўйиб чиқмоқ, рақамламоқ. *Дафтар бетларини номерламоқ.* ■ *Жангчилар бўр билан номерланган вагонларга чиқишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

НОМЕРЛИ Номер бор, номер қўйилган, тақтилган. *5 номери уй.*

НОМЗОД [ф. نامزد — кўёв, келин; унаш-тпрвлган; номи кўрсатилган; кандидат] Давлат ёки жамоатчилик органига сайлаш, бирон-бир лавозимга тайинлаш, бирон-бир ташкилотта қабул қилиш учун белгиланган, кўрсатилган шахс; кандидат. *Номзод кўрсатмоқ. Номзодларни тасдиқламоқ. Номзодлар рўйхати.* ■ *Ишнинг енгили бўлмайди, қизим. Мактаб мудирлигига сиздан бошқа муносиб номзод йўқ экан, рад этманг.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Фандаги илмий даражанинг маълум босқичи. *Фан номзоди.*

НОМИНАЛ I [лот. nominalis — номи ёзилган] Қоғоз ва танга пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, мол ва ш.к. нинг белгиланган, устига ёзилган баҳоси. *Номинал билан сотмоқ.*

НОМИНАЛ II Белгиланган, ёзлб кўрсатилган (нарх, баҳо, ўлчам ва ш.к. ҳақида). *Номинал баҳо. Номинал ўлчам. Номинал иш ҳақи — пул шаклидаги иш ҳақи.*

НОМИНАЛИЗМ [лот. nominatio — исмлар, номлар] Урта аср фалсафасида оламда фақат якка нарсалар, предметлар мавжуд, умумий тушунчалар эса нарсаларнинг номларидангина иборат деб ҳисоблайдиган оқим, йўналиш.

НОМИНАЦИЯ [лот. nominatio — аташ, номлаш; номзод кўрсатиш] 1 Муайян ижодкорлик, иш-фаолият соҳаси бўйича бўладиган мусобақа-танловларга номзодлар кўр-

сатиш ва голибни аниқлаш жараёни. «Энг яхши ёш футболчи» номинацияси. ■ «Меъморчилик ва дизайн» каби номинациялар бўйича топширилган ишлар нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилади. Газетадан.

2 тил. Номлаш хусусиятига эга бўлган тил бирликлари (сўз, сўз бирикмаси, фразеологизм ва гап)ни ҳосил қилиш ва шу жараённинг натижаси.

НОМЛАМОҚ Ном қўймоқ, ном бериш, атамоқ. Янги кўчаларни номламоқ. ■ Замондошларимиз ва биздан кейинги авлодлар Тошкентни қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ишларни минг бир кунлик жасорат деб номлаши турган гап. А. Набихўжаев, Жасорат йилномаси.

НОМЛАНМОҚ Номламоқ фл. мажҳ. н. Бу шароб орқали кучин кўрсатар Ўзбек деб номланган кекса соҳибкор. Ғ. Фулом.

НОМЛИ Ном билан аталувчи, ...номидаги, ...деб аталган, ...деган. Навоий номли мактаб. ■ Бу маҳаллада унга маъқул бўлган икки киши бор эди. Бири — гузарда тақачилик-темирчилик қиладиган Қоратой, иккинчиси — Шокир ота номли маҳсидуэ чол. Ойбек, Танланган асарлар.

НОММА-НОМ [ф. نامنام] рвш. Ҳар бирининг номини айтиб, ҳар қайсисини алоҳида, ўз номи билан. Самандаров колхозга кириш учун ариза берганларни номманом айтиб, мажлисдан ўтказди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари. Мудир докладининг охирида битирувчиларни номма-ном чақириб, гувоҳнома тақдим қилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

НОМ-НИШОН, **ному нишон** Ном ва нишон, ном ва асар; из; дарак. Мана уч кун бўлибдики, ундан ном-нишон йўқ. ■ Уруш бўлмаганда, мана бу қалдирғочнинг уясига ўхшаган уйлاردан, мана бу бўйинчага ўхшаган эшиклардан ном-нишон қолмас эди. А. Қаҳҳор, Картина.

НОМ-НИШОНСИЗ Хат-хабарсиз, дом-дараксиз, изсиз. Шамсиддин Иброҳимовнинг ном-нишонсиз йўқолгани ҳақидаги хабар эртаси кунга маълум бўлди. М. Ўринхўжаев, Унутвлмас кунлар. Ёқубжоннинг кўнгли равшанлашди. Севинмасинми, ахир ундан зурёд қолади, зурёд! У энди оламдан бези, ном-нишонсиз кетмайди. Р. Раҳмон, Мехр кўзда.

НОМОЗ айн. **намоз**. Ҳамма хуфтон номозига кириб кетган, кўчалар сув қуйгандек тинч эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НОМСИЗ 1 Ном йўқ, беном. У пайтлар кўчалар номсиз бўлса ҳам, маҳалла тилга олинса бўлди, ҳар қандай хат эгасига аниқ етиб борарди. Газетадан.

2 кам қўлл. Ном, донги чиқмаган, дондор эмас, шухратсиз. Бир вақтлар номсизроқ, ўртамиёна колхоз эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

НОМУАЙЯН [но.. + муайян] Аниқ, конкрет бўлмаган; нотайин, дудмол. Номуайян гап. Номуайян жавоб.

НОМУВОФИҚ [но.. + мувофиқ] 1 Турри, мос, муносиб бўлмаган, мувофиқ келмайдиган. Номувофиқ номзод. ■ Хужжатлар, қилинган иш билан сарфланган маблағ номувофиқ эканлигини курсатиб турарди. Газетадан.

2 Ўринсиз, ноўрин. Номувофиқ гап. Номувофиқ гапирмоқ.

НОМУНОСИБ [но.. + муносиб] 1 Муносиб, мувофиқ, мос бўлмаган, мос келмайдиган; номувофиқ. Улар бир-бирига номуносиб. ■ Шербек жойига ўтирганида, Саидғозининг жисмига номуносиб овози идорада яна дўриллади. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Келишмаган, ярашмаган, нолойиқ. Ўқимишли кишига номуносиб қилиқ. ■ Умида сўнги сўзларини ёшига номуносиб бир алам билан, сансираб гапирди. Д. Нурий, Осмон устун.

НОМУНТАЗАМ [но.. + мунтазам] Мунтазам, изчил бўлмаган; барқарор, доимий эмас. Номунтазам қўшинлар.

НОМУС [а. ناموس — қонун; виждон, диёнат; обрў-эътибор; ифғат, боқиралиқ < юн. nomos — қонун] 1 Кишининг ўз обрўсини улуғлаш ва ардоқлаш ҳис-туйғуси; орият, диёнат, виждон. Номусини ерга букмоқ. Номус ва ғайрати бор одам меҳнатдан қўрқмайди. Нодон билан юрма, Номусингни букма. Мақол.

2 Хижолат тортган ҳис-туйғуси; уят-андиша, шарм, ҳаё, ор. Номусга қўймоқ. ■ [Жамила:] Ҳаё беномусда бўлмайди! Ҳаёсизда номус бўлмайди. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Номус! Номус эр кишини ўлдирди-я! Шухрат, Шинелли йиллар. [Ҳайитжон:] Отаси бечора бўлса, қанча вақт эл-

халқдан номус қилганидан, аллақандай шаҳарларга бадарга бўлиб, яқинда келди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

3 Қиз поклиги, бокирлик, иффат, қизлик. *Бахтсиз оналарнинг кўз ёшлари, болаларнинг, қизларнинг таҳқирланган номуси учун сўнги нафасгача курашинг. Улим, тиз чўкиш йўқ! Ойбек, Куёш қораймас. Агар ит тегмаган бўлса, покман, номусим жойида десанг, кел, бери кел.* М. Мансуров, Ёмби.

Номусга тегияш Зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабранувчининг (аёл кишининг) ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш.

НОМУС-ИФФАТ айн. **номус** 3. *Зулфизар.. унинг ўн гулидан бир гули ҳам очилмади. Ёшилиги, номус-иффати, умид-армонлари барбод бўлди.* К. Яшнн, Ҳамза.

НОМУСЛИ 1 Орияти, дёнати, виждони бор; ориятли, виждонли. *Номусли, меҳнаткаш йигит топилса, қизни тезроқ уза-тишига қарор қилганини, бу ҳусусда кампирнинг фикрини билмоқчи эканини айтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Уяти бор, уят-андишани биладиган; шармли, ҳаёли. *Отам Тошкентда экан чоғда бу гапни айтишига уялган эмишсиз.. гўё буниги ила номусли бўлиб кўринмоқчисиз, шекилли?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НОМУС-ОР айн. **ор-номус**. *Баланд-баланд тоғнинг қори бўлади, Мард йигитнинг номус-ори бўлади.* Фозил шоир. *Қиз бола нозик гул, у ўз қадр-қимматини биладиган, номус-орли бўлиши керак-да, ахир.* Газеталар.

НОМУССИЗ 1 Орияти, дёнати, виждони йўқ; ориятсиз, виждонсиз. *Номуссиз юрмакдан номусли ўлмак афзал.* Мақол.

2 Уяти йўқ, уят-андишани билмайдиган; шармсиз, беҳаё. [*Юсуфжон:*] *Нимага сен холангга, биз берамиз деган кишига тегмайман, деб эмишсан? Қандай бетинг бўлди, номуссиз!* Ҳамза, Паранжи сирлари.

НОМУССИЗЛИК Номусини йўқотганлик, беҳаёлик, уятсизлик; номуссиз кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш. *Бу номуссизлик «четан»чиларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача ичдан ғазабга келтиради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

НОМУТАНОСИБ [но.. + мутаносиб] 1 Мутаносиб бўлмаган, қисмлари бир-бирига мос тушмаган; бири катта, бири кичик.

Унинг калласи жуссасига номутаносиб – кичкина бўлиб, ҳар гал кийим-кечакларини алмаштирмақчи бўлганида, энг кичик пилотка, энг катта пойабзал излайвериб, тинкаси курирди. В. Фофуров, Вафодор.

2 мат. Ўзаро пропорционал бўлмаган. *Номутаносиб сонлар.*

НОН [ф. نان – нон; озиқ-овқат] 1 Хамирдан тайёрланиб, тандир, ўчок, това ва ш.к. да пипириладиган егулик. *Бугдой нон. Зоғора нон. Ширмой нон. Бўлка нон.* [Кампир] *Нон ясаб бўлгунча, тандир қизиди. Кейин бир чеккадан ёндим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Умуман, егулик-ичгулик, яшаш, тирикчилик учун зарур нарсa. – *Матқовул ака, мен нон топармиканман, деб қорин ғамида мактаб очганим йўқ, – деди у [Ғулможн] босибги билан.* М. Исмовлий, Фаргона т. о.

Нон гадойи Нонга зор, камбағал-қашшоқ. *У ё ўз-ўзини ўлдирарди, ё хизматкор йигит билан бир юртга қочиб, камбағалликда, нон гадойи бўлиб яшарди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Нон емоқ** Бирор нарсадан фойдаланиб тирикчилик ўтказмоқ, кун кечирмоқ. *Доим ҳовли, ер жанжалидан нон еб юрадиган бир эликбоши, афандининг йўлини тўсиб, кўрган тушини айтиб берди.* «Латифалар». **Нон синдириш (ёки ушатип)** этн. Никоҳ тўйи маросимларининг бир қисми: қиз томон, яъни унинг ота-оналари совчи юборган томонга ўз розилигини бергач, совчилар келтирган дастурхон очилиб, шу розилик белгиси сифатида нон синдирилиши ва тўй билан боғлиқ масалаларнинг белгиланиши, ҳал қилиниши. **Нони бутун** Тирикчилик, яшаш учун зарур нарсалари бут, муҳайё, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, бекам-куст, тўқис. *Сартарош у дунё, бу дунё хор бўлмайди. Ҳамма вақт нони бутун [деди кампир Шодига].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Нони яримта** Бирор шерик ёки рақобатчи туфайли топиш-тутиши камайган, етишмай қолган. *Нима, Қобилов келиб, нонимиз яримта бўлиб қолдими, аксинча, қўлли-қўлга бериб ишласангиз, битта нонингиз ишкита бўлади.* С. Маҳкамов, Шогирд. **Нонини туя қилмоқ** Бировга тегишли ҳақнинг маълум қисмини олмоқ, ўзлаштирмоқ. *“Бушанглик қилсам, нонимни туя қилиб беришлари аниқ”, – ўйлади Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОНВОЙ айн **новвой**.

НОНДОН [ф. نانندان — нон сақлагич, нонтовоқ] Нон турадиган, сақланадиган кути, пдиш. [Отам] Нондонни очиб, бор нони.. хуржунига солиб: — Мен шахарга кетдим, — деган ҳолда уйдан чиқди. С. Айний, Эсдавлар.

НОНЖИЙДА Жийданинг йирик, серпира, гүштдор мевали тури. Она Жўрабой ота билан Эъзозхонни Ботирали олиб келган қора булка ва ёнғоқ, нонжийда билан сийлади. Ҳ. Фулом, Машғал.

НОНКЎР [ф. نانکور — яхшиликни билмайдиган, нон кўр қиладиган] Бировнинг берган туз-намаги, нон-тузи қадрини билмайдиган, яхшиликка ёмонлик қилувчи, тузини еб, тузлуғига тупурувчи; кўрнамак, нонтепки. Бой.. қутуриб бақирди: — Сан нон-кўрсан, ман сани туққаним, жигарим, дедим. Овқат бердим, кийим бердим, бу — зулм эмиш! Ойбек, Танланган асарлар. Ҳўжасизлик ва бепарволик орқасида дастурхонимиз зийнати — нон оёғости қилинмоқда, бундай кишиларни эл нонкўр дейди. Газетадан.

НОНКЎРЛИК Нонкўр кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш; кўрнамаклик, нонтепкилик. Кўрдинизми, ноқобил фарзанд, ман уни юртнинг катта бойига унаштирсам, нодон қиз бир ялангоёқ билан қочибди, кулиб турган бахтига юзни тескари буриш — бу қандай нонкўрлик! Ойбек, Танланган асарлар. — Келинлар, табиатнинг сахийлигига нонкўрлик қилмайлик. Тоғда ўсган мевали дарахтларни.. нарварии қилайлик! — деди Назаров. С. Анорбоев, Оқсой.

НОН-НАМАК [ф. نانرونک — нон-туз; меҳмондўстлик] 1 Ризқ-рўз, насиба, улуш, ҳисса.

2 Ёйишлик-ичишлик нарса, овқат. Мирҳосил жиннихонага узоқ қатнади. У ҳар гал шаҳарга тушганда, нон-намак олиб, ўша ерга интилар, Лаълининг тузалишидан умидвор бўлар. эди. Ҳ. Фулом, Машғал.

Нон-намак бўлмоқ Сўхбатда бўлмоқ, биргалда овқатланмоқ; бирор ўтиришда, меҳмонда бирга бўлмоқ. Содиқжон ака билан биз бир неча бор нон-намак бўлганмиз. У киши давранинг гули. Газетадан.

НОН-НАСИБА айн. **нон-намак** 1. — Йўқ, йўқ! — деди домла бошини чайқаб, — бу ердаги нон-насибамизни ташлаб, қайёққа борамиз?! П. Турсун, Уқатувчи. Нон-насибанг бизда

бўлса, қоларсан, бўлмаса, қишлоғинггами ё бошқа томонгами жўнарсан. Ойбек, Танланган асарлар.

НОНПАЗ [ф. نانپاز — нон пишширувчи] шв. Новвой.

НОНТЕПКИ айн. **новкўр**. Сендақа, ҳукуматнинг тузини ичиб, тузлуғига туфлайдиган нонтепки керак эмас. С. Аҳмад, Ҳукм.

НОНТЕПКИЛИК айн. **новкўрлик** 2. [Мирзақул:] Бой отам, Сибирга сургун қилинадиган ғуноҳни кечириб турибдилар-у, сен нонтепкилик қиласанми, қуллуқ қил! Н. Сафаров, Уйғониш.

НОНТОПАР Нон топадиган, даромад келтирадиган. Аммага, бекорчи олгиздан кўра нонтопар қўл керак эди. Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар. Анави бир хонада чолнинг ўзи тураверади. Уша эски нонтопар касбини қилаверади. С. Анорбоев, Ҳаётга йўлланма.

НОНУШТА Эрталабки нон-чоё, хўрак. Сидиқжон эрталаб нонуштадан кейин жўнамоқчи бўлган эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

Нонушта қилмоқ Эрталабки хўракни емоқ. Ҳар кун эрталаб бир вақтда — бир минут кечикиш ё олдин кетиш йўқ, нонушта қилмасдан, дўконга кетади, оқшом, албатта, уйга қайтиб, оила билан овқатланади. Ойбек, Танланган асарлар.

НОНХЎР [ф. نانخور — нон еювчи, боқимонда] 1 Нонни яхши кўрадиган, кўп нон ейдиган. Худое, раҳматингдан ўргилай, ош-хўрга ош, нонхўрга нон еткизурсан. Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 Бирор оила бошлиғининг таъминотида, қарамоғида бўлган киши; хўранда, жон. [Нарзи тоға] Энди олтига нонхўрдан иборат жўжабирдай рўзғорининг жони учун ўз ажалидан бир қўрқса, довюрак ҳамроҳининг жони учун минг карра қўрқади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Кўчма нафр. Текинтомоқ, текинхўр. Ўз уйида бир нонхўр ортиши маҳдумга, албатта, ёқмас эди. А. Қодирий, Меҳроблан чаён.

НОНХЎРАК [ф. نانخوراک — нон ейиш вақти] тар. Эски усулдаги мактабда танаффус вақти ва шу вақтдаги овқатланиш. — Нонхўракда ерсизлар, — деди у, ўғилларининг пещоналарини силаб. М. Исmoilий, Фарғона т. о. [Каромат опам] Бугун тушида нонхўракка уйга келмас экан. Ойбек, Болалик.

НОН-ҚАТИҚ; **воп-қатик** бўлмоқ *айн.* **ош-қатик** бўлмоқ қ. **ош-қатик** *Даминжон.* бу ердаги кўп кишилар билан нон-қатик бўлиб кетган эди. А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

НООБОД [ф. *нобад* — обод бўлмаган; хароб бўлган, бузилган] Унчалик обод бўлмаган; камхалқ. *Нообод шаҳар. Нообод улка.* ■ *Битмас-туганмас табиий бойликлари бўлган нообод жойларга ёш ватанпарварларнинг янгидан-янги отрядлари келади.* Газетадан.

НОПИСАНДЛИК [*ф. напсанд* — беадаб, ахлоқсиз, номаъқул; қабих, ярамас] Назарга олмаслик, писанд қилмаслик. *Тилга нописандлик — элга нописандлик.* Газетадан. — *Уш, бўлдингизми? — деди бойвачча нописандлик билан.* К. Яшин, Ҳамза.

НОПОК [ф. *нопақ* — ифлос, кир; ифлосланган, тозаланмаган; ҳаром бўлган, ман қилинган] 1 Тоза, озода эмас; ифлос, булганган. *Нопок кийим. Нопок идиш.*

2 *кўчма нафр.* Ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган, ҳаром-ҳариш ишлардан ҳам қайтмайдиган; қалб. *Нопок одам.* ■ *Ташмачи ҳам нафсига кучи етмаган, виждони нопок нухалар жумласига киради.* Газетадан.

3 *кўчма* Тоза, соф, пок эмас; ёмон, жирканч; ноқонуний. *Мунаввархоннинг қора юрагида моғор босиб ётган нопок нияти “менга эр эмас, жой керак” хиргойида ошкора бўлди.* М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат. *Серхаражат тўйларнинг палак ёзишига асосий сабаблардан бири, бизнингча, нопок йул билан пул топувчи шахслардир.* «Саодат».

НОР I 1 Бир ўрқачли эркак туя.

Нор туя *айн.* **нор I** 1.

2 Умуман, эркак туя. *Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди.* Мақол.

3 *кўчма* Бақувват, мард йиғит. *Норқўзи йиғитларимиз ичида ҳақиқатда нор йиғит. Очиқ кўнгли, ростқўй, — деди Турсунхон.* Ҳ. Гулом, Сенга интиламан.

НОР II [ф. *нор* — тамга, белги] 1 Бадандаги туғма қизғиш доғ.

2 Нор (эркаклар ва аёллар исми).

НОР III [ф. *нор* — анор дарахти ва меваси] *айн.* **анор.** *Бир боғчада олмамиди, нормиди, Мендан ўзга сенинг ғаминг ермиди?* «Равшан». **Нор пўст** 1) анор пўсти; 2) анор пўсти рангидаги, тўқ қизил.

НОР IV [а. *نار* — олов; ёнғин; дўзах] *эск. кт.* Ўт, олов.

НОРАВО [ф. *нораво* — ноҳўя, мумкин бўлмаган, йул қўйиб бўлмайдиган; нолойиқ, номаъқул] 1 *кт.* Раво қўрилмайдиган; муносиб, лойиқ ҳисобланмайдиган, номуносиб. *Бўлув меҳнат билан ҳар жойда бўлса лойиқи ҳурмат, Ҳалол меҳнат билан қилган машаат нораво бўлмас.* Ҳабибий.

2 Йул қўйиб бўлмайдиган, жоиз эмас. *Кулса эл паришонлик одатимга, тонг йўқдир, Аҳли дилга, албатта, нораво паришонлик.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

НОРАСИДА [ф. *норасида* — хом, пишмаган; балоғатга етмаган; чала туғилган] Балоғатга, вояга етмаган. *Урушга қирон келсин. Қўллаб норасидаларни ота-оналаридан бевақт жудо қилди.* Р. Файзий, Эл меҳри.

2 *кўчма* Ёш, ҳали вояга етмаган, Ҳар япроқ, ҳар новда, норасида шох Баҳор оғушида дози беармон. Миртемир.

НОРАСМИЙ Расмий, қонуний бўлмаган. *Умид Иноғомжондан Жаннанинг бундан бир йилча муқаддам кимгадир норасмий теккани, кейинчалик у йиғит билан ажралишганини эшитди.* Мирмуҳсин, Умид. *Бу икки хўжалик ўртасида қарор ёзилмаган, қандайдир норасмий мусобақа борга ўхшайди.* Газетадан.

НОРАСО [ф. *норасо* — мукаммал, тўлиқ эмас; қониқарсиз; вояга, камолга етмаган] 1 Расо, тўлиқ, бут бўлмаган; комплект эмас, нотўлиқ.

2 Аҳлий ва жисмоний жиҳатдан етуқ эмас ёки нуқсонли, ноқис. *Норасо бола.* ■ *Уйласанг, бошдан-оёқ меҳнат — фазилят, хосият. Норасолар оқибат бўлмай расо меҳнат билан.* Ҳабибий.

НОРАСТА [ф. *норасида* — хом, пишмаган; вояга етмаган] *с. т.* Норасида. *Қотишларнинг назарида Норастанинг “гуноҳи” — Ёш бола ҳам ўз ўртини Муқаддас, деб билгани.* Уйғун.

НОРБАЧЧА 1 Туянинг боласи; бўталоқ. 2 *кўчма салб.* Лаганбардор, хушомалғуй.

НОРДОН [ф. *нордон* — анор донаси; қуритилган анор донаси; анор сувви] 1 Тишни қамаштирувчи, оғизни буруштирувчи (маза); аччиқ. *Нордон анор. Нордон узум. Нордон олма.* ■ *Элмурод Мурзиннинг кайфи борлигини сизди. Нордон нарса чайнагандек, юзи бурушиб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 ким. Таркибда водород бўлган (тузлар ҳақида).

Нордон гап (ёки сўз, муомала) Аччиқ, таъзир берадиган, қаттиқ ботадиган гап. *Эшикка бордингми? Бобойдан нордон гап эшитганга ўхшайсан. Нима деди? С. Аҳмад, Қадрдон даладар.*

НОРЕАЛ [но.. + реал] Реал, аниқ бўлмаган, реал эмас. *Нореал режа. Нореал иш.*

НОРЕНТАБЕЛ [но.. + рентабел] Харажатларни оқламайдиган, фойда бермайдиган, рентабел эмас. *Устувор тармоқларнинг тезроқ ривожланиши, албатта, норентабел корхоналарни тугатишга олиб келади.* Газетадан.

НОРИЗО [но.. + ризо] айн. **норози**. Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

НОРИМ-НОРИМ [ф. نار — анор] Хоразмда кенг тарқалган куй ва анъанавий рақс номи.

НОРИН Пипширилган хамир ва гўштни (одатда, қазини) майда тўғраб, аралаштириб тайёрланадиган овқат. *Қуруқ норин (шўрва солинмаган норин). Хўл норин (шўрвали норин).* ■ *Эркин холани мақтар: Ош-овқатни ўхшатар. Хамирни пилик қилиб, Норин, лағмон, увралар, Чучвара ҳам дўлмалар.* Қ. Муҳаммадий. *Кечки норин учун катта қозонда қазни пишади.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОРИНХҲҮР Норинни яхши кўрадиган, кўп норин ейдиган. *Норинхўр одам.* ■ *Қурдингми? Бир ярим пуд мой беради. Суягига-ча мой: эрта норинхўрлар маза қилади-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОРИНХҲҮРЛИК Тўйиб норин ёйиш, норин билан меҳмон қилиш. *Айта қолинг, Авлиёта — қозоқ юрти, норинхўрликка кўпроқ берилганга ўхшайсиз-а.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОРКА [р. норка < нырок < нырять — шўнғимоқ] Юнги қалин, ялтироқ, кулранг тусли йиртқич сутэмизувчи ҳайвон ва унинг мўйнасидан тикилган кийим. *Машинадан Гулсара опа тушиб келди. Бошида норка мўйнасидан тикилган теплак, эгнида эркакча пўстин.* Газетадан.

НОРМА [лот. norma — меъёр, ўлчов; қовда, қонун] 1 Расмийлаштирилган қонун-қовда. *Ҳуқуқ нормалари.*

2 Умум томонидан қабул қилинган ва тан олинган, ҳамма учун мажбурий деб

ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида.

3 Бирор нарсанинг, ишнинг аниқ белгиланган ўртача ўлчами, миқдори, меъёри. *Кундалик иш нормаси. Нормани ошириб бажармоқ.* ■ *Зарбдорларнинг олдида ерга қарамай, Нормадан ҳам оширдим ишни бир талай.* Файратий.

НОРМАЛ [лот. normalis — тик, тўғри; меъёрий] 1 Нормага, меъёрга мос келадиган, норма (меъёр) доирасидаги, белгили талабларга жавоб берадиган; муътадил. *Нормал шароит. Нормал ҳол. Экинлар нормал ривожланмоқда.*

2 Ақлий ва jisмоний жиҳатдан соғлом, расо. *Нормал бола.*

НОРМАЛАМОҚ Бирор нарсанинг, ишнинг нормаларини, миқдорини, меъёрини белгиламоқ, норма белгиламоқ, қўймоқ. *Ишни нормаламоқ.*

НОРМАЛАШТИРМОҚ Қатъий нормага солмоқ; нормага, маълум тартиб ва қонун-қоидаларга бўйсундирмоқ. *Тилни нормалаштирмоқ.*

НОРМАЛИ Нормага солинган, норма қўйилган, норма билан белгиланган, нормаланган. *Нормали моллар. Нормали томорқа.*

НОРМАЛАШТИРМОҚ Нормал ҳолга келтирмоқ, нормал изга солмоқ. *Дипломатик муносабатларни нормалаштирмоқ.*

НОРМАЛОВЧИ Нормага солувчи, норма қўювчи. *Нормаловчи инженер.*

НОРМАЛЪ [лот. normalis — тик, тўғри] мат. Эгри чизиқнинг бирор нуқтасига ўтказилган уринмага (ёки сиртнинг уринма текислигига) тик тўғри чизиқ.

НОРМАТИВ I [лот. normatio — меъёрлаш, тартибга солиш] Бирон-бир ишни бажариш, дастурни амалга оширишнинг ик-тисодий, техник ва б. норма кўрсаткичлари мажмуи.

НОРМАТИВ II 1 Нормалар ёки нормативлар (қ. **норматив I**) билан белгиланадиган. *Деталларнинг норматив запаси.*

2 Нормаларни белгилайдиган. *Норматив грамматика. Норматив луғат. Норматив ҳисоб.*

НОРОЗИ [но.. + рози] 1 Қаноат ҳосил қилмаган, кўнгли тўлмаган; хурсанд, мамнун эмас. *У сиздан норози. Норози бўлмоқ.*

2 Қўшилишмаган, қўллаб-қувватламаган; қарши. - *Бу шартга кўнмаса, мен та-*

мом норозиман.. — қўлини кескин силкиди Салим. Ойбек, Танланган асарлар.

НОРОЗИЛАНМОҚ кам қўлл. Норози бўлмақ, ранжимоқ, -Қаёқда юрибсан! Бу ёқда шунча нарса ётибди, эшикларинг ланг очиқ. Жуда бепарвонан-да, қизим! — норозиланди Ёрмат. Ойбек, Танланган асарлар.

НОРЧА айн. **норбачча**.

НОРҒУЛ Бақувват гавдали, жуссали, барваста. *Норғул йигит. ■ Менинг набирам ҳам сенга ўхшаб аскарликда хизмат қилади. Сенга ўхшаб жуссадор, норғул, Омон деса, ҳамма билади. Уйғун.*

НОС Тамакидан тайёрланган ва тил тагига ташлаб ёки бурунга искаб чекиладиган нарса. *Бектемир қўлбола носдан бир чимдим тил тагига ташлаб, кейин тупурди. Ойбек, Куёш қораймас. Холмирза ака ичидан: “Шу ғайратинг, шу ҳимматинг бўлса, икки йилда хирмонтепадан аниқ айриламиз”, деб ўйлайди, бурнига нос искаб олади. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ОҒЗИГА НОС СОЛМОҚ айн. **оғзинга толқон солмоқ** қ. **толқон**. *Оғзинга нос солиб ўтирасанми, Холик! Гапирсанг-чи! Ш. Рнзо, Қор ёғди, излар босилди.*

НОСВОЙ айн. **нос**. *Қоратой, бир танга пул топиладими сенда. Носвой йўқ, эртадан бери хумориман. Ойбек, Танланган асарлар. Аравакаш чол носвой чекиб, отни қамчи билан астагина уриб қўяди. Ойбек, Болалик.*

НОСВОЙЧИ Нос тайёрлаш ва сотиш билан шуғуланувчи одам. *Дадам билан икковимиз.. чанг кўчалардан носвойчиникига қараб кетамиз. Ойбек, Болалик.*

НОСИЛКА [р. носилки < носить — кўтариб олиб бормоқ] Касалларни олиб юриш учун мосланган махсус замбил. *Носилкаларда ярадорларни иккинчи қаватга олиб чиқишади. Р. Файзий, Сен етим эмассан.*

НОСИР [а. نصر — ёрдам, кўмак; галаба, ютуқ] 1: **носирини ерга букмоқ** Обрусини тўкмоқ, ерга букмоқ. *Бир кун одамлар олдида носирини ерга букиб: “Сиз занглаган кетмонсиз, оловга тоблаб, ўткир эговда чархлаш керак” деса-я, юзсиз! Х. Назир, Ўтлар тутанганда.*

2 Носир (эркаklar исми).

НОСКАШ Нос чекувчи. *Бувим саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар. Ф. Фулом, Менинг ўғригина болам.*

НОСКИ [р. носок — бурунча, кичкина бурун ёки носить — кийиб юрмоқ] Тўқилган калта пайпоқ. *Марасул.. кир рўмолчасини олиб, Насибанинг қўлига беради, носкисини кўрсатиб, оёғини узатади. А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.*

НОСОЗ [ф. ناساز — созланмаган, номутаносиб, номувофиқ; бетоб] 1 Соз эмас, созланмаган ёки сози бузилган (муסיқа асбоблари ҳақида).

2 Бирор мақсад учун мувофиқ келмайдиган; нобоп.

3 *кўчма* Мурোসаси, ораси бузуқ. *Улар бир-бири билан носоз.*

НОСОЗЛИК 1 Муроса қилмаслик, муросасизлик. -*Энди мен билан ҳам қирпичоқ бўлмақчимисиз, ўртоқ Муҳамедов? Яъни носозлик бошланяптими? — деди Сотиболдиев. П. Қодиров, Уч илди.*

2 Бузилган, яроқсиз ҳолга келган ҳолат; бузуқчи, яроқсизлик. *Мутахассисларнинг фикрича, кеманинг ташқи ёнилғи бакида айрим носозликлар аниқланган. Газетадан. Ҳукуматнинг расмий вакили воқеага тезликнинг ошиши ёки поезд ғилдиракларидаги носозлик сабаб бўлган, деган фикрни билдирган. Газетадан.*

НОСОҒ кам қўлл. Соғ эмас, бирор дард-касали бор; касал, хаста.

НОСТРИФИКАЦИЯ [нем. Nostrifikation < лот. nostrum — бизники, бизга тегишли; ўзимизники; маҳаллий + facere — қилмоқ, ижро этмоқ] Муайян давлат томонидан чет эл дипломи, унвони, илмий даражасини ўз мамлакатидегига муқобил, тенг деб тан олинishi.

НОСФУРУШ Нос сотувчи.

НОСҚОВОҚ Нос солинадиган идиш, носдон, носкади.

НОТА I [лот. nota — белги; мулоҳаза, қайд этиш; хат, мактуб] мус. 1 Муайян баландлик ва чўзиқликдаги товушни (муסיқани) ёзиб олишда қўлланадиган шартли график белги. *Малика опера санъати сирларини ўрганиши, нота ёзувларини пухта эгаллаши учун тўққиз йил тинимсиз изла-нишда бўлди. Газетадан.*

2 Муסיқа ёки ашулада товушнинг ўзи. *Баланд нота. Паст нота.*

3 Шундай белгилар билан ёзилган му-сиқа асари матни; шундай матнлар ёзилган дафтар, кятоб ва ш. к. -*Композитор қайси*

чолғувчи қачон чалишини кўрсатиб берган, мана нотаси, — деди дирижёр Салоҳовга. С. Аҳмад, Музикали воқеа.

НОТА II Бир давлатнинг бошқа бир давлатга ёзган расмий дипломатик мурожаатномаси. *Дипломатик нота. Россия хукуматининг АКШ хукуматига нотаси.*

НОТАВОН [ф. *ناتوان* — бўш, кучсиз, нимжон; камбағал, қашшоқ; бечора] 1 Ҳол-қудрати йўқ; заиф, нимжон, ногирон. *Нотавон кампир.*

2 *кучма* Ночор, бечора. [Гулбаҳор:] *Мен ғурбат тортиб, бағри эзилган бир нотавонман, раҳм қилинг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

Нотавон кўнгили ёки нотавон кўнгилига қўтир жомашов Ўзига муносибидан кўра юқориқоғни, яхшироқни истаб қолган ёки ўзига номуносиб иш қилган кишига нисбатан айтыладиган ибора. —*Э-ҳе, нотавон кўнгилим қурсин, шундай қаҳрамон йигит турганда, менинг Шокирвойимни бошига бошвоқ қилармиди, — деди Зокир ота. А. Муҳиддин, Зебонинг севгиси. Билган у деди, билмаган бу. Ҳатто оғзига кучи етмаган бағзи бировлар. «Нотавон кўнгилига қўтир жомашов», деб лўқма ташлашарди. С. Сиеёв, Райҳон.*

НОТАЙИН [но.. + тайин] 1 Кимлиги, нималиги ёки нима бўлиши аниқ эмас; ноаниқ, номаълум. *Нотайин шахс. Нотайин иш. ■ Ҳовлидаги кекса тутга чироқ шугласи тушиб, унда нотайин бир кўланка кезар, ичкаридан «ширт-ширт» этган товуш эшитилар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 Ишониб бўлмайдиган, тайини, субути йўқ; бетайин. Э.. *Унинг ўзи шундақа нотайин, юзиси одам! А. Қаҳҳор, Сароб.*

3 Аниқ-равшан эмас, дудмол, мужмал. *Нотайин гап.*

НОТАМОМ [но.. + тамом] кам қўлл. Охирига етмаган, тамом бўлмай қолган; чўлтоқ. *Ҳижоянгиз яхши, аммо нотамом. А. Қаҳҳор, Сароб.*

НОТАНИШ Танишлиги йўқ, аввал таниш-билиш, ошна бўлмаган, кўрилмаган; ёт, бегона. *Нотаниш одамлар орасига келаётганидан хижолат чекибми, унинг юзлари, кенг пешонасини майда тер босган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Адолат кўзини очганда, ўзини чоғроқ, нотаниш бир уйда кўрди. С. Зуннунова, Гулхан.*

НОТАРИАЛ Юридик ва б. турли ҳужжатларни расмийлаштиришга, нотариат ва нотариус вазифаларига оид. *Нотариал контора. Нотариал нусха.*

НОТАРИАТ [лот. *notarius* — мирза, котиб] Юридик аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқлар ва воқеа-ҳодисаларни тасдиқловчи давлат органлари тизими.

НОТАРИУС [лот. *notarius* — мирза, котиб] Турли хил юридик ҳужжатларни (шартнома, васиятнома, ишончнома ва ш. к. ни) гувоҳлантириш, тасдиқлаш ишларини амалга оширувчи мансабдор шахс. *Шунинг билан биргаликда жойларда давлат нотариуслари ҳам ишляпти. Газетадан.*

НОТЕКИС 1 Юзаси, юзи текис эмас, паст-баланд, гадир-будур, ўйдим-чуқур. *Карталарда ҳали ҳам нотекис ерлар бор. Абзоларни паст-баландни текислашга солиб, ерни бороналашга тайёрласак. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.*

2 Бир текисда бўлмаган, ўлчамлари ҳар хил, катта-кичик, паст-баланд. *Нотекис ғўзалар. Нотекис тақсимот. Нотекис ривожланиш.*

НОТЕКИСЛИК 1 Текис, бирдай эмаслик; ҳар хиллик. *Ҳаракатнинг нотекислиги.*

2 Нотекис, паст-баланд ер, жой. *Нотекисликларни тўғриламақ.*

НОТИЖОРАТ [но.. + тижорат] сфм. Тижоратга оид, боғлиқ бўлмаган. *Фарғона вилоятида яна бир нотижорат ташиқлот — вилоят кутубхоналар ассоциацияси фаолият кўрсата бошлади. Газетадан.*

НОТИНЧ 1 Шовқини ёки ҳаракати кўп, сершовқин, серқатнов. *Нотинч кўча.*

2 Тинчи, осойиши бузилган; безовта, бесаранжом. *Нотинч вақт. Бемаҳал нотинч қилмақ. ■ Унинг [Ҳажимбойваччанинг] ранги ўчган, кўзлари аллақандай нотинч. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Фалва, ташвиши кўп; серғалва, серташвиш, ташвишли. *Раҳматилла бирмунча вақт шаҳар маорифи бўлимида, бу ер нотинч бўлгандан кейин, музейда ишлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

НОТИНЧЛИК 1 Тинчи бузилганлик, бесаранжомлик; сершовқинлик.

2 Осойишта бўлмаган ҳолат. *Неча йилдирки, кўшни Афғонистонда нотинчлик ҳукм сурмоқда. Газетадан.*

НОТИНЧЛАНМОҚ кам қўлл. Бетоқат, безовта бўлмоқ, ташвишланмоқ. *Бой бизларни сўжади, оёғи куйган товўқдай, нотинчланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОТИҚ [а. ناطق — сўзловчи, гапирувчи; фикрловчи; диққат] Нутқ сўзловчи; гапга чечан, гапга уста, сўзамол. *Тўти холадай тўққиз ўғилнинг онаси, мажлисда нотиқ, теримда девкор аёлни жондан севмаслик мумкинми?* Ойбек, О. в. шабадалар.

НОТОБ [ф. ناتب — кучсиз, нимжон; чидамсиз] Тоби йўқ, касал, бетоб. *Худо берган бир ўғил, бир қизим бор. Уларни нотоб деб эшитдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОТУҚИМА сфм. Йиғириш ва тўқувчилк усулларини қўлламаган ҳолда олинандиган (матро ҳақида). *Бу тола ва иплардан нотўқима материаллар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.* Газетадан.

НОТУҒРИ 1 Ҳақиқатта мос келмайдиган; янглиш, хато. *Нотўғри фикр. Сўзни нотўғри ёзибсиз.* ■ *Бу гапингиз нотўғри, қори, сизнинг илмингиз эскича илм. Колхозга янгича илм керак. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Орқада келаётган Мели полвон: -Айб ўзимизда ҳам бор, Эрмат ака. Биттамитиз "Мана бу тўғри, мана бу нотўғри!" деб дадил гапиролмаймиз, — деди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Тартиб-қоидага, умумий меъёрга тўғри келмайдиган; ноўрин, ножўя, чакки. *Нотўғри иш. Нотўғри хатти-ҳаракат.* ■ *Нотўғри тарбия ўсирилларнинг ножоиз йўлларга киришига замин яратади.* Газетадан.

НОУМИД [ф. نماميد — 1 Умий йўқ, умидсиз, умидсизланган, ҳафсаласи пир бўлган. *Ноумид одам.* ■ *Хотин кишини ҳамма вақт ноумид, норози кўриб ўрганган ва бунин хотинлик латофати деб билган Сидиқжонга жувоннинг бу гаплари.. унча ботмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 Ишонччи йўқотган ҳолда, ишончсиз равишда. *Ноумид бўлмоқ.* ■ *Каскасини бошига тўнкариб, бир инграб қўйди-да, теваракка ноумид қаради.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Ноумид пайтон қ. пайтон 1.

НОУТБУК, нотбук [ингл. notebook — дафтар; ёзув дафтарчаси] Одатда, кичик япасқиди чамадончага ўхшаш портатив шахсий компьютер; имкониятлари жиҳатидан оддий шахсий компьютерларга тенглаша олади ва

уяли телефон орқали интернет билан боғланиши мумкин.

НОУ-ХАУ [ингл. know how — қандайлигини биланам] Ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган ва қонунчилик билан муҳофаза қилинадиган, ҳали ҳаммага маълум бўлмаган техникавий билимлар, тажриба, кўникмалар, ҳужжатлар, ишлаб чиқариш сирлари; уларнинг моҳияти лицензион шартномалар ва б. битимлар тузишда изоҳланади. *Бу технология бир қатор «ноу-хау»ни ўз ичига олади.* Газетадан.

НОХОЛИС [но. + холис] Холис бўлмаган, ғаразли; ҳақиқатта зид. *Марказий сайлов комиссияси ҳисоботи пайдо бўлгандан кейин, сайловларимиз ҳақида нохалис фикрлар, ачиқ-нордон гаплар бўлиши мумкин.* Газетадан.

НОХОСДАН рви. Бехосдан, қўққисдан, қутилмаганда. *Нега бундай нохосдан шахар бормоқчи бўлдингиз?* С. Айний, Эсдаликлар.

НОХУН [ф. ناخن — тирноқ; чангал] Танбур, сато ва допра чалиш учун ишлатилдиган махсус металл мослама. *Рашид ота танбурнинг гилофини очиб, ун қўлининг кўрсаткич бармоғига нохун кийди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

НОХУНА [ф. ناخونه — кўз доғи, кўзга тушадиган оқ] Кўзнинг бурчагида пайдо бўладиган окроқ бир парча гўшт (даволанмаса, катталашиб кўзни кўр қилиб қўяди). *Мусулмонлар орасида.. бир касал ҳужм суриб келаётибдир.. бу касал қулғуна ва қайсари нохундан ҳам ёмонроқ.* «Муштум».

НОХУШ [ф. ناخوش — бемор, касал; ёқимсиз, жирканч; ғамгин; кўнгли тўлмаган, норози] 1 Таъби хира, кайфияти ёмон, бузуқ. *Эрталаб Маҳкам уни нохуш аҳволда кўриб, яна муросалари келишмаганини сезди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Гулсум нохуш кўринарди. Унинг кўнгли нимагадир ғаш экани юздан билиниб турарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Хуш келмайдиган, ёқимсиз, кўнгилсиз. *Нохуш хабар. Нохуш гап.* ■ *Унинг [Мунисхоннинг] юзи зағфарон бўлди. Айниқса, бугун эрталаб почтабон ташлаб кетган газета нохуш хабар келтирди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

3 Носоғ, бетоб, касал. *[Башорат хола] Кечга яқин ўзини нохуш сезиб, вақтли ётиб қолди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

НОЧОР [ф. *ناچار* — мажбурий, ноилож; чорасиз; ожиз, нотавон] 1 *рвш.* Ўз майлига, хоҳишига қарши; чорасиз, ноилож. *Қош қорайиб қолгач, улар ночор шийпонга қайтишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Адолат кетгиси келмаса ҳам, ночор ўрнидан турди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 *сфт.* Камбағал, бечора; хароб, абгор. *Ночор ҳўжалик.* ■ *Ҳовли анча ночор, уйнинг қамиш бўғотини ёмғир суви ўтириб тушган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

НОЧОРЛИК Қийин, мушкул аҳвол; иложсизлик; муҳтожлик, камбағаллик. -*Ер олган кўкаради, ер сотган қурийди. Мана бу гапнинг маъзини чақ, жиян!* -Ночорлик, тоға. Ойбек, Танланган асарлар.

НОШАРҲИЙ [но. + шаръий] *дин.* Шариадда йўл қўйилмайдиган, шариадга хилоф; ғайришаръий. -*Бировнинг келини билан менинг ишим нима, Қулматовой! Қўйинг, ношаръий гаплар билан оғзингизни чарчатманг, — деди Ғани ота.* Ҳ. Ғулом, Мапгъал.

НОШИР [а. *ناشر* — тарқатувчи, нашр этувчи] Нашр этувчи, чоп қилувчи, чиқарувчи.

НОШИРЛИК Нашриётлар ташкил этиш, турли хил босма маҳсулотларни тайёрлаш, нашр қилиш ва ун тарқатишга оид соҳа. *Истиқлол мафқураси ҳақида гап борар экан, ноширлик фаолиятини ҳам тартибга солиш муҳимдир.* Газетадан.

НОПОД [ф. *ناشاد* — шод, хурсанд эмас, гамгин; норози, хафа; бахтсиз] *кам қўлл.* *Шод, хурсанд эмас, кайфи бузук.* *Зотан, ким ҳам буларга қилсин марҳамат, имдод.* *Ўзлари каби кўплар Таҳқирланган ва ношод.* Ғайратий.

НОШОЁН [ф. *ناشايان* — арзимайдиган, волейиқ; эътиборни тортмайдиган] *кам қўлл.* *Нолойиқ, номуносиб, ноҳўя.* *Ношоён ибора.* *Ношоён қилиқ.*

НОШУД [ф. *ناشود* — номумкин, амалга ошмайдиган, реал бўлмаган] Қўлидан ҳеч иш келмайдиган, ҳеч қандай ишнинг улдасидан чиқа олмайдиган; эпсиз, эпашанг, лаванг. *У ўзи танлаган уч ношуд навқари билан беш кишилашиб битта ҳам кийик урولмаганликларига диққат.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Шундай катта даргоҳдан ўрин тополмай, қўлингизни бурнингга тиқиб қайтингизми, ношуд!* Ойбек, Танланган асарлар.

НОШУКУР [но. + шукур] Борига қаноат, шукур қилмайдиган; яхшиликни билмайдиган; кўрнамак. -*Ношукур экансиз, опа, — деди [Зайнаб], — поччамдан нолишингиз яхши эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Роҳила:] *Ҳой, ношукур! Бахт қуши одамнинг бошига бир марта қўнади-я! Ўқиш ҳамма вақт бўлаверади, — магазин тўла китоб!* А. Қаҳқор, Оғриқ тишлар.

НОШУКУРЛИК *айн.* ношукурчилик. *Чирчиқ дарёсига бундай муносабатда бўлиш ношукурлик, гуноҳи азим эмасми?* Газетадан.

НОШУКУРЧИЛИК Борига қаноат, шукур қилмаслик; кўрнамаклик. *Ношукурчилик бўлмасин, пулни, дон-дунни етказиб беришади, пулга нима оласан, донни нима билан ютасан, дейишмайди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Нурмат бобонинг содда, кайвони гапларидан сўнг мен риёкорлик, ношукурчилик ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим.* Газетадан.

НОВАБРЬ [лот. november — тўққизинчи] Григорий календариди йилнинг ўн биринчи ойи (Қалимий Рим календариди 9-ой).

НОЎРИН 1 Ўринли эмас, ноҳўя, чакки; бемаврид. *Ноўрин гап.*

2 Етарли асога эга бўлмаган; асоссиз, пуч. *Ноўрин даъво.* *Ноўрин талаб.*

НОҚИЛ [а. *ناقل* — ҳикоя қилиб берувчи; қайта кўчирувчи] *эск. кт.* Нақд қилувчи, ҳикоя айтувчи.

НОҚИС [а. *ناقص* — етишмайдиган, кам топиладиган; нуқсонли; нотўлиқ] Камчилиги, нуқсонга бор, нуқсонли.

НОҚОБИЛ [но. + қобил] 1 Қобилияти, лаёқати йўқ; лаёқатсиз. *Шарқ халқларини ҳақорат қилмоқ, улар ақли, қобилияти чала, тарихий ижодга ноқобил деб исботламоқ.. учун буржуазия идеологлари минг-миг томлаб китоб ёздилар.* Ш. Рашидов, Танланган асарлар. *Майда ишга зўр берган одам каттасига ноқобил бўлади.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Сўзга қирмайдиган; ўжар, қайсар. [Ёрмат] *Ҳалқумини бўғган йиғидан қийналиб, базўр гапирди: -Алҳамдулилло, кўрдим, тирик экансан, ноқобил болам.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Хулқи ёмон, ярамас. *Ноқобил ўғил.* ■ *Ҳали ҳам анов.. маҳсидўзникидамисан? Аканг — тентак йигит, кўп ноқобил чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОҚОНУНИЙ [но.. + қонуний] Қонунга зид, қонуний бўлмаган. *Агар ҳуқуқшунос-маслаҳатчи фаолият юритганда эди, ноқонуний қарорлар қабул қилинишининг олди олинарди.* Газетадан. Эрон ҳукумати мамлакатдан ноқонуний олиб чиқиб кетилган маданий-тарихий ёдгорликларни қайтаришни АҚШдан талаб қилмоқда. Газетадан.

НОҚУЛАЙ 1 Иш-ҳаракат учун қулайлиги йўқ; қулайлик бермайдиган, қўл келмайдиган; ўнғайсиз. *Ноқулай кресло.* ■ *Бектемир ноқулай ерда узала тушиб ётар ва тинмасдан отар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Мувофиқ келмайдиган, номувофиқ. *Ноқулай пайт.* ■ *Баҳорда об-ҳаво ноқулай келишига қарамасдан, бу звенодаги кишиларнинг фидокорона меҳнати натижасида нахтадан яна мўл ҳосил етиштирилди.* Н. Сафаров, Қурбонали.

3 Кишини ўнғайсиз аҳволга соладиган, хижолат қиладиган; хижолатли. *Бу гапни унга сиз айтинг, менга ноқулай.*

НОҒОРА [а. نقارة — кичик ноғора] Туваксимон сополга терп қошлаб ясалган ва иккита чўп билан уриб чалинадиган бир жуфт мусиқа асбоби. *Ноғора овози. Ноғора чалмоқ.* ■ *Ноғора чўпининг тез урилиши, баччанинг бир айланиши ва кучли, ялли қий-қириқ билан базмининг биринчи қисми тугади.* Ойбек, Танланган асарлар.

НОҒОРА ҚИЛМОҚ Жар солиб ҳаммага маълум қилмоқ, дўмбира қилмоқ. *Қарасам, айбимни оламга ноғора қиладиган.* «Муштум». [Бировнинг] ноғорасига уйпамоқ Бировнинг айтганини қилмоқ, бировнинг изми, гапи билан иш қилмоқ. *Йўқ, деб кўринг-чи, правление Ойқиз билан Олимжоннинг ноғорасига уйнайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Тўйдан кейин ноғора** Вақти ўтгандан сўнг, ғанимат фурсат қўлдан берилгандан кейин ғайрат кўрсатилганда айтиладиган ибора. **Тўйдан олдин ноғора чалмоқ** (ёки қоқмоқ) Ўзи йўқ, ҳали бўлмаган нарса ҳақида жар солмоқ. *Узоқ тўйга олдиндан ноғора қоқиб ярамайди.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Ўзингга боқ** — ноғора қоқ Аввал ўзингга қара, сўнгра бировнинг айби, камчилиги ҳақида гапир.

НОҒОРАЧИ Ноғора чалувчи.

НОҲАҚ [но.. + ҳақ] 1 Қонунга хилоф, зид; ғайриқонуний. *Тунов кун унга [Урмон*

полвонга] бориб, “бизнинг ғаллаларимизни ноҳақ ва зўр билан босиб олдилар”, деб арз қилган оёқ яланг деҳқон, чўпон ва ўтинкашлар кириб келдилар. С. Айний, Қуллар. *Кўнгиш тўла армон, йўқдир дармон, Оҳ, ҳар кун ноҳақ қурбон, мудҳиш қон.* С. Абдулла.

2 Ҳаққоний бўлмаган, адолатсиз, нотўғри. *Ноҳақ ҳукм. Ноҳақ ишга ривож йўқ.* Мақол. ■ *Ноҳақ ишга куяман. Бой, камбағал, мулла, эшон демасдан, ҳамманинг боласига бир текис қаралса, отамга лаънат, ўлимни юбормасам.* Ойбек, Танланган асарлар. *Маҳсам.. ноҳақ гаплардан қаттиқ норози бўлиб, яна юзининг қони қоча бошлади.* П. Қодиров, Уч илғиз.

3 кесим өзф. Ҳақли эмас. *Ким ҳақ, ким ноҳақ — аниқ бўлди. Бу масалада сиз ноҳақсиз.*

НОҲАҚЛИК 1 Ғайриқонунийлик, адолатсизлик; ҳақ эмаслик. *—Ҳа, кечирасизлар, ўртоқлар, айтгандай, раиснинг сўзидаги ноҳақликларни айтмай бўлмайди, — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ноҳақ иш, хатти-ҳаракат. *Дадаси оддий темирчи бўлса ҳам, ноҳақликка қарши курашда ўз жонини аямай, янгича ҳаёт учун курашган ажойиб кишилардан бўлган!* С. Анорбоев, Оқсой.

НОҲУКУМАТ [но.. + ҳукумат] сфт. Ҳукуматга тегишли эмас, ҳукуматники бўлмаган. *Республикамизда ўн учта ноҳукумат ташкилот ишлаб турибди.* Газетадан.

НУЖУМ [а. نجوم — юлдузлар; юлдузлар жадвали, гороскоп]: илми нужум эск. кт. айн. **астрология.** *Мадрасаларда Улуғбек замонида ўқитилган илми нужум ва риёзиёт фанлари чиқариб ташланган, муллаваччалар фақат диний масалаларнигина ўрганар эди.* М. Осим, Элчлар.

НУКЛИОН [лот. nucleus — ядро; мағиз] Атом ядроларининг таркибий қисмлари бўлмиш протон ва нейтронларнинг умумий номи.

НУКТА [а. نكته — ўтқир, донолик билан айтилган гап, қочирим; туб маъно, моҳият; нозик тафсилот, икпр-чикир] Мулоим гап-сўз, рамзу ишоралар билан ифодаланган жумла, гап.

НУКТАДОН [нукта + ф. دان — билувчи, билагон] кам. қўлл. айн. **нуктафаҳм.** *Нуктадон олим.*

НУКТАФАҲМ [нукта + фаҳм] кам. қўлл. Масаланинг туб моҳиятини, нозик, майдачуйда тафсилотларини яхши биладиган,

ўтқир фикрловчи. *Эргаш ака туғма олим, нуктафаҳм матнишунос ва манбаишунос эди.* Газетадан.

НУЛЛИФИКАЦИЯ [лот. nullificatio — йўқотвиш] Бирор ҳужжатни, қонунни қонунийликдан маҳрум этиш, бекор қилиш.

НУМИЗМАТИКА [лот. numisma — танга] Тангалар ва уларни зарб қилиш, танга, ёмби шаклидаги пул муомаласи тарихини ўрганувчи ёрдамчи тарих фани. *Унинг [музейнинг] экспозиция ва фондлари.. археология ва нумизматика, антропология, этнография бўлишлари билан бойитилади.* Газетадан.

НУР [а. نور — ёруғлик, ёғду] 1 Ёруғлик манбадан таралган ва янгилик тола кўринишида тасаввур этиладиган зиё, ёғду. *Кўёш нури. Ой хира нур сочмоқда.*

2 физ. Мусбат ёки манфий зарралар, электромагнит тебранишлар оқими. *Рентген нурлари. Катод нурлари.*

Нур касаллиги (ёки касали) Радиоактив нурларнинг организмга таъсир этишидан юзага келадиган касаллик. *Чернобыль авариясини бартараф этишда иштирок этган кўпчилик ватандошларимиз нур касаллигига чалинмасликлари учун профилактика ишлари амалга оширилди.* Газетадан. *Натижада японларнинг бир қисми нур касалига мубтало бўлиб қолган.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

3 Умулан, ёруғлик, зиё; ёруғлик энергияси. *Электр нури. ■ Балиқ тирик сув билан, Гиёҳ яшар нур билан, Денгиз равшан дур билан, Инсон эркин у билан.* Қ. Муҳаммадий.

4 кўчма Ҳақиқат, бахт-саодат, эркинлик, маърифат рамзи. *Билим нури. ■ Кўча жанги бошланганди. Зулмат билан нур туқнашган, ҳаёт-мамот уруши бормоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Кўз нури Ардоқли, кўз қорачиғидай азиз киши (асосан, фарзанд ҳақида). *У [она] Гулнор каби севиқли қизини, кўз нурини оловга отиб, яна унинг бахт ва саодати тўғрисида насихат қилиши керак.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўз нурини тўқиб** Узоқ вақт кўз узмай, кучини аямай, қунт билан. *Кўз нурини тўқиб ишламоқ. Нур аъло (ёки устига) нур* Яна ҳам яхши, кўнгилдагидан ҳам аъло. *Ихтиёр ўзингизда, қутлайман десангиз айтиб кўринг, хўп деса — нур аъло нур.* М. Исмоилов, Фарғона т. о. **Нури дийда қ. дийда.**

5 Нур (эркаклар исми).

НУРАМОҚ 1 Эскириб емирилмоқ, бузилмоқ. *Бўтабой.. баҳор ёмғирида нураган ўчоқни яхшилаб сувади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Келган киши, овоз чиқмагандан кейин, эшик ёнидаги нураб қолган девор устидан мўралай бошлайди.* Т. Обилов, Юсуфжон қизик.

2 Табиий куч (шамол, зилзила, атмосфера ёғинлари ва ш.к.) таъсирида емирилмоқ, ўзгармоқ.

3 кўчма Ичдан зил кетмоқ, емирилмоқ. *Маърифат ва билимга муштоқ бу йигит, нураб кетган эски дунёдан кўрган жафоларини хотирлаб, ўтмишига лаънатлар айтар эди.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

НУРАТМОҚ Емирмоқ, бузмоқ, йўқ қилмоқ. *Йиллар — асрларни қувиб ўтади. Томирсиз ишларни ювиб ўтади. Аммо ювомайди, нуратолмайди, Биз қўйган гиштларни қулатолмайди.* Ғ. Ғуллом.

НУРАФШОН [а. + ф. نورافشان — нур сочувчи, нур тарқатувчи] кт. Нур сочувчи, нурли, порлоқ. *Юртимизнинг нурафшон эртаси ёшларимизнинг янада юқори чуққилар сари интилишига имкон яратмоқда.* Газетадан.

НУРАШ 1 Нурамоқ фл. ҳар. н.

2 геол. Тоғ жанслари ва минералларнинг шамол, атмосфера ҳодисалари ва ш.к. таъсирида бузилиш ва емирилиш жараёни. *Нураш конлари. Нураш нўсти.*

НУРЛАНМОҚ 1 Нур сочмоқ; нур билан ёритмоқ; порламоқ. *Ой хира нурланиб турибди.*

2 физ. Ўздан нурли энергия чиқармоқ. *Радиоактив моддаларнинг нурланиши.*

3 кўчма Ёрқин намоён бўлмоқ, акс этмоқ, порламоқ. *Ефим Даниловичнинг юзида оталик меҳрининг ажойиб илқлиги нурланди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

НУРЛАНТИРМОҚ 1 Нур билан ёритмоқ, кўринадиган қилмоқ. *Мана, ҳовли орқасидаги чакаладан секин-секин ой кўрина бошлади. Кечанинг қоронғисида эриб йўқолган дарахтларни нурлантириб, уларга кўркам ҳаёлий манзаралар шаклини беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор манба нурини йўналтирмоқ, ёғдирмоқ (даволаш ёки бошқа бирор мақсад билан). *Оғриқ жойни кварц лампа билан нурлантирмоқ. ■ Даволаш мақсадида тирик организм ультрабинафша.. нурлар билан сунъий нурлантирилади.* «ЎзМЭ».

НУРЛИ 1 Нур, ёғду берадиган; ёғдули. *Нурли кўёш. Нурли энергия (физ.).*

2 *кўчма* Ёруғ, равшан, порлоқ. *Даданг уруида голиб бўлиб, омон-эсон қайтсин. Бу нурли кунларни кўриб яйрасин. Ойдин, Ҳикоялар.*

НУРОНИЙ [а. + ф. نورانى — ёрқин, порлоқ; нурли; файзли, истараси иссиқ] 1 Юзидан нур ёғилиб турадиган, файзли (кексалар ҳақида). *Салим ота нуроний, хушчақчақ киши эди. Газетадан.*

2 Кекса, оқсоқол; ветеран. *Марказ бинотида нуронийлар кенгаши, ногиронлар жамияти жойлашган. Газетадан.*

НУРСИЗ 1 Нур бермайдиган ёки ёритилмаган; хира. *Ҳамиджон ойнинг нурсиз ёруғи тушиб турган деразадан кўчага қаради. Ҳ. Умарбеков, Чўлда бир кун.*

2 *кўчма* Қони қочган, рангпар; хира (юз, кўз ҳақида). — *Кунимиз қурсин, Жумагул. Сен ҳам ҳалак, мен ҳам, — дерди чол нурсиз кўзларидан оққан ёшини артиб. Ж. Шарипов, Хоразм. Унинг [афгон чойфурушинг] азалдан кулга ўхшаш нурсиз юзи баттар қорайиб кетгандай кўринди. А. Мухтор, Опа-сингаллар.*

3 *кўчма* Бадний жиҳатдан бўш, қизиги йўқ, мазмунсиз. *Нурсиз асар.*

4 *кўчма* Рўшноликдан йироқ, оғир. *Тийрак Ҳамиднинг нурсиз ҳаётини бегазан бирдан-бир нарса онаси Комила онанинг сўзлаган эртаклари.. бўлди. «Ўзбек адабиёти».*

НУРСИЗЛАНМОҚ Нуря кетиб, қони қочиб хираланмоқ, хира торгмоқ. *Нурсизланган юзига қон юзуриб тиниқланди. А. Қаҳор, Сароб.*

НУСРАТ [а. نصرت — ёрдам; ғалаба] *эск. кт.* 1 Ёрдам, мадал, кўмак. *Менинг нусратим, кароматим шу — киндик қоним тўкилган ерга меҳрим, холос. Н. Ёқубов, Бўсағала.*

2 Ғалаба, зафар.

3 Нусрат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

НУСХА [а. نسخہ — андоза, ўхшаш, намуна; адад, дона] 1 Бир турдаги нарсалар ҳақида тасаввур берадиган намуна. *Молларнинг нусхалари. ■ Улар бунӣ (альбомни) варақлаб, керакли газламаларнинг парча-пурча нусхаларини кўриб, (материал) танлайдилар. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Бир хил қилиб ясаш, кўчириш учун тайёрланган буюм намунаси, андаза; қолип. *Эндиги хатни ниҳоятда эҳтиёт билан, нус-*

хага қараб ёздиршини кўнглидан ўтказди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Гул, нақш ва ш. к. нинг туря; шундай гул, нақш тури билан ишланган маҳсулот. *Дуппининг чуст нусхаси. ■ Ягона машаққати — қизга безак моллари тайёрлаш, янги нусхалар топтириш, чеварларга тиктириш ва ҳоказодан иборат. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Босма ёки ёзма асарнинг ҳар бир донаси. *Китоб минг нусха босилди. ■ Тошкентда бу китобдан фақат икки нусха бор, холос. С. Аҳмад, Ҳукм. «Чағаниён» газетаси қарийб 8 минг нусхада чоп этилади. Газетадан.*

5 Бирор нарсанинг асидан олинган кўчирма. *Баённома нусхаси. Нусха олмоқ. Нусха кўчирмоқ,.*

6 *с. т.* Бирор салбий тоифага мансуб одам. *Умуман олганда, тухматчи нусхалар йўқолиб борапти. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

7 *шв.* Афғ, башара, ангор. *Нусханг қурсин. Нусхангни курсатма.*

НУСҚА *с. т.* Нусха.

НУТРИЯ [исп. nutria] Сувда яшайдиган, қимматбаҳо мўйнаси учун фермаларда боқиб кўпайтириладиган кемпрувчи ҳайвон. *Мўйначилик фермаларида яқин-яқингача нутрия боқили ва уни кўпайтириш яхши йўлга қўйилмаган эди. Газетадан.*

НУТҚ [а. نطق — сўзлаш, нутқ; гапириш қобилияти] 1 Тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши; сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шу жараённинг ҳосиласи. *Нутқи ёмон. Боланинг нутқини ўстирмоқ. ■ Очилинг нутқи. яхши эди. П. Қодиров, Уч илдив.*

Нутқ аъзолари Одам организмнинг нутқ товушлари ҳосил бўлишида қатнашадиган турли қисмлари (тил, лаб, тиш, ҳиқилдоқ ва б.). **Нутқ товушлари** Нутқни вужудга келтирувчи, инсон томонидан талаффуз қилинадиган товушлар.

2 Амалдаги, сўзланув жараёнидаги тил. *Нутқ маданияти. Биз нутқимизда айрим сўзларни узаро бириктириб, гап тузимиз.*

3 Тилнинг алоқа-аралашув мақсади ва шароитига қараб лисоний воситалардан мувофиқни танлаб ишлатиш билан фарқланувчи тури, услуб. *Поэтик нутқ. Бадиий нутқ. Оғзаки нутқ.*

4 Жамоат олдидан айтиладиган, ўқиладиган гап, ваъз. *Оташын нутқ. Ҳаяжонли*

нутқ. Нотиқнинг нутқи. Нутқ сўзламоқ. Нутққа тайёрланмоқ.

НУФУЗ [a. نفوذ — таъсир; обрў-эътибор] Обрў-эътибор; таъсир. Бек ўз нуфузининг йўқолиб бораётганидан диққати ошиб кетди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Бугун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузи борлигидан фахрлансак арзийди. Газетадан.

НУФУЗЛИ Обрў-эътиборли; таъсирли. Нуфузли кишилар. ■ Шу сабабли бу йил мазкур нуфузли уюшмага Ўзбекистон Марказий давлат депозитарийси авзо этиб қабул қилинди. Газетадан.

НУФУС [a. نفوس — аҳоли, халқ] айн. аҳоли. Шаҳримиз нуфуси уч миллионга яқинлашди.

НУЧУК с. т. Нечик, қандай. Модомики шундоқ экан, қори шундоқ қилишга нучук журъат қилди? А. Қаҳҳор, Қўлгичинор чироқлари.

НУҚРА [a. نقره — қумуш] поэт. айн. қумуш 1.

НУҚС [a. نقص — етишмовчилик; камайиш; нуқсон, камчилик] Нуқсон, камчилик. [Маҳдум:] ..камина ва ожизамизда бир қанча гуноҳлар, нуқслар, узрлар бор, тақсирлар! А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Домла ҳикоядаги суратларни кўрди. Сўнгера ўрта бир еридан бир-икки жумла ўқиб, тилидан нуқс топди. А. Қаҳҳор, Сароб.

Нуқси урди Таъсири урди, таъсири ўтди. Шербекка меҳнат билан ўтган кунларнинг нуқси урди. Сезиларли озди. Олдин қон томиб турган юзлари қорайиб пишди. С. Анорбоев, Оқсой.

НУҚСОН [a. نقصان — камайиш, оза-йиш; камчилик, нуқс] 1 Киши номга номуносиб, уни салбий жиҳатдан кўрсатадиган белги; камчилик, иллат, қусур, айб. Унинг бир нуқсони — ёлғончилиги. ■ Қизини ер-кўкка ишонмаган, унинг бутун нуқсонларини бир фазилат деб билган онаси.. бу қизни катта шавкат ва дабдаба билан узатишни орзу қилар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Жисмоний ёки руҳий камчилик, иллат. Унинг бир нуқсони бор: сал оқсаб юради.

3 Сифат жиҳатидан етишмовчилик, камчилик, кам-қуст. Ёғочнинг нуқсонлари. Ишдаги нуқсонлар.

НУҚСОНЛИ Нуқсони, камчиляти, иллати, айби бор; қусурли. Нуқсонли мол. Нуқсонли бола. ■ Нуқсонли деб топган нуқ-

таларни ишловчиларга малол келтирмасдангина танқид қилади. А. Қодирий, Обид кетмон. Сорахон Саидийнинг нуқсонли бўлишидан манфаатдор эмас! А. Қаҳҳор, Сароб.

НУҚТА [a. نقطه — нуқта; пункт, пост; томчи; тиниш белгиси] 1 Макон ёки фазодаги маълум бир ўрин; пункт. Бир нуқтага тикилиб қолмоқ. ■ Ҳар вақтдагидан кўркамроқ, тиниқроқ кўринган тўлин ой самонинг бир нуқтасида қотган каби. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Дарак гап ва тинч оҳанг билан айтиладиган ундов гап охирида, шунингдек, шартли қисқартмаларда қўлланадиган тиниш белгиси (.)

Гапга нуқта қўймоқ Гапни тугатмоқ, бораётган баҳс-мунозарани тўхтатмоқ, якунламоқ. **Икки (ёки қўш) нуқта** Уюшқ бўлақлар умумлаштирувчи сўздан кейин, шунингдек, кўчирма гаплар муаллиф гапидан сўнг келганда қўйиладиган тиниш белгиси (:). **Кўп нуқта** Матнда тушириб қолдирилган парча ўрнига, мазмуни тугамаган гаплар охирига қўйиладиган уч нуқта (...).

3 Нота ёзуви, географик харита, план кабиларда бирор нарсанинг шартли ифодаси бўлган белги(.). **Шаҳарнинг планини келтириб берди ва дорифунунга борадиган трамвай йўлини қизил сиёҳ билан чизиб, тушиладиган ерларга қизил нуқталар қўйди.** А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Маълум бир тармоқли тизимда бирор тармоқ, нарса ўрнашган жой, пункт. **Пул-лемёт нуқтаси.** **Савдо тармоқларининг нуқталари.** ■ **Артиллерия худди рўпарадан отгандай душман (ёки қўш) нуқта** тандаларини бирин-кетин тор-мор қилмоқда эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 Математикада, механикада, физикада ўлчови йўқ пункт, ўрин, кесмалар чегараси. **А нуқта билан Б нуқта ораси.** **Тўғри чизиқларнинг кесишган нуқтаси.**

Таянч нуқтаси физ. Рычаг таянган жой. **Урнини нуқтаси мат.** Бир чизиқнинг иккинчи чизиққа уриниб ўтган ери.

6 **физ.** Модданинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш пайти, чегараси (ҳарорат билан боғлиқ). **Қайнаш нуқтаси, Музлаш нуқтаси.** **Эриш нуқтаси.**

7 Воқеа, ҳодиса, ижтимоий тараққиёт ва ш.к. жараёнларда маълум бир пайт, чегара.

НУҚТАН НАЗАР қ. назар.

НУҚТАВОР снт. Нуқталар асосида яратилган нақш.

НУҚГАЛИ Нуқтаси бор.

Нуқтали вергул Қўшма гапларда ёйиқ ва кўпроқ мустақил бўлган бўлақларни ажратишда, шунингдек, гапнинг мураккаб уошиқ бўлақлари гуруҳланганда қўлланилган тиниш белгиси (;).

НУҚУЛ [а. نقول — «нақл» с. қўшл.: бир жойдан иккинчи жойга кўчириш; узатиш, ўтказиш; таржима] рви. 1 Турган-битгани, бошдан-оёқ, -Ҳа, — дейди Холмирза ака, — мана шу хирмонтепанинг тупроғи нуқул гўнг-да. А. Қодирий, Обид кетмон. Тепалик нуқул қайинлар билан қопланган эди. Ойбек, Қўёш қораймас.

2 Ҳеч нарса аралашмаган, соф, тоза. Бзаклар нуқул олтиндан.

3 рви. Довмий равишда, доимо, ҳадеб, фақат. Қурбон ота.. ўзи кўран томошаларни негадир Урмонжон кўрмаган гумон қилиб, нуқул унга таърифлар, қайта-қайта мақтар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

НУНОҚ Улдабурон эмас; эпсиз, ношуд. Гапга нўноқ одам. — У гап орасида Ашир маҳрамнинг яхши томонларини таърифлаган бўлиб, лекин “ҳали ҳарбий ишларга нўноқ”, деб қўйди. Ж. Шарипов, Хоразм.

НУХАТ [ф. نخود] Бир йиллик дуккакли ўсимлик ва унинг овқатга ишлатиладиган, мошдан каттароқ, юмалоқ сарияқ дони. Қовурилган нухат. Нухат шўрва.

НУХАТГУЛ Дуккакдошлар овласига мансуб бир йиллик сертук ўт. Тоғ ёнбағирлари лолақизғалдоқ, чучмома, нухатгул билан қопланиб, ўзгача бир чирой бағишлаган эди. Газетадан.

НУХАТХУРАК [нўхат + хўрак] Нўхатдан зираворлар қўшиб тайёрланадиган куюқ таом.

НУХАТШУРАК [нўхат + шўрак] Нўхатни гўшт билан қайнатиб, димлаб тайёрланадиган тансиқ овқат.

НУХАТШУРАКЧИ Нухатшўрак пишириш ва сотиш билан шуғулланувчи одам. Бир чеккада оғзи қулоғига етган.. нўхатшўракчилар ёш болаларнинг пулларини алдаб олмоқдалар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

НУХТА От-уловни боғлаш, етаклаш, ҳайдаш учун бошига солинадиган абзал. Отнинг юганини бошига солиб, нўхтани хуржунга тиқиб.. отга минди. С. Айний, Қуллар. Майна эшакнинг нўхтасидан ушлаганча, нарироқда ерга қараб турарди. Ш. Топматов, Эрк қўши.

НУХТАЛАМОҚ 1 Нўхта солмоқ. [Зулфизар]..қора қашқа отни саралаб олди, эгарлаб, нўхталаб, шини яхши нухталаб, Истамбул кўчаларини урталаб, канизлар олдига етди. «Зулфизар билан Авазхон».

2 кўчма Ўз эрк-ихтиёрига бўйсундириб олмоқ, ўз измига солиб олмоқ, жиловламоқ. Синф раҳбари жуда зўр муаллим-ку, наҳотки, улар ҳам асовни нўхталаб оломасалар, а? М. Исмоилий, Бизнинг роман.

НУШ I [ф. نوش — ичиш; пирин ичимлик]: нўш айламоқ (ёки этмоқ) эск. кт. айн. ичмоқ.

НУШ II: нўш пивёз Кузда тикма қалиб экилган пивёз.

НУҚИМОҚ шв. Туртмоқ, ниқтамоқ. — Мингбоши! — деди у [ҳоким], қўлидаги ўрма қамчисининг юлғун сопи билан додхоҳ қорнини нуқиб. — Бўлисингда ишга чиқмайдиган биттаям одам бўлмаслиги керак! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

НУҒОЙ қ. нўғойлар. Нуғой тили. Нуғой аёл.

Нуғой дўппи Тепаси ясси чамбар дўппи. Нуғой чой с. т. Оқ чой, суғли чой. Нуғой қопиқ с. т. Гулли заранг (ёғоч) қопиқ.

НУҒОЙЛАР I с. т. эск. Татарлар.

2 Россия Федерациясининг Ставрополь ўлкаси, Доғистон, Чеченистон, Ингушистон республикаларида яшовчи, туркий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ.



О (чүзүк) унд. с. 1 Завқланганликни ёки мамнунликни билдиради. *О, қандай гўзал манзара! ■ Ойни чўмилтирган тинч тунларингни Тушимда кўрганда не қиларман, о?* У. Носир.

2 Ҳайратни, ажабланишни ифодалайди. *О, у юрак, о, у тилла бош, Ўлим учун чиққанми эдинг? У. Носир.*

3 Мурожаатда фикрни қувватлаш, кучайтириш учун қўлланади. *О, қандай бефаросатсиз, дуддан бу уйларда туриб бўлмайди-ку!* С. Нуров, Нарвон.

4 Сўзнинг охирда келиб, хитоб, нидонга аниқланади. *Собир-о! Собир!*

ОБ [ф. آب — сув] 1 Сув. *Бўлса — оби, бўлмаса — ёби.* Мақол.

Об бўлмоқ Сувда ёки ёмғирда ивиб, шалаббо бўлиб кетмоқ.

2 Форс тилидан изофа шаклида бир бутун сўз тарзида ўзлашган бирикмалар, шунингдек, тенг боғловчили ёки боғловчисиз жуфт сўзлар таркибида келиб, уларнинг сувга, намлик ва захга алоқадорлигини билдиради (Имлода изофали бирикмалар яхлит сўз сифатида қўшиб, жуфт сўзлар чизиқча билан ёзилади). Мас., *обидийда — кўз ёши, об-ҳаво ёки обу ҳаво каби.* Шийтонни айланаб кўриб, Зумраднинг кўнгли синди: *ҳамон ўша байроқ, ўша гўштсиз об-ёвғон, қўша қора қумғон, тол тагига осилган қадимий беланчақлар.* С. Сяёв. *Жуда обу тобида, мазали пишган ҳолва, мураббо ёки овқатни ҳам халқимиз «қиём бўлиб кетибди», дейди.* Н. Аминов.

3 махс. Ойнанинг (кўзгунинг) орқасига берилган сир, амальгама.

Об бермоқ Сирламоқ, жило бермоқ, амальгама суртмоқ.

ОБАКИ I [ф. آبى — сувли, суюқ; серсув, ширали] Оқ чиллаккага ўхшаш, ўртапишар маҳаллий узум нави. *Обаки Тошкент, Сирдарё, Наманган вилоятларида кўп экилади.* Газетадан.

ОБАКИ II [ф. آبى] айн. **обакидандон.** *Сесканиб тушган Салтанат, обаки шимиб лаззатланаётган ёш боладай, қалампирни шимарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ОБАКИДАНДОН [ф. آبى — суюқ, сувли + داندان — тиш] Шакар қиёмидан тайёрланган ширинлик тури. *Пенсияга борса, бир қарич келадиган қизил обакидандон — бир дўппи олиб келади. Ойхонга ҳам эрмак топилди, уларнинг қилиқларига қараб, қаҳ-қаҳ уриб кулгани-кулган.* А. Муҳтор, Опа-сингиллар.

ОББА унд. с. 1 Ҳайрат, таажжуб билдиради. - *Обба, бобожон-эй, — дейман қувончдан энтикиб, — зап қутулиб кепсиз-да?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

2 Ачиниш, нафратни билдиради. - *Обба, — дея кунглидан ўтказди Қорабоев. — Туфламасдан артса ҳам гўрга эди.* С. Аҳмад, Асарлар. - *Обба иблис-эй, — деди устозим уф тортиб, — обба лаънати-ей, бу кеча яна ухламабди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

3 Зорланиш, норозиликни ифодалайди. *Обба.. Жайнақбой, бизнинг кампирнинг тоби қочибди.* Н. Сафаров, Уйғониш.

ОББО I айн. **обба.**

2 (охирги о — чүзүк) бол. Болани ухлатиш алласи. *Оббо қилсин, алла-йй, ухлаб берсин, алла-йй!* «Бойчечак».

Оббо айтмоқ Болани алла айтиб ухлатмоқ, Оббо қил Ухла.

ОББОЛАМОҚ Болани оббо айтив, алла-лаб ухлатмоқ. *Аёл боласини обболамоқда.*

ОББОҲОЛАМ *қри. с., с. т.* Балки, эҳтимол, бўлса, ажаб эмас. *Оббоҳолам, бугун жума бўлса керак. ■ Отанинг жавобларидан терговчи норози эди: -Оёғида нима эди? -Оббоҳолам, ботинка. Шухрат, Олтин занг-ламас.*

ОБГАРДОН [ф. آبگردان — сувни шопириш, айлангириш: чўмич, ёғлоғи; ковш] Ошпазларнинг узун дастали, катта, ичи чуқур чўмичи. *Шу вақтда обгардон, катгир кўтариб, бир ошпаз келиб қолди. «Орзигул».*

ОБДАН *рви. 1* Роса; хўп. *Овқатни хўп чайнаган яхши, гапни обдан ўйлаган яхши. Мақол. ■ Агар бошқа йигит бўлганида, шу тунда ё обдан калтак ерди, ё қуён бўлиб қочарди — Ҳафизани шарманда қиларди.. Мирмуҳсин, Умид.*

2 Жуда, жуда ҳам. *Шаҳарда бир маҳаллада бўлганимиз учун обдан яхши буламан. Ойбек, Танланган асарлар. Балиқни димламоқчи бўлсангиз, обдан қиздирилган духовкада димланг. «Саодат».*

3 Батамом, бутунлай; мукамал суратда. *Кенжа бригадаси янги ерга обдан ўрнашиб олгунча, колхоздан кўпчилик ҳашарга бориб турди. Ҳ. Назир, Маёқ сари. Стол турли нознеъматлар билан обдан ясашилган. М. Жабборов, Севинч ёшлари.*

ОБДАСТА [ф. آبداسته — қўл (ювиладиган) сув] Рўзғор буюми; юз-қўл ювиш учун ишлатиладиган узун ва пингичка жўмакли, қорни кенг, бўғзи тор идиш. *Сопол обдаста. Чўян обдаста. ■ Ҳафиза обдаста билан дастийў олиб кириб, бувисининг қўлини атирсовун билан ювдирди. Мирмуҳсин, Умид.*

Обдаста самовар Обдаста шаклидаги маҳаллий самовар. **Обдаста тутмоқ** Обдастан сув қуйиб туриб, қўлни ювдирмоқ. **Пучуқ обдаста** Ўзига алоқаси йўқ ёки ақли етмайдиган гап-сўзга, ишга аралаша берадиган кишига қарата, уни камситиб, танбек юзасидан айтиладиган ибора. *Сен пучуқ обдаста ўлгурга ким қўйибди бировларнинг ишига аралашини? С. Аҳмад, Чўл шамолларп.*

ОБДАСТАГАРДОН [ф. آبداسته گردان — обдаста айлангириш] *этно.* Йўқолган ёки ўғирланган нарса ўғирсини «топиш» усули

(бунда ичига сув солинган обдастани бўтздан ип боғлаб, бармоққа осиб айлангирилади, дуолар ўқилади, обдаста айлангандан тўхтаганда, унинг жўмраги даврада ўтирган гумон қилинганлардан қайси бирининг қаршисига тўхтаса, ўша киши «ўғри» саналади). *Кампир «дуонинг зўри билан қулф очадиган» азайшхонага обдастагардон қилдиргани қатнаб, ярим қон жийда, уч елпиштовоқ жўҳори, икки калава ип элтиди, аммо иш чиқмади. А. Қаҳҳор, Ўғри.*

ОБДИРАМОҚ Ўзини йўқотмоқ, гангимоқ, довдирамоқ. *-Нега обдираб қолдиларинг? Отинглар, босинглар бу уйинг куйгурни! — деб бақирди. С. Айний, Қуллар. Тўхтаб туриб яна тупроқни ташлаб, бир тарафга қочиб, чўчиб, яқосини ушлаб, лаҳадга қараб, обдираб.. хой, хой, хой, бай, бай — деди. Ҳамза, Танланган асарлар.*

ОБДИШ *шв. 1* Чойдиш, човгун. *Чол бесаранжом кириб келибоқ, дарров обдишга қўл урди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

2 Қайнаган сув. *Чойдишда обдиш қолган бўлса, сув солмай туринг.*

ОБДОВ *с. т.* Томдан ёғин суви тез оқиб тушиб кетиши учун том сатҳида қилинадиган қияшк; нишаб.

Обдовини олмоқ Нишабини тўғриламоқ. *Томнинг обдовини қаёққа олмоқчисиз?*

ОБДОР [ф. ابدار — сувли, суви кўп; жилю берилган] *эск. кт. 1* Тиниқ, шаффоф, ялтиратилган (қимматбаҳо тошлар ҳақида).

2 кўчма Оқ юзли, гўзал. *Хайри Бердибой каби йигитларнинг юрагини уйнатарлик даражада обдор. А. Қодирий, Обид кетмон.*

3 фольк. Сув берилган, яхши тобланган, ўткп (қилгч, пичоқ ва ш.к. ҳақида). *Қосимхон шохнинг аччиғи келиб, ҳар тукки обдордай бўлиб, қизига бир сўз деди. «Зулфизар билан Авазхон». Ҳар бир туким бир ханжари обдор бўлди. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

4 Учга заҳар суртилган. *Обдор ўқ.*

ОБДОРЛИК Сувчилик, сув тутишлик. *Ернинг бошига етганда, ота гапирди: -Сизлар сувни шу ерчага етказиб берсаларингиз бўлгани, обдорликни фақат ўзим қиламан. Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.*

ОБДУЗДЛИК [ф. آب — сув + دزد — ўғри > آبزد — ер остидан сув ўтадиган ёки йўқолиб кетадиган тешик, йўл] Суғориш тармоқларидан сувни навбатдан ташқари яши-

ринча боғлаб олиш. *Бухоро воҳасида июль ойининг охири ва августнинг бошида сувга бўлган талаб ниҳоятда авж олиб, обдуздлиқ кучайган.* А. Муҳаммадҷонов, Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи.

ОБЕД [р. обед — «обедать» (тушлиқ овқат емоқ) фл. дан < еда — овқат] с.т. 1 Тушки овқат. — *Хой, нима бало бўлди? — деб аланглади Инойат оқсоқол. Бир шўхроқ йигит унга жавоб қилди: -Оқсоқол ота, эшагингиз сизни обедга чақиряпти.* С. Аҳмад, Уфқ.

Обед қилмоқ Тушки овқатни емоқ, тушда овқатланмоқ.

2 Тушка овқат вақти. *Обедда бир келиб кетинг.*

ОБЕЛИСК [фр. obelisque < юн. obeliskos, obelos — қилич, шамшир] Юқорига томон ингичкалашиб борадиган тош устун шаклидаги ёдгорлик. *...жангчилар хотирасини абадийлаштириш, ёдгорликлар, обелисклар, хотира лавҳалари қуриш ва буларни сақлаб қолиш учун улар кўп иш қилмоқдалар.* Газетадан.

ОБЕРМОҚ с. т. айн. Олиб бермоқ. *Ароқни камайтиринг, пулига қўшинилардан қатиқ олиб турай десам, айюҳаннос тортворди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

ОБЕРТОН [нем. Oberton < нем. ober — катта, юқори + юн. tonos — кучланиш, урғу] мус. Ассий товуш (тон) билан бирга пайдо бўладиган ва унга бошқача тус берадиган товуш.

ОБЖУВОЗ [ф. آب — сув + جوان — ёғоч ёки тош ўғир] 1 Сув кучи билан юрадиган, шולי оқлайдиган қурилма. *Саломни этакдаги обжувоздан шולי обкетаётган кишилар кўрибди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчаси. *Шербек ўз овозидан ўзи қўрқиб кетди: юраги обжувоздек гурс-гурс урарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Шундай қурилма ўрнатилган хона; обжувозхона.

Қошини обжувоз қилмоқ Икки қошнини галма-гал учирмоқ. *Домла.. қошларини обжувоз қилиб, Элмуродга тикилди.* П. Турсун, Ҳўтувчи.

ОБЖУВОЗХОНА Обжувоз ўрнатилган хона; обжувоз.

ОБЖУВОЗЧИ 1 Обжувозда ишловчи, обжувозда шולי оқловчи одам. *Улар Хўжамозорда эскидан таниш бўлган обжувозчи чолнинг уйига қўнишди.* «Ёнлик».

2 Обжувоз эгаси, хўжайини.

ОБЖУШ, **обижўш** [ф. آبچوش — қайнаган, қайноқ сув] шв. 1 Чой дамлаш учун қайнатилган сув. *Шу чойнинг устига обжўш солиб қўя қол.*

2 Ҳайвон ва ўсимлик ёғларини аралаштириб доғ қилинган ёғ.

ОБЗОР [р. обзор < обозреть — «кўз ташламоқ, кўриб чиқмоқ; текширмоқ, таҳлил қилмоқ» фл. дан] Ўзаро боғланган масалаларга доир маълумотларни хулосалаб, қисқача қилиб берилган озаки ёки ёзма ахборот. *Матбуот обзори. Халқаро обзор. Обзор қилмоқ.*

ОБЗОРЧИ Газета, журнал, радио ва ш.к. га обзор мақолалар бериб турувчи муҳбир. «Халқ сўзи» газетасининг обзорчиси. *Радио обзорчиси.*

ОБИ I [ф. آب — сув] Форсча изофалар таркибида келиб, шу сўз (сўз бирикмаси)нинг сувга алоқдорлигини билдиради, мас., *обидийда, обираҳмат.*

ОБИ II [ф. آبى — сувли; ҳўл, нам; осмонранг] Тайёр ноннинг сарф қилинган унга нисбатан ошган оғирлиги.

ОБИД [а. عابد — сажда қилувчи, сиғинувчи; ихлосманд; руҳоний] 1 эск. кт. Тоатибодатни қанда қилмайдиган, художўй, тақводор эркак.

2 Обид (эркаклар исми).

ОБИДА I [а. عابده] 1 эск. кт. Тоатибодатни қанда қилмайдиган, художўй, тақводор аёл.

2 Обида (хотин-қизлар исми).

ОБИДА II кт. 1 Қабр устига ўрнатилган ёдгорлик. *Украинанинг бу қишлоғида ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш учун рамзий қабр устига обида ўрнатилган.* Газетадан.

2 Археологик ёдгорлик, узоқ ўтмишдан қолган моддий ёдгорлик. *Урта Осиё наққошлари қолдирган ва ҳозир давлат муҳофаза қилаётган обидаларда асрлар ёдгорлигининг изи бор.* «Гулистон». *Ёдгор Чаросга ғолибона қараб қўйди: -Эсингиздами, янги йил куни қадимий обидаларни замонавий қурилишларга қандай татбиқ этса бўлади, деган эдингиз.* Ў. Ҳошимов. *Қалбингга қулоқ сол. Зеро, бу обидаларни топиш ва ўрганиш туфайли ўзбек халқининг ибтидоий давр тарихи.. [халқнинг] урф-одати ва эътиқодига оид янги маълумотлар билан бойитилди.* Газетадан.

ОБИДИЙДА [ф. *آبديده* — күз ёши, ашк] Күз ёши, ёш. *Элчиев бир лаҳза юзини деворга бурди, вужуд-вужудини жамирлатиб келган обидийдани ютишга уринди, ютди.* «Ёшлнк».

Обидийда қилмоқ Йнгламоқ. *Оғзингдаги ошин олдириб қўйиб, обидийда қилсан-а! Отингни эртароқ қамчиласанг, ўлармидинг! С. Аҳмад, Уфқ.*

ОБИЁВҒОН Жазсиз, ёғсиз суюқ ош; умуман, фақирона овқат. *Бобомнинг кампири Башорат хола хурмачага обиёвғон қўйиб берди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ОБИЗАМЗАМ [ф. + *آبزمزم* — Замзам суви] 1 *дин.* Максадаги Замзам булогининг табаррук суви; умуман, табаррук, муқалдас саналадиган сув.

2 *кўчма* Май, спиртли ичмлик. *Мушздай-мушздай гўштларни тўғраб, ош устига босаётган ишчининг оғзида сўлаги тўпланди. Қилт ютинди: -Бундай ошин «обизамзам»сиз ейиши гуноҳи азим бўлади-я!* С. Нуров, Нарвон.

ОБИНОВВОТ [ф. *آبنيات* — новвот суви, шпра] 1 Уриқнинг жуда шприн бир тури.

2 Пусти сариқ-ола, сергўшт шприн қовун; чўғри. *Дарвозага яқинлашиб қолишган пайтда димоққа обиноввот қовуннинг иси урилди. А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.*

ОБИНОН [ф. *آبنيان*] Ошпрма хамирдан ёпилган юшқа нон (кўпинча бозор учун ва тўй-ҳашамда тайёрланади). *Зиёфат дастурхони чинакам бойвачча номига яраша эди. Дастурхон чеккаларига седанали обинон, мушздай қип-қизил гижда нон, ёғли патир, жиззали нон, қатламалар қўйилган.* «Ёшлнк».

ОБИРАВОН I [ф. *آبروان* — оқаётган, оқар сув] 1 Оқар сув. *Боғлар хароб бўлар, боғбон бўлмаса. Дарёларда обиравон бўлмаса.* «Рустамхон».

2 *кўчма* Сувдай сероб нарса, мўл-кўлчилик. *Бу ер тўйхона, майхона, обиравон жой.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ОБИРАВОН II [ф. *آبروان*] Бир турли гулдор, юлқа газлама. *Шундай совуқ бўлишига қарамай, Тўхтагон эски обиравон кўйлакда, унинг ҳам бир енги йўқ.* С. Зуннунова, Олов.

ОБИРАҲМАТ [ф. + *آبرحمت* — хайр-барака суви; баҳор ёмғири] Раҳмат ёғдирувчи сув (ёмғир, қор суви ҳақида). *Болам, Оллоҳдан обираҳматини сўра, лалми буғдой ушанга вобаста.* «Ёшлнк».

ОБИҲАЁТ [ф. + *آبحيات* — ҳаёт, тириклик суви] 1 *миф.* Ҳаёт суви (афсонавий чашма суви; уни ичган кимса гўё абадий яшар эмиш).

2 *кўчма* Ҳаёт бағишловчи сув. *Зўр дарёдан канал, ариқ ва эгталар орқали ғўзаларга обиҳаёт олиб борилгани каби, тарих дарёсидан ҳар бир бўлажак эшитувчисининг онгига оловли ҳақиқат олиб бормоқчи эди. П. Қодиров, Уч пldиз.*

ОБКАНД [ф. *آبکند* — сел ўтадиган жой, йўл; сув ювиб, ўйиб кетган жой] *тар.* Қадимда ва ўрта асрларда шаҳарни сув билан таъминлаш мақсадида қазилган суғориш тармоғи, сув йўли. «Обканд» шаҳар суви, шаҳар ариғи маъноларини англадиб, шаҳар суғориш тармоғидир. «ЎзМЭ».

ОБКАШ [ф. *آبکاش* — сув тортувчи, ташувчи] Икки учидаги илмоғига челақ осиб, елкада сув ва б. нарсалар ташши учун мосланган ёғоч асбоб. *Бир обкаш сув. Обкаш билан сув ташимоқ. — Дарсдан кейин Омон уни кўпинча елкасида обкаш — сувга кетаётганда учратади. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.*

Бошимни баркаш, елкамни обкаш қилиб Белни букиб, қаттиқ меҳнат, машаққат тортиб. [Қизим Райҳонни] *Ахир не-не кўргиликлар билан, бошимни баркаш, елкамни обкаш қилиб, вояга етказдим. С. Сиёев, Райҳон. Обкаш бўлиб кетмоқ с. т.* Эғилиб, буклиб кетмоқ. *Белим обкаш бўлиб кетди.*

ОБККОМ [р. «областной комитет» бирикмасининг қисқартмаси] *эск.* Баъзи ижтимоий ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган область раҳбар органи ва унинг бинноси. *Обком секретари. — Ҳаққулов обкомдан топшириқ олгандан буён ўз кучига ишонган, ишга боши билан шўнғиб кетган, кўриниши, кайфияти ҳали тетик эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

ОБЛАСТЛАРАРО Бир неча область учун умумий бўлган, бир неча область барабар хизмат қиладиган, бир неча область ўртасида бўладиган. *Областлараро электр станцияси. Қишлоқ хўжалик ходимларининг областлараро кенгаши.*

ОБЛАСТЬ [қад. р. об + волость — худуд, давлат] 1 Бир неча шаҳар ва туманни ўз ичига олган йирик маъмурий-худудий бирлик (яна қ. **вилоят** 4). *Самарқанд области. Тошкент области. Область ижроия*

комитети. ■ Унинг отаси колхозда боғбон, онаси бўлса областда маишхўр сут соғувчилардан эди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 с.т. Шундай маъмурий-территориал бўлима маркази. Бугун областдан улуглар келишармиши? С. Аҳмад, Уфқ.

ОБЛИГАЦИЯ [лот. obligatio — мажбурият] Ютуқ ёки маълум фоиз тарзида даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғозларнинг бир тури. Облигациянинг бозор нархи унинг номиналидан юқори ёки паст бўлади. «ЎЗМЭ».

ОБЛО с.т. Оллоҳ. Банданинг боши — облонинг тоши. Мақол. ■ Зиеда бибининг неки тилаги бўлса, облонинг ўзи мушарраф қилсин! Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОБМОТКА [р. обмотка — болдирга ўраладиган пайтава < обмотать — ўрамоқ, ўраб боғламоқ] Тупиқдан тиззагача шимнинг почаси устидан ўраладиган пайтава. Элмурод шошганидан бир оёғига шим почасини киймай, обмотка ўраб қўйди. Шухрат, Шивелли йиллар.

ОБНУС [а. آبوس < юн. ebenos — қора даррахт] Тропик мамлакатларда ўсадиган, ёғочи қаттиқ ва оғир қорамтир ёки қора даррахт.

ОБОД [ф. آباد — одам яшайдиган; ишлов берилган; гуллаб-яшнаётган] 1 Кўркам бинолар, чиройли кўчалар, боғу роғлар билан гузаллик касб этган, гуллаб-яшнаган. *Обод шаҳар.* ■ Ватанни обод қилиш фидокорликдир. Газетадан. Бақақуруллоқ сердароҳлиги, майдондаги бир-иккита оқ уйлари билан Қўғазордан хийла обод кўринар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Яхши қаров, парвариш билан етиштирилган. *Обод боғ.* ■ Ҳирот музофотида Хурруд бўйида бир оила томонидан каттагина бир боғ обод қилинган эди. С. Айний, Қуллар. Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади. Ойбек, О.в. шабадалар.

3 Халқ кўп йиғилалиган, гавжум ва серфайз. *Обод парк.* ■ Қишлоқнинг бу овлоқ жойи мактаб қурилиши бошлангидан буён обод бир сайигоҳ бўлиб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қиш кечалари жуда узун, шунинг учун чойхоналар обод. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Хурсанд, шод. *Кимдир тама билан дунё кезади, Кимдир ўксик дилни этади обод.* А. Орипов, Йиллар армони.

5 Баъзи отларга ёки айрим сифатларга қўшилиб, шаҳар, қишлоқ ва ш.к. номини ясайди, мас., *Нуробод, Ишқобод, Бекобод, Янгиобод.* ■ Улар Қурбақаобод мавзеига этиб, одамлардан *Норматхўжанинг боғини суриштирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОБОДЛАШМОҚ Тобора обод бўлиб бормоқ. *Ободланган шаҳар. Қишлоғимиз ободлашиб қолди.*

ОБОДОН [ф. آبادان] айн. обод. *Юртимиз тинч, ободон, тўйинчилик. Курдош гурунгида биз ҳам соҳибнафасмиз.* Ғ. Фулом, Танланган асарлар.

ОБОДОНЛАШТИРИШ Кўркамлаштириш; обод қилиш, чиройли тусга киритиш. *Баҳорнинг айни шу ғанимат кунларида ҳам-шаҳарларимиз ҳовли-жойларни, боғ-томорқаларни, куча ва хиебонларни саранжом-сарийшта этиб, кўжаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини қизитиб юборишди.* Газетадан.

ОБОДОНЛИК 1 Обод эканлик, кўркамлик.

2 Обод жойлар, қурилишлар. *Тоғу тош, саҳрою чулларни гулистон айлабон, Шаҳрлар, ободонликлар, хушхаво қилди қалам.* Ҳамза.

3 Обод этиш, қурилиш ишлари. *Ободонлик ишлари.*

ОБОДОНЧИЛИК айн. ободонлик 3. «Тинчлик» маҳалласининг аҳолиси шаҳримиз ободончилиги йўлида қилинаётган хайрли ва эзгу ишларга ўз ҳиссасини қўшади. Газетадан.

ОБОЗ [р. обоз — аравалардан қилинган тўсиқ, гов; от-арава, машина ва ш.к. карвони] Ҳарбий қисмларнинг транспорт воситалари мажмуи. *Полк обози.*

ОБОЙМА [р. обойма — ўқ жойланадиган рамка, ҳалқа] 1 Ҳарб. Автомат ёки тўппончанинг ўқ жойланадиган ва магазин қоробкасига суқиб қўйиладиган рамкаси. *Обоймага ўқ жойламоқ.*

2 тех. Машина деталларининг маҳкам ушлаб, тутиб турувчи гардиш қисми. *Подшипник обоймаси.*

ОБОРМОҚ с.т. Олиб бормоқ. *Бор, қозонни юв! Бирон иссиқ овқат қилайлик, аянгга оборамиз.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОБОРОТ [р. оборот — айланиш, айлан-тириш; буриш] 1 Пулнинг айланиши, муомалада бўлиши. *Капитал обороти. Оборотадаги пуллар.* ■ *Халқ хўжалигининг транс-*

порт, алоқа, капитал қурилиш, товар обороти, фан, маданият ва бошқа тармоқлари ҳам илдам ривожланимоқда. «Фан ва турмуш». Бу одам асли паландаралик бўлади. Кредит техникумида ўқиб юрганымда, бизга пул оборотидан банкда практика олиб борарди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Шундай муомалада айланган ёки тўп-ланган пул. Корхонанинг йиллик обороти. Маблағ обороти.

3 тли. Бир синтактик бутунликни ташкил этган сўзлар гуруҳи, гап қурилиши. Сифатдош оборот. Равишдош оборот.

ОБ-ОТАШ, **обу оташ** [ф. آب — сув + آتش — олов] Овқат пишириш ва, умуман, бир нарса тайёрлашда сув ва ўтдан фойдаланиш қоидаси. Ошнинг об-оташини яхши билиш керак. ■ Пахта иши ҳам обу оташдай гап. Йилнинг қандай келишига боғлиқ. Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда.

ОБОШ бол. Тамом, одош. Обош бўлди.

ОБОҒА эск. айн. аяваға 2. Обрули обоғалари.. ҳам бирин-сирин мавқеларини йўқотдилар. Ойбек, Навоий.

ОБПАРТОВ [ф. آب پرتاو — сувни чиқариб юбориш; чиқариб юборилган сув] Сув ҳавзалари ва гидротехник внишоотларда партов сувни чиқариб юбориш учун қурилган махсус внишоот; оқова. Обпартов ва пастдаги ташлама ариқда гуркураб қамиш ўсаан, унинг майин уқпари шамолда ипакдай товланиб ҳилтирарди. С. Нуров, Нарвон.

ОБРАЗ [р. образ — юз, ёноқ; тасвир, тым-сол; икона] 1 Бадийий асарларда яратилган тип, характер. Ойбек ўзининг «Навоий», «Қутлуғ қон» романларида не-не уста фирибгар, маккорлар образини яратган. Шукрулло, Сайланма. Саҳнада Зебинисо образи Гулбахор талқинида янада ўзгача жонланганини кўрдим. «Саодат».

2 Санъатнинг ўзига хос бир категорияси: санъаткорнинг воқелияқ ҳақидаги тасаввурининг аниқ ҳис этиладиган бир тарзда гавдаланиши. Бадийий образ. Шоир образлар орқали тафаккур этади. ■ Ботир ака шеър ўқиганда, образга кириб кетарди. «Ёшлик».

3 Маълум нарса ёки ҳолатнинг ифодаси. Тазод талабига кўра, бир-бирига қарама-қарши тушунча ёки образ бир-бирини рад этиши лозим. «ЎТА».

ОБРАЗЛИ 1 Образлар орқали тасаввур этиладиган ёки тасаввур этилган. Образли тасвир. Образли асар.

2 Ёрқин, жонли, ифодали, тасвирли. Образли ибора. Образли қилиб гапирмоқ. Мақол фикрни ихчам, лўнда, образли қилиб берганилиги сабабли узоқ ёдда сақланади.

ОБРАЗЛИЛИК Ифодалилик, таъсирчанлик; муайян образга асосланлиш. Ҳикоянинг образлилиги. ■ Образлилик — бутун санъатнинг хусусиятидир. «Адабиёт назарияси».

ОБРАҲА [ф. آبراهه — сув йўли] Сув йўли, ариқ (қўшинининг ери, ҳовли-жойи орқали ўтказилган ариқ). Бизнинг экинларга обраҳа Мамасоли аканинг чорбоғи орқали ўтарди. «Ёшлик».

ОБРЕЗ [ф. آب — сув + ريز — қуйилувчи, тўкилувчи: офтоба, обдаста; ҳожатхона] Уйнинг пойгагида ёки даҳлизда ювиниш, юзқул ювиш учун махсус ясалган, усти берк ўра; ҳаник. Узун, пахтали камзул кийган яланг оёқ аёл рўмоли билан юз-кўзини берктиб, обрез ёнида дилдираб турарди. Н. Сафаров, Оловли излар. Бу ҳужрада обрез — сув тўқадиған жой бўлмаганидан, қўл-юзимизни ҳам кўчага чиқиб ювардик. С. Айний, Эсдаликлар.

ОБРОГАЦИЯ (лот. obrogatio — мавжуд қонунни янгиси билан бекор қилиш) Қонунни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан янгилаш. Қонун оброгацияси.

ОБРУ(Й) [ф. آبروي — шон-шараф; орномус, қалр-қиммат; ифтихор] 1 Кишининг тутган иши ва яхши хислатлари туфайли жамоатчилик қошида топган эътибори; ҳурмат, нуфуз. Директоримизнинг обруйи баланд. Обруйини кутармоқ (оширмоқ). Обру(ни) сақламоқ. ■ [Ўзбек ойим:] Ахир, менинг ҳам ўзимга яраша обруйим бор: Тошкентда кимсан — Юсуфбек ҳожининг кучиман. А. Қодирйй, Ўтган кунлар.

Обру кўрмоқ Жамоатчилик ўртасида эътибор, ҳурмат қозонмоқ. Шундай обру кўрган бир киши келиб-келиб, наҳотки ўз қудасидан ва келинидан мунчалик обрусизлик кўрса! А. Қодирйй, Ўтган кунлар. Обру олмақ Ҳеч нарсаси йўқдигига қарамай, бор имкониятдан фойдаланмоқ, меҳмондўстликни жойига келтирмоқ (сир бой бермаслик учун). Обру орттирмоқ айн. обру кўрмоқ. Обруйи бир (ёки уч) пул бўлди айн. обруйи кетди. Обруйи кетди (ёки тушди, тўқилди) Обрусизланди, ҳурмат-эътибори кетди. Шавла кетса-кетсин, обру кетмасин! Мақол. Обруйини кетказмоқ (ёки

тўқмоқ, туширмоқ) Ўзтиборини, ҳурматини йўқ қилмоқ, беобрў қилмоқ. *Шоҳосимнинг муштуми йўғон, уришқоқ, обрўси тўқилишидан ҳўрқмайдиған, безбетроқ йигит эканини ҳам биларди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Шундай ҳўрмат соҳиб. Унинг [мўмоннинг] ёнида ётган катта бир қора муқовали дафтар бу киши, шубҳасиз, Қамиш-капанинг обрўларидан эканига далолат бериб турарди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Шараф, ифтихор; фахр; шўҳрат, нуфуз. Раис бўлар қолхозчининг каттаси. Обрў бўлар ерга эккан пахтаси. Фозил шоир. Тошкент — ўзбекнинг санъати, товуши, Кувноқ музикаси, куйи, обрўйи. Ф. Фулом.

ОБРЎДОР айн. обрў(й)ли Қишлоқ обрўдорларининг маълумотлари буйича оқсоқолнинг қотили деб Бердибой кўрсатилди. А. Қодирий, Кичик асарлар.

ОБРЎ(Й)ЛИ Обрўга эга бўлган; эътиборли, нуфузли. Обрўли одам. Обрўли раис. ■ *Ажаб эмас, бахти очилиб, Гулнор ҳам яхши, обрўли жойларга келин бўлса.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳайдарбой қишлоқ обрўлиларининг олдиға чой билан пиёла келтириб қўйди ва қўлини кўкрағига қўйиб, мулозамат қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОБРЎ(Й)СИЗ Обрўйи йўқ; эътиборсиз, нуфузсиз. Обрўсиз одам.

ОБРЎ(Й)СИЗЛАНМОҚ Обрўйи кетиб, ҳўрмат-эътибордан қолмоқ, нуфузини йўқотмоқ.

ОБРЎ(Й)СИЗЛАНТИРМОҚ Обрўйсиз қилмоқ, обрўйига путур етказмоқ. *Бўтани обрўсизлантириб, аёлларни қолхоздан бездириш кимга зарур экан?* С. Аҳмад, Ҳўқм.

ОБРЎ-ЭЪТИБОРЛИ айн. обрў(й)ли *Избосқан райижрокомининг раиси Бузрук Усмонхўжаев ҳамма ерда ҳозир-нозир, обрў-эътиборли одам.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОБСЕРВАТОРИЯ [лот. observare — кузатмоқ; муҳофаза қилмоқ] 1 Маҳсуе асбоблар ёрдами билан осмон жисмларини ва метеорологик ҳодисаларни кузатиш билан шуғулланувчи илмий муассаса; расадхона. *Обсерватория ходими. Обсерватория кузатишлари.*

2 Шундай муассаса жойлашган бино ва иншоот. *Обсерватория қурилиши учун жой танлаш мақсадида Қрим, Кавказ, Урта Осиё ва ҳатто Шарқий Сибирь, Узоқ Шарққа ҳам жами 16 та экспедиция юборилди.* «Фан ва турмуш».

ОБСЕРВАЦИЯ [лот. observatio — кузатиш, назорат; ғамхўрлик қилиш] Касаллар билан мулоқотда бўлган соғлом одамларни алоҳида ажратиб, тиббий кузатувдан, кўриқдан ўтказиш. *Обсервация мўддати обсервация қилиш буюрилган касаллик яширин даврининг энг узоқ мўддатиға боғлиқ.* «Фан ва турмуш».

ОБСИДИАН [лот. Obsidianus (lapis) — Обсидий тоши, тошни Эфиопиядан келтирган римлик Обсидус номидан] Шишасмон тоғ жинси. *Инсон ов қилишда ва бошқа хўжалик ишларида асқатадиган қуроллар ясашда, қайроқтош, чақмоқтош, обсидиан, кварцит, суяк ва ёғочдан фойдаланган.* «Фан ва турмуш».

ОБ-ТАОМ, обу таом [ф. + а. آب و طعام — озиқ-овқат; егулик ва ичкиликлар] Суяқ-қуюқ таомлар.

ОБ-ТОБ, обу тоб [ф. آب و تاب — сув ва ҳарорат; ёғду; серҳанамлик, дабдабалилик] Бирор ишнинг, нарсанинг етилганлик даражаси. *Жуда обу тобида, мазали пишган ҳолва, мураббо ёки овқатни ҳам халқимиз «Қиём бўлиб кетибди», дейди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Агроном деган номингиз бор.. гўзанинг об-тобига қараб иш тутинг.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

Об-тобига келмоқ Етилмоқ. *Узумлар ғарқ пишиб, об-тобига келибди.*

ОБТОВА [ф. آب و تابه — қўлга сув қуйиладиган идиш] шв. Обдаста. *У ғазабини аранг босиб, ўрнидан турди, супа лабидаги обтовадан ҳовучига сув қўйиб, қизининг юзига сепди.* Н. Қўлчиев, Чяғирик.

ОБУНА [фр. abonner — имзо чекмоқ, имзоламоқ; ёзилмоқ] Газета, журнал ва ш. к. га олдиндан ҳақ тўлаб ёзилиш. *Вақтли матбуотға обуна қабул қилиш бошланди. Обуна бўлмоқ. Обуна тўламоқ.* ■ *Мулкчилик шаклидан қатъи назар, қайси хўжалик юритувчи субъект «Хўррият» газетасига 50 дона йиллик обуна бўлса, 50 кв.см. ҳажмдаги хабар, эълон ёки рекламаси йил давомида текин бериб борилади.* Газетадан.

ОБУНАЧИ Газета, журнал ва ш. к. га олдиндан ҳақ тўлаб ёзилган шахс, ташкилот; муштарий. *Обуначилар сони йилдан-йилга ошмоқда.*

ОБХОНА [ф. آبخانه — сувли, нам жой, хона] 1 Масжид, мадраса ҳовлисида таҳорат қилиш учун ажратилган алоҳида хона.

2 тар. Бухоро хонлиги даврида: алоҳида зах ва қоронғи қамоқхона, зиндон. *Ахир, Қурбон олти ой амир обхонасида ётиб чиққан одам.* Газетадан. *Амирнинг дори бор, минори бор, ноғорахонаси бор, бу зиндондан бошқа яна «обхона», «канахона» номли дўзахлари бор.* С. Айний, Дохунда.

ОБ-ХУДОЙИ, **обу худойи** этн. Оллоҳ йўлида қилинган эҳсон. - *Шу.. онанг раҳматликка обу худойи қилсак, деган эдим, — чол чойни симириб, пиёла устига кафтини қўйди.* Х. Султонов, Бир оқном эртаги.

ОБЧИҚМОҚ с.т. Олиб чиқмоқ *Ниёз бобо деган қўшнимиз бор. Лекин-чи, амаки, Ниёзбобо байту газали жонидан ҳам яхши кўради. Шу ёққа обчиқайликми сизларни? С. Спёев, Ёруғлик.*

ОБЪЕКТ [лот. objectum — нарса] 1 флс. Биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган, субъект (инсон)нинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган ташқи олам, борлиқ, воқелик, моддий дунё, мавжудот; *зид. субъект.* *Объектнинг қайси галактикага ва юлдуз туркумига тегишли эканлиги тўғрисида нима дея оламиз? С. Спёев, Ёруғлик.*

2 Кинги фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, нарса. *Қиз ўзи билмаган ҳолда рассомнинг объектига айланган эди. Бундан Жамолзода севинар, ишқилиб, кетиб қолмасин-да, деб жадал чизарди.* «Ёшлик».

3 Хўжалик ёки мудофаа аҳамияти бўлган корхона, қурилиш, айрим участка ва ш.к. *Қурилиш объекти. Ҳарбий объект.* ■ *Микрорайонда, шунингдек, савдо магазинлари, мактаб, болалар боғчаси, стадион ва маиший хизмат кўрсатиш объектилари қурилди.* Газетадан. *Мустақилликдан сўнг туманда қатор муҳташам бинолар: 2 та касб-хунар коллежи, касалхона ва бошқа қатор объектлар қад кўтарди.* Газетадан.

ОБЪЕКТИВ 1 [лот. objectivus — буюм, нарсага оид; моддий] физ. Оптик асбоб, фотоаппарат, киноаппарат ва ш.к. нинг бир неча линза ёки кўзгулардан иборат, объектининг тесқари тасвирини ҳосил қиладиган олд қисми. *Фотоаппарат объективи. Микроскоп объективи. Телескоп объективи.* ■ *Бу камеранинг «Гис Волна-3» объективи кўп қатламли ёритиш хоссасига эга.* Газетадан. *Фақат объективнинг олдида ўзингизни табиий туюлсангиз булгани.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОБЪЕКТИВ 2 1 флс. Онгдан ташқарида бўлган ва онга бевосита боғлиқ бўлмаган. *Табиатнинг объектив қонунияти. Объектив борлиқ (реаллик).*

2 Янглиш ёки субъектив фикрдан холи бўлган; холис, холисона, бетарафona. *Объектив баҳо. Объектив хулоса. Масалага объектив ёндашмоқ.* ■ *Бизга шижоят йўллашган экан, бу фактга объектив қарашимиз керак!* «Ёшлик».

ОБЪЕКТИВИЗМ 1 флс. Ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисаларини қайд этиш, уларнинг зарурлигини таъкидлаш билангина чекланувчи нуқта назар. *Объективизм ташқи олам предмет ва ҳодисалари қандай бўлса, шундай баён қилишдир.* «ЎТА».

2 Дунёқарашдаги, ижтимоий фанлардаги, адабиёт ва санъатдаги йўналиш.

ОБЪЕКТИВИСТ Объективизм тарафдори.

ОБЪЕКТИВЛИК Объектив борлиққа алоқадорлик; объектив борлиққа мослик; холислик, бетарафлик. *Муҳокамаларнинг объективлиги.*

ОБ-ҲАВО, **обу ҳаво** [ф. + а. آب و هوا — сув ва ҳаво] 1 Атмосфера қуйи қатламнинг маълум вақт ва маълум жойдаги ҳолати. *Қиш об-ҳавоси. Об-ҳаво инжиқлиги.* ■ *У [Элмурод] қайтган вақтда ёмғир тинган, лекин бу ернинг ўзига хос обу ҳавосига мувофиқ, ёмғирдан кейин қаттиқ шамол турган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Маълум жой ёки худуд атмосфера-сидаги метеорологик ўзгаришлар мажмуи; иқлим. *Мулла Туроб бир ёз фаслида.. Самарқанд саёхатига бориб, у шаҳарнинг обу ҳавосини ёқтирган.* С. Айний, Эсдаликлар. *Об-ҳавони, оқар сувларни ифлослантирмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилинди.* Газетадан.

Об-ҳаво бюроси Об-ҳаво ўзгаришларини, метеорологик шароитларни ўрганиб, кузатиб боровчи махсус илмий муассаса.

3 кўчма Вазият, ҳолат. *Бу гаплар қишлоқда нечоғлиқ тарқалганлиги, яъни у ердаги об-ҳавони билиш мақсадида Насибани автобусга ўтқазиб, тонгда қишлоққа жўнатди.* «Ёшлик».

ОВ 1 Ёввойи ҳайвон, балиқ, қуш ва ш.к. ни турли йўллар билан тутиш, овлаш ёки отиш. *Балиқ ови. Ёдана ови. Мерган овда билинар, ботир — ёвда.* Мақол. ■ *Раҳимов*

күевни тез-тез Тошкентга чорлаб турарди. Күев ов ишқибози эди. Мирвали кўп қийинчиликлар билан бу тоғларга ўргатган кийикларни у қийратарди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

Ов қилмоқ 1) ов иши билан шуғулланмоқ; 2) кўчма бирор кимсани қўлга олиш учун унинг пайига тушмоқ. **Ов қуши** Илвасинга солиналдиган қуш (мас., қирғий). **Ови юришмоқ** ёки **ови бароридан келмоқ** Иш юришмоқ, қўзланган мақсадга эришмоқ. -*Ови юришиб кетибди!* — деб аммамга қараган эдим, энсаси қотиб, ижирғаниб ўтирган аммам киноя билан деди: -*Ови юришмасинми, ахир бир кунда икки-уч жойни овласа!* Газетадан.

2) Ов қилинадиган, овладиган жонивор; илвасин. *Овга бой қўл. Шу кунларда Олой тоғида ов кам.*

3) кўчма Қўлга туширилиши мўлжалланган кимса ёки нарса. Юмалоқ, қорагина одам қўлидаги тўптончани маҳкам ушлагани ҳолда гандираклаб, сўжиниб. «овини» қидира бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.

4) Овчининг ўлжаси. Арслон оғзидан ов олинмас. Мақол. ■ *Сувонжон, тузоққа илинган овни чиқариб юборишдан қўрққан овчидек, қизни маҳкам қучоқлаганича, ёнғоқ томонга кета бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

5) кўчма Содир бўлиши қутилаётган бирор воқеа-ҳодиса ҳақида. *Халқ қимирлаб қолди. Одамлар қўлоғи овда. Турли-туман миш-миш гаплар. Одамлар аниқ бир тасаввурга эга бўлмагани учун ҳар ким ўз ҳолича фол очарди.* «Ёшпик».

Мурид ови эск. Эшон ва ҳўжаларнинг муридларни товлаш учун узоқ-яқиндаги муридларниқига қилган сафари. -*Ҳа, эшон нега кетди экан? - Тирикчилик-да! Ҳа, мурид овига чиқиб кетган экан-да, эски хунар! П. Турсун, Ўқитувчи.*

ОВАЛ [фр. ovale < лот. ovum — тухум] 1) от. геом. Тухумсимон чизик; ясси, қавариқ ёпиқ эгри чизик; эллипс. *Овал нуқталари орасидаги масофа.*

2) сфт. Ҷузик думалоқ; овал шаклли.

ОВБОШИ Овда қўлга киритилган биринчи ўлжа.

Овбоши қилмоқ Овдаги биринчи ўлжани бирор кимсага тортиқ қилиб олиб бормоқ. *Чиқариб бер, овбоши отган ғозимни.. Бек отамга овбоши қиб борайин.* «Ширин билан Шакар».

ОВЛАМОҚ 1 Ов билан шуғулланмоқ, ов қилиб тутмоқ. *Бедана овламоқ. Тулки овламоқ.* ■ -*Қўлдан балиқ овлаяпсанми? — сўради у. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2) кўчма Қўлга олиш, ялнтириш мақсадида пайига тушмоқ, тутмоқ. *Бошқа ер эгалари кечалари болта кўтариб, одам овлаб юрган бир вақтда бу одамнинг [қорининг] шундоқ деб чиқиши катта гап эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3) кўчма с.т. Товламоқ, алдамоқ. *Қув, энчил, дағдағали аллофлар қўллари, оғизлари, кўзлари билан ишлаб, «тош-тарозидан уриб», бева-бечорани овлайдилар. Ойбек, Танланган асарлар. Шу ернинг одами у. Ҳар шаҳардан дундиқларни овлайди — қўлга тушгансиз. Тақдирда ёзилганни кўраверасиз. Ойбек, Танланган асарлар.*

Кўпгил (ёки дил) овламоқ қ. кўпгил. *Қулишга бало борми. Тезроқ кўнглини овла, ўзингга уचाкиштириб нима қиласан. М. Мансуров, Ёмби. Мурид овламоқ қ. мурид. Турам билан бир ҳаз этиб, мурид овламоқчи эдим. С. Свѐев, Ёруғлик. Тил овламоқ ҳарб. Урушда душман кишисини қўлга туширмоқ, асир олмоқ. Граната портлади. «Тил» овлаш учун бизнинг маррамизга келган фашист қароқчилардан тўрттаси тилка-пора бўлди. Н. Сафаров, Жангчи шоир.*

ОВАЛОВЧИ 1 Овламоқ фл. сфдш.

2) **Балиқ овловчи** Балиқ ови билан шуғулланувчи, балиқ ови ишқибози. *Сув ҳаваси хўжалик ҳисобига ўтказилгач, назорат кучайди, турли ерлардан келган ҳаваскор балиқ овловчилар сони кескин камайди. Газетадан. Кўпгил овловчи Бировни ўзига мойил этувчи; хурсанд қилувчи, кейфини чоғ этувчи. Мирвали Толибжоннинг жосадини олиб ўтган машина кўздан йўқолгунча тича дилхун бўлиб турди-да дарров бу дилхунлик ўрнини бошқа — кўнглини овловчи, туйғуларни эркалатувчи овунчоқ эғаллаб олди. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

ОВЛОҚ 1 Ов қилинадиган қуш ва ҳайвонлар сероб жой. *Тирикчилигини шикордан топайдиган ҳар бир овчи шикор учун овлоққа ёлғиз бир ўқ билан чиқсин.* «Фан ва турмуш».

2) Марказдан узоқ, чет жой; кимсасиз ер. *Оvloқда яшамоқ.* ■ *Тошкентнинг шундай биқинида етти ухлаб тушга кирмайдиган ажойиб овлоқ жойлар борлиги ҳаммани ҳайратга солар эди. М. Мансуров, Ёмби. Жўра-*

лари билан шу овлоқ оролчада ўтказган бахтиёр кунлари ёдига туиди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

3 Пастқам, хилват жой, одамдан холи жой; пастқамлик, хилват. *Севаргул то онаси овлоқ кўчанинг муюлишида кўздан пана бўлгунча қараб турди.* Н. Қиличев, Чигирик. *Кимёхон икки-уч кун Азизахоннинг йўлини пойлади, ниҳоят, овлоқроқ бир жойда учрашди ҳам.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Уларни одамлар нигоҳидан на қуюқ боғлар, на тун зулмати, на бирон овлоқ гўша яшира олади.* О. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

Овлоқда юрмоқ Четда юрмоқ, жамоатдан ёки ишдан ўзини олиб қочмоқ. [Акрам] *..Касаба ташкилотидан овлоқроқ юришга ҳаракат қиларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 *рвш. шв.* Кишилардан холи; танҳо. *Ойжамол овлоқ ўтирган пайтда қизига гап ташлаб кўрди.* «Ёдгор».

ОВОЗ [ф. *آواز*] — товуш, шовқин, садо; миш-миш; кўшиқ; 1 Гапирш, қичқирш, куйлаш, сайраш пайтида ўпкадан чиқаётган ҳавонинг урилиши билан товуш пайчаларининг тебранишидан ҳосил бўладиган товуш; садо, сас. *Баланд овоз. Паст овоз. Майин овоз. Мусичаларнинг кукулашган овози эшитилар эди.* ■ *Анвар Муқаддамнинг овозини эшитиб, бурилиб қаради-ю, унинг ваҳимадан катта-катта очилиб турган кўзларини қоронғиликда аниқ кўрди.* У. Ҳошпмов, Қалбнигга қулоқ сол. *Бу ерда минг турли қушлар минг турли овоз билан сайраб, анвойи гуллар очилиб, атрини сочиб ётган экан.* С. Зуннунова, Олов.

Овоз пардалари Товуш ҳосил бўлишида қатнашувчи оғиз бўшлиғидаги пайчалар. *Мен сени куйламоқ истайман. Аммо шундай куйласамки, Йиртилиб кетса овоз пардаларим...* А. Орипов, Йиллар армони. **Овознинг чиқмасин ёки овозининг чиқарма** Жим бўл, дамингни чиқарма. **Овознинг учгур!** қарғ. **Ўлгур!** Яшамагур! **Овозингни учир!** Жим бўл!

2 Товушнинг куйлашдаги паст-баландлик, жарангдорлик даражаси. *Овози яхши ашулачи. Овози ўткир.* ■ *Шарофнинг қон босими кучайиб, юрак уриши авжига етган пайт директор ҳамдардона овозда деди: -Тушунаман, ҳаммамиз ҳам ёшликда ўт-олов бўлганмиз, кўзимизга фил ҳам чумолича кўринган.* «Ёшлик».

Овози бузилмоқ 1) томоқ, товуш пайчалари шамоллаши ёки зўриқиши натижасида овози ўзгармоқ, ишдан чиқмоқ; 2) *кўча* балоғатга эришиб, овози дўриллаб, йўғонлашиб қолмоқ.

3 Вокал мусиқа асарига ҳар бир куйчи учун белгиланган партия. *Икки овоз учун ёзилган романс.*

4 Нарсаларнинг урилиши ёки ҳаракатидан чиқаётган товуш. *Қарсак овози. Тўқмоқ овози. Шамол овози. Момақалдиरोқ овози. Соат овози. Дутор овози.* ■ *Йигирма олтинчи куни тонготарда гумбурлаб чалинаётган карнай овозидан уйғониб кетдим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Узоқдан ҳар замон тўп овози эшитилар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 *кўча* Фикр, мулоҳаза. *Шарқ ёзувчиларининг овози.* ■ *Сизга ўхшаши даллоларга ҳожат йўқ. Сиз халқ буронини тўсмоқчимисиз? Овозини бўғмоқчимисиз?* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ички ҳис-туйғулар нидоси, амри. *Фуломжон юрагида портлаган ғазаб уввосига эмас, инсоф овозига қулоқ солди.* М. Исмоилӣ, Фаргона т.о. *Лекин қамоқ ҳам ширини иродасини буколмади, овозини сўндиролмади.* «Саодат».

7 Давлат ва жамоатчилик ташкилотларида сайлов ўтказиш ёки бирор масалани ҳал қилишда сайловчилар ёки мажлис иштирокчиларидан ҳар бирининг алоҳида фикри, ўз фикрини баён этиш ҳуқуқи ва усули. *Ҳал қилувчи овоз. Маслаҳат овози.* ■ *Раис ҳар иккала таклифни ўртага ташлаганда, Холматжон саккиз овоз ортиқ олди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Бир овоздан Барча иштирокчиларнинг розилиғи билан, юз фоиз овоз билан; бир оғиздан. *Қарор бир овоздан қабул қилинди.* ■ *Ун бир олим бир овоздан, илмий даражасиз ишлайдиган аҳмоқ йўқ, деб туриб олишди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Ёшиқ (ёки яширин) овоз бермоқ** Сайловда бюллетень ташлаш йўли билан ўз майлини билдирмоқ. *Депутатлар сайлашда яширин овоз берилади.* **Овоз бермоқ** 1) товуш чиқариб қақирмоқ ёки қақирққа жавоб бермоқ. *Эшикни тақиллатдим, ҳеч ким овоз бермади;* 2) бирор масаланинг ҳал этилишига, ўртага қўйилган таклифга ёки сайлаш, сайламасликка ўз майлини билдирмоқ. **Овозга қўймоқ**

Бирор масалани ҳал қилиш ёки сайлашда мажлис иштирокчиларининг шу масала ҳақидаги фикрини, розилигини, майлини сўрамоқ. *Элмурод борганда, бюро тўланган, кимнингдир номзодини овозга қўймоқда эдилар.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

ОВОЗА [ф. *اوزا*] — апула, куй; шовқин-сурон; дув-дув гап, миш-миш, доврүк] 1 Юрт-эл орасида бирор нарса, воқеа ва ш.к. тўғрисида тарқалган хабар, гап-сўз, миш-миш. *Бироқ тез кунларда Фозилжон уйланмоқчи эмиш, аммаси қиз қидириб юрибди, деган овозаларни эшитишди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Шўхрат, доврүк, донг. *Гўзал Арманистон, мени афз эт, Даввом йўқ шўхратинг овозасига.* С. Абдулла.

Овоза бўлмоқ ёки овозаси кетмоқ Шўхрати ҳар тарафга тарқалмоқ, машҳур бўлмоқ; шўхрат, донг чқармоқ. *Бой ҳаммага сазу томоша, атрофга овоза бўлсин, деб келин ўтов и учун баланд супа қуриб, устига оқ ўтов тиктирди.* «Ёшлик». **Овоза қилмоқ** Бирор хабарни эл-юрт орасига тарқатмоқ, доврүк қилмоқ, ёймоқ. *Укканалга келиб, юрт оғзига тушиб қолганиданми ё атоқли шоир у тўғрида каттакон очерк ёзиб, республикага овоза қилганиданми, ҳарқалай, энди анча босиқ бўлиб қолганди.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 мус. Ўн икки мақом тизимидаги пардалар тузилмаси.

ОВОЗКУЧАЙТИРГИЧ 1 Овозни кучайтириб берувчи радиомаслама. *Магазин орқасидаги ўша ҳовличанинг пастак, лойшувоқ томига ўрнатилган сандиқдек овозкучайтиргич тўй оқиоми бошланишидан аввалги галафовурчи район марказининг қарийб ярмига анчагача эшиттириб турди.* «Ёшлик».

2 айн. **микрoфон.** Қарсак янграб, овозкучайтиргич бирдан жаранглаб кетди. Н. Амьянов, Қаҳқаҳа.

ОВОЗЛИ Овоз чиқарадиган, овози бор; товушли. *Овозли кино тизими ХХ асрнинг 20-йилларида юзага келди.* «ЎЗМЭ».

ОВОЗСИЗ Овоз чиқармайдиган, овози йўқ; товушсиз. *Ўзбекистонда овозсиз кино даври 1925—35 йилларни ўз ичига олади.* «ЎЗМЭ».

ОВОРА I [ф. *آواره*] — таъби хира, кўнгли гап; дайди, дарбадар, саргардон] 1 Бирор жойда кўним топмаган; дарбадар, саргардон. *Камситилган, хўр тутилган бечоралар.*

Қадру қиймат, шон-шарафсиз оворалар. Ф. Гулом, Танланган асарлар. *Ким билади, сен сингари, ўғлим ҳам бу кун Қайлардадир кезиб юрар овора, сарсон.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Бирор иш, ҳаракат билан банд, машғул. *Қураев билан Нусратишга юк орттириб жўнатиши билан овора.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Баъзилар кўчат ўтқазшига ёрдамлашар, баъзилар оз-оздан бўлса ҳам тупроқ ташиши билан овора.* С. Зуннунова, Олов.

Икки жаҳон овораси Бирор ишни на у ёқли, на бу ёқли қилолмай, икки ўртада қийналиб қолган, сарсон бўлган, сарсон-саргардон. *Абдураҳмонбой: — Улик бўлиб гўрда, тирик бўлиб сонда йўқ, деб шуни айтар экан, Мирзақул икки жаҳон овораси бўлиб қолди.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Овора бўлмоқ** Ўзини койитмоқ; уринмоқ, *Холажон, сиз овора бўлмай, бироз утиринг, мен сиз билан гапиришгани келдим.* С. Зуннунова, Олов. **Овора қилмоқ** 1) кимсани бирор ишга уринтириб қийнаб қўймоқ; койитмоқ; 2) сарсон қилмоқ. *Эсонбойни умидвор қилиб, уни овора қилишининг нима кераги бор эди?* «Ёшлик».

ОВОРА II: икки овора I с. т. қ. икковара. *Тошкентлик Мирсоат заргарнинг тўйига келган кишиларга икки оворадан ош тортилиб, нон улаштирилибди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Кишиларни тенг гуруҳларга бўлиш, —тадан (иккитадан, учтадан). *Ширкат вакили ёлланма ишчиларни икки оворадан қилиб ажратди.* С. Спёев, Ёруғлик.

ОВОРАГАРЧИЛИК 1 Бекорга овора бўлиш, уриниш, сарсон-саргардонлик. *Дусмат сўраб-суриштиришга киришди. Кўп оворагарчиликдан кейин лунжи осилган бир одамни тонди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Беҳуда меҳнат, тапвип. *Оворагарчиликка арзимайдиган иш.*

ОВОРАЛИК 1 Овора, дарбадар, саргардон эканлик; овора бўлишлик.

2 айн. **оворагарчилик.**

ОВОСКОП [лот. *ovum* — тухум + юн. *skoreo* — қарайман] Тухумнинг сифатини текширадиган асбоб. *Новларга қатор териб қўйилган тухумларни текшириш учун ёритувчи блокли овоскоп-столдан фойдаланилади.* «ЎЗМЭ».

ОВОҚТА эск. айн. **авахта.** *Аяжон, бой билган билан итингизни овоқта, мушугин-*

гизни турма қилармиди? Ҳамза, Танланган асарлар. Ҳамма бойларни тумтарақай қилиб, овоқтага қамаб қўйибди. У. Исмоилов, Сайланма.

ОВРҮПАЧА айн. европача. *Остонада оврүпача тўқ яшил кўйлақда, гўзал қомадини кўз-кўз этиб Малоҳат турарди. «Ёшлик». Яхшибоев ғалати одам экан, деб ўйлади ичиди, ростдан ҳам оврүпача тарбия олган кўринади.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОВСАР I Гап англамайдиган, эси пастроқ. *Мухсина хоним, овсарлиги бекор; ахир, Нина Ричи ёнки Рина Ничини билган кампирни овсар деб бўлармиди?* М. М. Дўст, Лолазор.

ОВСАР II Туя бошга кпйдириб қўйилдиган махсус бошвоқ. *Жиғаси нуқрадан, овсари тилла. Мен бўламан ушбу норнинг эгаси. «Нигор ва Замон».*

ОВСАРЛАНМОҚ Ўзини гўлликка солмоқ; гап англамаслик, телбаламоқ. *Беканинг кўз ўнгимда кечган сунгиз икки йиллик умри давомида мудом овсарланиб, паршонхотир юриши, дам-бадам чуқур хўрсиниб қўйиши сабаблари аёнлашгандек бўлди. «Ёшлик».*

ОВСАРЛИК Овсар эканлик; ўзини тентакликка, гўлликка солиш. *Мингбоши ўзини овсарликка солиб кулди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОВСИН I Ака-укаларнинг хотинлари (бир-бирига нисбатан). - *Кеча келиб, бугун хўжайинлик қилишни сенга ким қўйибди, ойимча, — деди қўлини паҳса қилиб [келиндарнинг] каттаси. Кичиги ҳам овсинидан қолишмай, баттар ўчакишарди.* А. Кўчимов, Ҳалқат.

2 Овсинлар ёки қўшни хотинлар орасида бир-бирига нисбатан мурожаатда ишлатилади. - *Оҳ, айланай, овсинжон, — деди бир жувон кулгидан ўзини тийиб, — кўзимиз довуччада бўлган замонлар қандоқ замонлар экан-а?* С. Зуннунова, Олов.

ОВУЛ Кўчманчи чорвадорлар ўрнашган жой; қишлоқ. *Ҳасан қайғичини Хиванинг катта-кичиги, олис овулардан келувчилар ҳам танийди.* С. Сиеёв, Ёруғлик. *Колхозда ишлар тугагач, овулда одамлар уч ой дам олишади. «Ёшлик».*

ОВУЛДОШ Бир овулда яшовчи киши; ҳамқишлоқ. *Хурматойга овулдоши Нурбердининг сирли қарашлари тинчлик бермасди. «Саодат».*

ОВУЛЛАМОҚ шв. Вовулламоқ.

ОВУНМОҚ I Йиғидан тўхтамоқ. *Хайриятки, бола тезда овунди, асалу ёғ омуктаси суртилган эмизикни шимганича ухлаб қолди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Бирор иш билан машғул бўлиб, ўзини тинчитмоқ; юпанмоқ, дард-аламни унутмоқ. *Аҳмад бригадир меҳнат билан овуниб, қарилликка чап бериб келаётганлар хилдан эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Руҳан эзилиб, бўшашиб кетаётганини сезган маҳал тезда ўзини қўлга олишга, бошқа бирон аёлни кўз олдига келтириб, овунишга уриниб қоларди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ОВУНТИРМОҚ Турли йўллар билан тинчлантирмоқ, тасалли бермоқ. *Болани овунтирмоқ. ■ Ёдгорбойдан хат келмай турган бўлса, кампирни шунақа овунтириб турганинг ҳам тузук.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

ОВУНЧ айн. овуноқ. Ёшига этиб, кимнидир ва қандайдир юпанч, овуноч излаган йигит қалбида ўзи ҳам маъносига тушуниб етмагани муҳаббат деган нарсанинг учқуни туташаётганини сезмай қолди. С. Аҳмад, Ҳукм.

ОВУНЧОҚ Кишини овунтирадиган, юпатадиган нарса, кимса, иш; овуноч, юпанч. *Қорабой бирпасда ҳаммамизнинг сезими овуноқимизга айланиб қолди. III. Холмирзаев, Сайланма. Кўнглимга яқин биронта дўстим йўқ. Ҳаётимдаги бирдан-бир шинжим, овуноқим — иш.* С. Нуров, Нарвон.

ОВУТМАЧОҚ Болалар ўйинининг бир тури. *М. Андреев эса Ўрта Осиё халқлари орасида тарқалган «Ҳавзак-ҳавзак» овутомачоғининг 13 намунасини нашр эттирди. Газетадан.*

ОВУТМОҚ I Йиғидан тўхтатмоқ. *Нафиса сукут ичра йиғлаётган гўдакни овутишга киришди. Мирмуҳсин, Тошлган хусн.*

2 Тасалли бериб юпатмоқ, овунтирмоқ. *Нега Асроранинг олдига кирмадим, нега икки оғиз илқ сўз билан уни овутмадим, деб ўзини ўзи койиди.* С. Аҳмад, Уфқ. - *Кули кетиб, ози қолди, — овутиди уни Усмонжон, — ҳеч нарса эмас, бу қийинчиликлар ўтиб кетади.* С. Зуннунова, Олов.

ОВУШМОҚ шв. Алишмоқ, алиштирмоқ.

ОВЧИ Ов иши билан шуғулланувчи, ов қўлувчи киши. *Милтиқ кўтарган билан овчи бўлмас. Мақол. ■ Овчи бўлиш учун қизи-*

қилининг ўзи кифоя қилмайди, нишонга тўғри ура билиш ҳам зарур. Шукрулло, Сайланма.

Овчи ит Овга ўргатилган ит.

ОВЧИЛИК Ов билан шуғулланишлик; овчи касби. *Овчи одам боғбонлик қилиб даромад топишидан кўра, кўпроқ қандай бўлса ҳам, ўз овчилиги орқали каттароқ ўлжа тушириш, унинг бўладиган жойлари ҳақида кўпроқ бош қотириши маъқул.* Шукрулло, Сайланма.

Овчилик хўжалиги Мамлакатдаги овчилик майдонларини кўриқлаш, тиклаш ва улардан фойдаланиш, умуман, ов ишларини назорат қилиш билан шуғулланувчи хўжалик.

ОВШУНОСЛИК Ов қилиш ва овчилик хўжалиги, ов қилинадиган ҳайвонлар турларини бойитиш, ундан самарали фойдаланиш ҳақидаги фан. *Ўзбекистонда овшуносликка оид ишлар овчилик хўжаликлари, Ўзбекистон ФА институтлари давлат кўриқхоналарида олиб борилади.* «ЎЗМЭ».

ОВҚАТ I [a. أوقات — озик-овқат, егулик; озуқа, ем; бу сўз **қут** — قوت с. кўпл. бўлиб, у ўзбек тилига метатеза йўли билан ўзлашган: авкот < ақвот] **I** Ризқланиш, ейиш-ичиш учун тайёр нарса; емиш, таом, емак. *Таъмли овқат. Иссиқ овқат. Енгил овқат. Парҳез овқат. Хушхўр овқат. Кечки овқат. Тушки овқат. Болага овқат едирмоқ.* ■ *Мулла Норқўзи овқатини еб, чойга умидвор бўлиб ўтирганида, кўча эшигидан ёшигина бир хотин кириб келди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Аҳмад бригадаи овқатга нон тўғраб, иштаҳа билан овқатланди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

Овқат қилмоқ **1)** таом тайёрламоқ, пилишмоқ, *Тезроқ уйга бориб, чолнинг овзига ёқадиغان овқат қилиб беришга шошиларди. С. Аҳмад, Юлдуз. 2)* таом емоқ, овқатланмоқ. *Биз.. уларни ёнимизга, бирга овқат қилишга чақирдик. А. Раҳмат, Соқов бола.*

2 Овқатланиш. *Сидиқжон овқатдан кейин қўлига газета олган эди, бир мақолани яримлатмасдан кўзи сузилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

Овқат устида Овқат ейиладиган вақтда, дастурхон устида. *Овқат устида ҳеч ким ортиқча сўзламади. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Уй ҳайвонларининг ем-хашаги; озик; озуқа. *Молларга овқат солмоқ.*

4 Ейиш, ичиш, тирикчилик учун даркор нарсалар; озик. *Фуод афанди бизга меҳрибончилик қилиб, овқатимизга қарашиб турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ОВҚАТ II [a. أوقات — вақт (وقت) с. кўпл.] Вақт(лар), даврлар, мавсумлар; тирикчилик, кун ўтказиш.

Овқат(ини) ўтказмоқ Тирикчилик қилмоқ, кун кечирмоқ. *Катта ўғли ҳар кимларга сув ташиб бериб, овқатини ўтказиб юрарди. Ойдин, Ҳазил эмиш.*

ОВҚАТЛАНИШ I Овқатланмоқ фл. ҳар. н. *Овқатланиш вақти. Овқатланиш маданияти.*

2 Овқат ейиш; кун кечириш тарзи. *Умумий овқатланиш. ■ Сифатли овқатланиш, завқли меҳнат, яхши дам олиш узоқ умр гаровидир.* Газетадан.

ОВҚАТЛАНИШ II Овқатланмоқ Овқат емоқ, ризқланмоқ. *Умид Қўичи бобо звеносида ишлар, бирга овқатланар, тракторчини шийпонга ўтказиб, бир-икки соат ўзи тракторда культивация қиларди. Мирмуҳсин, Умид.*

ОВҚАТЛИК Овқат бўладиган нарсалар (дон-дун, ёғ-гўшт, сабзавот ва ш.к.). *Қишга овқатлиқ ғамламоқ.*

ОВҚАТ-ОЗИҚ айн. озик-овқат.

ОВҚАТХОНА [овқат + хона] Овқат ейиладиган, таом ейиш учун ажратилган махсус хона; ошхона. *Бошқа мамлакатларда ташкил этилган шундай овқатхоналар ҳам ресторан деб атала бошланди. К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалиқ.*

ОГОҲ [ф. اگه — билувчи, хабардор, зийрак, хушёр] **I** Бўлиб ўтган ёки бўладиган иш, ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. дан хабари бор; хабардор, воқиф. *Алишернинг барча яқинлари бу гаплардан огоҳлар. Ойбек, Навоий. Шу ҳафталарда Заргаровнинг авзойидан огоҳ бўлиб юрган Дмитрий Казимирович бир кун тонг бузармай, унинг уйига кириб келди. А. Мухтор, Танланган асарлар.*

2 Хушёр, сергак. *Молларнинг суйлиб ёки йўқ қилиб юборилмаслиги учун огоҳ бўлиб туриш керак. П. Турсун, Ўқитувчи. Огоҳ бўлки, ғазаб бамисоли инсон ичидаги ёниб турган чўғдир. «Фан ва турмуш».*

ОГОҲЛАНТИРИШ I Маълум иш-ҳаракат ҳақида хабардор, огоҳ қилиш. *Маҳаллий аҳолини сел ва кўчки хавфидан огоҳлантириш керак.*

2 Ишда камчиликка йўл қўйган, хато қилган ходимларни расмий йўл билан жазо-

лаш чораси; танбеҳ. Бу галча унга огоҳ-лантириш берилди.

ОГОҲЛАНТИРИПСИЗ Огоҳ этмасдан, хабардор қилмасдан; кўққисдан. *Биринчи котиб йиғилганлар олдига чиқиб, озгина сўлагандан кейин, ўтирган халққа қарата огоҳ-лантиришсиз ўқ узилди. «Фан ва турмуш».*

ОГОҲЛАНТИРМОҚ 1 Огоҳ, хабардор қилмоқ, хабар бермоқ. *Нима қиламиз? Прокурорни огоҳлантирдик, ғаввосларни чақирдик. Ҳозирча шов-шув кутармай туриш керак. «Ёшлик».*

2 Бирор тўғрида танбеҳ бериб қўймоқ, эслатмоқ. *Зиддишла укасининг қулоғига шивирлаб, алланима демоқчи эди, Сергей нагани билан унинг биқинига туртиб, огоҳлантирди: Гаплашиш мумкин эмас! Ҳ. Фулом, Машғал. Солиев уни кўп огоҳлантирди, бўлим бошлиғига ҳам айтди. Бироқ Эшбоев барибир ўзиникини маъқулади. «Ёшлик».*

ОГОҲЛАНТИРУВ айн. огоҳлантириш.

ОГОҲЛИК Огоҳ бўлишлик, хушёрлик. *Огоҳлик — давр талаби. Газетадан. Огоҳликни кўрдан ўрган, Доноликни — илмдан. Мақол.*

ОДА [юн. ode — кўшак] 1 од. Бирор муҳдем воқеа, нуфузли шахс шарафига ёки ўта аҳамиятли мавзуда тантанавор руҳда яратилган шеърый асар (Шарқ мумтоз адабнетидаги қасида жанрига яқин туради).

2 мус. 17-асрдан Европа мусиқасида бирор муҳим воқеа ёки ғалаба муносабати билан яратилган тантанавор вокал-чолғу мусиқа асари. *Кўнчилик ижодкорлар Тошкент юбилейига муносиб тўхфалар тайёрлаш ҳамда танловда муваффақиятли қатнашиш учун драма, мусиқали драма, опера, ода, кантата, сюита ва бошқа сахна асарлари яратилишмоқда. Газетадан.*

ОДАМ [а. آدم — Одамато; инсон] 1 Фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, шу туфайли бошқа ҳамма махлуқотдан устун турувчи жонли зот; киши, инсон. *Ибтидоий одам.*

2 Кишилик жамиятининг айрим бир аъзоси, шахс. *Яхши одам. Ҳалол одам. Асил одам. Аблаҳ одам. Одам борки, одамларнинг нақшидир, одам борки, ҳайвон ундан яхшидир. Мақол. ■ Одам тафтини одам кутаради деганидек, Низомжон келиб, уй тўлиб қолгандек бўлди. С. Аҳмад, Уфқ. Аваз ўзича ўйланди: «Бир улўғ одамнинг, бир ғарибнинг жанозасига одам кўп келади, деганлари рост*

экан-да». С. Сиёев, Ёруғлик. Булар бу ерга ўтиргани келгани йўқ, бир одамни қидириб келишган. А. Қаҳҳор, Оғайнилар. Бизнинг Набиғул одам эмас ўзи! Ёш-да, ҳали оина-оғайнигарчиликни билмайди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

Одам боласи (ёки фарзанди) 1) одамзод, инсон. *Одам боласининг қўллари қўл ҳолида турганда чиройли экан. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Тавба, хурсандчилик одам боласини нималар қилмайди-я! М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 2) чин инсоний фазилатларга эга бўлган шахс, чин инсон. *Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл! Мақол. ■ Ҳе, хотин, улар бизни одам боласи деб келган, одамгарчилигимиздан миннатдор бўлиб, хурсанд бўлиб кетишди. Шукрулло, Сайланма. Одам бўлмаслик Тузалмаслик, шу куйи қолмоқ. Мен севган дўстларимдан ажралдим, одам бўладим, бу кунимдан ўлганим яхши, деб кайф билан эшикдан кириб келиб қолди. Шукрулло, Сайланма. Одам бўлмоқ* 1) тарбият топиб, яхши фазилатларга, чин инсоний хислатларга эга бўлмоқ, *Ҳар бир ота-она ўғил ва қизининг одам бўлишини, бахт-саодатли ҳаёт кечиршини, турмуши лаззатли бўлишини истайди. Газетадан; 2) кўчма тузалиб, семирим, ёшариб қолмоқ. Турсунбойни кўриб қолдим, анча тўлишиб, одам бўлиб қолибди. «Ёшлик».**

Одам қилмоқ 1) тарбиялаб, чин инсонга, яхши фазилат соҳибига айлантирмоқ. *Гап шуки, шу канал, шу муҳит мени одам қилди. С. Аҳмад, Уфқ; 2) кўчма боқиб, тарбиялаб катта қилмоқ. Ҳудойқул менинг ўз жигарим, аммамдан қолган сағир. Етти ёшидан боқиб, одам қилдим. П. Турсун, Уқувчи; 3) кўчма тузатмоқ; яроқли ҳолга келтирмоқ. *Ташландиқ «Урал»ни одам қилган, шу приёмникни тузата олмайсанми? Т. Ашуров, Оқ от. Нима деган одам бўлди Бировнинг олдида хижолат бўлди; уялиб қолди, обрўси туқилди обрўсиз бўлди. Вой шўрим, энди нима қиламан, Расулжон олдида нима деган одам бўлдим. Т. Ашуров, Оқ от.**

3 Жамоа хўжалиги, оила аъзоларининг ҳар бири; жон. *Одам бошига беш сўмдан. Ҳаражат ва даромадларни одамга қараб тақсимламоқ. ■ Ҳашарга ҳар бир хўжалик қирқтадан одам беради. Т. Ашуров, Оқ от.*

4 Бирор бой-бадавлат ёки амалдор кишининг хизматкори ёки тарафдори. *Кейинги йилларда хон одамлари қишлоқма-қишлоқ*

юриб, кўпроқ пахта экишни талаб қилиш-япти. С. Свёев, Ёруғлик. Бундан кейин гапларимни уқиб олинг, модомики мен билан биргасиз, менинг одамимсиз, ҳар бир ишни мен билан баҳамжўшат қилинг. Ойбек, Танланган асарлар.

5 Ўзга жамоа ёки оила вақили. Лекин қизларидан яширинча куёвниқидан одам келиб қолар, деб кутдилар. С. Зуннунова, Кўк чироклар.

ОДАМАТО, одам алайҳиссалом Куръонга кўра, Оллоҳ томонидан яратилган ер юзидаги биринчи одам ва инсон зотининг отаси. Бир пайтлар бўлмиш у жаннатмисол боғ, Адолат, бахт-иқбол, комронлик аро, Одамато қавми яшамаш ул чоғ Масъуд, шод: тенг экан шоҳу фуқаро. А. Шер, Қадимги куй.

Одаматодан қолган Жуда қадим замонлардан, дақёнусдан қолган.

ОДАМБОП Одамга муносиб; одам туриши, япашни учун мосланган. «*Бизнинг колхозчилар ажойиб-да. Қарга қадами тегса, у ерни бирпасда одамбоп қилади*», — деб ўйлади ичида Уктам. Ойбек, О.в. шабадалар.

ОДАМГАРЧИЛИК 1 Одамларга муҳаббат, меҳрибонлик; инсонга яхши муносабатда бўлиш; инсонийлик, инсонпарварлик. Бирдан Азизхоннинг одамгарчилиги тугди-ю, илдам бориб, Эш полвонни белидан кўтарди. Эш полвон унинг одамгарчилигини писанд қилмади. С. Аҳмад, Уфқ. «Элга қўшилмайсан, одамгарчилигинг борми?» дейишавериб бошимни оғритишди. Газетадан. «Иш, иш» деб, одамгарчиликниям унутиб қўйибман, шекилли. «Ёшпик».

Одамгарчилик қилмоқ (ёки кўрсатмоқ) 1) инсонпарварлик юзасидан иш қилмоқ, чин инсон каби муносабатда бўлмоқ; шафқат ва меҳрибончилик кўрсатмоқ. *Биз уни тарбият қилгин.. хор-зор бўлмасин, деб одамгарчилик қилдик.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) илтифот қилмоқ, лутфан қаршиламоқ. *Сенга биров одамгарчилик қилиб, ёнингени олса.. Одамгарчилик кони зарар, деб шунга айтишади-да, ўртоқ.* Х. Тўхтабоев, Ўйлар ва йўллар.

2 Инсоний қиёфа, юриш-туриш.

Одамгарчиликдан чиқмоқ Инсоний қиёфасини йўқотмоқ, ноҳўя юриш-туриш туфайли кишилар назаридан четда қолмоқ. *Эшбоев, жиноятчи — одамгарчиликдан чиққан шахс, шунинг учун ҳам у билан одам*

тилида гаплашиш шарт эмас, деб ҳисобларди. «Ёшпик». — *Афюннинг кайфи курсин, домла! Сизни одамгарчиликдан чиқариб қўйибди, — деди Абдурахмонбой.* Х. Гулом, Мангьал.

ОДАМЖОН Одамдан жонини ҳам аямайдиган; одамсевар, меҳрибон. *Бобомирза ошланнинг одамжони, ақлли кенжаси бўлиб, ота эшигидаги тартиботни унча ёқтирмас эди.* И. Раҳим, Тақдир.

ОДАМЗОД [а. + ф. آدمزاد — одамдан туғилган, одам боласи; инсон] 1 Одам боласи; инсон, киши, башар. *Ер юзида одамзоднинг пайдо бўлиши. ■ Жохиллик, қабохат, ҳасад одамзоднинг юрагини моғорлатиб, ишдан қолдиради, асл мақсадидан узоқлаштириб, умрининг беҳуда елдек ўтишига сабаб бўлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Одамзоднинг кўзи ёмон бўлар экан, ука.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 с.т. Инсоният, одамият.

ОДАМИЙ [а. آدمى — инсоний, инсонларча; тирик мавжудот, инсон] 1 *от* Чин одам, ҳақиқий инсон, одамларга жонкуяр. *Ким, кучук бирлан хўтикка қанча қилсан тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одамий.* Алишер Навоий.

2 сф.т. Одамга, чин инсонга хос хусусият. *Одамий қиёфа. Одамий фазилатлар.*

ОДАМИЙЛИК Одамга, чин инсонга хос хислатлар; чин одамлик, инсонлик. *Одамнинг одамийлиги унинг фарзандларига, ошласига ва яқинларига бўлган мурувватидан бошланади.* Газетадан. *Одамийлик фазилатлари ҳеч қачон магазинда сотилмайди.* Газетадан.

ОДАМИЯТ [а. آدميت — инсон табиати; инсон қадр-қиммати; инсоният, инсонийлик] *к.т.* 1 Одамзод; кишилик, инсоният, башар. *Мана, ҳар бир ишда садоқат ва матонатин ва ахлоқда ҳусну назокатин, одамиятда ғайрат ва жасоратин кўриб тажриба қилган Абдулрахмонбой ёлғизгина қизи Назокатхонимни Олимжонга бериб.. эди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Одамийлик, одамгарчилик. *Сизда одамият бўлса, бу ғариби нотавонга раҳм қилмаганингизда ҳам, анови шўрлик болаларнинг зорига раҳм қилишингиз керак эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ОДАМКУШ [а. + ф. آدمكوش — одам ўлдирувчи] 1 Одам ўлдирувчи; қотил; жаллод. «Элчи» ўрнига бирорта одамкушни юбориб,

шундоқ суробини тўғрилаб қўйса-чи? Қўлидан келади буларнинг. «Шарқ юлдузи». — Бор — деди Яхшибоев, — Бориб, мени Ёшуллига сот, бирорта одамкушини ёллаб юборсин. М. М. Дўст, Лозарор.

2 кўчма Раҳм-шафқатни билмайдиган; раҳмсиз, шафқатсиз.

ОДАМКУШЛИК Одам ўлдириш билан пуғуллиниш. Одамкушлик, ўғрилик, фирибгарлик, манфаатпарастликни ўзига касб қилиб олган айрим палидларнинг кирдикорлари ҳам ёвуз ироданинг амалдаги кўринишларидандир асида. «Фан ва турмуш».

ОДАМЛАРЧА рвш. Одамлардай, чин инсонга хос бир тарзда, одамийлик билан, одамийлик юзасидан. Симхаев заводидаги ерлик ишчилар иш ҳақининг оширилишини, жарималарга барҳам берилишини, ишчиларга одамларча муомала қилинишини талаб этиб, иш ташлади. М. Исмоилӣ, Фарғона т.о. Менга бундай қақирма, одамларча муомала қил! П. Турсун, Ўқитувчи.

ОДАМЛИК 1 Одам, инсон эканлик, одам бўлишлик.

2 айн. одамийлик. У ошлавий муносабатлардаги бурчни тушунар ва одамликнинг бошланиши деб қарар эди. С. Зуннунова, Олов. Йўлчида ўз кучига ишонган, қадр-қимматини баланд тутган камбағал йигитнинг, одамликнинг фурури кучи эди. Ойбек, Танланган асарлар.

Садқайи одамлик (кетсин)! Одамгарчиликка тўғри келмайдиган ишни қилган кимсага танбеҳ юзасидан айтиладиган ибора. Қўйинг, Салимаҳон, хафа бўлманг, садқайи одамлик кетсин, у бу яхшиликни билмаса ҳам, халқ билади. «Ёшлик».

ОДАМОВИ Одамлардан ўзини четга олиб юрадиган, ҳеч кимга қўшилмайдиган, эл-халққа аралашмайдиган. Ражаб болаликдан камсап, одамови чиқди. Х. Назир, Индамас. Йигитлардан кимдир Ҳури ҳақида гап очиб, уни одамови дебди. Ф. Мусажонов, Ҳури.

ОДАМОХУН [одам + ф. آخوند — диний арбоб, муаллим, мураббий] Одамгарчиликни биладиган, одамнинг иззат-хурматини бажо келтирадиган, биров учун жонини ҳам аямайдиган; олийжаноб. Одамохун одам. Одамохун оила. ■ Абдуваҳоб билан бир суҳбатлашган киши яна суҳбатлашай дейди. Ажойиб одамохун, шинаванда йигит. III.

Тошматов, Эрк қўши. Барака топсин, янги секретарь жуда одамохун чиқиб қолди. Уйғун, Дўстлар. Тавба, хўп аломат одам-да! Бу қўтир дунёда шунақа одамохунлар борлигига ҳеч ақлим етмайди. М. Исмоилӣ, Фарғона т.о. Фарзандларимизнинг одамохун.. бўлишини хоҳласак, уларнинг.. кайфияти билан ҳисоблашиб катта қилайлик. Газетадан.

ОДАМПАРВАР [а. + ф. آدمپروور — одамсевар, инсонпарвар] айн. инсонпарвар. Улар шу қадар одампарвар аёл билан учрашганларидан ниҳоят рўҳландилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

ОДАМПАРВАРЛИК Одампарвар эканлик, инсонсеварлик; инсонийлик. Одампарварлик кўрсатмоқ. ■ Элмурод саволларнинг мазмунини дарров англаб, раҳбарнинг бунчаллик одампарварлиги ва зийраклигидан жуда қойил бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ОДАМСИМОН Одамга ўхшаган, одам тахлитдаги; одамсифат. Одамсимон маймун.

ОДАМСИФАТ [одам + сифат] айн. одамсимвон. Эртакларда одамсифат ялмоғиз, Ёвуз девлар бўлар эди бегумон. «Шарқ юлдузи».

ОДАМТАХЛИТ [одам + тахлит] айн. одамсимвон. Одамтахлит маймун.

ОДАМХҲР [а. + ф. آدمخور — одам еювчи] 1 Одам гўштини ейдиган; ёввойи, ваҳший. Бир тоғнинг изасида одамсифат, одамхўр, ваҳший жондорларнинг макони бор эди. «Ёдгор».

2 кўчма Ўтакетган ёвуз, золим, қотил, жаллод. Одамхўр золимлар, беклар, хоқонлар Олтин қадаҳларда шароб ичарди. Уйғун. Ҳайитгул опа каби аёллар фронт орқасида одамхўр Гитлер уясини ўққа тутганлар. «Саодат».

ОДАМХҲРЛИК 1 Одамхўрларга хос хусусият; одамхўр эканлик.

2 Ибтидоий тараққиёт босқичидаги одамлар ўртасида кишининг гўштини ейиш одати.

ОДАМШАВАНДА [а. + ф. آدمشونده] 1 Одамнинг қадрига етадиган, кишининг хурматини бажо келтирадиган; одамохун. Одамшаванда йигит. ■ -Назираҳон жуда одамшаванда, яхши қиз экан, шу қизни келин қилсак, қандай бўларкин, — деди Саодат. Ф. Мусажонов, Яхши қиз.

2 кўчма Одамга ўхшаган, одам қаторидаги. Колхоз тузилгандан бери аввалда хор-

зор бўлиб юрган бирмунча батрак.. одамшаванда бўлиб, қаторга кириб қолган. Х. Шамс, Характеристика. Энди одамшаванда сўзлашайлик, йиғи нима ҳожат! А. Қодирий, Мехробдан чаён.

Одамшаванда қилмоқ Одам қаторига, тахлитга киритмоқ, тарбияламоқ. Хуллас, мулла Обидни бошқа эпақага олиши, одамшаванда қилиш Тиктепа меҳнаткашлари учун арзонга тушмади. А. Қодирий, Обид кетмон.

ОДАМШАВАНДАЛИК Одамнинг қадрига етишлик, ҳурматини бажо келтиришлик; одамгарчилик; олийжаноблик. Фидоқорлик, ташиқлотчилик, камтарлик, одамшавандалик — буларнинг ҳаммаси талантли олимларга хос фазилат. «Ёшлик».

ОДАТ [اَدَات — удум, таомил; ўрганиш; малака, одатланиш] 1 Ўрганиш бўлиб қолган ҳаракат, қалиқ. Яхши одат. Ёмон одат. Сенинг одатинг менга маълум. Бу отнинг тишлайдиган одати бор. Одат қилмоқ. Тарки одат — амри маҳол. Мақол. ■ Ҳасаналининг ортиқча берилиб ўйлаган кезде соқолини қайириб тишлайдиган бир одати бўлиб, ҳозир ҳам соқолини ямлаш билан машғул эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳар қандай ерга сурамай-нетмай кириб боравериш оқсоқолга одат эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ота-бободан қолиб келаётган ва кишиларга сингиб кетган ёки янгидан сингиб бораётган расм-русум, удум, тартиб. Эски одат. ■ Йилни ўн икки ҳайвон номи билан аташ одати ва 12 йиллик давр билан вақт ҳисоблаш анъанасига Қадимги Хитойда асос солинган. «Фан ва турмуш». Эрталаб, одат бўйича, Нури тўр рўмол ёпиниб, бешикдаги боладан то кексаларга қадар — ҳаммага салом қилар экан. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳатто шундай бир одат борки, кимдир вафот қилса, унинг тобутини кўтариш олдидан, албатта, кўпчилик ўртасида, марҳумнинг олан-бергани борми, деб сўралади. Шукрулло, Сайланма.

Одатдан ташқари Одатдагича эмас, ундан ўзгача; фавқулодда. Саман йўрга йўлга тушди, човига одатдан ташқари бир-икки қайта келиб тушган аччиқ қамчи зарбидан бир онда кўздан ғойиб бўлиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОДАТАН рвш. кт. Одат бўйича, одатдагича, ҳар вақтдагидек. Одатан, кун қиймга етганда, завод гудок берар эди.

ОДАТДА рвш. Одат бўйича, одатта кўра. Одатда, кичиклар катталарга салом беради. ■ Одатда, эр-хотин орасида гап қочганда, бегона ёнида бўлса, данадек жанжал ёнғоқдек бўлиб кетади. С. Аҳмад, Уфқ. Одатда, ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш учун 3 соат дам олиш етарли бўлади. «Фан ва турмуш».

ОДАТДАГИ 1 Одатда бўладиган, одат, ўрганиш бўлиб қолган, одат ҳукмига кириб қолган; одатий. Одатдаги иш. Одатдаги муомала. ■ У ҳужрага кириб, яна одатдаги жойига ўлтирди. А. Қаҳҳор, Сароб. Мавлуда қизчасини кўтариб кириб келганда, Марзия хола унинг одатдаги келиши деб ўйлаб, ҳушнуд қарши олди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Қовда, қонун кўринишидаги; доимий. Гап булакларининг деярли ҳаммаси одатдаги ўрнини ўзгартириб, турғун инверсион ҳолатда бўла олади. «ЎТА».

ОДАТДАГИДАЙ, =дек айн. одатдагича. Сарви хола, одатдагидек, ширин бўпти, яхши бўпти деган гапларни айтмади. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Абдурасул, одатдагидек, жуда барвақт уйғонди ва меҳмон тургунча, нимадир юмуш билан кўчага чиқиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ОДАТДАГИЧА рвш. Ҳар вақтдагидай, одатда бўладигани каби; одат бўйича. Гузарда одам одатдагича қалин ва суронли эди. Ойбек, Нур қилириб.

ОДАТИЙ Одат бўлиб қолган, одат ҳукмига кирган, одатда бўладиган; одатдаги. Одатий нарсa. Одатий байрам. ■ Ҳасанали дастурхон ёзиб, қумғон киргизди. Одатий такалуфлар билан дастурхон ва чойга қаралди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бадиий фикрнинг ўзи одатий фикрнинг қайта қурилишидир. Газетадан.

ОДАТЛАНМОҚ Одат қилмоқ, бирор ишга, нарсага ўрганиб қолмоқ. Эрталаб барвақт туришга одатландим. ■ Мирза-каримбой, савдогар назокатиданми ёки одатланганиданми, нонни жуда майда ушатган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ОДАТЛАНТИРИЛМОҚ Одатлаштиришмоқ фл. мажҳ. н. Бола катталарни ҳурмат қилишига одатлантирилмоғи керак.

ОДАТЛАНТИРМОҚ Одатлашмоқ фл. орт. н. Болани ёшлигидан озодаликка одатлантириш керак.

ОДДИЙ [а. عادى — одатдаги, одатта айланган; кундалик; меъёрий; содла] 1 Одатдаги, ҳар вақт бўлиб, учраб турадиган, ўрганган бўлиб қолган. *Оддий машғулот.* ■ *Оддий ёз тонги.. Қўёи Калковуз суви бўйлаб ўсган қалин толларнинг учуда ўйнайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юсуфбек ҳожии бекнинг уйланишини ҳам оддий гаплар қаторида эшитиб ўтказди.* А. Қодирый, Ўтган кунлар.

2 Англашилиши, ҳал этилиши осон, унча мураккаб бўлмаган; осон, жўн. *Оддий савол.* *Оддий масала.* ■ *Биз, катталар, кўпинча оддий ҳақиқатни унутамиз, ёшларга ишончсизлик билан муомала қиламиз.* Газетадан. *Найнов оддий нарсага ҳам ақли етмагани алам қилиб, яна сигаретага ёпишиди.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

3 Кўп қаторидаги, бошқалардан алоҳида ажралиб турмайдиган. *Бир вақт ўртага сочлари ўсган, узига ортиқча эътибор қилмай, оддийгина кийинган бир ёш шоир чиқиб, муҳаббат ҳақида шеър ўқий бошлади.* Шукрулло, Сайланма.

4 Сифат жиҳатидан айтарли яхши эмас; содла, жўн; ҳашамдор эмас. *Оддий чит.* ■ *Гулнор оддий қизил кўзли кумуш узукни чунтагидан олиб, Унсинга берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Салим аканинг тепаликдаги уйи оддий қишлоқ уйларидан бўлиб, ташқаридан тўғри уйга кириларди.* «Ёшлик».

5 Камтар, камсуқум, одми. *Оддий одам.*

6 Шўнчаки, номга. *Бир ҳафтадан кейин қиз Жамолзоданинг устахонасига таширф буюрди.* У «Қўккўл тонги»ни кўриб, оғзи очилиб қолди. *Ушанда кўргани ҳозирги полотнонинг олдида оддий эрмак эди.* «Ёшлик».

Оддий аскар Унвон олмаган аскар; солдат. **Оддий каср мат.** Сурати махраждан кичик мусбат каср. **Оддий моддалар ким.** Молекулалари бир хил атомлардан тузилган моддалар.

ОДЕКОЛОН [фр. eau de Cologne — Кёльн (шаҳар номи) суви] Хушбўй моддаларнинг спирт-сувдаги эритмаси; хушбўй пели, роҳатбахш гигиеник суюқлик; атир. *Бинафша ҳидли одеколон.* *Одеколон сепмоқ.* ■ *Киприкка суртиладиган тушь кўриб қолган бўлса, идишининг ичига бир неча томчи одеколон томизиши керак.* «Саодат».

ОДЕЯЛ [р. одеяло < одеть — «ёпмоқ, қопламоқ, ўрамоқ» фл. дан] Ухлаганда одам устига ёпинадиган, жун ёки бошқа материя-

дан тўқилган кўрпачасимон буюм; адёл. *Нафиса уйғониб кетиб, аллавақтгача хомуш утирди.* *Пишиллаб ухлаётган ўғлини тўғрилаб, устига одеял ёпиб қўйди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОДИЛ [а. عادل — адолатли, ҳаққоний; қонунга асосланган] 1 Бирор томонга ён босмай, қонун, адолат юзасидан ҳолисона, ҳаққоний иш тутадиган; адолатли, бегараз, тўғри. *Одил одам.* *Одил ҳужумат.* *Одил судья.* *Одил турмоқ.* ■ *Рихси бундай гапларни, унинг меҳнатини, уни ҳимоя қилиб айтиллаётган бундай сўзларни биринчи марта эшитар, бу хилда одил одамлар борлигини энди кўриб турмоқда эди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Адолат билан тузилган, адолат руҳи билан суғорилган; адолатли. *Аммо бунинг учун сен тақлиф этган кураш фалсафаси эмас, гузал ва одил қонунлар, ислоҳотлар керак.* Ойбек, Нур қидириб.

Одял судлов Ҳақиқий ҳолатни аниқлаб, томонлар ўртасидаги келишмовчилик ва низоларнинг фақат суд томонидан ҳал этиб берилиш.

3 Одял (эркаклар исми).

ОДИЛЛИК 1 Одял кншиларга хос хатти-ҳаракат. *Одамлар оғзида Элмуроднинг астойдиллиги, одамшавандалиги, ақли, билими, одиллиги, ғайрати тўғрисида гап кўпайгач, Тожибой ён босишга мажбур бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. адолат 1. *Одиллик билан иш тутмоқ.*

ОДИЛОНА 1 рвш. Одяллик билан, адолат юзасидан, ҳақиқатга асосланиб, адолатли равишда; бегараз, ҳаққоний. *Одилона суд қилмоқ.* *Одилона иш тутмоқ.* ■ [Навоий]: *Менинча, ҳаққнинг талабига одилона қулоқ солмоқ лозим.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 сфт. азф. Адолатли, ҳаққоний; қонунга, ҳуқуққа асосланган. *Одилона ҳукм.* *Одилона хатти-ҳаракат.* *Одилона талаб.* ■ *-Вазири бузрук, мен хон ҳазратларининг одилона ишларини халққа кўрсатмоқ тараддудидаман, — деди Пирназарбой.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ОДИМ 1 Олға ёки орқага, ўнг ёки сўлга оёқ ташлаб қилинган ҳаракат; қадам. *Кўчанинг бурилишида яна бироз унинг [Отабекнинг] одимлари секинлашса ҳам, лекин олдин-*

лашни қўймай бораверди. А. Қодирӣй, Ўтган кунлар.

Одим олмоқ Юра бошламоқ, юришда, қадам ташлашда давом этмоқ. *Бирга одим олдик чўққилар сари. Т. Тўла. Одим отмоқ (ёки ташламоқ)* 1) қадам ташлаб олдинга юриб бормоқ. *Барчиной лангарни маҳкам ушлаб, оҳиста одим отган куйи, тобора илгарилэйверди. Одамлар унинг ҳар бир қадамини ҳадикли бир ҳайрат билан кузатишарди. Н. Қўлпечев, Чиғирӣқ;* 2) кўчма илгари силжиб бормоқ, илгари босмоқ. *Истиқбол сари ишонч билан одим ташламоқ. Одим кўймоқ* 1) қадам босмоқ, юрмоқ. *Бола одим кўйиб кетяпти;* 2) бирор жойга етиб бормоқ, эришмоқ. *Ю. Гагарин тарихда биринчи бўлиб космосга одим кўйди. Одимини бунташтирамоқ* Юришини секинлаштирмоқ, секинлашмоқ. *Йўл бошловчи парвойифалак, бархан ошиб, илгарилаб борарди. Худди жон керак бўлса, етиб олсин дегандай, одимини бунташтирмайди. М. Мансуров, Ёмбини. Одимини тезлагмоқ* Юришини тезлатмоқ, тезроқ юрмоқ.

2 Бир қадам оралӣғидаги масофа; шу масофага тенг ўлчов бирлиги. *Бир одим. Орамиз икки одимча келади.* ■ *Бойнинг дарвозасидан йигирма одим наридаги эски, кичкина эшик кишининг гагини келтирувчи товуш чиқариб очилади. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 кўчма Ўсиш, ривожланиш суръати. *Қайта қуришининг одимлари тобора шиддаткор бўлиб боряпти. Газетадан.*

4 кўчма Ҳаракат, қадам олиш, юриштириш. *Унинг одими бежо!*

Бир одим Яқин, бир қадам. *Бошқалар учун узоқ, жуда узоқ туюлган район маркази унинг учун бир одим — на қиш изғиринини билади, на саратон жазирамасини. Н. Норқобилов, Тўқнашув. Одимда, одим жойда (ёки сайин)* Ҳар қадамда (тез-тез учраб турадиган нарса ҳақида). *Одимда чойхона.* ■ *[Отабек ва Али] Одим сайин бир ўликка учрар эдилар. А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. Одимни санаб босмоқ* 1) секин, имйллаб юрмоқ; 2) кўчма эҳтиётлик билан иш тутмоқ. *[Отабек] Одимини санаб босиш, бир чўқиб саккиз ёққа қараш каби эҳтиётликларга.. ўрганиб қолган. А. Қодирӣй, Ўтган кунлар.*

ОДИМЛАМОҚ 1 Қадам ташлаб юрмоқ, қадам босиб бормоқ, қадам босмоқ. *Аста*

одимламоқ. Тез одимлаб бормоқ. ■ *Ҳақназар машинасидан илдам тушиб, гаевжум дарахтлар орасидаги қаҳвахонага ёнма-ён ўрнашган магазин томон одимлади. «Шарқ юлдузи».*

2 кўчма Олга томон жилмоқ, олдинга жилиб бормоқ, илгари босмоқ. *Иш тез суръатлар билан одимламоқда. Юртимизда футбол марафони одимламоқда.*

3 Одим билан ўлчамоқ, қадамлаб ўлчамоқ. *Ҳовлининг узунлиги одимлаб чиқилди.*

ОДИМЛОВЧИ: одимловчи экскаватор Таянч қисмларини галма-гал одимлатиб, олға силжувчи экскаватор. *У [Шерали] ҳар тонг одимловчи экскаваторнинг кабинкасига чиқиб, қош қорайгунча канал қазирди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.*

ОДМИ 1 Ранги-туси, гули кўзга яққол ташланмайдиган; содда, сипо. *Одми чит. Одми кўйлак. Одми кийинмоқ.* ■ *Ёш жувонлар гажак кўйиб, кексароқлари соч фарқини тўғри очиб, одмигина кийиниб, концертга жўнаб кетишди. С. Аҳмад, Уфқ. Ўзбек ойим тўйга борадиган хотинлардек ясанган, эғинда одми хонатлас кўйлак, бошида оқ шоҳи дакана, кўзида сурма эди. А. Қодирӣй, Ўтган кунлар.*

2 кўчма Одлий, содда, камтар. *Одми одам. Одми гап.* ■ *Эломонов атрофга кўз югуртирди. Хона одмироқ экан. М. М. Дўст, Галатепя қиссалари.*

ОДИМАРЧИЛИК Одмилик, содалик, камтарлик. *Одмигарчилик қилмоқ.*

ОДОБ [а. آداب — «адаб» (ادب) с. қўшл.] айн. адаб. *Бола — азиз, одоби ундан ҳам азиз. Мақол.* ■ *Ироданинг уятчанлиги бўшанглик ёки ношудликка эмас, ишва ва одобга асосланган эди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

ОДОБЛИ айн. адабли. *Умид жуда одобли йигит экан, бир рюмка ҳам ичкилик ичмади. Мирмуҳсин, Умид.*

ОДОБНОМА 1 Одоб-ахлоққа онд фикрлар баён қилинган китоб ёки дарслик.

2 Ўқув-тарбия муассасаларида одоб-ахлоқ ҳақида таълим берувчи ўқув фани, предмети.

ОДОБСИЗ айн. адабсиз. *Бир-бирига ондак одобсиз гап айтишиб, хоҳолашайётган икки кишидан бири қайрилиб, орқада жадал келайётган Ҳафиза билан Умидга қаради. Мирмуҳсин, Умид.*

ОДОБХОНА Одоб-ахлоқ тарғиб қилинадиган жой. *Чойхона* — юксак ахлоқий меъёрлар тарғиб қилинадиган маскан ҳисобланади. *Шундай экан, уни ўзига хос одобхона, тарбия ўчоғи дейиши мумкин.* Газетадан.

ОДОП с.т. Одоқ, тамом. *Одош бўлди. Одош қилмоқ.*

ОДОҚ [оёқ сўздан] 1 с.т. Охир, пировард, сўнг, ниҳоят. *Шу билан сўзим одоғига етди. У шунча кўп эртақ билардики, кетиодоғи бўлмасди.* ■ *Янгар овоз хушчақчақ, ҳосил мул.. бўлмас одоқ.* Миртемир, Асарлар.

2 Дарё ва сойлар этағи, қуйилиш ери. *Дарё одоғи.*

ОЁҚ 1 1 Одам, ҳайвон, қуш ва, умуман, жонли организмлар гавдасининг таяниб тургани ва юриши ёки ўрмаланиш учун хизмат қиладиган аъзо. *Ўнг оёқ. Чап оёқ. Инак қуртининг оёқлари. Отнинг орқа ва олдинги оёқлари. Дуст — бошга, душман оёққа боқадди.* Мақол. ■ *Ўнг оёғимни кўтарсам, чап оёғим ерга кириб кетаётгандек бўлаверади.* Х. Тўхтабоев, Шприн қовунлар мамлакати. *У [фаршита] атлас кўйлак, лозим кийган, бош яланг, оёқ яланг, ёнгина.. бир йигит эди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Шарофат.. ўзига келди-ю, оёқ учига бориб, дарчанинг енига чўнқайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Оёқ босмоқ 1) қадам ташламоқ, юрмоқ. *Бемор энди-энди оёқ босяпти. У ўнг оёғини босолмайди.* ■ *Сақлаб сукут оёқ босди, Ҳамма жимжит, бошлар қуйи.* Ф. Фулом, Кукан; 2) кўчма ўйлаб, мулоҳаза билан иш тузмоқ. *Оёғини билиб бос!*; 3) бирор жойга бормоқ, келмоқ. *Одам оёқ босмаган саҳро. Сизникига оёқ босмаганим бўлсин! Оёқ ости (ёки оёғости) бўлмоқ* Топталмоқ, эзилмоқ, босилмоқ, поймол бўлмоқ, босиб-янчиб ташланмоқ. **Оёқ ости** (ёки оёғости) қилмоқ Топтамоқ, эзмоқ, босмоқ, поймол қилмоқ, босиб-янчиб ташламоқ. *У ўз ҳақини таниган, энди ўзини бировга оёқ ости қилдириб қўймайди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Оёқ остида** 1) юриш, қадам босиш лозим бўлган жойда, одамларнинг йўли устида. *Болалар, оёқ остида ўралашманлар!*; 2) ҳар қадамда. *Фалокат оёқ остида.* Мақол; 3) кўчма поймол бўлган бир ҳолда. *Бу замонда.. ҳақиқат оёқ остида қолиб кетмайди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёқ устида** Тикка турган ҳолда. *Мана, ўртоқлар, оёқ устида, иш бошида умумий йиғилиш ҳам*

ўтказиб олдик. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Оёқда** (ёки оёқ устида, оёқ узра) турмоқ 1) тик(ка) турмоқ. *Оёқда турган ҳолда яна бироз галлашиб, сўнг Эшвой жўнаб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отабек ҳолсизланиб, оёқ узра турар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) ўзини тутиб (тик ҳолатда) турмоқ. *У, йўлдан чарчаб келганидан, оёқ устида зўрға турар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Оёқдав йиқитмоқ** (ёки йиқмоқ) 1) ағанатмоқ, йиқитмоқ; 2) кўчма ишлан, издан чиқармоқ, ишни бузмоқ. *Бу ёлғиз Бутани беобрў қилиш учун эмас, колхозни оёқдан йиқитиш учун қилинган иғво.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёқдав қолмоқ** Юрولмайдиган бўлиб қолмоқ, бир жойда ўтириб қолмоқ (қарвлик, хасталик, бедармонлик сабабли). *Бошимга бир мушкул тушди, — деб гап бошлади Бозор, — бугун укам бирдан касал бўлиб, ҳам тилдан, ҳам оёқдан қолди.* С. Айний, Дохунда. **Оёққа босмоқ** 1) юра бошламоқ (ёш бола ёки бемор ҳақда); 2) кўчма йўлга, изга тушмоқ, тартибга тушиб, олға босмоқ, ривожлана бошламоқ. *Колхозимиз сал оёққа босгандан кейин, ўзим бориб, сизни олиб келаман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Оёққа бостирмоқ** 1) айн. оёққа турғизмоқ 1; 2) кўчма даволаб юргизиб юбормоқ; 3) кўчма йўлга, изга солиб, ривожлантириб юбормоқ. *Туғонни қуриб, колхозимизни оёққа бостириб олайлик, уйларингга радио тушириб берамиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёққа турмоқ** 1) ўрнидан турмоқ. *Девонбеги.. меҳмонхонага кирганда.. бутун меҳмонхонадагилар оёққа турдилар.* С. Айний, Қуллар; 2) кўчма бош кўтармоқ, қўзғалмоқ, қарши чиқмоқ, оёқланмоқ. *Уша кун бутун шаҳар оёққа турди.* Ж. Шарипов, Хоразм; 3) кўчма касалдан соғайиб, юриб кетмоқ. *Яхшилингизни асло унутмайман, — деди врачга бемор, — оёққа туриб кетай, сизни хурсанд қиламан.* Газетадан. *Қани энди, оёққа туриб кетса-ю, бутун умрини ана шу одамни асраб-авайлаш учун бағишласа.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. 4) кўчма йўлга, изга тушмоқ, яхшиланмоқ. *Колхозимиз қанча оёққа турса, шу бизнинг душманга зарбамиз бўлади.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёққа турғизмоқ** (ёки қўймоқ) қ. турғизмоқ. *Колхозни колхоз қилиб, оёққа турғизгунча, эҳа, қанча қурбон бермадик!* Ҳ. Назир, Узр, отахон. *Абдулла ука, бутун халқни қандай қилиб оёққа тур-*

ғизи мумкин? Ш. Холмпрзаев, Қахрамоннинг сунги кунларп.

2 Стол, стул, сүрп, каравот каби буюмларнинг ерга таяниб турадиган қисми, пояси. *Дадам сувоғи кўчан деворларга, эски шкаф, оёғи маймоқ стулларга бир қараб кўйди. С. Спёев, Ёруғлик.*

3 Охир, одоқ. *Кўчанинг бошидан оёғига-ча тош терилган. — Подачи поданинг оёқ томонидан чанг ютиб, элан-қаран юриб келаётган сигирни таёғи билан кўрсатиб: «Анави сеники», деди. С. Анорбоев, Ҳамсухбатлар. Отабек киши орқасидан кетди, олдинма-кетин, сўзлашмасдангина кўчанинг оёғига қараб борар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Фасл, давр ва ш.к. нинг охири, тугаётган вақти. *Куз кунларининг оёғи ва қиш кунларининг боши эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Оёқда қолдирмоқ Орқада қолдирмоқ. *Мен буларга ўргатармишман. Мени оёқда қолдириб кетишади бу шумтакалар. Ҳ. Назир, Олмос.*

5 Чет, чекка; қуйи томон; этак. *Экинзорнинг оёғи. Ернинг оёғи.*

6 Уйнинг, хонанинг эшикка яқин ўрни; пойгак; зид. *тўр II. Асалхон бир тўда қизлар билан оёқроққа ғуж бўлиб турганини кўрган Сорахон ўртага тушиб, йигитларни чақиб олди. Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан.*

Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда Жуда қариб, мункиллаб қолган. *Отанинг қилаётган ишига қараб, ёшини суриштириб: Тўқсондан ошибсиз, бир оёғингиз тўрда, бир оёғингиз гўрда, тиниб утирмайсизми, — дебди. Шукрулло, Сайланма. Енгил (ёки суяк) оёқ ёки оёғи енгил салб. Бузуқ, фохдша. Ёлғиз оёқ йўл қ. ёлғиз. Икки оёғини бир этикка тикмоқ (ёки суқмоқ) Айтганининг дарҳол бажарилишини талаб қилмоқ, қистовга олмоқ. *Отан уйлантираман деб, икки оёғини бир этикка суқиб олган, ҳол-жонимга қўймайди. С. Аҳмад, Қадрон далалар. Оёқ олши 1) юриш, қадам ташлаш. Умматали хотинининг оёқ олишига қараб юридиган бўлса, отлиқ келаётган Акбарали ундан олдин Азизхонни топади, унга биров шикаст етказадигандай бўлиб туюлади. С. Аҳмад, Уфқ; 2) юриш-туриш, хатти-ҳаракат. Унинг оёқ олиши бежо. Оёқ остидан чиқмоқ Тўсатдан пайдо бўлиб қолмоқ. Душман учун ку-**

*тилмаган бу фалокат худди оёқ остидан чиққандек бўлди. Н. Сафаров, Жангчи Шокир. Уша катта иш кеча оёқнинг остидан чиқиб қолди. С. Аҳмад, Уфқ. Оёқ тирамоқ Ўз айтганида қаттиқ туриб олмоқ, бошқа гапга кўнмаслик. Болаларнинг буйи етиб, туй бошлаймиз деганда, қизи қурмагур бирдан оёғини тираб олди. Ойбек, О.в. шабадалар. У уйлансам, Маҳбубага уйланаман, бўлмаса, фронтга ариза бериб кетаман, деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олди. С. Аҳмад, Уфқ. Оёқ узатмоқ (ёки чўзмоқ) 1) кўнгли тинчимоқ, ғам-ташвишдан холи бўлмоқ. *Офтоб ойим ҳамон оёқ узатмади. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма ўлмоқ, жон бермоқ. Оёқ узмоқ Келиб-кетишни тўхтатмоқ, тамоман келмаслик. Бури Пайғамов, Нусратбекнинг бу ердан оёғи узилиб, гаплар бости-бости бўлгунча, панароқда турди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Оёқ учи билан (ёки учид) кўрсатмоқ Менсимаслик, назарга илмаслик. Чўри қиз бошимизга чиқиб, бизларни оёқ учи билан кўрсатади. Ойбек, Танланган асарлар. Одамни оёқ учид кўрсатиб, калака қилади. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Оёқ учид Секин, товуш чиқармай. Шерали оёқ учид келиб, девор тағид бир ёнбошда ухлашгагина етадиган жойга утирди. С. Кароматов, Олтин кум. Оёқ чиқармоқ Сўроқсиз ҳар тарафга бора берадиган бўлиб қолмоқ, тартибдан чиқа бошламоқ. *Бизнинг хотин тил чиқарган десам, оёқ ҳам чиқарипти. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Оёқ кўймоқ Бирор ишга киришмоқ. Унинг розлигини олмасдан туриб, бу ишга оёқ қўйиш мумкин эмас. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Оёғи куйгап товукдек Безовталиқ билан, зир югуриб, ўзини ҳар ёққа уриб. Одамлар оёғи куйган товукдек пишиллаб югурдилар. Ойдин, Ўзидан кўрсин. Оёғи олти, қўли етти Шодликдан ўзини ҳеч қаерга сивдирилмайди, гоят хурсанд. *Зайнаб оёғи олти, қўли етти бўлгани ҳолда, эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқазиб, ёнига учта парёстиқни кўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Оёғи осмонда с. т. Қулади, йиқилди, иши чаппа. *Лашкарбоши уста бўлса, душман оёғи осмонда. Мақол. Оёғи осмондан бўлди (ёки келди) с.т. Қулади, йиқилди, иши чаппасига айланди. Чекинадиган жой йўқ, орқада жаҳаннам, бир қадам чекинсак, оёғимиз осмондан келади. Ш. Ра-*****

шпидов, Бурондан кучли. **Оёғи** тортмаслик Боргиси келмаслик. **Оёғига** болта урмоқ қ. болта. **Оёғига** бош урмоқ (*ёки қўймоқ*) *ёки оёғига йиқилмоқ* Паноҳ тортиб ёки нажот излаб келмоқ; сажда қилмоқ. **Оёғидан** тортмоқ *с. т.* Жиноятда қатнашган шерикларини айтиб бериб, жавобгарликка торттирмоқ. **Оёғини осмондан келтирмоқ** *с. т.* Қулатмоқ, ағанатмоқ, ўрнидан туширмоқ, ишини чаппасига айланттирмоқ. **Оёғини қўлга олиб** *с. т.* Тез, ғириллаб. *Шартта ўрнидан туриб, қалпоқчамни олдим-да, оёғимни қўлга олиб, уй томон югурдим.* «Ёшпик». Осмонга чиқсанг, оёғиндан тортаман, ерга кирсанг — қулоғиндан Мендан қочиб қутулолмайсан, қаерга қочсанг ҳам, барибир, тутиб оламан. [Солихбой:] *Менинг олтинларим шундай зийрак жосус.. шундай улуғ ҳокимки, ерга кирсанг — қулоғиндан, осмонга чиқсанг, оёғиндан тортиб, менинг қўйнимга олмайди қилиб солиб қўяди!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Оғир оёқ** Ҳомилдор. **Совуқ оёқ айн.** шум оёқ қ. шум. *Кенг соҳилингда кезди шум оёқ, Синдирди нечанинг бошида таёқ.* Ғайратий. **Юзига оёқ қўймоқ** (*ёки тирамоқ*) Кимсанинг хоҳишига қарши, унинг хурмати билан ҳисоблашмай иш қилмоқ. *Турғун акам билан раиснинг юзларига қандай қилиб оёқ қўя оламан.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Сен юзингга оёқ тираб кетган ўша бети қаттиқ хотининикига бордингми?* С. Аҳмад, Уфқ. **Ўз оёғи билан** Ўз хоҳиши, ихтиёри билан, ўзича. *Дард аригиси келса, табиб ўз оёғи билан келади.* Мақол. **Ўз оёғидан йитмоқ** Ўз ихтиёри, хоҳиши билан йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ.

ОЁҚ II эск. I Коса, идиш.

2 айн. қадах. Аччиқланма, бек йиғит.. ширингина таом қилиб бераман, бир-икки оёқ бўза ҳам келтираман. Ойбек, Навоий. *Новча йиғит сузган бўзадан озгина татиб куриб, биринчи оёғини Султонга узатди.* Ф. Ғуллом, Шум бола.

ОЁҚДУМЛИЛАР Қанотсиз ҳашаротларнинг туркуми. *Оёқдумлиларнинг Ўрта Осиё деҳқончилиқ минтақаларида 50 га яқин тури маълум.* «ЎЗМЭ».

ОЁҚЛАБ: **вккв** (*ёки қўп*) оёқлаб Иккала оёқ билан. *Икки оёқлаб тепмоқ* (ҳайвон ҳақида). **Тўрт оёқлаб** Икки қўл ва оёқда (эмакламоқ). *Тўрақул тошбақадай тўрт оёқлаб, эмаклаб кетди.* А. Кўчморов, Ҳалқа. *Набираси йиғитнинг елкасига эски тўнни ту-*

шаб, миниб олди-да, энди тўрт оёқлаб чопасиз, дея талаб қилди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОЁҚЛАМОҚ I Охирига етиб қолмоқ, охирламоқ. *Қуз оёқлаб қолиб, ҳолдан тойгану, лекин ўз ўрнини ҳали қишига бўшатиб бермаган эди.* С. Нуров, Нарвон. *Кужлам оёқлаганда келиб, [ўрик] еб кетинглар.* Газетадан.

2 кам қўл. **Тарқалмоқ**, овоза бўлмоқ, «юрмоқ». *Эл орасида уни Тошкентга олиб кетиб отиб ўладиришгани, кейин жарликка улоқтиришгани ҳақидаги гаплар кўп оёқлабди.* Газетадан.

3 шв. **Йўлга кирмоқ**, юра бошламоқ (гўдак ҳақида). *Қишлоқ боласи оёқлабдики, шу тепага тирмашади, шу тепада ўйнаб ўсади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ОЁҚЛАНМОҚ Бош кўтармоқ, қўзғалмоқ, қарши чиқмоқ. [Мансур Меҳрига:] *Камбағал батраклар биз томонда, ҳозир ҳамма уларга [душманга] қарши оёқланган.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ОЁҚЛАНТИРМОҚ Бош кўтаришга даяват этмоқ, қарши қўймоқ. *Сиз марғилонлик оғайниларни қипчоқларга қарши оёқланттирмоқчи бўласиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЁҚЛИ I Оёғи бор. *Тўрт оёқли ҳайвон.* *Узун оёқли чигиртка.* ■ [Кампир] «Мишмиш» ларни ҳар вақт эзмалик билан сузлар эди: «..Фалончининг келини тўрт оёқли бола туғибди!» Ойбек, Танланган асарлар.

2 Пояли, тағида кўтариб турадиган қисми бор. *Икки оёқли скамейка.* *Уч оёқли стул.* ■ *Уста кулол Ҳамроқулнинг аҳволини кўриб, дарров боққа олиб кирди ва қайрағоч остидаги чўян оёқли зангор эшакка утқизиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

Оғир оёқли айн. **оғир оёқ қ.** **оёқ I.**

ОЁҚСИЗ Оёғи йўқ, оёғидан маҳрум бўлган. *Уни бир умид урушдан қўлсиз, оёқсиз бўлиб қайтган ҳамқишлоқларини кўргани етаклаб борди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОЁҚЯЛАНГ I Оёқ кийимсиз, оёғига ҳеч нарса киймаган. *Нигина кимсасиз даштда ортидаги дарё томон оёқланг юриб кетди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Бир тўда болалар чуғурлашиб, боғдан чиқиб келишди.* *Оёқяланг, дўмбоқ, офтобда тобланган.* С. Нуров, Нарвон.

2 *кўчма* Камбағал, қашшоқ. *Тоштемур ҳам кейинги тоифа оёқяланглардан бўлиб,*

Мирзақўлга борувчилар тўпига қўшилди. Ҳ. Фулом, Феруза. - Ҳим, ана шунақа оёқялангдан қўрқ-да, - бошини лиқиллатди Ҳўжаёр. А. Нарзиқулов, Ҳаёт ёлқани.

ОЁҚ-ҚҮЛ 1 Оёқ ва қўл(лар). Оёқ-қўлини боғламоқ. Оёқ-қўли чаққон одам. ■ Ойша холанинг оёқ-қўли бушашиб, стулга ўтириб қолди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 кўчма с. т. Кўмакчи, дастёр. Уғлимиз - бизнинг оёқ-қўлимиз.

ОЁҚ-ҚҮЛЛИ с. т. Чаққон, эпчил, уддабурон. Моҳира она! Сиз Насиба холанинг қизини кўрганмисиз? Оёқ-қўлли, пазанда, қизмисан - қиз-да! «Ёншиқ».

ОЖИЗ [а. عاجز - нимжон, бўшанган, кучсиз, заиф; нўноқ, ноқобил; кўрмайдиган, кўр] 1 Жисмоний жиҳатдан кучсиз; заиф, беқувват, нотаваон. Ожиз кампир. ■ Шундай кезларда Сирож қандайдир нотаваон, ожиз бир қишига айланади-да, бошини ғамгин эгиб, соатлаб жойидан қимирламай қоларди. С. Зуннунова, Олов. Гулнор эса, оёқда туришга ожиз, тинкаси қуриган бир хаста каби, умидсизлик билан яна секингина ўтирди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Бирор иш қилиш учун ҳеч қандай чора-влож қўлидан келмайдиган; иложсиз, ноилж. Исфандиёр деб аталмиш ёвуз ва манфур махлуқ қаршисида ҳамма ожиз эканлигини ўйлаб, баттар эзилди. С. Сяёев, Аваз. Мадаминхўжа унинг кўзларидаги илтижони тушунди, лекин.. хурофот, бидъат олдида ожиз эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т.о. Биров бировага мурувват қилишдан ожиз бўлган ўша замонда Ҳамро ота ва унинг оиласига ўхшаш инсофли одамлар ҳам бор эди. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

3 кўчма Курби, кучя етмайдиган, кучсиз. Тошкентимиз - бағри кенг, гўзал шаҳар. Унинг татрифиға унча-мунча қалам ожиздир. Газетадан.

4 Бўш, кучсиз, паст. Йўл четида бўғзига пичоқ тортилган бир буқача жон таслим қилаётган бўлса керак, орқа оёгини ҳар замон, бир ожиз силкитиб қўярди. С. Аҳмад, Жямжитляк. У [Қумри] ярани боғлаётганда, Ботирали ожиз товуш билан бир ингради-ю, яна жимиб қолди. Ҳ. Фулом, Машғал.

5 Хира, кучсиз; ёрқин эмас. Фонарнинг хира шишасидан атрофга ожизгина қизғиш шуъла ёйилди. Ҳ. Фулом, Машғал.

6 Кўриш қобилиятини қисман ёки батамом йўқотган; кўр. Қўзи ожиз одам. ■

Майна Абдуваҳобнинг ёшланган ожиз чап кўзига, мулоийм тикилиб турган ўнг кўзига назар ташлади. III. Топматов, Эрк қуши. Баъзан тушили оқват вақти, кўпинча ишдан кейин, тўртта-бешта кўзи ожиз эркакаёллар йиғилишиб, ўзаро гурунглашиб қолишарди. Шукрулло, Сайланма.

ОЖИЗА [а. عاجزه] 1 Ожиз аёл.

2 эск. с. т. Қиз фарзанд, қиз. Мирзакаримбой қичқирди: - Мулла Абдишукур, эртага ожизамизга туй келади, марҳамат қилинг. Ойбек, Танланган асарлар.

ОЖИЗЛАНМОҚ Ожиз бўлиб қолмоқ, ожизлик қилмоқ. Касалдан кейин ожизланиб қолди. Кўзлари ожизланиб қолди.

ОЖИЗЛИК Жисмоний жиҳатдан кучсизлик, заифлик; бирор иш қўлидан келмаслик, нотаваонлик. Унинг гўзаллиги таърифидан қаламим ожизлик қилади. ■ Яхшибоев дўстларининг қўрқоқлигидан завқланди, ёйилиб қулди - уларнинг ожизлигини ўзича тушунган ва кечирган бўлди. М. М. Дўст, Лолазор. Қайнатанинг нўчаси куёвнинг шахтини қайтаришга ожизлик қилди. М. Исмоилӣ, Фарғона т.о.

ОЖИЗ-НОТАВОН, ожизу нотаваон Ожиз ва нотаваон, жуда ҳам ожиз. [Солиҳ маҳдум.] Жанобларига ожизона узр.. Аввало, камина ожиз-нотаваон, афтодаҳол, пушти паноҳ жиҳатларидан содир бўлган улуг марҳаматга сазовор ва лойиқ эмасдирман. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

ОЖИЗОНА 1 рвш. Ожизларча, заиф ва нотаваонларча. [Кампир] Оғир юк остида эзилган каби, узун бир «уҳ» тортиб, ожизона, шикоят оҳанги билан ўз-ўзига деди: «Эй, дунёйи бевафо!» Ойбек, Танланган асарлар.

2 сфт. Итоаткорона, ҳақирона ёлвориб биян қилинган, ўтинчли. Ожизона узр. ■ Узимнинг содиқона бу хизматим эвазига жанобларидан ожизона ўтинчим шулки, бу сирни сизларга билдирувчи мен бўлганлигимни ўзларидан бошқа кимса билмасин. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

О3 1 Сон ёки миқдор жиҳатдан унча кўп бўлмаган; кам. Оз вақт. Ҳовузда сув оз. Гап кўп, кўмир оз. Мақол. Оз емак - саз емак. Мақол. ■ Яқинда табибларга кўрсатган эдим, қонингиз оз, қимиз ичинг, деди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Етарли эмас, кифоя қилмайдиган, қаноатланарли бўлмаган; кам. Бир йигитга

етмиш хунар оз. Мақол. Мақтанма, ғоз, хуна-ринг оз. Мақол. Кўп бўлса — кетар, оз бўлса — етар. Мақол. ■ Икковимиз ўтказадиган олтин умрнинг олтин минутларини ҳар қанча олтин соат санаса оз! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Электр қуввати шу қадар оз эдики, насос моторларни айлантиришга ҳам ожизлик қилиб қолди. С. Аҳмад, Уфқ.

3 рви. Баъзи-баъзида; гоҳо-гоҳо, камдан-кам. Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб-кулмас.. эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Қизлик вақтида Нури уларнинг кулбасига жуда оз чиқар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

Бир оз, бироз Озгина, андак. Бир оз тузи кам бўлибди. ■ Робия хола бироз бужчайганича, майда қадамлар билан шипиллаб, супага йўл бошлади. С. Зуннунова, Олов. Кўпи кетиб, ози қолди Ярмадан кўпи кетиб, ундан озроқ мияқдор қолди (қийинчилик кунлар, оғир иш ва ш.к. ҳақида). - Кўпи кетиб, ози қолди, — овутиди уни Усмоножон, — ҳеч нарса эмас, бу қийинчиликлар ўтиб кетади. С. Зуннунова, Олов. Оз бўлмаса Нақ бўлмаса; сал бўлмаса; нақ, худди. - Оз бўлмаса, ҳаром ўлар экан, жонивор, — дейди у [йўловчи], бир тутам яшил беда билан пичоғини артаётди. П. Турсун, Ўқитувчи. Оз қолди Сал қолди. Ҳар сафар момақалдироқ гулдураганда, «ойи», деб додлаб юборишига оз қоларди. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. Боя синфда болалардан бири ҳимоя тилаб: «Ҳурматли ўқитувчим!» деб юборишига оз қолди. М. Исмоилӣй, Фаргона т.о. Энг ози Кам деганда, энг камя, ақалли. Уятни билсангиз, энг ози шунинг андишаси керак эмасми? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЗАЙМОҚ I Миқдор, ҳажм жиҳатидан камаймоқ, камиб қолмоқ. Боғда мевалар озайган вақти. Ариқнинг суви озаydi. ■ Суви озаyиб қолган самоварнинг жиғиллаши, чой учун қайта дастурхон ёзаётган Рузвоннинг гилам устидаги шип-шип юришигина жимликни бузар эди. С. Зуннунова, Олов. Кетиб-кетиб озаyиб қолган кишилар гуруллаб, ичкари киради. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Кам учрайдиган бўлиб қолмоқ; камаймоқ. Шундан бери фикри сал ўзгарди чоғи, гарчи аввалгидай «девойайи Машраб» дейишини қўймаса ҳам, камситишлари озаydi. О. Ёкубов, Эр бошга иш тушса.

3 Пасаймоқ, тушмоқ. Кечга яқин Гулнорнинг руҳи анча енгиллашди, иссиғи озаydi. Ойбек, Танланган асарлар.

ОЗАР кт. айн. озарбайжон. Мен Ереван кўчасида озар қизим учратдим, Умрим бўйи илк мартаба дуч келдим мен рўёга. А. Орипов, Йиллар армони. Тарихи, тили, маданияти халқимизга жуда яқин бўлган озарлар бизни яхши кутиб олишди. Газетадан.

ОЗАРБАЙЖОН қ. озарбайжонликлар. Озарбайжон тили. Озарбайжон аёл. ■ Қиз кўринишдан озарбайжон бўлса керак, русча гапирар, гап-сўзларидан анчагина саводли эканлиги кўришиб турар эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

ОЗАРБАЙЖОНЛИКЛАР Озарбайжонда яшовчи, туркий тилда сўзлашувчи халқ, Озарбайжоннинг туб аҳолиси.

ОЗАРИЙ Озарларга, Озарбайжонга тегишли, ойд. Озарий мусиқа. ■ Турғунали, ҳар галгидай, пенсия олганида шаҳардан келтирадиган совғасини — бу гал шопалоқдай шопалоқдай катта қизил гулли озарий рўмол эди — елкасига ёпиб, белидан қучди. А. Мухтор, Кумуш тола.

ОЗГИНА I Миқдор жиҳатидан жуда ҳам оз; қаттак. Озгина сув беринг. ■ Атайин сизни ичинг деб суюқ ош қилдим. Озгина бўлса ҳам ичсангиз, дармон бўлади. С. Зуннунова, Олов.

2 Сал, андак, жиндай. Озгина ухлаб олай. ■ Сизда озгина одамгарчилик бўлганда, бир муштипарнинг дилини вайрон қилмасдингиз. Т. Ашуров, Оқ от. Ҳовлининг кунботар томонида, харобаликдан озгина берида бўлган бояги йўлакка тираб солинган икки даричалик бир уй [бор эди]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЗДИР-КЎПДИР айн. озми-кўпми. ОЗДИРМОҚ I Озмоқ I фл. орт. н. Қўйларни оздириб қўйибсиз.

ОЗДИРМОҚ II Озмоқ II фл. орт. н. Йўлдан оздирмоқ. ■ Ҳафиза, кўзингизни очинг! У [Умид] қаллоб сизни йўлдан оздирмасин тағин! Мирмуҳсин, Умид.

ОЗИБ-ЎЗИБ рви. с.т. Зўрға имон ёки вақт топиб, замоннинг зайли билан. Озиб-ёзиб бир кеннойисини кўриб келмоқчи эди, бу ниятидан ҳам қайтди. Ў. Усмонов, Қисмат. [Саломат:] Озиб-ёзиб бир томошага борадиган бўлганингизда, иш-пиши чиқиб қолибдими-а?! И. Аҳмедов, О. Толъпов, Қям айбдор?

ОЗИБ-ТЎЗМОҚ *Озиб, касалманд ҳолга келмоқ, илгариги ҳолатини йўқотмоқ. Бултур қишининг бошлари бўлса керак, кучқувватини аллақандай кўринмас жонзот сўриб олгандек, бирдан озиб-тўзиб, тирсиллаган юзи, оёқ-қўлининг териси сўлишиб, ранги олинди, бурунги ғайратидан асар ҳам қолмади. «Ёшлик». Дусталининг кўзига от бир зумда озиб-тўзиб кетгандек кўринди. Т. Ашуров, Оқ от.*

ОЗИҚ I *Овқат бўладиган маҳсулот, овқатли дон-дун; емиш. Озиқ маҳсулоти. Бир кунлик йўлга чиқсанг, бир ҳафталик озиқ ол! Мақол. Ёзининг ёзиғи — қишининг озиғи. Мақол. ■ Йигитлардан бири дастурхон ёзиб, йўлга олган озиқларини ўртага қўйди. А. Қаҳҳор, Мастон. Нима, озиқ биттами, қозон осмадингиз! Ойбек, Танланган асарлар.*

2 *Ҳайвонлар овқати, ем-хашак. Ҳайвонлар учун қишга озиқ тайёрламоқ. Қуртларга озиқ бермоқ.*

3 *Ўсимликлар ўсиш жараёнида ердан оладиган моддалар. Ўсимликларга қўшимча озиқ бериш. Илдиз озиқ берса, новда кўжарар. Мақол.*

Жон озиғи ёки жонга озиқ *Роҳат. Яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қоziғи. Мақол. ■ Майин эсган насими, обу ҳавоси, Булур жонга озиқ завқу сафоси. Ҳабибий. Маънавий (ёки руҳий) озиқ* *Кишига маънавий завқ бағишлайдиган, унинг маънавий жиҳатдан ўсишига, такомиллашувига хизмат қиладиган восита. Гўзал адабиёт — руҳий озиқ. А. Қаҳҳор, Сароб. Озиқ тип Киши ва ҳайвонларнинг овқат чайнаш, эзвш учун хизмат қиладиган тиши; жағ тишлари.*

ОЗИҚА *айн. озиқ. Арабларда хурмо энг муҳим озиқалардан бири ҳисобланади. К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик.*

ОЗИҚЛАНМОҚ I *Озиқ, овқат еб олмоқ, овқатланмоқ. Отлар озиқланди. ■ Юлғич ва ўғрилларнинг кун кўриш усули битта: ўзгалар ҳақидан озиқланади. «Ёшлик».*

2 *Ўсиш жараёнида озиқ олмоқ (ўсимликлар ҳақида).*

3 *кўчма* *Илҳом олмоқ, руҳланмоқ. Ҳозирги медицина халқ табобати илдизларидан озиқланганга керак. «Ёшлик». Шоирнинг юраги туйғулардан озиқланади. Газетадан.*

ОЗИҚЛИ I *Озиғи, озиқ-овқати бор, озиқ-овқат билан таъмин этилган. Озиқли от ҳоримас, қариндошлик қаримас. Мақол.*

2 *Таркибида озиқ моддалари бор, озиқ бўладиган. Озиқли моддалар.*

ОЗИҚЛИК *Озиқ бўладиган, озиқланиш учун яроқли; емишли. Озиқлик экинлар.*

ОЗИҚ-ОВҚАТ *Турли озиқ ва овқатлар, емишлар. Озиқ-овқат ҳозирлаш. Озиқ-овқат магазини. Озиқ-овқат маҳсулотлари. Озиқ-овқат саноати корхоналари. ■ Пичан ўришга ажратилган одамларни тўплаб, керак-яроғини, бир ҳафталик озиқ-овқатни олди. С. Анорбоев, Оқсой. Озиқ-овқат магазинрига бориб келган Холиса белига пешгур тутиб, эри ёқтирадиган таом тайёрлашга киришди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.*

ОЗМИ-КЎПМИ *Маълум миқдорда; маълум даражада. Озми-кўпми, ёрдами тегди. ■ Мажлис қизиб кетди. Катнашувчиларнинг кўпчилиги, озми-кўпми, яхшимий ёмонми, ишқилиб, гапирди. А. Қаҳҳор, Канотсиз чигатка. Мухаббат, бу — пулга ўхшаган нарса, пул шоҳда ҳам, гадода ҳам озми-кўпми бўлади. Шукрулло, Сайланма.*

ОЗ-МОЗ *рви. I* *Озгина, жандай, унчамунча. Оз-моз ишлаб турибмиз. Оз-моз мурч сепмоқ. ■ Ниҳоят, Барно соғайиб, касалхонадан чиқди. Оз-моз оқсоқланиб бўлса-да, мактабга қатнай бошалди. «Ёшлик».*

2 *Бироз, сал-пал. Бироздан кейин Ботирали ҳам оз-моз гандираклар чикди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Мана энди оз-моз тилим чиқди, гапирадиган бўлдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ОЗМОҚ I *Эти қочиб, озғин тортмоқ; озғинланмоқ, ориқламоқ. Бир терининг ичида қуй неча бор семириб, неча бор озар. Мақол. Озган от арғумоқ бўлмас. Мақол. ■ Умиднинг ёқаси титилиб кетган ўша эски костюми-ю, шимининг таги йиртилиб, ямоқ тушганига, озиб, чаккалари туртиб чиққанига қараб, ҳайрон бўлган бўлса керак. Мирмуҳсин, Умид. Бу орада у озиб, шундоғам сўлғин юзлари баттар заъфарон бўлиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОЗМОҚ II *Тўғри йўлдан тоймоқ, адашмоқ. Кенгаш қилган эл озмас, кенг бичилган тўн тўзмас. Мақол. Эгри — озади, тўғри — ўзади. Мақол. ■ Исловотхоналари.. тараққий топган мамлакатларда адашган қизлар, озган жувонлар кўнчинга Фуод афанди тутган йўллар билан қўлга туширилар эди.. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Ақлдап (ёки эсдап) озмоқ қ. ақл. *Ширмонхон қимир этмай ўтирар, унинг ифодасиз кўзларига қараб Маҳмуд, ақлдан озиб қолмадим, деб кўрқиб кетди.* С. Зуннунова, Олов. *Яна қайтиб олдинга ўгирилганимда, ёнимдаги аёлнинг йўқлигини кўриб, ақлдан озаёздим ва телбалардек гандираклаб, ҳовли юзида у ёқдан-бу ёққа югурганча, уни излай бошладим.* «Ёшлшк». **Йўлдап озмоқ** 1) йўлни йўқотиб кўймоқ, бошқа йўлга кириб кетмоқ, адашмоқ; 2) кўчма нотўғри йўлга кирмоқ, нотўғри, сохта фикрга эргашмоқ, адашмоқ. *Мен бола-чақали одам, янглишиб, йўлдан озиб, сизга уйланган эканман, никоҳимдан чиқдингиз, мени кутманг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жар чақирилиб, «Худо йўлидан озган осий Аваз»га юз дарра буюрдилар. Аваз сураткашиникдан жилмай, жон ҳовучлаб ётаверди.* С. Сиеёв, Аваз. **Кўнгли (ёки юраги) озмоқ** Кўнгли айнимоқ, беҳуд, беҳузур бўлмоқ, ўзини нохуш сезмоқ. *Юрагим озиб кетди.* ■ **Отамурод ўзини қўлга олмоқчи, яна олга интилмоқчи бўларди, лекин борган сари кўнгли озиб, кўзи тиниб кетарди.** М. Мансуров, Ёмби.

ОЗМУНЧА рви. (кўпинча бўлишсиз фл. билан) *Оз эмас, анча-мунча, кўпгина. Тошкент билан Қўқон ораси озмунча йўлми? ■ Бошқалар қилган ишни нега мен қилолмайман, бекор ўтиргандан, бекор ишла, деб ҳаракат қилиб, ўқини ҳам битириб, ишни ҳам урдалаб кетганлар озмунчами? Шукрулло, Сайланма. Утган йилги қиш озмунча боғларни қуритдимми? С. Зуннунова, Олов.*

ОЗОД [ф. آزاد — эркин, хур; асоратдан қутулган; ғам-ташвишдан холи; олийжаноб; саховатли] 1 *Ўз эрки, ҳақ-ҳуқуқи ўз қўлида бўлган, озодликка эришган; эркин, хур. Озод ўлка. Озод мамлакат. Озод меҳнат. ■ Тоза ҳаво, тоза сув, Озод Ватан сеники.* Ф. Ғулом. *Бу аёллар тенг ҳўқуқли, эркин, озод, хур бир мамлакатда ўсмоқдалар.* «Саодат».

2 *Қулликдан озод этилган, эркинликка чиққан, асоратдан қутулган. Орёл, Белгород шаҳарлари душмандан озод қилинганда, Москвада биринчи марта берилган салют одатга айланди.* С. Зуннунова, Олов.

3 *Ўз ҳолига, майлига қўйилган, бўшатиб юборилган, ҳеч қандай мажбурият билан боғланмаган; бўш. Эшоннинг заҳарханда таънасини Элмурод ерга тикилганича, индамай*

тинглади. Бу гап унга: «Сен озодсан, кета бер!» бўлиб эшитилди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Мажлисга қатнашишдан ўзларини озод ҳисоблаган кишилар бу мажлис ва унинг белгиланган вақтидан олдин бошланганига ҳам ўзларича маъно беришди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

4 *Холи. Ташвишдан озод кишилар. ■ Қаламни ҳам бу ғиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *рви. вzf. Эркинлик билан, бемалол, даст. Йигит.. билагимдан озод кўтариб, тандирдан суғуриб олди.* Ф. Ғулом, Шум бола. *Ғайбаров, қўлида маъбуда қизни [ҳайкални] ердан озод кўтарди, маҳкам бағрига босдида, юзу кўзидан ўнди.* «Ёшлшк».

6 *рви. вzf. Тик, тикка, кўкракни кериб. Ингичка, узун оёқларини чаққон босиб, чиройли бошини озод кўтариб келётган қайша саман бирдан паҳса девор томонга буршди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Озод турмоқ Дадил ўриндан турмоқ, шаҳдам кўтарилмоқ. *Устидан алак чопонини иргитиб, озод туриб кетган йигит.. тузоққа тушган беданадек питирлаб қолди.* Х. Расул, Адолат.

7 *ким. Қўшилмаган, бирикмаган ҳолдаги. Озод кислород.*

Озод қилмоқ Қутқармоқ, халос қилмоқ. *Ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилиши кишиларни бир қатор оғир юмушлардан маълум даржада озод қилади.* «Фан ва турмуш». **Озод қўймоқ** Бўшлатмоқ, жавоб бермоқ (ўқишдан). *Низор ойим ҳозиргина [ўқувчи] қизларини озод қўйиб, кўкрак боласини бағрига олган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

8 **Озод** (эркаклар исми).

ОЗОДА [ф. آزاد — эркин, хур; ғам-ташвишдан холи; саховатли] 1 *Ифлосланмаган, кир тегмаган, кирланмаган; тоза, покиза. [Хотинлар] Эски, лекин озодагина кўрна ёпишган сандал атрофига тиқилишиб, секин-секин сўхбатлашишарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 *Супуриб-сидирилган, тоза. Уй махсус меҳмонлар кутиладигандек озода ва саришта.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Яшил уфққа туташган тўппа-тўғри ва ниҳоятда озода тош йўл.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

3 *Ўзини ва ўзига қарашли ҳамма нарсани тоза тутадиган, тозалликка риоя қиладиган;*

саранжом-саришта. *Озода хотин. Соғ юрай десанг, озода бўл. Мақол.*

4 Озода (хотин-қизлар исми).

ОЗОДАГАРЧИЛИК Озодаликка риюя этиш, ҳар нарсани ва ўзини озода, пок тутиш.

ОЗОДАЛИК Тоза, покиза, саранжом-саришта бўлиш; тозалик, покизалик. *Уйдаги тартиб ва озодалик унинг баҳрини очиб юборган эди. С. Зуннунова, Кўк чироқ.*

ОЗОДЛИК 1 Эркинлик, ҳурлик; ҳеч қандай мажбурият билан боғланмаганлик. *Миллий озодлик. — Бахт озодлик ва фаровонликдир. Газетадан. .. Чунки озодликни ҳамма ҳам чапак чалиб, хурсандчилик билан кутиб олмаслиги табиий. Газетадан. Аҳмад Хусайннинг бутун дили, фикри, эътиқодича, ҳақиқат озодлик демакдир. Ойбек, Нур қидириб.*

Озодликдан маҳрум қилиш Жиноят содир этган шахсни махсус ажратилган тарбия муассасаларида мажбурий сақлангандан иборат жазо тури. **Озодликка чиқармоқ** Асоратдан, қулликдан чиқармоқ, эркинликка эриштирмоқ, эрк бермоқ. **Озодликка чиқмоқ** Асоратдан, қулликдан чиқмоқ, қутулмоқ; эркинликка эришмоқ; қамоқдан чиқмоқ, озод бўлмоқ. *Баҳромбекнинг куз олди қоронғилишиб кетди. Олти ярим йил! Озодликка чиқсам ҳам, шунча йил умр кўрармиканман? Бу ерда қолсам, қаерларда хор-зор бўлади жасадим. «Ёшлик».*

2 тар. Эски мактабда ҳар пайшанба куни домлага ёки отинбибига ўқувчилар томонидан келтириладиган ҳақ; пайшанбалик (пул, нон, дон каби). — *Домлагаям озодлик опкелдинми? — деди бола дам дастурхонга, дам тугунга текилиб. П. Турсун, Ўқитувчи. — Бувингга бориб айт! Агар озодлик келтирмасанг, янги сабоққа тушмайсан! — деди домла. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.*

ОЗОКЕРИТ [юн. ozo — ҳид таратаман + keros — мум] Тоғ муми — битумлар гуруҳига мансуб минерал (мой, крем ва ш.к. тайёрлашда ишлатилади. *Фарғона воҳасида озокерит конлари мавжуд. Газетадан. Эритилган шифобахш озокерит иссиқликни узоқ вақт сақлаб туради ва уни аста-секин баданга ўтказлади. У оғриқ қолдириш хусусиятига эга. «ЎЗМЭ».*

ОЗОН [юн. ozon — ҳад таратувчи] ким. Кислороднинг бир кўриниши, ўзига хос ҳиди бўлган газ (зўр оксидланиш ва сувни зарарсизлантириш, мой ва қоғозни оқартириш хусусиятига эга.) *Агар стратосферада озон қатлами бўлмаса, юқори энергияга эга бўлган қисқа тўлқинли фотонлар Ер сатҳига етиб қолар, ундаги ўсимлик ва ҳайвонлар бундай юқори энергияли нурга бардоби беролмаган бўлар эди. «ЎЗМЭ».*

ОЗОНОСФЕРА [озон + юн. sphaera — шар] Ер сиртидан 10–50 км баландликда жойлашган озонли атмосфера қатлами. *Озоносфера маълумотлари Қуёш радиациясининг Ер атмосферасида ютилиш табиатини ўрганишда жуда муҳим. «ЎЗМЭ».*

ОЗОР [ф. آزار — ранж-алам, хафалик; ҳақорат, таҳқир; ғам-ғусса; хижолат бўлиш] Кимсага етган, етказилган жисмоний ёки руҳий азоб, жабр. *Зумрад эрининг бугунги озорини ўйлаб, кўнгли оғриди ва жаҳл билан тесқари ўғришиб, тушакни бошига тортди. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Умурзоқ ота кўндан буён юрак касалидан озор чекарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

Озор бермоқ (ёки етказмоқ) Азоб бермоқ, қийнамоқ ёки ранжитмоқ. *Шаффоф уни ҳақорат қилмаса ҳам, кишининг нафсониятига озор етказадиган гапларни айтиб чиқиб кетди. «Ёшлик».*

ОЗОРИЖОН [ф. آزارجان — жоннинг озори, жон ачитувчи] Жонга озор берувчи, қийновчи, ранжитувчи.

ОЗОРЛАНМОҚ Ранжимоқ, хафа бўлмоқ. *Замира ортиқ кулмай қўйди. — Бас энди, — деди озорланиб. М. М. Дўст, Галателага қайтиш. Гапнинг оҳангидан чолнинг дили озорланганини сезиб, аста ғинғийди. Н. Норқобил, Бекатдаги оқ уйча.*

ОЗСИНМОҚ Оз, етарли эмас деб билмоқ; кифоя эмас деб топмоқ; кўнгли тўлмаслик. *«Ёпирай, озсиндиёв, қурғур» деб қўрқдим. — Ариза ўринласа, яна хизмат қилармиз, миризабоши. А. Қолирий, Мехробдан чаён. [Алломиш ўғлига қараб:] Ўз юртингда, отананг бағрида юришингни озсинма. «Ёдгор».*

ОЗУРДА [ф. آزرده — хафа бўлган, ранжиган; хўрланган; қайғуга ботган, маъкус] кт. Озор кўрган, ранжиган. *Озулда бўлмоқ. Озулда қилмоқ (этмоқ). — Сизнинг Оқ-жарга бадарга бўлганингизни қўшинлардан эшитиб, қаттиқ озулда бўпти, кўп фарёд*

чекибди! — деди Мавлавий Йулдош Муқимийга. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. Бу шамолнинг тортқилашидан озурда барнинг шатирлашими ё зарғалдоқ қанотларидан чиққан сасми, билмадим. «Ёшлик».

ОЗУҚА айн. **озық**. Ғуза шоналаш ва гуллаш даврида озуқани кўп талаб қилади. ■ Дон маҳсулотлари орасида гуруч Осий халқларининг асосий озуқаси ҳисобланади, бинобарин, дунё аҳолисининг тенг ярми гуруч билан тирикчилик қилади. К. Маҳмудов, Қазизқарли пазандачилик.

Озуқа рацион Молларга маълум вақтда (кун, ой, мавсумда) бериладиган ем-хашак. Чорва молларини тўйимли озуқа билан боқиш, озуқа рационига роя қилиш маҳсулдорликни оширишнинг муҳим омилidir. Газетадан.

ОЗУҚАБОП Озуқа учун қулай, мос, яроқли. Булар — ҳам доривор моддаларга бой, ҳам озуқабоп ўсимликлардир. «Фан ва турмуш».

ОЗЧИЛИК Кишилар мажмуининг оз қисми, белгиланганидан ёки мўлжалланганидан кам бўлаги. Озчиликни ташкил этувчи миллатлар. ■ -Вақт ўтди, биз озчиликмиз, — деди ҳазрат тушкун овоз билан. К. Яшнн, Ҳамза.

ОЗҒИН I I Эти қочган, этдан тушган; ориқ. Озғин мол. Озғин сизир. ■ Нега Зайнаб семиз-у, Кумуш озғин? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бола озғин юзчасини тириштириб. чўзилиб борар эди. М. Исмоилӣй, Фарғона т. о.

2 Қотма, камғўшт; чувак, ингичка. Мадминхўжа эса бошини солиштириб, мумдек эриб ўтиради. Фақат озғин гавдаси ашулага монанд чайқалади. М. Исмоилӣй, Фарғона т.о. -Дўстларим, — деди у, озғин бармоқларини қайчи қилиб ўйнар экан. Ҳ. Ғуллом, Машғал.

ОЗҒИН II кам қўлл. Йўлдан озган, тўғри йўлдан чиқиб кетган; айниган; бузуқ. Тоҳи маҳаллар юраги сиқилиб, тоғни ҳам ташлаб кетгиси келар, лекин шундай фикрга йўл қўймаслик учун ўзини айблаб, дарҳол бу озғин фикрини ўздан қувлар эди. М. Исмоилӣй, Фарғона т.о.

ОЗҒИНЛАНМОҚ Ориқламоқ, озмоқ. [Кумушининг] Бурунги тўлалиги кетиб, озғинланган ва лекин бу озғинлик унинг хуснига камчилик бермай, билғакс юқорилатган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЗҒИНЛИК Ориқлик, қотмалик; озғин бўлишлик. Озғинлик раис одамга ярашмайди, десам, озғинлик соғломликнинг биринчи белгиси, дейди. «Ёшлик».

ОЗҒИРМОҚ Йўлдан оздирмоқ, адаштирамоқ, йўлдан урмоқ. Бизларга пирлик қиласан, Тағин келиб энди мунча Шайтондай бўб озғирасан! Фозил шоир.

ОИД [a. عائد — қайтувчи, қайтиб келувчи] кўм. Тегиншли, тааллуқли, доир. Ишқ-муҳаббатга оид шеърлар. Тарихга оид китоблар. ■ Орада ўтган шу икки ой ичида Аҳмаджон.. ҳарбий техникага оид кўп нарсалар ўрганди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ОИЛА [a. عائله — бола-чақа, хонадон; уруғ, авлод] 1 Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон. Аҳил оила. Санъаткорлар оиласи. Оила бошлиғи. ■ [Эшвой] Камбағал бўлишига қарамай, Йўлчининг оиласига.. ёрдам кўрсатар эди. Ойбек, Таңланган асарлар. Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз иши, юмуши билан машғул. Ҳ. Ғуллом, Машғал. Бировга қизиқиш, оила қуриш.. Бу гаплар Замирани чўчитар, Очил уни ёмон йўлга бошлаётгандай туюларди. П. Қодиров, Уч илдиз.

Оилани бузмақ Эр-хотинликка барҳам бермоқ, ажралмоқ. Жаҳл устида уришиб қолган бўлсангиз, эҳтимол, ярашиб қоларсиз. Қайнатангиз, қайнанагиз келиб қолшар? Ошлангизни бузманг! Мирмуҳсин, Умид.

2 кўчма Бир мақсад, маслак билан бйрланган кўп кишилар, халқлар, мамлакатлар. Ўзбекистонда турли миллат вакиллари бир оила бўлиб яшамоқдалар. Газетадан. -Бутун аскарлар бир оила, аҳил, меҳрибон ва қалин дўстмиз, — деди Бектемир. Ойбек, Кўёш қораймас.

3 Ўсимликлар ва ҳайвонлар систематикасида тузилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, келиб чиқш жиҳатидан ҳам ўзаро яқин бир неча уруғни ўз ичига олган гуруҳ. Дуккаклилар оиласи. Урдактумшуқлилар оиласи. ■ Турп бутагулдошлар оиласига мансуб икки йиллик, илдимевали кўкат ўсимлиги дейишади ботаниклар. К. Маҳмудов, Қизизқарли пазандалик.

4 Қардош тўллар гуруҳи. Олтой тиллар оиласи. Сом-ҳом тиллари оиласи.

5 с.т. Рафиқа, хотин. Ошам мактабда ўқитувчи.

ОИЛАВИЙ Ойлага мансуб, оялага тегишли; оялада бўладиган. *Ойлавиий аҳволингиз қандай? Ойлавиий ўтириш.* ■ Саидийни кўргананда, ўзини ҳатто ўз турмушидан, ойлавиий ҳаётидан жуда мамнун қилиб кўрсатишига тиришар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ОЙЛАЛИ Ойласи, бола-чақаси ва рўзғори бор; уйланган (хотин олган ёки эрга теккан). *Самовар — келди-кетди жой. Бу ерда сиздек ойлали одамга бир кун эмас, бир соат ҳам туриш малол келади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу чоққача балки ойлали бўларди, балки она бўларди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОЙЛАПАРВАР Ўз ойласини, бола-чақасини севувчи, у ҳақда доимо ғамхўрлик қилувчи. *У киши ниҳоятда ойлапарвар, кўнгли кенг, ҳеч бир ишдан эринмайдиган инсон.* Газетадан.

ОЙЛАСИЗ Хотин олмаган ёки эрга тегмаган; ёлғиз. *У ўзини ойласиз яшашга кўнлик-тирмоқчи бўларди, кунини ҳаёл суриш билан ўтказарди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОЙЛАЧИЛИК 1 Ойла, рўзғор ташвишлари, ояла икяр-чикирлари. *Салим ака ҳовли этагида жойлашган айвондаги сизир ва қўйларга назар ташлаб: — Ойлачилик экан, мана шуларсиз қишлоқда ҳаёт йўқдек туюлади, — деди кулиб.* Газетадан.

2 Ояладаги тартиб ва муносабатлар.

3 *салб.* Кадрлар танлашда, уларни ишга жойлашда, нарса, ҳақ ва ш.к. ни тақсимлаш жараёнларида ўз яқинларини тўплаш ва уларга имтиёз беришдан иборат ғайриқонуний ҳаракат. *Ойлачиликка қарши курашиш.*

ОЙ 1 (О — катта) астр. Кўёшдан нур олиб, ёғду сочувчи самовий жисм, Ернинг табиий йўлдоши. *Ун тўрт кунлик ой. Тулин ой. Ой нури. Ой чиқди. Ой ботди. Ойнинг юзидаги доғлар. Ойнинг Ер атрофида айланиши. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди.* Мақол. ■ *Кечки гуллар очилиб турибди. Кўжда танҳо ой кезмоқда.* И. Раҳям, Чин муҳаббат.

Ой юз Чиройли юз, гўзал юз. *Ой юзинг қора чиммат зулмидан қутултирғил. Чўқ қоронғи турмушдан, нур ичинда жавлон қил. Ҳамза. Ой деса — ойга, кун деса кунга ўхшайди.* Жуда гўзал, жуда ҳам чиройли.

2 Астрономик йилнинг ўн иккидан бирига — Ойнинг Ер атрофидан бир марта айланиб чиқиб муддатига яқин вақт оралиғи; ўлчов бирлиги: 28, 29, 30 ёки 31 кунлик

давр. *Ой боши. Май ойи. Бир йил — ўн икки ой. Бу орада уч ой ўтди. Ёз ойлари ҳам ўтиб кетди. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ.* Мақол. ■ *Ўғлим бечора ой ўтмасдан бўзчининг моқисидек қатнаб турса.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ойдан ой, кундан кун ўтиб Анча вақт ўтиб. *Ойдан ой, кундан кун утар дарёдил, Менга танҳо бўлган сен йўқсан моҳим.* Ҳабиб Абдуназар, Анжир гули. **Ой-кун(лар) ўтиб** Вақти, умри, ҳаёти кечиб. *Шу йўсин оромсизлик ва бесаранжомлик ичида [Оттабекнинг] ой-кунлари ўтиб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Уч-тўрт кунлик ой шаклидаги безак ёки белги. *Мезана устидаги ой.*

4 Аёллар исми таркибига киради ёки аёллар номига қўшилиб, эркалаш, ҳурматни билдиради. Мас.: *Ойпошша, Ойқиз, Ойўти, Ойнаса; Турсуной, Ширмоной, Қундузой.*

Ой бориб, омон кел Сафарга кетаётган кимсага яхшилик тилаб айтиладиган ибора, оқ йўл тилаш. *У [Элмурод] йўлда кетар экан. «Ой бориб, омон келинг!» деб, оқ йўл тилаб қолган Гулсумни хийлагача ўйлаб ётди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ой кўрмоқ** Ҳайз кўрмоқ. **Ойи тўлди** Туғиш вақти етди. *Кумушнинг ойи тўлмасданок, у [онаси] бешик ясаши билан машғул эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ой-кунни яқин** Туғиш арафасида, олдила.

ОЙБА Эрнинг опаси (хотинига нисбатан) ва унга мурожаат шакли.

ОЙБОЙ унд с., с.т. Вой-буй.

ОЙБОЛДОҚ Исирғанинг олтин, кумуш, мисдан уч-тўрт кунлик ойга ўхшатиб ишланган, нақшсиз, шокиласиз бир тури. *Олтин ойболдоқ. Ойболдоқ тақмоқ.*

ОЙБОЛТА 1 тар. Болтанинг тиғи ярим ой шаклида, икки учи гажак бўлиб қайрилиб келган, дастаси узун бир тури; табар (Хонлик даврларида ҳарбий қурол сифатида ишлатилган). *Елкарига ойболта қўйган соқчилар шаҳар дарвозаси ёнида саф тортган эди.* М. Осим, Элчилар.

2 Болтанинг қассоблар гўшт чопадиган ва рўзғорда ишлатиладиган кичик бир тури. *Мамасидиқ қўлидаги кетмонни ёнига суриб қўйиб, ойболта билан юлғун илдизини бир уришда узиб ташлади.* С. Маҳкамов, Гулистон.

ОЙГУЛ Кўл япроқли мойчечак шаклидаги нақш. *Ойгулли наққошлар бахт-иқбол*

рамзи сифатида қўллаб келганлар. Бухорода ойгулни «нақши моҳий» деб юритишади. «ЎЗМЭ».

ОЙДА-ЙИЛДА *рви.* Узоқ вақт давомидла бир марта; гоҳ-гоҳ, онда-сонда. *Ойда-йилда бир кўринад.* ■ -Ўзимиз ойда-йилда бир палов еймиз, — Ибодулла бошидаги баргикарам духоба дўпписини тузатар экан, гап кўшди. Х. Фулом, Машғал.

ОЙДИН 1 сфт. Ой чиқиб, ҳамма ёқ ой нури билан ёриган, ёруғ. *Ойдин кеча.* ■ *Кеча ойдин, қабристон тип-тинч.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кўр (ёки хира) ойдин Булутлар орасидан ўтиб тушаётган ой ёғдуси ва шундай ёғду билан ёришган кеча. *Хира ойдинда қоп-қора ҳайкалдай бўлиб бир отлик кўринди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Сутдек ойдин** Беғубор, ёп-ёруғ ой ёғдуси ва шундай ёғду билан ёришган кеча. *Менглибой чакмонини елкасига ташлаб, қўйлардан хабар олгани ташқарига чиққанда, сутдек ойдин эди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Ой нури, ёғдуси. [*Отабек*] *Ичидан тақинган ханжарини қинидан суғуриб олди-да, даммини ойдинга солиб боқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олисдаги уйларнинг томлари ойдинда йилтирайди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Ойдинда оёғим қилди Менга ҳеч қийинчилиги йўқ, кўзимни юмиб ҳам қила оламан.

3 кўчма Аниқ, кўриниб, билиниб турган, равшан. *Бу масала ҳамма учун ойдин.* ■ [*Нор:*] *Ҳаммага қоронғи бўлса ҳам, менга ойдин.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Булар бари, оға, офтобдай ойдин гаплар, лекин шуларни Яхшибоевнинг ҳам ўйлаган-ўйламаганлиги мени бироз таажжубга солади.* М. М. Дўст, Лолазор.

4 Ойдин (хотин-қизлар исми).

ОЙДИНЛАШМОҚ 1 Ой ёғдуси билан ёрвмоқ. *Тун ойдинлашди.*

2 кўчма Аниқ-равшан бўлмоқ, очиқ-ойдин, тушунарли бўлмоқ; ечилмоқ. *Аҳвол ойдинлашди. Масала ойдинлашди.* ■ *Комилжоннинг фикри ойдинлашган сари кўпчилик Комилжон томонга ўта бошлади.* И. Раҳим, Ихлос. *Ёлғон туманга ўхшайди. Туман тарқағач, ҳамма нарса ойдинлашди.* «Саодат».

ОЙДИНЛАШТИРМОҚ Аниқлик киритмоқ. *Биз ушбу музейимизга қўйиладиган экспонатлар, ноёб ҳужжатлар орқали ана*

шу тарихий ҳақиқатни бир қадар ойдинлаштириш ниятидамиз. Газетадан.

ОЙДИНЛИ Ой чиқиб турган, ҳамма ёқ ой нури билан ёришган; ойдин. *Қайғурма.. Бу кеча сенинг қайғули кечаларингнинг энг кейингиси ва ойдинли ҳам шеърятли тунларингнинг арафасидир, бегим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЙДИНЛИК Ойдин эканлик, ёришганлик, ёруғлик; аниқлик. *Кечанинг ойдинлиги. Масалага ойдинлик киритмоқ.* ■ *Конференция муаммоларга аниқлик, ойдинлик киритади.* Газетадан.

ОЙДИНСИЗ Ой чиқмаган, ой ёғдуси билан ёримаган. *Ер оппоқ қор. Ҳаво очиқ. Ойдинсиз кеча.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ОЙИ с.т. шв. Она. -*Бироздан кейин чиқиб, ойм билан сўрашинг, — деди Кумуш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Ойижон, сиз ҳеч таи-виш тортманг, чарчадим, холос, — жавоб берди Нури.* Ойбек, Танланган асарлар.

Катта ойм 1) ота ёки онанинг онаси; 2) этн. катта хотин (кичик хотиннинг болаларига нисбатан); 3) кекса хотинга нисбатан мурожаат шакли. *Йулчи пишқирган отини тўхтатиб, қичқирди: -Катта ойм, йигитчаларни хурсанд қилинг!* Ойбек, Танланган асарлар. **Келин ойм қ. келинойи.** **Кичик ойм этн.** Кичик хотин (катта хотиннинг болаларига нисбатан).

ОЙИМ 1 с.т. Ойм с. 1-ш. эгалик шакли. *Буни [узукни] ёи қиз вақтимда.. оймим сотиб олиб берганди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 тар. Оқсуякларга мансуб аёлларга мурожаатда уларнинг номига, унвонига қўшиб ишлатилган ёки унинг таркибий қисмини ташкил этган сўз. *Моҳлар оймим.* ■ *Нигор ойм ҳозиргина [ўқувчи] қизларини озод қўйиб, кўкрак боласини бағрига олган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Катта уйда эшон оймлар ҳам Тўрахўжабойнинг хотини, келинлари.. ўтириштипти.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир вақтлар мен ҳам хоним оймларга чўри эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Умуман, аёл кишига мурожаат қилганда, ҳурматлаш, улуғлаш маъносига унинг номига қўшиб айтиладиган сўз. *Раҳима оймим, Мастура оймим каби.*

4 с.т. Танноз, нозанин.

Ойим қиз Қизларга ҳурмат юзасидан ёки кесатиқ билан мурожаат шакли. [*Заргаров:*]

Аравани қуруқ олиб қочманг, ойим қиз! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ОЙИМПОШША 1 Ҳурмат юзасидан ёки кесатиқ билан аёлларга нисбатан ишлатиладиган сўз. [Домла Фотимага:] Бироз тобим йўқ деб ёзибсиз, нима бўлди, ойимпошша? Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

2 Ойимпошша (хотин-қизлар исми).

ОЙИМСУПУРГИ 1 Поясидан супурги қилинадиган, дони қизил бошоқли ўсимлик.

2 Шу ўсимлик поясидан боғланган супурги.

3 *кучма салб*. Супургидай эгилиб-букиладиган, мулозим одам ҳақида. [Мумин ака] Нечундир, тўсатдан кирпи қиёфасидан ойимсупурги қиёфасига кирган, мулозимлашиб кетган эди. О. Ёқубов, Бир фелъетон қисаси.

ОЙИМТИЛЛА с.т. 1 Меҳнатга тоби йўқ, қўлини совуқ сувга урмайдиган аёл; оқсуяк аёл. *Ойимтилла бу келин, Аҳволига бир қаранг, Тирноқ қизил, лаб қизил, Ўсмадан қошлар таранг*. Ғ. Комялов. [Ҳаётхон:] Унга мен эмас, ойимтилла бўлиб, уйда ўтирадиган хотин керак-да. Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

2 Енгилтак, танноз аёл. -*Бу ойимтилла тоза енгилтак экан-ку, - деди ўзига-ўзи Қумри. Мирмуҳсин, Ажрим.*

3 *кест*. Сояпарвар, ишёқмас, хотинчалиш эрак. *Уша ойимтиллаларнинг ишини қилмайдидеб уйлайсизми, нархимизни кўпам ерга ураверманг*. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ОЙИМЧА 1 *тар*. Оқсуяклар, шоҳлар, хонлар овласига мансуб ёш хотин. *Ойимчалар сунбул сочини тарашди, атрофдан қирқ канизиди келиб қарашди*. «Нигор ва Замон».

2 эрк. Нозанин, танноз. *Боғда очилган гул ғунчалар. Ҳолин билмас бир нечалар. Олинг гулгун ойимчалар, Болам алла-ёр, алла-ёр!* «Ширин билан Шакар». -*Дўстим, кечга меҳмонларни жўнатиб, иккаламиз, ойимчалардан ғалатисини топиб, гашт қиламиз*. -*Қўлингни бер, шоввоз!* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кест*. айн. **ойимтилла** 1. *Кеча келиб, бугун хўжайинлик қилишни сенга ким қўйибди, ойимча*. А. Кучинов, Ҳалқа. *Ҳа, ойимча, эрга теккан бўлсам, хўп қипман, ажаб қипман*. *Эрга тегиб, ёмон бўлганим йўқ*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОЙИМҚОВОҚ Ошқовоқнинг эртапишар бир тури. *Хуллас, икки-уч йил ичида пешонаси икки ҳиссага кенгайиб, боши ойимқовоқдек ятиради-қолди*. Н. Аминов, Ёлгончи фаришталар.

ОЙИНА [ф. آينه — кўзгу; шиша] айн. **ойна**. *Гузал Нурхон, боқиб ойнага биздан уялдингми? Ҳамза. Ой олади дала тўшидан, Денгиз — кенг оламга сайқал ойна*. Миртемир.

ОЙЛАБ *реш*. 1 Бир неча ой ичида, кўп ойлар давомида. *Москва, Петербурга кўп қатнадим, ойлаб у шаҳарларда қолдим*. Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ўтиришдан сўнг у [Отабек] бир ойлаб бўзахонага келмай кетди*. А. Қолирий, Ўтган кунлар. *..ойлаб кутубхонаю лабораториялардан бери келмай, сўнги имтиҳонга пухта ҳозирлик кўрадиган, битирув ишини ёзишга киришадиган талабчан ёшлар ҳам оз эмас*. Газетадан.

2 Ойлар билан. *Вақтни ойлаб ўлчамоқ*.

ОЙЛАБ-ЙИЛЛАБ *реш*. Ой ва йиллар бўйи, ойлар ва йиллар мобайнида. *Ойлаб-йиллаб кутмоқ*.

ОЙЛАР: **ойлар шафтоли** *шв*. айн. **луччак шафтоли** қ. **луччак** 1.

ОЙЛИ 1 Ой чиқиб, ёғду сочиб турган; ойдин. *Ойли кеча. Ойли тун*. ■ *Баъзан қўшиқ тинглаб қолдим ойли тунларда*. *Гайратий. Тун шу қадар ойли эдики, Топиларди игна йўқолса.. Қандай ухлар, ойли тун қизнинг Юрагига ҳаяжон солса? Уйғун*.

2 Ой шаклидаги гули, нақши бор. *Дўппи тикдим чиройли. Гуллари ярим ойли*. «Қўшиқлар».

ОЙЛИК 1 Ой мобайнида давом этадиган. *Бир ойлик отпускаи. Туққиз ойлик йўл*.

2 Бир ойга мўлжалланган. *Ойлик режа*. ■ «*Қўшчинор*» тўғон участкасида.. *икки ойлик иш қолди*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

3 Ҳар ойда чиқадиган. *Ойлик журнал*.

4 Ойига тўлган, маълум бир (муддат) ой яшаган. *Бир ойлик кўзи. Икки ойлик бола*.

5 Бир ой мобайнида қилинган меҳнат учун тегадиган ҳақ, маош. *Неча пул ойлик оласиз?* ■ *Бокс тўғарагининг тренери сифатида у бекорга ойлик оляптими?* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

6 Бирор ижтимоий ишни бажариш, тал-бир ўтказиш учун белгиланган бир ой муддат. *Китоб ойлиги. Шаҳарни ободонлаштириш ойлиги*.

ОЙЛИКБАЙ Ҳар ойда қилинган ишга ҳақ тўлаш шарт билан ёллаш-ёлланиш усули. *Мен ҳам ҳаммолликни ташладим-у, ўзимни ойликбай ишга урдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОЙЛИКХҲҮР кам қўлл. Ойлик билан яшовчи; ойляк (маош) олувчи. *Оилада нечта нонхўр бўлса, ҳаммаси ойликхўр. Эртага барвақт уйғот!* Газетадан. [Тожбой:] - *Иини биз қиламиз-у, ойликнинг каттасини булар ейди. Ойликхўрлар!* — деб тунғилаб ҳам қўяр эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ОЙМА-ОЙ Ҳар ойда мунтазам. *Нусратбек маошидан ўз харжига кераклигини ажратиб, қолганини хотинига ойма-ой юбориб турди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОЙМОМА с.т. Ой. *Маҳваши яна оймома сиймосида пайдо бўлди-ю, аста-секин юлдузлар мисолида жимир-жимир қилиб, узоқлашиб кетди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Унга кўксин тутди, нурга кўмилиб, Тунлари — оймома, кунлари — қуёш.* Х. Даврон, Қақнус.

ОЙНА [ф. آئینه] 1 Одатда, дераза, эппик кўзларига ўрнатиш учун ишлатиладиган ясси шиша. *Бир тахта ойна. Дераза ойнаси. Ойна заводи. Ойна синиги. Ойна кесмоқ.* ■ *Туманланган дераза ойналарида йирик қор парчалари оқ капалакдай кўринади. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 с.т. Дераза. - *Қор-ку майли-я, бўрони-га нима бор, — деди блиндаж ойнасидан қараб турган Нормат.* Й. Раҳим, Чпн муҳаббат. - *Икки томон тоғ.. — деди Ҳафиза машина ойнасидан баланд тоғларга ағрайиб, — мунча чиройли!* Мирмуҳсин, Умид.

3 Қаршиядаги нарсаларни акс эттирадиган, одатда киши ўз аксини кўрадиган, орқаси сирланган махсус шиша; кўзгу. *Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама.* Мақол. ■ *Даҳлиздаги ойна олдида сочларини тараётган Холиса уларга сохта жаҳл аралаш гурур ва бироз меҳр билан киноя қилди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. [Зебо] *Ойнага қараб, ўзини тугатди.* Шухрат, Шя-нелли йиллар.

4 кўчма Бирор ҳолатни, ҳодисани акс эттириб ёки ёритиб турган нарса; кўзгу. *Дуст дустнинг ойнасидир.* Мақол. ■ *Кундалик дафтар — мактаб боласининг хулқ-атворини, олган баҳоларини равшан кўрсатиб турадиган тиниқ ойна.* М. Исмоилвй, Бизнеснинг роман.

Ой(и)пан жаҳон 1) жаҳонни кўрсатувчи, бошқа жойлардаги нарсаларни, бўлиб турган ҳодисаларни кўрсатиб турувчи афсонавий ойна. *Илгари болалар орзу қиларди. Бўлса деб ўйларди ойнаи жаҳон.* Ф. Йўлдошева; 2) с.т. телевидение. *Хайриятки, ойнаи жаҳонимизнинг айрим раҳбарлари ижодкор халқимизнинг онги ва тафаккурини кўтариш, савиясини ошириш заруратини яхши тушунадилар.* Газетадан; 3) с.т. телевизор. *Тантаналар ойнаи жаҳон орқали намойиш этилди.* Газетадан.

5 с.т. Кўзойнак. *Ойна ортидан тикилиб турган бир жуфт ўтли кўз унинг онгига анчадан кейин етди.* П. Қодиров, Уч илди.

Ўзини ойнага солмоқ Ўз ҳолатини кўзгуда кўрмоқ. *Қиз ўзини ойнага солди.* «Шарқ юлдузи».

ОЙНАБАНД [ойна + ф. بند — боғлам; кишан, тўр; тўсиқ, ғов] 1 Ойна ўрнатилган, қўйилган, солинган. *Ойнабанд айвон.* ■ *Ойнабанд эшикларига номер ёзилган кабиналардан хилма-хил товушлар келади.* П. Қодиров, Уч илди.

2 Ойна ёки кўзгу қошлаб безатилган; ойнакор. *Ойнабанд зал.* ■ *Кўринар қўрғондан ям-яшил қишлоқ. Оқ уйлар нақадар сулув, ойнабанд.* Х. Расул.

ОЙНАВАНД с.т. Ойнабанд. *Шаҳарда уч қаватли ойнаванд ёруғ бинолар қурилиб, тўғри кўчалар очилди.* Мирмуҳсин, Чиниқш.

ОЙНАДОР Ойнали, ойна тутилган; ойнабанд.

ОЙНАК [ф. آئینک — кичкина ойна] 1 айн. ойна 2. *Шу пайтда штаб томонидан келган кимдир автомобиль ойнакларидан бошини тиқиб қаради.* Газетадан. *Ёрни ойнакдан қаранг, Ноз уйқуда ётганмикин?* «Кўшиқлар».

2 с.т. айн. ойна 3. [Хонзода:] *Сен нимангга бино қўясан? Хуснинггами? Ойнакка қара. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

3 айн. кўзойнак. *Пойгакдаги каравотда китоб ўқиб ётган Ҳожи ака.. чаққонлик билан бошини кўтариб, кўздан ойнагини олди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Кителининг чўнтақларини титиб, ойнагини тополмади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОЙНАКЛИ Кўзойнак таққан, кўзойнакли. *Орқа ўриндиқда ўтирган ойнакли киши негадир безовта эди.* «Ёшлук».

ОЙНАКОР с.т. Ойнабанд. Очилбек. бориб, Холбута туркманнигига тушиди. Деразали, ойнакор меҳмонхоналар. «Очилдов».

ОЙНАКСОЗ [ойнак + ф. ساز — қурувчи, тузатувчи, созловчи] Кўзойнакларни тузатувчи уста.

ОЙНАЛАТМОҚ Ойна солмоқ; шиша кўймоқ. Барча деразаларни ойналатгач, хоналар анча исиб қолди. Газетадан.

ОЙНАЛИ 1 Ойна солинган, ойнабанд.

2 Кўзгу ўрнатилган, кўзгули. Ойнали шакаф.

3 с.т. Деразали. Уйнинг ойнали девори.

ОЙНАСИМОН Ойнага ўхшаш; шиша тахлит. Иморат олди ойнасимон материал билан қопланди. Газетадан.

ОЙНАСОЗ ив. Ойначи.

ОЙНАСОЗЛИК Ойна ишлаб чиқариш; саноятнинг шу соҳаси. ..ёғочни қайта ишлаш, мебеласозлик, ойнасозлик, кўнчилик сингари соҳалар ривожланмоқда. Газетадан.

ОЙНАХАЛТА Ойна солиб кўйиладиган, матодан тикилган жиҳоз. Қувват момо қошиқхалта, хуржун, қуроқ, гулдор кўрпачалар, ойнахалталар қилишда гузарда ном чиқарган эди. «Ёшлик».

ОЙНАЧИ Деразаларга ойна солувчи уста.

ОЙНОМА айн. журнал. Кейинги пайтда сеvimли ойномамиз «Шарқ юлдузи» халқимизга ҳақиқатни етказишда ибратли ишларни амалга оширмоқда. «Шарқ юлдузи».

ОЙПАРАСТ Уйқусирайдиган, уйқусида гапирувчи, турли ҳаракатлар қилувчи. Султон худди ойпарастларга ўхшаб, уйнинг у бурчидан бу бурчига бориб келарди. «Шарқ юлдузи». У яхши гап, «ҳақиқат» билан ойпараст уйқусидан уйғотилгач, раиқ алангаси ўчиб, яна илгариги ҳолига келарди. Мирмуҳсин, Илдишлар ва япроқлар.

ОЙПАРЧА Ойдек тўзал, моҳпора, нозанин. Колхоз шийпонига йиғилган барча, Келди Гулбахори худди ойпарча. М. Алави.

ОЙПОШША 1 айн. ойвиношша 1. -Мен сени ойпошша бўлиб ўтирадиган, қўлингни совуқ сувга урмайдиган жойга тинчитаман, дейди, — деди Ҳикоятнинг онаси. Ибохон, Феруза кўзли исирға.

2 Ойпошша (хотин-қизлар исми).

ОЙСИЗ 1 айн. ойдинсиэз. Ойсиз кеча.

2 Маълум ой, вақт ўтмасдан. Ободо келмасангиз, бир-икки ойсиз қишлоқдан кел-

майман, деб маъшуқангиз Зайнаб. Ҳамза, Ким ўғри?

ОЙТАМҒАЛИ Ўзбек халқининг дўрмон, қипчоқ, кўнғирот каби йирик қабиалари таркибига кирган уруғлардан бири (асосан, Ўзбекистон ва Қозоғистон худудларида учрайди).

ОЙҚАРА: ойқара ёймоқ Бир барини бошга, бир барини оёққа қилиб узунасига ёймоқ (чопон, пўстин, чакмон ва ш.к. ни). Аваз отасини Таваккал ғорига олиб бориб, ўлик суратида чалқанча ётқизиб, устига пўстинини ойқара ёйиб қўйди. «Балогардон».

ОЙҚУЛОҚ Балиқ ва бошқа баъзи бир сувда яшовчи жониворларнинг нафас олиш аъзоси; жабра.

ОКЕАН [юн. okeanos — Ерни айланиб оқадиган азим дарё < Okeanos — юнон мифологиясида: сув офати маъбуди ном] Ер қитъалари орасидаги улкан сув ҳавзалардан ҳар бири. Атлантика океани. Тинч океан. Ҳинд океани. ■ Ер юзининг учдан икки қисмидан кўпроғини сувлик — денгиз ва океанлар қоплаган. «Фан ва турмуш». Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанлари қирғоқларида жойлашган мамлакатларда ва шу океанлардаги оролларда яшовчи халқларнинг кўпи денгиз тошбақаларини ейди. К. Маҳмудов, Қизилқарли пазандалик.

ОКЕАНОЛОГ айн. океаншувос. Океанологларнинг аниқлашича, Атлантика океанининг тубида фақат майда жониворлар билан озикландадиган йиртқич ўсимлик мавжуд экан. «Ёшлик».

ОКЕАНОЛОГИЯ [океан + юн. logos — фан, таълимот] айн. океаншувослик. Океанология, асосан, кемаларда ва гидрологик станцияларда ўлчовлар ўтказишга асосланади. «ЎЗМЭ».

ОКЕАНОРТИ Америка; Америка қитъаси. Қирқ саккизинчи чемпионатда 3 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритган ўзбекистонлик боксчиларга океанортида ҳам тан беришди. Газетадан.

ОКЕАНШУНОС [океан + ф. شناس — ўрганувчи, текширувчи] Океан ва денгизларни текширувчи олим, океаншунослик мутахассиси. -Геологлар бу ерда [Қизилқумда] худди океаншунослар сингари, триллионлар билан иш кўришди! — деди Ваҳобжон. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ОКЕАНШУНОСЛИК Табiiй географиянинг океан ва денгизларда руй берадиган физик, кимёвий, геологик, биологик ҳодисаларни ўрганадиган бўлими.

ОККАЗИОНАЛИЗМ [лот. occasionalis — тасодифий] тли. Умумистеъмолга мувофиқ, тўғри келмайдиган, индивидуал тарздаги маънога эга бўлган тил бирлиги.

ОККУЛЬТИЗМ [лот. occultus — яширин, сирли] Инсонда ва космосда, умуман, дунёда сирли, яширин кучлар мавжудлигини эътироф этувчи, тафаккурга эид таълимотларнинг умумий номи. *Оккультизмга кўра, яширин кучларни махсус психик машқлардан ўтган ва ўзини фақат шу йўлга бағишлаганларгина найқай олади.* «ЎЗМЭ».

ОККУПАНТ Оккупация қилувчи, оккупация қатнашчиси, босқинчи. *Немис оккупантларидан озод қилинган ҳудудларда халқ хўжалигини тиклаш чоралари ҳақида чиқарилган қарорларни ўқиб ўтирган Ширмонхоннинг кўнгли ғурурга тўлган эди.* С. Зуннунова, Олов.

ОККУПАЦИОН Оккупация қилган ёки қилувчи. *Оккупацион армия.*

ОККУПАЦИЯ [лот. occupatio — эгаллаш, босиб олиш] Бошқа давлат ерларини қуролли куч воситаси билан босиб олиб, унинг суверен ҳуқуқларини поймол қилган ёки чеклаган ҳолда вақтинча эгаллаб туриш. *Оккупация зонаси. Оккупация қилмоқ.*

ОККУПАЦИЯЧИ айн. **окувант**. *Оккупациячи қўшинлар.*

ОКОП [р. окоп — қовланган жой, чуқур < окопать — «чуқур қазиб, атрофни ўрамоқ» фл. дан] ҳарб. Жонли кучлар ва жанговар техникани душман ўтидан пана қиладиган ҳарбий вишоот. *Уруида оконда ётиб орзу қилардик — эл-юртга омон қайтиб, бир эшитсак «Қора тўрғай»ни деб!* О. Ёқубов, Эр бошига виш тушса. *Морозов ротаси халқ лашкарлари қовлаб қўйган окопларга икки взводни жойлаб, қўлган взвод билан танкка қарши мудофаа чораларини кўра бошлади.* И. Раҳим. Чин муҳаббат.

ОКРУГ [р. округ — теварак, атроф < окружать — «қуршаб олмақ; атрофни ўрамоқ» фл. дан] 1 Баъзи давлатларда маъмурий-ҳудудий бирлик. *Исландия маъмурий жиҳатдан 23 округга, улар эса жамоаларга бўлинади.* «ЎЗМЭ».

2 Ўйрик ҳудудий ҳарбий бирлашма, бўлинма. *Эртага округ штабидан генерал келиши кутилади.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Туркистон ҳарбий округи ўз ихтиёридаги машиналарни чўлни ўзлаштиришга берапти.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Вақтинчалик тузилган ҳудудий бўғин. *Сайлов округи.* ■ *Кўп мандатли округларда сайловчилар яширин овоз бериш бюллетенларига ёзиб қўйилган.* Газетадан.

4 эск. тар. Ҳозирги вилоят баравараридаги ҳудудий бирлик, музофот. *Тошкент округи. Андисон округи.*

ОКСИД [юн. oxus — нордон + eidos — кўриниш, қиёфа; ҳолат; тур, нав] Кимёвий элементнинг кислород билан бирикшишдан ҳосил бўлган модда. *Натрий оксиди.*

ОКСИДЛАМОҚ ким. Бирор элементнинг оксидини ҳосил қилмоқ. *Темирни оксидламоқ.*

ОКСИДЛАНИШ ким. Турли моддаларнинг кислород билан бирикшиш; кимёвий реакция тури. *Думба — қуй танасидаги ҳароратни бир меъёрда сақлашга, оксидланиш, модда алмашишининг яхшилланишига ёрдам беради.* С. Анорбоев, Оқсой.

ОКСИДЛОВЧИ ким. Оксид ҳосил қилувчи. *Оксидловчи моддалар.*

ОКТАВА [лот. octo — саккиз; octavus — саккизинчи] мус. 1 Диатоник гамманинг саккизинчи босқичи; шу гаммада бир номдаги икки нота оралиғи (мас., до — кейинги до).

2 Жуда паст эркак овози — баснинг алоҳида кўриниши.

3 ад. Саккиз қаторли шеърлий банд.

ОКТАНТ [лот. octans, octantis — саккиздан бир] 1 геом. Уч ёқли бурчакларнинг саккиз соҳасидан исталган биттаси.

2 астр. Авваллари осмон ёритқичлари ўртасидаги бурчак масофалар(и)ни ўлчашда қўлланган астрономшк асбоб.

3 Осмон гўмбазининг Жанубий ярмшаридаги юлдуз туркуми.

ОКТАЭДР [юн. oktaedron < octo — саккиз + hedra — асос, қирра, ёқ, томон] геом. Саккизта учбурчаклик билан чегараланган жисм; саккизёқлик.

ОКТЕТ [итал. ottetto < лот. octo — саккиз] мус. 1 Саккиз ижрочи хонанда ёки чолғучи (созанда) учун ёзилган мусиқий асар (бунда уларнинг ҳар бирига алоҳида ижро қисми ва нота мўлжалланган бўлади).

2 Шундай асарнинг саккиз ижрочи томонидан ижро этилиши, шунингдек, саккиз ижрочидан иборат ансамбль.

ОКТЯБРЬ [лот. octo — саккиз] Қадимги Рим календариди йилнинг саккизинчи ойи; янгича календарь йили ҳисобида ўнинчи ойнинг номи.

ОЛ кт. Қизил, қирмизи. *Ол юзли.*

ОЛА 1 Оқ-қора, оқ-малла ва ш.к. қорипишқ тусли (ҳайвонлар туси ҳақида). *Ола от. Ола ҳужиз. Ола товуқ сомон сочар, ўз айбини ўзи очар. Мақол. ■ Бу пулга манман деган галанский [голланд] ола сигир олишингиз мумкин. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

Оқ ола Асосан, оқ туси билан ажралиб турадиган ола-була. **Қора ола** Асосан, қора туси билан ажралиб турадиган ола-була.

2 Турли хил рангли, йўлши ёки гулли; чипор. *Ола (йўлли) беқасам. Илон чаққан ола арқондан кўрқар. Мақол. ■ Хонанинг тўридаги нўстак устида оппоқ соқоли кўксига тушган, катта саллал, ола чопонли домла ўтирарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 кўчма Келишмовчилик, нифоқ, низо. *Олтовлон ола бўлса, оғиздагини олдирад. Мақол. Овул ити ола бўлса, бўри келса бирикар. Мақол. ■ [Тожибой:] -Йўқ, менинг фуқаром ичида олasi йўқ, — деди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Ола чикди Иттифоқи, ораси бузилди. *Оқ пошшонинг аскарлари ўртасидан ола чиқиб, «Урушмаймиз, уруши, пошио билан вазирлар уруша берсин», деб турган эмиш. Ф. Фулом, Шум бола.*

4 кўчма Тугал эмас, ҳақкам-дуккам, бир текис унвб чиқмаган; чала. *Чигит сифатсиз экилиб, кўчат ола чиқса, кимга фойда-ю, кимга зарар? М. Назаров, Жилвон жилвалари.*

Ола кўз, олакўз 1) чақайган катта кўз; **2)** шундай кўзли киши. *Элмурод атрофига қараган эди.. олакўз завхоз ҳам саҳна олдида томоша қилиб турганини кўрди-ю, ўзининг бор-йўқлигини унутди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Ола қарамоқ 1) кўзларини олайтириб, ўқрайиб қарамоқ. *Дехқоновга ва унга танбеҳ бердим. Энди иккови ҳам менга ола қараб юрибди. С. Нуоров, Нарвон;* **2)** ёмон ният, ёмон кўз билан қарамоқ, кўз олайтирмоқ. *-Сиз яхши кўрган бир қизга биров ола қараса, сиз нима қилардингиз? — деди. Н. Сафаров, Уйғониш;* **3)** душманлик билан қарамоқ, бир текисда, баравар кўрмаслик. *Ул-*

тонни ҳеч ким бек қилгани йўқ, у ўзи ўзини бек қилиб, Қўнғиротга ола қаради. «Ёдгор». Оқ уй, ола баргак қ. баргак.

ОЛАБАЙРОҚ Ола-була, йўл-йўл ёки каттак-каттак. *Олабайроқ беқасам. ■ Иккинчи киши.. Бухоронинг олабайроқ матосидан чопон кийиб, камар ўрнига чопонини турмак-лаган мулланома бир зот бўлиб, бу киши яроқ-сиз эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Олабайроқ уфқнинг ранги тобора ўчиб, аста-секин қоронғиликка чўкди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

Олабайроқ варрак Йўл-йўл ёки каттак-каттак қилиб бўялган катта варрак.

ОЛАБАРГОҲ шв. кам қўлл. Ҳашаматли уй. *Суйганинг билан бўлсанг, қора уй ҳам олабаргоҳ кўринар. Мақол. ■ Тоға оқ уй, олабаргоҳ уйда яшаянсиз. Тинч-хотиржам-сиз. «Ёштик».*

ОЛА-БУЛА 1 Оқ ва бошқа ҳар хил ранг аралаш тусли; гулли. *Ола-була чит. ■ Ола-була тўн кийиб, бошига кичкина оппоқ салла ўраган, кавуш-маҳсили йигит салом бериб кирди. Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари.*

2 кўчма Хусусиятлари жиҳатидан бир хил бўлмаган; аралаш, қурама. *Ўтган йилларда мактаблар жуда ола-була, ўқувчиларнинг маълумотлари нотекис эди. Газетадан.*

Кўзини ола-була қилмоқ Кўзларини катта очиб, бесаранжом ўйнатмоқ, олайтирмоқ. **Кўзлар ола-була** Кўзлари катта очилган, олайган, бесаранжом. *Бир кунни отам чақ-чақ уриб кириб келди. Кўзлари ола-була эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ОЛАБУГА бот. Шўрадошларга мансуб бир йиллик ўтсимон ёки ярим буга ўсимлик. [Олабутанинг] *Пояси тик, шохланиб ўсади, бўйи 1 м ёки ундан ортиқ бўлади. «ЎЗМЭ».*

ОЛАБУГА Усти қўндаланг қора йўллар билан қопланган, сузгичлари қизғиш, йирик тангалл балиқ.

ОЛАБЎЖИ 1 Ҳайбатли, кўрқинчли афсонавий махлуқ (ёш болаларни кўрқатиш учун айтиладиган сўз). *Олдин Аваалбек ундаган, Тамара кўнмаган. Энди, қарабсизки, манави олабўжи қилтириқдан ҳам зурриёт қолади. М. М. Дўст, Лолазор.*

2 кўчма Ваҳимали, кўрқинчли нарса. *-Шўр чигитни қуритади, зах илдишни чиритади, деб чўлни олабўжи қилиб кўрсатишига уринмоқдалар, — деди раис. М. Назаров, Жилвон жилвалари.*

ОЛАЗАРАК: олазарак бўлмоқ У ёқ-бу ёққа бесаранжом қарамоқ, аланг-жаланг бўлмоқ. *Қиёмхон атрофга олазарак бўлиб қарагач, дарвозахона ёнидаги харобага ишора қилди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. **Кўзи олазарак** Кўзи бесаранжом, аланг-жаланг. ■ *Бола, кўзлари олазарак, ҳадиксираб, ҳайдовчига яқинлашди.* Х. Султонов, Бир оқимон эртаги.

ОЛАЙЛИК *крш. с. өзф.* Масалан, чунончи, фараз қилайлик. *Олайлик, бу ерда ҳам одамлар ўз билганларини, эшитганларини гапирадиган бўлишди.* Газетадан.

ОЛАЙМОҚ Катта очилиб, чақчайиб кетмоқ, бесаранжом ўйнамоқ, ола-кула бўлмоқ (кўз ҳақида). *Мирзонинг кўзлари олайиб, ходимгарларга қаради.* А. Қаҳҳор, Мирзо. *Йўлчининг ранги ўнди, кўзлари олайиб, титроқ овоз билан қичқиршидан ўзини тиёлмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Башиорат ялт этиб қайрилиб, сингелисига олайиб қаради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОЛАЙТИРМОҚ Олаймоқ фл. орт. н.

Кўз(ни) олайтирмоқ 1) кўзларини ола-кула қилиб қарамоқ, кўзларини ўйнатмоқ, ўқрайтирмоқ. *Қиз кўзларини олайтириб, Элмуроднинг юзига қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўчма ёмон ният, ёмон кўз билан қарамоқ. *Бировнинг мол-дунёси ошиб-тошиб ётса-ю, фақирга кўз олайтирса, ҳақиқат борми ахир, эй фулак!* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шакархондек қудратли ноибнинг хасмига кўз олайтиришга кимнинг ҳадди сиғди экан!* Х. Тўхтабоев, Ёиллар ва йўллар.

ОЛА-КУЛА Бесаранжом олайган, катта очилиб ўйнаб кетган (кўз ҳақида). *Бедана эгалари ва уларга пул тиккан тарафкашларнинг кўзлари ола-кула, юраклари тақапука бўлиб, нафаслари ичига тушиб кетди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Аҳ-а-а...!* — *Валихон бўзариб кетган совуқ кўзларини ола-кула қилиб, Майнага тикилди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ОЛАКЎЗ Оқ қисми кўп, соққаси бир-мунча кўтарилган катта кўз; шундай кўзли одам. *Бир неча кундан кейин кўнғиз мўйловли олакўз киши келиб, Мустафони олиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлпк.

ОЛАКЎЗАН Сувсарлар овласига мансуб, мўйнали, йиртқич сутэмизувчи ҳайвон. *Олакўзан ола бўлса ҳам, арслон бўлмас.* Мақол.

ОЛАЛАНМОҚ кам қўлл. 1 Ола-кула бўлмоқ (кўз ҳақида). *Мирҳосиннинг кўзлари ола-*

ланди, медаль ярқираб турган кўкрагига мушт урди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.

2 Ўртага низо тушиб, иккига айрилмоқ, низолашмоқ. *Шаҳарнинг олалиниш хабари ўрдагача ҳам эшитилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЛАЛИК 1 Ола эканлик, турли рангда бўлишлик.

2 Келишмовчилик, нифоқ, низо.

ОЛАМ [а. عالم — дунё, жаҳон; коинот; халқ, омма] 1 Бутун мавжудот, борлик, коинот, дунё. — *Айб менинг ўзимда, — деди у [бой] зардаси қайнаб.* — *Олам бино бўлгандан бери яхшиликка — ёмонлик, хизматга — туҳмат бўлиб келган.* С. Айний, Дохунда.

Ўн саккиз минг олам эск. Бутун коинот, бутун борлик, бутун дунё.

2 Бутун жаҳон, дунё, ер юзи ва ундаги инсонлар, халқлар *Пахтамининг шуҳрати бутун оламга машҳур.* ■ *Ҳақимбойваччанинг овозаси оламини тутуди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Табнатда мавжуд бўлган нарсаларнинг алоҳида бир тўпи, дунёси. *Ўсимликлар олами.* ■ *Титраш ўсимлик оламига ҳам ҳалокатли таъсир этади.* «Фан ва турмуш».

4 Ўзига хос хусусиятлари, мақсади, маслаги билан ажралиб турадиган ижтимоий гуруҳ, жамият.

Янги олам 1) бирор ижтимоий формация ўрнини олган иккинчи, янги формация. *Янги оламга кирган одамларнинг ҳаммаси оёғида эски оламининг лойи билан кирган.* А. Қаҳҳор, Кўшгинор чиқроқлари; 2) кўчма янги шароит, янги муҳит. *Умрини шаҳарда, шовқинли цехларда ўтказган бу йигит учун қишлоқ мутлақо янги олам эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

5 Одамнинг маънавий, ички дунёси; ўзига хослиги. *Инсон руҳий оламининг энг нозик нуқталарини ҳис этиб, воқеа ва ҳодисаларнинг энг долзарб жиҳатларини бадиий акс эттирмоғим лозим бўлади.* «ЎТА».

6 Бирор соҳа, жабҳа. *Илм олами.* *Сиёсат олами.* ■ *У энди.. Салимхондан кўп сўзлайди, ҳатто Салимхонни сиёсат оламига судрайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Фан оламида янгилик яратиш истаги унинг қалбини қамрай бошлади.* С. Кароматов, Олтин қум.

7 дин. Бу дунё; мавжуд дунё. *Оламдан ўтмоқ.* ■ *Қутбиниса онаси оламдан ўтгандан*

бўён энди оҳорли кийим кийиши эди. С. Аҳмад, Уфқ.

Бир олам 1) ўзига хос бир дунё. [Нормат] 1940 йили [Москвадаги] қишлоқ хужалик выставкасини кўргандаёқ: -*Выставканинг ўзи бир олам, — деган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат*; 2) жуда кўп, беҳад кўп, кўпдан-кўп, сон-саноқсиз. У Москвадан бир олам таассуротлар билан қайтди. Т. Ашуров, Оқ от. *Бошқа олам Хулқ-атвори бўлак, бошқача. От эса тамом бошқа олам, айниқса, менинг қорабайирим. Ҳ. Фулом, Машғал. Жумла(и) олам* Оламдаги ҳамма одам ёки нарса. *Олтин тунроғингда жумла олам бор. Ҳ. Фулом. Икки оламда Ҳеч вақт, ҳеч қачон. Олам гулстов қ. гулстов. Ҳаммасига ўша мошак сабабчи. «Келинг», деб телефон қилмаганда, олам гулстон эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Олам ҳодис* Мабодо, эҳтимол, бўлиши мумкин, балки. *Олам ҳодис, қўлга тушиб қолсанг, сўроқ кезида айбни фақат ўз бўйинига олиб, орага мени қотиштирмайсан! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Оламга сизмай кетди* Беҳад хурсанд бўлди. *Кўрмайсизми: сувнинг шарпасини эшитиб, бечора [деҳқон]лар оламга сизмай кетди. М. Исмоиллий, Фарғона т.о. Парвардигори олам* Оллоҳ; оламнинг яратувчиси, халлоқи олам, худо. *Парвардигори олам дуоларимизни мустажоб қилгай. Подшоҳи олам* эск. Зур подшоҳ, улуг подшоҳ. *Халлоқи олам қ. халлоқ. Ҳусн олами* Хусндор кишилар, нозанинлар тоифаси. Бу узатиш (тўй) мажлисини жонли, руҳли ўтказмоқ учун барча қизлар ўзларининг энг асил, энг нафис кийимларини кийиб, фавқулодда хусн оламини яна бир қат, яна бир қайта безабдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЛАМГИР [a. + ф. عالمگير — оламни олувчи, дунёни эгалловчи] кт. 1 Оламни фатҳ этувчи, оламни олувчи; жаҳонгир. *Агар мен ўша оламгирга замондош бўлсам эди, ўлим соатида бошида турсам эди, дейлик, унга ғассоллик қилсам эди. М. М. Дўст, Лолазор.*

2 *кўчма* Жаҳонни ўзига қаратувчи, мафтун этувчи. *Агар куйлар эсам, Ширин жимирлаш бошланур танда, Бу биз — ботир, бу биз — ғолиб, бу биз — ҳар ишда оламгир. Ҳ. Фулом.*

ОЛАМ-ЖАҲОН айн. олам-олам. *Туйга олам-жаҳон одам тупланди. ■ Баъзан нозик имосида олам-жаҳон қудрат ифодаланган ҳаракатлар, баъзан ғазабкор, баъзан эса*

мулоийм ва нозли боқишлар Ҳасаннинг кўз ўнгидан кетмасди. С. Зуннунова, Кук чироклар.

ОЛАМ-ОЛАМ Беҳад кўп, жуда кўп; бир олам, олам-жаҳон. *Сиздан олам-олам миннатдорман. Ҳикматли сўзларда олам-олам маъно бор. ■ Унинг олам-олам тажрибаси бор эди. Шухрат, Шинеллий йиллар.*

ОЛАМОРО [a. + ф. عالمآرا — оламни безовчи] кт. Оламга оро берувчи, дунёни безовчи; дунё безағи, зийнати.

ОЛАМПАНОҲ [a. + ф. عالمپناه — олам паноҳи, оламни сақловчи] эск. Подшоҳлар, хонлар эпитети. *Ўз устозини билмаган бу бепадар, олампаноҳнинг ҳам бетларига оёқ қўйишдан тоймай, устозининг қиблагоҳи учун мувофиқ кўрилган қизини йўлдан оздириб, бу кун кечаси уни қочириб, менинг ҳовлимга олиб келди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. — Олампаноҳ. — Ҳофиз Кўйкий шоҳга қимтинибегина мурожаат қилди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.*

ОЛАМТОБ [a. + ф. عالمتاب — оламни қиздирувчи, ёритувчи] кт. Оламни ёритувчи (кўёш эпитети).

Офтоби оламтоб 1) оламни ёритувчи кўёш. *Сони шулки, офтоби оламтоб бўлса, бешик-шубҳа тўртинчи осмонга михлангандир. А. Қодирий, Кичик асарлар*; 2) *кўчма* кўёш юзли гўзал.

ОЛАМШУМУЛ [a. + ф. عالمشومول — оламга эга бўлган, оламни қамраб олувчи] кт. Жаҳонро аҳамиятга эга бўлган; аҳамияти жуда катта, жаҳоншумул. *Ҳар кунимиз ажойиб, оламшумул воқеалар билан тўла. ■ Насриддин Тусий тажрибаларидан фойдаланиб, оламшумул аҳамиятга эга бўлган натижаларга эришди. «Ёштак». Чиндан ҳам, «Темур тузуқлари»дек оламшумул асарни яратиш учун Амир Темурдек қудратли шахс бўлиш керак. П. Қодиров, Тил ва эл.*

ОЛАОФИЗЛИК Бир хил фикрга келмаслик; келишмаслик. *Олаоғизлик қилиб, колхозни ҳар ёғидан кўпқари қилиб тортмай, ўздан чиққанини ўзига сарфласак, анча қаддимизни тиклаб оламиз. С. Сиев, Отлик аёл.*

ОЛАПАР Ола тусли ит лақаби ва шундай лақабли ит. *Бир олапар эллик қадамча нарида алланарсани ғажир эди. М. Исмоиллий, Фарғона т.о. Бостирма тагида мудраб ётган қари олапар эгасига кумакка отлан-*

ди-ю, қоқ яғринига Маматқасобнинг калтагини еб, вангиллаганича жуфтакни ростлади. «Ёшпик».

ОЛАПЕС 1 Баданида оқ доғлари бўлган; пес.

2 Туси айниб, ола-була бўлиб қолган. Сомоварчи жумраги учига жез қопланган чоїнакни ва бир олапес пиёлани йигитнинг олдига дуқ этиб қўйиб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛАПЕСЛАНМОҚ Ранги айниб, олапес тусга кирмоқ, олапес бўлиб қолмоқ. Оёқларида эскириб, олапесланган амиркон махси, йиртки калиш. Ойбек, О.в. шабадалар.

ОЛАПОПИШ *шв.* Попишак.

ОЛАПОПИШАК *айн.* попишак. Юмронқозиқ уни оғзида, тупроқ уюми устида ўтирган олапопишак гажагини елпигичдек ёзиб, тупроқни чуқилайди. Ш. Холмирзаев, Оқ отли.

ОЛАПУЧОҚ Қовуннинг тўқ сарик тусли, шакли чузїк тухумсимон, кечпйшар тури. Олапучоқ қишда асрашга ва узоқ жойларга олиб боришга яроқли. «УзМЭ».

ОЛАРМОН *айн.* олғир.

ОЛАСИ Кимсадан олинйиш, ундирилйиш керак булган нарса; ҳақ. Хужайиннинг утўртта қўшни деҳқонлардан оласи бор экан, менга чўтти қўлтиқлатиб олдилар, орқаларидан эргашиб юрди. Ф. Фулом, Шум бола. Юринг бўлмаса Холдорхонникига, хўжайин, Қоракўзда ҳам жиндак оласим бор. Ф. Фулом, Танланган асарлар.

ОЛАСИ-БЕРАСИ 1 Икки орада ўтишган нарса; ҳақ.

2 Олди-берди муомаласи.

ОЛАТ [*а.* آت — асбоб, жиҳоз] *кт.* *айн.* асбоб. Физик олат. ■ Пулат отлар, саз олатлар Ўборди сенга. Миртемир.

ОЛАТАРОҚ Ола-була, оқ-қора, рангоранг. Эндигина ранг солаётган баркаш нондек, олатароқ тоғлар ортидан қуёш кўтарилмоқда эди. Ў. Умарбеков, Баҳор нафаси. Ҳар кетмон урганда, нами қочиб, олатароқ бўлиб қолган ердан энгил чанг кўтарилади. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОЛАТАСИР Бетартиб тасир-тусур товуш; бетартиб иш ва ш.к. ҳақида. Олатасир отишма. ■ Халқ қўрғонни мустаҳкамлашга киришди. Олатасир иш бошланди. Ойбек, Навоий. Тўйимиз бошланди. Нима бўлди-ю, олатасир қий-чув бўлиб кетди. Ж. Шарипов,

Хоразм. Ташқари олатасир қий-чув бўлиб кетди. Ж. Шарипов, Хоразм. Ташқари олатасир бўлиб кетди: кимдир югуриб ўтди, кимдир додлади. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОЛАТЎЗОН *айн.* чанг-тўзон. Гирдоб раққосадек чирпирак бўлиб айланиб келиб, ўтиб кетди-ю, саксовулзорда олатўзон бошланди. М. Мансуров, Ёмби.

ОЛАТУПОЛОН Тартибсиз тўполон, ғала-ғовур, қий-чув, тартибсизлик. Олатўполон бошланди. ■ Ҳаким ва Шерюрак иккови олатўполон ичига кириб келишди. Мирмуҳсин, Темир Малик.

ОЛАТЎҒОНОҚ Чумчуқсимонлар туркумининг қарқуноқлар уругига мансуб йиртқич қуш. -Астробод осмон бўлса, Маймана қаро ер, — деди Бадиуззамон, — Ҳе, лочинни олатўғоноққа алмаштириб бўларми? М. Осим, Карвон йўлларида.

ОЛАЧА 1 Ингичка йўлчи, одатда, пахта ипидан, баъзан ип ва ипақдан тўқилдиган мато. Бир кийимлик олача. Олача қоп. ■ Ун солинган олача бўз халта ҳам оғзи очиқлигича қолиб кетаверибди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. Эрали бошида янгича гилам дўни, эғнида оҳорли олача тўн кийиб келган эди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 *айн.* ола-була **1.** Олача қовун.

ОЛАЧАЛПОҚ 1 Дарахт барглари оралаб тушган парча-парча офтоб, ойдан ёки кулранка. Олачалпоқ соя. ■ Хиёбондаги даррахтлар орасида олачалпоқ ойдин кезади. Ҳ. Нўмон, Фасллар. Сутдай ойдин.. Ун тўрт кунлик ой тераклар орасидан мўралаб, ҳамма ёққа олачалпоқ кўланка ташлаб турар эди. Ғайратий, Довдираш.

2 Бир текис эмас; у ер-бу ерда, парча-пурча. Олачалпоқ булутлар. Даштнинг у ер-бу ерида олачалпоқ қор пағалари. ■ Одам бўйи усган олачалпоқ маккажўхорининг сўлинқираган нимжон барглари сарғайиб, осилиб ётарди. Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

ОЛАЧИПОР Оқ доғлари бор; чипор. Олачипор илон. Олачипор товуқ. ■ Пастда, полда олачипор пақир билан примуз турарди. С. Зуннунова, Гулхан. Узоқда, сувни.. жимирлатмасдан, секин ва майин сузган оқ, олачипор ўрдаклар ҳар томонга илдам қочичиди. Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛАЧУҚ *кт.* Капа, чайла. Ҳўв бир қатор тўрт олачуқ, беш капа. Бу қишлоқнинг бошланғич бинолари. Ф. Фулом.

ОЛАШАҚШАҚ Қарғанинг бир тури. Дала экинидан бир-бирига суйкалиб, сирли шивирлаган қиёқзорларда овозинг ўчкур олашақшақ учади. А. Мухтор, Кумуш тола. Хотин-халажнинг энг олийжаноби ҳам олашақшақдай, ялтироқ нарсага ўч бўлади. С. Нуров, Нарвон.

ОЛАШОВУР 1: олашовур ёмғир Сийрак, аммо катта-катта, тасир-тусур ёққан ёмғир. Шу вақтда сийрак булутлардан олашовур ёмғир қуйиб ўтди. Ойбек, Навоий. **Олашовур қор** Ёмғир аралаш ёққан қор. *Атроф олашовур ёққан қор билан қопланган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Тўполончи, шўх, тартибсиз. Кампир буви билан Нафисахон бир-бирларига қарашди: «Мана, кўрдингми? Бу олашовур қизинининг ишларига тушуниб бўлмайди.» Мирмуҳсин, Умид.

Олашовур бўлмоқ Шовқин-сурон бўлмоқ.

ОЛАҚАНОТ 1 Ёввойи ўрдакларнинг бир тури.

2 Чумчуқсимонларнинг бир тури. Дарахтларда чумчуқ, олақанот, қалдирғоч ва бошқа хил қушлар чуғурлашди, мусича кукулади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ОЛАҚАРОҚ I 1 Яккам-дуккам, ола-қура, сийрак, чала. Унинг [Тўлаганнинг] культивация қилган ёзуаларида олақароқ жойлари учрамайди. Ҳ. Назир, Механизатор Тўлаган.

2 с.т. Олазарақ. *Атрофга олақароқ кўз югуртирмақ.* ■ [Арслонқул] Гўё ундан бошқа ҳеч ким Навоийни огоҳлантириши мумкин эмас каби, олақароқ бўлиб, шоирни қидирди. Ойбек, Навоий.

ОЛАҚАРОҚ II От ва молларда бўладиган бир турли мия касаллиги. *Хоса тулпор бир ерда туриб қолса, олақароқ бўлиб қотиб қолар эди.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ОЛАҚАРҒА Чумчуқсимонлар туркумининг қарғалар ояласига мансуб, қора ва кулранг патли қарға. Том бўғотлари ва тарновлардан узун-узун сариқ сумалаклар чўзилишган. Ўқтин-ўқтин шум олақарғаларнинг қутуриб қағиллашлари эшитиларди. П. Турсув, Ўқитувчи.

ОЛАҚОН Қамчи ўримининг даста билан бириккан жойив.

ОЛАҚОРОНҒИ Бир томонига ёруғ тушиб турган, бошқа ерлари қоронғи, ярым

қоронғи. Алмисоқдан бери ерда, захда ўтириб.. олақоронғи хонада ўқиб келган авлод бирданига оппоқ, ёруғ, тоза хонада, тахтачалардан қилинган ўриндиқларда ўтириб ўқишса-я, бу ҳурматни ким кўрган, ким эшитган. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОЛА-ҚУРА Турли тусдаги, ола-була. Тонг азон бўлишига қарамасдан, бир тўда оч ола-қура итларни эргаштириб, эски каппон томондан Малла жинни жавраб келар эди. Ф. Фулом, Шум бола.

ОЛА-ҚУРОҚ 1 Турли тусдаги латта парчалари, лахтақлардан улаб тикилган; қуроқ. *Ола-қуроқ пахтали тўнлар елкадан тушган.* С. Аҳмад, Ҳукм. Жануб сувлари, тошқин сойи, кўм-кўк дарахтлари, қалан-дарларнинг чопонига ўхшаш ола-қуроқ экинлари, қори эрмаган баланд тоғлари билан.. одамни ҳайратга солади. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 кўчма Турли парчалардан улаб-қураб, бир бутун ҳолга келтирилган; қурама. Қишлоққа келадиган кўчма кинонинг ўқувсиз механиклари узиб ташлаган ямоқ ленталардан йиғиб, ола-қуроқ кинофильм қилган эди. С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

3 кўчма Узуқ-юлуқ, маромига етмаган. Унинг миёсида ола-қуроқ мулоҳазалар қоришиб кетди. «Шарқ юлдузи».

4 кўчма Ёшиқ, касби, билими ва ш.к. жиҳатидан ҳар хил, турли-туман. *Иш юришмади, ўзи сафарбар қилиб келган турли касбдаги ола-қуроқ ёшлар уни хуш кўришмади.* А. Мухтор, Туғилиш.

5 айн. **олақароқ I 1.** Экинлар ола-қуроқ чиқибди. ■ Ҳадемай эгатлар ола-қуроқ бўлиб қолади. «Ёшиқ».

ОЛАҒОВУР 1 Бир-бирига қовушмаган, тартибсиз гап; ғовур-ғувур, қий-чув. *Ботирли кириши билан нотиқ гапдан тўхтади, олағовур ҳам тинди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

Олағовур қупормоқ Шов-шув, тўполон солмоқ. *Мана шу гап устида ерсизлар олағовур қупормоқчи, мулла Обидни ўз ичларидан тамоман четга чиқариб ташламоқчи бўладилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Нотинч; шов-шувли. *Бегматжон, замон олағовур, ит ҳам, бит ҳам зақунчи.* Шунақа қалтис пайтда Фармонга, хўжақўрсинга бўлса ҳам, қаттиқроқ чора кўрмасангиз, анави «ёзувчи»лар тинчимас, деб қўрқаман. А. Кучимов, Ҳалқа.

ОЛАҒОН айн. олғир.

ОЛАҲАККА шв. Зағизғон. Ултонтознинг энаси Бодом бикачнинг тилини олаҳакка чўқиб, соқовроқ бўлиб қолган эди. «Алпомвш».

ОЛВОЛИ [ф. *أولوالو* — олча] шв. Олча; олхури.

ОЛД 1 Нарсаларнинг кузатувчига қараган қисми; пеш, юз. Бинонинг олдига шиорлар осилган. Кўйлакнинг олди узунроқ бўлибди. ■ От олд оёқларини иргитиб сапчидида, шамолдек учиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Нарсаларнинг илгари томонидаги ёки қисмидаги жой, ўрин. Уйнинг олдини супуриб, жой қилмоқ. ■ Мاستонга араванинг олдидан жой беришди. А. Қаҳҳор, Мاستон.

3 (3-ш. бирл. шаклда) Бирор иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. дан олдин бўладиган, рўй берадиган, ўтказиладиган. Байрам олди мусобақаси. Сайлов олди кампанияси.

4 3-ш. эгаллик ва ж.к., ў.-п.к., ч.к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. олдига, олдиди, олдидан).

Олдини олмоқ Хавф-хатарнинг юз беришдан илгари чорасини кўрмоқ; ёмон оқибатнинг юз беришга йўл кўймаслик. Урушнинг олдини олмоқ. ■ Хотиринг жам бўлсин, дўстим, балонинг олдини олдим. Ойбек, Навоий. **Олд кўшимча айн. префикс.** Тил олди товушлари тлш. Тилнинг олд қисмида ҳосил бўладиган товушлар.

ОЛДДА айн. олдиявда. Олда бормоқ. Олда турган вазифалар.

ОЛДДАН айн. олдишдан. Келажакни олддан кўрмоқ. Пахта ҳосилини олддан ҳисоблаб чиқмоқ.

ОЛДИ 1 Бирор нарсанинг бошқалардан илгарида турган, олдинги вазиятни ишғол этган қисми, кишиларнинг энг олдингиси, сараси, кўзга кўрингани. Энди Зайнаб бўйи этиб қолди. Юртимизнинг мана энг олди. Ҳ. Олимжон.

2 Бирор иш ёки ҳолатнинг бошланиш арафаси, яқин етган пайтга. Уйқу олди. Қиш чиқар олди. Ёз олди. ■ Ҳой, келинг! Олди ёз, деразаси қурилса бас-да, печкаси ҳам уй ҳаммом бўлиб кетади. Н. Сафаров, Олвахон Султонова.

ОЛДИ-БЕРДИ 1 Бир-бировидан нарса олиб, нарса бериб туриш, бир-бировининг ҳожатини чиқариб туриш ва шу асосдаги муомала, алоқа. Мулла Обид каби ўз олдига деҳқончилик қилмоқчи бўлган.. келгиндилар

билан уларнинг кўпда олди-бердиси бўлмайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 айн. олиқ-солиқ 2. -Тўйчиқнинг олди-бердиси бир гап бўлар, — деди Эшон Сурхонбойга. И. Раҳим, Тақдир.

3 Савдо-сотик, савдо муомаласи. У [Тешабой] савдо-сотик, олди-берди масалаларида, яъни бирни ўн қилиш бобиди икки онани эмган қув бузоқлардан. М. Исмойилӣ, Фарғона т.о.

ОЛДИГА кўм. вzf. 1 Ҳузурига, ёнига, қошига. Уқитувчининг олдига бормоқ. ■ Кўллашиб мактаб директорининг олдига киринглар, деб ўргатган бўлди. «Ёшлик». Низомжон унинг олдига жадал юриб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Олд томонига, олд томонидаги жойга. Мактаб олдига гул экилди.

Олдига тушмоқ Ўтиб кетмоқ, ўзмоқ. Бу борада унинг олдига тушадиган одам йўқ.

ОЛДИДА кўм. вzf. 1 Ҳузурда, ёнида, қошида; кўз ўнгиди. Бу ишлар кўпчиликнинг олдиди бўлди. ■ Янги келган вақтингизда мени ёмон йўлдан қайтардингиз.. Бутун звено олдиди таъзир бериб, одам бўл, дедингиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. У [мингебоши] кенг қилиб тикилган зар кимхоб тўн ичиди йўғон гавдаси билан одамлар олдиди савлат тўкиб турибди. М. Исмойилӣ, Фарғона т.о.

Виждон олдиди Виждонан. Отабек ўзининг ёлғонлишдан виждон олдиди қизаринди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нисбатан, қараганда. Бу Фуломжоннинг бояги ташвиши олдиди ҳеч нима бўлмай қолди. М. Исмойилӣ, Фарғона т.о.

3 Арафасида. Бадал эса учинчи қаторни битириш олдиди турибди. А. Қодирий, Кичик асарлар.

ОЛДИДАН кўм. вzf. Илгари, олдин. Чой олдидан. Уруш олдидан. ■ Мансур хайрлашиши олдидан эшик ёнида туриб секингина: —Бир ёққа борсангиз, Зулайхо опангизга айтиб кетинг, — деди. Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

Олдидан ўтмоқ 1) бирор кимса ёки нарсанинг ёнидан, рўпарасидан ўтмоқ; 2) бирор иш ҳақида кимсанинг фикрини олмоқ, у билан маслаҳатлашмоқ. Бу ишга қадам қўйишдан илгари, бир карра сизнинг олдингиздан утиб, раъйингизни билишга тўғри келди. Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛДИ-КЕТИ Олд ва орқа томонга, гир атрофи. *Ҳар қанча бой бўлмасин, олди-кети тўла набира бўлган чолга дуруст оила қиз берадими? Ойбек, Таъланган асарлар.*

Олди-кетини ўйлаб Ҳар томонлама мулоҳаза қилиб, оқибатини ўйлаб, атрофлича фикр юрйтиб. *Олди-кетини ўйлаб иш тутмоқ.*

ОЛДИН 1 рвш. Олд томонда, олдинда; илгарин. *У мендан олдин. Олдин турмоқ. ■ Шу пайтда олдин кетаётган йўловчи ташийдиган автобус тўхтади. С. Зуннунова, Олов.*

2 Дастлаб, биринчи галда. *Қўрққан олдин мушт кўтарар. Мақол. ■ У ёққа боргани ҳаммадан олдин бу янги ўқитувчиларнинг ўзлари уялишлари табиий эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 кўм. (ч.к. билан) Муқаддам, илгарин, аввал, бурун. *Овқатдан олдин. Сиз келмасдан олдин. Бундан бир йил олдин. ■ Ундан олдин Туланбой жавоб қилди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОЛДИНГА рвш. Олд томонга, олға, илгарига. *Мингбоши.. олдинга юрди, қўлидаги қамчинни ўқталиб, хунук овоз билан ўқирди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. [Гулнор] Орқага қайтиш-қайтмаслик тўғрисида бир лаҳза ўйлаб, кейин олдинга қараб юрди. Ойбек, Таъланган асарлар.*

ОЛДИНГИ 1 Бошқаларга нисбатан олдинда, илгаридан турган, олд томондаги; олд томонда жойлашган. *Олдинги қатор. Бинонинг олдинги хонаси. ■ Қисм, қоронғи тушгунча, душманни олдинги окоплардан суриб чиқарди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Нигора Қоплонга қаради: ит тумшугини олдинги оёқлари орасига олиб, бемалол мудраб ётибди. С. Анорбоев, Оқсой. Қирмизхон тушаётиб, олдинги ўриндиқдаги тугунни олди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

2 Илгарин бўлиб ўтган; аввалги, бурунги. *Тарихдан олдинги давр. Олдинги тўрт йил ичида эришилган муваффақиятлар. ■ Салимжон бундан бир неча йил олдинги қизиқарли воқеаларни эслатиб, даврага илқилик киритди. «Шарқ юлдузи».*

3 Кўчма Бирор ишда ҳаммадан олдинда борувчи; пешқадам. *Мамлакатимизнинг олдинги кишилари. ■ Мирзакаримбой Тошкентнинг энг олдинги бойларидан. Ойбек, Таъланган асарлар.*

ОЛДИНДА рвш. 1 Илгарин томонда; олдинда. *Олдинда йўл йўқ. ■ Кузимизни очиб қарасак, ҳақиқий синовлар ҳали олдинда экан. Газетадан.*

2 Ҳаммадан илгаридан, биринчи ўринда, биринчи сафда. *Ишда, ўқишда бошқалардан олдинда бормоқ. ■ Дунан полвон билан Тожиमत Хидиров қурилиш бўйича энг олдинда боришарди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОЛДИНДАГИ Олдинда турган; олдинда борувчи. *Олдиндаги бола. ■ Қози қўлидаги ҳассаси билан олдиндаги столни тўқ этказиб урди-ю: -Йўқол! Йўқол ҳамманг буёндан, - деб қичқирди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Олдиндаги аёл ялт этиб унга бир қаради-ю, яна орқасини ўгириб олди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.*

ОЛДИНДАН рвш. Бирор иш, воқеа-ҳодиса бошланмасдан, рўй бермасдан илгарин. *Об-ҳавонин олдиндан айтиб бермоқ. Буладиган ишни олдиндан кўрмоқ. ■ Совхозда қоладиган бўлсак, икки ойлик маошнинг иккови-мизга олдиндан берармиш. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОЛДИНИГА рвш. Аввал бошда, дастлаб. *Қўрага этиб келганида, баданидаги ланжлик кучайди. Қўл-оёқлари зирқираб оғриди. Олдинига, ўтиб кетар, деб эътибор қилмади. С. Анорбоев, Оқсой.*

ОЛДИН-КЕЙИН айн. олдинма-кейин. **ОЛДИН-КЕТИН** айн. олдинма-кейин. *Олдин-кетин бормоқ. ■ Мана, узоқда бомбалар олдин-кетин портлади. Ойбек, Қуёш қораймас.*

ОЛДИНЛАМОҚ Олдинга томон босмоқ, бормоқ, юрмоқ; илгариланмоқ. *Азизбек.. қамчисини кўкрагига кўндаланг қўйиб, боши билан жавоб ишораси бериб олдинлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ОЛДИНМА-КЕЙИН рвш. Бирин-кетин, кетма-кет, бири кетидан бошқаси. *Меҳмонлар олдинма-кейин кириб келишди. ■ Прагер яна хотира дафтарчасини ва-рақлади-да, олдинма-кейин экилган буғдойларнинг ўсишидаги фарқни кўрсатиб берди. Н. Сафаров, Дон.*

ОЛДИНМА-КЕТИН айн. олдинма-кейин. *Тилла тепаликнинг ярмига ҳам етмади, бола елкасидан ағдарилиб, иккови олдинма-кетин настга қараб думалади. «Ёшлик». Улар олдинма-кетин юриб, идорага кирадилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ОЛДИ-ОРТИ *айн. олди-кетти.*

Олди-ортияга қарамай Кетини ўйламай, сурништирмай; палапартиш. *Олди-ортияга қарамай иш қилмоқ.* ■ *Одамлар олди-ортияга қарамаяпти.. ишқилиб, охири бахайр бўлсин.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

ОЛДИ-ОРҚАСИ 1 Олди ва орқа томони, атрофи. *Олди-орқасига қараб қўймоқ.* *Олди-орқаси баравар қизариб пишган нон.* ■ *Мирзакаримбой нақшкор меҳмонхонада атлас кўрначалар тўшалган танчада олди-орқаси тўла ёстиқ утирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор нарсанинг ўнг ва терс томони, орқа-олди. *Гиламнинг олди-орқаси.*

Олди-орқасини ўйлаб иш тутмоқ Чуқур мулоҳаза юрйтиб иш қилмоқ, ўйлаб иш қилмоқ. *Акрам қилни қирқ ёран эсли йигитлардан эмасми, олди-орқасини ўйлаб боқса, келажаги хавф остида қоладиганга ўхшаб кўринди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ОЛДИРМОҚ Олмоқ фл. орт. н. Соч олди-дирмоқ. *Тиш олди-дирмоқ.* ■ *Моҳира ойим ҳар бир ҳайитда бирор ойлар илгари эрига айтиб, болаларига кийимлик олди-дирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Олинг, олдирманг Муваффақият тилаш ибораси. *Худо ҳаммангизга қувват берсин! Олинглар, олдирманглар! Омин!* М. Исмоиллий, Фарғона т.о. **Оғиздагини (ёки оғиздаги ошнини) олди-дирмоқ** Қўлдан чиқармоқ, бой бермоқ. *Ақлсиз оғиздагини олди-дирар.* Мақол. ■ *Ёрмат уни [Йўлчини] одамлар олдида бўшбаёвликда айблади: -Бу нима, оғиздаги ошнини олдириш? - деди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Юрак олди-дирмоқ Кўрқиб қолмоқ, чўчиб қолмоқ. *Мадамин юрагини олдириб, ўз кўланка-сидан кўрқадиган бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўзини олди-дирмоқ** Ориқлаб, этдан тушиб қолмоқ. *-Сиқилманг, асло сиқилманг, хоним.. Акс ҳолда, ўзингизни олдириб қўясиз, - деди Ҳамдамни Мунавварга.* С. Анорбоев, Меҳр. **Палончининг хотини ҳалиям ўзини олди-дирмади, деса ёмонми?** С. Аҳмад, Юлгуз. **Ўт олди-дирмоқ 1)** Ўт ёқмоқ. *Юк машинасида олиб келинган самоварлар туширилди, қўтида олиб келинган ўтин-кўмирлар бирпасда қаланиб ўт олдирилди.* С. Аҳмад, Жимжитлик; **2) с.т.** моторни ишга туширмоқ. *Тракторни ўт олди-дирмоқ.* ■ *Моторни ўт олди-дирди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОЛДИ-СОТДИ 1 Нарса, мол олиш ва сотиш, савдо муомаласи; савдо. *Олди-сотди қилмоқ.* ■ *Ноиб жанобларининг ясовуллари ҳайҳайлашиб, омади юришмай, олди-сотдигини тугатолмай қолган бозорчиларни ҳам ҳайдаб келмоқдалар.* Х. Тўхтабоев, Ўйлар ва йўллар. *Кургазма давомида тадбиркорлар ўзaro шериклик битимларини тузишлари, олди-сотди шартномаларини имзолашлари ҳам мумкин.* Газетадан.

2 ҳўқ. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида кенг тарқалган, асосий вазифаси товар-пул алмашинувини амалга оширишдан иборат шартнома.

ОЛДИ-ҚОЧДИ с.т. Хаёлий нарсалардан иборат, уйдирма, ёлгон-яшиқ. *Олди-қочди хабарлар.* ■ [Акрам] *Мен нима деяпман ахир? ..олим одамнинг шунақа олди-қочди гапларга учиб юрганига биз ҳам ҳайронмизда, отахон!* О. Ёқубов, Айтсам тўлим куяди, айтмасам - дедим. -Энди, жўра, буларнинг бариси олди-қочди гаплар, - деди Самад. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ОЛД-ОРҚА Олд ва орқа томон; атроф. *Олд-орқанга қараб юр!*

ОЛИБСОТАР Арзонга мол олиб, қимматта сотувчи, майда савдогар. *Пахта суварати солинган чинни идишлар олибсотарларнинг уйида қаланиб ётса.* Мирмуҳсин, Илдишлар ва япроқлар.

ОЛИБСОТАРЛИК Арзонга мол олиб, қимматта сотишлик ва шу иш билан шуғулланиш. *Зебо хола унча-мунча бозорга айланиб туради. Олибсотарлик қилмайди.* Газетадан.

ОЛИГАРХИЯ [юн. oligarchia - озчилик ҳокимияти] Давлат бошқаруви шакли; кичик бир гуруҳга бирлашган шахсларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги; шу ҳукмрон гуруҳнинг ўзи.

ОЛИГОПОЛИЯ [юн. oligos - оз, кам + poleo - сотаман] Бозорни ташкил этиш шаклларида бири; бунда бир қанча йприк фирма ва компаниялар норасмий келишувлар асосида асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва сотишни назорат қилиб туради. *Монополия каби олигополия ҳам номукамал рақобат кўриниши ҳисобланади.* «ЎзМЭ».

ОЛИЙ [а. عالى - юқорв, юксак, баланд] **1** Мавқеи, мартабаси, раҳбарлик роли ва

ш.к. жиҳатидан энг юқори; бош. *Олий Мажлис. Олий суд. Олий бош қўмондон.* ■ 30 октябрь куни *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси ўз ишини давом эттирди.* Газетадан.

Жаноби (ёки зоти) олийлари 1) эск. олий табақага мансуб ёки олий мансабга эга бўлган киши (подшоҳ, хон, амир, бек ва ш.к.) ва уларнинг номини улуғлаб айтиладиган мурожаат шакли. — *Эрта билан жаноби олийга ариза ва совринимизни тортиқ қилгандан кейин, агар рухсати олий бўлса, сўнгра савдога киришармиз, — деди карвонбоши. С. Айний, Қуллар. Зоти олийларига подшоҳ ҳазратларининг илтифотлари баланд эмши. Ойбек, Навоий;* 2) ҳозирда: олий даражадаги ёзишмаларда ҳукумат ёки давлат бошчилигига ҳурмат юзасидан бевосита ёки унинг номига қўшган ҳолда мурожаат шакли. *Президент жаноби олийлари. Бош вазир жаноби олийлари. Фармони (ёки амри) олий ёки олий фармон* Энг юқори ташкилот, давлат органи ёки бошчиқнинг фармони. [*Салимбойвачча:*] *Ҳуш, айтинг-чи, подшонинг мардикор олишига нима дейсиз? Мана, фармони олий чиқди. Ойбек, Таъланган асарлар.*

2 Сифат жиҳатидан энг юқори, энг яхши. *Олий нав. Олий сифат.* ■ *Боғда ҳовуз бўйига шинам шийпонларга ёзилган дастурхонлар ёзилганича, беш юлдузли олий нав коньяклар очилганича, сўйилган бўрдоқлар сўйилганича қолиб кетди. О. Ёқубов, Диванат.*

3 Энг юқори даражали, энг юқори, юксак. *Олий мақсад.* ■ *Ўзбек адабиёти ҳақиқатан ҳар жиҳатдан баркамол, таҳсинга лойиқ, халқимизнинг олий мақсади учун курашда катта куч бўлиб қолди. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.*

4 Тараққиётнинг энг юқори даражасига эришган, баркамол. *Ташкилотнинг олий формаси (шакли).*

5 Таълим тизимидаги юқори босқич. *Олий ўқув юрти.* ■ *Баъзан олий маълумоти кишилар ўз таржимаи ҳолларини бир варақчина ёзиб беришга оғринадилар. Шукрулло, Сайланма.*

6 Энг кучли, энг юқори. *Сирасини айтганда, мавсум бошидаёқ олий лигага берилган қўли йўланмадан бирини қўлга қиритиш осон бўлмаслиги кўзга ташланмоқда.* Газетадан.

7 Юқори, мураккаб. *Олий математика.*

8 Юқори, сўнги. *Олий жазо.*

ОЛИЙЖАНОБ [a. *عالی جناب* — улуғ, юксак мартабали афанди, тақсир, жаноб] 1 Юқори даражада одобли, хулқ-атвори, одамгарчилиги жуда баланд; улуғ, асил. *Умид, сен олийжаноб, оқила бир қизнинг муҳаббатини оёғости қилдинг, сен бу аламни ўлгунингча тортасан. Мирмуҳсин, Умид. Яхшиларга эргашган муродга етади. Деганларки, олийжаноб одамлар ҳар қачон йўлдошимиз бўлади.* Газетадан. *Ўз ҳамқишлоқларимиз, ҳамшаҳарларимизнинг нақадар ажойиб, одамхон, олийжаноб, дилкашлигини бошқа юрт халқлари билан мулоқотда бўлганингиздан кейин янада яхшироқ тушунаркансиз.* Газетадан.

2 Юқори даражада ҳимматли, олийҳиммат, ҳиммати баланд. *Раисимиз жуда олийжаноб одам, эшитгандирсиз, ёрдам бериб турадилар.* Мирмуҳсин, Илдишлар ва япроқлар.

3 Жуда яхши, мисли йўқ. *Олийжаноб уй.*

4 Эзгу, эзгули. *Олийжаноб зап. Олийжаноб касб. Олийжаноб иш.* ■ *У одамликнинг энг олийжаноб, энг юксак, энг ширин ҳисларидан маҳрум бўлади. С. Зуннунова, Олов. Нодирнинг хаёлига олийжаноб бир фикр келди. «Шарқ юлдузи».*

ОЛИЙЖАНОБЛИК Олийжаноб хусусиятларга эгалик. — *Бу йиртқишларнинг даҳшатли гуноҳларидан кечиш учун ҳам юрак керак, олийжаноблик керак, — деди кекса солдат. А. Мухтор, Асарлар. Ҳаётда шундай яхши одамлар борки, уларнинг олийжаноблигига, камтарлиги ва кишиларга беминнат хизмат қилишларига чин дилдан таҳсин айтгинг келади.* Газетадан.

ОЛИЙМАҚОМ [a. *عالی مقام* — юксак мартабали, юқори даражали] Юқори даражали, юксак. *Ошнога ошно бўлсам, олиймақом рағбатлар олсам, мен ўзимнинг ҳам Яхшибоевга айланганим муқаррар бўлиб туюлади. М. М. Дўст, Лолазор.*

ОЛИЙҲИММАТ [a. *عالی همت*] Ҳиммати баланд, кимсага ҳимматини, яхшиликни аямайдиган; саховатли. *Олийҳиммат одам.* ■ *Шариф ака Нодирбек сингари хорижда даволанишга муҳтож уч кишига амалий ёрдам бериб, ўзининг саховатпеша, олийҳиммат инсон эканлигини яна бир бор исботлади.* Газетадан.

ОЛИМ [a. *علم* — билвмли, илмли, доно; маълумотли] 1 Фаннинг бирор соҳаси бў-

ййча махсус билимга эга бўлган киши. *Ўзбекистон олимлари. Ёш олим. Тилишунос олим.*

2 Умуман, билимли киши. *Олим бўлсанг, олам сенки.* Мақол. *Оз-оздан ўрганиб, олим бўлу.* Мақол. ■ *Афлотун ҳам, Арасту ҳам замонасининг кўп доно, кўп ақлли олимлари бўлган, шубҳасиз.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Олим (эркаклар исми).

ОЛИМА [a. عالمة] 1 Олим аёл. *Гулчеҳра она иқтидорли олима бўлгани учун ҳам ўн икки илмий иш яратишга ва иккита муаллифлик гувоҳномасини олишга муяссар бўлди.* Газетадан.

2 Олима (хотин-қизлар исми).

ОЛИМЛАРЧА айн. олямона. *Олимларча айтилган гап.*

ОЛИМЛИК Олимга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Фақат ҳамма тан олган шоирларни тан олиш, фақат обрўга эга бўлганларнинг шеърларига тушуниш олимлик эмас,* Шукрулло, Сайланма.

ОЛИМНАМО [a. + ф. عالمنما — сохта олим] Олимга ўхшаган, олим кўринишидаги. *Меҳмонлар орасида тор пещонали, жингалак оқ сочлари, бироқ қошлари юзига улугворлик бахш этган олимнамо киши бор эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОЛИМОНА [a. + ф. عالمانه — оқилона, донолик билан, олимларча] рвш. Олимлар каби, олимларга хос бир йўсинда, олимларча. *Олимона кўриниши. Олимона мулоҳаза юритмоқ.* ■ *Мен чашначиман. Ишим оғир, масъулиятли, олимона қунт, заргарона маҳорат талаб қилади.* «Фан ва турмуш».

ОЛИМПИАДА [юн. Olympias, Olympiados — Юнонистонда Олимпия шаҳрида Зевс (олий маъбуд) шарафига ҳар тўрт йилда ўтказиладиган тантанали байрам ва спорт мусобақалари; ана шу тўрт йиллик давр] 1 Халқаро олимпиада қўмитаси томонидан ҳар тўрт йилда ўтказиладиган йирик халқаро замонавий спорт мусобақалари, олимпиада ўйинлари.

Олимпиада (ёки Олимпия) ўйинлари 1) Юнонистонда умумхалқ байрами ва мусобақалари (2 гилдиракли аравада тез юриш, бешкураш, муштлашиш мусобақалари, санъат танлови); 2) Юнонистоннинг Олимпиада ўйинларини эслатувчи жаҳон спорт мусобақалари.

2 Ўқувчилар, талабаларнинг бирор фан ёки санъат соҳаси бўйича мусобақаси, билимларини сынаш бўйича танлов. *Математика бўйича олимпиада.* ■ *Бизнинг тўғарак район олимпиадасида биринчи ўринни олган! — деди.* *Муҳаббат. Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. Студентлар бу талабларни яхши тушуниди ва олимпиадага йил бўйи тайёргарлик кўришди.* «Фан ва турмуш».

ОЛИС 1 Бирор ердан узоқда, йироқда бўлган. *Олис жой. Олис қишлоқ.* ■ *Ахир бундан ўн беш кун илгари Умид юк машинасида Мирзачўлдаги олис совхозга чиқиб келди.* *Мирмуҳсин, Умид. Ўспиринлар, олис манзилни кўзлаган сайёҳлардай, сафарга пухта ҳазирланган эдилар.* «Ёшлик». *Олис бир қишлоқдан келиб, мураккаб санъат йўлини тугиб, уни пухта эгаллашнинг ўзи катта жасорат.* Газетадан.

2 Узоқ давом этадиган; давомли, узоқ. *Олис йўл. Олис сафар.* ■ *Йўллар азоби энди унутилди, деганда яна олис сафарга жунатиб юборишмоқчи.* С. Аҳмад, Живжитлик.

3 Ўтмишдаги, қадимги. *Лекин танимизда кезар-ку, бешик, Олис боболарнинг минг йиллик қони.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОЛИСНИ КЎЗЛАМОҚ Узоқ келажақда, охирида бўладиган ишни кўзламоқ, охирига ўйламоқ. [Зикриё қори:] *Эшон олисни кўзлайди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

ОЛИСДА рви. Узоқда, йироқда. *Олисда, адирлардаги нефть вишкаларида чироқлар йилтирайди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ОЛИСДАГИ Узоқдаги, йироқдаги. *Олисдаги қариндошдан яқиндаги ёт яхши.* Мақол.

ОЛИСДАН рви. Узоқдан, йироқдан. *Олисдан гўмбурлаб тўп овози эшитилди.* ■ *Олисдан осмонга интилган қизғин нур борган сари авжланарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Олисдан келмоқ ёки гапни олисдан бошламоқ Гапни узоқдан келтириб, батафсил, даромади билан бошламоқ. *Келиш гапни олисдан бошлади.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ОЛИСЛАМОҚ 1 Бирор ердан узоқлашмоқ, йироқ кетиб қолмоқ. *Отиқ олислаб кетди.* ■ *Саид бузун яна шу киши келар эканда, дея минғиллаб, ичида сўжинди-да, улардан олислади.* «Ёшлик».

2 Узоқ вақт тугилиб қолмоқ, ҳаялламоқ. *Кўп олислама, тез қайт.*

ОЛИСЛАШИМОҚ Олисламоқ фл. бирг. ва ўзл. н. *Биз шаҳардан анча олислашдик.*

Самолёт аэродромдан анча олислашди. Йўл олислашиб қолди.

ОЛИСЛИК Узоқлик, йироқлик. Мен ҳам қариш эмасман-у, бир томони — ёлғизлик, яна бир томони — шаҳарнинг олислиги. Х. Фулом, Машғал. Мухтасар янги уй қуриб олгач, эски уйи қошидаги оғилхона олислик қилиб қолди. «Саодат».

ОЛИС-ЯҚИН Узоқ-яқин, йироқ-ёвуқ. Клуб олис-яқиндан келганлар билан тўлди. ■ Уни кўргани олис-яқиндан қариндош-уруғ, ёр-биродарлари келишди. Ш. Холмйрзаев, Оғир тош кўчса.

ОЛИФТА 1 Кийимга ва ўзига зеб берувчи; сатанг, башанг. Олифта йигит. ■ Сочини иккита қилиб ўриб олган, икки чеккасига гажак қўйган бу олифта жувон тугунини сўрига ташлаб, бир уҳ тортиб олгач, Салимга қараб бақрайиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шундай кишилар учун мос, сатангларга хос. Олифта кийим. Олифта кийинмоқ. ■ [Салимбойвачча] Олифта тикилган қора мовут чакмонга ўралиб, бир қўлида зонтик ушлаб, ҳеч қайёққа назар ташламай, гердайиб келади. Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛИФТАГАРЧИЛИК салб. Олифталарга хос хатти-ҳаракат, юриш-туриш, қилиқ. -Қаернинг ҳандалази, амаки? — деди олифтагарчилик қилиб. С. Аҳмад, Уфқ.

ОЛИФТАЛИК айн. олифтагарчилик. Биров жигимга тегса аямайман. Сизга биров олифталик қилса, менга рўпара қилинг. «Ёшлик». [Салимбойвачча] Чўнтагидан арзон папиросни чиқариб, бойваччага тутди ва ўзи ҳам олифталик билан лабига қистирди. Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛИШ-БЕРИШ айн. олди-берди.

ОЛИШИШ 1 Олишмоқ фл. ҳар. н. Бел олишиш. Яккама-якка олишиш. Фикр олишиш.

2 Даҳанаки жанг, жанжал, олишув.

ОЛИШМОҚ 1 Олмоқ фл. бирг. н. Фикр олишмоқ. ■ [Ошдан] Емаган бўлсангиз, сиз ҳам олишинг, — деди бек. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Уришмоқ, курашмоқ, жанг қилмоқ; мушглашмоқ. Қаҳҳор ва Озод олиша кетишди. Озод бир амаллаб унинг исканжасидан чиқаркан, қайта сўради: -Нима гап ўзи? «Ёшлик».

Бел олишмоқ Курашмоқ, кураш тушмоқ, беллашмоқ. Мен кўп давраларда бел

олишганман. С. Аҳмад, Уфқ. Ёқа олишмоқ Ёқасидан тутиб бўғишмоқ, уришмоқ.

3 Кўчма Бирон-бир тўсиқни энгиш, уни бартараф этиш мақсадида тинимсиз ҳаракат қилмоқ. Каналга келмаганлар пахта билан олишиб ётишибди. С. Аҳмад, Уфқ. Бутун халқ Конибодомдан Учқўрғонгача чўзилган қурилишда тиним билмай меҳнат қилар, ер билан, тошу шағаллар билан олишарди. С. Аҳмад, Уфқ.

4 Кўчма Баҳслашмоқ, ҳақ-ҳуқуқ талашмоқ, тортишмоқ; бир-бирини энгиш учун тирришмоқ. Ҳақимбойваччанинг яқин дўстларидан бир киши. Мирзакаримбойга орқаворатдан тил текизганини эшитиб, у билан узоқ замон олишган. Ойбек, Танланган асарлар. Қудрат. камбағаллар тарафини олиб, қишлоқ балоҳурлари билан олишмаган кунини билмайди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Дон олишмоқ қ. дов. Хотини автобусда қайтаётиб, «Эшиқбил ферма сизир соғувчиси Ўрозгул билан дон олишиб юради», деган гапни эшитиб қолибди. «Ёшлик». Қўл олишмоқ Келишмоқ, бир тўхтама келмоқ. Ҳар гал Мирвали Раҳимов билан учрашганда, қизиқчилик орасида, қўл олишганларини эслатиб қўярди. Раҳимов унга, сабр қилинг, деб қўярди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОЛИШ-СОТИШ айн. олди-сотди. Олиш-сотиши ишлари. Олиш-сотишга уста одам.

ОЛИШУВ 1 Кураш, жанг, мушглашиш. Тунлари жиноятчини қувишлар, аёзли кунларда дилдираб йўл пойлашлар, олишувлар. ҳаммаси тушда кўргандек ўтади-кетади. «Ёшлик». Олишувга талабгор Турон Бурҳон ўғли! «Шарқ юлдузи».

2 айн. олишиш **2**.

ОЛИҚ-СОЛИҚ 1 тар. Юртдан, аҳолидан солиқ тариқасида олинадиган, тўланадиган пул ва б. нарсалар. Олиқ-солиқ тўлаш. ■ Қайта ундай текинхўрлар бевабечораларни кемирдилар. Қани, улар олиқ-солиқ билан қаноатлансалар ҳам гўрга эди. Ҳамза, Танланган асарлар.

2 этн. Қудалар орасида бир-бирига бериладиган нарсалар ҳақидаги музокара ва шу музокара натижасида йигит томондан қиз томонга бериладиган қалин ва б. Тўйларимизда олиқ-солиқлар, олди-бердилар борган сайин кўтайиб борапти. Газетадан.

ОЛИҚ-СОТИҚ айн. олди-сотди. Гоҳо ютқизишда, гоҳо ютуқда, Бир-бирин ангарди

олиқ-солиқда. М. Шайхзода. *Ўғлим Тошкент билан Марғилон орасида қатнаб, олиқ-солиқ қилади*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЛКИШЛАМОҚ 1 Итти итга ёки бирор қимсага тезламоқ, гижгизламоқ.

2 кучма Кишиларни бир-бирига зидламоқ, уриштириш учун ундамоқ; тезламоқ, хезламоқ.

ОЛЛО(Х) [а. **الله** — влоҳий куч, худо] дин. айн. **аллоҳ**. *Темур, инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гапни кўп такрорлар эди. «Фан ва турмуш». Уруш қилай десанг, Оллоҳ на ҳожат, Топилар жаҳонда баҳона бисёр*. А. Орипов, Йиллар армони.

Ё олло(х) унд. с. 1) таажжуб, ҳайрат билдиради; тавба. *У мулоийм чеҳра билан жиламайди: — Ё оллоҳ, шундай одалар ҳам бўлар эканми? — деди*. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) худога ёлвориш, сийғиниш ибораси. **Оллоҳу акбар** [а. **الله أكبر** — оллоҳ буюк, улуғ] Овқатдан сунг ёки йўлга кетиш олдидан ўқаладиган дуо-фотиҳанинг охириги ибораси. *Умумий «оллоҳу акбар» дан сунг Ҳасанали отни йўлга солди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОЛМА 1 Атиргулдилар оиласига мансуб кўп йиллик мевали дарахт. *Олма кўчати*. ■ *Бу олмалар ҳосилга киргач, беш-олти йил ўтиши керак*. С. Зуннунова, Олов.

2 Шу дарахтнинг меваси. *Оқ олма*. *Қизил олма*. ■ *Жувон қўлидаги олмани устма-уст бир неча мартаба тишлади ва чала чайнаб ютди*. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Олма шарбати организми бақувват қилади*. «Саодат».

Кекирдак олмаси айн. **қуштомоқ**. **Олма гули** 1) пуштиранг. *Олма гули рўмол*; 2) олма гуллаган пайт, палла. *Тўйлари олма гулида бўлган эди*. **Олма чой** Олмақоқдан қовуриб тайёрланган чой. *Суви қочган нон, олма чой билан нонушта қилишаётганда Гадейбой пайдо бўлди*. Ҳ. Фулом, Феруза.

ОЛМАЗОР Нукул олма дарахти билан банд ер, майдон; олма боғи. — *Кўрдинларми, — деди Комилжон тўхтаб, — бу ер олмазор эди*. С. Зуннунова, Олмазор.

ОЛМА-КЕСАК: кўз(лар)и олма-кесак таради с.т. Бесаранжом бўлиб, ҳар ёққа қарайди, аланглайди. *Чол бесаранжом бўлиб, кўзи бежо, олма-кесак тара бошлади*. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Собирнинг қийиқ кўзлари олма-кесак терар, лаблари асабий титраётганди*. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ОЛМАХОН Ўрмонда дарахтда яшовчи, узун бароқ думли кичкина кемпрувчи ҳайвон.

ОЛМАҚОҚИ Кесиб қуритилган олма. *Дастурхонда туришак, олмақоқи, ёнғоқ, патир бўларди*. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчаси. *Фронтега бор-йўғи уч марта борган у: икки марта агиттеатрда, бир марта олмақоқи ортилган эшелонни кузатиб*. М. М. Дўст, Лолазор.

ОЛМОН [фр. Alleman — немис] эск. Герман халқи, немислар.

ОЛМОС I [т. + а. **العاس** — қимматбаҳо тош < юн. **adamas** — бузилмас, мустаҳкам] 1 Шаффоф, ялтироқ соф углероддан иборат ўта қаттиқ, қимматбаҳо тош (тарашлаб маълум шаклга келтирилгани «бриллиант» деб аталади). *Олмос ерда қолмас*. Мақол. ■ *Табиатда мавжуд бўлган нодир тошлар ичида энг машҳури олмос ҳисобланади*. «Фан ва турмуш».

2 Шундай тош ўрнатилган кескич; олмосли кескич. *Олмос билан ойна кесмоқ*.

3 Олмосдан ясалган, олмос билан безатилган, зийнатланган. *Олмос қилич*. *Олмос зирак*.

4 кўчма Шундай тош сингари ўткир, кескир; қимматли, бебаҳо. *Инсон ақли — олмос*. Мақол. ■ *Бу олмос сатрлар муаллифи буюк шоир ва мутафаккир Пахлавон Маҳмудга қўйилган ёдгорлик қадимий Хоразм усталари қандай мўъжизавор санъат обидаларини яратишга қодир бўлганикларидан гувоҳлик бериб турибди*. Н. Сафаров, Оловли излар. *Куйла, созим, юрагим, шеърим, Бахт китобин қилгил тарона*. *Замирида ҳўқуж, эрк, нолмас*. *Ҳар бир сатри олмос, дурдона*. Ғайратий.

5 Олмос (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ОЛМОС II Заҳарли, сариқ гулли ёввойи ўт; олмосўт.

ОЛМОШ тили. От, сифат, сон ўрняда қўлланадиган сўз туркуми. *Кишилик олмоши*. *Кўрсатиш олмоши*. *Сўроқ олмоши*.

ОЛМОҚ 1 Нарсани ушлаб ёки бирор асбоб билан тўтиб қўлга киритмоқ. *Ариқдан сув олмоқ*. ■ *Саодатхон капалак ушлагандек эҳтиётлик билан қўтичани қўлига олди*. С. Зуннунова, Олов. *Ўзбек олим бурчакда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чакалоқни олиб, уни жомни тўкиб келишга буюрди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йўлчи кетмонни олиб, ишига жўнади*. Ойбек, Танланган асарлар.

Бағрига олмоқ 1) ўз кучоғига олмоқ, кучокламоқ. *Болани бағрига олиб, анча вақт йиғлади.* М. Маҳмудов, Булбулгүё; 2) кучма ўз қарамоғига, паноҳига, ҳимоясига олиб ардоқламоқ. *Колхоз.. буларни хурсандлик билан ўз бағрига олар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Қўлини олмоқ** 1) қўлидан ушламоқ. *Уста Олим Отабекнинг қўлини олиб сураиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) келишмоқ, розилигини олмоқ. **Қўлтиғига олмоқ** 1) қўлтиғига қистирмоқ, қўлтиқламоқ, 2) кучма ўз ёнига тортмоқ. *Ёрмат эса Йулчини ўз қўлтиғига олиб, бошқаларга қарши қўйишни истар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қўлтиғидан олмоқ** Қўлтиғидан тугтиб бормоқ ёки кўтармоқ. **Ҳақиқидоғидан олмоқ** Ҳақиқидоғидан, томоғидан бўғмоқ.

2 Қабул қилмоқ; ёлламоқ. *Ишга олмоқ. Болага энага олмоқ.*

3 Бўшатмоқ, бекор қилмоқ, туширмоқ. *Сизни бундан бошлаб ишдан олдик.* ■ *У аввали директориизмининг бошига тўхмат ёғдириб, ишдан олди.* Х. Тўхтабоев, Шйрин қовунлар мамлакати.

4 Қирқиб, кесиб, тортиб, суғуриб чиқармоқ. *Тирноқ олмоқ. Қўйнинг жунини олмоқ. Соч олмоқ. Оёққа кирган тиканни олмоқ.* ■ *[Али охун] Дўпписи ичига тўғналган игнани олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Ечмоқ, солмоқ. *Хотин бошидан жуни рўмолини олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради.* М. Исмойлий, Фарғона т.о.

6 Туширмоқ, бўшатмоқ; холи қилмоқ. *Елкасидан юкани олмоқ. Машинадаги яшиқларни олмоқ.* ■ *Уста Олим отнинг жоловидан қўлини олиб, суради..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Қўлга киритмоқ, эга бўлмоқ. *Даромад олмоқ. Пахтадан мўл ҳосил олдик.* ■ *[Йулчи] Икки ярим йил бойнинг бўйинтуруғини судради. Нима олди? Ойбек, Танланган асарлар. Феруза Йигиталиева шу олимпиадада бир йил биринчи ўринни олди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

8 Емоқ, емоқ-ичмоқ, тановул қилмоқ. *Ҳаммаси сизнинг тегишингиз, ҳеч кимга қараманг. Балиқни олинг!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

9 Ўзига сингдирмоқ, қабул этмоқ. *Ранги яхши оладиган ипак.*

10 Пайдо қилмоқ, ҳосил этмоқ, йиғмоқ. *Яра йиринг олибди. Ғўзалар кўсак олди.*

11 Айтмоқ, куйламоқ. *«Насруллоий», «Гиря» ол! Ибодхўжа, «Фигонни ол! Шукрулло, Сайланма. Зўр қўшиқлардан биттасини ўрганиб, катта тўйда ўртага чиқиб, бир олайки.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

12 Уйланмоқ, хотин олмоқ. *[Зўҳра:] Ёш қизни олганинг бир сари, энди буни ўқишдан қўйиб, курортга олиб кетаётганинг нимаси? А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.*

13 Харид қилмоқ. *Бу пальтони неча пулга олдингиз? Ҳовли олма — қўшин ол.* Мақол. ■ *Анча нарса олдик.. Сенга бир жура бекасам.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

14 Қўлга киритмоқ, қозонмоқ. *Обру олмоқ. Эркинлик олмоқ. Дарсдан «аъло» баҳо олдим. Илмий даража олмоқ. Олқиш олган омондир, қарғиш олган ёмондир.* Мақол. ■ *Ун беи кунлик синовдан кейин тракторчи номини олдик.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

15 Кетказмоқ, йўқотмоқ. *Чаённинг захрини чаён олади.* Мақол. ■ *Фотиҳадан кейин Офтоб олим.. куёвга қатик олиб чиқди ва Отабекнинг ичмаганига ҳам қўймай, «ичингиз, йўл ғуборини оладир», деб қистай бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

16 Қопламоқ, чулғамоқ, ўрамоқ, тутмоқ. *Тўқайни ўт олган. Кабобнинг ҳиди бутун ҳовлини олди. Мени иситма олди.* ■ *Сен бундан кетмайсан омон, Унгу сулни олса туман.* «Ёдгор».

17 Эгалламоқ, ишғол қилмоқ, банд этмоқ. *Рояль кўп жойни олди.* ■ *«Гуруғли келиб, фалон шаҳарни олибди», деса семириб, эшикдан ичкарига базўр кираман.* «Гулихиромон». *Можаро устига Фосих афанди кириб қолди. У тўғри айвонга чиқиб, мингбошининг пинжидан жой олди.* М. Исмойлий, Фарғона т.о.

18 Қамаштирмоқ. *Тонг ёришиб, қамиш поялари офтоб тиғида лов-лов ёнаётганга ўхшаб кўзни олади.* С. Аҳмад, Уфқ.

19 Етакчи феъл сифатида от туркумидаги сўзлар билан бирикиб, қўшма феъл ясайдя, мах., амал олмоқ, авж олмоқ, аланга олмоқ, баҳра олмоқ, бош олмоқ, ёнини олмоқ, ёш олмоқ.

Амал олмоқ Ўсмоқ, ривожланмоқ, юксалмоқ (усимликлар ҳақида). *Дарахтлар деярли ҳаммаси амал олиб, анча юксалиб қолган эди.* М. М. Дўст, Лолозор. **Бўйнига олмоқ** 1) икор бўлмоқ. *Бу шегрни ўқиган бағзи таниш-билишларим, қариллики бўйнига олиб қолибди-да, деб ўйлашари мумкин.* Шук-

рулло, Сайланма; 2) зиммасига, ўз жавобгарлигига олмоқ. **Йиғим-теримпи олмоқ** Экинларни ўйиб, териб ҳосилни йиғиштирмоқ. *У. йиғим-теримни олгандан кейин Фарҳодга кетиб, қиши билан ўша ерда қолиб кетди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Тескарисига олмоқ** айн. аксига олмоқ қ. акс I 2. *Мен жўрттага баъзи гапларни тескарисига олиб кўрсам ҳам, у чурқ этмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юз олмоқ** айн. юз тутмоқ қ. юз I. *Кун баралла кўтарилиб, қиёмга юз олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Қаламга олмоқ** Ёзмоқ, хатга туширмоқ. *Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олганимда ҳам, ўша ўзимни зериктирган фаслни ташлаб ўтишга мажбур бўлдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қарши олмоқ** Кутмоқ, пешвоз чиқмоқ. *Меҳмонларни нон-туз билан қарши олишди.* Газетадан. **Қийиғига олмоқ** Аксини тутмоқ, акс иш қилмоқ. **Қўй оғзидан чўп олмаган қ. қўй.** *Бизнинг қишлоқда Ғофуржон деган қўй оғзидан чўп олмаган, бунинг устига ҳеч кими йўқ бир йиғит бор эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

20 Равишдош шаклида бошқа феъллар билан бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилади, мас. *олиб бермоқ, олиб бормоқ, олиб келмоқ, ола билмоқ, ола бошламоқ, ола келмоқ.* Узум сув олиб қолди.

21 =и(б) аффиксли равишдошлар билан бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилади ва иш-ҳаракатнинг ўзи учун бажарилганлигини билдиради, мас. *билиб олмоқ, тортиб олмоқ, етиб олмоқ, йиғиб олмоқ, суғуриб олмоқ, ёза олмоқ, қила олмоқ.*

ОЛИМУРУТ шв. Нокнинг майдароқ бир тури.

ОЛОВ I Юқори ҳароратда ёниб, нурланиб турган газ, аланга, ўт. *Олов ёқмоқ. Оловни ўчирмоқ. Қумгонни оловга қўймоқ. Оловнинг тиши йўқ, ҳўл-қуруқ билан иши йўқ.* Мақол. ■ *Хувуллаган тундайд ёлғизлик қурсин, Ёлғиз чақмоқтошдан чиқмайдди олов.* Ч. Эргаш, Орзунинг оғир киприклари.

2 Чўғ. *Танчанинг оловини очинг, тақсир, баданимда қалтироқ турди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. [Йўлчи] *Бир қўлини қизнинг пешонасига қўйди: -Нақ оловдай. - деди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Иссқлик, ҳарорат. *Қуёш олови.* ■ *Қуёш осмондан олов қўяпти.* С. Аҳмад, Таъзим.

Йўлчи қуёшнинг олов селида чўмилиб, тўнка қовлар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Кўчма Ғайрати ичига сиғмайдиган, юрагида ўти бор, жўшқян. *Олов йиғит.* ■ *Синфнинг энг шўх, олов ўқувчиси Санжар бўлса, оғзини катта очганча, Ойша холага тикилиб қолди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Ўзиям десангиз, отинойиси, олов. На бир қўрқишни билади, на бир нарсадан тап тортишни.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

5 Кўчма Жўшқян туйғу, ҳис, ҳиссиёт. *Шунча тутқун бўлишига қарамасдан, бу қизнинг қалбига муҳаббат олови аллақачон тушган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Исфандиёрнинг инжиқ ва худбин кўнглида ўч олови ёнарди.* С. Сиёев, Аваз.

Икки олов орасида (ёки ўртасида) қолмоқ Жуда мушкул аҳволда, нима қиларини билмай қолмоқ. *Шурлик асирлар икки олов орасида қолган эдилар: чиқмай десалар, мўғуллар орқаларидан санчар, чиқай десалар, мудофаачиларнинг ўқ ва найзасига санчилар эдилар.* М. Осим, Ўттор. **Кесақдан олов чиққандай** Ғайрати йўқ, лоқайд одам кутилмаган бир иш қилганда айтиладиган ибора. **Олов кўзлар** Чарақлаб, ёниб турган кўзлар. *Ёш Ҳоҗия олов кўзларини чарақлатиб, Онахонга тикилган эди.* А. Мухтор, Опасингилар. **Олов нафасли** Сўзи ўткир. *Уайтган толлар қулапти, бош тикмоқчи бўлган мактаб-маориф соҳасига тамоман янги одамлар, олов нафасли ёшлар келипти.* А. Қаҳҳор, Қўнчинор чироқлари. **Уруш оловини ёқмоқ** Уруш чиқариш учун халқларни бир-бирига гяжгжламоқ, уруш чиқармоқ, урушни бошлаб бермоқ.

ОЛОВБАРДОШЛИК Оловга чидамлилик. *Ушбу иншоот материалларнинг юқори температурадаги шароитда ишлатилишини, яъни оловбардошлик хусусиятини ҳисобга олиб бунёд этилди.* Газетадан.

ОЛОВДАЙ, =дек: оловдай кўрипмоқ Яқин таниш кишидай иссиқ кўринмоқ.

ОЛОВДОН Сандал, самовар, печка ва ш.к. нпнг олов турадиган жойи: ўтхона.

ОЛОВКУРАК Чўғ солиш ёки олиш учун ишлатиладиган қисқа дастали металл куракча: ўткурак; хокандоз. *Фотима қайтиб, қўлидаги оловкуракни ўчоқ олдига иргитди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОЛОВЛАНМОҚ I Оловдек яллиғланмоқ, қизармоқ, тафт олмоқ. *Мастуранинг*

лутпи юзи оловланди. Ойбек, О. в. шабадалар. Ҳамкасбининг нордон гапидан кейин юзи оловланиб, слесарлар хонаси томон чопиб кетди. «Саодат».

2 кўчама Аланга олмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ. Лейтенантнинг нафрати оловланиб, нима қиларини билмасди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ҳайдарнинг кўзига кечаги воқеа кўринди, унинг алами оловланди. И. Раҳим, Ихлос. Ҳуз-узидан оловланиб кетишими ёинки бошқа жиҳатларими бошқаларга ҳам ёқ-матти. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ОЛОВЛИ 1 Оловий, ўти бор. Оловли ўчоқ. ■ Пулемёт қискагина тириллаб, ёнгинам-да бир оловли ханжар йлтиллади-ю сунди, мен гурс этиб йиқилдим. А. Мухтор, Асарлар.

2 Иссиғи, ҳарорати бор, иссиқ, ҳароратли. Меҳмон унинг [Жапақнинг] қўлини олиб, иситмаси чиқиб турган оловли кафтига босгандагина эсига келди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ОЛОВ-ОТАШ Ҳаддан ташқари иссиқ. Уч ҳафтадирки, Пулат шаҳар касалхонасида ётибди. Тўрт кунгача олов-оташ бўлиб ёнди, ўзига келмади. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ОЛОВ-СЕЛЛИ с.т. Жуда иссиқ, ҳароратли. Ёз ойининг олов-селли кунлари бошланди. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

ОЛОВХОНА айн. оташхона.

ОЛОМОН Ҳуз-узидан, қутилмаган ҳолда тўпланган одамлар; халойиқ. Оломондан қочган сира қутулмас. Мақол. ■ Оломон аркка ҳужум қилди, деразаларнинг тарақлагани. эшитилади. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Намозгарга яқин куёв катта оломон билан келди. Тўрт карнай, олти сурнайнинг шовқини кўкни тутди. Ойбек, Таъланган асарлар.

Оломон қилмоқ Судсиз-бошқасиз кўплашиб урмоқ, уриб ўлдирмоқ. Гап шу, мусулмонлар, агар бугун ҳам бир гап чиқмаса, бизни лақиллатганлари учун учовининг бошига тўн ёпиб, оломон қиламиз. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ОЛОН, оловг шв. Қаровсиз, ташландиқ ер; тепалик, паст-баландлик. Кун ўтмай, ҳовлига яқин олонга оқ «Волга» келиб тўхтади. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ОЛТИ снқ. сон 6 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Олти сўм. Олти кун. Олти йил. Оғриқ жойини топса,

олти ой қишлайди. Мақол. ■ Ана ўшанда унинг қизи Доно олти ёшда эди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОЛТИБУРЧАК мат. Олти бурчакли текис геометрик шакл. Олтибурчак чизмоқ.

ОЛТИЛИК 1 Олтита холи бўлган қарта. Фиштиннинг олтилиги.

2 Олти мисрадан иборат шеър; мусаддас.

ОЛТИН 1 Менделеев даврий системасининг I гуруҳга мансуб кимёвий элемент; сарнқ-қизғиш тусли қимматбаҳо нодир металл; зар: тилла. Соф олтин. Олтин соат. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин. Мақол. ■ Директор ўша терилар учун кўргазманинг олтин медалини олди. С. Аҳмад, Юлдуз. Хомток қилинган ишқомда ҳусайни узумлар олтин каби товланмоқда. И. Раҳим, Ихлос.

2 кўчма Ҳар қандай қимматбаҳо ёки азиз нарса ҳақида. Ер — хазина, сув — олтин. Мақол. Дўст-ёрлар аҳил бўлса, Ҳўлда олтин ундирар. Мақол. ■ Қўшиқ айтиб келаман қир ёқалаб. Гул-чечаклар тераман Сир ёқалаб. Тер тўжиб етиштирган «олтинимиз» Туради чаноғида бизга қараб. «Фольклор».

Олтин суви қ. зарҳал, ҳал. Олтин суви югуртирилган соат.

3 Шу металлдан зарб қилинган пул. Ҳомид ёнчиғини чиқариб, бир қўлидан иккинчи қўлига олтинларни санаб тушира берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бунчалик дабдаба, албатта, хазинадаги олтинлар кучи билан бўлгандир, деб баъзиларнинг кўнглига келар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 сф.т. кўчма Қимматли, бебаҳо (фикр, гап, сўз, иш, вақт ва ш.к. ҳақида). Олтин ёшлик. Ёш чоғим — олтин чоғим. Мақол. ■ Кам бўлманг, раисим, олтин сўзларни айтдингиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Амунинг бўйида кезардим танҳо. Шу олтин дамларни сезардим танҳо. Ғайратий.

Олтин бош Яхши идрок этадиган, яхши ишлайдиган бош, ўткир ақл; шундай бош, шундай ақл соҳиби. Ниҳоят, Қоратой Йўлчининг елкасини дўстона қоқиб деди: «Роса бошинг бор, иним Йўлчи, олтин бошинг бор. Гапларинг бари ҳақ. Ойбек, Таъланган асарлар. **Олтин водий** Ноз-неъматларга бой, обод, яшнаган водий. **Олтин куз** Йилнинг ҳамма нарса фарқ пишган тўқин-сочин бўйи, мўл-кўлчилик фасли. Баҳор бўйи, ёз пайти заррама-зарра йиққан бунёдини буюк саховат билан деҳқон этагига солаётган мана

шу олтин кузда унинг юраги қафасдан чиққан қуш юрагидай яйрай бошлади. М. Исмоилов, Фарғона т. о. **Олтин одам** Жуда яхши одам, тенга-мисли йўқ одам. **Оқ олтин** Пахта. **Қора олтин** Нефть ёки кўмир. **Қўли олтин ёки олтин қўл** Ҳар ишга моҳир қўл ва шундай қўли киши. *Сизларни кўрганамда.. Олтин қўл албатта тушар эсимга.* Х. Салоҳ.

ОЛТИНГУГУРТ Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент; тез ёнадиган сариқ рангли металл (тиббийтда ва саноатда кенг ишлатилади). *Олтингуурт оқсиланинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

ОЛТИНЛАМОҚ Олтин билан қопламоқ, олтин югуртирмоқ, зарламоқ, зар қопламоқ.

ОЛТИНЛАНМОҚ Олтин каби ярқирамоқ, товланмоқ. *Бургут қуёи доирасини кесиб ўтаркан, бир зум ёниб кетгандай олтинланиб кўринди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қлпссаси.

ОЛТИНЛАТМОҚ Олтипламоқ фл. орт. н. *Қуёш чиқиб, анҳор ёқасидаги толарни олтинлатган; тоза, ёрқин ҳаво кўзни қамаштиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЛТИНСИМОН Олтинга, тиллага ўхшаш, олтин рангли, ялтироқ, сап-сариқ олтиндай. *Қуёшнинг олтинсимон нурлари. Олтинсимон бугдойлар.* ■ *Дўстлар бироз сўлган бананларнинг олтинсимон пўстилогини артиб, нон билан ея бошладилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ОЛТИНТАМҒА Ўзбек халқининг этник таркибига кирган қабилалардан бирининг ном.

ОЛТИНЧИ 1 *тртб. сон* Тартиб ўрни 6 рақам билан белгиланган, 6 номерли. *Олтинчи ой. Олтинчи кун.*

2 Катта-кичик нарсаларнинг бешинчидан катта, еттинчидан кичик ўлчам. *Олтинчи калиш. Олтинчи лампа.*

ОЛТИНҚОЗИҚ (О – катта) айн. **Қутб юлдузи қ. қутб 1.** - *Хув анов, шимолдагиси – Олтинқозиқ юлдузи. Уосмоннинг ўқи бўлади. Шунга қараб юрган киши йўлидан адашмайди, – деди чол Шум болага.* Ф. Ғулом, Шум бола.

ОЛТИНҚУНҒИЗ айн. **Тиллақунғиз.**

ОЛТМИШ снқ. сон 60 рақам ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Олтмиш сўм. Олтмиш киши. Олтмишдан ўттизми*

олмоқ. Олтмишга кирган отадан ош сўрама. Мақол.

ОЛТОВ жамл. сон Олти киши ёки олти-та нарса. *Олтов бўлиб жўнамоқ.* ■ *Ҳар тарафни юрдим сўраб, Сенинг олтовингни қараб. Олтовинг ҳам келиб қолдинг, Кун битган ажал ҳайдаб.* «Ёдгор».

ОЛТОВЛОН бирг. сон Олти киши, олти киши бўлиб, олти киши биргалакда. *Олтовлон ола бўлса, оғзидагини олдирад, Туртовлон тугал бўлса, унмаганни ундирад.* Мақол.

ОЛТОЙ қ. **олтойлар.** *Олтой халқи. Олтой тили. Олтой аёл.*

ОЛТОЙЛАР Олтой ўлкасидаги туб аҳолининг асосий қисми.

ОЛУ [ф. *ألو*] шв. Олхўри.

ОЛУВ 1 Олмоқ фл. ҳар. н.

2 *мат.* Бир сондан иккинчи сонни айириш амали; айирув, тарҳ. *Ҳисобдан ҳам қўшув, олувларни ўрганибсиз, тузук!* Ҳ. Ғулом, Мангъл.

ОЛУВЧИ Бирор нарсани қўлга кири-тувчи; харидор. *Сотувчи олувчи, олувчи сотувчи ахтаради.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

ОЛУД, олуда [ф. *ألود / ألود* – булганган, ифлосланган, ботган] Бирор нарсага булганган, ботган, қоршиган. *Тўғриси, заҳар олуд мактубингизга одамларча тушуна олмадим ва тушунишга ҳам лузум кўрмадим.* А. Қолирий, Ўтган кунлар.

ОЛХҲҲРИ [ф. *ألو* – олхўри + *خوری* – ейишли] 1 Раънодошлар оиласига мансуб дاناқли мева дарахти. *Бир туп олхўри. Олхўри экмоқ.* ■ *Дадаси, не ҳасратда кўкараётган олхўрининг ҳамма шохини битта қўймай кесиб ташлабди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Шу дарахтнинг ширин меваси. *Сариқ олхўри. Қора олхўри.*

ОЛЧА [олу + =ча: кичик олхўри] 1 Раънодошлар оиласига мансуб данақли мева дарахти. *Бир туп олча.* ■ *Атроф ҳали ёруғ бўлса ҳам, пастлик булутли кунни эслатар, гулини тўккан олчаланнинг тиниқ барглари қорамтир бўлиб кўринар эди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Шу дарахтнинг юмалоқ нордон меваси. *Олча мураббоси.* ■ *Ёзининг энг жазирамасида олчанинг сувини шарбат қилиб ичмиса, ташналикни қондиради.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ОЛЧАЗОР Нукул олча билан банд ер, майдон, боғ. *Моҳидил у ёқ-бу ёққа аланглаб олиб, қалин олчазор орасидан қўшинининг томорқасига ўтди.* С. Зуннунова, Кўк чирроқлар.

ОЛЧАРАНГ Олча рангига ўхшаш; қизил. *Аясининг буйнида шода-шода марварид. Оёғида учи бигиздек ингичка, олчаранг туфли.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОЛЧИ I Ошпқнинг ўйиқ ён томони.

2 Ошпқ ўйинида ошпқнинг шу томони юқорига қараб турган ютуқ вазияти. *Товва пужкани ейди, олчи чиккани ейди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Ошиғи олчи Иши ўнгдан келган, юришган, омади келган. *Қодировнинг ошиғи олчи, дўпписи яримта.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Энди мен билан бамаслаҳат иш юритсангиз, кам бўлмайсиз, доим ошиғингиз олчи бўлади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ОЛЧИН I 1 Ўзбек халқининг этник тарқибига кирган уруғлардан бирининг номи.

2 Шу уруққа мансуб киши. *Ўши, биз те-мурий эмасмизми? Ул ўзбекнинг барлосидин эрса, биз олчинданмиз!* «Ёшпик».

ОЛЧИН II Узунлик ўлчов бирлиги; аршин (қ.) ва газ (қ.) қийматларига тенг. *Москвада саккиз олчин шойи йигирма танга тураркан.* М. Осим, Карвон йўллариди.

ОЛЧИН III: олчин тўқмоқ Дастаси узун катта ёғоч тўқмоқ.

ОЛЧОҚ кт. Ўтакетган разил, паст, ёвуз, номард; ховн. *Олчоқ одамлар.* ■ *Домлам дарс орасида гоҳ замондан шикоят қилади, ёмонларнинг, олчоқларнинг кўплигини айтади.* Ойбек, Болалик. *Мен шайтондан минг мартаба ваҳшатли бўлган Олчоқларни кўриб, чидаб турганман аввал.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОЛЧОҚЛИК I Олчоққа хос хусусиятта эгалтк. *Олийжаноблик билан олчоқлик, ҳақиқат билан ёлғон, валломат билан макр-ҳийла, ҳалол билан ҳаром ёнма-ён.* С. Нуоров, Нарвон.

2 Олчоқ кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш; разиллик.

ОЛҚАМОҚ Бировга яхшилик, бахт, саломатлик тиламоқ, муваффақиятлар тилаб қолмоқ. *Ботирларни олқайди, Ҳурматлайди бу диёр.* З. Диёр. *Ичимда Яхшибоевни олқайман, денг. Агар бу иш хаёлига келмаганда, ким*

билади дейсиз, мен яна қачон дашт ҳавосини ҳидлар эдим. М.М. Дўст, Лолазор.

ОЛҚИНДИ Қайта-қайта ишлатилавериб юпқа бўлиб кетган совун; совун қолдиғи. *Тонг қоронғисиди кир қўйганимча, олти-та совундан олқинди ҳам қолмади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Редактор ўринбосари кўк майсадек пойандозда шоколад қоғозлари ва иккига бўлинган, олқинди совундек шоколадни кўрди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Олқинди қайроқ Ейилиб кетган юпқа қайроқ. *Эшимқул эшикдан пичоғини юпқа олқинди қайроқда қайраб келгач, Насимжон боши кўкка этгудай севинди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ОЛҚИШ I Яхшилик тилаб айтилган, ай-тиладиган сўзлар, мақтов, дуо. *Олқиш олган омондир, қарғиш олган ёмондир.* Мақол. ■ *Тақдир тақозоси билан йўл-йўлакай беҳисоб аччиқ-чучук мазасини тотди, пичинг ҳам, олқиш ҳам эшитди.* «Ёшпик».

2 Мамнунлик, таҳсин билдирувчи қар-сақлар. *Мирсоатнинг ҳисоб маърузасидан кейин узоқ олқиш бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Қўшиқнинг охири олқишларга кўми-либ кетди.* Н. Аминов, Ёлғончи фарш-талар.

ОЛҚИШЛАМОҚ Мамнунлик, таҳсин билдирмоқ, олқиш сўзлари билан табрик-ламоқ; таҳсинлаб қарсақ чалмоқ. *Ўзбекистон халқ артисти Юсуфжон ака тўқсон ёшга кирган кунни халқ уни кулиб-кулиб олқиш-лайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Тонг ёришгани, дунёга нур тўлгани учун қувонаёт-гандек, осмонда турғайлар.* кундузни олқиш-лайдилар. М. Исмонлий, Фарғона т. о.

ОЛҚОР I қ. алқор, архар. *Олқор кўз олдимизда қайгадир йўқолди.* А. Суюн, Олис тонглар.

ОЛҚОР II бот. Ёввойи ўт, ўсимлик тури. *Олқор билан кийикўт қизлар қулоғида бўлди, кўжрақларида бўлди.* Т. Мурод, От киши-наган оқшом.

ОЛҒА I рвш. Олдинга, илгарини томонга. *Олға юрмоқ.* ■ *Ўзи пулемётини судраб, олға эмаклаб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин куз.

Олға босмоқ 1) олдинга томон юрмоқ, илгарига қараб силжимоқ. *Хон ёнида турган хос навкар қилчичини ушлаб, беҳштиёр бир қадам олға босди.* С. Сиёев, Аваз; 2) ривож-ланмоқ, илгариланмоқ. *Иш олға босмоқда.*

2 унд. с. Илгари томон силжишга, олдига томон юришга чақириб нидоси. Қани, олға, ғалаба арслонлари! Қани, олға, ватан қаҳрамонлари! Ҳ. Олимжон, Таъланган асарлар.

ОЛҒИР I Овни яхши оладиган. *Олғир ит. Олатўғоноқ олғир бўлса ҳам, қарчиғай бўлмас.* Мақол.

2 *кўчма* Ҳақни кетказмайдиган; олағон. *Бувинисо олғир ва эпчил аёллардан ўтиб, қозонга яқин йўлай олмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *салб.* Бировнинг, жамоат ёки давлатнинг пулини, мол-мулкни юляб, талаб олувчи; юлғич. *Олғир одам.* ■ *Бу олғирлар меҳнаткашларнинг ҳамёнига човут соляпти.* «Мўштум».

ОЛҒИЧ *шв.* Олғувчи, олувчи. *Боғбон бўлиб, қизил гулли терди, де, Жон олғич жаллодинг — Шакар келди, де.* «Ширин билан Шакар».

Кўз олғич Кўзни оладиган, кўзни хира қиладиган, қамаштирадиган (даражада). *Кўёйда дам кўз олғич чарақлаб, дам кўкатлар орасига яширинган бу кичкина ариқнинг наъшаси бошқача эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ОЛҒИРОТ [ф. *الوهرات* — Ҳирот олхўриси] *айн.* олхўри. *Махшур боғбон Дарвеи ҳожи шафтоли, олхирот кўчатларини утқазмоқда.* Ойбек, Навоий. *Нонуштага қиём-олхирот, Кечга палов, беҳи босилур.* Миртемир, Асарлар. *Олхўрининг жайдари номи турлича: қораоли, олхўри, олхирот, ғайноли.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ОМ I [а. *عام* — умумга тегишли, умумхалқ; кенг тарқалган] (*о* — *чўзиқроқ*) Умум; умумга тегишли.

Рухсат(и) ом этн. Умумга рухсат (ўликни кўтариш олдидан ўлик эгаси томондан «энди истаганларга рухсат» маъносига ишлатилган ибора). **Ом бўлмоқ** Маълум бўлмоқ. *Куринди марифат хушиди, нури бўлди элга ом.* Ҳамза. **Қатли ом** Ҳаммани қатл қилиш, оммавий, ёппасига қирғин. *Ҳақиқатан ҳам шахсга сиғиниш йилларида оммавий қатли омгача идеология ва қонунчилик соҳасида ўзига хос тайёргарлик олиб борилган.* Газетадан.

ОМ II {немис физик олими Г.С.Ом (Ohm) номидан} *физ.* Халқаро бирликлар тизмида электр қаршилик бирлиги.

ОМАД [ф. *آمد* — келди; келиш; бахт; кирим, даромад] Ишнинг ўнгдан келиши,

илгари босиши; бахт, толе. *Омадингиз баланд. Ҳар йигитга бир омад.* Мақол. *Ишнинг омади — ўз вақти.* Мақол. ■ *Эҳче, иш катта-ку! Омад тилайман, чўталдан чўзасизда!* Ойбек, Таъланган асарлар. *Буни омад дейдилар: ҳам иш ундирибсан, ҳам томоша қилибсан.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Омад кўпи бошига кўнди айн. бахт кўпи бошига кўнди қ. **Омади гап ёки гапнинг омади** Холисона айтилган гап; гапнинг тўғриси, ўрни, мақоми. *Мен омади гапни айтибман, ўртоқ Самандаров, албатта, мени билмайдилар.* А. Қаҳҳор, Кўпчинор чироқлари. *— Жаноби олий ва сизнинг давлатингиз халмаси меники, нега хафа бўлайин, гапнинг омадини айтдим-да, — деди Ўрмон полвон.* С. Айний, Куллар. **Омад(и) келмоқ** (ёки **юрпшмоқ**) Иши ўнгидан келмоқ, бахт келмоқ, юрпшмоқ. *Рузиқулнинг омади келиб, чўнтаги хўпная бошлади.* Ғайратий, Довдираш. **Омади кетмоқ** Иши ўнгидан келмаслик, орқага кетмоқ, бахт йўли тўсилиб қолмоқ. *Омадинг кетганда, кунлар тошбақа юриш қилиб, секин ўтади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ОМАДЛИ Омади, толеи баланд, бахтли. *Омадли одам.* ■ *Кимгаки ақлу идрок насиб этган бўлса, демак, у омадлидир.* «Фан ва турмуш».

ОМАДСИЗ Омади, толеи паст, бахтсиз. *Омадсиз одам.* ■ «*Аравакаш*» — унинг ҳовғиша уруш давридаги омадсиз ёшлигидан қолган лақаби, холос. А. Мухтор, Кумуш тола.

ОМАДСИЗЛИК Омад келмаслик, муваффақиятсизлик, *Омадсизликни тоқат билан ен.* «Ёшлик».

ОМБИР I қ. **омбур**.

ОМБИР II *шв.* Девор тагидан сув ўтishi учун қолдирилган туйнук; қувур.

ОМБОР [ф. *انبار* — ғалла, озиқ-овқат сақланадиган хона, бино; омборхона, магазин] Озиқ-овқат, асбоб-анжом, мол ва ш.к. сақланадиган бино. *Омбор тўла дон.* ■ *Ҳовли ўртасида қаққайиб турган Умиднинг тахминича, бу ҳовлида ошхона, омбор, гараж ва ҳоказолардан ташқари ё ўн икки, ё ўн уч хона бор.* Мирмуҳсин, Умид.

Сув омбори Сунъий сув ҳавзаси, сув тўпланадиган жой. *Каттақўрғон сув омбори.* ■ *Амударёда йирик Туямўйин тўғони ва сув омбори қурилиши охирига етди.* «Фан ва турмуш».

ОМБОРХОНА [омбор + хона] айн. омбор. Бой омборхона калидини Ойшабонуга узатди. Х. Фулом, Машғал. Бино минерал сувлар сақланадиган омборхона қилиб қўйилган. Газетадан.

ОМБОРЧИ Омбор мудир. *Ўтган йили анови омборчи Абдусамаднинг ўғли ҳам иттихондан ўтолмай қайтиб келди. С. Зуннунова, Олов. Полвон отдан тушиб, бозордан келтирилган нарсаларни.. омборчига берди. Ж. Шаршпов, Хоразм.*

ОМБУДСМАН, омбудсмен [швед. ombudsman — бирон киши манфаатларининг вақили] Турли хил маъмурий органлар, шунингдек, хусусий шахслар ва бирлашмалар фаолиятининг қонунийлигини, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишини назорат қилиш учун махсус сайланган (тайинланган) мансабдор шахс. *Омбудсман хизмати ходимларининг қайд этишича, болалар жиддий, чуқур мазмунли саволлар беришиб, улар билан баҳсга киришишган. Газетадан.*

ОМБУР [ф. *انبور* — қисқич, омбур] Мих суғуриш, нарсаларни қисиб ушлаш, кўтариш, эгиш, қирқиш, синдириш каби ишлар учун қўлланадиган икки жағли асбобларнинг умумий номи. *Юмалоқ жағли омбур. Оғриқ тишининг давоси — омбур. Мақол. ■ Чолнинг қалбини аллақандай совуқ бир қўл омбур орасига олиб сиқар, оғриғи юзига уриб борар эди. М. Исмовилый, Фаргона т. о. Гулсумбиди кизини оёқ остига олиб, унинг баданини, омбур билан чўзиб тортгандай, уза бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ОМИ [а. *عامى* — халққа тегишли; жамотга оид; оддий, содда] (о — чўзиқ) Саводсиз, ўқимаган; авом. *Хон ҳазратлари, мен ўқимаган, ёвонлик бир оми одамман. Ж. Шарипов, Хоразм. Сизнинг ҳар бир гапингиз биздек оми одамларга ўрناк бўлиши керак. П. Турсун, Ўқитувчи. -Ҳа, энди.. биз оми одамлармиз, — деб қўйди Тойлоқов. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.*

ОМИЛ I [а. *عامل* — сабаб; таъсирчан куч] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг юзга чиқиши, содир бўлиши учун сабаб бўлган нарса; сабаб. *Отабекнинг маънавий падари бўлган Ҳасанани ота унинг махфий дардининг асли омилини излайди. А. Қодирый, Ўтган кунлар. Чигитга гамма нурлари*

бериш вилтга қарши кураидаги асосий омиллардан бири. Мирмуҳсин, Умил.

ОМИЛ II [а. *عامل* — ишловчи, ҳаракатдаги; ҳақиқий; ишчи, хизматчи] 1 Бирор ишни яхши эгаллаган; уста, моҳир, омилкор. *Бирни иккига чақиб, иккини тўрт қилишга омил ота қизини [Таннозхонни] ишлагани қўймаган эди. Қ. Махсумов, Муҳаббат қўшиғи.*

2 Омил (эркаклар исми).

ОМИЛИК Авом бўлишлик, саводсизлик. *Ўргилай, ҳамма касофат омилигимизда-де! Ҳамза, Танланган асарлар.*

ОМИЛ-КОМИЛ Жуда омил, етук уста. *У ҳар қандай ишга омил-комил одам.*

ОМИЛКОР [а. + ф. *عامل كار* — ишбилармон, моҳирлик билан ишловчи, оқил] Омиллик, усталик билан иш кўрувчи; уста, омил. *Омилкор деҳқон. Омилкор тўқувчи. ■ Амакиларининг бу борада омилкор, пухта кишилар эканини билгани учун Исломбой индамай қолди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.*

ОМИЛКОРЛИК Усталик билан, оқилна иш кўришлик. *Пахта териш машиналаридан омилкорлик билан фойдаланмоқ.*

ОМИЛЛИК Бирор ишни яхши эгаллаганлик, усталик. *Ўз ишига омилик.*

ОМИН [а. *امن* — ишонувчи; ишончи бор; хавф-хатардан холи бўлган] Ислом, яҳудий ва христиан динларида диндорлар ўртасида «қабул этилсин», «яшобат бўлсин» маъносида, оддий халқ орасида эса «илоҳи шундай бўлсин», «айтганингиз келсин» маъносида ишлатиладиган сўз. *-Энди мусофир қизингизнинг бахтига сиз ўлманг, омин! — деди Кумуш онасига. А. Қодирый, Ўтган кунлар. -Худо ҳаммангизга қувват берсин! Олинлар, олдирманлар. Омин! — деди Алим бува. М. Исмовилый, Фаргона т.о.*

ОМИХТА [ф. *امیخته* — аралаш, аралаштирилган] 1 *от* Бир неча маҳсулот аралашмаси. *Хайриятки, бола тезда овунди, асалду ёғ омихтаси суртилган эмизикни шимганича ухаб қолди. М. М. Дўст, Лолазор.*

2 *сфт.* Аралаш, бошқа нарса аралаштирилган. *Омихта ёғ. ■ Омихта емлар бу ерда бугдой, арпа, сули маҳсулотларидан тайёрланади. Газетадан. Азизхоннинг димоғига қалампирмунчоққа омихта атир ҳиди урилди. С. Аҳмад, Уфқ.*

3 кўча с. т. Аралаш-қуралаш, мош-кичири, қоришиқ. Турмушдаги бошқа-ю, китобдагиси ҳаводан олинганми? Китобдаги билан турмушдагини бир-бирига омихта қилиш кимнинг иши? Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ОМИХТАЛАНМОҚ Аралашиб, қўши-лвб кетмоқ. Носоз транспорт воситаларидан чиқаётган ортиқча газлар бир-бири билан омихталаниб, шундай қўланса ҳид тарқат-яптики, бунақасини ҳеч ерда учратмайсиз. «Муштум».

ОММА [a. عاتمة — умумийлик; оддий халқ] Бирор ижтимоий гуруҳнинг катта кўпчи-лиги, умум, кўпчилик, халқ. Меҳнаткашлар оммаси. Дехқонлар оммаси. Ишчилар оммаси. Зиёшлар оммаси. ■ У [Йўлчи] буйини чў-зиб, қайноқ, асабий, ғазабли оммани, зулм ўчоғини портлатишга тайёр ботир халқни кўздан кечирди. Ойбек, Танланган асарлар.

ОММАБОП Умумга, оммага тегишли, омма учун белгиланган, мўлжалланган. Оммабоп адабиёт. Оммабоп журнал. Омма-боп тилда ёзилган мақола. ■ Ота оммабоп тилда.. ер ислоҳоти ҳақида гапирдилар. Ш. Холмйрзаев, Сўнмас ўт.

ОММАВИЙ [a. عاتمةوى — умумга, умум-халққа тегишли, ойд] 1 Оммага, кўпчиликка ойд; омма, кўпчилик томонидан ёки омма орасида бажариладиган. Оммавий иш. Омма-вий ҳаракат. ■ Айрим оммавий-даврий нашрларнинг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмади. Газетадан.

2 Кенг қўламдаги, кенг қўлам олган.

Оммавий ахборот воситалари Хилма-хил мазмундаги ахборотларни кенг оммага ет-казиб берувчи воситалар — даврий матбуот, радио, телевидение ва ш. к. нинг умумлашма номи. Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида айтилишича, учрашув чоғида Украинанинг альянсага қўшилиш масаласи кўтарилмаган. Газетадан. **Оммавий қирғин қуроллари** Душманнинг кучларига, қурол-аслаҳаларига, иншоотларига ялпи талафот етказувчи қурооллар. Айни пайтда, ядровий қуролсизланиш бўйича тадбирлар билан бир қаторда, оммавий қирғин қуроолларининг бош-қа турлари ҳам тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши лозим. Газетадан.

ОММАВИЙЛАШМОҚ Умумий, омма-вий тус олмақ; омма орасида кенг ёйилмоқ.

Қишлоқ ёшлари ўртасида спорт оммавий-лашиб бораётир.

ОММАВИЙЛИК Оммавий хусусиятга эгаллик. Мен ишбу тамойиллар қаторига ом-мавийлик принципини ҳам киритган бўлар-дим. Газетадан. Ўқиш ҳам, обуна ҳам, боринг-ки, фаолиятнинг барча жабҳаси оммавий-ликка асосланган эди. Газетадан.

ОММАВИЙ-МАДАНИЙ Омма ўртаси-да ўтказиладиган маданий ишларга ойд, шундай ишларни амалга оширадиган. Район комитетининг оммавий-маданий бўлими. Оммавий-маданий ишлар.

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ Омма ўртасида ўтказиладиган сиёсий ишларга ойд, шундай ишларни олиб борадиган. Оммавий-сиёсий ишлар.

ОММАЛАШМОҚ Омма, кўпчилик, халқ орасига ёйилмоқ, кенг тус олмақ, кенг тарқалмоқ. Илғорларнинг тажрибаси оммалашмоқда. ■ Унинг ўз таърифича, бу сўзлар.. эндигина оммалашаётган фан ва техника қурооллари, буюм ва асбоб-анжом-ларининг «ўзбекча атамаси» эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ОММЕТР [нем. Ohm — ом + юн. metreo — ўлчамай] физ. Электр қаршилигини бево-сита ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

ОМНИБУС [лот. omnibus — ҳамма учун] эск. 20-аср бошларигача: муайян аҳоли масканлари орасида мунтазам қатновчи кўп ўринли от-арава; дастлабки жамоа транс-порти.

ОМОН [a. امان — хавфсизлик; хотир-жамлик; раҳм-шафқат] 1 Соғ-саломат, эсон-соғ. Бош омон бўлса, дўппи топилар. Мақол. ■ Қоратегиндан келдингми, опанг омонми? А. Қодирий, Утган кунлар. Бу бош бевафо дунёда нималарни кўрмади дейсиз. Кўп тўполонлардан омон қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Тоҳир омон, ҳеч бир шикаст еган йўқ. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

Омон бермай Аямай, шафқатсиз равишда. Сен қўлима тушиб бўлдинг гуноҳдор, Омон бермай ўлдираман муқаррар. «Рустамхон».

2 Тинч, осойишта. Она юртинг омон бўлса, ранг-рўйинг сомон бўлмас. Мақол. ■ Дунёдаги барча тинчликсевар кишилар она заминнинг омон қолиши учун ҳамжиҳатлик билан ўз хоҳиш-иродаларини намоиши этмоқ-далар. Газетадан.

3 Омон (эркаклар исми).

ОМОНАТ [а. *آمانت* – ишонччилик; тўғрилиқ, ҳалоллик; сақлаш учун берилган нарса; туҳфа; мерос] 1 Сақлаб бериш, вақтинча фойдаланиш ёки бошқа бир кишига элтиб бериш учун топширилган. *Омонат хат. Омонат пул.*

2 Омонатга сақланган пул ва б. нарса, буюм. *Анов куни қўйиб кетган омонатга келдим. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Омонатларни эгаларига топширгангиздан кейин, майли.. куёвтура қизимизни Маккага олиб борсалар ҳам, монелик йўқ. И. Ўқтамов, Ҳикоялар.*

3 Мижознинг маълум бир шартлар асосида банкка қўйган пул маблағи.

Омонат дафтарчаси Омонат кассага пул қўйилгани ҳақидаги шахсий ҳужжат. *Салимхон Обидий.. аллақандай зарур ҳужжатларни, омонат дафтарчасини рўмолга тудди. Мирмуҳсин, Умид. Омонат кассаси* Фуқароларнинг пулини вақтинча сақлаб берадиган муассаса. **Омонатини топширмақ** Вафот этмоқ, оламдан ўтмоқ. *Камир уйга кирган-у, шу қисқа фурсат ичида чоли тушакка беозор чўзилганича, омонатини топшириб қўйганининг гувоҳи бўлган. «Ёшлик».*

4 Номтагина, шунчаки; зўрга. *Чол супадаги ёғоч сўрига омонат илиниб, ниятини айтишга сўз тополмай қийналди. «Ёшлик».* *Тўйчи пойгадаги чўян печ устига омонат ўтирди-да, ера қараганча, индамай, папиросга зўр берди. А. Кўчимов, Ҳалқа. Ошпаз косага лағмон сузиб, йўнилмаган тахтадан омонат ясалган стол устига қўйди. С. Аҳмад, Уфқ.*

5 Вақтинчалик. *Одам – омонат, дийдор – ғанимат. Мақол. ■ Жиян ижара уйда омонат ўтиради. «Ёшлик».*

6 Путурдан кетган ёки зўрга илиниб турган. *Омонат бино.*

ОМОНАТЧИ Омонат кассасига пул қўйган киши. *Бугунги кунда банкда 70000 дан ортиқ омонатчиға самарали хизмат кўрсатишмоқда. Газетадан.*

ОМОНИМИК Омонимга хос, тегишли. *Сўзнинг омонимик хусусияти.*

ОМОНИМИКА [«омоним» с. дан] тлш. 1 Бирор тилдаги омонимларнинг жами, йиғиндиси.

2 Тилшуносликнинг омонимларни ўрганадиган бўлими.

ОМОНИМИЯ [«омоним» с. дан] тлш. Бирдан ортиқ тил бирлигининг талаффуз ва ёзилиш жиҳатидан бир хил бўлиш ҳодисаси.

ОМОНИМЛАР [фр. *omonymes* < юн. *homonos* – тенг, бир хил + *onyma* – ном, исм] тлш. Шакл ва талаффузи, яъни ёзилиши ва айтилиши бир, аммо маъноси бошқа-бошқа сўзлар, шаклдош сўзлар.

ОМОНЛАШМОҚ 1 Бир-бири билан саломлашмоқ, бир-биридан ҳол-аҳвол сўрашмоқ. *Элмурод челақларини ерга қўйди-да, бориб [Норжон билан] омонлашди. П. Турсун, Ўқитувчи. Аҳмадали Рўзихон ая билан йўл-йўлакай омонлашди, ундан кўнгул сўради. «Ёшлик».*

2 шв. фольк. Видолашмоқ, хайрлашмоқ. *Холдор кетар бўлди, беклар, дунёдан, Розиланиб, омонлашиб қолинглар. Эрташ Жуманбулбул. Ана шундай қилиб, Муродхон сингисини билан омонлашиб, йўлга тушиб жўнайверди. «Муродхон».*

ОМОНЛИК Соғ-саломатлик, тинч-осойишталик. *Сизга омонлик тилайман. ■ Омонлик бўлса, бу бағри кенг одамлар Хайрининг невараларигача, улардан қолажак авлодигача боқади. «Ёшлик».*

ОМОН-ОМОН Тинчлик, осойишталик (кўпинча урушдан кейинги даврда). *Бир куни бир алвон замон келади, Замин узра омон-омон бўлади. М. Юсуф, Уйқудаги қиз.*

ОМОНСИЗ айн. беомон. *Мирзакаримбой Йўлчида далда бериш учун.. ўлим ҳар кимнинг бошида омонсиз қиличини тутиб турганлигини гапирди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ОМОН-ЭСОН айн. омон 1. *Агар Каримжон омон-эсон қайтиб келса, раислигини ҳам ташлайман. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОМОЧ эск. қ. х. Улов қўшиб ер ҳайдаладиган, металл тишпи қадимги энг оддий ёғоч ёки темир асбоб. *Омоч билан ер ҳайдамоқ. ■ Ҳўкиз калласини эгиб, омочни тортишга уринар, қўшчи эса ҳадеб қистар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Абдурасул] Дастлаб Олахўжанинг сигирларини боқади, кейин омоч қулоғини ушлайдиган бўлгач, қўшга чиқади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ОМОЧ-БҮЙИНТУРУҚ Ер ҳайдаш учун керакли бўлган омоч, бүйинтуруқ ва бошқа асбоблар мажмуи.

Тарақа туруқ, омочга бүйинтуруқ ҳазил Арзимаган ишга тўполон, шов-шув, тартибсизлик кўтарилганда айтыладиган ибора.

ОМОЧЛИ Омочга, плугга эга бўлган. *Томорқа этагидаги деворнинг омочли трак-*

тор киргудек жойи бузиб ташланган эди. А. Обидов, Аканг қарағай Гулмат.

ОН I [ф. *آن* — у, улар]: он ҳазрат(лари) у олий ҳазратлари (подшоҳ, амир, хон ва ш.к. ҳақида). *Мирзо Анвардан он ҳазратга номус-сизона бир хиёнат содир булди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

ОН II [а. *آن* — вақт, давр, пайт] Қисқа бир замон: лаҳза, пайт. *Бир он. Шу онда. ■ Бир оннинг баҳосин улчамоқ учун Олтиндан тарозу, оломсодан тош оз. Ф. Фулом. Умид Ҳафизга билан бўлган ширин онларини хаёлидан ўтказарди. Мирмуҳсин, Умид.*

ОНА I Фарзанди ёки фарзандлари бўлган хотин (ўз туққан фарзандларига нисбатан); болали хотин. *Кўп болали она. Бола йиғламаса, она эмчак бермас. Мақол. Эрка тутса онаси, талтаяди боласи. Мақол. ■ Қиз эрталаб туриб, дарров онасига разм солди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ОНА тили Боланинг гўдақликдан катталарга тақдид қилиб ўрганган тили, туғма тил (одатда, гапирувчи шахс мансуб бўлган халқ тили). *Овайи зор, олавзор Мехрибон, ғамхўр она; онанинг муштипарлигини, мушфиқлигини, меҳрибонлигини ифодалаш шакли. Онайи зор эмасми, устунни ушлаганча. . бола-сининг товуши келаётган томонга термилиб қолди. Ойдин, Мардпшк — мангулик. Тошкентдан келган хат онаизор юрагига гўлгула солди. Мирмуҳсин, Умид. — Болам, — деди-ю, онаизор яна оламга тинчлик тилайди: — Оналар.. ғам чекмасин, осмонимиз мусаффо бўлсин. Онавг ўргилсин қ. ўргилмоқ. Онаси этн. Эрнинг ўз хотинига унинг исмини айтмай мурожаат этиш шакли. Ҳой, онаси, суюнчини чўз. Э. Раҳим, Янги қадам. Қайи она айн. қайнава. Қаҳрамов она Ўнта ва ундан ортиқ бола туғиб вояга етказган оналарга бериладиган фахрий унвон.*

2 Оила бошчилиги, тарбиячиси. *Булар учун алоҳида қозон осилармиди. Сиз ҳаммасининг онаси, у киши — ота. Уста болани жуда яхши кўрадилар. А. Қаҳҳор, Томошабоғ.*

3 Кекса аёлларга ҳурмат юзасидан уларнинг номига қўшилиб ишлатилади, мас. *Тожиқхон она, Норжон она.*

4 Кекса аёлларга ҳурмат билан мурожаат этиш шакли.

5 Бола туққан жонивор. *Тойчоқнинг онаси. Она қўй. Яхши бузоқ икки онани эмар. Мақол. ■ Она ари уруғлагандан кейин бир*

сутқада 1500—2000 тагача тухум қўяди. «Фан ва турмуш».

6 кўчма Яратувчи, вужудга келтирувчи; асос, негиз. *Ер — ҳаётнинг онаси.*

Гапнинг онаси Гапнинг пўскаллиаси, бўлган-тургани, ҳақиқати. — *Отангизга раҳмат, Юсвали тоға! — деди бошини қимирлатиб Мели полвон. — Гапнинг нақ онасини айтдингиз-қўйдингиз. П. Турсун, Ўқитувчи. Она Ватап (ёки юрт) Киши туғилиб ўсган, унинг учун муқаддас саналган мамлакат. Яна кўнгли она юртини, баланд тоғлар, кўм-кўк яйловларни қўсмаб, бағрини зах ерга бериб ётиб олади. С. Анорбоев, Ҳамсўхбатлар. Она сути оғзига келди қ. оғиз. Вой-вой, Гулнора синглингни Азизбойниқидан олиб чиққунимча нақ она сутим оғзимга келди. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Она сутидай вок (ёки ҳалол) Ҳеч қандай нопокляк, қалбақлик аралашмаган, кишининг ўз пешона тери эвазига келган. Пулни олмади, минг марта розиман, сизга она сутидай ҳалол бўлсин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Она тупроқ Киши туғилган жой. Кейин билсам, худди ўша бир қулоч ер менинг она тупроғим экан. А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. Она халқ Кишининг ўзи мансуб бўлган халқи. Бечора эмас, йўқ, кўнгли сутдай пок, аммо кўп жабру жафо чеккан менинг она халқим бугун маънавий мадада жуда-жуда ташна. Газетадан. Она қизим Эрқалатиш, алқаш маъносида қўлланадиган ибора. Шундай экан, мен сенга ёмонликни раво кўрмасман, она қизим. Т. Ашуров, Оқ от. Онадан туғма бўлиб Ҳар қандай касалликдан ёки балоқазолардан холи бўлиб, аслидагидай; соғлом, ҳеч нарса кўрмагандай. Бу ўзгартишдан кейин онадан туғма бўлиб, енгил тортди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Онаси ўпмаган қиз Бегона қўл тегмаган, пок, ифбатли қиз; боқира. Пулинг бўлса, онаси ўпмаган малика қизлар санга қучоқ очади. Ойбек, Танланган асарлар. Онасини кўрсатмоқ Таъзирини бермоқ, жазоламоқ. Устозим иккимиз лабораторияга ўтиб олиб, шунақанги сеҳрли дорилар ясайликки, эй иблис, энди онагни кўрасан. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.*

ОНА-БОЛА Она ва бола (бирликда). *Она-бола нонушта қилаётганларида, гузар тарафдан Абдулла бақироқнинг овози келди. С. Аҳмад, Уфқ. Она-бола тунни билан ҳасрат-*

лашиб, охири маслаҳатни бир ерга қўядилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

Она-боладай Она ва бола каби, бир-бирига меҳрибон; иноқ. Бу бечоранинг ҳам ҳеч кими йўқ экан. Она-боладай бўлиб қолдик. А. Қаҳҳор, Қўшгинор чиқроқлари.

ОНА-БОЛАЛИ Онаси ва боласи бор, онаси ва фарзанди билан (бирликда). Совет маъмурияти [Қурбонали полвон оиласини] она-болали бир говмиш сизир билан.. мукофотлади. Н. Сафаров, Қурбонали.

ОНА-БОЛАЛИК Она ва бола ўртасидаги муносабатларга оид, шу муносабатлар билан белгиланадиган, она ва болага тегишли. Онахон уларнинг она-бололик меҳридан завқланиб, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикканча, қўлини иягига қўйиб утирарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОНАБОШИ с.т. 1 Рўзғор бошлиғи ёки бирор жамоатга бош бўлган, уни бошқариб турган ҳурматли аёл. Нафиса ёшлар ичида аллақачон бўлгуси оналик ҳурматини қозongan, гапида ҳам, ишида ҳам салмоқли, қизларгагина эмас, йигитларга ҳам онабоши бўлиб қолган эди. А. Мухтор, Туғилтиш.

2 Болалар ўйинида: қатнашувчи икки томондан ҳар бирининг бошлиғи. «Қушим боши» шунақа ўйин: болалар икки тўдага ажралиб, улар ичидан иккитаси «онабоши» бўлади. Улар битта латтани қушга ўхшатиб тугади. Ҳар икки бола бир-бирига шивирлашиб, бир қушининг отини яширишади. Ф. Фулом, Шум бола.

ОНАЖОН эркл. Онаси ёки кекса аёлни севиб, эркалатиб, уни жуда яқин олиб мурожаат этиш шакли. Элмурод, кампирнинг салимий муомаласини кўриб: -Саломат бўлинг, онажон! — деди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ОНАИЗОР қ. онайи зор. қ. она 1.

ОНАЛАРЧА рви. Оналар каби, оналарга хос меҳрибонлик, шафқат билан. Оналарча ўпмоқ. Оналарча ғамхўрлик. ■ Альбина Петровна курсантларга оналарча ғамхўрлик қилди. «Саодат».

ОНАЛИК 1 Она мавқеи, унга хос ҳислатлар — ҳомиладорлик, туғиш, болани тарбиялаш ва шунга боғлиқ она бурчи. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш. Оналик муҳаббати. Оналик ҳисси. ■ Тусатдан вужудини қамраган оналик меҳри ғолиб келиб, тортган азоби ҳам эсидан чиқди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Бу сўздан сўнг Офтоб ойимнинг оналик кўнгли эриб кетган.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 бот. Ўсимликларда урғочи жинсий аъзо; уруғчи. Ток гулида оналиги яхши ривожланган бўлиб, оналиги эса унча яхши тараққий этмаган. «Фан ва турмуш».

ОНАСИЗ Онаси йўқ, онаси вафот этган. Онасининг умри — хор. Мақол.

ОНАСИЗЛИК Онаси йўқлик, онасиз қолиш. Айтибсанки, онасизлик келмасин ҳеч ўйига. Сарф қилингиз, менга эмас, Абдулланинг тўйига. А. Орипов, Ўйлар армони.

ОНАХОН 1 Онани ёки кекса аёлни севиб, эркалатиб, жуда яқин олиб мурожаат этиш шакли. Қўшариқлик бир онахоннинг ўйига бориб, бош ювиб, кир чайқаб келмоқчи эди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Хотинларга бош, ҳурматли кекса аёл. Ўзбек ойимнинг обрўси ёлғиз шулар билангина чекланиб қолмас, уни ўрда хонимлари ҳам эҳтиром қилиб, ўзларининг «онахонлари» деб билар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Яқинда маҳалламизда истиқомат қиладиган Тўти ая исмли онахон вафот этди. Газетадан.

ОНАХОТИН 1 Ҳурматли, қадрли кекса хотин; бошлиқ, раҳбар аёл. Рўпарамдан келмоқда расмона — онахотин, Намойишлар эгаси салобат билан босиб. Ф. Фулом.

2 Сергап, маҳмадона қизчаларга нисбатан айтиладиган сўз.

ОНАҒАР сук. Нафрат, ғазаб, қаттиқ қойишни ифодалайди. Уларга лугатда топилган йўқ ном, Улар яъжуж-маъжуж, онағар, ём-ём. Миртемир, Асарлар.

ОНГ 1 Одам руҳий фаолиятининг олий шакли; кишининг фикрлаш қобилияти; ақл, вдроқ. Боланинг онгини устириш. ■ Инсон мавжудотлардан онги, тафаккурининг улуглиги, сезги ҳиссиётининг чексизлиги билан ажралиб туради. «Саодат».

2 Одамнинг ёки одамлар гуруҳининг ижтимоий ҳаётни тушуниши, сезиши, унга муносабати. Сиёсий онг. Синфий онг. ■ Бизнинг мақсадимиз кишиларга онг, тушунча бермоқ; токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажратиб оладиган бўлсин! П. Турсун, Ўқитувчи.

3 флс., псих. Воқеликнинг киши миясида унинг бутун руҳий фаолиятини ўз ичига олган ва маълум мақсадга йўналган ҳолда акс

этиши. *Онг мянинг функцияси дир. Модда — бирламчи, онг иккиламчидир.*

4 флс. Белгили бир ижтимоий гуруҳ вакили бўлган кишиларнинг психологик, сиёсий ва фалсафий нуқта назарлари; диний, бадийий қарашлари мажмуи. *Турмуш онгни белгилайди. Ижтимоий онг.*

ОНГ II шв. Ов, илвасин. *Жуда мерган эди, қушларнинг, онгларнинг додини берган эди. «Равшан».*

ОНГЛИ I Онгга эга, ақл-идрокли. *Онгли киши. ■ Хар бир онгли ишчи бизнинг улуғ ҳақиқатимизнинг таъвиқотчиси бўлиши керак. Ойбек, Нур қилдириб. Ахир шу пайтгача, чексиз коинот қарвида биздан ўзга онгли мавжудот сақланиб қолганини била олмагандик-ку?! С. Сибёв, Ёруғлик.*

2 Онг, ақл-идрок билан боғланган, ақл-идрок тақозоси билан қилинадиган; шундай онг-тушунчага асосланган. *Онгли ҳаёт. ■ Албатта, бу натижа тинимсиз онгли машғулот, ўз устида ишлаш эвазига қўлга киритилади. «Фан ва турмуш».*

3 Воқеликни, ижтимоий ҳаётни, ўз мавқеи ва тарихий бурчини тўғри тушунадиган; онги баланд; белгили тушунчага эга, билимли; маданиятли. *Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий иттифоқкорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Газетадан. Тешиабой замонасининг беш-олти хотинлик қолоқ бойларидан бўлмай.. онгли бойлардан эди. М. Исмовлий, Фарғона т. о.*

Онгли равишда 1) онг, ақл-идрок тақозоси билан. *Онгли равишда фикр юритмоқ;* 2) атайлаб, кўра-била туриб. *Онгли равишда қилинган иш.*

ОНГЛИЛИК Муайян онг, ақл-идрок, тушунчага эгалик.

ОНГСИЗ I Онги, ақл-идроки йўқ; ақл-сиз.

2 Тушунчаси йўқ, тушунмаган, онги наст.

ОНГСИЗЛИК I Онги йўқлик ёки настлик; ақлсизлик.

2 псл. Онг ишпирокисиз бўладиган руҳий жараён ва ҳолатлар.

ОНГ-ШУУР Ақл-идрок. *Унинг демократиклиги ва инсон манфаатлари билан уйғунлиги жиҳатлари ҳам тинчликсевар, ҳам адолатнеша давлатлар аҳолисининг онгишуурига мос келади. Газетадан.*

ОНДА-СОНДА *рви. I* Баъзи-баъзида, гоҳо. *Ақром.. институтда ўқиб юрганда ҳам онда-сонда қишлоққа келар, шунда Шарофатдан ўзини олиб қочиб юрарди. «Ёшлик».* - *Қишлоқда турган вақтимда ҳам онда-сонда учрашардик, — деди Раҳимов Туйғунойга. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.*

2 У ер-бу ерда, унда-мунда, сийрак. *Умид ва Ҳафиза тор кўчага бурилишиди, онда-сонда симёғочлардаги чироқлар ёниб турарди. Мирмуҳсин, Умид. Қўриқни кўм-кўк ўт қоплаб ётган бўлса ҳам, мол кам, онда-сонда битта-иккита сизир, қўй қуринар эди. А. Қаҳҳор, Қўшгиндор чироқлари.*

ОНДАТРА [фр. *ondatra* < *индейс тилларидан*] Дала сичқонлари оиласига мансуб кемирувчи жонивор; мушкли каламуш. *Бу териси шилиниб олинган ондатранинг буйруғи.. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

ОНИЙ [а. *أنى* — ҳозирги, айни пайтдаги; долзарб] Жуда қисқа вақт давом этган, эгдиган, бир лаҳзалли. *Оний ўзгариш. ■ Ҳам-манинг юзида оний бир фалокат зарбини тортганларнинг ҳаяжон ва таъвишини кўрди. Ойбек, Навоий. Икки севишган юракнинг бу оний учрашувини ҳеч ким пайқамади. Мирмуҳсин, Умид.*

ОНИКС [юн. *опух* — тирноқ] Ақққнинг оқ ва қора қатламлари алмашиниб жойлашган йўл-йўл тури. *Имом ал-Бухорий ёдгорлиги пойдевори ониксдан ишланган безаклар билан безатилди. Газетадан.*

ОНКОЛОГ Онкология мутахассиси, врач.

ОНКОЛОГИК Онкологияга оид. *Онкологик диспансер. ■ Мамлакатимизда онкологик (ўсмали) беморларда иммунитетни қўллаш (иммунитет этишмаслиги) ҳолатини даволаш усуллари аниқланди. Газетадан.*

ОНКОЛОГИЯ [юн. *onkos* — шши, ўсма, шишган жой + *logos* — фан, таълимот] Ўсма (шиш)ларнинг пайдо бўлиш сабаблари, уларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, шунингдек, ўсма касалликлари билан оғриш, уларнинг олдини олиш ва даволаш йўлларини ўрганувчи тиббий-биологик фан. *Вилоятда ҳанузгача ишхисослаштирилган кардиология, онкология ва эндокринология диспансерлари мослаштирилмаган биноларда ишламоқда. Газетадан.*

ОНОМАСТИКА [юн. *onomastike* — номлаш, ном қўйиш санъати] **I** Тилшунослик-

нинг ҳар қандай атоқли номларни, уларнинг пайдо бўлиш ва ўзгариш тарихини ўрганувчи бўлими.

2 Муайян тилда мавжуд бўлган барча атоқли номлар мажмуи.

ОНТ Муқаддас нарсалар ёки кимсаларнинг номини айтиб, уларни ўртага қўйиб берилган қатъий ваъда; қасам. *Онт ичмоқ.*

■ *Башарти шу хизматни бажариб беришни бўйинингга олсанг, онт билан айтаманки, давлатимнинг ярмиси сеники бўлсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОНТ *ичмоқ айн. қасам ичмоқ қ. қасам. Ошно онт ичди. Отасини, онасини, уйда қолган учта укасию иккита синглисини ўртага қўйиб онт ичди.* М. М. Дуст, Лолазор.

ОНТАРИЛМОҚ *шв. Ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ. Тўнғич бўрининг гавдаси, чўзилиб онтарилганча, ўз қонига олуда бўлиб тўшиди.* «Шарқ юлдузи».

ОНТАР-ТЎНТАР *шв. Ағдар-тўнтар.*

ОНТОГЕНЕЗ [юн. on, ontos — борлиқ + genesis — келиб чиқиш] Организмнинг индивидуал ривожланиши давомида бўладиган кетма-кет ўзгаришлар мажмуи. *Онтогенез даври. Ҳайвонлар онтогенези. Ўсимликлар онтогенези.*

ОНТОЛОГИЯ [юн. on, ontos — борлиқ + logos — фан, таълимот] Фалсафанинг борлиқ, унинг тамойиллари, асослари, тузилиши ва қонуниятлари ҳақидаги бўлими. *Онтология масалалари Шарқда, айниқса, бизнинг юртимизда «Авесто» замонларидан бошлаб фалсафий қарашларнинг таркибий қисмига айланган.* «Фан ва турмуш».

ОНТХЎР Бўлар-бўлмасга қасам ичаврадиган, аммо қасамнинг устидан чиқмайдиган қасамхўр; бебурд. *Онтхўр одам.*

ОПА 1 Бир ота-онадан туғилган фарзандлар ичида ўзидан кичикларга (укаларга, сингилларга) нисбатан катта қиз. *Опаси эрга текканда, Адолат ўн бир яшар қиз эди.* А. Қаҳҳор, Қизлар. *Низомжон опасига кўринмай, ёнғоқ орқасидан айланиб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ўзидан катта, баъзан кичик аёлларга ҳурмат юзасидан уларнинг исмига қўшиб ишлатиладиган, мас., *Мастура опа, Малика опа.* ■ *Раис опа ҳам шу ерда бўлсалар керак.* С. Аҳмад, Уфқ. *Йўқ, Мўттихон опа, бу ишни кечиктирманг, жон Мўттихон опа.* С. Зуннунова, Олов.

3 Ўзидан катта, баъзан кичик аёлларга ҳурмат билан мурожаат қилиш шакли. *Суҳбатда Мастоннинг салмоғи тобора ортмоқда эди. Илғари «синглим» деб турган ийгитлар сал ўтмай «опа» дейдиган бўлишди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Ҳорманг, опа, чарчамадингизми? Ишлар қалай?* Т. Ашуров, Оқ от. *— Опа, нима иш билан шуғулланасиз? — деди офицантка.* Газетадан.

ОПАЛА(Р) *миф. Гуё хотин қиёфасида кўринадиган ажиналар.*

Опала(р) *тегибди с. т. Жин урибди, ажин чалибди.*

ОПА-СИНГИЛ Бир ота-онанинг турли ёшдаги қизлари (бир-бирига нисбатан). *Улар опа-сингил.* ■ *Мастура Насимжоннинг ёш хотини билан опа-сингил тутиниб, у боёқшини шундай аврайди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ОПА-УКА 1 Бир ота-онанинг ёши катта қизи билан ёши кичик ўғли (бир-бирига нисбатан). *Сени деб ота-бола, опа-ука бир-бирига тескари бўлишди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 с. т. Опа-сингил. *Менинг хотиним онаг билан опа-ука бўлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОПАЧА с. т. Кичик опа, опаларнинг энг кичиги (икки ва ундан ортиқ опаси мавжуд бўлган ука ёки сингилга нисбатан). *Бу қоғозни олиб борсанг, опачанг [Мавлуда] ҳам қўл қўйиб беради.* «Ёшлик». *Болалигимда опачам ийқитиб қўйган экан, Уша пайтда эетиборсизлик қилинганлиги сабабли кўзим ожиз бўлиб қолди.* Газетадан.

ОПЕРА [итал. опера < лот. орегa — ижод маҳсули, асар] 1 Муסיқали-драматик санъат жанри ва шу руҳдаги сахна асари. «Гулсара» операси. ■ *Кўпчилик ижодкорлар юбилейга муносиб тухфалар тайёрлаш учун драма, мусиқали драма, опера, вокал-хореографик симфония, сюита ва бошқа сахна асарлари яратишмоқда.* Газетадан. *Санъатга иштиёқи банд Малика Маматова у вақтларда ҳали опера нималигини билмайдиган содда қиз эди.* Газетадан.

2 Шундай асар ижро этиладиган театр. *Бугун операда «Майсаранинг иши» қўйилади. Ўзбек давлат опера ва балет театри.* ■ *Мамлакатимизда уша йилларда драма, опера давлат театрлари очилди.* Газетадан.

ОПЕРАТИВ 1 Ҳарбий операцияга оид, ҳарбий операция билан боғлиқ бўлган. *Оператив карта. Оператив маълумот.*

2 Топшириқни ёки ўз вазифасини тез ва амалий ҳал этадиган, бажарладиган. *Оператив гуруҳ. Милиция бўлимининг оператив вакили.* ■ *Шошилинч оператив группа тузилиб, Тошкент-Қарши йўлларига ҳушёр туриш топширилди. С. Аҳмад, Юлдуз.*

3 Тезлик, зудлик билан амалга ошириладиган, тез қўлланадиган; тез, ишчан, амалий. *Оператив чоралар. Оператив ишламоқ. Масалани оператив ҳал қилмоқ.*

ОПЕРАТИВЛИК Оператив хусусиятга эгалик; тезлик, амалийлик. *Оперативлик кўрсатмоқ. Оперативлик билан иш қилмоқ.* ■ *Тошкентдан беш-олти минг километр нарида кечаётган шахмат воқеалари газетамиз саҳифаларида оперативлик билан ёритиб борилаётгани мухлисларни жуда қувонтирмоқда. Газетадан.*

ОПЕРАТОР [лот. *operator* – ишловчи, ишлаб турган] 1 махс. Мураккаб механизмлар ишини пулт ёрдамида бошқариб турадиган мутахассис. *Машиналарни бошқариш оператордан зийраклик, чаққонлик ҳамда муайян малакани талаб қилади. «Фан ва турмуш». Бу ерда ўқувчиларга.. чуқурлаштирилган билим бериш билан бирга ЭХМ оператори, иш юритувчи мутахассислиги бўйича ҳам диплом берилади. Газетадан.*

2 Кино-, теле- ҳамда видеофильмни суратла олувчи. *Фильм оператори.* ■ *Азизхоннинг бояги қанор кўтаришини кинога олган хроника операторлари асбоб-ускуналарни елкага ортиб қайтишаётган эди. С. Аҳмад, Уфқ.*

3 Компьютерларда ахборотларни қайта ишлашда маълум мақсадда дастур тузиш кўрсатмаси.

4 *мат.* Икки тўплам элементларининг ўзаро мос келишини ифодаладиган математик тушунча. *Квант механикада оператор билан муҳим амаллар бажарилади. «ЎЗМЭ».*

ОПЕРАЦИЯ [лот. *operatio* – иш, ҳаракат, фаолият] 1 Баъзи касалликларни даволаш мақсадида касалланган жойни жарроҳлик йўли билан ёриш, кесиш, тикиш. *Кўз операцияси. Операция столи.* ■ *У врачларнинг таклифини кутмай, операция хонаси ёнига ўзи чиқиб турди. Т. Ашуров, Оқ от.*

2 Бирор мақсадни кўзлаб ёки бирор оператив ёки стратегик вазифани бажариш учун ягона режа бўйича ва келишилган вақтда олиб бориладиган жанг ҳаракатлари

мажмуи. *Жанговар операция. Операция картаси.* ■ *Майор Мақсуд Солиев ярим тунда операцияни якунлаб, уч ойдан бери изма-из қувиб келаётган жиноятчини қўлга олгач, уйга қайтган эди. «Ёшлик». Ҳар кун актив операциялар олиб борилди: Варшава йўлларига пистирмалар қўйилди, миналар кўмилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

3 Савдо, молия, почта, саноат, компьютер, суғурта ва б. билан боғлиқ вазифаларни бажаришга қаратилган фаолият ёки хатти-ҳаракат. *Банк операциялари.* ■ *Бугунги кунда 6 минг кичик ва хусусий корхона ҳисоб-китоб рақамида ҳеч қандай операция амалга оширилмаган. Газетадан.*

4 Технологик жараённинг бир иш жойида бажариладиган алоҳида бир қисми. *Деталга сайқал бериш операцияси. Битта трансформатор ишлаб чиқариш учун қанчадан-қанча операция бажарилади.*

ОПЕРАЦИЯВИЙ Операцияга оид. *Масалан, «Вога» вируси фақат Windows операциявий тизимида ишлайди ва шунинг учун Windows вирусларига киради. «Фан ва турмуш».*

ОПЕРЕТТА [итал. *operetta* – кичик опера] 1 Ашула, рақс ва сўзланув (диалог) аралаш, комедия характеридаги мусиқали сахна асары. *Оперетта турли халқлар маданиятига хос мусиқали сахнавий жанрлар.. аломатларини ҳам мужассам этган. «ЎЗМЭ».*

2 Шундай асар ижро этиладиган театр. *Опереттага бормоқ. Оперетта театри.* ■ *1971 йилда Тошкент оперетта театри ташкил қилинди. Газетадан.*

ОПИЙ, опийум [лот. *opium* < юн. *opion* – кўкнор шираси] айн. **афйол**.

ОПИЧЛАМОҚ 1 айн. **опичмоқ** 1. *Мен нима қилибманки, колхозни опичлаб катта қилган одамлар қатори «Қўшчинор»нинг ҳўжайини бўламан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 *кўчма* Кўтармоқ, тутиб турмоқ. *Елкасида улкан дардни опичлаб, Дарахтлар титрайди ғамгин, безабон. «Ёшлик».*

3 *кўчма* Етакламоқ, қўллаб-қувватламоқ. *Кечирасиз-у, домла, сизни Султон ака опичлаб, шу даражгага етказди. «Ёшлик».*

Тишда тишлаб, орқада опичлаб Кўз қорачиғидай сақлаб, ардоқлаб. *Мен бу болани тишимда тишлаб, орқамда опичлаб катта қилганман.*

ОПИЧМОҚ 1 Кямсани орқасига миндириб кўтармоқ, кўтариб юрмоқ. *Болани опичмоқ.* ■ *Агар дунёнинг нариги бурчагига сизни опичиб боришга тўғри келса, мен суюна-суюна бажарардим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кямсанинг орқасига минмоқ, миниб ёпишиб бормоқ. *-Тўлқинбой, — деди Фани ота. елкасини болага тутиб, — қани опичиб олинг, саройга тушамиз.* Ҳ. Фулом, Маъғал. *Қани, азамат, менга опич, мардона ишинг бу ерда тугади.* В. Фофуров, Вафодор.

ОПИЧҚИЛАМОҚ кам қўлл. айн. **опичмоқ**, [Эъзозхон] *Тўлқинни опичқилаб, Учқунни қўлига кўтариб олиб, базўр қадам ташлаб бораётибди.* Ҳ. Фулом, Маъғал.

ОПКЕ, **опкел** с.т. Олиб кел. *Муҳсина ниширган экан, касалингизни ўйлаб, мурч қўшолмабди, мурчини алоҳида опкелдим.* М. М. Дўст, Лолазор. *Қовунни опке, мен сўйиб бера қолай.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

ОП-ОЧИҚ айн. **оппа-очиқ**. *Аёзий ўз шеърини шундай муболаға билан мақтар эдики, шеърнинг оп-очиқ нуқсонларини ҳам танқид этмоққа киши илож тополмай қоларди.* Ойбек, Навоий.

ОПОҚ (**оппоқ** с. қисқ. шакли) 1 бол. Тоза, яхши.

Опоқ бўлиб қолдингми? Яхши бўлиб, тузалиб қолдингми? *Мен баҳорда, сен опоқ бўлганигда, яна қайтиб келаман, Заррагул.* «Ёшлик».

2 **Дада, буви, ойи** каби қариндошлик билдирувчи сўзларга қўшилиб, «катта» сўзи ўрнида келади ёки хурмат ифодалайди. *Опоқ буви. Опоқ дада. Опоқ ойи.* ■ *Бизнинг шахримизда чет элни кўрган, қандайдир бир чет тилни билган битта одам бор. У ҳам бўлса Ҳожжи бува — Душаннинг опоқ дадаси.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

ОПОҚИ с.т. Опоғойи. *Ҳозиргача Озод қишлоққа борганида, онаси аввало опоқини сўраб суриштиради.* «Ёшлик».

ОПОГОЙИ Ёши катга аёлларга хурмат билан мурожаатда ишлатиладиган сўз.

ОППА-ОЙДИН **Ойдин** 1, 2 с. куч. *Оппа-ойдин кеча.* *Оппа-ойдин масала.* ■ *Рўпарага келиб қолган тўлиной йўли, ўртадаги олабула, пастак деворни, икки томондаги ҳайбатли қояларни оппа-ойдин ёритмоқда эди.* Н. Қдйичев, Чиғирқ.

ОППА-ОСОН *Жуда осон. Бироқ саккиз иккига оппа-осон бўлинишини биларсиз?* «Ёшлик».

ОППА-ОЧИҚ **Очиқ** с. куч. кам қўлл. айн. **очиқдап-очиқ**. *Бек.. Лаълининг қўйини шу вақтгача пуч ёнғоққа тўлдириб келаётганини оппа-очиқ айтди-қўйди.* Ҳ. Фулом, Маъғал.

ОППОЗИЦИОН *Оппозицияга оид, оппозициядан иборат бўлган, оппозиция руҳидаги. Оппозицион ҳаракат. Оппозицион блок. Оппозицион партия.*

ОППОЗИЦИЯ [лот. oppositio — қарама-қарши қўйиш] 1 Қарама-қарши ҳаракат; ихтилоф; ўз дунёқарашини, сиёсатини бошқаларнинг қарашларига, сиёсатига қарши қўйиш.

2 Ҳуқмрон мафкура ёки ҳуқумат сиёсатига қарши чиқувчи ва масалани бошқача ҳал қилиш йўлини, бошқача сиёсатни таклиф этувчи партия ёки ижтимоий гуруҳларнинг умумий номи.

3 *тли.* Бир хил сатҳдаги тил бирликларини (фонема, морфема, сўз маънолар ва б. ни) улар орасидаги фарқни билиш учун ўзаро қарама-қарши қўйиш. *Сўз маъноларини оппозицияда ўрганиш барча семаларни аниқлашда қўл келади.* «ЎТА».

ОППОЗИЦИЯЧИ *Оппозиция қатнашчиси ёки тарафдори. Ўнг оппозициячилар. Оппозициячи гуруҳ.*

ОППОНЕНТ [лот. opponens, opponens — эътироз билдирувчи] 1 *Очиқ суҳбат ёки баҳс-мунозарада қарши тараф. Шундай қилиб, 1925 йилда оппонентлар позицияларининг хилма-хиллиги йироқ истиқболда бири-бирига қўшилиб кетган.* Газетадан. [Ёқуб:] *Нима, бизнинг оппонентлар ҳеч нарса билмайдиган одамларми?* С. Зуннунова, Олов.

2 *Диссертация ёки маърузани танқидий баҳолай оладиган, таҳлил қила билладиган мутахассис. Умиднинг йигирма минут атрофидаги ҳимоя сўзидан кейин расмий оппонентлар сўзлади.* Мирмуҳсин, Умид.

ОППОН-СОППОН: **оппон-соппон** бўлмоқ Тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ. *У ҳамма ёқ оппон-соппон бўлганда келди.* ■ *Катта уруш оппон-соппон бўлиб, йигитлар қайта бошлади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ОППОРТУНИЗМ [фр. opportunisme < лот. opportunus — фойдали, қулай] *Мослашувчанлик, замонасозлик, иккиюзлама-*

чилик; шундай хислатларни ўзига асос қилиб олган сиёсий оқим.

ОППОРТУНИСТ Оппортунизм тарафдори; оппортунизм сиёсатини амалга оширувчи шахс.

ОППОРТУНИСТИК Оппортунизмга оид, оппортунизм руҳидаги, оппортунизм сиёсатини юргизувчи. *Оппортунистик гурӯҳ. Оппортунистик назария.*

ОППОҚ **Оқ** с. куч. *Оппоқ қор. Оппоқ ойдin.* ■ *Йигит чаноқлардан тошиб чиққан оппоқ пахталарни кўрди-ю, ўзининг ҳам ёши чехраси шу чаноқлардай очилиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Қиз бош яланг, сочлари турмакланган, оппоқ халат кийган эди. Ҳ. Хошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

Оппоқ болам, оппоқ қизим айн. оппоғям. **Оппоқ қвз** Ҳар қандай қизга эркалиатиб мурожаат этиш шакли. **Оппоқ қилиб кўрсатмоқ** Айбсиз, бегуноҳ қилиб кўрсатмоқ. *Сиз ҳам анойи эмассиз. Ўзингизни оппоқ қилиб кўрсатмай қўя қолинг. М. Мансуров, Ёмби. Оппоғям* Ўз боласини эркалиатиш шакли. *Қўнғиз боласини, оппоғим, дейди, кирпи боласини, юмшоғим, дейди. Мақол.*

ОПТИК 1 Оптика ҳодисаларига оид. *Оптик кузатишлар.* ■ *Бироқ бу ерда кузатишининг оптик усулларидан узил-кесил воз кечмоқчи эмаслар.* Газетадан.

2 Оптикага оид, оптика билан боғлиқ, *Оптик асбоблар.*

ОПТИКА [юн. optike — кўриш ҳақидаги фан] 1 Физиканинг ёруғликнинг табиатини, ёруғлик ҳодисалари қонуниятларини, ёруғлик билан бошқа моддаларнинг ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими. *Боболаримиз — Беруний, Мирзо Улуғбеклар назари тушган ҳикмат илми — оптика ҳамон навқирон.* «Фан ва турмуш».

2 Ёруғликнинг акс этиш ва сийиш қонунларига асосланган асбоб-ускуналарнинг умумлашма номд. «*Киев*» маркали фотоаппаратлар аъло сифатли оптикиси ва механикиси билан донг таратган. Газетадан.

3 Кўзойнак, контакт линзалар танлаш ва сотиш учун ихтисослашган магазин.

ОПТИМАЛ [лот. optimus — энг яхши, энг мақбул] Энг мувофиқ, энг яхши, энг қулай. *Чигит экишининг оптимал режими.* ■ *Тананинг оптимал температураси нерв системасининг фаолияти туфайли вужудга келтирилади. Э. Маҳмудов, Терлаш ва унинг аҳамияти.*

ОПТИМЕТР [юн. optos — кўринувчи + metro — ўлчайман] Ўта аниқ чизиқли ўлчамлар учун ишлатиладиган ричагли-оптик асбоб.

ОПТИМИЗМ [лот. optimus — энг яхши, энг мақбул] Келажакка ва, умуман, ҳар ишга ишонч билан қараш; ҳар бир нарсанинг яхши ва порлоқ томонини кўришга мойиллик. *Бизнинг дунёқарашимиз ҳаётбахш оптимизм билан суғорилган.* Газетадан.

ОПТИМИСТ Оптимизм руҳи билан суғорилган, ҳар нарсага, ҳаётга комил ишонч билан қаровчи, ундан завқланувчи киши.

ОПТИМИСТИК Оптимизм руҳи билан суғорилган, ҳар нарсага, ҳаётга комил ишонч билан қарайдиган, қувноқ, кўтаринки руҳдаги. *Оптимистик кайфият. Ҳаётга оптимистик кўз билан қарамоқ.* ■ *Фақат умумий ишга қўлидан келганича улуш қўшаётганини чуқур англай билган кишигина зиддиятли ҳаётни оптимистик тарзда идрок эта олади.* «Фан ва турмуш».

ОПТИМИСТЛИК 1 Оптимистга хос хусусиятга эгаллик. *Раҳим аканинг оптимистлиги унинг оёққа туриб кетишига сабаб бўлди.* Газетадан.

2 айн. **ОПТИМВЗМ.**

ОПТОВА [ф. آفتابه — кўза] шв. Офтоба, областа. *Анорхон кампирни суяб турғизди, қучоқлаб сўридан настга тушириб, оптованда сув келтириб берди.* И. Раҳим, Ихлос.

ОПЦИОН [нем. Option < лот. optio, optio — танлаш; истак] 1 Шартнома шартларига кўра томонлардан бирига мажбуриятларни бажариш йўли, шакли, ҳажми, техникасини танлаб олиш учун берилган ҳуқуқ.

2 Сотувчи ёки харидорга қимматбаҳо қоғозлар ёки товарларни муайян муддат давомида белгиланган нархларда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини берадиган шартнома.

ОР [а. عار — уят, шармандалик, номус; уялиш] 1 Ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш туйғуси; уят, номус. *Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир.* Мақол. ■ *Қишлоқда бировдан калтак ейиши азал-азалдан эр йигит учун ор саналади.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

Ор билмоқ Ўзига эп кўрмаслик. *Мирза-қаримбой билан тул юзасидан хириллашиши-*

ни, ёқа бўғишни [Йўлчи] ўзига ор билди. Ойбек, Танланган асарлар. **Ор қилмоқ** (ёки этмоқ) Уялмоқ, номус қилмоқ, ўзига эп кўрмаслик. [Раъно:] *Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидин. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Ори келмоқ* Уялмоқ, номус қилмоқ. -*Йўқ, тоға, ўраниб олдим, — деди уқувсизлигидан ори келган Қўзибой.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Обру, фахр. *Нори борнинг ори бор.* Мақол. ■ *Сен менинг чин ёримсан, Дилда йўғу боримсан, Ғам номусу оримсан, Ой бориб, омон келги.* Т. Тўла.

ОРА I 1 Икки нарса ёки нуқта ўртасидаги масофа. *Москва билан Тошкент ораси 3500 километр. Колоннада машиналар ораси.* ■ *Ора узоқ, қарийб бир километрча келар эди.* М. Исмоилӣй, Фарғона т.о.

2 Нарсалар ўртасидаги жой, бўшлиқ, майдон; очиқ ёки тешик жой. *Ғўза қаторлари орасини юмшатиш.* ■ *Сени унда, мени мунда яратди. Орамизда оқар дарё яратди.* «Қўшқлар». *Супаларнинг ораларига, атрофига анвои гуллар экилган. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Булутлар орасидан ойнинг бир парча кумуши кўриниб қолди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Нарсаларнинг бир-бирига туташган жойи, ўртаси. *Этаги эшик орасига қисилиб қолди.* ■ *Саман отлиқ, қамчисини буклаб, пиёзи чакмонининг ёқаси билан гардан орасига қистирди-да, отини қистаб, деворга яқинлашди.* М. Исмоилӣй, Фарғона т.о.

Тирноқ орасидан кир қадирмоқ қ. тирноқ.

4 Нарсаларнинг ичи, ўртаси. *Беда ораси жуда иссиқ, гўё қуёшнинг бутун олови беда ичига яширингандай.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Қатор, саф; тўда, давра. *Орамизда ҳар хил одамлар бор. Орамиздан яқин дўстимиз кетди.* ■ *Буни ҳайдан.. орадан, журалар! Яна ёлғонлар ила кўп Сизни сарсон қиладир. Ҳамза. Қўшин Тошкентга етган бағдиди бизлар ташқаридан ва сизлар ичкаридан бўлиб, Мусулмонқулни орадан кўтаргаймиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Икки воқеа, ҳодиса ёки пайт ўртасида ўтган, ўтадиган вақт, фурсат *Меҳмонлар жўнаб, орадан сал вақт ўтмай Асрорқул келди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Орадан тўққиз йил ўтди. Булар тўрт бола кўришди. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.*

Бу (ёки шу) орада 1) шу вақт ичида, маълум вақтдан бошлаб ўтган вақт давомида. *Иккала хатга ҳам тезда жавоб кела бермади. Бу орада жанглар бўлиб, Мирзаевнинг қисми — гвардиячи қисм, ўзи гвардиячи сержант бўлди. А. Қаҳҳор, Кўк конверт;* 2) бу (шу) ўртада, бу (шу) жойларда, яқин атрофда. -*Бу орада Ҳомид нима қилиб юрибдир, ўзига тузуқкина бой киши эмасми эди? — деди Офтоб ойим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кун ора** Кун оша, икки кунда бир, орадан бир кун ўтиб. *Мулла Муҳсин, шу ҳовуздан кун ора сув ўтадимми ё йўқ? А. Қодирий, Кичик асарлар. Тез орада қ. тез I.* **Яқин орада** 1) яқин вақт ичида, яқин кунлар ичида, шу кунларда. *Агар яқин орада ҳаво очилмай, сурункасига ёмғир ёғиб берса, нима қиламиз? Н. Сафаров, Хадича Аҳророва;* 2) бу (шу) ўртада, яқин атрофда. *Яқин орадаги обжувоз пойкўпининг зарби ерни силкитиб, тўлқин берар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

7 Кишилар ўртасидаги ўзаро муносабат, алоқа. *Бу ҳақда энди бизнинг орамизда гап бўлмасин, ўртоқ Нурмонов. С. Зуннунова, Олов. — Ҳалиги гаплар ёлғонми! Орада ҳеч нарса.. бўлган эмасми? — сўради юмшоқланиб она. Ойбек, Танланган асарлар.*

Ора очиқ (қилмоқ) 1) ўзаро ҳисоб-китоб тутади. [Бой Гофирга:] *Тўй баҳонасида мендан сенга ўтиб қолган арзиманган нарсалар бор. Шуларни пулга чақиб, орани очиқ қилиб қўйсак, деган эдим. Ҳамза, Бой ила хизматчи;* 2) орада юз берган англашилмовчилик ёки нохушлик тутади, икки томон барабар бўлди. -*Сен хато қилган бўлсанг, мен ҳам хато қилдим, ора очиқ, — деди Тўлаган қистаб келаётган кулидан лаби пирпираб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Орага одам (ёки киши) қўймоқ** Икки томонни битиштириш, улар ўртасидаги иш ҳақида келишиш учун учинчи бир шахсни воситачи қилиб юбормоқ. *Мендан ўзи хафа бўлган бўлса, орага киши қўйса ҳам бўлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Орага суқилмоқ* Бошқаларнинг гапига, суҳбатига ёки ишига аралашмоқ. *Дув орага суқилибди неча даллол: «Барака де, барака де, сен сот, сен ол!»* Ғ. Фулом. **Орага тушмоқ (ёки кирмоқ)** Ўзаро мунозара қилаётган, тортишаётган ёки уришаётган кишилар орасидаги ихтилофни бартараф қилиш учун уринмоқ. *Эр-хотин-*

нинг орасига эси кетган тушибди. Мақол. ■ Эр-хотиннинг орасига тушган киши баъзан ўша тобда, аксари кейинчалик сўкиш эшитади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Орада қолмоқ Маълум кишилар ўртасидаги воқеалар ёки гапдан бошқалар хабар топмаслигига аҳдлашмоқ. -Назар ака, - деди биринчи ёрдамчи босиқлик билан. - Гап орамизда қолди, деб ваъда бердингиз. М. М. Дўст, Лолазор. Орада (ёки орага) қора тиканак бўлмоқ айн. тикан бўлмоқ қ. тикан. Орада(н) гап ўтди (ёки қочди) Икки томон ўртасида нохуш, бир-бирига қаттиқ тегадиган, айил ботадиган гап бўлди. Сиз пайқамасиз.. Орада жиндай гап қочди. А. Қаҳҳор, Миялатчилар. Ораларидан қил (ҳам) ўтмайди қ. қил. Ора(ни) бузмоқ Кишилар ўртасидаги алоқани, муносабатни ёмонлаштирмоқ, ўртага адоват солмоқ, дўстни дўшманга айлантирмоқ. Биноидек бош қўшиб турган икки элатнинг ораси яна бузилади-қўйди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Ораси яқин бўлмоқ Ўзаро муносабати, алоқаси яхши бўлмоқ. Яхшибоев раисни лақаби билан айтса ҳам, раиснинг ўзи заррача хафа бўлмасди, шундан билдимки, буларнинг ораси яқин. М. М. Дўст, Лолазор.

8 3-ш. эгаллик ва ў.-п. к. қўшимчалари билан кўмакчи вазифасида ишлатилади (қ. орасида).

ОРА II: ора ойи Қамария йил ҳисобидаги шаввол ва зулҳижжа оралиғидаги ой; зулқайда.

ОРАБУЗАР Кишилар орасидаги муносабатни бузувчи, кишиларни бир-бирига ёмонлаб, улар ўртасида ихтилоф туғдиришга уринувчи. - Бу гапни орабузар Салима ўйлаб топган бўлса керак, чунки менинг гулдек ҳаётимни кўришга кўзи йўқ. «Ёшлик».

ОРАЗ I [a. عارض - ташқи кўриниш; юз, ёноқ] поэт. Чиройли юз, бет, чеҳра; жамол. Оразингни, эй маҳваш, боғ аро намоеъ қил. Муқимий. Яшинамоқда оразинг гулзори доим навбахор, Сўхбатинг бўлса муюссар кимга, бўлгай бахтиёр. Ҳабибий.

ОРАЗ II 1 Ўн икки мақом тизимидаги шўъба номи. Орази Наво, Орази Дугоҳ.

2 Сурнай йўлларидадан бири.

ОРАЛАМОҚ 1 Ўртасидан, ичидан юрмоқ, ўтмоқ; кезмоқ. Аҳмаджон.. немислар буталарни оралаб юз эллик метрча яқин келганда, устма-уст икки сидра ўқ ёғдир-

ди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Қўшиқ оралайди оролма-орол, Асрлар уйқусин бузиб, уйғотиб. Т. Тула.

2 Яшириниб кирмоқ, пайдо бўлмоқ, доримоқ. Қишлоққа бўрилар оралаб қолди.

3 Сукҳлиб кирмоқ. [Домла:] Журабой, қўнглингизга шайтон оралаб қолибди, калима келтиринг. И. Султон, Бургутнинг парвози.

4 Аралашмоқ. [Ботиржон:] Колхоз рўзғорига ҳаром қўл оралаганини сезиб, қараб туролмадим. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

5 Битта-ярим тушмоқ, ора-сира пайдо бўлмоқ. Қори битта-иккита оқ оралаган чуққи соқолининг учини ушлаб илжайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

6 Икки орада, кишилар ўртасида пайдо бўлмоқ, туғилмоқ. [Отоғойи] Зайнаб сиқилмасмикин, икки ўртага совуқчилик ораламасмикин, деб қўрқади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кун оралаб Кун оша, орадан бир кун ўтказиб, кун ора. Баъзан ҳар кун, баъзан кун оралаб кечқурун Унсинни кўргали [Йўлчи] Шокир отаникига келди. Ойбек, Танланган асарлар. Ой оралаб Орадан бир ой ўтказиб, бир ой оша. Журнал ой оралаб чиқади.

ОРАЛАТМОҚ 1 Ораламоқ 1, 2, 3, 4 фл. орт. нл.

2 Қатордаги киши ёки нарсалардан бирини қолдириб ўтмоқ. Ғузани оралатиб сугормоқ. ■ Ҳадеб менга бераверасанларми, оралатиб Жаннат опама ҳам бериб қўй, ха-ха-ха! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кун оралатиб айн. кун оралаб қ. ораламоқ. Кун оралатиб келиб турмоқ.

ОРАЛИҚ 1 Нарсалар ўртасидаги жой, масофа. Тоғ оралиғи. ■ Студентлар ётоқхонаси. Кичикроқ хонада икки каравот, оралиқда тумбочка. М. Бобоев, Гузаллик истаб. Ҳалиги отлиқ яна кўринди. Оралиқ тобора қисқара борди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Икки пайт, он, лаҳза ўртасидаги вақт. Кичик вақт оралиғи.

3 тиб. Одам дум суягининг учи ва қуймиғ дўмбоқларни оралиғида ётган юмшоқ тўқималар йиғиндиси.

Оралиқ назорат Талабаларни машғулотлар, муайян дарс соатлари ўтгандан кейин синаш, баҳолаш усули. Оралиқ назоратни ўтказмоқ. Оралиқ экинлар Асосий экинлар ҳосили йиғиб олингандан кейин экиладиган қўшимча экинлар (алмашлаб экишда).

Ўзбекистонда оралиқ экинларни етиштириш учун ниҳоятда қулай шароит мавжуд. «Фан ва турмуш».

ОРАНГУТАНГ [малайча orang hutan — ўрмон одами] Одамсимон маймунлар уруғининг ягона тури.

ОРАНЖЕПЕЯ [фр. orangerie < orange — апельсин] Ноодатий иқлим шароитида ўсимликларни қишлатиш, совуқдан сақлаш, қишда ҳам ўстириш учун зарур шароитлар муҳайё қилинган ойнаванд бино.

ОРАОЧДИ Кишилар орасида ўзаро муносабатдаги нохушлик ёки англашилмовчиликни ҳал қилувчи мулоқот. *Энг безор дала сайлларидида ҳам душманларини кўриб қолишдан чўчиб, баъзан эса ораочдининг тезроқ рўй беришини истарди.* «Ёшлик».

ОРАСИДА кўм. өзф. 1 Ўртасида, ичида. *Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Сел шаршараси, момақалдиروق гулдураси орасида Баҳромнинг қулоғига кўй маърагани чалингандай бўлди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

2 Давомида, мобайнида. *Бу кунги беш дақиқа орасида бўлиб ўтган воқеани [Отабек] ҳеч бир йўсин билан миясига сиғдирма олмас.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ўртасида, чегарасида. *Меҳмонларнинг аксари ўрта ёшли — ўттиз-қирқ орасидаги одамлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Вақт шом билан хуфтон орасида эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ичида. *Қий-чув орасида заиф йиғи товуши ҳам келиб кўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Отабек Кумушга:] *Бу телбаларча мактабингизни иситма орасида ёзганга ўхшайсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Ўртасида (қислашда). *Товуқ билан одам орасида қанча фарқ бўлса, бу икки жониворнинг муҳаббати орасида ҳам шунча фарқ бор.* А. Қаҳқор, Мاستон.

ОРА-СИРА рвш. 1 Гоҳо-гоҳо, баъзи-баъзида. *Чирилдоқлар тинимсиз чириллар, ора-сира пастдан — қишлоқ томондан итларнинг хургани эшитиларди.* Э. Усмонов, Ёлқин. У [Ғуломжон] томоғини ора-сира қириб, энтикиб туриб гапирди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Онда-мунда, у ер-бу ерда. *Анвар машиналарнинг ишини кўриб қувониб кетди.* Бироқ ора-сира ғалтаклар ҳам, замбиллар

ҳам кўриниб қоларди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ОРАСТА [ф. آراسته — безатилган, зийнатланган; тарбияли, одобли] Тартибга солинган, оро берилган, ясатилган, безатилган. *Тилларанг сочлари ораста қилиб таралган, кўзлари ҳаворанг бу жувон, қўлларини халати чўнтагига тиққанича, бизга кулиб қараб турарди.* «Ёшлик». *Тонг ёришмасдан туриб, қўлига супурги олади-да, ярим соатга қолмай ҳаммаёқни ораста қилиб қуяди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ОРАСТАЛИК Ораста хусусиятга эгаллик, тартибга солинганлик. *Ҳовлидаги орасталлик уй эгасининг яхши дид эгаси эканлигидан далолат эди.* «Ёшлик».

ОРАТОР [лот. orator < orare — гапирмоқ, сўзламоқ; илтижо қилмоқ] Нутқ сўзловчи, нотиқ. *Сиз ажойиб оратор — нотиқсиз, Баширжон ака.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ҳақиқий нотиқлар, тажрибали ораторлар соатлаб гапира оладилар.* «Саодат».

ОРАТОРИЯ [итал. oratorio < лот. oratorium — ибодатхона] Умумий хор, якка ашулачи ва симфоник оркестр учун ёзилган драматик сюжетли йнрик мусиқа асарви. *И. Акбаровнинг «Тошкентнома» ораторияси унинг ижодида алоҳида ўрин эгаллайди.* Газетадан. *Йигирмата шоир ҳашар қилиб, «Тантана» деган манзума ёздилар.* *Бастакорлар куй басталадилар — оратория бўлди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОРАТОРЛИК Сўзамоллик, гапга чечанлик; нотиқлик. *Ораторлик санъати.*

ОРА-ЧИРА, ора-чора айн. **ора-сира.** *Профессор ора-чира ҳазил-мутойиба гап ҳам ташлаб қўяр, давлат, мулк топиллиши, аммо инсон топилмаслиги ҳақида гапириб ҳам қўярди.* Мирмуҳсин, Умид. *Уора-чора табибчилик билан ҳам шуғулланарди.* «Ёшлик».

ОРБИТА [лот. orbita — йўл, из; бўшлиқ, чуқурлик] астр. Ихтиёрий табиий ёки сунъий космик жисмнинг фазода бошиқа осмон жисмига нисбатан ҳаракатланиш йўли (мас., Ернинг Кўёш атрофидаги йўли Ер орбитаси дейилади). *Ракетанинг сўнги босқичи автоматик сайёралараро станцияни мўлжалдаги орбитага олиб чиқди.* Газетадан. *Озиқ-овқат, асбоб-ускуна ва аппаратлар, шунингдек, хат-хабарлар орбитага етказилди.* Газетадан.

ОРБИТАЛ Орбитага оид, орбитага тегишли; орбитадаги. *Ер сунғий йўлдошининг орбитал ҳаракати. Космик орбитал станция.* ■ *Мутлақо қутилмаганда «Салют-7» орбитал станцияси билан алоқа узилди.* «Фан ва турмуш».

ОРГАН I [юн. organon — қурол, асбоб] 1 Одам, ҳайвон, ўсимлик ва, умуман, жонли организмларнинг маълум бир вазифаларни бажарадиган қисми; аъзо. *Сезги органлари. Эшитиши органи.*

2 Ҳаётнинг муайян бир соҳасида белгили вазифаларни бажарувчи муассаса, ташкилот. *Орган ходимлариغا Бегматовнинг яширинмай, очиқчасига бемалол юриши ёқмас эди. «Ёшлик». Бу қарорга биноан, ОАК Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарамоғидан олинди, Вазирлар Маҳкамасининг органига айлантирилди.* «Фан ва турмуш».

3 Бирор партия, ташкилот ёки муассаса томонидан нашр қилинадиган ва шу ташкилотнинг қарашларини акс эттирадиган вақтли матбуот. *«Шарқ юлдузи» журнали — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг органидир.*

4 *тех.* Механизм ва машиналарнинг маълум вазифани бажарадиган мураккаб мустақил қисми. *Тракторнинг бошқариш органи.* ■ *Роботнинг ишчи органи — ҳаракат қилувчи ва юмуш бажарувчи механик қўли одамнинг қўлига ўхшайди.* «Фан ва турмуш».

ОРГАН II [юн. organon — қурол, асбоб] Дамли-клавишли, трубаларига юборилган ҳаво ёрдамида чалинадиган мусиқа чолғу асбоби. *Орган 14-асрдан Фарбий Европада аввал черков, кейинчалик дунёвий чолғу асбоби сифатида кенг тарқалган.* «ЎЗМЭ».

ОРГАНИЗМ [лот. organismus < юн. organon — қурол, асбоб] Ҳар қандай тирпк мавжудот. *Соғлом организм.* ■ *Очиқ ҳавода сайр қилиш бола организми учун ниҳоятда фойдалидир.* «Фан ва турмуш». *Олма шарбати организмни бақувват қилади.* «Саодат».

ОРГАНИК Органик кимё мутахассиси, олими.

ОРГАНИК I 1 Организмга, жонли мавжудотга оид, тирпк мавжудотлар билан боғлиқ бўлган; тирпк, жонли. *Органик дунёнинг тараққиёт қонунари.* ■ *Йод органик бирикма сифатида барча тирпк организмларда бўлади.* «Фан ва турмуш».

2 Ҳайвон ёки ўсимликларнинг чиршийдан ҳосил бўлган; тирпк организмлар маҳсулдан олинган. *Органик модда. Органик ўғитлар.*

Органик кимё Кимёнинг углерод бирикмаларини, уларнинг турли хил ўзгаришларини ўрганувчи бўлими.

ОРГАНИК II *айн. узвий 2.* *Органик равишда боғланган масалалар.*

ОРГАНИСТ Орган чалувчи мусиқачи; орган соловчи ёки таъмирловчи уста.

ОРДЕН I [нем. Orden < фр. ordre < лот. ordo, ordinis — қатор, даража; тартиб; тўзум] Ҳарбий ёки фуқаролик бурчини намунали бажарганлик учун бериладиган турли даража ва номдаги нишон, мукофот. *«Соғлом авлод учун» ордени. Орден билан мукофотламоқ.* ■ *Халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳаларида юксак меҳнат кўрсаткичлариغا эришган кишилар шу қимматли металлдан тайёрланган орден ва медаллар билан тақдирланади.* «Фан ва турмуш».

ОРДЕН II [лот. ordo, ordinis] Католик монахларнинг муайян низомномага эга бўлган ташкилоти.

ОРДЕНДОР *айн. орденли.*

ОРДЕНЛИ Орден олинган, орден билан мукофотланган. *«Дўстлик» орденли ўқитувчи.*

ОРДЕР [нем. Order < фр. ordre — тартиб, буйруқ < лот. ordo — қатор, тартиб] 1 Бирор нарсани олиш, бериш, бирор ишни бажариш ҳақида берилган ижозат қоғози, буйруқ варақаси, расмий ҳужжат. *Квартира (олиш) учун берилган ордер. Ордер бланкаси.* ■ *Умид ғоятда хурсанд, икки хонали квартирага ордер олган куниеқ, даров кўчиб келди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Бухгалтерияда: пул маблағлари ёки моддий бойликлар билан операцияларни амалга оширишга оид ҳужжат. *Тўлов ордери. Касса ордери.*

ОРДИНАРЕЦ [фр. ordonnance — хабар берувчи; чопар] *ҳарб.* Командир ёки штаб ҳузурида ҳар хил топшириқларни бажарувчи ҳарбий хизматчи. *Тўламант уруида.. қайси бир генералга ординарец бўлган экан.* С. Анорбоев, Оксой.

ОРДИНАТА [лот. ordinatus — тартибланган; тартиб билан жойлаштирилган] *мат.* Фазодаги нуқтанинг вазиятини аниқловчи уч координатадан бири.

ОРДИНАТОР [лот. ordinator — бош-қарувчи; тартибга келтирувчи] Шифохоналарда (касалхона, клиника ва ш.к. да) тадқиқот ва даволаш ишини бажарувчи, одатда, бўлим мудирин раҳбарлиги остида ишловчи врач.

ОРДИНАТУРА [лот. ordinator — бош-қарувчи; тартибга солувчи] *тиб.* 1 Ординатор иши, вазифаси; ординаторлик.

2 Амалий тиббиёт аспирантурасининг бир тури. *Клиника ординатураси.*

ОРДОНА Эгасиз қолган, эгаси ўлган; сабил. *Ордона кетмонни узат! Ордона қолгур (қолсин)! (қарғ.).* ■ *Ҳа, ордона, менинг айтганларим у ёқда қолиб, ўзингизнинг дардингизда юрган экансиз-да! Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. -Қуриб кетсин! — деди у [жувон] йиғламсираб. — Ўқишинг бошингдан ордона қолсин, Мастон! А. Қаҳҳор, Мастон.*

ОРЗИҚМОҚ [асли орзу қилмоқ] Қаттиқ истамоқ, эришиш, етишиш истаги билан ёнмоқ; интизор, муштоқ бўлмоқ. *О, юрак, ёр келмай, орзиққанинг келмай туриб мунча ўртанмасанг! М. Исмоилов, Фарғона т.о. Ўз номи қақриллишини орзиқиб кутган Холмурод зипиллаб саҳна олдида борди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Юраги (ёки кўнгли) орзиқмоқ Юраги дуқилламоқ, юраги шув этиб кетмоқ (шодлик, кўркув, ҳаяжон каби туйғулардан). *Балки, муҳаббат шудир? Бўлмаса, нега юрагим орзиқади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

ОРЗУ [ф. آرزو — хоҳиш, интилин; истақ] Дилдаги истақ; эзгу умид; интилиш. *Орзу қилмоқ. Орзуга етмоқ. Орзуга эришмоқ. Орзуга айб йўқ. Мақол. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу! Мақол. ■ Умид орзу қилган турмуш сароб бўлиб қолаётганга ўшарди. Мирмуҳсин, Умид.*

Орзуи ушалмоқ қ. ушалмоқ. Бола-чақаларнинг орзусига етиш Болаларни ўстириб-увдариб, уйлаб-жойлаб, тўй-томошаларини кўринг, бахтли-саодатли бўлишларига эришинг. [*Нусрат хола:*] *Бола-чақангизнинг орзусини кўринг, оталиқ қилдингиз. Ойдин, Эр юрак.*

ОРЗУ-АРМОН Дилдаги орзу ва армонлар. *Бирор киши, нима қилмоқчисан, қандай орзу-армонларинг бор, деб сўрагани, шу ҳам одам-ку, деб гапимга қулоқ солгани йўқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.*

ОРЗУ-ИСТАК *айн. орзу-армон.* *Қайта қуриш ва ошкоралик меваларини кўрмоқ ҳар бир виждонли кишининг орзу-истагидир. Газетадан.*

ОРЗУЛАМОҚ Орзу қилмоқ, муштоқ бўлмоқ, ҳаваси келмоқ. *Ёқимтой бул ҳар ерда, Мактаб, кино, лаерда. Ҳар сўзингдан бол томсин, Кўрган орзулаб қолсин. Қ. Муҳаммадий.*

ОРЗУЛИ 1 Кўпдан бери орзу қилинган, орзиқиб кутилган; кўнгидаги. *Орзули тўй.* ■ *Отабекнинг орзули келин олдига кирмаслиги важдан Ўзбек ойим аччиғланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Орзулар билан тўлиб-тошган. *Орзули дунё.*

ОРЗУМАНД [ф. آرزومند — истовчи, хоҳловчи, интилувчи; орзу қилувчи] Орзу қилувчи, истовчи; интизор, муштоқ. *У сени бир кўришга орзуманд. ■ Нусратбек машшоқларнинг бир-икки ашуласини эшитишга орзуманд эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. -Сўхбатингизга орзуманд эдик, шошманг, марҳамат қилинг! — дастурхонга ишорат қилди Олимхон. Ойбек, Танланган асарлар.*

ОРЗУМАНДА [ф. آرزومنده] с.т. Орзуманд. [*Тўпа хола:*] *Анорхон сиз билан гаплашгани орзуманда эди. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. Урушга орзумандамисиз, мана бу бойвачча укангизни олиб жўнайверинг, йўл очиқ. Ойбек, Танланган асарлар.*

ОРЗУМАНДЛИК Орзумандга хос хусусият, муштоқлик. *Раим оқсоқол гандан тўхтади, кўзларида ёнган орзумандлик бирдан ўчди. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.*

ОРЗУ-УМИД Дилдаги орзу ва умидлар, истақлар. *Икки ёшнинг орзу-умидлари, гоялари бор. Ойбек, Нур қидириб.*

ОРЗУ-ХАЁЛ Истақ, умид ва ўй-фикр. *Дангасанинг орзу-хаёли — чўкиб кетган хумча мисоли. Мақол.*

ОРЗУ-ЎЙ *айн. орзу-хаёл.* *Аллаларда онанинг руҳий дунёси, фарзандга бўлган муҳаббати, орзу-ўйлари акс этади. «Саодат».*

ОРЗУ-ҲАВАС 1 Дилдаги эзгу истақ ва ниятлар. [*Фуломжон*] *Қалбидаги тилак ва истақларни аввалги кунни дадил айтолмаган бўлса, эртасига ҳаммасини — бутун орзу-ҳавасини, севги ва сезгисини очиқ айтди. М. Исмоилов, Фарғона т.о.*

2 Орзули катта тўй-томошалар, тантанали маросимлар. - *Не-не орзу-ҳаваслар билан келин қилган эдим, — ҳасратини тўжа бошлади энамиз, — кўнглимдагидай чиқмади. «Ёшлик». Ҳалиги мен айтган ўртоғимнинг ота-оналари.. орзу-ҳавас қидириб, бечора қизларини қартиб қўйдилар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Орзу-ҳавас кўрмоқ Бола-чақаларини ўстириб-ундириб, уйлаб-жойлаб, барча тўй-маросимларини, қувончларини кўрмоқ. *Худого шукур, тўй кўрдим, чимлидиққа кирдим, орзу-ҳавас кўрдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Биз бурун замонда шунча давлат билан бу хилда орзу-ҳавас кўрган эмасмиз.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

ОРЗУ-ҲАВАСЛИ Орзу-ҳавас қилдиган; дабдабали тўй-маросимларни яхши кўрадиган ва уларни ўтказишга қурби етадиган. *Орзу-ҳавасли жойини қидирмасдан, қизларини бир кишига бериб қўя қолсалар, албатта, бу савдолар йўқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОРИГАМИ [яп.] Қоғоздан турли шакллар, буюмлар яшаш санъати. *Тошкентда Япониянинг оригами санъати бўйича дарслар бошланди.* Газетадан.

ОРИГИНАЛ I [лот. originalis — влк, дастлабки; асл, туғма; ўзига хос] I Асл нуса; бирор асар ёки нарсанинг бевосита муаллиф ёки ихтирочи томонидан яратилган нусхаси; асли. *Мақоланинг оригинали.* ■ [Ҳофиз] *Асарларининг оригинали билан танишишига ҳам имкон бериш ниятида китоб форс ва ўзбек тилларида нашрга тайёрланди.* Ш. Шомухамедов, Ҳофиз.

2 Нашир, чоп этиш учун асос бўлиб хизмат қилган кўлэзма; кўпайтирилиш учун мўлжалланган тасвир, фотосурат ва ш.к.

3 Бошқа тилга таржима қилишга асос бўлган матн.

ОРИГИНАЛ II Бошқаларга ўхшамайдиган, ўзига хос; ажойиб. *Оригинал безаклар. Оригинал конструкция. Раққосанинг оригинал портрети.* ■ *Театримизнинг қадрдон, олим ва драматург Иззат Султон «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» деган оригинал асар ёзиб берди.* Газетадан.

ОРИЕНТАЦИЯ [фр. orientation — шарқ томон йўналиш < лот. orient, orientis — шарқ] I Дунё томонларига (шарқ, ғарб, шимол ва жанубга) нисбатан ўзининг тур-

ган жойини, қаердалигини аниқлаш, белгилаш (дастлаб — шарққа нисбатан аниқлаш). *Бир жойда туриб, горизонт томонларини топа билиш ориентация олиш деб аталади.* «География».

2 кўчма Ўз фаолиятида бирор кямса, нарса, маъна, йўналиш ва ш.к. га қараб иш тутиш.

ОРИЕНТИР [«ориентация» с. дан] Ҳаракат йўналишини, дунё томонларини, ўзи турган жойини аниқлашга ёрдам берадиган, яхши кўриниб турадиган ва қимирламайдиган нарсалар (мас., алоҳида дарахт, бино, тепалик); аниқлагич; кўрсаткич. *Радиооператор эфирга ориентир берар эди.* А. Мухтор, Қаноти синган орзу.

ОРИЙ I [лот. Агуа < юн. Агіана (Ариана) ва санскр. Арьяварга — мазкур номдаги қабилалар яшаган жой номи (ҳозирги Афғонистон ҳудудида) санскритда «келгинди», «бегона», «хўжайин» маъноларидан ҳам қўлланган] Ҳинд-европа, асосан, ҳинд-эрон халқларининг умумий шартли номи.

ОРИЙ II [ф. آری — ҳа; шундай; ҳақиқатан] тасд. юкл., эск. кт. Ҳа шундоқ; рост; албатта, ҳақиқатан. *Орий, мирзам, камина бу бобда мақтанса арзийдур.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ОРИФ [а. عارف — билувчи, хабардор] I эск. кт. Илм билан ахлоқий етуқликка эришган шахс, маърифатли, билимдон, доно. *Нодонлар илкида ориф қисмати, Рухсиз сурат каби тебранар ҳаёт.. Ҳ. Асқар, Ёшлик.*

2 Ориф (эркаклар исми).

ОРИФЛИК Орифга хос хусусият. *Маърузаларда мумтоз адабиётга доир мақолалар тўғрисида бирор жўяли фикр йўқлиги, танқидчилар ижодидида орифлик кам кўринаётганлиги алоҳида таъкидланади.* Газетадан.

ОРИЯТ [а. عاریت — бировдан вақтинча олинган нарса; қарзга берилган буюм] I Ор-номус; иззати нафс. *Ориятинг бўлса, сен ҳам далага чиқ, кучингни кетмонда кўрсат, мен сени мард билай.* С. Аҳмад, Қадрдон даладар. *Ёш эмасми, бирдан унинг орияти қўзғалди, Шартта пастга тушиди у ҳам, У ҳам яёв йўл олди.* А. Оришов, Йиллар армони.

Орият талашмоқ Ор-номус талашмоқ, ўз иззати нафсини ҳимоя қилмоқ, обрўни қўлдан бермаслик, ўз обрўинга доғ туширмаслик учун курашмоқ.

2 Уят, шарм; ор. *Бойлар етимчани чўри қилишга ҳам орият қилади*. П. Турсун, Уқд-тувчи.

Орият келмоқ Ор қилмоқ, уялмоқ.

3 *сфт. эск.* Асли ўзиники бўлмаган, бировдан вақтинча сўраб олинган. *Орият тўн.* ■ *Масалан, Саримсоқ, унга ерни ҳукумат берган. Орият ер.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ОРИЯТЛИ Ор-номусни биладиган, ўз обрўйини қадрлайдиган; номусли. *Ориятли одам.* ■ *Акбарали ориятли одам! Қасд олмай қўймайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОРИЯТМАНД айн. **ориятли**. Мурод аканинг *ориятманд одамларга ўхшаш, ўзи тўқиган тарихи йўқ.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ОРИЯТНИШИН [а. + ф. *عاريت نشين* – вақтинча ўтирувчи, яшовчи] кам қўлл. кт. Бировнинг уй-жойида вақтинча истиқомат қилувчи; ижарачи. [*Маъсумхўжа*] *Ҳамма талабаларга, айниқса, қашшоқ ва ориятнишинларга ҳурмат аралаш муҳаббат билан салом берар ва меҳрибончилик билан ҳол-аҳвол сўрарди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

ОРИЯТСИЗ Ор-номусни билмайдиган, ўз обрўйини қадрламайдиган; номуссиз, ор-сиз. *Ориятсиз одам.*

ОРИЯТСИЗЛИК Ориятсиз кишиларга хос хатти-ҳаракат, қилиқ, иш. *Ориятсизлик қилмоқ.*

ОРИЯТЧАН Жуда ҳам ориятли, обрўйинга доғ туширмасликка, гард юқтирмасликка қаттиқ тиришувчи; номусли.

ОРИЯТЧИ айн. **ориятчан**.

ОРИҚ Баданига эт битмаган; озгин, камгўшт. *Ориқ одам. Ориқ қўй. Ориқ отга чанг юқар.* Мақол. ■ *Лустакда сўлжайиб ўтирган ориқ боланинг нурсиз кўзлари ҳали ўртадаги унда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Ориқ ер Ўсимликка керакли озёқ молдаларга еттишмайдиган, камҳосил ер. *Холбой минг йилдан бери устида мол боқиб келинган хирмонтепадан нуқул тупроқни келтириб, қажшаб ётган ориқ ерга солиниши кераклигини билиб олди.* К. Яшин, Ҳамза.

ОРИҚЛАМОҚ 1 Эти қочиб озгин тортомоқ; озмоқ. *Нусратбек холасининг ориқлаб, суяклари қўйлагини туртиб турган елкасига, косовдай қўлларига қараб, маънос тортиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Кучи, ҳосилдорлиги кетмоқ, камаймоқ. *Устига-устак, сурункасига пахта экил-*

ган ерлар ориқлаб, ҳосил камаяди, ҳар хил қурт-қумурсқа кўпаяди. С. Спёев, Ёруғлик.

ОРИҚЛИК Озгинлик, камгўштлиқ; шундай хусусиятга эгалик. *Мол ориқликда билинади, йигит – ғарибликда.* Мақол. ■ *Баданнинг ташқи кўриниши офатлари – ўтакетган семизлик ва ўтакетган ориқлик «Саодат».*

ОРИҚ-ТИРИҚ Жуда ҳам ориқ, рамақижон. *Биздан сўнг яна учта-тўртта дўкандор қуриб келади. Ориқ-тириқ, зикна, кўпчилиги насткаш одамлар.* Ойбек, Болалик. *Ем-хашак йўқ, бир пой ҳўкиз ориқ-тириқ.* Ғ. Фулом.

ОРКЕСТР [фр. *orchestre* – театрдаги ўтириш жойи < юн. *ochestra* – рақс майдончаси; юнон театрида саҳнанинг олд майдончаси] 1 Мусиқа асарини биргаликда ижро этадиган турли хил чолғу асбоблари йиғиндиси ва шу асбобларни чалувчи мусиқачилар жамоаси. *Торли оркестр. Симфоник оркестр. Оркестр садоси.* ■ *Миллий чолғу асбоблари оркестри халқ кўйларидан ижро этди, қизлар ўйин тушди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

2 Театр саҳнаси олдида мусиқачилар учун қилинган махсус жой.

ОРКЕСТРАНТ Оркестр чолғучиси; оркестр иштирокчиси. *Шу давр ичида ўқув даргоҳимизда 3 мингдан ортиқ юқори малакали пианиночилар, оркестрантлар ва халқ чолғулари ижрочилари тайёрланди.* Газетадан.

ОРЛАНМОҚ Ор-номус қилмоқ, уялмоқ; тортинмоқ, ўзига муносиб кўрмаслик. *Билмаганни сўраб ўрганган – олим, орланиб сўрамаган – ўзига золим.* Мақол. ■ *Мен шу чоққача, – деди Хушрўй, – бандасига бош эзишни ва бандаси олдида тавба қилишни ор билдим ва шу орланишим орқасида ҳар кимнинг устида юрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОРЛИ айн. **ориятли**. *Орли одам.*

ОРНАМЕНТ [лот. *ornamentum* – безак, нақш < *ornare* – беза(т)моқ] Геометрик шакллар билан ўсимлик ёки ҳайвонлар олампидан олинган тасвирларни ритмик тартибда қўшиб, уйғунлаштириб ишланган бўёқли, ўйма ёки чизма нақш, безак.

ОРНИТОЛОГИЯ [юн. *ornis, ornithos* – қўш + *logos* – фан, таълимот] Қўшларни ўрганувчи соҳа. 1884 йилда орнитология соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва амалий

ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Халқаро орнитологлар комитети тузилди. «ЎЗМЭ».

ОР-НОМУС 1 Хижолат тортиш, уялиш туйғуси; уят, ор, номус. *Ор-номуси йўқ одам.* ■ *Муҳтожлик — инсон ор-номусига тажовуз қилади, иродасини букади, чора ахтартиради.* «Ёшлик».

2 Кишини улуғлайдиган, унга нисбатан ҳурмат туғдирадиган иш, нарса ёки хислат-фазилят; шон-шараф. [*Сидиқ:*] *Муҳаббат севгани, ор-номусни товламачи бир савдогарга сотди, виждонни латта-путтага айирбош қилди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

ОР-НОМУСЛИ Ор ва номуси бор; ориятли, орли. *Ор-номусли одам.* ■ *Дунёда яхши умр сурдинг, ор-номусли, адолатли яшадинг.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ОРО [ф. آرا] — безатувчи, зеб берувчи] *кт. 1 айн. оройиш.*

Оро бермоқ Зеб бермоқ, безамоқ; пардозламоқ. *Французлар дунёда хунук аёллар йўқ, фақат ўзига оро бермаган, парваришсиз аёлларгина бор, деб ҳисоблашади.* «Саодат». *Тулган ойдек тулғаниб ул қомати зебо яна, Ўз жамолига бериб пардоз ила оро яна.* Ҳабибий. *Қир бағрига қўйин ёр чўпонлари, Боғларига оро берар боғбонлари.* Я. Қурбон.

2 Баъзи отларга кўшилиб, «безак, безовчи, қизитувчи, шодлик бағишловчи» каби маънолар беради, мас., жаҳоноро, мажлисоро, сўхбаторо.

ОРОЙИШ [ф. آرایش — безак, зийнат; кийим-кечак; саф тортиш, тартиб] *кт. Зеб, зийнат, пардоз, оро; чпрой. Яхши либос танга оройиш, Яхши йўлдош жонга осойиш.* Мақол. ■ *Борисов кийим-бошларини кўздан кечириб, ўзига оройиш берди-да, бигиз бўлиб уфққа санчилиб кетган йўлга қаради.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

ОРОЛ Атрофи, ҳамма томони океан, денгиз, дарё ёки кўл суви билан ўралган қуруқлик. *Сахалин ороли. Мадагаскар ороли.* ■ *Дала шийпони кўм-кўк пахтазор ўртасида оролга ўхшаб туради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Филиппин ороларида яшовчи халқларнинг энг севимли, ноёб таоми митти балиқлардир.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

ОРОЛАНМОҚ *поэт.* Безанмоқ, ясанмоқ; гўзаллашмоқ. *Яхши оролан, безан, э боғлар, мавсум учун.* «Гулистон».

ОРОМ [ф. آرام — тинчлик, хотиржамлик; дам олиш, ҳордиқ] **1** Жон-тан роҳати; дам олишдан, тинчликдан, осойишталикдан топиладиган роҳат, ҳузур. *Ором бермоқ. Ором олмоқ.* ■ [*Навкарларнинг*] *Ҳайқириқ ва сўкинishiлари.. бева-бечораларнинг оромини бузар ва чўчитиради.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Сув жшдираб оқар, унинг салқини кун бўйи иссиқдан пишган қизларга ором бағишларди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Нафси ором олди Нафси қонди. *Асрор муздек сувдан симириб, нафси ором олди.* «Ёшлик». **Ороми бузямлоқ** Осойишталиги, тинчлигига халал етмоқ. *Нормўмин була бошлаганими биламан, уйдагиларнинг оромини бузилди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Тинчлик, осойишталик. *Сокин тун оромини онанинг ноласи бузди: — Ёлғизимдан жудо қилдинлар-ку, қон қусгурлар.* Газетадан.

ОРОМБАХШ [ф. آرامبخش — тинчлик, хотиржамлик бағишловчи] **Ором берувчи; роҳат, ҳузур, осойишталик бағишловчи.** *Оромбахш шабада.* ■ *Эй, қуёшли республикам, сен Шарқ маънави, Оромбахшидир қучоқларинг, тотли, наънави.* Ғайратий. *Хонага баҳор ҳавосининг оромбахш нафаси кирди.* Газетадан.

ОРОМГОҲ [ф. آرامگاه — дахма, мақбара; дам, ором олиш хонаси] **1** Кишлар дам оладиган, роҳат қиладиган жой. *Раҳимага ҳамроҳ бўлиб келганларнинг кўпи йўлнинг нариги бетида — ёнғоқзордаги меҳмонлар учун қурилган оромгоҳда қолишди.* С. Аҳмад, Жамитлик.

2 Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилда дам олиши учун қурилган жой. «Соғлом авлод йили»да 26 миндан зиёд ўғил-қизлар вилоятимиз ёзги оромгоҳларида дам олиб, янги куч-ғайрат тўпладилар. Газетадан. *Ёз фаслининг жазирамасида таътилни мазмунли ўтказишни истаган болажонларнинг аксарияти турли оромгоҳларга ошқадилар.* Газетадан.

ОРОМИЖОН [ф. آرامجان — маҳбуб, маҳбуба; юпатувчи, тинчлантирувчи] **1** Танга ором берувчи. *Оромижон ичимлик хиллари тобора кўпайиб борапти.* «Фан ва турмуш». *Муздек сувда яйраб-яшнаб қулоч отиш бир роҳатижон, ўзни офтобга тоблаб ётиш бир оромижон.* М. Мансуров, Ёмби.

2 кўчма Севкли ёр, маҳбуба. *Эй менинг нозик ниҳол, оромижоним, қайдасан, Бу кўн-*

гил бўстонда гунча даҳоним, қайдасан? Машраб.

ОРОМИЙЛАР Арабистон яриморалидан чиққан ва милоддан аввалги 14–11-асрларда Ғарбий Осиё бўйлаб тарқалган кўчманчи сомий қабилалар.

ОРОМКУРСИ айн. кресло. Улар тушликдан қайтиб, Одиловнинг бўлинмасидаги оромкурсиларга ўтирдилар. «Ёшлик». Жобу қишлоғида бир гуруҳ дугоналар Шўрчи мебель фабрикасининг чапдаст усталарини лол қолдириб, диван, оромкурси ясамоқдалар. Газетадан.

ОРОМЛАНМОҚ кам қўлл. Ором олмоқ, тинчланмоқ, роҳат қилмоқ.

ОРОМСИЗ Ороми йўқ, нотинч, беором. *Оромсиз кунлар.*

ОРОМСИЗЛИК Оромини йўқотган кишининг ҳолати; нотинчлик, беоромлик; бегоҳлик. *Шу йўсин оромсизлик ва бегоҳлик ичиди унинг [Отбекнинг] ой-кунлари ўтиб турар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ОРСИЗ Беор, ориятсиз, ори йўқ. *Орсиз одамдан қоч. Мақол.*

ОРСИЗЛИК Орияти, ори йўқлик. *Отанинг ўлими ҳақидаги машғум сўзлар ғам-ғусса ёки дард-алам билан эмас, маст-аласт бақирчиқа қўшиб, орсизлик билан ўқилмоқда эди. А. Муҳтор, Кумуш тола.*

ОРТ 1 Кямса ёки нарсанинг юз, бет, олд томонига тескари томон; орқа, кет. *Ортга қарамоқ. Ортга тисарилмоқ. Ортда қолмоқ. Ортидан бормоқ. Юк машинанинг ортидаги прицеп. — Ёрмат бошини ортга, хотини томонга буриб, ўқрайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Бирор нарсадан нариги томон; нариги, у ёқ. *Девор ортида бир одам бор. — Қуёш олтин барқаш бўлиб, уфқ ортига яшириниши билан салқин тушади. Газетадан.*

3 3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п. к. ва ч.к. қўшимчалари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. *ортига, ортида, ортидан*). *Муаммони ҳал қилиш учун бу иш ортидан кўп югурди. Бормаган ташкилати қолмади. Газетадан.*

ОРТИГА айн. орқасига.

ОРТИДА айн. орқасида. *Егани олдида, емагани ортида қ. емоқ.*

ОРТИДАН айн. орқасидан 3. *Ўринбой бир сўзни икки қилмай, хаёл суриб чиқиб кетди,*

раис унинг ортидан илжайиб қолди. Ойдин, Юрагида ўти бор.

ОРТИЛМОҚ Ортмоқ II фл. мажҳ. н. *Десант ортилган паром қўзғалганда, Днепр чайқалди. Н. Сафаров, Соҳиб чангал. Бу аризаларда Ўрмонжонга ортилмаган жиноят қолмаган. А. Қаҳҳор, Қўшгинор чироқлари.*

ОРТИҚ I рвш. 1 Белгили миқдордан, меъёрдан зиёд; ошпақ, кўп. *Йиғилишга юздан ортиқ киши келди. — Адолат касалхонада бир ойдан ортиқ ётди. С. Зуннунова, Гулхан. Элликдан ортиқ дурадгор фақат белжурагу кетмонга соп яшаш билан овора. С. Аҳмад, Уфқ. [Элликбоши] Дарров ҳовлини ўз баҳосидан анча ортиққа олибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

Ортиғи билан 1) ошиғи билан, ошириб; белгиланган миқдордан ҳам кўпайтириб. *Режа ортиғи билан бажарилди; 2) кўп деганда, жуда борса, нари борса. Бу мақола, ортиғи билан ун бет бўлади.*

2 Меъёридан ёки керагидан ошпақ, ҳаддан ташқари. *Ортиқ даражада қайғурмоқ. Ҳаддан ортиқ кўлмоқ. — Ҳар ҳолда, Тошкент аҳолиси Азизбек истибдодидан ортиқ тўйди, кимдан кўмак сўрашни ҳам билмайди! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 (ч.к. билан, фақат қиёслашда) Зиёд, яхши, афзал, аъло. *Унинг сендан ортиқ жойи йўқ. Сени жонимдан ортиқ севаман. Ақлдан ортиқ бойлик йўқ. Мақол. — Ўзингиз ҳам, келинйим текканида, Гаффордан ортиқ эмасдингиз-ку! С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Тегга арзийдирган йигит. Бундан ортиғини топармидим, дедим, кўнги қўйдим. Ойдин, Садаганг бўлай, командир. — Зулм, хўрланиш, ҳақорат шунчалик бўлар, Қоратой ака! Бундан ортиғини калам сиғдирмайди, — ғазабдан титраб гапирди Йўлчи. Ойбек, Танланган асарлар.*

Ўлса ўлиги ортиқ Икки нарсани ўзаро қиёслашда қўлланадиган ибора: ҳатто ўлиги афзал, зиёд. *Бир ҳисобда, ҳар қадамда минг битта вағда бериб, сал нарсага йиғлаб юрадиган йигитлардан Шукруллонинг ўлса ўлиги ортиқ. «Ёшлик».*

4 Кучли, зўр. [Холисон:] *Ҳақиқат: ишқ ўти ортиқ экан дўзах ўтиданким, Қуйиб бағрим, кулим кўкларга соврилганга йиғлайман. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

5 Бўлиб ўтгандан, кўрилгандан, кечирилгандан ташқари, ундан ошпақ. *Ортиқ чора*

йўқ эди. У, *истар-истамас*, Гулнордан воз кечди. Ойбек, Танланган асарлар. Бу тўғрида [Юсуфбек ҳожи ҳақида] *ортиқ баҳс қилнамади ва сўз бошқа хусусларга ўтди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Бадрий:] *Мен бундай ҳақоратга ортиқ чидолмайман!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

6 Ортиқча, беҳуда, ўрвнсиз. Ёмоннинг бир қилиги ортиқ. Мақол. ■ *Худо ўша қора кунни ҳам ортиқ кўриб, қаҳрига олди*. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОРТИҚ II 1 Баданда ёки бирор аъзода бўртиб, ўсиб чиққан жой (кўпинча туғма бўлади). *Унг қоши устидаги кичкина ортиқ ҳам қуруқ қолмади, қоп-қора хол бўлиб, тиниқ юзда «мана мен» деб ўз рассомини қувонтирди*. Ойдин, Кўнгиш тўлдими, яхши йнгиш. У [раис] *ҳар гал бизниқига келганда, ортиғи бор дағал қўллари билан елкамга қоқиб, хафа бўлма, Наби.. дер эди*. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

2 Ортиқ (эркаклар исми).

ОРТИҚЛИК Меъёридан зиёдлик, кўплик; афзаллик. *Иссиғим ортиқлиғидан сув устига сув ичардим*. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОРТИҚЧА I Белгили мяқдордан ортиқ; кўп. *Ортиқча пул. Ортиқча харажат*.

2 Керагидан, йўл қўйилиши мумкин бўлганидан ортиқ, ҳаддан зиёд. -*Мени ортиқча иззату икром қилиб, ноқулай аҳволга соляпислар, — деди Умид*. Мирмуҳсин, Умид. *Содда одам ортиқча хурсандчиликдан ҳам ўзини йўқотиб қўйса ажаб эмас*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Эрининг бу сўзига Ўзбек ойим ортиқча қизишади, лаби-лабига тегмай бобиллаб беради*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бизники [томорқа] нормадан уч ҳисса ортиқча*. Ойбек, О.в. пабадалар.

3 Кераксиз, фойдасиз. *Ортиқча гап*. ■ *Назокатга болалари йўғида эрмак бўлган Назми кейинчалик ортиқча бўлиб қолди*. Шухрат, Умр поғоналари. *Қирқилган қулоғи теп-текис бўлиб кетган, бу унинг [Қулмат қорининг] силлиқ калласига шундай ярашганки, соғ қулоғи худди ортиқчадай кўринарди*. А. Мухтор, Опа-свингиллар. *Ҳасанали эндиш ўтиришни ортиқча топиб, ўрнидан турди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОРТИҚЧАЛИК Керагидан, мумкин бўлганидан кўплик, ҳаддан зиёдлик; бефойдалик. *Улар.. радио эшитиб қувнашса, жажонда нима кечаётганидан хабар топиб ту-*

ришса, ортиқчалик қиладими? С. Анорбоев, Оқсой.

ОРТМАЧОҚЛАМОҚ шв. Ортмоқламоқ, кўтариб олмақ. *Кунларнинг бирида Мутилла ўзидан катта велосипедни ортмачоқлаб, зинапоялардан юқорига чиқаётганда, ҳаддан зиёд толиб, кўзи тиниб, йиқилиб тушди*. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *Ниязмурод катта-кон хумчани ортмачоқлаб, Бибиғул кетидан Тошқудуқ томон жўнади*. Мирмуҳсин, Чўри.

ОРТМОҚ I 1 Кўпаймоқ, ошмоқ. *Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан — душман*. Мақол.

2 *кўчма* Кучаймоқ, ошмоқ, ўсмоқ, мустақамланмоқ. *Инсониятнинг энергияга эҳтиёжи кун сайин ортиб бормоқда*. «Фан ва турмуш». *Отабек тўғрисидаги ташвиш боягидан ўн қайта ортган эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Иссиқ тобора ортар, «ғир» этган шомол йўқ*. Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Устига кўпиломоқ, юкланмоқ. *Саримсоққа яна бир янги вазифа ортди*. А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Устун келмоқ, ошиб тушмоқ. *Уйинчининг санъати дафчиникидан, дафчиники уйинчиникидан ортар эди*. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 Ошиб қолмоқ, ортиқча бўлиб қолмоқ. *Бу ош ўн кишига етиб ортади. Харажатлардан беш сўм пул ортди*.

6 Етиб ва ошиб қолиб тўпланмоқ. *Қалай, нонвойликдан бир нима ортдими?* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Маъlum бир чегара, мяқдор ёки меъёрдан ошмоқ, ўтмоқ. *Уста Баҳромнинг юракбуруғ бўлганига ўн беш кунчадан ортибди*. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ОРТМОҚ II 1 Юкни транспорт воситасининг устига ёки ичига жойламоқ, юкламоқ. *Машинага кўмир ортмоқ*. ■ *Ўқ-дориларни отларга ортиб, қолганларини ўзимиз елкалаб олдик*. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Пахта ортган сон-саноқсиз қарвонлар қатор*. Ғайратий. *Фақат ўз соҳасини билувчи одам худди бир томонига юк ортилган қайиққа ўхшайди*. Шукрулло, Сайланма.

2 *кўчма* Зиммасига юкламоқ, бўйнига қўймоқ, тақмоқ. -*Билсанг, — деди ҳожи, — менинг устимга мундоғ тўхмат ортишдан уял, бола!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

[Бировга] *огирлғини ортмоқ қ. огирлик 3.*

ОРТМОҚЛАМОҚ Орқасига оляб кўтармоқ; елкасига ортиб олмоқ. *Хотинлар ҳам, эркаклар ҳам болаларини ортмоқлаган, йўлга тушишга тайёр. С. Нуров, Дурдона. - Сени қай фурсатда ортмоқлаб олганимни билмайсан-да, чувринди чопончада эдинг, оёқларингда эски калиш эди, - деди Яхшибоев. М. М. Дўст, Лолазор. Текширув пайтида чет элдан ортмоқлаб келинган.. кийим-кечакларгина эмас, сохта табдиркорнинг ўзи ҳам ҳужжатсиз эканлиги маълум бўлди. Газетадан.*

ОРТО-, **ОРФО-** [юн. orthos – тўғри, тўппа-тўғри] Байналмилал ўзлашма кўпма сўзларнинг биринчи қисми: бирор нарса-ҳодисанинг тўғрилигини, тиклигини, тўғридан-тўғри руй беришини билдиради (Юнонча олд кўшимчанинг икки хил ўқилишдан икки хил вариантда ёзилади), мас.: ортопедия, орфография.

ОРТОДОНТИЯ [орто.. + юн. odus, odontos – тиш] Стоматологиянинг тишларнинг нотўғри жойлашиши ҳамда жағ-юз суякларининг деформациясини ўрганувчи, уларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

ОРТ-ОЛД Орқа-олд.

Орт-олдини ўйламоқ кўчма Ҳар томонлама ўйламоқ; маълум нарсанинг натижасини олдиндан мўлжалламоқ. *Чунон орти-олдини ўйлаб келган экан, пулни ҳамёнга солиб, хуржундан сур тери чиқарди. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.*

ОРТОПЕДИЯ [орто.. + юн. paideia – парвариш қилиш; ўқитиш-ўргатиш] Тиббиётнинг кўл, оёқ ва умуртқа поғонасининг туғма ёки кейин орттирилган касалликларини ўрганувчи, уларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи бўлими (травматология билан биргаликда ягона мутахассислик ҳисобланади). *Турғунали ўтган сафар ортопедия институтига «оёғини янгилагани» борганда, пенсияга олган икки юз эллик сўмини Саттор номидан Мудофаа комитетига юборган экан. А. Мухтор, Қумуш тола.*

ОРТТИРМА: сифатларнинг орттирма даражаси тлш. Белгининг бошқа предметлардаги нисбатан ортиқ эканлигини билдирувчи сифат шакли, мас., *энг яхши китоб. Фёълларнинг орттирма нисбати тлш.* Ишнинг бирор восита ёки бошқа шахс ор-

қали бажарилишини билдирадиган феъл шакллари, мас., *ёздирмақ, ўқитмақ.*

ОРТТИРМОҚ I I **Ортмоқ I** 1-6 фл. орт. н. *Ихлосни орттирмақ. Кувончини орттирмақ. Шубҳани орттирмақ. ■ [Раис:] Гўё кўринишда иш қиласиз, ҳақиқатда бошқаларга иш орттирасиз. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. У [Саодатхон] устаси Александр Михайловичнинг кўрсатмаларини кўнгилдагидан кўра ҳам орттириб бажарар.. эди. Н. Сафаров, Уйғониш.*

2 **Тежаб-тергаб**, иқтисод қилиб кўпайтирмақ, оз-оздан йиғиб тўпламоқ. *Бир қанча танга орттириб қола билса, рўзгорга харж-лайди. Ойбек, Танланган асарлар. [Али] Ўзининг бахтсизлигидан, топганини рўзгордан орттиролмай, шу кунгача уйланомай келишидан ҳасрат қилиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Дунё орттирмақ Бойлик тўпламоқ. *Мен кимларнингдир молу мулкени талаб, дунё орттириб, донг таратиб, қадр-қиймат топдимми? Шукрулло, Сайланма.*

3 **Топмоқ**, эришмоқ, етишмоқ; эга бўлмоқ; қозонмоқ. *Обру орттирмақ. Ҳунар орттирмақ. ■ Боисжон Эргашев армия сафида хизмат қила бошлаган йилнинг дастлабки ойидаёқ янги иштисос орттириб олди. Н. Сафаров, Янги ер. Минг афсуслар бўлсинким, ким номимни эшитса, лаънатлади, лаънат орттирдим! Шукрулло, Сайланма. Бола-чақа орттириб, деярли Тошкентда турғун бўлиб қолаётганига қарамай, киндик қони тўкилган она тупроқ тортгани-тортган эди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

ОРТТИРМОҚ II **Ортмоқ II** фл. орт. н. *Вагонларга юк орттирмақ.*

ОРТҚИ Кейинги, орқадаги. *Ортқи айшнинг ботганини эгаси эмас, от билар. Мақол.*

ОРФО-, **ОРТО-** [юн. orthos – тўғри] қ. орто-, орфо-.

ОРФОГРАФИК Орфографияга, имлога оид, тўғри ёзиш қоидалари билан боғлиқ бўлган, шунга хизмат қиладиган. *Орфографик луғат. Орфографик хатолар.*

ОРФОГРАФИЯ [орфо.. + юн. grapho – ёзман] Сўзларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар; имло. *Ўзбек орфографияси. Орфография қоидалари.*

ОРФОЭПИК Орфоэпияга, талаффузга доир, тўғри талаффуз қилиш билан боғлиқ

бўлган, шунга хизмат қиладиган. *Орфоэпик луғат.*

ОРФОЭПИЯ [орфо. + юн. epos — нутқ, талаффуз] 1 Сўзларни тўғри талаффуз қилиш ҳақидаги қоидалар; тўғри талаффуз.

2 Тилшуносликнинг шундай қоидалар тизимини ишлаб чиқадиган бўлими.

ОРҚА 1 Гавланинг қоринга нисбатан терс томони, бўйиндан думгазагача бўлган қисми. *Қўлни орқасига қилиб юрмоқ. — Мингбоши ерда ғужанак бўлиб ётган Матқовулнинг орқасига қамчини шилп эткизиб туширди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. Саидий эшикка орқасини бериб ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Нарсаларнинг терс ёқдаги қисми, юз, бет, олд томонига тескари томони, тескариси. *Суратнинг орқаси. Тешанинг орқаси. — Самандаров чироқнинг пилигини кўтарди, қаламнинг орқаси билан столни қоқиб, говурни босди.* А. Қаҳҳор, Кўпчинор чироқлари. Чиннигул дарвоза тагига етганда, орқасига қайрилиб қаради-ю, ичкарига кириб кетди. С. Зуннунова, Кўк чироқ. Она шу сўзларни айтиб, ўтирган еридан кафтларининг орқасини ерга тираб, турди. Шўхрат, Шинелли йиллар.

3 Нарса ёки кимсанинг юз, бет, олд томонига қарши томон; орт. *Орқага қарамоқ. Уйнинг орқа девори. — Шу онда орқасидан гуруллаб автомобиль келиб қолди.* А. Қаҳҳор, Каравот. *Йулдош орқадан аста келиб, Элмуроднинг кўзини икки қўли билан бекитди.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

4 Ортда, кейинда жойлашган. *Велосипеднинг орқа гилдираги. Тил орқа товчулари (грам.).*

5 Ортада қолган, ўтилган йўл; шахс ёки предмет чиқиб келган томон; ҳаракат йўналган томоннинг акси. [*Отабек*] *Эшик занжирига қўлини олиб боргани ҳолда ўйланиб тўхтади ва эшикни очмай, орқасига қайтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олға босиш, ҳар ҳолда, орқага қайтишдан хатарли эмас.* А. Қаҳҳор, Мастон.

Орқада қолмоқ Қолоқлик қилмоқ; бирор вазифани ўз вақтида бажармаслик. *Шалола қурлиши ҳозир энг орқада қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

6 кўчма Ҳомий, суянчяқ, тирак. *Тоғдан орқаси бўлганинг тошдан юраги бўлар.* Мақол.

Орқа қилмоқ Бирор шахс ёрдамига, Ҳимоясига, кучига ишонмоқ, унга таяниб иш тутмоқ. *Сени орқа қилиб, бунда юраман, Ортсиртингдан кўп Ҳимоят қиламан.* «Алпомиш».

7 3-ш. эгалик ва ж.к., ў.-п.к. ва ч.к. қўшимчалари билан кўмакчи вазифасида ишлатилади (қ. орқасига, орқасида, орқасидан).

Орқага кетмоқ Таназулга юз тутмоқ, олға босишдан тўхтамоқ. [*Отабек:*] *Бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзаро низоиймиз сабаб бўлмоқда.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Орқага сурмоқ (ёки ташламоқ, сўлтамоқ)** Бирор ишни пайсалга солмоқ, кечиктирмоқ. *Бунинг ҳар иккиси ҳам колхозлаштириш ишини орқага суриши, хийлагина орқага суриши мумкин эди.* А. Қаҳҳор, Кўпчинор чироқлари. **Орқасидан гапирмоқ** Ўзи йўғида у ҳақда гапирмоқ; ғийбат қилмоқ. *Дўст олдинда гапирар, Душман — орқангдан.* Мақол. [*Бировнинг*] **орқасидан кесак (ёки тош) отмоқ** 1) иккинчи қайтиб келмаслигини талаб лаънатламоқ; 2) кимсанинг орқасидан уни ёмонлаб ғийбат қилмоқ. **Орқасидан кулмоқ** Ўзи йўғида масҳара қилмоқ, мазах қилмоқ. [*Гулнор:*] *Ойи, сиз сезасизми, бойникида орқадан кулишади, гапирришади, пичинг, кесатиқ-месатиқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Орқасидан қувмоқ** Етишиш, эришиш пайига тушмоқ. **Оғирликни орқага ташламоқ** Қийинчиликларга парво қилмай, ўзини дадил тутмоқ, уларни дадиллик билан енгмоқ. [*Гуландом:*] *Укаларимни, дадамни севганимдан ҳар қандай оғирликни орқага ташиладим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Фронт орқаси ҳарб.** Мамлакатнинг жанг ҳаракатларидан йироқ ичкари қисми. **Юраги орқасига тортиб кетди** ч.к. **юрак.** *Шундай дейишга деди-ю, отанинг қаҳрли нигоҳини кўриб, юраги орқасига тортди.* «Ёшлик».

ОРҚАВОРАТДАН рви. 1 Бировнинг орқасидан, ўзи йўғида; зимдан. *Унинг шондай мўйловига қараб, орқаворатдан Муҳиддин мўйлов деб атаймиз.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Улар [мардикорлар] Ёрматнинг кўз олдида унга қарши бир нима демасалар ҳам, орқаворатдан уни масҳаралашар, ҳатто сўжишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бевосита эмас, балки биров орқали, бировлардан. *Бошқа безориларни орқаво-*

ратдан эшитиб юрардим-у, ана шу Шоқулни ўз кўзим билан кўрганман. М. М Дўст, Лолазор. - Сизни орқаворатдан сўраб-суриштириб, ўзим ҳам кузатиб келаман, — деди Фариди. «Ёштик».

ОРҚАДОШ 1 Кўмакдош, кўмак, ёрдам берувчи; ўртоқ. *Бўлурмиз биз бақувват орқадошлар, Қирар албатта ёвни жангчи ёшлар. Ҳабибий.*

2 Ўсиб келаётган ёш авлод, кекса авлоднинг ўринбосари. *Кекса отахон-онахонларимиз дунёдан ўтадилар. Ўрнига орқадошлар ўтирадилар. Газетадан.*

ОРҚАЛАМОҚ Орқасига олиб кўтармоқ. *Ғуломжон орқалаб чиққан тошини энди ағдариб, қаддини ростлаган эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т.о. Азизхон туғунларни орқалаб, олдинга тушиб йўл бошлади. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОРҚАЛАНМОҚ 1 Орқаламоқ фл. мажх. н. Орқаланган юкни ерга қўймоқ.

2 шв. Бировга орқа қилмоқ, суянмоқ, таянмоқ. *Орқали орқаланиб сўзлар, орқасиз қўрқиб сўзлар. Мақол.*

ОРҚАЛИ I кўм. (б.к. билан) 1 Бирор нарсанинг ичидан, орасидан, ўртасидан ёки устидан, бирор нарса оралаб, бир томондан иккинчи томонга. *Боққа ҳовли орқали кирилади. ■ [Элмурод] Эртасига Красноводск орқали Тбилисига — ҳарбий хизматга жўнади. Шухрат, Шинелли йиллар. Халойиқ гуруллаб.. уч эшик орқали залга кирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 Бирор кимса ёки нарса воситасида, ёрдамида, ёрдами билан. *Телефон орқали гаплашмоқ. Хат орқали хабардор қилмоқ. ■ Ҳиндлар ҳам бошқа мамлакатлар билан асосан инглиз тили орқали алоқа қилишади. Газетадан. Элмурод шу кунни бир бола орқали Давлатёрни ўз ҳузурига қақирди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Туфайли, сабабли. [*Юсуфбек ҳожи*] Сен билан ифтихор қилмасак-да, сен орқали хижолат чекмасимизга ишондик. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Мен хали ёш боламан, Кўп жойни кўраним йўқ. Лекин китоб орқали Ылдим талай йўл-йўриқ. Қ. Муҳаммадий. Битта сиёҳдон орқали шунча гапларни топиб айтиш менинг ҳаёлимга келмаган эди. Шукрулло, Сайланма.*

ОРҚАЛИ II Орқаси, суянчиғи, ҳомийси бор. *Орқали орқаланиб сўзлар, орқасиз қўрқиб сўзлар. Мақол.*

ОРҚАМА-КЕТИН рвш. Бири орқасидан иккинчиси, бирин-кетин, кетма-кет. *Орқама-кетин бормоқ.*

ОРҚАМА-ОРҚА рвш. 1 Бири орқасидан иккинчиси; кетма-кет, изма-из. *Маъмуржон улар [Райҳонбиби ва Ойпошшалар] билан орқама-орқа ЗАГСга кириб келди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Қаторасига, узлуксиз. *Орқама-орқа ўқ узмоқ.*

ОРҚА-ОЛД айн. олд-орқа. *Онахон орқалдига қараб олди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

Орқа-олдини ўнглаб олмоқ айн. орқа-ўнгини олмоқ қ. орқа-ўнг. *Бу кунларда халққа ўттиз икки қора пул солиш ҳам оғир. Юрт беш-ўн кун орқа-олдини ўнглаб олсин. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Гапнинг орқа-олдига қарамай Ўйламай-нетмай гапириш ҳақида. Азизхон гапнинг орқа-олдига қарамай айтиб юбораверарди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОРҚАСИГА Орқа томонига, кетига, ортига. *Ой булут орқасига яширинди.*

ОРҚАСИДА кўм. вэф. 1 Оқибат(и)да, натижа(си)да. *Гулнор бошидан кечган даҳшатли воқеалар орқасида оёқларида заррача мадор сезмас эди. Ойбек, Танланган асарлар. Кечанинг ўта қоронғиси орқасида лойхонада киши бўлганлигини пайқаш қийин эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

2 Туфайли, сабабли; шарофати билан. *Тирикчилигимиз шу боғ орқасида бир нав ўтиб турарди. Ойбек, Танланган асарлар. [Хонзода:] Гофиржоннинг ошиғи олчи! Хотини орқасида бой бўляпти? Ҳамза, Бой вла хизматчи.*

ОРҚАСИДАН кўм. вэф. 1 Нариги, орқа томондан. *Булутлар орқасидан ой кўринди.*

2 Кетидан, кейинидан. *Бировнинг орқасидан эргашимоқ. Шўрва орқасидан ош келди. Кун орқасидан кун ўтади. Қайғу орқасидан шодлик келади. ■ [Ўрмонжон Сиддиқ-жонга:] Меҳмонларни бизникига олиб бор, мен орқаларингдан етиб бораман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

3 Кетидан, вэйдан. *Мен йигитнинг орқасидан кузатиб бордим. Файратий, Унутилмас кунлар.*

4 Туфайли, сабабли. *Ўтган йиллар мобайнида гишт орқасидан қанча даромад қилгансиз? С. Аҳмад, Юлдуз.*

ОРҚА-УНГ айн. олд-орқа. Орқа-ўнгига қарамақ. ■ Унинг [Кумушининг] нафис қора сочлари орқа-ўнгига тўзғиб, ажиб бир манзара бердилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кителени елкасига ташлаб, зум ўтмай чиқди-да, орқа-ўнгига қарамай, кўчага отилди. С. Аҳмад, Уфқ.

Орқа-ўнгини олмоқ Ўзини, хўжалигини ўнглаб, тиклаб олмоқ; нафасини ростламоқ.

ОСЕТИН қ. осетинлар. Осетин тили. Осетин аёл.

ОСЕТИНЛАР Россия Федерацияси ва Грузияда яшовчи халқ; осетин халқи.

ОСЕТР [р.] Йирик ов балнғи; бакрабалик.

ОСИЙ [а. عاصى — исён қилувчи, итоатсиз, гуноҳкор] 1 айн. гуноҳкор 1. Осий банда. ■ Кимда-ким худонинг осий бандаси.. бетавфиқ Аваз Утар ўғлининг дўконига оёқ босса, соч-соқол олдирса, имони куйга-ай! С. Спёев, Аваз.

2 эск. кт. Гуноҳкор, айбли. [Отабек Кумуш қаршисида] Осийлар каби кўзини ерга тикди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 эск. кт. айн. исёнкор. Оналар йиғлади ҳасратли, маҳзун, Осийлар ё дорга кетди, ё сургун. М. Шайхзода.

ОСИЙЛИК Осийга хос хусусиятларга эгаллик; итоатсизлик, гуноҳкорлик. -Тангри ҳикмати, ўғлим, осийлик қилма! — Топган сўзи шугина эди мазлумнинг. Миртемир, Асарлар.

ОСИЛМОҚ 1 Осмоқ 1 фл. ўзл.н.

2 **Осмоқ 2, 3, 4** фл. мажҳ. н. Дарахтларга осилган катта лампалар кўзни қамаштиради. Ойбек, Танланган асарлар. Камарда кумуш солли қилич осилиб турарди. М. Исmoilий, Фаргона т. о.

3 Ўз оғирлиги билан эгилиб ёки соляниб турмоқ. Анор дарахтларида анор шигил, чойнакдай-чойнакдай бўлиб осилиб ётибди. А. Қаҳҳор, Анор.

4 Бирор кимса ёки нарсага маҳкам ёпишиб, чирмашиб, ўз оғирлигини ортмоқ. Уйғониб кетган Мақсуда ҳам дадасининг бўйнига осилиб, севинганидан дағ-дағ титрарди. С. Зуннунова, Олов. Қори қийқириб, унинг [Сидиқжоннинг] елкасига осилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Раҳим булса Қудратлар келган машинага анча ергача осилиб борди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

5 **Осмоқ 5** фл. ўзл. ва мажҳ. н. Бир четга иккита дошқозон осилган. «Шарқ юлдузи». Она тепасига қумғон осилган омонат ўчоққа ўт қалади. Т. Ашуров, Оқ от.

6 кўчма с.т. Хиралик билан бирор нарса сўраб ёпишиб олмоқ. -Жон ўртоқ, ҳозир олиб бор касалхонага! — деб [Валивой] унга [Журага] осилди. Ҳ. Назир, Онаизор.

7 Шилқимлик билан бировга ёпишмоқ. Сен тикка Раҳмонбердининг уйига бориб, хотинига осилибсан. А. Қаҳҳор, Сароб.

8 кўчма салб. Бировни ҳадеб айблайвермоқ, бировга айб тамамоқ. [Содиқ:] Ҳой, менга осилма! Хафа қиламан!. Н. Сафаров, Уйғониш. Уша пайтларда матбуотда чиқиш қилган амалдор борки, ўзбек халқига осилди. «Фан ва турмуш».

Қовоғи (ёки қош-қовоғи, димоғи) осилмоқ Хафа ёки норози бўлиб ўшпаймоқ. Чолнинг қовоқ-димоғи осилиб кетди. С. Аҳмад, Юлдуз.

ОСИЛТИРМОҚ 1 Осиламоқ фл. орт. н.

2 Пастга солиштирмоқ, қуйи солмоқ, эгмоқ, Оёқларини осилтириб ўтирмоқ. Қўлларини осилтирмоқ. Бошини осилтирмоқ. ■ Шайх калласини осилтириб, бир нимани пи-чирлаб ўтирди-да, юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. С. Спёев, Аваз.

ОСИҚ Осийб қўйилган, осилган. Янги тинда қурилаётган молхона ёнидан чапга бурилганда, лунжи осик каттакон сариқ итга қараб, баъзи бир шумроқлар қўлларини чиқариб, ол, ҳа ол, дея кулиб қийқиришарди. Н. Амминов, Қаҳқаҳа.

ОСИҒЛИҚ 1 Осийб қўйилган, осилган ҳолдаги; осилган ҳолда. Эшикдан кираверишда ўнг қўлда эркак кишининг костюми осиглиқ турибди. С. Зуннунова, Гулхан. Бобоқул ота ўзининг темир ҳассаси билан йўғон тут дарахтига осиглиқ чўян зангни чалмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. -Бўронбек Арслонбеков, — деди у елкасига осиглиқ чарм сумкасини очаркан. Ҳ. Фулом, Мангьал.

2 Бириктирилган, тиркалган. Сўнги вагон орқасига осиглиқ қизил фонаргина яна бир неча дақиқа кўриниб турди. Ҳ. Фулом, Феруза. Прицеп осиглиқ машиналар тўхтовсиз қатнарди. Газетадан.

ОСКОЛКА [р. осколок — парча; бирор нарсадан узилиб, парчаланиб ажралган қисм] Замбарак ўқи, мина, бомба ва ш.к.нинг портлашдан пайдо бўлган металл

парча. — Душман бомбаси шундай блиндаж устига тушди. Уч-тўрт жойимга осколка тегди, — деди раис. Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим. Куз келди дегунча оёғимнинг осколка урган жойи зирқираб, жонимни суғуриб оламан дейди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОСМА Осиб қўйиладиган, осиб қўйиш учун мослаштириб ясалган; осиб қўйилган. *Осма чироқ. Осма календарь. Осма кўприк. Осма культиватор. Осма соат.* ■ Фуломжон баландда кесиб ўтган темир йўл осма кўпригига етмай, бир табақали кичик эшикни очиб, ичкари кирди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. У ўрнидан турганида, девордаги осма соатнинг мили иккени кўрсатиб турарди. С. Зуннунова, Олов.

ОСМАДУЗИ махс. Аёлларнинг тиллақошга ўхшаш, бошга, кўкракка тақиландиган зийнат буюми. *Халигина гулхан атрофида одам тирбанд, қизлар кўксиди осмадузи, йигитлар қўлида қўш қайроқ, даврада гоҳ чирпирак бўлиб, гоҳ эшилиб айланашар, тўйхонани қийқириқ тутган эди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ОСМИЙ [юн. *osme* — ҳяд, ис, бўй] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кўккимтиркүлранг қаттиқ, ўта оғир металл.

ОСМОН [ф. *آسمان* — кўк, само, фалак] 1 Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турган мовий фазо; само, фалак, кўк. *Осмон гумбаз. Осмонни булут қоплади. Осмон узоқ, ер қаттиқ.* Мақол. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр. Мақол. ■ Тиниқ осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Бой Жамилага:] Менинг олтинларим шундай.. улғу бир ҳокимки, ерга кирсанг — қулоғингдан, осмонга чиқсанг — оёғингдан тортиб, менинг қўйимга олмайди қилиб солиб қўяди! Ҳамза, Бой яла хизматчи.

2 Ер атрофини ўраб олган олам фазоси (астрономик жисмлар макони). *Юлдузлар осмони. Осмон механикаси.*

3 Баланд, тепа, юқори. *Осмонга отган тошини қайтиб тушиб, ёрар бошинг.* Мақол.

4 кўчма Юқори, баланд, қяммат. *Нима учун шундай пишиқчилик пайтида меваларнинг нархи осмонда?* Газетадан.

5 кўчма с.т. Жуда баланд, етиб бўлмайди даражада юқори. *Варрак осмонга чиқиб кетди.* ■ — [Ёқут] Ҳали ҳам осмонда, — деди Ҳамро Кароматга. Ҳ. Раҳим, Чин ҳаёт.

Боши осмонда Хурсанд, шод. *Шу боисдан кўлим кўксимда, бошим осмонда!* Газетадан. **Дуди осмонга чиқмоқ** айн. **фиғони осмонга чиқмоқ** қ. **фиғон.** *Мана шу ерда мингошининг дуди осмонга чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ер билан осмонча фарқи бор** Жуда катта фарқи бор. **Оёғини осмондан келтирмоқ** қ. **оёқ.** **Осмонга устун бўлармидинг айн.** **дунёга устун бўлармидинг** қ. **дунё.** — *Нима бўлади, осмонга устун бўладими?* — деди Ашур Мирзо очиб бир киноя билан. М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Осмонда юрмоқ** Ўзини катта фаҳмлаб, кеккайиб юрмоқ, ҳеч кимни менсимаслик. **Осмондан келмоқ** Жуда баланддан келмоқ, ўзини баланд олиб, мағрурланиб гапирмоқ. *Холиқов гоҳ баралла қаҳқаҳлайди, баъзан «Мен ундай қилдим, мен бундай қилдим, қотирдим, дундирдим», деб осмондан келади.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. **Осмондан олиб гапирмоқ** Тахминан гапирмоқ; омилсиз, асоссиз гапирмоқ. **Осмондан осялиб** (ёки **оёғини узатиб**) тушган кесат. Ҳаммадан юқори, улғу. *Ҳа, мунча! Хотинингиз осмондан тушибидими? Биз ҳам одам боласиз, турибмиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОСМОНИЙ [ф. *آسمانی* — осмонга, самога алоқадор; осмон рангли, мовий] *кт.* 1 Осмонга доир, осмондаги, осмонда бўладиган. *Осмоний жисмлар.*

2 Мовий, кўк. *Осмоний ранг.* ■ *Ёрғинам рўмол юборди осмони(й), Учига тузиб юборди усмани. Усмаси хароб экан, ҳеч тутмади, Ваъдаси ёлғон экан, бир келмади.* «Халқ дурдоналари».

3 Мавҳум, шунчаки. *Халқ, жамоат деган тушунчалар осмоний тушунчалар эмас, реал, ҳаракатдаги тирик одамлар бирлигини англатувчи атамалардир.* «Саодат».

ОСМОНЛАМОҚ Осмонга кўтарилмоқ, ердан баланд кўтарилмоқ. *Бургут осмонлаб учди.* ■ *Қалдирғочлар баланд-баланд, осмонлаб учса, ҳаво қуруқ келади.* Газетадан.

ОСМОНЎПАР Жуда баланд, осмонга етгудек баланд кўтарилган. *Осмонўпар бинолар.* ■ *Аён бўлдики, олти миллион тонна-ли осмонўпар «оқ олтин» тоғлари Ошннинг олтмиш ёшига совға экан.* М. М. Дўст, Лолазор. *Мана, қадрдон Кавказ! Унинг осмонўпар тоғлари беҳисоб лолалар ичида кўмилиб кетган.* Н. Ғойибов, Айланма кинопанорама. *Бугунги сайёҳ, миллатимизга мос бетактор маъмурий мажмуалар, осмонўпар қошо-*

налар, сайилгоҳлардан бир олам завқ олади. Газетадан.

ОСМОҚ 1 Бўйнидан сиртмоққа илиб ўлдирмоқ. *Дорга осмоқ.* ■ [Азизбек] *Хазина сибобини олиш учун келган девонбекларни ўлдириб, ўрда дарвозасига осди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Зуннунхўжа:] *Уйимга ўт қўяман! Уэйлини осаман! Уғлим, жон уғлим, мен сизни шу умид билан уғлим деганмидим.* А. Қаҳҳор, Қўшқинор чироқлари.

2 Маҳкамлаб, миҳлаб ёки яляб осялтириб қўймоқ. *Деворга соат осмоқ.* *Дорга гилам осмоқ.* *Қозиққа сочиқ осмоқ.* *Арчага ўйинчоқ ва лампочкалар осдик.* Қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар. Мақол.

3 Бел, бўйин ёки елкага илиб кўтариб юрмоқ, тақмоқ. *Белга қилич осмоқ.* ■ *Йигитлар милтиқларини пайпаслаб топиб, елкага осдилар ва кўчага отилдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Тақмоқ, ялмоқ. *Қулоққа сирға осмоқ.* ■ *Нури олтин занжирни бўйнига осди, соат, кўкрагидан настроқда юлдуздай ярқиради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўйнига осиб лола, Келди шу гўзал кўклам.* Ғайратий.

5 махс. Ўрнатмоқ, жойлаштирмоқ; ялмоқ. *Тракторга культиватор осмоқ.* Қозон осмоқ.

Қулоқ осмоқ айн. қулоқ солмоқ қ. қулоқ I 1. *Норқул маҳаллада истиқомат қилувачи баобру кишиларнинг фикрларига ҳам қулоқ осмади.* Газетадан. **Қовоқ осмоқ айн. қовоқ солмоқ қ. қовоқ II.** *Ошино Яхшибоевнинг гапини эшитди-ю, қовоқ-тумшуғини осди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОСОЙИШ [ф. آسایش — тинчлик, хотиржамлик; ором, ҳорлик, бўш вақт] кт. Тинч, уриш-жанжалдан, ғавғо-ташвишдан холвлик; тинчлик, хотиржамлик, тивним. *Бировнинг осойишини бузмоқ.* ■ *Осойиш замондан қалбингда ғурур, Ватанинг, диёринг муборақ бўлсин!* А. Орипов, Ёйлар армони. *Дунё ҳамон осойиш, чароғону чиройли — қараб ҳеч тўймайсан.* М. М. Дўст, Лолазор. *Юсуфбек ҳожи элнинг осойиши ва мамлакатнинг ободлиги номига бу таклифни бўйнига олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кўнгли осойиш топмоқ Тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ. *Кейинроқ ўликни ҳалқчишлоқлари олиб кетганини эшитиб, кўнгли сал осойиш топди.* М. М. Дўст, Галатела қис-

салари. *Аммо [Элмуроднинг] кўнгли осойиш топмади.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

ОСОЙИШТА [ф. آسایشته — тинч, хотиржам; беғам] 1 Уриш-жанжалдан, ғавғо-ташвишдан холи; тинч, бежавотир, хотиржам. *Осойишта шаҳар.* *Юрт осойишта.* *Осойишта яшамоқ.* ■ *Шундай пайтда кишининг бу хилда осойишта ва ҳатто хотиржам бўлишини тасаввур қилиш қийин эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Гўзал манзара руҳимизни бардам, асабларимизни осойишта қилади.* «Саодат».

2 Ҳаяжондан, изтиробдан холи; беташвиш. *Бу қоматни [Фотимани] кўриши биланоқ Элмуроднинг осойишта қалбида нимадир қўзғалди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Хотиржам, бамайлихотир, босаяқ. *Осойишта суҳбат.* ■ *-Кимсан ўзин? Мадамин? — деди Абдурасул анча осойишта товуи билан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сергей ўрндан туриб, олдинги стулнинг сунячиғига қўлини қўйдида, осойишта гапира бошлади.* П. Қодиров, Уч иллиз.

4 Сокин, ҳаракатсиз. *Денгиз осойишта дам олмоқда.* ■ *Чанг аралаш тутун ҳалқа-ҳалқа бўлиб, кўкка, осойишта бўшлиққа интилар эди.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

ОСОЙИШТАЛИК Тинчлик, хотиржамлик, осойиш; беташвишлик. [Ошлада] *Осойишталик бузилиш ва бунга сабаб, кампирнинг гумонича, Сидиқжоннинг онаси эди.* А. Қаҳҳор, Қўшқинор чироқлари. *Ғузурда осойишталик йўқолди.* *Унинг кичкина ва тор кўчаларида ярим кечагача отларнинг дупури тинмади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ҳамма осойишталик билан экин-тикинга қаради.* М. Муҳамедов, Маншқ.

ОСОН [ф. آسان — енгил, жўн; қийин эмас; содда] 1 Ечилиши, бажарилиши жиҳатдан унча қийин, мураккаб бўлмаган, унча кўп меҳнат, куч ёки билим талаб қилмайдиган, содда. *Осон масала.* *Осон вазифа.* *Осон иш.* ■ *Бу ёқинг тоши у ёқниги сингари қаттиқ, яхлит эмас, жуда бўш, ғураша эди.* *Шунинг учун тошлар осон кўчиб, осон йиқилади.* М. Исмовлий, Фарғона т.о.

2 Қийин эмас; жўн, енгил. *Тилангандан тилинган осон.* Мақол. *Касалнинг келиши осон, кетиши қийин.* Мақол. ■ *Гипертония хасталиги кишининг карлиги оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин бўлиб, касалликнинг бу тури анча осон ўтади.* «Саодат».

Мушқули осон бўлмоқ Қийинчиликдан қутулмоқ. Унинг [Сидиқжоннинг] бутун мушқули осон бўлгандай, қувониб кетди. А. Қаҳҳор, Кўнчинор чироқлари. **Мушқулини осон қилмоқ** Қийинчиликларини бартараф қилмоқ, оғир аҳволдан қутқармоқ. Бу кунларда унинг мушқулини осон қилган киши Нозимнинг онасининг йўқлигини билдирмай, бағрини тўлатган Нина Ивановна билан сингиси Нигора бўлди. С. Зуннунова, Олов. **Осон кўчмоқ айн. енгил кўчмоқ қ. енгил.** Қани энди, сенга ўхшаш қизлар врач, ҳамширалар бўлса.. касалларни даволаш ҳам осон кўчарди. Ш. Рашидов, Қудратли гўлқин. **Осон қилмоқ** Осонлаштирмоқ, енгиллаштирмоқ.

ОСОНЛАШМОҚ Осон бўлиб қолмоқ; содалашмоқ, енгиллашмоқ. [Саудий] Мағлубиятга учраса, Аббосхоннинг иши қанча осонлашар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. **Ўзингиз айтсангиз, суд пайтида ишингиз осонлашади.** С. Аҳмад, Юлдуз.

ОСОНЛАШТИРМОҚ Осовлашмоқ фл. орт. н. **Машиналар деҳқончилик ишларини осонлаштирди.** ■ Яхши кайфият инсонлар қалбига йўл топишни осонлаштиради. Газетадан.

ОСОНЛИК Осон хусусиятга эгалик; осон бўлишлик. **Ишининг осонлиги.** ■ Гулсум осонлик билан ҳарфларни ўрганибди. П. Турсун, Ўқитувчи. Чамаси, Азизбек осонлик билан жон берадиган кўринмайди. А. Қодирий, Утган кунлар.

ОСОНЛИКЧА рвш. 1 Осонлик билан, кўп куч, меҳнат сарфламасдан; осонгина, жўнгина, бемашаққат. **Ютуқлар осонликча қўлга кирмади.** ■ Бу муаммо осонликча битадиган иш эмасди. «Ёшпояк». Фуломқодирнинг ашуласини жуда соғиниб қолдик. Бир-икки ашула қилиб бермаса, биздан осонликча қутулмайди. М. Исмоилий, Фаргона т.о.

2 Қаршилик кўрсатмай-нетмай. **Холқўзи Зумрадни билади.** У осонликча жон берадиган аёллардан эмас. С. Сийёв, Отлик аёл. Бизнинг қишлоқда катта ер эгалари осонликча жон бергани йўқ. А. Қаҳҳор, Кўнчинор чироқлари.

ОСОР [a. آثار — أثر (из, қолдиқ, белги; ривоят; қадимият ёдгорлиги; таъсир) с. нинг қўшл.] эск. кт. Асар, белги, нишона. **Бу овоз ва бу оҳанг шунчалар қадимийки, не-не гўзал аёллару саодатманд эрларнинг безавол орзуларидан жонсиз бир осор.** М. М. Дўст, Гала-

тепага қайтиш. **Ким билурди одаму олам надур, ҳайвон нечук?** Бўлмаса эрди агар инсонда бу осори шм. Ҳамза.

ОСОРИ атиқа [a. + ф. آثار عتيقه — қадимий, антик ёдгорликлар] Қадим дунё нишончалари, қадимдан, антик дунёдан қолган ёдгорликлар, обидалар. **Урта Осиё осори атиқалари.** ■ **Хива, Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарларимиз, асрий осори атиқалар, улуғлар қадамжоларини олиб кўрайлик, ахир, уларнинг ҳар бирини бино этиши учун не-не заҳмат чекилмаган.** Газетадан. **Уларни кўриб, Самарқанднинг маҳобатли осори атиқаларини кўриш нияти янада ортди.** Газетадан.

ОССУАРИЙ [лот. ossuarium — марҳум суяги сақланадиган идиш < os, ossis — суяк] қ. остодав.

ОСТ 1 Нарсанинг таг қисми, таги, туби. **Кўрбон ота энгашиб, самоварнинг остида сым тиқаётган эди, қаддини ростлаб, Сидиқжонга қаради.** А. Қаҳҳор, Кўнчинор чироқлари.

2 Нарсанинг қуйи қисмига, тагига яқин жой. **Гуанор дераза остида кўрпача солиб, қизни ўтқазди.** Ойбек, Танланган асарлар.

3 Нарсанинг яқин атрофи, тевараги. **Йулчи, қулоқлари остида ўқ узилиб тураркан, томirlарида жўшқин куч, юрагида юксак ҳисларнинг, орзуларнинг бўронини сезди.** Ойбек, Танланган асарлар. **Она боққа етиб келганда, Турсунбой кўчатлар остини юмшатаётган эди.** Т. Анпуров, Оқ от.

4 Нарсалар эгаллаб, босиб ёки қоплаб турган жой, нарсанинг тагидаги жой, таг. **Дарахтларнинг ости салқин эди.**

5 Нарсанинг ички қисми, ичи, ораси, қаъри. **Ер ости суви. Ер ости бойликлари.** ■ **Бегойим ер остида илон қимирласа, биладиган қув хотин.** М. Исмоилий, Фаргона т.о. **Уни [тоғни] ер ости зилзилалари ҳам халқ овозидек титратмаган эди.** М. Исмоилий, Фаргона т.о.

6 Таг, туб (сув ҳавзаларида). **Денгиз ости.** ■ **Кўп одамлар бу дарёнинг остида ер тишлади.** Ойбек, Танланган асарлар.

7 3-ш. эгалик ва ж.к., ў-п. к. ва ч.к. қўшимчалари билан кўмақчи вазифасида қўлланади (қ. **остиға, остида, остидан**).

ОСТАДОН [юн. osteon ёки лот. os, ossis — суяк + ф. دان — «идиш», «жой» маънолари-ни билдирувчи сўз ясовчи қўшимча] Зар-

душтийликда 5–8-асрларда марҳумнинг суяклари солиб сақланадиган, тош, сопол ёки ганчдан ясаладиган идиш, суякдон; оссуарий. *Баъзи қавмлар ўликни куйдирганларидан сўнг, жамоада аждодлар руҳини авайлаб, ана шу суякларнинг баъзи қисмини, кулни сақлаш мақсадида.. қанор ёки япасқи хумга ўхшатиб қопқоқли, баъзиси тутқичли оstdон — суякдонлар ясаган.* Газетадан.

ОСТАНОВКА [р. остановка < остановиться «тўхтамоқ» фл. дан: тўхташ, тўхтайдиган жой] Транспорт воситаларининг пассажир ёки юк тушириш ва олиш учун тўхтайдиган жойи, бекат. *Автобус остановкаси.* ■ *Тошкентнинг Эскижўва бекатида бир сўм пулини тушириб қолдирган гражданин Самарқанд шаҳар «Боғишамол» остановкасидаги сартарошхонага келиб, уста Муҳиддинга учрашсин.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ОСТЕО- [юн. osteon — суяк] Байналмилал ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг суякка, суяк тўқимасига алоқадорлигини билдиради.

ОСТЕОЛОГИЯ [остео.. + юн. logos — фан, таълимот] Нормал анатомия ва антропологиянинг умуман одам скелети, қисман ундаги айрим суякларнинг тузилиши, ўлчам ва шаклларидаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг ривожланишини ўрганувчи бўлими.

ОСТЕОМА [остео.. + юн. oma — хом; нам; ўсма, шин борлигини билдирувчи аффиксод] *тиб.* Суяк тўқимасидан иборат зарарсиз ўсма, шин.

ОСТЕОМАЛЯЦИЯ [остео.. + юн. malakia — юмшоқлик, бушанглик] *тиб.* Модда алмашинувининг бузилишида организмда витаминларнинг етишмаслиги оқибатида суякларнинг юмшаб қолиши ва қийшайиб ўзгарishi (деформацияси).

ОСТЕОМИЕЛИТ [остео.. + юн. myelos — мағиз, илик, кўмик + лот. itis — яллиғланишни билдирувчи кўшимча] *тиб.* Кўмикнинг яллиғланиши. *Остеомиелит кўпинча одам скелети ғовак суякларининг бўғимга яқин жойида учрайди.* «ЎЗМЭ».

ОСТЕОХОНДРОЗ *тиб.* [остео.. + юн. chondros — тоғай] *тиб.* Умуртқалараро тоғайпай тўқималарининг турли хил ўзгаришлари натижасида келиб чиқадиган касаллик. *Остеохондроз кўпроқ бўйин ва бел дискларида учрайди.* «ЎЗМЭ».

ОСТИГА *кўм. ғзф.* Тағига, тағидаги жойга. *Оёқ остига пойандоз солмоқ.*

Кўз остига олиб кўймоқ Бирор мақсадни мўлжалламоқ; ният қилмоқ. *Айта қол, ё бошқа ўз кўз остига олиб қўйганинг борми?* М. Мансуров, Ёмби.

ОСТИДА *кўм. ғзф.* 1 Бирор ҳаракат ёки ҳодиса ва ш.к. нинг бошқаси билан бирга ёки унга боғлиқ ҳолда содир бўлишини ифодалаш учун ишлатилади. *Хижолат остида қолмоқ. Раҳбарлиги остида ишламоқ.* ■ *Кўёв қаттиқ қарсақлар остида бориб, келиннинг ёнига ўтирди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

2 Бирор ҳаракат ёки ҳолатни юзага чиқарган бошқа бир ҳаракат, ҳолат ёки кечинмани ифодалашда ишлатилади. *Ким билади, [Гулнор] ота-она сиқиги остида балки (бойга турмушга чиқишга) кўниккандир.* Ойбек, Танланган асарлар. *Карим ўзининг диққат бўлиб турганлигини сездирмастик учун мажбурият остидагина бир илжайида, қўл бериб кўришди.* Ойдин, Фонарь тағида.

3 Маълум нарса номи билан, воситасида. *Газетанинг биринчи бетиде «Олимнинг янги кашфиёти» сарлавҳаси остида катта мақола чоп этилди.*

Оёқ остида қ. оёқ 1 1. Қапоти остида бўлмоқ қ. қапот. Қўл остида қ. қўл.

ОСТИДАН *кўм. ғзф.* Тағидан, ичидан. *Пальто остидан костюм киймоқ.*

Ер остидан қарамоқ (ёки боқмоқ, разм солмоқ, кўз қирини ташламоқ) Зимдан қарамоқ. *Ҳожи йўлакдаги ойшма ер остидан кўз қирини ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Яхшибоев ер остидан боқиб, ҳамма ёғи жой-жойида, тиқмачоқдай, деб ўйлади.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОСТИН-УСТИН 1 *сфт.* Бирн устидан иккинчиси; икки қаватли, қават-қават. *Остин-устин иморатлар.*

2 Хароб, вайрон; тўс-тўполон. *Ҳамма ёқ остин-устин. Остин-устин қилмоқ. Остин-устин бўлмоқ.* ■ *Шамолнинг қудрати ҳазилакам эмас. У саҳрони остин-устин қилиб, қумтепаларни учуриб олиб юради.* «Фан ва турмуш».

Остин-устин қилмоқ *кўчма* Чалғитмоқ, бузмоқ. *Ёқубжон менинг мудроққа мойил танимга гўлғула солди, хаёлларимни остин-устин қилиб юборди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОСТИРМОҚ *Осмоқ* фл. орт. н. *Тракторларга культиваторларни остирмоқ. Қозон остирмоқ.* ■ -*Кун сайин неча гуноҳсизларни остирган, кестирган, болаларимизни етим, оналаримизни қон йиғлатган сен эмасмидинг? — дер эди халқ Азизбекка. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ОСТИГ [остео.. + лат. itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] тиб. *Суяк тўқимасининг яллиғланиши ёки дистрофиясидан иборат касаллик.*

ОСТКИ *Остада, пастки томонда жойлашган; пастдаги, қуйдаги, пастки. Бинонинг остки қавати.* ■ *Тешибой остки лабини тишлаб, пича ўйланиб турди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.*

ОСТЛИК *Бирор нарсанинг остига қўйладиган бошқа нарса, таглик. Дазмол остлиги.*

ОСТОНА [ф. آستانه — киравериш, бўсага; арафа; шоҳ саройи; дахма] 1 *Эшик, дарвоза чорчўпининг остки кўндаланг ёғочи; бинога, ҳовлига кираверишдаги ерга кўндаланг ётқизилган ёғоч, тахта, харсанг ва ш.к.; бўсага. Баланд остона. Уй остонаси. Кўча эшик остонаси.* ■ *Эшик қаттиқ тепки билан очилди-ю, остонада чувалчангдай чувак.. бир киши пайдо бўлди. М. Исмоилӣ, Фарғона т.о. Аҳмад бригадир Нуратбекни янги дарвоза остонасида кўриши биланоқ аҳволи руҳиясини тшунди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайдя.*

2 *кўчма Уй, хонадон, даргоҳ. -Шу ер туфайли бизлар сенинг остонанга бош эгиб, қуллуқ қилиб келдик, — деди Ойимхон. П. Турсун, Ўқитувчи. Санъат шундай буюк даргоҳчи, унинг остонасига қадам қўйдингми, орқага чиқилишнинг имкони йўқ. «Саодат».*

3 *кўчма Қўшлоқ ёки шаҳарга кираверишдаги жой, бўсага. Искандар Ҳўжанд остонасида қаттиқ талафот кўрган. Мирмуҳсин, Темур Малик. Чекинган душман қишлоқ остонасидаги тепаликка чиқиб олиб, қаршилик кўрсата бошлади. Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев.*

4 *кўчма Бирор воқеа ёки ҳодисанинг бошланишига яқин қолган пайт; арафа. Ҳали эсини танимаган, ўт-олов бола шу ерда балоғат остонасига етди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Юртим, сени яна қутлаб қўйин, Қутлуғ Янги йилнинг остонасида. А. Орипов, Йиллар армони.*

5 *геогр. Дарё остидаги, баъзан сувдан чиқиб кўриниб турадиган ва сув оқимини тезлаштириб, кемалар қатновини қийинлаштирадиган баландроқ жой, дўнглик.*

ОСТ-УСТ *айн. остип-устип. Ҳовлимни у [Зиедхўжабой] ўзиникига қўшиб, ост-уст иморат қўрмоқчи, яйраб яшамоқчи. Ойбек, Танланган асарлар. Унинг [Султонмуроднинг] бу қарашлари халқ бўрони ичида ост-уст бўлди. Ойбек, Навоий.*

ОСУДА [ф. آسوده — тинчланган; тинч, осойишта, хотиржам] *Тинч, беташвиш; хотиржам. Шу кунларни, шу осуда ҳаётни қанчалар орзу қилган эдик. «Ёшлик». Маъсум, осуда юзи юрагимга шундай яқин туюлдики, унинг очик, нозик туйғуларидан иборат бўлиб кўринган қалбини ҳар қандай шикастдан ҳимоя қилишга тайёр эдим. А. Мухтор, Асарлар. [Навоий:] Ҳайҳот, бирор осуда дам йўқ. Кунил йиғлайди-ю, кўзларда нам йўқ. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Бутун шааҳр халқи сокин уйқуда. Ором олмоқдасан сен ҳам осуда. Х. Расул.*

ОСУДАЛИК *Тинчлик, осойишталик; сукунат. От туёғининг қаттиқ дупури тун осудалигини бузди. Н. Фозилов, Дийдор.*

ОТ I 1 *Якка туёқлиларга мансуб ўтқўр, сўтэмизувчи йирик иш-улов ҳайвони. Оқ от. Қашқа от. Йўрға от. От абзали. Отга тақа қоқмоқ. Отга минмоқ. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. Мақол. ■ Сидиқжон эгарга яхишроқ ўрнашиб, отнинг жилловини силкиди. А. Қаҳҳор, Қўнчинор чироқлари. Узоқдан от елдириб келувчи отлиқни кўрган Содиқ кўчанинг ўртасида тўхтади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

От заводи *От наслини яхшилаш ва наслдор, юкори сифатли отларни кўпайтириш билан шуғуланувчи махсус хўжалик, корхона. От кучи махс. 75 кг/м секундга ёки 0,736 квтга тенг қувват. 80 от кучига эга бўлган трактор. От спортв* *Отда юриш, машқ қилиш мусобақаларининг умумий номи. Олимпиада ўйинлари дастурига от спортининг бир неча турлари киритилган. От ўйинв эск. 1) айн. цырк. - Шу, театр дегани нима, от ўйиними? — Абдишўжурдан сўради чойфуруш Садриддин бойвачча. Ойбек, Танланган асарлар; 2) айн. карусель.*

2 *Отнинг бошига ўхшатиб ясалган шахмат донаси, асп. Отни юрмоқ. От билан шоҳ бермоқ.*

3 Мучал йил ҳисобида еттинчи йил номи. Унинг йили от.

От йили Мучал йил ҳисобида еттинчи йил (қ. мучал). **От миндиrhoмоқ** От сова қилмоқ, от билан мукофотламоқ. *Эшитганлар шоирга раҳмат айтиб, бири тун кийдириб, бири от миндирибди.* Шукрулло, Сайланма. Бугун биз канал қазии муддатини тезлатишга ташаббускор бўлган икки донгдор курувчига от миндиrhoмоқчимиз. С. Аҳмад, Уфқ. **От солмоқ айн.** от қўймоқ **2.** **От қўймоқ 1)** отнинг жиловини буш қўйиб елдиrhoмоқ; **2)** минган отини бирор кимса томон йўналтириб ҳужум қилмоқ. *Кеча-кундуз тоғма-тоғ душманга қариши от қўйиб, уруш очамиз.* М. Муҳамедов, Маишқ. **Отдай бўлиб кетмоқ** Соғаймоқ, касалликни унутиб юбормоқ. *Ота, ташвиш тортманг, сал ўтмай отдай бўлиб кетасиз.* «Шарқ юлдузи». **Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди** Илгариги мавқеи ёки мартабасидан тушгандан кейин ҳам такаббурлигини ташламаган киши ҳақида. **Отни қамчиламоқ қ.** қамчиламоқ.

ОТ II I Кишининг шахсий исми, ном. *Чақалоққа от қўймоқ. Оти(нг) ўчсин (ўчгур)! қарғ. Оти(нг) қурсин (қургур)! қарғ.* ■ [Мирзақаримбой:] *Отинг нима, жиян? - Отиим Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. Яхши қиз, кечирасиз, отингизни билмайман, сиз хотиржам бўлинг, бирон жойи бир нима бўлса, ўзим тузатиб бераман. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ўргатилган ҳайвонларнинг номи; лақаб. *Бунинг оти Тўрткўз эмас. Арслон.*

3 Умуман, нарсаларнинг, ҳодисаларнинг номи, ном билдирувчи сўз. *Бу.. тоғнинг оти Музлоқ эди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т.о. *Мингўрик мавзеи отидан ҳам маълум — бунда минг чоғлиқ ўрик дарахти ўсгани учун.. эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. [Сафар бўзчи:] *Чўзма кекирдагингни, буқоқ.. андишанинг отини қўрқоқ қўйдингми?! А.* Қодирӣ, Меҳробдан чаён. [Жаннат опа:] *Қиҳ.. ҳалиги, оти қурсин.. Маликбойнинг майдонида! А.* Қодирӣ, Ўтган кунлар.

От қўймоқ Ном бермоқ, атамоқ. **Оти йўқ эвф.** Чаён ҳақида айтлади. **Отига(гина)** Шунчаки, кўринишга, номга. *Отигагина раис, ҳамма иш муовин қўлида.* ■ *Отигагина хон бўлиб ўтирувчи Худойёрхон, Мусулмонқул майдондан олингунча, ўзининг қўғирчоқ сифат юра беришини тўшунди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Отимши бошқа қўяман**

Қасам, онгни ифодаловчи ибора. *Бошланган ишни охиригача олиб бормасам, отимни бошқа қўяман.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

4 Унвон, мансаб, ном. *Бир қари одамга «куёвлик» отини бериш ҳам уни куёв бўлгандай қувонтиради.* С. Айний, Қўллар.

5 с.т. Зот, уруғ. [Суннат:] *Кел, ўша Муҳаррамнинг бўлмаса, бошқаси-да, қиз оти қуриб кетибдими?* Шўхрат, Шинелли йиллар.

6 Шўхрат, донг. *Яхшидан от қолар, ёмондан дод қолар.* Мақол. ■ *Излар бўлдим Қоражоннинг қизини, От кўтарган Зулхуморнинг ўзини.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

От чиқармоқ Ном чиқармоқ, донг таратмоқ, шўхрат қозонмоқ, машхур бўлмоқ, танилмоқ. *Қўлингдан келганча чиқар яхши от. Яхшилик қил, болам, ёмонликни от!* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

7 Шаън, номус, гурур. [Уста Олим:] *Сизга хабар бериб ўтиришини йигитлик отига эп билмай, менга ҳам бир нарсга сездирмаган. А.* Қодирӣ, Ўтган кунлар.

8 тли. Предметни билдириб, «ким?» «нима?» ёки «қаер?» сўроқларига жавоб бўладиган сўз. *Турдош от. Атоқли от. Мавҳум от.* ■ *Бирор шахс, нарсга ёки жойга атаб қўйилган номлар атоқли отлар саналади.* «Она тили» дарслиги.

ОТА I I Фарзандли, бола-чақали эр киши (ўз болаларига нисбатан). *Ота бўлмай, ота қадрини билмас.* Мақол. ■ *Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўғлингизни тийиб олиши сира эсингизга келадими?* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Тождиддиннинг отаси ҳам кампирининг ўлимидан кейин кўп ўтмай вафот этган эди.* С. Зуннунова, Олов.

Ота касб Ота шуғулланган касб (фарзандга нисбатан). *Бешиксозлик Раҳим акага ота касб.* «Саодат». *Катта бўлгач, ҳаммолик менга ҳам ота касб бўлиб қолади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ота юрт** (ёки макон) Ота туғилган, ўсиб-улғайиб яшаган жой. *Нусратбекнинг ота юртида илгари ҳам саратонда, икки-уч йилда шундай бир шамол эсиб, палакларни ағдариб кетарди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Бир зумгина чайқалиб олди Ота макон — қирларим, чўллар.* С. Саййид. **Отаси этн.** Хотиннинг ўз эрига мурожаат этиш шакли. **Қайин ота** (қайнота) Эр-хотиннинг оталарп (эрга нисбатан хотиннинг отаси ёки хотинга нисбатан эринг отаси). *Сал ўтмай,*

ҳовлига Салимжоннинг қайнотаси савлат тўкиб кириб келди. Газетада.

2 Ёши катта кишиларга муурожаат қилшда ёки уларни хурматлаш учун ишлатилади. *Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. Мақол.* ■ Юнусали ота қайёққа боришни билмай, ҳардамхаёл бўлиб тургандан кейин идора тарафга йўл олди. С. Аҳмад, Уфқ. *Қоратой Ҳўрозни дарров Шокир отага юборди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Ўғил болани эркатлатиш учун ишлатилади.

4 Кўчма Бирор иш ёки ҳаракатни бошлаб берган, унга асос солган киши ҳақида. *Абдулла Қодирий ўзбек романчилигининг отасидир. Жуковский рус авиациясининг отасидир.*

5 Кўчма Меҳрибон бошлиқ, раҳнамо ҳақида. *У [Михаил Маркович] колхозчиларга ота бўлди, ғамхўрлик қилди, иш ургатди. Ойдин, Мардлик — мангулик.*

6 Эл-юртга бошчилик қилувчи, ёши ёки мансаби улуғ зот ҳақида [*Ёрмат:*] *Тайёрлан, қизим, Сенга юрт отаси, элликбошимиз гапирдилар. Ойбек, Танланган асарлар.*

Бор отанига, бор онаига Сансалорликни ифодалаш учун ишлатилади. **Ота гўрй қозиномами?** қ. **гўр.** **Отанига раҳмат** Қямсадан мамнун эканликни ифодаловчи олқиш ибораси. «**Отаяғ яхши, онағ яхши**» қилиб Ялғиниб-ёлвориб; олқаб-мақтаб.

ОТА II айн. орол.

ОТАБЕЗОРИ Безорилиги ва дилозорлиги учун ҳатто ўз отаси ҳам юз ўтирган; оқпадар. *Бой эса яна отабезори ўғилларининг надомати билан юзма-юз, ёлғиз қолди. «Ёшлик».* *Сен ҳали шунақа ўзбошимча бўлиб қолдингми? Бундай ишни отабезорилар қилади. Газетадан.*

ОТАБЕК тар. I Яқин Шарқдаги айрим мамлакатлар давлат (князлик, беклик) бошлиқларининг унвони.

2 Салжуқий султонлар ва шаҳидларининг мурабийси (унинг вазифаси шаҳзода ва хонзодаларни тарбиялаш ва улар ихтиёридаги улусни балоғатга етунларига қадар бошқаришдан иборат бўлган).

ОТА-БОБО(ЛАР) Илгари яшаб ўтган кишилар; аждодлар. [*Ҳўзимат:*] *Э, Сиддиқжон ака, бизга иш топилади, ота-боболаримиз қилмай, қилолмай, бизга ташлаб кетган иш кўп! А, Қаҳҳор, Қўшгинор чироқлари. У*

етти ухлаб ҳам ота-бобосининг тушига кирмаган шаҳарни кўрди. Т. Ашуров, Оқ от.

ОТА-БУВА(ЛАР) с.т. Ота-бобо(лар). *Бахтимизга ота-буваларимиздан қолган чой-хоналар бор экан, номардга муҳтож бўлмай, буқадек лорсиллаб юрибмиз. А. Обиджон, Ақанг қарағай Гулмат.*

ОТАЛАРЧА р.иш. Ўз отасидай, ўз отаси каби. *Оталарча насиҳат қилмоқ. Оталарча ғамхўрлик.* ■ *Ҳалим бобо Ойқизнинг қўлларини сийпалаб, оталарча эркатлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Жураповдон ўрнидан туриб, Азизхонни оталарча бағрига босиб, қўйиб юборди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОТАЛИ Отаси бор, отаси ҳаёт. *Отали етим — орсиз етим, онали етим — орли етим. Мақол.* ■ *Ўлган аллим тирилиб келар дейман, ёр-ёр. Ёдгоржоним отали бўлар дейман, ёр-ёр. «Алпомыш».*

ОТАЛИК I Отанинг ўз фарзандига бўлган муносабатлари ва шу муносабатларга боғлиқ ҳолатлар. *Оталик бурчи. Оталик муҳаббати.* ■ *Қутбиддиновнинг оталик меҳри жўш уриб кетди, Суярнинг бошидан, юздан ўнди, қучоқлади. А. Қаҳҳор, Ўжар. Тоғай ўша тун оталик бахтини ҳис этиб, хайл қанотида юксак-юксакларга учди. «Ёшлик».*

Оталик қилмоқ 1) отага хос вазифани ўтамоқ; боқмоқ, кийинтирмоқ, тарбияламоқ (фарзандга нисбатан); 2) оталарча ғамхўрлик, меҳрибонлик қилмоқ, ёрдам бермоқ (бошқа кишига нисбатан). *Юртга оталик қиладиган, кўп азаларда етимларнинг бошини силаб, кўз ёшини тиндирган Тоға Азизхонни овуттиш учун бисотидан бирон жўяли гап тополмади. С. Аҳмад, Уфқ. Болачақангизнинг орзусини кўринг, оталик қилдингиз. Ойдин, Эр юрак.*

2 бот. Ўсимликларда ҳосилни вужудга келтирувчи эркак генератив аъзо; чангчи. *Ток гулида оналиги яхши ривожланган бўлиб, оталиги эса унча яхши тараққий этмаган. «Фан ва турмуш».*

ОТАЛИК I Моддий, маданий ёки бошқа хил ёрдам кўрсатиш, шу йўл билан ташкилотлар ва кишиларни бир-бирига боғлашдан иборат ижтимоий бурч, фаолият. *Оталиққа олмоқ.* ■ *Ҳар биримизни алоҳида-алоҳида тўқувчи мастер хотинлар оталиққа олишиди. А. Муҳтор, Опа-сингаллар. Туман саноат корхоналари ва ташкилотлари*

жорий ва капитал ремонт қилиш учун ўз-ўз биноларини талайқча олишни ташкил этмоқда. Газетадан.

2 Шундай ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олган киши ёки ташкилот.

3 тар. Кавказ халқлари, араблар ва б. баъзи халқларда бадавлат ота-оналар томонидан фарзандларини маълум ёшгача тарбиялаш учун вассаллар ва хизматкорларга бериш одати.

4 тар. айн. отабек 2.

5 тар. Хонлар саройида энг юқори амаллардан бири; хоннинг маслаҳатчиси. Қушбегилар, талайқлар ўзимиздан, ўртада улардан битта-яримта додхоҳлар бўлса бор. А. Қодирий, Кичик асарлар.

ОТАМЛАМОҚ Отани қўмсамоқ; отам деб додламоқ. *Олдинда бели боғлиқ, ҳасса тутган Йулдош, Хайри ва яна тўрт-беи киши «отамлаб» боришди, орқада тобут, эркаклар марҳумни навбат билан елкаларида кутариб, сўнги йўлга кузатдилар. «Ёшлик».*

ОТАМЛАШМОҚ 1 Ҳасратлашмоқ, юракдаги дард-аламларни ўртоқлашмоқ. *У [Умурзоқ ота] ҳар гал Фани самоварчининг ҳўжрасига тушар, у билан отамлашиб, дардини ёзиб келарди. Ҳ. Ғулум, Машғал.*

2 Ёзилиб, мириқиб, кўнгилли суҳбат қилмоқ, уфлатлашмоқ. *Улар меҳмонлар кетгандан кейин ҳам алламаҳалга отамлашиб ўтиришди. Т. Ашуров, Оқ от. -Ҳа, қаёққа, — деди Мадамин ҳам шовқин солиб, — отамлашиб ўтирайлик ахир бирнас! П. Турсун, Ўқитувчи.*

ОТА-ОНА Боланинг ота ва онаси. *Отаналар мажлиси. ■ Ота-оталарингизга нисбатан қандай яхши муомалада бўлсангиз, фарзандларингиз ҳам сизга шундай муомалада бўладилар. «Фан ва турмуш».*

ОТАР 1 1 **Отмоқ** фл. сфлш. *Тонг отар чоғи. Олти отар миномёт.*

2 от, с. т. Катта базм, тўй. *Қирмизхон ҳали ҳам гоҳ-гоҳида хуфёна тўйга чиқар, отардан тушган тўн, кўйлак, дўппи, ҳеч бўлмаганда, бир жуфт ароқ ёки коньяк билан бошлагининг кўнглини олиб турар эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

Отар пули Тўй ёки базмда хизмат қилган машшоқ, хонада, уйинчиларга тушган пул.

ОТАР II Яйловда боқилашган қўйларнинг йирик тўдаси; йирик пода ва у сақланадиган жой. *Отар серўтроқ жойга кўчи-*

рилди. ■ Рўзи бобо бутун отарга бир ўзи қараб, чўпонларни пичан ўриш, йиғишга солган. О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи Бахши. Тўртта отаримиз қор остида қолиб кетди, — деди директор. Ш. Холмирзаев, Бодом қишла гуллади.

ОТ-АРАВА От ва арава; от қўшилган арава. *Қовун пишиб чириб кетди. Қўшимдан от-аравани бир кунга тилаб олган эдим. Ойбек, Танланган асарлар. От-аравалар бирин-бирин саройга олиб кирилди. Ҳ. Ғулум, Феруза.*

ОТАРЧИ с. т. Тўй ва базмларда мўмай пул топшига мослашган муסיқачи, ашулачи, раққоса. *Эсонбой суратдаги тўйма-тўй юрадиган шу қишлоқлик отарчини таниди. «Ёшлик». Тўйма-тўй юришни асосий касбига айлантириб олган ашулачини «отарчи» дейишади. Газетадан.*

ОТАРЧИЛИК Тўй, базмларда юриш билан шуғулланиш. *Тўтихон отарчиликда бозори касодга учраган, гўяндалик ва «хотинча хатми қуръон оши, биби сешанба»ларда кайвониликни машқ қила бошлади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

ОТАХОН 1 Кекса кишиларга ҳурмат учун қўлланадиган мурожаат шакли. *[Урмонжон:] Отахон, дейман, уйинга уста экансиз-ку. А. Қаҳқор, Қўшчинор чироқлари.*

2 Кишилар ўз отасидай ҳурмат қиладиган кекса одам. *Кулги таққа тўхтади, қаёқдандир, темир ҳассасини дўқиллатиб Бобоқул ота — қишлоқ болаларининг яқин отахони найдо бўлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

3 Ўз соҳасида ёшларга раҳнамо кекса киши. *Отахон шоирларимиз.*

4 Отахон (эркаклар исми).

ОТАШ [ф. آتش — ўт, олов; отишма, ўт очиш] кт. 1 Ўт, олов. *Одам — ишдан, маъдан — оташдан баҳра топади. Мақол. ■ У ўз муродига етгани учун муқаддас оташ ва сув худосига шукур қилиб, аллақандай бир дуони ўқиди. М. Осим, Карвон йўлларда. Юрьев батареялари ёпиқ позициядан туриб, ёв устига жаҳаннам оташи ёғдирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 кўчма Дилни ёндирадиган, ўртантирадиган ҳароратли ҳис-тўйғу, *Ҳижрон оташи. ■ Ҳафиза Умид юрагидаги оташига сув селиб, ўчириб кетмоқчи бўлди. Мирмуҳсин, Умид.*

ОТАШПАРАВА [оташ + арава] *с.т. эск.* Паровоз, поезд.

ОТАШГОҲ [ф. آتشگاه — оташпарастрлар ибодатхонаси] 1 *к.т.* Ўт, олов ёниб турган жой.

2 Оташпарастрлар сифинган, доимий олов ёниб турадиган махсус бино. *Қадимда ҳокимиятни қўлга олган ҳар бир подшоҳ ўз номидан махсус оташгоҳлар қурдирган.* «ЎзМЭ».

ОТАШДОН [ф. آتشدان — манқал; кабоб кўра] Олов, ўт солинган иднш; кабоб кўра. *Эрназар сихларни оташдонга териб, чап қўлидаги елпигич билан елиб пишираверибди.* «Эртақлар».

ОТАШЗАБОН [ф. آتشزبان — ўтқир тилли; қочиримли сўзлайдиган; тили аччиқ] *к.т.* Нутқи ўтқир, таъсирчан; сўзга уста, сўз билан қалбларни ҳаяжонга келтирадиган. *Оташзабон нотиқ.* ■ *Сочма шеър ёзганда, ростдан ҳам Миртемир оташзабон шоирга айланади.* Т. Жалолов, Миртемир.

ОТАШИН [ф. آتشين — қизғин, жўшқин; эҳтиросли; алангали] 1 *к.т.* Қалб ҳарорати билан иситилган; қизғин, жўшқин; эҳтиросли, алангали. *Оташин салом. Оташин муҳаббат. Оташин нутқ.* ■ *Дунёда қолмасин фашист деган ном. Меҳнат дийридан оташин салом!* Миртемир, Асарлар. *Сўзлар қарсақларга, қарсақлар оташин хитобларга улашиб кетди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Бутун қалби, жони-тани билан берилган, қалби олов. *Оташин нотиқ. Оташин курашичи.*

ОТАШКУРАК Ёниб ёки қизиб турган нарсани, чўғни қисиб олиш, оловни тузатиш учун ишлатиладиган уй-рўзгор асбоби. *Оташкурак билан чўғ олмоқ.* ■ *Дмитрий Казимирович оташкурак билан пекчадан чўғ олиб, самоварнинг ўтхонасига ташлади.* А. Мухтор, Асарлар.

ОТАШЛАНМОҚ *поэт.* Оташдек ёнмоқ, жўш урмоқ.

ОТАШЛИ *к.т.* Оловли, ўтли; қизғин, жўшқин. *Оташли йиллар.* ■ *Гарчи яшамдим беқабол, ниғун, Гарчи давраларим нурли, оташли.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОТАШНАФАС [оташ + нафас] 1 Нафаси, дами оташдек иссиқ, ҳароратли. *Чўлдан воҳага гармисел деб аталадиган оташнафас шамол эсиб туради.* Газетадан.

2 Нутқи ўтқир, таъсирли, эҳтиросли. *Машираб гоҳ ниёда, гоҳ эшакди кун улкаларни*

кезган оташнафас бир шоир. Ойбек, О.в. шабадалар.

3 *эск. дин.* Гўё дуоси ижобат бўладиган, нафаси дардга даво бўладиган. *Одамлар Султон девонани «оташнафас» вали деб мақташар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ОТАШПАРАСТ [ф. آتشپرست — ўтга топинувчи] Ўтга топинувчи, ўтга сажда қилувчи; мажусий. *Оташпарастр қабилалар.*

ОТАШПАРАСТЛИК *айн. зардупгтийлик.* Олимларнинг эйтирофига қараганда, оташпарастрлик Хоразмда вужудга келган. Газетадан.

ОТАШХОНА [оташ + хона] 1 *айн. ўтхона.* Паровознинг оташхонаси. ■ *Уйнинг ўнг бурчагида чўян печ, карнайи шифтдан чиқарилган, оташхонаси қизариб, карнай чирс-чирс этарди.* Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт. *Самоварнинг оташхонасига чўп тикаётган Ражаб бобо ҳам унга қараб кулди.* С. Аҳмад, Қалдрон далалар.

2 *айн. оташгоҳ 2.*

ОТАШҚАЛБ [оташ + қалб] *поэт.* Қалби оташ, юрагида ўти бор; оташин. *Оташқалб ёшлар.* ■ *Машираб ўз замонасининг оташқалб ва теззабон шоирларидан бўлган.* Газетадан.

ОТБОҚАР Отларга қаровчи, отларни парвариш қилиш билан шуғулланувчи киши. *Отбоқар фонусини ерга қўйиб, югурганича отхонага кирди ва ҳаял ўтмай бир отни етаклаб чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшгачинор чирроқлари. *Биринчи механик соатни от тортиб юрган, унинг тўғри юриши отбоқар гарданида бўлган.* «Фан ва турмуш».

ОТДОШ Бошқа биров билан исми бир; бир хил исмли кишилар ёки нарсалар; адаш. *-Итингнинг оти ўз тусига муносиб экан-куя, — деди Қулмуродга Шокир, — эсизки, Қушбегининг ўғли билан отдош экан.* С. Айний, Қуллар.

ОТЕЛЬ [фр. hotel — ҳашаматли уй, бино] Меҳмонхонанинг халқаро номи. *Халқаро меҳмонхоналар тармоғидан муносиб ўрин олган мазкур уч юлдузли отель туризм тоифасига ҳам киритилди.* Газетадан.

ОТИАТРИЯ [юн. us, otos — қулоқ + iatρεία — даволаш] Оториноларингологиянинг қулоқ касалликларини, уларни даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганувчи бўлими.

ОТИЗ *шв.* Бир марза эр; марза. *Ариқ қазимасанг, отизга сув чиқмас.* Мақол. ■

Бекжон кетмон билан отиздан отизга утиб, кичик ариқларни боғлайди, чарчаган отасининг ўрнини босади. Ж. Шарипов, Хоразм.

ОТИЛМА геол. Вулканлардан отилиб чиққан; отқянди. *Отилма тоғ жинслари.*

ОТИЛМОҚ 1 Отмоқ 1, 3, 5-6, 9-12 фл. мажх. н. Яқинда учта бўри отилди. *Айтилган сўз — отилган ўқ.* Мақол. ■ *Оғзи катта қора тулпар Отилди майдон ичинда, Мард йигитнинг ширин жони Сотилди майдон ичинда.* «Равшан».

2 Отмоқ 3 фл. ўзл. н. *Шу вақт команда берилди: «Сафлан!» Нормат Адолатнинг ширмон юзидан ўнди ва она бағрига отилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қамариддин отилиб келиб, унинг бўйнига пичоқ санчди. «Ёштық».*

3 Ўзини бирор томонга урмоқ. *Йулчи кескин ҳаракат билан қайрилиб, ташқарига отилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Шилдат билан юқорига кўтарилмоқ. *Қайнаб чиқар нефть булоқлари, Фонтан бўлиб отилар тикка.* Ё. Мирзо. *Шариллаб отилиб чиқаётган артезиан сувига бошини тутиб турди.* С. Аҳмад, Уфқ.

5 кучма Ўз ихтиёри билан талабгор бўлиб чиқмоқ, сафарбар бўлмоқ. *У биринчи отилиб чиқиб, паранжи ташлаган хотин.* ■ *Халққа эрк учун, нон учун, маданият учун курашга отилмоқ керак.* Ойбек, Нур қилдириб.

ОТИМ Бир отишли, бир чекшли. *Бир отим нос.* ■ *[Ниёз қушбеги] Носқовоғини қоқа-қоқа, бир отимини тилининг тагига ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОТИН 1 тар. Эски мактабларда қизлар ўқитувчиси; дин ва шарият билимдони. *Ҳар кун қўшимиз отин бибида қиёмгача ўқиб, кейин то кечгача, кўпинча кечалари ҳам, аямнинг ёнига кириб, тикиш тикдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Отин биби (ёки буви, ойна) Уйда мактаб очган аёл. *Ёзини билмайдими? -Қайдан билади, қишлоғимизда отин буви бўлмаса, ўқи-маган-да.* М. Исмоилпй, Фаргона т.о. *Опанинг овози, отин ойшларнинг овозига ўхшаб, фақат битта нотада юрар экан.* С. Аҳмад, Жямжитлик.

2 этн. Аёллар ўртасида диний маросимлар (мас., мавлуд) га бошчилик қиладиган аёл.

3 с.т. Ҳар қандай ўқимишли ёки ўқитувчи аёл. *Шу чинорга чиққанга, Чиқиб уни йиққанга, Сўзсиз, хотин буламан. Гузал отин*

буламан. Ҳ. Олимжон. -*Ойинг ҳам отин бўлади, — Мавлон ака Кароматнинг гапидан завқланиб кулиб қўйди.* Ҳ. Фулом, Мащғал. *Гулнор Йулчига хат ёзишга қарор қилган ва сўзларини айтиб турган, отин қиз эса Гулнор сўзларини силлиқлаб, қоғозга кучирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ўқимишли, обрўли аёлларга мурожаатда ёки улар тўғрисида гап борганда, исмига қўшиб ишлатиладиган сўз. *Шакар отин. Фотима отин.* ■ *[Юсуфбек ҳожи:] Болам, Зайнаб отин, сиздан ҳали ёшлик ғурури кетмаган, лекин менинг болам булганингизни сиз ҳам унутман!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОТИНЧА Ўқимишли ёш хотин ёки қиз. *Энди ўзи ўқимаса ҳам, отинча бўлиб, болаларни ўқитади. «Қахрамонлар».* -*Ҳа, айланай отинчадан! — кўкрагига қор урди бойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отинча қизим-ҳо, ўзимнинг отинча қизим, қанисан?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОТИНЧАХОН айн. отинча.

ОТИТ [юн. us, otos — қулоқ + itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] Қулоқнинг яллиғланиши.

ОТИШ 1 Отмоқ фл. ҳар. н. *Диск отиш. Найза отиш.*

2 Жанговар қуроллардан ўқ узиш; ўқни мулжалга уриш машқи, маҳорати. *Отишни ўрганмоқ. Отишдан аъло баҳо олмоқ.* ■ *Командир отиш қоидасини бир-бир сўраб чиқди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

Қулоқ отиш Сувда эркин сузиш, чўмвлш. *Муздек сувда яйраб-йайраб қулоқ отиш бир роҳатимжон, ўзни офтобга тоблаб ётиш бир оромимжон.* М. Мансуров, Ёмби.

3 айн. отинша.

ОТИШМА Жангдаги икки томоннинг бир-бирига қарши узлуксиз ўқ узиши, ўқ отиши, ўқ ёғдириши; отиш, отишув. *Артиллерия отишмалари.* ■ *Отишмалар Нормат ётган ердан узоқлашди-ю, бироздан кейин яна яқинлашди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кечга яқин отишмалар, портлашлар тинди, вайрона шаҳар устига тун чуқди.* Мирмуҳсин, Қахрамоннома.

ОТИШМОҚ Отмоқ 1-6, 9-10, 12-13 фл. бирг. н. *Қизлар жангларда йигитлар билан ёнма-ён туриб отишадилар.* Ойдин, Ўздан кўрсин. *Ёшу яланг, қарию қартанлар. бир-бирларига гап отишади, аския қилишади, куйлашади.* М. Исмоилпй, Фаргона т.о.

ОТИШУВ 1 **Отишмоқ** фл. ҳар н.

2 айн. **отишма**.

ОТКРИТКА [р. открытка – очикъ хат < открытый – очикъ] Почта орқали табрик ёки маълум хабарлар ёзиб жунатиладиган, безакдор, одатда, очикъ, конвертсиз ишлатиладиган varaқча. Бу *откриткага атир гулиниг нухсани солинган бўлиб, орқасига Бахтиёрнинг қўли билан қинғир-қийшиқ хатлар ёзилган эди. С. Зуннунова, Олов. Ота-онангизга, яқин дўстларингизга улуг ва муътабар шахсларга ёзилган откриткани конвертга солиб юборинг. Газетадан.*

ОТЛАМОҚ 1 Қадам ташламоқ, одимламоқ. *Энг олдинда, байроқ тагида Тикка отлаб ўғлим борди. Ҳ. Пўлат.*

2 кам қўлл. Сакрамоқ, ирғимоқ, ҳатламоқ.

От отлаб, туя қўмлаб қ. қўмламоқ. [Ўзбек ойм:] *Марғилон деган юртдан от отлаб, туя қўмлаб кел эмиш-да, бир ойгина турмай, кет эмиш! А. Қодирйй, Ўтган кунлар.*

ОТЛАНИШМОҚ **Отлапмоқ** фл. бирг. н. *Тўлқинни етаклаб, уйга кирган Адолат Эъзозхон билан қизининг тоқчадан дафтарқалам олиб, йўлга отланишаётганини кўриб, ҳайратда қолди. Ҳ. Фулом, Мапғьал.*

ОТЛАНМОҚ 1 **Отта минмоқ.** *Ўрмонжон [Аҳмедовнинг] бир гапини.. отлангани узангизга оёқ қўяётганида эслади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 *кўчма* Бирор жойга бориш учун шайланмоқ, тайёрланмоқ, ҳозирлик кўрмоқ. *Кечки соат олтиларга яқин кўп қатори Тоштемир ҳам учрашувга отланиб, кўчага чиқди. «Ёшлик». [Кумушга онаси:] Тур, бўлмаса, юз-қўлингни ювиб отлан, худо ўлим берсин уятсиз эринга! А. Қодирйй, Ўтган кунлар.*

3 *кўчма* Бирор ишни бажариш учун шайланмоқ, жазм қилмоқ. *Янги ғалабалар сари отланмоқ. ■ Сен ёвга қарши отлан, Мен жиловдоринг бўлай. Миртемир, Асарлар.*

Жини (ёки ажинаси) отланмоқ айн. **жини кўзгамоқ қ. жин** 1. [Набижон] *Уни [Отажонни] кўрдими, ажинаси отланаверадиган бўлиб қолган эди. Ф. Насриддинов, Ота ўғли.*

ОТЛАНТИРМОҚ **Отланмоқ** фл. орт. н. *Қишлоқ меҳнаткашларини пахта учун курашга отлантирмоқ. ■ Эгарлаб берайин Чибор отингни, Отлантирай сендай валламатинни. Фозил шоир. Мени жанг-жадал-*

га отлантирган фақатгина қуролим борлиги бўлган эмас, чунки қурол бошқаларда ҳам бўлган. Шукрулло, Сайланма.

ОТЛИ 1 **Оти** бор; от қўшилган. [Салим-бойвачча] *Қуш отли извошни кира қилиб, ясаниб, «шўхлик» қилиши учун янги шаҳарга жўнаб қолди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ОТЛИ II **Исмли, номли;** исм ёки номга эга бўлган; ..деб аталадиган. [Тўра] *Ёвонимизда Жумагул отли бир қиз бор. Ж. Шарипов, Хоразм.*

Ёмон отли бўлмоқ Эл-юрт ичида ёмон от чиқармоқ, бадном бўлмоқ. *Ахир, бош олиб кетадиган бўлса, бир умр ёмон отли бўлади-ку, эл олдида шармандаю шармисор бўлади-ку, уят ўлимдан қаттиқ, дейдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ўз қизимни тўй қилиб бериб, эшитган гапим шу бўлди-ми? Ўғри бўлиб чиқдимми! Ёмон отли бўлдимми! М. Мансуров, Ёмби.*

ОТЛИҚ **От** минган; сувори. *Отлиқ аскар. Отлиқ полк. ■ Икковга биров ботолмас, отлиққа яёв етолмас. Мақол. ■ Кучанинг бир томонида булутга ўхшаиш чанг-тўзон кўтарилди ва ҳадемай бир тўда отлиқ кўринди. С. Зуннунова, Олов. У [Тўламат] урушда ҳам отлиқ армияда хизмат қилган, қайси бир генералга ординарец бўлган экан. С. Анорбоев, Оқсой.*

Отлиққа (ҳам) йўқ **Ҳеч қерда йўқ, сира топиб бўлмайд.** *Асал отлиққа йўқ, ҳали биз ниёда-ку!* А. Қаҳҳор, Анор.

ОТМОҚ 1 **Кўлни силтаб ёки қулочкаш-лаб,** қўлидаги нарсани узоққа ёки мўлжалга ирғитмоқ, улоқтирмоқ. *Тош отмоқ. Гранат отмоқ. Кўпга кесак отма. Матал. ■ Ёрмат пичоқни суғуриб олиб, узоққа отди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 **Ташламоқ, ирғитиб юбормоқ.** *Танти-бойвачча кўрпачага бемалол ўтириб, дўпписини бир чеккага отди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Ошиқ отмоқ қ. ошиқ 1 2.

3 **Шиддат бвлан бирор томонга, жойга ташламоқ ёки ташланмоқ, отилмоқ.** *Гулнор хуסיзланган каби, бошини онанинг тиззасига отди. Ойбек, Танланган асарлар. Болакай, ястаниб ётган поёнсиз лолазордан югуриб келиб, ўзини унинг кучоғига отди. «Шарқ юлдузи».*

4 **Кўтариб ерга урмоқ, йиқитмоқ (қурашда).** *У [Сиддиқжон] ҳозир курашда рақибини ёнбошга олиб отган. А. Қаҳҳор, Қўш-*

чинор чироқлари. *Қутосни отмади, зур билан уни майдоннинг четига — қаттиқ ерга судради. А. Қаҳҳор, Сароб.*

5 с.т. Чекмоқ; тортмоқ. *Чори ота бармоқлари титраб, нос отди. С. Нуров, Нарвон. Шу вақтда кимдир, бурнаки отгандек, қайта-қайта ашурди. Ойбек, Навоий.*

6 Тортмоқ, ичмоқ (ичимлик ҳақида). *Эсонбой чорпояга чиқиб, у билан ёнма-ён ўтирганда, чол жиндай отиб олганини сезди. «Ёшлик».*

7 *Кўчма кам қўл. Улоқтириб ташламоқ, тарк этмоқ, йиғиштирмоқ. Қўлингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилик қил, болам, ёмонликни от!* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

8 *Кўчма Чикармоқ, ёзмоқ, ёймоқ (асосан, ўсимлик ҳақида). Чечак отмоқ. Палак отмоқ. Куртак отмоқ. ■ Ҳадемай карнай-гуллар, жуда ҳафсала билан чиройли қилиб тортилган ипларга цирмашиб, катта-катта япроқлар отди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Зилол сувли шаршара ёнида икки баҳайбат чинор, Бобур замонидан гувоҳлик бериб, шох отиб турибди. Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.*

Томир отмоқ қ. томир. Тонг отмоқ қ. тонг. Бағрига кимгадир бахт, кимгадир қайғу уклаб, яна тонг отмоқда. «Ёшлик».

9 Бирор қурол воситасида ўқ, тош, снаряд ва ш.к. узмақ. *Сопқон отмоқ. Камалак отмоқ. Миномёт(дан) отмоқ. Отган ўқ қайтмас. Мақол. Ётиб қолгунча, отиб қол. Мақол. ■ Танкларимиз душмanning олдинги окопларидан ўтиб, танкка қарши отадиган батареяни тўпга тута бошлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

10 Отиш қуроли воситасида уриб шикастламоқ ёки ўлдирмоқ. *Урдак отмоқ. Қуён отмоқ. ■ [Йўлчи] Тишини қисирлатиб деди: -Тўпнинг оғзига қўйиб, отиб юборинглар мени, қонхўрлар! Ойбек, Танланган асарлар. Баъзан қизиқсиниб, биз ҳам каптар отиб кўрмоқчи бўлардик. Шукрулло, Сайланма.*

11 Куч билан итариб, итқатиб чиқармоқ; учириб юбормоқ. *Шиша пробкасини отиб юборди. Вулқон юз тонналаб оловланган тоғ жинсларини ҳавога отди. ■ Сув дам оқизиб кетади, дам четга отади. С. Аҳмад, Уфқ.*

12 *Кўчма Қўймоқ, ташламоқ. Шиор отмоқ. Масалани ўртага отмоқ. ■ Дастлаб бу гапни дадангиз ўзлари ўртага отдилар. Ойбек, Танланган асарлар.*

Гап (ёки **пичинг**) **отмоқ** Киноя, кесатиқ маъноли гап, сўз айтмоқ; пичинг қилмоқ. *У келинойисини очиқ-ошкор суймас, кесатиб, пичинг отиб, унинг кўнглига озор берар эди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.*

13 **Учмоқ, сирғанмоқ. Ясмалак отмоқ. Коньки отмоқ. ■ Менинг ёшлигимда бирга ошиқ ўйнаб, ясмалак отиб ўсган бир оғайним бор. Шукрулло, Сайланма.**

Нафси ҳаққалак отади Мазахўракка ўрганиб, нафсини тиёлмайди. **Шаталоқ отмоқ қ. шаталоқ.** *Қизин ҳозир қаёқни хоҳласа, ўша ёққа шаталоқ отиб, чопиб юрибди. Мирмуҳсин, Умид.*

ОТНОН эск. От шаклида пиширилган ширин қулча. *Ҳолвафурушлар бақиршиб, кунжут ҳолва, мағиз ҳолва, пашмак, отнон сотмоқдалар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. -Сенинг келишингни билганимда, хўрозқандми, отнонми олиб келарканман, — деди почча Ҳамидага. С. Анорбоев, Мехр.*

ОТО- [юн. us, otos — қулоқ] Байналмиал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, қулоққа, қулоқ касалликларига алоқадорликни билдиради (мас., *отит, оториноларингология*).

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГ Оториноларингология мутахассиси, қулоқ-бурун-томоқ касалликлари шифокори.

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ [ото.. + юн. rhis, rhinos — бурун + larynx, laryngos — бўғиз + logos — фан, таълимот] Тиббиётнинг қулоқ, бурун, ҳалқум, бўғиз тузилиши ва вазифаларини ўрганувчи, уларни доволаш, шундай касалликларнинг олдини олиш усулларини ишлаб чиқувчи бўлими.

ОТОСКОП [ото.. + юн. skopeo — қарайман, кузатаман] Қулоқни тозалаш пайтида уни эптитиб кўриш учун ишлатиладиган, ҳар иккала учи йўғонлашган ингичка резина найчадан иборат тиббий асбоб.

ОТ-ОТАКАМ бол. Бир иккинчисининг этагидан ушлаб от қилиб ёки ёғоч от миниб чопишдан иборат болалар ўйини. *Қудрат билан Камол тол новдасини миниб, от-отакам ўйнашиб, кўча чағитиб юришган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чироқлар.*

ОТОФОН [ото.. + юн. phone — товуш] тиб. Қулоғи кар одамларнинг эшитиш қобилиятини кучайтирадиган аппарат, эшитиш найчаси.

ОТПУСКА [р. отпуск < отпустить «кетишга рухсат бермоқ; бўшатмоқ, бўш қўймоқ» фл. дан. ясалган от] айн. таътил. *Бир ойлик отпускаи. Ёзги отпускаи. Декрет отпускаи. Отпускаи даври. Отпускаи нули. Отпускаи олмақ. Отпускаи чикмоқ.* ■ Яхши уруигани учун, эҳтимол, командирлари унга отпускаи бергандир? «Ёшлик».

ОТРЕЗ [р. отрез < отрезать «кесмоқ, кесиб олмақ» фл. дан қўшимчасиз ҳосил қилинган от. маълум ўлчамда қирқиб олинган мато] с.т. Кийим тиктириш учун мўлжалланган бир бўлакат мато, бир кийимлик газмол. *Бир костюмлик отрез.* ■ Бухоро зардўзлари тайёрлаган тилла кавушлар, бриллиант кўзли узуклар, отрезлар бўларди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОТРЯД [р. отряд < отрядить «бирон топшириқ, вазифа билан юбормоқ» фл. дан қўшимчасиз ҳосил қилинган от: бирон топшириқ олган гуруҳ] 1 Жанговар ёки махсус вазифаларни бажариш учун тузиладиган вақтинчалик ёки доимий ҳарбий тузилма. *Денгизчилар отряди. Парашютчилар отряди. Отряд командири.* ■ -Йўқ, — деди командир, — ҳозир фурсат йўқ.. Ҳозирча буларни олиб, от чоптириб, тезроқ отрядга ет. С. Айнӣй, Қуллар. Шу вақт унинг бахтига партизанлар отрядининг раҳисидан хабар келиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор иш, фаолият, хизмат учун уюшган кишилар гуруҳи, жамоаси. *Кўеиш қумтепалар орқасига ёнбошлаб, ғуборли уфқни алангалатганда, барги тўкилган қумранг саксовул буталари орасида геологлар отрядидан қолган эски шаҳарча кўринди. А. Мухтор, Асарлар.*

3 Умуман, жамиятнинг маълум белгилар билан бирлашган гуруҳи. *Илғор ёшлардан тузилган отряд чўлда янги иншоотлар қуриш учун отланди. Газетадан.*

4 зоол. Ҳайвонлар систематикасида: маълум белгилар билан бирлашган гуруҳ; туркум. *Кемирувчилар отряди.*

ОТТИРМОҚ **Отмоқ** фл. орт. н. *Тош оттирмоқ. Сопқон оттирмоқ.* ■ Бу хунук сўз Журахонни шатта оттириб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Тонг оттирмоқ Тонг отгунча ухламай чикмоқ. *Ухлай олмай тонг оттирдим. Китоб ўқиб тонг оттирдим.* ■ Салимжон Обидий шу алфозда тонг оттириб, эрта

билан янги шофёрга машинани тайёрлашни буюрди. Мирмуҳсин, Умид.

ОТТИСК [р. оттиск < оттиснуть «босиб из қолдирмоқ; босиб нусха олмақ» фл. дан ясалган от] Журнал, тўплама ва ш.к. да босилган мақоладан олинган алоҳида нусха. *-Ҳуши? — деди Саидий, қўлидаги оттискларни олаётиб. А. Қаҳҳор, Сароб. Ҳали материал тушир, ҳали макет қил, ҳали оттиск — кечга яқин бошим оғриб, аранг судралиб, кабинетдан чиқдим. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

ОТУВЧИ 1 **Отмоқ** фл. сфдш.

2 Жанговар қуроллардан, мас., миятиқдан ўқ уза биладиган, яхши отадиган киши. [Қўрқмас:] *Ўртоқ командир, яхши отувчи бўлиш учун кишининг икки қўли бўлиши шартми?* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ОТ-УЛОВ Миниладиган иш ҳайвонлари (от, эшак, хачир ва ш.к.) *Бир куни денг шу икковлон, Қайгадир йўл олишди. Минай деса от-улов йўқ, Ўланишиш қолишди. А. Орипов, Ўйлар армони.*

ОТХОНА Отлар сақланадиган бино; оғилхона. *Зиёдулла отхонадан қора йўрғасини етаклаб чиқди. Ҳ. Фулом, Машғал. Йўлчи уларга [отларга] беда ташлади, кейин курак ва супурги олиб, отхонани тозалай бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ОТЧОПАР Отларни синаш, от чопиш ва отда машқ қилиш, умуман, от спорти мусобақаларини ўтказиш учун махсус жиҳозланган майдон; ипподром. *Тошкент отчопари.*

ОТҚИНДИ геол. Вулкандан отилиб чиққан моддаларнинг (лаванинг) совишидан ҳосил бўлган тоғ жинслари. *Вулкан отқиндилари. Отқинди тоғ жинслари.* ■ Туб конларнинг вужудга келиши табиатда кенг тарқалган магма ва унинг қотишидан ҳосил бўлган отқинди тоғ жинслари билан боғлиқдир. «Фан ва турмуш».

ОТҚУЛОҚ Отнинг қулоғига ўхшаш катта-катта ва узун баргли кўп йиллик ёввойи ўт. *Қорабойни уйга откелиб, айвонга ётқиздик. Ярасига баргизуб қўйиб, отқулоқ босдик. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.*

ОФАРИН [ф. آفرین — яратувчи; мақтов, олқиш; балли, тасанно] 1 Мамнунликни, завқланганликни, қойил қолганликни ифодаловчи олқиш сўзи; таҳсин, тасанно. *Офарин айтмоқ (ўқимоқ).* ■ Ҳамма Қаҳрамон-

га офаринлар айтиб, уни қутлашибди. «Эр-таклар».

2 унд. с. вэф. Балли, баракалла. -Офарин, Мавлоннинг даъволари исбот бўлди, — деб юборди ҳамма. М. Осим, Сеҳрли сўз. Чаққон, энчил ишлаётган аскарлар олдида тўхтаб: -Офарин, баҳодирлар! — деб мақтаб ўтарди генерал. Ойбек, Куёш қораймас.

ОФАТ [a. آفت — ранж, алам; жирканиш; бахтсизлик, бало; хавф] 1 Бошга кулфат солувчи ёки ҳалокатга олиб келувчи бахтсизлик; бало. *Халқ бошига кўп офатлар келтирган Андижон zilzilаси Қорабулоқни сувдан маҳрум қилиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Йўқ қилувчи; кушанда; илож, даво. *Тақсир, гуноҳнинг офати тавба-ку.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ОФАТИЖОН [a. + ф. آفتجان — жонга озор берувчи; жафокор маъшуқа] Ўзига мафтун қилиб, дилдан урадиган ғоят гўзал аёл. *Шу ондаёқ бўлдим парижон, Шу ондаёқ ўртанди таним, Қайдан келдинг, эй офатижон? Уйғун. Қизларнинг ҳаммаси сутга чайилгандай оқ, офатижон! Атрофимизда гурдиқаспалак бўлишди.* «Ёшлик».

ОФАТЛИ Офат билан ўтган, офат бошлаб келган ёки келадиган. *Офатли йўл.*

ОФЕРТА [лот. offertus — таклиф этилган] Товар етказиб бериш, бирор-бир хизмат кўрсатиш учун шартнома хабарномаси. *Халқаро савдода офертанинг қатъий ва эркин турлари бор.* «ЎЗМЭ».

ОФИЦЕР [нем. Offizier < лот. officarius — мансабдор шахс < officium — иш, хизмат] Куролли кучлар, полиция ва жандармериянинг командирлар таркибидаги ҳарбий хизматчи. *Артиллерия офицери. Алоқа офицери. Денгиз флоти офицери.* ■ *Полковник солдат ва офицерларнинг жанговар тайёргарлиги қандай бораётганлигини текширди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ОФИЦИАНТ [лот. officians, officiantis — хизматчи, хизмат қилувчи] Ресторан, кафе ва ш.к. да хўрандаларга хизмат қилувчи, улардан буюртма олиб, овқат келтириб берувчи ходим. *Официант бир шиша коньяк, бир шиша қизил вино олиб келди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Официант овқат келтириб қўйди. Қамариддин қадаҳни яна тўлдирдида, ичиб юборди.* «Ёшлик».

ОФИЦИАНТКА Аёл официант. *Официантка қанот пайдо қилгандек, енгил одим билан янги буюртмани адо этгани кетди.* Ф. Мусаҷонов, Ҳиммат.

ОФИЯТ [a. عافيت — соғлиқ; яхши кайфият; хотиржамлик] эск. кт. Соғлиқ; соғсаломатлик. *Тангридан тўғри эътиқод ва офият сўранглар (ҳадис).* «Фан ва турмуш».

ОФОҚ [a. آفاق — «уфқ» (أفق) с. кўпл.: уфқлар, дунё мамлакатлари, осмонлар] эск. кт. Дунёнинг ҳар томони; дунё, жаҳон. *Яна ҳимматлиғ элга кам бўлур офоқ аро душман, Валекин ул бўлур эрмиш ҳамиша душмани ҳисса.* Аваз Ўтар, Девон.

Яғона офоқ Дунёда яғона, тенги йўқ. **Забардасти офоқ** Дунёда энг зўр.

ОФСЕТ [инг. offset (printing)]: **офсет босма** Текис босма усули; бунда бўёқ босма қолипдан оралиқ резина цилиндрга, ундан қозғога ўтади. *Офсет босма корхонасида ранг бериш, фотоҳарф териш автоматлари, офсет ротацйлар, автоматик линиялар булади.* «ЎЗМЭ».

ОФТАЛЬМОЛОГИЯ [юн. ophthalmos — кўз + logos — фан, билим] Тиббиётнинг кўзнинг нормал ҳолати ва касалликларнинг ўрганадиган бўлими. *Офтальмология фани ютуқларнинг амалиётда жорий этилиши туфайли Ўзбекистонда ўткир эпидемик конъюктивит эпидемияси, трахома (шиллик) бутунлай тугатилди.* «ЎЗМЭ».

ОФТОБ [ф. آفتاب — кўёш; кўёш нури] 1 Кўёш, кун. *Одамнинг юзи офтобдан иссиқ.* Мақол. ■ *Офтоб чиқди оламга, Югуриб бордим холамга.* «Фольклор». *Палатага кирдик. Шу пайт офтоб юзи булут остига кирди-ю, палатани шом қоронғилиги босди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

Офтоби оламтоб қ. оламтоб.

2 Кўёш тарқатаётган нур; кўёш ҳарорати. *Танаси икки катта қулочга сиғмайдиган бир туп сада теваракка тангадай офтоб туширмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Устидаги гимнастёркаси ёлғирда ювилиб, офтобда ўниб, оқариб кетган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аям мени бундақа офтобда жизғинак бўлиш учун туққан эмас.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Офтоб урмоқ Офтоб ҳароратидан касал бўлмоқ.

3 Кўёш нури тушиб турган, кўёш иситиб турган жой. *Офтобда исинмоқ.* *Текинга му-*

шук ҳам офтобга чиқмайди. Мақол. ■ Умрида қармоқ ушламаган чоллар офтобда ўтириб, тўр ямашга тушишди. А. Мухтор, Қорақашоқ қиссаси. Кум-кўк барглар орасида тизилиб, ғуч-ғуч бўлиб, офтобда садафдек ярқираб турган тутни кўриб, жувоннинг ҳам оғзи сув очди. А. Қаҳҳор, Қўнчянор чироқлари.

4 кучма Ёритувчи, янгилик киритувчи, ўзгартирувчи. Сизга ўхшаган аёлларимизнинг ҳар бири қора кун ичида ётган минглаб хотин-қизларимизнинг рўзғорига офтоб бўлиб кириб боришяпти. С. Зуннунова, Олов.

(Орқасига) офтоб тегди Ёруғликка, рўш-ноликка чиқди; иши юришиб кетди. Мана энди мирзам оталиқ қилиб, ўрдадан бирор иш толиб берсалар, тақсиримга ҳам офтоб тегса ажаб эмас. А. Қодирий. Меҳробдан чаён.

ОФТОБА [ф. آفتاب — кўза, обдаста] шв. Обдаста. Момо айвонга етгач, офтобани ерга қўйди. «Ёшлик». Комил айвон олдида турган мис офтоба билан мис дашшани олиб, Саид афандининг қўлига сув қўйди. Ҳ. Фулом, Машғал. Мустафо суна четида турган офтобадан қўлини чайди. М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

ОФТОБАЧИ тар. Хонлар саройида хон, амир ва унинг меҳмонлари қўл юваётганда, уларга офтоба тутувчи лавозимли шахс. Абдураҳмон офтобачи ва бир неча маҳаллий аёнлар бирин-кетин шоҳсупадан жой олдилар. Ҳ. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ОФТОБИ [ф. آفتابی — офтобга алоқадор, офтобли; офтобда қуритилган] шв. Офтобда қуририлган мевалар, мас., майиз, туршак, қоқи.

ОФТОБЛИ Офтоб чиқиб турган, қуёшли. Офтобли кун. ■ Бағзан офтобли кунлари Фрау Аннанинг ёрдами билан менинг ёнимдаги дераза рафига келиб ўтиради, ҳовлига қарайди. А. Мухтор, Асарлар.

ОФТОБПАРАСТ [ф. آفتابپرست — офтобни севувчи; қуёшга сизгинувчи] 1 Куёшга топинувчи, қуёшга сажда қилувчи.

2 шв. Кунгабоқар.

ОФТОБПАРАСТЛИК Куёшга топиниш, қуёшга сажда қилиш.

ОФТОБРҮЙ [ф. آفتابرو — қуёшга ўхшаш юзли] айн. офтобрўя.

ОФТОБРҮЯ [ф. آفتابرو — қуёшга ўхшаш юзли; юзи қуёшга қараган] 1 Куёшга қараган, қуёш нури кўп тушадиган; кунгай.

Офтобрўя уй. ■ Озод сўрига яқинлашганда, хотини ишқом тагидаги ўсмадан юлиб, офтобрўя ерга ташламоқда эди. С. Маҳкамов, Бир жуфт дон.

2 айн. **офтобчувоқ**. Чивинлар офтобрўяда ўтирган одамларни ғинғиллаб нотинч этишарди. С. Айний, Қуллар.

ОФТОБИҒА [офтоб. + ф. تيفه — пичоқ, ханжар дами; тоғ чўққиси, қоя] Кунгай; офтоб нури тикка тушиб турадиган ер. Биз яланларни кўздан кечириб пайқадикки, тажриба ўтказиш учун айнан шу ер бекорга танланмаган — кунгай, офтобтига. «Ёшлик». Қишининг охирлари эди: ҳали баҳор бошланган бўлмаса ҳам, устма-уст келаётган офтобли кунлар офтобтиғалардаги қорларни эритган. С. Айний, Қуллар.

ОФТОБЧУВОҚ Баҳорги, таъсир кучи кам, ёқимли офтоб.

ОФТОБШУВОҚ айн. **офтобчувоқ**. Боланинг кўзи Тўхта холанинг дарвозаси олдида бошини оёқлари орасига буркаб, офтобшувовқда ётган ола мушукка тушиди-ю, таққа тўхтади. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ОХИР 1 [а. آخر — кейинги, сўнги; сўнг, ниҳоя] 1 Чўзиқ нарсанинг сўнги чегараси, энг кетинги қисми, поёни. Йўлнинг охири кўринмайди. ■ Нусратбекнинг уйи шу кимсасиз, сокин кўчалардан бирининг охирида — пахтазор чегарасида жойлашган экан. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Давомли нарсаларнинг сўнги қисми, хотимаси. Достоннинг охири, Спектаклнинг охири. ■ [Уста Олим] Хатнинг охирида: «Сиздан бир кун сўнг Ҳомид ўлди..» деб ёзар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг сўнги, охирги дами, ниҳоят. Йилнинг охири. Қишининг охири. Охир бўлмоқ. ■ Шунга қарамасдан, бу мактаб йил охирига бориб, ўзлаштириш 160, давомат 200 фоиз бўлди, деб ахборот берибди. Ҳ. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

Охир замона қ. охирзамон. — Охир замона, деб шуни айтадилар-да. Қизларда шарму ҳаё йўқ. Фалончи очилибди, писмадончи паранжисини ташлабди, деган гаплар кўпайиб кетяпти, — деди Тўтибу. С. Зуннунова, Гулхан. **Охир пешин қ. пешин 1.** — Вақт охир пешин бўлиб қолган эди. Қорним очган.. — деди Шум бола. Ҳ. Фулом, Шум бола.

4 Оқибат, натижа; пировард. *Ёмон ишининг охири вой.* ■ -*Хай, ишқилиб, охири бахайр бўлсин, — деди Махсум. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ОХИР II [ф. *آخر* — отхона; оғил, охур] с.т. Охур.

ОХИРАТ [а. *آخرت* — сўнг, ниҳоя, тамом бўлиш; нариги, у дунё; охирги кун] *дин*. Одам ўлгандан кейин боралиган дунё, олам; дунёнинг тугаш куни, қиёмат. [*Азизбой:*] *Бу фоний дунёда оч ўлди нима-ю, туқ ўлди нима? Охирати бахайр, имони басаломат бўлсин. Н. Сафаров, ШПарқ тонги. — Бу дунё беш кунлик, ёлгон дунё. Охиратни эсдан чиқарманг, ҳа! — деди домла. П. Турсун, Ўқитувчи. Наҳот охиратга юз бурса жаҳон, Наҳот кароматлар ҳақ чиқса, наҳот.* А. Орипов, Йиллар армони.

Охират *опи* Ҳаётнинг сўнгги дамида ейилган овқат. Охиратда 1) нариги дунёда; қиёматда. *Йигирма сўм қарз эди, охиратда ҳам жавобини беради.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) сира, ҳеч вақт. *У охиратда ҳам тузалмайди. Охиратини кўйдирмоқ* Имон-этиқоддан айирмоқ, айрилмоқ; хонавайрон қилмоқ. *Маъаум бўлишича, ер ютуғур Асқад онасининг охиратини кўйдириб, укаларининг ризқини қийиб, етмиш сўмнинг ҳаммасини ўғирлаб, шаҳарга кетиб қолибди.* «Ёшлик».

ОХИРГИ Нарса ёки ҳодисалар қаторининг энг сўнгигаги; сўнгги, энг кейинги. *Охирги курс. Охирги сўз. Романнинг охири боби.* ■ -*Чекинмаймиз. Охири томчи қонимиз қолгунча курашамиз! — деди Чернецов. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Сайғамов дафтари чамалаб кўриб, охири сифасига қаради.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОХИРЗАМОН [а. *آخر زمان*] *дин*. Дунёнинг, ҳаёт ва борлиқнинг сўнгги дамлари, қиёматга яқин қолган замон. *Бизнинг замонамиз «охирзамон» бўлгани учун ҳеч бир киши вали бўлмас ва шунинг учун шоир ҳам бўлмас экан.* С. Айнӣ, Эсдаликлар.

ОХИРИ *рви*. I Охир-пировардида, ахир. *«Сабр туби — олтин» мақолига амал қилиб, арқонни узун ташлаб қўйган эдик. Охири сабр косамиз тўлиб-тошиб кетди.* «Муштум».

2 Бориб-бориб, ниҳоят. *Тақдир шамоли уни [Зағчақўзни] турли бурчакка учирди ва охири, мана шу Қамишқапага келтириб ташлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОХИРИДА *рви*. Охири, ахири, пировардида. *Зайнабнинг ўн беш дақиқали муо-*

маласида Отабек юқоридаги каби «эсдан чиқариш» ҳолатига бир неча қайта учради ва охирда сурамоққа мажбур бўлди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ОХИРЛАМОҚ Охирга, поёнига етмоқ, тамом бўлмоқ, тугамоқ. *Қиш охирламоқда. Қурилиш охирлаб қолди.* ■ *Сал ўтиб, ёзувларим охирлайди ва мен кекса танимга озгина ҳордиқ бераман. Сўнг Тошкентга жўнайман. М. М. Дўст, Лолазор. Пахта йиғим-терими охирлаб турганда, Ойқиз Бойчиборга миниб, райондан қайтарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ОХИР-ОҚИБАТ *рви*. Натпжада, охир-пировардида; ниҳоят. *Нусратбек қишлоқни қўмсай-қўмсай, бир талай дард орттирди, охир-оқибат янги шаоритга мослашиб олди, жонининг ҳаловатини билди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОХИРУЛАМР [а. *آخر الامر* — охири, пировардида, оқибатда] *эск. кт.* Охири, охир-пировардида, ниҳоят. *Охируламр, бу кун бир чордеворга кириб, ўлиб ётган эшакни кўриб, гўштидан бир миқдор кесиб, уйга келтирди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

ОХРА [юн. *ochros* — рангсиз, ранглар, оқин; сарғиш] Сарғқ ёки сарғиш-қизил тусдаги табиий минерал буюқ.

ОХУН(Д) [ф. *آخوند* — руҳонийлар пешвоси, мулло; устоз] 1 Ўқимшили, илмли киши; мулла, домла. *Момонинг мурсаги охун йигитнинг қўлида кетди.* «Ёшлик».

2 Ўқимшили, илмли кишилар исмига кўшиб айтыладиган сўз. *Юсуфбек ҳожи билан қутидор Солиҳбек охуннинг Қужалдош хужрасига меҳмон бўлиб кетганлар.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 Хитой мусулмонлари орасида мударрисларга, имомларга нисбатан кенг тарқалган ном.

4 с.т. Ҳалқ ичиди уйғурларга, қашқарликларга қўйилган лақаб.

ОХУР [ф. *آخر* — отхона; оғил, охур] Чорва моллари (қўй, эчки, сигир, от) га ем-хашак солиб бериладиган мослама (идиш). *От охури. Мол охури.* ■ *Тоштемур қудуқдан бир неча марта сув чиқариб, отларни суғорди, охурларга беда солди. Ҳ. Ғуллом, Феруза. Ғуломжон отхонага кириб, тўкилган бедаларни охурга териб солди, қоронғида ҳам кўзлари чақнаб турган саман-*

ни пешонасидан силаб, суйиб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Балад (ёки катта) охурдан ем еган (ёки сув ичган) Катталар, боёнлар билан яқин алоқада бўлиб кеккайган ёки ўзи катта боён бўлиб ўтган. [Урмонжон:] Сен катта охурдан ем еб ўргангансан, чидолмайсан. А. Қаҳҳор, Қўпчинор чироқлари. Саид ака, Яхшибоевга суйкалманг, сизга нанд беради, катта охурдан ем еб ўрганган одам, ажабмаски, қулай келган онда сизни оёғига патак қилиб кетса. М. М. Дўст, Лолазор. У чет элларда дипломатлар билан гаплашган, катта охурдан сув ичган. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ОХУРЧЎП [ф. *آخورچوب*] Пойабзалнинг дастаги маҳкам, тик туриши учун унинг ичига (авра-астар орасига) қўйиб тиклалдиган юпқа, эгилувчан тахтача, картон ёки қаттиқ чарм. Мусулмон усталар кавушининг дастагига охурчўп қўйиб тикадилар. С. Айний, Эсдалиқлар.

ОЧ I I Қорнида, меъдасида овқат қолмаган, очкичи, овқат тусаб қолган, очикқан. *Оч одам. Оч ит. Оч қолмоқ. Оч қолдирмоқ. Оч қўймоқ. Оч қоринга аччиқ саримсоқ. Мақол. Оч қорним — тинч қулоғим. Мақол. Хунарли киши оч қолмас. Мақол. — Оч, дилдираб қолган Умид иссиққина танчада утириб, танига қайта жон кирди. Мирмуҳсин, Умид. Сувонжон қўрага ҳужум қилган бир оч бўрини отиб олибди. С. Анорбоев, Оқсой. [Йўлчи] Бир сўма ўзи нон-чой олиб ичди-да, оч қорини бир қадар овутиди.. Ойбек, Танланган асарлар. Тўқлар кулади, очлар йиғлайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Оч биқян қ. биқян.

2 Очлик ҳолати. Ҳамма халқ очдан ўлмаслик учун бир амал-тақал қилиб турибди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ингичка, кичик (тешикка нисбатан кичиклик-ингичкалик қилган соп, вал ва ш. к. ҳақида).

Соп оч келди Соп ингичкалик қилди.

ОЧ II Кучсиз, нимқуш (ранг-тус ҳақида). *Оч кўк. Оч сариқ. Оч қизил. — Ариқ бўйларида ўсган кўм-кўк майсалар қўёшнинг тинич нурида оч яшил рангда товланар, киши кўнглига ором, ҳузур бағишларди. С. Зуннунова, Олов.*

ОЧАМБИТИ айн. жағжағ.

ОЧАР Мевадан, кўпинча беҳидан пиширилган мураббо. Икки қозонда тўғралган

беҳидан очар пиширилди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ОЧАРВОҲ I Баъзи халқларнинг эътиқодига кўра, гўрдан чиқиб, одамларнинг қонини сўрувчи арвоҳ; вампир. *Бундай одамларни фанда очарвоҳ, яъни вампир дейишади. Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.*

2 Қонхўр, золим.

ОЧАРЧИЛИК Иқтисодий таназзул ва танглик ёки табиий офат, турли сабаблар туфайли жамият миқёсида юзага келадиган кескин озиқ-овқат танқислиги; қаҳатчилик. *Очарчилик йиллари сомсапазларнинг сомсасини очлар олиб қочарди-да, тутиб олиб дўппосласа ҳам, бошини кийимига буркаб, сомсасини оғзидан қўймасди. Шукрулло, Сайланма.*

ОЧАТҚИ Очликдан озиб-тўзган; озғин. *Очатқи қўй. — Оҳистахон тилингандан тиланган ёмон, дедию ичида, саратонда соясини одамдан азиз тутадиган нокас йигитга гинахонлик қилганидан ўқиниб кетди. Уғлининг цехига кирди. Бошлаб ҳар кўр-ганда «менга ҳам ўзингизникига ўхшаган келин топиб берасиз», деб юрган очатқиғина, ўзи хунук, истараси иссиқ йигит чопиб келди. Шўҳрат, Умр поғоналари.*

ОЧАҒА Бировга тегишли, қарангли одам. *Мана бу ерда гап бор. Агарда биронта нозик иш чиқиб қолса ва ҳам ҳоким тўра билан хилватда гаплашмакни тақозо қилинса, ҳамма гапни Зуннунбой орқали ноиб тўранинг очағаларига айтилсин. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

ОЧЕРЕДЬ [р. очередь < чередовать «навбатлашмоқ, алмашланмоқ» фл. дан] I ҳарб. Автомат ёки пулемётдан бир йўла, бирин-кетин отилган ўқ; шу зайлда ўқ узиш. *Узоқда гоҳ-гоҳ автомат очереди тарақлаб қўйди. Ойбек, Кўёш қораймас. Ўн иккита патроннинг ўн биттасини уч қисқа очередда нишонга жойлади Элмурод. Шўҳрат, Шинелли йиллар.*

2 с. т. Навбат. *Очередь олмоқ.*

ОЧЕРК [р. очерк < очеркать «таърифлаб, тасвирлаб бермоқ, баён қилмоқ; чизмоқ» фл. дан суффиксиз ҳосил бўлган от] Ҳаётий фактларнинг қисқача тасвирдан иборат кичикроқ бадиий-публицистик асар. *Ҳарбий очерк. Биографик очерк. Библиографик очерк. — Обидов газетадаги очеркни кўриши билан Аҳмедовнинг олдига чопди. С. Зуннунова,*

Олов. -Ука — деди шоир, — штабдан тайинлашди, сен тўғрингда бир ғалати очерк ёзмоқчиман. С. Аҳмад, Уфқ.

ОЧЕРКИСТ айн. очеркчи. 1942 йилгача баъзан «Қизил Ўзбекистон»да, баъзан «Муштум», «Ер юзи» журналларида адабий ходим, очеркист, фелъетонист, секретарь бўлиб хизмат қилдим. Ф. Фулом, Танланган асарлар.

ОЧЕРКЧИ Очерк ёзиш билан шуғулланивчи журналист ёки адиб. -Э, барибир эмасми, — деб қўл силтади Тўпори, — шоир билан очеркчининг фарқига бормасам ҳам, сиз билан Қурбонойнинг фарқига бораман.. М. М. Дўст, Лолазор.

ОЧИЛИБ-ЁЗИЛИБ айн. очилиб-сочилиб. [Генерал] Расмиятчиликка йўл қўймай, очилиб-ёзилиб ўтиришни буюрди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ОЧИЛИБ-СОЧИЛИБ Очiq чехра билан, хурсандлик билан, ўйнаб-кулиб. Тўла кейинги вақтларда.. негадир очилиб-сочилиб юрмас эди. М. Исмоилий, Бизнинг роман. Жўравой Нафиса билан шунчаки гаплашиб турарди. Суннат билан Жалил ширакайф эдилар. Ана шу ширакайфликданми, бегона одамнинг ўз курсдошлари билан очилиб-сочилиб гаплашиб тургани ҳақоратдек оғир ботди. «Ёшлик».

ОЧИЛМОҚ 1 Очмоқ 1-12 фл. мажҳ. н. Эшик очилди. Сандиқ очилди. Йўл очилди. Янги мактаб очилди. Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам очилади. Мақол. ■ Бир ҳафтага қолмай каналга сув очилади. С. Аҳмад, Уфқ. Мана шу тоғларнинг икки тарафидаги адирлар, Макрит чулидан очилган ерларнинг ҳаммаси меники, менга қарайди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Ҳайкалчанинг очилиш маросими бўлиб ўтганидан беҳабар, парда тутушига ҳожат қолмаганини билишмайди. М. М. Дўст, Лолазор. Яқинроғингизда ўлмоқ учун.. душман томонидан уйингизга очилган туйнукчага кирдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Ҳасанали] Узоқ ўйлагандан сўнг ишнинг очилмай қолган қисмини ечишни бошқа вақтга қолдирмоқчи бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Очмоқ 1, 2, 14-17 фл. ўзл. н. Фикри очилди. Ранги очилди. ■ Келди очилур чоғинг, ўзалинг намоен қил, Парчалаб кишанларни, ҳар томон паршион қил. Ҳамза. Бу пахта экан-ку, ҳали шошмай туринглар, очилган хотинлар бошқатдан паранжига киради. С.

Аҳмад, Ҳукм. Томлардаги.. лолалар қипқизил бўлиб очилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сўнги қўёшли кунларда пахта яна қийғос очилди. И. Раҳим, Ихлос.

3 Бошланмоқ, иш бошламоқ. Эртага шу муаммога бағишланган олимларнинг йиғилиши очилади. С. Зуннунова, Кўк чирок.

4 Кўринмоқ, намоен бўлмоқ. Йўлчининг кўзига жаннатдай катта боғ манзараси очилди, томоша қилиб, кекса тоғанинг орқасидан юра берди. Ойбек, Танланган асарлар. Агар мана шу Музлоқ тоғнинг.. сиртига чиқилса, кишининг кўзи олдидан бири-бирига зид икки дунё очилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Башараси очилмоқ Кирдикори, айби, аслида кимлиги фош бўлмоқ. Тўғри, Раҳимжон Мўйдиновга тўхмат қилганларнинг авра-астари ағдарилди, ҳақиқий башараси очилди. «Муштум».

5 Хафалиги ёки қаҳр-ғазаби йўқолиб хушнуд бўлмоқ, ёшлмоқ. -Тоғо бирон киши билар оғиз ўмишқо гап айтсам, ўша замони очилиб кетақоларди, — деди Кенжа. Ҳ. Назир, Асарлар. Элмурод унинг [Гулсумнинг] бу қадар очилиб кулганини биринчи кўриши эди. У бундан роҳат қилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Баҳридили очилмоқ Кайфияти яхши бўлмоқ, чехраси ёришмоқ. Шийпон орқасидаги гўзаларни кўриб, Пайғомовнинг баҳридили очилиб кетди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Чехраси очилмоқ айн. баҳридили очилмоқ.

6 Ҳуснига ҳусн кўшилиб, тобора чиройли бўлмоқ, гўзаллашмоқ. Зуннуновнинг назарида, Саодатхон янада очилиб кетганга ўхшайди. И. Раҳим, Ихлос. Қора кўйлак ичиде бўғилиб ётган экансан. Қара, нақ шафтоли гулидек очилибсан, кел, пардоз қиламиз. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Баширжон узоқроқдан келинга тикилиб тураркан: «Жуда очилиб кетибди», деб ўйлади. Н. Аминнов, Қаҳқаҳа.

Бахтинг очилсин қ. бахт 2. Жағи очилмоқ Тўхтовсиз гапирмоқ; кўп, узоқ гапирмоқ. Ошино бир муддат жимиб қолди, лекин лаҳза ўтиб, тагин жағи очилди. М. М. Дўст, Лолазор. Ипгаҳаси очилмоқ Иштиёқ билан овқат емоқ; -Ана энди, чарчоқ ҳам унутилади, иштаҳа ҳам очилади. Унинг гапи тўғри

чиқди. С. Аҳмад, Жимжитлик. **Кўзи очилмоқ** қ. кўз. Таъзимни еганим шу бўлдики, кўзим очилди, тушуниб олдим. С. Зуннунова, Олов. **Оғзи очилмоқ** Ҳайрон бўлмоқ. Бир ҳафтадан кейин қиз Жамолзоданинг устахонасига ташриф буюрди. У «Куккул тонги»ни кўриб, оғзи очилиб қолди. Ушанда кўргани ҳозирги полотнонинг олдида оддий эрмак эди, холос. «Ёшлик». Ҳаво очилди Ҳаво булутдан тозаланди. Осмонни қоплаган чанг-тўзон аллақачон ғойиб бўлди, ҳаво чарақлаб очилиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ОЧИЛТИРМОҚ Очялмоқ 3-5 фл. орт. н. Пахтани очилтириб термоқ. Кирни очилтириб ювмоқ.

ОЧИН-ТЎҚИН рвш. Тўйиб овқат емасдан, чала-ярим овқат еб, гоҳ оч, гоҳ тўқ ҳолда. Умиднинг кайфи пастлиги ва бунинг устига анчадан буён очин-тўқин юрганини эшитган Ҳотам, жинлла бўлмаганда шу бугун, юрагида алам тугён ураётганда дардлашиб малҳам бўлай, дегандек атай келган эди. Мирмуҳсин, Умид.

ОЧИНҚИРАМОҚ Сал очикмоқ, очлик сеза бошламоқ.

ОЧИРИЛМОҚ Очирмоқ фл. мажҳ. н. Инкубаторда ўн минг жуҗа очирилади. Қурт уруғи очирилади.

ОЧИРМОҚ Очмоқ 17 фл. орт. н. Жуҗа очирмоқ. Қурт уруғини очирмоқ.

Кўз очиргани кўймаслик 1) атрофга қарап, кўриш учун имкон бермаслик. Августларга бориб, араваларнинг ғилдирагидан, отларнинг туёғидан кўтарилган чанг кўз очиргани кўймайди. С. Аҳмад, Хукм; 2) тинчлик бермаслик; у-бу деб доим хафа қалмоқ, аччиғини келтирмоқ (яна қ. кўз очирмаслик. қ. кўз). Уялин! Илгарилари, буқоғинг бор, деб кўз очиргани кўймас эдингиз-ку! Неча марта йиғлатгансиз? А. Қаҳҳор, Жонфиягон.

ОЧИҚ 1 Ҳеч нарса билан бекитилмаган, тўсвлмаган. Икки томони очик шийпон. Тепаси очик йўлак. ■ Искандар эса қизил дастурхонни яна хазина устига ёнди-да, токчадан соқол оладиган асбобларини олиб, очик шийпонга чиқди. М. Мансуров, Ёмби.

2 Бекитилмаган, маҳкамланмаган, қулфланмаган. Очик дарвоза. Очик дераза.

Очик эшик Ҳамма учун кириш мумкин бўлган жой.

3 Яланғоч. Очик бадан. ■ Полиция бошлиғи.. пишиқ ўрилган чарм қамчин билан

Йўлчининг очик кўкрагини ва бўйинини узиб олди. Ойбек, Танланган асарлар.

4 кесим взф. Берк эмас, очилган ҳолда. Дарвоза ланг очик. ■ Эшик ва даричалар очик бўлса ҳам, уйда биров кўринмади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кечаги боржмоқ оғзи очик қолибди, гази чиққандан кейин бир пулга қиммат. А. Қаҳҳор, Санъаткор.

5 Ёрилган, очилган. Мана бу очик пис-талар ҳам ўзимизнинг тоғларники! Ш. Холмирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

6 кўчма Равшан; аниқ; аён; кўриниб, билиниб турадиган. Қишлоқ аҳолиси Мулла Ўсар деган очик фикрли ўрта дехқонни комиссар қилиб сайлади. М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар. У ўзини жуذا эркин тутар ва ҳар бир саволга очик, тўғри жавоб берар эди. Ойдин, Икки кўзи шунда. Қоронғу бўлса ҳам, Ўзбек ойимнинг тусидаги шодлик белгилари очик кўриниб турар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Тўғри, ҳақиқий. Очик гап.

Очик гапирмоқ (ёки айтмоқ, сўзламоқ) Яширмасдан, ҳаммасини айтмоқ; тўғриси-ни айтмоқ. Элмурод кўнглидагини очик ай-тиб қўя қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. Очиги-ни айтганда, мен сиз билан сира учрашмоқчи эмас эдим. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

8 Ҳеч кимдан яширилмаган. Очик муносабатлар. Очик қаршилик. ■ Душманлигини очик билдириб, қайтага ҳаётимни хавф остига қолдирдим, чамамда. «Шарқ юлдузи».

9 кўчма Ҳамма, хоҳлаган киши қатнашса бўлаверадиган. Очик савдо. Очик суд. Очик чемпионат. ■ Ўрмонжон.. активлар иштироки билан бўладиган очик партия мажлисининг вазифасини тушунтириб берибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Шу ҳафта ичи очик дарс ўтказишни бошлаймиз. С. Зуннунова, Олов.

10 Ранги тиниқ, шўхшанг. Очик чит.

11 Хушфел, юрагида киви йўқ; хушчақчақ. Очик қиз. ■ У [Али] ичи кирсиз, серкулги, очикқина бир йигит.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Очик кўнгли ёки кўнгли очик қ. кўнгли. **Очик чехра** қ. чехра.

12 тар. Паранжи тапшаган, озодликка чиққан (хотин-қизлар ҳақида). Бир куни бешолтита очик хотин орасига тушиб қолиб, не вақтгача кўнглим ғаш, таъбим кир бўлиб

юрдим. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Йиғилганларнинг кўпчилиги хотин-қизлар бўлиб, улар орасида очиклар ҳам, паранжиллар ҳам бор эди. С. Зуннунова, Гулхан.

Бети (ёки юзи) **очик** Уят-номусни билмайдиган, беҳаё, одобсиз. **Боши очик** 1) ҳали унаштирилмаган, никоҳ қилинмаган. Энди у [Мунаввар] боши очик қиз бола эмас. Ошлали. С. Анорбоев, Меҳр; 2) ҳеч ким ҳали савдо қилиб олмаган, сотилмаган. *Боши очик мол. Кўзи очик* Ўлмаган, ҳаёт, тирик. *Лутфинисанинг кузи ҳали очик, танаси совимаганди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Масалани очик қолдирмоқ** Масалани ҳал қилишни кейинга қолдирмоқ. **Орани очик қалмоқ қ. ора.** **Очик акциядорлик жамияти иқт.** Иштирокчилари ўзларига қарашли акциялардан эркин фойдаланиши мумкин бўлган жамият. **Очик** бозор Товариинг бошқа ердан эркин келтирилиб ва чегараланмаган миқдорда олдиротди қилиниши. **Очик бўғия тли.** Унли товущ билан тутаган бўғин. **Очик денгиз** Барча давлатлар эркин фойдаланадиган денгиз саҳни. **Очик хат** Ҳамма ўқиши учун одатда матбуотда эълон қилинадиган расмий хат. **Очик ҳаво** 1) булутсиз, беғубор осмон. *Совуқ бироз юмиш тушган, қуёи очик ҳавода ҳаракат этмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) усти ёпилмаган жой, ташқари, дала. *Мана чинакам болалик: ...мактаб саҳнида очик ҳавода физкультура машқлари қилиш, шашка-шахмат ўйнаш, қўшиқлар айтиш.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Чакаги очик айн. жағи очик қ. жағ. Қўли очик қ. қўл.**

ОЧИҚАРЛИ с. т. Киши оч қоладиган, еярли бирор нарса топилмиши мушкул. *Давлат тўғрисида бўлса, очқарли ерда эасмиз.* А. Қодирий Ўтган кунлар.

ОЧИҚГҲЙ кам қўл. Очигини айтадиган, юрагидагини ҳеч яширмайдиган; тўғриси.

ОЧИҚДАН-ОЧИҚ рви. 1 Аншқ-равшан, шак-шубҳасиз. *Бу очикдан-очик туҳмат.* ■ *Дарҳақиқат, унинг [Зайнабнинг] бу иши очикдан-очик болаларча кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ошкора, намоёншкоруна; рўйирост. *Очикдан-очик қаршилик қилмоқ.* ■ *Очикдан-очик Акбаровга қаратилган бу истехзо Зуфар Ҳакимовични аланечук яйратиб юборди.* П. Қодиров, Уч илди.

3 Тап тортмасдан, пбо қалмасдан, уялмай-нетмай. *Очикдан-очик сужинмоқ.*

ОЧИҚ-ЁРУҒ айн. **очик-ойдин.** *Ҳа-а, энди ўзингга келдинг, очик-ёруғ гапиравер. Искандар, мавриди келганини сезиб, суради: -Кўнғироқ қилдими? М. Мансуров, Ёмби.*

ОЧИҚЛИК 1 Очик эканлик; равшанлик; ошкоралик. *Ҳавонинг очиклиги.* ■ *Одамзоднинг фитнаси ёмон бўлади. Кўнгли очикликка не етсин.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Очик, эркин жой; эркинлик. *Зиндондаги ширин-шарбатдан очикликдаги ситам, ғурбат яхишроқмасми? Ҳамза, Майсаранинг иши.*

3 Оралиқдаги жой, оралиқ. *Товуш пайчалари ўртасидаги очиклик.*

Кўзим очиклигида Тириклигимда, ҳаётлигимда.

ОЧИҚМОҚ Оч қолмоқ, қорни очиб, овқат тусаб қолмоқ. *Йўлдан очикиб келган кишининг димоғига қилинаётган овқатнинг ҳиди кирганда, тезроқ пиша қолса эди, деб безовта бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шавкат кечкурун туз тотмагани учун қаттиқ очикқанди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ОЧИҚ-ОЙДИН 1 Аншқ-равшан; шубҳасиз. *Очик-ойдин масала. Очик-ойдин жавоб.* ■ *У [Нури] келин бўлиб боргуси оиланинг бойлигини ўйламаган, чунки бу нарса у учун очик-ойдин эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Очик, рўйирост. *Йўлдош боланинг эси-настлигига ишонмаса-да, бунини Хайрига очик-ойдин айтолмади.* «Ёшлик». *Мана вил сабил аризада очик-ойдин ёзиб қўйилган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ОЧИҚ-ОШКОР рви. Яширмасдан, рўйирост, ошкора. *У онасига ёзган хатида ашволни очик-ошкор айтди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ОЧИҚ-СОЧИҚ айн. **очик-чочик.** *Уйим шундоқ очик-сочик қолган эди-да.* Т. Ашуров, Оқ от.

ОЧИҚТИРМОҚ Оч қолдирмоқ. *Ернинг кўпи очиктиради, молнинг — ози.* «Қанотли сўзлар».

ОЧИҚЧА айн. **очикчасига.** *У [Гулнор] билан очикча сўзлашув керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОЧИҚЧАСИГА рви. 1 Яширмасдан, тўппа-тўғри, очик, рўйирост. *Очикчасига*

танқид қилмоқ. ■ Мирвали Эралнинг сунги сузидан кейин айтар гапни йўқотди, «энди очиқчасига гаплашиш пайти келди», деб ўйлади. С. Аҳмад, Живжитлик. Шундай экан, кел, очиқчасига гаплашайлик. Т. Ашуров, Оқ от.

2 Тап тортмасдан, уялмасдан; ҳаёсийлик билан. – Рост, қизлар, – деди Қумри очиқчасига ўтиб, – вофуруш Қилтириқ махсумни ўша вақтдаёқ ахта қилдирган, дейишди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОЧИҚ-ЧОЧИҚ Йиғиштирилмаган, бексаранжом. Ҳамма нарса очиқ-чоқиқ эди. ■ –Кори хайри бор одам ҳам уйни шунақа очиқ-чоқиқ ташлаб кетадими?! – деди Каромат. И. Раҳимов, Чин ҳаёт.

ОЧИҚҚҮЛЛИК Сахийлик, қули очиқлик. Очиққўллик доим яхшилик келтиради. «Қанотли сузлар».

ОЧИҒИ 1 Гапнинг тўғриси, тўғри гап, очиқ гап. Очиғини айтганда. ■ Гапнинг очиғини айтсам, бу ишда менинг ҳам, Тешавойининг ҳам айбимиз бор. С. Аҳмад, Уфқ.

2 кри с. Тўғриси, очиғини айтганда, гапнинг пўскалласи. Очиғи, ўзи туғилиб ўсган, урганган уйдан кетиши Қудратга осон эмасди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Таомилга қарши борган.. ўзгалар урфини ўткинчи ҳою ҳаваслар билан қабул қилаётган тенгдошларимизга, очиғи, ачинамиз. Газетадан.

ОЧИҒИЧА рвш. 1 Очиқ, ёпилмаган ҳолда; очиқлигича. Эшик очиғича қолди. Қозон очиғича турган экан.

2 Ҳал қилинмасдан, ечилмаганича. Иккинчи масала очиғича қолдирилди.

ОЧКО [р.] 1 Ҳайвон, спорт мусобақаларида ютуқни белгилаш учун бериладиган ҳисоб бирлиги. Ушанда фақат бир киши – ёш шашкачи Шариф Ёқубов у билан очко бўлишиб олди. Газетадан. Раҳим хиёл ўланиб қолди. Энди у, икки метрга сакраб, етти очко олишни эмас, балки биратўла олти катакка сакраб, ўн бир очко эгаллашни чамаламоқда эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 с. т. Қарта уйинининг бир тури; йигирма бир. Очко уйнамоқ.

ОЧКҮЗ 1 Еб тўймайдиган, нафсини тилмайдиган, нафси бузуқ, суқ. Очкўз бўри. Очкўз ит. Очкўзда бўлса ҳам – йўқ, Сахийда бўлмаса ҳам – тўқ. Мақол.

2 Бирор нарсага ўч, ҳар нарсага ортиқча ҳирс қўйган. Соҳиб қори молпараст, очкўз одам. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОЧКҮЗЛИК Очкўзга хос хусусият, хатти-ҳаракат. Очкўзлик қилмоқ. ■ Аброр магазинга кирган харидорларни очкўзлик билан ишлиши пайида бўларди.. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ОЧЛИК 1 Оч қолишлик, оч эканлик, оч ҳолат. Очликдан сулаймоқ. Бир очликнинг бир тўқлиги бор. Мақол. ■ Зиркнинг яшил барглари ҳузурбахш таъмга эга бўлиб, кишини чанқаш ва очликдан сақлайди. «Фан ва турмуш».

Очлик эълон қилмоқ Сиёсий, иқтисодий ижтимоий норозилик белгиси сифатяда овқат ейишдан бош тортмоқ. Борди-ю, очлик эълон қилиб, берганларини емай, биратўла нариги дунёга равона бўлиб қолсам-чи. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.

2 айн. очарчилик. Революциядан кейинги илк йиллар. Вайрона қилинган мамлакатда очлик ҳукм сураб эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ОЧМОҚ 1 Йўлни тўсиб турган нарсани бир томонга суриб, кўтариб қўйиб, кйриш ёки чиқишга имкон турдирмоқ. Дарвозани очмоқ. Деразани очмоқ. Эшикни очмоқ. ■ Уғилларга тайинлаб қўйган эдим, бориб дарвозани ланг очишди. М. М. Дўст, Лолазор.

2 Олаш-қўйиш йўлини, оғзини бекитиб турган тиқин, қопқоқ, қулф ва ш. к. ни кўтариб, суриб қўймоқ, ипини бўшатмоқ, ечмоқ ёки олиб ташламоқ. Чемадани очмоқ. Шишанинг оғзини очмоқ. Қонни очмоқ. ■ У [Аҳмаджон] эшик ёнига чўнқайиб ўтирдида, милтигининг затворини бир неча мартаба очиб ёнди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Қори тузунчани очиб, ўриқдан иккитасини Сидиқжонга узатди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

3 Ўралган, қопланган, паналанган ёки кўмилган нарсаларни бекитиб, ўраб, қоплаб турган нарсадан холи қилмоқ, яланғочламоқ. Ток очмоқ. Қўракни очмоқ. ■ [Гуландом] Атлас кўйлакнинг кенг енгини тирсакка қадар шимариб.. гўзал билакларини очиб, дуторни чертди. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳамма кулиб юборди, Қўрпани биров очиб қараган Гулиан ҳам.. ичи қотиб кулди. А. Қодирйй, Мехробдан чаён. Табиб кетди, Отабек телбаларча югуриб, Қумуш-

нинг бошига келди, юзини очиб, манглайини босди ва ўнди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Кўтармоқ, сурмоқ ёки олиб ташламоқ (парда, ниқоб ва ш.к. нв). *Пардани очмоқ.*

5 Тўсиқни, ғовни олиб ташламоқ, таққни бекор қилиб, ўтиш, юриш учун имкон бермоқ. *Йўлни очмоқ. Чегарани очмоқ.* ■ *Мирвали, Жайрона қочиб кетгандан кейин, йўлни портлатиб, бошқа томондан йўл очган эди. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

6 Бирор нарсанинг ҳаракатига йўл бермоқ, йўл қўймоқ, қўйиб юбормоқ, бўшатмоқ. *Газни очмоқ. Жумракни очмоқ.* ■ *Яна кечагидек сувни очиб, ўзи уриб кетди, деб ўлтирадиган бўлсанг, сен мендан яхшилик кутма! Н. Сафаров, Уйғонш.*

7 Ёзмоқ, ёймоқ, кермоқ (тахланган, букланган, йиғилган, юмшлган нарсалар ҳақида). *Зонтикни очмоқ. Кафтини (қўлини) очмоқ. Қанотини очмоқ. Ёмондан қоч, яхшига қўлоч оч. Мақол.* ■ *Қумуш айвон томонга қайтар экан, ошиқиб хатни очди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Режиссёр яна дафтари-ни очиб, бир нималарни ёзиб қўйди. А. Қаҳҳор, Картина.*

8 Қуриб, солиб, битириб, вишга туширмоқ; расмий равишда вишга туширмоқ. *Мактаб очмоқ. Санаторий очмоқ. Янги йўл очмоқ. Қўрғазмани очмоқ.* ■ *[Ҳасанали] ..гузардан баққоллик дўкони очган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мени гафлат уйқўси босмаган бўлса, нега бир газлик пахсани кесар эмишлар-да ва бошимдан тўйнуқ очар эмишлар-да, мен ҳеч нарса сезмас эмишман! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

9 Янги бир нарса яратмоқ; кашф этмоқ, топмоқ. *Янги юлдуз очмоқ. Кон очмоқ.* ■ *Ахир сиз билан биз катта иш қилиялмиз, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида бутун бир давр очялмиз. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

10 Кўпчилик иштирокида бирор ишни бошлаб бермоқ, бошлаб юбормоқ; очик деб эълон қилмоқ. *Мунозара очмоқ. Митингни очмоқ.* ■ *Ўзбек ойим қора кийиб, тағзия очди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мажлисни Иброҳимов очди ва кун тартибинин эълон қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бувиси аза очиб, ҳовлида хотинларнинг чуввос йиғлагани ҳамон қўлоғида. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.*

11 Нарса, воқеа, ҳодиса ва ш.к. нинг қандайдир томонларини ёритиб баён, ошкор

қилмоқ, аниқламоқ. *Масаланинг моҳиятини очмоқ. Асар қаҳрамонларининг характерини очмоқ. Ҳақиқатни очмоқ. Гапнинг тагини гап очар. Мақол.*

12 Очик изҳор қилмоқ, маълум қилмоқ, айтмоқ. *Йўлчи аксар вақт, ишдан қутулгач, у [Қоратой] билан вақт кечирар, қайғусини, севинчини унга очар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Агар улар [Тешабойлар] бу мақсадларини очиб айтмаётган бўлсалар, балки бунда бир сирлари бордир. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Гап очмоқ Гап бошламоқ; бирор воқеа, ҳодиса, нарса ёки киши ҳақида гап бошламоқ. *Юрагини (ёки дардини) очмоқ* Юракдаги қайғу-ҳасратини, орзу-умидларини, тўлак-истагнин билдирмоқ. *Кимга суянсам, дардимни очсам, у ҳам менга ўхшаган чиқарди. С. Аҳмад, Уфқ.*

13 Фош қилмоқ, ҳаммага маълум қилмоқ. *Жиноятни очмоқ. Камчиликларни очмоқ. Сир(нинг) учини сўз очар. Мақол. Ола товук сомон сочар, ўз айбини ўзи очар. Мақол.* ■ *«Йўқ, бунда бир сир бор. Мен бу ишни, албатта, очаман», деб ўйлар эди Нури. Ойбек, Танланган асарлар.*

14 тар. Паранжи ташлатмоқ, паранжисиз юришга имкон ёки рухсат бермоқ. *Мулла Норқўзи жаҳл билан унинг [хотинининг] аламини босмоқчи бўлди: -Э, ҳали мен сени очаман деб юрибман-ку. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Яқин орада хотин-қизларнинг ёппа очилишини ташкил қилиш керак, тўшундингизми? С. Зуннунова, Олов.*

15 Ҳуснига ҳусн қўшмоқ, гўзаллаштирмоқ, кўрк бермоқ. *Ловуллаган гилам уйни жуда очиб юборди. Кийим қиз ҳуснини янада очибди. Эр юзини ер очар, ер юзини эр очар. Мақол.*

16 Кучайтирмоқ, ривожлантирмоқ, ўс-тирмоқ. *Киши фикрини китоб оцади. Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар. Мақол.* ■ *Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи, Илму фан тиги билан жаҳл бағрини қон қил. Ҳамза.*

17 Тухум босиб, ундан жўжа чиқармоқ. *Товук унта жўжа очибди. Мусича бола очибди.* ■ *-Биз ёруғ дунёни куриш учун туғилганмиз, Турсуной! - деди Мастон. - Биз товук эмасмизки, қандай тухум бостирса, шуни очиб чиқарсак. А. Қаҳҳор, Мастон.*

Америка очмоқ с. т. Алпақачон маълум бўлган нарсаларни янгилик деб эълон қилмоқ. **Бидинингдан** (ёки қулоғининг тағидан) дарча очиб кўяйми қ. дарча. **Очди қилмоқ** Ким ҳақ, ким ноҳақлигини кўпчилик ўртасида ҳал қилмоқ. *Бутун гапларни орада очди қилмасак, таъна-тавбалардан қутулмайдиғанга ўхшайман.* Ҳ. Назир, Ўтлар тутапганда. **Фол очмоқ** Тахмин қилмоқ; бирор ҳолат, ҳодиса ёки нарса ҳақида асоссиз гапирмоқ. *Одамлар аниқ бир тасаввурга эга бўлмагани учун, ҳар ким ўз ҳолича фол очарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Қорни очмоқ** Очиқмоқ, оч қолмоқ. **Кўриқ очмоқ** Ер ўзлаштирмоқ; фойдаланилмаган ерга экин экмoқ. *Кўриқлар очилиб, ҳали сизот сувлар оқиб кетадиган қувурлар ётқизилмай туриб, уларга ҳам чигит экилди.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОЧ-НАҲОҲОР рвн. 1 Эрта билан нонушта, наҳорлик қилмасдан. *Онамга ачиқ қилиб, мактабга оч-наҳор кетдим.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

2 Очин-тўқин, оч. *Ҳар кун қармоқ ташлайман, ўғлим оч-наҳор келса, тўйдираман деб.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ОЧОФАТ Ўтакетган очкўз, ебтўймас, баднафс. *Очофат ит.* ■ *Қоп-қора паишлар болакайнинг оёқларига, кир юзларига очофатдай ёпишар, келинойим эса ўчоқ бошида ҳеч нима эшитмаётгандай, нимадир пишираётганди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Очофат тиши билан ўзига гўр қазийди.* «Қанотли сўзлар».

ОЧ-ЯЛАНҒОЧ Овқат ва кийимга ёлчи-маган, зор, муҳтож; тиривчилиги оғир, қашшоқ. *Оч-яланғоч, эшикларда кўплар гадо, Кўролмайин бир дақиқа завқу сафо.* Ғайратий.

ОЧҚАМОҚ шв. Очқамoқ. *Бир кунги тулки бурынчи олдиға келса, бури жуда очқаб турган экан.* «Эртақлар».

ОЧҚИЧ айн. калит.

ОШ I [туркий-ф. آش — ёвфон шўрва, хўрда; овқат] 1 Пиширилган иссиқ овқат. *Уера ош. Хўрда ош.* ■ *Совчиларни яхши сўзлар ва қуюқ-сууюқ ошлар билан жўнатиб, иккинчи келишига ўйлашиб жавоб берадиган бўдилар.* А. Қодирий, Ўттан кунлар.

2 Умуман, ҳар қандай овқат, таом. *Ош тузи. Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич!* Мақол. *Элга берсанг ошингни, Эрлар силар бошингни.* Мақол. *Жон бўлса, жаҳон топилар, Ош бўлса, қозон топилар.* Мақол. ■ *Тўра қозон*

бошидан мис товоқда сууюқ ош олиб келиб, чордана қуриб ўтирди. Н. Фозилов, Дийдор.

3 айн. палов. *Ош дамламоқ.* ■ *Илгарилари лағмон ёки ош ейиш учун нуқул қорнонадан ташқарига чиқишга мажбур бўлар эдик.* Газетадан. -*Ултиринг, ўлтиринг, мехмон!* — деди уста Фарфи. — *Ошга сабзи босилди-пишди.* А. Қодирий, Ўттан кунлар.

Юртга ош бермоқ Тўй ва б. маъракаларда катта қозонда ош дамлаб, юртни зиёфат қилмоқ. *Ана холос, қози поччанг юртга ош бераётган бўлсалар, туянинг думи ерга тегибди-ку.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 этн. Баъзи муносабатлар билан ўтказиладиган зиёфатлар номининг таркибий қисми, мас. қиз оши, хотин оши, арвоқ оши, маслаҳат оши.

Ош бўлсин Еган-ичганинг татисин, сингсин, ёқсин каби маъноларда ишлатиладиган ибора. *Зарра бировнинг ҳақи ўзгага ош бўлмагай, Охири шармандалик, кимки ҳазар қилмасга.* Ҳабабий? **Ош қилмоқ** 1) ҳазм қилмоқ, сингдирмоқ; 2) бировнинг молини, пулини еб кетмоқ, ўзлаштириб юбормоқ. **Оғзидаги ошни олдирмоқ қ. олдирмоқ.**

ОШ II махс. Тери ошлашда ишлатиладиган молда.

ОША I Ошмоқ фл. рвдн. *Орзулари амалга оша бошлади.*

2 кўм. (б.к. билан) Устидан ёки ичидан ўтиб; орқали. *Алимардон унга елкаси оша қаради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қалам ва қалб соҳиби бениҳоя хилма-хил йўллар ва сўқмоқлар оша бетиним ўз чўққисини излайди, меҳнат ва машаққат билан унга етади.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка.

3 кўм. (б. к. билан) Давомида, мобайнида, бўйи. *Қақалоқлар оч ва яланғоч, Ер ва сув деб ўтди деҳқонлар, Йиллар оша, асрлар оша Ҳукм сурди шундай замонлар.* Э. Раҳим.

4 Орадан маълум вақт ўтказиб, орада маълум вақт қолдириб. *Кун оша. Ой оша. Йил оша.*

5 рвн. шв. *Жуда, ўта; ҳаддан ташқари.* *Хўройимнинг дарди оша ёмондир, Рустамни кўрмоғи унинг гумондир.* «Рустамхон».

6 рвн. шв. Узоқ, йвроқ, бегона (юрт, эл, мамлакат ҳақида). *Оша юртдан келдим сени сўроқлаб. Пиёда йўл юрдим, бағримни доғлаб.* Фозил шоир. *Оша юртдан келган экан зўравор, Бундай меҳмон, болам, сенга не даркор?* «Алпомыш».

ОШАЛАМОҚ айн. ошамоқ 1. *Марат қовурилган гўшт устидан тўғроғлиқ майда пиёз, пиёз орқасидан тузланган карамдан олиб ошалади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ОШАМ Бир марта ошаш учун мўлжаллаб сиқимланган қуюқ овқат (ош, шавла, норин ва ш. к.). *Биров бировни уйига таклиф қилса: «Чой қўйиб бераман, ош дамлаб бераман», «Марҳамат қилинг, бир ошам ошимиз бор», — дейди.* К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик. *Бердибойнинг қорни ҳар қанча оч ва ўн беи кунлардан буён иссиқ кўрмаган эсада, олдига қўйилган паловдан бир-икки ошам олиб, томоғидан нарига ўтказолмади.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

Бир (ёки бир-икки) ошам Озгина, арзиммаган. *Афанди мардикорчилик қилар эди, бир хасис одам уни ярим танга пул, бир ошам ошга баҳолайди.* «Латифалар».

ОШАМЛАМОҚ Ошам-ошам сиқимлаб оляб емоқ. *Эр-хотин лаганга қўл қўзиб, ошамлаб ея бошлашади.* Р. Файзий, Сен етвим эмассан.

ОШАМОҚ 1 Қўл билан ошамлаб оляб емоқ. *Паловни ким ёмон кўрарди, лекин профессор Обидийчалик унга бино қўйиб, чиройли ошайдиган одамлар кам бўлса керак.* Мирмуҳсин, Умид. *Қизил чиллақини иштаҳа билан ошаб, сўзни давом эттирди* Фазлиддин. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Умуман, емоқ. *Нонсиз яшаб бўлмас, гапни ошаб бўлмас.* Мақол. *Яхши бўлсанг яшарсан, насибангни ошарсан.* Мақол.

3 Бировнинг қўлидан бир ошам ош емоқ.

4 этн. Зиёфатда бировнинг қўлидан бир ошам ош еб, галдаги зиёфатни ўз устига олмоқ.

Ёшани яшаб, ошини ошаган қ. ёш II 1.

ОШАТМОҚ Ошамоқ фл. орт. н. *Ерга ошатсанг — ош битар, ошатмасанг — тош битар.* Мақол. ■ *Табаррук қўлингиз билан [ошдан] битта ошатингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОШАДМГИР айн. дамгир. *Иккита оқ пиёзни майда тўгради, унга нича мурч септи, пиёзни гурунчининг бир чеккасига кўмиб, ошдамгирни ёпти.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит.

ОШЁН [ф. آشيان — уя, ин; уй, кулба, бошпана] кт. 1 *Қуш уяси; ин. Қушлар ошёнидан учиб кетмишлар, Кеч кузак ҳайбати соя солганда.* А. Шер, Қадимги куй. *Чегара*

билмаган озод қалдирғоч Ошён топади бўғотимизда. Ф. Фулом.

2 *Ҳовли-жой, бошпана. Мен у тарафларда ҳовли-жой йўқ бўлса керак, деб хаёл қилган эдим, йўқ, қишлоқ аҳли биз кетган сойликнинг икки лабини ошён тутган экан.* М. М. Дуст, Лолзор. *Ватан деган чоғда оддий ошён — Ўлан тушагини англаганлар мўл.* А. Орипов, Йиллар армони.

3 *кўчма* Макон, эгалланган жой. *Лола деганимизда, қир-адирлар маликаси, лаъл бисотли гуллар ошённи кўз олдимизга келтиради.* Газетадан. [Булу] *Шамол қанотида йўл олди хушнуд Ошёнидан узоқ-узоқ томонга.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОШЁНА [ф. آشيانе — ин, уя; уй, бошпана] кт. эск. Бинонинг юқори қавати; юқори қаватдаги хона.

ОШИРИЛМОҚ Оширмоқ фл. мажҳ. н. *Ўқитувчиларнинг малакаси оширилди.* ■ *Симхаев заводдаги ерик ишчилар иш ҳақи оширилишини.. талаб этиб, иш ташладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Иш прокуратурага оширилган эди.* А. Мухтор, Қумуш тола.

ОШИРМА Хамири оширилиб, кўччи-тиб тайёрланган. *Оширма нон.* ■ *Оширма, яъни хамиртуруш солинган хамирда ҳар хил нон ёпиш мумкин.* Д. Сиддиқов, Лаззатли таомлар.

ОШИРМОҚ 1 Ошмоқ 1—7, 9—10 фл. орт. н. *Ойликни оширмоқ. Товуқлар сонини оширмоқ. Ҳосилни оширмоқ. Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар.* Мақол. ■ *Князь сув пулини уч барабар ошириб юборибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Одамларнинг руҳини кўтариши, ҳосилдорликни ошириши керак.* Т. Ашуров, Оқ от. *Мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириши билан янги объектлар ҳам барпо этилди.* «Фан ва турмуш».

Бошидан (ёки ўзидан, елкасидан) оширмоқ Масъулиятни бировга юклаб, ўзини ташвишдан, пшдан холи қилмоқ.

2 с. т. Бировга бериб, ўтказиб юбормоқ; пулламақ, сотмоқ. *Жиноят ишини коптоксимон терговдан терговга, суддан судга ошираверди.* Газетадан. *Агар.. қўтичани бирор ерга оширган бўлсанг, ҳали ҳам яхшиликча ўрнига қайтар, — деди Ҳожжи бобо Шум болага.* Ф. Фулом, Шум бола. [Марасул:] *Хуморхон шунақа нарсаларга уч, ўшанга оширамиз.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

3 Бўрттирмақ, муболаға қилмоқ. Мақтовини оширмақ. ■ -Иўқ, сиз жуда ошириб юбордингиз, Сайфуллаҳужа, — деди бошини чайқаб, — сизларникида кунига уч-тўрт маҳал эмас, бир маҳалгина иссиқ овқат ер эдим. П. Турсун, Уқитувчи. Сидоров ошириб юборганини тушунди. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Опирмай-топирмай Қандай бўлса ўша ҳолияча; бўрттирмай, муболаға қилмай. Кунлар ўтаверди. Умид асло пинагини бузмади. Комиссияга бор ҳақиқат гапни оширмай-тоширмай айтди. Мирмуҳсин, Умид.

4 Маълум чегара ёки баландликдан ўтказмоқ. Бу сафар Ҳабибулло полвон Куллалик полвонни елкаси узра ошириб, отиб ташлади. Т. Ашуров, Оқ от. Тўрт-беш метр баландга етганда, инқиллаб, қанордаги тупроқнинг ярмини елкасидан ошириб тўқади-да, қолганини дўнганга опчиқиб кетади. С. Аҳмад, Уфқ.

Амалга оширмақ қ. амал 1. Ўйлаган режасини амалга оширмақ.

ОШИФТА [ф. اشفتہ — ҳайрон, лол бўлиб қолган; хяжолатда қолган; опшиқ] кт. Севиб, мафтун бўлиб қолган; опшиқ, шайдо. Табиат ошифталарининг маълумотларига қараганда, дунё буйича лоланинг 140 дан ортиқ тури қайд қилиниб, мамлакатимиз кўламида 83 турд рўйхатга олинган. Газетадан. Ўзбек тупроғидан келибман бу бор, Сенгадир ошифта қалбим сафоси. А. Орипов, Ўйлар армони. Ошифта бу дил сатрини сайқалласа зора, Бўстон буйи кокиллари, тўхтанг, менга навбат! Т. Тўла.

ОШИФТАЛИК Ошифта эканлик; мафтунлик. Одам бор экан, унинг идеалдаги барнолиги, ошифталигию паривалиги ҳар доим тараннум этилаверади, меҳнатдаю ҳуснда яккалиги куйлаверади. «Ёштик».

ОШИФТАҲОЛ [ф. + а. اشفتہ حال] кт. Ҳаяжонга тушган, эс-ҳушидан адашган, парижонхотир. Харобат аро кирдим ошифтаҳол, Май истарга илкимда синган сафол. Алишер Навоий.

ОШИҚ [а. عاشق — севувчи, севиб қолган; хуштор; мухлис] 1 Бировни жуда севиб, унга шайдо бўлиб қолган, бировга муҳаббат қўйган киши; хуштор. Ошиқи беҳарор. ■ Муҳаббат дардига мубтало ошиқ, Сенга ҳавас билан боқурман чиндан. А. Орипов, Ўйлар армони. [Тўхфа:] Мирзо Анвар-

га ошиқ бўлган экансан, Нозик! А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Кўчма Бирор нарсани жуда яхши кўриб қолган, унга берилган; мухлис. Шегр ошиғи. Мусиқа ошиғи. ■ Ботирали! Эъзозхон! Қани, бери келинлар! — деб [Ғофир ота] гул ошиқларини ўз ҳузурига чақирди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Ойқиз бу қизга узоқ тикилгач, уни ашула ва дотор ошиғи бўлса керак, деб ўйлади. Ў. Рашидов, Бўрондан кучли.

ОШИҚ I 1 анат. Айрим ҳайвонларнинг орқа оёғи тизза бўғимидаги бириктирувчи чорқирра суякча. Эчкининг ошиғи. Туянинг ошиғи.

2 Шундай суякча (одатда, қўй ошиғи) воситасида ўйналадиган ўйин. Ошиқ отмоқ. ■ Менинг ёшлигимда бирга ошиқ ўйнаб, яхмалак отиб ўсган бир оғайним бор. Шукрулло, Сайланма. Тавба! Эшон «гардам» деб ошиқ отадики, а? Ойбек, Танланган асарлар. Энди ҳовиларнинг эшиклари очилган, болалар чўнтақларини ёнғоқ, ошиқларга тўлдириб, кўчага чиқа бошлашган эди. Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

Ошиғи олчи бўлмоқ Иши бароридан келмоқ, муваффақиятга эришмоқ. Аранг ғалабага эришдим. Энди мен билан бамаслаҳат иш юритсангиз, кам бўлмайсиз, доим ошиғингиз олчи бўлади. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ОШИҚ II 1 Маълум миқдордан кўп; ортиқ. Мажлисга юздан ошиқ одам қатнашди. Бу китобни ёзишга беш йилдан ошиқ вақт сарф бўлди.

2 Белгиланган нархдан юқори, ўз нархидан ортиқ, қиммат. Мендан беш сўм ошиқ олибсиз. Ошиқ баҳо билан сотмоқ.

Ошиғи билан 1) маълум миқдордан ошириб; ортиғи билан. Режа ошиғи билан бажарилди; 2) кўп деганда, кўпи билан, нари борса. Ремонт учун ошиғи билан бир ой кетади. Бу нарса ошиғи билан минг сўм туради.

3 Меърдан ортиқча. Яхшибоев сўзларни сал бетартиб тизганини, қарагидан ошиқ баландпарвоз оҳанг тутганини найқади. М. М. Дўст, Лолазор. Сал бурнидан ошиқ гапирсанг, бирор йўғин-пиғинда, «Аҳли жамоа, қассобни алмаштирмасак, бўлмайди», деб қолишдан тоймайди бу чол! Н. Норқобилов, Тўқнашув.

ОШИҚИНМОҚ кам қўлл. Сабрсизлик билан интилмоқ. Мулла Абдурахмон Кўқон

сафарига ҳозирланаркан, кўнгли Қўқонда ўзини кутиб турган уламолик шухратига: муфтилик, қози ва аъламлик мансабига ошиқинар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ОШИҚЛАРЧА Ошиқларга ўхшаб, ошиқона. Кечагина мен ошиқларча Ялингандим: «Унутма мени». «Саодат».

ОШИҚЛИК I Севяб қолганлик, хушторлик. Ошиқликдан жинни бўлай деяпти. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. -Энди билдим, ошиқлик оғир дард экан. Бошимда тушганда билдим,— деди [йигит]. П. Турсун, Ўқитувчи. -Йулчига ачинаман,— деди чол,— ошиқлик йўлга кирганини билар эдим. Ойбек, Танланган асарлар.

ОШИҚЛИК II Кўплик, ортиқчалик. Ҳосилнинг режадагидан анча ошиқлиги аниқланди.

ОШИҚ-МАЪШУҚ [عاشق-معشوق] Бир-бирини севган, бир-бирига муҳаббат боғлаган йигит билан қиз. Бироқ бу икки бахтиёр ошиқ-маъшуқ олдинда тақдирнинг қандоқ ўйинлари борлигини билишмас эди. С. Аҳмад, Уфқ. Иккиси ошиқ-маъшуқ.. манга қолса, айб Йулчида эмас, айб Гулнор шайтонда [деди Нури]. Ойбек, Танланган асарлар.

ОШИҚ-МОШИҚ [қ. ошиқ-маъшуқ] Эшиқ, дераза каби нарсаларни ўрнатиш ва уларнинг очилиб-ёпилиши учун хизмат қиладиган металл буюм. Ҳў, зинанинг тепасидаги қопқоқни кўряпсанми? Ушанинг ошиқ-мошиқни кўчирса буларкан. Фақат бунинг учун бир парча темир керак. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Бу вақт ҳовли эшиги тарақ этиб очилиб, бир тавоқаси ошиқ-мошиқидан учиб кетди. А. Мухтор, Опасингиллар.

ОШИҚМОҚ Кўзланган ишнинг, мақсаднинг тез амалга ошуви учун интильмоқ, сабрсизлик билан ҳаракат қилмоқ; шошылмоқ, интиқмоқ. Ёрдам беришга ошиқмоқ. Ошиққаннинг ошиғи олчи бўлмайди, Мақол. ■ Тўхтахола.. қанчалик ошиқмасин, чолларга ета олмади, улар идорага кириб кетишиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Мамат қассоб қанчалик ошиқмасин, қадами унмаётгандек эди. Н. Норқобялов, Тўқнашув.

Юраги ошиқмоқ Юраги бесаранжом бўлмоқ, ҳовлиқмоқ, [Ҳожи хола:] Эртасига.. Фуод афандининг келишини ё чақиртиришини кутмасдан-ла, юрагим ошиқиб, хужрасига кириб бордим. М. Исмоилов, Фарғона т. о.

ОШИҚОНА [a. + ф. عاشقانه — муҳаббат, меҳр қўйиб, эҳтирос билан; сидқидилдан] I рви. Ошиқлар каби, ошиқлардек, ошиқларча. Ошиқона куйламоқ. ■ Чекка-чеккада жуфт-жуфт бўлиб, ошиқона кезаётганлар кўзга алақандай шарпадек кўринарди. «Ёшлик».

2 Севги, ишққа тегишли, оид. Ошиқона хат. Ошиқона ғазал. ■ Ошиқона сўзлар, асрлик мунг ва зорлар битилган кутилмаган мактуб Аброр кўнглини бутун ўзгартирди. Ҳамза, Танланган асарлар.

ОШИҚЧА I Керагидан ортиқ, кўп; ортиқча. Ошиқча юк. Ошиқча ҳаракат.

2 Кераксиз, беҳуда. Ошиқча гап. ■ Ҳозир у Яхшибоевдан норози бўлди, лекин сиртига чиқармади, гарчи ошиқча ташвиш бўлса-да, ўзи гап қотди. М. М. Дўст, Лолазор. Вазири бузрук Шерназарбойнинг муддаосини пайқади, энди у билан ошиқча сўзлашиб ўтиришининг фойдаси йўқлигини билди. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Кўшимча, ортиқча. Режадан ошиқча маҳсулот. Ошиқча ҳақ тўламоқ.

ОШИҒИЧ Тез бажарилиши, тезда амалга оширилиши лозим бўлган, кечиктириб бўлмайдиган; шошилинч, зуд. Яхшибоев қабулдан кўнгли тоғдай кўтарилиб чиқди-ю, Курбонойга ошиғич телеграмма жўнатди. М. М. Дўст, Лолазор. Кутилмаганда кўча эшик тагига алақандай машина иштовб билан келиб тўхтаб, кимдир ошиғич пастга тушди. М. Мансуров, Ёмби.

ОШИҲАЛОЛ, ошҳалоол [ф. + a. آش حلال] — ҳалоол меҳнат билан топилган овқат] Чупон ёки подачининг меҳнати эвазига оладиган озик-овқати, нони. -Уйдаям иш кўп, бозор куни ошҳалоолгаям чиқа олмайман, — деди Эшмамат подачи. М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. Ошҳалоолни одамлар пул йўғида ўйлаб топилган. «Ёшлик». Ниёз бобо менга тўланадиган ҳақдан гап очди: -Энди, келин, ўзинг тушунасан, юртда оғирчилик, ошҳалолга подани боқади-да ўғлинг. С. Сиеёв, Саратонда қор ёғди.

ОШКАДИ с. т. айн. ошқовоқ. Ошқади каллага ҳар хил гап келади. Ш. Холмнрзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

ОШКОР [ф. آشكار — аниқ, равшан, кўриниб турган, очиқ-ойдин] I сфм. Ҳаммага маълум, кўриниб турган, аён; очиқ-ойдин. Ошкор иш. Ошкор зиддият. Ошкор

муҳаббат. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Мақол. ■ Раҳимов қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Унинг кулгисини микрофон ҳаммага ошкор қилди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Нечук, юрак сирларини ошкор этмоқ унга жуда зарур бўлиб қолибди? Мирмуҳсин, Умид.

2 рвш. Яширмасдан, рўйирост; ошқора. Бу гал, эл-юрт олдидан ошкор, тортинмай узоқ ўтишдилар. Шухрат, Пинелли йиллар. Домла. заҳарли экани ошкор сезилиб турган бу чучмал кулгига эътибор қилмади. М. Исmoilий, Фаргона т. о.

ОШКОРА [ф. آشكارا — аниқ, очпқ-ойдан, очпқчасига] 1 айн. ошкор 2. Ошқора сўзлашмоқ. ■ Фотиҳа бўлгандан кейин ошқора учрашув уларга ман этилди. Урф шунақа, одат шунақа, начора. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Ўзларингиз ошқора гаплашиб олинглар. Орқадан ғийбат қилгунча, ҳар қандай гап бўлса, шартта бетга айтиш керак. С. Сиеёв, Ошпқ аёл.

2 сфт. Очиқ-ойдин, ҳаммага маълум бўлиб, кўриниб турган; аён. Яширин дўстдан, ошқора душман яхши. Мақол. ■ Шаҳарнинг кўп хуфия ва ошқора савдогарлари Муҳаммадражабга қойил қоладилар. А. Қаҳҳор, Сароб. [Нури] Қизнинг юрагидаги сирларни бутунлай ошқора қилишни истади. Ойбек, Танланган асарлар.

ОШКОРАЛИК Ошқора хусусиятта эгаллик; очиқ-ойдинлик. Суднинг ошқоралиги. ■ Ошқоралик салбий ҳодисаларга қарши, жамиятимиз қонуларини бузаётган кимсаларга қарши қудратли қуролдир. Газетадан. Райком вакили, гарчи ўзи бирон кишининг шаънига танқидий фикр айтмаган бўлса-да, бошқаларни ошқораликка даъват этди. «Ёшпқ».

ОШКЎК Таомларга кўпиладиган, овқат билан кўшиб ейладиган кашнич, барра пийёз, укроп каби кўкатлар. Маълумки, иссиқ иқлимли мамлакатларда яшовчи аҳолининг пазандачилигида зирavorлар ва ошкўклар кенг қўлланади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Эътиборлиси, улар томонидан ташкил этилган ярмарка савдоларида ошкўклардан тортиб қовун-тарвузгача, чорвачилик маҳсулотларигача бор. Газетадан.

ОШЛАМОҚ I Махсус моддалар, эритмалар билан хом терига, мўйнага ишлов бермоқ, терининг жунини тўймоқ, терини яланғочламоқ. Кеч билан ўзим бош бўлиб

таначани сўйиб, ёғ-ғўитини хумга урдик. Терисини эшон, вақти келганда пишириб, маҳси қиларман, деб ошлашга буюрди. Ф. Ғуллом, Шум бола. Ҳар қандай ҳайвон териси ҳам ошланса, тоза ва пок бўлади. «Фан ва турмуш». Чавандоз эгарга қоплама қиламан деб, тери ошлаётган экан. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ОШЛАМОҚ II с. т. Ош емоқ, овқатланмоқ; ош, овқат бермоқ. Энди ошин ошлайди, Тоғдан аста настлайди. «Нурали».

ОШЛИ сфт. Ошга эга бўлган. Ошли қозон. Ошли қўл. ■ Ошли оғиз билан бошланган хиргойи томоққа тўқилди, мингбоши кўрқиб кетди ва оғзидаги ошини косага пуркаб, яна ошга қўл узатди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ОШЛИК Ош қилиш учун етарли масаллик, нарса. Бир ошлик масаллик. Икки ошлик туз.

ОШЛИҚ эск. кт. Ғалла, дон. Кузга бориб ошлиқ ҳам, пахта ҳам ёлчитмади. С. Сиеёв, Ёруғлик. Не ажабким, марҳум Шариф тарро хондан бир ғалвир ошлиқ сурамаганида, унга улим йўқ эди. «Ёшпқ».

ОШЛОВЧИ I Ошламоқ I фл. сфлш. Тери ошловчи ишчилар.

2 Тери ва мўйна ошлашда ишлатиладиган, ошлашга ёрдам берадиган. Ошловчи модала.

ОШМОҚ I Миқдор ёки ҳажм жиҳатидан кўпаймоқ; ўсмоқ; ортмоқ. Факультетдаги талабалар сони беш юздан ошди. ■ Пахта йилдан йилга мўл бўлиб, фойдаси ҳам ошиб турибди. Ойбек, Танланган асарлар.

Ишп бошидан ошиб ётмоқ (ёки кетмоқ) Иши жуда кўп бўлмоқ, жуда кўпайиб кетмоқ. Директорнинг пешоналари тиринди-ю, салгина норозилик маъносига ўзига-ўзи деди: «Мана, ишлар ҳам бошимдан ошиб кетди». Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Набирали бўладиган Ўзбек ойимнинг иши бошидан ошган.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ортмоқ, ортиб қолмоқ. Харажатдан беш сўм ошиб қолди.

3 Кўтарилмоқ. Ойим куйди-ёнди, дадамнинг қон босими ошиб, касалхонага тушиб қолди. С. Сиеёв, Ёруғлик. Саодат лабини жийриб, ишачани қайтиб узатди: -Йўқ, беш сўмдан ошса олмайман.. «Ёшпқ». Ҳали офтобнинг дами қайтмаган, Қўшариқнинг катта кўчасидаги азамат тераклар томдан

ошиб, ҳовлига *тўрт энликкина соя ташлаган пайт эди*. С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳар кун мол нархи ошади, бозорда савдогарларнинг қулоғи тик-кайган*. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Маълум бир пайт чегарасидан ўтмоқ; кечмоқ; оғмоқ. *Вақт ярим кесадан ошди*. Соат ундан ошди. *Иш бошлаганимга беш ой-дан ошди*. Ёшим қирқ бешдан ошди. ■ Соат олтига белгиланган тўй соат ундан ошганда бошланибди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

5 Мол сотиб олишда унинг баҳосини оширмоқ, нархига нарх қўшмоқ, орттирмоқ. *Бошқа бир рақиб илмасин, деган андиша билан баққол ҳам бир тангалаб ошаверди*. Ойбек, Танланган асарлар.

Ким ошди савдоси Молини очиқ савдога қўйиб, уни энг юқори нарх қўйган кишига сотиш усули; аукцион.

6 Кучаймоқ, зўраймоқ; янада сезвларли, таъсирли бўлмоқ. *Алами ошди*. *Завқим ошди*. *Ихлосим ошди*. *Кайфи ошди*. *Файрати ошди*. *Ишга ҳаваси ошди*. ■ *Уйда ўтиравериб, Муроднинг ҳуноби ошиб кетди*. Т. Ангуров, Оқ от. *Искандар ич-ичидан жиғибийрони ошиб, терс бурилиб чиқиб кетди*. М. Мансуров, Ёмби.

7 Такомиллашмоқ, яхшиланмоқ; юқори босқичга кўтарилмоқ. *Сотувчининг малакаси ошди*. *Ҳуқуқий онгимиз ошмоқда*. *Қадрласанг, қадринг ошар*. Мақол. ■ *Бу ҳужжатни бутун районга тарқатмоқчимиз, Шер, обрўйинг ошиб, чўққига кўтарилаётганингни билаясанми?* И. Раҳим, Ихлос.

8 Бирор жиҳатдан ёки бирор соҳада бошқалардан ўтиб кетмоқ, ўзмоқ, зўр чиқмоқ, орқада қолдирмоқ. *Агар енгсанг, зўр келсанг, ошсанг, Доим сени тўйга бошлайман*. Э. Раҳим, Янги қалам.

Ошиб тушмоқ қ. тушмоқ 24. *Мамат қас-собники ҳаммадан ошиб тушди*. *У бошқалардек қилмади-ю, лекин чиқиб кетди*. «Ёшпик».

9 Маълум бир тўсиқ, чегара ёки баландликдан ўтмоқ. *Довон(дан) ошмоқ*. *Девордан ошмоқ*. *Тоғ(дан) ошмоқ*. *Сув тўғондан ошиб тушяпти*. *Қимирлаган қир ошар*. Мақол. ■ *Шермат девордан ошиб, ҳовлига тушди ва оёқ учига юрганча, бурчакдаги уй олдига келди*. «Ёшпик». *Саломат қизлар билан боғ-ма-боғ ошиб келиб, девор раҳнасидан қўшиқ-қа қулоқ соларди*. С. Аҳмад, Ҳужм.

Умбалоқ ошмоқ қ. умбалоқ. *Ит умбалоқ ошиб, бели билан деворга бориб урилди, кўз-*

лари тубсиз қаҳрга тўлиб, гингшиди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

10 Қўлдан қўлга, бир ташкилотдан бошқасига ўтмоқ. *Иш терговдан судга ошди*.

11 Кўпмоқ, кўпчимоқ (хамир ҳақида). *Хамир ошди*.

Амалга ошмоқ қ. амал 1.

ОШНА [ф. آشنا — таниш, маълум, дўст киши; бир нарсани билувчи] **1** Таниш, таниш-билш. *Бир кўрган ошина, Икки кўрган қариндош*. Мақол. ■ *Норбўтанинг қизи докторликка ўқийди, мингта ошинаси бор десанг-чи!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 Ўртоқ, дўст. *Пул ошинаси ошина бўлмас, пукакдан पोшна бўлмас*. Мақол. ■ *Ўрмонжоннинг отаси Омон ака Сидиқжоннинг отаси Соҳибжон ака билан жуда қалин ўртоқ эди; икки ошина ўлиб кетгандан кейин, Ўрмонжон билан Сидиқжон чинакам ака-укадай бўлиб қолишган эди*. А. Қаҳҳор, Қўшчирор чиқроқлари. *Аҳмад Ҳусайн Искандаро олдига бориб келиб, қалин ошина бўлди*. Ойбек, Нур қидяриб.

3 Ўз тенгқурларига нисбатан мурожаат шакли.

4 Илгаридан маълум, таниш. *Уш тоғлари, қўрқинч жарлари, жилғалари, адирлари — барчаси бизга кўндан ошар*. Миртемир, Асарлар. *Сафаргадига бу қўмлар чақалоқ вақтидан ошина*. *Қорақумда унинг киндик қони тўжилган*. Ж. Шарипов, Хоразм.

5 Хабардор; биладиган. *Анвар.. яхшигина форсixon ва бир даража араб тилига ошина эди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Менинча, машинанинг «иллати» тўғрисида гапириб юрувчилар техникага оина бўлмаган кишилар бўлса керак*. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

Моховга ошна қилмоқ қ. мохов. *Яхши-боевнинг биринчи бор сўжиши эмас, лоф бўл-саям, бирор минг бора моховга ошина қилиб сўжкандир?* М. М. Дўст, Лолазор.

ОШНА-ОҒАЙНИ Яқин таниш-билшчлар, дўст-биродар, қадрдонлар. *Ошина-оғай-нилариинг ҳайшари билан данғиллама қилиб бир уй, бир айвон солиб олдим*. Ф. Фулом, Тирвлган мурда. *Нормат қадрдон баталь-онига келиб, ошина-оғайнилари билан учра-шаркан, севинчини юраига сиғдирилмай, жуда гапдон бўлиб кетди*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОШНА-ОҒАЙНИГАРЧИЛИК **1** Ошина-оғайнилари, дўстлар ўртасидаги муноса-

батлар, борди-келди алоқалари. *Бизнинг Набиғул одам эмас ўзи! Ёш-да, ҳали ошна-оғайнигарчиликни билмайди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Ошна-оғайнилар манфаатини кўзлаб, ишта зарар келтириш, ошна-оғайнилар манфаатини хизмат манфаатидан ҳоқори қўйиш. *Иида ошна-оғайнигарчилик бўлмайди.*

ОШНА-ОҒАЙНИЛИК айн. **ошна-оғайнигарчилик**. *Ҳой, Эргаш полвон, дунёда ошна-оғайнилик бор экан, туғриланмайдиган иш бўлмайди.* Шукрулло, Сайланма.

ОШНАЧИЛИК айн. **ошна-оғайнигарчилик** **1.** *Мен биров билан ошначилик қилсам, ҳатто ундан жонимни ҳам аямай, кўнглини олмоққа тиришаман.* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар.

ОШНО [ф. **آشنا**] айн. **ошна**. *Қушдан дўст топгандим, кўп кўрди фалак, Энди қайлардасан, ошно каклигим.* А. Орипов, Ёйлар армони.

ОШ-НОН Озиқ-овқат. *Мухаббат ош-нон бўлиб қорин тўйгазмайди.* Т. Ануров, Оқ от.

ОШПАЗ [ф. **آشپز** — овқат, ош пиширувчи] Овқат тайёрлаш, пишириш билан шуғулланувчи шахс. *Ошпаз йигит қайрағоч тағидаги катта супага жой қилиб, дастурхон ёзди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Шавла жуда тотли туюлди — ошпазни мақтадилар,* Ойбек, Кўёш қораймас.

ОШПАЗЛИК Овқат пишириш билан шуғулланиш; ошпаз касби. *Жўра ака ошпазлик сирларини отасидан ўрганди.* Газетадан.

ОШПИЧОҚ Сербар, учи тўмтоқ махсус катта пичоқ. *Искандар, ёмон ҳид келгандай, бурнини жийриб, ошхона тарафга қаради, айвон устунига суяб қўйилган кунда ва катта ошпичоқни кўрди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОШСИРАМОҚ с. т. Ош истаб қолмоқ, ошни тусамоқ; очикмоқ. *-А, — деди мингбошиғиғиниб, — ошсираб қолдингми? Очи-сан?* М. Исмоилов, Фарғона т. о.

ОШ-СУВ Куюқ-сууюқ овқат, ош-нон; зифат. *Кампир: —Бир кеча меҳмон бўлиб кетсанг, ҳеч нарса қилмас, ош-сув қилмасдан ҳеч қайққа юбормайман, — деб туриб олди.* «Ёшпик». [Олаҳўжа:] *Тезроқ тўй қилиб, ош-сув билан халойиқнинг оғзини мойлаши керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ОШТАХТА Хамир ёйиш ва ундан лағмон, угра, пилпилдоқ ва ш. к. кесишда фойдаланиладиган махсус тахта. *Кўзи оштахтада-ю, хаёллари қўшниси Мирзаалининг ҳовлисида кезаётган бўлса ҳам ажаб эмас..* Х. Тўхтабоев, Ёйлар ва йўллар.

ОШУФТА айн. **ошпфта**. *Биринчи галда аёл муҳаббат ошуфтаси.* «Ёшпик». *Шунинг учун синфдаги ҳамма болалар Нилуфарга ошуфта.* «Ёшпик».

ОШУФТАҲОЛ айн. **ошпфтаҳол**. *..Кўр бахшиларнинг термасини эшитиб, Аваз ошуфтаҳол бўлди.* С. Сиеев, Аваз. *Ариқчада гирдобларан бир хаёл, Термулганда мироблар ошуфтаҳол.* М. Кўшмоқов, Али Қамбар.

ОШХАМИР Лағмон, угра, чучвара каби таомлар қилиш учун мослаб тайёрланган пишиқ хамир.

ОШХОНА [ф. **آشخانه**] **1** Овқат тайёрлаш учун мосланган махсус хона ёки бино. *Ошхонада ғимирсиб юрган Рисолат укасининг олдига бир чойнак чой келтириб, ўзи ҳам ёнига ўтирди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бу хонадоннинг ошхонаси бўлмагани учун бўлса керак, ҳалиги айвоннинг бир бурчагига ўчоқ қурилган.* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар.

2 Умумий овқатланиш муассасаси. *Ариқ буйига ўнлаб чойхона ва ошхона қурилган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кинодан чиқиб, ошхонада бирга овқатланишиди, биринчи марта икковлари бир стол атрофида ўтириб овқатланишарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ОШХҲР [ф. **آشخور** — ош еувчи] **1** Паловни яхши кўрадиган киши. *Профессор жуда ошхўр, девзира гурудан дамланган думба ёғининг паловини ҳамма таомлардан аъло кўради.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Овқатга солинадиган, овқат учун ишлатиладиган; овқат билан ейиладиган. *Ошхўр кўжатлар киши саломатлигини мустаҳкамлайди.* «Саодат».

ОШХҲРАК [ф. **آشخوراک** — овқат ейиш] **1** Овқат еяётганда уст-бошга тегизмаслик учун буйинга боғлаб олиннадиган, кўкракни ёпиб турадиган фартукча. *Болага ошхўрак боғламоқ.*

2 эск. Ўқувчиларга овқатланиб олиш учун бериладиган танаффус.

ОШХҲРЛИК **1** Ошпи, паловни яхши кўришлик; тўйиб ош ейиш.

2 Улфатлашиб ош қилиб ейиш. *Луғумбек чойхоналарида ошхўрлик, аскиябозлик алла-*

паллагача давом қиларди. С. Аҳмад, Уфқ. Назирқул яна ошхўрлик бўлишидан севиниб, пидираганича Азим бойваччанинг ҳовлисига қараб кетди. С. Аҳмад, Ҳукм.

ОШ-ҚАТИҚ Тирикчилик учун зарур озиқ-овқат. Энди беш-олти кунлик ош-қатиққа нафи тегмаса, нима қилиб ўстирдим буни? П. Турсун, Ўқитувчи.

Ош-қатик бўлмоқ Бирор шахс билан борди-келди қилмоқ, яқин муносабатда бўлмоқ. Қулоғингизда бўлсинки, мана шу Турғунбоевнинг бир бошлиғи бор, зинҳор у билан ош-қатик бўла кўрманг. А. Муҳиддин, Тўғри таъбир. Муроддан сурайсиз. Бинафша-хон Ғайбаров билан ош-қатик, дейишади. «Ёштик».

ОШҚОВОҚ қ. қовоқ I. Ошқовоқ сувда, сутда қайнатиб, буғлаб, димлаб, қовуриб истеъмол қилинади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Ошқовоқ билан тошқовоқни фарқ қилмайди, деб ўйлайсизми? Ойбек, О. в. шабадалар.

ОШҚОЗОН анат. Инсон ва ҳайвонларда овқат ҳазм қилиш йўлининг кенгайган қисми; қопчага ўхшаш овқат ҳазм қилиш аъзоси; меъда. Ошқозон касалликлари. Ошқозон ости безлари. ■ Ушбу ичимлик иштаҳа очадиган, чанқоқни босадиган, буйрак, ошқозон ва ичак хасталикларига дори эканлигини тасдиқлайди. К. Маҳмудов, Қизқарқали пазандалик.

ОЯТ [а. آیت — белги, нишон; мўъжиза] дин. Қуръон сураларининг ҳар бир жумласи, ҳар бир банди. Мехроблар теңасига «хатти ишкаста» хати билан оят ёзилган. Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. Баъзилар чўккалаб ўтириб олиб, ўзлари билган оятни тиловат қилмоқда. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Қуръони каримда Од қавми тўғрисида жуда кўп оятлар нозил қилинган. Газетадан.

ОҚ I I сфт. Қор, сут, пахта рангдаги. Оқ дока. Оқ қоғоз. Оқ нон. Оқ ит, қора ит — барибир ит. Мақол. ■ Салимбой. йўғон гўштдор қўлларни қордай оқ сурп тўшалган столга қўйди. Ойбек, Танланган асарлар. [Кумушининг] ..илжайишидан ёқутдек лаблари остидаги садаф каби оқ тишлари бироз кўриниб қўйдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Оқ тусга мойил, тиниқ (юз, бадан туси ҳақида). Оқ бадан. Оқ танли. Оқ юзли. ■

Хотин ўтирмоқчи бўлган эди, паранжи ичидан унинг атлас кўйлаклари ва нафис оқ қўллари кўриниб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Оқ билак Қўлини совуқ сувга урмайдиган, фақат ўзига оро берадиган (аёл ҳақида).

3 айн. **оқлик**. Болаларим, оққа етамиз, деб кўзларингиз оқараёзди, бу зормондани сўйиб, пулига жой қиламиз, дедилар. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Ошлага берилган ана шундай соғлом сигир туфайли неча киши, айниқса, болаларнинг оғзи оққа — сут-қатиққа тегади. Газетадан.

4 от, с. т. Ароқ. Хоҳи пиво, хоҳи вино, хоҳи коньяк, хоҳи оқ, Нўш этиб, уйга келурман, ерда турмайдуру оёқ. Ҳабиябий.

5 сфт. кўчма тар. Чор Россияси подшошига тегишли; унинг тарафдори; контрреволюционер. Оқ амалдорлар. Оқ гвардиячилар. ■ Оқ пошшонинг кумуш нишони билан Кўтариб юрди у ўша ханжарни. Х. Даврон, Қақнаб.

Оқлар (фақат кўпл. ш.) Оқ гвардиячилар. Чапай аскарлари келдилар босиб, Босиб келди улар оқлар устига. А. Орпов, Йиллар армони. Раззоқ қизил армияга кўнгилли бўлиб ёзилиб, оқларга қариши курашаман, деб қолибди. Ҳ. Фулом, Машъал.

6 сфт. Охирги, тоза (қўлдан чиқариш ёки пардозлаш учун қилинган охирги иш ҳақида). Оққа кўчириб. ■ Жавоб мактубини оққа кўчириб улгурмасидан, ҳовлини отларнинг дупури қолаб кетди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Муҳаммад энгилланиб ўрнидан турди ва сўнги шеърини бироз тузатиб, оққа кўчириш учун уйга бормоғи кераклигини айтди. Ойбек, Нур қилириб.

Оқ сувоқ Қора сувоқ устидан берилган текис сувоқ, пардоз сувоқ.

7 от Гуноҳсиз, шаънига доғ тушмаган киши; тўғри, ҳақиқат. Текширамиз: оқни оққа, қорани қорага ажратамиз. С. Аҳмад, Ҳукм. Бизга ўқитувчилар ҳам, Султонова ҳам тенг: оқ бўлса — оқ деймиз, қора бўлса — қора. С. Зуннунова, Олов.

Оқ-қорани тапиган қ. тапимоқ. Оқдан қорани (ёки оқ-қорани) ажратмоқ Ёмон билан яхшини, дўст билан душманни, фойда билан зиённи фарқламоқ, тушунмоқ. -Бизнинг мақсадимиз — кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата ола-

диган бўлсин! — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

8 от Оқарган тук, мўй; соч ва соқолнинг оқарган қисми. Сочнинг оқи. Соқолнинг оқи. ■ «Отни единг», дедим ичимда. Бошқаси бўлса, қамчин билан солар эдим, лекин соқолнинг оқини ҳурмат қилдим. Ойбек, Танланган асарлар.

Сочига (ёки соқолига) оқ кирган (ёки тушган, оралаган) Сочи ёки соқоли оқара бошлаган. Ёши эликдан ўтган бўлса-да, Бури аканинг сочига оқ ораламаганди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. У, қирқ беш ёшларда, новча, соқол, мўйловларига анчагина оқ тушган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

9 от Кўзнинг қорачиқни ўраган, тиниқ рангли, шаффоф қисми. Кўзнинг оқи.

10 от Баъзи касалликлар натижасида кўз қорачиғида пайдо бўладиган оқиш доғ, парда. Унинг кўзига оқ тушибди. ■ Бечоранинг жиндек айби бор экан: юзи чўтир, ўнг кўзида нўхатдакклина оқи бор экан. П. Турсун, Ўқитувчи. Зарчаванинг шираси кўзни ўткирлаштиришга, қорачиғидаги катаракта ва оқни кетказишга жуда фойда қилади. К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик.

11 от Тухумнинг оқсил моддаси.

Кўзининг оқи қораси қ. кўз. Манглайи оқ бўлсин Яхшилик ниятида тиланган олқиш, дуо. Толеинг тоабд бўлмасин қора, Манглайинг оқ бўлсин, ярқироқ бўлсин. А. Орипов, Йиллар армони. Оқ ичмоқ (ёки урмоқ) Қадаҳда ёки идишда қолдирмай, ҳаммасини ичмоқ, сипқармоқ. Мана шу қимизни бир оқ уриб беринг. С. Аҳмад, Уфқ. [Шариф:] Дарҳақиқат, ўртоқ Камолов, пахтакорларнинг меҳнати энгиллашсин, деб янги ихтиро яратган экан, келинг, дўстлар, оқ ичайлик! Н. Сафаров, Кямга тўй, кямга аза. Оқ йўл қ. йўл. Оқ киймоқ этн. Мотам либосини киймоқ, баъзи жойларда, аксинча, таъзия муддати тутагач, қора кийимни оқ кийим билан алмаштирмоқ, мотам либосини ташламоқ. Рўзимуроднинг онаси аза очди. Қариндошлар оқ кийиб, овоз чиқардилар. Ш. Ашурова, Янга. Оқ кўнгал қ. кўнгал 1. Оқ олгин Пахта. Оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ Берган сутига, боққанига норози бўлмоқ, фарзандидан норози бўлиб, ундан юз ўтирмоқ. [Ўзбек ойим:] Энди менга мундоқ ўғил керак эмас.. оқ сутимни оққа, кўк сутимни кўкка соғдим.. Энди Тошкентга

келмасин. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Оқ фотиҳа қ. фотиҳа 3. Оқсоқол уларни йўлдан қайтаришга ожиз эканлигини сезиб жим қолди. -Йўл олдидан бизга оқ фотиҳа берсангиз, — дейишди ўспирилар. «Ёшлик». Оқ чой 1) сут кўшилган чой. Уста Аҳмад Муртазога халтани кўрсатиб: -Эрталаб оқ чойни сенкида ичамиз, — деди. Ш. Бўтаев, Кўрғонланган ой; 2) шв. кўк чой. Оқ ювиб, оқ тарамоқ Авайламоқ, асрамоқ. Роҳила хола Шохрухни ўз фарзандидай оқ ювиб, оқ тараб ўстирди. «Ёшлик». Оқ ўрамоқ этн. Қиз билан йигитни унаштиришга розилик белгиси, маросими. Эшитмадингизми? Кеча Хайринисоникига бориб, оқ ўраб келдик. «Ёшлик». Тишинияг оқини кўрсатмоқ қ. тиш. -Чатоқ экан, — деди карвонбоши, сўнг илк бор тишининг оқини кўрсатди. М. М. Дўст, Лолозор.

ОҚ П [a. ق.ق - бўйсунмас, итоатсиз, сўзга кирмайдиган, ҳурмат қилишни билмайдиган (ўғил)]: оқ қилмоқ Ўз фарзандини лаънатламоқ, нафрат ўқиб ундан юз ўтирмоқ, воз кечмоқ. Агар қизим юзимни ерга қаратган бўлса, жувонмарг бўлсин, оқ қилдим. С. Зуннунова, Олов. Ғиёсиддин Бухоронинг Девонбеги мадрасасида таҳсил кўриб, ўқиб юрган пайтларида отаси уни оқ қилади. С. Аҳмад, Ҳукм.

=оқ 1 куч. юкл. (унлилардан кейин — =ёқ) Пайт билдирувчи сўзларга қўшилиб, иш-ҳаракатнинг дарҳол бажарилишини ифодалайди. Мусобақага ҳозирданоқ тайёрланмоқ керак.

2 =(в)б аффиксли равишдошларга қўшилиб, кейинги иш-ҳаракатнинг бевосита шу равишдош ифодалаган иш-ҳаракатдан кейин бажарилишини билдиради. У уйга келибоқ ўғлини йўқлади.

ОҚАВА айн. оқова.

ОҚАР 1 Оқмоқ фл. сфдиш.

2 Оқадиган, доим оқиб турадиган. Оқар дарё. ■ Демак, бизнинг қилган ишимиз исиз кетмайдиган, умримиз оқар сувдек бекорга оқмайдиган бўлибди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ОҚАРИНҚИРАМОҚ Оқара бошламоқ; ранги ўчмоқ. Чиройли юзлари оқаринқираб, кўзларининг атрофи аламдан бужмайиброқ қолгандай. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Кароматхон ширали қўлларини ёйганча, оқаринқираб қолди. А. Мухтор, Кумуш тола.

ОҚАРИШМОҚ 1 Оқармоқ фл. бирг. н.

2 Ғира-шыра оқармоқ, сал оқармоқ; оқара бошламоқ. *Салимжоннинг оқаришган юзига қон югурди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ОҚАРМОҚ 1 Оқ тусга кирмоқ, оқ тус олмақ. *Қор ёғиб, ерлар оқариб қолибди.* ■ *Биз меҳнатда топик бахтимиз, Меҳнатда соч оқарса, майли!* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. [Турғун:] *Йўқ. Аксинча, оқарибсиз. Жиндек озиб, яна ҳам чиройли бўлибсиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Чинни пиёласимон чаноқлар оқариб кўзга ташланади. С. Қодиров, Тонг юлдузлари.

2 Қонсизланиб ёки қони қочиб, қизил-лвкни йўқотмоқ, ранги ўчмоқ, бўзармоқ. *Унинг ранги оқариб кетди.* ■ *Умири бир оқарди, бир қизарди-ю, мени кучоқлаб йиғлади.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Собирга қараган эди, у бир оқарди-ю, энгашиб, портфелини титкилашга тутиди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

3 Ўнгмоқ, рангини йўқотмоқ, айнимоқ (кўпинча, бўялган нарсалар ҳақида). *Устидаги гимнастёркаси ёмғирда юшиб, офтобда ўнгиб, оқариб кетган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Деҳқон нигоҳи жиддий, олийжаноб, устида чакмон, оёғида оқариб кетган маҳси.* «Фан ва турмуш».

4 Ёруғ бўлмоқ, ёришмоқ. *Кечаси соат тўртданок шарқ томон оқара бошлади. Ҳадемай тун оқаради.* ■ *Адир томондан уфқ, худди нарда орқасидан чироқ ёққандек, оқариб келяпти.* С. Аҳмад, Хукм. *Маҳшар тонги аста-секин оқариб келар, Кўз олдимда содир бўлиди Улуғ Қиёмат.* А. Орипов, Йиллар армони.

Косаси оқармаган 1) уйда соғин ситири бўлмаган; косаси сут кўрмаган; 2) топганига барака кирмаган, бирп икки бўлмаган. *Икромжон бундоқ ўйлаб қараса, бу артист-мижоз шериги билан ишлайдиган бўлса, сира косаси оқармайди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўз отонасининг раътини қайтарган боланинг ҳеч қачон косаси оқармайди!* Мирмуҳсин, Чиниқвиш. *Оғзи оқариб қолди* Ситири туғди ёки уйда соғин ситир пайдо бўлди; доғи сут-қатиқ ичадиган бўлиб қолди. *Ола бузоқ туғиб олди, Оғзимиз ҳам оқариб қолди.* Ғ. Фулом. *Худо хоҳласа, айна қиш чилласида болаларнинг оғзи оқариб қолади, биродар!* «Ёшлик».

ОҚАРТИРМОҚ 1 Оқармоқ фл. орт. н. *Уйни оқартирмоқ.* ■ *Пешиндан бери ёғаётган ҳўл қор том бўғотларини, ариқ бўйларини*

оқартирди. Ҳ. Фулом, Машғал. *Оғир меҳнат ва оиладаги бахтсизлик Мастура холянинг сочларини бевақт оқартириб, мусичадай ювош қилиб қўйган.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 *махс.* Қалай югуртирмоқ, қалай югуртириб, металл буюмлар сиртини қошламоқ. *Мис тоғорани оқартирмоқ.*

3 *махс.* Турли ашёларнинг оқлик даражасини кучайтириш учун баъзи технологик жараёнларни амалга оширмоқ.

4 *кўчма* Билим-маърифат бермоқ, онгини оширмоқ. *Қора элларни оқартирмоқлик учун Белни маҳсум боғлаб ишлов кун, бу кун.* Ҳамза.

ОҚАРТУВ 1 Оқартмоқ фл. ҳар.н.

2 Ҳалқнинг билим ва онгини оширишга қаратилган иш; маърифат. *Маданий-оқартув ишлари.*

ОҚБОШ Бўйи ярим метрча келадиган, сербарг, майда оқ тўпгулли ёввойи ўт. *Ернинг бор бисоти — оқбош, қамиш, янтоқ.* Г. Нуруллаева, Юрак ёнмоғи керак. *Оқбош, сутури, шувоқ, ёвшан, читир дасталарини райхон сувига чайиб, қуришиб, тахлаб қўйибдилар сояга.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ОҚИБАТ I [ا. عاقبت — натижа, яқун, самара; из, асар; эргашиб, таъқиб қилиш] Қадрдонлик, дўстлик туйғуси, меҳр, муҳаббат ва шундан келиб чиқадиган яхши муносабат; мурувват. *Инсоннинг инсонга оқибати узоқ сафарларда билинади.* Газетадан. *Ҳа, шуми ҳали, Бўтабой ака, орамизда пулдан ҳам каттароқ нарса — меҳру оқибат бор эди-ку.* А. Қаҳҳор, Кўпчинор чироқлари. - *Мунаввархон, қоқиндиқ, сиздан келган оқибат шуми? Боққа бир бордингиз-у, бадар кетдингиз, — деб гинахонлик қилиб кўришди амма.* С. Анорбоев, Меҳр.

ОҚИБАТ II [ا. عاقبت] 1 Охири яқун, натижа. *Ишнинг оқибати.* ■ *Агар Болта муаллим уни судораб кетмаганида, оқибати нима бўлиши номаълум эди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. *Адолат аризасининг оқибатини кутиб юрди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *рвш.* Ҳамма нарса (воқеа ёки ҳаракатлар) бўлиб ўтгандан кейин, охири, натижада, охир-пировардида, низоҳат. *Оқибат шу натижага келинди: майли, Саидийни қисман хабардор қилиш керак.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Тишченко уни бирмунча вақт шофёрлар курсига тайёрлабди, оқибат киргизиб ҳам қўйибди.* А. Қаҳҳор, Жонфигон. *Тушиди сени*

деб бошма жабру ситам, ҳадсиз азоб, Ақлу ҳушимдан оқибат бегона бўлдим соғиниб. Ҳамза.

ОҚИБАТДА *рвш.* Охир-пировардида, охири, натижада, ниҳоят. *Оқибатда иш қалай бўларкин? Оқибатда ҳамма нарсадан ажралди. ■ Дастлаб қайғу билан кўз очган бу сабоҳ оқибатда эл учун хайри бўлиб чиқди.* Т. Малик, Қалдирғоч.

ОҚИБАТЛИ Оқибати бор, меҳр-муҳаббатли. -*Раҳмат, хоним, — деди Яхшибоев. — Сиз оқибатли хотинсиз, ўз вақтида танбех берибсиз.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бир кун туз ичган жойга қирқ кун саломдир жоиз — Оқибатли халқимда мақол бор шундоқ қадим.* А. Орипов, Йиллар армони.

ОҚИБАТСИЗ I Оқибатни, яхшиликка яхшилик қайтаришни билмайдиган; бемеҳр, мурувватсиз. *Оқибатсиз одам. ■ Намунча бу болаларнинг ота-оналари оқибатсиз бўлишмаса?! «Шарқ юлдузи».*

ОҚИБАТСИЗ II *рвш.* Эътибор берилмасдан, текширилмасдан, натижасиз. *Темур Малик ва Жалолидин режалари оқибатсиз қолди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Салимнинг Тула тўғрисида онасига куйиниб айтган сўзлари оқибатсиз қолиб кетди.* М. Исмоилпўй, Бизнинг роман.

ОҚИЗИЛМОҚ Оқизмоқ *фл.* мажҳ. н. *Дарё суви янги ерларга оқизилди. ■ Бу ерга колхоз ёшларининг ҳаракати туфайли.. чигир билан сув оқизилди.* И. Раҳим, Чян муҳаббат.

ОҚИЗИҚ *геол.* Сувда эриб ва сув билан бирга оқиб келиб ўрнашган минерал ва органик жинслар.

ОҚИЗМАЙ-ТОМИЗМАЙ *рвш.* Бир оғиз сўзни ҳам тушириб қолдирмай, бутун тафсилоти билан; батафсил. *Низомжон бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб беришга мажбур бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОҚИЗМОҚ Оқмоқ *I фл.* орт. н. *Ариқдан сув оқизмоқ. ■ Сув оқизилганда, бу лойқалар шағал ораларига кириб, сув шимилитишдан сақлаб қолади.* С. Аҳмад, Уфқ.

Сувга оқизмоқ *қ.* сув.

2 Тўқмоқ, оқиб тушмоқ. *Кўз ёшини оқизмоқ. Пешона терини оқизмоқ. ■ Саиднинг отаси сувни лунжларидан оқизиб ичди, рўмол билан оғзини артиб, оёқлари остига ташлади.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Маълум қилмоқ, етказмоқ. *Ўғил боламан, опа! Бировнинг сирини Санжарга*

ўхшаган шалтоқлар оқизиб юради. С. Зуннунова, Олов.

ОҚИЗОҚ I Бирор нарсани ишга боғлаб сувга ташлаб оқизиш ўйини. *Оқизоқ ўйнамоқ. Оқизоқ қилмоқ. ■ Ўзбекнинг боласи узумга тўйса, ангишвона қилади деганларидай, болалар сал ўтмай, еб турган нонларини оқизоқ қилиб ўйнай бошлади.* «Ёшлик».

2 Оқиб турган, оқаётган ҳолда. *Балки кутар мени бир қиз, кўз ёшлари оқизоқ. «Шарқ юлдузи».*

3 *қ. х.* Эгатлардан узоқ вақт сув оқизиб қўйиб, экинларни қондириб суғориш усули.

ОҚИЛ [a. عاقل — ақли, фаросатли, эсхушли; бамаъни] **1** Ўткир ақл соҳиб; ақли, доно. *Оқил одам. Семиз кўзининг сўшти яхши, Оқил онанинг — қизи.* Мақол. ■ *Сен [Умид] олийжаноб, оқила бир қиз муҳаббатини оёғости қилдинг, сен бу аламни ўлгунингча тортасан.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Ақл билан айтилган, қилинган; бамаъни. *Ёрни гўзал дема, оқил сўзи бўлмаса, Тотли бўлмас таом, агар тузи бўлмаса.* Ё. Мирзо.

3 Оқил (эркаклар исми).

ОҚИЛА [a. عاقل — «оқил» с. нинг муаннаси] **1** Ўткир ақл соҳибаси; ақли, доно (аёл ҳақида). *Гавҳариодбегим кўп оқила, жуда ҳозиржавоб бўлган, деб эшитганман.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

2 Оқила (хотин-қизлар исми).

ОҚИЛЛИК Донолик, ақлшилик; бамаънилик. *Ҳаётда адолат ва разолат, садоқат ва қабоҳат, оқиллик ва нодонлик, поклик ва жирканчлик, тўғрилиқ ва ўғрилиқ бор экан, табиийки, жиноят ҳам содир бўлиб туради.* Газетадан.

ОҚИЛОНА [a. + ф. عاقلان — маъқул, ақлга мувофиқ, ақл билан; доноларча] *рвш.* Оқил кишилар каби, оқилларча ўйлаб, ақл билан, бамаъни. *Оқилона маслаҳат бермоқ. Маблағларни оқилона ва ишнинг кўзини биллиб ўлаштирмоқ. Оқилона гап. ■ Бу гапларнинг барини Ҳафиза хомуш ва оқилона тинглаб, уларни тасдиқлар, Умиднинг ҳамма фикрларига қўшилишини бош қимирлатиб билдирарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Таклиф оқилона бўлгани учун қуйидаги хатни ёзишибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

ОҚИМ I Маълум бир томонга оқаётган сув, суюқлик ёки газ жараёни. *Иссиқ оқим. Сувуқ оқим. Газ оқими. ■ Рашид қайиқни*

оқим ихтиёрига қўйиб юборди. Шухрат, Шпелли йиллар.

2 Шундай жараён йўналган томон, йўналиш. Азизхон ариқча тушганда, беш-олти йигит оқимга қарши сувни шалолатиб сузиб юришарди. С. Аҳмад, Уфқ. Чавандоз отини орқага буриб, сув оқимига қараб кетди ва юз қадамча юргандан кейин юганини тортиб, қамчи урди. Ҳ. Фулом, Машғал.

3 физ. Берилган сиртдан вақт бирлиги ичда ўтаётган тўлиқ энергия миқдори. Ёруғлик оқими. Электронлар оқими. Магнит оқими.

4 кўчма Маблум бир томонга йўналган киши ёки нарсалар жараёни. Одамлар оқими. Хатлар оқими. ■ Майдон атрофидаги кўчаларда, паркларда халқ оқими тошар, чайқалар эди. Ойбек, Нур қадриб. Пул оқимини Алиқулнинг ўзи бошқарарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ёмғир шаррос қуяр, кўчадаги йўловчилар соябон остида шошилиб қадам ташлар, улкан машиналар оқими ёмғир селини шириллатиб кесиб борарди. А. Нурмуродов, Уруш.

5 кўчма Ижтимоий фаолият, илм-фан, назария ва ш. к. нинг бирор соҳасидаги йўналиши; қараш. Реакцион оқим. Сиёсий оқим. Замон оқими. ■ Ёшлар ҳали оқим суфатида ўзларини намоён қила олганлари йўқ. Газетадан.

Ганнинг оқими Ганнинг йўналиш, бориши, омади. Саидғози буни дарров пайқайди, ганнинг оқимини ўзгартирди. С. Анорбоев, Оқсой. Оқимга қарши юрмоқ (ёки сузмоқ) Жамиятда устун йўналишга қарши ҳаракат қилмоқ.

ОҚИМТИР айн. оқимш I. Оқимтир тутун. ■ Шифтнинг баъзи жойларида оқимтир гуллар, сумалаксимон нарсалар осилиб турарди. А. Кўчимова, Ҳалқа.

ОҚИН I I сфт. Доим оқиб туралиган; оқар. Оқин дарё. ■ Шоҳиста.. оқин сувдай шарақлаб, кулиб кириб келди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Шавкат, ҳовуздан оқин сувга қайтган балиқдай, эркин-эркин қулоч отиб, яйраб чўшилди. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

2 айн. оқим 1, 2. Қуёшга оқмоқда минг дарё оқин. Шу оқин ичида бир томчи мен ҳам. Қ. Муҳаммадий. Халқ оқини — энг кучли оқин. Ҳ. Пўлат. Умид Эргашдан. Лекин Эргаш оқинга қарши яқка туроладими? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОҚИН II [т. آقین < ф. آخوند — ўқимишли одам] Қозоқ ва қирғизларда: бадихағўй шойр, куйчи; халқ шойри; бахши. Эй сен, жавон шойр, ўспири оқин, Утли юрагингга қилурман ҳавас. А. Орипов, Йиллар армони.

ОҚИНДИ: оқинди сувлар Корхона ёки хонадонлар ҳовлисида Утган ариқлардан оқиб чиқётган чиқинди сувлар ёки ёгин сувлари.

ОҚИШ I Оққа мойил, ним оқ; оқимтир, оқчил. Оқим булут. Оқим бўёқ. Оқим қоғоз. ■ Осмон ўзининг ёзи тиниқлигини йўқотган, оқим хира. С. Анорбоев, Оқсой. Даладан илон изи булиб кетган оқим йўлининг уфқида бир нима «йилт» этди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОҚИШ II Оқмоқ фл. ҳар. н. Сувнинг оқишига қара, халқнинг хоҳишига қара. Мақол.

ОҚИШОҚ Шоли оқланганда майдаланган, синган гуруч; гуручнинг майдаси. Оқишқодан ош бўлмас. Мақол. ■ Эрталаб Тозагул меҳмон опани янги туққан сигирининг оғизи ва ўғирдан иссиққина чиққан оқишқоқ толқон билан сийлади. Ҳ. Фулом, Машғал.

ОҚАЛТАК-ҚОРАКАЛТАК: оқалтак-қоракалтак бўлмоқ Тугри келган нарса билан курулланпб уришмоқ; савалашмоқ. Тангриқул ҳожи бошлиқ оломон оқалтак-қоракалтак бўлиб, водокачкага қараб юрибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ОҚКИЯР этн. Оқсолар. Айвонда кампир Жураҳонга Шопўлат даллолнинг оқкиярда Парихон отининг гапирган гапларини.. сузлаб берди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОҚЛАМОҚ I Оҳак, бўр каби оқ тусга киритувчи нарсалар билан бўямоқ. Деворни оқламоқ. Уйни оқламоқ. ■ Дарахтларнинг танасини оқлаб юрган чол енг билан пейонасини арта туриб, шийпонга қараб қичқирди: Ҳой Комилжон! С. Зуннунова, Олов.

2 Овқатга қатиқ қўшмоқ, қатиқламоқ. Мошхўрдани оқламоқ. ■ Ойхон қўшқулоққа қатиқ ивитиб қўйган экан, маставани оқлаб ичдилар. А. Мухтор, Кумуш тола.

3 Чойга сут аралаштирмоқ. [Қутидор:] Туйбека, Кумушнинг чойини оқлаб бер-чи. А. Қодирий, Утган кунлар.

4 махс. Металл нарсаларнинг сиртига қалай югуртирмоқ. Мис қозонни оқламоқ.

5 Донни, галлани туйиб, пўстини ажратмоқ, тозаламоқ. Урта яшар хотин куй-

лак энгларины билагигача шимариб, тўқ-тўқ қилиб, келида шולי оқлайди. С. Аҳмад, Уфқ. Куёвингиз обжувозда шולי оқлаяпти. Тинч-омонлик, отаси. Х. Фулом, Машгъал.

6 кўчма Бирор кишининг гуноҳсиз эканлигини тасдиқламоқ, қамсани айбдор эмас деб топмоқ. Суд гуноҳсизларни оқлади. ■ [Ҳамида:] Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хўжайинига, ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. Қодир Набигулга «Ҳолингга вой» десандай қилиб қаради. Буни Набигул фаҳмлаб, ўзини оқлашга киришди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

7 Бирор ҳаракат ёки ҳолатнинг тўғрилигини тасдиқламоқ, ҳақ, тўғри деб топмоқ. Қизига бўлган ғазабини юраги оқласа, ақли қораларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қиз-жувонларимизнинг эғнидаги ғалати-ғалати кийимлар ҳақида гап борганда, уларни нима деб оқлашни ҳам билмайсан киши. Газетадан.

Ишончи оқламоқ Билдирилган ишончга муносиб иш қилмоқ. Бу йигит лаёқатли, ишчан, шубҳасиз, ишончларингизни оқлайди. «Шарқ юлдузи». Она сутини оқламоқ Онага мардларча хизмат қилиб, уни рози қилмоқ, фарзандлик бурчини бажармоқ. Тузини оқламоқ Ўз паноҳига олиб боққан, тарбия қилган кишининг хизматиغا яраша хизмат қилмоқ. Улуғ бурчим тузингни оқламоқдир, Ҳамиша ҳурматингни сақламоқдир. Ҳабибий.

ОҚЛАНМОҚ Оқламоқ фл. мажҳ. н. Айбдор оқланди. ■ Эҳтимол, ҳақиқий ўғри ушланиб, Ҳимматилла оқланиб чиқар. Шухрат, Умр погоналари. Қуёш нури.. оппоқ оқланган деворларда кўзни тиндирувчи ёлқин билан жимирлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ОҚЛИК Оқ хусусиятига эғалик. Қорнинг оқлиги. Сочнинг оқлиги. Кунгилнинг оқлиги. ■ Отабек билан Утаббой қушбеги Қўқонга чақиршадилар-да, сўроқдан сўнг яна оқликка чиқадилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

ОҚЛИҚ 1 Сут ва сутдан тайёрланадиган маҳсулотлар (қатиқ, қаймоқ ва ш. к.). Агар бўлса оқлиғинг, билинмайди йўқлиғинг. Мақол. ■ Эчки бўлса ҳамки, болачақага оқлиқ ўзимиздан чиқиб турган эди, гўшт-пўштини олиб, битта соғин эчки берсанглар. С. Аҳмад, Ҳукм. Анчадан бери оқлиқ кўрмаган фарзандларимнинг сутни ниҳоятда иштаҳа ва иштиёқ билан ича-

ётганини кўриб, ўнкам тўлиб йиғлаб юбордим. Газетадан.

2 Пиширилган сутни ивйтиш (қатиқ қилиш) учун унга солинадиган озгина қатиқ; томизғи. - Ҳозир сут соққандирсиз, ахир. - Соғдим.. Пишириб, оқлиқ солиб қўйган эдим. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 этн. Тўйга розилик белгиси сифатида совчиларга совға қилинадиган оқ ёки очиқ, оч рангли газлама, рўмол, кийим-кечак. [Эшон] Қўйнидаги бир кийим читни Сурхонбойнинг олдиға қўйди-да, гап бошлади: - Мана бу хамир учидан патир, ҳожим.. Оқлиқ.. Қуда бўлмоқчимиз. И. Раҳим, Тақдир.

4 этн. Кўминш маросимига, азага келганларга бўлиб бериладиган рўмолчабоп газлама; йиртиш. Оқлиқ йиртиш.

5 этн. Кафан, кафанлик. Абдурахмонбой Олимжонни бойлигига соҳиб қилиб, ўзи икки газликкина оқлиққа эга бўлиб, шундоғ катта ҳовли-жойларини ташлаб, бир бўйгина чуқурчага кириб, бедому дарак кетди. Ҳамза, Танланган асарлар.

ОҚЛОВ 1 Оқламоқ фл. ҳар. н.

2 кўчма Оқлайдиган, гуноҳсизликни иш-ботлайдиган. Адвокатнинг оқлов нутқи. ■ Агар у кишининг оёғи чиндан касал бўлмаса, дўхтирлар ҳам унга оқлов қоғози қилиб бермасди. С. Сивёев, Саратонда қор ёғди.

ОҚЛОВЧИ 1 Оқламоқ фл. сфдш. Уй оқловчи. Шולי оқловчи.

2 ҳуқ. Суда бирор киши ёки тарафни ҳимоя қилувчи юрист, адвокат. Қораловчи гапириб, оқловчи гапириб, Олиянинг ўзи охирги сўздан кечиб, суд ҳайъати қамоқ муддатини эълон қилди. М. М. Дўст, Лолазор. [Орипов:] Дуруст, дуруст.. Аслида-ку қораловчибоп кишисиз-у, оқловчи бўлиб, бекорга умрингиз ўтпаян-да! З. Савд, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ОҚМА тиб. Аъзо ва тўқималардаги бузилиш жараёнлари оқибатида пайдо бўладиган, узок вақт битмайдиган, йиридлиги тешик яралар. Вали урушдан қайтганида, Карим аъзойи бадани илвираб, оқма бўлиб ётарди. «Ёшпик».

ОҚМИЯ айн. эшакмия.

ОҚМОҚ 1 Паст томонга қараб узлуксиз, сурункасига ҳаракат қилмоқ, юрмоқ (суюқлик ҳақида). Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ. Мақол. ■ Қонқус тун бўйи ғазаб билан, алам билан тўлғаниб оқди. Ў. Ҳошимов,

Қалбингга қулоқ сол. *Филатовнинг бир қўли қон оқаётган елкасида, шкинчи қўли пулемёт лентасида, боши қўйи солинган эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 Тез-тез томмоқ, бирин-кетин юмаламоқ (томчилар ҳақида). [*Қизнинг*] *Кўзларидан оққан томчилар қуёшда инжудай ёнади. Ойбек, Танланган асарлар. Ошино дўстининг кўзларидан дув-дув ёш оқаётганини кўрди, хўрланди. М. М. Дўст, Лолазор.*

3 Сув оқими билан бирга силжимоқ, сузмоқ. *Қолғанлардан бир қисми сойнинг ўртасига етмасдан қайтишга мажбур бўлди. Икки киши оқиб кетаёзди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

4 Қуйилиб келмоқ; ўтмоқ. *Утказгичлардан электр токи оқа бошлади.*

5 кўчма Келиб, тушиб турмоқ. *Конвейерлардан дон оқади. ■ Хона ичига қуёшнинг илқ ёрқин ипаги жимгина оқди. Ойбек, Навоий.*

Оқиб келмоқ Мунтазам келиб, тушиб, етишиб турмоқ. *Арзимас амалини, оқиб келиб турган ҳаром-хариш пулларини деб, жуфти ҳалолдан кечган кимсани нима деб аташ керак?! М. Мансуров, Ёмби.*

6 Жараён тарзида, кўплашиб бирор томонга юрмоқ, ўтмоқ. *Отлиқлар Оқмачит қири томон оқиб борарди. Т. Ашуров, Оқ от. Эрталабдан бошлаб қишлоқ аҳолиси мактаб томон оқди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

7 Тўқилмоқ, осилиб тушмоқ. *Икки атрофда пахтасининг чўғи қочган далалар гоҳ чўп бўлиб ғўзаяниси қолган, гоҳ пахтаси эгатларга оқиб тушган пайкаллар билан алмашинади. М. Мансуров, Ёмби.*

8 кўчма Ўтмоқ, кечмоқ. *Ҳаёт бир маромда, бир изда оқа бошлади. С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. Йиллар оқар йилларни ювиб, Тақдирига тан берар ҳаваас. А. Шер, Қадамга куй.*

ОҚОВА 1 Ҳовуз, экинзор каби жойларга бир томондан қириб, иккинчи томондан чиқиб кетадиган сув.

Оқова қилиб сугориш Экинни эгатлардан сув оқизиб қўйиб, мириқтириб сугориш.

2 Партов сув, чиқит, ифлос сув. *Уқўлини юваётиб, қувурга жилдираб оқаётган оқовага тикилган куйи, беихтиёр хаёлга толди. Н. Қдличев, Чигирик.*

3 кўчма с. т. Бўлиб ўтган ишнинг қолдиқ асари, оқбағти. *Булатури ишнинг оқоваси. ■ Бу йўл-йўлакай узоқ давом этган дар-*

газаб суҳбатнинг совиброқ қолган оқоваси эди, шекилли. А. Мухтор, Кумуш тола. Гарчанд айнан шунақа деб айтилмаган бўлса ҳам, гапнинг оқоваси шунга олиб келар эди. «Ёшлик».

ОҚПАДАР [*a. + ф. عاقيد* — отаси (отонаси)]ни норози қилган фарзанд] **1** Жуда қаттиқ гуноҳи, ноҳўя хатти-ҳаракати учун отаси (ота-онаси) оқ қилган, лаънатлаган, юз ўтирган фарзанд (ўғил ёки қиз). *Оқпадар бола энди бу уйда туришга ҳақсиз. С. Аҳмад, Уфқ.*

2 сўж. айн. лаънат. *Бунақа оқпадар, каллакесарларни пешонасидан отиш керак. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОҚПАЛАК Ўсимликларнинг баргларига оқиш доғлар тушириб, сўлдирадиган ва қурятадиган касаллик (вилт касалининг бир хили). - *Олимлар оқпалакка чидамли навтотишди-ку! — гапга аралашиди талаффузи ширинроқ йигит. С. Нуров, Нарвон. Оқпалак бўлаётган пахтани ўғит сепиш билан соғайтириш мумкин. С. Айний, Қуллар.*

ОҚПАР Оқши, оққа мойил, оқ аралашган. *Оқ, оқпар кундузлар қоронғи бўлди, Шамоллар хор-хасни отди юзларга. А. Суюн, Олис тонлар.*

Оқпар чой Оқ гулбарглар аралашган хушбўй, аъло навли чой. *Оқпар чойга тўлган кўк чойнак Менга азиз чин армуғондек. М. Шайхзода.*

ОҚСАМОҚ 1 Бир оёғи калталиги, майиб ёки касаллиги туфайли чайқалиб, чўлоқланиб юрмоқ, оқсоқланмоқ. *Хийла оқилаб қолган Маҳмуд ака сал оқсаганича кетиб борарди. С. Зуннунова, Олов. Командир Стеклов оқсарди. У баъзан беихтиёр равишда тиззасини чангаллар, юзлари, гўё аламғижимлагандай, бир он бурушиб кетарди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

2 кўчма Сустлашмоқ, орқада қолмоқ, қониқарсиз ёки паст савияда бормоқ. *Янги навлар яратиш, эртанишар, узун толали ва ҳар қандай касалликларга чидамли, айниқса, вилтга чидамли навлар яратиш иши оқсаяпти. Мирмуҳсин, Умид.*

3 кўчма Ноқислик, калталиқ қилмоқ. *Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга келганда оқсайди? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 (ч. к. билан) с. т. Калмчилик, етгисмовчилик туфайли қийналмоқ, йўқликдан ноилож қолмоқ. *Пулдан оқсамоқ.*

ОҚ-САРИҚ Оққа мойил сарик, оч сарик. *Сунги жумлани айтганда, генералнинг оқ-сарик юзидаги сийрак ажинларини табас-сум тўлдирди. Шухрат, Шинелли йиллар. Нариги томонда эса кун нурида қизиган оқ-сарик қумлар ястаниб ётарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ОҚСИЛ I I биол. Ҳайвон ва ўсимликлар организмнинг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этган, таркибида азот бўлган мураккаб органик модда. *Оқсил ҳужайралар тузилиши учун зарур бўлган моддadir. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. Нон маҳсулотлари таркибида оқсил, турли минерал моддалар ва витаминлар бўлиши муҳим аҳамиятга эга. «Фан ва турмуш».*

2 Товуқ тухумининг оқ моддаси. *Аёл тухумни чақди. Ютоқиб оқсилени сўрди. Кейин тухумдаги тешикни бармоғи билан кенгайтириб, сариғини ютди. «Ёшлик». Бунинг учун тухумнинг оқсил қисмидан сариғи ажратиб олинади-да, сув билан аралаштирилади. Газетадан.*

ОҚСИЛ II Чорва моллари ва чўчқаларда бўладиган, шиддатли ўтадиган юкумли касаллик, яшғур.

ОҚСИМ I с. т. айн. оқсил I.

ОҚСИМ II с. т. айн. оқсил II.

ОҚСИЧҚОН Суvsарлар овласига мансуб, оқ мўйнали кичкина йиртқич сүтэмизувчи ҳайвон ва шу ҳайвоннинг териси, мўйнаси. *Оқсиққон овламоқ. Оқсиққон териси.*

ОҚСОЛАР Мотам муддати (бир йил) ўтиши муносабати билан ўтказиладиган маросим (бунда марҳумнинг яқин кишилари бир-бирларига оқ кийимлик тақдим қиладилар ва мотам либосларини ташлаб, оқ оддий кийимларини киядилар).

ОҚСОЧ 1 тар. Бойлар, зодагонлар оила-сида ёллияниб хизмат қилувчи аёл, хизматкор аёл; чўри. *Холнисонинг онаси Ёрмозор қишлоқлик бир бойнинг эшигида оқсоч эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Ойхола ғоят хунж, озгин бир кампир бўлиб, Ёдгорнинг ҳужра оқсочидир. Ҳамза, Таъланган асарлар.*

2 сфт. Оқ сочили, сочи оқ. *Ҳайриятки, анави оқсоч профессорнинг ўзи келмагани, бўлмаса, унгаям ҳурматим қолмас эди. М. М. Дўст, Лолазор. -Шу ғалваларни биттагина майор бошлаб юрибдими? - деб сўради оқсоч киши. «Ёшлик».*

ОҚСОҚ 1 Оқсаб юрайдиган; бир оёғи калта ёки чўлоқ. *Оқсоқ қоровул ундан кўзини олмай, қўлтиқтаёғини тўқиллатганича, зинадан тушиди-ю, анҳор кўпригидан берида тўхтаб қолди. А. Қаҳҳор, Картина. Жангчилар ҳалиги кичкина, ориқ, юпун оқсоққа «ўртоқ майор» деб мурожаат қилардилар. Ойбек, Куёш қораймас.*

2 кўчма Орқада қолаётган, қониқарсиз, паст даража ёки савиядаги. *Оқсоқ соҳа. Ишнинг оқсоқ томонлари.*

ОҚСОҚЛАНМОҚ Оқсаб, чўлоқланиб юрмоқ. *Унинг [Отабекнинг] оёқ олишида ҳам бироз оқсоқланиш сезилар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Акбарали севинганидан бир оёғида қолган этикни ечиб ташлашни ҳам унутиб, оқсоқлаганича қамишлар оралаб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОҚСОҚЛИК Оқсоққа хос хусусиятларга эгаллик; оқсоқ эканлик. *Назокат оқсоқлигимни билса, мenden айнаб қолади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

ОҚСОҚОЛ 1 Соч-соқоли оқарган кекса одам; мўйсафид. *Бу оқсоқол кетса, ўрнига ёйроқ қорасоқол келади. С. Сиеёв, Ёруғлик.*

2 тар. Илгариги даврда бир ёки бир неча маҳалла ёки қишлоққа бошлиқ бўлган маҳаллий амалдор. *Ҳайъат аъзолари йигирма кун қишлоқ оқсоқолиниқиди туриб, текширув ўтказдилар. С. Сиеёв, Аваз.*

3 Ҳозирги кунда: қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва шаҳарлар маҳалла кўмиталари раиси. *Уни [маҳаллани] обод этиши, тинчлик-хотиржамликни таъминлаш, катта-кичик тадбирларга бош-қош бўлиши маҳалла оқсоқолининг зиммасида. Газетадан.*

4 кўчма Гуруҳ ёки синф бошлиғи. *Олд қаторда ўтирган синф оқсоқолимиз муаллимга бир нима деди. «Ёшлик».*

5 кўчма Бирор соҳада кўп ишлаган, меҳнати синган кекса киши; раҳбар. *Эртасига Қамишқапага Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев келди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

6 Кексаларга ёки улуғ кишиларга нисбатан ўз тенгқурлари томонидан ишлатиладиган мурожаат шакли.

ОҚСУВ Тоза чучук сув, оқар сув; музлик суви. *Оқсув ичмоқ.*

ОҚСУЯК Эксплуататорлик жамиятида имтиёзли табақаларга, зодагонларга мансуб киши; аристократ. *Ҳўжалар илгаридан «биз*

араб авлодимиз, оқсуякмиз», деб ўзларини баланд тутиб келади. П. Турсун, Ўқитувчи.

ОҚСУЯКЛАРЧА *рвш.* Оқсуякларга ўхшаган, оқсуякнамо. *Турмушда ҳам, фикрда ҳам оқсуякларча олифтагарчилик!* А. Мухтор, Асарлар.

ОҚУВЧАН Оқиб кетадиган, яхши оқадиган. *Эриган чўян оқувчан бўлади ва қолипни яхши тўлдиреди.*

ОҚУВЧАНЛИК Суюқликнинг ўз огирлик кучи таъсирида ёйилиб кетиш хоссаси. *Суюқликнинг асосий хоссаси — оқувчанликдир. «Физика».*

ОҚУРУФ Қовуннинг пўсти оқиш, уруғи, эти оқ ширин бир тур.

ОҚЧА *айн.* ақча. *Оқчалининг қўли уйнар, Оқчасизнинг — кўзи.* Мақол. ■ *Тошкандда ямоқчиликдан оқча ортира олмай саргاردон юрган Абдулқасҳорни олиб келмоқ учун Олимжон Тошканд жўнади.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ОҚЧЕЧАК Заранг дарахтининг Ўрта Осиёда учрайдиган гули оқ тури.

ОҚЧИЛ 1 *сфт.* Оққа мойил; оқиш, оқымтир. *Оқчил мато.*

2 сфт. Рангсиз, рангпар; оқдан келган. *Шоқир.. оқчил юзини қоплаб олган қалин ва узун соқолини тутамлаб.. - Ёши эликдан ошган одамнинг соқолига оқ тушмайдимми [деди].* С. Айний, Қўллар.

3 от Аёлларнинг жинсий аъзоларидан ажраладиган чىқинди суюқлик.

ОҚЧОР *айн.* оқчорлоқ. *Танаффус маҳалида оқчорлар галаси кўнган денгиз ёқасини эслатувчи ҳашаматли мактаб бир зумда тинди.* М. Исмоилӣ, Бизнинг роман.

ОҚЧОРЛОҚ Балиқ ва ҳашаротлар билан тиркичлик қиладиган, сув билан боғлиқ куш; балиқчи. *-Мен умримда денгизни, оқчорлоқни кўрган эмасман.. — деди Аҳмад.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Оқчорлоқлар йўл-йўлакай кемамизга ҳамроҳ бўлишди.* «Ёшлик».

ОҚШОМ 1 Қуёш ботиши билан тун бошланиши ўртасидаги ғвара-шира ёруғ пайт. *Қуёш ботган, лекин кун ҳали ёруғ, ҳар ёққа оқишом сукунати чўзилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўнгилни қон қилувчи оқишом қўнди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Кеч, кечқурун. *[Ойсара] Жисман заифлигига қарамай, кўп юмуш қилар, ҳар оқишом ўз болалари билан танча атрофини тўл-*

дириб, китоб ўқир эди. Ойбек, Танланган асарлар. *Уша оқишом Усмонхўжанинг ҳовлисида тонг отгунча чироқ учмади, улфатлари хўп кайф-сафо қилишди.* Х. Тухтабоев, Йиллар ва йўллар.

Ярым оқишом Тун, ярим кеча. *Ярим оқишом сержант Ориқулов ўғли йўғида унинг хонасига кирди.* «Ёшлик». *Ярим оқишом ноз уйқуда ётудим, икки жувонмаргинг минди тўшимма.* «Эралл ва Шерали».

ОҚПОМГУЛ *шв.* Намозшомгул.

ОҚПОМЛАБ *айн.* оқшомлатиб. *Бойбўрига билдирмаймиз, оқишомлаб жўнаймиз.* «Алпомиш».

ОҚШОМЛАТИБ Қоронғи тушгандан кейин; кечлатиб. *Хон оқишомлатиб, жияни Абдулкаримни Нурлавоёга чақиртирди.* С. Спёев, Аваз.

ОҚШУВОҚ Оқиш майда баргли, ўткир ҳидли, аччиқ, пояси пишиқ, ингичка ва узун ёввойи ўт (ундан супурги қилинади).

ОҚШАНОТ Ўсимликларни ривожига зарар келтирадиган майда ҳашарот. *Оқшанот ҳашароти эрта кўкламда далага тарқалиб, то кузгача ўсимликларни қийратади.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

ОҚҚОВУН Қовуннинг туси кўкиш-оқ, шакли тухумсимон, ўртапишар, серҳосил нав.

ОҚ-ҚОРА қўйма Ҳаётнинг яхши-ёмон, паст-баланд томонлари (инсонга нисбатан ишлатилади). *Маъсума тушунган, оқ-қорани таниган аёл.* М. М. Дўст, Галатеяга қайтти. *Равшан мен учун оқ-қорани фарқига етадиган расмана ҳамроҳ.* Қ. Кенжа. *Нотаниш гул.* *Муҳаммад ҳали ҳам гўдак, ҳали ҳам оқ-қорани танимайдиган болакай.* «Ёшлик».

ОҚҚУВ *айн.* оққуш. *Мовий қўллар узра сузса чағалай, Адирларда кезса оққув галалар.* А. Орипов, Йиллар армони. *Кўк юзида нага булут, оқ булут.. Бир қарасанг — осмон тўла оққувлар.* Миртемир.

ОҚҚУЙРУҚ Кийикларнинг бир тури. *Орол денгизидаги «Борса келмас» оролида оқ-қуйруқ ва жайранлар завоедничи вужудга келтирилган.* М. Мусаев, Ўзбекистон.

ОҚҚУШ Ҳозлар ояласига мансуб, патлари оқ, бўйни узун йприк сув куши; қув. *Эскидан сақланиб қолган ёдгорлик — оққушлар сузиб юрган қўллару дарахт тагида най чалиб ўтирган йигит-қизларнинг суратлари.* М. М. Дўст, Лолазор.

ОҚҚУТОН Узун оёқлилар туркумнинг қарқаралар оиласига мансуб, пати оқ, бўй-ни ва тумшуги узун ўлаксахўр йиртқич қуш.

ОҒ Иштон ёки шимнинг икки почаси қўшладиган жойи, чови.

ОҒА 1 айн. ака. Матназар ўз оғасига мўлтираб тикилганча, бетоқат ҳужизнинг бўйнидаги арқонни тортиб турарди. С. Сиеёв, Ёруғлик. *Ширин уканг келди оғасин излаб, кўрар кўзим, жоним акам, бормисан?* «Ширин билан Шакар».

2 Туғишган акадай яқин, қадрдон киши. *Қуни-қўшни, кичик-катта Оғамларга салом айтинг! Ҳамза. [Салимбойвачча:] Сиз ёлғиз почам эмас, ҳам дўстим, ҳам оғамсиз. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 тар. Юртнинг, элнинг каттаси, ҳоким. *Мени билсанг — Қўнғиротнинг оғаси. Бошимда бор эр йигитнинг жиғаси.* «Алпомиш».

Юрт оғаси айн. оға 3. *Очил ҳовлиқиб хитоб қиларди: -Қўйинг, юрт оғаси, мен ўзим суробини тўғрилайман! М. М. Дўст, Галатепага қайтди. У ўзини юрт оғасидек эркин, сарбаст тутаётган Тешабойнинг мингбоши бўлиб келганми-йўқлигини билишни истар, лекин билмай тажанг бўларди. М. Исmoilий, Фарғона т. о.*

4 тар. Турли лавозим ва унвон номлари таркибига киради, мас. *ҳарам оғаси, эшик оғаси.*

5 Ўздан катталарга нисбатан мурожаат шакли. *Оға, шу ерни азонлаб ҳайдасак бўлмайдимиз? С. Сиеёв, Ёруғлик.*

ОҒА-ИНИ 1 айн. ака-ука. *Овсинлар иноқ бўлса, оға-инилар чиноқ бўлмас. Мақол. ■ Кел, оға-ини бўлайлик. Сенга қиёматлик ака бўлай. Катта тўйлар қилиб, уйлаб қўяман. С. Аҳмад, Уфқ.*

2 Туғишгандек, ака-укадек бир-бирга яқин, қадрдон кишилар. *Ўзбекистонда яшайётган халқлар бир-бирига оға-ини, биродар.*

ОҒА-ИНИГАРЧИЛИК айн. оға-инчилик 2.
ОҒА-ИНИЛАРЧА Ака-укага ўхшаб, ака-укалардек. *Улар оталари бошқа яйловга кўчганини эшитиб, Азизхон билан оға-иниларча хайрландилар. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОҒА-ИНИЛИК 1 Ака-укалик, биродарлик.

2 Ака-укалар, оға-инилар ўртасидаги қариндошлик ҳисси ва муносабатлари, оғаниларнинг бир-бирига оқибати, муруввати.

ОҒАЙНИ Яқин ошна, ўртоқ; дўст. *Оғайни тутинмоқ. ■ Менинг ёшлигимда бирга ошиқ уйнаб, яхмалак тиб ўсган бир оғайним бор. Шукрулло, Сайланма.*

Етти оғайни қ. етти. Тўрт оғайни Қамария йил ҳисобида учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ойларнинг (раббиулаввал, раббуссоний, жумодаввал, жумодиссоний) умумий номи. *Қирқ оғайни* Атиргулнинг жуда сершоҳ ва сергул бир тури.

ОҒАЙНИГАРЧИЛИК айн. ошна-оғайнигарчилик. *Ҳозир ўша улфатлар, ўша оғайнилари кўчада кўрса, тескари қараб ўтади. Шуми оғайнигарчилик! А. Қаҳҳор, Оғайнилари.*

ОҒАЙНИЛАШМОҚ Оғани бўлиб кетмоқ, ака-укалардек, яқин, қадрдон бўлиб кетмоқ, дўстлашмоқ.

ОҒАЙНИЛИК 1 Оғайни эканлик, дўст эканлик.

2 Оғайнилари, дўстлари ўртасидаги муносабатлар, оғайниларнинг бир-бирига оқибати, муруввати. *У менга оғайнилик қилди. ■ У ёзбди: «Баракалла, ўртоқ шоир, Қани дўстлик, оғайнилик, ҳафсалам пир».* Ф. Фулом, Танланган асарлар.

ОҒАЙНИЧИЛИК айн. ошна-оғайнигарчилик.

ОҒАЛИК 1 Оға, ака, ёши катта эканлик, акалик.

2 Оғаларнинг иниларга муносабати, оғаларга хос оқибат, муруват. *Оғалик қилмоқ. ■ Оқсоқол ҳамшиша, ёлғиз ўғлимга Хайри оғалик қилади, деб ишонди. «Ёшлик».*

ОҒАЛИҚ тар. Бухоро хонлигидаги мансабдор шахс; хон, амир маслаҳатчиси.

ОҒАЧА тар. 1 Хон саройи ёки бойлар эшигидаги канизак, хизматкор аёл; чўри.

2 Бой уйгурлар оиласидаги энг кекса хотин.

ОҒДИРМОҚ 1 Оғмоқ 1-3, 6-7 фл. орт. н. *Шамол кемани оғдирди. ■ Эҳтимол, бирортаси Мунисининг йўлига ғов солиб, унинг содда кўнглини ўзи томон оғдиргандир, деб уйлари Қудрат. 3. Фатхулдин, Сўнмас юлдуз. Мамаюсуф болаларнинг ҳаммасини ўз томонига оғдириб олди. А. Қўчимов, Ҳалқа.*

2 кам қўлл. *Ҳайдамоқ, етакламоқ. Чатоқ бобонинг неваралари отарларни Балхияк яйловларига оғдириб кетишди. С. Нуоров, Дурдона.*

ОҒЗАКИ 1 Нутқ воситасида қилинадиган, амалга ошириладиган, ёзма эмас. *Оғ-*

заки буйруқ. Оғзаки имтиҳон. Халқ оғзаки ижодиёти. ■ Ошино ёзувчи ёки журналист эмаски, кўрган-эшитганларини газетага сотиш олдидан оғзаки пишитиб оляпти, деб уйласанг. М. М. Дўст, Лолазор.

Оғзаки жанг айн. даҳанаки жанг қ. даҳанаки. Шу кун кечаси уйимизда оғзаки жанг бўлди. Ойдин, Садаган бўлай, командир. **Оғзаки путқ тли.** Нутқнинг ёзма нутқдан товуш орқали фарқланадиган сўзлашув шакли.

2 с. т. салб. Куруқ расмий учун айтилган; пуч. **Оғзаки гап.** ■ Замира оғзаки куруққина сурашди, Очил ҳам расмий салом берди. П. Қодиров, Уч илди.

ОҒИЗ I (3-ш. бирл. оғзи) I Икки жағ ўртасидаги, овқатланиш, сўзлаш ёки овоз чиқариш учун хизмат қиладиган бўшлиқ. **Балиқнинг оғзи.** Оғиз бўшлиғи. **Одамнинг оғзи.** Яхши гап ҳам бир оғиздан чиқади, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. Мақол. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Мақол. ■ Йўлчи узумдан бир неча донани оғзига ташлади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Икки лаб ва уларнинг бир-бирига тегиб турган жойи ва атрофи. **Оғиздан ўлмоқ.** ■ Гулнорнинг кичкина чиройли оғзи ҳайратдан бир нафас очилиб, кўзлари, «ростми?» деган каби Нурига тиклиди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Сўзловчи киши, одам. **Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз енглади.** Мақол. ■ Ҳа, баракалла. Шунинг учун бундай гапларни фақат оғизма-оғиз, ушанда ҳам фақат синалган, шончли оғиз орқали етказилади. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

4 кўчма Бировнинг қарамоғида бўлган одам; ҳўранда, ноҳўр. **У дув-дув ёш тўқар, қўлларини осмонга кўтариб нола қиларди: -Худовандо! Бу на кўргилик? Энди нетаман? Тўққиз оғизни қандай боқаман? С. Сиёев, Ёруғлик. Баззоз поччанинг бекорчи оғизга тоби йўқ эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.**

5 Милтиқ, тўппонча, миномёт, замбарак каби отиш қуролларининг ўқ отилиб чиқадиган тешиги, стволи. **[Йўлчи] Тишини қисирлатиб деди: -Тўппоннинг оғзига қўйиб отиб юборинглари мани, қонхўрлар!** Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ички бўшлиғи, ичи бўлган нарсаларнинг кириш-чиқиш учун хизмат қиладиган жойи, тешиги. **Уранинг оғзи. Форнинг оғзи.** ■

Чайла оғзида қўлида тугун билан Азизхон кўринди. С. Аҳмад, Уфқ.

7 Идишларнинг нарса олиш-қўйиш учун хизмат қиладиган тешиги. **Шишанинг оғзи.** ■ **Бўриовой оғзига дока ўралган сопол кўзани биллагига осиб, биқинига қўйганча Ширинқудуққа борди.** С. Нуров, Нарвон.

8 Кўчанинг, йўлнинг бошланиш, кирaverиш жойи. **Кўча оғзи.**

Балонинг оғзи Жуда хавфли, кўрқинчли жой. **Беш бармоғини (ёки панжасини) оғзига урмоқ қ. беш I. Бир (ёки икки) оғиз гап (ёки сўз) Озгина гап, қисқа гап. -Сайланганидан бери бир оғиз ҳисоботини эшитганимиз йўқ, — деган гаплар эшитилди.** П. Турсун, Ўқитувчи. **[Ширмонжон:] Ашурхон, ишларингизни кейин қиларсиз. Келинг, сиз билан икки оғиз гаплашай, деб келдим.** С. Зуннунова, Олов. **Бир оғиздан айн. бир овоздан қ. овоз 7. Ун нафар чаиначи бир оғиздан «аъло» баҳо қўйишди.** К. Маҳмудов, Қизилқарли пазандачилик. **Гави (ёки сўзи) оғзида қолди қ. гап I I. Болта муаллимнинг гави оғзида қолди. Тоғайга олайиб қаради.** Н. Норқобилов, Тўқнашув. **Гави оғзидан тушиб кетадиган Гапни эплаб ганиролмайдиган; ношуд, ландавур. Гави оғзида қолмоқ Гапини охиригача етказолмай қолмоқ, чала гапирмоқ. Азизхоннинг гави оғзида қолди.** С. Аҳмад, Уфқ. **Гавини (ёки сўзини) оғзидан олмоқ (ёки илиб кетмоқ) қ. гап I I. Дарвоза оғзи тар. Шаҳар, қалъа дарвозаси ёки умуман дарвоза яқинидаги жой. Назарида, худди шу дарвоза оғзида велосипед устаси бордай бўлди.** А. Қаҳҳор, Сароб. **Катта оғиз ёки оғзи катта Унча-мунчани писанд қилмайдиган; катта гапиршига ўрганган; мақтанчоқ. Отасининг давлати, катта оғиз, ҳовлиқма ва такабур онасининг эркалаши қўйилиб, қизга ортиқча ғурур берган, ҳаракатларига ўзбошимчалик, қилиқларига ноз-карашма бағишлаган эди.** Ойбек, Танланган асарлар. **«Олма пиш, оғзимга туш», деб ўтвирмоқ** Ишни тезроқ бажариш учун жон куйдирмаслик, ўзи бўлар, деб бепарво ўттиравериш. **Ўзлари ҳам олма пиш, оғзимга туш, деб қўлларини қовуштириб ўтиравермасинлар-да, ахир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Она сути оғзига келмоқ** Жуда кўп урпимоқ, қийналмоқ, машаққат чекмоқ. **Бу атласларни Отабоддан ундиреунча нақ** Қўзбойнинг она сути оғзига келди. С. Аҳмад, Чўл шамоллари. **Оғзи бема-**

за қ. бемаза 4. **Оғзи билан иш битирадиган** Ишни осон фаҳмлайдиган, ҳар қандай ишни гап билан битирадиган. **Оғзи билан юрадиган** Ёмон гап тарқатадиган; гийбатчи. **Оғзи бормайди айн.** тили бормайди қ. тил 2. **Оғзи ботир қ. ботир** 1. **Оғзи бузққ** (ёки ёмон) айн. оғзи шалоқ қ. шалоқ 3. **Оғзи бўш** (ляк) қ. бўш. *Севаргул чой куйиб узатаркан, оғзи бўшлик қилиб куйганига кўнглида пушаймон бўлди.* Н. Қўлиев, Чўғирққ. **Оғзи куйган** Панд еган. *Оғзи куйган қатиқни нуфлаб ичади.* Мақол. ■ **Тўғриси, бу ишни у** [Йигитали] ҳеч кимга, ҳатто Сафарбаровга ҳам ишонмади. Чунки бу борада унинг неча марта оғзи куйган. И. Раҳим, Зангори кема капитани. **Оғзи очилиб қолмоқ** Ҳайрон бўлиб, ҳуши кетиб қолмоқ, ҳанг-манг бўлмоқ. *Хола лабини буриб, атрофда оғзи очилиб қолган аёлларга ҳайрат билан бир-бир қараб чиқди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Эшитиб, Ғузордагиларнинг оғзи очилиб қолади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Оғзи очик** Ғуза тутмаган киши; кўза. **Оғзи қулоғида** (ёки қулоғига етди) с. т. Жуда хурсанд бўлди, суюнди. *Тўранинг оғзи қулоғида, кўнгли нимадандир таскин топган эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ғуломжон.. оғзи қулоғига етиб қуларди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т.о. **Оғзига кучи етмаган қ. куч.** **Оғзига сиққанича** Кўнглига келганича, хоҳлаганича (ошириб). *Ҳар ким ўз қахрамонлиги ҳақида оғзига сиққанича сўзлай бошлади.* «Латифалар». **Оғзига** (ёки **оғзи**) тегди Ейиш, ичшига муяссар бўлди; еди, ичди, етишди. *Шу ерда туриб янги апельсинга ҳали оғзим теккани йўқ.* С. Аҳмад, Юлдуз. **Оғзига урмоқ** 1) сўзлаш учун йўл қўймастик, сўзлатмай қўймоқ. *У-бу дейдиган одамнинг оғзига уриш керак. Ким нима деса, мен ҳамма вақт оғзига ураман.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) айн. **оғзини мойламоқ.** *Тўраларнинг оғзига уриш учун пулли байовачча беради.* Мандан нима кетади. Ойбек, Танланган асарлар. **Оғзига қарамоқ** (ёки **тикълмоқ**) 1) сўзини диққат билан тингламоқ. *Сидиқжон юзларча киши оғзига қараб турган мажлисни кўз олдига келтириб, жуда катта ташвишга қолди-ю, дами ичига тушиб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) бировдан биров гап кутмоқ, бировнинг биров нарса дейишини пойламоқ; 3) бировнинг гапига қараб иш тутмоқ. *Заводда ишлайдиган мингдан ортиқ эркак, шулар қатори эри ҳам уша-*

нинг [Кароматнинг] оғзига қарайди. А. Қаҳҳор, Қизлар. **Оғзига қаратмоқ** Гапириб бошқаларнинг диққатини ўзига жалб қилмоқ. *Умуман, Абсамжон бошқаларни оғзига қаратишини яхши кўрарди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Оғзига қоқмоқ айн.** оғзига урмоқ 1. **Оғзидагини** (ёки оғзидаги опши) олдирмоқ қ. олдирмоқ. **Оғздан гулламоқ қ. гулламоқ** II. **Оғзинг қапи деса, қулоғини кўрсатадиган** Ҳеч нарсага ақли етмайдиган, аяқов. **Оғзингга ёғ** (ёки мой) Бирор яхши хабар келтирган кишига миннатдорлик билдириб айтиладиган ибора. *Вой, оғзингизга ёғ, ўғлим! Келин кўрадиган куним ҳам бормики!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Оғзингга қараб гапир!** қ. гапирмоқ 1. *Оғзингизга қараб гапиринг, тасқара бўлиб нима қипти!* С. Зуннунова, Олов. **Оғзингдан чиқарма** Ҳеч кимга айта кўрма. *Бўлар иш бўлипти, энди ҳеч кимга оғзингдан чиқарма.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Оғзини мойламоқ** (ёки ёғламоқ) қ. мойламоқ. **Оғзини пойламоқ айн.** оғзига қарамоқ 2. *Кампир ҳамон келиннинг оғзини пойлади, лекин келиндан ҳеч бир ҳасрат қиладиган гап чиқмади.* Ойдин, Мардлик — мангулик. **Оғзининг сувви келмоқ** Бирор нарсани кўриб, жуда ҳаваси келмоқ, егиси ёки ичкиси келмоқ; кўнгли суз кетмоқ. **Оғзининг танови қочмоқ** Жуда хурсанд бўлмоқ, суюниб кетмоқ; илжаймоқ. *Тўпанисо, ўзи ҳақидаги мақтовга келганда, оғзининг танови қочиб:* — Мен нима қилибман?.. Менда нима гап?.. Ҳеч-да, — деди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Оғиз бирлик** Аҳлилик, иноқлик. *Давлат — оғиз бирликда.* Мақол. **Оғиз боғлар шв. этн.** Тўй қилиш ҳақида қиз томоннинг розилигини олиш, унашгвриш маросими, фотиҳа. **Оғиз жуфтламоқ** Гапирини учун тайёрланмоқ, ҳаракат қилмоқ. *Она бир-икки марта гапга оғиз жуфтлади-ю, гапиролмади.* С. Аҳмад, Уфқ. **Оғиз кўпиртирмоқ қ. кўпиртирмоқ.** **Оғиз очмоқ** 1) гапирмоқ, сўзлай бошламоқ. *Мулла Абдураҳмон яна оғиз очолмади.* Чунки Сафар бозичи «китоб сўзи» билан уни енгиб қўйди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) дин. шом пайтда бирор нарса истеъмол қилмоқ, рўзани очмоқ (рўза тутган кишилар ҳақида). **Оғиз солмоқ** Бировнинг қизини келинликка ёки ўғлини куёвликка сўрамоқ, сўратмоқ. *Энди кимга оғиз солсанг, ғиринг демай тегиши аниқ.* С. Аҳмад, Юлдуз. **Тўғри сўзлаб, мен гапирдим кўзингга, Оғиз солдим уйда турган қизингга.**

«Ёдгор». **Оғизга олмоқ** 1) емоқ, ичмоқ. *Асли мени [ичишига] хўжайин ўргатди. Илгари бир қатра оғзимга олмас эдим. Ойбек, Танланган асарлар;* 2) бирор гапни гапирмоқ, айтмоқ; 3) бировнинг номини айтиб эсламоқ, йўқламоқ. *Орада бир неча кун ўтди — Мухаммадражаб жим, Мирзамухиддинни оғзига ҳам олмади. А. Қаҳҳор, Сароб. Оғизга тушмоқ* Ҳамма ерда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолмоқ, гап бўлмоқ; танилмоқ, Абдумаликнинг асарлари *Москвадаги санъатишунослар орасида ҳам ростмана оғизга тушди. «Ёшлик».* *Мен бу сирни шу чоққача ичимда сақлаб келаятган эдим, энди айтмасам бўлмади, чунки бу миш-миш оғизга тушиб бораёттипти.* **А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Оғизда** Фақат тил учида, шунчаки; юзаки. *Айниқса бу колхозда мусобақа оғизда, қоғозда. Ойбек, О. в. шабадалар. Оғиздан оғизга кўчмоқ (ёки ўтмоқ)* 1) бир авлоддан иккинчи авлодга оғиздан оғиздан оғизга ўтиб, асрлар бўйи сақланиб келмоқда. ■ *Қимматбаҳо тошлар ҳақида қадим замонларда тўқилган ғаройиб афсоналар ҳамон оғиздан оғизга ўтиб келади. «Фан ва турмуш»;* 2) одамлар орасига тарқаб кетмоқ, гап бўлмоқ. *Йўлдош ота келаяттидилар, деган гап оғиздан оғизга ўтди. С. Аҳмад, Уфқ. Оқсоқолнинг қандай ажойиб томошаларни кўргани, қандай меҳмонхонага тушгани тўғрисидаги гаплари қўлоқдан қўлоққа, оғиздан оғизга ўтди. П. Турсун, Ўқитувчи. Эллик оғиз гап (ёки сўз) Кўп гап, эзмалик. Элакка чиққан хотиннинг элик оғиз гапи бор. Мақол.*

ОҒИЗ II (3-ш. бирл. оғиз) Янги туққан сигирнинг уч-тўрт кунли сутини йиғиб пиширилган пишлоксимон таом. *Эрталаб Тозагул меҳмон отани янги туққан сигирнинг оғизи ва ўғирдан иссиққина чиққан оқишоқ толқон билан сийлади. Ҳ. Фулом, Машъал. Биринчи сут — оғиз бўлади, Седанадан мағиз бўлади. Ф. Фулом, Танланган асарлар.*

ОҒИЗ СУТ Янги туққан сигирнинг хом сuti.

ОҒИЗ-БУРУН Оғиз ва бурун. *Оғзи-бурнини қоп-қора қон қилмоқ.*

Оғиз-бурун ўпяшмоқ салб. Жуда иноқ бўлиб кетмоқ, топишиб олмоқ. *Бойлар, катта ер эгалари, амалдорларнинг ҳаммаси бири-бири билан оғиз-бурун ўпяшган. М. Ўрпн-хўжаев, Унутилмас кунлар. Оғзи-бурнини*

мойламоқ айн. оғизини мойламоқ қ. мойламоқ. Хумпарнинг оғзи-бурнини мойлаб, қўлга олиб бўлмасмикин? П. Турсун, Уқитувчи.

ОҒИЗЛИК ив. айн. Сувлик.

ОҒИЗМА-ОҒИЗ рви. Бир-бирига айтиш, хабар қилиш йўли билан, оғиздан оғизга ўтиб ёки ўтказиб. *Ҳа, баракалла. Шунинг учун бундай гаплар фақат оғизма-оғиз.. етказилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ови бароридан келган кишининг қилган иши дарҳол оғизма-оғиз бутун қисмга тарқалди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

ОҒИЛ Уй ҳайвонларини сақлаш ва боқиб ухона қурилган махсус бино; молхона, оғилхона. *Мен оғилдаги устунга бойлоғлигича қолиб кетган чилвирдан кесиб келдим. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. Мирҳомидхўжа оғилнинг эшигини секин ёнди-да, имо билан Қамбаралини бир чеккага чақирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ОҒИЛХОНА айн. оғил. Аҳмад бригадир утни уроқ билан дасталаб, қўлтиқлаганча оғилхонага кетди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОҒИР I Вазни катта бўлган, тош босадиган; вазнли, вазмин. *Оғир юк. Оғир от. Юки оғир арава. Оғир вазнли курашчи. Олтин кумушдан оғир. Оғир тошини сув элтмас. Мақол. ■ Яна жимлик ҳужм сурди. Бу сукунат оғир тегирмон тоши бўлиб, мулла Норқўзини янчиб юборди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Бойвачча кавакчадан чўп тиқиб, занжирни туширди, каттагина оғир дарвоза «ғурр» этиб очилди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Оғир сув ким. Водород изотопи дейтерийнинг кислород билан бирикмаси.

2 Кўп куч ёки билим талаб қиладиган; қийин, мураккаб; машаққатли, сермашаққат. *Оғир иш. ■ У [Йўлчи] ҳар хил оғир юмушларни қилиб ўрганган бўлса ҳам, тўнка қовламаган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Шундай қилиш керакки, халқнинг пешона тери билан, оғир меҳнати билан чиқариладиган сув битта ё бир неча балохўр қўлига ўтиб кетиб қолмасин. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу савол аввалги иккита саволдан оғирроқ эди. С. Аҳмад, Уфқ.*

3 Мушкул; масъулиятли. *Оғир масала. ■ -Баҳор-да, қизим, бундан буён кун исийверади, — қизини оғир ҳолатдан чиқаришга тиришди она. Шўҳрат, Шинелли йшлар. Эл-*

муродга машғулотлар оғир туюлмади. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Йил оғир келди-ю, бригадир шийпонда тунаб қоладиган бўлди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучлиа.

4 Салмоқли, салобатли. Ғулабурдан келган, қоп-қора, семиз киши оғир юриб, даврага чиқди. Н. Амннов, Қаҳқаҳа. Ҳовли ичкарироқ бўлганидан, ҳамма ухлаб қолганидан, дарвозанинг оғир гумбурига ичкаридан ҳеч ким чиқмади. Ойбек, Танланган асарлар. -Бунисини кўяверинг, қори, худо ишингизни ўнеласа, ҳеч гап эмас, гард юқтирмай чиқиб кетасиз, — деярд эди оғир, салмоқли товуш. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Секкин, шошмасдан қилинган; босиқ, вазмин. Оғир қадам. ■ Қора терга тушиб, ҳассасига таяниб қолган домла уфқдан кўзини олиб, оғир бош чайқади. М. Мансуров, Ёмби. Ғуломжон бошини оғир кўтариб, уста Баҳромга қаради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 кўчма Ўзини тута биладиган; сипо, вазмин, босиқ. Аминжон, ўзи ёш бўлса ҳам, жуда нишиқ, оғир, ғайратли. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Камтар ва камсуҳан, гўзал Искандаро қулоқ солиб, жиддий ва оғир ўтирарди. Ойбек, Нур қидириб.

Оғир бўл ўзининг бос, сабр қил. Одамлар Тожибойни тартнибга чақиритиб чуғурлашди: «Ҳа, ҳа, бироз тишни тишига қўйиш керак». «Ҳа, сал оғир бўлинг». П. Турсун, Ўқитувчи.

7 кўчма Муайян меъёри бузилган, меъёрга, талабга жавоб бермайдиган. Хонанинг ҳавоси оғир: чанг, овқат, тамаки ҳидлари бир-бирига аралашиб-қуралашиб кетганди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

8 кўчма Ёмон оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган; жиддий, хавфли. Оғир жароҳат. Оғир дард. ■ Отаси оғир касалликдан сўнг вафот этди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. У [Элмурод] ҳеч нарсага билмас, аҳволи оғир эди. П. Турсун, Ўқитувчи. У [Салтонбу] шундай бақириб юбордики, уй бурчида оғир ётган ўн уч яшарли.. қизи чўчиб кетар, деб ҳам ўйламади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

9 кўчма Ташвиш, иқтисодий муаммо. [Ҳаким:] Ҳам ишлаб, ҳам ўқийман, акамга оғирим тушмасин. «Ёшлик».

Оғирини енгил қилмоқ Бировнинг мушқулини, муаммосини осон қилмоқ, унга ёрдам қилмоқ. -Холбой бойнинг рўзғорига

бўлишиб, унинг оғирини енгил қилиб турганлиги учун уйли-жойли бўлиб олди. К. Яшин, Ҳамза.

10 кўчма Машаққатли, уқубатли, азобли; мураккаб, мушқул. Оғир кун. Оғир ҳаёт. ■ Элмурод ошласи ва ўзининг оғир ўтмишини қисқача тасвирлаб келиб, охирида шундай деган. П. Турсун, Ўқитувчи. Отамурод узоқдан бўлса-да, сезди: бошлиқ оғир аҳволда қолибди. М. Мансуров, Ёмби.

11 кўчма Қаттиқ жазолашни талаб қиладиган, жуда катта. Оғир гўноҳ. Оғир жиноят.

12 Нотинч, ташвишли, ҳаяжонли. Оғир туш. Оғир хаёл. Оғир ўй. ■ Чолнинг юрак яраларини очишда ўзини айбли санаган Йулчининг кўкраги оғир туйғулар билан тўлди. Ойбек, Танланган асарлар.

13 кўчма Қаттиқ тегадиган, хафа қиладиган, кўнгилсиз; маломли. Раиснинг уни кўриб, худди кўрмагандай ёнгинасидан машинасида кўчани чангитиб ўтиб кетиши унга оғир тегди. А. Кўчимова, Ҳалқа. Қамбар бирдан кулиб юборди. Унинг кулиши Йулчига оғир тегди. Ойбек, Танланган асарлар.

Кўнглига оғир олмоқ қ. кўнгили. Оғир ботмоқ 1) хафа қилмоқ, малол келмоқ. Назаров эшитингизми, дегандай қараш қилди. Назаровнинг шу боқиши Шербекка оғир ботди. С. Анорбоев, Оқсой; 2) ҳазм бўлмалик (овқатга нисбатан). Бу хил паловларни ёш гўдаклардан тортиб қарияларгача ва ҳатто беморлар ҳам истеъмол қилса, оғир ботмайди. К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик. Оғир гап 1) малол келадиган, қаттиқ тегадиган, ош; 2) ҳал қилиш қийин бўлган масала; 3) кўнгилисиз, ачинарли воқеа.

14 кўчма Ҳаддан зиёд, киши бардони беролмайдиган; қаттиқ. Оғир алам. Оғир жуздоллик. Оғир кулфат. Оғир мусибат. ■ Инсон ҳаётидаги энг оғир қайғу — онадан айрилиқ қайғуси. П. Турсун, Ўқитувчи. -Энди билдим, ошиқлик оғир дард экан. Бошимга тушганда билдим, — деди [йигит] П. Турсун, Ўқитувчи.

15 кўчма Қаҳратон, совуқ, ташвишли. Воҳа раҳбари саволни кутмаган экан, даб-дурустан довдираб қолди, сўнг шошиб: -Тўғри, устод, бу йил анча оғир қиш бўлди — деди.. М. М. Дўст, Лолазор.

16 кўчма Куч келадиган, қийин; дардли. Оғир нафас. Оғир энтикмоқ. ■ Зиёдилла кетандан кейин Ботирали бешик тебратиб

ўтирган хотинининг ёнига чўкиб, оғир уф тортди. Ҳ. Фулом, Машғал. Қизил қонига бўялган қаҳрамон пулемётчи оғир нафас олмақда эди. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

17 кўчма Мунгли, ғамгин, қайғули; салмоқли, вазмин. Оғир сукунат. ■ Оғир, юракни эзувчи куй шамоллар қанотида у ёқдан бу ёққа сузиб юрибди. С. Аҳмад, Уфқ.

Оғир артиллерия Узоққа отадиган катта тўп ва замбараклар. **Оғир карвон қ.** оғиркарвон. -Йўқ, менга сира ухшамайди,- деди Шарофатбиби шикоятланган оҳангда. - Оғир карвон у. Ойбек, О. в. шабадалар. **Оғир кўчмоқ** Қийинчилик билан ҳал бўлмоқ (бирор иш ёки масала ҳақида). **Оғир оёқ қ.** оёқ. Икромжоннинг кўнгли нотинч. Хотинининг оғир оёқ бўлганидан хаёли қишлоқда, уйда эди. С. Аҳмад, Уфқ. **Оғир саноат айн.** оғир индустрия қ. индустрия. Тарбияси оғир Хулқни яхши бўлмаган. Бўлғуси педагоглар тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаш каби масалалар устида иш олиб борадилар. «Фан ва турмуш». Қулоғи оғир Гапни яхши эшитмайдиган, карроқ; кар. Қулоғи бироз оғир, товушни бирмунча кўтариброқ гапиршига тўғри келди. А. Қодирий, Кичик асарлар. **Ҳавоси оғир жой** Ҳавоси бузилган, нафас олиш қийин бўлган жой.

ОҒИРБҮЙ *шв. айн.* оғир оёқ қ. оёқ. Озодахон оғирбўй бўлишига қарамай, югуриб-елиб чой дамлади. Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

ОҒИРКАРВОН Шошмасдан, бамайлихотир иш қиладиган; секин қимирлайдиган, ямиллаган; сусткаш. *Солижон* - *ийгирма ёшлардаги дароз, оғиркавон, камган йигит.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Самад Ғайбаровнинг галатепалик бир тўпори эканидан хабарсиздек, манави оғиркарвон қизни куриб, кулмаслигини истайди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ОҒИРЛАТМОҚ Юкни ёки вазнини оширмоқ; оғирлаштирмоқ.

ОҒИРЛАШМОҚ I Вазни, оғирлиги ошмоқ, оғирроқ бўлиб қолмоқ, оғир тортмоқ; вазминлашмоқ; кўпайиб бормоқ. Ёғоч бўкиб, анча оғирлашди. *Машинанинг юки оғирлашиб кетди.* ■ *Қордан кичкина юмалоқ ясаб, думалата-думалата, ўз буйларидан баланд катта курра ясаганлар.* У жуда оғирлашган. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Тобора машаққатли бўлмоқ. Ботиралининг хаёли унинг елкасига оғир юк

бўлиб тушиди ва бу юк кундан-кун оғирлашарди. «Ёшлик».

3 Қийинлашмоқ, мураккаблашмоқ. *Иш оғирлашди.*

4 Оғир тортмоқ, мушкуллашмоқ. *Беморнинг нафас олиши оғирлашди.*

5 Молдий жиҳатдан ночор ҳолга тушиб қолмоқ; машаққатли, укубатли бўлиб қолмоқ. *Аям ўлгандан кейин аҳволимиз яна оғирлашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Замон оғирлашиб кетганмиш, нима қилай, қон ютиб ўтирибман.* Т. Малик, Иблис девори.

6 Ноқулай, қийин бўлиб қолмоқ. *Энди қизининг олдига кириб, унинг бетига қараш унга [қутидорга] жуда ҳам оғирлашган эди, чунки бу фожиянинг бош омили деб ўзини таниган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 Хавфли тус олмақ, хавфли, хатарли бўлиб қолмоқ, жиддийлашмоқ. *Аҳвол борган сари оғирлашди. Погодин қўшинлари ярим ҳалқа ичида қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. -*Бойларнинг чақиғи билан Йўлчининг иши оғирлашди,*— деди Шокир ота. Ойбек, Танланган асарлар.

8 Кучаймоқ, зўраймоқ, тузалиши маҳол бўлиб қолмоқ. *Бемор кундан-кунга оғирлашяпти.* ■ *Фазилат опанинг аҳволи оғирлашиб борарди. Ранги сарғайиб, озиб чуп бўлиб қолди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

9 Ошмоқ, кучаймоқ. *Жинояти оғирлашди. Жазо чоралари оғирлашди.*

10 кўчма Гангиб қолмоқ, ўзини ёмон ҳис этмоқ. *Киши дардини англатолмаса оғирлашади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Қотмидан келган Смирнов бу сўзларни эшитгач, оғирлашиб кетгандай бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Боши (ёки калласи) оғирлашмоқ Боши гангимоқ, ғовлаб кетмоқ; ўзини бошқара олмай қолмоқ. *Чинни коса беш-олти бор қўлдан қўлга ўтгандан кейин, ҳар икковининг ҳам боши хийла оғирлашиб, кайф ғалаба қила бошлади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Елкасининг офтобда кўйган жойлари ачишар, боши оғирлашиб, ёстиқдан бош узолмасди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ОҒИРЛИК I Вазннинг ортиқлиги; қийинлик, мушкуллик. *Ишнинг оғирлиги. Масаланинг оғирлиги. Аҳволнинг оғирлиги. Керакли тошининг оғирлиги йўқ.* Мақол. ■ *Карвон жўнади. Юкнинг оғирлигиданми ёки гупчаклари ёғсироганданми, аравалар ғир-*

чиллаб, ўз музыкаси ўзи билан жадал бормоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Тошкентдан уйланганимдан сўнг, ёлғиз бошимга ҳам Тошкентдан, ҳам Марғилондан икки хотин ушлаб туриш оғирлик қила бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Калланг оғирлик қиялптами Жонингдан умидинг йўқми, ўлтинг келялптами.

2 физ. Жисмларнинг ерга тортилиш кучи.

3 кўчма Ташвиш, малоллик. Сизларга оғирлигим тушаётгани йўғу. Уйда нима бор менга? А. Кўчимов, Ҳалқа. Ҳар кун эрталаб ишга кетаётганимда, [болани боғчага] элтиб қўясан, қайтганимда — олиб кетасан. Шундоқ қилсанг, ўзингдан бошқа ҳеч кимга оғирлиги тушмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

[Бировга] оғирлигини ортмоқ 1) бировга осилмоқ, устига чиқиб (миниб ёки опичлаб) олмоқ; **2)** кўчма боқинди, қарам бўлиб олмоқ, ўз ташвишини бировнинг зиммасига юкламоқ. *Мунаввар, Йўлдошга оғирлигини ортмаслик учун, ўзига иш ҳам тонди: туғуруқ-хонага доя бўлиб кирди, С. Анорбоев, Мехр.*

4 кўчма Мушкул, қийин, ноқулай аҳвол; қийинчилик; азоб-уқубат. Соқинанинг бир ўзига икки бола билан юриш оғирлик қилади. М. М. Дўст, Лолазор. *Момо у кунларнинг оғирлиги, ташвиши ҳақида кўпма сўйлайвермайди. «Саодат». Улар бир-бирларига қарашиб, илжайишдилар. Нигор ойим ҳам оғирликдан чиқди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

5 кўчма Ўзини тута билиш, сиполик; босиқлик, вазминлик. Кимнинг номуси, кимнинг ақли, кимнинг сабри, оғирлиги уни шармандаликдан қутқариб қолди? Ойбек, Танланган асарлар. *Ботирали оғирлак билан онасига қаради. «Ёшпик». У, қўлларидаги нарсаларни стол устига қўйгач, оғирлик ва босиқлик билан Турсун хола ёнига борди. Газетадан.*

Ўзини оғирликка солмоқ ёки оғирлик қилмоқ Ўзини босмоқ, ўзини қўлга олмоқ, сабр қилмоқ. У ўзини оғирликка солиб, хотинининг бош-кўзини силади, эркалатди. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит. *Юраги орқасига тортиб кетган Жумард ўзини оғирликка солди. Мирмуҳсин, Илдишлар ва япроқлар.*

ОҒИРОЁҚ (туғриси — оғир оёқ) с. т. Ҳомилалор. *Тоғай оғироёқ хотинларга хос*

сусткашлик билан ўчоқ бошида куймаланиб юрган Марҳаматга эътибор бермади. «Ёшпик».

ОҒИРСИНМОҚ 1 Оғир, қийин деб билмоқ.

2 айн. оғирпмоқ.

ОҒИРСИНМОҚ Қийинчилик, оғир, мушкул аҳвол; машаққат. *Оғирчилик кўрган одам. — Ўғлингни тирик етим қилма. Боланг туфайли ҳар қанча оғирчилик бўлса, устингга ол. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Улар ҳар қанча оғирчиликка чидаб, бирлашишлари керак. С. Аҳмад, Уфқ.*

ОҒИШ 1 Оғмоқ фл. ҳар. н. Нурнинг турли муҳитларда турлича оғиши. — Ҳар қандай ионнинг оғиш бурчаги унинг бир қанча параметрларига, жумладан, массасига боғлиқ бўлишини инглиз физиги Ж. Томсон кашф этган эди. «Фан ва турмуш».

2 махс. Меридиан чизиги билан компас стрелкаси йўналишлари орасида ҳосил бўладиган бурчак. *Магнит стрелкасининг оғиши.*

Орамизда оғишимиз бор шв. Бир-биримизга ўтишганимиз бор, бир-биримизда қарзимиз бор.

ОҒИШМАЙ 1 Оғишмоқ фл. рвш.

2 рвш. Изчиллик билан, иккиланмасдан, чекинмасдан. *Ҳукуматимиз ўзининг тинчликсевар сиёсатини оғишмай амалга ошириб келяпти. «Фан ва турмуш».*

ОҒИШМОҚ 1 Оғмоқ **3, 6** фл. бирг. н. *Улар тўғри йўлдан оғишмади. Ота-она келин томон оғишди. — [Отабек] Онасининг нима бўлса ҳам Марғилон тарафга оғишганини ва ўзининг кучли бир душмандан қутулаётганини. пайқади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Бирор томонга қийшаймоқ, оғмоқ. *Дунё ўқи горизонтга оғишган ва шунинг учун ёриткичлар осмон гумбазининг жанубий томонида ҳаммадан баландроқ кўтарилади. «Астрономия».*

3 кам қўлл. Бирор томонга юрмоқ, йўл олмоқ, ўтмоқ. *Ҳомид ўзининг нажот томонига оғишганини сезиб энтикди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 шв. Алмашмоқ, адашмоқ, ўзгармоқ. *Кийимлари оғишиб қолибди.*

5 шв. Ўзаро олди-берди қилиб, бир-бирга қардор бўлмоқ, ўтишмоқ ёки ўтишган қарз-қурзларини бир-бирига тўлаб, орани очик қилмоқ. *Шуни айтаётиман-да! Қий-*

налиб қолманг, менда бор, бериб турай, кейин оғишиб кетармиз. Уйғун, Сунгити пушаймон.

ОҒИШТИРМОҚ **Оғишмоқ** 1, 3, 4 фл. орт. н. *Чупон подани қирнинг у томонига оғиштирди.* ■ [Хушрўй] *Хафта, ун кун ўтмасдан, эрини ўз томонига оғиштириб, кундоши ёнига киргизмаёқ қўядир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОҒМА 1 с. т. айн. **оғмачи** 1.

2 мат. Бирор тўғри чизикни 90° дан кичик бурчак ҳосил қилиб, кесиб ўтадиган иккинчи тўғри чизик. *Оғма призма. Оғма цилиндр.*

3 сфм. Ётиқ, қя. *Оғма минора.*

ОҒМАХОН Ғалла ўсимликларига зарар келтирувчи, каламушдан каттароқ кемирувчи ҳайвон.

ОҒМАЧИ 1 Бир гапда турмайдиган, ҳадеб айнийверадиغان иродасиз одам, иккиланувчи, иккиюзламачи. *Оғмачи камбағалларимизнинг оғзини мойлашяпти тулки бойлар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 сиёс. Бош йўлдан чекинувчи, четта чиқувчи, оғувчи. *Унг оғмачилар. Сўл оғмачилар.*

ОҒМАЧИЛИК 1 Оғмачига хос хусусиятга эгалик.

2 сиёс. Бош йўлдан чекинмиш, четта чиқмиш, оғиш. *Унг оғмачилик. Сўл оғмачилик.*

ОҒМОҚ 1 Бирор томонга ётиб, қя ҳолат олмақ, қийшаймоқ, энгашмоқ, ёнбошламоқ. *Кема унг томонга оғди. Девор оғиб қолди.* ■ *Ортиқ сўзлай олмади, боши бир томонга оғиб тушди-ю, жим бўлди — жони узилган эди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Анисимов ҳамиша деворни оғган томонга йиқитади.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

2 Бирор томонга, пастта сирғаниб, осилиб тушмоқ. *Қоринбоғ бўшаб, отнинг эгари чап томонга оғиб кетибди.*

3 Тўғри, тик йўлдан ёки белгили йўналишдан четта чиқмоқ. *Самолёт курсдан оғди.*

4 Бурилмоқ, четта чиқмоқ; бирор томон силжимоқ. *Яхшибоев гап мавзуси четга оғиб кетганини сездди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бек ака бошини кафтлари орасига олди: -Бабурд бўлиб қолдим чоғи ёшим оғиб!* С. Нуоров, Нарвон.

5 Бўлинмоқ, чалғимоқ (уй-хаёл, диққат-эътибор ҳақида). *Бирдан диққати оғиб, уларга қулоқ тутди.* «Шарқ юлдузи».

6 кўча Тўғри йўлдан адашмоқ, четта чиқмоқ, тоймоқ; бирор сиёсий оқимдан, маслақдан тоймоқ, қайтмоқ. *Менимча, ўр-*

тоқлар, Қўчқоров партия йўлидан оғиб, ёт унсурлар таъсирига тушиб қолган одам. С. Анорбоев, Оқсой.

7 Бирор томонга йўналмоқ, қарамоқ (кўз ҳақида). *Ҳожжи хола, Тураҳоннинг хаёлчан кўзларида қараб олиб, жавоб кутди. Жувон кўзлари секин ерга оғди: «Розиман».* М. Исmoilий, Фарғона т. о. *Рағнонинг ерга қараган кўзи секингина Анварга кўтарилиб, яна ерга оғди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

8 Энг юқори нуқтадан, зенитдан ўтмоқ (Куёш, Ой ва юлдузлар ҳақида). *Куёш кунботарага оғиб, соялар қўзилиб қолган бўлса ҳам, тепалар ҳамон офтоб селида жимирлаб ётарди.* М. Мансуров, Ёмби. *Уфққа оққан куёш кўкни тутган тутун.. орасидан гўё қора шиша орқали кўринганга ўхшайди.* Ойбек, Куёш қораймас.

9 Маълум бир муддатдан, пайтдан ўтмоқ, ошмоқ. *Вақт ярим кечадан оққан эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Кун асрдан оғиб, шомга яқин қолган, шунинг учун гузардаги дўконлардан очиғи уч-тўртта.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Кун оғди Кундузнинг ярмидан кўпи ўтди, кеч кира бошлади. *Кун оғиб, ерга соя тушиши билан Ҳамро опанинг юраги титирчилаб қолди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Тун оғди* Кечанинг ярмидан кўпи ўтди, ярим кечадан ошди. *Тун оққач, батальон келди.* Шухрат, Шяенелли йиллар.

10 кўча Бирор томонга ўтмоқ, унга мойил бўлмоқ ёки ён босмоқ. *Бирон эътиборлироқ одам закон [қонун] сўқиб қолса, дарров уша томонга оғиб кетишарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Бу замонда кимнинг жинчақаси кўп бўлса, одамлар ушанга оғади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саломат қақшоқ ўгай она билан чиқишолмади. Ҳар кун жанжал, эшитмаган гапи, емаган турткиси қолмади. Ота ҳам суюкли хотин томонга оғиб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Боши оғиб Фалакнинг гардиши билан; беихтиёр, ўйламай-нетмай, боши айланиб. *Боши оғиб келиб қолди.* **Боши оққан томонга кетмоқ қ. бош.** *Нусратбек вужудини чулғаган паршион кайфиятдан фориг бўлиш учун бирдан боши оққан томонга кетиш ишқига тушди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. **Кўнгли оғмоқ** 1) мойил бўлмоқ, муҳаббат қўймоқ. *Қизинг, туркман элдан бирах топибди, Қизинг кўнгли шу туркманга оғибди.*

«Равшан»; 2) айн. эсм **оғмоқ** 1. Эси (ёки хуши) **оғмоқ** ёки эсидан (ёки хушидан) **оғмоқ** 1) эс-хушни йўқотиб қўймоқ, маҳлиё бўлиб қолмоқ. Мен, эсим оғиб, унинг оғзига тикилганимча, қимирламай ўтириб қолдим. Ойдин, Садаганг бўлай, командир; 2) ақлдан озмоқ. Адолатнинг бир нуқтага тикилган кўзларига қараб қўрқиб кетди: эсидан оғиб қолса-я! Ҳали бу кўргулик ҳам бормиди унга. С. Зуннунова, Гулхан. Ҳафизанинг бирдан ранги оқариб, гўё бошига юз нудлик гурзи тушгандек, эси оғиб қолди. Мирмуҳсин, Умид.

ОГОЗ [ф. آغاز — боши, аввали, бошланиш жойи; бошлаш, киришиш]: **оғоз қилмоқ** (ёки **этмоқ**, **айламоқ**) эск. кт. Бошламоқ, (бажаришга, ижро этишга) киришмоқ. Доя фақирни ердан олиб, йўракламоқчи бўлганида, камина чирқираб, гиря оғоз қилиб, асло йиғидан тўхтамаганимдан, падар сезибдиларки, фарзандлари бежиз эмасдир. А. Қодирий, Кичик асарлар.

ОГОЧ кт. 1 айн. **дарахт**. Олма **оғочи**. ■ Кўм-кўк оғочларнинг қалин шохида Қанотли кучичлар сайрашда эди. Миртемир.

2 эск. Ёғоч, хода. Йигит чирик оғочлар тирқишидан настга қаради. С. Сиев, Ёруғлик. Дўконга бир шайтони лаин оғоч қўқиб қўйибди-ку, энди нетиб очдим? «Ёшлик».

ОҒРИМОҚ 1 Касал бўлмоқ, бирор касалликка йўлиқмоқ, дардга чалинмоқ. Ишламай еган, оғримай ўлар. Мақол. ■ Буюк аллома Абу Али ибн Сино мия, қонтомир, ўпка касалликлари билан оғриган кишиларни доволашда ёнғоқ мағзидан самарали фойдаланган. «Фан ва турмуш». Бирдан Зеби хола оғриб қолди-ю, ўша ётганча ўрнидан турмади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Касалланиб, шикастланиб, жароҳатланиб ёки чарчаб оғриқ бермоқ, оғриққа кирмоқ. Оёғим оғрияпти. Пичоқни аввал ўзинга ур, оғримаса, бировга ур! Мақол. ■ Унинг тани зирқираб оғриб, айниқаса, бели шундай оғридики, асло чидаб бўлмасди. С. Аҳмад, Уфқ. Бутун баданим зирқираб оғриди, энди жуда кучайди оғриқ. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Касалланиб ёки қурт еб тўкилмоқ (хўл мевалар ҳақида). Оғриган олма.

Бели оғримаганининг нон ейишига қара қ. бел 1. Дили (ёки кўнгли) **оғримоқ** Хафа бўлмоқ, ранжимоқ, дили озор чекмоқ. Зумрад

эрига кўз қирини солди. Унинг бугунги озорини ўйлаб, кўнгли оғриди ва жаҳл билан тесқари ўгирилиб, тушакни бошига тортди. С. Сиев, Отпиқ аёл. Гулнорни олмоқчи экан, олсин. Ука, биз тўсиқ бўлмайлик, чолнинг дили оғримасин. Ойбек, Танланган асарлар. **Жони оғримок** Азоб чекмоқ, қийналмоқ.

ОҒРИНМОҚ 1 Норозилик ёки малоллик билан бирор ишни бажармоқ. Мамат қассоб, қаришисида қимтиниб турган ранги синиқ жувонга тикилиб, оғринибгина ярим килодан ошиқ думбани тарозига ташлади. Н. Норқобилов, Тўқнашув. Шопмўйловли киши оғриниб ўрнидан турди. «Ёшлик».

2 Ўзига оғир олиб ранжимоқ, хафа бўлмоқ. Ошно, гарчи оғринган эса-да, уларни унутмади, ўзи бормаса ҳам, касалхонага хотини Муяссарни юбориб турди. М. М. Дўст, Лолазор. Мен бу гапга унча оғримадим, эркак киши баъзан шунақа юраги торлик қилади, деб қўя қолдим. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ОҒРИНТИРМОҚ Оғримок фл. орт. н. Саидий аллақачон салом беришга қарор берди, аммо сўрашиш керакми, ё бўлмаса, сўрашиш улуғ кишини йўлдан қўйиб оғринтириш бўладими? А. Қаҳҳор, Сароб.

ОҒРИТМОҚ 1 Оғримок фл. орт. н. Намгарлик азойи баданимни зирқиратиб оғритяпти. Этик оёғимни оғритди. ■ Йиғлама, Турсуной, йиғлама. Йиғи бошни оғритиб, кишини лоҳас қилади. А. Қаҳҳор, Мастон.

2 Хафа қилмоқ, ранжитмоқ, дилига озор бермоқ. Кўнглини оғритмоқ. ■ Дилдор шу ёшга кириб, бировнинг дилини оғритмаган. С. Аҳмад, Уфқ. [Кумуш Отабекка:] Шу яқин орадаги унинг [Зайнаб] билан бўладиган масъуд дақиқаларингизда худо йўлига ваъда олингиз — мени оғритмасин, рақибам келди, деб ўйламасин. А. Қодирий, Утган кунлар. Ука, ман уч-тўрт кундан кейин Фарғонага жўнайман. Лекин сан чолнинг кўнглини заррача оғритма, дурустми? Ойбек, Танланган асарлар.

Бош оғритмоқ 1) бошни оғритмоқ, бошга оғриқ киритмоқ. Заъфарон фойдали ўсимлик бўлиш билан бирга нохуш асоратлари ҳам бор. Бошни оғритади. «Саодат»; 2) бош қотирмоқ, фикрламоқ. Бу йил идора чопиқ, суғориш каби ишларни ташкил қилиш; иш битдими, орқада қолдими, ҳар кун кўздан кечириш тўғрисида бош оғритмайди. А. Қо-

дирий, Кичик асарлар; 3) тинчлик бермаслик, ҳолия-жонига қўймаслик. «Элга қўшилмайсан, одамгарчилигинг борми?» дейишавериб, боини оғритишиди. Газетадан.

ОҒРИҚ 1 Касалланиш, шикастланиш, жароҳат ёки чарчаш натижасида сезиладиган жисмоний азоб, дард. *Оёғининг оғриғи босилди. Ярам яна оғриққа кирди.* ■ Бироздан кейин *Малик муаллимнинг биқинидаги оғриқ хиёл босилди. А. Кучимов, Ҳалқа. У ўз азобига, кужо оғриғига чидаб, бардош қилиб, ўзига-ўзи далда берарди. Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон.*

2 Касаллик, хасталик, дард. *Бел оғриғи. Кўз оғриғи. Оёқ оғриғи. Оғриққа чалинмоқ.* ■ *Оғриқнинг биринчи кунини Қумуш ҳеч кимга сездирмай юрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Юрак оғриғи 1) дил касаллиги, юрак хасталиги; *Куж чой бош, юрак оғриғига, қон босимига дучор бўлганлар учун фойдали. «Фан ва турмуш»; 2) с. т. меъда бузилиши, ич кетиши; 3) кўчма с. т. ланжа одам. - Қоронгани кўрсатмай қўйдинг. Нима бўлди, шунгақа юрак оғриғимидинг? - деди қорақош йигит ўспиринга. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.*

3 Бемор, касал, хаста. *Улар оғриқнинг ўлгани яхши, уйдагиларнинг тингани яхши. Мақол. Оғриқнинг тузалгиси келса, эмчи ўз оёғи билан келар. Мақол. ■ Бу воқеанинг учинчи кунини Қумушбиби йшлаб ётувчи оғриқлардек сарғайиб озган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳар иккала оғриқнинг номи битта - муҳаббат. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. Бирон жойда ишлаш у ёқда турсин, «кўчага чиқай» деган ўйнинг ўзининг учун оғриқ кўз билан офтобга қарашдай ёқимсиз эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

4 кўчма Рухий азоб, дард, алам. *Элмурод Фотима билан тенглашиб олгач, бир энтиқди-да, гўё қалбини жисиллатиб турган оғриқни битталаб олиб ташлаётгандай гапирди. П. Турсун, Ўқитувчи. Чолнинг қалбини аллақандай совуқ бир қўл олмур орасига олиб сиқар, оғриғи юзига уриб борар эди. М. Исмоилов, Фарғона т. о.*

5 кам қўл. *Ташвиш, ғам. - Ажабо, маккажухоридан бошқа оғриғим йўқми, - деди раис ўзига-ўзи. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Муминлар бир-бирларининг оғриғига шерик бўлиши керак. «Фан ва турмуш».*

6 кўчма Иллат, камчилик. - *Бу оғриқ янгигина тузилган колхоз шароитида юқумли бир офат. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

Бош оғриғи қ. бош. Бош оғриғи қилмоқ с. т. Ичкиликдан кейинги қарахтликни тарқатиш учун яна бироз ичмоқ, заҳар босди қилмоқ.

ОҒРИҚЛИ 1 Оғриқ мавжуд бўлган, жисмоний азоб берувчи. *Оғриқли яра.*

2 Рухий оғриқ берувчи, дардли. *Болалигимдан бери бир оилани кузатаман. Шў уйнинг она бўлгич аёли мен учун оғриқли дунёдир. «Ёшлик».*

ОҒРИҚСИЗЛАНТИРУВЧИ Оғриқни бартараф этувчи, оғриқни сездирмайдиган. *Оғриқсизлантирувчи дорилар. ■ Урта асрларда Европада ҳали тиббиётда жарроҳлик амалларида оғриқсизлантирувчи яхши воситалар бўлмаганлиги туфайли, табиблар ёғоч «гурзи»га «мурожаат» қилар эканлар. Газетадан.*

ОҒУ айн. заҳар. Ҳа, у арзанда! Яшайверсин, лекин ўз тушагиди, бировларнинг ошига оғу солмасдан яшасин! С. Нуров, Нарвон. [Зухра] Сенсиз бу олам бўлди қоронғи, Ҳар лўқма ошим сенсиздир оғу. С. Абдулла.

ОҒУЛАМОҚ 1 Заҳар солмоқ, заҳар қўшмоқ. *Пахта далаларини турли хилдаги ўғитлар билан заҳарлаб келдик. Қўра-била туриб ерни, ўзимизни оғуладик. А. Нурмуродов, Уруш бевалари.*

2 кўчма Заҳарга, оғуга айлантirmoқ, заҳарламоқ. *Умрининг энг қимматли кунларини оғулаган, икки йил бўйи давосиз дардга мубтало қилган ўз онаси эмасмиди? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ОҒУЛИ 1 Заҳар солинган, заҳар қўшилган; заҳарли. *Оғули ош. ■ Бу оддий раиш эмас, бу бўҳтон кучи, Кўксига қадалар оғули тикан! Ж. Жабборов.*

2 кўчма Заҳарга, оғуга айланган, заҳарланган; заҳарли. *Оғули гап. ■ Турмушининг оғули дарахти иккита ширин мева қилади: булар - шегрият гўзаллигидан роҳатланишу яхши одамлар билан муносабатда бўлиш. Газетадан.*

ОҒУШ [ф. اغوش - кучоқ, бағир; қўйин, кўкрак; кўкс] 1 кт. Кучоқ; қўйин, бағир. *Ўз оғушига олмоқ. ■ Раёно жавоб бермай, Анварнинг оғушидан ўзини қутқазиб, ўрнидан турди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Сенинг оғушинг офтобнинг ётоғига ўхшайди.. баданингдан беҳиш ялпизининг бўйи келади, кўкрагингдан олма ҳиди анқиб туради.. «Ёшлик».*

2 кучма Қаър, бағир. *Кўп ўтмасдан ўлим ўз оғушига тортди.* Ойбек, Навоий. *Саратонда муаллақ қотган ҳаво ғубори шабнам билан яна ўз онаси — тупроқ оғушига оҳиста чўкди.* «Саодат».

3 кучма Қўршов, қўйин. *Толибжон омонат ёғоч кўприк устида шундай, ҳам ширин, ҳам юракни ўртовчи ҳислар оғушида гарангсиб турарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Мурод қандайдир қувонч оғушида онасига қаради.* Т. Ашуров, Оқ от.

Оғуш қилмоқ эск. Кучоқламоқ, кучоғига олмоқ, бағрига босмоқ.

ОҲ унд. с. 1 Қувонч, завқ, қойил қолиш каби ҳис-туйғуларни ифодалайди. *Оҳ, у дамлар!.. Эсласам, қалбимни қувонч, руҳимни шодлик кучади.* Ж. Жабборов, Севинч ёшлари. *Оҳ, бу ёқимли ҳид қаердан келди экан.* Х. Тўхтабоев, Шприн қовунлар мамлакати. *Оҳ, гўзал жонон ҳаёт, сенда эрур озод киши.* З. Дийр.

2 Соғиниш, интизорлик каби маъноларни ифодалайди. *-Кел, бир ўнай! — деди Абдуманноф. — Оҳ!.. Азиз оғайним! А. Қаҳҳор, Оғайнлар. Баъзи вақтда унча-мунча пул ҳам сўраб оламан, Лекин чирт-пирт бўлиб, қўлдан учади-кетади.* Оҳ, пул! Ойбек, Танланган асарлар. *-Оҳ, айланай, овсинжон, — деди бир жувон кулгидан ўзини тийиб, — кўзимиз довуччада бўлган замонлар қандоқ замонлар экан-а? С. Зуннунова, Олов.*

3 Ачиниш, дард-алам, ҳасрат туйғусини ифодалайди. *Қани Гулнор? Қани жонони? — Оҳ, у йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Оҳ, фалокат, падар лағнат! Шарманда қилдингу охири!* Ҳамза, Танланган асарлар.

4 Оғрик, дард туйғусини ифодалайди. *[Заргаров дарров креслога ўтириб:] Оҳ! Воҳ! Суғур! Суғурсанг-чи! [Марасул омбурни чоғлаб:] Ҳозир.. Ҳозир.* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

5 *от взф.* Дод-фиғон, нола, афғон, зорланиш. *Оҳ тортмоқ (урмоқ, чекмоқ).* ■ *Эй, телба кечмишининг тилсиз гувоҳи, Тингланар қалбингдан йилларнинг оҳи.* Файратий. *Танҳо ётар эдим бўм-бўш қирғоқда, Тендамда юлдузлар чекар эди оҳ.* А. Орипов, Йиллар армони. *Саид Жалолахон ишонган тоғи хусусидаги бу хабарни эшитиб, оҳ тортди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Оғрик аламидан тинмай оҳ урарди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ОҲАК [ф. *آهك* — оҳак] Оҳактошни ўта юқори (900° дан ортиқ) температурада куйдиришдан, пиширишдан ҳосил бўладиган оқ модда; кальций оксиди (қурилиш, металлургия, кимё sanoати ва б. соҳаларда кенг қўлланади). *Оҳак қоришмаси.* ■ *Қизлар кўпроқ дарахтларга оҳак суриш, супуриб тозалаш ишларини бажарардилар.* С. Зуннунова, Олов. *Эртага ишдан қайтаётиб, оҳак ола келсангиз, катта меҳмонхонани бўшаптиб, оқлаб олардик.* А. Мухтор, Кумуш тола.

Оҳак суги Пиширилган оҳактошнинг сувдаги эритмаси, сув қуйиб эритилган оҳак. *Баъзи бир заҳарловчи моддалар оҳак суги билан йўқотилади.*

ОҲАКИ [ф. *آهكي* — оҳакка оид, оҳакли, оҳак қўшилган]: **оҳакли наमत** Оҳак суги билан намлаб қотирилган, сифати паст кигиз.

ОҲАКЛАМОҚ 1 Оҳак билан оқламоқ. *Раис хонанинг юлқа тахталари очилиб қолган полига, оҳакланган, лекин сарғайиб қолган деворига, газета туги қўйилган деразасига қаради.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *махс.* Ерни оҳак билан ўғитламоқ. *Оҳаклаш ер шўрини ёйди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

3 *махс.* Тери, наमत каби нарсаларга оҳак суви билан ишлов бермоқ.

ОҲАКЛИ Таркибида оҳак бўлган, оҳак аралашган; оҳакдан қилинган.

Оҳакли сув Тиндирилган оҳак суги, ўвоч кальцийнинг тиниқ эритмаси.

ОҲАКТОШ Таркибида оҳак бўлган чўккинди тоғ жинси. *Цемент хомашёси оҳактош ва шил конларидан қазиб олинди, майдаланади.* «Фан ва турмуш».

ОҲАНГ [ф. *آهنگ* — келишув, ҳамжиҳатлик; ёқимли товуш, куй; ҳамоҳанглик, уйғунлик] 1 Бир-бирига уланган, уйғунлашган ёқимли товушлар оқими. *Ариқдан майин оҳанг билан сув оқар.* Ойбек, О. в. пиабадалар.

2 Турли товушларнинг маълум бир тартибда уйғунлашиб, мусиқий бутунлик ташкил этган бирикмасидан иборат мусиқа асари; куй. *Бу ашуланинг оҳанги жуда яхши экан!* ■ *Буларнинг [шеърларнинг] ҳаммаси деярли газетада босилар, баъзиларини болалар оҳанга солиб, сахналарда ашула қилиб айтар эдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Нутқда маънога қараб овознинг кўтарилиши ва пасайиши; интонация. *Буйруқ оҳанги, Сўроқ оҳанги. Тинч (босиқ) оҳангда сўзламоқ.* ■ У вақтларда мен шеърларнинг маъносини тўла тушунмасам ҳам, уларнинг ўқишдаги оҳанги мени завқлантирарди. С. Айний, Эсдалиқлар. *Зийёдахон.. баъзи жумлаларни маъносига мос келмайдиган оҳангда ўқиб, тингловчиларга уқтира олмагани учун, ҳикоянинг давомини Иброҳимовнинг ўзи ўқиди.* А. Қаҳқор, Кўпчянор чироқлари.

4 Сўзловчининг ички ҳис-туйғуларини ифодалайдиган талаффуз услуби. *Аразлаган оҳангда сўзламоқ. Йиғламсираган оҳангда гапирмоқ.* ■ Ойша хола қалбдан силқиб чиққан меҳрибон бир оҳангда гапирди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Гулнор тўғрисида сўзлаганда, товушига сирли оҳанг берди.* Ойбек, Танланган асарлар. - *Кечир демоқчисиз, — деди Инобат майин, аламли оҳанг билан.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

5 кўчма кам қўл. Нарсаларнинг ўзаро қўшилишидаги мослик, уйғунлик. *Бўёқларнинг нафис оҳанги.. бениҳоят нозик товлар эди.* Ойбек, Навоий.

Ҳар (ёки юз, минг) оҳангга солмоқ Гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ қилиб кўрмоқ. *Дангасага иш буюрсанг, ўзини ҳар оҳангга солади.*

ОҲАНГДОР [ф. *آهنگدار* — уйғун, ҳам-оҳанг, хушоҳанг] 1 Кулоққа ёқадиган, хуш келадиган, ҳузур бағишлайдиган; ёқимли, мусиқий; оҳанги яхши. *Оҳангдор мусиқа.* ■ *Алла! Дунёдаги энг содда, энг соф, энг оҳангдор, эрка туйғули она қўшиғи.* «Саодат». Гуландом оҳангдор, жарангли овоз билан сўзлади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Маълум оҳангга эга бўлган, маълум оҳанг билан талаффуз қилинадиган; оҳангли, жарангли. *Оҳангдор шеър.* ■ *Ўткир оҳангдор товушдан сесканганда, юк машинаси дарҳол ўзини йўл четига олиб, ўтавер, дегандек дуддудлади.* С. Нуров, Нарвон. *Соқоли кампир бир қўлини Нурининг бошига енгил қўйиб, баланд.. товуш билан худди куйлагандек, сўзларни оҳангдор чўзиб қичқирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ОҲАНГДОШ 1 Айтилиши ўхшаш, талаффуздаги оҳанги бир хил. *Оҳангдош номлар.* *Оҳангдош сўзлар.*

2 Маълум оҳангга, куйга мос тушган, мос келадиган. *Оҳангдош ашулалар.*

3 кўчма Бир-бирига мос, уйғун, ҳамоҳанг. *Оҳангдош бўёқлар.*

ОҲАНГДОШЛИК 1 Бир хил оҳангга эгаллик, оҳанг жиҳатидан ўхшашлик. *Сўзларнинг оҳангдошлиги.*

2 мус. Турли баландликдаги мусиқа товушларининг бир вақтда садоланиб қўшилиши. *Куйларнинг оҳангдошлиги.*

3 эск. айн. **сингармонизм.**

ОҲАНГЛИ Маълум бир оҳанг ёки куйга эга, маълум бир оҳанг, куй билан ифода-ланадиган, чалинадиган, айтиладиган; оҳангдор. *Бир турли, бир оҳангли нафис, мусиқавий товушлар кишининг борлиқ вужудига, қон томиларига ажойиб бир ўзгартиш берган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ОҲАНЖАМА [ф. *آهنگ جام* — темир қошлама, жылд] с. т. 1 Ажойиб-ғаройиб безак, бежама. *Ёш-яланг орасида неки либос, неки оҳанжама расм бўлса, дастлаб шу қизнинг эғнида кўрардингиз.* «Ёшлик». «Оқтой» чиндан ҳам оқши бўлиб, шалпанг қулоқлари хачирларникидай узун, оҳанжамаси зўр эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ажойиб-ғаройиб иш, ҳаракат, тартиб, қилиқ, галва. *Туйнинг оҳанжамаси кўп.* ■ *Бу оҳанжама саломлардан сўнг кувё йигитнинг кимлари борлиги ва улар қандай одамлар эканлиги билинди-қўйди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

ОҲАНРАБО [ф. *آهنگ ربا* — темирни тортувчи < *آهنگ* — темир + *ربا* — ўғирловчи, тортувчи] 1 эск. айн. **магнит.** *Кишилик тарихи давомида оҳанрабо ва кейинчалик электрон кварц соатлар яратилди.* Газетадан.

2 кўчма Ўзига тортувчи, ўзига жалб этувчи, мафтун этувчи; фусункор. *Оҳанрабо куй.* ■ *Узоқ кетдим, бахт келтирай деб сенга, Оҳанрабо муҳаббатинг бор учун.* Т. Тўла. *Яқин-атрофдан эшитилаётган оҳанрабо куйлар кишини мафтун этади.* «Саодат».

ОҲ-АФҒОН, **оҳу афғон** Оҳу нола, оҳу фиғонлар. *Оҳ-афғон қилмоқ.* ■ *Онанинг оҳу афғонига манқурт пинагини ҳам бузмади.* «Ёшлик».

ОҲ-ВОҲ, **оҳу воҳ** айн. **оҳ-афғон.** *Бундан қутулиш учун оҳ-воҳ, йиғи-сиғи сира фойда бермайди. Қулчиликдан чиқмоқчи бўлсак, курашга бел боғлашимиз керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

Оҳ-воҳ қилмоқ 1) оҳ-фиғон чекмоқ, дод-вой қилмоқ; азобланмоқ. *Қон ҳиди оҳ*

бўриларни шу қадар маҳлиё этгандики, на ўқлар овози, портлаш даҳшати, на жон бераётганларнинг оҳ-воҳ қилишлари уларга тавсир қиларди. «Ёшлик». Эшикда оҳ-воҳ қилганча жиккак кампир пайдо бўлди. Н. Норқобилов, Тўқнашув; 2) кўчма муҳаббат куйида сохта куйди-пишди бўлмоқ. Икки чаккасида соч астирган, қанилари паст сартарош йигит аввал оҳ-воҳ қилиб, иккиқат бўлган қизни ташлаб қочиб кетган эди. Мирмуҳсин, Умид.

ОҲ-ЗОР, оҳу зор айн. оҳ-афғон. [Мамат:] Менинг оҳу зорларим бундай қулай фурсатларни келтирди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

ОҲИСТА [ф. آهسته – секин, аста, аста-секин; шовқинсиз, осойишта] рвш. 1 Аста, қаттиқ овоз чиқармасдан, секингина. Оҳиста гапирмоқ. Деразани оҳиста ёпмоқ. ■ -Раҳмат.. Раҳимжон ака! – деди Раъно секин. Деди-ю, энтикди, сўнгра чуқур нафас олиб, оҳиста такрорлади: -Катта раҳмат! О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида. Аваз уйғоқ эди, отаси билан оҳиста гаплашиб кираётган кишининг товушини эшитди-ю: «Яна бир ҳамдard шекилли», деб шифтга қараб ётаверди. С. Спёев, Аваз.

2 Шошмасдан, секин, аста; шов-шув кўтармасдан. Раъно оҳистагина Анварнинг ёнига келиб, супага суянди. А. Қодирый, Меҳробдан чаён. Умид киришда оҳиста у ёқ-бу ёққа қараб киргани билан, чиқишда мушукдек эпчиллик билан занаялардан тушди. Мирмуҳсин, Умид.

3 Билинар-билимас, сал-пал, зўрга пайқаб оладиган даражада. Кўзни оҳиста очиб, юммоқ. Бошни оҳиста чайқамоқ. Ой оҳиста силжимоқди. ■ Қайғуга ботган кўзларини юмиб, бошни оҳиста ирғади. «Саодат». Пастдан шоша-пиша чиқиб келаётган врачнинг шарпасини сезгач, хиёл қўзғалиб, оҳиста кўзини очди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

4 Ҳовлиқмасдан, босяқлик билан, ётиғи билан. Воқеани оҳиста баён қилмоқ. ■ Сизга шундай вазифа юкланди: укангиз, синглингиз, ҳўш, яна ким бор – шуларга оҳиста тушунтирасиз, яъни улар Мирзакаримбой отамга араз қилмасинлар. Ойбек, Танланган асарлар.

5 Билдирмай, билинтирмай, ошкор қилмай, яширинча. Оҳиста ишора қилмоқ. ■ Замира Очилнинг ўтли қарашларини аввал-

дан ҳис қилар, лекин уларда суқлик сезмас, аксинча, кўз-кўзга тушганда, йигит оҳиста кўзини олиб қочар ва уялиб, ўзини мумкин қадар тортиб юрар эди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Шийтон яқинига бориб, оҳиста мўраламас, каттагон гужум тагида Холчучук ўтирибди. «Саодат».

6 Эҳтиётлик билан, авайлаб, астагина. Ярани оҳиста боғламоқ. Беморни оҳиста ётқизмоқ. ■ Қайғу билан чарчаган қизнинг кўзлари юмила бошлади. Йўлчи унинг бошини кир ёстиққа оҳиста қўйди. Ойбек, Танланган асарлар. Қамчи билан Мавлон ака Ботиралини оҳиста кўтариб, аравага олдилар. Ҳ. Гулом, Мангьал.

7 Тинч, осойишта. Бу қишлоқда ҳаёт оҳиста ва бир маромда кечарди. «Шарқ юлдузи».

8 Енгил, осонгина. Самолёт оҳиста Андижон тупроғига қўнди. «Ёшлик».

ОҲ-НОЛА, оҳу нола айн. оҳ-афғон. Оҳнола қилмоқ. ■ «Дадажон, раҳмингиз келмайдими? Биз сизни соғиниб, юракларимиз эзилди-ку, жон дадажон», деб қилган оҳунолалари ёдига тушди. Ҳамза, Танланган асарлар.

ОҲО унд. с. Кутилмаган воқеа ёки ҳодисадан таяажубланганликни ифодалайди. [Маҳкам:] Салом алайкум. Оҳо, янги меҳмонлар-ку! Н. Сафаров, Уйғониш. - Оҳо, агрономча, – деди Ҳамдам [Комига] қошини чимириб, – далада роса пишибсан-ку. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

ОҲОР [ф. آمار – крахмал; газламага пардоз берип] 1 махс. Ип, газлама ёки кийимга пардоз бериш ёки қотириш учун ишлатиладиган модда; крахмал.

Оҳор бермоқ Оҳорлаб пардоз бермоқ, крахмалламоқ. Чит тўқилгандан кейин оҳор берилади. Бунинг учун кўп миқдорда крахмал керак. Ойдин, Суҳбати жонон.

2 Шундай модда билан янги нарсага, кийимга берилган ишлов, пардоз.

Оҳори кетган (ёки тўқилган) ёки оҳордан тушган Кийилган, тугилган, эски. Оҳори кетган дўппи. ■ Нодир Сайхоний ҳар гал оҳори тўқилган, атрофини куя еб, тақир қилиб қўйган деворга осиглиқ гиламни.. кўрганда, бу бевафо дунё ўзини хору зор бўлиб юрган кишиларга ўхшаб кўчага ирғитиб ташламагани учун парвардигори оламга шукроналигини изҳор қиларди. «Ёшлик».

Оҳори тўқилмаган ёки оҳордан тушмаган 1) янги, пардозни кетмаган, кўп ишлатилмаган. *Болтавой энди оҳори тўқилмаган бекасам тўн ўрнига елкасига ямоқ тушган гулли киядиган бўлди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Унинг [Элмуроднинг] солдатча камари ҳали оҳордан тушмаган эди. Шухрат, Шинелли йиллар; 2) кўчма обрўси кетмаган, ҳурмати сақланган, баобрў; 3) кўчма илгари ишлатилмаган, тутилмаган, янги. *Оҳори тўқилмаган гап.* **Оҳорини тўкмоқ** 1) янги нарсани кийиб, тутиб эскиртмоқ, пардоздан туширмоқ; 2) кўчма обрўсини тўкмоқ, беҳурмат қилмоқ. *Оғзингизга қараб гапиринг, ўғлимнинг оҳорини тўқясиз. Уғлим санъаткорларнинг султони бўлади.* Ш. Саъдулла, Икки биллагузук.

3 кўчма Обрў; ҳурмат. *Ори йўқнинг оҳори йўқ.* Мақол.

ОҲОРЛАМОҚ Ип, газлама ёки кийимни оҳор бериб пардозламоқ, қотирмоқ; крахмалламоқ. *Ташқаридан ип оҳорлаётган хотинларнинг ўзаро гапи, чархларнинг ғув-ғуваб айланиши, савағичларнинг гуп-гуни эшитиларди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ОҲОРЛИ 1 Оҳор берилган, оҳорланган. *Оҳорли чит.*

2 Оҳори кетмаган, тутилмаган; кийилмаган, янги. *Эрали бошида янғича гилам дуппи, эғнида оҳорли олача тўн кийиб келган эди.* С. Аҳмад, Жимжитляк. *Тўхта холанинг ўзи ҳам оҳорли кўйлагини кийиб, оқ*

дока рўмолини ўраб олган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ОҲОРСИЗ Оҳор берилмаган, пардозланмаган; крахмалланмаган.

ОҲУ [ф. *آھو* — жайран, физол; ёввойи эчки] 1 Чиройли қора кўзли кийик. — *Масалан, тоғлардаги оҳулар, ўрмондаги тутилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфай яшайдилар, — деди Анвар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қўлини тортиб, яна юзига парда қилди ва оҳу чаққонлиги билан йигит ёнидан ўтиб, шипилаганича юзуриб кетди.* М. Исмоилпўй, Фарғона т. о.

2 кўчма Нозик, сергак маҳбуба. *Хайр энди. Қалбимда бир видо қолди, Хайр энди, сен кетдинг, беғуноҳ оҳу.* А. Орипов, Йиллар армони. *Муҳаббатим, қайдасан, қалб ардоғим, Жайронкўзим, қирларда қолган оҳум.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

Оҳу кўз Оҳу кўзига ўхшаш чиройли кўз. *Унинг оҳу кўзларида на мағрурлик, на бир бошқа маъно бор эди,* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ОҲ-ФИФОН, оҳу фиғон Оҳ-воҳ ва афгон; оҳ-воҳ ва афгонлар. *Оҳ-фиғон қилмоқ.*

■ *Бу ошиқларнинг афсус-надомат, оҳу фиғонларининг боиси не?! Шукрулло, Сайланма. Таъсир айламас, дилхаста Ниҳон, Қилганинг билан минг оҳу фиғон. Ҳамза.*

ОҲ-ҲО айн. оҳо. *Оҳ-ҳо, қиз бечоранинг ички дунёсини беш қўлдай билар экансиз-ку?* А. Мухтор, Туғилиш.



ПА [фр. pas — одим, қадам] Рақсда оёқларнинг ритмик ҳаракати, муқоми.

ПАВИАН [нем. Pavian — фр. babouin — аҳмоқ < лот. papio] Мартишқалар кенжа оиласига мансуб тор бурунли маймунлар уруғи.

ПАВИЛЬОН [фр. pavillon < лот. papilio — капалак; хурсандчилик қилинадиган капалаксимон чодир] 1 Чакана савдо учун мўлжаллаб мавсумий ёки доимий қурилган усти берк, енгил бино, дўконча. *Минерал сувлар павильони.* ■ Кучанинг Охунбобоев канали кесиб ўтган ерида морозний павильони, тиш техниги будкаси очилган. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Боғ ва паркларда қурилган енгил бино, шийпон. *Болалар айланма йўллар, каруселлар, павильонларда ҳар хил ўйинлар ўйнашади, ашулалар айтишади, кечқурун эса қизиқ эртақлар тинглаб, уйқуга кетишади.* Газетадан.

3 Вақтинча ва доимий фойдаланиш учун қурилган енгил иншоотлар (хона ёки бино). *Бадий фильмлар суратга олинадиган павильон.* Павильонда кинога олиш. ■ Экспозицияларнинг асосий қисми марказий павильоннинг 1-қаватида жойлашган. Газетадан.

ПАДАР [ф. پدر — ота] кт. айн. ота 1. *Сизнинг таъбирингизча, маънавий бир падар ўз ўғлига ёмонлик соғинарми, бу тўғрида жавоб берингиз-чи? А. Қодирий, Ўтган кунлар.* *Одамлар бор — падарин мазорида йиғлаб бот, Бемерос йиғлаёлмас — тама бор аъмолида.* А. Орипов, Юртим шамоли.

Падари бузруквор қ. бузруквор. -*Иложи йўқ, ака, — деди Аваз отасининг кўзига тик боқиб, — агар сиз падари бузрукворим бўлмаганингизда, бунини сувга отиб юборажак эдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Падар лаънат(и)** ёки **падарига лаънат сўк.** *Отаси лаънатланган, лаънатининг ўғли; умуман, қарғаш, ҳақорат ифодаси. Падар лаънати ҳаромзода Собиржон сизнинг қадрингизни билмади.* Туйғун, Зулфизар. -*Падар лаънати, одобсиз!* — деди Самад, — *домлага шундай сўзни айтадим-я?! А. Қодирий, Меҳробдан чаён.* *Варақлайсиз газетани, Дуч келасиз оловга: Мукофотни беришибди Падар лаънат ановга.* А. Орипов, Йиллар армони. *Пул бўладими, кулми — падарига лаънат. Лекин нораства болани оч қолдирма.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. **Падар(и) қусур** Ҳазил-мутойиба тарзидаги енгил сўкиш. *Падарига қусур бунақаларни! Кеча кечқурун холи топиб, гапни майдалаштириб юраманми деб, ёнига яқинлашсам, бу аблаҳни қаранг, кимлигимни суриштирмасданоқ шапалоқлаб тушириб қолса бўладими, лаънати!* Шукрулло, Сайланма.

ПАДАРКУШ [падар + ф. كوش — ўлдирувчи] кт. Ўз отасини ўлдирган қотил. *Урди-ю Мирзо Улуғбекка падаркуш ханжарин, Қабри узра ҳам ўзи минг йил чекар қайғу замон.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ПАДАРОНА [ф. پدرانه] кт. Оталарча, меҳрибонларча. *Ҳасаналининг юзига падарона тараҳмун туси қириб, кексаларга хос оҳангдор бир тоғуш билан бекнинг устидаги оғир юкни ола бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ПАЁК [р. паёк < т. پاي — «ҳисса, улуш» с. кичр.] эск. Бирор кишига маълум вақтга мўлжаллаб бериладиган озиқ-овқат миқдори. *Бир ҳафталик паёк.* ■ *Дадавой ака бузун ҳар кунгидан эртарақ келди. У ойлик паёгига гўшт, ёғ, гуруч, қандни бир халта қилиб кўтариб кирди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ПАЁМ [ф. پیام — топшириқ; хабар; билдириш; даъват] кт. айн. **пайғом**. *Эзгу йилда эзгу ўйлар топсин қарор, Салом бўлсин хуш саодат айёмига, Салом бўлсин зафарнинг илк наёмига.* А. Орипов, Йиллар армони. *Кўзи ёшли, дилхасталардан Келтирдик биз дўстлик саломин, Ғойибона Део паёмин.* Ғайратий.

ПАЖМУРДА [ф. پژمورده — сўлгин; ғамгин, руҳи тушган; нимжон] кт. 1 **Сўлгин**, ғамгин, беором. *Шўрлик онангинг пажмурда гавдаси кўзинг ўнгида бутун даҳшати-ла акс этар энди?* Ф. Фулом. *Пажмурда танага жон берган қўлларингиз кўзимга тўтиё!* Н. Ёқубов, Жон. *Аммо бу чашмага етмоқ ўзга бир оролда уни кута-кута сарғайган, пажмурда жисми нуқтага айланган Мажнунга осон эмас.* Газетадан.

2 **кўчма** Нимжон, сўлгин. *Ҳа, лекин у шу нарсаи эрдан чиқарадики, сояда ўсган нарса пажмурда бўлгани билан, яхши боғбон уни қуёш нури эмадиган қилиб қайта экса, у яна гуржураб ўсаверади.* А. Эшонов, Ҳаётга қайтиш. *Вужудини гижимлар оғир Рухим ичра пажмурда виждон.* Р. Парфи, Кўзлар.

ПАЗАНДА [ф. پزنده — пиширилган; пиширувчи] Лазиз таомлар пишириш санъатини яхши эгаллаган киши, моҳир ошпаз. *Пазанда аёл.* ■ *Бувим хўп пазанда-да, ҳар қанақа томоққа маза киритиб юборади.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. [Журналда] *Ҳар хил таомларни қандай пишириш ҳақида пазандаларнинг тажрибалари босилади.* С. Аҳмад, Кадрдон далалар.

ПАЗАНДАЛИК 1 Турли ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларидан овқат тайёрлаш, пишириш сирларини билиш. *Қудрат Ҳадича аянинг пазандалигини энди билаётган бўлса-да, унинг бошқача таърифини илгари зитган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бошлиқ ҳар гал мантини оғзига солаётганда, келиннинг пазандалигини мақтаб, Ориф-жоннинг қўли очқлигини таърифлаб турди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Лазиз таомлар тайёрлаш санъати. *Пазандалик илми.* ■ *Чунончи, пазандалик*

санъати ҳам бошқа соҳалар каби ҳеч қачон ҳолис тараққий эта олмайди. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Жаҳон пазандалигида сундан тайёрланадиган маҳсулотлар ичида энг хили кўпи бу пишлоқ экан.* Газетадан. *Бундан икки йиллар бурун миллий пазандалик мавзудида бир неча мақолалар ёзиб беришимни илтимос қилишди.* Газетадан.

ПАЗАНДАЧИЛИК Лазиз таомлар тайёрлаш маҳорати ва саноати. *Ўзбек пазандалчилигида технология жараёни мукаммаллашиб, ноннинг хиллари бениҳоя кўпайди.* Газетадан.

ПАЙ I [ф. پاي — томир, пай, асаб] 1 **анат.** Тана мушакларини суякка бириктириб турувчи мустақкам, эластик тўқима. *Сўйилган қўйни пайдан осмоқ.* ■ *Отақўзининг кузлари қисилиб, жағ пайлари туртиб чиқди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Яна ҳар қандай гўшtda пай, чочўсар, тоғай каби бириктирувчи тўқималар бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 **сфт. кўчма** Меҳнатда пишган, чайир. *У қоп-қора, қотма, вужуди пай бир йигит бўлиб, афтидан ёшини чамалаш қийин эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Забардаст, паҳлавон, кўркам, келишган, Вужуди пай, чайир, меҳнатда пишган.* Ҳабибий.

Пайини қирқмоқ Мавқеидан маҳрум этадиган зарба етказмоқ. *Ҳозир эса онасининг қорнидан кеча тушган тирранчалар ҳам нуқул катталарнинг пайини қирқкиш, кўпчилик олдида обрусизлантиришини ўйлайди.* Д. Нурий, Осмон устунни. *— Қизиқ одамлар, — деди у яна, — бир-бирини кўролмайди: ўзидан чиққан ёқмайди, юқоридан келганни сифдирмайди.* Давроновнинг ҳам пайини қирқкишди. И. Раҳим, Ихлос.

ПАЙ II [ф. پاي — оёқ, қадам] эск. Оёқ, қадам. *Бу янглиғ мударте йўл қилдилар тай, Ки Арман кишвариға қўйдилар пай.* А. Навоий.

ПАЙ III [ф. پاي — товон, оёқ; из] (*асосан ў.п. ва ж.к. шаклида*) Бирор мақсадни амалга ошириш йўлидаги астойдил ҳаракат, уриниш, қасд. *Холдор ишга кириш пайида уч-тўрт жойга учради.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *У [Кўзибой] чўққига чиқиб, «Тошбулоқ»ни топишда ҳам биринчи бўлиш пайида эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Пайнга тушмоқ 1) айн. **пайида(н) бўлмоқ**. *Билим олиш пайига тушмоқ. Пул топиш пайига тушмоқ.* ■ *Қори ўйлаб-ўйлаб, шеър*

ёзиб, пул топишининг пайига тушади. С. Аҳмад, Сайланма. Оқсоқол *Ғиёсиддинни куёв қилиш пайига тушиб, тез-тез уйига чақирадиган бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) изига тушмоқ, из қувмоқ. — *Милиция пайимизга тушганга ўхшайди, — деди шофёр орқага аланглаб.* Ё. Шукуров, Уч савол. **Пайид(н) бўлмоқ** Бирор мақсадни қўзламоқ, бирор мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилмоқ, уринмоқ. *Уқшининг пайида бўлинг, болалар.* ■ *Ҳунарни ўрганиш пайдидан бўлгин, болам [деди кампир Саидага].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Сен ҳам ахир қараб турмасдан, бошқачароқ йўл билан бўлса ҳам, тирикчиликнинг пайида бўлсанг, ўғлим.* Ф. Фулом, Танланган асарлар. **Пайида юрмоқ** Бирор мақсад билан кетига тушиб, пайт пойлаб юрмоқ. *У бир нарсанинг пайида юрибди.* ■ *Абдуҷабборхўжа.. пулни кўрганда, раҳм-шафқатни унутиб қўядиган, ғайратли, бўш-баёв одамларни ишлатиб, бойлик орттириш пайида юрган кишилардан эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ПАЙ IV [ф. پاي]: **пай урмоқ** Ерга ёйиб териб қўймоқ (узум, қовун, тарвуз, олма, нок ва ш.к. ҳақида) *Узумларни пай урмоқ.*

ПАЙ V [т. پاي — ҳисса, улуш] **икт.** Бирор ширкат, акциядорлар жамияти ишида қатнашиш учун қўшилидиган ҳисса, улуш. *Пай пули. Пай қўшмоқ.* ■ *..кўплаб акциядорлар ўзларининг сотиб олан акция ва найлари эвазига дивиденд, яъни даромад олишлари керак.* Газетадан. *Пай бўйича ҳам унинг эгаси, қўлидаги пай миқдорига қараб, умумий даромаддан ўз улушини олади.* Газетадан.

ПАЙВАНД [ф. پيوند — қўшиш, боғлаш; қариндошлик; боғланган, ажралмас] 1 Бирор ўсимликнинг новда ёки куртагини бошқа ўсимлик танасига ўтқозиш, улаш усули ва шу усулда улаб ўстирилган ўсимлик. *Искана пайванд. Куртак пайванд. Қаламча пайванд.* ■ *Олимларимизнинг берган маълумотларига қараганда, лимонни экиб, қаламча пайванд ва пархши қилиб кўпайтирилади.* Газетадан.

2 *тех.* Металл бўлақларини эритиб ёки парчинлаб, бир-бирига ёпиштириш, бириктириш ва шу усулда ҳосил қилинган чок. *Электр пайванд.* ■ *Насос станцияси корпусининг йўғон пулат арматураларини пайванд қилиш бошланди.* «Ўзбекистон қуриқлари».

3 *махс.* Уланган бўлақ, улоқ. *Шогирд бола лаб-лунжини осилтириб.. энди пайванд тиқишга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *сфт.* *кўчма* Ўзаро боғланган, пайваста. *Куйга куйлар бўлармиди банд, Диллар дилга бўлмаса пайванд.* Г. Жўраева, Менинг маржонларим. *Кўнғил яйраб кетар, ором олар жон. Гуллар манзараси севинчга пайванд.* Миртемир, Асарлар. *Навоийнинг дили билан халқнинг дили ҳамшиша пайванддир.* Ойбек, Навоий.

ПАЙВАНДИ [ф. پيوندى — пайвандланган, дурагай] қ. х. Пайванд қилинган, уланган. *Пайванди дарахт.* ■ *У ёғи Тўлқинжоннинг пайванди қантаклари, бу томон Эркинжоннинг кишиши, чарос тоқлари.* Қ. Муҳаммадий.

ПАЙВАНДКАШ қ. **пайвандчи.** *Рашид, пайвандкашдан таралаётган ёқимсиз ҳидни сезиб, бурнини жийирди.* Газетадан.

ПАЙВАНДЛАМОҚ 1 қ. х. Бирор ўсимликнинг куртак ёки новдасини бошқа ўсимлик танасига уламоқ, пайванд қилмоқ. *Гилосни олчага пайвандламоқ.*

2 *тех.* Металл бўлақларини эритиб ёки парчинлаб, бир-бирига ёпиштирмоқ, уламоқ. *Рельсни пайвандламоқ. Деталларни пайвандламоқ.* ■ *У [ишчи] қувурни кўлига олиб, бир нафасда учини пайвандлаб бекитди.* А. Муҳтор, Опа-сингиллар.

ПАЙВАНДЛОВЧИ қ. **пайвандчи.**

ПАЙВАНДТАГ *бот.* Пайвандуст пайванд қилинадиган ўсимлик ёки унинг қисмлари. *Мана шу ер қатламларида ток ва кучли пайвандтагда ўстирилаётган мева дарахтларининг асосий «ишчи» илдизи жойлашган бўлади.* Газетадан.

ПАЙВАНДУСТ *бот.* 1 Пайвандтагга уланадиган қаламча ёки куртак.

2 Уланган қаламча ёки куртакдан ўсиб чиққан ўсимликнинг ер устки қисми.

ПАЙВАНДЧИ Улаш, пайванд қилиш иши билан шуғулланувчи мутахассис (қ. **пайванд** 1, 2). *Дарвоза очилиб, занжири шақирлаганда, Чори ота пайвандчи йигит, деб ўйлади-да, ишини давом эттираверди.* С. Нуров, Нарвон. *Бош пайвандчи ва бошқа мутахассислар масъулияти оширилди.* Газетадан.

ПАЙВАСТ [ф. پيوست — боғловчи; алоқа; боғланиш; бириктириш, қўшиш] Туташ, уланиб кетган, бириккан. *Пайваст қошлар.*

■ Ё ёр, абруларингда қалам изи деганим, Тугатмаган шеърларимнинг шони қошингга пайваст. А. Исроилов, Биз дунё одамлари. Негаким, нонни ҳар қанча бўлса ҳам уйда ёпиб берадилар. Негаким, уч тандирда пайваст нон ёпишмоқда. Ҳамза, Танланган асарлар.

ПАЙВАСТА [ф. *پیوسته* – доимий, узлуксиз; бириккан, қўшилган] Ўзаро боғланган, туташган. Қодиржон пайваста қошларини чимирганча аниқ жавоб кутарди. Ҳ. Назир, Сайланма. Узун-узун, қора, пайваста Киприклари титрар, қалтирар. М. Али, Боқий дунё. Бунда икки катта ва ўн тўрт кичик гумбазли жой бўлиб, пишиқ гиштдан қалин қилиб ишланган пайваста арklar бор. Ж. Шарипов, Хоразм.

ПАЙГИР [ф. *پاگیر* – боғланган; ўралган; боғлиқ] тар. Найча шаклида ўралган узун қоғозга ёзилган ёрлиқ.

ПАЙДО-ПАЙ [ф. *پا پایی* – изчил, кетма-кет; узлуксиз, тўтовсиз] рвш. Бирин-кетин, кетма-кет, узлуксиз. Одамлар пайдар-пай келиб туришибди. ■ Хўжанддан пайдар-пай учирилган кабутарлар Жиззахга, Жизхадан Самарқандгача жўнатилди. Мирмуҳсин, Меъмор. Наврўзий беданаларнинг пайдар-пай сайрашлари кўклам келишига «Хушвақт, хушвақт» деб чучут отади. Ғ. Фулом, Шум бола. Хурсандман: оламга доврўқ тарқатиб, Юртимда ўтмоқда пайдар-пай тўйлар. Уй-ғун, Тонг қўшиғи.

ПАЙДО [ф. *پیدا* – кўринадиган, кўринарли; аниқ; очиқ-ойдин]: пайдо бўлмоқ 1) юзага келмоқ, яратилмоқ. Кейинги йилларда Хива атрофида янгича тарзда қурилаётган қишлоқлар пайдо бўлаётган эди. С. Сиёев, Ёруғлик. [Бой:] Бу Эшмат, бу Тошмат деб кўрсата берсак, орамизда фитна пайдо бўлади. Ойбек, Танланган асарлар; 2) қаердан келиб қолмоқ, ҳозир бўлмоқ. Азизхон сувда мириқиб шўнғиб, қулочкашлаб сузиб юраркан, унинг тепасида Жўра полвоннинг қораси пайдо бўлди. С. Аҳмад, Уфқ. Суви қочган нон, олмачай билан нонушта қилишаётганда, Гадойвой пайдо бўлди. Ҳ. Фулом, Феруза. Дарров қалам-дафтарни олиб Баёнқул ака пайдо бўлди. С. Сиёев, Ёруғлик; 3) кўринмоқ, кўзга ташланмоқ. Кун қаватли бинолар гоҳ булутлар соясига қўшилиб, йўқ бўлиб кетади, гоҳ яна қуёш қаиба, оламга иссиқ-иссиқ нур сочганда, кўтадан пайдо бўлади. П. Қодиров, Уч илди; 4) яратилмоқ,

келиб чиқмоқ. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши. ■ Тош Эронга ўтди ва салкам юз йилдан сўнг унда «Кожар Фатҳали шоҳ султон (ҳижрий 1242 йил)» деган ёзув пайдо бўлди. С. Кароматов, Олтин қум; 5) намоён бўлмоқ, акс этмоқ (ҳис-туйғу, кечинма кабилар ҳақида). Анвар Муқаддамнинг чехрасида бир лаҳза ғам соясига ўхшаш аллақандай ҳайрат пайдо бўла бошлаганини пайқаб олди. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Кўкламда одамлар кўнглида кутаринкилик пайдо бўлади. Газетадан. **ПАЙДО ҚИЛМОҚ** (ёки **ЭТМОҚ**) Вужудга, юзага келтирмоқ, чиқармоқ. Қанот пайдо қилмоқ. Ҳавас пайдо қилмоқ. Ҳасад пайдо қилмоқ. ■ Қимиз кайфи, от миниш завқи унга гўё қанот пайдо қилиб учирди. С. Аҳмад, Уфқ. Ноннинг хоми гард пайдо қилар, Гўштиннинг хоми дард пайдо қилар. Газетадан.

ПАЙДОР [ф. *پايدار* – мушакдор, пайли] Мушаклари ривож топган; бакуват, чайир. -Кечга рейс муваффақиятли ўтгани билан табриклайман, – унинг [Нозимнинг] сўзини бўлди машинист-инструктор ва йигитга ўзининг бармоқлари йўғон, пайдор қўлини чўзди. Ҳ. Ҳошимов, Пўлат чавандоз. Мажлиснинг сўнгида у яна асл ҳолига қайтди, пайдор жуссаси, ўйнаб чиққан мушаклари – бутун авъоси кийимлари остида кўздан йўқолди. «Ёшлик».

ПАЙК [ф. *پیک* – хабарчи; чопар; ўқ] кт. Хабарчи, элчи, даракчи; хизматкор. Муҳаммад Валибек кулумсираб, кўзи билан пайклар ўтирган томонга ишора қилиб жавоб берди. М. Осим, Сеҳрли сўз. Иякларини майин тук босган, мўйлаблари энди сабз уриб келаятган бу йигитчалар подшоҳнинг пайклари – жиловдорлари эди. М. Осим, Сеҳрли сўз.

ПАЙКАЛ [т. *پای* – ҳисса, бўлак, улуш + ф. *کال* – чуқур, хандақ] қ. х. Марза, ариқ, йўл кабилар билан ажратилган катта экин майдони; пол, чек. Ғуза пайкали. ■ Трактор пайкал бошига етти-саккиз бориб келгунча ҳам Дилдор хаёидан бўшамайди. С. Аҳмад, Уфқ. Буғдойзорда пайкал бўлмаса, боланинг қўлида метрлаб ўлчайдиган газ бўлмаса, қаёқдан билсин! Ҳ. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПАЙКОН [ф. *پیکان* – ўқ, найза кабиларнинг ўткир учи; камон ўқи, найзача] I Камон ўқи учидиғи металл бошоқ. Кўксима ўқларки отини ғамзадин, пайконларинг Чекмаким, жонимга қолсун ёдгор, эй сарвиноз.

Фурқат. Тиг бўлиб ботқучи — сен, Пайкон ўзинг, қалқон ўзинг. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 кўчма Киприк. Сўзлаганда, эй қора кўз, юзларда хандон ўйнасин. Дилга тугён солиб ҳар сўз, кўзларда пайкон ўйнасин.. Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

ПАЙМА-ПАЙ [ф. پی پایی — орқа(си), кетида(н)] с. т. қ. кетма-кет. Турналар учар пайма-най, Гўё чалиб битта най. «Шарқ юлдузи».

ПАЙМОН [ф. پیمان — ваъда; битим, аҳд; иттифоқ] Аҳд, ваъда. Биз у билан аҳду паймон қилганмиз. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакат. Ошиқ-маъшук паймонлари сирү синоатдадир. «Шарқ юлдузи».

ПАЙМОНА [ф. پيمانه — ўлчов, ўлчам; қадах] поэт. Ичкилик ичиладиган идиш; қадах, пиёла. Фаровон кунларнинг наизъаси билан шарбат селобига тўлди паймонам. Файратий.

Паймонаси тўлди қ. тўлмоқ 4. ...Паймонам тўлибди-да, деб йиғлаб юрдим. «Ёшлик». Пайт келар, ваданинг қиммати қолмас, Муҳлат бермас у дам тўлган паймона. А. Орипов, Йиллар армони.

ПАЙНОВ [ф. پای — оёқ; адоқ; этак + ناور сув қувури] 1 айн. **пойнов**. Манзилига шунча-ям ошиқмаса-я бу шошқин дарё! Минг шошсин, пайнови қум саҳроларига етиб сингизунча қўймай, неча ерда жшлов солиб олишди. Ҳ. Назир, Қўктерак шабадаси. Иномиддин сув чиқиб кетадиган пайновларни ўйиб кенгай-тирди. Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

2 кўчма с.т. қ. **пайров 4.** Сув сойга оқар, дегандек, гапнинг пайнови Чинорбигига келиб тўхтади. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. Гапнинг пайновини керакли томонга буриб юборадиган сўзамол одамлар ҳам топилиб туради. Газетадан. Гапнинг пайновидан билиб қолдимки, у бола-чақаси ёки аёли билан.. мол-дунёга шерикликни тиклаш учунгина ярашмоқчига ўхшайди. Газетадан.

ПАЙПАСЛАГИЧЛИЛАР зоол. Денгизлар ва чучук сувларда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонлар типи. **Пайпаслагичлилар** ўлжани бало-қазодек чирмаб оладики, фақат саккизоёқнинг ўлимигина бу даҳшатли чангалли бўшашиши мумкин. «Фан ва турмуш».

ПАЙПАСЛАМОҚ 1 Қўл билан ушлаб ёки силаб кўрмоқ; шу йўл билан қидирмоқ. Чўнтагини пайпаслаб, гузурт ахтармоқ. ■ **Нормат энгашиб, этигининг қўнжсини пай-**

паслаб кўрди. С. Аҳмад, Уфқ. Чўнтагини пайпаслаб, хушбўй атир ҳиди уфуриб турган рўмолчани чиқарди-да, бурнига яқин келтириб, узоқ ҳидлади.. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Аҳмаджон милтиғини пайпаслаб кўрди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдузи.

2 кўчма Бекитишга, юмшатишга уринмоқ, хаспўшламоқ. У ўз айбини пайпасламоқчи бўлди.

ПАЙПОҚ 1 Тўпиқ, болдир ёки сонгача беркитадиган, асосан, тўқиқ тайёрланадиган оёқ кийими. **Жун пайпоқ.** Капрон пайпоқ. ■ **Ипак пайпоқ** болдирларидан сндирилиб тушиб кетаётгандек. С. Аҳмад, Уфқ. Ҳақиқатан ҳам ип пайпоқ ишлаб чиқариш билан фақат биргина Қўқондаги пайпоқ тўқиш фабрикаси шугулланади. Газетадан. Туршак, ёнғоқ, жун пайпоқ — нима топсак жўнатдик. «Саодат».

2 зоол. Панжа устини, тўпиқни қоплаб турувчи пат (паррандаларда).

ПАЙПОҚДОР Панжа усти-тўпиқдан узун пат ўсиб чиққан (парранда ҳақида). **Пайпоқдор каптар.** ■ -**Ҳайтовур**, домла иштонбоғини маҳкам боғламагани учун, чопиш вақтида [иштони] оёғига тушиб, кишан бўлиб, пайпоқдор товукдай каловлаб қолди-да, мен қочиб қутулдим, — деди Шум бола. Ф. Гулом, Шум бола.

ПАЙРАВ с.т. қ. **пайров 3.** Нуктадон Мутриб дарҳол ҳовлисининг кичиклигидан кун тушмаслигига ишора қилиб, пайрав билан жавоб берди. «Ёшлик».

ПАЙРАҲА, параҳа I [ф. پيراهه] 1 Ёғоч-тахта чопилганда, рандаланганда ҳосил бўладиган чикинди. **Уста Мақсуд [утинлар] сал оғирроқ келса, ўзининг ўроқ рандасида шир этиб йўниб олиб, чиққан пайраҳани сийлов қилиб беришга олиб қоларди.** Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Назар ота пайраҳаларга кўмилиб, пойтеша чопаетган уста Шоқосим билан гаплашиб турган экан.** С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Юпқа кесилган (нон, яхна гўшт, пишлоқ ва ш.к.); япроқ. **Бир пайраҳа қазу.**

ПАЙРАҲА II [ф. پيراهه — ёндама сўқмоқ, айланма йўл] Лойгарчиликда, қорда одамлар юравериб ҳосил қилган йўл, сўқмоқ. **Шундай пайтларда МТС ҳовлиси ҳам қиш либосини кияр, устахона ёки цехдан бошқа бир жойга бормоқчи бўлсангиз, девор тагидан.. «пайраҳа» йўлқадан юришга тўғри келарди.** С. Маҳқамов, Дала тонги.

ПАЙРОВ [ф. *پيرو* — издош, изидан борувчи; ихлосманд; тарафдор] 1 Кетма-кет келувчи, эргашувчи, издош. *Ёзга пайров куз эди, қишга ҳам баҳор.* Уйғун.

2 Сув оқими, йўналиши. *Қорабулоқ камбағаллари минг азобу уқубат билан тоғдан унғур қазиб чиқарган сув пайрови лапанглаб оқайтган анҳор бўйида машина корпусининг баланд қадди кўринди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Аския учун танлаб олинган, аскиячилар бирин-кетин давом эттирадиган маълум мавзу; аскиянинг ижро услуби. *Ашула пайрови. Пайров қилмоқ. Пайровдан чиқмоқ.* ■ *Хум ичида кўпирган бўза, Тил қичитар аския, пайров!* М. Али, Боқий дунё. *Бошқа бир гал аскиялар устидан чиқиб, эски-янги пайровларда тарафлашамиз.* А. Исроилов, Биз дунё одамлари. *Шодон аскиялар, пайров ва тақриб — Даврани порлатар мисоли чироқ.* А. Исроилов, Биз дунё одамлари.

4 Гап ёки суҳбатдан келиб чиқадиган маъно; гапнинг мақсади; хулоса. *Гапнинг пайровини кутмоқ.* ■ *Бу [Алиқул] гапнинг пайровини келтириб, анча эиди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАЙРОВЛИК: пайровлик қилмоқ Бировнинг кўнглига қарамоқ, унинг изми, хоҳиши билан иш тутмоқ. *Неча йиллар пайровлиқинг қилганман.* «Муродхон».

ПАЙСА I [ф. + ҳинд. *پيسه* — Ҳиндистон ва Покистонда: чақа пул, майда танга] 1 эск. Тахминан 50 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. [Югурдак:] *Мана, тақсир, олиб келдим, текшириб кўринг! Икки пайса етмас экан беҳиштга.* А. Орипов, Йиллар армони. *Беш пайса ем аяган кезларингда қор кураб, илдиз топиб бердим уларга.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Етмиш икки хунаринг бор, лекин хумчангда беш пайса жиринг йўқ!* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 тар. Бухоро хонлигида беш тийинлик чақа. *Етмишинчи йилларда.. ҳукмдорнинг мис пайсага зарб этилган муҳрини топдилар.* Газетадан.

ПАЙСА II тиб. Терининг қизариши.

ПАЙСАЛ: пайсал топмоқ Тинчимоқ, ором топмоқ. *Чиндан ҳам оғриқ тўхтагандек эди. Пича пайсал топди.* Н. Қўличев, Қуюн. *Пайсалга солмоқ Турли сабаблар билан кечиктирмоқ, галга солмоқ. ..қани, юр, хайрли ишни пайсалга солиб бўлмайти.*

«Ёшлик». - *Пайсалга солмайлик, — деди Асадулла, — тездан бир фикрга келиб олишимиз керак.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Абдулла Қаҳҳор у кишига телефон қилсам нима бўлади, қилмасам нима бўлади, борди-ю, повесть ёкмаган бўлса, хижолатга қолдирмайин, деб учтўрт кун пайсалга солиб юргач, ниҳоят, қимтинибгина телефон қилдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПАЙСАЛИК I эск. Пайса оғирлигидаги, оғирлиги бир пайса бўлган. *Беш пайсалик тош.*

ПАЙСАЛИК II эск. Бир пайса турадиган, баҳоси, нархи бир пайса бўлган. *Икки пайсалик чой.*

ПАЙСАЛЛАМОҚ I Бирор ишни судрамоқ, кечиктирмоқ, пайсалга, галга солмоқ, орқага сурмоқ. *Улар қандай фармон беришмасин, бош тортмасдан бажарган одам уларнинг жон-дили! Озгина пайсалласа борми? Н. Сафаров, Узокни кўзлаган киз.*

2 Секин, ивирисиб, имиллаб ҳаракат қилмоқ. *Тез бул, пайсаллама, манзилимиз жуда олис.* «Ёшлик».

ПАЙСАЛЧИ кам қўл. Ишни орқага судровчи, кечиктирувчи шахс. *Йиғилишда оғизга сиққунча ваъда берган.. жамоа хўжалиги раҳбарлари.. қурилиш ташкилотига пайчи бўлиб кириб, пайсалчига айландилар.* Газетадан.

ПАЙСА-ПАЙСА: пайса-пайса қилмоқ Уриб, чақиб қавартириб юбормоқ. *Чивин ҳамма ёғимни пайса-пайса қилиб юборди.*

ПАЙТ I Бирор иш, воқеа-ҳодиса содир бўлган ёки бўладиган вақт, фурсат, он. *Туш пайти. Ўқ отилган пайт.* ■ *Тонготар пайтида Азизхон Қўшариқ гузарига етиб келди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чой пайтида Мақсуда онасига кўнглини бироз очишга журъат қилди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Муайян шароит билан боғлиқ бўлган давр, замон. [Заргаров:] *Жоним. Пайт нозик, хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турибди — бекорга нобуд бўлиб кетаман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Яна жазо отрядининг кўзига қон тўлиб, кимга тегишини билмай турган нозик пайтда бир қор-қол бўлмасин дейман. Тағин узингиз биласиз.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Бирор ишни амалга ошириш учун қулай вақт, фурсат, имконият. *Пайт топмоқ. Пайтни қўлдан бермоқ. Пайт келганда айтмоқ.* ■ *Мен пайт пойлаб қочини мўл-*

жаллаб борардим. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? Ўзи ҳам, пайти келиб, мана шу қизлардай дугоналари билан яйраб-яшнаб, қийқириб ўйнай олармикан! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Пайт равниш тлш. Иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдирувчи равниш: *илгари, ҳозир, кейин* каби. **Пайт эргаш гап** Бош гапдан англашилган ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг юзага келиш пайтини (вақтини) билдирувчи эргаш гап. *Бир куни кучада кетаётсан, Умри бир бош узум кўтариб келяпти.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Пайт ҳоли** Иш-ҳаракатнинг рўй бериш вақтини билдирувчи ҳол. *Ҳайдар ота бир куни Ултармага бориб, тегирмондан хабар олди.* А. Қаҳҳор, Ас-роп бобо.

ПАЙТАВА [ф. پایتابه — оёқни қизитувчи, иситувчи] Қўнжли пойабзал кийилганда, оёққа ўраладиган мато. *Унинг бир пой ботинкаси титилиб кетган, ичидаси пайта-васи осилиб, юришга халақит берарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Турақулнинг оёғи музлаб қолаётгандай эди. Нам пайтавадан ўтиб, совуқ игнадай санчиларди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Санобархон оёғига пайтава ўраб, маҳсисини кийди.* С. Зуннунова, Гулхан.

Пайтавасига қурт тушди Безовта бўлиб, ташвишланиб, елиб-югуриб қолди. *Файратнинг йўқлиги эрталаб маълум бўлди. Ҳамма ташвишга тушди. Айниқса, ўқитувчиларнинг пайтавасига қурт тушди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Ҳудайчи жунағач, қўрғон-бегининг пайтавасига қурт тушиб, тирчиллаб қолди ва у ёқдан бу ёққа югура бошлади.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Патаки-пайтава кучма** Хушомадгўй, сермулозамат. *Йўқ ердаги дўстларинг бирдан остонанда пайдо бўлиб, сенга патаки-пайтава бўлишади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. [Узунсойликлар] *Мансабинг бўлса, сенга патаки-пайтава бўлади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ПАЙТАВАҚОВОҚ қ. пайтавақулоқ 1. [Қобилжон:] *Сен пайтавақовоқни болалардан ҳимоя қилиб юрибман-а. Сен хомкалла энди кўзимга кўришма.* Газетадан.

ПАЙТАВАҚУЛОҚ 1 дағл. от Гапни дарров уқолмайдиган, фаҳми етавермайдиган, галварс киши. [Мулладўст Мулларўзига:] *Ҳафтада бирини қўйиб, иккинчи олаверасизлар.. Бизга лоақал, йўлакка тўнғак бўлган пайтавақулоғиям тегмайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 сфм. Гапни дарров уқолмайдиган, калтафаҳм, галварс. *Ёмонлик жавобсиз қолмасмиш. Аризабозлик қилиб юриш ўзбекчиликка тўғри келмасмиш. Ургилдим, сенга ўхшаган пайтавақулоқ ўзбекдан!* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПАЙЧА: *товуш пайчалари анат.* Бўғизнинг ён деворларига жойлашган ва овоз чиқариш учун хизмат қиладиган иккита ўзаро параллел эластик мушакча.

ПАЙЧИ Шерикчилик асосидаги иш учун пай қўшган киши; ҳиссадор.

ПАЙЧИЛИК Шерикчилик асосида иш юритишлик. *..энг аввало нахтачилик ва ғаллачилик пайчиликка ва оила пудратига асосланган.* Газетадан. *Ана шу ҳолатни инobatга олиб, пайчилик усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.* Газетадан.

Пайчилик жамияти Пайга асосланган, пайга оид жамият, ҳиссадорлик жамияти.

ПАЙШАНБА [ф. پنج + شنبه — шанба] Ҳафтанинг чоршанбадан кейинги, тўртинчи куни. *Пайшанбанинг келиши чоршанбадан белгили.* Мақол. ■ *Пайшанба куни эрта билан ишлаётган одамлардан сал четроқда Меъмор.. келиб қолди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ПАЙШАНБАЛИК 1 тар. Эски мактабларда пайшанба куни болалар домуллага келтирадиган пул, нон ва ш.к. инъомлар. *Ҳозир эски мактабларимизда болалар ҳар пайшанба нон ё ноннинг пулини, яъни пайшанбалик олиб борадилар. Бундан бошқа бўйра пули, кўмир пули ҳам бор.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Пайшанба кунлари масжидларга чиқариладиган хайру эҳсонлар. *Пайшанбалик деб, одамлар тўртта нон, бир ҳовуч ширинлик ва ош ёки сумалак солинган косани ярим қулоч сурпага ўраб, туеунни кўчага чиқаверишдаги супага ташлаб кетишади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПАЙҚАМОҚ 1 Сезмоқ, ҳис қилмоқ, билмоқ. *Йигит ҳеч нима сезмади. Кўзларини очган вақтда, тупроққа кўмилиб ётганини пайқади.* Ойбек, Куёш қораймас. *Шўрхок сув билчиллаб ётган тўқай ичидан югуриб борарканман, чап оёғим ерга муздай тегаетганини пайқадим.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Маъносини англамоқ, уқмоқ, тушунмоқ; сезмоқ. *Мудир унинг ишга уринмай тик*

турганидан, нимадир демоқчи бўлаётганини пайқаб, секин сўради. «Саодат». Умиднинг расмият учун гапирган гаплари унга ёқмади, унинг ўзгариб қолганини, юрагида қандайдир гумону шубҳалар борлигини пайқади. Мирмуҳсин, Умид. *Темур Малик муншийнинг мақсадинию юрагидаги аламини пайқади.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

ПАЙҒАМБАР [ф. پیامبر / پیغمبر — хабар берувчи, олдиндан хабар келтирувчи] 1 дин. Худонинг хоҳиш-иродасини бандаларига етказувчи илоҳий вакили, наби, расул. *Мен [Амир Темур] пайғамбар авлодларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ва эҳтиромда бўлдим.* «Фан ва турмуш». *Эшит, турам, банда бўлдим оллога, Умнат бўлдим пайғамбари худога.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

Пайғамбар оши Пайғамбар яшаб ўтган ёшга (63 ёш) етганда бериладиган ош. *Нурбобо Сатторқулнинг магазини ёпиқлигини, унинг пайғамбар оши бераётганлигини айтади ва икковлари ўша ерга кетишади.* «ЎТА».

ПАЙҒАМБАРЛИК 1 Хабарчилик, элчилик. *Бу кун менинг пайғамбарлигимга ваҳий келди.* «Латифалар». *Барчанинг отаси ҳазрати одам, Пайғамбарлик анга бўлди мусаллам.* «Маликаи айёр».

2 кўчма Олдиндан айтиш, каромат. *Бир қанча француз газеталари ҳам ҳозирги сессиянинг муваффақиятсизликка учраши эҳтимоли ҳақида умидсизлик билан пайғамбарлик қилаётирлар.* Газетадан.

ПАЙҒАМБАРОНА Пайғамбар сингари, пайғамбарга хос; пайғамбарларча. *Лекин академик Сергей Павлович Королёв пайғамбарона башорат қилганидек, космонавтиканинг келажаги — ниҳоясиз.* «Фан ва турмуш».

ПАЙҒОМ [ф. پیغام — топшириқ; хабарнома, билдириш; салом] 1 эск. кт. Хабар, мужда. *Тарки пайғом ўлғонига, эй биродарлар, сабаб: Мунда бўлдим муддате уч-тўрт ой беморман.* Муқддий.

2 Яхши хабар, хушхабар. *Айни тонг чоғида кўз очди илҳом, Боқди атрофига солла-ниб, кушод. Порларди чашмида илҳомий пайғом..* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАЙҲОН: пайҳон қилмоқ 1) айн. пайҳонламоқ, *Дарахт шохларини синдираётган, гулларни пайҳон қилаётган болаларга бепарво бўлманг.* «Саодат». *Уларни узиб пайҳон қилиш гуноҳ, улар осмон гуллари.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ; 2) йўқ қилмоқ; ўл-

дирмоқ, жонини олмоқ. *У [йигит] деб эди: «Яратибди бизни худойим, Начораки, унинг ўзи қилади пайҳон..»* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАЙҲОНЛАМОҚ 1 Босиб-янчиб оёғости қилмоқ, топтамоқ, эзиб, босиб ташламоқ. *Кўйлар анчагина жойининг пахтасини пайҳонлаган экан.* Ф. Фулом, Шум бола. *Ноиб келган йўли билан, ғўзаларни пайҳонлаганча, от солиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 кўчма Яраламоқ, топтамоқ, эзмок. *У [дўл] пахтазорнигина эмас, балки дарахт панасига ўзларини олган деҳқонлар ва Боймуроднинг юрагини қаттиқроқ пайҳонлади.* Ш. Фуломов, Қалб ундайди.

ПАКАНА [ф. پکانه — бўйи, қадди паст] 1 сфм. Бўйи ўртачадан паст, бўйи ўсмай қолган, бўйи паст. *Пакана йигит.* ■ *Бу хотиннинг ёши элликлардан ошган бўлиб, ўзи пакана, думалоқ эди.* С. Зуннунова, Олов. *Бир кун ишхонада ўтирган эдим, пакана, қорача бир ўсмир кўлида латта сумка билан кириб келди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Шундай бўйли шахс. *Йўқ, бобом бўлса, бунақа гап чиқмасди.* «Овозингни ўчир, пакана», *деб бир мушт кўтарса, ойим пилдирнис бун қоларди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

3 Унча баланд бўлмаган, пастак. *Пакана уй.* ■ .. *беҳизор манзараси ўзгача, ёш-ёш, бўйи пакана беҳи дарахтларининг серҳосил шохлари таралиб, ер ўпиб ётмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Тонг отди, йўл четигаги икки тут пакана тут томондан қорашақшақ шақиллаб учиб-қўнди.* М. Мансуров, Ёмби.

ПАКАНАЛИК Бўйнинг ҳаддан ташқари паст бўлиши; миттилик. *Паканаликда ақл-хуш нормал бўлса ҳам, гавда болалар гавдасига ўхшайди.* «ЎЗМЭ».

ПАКАР 1 от. шв. айн. пакана 1. — *Бу жинқарча кўчатларни оҳаклайман деб, белим қотиб кетди. Манави пакар энгашмай, тик туриб оқласа, мен икки букилиб оқлаялман!* — *деди узун бўйли йигит Тўптонча полвонга.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

2 сфм. айн. пакана 3. *Сўқмоқ бирдан иккига бўлинди-ю, бири соҳил ёқалаб кетгани, бири пакар арчаларни айланиб ўтиб, настликка кетганини кўрдим.* *Ҳаялламай иккинчи сўқмоққа тушдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *У пакар арча остига — кўрпа бўлиб тўкилган нинабарлар устига қафасни қўйди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

ПАКГАУЗ [нем. Packhaus — омбор < Pack — халта, тугун, бўғча + Haus — уй, хона] Темир йўл станциялари, порт кабиларда юклар вақтинча сақланадиган омбор. — *Металлургия заводи қаёқда? — деб сўради Эргаш, пакгауздан чиқиб келган юкчиларнинг бирини тўхтатиб.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПАКЕТ [фр. paquet — тугунча, бўғча; халта] 1 Қоғоз ёки целлофан халта(ча). *Шофёр изза бўлган бир аллозда багажникдан пакетларни олиб, «Нива»нинг орқасига эҳтиётлаб қўйди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Маҳсулот Россия 245технология линияси ёрдамида бир литрли, 0,5 ва 0,2 литрли пакетларга қадоқланмоқда.* Газетадан.

2 Расмий хат, ҳужжат ва ш. к. солинган катта конверт ва шундай конвертдаги хат-ҳужжат. *Усар бухгалтер Эшмаматнинг елкасига қоқиб қўйди. Атрофга ўғринча назар ташлаб олиб, қўйнидан пакетни чиқарди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Мария ўқ ёмғири остида эмаклаб, пакетни полковник Проценкога олиб бориб топширди.* «Саодат».

Индивидуал боғлов пакети тиб. Жанговар шaroитларда ярадорларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун тайёрланган махсус бинт (жароҳатга қўйиладиган иккита докпахта ёстиқча ва бинтдан иборат).

ПАККА с.т. 1 Мусобақа ва спорт ўйинларида етиб бориш ёки тупланиш олинган белгиланган жой, нуқта, марра; финиш. *У паккага биринчи бўлиб етиб келди.* ■ *Пойгада қаттиқ зўриқиб чопган от паккага етганда сулайиб қолар эмиш.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам. *Футбол ишқибозлари ҳам чойхонамизни пакка қилиб олишган.* «Шарқ юлдузи».

2 Ишнинг олинган белгилаб қўйилган чамаси; мўлжал, режа. *Ишни паккага етказмоқ.* ■ *Ҳар бир кўсак, ҳосил берган ҳар чигит Бизнинг кўзга илашмасдан қолмайди. Паккасига тўлдирмасдан толмайди Биздаги ҳар хотин-қиз ҳам эр йигит.* Ф. Фулом.

Паккасига етмоқ Охирлаб қолмоқ, поёнига етмоқ. *Умрим паккасига етай деганда, худонинг қаҳрига учрадим, қизим. Гуноҳим нималигини билмайман..* К. Яшин, Ҳамза.

ПАККИ шв. Тиғи сопи ичига қайириб ёпиб қўйиладиган пичоқча; қаламтарош. *«Кескир» лақабини эса иш услуби, яъни йўловчиларга паккими, устарам, ишқилиб, бирорта тиглироқ матоҳни кўрсатиб дўқ*

ургани туфайли орттирган эди. М. М. Дўст, Лолазор.

ПАККИЧИ шв. Пакки ясовчи шахс.

ПАК-ПАКАНА Бўйи жуда паст, жуда ҳам пакана; митти. *У сўзини тугатгач, пакпакана бир қизиқчи чиқади-да, салом беради.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

ПАКТ [лот. pactum — шартнома, битим] Муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган халқаро шартнома, битим. *Хужум қилмаслик ҳақидаги пакт. Пактни ратификация қилиш.* ■ *Асосий халқаро пактлар ва битимларнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши мамлакатимизнинг.. тарихида сифат жиҳатидан янги саҳифа очди.* Газетадан.

ПАЛАК I [ф. <كلا — тўгарак майдон < а. <كلا — само, осмон] Қовун, бодринг каби ўсимликларнинг ерда ёйилиб усадиган тана, шох ва барглари. *Қовун палак отибди. Палак ёзган тарвуз.* ■ *Домлаларни чой ва дастурхон тайёр бўлгунча овутиб туриш учун мулла Обид палакдан уч-тўртта қовун узиб чиқади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ишқом ва шафтолилар участка четидаги қовун-тарвуз палакларни устидан ўз сояларини йиғиб олмақда эди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

Палак отмоқ Илдиз отмоқ, авж олмоқ; кўпаймоқ, мустаҳкамланмоқ. *Натижада VIII—IX асрлардан бошлаб Термизда сайидлар авлоди палак отиб, машхур бўлиб кетди.* «Фан ва турмуш». *Чунки бу ерда расмиятчилик палак отган: мендан кетгунча, эгасига етгунча, қабилида иш тутилимоқда.* Газетадан. **Туп қўйиб, палак отмоқ** Мустаҳкам ўрнашиб, мартабаси ошмоқ; бола-чақали бўлиб кетмоқ. *Станциядаги мўътадил ҳаво секин-аста Салимжонни аввал доцент, кейин профессор қилиб, туп қўйиб, палак оттира бошлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Қайтиш бизнинг қисматимизда бўлмаса, сизларда бордир. Қурриётимиз ота юрtdа туп қўйиб, палак отса, минг бор шукр қиламиз.* «Ёшлик».

ПАЛАК II [а. <كلا — само, осмон] Осмон гумбазига ўхшаш доира шаклидаги гулнақшлар билан қопланган, одатда, уй деворларига безак учун осиб қўйиладиган каштачилик буюми. *Илари қиз узатган одамлар қизининг уйини безаш учун палак, зардевор, чойшаб, гилам, сандиқ қилишар эди.* Газетадан. *Ҳовлилардан келинларнинг палаги олиб чиқилиб, чойхонага осилди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар.

ПАЛАКМУРДА [палак I + ф. مرده — ўлган; ўлик] *шв.* Полиз экинларининг қуриган палаги. *Палакмурдадан териб олинган тарвузлар.*

ПАЛАКҚУШ *фольк.* Қуш кўринишга эга бўлган афсонавий учар от. *Турт қиз палак-қушга миниб, тўққиз кеча-кундузда Чамбилга етдилар.* «Зулфизар билан Авазхон».

ПАЛАНГ I [ф. پلنگ — қоплон; йўлбарс] *айн.* йўлбарс.

Паланг йили айн. барс йили қ. барс 2. **Паланг от** *фольк.* Афсонавий учар от. *Келиб, паланг отни созлаб кўради, Паланг отни миниб, бундан жўнади.* «Ширин билан Шакар». *Паланг отдай гувлаб борасан, Булут настда, осмон ёрасан. Қачон ерга настлаб борасан? Уч-ҳо, учгил, давримнинг оти.* Отаёр, Оқ фасл.

ПАЛАНГ II [ф. پلنگ — йўлбарс териси; шу теридан қилинган пўстин] Орқалаб юк ташишда ишлатиладиган махсус ёстиқча. *Ҳозир [Қашберан] кифтига паланг кўйиб, Аллонбийнинг юкини ташийди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ПАЛАПАРТИШ I Айқаш-уйқаш, тартибсиз, бетартиб. *Ўзиям [уй] анчадан бери супурилмаган.. стуллар ҳам жойларидан сурилган, палапартиш қўйилганди.* О. Ёкубов, Аямажиз. *Унинг ёғи қичиб кетган дўппи, палапартиш кийимда кириб келганига Онахон ҳайрон қолди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар.

2 Бир-бирита боғланмаган, қовушмаган; пойма-пой, гализ. *Палапартиш жумлалар. Палапартиш гапирмоқ.* ■ *Палапартиш гапга чечан Араббой яна бир нарса топиши мумкин эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ўйламай-нетмай қилинган; бемулоҳаза, чала-чулпа. *Палапартиш иш. Палапартиш иш қилмоқ.*

4 Ўйламай-нетмай, чала-чулпа иш қиладиган, тартибсиз. *Палапартиш одам.* ■ *..фақат айтилган ишни чала-чулпа бажарадиган ходим билан меҳнат интизомини бузувчи, ишда палапартиш ходимнинг ўртасида қандай фарқ бор?* «Ўзбекистон кўриқлари».

ПАЛАПОН *с. т.* **1** Паррандаларнинг ҳали пат ва қанот чиқармаган ёки эндигина чиқара бошлаган боласи; жиш. - *Буни қаранг, — деди жилмайиб Нафисахон ўзида йўқ шод.* — *Мусичанинг палапон боласи ҳам, шунақа*

кап-катта бўлса ҳам, онаси кетидан қанот силкиб, осилиб юради. Мирмуҳсин, Умид. *Том буюғотига уя қурган чумчуқлар бот-бот палапонларини учирма қилишарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Гудак болаларни, ёшларни эркалатиб айтиладиган сўз. *Илк бор ҳаётингда қор сайлидир бу, Изингдан шугладек югурар кўзим. Қўрқма, палапоним, чекмагил қайғу, Йиқилсанг, турғузиб қўяман ўзим.* А. Орипов, Йиллар армони. *Йўлинг очиқ бўлар, бўлсанг сен очиқ қўл, Омин энди, палапоним, сенга оқ йўл.* Й. Эшбек, Соғиниб яшайман.

3 *кўчма бетклф. ҳазил.* Ҳеч нарса билмайдиган, тажрибасиз. *Урта мактабдан яқинда учирма бўлган, лекин ҳали чинакам турмуш нималигини билмайдиган бу палапонларга нима десин?* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Бесўнақай, катта; салмоқланиб, лапанглаб юрадиган. *Палапон товух.*

ПАЛАТА I [лот. palatium — сарой, қаср] **1** Баъзи мамлакатларда: парламент ёки бошқа олий давлат органининг таркибий қисми.

Умум (ёки жамоат) палатаси Англия ва Канадада: парламентнинг сайланувчи қуйи палатаси. **Лордлар палатаси** Англия парламентининг асилзодалардан ёки қирол томонидан тайинланадиган аъзолардан иборат юқори палатаси.

2 Ўзбекистонда: парламент — Олий Мажлиснинг икки таркибий қисми: қуйи палата — Қонунчилик палатаси, юқори палата — Сенат. *Палаталар билан ҳамкорлик қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш вазифаси Адлия вазирлигининг барча тизимларига юклатилади.* Газетадан. *Юқори палата таркибини вилоят, шаҳар ва туманлардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг вакиллари ташкил этади.* Газетадан.

3 Баъзи давлат ёки жамоат ташкилотлари ва муассасаларининг номи. *Савдо палатаси. Китоб палатаси. Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси.* ■ *Вилоят тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси қошида кичик ва ўрта тадбиркорликни ахборот ва маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилганди.* Газетадан. *Илмирахон билан танишгунимга қадар Ўзбекистон Ёшлар палатаси ҳақида кўп нарса билмас эканман.* Газетадан.

Ўзбекистон Республикаси миллий китоб палатаси Ўзбекистонда нашр этиладиган барча босма асарларни ҳисобга олиб, уларга библиография тузиб борувчи муассаса.

ПАЛАТА II [р. < лат. palatium — сарой, қаср] 1 Даволаш ва дам олиш муассасаларида беморлар ёки дам олувчилар ётадиган алоҳида бўлма, хона. *Ахир, сен даволаётган беморларнинг палатасига телевизор қўйиб беришмайди-ку.* Т. Ашуров, Оқ от. *Уша кун палатамизга сотувчи аёл атлас олиб келганди.* Газетадан.

2 қ. палатка. *Ўмғир палатадан ўтиб, кўрпа-ёстиқларни ҳам шалаббо қилиб юборди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўрмон ичкарисидаги дала госпиталида брезент палатада ётибман. Қора Лочин палатага ҳар замон бир бош суқиб, менга қараб қўяди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 Баъзи ҳашаматли уй, қасрлардаги ички иморат, зал. *Яроғ-аслаҳа палатаси.*

ПАЛАТКА [р. «палата» с. кичр.: кичик палата] Сув ўтмайдиган пишиқ матодан, теридан тикилган ёзги қапа, чодир. *Ана ҳозир қамиш капалар, брезент палаткалар, ертўлалар кўришиб қолар деб келяпман.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ПАЛАХМОН [ф. پلاخمان — сопқон, тошотар] тар. Тош отиш учун ишлатилган жуда қадимий ибтидоий қурол. *Кўрғон ҳимоячилари ўқ-ёй ва тош отадиган палахмон билан қуроланган эдилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *— Қиз бола палахмоннинг тоши, дейдилар: қаерга отса, шу ерга бориб тушади, — деди Уринжон хола.* С. Йўлдошев, Қиз қалби.

ПАЛАХСА I Ер чопганда ёки ҳайдаганда уваланмай, бутун ҳолда кўчган катта япалоқ кесак. *Ер палахса-палахса бўлиб кўчяпти. Ерни палахса-палахса қилиб ағдариб ҳайдамоқ.* ■ *Чул қушларининг қилиғи қизик: улар палахса-палахса ағдарилиб, қалайдай йилтираб ётган шудгорда ўлжа талашади.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

2 Умуман, ҳар қандай қаттиқ нарсанинг ундан ажралган яхлит, япалоқ парчаси. *Бир палахса мәрмар.* ■ *Фуломжон ҳар гурзи урганда, тоғ палахса-палахса бўлиб ағдарилар, одамлар қийқиришиб, югуришиб ташишар эмиш.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тоғнинг тошлари палахса-палахса ушалиб, худди тирик мавжудотдек, настга силжийди.* «Ёшлик».

ПАЛАҒДА [ф. پلاغه — айниган, бузилган тухум] 1 Айниган, бузилган, сасиган (тухум ҳақида). *Палағда тухум.* ■ *Уни қанақа чиройли сўзларга ўрамасин, палағда тухумга мурч селиб бергандай гап — барибир, ёб бўлмайди.* А. Қаҳқор, Бек. *Олқинди кетди-ю, уйда аллақандай моғор ҳиди билан бешта палағда тухум қолди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Унмайдиган, қуруқ, қовжироқ (уруғликлар ҳақида). *Палағда уруғ.*

3 кўчма Пўнғиллаган, ёқмайдиган, ёқимсиз, хира (овоз ҳақида). *Унинг [Очилвойнинг] овози аллақандай хириллаб, палағда чиқади. Иззатулла ака ўрндан қўзғалиб, унга кулумсираб қарайди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Чол кафтини тўлдириб нос отди-да, палағда товуш билан гапга тушиб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

4 кўчма Ҳеч нарсага ярамайдиган, фойдасиз. *Нишонбой, бу саволинг палағда чиқди.* А. Қаҳқор, Қўлчинор чироқлари.

ПАЛЕО- [юн. palaios — қадимги, бурунги] Байналмилал ўзлашма кўшма сўзларнинг биринчи қисми: «қадимги, қадимийликка, қадимиятга алоқадор» каби маъноларни билдиради (мас., *палеоботаника, палеография*).

ПАЛЕОАНТРОПОЛОГИЯ [палео.. + антропология] Антропологиянинг қазиб олинган қадимги одам (питекантроп, синантроп ва ш.к.)ларнинг типларини ўрганувчи соҳаси.

ПАЛЕОБОТАНИКА [палео.. + ботаника] Ботаниканинг қазилма ўсимликларни ўрганувчи соҳаси. *..қазилма бойликларни қидиришда палеоботаника маълумотларидан фойдаланилади.* «ЎЗМЭ».

ПАЛЕОГРАФ Палеография олими, мутахассиси.

ПАЛЕОГРАФИК Палеографияга оид. *Тўртламчи даврнинг ўрталарида Хоразмнинг палеографик тузилишида анча ўзгаришлар рўй берди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ПАЛЕОГРАФИЯ [палео.. + юн. grapho — ёзма] Қадимги кўлёмалар ва ёзувларни, ёзув белгиларининг яратилиш тарихини ҳамда уларнинг ташқи кўриниши (ёзилиш усули, ҳарфлар шакли, ёзув ёзилган материал тури кабилар)ни ўрганадиган фан.

ПАЛЕОЗОЙ [палео.. + юн. zoe — ҳаёт] геол. Ер геологик тарихининг учинчи эраси (бу

эрада ер юзида папоротниклар, яланғоч уруғли биринчи игнабарглилар, балиқлар, амфибиялар пайдо бўлган). *Палеозой эраси.* ■ *Мумийёи аслнинг пайдо бўлишида қуёш энергияси катта роль ўйнайди. Мумийёи асли палеозой эрасининг жинслари тарқалган жойларда учратиш мумкин.* «Фан ва турмуш».

ПАЛЕОЛИТ [палео.. + юн. lithos — тош] Энг қадимги тош асри, даври.

ПАЛЕОНТОЛОГ Палеонтология олими, мутахассиси.

ПАЛЕОНТОЛОГИК Палеонтологияга оид. *Палеонтологик экспедиция. Палеонтологик таҳлил.*

ПАЛЕОНТОЛОГИЯ [палео.. + юн. on (ontos) — борлиқ, ҳақиқатда мавжуд (нарса) + logos — билим, фан, тушунча] Қирилиб, ўлиб, йўқ бўлиб кетган ўсимлик ва ҳайвонларни уларнинг қазиб топилиган қолдиқларига қараб ўрганадиган фан.

ПАЛЕОЭКОЛОГИЯ [палео.. + экология] Палеонтология фанининг қадимги даврларда яшаган ҳайвонот ва ўсимликларнинг ўша давр муҳити билан узаро муносабатини, ҳаёти ва яшаш шароитларини ўрганадиган бўлими.

ПАЛЁН [р. полено — ёрилган гўла, тараша] с. нинг бузилган шакли] Гўланинг ёриб ажратилган бир бўлаги. *Бир палён ўтин.* ■ *-Булмаса, бундай қиламиз. Қўлингиздаги болта билан анави палёни олинг-чи, — деди режиссёр.* «Муштум». *Арзанда бир палён чайир ўтинни тик қўйибди-да, шошиб, зарб билан болта урибди.* Ё. Шукуров, Она меҳри.

ПАЛИД [ф. پاليد — кир, ифлос; нопок, мурдор, ҳаром] 1 Жуда, ўта ортиқ даражада кир, ифлос. *Палид нарса.* ■ *Аммо бундай палид жойга кирганимни арвоҳлар ҳам ёқтирмаган бўлсалар керак.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Олтин палид ва ҳаром нарса, мен уни қўлимга олишга ҳазар қиладурман.* М. Осим, Карвон йўлларига.

2 *кўчма* Утакетган ярамас, қабиҳ, разил, жирканч, ёмон. *Палид одам.* ■ [Миркомил] *Эндилликда кўршапалакдек тунда изғиб юрган зараркунанда, палид.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Ҳайҳот, ушал жойда қайсидир палид Унинг қисматига қайрайди пичоқ.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАЛИТРА [фр. palette — темир, ёғоч ёки бошқа нарсадан бўлган ясси тахтача] 1

Рассом ишлаш жараёнида бўёқларни аралаштирадиган, тўртбурчак ёки овал шаклидаги тахтача. *Дафъатан бирор одам олди-га бориб, палитрани, мўйқаламни кўз-кўз қилиб.* М. Қўшжонов, Дийдор.

2 *кўчма* Ёзувчилар, композиторлар ижодида таъсирчанлик ва бўёқдорлик воситалари мажмуи. *Актёр қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини белгилашда ўзининг бўёқдор ҳаётбахш палитрасини равшан намоён қилган.* С. Хужаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

3 *кўчма* Рассомнинг рангтаъсир услуби ҳамда алоҳида рангтаъсир асарни учун хос бўлган ранглар тўплами.

ПАЛЛА I [ф. پالا — поғона, босқич; даража, мартаба] 1 Муайян давр, вақт, пайт. *Ёз палласи. Ёшлик палласи. Шу паллада.* ■ *Дехқон тонг палласи сафарга чиқди, Юртим деб бир йўли ҳашарга чиқди.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз. *Арпа ўроққа кирган палла эди. Матпано ўроғини йўқотиб қўйиб диққат бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Далада ёз палласида ёйлиб ўтириш — роҳат.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Босқич, поғона, давр. *Тарихий тараққиётнинг янги палласи.* ■ *Эл билан бирга узоқ йўл босдим, бундай паллаларни яхши биламан.* *Халқнинг қисматида тарихий кунлар бошланмоқда.* «Шарқ юлдузи».

ПАЛЛА II [ф. پالا — тарози коса(ча)си] 1 Тарозининг нарса ёки тош қўйилдиган ҳар бир тақсимчаси. *Тарози палласига тош қўймоқ.* *Тарози паллаларини мувозанатга келтирмоқ.* *Тарози палласига қараб иш тутадиган одам.* ■ *Пештахта олдида бориб, саватдаги узумдан бир бош танлади-да, тарози палласига қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *Дунё тарозисининг икки палласи: бирида қувонч, бирида ғам; бирида нур, бирида зулмат бўлса, Назокат энди фақат биттасини — қувонч билан нурга тўласини кўрарди.* Шўхрат, Умр поғонаси.

2 Юмалоқ нарсанинг тенг иккига бўлинган қисмларидан бири, ярми. *Ёрмат.. тарвузни кесди. Бир палласини Йўлчи ва Уроз олдида қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўзим ичга ботиб кетган, худди қуруқ икки ёнғоқ палласи.* Т. Фаттоҳ. *Тарвузнинг бир палласида сузар юзлаб чумоли.* «Ёшлик».

3 *бот.* Уруғнинг мустақил муртакли ҳар бир бўлаги.

Палласи босмоқ Устун бўлмоқ, зўр чиқмоқ. Эшоннинг панд-насиҳатлари зўр келди. Эшоннинг палласи босди. С. Аҳмад, Сайланма.

ПАЛЛАДИЙ [лот. Palladium < юн. Palladion — Паллада кичик сайёраси номидан < Pallas — юнон маъбудаси Афинанинг номларидан бири] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; платина (оқ олтин) металлар гуруҳига кирувчи юмшоқ ва енгил, кумушсимон оқ металл.

ПАЛОВ [ф. پالو / پلو — палов] Асосий масаллиғи гуруч, ёғ, гушт ва сабзидан иборат, қовуриб, қайнатиб ва дамлаб тайёрланадиган қуюқ овқат; ош. *Нухатли палов. Майизли палов.* — Хотинлар паловни дамлаган вақтда бой келиб қолди. Ойбек, Танланган асарлар. *Нигор ойим сопол лаганда палов келтириб, ҳаммалари бирга ошга ўлтирдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Ивитма палов Олдиндан ивитиби қўйилган гуручдан тайёрланган юмшоқроқ палов. **Самовар палов** Чойхонада сара масаллиқлардан яхши пазанда тайёрлаган палов. Унинг илгариги чойхўрлари, бирга самовар палов ейишган улфатлари Ёвариқ бўйида тўкин дастурхон атрофида ўтиришибди. И. Раҳим, Ихлос. **Халта палов** Гуручи алоҳида халтада сувда қайнатиб, пишириб олинган палов. **Чойхона палов айн. самовар палов.** *Йигитсиз учоқда олов қайдадир, Хилватда чойхона палов қайдадир.* Э. Охунова, Кулофингизга гапим бор. **Қовурма палов** Масаллиғи обдан қовуриб, гуручи ивитмай тайёрланадиган палов.

ПАЛОВХОНТЎРА с.т. айн. палов. -О, келин паловхонтўрани бошлабдилар-ку, тилладай ош бўпти-ку, маза қиламиз экан-да! — Зиёд мақтай-мақтай енг шимаришга тушди. М. Мансуров, Ёмби.

ПАЛОВХЎР [ф. پلاخور — палов еювчи] Паловни яхши кўрадиган, кўпроқ палов ейдиган киши. *Айниқса, шўх ўзбек халқи паловхўр, Иш вақтида бир-биридан чайир, зўр. Ҳабибий, Девон. Паловхўрларнинг аксарияти бу ерда доимий яшайди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

ПАЛОВХЎРЛИК Тўйиб палов ейиш, паловга тўйиш. *Маҳаллада ҳар кун тўй, ҳар кун паловхўрлик.* — Раис мажнунтол тагидаги паловхўрликдан кейин ажойиб бир

ҳодисага дуч келибди. М. Муҳамедов, Юрак сўзлари.

ПАЛОН с.т. айн. фалон. *Қишлоғимизнинг қизига палон қишлоқнинг йигити гап ташлабди, деб эшитса, атайин муштлашгани учтўрт йигит ўшаққа бориб, бирон жанжал бошламай қайтишмайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПАЛОН-ПИСТОН с.т. айн. фалон-пнстон. *Бир кун у [Оқилжон] Бухорога жўннайман, деб қолди, аллақандай мол келтириб, мана мунчага сотаман, палон-пiston деб ҳовлиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПАЛОНЧИ с.т. айн. фалончи. *Қайси ҳайкал тагидаги ёзувни ўқиманг, албатта, «ҳайкалтарош палончи архитектор Одинаев» деган ёзувни ўқийсиз.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Палончининг хотини ҳалиям ўзини олдирмапти, деса ёмонми?* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПАЛОС [ф. پالاس — туксиз дағал гилам; дарвешларнинг жун, қилдан тайёрланган дағал кийими] 1 Қўлда ёки машинада тайёрланадиган катта жун шолча, туксиз гилам. *Бўш турган айвонлар ҳам турлитуман гиламлар, палослар билан безалган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Супачада қизил гилам, палослар, Парқуларга ёнбошлаган бир кекса.* Ф. Фулом.

2 Ерга, полга тўшаладиган буюм (гилам, кигиз, шолча каби) ларнинг умумий номи. *Бир вақтлар дошқозонлар қуриладиган учоқлари, палос тўшаладиган супалари ҳам йўқ.* И. Раҳим, Ихлос. *Узун айвонларда палос ўрнига қора қум солиниб, бошдан-оёқ қум қоплилар тизилган.* Ойдин, Бечора.

ПАЛОЧ шв. Бошоғи тўкилиб кетган ёки юлинган буюм, арпа пояси.

ПАЛПИС 1 шв. Пок-нопокнинг фарқига бормаидиган; ифлос, исқирт; бефарқ. *Палпис одам.*

2 Ишни эплайлмайдиган; уқувсиз, ношуд.

ПАЛУБА [р. < қад. р. па (суфф.) + луба — йўнилган тахта] Кемаларнинг горизонтал ҳолда тахта қопланган юзаси, саҳни. *Юқори палуба. Куйи палуба.* — *Талабалар парходга чиқишди, Ойжамол эса парходнинг палуба, каюталаридан кўзини олмасди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ПАЛЬМА [фр. palme — хурмо шохи, новдаси < лот. palma — панжа, кафт; пальма, хурмо] Жануб томонларда ўсадиган, доим яшил, катта баргли тропик ва суб-

тропик баланд дарахтларнинг умумий номи. *Юқори синф шогирдларидан бир нечаси адил, юксак пальма дарахтлари остида.. жиддий суҳбатлашмоқда эдилар.* Ойбек, Нур қидириб. *Мазкур ўрмонлар қарағай, ҳатто пальма ёнғоғи, банан сингари дарахтлардан иборат бўлган.* «Фан ва турмуш».

ПАЛЬМАЗОР Пальма билан банд, пальма ўстирилган ер, майдон.

ПАЛЬПАЦИЯ [лот. palpatio – пайпаслаб, силаб кўриш] *тиб.* Беморни текшириш усулларидан бири: юза тўқималар ва чуқур аъзоларни мунтазам пайпаслаш ва шу йўл билан касалликни, касаллик белгиларини аниқлаш.

ПАЛЬТО [фр. paletot – пальто < лот. palla – енгсиз, халатсимон кийим, ридо] Одатда, совуқ кунларда кўйлак ёки костюм устидан кийиладиган узун устки кийим. *Қишлоқ пальто. Мавсумий пальто.* ■ *Вагон деярли бўш эди. Уртадаги ўриндиқда жигарранг пальто кийган қиз билан бир йигит ўтирар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАЛЬТОБОП Пальто тикиладиган, пальто бўладиган, пальтолик (мат). *Пальтобоп мовут.*

ПАЛЬТОЛИК *айн. пальтобоп. Пальтолик драп. Пальтолик астар.*

ПАМИЛДОРИ *с.т.* Помидор.

ПАМИЛЧОЙ [р. фамильный чай – оилавий, хос чай] *айн. қора чай. Халқ табиатида мурчни памилчай билан дамлаб, асал билан ичириб, шамоллаган касалларни терлатишган.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Чол бетакаллуфгина чордана қуриб ўтириб, хотини қуйиб узатган аччиқ памилчойни пуфлаб ича бошлади.* Ҳ. Фулом, Феруза.

ПАМФЛЕТ [ингл. pamphlet – рисолача; кичик асар] Ижтимоий-сиёсий мавзуга бағишланган, аниқ бир шахс ёки ижтимоий ҳодисани мазах қилиб, уларнинг иллатларини фош қилишга қаратилган кичикроқ бадиий-публицистик асар. *Маълумки, ўзбек прозасининг дастлабки босқичида сатирик ҳикоялар, памфлет, кулгили ҳангомалар жуда кўп яратилган.* «ЎТА».

ПАМФЛЕТЧИ Памфлет ёзувчи адиб ёки журналист.

ПАН [пол. pan – жаноб] **1 тар.** Россия империяси ғарбида ва Польшада катта ер эгаси, помешчик.

2 Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларида эркакларга ҳурмат юзасидан мурожаат қилганда, «жаноб», «тақсир» маъноларида ишлатиладиган сўз.

ПАН- [юн. pan – барча, ҳамма] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, «умумий хосса-хусусият, барча нарсани қамраб олиш, барча нарсага алоқадорлик» маъноларини билдиради (мас., *панзоотия*).

ПАНА [ф. پناه – бошпана; хавфсиз жой; ҳимоя; ҳомийлик] **1 от** Бошқаларнинг назаридан яширадиган ёки бирор нарса таъсиридан сақлайдиган, ҳимоя қиладиган жой, нарса, тўсиқ. *Ёмғирдан пана изламоқ. Панада турмоқ. Томнинг панасига яширинмоқ.* ■ *Лаъли шу зулмат кучоғига кирганда, ўзини бир дарахт панасига олиб, орқасига қаради.* Ҳ. Фулом, Маъшвал. *Ширин, симчироқ ёритиб турган остонадан ичкарига қадам қўйиши билан, мушукдай келадиган сариқ ит ақшлал, оёғига ёпишди. У қўрқиб, жирканиб, кампирнинг панасига ўтди.* «Ёшлик».

2 сфт. Бировнинг назари тушмайдиган ёки бирор нарса таъсиридан паналанган, ҳимоя қилинган, тўсилган. *Чироқ шишасини рўмолим билан пана қилиб, ҳовлига тушдим.* Ёмғир ҳамон эзмаланиб ёғарди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Кувёликдан ёдгор бўлган беқасам чопони билан юзини қордан пана қилиб, йўлакка борди. Пастак эшикнинг ҳалқасидан ушлаб тортди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Фақир (ёки ғариб) киши панада Ҳар нарсага арашавермай, камтарлик билан ўзини четга олиб юрадиган киши. *Ақли бор одам «фақир киши панада» қабилида ўзини четга олиб, ишини ўхшатиб юраверади.* В. Ғофуров, Вафодор. *Ғариб киши панада, Пустини сомонхонада.* «Халқ дурдоналари».

ПАНАЛАМОҚ **1** Назардан, бирор киши ёки нарсдан яширмоқ, беркитмоқ. *Машинани ёмғирдан паналамоқ.*

2 Ўзини панага олмоқ, бирор нарса панасига олмоқ, орқасига яширинмоқ. *Бирон тайинли хулосага келолмагач, паналаб, маслаҳатгўйи Азимбойваччанинг қўрғонига жўнади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шербек йўғон, учи кавак толни паналаб тўхтади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўрмонни паналаб юриб, немисларга дуч келишди.* «Шарқ юлдузи».

3 Тусиб, бекитиб турмоқ. *Маъсумаойини паналаб турган қизча қизил сочидаги бантини шошилиб тузатди-да, олдинга чиқди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ПАНАМА [фр. Panama — Панама Республикаси номидан] Сербар соябонли ёзлик шяпа; ушбу бош кийими ўзи тарқалган жой номи билан аталган. *Жангчилар байрам олди-дан олган панамаларини ҳўллаб олган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Юзини беркитиб турган, теграси гулдор боғичли похол панама ҳам унинг нафасидан қимирлаб қўяди.* Н. Аминов, Қақхаҳа.

ПАНБАРХАТ [р.] Духобага ўхшаш, тукли юпқа шойи мато. *Зокир Фаридага пушти гулли панбархат ҳада қилган.. эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

ПАНГ 1 Ўзаги қуриб, бўш бўлиб қолган. *Панг сабзи. Панг шолғом.*

2 кўчма Ноаниқ, ёқимсиз, пўнғиллаган. [Амин] *Негадир устунни қимирлатиб ҳам кўрди, сўнгра Қобил бобони чақирди ва панг товуш билан деди.* А. Қаҳҳор, Ўғри. *Эҳсоннинг кўзлари ночор жавдиради, сўнг панг овозда бидишлаб кетди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ПАНД I [ф. پند — маслаҳат, ўғит, насиҳат] *кт.* Ўғитли гап, сўз, ўғит, насиҳат. *Панд бермоқ (айламоқ).* ■ *Қол, деганда қонлар ютиб қолмадим, Отам пандин қулоғимга олмадим.. Беш юз йиллик йўлди сенинг маконинг. «Фольклор».* Мана бугун яна бир панд бериб, насиҳат қилмоқчи бўлиб келган эдим, тузук, иш ўнгланиб кетганга ўхшайди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ПАНД II [ф. پند]: **панд бермоқ** Алдамоқ, аврамоқ, лақиллатмоқ, алдаб зиён келтирмоқ, фириб бермоқ. *Вафо бўлмас хоиннинг севгисида ҳеч! Панд беради бир куни: хоҳ эрта, хоҳ кеч.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. [Миша:] *Миянгни ишлат, ҳўйла билан душманга панд бер.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи. **Панд емоқ** Алданмоқ; алданиб, зарар-зиён кўрмоқ, фириб емоқ. *Яхшидан қанд ейсан, ёмондан — панд (ейсан).* Мақол. ■ *Қариганинда панд емаслик учун болангни талтайтирма.* «Ёшлик».

ПАНДАВОҚИ Гапга, унча-мунчага тушунавермайдиған; калтафаҳм, анқов. *Ўзи ҳам пандавоқи, гўл эди, у билан мозорча шамчироқ булармидингиз?* А. Мухтор, Туғилиш. — *Ўзингизни гўлликка солманг, — деди*

ийгит жеркиб. — *Ё ҳеч нарса тушунмайдиған пандавоқи деб ўйлаясизми?* У. Назаров, Биринчи учрашув.

ПАНДАВОҚИЛИК Пандавоқига хос, пандавоқига оид хусусият. *Пандавоқилик қонда бўлса қийин экан, буларнинг авлиёсининг ҳам ҳеч балога ақли етмайди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ПАНДЕМИЯ [юн. pandemia — бутун халқ < pan — бутун, барча + demos — халқ] *тиб.* Эпидемия касалликнинг бир мамлакат, бир неча мамлакат ёки қитъада ёппасига тарқалиши.

ПАНД-НАСИҲАТ Панд ва насиҳат(лар), ўғит ва насиҳат(лар). *Шодиёр кенжа ўғил эмасми, отасининг бу тахлит панд-насиҳатларини кўп эшитган.* Н. Норқобилов, Тўқнашув. *Вақт алламаҳал бўлганда, ёшларга панд-насиҳат қилиб, бу ёғига ширин турмуш тилаб, Муҳсинали акалари чиқиб кетишди.* Д. Нурий, Омон устунни.

ПАНДНОМА [ф. پندنامه — насиҳатнома] Насиҳатлардан иборат китоб, панду насиҳатлар китоби, насиҳатнома.

ПАНЕЛЛИ Панели бўлган, панеллардан қурилган. *Йирик панелли уй.* ■ *..маиший объектларни йирик панелли вариантга ўтказиш сингари тадбирлар бор.* Газетадан.

ПАНЕЛЬ [нем. Paneel < лот. pannellus — мато бўлакчаси, лахтак] **1** бнк. Бино, хона ичидаги деворнинг тахта-ёғоч, пластмасса ёки мой-бўёқли безак қопламаси. *Кўк бўёқли панель. Ёлғоқ дарахтидан ишланган панель.*

2 бнк. Заводда тайёрланиб, қурилишда ишлатиладиган йирик ўлчамли ясси темир-бетон ёки ёғоч плита. *Йирик панеллардан қурилган уй.*

3 махс. Электр тармоқлари, бошқариш пульта, радиотехник асбоб ва б. нинг сигнал берувчи, назорат қилувчи, ўлчовчи ускуналар ўрнатиладиган олд девори.

ПАНЖА I [ф. پنجه — қўл бармоқлари; чангал; бешлик] **1** Қўлнинг кафт ва бармоқлардан иборат қисми. *Раис.. кенг панжаси билан пиёлани қоплади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Акбарали ҳансирар, панжалари пичоқ дастасини шундай қаттиқ қисиб ушлаган эдики, бўғинлари кўкариб, қон таллашиб кетган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 с.т. Бармоқ. *У буни беш панжасидай билади.* ■ *Закот бобидаги барча таомил, қоида ва тартиб каминага беш панжадай*

аён. Ойбек, Навоий. *Элмуроднинг панжалари орасида нуфакчалар пайдо бўлибди. Шухрат, Шинелли йиллар. Иккита панжаси шартта узилиб тушиди-ю, жон ҳолатда бир қўли билан осилиб, тутдан тушди. С. Аҳмад, Уфқ.*

Беш панжани оғзига урмоқ (ёки **тиқмоқ**) қ. беш I. - *Сенга неча марта айтдим, — ярим танасини деразадан чиқариб, укасини койиди Малик муаллим, — нафсингни тий, беш панжангни оғзингга тиқма. А. Кўчимов, Ҳалқа. Панжа орасидан қарамоқ* Ишга, масалага расмийчилик, совуққонлик, беларволик билан қарамоқ. *Нега унинг қилмишларига панжа орасидан қарайсиз?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Баъзи ҳайвон ва қушлар оёғининг уч қисми; чангал. *Айиқнинг панжаси. Бургутнинг панжаси. Ёш қўл — арслон панжаси.* Мақол. ■ *Қиррадор тошларга панжалари билан ёпишиб олган калтакесақлар нурсиз кўзларини бақрайтириб, тилларини чиқариб қўйишарди. «Ёшлик».*

4 кўчма Исканжа, тутқунлик; тобелик. *Бу баҳонада у бечорани ҳам зolimнинг панжасидан қутқазиб, ўз севганига қўшиб олиб кетурмиз. Ҳамза, Паранжи сирлари. Унлаб қишлоқни ўз панжасида ушлаб турган Саид Жалолахон эшоннинг панд-насиҳатлари кучлилик қиларди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ПАНЖА II Панжа кўринишидаги шакллари бўлган билагузук тури.

ПАНЖАРА [ф. پنجره — дераза; панжара] Орасини очиқ қилиб, ёнма-ён бирлаштирилган сим, таёқ, темир, сопол, ганч ёки тахтачалардан тайёрланган ёхуд уйиб ясалган тўсиқ. *Темир панжара. Дераза панжараси.* ■ *Аммо Анвар ҳамон сўри панжарасига тирсагини тираганча.. оёқларини чалиштириб, хотиржам турарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Ҳозир ўша девор ўрнида тараққа ўхшаган чиройли панжара кўндиришибди. С. Аҳмад, Сайланма. Пишиқ ёшитдан болохонадор қилиб солинган каттакон уй.. деразаларига темир панжаралар тўсилган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ПАНЖАРАГУЛЧИН [панжара + ф. گلچين — гул терувчи, узувчи; танланган, сараланган] Ўйма панжаралар билан безатилган; жимжимдор, серҳашам. *Панжарагулчин темир дарвоза икки томонга қулочини ёзиб, тарвақайлаб очилди. «Муштум». — Ҳўп, омонат кассадаги пулдан жиндак олинг, ғалати*

панжарагулчин тахта девор қилдириб берман, — деди [Ҳамдам]. Уйгун, Асарлар.

ПАНЖАРАДОР [ф. پنجره دار — панжараси бор] айн. **панжарали.** *Баланд қад кўтарган минора ва қуббалар, панжарадор чиройли болохоналар унинг кўз олдидан бирма-бир ўтаверди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қарчиғайни Мирёқубга топширгач, панжарадор айвонга чиқди. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.*

ПАНЖАРАЛИ Панжараси бўлган, панжара ўрнатилган, панжара билан тўсилган. *Панжарали дераза. ■ Парк ёпилишига яқин иккови қўл ушлашиб, яшил панжарали дарвозадан шод-хуррам чиқиб кетишди. П. Қодиров, Уч илди. Кираверишда, ўнг томонда ташқаридагидек панжарали зина ҳовли бўйлаб тушган иккинчи болохона айвонига олиб чиқади. С. Кароматов, Сўнгги бархан.*

ПАНЖАРАСОЗ [ф. پنجره ساز — панжара ясовчи] Панжара ясовчи уста.

ПАНЖАРАСОЗЛИК Панжара ясаш билан шуғулланувчи тармоқ. *Ўзбек халқ амалий санъатининг кенг тарқалган турларидан бири панжарасозлик ҳисобланади. Газеталар.*

ПАНЖШАНБА [ф. پنج شنبه — бешинчи шанба] кт. айн. **пайшанба.** *Баҳор айёми, бир панжшанба куни Мир Алишер мавлоно Абдураҳмон Жомий билан Гозургоҳдин хиёбон сари борур эрканлар. М. Осим, Сехрли сўз.*

ПАНЖШАНБАЛИК кт. айн. **пайшанбалик.** *Анвар уқишни давом эттирар, қорни панжшанбалик нонлар билан тўқ, уст-боши ямоқ бўлса ҳам, яланғоч эмас эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

ПАНЗООТИЯ [пан.. + юн. zoop — ҳайвон] Ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликнинг бутун мамлакат, бир қанча мамлакат, қитъа бўйлаб жуда тез ва кенг тарқалиши.

ПАНИСЛОМИЗМ [пан.. + ислом] сиёс. 19-аср охирида Яқин ва Ўрта Шарқдаги мусулмон мамлакатларида вужудга келган, ислом динидаги барча халқларни ягона мусулмон давлатига бирлашишга даъват қилган диний-сиёсий оқим.

ПАНКРЕАТИТ [юн. pankreas, pankreatos — меъда ости бези + лот. itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] тиб. Меъда ости безининг яллиғланиши.

ПАННО [фр. pappeau — мато бўлаг] I архит. Девор ва шифтнинг атрофи ҳошия билан ўралган ва бўртма сурат ёки нақшлар билан безатилган қисми. «Ўзбекистон» меҳ-

монхонаси биноси фестиваль эмблемаси акс эттирилган жозибали панно билан безатилган. Газетадан.

2 Махсус жойларга мўлжаллаб ишланган рангтасвир асари ёки бўртма тасвир. *Хиббона Ватан ботиқларининг қахрамонликлари ёзилган лавҳалар, паннолар, суратлар қўйилади. Назармат, Журлар баланд сайрайди. Қадим қалъа деворига ёпиштириб ишланган паннода Хоразмининг узоқ ўтмиши ва бугуни ранг-баранг кошинлар жилосида ўз аксини топган.* Газетадан.

ПАНО [ф. پناه — бошпана; ҳимоя] с.т. ай. **паноҳ**. Тақдирнинг балоси кўп, сақласа — паноси кўп. Мақол. ■ *Парвардигор пано-дир, ҳолин билган донодир, Гўруғлидин дуо олиб, Ҳасан полвон жунади.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ПАНОРАМА [пан.. + юн. panorama — кўри-ниш] **1** Бирор жойнинг узоқ уфққа қадар кўришиб турадиган теварак-атроф манзараси. — *Бу ердан ҳамма ёқ яққол кўринади, — деди у [Комилжон], йироқ-йироқларга қулоч ёйган кўрилиш панорамасини кўрсатиб.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Кечқурун дарёдан қараганда, шаҳарнинг гўзал панорамаси чирой кўрсатади.* Т. Жўраев, Улуғ Хитойда.

2 Тасвирий санъат тури; айлана шаклли зал деворига горизонтал қоплаб ишланган, томошабинга ҳақиқий манзарадай кўринадиган жуда катта сурат. *Севастополь панорамаси.*

3 ҳарб. Тўп, замбарак каби отиш қуролларида: аниқ мўлжалга олиш учун хизмат қиладиган оптик бурчакўлчагич асбоб.

Панорама(ли) кинотеатр Панорама фильмларни намойиш этишга мўлжалланган кинотеатр. **Панорама фильм** Катта ярим доира экранларда ёки томошабинлар чор атрофини ўраб оладиган экранларда намойиш этишга мўлжалланган, махсус аппаратларда суратга олинган ва кўрсатиладиган фильм. *Панорама фильмини кўрмоқ.*

ПАНОҲ [ф. پناه — бошпана; ҳимоя, ҳомийлик; муҳофаза] **1** Сақлаш, асраш, ҳимоя қилиш қобилияти ёки қудратига эга бўлган кимса, нарса; ҳимоя; ҳомий. *Иссиқдан паноҳ топмоқ.* ■ *Бошига оғир кунлар келганда, Ҳўжанд аҳли яна шу эски қалъага паноҳ излаб келди.* М. Осим, Карвон йўлиларида. *Паноҳ бўлди бизга бу ўрмон, Кўллар*

биздай асрар бунда жон. Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

2 кўчма Ҳимоя, ҳомийлик. *Мулла Фазлиддин Қувада турган пайтларида Тоҳирга хат-савод ўргатган эди. Энди жияни паноҳ истаб борса, қаноти таъига олиши мумкин.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Зайнаб қолди бечора якка, Кимса келмас унга кўмакка, На бир паноҳ, на бир ошиён, На бир ғамхўр, на бир меҳрибон.* Ҳ. Олимжон, Зайнаб ва Омон. *Барча улуғларга ялиндим, ёлвордим, йиғладим, сиқтадим. Мана энди охирида сизнинг паноҳингизга келдим.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 кўчма Ҳимоячи, яқин киши, дўст. *Йигитлар мактубин битганда қондан, Келинлар фироқдан чекканда ёху, Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан. Ун тўққиз ёшида бева қолди у. А. Орипов, Йиллар армони. Баҳор, қатра ёшим айлагил қабул, Онам бошига ҳам бордингмикан, айт?! Унинг оромгоҳи бундан олис жой, Олисда ётибди менинг паноҳим.* А. Орипов, Йиллар армони.

Паноҳ тортмоқ Ҳимоясига суянмоқ. *Ҳеч бўлмаса, бирон ишга жойлаб қўйинг. Мен сизга паноҳ тортиб келдим.* С. Зуннунова, Гулхан. **Пушти паноҳ** Энг ишончли ҳимоячи, ҳомий. — *Эй, ҳикмат аҳлининг пушти паноҳи, — деб гап бошлади Ибн Сино таъзим қилиб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Лекин бу амалдорлар телефонни мўлжалга олиб, оёқяланг югуриб қолардилар, ўз пушти паноҳларига қўнғироқ қилишарди.* Газетадан. *Унинг мақтаб тилга оладиган бирдан-бир пушти паноҳи шу Турсунхўжабой эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАНОҲКОР Ҳимоя, паноҳ бўла олувчи. *У одам Жаҳонгирни паноҳкордай қилиб қолган эди. «Шарқ юлдузи».*

ПАНОҲСИЗ Ҳимоясиз, ҳимоячисиз, ҳомийсиз. *Ҳеч қандай паноҳсиз қолган Зайнаб очиқ-сочиқ юришдан жуда хавотирланар ва бир илож қилиб, ўз бошимни беркитиб олсам, деб ўйлар эди.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

ПАНСИОН [фр. pension < лот. pensio — тўлов, бадал] **1** Баъзи чет мамлакатларда аристократ болалар учун очилган махсус (ётоқхонали) хусусий ёки давлат ўқув-тарбия муассасаси.

2 Айрым мамлакатларда: истиқомат қилувчиларни барча нарса, жумладан, озиқ-овқат билан таъминлайдиган меҳмонхона.

ПАНСИОНАТ [фр. pensionnat] Истиқомат қилувчиларни барча зарурий шарт-шароитлар (озиқ-овқат, ётоқ, автомашина учун жой) билан тўла таъминлайдиган меҳмонхона, санаторий, дам олиш уйи. - *Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтадилар-да. Қани энди, ташкилотларимиз шу тоғлар орасига пансионатлар қуришса. С. Аҳмад, Жимжитлик. Жиззах қариялар пансионати таширф буюрувчиларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.* Газетадан.

ПАНТЕИЗМ [пан.. + юн. theos — худо] дин. флс. Худо табиат билан бир нарса, улар бир бутунни ташкил қилади, деб қарайдиган диний-фалсафий таълимот. *Пантеизм ва деизм ўрта аср шароитида илғор фалсафий ғояларни олға суришининг энг муҳим шакли эди.* «Гулистон».

ПАНТЕИСТ Пантеизм тарафдори.

ПАНТЕИСТИК Пантеизм ва пантеистга оид. ..бу бир қирраси билан худога интилиш — пантеистик ғояларга йўл очган. «Фан ва турмуш».

ПАНТЕОН [юн. pantheon — барча худолар макони] 1 тар. Қадимги Римдаги «барча худолар ибодатхонаси» — ярим доира шаклидаги қиррадор гумбазли иншоот.

2 Буюк, машҳур кишилар дафн этилган ёки уларнинг жасаdlари сақланадиган маҳобатли бино.

ПАНТОМИМА [юн. pantomimos — барча нарсани тақлид билан ифодаловчи] Кишининг кечинмаси, фикрлари, ҳаёт лавҳалари, инсон характерлари фақат тана ҳаракати, мимиқа ва имо-ишоралар билан ифода этиладиган сўзсиз театр томошаси.

ПАНТОМИМИК Пантомимага оид. *Пантомимик томоша. Пантомимик ҳаракат.*

ПАНТУРКИЗМ [пан.. + туркий] тар. Туркий халқларни бирлаштириш ғоясини илгари сурган оқим. *Халқимиз тарихан туркий халқлар оиласига мансуб бўлишига қарамай, пантуркизмни ва «Буюк Турон» шовинистик ғоясини қатъиян рад этди.* Газетадан.

ПАНТУРКИСТ Пантуркизм тарафдори.

ПАНШАХА [ф. پنج شاخه — беш шоҳли] Одатда, бешта эгри санчиғи бўлган, пахта, хашак кабиларни олиш, суриш учун ишлатиладиган узун сопли асбоб. *Оппоқ соқолли чол қўлидаги пахта ағдариб турган паншаҳасини бош узра кўтариб, бир-икки силкиди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни

кезганда. *Сўнг қўлидаги паншаҳани гўнгтепа четига санчиб, уйга томон ошиқди.* «Шарқ колдузи».

Қўлни паншаҳа қилмоқ Қўлни тингловчи томон чўзиб, бармоқларини кериб, дағдаға қилмоқ. *Қори қўлни паншаҳа қилиб, ўзини оқлай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАПА I: папа қилмоқ бол. Яширмоқ, бекитмоқ. *Коптоқни папа қил.*

ПАПА II [лот. papa < юн. pappas — ота] Католик черкови ва Ватикан давлатининг раҳбари. *Рым папаси.*

ПАПАЛАМОҚ с.т. Паҳпаҳламоқ, ардоқламоқ, авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ. *Бевалигига қарамай, папалаб ўстираётган тўнғич қизининг дарди Солиа опани гангитиб қўйган эди.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз. [Кампир:] *Барақа топсин, худди ўз боласидек папалаб қараяпти-я.* Газетадан.

ПАПАХ Мўйнаси сиртга қилиб тикилган чўзинчоқ телпак. *Туркманча папах.* ■ *Бошига қоракўл папах кийган бир турк офицери нима ҳақидадир қизишиб гапирмоқда.* С. Аҳмад, Хукм. У [қулжаллоб] *чўмичдай бурнини жийириб, бошидаги катта папахини тўғрилаб қўйди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ПАПАК қ. попоқ.

ПАПИРОС [нем. Papier < лот. papyrus < юн. papyros — қоғоз] Чекиш учун ичига тамаки тикилган қоғоз найча. *Папирос чекмоқ.* ■ *Чекканда ҳам қошки дурустроқ папирос чекса.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Бир ҳафтагача ҳамма нарсадан папирос ҳиди келиб туради.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПАПИРУС [лот. papyrus < юн. papyros — қоғоз] 1 Тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган қамишсимон кўп йиллик ўсимлик.

2 Қадимги мисрликлар ва бошқа халқлар томонидан шу ўсимлик пояси тилимларини елимлаб ёпиштириб, ўрама шаклида тайёрланган, қоғоз ўрнида фойдаланилган материал. *Рассомларнинг асарлари, папирус ва териға битилган йилномалар сил касали, ўнка касали каби дардлар тўғрисидаги маълумотларни етказиб келган.* «Фан ва турмуш».

3 Шундай материалга ёзилган қадимги матн. *Миср папирусларини ўрганиш.*

ПАПКА [нем. Pappe — картон] Қоғоз, хат-ҳужжатлар солиб қўйиладиган, картон, чарм ва ш. к. дан ясалган жилд ёки муқова.

Умид ғаладон ичидаги қора чарм папкасини олди. Унинг боядан бери нима бўлаётганига ҳеч ақли бовар қилмас эди. Мирмуҳсин, Умид. У учинчи папкани жаҳл билан суриб қўйди. С. Кароматов, Олтин кум.

ПАПОРОТНИК [р. папороть — қанот, пат < юн. ртегол — қанот] Гулсиз, спорали, йирик баргли ўсимлик.

ПАР I [ф. пар — пат; қанот; япроқ] **1** от Парранда танасини қоплаб турадиган юмшоқ ва нафис пат. *Товуқнинг пари.* ■ *Яйраб ҳаволарда бир қуш учади.. Чарчаркан, симларни секин кучади, Юмшоқ парлар билан ёпиб юзини.* Ҳ. Олимжон.

2 сфт. Ичида пари бўлган, пар солинган. *Пар ёстиқ. Пар тўшак.* ■ *Кенг тахта каравот. Устига чойшаб ёпилиб, катта парёстиқ қўйилган. Деразага оқ шоҳи парда тутилган.* С. Нуров, Нарвон. *Чўтир хола уни гапга тутмай, парёстиқ билан янги атлас кўрпани тахмондан олиб, Умид устига ташлади.* Мирмуҳсин, Умид.

3 кўчма айн. пага 2. Ёш бургут учмоқда кўкда шиддаткор, Кумуш булутларнинг тўзғитиб парин. А. Орипов, Йиллар армони. *Пар булутлар, марварид қорлар Юксак чўққи узра қўйган бош.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАР II [р. пара < нем. Paar < лот. par — бир хил; тенг] **1 айн. жуфт 3.** *Бир пар этик.* ■ *Кечқурун.. нар отли изови кўчанинг бошида тўхтаб, ундан терговчи тушди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Уйда оёқ кийими бир неча пар: чувак, маҳси, сандал, калиш, туфлилар.* Ф. Фулом.

2 Бирга ишлатиладиган иккита бир хил нарсанинг бири, биттаси. *Пари йўқ пайпоқ.*

3 Ўз хислатлари билан бир-бирига мос, тенг икки кишининг бири. *Бу йигит сенга пар эмас.* ■ *Қизим бор эди якка, исми Қамар, Оз эрди ҳусн бобида унга пар.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. *Таърифу тавсифингиз қилсам агар, афандим, Баджаҳллик бобида йўқ сизга пар, афандим.* «Гулдаста».

ПАР III [р. пар < лот. varog — буғ; буғланиш; иссиқлик] **1 с.т. қ. буғ.** *Суюқликнинг парга айланиши. Хонани пар билан иситмоқ.*

2 Қаттиқ моддаларнинг буғга айланган ҳолати. *Камфара пари. Симоб пари.*

ПАРА [р. пара < нем. Paar < лот. par — бир хил; тенг] **с.т.** Иккита 45 минутдан иборат 90 минутли ёки иккита 40 минутдан иборат 80 минутли дарс соати. *Бир пара*

қолиб кетсанг, бир ҳафта ўзингга қийин бўлади. Т. Ашуров, Оқ от. *—Бизда ҳозир гистология, бир пара ўқиб чиқаман, сен кўчада кутиб тур, хўпми, Мурод, — деди қиз атрофга олазарак боқиб.* Т. Ашуров, Оқ от.

ПАРА- [юн. para — ёнида, яқинида; ташқари(да)] *тлш.* Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: «бирор нарсанинг яқинида ёки ундан четлашиш, узоқлашиш; ўзгариш» каби маъноларни билдиради (мас., *парамагнетизм*).

ПАРАБОЛА I [юн. parabole — чоғиштириш; ёнма-ён жойлаш(тир)иш; рамзли ҳикоя] *мат.* Очiq, ясси эгри чизиқ; тўғри конуснинг унинг ясовчиларидан бирига параллел текислик билан кесишишидан ҳосил бўлади.

ПАРАБОЛА II Бадий адабиётда рамзга мойил киноявий образ; рамз ва рамзий ҳикоя ўртасидаги адабий тур.

ПАРАБОЛИК *мат.* Парабола шаклига эга бўлган; парабола шаклидаги. *Параболик орбита. Параболик антенна.* ■ *..уй томида параболик антеннанинг улкан косаси ялтираб турибди.* А. Ибодинов, «Латофат» дуқонидаги қатл.

ПАРАВУЗ *шв. айн. адип. Чопоннинг паравузи.*

ПАРАГРАФ [юн. paragraphos — ёнма-ён, яқин ёзилган] Китоб, мақола каби матнларнинг маъно жиҳатидан мустақилликка эга бўлган, одатда § белгиси орқали ёки тартиб сон билан кўрсатиладиган қисми; § белгисининг ўзи. *Боланинг мияси шундай мияки, чунончи.. бизнинг молия тили билан айтганда, алоҳида параграф.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ПАРАД [фр. parade < исп. parada — тўхташ, етиб келиш жойи < лот. paro — тайёр қиламан, тайёрлайман] **1** Қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини текшириш мақсадида ўтказиладиган тантанали кўрик. *Мардоналик парадини бошласак агар, Қизғин қўёш бошимиздан тўжи қолур зар.* Ф. Фулом, Танланган асарлар.

2 Спортчилар, мактаб ўқувчилари кабиларнинг тантанали юриш кўриги. [Мирвали Эралига:] *Қандоқки мажлис бўлса, фронт-товик, деб президиумга чиқазаман. Ёдгорлик очилишида сизни эл танисин, катталар назарида тушсин, деб атайин отлар парадини ташкил қилдим.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПАРАДИГМА [юн. *paradeigma* – мисол, намуна] *тлш.* 1 Тил бирликлари, грамматик шаклларнинг умумий маъносига кўра бирлашувчи, хусусий маъносига кўра фарқланувчи тизими.

2 Бирор сўзнинг турланиш ёки тусланиш шакллари тизими.

ПАРАДОКС [юн. *paradoxos* – қутилмаган, ғалати] Кўпчилик томонидан қабул этилган анъанавий фикр, тажрибага ўз мазмуни ва шакли билан кескин зид бўлган, қутилмаган фикр, мулоҳаза. *Парадокс пайдо бўлишининг асосий сабаби инсон билиш жараёнининг мураккаб диалектик характерга эгаллиги ва бунда шакл ва мазмуннинг ўзаро зиддиятли муносабатда бўлишидадир.* «УЗМЭ».

ПАЗАРИТ [юн. *parasitos* – текинхўр; ҳамтовоқ] 1 *сфт. биол.* Бошқа организмларнинг танасида ёки ичида яшаб, унинг ҳисобига озикланувчи жонивор ёки ўсимлик. *Паразит ўсимлик. Паразит ҳайвон.*

2 *кўчма* Бошқалар меҳнати ҳисобига яшовчи: ҳаромтомоқ, текинхўр. *Паразит гуруҳлар, тўдалар.*

3 *сўк.* Текинхўр, балоҳўр, ифлос. *Қаердан пайдо бўлдийкин бу паразит? Ҳ. Назир, Ёнар дарё.*

ПАРАЗИТИЗМ [юн. *parasitos* – текинхўр; ҳамтовоқ] *биол.* Бирор паразит организмнинг бошқа организм танасида, унинг ҳисобига, унга зарар келтирган ҳолда яшаши.

ПАРАЗИТОЛОГ Паразитология мутахассиси.

ПАРАЗИТОЛОГИЯ [паразит(лар) + юн. *logos* – билим, таълимот] *биол.* Паразитлар ва паразитизм ҳодисалари ҳақидаги фан. *Паразитология илмининг хабар беришича, бир хил йилтироқ напша бор, у баъзида бақанинг тумшугига яқин келиб, гингиллаб уча беради.* Мирмуҳсин, Умид.

ПАРАЛИЧ [юн. *paralysis* – дармон қуриши, бўшашиш] *қ. фалаж.*

ПАРАЛЛЕЛ [юн. *parallelos* – ёнма-ён борувчи] 1 *мат.* Бир текисликда ётган ва ҳар икки томонга давом эттирилганда ҳеч қачон ўзаро кесишмайдиган; мувозий, ёндош. *Параллел тўғри чизиқлар. Параллел текисликлар.*

2 Бир томонга қараб йўналган ва бир-биридан деярли тенг узоқликда ёнма-ён жойлашган. *Параллел кўча. Параллел жўяқлар.*

3 *кўчма* Айни бир вақтда мавжуд бўлган ёки давом этадиган воқеа-ҳодиса (бир-бирига

нисбатан). *Ўқиш йилининг ярмида «А», «Б» бўлиб келган параллел синфлардан ўн олти киши териб олиниб, қолганлари бирлаштирилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Билимдонлик билан гандонлик ҳар доим параллел юра олмайдди.* «Саодат».

4 *тлш.* Бир хилдаги, турдаги. *Бунда синтактик параллел қаторлар тўртликда мунтазамлик ва бир бутунликни юзгага келтирган.* «ЎТА».

ПАРАЛЛЕЛЕПИПЕД [параллел + юн. *epipedon* – текислик] *мат.* Қарама-қарши ёқлари ўзаро параллел ва тенг параллелограммлардан иборат олти ёқли геометрик жисм.

ПАРАЛЛЕЛИЗМ [юн. *parallelos* – ёнма-ён борувчи] 1 *мат.* Тўғри чизиқларнинг текисликдаги ва текисликларнинг фазодаги ўзаро кесишмаслик хоссаси; параллеллик. *Текисликлар параллелизми. Чизиқлар параллелизми.*

2 *кўчма* Айни бир ишнинг ўзаро келишмасдан бир вақтда бажарилиши, бир-бири билан тўлиқ мос келиши, бир-бирини тақорлаши. *Ишдаги параллелизм.*

3 *тлш.* Ёнма-ён гаплар, синтагмаларнинг бир хил синтактик қурилишга эга бўлиши.

4 *ад.* Бадий матннинг ўзаро боғлиқ қисмларидан нутқ унсурларининг ўхшаш ёки айнан бир хилда жойлашувини тақозо этувчи поэтик нутқ усулларидан ва тасвир воситаларидан бири.

ПАРАЛЛЕЛОГРАММ [параллел + юн. *gramma* – чизиқ] *мат.* Қарама-қарши томонлари тенг ва параллел тўртбурчак.

ПАРАЛЛЕЛЬ [юн. *parallelos* – ёнма-ён борувчи] 1 *мат.* Ўзаро ёндош чизиқларнинг ҳар бири. *Бирор чизиққа параллель ўтказмоқ.*

2 *геогр.* Ер юзасидан экваторга параллел ҳолда ўтказилган шартли, фаразий чизиқлардан ҳар бири. *Боку билан Тошкент бир параллелда ётади.* «География».

ПАРАМАГНЕТИЗМ [пара. + магнетизм] Ташқи магнит майдонига киритилган жисмларнинг шу майдон йўналишига мос йўналишда магнитланиш хоссаси.

ПАРАМАЧ Қиздирилган ёгда пишириладиган сомса турларидан бири.

ПАРАМЕТР [юн. *parametron* – ўлчаб ажратувчи] 1 *мат.* Математик формулада қўлланадиган ва ўзининг маълум қийматида шу тенглама билан ифодаланган муно-

сабатлардан муайян бирига олиб келадиган миқдор.

2 физ. тех. Бирор технологик жараён, ҳодиса, тизим, техник қурилма ва б. нинг асосий хусусиятларидан бирини ифодалайдиган миқдор. *Электр лампа параметрлари.* ■ *Протоплазманинг физик параметрлари унинг [хужайранинг] сиртида мембрана бўлиши кераклигидан далолат берарди.* «Фан ва турмуш».

3 кўчма Бирор воқеа-ҳодисани тавсифлаш ва баҳолаш учун зарур бўлган белги, мезон. *Рўйхат тузувчиларнинг фикрича, университетнинг ўтган йилларда айрим параметрлар буйича кўрсаткичлари пасайган.* Газетадан. *Янги йилга мўлжалланаётган Давлат бюджети лойиҳасининг параметри устида тўхталдилар.* Газетадан.

ПАРАМЕТРИТ [пара.. + юн. metra – бачадон + лот. itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Бачадон атрофидаги ёғ тўқимасининг яллиғланиши.

ПАРАНГ 1 с.т. қ. фарағ 2. *Юқоридан келаман от уйнатиб, Қўлимда паранг милтиқ – қуён отиб, Қуёним пешонаси қашқа экан. Йигитлар, кўнгил ови бошқа экан. Т. Тўла, Асарлар. -Чинор домлага теккандан кейин паранг рўмол, шоҳи кўйлақларни кийиб, бир очилиб кетди-ей занғар! – деди Ботирали. III. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.*

2 қ. фарағ 3. *Устаси паранг экансан-да! Ахир бу Гофир ҳам ҳийла-найрангни хўжайинидан таълим олган-да.. Бунинг муддаоси бўлак! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

ПАРАНЖИ [а. *فَرَجِيه* – шайхларнинг ҳам ўзи, ҳам энги кенг устки кийими] *этно.* Кўпчилик мусулмон аёллар бегона эрақларга очиқ кўринмаслик учун бошга ёпишиб юрадиган, бичими кенг ва узун тўн шаклидаги, сохта энгли ёпинғич (юз чачвон билан беркитилади). -*Болаларни рўйхатга олиб келамиз, – деди Тозагул қозиқдан паранжисини олиб, бошига ёпина туриб. Ҳ. Фулом, Машғал. Зайнаб ёш, ҳали паранжи ёпинишга улгурганича йўқ эди. Ҳ. Олимжон, Зайнаб ва Омон. Бойнинг хотини аравадан тушиб, уйга кириб, паранжи-чачвонини отиб ташлаб, кўзини ёшлабди.* «Луқмони Ҳаким».

ПАРАНЖИЛИ Паранжи ёпинган ёки ёпинадиган. *Ёшлар, кексалар, паранжисиз ва паранжили қизлар, жувонлар.. бир қайғу, бир*

алам доғини чекар эдилар. П. Турсун, *Ўқитувчи.*

ПАРАНЖИСИЗ Паранжи ёпинмаган ёки ёпинмайдиган, бепаранжи, очиқ. *Паранжисиз аёл.* ■ [Чол:] *Биз сизлардек чоғимизда етти-саккиз яшар қиз бола ҳам кучага паранжисиз чиқа олмас эди-да.* П. Турсун, *Ўқитувчи.*

ПАРАПРОКТИТ [пара.. + юн. proktos – орқа чиқарув тешиги, йўли + лот. itis – яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Орқа чиқарув тешиги ва тўғри ичак атрофидаги тўқималарнинг яллиғланиши.

ПАРАТИФ [пара.. + ва юн. typhos – онгининг хиралашиши, эснинг пасайиши] *тиб.* Ич терлама касаллигига ўхшаш, турли бактериялар таъсирида келиб чиқадиган оғир юқумли касаллик.

ПАРАФИН [нем. Paraffin < лот. parum – оз, сал + affinis – яқин, ўхшаш; кўпчилик реактивларга нейтраллиги сабабли шундай аталган] Нефддан олинадиган, қаттиқ углеводородлар аралашмасидан иборат оқиш, баъзан сарғиш мумсимон модда. *Парафин билан даволаш. Парафин шам.* ■ *Сунъий совуқ парафин синтетик бўёқлар тайёрлашда иш беради, резина саноатида ҳам ишлатилади.* «Фан ва турмуш».

ПАРАШЮТ [фр. parachute < parer – олдини олмоқ, ҳимояланмоқ + chute – тушиш, йиқилиш] Учиш аппаратларидан сакраш ва юк тушириш учун белгиланган, ҳавода соябонсимон очилиб кетадиган, пишшиқ тўқимадан ясалган мослама. *Парашют билан сакрамоқ. Парашютда тушмоқ. Парашютда озиқ-овқат ташламоқ.* ■ *Шу кунгача парашют билан йигирма икки марта сакради. С. Аҳмад, Юлдуз.*

ПАРАШЮТИЗМ Учиш аппаратларидан парашютда сакраш санъати ва спорти, парашютдан фойдаланиш қоидалари ҳамда амалиёти.

ПАРАШЮТЧИ Парашют билан учиш аппаратларидан сакрайдиган, парашют спорти билан шуғулланадиган киши. *Парашютчилар спорти.* ■ [Алижон] *Парашютчилар секцияси ташкил қилингандан бери эртаю кеч аэродромда, ёшларни самолётдан сакратгани-сакратган. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.*

ПАРАШЮТЧИЛИК *айн. парашютизм.*

ПАРВАРДА [ф. پروده – керагида фойдаланиш учун тайёрланган; маринадланган] Олий нав бугдой уни. ўсимлик ёғи ва қиёмдан тайёрланадиган маҳаллий ширинлик. *Зухра кўнмасдан, дастурхонга лисончада пашмак, парварда, новвот олиб кўйди.* С. Зуннунова, Олов. *Баширжон газетани очиб, парварда, шоколад, шўрданак ва қора майиз аралаштирилган қурама ширинликлардан битта парвардани олиб, оғзига солди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПАРВАРДИГОР [ф. پروردگار – яратувчи, халлоқ; ризқ берувчи; худо] *дин.* Борлиқни яратувчи; оллоқ, худо. *Парвардигори олам.* ■ *Ахир, айбисиз бир парвардигор, дейдилар.* Сизнинг ҳам ишингиз тушиб қолар. С. Зуннунова, Олов. *Эй парвардигор, мен сендан фойдасиз илм, қабулсиз амал, ижобатсиз дуодан паноҳ тилайман.* «Фан ва турмуш». *Муштипарман, мен йўғлайман зор-зор, Бандам, десин яратган парвардигор.* «Нурали».

ПАРВАРИШ [ф. پرورش – боқиш, едириш; озиклантириш; тарбия] 1 Асраш, ўстириш, вояга етказиш учун қилинадиган ҳаракат. *Фуза парвариши.* *Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳолни парвариш қил.* Мақол. ■ *Сифатли парвариш – ерга оройиш.* «Қанотли сўзлар».

2 Тарбиялаш, вояга етказиш, боқиш каби мақсадда қилинадиган ҳаракат; қаров, боқув, тарбия. *Чақалоқ эса она ҳидига, унинг парваришига, кўкрак сутига муҳтож эди.* Газетадан. *Кампирнинг гаплари менга кулили тўғаси ҳам, ҳурмат юзасидан ҳамда болага яхши парвариш қилиш зарурлиги важдидан бир нима демасдан, унга тасалло берар эдим.* Ф. Фулом, Ёлгор.

ПАРВАРИШЛАМОҚ Парвариш қилмоқ, қарамоқ; боқмоқ, тарбиялаб ўстирмоқ, ундирмоқ, вояга етказмоқ, оёққа қўймоқ. *Боғни парваришлагоқ. Беморни парвартишлагоқ.* ■ *Бу камбағал бобо мардикор ишлаб, болаларини ўқитиб, парваришлаб юрар экан.* М. Маҳмудов, Булбулигўё. *Ўз уйидай бўлиб қолган бу хонадондан оёғи узилмаётган Мели, Энани худди энди атакчечак қила бошлаган гўдакдай парваришларди.* «Ёшлик».

ПАРВАРИШСИЗ Парвариши йўқ, қаровсиз. *Парваришсиз дарахт. Инак қурти бир кун ҳам парваришсиз қолмасин.* ■ *Французлар дунёда хунук аёллар йўқ, фақат ўзи-*

га оро бермаган, парваришсиз аёлларгина бор, деб ҳисоблашади. «Саодат».

ПАРВИН [ф. پروين – Савр юлдузлар туркуми] (П – *катта*) *астр.* Савр юлдузлар туркумидаги етти юлдуз.

ПАРВО [ф. پروا – ғамхўрлик; парвариш (тарбия) қилиш; ҳимоя (қилиш)] Кимса ёки нарсага бўлган диққат-эътибор, қизиқиш, назар-писанд, назарга олиш. [Ойхон:] *Мен сени суйдим, ўзгасига не парвойим бўлмай!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

Парво қилмоқ ёки парвойга келтирмоқ Диққат-эътибор бермоқ, диққат-эътибор билан қарамоқ, назар-писанд қилмоқ. *Анвар бўлса ундан тескари бурилиб кетадиган бўлиб қолди.* Аммо Алимардон парво ҳам қилмасди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шу масалада бошингизни тошга уриб гапиринг – парвойига келтирмайди.* Ойдин, Икки кўзи шунда. **Парвойи фалак (ёки палак) қ. фалак.** *Овқат еб, каравотга чўзилган Қудратжон парвойи фалак, хириллаб ухлаб қолди.* Мирмуҳсин, Умид. *У эса парвойи палак – қуёш ботишини кутиб, уйда ўтирди.* Т. Малик, Шайтанат.

ПАРВОЗ [ф. پرواز – учиш, учиб бориш] Осмонга кўтарилиш, учиш. *Қушларнинг парвози, елларнинг нози, Бахмал водийларда, қирларда баҳор..* «Саодат». *Бошларидан учар оқ тўш қалдиғоч, Парвоз қилармиди, бўлмаса қанот? Шукрулло.*

Парвоз қилмоқ (ёки этмоқ) кўчма Ёйилмоқ, тарқамок, таралмоқ. *Янги орзу, янги умидлар қанот ёзиб парвоз қиларди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ёнғоқзор боғ устида ҳар саҳар унинг янғроқ, дилбар овози парвоз этар, у кўшиқ бошлаганида, табиатнинг ўзи ҳам тан бериб, қулоқ солгандай бўларди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАРВОНА [ф. پروانه – тунги капалак] 1 Шуъла ёки чироқ атрофида айланувчи тун капалаги. *Токчадаги бешинчи чироқ тириллаб ёнар, унинг атрофида катта бир парвона айланар эди.* А. Қаҳҳор, Анор. *Дилшод кечқурун чироқ атрофини ўраб оладиган парвоналарга ҳам ҳайрон бўлиб боқарди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

2 кўчма Меҳрибонлик, меҳр-муҳаббат, парвариш каби муносабатлар мажмуи. *Сени деб жанг қилар йигитларимиз, Сени деб парвона аёллар бунда.* Уйғун, Тонг кўшиғи. *Кун кеча эмасми, хислатинг санаб, Шегар*

ёзиб юрардим, сенга парвона. А. Орипов, Юртим шамоли.

ПАРВОНА (ёки гярдиқапалак) бўлмоқ Меҳрибонлик ёки хушомадгўйлик билан атрофида айланмоқ. *Ҳамза анча юмшади, уйга томон йўл олишди. Зулфизар эрининг атрофида парвона бўлиб, тагига кўрпача ташлаб, ёнбошига ёстиқ қўйди. К. Яшин, Ҳамза. Бугун атрофида парвона бўлаётган қадрдон жигарларига айтгулик бирон гапи йўқми? С. Аҳмад, Жимжитлик.*

ПАРВОНА II [ф. پروانه — шоҳ фармони, буйруғи] тар. Амир, хон фармони, ёрлиғи.

ПАРВОНАЧИ тар. Хонликлар даврида: ҳукмдор фармони ва буйруқларини битувчи котиб; олий даражадаги сарой мансабдорларидан бири. *Шунинг билан Азиз парвоначининг истиқболига лозим ва вожиб бўлган барча тартиб ва тантананага ҳозирланган бўлинди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [соқчи] қорабайир отини Минор ортидаги карвонсаройда қолдириб, тор кўча билан Абдулқаноқ парвоначининг ҳовлисига йўл олди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

ПАРВОСИЗ айн. бепарво. *Парвосиз одам. ■ Алимардон унинг қўлини парвосизгина қисаркан, яна кинояли бир хаёл кўнглига шарна солиб ўтди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Султонали қўрғон остидаги йиғитларга кўз қирини ташлаб, уларни ўзидан парвосиз тонди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

Парвосиз қарамоқ Диққат-эътибор, аҳамият бермай, бепарволик, аҳамиятсизлик билан қарамоқ. *Онахон бу гапга парвосиз қаради, қайтага чеҳраси очилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ПАРВОСИЗЛИК айн. бепарволик. *Ишга парвосизлик ҳам эви билан-да.*

ПАРГАР, паргор [ф. پرگار — циркуль; доира, тўғарақ] 1 эск. айн. **циркуль**. *Унинг [меъморнинг] чизгичу паргар ва бошқа асбоблари кўп йиллардан буён тутиллар, аммо қамиши қалам чидамас, тез-тез бозордан ўн-ўн бешталаб олиб келиб қўйиларди. Мирмуҳсин, Меъмор. Қўлингга паргор олиб, доира чиз-да, уни тўртга бўл. М. Осим, Карвон йўллари.*

2 *кўчма* Атрофида айланувчи, айлана ҳосил қилувчи. *Паргор бўлуб гавҳари дарёи муҳаббат, Бир нуқтага жон гавҳарини боғлаганинг хуб. Машраб, Девон. Қанча хатлардан муаммо битта чанбардир бу йўл,*

Худди паргар айланурсан муттасил кетмак билан. Ф. Фулом.

ПАРГАРИ Паргар ёрдамида нақш яратиш усули ҳамда шу усулда яратилган нақш.

ПАРДА I [ф. پرده — дарпарда, эшик ёки дераза пардаси; ёпинчиқ; товуш, оҳанг, нота] 1 *Хонани кўёш нури, шамол ва ҳоказолардан тўсиш ёки безак учун дераза, эшик ва ш.к. га тутиладиган газлама, мато. Эшик пардаси. Духоба парда. Чий парда. Чимилдиқ пардаси. Парда тутмоқ. Пардани очмоқ. ■ Анвармурод кенг деразаларнинг шоҳи пардаларини кўтарди. Ойбек, Нур қидириб. Ходимларга хоналарни берухсат тарк этиш, эшик ва деразаларни очиш ман этилди. Деразаларга қалин парда ва қора қоғозлар тутилди. «Ёшшиқ». Чимилдиқ пардаси туширилиб, иккови ёлғиз қолгач, қиз унинг пинжига сурилди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

2 *кўчма* Борлиқни кўздан беркитиб, тўсиб турган нарса, мас. қоронғилик, туман, булут, кўз ёши. *Чимён тоғининг чўққилари парда орасида тургандек, хирагина туман ичра кўзга ташланади. Мирмуҳсин, Умид. Ана, кўкка туташган чўққиларни палахса-палахса булутлар қоплаб, бутун олам кулранг пардага ўралгандай бўлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. -Уятсиз! — У кўз ўнгини тўсган ёш пардасидан ҳеч нимани кўролмай, тусмоллаб, стол ёнига борди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

3 *с.т.* Экран, кино экрани.

4 *анат.* Организмда айрим аъзоларни қоплаб, ўраб ёки бир-бирдан ажратиб турадиган юпқа тўқима. *Ўнка пардаси. Ўрдакнинг панжасидаги сузиш пардаси. Юрак пардалари. Қулоқ пардаси. ■ Ёшгина йиғит барвақт оламдан ўтди. Ичкилик туфайли унинг ўнка пардаларини зардоб ўраб, сил хасталигига дучор этди. Газетадан.*

5 Саҳна асарининг ёхуд фильмнинг мустақил воқеликдан иборат тугал бир қисми. *Пьесанинг учинчи парда олтинчи кўриниши. «Шоҳи сузана» пьесаси тўрт пардадан иборат. ■ Драманинг биринчи пардаси бошланди. С. Аҳмад, Сайланма.*

6 Театрда томоша бошлангунга қадар саҳнага илинган мато. *У саҳна чеккасига суриб қўйилган парда олдига борганда, концерт қизиб кетган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Парда очилгандан то томоша*

тугагунча зал кулгидан ларзага тушди. С. Аҳмад, Юлдуз.

7 кўчма Бирор ҳолатни яшириш воситаси, тўсиб турувчи ниқоб. *Дин илм-фан ўзига парда тортмайди.* «Қанотли сўзлар». Нусратбекнинг юзларидаги шунча йиллар ниқоб бўлиб келган зиёлинома юмшоқлик пардаси йиртилиб, жағ пайлари, ёноқлари қизариб бўртди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *..баъзан кимгадир яхши кўруниши илинжида виждоннинг кўзини нафс пардаси билан пана қилади.* «Ёшлик». Яна бир нарсани айтиб қўяй: эр-хотин ўртасида парда бўлиши шарт. «Ёшлик».

8 айн. товуш пайчалари. қ. пайча. Мен сени куйламоқ истайман. Аммо шундай куйла-самки, йиртилиб кетса овоз пардаларим. А. Орипов, Йиллар армони.

9 Парда (эркаклар исми).

ПАРДА II мус. I Торли чолғу асбоблари дастасини бўғинларга ажратувчи тўсиқлар. *Уткинчи бир мусофир Тор қоронғи хужрада Уқирди янги дoston, Уйнаб қўли пардада.* Файратий. *Шодлик куйчисан, бахт булбулсан, Айни авж пардада жаранглар созинг.* Уйғун.

2 Шарқ мусиқа назариясида: муайян баландликдаги товуш. У ҳамма вақт бошқа қўшиқларга қараганда бир-икки парда баландда яради. С. Аҳмад, Юлдуз. *Турсуной қўшиқлари, нафис овози қалбнинг интим ҳиссиётларига монанд, куй пардаларига уйғун.* «Саодат».

ПАРДАВОР кам қўл. Пардаланган, пардали; яширин, сирли. *Қандайдир ўзга мақсадлари борлиги ҳақида жуда туманли, пардавор қилиб минғиллади.* Ойбек, Навоий.

ПАРДАЛАМОҚ I кам қўл. Парда билан тўсмоқ, парда тутмоқ. *Деразани пардаламоқ.*

2 кўчма Очиқ-ойдин ифодаламай, шама ёки қочирим билан айтмоқ, ниқобламоқ. *Мен кўжамда Сумбула билан бўлган воқеани, бироз пардалаб бўлса ҳам, сўзладим.* Ойдин, Икки кўзи шунда.

ПАРДАЛИ I I Парда тутилган, парда билан тўсилган, ажратилган. [Ҳамдамформа] *Ҳовлининг орқасига ўтиб, ёвонга қараб очиладиган оқ пардали бир деразани тирноғининг орқаси билан бир-икки чертди.* С. Айний, Қуллар. *Олимжон сартарош уста Фанининг доқа пардали деразасини чертди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Органик пардага эга бўлган, парда билан қопланган. *Урдакнинг пардали панжаси.*

3 кўчма Мустақил пардалардан, қисмлардан иборат бўлган. *Тўрт пардали саҳна асари.* ■ *Кунларнинг бирида Хуршид ўзининг «Эски одат қурбони» номи бир пардали пьесасини ўқиди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

4 кўчма Очиқ-ойдин ифодаланмай, шама, қочирим билан айтилган, яширинган, ниқобланган, ниқобли. *Пардали қилиб гапирмоқ.* ■ *Бошим шишган. Сенинг бу пардали гапларингдан ҳеч нарса тушунолмаётирман.* С. Айний, Дохунда. [Хусайн Бойқаро] *Баъзи яқинларидан пардали шикоят қилди.* Ойбек, Навоий.

ПАРДАЛИ II мус. Товуш ноталарини белгилувчи бўғимларга эга бўлган, парда боғланган (торли чолғу асбоблари ҳақида). *Пардали чолғу асбоби.*

ПАРДАСИЗ I I Парда тутилмаган, пардаси йўқ. *Пардасиз дераза.*

2 кўчма Очиқ-ойдин айтилган; ниқобланмаган, дағал, қўпол. *Пардасиз гап. Пардасиз гапирмоқ.* ■ *-Худо кўтарсин бу расм-русумларини. - Ҳадянинг гаши келди. - Олмага пардасиз нигоҳ ташлашга ҳали ҳақинг йўқ.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ПАРДАСИЗ II мус. Пардаси йўқ, парда боғланмаган. *Пардасиз чолғу асбоби.*

ПАРДЕВОР [ф. پردیوار — пардай, қанотдай юпқа девор] I шв. Бир қатор фишт терилган ёки синчли юпқа девор. *Пардевор билан ажратилган уй.*

2 Бино устидаги тўсинлар ораллигига қўйиладиган ярим пахса лой.

ПАРДОЗ [ф. پرداز — безатувчи, оро берувчи; зебу зийнат, сайқал] I Амалий санъат ва ҳунармандчиликда нарсалар сиртини бўяш, силлиқлаш ва б. йўллар билан уларни чиройли, кўркем қилиш ва шундай ишловнинг ўзи. *Пардозни бузилмаган этик. Пардозни яхши буюм. Тайёр маҳсулотларга пардоз бермоқ.* ■ *Хира сахтиён маҳсуллар пардоздан сўнг ялтирайди, «очилади».* Ойбек, Танланган асарлар. *Эндиликда цех қуввати ортди. Бир кунда 12 тоннага яқин мато бўялиб, пардоздан чиқариладиган бўлди.* Газетадан.

2 Ҳусни очиш ёки сунъий гўзаллик ҳосил қилиш учун ўсма, хина, упа-элик суртиш, бўяш, ўзига оро, зеб бериш ва шу жараён натижаси. *Кунига пардозини неча марта янгилаш, қанақа кийими бўлса, ҳаммаси-*

ни бир кунда кийиб, бир кунда ечарди. С. Аҳмад, Уфқ. -Нега бўлмасам мажлисга борганинда, ярим соат ойнага қараб пардоз қиласан? С. Аҳмад, Юлдуз. Хотиннинг ёши ўттиздан ошган бўлса-да, уна-элиги, пардоз билан ёшроқ кўрунар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ПАРДОЗ-АНДОЗ [пардоз + ф. انداز — отиш, улоқтириш; ёйиб, ёзиб қўйиш] Ҳаддан ортиқ пардоз, зеб-оро. *Пардоз-андоз қилмоқ.* ■ Улар [қизлар] олдида мен ҳеч нарса билмайдиган, дунёга фақат зеб-зийнат, пардоз-андоз учун келган бир кимса бўлиб қолдим. С. Аҳмад, Севгинга содиқман.

ПАРДОЗВОЗЛИК Бўлар-бўлмас пардозлайвериш, қайта ишлаш; ортиқча пардозга берилганлик. *Биз, адабиётчилар, тарих фактларини ҳам пардозлаб кўрсатишга уринамиз. Ана шундай пардозвозлик орқасида Ҳамзанинг бир қанча асарларини китобхондан яшириб келамиз.* Ш. Ризаев, Жаҳид драмаси.

ПАРДОЗЛАМОҚ 1 Пардоз бермоқ, силлиқлаб, бўяб, чиройли, жиллоли қилмоқ. [Унсин] Ичкари уйда ўтириб, маҳсиларга шон қоқади, шон туширади, пардозлайди: қора гул, лок суркайди. Ойбек, Танланган асарлар. *Пардозлаш ишлари охираб қолган мазкур биналарнинг лойиҳаси чет элдан олиб келингани йўқ.* Газетадан.

2 кўчма Пардоз қилмоқ, ўзига зеб-оро бермоқ. *Сочларини ювдириб, гул суви билан пардозлаб. кўйлак кийдирди.* Ойбек, Навоий. *Қиз-жувонлар ўзларини ҳафсала билан, бир-биридан ўтишга пардозладилар.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 кўчма Ишлов бериб мукаммаллаштирмоқ, бадиий қийматини оширмоқ, силлиқламоқ. *Халқ ижодчилари.. куйланиб келган асарларга ўзгартиш ва янгиликлар киритганлар, уларни пардозлаганлар.* «Ватан адабиёти».

ПАРДОЗЛОВЧИ айн. пардозчи **1.** Бир ойда ўнта уй пардозловчиларга топширилди. Газетадан.

ПАРДОЗСИЗ айн. бепардоз. *Ҳаёт, бир кун илгари қўйган ўсма қошларида сал-пал билиниб тургани бўлмаса, одатдагича, пардозсиз эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПАРДОЗХОНА [пардоз + хона] Пардоз қилинадиган хона. *У пардозхонага кириб, ўзини яна бир марта кўзуга солди-да, торини кўтариб, қайтиб чиқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАРДОЗЧИ 1 сфт. от Нарсаларни силлиқлаб, бўяб, чиройли, жиллоли, кўркама қилувчи, пардоз берувчи. *Пардозчи ишчи.* ■ *Пардозчилар станциянинг ичини сайқаллашда энг ноёб мармар ва керамика буюмларидан фойдаланяптилар.* Газетадан.

2 Пардозга берилган, пардоз қилиб юришни яхши кўрадиган. *Пардозчи хотин.*

3 айн. **граммчи.**

ПАРЕЗ [юн. paresis — бўшашиш, заифлашиш] тиб. Нерв системаси зарарланиши оқибатида бирон-бир мускул ёки мускуллар гуруҳи эркин фаолиятининг заифлашуви; фалажнинг энгил тури.

ПАРЕМИЯ, паремия [юн. paroimia — масал, рамзли хикоя] ад. Маълум бир тилдаги авлоддан авлодга оғзаки шаклда кўчиб юрвчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмундор, мантиқий умумлашма сифатида пайдо бўлган тургун ибора; мақол, матал.

ПАРЕМИОЛОГИЯ [парема + юн. logos — билим, тушунча] **1** Паремаларни ўрганадиган фан соҳаси.

2 Муайян тилда мавжуд бўлган паремалар тизими.

ПАРЁСТИҚ Паррандалар патидан қилинган ёстиқ. *Бошлаб кирган аёллардан бири остига юмшоқ кўрпача ёзиб, орқасига парёстиқ қўйиб берди.* Х. Тўхтабоев, Шириш қовунлар мамлакатини.

ПАРИ [ф. پاری — гўзал аёл; яхшилик қилувчи руҳ] **1** миф. Шарқ халқлари фольклорларида кенг тарқалган, жуда гўзал қиз қиёфасидаги, нурдан яратилган, кишиларни инс-жинслардан сақлайдиган афсонавий образ; гўзаллик рамзи. *Қари билганини пари билмас.* Мақол. ■ *Букри домла Майнани жинми, парими деб ўйлади, шекилли, турган жойидан силжисмай, алақандай дуони пичирлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Илҳом париси поэт. Ижодкорга илҳом берувчи кимса ёки нарса. **Санъат париси** айн. **илҳом париси.** *Мени сеҳрлайди атлас кийганлар. Санъат парисидай кўзғатиб ҳавас.* Уйғун, Тонг қўшиғи. **Сув париси** Сувда яшайдиган пари. *Чироқ шувласида унинг узун-узун сочлари кўрпада судралиб, гўё сув парисини эслатарди.* У. Исмоилов, Сайланма.

2 кўчма Жуда гўзал, хушрўй аёл, нозанин. -*Сизни шу парига уйлантириб қўяйми?* — деди Тожбой ва оғзини очиб, носни тилининг тагига ташлади. П. Турсун, Уқитувчи.

Анвар.. Уйин-кулгини бир дақиқа қўйиб туролмаган парининг санъаткор шу вазиятига кулумсираган қўйи анча қараб турди. А. Қодирий, Меҳробдан қаён.

ПАРИВАШ [ф. *پرىۋاش* – парига ўхшаш, фариштадек мулојим; сулув] *кт.* Парига ўхшаш, паридек жуда гўзал, хушрўй, нозанин. *Париваш аёл.* ■ *Еллар, соғинганими ул гулузора айтинг, Қоши қалам, париваш, кўзи хумора айтинг.* Уйғун, Тонг қўшиғи. *Шийпондаги кенг-мўл майдон эса сочлари елкаларида селкиллаган йигитлар билан, париваш қизлар билан тўлиб кетди.* Н. Қўличев, Чиғиріқ. *Азизбек бўлса жавоҳир қадалган тожлар, олтин тахтлар, нозанин паривашлар, донгдор маҳрамлар ҳақидагина уйлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ПАЗИЗОД [ф. *پىرىزاد* – паридан туғилган] **1** *миф.* Паридан туғилган. *Паризод деса сангиз ҳам ишонаман.* Ойбек, Навоий.

2 *кўчма* Париваш, гўзал, чиройли, паридек. *Қаердасан, паризод, бормисан, бормисан, Бахт сийлаган кимсага ёрмисан, ёрмисан.* А. Пўлкан, Изҳор. *Бу паризоднинг – зиёли кўринишли қизнинг ўша Хуббижамол эканига дафъатан ишонадим.* Ш. Холмиразев, Бодом қишда гуллади.

3 Паризод (хотин-қизлар исми).

ПАРИК [фр. *parique* < *итал.* *parigissa* – бошга қопланган ясама соч] Тутам-тутам сочлардан шакли ва рангини киши сочига ўхшатиб, бирор матога ёпиштириб тайёрланган ясама соч. *Театр париклари. Парик киймоқ.* ■ *Анвар.. парик кийиб, орқасига сумка осди-да, «юринглар» деди.* А. Мухтор, Туғилиши.

ПАРИЛЛАМОҚ **1** Тез қанот қоқиб, «парр» этган товуш чиқармоқ (парранда ҳақида). *Тоғ жилғаларининг яқинида, катта тошлар панасида [Элмурод] писиб ётиб, каклик пойлар ва жилғадан жилғага париллаб учган какликларга ўқ узар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тез югуриб кетмоқ, елдек учмоқ, фирилламоқ. *Сувесиз чўлда Фирқук от бораёттир париллаб.* «Равшан».

3 Қаттиқ овоз чиқармоқ. *Париллаган товушдан англадим, отим чопиб келаётганга ўхшайди.* «Фольклор». *Пиллапоя олдидаги табуреткада оппоқ самовар париллаб қайнаб турибди.* С. Аҳмад, Оқ сут ва оппоқ нур.

ПАРИПАЙКАР [ф. *پىرى پىكار* – пари қоматли; соҳибжамол] Парига ўхшаш, паридек, гоят гўзал, нозанин, париваш. [*Бой Жамилага:*] *Мен сендай бир парипайкарни ўша гадо Гофирга бериб, қараб ўтирмайман!* Гапнинг нўсқалласи шу! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ПАРИРУХСОР [ф. *پىرىرخسار* – юзи, рухсори парига ўхшаш] *айн.* **ПАРИРҲ(Й)**. *Тушимда бир парирухсор қиз Ечиб олди қулоқдан сирғам.* «Саодат». *Жамшид остонада парирухсорни кўриб, андак довдиради.* Т. Малик, Шайтанат.

ПАРИРҲ(Й) [ф. *پىرىرۋى* – пари юзли; зебо, хушрўй] Паричеҳра, париваш, гўзал, нозанин. *Бир-биримиз биласак ҳам зимдан, Келмагандик лекин рўбарў. Миннатдорман бугун ўзимдан Учратган-чун сени, парирў.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар. *Мубталоман парирўга, ул кузлари оҳуға.* Я. Маматхонов.

ПАРИТЎП Ўзбек халқи таркибидаги уруғлардан бирининг номи. *Қишлоқ одалари олчин, тоғчи, паритўп, қавчин, гўрков, юз.. дея аталмиш уруғ-аймоқларга бўлиниб олишади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ПАРИХОН [пари + ф. *خوان* – ўқувчи] *этно.* Пари, жин каби ғайритабиий кучлар ёрдамида беморларни касалликлардан халос қилувчи; дуохон, азайимхон, фолбин. *«Уғри қариса – сўфи, ғар қариса – парихон бўлади», деб бекорга айтилмаган-да.* Ф. Фулом, Шум бола.

ПАРИЧЕХРА [ф. *پىرىچەره* – пари юзли; жуда хушрўй] Жамоли парига ўхшаш, гоят гўзал; париваш, парирў, нозанин. *Паричеҳра қиз.* ■ *Сизлардек паричеҳралар шундай ёмон тиканларнинг панжасига тушмаса, бизга бундай базмларни гўрда насиб қилармиди?* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Қиз руҳида ташвиш сояси, Уйланади ул паричеҳра, Балки, шеърдир бу қиз дояси?* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

ПАРИШОН [ф. *پرىشان* – сочилган, тўкилган; тартибсиз; хаёли қочган, хафа; уялиб қолган; безовталанган] **1** Ҳар томонга сочилган, тўзгилган, тартибсиз. *Кумушнинг кўзи юмуқ, сочлари юзи устида парিশон ҳолатда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *.. Ёнимда Раъно ётибди. Сочлари парিশон ёйилган, ғира-шира тонг нурида оппоқ юзи аянам тиниқроқ кўринади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 кўча Бир ерга тўпланмаган, бўлинган, сочилган, тарқоқ (фикр-хаёл, диққат-эътибор ҳақида). *Вали ака.. ўғлининг ғузлар ичида паришон турганлигини кўриб, уни ёнига чақирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳа, Шавкатбек, Эйнштейнга ўшаб паришонроқ кўринасиз. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Хаёли паришон ёки **паришон хаёли** Хаёли тарқоқ, фикр-хаёли жойида эмас, бўлинган, сочилган. *Аммо шоирнинг хаёли паришон, кўнгли алағда эди. М. Осим, Карвон йўлларида. Карвон Андижон музофотини ортда қолдириб, Аравонга етганда дам олишди. Аҳмадбек ҳожии Учкўприкда илк бор пешин намозини безовталаниб, хаёли паришон аҳволда ўқиди. «Ёшлик».*

ПАРИШОНЛАНМОҚ Паришон бўлмоқ, фикри-хаёли тарқоқ ҳолатда бўлмоқ. *Аброр асабийлашиб, паришонланиб кийинди. Улар кўчага чиқиб, уй олдидаги узун йўлакда пойи пиёда одимлаша бошлашди. О. Мухторов, Эгилган бош. -Шуларнинг орасида бўлиши керак эди! - паришонланди Тожии Исмоил. О. Мухтор, Аёллар мамлакати ва салтанати.*

ПАРИШОНЛИК Фикри-хаёли бир жойда бўлмаслик, бир ерга тўпланмаслик, хаёли бўлинганлик, тарқоқлик. *Толибжон энди анча ўзига келган, паришонлиги ҳам тарқаган эди. У Мирвалининг болалик йилларини энди аниқ кўз олдига келтира бошлади. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

ПАРИШОНХОТИР [паришон + *а. خاطر* - ўй, хаёл; ақл, фаҳм] Хаёли тарқоқ, фикри, диққат-эътибори бўлинган. *Сал ўтмай хотин кирди, ҳақиқатан ҳам унинг кўзи қизариб, паришонхотир ҳолда эди. Шухрат, Шинелли йиллар. Башарти, бу ҳол сурункасига давом этадиган бўлса, ўқувчи кўрс ва паришонхотир бўлиб қолиши эҳтимол. «Фан ва турмуш».*

ПАРИШОНХОТИРЛИК Диққатнинг беқарорлиги, бошқа нарсаларга чалғишдан иборат руҳий ҳолат. *Ўз кучинизга, имкониятларингизга ишонингизга интилинг. Паришонхотирлик, хаёлот тарқоқлигидан қутулишга интилинг. Газетадан.*

ПАРИШОНҲОЛ [паришон + *а. حال* - аҳвол, ҳолат; вазият] Нима қилишни билмай, ўйланиб туриш ҳолати. *Халқ тарқаб кетмаган, кўлар чинор остида паришонҳол эди. Ш. Холмирзаев, Қўл кўприк.*

ПАРИШТА *с.т. айн. фаришта. Омин, деса париштаю малойик, Яратган раҳмондан мақсад тилайик. «Маликаи айёр». Беш вақт намозни канда қилма! Бўлмаса, уйингдан паришталар қочади. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

ПАРК [ингл. park < лот. *parcicus* - ихота қилинган, ўраб олинган жой] 1 Гулзор, дарахтзор ва хиёбонлари бўлган, дам олиш, кўнгли очиш учун мослаштирилган катта боғ. *Парк оқшомда ясан-тусан одамлар, рангбаранг чироқлар, хилма-хил ажойиботлар билан тўлиб, жуда катта кўринар экан. П. Қодиров, Уч илдиз.*

2 Транспорти воситалари (трамвай, автобус, такси кабилар) турадиган ва уларга техник хизмат кўрсатиладиган жой. *Троллейбус парки. ■ Элмурод Муҳаррам билан хайрлашиб, Хадрага келганда, трамвайлар паркка кириб кетмоқда эди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

3 Халқ хўжалиги, саноат тармоғи, корхона ва ш.к. га қарашли транспорт ёки ишлаб чиқариш воситалари мажмуи. *Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари парки. ■ Отаси - трактор парки қоровули. Илгари дурустгина машина ҳайдаб юрганди. «Ёшлик».*

4 Ҳарб. Ҳарбий машиналар ва б. техника воситалари сақланадиган, таъмирланадиган худуд; шунингдек, ҳарбий мол-мулк сақланадиган стационар (кўчмас) ёки кўчма омбор. *Артиллерия парки. Паркда, полигонда ва бўлинмада ички тартибни таъкил этиш.*

ПАРКАНД(А) [ф. *پارکندہ*] Пароканда с.нинг қисқарган шакли. *У асло кўксингга ўқ каби ботмас, Танинг зирқиратиб, бурнинг қонатмас. Умринг йўллариға бўлмаган у банд Ё кўнгли шишасин этмагай парканд. А. Орипов, Йиллар армони.*

ПАРКЕТ [фр. *parquet* < лот. *parcicus* - девор, тўсиқ, ихота] 1 Тураржой ва жамоат бинолари полларига қопланадиган, қаттиқ ёғочдан тайёрланадиган юпқа тахтача. *Дуб паркет. Полга паркет термоқ. ■ Палаталарнинг поли паркет ёки оддий тахтадан ясалиб, устига линолеум солинган бўлиши яхшироқдир. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

2 Шундай тахтачалардан ётқизилган пол. *Ялтираган паркет полга ташлаб қўйилган қип-қизил гилам устида оёқлари йўлбарс*

панжасига ўхшаган ёзув столи турарди. «Шарқ юлдузи».

ПАРЛАМЕНТ [фр. parlement – расмий сўзлашиш жойи < parler – гапирмоқ, сўзламоқ] Демократик мамлакатларда бутунлай ёки асосан сайлов асосида тузиладиган олий вакиллик ва қонунчилик органи. Мустақил Ўзбекистоннинг парламенти – Олий Мажлис. *Парламент сайлови.* ■ *Парламент бу таклифларни инобатга олиб, қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.* Газетадан. *Мамлакатимизда ҳокимиятларнинг бўлиниши тўғрисидаги принцип парламент қабул қилган бир қатор қонунларда янада ривожлантирилди.* «Ҳаёт ва қонун».

ПАРЛАМЕНТАР Парламентаризмга асосланган, парламентаризмга алоқадор. *Парламентар республика. Парламентар тузум.*

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ сиёс. Конституцияга мувофиқ, давлат органлари тизимидаги раҳбарлик роли парламентга тааллуқли бўлган давлат ҳокимияти тузуми. *Дастурда парламентаризм, жамиятнинг демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари, соғлом турмуш тарзи тушунчаларини тарғиб қилиш билан боғлиқ масалалар асосий ўрин тутарди.* Газетадан. *Парламентаризм ғояси биринчи минг йиллик бўсағасида Римда, кейинчалик Англия ва Испанияда халқ мажлислари шаклида юзга келган.* Газетадан.

ПАРЛАМЕНТАРИЙ [нем. Parlamentarier] Парламент аъзоси, парламент депутаты. *Хорижлик парламентарийларга ватанимиз ҳақида маълумот бердик.* Газетадан.

ПАРЛАМЕНТЁР [фр. parlementaire < parler – сўзламоқ, гапирмоқ] Ўзаро урушадиган томонлардан бирининг бошқа (душман) томон билан музокара олиб бориш учун юборган вакили; элчи.

ПАРЛАМЕНТЧИЛИК Парламентга асосланганлик, парламентаризм. *Маълумки, демократик жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг энг муҳим соҳаларидан бири парламентчилик иши ҳисобланади.* Газетадан. *Ушбу вазифаларни уддалаш учун, ростини айтсам, ўқиш, изланиш, парламентчилик сир-асрорларини ўрганиш ва тажриба орттириш лозим.* Газетадан.

ПАРЛАМОҚ Жуфт-жуфт қилмоқ, жуфтламоқ.

ПАРЛАНМОҚ I Парламоқ фл. мажҳ. н.

ПАРЛАНМОҚ II с.т. Бугланмоқ, бугта айланмоқ. *Ўза сугорилгандан кейин сувнинг 20–35 фоизи ер бетидан парланиб кетади.* ■ *Тамара дераздан ташқарига тикилганча, белига тушиб турган тилларанг сочларини тўзғитиб, тартибга солди; кўёш нариди парланаётган шудринг каби, гўё айбу гуноҳдан ўзини маъсум ҳис эта бошлади.* «Ёшлик».

ПАРМА [ф. پرمه – тахта, ёғочни тешувчи асбоб] I Айланма ҳаракат қилиб, тиғи билан нарсаларни тешадиган асбоб. *Кичкина парма. Парма тиғи.* ■ *У [Икромхўжа] йўғонлиги билакдаги ва узунлиги бир олчин сада ёғочнинг ичини парма билан тешиб, «тўппонча» ясади.* С. Айний, Эсдалиқлар.

2 с.т. Бурғи. *Газободда газнинг киндиги қаердалигини аниқлаб олгач, бирданига уч жойга парма вишкаси тиклади.* И. Раҳим, Тақдир.

ПАРМАКАШ [ф. پرمه کش – пармаловчи] Парма ёки бурғи билан ер қазувчи уста, ишчи. *Тажрибали пармакаш эди, лекин фалокат босиб, қўли ишлаб турган дизелга кирди-ю, вентилятор парраклари икки бармоғини узиб кетди.* Газетадан.

ПАРМАЛАМОҚ I Парма билан тешмоқ. *Ҳайдар унинг [Умаралининг] қаршилигига қарамай, ўрта уйнинг деворини пармалай бошлади.* И. Раҳим, Ихлос.

2 с.т. Бурғи билан ковламоқ, бурғиламоқ. *Нефть ва газ қудуқларини пармаламоқ.*

3 кўчма Қаттиқ банд қилмоқ, қийнамоқ, азоб бермоқ (уй-хаёл, гап-сўз ҳақида). *Шу фикр амакининг миясини яшин тезлигида пармалаб ўтди.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. *Камол чиқмаса-я, деган уй миясини пармалай бошлади.* «Саодат».

ПАРМАЛАШ Металл ва ёғоч буюмларга тешик очиш, чуқурроқ ўйиш. *Пармалаш ишлари.*

ПАРМАЛИ I Пармаси бор, парма ўрнатилган.

2 кўчма Уймали, кесатик. *Узингиз шунақасиз, эшикдан кирмай, тешикдан танқид қиласиз. Пармали гаплар сизда ҳам кўпми?* «Аския».

ПАРМАЛОВЧИ от Пармалаш билан шуғулланувчи киши. *Геологлар, қурувчилар, пармаловчилар ва денгизчиларнинг икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Каспийни тинимсиз штурм қилиш-қидиришлари ор-*

қасида бу олий мақсад юзага чиқди. Н. Сафаров, Оловли излар. *Уша ишчи хоҳ пармаловчи, хоҳ гишт терувчи, хоҳ сувоқчи ёки буюқчи бўлсин, менинг назаримда, ўз юртининг гуллаши, гуркураши учун қўлидан келган ишни сиққидилдан бажаради.* Газетадан.

ПАРМАНЧАК *шв.* Маймунжон. Бунда [лагерда] икки юздан ортиқ бола дам олади. Бири чўмилиб шамолласа, бошқаси, парманчак тераман, деб оёқ-қўлини тимдалатиб келади. С. Аҳмад, Сайланма.

ПАРМУДА Гуштли қўшалоқ сомса. Пармуданинг таърифин *Айтаберсам, деманг лоф.* С. Абдулла. *Ундан кейин ошпаз йигит мудирликка келди. Аммо пармуда сомсага уста эди. Мен жилд очиб бериб турардим, у тугиб ташлайверарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ПАРНИЁН [ф. *پرنیان* — ипак, шойи] *шв.* Юпқа ипак кийим. *Ўрнидан туриб, эгнига парниённи ташлади.* Э. Самандар, Тангри кудуғи.

ПАРНИК [р. пар — «буғ, иссиқлик» с. дан] Эртапишар сабзавот, резавор экин ва гул экиб ўстириш учун қурилган, ойнаванд ёки шаффоф плёнка билан ёпилган жой, хона. *Парник ва теплицаларда кўчатлар етиштириш.* ■ Парникда битган бодринг, помидорлар тақсимчада гулдек очилиб турибди. «Шарқ юлдузи».

ПАРОВОЗ [р. пар — буғ + воз(ить) — элмок] Темир йўл поездларини тортиш учун белгиланган, буғ двигатели билан ҳаракатга келадиган машина, буғ двигателли локомотив. *Паровоз буғ чиқариб, чузиқ гудок берди-да, қатта қизил составни судраб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПАРОВОЗСОЗЛИК Паровоз ва унинг қисмларини ишлаб чиқариш; транспорт машинасозлигининг паровоз ишлаб чиқарадиган тармоғи.

ПАРОВОЗЧИ Паровоз ҳайдовчи киши, машинист.

ПАРОДИЯ [юн. *parodia* — зид, тескари кўшиқ] Адабиёт ва баъзан мусиқада, тасвирий санъатда: бирор асарга тақлидан яратилган, унинг заиф томонларига ҳажвий, киноявий ёндашилган асар; сатирик ўхшатма. *Юсуф ака қаламкаш дўстлари Э. Воҳидов, А. Эшоновлар билан бир сафда туриб, адабиётимизда пародия жанрининг юксалишига ҳам муносиб ҳисса қўшди.* «Шарқ юлдузи».

ПАРОДОНТОЗ [пара.. + юн. *odontos* — тиш] Тишларни ўраб турувчи тўқималарнинг сурункали яллиғланиши. *Оғиз бўшлиғида кўп учрайдиган иккинчи бир касаллик пародонтоздир.* «Фан ва турмуш».

ПАРОКАНДА [ф. *پراگنده* — тўкиб, сочиб, тарқатиб юборилган; хафа, ғамгин, маъюс; ташвишли] *кт.* 1 Турли томонга, дуч келган ёққа тарқатган, тўзган, тарқоқ, тартибсиз. *У даҳшатли қуюндан ярим-ёрти саломат қолган пароканда карвонни тартибга солди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ўтнинг шиддатидан душман танклари пароканда бўла бошлади.* Ойбек, Кутёш қораймас.

2 *кўчма* Тарқоқ, жамланмаган, тартибсиз, бир жойга тўпланмаган. *Қандайдир бир куч пароканда бўлган хаёлларини яна бир жойга тўлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Вужуди пароканда бўлиб юрғанда Ҳиротга Мамат-шариф келди.* «Шарқ юлдузи». *Энг муҳими, сайловлар халқимизни пароканда ва бир-бирига қарши қилишга эмас, балки элу юрт манфаати йўлида янада бирлаштиришга хизмат қилиши зарур.* Газетадан.

ПАРОКАНДАЛИК Тарқоқлик, тартибсизлик. *Шу-шу Бўри полвон Момоқизни ўйлаганда, кўнглининг туб-тубида бир парокандалик уйғонадиган бўлди.* Т. Мурод, Кўшиқ. *Қўшиндаги парокандалик Жалалидинни ҳам, унинг ақин дўсти Темур Маликни ҳам ҳалокатга олиб келди.* Газетадан. *Миллий адоват, ишончсизлик, парокандалик инсоният бошига нақадар мудҳиш кулфатларни солганлиги тарихдан маълум.* Газетадан.

ПАРОЛЪ [фр. *parole* — гап, сўз] Ҳарбий хизматда ёки яширин ташкилотларда ўз кишиларини таниш учун айтиладиган ва олдиндан белгилаб қўйиладиган шартли махфий сўз. *Ҳа, майли, тонг отсин, кўрармиз.* *Паролга жавоб беради, бермаса, ўзимни билмасликка олиб, алоқанинг бошқа йўлини излайман.* К. Яшин, Ҳамза.

ПАРОМ [р. паром — дарёдан, умуман, суви жойдан ўтиш мосламаси] Одамлар, транспорт воситалари, юкларни дарё ва кўллардан ўтказиш учун мўлжалланган махсус қурилма, сол. *Швеция билан Финляндия ўртасида қатнайдиган янги паром қурилиши бошлаб юборилди.* Газетадан.

ПАРОМЧИ Паромни бошқарувчи, паром ҳайдовчи киши. *Чакмонни елкага ташлаб, қумғон тагига ўт қалаётган паромчи*

чол от дупурины эшитиб, ўрнидан турди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ПАРОНИМЛАР [пара.. ва юн. опута — ном, исм] Талаффузи, эшитилиши ва морфем таркиби ўхшаш, лексик маънолари бошқа-бошқа ёки қисман яқин бўлган сўзлар: *шараф-шароб, танбур-тамбур, афзал-абзал каби.*

ПАРОТИТ [пара.. + юн. otos — қулоқ + лат. itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Қулоқ ости безининг яллиғланиши билан ўтадиган юқумли касаллик, тепки.

ПАРОХОД [р. пар — буг + ход(ить) — юрмоқ] Буг двигателли кема. *Дарё пароходи.* ■ *Каспий денгизида пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўпайди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ПАРОХОДЧИЛИК Пароход транспорти ва унда йўловчи ҳамда юк таниш билан шуғулланадиган муассасалар мажмуи. *Термиз давлат пароходчилиги.*

ПАР-ПАР 1 **Парр** с. тақр. *Пар-пар учар чумчуқлар, Ҳам тинмайин чурқ-чурқлар.* 3. Диёр.

2 *тасв. с.* Нурнинг, шуъланинг парпирраши, жилваси ҳақида. *Матлуба нам киприклари орасидан пар-пар ёниб турган кўзларини сузиб қаради.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

ПАРПАША [ф. *پرشه* — пашшанинг қаноти (каби)] Дастгоҳда тўқилган, нафис йўлли юпқа ва пишиқ мато. *Бир кийимлик парпаша. Парпаша тўн.* ■ *Бир нафасдан кейин нурсизгина парпаша паранжи ёпинган, ўрта бўй аёлниг қўлидан етаклаб, тортқилаб кириб келди.* С. Зуннунова, Олов.

ПАРПИ 1 *бот.* Таркибида бир турли алкалоид бўлган ўтсимон кўп йиллик ўсимлик.

2 Парпи (эркаклар исми).

ПАРПИРАМОҚ 1 Ёруғ нур таратиб ёнмоқ, нур сочиб турмоқ. *Ёритди ўлкани нур, парпираб электрлар. Ҳабибий. Ярим тун.. юлдузлар жимирлар кўкда. Чироқлар парпирар вишқаларда ҳам.* Ж. Жабборов.

2 *айн. ҳилпирамоқ. Парпирайди донг чиқарган байроғим, Асли маҳкам юксак суянган тоғим.* Ҳабибий.

3 *кўчма* Жилваланмоқ, жилва қилмоқ. *Ўн саккизу йигирмада ёшлари, Парпирайди ўйнаб кўзу қошлари. Ҳабибий. Муқаддам унинг қувонч тўла кўзлари парпираб кетганини,*

хўрсинганини сезди. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАРР *тақл. с.* Учаётган парранда қанотидан, айланаётган паррак ва ш.к. дан чиқадиган товуш. *Чумчуқ парр этди.* ■ *Қушлар парр этиб, осмонга кўтарилди.* Ойбек, Навоий.

ПАРРА 1 *с.т. айн. паррак. Чархимнинг паррасидан учди қушим, Қаландар чорбоғига тушиди қушим. «Халқ дурдоналари». Фақат уни биласанми, кимнинг қули? Паррасини айлантирган кимнинг пули? Чўлпон, Яна олдим созимни.*

2 *шв.* Гул нақшини ташкил этувчи доира-симон шакллар.

ПАРРАК [ф. *پرک* — кичик пар, қанотча] 1 Сув ёки шамол кучи билан айланадиган куракли содда механизм. *Сув тегирмонининг парраги. Шамол тегирмонининг парраги. Тунука паррак.* ■ *Улар конга тескари ёқдаги катта харсанг тошлар панасида шамол тегирмони парраклари вазмин айланиб турган қишлоқ томонга туша бошладилар.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

2 *с.т.* Ҳар хил машиналарнинг шу шаклдаги қисми. *Вентилятор парраги. Самолёт парраги.* ■ *Даланинг у бошида парраги чарх уриб, комбайн ўрмаларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бирпас ўтмай вертолётнинг қудратли мотори гуруллаб, устидаги катта парраклари айлана бошлади.* Н. Фозилов, Дийдор.

3 *кўчма* Юпқа қилиб тўғралган, кесилган, бўлақларга бўлинган бирор нарса. *Бир бўлак гўшт ун парракка бўлинди.* ■ *Отамурод нима учундир дастлабки тўрт парракни жонлироқ-жонлироқ қилиб кесди.* М. Мансуров, Ёмби.

4 *с.т. кўчма* Телефоннинг рақамлар терилганда айланувчи чамбараги. *Қушларга қуриладиган ин шаклидаги ёғоч уйчани бир ўзи тўлдириб ўтирган биққи қоровул Ала-мазонни четроққа турғизиб қўйиб, телефон паррагини ғилдиратишга тушиди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

Бурун парраги Бурун катаklarининг икки четидаги мускул. *Нафас олишда қийналаётган бўлса керак, бурун парраклари учиб турарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ПАРРАКЧА *с.т.* Парча, бўлак(ча); кичкина паррак. *Муздек қор парракчалари отанинг боши устида айланиб, ерга тушгиси*

келмас, унинг бўйни ва кўксига, соқолига қўнарди. С. Нуров, Нарвон.

ПАРРАНДА [ф. پَرندِه — учадиган нарзалар, қанотлилар; қуш] Қуш зоти, қушлар; қуш. *Уй паррандаси. Ов паррандаси.* ■ *Мушукка қанот битса, ҳеч бир паррандани қўймас экан. П. Турсун, Ҳқитувчи. У шунчалик хушсурат, нозу ибони эканки, сойга юзани ювгани туша, сой бир зум тўхтаб, уни томоша қилар, қора қош, саллона юришдан барча паррандага сабоқ берадиган какликлар ҳам зориқиб учиб келар экан. «Ёшлик».*

ПАРРАНДАБОЗ [ф. پَرندِه‌باز — қуш ўйновчи, қуш ишқибози] Парранда тутиш, боқиш ва ўргатишга ишқибоз киши.

ПАРРАНДАБОҚАР с.т. айн. паррандачи.

ПАРРАНДАХОНА Товуқ, ўрдак, бедана ва ш.к. лар парвариш қилинадиган махсус бино, жой. *Гўшт учун боқиладиган жўжалар. махсус паррандахоналарда устирилади. «ЎзМЭ».*

ПАРРАНДАЧИ Парранда боқиш ва уни кўпайтириш иши билан шуғулланувчи киши.

ПАРРАНДАЧИЛИК Қишлоқ хўжалигининг уй паррандаларини боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланадиган тармоғи. *Паррандачилик фермаси. Паррандачилик курси.* ■ *Паррандачиликнинг асосий маҳсулоти — озиқ-овқатга ишлатиладиган тухум ва гўшт, қўшимча маҳсулоти — парранда пати ва пари. «ЎзМЭ».*

ПАРРОН [ф. پَران — учувчи, учадиган]: **тиғи паррон** Учиб келаётган, тешиб ўтадиган ўқ. *Чавандоз, нонуштадан мақсад фақат қорин тўйдириш деб билганида, ҳозир тиғи паррондай олиб бораётган тулпоридан фарқ қилмай қоларди-ку! Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой. Тиғи парронга учрагур қарғ. Балонинг ўқига учрагур, ўлгур. Менинг кўзимга тўнғиздан ҳам хунук кўринади у, тиғи парронга учрагур бойвачча. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

ПАРР-ПАРР қ. айн. пар-пар.

ПАРТ I: **парт бўлмоқ** Қайноқ сувда куймоқ. *Қайнаб турган самовар ағанаб, оёғи парт бўлди. Парт қилмоқ* Қайноқ сувда куйдирмоқ, *Товуқни парт қилиб, патини юлмоқ.*

ПАРТ II: **шарти кетиб, парти қолган** 1) қариб, куч-қуввати кетиб қолган, мункиллаган, бедармон. *Кейин кеч бўлади. Мана, биз: шартимиз кетиб, партимиз қолди. «Шарқ юлдузи»;* 2) эски, шалоқ; хароб. *Шарти кетиб, парти қолган арава.*

ПАРТ III тақл. с. Кескин қанот қоқиш пайтида чиқадиған товуш.

Парт этиб 1) «парт» деган овоз чиқариб. *Жуволдиз қонга парт этиб кирди. Бедана қўлдан чиқиб, парт этиб учиб кетди;* 2) кутилмаганда, тўсатдан. *[Тулки] Шошиб бориб, тишлаб тортиб эди, парт этиб тумшугидан илиниб қолди. «Эртақлар». От устидан парт учиб кетди, Наҳот, сўнги дақиқа етди? У. Носир, Юрак.*

ПАРТА [р.] Ҳқувчилар учун мўлжалланган, устки тахтаси ўтирган Ҳқувчи томон бироз қия ўрнаштирилган, остки қисми ўриндиғи билан бирлаштирилган махсус стол. *Бир партада Ҳқиган болалар.* ■ *Ҳқитувчимиз Исоқ ака Ҳқиш китобимизни парта устига олиб қўйишни айтдилар. С. Фафуров, Жонли совға. Ичкаридаги ҳар бир парта рақамланган: назоратчи қуръа ташлаш йўли билан абитуриентларни жойлаштиради. Газетадан.*

ПАРТАВ [ф. پَرْتو — куёш, ой, чирок шуъласи, нури] эск. кт. Нур, шуъла. *Унинг [Кумушбининг] кўз ўнгида жой олган қоралиқлар шу ёқила бошлаган нажот шамлари партави билан ўз-ўзларидан йўқолгандек кўринарлар эди. А. Қодирий, Ҳтган кунлар.*

ПАРТАДОШ Бир партада ёнма-ён ўтирувчи (Ҳқувчи). *Танаффус пайтида партадоши Шокир тўполончи билан уришиб қолди-ю.. Ҳ. Усмонов, Қисмат. Дафтарларим бор, дарсликни эса ёнимда ўтирган партадошимдан олиб тураман. Газетадан.*

ПАРТАК бот. Чирмашиб Ҳсадиган бир йиллик Ҳтсимон Ҳсимлик.

ПАРТЕР [фр. parterre — ер бўйлаб < par — бўйлаб, бўйича + terre — ер, замин] 1) Театр ва б. томоша залларининг томошабинлар Ҳтирадиган, саҳнага нисбатан пастроқ бўлган қисми ва унда жойлашган Ҳринлар.

2) Парк ёки боғларнинг обод қилинган, майсазор, гулзор, ховуз, фонтан, ҳайкал ва ш.к. лари бўлган очиқ қисми.

ПАРТИЗАН [фр. partisan < итал. partigiano — тарафдор, ихлосманд] тар. Душман босиб олган жойларда озодлик учун куролли кураш олиб борувчи кўнгилли халқ армиясининг аъзоси. *Партизанлар отряди.* ■ *Куролланган етти партизан оғир қадмлар ташлаб, хилват ва сўқмоқ йўллар-*

дан юриб, Мостовойнинг отрядига қараб бормоқда. А. Раҳмат, Соқов бола.

ПАРТИЗАНЛИК Душман босиб олган жойларда озодлик учун кўнгилли равишда қуроли қураш олиб бориш; партизан бўлишлик. *Партизанлик қилмоқ.* ■ *Ҳасан-жонни масъулиятли ишлардан чиқарган бўлсалар ҳам, ота-бобосининг қул бўлиб келганлигини, отасининг партизанлигини назарда тутиб, ишни бости-бости қилиб юборган эдилар.* С. Айний, Қуллар.

ПАРТИЗАНЧИЛИК 1 с.т. айн. партизанлик.

2 кўчма салб. Ишда ўзбошимчалик, тартиб-қоидага риоя қилмаслик, ҳар кимнинг ўз билганича ҳаракат қилиши.

ПАРТИЯ I [фр. parti < лат. pars, partis — бўлак, қисм; гуруҳ] Ғоявий жиҳатдан маслакдош, манфаатлари муштарак бўлган кишилар гуруҳидан иборат, муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламларнинг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилот. *Халқ демократик партияси.* ■ *Ҳозир кучга кираётган партияларга, янги пайдо бўлаётган партияларга ишончимиз катта.* Газетадан. *Сир эмас, партиямиз ташкил топган дастлабки йиллар вилоятда унинг молиявий асоси ҳам нишиқ-пухта бўлиши лозимлигини кўрсатди.* Газетадан.

ПАРТИЯ II 1 Бирор мақсадда муайян ишни бажариш учун бирлаш(тирил)ган кишилар гуруҳи. *Геология-қидирув партияси.*

2 Муайян жойга бир пайтда жўнатиладиган нарса, товар кабиларнинг маълум (одатда кўп) миқдори. *«Асака» кўшма ҳиссадорлик корхонаси «Нексия», «Дамас», «Тико» каби енгил автомобилларнинг партияларини ишлаб чиқаради.* Газетадан.

3 шахм. Бир давра, бир кўр ўйин (бошдан охиригача). *Шахмат партияси.* ■ *Мусобақанинг 10-куни ўйналган А. Ненашев — Р. Қосимжонов партияси ўша кунги, балки бутун турнир давомидаги учрашувларнинг марказида бўлганлиги муқаррар.* Газетадан. *Қозон шахрида ўтган мусобақаларнинг финалида россиялик тенгқурларини уч партияда мағлубиятга учратишди.* Газетадан.

4 мус. Кўп овозли мусиқа асарининг (оркестр, хор ёки операнинг) яқка созанда ёки хонанда ижро этадиган таркибий қисми ва унинг нотаси. *«Лайли ва Мажнун» мусиқали*

драмасидаги Қайс партияси. ■ *Мақсадим — келгусида ўқишни муваффақиятли тамомлаб, театрда катта партияларни ижро этиши.* Газетадан.

ПАРТИЯВИЙ Маълум партия, гуруҳнинг мафқурасига, манфаатларига мос бўлган; маълум партия тамойилларини амалга оширадиган. *Ана шундан келиб чиқиб, партиявий фракциялар ва гуруҳлар фаолиятини қонунлаштириш керак, деб ўйлаймиз.* Газетадан.

ПАРТИЯВИЙЛИК 1 Дунёқараш, адабиёт ва санъатнинг муайян синфлар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалайдиган ғоявий йўналиши, ғоявий қураш қуроли. *Адабиётнинг партиявийлиги.* *Санъатнинг партиявийлиги.*

2 Шахснинг бирор сиёсий партияга дахлдорлиги. *Унда мафқура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ.* Газетадан.

ПАРТИЯДОШ Бирор партияга биргаликда аъзо бўлган киши. — *Зумрад Ҳайитова — партиядошимиз, — дейди Халқ демократик партияси Кумқурғон туман кенгаши биринчи котиби Салтанат Зуннуова.* Газетадан. *Дарҳақиқат, фидойи партиядошимиз айтганидек, инсон ўз меҳнатининг самарасини кўрганда суюнади.* Газетадан.

ПАРТИЯЛИ эск. Партия аъзоси. *Колхоз янги туғилганда, бутун қишлоқда тўрттагина партияли бор эди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ПАРТИЯСИЗ Партияга аъзо эмас, партия аъзоси бўлмаган.

ПАРТКОМ [р. партийный комитет — «партия комитети» бирикмасининг қисқартмаси] 1 Партия комитети, йирик бошланғич партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органи. *Партком аъзоси.*

2 Партия комитети ўрнашган бино, хона.

3 с.т. Партия ташкилотининг бошлиғи. **ПАРТНЁР** [фр. partenaire] Бирор ишда ёки ўйинда, саҳна асарида бирга иштирок этувчилардан ҳар бири, шерик. *Шахматчи партнёрлар.* ■ *О. Жалилов, О. Ҳўжаев, Н. Раҳимов, А. Турдиевлар билан партнёр бўлиш менга насиб этганди.* Газетадан.

ПАРТОВ [ф. پارتاو] от Экилмай қолган, қаровсиз, ташландиқ ер, экин майдони. *Партов ерларни ўзлаштирмоқ.* ■ *—Илгари экин экилиб, кейин ташлаб қўйилган ер партов бўлади-да, — деб паншаха тутган Эр-*

гаш кўса Замоналига бўлишди. П. Қодиров, Қора кўзлар.

ПАРТУШАК Пардан қилинган, пар тикланган тўшак. Чувринди унинг ташвишини тушунди — кўнгли боласида. Бу ерда пар-тўшак солиб берсанг ҳам, тиканзорда ётгандек бўлади. Т. Малих, Шайтанат. Чекаман: тутунга тўлади хона, Илк севгим мўралар тўрт бурчагидан. Мен далли, юрагим мендан девона. Ётмайман деб йиғлар, партўшагингда. М. Юсуф, Осмонимга олиб кетаман.

ПАРФЮМЕР I Парфюмерия соҳасида ишловчи киши.

2 эск. Парфюмерия моллари сотувчи киши, аттор.

ПАРФЮМЕРИЯ [фр. parfumerie < parfum — ёқимли ҳид, атир] I Атир, одеколон, упа-элик каби пардоз моллари. *Парфюмерия савдоси. Парфюмерия моллари.*

2 Шундай моллар ишлаб чиқарувчи саннат тармоғи.

ПАРХИШ Ўсимликнинг узун шохини ерга кўмиб, учини нарироқдан чиқариш йўли билан унинг янги тўпини ҳосил қилиш.

ПАРЧА I [ф. پارچه — қисм, бўлак, бурда; мато бўлаги; ипак мато тури] I Бутундан кесиб, қирқиб, йиртиб, синдириб олинган ёки ўзи ажраган қисм; бўлак, бўлакча. *Қоғоз парчаси. Бомба парчаси. ■ Баҳодир каллакланган тол орасидан суюк, совун парчаларини олар экан, бирдан Нилуфарнинг елим кўғирчоғи чиқиб қолди. С. Аҳмад, Юлдуз. Кекса ишчи сўнги ғўшт парчасини оғзига солди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. Дераза ойналарига йирик қор парчалари оқ капалакдай уринади. Ойбек, Танланган асарлар.*

Бир парча 1) унча катта бўлмаган; кичкина, озгина, арзимайдиган. *Бир парча ер. ■ — Бир парча нон учун сенинг эшигингда чўрилик қилиб, болаларингнинг кирини ювганман, — деди Ойимхон. П. Турсун, Ўқитувчи. Йигитали бир парча қоғозга қалам билан ёзилган хатни ўқий бошлади. С. Кароматов, Бир томчи қон; 2) кўча оз (гина), пича, кўп эмас. *Агар уларнинг тили бўлганда эди, ҳар бир жанг тагида кимларнинг манглай терию кимларнинг бир парча умри қолиб кетганини сўйлаб берарди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.**

2 ад. Асарнинг тугал мазмунли кичик қисми. *Романдан парча. ■ Кўпгина оқшомхонлар ёзувчиларнинг янги асарларидан пар-*

чалар бериб боришни, санъаткорларимиз ҳақида кўпроқ ёзишимизни илтимос қилишди. Газетадан. Абдулла Қаҳҳор, то асар битгунча, таассуротингиз бузилади, фикрингизни тўла ифодалай олмайсиз, деб ҳатто парча ўқигани руҳсат бермас эдилар. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

3 кўчама Бўлак, бўлакча, қисм. — *Ўғлим, — деди она ўрnidан туриб, юз-кўзларини бошидаги дуррасининг учига артар экан, — фарзанд — қалб парчаси. Газетадан.*

Парча гулли Йирик-йирик гулли. *Парча гулли лас. ■ Хола диванга ўтирди. Бошидан қизил парча гулли жун рўмолини олиб қоқди. Пешонасини, бўйинини артди. С. Нуров, Нарвон. Парча гулли чит кўйлагини ҳилпиратганча Гулзебо завқ билан ўйинга тушди. С. Кароматов, Олтин қум.*

ПАРЧА II [ф. پارچه] Зар ип аралаштириб тўқилган қалин ипак мато, кимхобнинг бир тури. *Қаторга тиркадик лўк билан норча, Устига юкладик қирмизи парча. «Алпомиш». Туман орасига ўралган чўққининг учи қилич дамидек ярқираб кетди-ю, бир дам кимхоб парчасидек булут ялт-ялт ёниб, кўзни қамаштирди. С. Аҳмад, Йўлда.*

ПАРЧАЛАМОҚ I Кесиб, қирқиб, йиртиб, синдириб, майда қисмларга, бўлакларга бўлмоқ, ажратмоқ; тилка-пора қилмоқ, бурдаламоқ. *Ойнани парчаламоқ. Фитни парчаламоқ. Қоғозни парчаламоқ. ■ — Мени ҳам ёзибди рўйхатига! Мақсадингга етолмайсан!.. — дея рўйхатни парчалаб ташлади. К. Яшин, Ҳамза. Келди очилур чоғинг, ўзлизинг намоен қил, Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил. Ҳамза.*

2 Бўлак-бўлак қилиб юбормоқ, пароканда қилмоқ. *Бектемир душманларни ўқ билан урди, найза билан санчди, гранаталар билан парчалади. Ойбек, Куёш қораймас.*

3 ким. Таркибий қисмларга ажратмоқ, ажратиб олмоқ, бўлиб юбормоқ. *Атомни парчаламоқ.*

4 Мустақил қисмларга ажратмоқ, бўлиб, ажратиб юбормоқ. *Утган асрнинг охирларида ўзбек ерлари Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хива хонлиги ўртасида парчаланган эди. «Фан ва турмуш».*

5 кўчама Йўқ қилиб юбормоқ, йўққа чиқармоқ, маҳв этмоқ, емирмоқ, битирмоқ, тугатмоқ. [Йўлчи] «Ҳамёни зўрлар»нинг ҳокимиятини парчаламоқ учун бел боғлаган ку-

рашчиларга табиий бир ички интилиш билан яқинлашади. Ойбек, Танланган асарлар. Зулмат тунин парчалади кучли қуёш. Файратий. Танимга ўт қалаб кетди, Умидим парчалаб кетди. Газетадан.

ПАРЧАЛАНМОҚ Бўлақларга бўлинмоқ, қисмларга ажралмоқ, йўқ бўлмоқ. *Разведкачи кемачаларимизнинг хабар қилишича, номаълум кема атом ядросининг парчаланиши ҳисобига ажралиб чиқувчи энергия ёрдамида ҳаракатланади. С. Сиёев, Ёруғлик. Бу ерда парчаланган севгимни қайси кўз билан томоша қилиб юраман. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

ПАРЧА-ПАРЧА Парчаларга бўлинган; бўлак-бўлак, бурда-бурда, чилпарчин. *Парча-парча булутлар. Пиёла парча-парча бўлди. — ..ўнлаб йигит мақбара томон тош ота бошлади. Бир лаҳзада мақбара эшиги тошлар зарбига бардош беролмай, парча-парча бўлиб кетди. К. Яшин, Ҳамза. Болта қассоб ўлғудай бесабр одам, ҳаром томирларни авайлаб ажратишга вақт топмайди. Уларни парча-парча лаҳм гўштга қўшиб, кесиб олади. М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.*

ПАРЧА-ПУРЧА 1 Катта-кичик парчалардан иборат, ҳар хил катталиқдаги парчаларга бўлинган; бўлтак-сўлтак. *Чўнтакдан.. катта-кичик михлар, парча-пурча тахтачалар кўчди. Ойдин, Ҳўзи монанд. Ердан бир қарич қўтарилган торғина саҳнда, парча-пурча чирик наматлар солинган айвонга паранжисини отди. Ойбек, Танланган асарлар. Арава ҳам кўҳна, ямоқ-ясоқ, ғилдирак темиридан унда-мунда парча-пурча қолган: кегайлари шалоқ. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Арзмайдиған, кичкина, озгина. *Ҳозирча очган ерларни, менимча, парча-пурча деб ҳисоблаш керак. Ойбек, О. в. шабадалар.*

ПАРЧИН I [ф. *پرچين / پرچم* — ғов, тўсиқ; парчинмих билан маҳкамлаш] Архитектура безакларида ишлатиладиған, уч-бурчак, тўртбурчак ва ҳоказо шаклли сирланган сопол тахтача; кошиннинг бир тури.

ПАРЧИН II 1 айн. парчинмих.

2: парчин қилмоқ айн. парчинламоқ 2. *Пиёлани ерга уриб парчин қилди. — Иккинчи офицери кимдир ерга парчин қилди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

Ер парчин (ерпарчин) бўлиб ётмоқ Қимирлашга холи бўлмай ётмоқ.

3 шв. Тақа, нағал. *Отамнинг қўлида бир от турибди, Оёғига темир парчин урибди. «Алпомиш».*

ПАРЧИНЛАМОҚ 1 Металл ва ш.к. материалларни парчинмихлар билан ажралмас қилиб бириктирмоқ, маҳкамламоқ; умуман, маҳкамлаб қўймоқ, бириктирмоқ. *Эшикни парчинлаб ташлади. — Саидийни факультетга парчинлаган катта мих — Муниҳсон. А. Қаҳҳор, Сароб*

2 кўчма Қапиштириб, ёпиштириб юбормоқ, эзиб ташламоқ, дабдала, ер билан яқсон қилмоқ, парчин қилмоқ. *Мезбоннинг ўзидек содда ва кенг феълони ҳукми унинг қатъиятию баландопарвоз хаёлларини парчинлаб ташлади. «Ёшлик».*

ПАРЧИНМИХ Нарсаларни бириктиргач, учли томони ялпоқлаб қўйиладиган, тана ва каллақдан иборат деталь; михпарчин.

ПАРҚ с.т. қ. **фарқ** II. *Ҳар икки-уч кунда ёғли қатиқ билан ювиб, майин тишли тароқда гоҳ орқага, гоҳ ён томонга қайириб тараб, чаккадан парқ очарди. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.*

ПАРҚИН фольк. Отнинг қўлтиғи, қўлтиқ (афсонавий «учар» отда қанот ўрнашган жой). *Шакарбекнинг минган оти Ҳар тарафга олиб қочди, Парқиндан кўпик сочди. «Ширин билан Шакар».*

ПАРҚУ [ф. *پارو* — оққуш пари, пати] сфт. 1 Оққушнинг пари билан тўлдирилган (ёстиқ, тушак ҳақида). *Парқу ёстиқ. — Шакархон гўё кириб келаётгандек, парқу болишларга ёнбошлаганча.. тоқиларига солинган ўймакор гулларга разм ташлаётгандек.. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.*

2 от Пар солиб тикилган болиш ёки тушак; парёстиқ. *Сунабон туркман гилам, кўрна-тўшаклар қатма-қат, Ултириб сўзлашгани ёнбошда парқу ҳам шинам. С. Абдулла. Утирдилар бари, ёнбошда парқу: Бошин қўйса, кишини элитар уйқу. М. Алавия. Сарҳовузнинг тўрт ёғи шоҳсуна эди.. тўрт ёғига каравотлар қўйилган, парқу тўшалган, ёстиқ қўйилган, ётмоққа ажойиб салқин жой эди. «Фольклор».*

3 кўчма Булутлар. *Ой сузар оромижон Парқуларни оралаб, Нурлар уйнар бедармон, Деворларни муралаб. А. Суюн, Замин тақдири.*

ПАРҲЕЗ [ф. *پرهيز* — нафсини тийиш, сақланиш, сабр; мўътадиллик] 1 сфт. Соғ-

лом кишилар ҳамда беморларга мўлжалланган овқат рациони ва овқатланиш режими. *Парҳез овқатларнинг аҳамияти. Парҳез овқат ейдиган кишилар учун мослаштирилган ошхона.*

2 от Соғлиққа тўғри келмайдиган овқатлардан ўзини тийиш ва унинг тартиби. *-Баҳузур, — деди Яхшибоев кўксига қўлини босиб, — мен парҳездаман, Муяссархон. М. М. Дўст, Лолазор.*

Парҳез қилмоқ 1) соғлиғига тўғри келмайдиган овқатдан ўзини тиймоқ. *Чунончи, ёғлиқ гушт билан қайнатишдан сабзи юрактомир ва ошқозон-ичак касалликларида парҳез қилинади. К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик; 2) кўчма ҳазар қилмоқ, жирканмоқ, йирганмоқ. Бу киши ҳеч нарсадан парҳез қилмайди.*

ПАРҲЕЗДОР [ф. *پرهيزدار* — парҳез қилувчи, парҳездаги] Парҳез билан овқатланидиган, парҳездаги киши. *Парҳездорлар ошхонаси. Парҳездорларга текин талон берилди.*

ПАРҲЕЗКОР [ф. *پرهيزكار* — парҳез қилувчи] эск. Ҳаёт лаззатларидан, айш-ишрат, маишатдан ўзини тийовчи; тақводор. [Мас-тура:] *Ҳа, нима бу, жаям парҳезкор бўлиб кетиб, уйгача паранжилик бўлиб қолибсизларми? Ҳамза, Паранжи сирлари.*

ПАРҲЕЗЛИ 1 Парҳезга оид, парҳездорлар учун белгиланган. *Парҳезли овқат.*

2 айн. парҳездор. *Парҳезли бемор. ■ Бу ерда ёвгон шўрва ичадиган парҳезлилар йўқ. Шўҳрат, Шинелли йиллар.*

ПАС I [фр. *passé* — (уйинни) ўтказиб юбораман] Қарта ўйинида: ўйиннинг айни бир даврасида (қарта айланишида) фаол қатнашишдан воз кечиш ёки мағлубиятни тан олиш.

ПАС II [ингл. *pass* — узатмоқ, оширмоқ] спорт. Баъзи спорт ўйинларида бир ўйинчининг ўз шериги (жамoadоши)га тўп ёки шайбани узатиши.

ПАСАЙМОҚ I Баландлиги нисбатан каммайиб қолмоқ, чўкмоқ, чўкиб қолмоқ. *Ер зичланиб, анча пасайди. ■ 1989 йил Орол денгизининг сатҳи яна бир метрга пасайди. «Фан ва турмуш». Каналда сув пасайди, қишлоқ кўчалари, пахтазор найкаллари селгиб қолди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

2 Камаймоқ, кучсизланмоқ, қайтмоқ (ҳодисаларнинг кучи, шиддати, даражаси,

миқдори ва ш.к. ҳақида). *Оғриғим пасайди. Қуёш ҳарорати ҳали пасайгани йўқ. Шамол анча пасайди. Боланинг иссиғи пасаймади. Радионинг овози пасайиб қолди. ■ Йўлдошевнинг йиғиси борган сари пасайиб, ниҳоят.. хўрсина-хўрсина жим бўлди. Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар. Унинг вужудини қамраб олган ўт аста-секин пасайиб, кўнгли тобора совий бошлади. Ҳ. Фулом, Машғал.*

3 Юқори амалдан пастроқ амалга тушиб қолмоқ. *Мартабаси пасайди.*

4 кўчма Кибру ҳавоси йўқолиб, шахти қайтиб, эпақага келиб қолмоқ, ҳовуридан тушмоқ. *Бир оз пасайинг. У анча пасайиб қолди.*

Попуги пасаймоқ Шаштидан қайтмоқ, ҳовуридан тушмоқ, бўшашиб қолмоқ. *Даъвогарнинг попуги пасайди.*

ПАСПОРТ [фр. *passport* < итал. *passa-porto* — портга кириш ёки у орқали ўтиш учун рухсатнома] 1 Муайян давлат фуқароси эканлигини ва эгасининг шахсини кўрсатувчи ва тасдиқловчи асосий ҳужжат. *Муддатсиз паспорт. Паспорт олмақ. ■ -Паспортингизни беринг, — деди [ҳодим] тортмасидан қандайдир қоғозни оларкан. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Паспорт ёзиш идоралари ходимларининг тил билмаслиги ҳам қанчадан-қанча «кашфиёт»ларни келтириб чиқармоқда. «Муштур».*

Паспорт тизими Аҳолини ҳисобга олиш ва унинг кўчиб юришини тартибга солиш қоидалари мажмуи. *Низомда.. паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тартиблари ҳам белгилаб берилган. «Ўзбекистон Республикаси» (энциклопедия).*

2 Корхона, бино, технологик қурилма, асбоб-ускуна қисми, транспорт воситаси ва ш.к. ҳақидаги асосий маълумотлар қайд этилган ҳужжат, гувоҳнома. *Автомобиль паспорти. Телевизор паспорти. Магнитофон паспорти.*

ПАССАЖ [фр. *passage* — ўтиш жойи, йўл] 1 Икки томонида қатор савдо дўконлари жойлашган ёпик бино, раста.

2 Бир хил мол-товар сотиладиган катта магазин. *Китоблар пассажи.*

3 Мусиқада: баланд пардадан паст пардага ёки, аксинча, паст пардадан баланд пардага изчил ва тез ўтиб ижро этишдаги тон (товуш)лар изчиллиги.

ПАССАЖИР [фр. *passager* – ўтувчи, борувчи] Поезд, самолёт, пароход каби транспорт воситаларида уларнинг бошқарувчиси сифатида эмас, балки мижози сифатида борувчи, қатновчи киши. *Пассажирларга хизмат кўрсатиш.* ■ *Шу пайтда олдинда кетаётган пассажир ташийдиган автобус тўхтади.* С. Зуннунова, Олов. *Пассажир поезда гуруллаб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПАССАТ [нем. *Passat* < голл. *passaat*] геогр. Тропик кенгликларда океанлар узра эсиб турадиган барқарор шамол, ҳаво оқими.

ПАССИВ I [лот. *passivus* – ҳаракатсиз] бух. 1 Корхона ва ташкилотларнинг барча қарзлари ва мажбуриятлари.

2 Бухгалтерия балансининг ўнг томони: корхона ва ташкилотларнинг мансублиги ва мақсадига кўра гуруҳланган маблағларининг (ўз захиралари, бошқа муассасалардан олинган қарзлар) ҳосил бўлиш манбаларини ифодалайди; *зид. актив I.*

ПАССИВ II [лот. *passivus* – сушт, сусткаш; лоқайд, иродасиз; мажҳул] Атрофдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга нисбатан бефарқ, лоқайд қарайдиган; ғайратсиз, фаолиятсиз, шижоатсиз; *зид. актив II, фаол.* *Пассив киши. Ишга юзаки, пассив қараш.* ■ *Мунисдаги норозилик ва пассив исёнларнинг ўзанлари ва шохобчалари муаллифнинг шахсий ҳамда ижтимоий ҳаёти билан боғлиқдир.* «ЎТА».

ПАССИВЛАШМОҚ Фаолияти сустлашмоқ, пассив, лоқайд бўлиб қолмоқ.

ПАССИВЛИК Нофаоллик, сусткашлик; лоқайдлик. *Агар кимдир ўзини сипороқ тутиб, гапларини ўйлаб, шошмай сўзласа, бундай одамларни юрагида ўти йўқ, деб пассивликка йўядилар.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги.

ПАСТ [ф. *پاست* – буйи қисқа, пакана, унча баланд бўлмаган; пасткаш; жирканч] I Юқори томон ўлчами, қадди, буйи унча баланд бўлмаган, баландлиги, буйи нисбатан қисқа; пакана, пастак. *Паст девор. Паст бўйли дарахт. Буйи паст одам.* ■ *Боғнинг атрофи эски, паст, лекин ямалиб, яққалиб бутунланган деворлар билан ўралган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу заҳоти ҳовлида паст бўйли йигит пайдо бўлди.* «Шарқ юлдузи».

2 Унча чуқур бўлмаган, саёз. *Паст дарё.*

3 Миқдори, даражаси, нархи унча катта, баланд бўлмаган, нисбатан кам, оз, қуйи.

Нархи паст мол. Паст маош олиб ишламоқ. ■ *Бунақа ювош хотинларга қайси эркак паст молни раво кўради.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

Тузи паст 1) тузи кам, керагидан оз туз солинган. *Овқатнинг тузи паст;* 2) кўчма мантиқ-мазмуни, маъноси йўқ. *Намунча гапининг тузи паст.*

4 Шиддати, кучи, даражаси унча катта бўлмаган, нисбатан кучсиз, заиф (иссиқлик, босим кабилар ҳақида). *Паст температура.* ■ *Стрелка сал кўтарилди-ю, яна ҳоли келмай, пастга тушди.* *Ортиқ, бензин қанча қолганини кўриб, ўзининг ҳам капалаги учиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

5 Унча баланд бўлмаган, бўш (овоз, нота кабилар ҳақида). *Кейин беғуноҳ кўзларини Алимардондан узмай, яна ўша паст, ўйчан оҳангда гапирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *У ўзини бироз тутиб олдида, паст овозда давом этди:* -*Қўрқманг, институтдан ҳайдамаймиш. Лекин одам деган бунақа маҳмадона бўлмайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 Сифати унча яхши бўлмаган; оддий, жўн. -*Қўп хонали уйлар қуриш масаласига келсак, аввало, бизда сифат паст, – деди Ёдгор ўйланиб.* - *Қўлингизни чўзсангиз, шифтга тегади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Лекин агар бирон ёш ёзувчи ўз имконияти даражасидан пастроқ асар ёзса, уни дарров огоҳлантириб қўяр эдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

7 Унчалик яхши эмас, юришмаган («бахт», «омад», «толе» каби сўзлар билан). *Ҳа, ўша толеи паст Жамила.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

8 Серёгин, ёмон, совуқ; *Бу йил ҳаво паст келди.* ■ *Барг етилмаяпти, баҳор паст келди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

9 Келиб чиқиши, насл-насаби юқори табақаларга хос бўлмаган, асилзода эмас. [Қизнинг] *Юзида оз-моз чиройи бўлгани билан, ўзи таги паст. Сизнинг остонангизга сира арзимайди.* Ҳамза, Танланган асарлар. [Имом:] *Отасини кўндирамин, унинг таги паст, жазоси пул-да.* Ж. Шарипов, Хоразм.

10 айн. пасткаш. *Ҳаммага ҳам қилигингиз шуми ёки мени шундай паст хотин деб ўйладинизми?* Ойдин, Икки кўзи шунда. *Паст кишида одамият нима қилсин.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Денгиз тубида дур,*

устида чўп-хас, Ўзгани паст билур кимки ўзи паст. Ш. Шомухамедов, Одам борки.

Назари паст ёки паст назар айн. паст 10. *Ҳазрат гоҳо сезиб қоладди: кўпларга паст назар билан қарашни ҳам ўрганганди Қурбон.. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Арзу ҳолинг эшитмас, Унда ишинг ҳеч битмас. Шунчалик назари паст – Нима берсанг олар у. «Муштум».*

11 Нисбатан қуйи ўрнашган жой; пастлик, чуқурлик. *Пастга тушмоқ. ■ Алимардон сирғаниб, соҳилдан авайлаб юриб, пастга тушди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Олмани тутиб, орқасига қайтса, тут шохдан шошиб, пастга ёшига бир қиз тушиб келяпти. С. Зуннунова, Олов.*

12 с.т. Ер, пол. *Челакни пастга қўй.*

13 Уйнинг кираверишидаги эшикка яқин жой; пойгак. *Ибодулла ҳам акасидан бир қадам пастга тиз чўка қолди. Ҳ. Фулом, Машғал. Этиги лой бўлгандан, Йўлчи танчага ўтирмай, наматнинг учини қайириб, пастроққа чўккалади. Ойбек, Танланган асарлар.*

Авжи паст 1) ўсиши, ривожланиши орқада қолган, унча яхши ўсмаган, ривожланмаган. *Авжи паст экинлар; 2) кўчма кайфияти бузук, ҳар вақтдагидан кўра ҳафсаласи йўқроқ, суст. Бугун дўстимнинг авжи пастроқ кўринадди. Ақли (ёки зеҳни, эси) паст* Ақли калта, ақли кўп нарсага етмайдиган, фикрлаш қобилияти нормал эмас. *-Эси паст, – деди Дехқонбой аканинг энсаси қотиб. С. Зуннунова, Олов. Ақлинг паст, мянғ ёғондан, қалбинг темирдан! Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. Сен зеҳни паст, безътиқод одам экансан. «Луқмони Ҳаким». Машқи паст айн. авжи паст 2. Паст келмоқ* Бўш келмоқ, ён бермоқ (бахсада, жанжалда). *Сахийлик, меҳмондўстликда андижонликлар Ҳотамдан ўтса ўтардики, аммо паст келмас эди. Шукрулло, Сайланма. Паст тушмоқ* 1) жаҳлидан, ҳовуридан тушмоқ. *[Боботой ота] Ўзининг бу ерга нима мақсадда келгани ёдига тушди, шекилли: – Бир санамас, мен ҳам дор тагидан қочганлар неварасиман, – деди бир поғона паст тушиб. «Ёшлик»; 2) хўрланмоқ, ўзини пастга урмоқ. Мен ҳали ҳасратимни, дардимни келиб-келиб сизларга айтдимми? Мен ҳали келиб-келиб одамгарчиликни, диёнатни, номусли тупроқ билан тенг қилган сиздай разил хо-*

тинфуруш, қўшмачилар олдида шунчалик паст тушдимми? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Пастга урмоқ Камситмоқ, ерга урмоқ; хўрламоқ. *Сизни ҳеч ким ҳозиргидай пастга урмайди. У ёғондан ҳам ташвиш тортиб юрмай қўя қолинг. Тўйни мана шу ерда ўтказамиз. К. Яшин, Ҳамза. Бировнинг уйига бостириб кирибки, шунчалик пасткашлик қилишяптими, қўйинг, гаплашманг, нима қиласиз ўзингизни пастга уриб, жон ўғлим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қўли паст* 1) иши ўнгидан келмаган, омад кулиб боқмаган; 2) ютқизиш ҳолига келган, ютқизиш олдида турган.

ПАСТА [итал. pasta – хамир] Тиббиёт, косметика, пазандалик, рассомлик соҳаларида қўлланидиган турли хил хамирсимон моддаларнинг умумий номи. *Тиш пастаси. Совун пастаси. Антисептик паста. Бўёқ пастаси. ■ Биринчи қилган ишим – юзимни икки-уч қайта совунлаб юиб, оғзимни чайиб ташладим. Уйга бориб, тиш пастаси билан ҳам ювдим. «Ёшлик».*

ПАСТАК [ф. پستک – «паст» с. нинг кичр.] с.т. Бўйи унчалик баланд бўлмаган, паст, пакана. *Пастак девор. Пастак уй. ■ Умид хаёллар оғушида маст эди. У жимжит хонада деразадан пастак томларга, этдабетда қўққайиб турган муриларга тикилганича, хаёл нахрида сузарди. Мирмуҳсин, Умид. Пастак уйлارнинг лойсувоқ томлари яхшилаб куралган, икки томондан тушган қор тор кўчани тўлдириб юборган, чеккада ингичка сўқмоқ йўл қолган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ПАСТАРИН [ф. پستارين – жуда паст] эск. кт. 1 Сифати, даражаси, мавқеи унчалик баланд бўлмаган; оддий. *Пастарин мол.*

2 Пасткаш одамларга хос; тубан, разил. *Азизбек.. қамалнинг иккинчи куни ўрда томига чиқди, энг кейинги, ҳам энг пастарин чорани кўрмакчи эди бу хоқон. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Нодон, пастарин одамлар ушбу замондаги баъзи арбоби ҳукуматларимиздан шикоят қилиб айтиурларким.. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

ПАСТ-БАЛАНД 1 Бўйи, баландлиги ҳар хил, ҳар хил баландликдаги. *Паст-баланд болалар. ■ Уфқни ўз гавдаси билан тўсган паст-баланд тоғлар қоп-қорайиб, ридо кийгандек силлиқ кўринарди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Турли табақадаги одамлар, катта-кичиклар. [Оқилова:] Сиз маҳалланинг паст-баландини биласиз. И. Қалаңдаров, Шохидамас, баргида.

3 Пастлик ва баландликлардан иборат; ўйдим-чуқур, нотекис. *Паст-баланд йўл.* ■ *Мана, ўшандан бери бир соатча вақт ўтди, шаҳар боғлари орқада қолиб, олдинда куйган калладай тап-тақир дашт, паст-баланд адирлар бошланди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Улар тор кўчани чангитиб, гурс-гурс қадам ташлаб ўтишди, паст-баланд тепаликлар этагида тўхташди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Турли икир-чикир, майда-чуйда, борди-келдилардан иборат бўлган. *Паст-баланд гаплар.* ■ *Ҳаммада бўладигандек, тирикчилик важдан баъзан ўртамизда паст-баланд гаплар ҳам ўтган.* К. Яшин, Ҳамза.

ПАСТ-БАЛАНДЛИК Паст-баланд, нотекис жой. *Улар паст-баландликлардан туртиниб-суртиниб ошиб, қурилишдан узоқлашди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ҳаёт асфальтга ўхшаган текис эмас, паст-баландликдан иборат.* К. Қаҳқорова, Чорак асп ҳамнафас.

ПАСТЕРЛАШ, пастеризация [фр. Pasteur — айни жараёни таклиф этган француз олими Луи Пастер номидан] *махс. ким.* Суюқликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари (мас., вино, сут)даги микроб ва замбуруғларни муайян муддат муайян ҳароратда қиздириш билан йўқотиш усули.

ПАСТКАШ [ф. پستکش — пастлик, разиллик қилувчи] 1 Арзимаган нарсанинг ҳам юзига борадиган, арзимас нарсаларга ҳам ўзини урадиган, назари паст. *Биздан сўнг яна учта-тўртта дўқондор кириб келади: ориқ-тирик, зиқна, кўпчилиги пасткаш одамлар.* Ойбек, Болалик. *Аёлларни фақат улуг одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди.* Газетадан.

2 сўк. Разил, ярамас. *Шунақа бебурд, пасткашмидинг, Неъматжон, илон бўлиб авраган экансан-ку мени.* А. Муҳиддин, Куёв қочди.

ПАСТКАШЛАШМОҚ Пасткаш, назари паст бўла бормоқ, разиллашмоқ.

ПАСТКАШЛИК Разиллик, ярамаслик, назари пастлик. *Бир умр эсимдан чиқаролмасам ҳам, бир умр ўтда қоверилсам ҳам, бундай пасткашлик қилмайман.* С. Зуннуно-

ва, Олов. *Ҳафиза Умиднинг садоқатини бир неча бор синаб кўрган. Бу йигитдан номавқулчилик — пасткашлик чиқмайди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПАСТКИ 1 Пастда ўрнашган, жойлашган, нисбатан қуйидаги, пастдаги. *Бинонинг пастки қавати. Дарахтнинг пастки шохлари. Пастки жағ. Пастки лаб.* ■ *Сихларда кабоб келгач, Бозоров жавоннинг пастки тортмасини очиб, бир шиша беш юлдузли коньяк олди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тоҳир пастки қаватдаги очиқ эшикларга бош тикиб қаради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Қуйи, бошланғич, биринчи босқичдаги. *Пастки курс.* ■ *Қори пастки синфларни ўқитар ва ҳар ёз ўқитувчилар қайта тайёрлов курсида ўқиб, билимини ошириб турарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПАСТЛАМОҚ 1 Пастроқ тушмоқ, пастга (томон) ҳаракат қилмоқ, пасаймоқ. *Самолёт пастлаб учиб ўтди.* ■ *Ҳатто бир кун Мирвали тоғ йўлида кета туриб, пастлаб учиб юрган вертолётни қирқма милтиги билан отиб туширмоқчи бўлиб чоғланганди-ю, катта жанжалга айланишини ўйлаб, бу шахтдан қайтганди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 кўчма Паст тушиб, пасайиб кетмоқ. *Иш суръати пастлаб кетди. У сўнги йилларда пастлаб кетди.*

3 кўчма Пасайтирмоқ, паст қилмоқ. -Э, шоирлар бор бўлсин. *Халқнинг дилидаги гапни топиб айтишади барака топкурлар, — деди кейин овозини пастлаб, Ҳамзага шивирлади.* К. Яшин, Ҳамза.

ПАСТЛАШМОҚ 1 Пастламоқ фл. ўзл. н. Унинг авжи анча пастлашди. *Ҳаво пастлашди.*

2 айн. пасткашлашмоқ.

ПАСТЛИК 1 айн. пасткашлик. -Бу одамгарчиликдан, виждондан эмас, бу пастлик, — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Паст ер, ўра, чуқурлик. *Канизак пастликка тушиб кетганида, орқасига бир қайрилиб қаради.* А. Қаҳқор, Қўшчинор чироқлари. *Улар сув ёқалаб бориб, пастликка тушди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Йўлчи отни елдириб, тепаликда кетаркан, орқада қолган пастликдаги боққа беихтиёр қаради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПАСТТЕКИСЛИК геогр. Океан сатҳидан 200 метргача баланд бўлган қуруқлик.

ПАСТҚАМ 1 Киши назари тушмайдиган; одамлар кам бўладиган; хилват, одамдан холи жой, овлоқ. *Ҳар замон-ҳар замонда обкашли кишиларнинг пастқам кўчаларда физиллаб кетаётганини учратиш мумкин эди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар. *Ҳозир дод соламан, бошимга одам йиғиб, мелиса мени пастқамга опкелиб, пора сўрайти, дейман.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳозга қараб кампир ўғли жўнади. Пастқамдан паналаб кетиб боради.* «Алпомиш».

2 шв. Унча баланд бўлмаган, пастак, паст ва кўримсиз (уй ёки бино ҳақида). *Уша [уттиничини] йиллардаги уйлар пастқам, диққинафас гувала уй, сомон томлар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўз шеърининг пастқам уйларда жаранлаганидан Аваз бениҳоя хурсанд, бу нарса унга яна илҳом бағишлар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Теварак-атрофга нисбатан паст, чуқур. *Пастқам жар лабида шумтолу анор Ҳамда бир итбурун усарди қатор.* Я. Қурбон.

ПАСТҚАМЛИК 1 айн. **пастқам 2, 3.** *Пастқамликдаги уйлар.*

2 Кишиларнинг назаридан узоқ, пастқам жой. *Сидиқжон Баҳробода кечки пайт, пастқамликдан, қалин дарахтзор ва адир ораликларидан бошланган шом қоронғиси борлиққа тарқала бошлаганда кириб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ПАСХА [юн. pascha < қад. яҳ. песаҳ — ўтмоқ] дин. **1** Христиан динининг православ мазҳабида шу диннинг асосчиси Исонинг тирилишига бағишланган байрам.

2 Яхудийларда: баҳорги диний байрам (яхудийларнинг Фиръвон асоратидан қутулиб чиқишига бағишланади).

ПАТ 1 1 Парранданинг дум ва қанотларини ташкил қилган, мутузсимон узун найчанинг икки ёнида икки қатор бўлиб ўсиб чиқадиган парлардан иборат аъзоси. *Товуқ пати.* ■ Саид Амин сўйилган ўнча бедани олдиға уйиб қўйиб, патларини юлмоқда. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Товуқ патидан ясалган елпиғичи билан чиройли юзини елпиб-елпиб қўяди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

2 Мато, гилам ва ш.к. нинг юзини қоплаган сунъий тук. *Уй ўртасидаги сандал устида исқирт кўрпа, ерда пати тўзиб кетган эски гилам, кичик бир шолча.* тўшалган. Н. Сафаров, Оловли излар. *Чўққи*

соқол, бошига пати тўзиб кетган сурмаранг духоба дўппи кийган, кўзойнакли, олтмиш ёшлардаги чол велосипед миниб келиб қолди. С. Аҳмад, Чўл бургути.

Патя тўзимоқ 1) тўзондек ҳар ён сочилмоқ, тўзимоқ. *Улар [самолётлар].. орқасидан тўзонли из қолдириб, ўқдай учиб борар, момиқ булутларнинг патини тўзитиб, олға парвоз этар, аммо овози эшитилмас эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга кўлоқ сол; **2)** кўчма жаҳли чиқмоқ, салга тутатиб кетмоқ. *Асарингни бугун босишмаса, эртага бошишадди. Назирийнинг битта таънасига дош беролмай, патинг тўзиб кетди-я! Эҳ, афсус! Шу ўринда жиндак худбинлик қилдинг.* К. Яшин, Ҳамза. **Патини юлмоқ** Бор-йўғини олиб қўймоқ, шилмоқ. **Қитиқ патига тегмоқ** Нозик жойини топиб, жаҳлини чиқармоқ, нафсониятига тегмоқ. *Айниқса, Фафур Фуломнинг гаплари баъзиларнинг қитиқ патига тегиб, ўйлантириб қўйди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги. *Бир мажлисда ҳам Шариф Рустамович бировларнинг қитиқ патига тегадиган сўзларни айтганди.* О. Мухторов, Эгилган бош. **Қитиқ патини юлмоқ** Нозик жойини топиб, тилини қисиб, мулойим қилиб қўймоқ. [Берди:] *Мен буларининг қитиқ патини юлиб, ром қилиб олмоқчиман!* А. Қодирий, Обид кетмон. **Қитиқ патини ўлдиримоқ айн. қитиқ патини юлмоқ.** *Бунинг қитиқ патини ўлдириб, ром қилиб олишим керак, деган фикр ялт этиб ўтди унинг миъсидан.* К. Яшин, Ҳамза.

ПАТ II [фр. pat — топшириш] Шахматда: ўйин дуранг ҳисобланадиган ҳолатларнинг бири, пот. *Ўйин пат бўлди.*

ПАТАК 1 от Оёқ кийими ичига қалин ва юмшоқ мато (мас., кигиз)дан қирқиб солинадиган тўшама. *Кавушим патагин қалин сол, Оёғимни қабартмасин.* «Фольклор».

Патагига курт тушди айн. пайтавасига курт тушди қ. пайтава.

2 сфт. Чигиллашиб, бир-бирига ёпишиб кетган (соч, соқол, юнг кабилар ҳақида). *Унг қўлини аста узатиб, унинг патак сочларини силади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қирқ ёшлардаги патак соқол, суяги бузуқ, бадбашара киши кирди.* С. Сиев, Ёруелик.

Патак илдиз Йўғон илдиздан ўсиб чиққан майда зич илдизчалар.

ПАТАКЛАШМОҚ Чигиллашиб, бир-бирига ёпишиб, киришиб кетмоқ, патак

қолга келмоқ (қ. **патак** 2). Қиш бўйи қўрада ётавериб, доғ-доғ жунлари патаклашган қўйлар.. «Ёшлик».

ПАТАРАТ с.т. Пароканда, тартибсиз, алғов-далғов. Янги кўчиб келган кезлари бу ерлар бир патарат қурилиш майдони эди. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

Патарат топмоқ с.т. Парокандаликка учраб маҳв бўлмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ. Сарсон-саргардон бўлиб ўлиб кетган хотинининг умрини нима билан тўлайсан? Йўқ бўлиб, тўзиб, патарат топиб кетган оиламга қанча ҳақ тўлайсан? С. Аҳмад, Жимжитлик. Омбор, сушилка қуриш учун берилган материалларни ўз ўрнида фойдаланмай, патарат топтириб, хижолат бўлиб юрган бетайин раисларни ҳам биламиз. А. Муҳиддин, Ошналар.

ПАТЕНТ [лот. patens, patentis — аниқ, очиқ] 1 Ихтироичига Давлат патент идораси томонидан бериладиган, унинг ўз ихтиросига муаллифлиги ва мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. «Амиридин» деган препаратни учун АҚШ, Буюк Британия, Швейцарияда патент олинди. «Фан ва турмуш». Таниқли ботаник олим Қаҳҳор Ҳожиматов бошчилигида ушбу шифобахш воситани яратган тадқиқотчилар эса Давлат патент идорасидан патент олишди. «Фан ва турмуш». Маъданларни қайта ишлашга оид ишлаб чиқилган технологияларга патентлар олинди. Газетадан.

2 Савдо-сотиқ ёки бирор касб-ҳунаран билан шуғулланиш учун рухсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжат. Илгариги қатта дўконини ёпиб, патентини топширди. А. Қаҳҳор, Сароб. Ҳожатбарорликда қадамлари ростланиб, хусусий меҳнат фаолиятини юргизиш учун патент олди. Газетадан. Ўша вақтлари патент олиб, ўзимнинг шахсий «Москвич»имда киракашлик қилар эдим. Газетадан.

ПАТЕНТЛАНМОҚ Патентга эга бўлмоқ, патент олмақ. Бундай қайта ишлаш усули Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизлаштириш институтининг доценти Бахтиёр Шойимардонов томонидан патентланди. «Фан ва турмуш».

ПАТЕФОН [фр. Pathe (Пате) — фирма номи + юн. phone — товуш] эск. Граммофон пластинкасига ёзиб олинган мусиқа, ашула,

нутқ кабиларни қайта эшиттириш учун хизмат қиладиган аппарат. Патефон пластинкаси. Патефон қўймоқ. Патефон эшитмоқ. ■ Лутфиниса туриб, патефон мембранасини кўтариб қўйди. С. Аҳмад, Уфқ. Муряссар ўрнидан туриб, патефонга пластинка қўйиб келди. Бирор ўн минут жимгина тамадди қилдилар. М. М. Дўст, Лолазор.

ПАТИЛА [а. فلة — бурам, ҳалқа; жингала(қ), гажак; ип, тола] Ўрилмаган, шокила (соч, гажим, попук кабилар ҳақида). Зубайда онасининг заҳил рангига, беш-ўнта оқ оралаган патила сочларига, лекин ҳали ҳам пистадек оғзига.. тикилганча, миқ этмай ўтираверди. К. Яшин, Ҳамза. [Ғозиддин] Уй олдидаги йўлда юнун кийинган, патила соч бир йигит қорға бурканиб, қорни ғирчиллатганича, у ёқ-бу ёққа тажсанг одимлаётганини кўрди. О. Мухторов, Эгилган бош.

ПАТИЛА-ПАТИЛА Ўрилмаган, тарқоқ, шокила-шокила, жингалак. Рустам уни дарров таниди: Катя! Ўзи. Қўнғир сочлари патила-патила, мовий кўзларида қуёш ёнади. В. Ғофуров, Вафодор. Унинг [Жасур] ёнига боргиси, патила-патила сочларини силаб, бўртиб турган мушакларини.. ушлаб кўргиси келди. Н. Қилмичев, Ёронгул.

ПАТИЛЛАМОҚ «Пат-пат» овоз чиқармоқ, патирламоқ. Ора-сира мотоцикл патиллаб ўтиб қолади-да, чўл бағрига ўқдек санчилиб, бир зумда йўқ бўлиб кетади. С. Аҳмад, Чўл бургути. Хотин чарс беданадай патиллаб, қочмоқчи бўлганида, юзини карнайгулнинг поясига уриб олди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

ПАТИНЖОН шв. Потинжон.

ПАТИР 1 [а. فطير — оширилмаган, кўптирилмаган (нон)] Кўпичча ёғ аралаштирилган, оширилмаган хамирдан чекичлаб тайёрланадиган юпқароқ нон. Шўрвага патир тўғрамоқ. ■ [Жондор] Хамири нуқул қаймоққа қорилиб, оғизда эриб кетувчи оппоқ патир нонларни.. ушатиб ташлади. Ойбек, Танланган асарлар. У [Паҳлавон] ёш шoirнинг ғамини еб, патир нон, қатлама, шарбат олиб келган эди. М. Осим, Карвон йўларида.

Патир ушатиш этн. Унашиш, унаштириш маросими. Ҳадича келин Шакархоннинг сочини уриб туриб: -Ҳа, нима гап, яна патир ушатиш бўляптими? — деди. Ойдин, Ўзи

монанд. **Хамир(нинг) учидан патир** Катта нарсанинг, ишнинг бошла(н)маси, дастлабки кичик бир қисми, улushi. *Бу ўтириш хамир учидан патир, катта зиёфат кейин бўлади.* ■ *Бу хамирнинг учидан патир, ўз қўлим билан эккан ҳандалакнинг тўнғич ҳосили.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ПАТИР II тақл. с. Кескин қанот қоқиш, тез айланиш ва ш.к. ҳаракат ва улардан чиқадиган товуш. *Каптар патир этиб қўлдан чиқди.*

ПАТИРЛАМОҚ I «Патир-патир» овоз чиқармоқ, патилламоқ. *Ўрмон шитирлаб қолди, Барглар патирлаб қолди.* Х. Олимжон. *Терак шохларидаги каптарлар уни танибми, патирлаб, осмону фалакка кўтарилди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

2 Тез ва кетма-кет пайдо бўлмоқ. *Тиниқ кўк юзида юлдузлар патирлай бошлади.*

ПАТИР-ПАТИР **Патир II с.** тақр. *Қушлар патир-патир учиб кетди.* ■ *Метин, беллар патир-патир Ишлайди канал ичинда.* «Фольклор». *Фаранг милтиқ патир-патир Отилди майдон ичинда.* «Равшан».

ПАТИР-ПУТУР тақл. с. Тез, кескин ҳаракат ва ундан ҳосил бўладиган товуш. *Ҳўрозларнинг патир-путури. Патир-путур отишма.* ■ *Кунлардан бир кун қош қорайганда.. каптархона ичи бирдан тўс-тўполон, патир-путур бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Чинқиш.

Патир-путур ишламоқ Тез, апил-тапил, шоша-пиша ишламоқ.

ПАТИССОН [фр. patisson — қулча қовоқ < pate — пирог] Қовоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик сабзавот ўсимлиги. *Патиссон тузламоқ.*

ПАТЛИ I Пат билан қопланган, пати бор. *Кўркам патли қуш.*

2 Сунъий тук билан қопланган, тукли. *Патли мовут.* ■ *Паст бўйли, янги брезент этик, галифе шим, гимнастёрка кийган.. бир киши таклифни кутмай, патли гиламдан дадил келиб, қўлтиғидаги қора чарм пакасини стол четига қўйди.* С. Нуров, Нарвон. *Маликаҳон ҳеч нарса демади, лабини истиғно билан буриб, пахтасини хирмонга бўшатди, кейин юзи патли, сариқ шиппагини ечиб, қоқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПАТНИС [р. поднос < подносить — олиб келмоқ] **I** Идиш-товоқ ёки бошқа бирор нарсани ташиш ёхуд нон, қанд-қурс, мева-

чева кабиларни солиб, дастурхонга қўйиш учун мўлжалланган, кенг, ясси, четлари сал қайрилган металл ёки пластмасса буюм. *Гулдор патнис.* ■ *Хилма-хил, ранг-баранг қимматбаҳо мева-чевалар билан лим тўла бўлган патнислар кетма-кет етказилиб турилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғуломжон кулиб туриб, олдидаги бўш қовун косаларини патнисга солди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Меҳмонларнинг олдига қўйиш учун тузалган шундай идиш. *Унинг [Мирзакаримбойнинг] кампири патнис ва бир чойнак чой олиб чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Холдорхон дастурхонга патнис қўяр экан, энгашиб туриб гапирди.* С. Зуннунова, Олов.

Самовар патнис Самовар остига қўйиладиган патнис.

3 Духовкада пишириладиган нарса териб қўйиладиган ясси тунука. *Сомсаларни патнисга териб, духовкага қўймоқ.* ■ *Сомсаларни қизитилган тандирнинг жағига ёпиб ёки патнисга ёғланган духовкага қўйиб пиширасиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПАТО- [юн. pathos — дард-алам, қайғу; бахтсизлик, касаллик] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг касаллик, дард, азобга алоқадорлигини билдиради (мас., *патология, патопсихология*).

ПАТОГЕНЕЗ [пато.. + юн. genesis — пайдо бўлиш, келиб чиқиш] *тиб.* Касаллик ва унинг айрим белгилари пайдо бўлиши ҳамда ривожланишидаги жараёнлар мажмуи ва уларни ўрганадиган соҳа.

ПАТОЛОГ Патология врач, мутахассиси.

ПАТОЛОГИК *тиб. I* Патологияга, касалликка оид. *Патологик анатомия. Патологик физиология.*

2 Меъёрдан ташқари, носоғ аъзога хос. *Патологик белгилар. Патологик ҳодиса.* ■ *Одам тишларида баъзи нонормаг ва патологик ўзгаришлар жуда аниқ билиниб туради.* «Фан ва турмуш». *Мен патологик жараён мияга боғлиқ эмаслигини аниқладим.* Н. Ёқубов, Жон.

ПАТОЛОГИЯ [пато.. + юн. logos — билим, тушунча] *тиб. I* Тиббиётнинг организмдаги касаллик жараёнлари ва ҳолатларини, касалликнинг пайдо бўлиш сабабларини ва оқибатини ўрганадиган соҳаси.

2 Меъёрдан четга чиқиш ҳолати, анормал тузилиш; анормаллик.

ПАТОПСИХОЛОГИЯ [пато.. + психология] Психологиянинг инсон бош миясининг зарарланиши ёки унинг етарли даражада ривожланмаганлиги натижасида келиб чиқадиган руҳий касалликларни ўрганадиган бўлими.

ПАТ-ПАТ *тақл. с.* Мотордан отилиб чиқётган газнинг узиқ-узиқ товуши ҳақида. *Равно идорага яқинлашар экан, бирдан пат-пат қилган мотор товуши жимликни бузди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ПАТПАТЛАМОҚ «Пат-пат» овоз чиқармоқ, *Движок патпатлаб, тарсиллаб юбордию, Денов хурмосидай қизарган лампочкалар бирдан ёниб, стол устию бутун хона ичи ғайритабиий ёришиб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

ПАТРИАРХ [юн. patriarches < pater, patros — ота + archo — бошқараман] **1 тар.** Уруғчилик жамиятида уруғ бошлиғи.

2 Православ черковида: энг олий ҳуқуққа эга бўлган руҳоний ва унинг унвони; православ черкови бошлиғи.

ПАТРИАРХАЛ Патриархатга, оила бошлиғи сифатида эркаклар чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган даврга оид. *Патриархал тузум. Патриархал муносабатлар.*

ПАТРИАРХАТ [юн. pater, patros — ота + archē — ҳокимият] **1 тар.** Ибтидоий тузумнинг матриархатдан кейинги, оилада, хўжалик ва ижтимоий муносабатларда эркаклар ҳукмронлик қилган даври, оталик даври.

2 Патриарх қўл остидаги черков бошқаруви тизими.

ПАТРОН [фр. patron — қолип, андоза] **1** ҳарб. Гильзага бир бутун қилиб жойланган (отилиб чиқадиган) ўқ, порох заряди ва пистон (капсюль). *Милтиқ патрони. Пистолет патрони. Унта патрон жойланадиган магазинли автомат.* ■ Қоровуллар қўлларидagi милтиқларни яна бир карра кўздан кечириб, эҳтиёт патронларни ҳозирладилар. С. Айний, Қуллар. *Натижа ёмон бўлмади: булар ёрдамида учта пулемёт, ўттиздан ортиқ патрон ўлжа олинди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 тех. Токарлик ёки пармалаш станокларида станокнинг айланувчи қисмига ўрнатиладиган, ишлов бериладиган детални

ёки кесувчи асбобни сиқиб тутиб турадиган мослама. *Пармани патронга ўрнаштирмоқ.*

3 Электр лампочкаси бураб киритиладиган ва уни электр тармоғига улайдиган мослама. *Куйган патронни алмаштирмоқ.*

ПАТРОНАЖ [фр. patronage — ҳомийлик] Тиббий муассасалар томонидан ёш (ғўдак) болалар, ҳомиладор аёллар ва айрим беморларга уй шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш тизими. *Айниқса, аҳолининг ижтимоий кам ҳимояланган қатламларига тиббий ёрдамни такомиллаштириш, самарали патронаж хизматини йўлга қўйишга катта эътибор берилди.* «Фан ва турмуш».

ПАТРОНТАШ [нем. Patronentasche — патрон халта] Милтиқ ва тўплонча ўқлари жойлаб олиб юриладиган махсус халта, ўқдон. *Лола юзурганича ўтовига кириб, қозикдан милтиқ, патронташни олиб чиқди.* Ё. Шукуров, Довюррак қиз. *Ўқ-дорилар ҳам етарли эканлиги кўриниб турарди: баъзилар катта патронташларини елкага осиб. олган эдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПАТРУЛЬ [фр. patrouille — кўриқчи, қоровул] Маълум ҳудуднинг хавфсизлигини таъминлаш ва тартиб сақлаш учун қўйилган қуроли кишилар ёки ҳарбий самолёт, кема кабилар гуруҳи. *Қуроли патруль. Милиция патрули. Дружиначилар патрули.* ■ *Билагига қизил лента боғлаган патруль-матрос вокзалга яқин келган халқ тўлқинини кузатар ва тартибга солиб турар эди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

ПАТТА [ф. پتہ — талон; рухсат, рухсатнома; чек] *с.т.* **1** Билет; чек; талон. *Поезд паттаси. Бозор паттаси.* ■ *Борса, дугонаси келмаган экан. Патта олиб, кино бошланар пайтигача уни бетоқат кутди.* Н. Қиличев. Чигириқ. *Ота, «Ҳеч бўлмаса шу зиёлинома одам патта йиртиб олади», деб ўйлаган эди. Йўқ, у йўлқира ҳам тўламай, зинага оёқ қўйиб тураверди.* С. Нуоров, Нарвон.

2 Гувоҳнома, ҳужжат. *-Кувёнинг Маъмуржон билан зағснинг никоҳ паттасини оласизлар, — деди Мамасайд.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Паттасини қўлига бермоқ (ёки тутқазмоқ) Рухсатини бермоқ, бушатмоқ, ҳайдамоқ, жўнатмоқ. *Ғиди-биди қилса, паттаси ўша кунни қўлига тутқазилади.* ■ *Раис-*

нинг паттасини қўлига бериб юборганимизга бу йил роса тўрт йил бўлди. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. Паттаси (қўлига) тегди Рухсат берилди, бўшатилади, жўнатилади.

ПАТТАЧИ с.т. Патта, билет, чек, талон сотувчи киши. -Бунга [трамвайга] тушиб, бир гашт қилардик, муллажиринг йўқ. Осилсар, паттачидан калтак еймиз, — деди ўртоқларимиздан бири. Ойбек, Болалик. -Бозор дарвозаси олдида турган паттачининг олдига қовун билан тарвузни омонат қўйиб, ичкари кирдик, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола. Бахтимга танишим — мош бозорининг паттачиси учраб қолди, сара мошдан анча арзонга биратула ўн килосини пакетга солиб берди. Газетадан.

ПАТТАЧИЛИК Патта сотиш билан шуғулланиш. -Олий маълумотли одам бозорда паттачилик қилгани уялмайсизми? — деб хижолат қилишди. Газетадан.

ПАУЗА [лот. pause < юн. pauses — тўхта-тиш, тугатиш] 1 Нутқ орасидаги, маълум иш жараёнидаги узилиш, тўхташ. Пауза чўзилиб кета бошлагандан кейин Гавҳар ўрнидан туриб, орқасига ўгирилди-да: -Ҳа, қани, ким қайси мавзуга қизиқади? — деб сўради. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 мус. Куй, ашула ўртасида муайян вақт узилиш, тўхташ ва унинг нотадаги белгиси.

ПАУПЕРИЗМ [лот. pauper — камбағал, мулксиз] иқт. Жамиятда ишсизлик, инфляция, кам даромад топиш, мулккий тенгсизлик билан боғлиқ бўлган оммавий қашшоқлик.

ПАФОС [юн. pathos — ҳис, завқ; эҳтирос] кт. Кўтаринки руҳ, жўшқинлик, завқшавқ. Пафос билан гапирмоқ. ■ Ҳамма теримда умуми меҳнат пафоси билан ишламоқда. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. Шоир фикрларидаги етакчи концепция, бош пафос замондошларимизнинг ҳаётий позициясидан, ҳаёт фалсафасидан нур эмиши, айниқса, нуфузlidir. «ЎТА».

ПАФОСЛИ кт. Завқ-шавқ билан тўлган, кўтаринки, жўшқин. Пафосли шеърлар.

ПАХМАЙМОҚ Тартибсиз ўсиб кетмоқ, чигаллашиб ва тўзиб кетмоқ, хурпаймоқ (соч, соқол, юнг ҳақида). Кийимларим йиртишиб, тиззаларимнинг кўзи шилиниб, соқолларим пахмайиб кетди. И. Раҳим, Оловкор.

ПАХМОҚ I I сфт. Тартибсиз ўсиб кетган, ўсиқ, хурпайган. Пахмоқ соч. ■ Чупон

ота.. пахмоқ соқолларини силаб, бағрини офтобга тоблаб, тоғ бағрига ёнбошлади. Ойдин, Ширинга мактуб. Пахмоқ соқол ўтирган ерида саломга алиқ олди. Т. Малик, Шайтанат.

2 Шох-шаббаси тартибсиз ўсиб тарвақайлаган сада шаклидаги. Сидиқжон катта йўлдан анча четда, каттакон пахмоқ бир дарахт остида милтиллаб турган чироққа томон бурилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чи-роқлари.

3 Юнги ёки соч-соқоли ўсиқ, бароқ. Жунлари ўсиқ пахмоқ қўйлар бўйинларини чўзганча сув тўлатилган охурларга интилади. С. Анорбоев, Ҳаракатда баракат. Тупроққа қоришиб ётган катта, пахмоқ кучук занжирини шалдиратиб, ўрнидан турди. Ойбек, Танланган асарлар.

ПАХМОҚ II Бир томони тукли, майин ва қалин ип газлама; бумазей. Пахмоқ қўй-лак.

ПАХСА [ф. پخشه] 1 Пишитилган лойдан устма-уст босиб қурилган девор ва унинг ҳар бир қавати, қатори. Бир пахса девор. Пахса қўймоқ (урмоқ). ■ Уч кундан кейин эшигимизга қора отлиқ келди. Пахсадан бўйини чўзиб қичқирди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Пахсадан иборат, пахсадан қилинган, қурилган. Унда-бунда қурилган пахса уйларда гўё ҳаёт йўқдай. «Саодат». Пахса деворлар нураб, қатор туюларнинг ўрқачларидек баланд-наст бўлиб қолган. Ҳ. Ғулом, Машғал.

Қўлини пахса қилмоқ Кафтини катта очган ҳолда қўлини тингловчи томон чўзиб, дағдаға билан гапирмоқ. Оқсоқол одамларни клубга тўплаб, ваъзхонлик қилди. Қизиқ, чол қўлини пахса қилиб, шунақанги гаплар айтдики, ҳаммаси қулоғимга михланиб қолди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Болта муаллим тезгина унинг олдида ўтиб, қўлларини пахса қилиб, алланималарни тушунтира кетди. Н. Нориқор, Тўқнашгув.

3 кўчма Карра, даража. Ганжанинг кайфияти яна бир пахса кўтарилди. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

ПАХСАКАШ [ф. پخشكش — пахса урувчи, қўювчи] Пахса девор урувчи, деворзан.

ПАХСАЛИ Пахсадан қурилган. Ичкари ҳовли тўққиз пахсали девор билан ўралган. Ж. Шарипов, Хоразм. Хув оқарган қўшқаватли

қўрғонча, Деворлари тўрт пахсали, мустаҳкам. Ф. Фулом.

ПАХСАЧИ айн. пахсакаш.

ПАХТА 1 Ғўза ўсимлигининг чигит ва толалардан иборат оппоқ юмшоқ ҳосили. Узун толали пахта. Чигитли пахта. Чигитсиз пахта. Пахта териш. Эски пахта бўз бўлмас, асли душман дўст бўлмас. Мақол. ■ У кечкурун терган пахтасини табелчига ўтказиб, ювиниб-тараниб.. қишлоққа жўнади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Ипак пахта Толаси ингичка, узун ва пишиқ пахта. Тилда достон Фарғона — Ипак пахта дийри. Ё. Мирзо. Пахта тозалаш 1) пахтани хас-хашак, чанг-тузондан тозалаш; 2) пахтани чигитдан айириш. У шаҳарга киргандан кейин пахта тозалаш заводи ёнидаги бекатда тушиди. Т. Ашуrow, Оқ от.

2 Чигитдан ажратилган шу маҳсулот; момик. Пахтадан ип йигирмоқ. ■ Вазиранинг энида шафтоли зулига монанд, кўкси очик, елкасига пахта қўйиб тикилган шойи қўйлак. С. Аҳмад, Уфқ. Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўртинчи ўринда.. туради. Газетадан.

3 с.т. айн. ғўза. Узоқ-узоқда ҳали кун кўтарилмаганига қарамай.. қўлларига кетмон ушлаган йигитлар пахта суғориб юрибдилар. А. Қодирий, Обид кетмон.

4 сф.т. Гули, тасвири (очилган) пахтага ўхшаш. Қурбонов чўнтагидан ён дафтарча чиқарди: -Бу кишига ўттизта чайнак, юзта пахта гулли пилё.. тақсимчаси билан. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Пахта гулли чайнакни олдиға тортиди. Т. Ашуrow, Оқ от.

Кўзининг пахтаси чиқмоқ Ғазаб ёки ҳаяжондан кўзлари катта-катта очилмоқ, кўзи ола-кула бўлмоқ. Ортиқ талвасада, қўллари билан бошини тўсиб, кўзининг пахтаси чиқиб, тисарилди. М. Мансуров, Ёмби. Пахта олма Узоқ сақланмайдиган эртапишар маҳаллий олма нави. Пахта олма тишиди, шотут қизарди. Учтинчи чопиқни бошладик кеча. Ф. Фулом.

ПАХТАДОҒ Пахтани ўтга тоблаб ёки қизитилган ёққа булаб, шишга, ярага қўйиладиган иситувчи компресс. Пахтадоғ шишни қайтаради.

Пахтадоғ қилмоқ Қизитилган ёққа буланган ёки ўтда тобланган пахта билан компресс қилмоқ. -Нима гап бўлди, дадаси?

— сўради пахтадоғ қилиб келган онайи зор шошилиб. «Шарқ юлдузи».

ПАХТАЗОР Ғўза экилган жой, ғўза билан банд ер, дала, майдон. Пахтазор водий. ■ Катта кўча билан айланиб ўталмизи? Пахтазорни кесиб чиқа қолайлик. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Ҳу ана, сомон шяпали Олимов пахтазор чеккасидан келяпти. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ПАХТАК Дуккаклиларга мансуб, бўёқчиликда хомашё сифатида ишлатиладиган бута.

ПАХТАКАШ тар. Чувилмаган кўсақларни сотиб олиб, чувиб ёки чувитиб, баъзан чигитдан ҳам ажратиб сотиш билан шуғулланадиган киши; пахтафуруш. -Илоҳи тавба, — деди бир пахтакаш, — болачақалар бир ҳафта тирноқ кўчириб, ғўза чувиганлар. С. Айний, Қуллар.

ПАХТАКОР 1 Чигит экиш билан шуғулланувчи, пахта етиштирувчи киши. Илғор пахтакор. ■ Оддий пахтакор аввал қандай ишлаган бўлса, ҳамон шундай, пахтага ҳеч қачон хиёнат қилмайди. «Саодат». Чорвадорсан, ботирсан — қўлда қўбизинг билан, Пахтакорсан, ишчисан, дарёни бурувчисан. А. Орипов, Йиллар армони.

2 сф.т. Чигит экиб, пахта етиштирадиган. Пахтакор ерлар.

ПАХТАКОРЛИК 1 Чигит экиш билан шуғулланишлик; пахтакор касби. Донгдор пахтакорлигимиз оламга машҳур. Пахтакорлик шарафли касб.

2 айн. пахтачилик 2. Бироқ пахтакорликни ривожлантиришдан туб аҳолининг ҳаёти яхшиланди. Газетадан.

ПАХТАЛИ Пахтаси бўлган, пахта солинган. Пахтали шим. Пахтали чопон. ■ Очил эса ёқаси ва енларига қўнғир клеёнкадан жияк қўйиб тикилган эски пахтали фуфайкада.. эди. П. Қодиров, Уч илдиш. Саодат кампир пахтали нимчасини олиб кийди. «Саодат».

ПАХТАЛИК с.т. от Авра ва астар орасига пахта солиб тикилган қишлик уст кийим. Кумуш тонг билан бирга уйғонган Фароғат калта пахталигини кийиб, далага чиқиб кетди. Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. Кўп ўтмай, чайлада мен билан пахталик кийган йигитдан бошқа ҳеч ким қолмади. Ў. Умарбеков, Олтин япроқлар.

ПАХТАТИКАН Пояси қисқа, барглари майда тиканли, кўп йиллик ёввойи ўт.

ПАХТАФУРУШ тар. Пахта савдоси билан шуғулланган киши. *Мен Абдурашид пахтафуруш деган бойнинг аравасини минар эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ПАХТАЧИ 1 эск. Пахта тозалаш ва пахта савдоси билан шуғулланган бой. *Дада, энди пахта заводи қурмасак бўлмайди. Модомики, пахтачи бўлдим, заводсиз илож йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 с.т. айн. пахтакор. Кампирнинг бир қизи колхоз раиси.. биттаси колхознинг сут фермасида ишлайди, ўғли тажрибакор пахтачи. *Ф. Расул, Тунғич ўғил.*

ПАХТАЧИЛИК 1 қ. пахтакорлик 1. Пахтачилик билан шуғулланмоқ. *Пахтачиликда катта ва кўп тармоқли хўжаликни бошқаришда ўттиз йиллик тажриба эгаси!* К. Қаҳҳорова, Чорак аспр ҳамнафас.

2 Қишлоқ хўжалигининг ғўза экиш, пахта етиштириш билан шуғулланувчи тармоғи. *Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачиликдир. Пахтачиликнинг ривожланиши. Пахтачиликни механизациялаштириш. Пахтачилик илмий-текшириш институти.* ■ *Демак, пахтачиликни ривожлантиришдан асосий мақсад туб аҳолининг ҳаётини яхшилашдир.* Газетадан.

3 Муайян туркумга мансуб ғўзанинг келиб чиқиши, эволюцияси, ўсиши ва ривожланиши, уни деҳқончиликда етиштириш қонуниятлари ҳақидаги фан.

ПАХТАШУНОС Пахта илми, пахтачилик билан шуғулланувчи мутахассис.

ПАЦИЕНТ [лот. *patiens, patientis* — азоб тортувчи, бемор, сабр қилувчи] Тиббий хизмат кўрсатилаётган ёки тиббий кўрик жараёнида бўлган шахс.

ПАЦИФИЗМ [лот. *pacificus* — келиштирувчи, тинчлантирувчи] Ҳар қандай урушга қарши бўлган ва ер юзида тинчлик бўлишини ёқловчи дунёқараш, оқим. [Эйнштейн] *Халқаро пацифизмга яқиндан ёрдам бериш учун кўп куч сарфлади.* «Фан ва турмуш».

ПАЦИФИСТ Пацифизм тарафдори.

ПАЦИФИСТИК Пацифизмга ва пацифистга оид. *Пацифистик қараш. Пацифистик ҳаракат.*

ПАЧАВА Ниҳоят даражада ёмон, расво (иш, аҳвол ҳақида). [Шокир ота] *Ёлғиз ўзи эмас, балки бутун аҳли касибнинг аҳволи*

пачава эканини очиб ташлади. Ойбек, Танланган асарлар.

ПАЧАВАСИ чиқмоқ Ниҳоят даражада ёмонлашмоқ, расво бўлмоқ, расвоси чиқмоқ. *Ахир, салгина ношудлик ишнинг пачавасини чиқариб қўяди.* Н. Фозилов, Оқим. *Ўз бошлигининг.. «Ишнинг пачавасини чиқардингиз», деган товуши эшитилгандек бўлди.* Шухрат, Умр поғоналари.

ПАЧАКИЛАШМОҚ Бекорга тортишмоқ, баҳслашмоқ, ади-бади айтишмоқ, гап талашмоқ. *Соҳиб қори бетгачопар Бегимхон билан пачакилашиб ўтирсиси келмай, ташқарига чиқа бошлаган эди, Бегимхон уни этагидан судраб, яна айвонга олиб чиқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. — *Сен бошингни кўтар, мишиқилар билан пачакилашма, — дейди Турғунали.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ПАЧАҚ 1 Букилиб, эзилиб ёки синиб ичига ботган; абжағи чиққан; мажақ. *Пачақ челақ. Машиннинг қаноти урилиб пачақ бўлибди.* ■ *Йигит узоқда ҳайбатли темир уюмлари сингари ағанаб ётган пачақ паровозларга тикилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *У [самоварчи] устанинг кўлига туша-туша хўп эзилган, қорни пачақ, чиркин катта самоварнинг олдида ёғоч елкасини қисиб ўтирарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Синик, синган. *Пачақ тухум.*

Пачағи чиқмоқ 1) пачақ бўлмоқ. *Челакнинг пачағи чиқди;* **2)** кўчма абжағи чиқмоқ, тор-мор бўлмоқ. *Урушда пачағи чиққан бу “зобит”лар ҳали ҳам ўзларини кўкларда ҳис қилар, ҳали ҳам ғолиблардек мағрур эдилар.* Х. Гулом, Машъал.

3 Уринган, эзилган. *Пачақ олма.*

4 кўчма Яхши ўсмай, ривожланмай, майда бўлиб қолган; реза, ушоқ. *Пачақ бола.* *Пачақ ўсимлик.* ■ *Ҳавас қилиб келган Бургутим ҳар кун кўриб юрган оддий кишилардай, жуссаси ҳам, юзи ҳам, қарашлари ҳам оддий, пачақ бир йигит бўлиб чиқди.* С. Аҳмад, Чўл бургутги.

ПАЧАҚЛАМОҚ 1 Пачақ қилмоқ, мажақ қилмоқ, эзмоқ. *Бола тухумни пачақлади.*

2 кўчма Тор-мор қилмоқ, абжағини чиқармоқ. *Душман армиясини пачақламоқ.* ■ *Пачақлаймиз қириб, қўрқинч ёв бу, Шаҳарга ўт қўювчи зўр олов бу.* Ҳабибий, Девон. *Бутун юлдузларингни тош қилиб от, Пачақлаб ерга ур, чалпак қилиб қот.* Ҳабибий, Девон.

ПАЧАҚ-ПАЧАҚ Бутунлай майда-майда, пора-пора бўлган, пачағи, абжағи чиққан. *Тарелка тошга урилиб пачақ-пачақ бўлди.* ■ *Шашвар тўқмоқ билан бошига урдим, боши пачақ-пачақ бўлиб кетди.* «Эртаклар».

ПАЧКА [р. пачка < нем. Pack, Packen — боғлам, ўрам; даста, шода] Тахланган, ўралган, боғланган ёки қутичага жойланган бир турдаги нарсалар. *Ун пачка қалам. Турт пачка папирос. Бир пачка чой.* ■ *Дўкондан бир пачка сигарета олиб, уйдан унча узоқ бўлмаган зоопаркка йўл олди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПАЧКАЛАМОҚ Бир хилдаги нарсаларни тахлаб, ўраб боғламоқ ёки қутичаларга жойламоқ, *Юз сўмликларни пачкаламоқ. Дафтарларни пачкаламоқ. Сигареталарни пачкаламоқ. Чой пачкаламоқ.* ■ *Зоҳир ака қирқиб четин, Пачкалаб тез бирин-кетин, Ҳар томонга жўнатади, Китобхонни қувнатади.* О. Юнусхонов.

ПАЧКАЛИ Пачкаларга жойланган, пачкаланган. *Пачкали қалам. Пачкали печенье. Пачкали нул.*

ПАШМАК I [ф. پشمک — тола-тола шаклли ҳолва] Ёғда қовурилган ун ва қиёмдан тола-тола қилиб тайёрланган ва махсус ўлчовда кесилган маҳаллий ширинлик. *Баққоллар кичкина-кичкина дўкончаларида ярим кечага қадар савдо қиладилар. Пашмак, турли-туман.. ҳолвалар, ниста-бодом, аччиқ-чучук мағизлар, новвотлар, парвардалар, от-нон, хўрозқандлар сероб.* Ойбек, Болалик.

ПАШМАК II *бот.* Шўрадошлар оиласига мансуб, танаси қалин тола ва тангачалар билан қопланган бир йиллик ўсимлик.

ПАШМАЛОҚ I Бошқаларга нисбатан энг кейинги ўринда турган, ҳали кўзга кўринмаган, мавқеи, мартабаси паст; оддий. *Пашмалоқ савдогар.* ■ *Мен энди.. мадрасада пашмалоқ маҳдумлардан бўлиб қолдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *кўча* Оддий, жўн, шунчаки. *Тегирмончи: -Лекин сиз ҳануз пашмалоқ гапларни айтиб келгансиз! — деди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ПАШША [ф. پشه — чивин] Ёзда жуда кўпайиб кетадиган, турли суоқ органик моддалар билан озиқланадиган қўш парда қанотли ҳашарот. *Йўл пашша. Пашшаларни қўримоқ. Қора пашша.* ■ *Атрофда гув-гув*

пашша: оёқларга ёпишади, бурун каталарига суқилади, қулоқларни узади. Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамма ёқ жим. Фақат пашша гинғиллайди.* А. Қаҳҳор, Бемор.

Ошга пашша бўлмоқ айн. ошга пашша тушмоқ. *Марзияникуга борганимда доим ошга пашша бўладиганлар Душан билан Фозил эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. **Ошга пашша тушмоқ** Бегона киши аралашиб, ишни бузмоқ, ишнинг белига тепмоқ. *-Эсизгина, энди гаплаша бошлаган эдик-а. Ошга пашша тушди, — деди Элмурод бошини чайқаб.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Пашша(ни) қўриб ўтирмоқ** Бекор вақт, кун ўтказмоқ, кунни бекорга ўтказмоқ. [*Бобоқул ота:*] *Ҳамма далага ёпишиб ётган бўлса-ю, мен идорада пашша қўриб ўтирсам келишмас.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Пашшадан фил ясамоқ ёки пашшани (ёки пашшадай нарсани) фил қилмоқ** Арзимас нарсани ошириб юбормоқ, улғайтириб кўрсатмоқ, ҳаддан ташқари муболага қилмоқ. *Уззукун пашшани фил қилиб, қаёқдаги гапларни чулғатиб юрдингиз, мана энди эл олдида юзингиз шувут.* А. Муҳиддин, Кўнгиллар.

ПАШШАЛАШМОҚ Атрофида айланиб, ёпишиб хиралик қилмоқ, майда-чуйда гап, ноўрин хатти-ҳаракатлар билан жонга тегмоқ. *Терганлари паллага келмайди-ю, яна биз билан пашшалашадилар.* «Аския». *Мудир ўртоғингиздан ҳам хафа бўлдим, тозаликка эътибор бериш ўрнига оишнома ҳамма билан пашшалашиб ўтирибди.* «Аския».

ПАШШАХОНА [пашша + хона] Пашша ва чивин каби ҳашаротлардан сақланиш учун тутиладиган махсус чодир. *Пашшахонада ухламоқ.* ■ *Сўнг кечқурун савдогар вазир келиб кирса, оқ пашшахона тутилган сўрида Қундузхон ётган эмиш.* «Фольклор». *Пашшахонага қамалиб олган искабтопар Иқболнинг юзини қачиб, уйғотиб юборган эди.* С. Абдулла. Иқбол.

ПАШШАХЎРДА [ф. پشه خورده — пашша еган, талаган; пашша чаққандан кейин узоқ тузалмайдиган яра, жароҳат] Бирор жойга тез-тез келиб турадиган, хира бўлиб ёпишиб оладиган одам. *Пашшахўрда бўлмоқ.* ■ [*Уста:*] *Пашшахўрдаларни қувиб, полвоннинг жиловини тортиб қўясан.* О. Ёқубов, Ларза. *Карвонсаройларда нияти бузуқ, шубҳали одамлар ҳам пашшахўрда бўларди.* М. Осим,

Ўтрор. Бу ялоқи, Гавҳарнинг атрофида бекорга пашшахўрда бўлаётгани йўқ. Ҳ. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПАШШАҚҲУНМАС Тиканақли, хушбўй йирик гулли бутасимон ўсимлик.

ПАҚ тақл. с. Портлаш, отилиш каби ҳолларда эшитиладиган кескин товуш. *Шар "пақ" этиб ёрилиб кетди. ■ Милтиғидан "пақ" этган овоз чиққач, бир одам дарахтнинг катта томирига.. мункиб тушиб, қимирламай қолди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Хотини сут соғайтган пақирини пақ эткизиб ерга қўйди-да, даст ўридан турди, Карим акага қараб шанғиллаб кетди. М. Ҳазратқулов, Журъат.*

ПАҚИЛЛАМОҚ "Пақ" этган товуш, овоз чиқармоқ. *Аллақачон ширатхона лиқ тўлган, эшиқбон эшикка тамба урган эди. Орадан ҳаял-замон ўтмай, у ер-бу ердан ишшларнинг пақиллаб очилаётгани эшитила бошлди. Н. Қўлишев, Чияғирқ. Йўлнинг ярмига борганда, мотор тумов бўлгандек бир-икки пақиллаб, машина тўхтаб қолди. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. Аввалига пақиллаган, кейин вишиллаган, сўнг қулт-қулт этган овоз чиқди. С. Маҳқамов, Ёстиқ ичида игна.*

ПАҚИР I Сув ва б. суюқликларни ташиш ва асраш учун ишлатиладиган, бандли, цилиндрсимон идиш; челак. *Афанди бир кун кечаси қудуқдан сув олгани пақир солган эди, сувада ойнинг аксини кўрди. «Латифалар». У [Азизбек] қопдаги какликларнинг тиригини товукхонага қамаб, ўқ еанларини қопқоқли пақирга солиб, супага олиб чиқиб қўйди. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

ПАҚИР II эск. Икки тийинлик чақа. *Сўзимга ишон, бошқа бир пақир ҳам нулим йўқ. И. Акрам, Адолат. Шундай хурсандликдан бир-икки марта бўлса, менинг ёнимда бир пақир ҳам қолмас экан. «Латифалар».*

Бир пақирга олмаслик Назар-писанд қилмаслик, баҳосини, қадр-қимматини ерга урмоқ. *Ҳафиза ўзини у ёқ-бу ёққа солиб, пинагини бузмай тура берди. У ҳатто бу аччиқ таъналарни эшитмагандай, эшитса ҳам, бир пақирга олмай, сур бўлиб турарди. Мирмуҳсин, Умид. Бир пақирга қиммат (ёки арзимайди) Ҳеч нарсага арзимайди, жуда ёмон, паст, арзимас.*

ПАҚПАҚ I Болаларнинг бир бўлак лойни пиёла шаклига келтириб, тўнтариб ерга уриб пақиллатиш ўйини. *Пақпақ ўйнамоқ.*

ПАҚПАҚ II Кўсакка ўхшаш, ичи бўш мевали кўп йиллик ўсимлик.

ПАҚҚОС рвш. Бус-бутун, қолдиқсиз, қолдирмай; бутунлай, тамомила. *Эргаш чой дамлаб келганда, Азмиддин лагандоғи ошнинг қолганини паққос тушириб, ёғини ҳам ялаб бўлган эди. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. Айтмоқчи, мен сизларни таништиришни паққос унутибман-ку. Уни қаранглар-а! Бу киши — Аълам ака бўладилар. М. Мансуров, Ёмби. Унинг ёнида бўлсанг, ўтмишингни паққос унутасан, соп бўлган одам эмаслигингни дарров пайқайсан. А. Мухтор, Туғилиш.*

ПАҒА I эск. Чархда ип йитгириш учун тахтакача пилталаб, юмалоқлаб қўйилган бир сиқим чигитсиз пахта, пахта пилтаси.

2 Пахта каби юмшоқ ёки тарқалувчан нарсаларнинг бир парчаси, уюми ёки тўдаси. *Пахта пағалари. Тутун пағаси. ■ Даштининг у ер-бу ерида.. қор пағалари ётар эди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Тоғ томонидан кўтарилиб, қуёш бетини қоплаб турган бир паға булут чўкканда, Тиктепа ерлари нур ичига чўмиб кўринадди. А. Қодирӣ, Обид кетмон.*

Паға бўлмоқ Жуда оқариб, рангсизланиб кетмоқ. *Холбўта бошини кўтарганда, Саидмурод ўқ узди. Қўрбошининг ранги паға бўлиб кетди. Нариги томонда раҳбада чўзилиб ётишган Комил билан Ҳамид санчиб туришди ва дарров нима гап-сўзлигини фаҳмлаб, Саидмуродга ташланишди. «Ёшлик».*

ПАҒАМОЛ эск. Чигитсиз пахтани ҳимариб, пилталаб юмалоқлаш учун ишлатиладиган қаламсимон асбоб; пилтакач.

ПАҒА-ПАҒА Тўда-тўда, парча-парча (пахта, булут, тутун кабилар ҳақида). *Паға-паға пахта. Паға-паға қор. ■ Паға-паға тутунлар Кўтарилар мўридан. С. Акбарӣ. Қорамтир булутлар.. паға-паға бўлиб, тез сузиб кетди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

ПАҲЛАВОН [ф. پهلوان — қахрамон, ботир] I Барваста ва забардаст; жисмоний бақувват, баҳодир. *Паҳлавон ўғлон. ■ Аҳмаджон у ёқ-бу ёққа борса, ёнида паҳлавон оға-ини, вафодор ёр, садоқатли жўралар ҳамроҳ бўлиб юргандай, ҳеч кимдан ҳайиқ-майди, кўнгли тўқ. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Ўзи ҳам ҳудди шерга ўхшаган, чиройли паҳлавон йигит экан. С. Исмоилзода, Темур.*

2 Ботир, қахрамон. *Паҳлавон жангчи.* ■ *Бугун яна Нилдан ўтган қарвонлар, Девни йиққан паҳлавонлар сўзласин.* А. Шер. *Ривоятда айтилишича, шаҳарликлар паҳлавоннинг жасадини топиб, тантана билан дафн этишибди.* «Фан ва турмуш». *Йигит куйласин, жангда Чин паҳлавон бўлдим, деб.* Ҳ. Пўлат.

3 *кўчма* Забардаст, кучли. *Дўстларим, хайратда қолмангиз фақат, Паҳлавон асрга шу гаплар мосдир. Инсон боласига меҳр ила шафқат — Ҳаммага хос эди, бизга ҳам хосдир.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПАҲЛАВОНЛАРДАЙ, =дек айн. паҳлавонларча. *Паҳлавонлардек улкан гавдали, айни куч-қувватга тўлган Усмоҳхўжага бир пиёла май ялагандек ҳам таъсир қилмас, кўпинча, лабларини алам билан чапиллатиб, қайтиб кетарди.* Ҳ. Тўхтабоев, Йиллар ва йўлар.

ПАҲЛАВОНЛАРЧА *рви.* Паҳлавонлар каби, паҳлавонлардек, паҳлавонларга ўхшаб.

ПАҲЛАВОНЛИК Ботирлик, қахрамонлик; бақувватлик. *Паҳлавонлик кўрсатмоқ.*

ПАҲЛАВОНСИФАТ Қомати, қуввати паҳлавонларга ўхшаш, паҳлавон гавдали. *Ияклари осилган бу паҳлавонсифат киши минбар зиналарига катта, кўпол оёқларини бир-бир босиб чиқаркан, тувони зарбидан тахталар ғирчилларди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ПАҲПАҲЛАМОҚ *с. т.* Ҳаддан ташқари аямоқ, авайламоқ, ардоқламоқ. *Болани паҳпаҳлаб ўстирмоқ.*

ПЕДАГОГ [юн. *paidagogos* — тарбиячи] Педагогика мутахассиси; болалар ва ёшларни тарбиялаш ва ўқитиш билан шуғулланувчи, шу соҳа бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган шахс, ўқитувчи. *Моҳир педагог. Мактаб педагоглари жамоаси.* ■ *Уз талабаларида география фанига алоҳида меҳр уйғота олган моҳир педагоглардан.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Педагогнинг вазифаси юксак, мураккаб ва олийжанобдир.* «Фан ва турмуш».

ПЕДАГОГИК 1 Педагогга оид, хос. *Педагогик жамоа. Педагогик фаолият. Педагогик маҳорат. Педагогик амалиёт.*

2 Педагогикага оид. *Педагогик асарлар. Педагогик билимлар. Педагогик жараён.*

ПЕДАГОГИКА [юн. *paidagogike* < *país, paidos* — бола + *ago* — етаклаб бораман, тар-

бия қиламан] 1 Тарбия, таълим ҳамда маълумот беришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганувчи фанлар мажмуи. *Бўлғуси педагоглар практика жараёнида педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари устида иш олиб борадилар.* «Фан ва турмуш».

2 Айни шу соҳа (мутахассислик) бўйича ўқув фани.

ПЕДАГОГЛИК Педагогнинг вазифаси, иши, фаолияти; ўқитувчилик, мураббийлик. *Педагоглик қилмоқ.* ■ *Боланинг раъйини — кўнглини синдирган, тушунмаган одамга педагоглик касби хайфдир.* Газетадан.

ПЕДАЛЬ [фр. *pedale* < лот. *pes, pedis* — оёқ] Машина, велосипед, дастгоҳ ва баъзи мусика асбобларининг оёқ билан ҳаракатга келтириладиган ричаги, тепкиси. *Велосипед педали. Пианино педали.* ■ *У [Мирвали] газ педалини охиригача босди. Машина гўё ҳавога кўтарилиш олдидан тезлик олаётган самолётга ўшарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПЕДАНТ [фр. *pedant* < итал. *pedante* — педагог, ўқитувчи] Расмиятга, амалдаги тартиб ва қоидаларга изчил риоя қилувчи, ўтакетган синчков киши. [Усмонов]: *Инсон зоти табиатан педант ва консерватор бўлади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

ПЕДАНТИЗМ айн. қ. педантлик.

ПЕДАНТЛИК Расмиятга, амалдаги тартиб ва қоидаларга ёпишиб олиш, ўтакетган синчковлик, расмиятчилик.

ПЕДИАТР Педиатрия мутахассиси, болалар врач.

ПЕДИАТРИЯ [юн. *país, paidos* — бола + *iatreia* — даволаш] Тиббиётнинг болалар анатомияси, физиологияси, патологияси ҳамда касалликлари ва уларни даволаш усулларини ўрганиувчи бўлими.

ПЕДИКЮР [фр. *pedicure* < лот. *pes, pedis* — оёқ + *curare* — парвариш қилмоқ] Оёқ бармоқларини махсус парвариш қилиш.

ПЕДОЛОГ Педология мутахассиси, педология соҳасидаги олим. *Маишхўр педолог олимларнинг асарлари ва фаолиятлари оппонентлар томонидан кескин танқид қилинди.* Газетадан.

ПЕДОЛОГИЯ [юн. *país, paidos* — бола + *logos* — фан, таълимот] Бола ривожланишига нисбатан психологик, биологик, ижтимоий (социологик) қарашлар мажмуи; болалар ҳақидаги фан (19-аср охирида АҚШ

ва Фарбий Европада пайдо бўлган). *Шахс ва жамият ҳақидаги фанлардан социология, генетика, педология каби фанларни ўқитиш таъқиқлаб қўйилди.* Газетадан.

ПЕЙЖЕР [ингл. pager] Кодланган хабарни матнли, рақамли, овозли ахборотга айлантириб, махсус сигналлар ёрдамида узоқ масофага узатувчи қурилма. *Сенга пейжер орқали хабар бераман.*

ПЕЙЖИНГ [ингл. raging] Пейжер воситасида алоқа қилиш усули.

ПЕЙЗАЖ [фр. paysage < pays – жой, макон] 1 Бирор жойнинг кўзга ташланиб турган умумий кўриниши; манзара. *Ўрмон пейзажи. Тоғ пейзажи.*

2 Тасвирий санъатнинг табиат манзараларини тасвирлаш билан шуғулланадиган тури; табиат манзараси тасвирланган сурат.

3 Адабий асарда манзара тасвири, табиат манзараси, табиат лавҳалари. *Ҳамид Олимжон бу шеърда Ўзбекистоннинг пейзажини яратилганда моҳир бир санъаткор сифатида гавдаланади. «Ватан адабиёти».*

ПЕЙЗАЖЧИ Пейзаж чизадиган рассом. *У [Ўрол Тансиқбоев] ҳаваскорликдан Ўзбекистоннинг кўзга кўринган пейзажчи рассоми бўлиб етишгунга қадар катта меҳнат ва ижодий изланиш йўлини босиб ўтди.* Газетадан.

ПЕЛЛАГРА [итал. pelle agra – дағал, гадир-будур тери] тиб. Организмда айрим витаминларнинг етишмаслигидан келиб чиқадиган, терининг, ошқозон-ичак йўлининг зарарланиши ва руҳий хасталиклар билан кечадиган касаллик.

ПЕМЗА [ингл. pumice < лот. pumex – ғовак тош, кўпик] махс. Ғовак, жуда енгил, кулранг вулканик жинс (асосан, қурилиш саноатида ишлатилади).

ПЕНАЛ [нем. Pennal < лот. penne – перо; пат] Ручка, қалам, резина солиб қўйиладиган чўзинчоқ қутича, ғилоф.

ПЕНАЛЬТИ [итал. penalty – жазо(лаш), жарима] спорт. Айрим спорт ўйинларида жарима майдончасида қондани бузганлиги учун рақиб дарвозаси томон белгиланадиган ва йўналтириладиган жарима зарбаси (тўпи); мас., футболда – 11 метрли, тўпли хоккейда – 12 метрли масофадан зарба берилади.

ПЕНИЦИЛЛИН [лот. Penicillium – зарбуруғларнинг бир тури < penicillum – панжа;

попук, шокила] Кимёвий тузилиши бир-бирига яқин, тиббиёт амалиётида кенг қўлланадиган табиий ва ярим синтетик антибиотиклар гуруҳи. *Пенициллиндан укол қилмоқ*

ПЕНСИОНЕР [фр. pensionnaire < лот. pensio, pensionis – тўлов] Пенсия олувчи киши. *Мен 72 ёшдаман, пенсионерман. Лекин, уч ой бўлди, яна заводга ишга қайтдим.* Й. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПЕНСИЯ [лот. pensio – тўлов; тўлов мuddати] Қариган, меҳнат қобилиятини йўқотган, узоқ йил хизмат қилган, боқувчисидан жудо бўлган кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида уларга давлат томонидан доимий бериб бориладиган пул; нафақа. *Пенсия олмақ. Пенсияга чиқмоқ. ■ Пенсияга чиқаман деб турганимда, уруш бошланиб қолди.* С. Зуннунова, Олов. *Сен уни бекорга олиб кетмайсан, унинг ўзидан кўра пенсияси керак сенга, билдингми?* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПЕНТАГОН [юн. pentagonon < penta – беш + gonía – бурчак] 1 мат. Беш бурчакли геометрик жисм; бешбурчак.

2 (П – катта) АҚШнинг ҳарбий вазириги жойлашган, Вашингтондан унча узоқда бўлмаган беш бурчакли бино; АҚШнинг ҳарбий маҳкамаси.

ПЕНТАГРАММА [юн. penta – беш + gramma – ҳарф; ёзув] мат. Ҳар бир томонига бир хил тенг ёнли учбурчаклар ясалган мунтазам бешбурчак.

ПЕНЯ [лот. roena – жазо] эск. Пул-тўлов мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлик учун тўланадиган жарима. *..бир қатор ташкилотлар ўзлари билан тузилган шартнома суммасининг қарийб 100 миллион сўмини ўзлаштирганлиги учун, энди кечиккан ҳар бир кун учун пеня тўлашга мажбур.* Газетадан. *Суд, мuddати ўтказиб юборилгани учун, ҳар кун ҳисобига 0,4 фоиздан пеня тўлаш лозимлиги ҳақида қарор чиқарди.* Газетадан.

ПЕПСИ-КОЛА [ингл. Pepsi-Cola < юн. pepsis – овқат ҳазм қилиш + лот. Cola – Африка тропик ўрмонларида ўсадиган доим яшил дарактларнинг бир тури] Қувватни ошириб тетиклантирувчи, газланган муздай ичимлик.

ПЕРГАМЕНТ [юн. pergamenos < Pergamos (Пергам) – Кичик Осиёда айни шу материал кенг қўлланган шаҳар номи] 1

Қоғоз ихтиро қилингунга қадар махсус йўл билан тайёрланган ва қоғоз ўрнида ишлатилган ҳайвон териси; тери қоғоз.

2 Шундай терига ёзилган қадимги қўл-ёзма.

3 Сув ва мой ўтказмайдиган пишиқ юпка шаффоф қоғоз.

ПЕРЕВОД [р. переводить — «юбормоқ, жўнатмоқ, ўтказмоқ» фл. дан суффиксиз ҳосил қилинган от] эск. Почта ёки телеграф орқали пул юбориш ҳамда шу йўл билан юборилган ёки олинган пул. *Перевод қилмоқ.*

ПЕРИ- [юн. peri — атрофида, яқинида; юқорироқ, баландроқ, ҳаддан ташқари] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсага яқинликни, қўшниликни, атрофида ёки олдида, яқинида жойлашганликни билдиради (мас., *перикардит*).

ПЕРИГЕЙ [пери.. + юн. ge — ер] астр. Ер атрофида орбита бўйлаб айланувчи жисмларнинг, ой ёки сунъий йўлдошнинг ерга энг яқин нуқтаси; *зид. апогей*.

ПЕРИКАРД [пери.. + юн. kardia — юрак] Юракни сиртдан ўраб турадиган халтасимон қобик.

ПЕРИКАРДИТ [перикард + лот. itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] Перикарднинг яллиғланиши.

ПЕРИМЕТР [юн. perimetron — айлана, доира < perimetreō — атрофни ўлчайман] *мат.* Ёпиқ эгри чизиқнинг узунлиги (мас., кўпбурчакнинг периметри унинг ҳамма томонлари йиғиндисига тенг).

ПЕРИСКОП [пери.. + юн. skopeo — қарайман, кузатаман] *махс.* Бевосита кузатиш мумкин бўлмаган берк, пана жойлардан (мас., бронетранспортёр, сувости кемаси ва ш.к. дан) кузатиш имконини берувчи оптик асбоб.

ПЕРИТОНИТ [юн. peritonion — қорин пардаси + лот. itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Қорин пардасининг яллиғланиши.

ПЕРКУССИЯ [лот. percussio — тўқилатиш] *тиб.* Беморнинг ички аъзоларидаги касалликни бадан устидан махсус болғача ёки бармоқлар билан уришдан ҳосил бўладиган товушга қараб аниқлашдан иборат тиббий-физик усул.

ПЕРО [р. перо — пат, қанот] эск. Сиёҳ, тушъ ва ш.к. билан ёзиш учун ручка учига

ўрнатиб ишлатиладиган ёзув-чизув асбоби. *Пулат перо. Чизмакашлик пероси. Перо билан ёзмоқ.* ■ *Перони сиёҳдонга ботириб, ёза бошлади. «Шарқ юлдузи».*

ПЕРПЕНДИКУЛЯР I [лот. perpendicularum — шокул; тик тушган чизик] *мат.* Бирор тўғри чизик ёки текислик билан тўғри бурчак ҳосил қилувчи чизик. *Текисликка перпендикуляр туширмоқ.*

ПЕРПЕНДИКУЛЯР II [лот. perpendicularis — шоқулий, тик тушган] Тик, шокул. *Перпендикуляр чизик. Узаро перпендикуляр текисликлар.*

ПЕРРОН [фр. Perron] Темир йўл станциясида: поезд келиб тўхтайдиган ва жўнайдиган майдонча, поезд кутувчи йўловчилар ёки кузатувчилар турадиган платформа. *Поезд келишидан хабар топган пассажирлар бирин-кетин перронга чиқа бошлади. Ў. Ҳошимов, Пулат изларда. Қизнинг назарида, она перронда ҳамон рўмол силкиб тургандек эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Энг охирида қаддини ғоз тутган Оқсоқол «нўшти-нўштираб», перрон томон юрди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.*

ПЕРСОНА [лот. persona — шахс, кимса, зот]: *персона грата* [лот. persona grata — матлуб шахс] 1) *ҳуж., сиёс.* муайян давлатга дипломатик вакиллик номзоди шу давлат ҳукумати томонидан маъқулланган киши; 2) *кўчма* хайрихоҳлик билан қараладиган одам. *Персона нон грата* [лот. persona non grata — номатлуб шахс] 1) *ҳуж., сиёс.* Бирор давлатга дипломатик вакил этиб тайинланишига ўша давлат ҳукумати томонидан розилик берилмаган ёки ишончни йўқотган ва чақириб олиниши лозим бўлган дипломатик вакил; 2) *кўчма* хайрихоҳлик билан қаралмайдиган киши.

ПЕРСОНАЖ [лот. persona — шахс] Санъат ва бадиий адабиётда (ҳикоя, роман, пьеса, кинофильм кабиларда) муаллиф томонидан тасвир этилган ҳар бир шахс. *А. Қаҳҳор асарларидаги персонажлар. Пьеса персонажлари.* ■ *Учала персонажнинг нигоҳи уч томонга қадалган. «Ёшлик».*

ПЕРСОНАЛ [лот. personalis — шахсий] Корхона, муассаса ходимлари ёки уларнинг ихтисосига кўра бир гуруҳи. *Театр персонали. Уқитувчилар персонали. Маъмурий персонал.*

ПЕРСПЕКТИВ эск. Келгусида қилинадиган ишларга доир, келгусидаги тараққи-

ётни кўзда тутувчи; истиқболдаги. *Перспектив режа.*

ПЕРСПЕКТИВА [фр. perspective < лот. perspicere — ич-ичидан кўрмоқ, синчиклаб қарамоқ] эск. 1 Келажакдан кутилган ёки келажакда амалга оширилиши кўзда тутилган мақсад, ният, режа. *Тараққиёт перспективаси.*

2 *геом.* Нарсанинг, у текисликда кузатувчидан, кузатиш нуқтасидан узоқлик даражасига кўра ҳақиқатда қандай кўринса, худди шундай тасаввур берадиган тасвири.

3 Геометриянинг шундай тасвирлар яшаш қоидалари ҳақидаги бўлими.

ПЕРСПЕКТИВАЛИ эск. Келажаги бор, бўлган, истиқболли. *Перспективали ходим. Перспективали ишлар.*

ПЕРСПЕКТИВАСИЗ Истиқболи номаълум, аниқ режаси бўлмаган. *Перспективасиз иш.*

ПЕС [ф. *пес* — ифлос, иркит; теридаги оқ доғ; мохов] 1 *тиб.* Пигмент ётишмаслиги натижасида терида пайдо бўладиган оқ доғ. - *Қўймучида тангадек песи бор.* - *Пес эмас.* Яранинг ўрни эди-ку. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шундай касали бўлган киши. [*Мозордаги*] *Қудуқнинг суви фақат касалларнинг, айниқса, пес ва кўзи оғриганларнинг шифоланишларида ва зиёратчиларнинг "табаррук" деб олиб боришлариغا сарф қилинади.* С. Айний, Эсдалиқлар.

3 *сўк.* Ярамас, мохов. *Пес песни қоронғида топар.* Мақол. ■ [*Нор:*] *Паранжиси қурсин, қайданам шу песни ёпиниб, сўкмозорга бордим-у, ўзимга дардисарни орттирдим-кедим.* Ҳамза, Паранжи сирлари. [*Йўлчи:*] *Гулорни севишимни биларди-я, пес чол.* Ойбек, Танланган асарлар. *Совчи қўйдим, бермади. Отанг қурғур пес экан.* «Фольклор».

ПЕСЕТА [исп. peseta < peso — вазн, бўлак] Испаниянинг асосий пул бирлиги.

ПЕСЛИК Разиллик, пасткашлик. *Сени одам дедим, ўғлим тойладим, Ишониб, ўзинга шогирд айлладим, Болани ёнинга олиб, баччағар, Қанча шумлик, песликларни ўйладинг.* «Гўрўғлининг туғилиши».

ПЕСО [исп. peso — вазн, бўлак] Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида ҳамда Филиппинда асосий пул бирлиги.

ПЕССИМИЗМ [лот. pessimus — энг ёмон] Келажакка ишончсизлик, умидсизлик

билан қараш, ҳар бир нарсанинг ёмон томонини кўришга мойиллик, руҳий тушкунлик.

ПЕССИМИСТ Руҳий тушкунликка юз тутган, ҳаётга, келажакка умидсизлик билан қарайдиган киши.

ПЕССИМИСТИК Пессимизм руҳи билан суғорилган. *Пессимистик кайфият. Пессимистик характердаги асар.* ■ *Гарчи Фурқат лирикасида ҳасрат, қайғу, дард мотивлари катта ўрин тутса ҳам, бу мотивлар сира пессимистик моҳиятга эга эмас.* М. Шайхзода, Фурқатнинг бадий маҳоратига доир.

ПЕССИМИСТИК 1 Пессимистларга хос хулқ-атвор, кайфият.

2 *қ. пессимизм.*

ПЕСТИЦИДЛАР [лот. pestis — юқумли касал, мараз + caedere — ўлдирмоқ] Ўсимлик ва ҳайвонларнинг касаллик ҳамда зараркунандаларига, бегона ўтларга қарши курашда фойдаланиладиган кимёвий моддалар. *Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам ўнлаб баравар ортиқ эди.* Газетадан.

ПЕТИТ [фр. petit — майда, кичик] *плгрф.* Майда босма ҳарфлар.

ПЕТИЦИЯ [лот. petitio — даъво қилиш, шикоят, ариза] эск. Олий давлат органига ёки ҳукумат бошлиғига кўпчилик томонидан биргаликда берилган расмий ёзма ариза, илтимоснома.


ПЕТЛИЦА [р. петлица < петля — илмоқ, сиртмоқ, ҳалқа] Формали кийим ёқасига чатиладиган, хизмат тури ёки даража, унвонни кўрсатадиган рангли тўртбурчак мапто. *Темирийўлчилар петлицаси.* ■ *Курсантлар.. чемодан, одеколон, тарақ, устара, топила — командир петлицаси харид қилар эдилар.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.


ПЕТРОГРАФ Петрография олими, мутахассиси.


ПЕТРОГРАФИК Петрографияга оид. *Петрографик қидирув ишлари.*

ПЕТРОГРАФИЯ [юн. petra — тош, қоя + grapho — ёзаман] *геог.* Геологиянинг тоғ жинсларини, уларнинг минерал ва кимёвий таркибини, тузилишини, Ернинг қаттиқ қатлами ва устки қисмида тарқалиш ва келиб чиқиш қонуниятларини ўрганувчи тармоғи.

ПЕТРУШКА [*лот. Petroselinum < юн. petroselinon — тоғ сельдереи*] Соябонгулдошлар (соабонгуллилар оиласи)га мансуб бир ёки икки йиллик, кашничесимон ўсимлик. *Петрушка барги қуринишдан кашничга ўхшаса-да, ҳиди ва мазаси ўзига хос дағалроқ.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПЕЧ [ф.  — қийшиқлик, эгрилик; қат, бурма; халқа; жингалак, гажак] Бошга ўралган салланинг чеккадан осилтириб қўйилган қисми, учи. *Узун печи осилган катта саллали бошини чайқади.* Ойбек, Навоий. *..Худди фуқаҳо, яъни қонуншунослардек салласи печини томоғининг тагидан ўтказиб, унғ елкасига ташлади.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ПЕЧАК I [ф.  — чирмашиб ўсадиган ўт; чирмовуқ] Ўсимлик танасига ва б. нарсаларга чирмашиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик; чирмовуқ. [Навоий:] *Гулиминг қабрига эккан чечаклар очилгандур бу чоқ.. оҳим печаклар Каби кўк тоқига чирмашмасинму?! Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Ярим халта печак юлиб келди.* Ш. Холмирзаев. Оғир тош кўчса.

ПЕЧАК II [ф.  — ўрам, копток; ғалтак]: печак ҳандалак Ҳандалакнинг пўсти кўнғир-сарғиш тусли майдароқ бир тури. *Асад қори олдидан турган печак косасини олдига тортиб, ундан бир тилмани олди-да, оғзини катта очиб, тиқиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПЕЧАКГУЛ [печак + гул] Карнайгуллилар оиласига мансуб, чирмашиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик ва унинг гули; карнайгул. *Марказий кўчадаги уйлارнинг деразаларида оқ нардалар ҳилтирайди, деворларига печакгуллар тирмашиб ётибди.* И. Раҳим, Тақдир.

ПЕЧАН Ишни, гапни ўринлатадиган; уста, чечан. *Ишга печан.* ■ *Мулла Аъзам ҳамма каллар сингари гапга печан, қочириқ гапларни гапириб.. пешқадамларни ҳам кулдирад эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ПЕЧАНЛИК Ишни, гапни уддалашлик, усталик, чечанлик. *Раис, ундан шундай иш чиқишини, Абдулла индамасхоннинг гапга шунақанги печанлигини билмаган эди.* Т. Пўлат, Хиждолат.

ПЕЧАТЛАМОҚ I қ. муҳрламоқ I. *Ҳужжатни печатламоқ.*

2 қ. муҳрламоқ 2. *Эшикларни печатлаб қўймоқ.* ■ *-Адо бўлдим, ака. Уйим куйди. Орган дўконни печатлаб кетди, — деди Тўйчи. А. Кўчимов, Халқа.*

ПЕЧАТЬ [р. печать < қад. р. пеку — қуйдириб белги (тамға) қўйиш асбоби] 1 қ. муҳр 1. *Идора печати. Конверт устиега печать босмоқ.* ■ *-Сталнинг тортмасини қидиравериб, илма-тешик қилиб юбордим, печать йўқ, — деди Миращир.* О. Толибов, Анқов.

2 Шундай тамғанинг қоғозга ёки бошқа нарсага босиб туширилган акси, изи. *Маълумотноманинг печати хира экан, ўқиб бўлмади.*

3 Фойдаланишни таққлаш ёки бошқалар очмаслиги учун қўйилган ёки урилган тамға, сурғуч. *Бойлар бой бўлиб, илмсиз яшаб, Ориқларни семизи ошаб, Олти кун ўтмай ҳовида печать, Ҳаж кетар хотинболани ташаб.* Ҳамза.

ПЕЧЕНЬЕ [р. печь — «оловда пиширмақ, ёпмоқ» фл. дан ҳосил қилинган от] Кўпинча ширин хамирдан кичик тўгарак, тўртбурчак ва б. шаклларда ўтда, ўт тафтида пиширилган егулик. *Ширин печенье. Печенье билан чай ичмоқ.* ■ *Уй бекаси узининг асл руҳига кирди, жангчиларни қиём ва печенье билан меҳмон қилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ПЕЧКА [р. печь — «қизитмоқ, қиздирмақ» фл. дан ҳосил қилинган от] Бино ва хоналарни иситиш ёки овқат пишириш учун ишланган қурилма. *Тунука печка. Ғишт печка. Голландча печка. Газ печкаси.* ■ *Адолат уйига келганда, печкага ўт қалаётган аясини кўрди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Аҳмад бригадир ўрнидан туриб, печкага тараша ташлади.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

ПЕЧКАЧИ Печка қуриш ва таъмирлаш иши билан шуғулланувчи киши. *Ҳозирда печкачиларга ҳам талаб камайиб кетди.* ■ *Ҳайратдан ёқа ушладик: печкачи одамнинг бир думалаб туриб, табиб бўлиб қолишига сабаб нима? «Муштум».*

ПЕЧЬ I айн. печка. *Нурлавоё деб аталадиган ушбу сарой кенг, баланд заллари, баланд ойнабанд деразалари, рус печлари, махсус истироҳат хоналари билан маҳлиё этарди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Материалларни қиздириш, эритиш ёки уларга ишлов бериш учун қурилган махсус иншоот. *Тоблаш печи. Темир эритиладиган печь.* ■ *Цехда ҳозироқ ойна пиширадиган печь қурилмақда.* Газетадан.

Домна печи айн. домна. Мартен печи қ. мартен.

ПЕШ I [ф. پيش — олди, олд томон; олдинда, яқинида; аввали] 1 Баъзи нарсаларнинг олдинга қараган томони, лаби, чети, қирғоғи. *Айвоннинг пешу.* ■ -Аяжон, айёмингиз муборак! — деб совға-саломни айвоннинг пешига қўйди-да, онасига кифтини тутди. К. Яшин, Ҳамза. У қопидан кетмонини олиб, пешини эговлай бошлади. «Шарқ юлдузи».

2 Кийимнинг олд этаги, бари. *Камзулингнинг пешини боссам, гард бўлар, Ошиқлик деганинг қийин дард бўлар. «Қўшиқлар. Аргуношох тиз чўкиб, подшоҳнинг этакларини юзига суртмоқчи булганди, Шоҳрух унинг қўлидан пешини тортиб олди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек. *Енглари шимарилган Комижон, этагининг пешини қайириб олган Давронов энг олдинда борарди.* И. Раҳим, Ихлос.

Пеш келтирмоқ Далил қилиб кўрсатмоқ, исбот сифатида фойдаланмоқ. -Агроном илми ҳам, ер ҳайдасанг — куз ҳайда, куз ҳайдамасанг — юз ҳайда, дейди, — деди халқ мақолини пеш келтириб Сотиболди ота. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. **Пеш қилмоқ** Мақтаниб гапирмоқ, дастак қилмоқ, рўкач қилмоқ. *Ўз хизматларини пеш қилмоқ.* ■ *Халққа тухмат қилган. Сиз меҳнаткаш халққа нима каромат кўрсата қолдингизки, унга дўстлигингизни пеш қиласиз?* К. Яшин, Ҳамза. *Кимдир пеш қилганда найзанинг кучин, Алишер қаламни кўрсатган, холос.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ПЕШ II [ф. پيش — олдинда; ёнида, яқинида] рвш. (бирин-кетин содир бўладиган иш-ҳаракатни билдирувчи икки феъл олдида такрорланганда) Фурсат ўтмасдан, дарров, дарҳол, пешма-пеш. *Пеш терилган пахтани пеш топшириб турмоқ.* ■ [Иқбол сатанг] *Ҳовли саҳнини кўздан кечирди. Ҳамма ёқ чиннидек. Шунча дарахт-у, тагида битта барг кўринмайди. «Пеш тушганини пеш олиб турадим дейман, — ўйлай кетди у, — қачон қарасанг, [Меҳринисонинг] ҳовлиси ёғ томса ялагудек».* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Эгнингиздан пеш тушган кийимни пеш ювиб турган бўлсак..* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПЕША [ф. پيشه — машғулот, касб, ихтисос] эск. кт. 1 Иш, машғулот; касб, хунар. *Хоннинг ўғли, деб қилманглар андиша,*

Туққиз ёшда қилди шу ишни пеша. «Эрали ва Шерали». Бировнинг қўлида арра, тешаси, Васса яшаш — қадим иши-пешаси. Н. Назруллаев, Сайланма. *Эл дерки: нодон дўст — бошинга жафо, Қора кунда чин дўст — пешаси вафо!* Миртемир.

2 қ. **пешвоз.** Дарахтни ҳамиша ўрайди шамол, Шоирни ташвишлар чулғар ҳамиша. *Сен шоир умрини дема безавол — Унинг ҳар онлари ташвишга пеша.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПЕШАЙВОН [ф. + а. پيشايوان — хона олдидаги айвон] Йморат ва хоналарнинг олдига тақаб қуриладиган айвон. *Умид кичкинагина чамадонни кўтариб, ичкарига кирди. Пешайвонга кўтарилиб, зал уйга кўз ташлади: узун стол устига оқ дастурхон ёзилиб, зиёфат нозу неъматлари уйиб ташланган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПЕШАЙВОНЛИ Пешайвони бўлган, пешайвон солинган. *Пешайвонли сариқ бино олдида ўтаётганимизда, бир боғлам сирень кўтарган кичкина бир қизча бизга қўл силтаб қўйди.* Ў. Умарбеков, Баҳор.

ПЕШАНА с.т. айн. **пешона.** Қўчқор бўлар қўзининг пешанаси дўнг бўлур, Оға бўлар йигитнинг пешанаси кенг бўлур. Мақол. ■ -Кечиринг, Гавҳар, — у нима дейишини билмай, пешанасига тушиб турган сарғиш сочларини тутамлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПЕШАНАБОҒ с.т. айн. **пешонабоғ.** *Пешанабоғ бошида, Доим меҳнат қошида. Ғайратли бу чечан қиз Энди ун беш ёшида. «Қўшиқлар».*

ПЕШБАНД I [ф. پيشبند — олд томонга боғланадиган мато; фартук] эск. айн. **фартук.** *Холса газуқоққа товўқларни димлаб қўйган. Белига пешбанд боғлаб, турли хил таомлар ниширяпти.* С. Нуоров, Нарвон. *Шавкатнинг дадаси эркак киши бўлсаям, ҳар куни пешбанд тутиб, овқат ниширади.* К. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ПЕШБАНД II [ф. پيشبند — олд томони боғланган; олд томонга боғланадиган мато; фартук]: **пешбанд қилмоқ** эск. Қўлини олдига қилиб боғламоқ. *Бошқа бандиларнинг қўллари ҳам пешбанд қилингандан кейин, уларни мишрабхона дарвозасидан ташқарига — кўчага чиқардилар.* С. Айний, Қуллар.

ПЕШБУРУН бнк. Эшик ёки дераза тавақаларининг бириккан жойидаги тир-

қишни беркитиш учун ёнига ёки ёгин сувидан сақлаш учун тепасига қоқиладиган энсиз тахтача. *Дераза пешбуруни*. ■ [Санамнинг] *Дарвоза пешбурунидан осилиб тушган сумалакка кўзи тушиди*. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ПЕШВО [ф. پيشوا — раҳнамо; раҳбар, устоз] кт. 1 Маълум бир соҳа ёки ишда етакчи, илғор киши. *У барча мавжуд илмларни эгаллаб, замона олимларининг пешвоси.. бўлишга тиришади*. Ойбек, Навоий. *Холқўзи Худоёров Зумраднинг синфдоши эди.. Синфдаги қизлар ичиде энг сулуви Зумрад бўлса, ўғил болаларнинг пешвоси Холқўзи эди*. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

Шариат пешволари Динни, шариат қонун-қоидаларини ҳимоя қилувчи руҳонийлар, уламо-ҳукамолар. *Саройда барча: шариат пешволаридан тортиб то кичкина амалдоргача шоирлик даъво қиларди*. С. Сиёев, Ёруғлик. *Секин-секин гап-сўзлар авёни мамлакат, шариат пешволари, уламо-фузалога етиб, эшониймининг бу ҳаракатларини айни муддао деб топдилар*. Ў. Усмонов, Сайланма.

2 Йўлбошчи, дохий. *Халқ пешвоси*.

ПЕШВОЗ [ф. پيشواز — учрашув; кутиб олиш]: **пешвоз турмоқ** Туриб қарши олмоқ, кутмоқ; юзма-юз турмоқ. *Совчиларнинг қадими тинди*. *Қиз тенгилар кўришди рўзгор, Унга пешвоз турарди энди Ун тўққиз ёш, ун тўққиз баҳор*. О. Ҳожиева, Ҳаётга таъзим. *Раҳмонқулов кириши билан Элчибек бошқаларга жавоб берди, жилмайиб пешвоз турди*. А. Мухтор, Туғилиш. **Пешвоз чиқмоқ** Истиқболига, йўлига чиқиб қарши олмоқ, истиқболига чиқмоқ. *Бино панасидаги темир ўчоқда овқат пишираётган малла чойхоначи бир қўлида капир билан югургилаб, уларга пешвоз чиқди*. Э. Усмонов, Ёлқин. *Олма гулли кўйлак кийган жувон даҳлизда меҳмонга пешвоз чиқиб, салом берди*. «Ёшлик». *Ҳовлимизга яқин қолганда, беш-олти хотин олдинда бораётган қўқон аравага пешвоз чиқди*. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. **Пешвоз юрмоқ** айн. **пешвоз чиқмоқ**. *Эмин уни кўриб, пешвоз юрди*. *Эсонбойнинг ичкарига кириш тараддуди йўқлигини сезиб, унга саволомуз қаради*. «Ёшлик».

ПЕШВОЗЛИК: **пешвозлик қилмоқ** Биринчи бўлиб гапирмоқ, гап бошламоқ.

ПЕШГИР [ф. پيشگير — олдини олувчи, огоҳлантирувчи; пешбанд, фартук] 1 эск. айн. **фартук**. *Озиқ-овқат магазинларида бориб келган Холиса белига пешгир тутиб, эри ёқтирадиган таом тайёрлашга киришди*. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Зоҳид бир чеккада бош ирғаб ўтирди*. *Эшикдан пешгир бойлаган бир аёл бош суқди-ю, ош сузарга рухсат сўради*. М. М. Дўст, Лолазор.

2 махс. Темирчи ва б. металлсозлар иш вақтида тутиб оладиган чарм фартук, пешбанд.

ПЕШДОР [ф. پيشدار — олдинда боровчи, илғор] эск. ҳарб. Кўшин олдида боровчи, илғор; авангард. *Ислим барлос.. катта сувори тўданинг бошида чанг кўтариб, пешдор аскар сифатида илдам йўлга тушди*. Ойбек, Навоий. *..Сардор Хунхоршоҳнинг буйруғи билан ўн минг аскарни олиб, ўздан олдин бир чўлоқ саркардасини минг аскар билан пешдор қилиб жўнатиб юборди*. «Авазхон».

ПЕШИН [ф. پيشين — аввалги, олдинги, дастлабки, қадимги; куннинг ярми] 1 Куннинг ярми ўтган пайт. *Жаҳонгир яшаган қишлоққа эртаси кун пешинга етиб боришди*. «Шарқ юлдузи». *..яна Яхшибоев иккимиз ёлғиз қолдик*. *Вақт пешинга оғиб борарди*. *Узоқда тоғлар қорайиб кўринади*. М. М. Дўст, Лолазор.

Охир (ёки кеч) пешин Куннинг ярмидан кўпи ўтган, кечки пайт. *-Вақт охир пешин бўлиб қолган эди*. *Қорним очган.. — деди Шум бола*. Ф. Фулом, Шум бола.

2 дин. Кун ярмида ўқиладиган намоз. *Пешинни ўқимоқ*. ■ *-Ўзимиз ҳам тамадди қилиб олайлик, — деди Махсум пешин намозига ҳозирлик кўраётми*. С. Анорбоев, Оксоя. *Уч дуст, пешин қазоси ўтгунча, Иноқий мадрасасининг бир кунжагида бекиниб ўтирдилар*. С. Сиёев, Ёруғлик. *Хўжа Хизр ҳар куни пешин намозини Бухородаги Мағоки Аттори масжидида ўқир экан*. Газетадан.

ПЕШИНЛИК Пешинда ейиладиган овқат, тушлик. *Бу камбағаллар овқати бўлиб, уларнинг тушлиги ҳам, пешинлиги ҳам шу эди*. *Урик билан зогорани иштаҳа билан едилар*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Йигитали, пешинликка деб онаси қилган овқатдан озгина еган бўлди-да, кўчага чиқиб, гузар тарафга йўналди*. Д. Нурий, Осмон устунни.

ПЕШКАШ [ф. پیشکش — кичикларнинг катталарга совғаси, тухфаси] эск. кт. Ҳадя тарзида бериладиган нарса; тортиқ, совға. *Подшоҳ чодирига йиғилган уламо, фузало ва лашкарбошилар Соҳибқиронни янги туғилган меҳмон билан қутладилар, ҳар ким ҳолига яраша пешкашлар қилди. Б. Аҳмедов, Улуғбек. Келсанг, ўзинг келмай, ёринг билан кел. Дилкашларнинг қўлида торинг билан кел. Кел, сенга даламиз, лоламиз пешкаш, Гиёҳлар ичиди аъломиз пешкаш. Т. Сулаймон.*

ПЕШЛАВҲА [ф. + а. پیش لوه — олд томонга осиладиган лавҳа(а)] Корхона, идора, муассаса, ўқув юрти кабилар ҳақида қисқа, ихчам, аниқ маълумот ёзилган ва шуларнинг кираверишида кўринарли жойга ўрнатиладиган махсус тахтача. *Ҳозирда шахримизда жуда кўплаб пешлавҳалар янги қабул қилинган лотин алифбосида ёзилмоқда. Газетадан. Лойиҳанинг ушбу бандида муайян биноларга ўрнатилган пешлавҳаларнинг ҳам, гарча реклама ҳисобланмаса-да, маълум бир талаблар асосида ёзилиши белгилаб қўйилса.. Газетадан. Уша йиллари идоралар ва турли ташкилотларда пешлавҳалар ўзгараятган эди. С. Аҳмад, Сайланма.*

ПЕШЛАМОҚ Теша, кетмон каби асбобларни боғлаб уриб, тигини, дамини тикламоқ, пеш чиқармоқ. *Кетмонни пешламоқ. ■ Йўл-йўлакай канал қазिशга келган кишиларнинг чодирлари, ошхоналар, кетмон, белкуракларни пешлайдиган кўчма устахоналар учраб туради. С. Аҳмад, Уфқ.*

Ақлни пешламоқ Ақл-идрокни ўстирмоқ, зехнни очмоқ, ўтқирламоқ. *Билим ақлни пешлайди. Р. Усмонов, Одобнома. Яхши китоб бола қалбини нурга чулғайди, маънавий озиқ беради, ақлини пешлайди, яқин маслаҳатчисига айланади. Газетадан.*

ПЕШМА-ПЕШ [ф. پیش پییش — олдинма-олдин, кетма-кет] рвш. Пеш келганини пеш бажариб, тўхтатмай, кетини узмай, кетма-кет. *Очилвой балиқтутнинг мустаҳкамроқ шохига қўл тарози осиб, пахталарни пешма-пеш ўлчаб олишга тушди. Н. Аминов, Тилло табассумлар. У [Озод] Райҳон оққа кўчирган саҳифаларни пешма-пеш диққат назаридан ўтказишга тутинди. «Ёшлик». Ҳосилдан бўшаган майдонларга эса пешма-пеш ғалла уруғи сепилмоқда. Газетадан.*

ПЕШМАТ [ф. پیش بند — олди боғлиқ; фартук] Тиззагача тушадиган, хипча бел

устки кийим; бешмат. [Бўрихўжа] *Ҳамма вақт узун пешмат ва мошранг духоба дўппи кияди. Мирмуҳсин, Чиниқиш. [Эшон ойм] Оқ шоҳи кўйлак устидан қора духоба пешмат кийган, бошига майин мисқоли дока рўмол устидан товар дуррача танғиган — олифта. Ойбек, Болалик. Устида беқасам пешмат, пешонасини танғиб боғлаб олган Сунбулхон аяни куни бўйи ваҳимали хаёллар чулғаб.. хаёл сурарди. Мирмуҳсин, Умид.*

ПЕШНОП [ф. پیش ناپ — киндик олди, атрофи] Қўйнинг киндик атрофидан олинган ёғли гўшт. [Муллажон:] *Шу қарздан узилмай, ундан кейин гўшт дўконига ишга кирман, еганинг пешноп, кийганинг атлас бўлади. С. Аҳмад, Муллажон. Сихабоб, кунжутли нон, пешноп сомсалардан еб қолинг. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.*

ПЕШОБ [ф. پیشاب — сийдик] айн. сийдик. *Селдир ейиш иштаҳани очади, пешобни ҳайдади, иштмада фойда қилади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

ПЕШОЙНА [ф. پیش آینه — олд ойна] Автомобиль, трамвай, троллейбус кабиларнинг олд қисмига ўрнатилган ойна. *Чанг босилиб, юриш енгиллашгач, ҳайдовчи пешойна тепасидаги кўзгу орқали Йигиталига қаради. Т. Малик, Шайтанат.*

ПЕШОНА [ф. پیشانه / پیشانی — манглай, пешона] 1 анат. Юзнинг қошдан сочгача бўлган қисми, манглай. *Кенг пешона. Пешона суюги. ■ Бу гаплардан ҳашарчилар қотиб-қотиб кулишарди. Раззоқ буқачи пешонасини уқалаб, терга пишиб, индамай ўтирарди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Икромжон тер босган пешоналарини, бўйинларини қийғи билан артаркан, Азизхон тарафга бир қараб қўйди. С. Аҳмад, Уфқ.*

Пешонани боғлаб, ишга киришмоқ Астойдил ишга киришмоқ. **Пешонасини сямламоқ айн. бошини сямламоқ 2. қ. бош. [Бой:] Баракалла ўғлим! ..Ҳалол меҳнат қилсанг, ҳамиша бахтинг олчи-да! Ҳамиза пешонангни силайман!** Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 кўчма Диний тасаввурларга кўра: қисмат, тақдир. *Наҳот пешонамга тоабат тобелик, қуллиқ мақоми битилган бўлса. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Пешонага ёзилгани Тақдирда белгиланган нарса; тақдир, қисмат. *Пешонамга ёзгани сен экансан, менда нима чора!* Ҳамза, Танланган асарлар. *Билмадим, тақдир унинг*

ва менинг пешонамга нималар ёзгандир. **Ф. Фулом, Ёдгор. Пешонада битганини (ёки ёзилганини) кўрмоқ** Тақдирда белгиланган нарсадан, қисматдан қочиб қутула олмаслик. *Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Пешонада битганини кўрасан. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Зероки, рисолаларимиз мавжуд, ҳар ким ўз толедан, пешонасига ёзилганини кўради.* **У. Исмоилов, Сайланма. Пешонамдан кўрдим** 1) таваккал, нима бўлса булар. «Бахтинг бўлса, тузалиб кетасан», дейишяпти. *У ёғини пешонамдан кўрдим.* «Саодат»; 2) тақдирда ёзилгани шу экан, начора. *Хола, кўп эзмаланмай, чиқиб айтаверинг-да. Бўладиган бўлса, мендан сўраб нима қиласиз? Нима бўлса, пешонамдан кўраман.* Ҳамза, Танланган асарлар. **Пешонаси ёруғ** Омади келган, бахтли. *Пешонамиз ёруғ экан, ўғлим. П. Турсун, Ҷўқитувчи. Пешонасига сиғмади* Айрилди, ўқдо бўлди.

3 с.т. Бисот, буду шуд, бор-йўғи. *Пешонагинамизда биттагина-да, ўргилай, биттагина. С. Аҳмад, Уфқ. Пешонамда битта ўғил, ёнимда юрсин, деб туриб олди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Пешона тери Меҳнат ва унинг маҳсули. *-Агар ўзининг пешона тери билан бойлик орттирган шайх топилса, — деди истеҳзо билан, — майли, мақбарани ўша бошқара қолсин, мен розиман! Шу билан гапим тамом.* **К. Яшин, Ҳамза. Уғирлик қилиб топган бўлсам айтинлар. Улар пешона тери билан топилган. Ҳалоллик билан орттирганман уларни мен.. К. Яшин, Ҳамза. Пешона тери тўкмоқ** Тиришиб, астойдил меҳнат қилмоқ. *Мусобақадошингиз қўйган шартларни бажариш учун ҳалол меҳнат қилинг, баравар пешона тери тўкинг!* **У. Исмоилов, Сайланма. Пешонаси деворга тегмоқ** Тавбасига таянмоқ, қилмишига пушаймон бўлмоқ, ташунмоқ. **Пешонаси кўҳлик** айн. **пешонаси ёруғ қ.** **пешона 2.** *Олло таоло бировнинг пешонасина кўҳлик, бировникини қуп-қуруқ қилиб яратади. У бандаларига ризқ-рўзни ҳар кимнинг ўзига яраша ўлчаб сочади.* **К. Яшин, Ҳамза. Пешонаси очилмоқ** Иши юришмоқ, омади келмоқ, бахти очилмоқ. *Бой ҳам шу мулкнинг бадалига, пешонам очилиб, бирор иш-пишга тушиб кетгунимча, бирор йил чамаси боқмоқчи бўлибди.* **Ф. Фулом, Шумбоз. Пешонаси шўр ёки шўр пешона** Бахтсиз, бебахт. *-Эҳ, пешонам шўр экан, ошна! Бир*

ташвишдан қутулмасимдан иккинчиси таппа босади, — деди Алижон Омонтойга, бирон нажот топ, дегандай мўлтираб. **К. Яшин, Ҳамза. [Жамила:] Ёки Ғофирдек бахтсиз, онангдай пешонаси шўр бўлиб туғилармидинг?** Ҳамза, **Бой ила хизматчи. Пешонаси қора айн. пешонаси шўр.** *Йўл узунми, дард узун? Дарвиш ашуласи узун. Тун қорами, дард қора? Дарвиш пешонаси қора.* **Х. Даврон, Қақнус. Пешонасини тириштирмоқ** Энсаси қотмоқ ёки жаҳли чиқмоқ. *Олчинбек дабдурустан кириб келиб, тилёғламачилик билан бошлаган гапи Ҳамзанинг энсасини қотирди. Пешонаси тиришиб, қаттиқ гапиргиси келди-ю, лекин ўзини босди.* **К. Яшин, Ҳамза. Мансур бир нафас пешонасини тириштириб, ўйланиб турди-да, эшик тутқичига қўл чўзди.** **Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.**

ПЕШОНАБАНД [пешона + банд] **1** Аёллар бошига, пешонасига боғлайдиган, тангиб ўрайдиган кичкина рўмол.

2 эск. Рўмол устидан пешонага боғланадиган, кашта билан безатилган боғич.

ПЕШОНАБОҒ айн. **пешонабанд 1.** *Сора кампир.. елкасига тушиб кетган кўк штапель пешонабоғини бошига тортганди, у билан баробар сочи учидаги чуллилари ҳам шиқирлаб, юқорига кўтарилди.* «Ёшлик». *Холанинг пешонабоғи остидан оқ кулранг сочлари чиқиб турар, кўз атрофи, бўйнида ажинлар қуюқлашгандай эди.* **С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.**

ПЕШРАВ [ф. *پيشرو* — олдинда борувчи; илғор; раҳбар, раҳнамо] *кт.* Бошлаб борувчи, етакловчи; нишона. *Соқол оқи ўлимга пешравдир. Тириклик сабзаси узра қировдир.* Алишер Навоий.

ПЕШТАХТА [ф. *پيش‌تخته* — олдинга қўйилган тахта, стол] **1** Дўконда, магазинда, бозорда сотувчини харидордан ажратиб турадиган, устига сотиладиган моллар қўйиладиган, кўпинча харидор томони ёпиқ махсус стол. *Магазинда одам йўқ.. Пештахта орқасида ёшгина сотувчи йигит ўтирарди.* **С. Аҳмад, Жимжитлик. Мудир пештахтани айланиб ўтиб, Гулчеҳрага яқин келди.** «Саодат». *Бу ерда ҳозирча деҳқонлар ўз маҳсулотлари билан савдо қилишяпти, пештахталар қўйиб берганмиз.* Газетадан. *Яқинда «Шарқ зиеқори» китоб дўконда пештахтани безаб турган бир новё аълбам-китобга кўзим тушиб, беихтиёр уни varaқладим.* Газетадан.

2 бнк. Карнизнинг буйламасига қўйилган кичик тўсин ёки тахта.

ПЕШТАҲАМ [ф. *پيشدهان / پیش‌دهن* — беодоб, беҳаё сўз айтувчи] Оғзига келган ножўя, уятли сўзларни қайтармай айтаверадиган, оғзи бузуқ киши. *Пештахам одам.* ■ *Ҳа, атрофида бидъатга муккасидан кетган беш-ўнта нодон, ифвогар, шилқим.. пештахамлари ҳам бор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Оғзини пештахам қилмоқ Уятли сўзлар айтмоқ, сўкинмоқ. *Қамчи: -Менимча, бу тўнғиз ёлғиз эмас, шериклари бор, — деганда, Қобил бор ижирғаниб, яна оғзини пештахам қилди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ПЕШТОҚ [ф. *پيش* — олд ва *طاق* — гумбаз, кубба; арка] *архит.* Мадраса, масжид, мақбара, карвонсарой каби биноларнинг олд томондаги серҳашам юқори қисми; меҳроб шаклли баланд дарвоза, арк. *Деразадан аллақандай мадрасанинг кунгуратор пештоқи кўриниб туради. Пештоқ чеккасида шерлар тасвирланган.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Анвар пештоқида чироқ ёниб турган жимжимадор дарвоза олдида етганида, бирдан юраги гулллаб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПЕШҚАДАМ [ф. + *ا. پيش‌قدم* (пеш + қадам) — илғор, ташаббускор; зарбдор] **1** сфам. Иш, ўқиш, спорт кабиларда бошқалардан олдинда борувчи, ўрناق кўрсатувчи; илғор. *Пешқадам теримчи.* ■ *Пешқадам ишчи кунига режадаги 480 та ўрнига 650 тача рўмоннинг четини тикади.* Газетадан.

2 от Шундай хусусиятга эга бўлган киши, ўкувчи ёки спортчи. *Тиришиб машқ қилишим оқасида, ҳамсабоқ ўртоқларим орасида иншо ёзишда пешқадам бўлиб олдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Гуруҳ пешқадами — Бразилия терма командасининг кутилмаган мағлубияти вазиятини ўзгартириб юборди.* Газетадан. *Кимдир эски усуллар билан ишлайди, кимдир компьютер техникаси афзаллигига ишонади, кимдир эса ўз соҳасининг пешқадами бўлади.* Газетадан.

ПЕШҚАДАМЛИК Иш, ўқиш, спорт кабиларда бошқалардан олдинда бўлишлик, ўрناق кўрсатиш, илғорлик. *Пешқадамлик учун курашмоқ.* *Пешқадамликни қўлдан бермай ишламоқ.*

ПИАНИНО [итал. *pianino* — кичик фортепьяно] мус. Торли урма-клавишли муסיқа асбоби, фортепьянонинг бир тури.

Дам олиш минутларида Фарида унга пианино чалиб берар.. эди. П. Қодиров, Уч илдиш. *Қаердадир, аллаким пианинода «Жонон»ни чалмоқда.* С. Зуннунова, Олов.

ПИАНИНОЧИ Пианино, рояль чалувчи созанда. *2002 йили Италиянинг Агрополи шаҳрида бўлиб ўтган ёш пианиночилар танловида иштирок этдим.* Газетадан.

ПИВО [р. пиво < пить — «ичмоқ» с. дан ҳосил қилинган от] Кўпинча ундириб янчилган арпадан тайёрланадиган, кам спиртли ичимлик. *Қибрай пивоси. Пиво заводи.* ■ *Ҳа, айтгандай, Самарқанд пивосини мақташарди. Чанқовбосди қилмайсизми? «Аския».* *Дарҳақиқат, қассоб пиво дўконининг орқа эшигига яқин бориб, ўша болага кўз қисиб имлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПИВОХОНА Пиво сотиладиган, сотиб олиб ичиладиган махсус дўкон; майхона. *Кеча қайси пивохонада ичиб қолганингизни ҳам мenden сўрайсизми? А. Қаҳҳор, Сароб.* *Сандироқлаб юриб, пивохона ёнида тўхтади, бироз чайқалиб тургач, ичкарига кирди.* «Ёшлик».

ПИВОХЎРЛИК Пиво ичиш билан шуғулланиш, пивони кўп ичишлик. *Трест дарвозасининг олдидаги пивохонада шериклари билан роса пивохўрлик қилган.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар.

ПИГМЕНТАЦИЯ [лот. *pigmentum* — бўёқ, бўёвчи модда] Пигментлар таъсирида организмларнинг тегишли тусга кириши, рангининг ўзгариши.

ПИГМЕНТЛАР [лот. *pigmentum* — бўёқ, ранг] **1** биол. Тирик организм (ҳайвон ва ўсимлик) тўқималари таркибида бўладиган ва уларнинг рангини белгилайдиган бўёқ моддалар. *Соч оқариши унда пигмент этишмаслиги оқибатидир.* «Фан ва турмуш». *Чунки қудуқ суви, айниқса, пигмент этишмаслиги натижасида терида пайдо бўладиган оқ доғларга «шифо» бўлар эмиш.* «Фан ва турмуш».

2 ким. Лак-бўёқ маҳсулотлари, кимёвий толалар, пластмасса, резина ва қоғозга ранг берувчи, сувда ва органик эритувчиларда эримайдиган кукунсимон кимёвий бирикмалар.

ПИДЖАК [ингл. *pea-jacket* < голл. *rij* — дагал мато + *jekker* — куртка] Қайтарма ёқали, олди очик, тугмаланадиган калта уст кийим — эркаклар костюмининг бир қисми.

Олимжон пиджагини ечди-ю, мулойимлик билан Ойқизнинг елкасига ташлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Яхшибоев эгнидаги пиджакни ечиб, отиб юборди. М. М. Дўст, Лолазор. Гавҳар ўт устида ётган пиджакни олади-да, унинг елкасига ташлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ПИДИНА [ф. پودنه — ялпизнинг бир тури] с.т. айн. ялпиз. Ялпиз. Баъзи жойларда пидина ёки наъмо деб аташади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПИЕЛИТ [юн. pyelos — жом + лат. itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] тиб. Буйрак жомининг яллиғланиши.

ПИЕЛОНЕФРИТ [юн. pyelos — жом + nephros — буйрак + лат. itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] тиб. Буйрак ва буйрак жомининг яллиғланиши. Пиелонефрит буйрак тўқимасига касаллик микроблари кириши натижасида вужудга келади. «ЎЗМЭ».

ПИЁВА [ф. پيواز — пиёз + آب — сув] Пиёздоғ ва сувдан тайёрланган гўштсиз суyoқ овқат; ёвган шўрва. Тур, қизим! Ҳа, аччиққина бир коса пиёва қилгин, кўнглим озиб кетди. Ҳамза, Танланган асарлар. Мазифа опа эса кунора айвондаги ўчоқда бир иссиқ пиёва қилади. Ш. Холмирзаев, Танланган асарлар.

ПИЁДА [ф. پياده — яёв, оёқ билан; уловсиз аскар] I рвш. Уловсиз, ўз оёғи билан; яёв. Одалар нимагадир трамвай-троллейбусга ўтирмай, тўда-тўда бўлиб, пиёда кетишяпти. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Ҳожи ота карвонбоши билан кўришиб, Рузиохунбой боғининг ниҳоясигача отнинг чилвиридан ушлаб, пиёда юрди. «Ёшлик».

2 сф.т. От-уловга эга бўлмаган, яёв юрадиган. Самолётлардан сўнг танклар хужумга кирди. Унинг орқасидан пиёда роталар кўзгалди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шу чоқ қишлоқнинг кун ботиш томонидан баланд «ура» овози эшитилди ва қишлоққа мўр-малахдай ёпирилиб келаётган пиёда аскарлар кўринди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 от ҳарб. (асосан кўп. шаклида) Яёв жанг қилиш учун белгиланган қўшин тури. Отлиқлар кетидан пиёдалар ҳам югуриб кетишиди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Гулдурос билан келаётган танклар орқасидан пиёдалар югурди. Ойбек, Кўёш қораймас.

4 от Шахмат ўйинида: энг кучсиз дона. Ўйин билмасанг, пиёдани сур. Мақол. ■ [Мухторжон] Саудийга энди жавоб бераман деб турганда, Мирза Муҳиддин бир пиёда суриш билан уни илгариги ҳолатда қолдирди. А. Қаҳҳор, Сароб.

5 қ. йўловчи. Тротуар — пиёдалар юрадиган йўлка.

Пиёда ўчоқ 1) ошхонада бошқа ўчоқлардан алоҳида қурилган ўчоқ, шунингдек, очик ҳовлидаги алоҳида ўчоқ; 2) ерга қурилган, оғзи осмонга қараган тандир.

ПИЁДАЛАБ фольк. Пиёда юриб, пиёда, яёв. От-арава чўлда қолиб кетади, Пиёдалаб шоҳ қошига етади. «Алпомиш». Пиёдалаб Ҳақиқ тоғдан жўнади, Борар ернинг тайинини билмади. «Ширин билан Шакар».

ПИЁДАЛАШМОҚ Кўпчилик бўлиб пиёда юрмоқ, бормоқ, айланмоқ.

ПИЁЗ [ф. پياز — пиёз, бир бош пиёз] I Барглари найчасимон узун бўлиб ўсадиган, илдииз бўғзида юпқа қат-қат пўстлардан юмалоқ тугунак ҳосил қиладиган, тугунаги ва ёш барги овқатга ишлатиладиган икки йиллик ва кўп йиллик сабзавот ўсимлиги. Оқ пиёз. Қизил пиёз. Барра пиёз. Кўк пиёз. Топган гул келтирар, топмаган — бир боғ пиёз. Мақол. ■ Бутун ошласи бу ерга помидор, пиёз, редиска, карам ва ҳоказо резавор экиб, мумкин қадар элдан бурунроқ бозора чиқариб, «пул» қилишга тиришар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

Пиёзи ансурий Ўрта Осиёнинг тоғли худудларида ўсадиган, тугунак ҳосили овқатга ишлатиладиган сервитамин ёввойи пиёз. Саримсоқ пиёз айн. саримсоқ I.

2 Баъзи ўсимликларнинг пиёзсимон илдиизи, тугунаги. Лола пиёзи.

Пиёзнинг пўстидай Жуда юпқа. Пиёзнинг пўстидай парда. Қорни пиёзнинг пўстидай бўлди Қорни жуда, ниҳоят очди. Аммо қасамёд қилиб айтамизки, қоринларимиз пиёзнинг пўстидай бўлиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ПИЁЗГУЛ [ф. پيازگل] Лолагуллилар оиласига мансуб узун пояли, пиёз илдизли хушманзара ўсимлик ва унинг карнайсимон йирик гули.

ПИЁЗДОҒ [ф. پيازداغ] Ёғда қовурилган пиёз. Пиёздоғ қилмоқ. ■ Пиёздоғнинг ҳидлари димоғимга кириб, иштаҳа ҳам намозшомгулнинг карнайидай очилиб кетган. Ғ.

Фулом, Шум бола. Қўшни ҳовлида кимдир жаз-буз қилиб пиёздоғ қилмоқда. С. Аҳмад, Хукм. Ҳозиргина пода қайтган, қишлоқ бузоқларнинг қий-чуви билан тўлган, ҳавода пиёздоғ иси анқийди. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИЁЗИ [ф. پیازی — пиёзга оид, пиёз каби] Жундан юпқа қилиб тўқилган (мато ҳақида). Унинг бошида Бухоро амалдорлариникидек ўралган дока салла, эғнида пиёзи мовутдан чакмон, оёғида сариқ кавуш-маҳси. С. Айний, Дохунда. Пиёзи чакмонининг барини қатмига қисиб, қора бахмал ҳошияли оқ қалпоғини бостириб олган хушрўй йигит баланд пахсадан осилиб тушган беҳи шоҳига қараб борар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПИЁЛА [ф. پیاله < юн. phiale — сув ичиладиган ясси косача] Тубидан юқорига томон кенгайиб борадиган, косадан кичик, тагликли идиш (асосан, чой ичиш учун ишлатилади). Чинни пиёла. Сопол пиёла. ■ Ун уч кундан бери туз тотмаган одам ўша кун ярим пиёла товуқ шўрва ичдилар. К. Қаҳқорова, Чорак аср ҳамнафас. Азизхон қўлидаги пиёлани бўшатиб, хайрлашиб чиқиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.

ПИЁН [р. пьяный — маст, кайфи бор] с.т. Ичкиликдан кайфи ошган, маст. Пиён бўлмоқ. Пиён улфат — бепоён кулфат. Мақол. ■ Ҳаммадан олдин ўсмирча гавдали Султон пиён дикиллаб турди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПИЁНИСТА, пияниста [р. пьяница — ичкиликбоз, ароқхўр] с.т. Спиртли ичимликни кўп ичадиган; ичкиликбоз, ароқхўр, майпараст киши. Эй шўринг қурсин. Роса пиёниста экансан. С. Аҳмад, Уфқ. -Пиёниста бўлмасин ишқилиб, — Баҳринисонинг оҳиста айтган бу сўзини ҳеч ким эшитмади. «Гулдаста». Битта ўзингни боққанимиз ҳам етарди. Йўқот пияниста ўртоқларингни! Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИЁНИСТАЛИК эск. с.т. Спиртли ичимликни кўп ичиши, ичкиликбозлик, майпарастлик. Пиёнистикака барҳам бермоқ.

ПИЖАМА [ингл. pyjamas < ф. + ҳинд. پای — оёқ + جام — кийим] Юмшоқ матодан тикилган, шим ва кенг калта халатдан иборат, уй ичида кийиладиган енгил кийим. Штапель пижама. Қишлоқ пижама. ■ [Борис Александрович] Урнидан туриб, чироқни ёқди. Эғнида йул-йул пижама,

кўзойнагини кўтариб-кўтариб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. С. Анорбоев, Меҳр. Шукуров йул-йул пижамасининг кенглигиданми, жуда бақувват, миқти кўринарди. О. Ёқубов, Дённат.

ПИЗИЛАМОҚ Жуда тез юрмоқ, елдай югурмоқ; зипилламоқ, зинғилламоқ. Дарвозасидан қарасам, пешонасига шоҳи белбоғини танғиб олиб, ҳовлида яқтакчан пизиллаб юрибди. И. Раҳим, Ҳилола. Ун қадамча наридан чябўри кўзларини ёндириб, жар томонга пизиллаб ўтди. Ҳ. Назир, Утлар туташганда.

ПИЙМА [р. пимы < шимол халқлари тилларидан: буғу терисидан қилинган кишики этик] Жундан босиб тайёрланган, узун қўнжли, иссиқ қишлоқ оёқ кийим. Оёқ яланг қор кечади, сўнгги пиймасини жангчиларга икки қўллаб тутқзади. С. Кароматов, Олтин қум.

ПИЙМАЧИ Пийма тайёрловчи уста. Кўчкин бир пиймачи латиш ҳовлимизда яшарди. С. Аҳмад, Сайланма.

ПИЙПАЛАМОҚ 1 Босиб-янчиб ёки уриб-туртиб эзгиламоқ, эзмоқ. Мард бўлсанг, тўғрини эмас, ўғрини пийпала. Мақол. ■ Агар Валиев ёмонликка олса, уни бирпасдаёқ пийпалаб ташлайди. Э. Усмонов, Ёлқин. Кейин бировлар консервани пийпалаб кетди, бировлар уйда тартиб ўрнатишга уннади. А. Мухтор, Тугилиш.

2 айн. пайпасламоқ 1.

ПИЙПАЛАНМОҚ Пийпаламоқ фл. мажж. н. Ҳали вақт кўп, тиқилинчда пийпаланиб нима қиламан, деб ярим йўлда тушиб қолдимда, папирос тутатиб, секин пиёда кета бошладим. У. Назаров, Биринчи учрашув.

ПИЙПАМОҚ айн. пийпаламоқ. Чулоқ девни пийпаб олди остига. «Нигор ва Замон».

ПИЙПАСЛАМОҚ 1 айн. пайпасламоқ 1. Бир пайт бола уйқусираб ингради, кўзларини очмасдан, кўрпанинг четини пийпаслаб ушлаб, юзига тортди. Ш. Холмирзаев, Оқ отли. Шерали ўтириб, ўнг оёғи тиззасини пийпаслаб кўрди. С. Кароматов, Олтин қум.

2 Юпатмоқ, овутмоқ. Сарви хола овсинининг хафалигини бироз ёзиш учун пийпаслаб гапира кетди: -Шаттакилим ўлсин, овсин, гапиравераман. Аслида ўзи шу яхши. Р. Файзий, Қайнона.

ПИЙСАБИЛЛО [а. فی سبیل الله — оллоҳ, худо йулида (садақа сўраш маъносида)] с.т.

Кунгилдан, дилдан чиқариб. - *Жиян, сенинг мендан булак жони ачийдиган кишинг йўқ, домланенинг қизидан айрилма, майли, мен пийсабилло сени ўша олийжаноб домлага бердим, унга ўғил бўл, бахтли бўл, — деди Умидга тоғаси.* Мирмуҳсин, Умид. *Ишини пийсабилло бўйинга олгандан кейин, урдасидан чиқсангиз қилинг-да!* У. Исмоилов, Сайланма.

ПИКАП [ингл. pick-up — < pick up — кўтариш] Юк ва одам ташиш учун белгиланган очиқ кузовли, ўриндиқлари борт бўйлаб жойлашган кичик автомобиль.

ПИКЕТ [фр. piquet — қозиқ, қозиқча] 1 ҳарб. Кам сонли соқилар отряди.

2 Иш ташлаш юз берган жойда қорувлик қилиб юрувчи ишчи гуруҳ.

3 *сиёс.* Одатда, ҳукумат идоралари олдига бирор нарсдан норозиликни ифодалаш учун қўйиладиган вакиллар гуруҳи.

ПИКИРОВКА [фр. piquet — қозиқ, қозиқча] қ. х. Полиз-сабзавот, мева, манзаралар ўсимликларнинг янги униб чиққан кўчатларини олиб, уларнинг ўсиш шароитларини яхшилаш мақсадида бошқа жойга ўтказиш (кўпинча қозиқчалар ёрдамида). *Бир парник ёки яшикдаги кўчатларни бошқа парник ёки яшикка олиб, сиёрак қилиб экиш «пикировка» деб аталади.* Газетадан.

ПИКТОГРАФИЯ [лот. pictus — бўёқда чизилган, тасвирланган + юн. grapho — ёзаман] тлш. Нарса-буюм, воқеа-ҳодиса, иш-ҳаракатларни шартли белги-расмларда акс эттиришдан иборат ибтидоий ёзув тури (бундай ёзув излари ҳозирги кунда йўл ҳаракатини тартибга солувчи белгиларда, турли кўрсаткич ва пешлавларда қўлланмоқда).

ПИЛДИРАМОҚ 1 Кўз илғамас даражада тез айланмоқ, ҳаракат қилмоқ. *Мотор гулдураб, ғилдирак пилдираб, цехда яна иш бошланди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Сой оқимига қарши бир қарич, бир ярим қарич катталикдаги балиқлар пилдираб сузишарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Майда қадам билан тез, шошиб-пишиб юрмоқ (кўпинча болаларга нисбатан). *Туланбой йўқ демай, пилдираб кетаверарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эрта тонгда бирин-кетин катталар ишга, кичкинтойлар пилдираб, боқча ва мактабларга йўл олишади.* «Ёшлик». *Карим энтикканича, қўрқа-писа дадам кетидан пилдираб кетди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

ПИЛДИРОҚ с.т. қ. пиридоқ.

ПИЛДИРПИС с.т. Индамай, жимгина. *Болалар пилдирпис бўлиб, жой-жойига ўтиришди. Шерзод ҳам қорнини чангаллаганча, ўз партасига кетди.* Ҳ. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Донибой ҳар замон-ҳар замонда бир қорасини курсатиб қўяр, шундаям оёқ-поёғидан сал совуқ ўтдим, пилдирпис жўнаб қоларди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

ПИЛЕСОС [р. пылесос — чангсўргич] Кийим-кечак, гилам, мебель кабиларни чангдан тозалайдиган аппарат, чангсўргич. *Врач пилесосни ўчириб, ўриндиқ четига ўтирган проводник билан сўзлашди.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка. *1988 йилдан бошлаб Париж метроси бекатларида роботлаштирилган пилесослар ишлай бошлади.* «Фан ва турмуш».

ПИЛИК 1 Бир учи ёритқич асбоб ичидаги керосинни ёки мойни шимиб, иккинчи — ёнувчи учига ўтказиб берадиган лентасимон мато ёки эшилган пахта. *Қорачироқ пилиги. Шамнинг пилиги. Лампа пилиги. ■ Мойи тугаб, пилиги сўхта бўлган чироқ бир лип этиб сунди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ёшига нисбатан анча тетик, барваста чол остона ҳатлади. Гулрўйнинг юраги безовата тенганча, яна бир бор эшитилар-эшитилмас, ўтиринг, деб қўйди-да, чироқ пилигини бироз кўтариб, кўрпага ташлади.* «Ёшлик».

Пилигини кўтармоқ кўчма Бирор нарсанинг, иш-ҳаракатнинг даражасини, савиясини, миқдорини кўтармоқ, оширмоқ. [Расулжон:] *Йўқ, дустим, ҳозирги замонда математикадан оқсаиш ярамайди. Математикадан баҳонинг пилигини кўтариш керак.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. - *Сиз ҳам бизнинг диний урф-одатларимизга даҳл қилманг, оқибати яхши бўлмайди, — деди мулоиймлик билан. Кейин пилигини сал баланд кўтариб, илова қилди. — Сиз ёшликда қандай бўлсангиз, ҳалиям ўша-ўша чўрткесар, ўжар, қизиққонсиз.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *тўқм.* Пахта, жун, ипак ва зиғир толаларини бўшгина ҳимариб, чўзиб, тўғрилаб ҳосил қилинадиган маҳсулот. *Пилик ип йиғириш учун асосий хомашё ҳисобланади.* «ЎЗМЭ».

3 Соч ўрими ечилиб кетмаслиги учун унинг учига қўшиб ўрилган пахта. *Сочини майда ўриб, учига пилик таққан, оёғига кавуш, эгнига чит кўйлак кийган ўн олти ёшлардаги бир қиз анор узиб, саватга терарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

4 Арвоҳларга, инсу жинсларга атаб ёқиш учун бир учига пахта ўраб, ёққа ботирилган чўп. Камзулининг чўнтагидан қамишга ўралган бир неча пиликни олиб, учтасини Сурмаҳон қабрининг бош томонига тиқиб, ёндириб қўйди. И. Раҳим, Ихлос.

5 Қош, киприкни бўяш учун ишлатиладиган, учига пахта ўралган чўп. Сатмхоннинг қўшнилари билан тотулашиб олганини айтмайсизми — бир пиёла кетидан ўсма қўйиб, бир пиликдан сурма тортгандай! Шухрат, Умр поғоналари.

ПИЛИКДАЙ, -дек 1 Пилик каби, пилликка ўхшаш ингичка, нозик. Эсимда, оёғи пиликдай гўдак Очликдан қоқ уриб, берган эди жон. «Ёшлик».

2 Чиройли, гўзал. Сувдан чиққан зулукдай, Қошу кўзи пиликдай Келин пошшага салом. «Оқ олма, қизил олма».

ПИЛИКЛИ 1 Пилиги бўлган, пилик воситасида ёнадиган. Ҳар маҳаллага шаҳар думаҳонаси ўтказган фонусларнинг ичида биттадан еттинчи пиликли керосин лампа ёнар эди. Ф. Фулом, Шум бола.

2 Учига пилик қўшиб ўрилган (соч ўрими ҳақида). Уша йили сочим эди — оқ пиликли жамалак. Ф. Фулом.

ПИЛЛА I [ф. *پيله* — ипак қурти пилласи, гўмбақ] 1 Ипак қурти гўмбақка айланишдан олдин ўз устига ўраб ҳосил қилган қобик, ипак қуртининг маҳсули; табиий ипак олинадиган хомашё. Пахтанинг ҳар шонаси — Мул ҳосил нишонаси. Пилланинг ҳар толаси — Шойи-атлас онаси. «Кўшиқлар». Пилла қуртлар сўрида, Уйимизнинг тўрида, Тут барг ейди вишиллаб. Қ. Ҳикмат.

Пилла тортмоқ Пиллани махсус йўл билан ишлаб, ипак толасига айлантирмоқ. Пўчоқ пилла Ичидан капалаги тешиб чиқиб кетган пилла. Туқ пилла Қобиғи қалин етук пилла.

2 Кўпгина ҳашаротлар гўмбагининг ҳимоя қобиғи.

ПИЛЛА II [ф. *پيله* — йирингли яра, чипқон; милкнинг йиринглаши] тиб. Тиш милкнинг шишиб, йиринг бойлаши.

ПИЛЛАКАШ [ф. *پيله كاش* — пилла тортувчи] 1 Пиллани махсус йўл билан ишлаб, ундан ипак олувчи, пилла тортувчи киши. [Низомжоннинг] Қиладиган иши — пиллакашларнинг қозониға ўт қалаш. С. Аҳмад, Уфқ. Пилла тортишда пилла сиртидаги

чўлғамлар, ипак толаси ва пилла ичидаги чўлғаммайдиган парда олинади. «ЎЗМЭ».

2 айн. пиллачи.

ПИЛЛАКАШЛИК 1 Пиллакаш касби. Бу ерда [фабрикада Мунисхон] пиллакашлик касбининг нозик томонларини қунт билан ўрганди. Газетадан.

2 Пилла тортиш, ундан ипак олиш иши, шу иш билан шуғулланувчи соҳа. Иш жараёнларига сарфланадиган меҳнат камайсин учун, пиллакашликни автоматлаштириш лозим. «Фан ва турмуш».

3 айн. пиллачилик 1. Пиллакашлик бригадаси.

ПИЛЛАКОР айн. пиллачи. Пиллакору чорвадор, ғаллакор, боғбону соҳибкор — ҳаммасининг юзи ёруғ. «Саодат». -Катта концентр! — деб қулди секретарь, — пиллакорларнинг йиғини бор, шахсан саркотибнинг ўзлари қатнашади. С. Сиёев, Отлик аёл.

ПИЛЛАКОРЛИК айн. пиллачилик.

ПИЛЛАПОЧА [ф. *پله پاجه* — оёқ қўйиладиган поғона] Пиллапоя, поғона.

ПИЛЛАПОЯ [ф. *پله پايه* — зина; оёқ қўйиладиган поғона] 1 Зина ёки нарвоннинг ҳар бир поғонаси, босқичи; поғона. Жўрабой уйқусизликдан мудраб, зинанинг икки-уч пиллапоясига баравар оёқ ташлаб юборган эди, қалқиб кетди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Бир оёғини вагоннинг юқориги, бир оёғини настки пиллапоясига қўйиб турган Саодатнинг кўзи онасида эди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Тезда орқасига қайтишда, тепаликнинг нариги томонидаги махсус пиллапоядан настга тушиб, боланинг олдига чопди. С. Зуннунова, Олов.

2 кўчма Босқич, кўтарилиш босқичи. Ҳақиқий илм фидойилари фаннинг машаққатли, аммо фахри пиллапоялари сари илгарилаетиб, ўзларини очилмаган қўриқ сари бораётгандай ҳис этишади. Газетадан. Ҳаёт инсонни аста-секин вояга етказар, ўз пиллапояларидан бирин-кетин етаклаб чиқарар экан. «Ёшлик».

ПИЛЛАХОНА [пилла + хона] Пилла қурти боқиладиган, пилла етиштириладиган махсус жой, хона. Инкубаторлар учун жой тайёрлаш, пиллахоноларни ремонт қилиш, ёқилғи жамғариш, биноларни дезинфекциялаш ишлари авж олиб кетди. Газетадан.

ПИЛЛАЧИ Ипак қурти боқиш ва пилла етиштириш билан шуғулланувчи киши. «Қишлоқ ўқитувчиси» қиссаномам унинг қахрамони — Давлат мукофоти лауреати, новатор пиллачи, қишлоқ ўқитувчиси Олия-хон Султонованинг издошларини етиштирди. Н. Сафаров, Оловий излар.

ПИЛЛАЧИЛИК 1 Ипак қурти боқиш ва пилла етиштириш иши, касби. *Пиллачилик — фахрли ва масъулиятли касб.* Газетадан. *Район бош пиллахонасида ипак қурти боқиш масъуми олдидан пиллачилик мутахассислари учун малака ошириш курслари ташкил этилди.* Газетадан.

2 Қишлоқ хўжалигининг пилла етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Хўжалик сертармоқ: колхоз боғдорчилик, узумчилик, деҳқончилик, чорвачилик, пиллачилик билан шуғулланади.* Газетадан.

ПИЛОРАМА [р. пила — арра + нем. Rahmen — ром, таглик, асос] Ғула ёғочдан тахта тилиш, арралаш дастгоҳи. *Пилорамда тахта тилмоқ.* ■ *Бу ерда [устахонада] бир неча пилорама ва станоклар ишлаб турибди.* Газетадан.

ПИЛОТ [фр. pilote — учувчи] Самолёт, дирижабль ва ш.к. учуш аппаратларини бошқарувчи мутахассис, учувчи. *Ўлчови бор ҳар маҳсулотнинг, Хирмонда доимо тайёр тарози; Тонналаб ўлчайди ишчи пўлатни, Километрлар билан — пилот парвози.* А. Мухтор, Асарлар.

ПИЛОТАЖ [фр. pilotage — учуш маҳорати] Учуш аппаратларида ҳавода турли хил шакллар ясаш учун уларни горизонтал, вертикал ва қия йўналишларда маҳорат билан бошқариш санъати. *Олий пилотаж.*

ПИЛОТКА [«пилот» с. дан] Ҳарбий хизматчилар (дастлаб учувчилар)нинг ёзлик бош кийими. *Гимнастёрка барини тортдим, камаримни қаттиқроқ қисиб, пилоткамни тўғриладим.* «Муштум». [Аскар йигит] *Усиқ қошларигача тушган пилоткасини кўтарди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ПИЛ-ПИЛ Тез ва энгил такрорланадиган оний ҳаракат. *Уртадаги катта текис тош устида фонарь пил-пил ёнмоқда.* С. Анорбоев, Оқсой.

ПИЛПИЛЛАМОҚ 1 «Пил-пил» қилиб ёнмоқ, липилламоқ, милтилламоқ. *Милт-милт пилпиллаган шу кўримсиз шам Яратмиш жаҳонга етгулик зиё.* Миртемир, Асар-

лар. *Тусатдан турган шамол пилпиллаб зўрға ёнаётган лампани бир этак силкишдаёқ ўчириб қўйди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Тез-тез ҳаракатланмоқ, пирпирамоқ, учмоқ (мас., киприк ҳақида). *Қозининг туссиз кўзлари атрофидаги сийрак киприклари пилпиллади, лаблари ичирлади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

3 Тез-тез юмилиб очилиб пирпирамоқ (кўз ҳақида).

ПИЛТА [ф. پيلتا < а. فتلة — ўрам, калава, ип; فتيلة — пилик; ёндирувчи портлатувчи ип, шнур] 1 Пилтакачга ўраб, дўппи тепчигига, баъзан тўн ёқасининг қа-вигига тиқиладиган қоғоз. *Ёқага урилган пилта. Дўппи пилтаси.* ■ *Дўппи ёмон эмас, — дейди Мусавой.* — *Пилталарини қара, шалдиरोқ қоғоздан, шекилли.* Ойбек, Болалик. *Аксар дўппилар тепчигидан қирқилиб, пилтаси кўришиб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Пилтаси чиқмоқ 1) эскириб, йиртилиб тўзмоқ (асосан, дўппи, тўн ҳақида). *Мирза Муҳиддин унинг пилтаси чиққан дўпписини яқин тож ўрнида кўраб эди.* А. Қаҳҳор, Са-роб; 2) кўчма чатоғи чиқмоқ, айби, сири очилмоқ. *Доим бир иш қилса, орқасидан пилтаси чиқиб юради.* «Муштум».

2 Пахта, жун, ипак ва зиғир толаларини бўшгина ҳимариб, чўзиб, текислаб ва тўғрилаб ҳосил қилинадиган тўқимачилик маҳсулоти (лента); пилик олишдаги хомашё.

3 Бирор нарсани маълум масофадан туриб ёндириш ёки портлатиш учун ишлатиладиган ёнувчи чизимча, шнур. *Милтиқнинг пилтасига ўт тегизмоқ.*

Пилта милтиқ тар. Пороҳ заряди пилта билан аланга олдириладиган силиқ стволли милтиқ. *Бу томондаги кенг майдонда ҳарбий машқ — отда чошиб новда қирқиш, тирандозлик, пилта милтиқ отиш каби машқлар ўтади.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

4 қ. пилик 1. *Тумшукларнинг ҳар бирида бир пилта ёниб туриб, ҳар икки томонни — ҳам ғўза чувувчилар олдини, ҳам чигирчилар олдини баравар ёритарди.* С. Айний, Эсдаликлар.

5 эск. Чарҳда ип йигириш учун пилтакачда юмалоқланган бир бўлак пахта, паға. *Онам шу қадар тез, шу қадар ингичка йигирар эдики, пилтадан чиқаётган ипни кўзим илғамасди.* Ё. Шукуров, Қасос. *Элмурод унга*

[отинойига] савалган пахтадан пилта ўраб бериб ўтирди. П. Турсун, Уқитувчи.

6 с.т. қ. **пилл** 3. ..тўппи кийиб, сичқон думидек сочларига пилта ўраган жамалак қизалоқ унинг диққатини тортди. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

7 Дуппидўзлик, мискарлик ва б. амалий санъат турларида безак тури: чивик каби ингичка бўртма безак йўл.

ПИЛТАКАЧ [ф. *پيلتەكش* — пилта қилувчи, пилта ясовчи (асбоб)] Қоғоздан пилта ўраб, тепчик орасига тиқши учун ишлатиладиган дастали ингичка сим. *Теп пилтакач. Кизак пилтакач.* ■ *Расмий қишлоқ бозори: ..қўлларидан пахта тўшакдан тортиб пилтакачгача кўтариб юрган олиб-сотарлар; товўқфурушлар, хуллас, ажойиб “универсал магазин”. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.*

ПИЛТАЛИ 1 Авраси билан астари орасига пилта урилган. *Майда пилтали дўппи. Ёқаси пилтали тўн.*

2 Пилта билан отиладиган. *Пилтали милтиқ.*

ПИЛТАЧИРОҚ Пилигидан тутаб ёнадиган шишасиз чироқ, қорачироқ. *Липиллаб ёниб турган пилтачиरोқ торгина уйни аранг ёритарди. Мирмуҳсин, Чўри. Ошно ялт этиб шифтга қаради. Ранги қув оқариб кетди — шифтда пилтачиरोқ осадиган пишиқкина илгак бор эди. М. М. Дўст, Лолазор.*

ПИЛЧИЛЛАМОҚ “Пилч-пилч” қилмоқ, “пилч-пилч” овоз чиқармоқ. *Оёқ остида лой пилчиллайди. Пилчиллаган лой. Қор эриб, ҳамма ёқ пилчиллаб кетди.* ■ *Хотинларнинг қий-чуви эшитилди. Кимдир «дод, сўяди!» деб чинқирди. Қарасам, пилчиллаб кетган майдонда ўзимиздан бошқа ҳеч ким қолмабди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.*

ПИЛЧ-ПИЛЧ тақл. с. Суюқ, ёпишқоқ лойдан юрганда, оёқ остидан чиқадиغان товўшлар. *Этик жиққа хўл, қадам боссанг, пилч-пилч қилади.* ■ [Кўча] *Тунда қатқалоқ бўлган, қуёшда эриб, пилч-пилч лой бўлган эди. Ойбек, Навоий.*

ПИНАК [ф. *پيناك* — уйқунинг боши, уйқу элитизи] Уйқу элиттан ҳолат; мудроқ; уйхаёл.

Пинак сурмоқ қ. пинакка кетмоқ 2. *Камолитдин маҳдум, пинак сураётганда шарпадан чўчиган бангидай, уламо шарпасини эшитиб, бирдан сесканиб тушди. М. Исмои-*

*лий, Фарғона т.о. Пинагини бузмай Парво қилмай, аҳамият, эътибор бермай; бепарво, хотиржам. Ҳафиза ўзини у ёқ-бу ёққа солиб, пинагини бузмай тура берди. У ҳатто бу аччиқ таъналарни эшитмагандай, эшитса ҳам, бир нақирга олмай, сур бўлиб турарди. Мирмуҳсин, Умид. —Аммо менга жой бўлиши керак, — деди меҳмон пинагини бузмай. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Пинакка кетмоқ 1) уйқуга кетмоқ, мудрамоқ. [Собир] *Пинакка кетиб қолган Фулом акани уйғотди. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг; 2) хаёлга берилиб, борлиқни унутмоқ. Қария пинакка кетди: оқ сочли бошини қўллари билан сиқиб, кўзларини юмиб, узоқ уйга толди. Ойбек, Нур қидириб.**

ПИНГВИН [фр. *pingouin*, ингл. *pinguin* < лот. *pinguis* — ёғли, семиз] Қушларнинг Антарктида ва Жанубий яримшарнинг ўрта минтақаларида тарқалган, қорни ва кўкраги оқ, орқаси тўқ кўк ёки қора, қанотлари куракоёққа айланган тури.

ПИНГ-ПОНГ [ингл. *ping-pong* — стол теннисининг эскирган номи; товўшга тақлид сўз] Целлулоид коптокчани ракетка билан уриб, стол ўртасига тортилган тўрдан ошириб, столга тушириб ўйналадиган ўйин; стол тенниси. *Мен шахмат ва пинг-понг чемпионларини ютиб келдим. «Фан ва турмуш».*

ПИНЖ 1 Кимса ёки нарсага энг яқин бўлган жой, кимса ёки нарсанинг ёни, биқини; бағри. *Қор босган дарахтлар худди бир-бирларининг пинжига суқилиб олгандай эди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Аввалига Мулла Тошўлат узоқдан, бозорда дарвоза пинжиде ёймачилар қаторида нўстак устида ўтирган кимсага кўзи тушди. О. Мухтор, Аёллар мамлақати ва салтанати.*

2 кўчма Паноҳ, ҳимоя.

Пинжига кирмоқ (ёки суқилмоқ, тиқилмоқ) 1) ёнидан жой олмоқ, бағрига кирмоқ. *Бой кўрбошининг пинжига кириб, уни туртар эди. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. Пўстин устида ёнма-ён ўтирган Ойсулов Сувонжоннинг пинжига суқилди. С. Анорбоев, Оқсой. Негадир қизча, ҳадиксираган янглиғ, секин аёлнинг пинжига тиқилди. Н. Қилчев, Чиғирик; 2) кўчма бировнинг кўнглини, тилини топиб, унга яқинлашмоқ, бировнинг ҳомилийгида паноҳ топмоқ. *Ҳамдам катталар ва ўқитув-**

чиларнинг пинжигга кириб оладиган бўлиб қолди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? **Пинжигга олмоқ** 1) ёнига, бағрига олмоқ. *Пальтосини елкасига солди-да, қизни ҳам пинжигга олди.* А. Мухтор, Туғилиш; 2) кўчма паноҳига, ҳимоясига олмоқ. *Акам бизни пинжигга олиб ардоқлади.* **Пинжидан чиқмоқ** Бағридан чиқмоқ. *Итларнинг бетоқат вовулашидан ўзимизга келдик.* **Пинжимдан чиқди-да, у битта-битта қадам ташлаб, нари кетди.** «Ёшлик».

ПИНЦЕТ [фр. pincette – қисқич; омбурча] Майда, сирғалувчан, мўрт, нозик нарсаларни маҳкам ушлаб (тутиб) туриш учун ишлатиладиган омбурсимон асбоб, қисқич (тиббийет, техника ва б. соҳаларда қўлланади).

ПИНФИЛЛАМОҚ Димоғи билан секин овоз чиқариб гапирмоқ; пунгилламоқ, тунгилламоқ. *Содиқ амин.. нарёққа қараб пингиллади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У димоғида гапирар эди.* Унинг овози пингиллаб эшитилгани учун, *Бегимхон пиқиллаб кулди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПИНФИЛЛАТМОҚ Димоғида пингиллаган овоз чиқармоқ. *Соли совуқ.. бақа бурнидан пингиллатиб шу сўзларни чиқарди: -Шундай сизни бир кўриб чиқай, деб кирувдим-да.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПИНҲОН [ф. پنهان – яширин, махфий; сирли] 1 Кишининг назаридан яширинган, кўзга кўринмайдиган; яширин. *Минг тасаннога лойиқ ўсимликларнинг ажойиб хислатларидан бири – инсонга ер остида ўзини пинҳон тутган конлардан хабар қила билшидир.* Газетадан.

2 Кишилардан махфий тутилган, сир сақланган; махфий. *Сир пинҳон.* *Дарди пинҳон.* *Пинҳон бўлмоқ.* *Пинҳон тутмоқ.* ■ *Неча йилдирки, Феруз Авазга пинҳон меҳр қўйган эди.* *Буни худодан яширмайди, аммо бандасига билдирмайди.* С. Сиёев, Аваз. *Дастлаб туйғуларини ҳаммадан пинҳон тутиб юрди.* «Ёшлик». ..*ахир, унинг пинҳон армонларини Нуриллахонгина эмас, Саид Олимхон ҳам яхши биларди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ПИНҲОНА [ф. پنهان – яширинча, билдирмаган ҳолда] рвш. Кишилардан махфий равишда, бировга билдирмай: яширинча. *Бемаврид келганига Равшан пинҳона афсус-*

ланмоқда эди, тезроқ чиқиб кетиш учун баҳона қидирарди. «Шарқ юлдузи». *Газмолларни тахлаётган мудирга пинҳона назар ташлаб, бир дақиқа туриб қолди.* «Саодат».

ПИНҲОНИЙ [ф. پنهانی – яширинча, бекитиқча, махфий] кт. Пинҳон тутилган, сир сақланган, яширин; махфий. *Бегимнинг кўзларида кишини қўчатадиган пинҳоний бир маъно бор.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Ҳазил-мутойибаю кўз ёшларигача, ошкора ва пинҳоний алам-армонларгача – барчаси умр китобининг қадрдон саҳифалари эди..* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

Пинҳоний бозор Қонунчилик томонидан тақиқланган товар ва хизматлар билан олдидотди қилиш, шундай фаолият билан шуғулланиш.

ПИОДЕРМИЯ [юн. роуп – йиринг + derma – тери] тиб. Терининг йиринг ҳосил қилувчи микроблар кўзгатадиган йирингли яллиғланиш касаллиги.

ПИОНЕР [фр. pionnier – бошлаб берувчи; ташаббускор] 1 Фан, техника, санъатда, умуман, тадқиқ қилинмаган муайян соҳада йўл очиб, бошлаб берган киши. *Космосни ўзлаштириш пионерлари.*

2 тар. Шўролар даврида (1922–91 йилларда): болалар пионер ташкилотининг аъзоси. *Пионерлар отряди.* ■ *Пионер ва ўқувчиларнинг бу сезимли ансамбли* [«Пахтаой»] *бу йил қатор янги номерларни ўрганди.* Газетадан.

ПИПЕТКА [фр. pipette – найча] тиб. Бирор миқдор дорини тортиб (сўриб) олиш ва томизиш учун ишлатиладиган, бир томонига оғзи берк резина қалпоқча кийдирилган шиша найча. *Мирвали уни [туғунни] Расулбекнинг қўлидан олиб очди.* *Кичкинагина пенициллин шисасида қандайдир отпоқ суюқлик эди: -Асаларининг сути.* *Пипетка билан тил тагига томизиб, бирон соат суюқлик ичмай турасиз.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПИР I [ф. پير – кекса, қари; диний мазҳаб, тариқат асосчиси; хунармандлар саркори] 1 Узоқ умр кўрган киши; кекса (қари 2).

Пир бадавлат Узоқ умр кўриб, болаларини уйлаб-жойлаб, роҳатда-фароғатда яшаётган киши. -*Кўчқордек ўғилларнинг соясида пири бадавлат бўлиб яшанг, – деди Эргаш Қоратойга.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. *Илоҳим, пири бадавлат бўлгин, мени*

иззат қилсанг, сани худо иззат қилсин, — деб дуо қилди Бўрихўжа Валижонни. Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Пири бадавлат отахону онахонларимиз жуда кўп.* Газетадан.

2 Диний мазҳаб бошлиғи, диний раҳбар. *Худо хоҳлаб, пирлар мададқору азиз авлиёлар қўллаб юборса, ҳаммасини даф қиламиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. «*Қоч, йўлни бўшат, пири келяттилар!*» деб кимгадир ўшқирган. К. Яшин, Ҳамза. *Арвоҳлар ёр, пирлар мададқор бўлиб, овимиз бароридан келсин.* Ҳамза, Танланган асарлар.

Ё **пири** қ. ё III. *Ё пири! Шарманда қилма! (Битта-битта кетадилар).* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Бирор касбнинг асосчиси, ҳомийси деб тушуниладиган, кўпинча, афсонавий ва афсоналаштирилган шахс. *Мискарлар, чегачилар, тунжасозлар кўп антиқа гапларни, ҳар қайсилари ўларнинг пирларини, рисо-лаларини яхши биладилар.* Ойбек, Болалик.

4 *кўча* Бирор иш, касб ёки соҳани жуда яхши эгаллаган, шу соҳада ўта моҳир уста киши, устоз. *Бундай раҳбарлар, гўё ҳамма соҳанинг пири ҳисобланадилар.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. — *Боланг бой бўлгур Шоди ошпаз бу касбнинг зап пири-да!* — чолнинг таърифини келтиришади чинорликлар.. «Ёшлик». *Улар ўрни келса, отаси экану, ҳатто пирининг ҳам бетига қоракуя чалаб, мақсад сари талпинади.* С. Сиев, Ёруғлик.

Пир урган Энг ёмон, арвоҳ урган, ярамас. *Зиқнанинг пир ургани эди. Хасислигини, исқиртлигини ҳамма билади. Кимсан — те-рифуршу фалончи бой!* Ойбек, Танланган асарлар.

ПИР II: ҳафсаласи пир (бўлмоқ) 1) ишончи, эътиқоди йўқолмоқ, кўнгли қолмоқ. *Энг ишонган кишидан ҳам ҳафсаласи пир бўлибди.* ■ *У ёзибди: Баракалла, ўртоқ шоир, Қани дўстлик, огайчилик, ҳафсалам пир.* Ф. Ғулом, Танланган асарлар. *Болаликдан кўз очиб кўргани туя ўрқачидай ҳайбатли тепаликларни эмас, кафитдек текис даштни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди.* «Ёшлик»; 2) ҳафсаласи, интилиши, иштиёқи йўқолмоқ, *Ишдан ҳам ҳафсаласи пир бўлибди.* ■ *Кўрса, ҳафсаласи пир бўлиб, қўли ишга бормай қолади.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПИР III тақл. с. Майда қушларнинг қанот қоқишидан, паррак кушларнинг айла-

нишидан чиқадиغان товуш. *Чумчуқ пир этса, юраги шир этади.* Матал. ■ *Қорабайирнинг туёқлари остидан пир этиб бедана учди.* С. Анорбоев, Оқсой. — *Ҳамма сенга ўхшаганми, чумчуқ пир этса, юраги шир этадиган, — деб қулди Ҳайдар.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ПИРАМИДА [юн. pyramis, pyramides] 1 *мат.* Асоси кўпбурчак, ён ёқлари эса умумий учда бирлашган учбурчаклардан иборат геометрик шакл. *Беш ёқли пирамида.*

2 Шундай шаклдаги жисм. *Кристалл пирамидалар.*

3 Шундай шаклда устма-уст терилган нарсалар. *Гуғуртлар пирамидаси.*

4 қ. *эҳром.* *Мисрликлар тошдан инсон ақлини лол этувчи пирамидалар яратганлар.* «Фан ва турмуш».

5 *ҳарб.* Милтиқлар тик ҳолда териб қўйиладиган махсус қурилма, шунингдек, учлари туташтириб тик турғизиб қўйилган милтиқлар. *Милтиқлар пирамида қилиб қўйилди.*

6 Спортчилар бир-бирларини кўтариб ҳосил қилган акробатик ёки гимнастик шакл. *Физкультурачи ўқувчилар пирамидалар тайёрладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Бильярд ўйинининг бир тури, шунингдек, ўйин бошида учбурчак қилиб терилган бильярд шарлари. *Пирамидани бузмоқ.*

ПИРАМОН [ф. *пираман* — атрофида, теварак-атроф; доира, айлана] 1 Дераза ёки эшик тепасидаги ганч ёки тахтадан қилинган энсиз тоқча. *У деразадан ёғайтган қорға, дарахтларга, дераза пирамонида жунжиб ўтирган икки мусичага тикиларди.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *Токчалар ва пирамонларнинг зиҳлари ганчдан қабартма қилиб ишланган эди.* М. Осим, Ўтрор.

2 Бўғот остидаги бўш, очиқ жой. *Айвон пирамониға хас ташйётган бир жуфт мусича супа атрофида беозор айланиб юрарди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ПИРЗОДА Пирнинг ўғли, меросхўри; пирларнинг пири. *Мен сизларнинг пирзодаларингиз бўлиб туриб, сизларга ёмонлик тиламайман.* У. Исмоилов, Сайланма.

ПИРИЛДОҚ Шамол, пружина ёки қўл кучи билан ҳаракатга келиб, ўз ўқи атрофида тез айланадиган ўйинчоқ.

ПИРИЛЛАМОҚ 1 «Пир-пир» овоз чиқариб, тез қанот қоқмоқ ёки айланмоқ.

Пирилдоқ пириллаб айланмоқда. ■ *Қуш ҳам итга тутқич бермай, яна пириллаб учди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. *Толибжон вентиллятор вилкасини розеткага тиқиши билан, урчуқ пириллаб айлана кетди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Титраганнамо ҳаракат қилмоқ, ҳил-пирамоқ. *Шамол стол устидаги дафтар, китобларнинг саҳифаларини шитирлатиб варақлади, дераза нардаси бетўхтов пириллай бошлади.* Ф. Мусажонов, Дарадаги қишлоқда. *Майин ел шивирлаб, бошингдан эсса, Рўмолинг пириллаб ўйнаб кетади.* Уйғун.

3 Пирпирамоқ, учмоқ (мас., киприк, мушак ҳақида). *Чолнинг кўзлари асабий пириллади, туриб, аста уйга кирди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Салимбойваччанинг кўзлари олакула бўлиб, юзидаги ғушлари пириллади, Бу қандай гап?* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг [кампирунинг] этсииз лаблари асабий пириллар, пешонабоғи елкасига осилиб тушган, қақшоқ оёқлари яланг эди.* Н. Қиличев, Чиғирик.

4 Майда қадам ташлаб, тез юрмоқ; пилдирамоқ. *Бобомирзо елкасида сочиқ, олдида фартук, дўпписини яримта қилиб, пириллаб юрибди.* И. Раҳим, Тақдир.

ПИРИЛЛАТМОҚ 1 *Пирилламоқ* фл. орт. н. *Бола пирпиракни пириллатиб югуриб кетди.* ■ *Улар киприкларини тинмай пириллатиб, соқчилик қилардилар.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тез, гириллатиб олиб кетмоқ, олиб бормоқ. *Алижон ўз кучига ишониб, бир обкаш сувни пириллатиб олиб кетиши билан мақтанадиган, кучини мансаб билиб юридиган йигит эканлигини ҳамма билади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ПИРЛИК Раҳнамолик, диний раҳбарлик; устозлик. *Бизларга пирлик қиласан. Тағин келиб энди мунда, Шайтондай бўлиб озғирасан.* «Фольклор».

ПИРОВАРД [ф. *پيرآورد* – бажариш, адо этиш, охирига етказиш, тугаллаш] Туғалиш, охир, ниҳоя, сўнг. *Гапнинг пироварди. Иш пировардига етди. Ўқишни пировардига етказмоқ.* ■ *Элмурод мактубни шеър ўқигандай ўқиб келиб, пировардида баландроқ овоз билан тугатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йиғилиш пировардида Қодирқулнинг шубҳаси чиплакка чиқди.* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ. «*Озод ва обод Ватан, эркин ва*

фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» маърузасида ўртага қўйилган вазифалар асосида. Газетадан.

ПИРОГ [р. пирог < пир – «базм, зиёфат» с. дан.] Қийма, мева, қиём ва ш. к. солиб, духовкада пишириладиган егулик. *Ўштли пирог. Ширин пирог.* ■ *Қовурилган кўкдан кўк сомса, кўк чучвара, кўк пирог каби таомлар тайёрланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПИРОЖНИЙ [р. пирожное < «пирог» с. дан.] Ёғ, сут, тухум ва шакар аралаштириб қорилган хамирдан турли шаклда тайёрланган, баъзан юзига кремдан гуллар солинган қандолат маҳсулоти. *Муборак ишдан қайтаётиб, йўл-йўлакай болаларга пирожний олмоқчи бўлиб, магазинга кирди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ПИРОТЕХНИК Пиротехника мутахассиси.

ПИРОТЕХНИК Пиротехникага оид, алоқадор, пиротехникага асосланган. *Пиротехник воситалар.* ■ *Пиротехник воситаларни ўйнаш оқибатида содир бўлаётган кўнилсиз ҳодисалар кузатилмоқда.* Газетадан.

ПИРОТЕХНИКА [юн. руг – ўт, олов + техника] Портловчи, ёнувчи ва тутовчи аралашмалар, сигнал берувчи ракеталар, мушаклар тайёрлаш ва уларни амалда қўллаш билан шуғулланувчи техника тармоғи.

ПИРОҚ [асли *буроқ*] фольк. Афсонавий учар от. *Асли зотинг сенинг пироқ, Арзурум шаҳар кўп йироқ; Келгин юганга сен тезроқ.* «Нигор ва Замон». *Эшон бедовга қамчилар уриб, тинмайин чўлда юриб, чоптириб пироқ отди, кун тушликда Майманоққа етди, супа бўйида отни тўхтатди.* «Зулфизар билан Авазхон». *Ёнида бор кесадиган яроғи, Юлдуз-ни кўзлайди минган пироғи.* «Эрали ва Шерали».

ПИР-ПИР 1 Пир III с. такр. *Чумчуқлар пир-пир учмоқда.*

2: **пир-пир учмоқ** Пирпирамоқ, титрамоқ (қош, киприк, мушак кабилар ҳақида) *Илҳомжоннинг қалин қовоқлари пир-пир учди, кўзойнаги устидан отага қаради.* С. Нуров, Нарвон. *Ўн ёноғининг пир-пир учишидан нимадандир қаттиқ жаҳли чиққани кўриниб турарди.* «Ёшлик».

ПИРПИРАК Тўрт қанотли паррак шаклида қоғоздан ясалган, шамол ҳаракати

билан пириллаб айланадиган ўйинчоқ. Шу саволлар кўнглида пирирак бўлиб айлангани сари, Авзам кўзига баттар бадбашара кўри-наверди. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

ПИРИРАМОҚ 1 Кўз илғамас даражада тез-тез ҳаракатланиб, силкиниб, елпиниб турмоқ, ҳилпирамоқ. *Ойнинг дастлабки шў-ласи тўғоннинг тепасида пирираб турган байроққа тушди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чи-роқлари. *Уларнинг тепаларида.. кўк ва қи-зил рангдаги ҳисобсиз қоғоз гуллар, оёқ-ларидан илинган қушчаларга ўхшаб, пири-раб турадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Титрашга ўхшаш ҳаракат қилмоқ, уч-моқ (мушак, қош, кўз кабилар ҳақида). *Барно эса биринчи тўртликдан кейиноқ бу-рун катаклари пирираб, ерга қараб қолган.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Қизнинг узун, қора киприклари пириради.* Э. Са-мандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ, -*Нима дейсан?* - *Алшардон кескин бурилиб қаради-ю, хотинининг лаблари пирирайи бошла-ганидан, қўпол гапириб юборганини сезди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИРПИРАТМОҚ Титрашга ўхшаш ҳа-ракат қилдирмоқ. *Эргаш кипригини пири-ратиб, дўкандорга яна тикилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Исмоил Ойша холага жав-дираб бир қаради-ю, кўзини пириратиб, юзи-ни четга бурди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

ПИРРА 1 Қарталар сони ва айрим хил-лари ҳисобига очко йиғишдан иборат қарта ўйини.

2 Шу ўйиннинг ютуқ билан тугалланиши.

Пирра қилмоқ 1) белгиланган миқдорда кўп очко тўплаб, маррага етмоқ, ютмоқ; 2) кўчма қойил қилиб бажармоқ, дундирмоқ. *Паловхонтўра, қайнатма шўрва, чучвара ва ҳоказо.. овақтларни пирра қилади, қўлинг дард кўрмагур!* М. Муҳамедов, Мулзам.

ПИРС [ингл. pier (кўп. piers) — устун; пристань] Портда қирғоққа қурилган, ке-малар икки томондан келиб тўхтаб тура-диган гидротехник иншоот.

ПИРСИЁН [р. персианин — форслик, эроний (Форс — Эроннинг қадимги номи)] с. т. эск. Келиб чиқиши эронлик, Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида яшайдиган, форсий тилда сўзлашадиган халқ вакили; Форс, эроний. *У ўзбекка ҳам ўхшайди.* Ё. армани, ё пирсиён бўлса керак бу хотин. С. Зуннунова, Гулхан. *Аравадан иккита ар-*

манинамо пирсиён башара йигитлар тушиб эрдилар, фақир, улуғларимиздан бўлмағай, деб тавозе қилдим. А. Қодирий, Кичик асарлар.

ПИРСИЛЛАМОҚ “Пирс-пирс” товуш чиқармоқ. *Ҳўл ўтин пирсиллайди.*

ПИРС-ПИРС тақл. с. Паст узуқ-узуқ эшитиладиган товуш. *Жиққа ҳўл ўтин ёлғиз “пирс-пирс” қилиб, аччиқ заҳар тутун бу-руқтиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПИРТ тақл. с. Игна, мих каби нарса-лар санчилганда ёки тортиб олинганда, данак сингари нарсалар ситиб чиқарилган-да эшитиладиган товуш. *Игна пирт этиб санчилди. Олча данаги пирт этиб учиб кетди.*

ПИРТИНГ-ЧИРТИНГ с. т. Унчалик муҳим бўлмаган, арзимайдиган, бўлар-бўл-мас, беҳуда; майда-чуйда. *Пиртинг-чиртинг гаплар. Пиртинг-чиртинг ишлар билан овора бўлмоқ. Пулни пиртинг-чиртинг сарф қилмоқ.*

ПИРХОНА [пир + хона] 1 Пир (қ. пир 1)нинг даргоҳи, пир яшайдиган хонадон.

2 Пирнинг назари тушган ёки қадами теккан, муқаддас ҳисобланадиган жой, мак-он, хонадон. [Мирзакарим:] *Шундай пир-хонани қўйиб, бошқа жойни нима қиласан.* Ҳамза, Паранжи сирлари. [Этикдўз:] *Била-сан-ку, сендан бошқа одамни бу пирхонамга, устахонамга қўймайман.* Н. Қобил, Унутил-ган соҳиллар.

ПИРҚ тақл. с. Бурун тортганда ёки йиғ-лаганда димоғдан чиқадиган узуқ-узуқ овоз. *Пирқ этиб йиғлаб юборди.*

ПИРҚИЛЛАМОҚ Бурнидан пишқирган овоз чиқармоқ, пишқирмоқ. *Йўлга тушди қирқ ботир, Бедов отлар пирқиллаб.* «Хуш-келди».

ПИРҚИРАМОҚ айн. пирқилламоқ. *Фир-кўк от фирқирайди, Ўқталиб пирқирайди, Олисни кўзлаб бедов, Чолмоққа зирқирайди.* «Гуруғлининг тугилиши».

ПИРҚ-ПИРҚ Пирқ с. такр. *Пирқ-пирқ йиғламоқ.*

ПИС тақл. с. Тор тешикдан ҳаво, буғ, газ чиққанда, чўғга сув сепилганда эши-тиладиган товуш. *Велосипед камерасининг дами пис этиб чиқиб кетди.* ■ *Дала ош-хонасидан аҳён-аҳён тушаётган чўғ ёмғир тегиб, пис этиб ўчиб, кўмирга айланарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ПИСАНД [ф. پساند — маъқуллаш, ижобий фикр; маъқулловчи, мухлис; мамнун] (фақат

булишсиз шаклда) Дикъат-эйтибор, назар-эйтибор. *Хон ҳеч қулоқ солмади, Писандига алмади. Ҳ. Олимжон. Бошқа болалар мана мени қанча уйларига чақирсалар, зиёфат қилсалар ҳам, сени бу остонагча писандимга келмайди. Ҳамза, Танланган асарлар.*

Писанд эмас 1) кўнглига сиғмайди, кўзига кўринмайди. *Унга ҳозир уй ҳам, боғ ҳам, машина ҳам писанд эмас; 2) назари илмайди, менсимайди. Унга ҳеч ким писанд эмас; 3) ҳеч гап эмас, осон. Бу иш менга писанд эмас.*

■ *Бизга, опа, мол-жон писанд эмас. Менга келинингни бир кўриш минг подшоҳликдан афзалроқ. Ҳамза, Танланган асарлар. -Дунёда одамнинг қўлидан келмайдиган иш бор эканми! Фақат истак бўлсин, кўпчиликка ҳеч нарса писанд эмас, - деди Абдураул. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Писанд қилмаслик Назарга илмаслик, менсимаслик. У ҳеч кимни писанд қилмайди. ■ Шундай казо-казоларнинг қизлари Пошшоиймлар, Хонзодалар қоқ саҳар туриб, хизматимга ҳозир бўлса-ю, сен бенасаб, исқирт, атлас кўрпада мени писанд қилмай, хуррак отиб ётсанг! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Ҳозиддиннинг назарида, уни фақат бир киши - Қодиржон четдан кузатиб, мунтазам таъқиб қилгандек эди. У аслида Қодиржонни писанд қилмас, одам ўрнида ҳам кўрмасди. О. Мухтор, Эгилган бош. Бу бўлса бизни писанд қилмайди, бу ерда ит ўлтирганми, эшак ўлтирганми - парвосига келтирмайди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ПИСАНДА [ф. *پسندانه / پسندیده* - дидга тўғри келган, мақбул, мақтовга, маъқул-лашга сазовор] 1 Олдиндан кўйилган талаб, шарт. *Уларнинг ўзаро писандаларига мувофиқ, янги ерлар, чиқариладиган сувлар Тешабойга текин ўтади. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.*

2 Талаб ёки шарт тарзида айтиладиган баҳона.

Писанда қилмоқ 1) олдиндан бирор талаб ёки шарт қўймоқ. *Шу аснода Давронга паспортни узатаркан, писанда қилди: -Энди сизга гап шу, ака: бундан кейин ичган пайтингизда кўча-кўйда санқиб юрманг. Н. Қиличев, Чиғирик; 2) таъкидламоқ; луқма ташламоқ. -Кори хайр иши давлатга қарамайди, оғайни, - писанда қилди мулла Бердийёр, - ҳимматга қарайди, ҳимматга. «Муштум».*

ПИСИЛЛАМОҚ Паст оҳангда “писпис” овоз чиқармоқ. -Ҳа, - деди Баширжон

писиллаган овоз чиқариб. - Сизга қарганинг умрини тилайман. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Бошлиқнинг писиллаб гапирётганидан Солиҳов батамом ҳайрон қолди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Ҳар бир челақ сув сепилганда, олов харилар, синчларнинг қолиқларида писиллаб ўчар, бироз тутун сочиб, кейин бутунлай жимиб қоларди. Ҳ. Фулом, Машғал.

ПИСКА с.т. Соч-соқол олиш ва бошқа мақсадларда ишлатиладиган хавфсиз устарага ўрнатиладиган, ҳар икки қирраси ҳам ўткир, тўртбурчак юпқа пўлат пластинка. *..Ёки қозонлик бир пенсионер қандай қилиб қўлига пискани олганини ва ўз томирини кесмоқчи бўлганини ўзи сезмайди. Газетадан.*

ПИСМИҚ Мақсадини, сирини бировга айтмайдиган, индамай иш битирадиган, ичидан пишган (одам). *Писмиқ одам. Содда сири тилида, писмиқ сақлар дилида. Мақол. ■ Кундошининг кўриниши баёвга ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан.. Бундай одамдан, албатта, ҳазар керак. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Соддадил ва кўнгличан Раҳим акани, писмиқ ва юмшоқсупурги Ибодовни, серғайрат ва уддабурро Халил акани ҳам эслади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

ПИСМИҚЛИК Писмиққа хос хусусият. *Кимдир [Шамсининг] писмиқлигига мослаб, “фитнаи охир замон” деб лақаб қўйибди. Мирмуҳсин, Чиниқиш. -Очиқ ҳаракат қилишга.. халқдан кўрқадилар. Писмиқлик билан, кўзбўямачилик билан иш кўрадилар, - деди Алексей. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

ПИСМОҚ 1 Узини панага олмоқ; бекинмоқ, яширинмоқ. *У, жўралари билан атрофи яшил чакалак билан ўралган гулзор яқинида писиб ўтирганча, қушни томоша қиларди. С. Нуров, Нарвон. Пулемёт уяси.. бурчакларида писиб ётганларнинг [немисларнинг] уchtаси ўлиб, биттаси ярадор бўлган. Н. Сафаров, Оловли излар. Баҳодир йигит оёғи учиде турган гранаталарни олиб, чаққонлик билан душманга қарши иргитди, ўзи эса траншеяга писди. Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар.*

2 Индамай қолмоқ, жим бўлмоқ. *Муҳсин хоним бирдан писиб қолди. Яхшибоев ичиде кулди. М. М. Дўст, Лолазор. Ошно, қишлоққа кетаман, деб ғинғишмоғи мумкин, лекин уни ўчириш қийинмас - Майрани бир эслатсам, бас, писиб қолиши тайин. М. М. Дўст, Лолазор.*

ПИС-ПИС Пис с. тақр. *Уй ичида жинчироқ литиллаб турар, ўртада пис-пис қилиб ҳўл ўтин — гулхан ёнмоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ПИСТА [ф. *писта*] 1 бот. Жануб тоғларида ўсадиган паст буйли, ёнғоқмевали дарахт ёки бута. Табиатнинг меҳри билан ясалган кўм-кўк арчазорлар ва тоғ ариқларидаги жарлар ёқасида саф тортган писта зумраддек товланиб, кўзни қамаштирар эди. Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

2 Шу дарахтнинг қаттиқ қобикли меваси. *Одам одам билан, Писта бодом билан.* Мақол. ■ *Лекин писта, бодом, майиз, жийдани кўриб, тарвузим қўлиғимдан тушди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ана ширинлик, мана ширинлик, деб мураббою нишолда, пистаю мағиз, қанд-қурс, яна алланималарни ҳеч суриштирмасдан, аралаш-қуралашига покпокиза тушираверибди.* Н. Мақсудий, Мечкай эшон.

Хандон писта қ. хандон. *Жигару буйрак, думба ёғдан тайёрланган қўшалоқ пармуда сомсалар, хушбўй мурабболар, Бешкарамнинг анорию, Файзибоднинг тилёрақ қовунлари, хандон писта, майизларнинг энг тозалари, яхна гўшт..* «Ёшлик».

3 с.т. Кунгабоқарнинг хом ёки қовурилган уруғи. *Бир вақтлар эри урушда ўлган хотин шу тош устида ўтириб, писта сотарди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Писта даҳан Оғзи пистага ўхшаш кичик ва келишган. [Холмат:] *Оби равон.. писта даҳан, нозик адо, пари жаҳон, яъни исм шарифлари Жамилахон.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Писта кўмир** қ. кўмир. *Кейин писта кўмир сўраб кирганимда, бирам бесаранжом эдикки ўтинхоналари.* С. Зуннуова, Олов. **Писта пўчоққа жо қилмоқ** (ёки жойламоқ) Гап билан оғиз очдирмай, бир бурчакка тикиб қўймоқ.

ПИСТАЗОР Писта дарахтлари билан банд ер, майдон. *Урмон хўжалигига қарашли пистазорлар.* ■ *Тун яримдан оғди. Ой пистазор тоғларнинг орқасига аста-секин яширинди.* Ё. Шукуров, Юраклар така-пука.

ПИСТАФУРУШ [писта + ф. *фурӯш* — сотувчи] Писта сотувчи киши. *Унинг отаси ҳам пистафурӯш эди.*

ПИСТАЧКА [р. *фисташка* < ф. *писте*] с.т. Кунгабоқарнинг уруғи. *Хом пистачка. Қовурилган пистачка.*

ПИСТИРМА 1 Тўсатдан хужум қилиш ёки ов пойлаш учун фойдаланиладиган яширин қурилма, жой. *Тулки овлаш учун пистирма қўймоқ. Пистирмадаги овчи.* ■ *Йўлда бир ёки икки ёнда пистирма бор, пистирмани яхши пойлаб, чап бериб ўтолсанг, қишлоқ йўлига чиқасан.* Файратий, Унутилмас кунлар.

2 Шундай мақсад учун белгиланган киши ёки кишилар гуруҳи; ҳарбий бўлинма. *Пистирма қўйган одамларингиз ишончлими? «Шарқ юлдузи».*

ПИСТОЛЕТ [фр. *pistolet* — тўппонча] Яқиндаги нишонга ўқ узиш учун мўлжалланган, ёнда олиб юриладиган қурол, тўппонча. *Етти ўқли автоматик пистолет.*

Пистолет-пулемёт Автоматик равишда бирин-кетин ўқ узадиган, яқин масофадаги жанглarda қўлланадиган отиш қуроли; автоматнинг иккинчи номи. *Самолётлар машиналар тўпланган жойга хужум бошлаган ҳамон, фронт томонидан кетаётганларнинг бири.. пистолет-пулемётдан ўқ уза бошлады.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПИСТОН [фр. *piston* — зарбдор, урувчи, синдирувчи] 1 Патроннинг порохли зарядини ёндириш учун оз миқдорда портловчи модда солиб, ўқ тубига ўрнатиладиган металл косача; капсюль. *Милтиқ ўқининг пистони.* *Снаряд пистони.* *Чақилган пистон.* ■ *Лутфилла боши янчилган илондек тўлғаниб ётар эди, тезлик билан пистони чақилмаган тўппончани олди.* «Муштум».

2 Ҳайичоқ милтиқ ёки тўппончада отиш учун белгиланган, оз миқдорда портловчи моддаси бўлган тангачасимон қоғоз гилоф.

3 Пичоқчиликда: пичоқнинг дастасига қадалган садафнинг атрофига айлантириб қўйилган ҳалқа-сим (садафни маҳкам тутиб туради).

4 Кийим-кечак, парда ва ш.к. га зийнат учун қадаладиган йилтироқ пластинкача. *Дўппига пистон қадамоқ.* ■ *У [қиз] тушаётганда, бошидаги қора тўр пардага қадалган олтин пистонлар йилтириб, жилва сочди.* Мирмуҳсин, Чўри.

Пистон тугма Бир-бирига қадаб қўйиладиган икки қисмдан иборат тугма; шик-шиқ тугма.

5 Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбобининг ижрочи-созанда қўл билан босиб очиб-ёпиб турадиган тугмаси.

6 Ботинканинг ип ўтказиладиган тешикларига изма ўрнига ўрнатиладиган темир ҳалқача.

ПИСТОҚИ [ф. *پستاقى* — оч яшил] Писта мағзи рангидаги, оч баргикарам, очик яшил. *Пистоқи ипак.* ■ -*Кўк, қизил, зангори, сариқ, оқ, пушти, жижарранг, ғўлос, пистоқи — боринги, дунёда қанча ранг бўлса.. тўтининг патида бор эди, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулум, Шум бола. *Тўй оқсоқоли дарров пистоқи яловни Ғуруғли султоннинг бошига кўтарди.* «Авазхон».

ПИТАК қ. **питрак.** *Баширжон кўкрагини столага тираб, бошини юқорироқ кўтарди. Исломотани кўрган заҳоти ҳаёлидан, «Уша питак чол-ку!» деган фикр кечди ва креслога ястаниб ўтирди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПИТЕКАНТРОП [юн. *pithekos* — маймун + *anthropos* — одам] Калла суяги тузилиши ҳали одамсимон маймуларникидан фарқ қилмаган энг қадимги одам (суяклари 19-аср охирида Ява оролидан топилган).

ПИТИЛЛАМОҚ айн. **питирламоқ.** *Бола онасига кўзи тушиши ҳамон, беланган оёқ-қўлини питиллатганча, бўшатишга уринди.* «Ёшлик».

ПИТИРЛАМОҚ 1 Жон талвасасида ўзини ҳар ёнга урмақ, сапчимоқ, питир-питир қилмоқ; типирчиламоқ. *Сўйилган товукни кўрганмисан? Питирлайди, кўтарилиб-кўтарилиб тушади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *кўчма* Тез, шошилинч ёки безовта ҳаракат қилмоқ, шошилиб, ҳовриқиб қолмоқ. *Оёғи куйган товукдай питирламоқ.* ■ *Уйда Анзират кампир билан Ҳожия ўтирарди. Улар аҳволни кўриб питирлаб қолишди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ПИТИР-ПИТИР тасв. с. 1 Жон талвасасидаги кескин, нотинч ҳаракат. *Питир-питир қилмоқ. Турга тушган бедана питир-питир қиларди.*

2 *кўчма* Тез, шошилинч ёки безовта ҳаракат. *Мунча питир-питир қиласан.*

3 с. т. *Ўрнида тинч турмайдиган; серҳаракат; ҳар нарсага уринадиган. Питир-питир бола. Бу одам мунча питир-питир экан.*

ПИТОМНИК [р. питомник — тарбияхона, парваришхона < питомец — тарбияланувчи] Ўсимлик ёки ҳайвонлар ўстириладиган ва кўпайтириладиган, ўрганиладиган махсус жой. *Мевали дарахтлар питомниги. Балиқчилик питомниги.* ■ *Кумлик*

питомникларида дарахт, бута ва гиёҳлар экиб ўстиришга киришиш керак. «Фан ва турмуш».

ПИТОН [юн. *Python* — юнон мифологиясида баҳайбат илон] Бўғма илонлар оиласига мансуб, Африка ва Осиёнинг тропик минтақаларида тарқалган заҳарсиз йирик (1,5 метрдан 10 метргача бўлган) илон тури.

ПИТПИЛДИҚ Бедананинг сайраши, битбилдиқ. *Махсум беданаларнинг питпилдиғига қулоқ солганча.. бир чойнак чойни эрмак қилиб ўтирди.* В. Ғофуров, Вафодор. *Тўқай томонда бедана питпилдиқ отади. Кунботар уфқда тиллақошдек нозик ой ялтираб турибди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПИТПИЛИҚ қ. **питпилдиқ.** *Ҳа, субҳи козибда эмас, субҳи содиқда, хўрозлар қичқирар-қичқирмас.. тезотар беданалар на тун демай, на тонг демай «вавағ-вавағ, питпилиқ-питпилиқ»лаб сайраб турган бир паллада.. тўрт аскар ошналарининг кўрғонига етиб келишиганди.* «Ёшлик».

ПИТРА Ов милтиқ ўқи ва снарядлар учун ишлатиладиган юмалоқ кўрғошин донаси; сочма ўқ. *Майда питра. Гильзага питра солмоқ.* ■ *Йирик питра ўнг елкасини титиб юборганди.* «Шарқ юлдузи».

ПИТРАК шв. Серҳаракат, уринчоқ. *Тиниб-тинчимас, питрак бу кампирнинг бошида дунёнинг ташвиши: эртадан кечгача юғуриб-еларди.* Мирмуҳсин, Илдилар ва япроқлар. *Асида Ғозиддиннинг кичик жуссали, питрак қариядан кўрқадиган жойи йўқ.* О. Мухторов, Эгилган бош. *Кундуз ёш бўлса ҳам, жуда питрак қиз.* Ойдин, Бечора.

ПИТРУЗА с. т. айн. **фитри рўза** қ. **фитр 2.** *Валлоҳи ағлам, жами мусулмонларга аёндирки, питруза тўламоқ фарзидир.* «Муштум».

ПИХ 1 Айрим эркак паррандаларнинг оёғида бўладиган мугузсимон учли ўсимта. *Хўрознинг пихи.*

Пихи қайрилган ёки пих(ини) ёрган Кўп иш кўрган, кўп ишларни бошдан кечириб, айёр, қув бўлиб кетган. *Аммо Ҳожимурод ҳам кўпни кўрган, пихи қайрилганлардан эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Маккор, пихини ёрган айёр қанча ниқобланмасин.. кўп жиноятчиларни чаққонлик билан қўлга туширган изкуварларимизнинг темир чангалидан қочиб қутула олмади.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПИХ II: пих қилмоқ бол. Кесмоқ, сўймоқ. Қовунни пих қилмоқ.

ПИХ III тақл. с. Мушукнинг ўз рақибини кўрқитиш учун ҳурпайиб олиб, томоқ қириб чиқарадиган товуши. Бошқа бири орқадан мушуксимон «них» деб, мени чўчитмоқчи бўлди. Ойбек, Болалик.

ПИХ IV шв. Пупанак, моғор. Пих боғлаган нон.

ПИХИЛЛАМОҚ I Ҳурпайиб томоқ қириб, «пих» деган товуш чиқармоқ (мушук ҳақида). *Мушук итга қараб пихиллади.*

2 Томоғидан бўғиқ товуш чиқариб, хирллаб нафас олмоқ; пихиллаган овоз чиқармоқ, хирлламоқ. Қизнинг ич-ичидан қуюндай хуруж қилиб келган аччиқ фарёд бўғида пихиллаб тинди. А. Мухтор, Кумуш тола. Юмалоқ оқсоқол ёқасини ушлаб, бош чайқатади, ҳам одамларга кўз оқини ўйнатиб, пихиллади. Ойбек, Навоий. Қассоб пихиллаб кулганича, менинг қўлимдан пулни олиб, зўрлаб, кўкрак чўнтагимга солиб қўйди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ПИЦЦА [итал. pizza] Юпқа хамир устига гўшт, кўзиқорин, сабзавотлар, сир (пишлок) қўйиб пиширилган итальянча таом. *Пицца тайёрламоқ.*

ПИЧА рвш. 1 Оз миқдорда, озгина. *Икки оқ пиёзни майда тўғради, унга пича мурч сепди, пиёзни гуручининг бир чеккасига кўмиб, ошдамгирни ёпди.* Ойдин, Ўйгит. *Маҳаллий аҳолидан алланарсаларни бир неча тухум ва пича ёққа алмаштириб олади.* К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик.

2 Оз вақт, бироз, андаккина, андак. *Мингбоши пича кутди, Матқовул гапиравермагандан кейин, яна бақирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жуда чарчадинг, пича ухлаб, дам олсанг бўларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Яна пича вақт куттишди — жимжитлик.* «Ёшлик».

3 Оз даражада, сал(гина). *Кўнглим пича тинчиди.* ■ *Кундузги ишлари, ниҳоят, ресторандаги суҳбат унинг [майорнинг] кўнглига равшанлик олиб кирди. Иш пича силжиган эди.* «Ёшлик». *Ўзим айтувдим кеча! Қўзибой пича ўзини босиб олди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ПИЧАН Ҳайвонларга озуқа бўладиган ўт; ўриб қуритилган ўт; хашак. *Бир боғ пичан. Пичан ўриш машинаси.* ■ *Ўртадаги уюлган пичан ғарами олдидан ўтиб, қоронғи уйга кирди.* С. Зуннунова, Олов. *Томга кўн-*

роқ пичан босди. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *У бостирма деворига беҳол суяниб қолди. Ичкари қуруқ, пичан исси, ивиған оҳақ ҳиди келарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИЧАНЗОР Пичанбоп ўт ўсган майдон; ўтзор. [Бригадир] *Бошида қоракўл телпак, эғнида китель-шим, оёғида туфли, ҳозиргина пичанзордан келгандай.* С. Нуров, Нарвон. *Мана, кўз ўнгимизда қуёшнинг ҳаётбахш тафтига тоб бериб, кенг пичанзор водий ястаниб ётибди.* А. Шермухамедов, Утўланлар водийси.

ПИЧАНХОНА Пичан сақланадиган хона, бино. *Пичанхонага кириб, эшикни тамбалаб, қалин, майин ва хушбўй пичанга болани кўмди: «Ухла! Йиғлама!»* Ойбек, Кўёш қораймас.

ПИЧИНГ Бировнинг шахсига тегиш, ғашини келтириш, масхаралаш учун айтилган илмоқли гап; қочирим, қочирик. *Бу пичинг Назирийнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Лекин бу ерга у Ҳамза билан жиртак отишга келмаган эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Мансур Талғатнинг пичингини тушунмай, кескин қадамлар билан уларга эргашди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Уста юрагидаги гапларни кўпчилик ўртасида бирма-бир айтиб ташламоқчи эди, аммо раиснинг пичинги шаштини қайтарди.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

Пичинг отмоқ (ёки қилмоқ) Бировнинг шахсига тегадиган, ғашини келтирадиган ёки масхаралайдиган илмоқли гап айтмоқ. *Автобус ичида олатасир бошланди. Ким сўкинди, ким пичинг отди. Ким тақдирга тан бериб, муросаи мадорага чақирди.* М. Мансуров, Ёмби. *Бора-бора Азиза ҳам уни жеркийдиган, Ҳар гапида пичинг қиладиган бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳай, эссиз, сўл кўзингни ҳам кўр қилиб қўйганимда бўлур эркан, — дея пичинг қилди Темур Малик душманига қараб.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ПИЧИНГЧИ Пичинг қилишни яхши кўрадиган, пичингга одатланган киши. *Ойхон эса кутади, аяси — ёнида, интизорликда бўйи чўзилиб, эси кириб, Саттор акасининг қадрига етадиган бўлиб қолади бу пичингчи.* А. Мухтор, Кумуш тола.

ПИЧИР I Сўловчи билан тингловчидан бошқа одам эшитмайдиган қилиб, паст

овоз билан айтилган гап, пичир-пичир, шивир-шивир. Гапнинг ёмони пичир, этнинг ёмони қичир. Мақол. ■ Ёнимда ўтирган икки қизнинг пичири қулогимга чалинди. М. Жалоловдинова, Журъат.

2 Бошқалар эшитмайдиган даражада паст овоз. -Касали нима экан, озиб кетибди келинчак онамиз? — пичир билан сўради Салимбойвачча. Ойбек, Танланган асарлар.

ПИЧИРЛАМОҚ Бошқалар эшитмайдиган даражада паст овоз билан гапирмоқ; шивирламоқ, шивир-шивир қилмоқ. -Мамажон ўрнидан туриб, орқароқда елкасини қисиб бораётган агрономнинг тирсагини ушлаб, қулогига пичирлади. С. Нуров, Нарвон. Абдували ўн сўмлик, беш сўмлик, уч сўмлик пулларни олиб, пичирлаб санай бошлади. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. -Билганини қилмайдими! — пичирлади Муқаддам ўкинч билан. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИЧИРЛАШИМОҚ Пичирламоқ фл. бирг. н. Шу гапдан кейин кампир Инобатга унча рўйхуш бермай қўйди. Аммо олти овсин ҳар кун пичирлашиб, ниманидир маслаҳат қилишарди. С. Аҳмад, Сайланма. Озодахон чолғучилар билан янги айтиладиган қушиқ ҳақида пичирлашиб турган эди. Н. Аминов, Қақчаха.

ПИЧИР-ПИЧИР Пичир с. тақр. 1 Шивирлашиб сўзлашганда чиқадиган паст товуш. Уртанча овсин айвонни сузуриб бўлиб, сават кўтариб, кўчага чиқиб кетиши билан, қолган олти овсин супага чиқишди. Пичир-пичир қилиб, узоқ гаплашишди. С. Аҳмад, Сайланма. Утириб, китобни тиззасига қўйди ва пичир-пичир дуо ўқиб, юзини сийнади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Узаро хуфига гап; шивир-шивир. Орқасидан пичир-пичир қилиб қолишди. Т. Ашуров, Оқ от. Нодира хола ханг-манг бўлиб қолди. Унинг қулоғи остида домланинг гўнғир-гўнғир, пичир-пичири эшитилгандай бўлди. «Муштум».

ПИЧМОҚ шв. Бичмоқ. [Алиохун:] Сизни эгам сўзга пичиб қўйган экан-да. Ойбек, Танланган асарлар. Авзойимизни кўрган киши, индамасдан ҳаммангнинг ишингга нарх пичиб қўя қолади. И. Раҳим, Ихлос.

ПИЧОҚ 1 Дастага ўрнатилган ясси ва узун тигли рўзгор асбоби. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин. Мақол. Утмас пичоқ қўл кесар. Мақол. Яхши гап билан илон унидан,

ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар. Мақол. ■ Зокир ота қочиш йўлларини яхши ўқтиргач, йиртиқ кўн этигининг кўнжидан бир пичоқни олиб, секин менга узатди. Файратий, Унутилмас кунлар. Туланбой сўрида чордана ўтириб олган, пичоқни тахтага тақ-тақ тегишиб, сабзи тўғраятти. С. Аҳмад, Уфқ.

ПИЧОҚ ТОРТМОҚ (ёки қўймоқ) Пичоқ билан кесмоқ, сўймоқ. Мабодо ҳужиз ёмонлаб қолгудай бўлса, бориб, дарров бўғзига пичоқ тортиб юборасан. Ф. Фулом, Шум бола.

2 тех. Турли асбобларнинг кесувчи қисми. Гуштқиймалагич пичоғи.

ПИЧОҚ (БОРИБ) СУЯККА ЕТМОҚ (ёки тақалмоқ) Чидам, бардош тугамоқ. Пичоқ бориб суюкка етгандан кейин, нима қилсин бечора халқ. К. Яшин, Ҳамза. Ҳожюна. Йўқ, пичоқ бориб суюкка тақалди. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Пичоқ учидай Озгина, эгирдай. -Эй ўртоғей, — деди у, — нимасини сўзлайсиз, шу замоннинг қизларида пичоқ учидай шарму ҳаё қолмади. Ф. Фулом, Танланган асарлар. Пичоққа илинмайди Арзимаиди, арзигулик ери йўқ, арзигудай эмас. Пичоққа илинмайдиган ҳосил. Пичоғи кескир Уткир, гапи бировларга ўтадиган киши. ..Ҳожимурод эса пичоғи кескир раислар қаторида юрарди. У райком секретари билан прокуратурадан бошқа раҳбарларни раҳбар қаторида кўрмасди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Пичоғи мой устида қ. мой. -Ҳа, Содиқжон бойваччага худо берган, — деди Бўронбой учуриқ қилиб, — ҳаммаша отган ошиғи олчи, пичоғи мой устида одам! К. Яшин, Ҳамза. Утмас пичоқ билан сўймоқ Чидаб бўлмас даражада азобламоқ. [Одилжон:] Қаёқдан ҳам тўйда ўша қиз билан ашула айтдим, ўйин тушдим, ушандан бери Гулчеҳра мени утмас пичоқ билан сўйиб юрибди. У. Назаров, Фурур.

ПИЧОҚБОЗЛИК Бир-бирга пичоқ уриш, пичоқ билан ҳужум қилиш. Йўқ, масалан, қиличбозлик, пичоқбозлик ҳам жанг, ҳозир одам бамисоли чумолидай бўлиб қолдику. Ойбек, Кўёш қораймас. Улфатлар орасида низо қиқиб, мултлашиш, пичоқбозлик бошланди. Ҳ. Фулом, Машғал.

ПИЧОҚЛАМОҚ Пичоқ билан жароҳатламоқ ёки ўлдирмоқ, пичоқ урмоқ, суқмоқ. Агар эрим билиб қолса, нақ икковимизни пичоқлаб таишлайди-я. С. Аҳмад, Уфқ. Энди мактабга кирганимда, кайф устида отамни пичоқлаб қўйишди-ю, ёлғиз қолган онам

мени олиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ёдгор ота қозихонада ўзини пичоқлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қизлар.

ПИЧОҚСОЗ қ. **пичоқчи.** *Бугун пичоқсозлар бозори гавжум.*

ПИЧОҚЧИ Пичоқ ясовчи ҳунарманд, пичоқсоз уста. *Пичоқчи уста.* ■ *Кези келса пичоқчи, кези келса сувоқчи.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ПИЧОҚЧИЛИК 1 Пичоқ ясаш билан шуғулланиш. *Пичоқчилик қилмоқ.*

2 тар. Бозорда пичоқчилар растаси.

ПИШАК [ф. پوشک / پوشک — мушук] шв. Мушук. *Баширжон: «Нега пишак шоколад эмас экан-а?» дея ўйлай бошлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Индан чиқиб, пишак билан ҳазиллар, Магар ажсал қўмсаб келса сичқонга.* «Алпомиш».

Пишагини пишт демоқ айн. мушугини пишт демоқ қ. пишт. *Ишда ҳам биров пишагини пишт демайди.* Эрталаб туриб, далага йўл олади. *Чарчадим демайди, ишим бор, жавоб беринглар, деб ҳеч кимдан илтимос қилмайди.* «Ёшлик».

ПИШАНГ эск. айн. ричаг. Яна тушки сменага ўтган кунларимиз эди. *Вишқанинг тепасидаги пишангининг ўқи сал қийшайиб қолган экан.* П. Қодиров, Қадрим.

Пишанг бермоқ Бирор хатти-ҳаракатга ундамоқ; атайлаб гижтижламоқ. *Балки Раим оқсоқолнинг ўзи Шукур баззозга пишанг бергандир.* Бунисини Раим оқсоқол айтмайди. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш. *Мамат қас-соб, одатда, муштлашувга аралашмайди, бир четда ўғилларига пишанг бериб туради.* «Ёшлик». *Ашур ҳамишаги чаптаст усулларни қўллай-қўллай, рақибининг солқи белбоғидан олиб олди.* — *Қайтариб бос?* — *дея пишанг берди кимдир баралла.* «Шарқ юлдузи».

ПИШИЛЛАМОҚ Бурун орқали "пиш-пиш" товуш чиқариб нафас олмоқ, «пиш-пиш» товуш чиқармоқ. *Нафиса уйғониб кетиб, аллавақтгача хомуш ўтирди.* Пишиллаб ухлаётган ўғлини тўғрилаб, устига одеял ёпиб қўйди. Мирмуҳсин, Умид. *Ҳожимурод ниҳоятда очиққан эди.* Ҳеч қаёққа қарамай, пишиллаб, лунжигга овқат тўқарди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

ПИШИЛМОҚ Пишмоқ II фл. мажҳ. н., ивимоқ. *Табиат чиндан ҳам бевақт йўлга чиққан бу йўловчини сувга пишилган паррандадек жабрлаган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПИШИМОҚ I 1 Ишлов билан ёки ривожланиб етилмоқ, меъёрига, обу тобиға етмоқ, фойдаланса бўладиган ҳолга келмоқ. *Лой яхши пишиди.* *Ип ҳали пишимабди.* ■ [Раис:] *Қалай? Ерлар кўнгилдагидек пишидими? Ойдин, Юрагида ўти бор.* Энди тўхта, укажон. *Бўлди-е, кувидаги қатиқдай пишийвериб, ёғимни чиқариб юбординг.* С. Сиёев, Отлик аёл.

2 *кўчма* Кўпни кўриб, бошдан кечириб, бой тажриба орттириб вояга етмоқ, етуқлик даражасига эришмоқ, етишмоқ. *Шах-дам қадам босиб минбарга чиқшидан, гап оҳанидан бунақа даврага кўп тушиб, хийла пишиган, сертажриба кўринади.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

3 Чиниқмоқ, тобланмоқ. *Киши меҳнатда пишийди.* *Ёшсан пиширсан, бу дамнингдан туширсан.* Мақол. ■ *Эрғаш Баҳромов немисфашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда пишиди, чиниқди, тобланди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Кўзи пиш(и)моқ айн. кўзи пишмоқ қ. кўз. **Қулоғи пишимоқ** 1) эшитавериб кўникиб қолмоқ. *Ҳўжайинларининг таъналарини эшитавериб, етимнинг қулоғи пишиган, эти кўниккан эди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўп эшитиб уқиб олмоқ, қулоғига қўйиб олмоқ. *Фотиманинг қулоғи ўзи кўрмаган харидорларни тўғрисидаги гаплар билан пиший борди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ПИШИМОҚ II кам кўлл. Пишилмоқ, ивимоқ. *Ёмғирда қолиб роса пишидим.*

ПИШИРИҚ Хамирдан тайёрланадиган турли хил егулик. *Дастурхон башанг: иссиқ нон, патира, хилма-хил пишириқлар, қазичарта, яхна гўшт, турли ширин нозу неъматларга тўла.* Ойбек, Улуғ йўл. *Баҳор таоми сумалак ва турли ширинликлар, миллий пишириқлар.. ҳиди димоққа урилади.* А. Суюн, Ўзлик.

ПИШИРМОҚ Пишмоқ 1-5, 8-9 фл. орт. н. *Ошни пиширмоқ.* *Масалани пиширмоқ.* ■ *У қайроқ бугдой унидан ёғли патира, сомса ёнди, қатламалар пиширди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ганни аввал Муродова билан пишириб қўйган экансан-ку, нега менга илгарироқ айтмадинг.* И. Раҳим, Ихлос. *Новвот пишириш айниқса қийин.* Газетадан.

ПИШИТМОҚ I Пишимоқ 1 фл. орт. н. *Ипакни пишитмоқ.* *Ерни пишитмоқ.* *Лойни пишитмоқ.*

Кулогини пишитмоқ (ёки пишиқтирмоқ)

1) яхшилаб тушунтирмоқ, миясига қўймоқ. Мингбоши.. *Жураҳонни ҳам сўроққа талаб қилиб қолишлари мумкинлигини ўйламаган эди. Қизининг кулогини пишиқтириб қўймаганига мана энди афсус еб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.;* 2) тайинламоқ, ўқтирмоқ. *Кулогини Тулки роса пишитган. А. Шер, Қадимги куй.*

2 Олдиндан гаплашиб, келишиб, маслаҳатни бир жойга, ерга қўймоқ, аниқ, равшан, пухта қилмоқ. *Барака топсин Тошпўлатов, ўшанда ҳам, правление билан, раис билан гаплашиб, Хосият холянинг [сафарга чиқиш] ишини пишитиб берди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Қурилишни эсон-омон тугатиб топширсам, бас, трестга лип этиб утаман-кетаман. Кеча борганида яна пишитдим. А. Мухтор, Тугълиш.*

ПИШИҚ 1 Пишган, пишиб етилган (мева, сабзавот, дон ва ш.к. ҳақида). *Олмани хом, пишиқ аралаш термоқ. ■ [Амлоқдор:] Ўғриллар.. подшоҳлик ҳақини аниқламасдан бурун, хом демай, пишиқ демай, кўзга кўринган нарсани еяверасанларми?! С. Айний, Қуллар.*

2 *от* Полиз экинлари, мева, сабзавот кабиларнинг пишган вақти, мавсуми (шу нарсаларнинг номи билан қўлланади). *Қовун пишиги. Тут пишиги. Авжи ўрик пишиги. ■ Бугдой, жўхори пишигида.. енгил чархини елкасига солиб, ўғилчасини етаклаб, дала айланади, ўроқ чархлайди. А. Қаҳҳор, Сароб. Тут пишиги эди. Пешиндан кейин ҳовлида картошка чопиқ қилаётгандим. М. Мансуров, Ёмби.*

Етти қовун пишиги бор Ҳали узоқ, кўп вақт бор.

3 *Тезда* синмайдиган, йиртилмайдиган, узилмайдиган, бузилмайдиган; пухта, мустаҳкам, қаттиқ, чидамли. *Пишиқ чит. Пишиқ чарм. ■ [Мастон] Оёғидаги пишиқ ағдарма этикни кўздан кечирди. А. Қаҳҳор, Мастон. [Унсин] Маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун, мумли ёпишқоқ ипни ҳар қатимда бармоқлари билан «қир-қир» тортиб қўярди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Эшилган, пишитилган, чийратма.

Пишиқ ип 1) пухта ип. *Чўзаберсанг, пишиқ ип ҳам узилади. Иш, вақтида қилинмаса, бузилади. «Муштум»;* 2) чийратма ип.

5 Ўтда, оловда пиширилган. *Пишиқ ғишт. ■ Хайруллаев олдидан Шамси Тураевич дар-*

возахонанинг бир бурчагига териб қўйилган пишиқ ғишт уюмини унга [Баширжонга] кўрсатди. Н. Аминов, Суварак.

6 Жисмоний жиҳатдан бақувват, миқти, чайир. *Қўл олиб кўришар экан, унинг пишиқ жуссасига, болаларча ийманиб турган кўзларига қаради. С. Аҳмад, Уфқ. Вужудидан ўсмир болалардай куч-ғайрат тўлиб турар, гавдаси пишиқ, терилмаган қуюқ қош остида ўйчан юмалоқ кўзлари тимқора бўлиб кўринар эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

7 *кўчма* Ўз ишига пухта, бировга сўзини бермайдиган, ҳақини олдирмайдиган. *Пишиқ, сўзамол кампир, ҳар хил баҳона топиб, кунда бир-икки марта бойниқига кирар эди. Ойбек, Танланган асарлар. У [Абдурашул] энди турмушининг оғир кулфатларини енгиб, пишиқ йигит бўлиб етишган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Пишиқ бўл. Нима мақсадда юрганини ҳеч ким билмасин. П. Турсун, Ўқитувчи.*

8 Ўз нарсасини, меҳнатини бировга анойи қилмайдиган, қаттиқ. *Кузда тоғамдан пул олиб юбораман-да. Лекин қариндошларимиз ўлғудай пишиқ одамларга ўхшайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

9 *кўчма* Асосли равишда ишланган; яратилган; пухта. *Пишиқ асар. Пишиқ иш қилмоқ. ■ [Ҳакимов] Эшонбоев тез ўсиб келатган кадрлардан эканини, анча пишиқ илмий иш ёзганини айтди. П. Қодиров, Уч илди. Остонбек агрономлик маълумоти борлигига шаҳодатнома олиб келганди, دادаси ўғлининг ишни пишиқ қилганидан хурсанд бўлди. «Ёшлик». Бўри Пайғамов, Нусратбекнинг олдин – журналларда жиддий, пишиқ мақолаларини ўқиганда, кўз остига олиб қўйган, бу ерга атайлаб уни кўриш, кўнглига қўл солиш учун кирган эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

10 *Зийрак, уздабурон. Мен бошқа нарса демоқчиман: ишнинг кўзини биладиган одам, пишиқ, хат-саводи бор.. шу одамни секретарликка тавсия қилсак, демоқчиман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

Зуваласи пишиқ қ. зувала. *Лолахон – зуваласи пишиқ, йигитларча абжир қиз, алланималар дея, унга йиғламсираб сўзлаяпти. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.*

ПИШИҚЛАМОҚ 1 Бирор ишни пишиқ-пухта бажариш учун йўл-йўриқ кўр-

сатмоқ; пишиқ-пухта ўргатмоқ, тайинламоқ. Олдиндан пишиқлаб қўйилган бўлса ҳам, гапидан адашиб кетди. ■ Абди ака бу гапларни айтиб, Пардавойни яна бир бор пишиқлаб, қишлоққа қайтиб кетди. У. Пўлкан, Бир баҳор достони.

2 Тўғриламоқ, нуқсонларини тузатмоқ; пухталамоқ. - Оворагарчилиги бор эканми, - деб кесатдим. - Эллик бетини пишиқлаб чиқдим. Бу ёғи битгунча, борини радионадиога, газет-пазетга пуллаб турамыз. М. М. Дўст, Лолазор.

ПИШИҚЛИК 1 Мустаҳкамлик, қаттиқлик, маҳкамлик. Пишиқлик нишонаси бўлган тош ҳам ўзгаради, чунки тошни ташкил этувчи атомлар ҳамшиша ҳаракатда бўлади. А. Е. Ферсман, Қизилқарли геохимия.

2 Ҳаётнинг қийинчиликлари билан чиниққанлик; ўз ишига пухталиқ. Унинг [Ҳикоятнинг] пишиқлиги, уддабуронлиги шу ҳолда ҳам сезилиб турарди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқшоми. Коля ҳам, шунча дадил ва пишиқлиги билан, баъзи саволларга қийнализиб жавоб қайтарарди. Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар.

ПИШИҚМОҚ 1 кам қўлл. Зўриқиш ёки бошқа бирор сабаб билан бўртмоқ, Унинг [Башоратнинг] эрталабки совуқдан ва ҳовлиққанидан қип-қизил бўлиб пишиққан лўппи юзюда тоқатсизлик билиниб турар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Пишимоқ, чиниқмоқ, тобланмоқ. Меҳнатда пишиқмоқ.

ПИШИҚ-ПИШИҚ рвш. Гапни ўз ўрнига қўйиб, пишиқ-пухта, бурро-бурро, аниқ-ойдин. Пишиқ-пишиқ гапирмоқ. ■ Ўзбекча сўзларни секин ва пишиқ-пишиқ айтиб бери. Ойбек, О. в. шабадалар.

ПИШИҚ-ПУХТА 1 айн. пишиқ-пишиқ. Пишиқ-пухта гапирмоқ.

2 айн. пишиқ 3, 6-10. Пишиқ-пухта этик. ■ Мулла Мужсин Хатиб домла каби пишиқ-пухта, яъни замона ишларига тушунадиган киши эмас. А. Қодирий, Обид кетмон. Улар ишга пишиқ-пухта эдилар; икки савдо ходимининг тили бир бўлса, кўп иш қилса бўларкан. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Ҳабиба Қудратга, пишиқ-пухта, икки юз сўмдан ошиқ маош оларкан, деб дарров унаганди. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ПИШИҚЧИЛИК Мева, сабзавот ва ш.к. нинг фарқ пишган пайти. Айни пишиқчилик,

ҳар уч хонадоннинг бирида базми жамшид. «Шарқ юлдузи». Жайнақ Мирзо бу йил ёзнинг айни пишиқчилик чоғида, ўғилларини укаси Ҳалим бойваччанинг ёнида қолдириб, Паркентга хотини билан қизини олиб келди. «Ёшлик».

ПИШКАК Кув дастаси. У бошини эгиб, пишкакни жадал ураётганда, узун сочлари олдига тушиб, пишкакка уралар ва халал берарди. С. Айний, Дохунда. У нимчасининг чўнтагидан рўмолчасини олиб, пешонасига босади, юз-кўзини артади-да, яна пишкак уради. С. Анорбоев, Оқсой.

ПИШЛОҚ Сутни махсус усулда ачитиб тайёрланадиган, сирга ўхшаш егулик. Пишлоққа қўшилган турп ошқозон, жигар, талоқ ва буйрак учун яхши шифо бўлади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Фермаизда сутлардан қатиқ, қаймоқ ишлаймиз, Жангчиларга чарчамай мой ва пишлоқ ишлаймиз. З. Диёр.

ПИШЛОҚЧИ Пишлоқ тайёрловчи киши.

ПИШМОҚ 1 1 Ўсиб, ривожланиб, таркиби яхшиланиб, истеъмол қилиш ёки ишлатиш учун яроқли ҳолга келмоқ, етилмоқ (мева, сабзавот, дон, сув кабилар). Қулундай пишиди. Помидор пишгани йўқ. ■ Мол ўтмайдиган баландликдаги деворлари ҳам нураган, боғ ичидаги олма ва тоғолчалар эса пишиб ётибди. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. Мана бу узумни олинг, жуда яхши пишибди. Ойбек, Танланган асарлар. Қора гилослар фарқ пишиб, шохлари томга тушиб турар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Оқар сувларнинг барчаси пишган, ер остидаги кам ҳаракатдаги сувлар хомдир. Газетадан.

2 Ривожланиб етилмоқ. Пишмаган новда. Пишган уруғ. ■ Эатлардаги тутларнинг новдалари пишибди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Қайнатиш, қовуриш, димлаш ва ш.к. натжасида истеъмол учун тайёр бўлмоқ. Палов пишди. Тухум пишди. Нон қизариб пишди. Бермаснинг оши пишмас, пишса ҳам, қозондан тушмас. Мақол. Пишган ошининг умри қисқа. Мақол. ■ Кечки норин учун катта қозонда ёғли қази пишади. Ойбек, Танланган асарлар. Қурбоннинг бир томонида пишиб қотиб кетган кабоблар устма-уст тахлаб қўйилган. Э. Усмонов, Ёлқин. Феруз бирла бир хонада ўтириб гурунғ этмакка, бир

қозонда пишган таомни емакка ор қилганими бу? С. Сиев, Ёруғлик.

4 Ўтда ишлов еб, зарур технологик хусусият касб этмоқ. *Гишт яхши пишибди.*

5 Тобланмоқ, қораймоқ; чиниқмоқ. *Офтобда роса пишдик. ■ - Оҳо, агрономча, — деди Ҳамдам қошини чимириб, — далада роса пишибсан-ку. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? Ёшлар ишласин, пишсин, энди бизлар чарчаб қолдик, десак ҳам, қари билганини пари билмас, деб юз балога рўпара қилишаверади. С. Нуров, Нарвон. Шукуровнинг офтобда пишган қорача юзи, сал қисилган қўй кўзларига чуқур ўйчанлик чуққан эди. О. Ёқубов, Диёнат.*

6 с. т. Тулишиб, ёрилиш даражасига келмоқ (яра-чақа ҳақида). *Малҳам қўйилса, чипқон тез пишади.*

7 кўча Умри охирига етиб, қартайиб, ўлими яқинлашмоқ. *-Ўзи пишиб қолгандай-ку, Назар ака, — дедим. -Қўйинг, уч-тўрт кунлиги борми-йўқми.. М. М. Дўст, Лолазор. Эшон аянинг бирдан-бир нияти — қўлда қолган қўр-қўтларни сақлаб қолиш, пишиб, ҳилвараб турган эшонни ўз масканига қўйиб, бойликларга эга бўлиш. С. Аҳмад, Ҳукм.*

8 кўча с. т. Ҳал бўлмоқ, тайёр бўлмоқ. *Иш пишиди — Тешабойнинг ўрнига сизни бригадир қилмоқчи бўлдик. Уйғун, Дўстлар. [Эгам хотинига:] Гапни бўлма! Ҳой, нари бор! Иш пишиди. Шукрулло, Сайланма. Мунаввар, Назокат фожиясини ўз фожиясидай юрагига яқин олди. Шунгами, постановка тез пиша қолди. С. Анорбоев, Меҳр.*

9 кўча Мукамал ҳолга келмоқ. *Фикрлар пишиб, етилиб, юракдан тўлиб чиқмасидан асар ёзишга, айниқса, уни нашр этишга шошилиш керак эмас. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Бу ҳол Ойбекнинг дастлаб ўз хаёлида пишиб етилган эпизодларнигина ёза бошлаганини кўрсатади. «УТА».*

10 кўча Ой-қуни яқинлашмоқ. *Шуни яхши билангки, ишингиз энди кўп бўлади. Пишиб турган хотин кўп. Уйма-уй юриб, консультация берасиз. С. Аҳмад, Чўл шамоллари.*

Ичи пишмоқ қ. ич. Қўзибойнинг ичи пишиб кетаётган эди. У чуққица чиқиб, «Тошбулоқ»ни топишга ҳам, бошқа вақтдагидай, биринчи бўлиш пайида эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ичидан пишган қ. ич. Аслида Тўпори жудаям унчалик тўпори эмас, ичидан пишган, ўлғудай қув, қувлиги шунчаликки,

бирор ўн беш йилдан бери Ошнога довдирроқ бўлиб кўринмоқнинг уддасидан чиқяпти. М. М. Дўст, Лолазор. Калла пишмоқ Уйқуга тўймоқ. -Калла пишдимми, полвон? — деди Туланбой сабзи тахтадан бош кўтармай. С. Аҳмад, Уфқ. Кўзи пишмоқ қ. кўз. Маҳкам устаникида мустақил ишламаган бўлса ҳамки, кўзи пишган, қўли кўп нарсага ўрганиб қолган эди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Жанг кўриб, қон тўкиб.. кўзи пишиб кетган Анвар.. бундай пайтда айтиладиган бир оғиз сўз, ҳатто бир имо тақдирни ҳал қилиб юборишини ҳам биларди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ПИШМОҚ II Сувга, суюқликка ботириб ҳўл қилмоқ. *Дупписини сувга пишиди. ■ Ойим аралашса ҳам, Солиҳ қўйвормай, мени ҳовузчага пишмоқчи бўляпти. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Унинг очиқ ёқали узун қўйлаги, устидаги олача яктаги сувга пишгандай жиққа ҳўл бўлган.. Ойбек, Танланган асарлар.*

ПИШНАМОҚ Оғирлик, иссиқ, совуқ, ҳаяжон таъсирида қизариб ҳарсилламоқ, пишилламоқ. *Шотўра муаллим пишнаб, кўзларини пирпиратар.. эди. Ш. Холмирзаев, Сайланма. Абдуқодир ярим палла тарвузни кўтариб, пишнаб чиқиб кела бошлади. Ш. Холмирзаев, Сайланма.*

ПИШ-ПИШ I унд. с. Мушукни чақиритиш учун ишлатилади.

ПИШ-ПИШ II тақл. с. Бурундан нафаснинг бўғилиб, сиқилиб ўтаётганда ҳосил бўлган товуш ҳақида. *Пиш-пиш ухламоқ. ■ Алихон жим қурди чордана, Қур-қур тортди чилмини бирпас. Сиғмай кетди зўе кенг уйга, Пиш-пиш олди чуқур бир нафас. Ҳ. Пўлат. Фарзандлари ҳали ўринларидан турмаган, еттовлари бир ўринда.. бири иккинчисининг қорнига бош қўйиб, пиш-пиш ухлашар эди. Ҳ. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.*

ПИШПИШЛАМОҚ Пиш-пиш деб айтмоқ. *Мушукни пишпишлаб чақирмоқ.*

ПИШТ унд. с. Мушукни ҳайдаш учун ишлатилади. *Мушукка «пишт» демаган товвуққа «кишт» дермиди? Мақол.*

Мушугивни пияшт демаслик Ҳеч қандай озор етказмаслик, қаттиқ гапирмаслик. *..Қаландарлар ҳалқаси даҳлсиз эди, хонликда биров уларнинг мушугини пишт демасди. С. Сиев, Аваз. Энди уйга бемалол борсам бўлади, деб хаёл қилди, қани, биров мушугимни пишт, деб кўрсин-чи. М, М. Дўст, Лолазор.*

ПИШҚИРИҚ 1 Бурундан чиққан бўғиқ баланд товуш. *От пишқириғи.*

2 *кўчма* Қаттиқ босим билан пишиллаб чиққан бугнинг кучли товуши. *Паровоз пишқириғидан кишилар бир-бирининг товушини эшитмайди.*

ПИШҚИРМОҚ 1 Бурундан кучли бўғиқ товуш чиқармоқ (от, қорамол ҳақида). *Канадан ҳам кўра сугир унинг аччиғини келтирди: канани терай деса, қўймайди: бошини силкийди, пишқиради.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *От бўлса, ҳавонинг бузилганини сезибми, йўлнинг ёмонлигидан нолибми, қаттиқ пишқириб қўяркан.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сигир пишқириб, қўлимни ҳам ямлаб ютай деди.* С. Сиеёв, Ёруғлик.

2 Пишқириққа ўхшаш қаттиқ товуш чиқармоқ. *Поезд — гўё улкан тимсоҳ, пишқириб, қирларни чўрт кесиб юзурарди.* Мирмуҳсин, Қахрамоннома. *Машина олов отдай пишқириб учади.* С. Сиеёв, Ёруғлик. *Паровоз, худди чарчаган отдай, бир пишқириб тухтади.* Ж. Шарипов, Саодат.

3 *кўчма* Шиддат билан шовулламоқ, вишилламоқ. *Ҳамма пишқириб ёнаётган оловни учиршига ёпишиди.*

4 *кўчма* Ҳайқириб гапирмоқ, бақирмоқ. *Жавоб ўрнига бошини чайқаб пишқирди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У, Зулайхо Мансурни чақириб борганини эшитган бўлса керак, югуриб келган.. кўзлари ўт бўлиб ёнар, бурун катакларини кериб, пишқирарди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *-Эшитдингми? — Кимсан акам ғазаб билан пишқирди. — Жон керак бўлса, туёғингни шиқиллат.* Ҳ. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

5 *кўчма салб.* Шошилиб кетмоқ, босар-тусарини билмай қолмоқ. *Пишқирган бойлар. ■ Пишқириб келган Салимхон Обидий ели қикиб кетган нуфакдек бўшашиб, бир чеккада ўтирарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПИҚ тақл. с. Кулганда ёки йиғлаганда, томоқдан портлаб чиққан қисқа, бўғиқ товуш ҳақида. *Гавҳарнинг лайлакка ўхшаб бир оёғини кўтариб туриши ўзига шу қадар наъша қилиб кетдики, пиқ этиб кулиб юборди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Анзират кампир пиқ этиб йиғлаб юборди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ПИҚИЛЛАМОҚ Кулги ёки йиғи аралаш қисқа, бўғиқ товуш чиқармоқ, “пиқ-

пиқ” этмоқ. *Сотиболди ҳарчанд ўзини тутишга ҳаракат қилса ҳам бўлмади — пиқиллаб кулиб юборди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Узилган қайишларнинг улоғини улоғига туғри қилиб тикмоқда ва пиқиллаб, ўпкамни тутиб ололмай йиғламоқда эдим.* Ф. Гулом, Тирилган мурда. *Азиза юзини кафти билан яширганича, пиқиллаб йиғлаб юборди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ПИҚИР тақл. с. Кулги ёки йиғидан ўзини тута олмай қолганда чиқариладиган қисқа, паст товуш ҳақида. *Пиқир этиб кулмоқ.*

ПИҚИРЛАМОҚ Кулги ёки йиғидан ўзини тута олмай қолганда, қисқа, паст товуш чиқармоқ, пиқир этмоқ. *Мастура пиқирлаб кулиб юборди, яна кулди, ёш боладай ўзини тутолмай қиқирлар эди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ПИҚИР-ПИҚИР **Пиқир** с. тақр. *Қизлар.. нималарнидир аста-аста сўзлашиб, пиқир-пиқир кулишарди.* Ойдин, Мардлик — мангулик. *Дам овозининг борича, дам пиқир-пиқир кулаверди.* «Ёшлик». *Орқада пиқир-пиқир кулги эшитилди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

ПИҚ-ПИҚ **Пиқ** с. тақр. *Зарофат пиқ-пиқ йиғлаганича, унинг ёнидан ўтиб, эшикка калит солиб очди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Бир зум тилдан айрилиб, гунг бўлиб қолган оломон орасида пиқ-пиқ кулги ва ғала-ғовур кўтарилди.* О. Ёқубов, Қўҳна дунё. *Аёл кўйлагининг энги билан кўз ёшларини артиб, пиқ-пиқ йиғлади.* Т. Малик, Иблис девори.

ПЛАГИАТ [лот. plagiat — ўғирланган] Бировнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзиники қилиб кўрсатиш, адабий, ижодий ва илмий ишдаги ўғирлик.

ПЛАГИАТОР [лот. plagiator — ўғри] Бировнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзиники қилиб кўрсатувчи муаллиф; плагиат билан шуғулланувчи шахс. *-«Плагиатор» деган сўзни эшитганмисан? — деди у [Амирий], тўсатдан қошларини чимириб.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ПЛАГИАТОРЛИК Бировнинг асарини ўзиники қилиб кўрсатишлик. *Асардан маълумки, Санжаров Орифнинг плагиаторлигини очиб ташлайди.* «ЎТА».

ПЛАЗМА [юн. plasma — ясалган нарса; тузилма] **1** *биол.* Қоннинг суюқ қисми. *Қоннинг суюқ қисми — плазмаларни қуйиш ҳам яхши натижа бермоқда.* Газетадан.

2 Кучли даражада ионлашган, юқори ҳарорат ёки газ заррачалари билан тезлашган электронлар тўқнашуви натижасида ҳосил бўладиган модда. *Қаттиқ водород ҳамда литий гидриди нишонига нур юбориш йўли билан юқори ҳароратли плазма олинди.* «Фан ва турмуш».

ПЛАКАТ [нем. Plakat < фр. placard — эълон, афиша < лот. plaquet — ёпиштирмақ] Тарғибот, ташвиқот, ахборот ёки реклама мақсадларида кўча ва жамоат муассасаларига илиб қўйиладиган қисқа матнли сурат, тасвир. *Масбулиятсизлик билан тайёрланган кўчалардаги плакатлар, ташкилот ва магазин пешлавҳалари дилингизни хира қшлади.* Газетадан. *Бу анжуманга атаб шаҳарни безатиш бўйича макетлар, эскизлар ва плакатлар тайёр бўлди.* Газетадан.

ПЛАКАТЧИ Плакатлар чизувчи rassom.

ПЛАН [лот. planum — юза, сатҳ, текислик] 1 Текисликдаги жой, нарса, иншоот ва ш.к. ни масштаб бўйича батафсил тасвирловчи шартли белгилари бўлган чизма. *Бинонинг плани. Шаҳарнинг плани.* ■ *Геологлар шаҳарчасининг марказий кўчаси план асосида қайта қурилмоқда.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини. *Қишлоқнинг планини, кўчаларини, уйларини кўрдингиз. Мана бу кўча ҳозирги ғўристоннинг бир чеккасидан ўтади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 айн. **режа** 2. *Беруний тумани соҳибкорлари йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар.* Газетадан. [Дилбар:] *Пешқадам ишчи кунига пландаги 480 та ўрнига 650 тача рўмолнинг четини тикади.* Газетадан.

3 эск. Бирор ишни амалга ошириш тартиби. *Саёҳат плани.* ■ *Солиҳ лабораторияга кириб, ўз жойига ўтирди-да, қилиниши керак бўлган тажрибалар планини туза бошлади.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Қани, айт-чи, бирор мақсадинг, планинг борми ўзи ўйлаб юрган?* Т. Ашуров, Оқ от.

4 эск. Бирор нарсани баён этишдаги муайян тартиб, изчиллик. *Диссертация плани. Лекция плани. Ҳикоя плани. Дарс плани.* ■ *Ўртоқ Обидов.. бу конспект эмас, план [деди Нишонов].* С. Зуннунова, Янги директор.

5 кино Объектнинг, мас., кинокадрда суратга олинган майдоннинг тасвирдаги ўрни ва унинг катта-кичиклиги. *Олдинги план.*

Йирик план. Тасвирларни ўртача планда бермоқ. Юзни йирик планда суратга олмақ.

ПЛАНЕРИЗМ Планёрда учиш назарияси ва амалиёти; планёр спорти. *Планеризм билан шуғулланмоқ.* ■ *Юқори синфда ўқётганимда планеризмга қизиқиб қолдим.* «Шарқ юлдузи».

ПЛАНЕРИСТ [фр. planeuriste — планерчи] қ. **планерчи**.

ПЛАНЕРЧИ Планёрда учувчи, планеризм билан шуғулланувчи киши.

ПЛАНЕТА [лот. planeta < юн. (aster) planetes — адашиб юрувчи (юлдуз)] *астр.* Қуёш атрофида айланувчи ва ундан ёруғлик ва иссиқлик олиб, уларни қайтарувчи эллиптик ёки шарсимон осмон жисми; сайёра. *Планеталар ғоят катта шарлардир, улар ўлчамлари ва ёруғлик нури чиқармаслиги жиҳатидан Ерга ўхшайди.* «Астрономия».

ПЛАНЕТАЛАРАРО 1 Планеталар ўртасида бўладиган. *Планеталараро саёҳат.*

2 Планеталар ўртасида жойлашган. *Планеталараро бўшлиқ.*

ПЛАНЕТОЛОГИЯ [планета + юн. logos — билим, таълимот] Астрономиянинг Қуёш системасидаги сайёралар ва уларнинг йўлдошларини ўрганувчи бўлими.

ПЛАНЕТАРИЙ [лот. planeta — сайёра]

1 Гумбазсимон экраннинг ички сатҳида энг муҳим ёритқичлар ва буржлар жойлашган юлдузлар осмони манзарасини кўрсатувчи, Қуёш, Ой, сайёралар ва б. осмон ёритқичлари кўринма ҳаракатини худди ўзидай акс эттирувчи проекцион аппарат. *Қаҳқаҳа ур, шоир!.. Шоғуллайди тинсиз дарахтзор тунда, Планетарийнинг зангор гумбази зарҳал.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Астрономия, космонавтика, Ер ҳақидаги фанлар бўйича тадбирлар (мас., маърузалар, семинарлар) ўтказиладиган илмий-маърифий муассаса, шу муассаса биниси. *Тошкент планетарийси.*

ПЛАНЁР [фр. planeur < planeer — учмоқ, парвоз қилмоқ] Моторсиз, қанотли, ҳаводан оғир учиш аппарати.

Планёр спорти Авиация спорти тури.

ПЛАНИМЕТРИЯ [лот. planum — сирт, сатҳ + юн. metreo — ўлчайман] Геометриянинг текисликдаги шаклларни ўрганадиган бўлими.

ПЛАНИРОВКА [р. планировка — режалаш(тириш)] 1 Келажақда қилинадиган иш-

лар режасини, лойиҳасини тузиш; режа (план) ишлаб чиқиш.

2 Нарса, жой ёки иншоотнинг, ер (экин) майдонининг айрим қисмларини план асосида бир-бирига нисбатан маълум тартибда жойлаштириш, режалаш; режа. *Паркнинг планировкаси.* ■ *Дала ишларини тўла машиналаштириш мақсадида планировкага алоҳида аҳамият берилди.* Газетадан.

ПЛАНЛАШТИРМОҚ 1 Жой, нарса, иншоот кабиларнинг планини чизмоқ, тузмоқ. *Завод қурилишини планлаштирмоқ. Янги истироҳат боғини планлаштирмоқ. Шаҳарни планлаштирмоқ.*

2 Иш, тадбир, дастур ва ш.к. нинг режасини тузмоқ, белгиламоқ. *Дарсни планлаштирмоқ. Дала ишларини планлаштирмоқ. Ишлаб чиқаришни планлаштирмоқ.* ■ *Планлаштиришни такомиллаштириш ва бошқаруving янги схемасини амалга ошириш — қайта қуришдаги бир-бирига боғлиқ муҳим вазифалардир.* Газетадан.

3 Амалга оширишни, бажаришни кўзда тутмоқ. *Сайлани майга планлаштирмоқ.*

ПЛАНЛИ қ. *режали.* *Планли иш. Планли юриш. Бутун ишларни планли равишда олиб бормоқ.* ■ *Планли иш туфайли коллеж жамоаси барча соҳаларда юксалиш нилла-тояларидан дадил одим ташлаб бормоқда.* Газетадан.

ПЛАНСИЗ 1 Планга асосланмаган, олдидан планлаштирилмаган, план билан қилинмайдиган. *Плансиз уй.* ■ *Паст-баланд, қинғир-қийшиқ.. плансиз пастак уйлар.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 қ. *режасиз.* *Плансиз иш — қолипсиз ғишт.* Мақол.

ПЛАНТАЖ [лот. plantare — кўчат ўтқазмоқ] қ. х. Ерни, кўпинча мевазор тупроғини чуқур қилиб ағдариб ҳайдаш, ағдарма қилиш. *Илгари, кучли машиналар бўлмагандан, тоқзорларнинг ери плантаж қилинмас эди.* Газетадан.

ПЛАНТАТОР Плантация эгаси. *Плантаторлар ширкати.*

ПЛАНТАЦИЯ [лот. plantatio — ўсимлик ўтқазини, экиш] **1** Фақат биргина махсус экин экилган катта ер майдони. *Чой плантацияси. Пахта плантациялари.* ■ *Ҳар йили 25-30 гектар янги плантация барпо қилинган.* Газетадан.

2 Алоҳида экинлар, мас., шакарқамиш, пахта, чой, кофе кабилар етиштирилдиган йирик деҳқончилик хўжалиги. *Тоғ ёнбағирлари, адирлар, чўл, саҳро зоналарида йирик боғдорчилик плантацияларини ташкил этишга киришайлик.* Газетадан.

ПЛАНШЕТ [фр. planchette — тахтача] **1** геод. Жойни планга олишда қалин чизма қоғози маҳкамлаб қўйиладиган юпқа тўртбурчак тахта.

2 геод. Қаттиқ асосга ёпиштирилган ва топографик суратлар олишда ишлатиладиган қалин қоғоз varaги.

3 Харита жойлаб, ёнга осиб юриладиган, юза қисми юпқа тиниқ нарса билан қопланган ясси сумка. *Черницов планшетдан харитасини чиқарди ва генерал Погодин қўйган белгиларни кўздан кечирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПЛАСТИК [юн. plastikos — ҳайкалтарошликка, ганчкорликка оид] **1** Пластикага, ўймакорликка, ҳайкалтарошликка оид. *Пластик санъат.*

2 Тананинг нафосатли, майин ритмик ҳаракатларига асосланган; гўзал, мулойим. *Пластик ҳаракат. Пластик пантомималар.* ■ *Теранлик ҳам, юксаклик ҳам қалбда туғилади. Ана шу қалб манзараларини, ҳолатларини пластик ҳаракатлар орқали ифода-лаш мумкин.* «Саодат».

3 Босим, ташқи куч таъсирида муайян шаклга кира оладиган ва босим тўхтагач, шу шаклини сақлаб қоладиган. *Пластик масса. Пластик модала.*

Пластик карточка айн. кредит карточкаси қ. карточка. *Улар пластик карточкалар буйича халқаро тўлов тизимига чиқиш имкониятларини муҳокама қилиб, ассоциацияга аъзо бўлиш шартлари.. билан танишишди.* Газетадан. *Нақд пулсиз пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китобга ўтиш йўлида олиб борилаётган ишлар шу жиҳатдан диққатга лойиқдир.* Газетадан. *Пластик карточкадан мамлакатимизнинг исталган ҳудудида тўлов воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.* Газетадан. **Пластик операция** *Жарроҳлик йўли билан киши аъзосидаги шикастланган, жароҳатланган аъзоларнинг шакли, функциясини қайта тиклаш; киши баданидаги туғма ёки жароҳат ва касалликлардан кейин пайдо бўлган нуқсонларни бартараф этиш.*

ПЛАСТИКА [фр. plastique < юн. plastike (techne) — ҳайкал яратиш (санъати)] 1 Ҳайкаллик (ганчкорлик) ва ҳайкалтарошлик санъати. *Ўзбек пластикаси. Пластика мактаби.*

2 Ҳайкалтарошликда ва текисликдаги тасвирда бадиий шаклнинг ҳажмий, кўзга кўринарли сифатлари.

3 Хореографияда: тананинг рақс руҳи ва услубига мос мулойим ва нафис ҳаракатлари ҳамда шундай ҳаракатлар санъати.

ПЛАСТИКЛИК [юн. plastikos — ишловга мойиллик] Ташқи куч ёки зўриқиш таъсирида қаттиқ жисмларнинг ўлчамлари ва шакли дастлабки ҳолига қайтмайдиган бўлиб ўзгариш хоссаси. *Жисмларнинг мўртлиги, пластиклиги шароитга боғлиқ. «ЎЗМЭ».*

ПЛАСТИЛИН [итал. plastilina < юн. plastus — ёпиштирилган, ясалган] Лой, мум ва мойбўёқлардан тайёрланадиган, тез қуримайдиغان пластик масса. *Пластилиндан ҳайкалчалар ясамоқ. ■ Тугманинг изи.. пластилинга туширилиб, унинг катта сурати олинди. Газетадан. Боғчада бола расм чизади, пластилиндан турли буюмлар ясашни ўра-нади. Газетадан.*

ПЛАСТИНКА [р. пластина — қаттиқ модданинг юпқа парчаси] 1 Металл, шиша каби қаттиқ нарсанинг юпқа ялпоқ парчаси, тахтаси. *Стаканнинг оғзига бир чўп қўйиб, унга рух пластинканинг бир учини қайириб илиштиринг-да, пластинкани эритмага ботириб қўйинг. «Кимё».*

2 Патефон, радиолога қўйиб эшитиш учун овоз ёзилган, одатда, пластмассадан ясаладиган доира шаклли юпқа диск. *Анорхон радиолога пластинка танламоқда. Й. Раҳим, Ихлос. Товушим ёмон бўлса, нега пластинкага олди? А. Қаҳҳор, Санъаткор. — Наълат, — деб ўйлади у [Акбарали] йўлакай, — эски қўшиқни янги пластинкага кўчирибди. Й. Шамшаров, Танланган асарлар.*

3 Фоторасм олишда фойдаланиладиган, сезувчи модда билан қопланган ойна. *Пластинкага олинган негати.*

ПЛАСТИНКАЛИ Пластинка билан ишлайдиган, пластинкаси бўлган. *Пластинкали фотоаппарат.*

ПЛАСТИРЬ [юн. emplastron — суртма дори] Ярага, чипқонга ёпиштириб қўйиладиган, ёпишқоқ дори суртилган қалин мато парчаси. *Пластырь цилиндр шаклига ўхшашиб, чипқонларни пишириш ёки яллиғлан-*

ган ўчоқларни бартараф қилиш ва ҳоказолар учун ишлатилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ПЛАСТМАССА [р. «пластическая масса» бирикмасининг қисқартмаси] Босим ёки иссиқлик таъсирида керакли шаклга кира оладиган ва шу шаклини сақлаб қоладиган материал; пластик масса. *Пластмассада қурилган экспериментал уйлар. Пластмасса идиш. Пластмасса ғилдирак. ■ Чамаси, касалхона яқинидаги бу бозорча ўзидан ўзи пайдо бўлган, кейинчалик бир қатор раста қурилиб, устига рангдор пластмасса шифер ёпиб қўйилган эди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. Пластмасса ва синтетик смола-ларнинг энгил сонапта қўлланиш кўлами кенгайиб бормоқда. «Фан ва турмуш».*

ПЛАТИНА [исп. platina — кумуш парчаси < plata — кумуш] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; қаттиқ, чўзилувчан, юқори ҳароратда эрийдиган кулранг нодир металл. *Платина гуруҳига қирадиган металлни жаҳон миқёсида қазиб олишнинг умумий миқдори 1967 йилда 93 тоннани ташкил этди. Газетадан. Оптик шишалар эритишда кўпинча платина идишлардан фойдаланилади. «Фан ва турмуш».*

ПЛАТО [фр. plateau — ясситоғлик < юн. plateus — ясси] геогр. Денгиз сатҳидан анча баланд бўлган ва атроф жойлардан йирик нишабликлар билан бўлинган, кенг пастак ясситоғлик ёки баланд текислик. *Устюрт платоси.*

ПЛАТФОРМА [фр. plate-forme — текис, ясси шакл; майдонча] 1 Темир йўл станцияларида пассажирларнинг поездга чиқиш ёки тушиши, юк тушириш ёки ортиш учун темир йўлга нисбатан баландроқ қилиб ишланган узун саҳн, майдонча. *Юк платформаси. Йўловчилар платформаси. ■ Платформадан чиққандан сўнг Саудий булардан ажралиб, қочши йўлини излади ва эпини қилиб қочди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

2 Идиш-қопсиз юклар, контейнерлар ташиладиган, ён деворлари унча баланд бўлмаган, усти очиқ юк вағони. *Платформаларга юк ортмоқ. ■ Юкдан бўшаган платформалар яна бир кун бекор турди. «Ёшлик».*

3 сиёс. Бирор сиёсий партия, ижтимоий ташкилот ёки арбобнинг дунёқараши, маслағи, тутган йўли, иш, ҳаракат дастури.

Мени уларнинг платформаси қизиқтиради. Т. Малик, Қалдиғоч.

4 Унча катта бўлмаган станция.

ПЛАЦДАРМ [фр. place d'armes — қўшин тўпланадиган майдон] ҳарб. 1 Бирор давлат томонидан бошқа давлатга ҳужум қилишга тайёргарлик чоғида қўшинлар ва жанговар техникани тўплаш, ҳарбий ҳаракатларни кенгайтириш учун база сифатида фойдаланиладиган ҳудуд.

2 Сув тўсиқларидан ўтишда эгаллаб олинган ёки чекинишда тутиб турилган соҳил бўйи майдони. *Днепрдан ўтиш жойи немислар назоратида бўлганидан, биз плацдармга керак вақтда қурол-яроғ, озиқ-овқат ва резервизми эркинлик билан етказо олмасдик. Н. Сафаров, Оловли излар. Артиллерия разведкачиси Карим Қосимов плацдармда бир ойдан ортиқ жанг қилди. Газетадан.*

3 Денгиз десанти асосий кучларининг тушиши ва ёйилишини таъминлаш мақсадида соҳил бўйида эгалланган жой, майдон. *Бу урушда на одатдаги жанг майдонлари ва на денгиз плацдармлари бўлади. Газетадан.*

ПЛАЦКАРТ(А) [нем. Platzkarte < Platz — жой + Karte — билет] т. й. Пассажири поезди вагонида муайян рақамли алоҳида жойни эгаллаш ҳуқуқини берадиган билет.

ПЛАЦКАРТ, плацкартали Алоҳида жойни эгаллаш ҳуқуқини берадиган; алоҳида жойлари бўлган. *Плацкартали билет. Плацкартали жой. ■ Кечагидай эсимда.. плацкарт вагонга чипта ололмасдан, умумий вагонда минг азобда манзилга етгандик. Газетадан.*

ПЛАШ(Ч) [р. плаш < плат — газлама, бўз парчаси] 1 Сув ўтказмайдиган материалдан тикилган енгил пальто, уст кийим. *Бир қадам ташлаб, биров орқасидан тортгандай тўхтади: машина эшиги плашининг белбоғини қисиб олган эди. А. Қўшимов, Ҳалқа. Салқин сезилиб қолган, олди одамлар плаш кийиб олишган эди. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.*

2 Елгага ташланадиган енгисиз кенг кийим.

ПЛЕБИСЦИТ [лот. plebiscitum — омма, халқ қарори] Бирор муҳим масалани ҳал қилиш учун умумхалқ овозига қўйиш; умумхалқ муҳокамаси; референдум. *Плебисцит ўтказмоқ.*

ПЛЕВРА [юн. pleura — ёнбош, биқин, ён томон] анат. Ўпкани ва қўкрак қафасининг ички томонини зич ўраб турувчи юпқа парда. *Ўпка, плевра, юрак, буйрак касалликларида плевра пардасига сероз [зардоб], йиринг, қон каби суюқликлар тўпланиши мумкин. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

ПЛЕВРИТ [плевра + лот. itis — ялиғланишни билдирувчи қўшимча] тиб. Плевранинг ялиғланиши. *Қуруқ плеврит. Йирингли плеврит. ■ ..экссудатли [суюқ ажралмали] плеврит касаллигида суюқлик ўпкани босиб қўйганидан, нафас олиш қийинлашади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

ПЛЕЕР, плейер [ингл. player — ўйинчи, актёр; ўйновчи < play — ўйин; ўйнамоқ] Магнит тасмасидаги ёзувни қулоқчин (наушник) орқали айнан қайта эшиттирувчи портатив магнитофон.

ПЛЕНАР [лот. plenarius — тўлиқ, ҳаммаси] Бирор ташкилотнинг сайлаб қўйилган барча аъзолари, илмий сессия ва ш. к. ларнинг барча иштирокчилари қатнашган; ялпи, умумий. *Илмий конференциянинг пленар ва секция мажлислари.*

ПЛЕНУМ [лот. plenum — тўлиқ, тўлатқис нарса] Бирор ташкилотнинг сайлаб қўйилган барча аъзолари иштирокидаги ялпи мажлиси ёки пленар кенгаши. *Тошкент шаҳар журналистлар ташкилотининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Газетадан. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Газетадан.*

ПЛЕОНАЗМ [юн. pleonasmus — ортиқчалик] тлш. Бир хил ёки синонимик тил бирликларининг семантик жиҳатдан такрор ҳолда қўлланиши (мас., бош-оёқ сарпо бирикмасидаги форсча сарпо сўзи ҳам «бош-оёқ» маъносини ифодалайди).

ПЛЕЯДА [юн. Pleias, Pleiados — юнон мифологиясида: Атлантнинг Зевс томонидан юлдузларга айлантириб қўйилган 7 та қизи; кейинчалик: Юнонистоннинг 7 та трагик шоиридан иборат гуруҳнинг номи] Маълум бир даврда бирор соҳада кўза кўринган, атоқли арбоблар гуруҳи. *Университетимиз босиб ўтган шонли 40 йил ичида ўзбек олимларининг катта плеядаси етишиб чиқди. Т. З. Зоҳидов, Минг ташаккур. Киноманда истеъдодли артистлар плеядасини кўрамыз. Газетадан.*

ПЛЁНКА [р. плена — юпқагина пүст, баданнинг нозик пүсти, териси] 1 Фотосуратлар ва кинотасвирлар олиш учун мўлжалланган, ёруғлик сезувчи қатлам билан қопланган, махсус материалдан қилинган эластик лента. [Қудратнинг] Тоғда олган расмлари ҳали фотоальбом учун етарлимас, борларини ҳам плёнкадан чиқариш учун уйда лабораторияси йўқ. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Умуман, ҳар қандай юпқа парда, қобик; қоплама материал. *Полизтилён плёнка.* ■ *Плёнка остига чиқит қадалан майдонларда ғўза ривожини айниқса яхши.* Газетадан. *Уруғлар шу йил баҳорда плёнка остига қадалгач, мутахассислар томонидан мунтазам кузатиб борилди.* Газетадан.

3 Магнитофон ёзуви учун махсус материалдан тайёрланган эластик лента.

ПЛЁНКАЛИ Плёнка билан ишлайдиган, плёнкага эга, плёнкаси бўлган. *Плёнкали фотоаппарат.* ■ *Кимдир унга район кинотеатридан плёнкали гардиш тунука қутичалар бериб кетди.* Х. Назир, Ўтлар туташганда.

ПЛИНТУС [юн. plinthos — ғишт, ясси тоштахта] 1 *бнк.* Бинонинг ички девори бўйлаб пол билан девор орасидаги тирқишни бекитиш учун қоқиладиган узун ингичка тахта, часпак.

2 Деворнинг пастки туртиб чиққан жойи, шунингдек, устуннинг тўртбурчак асоси.

ПЛИТА [р. плита — тош, ғишт; тоштахта < юн. plinthos] 1 Катта, ясси, текис тош, темир ва ш. к. бўлагини, тоштахта. *Мрамар плита.* Пулат плита. *Темир-бетон плиталар ётқизилган кўча.* ■ *Икки кунда цемент ҳам топилди, бульдозер ҳам, бетон плиталар ҳам топилди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. *Мрамар ва чиғаноқли плиталаримиз турдош корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлардан ажралиб турибди.* Газетадан.

2 Овқат тайёрланадиган уй печкасининг бир тури. *Плитада овқат пиширмақ.* ■ *Лолахон плита устидаги чойнакнинг сувини тўлатиб туриб гапирди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Электр плитада чой қўйиб, ўтган кунни олиб келган қотган нонни чойга буктириб еди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПЛИТКА [«плита» с. нинг кичр.] 1 Плита с. нинг кичр., кичкина плита. *Мрамар плитка.*

2 Умуман, кичик тўртбурчак шаклидаги ясси нарса. *Шоколад плиткаси.* ■ *Дадаси қизга иккита плитка шоколад берди.* С. Аҳмад, Зумрад.

3 *айн. кошин.* *Нақшдор плиткалар.*

4 *айн. плита* 2. *Электр плиткада чой қайнатмоқ. Газ плиткада овқат пиширмақ.*

ПЛОМБА [фр. plomb < лот. plumbum — қўргошин] 1 Беркитилган эшик, яшик ёки ўралган молнинг очиладиган жойига ёпиштирилган ва муҳр ёки тамға белгиси босиб қўйилган қўргошин ёки тунука тахтача.

2 Тегишли даволаш муолажаларидан кейин катта тиш ёки суякдаги қавак, тешикни беркитиш учун ишлатиладиган, қотиб қолувчи қуюқ масса.

ПЛОМБАЛАМОҚ 1 Беркитилган эшик, яшик ва ш. к. га пломба ёпиштириб тамғалаб беркитмоқ. *Электр ҳисоблагични пломбалामоқ.*

2 Тиш қавагини пломба билан тўлдириб, беркитиб қўймоқ. *Тишни пломбаломоқ.* ■ *У [маргимуш] бузилган тишларни пломбалашда тиш нервларини ўлдириш учун қўлланади.* «Кимё».

ПЛОМБАЛИ 1 Пломба ёпиштирилган, пломба ёпиштириб тамғалаб беркитилган. *Пломбали яшик.*

2 Қаваги пломба билан маҳкамланган. *Пломбали тиш.*

ПЛОМБИР [фр. plombieres < Франциядаги Пломбьер (Plombieres) курорт шаҳарчаси номи] Қаймоққа мева, шарбат, ёнғоқ ва ш. к. қўшиб тайёрланган олий нав музқаймоқ (дастлаб тайёрланган ва тарқалган жой номи билан аталган).

ПЛОТИНА [р. плот — «девор, ғов, тўсиқ» с. дан.] қ. тўғон. *Майли, танги турамиз, плотинани чин дил билан, чин виждон билан қурганмиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан қучли.

ПЛУГ [р. плуг < нем. Pflug — қозиқча] Ер ҳайдаш учун мўлжалланган махсус тишли ёки дискини қўшлоқ хўжалик қуроли. *Пахта майдонлари ўғитланиб, икки ярусли плугларда чуқур шудгорлаб қўйилди.* Газетадан. *Тракторчиға шогирд тушган кезларида, плуг остида қолиб, бир оёғидан ажралувди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ПЛУТОКРАТ Плутократик давлат тузумида: энг бой табақа вакили.

ПЛУТОКРАТИЯ [юн. plutokratia < plutos — бойлик + kratos — қуч-қудрат, ҳокимият]

сиёс. Ҳокимият расман ва батамом жамиятнинг энг бой, мулкдор табақа вакиллари — плутократлар қўлида бўлган давлат тузуми, бойлар ҳукмронлиги.

ПЛУТОН [юн. Pluton — юнон мифологиясида Ер ости дунёси ва ўлиқлар салтанати худоси] (П — *катта*) Қуёш системасининг Қуёшдан узоқлиги буйича тўққизинчи, ҳозирча энг охириги ўринда турган сайёраси.

ПЛУТОНИЗМ [юн. Pluton — Ер ости дунёси худоси Плутон номидан] Ер геологик тарихида Ер пўстининг даврий ўзгарувчанлигида асосан ички, қисман ташқи кучлар ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисобловчи таълимот, йўналиш. *Плутонизм тарафдорлари, Ер юзаси тарихида вулкан ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб ҳисоблаганлар.* «ЎЗМЭ».

ПЛУТОНИЙ [лот. Plutonium < Плутон сайёраси номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб, сунъий йўл билан олинган кумушранг радиоактив кимёвий элемент.

ПЛЮРАЛИЗМ [лот. pluralis — кўп учрайдиган, кўп миқдордаги] I Сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли шакллариининг бир пайтда бирга яшаши, мавжуд бўлиши — ҳуқуқий жамият тузилишининг асосий тамойили.

2 Ғоялар, қарашлар, манфаатлар ва ш.к.нинг танлаш эркинлигига имкон берувчи хилма-хиллиги, кўплиги.

3 *флс.* Борлиқнинг, ҳаётнинг бир неча (ёки кўпгина) мустақил ибтидоси, билимнинг бир неча асоси мавжуд, деб ҳисобловчи фалсафий таълимот, оқим.

ПЛЮС [лот. plus — кўпроқ, каттароқ] I *мат.* Икки сон орасида келганда, шу сонларнинг бир-бирига қўшилишини кўрсатадиган белги (+) номи; қўшув белгиси. *Тўрт плюс икки.*

2 Сонларнинг мусбат эканлигини ёки миқдорнинг ошиб боришини ифодалайдиган белги.

3 Температуранинг нолдан юқори эканлигини, яъни илиқлик, иссиқликни ифодаловчи белги. *Бугун кун — плюс ўттиз даража.*

4 *қўчма* Ижобий натижа, ютуқ; афзаллик, фойда. *Ҳар чизиғи — қурилишдан бир белги, ютуқлардан плюс.* Ф. Ғулом.

ПЛЯЖ [фр. plage — соҳил, қирғоқ < лот. plaga — мамлакат, воҳа; минтақа] Денгиз,

дарё, қўлларнинг ётиқ, бироз нишаб қирғоғида чўмилиш, қуёш ваннаси қабул қилиш учун қулай бўлган, кум ёки майда шағал билан қопланган узунчоқ ер майдони (кўпинча махсус жиҳозланган бўлади). *Бир зумда денгиз соҳили одамларга тўлди. Пляжлар гавжум.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ПНЕВМАТИК [юн. pneumatikos — нафас ва нафас олишга, ҳаво оқимига оид] I Сиқилган ҳаво ёрдамида ҳаракат қиладиган, ишлайдиган ёки амалга ошириладиган. *Пневматик насос. Пневматик тормаз. Пневматик бурғилаш.* ■ *Ҳозирги вақтда пневматик усул билан ишлайдиган пахта териш машиналарини синаш мақсадида яратилган намуналар бор.* «Фан ва турмуш».

2 Сиқилган ҳаво билан тўлдирилган. *Пневматик ғилдирак.* ■ *Ғилдиракнинг ҳар бир спицаси ўз ўлчамини ўзгартира олувчи ўзига хос пневматик цилиндрга эга.* Газетадан.

ПНЕВМАТИКА [юн. pneumatikos — нафасга, ҳавога оид] Пневматик механизм ва мосламалар.

ПНЕВМОГРАФИЯ [юн. pneuma — нафас, ҳаво + юн. grapho — ёзмадан] Одам ва ҳайвонлар кўкрак қафасининг нафас олиш вақтидаги ҳаракатини ёзиб олиш.

ПНЕВМОКОККЛАР [юн. pneumon — ўпка + kokkos — дон] *тиб.* Одам ва ҳайвонларнинг нафас олиш аъзоларида яллиғланиш касалликларини (мас., зотилжам) келтириб чиқарувчи шарсимон бактериялар.

ПНЕВМОНИЯ [юн. pneumon — ўпка] *тиб.* Ўпканинг яллиғланиши; зотилжам.

ПОВ I *тақл. с.* Шиддатли жараён, тез ёниш ва ш. к. да чиқадиغان товуш ҳақида. *Гулхан керосиндан пов этиб ёнди.* ■ *Қўрман ҳали, ўғирлаган бедаси яна пов этиб ёниб кетади.* Отнинг устида ўтиришини қаранг, бир кун мана шу отнинг ҳам уволи уради. «Ёшлик».

2 *қўчма* Бирданига, тезда юз берадиган шиддатли вазият, ҳолатни ифодалайди. *Хотин кишининг эсаҳли чиқса, бир пов этади-ю, яна ўчади. Кампир ҳам бир-икки кундан кейин ҳовридан тушиб қолар.* С. Аҳмад, Сайланма.

ПОВЕСТКА [р. повестить — «хабар бермоқ, огоҳ қилмоқ, билдирмоқ» фл. дан ясалган от] *эск.* Чақирилганлик ҳақида қисқача ёзма хабар; чақирёқ қоғози. *Элмурод уйга келиб, столи устида ҳарбий комис-*

сарликнинг повесткасини кўрди. Шухрат, Шинелли йиллар. *Йулдош бугун эрталаб чой устида онасига повестка кўрсатди*. Х. Фулом, Ташкентликлар.

ПОВЕСТЬ [р. повествовать — «ҳикоя, баён қилмоқ, айтиб бермоқ» фл. дан ясалган от] қ. қисса. *Қаҳрамонлар тўғрисида минглаб шеър, дoston, ҳикоя, повесть, сахна асарлари яратса арзийди*. Н. Сафаров, Оловли излар. А. Қаҳҳор бу комедияга нуқта қўйишлари биланоқ «Муҳаббат» повестини бошлади. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПОВИДЛО [пол. povidla] Майда тўғралган ёки қирилган, эзилган ҳўл ёки резавор мевани шакар билан қайнатиб тайёрланган қуюқ ширин таом, қуюқ шиннининг бир тури. *Олма повидлоси. Олхўри повидлоси.* ■ *Фарғона консерва заводи сабзавот, мева консервалари, компотлар, қиёмлар, повидло, маринадлар ишлаб чиқаради*. Газетадан.

ПОВИЛЛАМОҚ «Пов» этган товуш чиқармоқ. *Сут челакка повиллаб тушмоқда.* ■ *Примуснинг тинмай повиллаши унинг [Ширмонхоннинг] хаёлига қанот бергандай, у атрофдаги ҳамма нарсани унутгандай эди*. С. Зуннунова, Олов.

ПОВ-ПОВ Пов с. тақр. *Пов-пов сут соғайтган Тошхоннинг челаги тўлай деб қолганда, Тарғил қургур шарт тепди-ю, ҳаммасини ағдариб юборди*. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ПОГОН [р. погон — бирор нарсани маҳкамлаш, қадаб ёпиштириш мосламаси] Ҳарбий ва б. расмий кийимларнинг елкасига тақиладиган, шу кийим эгасининг унвонини кўрсатадиган белгили, кўпинча тўртбурчак қалин мато парчаси. *Темирийўлчилар погони. Офицерлар погони.* ■ *-Биласизми, — дедилар Абдулла Қаҳҳор, — сизнинг бу ерда ота-онаниз бўлмаса, елкангизда погону эгингизда шинель бўлса, мен сизнинг қанақа аёллигингизни кимдан сўрайман?* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПОГОНЛИ Погони бор, погонга эга. *Юлдуз погонли дада, юлдузли шапка кийган дада бир кўринди-ю, яна йўқ бўлди*. С. Аҳмад, Уфқ. *У гурур ва сипоҳлик билан извошни қоқ «Қосим» номерининг олдида тўхтатди ва бир офицер формасидаги погонлига хитобан рус тили билан сўзлаша бошлади*. Ф. Фулом, Танланган асарлар.

ПОДА [ф. پادە — гала, тўда, уюр; яйлов] 1 Бирга ҳайдаб борилаётган ёки бирга ўтлаб юрган, одатда, бир турга оид чорва моллари тўдаси. *Қўй подаси.* ■ *Ғужбоғ йўлларидан подалар чувалаб келарди*. А. Мухтор, Кумуш тола. *Пода тегирмон яқинидан ўтаётганда, Йигиталининг димоғига ёқимли бир ис урилди*. Т. Малик, Ажаб дунё.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг тўпи, уюми. *Ёмғир тинган, ҳарир рўмолдек узук-юлуқ булутлар подасини шамол тўзғитмоқда*. Газетадан.

Подалан олдин чанг чиқармоқ Бирор иш, воқеа ва ш. к. ҳақида улар содир бўлмасдан олдин ҳовлиқиб гапириб юрмоқ. *Бошлиқ индамади. Икки кишини ёнига олиб, қолганларни огоҳлантирди: -Подадан олдин чанг чиқарманглар. Биз ҳозир аниғини билиб келамиз*. Шухрат, Жаннат қилдирганлар. *Қўзибойнинг гоҳо подадан олдин чанг чиқариш одати борлигидан, баъзилар уни «сўнги ахборот» деб ҳам аташаркан*. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ПОДАГРА [юн. podagra — оёқ қопқони < podos — оёқ + agra — қопқон] тиб. Одамлар ва ҳайвонлар организмда пурин моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган сурункали касаллик.

ПОДАХОНА 1 Пода турадиган жой ёки бино.

2 *кўчма* Қаровсиз, назоратсиз, тартибсиз жой. *Бу жойи сизга подахонами?*

ПОДАЧИ Подани ҳайдаб олиб юрувчи, пода боқувчи. *Мақтабга келдим. Ҳеч ким йўқ. Бир пайт Қодир подачининг кичкина невараси келиб қолди*. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Ҳамма бало-қазога балогардон — биз: бугун ўқитувчи келиб дўқ уради, эртага подачи гаврон кўтариб келади*. А. Кўчимов, Халқа. *Подачи йўқ. Ҳар йили баҳорда унга эланиб, бунга эланиб, кунимиз ўтади*. М. Ҳазратқулов, Журъат.

ПОДАЧИЛИК Пода боқиш билан шуғулланиш; подачи касби. *Босқинчиликми, подачиликми, кетмончиликми — қандай иш бўлса ҳам майли*. И. Раҳим, Ихлос. *-Мен бундай подачиликка ярамайман, тақсир!* — деб кулади Мулла [обд. А. Қодирий, Обид кетмон.

ПОДБОР [р. подобрать — «териби, йиғиб, йиғиштириб олмоқ» фл. дан ясалган от] эск. Пахта теримида ерга тўкилган, одатда, хас-

хашак аралашган пахталарни йиғиб-териб олиш ва шу йўл билан терилган пахта. *Этак боғлаб ортада жим, Подбор терар ёшлигим. «Шарқ юлдузи».*

ПОДБОРКА [р. подобрать — «йиғиб-териб олмақ; хилламоқ, сараламоқ» фл. дан ясалган от] *эск. плерф.* Бир сарлаваҳа остида бирлаштирилган, бир мавзуга оид бир неча мақола. *Конференция материалларига бағишланган подборка.*

ПОДБОРШЧИК [р. подборщик — йиғиб-териб олувчи] *тех.* Тўкилган пахта, ўрилган поя, ўт ва пичанни йиғиб оладиган мослама ёки машина. *Пахта териш машинасининг подборшчиги.*

ПОДВАЛ [р. подвал — тупроқ кўтармаси остидаги хона, жой] **1** Бинонинг остидаги, ер юзасидан паст жойлашган хона ёки хоналардан иборат қисми; ертўла, омборхона. *Аҳмаджон подвалнинг ёнига бориб, икки тешикка иккита граната ташлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Таманно газмоллар уйиб ташланган ярим қоронги подвалга тушиб кетди. Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар.*

2 *плерф.* Газета саҳифаларининг алоҳида мақола босилган пастки қисми ва унда босилган мақола. *Газетанинг икки подвалини банд қилган бу мақолада Саудий, Ёкубжон ва округ газетасининг муҳаррири исмлари бутун колонкаларни чипор қилиб юборган эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ПОДПОЛКОВНИК [р. под — остида, куйида + полковник] *ҳарб. 1* Майордан юқори, полковникдан паст офицерлик унвони.

2 Шу унвонга эга бўлган киши. *Ўртоқ подполковник, батальоннинг шахсий таркиби умумий йиғилишга етиб келди. Газетадан.*

ПОДПОРУЧИК [р. под — остида, куйида + поручик] *тар. ҳарб.* Чор армиясида: прапоршчикдан юқори, поручикдан паст офицерлик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

ПОДСТАНЦИЯ [р. под — каттага нисбатан кичик, кўшимча маъносини ифодаловчи префикс + станция] *тех. 1* Асосий электрстанциядан келаётган ток кучланиши ва турини ўзгартириб берадиган ёрдамчи электрстанция. *Ургут тумани Навоий номидаги ширкат хўжалигининг Тирсақ қишлоғида янги подстанцияни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Газетадан.*

2 Оралиқ, ёрдамчи телефон станцияси. **ПОДШИПНИК** [р.] *тех.* Машина ва механизмларнинг вал, ўқ каби айланувчи қисмини тутиб турадиган ва уларнинг осон айланишини таъминлайдиган ёрдамчи деталь.

ПОДШО 1 қ. подшоҳ. *Тонг саҳарда подшо овга кетаётиб, йўлда деҳқонни учратиб қолди. Газетадан. Йе, ахир, сизни подшонинг ўзи хизматига олган эмасмиди? П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

Оқ подшо, оқпошо тар. Рус императорининг ўзбеклар орасидаги номи. *Худо ўлим берсин оқ подшоининг Мекалайга, қайт эмиш-а, эркак бўлсанг, йўл бошла! Ойбек, Танланган асарлар. Ярим подшо қ. ярим. Мен оқ подшонинг юзига ва у кишининг Тошкентдаги вакили ярим подшо генерал-губернаторнинг юзига қандай қарайман? М. Журабоев, М. Б. мартабаси.*

2 *кўчма қ. сара.* Юлдуз-ку, мен билган қизларнинг подшоси десам бўлади, уни жондидимдан яхши кўраман. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ПОДШОЛИК қ. подшоҳлик.

ПОДШОПАРАСТ қ. подшоҳпараст.

ПОДШОҲ [ф. پادشاه < қад. ф. پاد — ҳукмдор + شاه — улуғ, буюқ] Баъзи Шарқ мамлакатларида: мутлақ ҳокимлик қилувчи ҳукмрон унвони ва шундай унвонга эга шахс, шоҳ. *Эрон подшоҳи (тар). ■ Абдулла: — Мен кириб, подшоҳга хабар берай, — деб кириб кетди. Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз. Мулла Фазилидин ёш подшоҳнинг амри билан Бураतोғнинг чиқиш қийин бўлган хўшманзара бир қояши устига кичкина хўжра қурган. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ПОДШОҲЛИК 1 Подшо(ҳ)га хос хислат, хатти-ҳаракат; подшо унвони. *Муродхон тахтда подшоҳлик дағдағасини қилиб ўтирди. «Муродхон».*

2 Шоҳ қўл остидаги давлат, салтанат. *Рус подшоҳлиги кўшини бўлмаганда, амир, бек ва уларнинг мансабдорлари, ҳар ҳолда, тортиниброқ турардилар. Ф. Расул, Адолат. — Мен бир оми одамман, — деди мингбоши, — сиёсатинизни билмайман. Қўлимдан келганича подшоҳликка хизмат қилиб келдим. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

3 Шоҳга ёки унинг қўл остидаги давлатга тегишли нарса; хазина. *— Нобудчилик-да, тақсир, — деди оқсоқол бутун деҳқонларга*

эшиттириб, — бир неча жўяк билан подшоҳлик хазинаси тўлмайди ҳам, бўшаб қоламайди ҳам. С. Айний, Куллар. Бухорода ўлган ҳар бир ҳиндининг моли-пули ўз меросхўрига юборилмай, подшоҳлик қилинади. С. Айний, Дохунда.

4 кўчма Умрнинг энг яхши даври. Болалик — подшоҳлик. Мақол. ■ Ёшлик бир подшоҳлик: ўйнагани қоладир шу гўдакларнинг! А. Қодирий, Кичик асарлар.

ПОДШОҲПАРАСТ [ф. پادشاهپرست — подшоҳни севувчи, ёқловчи] Мамлакатда подшо ҳукмрон бўлишини ёқловчи, подшоҳга таянувчи. *Подшоҳпараст бой.* ■ [Йўлчи:] Бойлар, амалдорлар ўз подшосига ён босади, подшоҳ уларга ён босади. Бойларнинг подшоҳпараст бўлиши бекорга эмас. Ойбек, Танланган асарлар.

ПОДЪЕЗД [р. подъехать, подъезжать — «етиб, яқинлашиб келмоқ, кириб бормоқ» фл. дан ясалган от] Кўп қаватли уйларнинг кириш жойи. *Подъездга киришлари билан қандайдир аёлларнинг йиғи товушлари эшитилди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Йигитали подъезд эшиги олдидан Мударрисовга дуч келди.* Аммо иккови ҳам бир-бирига индашмади. Д. Нурий, Осмон устунни.

ПОЕЗД [р. поездить — «транспорт воситасида роса қуроқ, кезмоқ» фл. дан ясалган от] Бир-бирига кетма-кет тиркалган ва локомотив ёрдамида юрадиган темир йўл вагонлари қатори. *Поезд қачон келиши, қачон Наманган тарафдан қайтиб утишини станция бошиқлари ҳам аниқ билишмайди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Диктор аллақайси поезд келганини эълон қилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Поезд йўл с.т. Поезд, трамвай ва ш. к. транспорт воситалари юриши учун махсус ўрнатилган темир из, темир йўл.

ПОЁН [ф. پایان — охир, хотима, тугаш; чек, чегара, ҳад] 1 Жой, масофа, йўл кабиларнинг охирги чегараси, этаги, охири. *Поёни кўринмайдиган дала.* ■ *Бинафша, лолалардан гилам тўшалган тоғ-қирларни кезиб, поёнига етолмайсиз.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Низомжон шу тонда шундай кучли бўлиб кетган эдики, бир ўзи мана шу поёни йўқ чўлни ағдар-тўнтар қилиб ташлашга қодирдек эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қамишлар икки одам бўйи ўсган, поёни кўринмас,*

шабадада бир оҳангда мунгли шовулларди. Ҳ. Гулом, Феруза.

2 Иш, гап, воқеа-ҳодиса кабиларнинг охири, интиҳоси. *Ҳикояни поёнига етказмоқ.* ■ *Умрнинг поёни кўринган пайтда уй қайғусига тушдим.* «Ёшлик». *Ғазал поёнига етди.* *Табибий камтарона кулумсиради.* *Ҳарёндан олқишлар эшитилди.* С. Сиёев, Аваз. [Майсара:] *Шу хиёнаткорларнинг жазосини бериш учун бошлаган ишмини поёнига етказай.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Бу сўзининг, дилбар, йўқдир поёни.* «Алпомиш».

3 кўчма Сўнг, чек, ниҳоя (ҳис-туйғу, кечинма кабилар ҳақида). *Ғазабининг поёни йўқ.* ■ *Неча фарёд тошиб келди кўксин ёрғудай,* *Кўзи тиниб, изтироби поёнга етди.* А. Мухтор, Асарлар. *Сирим борки, осмони кўринмас, Ғамим борки, поёни кўринмас.* «Ёшлик». *Ҳар бир нарса каби меҳр-муҳаббатнинг ҳам аввали, авжи ва поёни бўлиши табиий.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ПОЁНСИЗ айн. бепоён. *Поёнсиз пайкаллар.* *Поёнсиз йўл.* *Поёнсиз кенг чўл.* ■ *Поёнсиз, ҳисси қуруқ чўллар гулбоғларга айланади меҳнат қаршисида.* Миртемир, Асарлар. *Азим тажанг даҳшат тўла қонли кўзлари билан Ғуломжонга ўқрайиб қаради.* *Лекин унинг юзида поёнсиз бир нафрат борлигини кўриб, юзини қайнатасига бурди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПОЗИТИВ I [лот. positivus — мусбат, ижобий] Негативдан кўчирилган ва нарсанинг ҳақиқий ранг-тусини (оқ, қора ёки бошқа ранглари) акс эттирадиган фотосурат ва шундай сурат туширилган пластинка ёки плёнка; *зид. негатив I.*

ПОЗИТИВ II [лот. positivus] 1 Позитивга алоқадор; нарсанинг ҳақиқий кўринишини акс эттирадиган. *Позитив фотосурат.*

2 Фактларга, тажрибага асосланган; ишончли, тасдиқловчи. *Позитив мулоҳаза.* *Позитив қараш.*

ПОЗИТИВИЗМ [фр. positivisme < лот. positivus — ижобий] Барча чинакам (позитив) билимлар, бирор фалсафанинг ўз устидан ҳукмронлигига муҳтож бўлмаган махсус фанларнинг биргаликдаги, умумий натижасидир, деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш.

ПОЗИТИВИСТ Позитивизм тарафдори.

ПОЗИТРОН [лот. posi (tivus) — мусбат + (элек)трон] физ. Массаси электрон массасига, заряди электрон зарядига тенг, аммо

ишораси унга қарама-қарши (мусбат) бўлган моддий заррача; мусбат электрон. ..космик нурларни ўрганиш чоғидагина.. биринчи марта позитрон, мезон ва гиперон сингари заррачалар борлиги маълум бўлди. Газетадан.

ПОЗИЦИОН Позицияга алоқадор, позиция эгаллаш, муайян жойга ўрнашиш билан боғлиқ. *Позицион жанг. Позицион мудофаа. Позицион устунликка эга бўлмоқ. Позицион ютуқ.* ■ ..позицион урушларнинг оқибати эса Германия учун ҳалокатли бўлди. «Янги тарих».

ПОЗИЦИЯ [лот positio – ҳолат, вазият] 1 с.т. Ҳар қандай кимса ёки нарсанинг тутган ўрни, ишғол қилиб турган жойи, мавқеи, ҳолати, вазияти. *Қулай позиция. Ноқулай позиция.* ■ Аминов бошқа позицияга ўтди. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Узинга маълум позиция танлаб ол.* «Шарқ юлдузи». *Фан ва техника тараққиётининг кўп соҳаларида мамлакатимиз дунёда етакчи позицияларни эгаллаб турибди.* Газетадан.

2 ҳарб. Қўшиннинг мудофаа ёки ҳужум қилиш мақсадида эгаллаб турган ва инженерлик нуқтаи назаридан жиҳозланган ер майдони. *Душман позицияларини тўғга тутмоқ.* ■ Шу йигит бир ҳужум вақтида душман позициясига жуда яқин бир ғарамга кириб олиб, батареянинг кўзи бўлиб турган эди. А. Қаҳҳор, Асарлар. *Қулай бир позиция топиб тўхтаган танк аланга тубига бронетешардан ўқ уза бошлади.* П. Қодиров, Эрк.

3 Шахмат ва шашка ўйинида доналарнинг жойланиш ҳолати. *Ўн олти юришдан кейин юзага келган позиция.* ■ Сўнгера Шўхрат юриш сайин позициясини кучайтириб, галабага эришди. Газетадан.

4 кўчма Бирор масалада тутилган йўл, нуқтаи назар; воқеа-ҳодисанинг муайян баҳоси. *Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ёппасига давлат тасарруфидан чиқаришдан воз кечиб бизнинг қатъий позициямиздир.* Газетадан.

ПОЙ [ф. پاي / پای – оёқ; товон; этак] 1 эск. кт. айн. **оёқ** 1. *Пирназар полвон қизига бир эланди-ю, бошини четга бурди. Ота юзини терс бурғач, Ёрқиной баттар эзилди, энди у дадасининг пойини кучоқлаб йиғлади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Пойига йиқилиб: -Момоқиз, мен сенга нима ёмонлик қилиб эдим, - дейман!* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

Пойи пиёда Яёв юриб; яёв, от-уловсиз. *Машҳур ҳофиз ва машҳур ўйинчи чол ўн километр масофадаги Урганчгача пойи пиёда йўл оладилар.* М. Қўшжонов, Дийдор. *Шопур бу шаҳардан чиқиб, пойи пиёда калласи оққан ёққа кетиб бораётди эди.* «Баҳром ва Гуландом». *Улар кўчага чиқиб, уй олдидаги зулан йўладан пойи пиёда одимлаша бошлашди.* О. Мухтор, Эгилган бош.

2 (эгаллик ва ў.-п. к. аффикси билан) Бировнинг ихтиёрида, қўлида ёки оёғи остида. *Лекин асло қилма армон, Армон қилма, гул жамол, Пойингдадир ёруғ жаҳон, Кенг жаҳонга назар сол.* Ҳ. Шарипов.

3 Бирор нарсанинг қуйи қисми, тағи, этағи. *Улуғ шоир ҳайкали пойига меҳр-муҳаббат ва чуқур эҳтиром рамзи сифатида гуллар қўйилмоқда.* Газетадан. *Фақат дарё лаби гезариб, Униб ётар тоғнинг пойини.* У. Кўчқор, Ҳаяжонга кўмилган дунё. *Саҳнаю минбар пойида ижод аҳли билан учрашувга талпиниб келган кишилар.* Газетадан.

Хоки пой Оёқ остидаги тупроқ, Нарзининг изига тушгим келаверди. *Унинг хоки пойини топиб, кўзимга суртсам.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўғли борнинг эгалидир қалъаси, Хоки пойин суртар мендек энаси.* «Эрали ва Шерали».

4 Жуфт ҳолда ишлатиладиган нарсанинг ҳар бири, бир тоқаси (асосан, пойабзал ҳақида; одатда, «бир» сўзи билан ишлатилади). [Бир] пойи йўқ этик. *Маҳсининг бир пойи.* ■ *Унинг бир пой пайтаваси осилиб, юришга халақит беради.* С. Кароматов, Олтин кум. *Очил Шаропов ўғирлиб, пойгакдаги пойабзаллар ичидан бир пой кавушни олиб кўрсатди.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Нозима даҳлзда ётган бир пой туфлисига кўзи тушиди.* «Ёшлик».

ПОЙАБЗАЛ [ф. پایافزار – оёқ кийими, оёқ жиҳози] Оёқ кийими. *Ёзлик пойабзал.* Спорт пойабзали. *Пойабзал магазини.* ■ *Очил Шаропов ўғирлиб, пойгакдаги пойабзаллар ичидан бир пой кавушни олиб кўрсатди.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Теридан бўлган пойабзалга ҳафтада икки марта крем суртиш шарт.* «Саодат».

ПОЙАБЗАЛЧИ Пойабзал саноати ходими, ишчиси. ..кўпчилик пойабзалчиларимиз бир қарашдаёқ Тошкент ёки Фрунзеда тайёрланган чармининг фарқига боришади. Газетадан.

ПОЙАБЗАЛЧИЛИК Пойабзаллар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи саноат. *Индустриалаштиришнинг дастлабки йилларида кўпгина тўқимачилик, пойабзалчилик, кўнчилик, пиллакашлик саноати ишлаб чиқаришига ҳам катта эътибор берилди.* Газетадан.

ПОЙАНДОЗ [ф. پایانداز — остонага, оёқ остига тушаладиган гилам ёки ипак мато] 1 Алоҳида хурматга сазовор кишини ёки келин, куёвни кутиб олиш учун унинг йўлига, оёғи остига солинган ёки солинадиган гилам, палос ёки мато. *Йўллариغا пойандоз солмоқ.* ■ *Хайрибиби билагига ташлаб чиққан оқ крөпдешин пойандозни келин оёғи остига ёзиб, кўярда-қўймай уни бостирди, патнисдаги қанд-қурсни бошидан сочиб юборди.* Д. Нурий, Осмон устун. У [қиз] оналикка узатилган кун хотирида бир умр қолсин деб, тўй-томошалар қилдилар, йўлига пойандоз солдилар. Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка.

2 Умуман, полга тушалган гилам, палос. *Тошўлатов пойандоз солинган узун коридордан бамайлихотир кириб борар экан, оёқ шарпасини эшитиб, ичкаридан Хосият хола чиқиб қолди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Султон пиёладаги чойни жаҳл билан гилам пойандозга сепиб юборди. Э. Усмонов, Ёлқин.

3 шв. Кўрпача.

ПОЙАФЗАЛ с.т. айн. пойабзал.

ПОЙБАНД [ф. پایبند — оёғи боғланган, кишанланган; банди, асир; кишан] Оёғи боғланган, бандга тушган. *Толиби дунё, гирифтори каманди хирс ўла, Пой(и)банд ўлмас тааллуқ домига озода мард.* Нодира, Девон.

ПОЙГА 1 снрт. Ким ўзди мусобақаси. *Югуриш пойгаси. Автомобиль пойгаси. Велосипед пойгаси.* ■ *Ҳамма пойгада маррага етай деб қолган чавандознинг ҳаяжони билан яшайди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Мабодо пойгада қатнашмаса, гўё отини камситгандек бўларди ўзича.* Т. Ашуров, Оқ от.

Пойга қилмоқ (ёки **қўймоқ**) Бир-биридан ўтиб, ўзиб кетиш учун мусобақалашмоқ; тезликни ошириб, ўтиб кетишга уринмоқ. *Юрай, деса тўрт оёғи толади, Пойга қилса, пиёдадан қолади.* «Нурали».

2 *кўчма* Бирон иш-ҳаракат, жараёнда бошқаларга нисбатан юқори натижаларга, кўрсаткичларга эришиш учун бўлган ҳаракат; мусобақа. *Пахта теримида Фаргона пойганинг олдида боряпти.* Газетадан.

3 *кўчма* Бирор соҳада бир-биридан ўзиб, устун туриш учун бўлган ҳаракат, рақобат. *Бугунги кунда ер юзида ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасига қарши овоз тобора баралла янграмоқда.* Газетадан.

ПОЙГАК [ф. پايگه] с.т. қ. **пойгаҳ.** Гулнор ўзига бўлган эътибордан уялиб, пойгакка бориб, секин ерга қаради. С. Зуннунова, Олов. *Назирқул, эшоннинг қўлини олиб, кўзига суртди-да, орқаси билан пойгакка чўккалади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Аваз пойгакка омонат чўккаламоқчи эди, Табибий уни қистаб, тўрга ўтқазди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ПОЙГАЧИ Пойга қатнашчиси; пойгада қатнашадиган. *Тасаввур қилинг.. майдон атрофидаги айлана йўлка бўйлаб бир гуруҳ велосипед пойгачилари шамолдек елиб бормоқда.* «Фан ва турмуш». *Пойгачиларнинг барчасига эсдалик совғалари топширилди.* Газетадан.

ПОЙГАҲ [ф. پايگاه / پايگه — остона, киравериш; кавуш ечиладиган жой] Хонанинг эшикка яқин қисми, паст томони; *зид.* **тўр** II. *Ясовул пойгаҳдаги эшикдан Султон Али мирзони бошлаб кирганда, Шайбонийхон хали ҳам шахнишинда ўша жойнамоз устида ўтирган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Навоий эшикдан кириши билан таъзим қилиб тиз чўкди ва ижозатдан кейин пойгаҳда чўкка тушиб ўтирди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ПОЙГУМБАЗ [ф. پایگنبد — гумбаз оёғи, ости] Гумбаз ўрнатиладиган махсус қурилма, асос.

ПОЙДЕВОР [ф. پایديوار — деворнинг остки қисми, асоси] 1 Иморат ёки иншоотнинг ост қисми; машина, механизмларнинг асоси. *Тош пойдевор. Устун пойдевори.* ■ *Бир ҳовуч сув айвоннинг пишиқ ғиштдан урилган пойдевориغا сачради-да, шимилиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Иморатнинг пойдевори харсанг тошлардан кўтарилди, деворлари синч қилинди.* «Ёшлик». *У ҳовлига кириши билан, айвон пойдевориغا суянганича, бошини осилтириб ухлатган онасини кўрди.* Т. Малик, Шайтанат.

2 *кўчма* Замин; негиз, база. *Меҳнат — роҳатнинг пойдевори.* Мақол. ■ *Инсонни маънавий шахс сифатида шакллантиришда мактаб пойдевор десак бўлади.* М. Жўра, Ноширнома. *Таълимнинг пойдевори билимнинг ҳаётда кераклигини боланинг онгига етказа*

билишдир. Р. Усмонов, Одобнома. Ҳар томонлама ўзаро алоқаларимизга пойдевор бўлиб хизмат қилувчи мазкур ҳужжат асосида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора равақ топаётир. Газетанир.

ПОЙДОР [ф. پيادار — мустақил, барқарор, абадий; асоси бор] *кт.* Мустақкам асога, заминга эга бўлган, барқарор. *Юрт бу кун охудай хўп ишвакордир. Сир каби сермавждир, Томирдай пойдор.* А. Орипов, Йиллар армони. Зебининг бу хурсандлиги, албатта, кузатган мақсадига эришмоқ билангина пойдор буларди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ПОЙНТАР-СОЙНТАР 1 Мазмуни бир-бирига қовушмаган, боғланмаган; пойма-пой, маъносиз. *Пойинтар-сойинтар гап.* ■ *Ашуртой ака кайф аралаш нима деяётганини ўзи ҳам яхши сезмасди — пойинтар-сойинтар гапирарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Маллаевнинг пойинтар-сойинтар туюлган гапларидан бир нима шғамай, аста ташқари чиқди. «Ёшлик».

2 *с.т.* Гандираклаган, алпон-талпон. *Пойинтар-сойинтар қадам ташламоқ. Пойинтар-сойинтар юрмоқ.*

ПОЙКЎП [ф. پايكوب — оёққа урувчи, босувчи; оёқ билан босилувчи] Обжувознинг шולי янчадиган, бир учи босилганда, иккинчи учи кўтарилиб тушадиган қисми, обжувознинг гурзиси. *Яқин орадаги обжувоз пойкўпининг зарби ерни силкитиб-силкитиб тўлқин берар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Жувозкашининг пойкўпи гупилашдан тинган, қамишзор шовуллас, фақат қаердадир, кўл ичида, урғочи оқчорлоқнинг хунук қаҳқаҳаси эшитилар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ПОЙКЎПХОНА *шв.* Жувозхона, обжувоз.

ПОЙКЎПЧИ *шв. айн. жувозкаш.* Маҳалламизда уч қўшни нари, Қосимбой деган катта пойкўпчи бўлиб, унинг 4–5 жойда катта-катта жувозлари, гуручборда 5–6 та дўконлари булар эди. Ф. Фулом, Танланган асарлар.

ПОЙЛАМОҚ 1 Бирор кимса ёки нарсанинг келишини кутмоқ. *Трамвай пойламоқ.* ■ *Эндигина ўн уч ёшга кирган Усмонон эса кундузи одамларнинг келишини пойлаб, бир-икки танга пул ишлар.* С. Зуннунова, Олов. *Ахир, бу бола тили чиққандан бери дадасини йўқлайди, келишини кутиб, йўлини пойлайди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бекатда*

чамадонини ёнига қўйиб ўтириб, автобус пойлади. «Ёшлик».

2 Бирор воқеа ёки ҳодисанинг содир бўлишини, рўй беришини кутмоқ. *Ёмғир тинишини пойламоқ.* ■ *Бошқа уйларда қариндош-уруғлар ва никоҳни пойлаб ётган.. хотинлар бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дошқозонда қайнар сумалак, Онахонлар тонгни пойлайди.* «Саодат».

Пайт (ёки фурсат) пойламоқ Кулай фурсатни кутмоқ. *Куёв билан келин пайт пойлаб, бир-бирларининг атрофида анчагина айланиб юришди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Пайт пойлаб юрарди, мана бугун ўша пайт келди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Фурсат пойлаб, атрофида айланишиб юраверади.* «Шарқ юлдузи».

3 Бирор кимса ёки нарсанинг хавфсизлигини, дахлсизлигини сақламоқ, қўриқламоқ. *Нега бойлар уйин пойлаб, Томда шамдек қотамиз!* Ҳамза. *Мингбошининг дарвозасини миришаб пойлаб турибди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

4 Зимдан кузатмоқ, таъқиб қилмоқ; пайида бўлмоқ. *Уни бирдан қўрқув босди: гўё алақандай яширин кўзлар теваракдан уларни пойлаб тургандек сезилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пойлаб борибсан-да, ҳаммасини кўрибсан-да..* С. Аҳмад, Сайланма.

5 *с.т.* Мўлжалга, нишонга олмақ, мўлжалламоқ. *Айиқнинг оғзини пойлаб ўқ узмоқ. Олмани пойлаб тош отмоқ. Куёни пойлаб отмоқ.* ■ *Аждарнинг тўхтаганини пойлаб туриб, яна иккинчи кўзига ёйдан ўқ отиб юборди.* М. Маҳмудов, Булбулигўё.

Гап пойламоқ Бировларнинг гапига зимдан кулоқ солиб, маълумот тўпламоқ, гап ўғирламоқ. *Гап пойламоқ сиздан лозимми, ахир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қайси бурчакдадир бекиниб, гап пойлаб ётган Раҳим «Тарзан»ни эргаштириб келди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. **Оғзини пойламоқ** Бировнинг белгили бир масала юзасидан нима дейишини, қандай мулоҳаза билдиришини ёки жавоб айтишини кутмоқ. *Низом бўлса тўнг, кечгача оғзини пойласанг ҳам, бир сўз чиқмайдиган камгап бола бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Нусратбек ўзини қийнаб юрган саволларга бир йўла нажот топадигандек унинг оғзини пойлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Қадамини пойламоқ 1)** кимсанинг юриш-туришини зимдан

кузатмоқ, таъқиб қилмоқ. *Яхшибоев сассиз кулди. Таъриф шуки, ўлғудай хира, деб ўйлади, касалхонада менга қўшни, қадамимни пойлайди.* М. М. Дўст, Лолазор; 2) кимсанинг келишини зориқиб, интизор бўлиб кутмоқ.

ПОЙЛОҚ Пойлоқчи турадиган жой; соқчилик, қоровуллик. *Тура [наварларга] нонушта қилишни, отларни суғоришни буюрди. Беш отлиқни пойлоққа қўйди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ПОЙЛОҚЧИ 1 Бирор кимса, нарса ёки жойни сақлаб, қўриқлаб турадиган, бирор хавф юз берганда, уни даф қилиш учун чора кўрадиган киши; соқчи. *Бу ҳам майли, Комил билан Инобатнинг ўтирганини айтинг пойлоқчи бўлиб!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Соқчилар бу ерда пойлоқчи бўлиб ўтирганларидан жуда асабий эдилар. Чунки ҳозир бошқа ғолиблар Бобур тарафдорларининг мону мулкларини талон-тороғ қилиб бойимокда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 кам қўлл. Айғоқчи, жосус. *Сардор буларни Ҳирот ва Тежен йўли томонларига пойлоқчи қилиб юборган эди.* С. Айний, Қўллар.

3 с.т. Аниқ мўлжалга олувчи; мерган.

ПОЙЛОҚЧИЛИК 1 Соқчилик, қўриқчилик. *Ана шундай пойлоқчилик қилиб юрган кунларининг бирида бўрнини қўрди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Укалари ҳам навбат билан пойлоқчилик қилишибди. Ортиқ ҳеч нарса рўй бермабди. «Чалпак ёққан кун». Худобердиев билан Козлов хандақни чуқурроқ қазиб, навбати билан пойлоқчилик қилишди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Айғоқчилик, жосуслик. *Партихўжа ёғчи пойлоқчилик, чақимчиликнинг муваффақиятидан ғурурланиб, кўз учи, қулоғи билан тўплаган мағлумотини сўзлаб бораркан, эллиқбоши уни тўхтатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПОЙМА-ПОЙ [ф. *پا پيا* — изма-из, кетма-кет] 1 Бир-бирига жуфт ёки мос бўлмаган, жуфти, пойни адашган, бошқа-бошқа, адаш (жуфт ҳолда ишлатиладиган нарсалар ҳақида). *Пойма-пой туфли. Пойма-пой кўлқоп. Пойма-пой пайпоқ.* ■ *У ҳам шу лаҳза Умидни кўриб, юраги уриб кетди. У Умидга яқинлашган сари, қадамлари беўхшов тушар, пойма-пой туфли кийиб олгандек, қийналар эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Домла*

ғулдураб, бир нави дуо қилди-да, калишини аввал пойма-пой кийиб, букчайиб, бошқатдан тўғрилаб олди. Ҳ. Фулом, Маштал.

2 кўчма Мазмуни бир-бирига боғланмаган, қовушмаган, пойинтар-сойинтар, телба-тескари. *Пойма-пой гап. Пойма-пой сўзлаб бермоқ.* ■ *Асрора Каримжоннинг келишини кутиб, дунёдаги жами ташвишларни унутган, гаплари ҳам аллақандай пойма-пой, қилиқлари ўзига ярашмагандек, ерда юраётганга эмас, осмонда учиб юрганга ўхшарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Гавҳар уни кўрганида ҳам, пойма-пой гапларини эшитганида ҳам индамай тураверди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

ПОЙМОЛ [ф. *پامال / پامال* — топталган, оёғости қилинган, йўқ қилинган]: **поймол бўлмоқ** 1) оёқ остида эзилмоқ, босилмоқ, топталмоқ; пайҳон бўлмоқ. *Пайҳон бўлган экинлар.* ■ *Қорахитий саросима бўлиб, тоққа қочди, неча минг аскарни бизнинг отлар оёғи остида поймол бўлди.* М. Осим, Карвон йўлларида; 2) кўчма оёғости бўлмоқ, барбод бўлмоқ, йўққа чиқмоқ; таҳқирланмоқ, [Воҳид] *Ҳамма орзумидлари поймол бўлишини тасаввур этмаган эди.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Унинг бу нидоси ниятига етмаган, армони ичида қолган, юрак-бағрини ўртаган туйғулари поймол бўлган аёл кишининг нидоси эди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Поймол қилмоқ** (ёки этмоқ) 1) оёқ остига олиб эзмоқ, босмоқ, топтамоқ; пайҳон қилмоқ, *Экинзорни поймол қилма;* 2) кўчма оёғости қилмоқ, барбод қилмоқ, йўққа чиқармоқ; таҳқирламоқ. *Ул-а, опанг гапирса, алам қилганди! Баттар бўл, ғурурингни поймол қилишингга оз қолди-ку! Тагин нима керак сенга!* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол. *Одоб, ҳаё-чи? Ота-она олдидан одобни унутсин, ҳаёни поймол қилсинми? «Менга фалончини олиб беринглар!» десинми? М. Исмоилов, Фарғона т.о.*

ПОЙНАК [ф. *پاىنوڪ* < — «паст, остки қисм» с. дан] 1 Тухумнинг тўмтоқ томони, кети. *Қарға тухумининг пойнак томонида оқсил тухум пўчоғига етмайди.* «Зоология».

2 махс. Пичоқ, ханжар, қилич ва ш.к. асбоблар қинининг учига кийгизиб қўйиладиган, қинни тешилишдан сақлайдиган металл учлик. *Мис пойнак.* ■ *Пойнаги тупроққа беозор, сассиз санчилди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПОЙНАКЛИ Пойнакка эга, пойнаги бор (қ. **пойнак** 2). Тукли чакмон ичидан, яктак устидан икки қават белбоғ боғлаган, бирида носқовоқ, бирида жез пойнакли, дандон сопничоқ билан соқолтароқ осилган эди. Мирмуҳсин, Умид.

ПОЙНОВ [ф. پاي‌ن‌و — новнинг, сув йўлининг охири, адоғи] Ариқ, ҳовуз ва ш.к. нинг ортиқча суви оқиб чиқиб кетадиган томони, этаги. Сув эгатларда оқмоқда, қақраган тупроққа сингиб, эгатнинг пойновица томон аста йўл олмақда. Х. Нўмон, Фасллар. *Опаси қўлтиқтаёғини остига қўйгани ҳолда ҳовузнинг пойнови томонда ўлтирар ва қурумли қўлларини латта билан секин-аста ишқар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

Пойнов ариқ шв. Ортиқча сув оқиб чиқиб кетадиган ариқ, оқова ариқ. Янги усул беш тармоқ ва пойнов ариқларни йўқотиш.. шу орқали экин майдонини кўпайтиришга имкон беради. Газетадан.

ПОЙТАХТ [ф. پایتخت — тахтнинг қуйи, этак қисми, асоси] Давлатнинг бош шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий ва маданий маркази. *Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳридир. ■ Тошкентим, порлаган пойтахтсан бу кун, Юксалди кўксингда не-не қасрлар. А. Орипов, Йиллар армони. Мен тажриба орттириш мақсадида Ўзбекистон пойтахтига келган эдим. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.*

ПОЙТЕША [ф. پاي‌ت‌ش‌ه — шакли оёқнинг тагига ўхшаш теша] Тик туриб ёғоч йўниш ва текислаш учун ишлатиладиган, дастаси узун катта теша. *Жами меҳнатга яроқли эркаклар арраю пойтешасини кўтариб, Самарқанд, Каттақўрғон тарафларга устачилик қилишга кетадилар. С. Аҳмад, Жимжитлик. Долимбой пойтешани қалин пайраҳалар устига эҳтиёт қилиб қўйиб, сўрига келиб ўтирди. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

ПОЙУСТУН [ф. پاي‌س‌ت‌ون — устун ости, таглиги] бнк. Маҳаллий меъморчиликда: устун ўрнатиладиган асос, таг курси.

ПОЙЧА [ф. پاي‌چ‌ه] шв. айн. почта 1-3. *Шимнинг пойчасини қайтармоқ. ■ Сўнгра кийикни чалқанчасица ағдариб, орқа оёғининг пойчасини кесиб, дамлашга ҳозирлади. Ш. Бўтаев, Кўрғонланган ой.*

ПОЙҚАДАМ [ф. پاي‌ق‌دم — оёқ изи, оёқ ости] 1 Оёқ; оёқ изи, йўл; оёқ ости. [Ғофир:] *Ёлғиз гавҳардан тиниқ, қуёшдан ҳам*

юксак муҳаббатим бор, холос! Сенинг пойқадамингга сочмоқ учун зарларим йўқ! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Ахир у ёшликдан орзу қилган ниятига етди.. геология аллома-ларининг муборак пойқадами етган тоғтошлардан кўтарилди, уларнинг қутлуғ қўллари теккан тоғ жансларига болға урди. С. Кароматов, Олтин кум. -Усмон отанинг пойқадами етди-ю, ҳамма ёқда боғлар пайдо бўла бошлади, — деди Жура ака. «Ўзбекистон кўриқлари».

2 Қадам қўйиш, ташриф буюриш, келиш. *Ўша ўқитувчининг пойқадаминдан ўргилай [деди Рихси хола]. С. Зуннунова, Янги директор. -Пойқадамларингиз қутлуғ келди, — деди биз билан кўришаркан биринчи котиб. Газетадан. Оғайниларининг пойқадами биланми ё дори-дармоннинг нафи туфайлими, Шаҳоб чиндан ҳам одатдагидан тезроқ оёққа турди. Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.*

ПОК I [ф. پاک — тоз, покиза; ифбатли, уятчан] кт. 1 Топ-тоза; гард-ғубор, кир, чанг кабилардан холи; покиза. *Пок булоқлар. Пок идишлар. ■ Шунқор кўкрагингиз истеҳкомдан зўр, Чунки пок ҳавода олмашидир нафас. Ф. Фулом. Ҳар қандай ҳайвон териси ҳам ошланса, тоза ва пок бўлади. «Фан ва турмуш».*

2 кўчма Номига гард юкмаган, ҳалол, соф, мусаффо, тўғри. *Нормурод отанинг виждони пок, у ўз виждонига хилоф иш қилгани йўқ. О. Ёқубов, Диёнат. Врач юксак унвонлар эгаси бўлиши шарт эмас, лекин пок виждонли бўлиши керак. Газетадан. Фақат бизнинг пок ниятимизга шубҳа билан қарайсизлар! Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Ўзининг гард кўнмаган, нурдан пок туйғуларини кимга ишониб топшираётганини у билмаса, Ёдгорга аён-ку! Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол.*

3 кўчма Холи. *Ўн минутдан кейин йигит хотинининг ҳар қандай шубҳадан пок эканига ишонди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Биринчи фазилат: буларнинг дили ҳасад, бахиллик деган қабиҳ туйғудан пок. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.*

ПОК II [ф. پاک — тўлиқ, тамомила, ба-тамом, мутлақо] рвш. с.т. Бутунлай, батамом, паққос. *-Яхши ҳам чол шаҳарга ўрганмаган итни, адашиб кетишидан кўрқиб,*

зшакнинг қанжигасига боғлаб олган экан, бўлмаса, пок титиғимни чиқарар экан, — деди Шум бола. *Ф. Фулом, Шум бола. Шу эримга кал новвойнинг қизи ҳазиллашиб, тегаман деса, пок бўғиб улдириб қўйи деган эканман. Ҳамза, Танланган асарлар.*

ПОКДИЛ [ф. پاکدل — дили, кўнгли пок, тоза] Кўнглида кири йўқ, виждонли, дили пок, софдил ва самимий. *Покдил кишилар.*

■ *-Меъмор саломатлар, — деди мешкобчи кулолга жилмайиб, — сиз мендан кўп нарсаларни сўраяпсиз, кулол. Энди ҳеч нарса сўраманг, билмайман! Сизни покдил одам деб биламан.. хайр, мен кетдим. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ПОКДОМОН [ф. پاکدامن — этаги, бари тоза: гуноҳсиз, айбсиз; ифпатли; соф, ҳалол] Ор-номусини сақлаган; ифпатли, номусли, ҳалол. *Покдомон хотин.* ■ *Наҳотки шундай покдомон одамнинг хонадони эгри кўчага киришга мажбур бўлса! Пора берса! Шухрат, Умр поғоналари. Ўзини Искандарга покдомон қилиб кўрсатмоқчи, шу баҳона оқлаб олмоқчи экан-да? «Ёшлик». Наҳот энди ҳаммасига сен жавоб берсанг, Ахир ўзинг покдомонми, шунинг ўзи бас. А. Орипов, Йиллар армони.*

ПОКИЗА [ф. پاکيزه — тоза, соф; ифпатли; бенуқсон; ёқимли] I Топ-тоза, пок. *Покиза идиш. Покиза кийим.* ■ *Она табиатимизни ҳаммиса тоза, покиза сақлаш ҳақида қай-гурмоғимиз лозим. Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. Булоқ суви қанчалик беғубор ва покиза. У тоғ бошидан ана шу сифатлари билан пастга интилади. «Ёшлик». Одам деган покиза юриши керак. Тоза юрган одамнинг табиати равшан бўлади. С. Аҳмад, Суд.*

2 кўчма Ҳалол, пок, тўғри; соф, мусаффо. Олима [Хадича Сулаймонова] ҳаётининг охирига қадар халқ учун покиза виждон билан хизмат қилди. «Саодат». Оққўнғил, покиза, ҳалол ўқитувчининг яшаш тарзи, фикрлаш йўсини доимо барча учун мактаб бўлиб келган. «Фан ва турмуш». Покиза кўнгли билан, баъзан ўта қаттиқ қаҳри, баъзида жуда юмшоқ меҳри билан боғлаб олган. С. Зуннунова, Олов.

3 Озодаликка қаттиқ риоя қиладиган, озода. *Покиза аёл.* ■ *Карим ака ниҳоятда покиза, содда эди. «Ёшлик».*

ПОКИЗАЛАМОҚ Покиза қилмоқ, тозалармоқ. *Баданини покизалармоқ. Уйни пок-*

залармоқ. ■ *Йўнғичқа [янги кўкарган беда]. Иссиқлик нарса.. ички аъзоларни меъёрида тозалайди.. сиқиб чиқарилган селини ярачақага суртилса, покизалайди.. Газетадан.*

ПОКИЗАЛИК I Тозалик, поклик, кийимнинг покизалиги. *Идиш-товоқнинг покизалиги.* ■ *Аввал [қишлоғи] бозорига бориб, савдо-сотик қилаётган эркак-аёлларга ҳам ҳифзи сиҳат, покизаликнинг фойдасини қайта-қайта тушунтирар эди. К. Яшин, Ҳамза.*

2 кўчма Ҳалоллик, поклик, тўғрилиқ. *Аввалига ётсираш, беғоналик уни қийнади. Кейин эса Мирзони одамларнинг ўша баланд тоғлардай улуғ қалби, покизалиги ўзига ром қилиб олди. «Ёшлик».*

ПОКЛАМОҚ кт. Пок, тоза қилмоқ, тозалармоқ. *Мунисхон ўз устидан оғир бир юк тушгандай яйраб кетди-да, шу ондаёқ бу гуноҳнинг бутун губоридан кўнглини поклашга шошилди. А. Қаҳҳор, Сароб. Фақат меҳнат одамни ҳар қусурдан поклайди, меҳнат. М. Бобоев, Гўзаллик истаб. У сувнуркагични айлантириб, ваннахонанинг ҳамма ёғини ораста ювиб, поклаб чиқди. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.*

ПОКЛАНМОҚ Поклармоқ фл. узл. ва мажҳ. н. *Гуноҳлардан поклармоқ.* ■ *..Биз иқтисодий йўналиш, иқтисодий ривожланишнинг маънавий ўнганлиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан уйғун бўлишини истаимиз. Газетадан.*

ПОКЛИК Соф виждонлилик, ҳалоллик, софлик, тўғрилиқ. *Мана унинг мен яхши кўрган жилмайиши! Кўнглининг поклиги, ишонч, меҳр — ҳаммаси шу жилмайишда. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Замонлар ўтар, фидойилик, самимийлик, поклик — буюк туйғулигича қолар. «Саодат». Мен учун биринчи ўқитувчим ҳалоллик, поклик рамзи эди. Газетадан.*

ПОК-ПОКИЗА I I Топ-тоза, ниҳоятда тоза, озода. *Пок-покиза ҳусндек Тун-кун ҳаёлимдасан. С. Акбарий.*

2 кўчма Соф виждоний, ҳалол, мусаффо. *Ўқитувчи! У пок-покиза туйғуларга тўла қалб меъмори. «Саодат».*

ПОК-ПОКИЗА II рвш. с.т. Бутунлай, батамом, пок, паққос. *Паловни пок-покиза туширди.* ■ *Хўш деганингиздан билсак, ҳалиги энг яхши қандак ўрикдан уч пуд, Каттақўрғон магизидан беш пуд; магиз билан ўрикни бироз қурт еган бўлса ҳам, пок-*

покиза уриб кетишипти, азаматлар! Ҳамза, Танланган асарлар.

ПОКРИШКА [р. покрышка < покрывать – «қопламоқ, ўрамоқ, устини ёпмоқ» фл. дан ясалган от] 1 Автомобиль ва ш.к. гилдираги шинасининг муайян ҳаво босими остидаги камерани қоплаб, тутиб турувчи, қалин резинадан ишланган қобиқ қисми.

2 Футбол ёки волейбол тўпининг камерасини қоплаб, тутиб турувчи чарм жилд, қобиқ. *Покришканинг ичига камерани қўймоқ.*

ПОКРИШКАЛИ Покришкага эга, покришкаси бор. *Унинг қайишиб кетган ёғоч гилдираги ўрнига, худди раис миниб юрадиган «Победа» машинасиникидай, йўғон покришкали гилдирак ўрнатилбди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ПОЛ I [ф. пол / پال (пал) – экин майдонининг атрофи марза билан кўтарилган ҳар бир қисми] қ.х. 1 Экин майдонининг атрофи марзалар билан тўртбурчак шаклида кўтарилган ва бостириб суғориш учун мосланган бир бўлаги. *Бир пол шоли. Икки пол пиёз. Полга сув қўймоқ.* ■ *Чарақлаб офтоб чиқиб, шоликорлик полларини тўлдирган ёмғир сувларини ойнадек ялтиратди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тушгача аранг уч пол ердаги пичанни ўриб олдим.* «Ёшлик».

Пол олмоқ (ёки қилмоқ) Атрофини марза билан ўраб, ерни пол шаклига келтирмоқ. *Пол олиб, пиёз уруги сепмоқ.* ■ *Барча экин майдонлари йигирманчи ноябрдан йигирманчи декабрғача пол олиб, икки марта қалқитиб суғорилади.* «Ўзбекистон кўриқлари».

2 с.т. Марза. *Пастга экдим шолини, Баланд кўтар полини.* «Кўшиқлар».

ПОЛ II [р. пол – ер; замин, асос] 1 Уйнинг, хонанинг оёқ босиб юриладиган ва ўтириладиган сатҳи. *Тахта пол. Паркет пол. Цемент пол.* ■ *Қурбонбой, хотинларнинг ҳайҳайлашига қарамай, полни ҳам ўзи ювди, гиламини ҳам ўзи кўчага олиб чиқиб, қоқиб келди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Зулайхо яланг оёқлари билан полни чип-чип босиб, унинг тенасига келди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Уйнинг, хонанинг оёқ босиб юриладиган сатҳига қопланган тахта ёки паркет. *Пол тахтаси. Пол қоқмоқ.*

ПОЛАПОН I қ. палапон. *Фил йўлда бора туриб, тўрғайнинг уйини босиб, палапон-*

ларини янчиб ташлабди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Юлғун орасидаги беланчак инда ётган полапонлари сап-сариқ оғизчаларини индан чиқариб, бир овоздан чирқиллай кетадилар.* М. Мансуров, Ёмби. *Бир она чумчуқ дарё ёқасидаги жарликка ин қўйиб, учта бола очибди. Бироқ дарё суви кўтарилиб, полапонлар хавф остида қолибди.* Газетадан.

2 *кўчма қ. палапон* 2. *Қани, полапонларим, дарров туриб, юзларингни ювингларчи? Кейин тоғанникига борамиз.* Газетадан.

ПОЛВОН [ф. پالوان / پهلوان – бақувват, ботир, қахрамон, баҳодир] 1 Жисмоний жиҳатдан кучли, бақувват киши; баҳодир, паҳлавон. *Кўрсатур ўз ғайратин иш узра, роҳат истаса, Рўзғори гуламас, меҳнатда полвон бўлмаса!* Ҳабибий. *У аслида жуда кўркам ва полвон йигит бўлиб, қоп-қора, чақмоқ мўйлаби ўзига жуда ҳам ярашиб турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Кураш тушадиган спортчи. *Ахир бу бола не-не полвонларнинг белини букиб, елкасини тупроққа қориштирамапти.* С. Аҳмад, Уфқ. *Миллий кураш бўйича кеча бўлиб ўтган олишувда Абдурайим полвоннинг ютиб чиққани бекор қилиниб, йиқилган Карим полвон фойдасига ҳал қилинди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *73 килограмм вазни полвонлар ўртасида гиламга чиққан Рустамжон Умаров. рақиблари курагини ерга текизиб, турнир ғолиби бўлди.* Газетадан.

3 с.т. Экскаватор, кўтаргич кран каби машиналарга халқ томонидан берилган ном. *-Миша, полвонингнинг томири бўшаб, хирллаб қолмадими? – деб сўради Валентин етиб келгач.* Ш. Фуломов, Азим дарёман дебон.

ПОЛВОНЛИК I Баҳодирлик, паҳлавонлик. *Салобатидан полвонлиги кўриниб турарди.*

2 Полвонларга хос иш, хатти-ҳаракат, қахрамонлик. *Душман бўлса, омон кетмас қўлимдан, Полвонлик бобида мени кам дема!* «Ёдгор». [Бой:] *Холмат! Полвонлигингни кўрсат дейман!* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПОЛИ- [юн. poly – кўп, анча, кўпгина] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: бирор нарсанинг кўплигини, хилма-хил, мураккаб тарқибли эканини кўрсатади (мас., *полиартрит, полигон*).

ПОЛИАРТРИТ [поли.. + юн. arthron — бўғим, бўғин] *тиб.* Бир неча бўғимларнинг бир вақтда ёки кетма-кет яллиғланиши.

ПОЛИГАМИЯ [поли.. + юн. gamos — никоҳ] 1 Кўп никоҳлилик: кўп хотинлилик ёки кўп эрлилик; кўпинча кўп хотинлиликни ифодалаш учун нотўғри қўлланади.

2 Ҳайвонларда: муайян жинснинг бир мавсум давомида ўзига қарама-қарши бир неча жинс билан қўшилиши.

ПОЛИГЛОТ [поли.. + юн. glotta — тил] Кўплаб тилларни билувчи киши. *Японияда туғилиб ўсган Наори Такедани бемалол полиглот дейиш мумкин, чунки у япон, итальян ва испан тилларини мукамал билади.* Газетадан.

ПОЛИГОН [юн. polygonos — кўп бурчакли < поли.. + gonía — бурчак] 1 *геом.* Кўп бурчак(лик); текисликдаги синиқ чизиқ.

2 *ҳарб.* Қуруқлик ёки денгизнинг махсус иншоотлар, қурилмалар билан жиҳозланган ва ҳар хил қуроллар ва жанговар техникани синаб кўраш, шунингдек, ҳарбий машқлар ўтказиш учун мўлжалланган қисми. *Артиллерия полигони.* ■ *Капитан полигонда солдатларнинг қаерда эканликларини билиш мақсадида улардан бирига мурожаат этди.* Газетадан. *Ўқув синфлари, полигонларда машғулотлар қизгин олиб борилмоқда.* Газетадан. *Шимолий Корея ядро полигонларида кузатилаётган фаоллик шундан дарак беради.* Газетадан.

3 *бнк.* Йиғма қурилиш конструкциялари ва қисмлари (мас., темир-бетон панеллари) тайёрлаш учун махсус жиҳозланган очиқ майдон.

4 *кўчма* Муайян иш-ҳаракат, фаолият билан шугулланиш майдони, соҳаси. *Қизик, аслида инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш асосий мақсадга айланаётган даврда мафжурамиз полигонларини кучайтириш, ривожлантириш ўрнига майдонни индамайгина, қўл қовуштириб бошқаларга бериб қўядиган замонми ҳозир?* Газетадан. *Мафжура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқ.* Газетадан.

ПОЛИГРАФИК Полиграфияга оид, алоқадор. *Баъзи туман газеталарининг полиграфик базаси ҳамон ночор.* Газетадан. *Бу ҳол нашрлар тиражининг кўпайганлиги, полиграфик сифатининг яхшиланганлигида ҳам кўриниб турибди.* Газетадан.

ПОЛИГРАФИСТ Полиграфия саноатининг ишчиси; полиграфия мутахассиси.

ПОЛИГРАФИЯ [юн. polygraphia — кўп ёзиш < поли.. + юн. grapho — ёзаман, ёзпман] Техниканинг китоб, газета, журнал, плакат каби босма махсулотлар тайёрлаш ва чоп қилиш билан боғлиқ барча жараёнларни ўз ичига олган тармоғи. *Полиграфия саноати.* ■ *Полиграфия аста-секин меҳнаткашларни маънавий руҳда тарбиялашнинг қудратли ишлаб чиқариш базасига айланди.* «Фан ва турмуш».

ПОЛИДАКТИЛИЯ [поли.. + юн. daktylos — бармоқ] *тиб.* Кўп бармоқлилик: қўл ёки оёқ панжасида ортиқча бармоқ(лар) бўлиши.

ПОЛИЗ [ф. *پاليز*] Қовун, бодринг каби палак отиб ўсадиган экинлар экиладиган майдон, пайкал. *Полиз экинлари. Полизни суғурмоқ.* ■ *Ана, икки ёндаги пахса деворлар чекиниб, олдинда теп-текис полиз кўринди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Полизларда қовун-тарвузлар ширага тўлган, иш-комлар ҳосилдан бели букилиб қолган тўкин, баракали куз боши эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПОЛИЗЧИЛИК Полиз экинлари экиш ва етиштириш; полиз хўжалиги. *Жамоада боғдорчилик ва полизчилик масалалари ҳал этилди.* Газетадан.

ПОЛИКЛИНИКА [юн. polis — шаҳар + klinike — даволаш < kline — ўрин-кўрпа] Катнаб даволанувчиларга, шунингдек, уйдаги беморларга турли касалликлар бўйича тиббий ёрдам кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаси ҳамда шу муассаса жойлашган бино. *Поликлиникага даволашни учун қатнамоқ. Поликлиника врач.* ■ *Махсус поликлиника — 50 каравотлик шифохона турли касалликларни даволашга мослаштирилган.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ПОЛИМЕР Полимерларга оид, полимерлардан иборат. *Полимер моддаларнинг молекулалари.. бир неча минг ва миллионлаб атомлардан таркиб топгандир.* «Фан ва турмуш». *Тошкент кимё-технология институтининг конструкторлик бюроси полимер иситкичлар яратди.* «Фан ва турмуш».

ПОЛИМЕРЛАНИШ, *полимерлаш ким.* Куйи молекулали модда (мономер)ларнинг муайян кимёвий боғ орқали бирикиб, юқори молекулали бирикма (макромолекула)лар ҳосил қилиш жараёни.

ПОЛИМЕРЛАР [юн. polymeres — кўп қисмлардан ташкил топган; хилма-хил] *ким.* Молекулалари бир ёки бир неча турли кўп сонли такрорланувчи ҳалқалар — мономерлардан ташкил топган, юқори (кўп) молекулали кимёвий бирикмалар (синтетик материаллар, пластмассалар, резина, лак-бўёқ моддалари ва б. тайёрлашда хомашё сифатида ишлатилади). *Ҳозирги полимерлардан халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланилмоқда.* «Фан ва турмуш».

ПОЛИНЕВРИТ [поли.. + юн. nervus — нерв] *тиб.* Кўл-оёқ нервларининг бир вақтда касалланиши.

ПОЛИОМИЕЛИТ [юн. polios — кулранг + myelos — орқа мия] *тиб.* Марказий нерв системасининг (орқа мия кулранг моддасининг) зарарланишидан келиб чиқадиغان, кўпинча болаларда бўладиган оғир юқумли касаллик. *Унинг [ўсмирнинг] танасида полиомиелит касалигидан қолган асорат шундоққина билиниб турибди.* «Фан ва турмуш».

ПОЛИП(ЛАР) [юн. polyrus < поли.. + rus — оёқ] *тиб.* Сурункали яллиғланиш натижасида шиллиқ парданинг маълум қисмларида ҳосил бўладиган сўргичсимон ўсиқчалар.

ПОЛИС I [юн. polis — шаҳар-давлат] *тар.* Юнонистон ва Қадимги Римда муайян бир шаҳар ва унинг атрофидаги худудни қамраб олувчи шаҳар-давлат.

ПОЛИС II [фр. police < итал. polizza — тилхат, патта] Суғурта жамияти томонидан суғурта қилинган шахс ёки муассасага берилладиган ва суғурта шартномаси ва унинг шартларини тасдиқлайдиган гувоҳнома.

ПОЛИСЕМАНИК *тлш.* Кўп маънога эга бўлган; кўп маъноли. *Полисемантик сўзлар.* ■ *Фразеологик антонимлар моносемантик ва полисемантик бўлиши мумкин.* «ЎТА».

ПОЛИСЕМИЯ [поли.. + юн. sema — белги] *тлш.* Бир сўз ёки белгининг бир неча маънога эга бўлиши, кўпмаънолилиқ. *Полисемия тилшуносликнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.* «ЎТА».

ПОЛИТЕИЗМ [поли.. + юн. theos — худо] Бир неча худога сиғинувчи, бир неча худони эътироф этувчи дин ёки диний эътиқод, кўпхудолилиқ; *зид. монотеизм.*

ПОЛИТЕХНИЗМ [поли.. + techne — санъат, маҳорат; касб-ҳунар] Мактаб ўқув-

чиларини ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари билан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан таништиришни мақсад қилиб қўйган таълим тизими.

ПОЛИТЕХНИК I Политехнизмга оид. *Политехник таълим.*

2 Техниканинг турли соҳаларини ўрганиш ва турмушга татбиқ қилиш билан боғланган. *Политехник институт. Политехник музей.*

ПОЛИТЕХНИКА Техника тармоқлари мажмуи. *Политехника музейи. Политехника таълими. Политехника институти.* ■ *Зал бирдан жимиб қолди. Устахонаси йўқ мактабда қандай қилиб политехника таълими йўлга қўйилиши мумкин эканини билишга қизиқиб, директорнинг оғзига тикилишди. С. Аҳмад, Сайланма. — Ёдгор.. Ёдгор Мирзаев.. Политехника институтида ўқийди. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ПОЛИТОЛОГИЯ [юн. politike — шаҳар, давлатни бошқариш санъати + logos — фан, таълимот] *қ.* сиёсатшунослик.

ПОЛИТРУК [р. политический руководитель — «сиёсий раҳбар» бирикмасининг қисқартмаси] *тар.* Ҳарбий қисм ва булинмаларга сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича раҳбарлик қилувчи, сиёсий ва жанговар тайёргарлик учун командир билан тенг жавоб берувчи шахс (1942 йилга қадар). *Беш хонали ёғоч уйга рота командирлари, политруклар, штаб командирлари йиғилдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПОЛИТУРА [нем. Politur < лот. politura — безақ, безаш, силлиқлаш] Ёғоч буюмлар сиртини пардозлаш учун ишлатиладиган лак-бўёқ материали.

ПОЛИУРИЯ [поли.. + юн. uron — сийдик] *тиб.* Сийдикнинг ҳаддан ташқари кўп ажралиши.

ПОЛИФОНИЯ [поли.. + юн. phone — товуш, овоз] *мус.* Икки ёки бир неча овоз (куй)нинг бир пайтнинг ўзида уйғун ҳолда қўшилиши ва ривожланиб боришига асосланган кўповозлилиқ тури.

ПОЛИЦИЯ [нем. Polizei < юн. politeia — давлатни бошқариш; маъмурият] **1** Айрим мамлакатларда: мавжуд ижтимоий ва давлат тузумини ҳимоя қилувчи, жамоат тартибни сақловчи, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашувчи маъмурий органлар тизими. *Полиция маҳкамаси олдидан ўтар-*

кан, ҳар кимни титроқ босар, унинг жабри-ни, даҳшатини халқ ҳар кун, ҳар соат, ҳар минут тотиб турарди. Ойбек, Танланган асарлар. Италия полицияси мамлакатнинг марказий ва жанубий районларида жиноятчиликка қарши катта кураш операцияси ўтказди. Газетадан.

2 айн. **ПОЛИЦИЯЧИ**. Одамлар бурчак-бурчакда тўхтаб, бир-бирларидан янгиликларни суриштиришар, ҳар қадамда кўчма митинглар бўлаётганди. Полиция, мишрабларнинг эса қоралари кўринмасди. К. Яшин, Ҳамза. Полиция ўтказган ялли тинтув вақтида ўттиздан кўпроқ контрабандист қамоққа олинди. Газетадан.

ПОЛИЦИЯЧИ Полиция хизматидаги киши, полиция ходими. Шаҳарда ўрнашиб олган полициячиларни тор-мор қилиш зарур эди. Н. Сафаров, Оловли излар. Полициячилар роса синчиклаб текшириб чиқишди. «Фан ва турмуш».

ПОЛИЦМЕЙСТЕР [нем. Polizeimeister – полиция бошлиғи] тар. Чор Россияга баъзи Фарбий Европа давлатларида: катта шаҳарлар полициясининг бошлиғи. ..Тошкент эски шаҳар полицмейстери Колесниковнинг Олмазор маҳалласидан туриб, халқни – бола-бақра, ёш-қари, хотин-қиз демай оттириши.. ҳам жойларда бирин-кетин кўтарилган норозилик кўзғолонлари алангасини ўчиролмади. К. Яшин, Ҳамза.

ПОЛИЭТИЛЕН [поли.. + этилен] Этиленни полимерлашдан ҳосил қилинадиган оқ ёки рангсиз шаффоф, қаттиқ модда; синтетик полимер (ўров материаллари, электротехникага оид буюмлар, қувурлар ва ш.к. ишлаб чиқаришда қўлланади). Импортларнинг кўпгина деразаларига полиэтилен плёнка қоқилган. Э. Усмонов, Ёлқин. Сунгра ундан [ҳовуздан] боғ томонга қаратиб.. полиэтилен қувурлар тортилади. «Фан ва турмуш». Жорий йилнинг ўтган даврида.. озиқ-овқат саноати учун зарур бўлган 18 миллион дона полиэтилен қоплар тайёрланди. Газетадан.

ПОЛК [р. полк – бир гала, тўп (қиз); тўда, оломон; кўшин] Одатда, дивизия ёки бригада таркибига қирадиган ва бир неча батальон ва ротадан ташкил топган ҳарбий қисм. Пиёда аскарлар полки. Танкчилар полки. ■ Эрталаб госпиталь жойлашган боғ олдига майдонга бутун полк йиғилди. О.

Ёқубов, Излайман. Полк икки кунли маршдан кейин бепоён, кун тушмас қалин бир ўрмонга ўрнашганича қолиб кетди. А. Қаҳқор, Олтин юлдуз.

ПОЛКА [р. полка – девордаги идиш тоқчаси] 1 Идиш-товоқ, китоб кабилар қуйиш учун деворга ёки шкафага ўрнатилган, тахта ёки қаттиқ материалдан қилинган тоқча. Улардан бири ерда тартибсиз сочилиб ётган бир даста китоб ва қандайдир қўлёзмаларни, чувалашиб кетган қаноп боғичлардан ажратиш, полкага тахлаш билан банд. Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка.

2 Темир йул вагонида одам ўтирадиган ёки ётадиган алоҳида жой. ..юқори полкадаги Шерали деразага бағрини бериб ётиб олган, ойнага тиралган бурни пучуқ кўринарди. Ҳ. Гулом, Феруза. Менинг жойим юқорида эди. Уни тинчитиб, чамадончамни полкага иргитдим-да, ўзим ҳам бир сакраб чиқиб олдим. С. Аҳмад, Сайланма.

ПОЛКОВНИК [лол. polkovnik] ҳарб. Подполковникдан юқори, генерал-майордан қуйи офицерлик унвони ва шундай унвонга эга бўлган ҳарбий киши. Полковник баъзан ҳикоя айтишдан тўхтаб қоларди. Ҳар иккимиз учун ҳам бу сукунат чўзилиб кетганга ўхшарди. Н. Сафаров, Оловли излар. Полковник солдат ва офицерларнинг жангага тайёргарлици қандай бораётганлигини текширади. А. Қаҳқор, Олтин юлдуз.

ПОЛЛИ Тағига тахта қоқилган, ёки линолеум тўшалган, пол қилинган. Шерзод каттак-катак линолеум полли йўлакдан юриб бораркан, икки кундан буён девор остида турган каравот йиғиб олинганини кўриб, тағин қувонди. У. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ПОЛЛЮЦИЯ [лот. pollutio – булғаниш, ифлосланиш] физиол. айн. йхтилол.

ПОЛОНИЙ [лот. Polonium < Polonia – Польшанинг лотинча номидан] Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент; юмшоқ қумушранг оқ металл.

ПОЛОСА [р. полоса – камбар ер майдони; чарм тасма] 1 Муайян текислик, расм ёки чизмадаги узун текис из; муайян майдон, бўшлиқнинг тор, камбар қисми.

2 Бирор нарсанинг алоҳида, чўзилиб кетган қисми, минтақа. Довул 200 метрдан 6 километргача кенликдаги узун энсиз полоса бўйлаб ҳаракатланади. «Фан ва турмуш».

3 *плагрф.* Терилган матндаги, босма нашрдаги бет, саҳифа. *Мақола газетанинг икки полосасини эгаллади. Газетанинг сўнги полосасидаги эълон.*

ПОЛОТНО [р. полотно — қалин газлама, кийим, ёпингич] 1 Арқоғи ва ўриши бир хил йўғонлик ва қалинликда бўлган, ипак, ип, каноп ва ш.к. дан тайёрланган пишиқ ва силлиқ газлама ва ундан тикилган кийим. *Ипакли полотно. Штапель полотно.* ■ *Уларда [дастгоҳларда] ранг-баранг трикотаж полотнолар тўқиш имкониятига эгамиз. Газетадан. -Духоба, крендешин.. полотно, шотландкалар тўқиймиз, — дейишибди чеварлар. Ш. Фуломов, Ёрқин йўллар. Юпқа блузкадан ҳам, крендешин, полотно кўйлақлардан ҳам унга тўқ кўк шол кўйлақ маъқул бўлди. «Саодат».*

2 Одатда, бўзимон махсус матога чизиладиган катта яхлит сурат. *Машҳур рассом полотнолари.* ■ *Рассом Шарқ аёллари образини яратиб устидаги ишларни давом эттириб, бир қатор ранг-баранг полотнолар яратди. Газетадан. Айни кунларда Т. Жамолдидинов янги полотнолар устидаги излаишларини давом эттирмақда. Газетадан.*

3 *кўчма* Бирор тарихий воқеа-ҳодисани кенг ва ҳар томонлама тасвирлаган бадиий асар. *Т. Қайипбергенов адабиётимизни «Қорақалпоқ достони» номли йирик тарихий полотно билан бойитди. «УТА».*

4 *махс.* Темир йўл ёки шоссенинг тош, шағал ва ш.к. дан кўтариб ишланган асоси, кўтармаси. *Олисларга чўзилиб, уфққа сингиб кетган темир йўл полотноси хаёлимни олиб кетди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

ПОЛЬКА [чех. polka — поляк: жабрланган поляклар билан бирдамлик рамзи сифатида шундай номланган] 1 Давра буйлаб жуфт-жуфт бўлиб, тез, сакраб-сакраб ўйналадиган чех халқ рақси.

2 Шу рақс ритмидаги мусиқа асари. *Андижон полькасига ўйнамоқ.* ■ *У [Қиём-хон] узоқ ўйнади. «Андижон полькаси», «Лазги», «Дилхирож» куйларига хиром айлаб, дам бошлиққа, дам Ислом отага, дам юбиляр — Фая опага қош учириб, тилла тишларини йилтиратиб им қоқарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

3 Эркакларнинг соч кўйиш турларидан бири (бунда соч чакка ва орқадан сал олиб текисланади).

ПОЛЯК 1 Польша Республикасининг туб (асосий) аҳолисини ташкил этган халқ (миллат)нинг номи.

2 Шу халққа мансуб (шахс, тил ва ш.к.) *Поляк халқи. Поляк тиши. Поляк аёли.*

ПОЛЯКЛАР Польша Республикасининг асосий аҳолисини ташкил қилган, ғарбий славянларга мансуб халқ.

ПОМАДА [фр. pomade < pomme — олма (ушбу малҳамни тайёрлашда дастлаб олмадан фойдаланилган)] Турли хушбўй моддалар аралашмасидан тайёрланган косметик восита, суртма малҳам. *Лабга помада суртмоқ.*

ПОМЕШЧИК [р. помещик < поместье — «хизматлари учун берилган чек ер» с. дан] *тар.* Чор Россиясида, шунингдек, ер хусусий мулк бўлган мамлакатларда катта ер эгаси.

ПОМИДОР [итал. pomodoro < pomo d'oro — олтин олма] Итузумдошлар оиласига мансуб сабзавот ўсимлиги ва шу ўсимликнинг олмасимон юмалоқ, қизил, баъзан сариқ рангли меваси. *Помидор ўзининг дармондорилиги билан жуда қимматлидир. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Қандли диабет билан хасталанган беморнинг кундалик овқатида қовоқ, бодринг, укроп, помидор бўлиши керак. «Фан ва турмуш».*

ПОМОЛОГИЯ [лот. pomum — мева + юн. logos — фан, таълимот] Мевали ва резавор мевали ўсимликлар навлари ҳақидаги фан; навшунослик.

ПОМПА [фр. pompe — сўргич, насос] *махс.* Ортиқча сувни чиқариб ташлайдиган ва ёнғинга қарши қурилмалардаги сув насоси; умуман, суоқликларни тортиб, чиқариб ташлайдиган насос.

ПОНА Нарсаларни ёриш, кериш ёки бириктириш учун ишлатиладиган, бир учи тиги ёғоч ёки темир. *Темир пона. Ёғоч пона. Пона қоқмоқ. Пона қоқиб маҳкамламоқ.* ■ *Унинг бер қўлида мушук калласидай калтасоп болға, бошқа қўлида темир пона. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Терлаб қизариб кетган бўлса-да, омбирни пона қилиб, занжирни дуқиллатиб ураверди. С. Сиёев, Саратонда қор ёғди.*

Пона урмоқ 1) нарсаларни ёриш, кериш учун улар орасига (ёриғига) пона тикмоқ, ўрнаштирмоқ. *Замон тош қатламларини пона уриб кўчирар, икки ённи бушатиб,*

гурзига йўл очиб берарди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 2) орага нифоқ солиб, зарар етказмоқ. *Дарҳол ҳар хил шаклга солиб, шу баҳона бирлигимизни бузишга, мафкурамизга пона уришга уринадилар.* Газетадан.

ПОНСАД [ф. *пансад* – беш юз] *тар.* Хонликлар даврида: аскар бошлиқларига берилган унвонлардан бири ва шу унвонга эга бўлган, одатда, 500 кишидан иборат ҳарбий қисмга бошчилик қилган шахс. *Султон Содиқ акалари – Тойчоқ ва Аҳмад билан 1860 йшда Қўқон хони хизматига келиб, понсад унвонини олди.* «Фан ва турмуш».

ПОНТОН [фр. *ponton* < лот. *pons, pontis* – кўприк] **1** Вақтинчалик кўприк, иншоот ва ш.к. ни сув юзиди кўтариб туриш учун таянч сифатида ишлатиладиган таги ясси қайиқ.

2 Шундай қайиққа ўрнатилган вақтинчалик кўприк. *Баҳодир жангчилар қўлбола қайиқ ва резинка понтонларда дарёни ҳаммадан олдин кечиб ўтиб, душман истеҳкомларининг дабдаласини чиқариб, у ерда жойлашиб олдилар.* Газетадан. *Бир чеккада устига понтонлар ортган юк машиналари елиб боряпти.* М. Муҳамедов, Одерга.

ПОП I [юн. *papas* – ота, отахон *ёки* лот. *papa* – қурбонлик пайтида қоҳин ёрдамчиси] Православие черковида ўрта даражали руҳоний. *Поплар қўнғирқоқларни ура берди, қўнғирқоқнинг товуши оламни тутди.* «Гўр-ўғлининг туғилиши». *Рустам камган бўлиб юрар эди, баъзан бутхонага поп билан бирга бориб, тушган пулларни йиғиб олар эди.* «Ёшлик».

ПОП II *тақл. с.* Бирор нарсага юмшоқроқ нарса билан урилганда чиқадиган товуш. *Қопқоқ поп этиб ёпишди.*

ПОПИЛЛАМОҚ «Поп-поп» этган товуш чиқармоқ. *Китоблар попиллаб ерга тушди.* ■ *Дакан ерга оғир юкдай попиллаб тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Тула ўртоғининг юпун пальто тагидан суяги туртиб чиққан елкасига попиллаб урди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

ПОПИЛТИРИҚ *с.т.* **1** Баъзи ўсимликларнинг пояси учиди ҳосил бўладиган, етилганда момиқсимон тўзғоққа айланадиган тўпгули, попути. *Енгил шабада қамишларни шиттирлатиб, учларидаги попитириқларини сувга учиради.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 Шокила, попук. *От ёпиғининг попитириғи.*

ПОПИШАК *зоол.* Олачипор патли, елпиғичсимон тожли, қайрилма тумшукли ҳашаротхўр қуш; сассиқпопишак. *Аллақаердан учиб келган попишак ўзини товус ҳис қилиб, қуёш нурлари остида товланиб, ўзин қиларди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

ПОПЛИН [итал. *papalino* – папага, папа қароргоҳига тегишли] **1** Арқоғи йўғонроқ, ўриши ингичкароқ, ип ёки ипақдан, баъзан кимёвий толалардан тўқилган газлама. *Ипакли поплин.* ■ *Улар орасида поплин, батис(т), пахмоқ ва рўмолбор газламалар ҳам бор.* Газетадан.

2 Шундай материалдан тикилган. *Поплин кўйлак.*

ПОП-МУСИҚА [ингл. *pop (popular) music* – оммабоп мусиқа] **20**-асрнинг ўрталаридан қарор топган енгил (кўнгилочар) эстрада мусиқасининг хилма-хил услублари ва жанрларини қамраб олувчи тушунча.

ПОПОП [р. ихтирочи конструктор Попов номидан] **1:** **попоп машина** Матоларга илма игна билан гул тикадиган машина. *Набигулнинг акаси Қодирга попоп машина билан гул солинган қора бахмал бир рўйжа кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Каштачиликда чок тури, йўрма.

ПОПОПЧИ Каштачилик билан шуғулланувчи киши. *Тутибу тўй ҳаракатида попопчиникига кетган.* С. Зуннунова, Гулхан. *Хоҳ учиринг, хоҳ учирманг, дугона, Тилак – қизлар иқболидан нишона, Суроғабсиз, атай бўлдим попопчи, Булурми деб ишқимизга баҳона.* Т. Тула, Оромижон.

ПОПОПЧИЛИК Машинада кашта тикиш касби; попоп машинада йўрма чоки билан бадий буюмлар (чойшаб, сўзана, палак, дўппи ва ш.к.) тайёрлаш.

ПОПОҚ *с.т. қ.* қалпоқ. *Бошинда попоғи ақлимни олди, Ҳам йўлдан чиқарди, ҳам йўлга солди.* «Кўшиқлар».

ПОП-ПОП Поп II с. тақр. *Поп-поп қилмоқ.*

ПОПУК I Нарсаларга безак учун тақилладиган бир боғлам тола, пат, ип ва ш.к. *Дўппи попуғи.* ■ *Шарофат, паранжининг попуғини эшиб, ерга қараганича ўтирар, афтидан, бу саволга жавоб бермоқчи эмас эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Гажим, шокила. *Байроқ попуғи.* ■ *Бунчалар ҳам қорадур, Билмадим, бу қошларингдан Қанча диллар порадир.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони. *Сенинг юрагингда лахта-лахта қон, Сийнанг нималардан бўлмаган пор.* А. Орипов, Йиллар армони.

3 Ёш қизларга нисбатан эркалаш маъносда ишлатилади. *Олдинда сизлар, ой попуқларим.* Ойбек, О. в. шабадалар. - *Сиз, попуқ қизим, этагингизга памилдори, ловия териб чиқинг,* — деди амма Мунавварга. С. Анорбоев, Меҳр.

4 Шокилалари қоғозга ўралган конфет. *Бир кампир сепкилор боланинг чап ёнидаги кўйлак кийган қизчага попуқ узатади, кейин уни кўтариб олади.* Р. Файзий, Сен етим эмасан.

5 Попук (хотин-қизлар исми).

Попуғи пасаймоқ қ. пасаймоқ 4. *Домланинг нутқларидан кейин одамларнинг попуғи пасайиб қолди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Раҳимжон попуғи пасайиб, нафаси чиқмай қолди.* Х. Назир, Ёнар дарё. **Попук илдиз** Ўқ илдиз қуригач, унинг ўрнига поянинг остидан ўсиб чиқадиган кўп сонли майда илдизчалар (кўриниши попуқка, шокилага ўхшайди).

ПОПУКДАЙ, -дек Бежирим, чиройли. *Қош-кўзи попуқдай, доим қулиб турадиган Шоира деган дўндиққина жувон беморларга уқол қилишга киришади.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Авваллари Фотима-Зухраларни доимо адаштириб юрардим. Ҳозир ҳам иккаласи бир-бирига ўхшайди. Попукдек қош-кўзли, қулча юзли.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПОПУКЛИ Попукка эга. *Иброҳим попукли лўла болишни тортиб, тиззасига қўйди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ПОПУЛЯЦИЯ [лот. populatio < populus — халқ, аҳоли] Узоқ муддат муайян бир жойни эгаллаб яшайдиган ва бир қанча авлодлар оша аслидагидай тикланиб турадиган бир турга мансуб зот (организм)лар йиғиндиси.

ПОРА I [ф. پاره — бўлак, лахтак, парча; ҳисса, улуш; йиртилган, кесилган] (о — узун) I Парчаланган нарсанинг бир қисми; бўлак, парча. *Пора бўламоқ. Пора қилмоқ.* ■ *Қудрат, тахта пораси устида ҳусисиз қолган Фарҳоддай, ўз ихтиёрини унга бериб оғиз қолди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Бургут уни чангалга олиб, Мушук жағин қилибди пора.* Я. Курбон. *Усма қўйдингму қошинга,*

Бунчалар ҳам қорадур, Билмадим, бу қошларингдан Қанча диллар порадир. Э. Воҳидов, Ёшлик девони. *Сенинг юрагингда лахта-лахта қон, Сийнанг нималардан бўлмаган пор.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 эск. кт. *Туда, тўп, гуруҳ. Мен бир пора йигитларни олиб, ёвнинг орқасига ўта билдим.* Ойбек, Навоий.

3 эск. кт. *Асарнинг тугал қисмларидан бири; қисм, бўлим; боб. Ўттиз пора қуръонни ёд олмоқ.*

ПОРА II [ф. پاره — майда пул, чақа; хайр-садақа: ришва, пора] Бирор ишни ноқонуний тарзда битириб бергани учун мансабдор шахсга бериладиган ёки берилган нарса ёки пул. *Пора олмоқ. Пора бермоқ. Пора емоқ.* ■ *Аъзамжон ака ҳозир пора билан иш битказиш мумкинмаслиги, пора берган ҳам, пора олган ҳам қия бўлиб кетишини айтиб қолди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Тавба, порага келган пулни тарозидан тортиб олдиган одам қандай қилиб прокурор бўлиб қолди экан?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.

ПОРАЛАМОҚ I кам қўлл. *Пора-пора қилмоқ, парчаламоқ. Қўйлакни пораламоқ.* ■ *Тез-тез ўқчийди. Ҳар йўталганида ичичини.. ўша махлуқ ўткир панжаси билан тимдалаб, поралаб ташлаётгандек бўлаверади.* С. Сиёев, Аваз. *Кун булутни поралаб пар-пар, Бошлар узра кезиб юрибди.* М. Али, Боқий дунё.

2 кўча *Пора-пора қилмоқ, яраламоқ, тилмоқ. Дилни пораламоқ. Юракни пораламоқ.*

ПОРА-ПОРА [ф. پاره پاره — йиртилган, парча-парча қилинган] рвш. Бўлак-бўлак, парча-парча, чилпора. *Юрагим-ей, бошлаб келдинг мени қайга? Бағрим ўхшар пора-пора бўлган найга.* М. Юсуф. *Ғанимлар дастидан мулк пора-пора.* «Шарқ юлдузи». *Бошидан ошириб ерга уради, Тушиб ерга, пора-пора бўлади.* «Алпомиш». *Биттадан чуқиганларингда ҳам мени пора-пора қилиб қўясизлар.* Ойбек, Навоий.

ПОРАХЎР [ф. پاره خور — пора еювчи, олувчи] I сфт. *Пора оладиган, порага ўрганган. Порохўр одам,* ■ *Бир порохўр амалдор амалидан тушиб, ғалати дардга йўлиқди.* А. Қаҳҳор, *Пора. Ғиёс каллага ўхшаиш порохўр қози бўлар, шу-да?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 от *Пора олиш билан шуғулланувчи киши. Азиз дўстим, мени эмас, аввало, ўз*

нафси, шуҳратини ўйлаган порохўрларни йўқотиш керак. Шукрулло, Сайланма. «Бу беномус порохўрнинг нўстагини энди қоқаман» деган қатъий фикр билан сўзини давом эттирди. С. Аҳмад, Чўл бургути.

ПОРАХЎРЛИК 1 Пора олиш, пора ейиш билан шуғулланиш. *Порохўрлик қилмоқ.* ■ У аслида Содиқжон бойваччанинг қопагон ити.. порохўрликка зўр берган, подшоликка йиғиладиган солиқларнинг юздан тўқсонини уриб, ҳамёнини муттасил қаппайтиришни ўйлаган аждарнафс бир бадкир эди. К. Яшин, Ҳамза.

2 хуқ. Пора олиш, пора бериш, бу ишда воситачилик қилиш каби мансабдорлик жиноятлари. «*Порохўрлик ҳаётимизга типик эмас*» деганларнинг қанча-қанчаси пора билан қўлга тушиб, жазоланиб кетдилар. Газетадан. *Шаҳарда.. коррупция, порохўрлик ва рэкэтга нисбатан бешафқат кураш олиб борилмоғи лозим.* Газетадан. -[Ҳомид] У ерда [Кўқонда] ҳам тинч ётмай, Утаббой қушбегини порохўрликда айблаб, Мусулмон чўлоққа ариза берган, — деди [Уста Фарфи]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ПОРИЛЛАМОҚ 1 Кучли нур сочмоқ, гуруллаб ёнмоқ. *Хуройимнинг уйида катта чироқ пориллаб ёниб турибди, болаҳона орқасидан ярқираб ой кўтарилмоқда.* У. Исмоилов, Сайланма. *Кимдир пирпираб турган машъалага керосин куюрди, машъала пориллаб кетарди.* Газетадан.

2 кўчма Ялтирамоқ, ярқирамоқ, ёнгандай бўлиб кўринмоқ. [Каримжоннинг] Қошкўзлари пориллаб.. ёқимтой чехрасига қизиллик югурди. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Касал кўзлари пориллайди, қоронғи кулбага қандайдир ёруғ киргандай бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 тақл. с. «Пор-пор» этган товуш чичармоқ. *Кун ўтмай ҳовлидан мотоцикл моторининг пориллаган товуши эшитилди.* М. Хайруллаев, Кўнгиш.

ПОРЛАМОҚ 1 Ёрқин нур сочиб турмоқ, равшан ёнмоқ. *Булутсиз кўкда қуёш порлайди.* ■ *Дарахтлар орасида порлаб турган чироқлар бирин-сирин сўнди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол. *Порлаган чироқлар атрофнинг кундуз қилиб юборган.* «Шарқ юлдузи». У ётоқхоналарнинг электр нури порлаган деразаларига анграйганича битта-битта

юриб келаркан, беҳштиёр узоқ шаҳарчадаги қадрдон уйини эслади. «Ёшлик».

2 кўчма Нур сочмоқ, барқ урмоқ, балқимоқ. *Хадича аянинг ташвишли кўзлари қувончдан порлаб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. «*Севиб қолган!*» У кўзларида порлаган қувонччи яшира олмас, тасаввурида бирданига фариштага айланган шу одамни хафа қилмаслик учун бошини кўтармас эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол. *Ёшгина бир аёл кулиб турган кўзларини порлатиб: -Хадичахон, холам узр сўраяптилар, эшитинлар, ўртоқлар, — деди.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

ПОРЛОҚ 1 Порлаб, нур сочиб турадиган, нурдек равшан. *Қуёш нури жуда кўркам, юксак ва порлоқ, Нурун ҳатто аямайди вайронадан ҳам.* Ф. Фулом, Танланган асарлар. *Фазодан теранроқ нима бор экан? Юлдузлар базмидан порлоқ қай йиғин?* А. Орипов, Йиллар армони.

2 кўчма Бахт-саодат, истиқбол сари бошловчи; равнақли, нурафшон. *Порлоқ келажак.* ■ *Эй яша, порлоқ кун, бахтли келажак. Омон бўл, Ватаним, минг йиллар боқий!* Ф. Фулом, Танланган асарлар. *Дадил босилган қадам порлоқ келажакнинг устунидир.* «Саодат». «*Чўл ҳавоси*»ни ўқиб, суюниб кетдим. *Бирдан лов этиб, аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ булади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

ПОРНОГРАФИК Порнографияга оид, асосланган. *Порнографик нашрлар ва суратларнинг тарқалиши.. ёш авлод магнавиятининг таназзулига сабаб бўлиш хавфи бор.* Газетадан.

ПОРНОГРАФИЯ [юн. pornos — бузуқ, ахлоқсиз, фоҳишабоз + grapho — ёзаман] Адабиёт, тасвирий санъат, театр, кино, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва ш.к. да жинсий ҳаётини кўпол-яланғоч ҳолда, беҳаёларча тасвирлаш, намоён қилиш; шундай тасвирга асосланган асарларнинг ўзи.

ПОРОМ Дидга мос келадиган, кўнгилдагидек, ёқимли. *Пором келмоқ.* ■ -*Бу ер менга пором келиб қолди. Хизматни аямасим, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола. *Комиссиянинг сўзлари Авазбойга унча пором келмади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Кино муҳаббатдан баҳс қиладиган бўлганидан жуда дуруст, айниқса, менга пором эди.* Ф. Фулом, Танланган асарлар.

ПОРОХ [р. порох, прах — чанг, гард, хок] Патрон ва снарядлар тайёрлаш учун ишлатиладиган, кўп таркибли портловчи моддаларнинг зичлаштирилган қаттиқ аралашмаси. *Тутунсиз порох. Қора порох.* ■ *Отиладиган қуролларда ишлатиладиган портловчи модда — порохни дастлаб ҳиндлар кашф этди.* «Фан ва турмуш». *Шамол порох тутунининг ўткир ҳидини олиб келди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

ПОРОПОК [р. «порох» с. дан] 1 Кукун ҳолидаги қаттиқ модда. *Графит порошоги. Бўр порошоги.*

Тип порошоги Тишни тозалаш учун ишлатиладиган махсус порошок. *Агар клеёнкада сиёҳ доғи бўлса, ҳўлаб, устига тиш порошоги сепинг, сўнг артиб ташланг.* «Саодат».

2 Кукунланган дори. *Сап-сарик порошок ҳолдаги бу зирвор Ҳиндистон ва Афғонистонда ўсадиган бир турли бута ўсимлигининг томиридан тайёрланади.* К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик.

ПОРСИЛЛАМОҚ Торс-торс ёрилмоқ (тери ҳақида). *Лабларим порсиллаб ётибди.* ■ *Мунир ўрнидан тургач, «улар»нинг дуч келганини ура кетди. Унинг кўзларига қон қуйилиб, анчадан бери йиғилиб ётган аламлари ёмон яранинг патосидек порсиллаб ёрилди.* «Ёштик».

ПОРСИЛЛОҚ Терининг қуруқлаб торс-торс ёрилишидан иборат касаллик. *У бир-бирига ёпишган лабини оstdан тили билан ҳўлаб, юмшатиб, қонатмасдан ажратишга уринганда, лабларининг порсиллоқ боғлаганини сезди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *У [Тешабой] Воҳиднинг орқасидан бир хезланди-ю, порсиллоқ боғлаган яранинг ёрилишидан кўрқиб, ўзини босди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ПОРСИН айн. **порсиллоқ.** *Лабларим порсин боғлабди.*

ПОРСО [ф. پارسا — диндор, тақводор, художўй; табаррук, покиза] 1 Ёмон ишлардан сақланувчи, художўй, тақводор. *Шарму иффат, ору номус, сабру имон ўргатуб, Айлаб инсон ваҳши(й)ларни, порсо қилди қалам.* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Порсо (эркаклар исми).

ПОРТ I [фр. port < лот. portus — гавань, бандаргоҳ] Денгиз ёки дарё қирғоғида кемалар турадиган ва таъмирланадиган, юк ортиш ва туширишга мўлжалланган, кема-

ларни ноқулай об-ҳаводан муҳофаза қилувчи иншоотлари бўлган, махсус жиҳозланган жой. *Денгиз порти.* ■ *Порт осмонини қора тутун қоплади.* Ҳ. Ғулум, Замин юлдузлари. *Дунёдаги энг гаважум порт Роттердам (Голландия) ҳисобланади.* Газетадан.

Ҳаво порти айн. аэропорт.

ПОРТ II тақл. с. 1 Юмшоқ идишдаги газ ёки суюқликнинг куч билан отилиб чиқиши, тўқиманинг бирдан ёрилиши ва ш. к. да ҳосил бўладиган товуш ҳақида. *Қон порт этиб ёрилиб кетди.*

2 айн. **парр.** *Бедана порт этиб учиб кетди.*

ПОРТАЛ I [нем. Portal < лот. porta — эшик, дарвоза] Бинонинг меъморий жиҳатдан алоҳида ишлов берилган, бир қадар ажралиб турадиган олд, кириш қисми.

ПОРТАЛ II Конструкция ёки машинанинг П-симон таянч қисми.

ПОРТАЛ III Интернетда: у ёки бу мавзу буйича доимо тўлдирилиб, янгиланиб борувчи, тўлиқ маълумотларни қамраб олувчи универсал тусдаги ахборот саҳифаси. *Порталдан сиз ўзингизни қизиқтирган педагогика соҳасига оид янгиликлар, мунозаралар, янги педагогик технологиялар ҳақида қўлаб маълумотларни топишингиз мумкин.* Газетадан.

ПОРТАТИВ [фр. portatif < porter — олиб, кўтариб юрмоқ] Кўтариб юришга, бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга қулай, енгил ва ихчам. *Портатив фотоаппарат.* ■ *Бундай вазиятда [юрэк хуружда] беморга универсал портатив асбоб — электрокардиограф ёрдамга келади.* Газетадан.

ПОРТЛАМОҚ Газларнинг кучли реакция ёки алангаланиш натижасида жуда тез кенгайишидан ёрилиб парча-парча бўлмоқ, бўлақларга ажралиб сочилмоқ (бирор нарса ёки объект ҳақида). *Порох портлаб кетди. Газ портлаб кетди.* ■ *Энди нафас ростлайман деганида, сал нарида бомба портлагани, оёғи жиз этиб куйгани ҳам эсида.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Биринчи дарахт йиқилиши билан иккита мина портлаб, бир неча кишини учуриб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ПОРТЛАТКИЧ Артиллерия снаряди, мина, ракета ва бомбалардаги зарядни портлатувчи механизм. *Уч юз йигирма тонна портлаткич бир ярим километр масофадаги тошлоққа чуқур ўрнатилган.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПОРТЛАШ 1 Бирор нарсанинг кучли босим остидаги, ўта қиздирилган газлар ҳосил бўлиши билан кечадиган оний парчаланиши, вайрон бўлиши. *Даҳшатли портлаш товушлари, ернинг тинмай силкиниши, Нориннинг чайқалиши одамларни ваҳимага солиб қўйди. С. Аҳмад, Уфқ. Замин қандайдир кучли қувватдан титраб кетди ва шу лаҳзада қулоқ эшитмаган портлаш рўй берди.* Газетадан.

2 кўчма Ҳазабланишдан келиб чиқадиган руҳий-асабий ҳолат. *Назар хотинининг тўлиб турганини, ҳадемай «портлаш» юз беришини биларди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

3 тлш. Жипслашган фаол ва нофаол нутқ аъзоларининг ҳаво оқими босими таъсирида оний ёрилиши (очилиши).

ПОРТЛОВЧИ 1 Портлаш хусусиятига эга бўлган, портлайдиган. *Портловчи моддалар. ■ Бундай қарорларнинг оқибатлари империянинг ўзи учун портловчи модда бўлиб хизмат қилади.* Газетадан.

2 тлш. Нутқ аъзоларининг жипслашуви ва ҳаво оқими босимининг шу аъзоларни ёриб ўтиши натижасида ҳосил бўладиган (ундош). *[Б ундоши] Ўзбек тилида жарангли портловчи ундошлар орасида максимум жаранглилик касб этади. «ЎТА».*

ПОРТРЕТ [фр. *portrait* – тасвир] **1** Реал ҳаётда мавжуд бўлган бир ёки бир неча кишининг ёки рассом тасавуридаги қиёфанинг тасвири ёки фотограф томонидан ишланган сурати. *Декан чиқиб кетганидан кейин Гавҳар нам ўтиб кетган газетани варақлади. Иккинчи саҳифанинг чап томонида Гавҳарнинг катта портрети босилганди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Чап девордаги гилам устига қоқилган Шамси Тураевичнинг портретига тикилиб қолди Баширжон. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Рассом ижодидида портрет жанри асосий ўрин эгаллайди.* Газетадан.

2 кўчма Адабий асарда персонажлар қиёфасининг тавсифи, тасвири. *Л. Толстой портрет устаси эди. ■ Драматик достонларда ҳам портрет, пейзаж бўлади. «ЎТА».*

ПОРТРЕТИСТ айн. портретчи.

ПОРТРЕТЧИ Портрет устаси, портрет чизувчи.

ПОРТСИГАР [фр. *porte-cigares* < *porter* – олиб юрмоқ + *cigarette*] Сигара ёки папи-

рос солиб юриладиган қутича; папирос қути. *Чарм портсигар. Кумуш портсигар. ■ Терговчининг ғазаби қайнаб кетди. Аммо буни сездирмаслик учун портсигаридан папирос олиб тутатди. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.*

ПОРТУГАЛ қ. португаллар. *Португал халқи. Португал тили. Португал аёл.*

ПОРТУГАЛИЯЛИКЛАР Португалиянинг туб аҳолисини ташкил этган, роман тиллари гуруҳига мансуб тилда сўзлашувчи халқ. *Португал халқи.*

ПОРТУГАЛЛАР айн. португалияликлар.

ПОРТФЕЛЬ [фр. *portefeuille* < *porter* – олиб юрмоқ + *feuille* – варақ] **1** Китоб, дафтар, ҳужжат кабилар солиб олиб юриладиган дастали ва қопқоқли махсус сумка. *Ҳафиза портфелини айвонга отиб юбориб, ичкарига, уйга кирди-да, ечинмай, ўзини қаравотга ташлади. Мирмуҳсин, Умид. Портфелни олиб, эшик олдига бориб турдим. С. Сиёев, Ёруғлик. Айниқса, отам олиб берган янги портфелнинг ҳиди бошқача туюларди.* Газетадан.

2 Нашриётларда, газета, журнал муҳарририятларида навбатдаги нашр учун тўпланган қўлёзма материаллар мажмуи. *Муҳарририят портфелида анчагина мақола бор.*

ПОРЦИЯ [лот. *portio* – ҳар бир одамга тегишли улуш, ҳисса] **1** Бирор нарсанинг кимгадир, нимагадир мўлжалланган ўлчовли бўлаги, миқдори. *Доривор порциялари.*

2 Ресторан ёки ошхонада бир хўрандага мўлжалланган маълум миқдордаги егулик. *Икки порция шўрва. Тўрт порция лағмон. ■ Ярим порция карам шўрва ичдим. Парҳездаман [деди ишчи]. «Саодат».*

ПОРШЕНЬ [қад. р. поршень – энгил оёқ кийими тури] Насос, двигатель, компрессор каби асбоб ва машиналарнинг цилиндри ичида тиғиз ҳаракат қиладиган, суюқлик, газ ёки буғни ҳайдовчи, сўрувчи ҳаракатчан деталь. *Чўян поршень. Трактор двигателининг поршени. Поршень ҳалқаси. ■ -Тухтанг, ички двигателнинг поршенида бир гап борга ўхшайди, – деди Раҳимжон. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан биринда.*

ПОСАНГИ [ф. *پاسنگ / پارسنگ* – тарози паллаларини тенглаштирувчи қўшимча тош] **1** Тарози паллаларини тенглаштириш ёки идиш оғирлигини чиқариб ташлаш учун тарозининг бир томонига қўйиладиган қў-

шимча тош. *Тарозига посанги қўймоқ.* ■ *Тарозибон гангиб қолиб, посанги тошни шимнинг чўнтагига солди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 кўчма Тенглик, мувозанат. *Ашурмирзо посангисини йўқотиб, ерга ўтириб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳа, табиат адолатли, азизим, у доим тарозининг посангисини тенг ушлайди.* «Ёшлик». *Муҳаббатда бой ила гадоёй Посангиси бир эмиш азал..* М. Али, Боқий дунё.

3 айн. балансир **2**.

4 Турли машина ва конструкцияларга таъбир қиладиган куч ва моментларни мувозанатлаш учун бириктириладиган қўшимча юк.

ПОСБОН [ф. *پاسبان* – қоровул, қўриқчи < *پاس* – туннинг бир қисми + *بان* – сақловчи, қўриқловчи] *кт.* **1** Бирор кимса ёки нарсанинг хавфсизлигини, дахлсизлигини таъминлаш учун постда турган киши; қўриқчи, соқчи, қоровул. *Бири кўкда шунқор.. Бири чегарада юрт посбони.* С. Абдулла. *Шоир, тевараги Ширим қоровул бошлиқ махсус посбонлар қўриқлаган ҳашаматли ипак чодирга кирди.* Ойбек, Навоий. *Нақшинкор дарвозанинг икки ёнида икки қуролли посбон шамдек қотиб турарди.* М. Осим, Карвон йўларида.

2 кўчма Муҳофаза, ҳимоя қилувчи; сақловчи, ҳомий. *Саломатлик посбонлари (шифокорлар).* ■ *Ширин сўз, ширин муомала, ширин турмуш – саломатликнинг посбони бўлиб хизмат қилади.* Газетадан. *Малоҳат – ҳаё ёнида посбон.* Газетадан.

ПОСБОНБОШИ Бирор кимса ёки нарсанинг хавфсизлигини, дахлсизлигини таъминлаб турган қўриқчи ёки соқчиларнинг бошлиғи. *Шунақами? Хўп ғалати эканку жаннат, Посбонбоши келганида бу сирни айтмай.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПОСБОНЛИК Қўриқчилик, соқчилик; қоровуллик. *Посбонлик қилмоқ. Посбонликда турмоқ.*

ПОСЁЛКА [р. *посёлок* – кичик аҳоли маскани < *поселение* – истиқоматгоҳ, қароргоҳ < *селить* – яшаш учун жой бермоқ, жойлаштирмоқ] **1** Одатда, шаҳар ёки катта қишлоқдан унча узоқ бўлмаган кичик қишлоқ. *Буларни станциядан посёлкага олиб келган шофёр йигит тақир ерда танҳо тиккайган водопровод жўмрагига шланг тиқиб,*

юк машинасини ювяпти. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. *Бу масканда темирйўлчилар учун йигирмата коттеждан иборат мўъжаз посёлка қад ростлади.* Газетадан.

2 Шаҳар кўринишидаги катта қишлоқ. *Дехқон хонадонлари шаҳар типда қурилган обод посёлкалардаги шинам, данғиллама уйларда фаровон ҳаёт нашидасини суряпти.* Газетадан. *Мамлакатимизда беш ярим мингдан ортиқроқ шаҳар ва шаҳар типдаги посёлка бор.* Газетадан.

ПОСИЛКА [р. *посылка* – ўраб, идишга жойлаб жўнатилган нарса < *послать* – бирон жойга жўнатмоқ, юбормоқ] Яшикка жойлаб ёки ўраб, почта ёки бирор кимса орқали юборилган нарса. *Посилка юбормоқ. Китобларни посилка қилмоқ.* ■ *Ундан кўра отанг бечорага битта-ярымта посилка юборсангчи, оғайни! О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Мунаввархон унга посилка жўнатди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ПОСИРА I [ф. *پاسره*] **1** *тар.* Катта ер эгалари томонидан батрақларга вақтинча фойдаланиш ва ҳосилидан давлат солиқларини тўлаш учун ажратилган ер майдони.

2 *шв.* Томорқа. *Янги ерлар ўзлаштирдик – сизга посира, Пахта, ғалла ташвишини тортмангиз сира.* Т. Н. Қориниёзий.

ПОСИРА II Йиғилган, ғамланган нарса; қўр. *Посира қилмоқ.* ■ *Бугдойпоя! Биздан илгари раис бу ерни одамларга бериб қўйган экан. Посира экиб олишарди-да.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош қўчса.

ПОСОН [«фасон» с. дан] *с.т. қ.* олифга. *Ёнида посонроқ кийинган кишиям бор. Райондан келган вакил экан у. С. Сиёев, Саратонда қор ёғди. Бу ердан исқирт қўйлагини кийиб чиқиб кетиб, у ерда посон бўлиб олар экан.* «Муштум».

ПОСТ [фр. *poste* < *итал.* *posto* – муайян жойга қўйилган] **1** Қўриқлаш ва мудофаа қилиш учун соқчига ёки соқчилар гуруҳига топширилган жой. *Майли, ёмғир, қор ёғсин, Ўз постимдан кетмайман. Аскарлик қасамимга Ҳеч хиёнат этмайман. Уйғун. Майли, ифволарда ой ҳам тутилсин, Шу постда солдатсан, токи ҳаётсан.* Ф. Фулом, Танланган асарлар. *Биз, Ватан ҳимоячилари, ўз постимизда ҳушёр турсак, ҳеч ким бизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизга рахна сололмайди.* Газетадан.

2 Муайян ҳудудни қўриқлаш, кузатиш учун қўйилган ёки ёрдам кўрсатиш учун уюшган кишилар гуруҳи. *Санитария постлари.* ■ *Ремонт технологиясини тубдан ўзгартириб, унда ремонт турлари бўйича постлар ташкил этилди.* Газетадан. ..устахона халқ назорати пости қандай иш билан шуғулланаётгани менга қоронғи. Газетадан.

3 Масъулиятли лавозим, мансаб, вазифа. *Директорлик пости. Раҳбарлик пости.* ■ *—Аввал каттароқ постда ишлаганмисиз? —Э, йўқ, — деди у киши, соддалигимни кўриб, завқи келди чоғи, тиззаларига уриб кулди. — Бозорда оддий паттачи бўлганман. Н. Аминов, Қалтис хато.*

ПОСТАМЕНТ [лот. *postamentum*] Музей, бадий кўргазмаларда ҳайкалларнинг тагига қўйиладиган мармар ёки ёғоч таглик. *Гранит постамент.* ■ *Александр Сергеевич Пушкиннинг баланд постаментга ўрнатилган, бронзадан ишланган ҳайкали узоқдан кўза ёрқин ташлаб туради.* Газетадан.

ПОСТАНОВКА [р. *поставить* — қўймоқ] 1 Томошабинларга кўрсатиш учун тайёрланган сахна асари, спектакль. *Цирк ўқувчилар учун турли томошалар, постановка кўрсатади.* ■ *Ўзбекистон телевидениесида Санъат Рўзиматов «Бир гўзал бормиш» постановкасини қўяркан, етакчи образга Турсунойни чиқарди.* «Саодат».

2 Драматик асарни, пьесани тайёрлаб сахнага қўйиш. *Пьесанинг янги постановкаси.* *Постановка қилмоқ.* ■ *Жамоа унга Н. Сафаровнинг «Уйғониш» драмаси постановкасини топширди.* Газетадан.

ПОСТАНОВКАЧИ Пьеса, фильм кабиларни постановка қилишга, спектаклни сахнага қўйишга раҳбарлик қилувчи мутахассис; режиссёр.

ПОТ шахм. қ. пат II. *Нафақат пиеда ёки бирорта сипоҳ, балки шоҳ ҳам ўрнидан жилломай қолганда, уйин пот бўлади.* Газетадан.

ПОТАШ [ингл. *potash* < *pot* — кўза, тувак + *ash(es)* — кул] ким. Ишқор хусусиятига эга бўлган оқ донатор, порошоксимон модда. *Калий тузларидан кимё саноатида поташ, калий селитраси, бертоле тузи каби.. маҳсулотлар тайёрланади.* М. Зокиров, Бебаҳо хазина.

ПОТЕНЦИАЛ I [лот. *potentia* — куч, қувват] физ. Электр ёки магнит майдонининг

маълум нуқтадаги ҳолатини белгилайдиган миқдор, катталиқ. *Ҳужайрадан чиқувчи каллий ионлари ҳужайра мембранасининг ички ва ташқи сиртлари ўртасида доимий электр потенциалини пайдо қилади.* «Фан ва турмуш». *Бухоронинг ер ости ва ер усти бойликлари, моддий потенциаллари жуда буюк.* Газетадан.

ПОТЕНЦИАЛ II [лот. *potentia* — салоҳият] 1 Бирон-бир жиҳатдан имкониятлар, куч-қудрат даражаси; фойдаланилиши мумкин бўлган воситалар, имкониятлар мажмуи. *Ўзбекистон Республикаси ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалга эга.* Газетадан.

2 Фойдаланилиши мумкин бўлган, аммо рўёбга чиқмаган. *Потенциал имкониятлар.* ■ *Ватанимиз жанубий чегаралари яқинидаги қуролли можароларнинг уноқлари ҳарбий хавфнинг потенциал манбаларидир.* Газетадан. *Муҳими — мавжуд илмий потенциалдан фойдаланиш, шу потенциални тезроқ ишга солиш.* Газетадан.

ПОТИНЖОН I айн. бақлажон. Потинжон икриси.

2 шв. Памилдори, помидор.

ПОТИРЛАМОҚ I с.т. қ. патирламоқ I. *Қалъа девори кавакларидан потирлаб қушлар учиб чиқарди.* «Ёшлик».

2 кучма с.т. Безовта бўлмоқ, шошилиб, ҳовриқиб қолмоқ. *Лекин юраги безовта. Ни-мазадир потирлайди.* Т. Малик, Шайтанат. *Зайнабнинг эса юраги потирлаб, жони ҳалқумига келиб қолди.* Т. Малик, Шайтанат.

ПОТИҲА с.т. қ. фотиҳа. Потиха қиб, *арвоҳига бағишлаб, Бу мазордан чиқиб кетди йўл бошлаб.* «Баҳром ва Гуландом».

ПОХОЛ I Бугдой, шоли каби бошоқли ўсимликларнинг дони янчиб олингандан кейин қолган қуруқ пояси. *Бир боғ похол.* ■ *Қорамоллар рационни асосан дағал хашак, похол ва ўсимликлар поясидан иборат эди.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

2 Походдан қилинган (тўшак ёки бошқа нарса). *Сўридаги похол устига ҳар ким ўз ўрнини ёза бошлади.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. *Бир гал Фарғона водийсини кезиб юрганмизда, бизга ҳамроҳ бўлган яқин дўстимизнинг рафиқаси магазинга кириб, похол шляпа олиб чиқди.* К. Қаҳқорова, Чорак аср ҳамнафас.

Олдига похол солмоқ Куруқ гап, ваъдалар билан алдамоқ, лақиллатмоқ, кишини аҳмоқ қилмоқ. - *Олахўжа махсум, "Қарга қарганинг кўзини чуқимайди," деб нодонларнинг олдига похол солиб туради.. — деди Абдурашул. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

ПОЧА [ф. *پاچه / پاچه* — кичик оёқ; оёқнинг пастки қисми; кўй ва б. ҳайвонлар оёғининг овқат сифатида ейиладиган пастки қисми] 1 Ҳайвонлар оёғининг тиззадан пастки қисми. *Бўри кўйнинг почасидан олибди.* ■ Улоқчи, қамчиннинг дастасини тишлаб, улоқчинг почасидан тортади. Газетадан.

2 Оёқнинг тизза билан тўпик ўртасидаги қисми; болдир. *Ит почамдан олади.* ■ Нусратбекнинг танидаги титроқ бироз пасайди. *Секин, салмоқли одимлаб бораётиб, ўз хатти-ҳаракатини оқлашга уриниб, ўзига тасалли бера бошлади: «Йўлдан чиққан ҳар қандай дайди лайча вовуллаб, почамга ёпишса, индамай кетавераманми?».* С. Нуров, Нарвон. *Гайбулла қизариб, ўрнига бориб утирмоқчи эди, Ҳасан унинг почасига ёпишди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Шимнинг, шалварнинг тиззадан пастки қисми. *Низомжон, шоликорликка кирман, деб шимининг почасини шимараётган эди, Тўланбойнинг ўғли келиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Оғзидаги носини тупуриб, бисмилло, деганича шимининг почасини шимариб, кетмон билан ўрага тушиди.* С. Аҳмад, Сайланма.

4 Устки узун кийимнинг этагига тикилган жияк, ҳошия. [*Шоир*] *Шоҳи тўн устидан.. кундуз почаси бор нўстинини кийди.* Ойбек, Навоий.

5 Поя, оёқ. *Стул почаси.* ■ *Ота писмиқ келиб, каравотнинг почасига суянди.* Э. Раҳимов, Ажаб қишлоқ.

6 Пиллапоя, поғона. *Мирзиёд.. оёғини нарвон почасидан аста олди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

ПОЧАПУЎСТИН [ф. *پاچه پوستين* — почадан қилинган пўстин] Тулик ва б. ҳайвонларнинг оёғи мўйнасидан тикилган сирма пўстин. *Уч ой ёз демасангиз, эгидан сариқ почапўстинини ечмайди.* С. Сиёев, Аваз. *Ниҳоят, эгнида почапўстин, бошида тулки тумоқ кийган Умаршайх мирзо узангига оёқ кўяди.* Х. Султон, Бобурийнома.

ПОЧАПУЎСТИНЛИ Почапўстинга эга, почапўстин кийган, почапўстини бор. *Зум ўтмай, ранги ўчган дадамнинг кетидан*

Далавой билан почапўстинли меҳмон уйга кириб келишди. «Ёшлик».

ПОЧАҚИРҚАР Сертикан, оқ гулли наъматак.

ПОЧИН [р. чинить — «қилмоқ, яратмоқ, барпо қилмоқ» фл. дан ясалган от] 1 Бирор ишга киришиш, бирор ишни бошлаш; ташаббус. *Ҳар қандай почин, қимматли ташаббусларнинг бошида ветеранларнинг доимо бош-қош бўлиб туриши ажойиб анъанага айланиб қолди.* Газетадан.

2 с.т. Бирор ишнинг бошламаси. - *Ҳар нарсдан ишқал топадиган бўлибсиз, — деди Нафиса. — Ҳар ҳолда, ташаббус ахир! Ибрат, почин!* А. Мухтор, Тугилтиш.

Почин қилмоқ 1) биринчи бор бошлаб бермоқ; 2) савдони очмоқ, савдо-сотикни бошламоқ.

ПОЧТА [пол. *poczta*, итал. *posta* < лат. *positus* — хат, хабар етказувчи отлик чопар; бекат, станция] 1 Хат, хабар, жўнатма, газета-журнал, ҳужжат, пул ва ш.к. ни қабул қилиб, тайинланган кишига ёки жойга етказиб берадиган давлат алоқа муассасаси ва шу муассаса жойлашган бино. *Шаҳар почтаси. Дала почтаси.* ■ *Почтага борсам, пул билан шу қоғозни қўшиб берди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Уни шаҳар одамлари, айниқса, ерли халқ кам танийди. Ниҳоятти почтада ишловчи [ўзи ерли халқдан етишиб қолган!] пастроқ бир маъмур..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Шундай муассаса томонидан етказиб берилган ёки олинган нарсалар (хат, жўнатма ва ш.к.). *Менга почта келтирган хатларнинг сони 200 дан ошиб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Агарки қўшинингиз почта қутисидан сиз обуна бўлган адабиёт газетасини олиб, сиздан олдин ўқишга тушса, хафа бўлманг.* Газетадан.

ПОЧТАЛЬОН [фр. *postillon*] Хат, газета, журнал кабиларни эгаларига етказиб берувчи почта ходими. *Ҳовлидан почтальон чолнинг қақиргани эшитилди.* «Шарқ юлдузи». *Почтальон индамай, кўк қоғознинг бир чеккасини кўрсатди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ПОЧТАМТ [нем. *Postamt*] Шаҳарнинг марказий почтаси, марказий почта идораси.

ПОЧТАХОНА [почта + хона] Почта ўрнашган бино. *Район алоқа бўлими бу ишни жуда қулай ва маъқул кўриб, кейинчалик бирмунча колхозларда шундай почтахоналар*

ташкил қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. Кузда почтахона ёнида аллақандай эски бинога жойлашган мактабга қатнай бошладим. Ҳ. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Тобиий шўрва стипендия ололмай ва кунига уч марта почтахонага зир югуриб, уйдан пул кутиб юрган студентларга мулжалланади. Газетадан.

ПОЧТАЧИ айн. почтальон. Кейин газета тарқатиб юрган почтачи боладан икки-уч газета олиб, турган жойида саҳифаларга кўз югуртири бошлади. С. Аҳмад, Уфқ. Анави Абдурахим почтачининг ўғли ҳам тасқара бўлиб олиб, копток тепгани тепган.. Мирмуҳсин, Умид. *Уч ҳафтадан бери на хат бор, на бир хабар.. дарвоза тиқ этса, почтачи хат ташлаб кетдимикан, деб кўчага югурман. Н. Қилйчев, Чиғирик.*

ПОЧЧА 1 Опанинг эри. *Ия, почча, нима қилиб юрибсиз? С. Аҳмад, Уфқ. Кичик поччам уйланиб, менга юзланди. С. Сийёв, Еруғлик. Сал ширакайф бўлиб ўтирган Содиқжон аллақандай сирли иш борлигини, поччаси ундан яшираётганини сезиб қолди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

2 эск. Исмлarga қўшилиб, ҳурмат маъносини билдиради. *Фақирдек бир содда муллонинг ўрус забонида сўзлаша билганимга таажжубланди, шекилли, бошдан-оёқ Маҳзум поччангизни кузатиб чиқди. А. Қодирий, Кичик асарлар. Баззоз поччанинг бекорчи оғизга тоби йўқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Озгина таҳаммул қилсин-чи, бек почча. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

3 шв. Ҳиздан катталарга мурожаат шакли.

ПОШИКАСТА [ф. *پاشکاسته* — оёғи синган; синиқ оёқ] с.т. Ожиза, заифа. *Пошикаста заифаларни сўкманлар. Т. Мурод, Отамдан қолган далалар. Ай пошикасталар, девордан кўп бўйлай берма, полвонларнинг хайлини бўласан! Бор, ўсмангни қўй. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

ПОШЛИНА [қад. р. пошлина — қадимги урф-одат] Муайян иш, амаллар, кўрсатилган хизматлар учун фуқаролардан, муассаса ва ташкилотлардан давлат органлари ундириб оладиган пул йиғимлари. *Божхона пошлинаси. Суд пошлинаси. ■..сайёҳлик мақсадларига мулжалланган транспорт воситалари учун божхона пошлиналари тўлашдан 3 йил муддатга озод қилинсин. Газетадан.*

ПОШНА [ф. *پاشنه* — оёқ кафти, тоvon; пошна] Оёқ кийимининг товонига тағчармдан баландроқ қилиб қоқилган қаттиқ чарм ёки бошқа бирор нарса. *Ботинканинг пошнаси. Этикнинг пошнаси. ■ У баланд пошнalarини полга дўқ-дўқ уриб, хонадан чиқиб кетди. «Ёшлик». Қайтиб келганларининг эртасигаёқ Собирова она ишда киядиган пошнаси йўғон туфлиси ва одми атлас кўйлагини кийиб, райкомга борди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.*

ПОШНАЛАМОҚ 1 Пошна қўймоқ, пошна қоқмоқ. *Этикни пошналамоқ.*

2 Пошна билан ниқтамоқ, босмоқ, тепмоқ. *Аваз отини уйнатди.. Пошналаб чўлда жўнатди. «Зулфизар билан Авазхон» [Малай] ..уни [отини] қамчилаб, пошналаб қистаб суриб, бир зумда кўздан ғойиб бўлган. С. Айний, Эсдалиқлар.*

ПОШНАЛИ Пошнаси бор; пошнаси баланд. *Резина пошнали этик. ■ ..Лекин сочларини тепасига кўтариб турмаклаб, [Раиса] оёқларига баланд пошнали туфли кийса, бўйи чўзилиб, анча хушқомат кўринарди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. [Зиёдулла:] Этигим баланд пошнали, така терисидан. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

ПОШША 1 Хотин-қизларга мурожаатда ҳурмат ёки эрқалатишни ифодалайди. *-Хушвақт бўлинелар, айланай, пошша қиз.. — деди хотин ва Кумушга қараб давом этди, — ну кунги сўзингиз билан йўлдан қайрилиб кирган эдим. А. Қодирий, Утган кунлар. Юринг, келин пошша, уйингизни кўрсатинг. Х. Ғулom, Машғал. Шу пайт Руқия пошша эшон ойига духобадай майин овози билан деди.. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Пошша (хотин-қизлар исми).

ПОПШАХОН 1 Хотин-қизларга мурожаатда ҳурмат ёки эрқалатишни билдиради. *Кўзимиз тўрт бўлди, пошшахон, базмингизга муштоқмиз, қани, ўтиринг. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 с.т. Энг яхши, сара. *Элмурод ҳам йигитларнинг пошшахони-да! Маили, иккови қовушсин. Шўҳрат, Шинелли йиллар. -Ҳуснда тенги йўқ. Қизларнинг пошшахони. -Билар экансиз, ҳазратим. Узи ҳам ун еттидан ун саккизга ўтиб турибди. Мирмуҳсин, Чўри.*

ПОПШО с.т. Подшо(ҳ). *Оқ пошшонинг кумуш нишони билан кўтариб юрди у ўша ханжарни. Х. Даврон, Қақнус. Ушқилобни ҳам*

билгани йўқ, бироқ «Некалай пошонинг тахту тождидан айрилганидан» хабардор, холос. К. Яшин, Ҳамза.

ПОЭЗИЯ [юн. poiesis — асар, ижод; ижод маҳсули] 1 Бадий ижоднинг шеърий шакли, шеърят, назм. *Поэзия назарияси.* ■ *Поэзиянинг энг салмоқли, катта истеъдод талаб қилувчи поэма жанри Эгам Раҳимов ижодининг негизини ташкил этади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Поэзиянинг менга маълум бўлмаган сирларини айтиб берди.* Шукрулло, Сайланма.

2 Бирор шоирнинг, халқнинг ёки даврнинг шеърий асарлари мажмуи; шеърлар. *Фурқат поэзияси. Ўзбек поэзияси.* ■ *Ҳ. Олимжон янги ўзбек поэзиясига асос солган шоирлардан биридир.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўзбек поэзиясида сиққиқлик эмас, ёйил-малик ҳукм суради.* «Ёшлик».

ПОЭМА [юн. poietma — ижод маҳсули, яратилган нарса] 1 *ад.* Воқеа, ҳикоя тарзида баён қилинадиган, катта ҳажмдаги шеърий асар жанри, сюжетли шеърий қисса, дoston. *Лирик поэма. Эпик поэма.* ■ *Ҳамид Олимжон ғазаллари, шеърлари, баллада ва поэмалари кишилар қалбига жуда раvon кириб боради ва сингиб кетади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Файратийнинг «Онамга хат» поэмаси унинг ижодида алоҳида ўрин тутади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *мус.* Лирик-драматик ёки лирик-ҳикоявий характерга эга ҳамда эмоционал жўшқинлик билан суғорилган эркин шаклдаги мусиқа асари.

ПОЭТИКА [юн. poietike — поэтик санъат] *ад.* 1 Адабиёт назариясининг сўз санъати асарлари тузилишини унинг изчил ва тарихий қонуниятлари асосида ўрганадиган бўлими; бадий асарларда қўлланувчи ифода воситалари тизими.

2 Адабиётдаги ёки айрим шоир, ёзувчига хос бирон-бир йўналишнинг бадий тамойиллари ва хусусиятлари тизими.

ПОЯ [ф. پایه — зинапоя, поғона; босқич, пой; оёқ, этак] 1 Ўсимликнинг шохларини, барг, гул ва мевасини кўтариб турадиган, тик ўсадиган ер усти қисми. *Жўҳори пояси. Шоли пояси.* ■ *Бугланиб кетган дераза ортида қамиш томдан сизиб тушаётган томчилар кўриниб қолар, ҳовли этагидаги маккажўҳори поялари ёмғирдан жунжикиб эгилган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга

қулоқ сол. *Бугдой қип-қизариб пишган, пояларигача қовдек қовурилган эди.* С. Айний, Қуллар.

2 Ишқом ёки сўрининг бағазлар маҳкамланадиган ёғочи. *Богда саккиз узун ишқом: ҳаммасининг поялари яхши ишланган, пушталари чопилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қуприкнинг нарёғида, ишқомга пояси кесиб олинган кекса тол ёнида Дилдор билан Авзамжон турарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бултур эллик киши борган эди. Ҳаммаси хурсанд экан, толлари пояга яраб қолди.* Ҳ. Фулом, Феруза.

3 Оёқ, поча. *Каравот пояси.*

4 Устун. *Рувзон хола аста юриб келиб, Онахоннинг қаршисидаги дўкон поясига суянди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 *ив. айн.* поча 1. *Бир нечалар кетар қочиб, Ботир юрар жардан кечиб, Остидаги минган оти Поясидан қонни кечиб.* «Муродхон».

6 Замбил, тобут кабиларнинг тутқичи, дастаси. *Кўзлари қизарган одамлар навбат билан тобутнинг поясини елкаларига қўйиб, тез-тез қадам ташлаб кетмоқдалар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

7 Поғона, пиллапоя. *Ўртаси даҳлиз билан ажралган икки хона бор, рўпарада болохонага чиқадиган ёғоч зинанинг баъзи поялари тушиб кетган, ўзи лопилларди.* Мирмуҳсин, Умид.

8 *кўчма* Поғона, даража, босқич. [*Навойиник*] *Давлатда юқори пояга кўтарилиши хабари уни [Султонмуродни] самимий қувонтирди.* Ойбек, Навоий. *Тарбиялаб, етиштирди вояга, Топди шўҳрат, чиқди буюк пояга.* Ҳабибий.

9 Баъзи ўсимликларнинг номи билан бирикиб, улар экилган ер, майдон маъносини ифодаловчи қўшма сўз ясади, мас: *шолпоя, бедапоя.*

ПОЯКИ [ф. پایه‌کی] *этно. тар.* Чилим кўтариб юриб, кашандаларга чектириб тирикчилик қилган киши. *У вақтларда бозорларда баъзи кишилар чилим кўтариб юрар, чекувчиларга чектириб, бирор нарса олардилар. Бундай одамларни «пояки» дер эдилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *Олма отдим поякининг қўзина, Бориб тегди юрагининг қўзина.* «Кўшиқлар».

ПОЯКИЛИК 1 Пояки касби; тамаки, нос сотиш билан шуғулланишлик.

2 Бозорда тамаки ва носвой дўконлари, растаси. *Поякиликдан носвойни оламан-да, таниш шаклдан яхудийдан онам буюрган шаклдан харид қилгани жўнайман.* Ойбек, Болалик.

ПОЯКИЧИЛИК айн. **поякилик.** *Искандаров ҳикоясини бошлади: -Менинг отам бўзчи эди. Бойлар уни сундиргач, бўзчиликни йиғиштириб, поякичилик қилди.* Ё. Шукуров, Қасос.

ПОЯМА-ПОЯ кўча Поғонама-поғона, босқичма-босқич. *Юлдузларга бўлдим ҳамсоя, Чикдим кўкка пояма-поя.* М. Шайхзода, Чорак аср девони. *Йиллар утавериб пояма-поя, Йиллар — умидларга оташин чароғ.* А. Орипов, Йиллар армони.

ПОЯНДОЗ с.т. қ. **пояндоз** 2. *Анвар машина хонасидан чиқди-ю, қўлидаги қоғозни секин-секин силкитганча, ёруғ йўлакдаги гулдор пояндознинг бир чеккасидан бошини қўйи солганича юриб кетди.* Ў. Хошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Оптоқ нур юқоридан пояндоз сингари тушиб, оёқлари остида тўхтаган эди.* Т. Малик, Шайтанат.

ПОЯС [р. пояс — тасма, камар, белбоғ; ер юзасининг ажратилган бир қисми] 1 *геогр.* Ер шари юзасининг ёнма-ён жойлашган параллеллар ёки икки меридиан оралиғидаги, маълум белгиларга қараб ажратилган қисми. *Меридианлар Ер юзини 24 поясга бўлади. Вақтнинг пояс ҳисоби. Пояс вақти.*

2 Ер шари юзасининг меридианлар билан ажратилган, табиий-иқлимий шароитлари бир хил қисми; минтақа. *Муътадил пояс. Иссиқ пояс.* ■ *Бу жой жуда кўп иссиқлик олади ва шунинг учун иссиқ пояс деб аталади.* «География».

3 *иқт.* Мамлакатнинг маълум иқтисодий белгиларига кўра ажратилган қисми. *Тариф пояси. Пояс нархлари.*

ПОҒОНА 1 [ф. *پاغانه / پنه* — зинапоя, нарвон] 1 Зинанинг, нарвоннинг оёқ қўйиб чиқиладиган ва тушиладиган пояларидан ҳар бири; пиллапоя. *Нарвоннинг поғонаси.* ■ *Шотининг бир поғонасига оёқ қўйиши билан калласига, қўшинининг хотини кишидан қочадиган бўлса, андишалик иш бўлмасмикин, деган ўй келди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Искандар зинадан икки поғона пастга тушиб, автобус эшигида турганча, миннатдор бош силкиди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *кўча* Ўсиш, юксалиш, тараққиёт каби тадрижий жараёнларнинг ҳар бир босқичи. *Тараққиёт поғоналари.* Юксалишининг энг юқори поғонаси. ■ *Мажлисда таъкидландики, мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида ислохотлар самарадорлигини янги поғонага кўтаришга алоҳида эътибор берилаётир.* Газетадан.

3 *кўча* Амал, унвон, мартаба кабиларнинг ҳар бир босқичи. *Домла ўзи етган поғонани ҳам, олдинда уни кўтиб турган мартабаларни ҳам севарди.* «Ёшлик». *Ҳа, у камолот поғоналаридан тез, ишонч билан кўтарилиб борарди.* Ў. Хошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Аmmo кейинги пайтда бу аҳволни тубдан яхшилаш учун бир талай ишлар қилинди.* Энг аввало, барча поғонадаги раҳбар кадрлар яшилди. Газетадан.

4 Бирин-кетин содир бўладиган иш-ҳаракатнинг ҳар бир босқичи. *Қиз эскичасига яширин равишда сотилди.* Энди энг сўнги поғона — домла имомнинг никоҳ ўқиши қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.

УМУРТҚА ПОҒОНАСИ анат. Одам скелетининг буйин, кўкрак, бел умуртқалари, думгаза, дум суяқларининг — умуртқаларнинг устма-уст бирикишидан ташкил топган қисми.

ПОҒОНА II *мус.* Товушқатор; ундаги изчилик ва уйғунликни ташкил этган ҳар бир товуш.

ПОҒОНАЛИ I Поғоналари бўлган, поғонадан иборат. *Қирқ поғонали зина.* Ўн поғонали нарвон.

2 *кўча* Босқичлари бўлган; тадрижий. *Поғонали сайловлар.*

ПРАВЛЕНИЕ [р. *править* — «бошқармоқ, раҳбарлик қилмоқ»] фл. дан ясалган от] *эск.* 1 қ. **бошқарма, бошқарув.** *Колхоз правлениеси.*

2 с.т. Шундай орган аъзолари ёки мажлиси, йиғилиши. *Ишни правлениеда ҳал қилмоқ.* ■ *Хўп, бу тўғрида эртага правлениеда гаплашамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшгинор чироқлари. *Правление мажлиси эрталаб соат саккизга чақирилган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПРАВО [р. *право* — ҳуқуқ; имконият; асос, сабаб < правый — тўғри, чин, ҳақиқий] Кимсага автомобиль, мотоцикл ва б. транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, гувоҳнома. *Шофёрлик правоси.* ■ *Сиз билан кўришиш учун ҳамма*

шофёрларингизнинг правосини олиб қўйиш керак шекилли. С. Аҳмад, Юлдуз.

ПРАВОСЛАВИЕ [р. православие – тўғрилиққа эътиқод] Христиан динининг асосий оқим (мазҳаб)ларидан бири; XI асрда Византияда шаклланган шарқий христианлик (эътиқоддаги маълум қарашлар бўйича Фарбдаги католицизмдан фарқ қилади). *Православие руҳонийлари. Православие черкови.*

ПРАГМАТИЗМ [юн. pragma – иш, ҳаракат] 19-асрнинг 70- йилларида АҚШда кенг тарқалган фалсафий таълимот: билиш объектлари онгдан ташқарида мавжуд бўлмайдими, балки амалий масалаларни ҳал қилиш жараёнидаги билиш ҳаракатлари орқали шаклланади, амалиётда инсонга нима кўпроқ фойда берса, ўшанга кўпроқ аҳамият бериш зарур, деган ғояни илгари сурувчи оқим.

ПРАГМАТИК Прагматизм тарафдори. *Яна қизиғи шундаки, мухбир саволига жавоб бера туриб М. Раҳимов, «мен сиёсатга жуда кеч келганман, мен иқтисодчи, реалист ва прагматикман», дейди. Газетадан.*

ПРАГМАТИКА [юн. pragma, pragmatos – иш, ҳаракат] тлш. Семиотика ва тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини, уларнинг ўзаро муносабатини ўрганишчи соҳаси.

ПРАЗЕОДИМ [юн. prasinos – яшил (тузларининг рангига кўра) + dymos – эгизак] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент, металл (металлургия саноатида қўлланади).

ПРАКТИК эск. Ўз ишида, соҳасида катта тажрибага эга бўлган, омилкор, тажрибакор мутахассис, шунингдек, фақат амалий иш орқали тажриба, билим орттирган киши. *Практик олим.*

ПРАКТИК қ. амалий. *Практик машғулот. Практик метод.*

ПРАКТИКА [юн. praktikos – фаол, ишчан, серҳаракат] I флс. Кишиларнинг моддий олам ва жамиятга таъсир ўтказиш йўлида қиладиган ўзгартирувчилик ва бунёдкорлик фаолияти.

2 қ. амал I, амалиёт.

3 қ. амал 3, амалиёт. *Автомат манипуляторларни ишлаб чиқариш ва практикага кенг жорий этиш ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан биридир. Газетадан.*

4 эск. Олий ва махсус ўрта ўқув юрларида ўқиш-ўқитиш шаклларида бири – ўқувчи ва талабаларнинг таълим жараёнида олган назарий билимларини корхона, муассаса ва б. жойларда татбиқ этиши ва мустақамлаши; амалиёт. *Ишлаб чиқариш практикаси. Талабаларнинг педагогик практикаси. Практикага бормоқ. ■ Аҳмад тавтил пайтида Фарғона водийсига практикага борди-ю, у ердаги одамларга қойил қолди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Мактабларига практикага келган қиз ёшгина, чиройли студент йигитга турмушга чиқди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

ПРАКТИКАНТ эск. Амалиёт ўтаётган ўқувчи, талаба. *Врач практикантлар билан касал кўрмоқда. ■ Шаҳардан чиққан бир тўда практикант-студентлар.. ўша даврда машҳур бўлиб кетган бир қўшиқни айтишар.. эди. С. Аҳмад, Тоғларда.*

ПРАКТИКУМ [юн. praktikos – фаол, ишчан] Асосан олий ўқув юртида бирор ўқув фани бўйича ўтказиладиган амалий машғулотлар мажмуи. *Кимё практикуми. Практикум раҳбари.*

ПРЕДМЕТ [р. предмет – нарса, объект]

1 Сезги аъзолари орқали ҳис қилинадиган, онгимиздан ташқари мавжуд бўлган ҳар қандай аниқ моддий нарса. *..дунёдаги нарсалар, предметлар туғилади, унади, тарқалади, яралиб, йўқ бўлиб туради. «Гулистон».*

2 Айрим ўқув фанини ташкил этган билимлар мажмуи; ўқув фани, дарс. *-Лекин ўқитувчилар ўз предметини яхши билсагина [конспект тузиш] шарт эмас, – деди Нишонов. С. Зуннунова, Янги директор.*

ПРЕДОХРАНИТЕЛЬ [р. предохранять – «сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ» фл. дан ясалган от] Отиш қуроли, электр тармоғи ва ш.к. нинг хавфсизлигини таъминловчи мослама. *Электр предохранители. Милтиқ предохранители.*

ПРЕЗЕНТАЦИЯ [лот. praesentatio – тақдим этиш, кўрсатиш] Бирор янги, яқинда пайдо бўлган, яратилган нарсанинг (мас., китоб, журнал, кинофильм, теледастур, ташкилот ва ш.к. нинг) жамоатчиликка расман тақдим этилиши. *Кўп ўтмай Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ҳам чиқди. Яқинда эса худди шу жамғарманинг презентацияси бўлиб ўтди. Газетадан.*

ПРЕЗИДЕНТ [лот. praesidens, praesidentis — олдинда ўтирувчи] 1 Республика бошқаруви шаклидаги кўпчилилик мамлакатларда маълум муддатга сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи. *Ўзбекистон президенти.* ■ Бунда Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Газетадан. *Деҳли сафари чоғида Ҳиндистон раҳбарлари билан, жумладан, президент, вице-президент, бош вазир, бошқа ҳукумат аъзолари билан учрашувлар ўтказилди.* Газетадан. *Ўзбекистон Республикаси Президенти тубоғи учун ўтказилаётган мусобақанинг барча иштирокчилари ва ташкилотчиларини табриклаш менга улкан мамнуният бахш этади.* Газетадан.

2 Баъзи илмий муассаса ёки жамиятларнинг маълум муддатга сайлаб қўйилган бошлиғи, раҳбари. *Фанлар академиясининг президенти.* ■ Конференцияда Марказий Осие халқлари маданияти ассамблеяси президенти, таниқли ёзувчи Ч. Айтматов сўзга чиқди. Газетадан. - Юзаки қараганда, мураббийлардан давлат мадҳиясини айтиб беришни сўраб ўтириш баъзиларга бошқачароқ бўлиб туюлиши мумкин, — дейди федерация президенти Пулат Усмонов. Газетадан.

3 Фирма, банк, компания ва ш.к. даги юқори мансабдор шахс. *Банк президенти. Компания президенти.*

ПРЕЗИДЕНТЛИК 1 Президент лавозими, мансаби. *Президентликка сайламоқ.*

2 Республика тузумидаги мамлакатларнинг маълум муддатга сайлаб қўйиладиган раҳбарлиги. *Президентлик ҳокимиятида Президентнинг давлат бошлиғи ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги ваколатлари мужассамлашган.* Газетадан.

Президентлик бошқаруви Фавқулодда ҳолатлар жорий этилганда давлат бошқарувида қўлланидиган вақтинчалик бошқарув шакли. *Президентлик бошқарув усули — шу тизимнинг ўзасидир.* Газетадан.

ПРЕЗИДИУМ [лот. praesidere — олдинда ўтирмоқ, раислик қилмоқ] 1 Мажлис, кенгаш ва ш.к. катта йиғилишларни бошқариб бориш учун сайланган кишилар гуруҳи; ҳайъат. *Олий Мажлис президиуми. Президиум сайламоқ.* ■ Азизхон кейинги

пайтларда президиумларда ўтириб ўрганган, наstdа қолиб кетган пайтларда мажлисга келгандек бўлмасди. С. Аҳмад, Уфқ. *Ёзувчилар уюшмасида бўладиган йиғинларга келган ёшлар ҳамиша Абдулла Қаҳҳорнинг сўзга чиқишини сабрсизлик билан кутишар, президиумга доимо даста-даста саволлар ташарди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

2 Баъзи ташкилот, жамият ёки илмий муассасанинг сайлаб қўйиладиган раҳбарлик органи. *Фанлар академиясининг президиуми.*

ПРЕЙСКУРАНТ [нем. Preiskurant < фр. prixcourant < фр. prix — нарх, баҳо + courant — жорий, ҳозирги кундаги] иқт. Товарлар, турли хизматлар ва маҳсулотларнинг тизимлаштирилган нархлар рўйхати; нархлар ҳақида маълумотнома; нархнома.

ПРЕМЬЕРА [фр. premier — биринчи] Янги спектакль, эстрада, цирк томошалари, янги фильм кабиларнинг биринчи бор оммавий намойиш қилиниши. *..Уша куни премьера экан, билим юртининг кичкина залига одам сиғмади.* О. Ёқубов, Излайман. *Премьера. Бугун ҳамма: режиссёрдан тортиб раққосагача, гримчидан тортиб монтергача ҳаяжонда. «Ёшлик».* Муаллиф номига жуда кўп театрлардан устма-уст телеграммалар келар, улар Абдулла Қаҳҳорни премьерарага таклиф қилишар эди. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПРЕМЬЕР-МИНИСТР [фр. premier ministre — биринчи, бош вазир] Ҳукумат бошлиғи, Вазирлар Маҳкамаси кенгаши раиси.

ПРЕПАРАТ [лот. praeparatus — тайёрланган] 1 ким. Лаборатория ёки фабрикада тайёрланган кимёвий ёки фармацевтик маҳсулот. *Дори-дармон препаратлари.* ■ Эшитиш ҳиссиёти суст бўлган, эшакем касаллигига мойил, қон ивиши наст бўлган кишилар учун ҳам аспирин препарати салбий таъсир кўрсатади. Газетадан. *Янги препарат қўлланида, тери тоза бўла бошлайди.* Газетадан.

2 Жонивор ёки ўсимлик организмнинг анатомик, гистологик ва б. жиҳатдан ўрганиш жараёнида кузатиш ёки текшириш учун тайёрланган қисми. *Анатомик препарат. Бақа юрагининг препарати. Препаратлар кўргазмаси.*

ПРЕСС [лот. *presso* — босаман, эзаман] Материалларни кучли босим билан (босиб, сиқиб) текислайдиган, деталга босим остида ишлов берадиган машина; исканжа. *Қўл пресси. Штамповка пресси. Прессда сиқиб олинган кунжара.* ■ *Юқори унумли прессларда соатига 350 та деталь ишлаб чиқариш мумкин.* «Фан ва турмуш».

ПРЕССА [фр. *presse* — матбуот] Оммавий даврий матбуот (газеталар, журналлар).

ПРЕСС-АТТАШЕ [фр. *presse-attache*] Матбуот ва жамоатчилик билан алоқа масалаларини амалга оширувчи атташе, вакил.

ПРЕСС-БЮРО [ингл. *press-bureau* < фр.] айн. матбуот бюроси қ. матбуот.

ПРЕСС-КОНФЕРЕНЦИЯ [ингл. *press-conference* < фр.] айн. матбуот конференцияси қ. матбуот.

ПРЕССЛАМОҚ Пресс билан ишлов бермоқ ёки босиб жойламоқ, тахламоқ, исканжалармоқ. *Детални прессламоқ. Пахтани прессламоқ.*

ПРЕССЛОВЧИ Пресс билан ишлов берувчи, исканжаловчи киши. *Мева консерва заводининг прессловчиси Аҳмад Сатторовнинг гапини ҳамма маъқуллади.* М. Хайруллаев, Алёр.

ПРЕСС-ПАПЬЕ [фр. *press-papiers* < *presser* — босмоқ, қисмоқ + *papier* — қоғоз] Босма қоғоз маҳкамлаб қистирил(ади)ган канцелярия асбоби; босма.

ПРЕСС-СЕКРЕТАРЬ [ингл. *press-secretary*] Президент ёки бош вазирнинг матбуот буйича котиби (вакили); матбуот котиби.

ПРЕФЕКТУРА [лот. *praefectura* — раҳбарлик, бошчилик; маъмурий даҳа; ноиблик, ноиб қўл остидаги ўлка] Баъзи мамлакатларда, мас., Японияда, асосий маъмурий-худудий бирлик; вилоят.

ПРЕФЕРЕНЦИЯ [лот. *praefertre* — афзал кўрмоқ, имтиёз бермоқ] Бирор бир фаолият турини (мас., айрим ёки барча турдаги импорт молларни олиб киришни) қўллаб-қувватлаш учун айрим давлатлар, корхоналар, ташкилотларга бериладиган афзаллик, имтиёзлар.

ПРЕФИКС [лот. *praefixum* < *praе* — олддан, олдиндан + *fixus* — бириктирилган] тлш. Сўзнинг ўзак олдидан қўйиладиган қисми, олд хўшимча (бе-, но- каби: *бенуқсон, нотўғри*).

ПРИБОР [р. прибор — асбоб, мослама] 1 Бирор ишни бажариш, бошқариш, тартибга солиш, ҳисоблаш учун ишлатиладиган махсус мослама, аппарат, асбоб. *Ўлчаш прибори. Оптик прибор. Иситиш прибори.* ■ *Пахта толаси сифатини аниқлайдиган прибор ҳам яратилди.* Газетадан. *Сезгир приборлар ер бағрининг ҳолатига туну кун қулоқ солиб туради.* Газетадан.

2 Маълум бир иш ёки мақсад учун қўлланадиган нарсалар мажмуи. *Ёзув прибори.* **ПРИВАТИЗАЦИЯ** [лот. *privatus* — хусусий, айрим шахсга тегишли ёки алоқадор] иқт. Давлат ёки маҳаллий бошқарувга тегишли мол-мулкни (ер майдони, sanoат корхонаси, банк, транспорт ёки алоқа воситалари, бино, уй-жой ва ш.к. ни) пулга ёки текин хусусий мулк қилиб бериш; хусусийлаштириш. *Приватизация шароитга қараб пулли, бепул ёки имтиёзли тарзда ўтказилади.* «Иқтисодиёт назарияси».

ПРИЁМНИК [р. принять — «қабул қилиб олмақ» фл. дан ясалган от] эск. 1 Радиотехника ва телемеханикада электромагнит, ёруғлик ва б. тўлқинлар ёрдамида сигнал, нутқ, мусиқа, тасвир кабиларни қабул қилиш учун мўлжалланган аппарат.

2 с.т. Радиоприёмник. *Ўрнидан туриб, приёмникни буради-да, унга бағрини бериб, тираси билан суянганича, деразадан ҳовлига қараб, индамай тураверди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Бу устахонада турли марказдаги приёмник, телевизорлар чанг босиб ётарди.* Т. Ашуров, Оқ от.

ПРИЗМА [юн. *prisma* — қирқилган, араланган] 1 мат. Икки ёғи (асослари) тенг ва параллел кўпбурчакдан, ён ёқлари эса параллелограммлардан иборат бўлган кўп-ёқлик. *Уч ёқли призма. Кўп ёқли призма.*

2 физ. Худди шундай шаклга эга бўлган, турли оптик, спектрал асбоб ва аппаратларда ёруғлик нурунини йўналишини ўзгартириш, мураккаб нурни спектрга ажратиш ва б. жараёнлар учун хизмат қиладиган шишасимон ўта тиниқ жисм. *Нури призма орқали спектрларга ажратмоқ.*

Призмадан ўтмоқ кўчма Муайян омилларнинг билвосита таъсирида бўлмоқ, шундай таъсирни бошдан ўтказмоқ. *Мазкур ғоялар, шак-шубҳасиз, бутун бир миллий қадриятлар ва тасаввурлар призмасидан ўтган эди.* Газетадан.

ПРИКАЗЧИК [р. приказать — «буюрмоқ, буйруқ, фармойиш бермоқ» фл. дан ясалган от] эск. 1 Савдогарларга ёлланган ва уларнинг савдо-сотик ишларини олиб борган хизматчи; гумашта. *Улар харидор билан битишгандан сўнж, қолган ҳамма ишни.. приказчик Саидмурод бажарар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Помещчикнинг ер-мулкни бошқарувчи, хўжалик ишларини бажарувчи хизматчи.

ПРИЛАВКА [р. прилавок — пештахта] с.т. эск. айн. *пештахта. Салимжон прилавка устига молларни ёйди.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

ПРИМИТИВ [лот. primitivus — биринчи, илк, дастлабки, энг аввалги] 1 Замонавий талабларга жавоб бермайдиган, жуда содда, ибтидоий. *Примитив асбоб.*

2 Илмга асосланмаган; оддий, содда. *Примитив қарашлар.* ■ *Ота-боболаримиздан қолган примитив методлардан аллақачон воз келганмиз.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПРИМУС [лот. primus — биринчи] эск. Рўзғорда овқат пишириш, сув иситишга мўлжалланган, керосинни горелкага ҳайдаб берувчи насоси бўлган асбоб. *Гугуртни тоғиб, примусни ёқди.* «Ёшлик». *Ҳозирда примусни бағиллатиб, чой қўйди, нон ушатди, пиёздай юпқа қилиб колбаса тўғради.* «Шарқ юлдузи».

ПРИНТЕР [ингл. printer] Компьютерда матн ёки график тарздаги маълумотларни қоғозга чиқариш (чоп қилиш) учун мўлжалланган босиш қурилмаси. *Бу йил яна шу туманлардаги мактабларга университет балансидан 22 та компьютер, принтерлар, лингафон синфлари учун жиҳозлар ҳадя этилди.* Газетадан.

ПРИНЦИП [лот. principium — асос, негиз; ибтидо] 1 Бирор назария, таълимот, дунёқараш ва ш. к. нинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган бош ғоя, қонун-қоида. *Қонунларимизда сайлов принциплари тўла ва аниқ акс этиши зарур.* «Фан ва турмуш». *Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidir.* Газетадан. *Бизнинг принципларга мувофиқ бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш керак.* Газетадан.

2 Хулқ-атвор, хатти-ҳаракат меъёрларини белгилайдиган, киши оғишмай амал

қиладиган ички ишонч, нуқтаи назар, қараш, маслақ. *Принципи йўқ одам. Принцип юзасидан иш тутмоқ.*

ПРИНЦИПАЛ [лот. principialis — бош, асосий] сфт. 1 Принципдан келиб чиқадиган, муҳим, жиддий. *Принципал қарама-қаршилик. Принципиал масала.* ■ *Жаҳондаги ҳозирги вазиятга икки принципиал ҳолат ҳосидир.* Газетадан.

2 қ. **принципли.** *Принципиал одам.*

ПРИНЦИПАЛЛИК 1 Принципиал ҳолатга ҳослик, муҳимлик, жиддийлик. *Масаланинг принципаллиги.*

2 Ишда ўз принципини изчиллик билан амалга ошириш, бир принципда маҳкам туриш. *Раҳбарнинг принципаллиги.*

ПРИНЦИПЛИ Принципга қаттиқ риоя қиладиган, бир принципда маҳкам турадиган. *Принципли олим.*

ПРИНЦИПСИЗ Бир фикрда маҳкам тура олмайдиган; бурди йўқ, бебурд. *Принципсиз киши.*

ПРИСТАВ [р. приставить — «қараб, назорат қилиб туриш учун қўймоқ, тайинламоқ» фл. дан] тар. Чор Россиясида: кичикроқ ҳудуддаги маҳаллий полиция бошлиғи. *Ҳали ҳоким билан приставларга берадиган ақча, мингбошилик буйруғини олганда қиладиган чиқимлар бу ҳисобдан ташқаридир.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПРИСТАНЬ [р. пристать — «келиб тўхтамоқ» фл. дан ясалган от] Дарё ва б. сув ҳавзалари соҳилида қайиқлар, кемалар тўхтайдиган, махсус жиҳозланган жой; кичик порт. *Амударё пристанлари.*

ПРИЦЕП [р. прицепить — «тиркамоқ, уламоқ» фл. дан] Ўзйорар транспорт воситаларига тиркалган арава (моторсиз вагон, платформа); тракторга тиркалган машина, қурол. *Пахтани прицеплар билан ташимоқ.* ■ *У ҳудди юк машинасининг орқасига тирков қилиб қўйилган прицепдек гап.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПРОБА [пол. proba — текшириш, синаш < лот. probare — текширмоқ, синаб қўрмоқ] 1 Қотишманинг муайян масса улушлари миқдориди қанча қимматбаҳо металл борлигини билдирувчи рақам. *96 пробага эга бўлган олтин.*

2 Шундай рақам (миқдор)ни кўрсатувчи тамға. *Пробаси ўчиб кетган олтин қошиқ.*

3 Модда, материал, овқат ва ш.к. нинг синаш, текшириш, таҳлил қилиш учун олинган бир қисми, намунаси. *Текшириш учун газ пробасини олмоқ.*

ПРОБИРКА [р. пробирка < нем. probieren — “текширмоқ, синаб кўрмоқ; тотиб, еб кўрмоқ” фл. дан] Лаборатория ишларида қўлланадиган бир томони берк юпқа шиша найча.

ПРОБКА [р. пробка — пўкак, тиқин < нем. stopfen] 1 айн. **пўкак** 1.

2 Бутилка ва ш. к. идишларнинг қопқоғи; тиқин. *Пробкаси отилиб, қиттак шароб тўкилди, Ранжима, қиз, доғ бўлмас, ширин гулоб тўкилди.* Ё. Мирзо. *Шишанинг оғзига қараб интилган муз пробкани итариб чиқаради.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 с.т. Электрсақлагич, предохранитель.

ПРОБЛЕМА [юн. problema — вазифа, топшириқ] қ. муаммо 3. *Тинчлик проблемаси. Халқаро проблема.*

ПРОБЛЕМАЛИ эск. қ. муаммоли 2. *Бу проблемали масала. Проблемали иш.*

ПРОБЛЕМАТИК эск. қ. проблемали. *Проблематик масала.*

ПРОВАЙДЕР [ингл. provider] Ўз мижозларига интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича турли хизматлар кўрсатувчи фирма, воситачи ташкилот. *«Интернет» тармоғига уланиш ва ундан фойдаланиш баҳоси нисбатан юқори бўлгани ҳолда, провайдердан кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражаси у қадар талабга жавоб бермайди.* Газетадан. *Интернет тармоғидан фойдаланувчилар ва провайдерлар сони тора ортиб бормоқда.* Газетадан.

ПРОВИЗОР [лот. provisor — бирор нарса ҳақида олдиндан ғамхўрлик кўрсатувчи, олдини олувчи] Олий фармацевтика маълумотига эга бўлган дорихона ходими.

ПРОВИНЦИАЛИЗМ [лот. provincialis — провинцияга оид] кам қўлл. Провинцияларга, чекка жойларга хос ҳаёт, тартиб-қоида ва хусусиятлар.

ПРОВИНЦИЯ [лот. provincia — мамлакат; Римга тегишли вилоят] 1 тар. Қадимги Римда: римликлар забт этиб олган ва уларнинг ноиблари томонидан бошқарилган ҳудудлар, ўзга мамлакат.

2 18-асрда Россияда ва ҳозирги баъзи давлатларда (Италия, Канада каби): маъмурий-худудий бирлик, вилоят.

3 Пойтахтдан, маданий марказлардан узоқ жойлар, чекка ўлкалар.

ПРОВОДНИК [р. проводить — «кўзатиш, жўнатмоқ» фл. дан ясалган от] Вагонни кузатиб боровчи ва йўловчи (пассажир)ларга хизмат кўрсатувчи темир йўл ходими. *Бир куни яна проводник йигит унинг остонасида пайдо бўлди.* С. Зуннунова, *Кўк чироқлар. Поезд тўхтаганда, югургилаб битта проводникка рўпара бўлдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ПРОВОКАТОР [лот. provocator — бир иш-ҳаракатга, жангга чорловчи] 1 Ифво, ғаламслик йўли билан иш кўрувчи; кишиларни номақбул ишларга гижтижловчи; ифвогар, фитначи, ғаламис.

2 Провокация уюштириш мақсадида айрим ташкилотга суҳилиб кириб олган айғоқчи; сотқин.

ПРОВОКАЦИЯ [лот. provocatio — чақирик; шикоят аризаси, шикоят ҳуқуқи] 1 Қасддан уюштирилган ва оғир оқибатларга олиб келадиган хоинона иш ёки хатти-ҳаракат; фитна, ифвогарлик.

2 Ҳарбий тўқнашув, можаро келтириб чиқариш мақсадида қилинган тажовузкорлик хатти-ҳаракати. *Қуролли провокация.*

3 тиб. Касалликнинг охиригача даволаш мақсадида унинг айрим белгиларини сунъий равишда атайлаб қўзғатиш ёки кучайтириш.

ПРОГНОЗ [юн. prognosis — олдиндан билиш, илмий асосланган башорат] Бўлажак воқеа ёки ҳодисаларнинг қандай кечишини, ривожланишини ва оқибатини махсус изланишлар, мавжуд далиллар ва маълумотларга асосланиб, олдиндан айтиб бериш; олдиндан чиқарилган хулоса. *Об-ҳаво прогнози. Сиёсий воқеалар прогнози. Касаллик прогнози.* ■ *Зилзилани прогност қилиш унинг ўчоғи ва атрофидаги барча жараёнларни билиш демакдир.* Газетадан. *2001 йилнинг белгиланган прогност кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш.. юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама этилади.* Газетадан.

ПРОГНОЗЛАШ 1 Прогност тузиш, тайёрлаш.

2 Бирор-бир ижтимоий ҳодисанинг аниқ истиқболларини махсус илмий тадқиқ этиш. *Иқтисодий прогностлаш.*

ПРОГРАММА [юн. programma — эълон; кўрсатма, йўл-йўриқ] 1 қ. дастур 1. *Қишлоқ*

меҳнаткашлари мамлакат озиқ-овқат программасига улкан ҳисса қўшмоқдалар. Газетадан.

2 Ҳукумат, сиёсий партия, жамоат ташкилотлари ёки айрим давлат, жамоат арбоби томонидан мўлжалланган асосий вазифа ва мақсадлар баён қилинган ҳужжат. *Ҳамкорлик программаси имзоланди. Газетадан.*

3 Мажлис, йиғилиш, конференция катталикларнинг кун тартиби; уларда кўриладиган масалалар рўйхати.

4 Театр, концерт, цирк томошалари бўлимларининг, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларнинг мундарижаси, рўйхати, шунингдек, ижро этиладиган роллар, номерлар, чиқишлар ва ижрочиларни ўзида акс эттирган босма варақа ёки китобча. *Бу пайт Ефим Данилович билан Абдусамат концерт программаси ҳақида гаплашишарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

5 Муайян ўқув фани бўйича олиб бориладиган таълим (ўқиш-ўқитиш ишлари) нинг қисқача изчил баёни; ўқувчи ўзлаштириши шарт бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуи. *Олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишлари билан ўқув программасини жипслаштириш мақсадга мувофиқ. «Фан ва турмуш». Дарслик, программа тузувчи олим ва педагогларимиз ҳозирги мактаб ўқувчиларининг бир йўла уч тилда ўқишларини ҳисобга олсалар, ёмон бўлмасди. «Ёшлик». Ун уч ёшида мактаб программасини ботириб, ёш бўлса ҳам, Анвар халфалик, яъни домлага кўмакчилик қила бошлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

6 Бирор ўқув фани ёки курснинг белгиланган ҳажми баён қилинган варақа ёки китобча. *Математикадан программа.*

7 Ҳисоблаш техникасида: масалани ечиш алгоритмининг программалаш тилидаги тавсифи, баёни.

ПРОГРАММАЛАШ Электрон машиналарда масалаларни ечиш ҳамда уларда ҳар хил ақлий меҳнат турларини бажариш назарияси ва усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган фан; алгоритмлар назариясининг амалий бўлими.

Программалаш тили Маълумотлар (информациялар)ни ва уларни электрон машиналарда ишлаш алгоритмларини баён қилувчи расмий тил.

ПРОГРЕСС [лот. progressus — олдинга ҳаракатланиш] Ривожланишнинг қуйидан юқорига борадиган йўналиши; ривожланишнинг янада юқорироқ босқичига ўтиш; яхши томонга ўзгариш. *Техника прогресси.* ■ *Умуман, мен фанни «илғор, тараққиёт, прогресс» деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Газетадан.*

ПРОГРЕССИВ 1 Прогрессга, ривожланишга оид, тараққиётга олиб боровчи, унга ёрдам берувчи; илғор, тараққийпарвар. *Прогрессив ёзувчи. Прогрессив инсоният. Прогрессив ҳаракат.* ■ *Бир вақтлар камтар бир муаллим, прогрессив интеллигент, бир неча ёшларни зиёфатга таклиф этган экан. Ойбек, Нур қидириб.*

2 Мунтазам равишда ўсиб борадиган, тобора ривожланадиган. *..Ислохотларнинг иккинчи босқичидаги вазифа.. чуқур прогрессив силжишларга эришишдир. Газетадан.*

3 Тобора кўпроқ фойда келтирадиган, меҳнат унумини оширадиган. *Прогрессив технология. Пахта етиштиришнинг прогрессив усуллари.*

ПРОГРЕССИВ [лот. progressio — олдинга силжиш, ўсиш] мат. Иккинчи ҳадидан бошлаб ҳар бир ҳади ўзгармас бўлган доимий сонни қўшишдан ёки доимий сонга кўпайтиришдан ҳосил бўладиган сонлар кетма-кетлиги. *Арифметик прогрессия. Геометрик прогрессия.* ■ *Ҳозирги даврда инсониятнинг ривожланиши геометрик прогрессия бўйича бормоқда. «Фан ва турмуш».*

ПРОГУЛ [р. прогулять — ўйнаб юриб кечикиб қолмоқ, ишга бормай (келмай) қолмоқ] фл. дан] эск. Ишга ёки ўқишга сабабсиз келмай қолиш. *Эртасига, кечроқ бўлса ҳам, ишга бордим. Аммо картошка қовлашганида, бир-икки кун боролмадим. Мана шу жуда ёмон бўлди: бошқа прогуллари ҳам кўзга кўрсатиб юборди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. Саккиз соат прогул қилган одамга ҳеч нарса демасликка менинг ҳаққим йўқ. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.*

ПРОГУЛЧИ эск. Ишга ёки ўқишга сабабсиз келмай қолган, прогул қилган киши. *Жонфигон охири инсофга келиб, шу бу йил қишда нон заводига ишга кирибди, аммо бир ой ишламасдан, прогулчи тарзида ишдан ҳайдалибди. А. Қаҳҳор, Жонфигон. Сифат учун жиддий кураш бошланган жойларда дангасалар ва прогулчилар камайди. Газетадан.*

ПРОДЮСЕР [ингл. producer < лот. producer — ишлаб чиқармоқ; яратмоқ] 1 Кинокомпаниянинг кинофильмлар ишлаб чиқаришида ғоявий-бадий ва ташкилий-молиявий назоратни амалга оширувчи ишончли киши. *Танлов шартларига кўра бу мукофот фильм продюсерига топширилди.* Газетадан. *Продюсерлар ўз маблағларини бугун ишга солишдими, эртагаёқ унинг фойдасини олишига уринишади.* Газетадан.

2 Бирор хонанда ёки эстрада гуруҳи томонидан тайёрланган концерт ёки томоша дастурига оид бўлган маъмурий-молиявий ишларни ташкил қилувчи киши. — *Айниқса, вокал бўйича педагог, таниқли композитор Дилором Омонуллаева, продюсер Фарҳод Жўраевлар менга катта ёрдам беришди,* — дейди Диана. Газетадан.

ПРОЕКТ [лот. projectus — олдинга ирғитилган, отилган] 1 қ. лойиҳа 1. *Ҳайкал проекти. Қурилиш проекти.*

2 қ. лойиҳа 2. *Қонун проекти. Шартнома проекти. Қарор проекти.*

ПРОЕКТЛАМОҚ қ. лойиҳаламоқ. *Қишлоқ қурилишини проектламоқ.*

ПРОЕКЦИЯ [лот. projectio — олдинга, ирғитиш, отиш] 1 мат. Бирор нарсанинг текисликдаги, мас., қоғоздаги акси, тасвири. *Нуқта проекцияси. Чизиқ проекцияси. Цилиндрнинг горизонтал текисликка проекцияси.* — *Проекциялари тенг бўлган икки оғма тенгдир.* «Геометрия».

2 Оптик асбоблар воситаси билан экранга туширилган тасвир.

ПРОЕКЦИЯЛАМОҚ Проекциясини туширмоқ, ясамоқ, ҳосил қилмоқ. *Детални горизонтал текисликка проекцияламоқ.*

ПРОЕКТОР [фр. projecteur < лот. projectio — олдинга ирғитиш, отиш] Ёруғлик нурини, шуълани тўплаб, маълум томонга йўналтирадиган оптик қурилмали ёритиш асбоби. *То тонг саҳаргача прожекторлар дарё қирғоқларини кундуздек ёритиб турар, тракторларнинг шовқини, одамларнинг у қирғоқдан бу қирғоққа қараб бақириб-чақиришлари қишлоқларга ҳам эшитилар эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ПРОЗА [нем. Prosa < лот. prosa (oratio) — оддий, жўн (нутқ)] 1 ад. Бадий ижоднинг асосий турларидан бири, адабий тур; наср.

2 Ўлчамли мутаносиб бўлақлар — шърларга бўлинмаган оғзаки ёки ёзма нутқ; наср

билан ёзилган бадий асар. *Проза билан ёзилган асар.* — «Миллий роман» асида ўзбек адабиётида, ўзбек прозасида янгилик эди. Ю. Султонов, Ҳамза. *Фафур Гуломнинг ўзбек прозаси тараққиётидаги ўрни ва ролини белгилашга бағишланган қатор илмий мақолалар, асарлар ёзилган.* С. Мамажонов, Фафур Гулом прозаси.

ПРОЗАИК [лот. prosaicus — проза яратувчи] Проза йўли билан ёзувчи, насрий асарлар яратувчи адиб. *Прозаик ёзувчи.*

ПРОЗАИК [лот. prosalis — прозада ёзилган] Проза жанрига оид; наср, проза билан ёзилган. *Прозаик асар.*

ПРОЗАЧИ айн. прозаик.

ПРОКАТ I [р. прокатать — «жўваламоқ, ёймоқ» фл. дан] тех. I Прокатка йўли билан тайёрланган металл маҳсулот [металл тахта (лист), тўсин, рельс, сим ва ш. к.]. *Прокат ишлаб чиқариш.* — *Бекободдаги металл заводи қувватини дастлаб 1,5 миллион тоннага қадар прокат ишлаб чиқарадиган даражга етказиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.* «Фан ва турмуш».

2 айн. прокатка.

ПРОКАТ II [р. прокат — ижарага (кирага) бериш ёки олиш] Рўзгор буюмлари, машина, мотоцикл ва ш.к. ни маълум миқдордаги ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун бериб ёки олиб туриш. *Спорт буюмлари прокати. Прокатга машина олмақ.*

ПРОКАТКА тех. Айланувчи икки жўва (вал) орасидан сиқиб ўтказиш йўли билан турли шаклдаги металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш, прокат ҳосил қилиш. *Тунука прокатка қилмоқ. Прокатка қилинган труба. Металлни прокатка қилиш.*

ПРОКАТЧИ тех. Прокатка қилувчи ишчи, прокатка мутахассиси.

ПРОКЛАМАЦИЯ [лот. proclamatio — мурожаатнома, чақириқ] Ташвиқот мазмунидаги босма мурожаатнома, варақа.

ПРОКТИТ [юн. proktos — орқа чиқарув тешиги, йўғон ичак + лот. itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] тиб. Тўғри ичак шиллиқ қаватининг яллиғланиши.

ПРОКТОЛОГИЯ [юн. proktos — тўғри ичак + logos — фан, таълимот] Тиббиётнинг тўғри ичак, орқа чиқарув тешиги ва оралиқ соҳаси касалликларини, шунингдек, уларни даволаш усулларини ўргандиган бўлими.

ПРОКУРАТУРА [«прокурор» с. дан] Мамлакатда қонунларга тўла амал қилиниши ва уларнинг тўғри қўлланиши устидан назорат қилиб турувчи ва судда давлат манфаатларини, давлат номидан тузилган айбномани ҳимоя қилувчи давлат органи. *Прокуратура органлари.* ■ *Мирсаид унинг прокуратурада ишлайдиган Маннонов эканини пайқади-ю, шоша-пиша изоҳ берди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Уйбу ҳолатлар юзасидан шаҳар прокуратураси томонидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.* Газетадан.

ПРОКУРОР [фр. procureur < лот. procurator — ғамхўрлик қилмоқ] 1 Қонунларга тўла амал қилиниши ва уларнинг тўғри қўлланиши устидан давлат назорати олиб борувчи мансабдор шахс. *Республика прокурори.* ■ *Қонунлар ижроси устидан назорат прокурорнинг вазифаси эмасми?* Газетадан.

2 Суд жараёнида давлат қораловчиси. *Маҳаллий терговчининг «тергов протоколи» билан ҳарбий суд прокурорининг айблаш қоғози топширилган вақтида, у бошқа катта бир ишни олиш тўғрисида ўзига ўхшаган бир киши билан гаплашиб ўтирган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ПРОЛЕТАР(ИЙ) [лот. proletarius — қадимги Римда: камбағал, қашшоқ фуқаро] эск. Ёлланма ишчи.

ПРОЛЕТАРИАТ [«пролетарий» с. дан] эск. Марксистик назария ва шунга яқин оқимларда: ишчилар синфи; яшаш манбаи ўз ишчи кучини ишлаб чиқариш воситалари эгаларига сотишдан иборат бўлган ёлланма ишчилар синфи.

ПРОЛОГ [юн. prologos — муқаддима < pro — олд, олдинда + logos — сўз, нутқ] 1 Театрда спектакль бошланиши олдидан ижро этиладиган кўриниш, саҳна.

2 Адабий-бадиий асарларда асосий баён-дан олдин келадиган воқеаларни тасвирловчи ёки уларни тушунтирувчи муқаддима қисми; *зид. эпилог.*

ПРОЛОНГАЦИЯ [фр. prolongation < лот. prolongare — узайтирмак, чўзмак] ҳуқ. Заём, вексель ва шартномаларнинг амал қилиш муддатларини узайтириш.

ПРОМЕТЕЙ [юн. Prometheus — Прометей (юнон мифологиясида осмондан олов ўғирлаб, кишиларга ҳады этган ва ундан фойдаланишни ўргатган афсонавий баҳодир) номидан] Менделеев даврий системасининг

III гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент; табиатда учрамайдиган, сунъий йўл билан олинган металл.

ПРОМИЛЛЕ [лот. pro mille — мингга, мингтага] Бирон-бир соннинг мингдан бир улуши.

ПРОПАГАНДА [лот. propaganda < propagare — ёймоқ, тарқатмоқ] 1 Муйян ғоялар, назария ва таълимотлар, қарашларни оммага ёйиш, тарқатиш, тушунтириш; оммага ғоявий таъсир ўтказиш; тарғибот. *«Янги урф-одат, маросимларни пропаганда қилиш, уларни меҳнаткашлар турмушига жорий қилиш — мафкура ишининг муҳим соҳаси» деган мавзуда республика семинари ўтказилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Мафкура ва сийосатни тарғиб этишга қаратилган фаолият.

ПРОПАГАНДИСТ қ. тарғиботчи. *Пропагандист кадрлар.* ■ *Пропагандистлар билан ишлашни яхши йўлга қўйиш иқтисодий таъминнинг самарадорлиги ва сифатини таъминлашининг ҳал қилувчи йўлидир.* Газетадан.

ПРОПЕЛЛЕР [лот. propellere — олдинга ҳайдамоқ, итармоқ] Самолёт, вертолёт, дирижабль ва ш.к. нинг учиши, аэроҳаракатининг ҳаракатланиши учун зарур бўлган тортиш кучи олинадиган қурилма. Эҳ, жанговар пропеллерлар товуши. *Нав бўсадай ширин туюлди.* А. Мухтор. *Ҳашаротнинг қанотлари самолётнинг қанотларига ўхшамайди, ҳашарот қанотларидан ҳар бири — ўнг ва чап қаноти алоҳида-алоҳида ишлайдиган пропеллерлардир.* «Фан ва турмуш».

ПРОПИСКА [р. прописать — «қайд қилмоқ, рўйхатдан ўтказмоқ» фл. дан ясалган от] Кимсанинг маълум манзилда яшаб турганлигини уй дафтариغا расмий суратда қайд қилиш ва шу ҳақда паспортга қўйилган белги. *Прописка штампи.* *Тошкентда прописка билан яшамок.* *Прописка қилмоқ.* *Пропискадан ўтмоқ.* ■ *-Афсуски, меҳмонни прописка қилишимиз керак эди-да, — деб Рафиқ соатиға қаради, бошини чайқади.* Ў. Усмонов, Қисмат.

ПРОПОЛИС [юн. propolis < pro — олдида + polis — шаҳар] Асаларилар ажратадиган елимсимон, смолали хушбўй модда (тиб-биёт ва фармацевтикада қўлланади).

ПРОПОРЦИОНАЛ [лот. proportionalis — мос, мутаносиб; тенг] 1 *мат.* Миқдорлардан

бири қанча ошса ёки камайса, бошқаси ҳам шунча ўзгарадиган; мутаносиб. *Тўғри пропорционал миқдорлар. Тескари пропорционал миқдорлар.*

2 Қисмлари, ўлчамлари ўзаро маълум нисбатда бўлган; бўйи энига мос; мутаносиб, уйғун; келишган. *Пропорционал қомат. Пропорционал тақсимламоқ. ■ Ижтимоий тараққиёт қонуниятини беш бармоқдай билиш керак.. энг зарури — халқ ҳўжалигимизни планли пропорционал ривожлантиришнинг объектив қонунилари билан қуроллантириш керак. С. Анорбоев, Оқсой.*

ПРОПОРЦИОНАЛЛИК **1** *мат.* Функционал боғланишнинг энг содда кўриниши; пропорционал эканлик (*қ. пропорционал 1*). *Миқдорларнинг пропорционаллиги.*

2 Тўғри пропорцияларга эга бўлишлик, мутаносиблик, мувофиқлик.

ПРОПОРЦИЯ [*лот. proportio* — мослик, мутаносиблик] **1** *мат.* Икки нисбатнинг тенглиги. *Арифметик пропорция. Геометрик пропорция.*

2 Бутуннинг қисмлари ўртасидаги муайян ўзаро нисбат, мутаносиблик; умуман, нарсалар ўртасидаги миқдорий муносабат. *Бу концентрат мағданли сувга маълум пропорцияда қўшилиб, ичимлик ҳолига келтирилади. Газетадан.*

ПРОПУСК(А) *қ. рухсатнома. Залга пропуска билан киргизмоқ.*

ПРОРАБ [*р. производитель работ* — «иш бошқарувчи, ишбоши» бирикмасининг қисқартмаси] Курилишда ишни ташкил қилувчи ва қурувчиларга бевосита раҳбарлик қилувчи техник ёки инженер; ишбоши. *Прораб «халақит берасан», деб неча марта мени девордан қувиб туширар, мен эса яна тирмашиб чиқаверардим. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Прораблар, техниклар ва участка бошлиқларининг гапларига қараганда, яна икки кундан кейин иш бутунлай тугайди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ПРОРЕКТОР [*лот. pro* — ўрнига + *ректор*] Олий ўқув юртларида: ректорнинг маълум соҳа бўйича ўринбосари. *Илмий ишлар бўйича проректор. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор. ■ -Хушхабар бўлганда қандоқ, — деди проректор қувонч билан, — Обид Йўлдошевичнинг гипотезаси тўғри чиқди. Бекилиб қолган қадимги бир кон шу гипотеза асосида очилди. П. Қодиров, Уч илди.*

ПРОСПЕКТ I [*лот. prospectus* — кўри- ниш, манзара] Шаҳарларда кенг, катта ва тўғри кўча. *Проспект ёқасида ажойиб муҳташам тураржой бинолари қад кўтармоқда. Газетадан.*

ПРОСПЕКТ II [*лот. prospectus* — кўри- ниш, манзара] **1** Нашрга тайёрланаётган ёки ёзилаётган асарнинг қисқача баёни ёки кенг ва мукаммал режаси. *Адабиёт дарслигининг проспекти. Журнал проспекти.*

2 Реклама характеридаги босма маълумотнома ёки ишлаб чиқариш ва сотишга мўлжалланган нарсалар рўйхатидан иборат савдо каталоги.

ПРОТАКТИНИЙ [*юн. protos* — биринчи + *актиний*] Менделеев даврий система- сининг III гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент; қумушранг-оқ, ялтироқ, болғаланувчан металл.

ПРОТЕЗ [*юн. prothesis* — қўшиш, бириктириш, илаштириш] Организмнинг бирор аъзоси шаклида тайёрланган ёки зарарланган, олиб ташланган аъзоси ўрнига қўйиладиган мослама (*мас., сунъий кўл, сунъий оёқ, сунъий тиш*). *Сиз ойимнинг агентсиз. Доим бизнинг устимиздан материал берасиз. Ойимга протез тиш қилдириб бериб, пинжларига кириб олгансиз. С. Аҳмад, Сайланма.*

ПРОТЕЗА [*юн. prothesis* — олдиндан жойлаш] *тлш.* Талаффузни қулайлаштириш учун сўзининг энг бошида товуш орттирилиши (*истол, иштраф каби*).

ПРОТЕЗЛАШ Гавданинг майиб бўлган аъзолари ёки қисмлари шакли ва вазифаларини тиклашга қаратилган тиббий-техник тадбирлар тизими ва уларни ўрганувчи соҳа.

ПРОТЕКТОРАТ [*лот. protector* — ҳомий] *сиёс.* **1** Тенгликка асосланмаган шартнома натижасида белгиладиган, асосан, мустамлакачилик рўҳидаги қарамлик шакли.

2 Шундай қарамлик ҳолатида бўлган мамлакат. *Россия Афғонистонга таъсир ўтказиш юзасидан бўлган ҳамма даъволаридан воз кечди ва Англиянинг Афғонистон устидан протекторатини амалда тан олди. «Янги тарих».*

ПРОТЕКЦИОНИЗМ [*фр. protectionnisme* < *лот. protectio* — ёпиш, беркитиш; химоя қилиш] Давлатнинг ўз миллий иқтисодийтини чет эл рақобатидан химоя қи-

лишга қаратилган иқтисодий сиёсати (мас., импорт молларга юқори пошлиналар жорий қилиш, уларнинг олиб кирилишини чеклаш ёки, умуман, тақиқлаш ва б.). *Пировард натижада протекционизм ва субсидияларга қарамай, заводлар ёпилиб, ходимлар иш жойларини йўқотадилар.* «Ҳаёт ва қонун».

ПРОТЕСТ [лот. protestari – қатъий норозилик, баёнот эълон қилмоқ] ҳуж. Тегишли суд ва прокуратура органларининг суд ҳукмлари ва қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги расмий ёзма баёноти, илтимосномаси. *Ушбу қарор, ҳукумат топшириғига зид бўлганлиги сабабли, вилоят прокуратурасининг протести билан бекор қилинди.* Газетадан. *Олий суд протестни қанотлантиради.* Газетадан.

ПРОТЕСТАНТИЗМ [лот. protestans, protestantis – қаршилиқ билдирувчи, норози] Христианликдаги асосий оқимлардан бири: 16-асрда Рим католик черковига норозилик тарзида пайдо бўлган ва, асосан, АҚШ, Англия, Канада ҳамда Скандинавия ва Болтиқбўйи мамлакатларида тарқалган.

ПРОТИВОГАЗ [р. против – қарши + газ] Заҳарловчи модда, газ, тутун кабилардан нафас олиш аъзоларини, юзу кўзни асрайдиган филтёрли ниқоб. *Оксиген (кислород) тўлдирилган нўлат баллонли противогаз.* ■ *У ерда бир тўп противогаз таққан йигитлар ҳарбий машқ учун сафланмоқда эди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

ПРОТО- [юн. protos – биринчи] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб: 1) дастлабки, илк, биринчи маъноларини; 2) черков амаллари ва унвонларида катталик, юқориликни билдиради (мас., *прототип, протоецрей* каби).

ПРОТОИЕРЕЙ [прото.. + юн. hiergeus – руҳоний] Православ черковида катта руҳоний.

ПРОТОКОЛ [юн. protokollon – биринчи варақ (ёзилиш санаси ва котибнинг исми кўрсатилган ҳолда ўрама папирус хатга ёпиштирилган) < прото.. + юн. kollao – ёпиштираман, елимлайман] эск. 1 қ. баённома 2. *Мажлис протоколи* ■ *Сергей кабинетда ёлғиз қолиб, кейинги кунлардаги сўроқ протоколларини шошмасдан, бирма-бир варақлади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Эшонбоев деканнинг бетараф қолиш сабабини протоколга яхшилаб ёзиб қўйди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

2 Мансабдор шахс томонидан тузилган ва бирор воқеа-ҳодиса ёки ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат. *Экспертларнинг протоколи.* ■ *Маҳаллий терговчининг «тергов протоколи» билан ҳарбий суд прокурорининг айблаш қоғози топширилган вақтида, у бошқа катта ишни олиш тўғрисида ўзига ўхшааган бир киши билан гаплашиб ўтирган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

3 Жамоат тартиби ва қонунчиликни бузганлик ҳақида тузилган далолатнома. *Автоинспекция протоколи.*

4 Халқаро конференцияларнинг халқаро шартнома, битим кучига эга бўлган қарори. *Савдо муносабатлари ҳақидаги протокол.* ■ *Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясида иқтисодий таълимни ташкил этиш тўғрисида протокол ҳамда бошқа ҳужжатлар ва битимлар имзоланди.* Газетадан.

5 *дип.* Турли дипломатик ҳужжатларни амалга ошириш тартибини бошқариб турувчи қоидалар мажмуи.

ПРОТОН [юн. protos – биринчи] *физ.* Атом ядросининг мусбат электр зарядига эга бўлган таркибий қисми – барқарор элементар зарра; енгил водороднинг ядроси.

ПРОТОПЛАЗМА [прото.. + юн. plasma – шаклланган, безатилган] *биол.* Жонивор ва ўсимликлардаги тирик ҳужайранинг цитоплазма ва ядродан иборат таркибий қисми. *Тирик протоплазма ўз атрофидаги нотирик муҳитдан ҳужайра мембранаси билан ажратилади.* «Фан ва турмуш».

ПРОТОТИП [юн. prototypon – дастлабки аломат, белги, образ] *ад.* Бадийий образ яратишда ёзувчига манба, намуна бўлган реал шахс. *Шуниси диққатга сазоворки, томошабинлар асарни яхши тушунишлари учун ҳар бир картина олдида жонли прототиплар турарди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ПРОФЕССИОНАЛ [лот. professio – расмий белгиланган касб] 1 Бирор касбга оид, хос, бирор касб билан боғлиқ бўлган. *Профессионал одат. Профессионал маҳорат. Профессионал тайёргарлик.* ■ *Энг ёмони – жойларда бозор иқтисодиёти тамойилларини яхши билмаслик ва профессионал малакага эга эмаслик каби салбий ҳолатлар кўпроқ намоён бўлмоқда.* Газетадан.

2 Бирор ишни ўзига касб қилиб олган, ўз касбининг мутахассиси бўлган (шахс).

Профессионал боксчи. *Профессионал ашулачи.* ■ ..профессионал журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларини тайёрлаш жараёнини қайта кўриб чиқиш зарур. Газетадан. *Лекин ўша йилдан эътиборан мусобақага профессионал теннисчилар ҳам қўйилган.* Газетадан.

ПРОФЕССИОНАЛИЗМ [лот. professio — касб-кор, мутахассислик] 1 тлш. Бирор касб-хунар соҳаси вакиллари нутқига хос сўз ёки ибора.

2 Бирор касб-хунар, мутахассисликни юқори даражада ўзлаштириш; юксак маҳорат. *Чин истеъдод ва юксак маҳорат сари етакловчи профессионализм унинг ижод шioriридир.* Газетадан.

ПРОФЕССОР [лот. professor — муаллим, ўқитувчи; мураббий] Олий ўқув юрларига энг малакали ўқитувчиларнинг, шунингдек, илмий-тадқиқот институтларига илмий ходимларнинг илмий унвони ва лавозими; шундай унвон ва лавозимли шахс. *Университет профессори.* ■ *Профессорнинг қаршисига келганда эсанкираб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Профессорнинг гапидан хурсанд бўлиб ўтирганларида, одатдагидек шовқин-сурон, ҳазил-хузул билан оғайнилари Шаҳобни кўргани келиб қолишди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ПРОФИЛАКТИК Профилактикага оид; касаллик ёки бирор бошқа ҳодисанинг олдини олиш учун хизмат қиладиган. *Профилактик эмлаш. Профилактик тадбирлар. Боғларга профилактик ишлов бериш.* ■ *Бу эса, аввало, касалланишнинг олдини олишга доир тизим муассасаларида профилактик ишларнинг султ йўлга қўйилганлиги оқибатидир.* Газетадан. *Солиқчилар фаолиятида профилактик тадбирлар ҳам катта ўрин тутмоқда.* Газетадан.

ПРОФИЛАКТИКА [юн. prophylaktikos — сақловчи, олдини олувчи] 1 Одамлар соғлигини сақлаш, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш, аҳолининг жисмоний ривожланишини яхшилаш ва узоқ умр кўришини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. [Шербек:] *Сиз касал кўргани, профилактика ўтказгани хонадонларга кўп кирасиз.* С. Анорбоев, Оқсой. «Дори-дармон»

уюшмаси келгусида ҳам республика аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармонлар билан таъминлаш аҳолини яхшилаш учун ўзининг барча имкониятларини ишга солади, деб ишонтирамиз. Газетадан.

2 Умуман, бирор ҳодисанинг олдини олиш, механизм, машиналарнинг муддатидан олдин ишдан чиқиши, бузилишидан сақлаш учун кўриладиган чоралар. *Ўза зараркунандалари ва касалликларига қарши профилактика.* ■ *Газдан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган истеъмолчилар орасида профилактика ишлари олиб бориляпти.* Газетадан.

ПРОФИЛАКТОРИЙ [«профилактика» с. дан] Йирик ўқув юрлари ва саноат корхоналари қошида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда дам олиб даволанишни амалга оширувчи даволаш-профилактика муассасаси. «Навоийазот» *очиқ акциядорлик жамияти профилакторийсида йил бошидан бери 993 киши соғломлаштирилди.* Газетадан.

ПРОФИЛЬ [фр. profil < итал. profilo — ташқи кўриниш, қиёфа < filo — чизик, йўл] 1 Юз ёки бирор нарсанинг ён томондан кўриниши. *Ҳайкалнинг профили.*

2 Бирор нарса ёки сатҳнинг, мас., деталь, қурилма, ер бўлаги ва ш.к. нинг тиккасига кесилгандаги кўриниши. *Йўлнинг профили. Бинонинг профили.*

3 Хўжаликнинг, бирор касб соҳаси, корхона, ўқув юрти ва ш.к. нинг асосий ўзига хос белгилари мажмуи; касб ёки соҳанинг асосий йўналиши. *Журналларнинг профили. Жамоанинг асосий профили — пахтачилик.*

ПРОЦЕНТ [нем. Prozent < лот. pro centum — юз ҳисобидан, юз ҳисобига; юз- (та)ликка] 1 Бирор сон ёки миқдорнинг юздан бир ҳиссаси, улуши; % белгиси билан ифодалананади (яна қ. фонз). *Планнынг бир проценти.* ■ *Унинг октябрда йиллик пахта шартномазининг саксон процентини бериб битирамиз.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Қупи билан бир ой ичида биронта ҳам якка хўжалик қолмаслиги, ҳамма юз процент колхоз бўлиши керак [деди Шодиев].* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.

2 Қарзга олинган пулдан фойдаланганлик учун қарздор томонидан пул эгасига тўлаб туриладиган ҳақ, фойда. [Фазлиддин:] *..кеча Абдулла акам йигитчани тутиб, ота қарзини уз, деб маҳкамроқ ушлабди. Кейин ҳисоблаб қарашни, йигитчанинг гарданига*

процент билан роса саккиз юз сўм пул тушибди. Ойбек, Танланган асарлар.

ПРОЦЕНТЛИ 1 мат. Процентга оид; процент билан ифодаланадиган. *Сонларнинг процентли нисбати.*

2 Маълум процент ҳисобида фойда келтирадиган. *Уч процентли заём.*

3 Таркибидаги асосий модда миқдори процент билан ифодаланган. *Уч процентли сирка. Қирқ процентли ўғит.*

ПРОЦЕНТЧИ 1 с.т. Ишни ошиғи билан бажариб, маълум процентга етказувчи ишчи. *Бизда икки юз процентчилар сон-саноқсиз.*

2 салб. Белгили фоиз ҳисобида фойда олиш шарти билан қарз берувчи; судхўр.

ПРОЦЕСС [лот. processus – илгарилаш, илгари силжиш] 1 қ. **жараён.** *Тафаккур процесси. Усымликнинг ривожланиш процесси. ■ Зеро, янги-янги илмий кашфиётлар, илмий-манتيқий тафаккур процесслари ёлғиз улкан меҳнат мевасигина бўлиб қолмай, балки шиддатли илҳом ва эҳтирос, эмоционал кечинмалар маҳсули ҳамдир. «ЎТА».*

2 Маълум натижа, мақсадга эришиш учун изчиллик билан амалга ошириладиган иш ёки ҳаракатлар мажмуи. *Технологик процесс. Ишлаб чиқариш процесси. Ўқув-тарбия процесси.*

3 Суд иши; тергов, маъмурий ва суд органлари фаолиятини амалга ошириш тартиби. *Жиноий процесс. Намунали процесс. Процессда қатнашмоқ. ■ Суд процессини тўғри ташкил қилиш ва ўтказиш айниқса муҳимдир.* Газетадан.

ПРОЦЕССОР [лот. processus – сурилиш] Рақамли ҳисоблаш машинасининг дастур (программа)да кўзда тутилган арифметик ва мантиқий амалларни; ахборотларни ўзгартириш, барча ҳисоблаш жараёнларини ва ш.к. ни бошқариб туриш учун муължалланган марказий қурилмаси. *Компьютернинг процессори.*

ПРОЦЕССУАЛ [«процесс» с. дан] Суд ёки маъмурий жараёнларга оид; суд жараёни билан боғлиқ бўлган, судда ишнинг қурилиш тартибини белгилувчи. *Процессуал муддат. Процессуал кодекс. ■ Чунки унда амалдаги процессуал кодексда курсатилиши лозим бўлган бир қанча моддалар мавжуд.* Газетадан.

ПРУЖИНА [р. пружина – камбар эластик металл тахта ёки чизимча] Машина,

механизм ва ш.к. нинг пўлат тасма ёки симдан спиралсимон ўралган ёки устма-уст терилган, муайян куч таъсирида қисилгандан кейин яна асл ҳолига қайтадиган, турткиларни юмшатадиган қайишқоқ қисми, детали. *Соат пружинаси. Эшик пружинаси. Патефон пружинаси. ■ Ичкарида, Самандарнинг олдида яна икки киши ўтирган экан. Сафаров булар билан ҳам саломлашди-да, титилиб, пружиналари қўриниб ётган диванга ўтириб, папирос чекди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

ПРУЖИНАЛИ Пружинаси бўлган, пружина воситасида ҳаракат қиладиган, ишлайдиган. *Пружинали қаровот. Пружинали ўйинчоқ. ■ Эшик қаршисидаги девор олдида устига майда ёстиқлар ташлаб қўйилган пружинали диван, унинг икки ёнида китоб жавонлари бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

ПРЯНИК [р. пряный – ўткир ва хушбўй мазали, ҳидли < юн. ререгі – қалампир] Хамирга ўсимлик ёғи, асал, шакар, қиём қўшиб тайёрланган яримшарсимон қандолат маҳсулоти, ширинкулча (дастлабки вақтларда унга зирavorлар, жумладан, хушбўй қалампир қўшилган).

ПСИХИАТР Рухий касалликлар врачлари, мутахассиси. *-Уни [Ботировни] хирург эмас, психиатр даволаши керак, – деди Раҳимов Николаевга. Б. Раҳимов, Олтин одамлар. Қизалоқнинг ой сайёраси ҳақидаги ғалати ҳикояларини эшитгач, ота-онаси уни психиатр қабулига етаклаб боради.* Газетадан.

ПСИХИАТРИК Психиатрга, психиатрияга, руҳий касалликларга оид. *Психиатрик клиника.*

ПСИХИАТРИЯ [психо.. + iatreia – даволаш] Тиббиётнинг руҳий (психик) касалликларни, уларни даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганувчи бўлими.

ПСИХИК Психикага, руҳий ҳолатга оид; руҳий. *Психик касалликлар.*

ПСИХИКА [юн. psychikos – руҳий] Юксак даражада ташкил топган миянинг объектив воқеликни сезги, идрок, тасаввур, фикрлаш, ҳис-туйғу ва иродавий хатти-ҳаракатлар тарзида акс эттириш хусусияти; инсон ва ҳайвонлар хатти-ҳаракатининг ўзига хослигини белгилайди; инсон онги психиканинг олий шакли ҳисобланади. *Соғлом психика. Боланинг психикаси. Киши психикасини ўрганмоқ*

ПСИХО- [юн. *psyche* – руҳ, жон; қалб, кўнгли] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми: психикага, руҳиятга алоқадорликни билдиради (мас., *психоанализ, психология, психотерапия*)

ПСИХОАНАЛИЗ [психо.. + анализ] Рухий (психик) касалликларни даволаш усули ва 19-аср охири – 20-аср бошларида австриялик олим З. Фрейд томонидан ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган психологик таълимот.

ПСИХОЗ [юн. *psyche* – руҳ, жон] Киши онгининг борлиқни акс эттириш фаолиятининг кучли даражада бузилиши билан кечадиган руҳий касалликларнинг умумий номи.

ПСИХОЛИНГВИСТИКА [психо(логия) + лингвистика] Нутқий ифодаларнинг пайдо бўлишини ҳамда нутқнинг тил тизими билан ўзаро муносабатда ўзлаштирилиши (идрок этилиши) қонуниятларини ўрганувчи фан.

ПСИХОЛОГ 1 Психология бўйича олим-мутахассис (врач ёки ўқитувчи). *Ҳозирги кунда психологик касбга йўналтирувчи тиббий ходим, дефектолог, психолог каби мутахассислар ушбу тизимда хизмат қилмоқда.* «Мактаб ва ҳаёт».

2 *кўчма* Кишининг руҳиятини яхши билладиган, шунга қараб муомала қиладиган сезгир одам. [Фармонов:] *..бу кампир ё ўзгаларнинг фикрини ўқий олади, ё менга ўхшаган лақмаларни кўравериб, ўтқир психолог бўлиб кетган.* «Муштум».

ПСИХОЛОГИЗМ [«психология» с. дан] Адабиёт ва санъатда инсоннинг психик, руҳий кечинмаларини теран тасвирлаш.

ПСИХОЛОГИК Психологияга оид, руҳий ҳолат ва кечинмаларни теран тасвирлашга асосланган. *Психологик анализ. Психологик тадқиқот. Психологик роман. Психологик драма.* ■ *Ойқизнинг психологик ҳолати роман марказида турган муҳим туғунни, унинг ечимни учун Ойқиз типидоғи, балки ундан ҳам юқорироқ бошқа бир кучли тажрибакор шахс иштирокини талаб қиларди.* «УТА».

ПСИХОЛОГИЯ [психо.. + юн. *logos* – фан, таълимот] 1 Инсон фаолияти ва ҳайвонлар хатти-ҳаракатида борлиқнинг акс этишини, руҳий жараёнлар, ҳодисалар ва хислатларни ўрганувчи фан. *Элмурод институтда пси-*

хологиядан лекция тинглар экан, профессор Иванов: «Киши характери ни белгиловчи омиллардан бири унинг нутқи», – деган эди. Шухрат, Шинелли йиллар. *Бўлғуси педагоглар практика жараёнида педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари устида иш олиб борадилар.* «Фан ва турмуш».

2 Бирор фаолият билан боғлиқ бўлган психик жараёнлар мажмуи. *Меҳнат психологияси. Санъат психологияси.* ■ *Рангларга муносабатда ҳам халқ психологияси намён бўлади.* «УТА». *Ижод психологияси фақат китобхонларни эмас, адабиётшуносларни ҳам қизиқтиряпти.* У. Норматов, Талант тарбияси.

3 Кишининг ички дунёси, кечинмалари, характер хусусиятлари, руҳий ҳолати. *Отахон шоирларимиз болалар қалби ва психологиясини, маънавиятини очиш орқали уларнинг бетакрор шахсиятини улуғладилар.* «Фан ва турмуш». *Ҳаётнинг ўзи ана шу дунёқарашлар, психологиялар, даъволар орасидан ўтишга мажбур қилмоқда.* Газетадан.

ПСИХОПАТИЯ [психо.. + юн. *pathos* – ғам-алам, азобланиш, касаллик] Шахснинг, ақл-идроки сақланиб қолгани ҳолда, феъл-атвори, ҳиссиёти, хулқининг чуқур ва доимий бузилишидан иборат ирсий, туғма ёки ҳаётда орттирилган норасолиги.

ПСИХОПАТОЛОГИЯ [психо.. + патология] Психиатриянинг руҳий касалликлар, патологик жараёнлар ва ҳолатларнинг пайдо бўлиши, ривожланиш механизми, пайдо бўлиш сабабларини ўрганувчи, уларни таснифлаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

ПСИХОТЕРАПИЯ [психо.. + терапия] Рухий таъсир қилиш (мас., гипноз) йўли билан даволаш усули. *Шу боис шифохонада психотерапия кабинетини ташкил этамиз.* *Ҳозир у ерда сўз сеҳри билан даволаш сеанслари ўтказилмоқда.* Газетадан.

ПСИХОТРОП [психо.. + юн. *tropos* – бурилиш, буриш, йўналтириш]: **психотроп воситалар** Инсоннинг руҳий ҳолатига, умуман, психик жараёнларга кучли таъсир этувчи дори моддалар. *Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислам Республикаси ўртасида гиёҳвандлик моддалари ва психотроп воситаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ме-*

морандум имзоланди. Газетадан. Президентлар наркотик моддалар, психотроп воситаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашдаги ҳамкорлик концепциясини тасдиқлашди. Газетадан.

ПСОРИАЗ [юн. psoriasis < psora — қичима] Қипиқли темирлатки — юқмайдиган сурункали, вақти-вақти билан кучайиб, зўрайиб турадиган тери касаллиги.

ПУБЛИЦИСТ Долзарб, мунозарали ижтимоий-сиёсий мавзуларда асар ёзувчи адиб. *Публицист ёзувчи.* ■ *У адабиёт ва санъат оламининг зукко билимдони, оташин публицист, ажойиб нотиқ ва улкан санъаткор эди.* Газетадан. *Санжар Сиддиқов ижоди ҳақида шу фикрни айтиш мумкин: у тарихчи, публицист, таржимон, тақризчи, санъатшунос, педагог эди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ПУБЛИЦИСТИК Публицистикага ёки публицистга оид. *Публицистик асар.* ■ *Унинг овози публицистик руҳни, гоҳ лирик, гоҳ бахтиёрлик туйғусини ифода этади.* Газетадан.

ПУБЛИЦИСТИКА [лот. publicus — жамиятга, жамоатчиликка оид, ижтимоий] 1 Давр (замона)нинг долзарб ижтимоий-сиёсий масалалари ҳамда жамиятнинг кундалик ҳаётига бағишланган адабиёт тури. *Публицистика сиёсий курашнинг ўткир қуролidir.*

2 Шу жанрга хос асар ёки асарлар (мақола, очерк, памфлет, фельетон ва ш.к.) мажмуи. *А. Қаҳҳор публицистикаси.*

ПУД [р. пуд — 16,38 кг га тенг оғирлик ўлчов бирлиги < лот. pondus — оғирлик, ўлчов] эск. Метрик ўлчовлар тизими қабул қилинганга қадар қўлланган, 16,38 килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. *Бир тонна — салкам 63 пуд.* ■ [Кампир:] *Даст-мойя бир пуд ун эди, тунов кун бирдан йигирма беш қадоққа тушиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биринчи йил гектаридан юз пуд олдик, Эру хотин меҳнат ҳақин қопга солдик.* Ғ. Ғулум, Танланган асарлар. *..бир ярим пуд ғўштнинг аъзолар ризоликлари билан бир пудини Мулла Обидга ва ярим пудини Мардонбойга орттириб берадилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ПУДЛИ 1 Пуд оғирлигидаги. *Икки пудли тош.* ■ [Бобом:] *Молхонага киринг, ярим пудли кетмон турибди. Ана ўшани мининг-*

да, далага чиқиб, айриплон қилиб учинг, хўпми? Давлатимизнинг сиздан бошқа учувчилариям бор. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

2 Маълум пуд юк элтадиган, кўтарадиган. *Ҳужабеков, куни билан елкасидан беш пудли қоп тушмаган юкчидай, эшикнинг кесақисига суянди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ПУДРАТ [р. подрядить — «вакцинчалик ишга юбормоқ, бирор нарсани олмоқ, топмоқ» фл. дан] Бир томон иккинчи томон буюртмаси асосида маълум бир ишни тулиғича (батамом) бажариб бериш мажбуриятини олганлиги ҳақидаги шартнома ва шу асосда бажариладиган ишнинг ўзи. *Пудратни ўз вақтида бажармоқ. Ишни пудратга олмоқ. Бинони пудратга олган қурилиш ташкилоти.* ■ *Ҳамма юракдан меҳнат қилади — менга оилавий пудратнинг шуниси маъқул.* «Саодат». *Қурилишдаги пудрат ишлари ҳажми 13 фоизга кўнайди.* Газетадан.

ПУДРАТЧИ [р. подрядчик] Пудрат асосида ишлайдиган киши ёки ташкилот. *Асосий пудратчи. Пудратчи ташкилотлар.* ■ *Пудратчи бракка йўл қўйган экан, буюртмачи қаёққа қаради, дерсиз.* «Муштум». *Корхонамиз аксарият қурилишларда бош пудратчи сифатида иштирок этади.* Газетадан. *Пудратчилар бу йил ҳар гектар майдондан камида 70 центнердан хирмон кўтариш ниятидалар.* Газетадан.

ПУК(КА) Ошиқнинг чиккага қарама-қарши, думбоқ томони. *Товва пуккани ёйди; олчи чиккани ёйди дегандек, бой берсангиз нима, сиз ҳам ютиб юргансиз.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Ошиғим пукка тушса ҳам розиман, деб турган эдим, бирдан олчи бўлиб кетди.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди. [Мулладўст:] *Қўйинг, ўша қози доқлангизга ҳам отган ошиқнинг ҳалмаси пуккасиа тушди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПУЛ 1 [ф. پول — пул, ақча; баллиқ тангаси] 1 Олди-сотди ёки тўлов муомалаларида нарх, баҳо, қиймат ўлчови бўлган металл ёки қоғоз белги; ақча. *Қоғоз пул. Танга пул. Нақд пул. Пул майдаламоқ. Пул бўлса, чангалда шўрва.* Мақол. *Пули куйган қалампир чайнар.* Мақол. ■ *Сидиқжон.. кечки пайт кўчага чиқмоқчи бўлган эди, Анзираат хола, унинг пули йўқлигини билгандай, соч олдиргани пул берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Йўлқирага пулимиз, ниёда қайтишга иложимиз бўлмаганидан қолиб кетдик.*

М. Исмоилий, Фарғона т.о. [*Санавбар Хайринисога:*] Сизга ҳам гапираман, пул учун имони ва қизини сотадиган отамга ҳам гапираверман. Ҳамза, Туҳматчилар жазоси.

Пул бўлмоқ Пулга алмашинмоқ, сотилмоқ. *Нарса сотсанг, пул бўлади, Эрта-индин кул бўлади.* Мақол. **Пул қилмоқ** 1) пул ҳисобига бермоқ, сотмоқ, пулламоқ. *Уйни безашдан бошқа нарсага ярамайдиган асбобларни йиғиштирдим, барини сотиб пул қилдим.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ишлаб ёки бошқа йўл билан пулни қўлга киритмоқ, пул тўпламоқ. **Пул(нинг) қадрсизланиши қ. инфляция.** Пулнинг қадрсизланиши суръатлари мунтазам равишда ва изчилик билан пасайиб бормоқда. Газетадан.

2 Сармоя, маблағ. *Қурилишга пул ажратмоқ.* ■ **Пул-чи?** Пул ҳам туғади. Жуда кўп туғади, тез туғади, айниқса, бу замонда пул сертухум бўлиб кетган. Ойбек, Танланган асарлар. *Нукул пул ва фойда кетидан қувсақ-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса, бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ.* Газетадан.

3 с.т. Иш ҳақи; маош. *Қоровул пули. Бугун пул оладиган кунимиз.*

4 эск. Баъзи ерларда ярим тийинга, баъзи ерларда бир тийинга тенг бўлган пул ўлчов бирлиги ва шу қўйматдаги майда пулнинг ўзи. *Нарх билиб келган болага йигирма пул бериб, орқаси куймаганини олиш шарти билан нонга юборди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Йиқитган болаларга икки пулдан соврин бериб томоша қилиб ётган икки бойнинг бири шу — Ниёзмат ҳожии бўлиб, ҳажедан янги келган йиллари эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Бир (ёки икки, уч) пул 1) бир ёки икки, уч тийин. *Бир пул бериб йиғлатдим, минг пул бериб тиндирдим.* Мақол; 2) ҳеч нарсага арзимайдиган, аҳамиятсиз, бир тийинга ҳам қиммат. *Бу гаплар унга бир пул. Ҳамма унга бир пул.* ■ *Журабоев Юсуфийнинг далиларини бир пул қиладиган мақола ёзибди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Турди ғилай олти йиллик тоат-ибодатини бир пул қилди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

5 Афғонистоннинг асосий пул бирлиги — афғонийнинг юздан бир улушига тенг майда пул, танга.

Пулга чакмоқ қ. чакмоқ V. Пулни пул билан ўйнамоқ дағл. Меҳнат қилмай осонлик билан пул топиб, бебилиска сарф қилмоқ,

унча-мунча пулни назарга олмаслик. **Пулнининг сассиғига ётолмайди** с.т. Жуда бой, пулдор одам ҳақида айтиладиган ибора.

ПУЛ II [ф. پل — кўприк] эск. кт. айн. **кўприк.**

Пули сирот қ. сирот.

ПУЛДОР [ф. پولدار — пулга эга бўлган, пулли] Кўп пулга эга бўлган, пули кўп. *Пулдор одам — қанотли одам, бу қанот билан мағрибдан маширққача учасан, ҳар ерда ошна-оғайни, дўст-ёр топасан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қарздор бўлишдан пулдор бўлиш яхшироқ.* Газетадан. *Пулдорлар ҳар бир нарсани ўз вақтида ғамлаб, арзонга туширишади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ПУЛЕМЁТ [р. пуля — ўқ ва метатъ — отмоқ] Ўқни тез отадиган автоматик қурол. *Қул пулемёти. Лентали пулемёт.* ■ *Бу орада халқ оқими Ўрда томонга йўл олди. Аллақерда пулемёт тариллади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Тепаликнинг этаида писиб ётган немис пулемёти пиёда аскарларимизни ёнбошдан ўққа тута бошлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ПУЛЕМЁТЧИ Пулемёт отувчи, пулемёт билан қуролланган аскар. *Пулемётчилар взводи.* ■ *Узоқда машҳур пулемётчи Абдуллаев, унинг орқасидан Асқар полвон пулемётни судраб борарди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

ПУЛЛАМОҚ с.т. Нарсани пул эвазига бермоқ, сотмоқ. *Маҳсини уч кун ҳайшда кийиб, сақлаб қўйгандим, ана уни пуллаб, тағчарм оламиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Хўжайин, — деди, — аввало Деҳқонбой буйинтоблик қилди, бизлар ҳам буйш келмай, ҳукм чиқариб, ҳовлисини пулладик.* У. Исмоилов, Сайланма.

ПУЛЛИ 1 Пули бўлган, пули бор. *Пулли — ботир, пулсиз — ётир.* Мақол.

2 Пул тўланадиган, пул эвазига олинмадиган, берилмадиган ёки қилинадиган. *Пулли концерт. Пулли мағруза.* ■ *Қизил Ярим ой жамияти томонидан ташкил қилинган пулли поликлиникага директор қилиб тайинлашни сўради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Пулли хизматларни бир ярим барабар кўпайтириш режалаштирилди.* Газетадан. *«Олий бизнес мактаби»да ўқши пулли-контракт асосида бўлиб, «Бошқарув бизнес магистри» дастури бўйича халқаро талаб-*

лар ва халқаро программа асосида олиб борилади. Газетадан.

3 (фақат миқдор ифодаловчи сонлар билан) Пул, тийин қийматидаги. *Тўққиз пулли носвой. Уч пулли аҳамияти йўқ нарса.* ■ *Олти пулли тақадек. Кўзи ирғиб бақадек, Оч муҳлиснинг қўлида Утмай қолган чақадек Шайх ҳазратларига салом. Ҳамза.*

ПУЛПАРАСТ [ф. *полپرست* — пулни севувчи, пулга сиғинувчи] Пулга ўч, пул тўплаш пайига тушган. *Пулпараст одам.* ■ *Ўғил отасига ўхшаган хасис, пулпараст, судхўр эмас. Бироқ виждонсизлик, хасислик ва шафқатсизликда отасидан сира қолишмайди.* М. Қодиров, Бой ва судхўрнинг фош этилиши.

ПУЛСИЗ 1 Пули бўлмаган, пули йўқ. *Пулдор одам Москвага, Варшавага боради. Пулсиз одам ўз жойидан бир қадам силжисинчи!* Ойбек, Танланган асарлар.

2 с.т. Пул тўланмайдиган, текин, бепул. *Пулсиз лекция. Пулсиз тарқатилган брошюра.*

ПУЛСИЗЛИК Пулга эга бўлмаслик, пули йўқлик. *Саидий бир сўм ишласа, оила ўн сўм талаб қилади. Саидий ўн сўм ишласа, оила пулсизликдан қон-қора қақшайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ПУЛСИРОТ с.т. айн. пули сирот қ. сирот. *Дузах узра, ўт узра, ҳайҳот, Кўприк шуми.. яъни пулсирот?* М. Али, Боқий дунё.

ПУЛЬВЕРИЗАТОР [фр. *pulverisateur* < лот. *pulvis, pulveris* — чанг, кукун] Суюқликларни пуркайдиган ёки кукун моддаларни чангитиб, тўзғитиб сепадиган асбоб; пуркагич. *Дарахтларга дори сепадиган пульверизатор.* Пульверизатор билан бўёқ бермоқ.

ПУЛЬМОНОЛОГИЯ [лот. *pulmo, pulmonis* — ўпка + юн. *logos* — фан, таълимот] Тиббиётнинг ўпка, бронхлар ва плевранинг тузилиши, иш фаолияти ҳамда касалликларини ўрганувчи, ушбу касалликлар профилактикаси ва даволаш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

ПУЛЬПА [лот. *pulpa* — эт, гўшт; юмшоқ нарса] Тишни қон билан таъминлайдиган қон томирлари, лимфа томирлари ва нерв толаларидан ташкил топган юмшоқ тўқима.

ПУЛЬПИТ [пульпа + лот. *itis* — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] Тиш бўшлиғини тўлдириб турадиган ғовак бириктирувчи тўқима — пульпанинг яллиғланиши.

ПУЛЬС [лот. *pulsus* — туртки, зарба] тиб. Юракнинг қисқариши натижасида ундан келаётган қон оқими таъсири билан қон томири деворчаларининг ритмик силкиниши, тепиши, уриши, шуниингдек, баданнинг томир тепкиси сезиладиган жойи. *Пульс — тамсон. Беморнинг пульсини кўрмоқ. Пульсни ўлчамоқ.*

ПУЛЬТ [нем. *Pult* < лот. *pulpitum* — тахтасупа, кафедра] 1 Ноталар қўйиш учун ишлатиладиган, бир томонга нишаб, узун оёқли столча. *Дирижёр пульти.* ■ *Кийинишидан олақарғани эслатувчи, сочи жингалак, чиройли бир йигит дирижёрлик пультига чиқиб, қўлидаги таёқчасини қимирлатувдиямки, залда оркестр садолари янгради.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 тех. Бирор нарсани автоматик бошқарадиган асбоб, аппаратлар ўрнатилган жой (стол, стенд ва ш.к.). *Бошқариш пульти. Диспетчерлик пульти.* ■ *У бошқариш пульти ёнидаги креслога ўтириб, бироз мизғимоқчи бўлди.* Афсуски, бу ҳам насиб этмади. «Ёшлик». *Бу жойда каттагина бошқариш пульти ўрнатилган экан.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

3 Радиотелеаппаратураларни бошқарувчи асбоб. *Телевизор пультини босмоқ.*

ПУМА [исп. *puma* < индейс тилларидан] Американинг тоғ ўрмонларида яшовчи, мушкусимонлар оиласига мансуб йиртқич сугъмизувчи ҳайвон.

ПУНКТ 1 [лот. *punctum* — нуқта] 1 Ер юзидаги ёки фазодаги алоҳида белгиси, хусусияти билан ажралиб турадиган нуқта, маълум бир жой, ер. *Географик пункт. Стратегик пункт.* Аҳоли яшайдиган пункт. ■ *Куни кеча жойлардаги қабул пунктларида янги тилла ҳосили ортилган карвонлар кела бошлади.* Газетадан. *Шаҳарларда ва аҳоли пунктларида патруль-йўл хизмати бўлинмалари ташкил этилган.* Газетадан.

2 Бирор иш, машғулот, тадбир кабилар учун белгиланган, махсус жиҳозланган бино ёки жой. *Телефон станциясининг гаплашиш пункти. Тиббий ёрдам пункти. Пахта пункти. Команда пункти.* ■ *Полковник Грейдер ўз кузатиш пунктида туриб, стереотруба орқали жангни кўздан кечирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мактаб, боғчаю қишлоқ врачлик пункти курси, ёмонми?* Газетадан.

3 Матн, қонун, қарор кабиларнинг рақам ёки ҳарф билан белгиланган алоҳида қисми; параграф, модда. *Уч пунктдан иборат қарор. Йигирма пунктдан иборат қоида.*

4 *плгрф.* Босмаҳона белгилари (ҳарф, рақамлар ва б.) ўлчамларини аниқлашда энг кичик бирлик.

ПУНКТИР [лот. punctum — нуқта] Алоҳида-алоҳида ўзаро яқин жойлашган нуқталардан (...) ёки чизиқчалардан (---) ташкил топган узун чизиқ. *Пунктир билан чизилган тасвир.* ■ *Агар ёйилмани пунктир чизиқлар бўйича керакли тарзда буксак, унда ўрт бурчакли тўғри призма деб аталувчи геометрик жисм ҳосил қиламиз.* «Геометрия».

ПУНКТУАЦИОН Пунктуацияга, тиниш белгиларига оид. *Пунктуацион қоидалар. Пунктуацион белгилар. Пунктуацион хатолар.* ■ *Китобда баъзи имловий ва пунктуацион хатолар учрайди.* Газетадан.

ПУНКТУАЦИЯ [лот. punctum — нуқта] тлш. 1 Маълум бир тил ёзувидаги тиниш белгилари тизими.

2 Ёзма матнни пунктуацион расмийлаштиришни тартибга солувчи, ҳар бир тилда тарихан шаклланган қоидалар, меъёрлар. *Ўзбек тили пунктуацияси.*

3 Тиниш белгилари тизими қонуниятларини, шунингдек, тиниш белгиларининг қўлланиш меъёрларини ўрганадиган тилшунослик бўлими.

ПУНКЦИЯ [лот. punctio — санчиш] тиб. Даволаш ёки диагностика мақсадида организмдаги бирор бўшлиқ, қон томири ёки аъзога шприц игнаси санчиш муолажаси.

ПУР [ф. pur — тўла, тўлиқ, жуда кўп] Тўла, кўп. *Кўз равоқини сен эттинг пур нур, Кунгил эвини сен эттинг маъмур.* М. Солиҳ, Шайбонийнома.

ПУРВИҚОР [пур + виқор] кт. Виқорли, сервиқор. *Устига-устак заминнинг — пурвиқор, улуғвор тоғлар Улкасининг табиати, оппоқ кўпириб оқаётган дарёнинг шовуллаши менинг руҳиятимга пўртаналар, тошқинлар олиб келади.* Газетадан. *Бўйдор қарағайлар кучли қўлларини ёруғликка чўзгандай яна ҳам азамат ва пурвиқор кўриндилар.* Ойбек, Кўёш қораймас. Тоғларнинг пурвиқор салобати, сирли улуғворлигидан ҳайрат, ҳаяжоним ҳаприқиб кетди. «Саодат».

ПУРИЗМ [фр. purisme < лот. purus — соф, тоза] 1 Адабий тилни бошқа тиллардан олинган ўзлашмалар, неологизмлардан, вульгаризмлардан сақлашга интилиш. *Маърузада белгиловчи қоида сифатида миллий тиллар терминологияси ўртасида минимал тафовут принципи майдонга қўйилади, чунки максимал тафовут принципи муқаррар пуризмга олиб боради.* «УТА».

2 Урф-одатлар (фешл-атворлар)нинг софлиги ва жиддийлигига интилиш.

ПУРКАГИЧ Ўсимликларга сув ва суюқ моддалар пуркаш учун ишлатиладиган мослама, асбоб. *Пуркагич билан экин майдонига дори сепмоқ.* ■ *Мавсум муваффақиятини таъминлаш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Пуркагичлар, терим машиналари, транспорт воситалари созланиб, старт кутиб турибди.* Газетадан.

ПУРКАМОҚ 1 Сув ёки бошқа суюқ нарсани куч билан зарраларга айлантириб сочмоқ. *Вилтага қарши дори пуркамоқ.* ■ [Чол] *Терига сув пуркайди ва кўва билан дўқ-дўқ уриб, чармини текислайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биров қанотларингизнинг тагига сув пуркаб қўйганми дейман, даврага тушолмай, мирғайиб турибсиз.* «Аския».

2 *кўча* поэт. Сочмоқ, таратмоқ. *Ҳозиргина дилига нур пуркаган ўйлар яна кўнглини гаш қилувчи оғир гумонлар билан алмашинганди.* О. Ёқубов, Ларза. *Аммо саратон тандири ўчакишгандай яна ҳам аланга олиб, оташ пуркарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПУРКАШ қ.х. Экинларни ҳамда ўрмонзорларни зараркунандалар, касалликлар ва берона ўтлардан ҳимоя қилишда махсус пуркагичлар билан пестицид эритмаларини сепиш; дефолиация усулларидан бири.

ПУРМАЗМУН [пур + мазмун] Мазмунли, сермазмун. *..ҳар бири дард билан суғорилган бениҳоя пурмазмун ва гўзал шеърлар.* Газетадан.

ПУРМАЪНО [пур + маъно] Маъноли, сермаъно, маънодор. *Албатта, бунда рамзий, тасаввуфга хос пурмаъно ҳам бор.* Газетадан. *Назм гулшанининг пурмаъно ҳикмат соҳибларини ўзбекнинг ўзига бек бўлганига 7 йил тўлиши муносабати билан «Истиқлол мушоираси»га чорлаймиз.* Газетадан.

ПУРҚУДРАТ [пур + қудрат] кт. Қудратли, серқудрат. *Афсуски, радиомиз кўпин-*

ча халқ билан мана шу бой, чиройли, пурқудрат тилда гаплашмайди. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

ПУРҲИҚМАТ [пур + ҳикмат] *кт.* Ҳикматли, серҳикмат, ҳикматга бой. *Муҳтарам устод Шавкат афандининг пурҳикмат китобларида.. муҳим гаплар бор.* К. Яшин, Ҳамза. *Буюк бобокалонларимизнинг пурҳикмат сўзлари битилган лавҳалар маърифатингизни бойтади.* Газетадан.

ПУСМОҚ *шв. айн. писмоқ.* Бўрибосарлар ҳаво димлигида қаерларда нусиб ётганини ҳеч ким билмасди. «Ёшлик». *Уруш! Бундай пайтда эр кишининг жойи жангоҳда! Бировлар қон кечиб юришса-ю, сен уларнинг панасида нусиб ўтирсанг.* «Ёшлик».

ПУТ I *шв. I айн. оёқ I.*

2 Икки оёқ оралиғи, чатаноқ. *Лайлакнинг юришини қиламан, деб читтакнинг пути йирилибди.* Матал. ■ *Уккининг оёқларини бириктириб боғлаб, бошини путига қистирган.* Ф. Фулом, Соялар.

ПУТ II [р.] *с.т.* Пуд. [Қўй] *Бир ярим пут мой беради. Суюғигача мой: эртага норинхўрлар маза қилади-да.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юки бир чарх ила 3 пут келатурган эски-туски, латта-путталардан иборатдур.* М. Беҳбудий, Қасди сафар.

ПУТЁВКА [р. путёвка — йўлланма < путь — «йул» с. дан] I Бирор жойга, мас., ўқшга, дам олиш уйига, ишга юбориладиган кишига бериладиган махсус ҳужжат, йўлланма. *Санаторий путёвкиси.* ■ [Пўлат-жон] *Учувчилик мактабини яқинда битириб, Тошкент аэропортига путёвка олармиш.* Ҳ. Назир, Сунмас чақмоқлар. *Алоҳида комиссиядан ўтиб, академияга путёвка ҳам олдим.* Ф. Фулом, Танланган асарлар.

2 махс. Автомашина ва б. транспорт воситалари ҳайдовчиларининг қўлига бериладиган, маршрут ёки бажарилиши зарур бўлган иш ёзиб қўйилган варақа.

ПУТУР *с.т.* Футур, шикаст, зарар. *Бу ҳол китоб тили учун катта путурдир.* М. Жўра, Ноширнома. *..У бироз тўлишибди. Лекин бундан ҳуснига заррача путур етмабди.* «Ёшлик».

ПУФ *тақл. с.* Нафас олиш, ўтни ўчириш ёки алангалатиш ва иссиқ нарсани совитишда икки лаб орасидан кучли босим билан ҳаво чиқишида эшитиладиган товуш ва шу ҳаракатнинг ўзи ҳақида. *Мулла Саид Жалол-*

хон.. бурнига қўнган пашшани қўлидаги рўмолча билан қўриш малол келди, шекилли, остки лабини чўзиб, «пуф» деди. А. Қаҳҳор, Башорат. [Гулнор] *Ёнидаги чироқни «пуф» деб ўчирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шунинг учун болалари касалманд кўринишаркан-да! Далавоининг аёли «пуф» деса, учиб кетадиган, рамақижон экан.* «Ёшлик».

Пуф сассиқ *шв.* Ёқмай қолган, ёмонга, яроқсизга чиқарилган кимса, нарса ҳақида айтиладиган ибора. *-Ёшироғини тондингизми? — деди Қимматхон [Умматалига] дабдурустан. -Сен тонганингдай, менга ҳам насиб қилгани бордир. Ҳар ким ўз кўнгли тортиган ошни ичади. -Ҳо-о, — деди Қимматхон чўзиб, — энди мен «пуф сассиқ» бўлдимми? Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

ПУФАК I Суюқликда, суюқ массада ҳосил бўладиган, ичи ҳаво билан тўлган шаффоф шарча. *Совун пуфаклари.* ■ *Пайт баҳор эди, Ёмғир тушиди-да, Томчидан улкан Бир пуфак шишди.* Нурбек.

2 Қайноқ сув ва б. нарсадан куйиш натижасида терида пайдо бўладиган, ичи суюқликдан иборат оғриқли бўртиқ, пўрсилдоқ.

3 *анат.* Одам ва ҳайвонлар организмда суюқлик тутиб турувчи ёки суюқлик тўп-ланадиган юпқа қоғчик. *Ут пуфази. Сийдик пуфази.* ■ *Урта мия пуфази одамда ва юқори ҳайвонларда бош миyaning нисбатан жуда оз қисмини ҳосил қилади.* «Анатомия».

4 Ичига ҳаво ёки энгил газ тўлдириб шиширилган, юпқа, чўзилувчан нарса; шар. *Бирнасан кейин лагерь устида думига каттакон пуфак боғлаб олган самолёт пайдо бўлди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ПУФАКЧА *Пуфак* с. кичр. *Совун пуфакчалари. Мия пуфакчалари.* ■ *Элмуроднинг.. панжалари орқасида пуфакчалар пайдо бўлибди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ПУФЛАМА: *пуфлама мусиқа асбоблари* Ҳаво оқимининг чолғу каналида тебранишдан товуш ҳосил бўладиган созлар гуруҳи (сурнай, карнай, флейта ва б.).

ПУФЛАМОҚ I Икки лаб орасидан кучли босим билан ҳаво чиқармоқ, дам урмоқ. *Чироқни пуфлаб ўчирмоқ. Шарни пуфлаб шиширмоқ. Халқ пуфласа, бўрон бўлар. Мақол.* ■ *Рафиқ пуфлаган эди, [хуштак] жуда қаттиқ чуруллади. Бола бениҳоят суюнди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эргаш ўрнидан*

туриб, чайла бурчагида илиғлиқ турган чопонини олиб, елкасига ташлади. Пуфлаб, чирокни учираётган эди, ташқарида мотор овози эшитилди. «Ёшлик». Оғзи куйган одам қатикни ҳам пуфлаб ичади, деган мақол бор. К. Қахҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

2 Оғзидаги нарсани ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими билан чиқариб, туфлаб ташламоқ. Абдуманноп иштаҳа билан чайнаб турган гўштни пуфлаб ташлади. А. Қахҳор, Оғайнилар. У Саудийнинг шарбатини сўриб бўлди. Энди пўчоғини пуфлаб ташлаши керак. А. Қахҳор, Сароб.

ПУФПУФЛАМОҚ с.т. 1 қ. пуфламоқ 1. У газга чой қўйиб, эрталаб ювиб, ёйиб қўйган кирларини дордан йиғиштирди-да, исқидан пуфпуфлаб, уйига кириб кетди. С. Зуннунова, Кўк чироклар.

2 Авайламоқ, асрамоқ. Уни пуфпуфлаб катта қилди.

ПУХТА [ф. پختە - қайнатилган; пишган; тажрибали, моҳир] 1 Узоқ чидайдиган қилиб ишланган; пишиқ, мустаҳкам. *Пухта газлама. Пухта арқон. Пухта иморат. Пухта тўқилган пайпоқ.* ■ Куннинг қизигида кенг тош йўлда пухта этикларини қалдиратиб илдам юрган аскар йигит.. терлаган юзида бирдан шабада нафасини сизди. Ойбек, О. в. шабадалар. *Кўчама-кўча пухта гишлардан тўшаб, тахтиравон йўл солди.* «Нурали».

2 Пишиқ, ҳар томонлама ўйлаб иш қилдиган. *Пухта одам. Пухта ташкилотчи. Пухтанинг иши беш, шошманинг иши буш.* Мақол. ■ -Ҳа, сен пухтасан, — дея Тўғайсари яна ёнбошлади. — Балки сениям билганинг билгандир. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

3 Атрофлича, чуқур ўйланган, асосли; пишиқ. *Пухта фикр. Пухта иш. Пухта асар.* ■ *Хатиб домла ҳақсизликка қарши.. пухта тадбирларни кўради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бу гални алоҳида эътироф этиш керакки, буларнинг бариси ҳаётини, бадиий жиҳатдан пухта, ишонарли чиқади.* К. Қахҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Йўл-йўлакай қиз жуда кам гапирар, фақат саволларга жавоб берар эди, жавобларни ҳам олдин пухта ўйлаб, кейин айтарди.* Ф. Мусаёнов, Ҳури.

4 Камчилиги, кам-кўсти бўлмаган, бекам-кўст; тўла-тўқис. *Назарий жиҳатдан пухта тайёргарликка эга бўлган мутахас-*

сис кадрлар. Қишлоғга пухта тайёргарлик кўрмоқ. ■ *Сиёсий мустақиллик пухта ва мустаҳкам иқтисодий заминга эга.* Газетадан.

ПУХТАЛАМОҚ 1 Пухта қилмоқ, пиширмоқ. [Мастура:] *Айтмоқчи, биз поччангиз билан маслаҳатни хўп пухталаб қўйганмиз. Ҳамза, Паранжи сирлари. Иш бошдан пухталанган, қандай ерга бораётганлари айтилган экан, хайрият! Ойдин, Мардлик — мангулик.*

2 Асосли равишда, тўлиқ ўзлаштирмоқ. *Билимини пухталамоқ.* ■ *Холиқ чираниб дейди: -Осонгина кираман. Уч ой пухталаб ўқиб, Монтёр, радист бўламан. Қ. Муҳаммадий.* **Оғзини пухталамоқ** Ошикча сўз демайдиган, сир айтмайдиган қилмоқ. *Боланинг оғзини пухталаб қўймоқ.*

ПУХТАЛИК 1 Ҳар тарафлама асослилик, пишиқлик; тўла-тўқислик. *Асарнинг пухталиги. Пухталиқ билан иш олиб бориш.*

2 Буюмнинг белгиланган хизмат муддати давомида иш қобилиятини муайян чегарада сақлаган ҳолда ўз функциясини бажариш хоссаси; пишиқлик, мустаҳкамлик.

ПУЧ [ф. پوچ - бўш, ғовак; қуруқ, мазмунсиз; бекор, фойдасиз, самарасиз] 1 Ичи бўш, мағзи йўқ ёки тўлиб етилмаган. *Пуч ёнғоқ. Пуч данак. Пуч уруғ. Пуч пилла.* ■ *Ота-онам эски одамлар. Булар олдида ишқининг пуч ёнғоқча қадри йўқ.* Ф. Фулом, Танланган асарлар.

Пуч калла Ақлдан, билимдан холи калла.

2 *кўчма* Асоссиз; амалга ошмайдиган; хом, қуруқ, ёлғон. *Пуч даъво. Пуч ваъда.* ■ *Олий мактаб орзуси мен учун ёлғиз пуч хаёл бўлса ҳам, ундан воз кеча олмадим.* Ойбек, Нур қидириб. *Дўстлар, деманг бу пуч хаёл. Ҳамза.*

Пучга чиқмоқ Асоссиз бўлиб чиқмоқ, амалга ошмай қолмоқ, йўқ бўлмоқ. *Сидиқжоннинг бу вазоҳати Зуннунхўжанинг ўйини пучга чиқарди.* А. Қахҳор, *Кўшчинор* чироклари. *Охирги умиди ҳам пучга чиқди.* Ҳ. Ҳошимов, *Қалбинга қулоқ сол. Таги пуч* 1) асоси йўқ, асоссиз. *Таги пуч тап;* 2) замири бўш, таянчи йўқ. *Оқ подшонинг таги пучга ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қўйинини пуч ёнғоқча тўлдирмоқ** Амалга ошмайдиган, қуруқ ваъдалар билан алдамоқ.

ПУЧАЙМОҚ Шишган, қаппайган ҳолатидан бўшаб, кичрайиб қолмоқ; бўшашиб, шалвираб кичраймоқ. *Коптоқ пуча-*

ийб қолибди. Қорни пучайиб қолибди. Дами чиққан пуфакдай пучаймоқ.

Илиги пучаймоқ (ёки **қуримоқ**) Ҳол-қудратдан кетмоқ, тинка-мадори қуримоқ (яна қ. илик). Ариқ қазувчиларнинг овқатдан силлалари қуриб, иликлари пучайган.. дармонсиз эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Очликдан силлам қуриб, илигим пучайган чоғимда ҳам сизларга ялинмайман. Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Кармони пучайди** Кармонида ҳеч нарса қолмади.

ПУЧАК [ф. پوچک] 1 Ичи буш; пуч. Пучак шар. Баллон пучак бўлди.

2 **кўчма** Ҳеч нарсага арзимайдиган, қиммати тушиб кетган; қадрсиз, пуч. [Фофир:] Бу ёруғ дунёга нима учун келдик? Нанки муҳаббат, дўстлик, мурувват, одамгарчилик деган улуг гапларни бозорга олиб чиқсалар, пучак пулга сотсалар! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 **кўчма** Асоссиз, пуч. У [Машҳадий] султонларни, бекларни.. пучак, лекин кўз қамаштиргич ялтироқ сўзлар билан мадҳ этмоққа моҳир. Ойбек, Навоий.

4 Кўлидан иш келмайдиган; қуруқ. Шундай улуг ишларда кишиларнинг сараги саракка, пучаги пучакка чиқади. Ойбек, О. в. шабадалар.

ПУЧАКИ айн. пучак. Пучаки чигит. Пучаки пул. Пучаки гап. Пучаки одам.

ПУЧМОҚ 1 эск. кт. Чет, пасткам жой, овлоқ; бурчак. Қишлоқнинг қоронғи пучмоғи. ■ Ахир, фольклорчи бўлиш, қайси бир пучмоқларда кўздан пана ётган халқ ижодининг дурдоналарини қидириб топиш.. уларни ёзиб олиб, китоб қилиб чиқариш.. — эҳҳа, игна билан қудуқ қазिशнинг айна ўзи-ку! «Саодат». Тоғларнинг бу хил пучмоқлари унга бегона эди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Атроф тумонат оппоқ эди. Бу оқлик жамики пучмоқлару хилват гўшаларга ҳам алланечук ғайритабиий куч орқали тарқалган. Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

2 **кўчма** Таг, туб; чуқур жой. Юрак пучмоғида қолган кирларни қалам билан тозалов шоирнинг иши. Ф. Фулом, Танланган асарлар. Ён-атроф қанчалик рутубатли, яъни қанчалик қора-қуюқ ранглар билан ўралган бўлмасин, кўнглингизга негадир илиқлик инди, бундан ҳам кўнглингиз ёришади, ҳам шуурингизнинг хира тортган пучмоқларида нимадир ғимирлайди. Газетадан.

ПУЧУҚ 1 Ясси, ёпишган ёки шикастланган (бурун ҳақида). Раҳимжон.. жуда хунук эди: қип-қизил гўшт, пучуқ бурнида доғлар, бошида тук. А. Мухтор, Туғилиш.

2 Қаншари паст, бурни ясси, ёпишган, кичик ёки шикастланган. Пучуқ бола. ■ Кўса ва пучуқ хоннинг бошидаги қимматбахо тожи худди сигирга урилган эгардек бесўнақай қўнқайиб турарди. М. Осим, Элчилар. Пучуқнинг келишдан мақсади фақат шу ёзиб бериладиган хатгина эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Бизни ҳақорат қилиб саваётган киши шу ерларнинг эгаси, машҳур Азим пучуқ деган бой экан. Ф. Фулом, Шум бола.

3 Болаларга нисбатан эркалаш, суйиш маъносида қўлланади. Пучуқ қизим, мунча ширинсан. ■ Кичик Тельман, сал пучуққина, қорагина, ўзи шўхгина. Миртемир, Асарлар.

4 Жўмраги синган ёки учган. Пучуқ чойнак. ■ Бояги гапни айт, деяпман! Сен пучуқ обдаста ўлгурга ким қўйибди бировларнинг ишига аралашишни? С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

5 **кўчма** Япасқи, учи кемтик (пойабзал ҳақида). Пучуқ этик. ■ Оёқларида кавуш ўрнига пучуқ калиш. «Ёшлик».

ПУШАЙМОН [ф. پۇشمان — ўқинувчи, ачинувчи, тавба қилувчи; ўз қилмишдан афсусланувчи] Ўз қилмиши учун руҳий эзиллиш ҳисси; афсусланиш; афсус, наломат. Пушаймон бўлмоқ (емоқ, қилмоқ). Сўнги пушаймон — ўзинга душман. Мақол. ■ Иқрор бўлдим: гуноҳим йўқдир, Очиқ юриб топган кишимдан Ва беизн қилган ишимдан Пушаймоним ва оҳим йўқдир. Ҳ. Олимжон.

Пушаймон бўлмоқ (ёки **емоқ**, **қилмоқ**) Ўз қилмиши учун руҳан эзилмоқ, афсус қилмоқ, афсусланмоқ. Отаси жаҳл устида шундоқ қилаётганини, зум ўтмай пушаймон бўлишини, бутун умидлари шу қизидан эканини билади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Қудратнинг ўзи ҳам кўчиб келишганига пушаймон еди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Гулнор айтганига пушаймон қилди, хатосини тўғриллаш учун сўзлашмоққа мажбур бўлди. Ойбек, Танланган асарлар.

ПУШТ [ф. پشت — орқа, елка; бел, сперма жойи; таянч, ҳимоя; ҳомий] 1 Одам ёки жониворнинг уруғ ёки тухумида бўладиган,

маълум шароитда ривожланиб, болага айланадиган, ўз ривожланишининг бошланғич босқичидаги аъзо; эмбрион. *Одамнинг пушти. Товуқнинг пушти.*

Пушти камар 1) оталик уруғи, сперма; 2) кишининг ўз фарзанди. *Менинг пушти камарим бу, суюкли ўғлим, Нурийдийдам васли учун тангрига шукур. А. Орипов, Йиллар армони. Пушти куйиш* Бирор касаллик натижасида бола кўрмайдиган бўлиб қолиш.

2 Кимса ёки оиланинг ўзидан аввалги авлоди ёки кейинги авлоди, авлод-аждод; насл. — *Менинг эрим.. тўплаган мол-дунёси икки пушга етади, — деди Кумуш. Т. Жалолов, Олтин қафас.*

Етти пушт Етти авлод ва аждод. *Етти пуштим ўтмаган отда, Бу аслида эмас катта ғам. «Шарқ юлдузи». Болангдан айланай, ундай қилманг. Сулаймоннинг қарғиши етти пуштимга етади, айланай. А. Кўчимов, Ҳалқа. Мирбадалбек, хушёр бўлинг, менинг қоним етти пуштингизга сачрайди! П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Пушти паноҳ (тўғриси пушту паноҳ) қ. паноҳ. *Дустим бор, душманим бор, маҳалла-кўй, гузарим бор, қариган чоғида кенжагинамнинг хотини менга пушти паноҳ, кўла-оёқ бўлармикин, деган эдим. Ф. Фулом, Танланган асарлар. Суянган тоғлари, пушти паноҳлари эшони Судурни бошлаб келишди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Пушти кўтармаслик* Ёқтирмаслик, тоқат қилолмаслик. *Ойиси этагидан тутган боладек юрадиганларни пуштим кўтармайди. О. Мухтор, Аёллар мамлакатаи ва салтанати.**

ПУШТА [ф. پشت — боғ, боғлам; тепача, дўнғча; тупроқ девор, ғов; марза] 1 қ.х. Ёнма-ён жўяклар орасидаги, одатда, қатор қилиб экин экиладиган узун ер бўлаги, экин палак отиши учун қолдирилган бўш жой. *Қовун пуштаси. ■ Бир-икки қадам юргандан кейин эса, бирдан помидор пуштасида кундадай ғудайиб турган эрига бир қаради-ю, юришиниям, юрмасиниям билмай қолди. А. Кўчимов, Ҳалқа. Қиз қошиқдай қора туфлисининг учи билан эгат пуштасини шиббалади. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

2 Икки ток қатори орасидаги ёки ишком ўртасидаги бўш жой. *Боғда саккиз узун ишком, ҳаммасининг поялари яхши ишланган, пушталари чопилган. Ойбек, Танланган асарлар.*

ПУШТАН Эгарнинг от қорнидан айлантириб ўтқизиб боғлаб қўйиладиган тасмаси; қоринбоғ. *Боз устидан тортади, ярақлатиб тилла пуштанни. «Нурали». Бир ёндан хазиначи бўлган қирқ йишитнинг бири бир тилла эгар.. пуштанлар, тилла узангиларни ҳозир қилди. «Гўрўғлининг туғилиши».*

ПУШТИ Шафтоли гули рангидаги; оч қизил. *Пушти гул. Пушти лента. ■ Зумрад ичкарига кириб, кийиниб чиқди. Эғнида гулдор пушти халат, дуррани дол қўйган, оёғида қизил бахмал шиптак. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Тувакларда оқ, сариқ, пушти гуллар очилиб ётибди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ПУШТУ(Н)ЛАР қ. афғонлар.

ПЬЕСА [фр. piece] 1 ад. Саҳнага қўйиш учун мўлжалланган драматик асар. *Тўрт пардали пьеса. Комил Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» пьесаси.*

2 мус. Кичик ҳажмли мусика асари.

ПЮРЕ [фр. puree — тоза] Мевалар ёки қайнатиб пиширилган сабзавотларни қирғичдан ўтказиб ёки эзиб, ийлаб тайёрланадиган егулик, қайла.

ПҮК 1 1 Ичи чириган ёки кавак. *Пук дарахт. Пук ёғоч. Бу толнинг ичи пук. ■ Нусратбек ҳам шундай қилди. Бироқ редиска пук экан. Туғлаб ташлашга уялди. С. Нуров, Нарвон.*

2 Бирор касаллик туфайли дарахт танасидан ўсиб чиқадиган, ғовак тўқимадан иборат ўсимта; дарахт буқоғи. *Толнинг пўки. Тут пўкидан сариқ бўёқ сифатида фойдаланилган. ■ Бу жангга душман ўз ихтиёридаги ҳамма нарсани ташлади; унинг орқа томони қуриган дарахтдек пўкидир. Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.*

3 кўчма Семиз, лекин кучи кам; хом-семиз. *Даланинг кўкига, одамнинг пўкига ишонма. Мақол. ■ Меҳнат қилиб ўрганмаган Камол пўк эди, бир-икки силтаниб, қўлларини Нодирдан зўрға бўшатиб олди. С. Юнусов, Қутилимаган хазина.*

4 кўчма Маъносиз, саёз, бўш (умри қисқа). *Замон пўк нарсани тез унутдирар, Яъни турғунликдан ҳаёт ўч олар, Эски лой қалъа йўқ, қиссаси турар, Ерга чўкиб кетган эски кўчалар. М. Шайхзода, Тошкентнома.*

5 шв. Пўкак, тиқин. *Тарелка ёнида ётган пичоқни олиб, унинг учи билан шиша оғзида-*

ги пукни олмоқчи бўлди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. [Мингбоши] Шишанинг тагига йўғон шاپалоғи билан икки марта урди, пук сачраб чиқиб, шипга теғди, сўнгра у ердан сачраб, тоқчадаги катта жомга келиб тушди; «жар-р-ранг» .. этди жом. Чулпон, Кеча ва кундуз.

Пук бермоқ Кўрқиш ёки қатъиятсизлик орқасида оғиздан гулламоқ, валдирамоқ, сир бой бермоқ. ■ Нима бало бўлди, эринг икковимизнинг ишимизни сезиб қолганми дейманов, ёки пук бериб қўйдингми? [деди йигит хотинга]. Ф. Фулом, Шум бола. **Пук учмоқ** Ёлгон гапга ишонмоқ, лаққа тушмоқ, лақилламоқ. — Омон ҳам менинг гапимга «пук» учган бўлса керак, икки гапнинг бирида «ҳаҳа, ҳаҳа», деб қўяр эди, — деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.

ПҮК II тақл. с. Ичи бўш ёки қавак нарсани урганда, қиздирилмаган чилдирмани чертганда, юракнинг қаттиқ уришида чиқадиغان товуш ҳақида. *Пишган қовоқ чертилса, пук этади.* ■ Аҳён-аҳёнда шампанскийнинг «пук» этган овози эшитилиб қолади. «Муштум». *Дуторнинг тинғир-тинғирю чилдирманинг пук-пук товушини атроф ютиб юбораётгандай эди.* «Ёшлик».

Пук этиб Бирдан, тўсатдан, кутилмаганда. *Қизинг беш-олти кун йиғлаб-сиқлаб кўнникчи ҳам қолар. Утдами, сувдами беш-олти кунда пук этиб униси ҳам ўлса, ана ундан кейин ўзининг хоҳлаганига берармиз, эсидан ҳам чиқиб кетар.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Нима, ажали этиб, иякни қоқишга қараб қолди, пук этиб ўлса, бўлганимиз бўлди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПҮКАК I Қорақайнлар оиласига мансуб доим яшил бир турли дарахтнинг (пўкак дубининг) пўстлогидан тайёрланадиган енгил материал. *Пўкакнинг енгиллик, шовқин ва иссиқликни ўтказмаслик хусусиятлари.* ■ *Пўкак қуришиш материалларининг энг енгили ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай материаллардан қилинган тикин; пробка. *Бир маҳалда кўзи олазарак бўлиб қўшнимнинг ўзи хонамга кирди. Эшикни зичлаб ёнди-да, шимининг чўнтагидан пўкаги очилган бир шиша вино олиб, стол устига қўйди.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 Ичи қавак, пук. .. *Ғиёсиддин суянадиган толларнинг ичи пўкак бўлиб, нураб қолган эди.* С. Аҳмад, Хукм.

4 кўчма Бўш, лапашанг. *Сен «тунгак» лар мунчалик пўкак бўлмаганларингда, бунақанги сасимасдиларинг.* Ҳ. Шамс, Душман. *Пўкакларни олиб отар қирғоққа, Мардлар юрагини обод этар вақт.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

5 кўчма Матьносиз, бўш. *Замиранинг ҳаёти Равшанга қаҳрамонликдек бўлиб туюлди. Унинг кунлари эса бекорга ўтди, ҳаёти пўкак, бемаъно.* Ф. Мусажонов, Равшан.

ПҮКИЛЛАМОҚ «Пук-пук» этган товуш чиқармоқ. *Қизлар бир-бирини ўйинга тортади, чилдирма пўкиллайди.* Н. Фозилов, Оқим.

Юраги пўкилламоқ айн. юраги безилламоқ қ. безилламоқ. *Ҳафиза автобусдан тушиб, юраги пўкиллаб, институт биносига кирди-да, тўппа-тўғри аспирантлар ўтирадиган умумий хона эшигини очди.* Мирмуҳсин, Умид. [Мунаввар:] *Юрагим пўкиллаб, ҳовлига кирдим. Ойим очиқ айвонда, хонтахта олдига ўтирган экан.* Ҳ. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

ПҮКОН Йўғон ичак. *Пўкондан қилинган ҳасил.* ■ *Мана шу пўконни ўйингизнинг шипига осиб қўйинг.* «Муштум».

Пўконидан ел ўтмаган Қийинчилик кўрмаган; меҳнат қилмаган; меҳнати синмаган. *Жанг кўрмаган, пўконидан ел ўтмаган, хом сут эмган йигитчадек, мусичаи бегуноҳ бўлиб туришингизни қаранг.* С. Кароматов, Олтин қум. *Баъзи ёшларнинг шундай ёмон бўлиб кетгани ҳақида боши қотарди.* *Пўконидан ел ўтмаганларнинг ҳаммасини ётқизиб қўйиб, камар билан савалагисни келарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ПҮК-ПҮК Пук II с. тақр. *Йўлда яланг-оёқ кетаётган барваста, гавдали одам, тутуннинг аччиғидан ўпкаси узилаётгандек, тез-тез ва пук-пук йўталарди.* «Ёшлик».

ПҮЛА [ф. پوله — шикастланган, эзилган] Зарб еб ёки пишиб ўтиб кетиб ичи тушган, ичи бўш. *Пўла қовун. Қовуннинг ёмони — пўла, Ҳешинг ёмони — бўла.* «Фольклор».

Боши пўла бўлмоқ Мияси қаттиқ зарбдан чайқалмоқ, лат емоқ. *Пўла бош Гап уқмайдиган, калтафаҳм, галварс. Бу пўла бошга энди тушунтирдим-а. Узи юшоқ супурги бўлиб қуринса ҳам, тошдан ҳам қаттиқ экан, занғар, — деб яна сипқорди.* К. Яшин, Ҳамза. **Пўла бўлмоқ** Зарб, лат емоқ. *Сафарбой ўн йигити билан дабдала бўлиб,*

балки тоза пўла бўлиб, кўп қамчини еб, Чамбилга қайтдилар. «Авазхон».

ПҮЛАТ [ф. پولاد — жуда қаттиқ кулранг металл] 1 Темирнинг маълум миқдордаги углерод билан қўшилишидан ҳосил бўлган, кулранг, чўкичланувчи қаттиқ металл. *Зангламайдиган пўлат.* ■ *Бе-е, менда пўлат нима қилади, тақсир. Эски тақалар, темир-терсақлар билан зўрға қимирлаб турибмиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шу металлдан тайёрланган, ясалган. *Пўлат сим. Пўлат қайчи. Пўлат тиш. Пўлат пичоқ қинсиз қолмас.* Мақол.

Пўлат из поэт. Темир йўл. *Янги машиналар келар бирин-кетин Дўстлик кура олган пўлат излардан.* Зулфия. *Пўлат от поэт.* айн. *трактор. Пўлат отни уйнатиб, Тракторчи бўламан.* Қ. Муҳаммадий. *Пўлат сандиқ қ. сандиқ. Пўлат қуш поэт.* айн. *самолёт. Кўкда ранго-ранг пўлат қушлар ҳамиша посбон.* Ҳабибий, Девон.

3 фольк. Қилич, шамшир. *Олмос пўлат боғлаб мен ҳам белимдан, Дев излаб чиққанман ўсган элимдан.* «Маликаи айёр». *Пўлат билан қирди девни, кескир ханжарини урди, яланғочлаб қилич солди.* «Маликаи айёр».

4 кўчма Метиндай мустақкам, бузилмас, енгилмас. *Пўлат қалға.*

5 Кучли, забардаст. *Қиш. Деҳқон аҳлининг пўлат мускулларига ҳордиқ берадиган, кўнги ёзадиган фасл.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бизнинг пўлат қудратимиз — бирлигимизда.* М. Шайхзода.

6 Пўлат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ПҮЛОТИЙ Сарик мағиз буғдой унидан тайёрланган, чакмич билан юзига гул солиб ёпилган йирик нон. *Самарқанднинг сариқ мағиз буғдойидан пиширилган, ҳар биттаси ойбаркаш нухса пўлотий, осийи нонларни еганмисиз?* Ғ. Фулом, Самарқанд сайқали. *Чойхоначи бир чойнак кўк чой билан патнисда тўрт чақмоқ қанд ва янги узилган нони пўлотийдан келтириб қўйди.* Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим.

ПҮМ бол. Бир-бири билан гаплашмай қўйган, уришиб қолган; араз. *Биз у билан пўмиз.*

Пўм бўлмоқ (ёки чиқмоқ) -Дада, ойимла билан пўм бўлдингизми? — сўради Витя. -А? Ким айтди? — кулгисини босолмай зўрма-

зўраки қовоғини солиб сўради Маҳкам ака. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ПҮНГ с.т. пўк. Азиза шу вақтгача қамчисидан қон томиб, сўзидан илон нуст ташладан дадасининг ичи пўнг эканини энди тушунди. Шухрат, Олтин зангламас.

ПҮНГҚАРҒА шв. Қора қарға, гўнқарға. *Қассоб дукони олдидаги қанорада уч-тўртта пўнғарға ивирсираб сакрайди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ПҮНҒИЛЛАМОҚ Норози кайфиятда димоғ билан секин ва ноаниқ сўзламоқ, гўнғилламоқ, пинғилламоқ. *Қора Аҳмад бир нима деб пўнғилади-да, ҳовлининг четидан юриб, бир уйча олдида тўхтади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу лаҳза Шукур Каримович гўдайиб турган Салимхон Обидийга хўмрайди, «Домла, расво қилдингиз!» деб пўнғиллади.* Мирмуҳсин, Умид.

ПҮПАК шв. айн. попуқ 1. *Бу туяларнинг.. бўйинларига ва тиззаларига кумуш.. қўнғироқлар, нўхталарига ипакли қизил пўпақлар тақилган экан.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Сўйла, дўмбира, боқайин, Бошингга пўпақ тақайин.* М. Алавия.

ПҮПАКЛИ шв. Пўпаги бор, пўпақ тақ(ил)ган. *Отлар оптоқ кўпикка ботган, ҳар жунидан тер чиққан.. қирқ йигит, пўпакли найзаси паршлаб, қалқон елкасида дириллаб.. келаяпти.* «Юсуф ва Аҳмад».

ПҮПАНАК 1 бот. Зах ерларни қоплаб ўсадиган яшил ранг замбуруғ ёки йўсин. *Ғишкўпрук ёнбошидаги ҳаммомнинг гўмбазларини пўпанак босиб кетган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Пўпанак ўт Замбуруғ ва сув ўсимлигининг бир-биридан фойдаланиб, бирга яшашидан вужудга келган кўк моғорсимон ўсимлик. *Ҳовузнинг четларини ҳар хил пўпанак ўтлар босиб кетган.* Ғ. Фулом, Шум бола. *Илиқ пўпанак ўтга юзимни босиб ётардим, бирдан шамоллаган одам товушидай хирқироқ товушлар эшитилди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 шв. Моғор.

Пўпанак босган 1) пўпанак билан қопланган, моғорлаган. *Ётоқда, айниқса, полда ётадиганларнинг тўшаги доим нам, қуримаган этиклари эрталабгача пўпанак босиб қолади.* А. Мухтор, Туғилиш; 2) кўчма ишлатилмасдан узоқ туриб қолган, чанг босган. *Уч тонна кунжара нега омборда пўпанак босиб ётади?* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ПУПИСА Шунчаки кўрқитиб қўйиш учун қилинган дук, юзаки дағдага. *Ҳокимнинг боя қилган зуғуми хўжа кўрсинга қилинган қуруқ пўписа эканини билгани учун зиғирча ҳам кўнгли чўкмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Унинг дабдурустдан пўписа қилиши нафсониятимга тегди. «Ёшлик».*

ПҮРИМ [р. форма — «расмий кийим» с. дан] **I** с.т. Башанг, олифта. *Улардан бири шимига гард юқтирмаслик учун икки ёнидан кўтариб олган, авайлаб қадам босаётган пўрим йигит Шавкат эди. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. — Жа пўрим бўлиб олибсанлар, — деди у дўлвор табиатига ярашмайдиган жиддий қиёфага кириб. «Шарқ юлдузи».*

2 Зеб берилган, ҳашамдор. *Биздан нари уч қишлоқнинг колхозида Ҳисобчимиш, пўрим ойнак шум кўзида. Ф. Фулом. — Сиз, — деди Азмиддин калта сийрак соқолини пўрим тарашлаган Бўронбекка қараб. — Сиз, Бек жаноблари, Камол билан бирга. Раҳмонқул қаророҳига жўнайсиз. Ҳ. Фулом, Машғал.*

ПҮРСИЛДОҚ I Дуккаклиларга мансуб, ҳосили пуфакка ўхшаш бута.

ПҮРСИЛДОҚ II I Теридаги қаварик, шиш; қавариб, қуруқшаб ёрилган жой. *Пўрсилдоқ лаблар. ■ Нусратбек бештиёр, тушимми, деб кўзларини юмиб очди: — Аҳмад тоға?! — Ҳа, ман, жиян! — у пўрсилдоқ қалин лабини ялади. С. Нуров, Нарвон.*

Пўрсилдоқ боғламоқ Шишмоқ, қавармоқ, қуруқшаб ёрилмоқ. *Пўрсилдоқ боғлаб ёрилган лаблари оҳиста пичирлади. «Ёшлик».* *Совуқда кўкариб, пўрсилдоқ боғлаган лабларини кўз олдига келтирди. А. Мухтор, Туғилиш.*

2 кўчма Куруқ, баландпарвоз, шунчаки. *«Қошинг, кўзинг», «қомати ағло, кўзлари лайло.» деган гаплар барчаси ёлғон, пўрсилдоқ гаплар. Мирмуҳсин, Чодрали аёл. Пўрсилдоқ гаплар турғунлик даврида авж олиб, жонда тегиб кетган. Газетадан.*

ПҮРСИЛДОҚ III Кўпчиб, бўртиб турган, билқиллама, юмшоқ. *Пўрсилдоқ бугдой нон. ■ Қоронғироқ бурчакдаги стол атрофида қўр тутиб ўтирган овақат ташувчилардан бири ўрнидан туриб, газда пиширилган, мағзи қалин пўрсилдоқ иккита нон келтирди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Азамат теракларга чирмашган аймоқи узумлар, пахса деворлар орасида ёқутдек ялти-*

раган олчалар, пўрсилдоқ оқ ўриклар. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ПҮРСИЛЛАМОҚ Бўртиб қаваринкирамоқ, кўпчиб, билқиллаб турмоқ. *Даладан ҳаллослаб Ҳакима ҳам келди. Унинг юзи иссиқдан, тердан пўрсиллаган эди. Ойбек, О. в. шабадалар. Пўрсиллаб қабарган сахро яшил гиламлар билан қолланди. Ойбек, Навоий.*

ПҮРТ тақл. с. Игна, тикан каби ўткир нарса кирганда, тешганда эшитиладиган товуш. *Игна кўлимга пўрт этиб кириб кетди. ■ — О, боламей, тақдир-да, тақдир, — дедилар бувим кўрпага пўрт этказиб игна урар эканлар. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

Пўрт учмоқ Дарҳол хушидан кетмоқ, донг қотмоқ; тил тортмай ўлмоқ. *Маст бўлиб, пўрт учди. ■ Парвардигор нега бу шайтонларни пўрт учуриб юбормаяпти? Ш. Тошматов, Тонгдаги қуланка.*

ПҮРТАНА I Кучли денгиз тўлқини, узок давом этадиган довул, бўрон. *Денгиз пўртанаси. ■ Пўртана ҳамма ерда шовқинсурон кўтармоқда. Десантчи кемалар унсиз бўғозга яқинлашдилар. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Кейин Тошкентда ҳам пўртана кўтарилди! Ниҳоят Бухорода. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

2 кўчма Тугён, эҳтирос. *Сезмакдаман, тўлмоқдадир паймонанг. Ўт олмоқда юрагингда пўртана. Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим. Маллаев газабим пўртанасини ломим демай кузатиб турди. Ҳ. Султонов, Онамнинг юрти. Лекин бу — юрагидаги пўртана кўлмакка айланди, деган гап эмас. «Шарқ юлдузи».*

ПҮРТАНАЛИ кўчма Тугёнли, эҳтиросли, жўшқин. *..ўша пўртанали воқеалар кечган жойларда эсимни таниганман, ўша воқеалар болаликдан менга азиз эртадек бўлиб қолган эди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

ПҮРТАХОЛ [а. پورتقال / ф. البرتقال — апельсин Жанубий Европада дастлаб етиштирилган Португалия номидан] эск. айн **апельсин**. *— Йўқ, — деди хатлар бўлимининг мудири билимдонлик билан. — Мандарин бул пўртахол, апельсиндан кичикроқ, лимондан ширинроқ қитрус дарахтининг меваси. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

ПҮСТ [ф. پوست — тери, қобик, пўчоқ; пўстлоқ; қўй териси] **I** Мева, сабзавот ёки дон сиртини ўраб турувчи қатлам, юпқа

пўчоқ. *Олманинг пўсти.* ■ *Эри сумкани очиб, олиб келган меваларидан бошқа беморларга улашди-да, апельсин пўстини ариб, хотинига тутди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Дўстлар бироз сўлиган бананларнинг олтинсимон пўстларини ариб, нон билан ея бошладилар.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Одам ва жониворларнинг танасини қоплаб турувчи юпқа тўқима, тери устидаги юпқа парда. *Унча-мунча гап менга юкмайди-да. Чунки терим пўст ташлайвериб, чармга айланаб кетган.* М. Иброҳимов, Эгасини топмаган мактуб. *Нусратбек холанинг офтобда қорайиб, пўсти кўчан муштдаккина юзи, пешонасидаги ажинларга разм солди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

3 Тери. *Оқ пўст одам.* ■ *..Ўрта бўй, оқ пўст, қора кўз, содда табиат бир хотин бўлиб, Тулахоннинг онасидир.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

4 геогр. Ер қобиғи. *Ер пўстида кислород, кремний, магний элементлари кўп учрайди.* «Фан ва турмуш».

5 анат. Мия яримшарларининг қобиғи. *Мияча ва катта мия яримшарларининг юзаси остида ёки умумий айтилишича, пўст остида ҳам кулранг модда тўламлари бор.* «Анатомия». *Фарбий Онтарио университетининг тадқиқотчилари бош мия пўстининг кўриш зонасига электродлар ўрнатилди.* «Фан ва турмуш».

Илон пўст ташлайди қ. илон. [Фотима:] *Буларнинг тайини йўқ, буларнинг қилиб юрган ишига илонлар пўст ташлайди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. **Пўсти устухонига ёпишган айн.** *устухони қолган қ. устухон.* **Пўстига сомон тикмоқ айн.** *терисига сомон тикмоқ, қ. тери.* *Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга.* Мақол.

ПўСТАК [ф. پوستак — «пўст» с. нинг кичр.] 1 Ўсиқ жунли ошланган теридан иборат тўшак. *Айиқ пўстаги.* Эчки пўстаги. ■ *Элчи ва унинг мулозимлари ҳам қатор қилиб солинган пўстақлар устига ўтирдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ўртага бир яшиқни хонтахта ўрнига қўйиб, атрофига пўстақлар солди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 кўчма Қўлидан иш келмайдиган, ҳеч нарсада йўқ, эглай олмайдиган, калтафаҳм. *Э, нима қиламан уша пўстакни?* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Бу ўзи пўстак, дадамларнинг обрўсини қилиб, мактабда унга*

баҳо қўйишган. Мирмуҳсин, Илдиз ва япроқлар.

ПўСТАГИНИ ҚОҚМОҚ Аёвсиз танқид қилмоқ, бошлаб танқид қилмоқ, астар-пахтасини ағдармоқ. *Ҳа, кеча кўпроқ ичиб қўйган эканман. Болалар билан муштлашибмиз. Бошлаб пўстагини қоқишибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *-Тоза пўстагини қоқишганга ўхшайди, — дея кулди ўзича шофёр.* *-Энди шўринг қургур бир бечорадан бошлаб аламини олади.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Қора пўстакдан бурга қидирмоқ (ёки тутмоқ)** Бажарилиши қийин, маҳол бўлган ишга қаришмоқ, ҳал бўлмайдиган ишга беҳуда вақт сарфламоқ. *-Қишлоқдан-ку бадаргаман, чумчуқдек жоним билан шаҳарга тушиб кетсам, «қора пўстакдан бурга қидириш қийин» дегандай, шаҳардан мени ким ҳам тона ола қолади? — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола. [Муриддин баққол]: *Бу замонда адолатни топшидан кўра, қора пўстакдаги бургани тутиш осонроқ, акаси.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

ПўСТДУМБА [пўст + думба] Қўй думбасининг алоҳида ажратиб олиб пишириб ейиладиган ёғли териси. *Пўстдумба солинган шавла.* ■ *Мамадали ҳам бувасига ўхшаб паловин яхши кўради.* Айниқса, *пўстдумба солинганини.* Ў. Умарбеков, Бобоёнғоқ. *Қази, пўстдумба, сиркаланган ва тузланган сабзавотлар эса қиш ойларида тановул қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ПўСТИН [ф. پوستين — пўстин, шуба] Мўйнали ошланган теридан тикилган узун, иссиқ устки қишлик кийим. *Сирма пўстин.* *Поча пўстин.* *Одамни пўстин эмас, иш қиздирар.* Мақол. ■ [Дарвозабон] *Ошланган қўй пўстагидан пўстин кийиб, белбоғига ярим газ чамали калид осган туркман папахли бир киши.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ПўСТИНБОП Пўстин тикиш учун ярайдиган. *Пўстинбоп тери.* *Пўстинбоп қўйлар.*

ПўСТИНДЎЗ [пўстин + ф. دوز — тикувчи] Пўстин тикадиган уста, мўйнадўз. *Пўстиндўзга буюртма бермоқ.* ■ *Паҳлавон Маҳмуд 1247 йили Хива яқинида пўстиндўз оиласида дунёга келган.* Ҳ. Ҳомидий, Тасаввуф алломалари.

ПўСТИНДЎЗЛИК Пўстин тикиш билан шуғулланиш. [Паҳлавон Маҳмуд] *Пол-*

вошликни касб қилиб олмаган, балки салафлари анъанасини давом эттирган ва пўстиндўзлик, телпақдўзлик билан шуғулланиб, тирикчилик ўтказган. «Фан ва турмуш».

ПЎСТИНЛИК Пўстинга етарли (тери, мўйна ҳақида). *Икки пўстинлик тери.*

ПЎСТИРМА *шв.* Пўстдумба.

ПЎСТКАЛЛА, **пўскалла** [ф. پوستكندە – териси шилинган]: **гапнинг пўсткаллasi** *с.т.* Гапнинг лўндаси, қисқаси, хулласи; асосий мақсад. *Гапнинг пўсткалласини айтсам, шу ишни қилсак, ойим раҳматли гўрларида тинч ётадилар.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Саидхон дудўкланиб қолди. Бирдан гапнинг пўскалласини айтишига юраги бетламади.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қуланка.

ПЎСТЛОҚ Ҳсимликнинг танасини, новда ва илдизларини қоплаб турган қисми; пўст, қобиқ. *Тол новдасининг ёш пўстлоғи. Терак пўстлоғи. Зиғирпоя пўстлоғи.* ■ *Ҳўқдаги кул чангиди, чайланинг томига осилган тол пўстлоғи шиттирлаб тебрана бошлади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Қорақанд меваси билан чинор пўстлоғидан тайёрланган шарбат ҳам қандли диабетни даволашда яхши восита экан.* «Фан ва турмуш».

ПЎТА I Қосиб ва кўнчиларда 9,3 квадрат дециметрга тенг сатҳ ўлчов бирлиги. *Беш пўта тери.*

2 с.т. фўта. *Белима яраша заррин пўтамади(р), Ўзинг кечир менинг қилган хатомди.* «Нуралти». *Қулоқ солгин мендай бебахт тилига, Беклардайин пўта боғлар белига!* «Гурўғлининг туғилиши».

3 шв. Тивит салла, рўмол; дакана. *Майрам опа, бошидаги пўтаси эшик тепасига тегмасин учун, ҳам бўлиб, ичкарига кирди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Онам баланд бўйли, қотма аёл. Бошларида ҳамма вақт пўта бўлади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ПЎТАКА *шв.* Қушларнинг ошқозони.

ПЎЧОҚ I Мева, сабзавот, данак ва ш.к.нинг устини қоплаб, уни ташқи таъсирдан

ҳимоя қилувчи қаттиқ қобиғи, қалин ва зич пўст. *Тарвузнинг пўчоғи. Картошка пўчоғи. Тухум пўчоғи. Ёнғоқ пўчоғи. Ғўза пўчоғи.* ■ *Сидиқжон акам тунроқ таший қолсинлар, ўзим яхши ошқовоқ пўчоққа узун чир боғлаб бераман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Мева, сабзавот қолдиғи, чиқинди. *Қуйга пўчоқ бермоқ. Пўчоқ йиғиштирмоқ.* ■ *Кетиш олдидан Аҳмад ерга тушган ҳандалак уруғи ва пўчоқларини битталаб тердирди, дарёга ташлаттирди.* «Ёшлик».

Пўчоқ пул *с.т.* Қиймати тушиб кетган, қадрсизланган пул. **Пўчоқча** *ёки писта пўчоқча кўча* *с.т.* Зиғирча, озгина, қиттай. *Раис Жамолнинг гапини пўчоқча фаҳмламаганини билдирди.* Э. Усмонов, Ёлқин. [Нор:] *Бўғдойданми? [Кумуш:] Нимадан бўлса очиб гапираверинг! Юрагим шу тўғрида писта пўчоқча андиша қилмайди.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ПЎШАК [ф. پوشاک – кийим, либос; кўйлақ] Кийим, либос; ёпинғич.

ПЎШТ *унд. с. I* Одамларни йўлдан қочириш учун қилинадиган хитоб. *Пўшт, арава келяпти!*

2 этн. Эркаклар бегона ҳовлига кирганларида, аёлларни яшириниш ҳақида огоҳлантириш учун айтиладиган хитоб. *Бодомбек, пўшт, деб девор тепасига чиқди-ю, қўшни ҳовлига қарамай, осилиб қолган ғиштни олди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Эшон, меҳмон эшик очмай туриб, отинойига қичқирди: «Пўшт! Пўшт!»* Бу: «Эркак одам кираётинти, қочинг», деган сўз эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ПЎШТПЎШТЛАМОҚ Одамларни йўлдан қочириш ёки панага ўтказиш учун «пўшт-пўшт» демоқ. *Отлиқ сарбозлар халқ орасида пўштпўштлаб борардилар.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси. *Тирикчилик дардида қоп орқалаган деҳқонлар, қаёққадир шошаётган ёш-яланг ва юк тўла аравачасини утариб, пўштпўштлаётган киракашлар бу ҳаётнинг ажралмас, табиий қисми.* «Ёшлик».



РАБ(Б) [а. رَ بّ — оллоҳ, худо; жаноб; ҳукмдор; хўжайин] *дин*. Худо, тангри, парвардигор. *Ё раббим!* — *Кимсан, раббинг ким? — деди мункарнакир. — Уста Турдиали бўламан. А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш. Бергин шифои комил, ё рабб, ўзинг опамга, Кенгдир караминг, Аллоҳ, бергин шифо опамга. Фозил қори, Ҳалол ва ҳаром.*

РАББАНО [а. رَبَّنَا — бизнинг раббимиз] *дин*. Бизнинг раббимиз, тангримиз, худомиз. *Суйганим олдимга келди, Раббанодан ўргилай. «Кўшиқлар». Бир ўзига сиғиниб, Раббано, деб жунади. «Ойсулув».*

РАББАНО БЎЛМОҚ Парвона бўлмоқ, айланиб ўргилмоқ. *У ёз бўйи Мансур учун атайлаб ялпиз, «сарикбош», исирик, яна алақанақа гиёҳларни йиғиб юрар, «ич» деса, ҳозир ундан айрилиб қолаётгандай, бошида минг раббанно бўларди. Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол.*

РАББИЙ, ё раббий [а. رَبِّي — менинг раббим] *Ё* худо, ё парвардигор. [Кулмуҳаммад:] *Балҳда Дарвиш Али бош кўтарибди. [Гули:] Ё раббий! Алишер қаерда? Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Ё раббий, наҳотки ҳаммадан ҳам ажралиб қолсам, йўқ, йўқ! Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. — Ё раббий, дини исломга ўзинг қувват бер, — деб соқолини силади. С. Зуннунова, Гулхан.*

РАББИМСАН: раббимсан деб Худо ўзинг мадал бергин деб, зўр бериб. [Йигитлар] *Раббимсан, деб чунонам кетмон чопишдики, ҳаш-паш дегунча алақанча ерни чўлдан юлиб олишди. С. Аҳмад, Чўл бургути.*

РАБИУЛАВВАЛ [а. رَبِيعُ الْأَوَّلِ — л.м. аввал баҳор; баҳорнинг боши, аввалидаги ой]

Қамария йил ҳисобида 30 кундан иборат учинчи ойннинг арабча номи. *...Хабарингиз борки, рабиулаввал ойига оз кун қолди, бу ерга Мирзо келиб, ишларни кўрмоқчилар. Мирмуҳсин, Меъмор.*

РАБИУЛОХИР [а. رَبِيعُ الْآخِرِ — л.м. охир баҳор; баҳорнинг охиридаги ой] *айн. раби-уссоний.*

РАБИУССОНИЙ [а. رَبِيعُ الثَّانِي — л.м. иккинчи баҳор; баҳорнинг сўнги] Қамария йил ҳисобида 29 кундан иборат тўртинчи ойннинг арабча номи. *Рабиуссоний ойннинг йигирма учинчи куни Ҳиротда, жума намозидан чиқиб келаётган Шохрух мирзога суиқасд қилинди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

РАБОТ [а. رِبَاط — мусофирхона; карвонсарой] *тар. 1* Мустаҳкамланган кўрғонларда соқчилар турадиган жой ёки бир-биридан маълум масофада жойлашган истеҳком; кўрғон. *Мирзачўлдаги ҳар бир дарахт, уй.. работ жуда кўп номаълум қаҳрамонларни тилсиз ҳикоя қилиб бериши мумкин. С. Акбарий, Шодлик давоми.*

2 Савдо йўлларидаги мустаҳкамланган манзил, карвонсарой. [Навоий:] *Ариқ қазмоқдамиз, чўлларда иш кўп. Работу мадраса, йўлларда иш кўп. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.*

3 Шаҳардан четроқдаги тураржой. *Шаҳарнинг меҳнаткаш хунармандлар яшайдиган янги қисми — работда ҳаёт қайнайди. М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиш тарихидан. Шунча йиллар тер тўкиб, кимсан — фалончи бўламиз, Энди қишлоқ менгами, работ бормайман, деди. Ф. Фулом, Танланган асарлар. Дустим, кечир гуноҳимни, Бориб кўр*

манзилгоҳимни, Оқ работга элтиб сени, Ювай рўйи сиёҳимни. «Авазхон». Ҳоким яшайдиган ва бошқарув муассасалари жойлашган арк.. шахристон ҳамда унинг ташқарисида работ жойлашган бўлади. Газетадан.

РАБТ [а. رېت — боғлаш, бириктириш; алоқа; белгилаш, қайд этиш] эск. Боғланиш, алоқа, алоқадорлик. *Дамашқ аш-Шомнинг Солиҳия қисми асл Шомга электрикли кўша трамвай ила рабт қилинган ва Шом марказига 30 дақиқалик йўлди.* М. Беҳбудий, Қасди сафар.

РАБФАК [р. рабочий факультет — «ишчилар факультети» бирикмасининг қисқартмаси] тар. 1919—1936 йилларда ишчи ва деҳқонларни тезлик билан олий ўқув юрларига кириш учун тайёрлаган махсус ўқув юрти. *Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим, ростми?* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *Шошинич рабфакнинг биносига кўчиб ўтдик ва бир кунда уч сменалаб ўқий бошладик.* «Саодат».

РАВ [ф. رو — юриш, бориш, ҳаракат; йўл, тарз, усул] 1 Бир он, вақт, бир лаҳза, бир дам, бир зум. *Рав ичида шунча ишлар бўлиб кетибди.*

2 рвш. Қисқа вақтда, дарров, тез. *Рав келиб, рав кетмоқ.* ■ *Мен рав бориб келаман. Андак кутасизлар.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Бир рав сиз билан учрашиб кетай, дедим.* Ойбек, О. в. шабадалар.

РАВЗА [а. روضه — ўтлоқ, кўкаламзор; боғ] эск. кт. 1 Гулзор, гулшан; боғ.

2 кўчма Боғ, чаман. *Қадининг хаёлин кўз асраб магар, Кўнгил равзасига ниҳол этадур.* Бобур.

3 Жаннат, беҳишт. *Дўстлар, жаннатни кўрмак истасангиз — марҳабо. Боғи эрам, равзадин бордир мисол Душанбада.* Уйғун, Тонг қушиғи.

4 Равза (хотин-қизлар исми).

РАВИШ [ф. روش — юриш, рафтор; ҳаракат тарзи; усул, услуб] 1 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, жараён ва ш.к. нинг боришидаги ўзига хос хусусият; юриш-туриш тарзи. *Секретарь ҳавонинг равишини, ноз ва қилиқларини олдиндан сезишга интилар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ҳар неча пок, порсо равиш бўлсанг ҳам, ўзингни таъриф қилмагилки, ҳеч киши сенинг гувоҳлигингни эшитмас.* Газетадан.

2 Усул, тарз, йўсин, шакл. *Баъзи янгиликдан сўнг, у пультда жойлашган сариқ*

рангдаги тугмани босиб қўярди — улар бироз ўтмай ёзма равишда етиб келиши керак. О. Мўминов, Хиебондаги уч учрашув. *Шарқ ғазалиётида гўзаллик ўзига хос равишда тараққий этади.* Ф. Саломов, Таржима назарияси. *Бўлаётган гаплар бирон жойда ёзма равишда қайд қилинмасин.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 тлш. Иш-ҳаракатнинг белгисини, пайтини, ўрнини, ҳолатини, даража ва миқдорини билдирадиган сўз туркуми. *Урин-пайт равиши. Ҳолат равиши.*

РАВИШДОШ [ф. + туркий — روش‌دش] тлш. Фельнинг равишга хос вазифага хосланган, иш-ҳаракатнинг белгисини кўрсатувчи функционал шакли. *Бу равишдош кўмакчи фельлар орқали конкрет замон маъносини билдиради.* «ЎТА».

РАВИШ-РАФТОР [ф. روش‌رفتار — юриш-туриш] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, жараён ва ш.к. нинг боришидаги ўзига хос хусусият, юриш-туриш тахлитги. *Қушларнинг равиш-рафтори. Кузнинг равиш-рафтори.* ■ *Ислим барлос.. қушларнинг «равиш-рафтори» ҳақида қизиқ маълумотлар бермоққа бошлади.* Ойбек, Навоий.

РАВНАҚ [ф. رونق — ёруғ, нурли, ёрқин; аниқ, кўринарли] кт. 1 Порлаш, ялтироқлик; ҳусн, кўрк. *Энди кечалар тўпланиб, жумбоқ ечишлар тугаган, мадрасадан равнақ кетган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 Тараққиёт, ривож, барқ уриш, гуллаб-яшнаш. *Миллий маданият равнақи. Равнақ топмоқ.* ■ *Давлат фан равнақи учун ҳеч нарсани аямай, маблағ ажратса-ю, уни кимлардир талон-тороғ қилса.* С. Кароматов, Олтин қум. *Айни пайтда у миллий равнақ учун кенг имкониятлар яратади.* Х. Султонов, Ватан туйғуси. *Зеро, юрт тараққиёти, равнақи ҳар биримизнинг фидойилигимизга боғлиқ.* Газетадан.

РАВНАҚЛИ 1 кт. Порлоқ; кўркам.

2 Тараққий этаётган, ривожланаётган, гуллаб-яшнаётган. *Ривожланаётган равнақли улка. Ўзбекистон равнақли мамлакатлар қаторидан жой олмоқда.*

РАВО [ф. روا — йўл қўйилган, рухсат этилган, мумкин бўлган, мақбул] 1 Йўл қўйилиши мумкин бўлган; ўринли, жоиз. *Насихатим аччиқ, аммо даводир, Ҳарна десам, отангизман, раводир.* Ҳабибий.

2 Муносиб, лойиқ бўлган, тўғри келадиган; мос. *Кишларга ҳама наъзу намо ҳар*

чоқ раво бўлса, Менга қоҳиш насиб бўлмиш, сафони нораво тутмиш. С. Абдулла. Агар сен бадавлат бўлсанг, қашшоқни дўст тутсанг, раводир. «Қобуснома». Юртимиз таянчи — азаматлар, ҳей.. Сизга ҳурмат раво, валламатлар, ҳей. Миртемир, Асарлар.

Раво кўрмоқ 1) жоиз деб ҳисобламоқ, ўринли деб топмоқ. Қилинган ишни раво кўрмоқ. Унинг у ера боришини раво кўрмоқ; 2) лойиқ, муносиб деб билмоқ, лойиқ топмоқ. Сиз бўлсангиз, ўзингиз кўрган шундай оғир кунларни қизингизга ҳам раво кўриб ўтирибсиз. С. Зуннунова, Олов. *Ўзинг севган нарсани одамларга ҳам раво кўр — саломат юрасан.* «Фан ва турмуш». Раво кўр, юзингда бир хол бўлайин, Кўрсат ағёрингни — завол бўлайин. А. Орипов, Йиллар армони; 3) феъл бўлишсизлик шаклда келиб, “аямоқ”, “арзимаслик” маъноларини ифодалайди. *Ўртоғингиз ҳужрасини биздан аямас, лекин бошқалар бизга ҳеч нимани раво кўрмайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳожатини раво қилмоқ** Ҳожатини чиқармоқ, тилагини амалга оширмоқ. *Ҳисса: ўғлон, мақсадинг не бўлса тутгайсан қалам, Чунки жумла ҳожатин бори раво қилди қалам.* Ҳамза.

РАВОН I [ф. روان — борувчи, ўтувчи; силлиқ, бир текис] I Бир текисда ва тўхтовсиз борадиган ёки бораётган, силлиқ. *Равон ҳаракат. Машина равон ишляпти. Ғузлар равон ўсмоқда.*

2 Бир текисда, тинч оқаётган. *Равон сув. Оби равон. Унинг кўз ёши равон.* ■ *Тулқинлар шовулар, сўнг оқар равон, Туташган беш денгиз, ўнлаб дарёлар.* Х. Расул. *Кечаси цархпалак янги жойга кўчирилди ва тонготарда даштга бир жўяк сув равон оқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кемалар равон оқиб кетишиди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

3 Тўғри ва текис (йўл ҳақида). *Равон йўл. Ёмон йўлдош ёв бўлар, равон йўлда гов бўлар.* Мақол. ■ *Ҳаммаёқ серқатнов, равон йўл, ҳаммаёқ адил иморатлар, қасрлар, боғлар, фонтанлар.* Х. Ғулом, Замин юлдузлари.

4 Мантиқ ва услуб жиҳатидан пухта ва силлиқ, бир-бирига яхши боғланган. *Равон шеър. Равон услуб. Унинг нутқи равон. Равон ўқимоқ.* ■ *Адолат шеърни равон, чиройли ўқиди.* С. Зуннунова, Олов. *Нутқи равон болаларнинг баҳолари, кўпинча, юқори бўлади.* «Саодат». *Мухаррам равон гапирарди.* Унинг бундай нутқни биринчи марта сўз-

ламаётганлиги кўриниб турарди. Шухрат, Шинелли йиллар. *Янги ерда янги чаман яратган қизлар, Янграмоқда янги, равон куйларингиз-а!* Т. Тула.

5 *Кўчма* Силлиқ, бир текис. *Ҳа, ҳаёт равон эмас, Бордир пасту баланди.. Шу фикрга келганда, Яна боб тугалланди.* А. Мухтор, Асарлар. *Ақл ва бахт бирлашса, инсоннинг ҳаёт йўли равон бўлади.* Газетадан. *Бироқ ҳаётнинг равон йўлидан кўра сўқмоғи кўп.* С. Кароматов, Олтин қум.

6 Осон ва бир текисда ҳаракатланадиган, ишлайдиган. *Равон эшик. Чархи равон.*

7 айн. **равона.** *Девнинг аслаҳасин Шакар олади, Отланиб Шакарбек равон бўлади.* «Шириң билан Шакар».

Руҳи равон Жон, ҳаёт. *Фидойи халқим ўлсин танда жоним, Бўлиб қурбон сенга руҳи равоним.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ҳолимиз беҳад ёмондур, келмасанг ҳолим сўраб, Эй мени хуш меҳрибон, руҳи равоним, қайдасан? Машраб, Девон. Сарви равон Сарвдек хушқомат ва юриши, ҳаракати ўзига ярашган, келишган. Эй сарви равон, надур хаёлинг, Жон ўртади ваъдаи висолинг.* Нодира. *Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.* Бобур.

РАВОН II с.т. қ. **ровон.** *Равон панжа-расида ўзини офтобга солиб турган мусича париллаб учиб бориб, кўча томонга тортилган электр симиға кўнди.* С. Зуннунова, Кўк чирок. *Хайри ундан жавоб кутмай, ой нури тушиб турган равон томон юра бошлади.* С. Аҳмад, Кадрдон далалар.

РАВОНА [ф. روانه — борувчи, кетувчи жуновчи]: **равона бўлмоқ** 1) бирор томонга йўл олмоқ, жунамоқ, кетмоқ. *Ҳожи бобо қистаб кўймади, бирга ўтириб, чой ичишдик.* Кейин *бозорга қараб равона бўлдим.* Ф. Ғулом, Шум бола. *Кун қизий бошлагач, Аваз эшикка сардўз боғлаб, Полвонён буйидаги ўша салқин оромхонага равона бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўғлон эса аллақачонлар Бу оламдан бўлмиш равона.* Э. Воҳидов, Муҳаббат; 2) оқмоқ. *Ҳовуз суви.. оппоқ кўпиклар сачратиб, каналга равона бўларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

РАВОНЛАШМОҚ с.т. **Равон бўлмоқ, силлиқлашмоқ.** *Машина зарб билан силтаниб, тағин шитоб билан олға интилди, салдан сўнг мотор товуши яна равонлашди.* «Шарқ юлдузи».

РАВОНЛИК Мантиқ ва услуб жиҳатдан пухталиқ, силлиқлик, тиниқлик. *Табиий шеър-*

рий равонлик, фикрий бурролик ўрнини ўзаро мантқан ёпишмайдиган сўзлардан тузилган ноқудлай мисралар эълаган. Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш. «Бобурнома» халқ тилига яқинлиги, сўз ва ибораларнинг ихчам, пухта ва равонлиги билан машҳурдир. «Фан ва турмуш».

РАВОТ с. т. айн. **работ** 3. Томорқа десам, жонингиз чиқади. Одамлар бешикдаги боласигача жой олиб, равот тиклаб қўйяпти-ку. А. Кучимов, Ҳалқа.

РАВОЧ с. т. айн. **ровоч**. Тоғларингда шимидим равоч, Кетар бўлдим тагин ноилож. Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар. Равоч баргбандларининг қобиғини арчиб, «нўхат» усулида тўғрайсиз. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

РАВОҚ [а. رواق — пештоқ, пешайвон; ёпиқ йўлак; безакдор чодир] 1 Бинонинг олд томондаги, пештоқ ва устунлар билан безатилган қисми. Боққа кирилгандан кейин тўғридаги янги ўрданинг дарвозаси, муҳташам.. тоқ ва равоқлар кўзни қамаштирар.. эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Пешайвон пештоқидан, Тоқилар равоқидан Чирт узилди бир уя. Т. Тула, Асарлар.

2 Ҳашаматли бино; сарой, қаср. Ўзганинг тоқу равоқидан ўзининг айвонинг яхши. Мақол. ■ «Менг давлатим хонларнинг давлатидан кам эмас», деб қизига яхши жойлардан арку равоқ қилиб, чиройли қизлардан қирқ канизак қилиб берди, — деди Оқишбой. Усмон бахши Мамат ўгли, Бутақўз.

3 бнж. Токча ва тоқнинг меҳроб шаклида бирлашган юқори қисми.

4 Ҳовли ёки боғ ўртасида тепаси ёпиқ қилиб тахтадан ишланган ойнабанд уй.

РАВШАН [ф. روشن — ёруғ, нурли, ёрқин; аниқ, кўринарли] 1 Ёрқин нур сочадиган; ёруғ, ёрқин. *Равшан чироқ. Равшан ёнмоқ.* ■ Олдинда қишлоқ чироқлари равшан порлаб, кўзни қамаштиради. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Яхши ёритилган, ёп-ёруғ. *Равшан тун.* ■ Кундек равшан истиқболнинг, камол топ, республикам. Ё. Мирзо.

3 Яхши кўрадиган, ўтқир (кўз ҳақида). *Кўзим равшан. Кўзим равшан тортди.* ■ *Равшан кўзларин ёшлаб, Урди қамчин қулочлаб.* «Маликаи айёр».

4 кўчма Аниқ, тушунарли, тушуниш осон бўлган. *Равшан фикр. Равшан жавоб.*

Фикри равшаннинг сўзи равшан. Мақол. ■ *Онанинг барча ташвишли ўйлари совун кунигидай ўчди. Воқеа равшан эди. Шухрат, Шинелли йиллар. Демак, масаланинг бир томони равшан, энди иккинчи томонини ўйлаб кўриш керак. А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. Элмуроднинг кўнглидан: «бу подшо-лар ҳам ёмон экан-да», деган.. фикр ўтди, унинг гўдак ақли бун равшан ифодалашга ожиз эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

5 кўчма Кўзга яққол ташланадиган; очик-ойдин, аниқ, яққол. *Равшан сурат.* ■ *Ойлар, йиллар ўтиши билан менинг кўзимга бу нарса очик-ойдин, равшан кўрина бошлади. «Ёшлик». Ойдинда уларнинг паранжили иккита хотин эканлиги равшан кўриниб турар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

6 кесим өзф. кўчма Яшириб, сир тутиб бўлмайди, маълум, ошкор. *Бунинг хатолиги равшан.* ■ *Аҳволимиз сизга равшан, — бемор йўтала-йўтала, чолга ишорат қилди. Ойбек, Танланган асарлар.*

7 Равшан (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

Кўнгли (ёки дили, таъби, табиасти, дунёси) **равшан бўлмоқ** (ёки топмоқ) Кўнглида хафачилик ёки шубҳа аломати қолмаслик, кўнгли, дили ёришмоқ, кўнгли тинчимоқ. [Ғуломжон] *Отасининг хуррагини эшитиб, кўнгли равшан топди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Раҳматилла унинг хуш қабул қилишидан, муомалаларидан кўп саволларига жавоб топди, дунёси равшан бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Умид уйқудан кўз очиб, ғариб, аммо ҳаммаёғи чиннидек озода бир уйда бўлганидан кўнгли равшан тортди.* Мирмуҳсин, Умид. **Кўнглини** (ёки таъбини) **равшан қилмоқ** Кўнглидаги хафагарчиликни, шубҳани йўқотмоқ, кўнглини тинчитмоқ, кўнглини, дилини очмоқ. [Холмат Ғузвонга:] *Бу — одамнинг таъбини жуда равшан қилади. Мана бу товуқ гўштидан олинг, жуда соз бўлиб-да.* Ҳамза, Ким ўғри?

РАВШАНЛАНМОҚ 1 Ёришмоқ, ёрқин бўлмоқ. *Чироқ равшанланди.*

2 кўчма Хурсанд бўлмоқ, очилмоқ. *Навоийдан дилим равшанланади, — деди Аваз устозларига эҳтироми зўрлигини билдириб. Ж. Шарипов, Хоразм.*

РАВШАНЛАШМОҚ 1 Ёриша бормоқ, ёруғ бўлмоқ. *Хона равшанлашди. Тун равшанлашмоқда.*

2 Яхши кўрадиган бўлиб бормоқ, очилмоқ, равшан тортмоқ, тузалмоқ (кўз ҳақида). Унинг кўзи равшанлашди. ■ Уларга тикилиб тураркан, Марҳаматнинг кўзи равшанлашиб кетди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

3 кўча Аниқ, очик-ойдин бўлиб бормоқ, ойдинлашмоқ, Масала равшанлашди. ■ Эрининг феъли, мижоз-табиати кун сайин унга [Нурига] равшанлашди. Ойбек, Танланган асарлар.

Кўнгли равшанлашмоқ айн. кўнгли равшан бўлмоқ қ. равшан. Елкасиндан босиб турган ғам юки енгиллашиб, кўнгли равшанлашар экан, «таваба, нега шундай бўлар экан-а?» деб ўйларди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. Солиев, Асрорнинг жавобларини эшитиб, кўнгли равшанлашди. Тўғри йўлга тушиб олганини ҳис этди. «Ёшлик».

РАВШАНЛИК 1 физ. Ёруғлик манбаининг берилган йўналишдаги ёруғлигини ифодаловчи ёруғлик катталиги.

2 Ёруғлик, ёрқинлик. Юлдузларнинг равшанлиги. Кўзнинг равшанлиги. ■ Улуғбек юлдузларга кўзларини тикканда, Кўзимиз равшанлиги беш қуёшча бор эди. Ф. Гулом, Танланган асарлар.

3 кўча Аниқлик, тиниқлик, осойишталик, мамнунлик. Масала равшанлик киритмоқ. ■ Кундузги ишлар, ниҳоят, ресторандаги суҳбат унинг кўнглига равшанлик олиб кирди. «Ёшлик». Шу фикр миясига равшанлик бериб, яна тўхтади. «Шарқ юлдузи».

РАГУ [фр. ragoût] кул. 1 Майда тўғралган гўштдан қайла қўшиб тайёрланган егулик.

2 Гўшти чала шилинган суяк.

РАД(Д) [а. رَدّ — қайтиш, қайтариш; акс этиш; жавоб; 3-ш. бирл. — радди] Инкор ёки қайтариш.

Рад бермоқ 1) чап бермоқ; чап бериб енгмоқ. Қиличга бу рад бериб, Бошига сипарин тутди. «Ширин билан Шакар». Калтагини олиб ҳамла қилади, Калтакка рад бериб Баҳром туради. «Баҳром ва Гуландом»; 2) қайтармоқ, даф қилмоқ. Рад берарман кўкдан келган балога. «Маликаи айёр». **Рад жавоби** Инкорни ёки қайтаришни, қабул этмаганликни билдирувчи жавоб. Қизнинг рад жавоби йигит қалбига тушиб қолган ишқ чўғини шўх шамолдек алангага айлантирарди. Ф. Мусажонов, Ҳури. Маълум бўлишча, Замира, бошқаларга рад жавоби бергани учун, унга ҳам йўқ деган экан. П. Қодиров, Уч ил-

диз. **Рад этмоқ (ёки қилмоқ)** 1) инкор қилмоқ. «Ҳар бир гапида рад этиб бўлмайдиган мантиқ бор», деди у ўзига-ўзи. С. Анорбоев, Оқсой; 2) қайтармоқ, қабул қилмаслик. Таклифни рад этмоқ. ■ Унинг илтимосини рад этиши учун эждий асос йўқ-ку. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Каромат Адҳамни қайтаргани, кузатиб қўяй, деганда таклифини рад қилгани яхши бўлди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди; 3) қайтармоқ, даф этмоқ. Этикчи бошини эгиб, бу ҳамлани рад қилди, бўлмаса, боши тарс ёрилар эди. С. Айний, Қуллар; 4) воз кечмоқ. Бироқ мулла Обид бой ва домлаларнинг қутқуси биланми ёки ўзининг диний таассуби орқасиданми, баҳарҳол, ерни рад қилди. А. Қодирий, Обид кетмон. **Радди бало** 1) балони қайтарувчи, даф этувчи. Ҳар замон яқин-йироқдан гадоё товуши эшитилади: «Ҳей дўст, шайдулло баноми алло, садақа — радди бало». А. Қаҳҳор, Бемор; 2) балога йўлиқувчи. Жим тур сен, радди бало бу, — деди бригадир шофёрнинг изидан эргашиб. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. . . бутун умидимиз Авазбекдан, деб айтишаркан, токи бу расвою радди бало бўлса, менинг ишларим чаппасига кетса. М. М. Дўст, Лолазор. **Радди маърака** Жамиятдан сурилган, кишилар назаридан қолган. Расвоий радди маърака одам.

РАДАР [ингл. radar < radio detecting and ranging — «радио ёрдамида масофани излаб топиш ва аниқлаш» бирикмасининг қисқартмаси] айн. радиолокатор.

РАДДИ Рад(д) с. нинг изофа ҳолати ва 3-ш. бирл.

РАДИЯ [а. رَدِيَة — инкор қилиш, рад жавоби] 1 Бирор хабар, маълумотни рад этувчи, уларнинг нотўғрилигини ёки асоссизлигини исботловчи расмий баёнот. Ташқи ишлар вазирлиги раддияси. ■ [Нусратбек] Охири Пайғамовнинг олдига кириб, норозилигини айтиб: -Редакцияга раддия юборганим, — деди. С. Нуров, Нарвон. Бир мажлисда ё раддия бериб улгурасан киши, ё улгурмайсан. П. Қодиров, Уч илдиз. Суд жараёнида у чиқарган ҳукмга ҳеч ким раддия билдиришга ҳақи бўлмаган. Газетадан. Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилганда, зудлик билан корхонанинг мансабдор шахсига оғзаки раддия билан мурожаатларнинг ўзи истеъмолчининг ҳуқуқини тиклаш учун кифоя бўлади. Газетадан.

2 Рад жавоби. *Бир ёқдан хушхабар.. юрагини орзиқтирса, иккинчи ёқдан раддия ваҳми қалбига наштар бўлиб санчилар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

РАДИАКТИВ қ. радиоактив. *Радиоактив материаллар контрабандаси билан боғлиқ мазкур воқеа юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси жиноий иш очиб, ҳозир текширув олиб борилмоқда.* Газетадан. *Таркибда зарарли моддалар бор ёки йўқлигини ҳамда радиоактив нурланишни аниқлашди.* Газетадан.

РАДИАЛ [«радиус» с.дан] Радиус бўйлаб йўналган, тарқалган. *Радиал нурлар. Радиал тезлик.*

РАДИАТОР [лот. radiare — нур чиқармоқ, тарқатмоқ] *тех.* 1 Ички ёниш двигателядаги совитувчи суюқлик ёки мой ҳароратини пасайтирувчи асбоб. *Самолёт радиатори.* ■ *Иссиқда радиаторнинг суви «бақир-бақир» қайнаб, буғ нуркаб борарди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Биноларни иситиш тизимида: ичиди иссиқ сув ёки буғ айланадиган, чўян, пўлат, керамик қувурлардан иборат иситиш асбоби. [Отамурод] *Энгашиб, нималарнидир титкилай бошлади. Кейин радиатор тагига пақирчани қўйиб, унинг сувини оқизиб юборди.* М. Мансуров, Ёмби.

3 Иш пайтида қизиб кетадиган радиотехник элементларни совитувчи қурилма.

РАДИАЦИОН Радиацияга, нурланишга, нур сочишга оид. *Радиацион гигиена. Радиацион кимё. Радиацион ҳимоя.* ■ *Институт олимлари радиацион моддаларни аниқловчи ускуна яратиб, республикамизнинг Фиштқўприк ва Олой божхона бекатлари ҳамда Тошкент аэропортига ўрнатдилар.* Газетадан.

РАДИАЦИЯ [лот. radiatio — нурланиш < radiare — нур чиқармоқ, тарқатмоқ] Ядровий ўзгаришлар оқибатида вужудга келадиган электромагнит ва корпускуляр (майда заррачали) нурланишлар; Кўёш нурланиши, космик нурлар оқимлари. *Қўёш радиацияси.* ■ *Мамлакатимизда ядро ва элементар зарралар физикаси, радиация физикаси бўйича фундаментал тадқиқотлар айнақса кенг ривожланди.* Газетадан. *Ҳомладор аёл эрига шикоят қияпти: ҳозир ҳамма жойда радиация бор..* Газетадан.

РАДИЙ [лот. radius — нур] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб радиоактив элемент; иссиқлик ва нур энергияси сочадиган кумушсимон оқ металл. *Радий билан доволаш.* ■ *Қимматбаҳо металлларга платина, палладий, радий, иридий, рутений, осмий ва уларнинг бир-бирлари ва бошқа оддий металллар билан қотишмалари киради.* «Фан ва турмуш».

РАДИКАЛ I [лот. radicalis — илдизга оид] 1 Радикализмга асосланган партия аъзоси ёки шундай партия тарафдори (қ. радикализм 2). *Радикаллар партияси.*

2 Туб ва кескин ўзгаришлар тарафдори. *Бизнинг душманимиз — террористларнинг радикал тармоғидир.* Газетадан. *Ҳозирча Туркиядаги радикал гуруҳларнинг биронтаси ҳам портлашни ўз бўйнига олмаган.* Газетадан.

РАДИКАЛ II [лот. radicalis — илдизга оид] 1 *мат.* Илдиз чиқариш амалининг белгиси ($\sqrt{\quad}$) ва шу амалнинг натижаси, илдизи.

2 *ким.* Молекуладаги атомларнинг бир кимёвий бирикмадан иккинчи кимёвий бирикмага ўзгармасдан ўтадиган гуруҳи.

РАДИКАЛ III Қатъий, кескин, туб. *Радикал чоралар. Радикал ўзгаришлар.*

РАДИКАЛИЗМ [лот. radicalis — илдизга оид] 1 *сиёс.* Мавжуд давлат тузумини танқид остига олиб, радикал ўзгаришлар ва ислохотлар ўтказишни талаб этувчи сиёсий оқим. *..диний фундаментализм ва радикализмни тамомила рад этиш иштиёқи тобора яққол намоён бўлмоқда.* Газетадан.

2 Назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда радикал усуллар — туб ва қатъий чоралардан фойдаланиш; қатъий ҳаракат талаб қилиш ва уларни қўллаш.

РАДИКУЛИТ [лот. radícula — илдизча, томирча + itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Орқа мия нервлари илдизчаларининг орқада, бўйин ва белда қаттиқ оғриқ билан намоён бўладиган яллиғланиши. *Радикүлит касаллиги. Радикүлти туби қолмоқ. Радикүлит билан оғримоқ.*

РАДИО [лот. radiare — нур чиқармоқ, тарқатмоқ] 1 Сигнал, овоз каби ахборотларни маълум масофага электромагнит тўлқинлар ёрдамида симсиз узатиш ва қабул қилиш усули. *Радио орқали бошқариш. Радио алоқаси.* ■ *Радио, кино, телевидение ҳаётга чуқур кириб борган ҳозирги шароитда ҳам бадиий асарларга эҳтиёж ортиб бораётгани*

шундан далолат беради. У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Фан ва техниканинг ушбу усул асосидаги физик ҳодисаларни ўрганиш, бу усулдан турли соҳаларда кенг фойдаланиш билан боғлиқ соҳада.

3 Оммавий ахборот воситаларидан бири — матнни ва мусиқий дастурларни эшиттириш; радиоэшиттириш. *Аммо Азизхон бўлаётган воқеаларга бепарво. Ким қанча ишлайти, радио нималар деяпти — қизиқмасди. С. Аҳмад, Уфқ, Уйда радио эшитиб ўтирган Мақсуда шовқин-сурон билан эшикни тарақлатиб очиб, ташқарига отилди. С. Зуннунова, Олов.*

4 с.т. Радиоприёмник; репродуктор. *Фақат кўча бетидаги симёғочда радио чўлни бошига кўтариб ганирарди. С. Аҳмад, Уфқ. [Яхшибоев:] Ҳозирги чўпонлар нуқул бўйнига кичкина радио осиб юришади. Лекин менинг отам дўмбира чаларди. М. М. Дўст, Лозаров.*

РАДИО- [лот. radiare — нур чиқармоқ, тарқатмоқ] **1** Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, радиога (1-маъносида) оидликни, радио билан боғлиқ эканликни билдиради. (мас., *радиоаппарат, радиогазета*).

2 Ўзлашган қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, радиийга, радиацияга, радиоактивликка алоқадорликни, оидликни билдиради (мас., *радиоактивлик, радиобиология, радиология*).

РАДИОАКТИВ [радио.. + лот. activus — фаол, ҳаракатчан] **1** Радиоактивликка оид. *Радиоактив парчаланиш. ■ Бу улкан аппарат.. радиоактив парчаланиш маҳсулотлари ҳосил бўлишини ўрганишда, ҳатто жисмоний ишларни текширишда катта фойда бераётир. «Фан ва турмуш».*

2 Радиоактив хусусиятга эга бўлган. *Радиоактив элементлар. Радиоактив изотоплар. Радиоактив рудалар. ■ Радиоактив материаллар контрабандаси билан боғлиқ мазкур воқеа юзасидан ҳозир текширув олиб борилмоқда. Газетадан. Фан ва техникада ҳам радиоактив, ҳам тургун изотоплардан турли мақсадларда кенг фойдаланилади. «Фан ва турмуш».*

РАДИОАКТИВЛИК Баъзи кимёвий элементлардаги беқарор атом ядроларининг элементар зарралар, ядровий нурлар чиқариши билан бир вақтда содир бўладиган ўз-

ўзидан парчаланиши ва б. элементлар ядроларига айланиши.

РАДИОАЛОҚА [радио.. + алоқа] Радио-тўлқинлар ёрдамида амалга ошириладиган алоқа, радио орқали алоқа қилиш. *Самолёт синиқларини текшириб, радиоалоқаларни қайта эшитишди ва гувоҳларни сўроқдан ўтказишди. Газетадан.*

РАДИОАППАРАТ [радио.. + аппарат] Радио тўлқинларини қабул қилиб олиш ёки узатиш учун хизмат қиладиган аппарат.

РАДИОБИОЛОГИЯ [радио.. + биология] Биологиянинг радиоактив нурланишнинг тирик организмлар, уларнинг уюшмалари ва умуман биосферага таъсирини ўрганувчи бўлими. *Ҳозирда радиобиология амалиётга кенг татбиқ қилинмоқда.*

РАДИОГРАММА [радио.. + юн. gramma — ёзув] Радио орқали олинган ёки берилган хабар. *Майор радиограмmani тагин бир марта кўздан кечиргандан кейин навбатчига буюрди: -Жанговар тревога эълон қилинг, сержант! Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Шу кеча душман полки дислокация қилинаётгани ҳақидаги радиограмма қўлга туширилди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

РАДИОЖУРНАЛ [радио.. + журнал] Радио орқали эшиттириладиган оғзаки журнал. *Бунгача Толибой Алшмов радиода муҳбир, катта муҳаррир, бўлим бошлиғи, «Табассум» радиожурналининг муҳаррири лавозимларида 33 йил ишлабди. Газетадан.*

РАДИОЗОНД [радио.. + зонд] Ҳаво шари (зонд) ёрдамида кўтарилиб, атмосферанинг юқори қатламларидаги ҳаво ҳарорати, босим ва намликни ўлчаш ва бу ҳақда радио орқали маълумот бериб туриш учун хизмат қиладиган метеорологик асбоб. *Ҳозирги вақтда турли мамлакатлар атмосфера қатламларидаги босим, температура ва намликни ўлчашда.. радиозондлардан фойдаланимоқдалар. «Фан ва турмуш».*

РАДИОКАНАЛ [радио.. + канал] **1** Муайян радиоэшиттириш учун ажратилган частоталар доираси.

2 Радиоузаткич, радиоалоқа линияси ва радиоприёмникдан иборат алоқа канали. *Ҳозирги кунда кўпчилик радиоканалларга қўлоқ тутаяди, интернетни қовлайди. Газетадан. Очиги, «Ёшлар», «Пойтахт», «Замин».. радиоканалларидан бошқа радиостанциялар ва тижорат телеканалларида эртаю кеч*

тинмасдан айлантириляпти бу каби шовқинли муסיқалар. Газетадан.

РАДИОКАРНАЙ [радио.. + карнай] Радиоэшиттиришларни қабул қилиб олиб, баланд, кучли товушда эшиттирадиган электракустик ёки механик мослама; репродуктор. *Радиокарнай фирллаб туриб, бирдан гапира бошлади. С. Аҳмад, Уфқ. Эшикнинг тепасидаги радиокарнай эртадан кечгача тинмайди. «Шарқ юлдузи». Радиокарнай орқали чақирилиб, бир неча ёшлар имтиҳон залларига кириб кетишди. Мирмуҳсин, Умид.*

РАДИОКИМЁ [радио.. + кимё] Кимёнинг радиоактив элементлар ва изотоплар хоссаларини, уларни ажратиб олиш, тўплаш ва турли фан соҳаларида қўллаш усуллари урганувчи бўлими.

РАДИОКОМИТЕТ [радио.. + комитет] эск. Радио эшиттиришлар бўйича давлат комитети. *Туроб Тула радиода диктор бўлиб ишлар экан, Жонрид акани маънавий фарзандидек қабул қилиб, радиокомитетнинг бурчагидан хужра ҳам топиб берибди. Газетадан.*

РАДИОЛА [лот. radiare — нур чиқармоқ, тарқатмоқ] Радиоприёмник ва электр патефон деталлари бирга қўшилган радиоаппарат. *Анорхон радиолога пластинка танламоқда. И. Раҳим, Ихлос.*

РАДИОЛАШМОҚ Радио орқали қабул қилиш ёки узатиш қурилмалари билан таъминланмоқ, жиҳозланмоқ. *Қишлоғимиз ёппасига радиолашди.*

РАДИОЛОГ Радиология мутахассиси; радиология соҳасидаги врач.

РАДИОЛОГИЯ [радио.. + юн. logos — фан, таълимот] Тиббиётнинг ионловчи нурлардан касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда фойдаланиш назарияси ва амалиётини ҳамда ушбу нурларнинг биологик таъсирини ўрганувчи бўлими.

РАДИОЛОКАТОР [радио.. + локатор] Узоқдаги объектларнинг, мас., самолёт, кема ва ш. к. нинг қаердалигини улардан қайтган радиотўлқинлар ёрдами билан топадиган, аниқлайдиган асбоб, радар. *..Бундай аппарат, радиолокатор сифатида, учиб келаётган бомбардимончи самолёт ва ракеталарни осмондаги бошқа учар объектлардан ажратган ҳолда, улар тўғрисида аниқ информация бериши мумкин. «Фан ва турмуш».*

РАДИОЛОКАЦИЯ [радио.. + лот. locatio — жойлаштириш, ўрнаштириш] 1 Узоқдаги объектларнинг, мас., самолёт, кема ва ш. к. нинг қаердалигини улардан қайтган радиотўлқинлар ёрдами билан топиш, аниқлаш, фарқлаб ажратиб олиш усули ва воситалари. *Исроил ўзининг ҳарбий самолётлари Суриянинг радиолокация станциясини бомбардимон қилганлигини расман тан олди. Газетадан.*

2 Фан ва техниканинг қуруқлик, сув ва фазодаги объектларни радиотехник усул воситасида топиш ва турган жойини аниқлаш билан шуғулланувчи соҳаси.

РАДИОМАРКАЗ [радио.. + марказ] Радиоалоқа ва радиоэшиттиришни амалга ошириш учун мўлжалланган иншоотлар ва техник воситалар мажмуи.

РАДИОМЕТР [радио.. + метр] 1 Электромагнит нурланиш энергиясини ўлчайдиган асбоб.

2 Радиоактив манбалар фаоллигини ўлчайдиган асбоб.

3 Товуш нурланишлари босимини ва товуш майдонининг бошқа сифатларини ўлчайдиган асбоб.

РАДИОНАВИГАЦИЯ [радио.. + навигация] 1 Учиш аппарати ёки кеманинг қаердалиги ва йўналишини радиотехник воситалар ёрдамида аниқлаш.

2 Навигациянинг кемалар, учиш аппаратларини бошқариш назарияси ва амалиётини радиотехник воситалар ёрдамида ўрганувчи ва ишлаб чиқувчи бўлими.

РАДИОПЕРЕДАТЧИК [радио.. + р. передатчик — узаткич, узатувчи] қ. радиоузаткич. *Йўлдошга ўрнатилган «Маяк» радиопередатчиги ҳозир ҳам нухта ишлаб турибди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

РАДИОПОРТЛАТКИЧ Радиолокацион усул билан снаряд, бомба ва ш. к. ни портлатувчи қурилма.

РАДИОПРИЁМНИК [радио.. + приёмник] Радио орқали бериладиган товуш ва сигналларни қабул қиладиган аппарат. *Қаердадир, йироқда радиоприёмник вағиллайди. С. Зуннунова, Олов. У радиоприёмник қулоғини буради. «Ёшлик».*

РАДИОРЕПОРТАЖ [радио.. + репортаж] Бевосита жойнинг ўзидан (стадион, завод, фабрика ва ҳ. к. дан) олиб берилган эшит-

тириш. *Стадиондан футбол ҳақида радиоре-портаж эшиттирилди.*

РАДИОСИГНАЛ [радио.. + сигнал] Ра-дио орқали берилган сигнал.

РАДИОСПЕКТАКЛЬ [радио.. + спек-такль] Радио орқали эшиттиришга мослаш-тирилган, шу мақсадда ёзиб олинган спек-такль. *Ҳозирги кунда ҳам радиотингловчилар мириқиб эшитадиган «Ўтган кунлар», «Уфқ», «Ёртиқулоқ» сингари радиоспектакллар ай-нан Убай ака раҳбарлик қилган йллари маг-нит лентасига туширилган эди.* Газетадан.

РАДИОСТАНЦИЯ [радио.. + станция] Радиотўлқинларни узатувчи ёки қабул қи-лувчи мослама ва қурилмалар мажмуи ҳам-да улар ўрнатилган жой, бино. *Туманларда қўллаб янги радиостанциялар қурилмоқда.*

РАДИОСТУДИЯ [радио.. + студия] Ра-диоэшиттириш учун махсус жиҳозланган бино. *Ҳозирги кунда радиостудиялар янги, замонавий жиҳозлар билан таъминланган.*

РАДИОТЕЛЕГРАФ [радио.. + телеграф] 1 Махсус радиоалоқа линияси ва радио орқали хабар узатувчи алоқа тизими.

2 Шундай алоқа мосламалари жойлашган бино. *Замонавий радиотелеграфлар қурил-моқда.*

РАДИОТЕЛЕСКОП [радио.. + телескоп] Осмон jismlарининг хусусий радионур-ланишларини қабул қиладиган ва бу ман-баларнинг хоссаларини ўрганадиган ас-трономик асбоб.

РАДИОТЕЛЕФОН [радио.. + телефон] Оғзаки хабарларни радиотўлқинлар воси-тасида узатувчи алоқа тизими ва шу тизим асосида ишлайдиган телефон. *Шу заҳоти радиотелефондан бир дўстига телефон қи-либ, бизнинг дардимизни тушунтирди.* Х. Султон, Бобурийнома.

РАДИОТЕРАПИЯ [радио.. + терапия] Ионловчи нур билан даволаш усули. *Усма касаллиги кўпинча радиотерапия усули билан даволамоқда.*

РАДИОТЕХНИК [радио.. + техник] 1 Радиотехника мутахассиси.

2 Радиоаппаратларни ўрнатиш ва таъ-мирлаш билан шуғулланувчи мутахассис.

РАДИОТЕХНИКА [радио.. + техника] 1 Юқори частотали электромагнит тебраниш-лар ва радиотўлқинлар ҳақидаги — уларни пайдо қилиш, кучайтириш, узоққа радио-сигналлар бериш, радио нурлантириш, қа-

бул қилиш ва турли соҳаларда қўллаш усул-лари ҳақидаги фан. *Ҳозирги армиялар ядро қуролига, хилма-хил ракета техникасига, радиотехника ва электрон-ҳисоблаш аппа-ратларига, космик ва сув ости атом кема-ларига эга бўлди.* «Фан ва турмуш».

2 Техниканинг ахборотларни узатишда радиотўлқинлар ва электромагнит тебра-нишларни қўлайдиган тармоғи.

РАДИОТИНГЛОВЧИ қ. радиоэшиттув-чи. *У тайёрлаган туркум эшиттиришлар радиотингловчилар эътиборини қозонди.* Га-зетадан. *Ҳозирги кунда ҳам радиотингловчи-лар мириқиб эшитадиган «Ўтган кунлар», «Уфқ», «Ёртиқулоқ» сингари радиоспек-такллар айнан Убай ака раҳбарлик қилган йллари магнит лентасига туширилган эди.* Газетадан.

РАДИОТЎЛҚИНЛАР [радио.. + тўлқин] Радиоэшиттиришда: сигналларни узатишда фойдаланиладиган электромагнит тўлқин-лар. *Юзлаб телеканаллар, радиотўлқинлар орқали ахборотлар тарқатилди.* Газетадан.

РАДИОУЗАТКИЧ [радио.. + узаткич] Нутқ, товуш, сигнал кабиларни, радио-эшиттиришларни электромагнит тўлқинлар тарзида узатувчи қурилма.

РАДИОУЗЕЛ [радио.. + р. узел — айн. тутун] Бирор жой аҳолиси ёки корхона, ташкилот ходимларига марказий радио-станциялар дастурини олиб эшиттирадиган ҳамда маҳаллий эшиттиришлар олиб бора-диган симли радио тармоғи ва унинг мар-кази. *Штаб радиоузелидан тинмай қурув-чилардан тартиб сақлашни, ўзбошимчалик қилмасликни сўрашарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Радиоузел юракни ўртовчи мақом куйларини тинмай эшиттириб турибди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

РАДИОФИЗИКА [радио.. + физика] Физиканинг радиотўлқинлар ва электро-магнит тўлқинларнинг уйғониши (қўзғал-лиши), тарқалиши ва қабул қилиниши билан боғлиқ жараёнларни ўрганадиган тар-моғи.

РАДИОЧИ қ. радист.

РАДИОЭЛЕКТРОНИКА [радио.. + электроника] Фан ва техниканинг радио-техника ва электроника асосида ўсиб ривож-ланган айрим тармоқларининг умумий но-ми. *Ёш шоирлар ва журналистлар клуби, либос-дизайн, тасвирий санъат, ёғоч ўйма-*

корлиги, радиоэлектроника, шахмат клуби шулар жумласидандир. Газетадан.

РАДИОЭФИР [радио. + эфир] Радио-тўлқинлар тарқаладиган ҳаво, фазо. *Афтидан, эшиттириш радиоэфир орқали бир зумда ҳавога учди-кетиди, биров билиб ўтирибдими, деган хаёлга боришса керак-да.* Газетадан.

РАДИОЭШИТТИРИШ Оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос электрон техникага асосланган тури; радио орқали олиб борилган эшиттиришларнинг ўзи.

РАДИОЭПИТУВЧИ Радио орқали берилган эшиттиришларни тингловчи.

РАДИОҲАВАСКОР Радиотехника билан — радиоприёмник, телевизор ва ш. к. лар қуриш, яшаш, радиоалоқа тажрибалари ўтказиш ишлари билан ҳаваскор сифатида шуғулланувчи киши. *Радиоҳаваскорлар тўғраги.*

РАДИСТ Радиоаппаратни бошқарувчи, радио орқали хабарлар узатувчи ва қабул қилувчи мутахассис. *Радист югуриб келиши билан буюрди: -Фронтга дарҳол хабар қил, Клязьмага самолёт чақир.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мўмина Ғиёсова шаҳар ички ишлар бошқармаси қошида очилган алоқачи-радиствлар курсини тугаллаб, фронтга бориш йўланмасини олди.* «Саодат».

РАДИУС [лот. radius — нур] *мат.* Айлана ёки шарнинг бирор нуқтасини унинг маркази билан туташтирувчи тўғри чизик кесмаси.

РАДИФ [а. رديف — бирор нарсанинг ортидан, кетидан келувчи] *ад.* Шарқ халқлари шеърлятида мисра ёки байт охирида асосий қофиядан кейин такрорланиб келувчи сўз, ибора ёки гап.

РАДОН [лот. radiare — нур чиқармоқ, тарқатмоқ] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига — инерт газлар гуруҳига мансуб, радиийнинг парчаланишидан ҳосил бўлган радиоактив элемент. *[Бу жараён] Ер ости қатламидаги элементларнинг, шу жумладан, радиоактив газ бўлмиш радоннинг юқорига кўтарилишини тезлаштиради.* «Фан ва турмуш».

РАЁСАТ [а. رياست — раислик қилиш, президентлик; президиум] *кт.* 1 Мажлис ёки кенгашига раҳбарлик қилиш учун сайланган бир гуруҳ кишилар; президиум. *Раёсатга Рафиқов, Собиров, Берди татар,*

Мардонбой, Мирсоатлар сайланиб, мажлисни Собиров олиб борди. А. Қодирый, Обид кетмон. *Азмиддин ўрнидан туриб, суд раёсатига қараб алланима деб бақирди.* Х. Фулом, Машғал.

2 Давлат ҳокимияти органи. *Пленум ва Раёсат муҳокамасига, қонунга биноан, уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалалар киритилади.* Газетадан.

3 Баъзи ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлик органи. *Мажлисида Олий аттестация комиссияси раёсатининг аъзолари.. иштирок этди.* Газетадан. *Бу хатоларга вилоят судининг судлов ҳайъати ва раёсати ҳам эътибор бермайди.* Газетадан. *Раёсатимиз қарорига кўра, биз ҳар йили Бобур мирзо таваллуд толган муборак кунда унинг илмий меросига бағишлаб халқаро илмий анжуман ўтказишимиз лозим.* Газетадан.

РАЁҲОН [а. رايحون — «райҳон» с. нинг кўпл.] *эск. поэт.* Райҳонлар; хушбўй ўсимликлар.

РАЖАБ [а. رجب < «қўрқмоқ» фл. дан] 1 Қамария йил ҳисобида 30 кундан иборат еттинчи ойнинг арабча номи. *Ойлар «рабуссоний», «ражаб» деган номлар билан аталади.* «Фан ва турмуш».

2 Ражаб (эркаklar исми).

РАЖАЗ [а. رجز — мақтов, ўз-ўзини мақташ; арузда шеър ўлчовларидан бири] Аруз шеър тизимидаги 19 та баҳрдан бири.

РАЖМ [а. رجم — тошбўрон (қилиш)] *дин.* Тошбўрон қилиш; фақат зино қилганлик, фаҳш ишлар билан шуғулланганлик учун қўлланадиган қатл тури. *Ражм фақат суд хулосасига биноан, қози ёки унинг вакили назорати остида амалга оширилади.* «Ислом. Энциклопедия».

РАЖО [а. رجاء — умид, орзу; ишгонч; илтимос] *эск. кт.* Умид, орзу, тилак; илтимос, ўтинч. *Ражо қилмоқ* (этмоқ).

РАЗВЕДКА [р. разведать — «суриштириб, текшириб билмоқ, қидириб топмоқ» фл. дан ясалган от] 1 *геол.* Ер ости бойликларини қидириш. *Битта янги газ-конденсат кони разведка қилинади ва очилади.* Газетадан. *Хатто олтин учун қидирув ва разведка ишларини ҳам шу нуқтаи назар асосида олиб бориб, давлатнинг юз минглаб сўм маблағини кўкка совуриптилар.* С. Кароматов, Олтин кум.

2 *ҳарб.* Душман ва унинг қўшинлари, уларнинг кучи, жойлашиши тўғрисида маъ-

лумот тўплаш учун айрим ҳарбий гуруҳлар, бўлинмалар ёки жангчилар томонидан олиб бориладиган тезкор иш, ҳарбий ҳаракат. *Разведка қилмоқ. Разведкага чиқмоқ.* ■ *Разведкага юбориб, душманнинг кучи, техникасини аниқлаш зарур бўлиб қолди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ҳар бир кўнгилли отряд разведка ишлари олиб борар, душман кучларини аниқларди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Шундай иш олиб борувчи ҳарбий қисм, бўлинма.

4 Ўзга мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатини ҳамда ҳарбий имкониятларини ўрганиш билан шуғулланувчи ташкилот.

РАЗВЕДКАЧИ 1 *ҳарб.* Разведка ишлари билан шуғулланувчи киши (*қ. разведка 2, 4*). *Довжурак разведкачи.* ■ *Разведкачиларни ҳамиша бургутга қиёс қилиб келишган.* Газетадан. *Разведкачи жангчилар бу галги синов машғулотларида ҳам текширувчи комиссия аъзоларининг олқишига сазовор бўлишди.* Газетадан.

2 Разведка учун белгиланган самолёт ёки кема. *Разведкачи самолёт.*

3 *геол.* Қидирувчи. *Нефть разведкачилари.* ■ *Мен Қизилқум тагида яширинган беҳисоб бойликни топган ўша разведкачиларни қидириб, геологлар шахарчаси — Мурунтоғга бордим.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

РАЗВЁРТКА [*р.* развертеть — «бураб бўшатмоқ; бурайвериб кенгайтирмоқ» фл. дан ясалган от] Металл деталларнинг тешикларига тоза ишлов бериш учун мўлжалланган кўп тигли асбоб.

РАЗЗОҚ [*а.* رزاق — яшаш учун маблағ, бойлик берувчи] **1** *дин.* Ризқ-рўз берувчи (Оллоҳнинг сифатларидан бири).

Ё раззоқ! Оллоҳга мурожаат шакли: етишмаган ёки жуда кам нарсани Оллоҳнинг ўзи кўпайтириб, етказиб беришига ишонч ёки булажак ишларга Оллоҳ мададкор маъносиде қўлланади. ■ *Эрталаб думалаб турайлик-чи, кейин бувим айтмоқчи, «ё раззоқ!».* С. Сиёев, Ёруғлик. - *Икки ҳафтага етадиган бўлди, у ёғи — ё раззоқ, — деди аям.* С. Сиёев, Саратонда қор ёғди. *..Ўша довонга етайлик, у ёғи — ё раззоқ!* Х. Султон, Бобурийнома.

2 Раззоқ (эркаклар исми).

РАЗИЛ [*а.* رذيل — пасткаш, палид; ахлоқсиз, бузуқ] **1** Кишини жиркантирадиган; ярамас, қабих, паст, тубан. *Разил одам. Разил хатти-ҳаракат. Разил ниятлар.* ■ *Одамлар разил ниятли кимсаларга ҳам хизмат қилавериши мумкин.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Мен инсонни бир инсондай севардим, лекин Нечун кўндир ҳалигача разил одамлар.* А. Орипов, Ёйиллар армони.

2 Манфур, малъун. *Разил душман.* ■ *Разил, маккор, ярамас Гитлер дастидан Ватан таҳликада қолмишдир энди.* Ф. Фулом, Танланган асарлар.

РАЗИЛЛАШМОҚ Тобора разил, қабих бўлиб бормоқ, разиллик, пасткашлик йўлига ўтмоқ.

РАЗИЛЛИК 1 Пасткашлик, тубанлик, нокаслик. *Бу қандай разиллик, қандай пасткашлик ахир?* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Дунёдаги барча разиллик, барча қабоҳат рамзи сифатида сени гўрга тикмағунимча еганим ҳаром!* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатни.

2 Разил хатти-ҳаракат, разолат. *Разиллик қилмоқ.* ■ *Ватанни тарк этувчи ҳар қандай киши разиллик қилувчидир.* «Ақл ақлдан қувват олади». *Бироқ дунёда адолат бўлса, шунча ёмонликлар қилган Аҳмад Танбалдан ҳаёт нега қасд олмайди? Шундай разилликлар қилган одам..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

РАЗИЛОНА [*а. + ф.* رذيلانه — разилларча] *рвш.* Разилларга хос бир равишда; разилларча. *Разилонга ҳаракат. Разилонга иш.*

РАЗМ I [*ф.* رزم — уруш, жанг; олишув]: **разм солмоқ** ёки **разм солиб қарамоқ** Назар солмоқ, синчковлик билан кузатмоқ, диққат билан қарамоқ, кузатмоқ, кўздан кечирмоқ. *Самандаров унга бошдан-оёқ разм солди-ю, бошқа гап сўрамади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Онахон ҳовлидаги ўзгаришларга разм солди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Яхшилаб разм солинса, тиниқ қонқора кўзлари ҳамма вақт ҳозиргидай кувноқ, юзларида аллақандай иссиқлик бўртиб тургандай.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

РАЗМ II [*ф.* رزم — уруш, жанг; олишув] Уруш, жанг. *Базмда даъволари ҳотамлик, размда талашлари рустамлик.* А. Навоий, Маҳбул-қулуб.

РАЗМЕР [*р.* измерить — «ўлчамоқ; чамаламоқ» фл. дан: ўлчам] Уст-бош, пойаб-

зал ва ш.к. нинг катта ёки кичиклигини билдирувчи ўлчов, номер. *Маҳкам ҳам Очил каби энди йигирма иккига қадам қўйган.. кийимни ҳам Очилдан икки размер катта кияди. П. Қодиров, Уч илдиз.*

РАЗОЛАТ [a. رذالت — пасткашлик, қабиҳлик] Ярамас, жирканч хатти-ҳаракат, қабиҳ, разил иш; тубанлик, разиллик. *Гудак қалби оқ вараққа ўхшатилади. Агар она ўзининг теран аллалари билан шу вараққа эзгулик ва нафосат мисраларини тушира борса, унда разолат ва қабоҳатга ўрин қолмайди.* «Саодат». *Меҳрдан жаннатга айлансин бағир, Разолатни ютсин жаҳаннамий чоҳ. А. Исроилов, Биз — дунё одамлари. [Зухра:] Айни ўрни-да! Сен менинг оғзимга урма! Бундай разолатни кўра туриб, юз буриб кетолмайман. Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза.*

Разолатга тушмоқ Тубанликка юз тутмоқ.

РАЗРЯД I [p. разряд — тур, туркум, гуруҳ; даража < разрядить — «бўлмоқ, тақсимламоқ» фл. дан] I Предмет, ҳодиса кабиларнинг ўзаро бирор белги ёки ўхшашлигига кўра тури, даражаси, тоифаси. *Иш разряди. Тариф разряди.*

2 Касб-хунар, ихтисос, спорт ва ш.к. бўйича расмий тасдиқланган малака, маҳорат даражаси. *Иккинчи разрядга эга бўлган дурадгор. Шахмат бўйича биринчи разряд олмоқ.* ■ *Бугундан бошлаб шахмат конкурсида спорт разряди олган ишқибозларнинг номларини эълон қилиб борамиз.* Газетадан. *Маҳорат кўрсатганларга тегишли спорт разрядлари берилади.* Газетадан. *Ҳарбийда бокс спортига қизиқиб, разрядни ҳам олибди.* Мирмуҳсин, Умид.

РАЗРЯД II [p. разрядить — «ўқсизлантирмоқ, электрсизлантирмоқ» фл. дан] физ. Электр зарядини йўқотиш, зарядсизланиш, электрсизланиш. *Разряд токи.* ■ *Ҳозир олимлар, электр разряди илоннинг асаб системасини ишдан чиқаради, деган хулосага келмоқдалар.* Газетадан.

РАЗРЯДЛИ Бирор разрядга, даражага эга бўлган. *Олтинчи разрядли токарь. Биринчи разрядли шахматчи.* ■ *Хотиржам бўлинг, разрядли устамиз, боппайимиз. С. Аҳмад, Сайланма. Ҳозир билим даргоҳида 265 оммавий разрядли спортчи бор.* Газетадан.

РАЗРЯДЧИ Разрядга эга бўлган шахс. *Спортчилар орасида ўнлаб жамоатчи инс-*

трукторлар, тренерлар, разрядчилар этишиб чиқди. Газетадан.

РАЗЪЕЗД [p. разъехаться — «бошқа-бошқа ёққа кетмоқ; тўқнашмай бир-бирининг ёнидан ўтиб кетмоқ» фл. дан ясалган от] I т. й. Қарама-қарши томондан келаётган поездларнинг ўтиб кетиши учун йўлнинг иккига ажралган жойи; шундай жойдаги кичик станция. *Поезд ярим тунда Мирзачўлнинг бир разъездига бориб тўхтади. П. Қодиров, Уч илдиз. Станциядан ўн беш километр наридаги разъездга етганда, паровоз тормоз берди. О. Ҳусанов, Кўшиқчининг тақдири.*

2 ҳарб. Разведка ёки соқчилик учун юборилган кичик отлиқ қисм.

РАИС [a. رئیس — раҳбар, бошлиқ, сардор, бошқарувчи] I Баъзи орган, ташкилот, идора, жамият ва ш.к. нинг бошлиғи, раҳбари. *Аишурхон, раиснинг бевақт келишидан чўчиганиданми ё ўзининг гуноҳкорлигини билганиданми, аввал бироз ўзини йўқотган бўлса ҳам, дарров ўнглаб олди. С. Зуннунова, Олов. Маҳаллий комитет раиси топириқларни ўз вақтида бажариш учун қанчадан-қанча вақт кетишини ўйлаган эди.* Газетадан.

2 Мажлисни бошқарувчи шахс. *Мажлис раиси.* ■ *Нутқ.. давомида раис мажлис аҳлини икки марта тартибга чақирди. А. Қаҳқор, Нутқ.*

3 тар. Диний маросим ва урф-одатларнинг бажарилишини кузатиб боровчи, шунингдек, ўлчов ва тош-тарозиларнинг тўғрилигини текширувчи мансабдор шахс. *Ақлим олган заргар қизи, Муфтий, аълам, раис, қози, Тенгдошларим, хуш қол энди! «Баҳром ва Гуландом». Ўқи! Ҳар қандай қийинчилик билан бўлса-да, ўқи! Лекин қози бўлма! Раис бўлма! Имом бўлма! Агар мударрис бўлсанг, майли. С. Айний, Эсдалиқлар.*

РАИСА [a. رائيسه] I Раис аёл. *Колхоз раисаси.*

2 Раиса (хотин-қизлар исми).

РАИСДОШ Биргаликда раислик қилувчи. *Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тулепберген Қаипбергенов ва таниқли тожик адиби Масъуд Муллажонов жамоатчилик қўмитасининг раисдошлари этиб сайландилар.* Газетадан.

РАИСЛИК Раҳбарлик, бошлиқлик; бошқарувчилик иши. *Мен маҳалламизнинг «қулуб»ига кириб келганимда, орада қизгин бир*

музокара давом этиб, мажлисининг раислик лавозиматини мухтарам Тошпулат ака адо қилар эди. А. Қодирий, Кичик асарлар. *Оладигани раислик бўлса — олсин.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ер аслохоти ўтказилиш олдида қишлоқ камбағаллар уюшмаси тузилди ва уюшманинг раислигига Бердибой сайланади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

РАИСХОНА [раис + хона] тар. Раис маҳкамаси, идораси (қ. раис 3). *Жаноби олий замонларидаги раис қочгандан кейин раисхона таланганда, мен шу даррани олиб, бир ерга яшириб қўйиб эдим.* С. Айний, Қуллар.

РАИЯТ [а. رِيَاة — пода; қавм; фуқаролар, аҳоли] эск. кт. Бирор ўлка ёки мамлакатда яшовчи халқ, фуқаро. *Хукмдор қанчалик оқил ва одил бўлса, раият, уламо, фузало ҳам ҳақгўйликка юз тутгай.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Йиғилган раият пичирлаб гаплашар, ҳамманинг чеҳрасида қандайдир таҳлика ва тараддуд муҳрланган, гўё ҳозир ёмон, мудҳиш воқеа содир бўлгуси эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Хон ҳали ички ўрдадан чиқмаган, ҳамма раият жаноби олийни кутиб, мухташам дарвозага кўз тиккан эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РАИЯТПАРВАРЛИК эск. кт. қ. халқ-парварлик. *Мустақил мамлакатимиз инсон-парварлик, раиятпарварликка қаратилган, оламицумул аҳамиятга молик ишлари ила белгилаиб, тан олиниб келинмоқда.* Газетадан.

РАЙ [а. رَئِي — нуқтаи назар, мулоҳаза; ақл-идрок] қ. раъй. *Дунёда бирон инсон йўқдирки, кўнгиш нималигини, кўнгиш райи нималигини билмасин.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Боланинг райини — кўнглини синдираган, тушунмаган одамга педагогик касби хайфдир.* Газетадан.

РАЙИЖРОКОМ [«район ижроия комитети» бирикмасининг қисқартмаси] тар. 1 Меҳнаткашлар депутатлари район ижроия комитети ва у жойлашган бино. *Райижроком қарори.* *Райижрокомга бормоқ.*

2 с.т. Меҳнаткашлар депутатлари район ижроий комитетининг раиси. *Расулов райижрокомнинг кабинетда унга қоғозларни кўрсатиб, нималарнидир қизғин исботлади.* Ш. Рашидов, Асарлар. *Райижрокомнинг муовини Фаттоҳ Улмасбоевнинг кайфияти бугун ёмон.* Ў. Умарбеков, Сирли соҳил.

РАЙКОМ [р. районный комитет — «район комитети» бирикмасининг қисқарт-

маси] тар. 1 Район комитети ва у жойлашган бино. *Райком мажлиси.* ■ *Бу ишда ўзбошимчалик қилганингиз учун райком бюросида масалангиз кўрилар эмиш.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Адолат аризасининг оқибатини кутиб юрди.* *Ҳадеганда жавоб кела бермади.* *У райкомга, военкоматга яна хат юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 с.т. Район комитетининг котиби. *Йўлдош барака топсин, хўп райкомимиз борда!* Уйғун, Дўстлар. *Бу гапни у райкомга бориб айтди.* Газетадан.

РАЙОН [фр. rayon — кенг майдон, катта кенглик < лат. regio, regionis — вилоят, ўлка; чегара] 1 қ. туман IV. *Тошкент шаҳар районлари.* ■ *Азиза қишки имтиҳонларни топшириб, районга қайтиши билан яна ишга тушиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Шу куни Чилонзор район халқ суди яна бир аёл устидан ҳукм чиқарди.* Газетадан.

2 с.т. Район (туман)нинг маъмурий маркази. *Райондан келган вакил.* ■ *Биз район каттаконларининг буйруғини бажардик, холос.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Райондан телефон қилишди [деди Нишонов Саодатхонга].* С. Зуннунова, Янги директор.

3 Бирор географик, иқтисодий ва ш. к. белгилар, хусусиятлар билан ажралиб турадиган жой, ҳудуд. *Мамлакатнинг муҳим иқтисодий районлари.* ■ *Жанговар байроқ ҳар доим ўз ҳарбий қисми билан, жанг майдонида эса қисмининг жанговар ҳаракатлари районларида бўлади.* Газетадан.

РАЙОНЛАРАРО Бир неча туман учун умумий бўлган, бир неча туман ўртасидаги, муштарак. *Районлараро электрстанция.*

РАЙОНЛАШТИРИШ Географик фанлар тизимида қўлланилган илмий тадқиқот усули: географик қобик ёки унинг айрим қисмларининг ҳудудий табақаланишини, табиат ва жамият ўртасидаги таъсирнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларини ўрганади.

РАЙОНЛАШТИРМОҚ 1 Бирор жойни маъмурий-ҳудудий бўлинмаларга — туман (район)ларга ажратмоқ. *Ҳудудни сейсмик жиҳатдан районлаштириш ишлари амалга оширилди ва сейсмик жиҳатдан фаол ҳудудлар харитаси тузилди.* Газетадан.

2 Қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва моллари учун энг мувофиқ об-ҳаво, иқлим, тупроқ шароитларини ҳисобга олиб, уларни

мамлакат худудига тўғри тақсимламоқ, жойлаштирмоқ. *Заводлар, ҳар бир зона учун илмий асосда районлаштирилган навларни ҳисобга олиб, уруғлик етказиб бермоқдалар.* Газетадан.

РАЙХОН [а. *ريحان* — хушбўй ўсимлик тури] 1 *бот.* Лабгулдошларга мансуб, ошкўк учун экиладиган бир йиллик хушбўй ўсимлик. *Ош райхон.* ■ *Жамбил, райхоннинг исси етти маҳалла наридани димоққа урилади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги. *Ойим райхонни яхши кўради, қишин-ёзин чаккасидан қўймади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Райхон (хотин-қизлар исми).

РАЙХОННИЙ [а. *ريحاني* — ранги ёки қуриниши райхонга ўхшаш]: ёқути райхоний қ. ёқут I I. Райхоний ранг Яшил ранг. *Хатти райхоний* Араб ёзувидаги хат услубларидан бири; сарлавҳаларда ва нарсаларнинг устига хат ёзишда ишлатиладиган ёзув тури.

РАК [р. рақ — қисқичбақа; кана < қад. р. орке — ёпишиб олиб сўрувчи] *тиб.* Одам ёки ҳайвонларнинг ички ёки ташқи аъзоларидаги эпителий тўқимасидан ривожланадиган, ҳаёт учун хавфли ўсма; саратон касаллиги. *Қайси кун марказдан келган врач Ханифа ҳоланинг касали рақ экани, саноқли кунлари қолганини айтган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Вилт, рақ муаммоси ҳам ҳал бўлар, лекин Шукур Каримович айтганидек, баъзи кишилар феълу атворидаги «вилт ва рақ»ни тузатиш амримаҳол бўлади.* Мирмуҳсин, Умид.

РАКААТ, ракат [а. *ركعت* — намоз вақтида тиз чўкиб таъзим (сажда) қилиш; намознинг бир қисми] *дин.* Намознинг бир қисми, бўлаги; намозда муайян ҳаракат ва вазифаларнинг ҳар бир такрорланиши. *Афанди бир кун икки ракаат пешин намозини ўқигандан кейин, саждадан бош кўтармай ёта берди.* «Латифалар». *Бошга тушса бир фалокат, Намоз ўқиб бир ракаат..* «Нурали».

РАКЕТА [нем. *Rakete* < итал. *rocchetta*, госса — дук, йиг, урчүк] I Ичидаги заряди ёнганда осмонга кўтариладиган, мушакбозликда ёки ҳарбий ишларда сигналлар бериш ва керакли жойларни ёритиш учун қўлланиладиган снаряд; мушак. *Қишлоқнинг кун ботиши томонидаги ўрмон бурчагидан икки марта оқ ракета отилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Реактив куч таъсирида ҳаракатланадиган учувчи аппарат. *Тинчлик мақсадида қўлланиладиган ракеталар. Жанговар ракеталар.* ■ *Космонавтикага ракета техникаси йўл очди.* «Фан ва турмуш». *Ракета тепага кўтарилиб, берилган орбита бўйлаб узиш ўрнига, одамларнинг боши устида тариллаб тураверади.* Газетадан.

РАКЕТАБОЗЛИК Ракета ишлаб чиқариш ва уни амалда қўллаш бўйича ким ўзарга мусобақаланиш, шу йўл билан бири-бирига таҳдид, пўписа қилиш. *АҚШ ва совет Иттифоқи ўртасида ракетабозлик мусобақаси айни авжга чиққан йиллар эди.* Газетадан.

РАКЕТАСОЗЛИК Саноатнинг ракеталар ишлаб чиқарадиган тармоғи.

РАКЕТАЧИ I Ракета қўшинларида хизмат қилувчи шахс. *Бугун ракетачи деган сўзни ҳаяжон ва ҳурмат билан тилга олмайди-ган киши топилмаса керак.* Газетадан.

2 Ракета учириб сигнал берувчи киши.

РАКЕТКА [фр. *raquette* — < итал. *roschetta*, *retichetta* < лот. *rete* — тўр, матрап] *спорт.* Теннис ёки бадминтон ўйинида шар, волан ёки копток урадиган дастали, овал шакли, ёғочдан қилинган ракета тур чамбрак ўрнатилган куракча. *Ракетка билан урмоқ.* ■ *Шуни таъкидлаш жоизки, ёш, иқтисодорли катта ракетка устамиз турнирни муваффақиятли бошлади.* Газетадан.

РАКЕТОДРОМ [ракета + юн. *dromos* — югуриш жойи, йўлкаси] Ракеталарни синаш ва учиртиш учун махсус техникавий воситалар билан жиҳозланган жой, худуд.

РАКУРС [фр. *gassoucis* — қисқартирмоқ] I *снт.* Тасвирий санъатда ва графикада муайян фигура ёки предметларнинг томошабиндан узоқроқ бўлган қисмларини қисқартириб, перспективада тасвирлаш.

2 Объектни ҳаракатланувчи ёки ҳаракатланмайдиган видео- ёки кинокамера билан турли томонлардан тасвирга тушириш — операторлик маҳоратининг бир усули.

РАЛЛИ [ингл. *rally* — йиғилиш, йигин; тўпланиш] *спорт.* Махсус тайёрланган автомобиллар ва мотоциклларда белгиланган маршрут бўйлаб ҳаракатланишда уларни бошқариш маҳорати бўйича мусобақалар.

РАМ с. т. қ. рамка. [Ўйинг] *Жиҳозлари Ойнисанинг эътиборини унча тортмаса ҳам, ёзув столи устига қўйилган каттагина ойна*

рамдаги фотосуратлар сеҳрлаб қўйди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

РАМА [р. рама < нем. Rahmen — машина, механизмларни кўтариб турувчи қисм, асос] 1 Машина ёки қурилмаларнинг юк кўтарувчи, уларни тутиб турувчи асос қисми. *Автомобиль рамаси.* ■ Катта диаметри труба тарзидаги рама машина асосини ташкил этган. «Фан ва турмуш».

2 Бир-бирига бириктириб маҳкамланган чорқирра ёғоч ёки темир мослама. *Станок рамаси.*

3 Деразанинг ойна солинган ёки солинмаган ҳар бир қаноти.

РАМАД [а. رمد — кўзнинг яллиғланиши; رماذ — қул, хок] Оғриқ, дард. *Оташин ишқ ичра жисму жон ўлуб мисли рамад, Ҳеч қилмас кўнгли қаттиғлиғдин ул бераҳм ёд.* Увайсий.

РАМАЗОН [а. رمضان — рўза ойи] 1 Қамария йил ҳисобида 30 кундан иборат тўққизинчи ойнинг арабча номи (шариатга кўра, бу ой давомида мусулмонлар рўза тутадилар). *Рамазоннинг охири ҳафтаси қолиб, катта ҳайитнинг баҳор ойларига тўғри келгани ҳаммага севинч бағишларди.* Мирмуҳсин, Шаммор. *Бекларнинг машваратида Самарқанд юришини рамазон ойида бошлашга, тайёргарлик ишларининг асосий қисмини Ўшнинг ўзидаёқ битириб кетишга қарор қилинди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Тез орада рамазон ойи бошланиб, ҳаммалари рўза тутишга киришдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Шу ойда болалар ва гадоилар эшикмашиқ юриб айтадиган қўшиқ. *Рамазон айтмоқ.*

3 Рамазон (эркаклар исми).

Рамазон ҳайити Мусулмонларнинг рамазон (рўза) ойи тугаган кундан кейин ўтадиган байрами. *Рамазон ҳайитини байрам сифатида нишонлаймиз.* Газетадан.

РАМАЛ [а. رمال — «қум» с. дан] Аруз баҳрларидан бири. *Улар ҳазаж, ражаз, рамал, муқтазаб, мужтасс, мушокил баҳрларида мисол қилиб берилган.* «ЎТА».

РАМАҚ [а. رمق — охириги куч, нафас; ҳаёт учқуни, нишонаси] Жон чиқар олдидаги нафас, охириги нафас. *Париваши ул хабар ношод қилди, девонасин сўрарга нома савад қилди, Қосидким ул номани Маржунга еткуруб берди, руҳидин танида рамақ йўқ эрди.* А. Навоий, Маҳбубул-қулуб.

РАМАҚИ Ниҳоят даражада озган, ҳолдан тойган, эти бориб суякка тақалган. *У рамақи бўлиб қолибди.* ■ *Не уқубатларни куриб, баҳорга чиқдинг рамақи, Қовурғаларинг саналиб, қоқ куриб жиринг, сигирим.* «Муштум».

РАМАҚИЖОН [а. + ф. رمق جان — жоннинг рамақ ҳолати] айн. рамақи. *Рамақи-жон бузоқ.* ■ *Чол озғин, эти бориб суягига ёпишган, кўзлари киртайиб, рамақижон бўлиб қолган.* Н. Сафаров, Наврўз. *Шуринг қургур укам мардикорликдан рамақижон бўлиб қайтиб келди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

РАМЗ [а. رمز — белги, имо, ишора; лақаб, тахаллус] 1 Бирор ғоя, тушунча, ҳодиса кабиларни ифодаловчи, эслатувчи шартли белги, ишора. *Дустлик рамзи. Кабутар — тинчлик рамзи.* ■ *Она ўлкам менинг рамзи садоқат, Дурлар шодасида дурдона гўё.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Санъаткор Бернора, мовий кўл фарзанди, садоқат рамзи — Оққушга айланиб, равон сузиб чиқади саҳнага.* «Саодат». *Ёдгорликлар муқаддас номир мерос сифатида Ватанга садоқат рамзи бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб боради.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Биз, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари — Давлат герби, Давлат мадҳияси азиздир.* Газетадан.

2 Қочириқ ёки ишора билан айтилган гап; имо-ишора, шама. *Рамз билан гапирмоқ.* ■ *Латифа, аския, рамзу киноя Утар ул-фатлар ичра бениҳоя. Ҳабибий. Саидий, гарчи кейинчалик Ёқубжоннинг рамзига тушунган бўлса ҳам, бу гапни ҳақоратга қарши ҳақорат тарзида айтди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳасрат тула сўзиндан озор топар нигорим, Рамзи ишора бирлан қилгин уни ифода.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони.

3 Рамз (эркаклар исми).

РАМЗИЙ [а. رمزی — рамзли, рамзга асосланган] 1 Рамздан иборат бўлган; рамзли, ишорали. *Йўлнинг ҳам, манзилнинг ҳам ўз рамзий маъноси бор.* Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. *Буюк одамлар тирикчилигида ўзидан нишона бермайди. Уларда рамзий ҳолат кўпроқ бўлади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

2 Расмият учун қилинган, юзаки, шунчаки. *Биз ядро қуролидан холи Марказий Осиё зонасининг барпо этилиши рамзий тадбирга*

айланиб кетмаслиги кераклигини яхши биламиз. Газетадан.

РАМЗИЙЛИК Алоҳида белги, ишорага, рамзга эғалик, рамзлилик. *Навоий шеъриятида ишқнинг шартлилиги ва рамзийлиги таркидунёчи дарвеш сифатидаги лирик қаҳрамон образининг хусусиятларида ҳам кўрилади.* «ЎТА».

РАМЗИЯТ [а. رمزيّات — белгилар, рамзлар; символизм] с.т. Рамзлар. *Ўрдак ва кабутар Хоразмдан топилган буюмлар рамзиятида кўп учрайди.* «Фан ва турмуш».

РАМЗЛИ 1 Рамзга эга, рамзи бўлган; белгили. *Рамзли тасвир.* ■ *Ўзбекистон пойтахтида ўн кун давомида ўзбек мусиқаси фестивали — «Тошкент баҳорининг рамзли машъали порлаб турди.* Газетадан.

2 Қочирӣқ ёки ишора билан айтилган; шамали. *Рамзли гап.* ■ *Азимжондан сизга-ям хат бор, мана ушланг, — деди почтачи рамзли оҳангда [Ислом отага].* У. Назаров, Исмоил тажанг.

РАМКА [«рама» с. нинг кичр.] 1 Портрет, расм ва ш.к. солинадиган, картон, металл ва б. материалдан қилинадиган, асосан, тўрт бурчакли хошия. *Жимгина хона биллур қандилдан ёғилаётган нурга тўлган, деворлардаги кекса артистларнинг суратлари солинган рамкалар ойнаси ярақлаб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бугунча аслига ўхшаса сурат, Заррин рамкаларга қувнаб солгайсиз, Ўз рангда товланиб келганди шухрат, Сувратин чизолмай шошиб қолгайсиз.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Матн ёки расм атрофига чизилган тўғри тўртбурчакли қора хошия (мотам, аза билан боғлиқ). *Марҳумнинг суратини ёки номини рамкада бермоқ.*

3 Қўчма Иш-ҳаракат, фаолият, воқеа-ҳодиса кабилар доираси; чек, чегара. *Рамкага солмоқ. Рамкадан чиқармоқ.* ■ *Фурқат юбилейи ўзининг салмоғи, моҳият зътибори билан адабиёт ҳодисалари рамкасида ташқарига чиқиб кетади, кенг маънодаги маданиятчимиз, маънавий ҳаётимиз тараққиёти масаласига айланиб кетади.* «ЎТА».

РАМКАЛИ Рамкага эга, рамкаси бўлган. *Катта рамкали портрет.*

РАМЛ [а. رمل — қум] Қум билан фол очиш; фолбинлик. *Соли домла.. рамл кўришдан бошқа.. иссиқ-совуқ.. шунга ўхшаи косиб-*

чиликдан ҳам хабардор булган эдилар. Чустий, Пардаи асрор.

РАММОЛ [а. رمال — қумга қараб фол очувчи] Фолбинларнинг бир тури: қум ёки тупроққа, уларнинг юзасидаги нуқталарга қараб фол очувчи шахс. *Кўҳна бир китоб ногоҳ чорлар сеҳрли фолдек. Мен ҳовлиқма раммодек очаман ҳар сўз, э воҳ.* А. Шер, Куз ҳилоли. *Кимлар-да ажнабий бир раммол бўлиб, Умрини сарф этди фолга иқтидор.* А. Шер, Роз.

РАМПА [фр. rampe — тўр, панжара] 1 Театр саҳнаси полига унинг олд қирраси бўйлаб ўрнатилган, саҳнани олдиндан ва пастдан ёритиш учун мўлжалланган ёритиш асбоблари.

2 Театрда саҳнага қаратилган ёритувчи асбобларни томошабинлар кўзидан паналаш учун авансцена бўйлаб ясалган узун тўсиқ ва шу тўсиқ ортига ўрнатилган ёритиш асбоблари. *Шу пайт Шокир ака илдам саҳнага чиқди, ҳеч кимга қарамай, олдинга юрди, рампанинг олдига борганда тўхтаб, қаддини ростлади-ю, қоронғи залга тикилди.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

РАНГ 1 [ф. رنگ — тус, ранг, бўёқ] 1 Бўяш учун ишлатиладиган модда; бўёқ. *Қуруқ ранг. Ипак бўяйдиган ранг. Ранг бермоқ.* ■ *Стадион ремонт қилина бошлаган, панжаралар қизил, сариқ рангга бўялган.* «Ёшлик».

2 снт. Рангтасвирнинг асосий ифода ва тасвир воситаси.

3 Нарсаларга суртилган ёки сингдилган бўёқ, сир. *Шипи шарқча нақшдор уй, нақшлари эскириб, ранги хираланган, лекин ҳали диққатни тортарлик ҳолда.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бугун у шидан барвақт қайтди. Оч зангори рангга бўялган дарвозадан ўтиб, ҳовлига кирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Бирор нарсанинг ўзига хос бўёғи; тус. *Ранг сариқ рўмол. Ҳайвонларнинг муҳитга мослашадиган ранги. Олмага ранг кириб қолди.* ■ *Фўзаларнинг рангини кўрган сари, ичгинам туздай ачийди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Бир туп дарахтда қанча шох-шабба, қанча ранг, қанча гул-мева, қанчалаб сир-синоат бор.* Газетадан. *Овқат пишди. Қозоннинг занги чиқиб қорайган гўжга қатиқ ҳам ранг киргизолмади.* А. Қаҳҳор, Анор.

5 Кишининг юзидаги қизиллик даражаси. Унинг рангида қони йўқ. Унинг ранги қипқизил. Ранг кўр, ҳол сўр. Мақол. ■ Негадир Чароснинг юзи худди шу гул билан бир хил рангда эканини энди сезди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Турсуной билан Шарофатнинг ранги бўздай оқарди. Ойбек, Танланган асарлар.

Ранги кетиб қолмоқ Юзида дард, оғриқ, уйқусизлик азоби намоён бўлмоқ; озиб, тўзиб кетмоқ. -Рангинг кетиб қолибди, - деди у Дилфузанинг кўзларига тикилиб. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ранги сениқмоқ қ. ранги кетиб қолмоқ.** Ёдгор унинг ранги синиқиб, кўзлари киртайиб қолганини сезар, изтироб чекиб юрганини билар, югуриб бориб, қўлидан тутгиси, «мен сени соғиниб кетдим ахир», дегиси келар, аммо журъати етмас, бундай қилишга ўзини ҳақсиз деб билар эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ранги ўчиб кетмоқ** 1) ранги оқариб, бўзариб кетмоқ. -Ҳақорат қилди! - деди Искандаров анчадан кейин тилга кириб. У ранги ўчиб, ўрнидан туриб кетди: -Нега мени ҳақорат қилдинг, ифлос! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) кўчма озайиб қолмоқ, баракаси учиб кетмоқ. Икки-уч олишдаёқ лаганнинг ранги ўчиб кетди. Ғ. Фулом, Шум бола.

6 кўчма Гап, нутқ, оҳанг ва ш.к. даги нозик бўёқ, тус; кўриниш, жилва. Бир зумдан кейин яна айна товуш парвоз қилди. Аммо ўзга мақомда.. кўнглини яна қаттиқроқ сеҳрловчи.. ранглар билан. Ойбек, Танланган асарлар. Бир-икки кун миёнасидаги кечинмалар турли ранг билан унинг уйқули димоғида акслана бошладилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Энг яқин кишиларидан ҳам яшириб юрган, аллақачон ўтмиш дафтарларида ранги хиралашиб кетган хотиралар бирдан тугён урди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Ранги ҳам, туси ҳам намоён дунё, Қирқми эллик бу, умр ўртаси. А. Орипов, Йиллар армони.

7 кўчма Жонтилик, файз. Тошкентлик машҳур бир бойнинг хасислиги ҳақида энг кейинги, ҳали ҳеч кимнинг қулоғига чатилмаган латиғалар суҳбатга "ранг" бериб турар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

РАНГ II [нем. Rang < фр. rang - қатор] дипл. ҳарб. Унвон, рутба даражаси. Биринчи ранг капитани.

РАНГ III [ф. رنگ] Қиёққа ўхшаш ёввойи ўсимлик.

РАНГ-БАРАНГ [ф. رنگ برنگ - турли рангдаги, турли хил, ҳар хил] 1 Турли рангдаги, ранги ҳар хил. Ранг-баранг бўёқлар. Ранг-баранг товланмоқ.

2 Турли-туман, хилма-хил, ҳар хил. Ранг-баранг фойдали қазилмалар. ■ Таом иштаҳа билан ейилгандан сўнг, ранг-баранг қимматбаҳо мевалар. билан тўла дастурхон ёзиб, [Ҳакимбойвачча] аччиқ чойни қуя бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Ранг-баранг суратли одамлар яшар, Ишлашар, куйлашар ҳамда курашар. А. Орипов, Йиллар армони. Журналистлар келгуси йилда ҳам газета ва журналларда ранг-баранг мақолалар, тарих, маънавият ва маърифатга оид материаллар берилажагини айтиб ўтишди. Газетадан.

РАНГВОР [ф. رنگوار - рангли, рангдор] Бирор мақсад учун зарур бўладиган бўёқ моддалар мажмуи. Шакарпазлик рангворлари.

РАНГДОР [ф. رنگدار - маълум рангли, рангга эга бўлган] 1 Бирор рангга эга бўлган ёки бўялган; рангли; ранг-баранг. Рангдор қаламлар. Рангдор қоғоз. ■ Паркнинг рангдор маржон чироқлари ҳам сунди.. ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. А. Муҳтор, Чинор. Чамаси, касалхона яқинидаги бу бозорча ўзидан-ўзи пайдо бўлган, кейинчалик бир қатор раста қурилиб, устига рангдор пластмасса шифер ёпиб қўйилган эди. У. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

2 кўчма Бежамали, жилвали, тамта-роқли, баландпарвоз (гап, сўз, услуб ва ш.к. ҳақида). Сайрамов болаликда, узун қиш кечалари.. чолнинг ўзига хос рангдор сўзи ва услубини диққат билан тинларди. Ойбек, О. в. шабадалар. ..умрдош танлашда янглишма, қизларнинг ташиқ қиёфасига, рангдор сўзларига уча кўрма, - деди меҳмон Мансурга. Ё. Шукуров, Уч савол.

РАНГДОРЛИК кўчма Жилвадорлик, сержилвалик, жозибалилик. Саид Аҳмад асарларини ўқиган китобхон уларнинг тилидан ҳам бениҳоя чуқур эстетик завқ олади, ҳам тилимизнинг қудратига, рангдорлигига, бойлигига яна бир марта қойил бўлади. «ЎТА».

РАНГИН [ф. رنگين - рангли, рангдор, муайян рангга бўялган] айн. ранг-баранг, рангдор 1. Рангин плакатлар. ■ Косалар, пийёла, қадаҳларнинг гуллари баҳор чаман-

ларидай бой, нафис, рангин эди. Ойбек, Навоий.

РАНГИНЛИК Ранг-баранглик, хилма-хиллик, ҳар хиллик. *..билимдонлик мубоҳасалари охир-оқибат фикрий рангинликка йўл очиши аниқ.* Ш. Ризаев, Жадид драмаси.

РАНГЛАМОҚ с.т. Ранг бермоқ, бўямоқ. *Сочларини ранглагани билан, барибир, юзига кексаликнинг нуқси урибди.* Газетадан.

РАНГЛИ 1 қ. рангдор 1. *Рангли телевидение. Рангли чит. Рангли қалам.* ■ *Сариқ рангли бино олдида, умрида овқат емагандек қотма, новча, ранглари тоза, ҳаракатлари енгил одамлар қаршисида тўхтади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Тўрт марта пул мукофоти берди, икки йилдан бери рангли суратим «Хурмат тахтаси»да.* С. Аҳмад, Юлдуз.

Рангли металлар Темир ва унинг қотишмаларидан бошқа барча металлар.

2 *кўчма айн. рангдор 2. Ким билади.. Машҳадийнинг силлиқ назми, рангли услуби валинеъматнинг кўнглини шундай қиларди, у.. бир неча кўй.. инъом қилиб юборар!* Ойбек, Навоий.

РАНГО-РАНГ [ф. رنگارنگ — турли рангдаги; хилма-хил] с.т. айн. ранг-баранг. *Ўқтам столни бирпасда ранго-ранг мевалар билан яшнатиб юборди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ранго-ранг мушаклар ловуллаб кўкка интилди.* «Саодат».

РАНГПАР [ф. رنگپریده < رنگ — ранги ўчган, йўқолган] Ранги заҳил, синиққан, рангсиз. *Ҳовузнинг у томонида ярим гўмбаз шаклида тош терилган, унинг остида мўйлови эндигина сабза урган рангпар йигит кабоб пиширяпти.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ибн Сино тўрдаги ипак тўшак устида ёстиққа суяниб ўтирган рангпар кишига таъзим қилди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Уларнинг гўзалари рангпар, нимжон; ўсимлик чанқоқ: «Сув бер!» деб фарёд чекаётибди.* Газетадан.

РАНГ-РУХСОР, ранги рухсор [ф. رنگ رخسار — юзнинг ранги] айн. ранг-рўй.

РАНГ-РҲЙ, ранги рўй [ф. رنگرؤی — юзнинг ранги] Киши юзининг ранги ва кўрниши. *Унинг ранг-рўйи яхши. Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас.* Мақол. ■ *Фарқланадиган ранги рўйимиз, Турмуш-турмуш, орзу-ўйимиз.* Н. Нарзуллаев, Ёғду. *Ранг-рўйлари бир ҳолатда, қони қочган кўллари ёнларига мажолсиз чўзилган.* Н.

Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Бригадир қорнини силаб, Нусратбекнинг ранг-рўйи, кийим-бошига разм солди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

РАНГСИЗ 1 Бирор рангга эга бўлмаган; туссиз. *Рангсиз суюқлик.*

2 Ранги номаълум, хира. *Рангсиз чит.*

3 Ранги кетган, ранги йўқ. — *Сизга барибир эмасми? — Клара ҳамон унинг кўлини кўйиб юбормас, ойдинда чехраси бироз рангсиз, аммо жозибали кўринарди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Калтакесакдек рангсиз, қонсиз мавлоно Шаҳобиддиннинг кайфи жойида эди.* Ойбек, Навоий.

4 *кўчма* Тил ёки услуб жиҳатидан бўш; туссиз. [Абдишукур] *Шоирлик истеъдодидан тамом маҳрум бўлишига қарамай.. вазни бузуқ, фикри саёз, рангсиз назмлар ёзди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *Сўзланган оқиз, бўш. Унинг назарида, севиб сўзи ҳаёт сеვისи олдида рангсиз, туссиз эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

РАНГСИЗЛИК Ранги заҳиллик, синиққанлик. [Абдурахмон домла:] *Рангсизлик орттириб, йигирма саккиз ёшида «хатми кутуб» қилишга муваффақ бўлди.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

РАНГТАСВИР Тасвирий санъат тури; бирор қатғиқ юзада рангли ашёларда, мас., бўёқлар ёрдамида бадий асар яратиш усули ва шу йўл билан яратилган бадий асар. *Фестивалда мамлакатимизнинг 250 дан ортиқ иқтидорли ёш ижодкорлари рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, дизайн ва бошқа санъат турлари бўйича сара ижод намуналари билан иштирок этдилар.* Газетадан.

РАНГ-ТУС Ранг ва тус(лар). *Ранг-тус билдирувчи сифатлар (тлш).*

РАНГ-ҚУТ Кишининг ранги рўйи ва файзи. *Ранги-қути ўчиб, дир-дир қалтираб турган йигитча қоғозларга қўл кўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм. — *Ўртоғингизнинг адаси ким? — ранги-қути ўчиб сўради Муборак Азизович.* Газетадан. — *Нима гап? Тинчликми? — деб сўради олим ранг-қути ўчган мулозимга қараб.* М. Осим, Карвон йўллари.

РАНДА [ф. رنده — тахтани силлиқловчи дурадгорлик асбоби] Ёғоч ва тахталарни текис қилиб йўниш, силлиқлаш учун ишлатиладиган, ўртасига пўлат тиг ўрнатилган дастали асбоб. *Мушт ранда. Дароз ран-*

да. ■ Коля ганга аралашмай, жингала-жингала қириндилар сачратиб, тахтача устидан ранда юритарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

РАНДАЛАМОҚ Ёғоч-тахталарнинг сиртини ранда билан текисламоқ, силлиқламоқ. *Тахтани рандамоқ.*

РАНДАЛАШ Маълум қалинликда қиринди олиш йўли билан материаллар сиртига ишлов бериш усули. *Тахтани рандалаш.*

РАНЕЦ [нем. Ranzen — халта, сумка] Ҳарбийлар ёки ўқувчиларнинг елкага тасма билан осиб юрадиган сумкаси. *Ранецга ортиқча нарса солиб қўйилгандай орқага тортади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

РАНЖ [ф. ранж — меҳнат, машаққат; ташвиш; ғам, алам; дард] 1 Кўнгилга етган озор, алам. *Оламда ҳар нарса эсдан чиқиши, ҳар қандай ранж, кулфат кўнгилдан кутарилиши мумкин, лекин уч ярим яшар бўлиб ўлган фарзанд доғи.. йўқ!* А. Қаҳқор, Қабрдан товуш.

Кўнглини ранж қилмоқ Бировни ранжитмоқ, кўнглига озор бермоқ. [Бировдан] **Ранж топмоқ** (ёки чекмоқ) Бировдан ранжимоқ, озор топмоқ. *Мард атаймиз кимки турса аҳду паймон устида, Чекса ҳам ранж, узмагай меҳрин қадрдон устида.* Ҳабибий.

2 эск. Меҳнат, машаққат. «Ибодулло маҳсум шунча жойдан ранж чекиб келибди-я», деб такрор ўйлади Эломонов. М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила, Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.* Алишер Навоий.

РАНЖИГАННАМО Ранжиганга ўхшаш, ранжигансимон, ранжигандай. -*Сал пастроқ туш, — деди Кесакполвон сал ранжиганнамо оҳангда.* Т. Малик, Шайтанат.

РАНЖИДА [ф. ранжиде — уринган, қийналган]: қадам ранжиде қилмоқ Бирор ёққа ташриф буюрмоқ, бормоқ, келмоқ. -*Шу шарт биланки, кейин бизникига ҳам қадам ранжиде қиласиз.. — жавоб берди Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Сафарда юрган кезларим бу ерга навбати билан Намангандан ва Тошкентдан санъаткорлар қадам ранжиде қилишди.* Газетадан.

РАНЖИМОҚ Бировдан ёки бирор кўнгилсиз иш, ножўя хатти-ҳаракатдан озор чекмоқ, хафа бўлмоқ. *Унинг кўнгли нимадан ранжиди? ■ Эҳтимол, анов кунги воқеадан ранжигандир.. Нега шундай қилдинг, онажон,*

нега Адолатни мендан қочирдинг? И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Оталар боладан ранжиса озроқ, Гоҳида шундайин сўзни дейдилар: -Болам, кексаларни қадрла кўпроқ, Боғлаб қўйган эмас бизни, дейдилар.* А. Орипов, Йиллар армони. *Кўзингизни очинг, отажон, қачон сизни ранжитдим, қачон?* Э. Раҳим, Янги қадам.

РАНТ [нем. Rand — чет, чекка; қирра, зиҳ] махс. Пойабзалнинг юқори қисмини пошна билан сиртдан бириктирувчи камбар тери тасма.

РАНТЬЕ [фр. rentier — рента] иқт. Қарзга берилган пул маблағидан тушадиган фоизлар ва қимматбаҳо қоғозлардан тушадиган даромадлар ҳисобига яшовчи шахс.

РАНЧО [исп. rancho] Лотин Америкасида ҳовли-жой; Фарбий АҚШда чорвачилик фермаси. *Американинг Жанубий Дакота штатидаги ранчолардан бирида унча катта бўлмаган динозаврнинг тошга айланган скелети топилди.* «Фан ва турмуш».

РАП с. т. Раф. Элмурод.. *полк ҳовлисига қараган дераза рапига икки тирсагини қўйиб, бошини кафтлари орасига олганича, эртаги машғулот юзасидан китоб кўрар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

РАПИДА [ф. рапиде < а. رفاده — боғ, боғич; белбоғ] 1 Тандирга нон ёпиш учун ишлатиладиган, матодан тикилган, тўғарак шаклдаги қалин қўлқоп. [Меҳрихон] *Рапидадаги ноннинг юзига сув сеппиб, саватга ташлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 кўчма Думалоқ, доирасимон, рапидага ўхшаш. *Баширжоннинг рапида юзлари, хум калласи қип-қизариб, лаблари кўкариб кетди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Яхшибоев Ёнгулиннинг қиёфасини эслади: рапида юз, бароққош бир кимса..* М. М. Дўст, Лозазор. *Унинг рапида сингари юм-юмалоқ, қип-қизил юзида, аланг-жаланг кузларида алақандай тараддуд бор эди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

РАПИРА [нем. Rapier < фр. rapiere] сирт. Қўлчибозликда: расмий мусобақаларда қўлланадиган қайишқоқ, тўрт қиррали, ҳар бир санчқини қайд этувчи электр алоқали қурилмаси булган шамширдан иборат санчувчи қурол.

РАПОРТ [фр. rapport — олиб келиш; олиб бориш; қайтариб олиб келиш] 1 Идора ёки муассаса бошлиғига ёки ўз раҳбарига бирор

воқеа-ҳодиса, бажарилган иш, режа, мажбурият ҳақида тақдим этилган хабар, ахборот. *Ишга тушганлиги ҳақида рапорт бермоқ.* ■ *Бошқа бригадирлар ўз планларини бажариб, рапорт бера бошладилар.* У. Исмоилов, Сайланма.

2 Куйи унвонли ҳарбий хизматчининг ўзидан юқори унвонли ҳарбий бошлиққа маълум топшириқ бажарилганлиги ҳақида низомда белгиланган тартибдаги ёзма ёки оғзаки ҳисоботи. *Алижон полк командири қаршисига югуриб келди ва ғоз туриб рапорт берди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Разведкачи топшириқни вақтида бажарганлиги ҳақида командирга рапорт берди.* Газетадан.

РАПС [нем. Raps] бот. Карамдошлар оиласига мансуб, бир йиллик мойли емхашак экини (озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатида, чорвачиликда ишлатилади).

РАПСОДИЯ [юн. rhapsodia – рапсод (достончи) кўшиғи] мус. Халқ кўшиқлари ва рақслари мавзуида ёзилган эркин шаклдаги чолғу ёки вокал мусиқа асари.

РАСАД I [а. رصد – пистирма; (астрономик) кузатиш; кўриқлаш; телескоп] кт. астр. Осмон jismlарини кузатиш, астрономик кузатишлар.

РАСАД II [р. рассада – кўчат]: **расад қилмоқ** с.т. Униб чиққан кўчатларни тез етилтириш учун яшиқдан ёки кўчатхонадан олиб, ерга сийрақроқ қилиб қайта ўтқазмоқ. *Янги кўчатлар расад қилинди.*

РАСАДХОНА [расад I + хона] Қадимги Шарқ обсерваторияларининг номи (яна қ. обсерватория). *Беруний бу жумбоқни ечиш умидида ўзи қурган расадхонада кечани кундузга, кундузни кечага улаб, расад ўтказди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Самарқанд қалъасининг ташқарисидаги боғ кўчалар, Улуғбек расадхонасининг атрофлари, Обираҳмат ариғининг бўйлари беҳисоб қўшинга тўлиб кетган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Катта боғни эслатувчи сердархат ҳовли кимсасиз, расадхона жимжит эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

РАСАМАД [ф. رسمد < а. رسومات] с.т. Бирор нарсани ҳар бир киши ёки ҳар бир нарсага тўғри келган, тенг улушларда тақсимлаш. *Расамад қилмоқ.* ■ *– Уртоқларимга яхши кўриниш учун, расамадда кўрсатилмаган бўлса ҳам, ёғ ёнига тухумни қўшиб олиб бориниш узимга маъқул қилган эдим, – деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола. *Асли*

ғалат экан бу дунё, Расамадни билмас экан ҳеч. А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

Расамадни билан 1) тўғри тақсимлаб, бўлиб. *Ерга расамадни билан ўғит солмоқ.* ■ *Ўртага кабоб келди. Аъзамжон ака ўз қўли билан икки-икки сихдан расамадни билан меймонларнинг ликончасига қўйди.* С. Аҳмад, Гугурт; 2) тартиби билан. *Унинг [янги шаҳарнинг] кўчалари тўғри ва кенг. Иморатлари расамадни билан солинган.* 3. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

РАСВО [ф. رسوا – шарманда, бадном бўлган, уятга, инсодга қолган] 1 Ножўя хатти-ҳаракати, юриш-туриши билан эл назаридан қолган; ярамас, разил. *Расво одам.* ■ *«Тавба, – деди у ўзига-ўзи, – ярим соат ичида икки расво одам билан учрашсам-а». Ҳаётида ҳеч маҳал бунчалик ярамас тасодифга йўлиқмаган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Жуда ҳам ёмон, танқиддан тубан. *Расво гап.*

3 Жуда ҳам ёмон, ярамас; нокас. *Унинг хунуклиги устига икки дунёси ҳам расво – ҳасадчи эди.* Мирмуҳсин. *Божаси расво эканини билардим.* Шукрулло, Сайланма. *Жайдари ғўзадай мижғов, расво экинни деҳқон боласи билмаса керак.* Ф. Фулом, Аликулнинг қарзи.

4 Издан чиқиб кетган, ёмон аҳволга тушиб қолган; ёмон, пачава. [*Ўрмон Дадавоёга:*] *Қаердаки интизом маҳкам, у ерда иш йирик. Қаердаки интизом бузилиди, у ерда иш расво.* Уйғун, Навбаҳор. *Ишни расво қилдику Падар лавнат Тошбақа.* «Ёшлик».

5 Бузуқ, бадахлоқ.

Расво бўлмоқ ёки расвоси чиқмоқ 1) эл назаридан қолмоқ, эл назарида шармандаи шармисор бўлмоқ. *Ана шундай қилиб эсдан ҳам ажрасиз. эл ичида кулига ҳам қолурсиз, расво ҳам бўлурсиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) ишдан чиқмоқ; бузилмоқ. *Лой сачраб, кийими расво бўлди. Яп-янги жинси шим ҳам расво бўлди.* «Шарқ юлдузи»; 3) пачава бўлмоқ, бузилмоқ. *– Башарти хат душман қўлига тушгудай бўлсам, ишимиз расво бўлади, – деди унга командир вазифани тушунтирар экан.* А. Раҳмат, Варракчи чол; 4) бузилмоқ, ёмон йўлга кирмоқ. **Расво қилмоқ ёки расвосини чиқармоқ** 1) шармандаи шармисор қилмоқ. *– Лозимидан булак ҳалма ёғни ечириб, расво қилиб чиқаришибди, – деди Ҳожжи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.;

2) кирдикорларни очиб ташламоқ, *-Ҳароми мени тоза расво қилганга ўхшайди, — деди ўзича [Ҳожил]. А. Қаҳҳор, Ёйиллар. -Расвомизни чиқаришибди, — деди Саидваққос энтикиб [Обидхўжага]. Сўнг чўнтагидан газета чиқарди. — Фельетон қилишибди. Х. Тухтабоев, Фельетондан сўнг; 3) ифлос қилмоқ, ёмон аҳволга келтирмоқ. Она! — Холиса ўғирлиб қаради, катта хона полида мушукчасига сут бўктирилган нонни едиrolмай ўтирган ўғилчасига кўзи тушди: -Ҳой, полни расво қилибсан-ку! С. Нуров, Нарвон. -Вой-бу, ҳовлини расво қилибсизлар-ку, — дейди Фотима она тоғора изларни кўриб. Р. Файзий, Сен етим эмассан; 4) издан чиқармоқ, бузмоқ, пачава қилмоқ. Шужур Каримович гўдаийб турган Салимхон Обидийга хўмрайди: -Домла, расво қилдингиз! — деб пўнғилади. Мирмуҳсин, Умид. -Уша фельетон ҳамма ишни расво қилиб ташлади. Матбуотда эълон қилиндими — тамом. Ғишт қолипдан кўчди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа; 5) бузмоқ, ёмон йўлга солмоқ. Қизларни ҳам расво қиялмасиз. С. Зуннунова, Олов. -Болалар мени яхши кўрсин, деб уларни расво қиялмасиз, ўртоқ Султонова [деди Баратов]. С. Зуннунова, Янги директор. Чакки қилади Шоқосим ака. Наша бир куни уни расво қилади. Ойбек, Танланган асарлар. Расвои олам (ёки жаҳон) бўлмоқ Ҳамманинг олдида шармандаи шармисор бўлмоқ, обрўси тўкилмоқ. Замондин замон ўтиб, уларнинг дилида яхшилик, мурувват, ҳамият, инсофу адолат чироғи ёнармикин ёхуд то қиёмат қадар шундай бадбахтлик ботқоғида расвои олам бўлиб қолармикинлар? С. Сиёев, Ёруғлик. Буларни ўйлаганда, Тожибойнинг ичини қоронғи босиб, кўз олди тиниб кетди. Йўқ, кимсан — Тожибой оқсоқол бундай расвои жаҳон бўлиш учун туғилган эмас. П. Турсун, Ўқитувчи.*

РАСВОГАРЧИЛИК I Одоб-ахлоқ чегарасидан ташқари иш, ножўя хатти-ҳаракат; шармандалиқ. *Нега расвогарчилик қилдинг?*

2 Бошбошиқлик, бебошлик. *Бундай расвогарчиликни қаердан ўргандинг? «Ёшлик».*

3 Ахлоқи ёмонлик, бузуқлик, фаҳш. [Насиба:] *Расвогарчиликка судраган кишиларни дўст деб, уларнинг тақдирини ўйлаясизми? С. Зуннунова, Олов.*

РАСВОЛИК I Ярамаслик, разиллик. *Ёқут ая ўз расволизига аччиқ-аччиқ, юмма-юмма йиғлади. Ф. Фулом, Соялар.*

2 айн. **расвогарчилик 2.** -[«Мусулмон лигаси»] *Уламолар билан биргалашиб, яна Америка «ёрдамани» бош усти қабул этишга фатво берди, бу қандай расволик! — деди Муҳаммад Жамол. Ойбек, Нур қидириб.*

3 айн. **расвогарчилик I.** *Одамлар суюгоёқ хотинидан эмас, расволикни бўйнига олган эридан жирканишарди. Мирмуҳсин, Умид.*

РАСВОЧИЛИК айн. **расвогарчилик.** *Подшо бўлсанглар, отланиб юрсанглар бўлмай-дими? Бу қандай расвочилик. «Маликаи айёр».*

РАСИДА [ф. رسیده — етган, етишган, эришган; пишган, етилган; жимил; вояга етган] эск. кт. 1 Жисмоний жиҳатдан тўла ривожланган, камолотга эришган; етук, баркамол. *..Овозим дўриллаб, расида бўлгунимча отамнинг ёнида ётдим. «Ёшлик».* *Ҳасан қайғичи — хоннинг хос қизиқчиси, бўйи икки газча келар, ориқ, кўса, узун қўллари тиззасигача етар, товуши ҳам расида бўлмаган ўспиринларникидек чийшлаб чиқар эди. С. Сиёев, Аваз.*

2 айн. **раста II.**

РАСИДАЛИК Жисмоний жиҳатдан тўла ривожланганлик, камолотга эришганлик, етуклик. *Элчин хушсурат бўлгани учун, расидалик чегарасидан ўтмаёқ, қизларнинг хурмор кўзлари таъқибига учраган эди. Т. Малик, Шайтанат.*

РАСКЛАДУШКА [р. раскладывать — тахлаб қўймоқ; ёймоқ] фл. дан ясалган от] *Енгил букма каравот. Ошхонада ўтган ҳам, кетган ҳам қоқиладиган раскладушкада ётганини мақтайдими? С. Зуннунова, Олов.* *Жувон.. шафтоли тагидаги раскладушкага жой қилиб, чироқни ўчирди. С. Аҳмад, Таъзим. Чодирлардан бирига кириб, раскладушккаларга ўзимизни ташладик. П. Қодиров, Уч илдиэ.*

РАСМ I [а. رسم — чизма, тарх; сурат, тасвир, портрет, фоторасм; из, белги] *Кўлда чизилган, босма ёки фотографик тасвир, сурат. Расмлар билан безатилган китоб. Расм дарси. Расм олмоқ. Расм солмоқ. ■ [Кўзибойнинг] Ишлаган расмларидан битта-яримтаси гоҳо деворий газета редколлегиясига маъқул тушиб қолади. Ҳ. Назир, Сунмас чақмоқлар. Ўсмани узиб қўйдим, Сўлиса қўяман деб, Расмингизни сўрадим, Соғинсам қўраман деб. С. Сиёев, Ёруғлик.*

РАСМ II [а. رسم — маросим, урф-одат, таомил; диний маросим] *Бирор жамиятда*

одат ҳукмига кирган тартиб-қоида; урф, удум, таомил. *Меҳмон олдига дастурхон ёзиш ота-боболаримиздан қолган расм.* ■ Уларнинг расми шунақами, ишқилиб, аввал обдан ғазал айтишди, кейин ичкари киришди. С. Сиеёв, Ёруғлик. *Юракка энг яқин кишисини йўқлаш — азал одамзод расми.* «Шарқ юлдузи».

Расм бўлмоқ 1) одат ҳукмига кирмоқ, одатга айланмоқ. *Эҳтимол, пайшанба куни ош дамлаш ўшандан кейин расм бўлгандир?* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик. *Ҳозирги кунга келиб, жамият босиб ўтган йўлни ошқора тадқиқ-таҳлил ва танқид қилиш расм бўлди.* «Ёшлик». *Санжар тарбия топган оилада одамларни навларга ажратиб муомала қилиш расм бўлганлиги сезилиб турибди.* «Ёшлик»; 2) кенг тарқалмоқ, ёйилмоқ; мода бўлмоқ. *Унинг [Дилдорнинг] эғнида ўша пайтларда расм бўлган пушти крендешин кўйлак, оёғида баланд пошнали туфли.* С. Аҳмад, Уфқ. **Расм қилмоқ** 1) одат ҳукмига киритмоқ, одатга айлантирмоқ. *-Бўш вақтларда шундай физкультурачилар кийимида майдонда тўп ўйнашни бошқаларга ҳам расм қиласан!* — деди Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар; 2) кенг тарқатмоқ, ёймоқ. *Зулхумор шу вақт йигитларга қалпоқни расм қилди.* «Равишан». **Расми кушод этн.** Бирор нарсанинг тантанали очилиш маросими. *Янги ҳовлининг "расми кушоди" да иштирок қилган Мирвали банги хўтикдек чилимни кўтариб келади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *..биз бу оқиомни Муҳаммадҷон боғида, унинг расми кушодида ўтказдик.* К. Қаҳқорова, Чорак аср ҳамнафас.

РАСМАН [a. رسمان — расмий, қонуний тарзда] *рвш.* 1 Расмий равишда, расмиятга мувофиқ. *Дўнانبекнинг меҳмондорчилиги, расман бек қилиб тайинланганига йил тўлиши муносабатига бағишланган бўлса-да, асосий мақсад гап терш эди.* «Шарқ юлдузи». *Наврўз байрамининг халққа расман қайтариб берилиши ниҳоятда адолатли иш бўлди.* Газетадан. *Давлат мустақиллигимизни дунёнинг 120 дан ортиқ мамлақати расман тан олди.* Газетадан.

2 Қуруқ, расмият юзасидан, расмиятчилик билан. *Расман, юзаки иш кўришларга, ваъдалар беришга.. қатъиян хотима бериш керак.* Газетадан.

РАСМАНА *с.т. қ. расмона.* *Расмана кетмон.* ■ [Пакана қизиқ:] *Амирнинг навкарла-*

ри, мен яхши разм солдим, расмана навкарлар! А. Мухтор, Тонг билан учрашув. *Бу кўзлар расмана тикилганда, не-не қизларни қалқитиб, ҳоқилтирмаган.* М. Мансуров, Ёмби. *Яхшиоёв Муҳсинанинг кўнглини топганидан сўнг, ўзи расмана совчилик қилган.* М. М. Дўст, Лолазор.

РАСМИ *рвш. с.т.* Одатга кўра, одатда. *Дадам кулиб гапида давом этади: -Расми, овулга меҳмон келса — танишми, нотанишми, отдами, пиедами — барибди, қозоқлар уни яхши қабул қилишди.* Ойбек, Болалик.

РАСМИЙ [a. رسمى — маъмурий, маъмуриятга алоқадор] 1 Ҳукумат, давлат ёки бирор ташкилотга оид, шулар томонидан белгиланган. *Расмий вакил.* ■ *Урдага ариза билан мурожаат қиладиган ҳар ким, ҳатто расмий кишилар ҳам аввал маслаҳат сўраш учун Анварнинг ёнига келар эдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Тавкидланганидек, Ўзбекистон ва Украина расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида, асосан, иқтисодий масалалар муҳокама этилди.* Газетадан. *У ҳеч кимга, айниқса, расмий кишиларга оиланинг иқирчикирларидан гапирмасди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. В. В. Решетов 50 дан ортиқ докторлик ва кандидатлик диссертацияларига расмий оппонент бўлди. «ЎТА».

2 Ҳукумат, давлат органлари ёки бирор ташкилот томонидан эълон қилинган, чиқарилган, тарқатилган. *Расмий маълумот. Расмий ахборот.* ■ *Бунга ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги расмий ишга тааллуқли бўлган хатлар, ёзишмалар кирди.* «ЎТА». *Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланадилар.* Газетадан.

3 Қонуний равишда тасдиқланган, расмийлаштирилган. *Расмий ҳужжатлар. Расмий ташкилот.* ■ *Мамлакатимиз мустақиллигининг расмий даражасини халқаро майдонда янада яққолроқ кўрсатиш учун шундай таширфлар бўлиши лозим.* Газетадан. *Ҳар эҳтимолга қарши расмий қоғоз олиб келгандим.* «Шарқ юлдузи».

4 Ҳамма қоидаларга, расмият талабларига риоя қилиб бажарилган, ўтказилган. *Расмий таклиф. Расмий мажлис.* ■ *У [профессор Жамолов] президиумга чиқиб ўтириши билан, расмий қисм ўз-ўзидан юришиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Ҳали расмий сўз олганимча йўқ.* «Шарқ юлдузи». Жум-

ладан.. расмий ташриф вақтида Европа қайта тикланиш банки билан битим имзоланди. Газетадан.

5 кўчма Куруқ расмият юзасидан бажарилган, куруқ расмиятдан иборат бўлган. -Афв этасиз, — деди Тўғайсари расмийроқ оҳангда. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Совчилар шунчаки расмий нарса. «Шарқ юлдузи». Умуман, жамоат олдидан гапиришни сезмайдиган одам: ўзининг имомлик вазифасига ҳам жуда расмий равишда қарайди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

6 кўчма Куруқ, совуқ. Замира оғзаки куруққина сўрашди, Очил ҳам расмий салом берди. П. Қодиров, Уч илдиш.

7 Давлат йўли билан олиб бориладиган муомала, ёзишма ва ҳужжат тилига хос бўлган; мактубий. Расмий услуб. ■ Маълум бўлишча, бу одам ҳам мазкур тилни расмий, қаердадир тасдиқланган тил деб билар, бу тилда сўзланадиган ўлик нутққа жон киргизгани қилинадиган ҳар хил ҳаракатни «куюшқондан ташқари чиқиш» деб ҳисоблар.. экан. А. Қаҳҳор, Куюшқон. Республикамизда ўзбек адабий тилининг расмий-иш услубини ўрганиш бўйича илк қадам қўйилган. «Иш юритиш».

8 Одатдаги, оддий, расмана. Расмий уй. ■ Мана, кўрмайсани, расмий одамдан бунинг нима фарқи бор? Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

РАСМИЙЛАШМОҚ Расмий йўл билан тасдиқланмоқ, расмий тус олмақ. *Ҳужжатлар расмийлашди. Расмийлашган ташкилот.*

РАСМИЙЛАШТИРМОҚ Расмийлашмоқ фл. орт. н. *Қарорни расмийлаштирмоқ. ■ Ҳужжат тайёрлаш ва расмийлаштиришда энг аввало ўзбек тилининг барча асосий қонуниятлари ва қоидаларини маълум даражада тасаввур этиш зарур. «Иш юритиш». -Баъзи ҳужжатларни расмийлаштириш керак эди, эртага комиссия келиши мумкин! — дея ғудранди. Н. Аминов, Қаҳаха.*

РАСМИЯТ [a. رَسْمِيَّةٌ — расмийлик; расмий ҳужжатлар] 1 Бирор ишни, вазифани бажариш учун ўрнатилган тартиб-қоида, ишнинг расмий томони; расмийлик. *Бутун расмиятларга риоя қилмоқ. ■ Агар ўртада расмий бўлмаганда.. бизларни қучмоқчи экани [Лутфилланин] қиёфасидан сезилиб турарди. Мирмуҳсин, Созанда.*

2 Куруқ хўжа кўрсинга қилинган иш, хатти-ҳаракат, юзакилик. [Ҳафиза] *Севиклисидан икки хат олди; унинг назарида, бу хатлар расмият учун ёзилгандай туюлди. Мирмуҳсин, Умид. Гуреевнинг саволларига расмият учунгина жавоб берди-ю, ўзига кўрсатилган креслога ўтирди. С. Кароматов, Олтин қум.*

РАСМИЯТЧИ Куруқ расмиятга ёки такаллуфга риоя қилувчи; бюрократ. -*Жуда расмиятчи бўла берма! Мен ҳамма нарсага расмий қарай берадиган одамларни ёқтирмайман, — деди Шукур Каримович Умидга. Мирмуҳсин, Умид. Ишларингизнинг қадрини мана шунақа ҳовлиқмалар, маҳмадоналар, расмиятчилар туширяпти. П. Қодиров, Уч илдиш. Бутун юриш-туриши, кўз қарашларидан ғирт.. расмиятчига ўхшаб кўринган одамнинг «санъатингизни ўргатинг» деган сўзи [Тешавойга] мойдек ёқиб тушиди. Ж. Абдуллахонов, Йўл.*

РАСМИЯТЧИЛИК Куруқ расмиятга ёки такаллуфга берилиб кетишлик; юзакилик, тўрачилик. *Расмиятчиликка чек қўймоқ. ■ Бу лақаб ҳар қандай расмиятчиликни улоқтириб ташлаб, уни [Аҳмадни] яна уша беғам студентлик даврига чорлади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Бу расмиятчиликни бажариш фарзанд учун оғир, шарафли.. Ҳам қарз, ҳам фарз.. Зеро, ҳаёт занжири тамомила узилмаганлигини англатувчи бир удум.. «Ёшлик». Ҳамон тармоқда расмиятчилик ва тўрачилик, хўжа кўрсинга ишлаш ва кўзбўямачилик ҳоллари кўп. Газетадан.*

РАСМЛИ Расм чизилган, расм билан таъминланган, расм солинган. *Расмли китоб.*

РАСМ-ОДАТ қ. расм-русум. *Бу расм-одатга аёл зоти борки, рози бўлмай иложи йўқ. К. Яшин, Ҳамза.*

РАСМОНА [a. + ф. رَسْمَانَه — оддий, одатдаги] 1 Рисоладаги, оддий, расмана. *Қиз расмона кетмон билан тез ва пишиқ ишлаб кетди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 Чинакамига, астойдил, ростакамига. *Гўёки ўзининг армони эканини расмона англайдиган ягона одам ҳам унинг ўзи. «Ёшлик». Шоиргаям қийин, битта ўзини деб расмона уруш очолмаса. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.*

3 Шунчаки, юзаки. *Буларнинг ҳаммаси шунчаки расмона ишлар. «Ёшлик».*

РАСМ-РУСУМ [а. رسم — расм + رسوم — расмлар] Расм ва таомиллар, урф-одатлар. *Кўп камбағаллар бу эски расм-русум ва одатларни бажо келтираман деб, неча йиллар қиз чиқара олмай, ўғилларини уйлантира олмай сарсон бўлардилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Тошкентликларнинг расм-русумлари бу жойларга ҳам ёйилибди, фақат карнай-сурнай йўқ.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Ота-боболаримиз азалдан мусулмончилик расм-русумларига қаттиқ амал қилиб, ҳалол-покиза умр кечирганлар.* Газетадан.

РАСМЧИ с.т. 1 Расм олувчи, сураткаш; фотограф. *Расмчи йигит.*

2 Рассом.

РАСО [ф. رسا — тўлиқ, бутун, етарли; мукамал] 1 Ками йўқ, тўлиқ, бут. *Расо пачкалар. Пул расо чиқди.* ■ [Алишернинг] *Кетганига бугун расо бир ой бўлди. Нега бунча ҳаяллади экан?* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Ақлий жиҳатдан тўла ривожланган, камолотга эришган; етук, баркамол. *Хотин бўлса қобилу ақли расо, Эрин шоҳ этар, гарчи бўлса гадо.* «Ақл ақлдан қувват олади». *Усмонали ака ер илмини ҳаммадан кўра яхши биладиган ақли расо одамга ўхшайди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

Расо қилмоқ 1) бут қилмоқ, тўлдирмоқ, расоламоқ. *Пачкани расо қилмоқ;* 2) вояга етказмоқ, камолотга эриштирмоқ, етилтирмоқ. *Афтидан, буларни машқ қилдиришига, машқини тезроқ расо қилиб, фронтга жўнатишга ҳеч ким шошилмас ва лозим ҳам кўрмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Қадли расо** Қадди, бўйи-басти келишган, қоматли. *Эшон ая қадди расо, кўздан сурма, юзидан уна-элик ариманган кўҳлик бир хотин эди.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 Бутунлай, тамоман.

РАСОЛАМОҚ 1 Бут қилмоқ, расо қилмоқ, тўлдирмоқ. *Асбоблар комплектини расоламоқ.*

2 Нишонга тўғри урмоқ, тўғриламоқ. *Хан-жарингни дадил суғур қинидан Ва расолаб сангил ўнг биқинидан!* Миртемир, Асарлар.

РАСОЛИК Етуклик, камолотга эришганлик. *Фикримни дарҳол қувватлагани ақли расолигидан, донолигидан далолат беради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Ферузанинг] *Ўзи озғин, бели нозик бўлса ҳам, болдирлари, би-*

лаклари тўлишиб, қаддига ажиб расолик бахш этади. Х. Фулом, Сенга интиламан.

РАСПИСКА [р. расписаться — «қўл қўймоқ, имзо чекмоқ» фл. дан ясалган от] с.т. қ. **ТИЛХАТ.** *У кўзларини чирт юмганича, яна гапирди: -Истасанг, иккинчи бундай қилмасликка расписка бераман. Кўр эканман, қадрингни билмаган эканман.* С. Аҳмад, Сайланма.

РАССОМ [а. رسام — чизмакаш; тасвирчи, мусаввир] Расм солувчи санъаткор; сураткаш. *Ўзбек халқ рассомлари.* ■ *Нозик дидли рассомларни ҳам ҳайратда қолдирадиган ойнадаги нақш [Элмуроднинг] хаёлини банд этди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Рассом ўз асарларини бошқа санъаткорларга ўхшаб халқ оммасига кенг тарқатиш имкониятига эга эмас.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ёзувчи билан рассом қўлни қўлга бериб, дўстона хайрлашишди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

РАССОМЛИК Расм солишдаги ижодкорлик, сураткашлик. *Рассомлик санъати.* ■ *..Ошно ортиқча гап ковлаб ўтирмади. Аввалбекнинг дипломатик ўқишини ташлаб, рассомлик қилиб юганини кечирди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Ҳа, иннайкейин. Қўзибой рассомликдаям чаканамас-да. Ишлаган расмларидан битта-яримтаси гоҳо деворий газета редколлегиясига маъқул тушиб қолади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

РАССОМЧИЛИК айн. **рассомлик.** *Сиз рассомчилик факультетининг иккинчи курс студенти Чароснинг онасимисиз ахир? Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. Рассомчиликка қизиқиши уни 1969 йили Беньков номидаги рассомлик билим юртига етаклади.* Газетадан.

РАСТА I [ф. رسته — қатор; қаторга қўйилган, қаторда турган] Бозорларда бир турдаги мол билан савдо қиладиган дўконлар қатори ва улар ўртасидаги бозор, куча, йўлак. *Чит растаси.* ■ *Чамаси, касалхона яқинидаги бу бозорча ўздан-ўзи пайдо бўлган, кейинчалик бир қатор раста қурилиб, устига рангдор пластмасса шифер ёпиб қўйилган эди.* У. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Келтирилган қоп-қоп гуручларни тушириш керак, расталарга жойлаш керак.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Баширжон раста оралаб юраркан, ён томондан таниш бир овоз келди: -Ҳо, жиян!* Н. Аминов, Суварак.

РАСТА II [ф. رسته — ўсиб етган, пишиб етилган] с.т. **Балогатга** етган пайт; **балоғат.**

Раста бўлмоқ Балоғатга етмоқ.

РАСТА-РАСТА Қатор-қатор, кетма-кет.

Раста-раста ўтади ёшлар, Таъзимдадир куёв ва келин. Т. Тўла, Асарлар. [Содиқ мингбоши:] *Сенларга раста-раста қилиб бозор очиб қўйган ким ўзи?* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

РАСТРАТ(А) [р. растрата – сарф қилиб қўйиш] *с.т. эск.* Давлат ёки жамоат пулини, мол-мулкни қонунга хилоф равишда сарфлаш, ўзлаштириш, еб қўйиш. *Растрат қилмоқ. Растратни ундирмоқ. ■ Растрат учун ҳовли мусодара қилинадиган бунти.* С. Аҳмад, Юлдуз.

РАСТРАТЧИ *с.т.* Пул, мол-мулкни ўз манфаати учун сарф этган киши.

РАСУЛИ [а. رسول – чопар, вакил; элчи; олдиндан хабар берувчи] 1 Оллоҳнинг вакили, элчиси (Муҳаммад пайғамбарнинг сифати). *Набилар, расуллар, доҳийлар унда, Қабрлар, қасрлар тургандир қатор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Худо ва Расулга бўлган ҳақорат – куфр ва муртадлик бўлиб, кофир ва муртаднинг жазоси қатл, дорга осилиш ва сангсор қилиш эмасми?* С. Айний, Қуллар.

2 Расул (эркаклар исми).

РАСУЛУЛЛОҲ [а. رسول الله – Оллоҳнинг расули] *айн.* **расул** 1. *Бир кун сўрадилар Расулуллоҳдан: -Тақдир ҳукми экан – бўлгани бўлди, Зарра фойда йўқдир гарчи оҳ-воҳдан, Айтинг, мен нетайин, падарим ўлди?* А. Орипов, Ҳаж дафтари.

РАСЧЁТ I [р. расчёт – ҳисоблаш, ҳисоблаб чиқариш; ҳисоб-китоб қилиб (ҳақини бериб) ишдан бўшатиш; ўч олиш] 1 *тех.* Лойиҳалаш маҳалида керакли маълумотларни ҳисоблаб чиқариш. *Буг қозонининг расчёти.*

2 *бухг. қ.* **ҳисоб-китоб.** *Фани ака тушунтирди: -Ўзарда завҳоз бизни учратди-ю, Инжиқободаги мактаб боғига олиб бориб, олмаларнинг тагини чоптирди. Ундан кейин шеригимга расчёт бериб, менга мактаб орқасидаги ариқларни тозалатди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

3 *с.т.* Ҳч олиш, ҳисоблашиш. *Ҳа, бир мушт урдим, ўртоқ полковник, икки мушт кўтара олмас эди. Чамаси, биз қарздор, расчётни Берлинда қиламиз.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

РАСЧЁТ II [р. расчёт – ихтисослашган жангчилар гуруҳи] *ҳарб.* Битта тўп (замбарак), пулемёт ёки миномётни бошқарувчи

жангчилар гуруҳи. *-Жангга ҳозирланинг! - өзвод командирининг буйруғи расчёт жангчиларини сергаклантирди.* Газетадан. *Тирик қолган жангчиларни дарҳол ҳар иккала тўп расчётига бириктириб, тўпларни жанговар ҳолатга келтирди.* Газетадан.

РАТИФИКАЦИЯ [лат. ratificatio < ratus – ҳал қилинган, тасдиқланган + facere – қилмоқ, бажармоқ] 1 Халқаро шартнома ёки конвенциянинг олий давлат ҳокимияти органи томонидан тасдиқланиши (айни мамлакатларда қонуний кучга киритилиши). *Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясига ратификация учун киритилган ҳужжатлар ҳақида ахборот тинланди.* Газетадан. *Ўзбекистон ҳукумати халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияларни ўзгартиришга доир яна 13 та баённомани ратификация қилди.* Газетадан. *Инсон ҳуқуқлари бўйича яна бир қанча халқаро ҳужжатлар кўриб чиқилиши ва ратификация қилиниши мўлжалланмоқда.* Газетадан.

2 Баъзи мамлакатларда (мас., АҚШда) конституцияга киритилган тузатишларни тасдиқлашнинг махсус тартиби. *Мальта парламенти Европа иттифоқи конституциясини ратификация қилди.* Газетадан.

Ратификация ёрлиғи Халқаро шартномалар ва конвенцияларни тасдиқлашда расмийлаштириладиган ва олий мартабали раҳбарлар томонидан имзоланадиган расмий ҳужжат.

РАТУША [пол. ratusz < нем. Rathaus < Rat – кенгаш + Haus – уй] 1 Баъзи хорижий мамлакатларда ва 18–19-асрларда Россияда: шаҳар ўз-ўзини бошқариш идораси.

2 Европанинг бир қанча мамлакатларида шундай идора, орган жойлашган бино.

РАУНД [ингл. round – тўғарақ, давра, доира] 1 Боксда бир қур жангнинг ўзи учун ажратилган ва уч дақиқа давом этадиган муддат (ҳаваскор ва профессионал боксчилар жангиде раундлар сони ўзаро фарқланади). *Қитъавий чемпионлик камари учун рингга чиққан ўзбекистонлик Қувонбек Тойганбоевнинг шиддатли зарбаларига Кван Хун Жим (Жанубий Корея) бир раунд ҳам бардош бера олмади.* Газетадан.

2 Халқаро муносабатларда музокаралар жараёнидаги алоҳида, мустақил босқич.

РАФ [ф. رف – деворнинг баландроқ қисмида ўйиб ясалган тоқча; идиш тоқчаси]

Дераза тоқчаси. *Тасаввур қилдики, у ўзи йўлакдаги дераза рафига тизилган гуллар ортидан томоша қилиб туради.* М. М. Дўст, Лолазор. *Катта дераза рафидоғи тивакда ўсган бодринг палак отиб, шифтга етай деб қолибди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

РАФИНАД [фр. raffiné – тозалаш] Шакарга махсус ишлов бериш орқали турли шаклларда тайёрланган оқ қанд.

РАФИНАЦИЯ (ЛАШ) [нем. Raffinieren < фр. raffiner – тозаламоқ] Саноатнинг турли тармоқларида металллар ва қотишмалар, ёғ ва мойларни кераксиз ёки зарарли қўшимчалардан тозалаш.

РАФИҚ [а. رفیق – йўлдош; шерик, ўртоқ, дўст; маъшук, маҳбуб] кт. 1 Ўртоқ, дўст. – *Эй, муҳтарам рафиқларим, дўстларим, – дея мурожаат этди Аҳмад Ҳусайн.* Ойбек, Нур қидириб. *Якка ўзим нима иш қилай, Рафиқларим бор бўлса экан.* «Гулнорпариди». *Саждага бошинг уриб фарёд чекма, эй рафиқ, Энди сен тоғаймидинг, топмабди-ку агёрлар.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Умр йўлдоши; эр. [Марям Қодиржонга:] *Мен ҳам ўқиган, тўғри рафиқ истаган хотинман.* Ҳамза, Ким ўғри?

3 Рафиқ (эркаклар исми).

РАФИҚА [а. رافقه] кт. 1 Дугона, ўртоқ, дўст.

2 Умр йўлдоши, хотин, ёр. *Фарзандим, отам, рафиқам – мендин сўнг ёнар чирогим – ана шу дўстларим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ишдан ҳориб қайтдинг, дилгир, ҳойнаҳой, Рафиқанг узатди бир пиёла чой, Унут бўлди шунда зоринг, чарчоғинг, Кўнгишдан бир нафас кетди ғуборинг.* А. Орипов, Йиллар армони. *Юзидан мулоимлик, эрига итоат, тўғрилиқ маънолари томиб турган бу хотин қутидорнинг рафиқаси – Офтоб ойим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Рафиқа (аёллар исми).

РАФТ [ф. رفت – бориш, жўнаб кетиш] с.т. Шашт; ғайрат; кайфият. *Махсумнинг рафти йўқ экан, қўлида титилган бир китоб, мунгайиброқ ўтирарди.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

РАФТ-ОМАД, рафту омад [ф. رفت و آمد – борди-келди; бориш ва келиш] кт. 1 Борди-келди муносабатлари, бориш-келиш. *У билан бизнинг рафт-омадимиз йўқ.* ■ *Олимжон тарафидан келтирилмиш янги либосларга ўралган Абдулқаҳҳор иккинчи бир зўр давлат*

нишонларини кутиб, аввалги давлатига шेरлик бўлган, иззат ва ҳурмат қилган ошноларни эндиликда ҳеч бири била рафт-омад қилмасликка.. ҳар нафасда қасамлар ёд қилмоқда эди. Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Юриш-туриш, оёқ олиш. *Йигитнинг рафт-омадига қараганда.. шоҳона бир участкани қонуний йўл билан қуриб, баъзи таъна-маломатларни даф айлабдир.* Файратий, Довдираш.

Рафт-омадини олмоқ Разм солиб, кузатиб, бутун сир уасорини билиб олмоқ, азмойшини олмоқ. – *Ўғлим, – дедилар [эшон Шум болага] – мана Энди бизга анча хизматинг сингди. Ички-ташқининг рафт-омадини олдинг.* Ғ. Фулом, Шум бола.

РАФТОР [ф. رفتار – юриш, қадам ташлаш; юриш-туриш, феъл-атвор] эск. кт. 1 Ҳатти-ҳаракат, юриш-туриш, қадам олиш. *Лекин адо бўлгур мени хушламади, рафторим, юриш-туришим ёқмаган эмиш.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Од капитанни таниганди, албатта, бироқ унинг рафторидан ғирт телба эканлигини англаб, янада ҳайратга тушди.* «Ёшлик». *Асқар ота, бу ҳурматли жувон бошқа хотинлардан рафтори билан ажрალიб турар, деган бир ўйда эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 кт. кўчма Юз, бет; ташқи кўриниш. *Юнусхоннинг рафтори дув қизариб, зумда аслига қайтди.* «Ёшлик». *Сал чимирилган қошлари демаса, Авазнинг рафторидан бир нима англаб олиш қийин эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

РАХ [ф. رخ – кертик (кертма) белги; дарз, ёриқ; тирқиш] 1 айн. рахт 1.

2 Эшик, девор ва ш.к. ларнинг бурчаги, қирраси, зиҳи. *Рах чиқармоқ.* ■ *Муқаддам айвон деразасининг муздек қиррадор раҳига пешонасини босди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Гаваҳар бу гапни ёзишни ҳам, ёзмасликни ҳам билмай, тирсақлари билан стол раҳига таянганча, узоқ ўтириб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Деразанг раҳида ёронгул ўсар. Мен сени соғиндим.* Х. Даврон. *Пошша хола айвон раҳидан икки бўз супр олиб келди, ерга ёзди..* Д. Нурий, Осмон устунни.

3 с.т. кўчма Кийим-кечак қирраси. *Раҳи чиқсин, деб матрас тагига ёзиб қўйган шимини олиб кийди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Тилла сочини жайранинг сихидек тиккай-*

тириб тараган, еңги шимариқ оқ күйлак, рахи қийшиқ шимда. Э. Аъзамов, Жавоб.

РАХИТ [юн. rhachis – умуртқа] Ёш, эмицикли болалар организмда D витамини етишмаслигидан минерал моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келадиган ва суяқ ҳосил бўлиш жараёнининг ҳамда нерв системаси функцияларининг бузилиши билан кечадиган касаллик. *Остеонороз, рахит каби касалликлар сифатсиз овқат истеъмол қилинганидан дарак беради.* «Фан ва турмуш».

РАХНА [ф. رخنه – тешик, ёриқ; ўпирилган жой; шикаст(ланиш)] 1 Уйилган, ўпирилган жой, тешик, ёриқ. *Рахналарига янтоқ ва шох босилган паст деворли ҳовлиларнинг бузилган уйлари ташқаридан кўришиб турар эди.* С. Айний, Куллар. [Отабек] *Хароба иморатларнинг ўрта бир еридаги рахнадан ошиб тушиш қулайроқ бўлгани учун, шунинг остига шумшайиб ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Путурдан кетган, бўшашган жой, нозик ер.

Рахна солмоқ Путур етказмоқ, тагидан зил кетказмоқ. *Охир-оқибатда у интизомни мустаҳкамлашга эмас, аксинча.. жамоаларнинг қонунчиликка бўлган ишончига рахна солади..* Газетадан. *Мен қатъий ишонч билан айта оламаник, бу кимсалар пок ниятми, эътиқоди мустаҳкам халқнинг маънавиятига, унинг тинч ҳаётига, бунёдкорлик ишларига асло рахна сола олмайди.* Газетадан. *Оббо, Қоработир бўлиб қолдинг, шекилли. Бировнинг севгисига рахна солишинг қолувди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Юракка рахна солмоқ** Юракни яраламоқ, юракни доғ қилмоқ. *Мақсад – юракларга солишдир рахна, Мудҳиш қабиҳликнинг кирдикоридан.* Ж. Жабборов.

РАХТ [ф. رخت – уй-рўзгор жиҳозлари; кийим-кечақ] 1 Пойабзалнинг тагчарм билан бошлиғи бириккан еридаги гир айлана нақшдор бўртиғи. *Рахт солиб тикилган этик.*

2 Зийнат, ҳашам. *Қулоҳ кийиб йўл бошладим, Очилмади менинг бахтим! Бузилгандир бунда рахтим! Сабил бўлди тоғжу тахтим! «Ширин билан Шакар». Булбул бойламасин гулянинг рахтини, Худо очсин эрийгитнинг бахтини.* «Юсуф ва Аҳмад».

РАХТЛИ Рахт солиб тикилган, рахт солинган. *Рахтли этик.*

РАЦИОН [нем. Ration < лот. ratio, rationis – ўлчов, ҳисоб; ҳисоблаб чиқариш] Маълум муддатга мўлжалланган, миқдори ва таркиби белгиланган овқат ёки озуқа, ем. *Кўп сут соғиб олишининг сири кўп, бунинг учун сизиларни рацион асосида боқиб лозим.* ■ *Бир кун у сизиларига рациондайдан кўп ем берган экан, бу гап бутун қишлоққа овоза бўлди.* «Ёшлик».

РАЦИОНАЛ [лот. rationalis – оқилона, ақлга мувофиқ, тўғри; маъқул] Ақлга асосланган, мақсадга мувофиқ, оқилона, тўғри, маъқул. *Ишнинг рационал усули.* ■ *Бўш вақтдан рационал фойдаланиш натижасида меҳнат ижодий характер касб этиб, кишиларнинг унга муносабати ҳам ўзгаради.* «Фан ва турмуш». *Аҳолининг тўғри ва рационал овқатланишини, экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар истеъмол қилишини таъминлашга эришиш зарур.* Газетадан.

Рационал сонлар мат. Барча бутун ва каср сонлар (мусбат, манфий сонлар ва ноль сони).

РАЦИОНАЛИЗАТОР Рационализация қилувчи, ишлаб чиқариш жараёнларини ихчамлаштирувчи ва такомиллаштирувчи. *Рационализатор томонидан яратилган янгиликлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланмоқда.* Газетадан. *Комбинатда сифат ва самардорликнинг ортиб боришида ихтирочи ва рационализаторларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.* Газетадан.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК Аниқ бир машина, технологик жараён, деталь ва б. ни такомиллаштиришга, иш унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган фаолият; шундай фаолият билан шуғулланиш. *Рационализаторлик таклифлари.* ■ *Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенг қулоқ ёйдиришга ёшлар ҳам фаол қатнашяптилар.* Газетадан. *Ҳозир корхонада рационализаторлик таклифлари билан шуғулланаётганларнинг сони тобора ортиб бормоқда.* Газетадан.

РАЦИОНАЛИЗАЦИЯ [лот. rationalis – ақлга мувофиқ, оқилона] Бирор ишни, ишлаб чиқариш жараёнини ва унинг методларини тобора такомиллаштириш, ихчамлаштириш, мақсадга энг мувофиқ равишда ташкил этиш.

РАЦИОНАЛИЗМ [фр. rationalisme < лат. rationalis — ақлга, ақл-идрокка асосланган] флс. Ақлни ҳақиқий билишнинг асосий, ҳал қилувчи манбаи деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш.

РАЦИОНАЛИСТ Рационализм тарафдори.

РАЦИОНАЛЛАШМОҚ Рационализация натижасида такомиллашмоқ, ихчамлашмоқ. *Рационаллашган иш усуллари.*

РАЦИЯ [*ра(дио)стан]ция» с. нинг қисқарган шакли] Қабул қилувчи ва эшиттирувчи кўчма радиостанция. *Капитан Азро қовоғидан қор ёғиб, рация орқали кимадир жаҳл билан гапирарди. «Ёшлик». Рация чўзиб-чўзиб гудок берди. Шофер трубкани олиб, яна босиб қўйди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Уларни соқчилик машинасига келтириб, рация орқали навбатчи қисм билан боғланишганда, ҳамма нарса ойдинлашди. Газетадан.*

РАШК [ф. رشك — қизғаниш; кунчилик; кўра олмаслик; рақиблик] 1 Яхши кўрган кишини бировдан қизғаниш, кунчилик. *Севги бор ерда рашк бор. Мақол. ■ Кўксимда яна юракни ўртовчи рашк аланга олди. П. Қодиров, Уч илдиз. Сен дейсан, дилим пок, рашкдан йироқман. Сен ундинг, мен эса ҳануз тупроқман. А. Орипов, Йиллар армони.*

2 Куролмаслик, ғашлик, ҳасад. [Канизак:] *Биламан, мусобақадоз икки кишидан бирининг ютуғи иккинчисининг рашкини эмас, ҳавасини, ғайратини келтириши керак. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Одамнинг икки душмани бўлса, биттаси — рашк, иккинчиси эса ўзини идора қила олмаслик. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

РАШКЛИ 1 Севгилис, ёри ёки яхши кўрган кишини ҳеч кимга ишонмайдиган, қизғанчиқ, кунчи. *У жуда рашкли эди.*

2 Ҳасад қиладиган, кўролмайдиган; ҳасадчи. *Рашкли одам. Рашкли иш синдирар тиш. Мақол.*

РАШКЧИ 1 Яхши кўрган кишини бировдан қизғанувчи, рашк қилувчи киши. *Сен мени эркала дунёнинг энг гўзал сўзлари билан, Сен мени қизғангин энг рашкчи аёлнинг кўзлари билан. «Ёшлик». Ортиқнинг хаёлига ят этиб рашкчи Собир келди: Хумпар, жаҳл қилиб, чироқни ёқмай ўтирган бўлса-чи? М. Мансуров, Ёмби. Агар.. хатлардан бирортаси ёзувчи бўлмаган одамнинг рашкчи хотини қўлига тушиб қолса борми, ўша уйда нима*

бўлишини кўз олдингизга келтира оласиз. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 қ. рашкли 2. [Олима] *Кийим танлашда, соч турмаклашда дидсиз, аммо тили бийрон, жанжалкаш, ўта рашкчи, қадам ташлашданок тажанглиги билиниб турадиган аёл. С. Кароматов, Ҳижрон.*

РАШКЧИЛ с.т. қ. рашкчи 1. *Бундай рашкчил муҳаббатнинг келажаги яхшилик билан тугамади. «Ёшлик».*

РАШК-ҲАСАД, рашку ҳасад Рашк ва ҳасад, ўта кўролмастик. *Чунки мен: «Улар мени қолдириб, ўзлари создандаларга қўшилиб, бошқа тўйхонага боргандирлар», деб ўйлаб, рашк-ҳасад билан безовта бўла бошладим. С. Айний, Эсдаликлар. Устод Қавом, гарчи отасининг яқин ошнаси бўлса ҳам, бу икки дондор меъмор ўртасида азалий бир яширин рашку ҳасад мавжуд. Мирмуҳсин, Меъмор.*

РАШК ҚИЛМОҚ (ёки этмоқ) Ҳасад қилмоқ, қизғанмоқ. *Рашк этиб ҳасрат ила қолди рақиблар ҳайрон, Шону шавкат бирла бир келди, аломат келди. Ҳабибий, Девон. Йигитликда дилим бўғдинг, қайирдинг, Кўролмай, рашк этиб, ёрдан айирдинг. Ҳабибий, Девон.*

РАЎЙ [а. رآى — фикр, нуқтаи назар, қараш, мулоҳаза; ақл, идрок] Хоҳиш, майл; рағбат. *Бировнинг раўйига қарамоқ. Раўйига юрмоқ. ■ Дўстларим, мен сизга талпинган дамда Қалбимда бўлади ёлғиз бир раўйим: Хиёнат бўлмаса дейман ҳеч кимда, Дўстларнинг имони бут бўлса доим. А. Орипов, Йиллар армони. Бозорова янги эмасми, бошлиқнинг раўйига қараб иш тутишга ҳаракат қилади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Иншоолло, бул андишамиз киромларга маъқул тушган тақдирда, жаноби тождорнинг ҳам раўйларини олмоқ.. маъқулдир. А. Қодирий, Утган кунлар.*

РАЎНО [а. رعناء — гўзал, зебо; л.м. енгилтак, мулоҳазасиз; ўйламасдан қилинган] 1 Атиргулликлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик ва унинг қизил ёки сариқ хушбўй гули. *Райҳонлар, раўнолар, оқ, пушти гуллар — она табиатнинг қизалоқлари. «Ёшлик». Чучмома, раўно, бинафша — кўзни боғловчи фаранг. Ф. Фулом, Шейрлар.*

2 кўчма Гўзал, барно аёл ҳақида. *Чаманга бахш этди беқийс камол Бир раўно ишқида куйиб-ёниши. М. Икром. -Меники муболаға эмас, — деди Анвар, — масалан, сен ҳозир гул-*

лар ёнидасан, ҳам чиндан-да гулларнинг раъносисан. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Сен сози муҳаббатсан, гулшанда гули раъно. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

3 Раъно (хотин-қизлар исми).

РАЪЯ [а. رعايه — гамхурлик, эътибор; парвариш; ҳомийлик] с. т. айн. **риоя** 1. Раъя қилмоқ. ■ Бой экан, деб қўрқиб ҳурмат қилманглар. Амалдорни раъя қилиб турманглар! «Матқарим полвон». Тоғам деб мен раъя қилиб турмайман, Ёмонларнинг жазосини бергайман. «Интизор».

РАЪЯ-АНДИША Ҳурмат юзасидан ёки бирор кимса билан босиқ ва тортиниброқ қилинадиган муомала. Раъя-андиша қилмоқ. У раъя-андишани билмайди. ■ —Кошкийди, ҳаммамиз шунақа очиқ гапиришга ўргансак. Қачонгача, ахир, раъя-андиша қилиб, айбимизни хаспўшлаймиз, — деди Қурбон ота раисга. Ҳ. Назир, Кўктерақ шабадаси.

РАҚАМ [а. رقم — сон, миқдор; сана; номер] 1 Сонни ифодаловчи график белги. Бу рақамлар ҳар қандай баландпарвоз гаплардан қудратли ва рад қилиб бўлмас фактлардир. С. Аҳмад, Уфқ. Сен дунёга келдинг, юртим боласи, Ўн саккизинчи миллион рақами билан. «Ёшлик». Табиийки, бу рақам сизни даҳшатга солади. Газетадан.

2 Бирор сон билан ифодаланган миқдор, кўрсаткич. Раиснинг охириги якуловчи сўзи, Қўчқоровнинг нутқидай, рақамлар, муваффақиятлар, мақтовдан нари ўтмади. С. Анорбоев, Оқсой.

3 Бир турдаги предметларга тартиб билан қўйилган сон; номер. Тартиб рақами.

РАҚАМЛАМОҚ Тартиб билан рақам қўйиб чиқмоқ, номерламоқ. Дафтар бетларини рақамламоқ.

РАҚАМЛИ 1 Сонлар, рақамлар билан ифодаланган, рақамга эга бўлган. Рақамли ҳисоблаш машинаси. ■ 76-АТС доирасида ҳам келгусида 1440 та телефон нуқтасига эга бўлган янги рақамли ускуна ўрнатиш режалаштирилмоқда. Газетадан.

2 Тартиб рақамлари қўйилган, рақамланган, номерланган, номерли. Иккинчи рақамли уй.

РАҚБА шв. айн. раҳба. Отларни кўм-кўк барра ўтлар ўсиб ётган рақбада яйдоқ қолдиришди. «Ёшлик».

РАҚИБ [а. رقيب — соқчиликда турувчи; назоратчи, кузатувчи; айғоқчи; нозир] 1

Душман, ағёр, ёв. Сиёсий рақиблар. ■ Отабек қўлларини бушатувчи қўрбошининг бунчалик титраб-қалтирашидан ўз рақибларидан биттаси шу киши бўлганини ўйлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Вақт ўтиши билан рақиб томонлар келишиб олиши мумкин бўлган позициялар бой берилмоқда. Газетадан.

2 Бирор нарса, кимса учун талашувчилар, курашувчилар, рақобат қилувчилар (бир-бирига нисбатан). Сўрсангиз ҳолим, азизлар, сийнаси афғорман, Қоработирдир рақибим, Зухра қизга ёрман. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. Мирвали шу пайтгача рақиб деб тахмин қилиб юрган ҳамқишлоқларининг таъзирини беришни дилига тугиб қўйди. С. Аҳмад, Жимжитлик. ...Қаҳҳор шартта тўхтаб, бутун гавдаси билан рақибга юзланди. -Айтар гапингни айта қол шу ерда, юрамизми энди узун-қисқа бўлиб?! — деди Тоштемур. «Ёшлик».

3 Спорт ўйинлари, тортишув, мунозара ва ш.к. да қарама-қарши томонлар (бир-бирига нисбатан). Рустам, тўрнинг нариги томонидан туриб, тўнга сакраётган рақибни кўрди-ю, қисилган пружинадек осмонга санчиди, шундай зарб билан урдикки, тўп рақибининг бошига тегиб, чеккага учиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Рақиб деганнинг кировий айтишга сўзи, муштлашишга мушти бўлса. Ҳ. Фулом, Машғал.

РАҚИБЛИК Кўролмаслик, душманлик. Рақиблик қилмоқ. ■ Эшикдан чиқиши ҳамон Анварга рақиблигини ошкор қилиб қўймасликни ғойибдан тилади. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

РАҚОБАТ [а. رقابت — кузатиш, назорат] 1 Басма-басликка беллашув; ким ўзди. Барчамиз мана шундай кескин рақобат шариоитида ғалабага эришиши, муносиб ўрин эгаллаш нақадар оғир ва машаққатли кечганининг гувоҳи бўлдик. Газетадан. Нега деганда, рақобат бўлмаган, боқимондалик, давлат ҳисобидан кун кўриш кайфияти устун бўлган жойда бундай илғор тартиб ва ёндашув мутлақо бўлмаслиги табиийдир. Газетадан.

2 Талабгорлар, рақиблар кураши. Кундошлар рақобати. ■ Эмушунинг рақобат ўти бироз ўча тушган эди, уч-тўрт кунлик можародан яхшигина ҳасрат очилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 иқт. Мустақил товар ишлаб чиқарувчи (корхона)лар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нарҳда сотиш, умуман, иқтисодиётда ўз мавқеини мустақамлаш учун кураш. *Қишлоқ жойларда рақобат қила оладиган корхоналарни ташкил этишининг барча мураккабликларини бартараф этиш ва республика қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш керак. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барно этиб бўлмайди.* Газетадан.

РАҚОБАТБАРДОШ [рақобат + бардош] *иқт.* Рақобатлаша оладиган, рақобатга чидайдиган. *Бу ерда йилига 4,5 минг тонна рақобатбардош калава ишлаб чиқарилади.* Газетадан. *Улар [шибиармонлар] халқ хўжалигининг турли соҳаларида мавжуд бўлиб, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.* Газетадан.

РАҚОБАТБАРДОШЛИК Рақобат қила олишлик, рақобатга чидашлик; рақобатга кириша олиш қобилияти. *..Ўзбекистондаги кичик қишлоқ корхоналари маҳсулотларнинг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлай олади.* Газетадан.

РАҚОБАТЛАШМОҚ Беллаша олмоқ, тенг келмоқ, рақобат қила олмоқ. *Эндилликда Тошкент қомат кериб, гўзаллашиб, жаҳондаги энг ажойиб шаҳарлар билан рақобатлашадиган даражага етди.* Газетадан. *Бу йўл билан.. ташқи бозорга ҳам фаол аралашган ва рақобатлаша бошлаган бўлур эдик.* Газетадан.

РАҚОБАТЧИ **1** Рақобат қилувчи киши ёки томон. *Бир-икки ойдан кейин бўлса ҳам, уларга [яна бир] рақобатчи [Анвар] ортади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 иқт. Бозор иштирокчилари, товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида курашувчи шахс. *Бозорда рақобатчилар қанча кўп бўлса, деҳқонга шунча яхши.* Газетадан.

РАҚОБАТЧИЛИК *иқт.* Ўзаро рақобат қилишлик, рақобатбардошлик. *Фақат янги мулкдорлар пайдо бўлиб қолмасдан, балки рақобатчилик муҳити ҳам аниқ шаклланиб бормоқда.* Газетадан. *..рақобатчиликни вуҷудга келтириш учун шароит яратиш керак.* Газетадан.

РАҚС [а. رقص - ўйин, ўйинга тушиш ва унга мослаб ёзилган мусиқа] **1** Раққос(а)-нинг гармоник ҳаракати ва ҳолатлари,

пластик ифодавийлиги, юз имо-ишоралари ва б. орқали образ яратибдан иборат санъат тури. *Ўзбек миллий рақслари. Рақс тарихи.*

2 Турли мақомлар билан бажариладиган ритмик ҳаракат; оёқ ўйин ва шундай ўйин учун ёзилган мусиқа. *Рақс мусиқаси. Рақс(га) тушмоқ. Рақс қилмоқ. ■ Қобил ҳам қизишиб, билар-билмас, фарғоначасига рақсга туша бошлади.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Шийпонда энгил куй янграмоқда, хушқад, хушсурат бир жувон рақс тушмоқда.* О. Ёкубов, Диёнат. *Бир-биридан шўх, бир-биридан ўйноқи оҳангларага ёш-яланглар рақс тушишяпти.* Газетадан.

3 Оёқ ўйин, танса кечаси, базм. *Рақслар бошланур, гул ўйин, чапак, Ҳунарин кўрсатар қиз, жувон, хоним.* Ғ. Ғуллом.

РАҚҚОС [а. رقاص - ўйинга, рақсга тушувчи] Рақсга тушувчи санъаткор эркак; ўйинчи. *Зангиота сайридаги базмда ноғора ва чилдирма авжга чиққан, сурнайлар чийшлаган, ўртада ёш раққослар ўйин тушиб турар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Кўриб раққослар ҳайратда қолди, Адашди рақсидан, ҳатто уялди.* Ҳабибий, Девон. *Самандар - актёр, сўз устаси, раққос ва хонанда.* Газетадан.

РАҚҚОСА [а. رقاصه - ўйинга тушувчи аёл; балерина] Раққос аёл. *Саҳнага раққоса қизлар чиққанда, Нормамат узоқ вақт қидирган нарсасини топгандай қувонди.* «Ёшлик». *Ушу тобда гўзал раққосани жудаям кўргиси келиб кетди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

РАҚҚОСЛИК Рақс тушиш санъати. *Бир раққосликда бўлди мумтоз, Бўлиб зийнат яратгай ғамзаю ноз.* Ҳабибий, Девон.

РАҒА Япроқ ва меваларда (асосан, тоқда) сариқ, жигарранг доғ қолдирадиган юқумли замбуруғ касаллиги ва шу касаллик натижасида ҳосил бўлган доғлар. *Раға тушган олма.*

РАҒБАТ [а. رغبت - хоҳиш; яхши ният, истак] **1** Бирор ишга бўлган хоҳиш, истак, майл, раъй. *Менинг бу ишга рағбатим йўқ. ■ Баҳордан буён бир рағбатингиз йўқ, Меҳнат қилдингиз-ку, миннатингиз йўқ.* М. Юсуф, Осмонимга олиб кетаман. *Гулламас яшнаб Ватан, то элда меҳнат бўлмаса, Ҳар иш олға босмагай, меҳнатга рағбат бўлмаса.* Ҳабибий.

2 Қизиқтирувчи, қўзғатувчи омил, сабаб; манфаат келтирувчи (берувчи) нарса. *Мен жураларимнинг олдидан фахр этиб юрман. Аваз оғам ғазалларимни ўқиб, раббат берди, дейман.* С. Сиёев, Аваз. *..қонунчиликда бу борада кўзда тутилган раббат ва имтиёзларнинг амалга оширилишини таъминлаш зарур.* Газетадан.

3 псих. Инсон ҳис-туйғулари, руҳий ҳолатларини ривожлантирувчи, уни фаолликка ундовчи руҳий (психик) таъсир.

РАҒБАТЛАНМОҚ Манфаатдорлик ошуви ёки тақдирлаш натижасида бирор иш, фаолиятга қизиқмоқ, раббати ошмоқ. *Муваффақиятдан раббатланган шахтакорлар ғайратга ғайрат қўшмоқдалар.*

РАҲА [ф. راه / ره — йўл, кўча] кт. Йўлка, кўча. *Мен йўлимни танлаганман чорраҳада, Сенга ўхшаб қолмай шундай тор раҳада.* Т. Тўла, Асарлар.

РАҲБА [а. رحبه — буш жой, кенглик; майдон; ҳовли] шв. 1 Очiq кенг майдон, дала. *Холбўта бошини кўтарганда, Саидмурод ўқ узди. Наризи томондаги раҳбада чўзилиб ётишган Комил билан Ҳамид сапчиб туришди ва дарров нима гап-сўзлигини фаҳмлаб, Саидмуродга ташланишди.* «Ёшлик».

2 Масжид ҳовлиси (хонақоҳ ва кўча эшиклари ўртасидаги майдон). *Ундан раҳба ҳам эшик бўлиб, ташқаридан одамларнинг паст-баланд овозлари эшитилиб турарди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

РАҲБАР [ф. راهبر / رهبر — йўлбошчи, йўл бошловчи (кўрсатувчи), бошлик] 1 Бирор давлат, ташкилот, гуруҳ, жамоа ва ш.к. га йўл кўрсатиб, бошчилик қилиб борувчи, раҳбарлик қилувчи; йўлбошчи, раҳнамо. *Хукумат раҳбарлари. Раҳбар ходим.* ■ *Мустақиллик шароитида яшаш ҳар бир раҳбар, фуқаро зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди.* Газетадан. *Бузун бошқарув тизимига миллати, элти, уруғидан қатъи назар, эл шончига сазовор бўлган раҳбарлар кириб келмоғи зарур.* Газетадан.

2 Таълим-тарбия берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи; устоз. *Муסיқа раҳбари. Илмий раҳбар. Яхши раҳбар — чин падар.* Мақол. ■ *Режиссёр ижодий ташкилотнинг ҳам ғоявий, ҳам бадиий раҳбаридир.* Газетадан.

Синф раҳбари Синф болаларининг ўзлаштиришини ва интизомини кузатиб бориш ва уларга доимий раҳбарлик қилиб

туриш учун биркирилган ўқитувчи. *Синф раҳбаримиз ақлли, доно аёл. Мен синф раҳбарим билан бамаслаҳат иш қиламан.*

РАҲБАРИЯТ [ф. + а. رهبریت] Раҳбарлик қилувчи гуруҳ, доира. *..мамлакат раҳбариятининг сиёсати халқаро майдонда юксак обрў тонгани алоҳида таъкидланди.* Газетадан. *Тоғ ёнбағридаги касалхонага келганда, кеч кириб қолгани учун, раҳбарият уй-уйига тарқалган эди.* Т. Малик, Шайтанат.

РАҲБАРЛИК 1 Раҳбар эканлик, раҳбар макъеи, мақоми.

2 Бошчилик, бошлиқлик; йўлбошчилик, раҳнамолик; мураббийлик, устозлик. *Ишчилар раҳбарлигида ўқувчилар меҳнат кўникмалари ҳосил қиладилар.* Газетадан.

3 айн. раҳбарият.

РАҲИМ [а. رحيم — меҳрибон, шафқатли] 1 Меҳрибон, шафқатли, раҳмдил (Оллоҳнинг сифатларидан бири). *Худое худовандо, яккаю яғоналигинг, раҳим ва раҳмон эканлигинг ҳаққи, мендек бир балокаш, гуноҳкор ожиза бандангдан марҳаматингни дариғ тутмагайсан.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Раҳим (эркаклар исми).

РАҲМ [а. رحم — шафқат, марҳамат; ачиниш; меҳрибонлик, меҳр] Аянч ёки мушкул аҳволдаги кимсага, нарсага нисбатан ачиниш туйғуси ва шундай туйғу таъсирида кўрсатилган шафқат, марҳамат. *Сизни озги қон бўри дедим, чунки сизда раҳм йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир кун ундан қиттай раҳм тилаган аёлларимизни қўндоқ билан саваб бақирди.*.. Ойбек, Кўёш қораймас.

Раҳм қилмоқ 1) шафқат қилмоқ, марҳамат қилмоқ. [Ойиша бегим Бобурга:] *Самарқанд сизга жангсиз дарвоза очмас, энди ўзингизга раҳм қилинг. Урушга борманг, ўтинман!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сизда одамият бўлса, бу ғариби нотавонга раҳм қилмаганингизда ҳам, анови шўрлик болаларнинг зорига раҳм қилишингиз керак эди.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о.; 2) аямоқ, ачинмоқ. *Биров зулм қилса, биров раҳм қилар экан, биров ош берса, биров нон берар экан.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир. **Раҳми келмоқ** Ачиниш ҳисси пайдо бўлмоқ, ачинмоқ; аямоқ; ёрдам бергиси келмоқ. *Яланг бошидан қон оқайтган, йиртилган кўйлаги орасидан моматалоқ бадани кўриниб турган, ўзи чўкка тушиб, одамлардан шафқат сураётган йиғирма ёшлардаги йигита Тоҳиринг раҳми*

келди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Хотин кишининг кўз ёши ширин бўлади. Ёдгорнинг раҳми келди. Хотинини овутиди. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Раҳмини келтирмоқ** Кимсада ачиниш, аяш ҳиссини тугдирмоқ, пайдо қилмоқ. *Баширжон одамнинг раҳмини келтирар даражада юпун, одмигина кийиниб, Шамси Туравичникига йўл олди.* Н. Аминов, Суварак.

РАҲМАТ [а. رحمت – шафқат, марҳамат, меҳрибонлик; ачиниш] 1 унд. с. Ташаккур ва миннатдорчиликни ифодаловчи сўз. *Катта раҳмат! Отангага раҳмат! ■ -Раҳмат! – Муқаддам унга меҳр билан тикилиб қолганини пайқаб, дарров кўзларини яширди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Раҳмат айтмоқ Миннатдорчилик билдирмоқ. *Муборак Набижонга раҳмат айтиб хайрлашди-да, ёш боладай ликиллаб, чопқиллаб кетди.* С. Зуннунова, Кук чироқлар. *У қайта-қайта раҳмат айтиб, мени машинага кузатиб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ташаккур, миннатдорчилик, шукроналик. *Ким яхшилик уруғини сепса, раҳмат ҳосилини олади.* Газетадан. [Ойимхон] *Мадамнинг хотинларининг ҳовлисини супуриб, сувини ташиб берган, аммо раҳмат ўрнига қарғиш ва жеркиш эшитган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 дин. Марҳамат, муруват. [Ҳидоят ўз-ўзига:] *Худоё, раҳматингдан ургилай, ошхўрга – ош, нонхўрга нон эткизурсан.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

Худо раҳмат қилсин (ёки раҳматига олсин) Худо ўз марҳаматига сазовор қилсин (вафот этган киши ҳақида). *Худо раҳмат қилсин. Ўзи ҳам хатини олиб, муҳрга қараб қолган экан-да.. бечора. Ҳай, начора, бандалик экан.. – деб қўйди.* К. Яшин, Ҳамза.

РАҲМАТЛИ дин. Худонинг раҳматига лойиқ, мўмин (вафот этган киши ҳақида). *Онаси раҳматли мунгли, қобил хотин эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Воажаб! Бу қадрдон гушанинг ҳамиша файзлилиги раҳматли чоли Тожи Давлат билан экан.* «Ёшлик».

РАҲМАТНОМА қ. ташаккурнома. *Розиқ [бошиқдан] икки марта раҳматнома олган.* С. Аҳмад, Сайланма.

РАҲМДИЛ [а. + ф. رحمدل – кўнгли, дили раҳмга тўла; шафқатли] Бировга озор бермайдиган; кўнгли юмшоқ, раҳмли, шафқатли. *Раҳмдил одам. ■ Илгари одамлар анча*

содда, раҳмдил, мўмин эканини, айниқса, ўзининг тенгдошлари қувлик – шумликлардан узоқ, инсофли, фариштаси бор одамлар эканини дилидан ўтказди. Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳозир кўзимга Султон амаки ҳар вақтдагидан кўра ғамхўр, раҳмдил кўрииб кетди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Зоҳир шайх, оғасидек руҳоний бўлгани билан, оғаси каби арзмагаан нарсага ловуллаб кетадиган тажанг, жаҳлдор эмас, кўнгличан, раҳмдил киши эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

РАҲМДИЛЛИК Бировга озор бермаслик, кўнгли юмшоқлик; шафқатлилик. *..тенгдош дўстларимдан бири.. очерк ёзиш ёшларнинг иши, журналистларнинг иши, деб менга раҳмдиллик қилади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бу нигоҳда ҳамдардликкаям, раҳмдилликкаям ўхшаб кетувчи ҳазин бир ифода яллиғланиб турарди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

РАҲМЛИ Бировга раҳм қиладиган; кўнгли юмшоқ, раҳмдил. *Раҳмли одам.*

РАҲМОН [а. رحمان – меҳрибон, шафқатли] 1 Раҳм қилувчи, шафқатли (Оллоҳнинг сифатларидан бири). *Тоғажон, беринг суюнчи, Қўллағай яратган раҳмон.* «Юсуф ва Аҳмад». *Худоё худовандо, якка ва ягоналигин, раҳим ва раҳмон эканлигинг ҳаққи, мендек бир балокаш, гуноҳкор ожиза бандангдан марҳаматингни дариғ тутмагайсан.* К. Яшин, Ҳамза.

Сабр таги – раҳмон Сабр қилинса, Оллоҳ ажрини, мукофотини беради, раҳм-шафқатини аямайди, деган маънода қўлланадиган ибора. *-Сабр қилинг, болам, сабр таги – раҳмон! Ишлайасизми, ишхонангиз борми? – деди Чўтир хола Умидга.* Мирмуҳсин, Умид. *Сабр таги – раҳмон дерлар, айла бардош, Бошинг тошдан, наҳот сабринг бўлмаса тош.* Т. Тўла, Асарлар.

2 Раҳмон (эркаклар исми).

РАҲМСИЗ 1 Раҳм-шафқатни билмайдиган; бераҳм, шафқатсиз. *Раҳмсиз одам. Раҳмсиз суратда ишлатмоқ. ■ Шунинг учун меҳнаткашни раҳмсиз ишлатиб, мадрасалар бино қилмоқда, ариқлар чиқармоқда.. эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..Оҳ Олимжон, аягинанг ўлсин! Раҳмсиз отанг ўлсин. Нима қилди? Айтгил, ким урди?* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 кўчма Шафқатсизликни ифодалайдиган, аямасдан, бераҳмларча қилинган.

Хушрўйнинг раҳмсиз муҳокамасидан оққан бу ҳақиқатлар Зайнабни йиғлатди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Қайнатанинг қарашлари раҳмсиз ва беаёв эди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

РАҲМСИЗЛИК Раҳм-шафқатни билмаслик, бераҳмлиқ. Болаларни шаддодликка ўргатмангиз, Раҳмсизлик, бедодликка ўргатмангиз, То улагйиб, дуч келганда инсонларга, Ўшмасин андишасиз шайтонларга. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

РАҲМ-ШАФҚАТ Кимсага ёки нарсага кўрсатилган меҳрибончилик ва марҳамат. Раҳм-шафқат бўлмас шоирга, Заффар дунё босар изидан. Р. Парфи, Кўзлар. Эъозхон Зиёдилланинг кўзларига қарайди, уларда раҳм-шафқатдан асар ҳам йўқ. Х. Ғуллом, Машғал. Одамларда раҳм-шафқат тугаб кетган. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

РАҲНАМО [ф. راهنما / رهنا – йўл кўрсатувчи (бошловчи)] *кт.* Йўл кўрсатувчи, бошчилик қилувчи; раҳбар. [Навоӣ:] Халқ ҳақсизликка қарши бош кўтарар экан, унга кимдир раҳнамо бўлиши муқаррар. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоӣ. [Устозни] Тугри йўл кўрсатувчи раҳнамо, деб қабул қилганман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, иншооллоҳ. Газетадан.

РАҲНАМОЛИК Йўлбошчилик, раҳбарлик. Бу ерда Мовароуннаҳр амирига бўйсунидан бош торганларга раҳнамолик қилганларни йиғишган эди. С. Кароматов, Сўнгги бархан. ..халқингизга раҳнамолик қилишингизда омад ёр ва тангри мададкор бўлишини яратгандан сўраб қоламиз. Газетадан.

РЕ [лот. re] Мусиқа гаммасининг иккинчи товуши ва унинг нота белгиси.

РЕ- [лот. re.] Байналмилал ўзлашма сўзларда сўзнинг олдидан қўшиладиган ва 1) ҳаракатни янгидан (қайтадан) бошлаш, тиклаш ёки унинг такрорланиши (мас., *реабилитация*), 2) иш-ҳаракатнинг қарама-қаршилиги (мас., *реактор*) каби маъноларни билдирадиган қўшимча.

РЕАБИЛИТАЦИЯ [лот. rehabilitatio – қайта тиклаш] **1 тиб.** Организмнинг издан чиққан функцияларини ҳамда беморлар ва ногиронлар меҳнат қобилиятини тез ва тўлатўқис тиклашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи. *Реабилитация маркази.* ■ Унда.. ногиронларни реабилитация қилиш марказининг иш фао-

лиятини кучайтириш масалалари кўрилди. Газетадан. *Гулистондаги Сирдарё вилоят реабилитация ва саломатлик марказида республика семинари бўлиб ўтди.* Газетадан. *Энди аёлингизни реабилитация бўлимига ўтказамиз [деди ҳақим].* Газетадан.

2 ҳук. Жиноят содир этишда асоссиз гумон қилинган ёхуд айбланган шахснинг пок номи, шаъни ва қадр-қимматининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан тикланиши. *Реабилитация қилмоқ.*

■ *Тошев масаласига аралашиб қамалган Умаров.. реабилитация бўлиб, оқланиб келибди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

РЕАГЕНТ [ингл. reagent] Кимёвий реакцияда иштирок этувчи модда; реактив.

РЕАКТИВ I [фр. reactif < re.. + лот. activus – ҳаракатдаги] *ким.* Бошқа моддалар билан бирга маълум кимёвий реакцияда иштирок этувчи ва шу реакция орқали изланаётган модданинг бор-йўқлигини аниқлаб берувчи модда.

РЕАКТИВ II сфт. I Кимёвий анализда аниқлагич (қ. *реактив I*) бўлиб хизмат қиладиган. *Реактив моддалар.*

2 Буғ, газ ва ш.к. оқимининг тепки кучи натижасида ёки шундай куч билан ҳаракат қиладиган. *Реактив артиллерия. Реактив двигатель. Реактив самолёт.* ■ *Сув ости кемалари ёрдамида қуриш мўлжалланаётган бу иншоот бўйлаб реактив двигатели вагон-снаряд қатнаши кўзда тутилмоқда.* «Фан ва турмуш».

РЕАКТОР [ингл. reactor < re.. + лот. actor – ҳаракатга келтирувчи] **1** Ўзгарувчан ток занжирида қисқа туташув содир бўлганда, токни чеклаб қўядиган юқори вольтли электр аппарати.

2 ким. Муайян температура ва босим шароитида кимёвий ва биокимёвий реакциялар ҳосил қилиш учун ишлатиладиган аппарат.

3 физ. Бошқарилувчи радиоактив реакция – атом ядроларининг парчаланиш реакцияси амалга оширилмаган қурилма. *Ҳозир ядро реакторларида уран ядроларининг парчаланиши туфайли жуда кўп радиоактив моддалар олинади.* «Фан ва турмуш». *Шимолӣ Корея матбуотининг хабарларига қараганда, уларнинг атом реактори ядро қуроли яратишга эмас, электр энергияси ишлаб чиқаришга хизмат қилади.* Газетадан.

РЕАКЦИОН I *сиёс.* Реакция манфаатлари учун курашувчи, эски тартибларни сақлаб қолишга ёки тиклашга уринувчи. *Реакцион ғоя.* ■ *Реакцион оқим тарафдорлари дастлаб Фарғона водийси, сўнг бутун республикада ислом давлати қуришни хаёл қилдилар.* Газетадан.

2 Кимёвий реакцияга оид, алоқадор.

РЕАКЦИОНЕР [*фр.* reactionnaire — ре.. + лот. actio — ҳаракат] Сиёсий реакция тарафдори ёки қатнашчиси; прогрессив, илғор ҳаракатлар ва демократия душмани.

РЕАКЦИЯ I [ре.. + лот. actio — ҳаракат] I *псих. тиб.* Ташқи ва ички қўзғатувчиларга жавобан инсон ва унинг тана аъзоларида пайдо бўладиган ҳаракат, жараён ёки ҳолат; акс таъсир.

2 *ким.* Икки ёки бир неча моддалар ўртасида кечадиган ва янги моддалар ҳосил қиладиган ўзаро кимёвий таъсир. *Кимёвий реакция. Реакцияга кирмоқ.* ■ *Ядровий таркибга кирувчи лимон кислота билан темир оксидларга ўртасида ҳам реакция кечади.* «Фан ва турмуш».

РЕАКЦИЯ II *сиёс.* Эски, умри тутаган ижтимоий тартибларни сақлаб қолиш, қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ижтимоий тараққиётга фаол қаршилик кўрсатиш.

РЕАКЦИЯЧИ *қ.* реакционер.

РЕАЛ [лот. realis — моддий; ҳақиқий < res — нарса, буюм] I Ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган; ҳақиқий, чин, воқеий. *Реал воқелик.* ■ *Кўргилмадан, таваккалдан, тақдирдан воз кечиб, халқ реал нарсаларга аҳамият берадиган бўлди.* Ойбек, Нур қидириб. *...Биз ҳозир энг чуқур ҳаёлот билан реал воқелик орасидаги масофа шиддатли тезликда қисқараётган бир даврда яшаймиз.* «Ёшлик».

2 Амалий; амалга ошиши реал бўлган, бажарилиши мумкин бўлган. *Реал режа. Реал вазифа.* ■ *Ҳар қандай дадил фантазиянинг замирида ҳам ҳаётий тажриба, реал фактлар, манзаралар ётади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

Реал даромад *иқт.* Аҳолининг пул даромадларига сотиб олиши мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори. *Самарадорлик, айниқса, кишиларнинг реал даромадлари жадал ошаётгани каби масалаларни таҳлил қилиш долзарб муаммодир.* Газетадан.

РЕАЛИЗАЦИЯ [лот. realis — моддий, ҳақиқий] I Маълум бир режа, лойиҳа, дастур, мақсадни амалга ошириш, турмушга татбиқ этиш.

2 *иқт.* Мол-мулк ёки қимматбаҳо қоғозларни пулга айлантириш; мол сотиш. *Ой охиригача 28 млн сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинади.* Газетадан.

РЕАЛИЗМ I [лот. realis — моддий, ҳақиқий] *ад.* Адабиёт ва санъат (таъсирий санъат, театр, мусиқа ва б.) да воқеликни, ҳаётни ифода воситалари орқали, бадиий образларда бутун тўналиги билан ўзига ўхшаш шаклларда ҳаққоний акс эттириш усули.

РЕАЛИЗМ II *филс.* Онгдан ташқаридаги мавжуд реаллик гўё идеал объектларнинг мавжудлигидан ёки субъект, билиш жараёни ва тажрибага боғлиқ бўлмаган билиш объектдан иборатдир, деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш.

РЕАЛИСТ I Адабиёт, санъат ёки фалсафадаги реализм издоши, реализмга амал қилувчи. *Реалист ёзувчи ўзи кўрмаган ҳодисаларга ҳам ўзининг кўрганлари, кузатганлари, шахсий-ҳаётий тажрибалари асосида ёндашади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Ўз фаолиятида реал воқелик, атроф муҳит ва иқлим шарт-шароитларини, мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб иш кўрувчи. *Реалист одам.*

РЕАЛИСТИК I Реализм тамойилларига асосланган, реализмга хос. *Реалистик асар. Ҳаётни реалистик акс эттирмоқ.* ■ *Бобур ўзи кузатган табиий ҳодисаларни реалистик асосда акс эттирган.* «Фан ва турмуш».

2 Реал, ҳақиқий, амалий. *Ҳаётга реалистик қараш. Реалистик сиёсат.*

РЕАЛИШМОҚ Ҳақиқий, реал тус олмақ, реал равишда намён бўлмақ, аниқланмақ, амалга ошимақ. *Сўзининг маъноси контекстда реаллашади.*

РЕАЛИК I Ҳақиқийлик, аниқлик, амалийлик, амалга ошириш мумкинлик. *Фикрнинг реаллиги.* ■ *Элмуродда, бошланган ишнинг реаллигига қатъий ишонч туғилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ҳақиқатда, объектив мавжуд бўлган воқеа-ҳодиса, воқелик, ҳақиқат. *Булар икки-та алоҳида-алоҳида олам, реалликни қабул қилишнинг икки усули бўлиб, ҳаракат йўналишлари бир-бирига мос келмайди, балки қарама-қаршидир.* Газетадан.

РЕАНИМАТОЛОГИЯ [реанимация + юн. logos – фан, таълимот] Тиббиётнинг организмни жонлантириш ва тасодифий ўлимдан сақлаб қолиш, турли касалликлар оқибатида юзага келадиган оғир ҳолларда организмнинг ҳаётий муҳим функцияларини бошқариш ва тиклаш масалаларини ўрганадиган бўлими.

РЕАНИМАЦИЯ [ре.. + лот. animatio – жонлантириш, ўзига келтириш] *тиб.* 1 Клиник ўлим ҳолатидаги кишиларни тирилтириш; жонлантириш, шунигиндек, ҳаётий муҳим аъзоларнинг турли сабаблар оқибатида тўсатдан йўқолган ёки ўзгарган функцияларини тиклаш учун кўриладиган чора-тадбирлар мажмуи. *Биз реанимация ҳақида бироз маълумотга эгамиз.* Газетадан.

2 Шундай чора-тадбирларни амалга оширувчи бўлинма, врачлар гуруҳи. *Аҳмад-ни ўша кунгидек зудлик билан вилоят касалхонасининг реанимация бўлимига олиб келишди.* Газетадан. *Ушбу тиббий ёрдам маркази диагностика, шошилинч терапия, нейрохирургия, жарроҳлик, болалар ва реанимация бўлимларини ўз ичига олади.* Газетадан.

РЕБУС [лот. gebus – нарсалар билан, воситасида < res – нарса, буюм] Сурат, ҳарф ва баъзи бир шартли белгилар воситасида ифода этиладиган топширма (ушбу сўз дастлаб ҳажвий сурат маъносида қўлланган).

РЕВАЛЬВАЦИЯ [ре.. + лот. valeo – аҳамиятга, қийматга эгаман] *иқт.* Миллий валюта-пул бирлиги курсини бошқа мамлакатлар ёки халқаро валюта-пул бирликлари курсига нисбатан расмий равишда ошириш.

РЕВАНШ [фр. revanche – ўч, қасос (олиш); қаримта] 1 Урушда енгилган томоннинг ўч олиши, қаримта қайтариши ёки ўч олиш учун қилган ҳаракати. *Реванш олмоқ.*

2 *спорт.* Спорт ўйинларида: енгилган, ғолибликни қўлдан берган спортчининг ёки команданинг ғолиб устидан ғалаба қозониш ва ғолибликни қайтариб олиш мақсадида қайтадан ўтказадиган ўйини ва унинг ижобий натижаси. *Англиялик Льюис катта боксга қайтадиган бўлса, Виталий сўзсиз у билан реванш жанни ўтказишга рози буларкан.* Газетадан. *Унда французлар 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, америкалик чарм тўп усталаридан ўзига хос реванш олишди.* Газетадан.

РЕВАНШИЗМ [фр. revanche] *сиёс. тар.* Урушда енгилган томоннинг илгари қўлдан кетган ҳудудларни қайтариб олишга, илгариги мавқеини тиклаш мақсадида янги уруш очиш ёки унга тайёргарлик кўришга қаратилган сиёсати.

РЕВАНШИСТ *тар.* Реваншизм тарафдори, реваншизм сиёсатини юргизувчи; қаримта қайтаришга интилувчи. *Реваншистлар сиёсати.*

РЕВИЗИОНИЗМ [лот. revisio, revisionis – қайта кўриш, тафтиш] Бирон-бир таълимот, назария, нуқтаи назар принциплари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш (тафтиш қилиш)ни талаб қилувчи ғоявий-сиёсий ёки илмий-назарий йўналиш.

РЕВИЗИОНИСТ Ревизионизм тарафдори, ревизионизмга амал қилувчи.

РЕВИЗИЯ [лот. revisio – қайта кўриш] 1 Муайян корхона, ташкилот, муассаса ёки мансабдор шахснинг маълум бир даврдаги иш-фаолиятига доир ҳисоботларни текшириш, тафтиш қилиш; тафтиш. *Ревизия акти. Ревизия қилмоқ.* ■ *Магазинга тўсатдан ревизия келиб қолибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатиди.

2 *сиёс.* Бирор таълимот ёки назарияни ўзгартириш, унинг асосларини бузиш ниятида қайтадан кўриб чиқиш.

РЕВИЗОР [«ревизия» с. дан] *эск.* 1 Муайян бир муассаса ёки мансабдор шахс фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)га ваколати бўлган шахс. *Узидан кўрсин, ревизор билан орани бузма, деб неча марта айтганман.* ■ *Ревизор халқи топаман деса, ҳар қанақасидан ҳам ишқал топади.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Темир йўл соҳаларида назоратчи ходим.

РЕВМАТИЗМ [юн. rheumatismos – (тана бўйлаб) тарқалиш, ёйилиш] *тиб.* Юрак-томир системаси, бўгин ва пайларнинг кенг тарқаладиган яллиғланиши натижасида юзага келадиган оғир касаллик; бод. *Ревматизм оғриғи. Ревматизм билан оғришмоқ.*

РЕВМАТОЛОГИЯ [ревматизм + юн. logos – фан, таълимот] *тиб.* Клиник тиббиётнинг турли ревматик касалликларни ўрганувчи бўлими. *Ревматология маркази.*

РЕВМОКАРДИТ [ревматизм + юн. kardia – юрак] Ревматизм оқибатида келиб чиқадиган, юракнинг ички, мускулли ёки ташқи қавати яллиғланишидан иборат касаллик.

Ревмокардит қайталаганда, беморнинг аҳволи оғирлашади, қон айланиши бузилади.. «ЎЗМЭ».

РЕВОЛЬВЕР [ингл. revolver < лот. revolvere — орқага думалатмоқ, айлантирмоқ] Бир неча ўқ жойлашадиган айланувчи ўқдонли, шахсий ўқотар қурол. *Револьвердан ўқ узмоқ.*

Револьвер станок тех. Кесувчи асбоблар ўрнатиладиган қисми айланиб, турли кескичлар галма-гал ишга солинадиган токарлик станогли.

РЕВОЛЮЦИОН 1 қ. **инқилобий.** *Революцион кураш. Революцион ташкилот.*

2 Туб, жиддий ўзгаришларга олиб келувчи. *Техникада революцион ўзгариш. ■ Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётига революцион йўл билан, яъни жадал усулда ёки эволюцион йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин.* Газетадан.

РЕВОЛЮЦИОНЕР [фр. revolutionnaire < лот. revolutio — тўнтариш] қ. **инқилобчи.**

РЕВОЛЮЦИЯ [лот. revolutio — бурилиш, тўнтариш] 1 қ. **инқилоб** 2. *Пролетар революцияси. Буржуа-демократик революцияси.*

2 қ. **инқилоб** 1. *Маданий революция. ■ Ҳозир космонавтика илмий-техник революциянинг ажралмас қисми бўлиб қолди.* Газетадан.

РЕГАТА [итал. regata < raga — қатор, саф] *спрт.* Эшакли, елканли ёки моторли қайиқларда туркум пойгалардан иборат спорт мусобақалари.

РЕГБИ [ингл. rugby < Англиянинг Регби шаҳарчаси номидан] *спрт.* Ҳар бири 15 кишидан иборат икки жамоа тухумсимон тўп билан ўйнайдиган спорт ўйини [бунда спортчилар тўпни қўл ёки оёқ билан узатиб, уни рақиб дарвозасига киритиш ёки дарвоза чизиғи ортига (ичига) туширишга ҳаракат қиладилар].

РЕГЕНЕРАЦИЯ [лот. regeneratio — қайта тикланиш, қайта туғилиш, янгиланиш] 1 *биол.* Организмнинг йўқолган ёки жароҳатланган аъзолар ва тўқималарни тиклаб олиши, шунингдек, унинг айрим қисмларидан бутун организмнинг тикланиши.

2 *тех.* Иш бажариб бўлган (эски) маҳсулотга унинг дастлабки сифатларини қайтариш.

3 Ядро техникасида: реакторда ишлатилган ядро ёнилғисини радиоактивий ва

кимёвий-металлургик қайта ишлаш жараёнлари мажмуи.

РЕГИОН [лот. regio, regionis — вилоят, ўлка] Бир неча вилоятларни, ҳатто давлатларни ўз ичига олган йирик ҳудудий бирлик. *Олимларнинг фикрича, региондаги экологик вазиятни яхшилаш учун туб чоралар кўриш талаб этилади.* Газетадан.

РЕГИОНАЛ Регионга, алоҳида вилоят, ўлка ёки қўшни мамлакатларга оид; маҳаллий. *Регионал кенгаш. ■ Регионал можароларни, аввало, яқин Шарқдаги можарони бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.* Газетадан.

РЕГИОНАЛИЗМ [лот. regionalis — маҳаллий] *сиёс.* Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва б. муаммоларни у ёки бу регион (минтақа, ҳудуд) нинг манфаат ва эҳтиёжлари нуқтаназаридан кўриб чиқиш ва ҳал қилишдаги ёндашув, муносабат. *Зотан, регионализмдан глобализмга, яъни янги минтақавийликдан ялпиликка ўтиш тенденцияси умумжаҳон миқёсда кучайди. «Фан ва турмуш». Президентимиз айтганидек, глобализмга фақат регионализм орқали борилади.* Газетадан.

РЕГИСТОН [ф. ریگستان — қумлоқ, қумли жой; майда тош тўшалган жой] Ўрта Шарқ мамлакатлари шаҳарларидаги марказий майдон (одатда, шаҳар арки ёки ҳоким саройи ёнида барпо этилган).

РЕГИСТР I [нем. Register < лот. registrum — рўйхат] Муайян ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган рўйхат, ҳисобга олиш ҳужжати; қайднома. *Регистрга ёзиб қўймоқ. ■ Тегишли техник воситалар мавжуд бўлганда.. дастлабки ҳужжатларни ва регистрларни тузишга руҳсат берилади.* Газетадан.

РЕГИСТР II *мус.* 1 Клавишли мусиқа асбобларида товуш кучи ва тембрини ўзгартиришга имкон берадиган мослама.

2 Хонанда ёки чолғу асбоби диапазонининг бир хил тембрга эга бўлган товушлар гуруҳи.

РЕГИСТР III *тех.* 1 Рақамли ҳисоблаш машинасининг кодларни хотирлашга мўлжалланган элементи.

2 Автомат телефон ва телеграф станциялари ҳамда алоқа узелларида бирон манзилга юбориладиган абонент ахборотларини рақамлар шаклида қабул қилувчи ва ёзиб олувчи қурилма.

3 Компьютер ва ёзув машинкаси клавиатурасининг ўнг ва чап томонида жойлаш-

ган, катта ва кичик ҳарфлар ёзилтиш тартибини бошқарувчи иккита клавиш.

РЕГИСТРАТОР [нем. Registrator < лот. registrum — қайд этилган, ёзиб қўйилган] 1 Регистратсия ишларини олиб борувчи, рўйхатга оловчи киши.

2 Муайян параметрларни автоматик қайд қилувчи ўзинёзар асбоб.

3 Идораларда хат-ҳужжатлар, қоғозлар солиб қўйиладиган картон папка; жид.

РЕГИСТРАТУРА [нем. Registratur < лот. registrum — қайд этилган, ёзиб қўйилган] Муассаса, идора, поликлиника ва ш. к. нинг рўйхатдан ўтказиш бўлими.

РЕГИСТРАЦИЯ [ингл. registration < лот. registrum — қайд этилган, ёзиб қўйилган] Рўйхат қилиш, рўйхатга олиш, қайд этиш; рўйхатдан ўтказиш. *Регистратсия дафтари. Регистратсиядан ўтмоқ.* ■ [Заргаров:] *Куёв билан келин менинг олдимда, ҳозир боради. Регистратсия қилинг, бўлак гап йўқ!* А. Қаҳқор, Оғриқ тишлар.

РЕГЛАМЕНТ [фр. reglement < лот. regula — тартиб, қоида] 1 Ўйғилиш, мажлис, кенгаш ва ш.к. ни олиб бориш, ўтказиш тартиби. *Мажлис регламенти. Регламент белгиламоқ.* ■ *Мажлисларни олиб бориш унгагина топширлар, у регламент ва бошқа тартиб-қоидаларга риоя қилишнинг ҳадисини олган.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Регламент бўйича шахматчилар.. 12 партиядан дона сурадилар.* Газетадан.

2 Бирор давлат органи, муассаса, ташкилот ва ш.к. нинг фаолият тартибини белгилувчи низом ва қоидалар мажмуи. *Ялли мажлис муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг муваққат регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги масала киритилди.* Газетадан. *Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди.* Газетадан.

3 Халқаро конгресслар ва конференциялар томонидан қабул қилинган баъзи ҳужжатларнинг номи (мас., 1815 йил Вена регламенти).

РЕГЛАН [ингл. Reglan < инглиз генерали Реглан номидан] Енги елкаси билан бир бутунликда бичилган пальто ёки қўйлак андозаси (дастлаб 19-аср ўрталарида Реглан модага киритган) ва шундай андоза (бичим)даги устки кийим.

РЕГРЕСС [лот. regressus — орқага кетиш; акс ҳаракат(ланиш)] 1 Ривожланишнинг юқорироқ шаклдан қуйи шаклга ўтиши; орқага қайтиш, таназзул; ёмон томонга ўзгариш; *зид. прогресс.*

2 биол. Тирик табиатда яшаш шароитларининг ўзгаришига мослашиш оқибатида организмларнинг соддалашувида иборат эволюцион жараён.

РЕГРЕССИВ 1 Ўз тараққиётида орқага кетган, таназзулга, инқирозга юз тутган; таназзулга, инқирозга олиб келувчи. *Регрессив ҳаракат.* ■ *Кўришиб турибдики, инсон фикрлаш тарзида бири иккинчисига зид бўлган қутблар, прогрессив ва регрессив томонлар мавжуд бўлади.* Газетадан.

2 Реакцион, антидемократик. *Регрессив ҳодиса.*

РЕГУЛЯТОР [лот. regulare — тартибга келтирмоқ, йўлга қўймоқ] Автоматик бошқарув тизимида механизмнинг бир текис ишлашини таъминлаб турадиган ҳамда температура, босим, тезлик ва ш. к. ни бирдай сақлайдиган ёки ўзгартирадиган асбоб, мослама.

РЕДАКТОР [фр. redacteur < лот. redactus — тартибга келтирилган] қ. муҳаррир 1-2. *Техник редактор. Бош редактор. Масъул редактор. Газета редактори.* ■ *Ходимлар Аҳмадининг гапини тинглаб ўтирар эканлар, ора-чора редакторга қараб қўярдилар.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

РЕДАКТОРЛИК Муҳаррир иши, вазифаси; муҳаррирлик. *Редакторлик қилмоқ.*

РЕДАКЦИОН 1 Нашриёт таҳририятига мансуб. *Редакцион кенгаш.*

2 Таҳрир жараёнига оид; таҳририй. *Мақолага киритилган редакцион ўзгариш. Редакцион тузатиш.*

РЕДАКЦИЯ [фр. redaction < лот. redactus — тартибга келтирилган] эск. 1 Таҳрир жараёни, таҳрир; қўлёзмани муҳаррир тузатишлари билан нашрга тайёрлаш. *Редакция қилмоқ.*

2 Муайян ишловдан ўтган, тузатилган матн. *Романнинг янги редакцияси.*

3 Нашриёт органларида нашр ишини олиб борувчи, қўлёзма матнларни ишлаб, нашрга тайёрлаб берувчи ходимлар жамоаси; таҳририят. *Журнал редакцияси.* ■ *Усмон Яхшиев таҳрир қилган материалларнинг таржимаси тўғри ва аниқлигига редак-*

цияларнинг ходимлари заррача шубҳа қилмас эдилар. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Кўп сонли газетхонлар редакциямизга мурожаат қилиб, ёш олимга берилган илмий даража етарли эмас, деб ҳисобламоқдалар.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

4 Тахририят ходимлари ишлайдиган бино. *Аҳмад редакциядан чиқиб, муюлишга борганида, орқасидан Раҳим ака етиб келди.* Ф. Мусаҷонов, Ҳиммат.

РЕДИСКА [р. < лот. radix – илдиз, илдизмава] Эрта кўкламда очиқ ёки ёпик ерларга экиладиган полиз экини ва унинг ейишли думалоқ ёки чўзинчоқ оқ, қизил рангли ҳосили. *Салатнинг янги узилган барги редиска, бодринг ва ошқуқлар билан яхши ҳамоҳанг бўлади.* Газетадан.

РЕДКОЛЛЕГИЯ [р. редакционная коллегия – «таҳрир ҳайъати» бирикмасининг қисқартмаси] Китоб, журнал, газета ва ш.к. ни биргаликда таҳрир қилувчи жамоа; таҳрир ҳайъати. *У деворий газетанинг редколлегия аъзоси эди, прогулчиликка қарши чиқарилаётган шошилинч сон учун уч-тўрт банд ҳажва ёзиб беришни топширишди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Алманах материалларини махсус редколлегия ишлаб беради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

РЕДУКТОР [лот. reductor – орқага қайтарувчи] *тех.* I Айланма ҳаракатни тишли филдираклар ёрдами билан бир валдан иккинчи валга узатувчи механизм.

2 Трубопровод, газ баллони ва ш.к. идишдаги суюқлик ёки газнинг босимини камайтириш ёки бир хилда сақлаб туриш учун мўлжалланган асбоб, мослама.

РЕДУКЦИЯ [лот. reductio – қайтиш, орқага қайтариш] I *махс.* Мураккабдан соддага ўтиш, соддалашиш.

2 *биол.* Муайян аъзоларнинг ўз функциясини йўқотганлиги туфайли кичрайиши ёки йўқолиши.

3 *ким.* Тикланиш, қайтарилиш; оксидланишнинг акси.

4 *тлш.* Кучсиз талаффуз натижасида товушнинг ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатдан пасайиши (бу ҳодиса асосан урғусиз бўғиндаги унлиларга хос бўлади). *Редукция натижасида ҳамда тез суръатда гапириб жараёнида товуш тушиб қолади.* «ЎТА».

РЕДУПЛИКАЦИЯ [лот. reduplicatio – иккиланиш, қўшалокланиш] *тлш.* Сўздаги дастлабки бўғинни ёки ўзакни, бутун сўзни такрор қўллаш билан такрорий сўз, грамматик шакл ҳосил қилиш усули.

РЕЕСТР [лот. registrum, registrum – рўйхат, саноқ] Маълум ишлар, ҳужжатлар, мол-мулк ва б. рўйхати ҳамда шу рўйхатлар қайди қилинадиган дафтар. *Амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан 22 та идоравий-меъёрий ҳужжат давлат реестрдан чиқарилди.* Газетадан. *Айни пайтда ғўзанинг йигирмата селекция нави давлат реестрига киритилган.* Газетадан.

РЕЖА [ф. رجه < رجه – кир ёйиладиган ип, арқон; саф, қатор] I Деворзанлик ва шунга алоқадор касбларда: девор ва ш.к. нинг текис, тўғри чиқиши учун усталар тараф қилиб тортиб қўядиган ип, сим ва ш.к. *Режа олмоқ. Режа солмоқ.* ■ -Бектурди ака, – дерди у [Қозоқбой] *ғишт тараётган устага қараб, – ғиштни яхши тараётган бўлсангиз ҳам, режа ипини тортиб олмаганингиз ёмон.* М. Қўшоқов, Уста йигит.

2 Бирор ишни тартиби билан ва ўз вақтида бажариш учун олдиндан белгилаб олинган аниқ ёки тахминий мўлжал. *Эртанги ишга бугун режа туз.* Мақол. ■ *Бўрон режаларимизни бузолмайди, тақдиримиз ҳам бўроннинг қўлида эмас.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Адолат қизларга ўз режасини тушунтирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Бригада аъзоларининг] *Ҳар йили пахта тайёрлаш шартномавий режасини мамлакат бўйича биринчи бўлиб.. удалашларига урганиб қолдик.* Газетадан.

3 Белгилли тартиб, қоида, ўлчов. *Иш режага тушди.* ■ *Бу оилада ейиш-ичиш белгилли тартиб ҳам режага тобе эса-да, ҳар кун ширин-ширин овқатлар тайёрланади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Албатта, кампир келинларини рўзғордан сирқмасди. Аммо режани бузмай, масаллиқни исроф қилмай иш тутарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

РЕЖАЛАМОҚ I Олдиндан режа тузмоқ; режалаштирмоқ. *У [Солижон] вақтини фаслдек, Бўлиб қўйган режалаб.* Қ. Муҳаммадий.

2 Режа солиб ўлчamoқ, режа солиб иш қилмоқ. *Мақтаб ер участкасини режалаш. Режалаб чигит экмoқ.*

3 Тартибга, режага солмоқ, тизимга туширмоқ.

РЕЖАЛАШТИРИШ Миллий иқтисодиётнинг турли даражаларида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ва бошқариш шакллари мажмуи.

РЕЖАЛАШТИРМОҚ Маълум режага солмоқ; мўлжалламоқ. *Ислохмўжа.. йўллари тузатиш, темир кўприклар қурдириш ишларини режалаштирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

РЕЖАЛИ 1 Маълум бир режа асосида қурилган; тартибли. *Режали иш. Режали иш бузилмас.* Мақол. ■ *..ҳар бирининг [ўт учирувчининг] ҳаракати чаққон ва режали.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 Тежаб сарф қиладиган, режа билан иш тутадиган. *Режали аёл.* ■ *Моҳира пазанда, чаққон, саранжомли, режали келин эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

РЕЖАСИЗ 1 Режа билан қилинмаган, тартибсиз. *Режасиз иш. Қолипсиз фишт чиқмас, режасиз иш битмас.* Мақол.

2 Тежаб-тергашни билмайдиган, тежамсиз. *Режасиз одам.*

РЕЖАСИЗЛИК Тежаб-тергаб қилинмаган иш; тежамсизлик. *Ишни режасизлик билан бажармоқ.*

РЕЖАЧИ Режа тузувчи киши. *-Ражаббекниқадаги мажлисда, - деди заҳарханда билан [Отабек], - бу йиртқиқликнинг режачиси ким эди? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

РЕЖАЧЎП [ф. *ريجه چوب*] айн. *газчўп 1.*

РЕЖИМ [фр. *regime* - давлат тузуми, бошқариш тарзи < лот. *rego* - бошқараман, раҳбарлик қиламан] 1 Давлатни бошқариш, идора этиш усули; тузум. *Демократик режим. Тоталитар режим.*

2 Мехнат, дам олиш, овқатланиш, ухлаш ва, умуман, ҳаётнинг аниқ белгиланган тартиби. *Овқатланиш режими. Режим билан ухлаш.* ■ *Фурсат қадрини ҳаётий режаси ва кундалик вақт режими бўлган одам билди.* Р. Усмонов, Одобнома. *У тинмай машқ қилиш, алоҳида белгиланган режимга амал қилиш туфайли спорт формасини яна тиклашга муваффақ бўлди.* Газетадан.

3 Иш фаолияти ёки ҳаёт шароити. *Усимликларнинг иссиқлик режими. Машинанинг иш режими.* ■ *Иқтисод ва тежамкорлик режасимига риоя қилишнинг муҳим омилларидан бири давлат ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий бўйсунушидир.* Газетадан.

РЕЖИССЁР [фр. *regisseur* - бошқарувчи < лот. *rego* - бошқараман] Саҳна ёки кино асарини саҳналаштирувчи бадий раҳбар; асарни тайёрлаш, саҳнага қўйиш билан боғлиқ бўлган ижодий ишларнинг ташкилотчиси, бошлиғи. *Постановкачи режиссёр. Кино режиссёри.* ■ *Тошкент кўриги бизни ўнлаб ёш тажрибали режиссёрлар, опера-торлар ва сценаристлар билан ошно қилади.* Газетадан. *Томошанинг ёмон чиқишига кўпинча режиссёр айбдор бўлади.* «Фан ва турмуш».

РЕЖИССЁРЛИК Саҳна ёки кино асарларини саҳналаштириш билан шуғулланиш; режиссёр касби, вазифаси. *Режиссёрлик қилмоқ. Режиссёрлик санъати.* ■ *Бу киши артистларга театрда режиссёрлик қиладилар.* Шукрулло, Сайланма.

РЕЖИССУРА [«режиссёр» с. дан] 1 Режиссёрлик иши, фаолияти. *Кинодраматургнинг ишини режиссура, монтаж янада такомиллаштириши ҳам мумкин.* Б. Имомов, Сценарий ва фильм.

2 Фильм, спектакль ва ш.к. нинг бирор режиссёр томонидан тайёрланган постановкаси. *У [Хурийд] театр санъати билан, режиссура билан [Ўзбекистонга] гастролга келган озарбайжон театри, театр ҳаваскорларининг труппалари орқали таниш эди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

РЕЗ [ф. *ريز* - майда; кичкина] 1 Мусиқа асбобларидан бир ритмда чиқадаган узук-узук қисқа садолар. *Ноғораларнинг.. рези, сурнайнинг бир маромдаги мунгли ноласи ҳозир қандайдир қалтис ўйин бўлишидан дарак беради.* М. Қодиров, Асака дорбозлари.

2 Шу турдаги куй номи. *Бу вақтда Регистонда турган сарбозларнинг музика тўдаси миллий асбобларни “рез” ҳавосида чала бошладилар.* С. Айний, Эсдалиқлар.

РЕЗА [ф. *ريزه* - ушоқ, парча; ёғоч қириндиси] 1 сфт. Унча катта бўлмаган; майда, кичик. *Ёноқларини реза тер қоплаган қизлар жимгина қўшиқча қулоқ солар.. эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Норматовнинг қисташи билан Алитириш дуторини олиб, реза куйларга тушди.* Файратий, Менинг ёшлигим. *[Алижонни] Ичкари уйга бошлаб кирди-да, олдига қази билан тузланган бодринг келтириб қўйди: -Мана буларни реза қилиб туринг, - деди Ҳалима. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.*

2 *от* Майда нарса (сув ёки тер томчилари ҳақида). *Кучли кулгидан Раённинг кўзи ёшланиб, ўсиқ киприги жуфтланди, кулги ва ўчоқ ҳарорати билан икки юзи қизил олмага айланиб, латиф бурни устида марвариод резалар ҳосил бўлди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Мавжларидан резалар учиб, чайқалади муққадас дарё.* Газетадан.

РЕЗАВОР [ф. *ريزہوار*] 1 Майда-чуйда. *Резавор моллар.*

2 Овқатга солиш учун ишлатиладиган кўкат ва сабзавот. *Уиларнинг ҳовлиларида мевали дарахтлар, гулзор, чорпоя, резавор экинлар учун ҳам алоҳида майдонлар мавжуд.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 Боғчачилик экинлари ва уларнинг мевалари. *Резавор боғ. Резавор экинлар. Резавор мевалар.* ■ *Резавор мевалардан смородина.. Устириш айни муддао бўлади.* Газетадан.

4 *айн. зиравор.* *Сабзавот, мева ҳамда резаворларнинг ўзбекча тансиқ таомлар тайёрлашда аҳамияти каттадир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

РЕЗАВОРФУРУШ [резавор + ф. *فروش* — сотувчи] Резавор моллар ёки ошкўклар билан савдо қилувчи киши; резаворчи. *Ҳеч ўйламаганда, Хусни баққол билан Жалил резаворфуруш ўртасида жанжал чиқиб қолди.* Ғ. Фулом, Шум бола.

РЕЗАВОРЧИ 1 *айн. резаворфуруш.*

2 Кўкат ва сабзавот экинлари етиштирувчи ва сотувчи киши.

3 Зираворлар савдоси билан шуғулланувчи киши.

РЕЗАВОРЧИЛИК Резавор экинлар экиш ва резавор сотиш ишлари билан шуғулланиш. *Резаворчилик қилмоқ. Резаворчиликни ўрганмоқ.*

РЕЗАЛАМОҚ Майда тўтрамоқ, майдаламоқ, майда-майда қилмоқ. *Пиёзни резаламоқ.* *Резаланган сабзи.* ■ *Қиз.. бурни устида резаланиб турган ёмғир томчисини артиб, қаддини ростлади.* У. Назаров, Одамлар.

РЕЗАПАРВАР [ф. *ريزہپروور* — майда экинларни парваришловчи] Резавор экинларни яхши парвариш қиладиган; миришкор. *Резапарвар одам.*

РЕЗГИ [ф. *ريزگی* — майдаланганлик; майда-чуйда нарсалар] Қийқинди чарм; қийқим-қийқим чармлар. *Пошнабоп резгилар.* ■ *Ҳар хил синиқ-миниқ қолиплар, чарм*

резгиси, ширач коса, маҳси ичига ёпиштирадиган эски латталар ва ҳоказо дўконхона юзини тутган. Ойбек, Танланган асарлар. *Тери резгилари ҳар хил кийим-кечак безакларида ишлатилади.* Газетадан.

РЕЗГИ ОДАМ *ҳазил* Ўсмай қолган ёки кичкина одам. *Боқса, резги қаримсиқ одам Имо қилар унга дамо-дам.* М. Али, Боқий дунё.

РЕЗЕКЦИЯ [лот. *resectio* — кесиб ташлаш] *тиб.* Касаллик оқибатида зарарланган ёки шикастланган аъзо, суяк ва ш.к. нинг бирор қисмини жарроҳлик йўли билан кесиб ташлаш.

РЕЗЕРВ [фр. *reserve* < лот. *reservare* — сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ; тежамоқ] 1 Янги, ҳали ишга солинмаган куч, маблағ ва ш.к. манбаи. *Ишлаб чиқариш резервлари. Пахта етиштиришни кўпайтирувчи резервлар.* ■ *Қодирали икки нарсадан беҳад хурсанд бўлди. Биринчидан, буш қолган жойларни тўлдириш учун катта резерв топилди..* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бу маблағларнинг барчаси ўз ички резерваримиздан ажратилмоқда.* Газетадан.

2 қ. *захира* 1. *Озиқ-овқат резервлари.* ■ *Ҳар бир хўжаликда анчагина резервлар ва кучимқониятлар юзага чиқарилди.* Газетадан.

3 қ. *захира* 2. *Резервдаги офицер.* ■ *Сафарбарлик қақирувчи чоғида резервдаги хизматга қақирилганлар ойлик йўғинда иштирок этиб, техник воситалардан ва қурол-яроғдан фойдаланиш сирларини мукаммал ўргандилар.* Газетадан.

4 Қўшиннинг зарур пайтда жангга кiritиш учун қўмондонлик ихтиёрида қолдирилган қисми. *Туркистон ҳарбий округи бутун уруш давомида ҳарбий резервлар ўчоғи бўлди.* Газетадан.

РЕЗЕРВИСТ Бир қатор мамлакатлар армияларида: резервга ўтказилган, резервда, захирада турган ҳарбий хизматчи.

РЕЗЕРВУАР [фр. *reservoir* < лот. *reservare* — сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ] Суюқлик ёки газ сақланадиган катта идиш. *Резервуарнинг сифми катталиги сабабли ёнғинни тўхтатишнинг иложи бўлмади.* Газетадан.

РЕЗЕРВЧИ қ. *резервист.* *Шу билан бирга, мазкур комиссияга мамлакатимизда Қуролли кучлар захираси, яъни резервчилар институтини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини топшириш керак.* Газетадан.

РЕЗИДЕНТ [лот. *residens, residentis* — ўтирувчи, жойида қолувчи] 1 Элчидан пастроқ мавқега эга бўлган дипломатик вакил.

2 Бирон давлатнинг бошқа бир хорижий давлатда доимий яшовчи фуқароси.

3 Бирон давлат разведкасининг бошқа бирор давлат ҳудудида иш олиб борувчи вакили.

4 Хорижий банк, компания, фирма ва ш.к. нинг бошқа мамлакатда доимий ишловчи, у ёки бу ишни амалга оширувчи вакили (ўзи ишлаётган мамлакат қонунчилигига тўла риоя қилади). *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар — резидентларга нақд чет эл валютасини ..ташқарига олиб чиқишга рухсат бериш тартиби белгиланган.* Газетадан. *Тендерда фақат Ўзбекистон резидентлари қатнашиши мумкин.* Газетадан.

РЕЗИДЕНЦИЯ [лот. *residens, residentis* — бирор жойда бўлувчи, турувчи] Давлат бошлиғи ёки ҳукуматнинг, шунингдек, катта мансаб эгаларининг доимий қароргоҳи, тураржойи, саройи. *Президент резиденцияси.*

РЕЗИНА [лот. *resina* — қатрон (смола) < юн. *retine* — ёғоч қатрони] Каучукни вулканизация билан олинадиган эластик маҳсулот ва ундан тайёрланган нарса, буюм. *Дағал резина. Резина этик.* ■ *Эмин қаради: автоматчи немислар дарёнинг кун чиқиб қирғоғидан резина қайиқда шу томонга тўппа-тўғри босиб келаяпти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қушнисиникидан ўн беш метрли резина шланг опчиқиб берди.* С. Аҳмад, Сайланма..

РЕЗИНКА [«резина» с. дан] 1 Ёзилган ёки чизилган нарсани ўчириш учун ишлатиладиган махсус резина бўлаги. *Сийёх ўчирадиган резинка.*

2 Тортиганда чўзиладиган резинали шнур, ип ва ш.к. *Кампир, резинкаси оёғини қисиб юборган, шекилли, капрон пайпоғини ҳимариб, тўппиғига тушириб олибди.* С. Аҳмад, Сайланма.

3 с.т. Резина. *Унинг оёғида таги резинка қора туфли.* П. Қодиров, Уч илдиш.

Резинка қилмоқ (ёки қилиб чўзмоқ) 1) бирор ишни вақтида бажармай чўзиб юрмоқ, пайсалга солмоқ. *-Бу монтажчилари тушмагур газ плитаси ўрнатилиши роса резинка қилиб чўзишса бўладими, — деди Афзал ака.* А. Шайхов, Ушовидан тушови қиммат;

2) гапни чўзмоқ. *Мунча резинка қилиб чўз-масанг!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

РЕЗОЛЮЦИЯ [лот. *resolutio* — қарор] 1 Ййғилиш, мажлис, конференция ва ш.к. да бирор масала муҳокамасидан кейин қабул қилинган қарор. *Мажлис резолюцияси.* ■ *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши яқинда махсус резолюция қабул қилди.* Газетадан.

2 Раҳбар ҳодимнинг расмий ҳужжатдаги фармойиши, якуний хулосаси. *Аризага резолюция қўймоқ.*

РЕЗОНАНС [фр. *resonance* < лот. *resonans* — акс-садо берувчи] 1 физ. Ташқи таъсирлар остида жисмнинг мажбурий тебранишлари амплитудасининг кескин ошиб кетиши. *Резонанс ҳодисаси.*

2 Бинонинг товушни кучайтириш қобилияти. *Заннинг резонанси яхши.*

3 кўчма Жамоатчиликнинг фикри, бирор нарса, воқеа-ҳодисага муносабати, жавоб ҳаракати, билдирган фикри. *Унинг нутқи катта ижтимоий резонанс уйғотди.*

РЕЗОНАТОР [лот. *resonare* — акс-садо бермоқ] тех. Резонанс ҳодисаси туфайли содир бўладиган тебранма тизим (жисм).

РЕЗЬБА [р. *резать* — «кесмоқ» с. дан] тех. Болт, гайка ва ш.к. нинг ички ёки ташқи сиртига ўйилган ариқча ва бўртма. *Метрик резьба.* Болт резьбаси.

РЕЗЬБАЛИ Резьбаси бор, резьба солинган. *Ўн резьбали болт.*

РЕЗЮМЕ [фр. *resume* < *resumer* — қисқача баён қилмоқ] Ёзилган, айтилган ёки ўқилган матн мазмунининг қисқача баёни. *Авторефератнинг резюмеси.*

РЕЙМПОРТ [ре.. + импорт] иқт. Чет элга чиқарилган, аммо у ерда сотилмаган ёки яроқсиз деб топилган, қайта ишлов берилмаган товарларнинг уни чиқарган мамлакатга қайтариб олиб кирилиши.

РЕИНВЕСТИЦИЯ [ре.. + инвестиция] Инвестициялар муомалалари бўйича даромадлар шаклида олинган маблағларни иш-лаб чиқаришни кенгайтириш учун қайта йўналтириш, қайта фойдаланиш.

РЕЙД 1 [ингл. *raid* — ёпирилиб келиш, босиб келиш < нем. *berait* — тайёр, шай] 1 Давлат ёки жамоат ташкилотлари, матбуот органлари топшириғига мувофиқ, муайян объектларни, корхона ва ш.к. фаолиятини тўсатдан текшириш. *Солиқчилар билан со-*

лиққа оид жиноятчиларга қарши курашиш департаментининг ходимлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик рейд ва текширишлар самарасини таъминламоқда. Газетадан. «Ишонч» телефонига тушаётган тезкор маълумотлар асосида ўтказилаётган рейдлар давомида бир қанча қонунбузарлик ҳолатлари барҳам топмоқда. Газетадан.

2 ҳарб. Душманнинг базаларига, штаб ва б. объектларига қарши жанговар иш олиб бориш мақсадида ҳаракатдаги ҳарбий ёки партизан отрядларининг душманнинг орқа томониغا ўтиши.

РЕЙД II [гол. reede — кемалар тўхтайдиган жой] Денгиз портига кираверишда, соҳил яқинида кемаларнинг лангар ташлаб туриши ва юк тушириш учун қулай жой.

РЕЙКА [р. рейка — ясси чорқирра юпқа тахта] 1 Юпқа, энсиз узун тахта. Рейкалардан қилинган девор. Полга рейка қирқиш.

2 махс. Даражаларга бўлинган ва ер, сув ҳамда қор қатламининг паст-баландлигини (чуқурлигини) аниқлашда қўлланадиган чорқирра ёғоч.

РЕЙС [нем. Reise — саёҳат] Кема, самолёт, машина каби транспорт воситаларининг маълум маршрут бўйича (бир томонга) қатнов йўли. Қурилиш ва техника материаллари ташиб турган автомашиналар ҳар сменада ўн беш-ўн олти рейс қилади. А. Муҳиддин, Ҳадя.

РЕЙТИНГ [ингл. rating — баҳо, даража] 1 Ўқувчилар ва талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш усули ва тизими. Қолаверса, ҳар бир фандан тўпланган балларга асосланиб, ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини таққослаш ва рейтинг натижаларига қараб, уларни фарқлаш имконияти яратилади. Газетадан. Маорифимиздаги ислохотлар ҳақида сўз кетар экан, мактабларимизда тобора кенг қўлланаётган ўқувчилар билимини аниқлашда рейтинг тизимидан фойдаланиш усули хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор. Газетадан. Олий таълим тизимида бакалаврлик ва магистрлик босқичларидаги таълим тобора такомиллашмоқда, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг усули кенг жорий этилмоқда. Газетадан.

2 спорт. Спортнинг баъзи турларида (мас., шахматда) эришилган ютуқларнинг самарадорлиги ва нуфузини баҳолашда рақамлар билан ифодаланадиган шахсий кўр-

саткич. Спортчиларнинг рейтинг кўрсаткичи. Боксчиларнинг рейтинг жанглари. ■ Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) миллий терма жамоалар учун август ойи рейтинг жадвалини эълон қилди. Газетадан.

3 Сиёсат, маданият ва б. соҳалардаги танikliи арбобларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш йўли билан аниқланадиган машҳурлик даражаси. Баъзи туман газеталарининг рейтингги бугун, очиғини айтсак, кўнгилдагидек эмас. «Саодат». Машғулот олиб борадиган ўқитувчиларнинг илмий даражаси, рейтинги, иш стажига қараб, қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди. Газетадан.

РЕЙХСТАГ [нем. Reichstag < Reich — давлат, салтанат + Tag — мажлис, кенгаш] тар. Германия парламенти (1871 йилдан 1945 йилгача) ва унинг биноси. Зафар туғин тутиб маҳкам, Рейхстаг узра тиккан ҳам, Ва чеккан ҳам унга имзо Бу қўллардир, бу қўллардир. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

РЕКВИЗИТ [лот. requisitum — керакли, зарур] Театр томошаларида ёки кинофильм суратга олинаётганда фойдаланиладиган табиий ёки ясама буюмлар мажмуи.

РЕКВИЗИТЛАР ҳуқ. Муайян ҳужжатнинг юридик жиҳатдан кучга эга эканлигини кўрсатувчи, қонун-қондалар билан белгиланган зарурий маълумотлар. Банк реквизицлари фақат ҳисоб-пул муомалалари масалалари бўйича хатларда, масалан, кафолат хатларида қўйилади. «Иш юритиш». Қимматли қоғозларда ифодаланган мажбурий реквизицлар муомалага чиқарилаётган ҳар бир қимматли қоғозда кўрсатилади. «Ҳаёт ва қонун».

РЕКВИЗИЦИЯ [фр. requisition — мол-мулкдан маҳрум қилиш < лот. requisitio — талаб; тўлатиш] Хусусий кишиларнинг ёки жамоат ташкилотларининг мулкни ҳақ тўлаб мажбурий равишда доимий ёки вақтинча давлат ихтиёрига олиш. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди. Газетадан. Реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтагандан кейин реквизиция қилинган мол-мулкнинг собиқ эгаси сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли. Газетадан.

РЕКЛАМА [фр. reclame < лот. reclamare — қаттиқ қичқирмоқ] 1 иқт. Муайян товар

ёки кўрсатиладиган хизмат турлари ҳақида харидорларни хабардор қилиш, уларга нисбатан талаб, эҳтиёжни юзага келтириш ёки кучайтириш мақсадида ана шу товар ва хизматлар тўғрисида берилган маълумот. *Савдо рекламаси.* ■ *Маркетинг концепциясида маҳсулотни сотиш табдиллари мажмуасида марказий ўринни реклама эгаллайди.* «Иқтисодий назария». «Оила ва жамият» бошқа газеталарга ўшаб реклама қилинмаса ҳам, харидорғир, савдоси чаққон. Газетадан. Реклама ўз номи билан маҳсулотни овоза қилиш демакдир. Газетадан.

2 Бирон шахс, ташкилот, нарсани оммалаштириш мақсадида улар ҳақида маълумотлар тарқатиш. *Сийсий реклама. Газетанинг реклама ва эълонлар бўлими.* ■ *Трибуналларда шу гап, телевизор экранлари, рекламаларда шу мавзу.* Э. Охунова, Икки океан оша. Сиз биз билан ҳамкорликда реклама унумдорлигига эришишингизга шубҳа йўқ. Газетадан.

3 Шу мақсадда чиқарилган эълон, плакат. *Реклама осмоқ.*

РЕКЛАМАЦИЯ [лот. reclamatio — бақриб норозилик билдириш] Етказиб берилган ёки сотилган мол, буюм, маҳсулотнинг, кўрсатилган хизматнинг сифатсизлиги натижасида кўрилган зарарни тўлаш, улардаги нуқсонларни бартараф этиш ёки уларнинг баҳосини пасайтиришни талаб қилувчи даъво хати.

РЕКЛАМАЧИ 1 Реклама ясовчи, реклама тузувчи киши.

2 Ўзини, ўз ишини мақтовчи, кўз-кўз қилувчи киши.

РЕКОГНОСЦИРОВКА [лот. recognoscere — билмоқ; эсга туширмақ; кўриб чиқмоқ] 1 *ҳарб.* Жанговар ҳаракатлар бошланиши олдида душман ҳақида тўлиқ, батафсил маълумотлар олиш мақсадида командирлар, офицерлар томонидан ўтказиладиган разведка.

2 *геод.* Муайян жойда геодезик ишлар бошланишдан олдин шу жойни текшириб чиқиш; эскирган топографик хариталарни жойнинг ҳозирги ҳолати билан мувофиқлаштириш.

РЕКОМЕНДАЦИЯ [лот. (re)commendatio — маълумлаш] 1 Бирор ташкилотга ёки янги жойга ишга киришда бериладиган ёзма ёки оғзаки тавсия.

2 қ. тавсиянома. *Рекомендация бермоқ.*

РЕКОНСТРУКЦИЯ [ре. + лот. constructio — тузиш, бириктириш; тузилиш, қурилиш] 1 Такомиллаштириш, яхшилаш мақсадида қайта қуриш, янгидан қуриш, бутунлай янгича ташкил қилиш, қайтадан ускуналаш. *Реконструкция даври.* ■ *Тармоқнинг янги корхоналарини қуриш, ишлаб турган корхоналарини реконструкция қилиш, замонавийлаштириш керак.* Газетадан. *Вокзал ва станцияларимиз янгидан қурилди ва реконструкция қилинди.* «Фан ва турмуш».

2 Қадимги иншоот, санъат асари ва ш.к. ни уларнинг ҳозиргача сақланиб келган айрим бўлақларига, ёзма манбалардаги тавсиф ёки тасвирларига асосланиб қайта тиклаш.

РЕКОНСТРУКЦИЯЛАМОҚ Реконструкция қилмоқ. *Ҳайкални реконструкцияламоқ.*

РЕКОРД [ингл. record — мисли кўрилмаган муваффақият < фр. record — эслаш, хотирага келтириш] Иш, фаолиятнинг бир соҳасида, спорт мусобақаларида эришилган энг катта муваффақият, энг яхши натижа, энг юқори кўрсаткич. *Жаҳон рекорди. Янги спорт рекорди қўймоқ.* ■ *Жонжаҳдим билан ишлаб, рекорд устига рекорд қўймаганимда, бу ҳурматлар қаёқда эди.* Х. Тўхтабоев, Шириң қовунлар мамлаката. *Улар ҳосил йўғим-теримини максимал даражада механизациялаш ва тайёрлаш суръатларини тезлаштиришда рекорд кўрсаткичга эришмоқдалар.* Газетадан. *Рауфни рекорд билан яна бир бор табриклашди.* «Ўзбекистон қуриқлари».

РЕКОРДЕР [ингл. record — ёзмоқ] 1 Товуш ёзиш аппаратларида товушни граммофон пластинкаларига механик усулда ёзиб олиш учун мўлжалланган қурилма.

2 Кема ва қирғоқ гидролокация станцияларида акс-садо тарзида қайтган сигналларни ёзиб олиш учун фойдаланиладиган қурилма.

РЕКОРДСМЕН [ингл. recordsman — рекордчи, рекордга эришган киши] қ. рекордчи.

РЕКОРДЧИ Спортнинг муайян турида ёки бирор иш, фаолият соҳасида рекорд кўрсаткичга эришган киши. *Жаҳон рекордчиси. Рекордчи пиллачилар.* ■ *-Рекордчиларга бир эмас, икки ҳисса мошхўрда бераман!* —

Абдухалил унинг косасига бир булак гушт ташлади. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Баландликка лангарда сакраш буйича жаҳон рекордчиси Е. Исинбаева Лондондаги турнирда қатнашди. Газетадан.

РЕКТОР [лот. *rector* — бошқарувчи; раҳбар] Университетлар ва б. айрим олий ўқув юртрларининг раҳбари. *Ректор ташқи иқтисодий масалаларни ўз зиммасига олиши зарур.* Газетадан. *Шартномаларга ректорлар жавобгар бўлиши керак.* Газетадан.

РЕКТОРАТ Олий ўқув юртрларининг ректор ва проректорлар раҳбарлик қиладиган маъмурий-ўқув органи. *Институт ректорати, профессор-ўқитувчилар жамоасининг вазифаси фақат меъмор ва қурувчи муҳандисларни тайёрлашдан иборат бўлиб қолмай, бугунги кунда вужудга келиши лозим бўлган меъморчилик-қурилиш мажмуаларининг шарт-шароит ва омилларини ўрганишни ҳам талаб қилишини англаб етганмиз.* Газетадан.

РЕЛЕ [фр. *relais* < *relayer* — алмаштирмақ] *тех.* Ташқи таъсир натижасида электр занжирида кескин ўзгаришлар руй берганда, электр токини автоматик тарзда улайдиган ёки узадиган қурилма, асбоб.

РЕЛЬЕФ [фр. *relief* < лот. *relevo* — (бироз) кўтараман] 1 *геогр.* Ер сиртидаги табиий ёки сунъий равишда ҳосил бўлган ҳар хил нотекистиклар — паст-баландлик, тоғлик-нишабликлар мажмуи. *Тоғли рельеф. Ўзбекистон рельефининг тузилиши хилма-хил. ■ Тошкент заминининг устки қиёфаси, яъни рельефи худди шу босқичда шаклланди. «Фан ва турмуш».*

2 *махс.* Ҳайкалтарошликнинг бир тури: муайян сатҳга нисбатан бўртма ёки ўйма тасвир; бўртма нақш.

РЕЛЬС [ингл. *rails* — тўсин < лот. *regula* — тўғри таёқ] Темир йўл транспорти, трамвай, кўтарма кран, вагонетка гилдираклари юрадиган пўлат из. *Трамвай рельслари. ■ У болалари билан поезд келишини рельс устида кутиб ўтирди.* Газетадан.

РЕЛЬСЛИ Рельси бўлган, рельс ўрнатилган; рельсларда юрадиган. *Рельсли йўл. Рельсли транспорт.*

РЕЛЬССИЗ Рельси бўлмаган, рельси йўқ. *Рельсиз транспорт.*

РЕЛЯТИВИЗМ [лот. *relativus* — нисбий] *филс.* Билимнинг нисбийлиги, шартлилигини эътироф этувчи, объектив ҳақиқатни би-

лиш мумкин эмас, деб ҳисобловчи фалсафий қараш.

РЕЛЯТИВИСТ Релятивизм тарафдори.

РЕМАРКА [фр. *remarque* — белги, изоҳ]

1 *ад.* Драматик асарда қаҳрамонлар ташқи қиёфаси, ёши, хулқи, хатти-ҳаракати, сахна манзараси ва б. ҳақида муаллиф томонидан бериладиган изоҳлар. *Актёрлар образ яратишда автор ремаркаларини, режиссёр айтган ва кўрсатганларини амалга ошириш билан кифояланардилар.* Ф. Жураев, Обид Жалилов.

2 *снт.* Гравюранинг очиқ ҳошиясига ишланган, кўпинча асар сюжети билан боғлиқ бўлмаган кичик ҳажмдаги тасвир.

РЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ [ре. + милитаризация] *сиёс.* Аввал қуролисизлантирилган (демилитаризация қилинган) давлат қуроли кучлари ва ҳарбий имкониятларини қайта тиклаш; қайта қуроллантириш. *Ремилитаризация қилмоқ.*

РЕМОНТ [фр. *remonte* — тузатиш, созлаш < *remonter* — тузатмоқ, қайта бутунламоқ, йиғмоқ] *эск.* Бузилган, ишдан чиққан, синган ва ш.к. нарсаларни тузатиш, тиклаш, таъмирлаш. *Ремонт қилмоқ. ■ Ўқувчилар кучи билан мактаб дарвозаси биқинига пойабзал ремонт қиладиган устахона, бир сартарошхона қурамиз.* С. Аҳмад, Сайланма. *Стадион ремонт қилина бошлаган, панжаралар қизил-сарик ранга бўялган.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

РЕМОНТХОНА [ремонт + хона] *эск.* Таъмир ишлари олиб бориладиган ишхона, таъмир устахонаси; таъмирлаш хонаси.

РЕМОНТЧИ Таъмир қилувчи уста, ишчи; таъмирловчи. *Хужаликда ташкил этилган 8 та махсус бригадага ва ремонтчиларга етарли маданий ва маиший шароитлар яратилган.* Газетадан.

РЕНЕГАТ [лот. *renegate* — тонмоқ, буйнига олмаслик] *сиёс.* Ўз маслагидан қайтиб, душман томонига ўтиб кетган одам; муртад, хоин. *Барча мамлакатларда ҳам ренегатлар бўлади.*

РЕНЕССАНС [фр. *Renaissance* — Уйғониш; қайтадан юзага келиш, тикланиш] Инсониятнинг маънавий ва ғоявий тараққиётидаги уйғониш, кўтарилиш даври (Европанинг бир қатор мамлакатларида бу давр 14–16-асрларга тўғри келади). *Бу давр тарихида меъморчилик, адабиёт, тасвирий*

санъат, илоҳий ва дунёвий илмлар ривожланиб, тежурийлар сулоласини буюк ренессанс — уйғониш даври яратувчилари, десак хато қилмаймиз. Газетадан. *Инсоният тўғрисидаги қарашлар Ренессанс даврида янада юксакликка кўтарилди бошлади.* «Фан ва турмуш».

РЕНИЙ [лот. Rhenium — Германиянинг Рейн (Rhenus) вилояти номидан] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оч кулранг, жуда қийин эрийдиган ва ўта оғир металл. *Уран билан йўл-йўлакай рений, скандий ва бошқалар ҳам қазиб олинмоқда.* Газетадан. *Саноатда ренийдан авиация ва космик техника учун ўтга чидамли қотишмалар, электрон ускуналар, нефтни парчалаш учун катализаторлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.* Газетадан.

РЕНТА [нем. Rente, фр. rente < лот. red-dita — қайтариб берилган (нарсаси)] *иқт.* 1 Мулк эгаларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмасдан, ер ёки мол-мулкдан фоиз шаклида мунтазам оладиган даромади. *Дифференциал рента. Абсолют рента. Ер рента-си.* ■ *Бозор иқтисодиёти тизимида ерни ишлашидаги кенг тарқалган усул уни ижарага бериб, рента олишдир.* Газетадан.

2 Айрим мамлакатларда давлат заёмлари облигациялари бўйича фоиз ёки ютуқ шаклида тўланадиган даромад.

РЕНТАБЕЛ [нем. rentabel — фойдали, даромадли] Хўжалик жиҳатдан мақсадга мувофиқ, харажатларни қоплайдиган ва фойда келтирадиган. *Қишлоқ хўжалигининг рентабел тармоқлари. Рентабел корхона.* ■ *Давлатдан дотация олмаслик ва рентабел ишлаш учун кўпроқ пул топиш лозим.* Газетадан.

РЕНТАБЕЛЛИК [нем. rentabel — фойдали, даромадли] Корхона ва тадбиркорликнинг даромаддорлиги, самарадорлиги; микроиқтисодий миқёсдаги иқтисодий фаолиятнинг самарадорлик кўрсаткичи. *Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бу соҳанинг рентабеллигини ошириш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ эди.* Газетадан. *Реконструкция ишларига эътибор кўнгилдагидай эмас, шунинг учун бир қанча йирик корхоналарда рентабеллик даражаси паст.* Газетадан.

РЕНТАБЕЛСИЗ Иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, харажатни қопламайдиган, фойда келтирмайдиган. *Рентабелсиз корхона.*

РЕНТГЕН [< немис физиги Рентген (Röntgen) номидан] 1 *физ. тиб.* Рентген нурлари билан ёритиб кўриш, рентген аппаратида текшириш.

2 *с.т.* Рентген аппарати. *Рентгенга солиб текшириш.*

3 *физ.* Рентген нурлари ва гамма-нурларнинг доза бирлиги; нурланиш дозаси.

Рентген аппарати Рентген нурларини ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш учун мўлжалланган қурилма. *Кабинетга янги рентген аппарати зарур эди, Р. Муродов ана шу аппаратни олиб беришни сўраб, яна бош врачга мурожаат қилди.* «Муштум». *Илмий марказда айни кунларда телеускунали ҳаракатланувчи рентген аппарати ва бошқа ноёб асбоб-ускуналар ишлаб турибди.* Газетадан. **Рентген нурлари** Тиниқмас материаллардан ўтиш хусусиятига эга бўлган, қисқа электромагнит тўлқиндан иборат кўзга кўринмас нурлар.

РЕНТГЕНОГРАММА [рентген + юн. gramma — ёзув] Текшириляётган объектнинг рентген нурлари ёрдами билан махсус фотоплёнкага туширилган тасвири. *Тил оғизда эркин ётган азёо бўлиб, рентгенограммада унча катта бўлмаган ясси ёй шаклида кўринади.* «ЎТА».

РЕНТГЕНОГРАФИК Рентгенографияга оид; рентгенография усулига асосланган, шу усулда бажарилган. *Рентгенографик анализ.*

РЕНТГЕНОГРАФИЯ [рентген + юн. grapho — ёзаман] Рентген нурлари ёрдамида тиниқмас нарсаларнинг ички тузилишини расмга, суратга олишдан иборат рентгенологик тадқиқот усули.

РЕНТГЕНОДИАГНОСТИКА [рентген + диагностика] Рентгенологик текширишлар натижасида олинган маълумотларга қараб касалликни аниқлаш, ташхис (диагноз) қўйиш.

РЕНТГЕНОЛОГ Рентгенология ва рентгенотерапия бўйича врач, мутахассис. *Рентгенолог врач.* ■ *Рентгенолог врачнинг рангикути Учди: беморнинг томоғида билинар-билинмас доғ бор эди..* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

РЕНТГЕНОЛОГИЯ [рентген + юн. logos — билим, тушунча] Рентген нурлари ва улардан фойдаланиш усулларини ўрганилган фан; радиологиянинг бир бўлими.

РЕНТГЕНОСКОПИК Рентгеноскопияга оид. *Рентгеноскопик текшириш.*

РЕНТГЕНОСКОПИЯ [рентген + юн. skopeo – қарайман] Тиниқмас нарсаларнинг ички тузилишини текшириш, буюмларнинг ички нуқсонини аниқлаш, касалликларни топиш мақсадларида рентген нурлари ёрдамида уларнинг тасвирини махсус экранга тушириб текшириш; рентгенодиагностиканинг асосий усулларидан бири.

РЕНТГЕНОТЕРАПИЯ [рентген + терапия] Шишли (ўсмали) ва б. турдаги касалликларни рентген нурлари билан даволаш. *Рентгенотерапиядан фойдаланиш.*

РЕОЛОГИЯ [юн. rheos – оқиш, оқим + logos – фан, таълимот] Физиканинг ёпишқоқ, пластик ва қайишқоқ моддаларнинг (муҳитларнинг) оқувчанлиги ва деформацияланишини ўрганиш билан шуғулланадиган бўлими.

РЕОСТАТ [юн. rheos – оқиш, оқим + statos – тик турувчи, кўзгалмас] физ. Электр занжиридаги ток кучини ёки кучланишни равои ёки поғонама-поғона ўзгартирувчи (тартибга солувчи) аппарат. *Лампали реостат. Реостат токи.*

РЕПАРАЦИЯ [лот. reparatio – қайта тиклаш] 1 *сиёс.* Урушда кўрилган зарарларни тўла ёки қисман қоплаш учун енгилган ва айбдор мамлакат томонидан ғолиб мамлакатга тўланадиган товои. *Репарация тўловлари. Репарация тўламоқ.*

2 *биол.* Барча организмлар хужайраларининг ташқи кимёвий ва физикавий омиллар таъсирида ҳаётий зарур (ДНК) молекулалардаги зарар-шикастларни қайта тиклай олиш хоссаси.

РЕПАТРИАЦИЯ [лот. repatriatio – ватанга қайтариш, қайтиш] *сиёс.* Уруш оқибатида ўз ватанидан четда қолган ҳарбий асирлар ва фуқароларни, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи қайта тикланган муҳожирларни халқаро битим ва келишувлар асосида ватанига қайтариш. *Репатриация қилмоқ.* ■ Бунинг устига улар Швейцария ҳукуматининг репатриация ҳақидаги талабини рад этса, бунинг учун белгиланадиган қамоқ жазоси муддати бир ярим йилгача узайтирилиши қайд этилди. Газетадан.

РЕПЕРТУАР [фр. repertoire < лот. reperitum – рўйхат, маълумотнома] Турли театр, концертларда ёки айрим хонанда

томонидан муайян давр мобайнида ижро этиладиган асарлар мажмуи. *Театр репертуари. Халқ ансамбли репертуари.* ■ *Кўнлаб театрларнинг репертуари тубдан янгиланди.* Газетадан. *Хонанда репертуарида С. Жалилнинг «Зебуннисо» операсидаги Зебуннисо ва бошқа кўнлаб бош ролларни кўрамиз.* Газетадан. *Ҳар йили янги репертуар яратиб, яққохон концертларимни тақдим этиб келаялман.* Газетадан.

РЕПЕТИТОР [лот. repetitor – орқага қайтаришни талаб қилувчи; такрорловчи] 1 Таълимда ўқувчининг маълум бир фан ёки курсни яхши ўзлаштириши учун пулли қўшимча машғулотлар ўтказувчи шахс (ўқитувчи).

2 Олий ўқув юртига кирадиган ўқувчига мактаб дастурини ўзлаштиришига ёрдам берувчи шахс; уй ўқитувчиси. *Ҳатто тайёргарлигим мукамал бўлиши учун репетиторга ҳам қатнадим.* Газетадан. *Ҳозирги кунда ота-оналар фарзандларини ўқишга киритиш учун, албатта, репетитор ёллайдилар.* Газетадан.

РЕПЕТИТОРЛИК Репетитор фаолияти, репетитор бўлиб ишлаш; абитуриент ва ўқувчиларга маълум ҳақ эвазига дарс ўтиш. *Репетиторлик қилмоқ.* ■ *Аксарият билим даргоҳларидаги пулли репетиторлик курслари йил давомида фаолият кўрсатаяпти.* Газетадан. *Умуман олганда, расмий таълим тизимисиз репетиторлик мавжуд бўлиши мумкин эмас.* Газетадан.

РЕПЕТИЦИЯ [лот. repetitio – такрорлаш, қайтариш] 1 Театр, эстрада, цирк томошалари, концерт дастурлари, айрим чиқишлар, саҳналарни режиссёр раҳбарлигида кўп марта такрорлаш орқали тайёрлашнинг асосий шакли. *Бадиий ҳаваскорларнинг сўнги репетицияси бормоқда.* А. Алиев, Диққат, репетиция борапти. *Нима бўлганда ҳам, бузунги учрашув жамоамизга келгусидаги мураккаб баҳслар олдидан навбатдаги репетиция вазифасини ўташига ишониб қоламиз.* Газетадан.

2 *мус.* Айни бир товушнинг клавишли ва б. муסיқа асбобларида тез такрорланиши.

РЕПЛИКА [фр. replique < лот. replico – қаршилик, норозилик билдираман] 1 ҳуқ. Суд жараёнида бирор томоннинг қаршилик, норозилик билдириши.

2 снт. Саҳна диалогиди партнёрнинг жавоб нутқи, бирор персонажнинг охириги, яъни бошқа персонаж нутқи бошланишидан олдинги сўзи.

3 Съезд, мажлис ва ш.к. ларда ўтирган жойидан туриб айтилган фикр, мулоҳаза; лўқма ташлаш.

4 Муסיқа фразасининг бошқа овоз билан ёки бошқача тон билан такрорланиши.

РЕПОРТАЖ [фр. *reportage* < ингл. *report* — хабар бермоқ, хабардор қилмоқ] Воқеа содир бўлган жойнинг ўзидан матбуот, радио, телевидение орқали зудлик билан хабар етказиш; шундай хабарнинг ўзи. *Газета илғор теримчилар ҳақида репортажлар босиб бормоқда. Футбол матчи ҳақида репортаж. Янгилик репортажнинг асоси ҳисобланади.*

■ Воқеа содир бўлган жойдан репортаж. Газетадан. *Репортажда образли иборалар баъзан муқаддима ва хулосада учрайди.* Газетадан.

РЕПОРТЁР [ингл. *reporter*] қ. мухбир. *Газета репортёри.*

РЕПОРТЁРЛИК қ. мухбирлик. *Репортёрлик вазифаси. Репортёрлик қилмоқ.*

РЕПРЕССИВ Репрессия, жазо ва қатағонлардан иборат бўлган, шунга асосланган. *Репрессив чоралар.*

РЕПРЕССИЯ [лот. *repressio* — куч билан бостириш, тўхтатиш] Давлат органлари томонидан номақбул, номатлуб деб топилган аҳоли қатламига нисбатан қўлланадиган жазо чораси, қатағон қилиш. *Репрессия чоралари. Репрессия қилмоқ.* ■ ..Бундай ёзувчиларнинг оқланганлиги уларнинг 30-йилларда репрессия қилинганлиги нотўғри бўлганлигини кўрсатади, холос. «ЎТА». *Шўро ҳукумати шундай репрессия қиладики, бундан ҳеч қайсингиз ўзингизни четга олиб, қутулиб қололмайсиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Асоссиз тарзда репрессияга дучор бўлган кишиларнинг орномуси, кадр-қиммати, покиза номини тиклашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз.* Газетадан.

РЕПРИВАТИЗАЦИЯ [ре.. + привати-зация] иқт. Илгари давлат ихтиёрига олинган ер-мулк, корхона, банк, акция кабиларни қайтадан хусусийлаштириш. *Реприватизация қилмоқ.*

РЕПРОДУКТИВ [ре.. + лот. *productio* — ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш]: **репродуктив аъзолар** биол. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўпайиш функциясини бажарадиган

аъзолар. **Репродуктив саломатлик** Инсон саломатлигини қайтадан тиклаш; қайтадан тиклан(ади)ган соғлиқ. *Сўнги йилларда мамлакатимизда оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш, репродуктив саломатлигини сақлаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди.* Газетадан. *Республика болалар ва туғуруққа ёрдам бериш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш борасида муайян натижаларга эришилди.* Газетадан.

РЕПРОДУКТОР [ре.. + лот. *producere* — ҳосил қилмоқ, яратмоқ] 1 Радиоэшиттиришни кучайтирувчи аппарат; радиокарнай. *Маҳкам.. икки дераза оралиғига осилган кичкина репродукторни буради.* П. Қодиров, Уч илдиз. У [Шербек] кўчага чиққанида, узоқдан репродукторнинг товуши эшитилар эди. «Клубда пластинка қўйишяпти», деди ўзига-ўзи. С. Анорбоев, Оқсой.

2 ИнфORMацияларни кўчириб ёзишда қўлланадиган аппарат.

РЕПРОДУКЦИЯ [ре.. + лот. *productio* — ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш] 1 Расм, сурат, чизма ва ш.к. лардан полиграфия ёки фотография усули билан нусха олиб кўпайтириш. *Репродукция қилмоқ.* ■ *Муҳарририят деворий расмлар репродукцияларини тайёрлаганликлари учун меъморларга ўз миннатдорчилигини билдиради.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай нусханинг ўзи. *Репродукциялар альбоми.*

3 псих. Хотирада сақланган нарсаларни қайта тиклаш, жонлантириш.

4 биол. Организмларнинг ўзига ўхшаш организмларни яратиши, ҳосил қилиши.

РЕПС [ингл., фр. герс] Пишиқ қалин жун, ип ёки ипак газлама (уст кийим ва пойабзал тикиш учун ишлатилади).

РЕСПИРАТОР [лот. *respiro* — нафас оламан] 1 сфт. тиб. Нафас олишга, нафас аъзоларига оид. *Респиратор касалликлар.* ■ «Оқтош» санаторийсида респиратор ва астматик касалликларга чалинган кекса кишилар учун бино ва бошқа объектлар қурилиши бошланди. Газетадан. *Мамлакатимизда респиратор ва бошқа вирусли касалликлар буйича эпидемиологик барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.* Газетадан.

2 Инсон нафас олиш аъзоларини заҳарли газ ва чангдан сақлайдиган индивидуал ҳимоя мосламаси. *Респиратор тақмоқ.*

РЕСПОНДЕНТ [ингл. respond – жавоб бермоқ] Ижтимоий сўровда қатнашувчи шахс; анкета саволларига жавоб берувчи киши.

РЕСПУБЛИКА [лот. res publica – умумхалқ, жамоатчилик иши < res – иш + publica – ижтимоий, умумхалқ] Олий давлат ҳокимияти маълум муддатга сайланадиган ҳокимият органи (президент ёки парламент)га тегишли бўлган бошқарув шакли; шундай бошқарув шаклига эга бўлган давлат. *Биз республикамиз пойтахтининг гузаллиги билан фахрланамиз ва унинг шуҳратига шуҳрат қўшишга ҳамиша интиламиз.* Газетадан. *Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида шаҳарлар қиёфаси ўзгарди ва ободонлашди.* Газетадан.

Парламентар республика Парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, ҳукумат унинг олдиди сиёсий жавобгар ҳисобланадиган, парламент томонидан сайланган президент эса фақат давлат бошлиғи, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи саналадиган давлат бошқаруви шакли. **Президентлик республикаси** Президент умумхалқ сайловида сайланадиган ва бир вақтнинг ўзида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланадиган давлат бошқаруви шакли (Ўзбекистонда президентлик республикаси бошқарув шакли амал қилади).

РЕСПУБЛИКАЧИ 1 Республика тарафдори, республика тузумини ёқловчи.

2 Айрим мамлакатларда, мас., АҚШда: республикачилар партиясининг аъзоси.

РЕССОР(А) [фр. ressort – пружина; тараңглик, қайишқоқлик] Транспорт воситаларида уларнинг филдираклари ўқини кувоз билан бирлаштирувчи ва йўлнинг нотекислигидан пайдо бўладиган зарбалар кучини пасайтирувчи қайишқоқ, эгилувчан қисм. *Автомобиль рессораси. Рессора болти.*

РЕСТАВРАТОР [лот. restaurare – янгиламоқ, қайта тикламоқ] 1 Эскирган ёки бузилган бадий асарларни, архитектура ёдгорликларини тикловчи, асл ҳолига келтирувчи мутахассис. [Мухиддин] *Бу соҳада ҳақиқий ижодкор олим ва моҳир реставратор эканини кўрсатди.* «Шарқ юлдузи».

2 *сиёс.* Реставрация тарафдори, инқилоб йўли билан ағдариб ташланган тузумни тиклаш учун курашувчи.

РЕСТАВРАЦИЯ [лот. restauratio – тиклаш, қайта яратиш] 1 Даврлар ўтиши билан эскирган ва маълум қайта ишлашлар натижасида асл ҳолини йўқотган, бузилган санъат асари ёки архитектура ёдгорликларини, археологик қазилмалар ва қадимий скелетларни дастлабки ҳолатига келтириш, тиклаш ҳамда тикланган асарлар, нарсаларнинг ўзи. *Реставрация қилмоқ. Ўзбекистондаги тарих музейи реставрация қилинди.* ■ *Энг қувонарлиси, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси тўлиқ реставрация қилинди.* Газетадан. *Бошқа томондан, деярли икки юз йиллик тарихга эга бўлган жиҳозлар реставрация қилиниши ва мутахассислар назорати остида бўлиши зарур эди.* Газетадан.

2 *сиёс.* Инқилоб йўли билан ағдариб ташланган эски тузум ёки салтанатни тиклаш.

РЕСТОРАН [фр. restaurant – (едириб-ичириб) тетик қилувчи, қувват берувчи < restaurer – қайта тикламоқ] 1 Мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатадиган, муסיқа эшитиб, рақс тушиш, қимматли егулик ва ичимликларга буюртма бериш мумкин бўлган умумий овқатланиш корхонаси. *Кечқурун меҳмонлар билан танишиш учун ресторонга тушганида, биронта ҳам таниш учратмади.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

2 Ана шундай корхона жойлашган бино.

РЕСТОРАНЧИ Ресторан хўжайини ёки ходими.

РЕСУРС [фр. ressource – ёрдамчи восита, усул; пул маблағи] Инсон турмуш шароитини янада яхшилаш учун зарур бўлган нарсаларнинг мавжуд захираси. *Ички ресурслар. Хомашё ресурслари. Ўзбекистоннинг табиий ресурслари.* ■ *Молиявий ресурслардан қанчалик тежамкорлик билан фойдаланилаётганлиги ҳам ҳисобга олинаётир.* Газетадан. *Вилоят [Самарқанд] хомашё ресурсларига эга минтақалардан ҳисобланади.* Газетадан. *Аҳоли маблағидан унумли фойдаланиш ҳисобига ресурс базасини мустаҳкамлашга етарли эътибор бериланти.* Газетадан.

РЕТОРТА [лот. retorta – орқага бурилган] махс. Қийин эрувчи шиша, чинни ёки

металлдан нок шаклида ясалган, узун найчаси бир томонга букилган лаборатория идиши.

РЕТРАНСЛЯЦИЯ [ре.. + трансляция] Марказий радиостанция эшиттиришларининг маҳаллий станциялар томонидан олиб эшиттирилиши ва шундай эшиттиришларнинг ўзи. *Узоқ масофалардан алоқа боғлашнинг халқаро системаларини вужудга келтирмоқ учун Ернинг сунъий йўлдошларидан ретрансляция станциялари сифатида фойдаланилади.* «Фан ва турмуш».

РЕТУШЛАМОҚ Турли хил расм ва тасвирларни ретуш йўли билан тузатмоқ, тўғриламоқ.

РЕТУШЧИ Ретуш қилувчи, ретушловчи киши.

РЕТУШЬ [фр. retouche – ўзгартириш, тўғрилаш] Расм, фотосурат, негатив ва ш.к. тасвирларнинг кам-кустини қалам, бўёқ ва ш. к. билан тўғрилаш, тузатиш. *Ретушь қилмоқ.*

РЕФЕРАТ [лот. referate – билдирмоқ, хабар қилмоқ] 1 Муайян мавзуга бағишланган, тегишли бадий, илмий ва б. манбалар шарҳини қамраб олувчи маъруза. *Реферат тайёрламоқ.*

2 Бирор илмий асар, китоб, мақола мазмунининг қисқача ёзма баёни.

РЕФЕРЕНДУМ [лот. referendum – хабар берилиши, маълум қилиниши зарур бўлган нарса] Давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар бўйича ўтказиладиган ва баъзан қонунлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган умумхалқ сўрови, овоз бериш йўли билан халқ фикрини аниқлаш. *Умумхалқ (умуммиллий) референдуми.* ■ *Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.* Газетадан. *Овоз бериш референдум белгиланган кун.. амалга оширилади.* «Ҳаёт ва қонун». *Референдум ўтказиш тўғрисидаги масалани биз сессиянинг энг муҳим масалаларидан бири, деб ҳисоблаймиз.* Газетадан.

РЕФЕРЕНТ [лот. referens, referentis – хабар берувчи, маълумот берувчи] 1 Реферат тайёрловчи, уни ўқиб берувчи; маълумот, хабар берувчи шахс. *Бу эса икки мутахассислик: испан тили бўйича филологлар ва таржимон-референт бўладиган талабалар учун буғунги Испания ҳаётини ўрганашга катта оми бўляпти.* Газетадан.

2 Раҳбар ходим топшириқларини бажарувчи, унга маълум масалалар бўйича маслаҳат берувчи, тегишли маълумотлар асосида маърузалар тайёрловчи лавозимли шахс. *Этиборлиси, референтларнинг аксарияти энг чекка ҳудудларимиздан келган.* Газетадан.

РЕФЕРИ [ингл. referee < лот. refero – хабар қиламан] Спорт мусобақалари (мас., футбол, кураш, бокс, теннис кабилар)ни ўтказувчи ҳакам, судьянинг халқаро номларидан бири.

РЕФЛЕКС [лот. reflexus – қайтариш, акс эттириш] Организмнинг у ёки бу ташқи таъсирга олий нерв системаси орқали рўёбга чиқадиган акс таъсири, жавоб реакцияси. *Рефлекс маркаслари.* ■ *Чайнашнинг аҳамияти шуки, ошқозон шираси рефлекс орқали чиқа бошлайди.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

РЕФЛЕКСИЯ [лот. reflexio – ортга қайтиш, акс этиш] флс. Кишининг ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида бир шакли.

РЕФЛЕКТИВ Рефлекс натижасида рўй берадиган, беихтиёр. *Рефлексив ҳаракат.*

РЕФЛЕКТОР [лот. reflectere – акс эттирмоқ, орқага бурмоқ] 1 Ёруғлик, товуш, иссиқлик тўлқинлари, электромагнит энергия оқимлари йўналиши ва жадаллигини ўзгартириш учун мўлжалланган қайтаргич қурлма.

2 Кўзгули (асосий ботиқ кўзгу ва қўшимча қавариқ ва ясси кўзгулар) объектив билан жиҳозланган телескоп.

3 Электр лампа ва қайтарувчи-акслантирувчидан иборат иситиш асбоби.

РЕФЛЕКТОРЛИ Рефлекторга эга бўлган, рефлектор ўрнатилган. *Рефлекторли лампа.*

РЕФОРМА [фр. reforme < лот. reformare – қайта қурмоқ, тубдан ўзгартирмоқ] қ. ислоҳ, ислохот.

РЕФОРМАТОР [лот. reformator – тубдан ўзгартирувчи] эск. Ислоҳ (реформа) ўтказувчи, қайтадан қурувчи, тубдан ўзгартирувчи; ислохотчи.

РЕФОРМАЦИЯ [лот. reformatio – ўзгартириш, ислоҳ қилиш] тар. 16-асрда Фарбий ва Марказий Европада катта ер эгалари ва уларнинг асосий таянчи – католик черкоч-

вига қарши курашган ижтимоий-сиёсий, диний-идеологик ҳаракат. *Реформація даври.*

РЕФОРМИЗМ [лот. *reformare* — тубдан ўзгартирмоқ, ислоҳ қилмоқ] *тар.* 19-аср охирларида капитализм доирасида ислоҳ (реформа)лар ўтказиш ёрдамида социализмга ўтиш учун асос яратилган интилан сиёсий оқим. *Реформизм таъсирида мухолифат нисбатан тинчроқ жабҳа — ғоялар курашига кўчса-да, лекин шиддатини сусайтирмайди.* Газетадан.

РЕФОРМИСТ Реформизм тарафдори.

РЕФРАКТОР [лот. *refractus* — синган; эгилган] *астр.* Осмон ёритқичларидан келадиган нурларнинг бир ёки бир неча линзалар объектида синиши натижасида уларнинг тасвири ҳосил бўладиган телескоп.

РЕФРАКЦИЯ [лот. *refractio* — синиш] **1** *физ.* Ёруғлик нуруларининг бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтишида синиши, шунингдек, товуш нурулари йўналишининг бир жинсли бўлмаган муҳитда синиши, эгрилиниши.

2 астр. Ер атмосферасидан ўтиб келадиган нуруларнинг синиши натижасида осмон ёритқичларининг ўз ўрнидан силжиганга ўхшаб кўриниши.

РЕФРИЖЕРАТОР [фр. *refrigerateur* < лот. *refrigerare* — совитмоқ, музлатмоқ] **1** Музлаткичларнинг суюқликни буғлатиб, паст температура ҳосил қиладиган қисми, буғлаткичи.

2 Гўшт, сут ва ш.к. тез бузиладиган маҳсулотларни паст температурада ташиш учун махсус музлаткич билан жиҳозланган кема, вагон ёки автомобиль.

РЕЦЕНЗЕНТ [«рецензия» с. дан] *қ. тақризчи.* *Рецензент унинг асарига рецензия ёзиб берди.*

РЕЦЕНЗИЯ [лот. *recensio* — текшириш, кўриб чиқиш] *қ. тақриз.* *Ижобий рецензия.* *Рецензия ёзмоқ.* ■ *Уларнинг китоблари тўғрисида нари борса кафтдеккина рецензия битиш билан чекланиб қўя қоласизлар.* Газетадан. -*Рецензия дегани ана шунақа тиштирноқли, тишлаб оладиган бўлса, — деди муҳаррир.* С. Абдуқаҳор, Санамай саккиз дема.

РЕЦЕПТ [лот. *receptum* — олинган, қабул қилинган нарса] *тиб.* **1** Врачнинг дори таркиби, дозаси ва ундан қандай фойдаланиш ҳақида беморга (одатда, дорихона

учун) берадиган ёзма кўрсатмаси. *Рецепт билан дори олмақ.* *Рецепт ёзиб бермоқ.* ■ *Одамлардан рецептларни қабул қилиб, дафтарга қайд этиш, тайёр дориларни эгаларига бериш, дориларни қандай тайёрлаш — бари кишидан қунт талаб қилади.* С. Анорбоев, Меҳр.

2 Бирор нарсани тайёрлаш ҳақида қоида ва маълумотлар мажмуи (мас., тайёрлаш йўллари, қанча масаллиқ, доривор кераклиги ва ш.к. ҳақида). *Пиво рецепти.* *Торт рецепти.* *Печенье рецепти.*

3 *кўчма с.т.* Оғир, ноқулай ҳолатлардаги ҳаракатлар учун тайёр йўл-йўриқ, қолип, андоза. *Ҳар хил вазиятга ярайдиган, ҳаммабон ахлоқий-эстетик қоидалар рецепти йўқ.* Р. Усмонов, Одобнома. *Биз илгари дуч келмаган ўта мураккаб.. бир-биридан оғир масалаларни ечиш учун тайёр рецептлар бўлмаган ўша дастлабки пайтларда бундай иккиликни ҳолатлари юз бериши ҳам табиий эди.* Газетадан.

РЕЦЕПТОРЛАР [лот. *receptor* — қабул қилувчи] *биол.* Ташқаридан ёки организмнинг ички муҳитидан юзага келадиган кўзғалиш (таъсир)ларни қабул қилиб, уларни нерв кўзғалишларига айлантириб, марказий нерв системасига ўтказиб берадиган сезувчи нерв толаларининг учлари ёки махсус хужайралар. *Кўз рандор пардаси беш қават тузилган бўлиб, минглаб рецепторлар ёруғлик импульсларини қабул қилади.* «Фан ва турмуш».

РЕЦИДИВ [лот. *recidivus* — қайталанувчи] **1** Гуё йўқ бўлиб кетгандек туюлган бирор нарсанинг, ҳодисанинг такрорланиши, такрор юз бериши.

2 *тиб.* Бирор касалликка учраган ва тузала бошлаган беморда мазкур касалликнинг қайталаниши.

3 *ҳўқ.* Аввалроқ бирор жиноят учун жазоланган кишининг яна шундай ёки шунга ўхшашроқ жиноят содир қилиши.

РЕЦИДИВИСТ [«рецидив» с. дан] Такрор жиноят содир этган шахс.

РЕЦИПИЕНТ [лот. *recipientis* — олувчи, қабул қилувчи] *биол.* Бирор (одатда, соғлом) организмнинг муайян аъзоси, тўқимаси, хужайраси кўчириб ўтказиладиган бошқа тирик организм (одам ёки ҳайвон).

РЕЧИТАТИВ [итал. *recitativo* < лот. *recitare* — овоз чиқариб ифодали ўқимоқ]

Баъзи вокал мусиқа асарларининг (мас., операнинг) куйга мос ҳолда оддий тилда айтиладиган ёки бадиий оҳангда ўқиладиган сўзлари. *Операнинг асосий вокал шакллари* — *речитатив, ария, ариозе, ансамбль ва хорлар ҳисобланади*. Ҳ. Носирова, Опера ҳақида айрим тушунчалар.

РЕША [ф. *ريشه* — илдиз, томир; тола] эск. кт. Илдиз, томир. *Бориб анга кесди яғоч решасин, Қўйди ўшал ерда унутиб тешасин*. Гулханий.

РЕЭВАКУАЦИЯ [ре.. + эвакуация] Уруш, табиий офатлар туфайли хавфсиз худудларга кўчирилган аҳоли ва муассасаларни, уларга тегишли мол-мулкларни, уруш ва табиий офат оқибатлари бартараф этилгач, аввалги жойига қайтариш.

РЕЭКСПОРТ [ре.. + экспорт] *иқт.* Чет эллардан келтирилган молларни, қайта ишлов бермай, бошқа бирор мамлакатга қайта сотиш.

РЕЭМИГРАНТ эск. Муҳожирликдан ўз ватанига қайтиб келган киши.

РЕЭМИГРАЦИЯ [ре.. + эмиграция] Ўзга мамлакатларда яшаётган кишилар — муҳожирларнинг ўз ватанига қайтиши.

РИБО [а. *رياء* — судхўрлик; порахўрлик] эск. кт. 1 Пулдан эвазсиз фойда (фоиз) олиш; ғайриқонуний фойда; судхўрлик.

2 *иқт.* Қарзга берилган пулдан олинadиган фойда; фоиз, суд.

3 кт. Пора. *Қулоқ солинг, қайси виждон билан «фалон муфти рибо еди.. бу мударрис ҳам ислом оламига хиёнат қилишликни қабул қилди», деб айтасиз? «Шарқ юлдузи». Бугун ён-атрофимизда мункир ишлар урчиб кетган: ўғирлик, бузуқлик, алдов, рибо, хиёнат, фиқс.. «Мусулмонлар тақвими».*

РИБОХЎР [а. + ф. *رباخور* — судхўр, порахўр] эск. кт. Фойдахўр, судхўр.

РИВОЖ [а. *رواج* — тарқалиш, ёйилиш, кенгайиш; оммалаштиш; пулнинг айланиши] 1 Бир сифат ҳолатидан иккинчи, юқори сифат ҳолатига ўтиш, ўсиш, юксалиш; тараққиёт, равнақ. *Фан ва техника ривож*. Ноҳақ ишга ривож йўқ. Мақол. ■ [Сафаров:] *Хўжайин бўлгандан кейин киши ўз хўжалигининг кам-қўсти, унинг ривож* тўғрисида ўйлайди, жон куйдиради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ўсиб-ўниш, улғайиш, авж. *Пахтанинг ривож* яхши.

3 Муваффақият; равнақ, юксалиш. *Бу савдогар [Абдулзиё] ишининг ривож*и ва кўраётган фойдаларидан оғиз очмади. Ойбек, Навоий. *Дўстлик бўлмаган жойда ишининг ривож*и ҳам бўлмайди. С. Зуннунова, Янги директор. *Сенга бахтдан тахт тиларман, Толедан бошингга таж, Мулки ҳуснингга омонлик, Тожу тахтингга ривож*. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Ривож бермоқ Ривожлантирмоқ, юксалтирмоқ. *Эҳтимол, у подшоҳ илм-маърифатга ривож* бериб, аҳли фузалога меҳрибонлик кўрсатар. Мирмуҳсин, Меъмор. **Ривож олмоқ** (ёки топмоқ) ёки **ривожга минмоқ** 1) равнақ топмоқ, юксалмоқ, ўсмоқ, тараққий этмоқ. *Сўзни билган зарга бўлмайди муҳтаж, Зар қиммати топар сўз билан ривож*. «Ақл ақлдан қувват олади». — *Муҳтарам карвонбоши, илоҳи сафарингиз бехатар бўлсин, савдонгиз ривож* топсин, ҳузурингизга бир илтимос билан келдим, — деди бир карвонбоши иккинчисига. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Ҳа, майли, ишларинг ривож*ига миниб, станцияларинг битсин. С. Аҳмад, Қадрдон даладар. *Тадбиркорлик ўз-ўзидан давлат иштирокисиз, унинг ёрдамисиз ривож* топмайди. «Иқтисодий назария»; 2) кучаймоқ, зўраймоқ, авж олмоқ. *Боғиафзал қишлоқларида қадимги замонларда бир неча катта бойлар бўлиб, улар орасида қулдорлик жуда ривож* топган экан. С. Айний, Эсдалиқлар; 3) ўсиб-унмоқ, улғаймоқ. *Ғузалар яхши ривож* олмоқда; 4) муваффақият қозонмоқ. *Астрия ишга қанчалик диққат бермасин, ривож* топмади. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

РИВОЖЛАНМОҚ 1 Равнақ топмоқ, тараққий этмоқ, ўсмоқ; юксалмоқ, гуллаб-яшнамоқ. *Бу ҳамкорлик бугунги кунда янада ривожланиб, янги-янги уфқлар очмоқда*. Газетадан. *Яхшилик ва фаровонлик илдизи илм билан ривожланади*. Газетадан. *Донишманд халқнинг озаки ижоди асрлар оша авлоддан авлодга, тиллардан тилларга ўтиб яшаб, ривожланиб келади*. Газетадан. *Қишлоқда ривожланган инфратузилмани барпо этсаккина, қишлоқ хўжалигида кескин ўзгаришлар рўй бериши мумкин*. Газетадан.

2 Ўсиб-унмоқ, улғаймоқ, авж олмоқ. *Экинлар яхши ривожланмоқда*. ■ *Яхши парвариш қилинган ғузалар мавж* уриб ривожланипти. Газетадан.

РИВОЧ [ф. ريواس] қ. **ривоч**. *Меҳмон келса, жойи тўр, жавзо келмай, ривоч сўр. ■ Қир этакларида ўсган ривочни топиб, чайнаб кўрдим. Бу ўт менга сув ўрнини босгандай бўлди.* Гайратий, Унутилмас кунлар.

РИВОЯ [а. روايه — ҳикоя, қисса; афсона] Адабий асарда воқеаларни изчиллик билан сўзлаб бериш, баён этиш; баён.

РИВОЯТ [а. روايت — ҳикоя, қисса; афсона] 1 Авлоддан авлодга ўтиб келаётган, воқеа ва ҳодисаларни, инсон фаолиятини баъзан уйдирмалар воситасида, баъзан реал тасвирловчи оғзаки ҳикоя; нақл, афсона. *Мавлоно Лутфий каби кекса шоир ҳали гўдак Навоийнинг ўзбек тилидаги бир байти учун ўзининг.. жамики ғазалларидан воз кечишга тайёр эканини билдирган экан. Бу ривоятга не дейсиз? Ойбек, Навоий. Баъзи ривоятларга қараганда.. фаришталар, жаннатдаги кавсар сувидан қумғонларимизга қуйиб кетар эмиш! М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Денгиз, кўҳна ривоятлардан Биртасини сўйлаб бер менга. Э. Воҳидов, Нидо.*

2 Умуман, оғиздаги гап, ҳикоя. *Ривоят қилишларича, Деҳлида шоҳ Акбар ҳукмронлик қилган замонда бир савдогар яшар экан. Газетадан. Ривоятларга қараганда, баъзи бир иссиқ мамлакатларнинг одамлари ҳароратдан дармонлари қуриб кун кечирганлар. Газетадан.*

3 *кўча дин.* Бирор масала юзасидан шариат қонунлари асосида чиқарилган ҳукм, ҳулоса. [Ғофир қозига:] *Бу қандай зулм.. севган хотинимни зolim бой тортиб олмоқчи бўлса-ю, менга ёрдам бериш ўрнига бойнинг ёнини оласиз! Ривоятлар топасиз! Фатволар ясайсиз! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Уламолар Ёдгор ва унга эргашиб келган хотинни тошбўрон қилиш тўғрисида ривоят ёзиб, эшон Султонга бердилар. С. Айний, Дохунда.*

РИВОЯТЧИ Ривоят тўқувчи, ривоят айтувчи; ровий.

РИДО [а. رداء — халат, кийим] 1 Шайхлар, умуман, руҳонийлар елкасига ёпинадиган чойшабсимон ёпинчиқ, либос; дарвешларнинг устки кийими. *Баъзи бурчақларда қора ридо кийган роҳиблар китоб варақлар, у ер-бу ерда олимлар қўлёзмаларга тикилиб ўтирарди. Ҳ. Фулом, Куба ҳақида ҳикоялар. Уфқни ўз гавдаси билан тўсган наст-баланд*

тоғлар қоп-қорайиб, ридо кийгандек силлиқ кўрунади. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 *кўча кт.* Қоронғилик, зимистон, қора тун. *Эй йироқлар эркаси, сен Лутф эт-у ёнимда қол, Жисму жонингга бу севгим бўлмаसा оғир ридо! А. Қаҳҳор, Оқ ўрик. Келар қора ридо кийган тун, сукунатнинг қушларин суяр. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.*

РИЕЛЬ Камбоджа Қироллигида пул бирлиги.

РИЁ [а. رياء — иккиюзламалик, мунофиқлик; носамимийлик] Мунофиқона хатти-ҳаракат; иккиюзламалик. *Қушиқларим билмай ғаш, риё, Ошкор кулдим, ошкор чекдим ғам. Зулфия, Хаёллар. Туйғулар оламин пайнаслаб мисли нозирон, Топанлари бўлди жаҳолат, риё. А. Орипов, Йиллар армони. Фақир одамнинг дили равшан, риё ва макрдан холи, раҳм-шафқатга лиммо-лим бўлади. Газетадан. Анвар самимий ва риё аралаш табриклардан ўнғайсизланган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

Аҳли риё ёки риё аҳли Мунофиқлар, риёкорлар. *Самимий ошноман деб, ҳамиша айбинг истовчи, Тили дилга мувофиқ бўлмаган аҳли риёдан кеч! Ҳабибий. Риё аҳлининг алдоқ ҳурматига нафратим бордур. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. Риё қилмоқ* 1) иккиюзламалик, мунофиқлик қилмоқ; 2) риёкорлик билан эзгу ишни йўққа чиқармоқ.

РИЁЗАТ [а. رياضت — гимнастика машқлари, спорт машғулоту; математика; қийинчилик, машаққат] 1 Қийинчилик, машаққат, оғир меҳнат, заҳмат. *Нега мени йўқла-мас дўстлар, Бир дўст, дея чекмас риёзат? Кимдир бугун ҳолимга кулар, Кимдир менга қилар хиёнат. А. Пўлкан, Изҳор. Бу изтироб кўнглини лаҳза сайин юксалтириб борар, чеккан ниҳоясиз риёзат ва азоблари эвазига унга юпанч берар, ҳамдard бўлмоққа ваъда этар эди. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Педагог оғруйини топиш учун чуқур билим эгаллаб, ақлу одоб касб этиб, бир умр ҳалол риёзат чекмоқ лозим. Р. Усмонов, Одобнома.*

2 *дин.* Дунёвий ишлардан ўзини, нафсини тийиб қийналиш, ўзини қийнаш; тасаввуфда тариқатнинг асосий шартларидан бири. *Риёзатнинг натижаси — фақру фано, яъни илоҳий ахлоқ соҳиби бўлиш.* Газетадан

РИЁЗАТЧИ с.т. қ. **риёзиётчи.** *Дунёга донғи кетган риёзатчилар, коинотшунослар шу жамоадан чиққан.* Газетадан

РИЭЗИЁТ [a. رياضيات – математика, математик фанлар] қ. математика. Абу Наср.. вақтини риэзиёт, хандаса, фалакиёт илларини урганишга сарф этар эди. М. Осим, Жайхун устида булутлар. Дарҳақиқат, Худодёрбекнинг риэзиётга асло тоқати йўқ, уни отда чопиш, қилич солиш, базм.. кўпроқ қизиқтирарди. Мирмуҳсин, Меъмор. Бу мактабларда хандаса, жуғрофия, риэзиётдан сабоқ бермоқдалар. С. Сиёев, Аваз.

РИЭЗИЁТЧИ Математика илми билан шуғулланувчи. Олим, фозил, риэзиётчилар, файласуфлар – ҳозир булганлар фармонингизга мунотазирлар. У. Исмоилов, Сайланма.

РИЭЗИЙ [a. رياضى – математикага, спортга оид] эск. айн. математик.

РИЁКОР [a. + ф. ریاکار – иккиюзламачи, мунофиқ] Мунофиқона иш қилувчи, мунофиқларча иш тутувчи одам; иккиюзламачи. Мен қорнидан булак ғами йўқ, риёкор, жоҳил уламоларни ёмон кўраман. С. Сиёев, Аваз. [Обидахон:] Эй, сен риёкор, маккор! Бир тўйни азага айлантириб, мағрур эдинг. Мана бу тўй – абадий. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. - Шу бугуноқ орани очди қиламан, риёкор хотин, – деди Камолитдин Нурига. С. Юнусов, Осон ишинг охи бор.

РИЁКОРЛИК 1 Мунофиқлик билан шуғулланиш, мунофиқона хатти-ҳаракат, иккиюзламачилик. Риёкорлик қилмоқ. ■ Наҳотки у [Эсон бобо] риёкорлик қилиб, милтиқни йўқолдига чиқарса? [деб ўйлади Нурилло] С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Момонг риёкорлик билан отамнинг кўп пулини олди. «Гулихиромон».

2 Савобли, эзгу ишларни, хусусан, хайр-эҳсонни одамлар кўриб мақтасин, деб манманлик билан амалга ошириш. Салқин хона ичида ўтирган усталарнинг биронтаси ҳам Бойсунқур ёнида Аҳмад Чалабийнинг риёкорлик билан айтаётган гапларига жавоб тариқасида бирон сўз айтиша олмади. Мирмуҳсин, Меъмор.

РИЁКОРОНА [a. + ф. ریاکارانه] рвш. Риёкорлик билан, иккиюзламачилик билан; мунофиқона. Риёкорона иш тутмоқ. Риёкорона хатти-ҳаракат. ■ Шундай экан, риёкорона ҳаёт кечирши бизнинг жамиятимиз аҳлига муносиб эмаслигини ҳар биримиз англаб етмоғимиз лозим. «Ҳаёт ва қонун».

РИЁЛ, риал [a. + ф. ريال] Саудия Арабистони, Эрон Ислом Республикаси, Яман, Қатар ва Уммонда пул бирлиги.

РИЖО [a. رجاء] кт. айн. ражо. Париваш Лайлисан, билсанг, Инон, гарчи тасаввур бу; Тафаккур не! Севолсанг, бас, Қўнғилда ранж, рижо йўқдир. А. Қаҳҳор, Оқ ўрик. Улар [Жаҳон она] ялиниб-ёлвориб, Уғилойни қутқариб қолишни рижо қилғон эдилар. М. Осим, Карвон йўлларида.

РИЗВОН [a. رضوان – мамнунлик, мамнуният; хурсандчилик; розилик; хайрихоҳлик] 1 кт. Саккиз беҳиштнинг бири, розилик ва мамнуният жаннати. Келдинг оламга, демак, Ерни этмоғинг керак Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 кўча Жаннатмисол боғ, боғ-бўстон. Қиёсинг ой, кўёш булмиш азалдан.. Боболар куйлаган дилбар ғазалсан, Жаннатсан, ризвонсан, юртим, гўзалсан. У. Пўлкан, Бир баҳор достони.

РИЗО [a. رضاء – мамнунлик, хурсандчилик; розилик; хайрихоҳлик] 1 Розилик жавоби, розилик. Ризо қилмоқ. Ризо булмоқ. Сукут – аломати ризо. Мақол. ■ Олимхон аканинг олдида сўз бердим. Ота ризоси – фотиҳа билан баравар. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кесим өзф. Рози, рози бўлди, кўнди. Онажон, сизнинг шодлигингиз йўлида ҳар бир оғирликларга бу бахти қаро қизингиз ризодур, онажон! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эрта она тилим агар йўқолса, Мен бугун ўлишга бўлурман ризо. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

РИЗОЛИК кт. айн. розилик. Розолик бермоқ. Ризолигини олмақ. ■ Ўзбек ойим боши билан келинига ризолик билдириб, «баракалла» деб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қулингиз айтмоқчиманки, бундай муҳим ишда барча нуфузли бекларнинг ризолигини олмасак бўлмас. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Ахир келган-кетганга ризолик бериб, видолашиб ётган эмиш. Мен ҳам сўнги бурчимни адо этиб қўйсаммикан? Йўқ, энди дўстлик риштаси узилди! С. Сиёев, Аваз.

РИЗОСИЗЛИК кт. айн. норозилик. Зайнаб эзачисининг ҳалиги гапига ризосизлик билдирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эрининг бу жасоратига қарши Офтоб ойимнинг юзига ризосизлик белгиси чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РИЗҚ [a. رزق – яшаш воситаси, таъминот; улуш, насиба] 1 Ҳаёт учун зарур озуқ, озуқа, қут, насиба, овқат. Қунт билан ўрган ҳунар, Хунардан ризқинг унар. Мақол. Меҳ-

мон келар эшикдан, Ризқи келар тешикдан. Мақол. ■ *Ҳар бир одам дунёга келар экан, ўз ризқи билан туғилади, деган гап бор. «Ёшлик». ..Ризқи она ерга сепилган халқим, Ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол, Миллион эгатларга эзилган халқим. А. Орипов.*

2 *кўчма* Бирор иш, ҳаракат ва ш. к. учун асос бўлган нарса; озуқа, озиқ. *Қудрат.. ялмоғиз қашшоқликнинг заҳарли томирлари ўз [унинг] ризқини қаердан ва қандай олишини яхши билиб олди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Отлар даштларда қўйларга қараганда кўпроқ чидамли бўлади, ўз ризқини бемалол топиб еди. Газетадан. Дон — инсоннинг, сомон — чорва молларининг ризқи. Газетадан. Бу ўрик меҳнатсевар деҳқоннинг меҳри ва муҳаббатидан ризқ олиб ўсарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

3 *дин.* Куръони карим, Ислоҳ динига кўра, худо ҳар бири киши, жонивор учун атаган, ўлчаб, белгилаб қўйган насиба, улус. *Карвон кўп, ризқи бўлак. Мақол. ■ Оллоҳ йўлида ҳижрат қилган, сўнгра қатл қилинган ёки вафот топган зотларни, албатта, Оллоҳ гўзал ризқ билан руҳлантирар. Газетадан. Сен билан менинг тан-жонимиз соғ бўлса, бу жўжаларнинг ризқини худо беради.. К. Яшин, Ҳамза. [Зеби:] Йигит моли ерда, ҳар кимни худойи таоло ўз ризқи билан яратади, ўғлим. У. Исмоилов, Сайланма. Эй парвардигори олам, ўғлим Ҳамзахоннинг умрини узун, иқболини баланд, ризқини мўл қилгайсан. К. Яшин, Ҳамза.*

Ризқи тугамоқ Ўлмоқ, йўқ бўлиш, тугаш вақти келмоқ. *Гудакнинг ризқи тугаб, куни битган. Тақдири азалда битилгани шундай бўлгач, начора! Бандалик экан.. К. Яшин, Ҳамза.*

РИЗҚЛАНМОҚ 1 Ризқ, озуқа олмоқ, озиқланмоқ, овқатланмоқ. *Тупроқдаги бактериялар ҳаводаги азот билан ризқланиб, азотли бирикмаларни ҳосил қилади. ■ Тақсир, мен хон бераётган пулга қизикмайман, у пул ўзимни ҳам тўйғизмайди. Мени хунарим қизиктиради, ундан ризқланаман. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 *кўчма* Бирор иш, ҳаракат ва ш. к. учун озиқ, озуқа олмоқ.

РИЗҚЛИ 1 Озуқа, овқат моддасига бой бўлган; тўйимли. *Ризқли моддалар. ■ Ҳаводаги азотдан ризқли моддалар тайёрлайдиган бактериялар нўхат, ловия, беда ва бошқа*

ўсимликларнинг илдизида кўп бўлади. Газетадан.

2 Насибали, ризққа эга, ризққа бой. *-Болаларингиз ҳамма вақт ризқли бўлишингиз. Илло, ўзинлар ҳам катта савоб иш қилгансизлар, у дунёю бу дунё кам бўлмайсизлар, — деди чол Меҳринисага. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. -Рост айтасиз, ризқли молда, қўлдан берганингизга қаноат қилмайди, энди кўклам чиқиб келаётир, бундан бу ёққа озгани озган, — деди канизлар. «Алпомиш».*

РИЗҚ-НАСИБА, **ризуқ насиба** қ. **ризқ** 1, 3. *Инсон қаерда бўлмасин, ўз ризқу насибасини тиради, фақат фидокорона меҳмати, она ерга муҳаббатни туфайли бахт топади. Газетадан. Раҳматилла ва Нозимахон ўқишни тугатгач, ризқ-насиба экан, шаҳарда яшаб қолдилар. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Сен билан бизнинг бу ердан ризқ-насибамиз узилди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

РИЗҚ-РЎЗ, **ризқи рўз** [а. + ф. رزق روز — кун(далик ризқ, овқат) Кундалик ҳаёт учун зарур озуқа, овқат. *Тошкент қадим-қадимдан нон шаҳри, ризқ-рўз шаҳри бўлиб келган. Газетадан. Нон — ризқ-рўзимиз, фаровон ҳаётимиз кўрки, фэйзи, бебаҳо бойлигимиз. Газетадан. Пахта шундай бир мўъжизавий неъматки, у кўп жиҳатдан ризқи рўзимизни ҳам таъминлайди. Газетадан.*

РИКША [ингл. ricksha — яп. дзинрикия < дзин — одам + рики — куч + ся — арава] Шарқий ва Жанубий Осиёнинг айрим мамлакатларида одам тортиб юрадиган, одам ва юк ташувчи икки гилдиракли қўларава ва шундай аравани тортиб юрувчи киши, ҳам-мол. [Ҳиндистонда] *Рикшадан тортиб, ялтироқ энгил автомобилларгача — ҳаммаси бор. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. Уша кун Пекинда рикша бир гудак Очлик, ишсизликдан қотди кучада. Миртемир, Танланган асарлар. Рикшалар утарди йўлда пилдириб, Иссиқдан тиқилиб жони ҳалқумга. Ҳ. Шарипов, Кўёшга ошиқман.*

РИМ: Рим папasi қ. **папа** II. Рим рақамлари Қадимги римликлардан олинган I, II, III, V каби рақамлар.

РИНГ [ингл. ring — доира] *спрт.* Бокс мусобақалари ўтказиладиган, атрофи ҳимоя арқонлари билан ўралган чорбурчак майдонча. *Тренерлик иши эса негадир қовушмади. Сабабини айта олмайман. Лекин рингда секундантлик қилишда унга тенг келадигани*

йўқ. Газетадан. *Рингда бир неча бор зафар қучган ҳамюртимиз А. Григорянининг жанг ўтказган қўлқопини кўрдим.* Газетадан.

Ринг қирол *с.т.* кўча Бокс бўйича машҳур чемпионларга берилган лақаб.

РИНГИТ Малайзиянинг асосий пул бирлиги; Малайзия доллари.

РИНД [ф. رند — чаққон, олғир; муғомбир; довюрак, ботир; сохта художўй] **1** *эск. кт.* Шарият қоидаларига бўйсунмовчи; эркин фикр юритувчи; довюрак. [Абдуваҳобнинг] *Ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турган Мирҳайдар унинг ўзига яраша ринд табиатли киши эканини пайқади.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар. *Отасининг қадрдони, Ҳиротнинг муътабар зотларидан бири — Бадиянинг отасини ўз эшигида кўриш ринд табиатли йигитни доводиратиб қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Рўзимбой чойхонаси созандалар, умуман, ринд кишилар йиғиладиган ер эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Тасаввуфда: ботинан художўй, тақводор бўлса-да, зоҳиран майхўр, ишратпараст бўлиб яшовчи киши.

РИНДЛИК Шарият қоидаларига бўйсунмаслик, эркин фикр юритишлик. *..Муқимийнинг риндлиги кўзий бошлади.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

РИНИТ [юн. rhis, rhinos — бурун] Тумов; бурун шиллиқ қавагининг яллиғланиши. *Ринит билан оғримоқ.*

РИНОЛОГИЯ [юн. rhis, rhinos — бурун + logos — фан, таълимот] *тиб.* Оториноларингологиянинг бурун тузилишини ўрганувчи, бурун касалликлари ҳамда уларнинг олдини олиш ва даволаш масалалари билан шуғулланувчи соҳаси.

РИНОСКОПИЯ [юн. rhis, rhinos — бурун + skopeo — қарайман, кузатаман] *тиб.* Бурункергич ва пешонага тақиладиган махсус ойнак ёрламида бурун бўшлиғи ва деворини текшириш.

РИОЯ [а. رعایه — ғамхўрлик, парвариш; ҳомийлик, васийлик; амал қилиш, бўйсунниш] **1** Хурмат ёки юз-хотирлик юзасидан қилинган муомала; ҳурмат, андиша. *Ўлим деган нарса кўз ўнгига келиб тўхтагандан кейин, Отабекдек меҳмонлар риояси кўнглидан ювилур, сўзнинг тўғриси айтишга мажбур бўлурлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У [Азимжон] мастликда ҳеч кимни риоя*

қилмаслигини мингбоши яхши билар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бўйсунниш, амал қилиш, сақлаш. *Қонунга риоя қилмоқ. Тартибга риоя қилмоқ. ■ Аҳмаджон, командирнинг буйруғига қаттиқ риоя қилиб, жанг майдонини диққат билан кузатар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

РИОЯ-АНДИША *айн.* **риоя 1.** -«Эскилик, эскилик» *деб юриб, яхши-яхши урф-одатларимизни йўқотиб юбордик. Риоя-андишани унутдик, — деди Пирназар полвон.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

РИОЯЛИ Риоя, андиша қиладиган, андишалли. *Риояли одам.*

РИОЯСИЗ Риоя, андиша қилмайдиган, андишасиз, беандиша. *Риоясиз аёл.*

РИОЯСИЗЛИК 1 Риоясиз эканлик. *Бу қадар риоясизлигини кўриб кишига қаттиқ таъсир қиладир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Риоясиз кишиларга хос хатти-ҳаракат; андишасизлик. *Риоясизлик қилмоқ.*

3 Бўйсунмаслик, амал қилмаслик. *Баъзи ҳолларда санитария назорати органлари.. санитарияга риоясизлик фактларини қуруқ қайд қилувчилар ролини бажарадилар, холос.* Газетадан.

РИСОЛА [а. رساله — юксак вазифа, ваколат; мактуб; нома; илмий асар, маъруза; хат-хабар] **1** *тар.* Бирор касбга, соҳага ва унинг тартиб-қоидаларига оид китобча, йўриқнома, низомнома. *Темирчилар рисоласи. Кўнчилар рисоласи. ■ Мискарлар, тунукасоzлар кўп антиқа гапларни, ҳар қайсилари ўзларининг.. рисолаларини яхши биладилар.* Ойбек, Болалик.

2 Айрим масалаларга бағишланган илмий асар, китоб. [Восифий:] *Рост айтдингиз, шайх Баҳлул! Яхши ном китобнинг ҳусни турур. Китобхон рисоланинг номига қараб сотиб олур, мазмунига қараб баҳо берур.* М. Осим, Зулмат ичра нур. *Бахтиёр ҳаётнинг рисоласига Дебоча бўлолгай албатта фарзанд.* С. Абдулла.

3 Кичик ҳажмли китоб, брошюра. *Латин алифбоси ҳақида рисола. Одоб-ахлоқ ҳақида кичик рисолалар сотувда кўп.*

Рисолага тўғри келмаслик Талаб, метёрга жавоб бермаслик, белгиланган тартибга мувофиқ бўлмаслик. *Лекин тақлиф илгари-муқ манзират қилинган, бюродаги тортришувдан сўнг эса рад этиш рисолага сира тўғри келмасди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

Рисоладаги(дек) Рисолада кўрсатилганига жуда мос; талабга, меъёрга жавоб берадиган даражада, ҳақиқий, расмана. *Қорачадан келган эпчил Маҳкамбой ака маслаҳат ошлари тепасида тургани учун, ҳар бир тўй ва маърака рисоладагидек ўтарди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. [Директор Аъзамга:] *Мен қизни суриштирдим. Рисоладаги қиз.. Қани, тўйни қачон қиламиз?* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. *Мўъжаз фаввора, шийпон, уйларнинг жойланиши – ҳаммаси рисоладагидек.* Т. Маллик, Шайтанат. *Улар ўзларига берилган топшириқни рисоладагидек ўринлатишга интилишяпти.* Газетадан.

РИТМ [юн. *rhythmos* < *rheo* – оқаман] 1 Ҳодисалар ва жараёнларга хос айрим элементларнинг муайян изчиллик, кетма-кетлик асосида такрорланиб, алмашилиб келиши ва шундай такрорийликнинг ўзи. *Кишининг руҳий ҳолати ва иш қобилияти муайян ритмга бўйсунушини одамлар аллақачон пайқашган.* Газетадан. *Қаердаки ҳаёт мавжуд экан, ўша ерда ҳаётнинг жараёнларининг мунтазам ритми, маромийлиги мавжуд.* Газетадан.

2 Шеърят, мусиқа, рақс, тасвирий санъат, меъморлик ва б. санъат турлари шакллариининг асосий жараёни, тартиби, қонун-қондаси. *Музыкада товуш билан ритм чамбарчас боғланган бўлади.* И. Акбаров, Музыка саводи. *Саҳнада икки аёл кўлларини ритмга мослаб, ҳинд рақси учун характерли бўлган мақомада ўйнамоқда.* Газетадан. *Усуллар рақсининг ритмларидир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Бармоқ вазнида ритм мисрадаги бўғинларнинг сони, миқдорига, гуруҳланиб такрорланишига боғлиқдир.* «Адабиёт назарияси».

РИТМИК [юн. *rhythmos*] Ритмли, ритмга асосланган, бўйсундирилган; бир ўлчамдаги, бир вазндаги.

Ритмик гимнастика Мусиқа садолари остида ижро этиладиган, соғломлаштиришни кўзда тутувчи бир қанча жисмоний машқлар; аэробика.

РИТМЛИ Маълум бир ритмга эга бўлган. *Ритмли мусиқа.*

РИТОР [юн. *rhetor* – нотик, оратор] Юнонистон ва Қадимги Римда чиройли сўзлайдиган киши, нотик.

РИТОРИК Нотиклик санъатига оид; нотиклик қоидаларига асосланган. *Риторик нутқ. Риторик услуб.*

РИТОРИКА [юн. *rhetorikē* – нотиклик] 1 Антик даврда ва кейинги даврларда нотиклик санъати ва, умуман, бадиий наср ҳақидаги фан; нотиклик назарияси ва санъати.

2 Балан্দпарвоз, тамтароқли, лекин қуруқ, мазмунсиз нутқ, баён. *Шоир мардлик, жасорат ҳақида куйлаганда, бир томонлама қуруқ мақтов, баландпарвоз, ҳиссиз риторикадан қочади.* Газетадан.

РИХТАГАР [ф. *рихтагар*] – металл эритувчи, қуювчи] *тар.* Куйма металл буюмлар тайёрловчи уста; қуймачи.

РИХТАГАРЛИК *тар.* Рангли металл (асосан, мис, бронза, қалай)дан турли буюмлар қуйиш касби. *13–14-асрларда Византия, Венеция.. ўзининг рихтагарлик буюмлари билан шуҳрат қозонди.* Газетадан.

РИЦАРЛИК 1 *тар.* Рицарь унвони.
2 Ўрта асрларда Фарбий ва Марказий Европада асосан ҳарбий феодаллардан иборат имтиёзли ижтимоий табақа. *Алғамон! Алғамон! Бу не ҳақорат! Қайда олийжаноб рицарлик руҳи?* А. Шер, Қадимги куй

3 кўчма Фидокорлик, олийҳимматлик, олийжаноблик.

РИЦАРЬ [нем. *Ritter* – отлик, чавандоз] 1 *тар.* Ўрта асрларда Фарбий ва Марказий Европада ёшлигидан жасорат, мардлик, бурчга садоқат, аёлларга нисбатан олийжаноблик руҳида тарбияланган жанговар феодал. *Рицарлар солиб юришларининг асосий ҳарбий кучини ташкил этган.* Газетадан.

2 кўчма Фидокор, олийҳиммат, олийжаноб киши.

РИЧАГ [р. рычаг – тўқмоқ, сўйил, гаврон] 1 *физ.* Бирор таянч нуқтасига эга бўлган ва оз куч билан катта кучни мувозанатга келтирадиган оддий қурилма; пишанг. *Юкни ричаг ёрдами билан кўтармоқ.*

2 Бирор ишни бариш, бошқариш учун хизмат қиладиган дастали пишанг. *Ганижон ака отдан сакраб тушиб, плугларнинг ричагини туширди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

РИЧАГЛИ Ричагга эга бўлган, ричаг билан таъминланган. *Ричагли тарози. Ричагли механизм.*

РИШВА(Т) [а. رشوة / رشوت – пора; пора билан сотиб олиш] *эск.* Бирор ишни битириш учун манфаатдор киши томонидан амалдорга яширин ва ғайриқонуний равишда берилган пул ёки ашё; пора. [Қори:] *Ху-*

куматимиз даврида адлу адолат барқарор бўлди. Лекин афсус ва надоматлар бўлсин-ким, ришват, яъни пора отлиқ бало адолат қалъасига рахна солмоқда. А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. Айрим пьесалар наири ва спектакль ижроси учун рухсат берилмаса, маъмурларга «ришват», яъни пора беришга мажбур бўлинган. Ш. Ризаев, Жадид драмаси.

РИШВА(Т)ХҲҮР [a. + ф. رشومخور — риш-ва еювчи, порахўр] эск. қ. **порахўр**.

РИШВА(Т)ХҲҮРЛИК эск. қ. **порахўрлик**. —Э, *ришватхўрлик роса авж олган бу ерда, — деди Абдулазиз ака хўрсиниб*. Х. Султон, Бобурийнома.

РИШВАТЧИ эск. қ. **порахўр**.

РИШТА [ф. رشته — ип, тола] 1 эск. Ип, каноп. *Пардалари риштаси эл жонидин*. Ойбек, Навоий.

2 *тиб*. Тери остида пайдо бўладиган, ип каби узун қурт; шу қурт орқали тарқаладиган касаллик. ..*одам бошига бало бўлиб келган ришта касалиги ҳам бутунлай туга-тиб юборилди*. Газетадан. ..*ўғли фронтга жўнаётганида, «Бухорога борсанг, сувидан ичма — ришта касали бор», деб меҳрибонлик қилган*. А. Қаҳҳор, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Икки нарса, кимса, ҳодиса ва ш. к. ни ўзаро узвий боғловчи восита; боғланиш. *Дўстлик риштаси*. ■ *Севги фариштаси, Ҳар найза киприги, Гўё жон риштаси, Гўё ишқ кўприги*. Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар. *Вужудини ширин туйғу қамраб олди. Бу туйғу, кўзга кўринмас ришталари билан уни сеҳрлагандай, ўйлаганларини тўзитди*. С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Ахир келган-кетганга ризолик бериб, видолашиб ётган эмиш. Мен ҳам сўнги бурчимни адо этиб қўй-саммикан? Йўқ, энди дўстлик риштаси узилди*. С. Сиеев, Аваз.

Кўнгил риштаси Кўнгил ипи, юрак томири.

РИҚО [a. رِقَاع — кичик мактублар; ёзув тури] эск. Араб ёзувидаги нозик хат услубларидан бири. *Бир неча лаҳзадан кейин сарғиш қоғоз бетига риқо билан ёзилган хат пайдо бўлди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

РИҚҚАТ [a. رِقَات — нозиклик, мулойимлик, кўнгилчанлик] Нозиклик, юмшоқлик. *Дуо асноси, айниқса, биринчи хонадаги аёғнинг йиғи ва риққат оҳангли «омин! омин!» садолари «хузур муборак»ни титратди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РИҲЛАТ [a. رحلت — сафар, саёҳат; жўнаш, жўнаб (кўчиб) кетиш.] Кўчиш; ўлиш. *Одам эса гуноҳу савобнинг ўртасида, куни битганини билмай, нариги дунёга риҳлат қилади*. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Волида ҳам дорилфанодан дорилбақога риҳлат қилдилар*. «Муштум».

РОБИТА [a. رايطة — алоқа, муносабат, боғланиш; иттифоқ] 1 эск. кт. Ўзаро муносабат, алоқа, боғланиш. *Гарчи Алишер жаноблари билан фақирнинг орасида муносабат ва робита унчалик барто бўлмаган эса-да.. у жанобнинг ҳаётларига доир баъзи жиҳатлардан хабардорман*. Ойбек, Навоий. —*Лекин, — деди Қўлмурод ўз сўзининг давомида, — сиёсий бўлим бу жиноят орасида бир робита топмоқчи бўлиб, кўп ишлади*. С. Айний, Қуллар. *Семинар давомида сўзга чиққан нотиклар икки халқ ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик робиталари ҳақида атрофлича тўхтадилар*. Газетадан.

2 Тасаввуфда: мурид билан унинг пири ёки авлиё (валий) ўртасида пайдо бўладиган руҳий алоқа, боғланиш.

РОБИТАСИЗЛИК Ўзаро муносабатсизлик, алоқасизлик, боғланишсизлик. *Йўлчи ўрнидан туриб, елкасига эски юпқа пахталик чопонни ташлади, дераза орқали кўринган бир парча кўкка қаради, юрагида қандайдир бир бўлишсизлик, ҳаёт билан робитасизлик сезди*. Ойбек, Танлаган асарлар.

РОБОТ [чехча robot — эркисз меҳнат; бу сўз биринчи марта чех ёзувчиси К. Чапек пьесасида ишлатилган] Инсон ҳаёти учун хавfli шароитларда, одам бориши қийин бўлган объектларда унинг функциясини — мураккаб ҳаракатларини қисман ёки тўла бажарувчи машина-одам; автомат. *Роботлар фақат инсон ҳаётини енгилаштириш учунгина яратилади*. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Ўзимни одам эмас, қандайдир бир маълум вазифани бажарадиган роботдек ҳис эта бошладим*. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Саноат роботлари машиналарнинг янги вақили сифатида дунёга келди*. «Фан ва турмуш».

РОВ [ф. رو — юриш; юрувчи] с. т. қ. **рав**. [Йигит] *Шакарга бир нималар деб пичирлабди-да, уни олиб кетибди*. *Ров бориб келаман деган, Зиннат буви кечгача кутибди*. *Шакар келмабди*. Х. Назир, Кўктерек шабадаси. *Унсин ўрнидан турди*. *Шу тонда кайфи*

жуда чоғ эди, дугонаси Раъноларниқига ров чиқиб келгиси келиб кетди. Ойбек, Улуғ йўл.

РОВИЙ [a. رويى — ҳикоя қилувчи, ривоят, нақл айтувчи] эск. Ривоят қилувчи, нақл қилувчи; қисса айтувчи. *Ровий айтар: фалокатга учраб карвон Поёни йўқ саҳрода, омон қолди бир одам. Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ. Ва шу сабаб ровий сифатида сўз навбатини муҳтарам «Бой ота» — Зокиржон акага бермоқчиман. Х. Султон, Бобурийнома. Девлар ва жинлар ақлқироқ ровийни, ровийлар эса яна бир зукко одамни — Муҳаммад пайғамбарни кутарди. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.*

РОВОН Деразалар билан ўралган айвон, ойнабанд айвон. *Абдулла чамадонини ерга қўйиб, ровонга кутарилди. Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин. Ровонимизнинг тўрида дадам тиш ковлаб, ёнбошлаб ётибди. С. Сиёев, Ёруғлик. Катта ҳовли: тоқлар баланд кутарилган, олди ровон беш хонали ўй, эшик-деразалари дид билан бўялган. Й. Шамшаров, Тошқин.*

РОВОЧ [ф. ريواج / ريواس] Тоғларда ёввойи ҳолда ўсадиган, пояси серсув, нордон, ейишли, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. *Тоғли аҳоли қадимдан ровочнинг поясини майдалаб, мураббололар тайёрлаган. Газетадан.*

РОВОЧЗОР Ровоч кўп ўсадиган жой.

РОВОЧФУРУШ Ровоч етиштирадиган ва уни сотадиган деҳқон.

РОГАТКА [р. рог — «шоҳ, мутуз» с. дан] Кичик тош, кесак ва ш. к. отиш учун айри ёғочга резинка ўрнатиб ясалган асбоб. *Рогатка отмоқ. ■ Рогаткадан отилган тош каптарнинг ўнг оёғига, қаноти остига теккан эди. Газетадан.*

РОДИЙ [юн. rhodos — гул, атиргул] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушсимон кўкиш рангли, коррозияга чидамли қаттиқ металл.

РОЖА [санск. ража > ф. + ҳинд. राज — ҳинд ҳукмдорларининг номи] тар. Ҳиндистондаги ҳокимлар унвони.

РОЖДЕСТВО [р. рождество — туғилиш, милод] Христиан динининг асосий байрамларидан бири; Исо пайғамбарнинг туғилиш куни байрами.

РОЗ [ф. راز — сир; махфий нарса, гап] кт. 1 Махфий тугилган нарса; сир. Ҳали

қалби роз айтмаган, сўз бермаган ҳеч кимга. Р. Бекниёз, Тўтиё.

2 Дилдаги орзу, тилак, дард. *Булбул гулларга этиб роз, Навоий назмига кўп асир. Т. Тўла, Асарлар. Кўнглида олов, сўроқ, гина.. нича ноз ҳам бор: яни хўжалик.. ёрдам керак деган роз ҳам бор. Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.*

РОЗИ дил ёки дил рози Дилдаги орзу, истак, дард. *Рози дил айтай десам, хилват қилолмай доғман. Муқимий. Бу ёзувларда менга нотаниб бир кимсанинг чуқур ҳасрати, дил рози бор эди. «Ёшлик». Нуқсонингни айтган дўстга дил розингни изҳор этсанг арзийди. Газетадан.*

РОЗЕТКА [фр. rosette — кичкина, майда гул] Турли электр асбобларни электр тармоғига улаш учун хизмат қиладиган икки тешикли мослама. *Ихтирочи.. стол лампасининг ипини розеткадан чиқариб олиб, ўрнига машинасининг вилкасини тиқди. «Муштум».*

РОЗИ [a. راضى — қониққан, мамнун; ёқимли] (кўпинча кесим взф.) Мамнун, хурсанд, шод. *У турмушидан рози. Ота рози — худо рози. Мақол. ■ Мирзакаримбой жиянининг ишга тайёрлигидан рози каби кулдида, индамасдан ичкари кириб кетди. Ойбек, Танланган асарлар. [Ҳожми:] Ўғил деган шундоқ бўлсин, отасини рози қилсин. Кўп хурсанд бўлдим. А. Қаҳҳор, Йиллар.*

РОЗИ БЎЛМОҚ Розилик бермоқ, унамоқ, кўнмоқ. *Нисо буви, нима бўлди-ю, уста Абдурахмон киши қўйганда, дарров рози бўла қолди. А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. У рози бўлиб, хотини, қизи, уч шогирди ва аравакашни олиб, нажжор Абдулазиз ҳовлисига жўнади. Мирмуҳсин, Меъмор. Лекин бугун илк марта ўз эрким, ўз иродам билан қилган хайри бир ишимдан рози бўлиб турибман. С. Сиёев, Ёруғлик.*

РОЗИДИЛ [ф. رازدل — кўнгил сири] с. т. қ. рози дил. *Ҳаёт, булоқ бошидаги розидилдан кейин онасига ёрилган, йиғлаб туриб, истақларини айтган эди. М. Исмоилпий, Фарғона т. о.*

РОЗИЛАШМОҚ Бир-бири билан розиризолик тилаб видолашмоқ. *-Туғилиб ўсган жойлардан кетиш кўзимга ўлимдан ҳам ёмон кўринаётгани учунми, билмадим, ҳамма билан розилашигим келяпти, — деди Салтанат. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.*

РОЗИЛИК 1 Мамнунлик, хурсандлик. Йўлчи унинг ҳар бир сўзида, овозида, кулги-сида қувонч ҳам тақдирдан розилик сезди. Ойбек, Танланган асарлар. *Енгил таъзим билан [Навоий подшоҳга] ўз розилигини билдириб, табассум қилди-да, секингина деди..* Ойбек, Навоий.

Розилик тиламоқ (ёки сўрамоқ) Бир-биридан қилмишларини кечирришни сўраб видолашмоқ, розилашмоқ.

2 Унаганлик, кўнганлик ҳақидаги тасдиқ жавоби. *Розилигини олмоқ. ■ Собир, то кампирнинг розилигини олишгунча, тўй қилишга жазм қилмади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Қиз томон, гарчанд тўйни бир йил кейин қилиш шарти билан бўлса ҳам, розилик берибди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

РОЗИ-РИЗОЛИК Ўлим ёки видолашиш олдидан бир-биридан розилик сўраш. *..бобо кампири билан рози-ризолик тилашиш пайти келганини тушунди ва азъойи бадани бирдан бўшашиб кетди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *-Рози-ризолик сўраладиган бир пайтда, ҳурматли бек, сиз мени синглингиз ёнида олиб қолиб, кўнглингиз борлигини айтмоқчисиз, кечикдингиз, бек! [деди Бадиа Худойбекка].* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шу кеча унинг онаси қазо қилди, ўлим олдида неварачеварасигача ёнига чақириб, улардан рози-ризолик олди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

РОЗИЧИЛИК айн. розилик 2.

РОЗМАРИН [лот. ros marinus – денгиз шудринги] Жанубда ўсадиган, қишга сақланадиган ширин, хушбўй олма тури.

РОЙ(И) с. т. Раъй.

Ройи келди, ройикелди Раъйи келса, хушига ёқса жуда яхши; раъйи тез ўзгарадиган. *Ройи келди одам. ■ Кўзибойни болалар аълочилиги учунгина эмас, ҳеч ким билан уришиб-талашмайдиган, ройи келди бўлаени учун ҳам ёқтирсалар керак.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *У [Дамин] Собирни унча-мунча нарсани кўнглига олмайдиган ройи келди деб юрарди.* Ҳ. Назир, Танланган асарлар.

РОЙ(И)КОРЧИ салб. Ҳар кимга ақл ўргатаверадиган, ақл ўргатишни, йўл-йўриқ кўрсатишни яхши кўрадиган; маслаҳаттўй. *Ройшкорчи одам. ■ Халққимизда мардикор бир танга, ройшкорчи ўн танга, деган мақол бор.* Н. Сафаров, Оловли излар. *-Оббо, ройшкорчининг кўплигидан куйдим-да! – деди Ражаб*

ака Искандарга. П. Қодиров, Эрк. *Бу ўзимизнинг театр. Қанча хоҳласанг, шунча айтираманг. Сендақа ройшкорчини қара-ю!* С. Аҳмад, Уфқ.

РОЙИШ [ф. رایش – унинг раъйи, кўнгли] с. т. **1** от Майл, мойиллик, раъй. *Кечгача, Элмуроднинг ройишига қарамай, унга учтўрт телефон қоқди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Розикўжон илгариги авжи йўқ, менга унча ройиши бўлмай, қўл учида кўришди.* И. Ўктамов, Ҳикоялар.

2 сфт. Сўзга қирадиган; мўмин, мўминтой. *Ройиш бола. ■ ..боланинг уволи тутсин ўша сариқ Потмани. Битта боланинг тирноғига зор одамлар бор. Бу хотин шундоқ ройиш болани оч ташлаб қўйибди. Эшикдан киришиданоқ пайқовдим..* Мирмуҳсин, Умид.

РОК [ф. راک – жанг ноғораси; алоҳида куй, оҳанг номи] Шашмақом таркибидаги Бузрук мақоми ашула бўлимининг иккинчи гуруҳ шўъбаларидан бири.

РОКИРОВКА [фр. roquer – рухнинг ўрнини алмаштириш < ф. رخ – рух, тўра] Шахмат ўйинида: шоҳга яқин ёки узоқроқ турган рухнинг шоҳ билан ўрнини алмаштириб, уларни ёнма-ён жойлаштиришдан иборат бир юриш. *Катта рокировка. Кичик рокировка. Рокировка қилмоқ.*

РОЛИК [нем. Rolle – ғўла, ўқ] **1** Электр шурурини девор, шип ва б. жойга маҳкамлаш учун ишлатиладиган чинни ёки сопол ғалтак.

2 Машина, механизм, деталь ва ш. к. нинг ғалтаксимон айлана қисми.

3 Асфальтланган сатҳда учишга мўлжалланган коньқининг гилдиракчалари.

4 кўчма Реклама ёки ахборот мазмунидаги қисқача фильм; видеоклип. *Реклама ролиги. ■ Махсус лавҳа, ролик ва телекўрсатувлар тайёрланиб, эфирга узатишмоқда.* Газетадан.

РОЛИКЛИ Ролиги бўлган, ролик билан таъминланган. *Роликли подшипник. Роликли коньки.*

РОЛЬ [фр. role – ўрама қоғознинг биринчи бети, рўйхат] **1** Ёзувчи томонидан пьеса ёки сценарийда яратилган образ ва шунга мувофиқ актёр томонидан сахнада, экранда ижро этилган бадиий образ. *-Ҳожибеков комедиясини сахнага қўйиш олди-дан роль тақсимлаш пайтида менга асар қаҳрамони Гулчеҳра роли топширилди, – де-*

ди Халима. Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Саҳнага чиққан артист ўзи ижро этаётган ролини охирига етказмагунча тиниб-тинчимайди. Газетадан. Бош ролада чиқадиган атоқли артистка нарда четини қўтариб, залга мўралади. С. Аҳмад, Сайланма.

2 Актёрнинг бутун пьеса, сценарий давомдаги нутқи. Демак, у [Рустамжон] Шокир акага тақлид қилишдан қочиб, ролини ўзича талқин этган. М. Хайруллаев, Кўнгил.

3 кучма Кимсанинг таъсир кўлами, бирор нарсада иштирок даражаси, тутган ўрни; мавқеи. Тарихда шахснинг роли. ■ Болаларимизни жамиятга, меҳнатга ҳар тарафлама соғлом, етук қилиб топширишда мактаб, шубҳасиз, етакчи роль ўйнайди. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. Мутахассисларнинг ташкилотчилик ролини бутун чоралар билан кучайтирмоғимиз керак. Газетадан.

РОМ I [ф. رام — ювош, итоаткор, мўмин-қобил; қўлга ўргатилган]: ром бўлмоқ 1) мойил бўлмоқ, оғмоқ; 2) ўрганмоқ. Буни [Ёдгорни] саркарданинг мирзахонасига олиб бор.. Сўнгра қайта бу ерга олиб кел. То ром бўлгунча, бизнинг уйда хизмат қилиб юради. С. Айний, Дохунда; 3) бўйсунмоқ. Агар қийинчиликдан қўрқилмаса-чи, инсонга ром бўлмаган нарса йўқ экан. Х. Назир, Васият. Ром келмоқ Кўнглига ёқмоқ, мос келмоқ. Менга нима ром келишини ўзим ҳам билмайман. Ойбек, Танланган асарлар. Ром қилмоқ (ёки этмоқ) 1) ўзига қаратмоқ, ўзига мойил қилмоқ, оғдирмоқ. Садосиз, фақат сезиш мумкин бўлган бу куй аллақандай сеҳрли қудрат билан дилларни ром қиларди. Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси; 2) ўзига, қўлга ўргатмоқ, Мартен печининг ҳайбат билан ўт сочиб, вағиллаб ёниши ром қилинган ёлдор шерни эслатади. Мирмуҳсин, Қизил дурралар; 3) бўйсундирмоқ. Сенинг режанг билан жуғиқан сувларни Оқиздик ром қилиб ҳаёт боғига. Файратий.

РОМ II [ф. رومل — қумга қараб фол очиш] Бировнинг ўтмиши ва келажаги ҳақида гўё «олдиндан айтиб бериш»; фол. Ром очмоқ. Ром кўрмоқ. Ромчининг ромидан ўзининг хом хаёлини яхши. Мақол. ■ Намозхон йилдан-йилга камайиб, мачит ўз-ўзидан ёпилиб қолгандан кейин махсум.. баъзан битта-яричтага ром очиш билан тириклар хизматини ҳам қилиб юрар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

РОМ III қ. рама 3. Икки кундан кейин араваларда тахта, эшик ва ром, тунука олиб келдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. [Чўтир хола] Челақда сув олиб чиқиб, дераза ромларини, стол-стулларни ювди. Мирмуҳсин, Умид. Бино томи янги шифер билан қопланиб, пол, эшик, ромлар янгидан ўрнатилган. Газетадан.

РОМ IV [ингл. gum] Шакарқамишнинг ачитилган шираси ёки қиёмидан ҳайдаш йўли билан тайёрланадиган кучли спиртли ичимлик.

РОМАН [фр. roman < готлане — лотин тилида эмас, роман тилида ҳикоя қилиш] Ҳажми анча катта, хилма-хил қаҳрамонлар, сертармоқ сюжетга эга бўлган, одатда, наср йўли билан ёзиладиган асар; адабий жанр тури. Тарихий роман. Шеърый роман. ■ Кичкинагина бир ҳикоя шунчалик азоб билан ёзилса, энг камида қирқ-эллик ҳикояга тенг келадиган роман қандоқ ёзилар экан? У. Норматов, Талант тарбияси. Романдаш аёллар образи ҳам алоҳида эътиборга молик. С. Кароматов, Олтин қум. Шарқ халқларида роман жанрининг туғилиши ва камолотида муайян муштараклик мавжуд. Газетадан.

РОМАННАВИС [роман + ф. نویس — ёзувчи] қ. романчи.

РОМАННАВИСЛИК қ. романчилик. Романнавислик ва драматургия соҳасида ҳам яхши натижалар кўзга ташланади. Газетадан.

РОМАНС [фр. romanse < roman — роман тилига оид] мус. Чолғу жўрлигида яққохон ашулачи ижросига мўлжалланган кичик мусиқий-шеърый лирик асар. М. Бурҳонов романслари. ■ Мен 1936–1938 йилларда Машраб сўзига «Тоқай мани бечорага бу дарду аламдур» романсимни ёзган эдим. Газетадан.

РОМАНТИЗМ [фр. romantisme] I 18-асрнинг охири — 19-асрнинг биринчи чорагида Европа, шунингдек, Америка адабиёти ва санъатида пайдо бўлган, классицизм қонун-қоидаларига қарши чиқиб, миллий ва индивидуал ўзига хосликка, идеал қаҳрамонлар ва туйғуларни тасвирлашга интилиш билан ажралиб турувчи йўналиш, оқим.

2 Адабиёт ва санъатда: оптимизм руҳи билан суғорилган ва инсоннинг юксак бурчини ёрқин образларда тасвирлашга интилган йўналиш.

РОМАНТИК I Романтизм вакили, издоши (қ. **романтизм I**).

2 Романтизм таъсирига берилган, романтизма мойил одам.

РОМАНТИК I Романтизмга оид, романтизм руҳи билан сугорилган, романтизм руҳидаги. *Романтик поэзия. Романтик мусиқа. Романтик асар.*

2 Хаёлпарастлик руҳида бўлган, романтика таъсирига берилган. *Романтик қаҳрамон. Романтик кайфият.*

РОМАНТИКА [«романтизм» с.дан] Кишида зўр кўтаринки руҳ уйғотадиган, уни улуғликка илҳомлантирувчи ғоя ва ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошган нарса; дунёни юксак эмоционал ҳис этишга ёрдам берувчи вазият, турмуш шароити. *Кураш романтикаси.* ■ *Тарихнинг романтикаси йўқ дейсизми? Ҳўҳў! Ҳамма романтика тарихда. Учувчиларингиз ҳам, хирурсларингиз ҳам буюк тарих машинасининг алоҳида ғилдиракчаларини айлантиради, холос.* П. Қодиров, Уч илди. *Ёшликдан менинг романтика, саргузаштларга мойиллигим бор эди.* «Ёшлик».

РОМАНЧИ Роман ёзувчи адиб.

РОМАНЧИЛИК I Одатда, проза йўли билан ҳажми анча катта, мураккаб сюжетли асар ёзиш, яратиш. *Ўзбек романчилиги. Романчиликка ҳисса қўшмоқ.* ■ *Ўзбек романчилиги тараққиётида ҳам Иброҳим Раҳимнинг муносиб улуши бор.* Газетадан.

2 Роман жанри. *Ўзбек прозамиз соҳасида янги романчиликни яратган забардаст адибларимиздан биридир.*

РОМБ [юн. rhombos — пирилдоқ, доира; қийшиқ квадрат] **1 мат.** Ҳамма томонлари тенг бўлган ясси параллелограмм.

2 тар. Собиқ Шўро армиясида 1943 йилгача (погон киритилгунга қадар) олий кўмондонлик таркиби петлицаларида шундай шаклдаги даража фарқлаш белгиси.

РОМБИК Ромб шаклидаги.

РОМСОЗЛИК Ром яшаш билан шуғулланувчи тармоқ. *Ромсозлик устахонаси.*

РОМЧИ Ром очувчи, ром кўрувчи; фолбин. *Ромчининг ромидан ўзининг хом хаёлинг яхши.* Мақол. ■ *Тошбуви қўшни қишлоқдаги дами сувени қайтаридиган аллақандай ромчига ром очтирди.* «Шарқ юлдузи».

РОНДО I [итал. rondo — айлана] мус. Асосий оҳанги бир неча марта такрорла-

надиган, унга иккинчи даражали оҳанглар қарама-қарши қўйиладиган мусиқий пьеса.

РОНДО II [фр. rondeau < rond — думалоқ, доиравий] **1 ад.** Қофияларнинг мураккаб алмашинувчи ва такрорланувчи қофияланмаган нақароти бўлган шеър шакли.

2 Юмалоқ шаклдаги ёзма ва босма ҳарф, шрифт.

3 Шундай шрифтни ёзиш учун мўлжалланган учи кесик перо.

РОСА [ф. رसा — етуқ, етарли, тўлиқ, бутун, мукамал] *рвш. с. т. I* Бекаму кўст, тўлиқ, тўла. *Зарҳал кўринар сохта, Роса биллиб, сунг мақта.* Мақол. ■ *Жангчилар кўзларини роса очмасдан, милтиқларига ёпишдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Тугал, тўла, тўлиқ; тўппа-тўғри. *Ола-хўжабойнинг ҳовлисига қадам босмаганимга роса йиғирма йил бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [Дилбар:] *Уйғотаймикан? Йўқ, нича ухлаб ором олсин, роса бир ой бўлдики, от устидан тушмайди.* К. Яшин, Пьесалар.

3 Ниҳоят даражада, ниҳоятда, жуда. *Роса нарчадим.*

4 Тўйгунча, мириқиб. *Роса ўйнадик.* ■ *Мавлон мингбоши.. тасодифан лойга сирғаниб йиқилди.* Кишилар роса кулишди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

РОСАЛАМОҚ с.т. Расоламоқ, бутламоқ.

РОСАЛИК с.т. Расолик, бутлик.

РОСЛАМОҚ с.т. қ. ростламоқ.

РОСМАНА с.т. қ. расмана. *Умид Робертнинг даҳанига бир мушт муширди. Бир зарбадаёқ давангирдек йигит полга росмана ағдарилди.* Мирмуҳсин, Умид. *Судралиб юрвчи росмана илонлар чақаман, деб ният қилмайди, икки оёқли илонлар эса пайт пойлайди.* Т. Малик, Шайтанат. *Сайфини энди росмана кўрқув ўз тўрларига ўрай бошлади.* Т. Малик, Шайтанат.

РОСТ I [ф. راست — ҳаққоний, ишончли, тўғри, тўппа-тўғри; ҳақиқат] **1 сфт.** Тўғри, адил, тик. *Бу кун сиз айтган ўшал Офарин эмас, устоз, Мусибат остида рост қомати дудо кўринур.* С. Абдулла. *Тўла, қаддини рост тутган ҳолда, калласини хиёл эғиб, эркакча тағзим қилди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

2 сфт. Ҳақиқатдан иборат бўлган, ҳақиқатга асосланган; тўғри, чин. *Рост гап. Рост сўз — ҳаққа қарор.* Мақол. *Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон бўлур.* Мақол. ■ *-Бояги*

семиз одам айтган гаплар рост экан, — деди ичиди [Шарофат]. А. Қаххор, Қушчинор чироқлари. Рост айтяпман, бунни мен бир неча бор синая кўрганман. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

3 от Ҳақиқат, ҳақ. Ростга завол йўқ. Мақол. ■ Маҳкам биргина шу Акбаров ва Тошев масаласидаги ҳақни ноҳақдан, ростни ёлғондан ажратиб, тўғри баҳолаш учун қанча куч, вақт, қунт, ирода кераклигини энди аниқ кўз олдига келтирди. П. Қодиров, Уч илди. Ёдгор шундоқ бўлишини билгандирки, ростини айтгандир. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

4 крш. с. вэф. Тўғри. [Саодат:] Вой, нима деб алжирайсан? Авжи уйнаб-қуладиган чоғинг-ку. Рост, баъзи вақтда дунёдан чиқиб кетгинг келади. Дунё қурсин, ғам кўп. Ойбек, Танланган асарлар.

Гапнинг рости Гапнинг очиги, тўғриси. Гапнинг рости, бугун лекция қулогимга кирмаяпти. Рост келмоқ Тўғри келмоқ, мос келмоқ; ёқиб тушмоқ. Бу гапнинг менга рост келди. Рост кўтармоқ Бемалол, азот кўтармоқ. Юкни рост кўтармоқ. Рост кўча қолиб, паст кўча билан Алдам-қалдамлик билан, чап бериб. Нега ўзингизни гўлликка соласиз? Ҳамма эрталаб далага шошилса, сиз.. рост кўча қолиб, паст кўча билан бозорга чопасиз. «Муштум».

РОСТ II [ф. راست — алоҳида куй номи] (Р — катта) Шашмақом тизимидаги бешинчи мақом номи (қ. шашмақом).

РОСТАКАМ с. т. 1 сф.т. Ҳақиқий, чин. Бу ўйинчоқ ростакан самолётга ўхшайди. ■ -Қаранг, худди ростакан дурга ўхшайди, — деган эди уни олиб келганда Мунисхон. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 рвш. Ҳақиқатан, чиндан ҳам, жиддий. Боланинг ростакан жаҳли чиқди. ■ Турсуноӣ аввал шонмагандай кўзларини катта очиб қаради-ю, кейин Ефим тоғанинг ростакан ичкари бошлаётганини кўриб шонди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

РОСТАКАМИГА айн. ростакан 2. Туртинчи кун кечга яқинлаб қолгандагина ёмғир ростакамига тинди. Ш. Фуломов, Ташаббус. Қаҳатчиллик ростакамига ўрнашиб олганди. Н. Сафаров, Наврўз.

РОСТГҲЙ [ф. راستگوى — рост, тўғри гапирувчи] Ростини, ҳақиқатни гапирадиган; тўғрисўз. Ростгўй бола. ■ Ҳукумат

арбоблари соғлом, ростгўй, сўзга уста, иродали бўлишлари керак. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. -Йўқ, Бойхонов, сиз қип-қизил ростгўйсиз, — деб олдига милиция хўжжатларини ташладим. С. Сиёев, Ёруғлик.

РОСТГҲЙЛИК Ростини, ҳақиқатни гапириш, тўғрисўзлик. Наҳот у кун ростгўйликнинг қудратли қўли Номард ўлим чилвирида чулғаниб қолди. А. Шер, Қадимги куй. Камтарлик инсон ўзлигини билиши, ўзгаларни хўрмат қилиши, самимийлик, тўғрилик ва ростгўйлик каби нодир фазилатларни ўзида мужжасам этади. Газетадан.

РОСТДАН I рвш. Ҳақиқатан, чиндан ҳам. -Рафиқ, найни ким чалди? -Йўлчи акам. -А! Ростданми! Алдама! Ойбек, Танланган асарлар.

2 крш. с. вэф. Ҳа, айтгандай. -Ҳа, ростдан ҳам, қизлар, фронтда ҳеч кимингиз борми? — деди комиссар. Ойдин, Аснл ёр. Ростдан ҳам, товуқ тимдалагандай ёзарканман [деди Саид]. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

РОСТЛАГИЧ тех. Механизм, машина ва ш.к. лар иш режимиин автоматик тарзда тартибга солиб турадиган мослама.

РОСТЛАМОҚ I Тўғрилама, тикламоқ. Беш-ун йигит шоҳарик, ўқариқларни ростлаб, тут тағига чиқишди. Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари.

2 кўчма Ишини, хўжалигини ўнгламоқ, тиклаб олмақ. Уинститутни битирган, ўзини анча ростлаб олди.

3 Тартибга солмоқ, тузатмоқ. Қилич ботир шошилмасдан ўзини ростлаб олиб, уйга кирса, Оқбиллак ойим ухлаб ётипти. «Эртаклар».

Нафасини ростламоқ 1) дам олиб, нафасни жойига келтирмоқ. Саломат нафасини ростлаб, яна йўл юрди. С. Аҳмад, Хўкм; 2) ўзини ўнглаб олмақ. Полк командири, душман нафасини ростлаб олмасдан туриб, қарши хўжумга ўтиш тўғрисида буйруқ берди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. Қаддини (ёки белини) ростламоқ 1) қаддини кўтармоқ, тикламоқ; фоз турмоқ. Биров эшитиб қолишдан чўчигандай, секингина уф тортди-ю, қаддини ростлаб ўтирди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Шерзод қаддини ростлади-ю, ўқарига кириб келаётган мудирни кўрди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. Санобар аҳён-аҳёнда қаддини тиклаб, белини ростлаб оларди-да, яна жадал теришга

тушиб кетарди. М. Хайруллаев, Кўнгиш; 2) ўзини, хўжалигини тикламоқ, оёққа турғизмоқ. *Тошкентимизнинг қайта тикланиб, қаддини ростлашида халқлар дўстлиги.. нималарга қодир эканини ҳам бутун олам кўрди.* Р. Файзий, Таъзим; 3) барпо бўлмоқ, қурилмоқ. *Бинокор қадами етган жой тез обод бўлади, улкан завод-фабрикалар қаддини ростлайди, ишлаб турган корхоналарнинг қудрати ортади.* Газетадан.

4 с. т. Адабини бермоқ, бошламоқ. *Шошмай тур, сени бир ростлайки, дунёга келганингга юз пушаймон қил.* Ҳамза, Майсарингга иши.

5 тех. Қурилма, механизм ва ш. к. ни тўғри ишлайдиган ҳолга келтирмоқ, созламоқ. *Тормозларни ростламоқ.*

Жуфтакни ростламоқ қ. жуфтак. *Кишилар етиб келганларида, жиноятчилар аллақачон жуфтакни ростлаб бўлишган, ҳовлида эса жабранувчи Шарофат она дағ-дағ титраб турарди.* «Муштум». [Ортиқ:] *Хушёр бўлиб ётасан, бугун кечаси жуфтакни ростлаймиз.* М. Мансуров, Ёмби. **Оғиз ростламоқ** 1) айн. **оғиз жуфтламоқ қ. жуфтламоқ;** 2) оғзига олиб бормоқ, тўғриламоқ. *Ҳайдар ота шуни [чилимини] сўрай, деб энди оғиз ростлаган эди, кампирга кўзи тушиб қолди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

РОСТЛИК Тўғрилиқ, чинлик. *Гапнинг ростлиги. Мастлик — ростлик.* Мақол. ■ *Ростликнинг китобин ортиб борамиз, Пастликнинг ниқобин йиртиб борамиз.* «Муштум».

РОСТЧИ с. т. Рост гапирадиган; ростгўй. *Биз ёлғончи-ю, сен ростчи бўлдингми? М.* Исмоилий, Фарғона т. о.

РОТА [лол. rota < нем. Rotte — оломон; жангчилар гуруҳи] ҳарб. Одатда, бир неча взводдан ташкил топган, батальон таркибига кирадиган ҳарбий бўлинма, қисм. *Пулемётчилар ротаси.* ■ *Қулбоев кейинчалик ҳамюрти Ўроқов ротасига взвод командири қилиб тайинланди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Гвардиячи капитан, қўлларини орқасига қилганича, ротага яқинлашди.* О. Ёкубов, Излайман. *Рота командири батальон командирига бўйсунди ва рота бутун шахсий таркибининг тўғридан-тўғри бошлиғи саналади.* Газетадан.

РОТАПРИНТ [лот. roto — айлантираман + инг. print — чоп қилмоқ, босмоқ] плгрф.

Офсет босма усулида ишлайдиган, хизмат ва ахборот ҳужжатларини кам тиражда чоп қиладиган ихчам босма машина ва шундай чоп қилиш усули.

РОТАТОР [лот. rotator — айлантиргич] 1 плгрф. Кўлёзма, чизма, расм ва ш. к. лардан нусха кўпайтирадиган, айланма валли аппарат. *Ротатордан чиқармоқ. Ротаторда босмоқ.*

2 Бирор марказ ёки ўқ атрофида бир меъёрда айланадиган жисм.

РОТАЦИОН: ротацион машина плгрф. Газета, китоб кабиларни кўп нусхада босадиган айланма машина.

РОТМИСТР [пол. rotmistrz < нем. Rittmeister < Ritt — отлиқ аскарлар отряди + Meister — бошлиқ] тар. Чор армияси ва жандармериясида: отлиқ аскар офицерларига берилган унвон (пиёда қўшинлардаги капитан) ва шу унвонга эга бўлган шахс.

РОТОР [лот. rotare — айлантирмоқ] Турбина, электр двигатель ва ш. к. нинг қўзғалмас қисми ичидаги айланадиган қисм. *Ротор деган оғир бир нарса қудуқ оғзини бекитиб тураркан.* П. Қодиров, Уч илдиш.

РОШ [ф. راش — янчилган дон уюми, тўплами] шв. Ариқ тозалаш ёки қозиш вақтида унинг ичидан олиб, икки четига ташланган тупроқ, лойқа; пайкалларни бир-бирдан ажратувчи марза. *Ерга — рош, қизга қош.* Мақол. ■ *Мана шу чорвоқ, йўнғичқа иси, оёғимиз остида кўпчиб ётган мана бу рош ҳам — ҳамма-ҳаммаси қишлоқни ёдимга соляпти.* Н. Қиличев, Ёронгул. *Одамлар пайкал четидаги рошларга қатор чизилди.* «Ёшлик». *Фазлиддин арна рошида отдан тушиб, ён-верига қаради.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

РОЯЛИЗМ [фр. royalisme] Қирол ҳокимиятига тарафдорлик, қирол ҳокимиятини ёқлаш; монархизм.

РОЯЛИСТ [фр. royaliste < roy — қирол] Роялизм тарафдори; монархист.

РОЯЛЬ [фр. royal — қиролга оид, тегишли] Торлари, қопқоғи ва механизми горизонтал жойлашган, клавишли мусиқа асбоби. *Рояль чалмоқ.* ■ *Одатим бўйича тўғри клубга кириб борсам.. Лата рояль чалиб, менинг қўшигимни куйлаб ўтирибди, — деди Рустамжон.* Қ. Мақсумов, Мухаббат қўшиғи.

РОҒ [ф. راء — кўм-кўк тоғ ёнбағри; кўкаламзор майдон] қ. боғ-роғ.

РОҒИБ [а. راغب — рағбат қилувчи] Хо-ҳиш, майл билдирувчи, мойил. *Калоншоҳ ношлож ариза ёзишга роғиб бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РОҶ [а. راه / راه — йўл, кўча] *кт. кам қўлл. айн. йўл. Соғинчлар шамолдай оқади Юрак-ка кўринмас роҳлардан.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Хатарли, қалтис роҳда титрар икки биродар. «Шарқ юлдузи». Гар губори хоки роҳин айласа бежо насим, Сабру бетоқатли-ги табъи паришонимдадир.* Нодира.

РОҶАТ I [а. راحت — тинчлик, хотир-жамлик, ором] I Эстетик завқ ёки ором берадиган нарсалардан олинадиган лаззат, ҳузур, гашт. *Севгисин айтмаслик — қизлар одати, Нозу карашмаси — йиғит роҳати.* М. Алавия. *Кундузлари иссиқдан беҳол бўлган одамлар кечадан роҳат кутадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Роҳат олмоқ (ёки топмоқ, қилмоқ) Лаззатланмоқ, ҳузур қилмоқ. *Куч, роҳат олар эдим, Инак сочларинг силаб.* Файратий. *Аваз ҳар вақт Собир акалар сингари хунараманд меҳнаткашлар гурунгидан роҳат топади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ўтирганлар ажойиб овоз билан айтилган лирик ашулани роҳат қилиб тинглайдилар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Ҳузур-ҳаловат, фароғат, тинч ва фаровон ҳаёт. *Роҳатда яшамок. Меҳнат, меҳнатнинг тағи — роҳат.* Мақол. *Меҳнатсиз роҳат йўқ.* Мақол. ■ *Энди сенлар омон бўлинглар. Дунёнинг роҳатини сенлар кўринглар.* Ойдин, Олтин узукка олмос кўз. [Пулдорларнинг] *Қорнилари тўқ. Бола-чақалари роҳатда, уйларида қазии-қарта қайнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Роҳат (хотин-қизлар исми).

РОҶАТ II Рост мақомнинг Ушшоқ шуъбаси асосида яратилган ўзбек халқ куйи.

РОҶАТБАДАН [а. + ф. راحتبدن — баданнинг, таннинг роҳати] I *от* Одатда, олма гулли, кўйлакбоп ҳарир газлама. *Роҳатбадан кўйлак.* ■ *-Поплин дейсизми.. чиданганга чиқарган дейсизми, роҳатбадан дейсизми.. кеп қолинг, харидор! — деб [Хусний] бозорни бошига кўтариб, бақчириб юрар эди.* Ф. Фулом, Шум бола.

2 *сфм.* Баданга роҳат бағишлайдиган. *Пирпираб роҳатбадан шаббода қирғоқлаб эсиб, Шарқираб уйнаб тўлиб, тўлқин уриб кулгу келур.* Ҳабибий.

РОҶАТБАХШ [а. + ф. راحتبخش — роҳат, ҳузур бағишловчи] Роҳат бағишлайдиган, киши ҳузур қиладиган; оромбахш. *Роҳатбахши жойи. Роҳатбахши куйи. Роҳатбахши ичимлик.* ■ *Жабборов шу роҳатбахши кайфият билан уйига борди.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти. *Ташқарида ҳавонинг тафти баланд, аммо купе муздек салқин, роҳатбахши.* Газетадан.

РОҶАТИЖОН [а. + ф. راحتجان — жоннинг роҳати] I *от* Шиннига муз қириб солиб тайёрланадиган морожнийсимон овқат. *Роҳатижон халқ табобатида дизентерия касаллигига қарши дори сифатида ҳам қўлланган.* Газетадан.

2 *сфм.* Жонга роҳат бахш этадиган, жонга роҳат бағишлайдиган. *У [Нигора] инакдай майин, шишадек тиниқ, роҳатижон илиқ булоқ сувини кучоқлар, оппоқ тўшига босиб яйрар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Фулом аканинг кабинети узун коридордан иборат эди. ...Шу оддийгина хона бош инженер ёрдамчиси учун роҳатижон макон эди: ҳам иссиқ, ҳам озода.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

РОҶАТЛАНМОҚ Роҳат қилмоқ, ҳузур, гашт қилмоқ. *Муסיқадан роҳатланмоқ. Роҳатланиб дам олмоқ.* ■ *Ўзгалар оғирини енгил қилишдан роҳатланади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Холида терлаб, товонлари қорайиб кетган оёқларини сувга тиқиб шалоплатди — жони роҳатланди.* «Ёшлик». Азиза, курсдош қизларнинг гаши келаётганини сезган сайин, ўзини ғолиб ҳисоблаб, роҳатланарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кўлоқ сол.

РОҶАТЛИ Кишига роҳат берадиган; оромли. *Донг таратган зарбдор Аллақачонлар Кечирмакда меҳнат-ла Роҳатли онлар.* Файратий.

РОҶАТСИЗЛИК Кишига ҳузур, ором бермайдиган ҳолат, оромсизлик. *..бу изғириқ кишига унча роҳатсизлик бермаса-да, лекин қаердадир доғ қилинмоқда бўлган зиғир мойининг аччиқ исини димоққа келтириб уришидан кишида бир беҳузурлик ҳосил бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РОҶАТ-ФАРОҒАТ Тинч ва фаровон ҳаёт, ҳузур-ҳаловат. *Рўпарангиздаги катта дарвозали ҳовлида Шоназар табиб бола-чақалари билан роҳат-фароғатда яшайдилар.* Газетадан. *Суттон Ҳасанбек ва Мирзабек Ҳиротда роҳат-фароғатда умр кечириб, ўз ажсалари билан ўлдилар.* М. Осим, Сехрли сўз.

РОҲИБ [а. راهب — монах] Христиан динидаги монах; умуман, монах; зоҳид. *Эрамиздан икки аср бурун будда роҳиблари қояларни ўйиб, ибодатхона ва монастырлар қурганлар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

РОҲИБА [а. راهبه — монах аёл] Роҳиб аёл.

РОҲИЛА [а. راحله — миниладиган туя] 1 От-улов, юк ҳайвони. *Тошдек қотиб ухлаган эканман. Қўзини очиб, теварагимга қараган эдим — манзил узоқ, роҳила оз.. Билдимки, бу ҳолим билан бу кунми, эртами Боқи акамнинг мойжувозиға ҳам ярамайман.* А. Қодирий, Диёри бакир («Манзил узоқ, роҳила оз» бирикмаси А. Қодирий асарларида кўпинча «мақсад буюк, куч йўқ» маъносида қўлланган).

2 Роҳила (хотин-қизлар исми).

РОҲ-РОСТ, роҳи рост [ф. راه راست — тўғри йўл] кт. Тўғри йўл; ҳақиқат, тарихат йўли; мусулмончилик. *Гапинг ҳақ, сени роҳ-ростдан оздирган бу китобларни отанг бизга топширди.* К. Яшин, Ҳамза. [Махзум] *Қавмларига бир қараб. гап бошлади: -Мачитингизга келиб, оз муддат хизмат қилиб, жуда кўп тузингизни ичдим, диний йўлда сизларни роҳ-ростга бошладим.* Файратий, Довдираш. *Бунинг учун шахсан мен, уни роҳи ростга сабртоқат билан даъват этмоқ керак, деб ўйлайман.* К. Яшин, Танланган асарлар.

РУБИДИЙ [лот. rubidus — қизил, тўқ қизил] Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент; жуда юмшоқ кумушсимон-оқ ишқорий металл.

РУБИЛЬНИК [р. рубить — «кесмоқ»] фл. дан ясалган от] тех. Электр токини узибулаб турадиган дастаки очқич. *Пўртананинг тўхташи ҳам, худди рубильникдан ўчиргандек, бирданига рўй берди.* «Фан ва турмуш». *Ҳайдар деворга қоқиб қўлфлаб қўйилган яшикни очиб, рубильникни босди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

РУБЛЬ [қад р. рубль — гўла, кунда; тикин; пул бирлиги] Россия Федерациясининг асосий пул бирлиги.

РУБОБ [ф. رباب — камонча билан чалинадиган мусиқа асбоби] Медиатор билан чертиб чалинадиган беш торли мусиқа асбоби. *Қашқарча рубоб. Рубоб тароналари. Рубоб чалмоқ.* ■ -*Сўйла, рубоб, ким экан Юрагимни тортгувчи. Севги, армон, ҳасратни Бошларимга ортгувчи?* Файратий.

РУБОБЧИ Рубоб чалувчи созанда.

РУБОИЁТ [а. رباعيات — рубоийлар, тўртликлар] Бирор шоирнинг рубоийлари мажмуи. *Умар Хайём рубоийети. Алишер Навоий рубоийети.*

РУБОИЙ [а. رباعى — тўртлик] ад. Тўрт мисрадан иборат, тугал маъно ифодаловчи, биринчи, иккинчи, тўртинчи мисралари ёки тўртала мисраси ҳам қофиядош бўлган мустақил шеър; Шарқ халқлари шеъриятида кенг тарқалган поэтик жанр. *Навоий рубоийлари.*

РУБОИЙНАВИС [а. + ф. رباعى نويس — рубоий ёзувчи] Рубоий ёзувчи шоир. *У [Шайх Рўзбехон] форс-тожик адабиёти тарихида рубоийнавис сифатида ўзига хос мақоми ва ўрнига эга.* Газетадан.

РУБРИКА [лот. rubrica — қизил ранг, бўёк; қонуннинг қизил рангли сарлавҳаси < tiber — қизил] Газета, журнал ва ш. к. да бирор бўлим (рукн)нинг сарлавҳаси; боб. *“Редакциянинг иш кунлари” рубрикаси остида берилган материаллар 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган.* Газетадан.

РУБЪ [а. ربع — тўртдан бир, чорак]: **рубъи маскун** [а. ربع مسكون — аҳоли яшайдиган чорак ер] эск. кт. Қадимги юнон олимлари, кейинчалик Шарқ географлари тасавурича, Ер шарининг одам яшайдиган, обод ва маъмур чорак қисми (қолган учта чорак қисм эса сув деб тахмин қилинган). *Рубъи маскунда Ҳиротдек шахри азим йўқ.* Ойбек, Навоий.

РУДА [қад. р. руда — қон; қизил доғ, < рдетъ — «қизармоқ» фл. дан] Таркибида металл ва унинг бирикмалари бўлган табиий минерал хомашё. *Темир рудалари.* ■ *Бир грамм соф радиий олиш учун бир неча тонна уран рудасини қайта ишлашга тўғри келади.* «Фан ва турмуш». *Бизнинг профессоримиз олтин рудасини сунъий таркиб қилиш мумкинлигини назарий жиҳатдан исбот этган.* А. Мухтор, Асарлар.

РУДАЛИ Таркибида руда бўлган. *Рудали қатлам.* ■ *Сўнги йилларда Самарқанд ва Тошкент вилоятларида олтин рудали конлар аниқланди.* Газетадан.

РУЖУ(Ъ) [а. رجوع — қайтиш, қайтариш; қайрилиб қараш, муурожаат қилиш; 3-ш. бирл. ружуи] Бирор нарсага бўлган ортиқча майл, берилиш. ..*ташмачилик — меҳнатсиз даромаднинг оқибати беҳайр бир тури. Унга ружу*

қилган кишининг обрўси тутдек тўқилади. «Муштум». Тўрдаги ёши улуглар фотиҳадан сўнг таомларга қарайди. Одоб билан уларни кузатиб ўтирган ёшлар қимизга ружу қилиб, овқатга қўл узатади. Мирмуҳсин, Меъмор.

РУКН I [a. ركن — асос, устун, таянч; бурчак, бўлим (журнал ёки радиоэшиттиришда)] эск. 1 Устун, колонна.

2 кўчма Асос, таянч. Юсуфбек ҳожжи юқорида ўтган гапларни қуруқ ва асоссиз сўзламаган, балки шу турмушнинг руки ва асосини бир даража айтиб ўтган, Отабек эса буни шу муҳтнинг бир ўғли бўлиб эшитган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. ..тасаввуфнинг саховат, шижоат, садоқат, мурувват, ҳиммат, мардлик, инсоф, ҳаё руқнларини ўзида мужассам этган Алишер Навоийнинг ўзи ҳам том маънодаги комил инсон эди. «ЎТА».

3 ад. Арузда қисқа ва чўзиқ, ўта чўзиқ бўғинларнинг мисраларда муайян тартибда гуруҳланиб такоррланиши.

4 Газета, журналлардаги мазмунан яқин туркум мақолаларнинг сарлавҳаси. «Савдогар» газетаси ўз саҳифаларини бундан-да бойитишни, турли-туман янги руқнлар остида материаллар бериб боришни ўз йиллик режасига киритди. Газетадан. «Қилмишқидирмиш», «Турмуш чорраҳаларида» руқнлари остида берилаётган мақолаларни ўқиган ҳар бир инсон яхшиликка, эзгуликка интилади. Газетадан.

РУКН II Ислонда энг муҳим, ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз саналган бешта вазифанинг ҳар бири: калима шаҳодат, намоз, закот, рўза ва ҳаж ибодати.

РУКУ(Ъ) [a. ركوع — тиз чўкиш, тиз чўкиб сажда қилиш] (3-ш. бирл. — **рукуи**) дин. Намозда бошни эгиш, икки букилиш. Руку қилмоқ. Рукуга кетмоқ. ■ Отабек эса ҳануз **рукуъда**, **сужудда** эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қози домла худди шу турткини кутиб тургандай, рукуни ўртада қолдириб, саждага бош қўйиб юбора қолди. «Шарқ юлдузи».

Рукуга кетмоқ (ёки бормоқ) 1) дин. руку амалини бажармоқ, тиз букмоқ. Қавмлар ҳам намоз қоидасига мувофиқ, рукуга кетдилар. Рукудан сўнг аввал тиз чўкиб, кейин саждага бош қўйганларида, мингбоши кечикиб кириб келди. «Муштум». Холмат ака, рукуъга кетган кишидай, қўл қовуштириб, ерга қараб ўтирди, аммо қулоғи Исомиддиновда эди. Х. Шамс, Душман; 2) узоқ ўйга толмоқ, жим

қолмоқ. Амир Темуру рукуга кетди, узоқ жим қолди ва ниҳоят ҳаммага қараб деди: — Мен тангри қули Темурман. Т. Тўла, Асарлар.

РУЛЕТ [фр. roulette — гилдиракча, ролик < rouler — гилдиратмоқ, думалатмоқ; ўрамоқ, ўраб йиғиштириб қўймоқ] кул. 1 Ҳамир ва ширинликни навбатма-навбат бир неча қават қилиб пиширилган ўрама пирог. Кесилган рулетни дастурхонга тортишди.

2 Тилимлаб майдаланган гўшт ва мол ёки қўй қорнини устма-уст қўйиб ўраб, йўғон қазй шаклида пиширилган яхна овқат.

РУЛЕТКА [«рулет» с. дан] тех. Пўлат, мато ва ш.к. дан ўраладиган тасма шаклида ясалиб, махсус шкала ёзилган узунлик ўлчаш асбоби. Уйнинг бўйини рулетка билан ўлчамоқ.

РУЛОН [фр. rouleau — ўралган нарса; ўрама найча] Найча шаклида думалоқлаб ўралган қоғоз, мато ва б. материаллар; шундай шаклдаги ўрама. Рулон қоғоз. Рулон газлама.

РУЛЧИ с. т. Рулни бошқарувчи киши; ҳайдовчи.

РУЛЬ [голл. гоег — гилдирак] Кема, автомобиль, самолёт ва ш. к. ларнинг ҳаракат йўналишини бошқариш механизми. Трактор рули. Руль чамбараги. ■ Жўрабой бироз ўйлаб туриб, велосипеднинг рулини ушлади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. — Қани, меҳмон, марҳамат, — деди машина эшигини очиб, рудда ўтирган йигит. С. Анорбоев, Оқсой.

РУМИН қ. руминлар. Румин халқи. Румин тили. Румин аёл.

РУМИНЛАР Руминиянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

РУНЛАР, руник ёзув [фин. run — махфий нарса, сир] Скандинавия халқларининг ва б. айрим халқларнинг тош, металл буюмлар ва ш. к. да сақланиб қолган қадимги ёзувлари (баъзи ҳарфларнинг ўхшашлигига қараб, қадимги туркий ёзув ҳам «руник ёзув» деб юритилади). Руник хат. Руник ёзувлар.

РУПИЯ [санск. रुपیه — кумуш] Ҳиндистон, Покистон, Цейлон, Индонезия, Непал ва б. бир қанча мамлакатларда пул бирлиги.

РУПОР [голл. гоерег — бақирмоқ] Овозни, товуш тўлқинларини муайян йўналишда кучайтириб берадиган, конус шаклидаги карнай.

РУПОХ [ф. روپاک — сочиқ, рўмолча] Ипак газламанинг бир тури. Сарик рупоҳ

атлас кўйлакнинг устидан унинг [қизинг] ўртача кўкраги биров кўтарилиб турмоқда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РУС қ. руслар. Рус халқи. Рус тили. ■ Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Газетадан. Мунчоқ кўзи новча киши пахта сотиб оладиган рус савдогарлари ширкатида хизматчи экан. С. Сиёев, Ёруғлик.

РУСИЙЗАБОНЛАР [рус + ф. زبان — тил] Рус тилида сўзлашувчилар. Лекин энг ёмони, бу мактабга унча-мунча одамнинг боласи қабул қилинавермас, ўқувчиларнинг аксарият қисми ё русийзабонларга мансуб, ёки казоларнинг фарзандлари эди. Газетадан. Айниқса, Ҳ. Низомиддинов қаламига мансуб «Зумраша», русийзабонлар учун З. Диёровнинг «Ур, тўқмоқ» асарларининг саҳналаштирилиши алоҳида қизиқиш билан кутиб олинди. Газетадан.

РУСЛАР Россия Федерациясининг асосий аҳолисини ташкил этган, шарқий славянларга мансуб халқ (улар, шунингдек, аксар МДХ мамлакатларида, дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида ҳам яшайди).

РУСЛАШТИРИШ Рус тили ва рус урф-одатларини сингдириш, унга бўйсундириш. Бу эса мустамлакачиларнинг руслаштириш сиёсатига жиддий ғов бўлиб, унга қарши биринчи даражали ишлардан эди. «Фан ва турмуш». Мусулмонлар маорифининг асосида уларни руслаштириш.. ётмоғи лозим, деган XIX аср «рус зиёлилари». Ш. Ризаев, Жадид драмаси.

РУСТА [ф. رسته — ҳолванинг бир тури] Ичига ўрик ёки бодом мағзи солиб тайёрланган парварда. Нусратбекнинг диққатини тақсимчада мантидек териб қўйилган руста ҳолваси тортиди. С. Нуров, Нарвон.

РУСТАМ [ф. رستم] 1 «Рустам» эпик халқ достонининг ҳамда Фирдавсий «Шоҳнома» асарининг анъанавий, афсонавий қаҳрамони номи.

2 кўчма Рустам сингари баҳодир, паҳлавон. Унинг узоқ юртида, кўёш ва гуллар дёри Ўзбекистонда қолган дуоғўй кампир онаси уни — ёлғиз ўғлини эркалар экан, ҳар вақт: «Рустам тойим! Арслон тойим!» деб атамасиди. Ойбек, Кўёш қораймас.

3 Рустам (эркаклар исми).

РУСТАМДАЙ, =дек Паҳлавон каби, баҳодирлардек. Рустамдай йигит. Рустамдай курашмоқ.

РУСТАМНАМО [ф. رستمنامه — доно, бадавлат, забардаст] Паҳлавонларга ўхшаш, паҳлавонларга хос. Тошкентнинг Чуқур қишлоқ деган ерида қозоқлар томонидан очилган ва ҳамшиша рустамнамо кишилар билан айқириб ётган бўзахоналар ҳам йўқ эмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РУСТАМОНА [ф. رستمنا] рви. Паҳлавонларга хос бир равишда; баҳодирона. -Баракалла ғайратларингизга! — деди Азизбек, [қўрғонбегига қараб] — Бугун қипчоқларга рустамона жавоб бериб, ўзларини ҳам итдек қиргансиз! Бунчалик ғайрат кўрсатган фуқароларга раҳмат, дунё тургунча турсинлар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сизлар учун бу — йигитлик, мардоналик, рустамона қаҳрамонлик. Ойбек, Навоий.

РУСТАМЧА айн. рустамона. Урушда ғайрати рустамча борди, Юз қайтармай ул урушда туради. Кўп лашкарни ўзи ёлғиз қиради. «Фольклор».

РУСТАХЕЗ [ф. رستخيز — қиёмат куни, ўликларнинг тирилиши; тўс-тўполон, тартибсизлик] Гавғо, тўполон, кўзғолон, қиёмат. Бехос, қўшин ичра солиб рустахез, От сурди жаҳонгир, қалбимда ларза. Ж. Жабборов, Кўёш юрти.

РУСУМ [a. رسوم — «расм» с. нинг кўпл.] 1 Расм ва одатлар, расм-русумлар; қоида-низоумлар. Мўғуллар шаҳарни жанг русумига мувофиқ камал қилишга киришди. М. Осим, Ўтроф.

2 Мол, товарнинг нави, хили, маркаси.

РУСУМЛИ Русумга эга бўлган, русумга асосланган, маълум марказдаги. Ташкилот кенг турдаги «Газ» русумли автомобилларни таклиф этади. Газетадан. «Нексия», «Дамас» русумли энгил машиналар — булар бари Нурилла бобога тегишли. Газетадан.

РУСУМОТ [a. رسومات — расм-одатлар; белгилар] эск. кт. Русум; русумлар. Русумоти жанг. ■ Кенг, баланд, серҳашам итак чодирда [Хусайн Бойқаро] беклари билан «Русумоти жанг» ҳақида сўзлашди. Ойбек, Навоий.

РУСЧА 1 Русларга, рус халқи, тили ва маданиятига оид, рус халқига хос бўлган. Русча рақс. Русча кийим.

2 Рус тили. Русча(ни) биласизми? Русча гапирмоқ. ■ Сабоғул, одатича, сўзларни бузиброқ русча гапирарди. С. Кароматов, Олтин қум.

РУСЧАЛАМОҚ с. т. Рус тилида гапирмоқ. [Полиция] Одамларга ўтириш учун кўполгина ишорат қилди. Кейин тўхтовсиз сўқиб, жаҳл билан Йўлчига русчалаб бир ни-ма деди. Ойбек, Танланган асарлар.

РУТА [лот. ruta] Тошбақатоғлар оиласига мансуб кўп йиллик доривор ўт ёки чала бута ўсимлик.

РУТБА [а. رتبة — даража, унвон, обрў; лавозим; яхши хислат] эск. Унвон, даража, мартаба. Хусайн Муродбек юксак рутбани эгаллаб турса-да, бир қадар инсофли, раиятга кўнда зуғум қилавермасди. С. Сиёев, Аваз. Ўлтиришда ҳар ким ўз рутбасига муносиб ўринни ишғол этди. Ойбек, Навоий. Барча талабалик рутбасига эришганлар қатори мен ҳам бу давринг шоду шодон лаҳзаларини асло унутмайман. Газетадан.

РУТЕНИЙ [лот. Ruthenia — Русь, Россия давлатининг номи] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; платина металлари гуруҳидаги металл.

РУТУБАТ [а. رطوبت — намлик, захлик] 1 Бирор нарсадаги намлик, захлик. Ҳавонинг рутубати. ■ Ҳафталаб ёққан ёмғир борлиқни намиқтириб, рутубатга чулғади. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. Дарахтлар куртак отиб, анча бўртиб қолган бўлса-да, ҳаво рутубатга чулғанган. С. Кароматов, Олтин кум. Шаббода овулга оралаб ўтди. Сўнги рутубатни боғлардан қувиб. А. Мухтор.

2 кўчма Ғам, мусибат. Рутубатдан юз берган дунё, Дунё янги дунёни чорлар. У. Кўчқор, Ҳаяжонга кўмилган дунё. Дегилки, борини айтмоқдин озжиз, Рутубат тушмагай бахтига ҳаргиз. Т. Тўла, Асарлар.

РУТУБАТЛИ 1 Рутубати бўлган; нам, зах. Кузининг рутубатли оқшоми эди, Боғлар сокингина чекар эди оҳ. Рўҳимда бир ҳазон айёми эди, Ажиб гўзалликка дуч келдим ногоҳ. А. Орипов, Онажон. Қош қорайган эди. Далалардан рутубатли совуқ шамол эсиб турибди. А. Мухтор, Чинор. Тунги рутубатли ҳаво баданни жунжиктиради. Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

2 кўчма Ғам-ғуссали, киши эркини бўғадиган; ифлос, чиркин. Шунда рутубатли бадбўй бу шаҳар Кўзимга чарақлаб Фарғона бўлди. Э. Воҳидов, Келажакка мактуб. Эртага у диққинафас, рутубатли Ҳиротдан чиқиб кетади, шу йўсин билан бир йўла у

беадад ғаму ғуссадан ҳам қутулади! [ўйларди Меъмор]. Мирмуҳсин, Меъмор. Саройнинг фисқу фужурга, фаҳшга тўла рутубатли ҳавосию мармар ҳовузлардаги фавворалар салқини.. — барча-барчаси ўтмишга чекинди. С. Сиёев, Ёруғлик. Беш йил «ғоя»учун қаттиқ берилиб, рутубатли ҳужрада захлаб.. йигирма саккиз ёшида «хатми кутуб» қилишга муваффақ бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РУХ I [ф. رخ — тўра, рух] Шахмат ўйинида: тахтанинг икки четки қатор охиридаги катакларда жойлашадиган ва тикка ҳамда ёнлама йўналишда истаганча юра оладиган сипоҳ; тўра. Рухни сурмоқ. Рухни юрмоқ.

РУХ II [ф. رخ — юз, бет; ёноқ] эск. поэт. Кишининг юзи; рухсор. Лабларинг остидаги холиндин айлансун қулинг, Лоладек гул-гул рухи олиндин айлансун қулинг. Фурқат.

РУХ III [ф. روى — рух; қалай; бронза, сариқ мис] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оч зангори рангли, қумуш каби ялтироқ металл. Рух купороси. Рух қотишмалари.

РУХLIII Металл буюмларнинг сиртини коррозиядан сақлаш учун уларнинг сиртига рух қатлами ёки қотишмаси югуртириш ёхуд сиртини рух қатлами билан тўйинтириш.

РУХСАТ [а. رخصت — ижозат, изн; ижозат (розилик) қоғози] 1 Бирор ишни бажариш, қилиш, амалга ошириш учун шу ишга тааллуқли ёки жавобгар киши, орган, ташкилот ва ш. к. томонидан берилган ижозат, розилик жавоби. Рухсат бермоқ. Рухсат олмақ. ■ Жаноблар! Менга рухсат беринглар, бориб отамга қарашим керак. Ҳамроҳ бўлганингиз учун ташаккур! Мирмуҳсин, Мемор. — Бунақа жиддий нарсаларни ёзиш учун бош редакторнинг рухсати керак, — деб баҳона қилдим. С. Аҳмад, Сайланма. Аззам Зоҳидовичдан рухсат сўраб, дўстимнинг ишхонасига йўл олдим. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 кесим вzf. Ғавоб, ижозат (“сиз бўш-сиз”, “кейтишингиз мумкин” маъносига). Сизга рухсат! ■ Менга рухсатми, бек? Азизбек йўл устидан ҳожига қаради: — Рухсат, эртага чойни ўрдага келиб ичинг! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РУХСАТНОМА [рухсат + нома] 1 Ёзма равишда берилган ижозат, рухсат. Навбатчи

полициячилар рухсатномани кўриб, бизни ичкарига қўйишди. «Фан ва турмуш».

2 иқт. айн. лицензия 1. ..четга чиқариладиган маҳсулот учун рухсатнома бериш тартиби анчагина соддалаштирилди. Газетадан.

РУХСАТНОМАСИЗ иқт. Махсус рухсатномаси, лицензияси бўлмаган, шундай рухсатнома олмаган. Ўз маҳсулотини рухсатномасиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилган бундай корхоналар сони бугунги кунда 800 га етиб қолди. Газетадан.

РУХСАТСИЗ Рухсат сўрамай; рухсат берилмагани ҳолда, ижозатсиз. *Уста Олим қутидорга кулумсираб олгач: -Рухсатсиз меҳмонхонангизга кирганим учун кечирасиз, — деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

РУХСОР [ф. رخصت — ташқи кўриниш, қиёфа; юз, бет; ёноқ] 1 Кишининг юзи; бет; афт-ангор, чеҳра. *Хуросонда бир дарбоза бор, Остонаси гулга кўмилган, Унда яшар бир пари рухсор.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Бир зумлик безовта ўйлар сўнгиди Яна рухсорингга тикиламан жим. А. Орипов, Юртим шамоли. Ранги синиқиб, таранг рухсорига ажин тушди. С. Кароматов, Сўнгги бархан. Унинг рухсори Аҳмадга танишдай туюлди. «Ёшлик».*

2 кўчма Кўриниш, қиёфа. *Ҳозирги Мирзачўлининг рухсори бус-бутун бўлакча. М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.*

РУЧКА [р. ручка — қўлча; даста, дастак, тиргак] 1 Ёғоч ёки пластмассадан қилинган, бир учига перо ёки ичига ранг билан тўлдирилган стержень ўрнатиладиган чўзинчоқ тутқич — ёзув қуроли. *Абдураззоқ рўчкани сиёҳга ботириб, ҳафсала билан, худди сурат чизаётгандек қилиб имзо чекди. С. Аҳмад, Сайланма. Ширинхон столга сурилиб, сиёҳдонга тироглик турган рўчкалардан бирини олди. С. Зуннунова, Олов. Ҳозир ёзув-чизуви шарикли рўчкаси тасаввур қилиб бўлмайди. «Фан ва турмуш».*

2 с. т. Даста. *Эшик рўчкаси. Дераза рўчкаси.*

РУҲ 1 [а. روح — жон, ҳаёт, кўнги; арвоҳ] 1 дин. Киши ҳаётлигида у билан бирга, вафотидан кейин эса танадан чиқиб, абадий қоладиган кўзга кўринмас нарса, куч; арвоҳ. *Рўх танадан чиққач, тана ўлади. «Фан ва турмуш».* Ҳозир унинг рўҳи, Сидқийнинг арвоҳи *Мадина орқасидан эргашиб кетаётгандай кўринарди. Мирмуҳсин, Чодрали аёл.*

Ҳаёлан унинг рўҳига сиғинади, ундан мадад истайди. С. Сиёев, Ёруғлик.

РўҲИ пок [а. + ф. روح پاک] Тоza, покиза ном, хотира. *Шу кунди дошқозонда ош дамлашиб, ўтган улғ аждодларимиз рўҳи покиза дуойи фотиҳалар қилинди. Газетадан. Рўҳи раво [а. + ф. روح روان] Ҳаракатдаги, юриб турган қон, жон. *Туйғуларим тугёнидан беҳабарсан, Тегма бир дам, гўзал, рўҳи равонимга. Т. Тўла, Асарлар.**

2 Кишининг ички ҳолатини, психик кечинмаларини, ҳис-туйғуларини акс эттирувчи кайфияти. *Кўтаринки рўх. Унинг рўҳи кўтарилди. ■ Эрталабки соф ҳаво унинг рўҳини енгиллатиб юборди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Умиднинг уларникида меҳмон бўлганини эшитган Ҳафиза бирдан рўҳи кўтарилиб, хурсанд бўлиб кетди. Мирмуҳсин, Умид. Кўтидор ҳали ҳам Отабекнинг рўҳига тушуна олмаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Йўлчининг] Кўкси гоҳ юпантирувчи кечинмалар билан, гоҳ бутун рўҳига сингган тотли ҳасрат билан тўла эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Кишининг ички дунёсини, маънавий қиёфасини, ўй-фикрларини, маслак ва мақсадларини акс эттирувчи кайфияти. *Миллий рўх. ■ Саида Зуннунованинг ижоди ҳам бошдан-оёқ мана шундай ифтихор рўҳи билан суғорилгандир. Газетадан. Болаларни Ватанга муҳаббат рўҳида тарбиялайдиган ўйингоҳлар керак. «Саодат». [Ҳожиди] Мажлиснинг Ниёз қушбеги рўҳида боранлигини яхши сезди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Васила Назаровна бу қизнинг рўҳида буйсунувчанлик эмас, исёнкорлик борлигини кўриб, тутақиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.**

4 Кибр-ҳаво, димоғ. *Манманлик рўҳи. Катталиқ рўҳи.*

5 Кишининг умумий кайфияти, кайфаҳволи. *Рўҳи сўлғиннинг иши сўлғин, Рўҳи тетикнинг иши тетик. Мақол. ■ Шу кунди Гавҳар ланж бўлиб уйғонди. Унинг рўҳи тушиб кетган, нимадан хафалигини ўзи ҳам билмас, лекин ҳеч ишга қўли бормасди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Рустам қоронғи тушиб қолган кишлоқ кўчасидан рўҳи чўккан аҳволда юриб бораркан, ҳадеб шу саволни такрорларди: -Нега олади? Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Ўжар рўҳим, жангари рўҳим, Бир зумгина ўйга толсангчи. А. Шер, Қадимги куй.**

Рухи енгил тортмоқ (ёки енгиллашмоқ) 1) соғайиб, тузалиб ёки ҳордиқ олиб, ўзини енгил, дуруст ҳис қилмоқ. *Бугунги осойишта уйқу Пулатжонга анча қувват киргизди, ўзини тетик, руҳини енгил сеза бошлади.* Ойдин, Садаған бўлай, командир. *Ат-рофга суқланиб қараркан, кўнгли нимадандир шодланди, руҳи енгиллашди.* «Ёшлик»; 2) иши енгиллашиб, ўнгланиб, хоотири жам, кайфи чоғ бўлмоқ. *Самандарнинг руҳи анча енгил тортди, яна чорбоққа ўтди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Сергей Петрович унинг кўнглини кўтариб ҳазиллашар, у ердан Адолатнинг руҳи енгил чиқарди.* С. Зуннунова, Гулкан. **Рухи тетик** Кайфияти яхши, димоғи чоғ, хурсанд. *Уч кундан бери Алимардон шод, руҳи тетик эди. Бутунлай соғайиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Бунақа обрў кимнинг тушига кирибди дейсиз. Рухим тетик, бир гапириб, ўн куламан.* С. Аҳмад, Сайланма. **Рухи тушмоқ ёки руҳини туширмоқ** Рухий тушқунликка берилмоқ; ҳафсаласи пир бўлмоқ, кайфияти ёмонлашмоқ. *Бировга айтиб, тушунтириб бўлмайдиган ҳасрат уйқуни, дармонни қочириб, руҳини тушириб, бир ҳолатга келтиради одамни.* А. Мухтор, Туғилмиш.

6 Аъло кайфият; бардамлик, тетиклик; ҳузур, завқ. *Отабек сунбул исли сочлардан руҳ олар, Кумуш гуё унинг бағрига сингди кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 кўчма Жонлилик, файз. *Навоий уй ичига кириши билан мажлисга руҳ кирди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Ўйин қизиб борар эди, уйнинг дарича, зишклари бекланиб, тоқчаларга шам ёқилгандан сўнг, базмнинг руҳи яна ошди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 Ортиқ завқ; пафос. [Султонмурод] *Дустининг шеърларида бўлган нуқсонларини едириб кетиш учун кўпроқ завқ ва руҳ билан ўқишга тиришди.* Ойбек, Навоий.

9 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к. нинг боришидаги, йўналишидаги характерли хусусият. *Замон руҳи.* — *Иншоолло, шу йигит мизрабози булар!* — *деди Сафар бўзчи суҳбатнинг руҳини билмаган ҳолда.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Яхши асар яратиш учун аввало замон руҳини тушунмоқ керак.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Изланиш ва ижодкорлик руҳи лаборатория муҳитини белгилайди.* Газетадан. *Адабиёт ҳамиша навқирон кучлардан қувват олади, улар ҳисобига*

бойиб, янгича руҳ ва йўналишлар касб этади. «Ёшлик».

10 Маслак, таълимот, ҳужжат ва ш.к. нинг асосий моҳияти, улар негиздаги белгилловчи ғоя. *Қонуннинг руҳи. Конституциянинг руҳи.*

11 флс. Маънавий-руҳий, номоддий ибтидонии фодоаловчи фалсафий тушунча; онглилик ва онгсизлик бирлигини ифодоаловчи фалсафий категория.

РУҲАН [a. روحا — маънан, ахлоқан, ичдан] *рвш.* 1 Рухий жиҳатдан; руҳий. *Рухан эзилди, бутун вужуди билан унсиз йиғлади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Ҳавотири ва ҳаяжондан руҳан қаттиқ чарчаган Адолатнинг кўзи шиланди.* С. Зуннунова, Олов. *Одам табиатга яқинлашиб, уни теран ҳис қилгани сари, ўзини руҳан бардам сезади.* Газетадан.

2 Хаёлан, фикран. [Йўлчи] *Кўкракдан оққан қонга беланиб ётса ҳам, у фикран, руҳан жангда — курашда эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

РУҲАФЗО [a. + ф. روح افزا — жон бағишловчи, жонбахш, тирилтирувчи; тетиклантирувчи] *кт.* Рухни кўтарадиган, жонга руҳ бағишлайдиган, жонлантирадиган. *Рухафзо ҳаво.* — *Яқинлашиб қолди дарёи азим, Рухафзо салқинин сезар жону тан.* Ж. Жаббаров, Кўёш юрти. *Бугун кечқурун.. кинотеатрдан чиқишимиз билан, руҳафзо ҳаво бизни оғушига олди.* «Ёшлик».

РУҲБОН [a. رهبان — «роҳиб» с. кўпл.] *эск. кт.* Рухонийлар, роҳиблар. — *Мазкур томошаларни руҳбонлар, давлат арбоблари, бош қўмондонлар, шаҳар улуғлари кўришга ҳақлидир, — деди Доғиш.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

РУҲИЙ [a. روحى — маънавий, ботиний, ахлоқий] 1 Кишининг руҳига, руҳий кайфиятига, ички кечинмаларига оид, улар билан боғлиқ бўлган. *Рухий ҳолат. Рухий кўтаринкилик. Рухий эзилиш.* — *Муттасил руҳий азоб чеккан одам ҳамиша янги зарбаларга чоғланиб туради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳафиза ноумид уйга келди. У сўнги, кайфи паст эди. Баъзи қизларга ўхшаб ички руҳий ҳолатини яшира олмас — хафалиги дарров билиниб қоларди.* Мирмуҳсин, Умид.

Рухий енгиллик (ёки тетиклик) Кайфияти яхшилик, димоғи (кайфи) чоғлик, хурсандлик. *Касалдан турган ҳар қандай одамда бўладиган алланечук бир руҳий ен-*

гиллик унинг ҳам қалбига қувонч тўлдирди. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кечаги бахтиёр дамларини эслашнинг ўзиёқ Ёдгорга баланд бир руҳий тетиклик берган эди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Руҳий касалликлар** Бош мия фаолиятининг бузилишидан келиб чиқадиган, руҳий фаолиятнинг функционал ўзгаришидан то унинг бутунлай бузилишигача бўлган ҳолатларда намоён бўлувчи касалликлар.

2 айн. маънавий 1. Руҳий озиқ. ■ Аллаларда онанинг руҳий дунёси, фарзандга бўлган муҳаббати, орзу-ўйлари акс этади. «Саодат». Унда атрофимизда бўлаётган экология ҳалокати эмас, балки руҳий оламнинг ҳалокати акс эттирилган. «Муштум». [Суннатилло махсум Шукруллога:] Сен уларга руҳий озиқ берасан, мен моддий томондан суюйман. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

РУҲИЯ [a. روحه – руҳий ҳолат, кайфият] **1:** аҳволи руҳия эск. кт. қ. аҳвол. Бировнинг аҳволи руҳиясига қараб иш қилмоқ. ■ У қўрхонага бу йил қанча милтиқ, тўп, ўқ-дори келтирганини айтди, рус ҳарбийларининг аҳволи руҳияси, ўқитиш усуллари, қурол-асҳаларининг қаерда, қай тарзда сақланаётганини билдирди. С. Сиёев, Ёруғлик. Донолар шундай, одамни бир кўришдаёқ унинг аҳволи руҳиясини билишади. С. Нуров, Нарвон.

2 Ташқи кўриниш, қиёфа, авзо. Яна ўн минутлар ўтар-ўтмас катта зал зинапоясига Ҳафиза пайдо бўлди. Ҳаммадан аввал унга Умид тикилди, аммо унинг руҳиясидан ҳеч нимани пайқамади. Мирмуҳсин, Умид.

РУҲИЯТ [a. روحيت – руҳий ҳолат, психика] Руҳий кечинмалар мажмуи, руҳий ҳолат. Алла нафақат ухлатилаётган гўдак қалбига, балки кишилар руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. «Саодат». Боғларга, маданият уйларига, майдонларга, кўчаларга берилаётган номларнинг халқ руҳиятига ўтказадиган таъсирини фақат зукко одамларгина англайдилар. «Муштум». ..Кишиларимиз онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини буй-баста билан кўрсатиш ижод аҳли олдида ўта долзарб вазифа бўлиб турибди. Газетадан.

Миллий руҳият Миллатнинг ички ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маъна-

вий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслаклари билан боғлиқ мулоҳазалар мажмуи. *Миллий руҳиятни мазмунан ва шаклан бойитиш.. янги поғонага кўтариш мустақилликнинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир.* «Мустақиллик» луғати.

РУҲЛАНМОҚ Руҳий кўтаринкилик касб этмоқ; илҳомланмоқ, рағбатланмоқ. *Бойқаронинг зафар гурури билан руҳланган йигитлари душманни янчиб, даҳшатли сурон билан уни таъқиб этдилар.* Ойбек, Навоий. [Элмурод] Гулсумнинг ҳар бир сўзни жону дили билан тинглашидан руҳланди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

РУҲЛИ 1 Кўтаринки руҳдаги, руҳи баланд. *Йигитли жой салобатли, қаҳрамон руҳли бўлади.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

2 Жонли тус олган, жонли, завқ-шавқли. *Тўй жуда ҳам руҳли.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қурилиш кундан-кунга қизиқроқ, руҳлироқ давом этди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

РУҲОНИЙ [a. روحانى – руҳий, маънавий; диний; диндор] Дин пешвоси, дин йўлида, диний лавозимда хизмат қилувчи, уни тарғиб этувчи диний киши; диндор. *Эрта билан Султон Абусаид мирзо Бухоронинг руҳоний ва номдор кишиларини чорлаб, улар билан қисқа мулоқотда бўлди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Зоҳир шайх, оғасидек руҳоний бўлгани билан, оғаси каби арзимаган нарсага ловуллоб кетадиган тажсанг, жаҳлдор эмас, кўнгилчан, раҳмдил киши эди.* С. Сиёев, Аваз.

РУҲОНИЯТ [a. روحانيت – руҳонийлар; руҳонийлик; руҳий-маънавий куч, таъсир] эск. кт. Руҳий-маънавий куч-қувват, маънавият. *Масжид минорасидан руҳоният ёғдириб мунгли азон товуши эшитилди-да, уйқу кучоғида ётган табиат уйғониб жавоб берган каби янграб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

РУҲПАРВАР [a. + ф. روح پرور – жонлантирадиган, ҳаётбахш; руҳлантирувчи] Руҳни парвариш қилувчи; руҳлантирувчи. *Эсиб ҳар соридин бўстонлар ичра руҳпарвар ел, Масиҳо муъжизидин ҳар нафас урғуси дам сахро.* Огаҳий. *Руҳпарвар овозим тинмагай абад.* «Ёшлик».

РУҲСИЗ 1 Руҳи паст, жонли тус олманган, шавқ-завқсиз. *Руҳсиз тўй. Руҳсиз ҳаёт.* ■ *Мажлис очилмаган, очилса ҳам руҳсиз-*

роқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уста Сирожиддин "Наво"ни, дарҳақиқат, руҳсиз, ёмон чалди.* Мирмуҳсин, Созанда. *Абдурахмон.. бир неча ойлар ниҳоятда руҳсиз, кайфсиз ва дарсига ҳам ҳафсаласиз давом этиб юрди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бўш, ланж, кайфиятсиз. *Ўзининг руҳсиз товуши билан Ойша буви ҳам гапга аралашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тонгда руҳсиз кўз очаман, Қовурилар танда жон. Онажоним, бундай қилма, Бундай қилма, онажон.* А. Орипов, Йиллар армони.

РУҲСИЗЛАНМОҚ 1 Руҳий тушқунлик кайфиятига берилиб умидсизланмоқ, дилликни қўлдан бермоқ. *—Шунча одамнинг мислсиз қийноқларда жон берганини кўрган жангчилар, мағлубиятга учрагандан баттар эсанкираб, руҳсизланиб қолдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Жонлиликни, қизгинликни йўқотиб, қизиқарсиз, ўлик тус олмақ. *Мажлиснинг бунчалик руҳсизланиб, маъюсият [маъюслик] ичида қолишига Гулсунбиби чидаб туролмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бундан сўнги суҳбат жуда руҳсизланиб кетди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

РУҲСИЗЛИК Руҳий тушқунлик кайфиятига берилиш, умидсизлик, завқшавқсизлик. *Уйга келсангиз, аллақандай кўнгилсиз, жимжит руҳсизлик сизни қарши олади.* Ойдин, Икки кўзи шунда. *Тоштемир хонасига кириб, чироқни ёқди. Руҳсизлик билан хона ичини кўздан кечира бошлади.* «Ёшлик».

РУҲШУНОС [a. + ф. روحشناس — руҳни текширувчи, ўрганувчи] Психология олими, мутахассиси. *Таниқли руҳшунос олимлардан бири А. Пере-Клермон ижтимоий ривожланиш манбалари хусусида эътиборли фаразларни олдинга суради.* «Фан ва турмуш». *—Инсон руҳиятида юқоридаги каби қақириқлар, асосан, киши руҳий зарба ёки ҳаяжон остида бўлганда юз беради, — дейди кўпчилик руҳшунослар.* Газетадан.

РЭКЕТ [ингл. gasket — шовқин, тўполон; қўрқитиш, дўқ-пўписа] Зўрлик, қўрқитиш орқали, товламачилик ва тамагирлик, дўқ-пўписа, зўравонлик ва б. йўллар билан бирор нарса ундириш. *Шаҳарда жиноятнинг олдини олиш борасида.. коррупция.. рэкетга нисбатан бешафқат кураш олиб борилмоғи лозим.* Газетадан. *Вилоятда ташкил қилин-*

ган рэкетга, террорчиликка, коррупцияга қарши курашиш бўлими, умуман, қониқарсиз аҳволда ишламоқда. Газетадан.

РЮКЗАК [нем. Rucksack < Rucken — орқа, орқа томон + Sack — халта, қоп] Кўш тасма билан орқага осиб юриладиган сумка, юк халта. *Оҳиста бориб, девор тагига қўйган рюкзagini очди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Шерали орқасидаги рюкзакни каравоти тагига қўйиб, Зарифага қўл узатди.* С. Кароматов, Олтин кум.

РЮМКА [нем. Römer — вино ичиладиган яшил шиша идиш] Спиртли ичимликлар ичиладиган кичкина шиша идиш; кичкина қадаҳ. *Стол устидаги шамларни ёқишиб, биллур рюмкаларга вино қўйишди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар. *Жавлон қўлларини бир-бирига завқ билан ишқаб, стол устидаги фужер, рюмкаларни нари-бери қилиб, текислаб қўйди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *—Қани, Зокиржон, — деди [Мирсаид]. — Биринчи рюмкани сиз учун кўтарамиз.* П. Қодиров, Уч илди.

РҮБАРҮ [ф. روبرو — юзма-юз; рўпарада, қарши томонда] Қарама-қарши томон; қарши, рўпара. *Рубару бўлмоқ. Рубару келмоқ. Рубару қилмоқ.* ■ *Кунлардан бир кун жўрттага ташқари ҳовлига чиқиб, унинг [Зулфиқорнинг] йўлида рубару бўлди.* Мирмуҳсин, Мезмор. *Уларга [врачларга] рубару бўлсанг, албатта, бирор касал топишади.* «Ёшлик». *Рубару келдинг сен тошқин дарёга, Қолдинг соҳил узра чорасиз, гирён.* А. Орипов, Йиллар армони. *Рубару келмоққа йўқ бизда тоқат, Такрор учраштирар бизни бу кўча.* У. Кўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

РҮВАК [ф. روك] 1 Бир турли попукли ўсимлик.

2 Баъзи ўсимликларнинг (мас., қамишнинг) тўпгули, попуги. [Қамиш] *Гуллаш олдидап ноёси учидо рўвак ҳосил қилади.* М. Тўйчиев, Қамиш.

РҮВАКУТ Бошоқдошларга мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми.

РҮДАПО [ф. روده < روده پای — ичак + پای — оёқ; ичаксимон оёқлари бўлган баҳайбат махлуқ; саккизоёқ] 1 Сўрғичли саккизта катта пайпаслагичи бўлган денгиз ҳайвони, спрут. *Кўчада оёқлари, маталларда айтиладиган рўдапонинг оёқларидай, бир-бирига ўралиб бораётган қўрқинчли бир ажойиб нарсани кўрдим.* С. Айний, Қуллар.

2 кўчма Ҳар қандай баҳайбат, ваҳимали нарса. - *Бир оёғим тўрдаю бир оёғим гўрда, ажал деган рўдаю эшикнинг тирқишидан мўралаб турибди-ю, қолган беш кунимга шукур қилмай, яна орзу-ҳавас қилайми, айланай овсин? — деди Шукур кампир.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. У танкнинг мотор қисмига ёндирувчи бутилка ташлади, шекилли, ловуллаган темир рўдапонинг қорнидан офицер ўзини улоқтирди-да, тўппончасини тепадаги аллакимга берди. Ойбек, Қуёш қораймас. *Рўдаю булутлар, сийқа тангадек хира ялтираб турган кўёшни ютиб юборишга ошиқади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

3 кўчма Бичими келишмаган, беўхшов, бесўнақай кийим ёки ёпинчиқ. - *Баҳрингиз очилбди, ойи. — Очилганда қандай! Шу рўдапони ёпиниб, умримни хазон қилган эканман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ичкари уйларнинг биридан, липпасига қистирилган рўдаю кўнғир кўйлагининг этагини шошапиша тузатган кўйи, семиз, бадқовоқ хотин чиқиб келади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

4 Кўпол, қовушмаган одам. *Ҳабиба хоним.. Валхоннинг кўз очиб кўргани, Техрон ва Кобулга номи кетган савдогарнинг қизи. Майна-чи? Қишлоқи, саҳройи, рўдаю бир қиз.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *«Бутам»лаб туриб, жонимни олади, шекилли, бу рўдаю, дея хаёлланди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

РҮЁ [а. رؤىاء — кўриш; туш кўриш, тушда кўрилган нарса] Мавжуд бўлмаган нарса, ҳодиса. *Агар алдамаса шу совуқ симлар, Гар шул эшитганим бўлмаса рўё, Сен бешик эмасан, дорсан, табиат, Сен она эмассан, жаллодсан, дунё!* А. Орипов, Юртим шамоли. *Нечун рўёларни тан олиб, таниб, Менинг борлигимга келтирурсан шак!* Т. Қаҳҳор, Оқ ўриқ. *Билмайсан: ҳақ қайда, қайдадир рўё, Қоқилиб кетгандек бўлаверсан Кафт каби тептекис жойда ҳам гўё.* Газеталар.

РҮЁБ [ф. روى آب — сув юзаси, сатҳи: маълум бўлиш, воқеланиш]: **рўёбга чиқмоқ** 1) юзага чиқмоқ, амалга ошмоқ; ушалмоқ. *Иншоолло, шу кунларда халқнинг озодлиги учун жонини тиккан жасадларнинг эзгу ниятлари рўёбга чиқиб, уларнинг авлодлари мустақилликнинг гаштини сурмоқдалар.* Газеталар. *Турмушда кишининг тузган режалари ҳамма вақт ҳам рўёбга чиқа бермас экан.* О. Ёқубов,

Икки муҳаббат; 2) намоён бўлмоқ, воқеланмоқ. *Фикр тил материали базасидагина рўёбга чиқади;* 3) айн. **рўшноликка чиқмоқ** қ. **рўшнолик**. *Боёқиш анча рўёбга чиқиб қолди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

РҮЖА с. т. қ. **рўжо**. *Эрталаб Тўпа хола ўзини бироз енгил ҳис қилди. Ҳамма ёқ озода, оқ рўжа, тувакда гуллар.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

РҮЗ [ф. روز — кун, кундуз пайт, бир кеча-кундуз; сана; давр] *кт.* Кун, бир кун. *Рўзингни сот, рўшнолик ол.* Мақол. ■ *Ул муртаддин.. жаноби тождорга ҳар рўз, балки ҳар соат хавф бордир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Рўзи азал [ф. + а. روز ازل — қадим вақтлардан, эскидан] Ўтмишдан, аввалдан. *Рўзи азал қиз қисматида Эрга тегмоқ одати бордир.* Х. Олимжон. **Рўзи қиёмат** [ф. + а. روز قيامت — одамлар қайта тириладиган кун] қ. **қиёмат**. *Тонгла рўзи қиёматда қилгай кавсардан шароб, То ўлгунча сени истар бахти қаро Гулшароб. «Нурали». Жумла мўмин ийғалайдур рўзи қиёмат, қайдасиз? Эй падар, жаннатмакон, пийрибадавлат, қайдасиз? Н. Аминов, Суварак. [Мастура Мирзараимга:] Сизни деб қора бўлган бу юзларимни байтуллога суркамай ўлсам, рўзи қиёматда қандай бош кўтараман? Ҳамза, Паранжи сирлари.*

РҮЗА [ф. روزە — рўза, кундузги иш] 1 *дин.* Мусулмонларнинг ҳар йили бутун рамазон ойи давомида дунёвий ишлардан ўзини тийиб, бутун кун бўйи ҳеч нарса емай-ичмай юриш урф-одати; исломдаги бешта рукн (фарз) дан бири. *Рўза тутмоқ. Рўзани очмоқ. Уттиз кун рўзанинг бир кун байрами бор.* Мақол.

2 с. т. Рамазон ойи. [Саховатли бойларнинг] *У рўзадан бу рўзага берадиган садақаси дарёдан томчи эмасми? Ойбек, Танланган асарлар.*

РҮЗНОМА [ф. روزنامه — газета; эсдалик, кундалик] 1 *эск.* Мажлиснинг кун тартиби. *Пирмат аълам мажлисни очиб, рўзномада озиқ-овқат ва думахонага сайлов масаласи турганлигини эълон қилди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Мажлисни жамоа шўросининг топшириғи билан Жура батрак очди.. Каримов раислики олиб бораркан, рўзногани эълон қилди.* Х. Шамс, Душман.

2 с. т. қ. **газета**. *..рўзнома ва ойномаларни вилоят аҳолисига ўз вақтида етказиб бериш*

керак. Газетадан. *Бугун, шахримизда улкан анжуман йиғилган аснода, мен рўзномада эълон қилинаётган ихчамгина мақоламда узоқ тарих ҳикоясига берилиб кетмоқчи эмасман.* Газетадан.

РЎЗҒОР [ф. روزگار — давр, вақт; тақдир, насиба; мавқе, ҳолат, шарт-шароит; қулай имконият; олам, жаҳон] 1 Ўзига мустақил ҳар бир оила, ҳар бир хўжалик. *Аёлнинг сариштаси — рўзғорнинг фариштаси.* Мақол. ■ *Сени деб уйимдан, рўзғоримдан кечдим.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳа, дуруст, ишга яроқли полвондек йигит бўлсанг, рўзғорга бош бўласан энди, ўғлим.* С. Кароматов, Олтин қум. *Шу найтагача доим рўзғор иши билан банд бўлган Маликашон заводга ишга кириб кетди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 Шундай оила ёки хўжаликка тегишли ва унинг тирикчилиги учун зарур анжом-ашёлар, икир-чикирлар. *Рўзғор зийнати — ўтин, Уй зийнати — хотин.* Мақол. ■ *Қўшу омон, бош айланмас кичик қўрғон, Овқат-рўзғор, қавшай десанг — оби ёвгон.* Ф. Фулом, Танланган асарлар. *Агар бошқа одам бўлганда, Маҳфузага туғри йўл кўрсатар, рўзғорини бутлаб олишни ўргатарди.* Газетадан. *Қодир бутун рўзғор ташвишларини зиммасига олишга мажбур бўлди.* «Ёшлик».

3 Турмуш, оила. -*Катта қизининг рўзғорини ҳам шу кампир бузган. Магазинда ишлайдиган топармон-тутармон бир йигитни ичкўёв қилиб, роса соғиб ичди, — деди келин.* С. Аҳмад, Чўл бургут. *Буларнинг ҳам айримларининг рўзғор, фарзандлари бор, баъзилари эрта-индин узатиладиган бўлиб, бўй этиб турибди.* Газетадан.

Рўзғор кўрмоқ 1) қ. рўзғор қилмоқ 1. *Ҳали Бодомулнинг тупроғи совимай, янгисини топибди. Бирон марта рўзғор кўрмаган, не не йигитлар кўзини куйдирган бу тамтам қиз унинг тузоғига тушиб қолганига сира тушунолмасди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Ахир мен ҳам рўзғор кўрган эдим.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) қ. рўзғор қилмоқ 2. *Рўзғор кўрса, тушуниб қолар, деган фикрига Марзия холага таскин берар, келинча ҳам буларнинг ҳаммаси вақтинчалигини уқтириб, кўнглини овларди.* С. Зуннунова, Кўк чироқ. **Рўзғор тебратмоқ** Оилани иқтисодий жиҳатдан таъминламоқ, оилани боқмоқ, У[Маҳмуд Торобий] ўзининг *Муҳаммад ва Али исмли икки укаси билан саҳардан то шомгача меҳнат қилиб, катта*

рўзғорини тебратиб турарди. М. Осим, Маҳмуд Торобий. *Бу пальтони меҳнат қилиши, пул топиши, рўзғор тебратиши мумкин бўлган соппа-соғ шу қўллари билан бировга элтиб берадими?* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. **Рўзғор қилмоқ** 1) оила кўрмоқ. *Карим қандай ақли йигит. Бечора ота-онасиз етим ўсди. Рўзғор қилишни тоқатсизлик билан кутяпти.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) ўз хўжалиги учун зарур анжом тўпламоқ, бойлик орттирмоқ. *Шунчали рўзғор қилиб, лоақал юмшоқроқ нон едирмасак.. Киши жуда ҳам уялади!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

РЎЗҒОРИ Рўзғорга эга бўлган, рўзғор қилган; оилали. *Уй-рўзғорли киши.* ■ [Яхшибобов:] *Айниқса, менга ўхшаган катта рўзғорли одамга — вақтида йиғинмаган эканман, кейин бола-чақани ҳам эринмай кўнайтирибмиз — оғири энди елкага тушяпти.* М. М. Дўст, Лолазор.

РЎЗҒОРХАЛТА Рўзғор учун керакли, рўзғорда ишлатиладиган катта халта. *Савдосотиқ учун юртма-юрт кезадиган, кунора зил-замбил рўзғорхалта билан бозордан қайтадиган, нозик жуссасидан ҳам оғирроқ қопларни у бозордан бу бозорга ташийдиган аёлнинг феъли ҳам ўзгара боради.* Газетадан.

РЎЗҒОРЧИЛИК Рўзғор, кундалик ҳаёт ташвишлари, икир-чикирлари, рўзғорга оид иш ва ташвишлар. -*Яхши, яхши, қўй сўйганингиз маъқул, беш-ун қадоқни зиёфатга ишлатсангиз, қолган ёғ-ғушт, ахир, рўзғорчилик, дейди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Рўзғорчиликда ҳар гап ўтади.* С. Аҳмад, Уфқ.

РЎЙ [ф. روی — юз, юза, сатҳ] Бирор нарсанинг сиртқи томони, юзи. *Офтоб рўйи.* ■ *Бир нафас қуёшдай кўрсатсин у рўй, Бир нафас қуёшдай порласин қуёш.* А. Орипов, Йиллар армони.

Рўй бермоқ Воқе бўлмоқ, содир бўлмоқ, юз бермоқ, Аҳмадҷон қандай ҳодиса рўй берганини дарҳол фаҳмлаб, орқа ёқдан томга чиқди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Жамиятимизда рўй бераётган буюқ ўзғаришлар, қайта қуриш жараёни олимлардан ҳам астойдил сафарбарликни тақозо этмоқда.* Газетадан. *Чарос нима ҳодиса рўй берганини анчагача ўзиям тушунмай қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Рўйи жаҳон** (ёки замин) Ер юзи, дунё, олам, жаҳон. *Оташ арава, милтиқ, тўп, ўқ, калиш, газлама.. боринг-чи, шу рўйи заминда кўриниб турган илму хунар*

шулардан чиқади. А. Қодирий, Обид кетмон. Бутун рўйи заминга ядро фалокати соя ташлаб турган айни пайтда халқаро бирдамлик тантанаси улкан аҳамиятга эгадир. Газетадан.

РҮЙЖО [ф. *روی* — юз, юза + *جا* — жой] Гулдор ёки сидирга чойшаб. — Нима бу? — деди хотин, рўйжони ёзиб. — Каравотнинг тепасига осгани шундаки бир нарса қидириб юрган эдинг, шекилли. Жуда ажойиб нарса. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

РҮЙИННАТАН [ф. *روئنتن* — мис танали, ўқ ўтмайдиған — Фирдавсий «Шоҳнома»-сидаги Исфандиёрнинг лақаби] Ўтакетган зўравон, олғир; маккор, қув. *Рўйинатан одам*. ■ *Лекин Тошўлат рўйинатанким, тунов кун газлитда [газетада] бирмунча фисқу фасод сузлардин ёзиб.. жумла уламодин фақирни ҳам ҳақорат қилган эркан..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

РҮЙИРОСТ [ф. *روي راست* — очик, дангал юз] *рвш.* 1 Бирор андишага бормасдан, юз-хотир қилмасдан; тўппа-тўғри, дангал, очик. *Рўйирост гапирмоқ*. ■ *Кеча сиз.. роса соат 11 да қаерда эдингиз? Кучадамидингиз ё ишхонадами? Шу саволга коллектив олдида рўйирост жавоб беринг.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. Булар [пийёда аскарлар] ҳаммаси ҳам милитик ва автоматларни тайёр тутган ҳолда, рўйирост бостириб келмоқда.. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Тикка; бор бўйича. *Йигитлардан бири.. кўзларини чақчайтириб, оғзини катта очиб, йўғон товуш билан атрофга бонг урди: -Юравер! Йигитлар, юравер! Майдонга рўйирост чиқиб, ҳаққимизни дов қиламиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Чинакамига, астойдил. Унинг [Сидиқжоннинг] кулиши Ўрмонжоннинг рўйирост ғашини келтирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

РҮЙИХОТИР [ф. + а. *روي خاتير* — хотира(си) олдида, учун] Андиша, риоя, юзхотир. *Рўйихотир қилмоқ*.

РҮЙИХУШ [ф. *روي خوش* — ёқимли, қувноқ, очик юз] Очик чеҳра ва илтифот; яхши муносабат. *Элмуроднинг Анна Ивановна билан бироз гаплашиб ўтиргиси, унинг эндиги режалари билан танишиш нияти ҳам йўқ эмасди. Қарасаки, унинг рўйихуши йўқ.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

РҮЙИХУШ БЕРМОҚ Очик чеҳра билан илтифот қилмоқ, майл билдирмоқ. У [Вали полвон] раисга борган экан, раис ҳам унча рўйихуш бермай, “майли, қурилишда синаб кўрамыз”, дебди. Х. Назир, Ўтлар туташганда.

РҮЙИХУШЛИК Очик чеҳралик, илтифотлилик, мойиллик, розилик. *Эшонбоев Зокирнинг нега бу ерда турганига энди туншунди ва ўзи бошқа одамга рухсат олмоқчи бўлгани учун рўйихушлик бермади.* П. Қодиров, Уч илдиш.

РҮЙХАТ [ф. + а. *روي خط* — хат, ёзув бўйича] Нарсаларни, кимсаларни маълум тартиб билан ҳисобга олиб, ёзиб чиқиш ва шу жараённинг натижаси бўлган ҳужжат. *Бултур раис енгил ишларга ярайдиган қарияларни рўйхат қилганида, отани ёзмаган экан, ота рўйхатга кирмай қолган чолларни йиғиб, мажлис қилди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Асадилло чунтагидан бугун жуда кун марта кўз югуртирган рўйхатини олди.* Ф. Муса-жонов, Қумри.

РҮЙХАТЧИ Рўйхатга олувчи, рўйхат тузувчи киши.

РҮКАЧ [ф. *روکش* — устки, ҳимоя қатлам, қоплама] Кўз-кўз қилиб, ёмонини яшириш учун ажратиб, олдинга қўйилган сара нарса; молнинг, нарсанинг сараси. *Қулуннайнинг рўкачи*. ■ [“Четан” колхози] Район бўйича эмас, Ўзбекистон бўйича энг обрўли намунавий колхозлар қаторига кўчади. Районга.. келган меҳмонларга районнинг рўкачи бўлиб қолади. А. Қодирий, Обид кетмон.

Рўкач қилмоқ 1) пеш қилмоқ, дастак қилмоқ. [Ботир:] *Ҳадеб кўчқорлигингизни рўкач қилаверасизми, Валихўжа ака! Камтарлик ҳам керак кишига!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби; 2) баҳона қилмоқ. — *Бир нарса деса, уч ойдан бери тўланмаган уй пулини рўкач қилиб, бет-кўзингизни юласиз, — деди Ҳабиба эрига.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. 1994 йил мавсумида бошқа сабабларни рўкач қилишга ва ўзини оқлашга ўрин йўқ, деб ўйлайман. Газетадан.

РҮМОЛ [ф. + а. *رومال* — л.м. юзга тутилган мато: сочик; рўмол(ча)] 1 Аёллар бошига ўрайдиған, одатда, тўртбурчак шаклдаги мато. Дока рўмол. Шоҳи рўмол. Эрхотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши. Мақол. ■ *Хотин бошидаги жун рўмолини олдида, бир-икки қоқиб, яна ўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Анвар:] *Жавоб айтиб кет, Раъ-*

но! -Ҳа, шундай! — деди Раъно гул ёнида рўмолини тўғрилаб, — Энди сизнинг олдингизга чиқмайман. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Умуман, шундай мато, парча. Унинг [Тошматнини] боши доқа билан ўралган, чап қўли рўмол билан елкасига осиб қўйилган эди. Х. Фулом, Машъал.

РҶМОЛЧА Кичкина рўмол, дастрўмол. Кейин рўмолчасини қўлида ҳамариб ўтириб, ашула бошлади. С. Зуннунова, Олов. -*Офтобнинг тафти ёмонмас-а!* — Зойиржон пиджанини ечиб ташлаб, рўмолча билан бўйнини артди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ушанда бир тасодиф сабаб бўлди-ю, касалхонанинг бош ҳамшираси сўроқ пайтида иккита рўмолча ишлатди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

РҶПАРА [ф. *روپرو* — юзма-юз] Бир нарсага ёки кузатувчига, сўзловчига қарама-қарши томон; қарши. *Рўпарадаги уй.* ■ *Дераза рўпарасидаги тўйнуқдан Рузвоннинг боши кўринди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Театр-рассомчилик институтининг шундоққина рўпарасида, кўчанинг бериги бетида, уч туп ёш чинор бор.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Рўпара бўлмоқ (ёки келмоқ) 1) юзма-юз учрашмоқ, учрашиб қолмоқ. *Бироқ унинг тили қисик; онасига сўз қайтариш эмас, рўпара бўлишга ҳам юраги безиллар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) дуч келмоқ, йўлиқмоқ. *Шу-шу Адолат Бегимхон билан гаплашмай қўйди. Мана энди улар яна рўпара келдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Титраб, от чоптириб келаётган Бади.. душман отлиқларидан бирига рўпара бўлиб, жон-жаҳди билан қилич солди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Поезд тўхтаганда, югургилаб битта проводникка рўпара бўлдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Рўпара қилмоқ** 1) юзма-юз қилмоқ, учраштирмоқ. *Сен менга Сулувни рўпара қилавер-чи [деди Аллон Палмонга].* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. «..энди бўлса икки болали одамни рўпара қилиб ўтирибди», — деб ўйлади Азиза ҳамон шифтдан кўз узмай ётаркан. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) дуч келтирмоқ, йўлиқтирмоқ. *Сени илк дафъа Ферузга рўпара қилганимда, имонимдан чекиндимми? Ҳа, бир баҳя чекиндим.* С. Сиёев, Аваз. *Жапакдан қутулдик,*

Элгелди энди унга қизини эмас, ажалини рўпара қилади. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси; 3) тўғри қилмоқ; кўрсатмоқ. *Эшоннинг “жшилов” тўғрисидаги фикри Элмуроднинг газабини келтирди.* Энди у дангал фактларни рўпара қилишга қарор берди. П. Турсун, Ўқитувчи.

РҶПОЧ [ф. *روپوش* — ғилоф, қоплама; юзни бекитиб турадиган қалин тўр парда] шв. Таннозлик билан юзини бекитувчи аёл. [Холисхон Тожибойга:] *Отим ҳалигидақа.. бўлса ҳам, ўзим бир рўпочдан ортиқман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

РҶШНОЛИК [ф. *روشنائى* — ёритиш, ёруғлик, равшанлик] Бахтли, фаровон ҳаёт, ёруғлик. -*Аmmo унинг [Ҳамид Олимжоннинг] сўзларини эшитган ҳар бир одамнинг юрагидаги тугун ечилгандек, чеҳрасида рўшнолик белгилари пайдо бўлди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. -*Ҳимматингизга балли, Гулбадан. Оз қолди. Рўшнолик йўлимизни чароғон қилиб, бахтимиз келадиган дамлар яқин..* — деди Равшан Гулбаданга. С. Кароматов, Бир томчи қон.

Рўшноликка чиқмоқ ёки рўшнолик кўрмоқ Юзага чиқиб, бахтли, фаровон ҳаётга эришмоқ, ёруғликка чиқмоқ, эркин бўлмоқ. *Даврада унинг дастидан рўшнолик кўролмай юрганлар хушвақт бўлди.* Т. Мурад, Кўшиқ.

РҶЯ [ф. *رويه* — уст, юза қисм] Юз, юза, бет. *Ҳовли рўяси.*

Офтоб рўя, офтобрўя Офтоб тушиб, тегиб турадиган жой, томон. *Кампир офтоб рўяга қараб, битбозлик қилиб ўтирса, Гўрўғлибек оҳиста-оҳиста ўтиб кетиб бораёттир.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

РҶЯН [ф. *روين* — ўсимлик номи] Бир йилда икки марта гуллаб, икки марта ҳосил берадиган сариқ гулли ўсимлик (тиббиётда буйрак тошини эритувчи кислота олиши учун, халқ ҳўжалигида қизил бўёқ модда олиш учун ишлатилади). *Илгари ана шу адирларда бутун бир қишлоққа етиб, ортиб қоладиган ем-хашакбон сунбул, сўзан, рўян, олабута, балиққўз, жингул сингари юз хил тўйимли гиёҳлар тиззага уриб ётарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Рўян — фойдали ўсимлик, танаси эгилувчан бўлганлиги сабабли ундан арқон, сават тўқиларди.* Газетадан.



СААМ қ. саамлар. *Саам халқи.*

СААМЛАР Норвегия, Швеция, Финляндия, Россияда яшовчи, саам тилида сўзлашувчи халқ. *Саамлар қадимдан бугучилик, балиқ овлаш ва овчилик билан шуғулланади.* «ЎЗМЭ».

САБА *шв.* Меш, саноч (теридан ясалган, қимиз солинадиган идиш). *Бир саба қимиз. Сабада қимиз келтирмоқ.*

САБАБ [а. سبب — боис, важ, баҳона; йўл, усул; алоқа] 1 Бирор (кўнгилли ёки кўнгилсиз) иш-ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг юзага келишида, содир бўлишида омил бўлган бошқа бир воқеа, ҳодиса; боис, омил. *Касалликнинг келиб чиқиш сабаби.* ■ [Меъмор:] *Биз Хуросондан нима сабабдан чиқиб кетаётганимиздан хабарингиз борми?* Мирмуҳсин, Меъмор. *Дарахтларнинг нобуд бўлиши ернинг қуришига, сув камайишига сабаб бўлади.* Газетадан. *Ядро нурланишлари моддаларга таъсир қилиб, улар молекулаларининг ўзгаришига сабаб бўлади.* «Фан ва турмуш». *Шеър ун чекса, шоирнинг армони сабаб бўлмай.* А. Орипов.

2 Бирор иш-ҳаракат ёки ҳолат учун асос бўлган нарса; важ, баҳона, боис. *Узрли сабаб.* ■ *Отабек яна ўн беш кун ўтказиб, тағин бир нозик сабабни ўртага ташлаб, онасининг руҳсатисиз Марғилонга жўнаб соладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Албатта, аталадан тиш синмайди, аммо бу қимирлаб турган тишининг тушганлигига бир сабаб, холос.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

Сабаби тирикчилик Яшаш, кун кечириш, тирикчилик воситаси, тирикчилик тақозоси билан. *Эндиликда «мунгли», «муштипар»*

сингари сўзлар қовушмай қолган, бу хотинлардан ҳеч бири қилаётган ишига, касби-корига сабаби тирикчилик деб қарамайди. А. Қаҳҳор, Танланган асарлар.

3 *флс.* Оламнинг ҳаракати ва бирон-бир вақт мобайнида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодиса.

4 *сўр. олм. взф.* Нима учун? Нега? *Шоҳ бўлсанг, сабаб ўғрилик қилган фуқароларингизни тергамайсан?* А. Қаҳҳор, Башорат.

Сабаб эргаш гап тли. Бош гаптаги иш-ҳаракатнинг сабабини билдирувчи эргаш гап. **Сабаб ҳоли тли.** Иш-ҳаракатнинг сабабини билдирувчи ҳол.

САБАБИЙ [а. سببى — сабабли, сабаб билан бўладиган] *флс.* Сабабиятга асосланган; сабабли. *Сабабий боғланиш.*

САБАБИЯТ [а. سببىيات — боғлиқлик, алоқадорлик] *флс.* Ҳодисаларнинг табиий, ижтимоий, объектив ўзаро алоқасини, боғланишини билдирадиган категория. *Сабабият қонуни.*

САБАБКОР [а. + ф. سببكار — сабаб, омил бўлувчи; айбдор] *кт. айн. сабабчи.* *Сабаб-корми ёлғиз тақдир ҳолингга санинг?* Э. Воҳидов. [Асад:] *Қани, айтинглар-чи, базмнинг сабабкори ким?* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. [Дадавой:] *Ёмон кўрадиган бўлса, сизлар сабабкор. Халқни менга қарши қутуртириб юргансизлар.* Уйғун, Навбаҳор.

САБАБЛИ 1 Бирор ҳодиса, ҳолат таъсирида юз берган, бирор сабабга асосланган. *У кишининг кечкиши сабабли.* ■ *Энди кундош билан уч-тўрт кун апоқ-чапоқ бўлиб,*

оғиз-бурун ўпишгандай бўлар, лекин яна уч-тўрт кун сабабли-сабабсиз сира гаплашмай, тескари бурилар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. сабабий. Сабабли боғланиш.

3 кўм. (б. к. билан) Учун, туфайли, оқибатида, сабабдан. *Подшонинг хасталиги сабабли мамлакатда тўю маърака, базмлар тўхтатилган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши сабабли тутларда ён шохларнинг жадал ўсиши ва барглари сонининг кўпайиши содир бўляпти.* Газетадан. *Шу сабабли куйлаб сени умрим кечар.* Ё. Мирзо. *Антибиотиклар микроорганизмлардан ҳосил қилиниши сабабли қимматга тушади.* «Фан ва турмуш».

САБАБСИЗ Бирор сабаби бўлмаган, асосланмаган; асоссиз, вазисиз, баҳонасиз; узрсииз. *Сабабсиз жанжал.* Сабабсиз ўқишдан қолмоқ. ■ *Табиат ва ижтимоий ҳаётда сабабсиз бирорта ҳодиса ёки воқеа содир бўлиши мумкин эмас.* «Фалсафа қомусий луғати».

САБАБЧИ Бирор иш, воқеа-ҳодиса ёки ҳолатнинг юзага келишига, содир бўлишига сабаб бўлган кимса, нарса, омил; сабабкор. -*Бугунги кечамиз сабабчилари бўлмиш келин ва куёвнинг ҳар иккаласи заводимиз ишчилари бўлади, — деди нотиқ ғурур билан.* «Ёшлик». -*Янглиш сўзлайсиз, онажон, — деди Кумуш, — сиз дунёда туришга лойиқ эдингиз, лекин сизнинг дунёдан тўйишингизга сабабчи мен эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қаҳқаҳанинг сабабчиси бўлган тўтиқуш гўё ғолибона ҳаммага қарагандек эди.* Газетадан.

САБАНТҮЙ [т. сабан — темир омон + тўй] Татар ва бошқир халқларида баҳорги дала ишлари тугаши муносабати билан ўтказиладиган байрам.

САБАНЧА Йиртқичлар туркумига мансуб сутэмизувчи ҳайвон, дала мушуги.

САБЗ [ф. سبز — яшил, яшил рангли; ғур, хом; янги, ёш] Яшил; баргранг, баргикарам, пистоқчи (ранг). *Ул надурқим, сабз тўнлик қуш дарахтнинг қошида.* Увайсий.

Сабз урмоқ Ўсиб, униб чиқа бошламоқ, ниш урмоқ. *Энди мўйлаби сабз урган, яқиндагина Фарғона жангидан қайтиб келган Низомиддиннинг ранги девор бўлиб оқариб кетган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САБЗА [ф. سبزه — яшил ўт, кўкат, майса] **1** Ям-яшил барра ўт, майса. *Баҳор, ҳар ён*

ёзилган сабза. Охуларда шўхлик ва гамза. Файратий. *Офтоб ҳижрониди тонг сабзаларга қунди нам, Уйлаким, киприкларимни эгди тонг гирён юки.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Ором олур қир сабзалари, Ухлар Бўта, ухлайди Ойхон.* Миртемир, Асарлар.

2 Яшил, зумраданг. *Сабза ўт.* ■ *Довдарахт, гулу гулзорлар, сабза райҳонлар ҳамма ёқни ўраб олган.* Газетадан. *Ёритганча то юрак ичин Сабза ўтлар шабнамга қонар.* Х. Даврон. *Навбахор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар.* Муқимий.

Сабза урмоқ айн. сабз урмоқ қ. сабз. **У** [Темиржон] *энди улғайган, мўйлови сабза уриб, йигитча бўлиб қолган.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Оқ кишишдан сояда қуритилган оч кўкиш майиз; сояки майиз.

САБЗАВОТ [ф. سبزیجات — «сабза» с.нинг кўпл.] Резавор ва полиз экинлари ҳамда уларнинг овқатга ишлатиладиган маҳсули (бодринг, карам, сабзи, пиёз, помидор ва ш. к.). *Сабзавот экинлари. Сабзавот дўкони.* ■ *Хушбўй мевалар, айниқса, кўкатлар, турли нав сабзавотлар жуда мўл йиғилди.* Ойбек, Нур қидириб. *Чанқоқликни қондириш учун сабзавот, мева шарбатлари, турли қайнатма ичимликлар ҳам тавсия этилади.* Газетадан.

САБЗАВОТКОР Сабзавот экинлари етиштириш билан шуғулланувчи, резавор экинлар экувчи, етиштирувчи. *Сабзавоткор хўжалик.* ■ *Ўтган йил фақат деҳқонлар учун эмас, чорвадору сабзавоткорлар, боғбонлару соҳибкорлар учун ҳам оғир келди.* Газетадан.

САБЗАВОТЧИ 1 айн. сабзавоткор. *Ҳаваскор сабзавотчи экиладиган уруғлар тўғрисида ҳам ҳозирдан бош қотириши даркор.* Газетадан.

2 Сабзавот савдоси билан шуғулланувчи, сабзавот сотувчи.

САБЗАВОТЧИЛИК Деҳқончиликнинг сабзавот экинлари экиш ва сабзавот етиштириш билан шуғулланувчи тармоғи. *Сабзавотчилик хўжалиги.* ■ *Раиснинг машинаси.. сабзавотчилик бригадаси томон бурилиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

САБЗАЗОР [ф. سبزهزار — яшил ўтлоқ] Ям-яшил барра ўтлар билан қопланган ер; дала, майсазор. *Шудринг маржонлари тақмиш сабзозор, Суварга узальмиш толларнинг илки.* Миртемир.

САБЗАК [ф. سبزه — «сабза» с. нинг кичр.: қорачадан келган, буғдойранг] 1 Қорачадан келган, қорамғиз, буғдойранг. *Ғофиржон ака кенг елкали, ўрта буйли, қора қош, қора кўз, сабзак юзи сал қорайган бир киши эди.* Н. Назаров, Замин.

2 Қовуннинг бир нави. *Яна сабзак била умрбоқий, еган одамгадир умр боқий.* Б. Аминзода.

САБЗИ [ф. سبزی — ошқўқлар, зираворлар; хомлик, пишмаганлик] Сабзавот экинларининг бир тури ва унинг истеъмол қилинадиган маҳсули. *Қизил сабзи. Мушак сабзи. Сабзи эсмоқ. Сабзи тўғрамоқ.* ■ *Экинлар жуда соз. Айниқса, картошка билан сабзи мўл ҳосил беради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уста Олим ошга сабзи босиш билан овра эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Мирзойи сабзи қ. мирзойи. Эркак сабзи. қ. эркак. - *Пули бор ейди, пули йўқ-чи, — баланд овоз билан сўради эркак сабзига ўхшаган бир киши.* К. Яшин, Ҳамза.

САБЗИТЎҒРАР этн. Туй ошидан бир кун аввал эркакларнинг туй бўладиган хонадонга йиғилиб, ош сабзисини тўғраб тайёрлаб қўйишидан иборат маросим. *Танишим-нигида никоҳ тўйидан олдинги сабзитўғрар куни эди.* Газетадан.

САБЗИФУРУШ [ф. سبزی فروش — сабзавот, ошқўқ сотувчи] Сабзи сотувчи. *Бозорчада бир-икки сабзифурушдан бошқа ҳеч ким қолмаган эди.* Газетадан.

САБИЙ [а. صبی — гўдак, бола, йигитча; ёш шоғирд] эск. кт. 1 Кўкракдан ажратилган гўдак. *Йўқ, инсон ҳануз сабий, балоғатга етмагандир.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *кўча* Ҳали вояга етмаган; гўр, пишмаган, тажрибасиз. *Қалби тоғлар қадар зўр, аммо ўзи Энди ўн иккига кирган бир сабий.* Уйғун.

САБИЙЛИК Гўдаклик, болалик. *Вақти келиб инсон балоғатга етади, унинг сабийлик феъл-атворлари орқада қолади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *..само ва заминнинг азалий мувоzanатига путур етди, сабийликнинг маъсум хайллари устуворлашмай.. хотирага айланди.* Ш. Бўтаев, Кўрғонланган ой.

САБИЛ [а. سبيل — йўл; имконият, восита] 1 Эгасиз, қаровчисиз қолган; эгасиз, қаровсиз қолиб хароб бўлган, аянчли, ачинарли аҳволга тушган. *Сабил булди манинг бу ўсган жойим, Сенга тегсам, қаттиқ экан*

манглайм. «Ойсулув». Қазингиз сабил қоладиган бўлди, бойвачча, кеннойим эртага тугунчага солиб, турмага олиб бормасалар деб қўрқаман. С. Аҳмад, Ҳукм.

Жони сабил Жони қаттиқ, чидамли, чайир.

2 «Куриб кетгур», «қурғур» маъноларида қўлланади. - *Мен жуда-а чарчаганман, биласиз. Олдин шу сабил буқоғимни даволатиб олсайдим [деди Холиса].* С. Нуров, Нарвон. [Хола:] *Бизларди магазинда бошқа нарса топилмаса ҳам, ароқ деганнинг кети узилмайди, уруғи кўпми сабилни(нг) ёки булоғи борми, ҳайтовур, босилиб ётибди.* С. Нуров, Нарвон.

Сабил қолмоқ Эгасиз қолиб, йўқ бўлиб, ўлиб кетмоқ. - *Сабил қолгур бу эшак, — деди бир ўтинкаш.. — чопишга йўл бермайди.* С. Айний, Куллар. - *Шунда биз уни, тек тур, сабил қолгур, дея қамчилаймиз [деди Зиёдулла]* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

САБО [а. صباء — шарқий шамол; ёшлик] 1 Эрталабки майин, ёқимли шамол, бод, тонг шабадаси. *Сабо, арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун, Тамоми ҳусн элининг шоҳи султон бир келиб кетсун.* Ҳамза. *Туида кўрдим дилбаримни, эй сабо, уйғотмагил, Олма бир дам васл шавқин, қўй, мени қўзғатмагил.* Э. Воҳидов. *Ялпизларнинг салқин ҳидин келтирар сабо.* М. Шайхзода.

2 с.т. *Сабоҳ. Гар жондан севмасам, ҳар шому сабо Йўлингга интизор боқарми кўзим?* Шухрат.

Боди сабо Тонг шамоли. *Уэнди шаффоф осмонга, анвойи гулларга энтикиб боқмас, боди сабо лаззатини, аёл муҳаббатини ҳис этмас.. эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Субҳи сабо* Эрта тонг. *Кўча пойлаб ҳар субҳи сабо Аллаларса туяр хаёлинг.* Р. Парфи.

САБОТ [а. ثبات — қатъийлик, қатъият; ирода; барқарорлик] 1 Ўз сўзида, фикрида мустаҳкам туришлик; матонат, чидам, бардош; букилмас ирода; қатъийлик. *Мард кишига ярашар Аҳдга вафо ва сабот.* М. Шайхзода. *Сабот ва матонат кишиларимизнинг асосий фазилати бўлиб қоляпти.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Лекин қутулмоқ йўқ ҳижрон дастидан, Фақат қалбимизда бардош ва сабот.* А. Орипов.

2 айн. **қунт.** *Сабот билан ўқимоқ.*

САБОТАЖ [фр. sabotage < saboter — ёғоч кавуш билан тақиллатмоқ] Ишдан ошқора

бош тортиш ёки ўзини ишлаётган кўрсатиб, аслида ишни бузиш, бўшаштириш; ишга зимдан ёки ошкор қаршилик кўрсатиш. *Саботаж қилмоқ.*

САБОТАЖЧИ Саботаж билан шуғулла-нувчи (одам), саботаж қатнашчиси. -*Умар ака масаласида келдим, — деди Анорхон.. Комилжонга қараб. — Уйда ётиб олибди. Калламини олсангиз ҳам, муҳрни топширмайман, деяпти. — Кўрдингизми? — деди у Муродовга қараб. — Учакишини қаранг! Нима қилса бўларкан бу саботажчини? И. Раҳим, Ихлос.*

САБОТКОР [а. + ф. *ثابتکار* — бардош берувчи, чидамли] *кт.* Саботли, мустаҳкам иродали. *Саботкор қўшин. Саботкор халқ.*

САБОТЛИ 1 Ўз сўзида, маслагиди қатъий турувчи, мустаҳкам иродали; турғун, собитқадам. *Саботли одам. Салобатли бўлма, саботли бўл. Мақол.*

2 Зур бардошли, чидамли, матонатли. *Севгимиз ширин, тотли, Лаззатин бирга тортдик. Ҳижронга берган бардош Мен эмасми саботли.* Файратий.

3 *айн. қунгли.*

САБОТ-МАТОНАТ [сабот + матонат] Мустаҳкам ирода, сабр-бардош. *Сабот-матонат билан курашмоқ. ■ Қобилнинг сабот-матонати унинг ҳўжайинларини мамнун қилди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

САБОТСИЗ 1 Ўз сўзида, ваъдасида қаттиқ тура олмайдиган, иродаси бўш, айнамачи. *Олимжон.. баъзи сўзида саботсиз зиёли ва очиқ фикрларнинг ҳеч бирига қўшилмас.. ўз маслак ва матонатини, ёш бўлса ҳам, қўлдан бермас эди. Ҳамза, Танланган асарлар.*

2 Қийинчиликларга чидамсиз, бардошсиз. *Саботсиз одам.*

3 *айн. қунтсиз.*

САБОТСИЗЛИК Ўз сўзида, ваъдасида қатъий тура олмаслик, чидамсизлик; иродасизлик. *Ҳатто падарқуш Абдуллатиф ҳам унинг саботсизлигидан, унга титраб-қақшаб ялинишларидан жирканади. «ЎТА».*

САБОҚ [а. *سبق* — тортишув, мусобақа] 1 Дарс, машғулот, билим, фан. *Сабоқ бермоқ. Сабоқ олмақ. ■ Уларнинг ҳар бири ҳар хил синф ўқувчиси бўлгани ҳолда, бир синфда ўтириб сабоқ олишлари бир-бирларига халақит бермайди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. Бундан ташқари, болалар ҳисоб (турт*

амал) ўрганар, машшоқлик, қўшиқ айтиш бўйича ҳам сабоқ олар эдилар. К. Яшин, Ҳамза.

2 *эск.* Дарсда (ўқувчиларга) бериладиган вазифа, топшириқ. *Алишер қўл қоваштириб келиб, устод олдида тиз чўкди ва сабоғини ўқий бошлади. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.*

3 *кўчма* Ибрат, ўрнак, намуна бўладиган, ҳаёт тажрибасини оширадиган иш, ҳаракат, воқеа-ҳодиса. [Фазлиддин:] *Бегим шарму ҳаёдан сизу бизга сабоқ беришга қодирлар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Қора мавр ўғли — телба Отелло Буюк садақатдан бермоқда сабоқ. Х. Даврон. Бошга тушган мусибат бева учун сабоқ бўлди. Газетадан. Тарих — доно муаллим ва ҳикматли сабоқ берувчидир, дейди мутафаккирлар. Газетадан.*

Тарих сабоқлари Тарихда бўлиб ўтган, эсда қоладиган ва ўрнак бўладиган, тўғри, керакли хулоса чиқаришга ёрдам берадиган воқеа-ҳодисалар.

САБОҚДОШ *эск.* Бирга ўқиган, сабоқ олган киши; мактабдош. *Мадрасанинг ҳовлисига кирсам, сабоқдош шерикларимдан бир нечаси пиқиллашиб йиғлашиб ўтиришибди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Аммо [Анварнинг] айниқса хуш кўрган кишиларидан биринчиси Раъно ва иккинчиси мактабдаги шогирдлардан сабоқдош шериги Насим исми бола эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

САБОҲ [а. *صباح* — эрта тонг, саҳар] Эрта тонг; субҳ, субҳидам. *Сизга белгилидирки, сабоҳга қадар қошимда шам ёғдуси, давотқаламнинг зарурлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Ойбек, Навоий. Гоҳ сабоҳ ели шивирлаб менга, Мардлийингдан сўйлаб кетади. Т. Тула.*

САБР [а. *صبر* — чидам, бардош, ирода, қатъият] 1 Бирор ҳолат ёки ҳодисани бардош билан кутиш, қаноат қилиш; ўзини тийиш. *Сабр таги — сариқ олтин. Мақол. ■ Банда деганнинг сабрдан бошқа чораси йўқ. Ҳамза, Танланган асарлар.*

2 Ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш. -*Осонми, айланай, — Эйтибор она ёстиқни Эъзозхоннинг биқинига суриб қўйди. — Тағин ҳам темир экансиз. Сабрингизга балли, гиргиттон! Ҳ. Фулом, Машғал. — Сабр — инсон иродасининг тожи! — деди Жўраҳон Мажидга. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

Сабр косаси тўлмоқ Ортиқ чидаш ёки кутишга тоқати қолмаслик, тоқати тоқ бўлмоқ. *Халқнинг сабр косаси тўлди.* С. Сиёев, Аваз. **Сабр қилмоқ** Тоқат, чидам билан кутмоқ. *Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар, Сабрсизлар ўз оёғидан йитар.* Мақол. ■ *Замонага қараб, яна тўрт-беш йил сабр қилиш зарур бўлиб қолди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Сабри чидамаслик** Сабр қилолмаслик. *Бир оз орқамни ўгириб, индамай ётдим, у ҳам чурқ этмади. Сабрим чидамади, қайрилиб қарадим.* Ойдин, Ҳикоялар. *Барно йўқ экан, бироз кутди, келавермагач, ўтиришга сабри чидамай, идорадан чиқди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

САБР-БАРДОШ, сабру бардош қ. сабр 1-2. *Ҳар бир ишда сабр-бардош керак.* ■ *Аммо у сабр-бардошнинг ҳам чегараси борлигини алақачон билиб олган, шу боис китоб саҳифаларидан термулиб турган ўзи каби одамларнинг.. ташвиш-изтиробларининг энди унга қизғин йўқ эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

САБРЛИ 1 Оғир-вазмин, босиқ, ўзини тия биладиган, қаноатли, чидамли, тўзимли. *Сабрли одам.* ■ *Қуръоннинг бир неча оятларида мусулмонларнинг сабрли бўлишлари-га давват бор.* «ЎЗМЭ».

2 айн. **қаноатли.** *Онам диний, дунёвий китобларни ўқиган, саводли, ниҳоятда сабрли, меҳру оқибатли аёл бўлган.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

САБРЛИЛИК Сабр-бардошли бўлишлик. [Домла ўз-ўзига:] *Хурматли китобларда айтадилар: «Сабрлилик – худонинг ояти, сабрсизлик – шайтонининг сифати».* Ҳамза, Танланган асарлар.

САБРСИЗ 1 Бесабр, бетоқат, шошмашошар. *Катта бир қувончдан Зиёданнинг кўзлари ёниб, ўзи эса сабрсиз талпиниб турарди.* А. Мухтор, Асарлар.

2 айн. **қаноатсиз.**

САБРСИЗЛАНМОҚ Сабр қилмаслик, бетоқат, безовта була бошламоқ. -*Шошма, Нури, – сабрсизланиб шивирлади онаси.* Ойбек, Танланган асарлар. [Ориф ака] *Онабининг йиғлашга шайланиб, учиб турган лабларига тикилганча.. жонсараклик билан сабрсизланарди.* А. Мухтор, Чинор. *Кимдир сабрсизланиб, соатга қараса, кимдир асабий ҳолатда у ёқдан бу ёққа юриб турибди.* Газетадан.

САБРСИЗЛИК Сабр қилмаслик; бетоқатлик. *Ориф аканинг бу ерга келишига, алақандай ички, ҳазин сабрсизлик билан рози бўлишига яна бир нозик сабаб бор эди.* А. Мухтор, Чинор.

САБР-ТОҚАТ, сабру тоқат Чидам, қаноат, бардош. *Марям ақлу идроки, сабру тоқати билан бузилган оилани қайтадан обод қилди.* К. Яшин, Ҳамза.

САБР-ТОҚАТЛИ Чидамли, қаноатли, тўзимли, оғир-вазмин. *Зухуржонга қойилман. Шунчаям сабр-тоқатли бўладими киши, десам, Абдуқаҳҳор ака оғир уҳ тортиб олди: -Шу сабр-тоқат ҳам етмасликим деб қўрқаман-да.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

САБР-ҚАНОАТ, сабру-қаноат Чидам, бардош, тўзим. *Зиёфат, албатта, тўкин-сочин бўлади. Мана шу ерда.. сабр-қаноатга чақириш.. ваъз-насиҳатлар сўзлаш масалалари музокарага қўйилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сабр-қаноат қил, эвазига худо сенга бахт ато қилади. Сабр қил, Ҳамроқул, сабр қил.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаёгим қиссаси.

САБР-ҚАНОАТЛИ Сабр-қаноати бўлган; сабрли ва қаноатли. *Илм-таҳсил – сабр-қаноатли одамнинг иши.* Ойбек, Навоий.

САБР-ҚАРОР, сабру қарор Сабру тоқат, тўзим, сабот. *Сабр-қарори йўқ одам.* ■ *Бор-масам, қолмайди сабру қарорим, Тушимда кўрингай гул ёзди ёрим.* «Нурали».

САБУР [а. صبر – алоэ] 1 айн. **алоэ.**

2 Алоэ барги ширасини қуритиб олинандиган дори. *Сабур – алоэ баргидан олинб, қуртилдиган шира.* «ЎЗМЭ».

САБУҲИЙ [а. صبحي – тонгта алоқадор, эрталабки] эск. *поэт.* 1 Тонгги, тонг вақтидаги. *Суйганинг лабида розга тер каби Унда титраб турар сабуҳий шабнам.* Ф. Фулом.

2 Хуморни ёзиш учун эрталаб май ичиш; эрталаб ичилган май.

САВА айн. **саба.** *Ёлғиз ёғоч пана бўлмас, Ёлғиз бияга сава тўлмас.* Мақол. ■ *Қимиз – дори деган неча такмонлар, Чайиб бергин сава билан кўнакни.* «Алпомиш».

САВАЛАМОҚ 1 Хивич, қамчи, таёқ, гаврон каби нарсалар билан устма-уст урмоқ, калтакламоқ. *Кекса подачи шўхлик қилган молларни гаврон билан савалаб, узун таёғини унда-мунда қўйиб кетмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Икки навқар икки тарафдан ўтқинчини ҳам, ёшу қарини ҳам аёвсиз савалаятти.* С. Сиёев, Аваз. -*Қулоқсиз*

болани яхшилаб савалаш керак, — деди-да, бир кўзини қисиб қўйди отаси. «Ёшлик».

2 Зарба бермоқ. Душманни саваламоқ.

3 Шиндат билан ёғмоқ, тинимсиз қўймоқ (ёмғир, қор, дўл ҳақида). Ёмғир савалаган сайин чанг-ғуборли атроф-жавониб тобора мусаффолашмоқда, фэйзиёб бўлмоқда эди. «Ёшлик». Унинг [Элмуроднинг] қўлоқларини ёмғир аралаш муздек майда дўл савалай бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Машина қайиқдай чайқалар, қор олд ойнани аямай саваларди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

4 кўчма Танқид қилмоқ, камчиликларни рўйирост айтмоқ. Уни [Шерзодни] мажлисда роса савалашди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. Мухбирларга рост гапни айтиб бўладими? Роса савалашади [деди касир]. Газетадан.

САВАМ Бир марта саваш учун лойиқ ёки бир савашда чиқарилган пахта ёки жун. Бир савам пахта. ■ Ҳар қизнинг олдиди бир савам пахта. Ойбек, Навоий. Ҳув анави, бир савам пахтадай оппоқ булут парчаси қирраларига шафақ акси уриб турибди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

САВАМОҚ 1 айн. саваламоқ.

2 Савағич билан саваб титмоқ, юмшатмоқ (пахта ёки жун ҳақида). Пахта савамоқ. ■ Устахонага дам-бадам той пахта олиб ўтадиган аравакаш.. пахта саваб ўтирган қизларга тегишган бўлиб, ашуласини мавридидан бурун авжга кўтаради. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Хира ёмғир пардасидан тикилганда, қаричга келиб қолган яшил ғўза тупларини жала, худди савағичда юнг саваягандай, қаттиқ савалаётганини кўриш мумкин эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

САВАННА [исп. savana < индейс тилларидан] Африка, Жанубий Америка, Шимоли-Шарқий Австралия ва Жанубий Осиёда: ўсимликларнинг тропик ўрмонлар ва савролар оралиғида тарқалган минтақавий тип; унда баланд, бўлиқ ўтлар орасида ҳакам-дуккам ёки тўп-тўп дарахтлар ҳамда буталар ўсади. Чўчима, раққоса! Тамтам сасидан Энди янграб кетсин саванналар ҳам. Ҳ. Шарипов, Қуёшга ошиқман. Иссиқ поясдаги чўллар саванналар деб аталади. «География». Менинг кўз ўнгимда товланди ҳатто Бекароп Африка саванналари. М. Кенжабоев.

САВАТ [ф. سبت — тўқима халта, сават] Тол, тут, юлғун новдалари, буғдой пояси,

сим, пластмасса ва ш.к. дан тўқиб тайёрланган рўзғор буюми, идиш. Патнисларда, тоғораларда, саватларда қулча, қовурма чучвара, варақи, қатлама ва бошқа ҳар нав мева-чевалар. Ойбек, Танланган асарлар. Уртанча овсин айвонни супуриб бўлиб, сават кўтариб, кўчага чиқиб кетиши билан қолган олти овсин сунага чиқишди. С. Аҳмад, Сайланма. Директор, столида турган қоғозни йиртиб, бурчакдаги саватга ташлади. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

Сават қалпоқ Эзиб юмшатирилган бугдойпоя ва ш.к. нарсалардан тўқилган қалпоқ. Шу вақт отлиқнинг сават қалпоғи тагидан билмакдай йўғон икки ўрим сочи тушиб кетиб, елкасида осилганича қолди. С. Анорбоев, Оксой.

САВАТБОШ Сочи саватдек хурпайган, пахмоқ соч. Ҳалиги саватбош одам одамлар орасига кириб, бир зумда ғойиб бўлди. Газетадан.

САВАТЧИ Сават тўқиб сотувчи одам.

САВАТЧИЛИК Сават тўқиш ва тайёрлаш билан шуғулланиш; бадийий ҳунармандлик тури.

САВАЧЎП ив. Савағич. Ашурмирзо савачўпдай ингичка бармоқли панжани қисди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўк қарға шоҳи кўйлакнинг кўк этаги остидан чиққан савачўп сингари оёқлари доим гавдасидан кейинда қолиб, мувозанатни сақлашга шошилади. А. Қаҳҳор, Сароб.

САВАШ 1 Савамоқ 1 фл. ҳар. н. Пахта саваш. ■ Норхўжа хотинининг бузоқни савашига индамай қараб турди. «Ёшлик».

2 фольк. Уруш, жанг. Саваш бўлса, тортилади парли ёй.. «Муродхон». Душман келса, ундан сўнг саваш қилсак, Шердай бўп, Авазни ўртага олсак. «Гулнорпари».

САВАШМОҚ 1 Савамоқ фл. бирг. н.

2 фольк. Урушмоқ, жанг қилмоқ. «Қани, полвон бўлсанг, майдонга чиқ, келинлар, савашамиз, куч синашамиз!» — дейди. «Муродхон». Мард ўғлонлар душман билан савашар. «Ҳасанхон».

САВАҚ Дум, банд. Олма савалдан узилар. Мақол.

САВАҒИЧ 1 Пахта, жун каби нарсаларни саваш учун ишлатиладиган бир жуфт узун, ингичка таёқ ёки чивиклар дастаси. Савағич билан пахта савамоқ. ■ Осмон тўла паға-паға булутлар, худди савағичдан қоч-

ган пахтадек титилиб, кўкни қоплаб олишган. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

САВАҒИЧ II от I Қамишсимон бўғимли, ичи пўкаксимон моддадан иборат сув ўсимлиги. Низомжон савағичнинг бунақа ўсишини билмасди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 от Савағич ўсимлигининг пояси. Хужрадан иккита савағич топдим-да, ростакам катта варрак ясашга тушдим. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

3 сфт. Савағичдан ясалган, савағичдан тайёрланган. Бу иккиси қоғозга шодланган-дек, гап-сузсиз, савағич қаламни қир-қир қоғоз устида юришиб турар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Салимхон тоқчадан довот билан савағич ружкани олиб, хонтахтага қўйди. Ҳ. Фулом, Машғал.

САВАҒИЧЗОР Фақат савағич ўсган ер, савағич босган жой. Куйган ерлар тугаб, ғуж-ғуж бўлиб ўсган савағичзор бошланди. С. Аҳмад, Уфқ.

САВДО I [ф. سودا — олди-сотди, савдосотиқ; олди-сотди битими] I Товарни сотиш, айирбошлаш билан боғлиқ бўлган икки томонлама муносабатга доир муомала; олди-сотди, савдо-сотиқ. *Савдо ходими. Савдо корхонаси. Ташқи савдо.* ■ Бир кун қайнотаси Ёдгорга маслаҳат солди: «Қачонгача қишлик-қировлик кунлардаям лой чангаллаб юрасиз. Савдога кириш. Савдода гап кун. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Ўзиниизга маълум, савдо аҳли зарарни ёқтирмайдиган, фойдалалаб халқ бўлади. К. Яшин, Ҳамза. Бирорта одам савдо соҳасида ишласа, дарров одамларнинг мияларига эгри фикр келади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Олди-сотди муомаласида молнинг нархи тўғрисидаги тортишув. Бозорнинг ўртасида қовун-тарвузлар уюлиб ётибди. Савдо авжсида. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

3 кўчма Савдо-сотиқдан тушган пул. Бузғани савдо юз минг сўмга етди.

Умр савдоси Ўғил уйлантириш, қиз узатиш ҳақидаги келишув. *Умр савдоси* — қийин савдо. Мақол. ■ Мен умр савдоси ишида ихтиёрни [Ҳайдаралининг] ўзига қўйиш лозимлигини ва Ҳайдарали бу соҳада янглишмаганлигини айтиб, бўлажак келинни таърифладим. Т. Тўла, Чақар.

САВДО II [а. سوداء — (қора) сафро, ўт] **1** Инсон ҳаётида учрайдиган ғам-ташвиш, машаққат ва кулфат, мушкул ҳолатлар. Ни-

зомжон ўз бошига тушадиган савдоларнинг худди шу дақиқадан бошланишини қайқадан билсин. С. Аҳмад, Уфқ. Ҳар савдога кўнади банданинг боши, Тўкилар куйганининг кўздан ёши. «Юсуф ва Аҳмад». Гулноз Лабзак ариғи бўйлаб. елиб борар экан, уруш ўз бошига солган савдоларни ўйлар эди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Мен бўлсам кўзимни қайгадир тикиб Уйлардим: дунёнинг савдоси шуми? А. Орипов.

2 Бирор нарса, кимса дардига ўта берилиш ҳолати. *Ишқ савдоси. Айрилиқ савдоси.* ■ Ҳамиша хавфда кўнелум бу муҳаббат интиҳосидин, Мени ҳам этмаса мажнун дебон Раънонинг савдоси. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Дунё экан.. Ишқ деган савдо Борми фақат менинг бошимда?! Э. Воҳидов.

Фарзанд савдоси Фарзанд туфайли ёки фарзанддан айрилиш натижасида бошга тушган ғам-ғусса, ташвиш. *Сени адо қилмиш фарзанд савдоси, Эгининга кийибсан мотам либоси.* Миртемир, Асарлар.

3 эск. тиб. Инсон аъзосидаги тўрт хил суюқликнинг бири. *Ибн Сино савдойилик касалини савдо хилтининг ошиб кетиши натижасида пайдо бўладиган руҳий касаллик дейди.* «Фан ва турмуш». *Табобатда инсон аъзоларида тўрт хил суюқлик бўлиб, булар — қон, сафро, балғам ва савдодан иборат. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

САВДОГАР [ф. سوداگر — савдо қилувчи, тижоратчи] Хусусий савдо-сотиқ билан шуғулланувчи, савдо-сотиқни касб қилиб олган киши. *Йирик савдогар. Майда савдогар.* ■ Қўқон савдогарлари фақат Туркистондагина эмас, балки Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам савдо-сотиқ билан шуғулланар эдилар. К. Яшин, Ҳамза. Ҳар кун мол нархи ошади, бозорда савдогарларнинг қўлоғи тиккайган. Ойбек, Танланган асарлар. *Майда савдогарлар сақич, гилвата сотишарди. И. Раҳим, Ихлос.*

САВДОГАРЛИК Савдо-сотиқ билан шуғулланиш, савдогар касби. *Миркарим болалик чоғиданоқ ота касби — савдогарликка ўрганди, гилам навларини ажратадиган бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

САВДОГАРЧИЛИК айн. савдогарлик. [Фазлиддин:] Ҳар бир иш ўз вақтида ярашади, лекин ўшанда ҳам дўконга эрта бориб, кеч қайтаман. *Савдогарчиликнинг таомили шу.*

Ойбек, Танланган асарлар. [Кушбеги:] Марғилонга нима юмуш билан келган эдингиз? [Отабек:] Савдогарчилик билан, тақсир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САВДОЙИ [a. سوداوى — дилгир, дилгирликка мойил; маъюс, ғамгин] 1 Ақлдан озган, телба. — *Жинни бўлибсан! Савдойи бўлиб қолибсан!* — деди Салимхон Обидий унга [хотинига]. Мирмуҳсин, Умид. *Ҳали оқ-қорани танимаган йигитча бу қийинчиликлар, виждон изтироблари олдидан савдойидек каловланиб, тақдирнинг аёвсиз ўйинларидан гаранг бўлиб қоларди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Бирор кимса, нарса дардида эс-хушидан айрилган. Унинг [Саломатнинг] куйида савдойи бўлиб қолган эдим. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Хотинлар: -Бечора чол! Суюкли қизидан айрилиб, савдойи бўлиб қолди!* — деб пичирлашар эди. О. Ёқубов, Излайман. [Буронбой:] *Ишқ дарди бедаво дард: рўйирост гапирсам, ишқ йўлида савдойи бўлганман.* К. Яшин, Ҳамза.

САВДОЛАШМОҚ 1 Молнинг нархи ҳақида тортишиб, ўзаро келишмоқ. *Узоқ савдолашувдан кейин Баширжон яна йигирма беш сўм чиқариб берди.* Н. Аминов, Суварак.

2 Умуман, бирор олди-берди ҳақида келишмоқ. *Аҳмад ака уйда экан. Совчилар билан узоқ савдолашди.* «Муштум».

САВДОЛИ Ташвишли, мушкул. *Айрича кўрингдэй ҳар касга дунё, Борлиқнинг савдоли ишларин ўйлар.* Р. Парфи, Кўзлар.

САВДО-СОТИҚ Олди-сотди муомаласи. *Бозор сотувчи ва олувчилар билан гавжум, савдо-сотиқ ишларини терим мавсумида далага кучириш ғоятда муҳимдир.* Газетадан.

САВИЛ с.т. қ. сабил. *Бу савил [эҳам] ҳам эгасига ўхшаб жуда ўжар экан, ҳали-вери ётадиган чўти йўқ.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Бу савил уйда ё укангиз туради, ё мен! О. Ёқубов, Пьесалар.*

Жонни савил айн. жонни сабил қ. сабил. *Не-не йигитлар ҳалок бўлиб кетишди. Мен бўлсам, жоним савил эканми, билмадим, ҳалиям юрибман.* О. Ёқубов, Излайман. *Савил қолмоқ айн. сабил қолмоқ қ. сабил.* *Бу савил қолгур ола мушук қуймоқни еб қўйибди-ку.* «Олтин олма».

САВИЯ [a. سويه — тенглик, бараварлик] Шаҳс, нарса ёки ҳодисанинг сифат, тараққиёт даражаси. *Илмий савия. Маданий савия.* ■ *Таржималари оригинал даражасида фа-*

сиҳ ва мукамал, яратган асарлари эса ўзи таржима қилган авторларнинг ижоди савиясидай юксак, қўламдор. Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.

САВЛАТ [a. صولت — куч-қудрат, қувват; зўрлик; ҳокимият] 1 Улуғвор ташқи қиёфа, салобатли кўриниш, салобат, маҳобат. *Уста унинг елкаси, савлати, ғайрати, куч-қувват ёғилиб турган вужудига ҳавас билан боқди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Пўлат полвон дегай номин халойиқ, Иши ҳам савлати номига лойиқ.* Ҳабибий, Девон.

Савлат тўқмоқ Бутун савлати билан кўзга ташланмоқ. *Умар полвонга энди барибир бўлгани учун совуққонлик билан қоядай савлат тўқиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. **Савлатидан от (ёки ит) хуркади** Жуда савлатли; салобати одамни босади. *Эрталаб келсам, хонага одам сизмай кетибди, ҳар олимларки, савлатидан от хуркади денг.* Х. Тўхтабоев, Ширинов қовунлар мамлақати.

2 *кўчма* Кўрк, ифтихор. *Усмирлар — давлатимиз, Кексалар — савлатимиз.* Қ. Муҳаммадий.

САВЛАТДОР [a. + ф. صولتدار — савлатли, савлатга эга] Савлатли; серсавлат. *Стоннинг тўридаги стулда кўринишидан озғин, сочлари юқорига таралган, савлатдоргина киши ўтирибди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

САВЛАТЛИ Улуғвор кўринишли; серсавлат. *Савлатли киши. Савлатли бино.* ■ *Қарасам, ўн қадамча нарида савлатли бир йигит турибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

САВОБ [a. ثواب — ажр, эваз, мукофот; хайрли, эзгу иш] 1 *дин.* Диний эътиқодга кўра, худонинг марҳаматига лойиқ иш ва шундай иш учун худонинг марҳамати. [Ёрмат:] *Нима иш қилдим? Гуноҳми, савобми?* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзгаларга беминнат қилинган холис ёрдам; яхши, эзгу иш. *Дўстларим, қилманлар бағримни кабоб, Ғарибнинг кўнглини овламоқ — савоб.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. [Давлатёр:] *Бир есир-бева. Тომини кураб берай, савоб бўлар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

САВОБЛИ Савоб бўлувчи, худонинг марҳаматига сазовор бўладиган. *Уғлим, дунёда халқнинг раҳматидан ҳам савоблироқ нарса борми?* Уйғун, Асарлар.

САВОБТАЛАБ [савоб + талаб] Савоб иш қилувчи, савоб ишдан қайтмайдиган. *Йўлдош мусофир камсуқум, меҳнаткаш, бировга*

озори йўқ, савобталаб киши эди. С. Сиёев, Аваз. [Абдурахмонни] ..маҳалла кексаларидан иккита савобталаб чол дарвоза ёнида кутиб олдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

САВОД [a. سواد — қоралик; қоралама ёзув; ўқиш-ёзишни билиш] 1 Ўқиш-ёзишдан хабардорлик; хат-савод. Анвар «тахта»дан ўқиш болади, зеҳнининг тиниқлигидан бўлса керак, ўн бир ёшида саводи чиқаёзди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Мана, 3-синф саводимиз бор, ўқиш-ёзишни биламиз. «Ёшлик».

2 Бирор соҳа бўйича энг зарурий билим, маълумот. Ҳуқуқий саводнинг мукамаллиги давр талабидир. Газетадан.

3 Умуман, билим, тушунча, тажриба. -Саводингизни анча чиқариб қўйишибдими? -Ким? -Билмасам. Домлангиз. Домлаларингиз. -Менинг домлам йўқ, домлам — икки кўзим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

САВОДЛИ 1 Ўқиш-ёзишни биладиган, саводи бор. Ҳамза болаларнинггина эмас, катталарнинг ҳам саводли бўлишини истарди. Н. Сафаров, Оловли излар. Мен сизни ўқитиб, саводингизни чиқариб қўяман. Сиз юртингизга саводли бўлиб борасиз. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Билимли, маълумотли; кўп ўқиган, мустақил фикрловчи. Онам диний-дунёвий китобларни ўқиган, саводли, ниҳоятда сабрли, меҳру оқибатли аёл бўлган. Шукрулло, Жавохирлар сандиғи. Саводли ўз ҳақини танниган бўлади, бинобарин, уни алдаш осон бўлмайди. К. Яшин, Ҳамза.

САВОДЛИЛИК 1 Аҳоли маданий савияси кўрсаткичларидан бири: оддий матнларни ўқий олиш ёки уларни ўқиш ва ёза олиш кўникмасига эгаллик.

2 Одамнинг адабий тил меъёрларига мувофиқ келадиган оғзаки ва ёзма нутқ макалаарига эгаллиги.

3 Муайян соҳа бўйича етарли билимга эгаллик. Техник саводлилик. Ҳуқуқий саводлилик. Тиббий саводлилик.

САВОДСИЗ 1 Ўқиш-ёзишни билмайдиган, саводи йўқ. -Ахир улар саводсиз-ку, газетани нима қилишади? — кулди Каримбой. К. Яшин, Ҳамза.

2 Етарли билими, маълумоти йўқ. Ўзи билмайди-ю, менга ўргатганига қуяман! Сенга ўхшаган саводсизлар «бўса-бўмаса» дейди. А. Қаҳҳор, Санъаткор.

САВОДСИЗЛИК Саводга эга эмаслик, саводи йўқлик. Санъаткор тажсанг эди: ..бир тракторист уни саводсизликда айблади. А. Қаҳҳор, Санъаткор. Саводсизлик қурсин, болам бечора хат ҳам ёзолмайди. Ҳ. Фулом, Машғал.

САВОДХОН [савод + ф. خوان — ўрганувчи, ўқувчи] 1 Ўқиш-ёзишни биладиган, хат-саводли. Саводхон одам.

2 айн. саводли 2. Асарда Ҳасан овчининг опаси сифатида гавдаланадиган бу отин ўша даврдаги тақводор, анчайин саводхон, тўймаъракаларни бошқарадиган аёллар типининг умумлашма образидир. «ЎТА».

САВОДХОНЛИК қ. саводлилик. Аслида, саводхонлик ҳар бир босқичда такомиллаштири борилиши лозим. Газетадан.

САВОЛ [a. سؤال — сўроқ; илтимос] 1 Жавоб олиш учун айтиладиган гап, жумла; сўроқ. [Васила Назаровна:] Сен менинг саволимга жавоб бер, ким у? Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. -Жуда яхши савол! — деди Иброҳимов, — қани, бу саволга ким жавоб беради? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Савол аломати эск. Сўроқ белгиси. Савол аломати ҳамма вақт «ми» дан кейин қўйилади десам, кулади. А. Қаҳҳор, Алабиёт ўқитувчиси. Етти оғайни ҳам кўкда ногаҳон Савол аломати бўлиб кўрингай. А. Орипов.

2 Имтиҳон билетида ёзиб қўйилган, жавоб бериш лозим бўлган мавзулар номи ёки машқ, масала. Иккинчи қаторга бориб ўтирганидан кейин машинкада ёзилган саволларни ўқиди: 1. Жоуль-Ленц қонуни. 2. Резонанс. Учинчи савол электромагнит майдони ҳақидаги масала эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

3 Ечилиши лозим бўлган масала, муаммо. Бузувчи йиғилишимизда иккита саволни ҳал қилишимиз лозим. Газетадан.

САВОЛ-ЖАВОБ Ўзаро савол бериш ва жавоб олиш тарзидаги суҳбат. Бу гаплашув ҳам калтагина савол-жавобдан иборат бўлди. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Дўстлар пайрови мос келган савол-жавобдан завқланиб кулишди. П. Турсун, Ўқитувчи.

САВОЛЛИ Савол ифодалайдиган; сўроқли. Саволли гап. Саволли назар. ■ Унинг саволи қараши юрагига гулгула солиб қўйди. «Ёшлик».

САВОЛОМУЗ [савол + ф. آمیز — ўхшаш, каби] Саволни ифодаловчи, саволли; савол

тариқасидаги, савол маъноси билан. *Шербек Саидғозига саволомуз боқди. С. Анорбоев, Оқсой. Қирмизхон кириб, унга [бошлиққа] саволомуз қаради. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.*

САВР [а. ثور — буқа, ҳўкиз] 1 (С — катта) астр. Ўн икки буржнинг бири, Ҳамал ва Жавзо буржлари ўртасида жойлашган.

2 Шамсия йил ҳисобида иккинчи ойнинг арабча номи (22 апрель — 21 май даврига тўғри келади). *Савр кирди, экинларга давр кирди. Мақол. ■ Момақалдиروق гулдураси, савр ойнинг беқарор ёмғирлари юракка тўлқинлик беради. «Саодат». Савр эди. Ҳаво ғамзада. «Ёшлик».*

САВСАН [ф. سوسن] кт. айн. гулсапсар. *Сабзалар узра мусалсал бўлди сунбул турраси, Бир тараф савсан аросидин равондур облар. Фурқат.*

САВСАР 1 от Ўрмонда яшайдиган, қимматбаҳо кўнғир мўйнали йиртқич ҳайвон.

2 сфм. Шу ҳайвон мўйнасидан тайёрланган. *У савсар телпагини бошига бостириброк кийиб олди.. Х. Фулом, Машғал.*

САВТ [а. صوت — овоз, товуш] 1 Ўзбек мумтоз мусиқасида куйнинг асосий қисмидан кейин келадиган сўнги қисми. *Сўхбатимга кўзи шаҳло, қоши ўқ-ёй истарам, Бошга парқу, тингламоққа савти эшвой истарам. «Мушгум».*

2 Овоз, товуш, садо. *Созандаю навозандаларнинг ҳам савти унга ёқмас, хушрўй раққосалар ҳам ўйин тушиб, уни овута олмас эдилар. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.*

САВТИЁТ [а. صوتيات] эск. айн. фонетика.

САВТИЯ: усули савтия Товуш-ҳарф тизими асосида ўқитиш усули. *Ҳамза Қўқонда биринчи бўлиб усули савтияни қўллади. К. Яшин, Ҳамза.*

САВК [а. سوق — бозор; машинани бошқариш; ундаш, қўзғатиш; майл, хоҳиш]: савқи табиий Ички ҳис-туйғу, сезги; майл; интуиция. *Нўх бинни Мансур савқи табиий билан ўз хузурида улуғ истеъдод эгаси бўлган бир ҳаким ўтирганини пайқади. М. Осим, Карвон йўлларида. Бир-бирига ўхшаш кўчаларда боши айланади, иштиёрини савқи табиийсига топширади. А. Қодирий, Кичик асарлар. Анвар Солиев ниҳоят тергов учун жиддий кўргазма чиқаётганини ўзига хос савқи табиий ила ҳис қилди. А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.*

САГ [ф. سگ — ит] эск. кт. Ит, кучук.

Саги об [ф. سگ آب — сув ити] эск. кт. айн. морж.

САГБОН [ф. سگبان — итбоқар] эск. Ит боқувчи.

САД 1 қ. сад (д). *Шаҳр йўллари барчаси бўлди сад, Шаҳрга кирарға чибинға не ҳад. С. Хондайлиқий.*

Сад чекмоқ (ёки боғламоқ, ясамоқ) эск. кт. 1) мустаҳкам девор, тўсиқ, ғов кўтармоқ. *Мавлоно Аёзий бўлғуси ҳужумларга қарши улуғ сад ясамоқдалар ғолибо. Ойбек, Навоий. Азамат йигитлар сув билан курашга, унга сад чекишга ажратилар эди. Ойбек, О. в. шабадалар; 2) йўлини тўсмоқ, бартараф қилмоқ. *Ҳамзанинг бу ишларига ота бўлиб сад чекмагансиз, балки бу шароитга сиғмайдиган ишларда ўзингиз бош бўлгансиз.. К. Яшин, Ҳамза. Жаноблари огоҳ бўлсинларки, хоинларнинг шаллақилликлари ҳаддан ошгани ҳамон сад чекурмиз. Ойбек, Улуғ йўл.**

САД II [ф. صد — юз (сон)] эск. кт. Юз. *Худойи таоло бир ўғли ато қилғон эрди, сад ҳайфки.. қизамиқ деган касал бирлан қазо қилди. А. Қодирий, Кичик асарлар. Сад офарин қилиб келган ҳийлангга. Эргаш Жуманбулбул ўғли.*

Сади пок Қиш даврининг тўлиқ 100 кун (90 кун қиш ва 10 кун баҳор — қишнинг батамом ўтганлигини билдиради). *Бугун 10 март — сади пок бўлди.*

САДА бот. Эманлар оиласига мансуб сершоҳ, серсоя дарахт. *Сада соя берар, тол хода берар. Мақол. ■ Тула хола саданинг ғадир-будур нўстлогини беҳол бармоқлари билан силаб, юзига суртди. И. Раҳим, Ихлос. Тош устида кўкарган сада Бошим узра бўлур соябон. Б. Бойқобиллов.*

САДАРАЙҲОН Шох-шабба қисми шар шаклида тўп бўлиб ўсадиган райҳон. *У киши райҳонни, айниқса, Наманган садарайҳонини жуда хуш кўрарди. «Гулдаста». Кузачада садарайҳону жамбиллар тўрт тарафга ҳид тартиб турибди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

САДАФ [а. صدف — марварид чиганоғи; садаф, дур] 1 Айрим моллюскалар чиганоғидан олинadиган оқ, ялтироқ дур. *Садафсиз дур бўлмас, Тикансиз гул бўлмас. Мақол.*

2 сфм. Садафдан ясалган, тайёрланган. *Зебихон Адолатга миср шипдан тикилган тўн билан олдига садаф тугмалар қадалган нимчани узатди. С. Зуннунова, Ҳикоялар.*

3 сфт. кучма Садафдек оппоқ, ялтироқ. Гулсум ҳам бошини кутарди ва садаф тишларини кўрсатиб, илжайиб қўйди.. П. Турсун, Ўқитувчи. Юксакдан келасиз, эй тоғ сувлари, Садаф чуққиларнинг юзини ювиб. Ғайратий.

САДАҚА [a. صدقة — хайр, эҳсон, садақа] 1 Тиланчига, муҳтожларга бериладиган хайр-эҳсон. ..Шоқосим паст, аянчли овоз билан бир нималар сўзлаб, ўткинчилардан садақа сўрайди. Ойбек, Танланган асарлар. Эшикдан кириб келган тиланчи садақа сўради. «Муштум».

2 Худо йўлига, азиз-авлиёларга улардан нажот истаб қилинадиган эҳсон; қурбонлик. Адолатга қизамиқ чиққанда, эр-хотин уч кунгача киприк қоқмасдан унинг тепасида ўтиришиди, қўлларига илинган ҳар бир нарса-ни унинг бошидан айлантириб, садақа қилиб юборишаверди. С. Зуннунова, Гулхан.

3 Олувчи назарида садақа бўлиб туюладиган хайр-эҳсон, пул. Хотинингиз сизни аллақачон унутибди, садақаларингизга муҳтож эмас экан, деб айтинг. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Утган кун пул юборган эдим, олмабди. «Менга садақа керак эмас, судга бериб, қонуний алимент оламан», деган эмиш. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Бош-қузидан садақа Сарф қилинган пул, йўқотилган ёки бировга берилган нарса, мол-дунёга ачинмасликни билдирувчи ибора. Пулига тирноқча ҳам куймасди, болаларимнинг бош-қузидан садақа, дерди.. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. **Жоним садақа** (бўлсин) Бировга чексиз ҳурмат-эҳтиромни ифодаловчи, «сиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман» мазмунида айтиладиган ибора. Хуш келибсиз, бош устига, султоним, Сиздан садақадир бир ширин жоним! «Ширин билан Шакар». **Садақа(си) бўлмоқ** Кимсанинг қурбони бўлмоқ; кимса ёки нарсага жон фидо қилмоқ; айланмоқ, ўргилмоқ. **Доно одамага садақа бўлсанг арзийди.** Ойбек, Танланган асарлар. **Садақан одам кет айн. садқан одам кет қ. садқа.** Анзират хола Сидиқжонга «Вой, садақан одам кетинг, наҳот киши шундай хотинини, шундай болани қўйиб, бу ёқларда юрса!» деганидан кейин чеҳраси очилди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Садақаси кетмоқ айн. садақа(си) бўлмоқ** Тушунган одамнинг садақаси кетсанг арзийди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

САДАҚАЙРАҒОЧ Шох-шабба қисми шар ёки овал шаклида тўп бўлиб ўсадиган қайрағоч. *Садақайрағоч ва тол шохларида чирқиллашган тинимсиз чумчуқлар.. бўлмаса, гузарни пашша учса эшитиларлик жимлик қамраган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САДАҚАЧИ Садақа сўровчи; тиланчи; гадоӣ.

САД (Д) [a. سد — тўсиқ, ғов; девор; тўғон] кт. Мустаҳкам қалъа ёки шаҳар девори, тупроқ кўрғон.

Садди чиний тар. Буюк Хитой девори. **Садди Искандар(ий) миф.** Искандар Зулқарнайн қурган афсонавий девор.

САДДИ-БАСТ [сад(д) + ф. بست — бирикш; тўғон] фольк. Бўй-баст, қадди-қомат. *Бир-бир босиб, Равшаннинг олдига келиб, садди-бастига, баланд-пастига қараб, «хўп йигит экан», деб Оққиз кўп беҳузур бўлди. «Равшан».*

САДО [a. صداء — узоқдан эшитилган товуш; чақириққа жавоб] Товуш, овоз. *Ноғоралар гумбури ва карнайлар садоси яна осмону фалакка чиқди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Кунгурадор шифтлар қарсак садоларидан титраб кетди..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Акс садо қ. акс I. Садо чиқмади Гапирмади, индамади. *Бир неча сония ҳеч кимдан садо чиқмади.* С. Сиёев, Аваз. *Лекин бу кун гап шу тўғрида соатлаб давом этса ҳам, Тўғонбекдан садо чиқмади.* Ойбек, Навоий.

САДОҚ Камалак ўқлари жойланиб, белга боғланадиган ёки елкага осиб юриладиган асбоб; тирдон, ўқдон. *Қизларнинг ҳам, йигитларнинг ҳам белларида ўқ-ёй ва садоқларида ўқлари бор эди.* М. Осим, Тўмарис. *Улуғбек елкасидан камонини олди, садоқдан ўқ-ёй олиб, камонга жойлади.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

САДОҚАТ [a. صداقت — дўстлик, бирдамлик; самимийлик] 1 Чин қалбдан берилганлик; содиқлик; вафодорлик. *Уғлон, оқил ҳам мард бўлсин, Мардлик — элга садоқат.* Э. Воҳидов, Нидо. *Гулнор чуқур садоқат ифода этган кўзлари билан йигитга қаради..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Садоқат (хотин-қизлар исми).

САДОҚАТЛИ Чин қалбдан берилган, содиқ; вафодор. *Садоқатли ёр. Садоқатли шогирд.* ■ *Амирзодам, агар бу мардак садоқатли қулингиз бўлганида, ёмон овоза тар-*

қатган навкарни қўлидан тутиб, доруғага топширмасмиди? П. Кодиров, Юлдузли тунлар. Агар Миён Башир ҳазратнинг садоқатли биродарлари Миён Қудрат ҳазратдан ўз вақтида имдод келмаганида, сизлар билан озиқ еб ўлтириш nasib бўлмасди. К. Яшин, Ҳамза.

САДОҚАТСИЗ Садоқати йўқ; хиёнаткор, бевафо. *Садоқатсиз одам. ■ Дастлаб қараганда, ушбу драмада тор ошлавий — ота-она ва садоқатсиз фарзандлар ўртасидаги муносабатлар қаламга олингандек туюлади.* Газетадан.

САДОҚАТСИЗЛИК Садоқатли, содиқ бўлмаслик; вафосизлик, хиёнаткорлик.

САДПОРА [ф. *صدياره* — юз булак, қисм; юзга парчаланган] *позт.* Пора-пора, чилчил, юз пора. *Чашма бўйлаб юрар у хомуш, Қайғуси тоғ, қалби садпора.* Миртемир. *Юрагини қилар садпора Йироқлардан келган бир овоз.* А. Пўлкан. *У дилхун, ўзини қайга уришини билмай қолган кезлари кунглини садпора этадиган аччиқ саволларга жавоб тополмайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

САДР I [а. *صدر* — юқори ўрин, олий мансаб; ибтидо; биринчи мисра] *тар.* Вақф ва дин ишлари билан шуғулланувчи амалдор. *Бу шегрни зшитган қозиро садрлар, мухта-сибларнинг сочи тикка бўлиб кетди.* П. Қодиров, Авлодлар довони. *У [Навоий] садрлардан бир нечасини йиғиб, вақф ишларининг аҳволи ҳақида маълумот олди.* Ойбек, Навоий.

САДР II [а. *صدر* — қалб, кўкрак; марказ, ўрталик] **I** Қаландарлар зикрида энг жазавали ҳолат. *Ҳаммаси тушиб садрга, Тепиб ётар бир-бирга.* «Ширин билан Шакар». *Қулоқ солинг айтган дурга, Ҳақ деб тушинглар садрга.* «Ширин билан Шакар». *Бирининг қўлида таёқ, бошқасида паншаха, садрга тушаётгандек чайқалишиб, қичқириб келиш-япти.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 энн. Одатда, йигит, келинчак, бўйга етган қиз ёки энг яқин киши вафот этганда, унинг «қирқ»игача аёллар иштирокида ўтказил(ади)ган мотам одати (бунда марҳумнинг яқинларидан бир ёки бир неча киши даврага тушиб, олд-орқага ёки икки томонга солланиб, йиғи билан таъсирчан иборалар айтиб, марҳумни эслаганлар, қолганлар маълум ҳолатда жүр бўлганлар). *Во тўрам, деб юлиб опти бетини, Тўрам, деб канизлар садр тушади.* «Ойсулув». *Ҳовлида*

аёллар давра ҳосил қилиб, садр тушади. *Бирни қўйиб, иккинчиси айтади: «Қуш эдим, қанотимдан айрилдим».* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Ичкарида аёллар онамиз теварагида ҳалқа бўлиб садр тушиди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

САДҚА [а. *صدقه* — «садақа» с. дан]: **жоним садқа айн. жоним садақа (бўлсин) қ. садақа.** *Ой бориб, омон келгин, Жоним садқа, ёлғизим.* «Оқ олма, қизил олма». **Садқаи кўз ёшинг** Кўз ёшингга арзимаиди. **Садқаи одам кет** Одам бўлмай ҳар нарса бўл, одамга ўхшамайсан. *Садқаи одам кетинг-э, айб эмасми?!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. **Садқаи сар** 1) бошдан садақа. *Икки қўй йўқолган бўлса, садқаи сар, китобларда йўқолган нарсани риёсиз садақа деганлар.* С. Айний, Дохунда. - *Майли, пул садқаи сар, — деб ўйлади у.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа; 2) ажаб бўлди (бўлсин), хўп бўлди (бўлсин). *Ўлдирган бўлсангиз, садқаи сар.. Ит деган махлуқ топилади, аммо одам топишмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

САЁЗ I сфт. Унча чуқур бўлмаган, чуқур эмас (дарё, кўл, ариқ ва ш. к. ҳақида). *Хали ёмғирлар бошланмагани учун, анҳор суви тиниқ, лекин тошлари кўриниб турган саёз чеккалари шишадай рангсиз-у, чуқур жойлари кўжимтир-яшил.* П. Қодиров, Уч илди. *Биз, бир эшелон солдат, бепояён даштга тушиб, саёзгина дарё бўйида чодир тутиб ётардик.* О. Ёқубов, Излайман.

2 рви. Юзалаб, чуқурлашмасдан. *Бошлиқ, бир колхоз тракторчиси ўн уч гектар ерни саёз ҳайдагани учун суд уни қайта текинга ҳайдаб беришга.. ҳукм чиқарганлигини айтиб берди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Саёз оққан дарё шағиллайди, деганлари-ча бор экан.* С. Кароматов, Ҳижрон.

3 кўчма Мазмунан сийқа, юзаки, гўр. *Хомхатала асарларга, гоёвий-бадийий саёз буюртмаларга чек қўйиш вақти аллақачон келди.* Газетадан. [Салимхоннинг] *Илми жуда саёз, фақат қақиллаб гапириши бор.. Мирмуҳсин, Умид.*

САЁЗЛАНМОҚ I Суви камайиб ёки тош, шағал, балчиқ тўпланиши оқибатида таги юзороқ бўлиб қолмоқ. *Баҳор чоғлари тезобликини ҳаддан оширса, кузга яқин [дарёнинг] таги кўринар даражада саёзланиб қолади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 кўча Мазмунан юзаки бўлмақ. Фикрингиз саёзланиб қолибди.

САЁЗЛАШМОҚ айн. саёзляноқ 1, 2. Дарёнинг саёзлашиши.

САЁЗЛИК 1 Соё, қул, ариқ, дарё каби сув ҳавзаларининг суви камайиб, таги юзароқ бўлиб қолиши. Қўлнинг саёзлиги.

2 Таги унча чуқур бўлмаган, саёз жой. Саёзликнинг нариги томондаги дарё тармоғига тушиб кўрган эди, чуқур экан, буй бермади. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 кўча Юзакилик, бирор соҳада билим ва маҳоратнинг етарли бўлмаслиги. Унинг оригинал ижодига тасвирда саёзлик ва сохтакорлик қандай ёт бўлса, таржималари ҳам худди шундай табиий жаранглайди. Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш. Ўқийман, деб икки йил институтга борди, киролмади. Билими саёзлик қилдими ё омади чопмадими. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

САЁЁҚ 1 Ҳар ерда санқиб, дайдиб юрадиган; дайди. Саёёқ юрсанг, таёёқ ейсан. Мақол. ■ Кеча-кундуз кўча-кўйда тентираб юрдим саёёқ, Сўзласа жон куйдириб ким, солмадим ҳаргиз қулоқ. Ҳабибий. Ҳаммаёёқ жимжит. Соё тарафдаги саёёқ итларнинг ҳам овози унган. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 Ёмон йўлларга юрадиган; ахлоқи бузук. Саёёқ аёл. Саёёқ одам.

САЁЁҚЛИК 1 Санқиб юришлик, дайдилик. -Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор саёёқлигимдан жуда ўқинар эдим, - деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.

2 Ахлоқан бузуклик. У [Фотима] синглимга ҳар замон ёзган хатида эри ҳақида лом-шим демас, ўзи хоҳлаб текканининг саёёқлигидан.. нолишга, очиги, ор қиларди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

САЁЁХАТ [а. سياحت - сафар, сайр қилиш; туризм] Дам олиш, ҳордиқ чиқариш, дунёни кўриш мақсадида қилинган сафар. Кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари кўҳна Самарқандга ҳам саёёхат қилишмоқда. Газетадан. Олдинда тагин денгиз саёёхатининг узундан-узоқ беш кунли бор. Н. Қиличев, Чигирик.

САЁЁХАТНОМА [саёёхат + нома] Саёёхат таассуротлари ва тафсилотларини тасвирловчи бадиий асар; адабий жанр. Шоирнинг шеърини асарларини куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1. Лирика. 2. Ҳажвийёт. 3. Саёёхатномалар. 4. Мактубот. «ЎТА».

САЁЁХАТЧИ Саёёхатга чиққан, саёёхатда юрган одам. Чет эллик саёёхатчилар. ■ Саёёхатчилар жарликдан ўтиб, тоғ ёнбағрига етдилар. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

САЖ(Ъ) [а. سجع - кумри, булбул, тўти каби қўшларнинг сайраши; қофияли наср] Насрий асарлардаги айрим бўлақларнинг вазн ва қофияда мослашиши; қофияли наср. Саж(ъ) санъати ишлатилган наср насри мусажжа. деб юритилган. «ЎТА».

САЖДА [а. سجده - сифиниш, топиниш; бош эгиб таъзим қилиш] 1 дин. Ибодатда ёки сифинишда тиз чўккан ҳолда пешона ва қўл қафтларини ерга тегизиш. Шайбонийхон жойи-намоз устида саждага бош қўйиб, худого муножот қилар, кўзларига ёш олиб, «Шарманда қилма, парвардигор», деб пичирларди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Бўта қайтиб от етаклаб чиққанда, қоровул чопонини ерга ёзиб, саждага бош қўйган эди. С. Аҳмад, Ҳукм.

Сажда қилмоқ 1) ибодатда бош қўймоқ; 2) кўча чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқ. Севган одамнинг дунёда тенги йўқ фариштадек сажда қиласан. С. Кароматов, Олтин кум. Шу содиқ бевага саждалар қилинг, Шу содиқ бевага айланг эҳтиром. А. Орипов; 3) ҳаддан ортиқ берилмоқ; хушомадгўйлик қилмоқ. Шу билан бирга, раисга сажда қилувчи хушомадгўйлар ҳам озмунча эмас. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

САЖДАГОҲ [а.+ф. سجدهگاه - сажда қилинадиган жой] 1 дин. Сажда, ибодат қилинадиган жой; қадамжо. Сиз, бу дунёда неки саждагоҳ бўлса, ялиниб сўрайман, бир лаҳза бўлса ҳам рушнолик кўринг. А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

2 кўча Муқаддас, азиз жой. Мана ўша уй, мана менинг саждагоҳим. Т. Жалолов, Олтин қафас.

САЖИЯ [а. سجيّه - туғма сифат, хусусият; хулқ, табиат] кт. айн. характер 1. Сажиядагина эмас, сурат ва сиймо важида ҳам катта ўзгаликлари бор эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Рафиқов Обид кетмоннинг сажиясига таажжубланади. А. Қодирий, Обид Кетмон.

САЗА шв. айн. сазо 2. -Яхши йигит кўринасиз, одамнинг сазасини ўлдирманг.. - деди Фотима опа. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Раис сўзида туриб берди-ю, сазасини қайтаролмай, олдим «Москвич»ни. С. Нуров, Нарвон.

САЗАН *айн.* зогора балиқ қ. зогора. Бу сувларда сом, шлонбалиқ, сазан, маринка каби балиқлар сероб. Газетадан. Бир кунни хонзодалар Амударёга сайрга чиқибди. Отам сазан тутиб пиширибди. С. Сиёев, Ёруғлик.

САЗО I [ф. سزا — ажр, эваз, мукофот; қасос, жазо] I Қилмишига яраша оладиган танбеҳ, таъзир, дашном. *Деворлар ҳам менга сазо бераётгандек қизардим, ҳеч қаёққа қарай олмадим.* Ойдин, Ҳикоялар.

2 Оний истак; интилиш; раъй, шахт. *Йигитнинг сазоси сингунча, шайтоннинг бўйни узилсин.* Мақол.

Сазосини (ёки сазасини) қайтармоқ (ёки ўлдирмоқ, ерда қолдирмоқ) Илтимосини инобатга олмаслик; шахтини қайтармоқ; уялтирмақ. *Инсоф керак, Асадвой! Қариянинг сазосини ўлдирши яхшимас, оппоқ соқолини ҳурмат қилиш керак.* Х. Назир, Кўктерак шабадаси. *Курбон ота унинг суҳбатини хушламаса ҳам, одамнинг юзи иссиқ, ҳамсафар бўлиш тўғрисидаги сазосини ўлдирмади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

САЗО II шв. Садо, товуш, овоз. *Хотиндан сазо чиқмагач, Соҳиб қори кўлидаги сарполарни Холиданинг бошидан ошириб, ичкарига отди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САЗОВОР [ф. سزوار — (жазо), мукофот, мақтовга) лойиқ] Ўз хизмати, саъй-ҳаракати, хулқ-атвори билан ҳурмат-эътиборга, таҳсинга, унвонга, туҳфа-тортиққа арзийдиган; муносиб, лойиқ. *«Не сабабдан.. улуг султоннинг инъому эҳсонларига сазовор бўлган устод Нажмиддин Бухорийнинг фарзанди бундай қабих экан», деб ўйлади Гавҳаршод Бегим.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Диққатга сазовор Кўзга кўринган, эътиборли; машҳур. *Ҳиротнинг диққатга сазовор жойларидан яна бири Ҳирирудга қурилган Пули Молон бўлиб, унинг атрофидаги ерлар сайргоҳ эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САЗОВОРЛИК Ҳурмат-эътибор, таҳсин, унвон ва ш.к. га муносиблик, лойиқлик. *Ҳурматга сазоворлик. Халқ шоири номига сазоворлик.*

САЗОЙИ [ф. سزايى — жазога лойиқ қурилган] Эл ўртасида шарманда қилинган, жазоланган. *Мени турғизиб, қўлимни орқамга боғладилар. Бозорма-бозор айлантириб, бошимга қамчи билан уриб: «Сазойи киши одам ўлдирсин», — деган гапни баланд овоз билан такрор.. қилар эдилар.* Ф. Фулом, Шум бола.

Сазойи қилмоқ Гуноҳкор кишига эл кўзида жазо, танбеҳ, таъзир бермоқ (илгари бу мақсадда гуноҳкорларни эшакка тескари миндириб, юзига қора суриб, одам гавжум жойларда айлантириб юрилар эди). *-Бу муттаҳам чойхоначини эшакка тескари миндириб, сазойи қилинлар, — деб ҳукм чиқарибди [Исроилбек].* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

САИД [а. سعيد — бахтли, омадли; соз, қулай] *кт.* 1 Бахтли, саодатли.

Соати саид Бахт соати, бахтли соат, он, пайт.

2 Саид (эркаклар исми).

САЙД [а. صيد — ов қилиш, тутиш; шикор; овланадиган қушлар, илвасин] *эск.* Ов қилинган нарса: ўлжа. *Найлайин, сайд ўлди холинг донасига жон қуши.* С. Абдулла. *Унинг севгиси дом қўйган овчидай ўз сайдини кўзлаб, бир тош билан икки ўлжани қўлга киритмоқчи.* У. Исмоилов, Сайланма.

Сайд қилмоқ 1) ов қилмоқ, тутмоқ; 2) кўчма мафтун қилмоқ, банд этмоқ. *Бир табассум бирла сайд этдинг кўнглини аввало, Охири нозу тағофил бўлди иш, эй дилрабо.* Ҳабибий.

САЙЁД [а. صياد — овчи, тутувчи] *эск. кт. айн. овчи.* Тоғларда ирғишлаб ўйнасин оху, Уларнинг пойига тушмасин сайёд. Х. Салоҳ. *Мен бўлибман овчи — элда бир сайёд.* «Гулихиромон».

САЙЁР [а. سيار — доимо ҳаракатланувчи, ҳаракатчан] 1 Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриб хизмат қиладиган. *Сайёр кўргазма. Сайёр устахона. Сайёр кино.*

2 Доимий жойдан бошқа ерга бориб ўтказиладиган, уюштириладиган. *Суднинг сайёр мажлиси. Сайёр илмий сессия.*

3 Муқим турар жойдан бошқа жойларда кезиб юриб, иш олиб борувчи. *Сайёр мухбир.* ■ *Унда-бунда сайёр атторларнинг «ип кетди, игна кетди..» каби қичқириқлари.. шаҳар шовқинига мадад бериб туради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *эск. кт. айн. сайёҳ.* Носирбой ҳам бўш келмайди: *-Мен! Номим Носир сайёри Самарқандий.* А. Қодирий, Обид кетмон.

5 Сайёр (эркаклар исми).

САЙЁРА [а. سياره — сайёра; автомобиль; карвон] 1 Муқим турар жойи йўқ, дарбадар кезувчи, дарбадар. *Сайдинг кўя бер, сайёд, Сайёра экан мендек.* Фурқат.

2 *астр.* Куёш атрофида айланувчи ва ундан нур олувчи шарсимон осмон жисми, мас., Меркурий, Венера, Ер, Марс. *Маълумки, замин — Ер сайёраси Куёш системасида коинотнинг бир кичик бўлаги сифатида пайдо бўлди ва тараққий этди.* Газетадан.

Она сайёра Ер сайёраси. *О, она сайёра, курраи қутлуг, Самодан суратинг илк бора кўрдим.* А. Орипов.

3 Сайёра (хотин-қизлар исми).

САЙЁҲ [а. سَيَّاح — саёҳатчи, турист] Саёҳат қилувчи; саёҳатчи. *Ҳа, машҳур сайёҳ Колумб кашф қилган тамаки эндиликда бутун дунёни тутунга тўлдириб юборди.* Газетадан. *Бир сайёҳнинг хабарича, Ява оролида бошда бирор нарса кўтариб юриш ман этилган.* «Фан ва турмуш».

САЙИД, сайид [а. سَيِّد — мустақил; ҳукмдор, жаноб; Муҳаммад пайғамбар авлодларидан бўлган мусулмонлар унвони] *дин.* 1 Муҳаммад пайғамбар авлодларига мансуб киши. *Отанг сайид, энанг қандай паризод, Сен шекили сулув тугмас одамзод.* «Бўтакўз». *Вагондагилар орасида оқ соқолли мулалар, кўк саллали сайидлар, чалмали қариялар, нариги вагонда эса, нуқул аёллар.* 3. Тошматов, Эрк қуши.

2 Эркаклар исмининг таркибий қисми, мас., *Сайидкарим, Сайидолим.*

САЙИЛ [а. سَير < سَير — сайр, пиёда юриш, кезиш] 1 *этно.* Баҳорда ўтказиладиган катта халқ сайр-томошалари, сайр-томоша. *Айни баҳор кулган чоғ эди, Сайил жойи сўлим боғ эди.* Э. Воҳидов.

2 Умуман, катта ва тантанали сайр-томошалар. *Халқ сайили. Наврўз сайили. Лола сайили.* ■ *Халқ шоирлари дostonларни турли йиғинлар, тўй ва сайилларда ижро этганлар.* Газетадан.

Сайил боғ Халқ сайиллари ўтказиладиган катта боғ, парк, сайилгоҳ. **Қовун сайли** Қовунхўрлик ва сайр-томоша мақсадида кўпчилик бўлиб далага — қовун полизга чиқиш. *Муҳиддинни бир таниши қовун сайлига олиб кетди.* С. Зуннунова, Ҳикоялар.

3 Сайр-томоша мақсадида айланиб (кезиб) юриш; саёҳат. *Сайил ҳам сайил, саргардон ҳам сайил.* Мақол. ■ [Зиёдилла:] *Сарсонгарчилик борми, шу баҳона Тарлон икковимиз шаҳарни сайил қилиб келяпмиз.* Т. Мурод, От кишинаган оқшом.

САЙИЛГОҲ [а. + ф. سَيرگاه < سَيرگاه — сайил жойи] Халқ сайиллари ўтказиладиган жой, боғ, парк. *Сал юришгач, фавворалар осмонга буй чўзиб турган салқин, сўлим сайилгоҳ жойининг олдидан қиқиб қолишди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *..Кий-чув, кулги, қаҳқаҳа сайилгоҳ осмонини қоплади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

САЙИЛЧИ Сайил қилишга чиққан одам. *Сайилчилар роҳат қилиб кулиб қолишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Чор-атроф сайилчиларнинг говур-ғувури .. билан тўлиб-тошган.* Ҳ. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

САЙИН кўм. (б. к. билан) 1 =ган аффиксли сифатдошлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг тобора кучая боришини билдиради. *Шерзод бошқа хонадаги беморларнинг унга ҳасад билан қараётганини сезар, сезган сайин гаши келар эди.* Ҳ. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Қизининг қийнаётганини кўрган сайин Басранинг касали зўриқарди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

Борган сайин Борган сари, тобора. *Қоронғилик қуюқлаша борар, кўкдаги юлдузлар чамани ҳам борган сайин ёрқинроқ чақнар, ҳаво баданга сезиларли совир эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Вақт билдирувчи сўзлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг тадрижий ривожланишини ёки такрорланишини билдиради. *Йил сайин. Соат сайин. Кун сайин.* ■ *Кун сайин озади юрагим, Кун сайин вужудим семирар.* 3. Раҳмон, Юрак қирралари.

Унга сайин Бирор ҳолатдан руҳлана ёки ўчакиша бориб. *Ҳар сафар рақиб унинг тўрига (сеткасига) тўп туширганида, бояги қиз қувониб қарсақ чалар, унга сайин Рустам яхшироқ ўйнар эди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

САЙИС [а. سائِس — отбоқар, ҳайвонларга қаровчи] 1 *тар.* Ўрта Осиё хонлиқларида: ҳарбий ва хўжалик эҳтиёжлари учун сақланган отларни парвариш қилувчи шахс.

2 *шв.* Умуман, отбоқар. *Сайислар билади отнинг тобини, Чечан одам гапнинг кўяр бопини.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

САЙИСХОНА 1 *тар.* Сайислар яшаши учун бевосита отхоналар ёнига қурилган махсус уй.

2 *шв.* Отхона. *У дарвозадан кириб, отини сайисхонадаги якка михга боғлади.* М. Ҳазраткулов, Журъат.

САЙИШ: сайиш қилмоқ *айн.* расад қилмоқ қ. расад II.

САЙИИД *айн.* сайид.

САЙЛАМОҚ I Яширин ёки ошқора усулда овоз бериш йўли билан давлат ёки ўзини ўзи бошқариш органлари аъзолигига ўтказмоқ, тайинламоқ. *Раисликка сайламоқ. Депутатликка сайламоқ.* ■ Уни бир овоздан директорликка сайладилар. Газетадан. Қандолатни ҳам президиумга сайладилар. Ойдин, Ҳикоялар.

2 Танламоқ, танлаб, саралаб олмоқ. *Хоҳлаб менга тулпорларимдан бировини сайлаб ол, жўнамоқ бўлсанг, яхши бор.* «Муродхон». *Кутлуғ бўлсин сайлаб олган ёрингиз.* «Баҳром ва Гуландом».

САЙЛАНИШ Сайланмоқ ф. ҳар. н. Президиумга сайланиш. *Депутатликка сайланиш. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи. Сайлаш ва сайланишда хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқлидирлар.*

Табий сайланиш айн. табиий танланиш қ. танланиш.

САЙЛАНМА I Сайлаб қўйиладиган, сайлов йўли билан белгиланадиган, тайинланадиган. *Сайланма ташкилотлар.*

2 *эск.* Танланган, танлаб, саралаб олинган. *Ёзувчининг сайланма асарлар тўплами.*

САЙЛГОҲ *айн.* сайилгоҳ. *Сайлгоҳга Завқий, Ҳамза ва Олчинбеклар ҳам чиққан, оддий халқ орасида туриб, улоқни томоша қилишарди.* К. Яшин, Ҳамза.

САЙЛИ Қовуннинг узунчоқ тухумсимон, туси яшил, пўсти қаттиқ кечпишар нави.

САЙЛОВ Овоз бериш орқали давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва б. тузилмаларни ташкил этиш воситаси. *Сайлов комиссияси. Сайлов участкаси.* ■ Бу сайлов янги сиёсий системанинг энг муҳим принциплари — кўппартиялилик ва коалиция принциплари амал қила бошлаганидан далолат беради. Газетадан. *Сайлов очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.* «ЎзМЭ».

САЙЛОВЧИ Сайловда қатнашувчи (овоз берувчи) киши, сайлов мажлисининг, тадбир-маросимнинг иштирокчиси. *Сайловчилар билан учрашув.* ■ *Сайловчилар боғча қурилиши ҳақида депутатга наказ беришад.* Газетадан.

САЙР [а. سير — пиёда юриш; йўл, ҳаракат] Осуда ерларда, оромгоҳ, сайргоҳларда айланб юриш, томоша қилиш, ором олиш. *Боғ сайри. Гул сайри.* ■ *Қолмай шаҳарда тоқатим, Қишлоқ чиқардим одатим. Хоҳи яёв, бўлсин отим, Гоҳ сайр ҳам даркор экан.* Муқимий. *Ҳар навбаҳор бу кўкаламзорга ҳиротликлар от-аравада чиқиб, бир-икки кун сайр этиб, ҳордиқ чиқариб қайтишарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Чаман булбулларидек сайр этиб гулзору боғларда, Ҳамиша яйраб эркинликда парвоз этгали келдик.* Ҳабибий, Девон. *Қилмадим бир бор ўшал гул юзли зебо бирла сайр, Қонмагай дил, айласам минг битта Лайло бирла сайр.* Э. Воҳидов.

САЙРАМОҚ I Ёқимли оҳангдор овоз чиқармоқ, хониш қилмоқ (қушлар ҳақида). *Атрофига эккан тоза шамшод гул, Ҳар шоҳида сайраб ўтирар булбул.* «Равшан». *Толда чумчуқ сайрайди, Тол баргини чайнайди, Тол барги аччиқ экан, Ўракка санчиқ экан.* «Халқ дурдоналари». *Ҳовлидаги ёнғоқнинг тена шоҳига қўниб олган зарғалдоқ «биёв-биёв» деб сайрарди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 *кўчма* Ёқимли, ширали овозда қўшиқ айтмоқ. *Созандалар жўрида хушовоз хонанда булбулдек сайрарди.*

3 Ёқимли, жарангдор овоз чиқармоқ (муסיқа асбоби ҳақида). *Дуторимнинг торлари қўш булбулдек сайрайди.* «Кўшиқлар».

4 *кўчма салб.* Тинмай гапирмоқ, вайсамоқ, жаврамоқ. *Журалари орасида «ширин сухан»лик билан танилган Олимхон сайрайверди.* Ойбек, Танланган асарлар. — *Жуда сайраб юбордингиз, бекам! — деди илжайиб Заврак, — сизни бир қадрдон синглим деб ҳурмат қилиб гапирмоқчи бўлган эдим.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 *кўчма* Тез, шиддат билан овоз чиқармоқ (пулемёт, миномёт, автомат ва ш. к. ҳақида) *Бир зумда пулемётлар сайраб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

6 *кўчма* Кўзни қувонтирмақ. *У [қизим] тиккан маҳсиларни қўлингга ол-у, томоша қил — сайрайди-да.* Ойбек, Танланган асарлар.

САЙРАТМА Яхши сайрайдиган, сайратни учун боқиладиган (бедана ҳақида). *Сайратма бедана.* ■ *Сайратмаларнинг ишқибозлари тўрқовоқларини олиб чиқиб, толларга илиб қўйишади, кимники ўзарга ўйнашади.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

САЙРАТМОҚ 1 Сайрамоқ 1, 3, 5 фл. орт. н. Беданани сайратмоқ. Дуторни сайратмоқ. Автоматни сайратмоқ.

САЙРБОҒ, сайрибоғ айн. сайргоҳ. Ча-маси, ўн минутча юрилса, салқин ва сўлим сайрибоғ бор эди. Ф. Мусажонор, Ҳиммат.

САЙРГОҲ [а. + ф. سيرگاه – сайр қилина-диган жой] 1 Сайр қилиб айланиб юриш, ҳордиқ чикариш учун белгиланган жой. Шаҳ-римизда сайргоҳлар кўпаймоқда. ■ Май-доннинг кунботар тарафида ўрдани ўраб ол-ган сайргоҳ боғ бор. К. Яшин, Ҳамза. Кун-нинг иссиғида канизлар терлаб, кўҳна сайр-гоҳга етди. «Нурали».

2 айн. сайилгоҳ. Терим манзараси ажойиб бир сайргоҳни эслатади. Туйғун, Асарлар.

САЙРОН [а. + ф. سيران – сайр-томоша-лар] фольк. Сайрлар, сайр-томошалар. Кўҳи-қоғни сайрон, Девларни ҳайрон қилган, Тўх-тамиш Қора девнинг Маконин вайрон қилган Гўрўғли қаттоли шудир, Одамхўр баттоли шудир. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Хушкелди. Кўш солиб овлагин ойдин кўллари, Сайрон қилгин тар очилган гулларни. «Равшан».

САЙРОҚ 1 айн. сайроқи. [Навоий:] Ку-зимнинг нури, кел, тоза гулим, кел! Кўнги-л боғида сайроқ булбулим, кел! Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Сайраш, хониш. Мен сизни севаман ялпизлар атри, Кушчаларнинг сархуш сайроғи билан.. Х. Даврон, Тунги боғлар.

САЙРОҚИ 1 Давомли, ёқимли ва кўп сайрайдиган. Сайроқи қушлар. Сайроқи бе-дана. Сайроқи чигиртка. ■ Сайроқи қуш-лар макони, сарин еллар ардоқлиси булган боғлар энди хунук манзара касб этган эди. Р. Умаров, Дўрмон боғлари.

2 кўча салб. Кўп гапирадиган; вайсақи, сергап. Сайроқи хотин.

САЙР-САЁҲАТ, сайру саёҳат Сайр ва саёҳат, сайр ва саёҳатда кезиш. [Зикриё қо-ри:] Гулчехрахоним озод Туркистонни сайр-саёҳат қилиш иштиёқи билан бизга меҳмон бўлиб келганлар. Н. Сафаров, Танланган асарлар.

САЙР-ТОМОША, сайру томоша Сайр ва томоша; сайр-томоша қилиб кезиш, айланиш. Бенарвон кўкка чиқиб, қиламиз сайр-томоша. Қ. Муҳаммадий.

САЙРЧИ Сайр қилиб юрвчи, сайрда юрган киши. Сайрчиларнинг дярли ҳамма-си.. «сара» халқ. Ойбек, Навоий.

САЙТ [ингл. site – ўрин, жой] Интернет-да: муайян мавзу йўналиши бўйича тўп-ланган ва шакллантирилган, доимо янги-ланиб, тўлдириб бориладиган, ўз номи (сарлавҳаси)га эга бўлган маълумотлар йи-гиндиси; электрон саҳифа. Осиё футбол конфедерациясининг расмий сайтида тар-қатилган хабарига кўра, Ливан терма жамоаси.. «Осиё кубоги – 2007» баҳсларида иштирок этмайди. Газетадан.

САЙҚАЛ [а. صيقل – жилолаш, силлиқ-лаш; жило, силлиқлик] 1 Нарса сиртига иш-лов бериш натижасида ҳосил бўлган жило; пардоз. Сайқал ишларини пардозлаш трести ишчилари олиб боришди. Газетадан.

Сайқал бермоқ 1) силлиқламоқ, жило, ҳусн бермоқ. Бермоқ учун дунёга сайқал Олам аро одам яралган. Э. Воҳидов. Биз ўзбек чин-нисига сайқал бераётган Тошкент чинни заводидамиз. «Гулистон»; 2) мукаммал-лаштирмоқ; силлиқлаштирмоқ. Ёзган ҳи-кояларингиз жуда яхши, замонавий, чуқур маъмуни, фақат саҳифаларга бироз бадиий сайқал бериш лозим. «Гулистон».

2 кўча Зийнат, ҳусн, чирой, кўрк. Меҳ-нат, Ризахўжа аканинг таъбири билан айт-ганда, умр сайқали, ҳаёт безаги. Газетадан. Сатрим сайқалини кўриб шодланган, Азиз шеърхонларим, сиздан ёлчидим. А. Мухтор.

Сайқал топмоқ 1) кўча ишланиш на-тижасида мукаммаллашмоқ, силлиқлаш-моқ, кўрки ортмоқ. Бино пардозланиб бў-лгач, янада сайқал топди. Газетадан. Рақ-қосанинг санъати тобора сайқал топмоқда; 2) кўча гузаллашмоқ, ҳусн, баркамоллик касб этмоқ. Ривож олғай муҳаббат бирла меҳнат, Топар меҳнат билан сайқал му-ҳаббат. Ҳабибий, Девон.

САЙҚАЛЛАМОҚ 1 Силлиқламоқ, жи-ло, пардоз бермоқ, зийнатламоқ. Бино де-ворларини сайқалламоқ.

2 кўча Мукаммаллаштирмоқ, ишлаб камолотга етказмоқ, силлиқламоқ. Асарни сайқалламоқ. Ижодни сайқалламоқ.

3 кўча Зийнат бермоқ, баркамоллик, кўркамлик бағишламоқ. Ошифта бу дил сатрини сайқалласа зора, Бўстон бўйи ко-киллари, тўхтанг, менга навбат. Т. Тула.

САЙҚАЛЧИ 1 Сайқал, жило берувчи; силлиқловчи, жилоловчи уста.

2 кўча Ишлов бериб камолотга ет-казувчи, баркамол қилувчи, силлиқловчи.

-Ижодимизнинг асосий сайқалчиси халқдир, — деди. Асқад Мухтор ўз нутқида. Газетадан.

САЙФОҚ зоол. Кўш туюқли, кавш қайтарувчи, чўлда яшовчи сутэмизувчи ҳайвон, оққўйруқ. Одамлар яқинидан кўкраклари оппоқ сайғоқлар гала-гала бўлиб чошиб ўтади.. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

САЙҲОН Катта текис очиқ жой, майдон. Кенг сайҳонда икки чол Йўл ахтариб кезарди. А. Орипов. Пода, қишлоқ кўчасидан шудринг босган сайҳонга чиқиб борди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

САЙҲОНЛИК Сайҳон ер, кенг майдон. Сайҳонликка тушганда, ола ҳўкиз орқада қолаверди ва бирдан тўхтади. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. Қишлоқ подаси ҳайдаб чиқиладиган сайҳонликка етганда, давра қуриб ўтирдик. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

САК I [ф. سَك — ит] с.т. Сағ, ит, кучук. Мен сени жоҳил, шуҳратпараст бир сак деб юрсам, сен одам қонига ташна зулук экансан-ку, ҳароми! С. Сиеёв, Аваз.

Сак йили айн. ит йили қ. ит 4.

САК II қ. саклар. Сак тилида ёзилган энг қадимги манба — Олмаота атрофидаги Ис-сиқ мазоркўрғонидан топилган кумуш идишдаги ёзув бўлиб, у милоддан аввалги 5-аср билан саналанади. «ЎЗМЭ».

САКИЛЛАМОҚ салб. Беҳуда чошиб, санқиб юрмоқ. -Ва-а, қолиб кетдинг, энди Халил аканинг итидек сакиллаб, пиёда келасан! — деди у Соат ювошга. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

САККИЗ снқ. сон 8 рақамини ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдорни ифодалайди. Еттидан кейин саккиз келади. ■ Мана, саккиз ойдан буён [Йўлчи] бир қора чақа сўрагани йўқ. Ойбек, Танланган асарлар.

Санамай саккиз дема Олдиндан хулоса чиқарма, яхши билмасдан туриб иш тутма, ҳукм чиқарма. Султоновнинг айтишига қараганда, ер ҳам ориқ, куч ҳам йўқ.. Султонов санамасдан саккиз дейдиган одам эмас-ку! Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

САККИЗИНЧИ I Тартиб ўрни 8 рақами билан белгиланган, 8 номерли. Саккизинчи уй. ■ Саккизинчи майда Сидиқжонга суддан повестка келди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Еттинчидан катта, тўққизинчидан кичик ўлчам номери. Саккизинчи калиш.

САККИЗЛИК I ад. Саккиз сатрли банд усулида ёзилган шеър; мусамман.

2 карт. Саккиз холли қарта. Таппоннинг саккизлиги.

САККИЗОЁҚ зоол. Саккизта сўрғичсимон оёғи бор денгиз ҳайвони. Японияда энг сеvimли овқат денгиз саккизоёқларининг гўштидир. «Саодат». Оролда яшаётганимга бир неча ой бўлса-да, саккизоёқ овини илк бор кузатишим эди. «Фан ва турмуш».

САККИЗТЕПКИ: саккизтепки атлас Саккизта тепкили дастгоҳда тўқилган атлас; хонатласнинг бир тури. -Бўлмаса-чи, — деди Отабек, — шу ўн беш куннинг ичида саккизтепки атласдан лоақал икки жура йиғиб қўйингиз, ёдингиздан чиқармангиз! А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

САКЛАР, шаклар Илк кўчманчилик даврида: Осиё даштларининг чорвадор аҳолиси. Саклар асосан чорва ва зирот билан шуғулланганлар. Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. -Кетяпман, токи ҳеч қачон қул бўлмасин саклар, — деди қабиланинг йигитларига. Х. Даврон, Тунги боғлар.

САКРАМА кт. Ўқтин-ўқтин ёки вақти-вақти билан бирдан ўзгарадиган, сакраб ўтадиган. Сакрама характердаги ривожланиш.

САКРАМОҚ I Бутун гавдани иргитиб, кескин ҳаракат қилмоқ, пастга, юқорига ёки бир неча қадам нарига ўзини отмоқ. Рустам томоша қилиб турган қизлар орасида биттаси чинқариб, осмонга сакраганини, кула-кула қарсақ чалганини кўрди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Аёл сакраб пастга тушиди-да, сумкасини ковлаб, пул қидира бошлади. С. Аҳмад, Уфқ.

Булутга (ёки кўкка) сакрайдиган Чопқир, ўйноқи (от ҳақида). Халқ бундай отларни, булутга сакрайдиган от, дейди. Ерга урсанг, кўкка сакрайди Жуда шўх; тиним билмайдиган (асосан, болалар ҳақида). Юз газ (нари) сакрамоқ Ўзини четга олмоқ, безилламоқ. Иш талаб қилсанг, ҳуркиб, юз газ сакрайсиз. Ойбек, О. в. шабадалар. (Ўрнидан) сакраб турмоқ Ўтирган жойидан тез, сапчиб турмоқ. Бобур ўрнидан сакраб турди, такрор эшитилган аламли йиғидан эти жунжикиб, бувисининг хонасига қараб югурди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Чароснинг.. даҳшатдан кўзлари олайиб, сакраб туриб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Урилиб қайтмоқ, ирғимоқ, сапчимоқ. *Бола коптокни ерга бир урган эди, копток том бўйи сакради.* ■ *Куйида олтинланиб, тошдан тошга сакраган сувларнинг шовкинни сезди.* Ойбек, Куйиш қораймас.

3 *кўчма* Жойдан жойга ўтмоқ, *кўчмоқ.* *Читтак шохдан шохга сакраб, тўғри ҳам эмас, эгри ҳам эмас калтак изласа, Набигул заводдан заводга сакраб, нима излайди, дейсиз-да?* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

4 *кўчма* Навбатдагига тўхталмай, кейингисига ўтмоқ. *Биз, ўтган 51-фаслда Анвар билан Раънони Султоналининг дарвозасида қўйиб, 52-фаслга сакраган эдик.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

5 *кўчма* Кўтарилиб-тушиб турмоқ (нарх-наво ҳақида). [*Мирзакаримбой:*] *Шундай бўлиши керак. Нарх-наво ҳар кун сакраб турибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

САКРАШ 1 **Сакрамоқ** фл. ҳар. н. *Бир оёқлаб сакраш.* ■ *У девордан бир сакрашда ошиб тушди-ю, кучининг борича олдинга интилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Маълум бир спорт турида мустақил машқ. *Парашюта сакраш. Баландликка сакраш. Узунликка сакраш.*

3 *флс.* Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш жараёни.

САКСОВУЛ Шўрадошлар оиласига мансуб, Марказий Осиёнинг шўрхок ва қумли чўлларида ўсадиган, барги яхши ривожланмаган бута ёки дарахт ва унинг ёқилги сифатида ишлатиладиган ёғочи. *Қора саксовул. Оқ саксовул. Саксовул ўтин.* ■ *Оқ саксовул, айниқса, унинг уруғи — қўй-эчкилар учун тўйимли озуқа.* «Фан ва турмуш». Чойхона тўрида доим дўтор, сетор осиглиқ. Қишу ёз чилдирма қиздиргани манқалда саксовул чўғи яшнаб туради. С. Сиёев, Ёруғлик.

САКСОВУЛЗОР Саксовуллар ўсиб ётган майдон. *Саксовулзорлар, сийрак ўсган чўл шувоклари, қумлоқ тепаликлар ортда қолди.* «Ёшлик».

САКСОН 1 *снқ.* сон 80 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Саксондан ун бешни айирмоқ. Саксон сўм тул. Саксон нуд ун.* ■ *Э, бўтам, ўқшига ўқиганман, аммо бунга саксон йилларча бўлдиёв.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.

2 Саксон (эркаклар исми).

САКСОФОН {фр. saxophone < Sax — шу асбобни ихтиро қилган бельгиялик уста А.

Сакс номи + юн. phone — товуш] Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбобларининг бир тури. *Саксофон чалмоқ.* ■ *Чўққи этагидаги санаторий боғидан жаз ва саксофон овозлари келарди.* О. Ёкубов, Излайман.

САКТА [а. سكتة — сукунат, жимжитлик; тутқаноқ, фалаж] 1 *эск. айн.* **апоплексия.** *Сакта касаллиги оғир касалликлардан бири ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

2 Шеърда вазннинг бузилиши, вазндаги етишмовчилик. *Ёқар эди Қудратга азал Полвон ёзган сактароқ ғазал.* М. Али, Боқий дунё.

3 *кўчма* Ранжитадиган; хато; ёмон. *Аҳмад Сардорнинг қизи Бўтақўзойим Авазхонга «Гуруғлининг қули бўласан», деб бир нечта сакта сўзлар айтиб, унинг кўнглини қора қилибди.* «Гулихиромон».

САКТАЛИК 1 Шеър вазнидаги хато, етишмовчилик. *Кейин хон, Авазнинг бир байтини ёдаки айтди, бир сакталikka ишора қилиб, уни ўзи тузатиб ўқиди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Камчилик; меъёрдан четга чиқиш. *Қалбим уришига соласан қулоқ, Ҳеч қачон сакталик сезмайсан бироқ.* Р. Бобожон.

САКУРА [яп.] Узоқ Шарқда, асосан, Японияда ўсадиган, гуллари серяпроқ қизғиш-пушти, меваси ейилмайдиган манзарали дарахт (Япониянинг рамзи). [*Японияда*] *Сакура гуллаганда, баҳор байрами бўлади, ҳар бир меҳмонга сакура гули тақдим этилади.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

САЛ *реш.* Бироз, озгина, андак. *Сал кунда. Сал ўтмай.* ■ *Меъмор бошқа шогирдларидан кўра ҳам унга [Фаввосга] ўзгача илтифоту эҳтиром кўрсатар, чунки у ёш жиҳатидан сал каттароқ эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. Султонов чўнтагини ковлаб, калитни тонди, шекилли, сал ҳовуридан тушди. М. Мансуров, Ёмби. Қандилларда кўндан бери ёнаётган шамларнинг тутунидан уй сал хира тортиб қолган эди. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар. *Орқасига қараса, икки отлиқ этиб олишига сал қолибди.* Н. Фозилов, Оқим.

Сал нарсага ёки салга Арзимаган нарсага, бўлар-бўлмасга. *У ноҳақликни кўргани кўзи йўқ, салга «лов» этиб ёниб кетади.* К. Яшин, Ҳамза. *Ичкўёвчилик эмасми, Бадалбек сал нарсага зарда қиладиган, сал нарсага аразлайдиган қилиқ чиқарди.* С. Аҳмад, Сайланма.

САЛАВОТ I [a. *صلوات* – «салот» с. нинг кўпл.] 1 *дин.* (Оллоҳ томонидан) Бандаларнинг гуноҳларидан ўтиш; кечириш, кечирим.

Ўтган ишга салавот Ўртада бўлиб ўтган кўнгилсиз ишларни, нохуш, номақбул гапларни унутайлик, гина-кудуратни қўяйлик, деган маънода айтиладиган ибора. *Ўтган ишга салавот, ҳозиргисини гапиринг.* Уйғун, Сўнгги пушаймон.

2 Мақтов, ҳамд-сано. *Пайғамбарларга салавот айтмоқ.*

САЛАВОТ II қ. салобат.

Салавоти босмоқ айн. салобати босмоқ қ. салобат.

САЛАВОТЛИ қ. салобатли. *Кекса, салавотли кишилардан андак тортиниб, четроқда ёлғиз турган Умид ёнига Жанна келди.* Мирмуҳсин, Умид. *Карим, директорнинг олдидан қандайдир ўзгариб, вазмин ва салавотли бўлиб чиқди.* О. Ёқубов, Каптар.

САЛАМАНДРА [юн. *salamandra*] 1 *зоол.* Сувда ва қуруқликда яшовчилар туркумига кирувчи, узун думли, калтакесакка ўхшаш жонивор. *Узун думлилардан Кавказ саламандраси Фарбий Кавказда учрайди.* «ЎзМЭ».

2 қ. самандар I.

САЛАНГЛАМОҚ I У ёқдан бу ёққа ҳаракатланмоқ, бориб келмоқ; лапангламоқ. *Бошида шляпа, бўйнидаги галстук саланглаб ётибди.* «Ёшлик». *Узун кўчада сумкасию тўрхалтасини саланглатиб, калласини осилтириб кетиб боряпти.* С. Сиёев, Отлик аёл.

2 *кўчма* Бекор санқиб юрмоқ, сандироқламоқ. *–Нимага саланглаб юрибсизлар? Унгураги кириб олиб, одалларни нимага ишдан совитасизлар? – деб қичқирди Саидамин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САЛАТ I [итал. *salato* – тузли, тузланган] Турли сабзавотлар (помидор, бодринг), тухум, гўшт ва ш.к. дан тайёрланадиган яхна таом. *Салатни айтмайсизми, кўк қалампир аралашган салат дунёда ягона бўлса ажаб эмас.* С. Аҳмад, Йўғон тепа.

САЛАТ II Истеъмол қилинувчи, витаминларга бой бир йиллик кўкат; полиз экинни. *Салатнинг янги узилган барги редиска, бодринг ва ошқўқлар билан яхши ҳамоҳанг бўлади.* Газетадан.

САЛАФ [a. *سلف* – аجدодлар, ўзидан олдин ўтганлар] Кимсадан илгарироқ ўтган фикрдош, ҳаммаслак, ҳамкасиб шахслар. *Шуни ҳам тавқидлаш лозимки, Фурқат деярли*

ҳамиша ўз салафларидан маълум маънода наstda бўлмайти, аксинча, улар билан бир қаторда туради. «ЎТА». *Пулат ака салафлари қаторида, айрим актёрларга ўхшаб, ўз истеъдоди ва маҳоратини арзон-гаровга пулламайти.* Газетадан.

САЛБИЙ [a. *سالبىي* – инкор этадиган, қарши, маъқулламоччи] 1 Ёмон; яхши эмас; зид. **ижобий.** *Салбий хатти-ҳаракат.* ■ *Салбий образ ҳам худди ҳаётнинг бир парчасидек яхлит проблематик бўлиши мумкин.* «ЎТА». *Шуни билинги, бошлаган ишингизнинг ижобий томони билан бирга, салбий, жуда катта салбий томони ҳам бор.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Рад этувчи, қайтарувчи. *Салбий жавоб.* *Салбий муносабат.*

САЛБИЯ [a. *سالبية* – крестгулдош] *бот.* Шифобахш ўсимлик; барги парфюмерияда ишлатилади.

САЛДОВ Моторсиз ва эшкаксиз кемаларни тортиб юргизадиган арқон ва шундай арқон билан кема тортиш жараёни. *Урганчдан Чоржўйгача салдовда ўн икки кунлик йўлни елканда икки кунда босиб ўтишади.* Р. Бекниёз, Лаққа балиқ барваста. *Балиқ тутсақ, Аллонбийнинг чулонига элтиб топширамыз-да, яна қўлда салдов тортиб кетаверамиз.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

САЛДОВЧИ Салдов тортувчи, салдов тортиб кема юргизувчи.

САЛДОМ *шв.* Вазн, салмоқ, оғирлик. *Салдомим синдирар филнинг белини.* «Нигор ва Замон».

САЛДОМЛАМОҚ *шв.* Салмоқламоқ, салмоқлаб кўрмоқ. *Кўрсатар салдомлаб таёқ муштини.* «Нигор ва Замон».

САЛИБ I [a. *سليب* – бут, хоч] *кт.* Бут, хоч, крест. *Салиб шаклидаги нақш Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан мавжуд.* «Фан ва турмуш».

Салиб юришлари тар. 1096–1270 йилларда Фарбий Европа зодагонлари ва католик черкови томонидан «муқаддас ерларни мусулмонлар асоратидан қутқариш» шиори остида Сурия, Фаластин, Шимолий Африкага қилинган (етти марта) босқинчилик урушлари. 1-*Салиб юришлари (1096–99) 1095 йил Клермонда папа Урбан II томонидан эълон қилинган.* «ЎзМЭ».

САЛИБ II [a. صليب — саллагул, пион] *бот.* Ўтсимон, бир паллали кўп йиллик ўсимлик; экма гул (меваси табобатда дори учун ишлатилади).

САЛИБЧИ тар. Салиб юришининг ташкилотчиси ёки қатнашчиси. *Салибчилар, одатда, кийимлариға салиб (хоч) белгисини тикиб олишган.* «ЎЗМЭ».

САЛИМ [a. سليم — соғлом, бутун, шикастланмаган; ҳақиқий, тўғри] *1 кт.* Соғлом одам; соғ-саломат, тўрт мучаси бут киши.

Ақли (ёки фикри) салим 1) тўлиқ, тиниқ ақл; 2) ақли расо, мияси бутун одам. *Фикри салим Олимжон ўзида бўлган жиддиятларни Аҳмаджонда ҳам кўрмоқда эди.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Мамлакатимизнинг истиқболи учун ақли салим, зийрак ва қувватли ўспиринлар керак.* Газетадан.

2 Салим (эркаклар исми).

САЛКАМ [сал + кам] Асосан, миқдорни билдирувчи сўзлар билан қўлланиб, «бироз кам» маъносини билдиради. *Чолу кампир шошилмай салкам Бир асрни яшаб кўйишди.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Одам бир кунда тахминан салкам уч литр сув ичади.* Газетадан.

САЛЛА I [a. سله — сават, тўрхалта; тугун] Узунлиги 1,5 метрдан 7 метргача бўладиган, дўппи, қулоқ, телпак устидан ўраладиган сидирға мато, дока; мусулмон эркакларнинг бош кийими. *Салла ўрамоқ. Калла бошқа, салла бошқа.* Мақол. ■ *Эғнидаги йўл-йўл беқасам тўн, бошидаги оппоқ мисқоли салла унинг йигитлик кўркини яна ҳам очар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қоровул чол ҳам бошидан салласини олмоқчи эди, чувалиб, оёғи остиға тушди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Бақа салла ёки қурбақа салласи Истезмол қилиб бўлмайдиган захарли замбуруғ ўсимлигининг бир тури. *Қаршидаги бўғоти тушиб, ўртаси емирилган, деворидан бақа салла ўсиб чиққан хароба бинолар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ичганини (ёки ичак-човоғини) бошиниға салла қилиб қўяман Дўк-пўпса ибораси. Эсинг борида этагингни ёп, бўлмаса, ичак-човоғингни бошиниға салла қилиб қўяман.* «Ёшлик». *Пайтава салла кест.* Ҳафтафаҳм, бефаросат. [Холисхон:] *Пайтава саллалардан ўлиб бўлдим. Ухлаб ётибди, денг.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

САЛЛА II шв. Маърака-маросимларда тухумга қорилган хамирдан салла шаклида

ўраб, ёгда пишириладиган миллий пиширик; ўрама.

САЛЛАГУЛ [салла + гул] *бот.* Манзарали, кўп йиллик ўтсимон ёки бутасимон ўсимлик ва унинг йирик гули. *..ўтсимон саллагул турлари илдизларига пайвандлаш, парҳиш қилиш орқали, қаламчаси ва уруғидан кўпайтирилади.* «ЎЗМЭ».

САЛЛАЛИ Бошиға салла ўраган; салласи бор. *Хон сайлагучилар орасида ёш йигитлар бор бўлганидек, катта саллали мулланамолар, етмиш ёшли кексалар ҳам кўринади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САЛЛАЛИК Саллабот мато. *Саллалик дока.*

САЛЛАМНО [a. سلمنا — табриклаймиз, қутлаймиз] *кт.* Балли, офарин, тасанно, ташаккур. *Қипти отанг сени мулло, Отананга салламо.* «Гулнорпар». *У ҳозир ижро этган рақсни.. кўрганларида эди.. Салламно ўқишарди.* К. Яшин, Ҳамза.

САЛЛАЧА I Салла I с. кичр.

2 Бошиға танғиб ўраладиган чоғроқ рўмол. *Саллача ўрамоқ.* ■ *Сув бўйида ўлтириб, суени мунча лойлайсан, Саллачангни дол қўйиб, юрагимни доғлайсан.* «Оқ олма, қизил олма».

САЛЛА-ЧОПОН Намозга ва, умуман, кишиликка кийиладиган устки кийим. *Дадаси йўлакдан кўриниши билан Рағно Масъудни кўтариб турди ва қозикдаги саллачопонни олиб, айвон муъшига келди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Содиқжон бойвачча ўрнидан турди-да, Шаҳзодага саллачопонини ишора қилди.* К. Яшин, Ҳамза.

САЛЛАҚОВОҚ *бот.* Ковоқнинг бир тури.

САЛЛОНА-САЛЛОНА шв. Ўзини у ёқбу ёққа солиб; тебраниб-тебраниб. *Зоғча кўзли тулпорлари, Чопинг саллона-саллона.. «Юсуф ва Аҳмад».* *Аёл хохолаб кулганча, ўрнидан турди, саллона-саллона юриб, столнинг ёниға борди-да, пиёлага чой қўйиб ичди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

САЛЛОТ [р. солдат] *1 с. т.* Солдат, аскар. *Князь сув пулни уч баравар ошириб юборибди. Капсанчилар ғулу кўтаришган экан, князь «шаҳардан саллот чақираман», деб босибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

2 *карт.* Моткадан кичик, ўнликдан катта қарта. *Фиштиннинг саллоти. Саллотни юрмоқ.*

САЛЛОХ [а. سلاخ — тери шилувчи; қас-соб] 1 Кушхонада мол сўювчи, қассоб. - *Тик-ка олдига бориб, девкор саллохлардай шохи-дан ушлаб, «бисмиллоҳу оллоҳу акбар», деб [ҳўкизининг] бўғзига пичоқ тортиб юбордим, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

2 *кўчма нафр.* Каллақесар, хунрез. Уруш саллохларин жиловлaгали *Тарих ҳукмин ке-чиктирмайди.* С. Акбарий.

САЛЛОХЛИК 1 Қассоблик; мол сўйиш касби. *Йўлдош ака Тошкентдаги кушхонада саллохлик қилганида, мен унга шогирд эдим.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

2 *кўчма нафр.* Каллақесарлик, хунрезлик.

САЛЛОХХОНА [саллох + хона] *айн.* куш-хона. - *Қайси саллоххонанинг ахлати бу? — деди Комилжон папирос тутунини бурнидан чиқариб.* И. Раҳим, Ихлос.

САЛМА *шв.* Солма. *Сигир қозикни суғу-риб, салмадан ҳатлаб ўтибди-да, Матчон туранинг пахтазорига кириб, гўзани ямлапти.* Ж. Шарипов, Хоразм.

САЛМОҚ 1 Оғирлик, вазн, вазминлик, залвор. *Сони бор, салмоғи йўқ.* Мақол. ■ *Агапов шошлмайди.. Юкнинг салмоғига қараб, сўнгра гапиради.* И. Раҳим, Ихлос. *Қаршимда Ер шарин сурати турар, Салмоғи Қуванинг анорича бор.* А. Орипов.

Салмоқ билан 1) оғирлиги, залвори билан. *Чўпон ота ҳайрон бўлиб, кўлини орқасига қилганча, тик қотиб турган эди, кейин салмоқ билан юра бошлади.* Ойдин, Ҳикоялар; 2) аста, шошмасдан, салмоқланиб, дона-дона қилиб (гапирмоқ). *Кейин Ҳазрат ёнида ўтирган оқсоқ дарवेशга маънодор қараб кўйди-да, аста томоқ қириб, салмоқ билан гапира бошлади.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Жамиятда, кўпчилик ўртасида эришилган ҳурмат-эътибор; мавқе, нуфуз. *Салмоққа яраша иш қилиш керак, Токи дўст-ошонлар десинлар балли.* Ф. Фулом.

3 Нисбий вазн, ҳажм, қиймат, аҳамият, эгалланган ўрин; мазмун. *Оғир саноат маҳсулотининг салмоғи тез ўсиб бормоқда.* ■ *Адабиётшимиздаги ҳужжатга — ҳаётда бор фактларга асосланиб ёзилган воқеий асарлар катта салмоққа эга.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Бадий таржимага эътибор кучаймоқда, таржима адабиётининг салмоғи ҳам йил сайин ошиб бормоқда.* Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.

САЛМОҚДОР 1 Нисбатан оғир; вазмин, салмоқли, залворли. *Салмоқдор болға.* ■ *Тор каби салмоқдор уй, Ичи тўла лиқ китоб.* Қ. Муҳаммадий.

2 Вазндор, бўлиқ, тўлиқ, бўлали. *Салмоқдор кўсақлар.* ■ *Салмоқдор бошоқлар шамолда майин тебранади.* Газетадан.

3 *кўчма* Арзирли; катта; самарали. *Салмоқдор ҳисса қўшмоқ.* ■ *[Азимжоннинг] Туғилган юртидаги катта Қоракўл доирасида салмоқдоргина ота мерос улуши бор экан.* А. Мухтор, Чинор.

4 Мавқеи, тутган ўрни ва хизматига кўра бошқалардан ажралиб турадиган, бошқаларга қараганда сермаҳсул. *Салмоқдор олим.* ■ *Бир-биридан афзал ва салмоқдор бўлган йилларимиз ичида бу йил алоҳида ўрин олди.* Ҳ. Назир, Янги саҳифа.

5 *кўчма* Оғир, вазмин; таъсирчан; донадона. - *Боғчанг-ку яхши-я, — деди салмоқдор овоз билан ҳалиги чол, — лекин, ҳар ҳолда, ота билан онанинг меҳри бошқа.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САЛМОҚИ 1 Салмоқлаб, донадона қилиб гапирадиган. *Салмоқи одам.*

2 Салмоқлаб, донадона қилиб сайрайдиган (бедаана ҳақида).

САЛМОҚЛАМОҚ 1 Кўлда кўтариб кўриб, оғирлигини чамаламоқ. *Мирқарим Ойсанамнинг кўлида қолган элик тийинлик тангани ҳам олиб, кафтида салмоқлаб кўра бошлади.* М. Хайруллаев, Қўшниллар. - *Яхши қилич! — салмоқлаб, тиғини яна қинига тиқди* Арслонқул. Ойбек, Навоий.

2 *кўчма* Вазминлик билан, донадона қилиб гапирмоқ, сўзламоқ. - *Сен қутқариб қолмаганинда, ҳозир булар қаёқда эди, — деди бува салмоқлаб.* Т. Ашгуров, Оқ от.

3 *кўчма* Фикран чамаламоқ; қиёсламоқ. *Иброҳимов.. ўртага ташланган фикрларни ва буларнинг тўғри ё нотўғри эканлигини исбот қилиш учун кўрсатилган далилларни ўлчаб, салмоқлаб кўрди, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб ёзиб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Шошмасдан, битта-битта қадам ташламоқ, секин юрмоқ. *Холмат беғам, одатдагидек, салмоқлаб қадам ташлаб, айвонга ўтиб кетаверди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САЛМОҚЛАНМОҚ 1 Салмоқламоқ фл. мажҳ. н.

2 Вазминлик билан, дона-дона қилиб гапирмоқ. *Йўлчи кириши билан [Мирзакаримбой] вазиятни бузмасдан салмоқланиб деди: -Кел, кўзим, нима ишинг бор? Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Шошмасдан, битта-битта қадам ташламоқ, секин, вазмин юрмоқ; ҳаракатланмоқ. [*Қозоқ бола*] *Йўлда битта-битта қадам ташлаб бораркан, кўчани кесиб, шу томонга салмоқланиб келаётган қоплонга кўзи тушди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Танклар бир текисда, жуда ҳам шошмай, салмоқланиб борарди. Шўҳрат, Шинелли йишлар.

САЛМОҚЛИ айн. салмоқдор. Салмоқли болға. Салмоқли кўсақлар. Салмоқли мушт.

■ Салмоқли дон бошоқлари бу йил ҳам ҳосилнинг яхши бўлишидан дарак беради. Газетадан. *Бошқа халқлар қаторида ўзбеклар ҳам фанга, маданиятга қўшган салмоқли ҳиссалари билан дунёга машҳур бўлиб қолмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ойбек уруш мавзуида кўплаб салмоқли асарлар ёзилганлигини кўп таъкидлар эди.* Газетадан. *Усмон ота катта йўлда у ёқ-бу ёққа қараб, салмоқли қадам ташлаб борар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Бирпасдан кейин шу тинчликда унинг юрагидан тўлқинланиб чиққан майин, лекин салмоқли овози янгради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

САЛМОҚСИЗ 1 Салмоғи, оғирлиги, вазни, ҳажми кам; енгил-елпи. *Салмоқсиз тош.* ■ *Тирик вазни салмоқсиз бўлган чорва молларининг давлатга топширилиши ва сўйиб юборилиши натижасида жуда кўп мол йўқотилмоқда.* Газетадан.

2 *кўчма* Мавқеи, тутган ўрни, маъномазмуни, хизмати жиҳатидан унча аҳамиятга эга бўлмаган. *Салмоқсиз одам. Салмоқсиз асар.*

3 Таъсири йўқ; таъсирсиз. *Салмоқсиз гап.*

САЛОБАТ [а. صلابت — мустаҳкамлик, қаттиқлик; қатъийлик; ўжарлик] Улуғвор ташқи кўриниш; савлат, маҳобат. *Унда [Ҳамид Олимжонда] сеҳрли бир жозиба ва салобат бор эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Шоди Муваррисович декан ўринбосари бўлгандан бери гап-сўзлари ва юриштиришида аллақандай бир ўзгариш, сиполикка ўхшаш салобат пайдо бўлган эди.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Пойтахт салобати кундан-кунга ошиб, Мирзо мадрасаси ҳукуматнинг*

эмас, Ҳирот аҳлининг ҳам диққатини торта бошлади. Мирмуҳсин, Меъмор.

САЛОБАТИ БОСМОҚ Кимса савлати, улуғворлиги олдида тортинмоқ, ўзини йўқотаёзмоқ, довдирамоқ. *Пошша хола, уй эгасининг салобати босиб, унга тик қаролмади.* Д. Нурий, Осмон устунни.

САЛОБАТЛИ 1 Улуғвор кўринишга эга бўлган, виқорли; савлатли, маҳобатли. *Салобатли киши. Салобатли бино.* ■ *Ҳақиқатан ҳам Ғойибнинг салобатли қиёфаси олдида Темиржон ёш боладай кўринарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Улар Аҳмадга қадрдон бўлиб кетган салобатли ва баҳайбат аргувон дарахтига яқинлашдилар.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Оғир, вазмин; ўз вазминлиги ва сокинлиги билан таъсир этувчи; таъсирчан. *Салобатли тун.* ■ *Шундан кейин уйда салобатли тинчлик чўкди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Бош муҳаррир ўзининг майин, вазмин, ширали, салобатли овози билан сўз бошлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ташқарида баҳор ёмғири салобатли шовуларди.* П. Қодиров, Уч илди.

САЛОМ [а. سلام — тинчлик, хавфсизлик; кўришиш, саломлашиш] 1 Кишиларнинг ўзаро учрашган пайтларида урф-одатга кўра бир-бирига айтадиган сўзи. *Алангали салом. Қизгин салом. Салом ҳам фарз, алиқ ҳам фарз. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер.* Мақол. ■ -*Салом, профессор! Хуш келибсиз, — деди Ҳамза ва Степановга қараб қўлучини очди.* К. Яшин, Ҳамза. *Фуломжон эгилиб салом берди, соғ-саломатлик сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Дуойи салом қ. дуо. Салом айтмоқ айн. салом йўлламоқ. Ҳаводан айланиб учган турналар, Бориб бизнинг элга салом айтинглар, Эй азиз турналар, менинг тилимдан Дусту ёронларга салом айтинглар. «Тоҳир ва Зўҳра». *Салом алайкум айн. салом 1. Салом йўлламоқ* Бирор шахс ёки нома орқали салом айтиб юбормоқ. -*Ҳаммалари соғомон, — деди Низомиддинхўжа. — Сизга матбаа, газеталардаги муҳаррир, мусаҳҳих дўстларингиз салом йўллашди.* К. Яшин, Ҳамза. *Салом йўқ, алиқ йўқ* Тўсатдан, ҳеч қутилмаганда, дабдурустан. *У киргач, салом йўқ, алиқ йўқ, томдан тараша тушигандай: -Нималар деб валдираясан, — деб ўшқирди.* «Муштум». *Саломини еб қўймоқ*

Кўпинча, салом бермаган болаларга айтиладиган ҳазил ибора. *Эрта туриб кеч келди, Саломини еб келди.* «Бойчечак». **Соясига салом бермоқ қ. соя.**

2 тар. Амир, хон билан эрталабки учрашув ва ундаги салом-алик маросими. *Эрталаб хоннинг ҳарамдан чиқиш вақти яқинлашган, салом ва истиқбол учун хослардан саккиз-тўққиз киши йиғилган эдилар.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

Салом оғаси тар. Амир, хон саройида расмий маросимларга бошчилик қилиб, уни назорат қилиб турган лавозимли шахс. *Супачалар устида удайчи, шифовул, салом оғаси, тунқотар ва дарбон каби таширфот ходимлари ўтирардилар.* С. Айний, Жаллодлар.

3 энн. Келинчакни тўйдан кейинги кун эрта билан олиб чиқиб, куёвнинг отоналарига, қариндош-уруғларига таъзим қилдириш маросими ва, умуман, келинчақлар таъзими; келинсалом. *Эрталаб, одат бўйича, Нури тўр рўмол ёпишиб, бешикдаги боладан то кексаларга қадар — ҳаммага салом қилар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. [Роҳила:] *Жон қизим, эринени иззат қил! Қайнанангни иззат қил! Эрталаб саломга чиқаётибсанми?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

4 Саҳнада, уйин-томоша майдонларида актёрларнинг томошабинларга таъзими. *Зулфизар рақсини тугатиб, маҳлиё бўлиб ўтирган томошабинга салом қилиши билан, бирдан ҳамма ёқни гулдуратиб қарсақлар кўтарилди.* К. Яшин, Ҳамза.

5 Салом (эркаклар исми).

САЛОМАЛАЙКУМ [а. سلام عليكم — сизнинг устингизда тинчлик ва соғлиқ бўлсин] (тўғриси салом алайкум) **1 қ. салом 1.**

2 бот. Экинлар орасида тез кўпаядиган, илдизпояли кўп йиллик бегона ўт. *Салом-алайкум Ўзбекистоннинг барча суғориладиган ҳудудларида.. бегона ўт сифатида кўп учрайди.* «ЎЗМЭ».

САЛОМ-АЛИК [а. سلام عليك — «салом-алайкум» с. нинг қисқарган шакли] Бир-бирига салом бериб кўришиш, саломлашиш. *Салом-алик қилмоқ. Уларнинг бир-бирлари билан салом-аликлари бор, курортда танишиб қолишган.* ■ *Одатдаги салом-аликдан сўнг орага ноқулай жимлик чўқди.* С. Сиёев, Эркақлар эртаги. *У отдан тушиб, Меъмор билан салом-аликдан сўнг, бу кеча қандай*

ухлаганини сўради. Мирмуҳсин, Меъмор. *Салом-аликдан сўнг гаплари айланиб келиб Ҳамзанинг мактабида тўхтади.* К. Яшин, Ҳамза.

САЛОМ-АЛИКЛАШМОҚ Ўзаро салом бериб кўришмоқ, саломлашмоқ.

САЛОМАТ [а. سلامت — хавфсизлик, омонлик, хотиржамлик; соғломлик] **1** Тан-жони соғ, соғ-саломат; соғлиги яхши; эсон-омон. *Саломат юрибсизларми? Саломат етиб бормоқ.* ■ *Нимага хафасан? Мана, мен соғ-саломат қайтдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Амирзодам, шукур, онангиз, эгачингиз саломат эканлар, кўп куюнманг, бошингиз омон бўлса, давлат топилур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Саломат бўлинг Миннатдорчилик изҳор этиш, хайрлашишда ёки бирор киши акса урганда айтиладиган ибора. *-Хайр, саломат бўлинг, — қиз югуриб, уйига кириб кетди.* «Ёшпик».

2 Саломат (хотин-қизлар исми).

САЛОМАТЛИК Тан-жони соғ, саломат бўлишлик; тани соғлик. *Саломатлик тиламоқ. Саломатлигини сўрамоқ. Саломатлик — туман бойлик.* Мақол. ■ *Саломатлигиниз яхшими, уста?* С. Сиёев, Аваз. *-Ҳаммасидан ҳам саломатлик керак, — деди Муҳиддин.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

САЛОМЛАМОҚ Салом бермоқ, қутламоқ. *Бу ердаги ҳар бир шох-шабба, ҳар бир япроқ Моҳидилга қадрдон. Улар қизни саломлагандай, аста чайқалиб туришибди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Чиқаётган қуёшни саломлаб, яшил дарахтларда қушлар сайрай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

САЛОМЛАШМОҚ Ўзаро бир-бирига салом бермоқ, салом бериб, бир-бири билан кўришмоқ. *Шу куни тушда Йқбол хола ош олиб келганда, Алимардон у билан совуққина саломлашди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Нишонов шошганидан саломлашишни ҳам унутаязди.* С. Зуннунова, Янги директор.

САЛОМНОМА [салом + нома] Сиҳат-саломатлик тилаб йўлланган салом хати. *Ўринбой ака хатни очиб ўқий бошлади. Ойсаодат опа фарзанди йўллаган саломномани бутун вужудини қулоқ қилиб эшитарди.* Ш. Қурбонов, Хушхабарчи.

САЛОМХОНА [салом + хона] тар. Амирнинг, хоннинг саломга йиғилганларни ёки

иш билан келганларни қабул қиладиган хонаси. *Саройбон.. рўнарадаги эшикдан аъло-ҳазратларининг саломхонасига кириб кетди.* О. Ёқубов, Улугбек хазинаси.

САЛОН [фр. *salon* – меҳмонлар кутиб олиннадиган ҳашамдор хона] 1 Кўрғазма, музей залларида турли соҳа ва бўлимларга ажратилган махсус хона ёки бўлмалар. *Мурраккаб рўзғор техникаси салониди шу ерда мавжуд эҳтиёт қисмлардан фойдаланиб, дазмол, фен, электр устарани ремонт қилса бўлади.* Газетадан.

2 Кийим-кечак, пойабзал, санъат буюмлари ва ш. к. намоиш этиладиган ва сотиладиган махсус магазин ёки унинг бўлими. *Универмагнинг аёллар куйлаги билан савдо қилувчи салони.*

3 Бирон-бир махсус фаолият учун мўлжалланган хона, зал.

Аёллар (ёки гўзаллик) салони Хотин-қизларга сартарошлик, маникюр каби пардоз-андоз хизматларини кўрсатувчи жой.

4 Умуман, транспортда (кема, самолёт, автобус, троллейбус ва ш. к. да) йўловчиларга ажратилган бўлма, хона. *Ҳаво кемаси оҳиста учиб борапти, самолёт салони оддий иш кунидек йўловчилар билан гавжум.* Газетадан.

САЛОРЛАР Хитойнинг баъзи вилоятларида яшовчи мусулмон туркий халқ (Ўзларини салир деб атайдилар). *Хитой йилномаларида салорлар 14-асрдан тилга олинган.* «ЎзМЭ».

САЛОТ [а. *صلاة* – намоз, ибодат; илтижо, ўтиниб сўраш; шукрона; дуо, фотиҳа] *дин.* 1 Ислом динидаги 5 та рукннинг энг асосийси: бир кунда, муайян вақтларда белгиланган тартиб ва шартлар асосида қилинадиган ибодат. *Салоти жаноза.*

2 Худо ва пайғамбарга аталган мадҳия, ҳамду сано.

САЛОҲ [а. *صلاح* – яхшилик, эзгулик; тўғрилиқ] 1 Тўғрилиқ, виждонлилик.

Аҳл салох Пок, тўғрисиў одамлар; тўғри иш қилувчи, ҳалол кишилар. *Бу кун кечасига мулла Султонқулнинг қўрғониди бир неча аҳли салох йиғилишиб.. кичкина маслаҳат қилишиб олишмоқчи эканлар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Салоҳ (эркаклар исми).

САЛОҲИЯТ [а. *صلاحیت* – яроқлилик; ваколат, ҳукмдорлик; тўлиқ ҳокимият] Қо-

билият, иқтидор. *Худованди карим бу зоти муборакка шундай салоҳият ато қилганким, тиббиёт бобида унинг билмаган илми йўқдир.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Албатта, Алишер Навоийдаги бу тенгсиз салоҳият қитъа ёзган барча шоирларга хос хусусиятдир, демоқчи эмасмиз.* «ЎТА».

САЛОҲИЯТЛИ Салоҳиятга, катта қобилиятга эга бўлган; иқтидорли. *Салоҳиятли, иқтидорли кадрларни асрашимиз керак.* ■ *Салоҳиятли кадрларнинг маҳоратини ошириб бориш тўғрисида ҳозирдан бошлаб алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш лозим.* Газетадан.

САЛ-ПАЛ рвш. Иш-ҳаракат бажарилиш даражасининг меъёрдан камлигини ифодалайди; бироз, озгина, андак. *Сал-пал юзларига шабада урди.* Ойбек, Нур қидириб. *Хоразмишоҳ чўққи соқолини қашлаб, сал-пал илжайган бўлди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

САЛТ 1 Аравага қўшилмаган; яйдоқ. *Салт от. Салт от минган киши.* ■ *Измаиз келаётиб, Йўлбарс вовулади. Ота орқасига қайрилиб қараса, салт отлиққа кўзи тушиди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Юксиз, беюк, енгил-елпи. *Қайтишда чарчаган ориқ отларда, устиларидаги одамларни кўтариш нари турсин, салт ҳолда қадам босиш учун ҳам куч топилмасди.* С. Айний, Қуллар. *Қаранг, салт совлиқлар илдам кетиб, ширали ўтларни еб тинчи-тишяпти.* «Ёшлик».

3 *тех.* Нағрузкасиз, топшириқсиз, бе-корга, беҳудага қилинган (ҳаракат). *Двигателнинг салт юриши.* ■ *Бехосдан лента узилиб қолса, ғалтак салт айланади.* М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.

САЛТАНАТ [а. *سلطنة* – султонлик, ҳокимият, ҳукмдорлик] 1 Хон, амир, подшо ҳукмдорлиги ва шундай ҳукмдор қўл остидаги давлат; империя. *Аҳмад мирзо амакиси салтанатининг буюклигидан, унинг катта қўшинидан ҳайиқарди..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шоҳим, дўстлик ҳурмати, мамлакатимиз ва салтанатимизнинг осойишталигидан булак муддаом йўқдир.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Салтанат (хотин-қизлар исми).

САЛТАНАТЛИ Тўлиқ ҳукмронликка эга бўлган, тўла ҳукмрон. *Салтанатли шоҳ.* ■ *Подшолик, салтанатли тахтлар, мунаққашли, кўшкли мазгил жойлар.* «Баҳром ва Гуландом».

САЛТ-СУВОЙ *с. т.* Ташвиш-тахлика-сиз, бола-чақасиз; орқа этагида оғирлиги йўқ; такасалтанг. *Салт-сувой йигит.* ■ У *пайтлар ҳали Султон салт-сувой, ҳали Зумрадни ҳам учратмаган эди.* Х. Султонов, *Онамнинг юрти.* - *Шахмат ўйнашни ким кўйибди сизга, кап-катта одам, — истеҳзоли кулди аёл, — шахматни салт-сувойлар ўйнасин.* «Саодат». *Ҳарбий хизматдан қайтгач, рўзгор юмушларига қовушмай қолган салт-сувой ўспирин эмас.* Э. Аъзам, *Кечикаётган одам.*

САЛФЕТКА [*итал. salvietta*] Овқат вақтида ёки ундан сўнг оғиз ва кўлни артадиган қоғоз ёки кичкина сочиқ. *Қоғоз салфетка.*

САЛЬДО [*итал. saldo* — ҳисоб-китоб, қолдиқ] 1 Бухгалтерия ҳисобида муайян давр учун пул тушумлари ва қилинган харажатлар ўртасидаги айирма. *Сальдо ҳар ойнинг биринчи санасидаги ҳолат бўйича аниқланади.* «ЎЗМЭ».

2 Биржа алоқа-муносабатларида мижознинг брокерлик фирмасидан ёки аксинча, брокерлик фирмасининг мижоздан қарзи.

3 Ташқи савдо муносабатларида экспорт ва импорт қийматлари ўртасидаги фарқ, тафовут.

САЛЬТО [*итал. salto* — сакраш] Ерга тегмай туриб, ҳавода бир, икки ёки уч марта умбалоқ ошиб сакраш. *Сальто қилгандай ҳавода умбалоқ ошиб, қум устига йиқилиб тушибман.* П. Қодиров, Эрк.

САЛЮТ [*фр. salut* < *лот. salus, salutis* — қўллаш; соғлик] 1 Саломлашув, табрик.

2 *тар.* Пионерларнинг қўлини бошдан юқори кўтариб саломлашуви. *Кўкка қараб салют берди хандон пионер.* Ф. Фулом.

3 Турли тантана ёки байрам, маросимларда, тарихий саналарни нишонлашда бир неча милтиқдан, тўпдан бир йўла кўпгина ўқ узиш; мушак отиш. *Байрам салюти.* ■ *Кечқурун байрам салютининг ранг-баранг чўғлари бутун шаҳарни ёритди.* Газетадан. *Бу орада тўплар яна бир неча марта салют берди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

САЛҚИ *с. т.* Солқи. *Дарахт шохларини қор босган салқи.* Гўё салқигандай Ер қовоғи ҳам. Газетадан. *Исломбой унинг салқи қовоқлари шишиб, кўзлари қизарганини пайқади.* Х. Султонов, *Бир оқшом эртаги.* *Отнинг*

пуштанини салқи қилиб тортидим. Т. Мурод, *От кишнаган оқшом.*

САЛҚИМОҚ *с. т.* Осилиб тушмоқ, керкмоқ, солқимоқ. *У. ёш бўлса ҳам, соқол босган, ичкиликдан салқиган юзини кўтариб қаради.* А. Мухтор, *Асарлар.* *Кечаги фаввора ёнида Хосият хола билан учрашдик, унинг юзи салқиган, ғамгинроқ эди.* «Шарқ юлдузи».

САЛҚИН 1 Илиқдан пастроқ оромбахш ҳаво ҳарорати. *Бугун ҳаво салқин.* ■ *Тун салқинини ногоҳ ҳис этиб, У уйғониб кетди тонг олди.* Х. Даврон, *Болаликнинг овози.* *Қудуқ тубидан ураётган салқин хуш ёқиб, Отамурод бирпас ўтирган бўлди.* М. Мансуров, Ёмби.

Салқин тушмоқ Ҳаво ҳарорати пасаймоқ. *Бозоров извошга ўтириб, далага жўнади. Даштагач кечки салқин тушиб қолган эди.* И. Раҳим, *Чин муҳаббат.*

2 Сердарахт, серсоя, куёш нури тушмайдиган, теварак-атрофга нисбатан совуқроқ жой. *Салқин жой.* ■ *Кун қизий бошлагач, Аваз эшикка сардўз боғлаб, Полвонён бўйидаги ўша салқин оромхонага равона бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Икки четига сарвлар ва шамшодлар экилган салқин хиёбонларда ҳеч кимса кўринмайди.* М. Маҳмудов, *Мангу куй излаб.*

САЛҚИНЛАМОҚ Жазирама, иссиқ кунларда соя-салқин жойга бориб дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ. *Сояда салқинлаб ётади бекалар.* «Муроджон». *Кеча шу пайтларда Андижонсой бўйида салқинлаб ётгани [Бобурнинг] эсига тушди.* П. Қодиров, *Юлдузли тунлар.*

САЛҚИНЛАТМОҚ 1 Салқинламоқ фл. орт. н.

2 Бирмунча салқин қилмоқ, советмоқ. *Назокат дуконхона эшиги тасига сув сеип салқинлатди, шолча устига тўшалган кўрпачага ёнбошлади.* А. Мухтор, *Опа-сингиллар.*

САЛҚИНЛИК Муздек ҳаво, совуқлик. *Залнинг ўртасида мрамардан ишланган ҳовузча, зилол сувар секин оқади: табиий иссиқ ҳавога бироз оромбахш салқинлик беради.* Ойбек, *Нур қидириб.*

САЛҚИНТОБ *салб.* Сояпарвар, танбал. *Салқинтоб одам.* ■ *-Пахтакорга танбаллик ярашмайди, ука, салқинтоб бўлишни ташлаб, бошқа ишларга ҳам қўл уриб тур, — деган эди Ҳасан ака.* А. Муҳиддин, *Чап чўнтак.*

САЛҚИТ с. т. айн. сарқит. *Ўзи тўйма-ганнынг салқити қорин оғртади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

САМАН [ф. *سمند* — сариққа мойил рангли от] 1 Оч малла, сарғиш, сомонранг (отнинг туси ҳақида). *Ўртадаги юк машинасида саман тойча. Икки қулоғининг ўртасида жиға, устида қизил бахмал ёпиқ.* С. Нуров, Нарвон. *Саман қашқа эса сой ичида қирғоққа тиралиб олган.* Й. Шамшаров, Тошқин.

2 Шу тусдаги от. *Жилвдор нарироқда ўтлаб юрган саманни олиб келиб, узангисини амирга тўғрилади.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

САМАНДАР [ф. *سمندر* — саламандра] 1 миф. Афсонага кўра, гўё ўт ичида туғилдиган ва ўтда яшайдиган махлук. *Адо бўлар оқибат Ё олов, ё самандар.* У. Қўчқор. *Овози самандардек, донишда Искандардек, Қаҳр айласа аждардек, чун нури аён келди.* «Оқ олма, қизил олма».

2 қ. саламандра 1.

3 Самандар (эркаклар исми).

САМАНТҮРИҚ 1 Саманга, маллага мойил тўриқ (от туси).

2 Шу тусдаги от. *Самантўриқни эгарламоқ.*

САМАР [а. *ثمر* — озиқ-овқат, мева, ҳосил; фойда, натижа] кам қўлл. кт. айн. самара. *Совуқ гапнинг ноҳус самари икки қалбда ёнар ловуллаб.* А. Пўлкан, Изҳор.

САМАРА [а. *ثمره* — мева, ҳосил] Натижа, ҳосила, фойда. *Фидойилик билан қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатди: мўл ҳосил етиштирилди.* Газетадан. *Кўёш энергиясидан фойдаланиш халқ хўжалигига жуда катта иқтисодий самара беради.* Газетадан. *Ҳар бир иш ниҳоясига етгандагина гўзал самара беради.* Ҳ. Фулом, Машғал.

САМАРАДОР [а. + ф. *ثمره دار* — самарали, фойдали] Катта самара, фойда келтирадиган, сермахсул; яхши натижа берадиган. *Кино, театр сингари санъат турлари орасида адабиёт ҳам ёшларни тарбиялашда энг фаол иш ниҳоясига етгандагина гўзал самара беради.* Ҳ. Фулом, Машғал.

САМАРАДОРЛИК Самарали, фойдали бўлишлик; фойдалилик. *Иқтисодий самарадорлик.* ■ *Чорвачиликни индустриалаштириш меҳнат самарадорлигини анча ошириш имконини беради.* Газетадан.

САМАРАЛИ айн. самарадор. *Самарали иш. Самарали меҳнат.* ■ *Ёзнинг ҳар бир кунидан самарали фойдаланиб, парваришни ҳар томонлама кучайтирмақ даркор.* Газетадан. *Баҳром, бугун самарали ишлаганидан руҳи кўтарилиб, энгил кайфият билан йўлга чиқди.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси.

САМАРАСИЗ Самара бермайдиган, фойдасиз, бесамар; натижасиз, беҳуда. *Самарасиз иш. Самарасиз ҳаракат.* ■ *Самарасиз ўтмас шоирнинг умри, Тоза юракларда сўз қони қолар.* С. Акбарий, Мехригий.

САМАРИЙ [лот. *samarium* < илк бор шу элемент ажратиб олинган минерал (самарскит) номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб нодир кимёвий элемент; қумушсимон оқ металл.

САМБИТ бот. Тол дарахтининг бир тури ва унинг новдаси; самбиттол.

Самбит қомат Қадди-қомати тик, келишган. *Қурбон Ориповнинг самбит қомати худди ари чаққандек силкинди.* А. Муҳиддин, Куёв қочди. *Кошкийди мен ҳам шундай бир самбит қомат, гўзал қизга ваъда бериш бахтига муяссар бўлсам.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

САМБИТГУЛ бот. Гуллари оқ, пушти, қизил рангларда очиладиган, барглари доимо яшил манзарали ўсимлик (буга ёки кичикроқ дарахт). *Дераза ёнидаги катта тувакда самбитгул кўм-кўк бўлиб яшнаб турарди.* С. Зуннулова, Янги директор.

САМБИТГОЛ айн. самбит. *Икки четада эса ҳар хил дарахтлар, самбиттоллар, каллакдор тутлар қад кўтарган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Сой бўйида самбиттол, савлатингга қойилман.* «Қўшиқлар». *Ўрмондаги қушлари қирлар, олтин бошоқлар, Самбиттол, камалақар «ўзингизга қолди.»* И. Маҳмуд, Ўзтироф.

САМБО [р. самозащита без оружия — «қуролсиз ўзини ҳимоя қилиш» бирикмасининг қисқартмаси] спорт. Курашнинг хилма-хил, самарали миллий усулларни қамраб олган бир тури. *Самбо билан шугулланмоқ.* ■ *Спортнинг самбо тури бўйича Самарқандда ўтказилган республика бичиричилигида 64 курашчи қатнашди.* Газетадан.

САМИМИЙ [а. *حيمي* — тоза, асил; ҳаққий] 1 Сидқидиллик билан, чин қалбдан, юракдан қилинган, айтилган; юракдан, дилдан чиққан. *Лекин Машраб Мастуранинг гапларидан эмас, унинг овозидаги*

гурурдан, болаларга хос самимий қувончдан жилмайди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Элмурод кампирнинг самимий муомаласини кўриб: -Саломат бўлинг, онажон, - деди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Самимият билан иш тутувчи, софқўнгил; пок, тоза. *Самимий одам.* ■ *Шерали бу содда, самимий қизнинг болалардек хатти-ҳаракатини кўриб таажжубланди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Унсиннинг юраги, акасининг юраги каби, Гулнорга нисбатан тоза ҳам самимий.* Ойбек, Танланган асарлар.

САМИМИЙЛАШМОҚ Тобора самимий бўлмоқ, самимийлиги орта бормоқ; самимийлик касб этмоқ. *Уларнинг муносабати яна ҳам самимийлашди.* ■ *Қистирма, чандишлар болалар репертуарида ҳозир ҳам анча актив бўлиб, давр тақозосига кўра, тобора такомиллашмоқда, мазмунан самимийлашмоқда.* «ЎТА».

САМИМИЙЛИК Самимий муносабатда бўлишлик. *Обид Йўлдошев* бу табрикнинг қанчалик самимийлигини билмоқчи бўлгандай, *Муҳаммаджонга* синовчан назар билан тикилиб, раҳмат айтди. П. Қодиров, Уч илдиш. *Самимийлик қизларнинг келажак ҳаётларида энг зарур ва олийжаноб фазилатлардан биридир.* «Саодат». *Бойлик бор жойда самимийлик ўрнини сохталик эгаллайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

САМИМИЯТ [а. صمیمیت - тозалик, софлик; чинлик, тўғрилиқ] Чин кўнгилдан, беғараз, сидқидиллик билан қилинган хатти-ҳаракат; самимийлик. *Кўзларида мулоимлик, самимият чироғи партираб ёниб турарди.* Х. Тўхтабоев, Шириш қовунлар мамлақати. *Қутидор меҳмонларни ихлос ва самимият билан кутар, зиёфат куюқ-сууюқлари билан тўла-тўқис давом этар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САМИМИЯТСИЗ Самимийликни билмайдиган, риёкор, мунофиқ; сохта, қалбаки. *Самимиятсиз одам.*

САМИМИЯТСИЗЛИК Самимий эмаслик, самимияти йўқлик; риёкорлик, сохталик. *Бу ердаги самимиятсизлик ва мунофиқлик, бир-бирини алдаш Элмурод учун оддий бир ҳақиқат бўлиб қолган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

САМИТ [ингл. summit - тепа, юқори, чўқди; юксак даража (да), авж] сиёс. Икки

ёки бир неча давлат бошлиқларининг муҳим халқаро масалалар бўйича учрашуви; олий даражадаги кенгаш. *Петербургда бўлиб ўтиши кутилаётган саммитнинг асосий иш кўни 16 июлдан бошланади.* Газетадан. *Саммит якунида ўндан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди.* Газетадан.

САМО [а. سماء - осмон, кўк] поэт. Осмон, фалак. *Тиниқ мовий само.* ■ *О, она сайёра, курраи қутлуғ, Самодан суратинг илк бора кўрдим.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Ҳар вақтдагидан кўркамроқ, тиниқроқ кўринган тўлини ой самонинг бир нуқтасида қотган каби.* Ойбек, Танланган асарлар.

САМОВАР [р. сам - ўзи + варить - қайнатмоқ] 1 Чой қайнатишга мўлжалланган, сувхонали ва ўтхонали рўзғор асбоби. *Рух самовар.* *Самовар қайнатмоқ.* ■ *Самоварда қайнаган чойинг қани, ёр-ёр.* «Кўшиқлар». *Жувон каттагон самовардан тунука чойнакка чой дамлаб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Самовар жиғиллай бошлади, Аваз ўтхонага яна иккита саксовул палён ташлаб, ичкари кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 айн. **Чойхона.** Мингбоши ўнг томондаги озодароқ самоварга чиқиб.. чилим буюрди. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Юсуфжон ака, бу ҳисоб эмас, ҳовлига борамиз, самоварда эмас, бугун бизникида ётиб қоласиз. К. Яшин, Ҳамза.

Самовар қўймоқ 1) самоварга ўт солиб, чой қайнатмоқ. *Гулнор ўрндан қўзғалди, дармонсизликдан оёқлари титраб, настга тушди-да, самовар қўя бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) самоварчилик қилмоқ. *Умурзоқ ота: -У ерда ошнам бор, Ғани, гузарда самовар қўяди.* Х. Фулом, Машғал.

САМОВАРХОНА [самовар + хона] эск. айн. **Чойхона.** Саҳннинг шимол томонига бориб, унга туташиб турган самовархона томига чиқиб ўтирдим. С. Айний, Эсдаликлар.

САМОВАРЧИ айн. **Чойхоначи.** Самоварчиларнинг қўли қўлига тегмайди. С. Аҳмад, Уфқ. -*Саройдан извошимни олиб чиқ!* - деб буюрди *Бўронбек Ғани самоварчига.* Х. Фулом, Машғал.

САМОВАРЧИЛИК Самоварчи бўлиб ишлаш; самоварчи касби. *Бир-икки йил ямоқчилик, ундан кейин Абдусамад қорининг самоварида самоварчилик қилдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қурбон ота қўлидан*

самоварчиликдан бошқа иш ҳам келаётганига, Урмонжон айтганидай, янги қишлоқни бунёдга келтиришда қатнашаётганига бениҳоя хурсанд бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

САМОВИЙ [а. سماوى — осмонга оид; осмон рангли; илоҳий] *кт.* 1 Осмонга, самога, коинотга оид; космик. *Самовий кема-лар. Самовий сирлар.* ■ Бу китобчада баъзи бир самовий ҳодисалар ва юлдузлар олами ҳақида маълумотлар берилган. Газетадан. — Самовий жисмларнинг аҳоли яқин орада ҳаво айниб, фалокат юз беришидан далолат бераётми, — деди у шерикарига. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 *поэт.* Мовий, ҳаворанг, кўм-кўк. *Самовий кўзларинг сачратиб учқун, Нега тиклади фақат ўшанда?* А. Орипов,

САМОВОТ [а. سموات — «само» с. нинг кўпл.] *поэт.* Осмон, фалак; коинот. *Измимизда эмас бу дунё, Самовотга ўтмас сўзимиз.* Э. Воҳидов, Келажакка мактуб. *Бирдан чирмаб шиддатли чақин, Самовотга солар ялт-юлт из.* Р. Бекниёз, Тўтиё.

САМОГОН [р. сам — ўзи + гонять — (спирт)ни] ҳайдамоқ, тортмоқ] *Ғалла, картошка ва б. нарсалардан тайёрланган хонаки (кўлбола) ароқ. Яқинда бир гуруҳ милиция ходимлари яширин самогон тайёрловчиларни тутиди.* Газетадан. *Бир куни Степан, бочка ва яшиқлар орасига самогон яшираётган йигитни учратиб, кўнглига қўл солиб кўрмоқчи бўлди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Афтидан, улар қишлоқ самогонидан хийла отиб олишганга ўхшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САМОГОНЧИ Қўлда хонаки ароқ тайёрловчи шахс. *Гладстон Наимийга самогончи дўконларида тўлиб ётадиган лойқа винодан олиб чиқиб, рюмкасига қуйди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

САМОДЕРЖАВИЕ [р. сам — ўзи якка + держать — тутиб турмоқ, эга бўлмоқ] *тар.* Монархнинг, подшонинг чекланмаган ҳокимияти ва шундай ҳокимият асосига қурилган давлат тузуми, мустабид (подшонинг ёлғиз ўзи қонунлар чиқарадиган) ҳокимият; монархия.

САМОКАТ [р. сам — ўзи + катать — филдиратмоқ, учирмоқ] *Кичик велосипедсимон, тик дастали, иккита филдираги ёки ролиги бўлган, бир оёқда ер тепиб, бир*

оёқни асос тахтачага қўйиб училадиган болалар ўйинчоғи. *Кўчада одам сийрак. Фақат нарироқда болалар самокатда учишар, филдиракларнинг вағиллаши қулоқни батанга келтирар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

САМОЛЁТ [р. сам — ўзи + летать — учмоқ] *Моторли, қанотли, ҳаводан оғир бўлган учиш аппарати. Пассажир самолёти. Ҳарбий самолёт. Самолёт ҳавога кўтарилди.* ■ *Осмондаги самолёт, Қанотингни настлаб ўт, Мен ёримга хат ёзай, Марғилонга ташлаб ўт.* «Кўшиқлар». Анча олисдан вағилла самолёт ўтди. С. Сиёев, Ёруғлик.

САМОЛЁТСОЗЛИК *Самолётлар ва самолёт қисмларини ишлаб чиқариш; саноатнинг самолёт ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тармоғи. Самолётсозлик заводи.* ■ *1964 йилда Самара авиация институтининг самолётсозлик бўлимига ўқишга кирган Зулфия ҳаётини самолётлар билан боғлади.* Газетадан.

САМОСВАЛ [р. сам — ўзи + свалить — ағдармоқ, тўкмоқ] *Юкларни ўзи ағдарадиган кузовли юк машинаси ёки вагон. Сўнги самосвал оғир бир силкинди-да, ўрнидан кўзгаллиб, физиллаганича кетди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Қум ташийётган самосвал машина, ариқча қийшайганча, бир томонга оғиб турибди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

САМОСВАЛЧИ *с.т.* Самосвал ҳайдовчи. *Самосвалчи йигит.* ■ *Бобош буеун самосвалчи Ҳожиматнинг ишига анграйиб қолди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

САМУМ [а. سموم — иссиқ, қайноқ шамол] *Қумли чўл-саҳроларда қум уюрмаси ҳосил қилиб кўтариладиган қуруқ иссиқ шамол. Қорақўмдан елиб турган самум қалъани улкан дошқозондек қиздиради.* С. Сиёев, Аваз. *Самум ялаб ўтар яланг тўшини, Бунда ёлғиз гиёҳ — шўраю янтоқ.* Э. Воҳидов.

САМУР [а. سمور — сувсар] *зоол.* 1 Сибирь сувсари.

2 Шу ҳайвоннинг териси, мўйнаси. *Самур нўстин.*

САМУРАЙ [ял. самурау — хизмат қилмоқ] 1 Ўрта асрларда: Японияда зодагонлар, майда дворянларнинг ҳарбий табақаси.

2 *кўчма* Япон ҳарбий доиралари, умуман, япон ҳарбийлари, аскарлари. *Япон самурайлари ҳамда оқ филлар билан бўлган урушдан кейин, қайтиб келганига энди уч ой*

булган эди. Й. Шамшаров, Тошқин. Дарё буйидаги қамишзор орасида гоҳ эмаклаб, гоҳ буйларини ростлаб чопиб бораётган учтўртта самурай кўзга чалинди. О. Ёқубов, Излайман.

САН I с.т. Сен. - Сан ўғлимсан, - Йўлчиға меҳр билан тикилди чол. Ойбек, Танланган асарлар.

Сан-манга бормоқ Жанжаллашув, тортишув даражасига етмоқ. Яқинда чойхонада ўтирган улфатлардан биттаси бир-бири билан сан-манга бориб, ҳатто ёқа бўғишгача келиб қолибди. Шукрулло, Жавохирлар сандиғи.

САН II [ял. жаноб] Японияда кимсани ҳурматлаб, унинг исми ёки фамилиясидан кейин қўлланадиган мурожаат шакли.

САНА [а. سنه - йил] I Йил ҳисоби; йил. Санаи милодий. Санаи ҳижрий. Санаи шамсия. Санаи қамария. ■ ..428-санаи ҳижрия, рамазон ойиниғ биринчи кун. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 Бирор воқеа содир бўлган йил, ой, кун ва шу ҳақдаги маълумот (ёзув). Тарихий сана. Санасини аниқламоқ. ■ Бобур Самарқандни Шайбонийхондан тортиб олгандан бери унинг жасоратиға тан бериб шеър ёзганлар, сатрлардан абжод ҳисоби билан ғалабасиниғ аниқ санасини чиқарган тарихнавислар кўп эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Одамзоднинг тарихий воқеаларга уйғун кўплаб унутилмас саналари бор. «Саодат».

САНАД [а. سند - таянч, тиргак; тилхат, ҳужжат] эск. кт. айн. ҳужжат. Сарғайган қўлёзмалар, жимжима хатлар, Мулла боболаримиз чизган саналар. Варақладим бирмабир ўтмишни эслаб, Асрлар қадамида бир маъно излаб. М. Шайхзода. ..хон қўлида у айтган сўзлардан бўлак далил йўқ. Иббот керак, санад керак. Э. Самандар, Тангри кудуги.

САНАЛМОҚ I Санамоқ фл. мажҳ. н. Кассадаги пул қайта саналди. ■ Кеча яқинда тагин пул саналди. Ҳисоб мўлжалга яқин борди, шекилли, бобо соқолини ямлаганча, маъноли кулиб қўйди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

2 Боғлама вазифасида келиб, «..деб ҳисобланади» маъносини беради. Қуён турли об-ҳаво шароитиға тез мослашувчи, озиқларни яхши истеъмол қилувчи жониворлардан саналади. «Фан ва турмуш». Отам Азиз-

бекнинг мушовири ва яқин мусоҳиби саналса ҳам, лекин бу жузъий ишлардагинадир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қовурғаси саналиб қолибди қ. қовурға I. Йўлакнинг ўнг томонидаги бостирмада қовурғаси саналиб қолган тарғил сизир билан шаллангқулоқ бузоқ. «Ёшлик».

САНАМ [а. صنم - бут, санам; манот] I Тошдан, ёғочдан ёки металдан инсон қиёфасида (кўпинча, гўзал аёл образида) ясалган ва зийнатланган бут. Бу вақтда уларнинг ҳаммаси ҳайратдан қотиб қолган, уйнинг бурчагида турган санамга ўхшардилар. «Шарқ юлдузи». Турдаги деворда оқшошонинг йирик портрети, унга уй эгаси санамга сажда қилгандай қарарди. А. Ҳакимов, Илон изидан. Бу даврда будда динига оид турли осори атиқалар, санамлар топилди. Газетадан.

2 кўчма Гўзал, дилбар аёл, нозанин. Сиздай қизлар бўлди бунда улфатим, Ечиб юбор, санам қизлар, қўлимни. «Муродхон».

САНАМА Шахмат тартибида оралатиб гул тикиш усули, шундай усулда тикилган гул ва шундай гулли буюм. Айвонда салла ўраб овора бўлган маҳдум.. санама тикиб ўтирувчи Раънога: -Йўлакда хотин киши кўринади, хабар ол-чи, болам, - деди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Элликлаб қозиқ лунги, юзлаб санама румоллар сандиқларни тўлдирган бўлса ҳам, бу нарса Лутфинисо ва унинг қизини ҳали қаноатлантирган эмасди. Ойбек, Танланган асарлар.

САНАМОҚ I Ҳисобламоқ, ҳисоблаб соинини, миқдорини аниқламоқ; ҳисобини олмоқ. Пул санамоқ. Жуфт-жуфт қилиб санамоқ. Ердан топсанг ҳам, санаб ол. Мақол. ■ Деворнинг паҳсасини санаб кўрди, ўттиз паҳса. «Нурали». У халтачасидаги кумуш тангаларидан санаб, Меъморга узатди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Рақамлар номиин айтмоқ. Кимдандир юзгача санасанг, ухлаб қоласан деб эшитувдим. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. «Бир, икки, уч!» деб санаши билан ўзини сувага шалоплаб ташлади. «Ёшлик».

3 Бирма-бир айтиб ўтмоқ, зикр қилмоқ. Бош мақола бу одамлар яратган ва яратаетган, тажрибадан ўтган ва ўтаётган янгиликларни бирма-бир санаб.. уларга кенг йўл очиб бериш вазифасини кўяр эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 кўча Ҳисобламоқ, ..деб билмоқ. Ёдгор Дилшоднинг унга яна зарда аралаш қараб қуйганини илғаб олди. Тағин узини айбдор санаб, юраги сиқилди. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. «Гап бу ёқда экан, — уйлади у ўзинч билан. — Демак, улар мени одам санашмаган». Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бармоқ билан санарли Оз, озгина, жуда оз. Тоқи (ёки юлдуз) санаб ётмоқ қ. тоқи. Чувварани хом санамоқ қ. чуввара. Қадами-ни санамоқ Доимий равишда кузатиб юрмоқ, Унинг сизнинг қадамингизни санашдан бошқа иши қолмаган. Ойдин, Ҳикоялар.

САНАТОРИЙ [лот. sanatorium — даво-ланиш жойи < sano — даволайман] қ. си-ҳатгоҳ. Болалар санаторийси. Санаторийда даволанмоқ. ■ Уч аёл санаторийнинг ши-нам бир хонасида даволанишади. Газетадан.

САНАЦИЯ [лот. sanatio — даволаш, соғломлаштириш] 1 иқт. Корхоналар, фир-малар, компаниялар ва б. ни банкротлик-дан қутқариш, уларнинг молиявий аҳоли-ни яхшилашга, тиклашга қаратилган дав-лат ва банк чора-тадбирлари тизими. Сана-ция қилиш. ■ Санация орқали давлат бозор иқтисодиётига таъсир этади. «ЎзМЭ».

2 тиб. Оғиз бўшлиғини соғломлаштириш бўйича даволаш-профилактика чоралари. Тишларни санация қилиш.

САНАЦИЯЛАШ айн. санация 1.

САНГ [ф. سنگ — тош; тарози тоши] шв. Тош. От кўп бўлса, шунга лойиқ чанг қўзғалур, Кучли қўшин тоққа юрса, санг қўзғалур. К. Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё. Айланур инсон бошидан Минг аср осмон юки, Дона буғдой узра гўё Санги тегирмон юки. Э. Воҳидов.

САНГБЎРОН [ф. سنگباران — тош ём-гири] шв. Тошбўрон. -Сангбўрон қилинглар! Уринглар уни! — деди шайх амр қилиб. К. Яшин, Ҳамза.

САНГДИЛ [ф. سنگدل — тош юрак, юра-ги тош] поэт. Тошбағир, тошюрак, бераҳм. Кимга дод айлай бу бедодингни, эй сангдил, Ошно бўлдим десам, кўнглинг сени бегонада. Муқимий.

САНГЗОР [ф. سنگزار — тошзор, тошлоқ] шв. Тошлоқ, тошли жой. Сарбонни кўмдилар сангзор соҳилга. Ш. Раҳмон, Гуллаётган тош. Сангзор бўйларига сеп ёйган баҳор Ва тоғларга осган палагин. «Ёшлик».

САНГОБ [ф. سنگآب — сув солинадиган катта тош идиш; тош суви] махс. Тери ошлаш

учун қилинган оҳак ёки қум эритмаси. -Те-ринг сангобда чиригур сизир бирдан ирғиб ўр-нидан туриб, думини хода қилиб, бир қочиб берди, — деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.

САНГСАР [ф. سنگسار — тош бош] зоол. 1 Сувсарнинг бир тури.

2 Шу ҳайвоннинг қимматли териси, мўйнаси.

САНГСОР [ф. سنگسار — тош билан уриш, тошбўрон] шв. Тошбўрон (жазонинг бир тури). -Бу гуноҳинг учун эса сени санг-сор қилмоқ лозим! — деди у ва ўша онда оло-монга юзланиб ҳайқирди. К. Яшин, Ҳамза.

САНГТАРОШ [ф. سنگتراش — тош йў-нувчи; ҳайкалтарош] Тоштарош; тош йў-нувчи уста. Баширжон усталар билан хайр-лашиб, сангтарош Ашот хузурига йўл олди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Ишга тушди сонсиз асир, Меъмор, наққош, сангтарош. Э. Воҳидов.

САНГТАРОШЛИК Тош йўниш, тарашлаш билан шуғулланиш; сангтарош касби. Мен ўзим нажжорман, сангтарошлик ҳам қиламан. Мирмуҳсин, Меъмор.

САНДАЛ I [a. صندليه < ҳинд. + ф. صندلى — курси, стол] Ўрта Осиё, Яқин Шарқ мам-лакатлари ва Японияда маълум бир жойни иситиш учун мўлжалланган манқал; хо-нанинг ўртасига ёки чеккароқ ерига чор-бурчак чуқурчага ўрнатилган, устига кўрпа ёпилиб, атрофига кўрпачалар тўшалган хонтахтадан иборат бўлиб, ичига саксовул ёки кўмир чуғи солинади; танча (қиш со-вуғида сандалга оёқ-қўлни тиқиб исини-лади, айни пайда устига дастурхон ёзиб, ундан стол сифатида фойдаланилади). Ке-линчак хокандозда чуғ келтириб, сандал чуқурчасига солди ва устига янги қуроқ кўрпани ёнди. Газетадан. Бу уйдаги сандал атрофига шоҳи ва атлас кўрпачалар тў-шалган, катта-катта парку ёстиқлар қў-йилган. А. Қаҳқор, Қўшчинор чироқлари. Ундок бўлса, олиб киринглар, сандалда исин-син, таом беринглар. Мирмуҳсин, Меъмор.

САНДАЛ II [юн. sandalon < a. + ф. صندل < санск.] бот. Ниҳоятда хушбўй, эфир мой-йига бой, доимий яшил кўп йиллик дарахт (бўёқ ва хушбўй эфир мойлари олишда фойдаланилади). Анча тужалиб, йўлга чиқиб кетаётган Меъмор, Ҳожатабиб берган сан-дал ёғочидан ясалган асога тиралиб, хотини билан бир лаҳза гаплашиб қолди. Мирмуҳсин,

Меъмор. *Хушбуй сандал дарахтидан ишланган миз устида Навоидан келган олтин боғичли хат турарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

САНДАЛ III [юн. sandalion < а. + ф. صندل — кавушнинг бир тури] Пошнасиз ёзги энгил оёқ кийими; сандалет, шиппак. *У оё-ғига доим энгил сандал кийиб юради.* А. Мажидий, Инжиқ зиёратчи. *Уйда оёқ кийими бир неча нар — чувак, маҳси, сандал, калиш, туфлалар.* Ф. Фулом.

САНДАЛЕТ [фр. sandalette < лот. sandalium < юн. sandalion < а. + ф. صندل] айн. сандал III.

САНДИРАМОҚ шв. айн. **сандироқламоқ.** *Мен билмайман, на ерларда ётибсан, Энасиздай сен сандираб кетибсан.* «Гулнорпари».

САНДИРОҚЛАМОҚ I Бекор, бемақсад санқиб, дайдиб юрмоқ, тентирамоқ, санқимоқ. *Кўчада сандироқлаб юргандан кўра, онангга боқисанг булмайдиши, кап-катта киз, — деди Васла Назаровна унинг гапини эшитмагандай.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Дарбадарликда юрмоқ, тентирамоқ, кезмоқ. *Элчилар маслаҳат қилишиб дейишди: — Мунча одам беҳуда, биёбон чўлларда сандироқлаб буйтиб (бундай қилиб) юрмас.* «Зулфизар билан Авазхон».

САНДИҚ [а. صندوق — кути, яшик, сандиқ] Турли буюмларни, бисотларни солиб қўйишга мўлжалланган, очилиб-ёпиладиган қопқоқли, кулф-калитли, яшик шаклидаги уй-рўзгор буюми. *Сандиқ ичида подшоҳ инъом қилган олтиннинг бир қисми ҳамёни билан турган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мен келтирган атласни Ёрим солмас сандиққа.* «Қўшиқлар». *Ёшликдан бошлаб келиноиларининг сандиқларини, қутиларини тинтиб ўрганган Нури.. калити бурнида унутилган бир қутини очди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Пўлат сандиқ Ўт тушганда куймайдиган, ёнмайдиган металл сандиқ; сейф. *Пўлат сандиқда турган векселларни қовлаштириб, сизниқини топиб беришимни осон деб ўйлайсизми?* К. Яшин, Ҳамза.

САНДИҚЗАДА [а. + ф. صندوقزده — сандиқда уринган] Сандиқда кўп ётавериб, асл сифатини, жилосини, пишиқлигини йўқотган (буюм, мато, кийим-кечак ва ҳ.к.). *Бувимнинг хориждан келтирилган кимҳоб камзуллари кўп йиллар сақланиб, сандиқзада бўлиб қолибди.* Газетадан.

САНДИҚСОЗ [а. + ф. صندوقساز — сандиқ, кути ясовчи] Сандиқ ясовчи уста; сандиқчи. *Бу йигит сандиқсоздан чиққан ёш шоир Усмонхўжа Зорий эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

САНДИҚСОЗЛИК Сандиқ ясаш касби; сандиқ билан савдо қилиш. *У ерда сандиқсозлик, тунукасослик дўконлари бор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

САНДИҚЧА Кичкина, жажжи сандиқ; кути. *Бойвачча халталарни ўртага келтириб қўйди—да, миқ этмай ўтирган Қора Қоллонга қараб: — Қани, бу олтин тангалар тўла халталарни сандиқчага жойлаб, хуржунларга солайлик, — деди маккорона илжайиб.* К. Яшин, Ҳамза.

САНДИҚЧИ айн. **сандиқсоз.** *Қумуш яна тинчий олмади: — Бизнинг уришиб қолишимиз учун Қарим сандиқчининг ҳам дахли бор! — деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САНДОН [ф. سندان — темир кунда] Темирчи, мискар ва заргарларнинг қиздирилган металлга ишлов бериш (болғалаш) да унинг остига қўядиган асбоби; темир кунда. *Қудрат ярим вайрона дўконда белигача чуқурга тушиб олиб, узун темир қисқичда қисилган бир юмалоқ темир чўғни сандонда болғаламоқда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САНДУЛОЧ эск. Булбул. *«Девону луғотит турк» да сайрар сандулоч, Қўқшин япроқларда янграйди баҳор.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

САНЖОБ I шв. Қаттиқ сиқув, исканжа, тазйиқ. *Санжобга олмоқ. ■ Бир кун ниҳоят учаламиз маслаҳатни бир ерга қўйиб, Ҳакимовни ҳалқумидан бўғгандай санжобга олиб қолдик.* «Муштум».

САНЖОБ II шв Бўш; сийрак; кам; холи. *Ҳамма чой ичиб, нон еб хурсандчилик қилди. Шерали ғамгинликда ўтира берди. Одамлар кетиб, санжоб бўлди.* «Эрали ва Шерали». *Йўллар санжоб, ГАЙчиларнинг хуштаклари ёз, куздаидай асабий чурулламайди.* С. Нуров, Нарвон. *Кимга даркор бунча гап, санжоб қилинг, уламо.* Э. Воҳидов.

САНЖОҚ I эск. Байроқ, туф.

2 эск. Товус ёки каптарнинг рамзи (тасвири) туширилган мис.

3 тар. Усмонлилар даврида Туркияда маъмурий-ҳудудий бирлик (туман, вилоят).

САНИТАР [лот. *sanitas* – соғлиқ, саломатлик] 1 Даволаш муассасаларида, ҳарбий-тиббий қисмларда касалларга қаровчи, тозалликни сақловчи кичик тиббиёт ходими. *Блиндажлар ярадорларга тўла. Афтидан, санитарлар шошиб қолганга ўхшайди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Санитарияга оид. *Санитар поезд. ■ Эргашев олдинги позиция томон эмаклар кетди. Унинг орқасидан санитар сумкаси билан Петров йўл олди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

САНИТАРИЯ [лот. *sanitas* – соғлиқ, саломатлик] Умуман, аҳолини, атроф-муҳитни соғломлаштиришга, тозалликка, гигиеник талаб ва меъёрларга риоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизими. *Биз шаҳарнинг санитария ҳолатини тубдан яхшилаш учун барча чораларни кўрамиз. Газетадан. Касалхонага кирган касал санитария ҳақида тушунчага эга бўлиши керак. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

САНИТАРКА Санитар аёл. *Олға юрганмиз сари орқада ярадорлар чўзилиб қолади. Ана шунда бир санитарканинг мардлигига қойил қолдим. Ойдин, Ҳикоялар.*

САНИТАРЛИК Санитар касби; шу касб билан шуғулланиш.

САНКЦИЯ [лот. *sanctio* – қатъий, ўта жиддий қарор] ҳуқ. 1 Ҳужжат, қарор ва ш. к. нинг олий орган томонидан тасдиқланиши, шундай тасдиқ натижасида ҳужжат, қарорнинг қонуний кучга эга бўлиши.

2 Ҳуқуқий меъёрнинг, қонун моддасининг ушбу қонун бузилишидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар кўрсатиб ўтилган қисми.

3 Халқро ҳуқуқда: халқро мажбуриятларга ёки халқро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилмаган, уларни бузган давлатларга нисбатан қўлланадиган (иқтисодий, молиявий ёки ҳарбий) таъсир чораси. *Бироқ Техрон расмийларининг баёнотларига кўра, ҳеч нарса, ҳатто халқро санкциялар ҳам Эронни ўз ядро дастуридан воз кечишга мажбур эта олмайди. Газетадан.*

4 Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсга нисбатан мажбурий чора (қамок, тинтув ва ш.к.) кўриш учун прокурор томонидан бериладиган рўхсат.

САННАМОҚ 1 этн. Инс-жинсларни қайтариш, кишиларни даволаш учун дуо

ўқимоқ. [Кампир буви] *Фолбиннинг «одамлар» эшикни ғирч этиб очиб келиб, тахмон тепасидаги дорга ўтиришини, саннаб ўқиб турган азайимхонни бўғишини кўрган эди. Мирмуҳсин, Умид.*

2 этн. Азада марҳум ҳақида айтиб йигламоқ. *Аёл ҳамон ўз дардини айтиб саннардди. «Шарқ юлдузи».*

3 кўчма Кўп гапирмоқ, вайсамоқ. *Қоринни тўқлаб олган эмасми, Асад жағига зўр бериб саннаб кетди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. Саннай-саннай бозорчи хотиннинг қораси ўчди. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.*

САНО I [а. *سنة* – табрик, саломлашиш; мадҳ, мақтов; мннатдорчилик] 1 дин. Худонинг, пайғамбарларнинг шаънига айтилган мақтов сўзлар; мадҳия, мадҳ, ҳамд. *Отанг борми, энанг борми элингда? Худонинг саноси борми тилингда? «Равшан».*

2 Умуман, мақтов, мадҳия. *Зикри сано тилида, Тилло камар белида. «Ҳасанхон». Гуллар қўшиғи Наргизнинг мислсиз ҳусну жамолини, унинг ёрига чексиз садоқатини сано этмоқда эди. Ш. Рашидов, Асарлар.*

САНО II [а. *صناعة* – Сано шаҳри] бот. савойи макка [а. *صناعى* – Сано шаҳрига мансуб] Асосан, тропик ва субтропик ўсимлик, кўп йиллик ўт, бута ва дарахтларнинг умумий номи ва унинг табобатда сурги дори сифатида қўлланадиган бағри. *Санонинг барги таркибида ичми юмшатовчи антрагликозидлар бор. «ЎЗМЭ».*

САНОАТ [а. *صناعة* – санъат, маҳорат; касб-ҳунар; ишлабчиқариш, индустрия] Халқ ҳўжалигининг хомашёни қайта ишлаш, ер ости бойликларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш воситаларини ва кент истеъмол молларини яратиш ва ш.к. ни қамраб олувчи тармоғи; индустрия. *Оғир саноат. Енгил саноат Озиқ-овқат саноати. Саноат маҳсулоти. ■ Водийда саноат корхоналарининг қурилиши кўплаб одамларнинг иш билан таъминланишига сабаб бўлди. Газетадан.*

САНОАТЛАШТИРИШ айн. индустри(я)лаш. *Мамлакатни саноатлаштириш.*

САНОАТЧИ Саноат корхоналарига эга бўлган шахс. *Америка саноатчилари.*

САНОБАР [а. *صوبار* – қарағай] 1 бот. Қарағайгуллилар оиласига мансуб, доим яшил манзарали дарахт; қарағайнинг бир тури. *Қоматинг гулшандаги сарву санобар-*

дин баланд.. Фуркат. ..қийшайиб ўсган ёлғиз санобар остидаги ёғоч ўриндиқда чекиб ўтирган эди. Ш. Холмирзаев, Сайланма.

2 *поэт.* Қалди-қомати келишган, хушқомат, сарвқомат.

3 Санобар (хотин-қизлар исми).

САНОЙИ [а. *صنائح* – санъатлар]: **санойи нафиса** эск. *кт.* Нафис, бадий санъат. *Шаҳардаги бир қанча мактабнинг санойи нафиса тўғараклари иштирокида беш пардали катта концерт берилди.* А. Қаҳҳор, Ҳикоялар.

САНОЧ *тар.* Теридан қилинган идиш; тери тўрва; меш, мешкоб. *Хазиначининг айтишича, унинг хуржунда икки саноч олтин бор экан.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. У [Лола] бир саноч қимиз билан катта заранг косада яхна гўшт, нон олиб чиқди. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз. *Убайдулла ака кўли саночдаги қимиздан косага қуйиш билан банд.* Ш. Бутаев, Қўрғонланган ой.

САНОҚ Доналаб санаш, ҳисоблаш ва ундан олинадиган натижа. *Саноқдан адашмоқ. Саноғиға етолмаслик.* ■ Тўғонбек.. *ёзувчизува, саноққа берилиб, дастурхонга қарамади ҳам.* Ойбек, Навоий.

Саноқ комиссияси Сайловда у ёки бу шахсга берилган (ошқора ёки яширин) овозларни ҳисоблаб чиқувчи ҳакамлар. **Саноқ сон** *тлш.* Предметларнинг сонини, саногини билдирувчи, қанча?, неча? сўроғига жавоб бўлувчи сон тури. **Саноғи йўқ** Беҳисоб, жуда кўп, сон-саноқсиз. *Пул десанг, саноғи йўқ. Санаб тамом қилиб бўлмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сонда бор, саноқда йўқ** Айрим обрў-этиборини йўқотган, назардан қолган шахслар ёки сифатсиз, қалрсиз буюмлар ҳақида айтиладиган ибора. *Боқи энди сонда бор эди-ю, саноқда йўқ эди.* С. Аҳмад, Сайланма.

САНОҚЛИ 1 Санаб қўйилган, саноғи маълум, ҳисобли. *Саноқли пул. Саноқли мол йўқолмас.* Мақол.

2 *кўчма* Бир нечагина, жуда оз. *Май байрамга саноқли кунлар қолган эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Ҳозирча гуруҳимизда саноқли одам бор.* С. Сиёев, Ёруғлик.

САНОҚСИЗ 1 Саналмаган, ҳисобланмаган.

2 *кўчма* Беҳисоб, жуда кўп, сон-саноғи йўқ. *Ҳозирча ой чиқмаган, саноқсиз юлдузлар, ўз раҳнамоларидан жудо бўлган етимчалар-*

дек, атрофга мўлт-мўлт жавдирашарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

САНСАЛОП: сансалор бўлмоқ Бирор иш, юмуш бажарилмай арасотда қолмоқ. *Яслибоғча учун етарли миқдорда мебель келтирилиши керак эди. Аммо бу иш сансалор бўлиб қолган.* Газетадан. **Сансалор қилмоқ** Бирор ишни, юмушни бажаришдан ўзини четга олмоқ, бир-бирига солиб ишни чўзмоқ, мен қилмайман, сен қил, деб орқага судрамоқ.

САНСАЛОПЛИК Бирор иш, юмушни бажаришдан ўзини тортишлик; бир-бирига солиб, муаммони ўз вақтида ҳал қилмаслик; пайсалга солиб чўзишлик. *Расулжон буларнинг ҳаммасини кўрди, ўрганди, айниқса, ободончилик соҳасидаги ўрнашиб олган сансалорликдек ярамас иллатни фаҳмлади.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

САНСАЛОПЧИ Бирор ишни, юмушни бажаришдан ўзини тортувчи, бошқаларга ташлаб кўювчи; ишەқмас, лоқайд. *Сансалорчи пешонасини қашлаб, ўйланиброқ тураркан..* Газетадан.

САНСАЛОПЧИЛИК Сансалорликка йўл қўйиш; ишни пайсалга солиб, бошқаларга ташлаб кечиктириш. *Сансалорчилик бор ерда ривожланиш бўлмайди.*

САНСАНЛАМОҚ *с.т. қ.* сенсирамоқ. *Ҳожи Зокир энди камтирни сансанлаб, унга дўқ урарди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

САНСИРАМОҚ *шв. қ.* сенсирамоқ. -Қол, - Содиқ энди сансирашга ўтибди. Ҳ. Фулом, Машғал.

САНСКРИТ [ҳинд. санскрит – такомиллаштирилган, қайта ишланган; тузатилган; мумтоз] Ҳинд-европа тиллари гуруҳига мансуб қадимги ҳинд адабий тили (Бу тилда милоддан аввал диний, фалсафий, бадий ва илмий адабиётлар яратилган). *Араб, юнон, санскрит, қадимги славян тилларида бирлик, иккилик категориялари мавжуд бўлган.* «Фан ва турмуш».

САНТАЛ 1 қ. сандал II.

САНТАЛАТ *с. т. қ.* салтанат 1. *Неча дағдаға, санталат билан Юсуф билан Аҳмаднинг олдиға етди.* «Юсуф билан Аҳмад»

САНТИ- [лот. septim – юз] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўз билдирган асосий ўлчов миқдоридан 100 марта кичикликни билдиради; мас., 1 см = 0,01 м.

САНТИГРАММ [санти.. + грамм] *махс.* Граммнинг юздан бир улушига тенг оғирлик ўлчови.

САНТИМЕТР [санти.. + метр] *махс.* Метрнинг юздан бир улушига тенг узунлик ўлчови. *Қалдирғочнинг қанотлари узун ва тор, танасининг узунлиги 10–23 сантиметрга етади.* «Фан ва турмуш».

САНЧИЛМОҚ 1 **Санчмоқ** 1, 2, 4 фл. ўзл. ва мажж. н. *Болалар гулхан атрофида ўйнашарди, баъзилари қор устида чўққайиб, баъзилари шохлари қорга санчилиб чўзилиб ётган арча устига миниб олишганди.* Ш. Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор. *Бойнинг ҳар бир сўзи Раҳим домлага найзаддек санчилди.* Х. Фулом, Машғал. *Дабдурустдан берилган бу савол оғир юк бўлиб, елкасидан босди, дилига наштардек санчилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма* Тик бориб туташиб кетгандек туюлмоқ, қадалмоқ. *Боланинг хаёли шу тобда кўёшининг олтин тўғлари санчилиб турган баланд гумбазда..* эди. К. Яшин, Ҳамза.

САНЧИҚ 1 Учили нарса қаттиқ санчилаётгандек туюладиган ўқтин-ўқтин оғриқ. *Баногоҳ Омонгулнинг биқинига санчиқ турди.* «Ёшлик». [Дилбархон] *Ҳусанжон билан Ҳасанжонга ҳомиладор бўлди-ю, қаёқдандир мия санчиғи пайдо бўлди.* Х. Тўхтабоев, Садоқат.

2 *кўчма* Аччиқ, кинояли гап; аччиқ-тирсик. *Сўзнинг ёмони – санчиқ, дарднинг ёмони – қуёнчиқ.* Мақол. ■ *Бола болалик қилиб, саволдаги санчиқни тушунмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САНЧИҚҮТ *бот.* Айиқтовондошлар оиласига мансуб, қизғиш гулли, сершоҳ кўп йиллик ўт. *Санчиқўтнинг экстрактлари қонни тўхтатиш ва қон босимини кўтариш хусусиятига эга.* «ЎЗМЭ».

САНЧМОҚ 1 Учи ўткир нарсани куч билан босиб ёки зарб билан уриб киргизмоқ; суқмоқ, тикмоқ, ботирмоқ. *Холмат иккинчи рақибининг кўкрагига қиллич санчди, бироқ ўзи ҳам бошидан яраланди.* Н. Сафаров, Оловли йиллар. *Тўтиқиз дўппи хомини тиззасига қўйиб, секин игна санчди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мингбоши худди орқасига биров бизиз санчиб олгандек сакраб тўшди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *Қадамоқ, тақамоқ. Анаар югуриб келиб, ёрлиқни олиб ўнди ва уни салласига санчиб,*

орқаси билан юриб, илгариги ўрнига бориб тўхтади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *кўчма* Бирор нарса санчилгандек, ўқтин-ўқтин оғримоқ. *Бу воқеани эшитиб, Меъморнинг юраги санчиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шерзод кўкрагининг қаттиқ санчанганидан уйғониб кетди.* У. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

4 *кўчма* Аччиқ гап билан узиб олмоқ, чақмоқ. *Қози ҳам, Асад қори ҳам жадид мактабига қарши эдилар.* Шунинг учун *Асад қори гап билан нишини яна Фуломжонга санчди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САНЧҚИ 1 *денг.* Денгиз ҳайвонларини ов қилишда қўлланадиган махсус асбоб; найза. *Пирнафас ака қайиқ, тўр, чўлпи ва санчқи сотиб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *айн. вилка.* *Темиржон бир қўлида китоб, иккинчиси билан санчқиди чучвара илиб ея бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

САНЪАТ [a. *صنعت* – иш, меҳнат; маҳорат; касб-ҳунар] 1 Ижтимоий маданиятнинг эстетик завқ берувчи, мусиқа, мусаввирлик, ҳайкалтарошилик каби воқеликни бадийий образлар воситасида акс эттирувчи ҳар бир айрим соҳаси. *Тасвирий санъат. Меъморлик санъати. Санъат ва адабиёт.* ■ *Дунёдаги ҳар қайси соҳа ўз санъатига ва ўз маданиятига эга.* «Ёшлик». *Кинематографчилар ўз ижодий режалари, кино санъатини ривожлантириш тўғрисидаги ўйлари билан ўртоқлашдилар.* Газетадан. *Заргарлик санъати энг кўҳна санъатлардан бири бўлиб, у декоратив-амалий санъат хили сифатида кенг тарқалган.* Газетадан.

2 Турли амалий-татбиқий соҳаларнинг ўзига хос иш услуби, системаси. *Ҳарбий санъат.* ■ *Уч-тўрт километрга чўзилган тепалик ҳарбий-инженерлик санъати билан узоқ йиллар давомида қурилган мустаҳкам қалъага ўхшарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *кўчма* Муайян фаолият соҳасидаги юксак маҳорат, усталик; истеъдод. *Сўз санъати. Нотиқлик санъати.* ■ *Ёш хонандалар, раққосалар ўз санъатларини намойиш этдилар.* Газетадан. *Фурсатдан фойдаланмоқ ўзи бир санъат, хунар.* Қ. Муҳаммадий. *Қулдиршига санъат керак, кулишга – соф юрак.* Газетадан.

4 Адабиётшунослиқда: бадийий асар поэтикасини таъминловчи восита. *Талмех санъ-*

ати. ■ Ружуъ — маънавий санъатлардан бири бўлиб, арабча «қайтиш» демакдир. «УТА».

5 Санъат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

САНЪАТКОР [а. + ф. *صنعتكار* — санъат билан шуғулланувчи, маълум бир санъат эгаси; ҳунарманд] 1 Санъат соҳиби, санъатнинг бирор соҳасини эгаллаган ижодкор; санъатчи. *Санъаткорлар оиласи.* ■ *Ҳозир ажойиб санъаткор, халқнинг меҳрини қозонган хушовоз хонанда Таваккал Қодиров ижодининг авж пардасига етган пайт.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Фестивалда ўз фильмларини намойиш қилаётган санъаткорлар ҳар қанча фахрлансалар, ўзларини бахтиёр ҳис қилсалар арзийди.* Газетадан.

2 Юксак маҳоратга эга бўлган; яратувчи. *Ҳа, Ойбек улкан сўз санъаткоригина эмас, фаол устоз, меҳрибон мураббий ҳам эди.* Газетадан. *..Санъаткор табиатнинг мўъжизалари билан кўришмай, танишмай ўтиб кетаятган одамлар ҳам кўп.* А. Мухтор, Чинор.

САНЪАТКОРЛИК 1 Санъат билан шуғулланиш, санъаткор бўлиш. *Санъаткорлик — унга ота касб.* ■ *Тавба, бир-иккита чиқишдан сўнг машҳурлик, санъаткорлик мақомини даъво қилаётганларни тушуниш қийин.* Газетадан.

2 Маҳорат, моҳирлик. *Улуғ аждодларимиз Самарқанд, Қўқон, Хива шаҳарларида бетакрор ислом обидаларини катта санъаткорлик билан яратишган.* Газетадан.

САНЪАТКОРОНА [а. + ф. *صنعتكارانه* — маҳорат, моҳирлик билан; санъаткор каби] рвш. Юксак дид, санъат билан; моҳирона. *Санъаткорона ўйилган нақшлар хонага алоҳида кўрк бериб турар, ганч сувоқ ойнадек ялтилар эди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

САНЪАТЧИ айн. **санъаткор** 1. *Минбарда фақат санъатчилар қолишди. Сөзлар ғилофларидан чиқарилди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

САНЪАТШУНОС [санъат + ф. *شناس* — ўрганувчи] Санъатшунослик мутахассиси. *Санъатшунос олим.* ■ *Санжар Сиддиқов.. тарихчи, публицист, таржимон, тақризчи, санъатшунос ва педагог эди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

САНЪАТШУНОСЛИК Санъат ва унинг турларини ўрганадиган фан; санъат назарияси. *Санъатшунослик тадқиқотлари.* ■

Муҳокамада санъатшунослик доктори Ж. Тешабоев маъруза қилди. Газетадан.

САНҚИ, **санғи** Сандироқлаб бекор юрадиган; бекорчи, саёқ, дайди. *Э, санқи бўлмай улсин Шотурсун ҳам! Ушанинг дастидан ҳеч тинчлик йўқ менга!* Ф. Мусажонов, Сабоқ.

САНҚИМОҚ, **санғимоқ** Сандироқлаб, дайдиб бекор юрмоқ; саёқлик қилмоқ. *Урмонжон.. ҳар қаерларда санғиб юрадиган бебош бола эмасди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *—Ҳов, ким у бемаҳалда санқиб юрган нобакор?! С. Сиёев, Ёруғлик.*

СаОДАТ [а. *سعادت* — бахт, омад муваффақият; хотиржамлик] 1 Энг катта бахт, юксак иқбол. *Ҳалол меҳнат — яхши одат, берур сенга саодат.* Мақол. ■ *Мен висол қувончидан ял-ял ёнган икки ёшга бахту саодат тиладим.* Газетадан. *Шоир бўлиб шодлик ва бахтни Қўйламоқлик — зур саодатим.* Ҳ. Олимжон.

2 Саодат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

СаОДАТЛИ Бахт-иқболга эришган; бахтли, бахтиёр. *Бу бино Қумушнинг ўз уйи бўлиб, бу уй ичида Отабекнинг саодатли кунларининг ширин хотиралари сақланар.. эди.* А. Қодирий, Ҳатман кунлар. *Бахтли ва саодатли яшаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.* Газетадан.

СаОДАТМАНД [а. + ф. *سعادتمند* — бахтли, роҳат-фароғатли] кт. айн. **саодатли**. *Саодатманд одам.* ■ *Оллоҳ таоло карами билан.. бу саодатманд кунга эришди.* Э. Самандар, Тангри қудуғи.

СаПЁР [фр. *saper* < *saper* — ерости йўли, лаҳим қазиш] ҳарб. Инженерлик қўшинлари ҳарбий қурилиш қисмларининг солдат ёки офицери. *Бу ердан йигирма километр нарида сапёрлар ҳозир қудуқ қазишяпти.* О. Ёқубов, Излайман.

СаПСАН Лочинсимонлар оиласига мансуб иртқич қуш (ов қуши сифатида фойдаланилади). *20-аср ўрталарида сони камайиб кетганлиги туфайли АҚШ, Канада, Германия, Швеция ва бошқа мамлакатларда сапсанни тўтқунликда кўпайтириш йўлга қўйилди.* «ЎЗМЭ».

СаПСАР 1 с. т. қ. **сафсар**.
2 Оч бинафшаранг, бинафша. *Сапсар бўёқ. Сапсар шак.*

СаПФИР [юн. *sapphires* < қад. яҳ. саппир — кўк тош] Шаффоф, тиниқ кўк ранг-

ли қимматбаҳо тош; кўк ёқут. Сапфир са-
ноатда сунтий йўл билан ҳам олинади. «ЎЗМЭ».

САПЧА Пишиб етилмаган кичкина қо-
вун; хомак. — [Бозорда] Қовун туширади-
ганларга ёрдамлашман, сапча беришади, —
деди Отабой. Ғ. Фулом, Шум бола. Энгашиб,
палакларни титиб қарасанг, тугунак, сапча,
хомаклар қийғос.. Н. Фозилов, Дийдор.

САПЧАЛАМОҚ шв. Сапча тугмоқ, хо-
макламоқ [Холбойнинг] Қовунлари сапчалади.
К. Яшин, Ҳамза.

САПЧИМОҚ 1 Кескин ҳаракат қилиб,
бирор кимса ёки нарсага ташланмоқ, ўзи-
ни (юқорига) отмоқ. *Рустам.. қисилган пружинадек осмонга сапчиди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. [Хушрўй] Иккинчи ва учинчи кунларда тўппа-тўғри кундош устига сапчиди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Ҳазон уюмларини оқизиб келаётган тиниқ сумбула суви қирғоққа сапчир эди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.*

2 Умуман, кескин ҳаракат қилмоқ; сак-
рамоқ, ирғимоқ, тўсатдан ўрнидан турмоқ;
ирғиб туриб кетмоқ. *Жувон бехос тоқ урган-
дек бир сапчиб тушди. С. Сиеёв, Ёруғлик. Раис, бехос сапчиган от устидан учиб тушай деди-ю, ўзини ўнглаб олиб, жиловни қаттиқ тортди. Т. Малик, Ажаб дунё. Бирдан аёл кишининг ўкраб йиғлаган овозини эшитиб, сапчиб ўрнидан турди-да, Қашқарча томон югурди. К. Яшин, Ҳамза.*

Бетига сапчиноқ Шартакилик билан жавоб қайтармоқ. *Ерга урсанг, кўкка сапчий-
ди Жуда шўх, тўполончи, шумтака болалар ҳақида айтиладиган ибора. Исломбек жуда шўх бола бўлган, нақ ерга урсанг, кўкка сапчийди. «Ёшлик». Сапчиб кетмоқ (ёки тушмоқ) Ташқи таъсир натижасида сескани ёки чўчиб, қўрқиб, ўрнидан кескин кўзгалиб қўймоқ; қалқимоқ. Абдуқодирбой ўғлининг «шаккоклигидан» сапчиб тушди. К. Яшин, Ҳамза. — Заҳар ичибди! — деди табиб. Отабек сапчиб кетди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.*

САР [ф. سر — бош, калла; бошланиш; уч, чўққи; энг яхши] кам қўлл. Бош, калла. *Саф-саф тизилиб Сафсар оёғинга қўйиб сар, Банд-банд узилиб, Жоним билан банда бўлибдур. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.*

САРА [ф. سره — тоза, аралашмасиз; олий, юқори сифатли; танланган, энг яхши] Энг яхши, аъло, сархил, танланган. *Сара уруғ —*

булиқ ҳосил. Мақол. Узумнинг сарасин ит ейди, Олманинг сарасин қурт ейди. Мақол. — От чопса, гумбулар тоғнинг дараси, Урушда билинар марднинг сараси. «Алпомиш». Тўплагма шоирнинг энг сара масаллари танлаб киритилган. Газетадан. Биринчи ва иккинчи гуруҳлар ясоғлик уйларида ўтиришади. Овқатларнинг сараси уларга тортлади. Ойбек, Танланган асарлар.

САРАК [ф. سرک — қўшимча, устама (ҳақ); ортиқлик, мўлик] **1** айн. сара. *Бу ойда экинларнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажралади. Газетадан. Ҳокимият қўлга текканда, дарров одамларнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажралди-қолди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

2 Учи синмаган, бутун (тухум ҳақида).

САРАКЛАМОҚ шв. айн. сарак-сарак қилмоқ қ. сарак-сарак. *Жамолиддин бошини сезилар-сезилмас сараклаб, нонни кўзларига суртди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. — Бай-бай-бай.. чол қурғурнинг иқболини кўринг! — деди бошини сараклатиб Мирҳожӣ. Ойбек, Улуғ йўл.*

САРАК-САРАК: сарак-сарак қилмоқ Бошини у ён, бу ён чайқатмоқ; силқитмоқ, қимирлатмоқ. *Ниёз тоға бошини сарак-сарак қилиб, ташқари чиқиб кетди. Н. Аминов, Тилло табассумлар.*

САРАЛАГИЧ Чигит ёки ғалланинг чиқиндиларини ёки сараларини ажратадиган, сархиллайдиган асбоб ёки машина. *Чигит саралагич.*

САРАЛАМОҚ 1 Сараларини ёмонларидан ажратмоқ, сархилларини термоқ, хилламоқ, танламоқ, ажратмоқ. *Кўчатларни сараламоқ. — Анор серташвиш нарса: уз, саррала, ташиб ол, анор тупини ерга кўм. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Танламоқ, ажратмоқ. *Умарни биласан, одамларни саралаб чақирган. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.*

САРАЛАШ 1 Сараламоқ фл. ҳар. н. Уруғликини саралаш.

2 Чорвачилик ва паррандачиликда: наслдор ҳайвонлар ва паррандаларни селекцион белгиларнинг авлоддан авлодга ўтиш хусусиятини сақлаб қолиш мақсадида режа асосида чатиштириш. *Чорвачилик селекциясида саралаш усуллари ва шаклларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. «ЎЗМЭ».*

3 *спрт.* Мусобақа ёки чемпионат финалига чиқувчи жамоаларни аниқлаш мақсадида тегишли спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш. *Грузия терма жамоаси футболчилари Европа чемпионати саралаш учрашувини 2 сентябрь кuni ўз майдонларида бошлайдилар.* Газетадан.

САРАМАС [ф. سرآماس — шишган бош; бошдаги шиш] *тиб.* Терининг, кўпинча бурун атрофининг, баъзан шиллиқ пардаларнинг яллиғланиши; тез тарқаладиган ўткир юқумли касаллик. *Сарамасга шубҳа туғилганда, дарҳол врачга мурожаат қилиш лозим.* «ЎЗМЭ».

САРАНГ *шв. кам қўлл.* Нима қиларини билмай саросималаниш, гаранг бўлиш. — *Ана шу чалкашлик туфайли, яъни қандай китоб қаерда, қачондан бери ётганини аниқлай олмай сарангмиз, — деди Исмоилов.* «Муштум». *Диққати ошиб, анча саранг бўлиб тургач, отга бир амаллаб миниб олди-да, алланималар дея гулдуреганча, отни лўқиллатиб кетди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

САРАНДОЗ [ф. سرانداز — аёлларнинг бошга ўрайдиган рўмоли] Тўйда, саломда келиннинг бошига ёпиладиган, нафис, оқ матодан тикиладиган тўр. *Дастлаб безаксиз бўлган, кейинчалик сарандоз атрофида гир айлантириб ҳошия нақшли кашталар тикиб, четига уқалар тутиб безатила бошлаган.* «ЎЗМЭ».

САРАНЖОМ [ф. سرانجام — охир, интиҳо, хотима; ниҳоят, охир-оқибат] 1 Ҳамма ишни тартиб билан, жой-жойига қўйиб бажарадиган, тартиблиликни хуш кўрадиган, уй-рўзгорини, асбоб-анжомини батариб тутадиган, саришта. *Саранжом аёл. Саранжом ходим.*

2 Ҳамма нарса тартибга солинган, жой-жойида, батариб; ораста, озода, саришта. *Саранжом ҳовли.* ■ *Ҳамма нарса ўз ерида, саранжом эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Саранжом(ини) олмоқ Уй-рўзгор юмушларини тартибга солмоқ; буюм ва жиҳозларни йиғштириб ёки жой-жойига қўйиб тинчимоқ, хотиржам бўлмоқ. **Саранжом топмоқ** 1) йиғштирилмоқ; тартибга келмоқ, жой-жойига тушмоқ. *Ҳамма ишлар саранжом топгандан сўнг.. тантанана билан йўлга тушишди.* Ойбек, Навоий; 2) *кўчма с. т.* жой-жойини топиб кетмоқ, йўқ бўлмоқ. *Отасидан қолган нарсалар алақачон*

саранжом топиб кетди. Саранжом қилмоқ 1) йиғиб-териб, жой-жойига қўйиб тартибга келтирмоқ, саранжомламоқ. *Қурбонбой уйни саранжом қилиб бўлгандан кейин ҳовлида анча айланиб юрди.* С. Аҳмад, Сайланма; 2) *кўчма с. т.* ўзлаштириб юбормоқ, ўғирламоқ; гум қилмоқ. *Ҳисобчи.. шу йилнинг ўзидаёқ колхознинг ўнлаб қўйини саранжом қилиб юборди.* «Муштум»; 3) *кўчма с. т.* ўлдириб, йўқ қилмоқ, гумдон қилиб юбормоқ. [Мастура Гулжонга:] *Матқосимбойни саранжом қилишибди.* Ҳамза, Паранжи сирлари; 4) сўйиб, калла-поча ва гўштини ажратиб қўймоқ (қўй, мол ҳақида). *Бир барра қўзи бор эди, ота ҳозир шуни саранжом қилиб кирди.* Н. Фозилов, Дийдор.

САРАНЖОМЛАМОҚ 1 Саранжом қилмоқ, тартибга солмоқ, йиғштирмоқ, саранжом-саришта қилмоқ, (буюмларни) жой-жойига қўймоқ. *Умар идорадаги қоғозларни саранжомлаб, ўзи ҳаммадан кейин кетди.* С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина.

2 *кўчма с. т.* ўзлаштириб юбормоқ, ўғирламоқ, гум қилмоқ, йўқ қилмоқ. *Мукофотга бериладиган машинани ҳам саранжомлабди, азаматлар.* Газетадан.

3 *кўчма с. т.* Зимдан тинчитмоқ, жонига қасд қилмоқ; гумдон қилиб юбормоқ. — *Иккитасини ер тишлатаман, — деди шивирлаб Худойбердиев шеригига.* — *Авал олдингисини саранжомлайман.* Н. Сафаров, Оловли излар.

САРАНЖОМ-САРИШТА қ. саранжом 1-2. *Саранжом-саришта хотин. Саранжом-саришта уй.* ■ *Хонадон соҳиби жуда саранжом-саришта одам эди.* «Шарқ юлдузи». *Ҳамма ёқ саранжом-саришта, покиза бўлиб турмаса, балога қоламан.* Х. Назир, Бир туп гўза.

САРА-ПУЧАК Сара ва пучак. — *Мана бу.. йиғитнинг касблари чойфурушлик бўлса ҳам, хушхатликда, шеърни чиройли ўқиш ва сарапучакка ажратишда каттагина фазилат эгаси, — деди Йўлдош.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

САРАСОБ: сарасоб солмоқ *шв.* Кўз ташламоқ, кузатиб турмоқ; эътибор бермоқ. — *Мен олдин сарасоб салмаган эканман, — дейди Салтонбу.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Атрофга сарасоб солдим-да, унга дўст бўлмиш Пашканинг саломини етказдим.* «Шарқ юлдузи».

САРАТОН [а. سرطان — қисқичбақа] 1 (С-катта) астр. Ұн икки буржнинг бири, Жавзо ва Асад буржлари ўртасида жойлашган. *Саратон ўрта кенгликларда куз, қиш ва эрта баҳорда кўринади.* «ЎзМЭ».

2 Шамсия йил ҳисобида тўртинчи ойнинг арабча номи (22 июнь — 21 июль даврига тўғри келади). *Саратон кирди. Бировнинг ишига саратонда қўл музлайди.* Мақол. ■ *Саратон кирмасданоқ Қоҳирада ҳаво қизиб кетади.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар. *Кўчага қиқишим билан саратоннинг иссиқ тафти юзимга гул этиб урилди.* Газетадан. *Саратон чоғи бу, зарра шамол йўқ, Тутлар қавагида мудрар гурраклар.* А. Орипов.

Саратоннинг сариқ кўни Саратоннинг энг иссиқ кунлари.

3 *тиб.* Рак касаллиги; рак. *Саратон касаллиги.*

4 *зоол.* Дарахт, бута ва ўсимликларнинг барг ширасини сўриб зарар келтирувчи ҳашарот тури.

САРАТОНГУЛ [саратон + гул] Пиёздошлар оиласига мансуб, саратонда гуллайдиган кўп йиллик ўт. *Саратонгул совуққа чидамли, манзарали ўсимлик.* «ЎзМЭ».

САРАТОНИЙ Эртапишар ёзги олма нави.

САРАФАН [қад. р. сарафан — эркалар чакмони < ф. سروپا — бир сидра кийим; ҳукмдор томонидан туҳфа қилинган кийим-бош] Хотин-қизларнинг енгсиз узун кенг уст кийими. *Юпқа матодан сарафан кийган қиз-жувонлар тикув машиналари ёнида саф-саф бўлишиб, кийим тикишяпти.* С. Умаров, Бир-бирига устоз.

САРАФРОЗ [ф. سرافراز — боши юқори кўтарилган; мағрур, гурур-ифтихорли] Бирор мартабага кўтарилган, бирор инъом билан тақдирланган, эъзоз ва эътиборга лойиқ этилган; хурсанд, шод. *Сарафроз қилмоқ (айламоқ).* ■ *Қадами муборақлари билан бизни сарафроз айладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Устоз қуёш каби ўз юлдузларин Нури зиё билан этар сарафроз.* М. Абдурашулов. - *Мақсадимизни равшан қилиб айтсак, бизни фармони ҳумоюн билан сарафроз қилсангиз, — деди Навоий подшога.* Ойбек, Навоий.

САРАХБОР [сар + ахбор] Шашмақомнинг ҳар бир мақомда ашула бўлими бошланадиган биринчи, бош шўъбаси. *Ўз нав-*

батида, ҳар бир сарахборнинг бир неча (6 тагача) тароналари мавжуд. «ЎзМЭ».

САРБАДОРЛАР [ф. سربدار — боши дорга осилган; бошини дорга тиккан] Мўғуллар зулмига қарши халқ кўзғолони қатнашчилари. *Сарбадорлар давлати 50 йилча ҳукм сурди.* «ЎзМЭ».

САРБАЛАНД [ф. سربلند — боши юқори кўтарилган: машхур, номдор; пок, софдил] *позт.* Баланд, тик, юқори, улкан. *Ўт ёқиб кетдинг юракка, Мен тиярман кўз ёшим, Чунки истарман: бу гулхан Доим ўлсин сарбаланд.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Қор каби пок-киза, тоғдек сарбаланд, Ўтюррак инсонлар дийдори — армон.* А. Орипов, Йиллар армони. *Кечаги сайҳонда, чакалакзорда Сарбаланд бинолар саф тортган, гўзал.* М. Икром, Кўнгиш гули.

САРБАСАР [ф. سرپسر — барча, бутун, тўлиғича] *позт.* Бошдан-оёқ, бирма-бир, кетма-кет. *Она ғознинг тўши каби юмшоқ қор Сукут билан қуйилади сарбасар.* Ф. Фулом.

САРБАСТ [ф. سرپست — эркин, озод; боши боғлиқ; қийин, мушкул; берк, ноаниқ] 1 Эрки ўзида, эркин, мустақил. *У сарбаст, зийрак, ҳаракатлари дадил, сўзлари ўтқир, ўртоқлари орасида онабош қиз.* Ойбек, Улуғ йўл. *У ўзини юрт оғасидек эркин, сарбаст тутаётган Тешабойнинг мингбоши бўлиб келганми-йўқлигини билишни истар, билолмай тажанг бўларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шеър вази турларидан бири. *Эркин шеър ижодкорлари сафида энг забардаст санъаткорлардан бири бўлган Шайхзода сарбаст вазнида ижтимоий-сиёсий масалаларни ёритишга интилди.* «Шарқ юлдузи».

САРБАСТЛИК Эркинлик. *Чоғир тилларга ва ҳаракатларга сарбастлик берди.* Ойбек, Навоий.

САРБОЗ [ф. سرباز — бош ўйнатувчи: бошни, жонни фидо қилувчи] *тар.* Амир, хон қўшинининг оддий пиёда аскари; аскар, солдат. *Ҳар уйда, ҳар қуйда мудҳиш жанг бўлди, Қалъа сарбозлари ҳангу манг бўлди.* М. Шайхзода. *Қуролли сарбозлар дарвозадан отилиб чиқишди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сарбозлар, асосан, пиёда қўшинларни таъкил этган.* «ЎзМЭ». *Отлар майдонда кишнашди, Сарбозлар найза ушлашди.* «Гулшанбоғ».

САРБОЗХОНА [сарбоз + хона] *тар.* Сарбозлар турадиган, истиқомат қиладиган жой, аскархона. *Карим оҳун кундуз кунлари*

сарбозхоналарда бўлар, ҳарбий машқлардан сўнг, кеч киргач.. тўғри Кофиробод гузарига йўл оларди. А. Ҳақимов, Илон изидан.

САРБОН [ф. ساربان — туя боқувчи, туя ҳайдовчи: бошлаб борувчи] **1** Карвонбоши; туякаш. *Сарбон чол бош чайқайди, Туясини ниқтайди.* Х. Даврон.

2 кўчма Йўлбошчи, раҳбар, раҳнамо. *Бригадани олдинга бошлашда Рустам сарбон бўлиб қолди.* А. Эшонов, Сарбон. *Агар ҳаёт бўстон эса, боғбон муаллим, Агар ҳаёт карвон эса, сарбон муаллим.* Шухрат, Сенинг севгинг.

САРВ [ф. سرو — конус шаклли, игна-баргли дарахт; қадди расо, хушқомат] **1** бот. Жануб мамлакатларида ўсадиган, игна-баргли доим яшил тик дарахт. *Икки четига сарвлар ва шамшодлар экилган салқин хиёбонларда ҳеч кимса кўринмасди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Ой келиб, сарв узра кўнди, Бўди ойрухсор сарв.* Э. Воҳидов. *Сарв турларидан ихота ўрмонлар, истироҳат боғлари барпо этишда фойдаланилади.* «ЎЗМЭ».

2 кўчма поэт. Қадди-қомати, баста келишган, хушқомат. *Жонга хузур, дилга фароғат, Сарви м яхши, сунбул м яхши.* О. Юнус.

САРВАР [ф. سرور — бошлиқ, раҳбар; йўлбошчи] **1** Йўлбошчи, раҳбар, раҳнамо. *Чанг бўлдилар кук баробар Чанг кутарган лашкарлар. Кайхисравлар ва Доролар, Искандардек сарварлар.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

Сарвари коинот Бутун борлиқни, замину кўкни яратувчи, сарвари олам [худонинг сифат (ном)ларидан бири]. *Чоллар каби «ё ҳаётаннабий!» ёки кўпинча «ё сарвари коинот!» деб, бошини эгарак жим ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сарвар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

САРВАТ [а. ثروت — бойлик, катта мол-дунё; мўл-кулчилик] эск. кт. Бойлик, давлат. *Олмиш юракдан ишқ жойин Шайтони сарват, ҳирси зар.* «Саодат».

САРВАТДОР [а. + ф. ثروتدار — бойлик, мол-мулк эгаси] Катта бойликка эга бўлган; бадавлат, давлатманд. *Кутилмаган ерда шахарнинг энг олдинги ағён ва сарватдорларидан бўлган Салим шарбатдор деганнинг Қомилбек исмли ўғлидан совчилар келиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САРВЗОР [ф. سروزار] Сарв дарахтлари ўсиб ётган жой, майдон, боғ. *Ҳирот вилоятига салқин нафас ёйиб ўтувчи шамоллар сарвзорларда изғийди.* Ойбек, Навоий.

САРВИНОЗ [ф. سروناز] Гўзал ва серишва нозанин. *Мизробшоҳнинг қизи бор. Шундайин сарвинози бор.* «Гулшанбой».

САРВИРАВОН [ф. سروروان — сарвдек юриш] Қадди-қомати келишган, юриши жозибали гўзал (аёл); нозанин; севикли ёр. *Эй сарвиравон, надур хаёлинг, Жон ўртади ваъдаи висолинг.* Нодира.

САРВИХИРОМОН [ф. سروخرامان — сарвдек нозик юришлар] айн. сарвиравон. *Ҳайронлиғим аҳволини, Эй булбулу кумри, Фарёд чекиб, сарвихиромонима айтинг.* Ҳ. Гулом, Машғал.

САРВҚАД [сарв + қад] Қадди тик, чиройли. *Сарвқад қиз.* ■ *Йўл четидаги қатор сарвқад тераклар барги ялт-юлт қилади.* «Ёшлик». *Мен-ку шеър мажнунидирман, сарвқад Лайло қалам.* Э. Воҳидов.

САРВҚОМАТ [сарв + қомат] қ. сарв **2**. *Юзи гул, сарвқомат, сочи сунбул, Кўзи нарғис каби мастона, бир кел.* Ҳабибий.

САРГАРДОН [ф. سرگردان — л.м. боши айланувчи: адашиб, дайдиб юрувчи; парижон, ночор, нотавон; дайди] **1** Бекорга оворай сарсон бўлиб юрган, ўз йўлини топа олмаган, парокандаликда юрган. *Саргардон бўлмоқ. Саргардон кезмоқ.* ■ *Менга у қанча азоб берган, шу деб қанча юртларда яланг оёқ саргардон кезганман.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бу жудолик мени қилди саргардон, Сиздан дуо тилар Ҳасандек полвон.* «Ҳасанхон». *Шералихон саргардон бўлиб.. етти йилдан сўнг бир чет бозорга келиб ўтирди.* «Эрали ва Шерали».

Сарсону саргардон қилмоқ Овора қилмоқ, қийнамоқ, тўғри йўлдан адаштирмоқ.

2 этн. Қадимги ўзбек урф-одатларига кўра, оғир ётган беморнинг (ирим билан) бошидан айлантириб (ўтириб) бериладиган садақа пули. [Мастура:] *Нега ҳаром бўлар экан? Саргардоннинг пули эмас бу, айланай!* *Дуппи тикиб тўлаганман, яхши йигит!* Ҳамза, Паранжи сирлари.

САРГАРДОНЛИК Саргардон бўлиб юриш. *-Фаму саргардонлик сен билан мени жаҳонгашта қилиб юборди, — деди Меъмор хотинига.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САРГАШТА [ф. سرگشته — л.м. боши айланган: ҳайрон; уятда қолган; саргардон] Бошидан кўп иш ўтган, овораю саргардон; ночор, нотавон. *Бобомнинг айтишларича, бир замонлар қишлоғимизга саргаштаю жаҳонгашта бир мусофир келиб қолган экан. С. Кароматов, Олтин қум. Бир қарасам, тинч, саргаштасан, Бир қарасам, жаҳонгаштасан. Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.*

САРГУЗАШТ [ф. سرگزيشت — бошдан ўтган, кечирилган] Бошдан ўтган воқеа-ҳодисалар, бошдан кечирилган кечинмалар. *Саргузашт фильмлар. Саргузашт асарлар. ■ Тезроқ саргузаштинг сўйла, чирогим. «Тоҳир ва Зухра». Ҳамма уни гапга солиб, кўрган-кечирган саргузаштарини билишга қизиқар эди. С. Аҳмад, Қадрон далалар.*

САРДАК [ф. سرديگ — қозондаги овқатнинг юза қисми] 1 Қайнатма овқатнинг юзига чиққан ёғ. *Шўрванинг сардаги.*

2 Айрим қайнатма овқатларнинг алоҳида олиб совитиб кўйилган ёғли шўрваси. *Сардакка бостирилган товуқ.*

3 Қуюқ таом устига солинадиган (кўйиладиган), махсус тайёрланган қайла. *Тайёр таомни дастурхонга тортишда човлида сузиб, лаган ёки ликопчаларга тақсимлайсиз, сардаги ҳар бир ҳўрандага алоҳида пиёлаларда тортилади. Газетадан.*

САРДАКЛИ Юзасига сардак чиққан; сардак солинган, суртилган. *Она битта чанати ва бир тарелкада озгина сардакли гурунч келтирди. Ойбек, Нур қидириб.*

САРДАРА [ф. سردار — пештоқ; бош, асосий дарвоза] кт. Энг катта, асосий эшик; дарвоза. *Мадрасанинг сардараси. ■ Мана, яна сардара олдида иккиланиб тураркан, қизнинг сояси кўриниб қолармикан, деган умид билан чироқ порлаган таниш дерзадан куз узмасди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

САРДОБА [ф. سرداب / سردابه — совуқ сув] тар. Сув танқис бўлган худудларда уни тўплаш ва сақлаш учун деворлари цилиндрсимон, юқори қисми аъло сифатли пишиқ гишт ва ганчдан гумбаз шаклида махсус қурилган, атрофида сув кирадиган тешиклари бўлган ҳовуз. *Турнақатор тизилган меш-кобчилар сардобадан сув олиб, катта йўлга сув сеппшарди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё. Карвон сардобани гир айланов ўраб, ҳамма ўзини муздек сувга урди. «Шарқ юлдузи».*

САРДОР [ф. سردار — л.м. калласи, боши бор: бош кўмондон, саркарда] 1 тар. Эрон ва Афғонистонда: йирик амалдор, қабила бошлиғи; Ўрта Осиёда: кўшин кўмондони; Усмонлилар салтанатида: дала армияси кўмондони. *Темуру Малик жанг либосларини кийиб, сардор Шоҳмурод Кўхистоний билан биргаликда отга миниб, кўшин тўпланаётган томонга жўнади. «Саодат».*

2 Умуман, кўмондон, бошлиқ. *Сенга бермас Гўруғли ҳеч омона, Хон Гўруғли Чамбил элининг сардори. «Маликаи айёр». Кемада айғоқчилар сардоридан бошқа икки киши ҳам бор эди. Мирмуҳсин, Темуру Малик.*

3 кўча Иўл-йўриқ кўрсатувчи; илғор, зарбдор. *Наманганинг анори, кимни қилмас ҳумори, Наманганликлар нори, йигитларнинг сардори. Т. Тўла.*

САРДУЗ [ф. سردوز] шв. Боғлаш, маҳкамлаш учун ишлатиладиган ингичка кандир каноп. *Кун қизий бошлагач, Аваз эшикка сардўз боғлаб, Полвонёп бўйидаги ўша салқин оромхонага равона бўлди. С. Сиёев, Ёруғлик. Қўлида оқ қоғозга бежирим ўралиб, устидан оқ сардўз билан чиройли боғланган [совға]. М. Қўшжонов, Дийдор.*

САРЖА [фр. serge < лот. sericus — шойи, ипакли] Арқоғи ва ўриши диагонал тарзда тўқилган, астар учун ишлатиладиган ип ёки ипак газлама. *Бир астарлик саржа. Саржа астар.*

САРЖИН [р. сажень — уч аршинга тенг узунлик ўлчови] 1 Уч газга (аршинга) тенг узунлик ўлчови (2,13 м га тенг). *Икки саржин девор. ■ Йигитали бундоқ қараса, ҳозир кўприкнинг ўша ерида турган экан. Ўн-ўн беш саржинча пастда ҳайқириб сув оқмоқда. Д. Нурий, Осмон устун.*

2 Бўйи уч газ, баландлиги бир ярим газ қилиб маълум тартибда терилган палён ўтин; шу миқдордаги палён ўтин ўлчови. *Ўрмонжон Абдусамадқори билан тил бириктириб, икки юз йигирма беш саржин ўтин сотган ва пулни иккови бўлишиб олган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

3 с.т. Арралаб, ёриб тайёрланган ўтин. *Нурилло бир кучоқ саржинни ўчоқ олдида тарақлатиб ташлади. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Темир печкада тол саржини чирсиллаб ёнар. эди. Ҳ. Ғулум, Сенга интиламан.*

САРЖИНЧИ 1 Ўтин кесиб ва ёриб саржин қилувчи киши. *Бир кунни бир одам боғи-*

даги тўнкаларни ёрдириш учун бозордан иккита саржинчи олиб чиқибди. Шукрулло, Жавохирлар сандиғи.

2 эск. Ер ўлчовчи.

САРЖИҒА [ф. + т. *سرجیغہ*] фольк. Бош кийимига тақиладиган жиға. *Барчин Кукалдошнинг бошидаги саржигани кўриб, алларнинг зўри шу — Кукалдош эканини билиб, алларга қараб, олти ойга муҳлат сўраб, бир сўз деб турган экан.* «Алпомиш».

САРИ I (б.к. ва ж.к. билан) кўм. 1 Маълум томонга, томон қараб. *Инсоф сари барака.* Мақол. ■ *Ахир, балиқ ҳам суваа интилади, кўкат ёруғлик сари буй чўзади.* С. Сиёев, Ёруғлик. [Аваз] *Қараса, беихтиёр Табиийнинг уйи сари йўл солибди.* С. Сиёев, Аваз.

2 (-ган аффиксли сфдш. билан) айн. сайин 1. *Кўёшли баҳор эртаси жуда ҳам ёқимлики, юрган сари, юреинг келади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Бир сари Майли эди, майли-ку. Бегона бўлса ҳам бир сари эди, гаплашиши осонроқ буларди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Борган сари айн. борган сайин қ. сайин 2.** *Лекин кўчада қатнов, қий-чув борган сари кучаймоқда.* Ойбек, Танланган асарлар. **Инсоф сари барака** *Инсоф қанча кўп бўлса, барака шунча кўпаяди, деган маънодаги ибора.*

САРИ II шв. Энг яхши, сара. [Гўрўғли] *Гиркўкка қамчи бериб, аждаҳога кўнданлан бўлиб, сари ёй билан отиб, қилич билан чопиб ташлаб, катта Мастонни бир ўлимдан айириб юборган жойи бор эди.* «Хушкелди».

САРИ III шв. Сарик, сариқ рангли. *Йилқи бозори, той бозори, Қурт билан сари мой бозори.* «Равшан».

САРИ IV [ҳинд. + ф. *ساری*] (а — чўзиқ) Ҳинд аёлларининг юбка шаклида белга бир неча бор ўралиб, бир учи рўмол қилиб бошга ташлаб кўйиладиган кийими. *У сарини ечиб, уй кийимларини кийди, ювиниб, айвон четига ўтирди.* Ойбек, Нур қидириб.

САРИЁҒ Мол сутидан ажратиб олинган ёғ; маска. *Сигир сутидан широбча, қаймоқ, сариёғ тайёрланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Ма, болам, кулча билан сариёғ.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

САРИМАҒИЗ: саримағиз бугдой Бугдойнинг олтинранг, сариқ, маҳаллий нави. *Эгамберди, шу бугдойнинг вазнига бараварлаб саримағиз ундан торт, айбонанг учун устига*

ўзимиздан бир пуд ун ҳам қўш! А. Қодирий, Обид кетмон.

САРИМОЙ шв. айн. сариёғ. *Ҳар ноннинг устида куйдирилмаган саримой, кўпининг олдида қанд чой [бор эди].* «Далли». *Саримойдай сўлқилдоғон ғоз ўмровли қизларинг.* Ғ. Фулом.

САРИМСОҚ I Пиёзлар туркумига мансуб, икки ёки кўп йиллик ўсимлик ва унинг овқатга ишлатиладиган ўткир ҳидли, аччиқ пиёзи; сабзавот экини. *Саримсоқ, райҳон ҳиди димоққа урилди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

Саримсоқ пиёз айн. саримсоқ I. *Олдида ёйиб қўйган яхна гўшт, шоколад, саримсоқ пиёз, олмаларни битта-битта лунжигга тиқайди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 Саримсоқ (эркаклар исми).

САРИН I Тоза ва янги; оромбахш, салқин ва ёқимли. *Сарин баҳор. Сарин шабада.* ■ *Умида бир мевёрда шовуллаган куз ёмғирининг сарин салқинидан сал ором топгандек бўлди, бўшашиб, креслога чўкди.* А. Мухтор, Чинор. *Октябрь ойида оқомлар сарин ва мусаффо, кундузлар дўст нафасидек илқ, оромбахш бўлади.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Мана, кузак келди, еллари сарин, Ёшликдаги каби тиниқ, беғубор.* «Ёшлик».

2 Нафис ва ёқимли. «Наврўзи ажам» *бошқа бир сарин куйга уланди ва машиқлар водий йигитлари севиб айтладиган «Тонг отгунча» яласини бошладилар.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

САРИТОЛ бот. Толларнинг ёғочи мўрт хили; сариқ тол. *Жаноқ ерда ўсган саритол, сўзларимга қулоғингни яхши сол.* «Тоҳир ва Зухра».

САРИШТА [ф. *سرشته* — бирор ишни билиш, хабардорлик; калаванинг учи: бирор масалани ҳал қилиш йўли] айн. саранжом. *Хотиннинг сариштаси — одамнинг фариштаси.* Мақол. ■ *Ёруғ, кенггина уй саришта эди.* С. Зуннунова, Гудак ҳиди. *Баланд иморатлар, кенг ва саришта асфальт кўчалар Йигиталининг диққатини ўзига тортарди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

САРИШТАЛАМОҚ Саранжом-саришта қилмоқ, тартибга келтирмоқ. *Уй бекаси бепартиб хонани саришталашга тушди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

САРИҚ I I Сомон, зарчува, тилла каби нарсалар тусидаги ранг. *Сариқ ипак. Оч сариқ ранг. Тўқ сариқ.* ■ *Дарахтлардаги са-*

риқ барглар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг қишки сариқ кийимини кийган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Малларанг, малла (соч, тук, тери ҳақида) *Сариқ соч*. ■ *Рустам унинг узун мўйлови, кўкиш кўзларини қоплаб олғудай қуюқ, сариқ қошларини кўрди-ю, юраги шувуллаб, ўзини орқага ташлади*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Сариқ ирқ Монголоид ирқининг эскирган номи.

3 *от* Тухумнинг оқсил моддаси ўрта-сидаги қисми. Тухумнинг оқини оқлаб е, сариғини — сақлаб. Мақол. ■ *Тухум па-чақланган эди. Унинг сариғи оққа аралашиб, чаккамдан сизиб, юзимга оқмоқда эди*. Ғ. Фулом, Шум бола.

4 *от с.т.* Жигардаги жиддий салбий ўзгаришлар туфайли тери, кўз оқининг саргайишидан иборат оғир ва юқумли касаллик номи; гепатит. *Сариқ касаллиги*.

Сариқ карточка *спрт*. Футбол матчида ҳакам томонидан ўйинчига огоҳлантириш ёки энгилроқ жазо белгиси сифатида кўрсатиладиган сариқ рангдаги карточка. *Матерацци ҳакам тарафидан сариқ карточка билан жазоланди*. Газетадан. **Сариқ матбуот** *кўчма* Уятли, шармандали, жанжалли воқеаларни ёритишни мақсад қилиб олган, сийқ, саёз, паст сифатли матбуот ҳақида. *Иккинчи жиддий қусур шуки, кўпчилик қаламкашлар бугун «сариқ матбуот» саҳифаларида эълон қилинаётган ўртамиёна машқларни шеър, ҳикоя, дея улардан андоза олиб, ижод қилмоқдалар*. Газетадан. **Шунинг учун ҳам кўча-кўйда «сариқ матбуот»нинг воқеа изидан қувувчи ҳикояларига одамлар ўрғаниб борапти**. Газетадан. **Сариқ палак қ.х.** Вилт касаллиги, вилт. **Сариқ сув айн. назла.** **Сариқ сумалак** 1) қамиш билан ёпилган том буготларида илк баҳорда ёгингарчиликдан кейин ҳосил бўладиган сарғиш сумалак; 2) шундай сумалак ҳосил бўладиган давр, қишнинг охири. -*Қишдан қитдай бор: хут-ют, сариқ сумалак, аямажиз.. қаторлашиб турибди, — кулумсиради Раъно*. Ойбек, Улуғ йўл. **Сариқ чақа** 1) чақа (пул); жуда оз миқдордаги, арзимас пул. *Мана, хотиним ётиб қолди, ёстиқдан бошини узишга дармони йўқ. Киссамда сариқ чақа йўқки, бечоранинг оғзига ёқар овқат берсам*. Ойбек, Танланган асарлар; 2) жуда паст, арзимайдиган; эътибор-

га лойиқ эмас. *Оммани эргаштира олмаган раҳбарнинг қадри — сариқ чақа*. И. Раҳим, Ихлос. **Сариқ чақалик** (*ёки чақага арзимайдиган*) Ҳеч нарсага арзимайдиган, бир пулга қиммат, арзимас. -*Сўзни тангадай жаранглатиб сўзлашга устасиз. Аммо ҳозирги сўзнгиз пучак, сариқ чақага арзимайди, — деди Мирҳайдар*. Ойбек, О. в. шабадалар.

САРИҚ II Ўрта Осиёдаги туркий халқлар таркибига кирган қабила номи. *Сариқларнинг Шимолий Хитойда қолган гуруҳлари шу ерда яшовчи уйғурлар билан қўшилиб, улар ичида сариқ-уйғур этник гуруҳини ташкил этган*. «ЎзМЭ».

САРИҚЛИК Сариқ рангда бўлишлик, маллалик. *Рангнинг сариқлиги. Юзнинг сариқлиги*.

САРИҚСОР *зоол*. Қарчиғайлар оиласига мансуб йиртқич қуш; сор.

САРИҚЧА Айрим ҳолларда тилнинг учида пайдо бўладиган сўгалсимон чиқик, тирсақ. -*Алдасам, тилимга сариқча чиқсин!* — *қасам ичди бола*. «Ёшлик».

САРИҚКАМИШ *бот*. Бошоқли ўсимликларга мансуб, попуксимон тўпгулли кўп йиллик ўсимлик.

САРКАЗМ [юн. sarkasmos < sarkaro — гўштни нимталайман, узиб, юлиб оламан] Сатирик тасвирда фош этувчи мурасасиз кулги, истеҳзоли таъна асосига қурилган фикр-мулоҳаза; бадний услуб воситаларидан бири. *Адабиётшуносликда сарказм антик даврдан маълум*. «ЎзМЭ».

САРКАРДА [ф. سرکرده — бошчилик қилувчи; бошлиқ, раҳбар; доҳий; кўмондон] **1 тар.** Кўмондон, лашкарбоши. *Саркарда Темур Малик ҳам тەرға ботиб, анча эсанкиради. Агар у бир лаҳза ташаббусни қўлдан берса, отдан қулаши ҳеч гап эмас эди*. «Саодат».

2 *кўчма* Бошлиқ, йўлбошчи. *Бир саркарда, йигитларнинг оғаси — Ўз элида обрўйи бор Авазинг*. «Гулихиромон»

САРКАШИ [ф. سرکاش — бош тортувчи; бўйсунмайдиган; мағрур] Бировга итоат этмайдиган, бўйин бермайдиган; итоатсиз, ўжар, қайсар. *Саркаш от. Саркаш одам*. ■ *Ота-она саркаш қизларининг жавобидан тахтадек қотишди*. «Ёшлик».

САРКОМА [юн. sarx, sarkos — гўшт, эт + otos — хом, пишмаган: шиш, ўсма борлигини билдирувчи қўшимча] *тиб.* Асосан, би-

риктирувчи тўқималардан (суяк, пай-мушак ва б.) пайдо бўладиган хавфли ўсма.

САРКОР [ф. سركار — ишбоши; бошқарувчи; назоратчи] 1 тар. Маълум иш ёки соҳани бошқарган лавозимли киши; йўл-бошчи. *Солиқ йиғиш ишларини бошқариш бек томонидан тайинланадиган саркор қўлида бўлган. Ф. Озодаев, Тошкент тарихидан очерклар. Бир кўрайин Гўрўғли саркорини, Кўрайин ёнида қирқ навкарини. «Равшан».*

2 Хива хонлигида: мулофаа истехкомлари ва қалъаларида ўтсочар қурол-тўпни олиб чиқиш ишларига бошчилик қилган одам.

3 Умуман, раҳбар, ишбоши, бошлик. *Ух-лаёлмас тунда бироқ Бош инженер Теша саркор. Миртемир. Саркор олим ўз атрофига қобилиятли ёшларни жалб қилиб, машхур илмий мактаб яратди. Газетадан.*

САРКОТИБ [ф. + а. سرکاتب — бош, асосий котиб, мирза] эск. 1 Котиблар бошлиғи; бош котиб. *Раис кнопкани босди, шу он кабинетга масъул саркотиб Али Муллаёров кириб келди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 Умуман, котиб. *Иккита.. столнинг бирида колхоз саркотиби Умарали, иккинчисиди ҳисобчи Абдулқосимлар шуғулланмоқдалар. А. Қодирий, Обид кетмон.*

САРКОФАГ [юн. sarx, sarkos — гўшт, эт + rhagos — еювчи, еб қўювчи; очкўз] 1 тар. Асосан, тош, мрамор, ёғочдан туғри тўрт-бурчак шаклида, қайиқсимон қопқоқли қилиб ясалган, бадний безак ва тасвирлари, ёзувлари бўлган тобут; тоштобут.

2 *кўчма махс.* Атроф-муҳитни ядро реакторлари, қурилмалари чиқиндиларидан ҳимоя қилиш, унга радиоактив нурлар тушишининг олдини олиш мақсадида чиқиндиларни ёки ишдан чиққан реакторларни кўмиш учун қурилган қоплама иншоот.

САРЛАВҲА [ф. + а. سرلوحه — китобда лавҳа безак; титул варағи; эпиграф] 1 Китоб, асар, мақола ва ш. к. нинг ёки уларнинг айрим қисмларининг номини ифодаловчи сўз ёки жумла. *Сарлавҳа қўймоқ. ■ Аҳмедов саҳифадаги материалларни кўздан кечиргач, умумий сарлавҳани товуш чиқариб ўқиди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Аҳмад очеркнинг сарлавҳасига ва авторига қаради. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

2 эск. айн. *пешлавҳа. Қишлоққа кирар йўлда Мана катта дарвоза. Дарвозага ёзилган «Колхоз» деган сарлавҳа. З. Диёр.*

САРМАСТ [ф. سرمست — боши айланган, сархуш; кайфи ошган, маст; мағрур, кеккайган] 1 Андак кайфи бўлган, озгина ичган; ширакайф. *Сармаст одам. ■ Андак-андак меъёрида бошланган шароб ҳаммани сармаст этди, гангир-гунгурни авжига миндира бошлади. С. Кароматов, Бир томчи қон. Маликул шароб маст-аласт майхўрларни сира хушламас эди, бироқ бу ёш сайёҳнинг сармаст қилиқлари самимий ва ёқимтой эди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.*

2 *поэт.* Мамнун, сархуш; масрур. *Ёмғирли кун эди, атроф жим, соқит, Маънос кўзларингга боқардим сармаст. А. Орипов, Рухим. Ажаб, ортиқ сармастман бугун, Кўкрагимга сиққудай олам. Э. Воҳидов,*

САРМОЯ [ф. سرمايه — капитал, пул; бойлик; асос, манба, сабаб] 1 Асосий савдо маблағи. *Уйлаб қаранг-а, давлатимиз ҳар йили мамлакатни кўкаламзорлаштириш учун миллион сўмлар сармоя ажратади. Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда.*

2 Умуман, маблағ, пул. *Найманчада ибтидоий таълим мактаби очиш учун фуқаро ўз ташаббуси билан сармоя жамғармоқда. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Кўп қатори Абдураҳмон ҳам хатга тушган эди. Нўхат шўрва сотиб кун кўрайётган отасининг сармояси ўғлини олиб қололмади. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

САРМОЯДОР [ф. سرمايه دار — сармоя эгаси] Катта сармоя эгаси. *Жанубий корейлик сармоядорлар юртбошимизнинг соҳани чуқур билишларига тан бердилар. Газетадан.*

САРМУНШИЙ [ф. + а. سرمنشی — муншийлар бошлиғи; девонхона бошлиғи] тар. Амир, хон саройида бош мунший, бош котиб. *Сармунший хонасида Анвардан бошқа яна икки номанавис бор эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

САРНАЙЗА [ф. سرنايزه — найза учи] тар. Милтиқ найзаси. *Унда-бунда отилган милтиқлар товуши орасидан бир-бирига тегиб шақирлаган қилич ва сарнайзалар садоси.. эшитилмоқда. С. Айний, Қуллар.*

САРНИГУН [ф. سرنگون — боши эгик; ағдарилган, тунтарилган] Ағдарилган, тунтарилган, оёғи осмондан бўлган.

Сарнигун бўлмоқ 1) ағдарилмоқ, тунтарилмоқ; 2) *кўчма шарманда бўлмоқ, боши эгилмоқ, ерга қараб қолмоқ. Шунча давлат тоиб, обрў тоиб, эл ичида сарнигун*

бўлишга кимнинг тоби бор. Ҳамза. Сарнигун қилмоқ 1) ағдармоқ, тўнтармоқ; 2) кўчма шарманда қилмоқ, юзини ерга қаратиб кўймоқ. - Сен аҳмоқнинг бу ишинг ҳазрат олдида менинг юзимни сарнигун қилди, — деди Норбута. Ф. Расул, Адолат.

САРНОМА [ф. سرنامه — хатнинг, мактубнинг боши; кириш, муқаддима] кт. 1 Номанинг, мактубнинг бошида ишлатиладиган, мунтазам қолип ҳолига келиб қолган ибора, ифода (мас., дуойи салом, алангали салом ва ш.к.).

2 айн. эпиграф.

3 кўчма айн. шиор. Сарнома қилиб олмоқ.

САРОБ [ф. سراب — хаёлий манзара, сароб; қуруқ ваъдалар] 1 Атмосферанинг оптик ҳодиса — нотекис ҳароратга эга бўлган ҳаво шароитида нурларнинг ўзига хос синиши натижасида уфқ ортидаги (узюқдаги) нарсаларнинг хаёлий, сохта тасвирларининг пайдо бўлиши. Даштни тўлдириб турган қуёш сели остида «оқаётган» Аму сароби мавжланади. С. Нуоров, Сув қўшиғи. Узюқларда сароб жамирлайди. Кўл бетида қовжирлаган янтоғу исирик сузиб юргандай.. С. Нуоров, Нарвон.

2 кўчма Алдамчи тасаввур, хаёлот, хом-хаёл. [Навоий:] Мен ҳақиқат деб ўйлаган нарса сароб бўлиб чиқди. Мен салтанатимизни мустаҳкамламоқчи бўлдим, аммо ҳаракатларим елга кетди. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Қани ўша бахт? Бахт деб излагани сароб экан. «Ёшлик».

САРОЙ I Ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалар уюшмаси. Саройларнинг таркибида бир қанча кичик ва катта қабилалар бўлган. «ЎЗМЭ».

САРОЙ II [ф. سرای — уй, бошпана; қаср; карвонсарой; ёпиқ бозор] I тар. Хон, амир, подшоҳларнинг доимий қароргоҳи бўлиб хизмат қилган ҳашаматли катта бино; кошоно. Подшо уни ҳашаматли саройга чақиртирибди. «Олтин бешик». Бухоро амирининг саройидан бор-йўғи ўн-ўн икки чақиримлар чамаси узюққандаги гарби-жанубдан ўтадиган темир йўл станцияси — Козонда.. кўрсатилмоқда эди бу томоша. К. Яшин, Ҳамза.

2 кўчма Саройдаги давлат бошқаруви; ҳокимият, салтанат. Низомиддин нега салтанатга душман бўларкан? У ҳали буз йигит, сарой олдида катта обрўга эга бўлган

меъморнинг фарзанди. Мирмуҳсин, Меъмор. У Худойберган оғанинг хон саройига яқинлигини билади. С. Сиёев, Ёруғлик.

3 кўчма Саройга алоқадор, саройда яшовчи, хизмат қилувчи. Сарой шоири. Сарой агёнлари. ■ Рўза тутуш шоҳу малайга баробар келган мажбурият бўлгани учун, сурнай ва нақора сарой аҳлини саҳарликка уйғотмоқда. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Утар бобонинг отаси Гадоийнёз бобо ҳам хон табиби эди, сарой одамларидан ҳисобланарди. С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Умуман, истиқомат қилиш ёки бирор ижтимоий фаолият учун мўлжаллаб, замонавий меъморлик услубларида қурилган ҳашаматли катта бино ва мажмуалар. Спорт саройи. Маданият саройи. ■ Гоҳ суюниб, хаёлида олтин саройлар қуради, гоҳ куюниб, ўзини тубсиз чоҳ ёқасида қуради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳақиқий санъат саройи сингари қад кўтарган кўркем клуб биносининг олди шинам боғ. Ж. Абдуллахонов, Орият.

5 Карвонлар, савдогарлар қўнадиган, меҳмонхонали, ҳовли ва отхонали жой; карвонсарой, работ. Меҳмонмисиз, тарафмисиз, айтинлар, Савдогар бўлсангиз, саройда ётинлар «Гулнорпари». [Отабек:] Молимизни ортган туякашлар шу саройга тайинланган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 Омборхона, омбор. Ғалла саройи. ■ Бизнинг Қаландар бой кузда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб, саройига босиб қўяди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 с.т. Бостирма ёки тўрт девор билан ўралган кенг бино. Молларни саройга қаммоқ.

САРОЙБОН I [ф. سرايبان — саройни қуриқловчи; қоровул] Хон саройи қуриқчиси. Шу Ёвмит элининг бир саройбони бор эди. «Гўрўғлининг туғилиши».

САРОЙБОН II Карвонлар ва савдогарлар қўнадиган сарой эгаси, қуриқчиси. Саройбон қотма юзли.. йигитни иккинчи қаватдаги тор бир хўжрага жойлаштирар экан, унинг қаерданлигини, исмини, касбини сўради. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

САРОМАД [ф. سرآمد — ортик даражадаги, устун; машҳур, пешқадам] кт. Бирор соҳанинг кўзга қурунган, машҳур арбоби; пешво, пешқадам. У [Султонмурод] барча мавжуд илмларни эгаллаб, замона олимлари-

нинг пешвоси, саромади бўлишга тиришади. Ойбек, Навоий. *Хуросон олимларининг саромади* — мавлоно Шаҳобиддин. Ойбек, Навоий.

САРОНА [ф. سرانه — пай, улуш, ҳисса; жон бошига (солиқ)] тар. Жон бошига қараб солинган солиқ. — *Мирзо йигит*, — *деди оқсоқол*, — *яқинда биз саронадан қутулган эдик*. Ойбек, Навоий.

САРОПАРДА [ф. سراپرده — подшоҳ чодир, қароргоҳи; ҳарам] тар. Хонлар, подшоҳларнинг бир қанча катта-кичик чодирлардан иборат муваққат қароргоҳи. *Саропарда ичидаги иккинчи муҳташам чодир «Саодат уйи» деб аталар эди*. П. Қодиров, Авлодлар довои.

САРОСАР [ф. سراسر — буткул, барча; бошдан-оёқ] рвш. кт. Бошдан-оёқ, бутунлай, батамом; давомида. *Гўёки беморнинг дарди енгилашгандек, Авазнинг кўнглида неча кунлар саросар кезиб юрган қора булутлар, офтоб нурларига дош беролмай, тарқаб кетгандек эди*. С. Сиёев, Аваз. *Сўнги дам чорасиз Муқанна сифат, Дил сўзим ўзингга айтмай саросар*. А. Орипов, Йиллар армони.

САРОСИМА [ф. سراسيمه — эсанкираш, довираш; гашлик, гулгула; кўрқинч ҳолатида бўлган] Нима қиларини билмай, ўзини йўқотиш, парокандалик, гарангсиш, кўрқинч ҳолати. *Саросимада қолмоқ. Саросимага тушмоқ. Саросимага солмоқ.* ■ *Содда қишлоқ боласи дилига тугилган гапларни айтолмай, кўп вақт ич-этини еб, саросимада юрди*. С. Аҳмад, Уфқ. *Машраб ойисининг чехрасида акс этиб турган саросимага кўзи тушди*. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

САРОСИМАЛАНМОҚ кам қўлл. Ўзини йўқотмоқ; гаранг бўлмоқ; саросимага тушмоқ. *Табибулла, ҳозир чинданам Ваҳобов айтган денгиз тубига тушиб кетаётгандек саросималаниб, моторни ўчирди*. С. Кароматов, Сўнги бархан.

САРОСИМАЛИК Саросима ҳолати, саросима. *Саросималикка тушмоқ. Саросималикда қолмоқ.* ■ *Ермат ҳеч қандай қисилиш, саросималик сезмади, бўйинини чўзиб, у ёқ-бу ёққа алангади-да, одамлар орасини ёриб кирди*. Ойбек, Танланган асарлар. *Суворийлар дам-бадам орқасига қайрилиб, от қамчилар, улар орқасидан узоқ уфқда сарғиш тутундай тўзон тобора қуюқлашиб, су-*

ворийларни саросималикка соларди. А. Ҳакимов, Илон изидан.

САРПАРДА I [ф. سرپرده — бош, асосий парда] тар. Капа, соябонли арава ва ш. к. нинг катта пардаси; ёпинчиқ.

САРПАРДА II [ф. سرپرده] мус. I Мусиқа асари бошланадиган асосий парда. [*Умар полвон*] *Туябўзлов, жигарпора, сайқал, сарпардани бирин-кетин астойдил чалди*. К. Яшин, Ҳамза.

2 Нотада сатр бошига қўйиладиган ва ўзидан кейинги ноталарнинг номини ва баланглигини кўрсатадиган белги; калит. *Скрипка сарпардаси*.

3 Ўзбек сурнай йўлларидан бири.

САРПИНКА [р. сарпинка — Сарпа дарёси ва Сарепта қишлоғи номидан] Гуллари йўл-йўл ёки катак-катак ип газлама.

САРПО [ф. سروپا — бош ва оёқ; бош-оёқ кийим] 1 этн. Маълум бир шахсга ёки купчиликка атаб купинча тўй маросимларида ёки турли тантаналарда совға учун тайёрланадиган янги бош-оёқ либос. *Мартабали меҳмонга сарпо кийдиarmoқ. Келинга сарпо юборmoқ. Бешик сарпоси.* ■ *Қизнинг қўша-қўша кийимлари бўла туриб, онаси «Қизимга ўн сидра бош-оёқ сарпо қиласизлар», деб туриб олди*. Газетадан. *Низомжон гапир олмай, дирдир титраб турган эди, худди шу пайт куёвлик сарполарини кийиб олган Аъзамжон кириб келди*. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Умуман, кийим-бош. *Сарпо тикmoқ.*

САРПОЁҚ кам қўлл. салб. Саёқ, бекор, бемақсад сандироқлаб юрадиган; ялангоёқ. — *Мен ким-у, айт-чи, сен ким бўлибсан? Сенинг сарпоёқ ўғлингга гўлдек қизимни бериб, охиратимни куйдирайми?* К. Яшин, Ҳамза. *Мен фалонман, онам пистончи деб валдирагунча, бу ерда қорангни кўрсатмай гум бўлмайсанми, сарпоёқ!* С. Сиёев, Ёруғлик.

САРПОЙЧАН Ялангоёқ; оёққа пайпоқ киймай ёки пайтава ўрамай, пойабзални ўзини кийган ҳолда. *Қизил паранжисини чимматсиз бошига ташлаб, эски кавушини сарпойчан судраб олган Холнисо эшикдан кириб келди*. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Куз кириб, ҳаво анча салқинлаганига қарамай, Тешабой ташқарида яқтакчан, сарпойчан юрган эди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САРПО-СУРУҚ Турли хил сарполар. *Онамнинг қариндошлари сарпо-суруқ, иззатикром билан кузатиб қолдилар*. Х. Султонов,

Онамнинг юрти. *Ота-бувадан қолган удумни бузиб бўлармиши? Сарто-суруқ олиб, битта патнисда миёнча тугиб бораман.* С. Аҳмад, Қадрон далалар.

САРПУШ [ф. سرپوش — қозон ва ш.к. нинг устини ёпувчи нарса, қопқоқ] кам қўлл. айн. **қопқоқ.** — *Хотин чиқиб кетгандан кейин, тандирнинг сарпўшини олиб, бироз эркинроқ нафас олдим, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола. *Хурмача билқиллайди, Сарпўшини олиб қўй.* «Кўшиқлар».

САРРОВ [ф. سروار] бнқ. Иморатнинг тўсини ёки стропилалари тагига қўйиладиган узун ёғоч тўсин. *Том ёпиш учун сарров солмоқ. Сарров қўймоқ.* ■ *Мирзатерак баланд ва тўғри ўсади, ундан тўсин, сарров ва синчустунлар сифатида яхши фойдаланилади.* Газетадан. — *Анави уяда, — Абдумажид осма лампани олиб, сарровга солинган қалдирғоч уясини ёритди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

САРРОЖ [а. سراج — эгарсоз, эгар-жабдуқ ясовчи] От-арава абзали тайёрловчи уста. *Сайисга айт: саррождан дарҳол харид қилсин қайришма эгар.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув. — *Ҳа, Абдунаби саррож ҳам бандаликни бажо келтирди, — деди чол Мирҳайдарга.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

САРРОЖЛИК 1 Саррож касби, ҳунари. *...тор хужрасига кириб, саррожлик ҳунарини қилар, қайишлар бичиб тикар эди.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

2 Эгар-жабдуқ растаси. — *Қўқалдош мадрасасининг битта мезанаси қийшайиб қолди, саррожликни Мочаловнинг миршаблари талади, — деди Шум бола Ҳожжи бобога.* Ф. Фулом, Шум бола.

САРРОФ [а. صراف — пул алмаштирувчи; кассир; солиқ йиғувчи] Пул айирбошловчи; йирик пулни майдалаб бериш ёки чет эл пулини бирор мамлакат пулига алмаштириб бериш иши билан шуғулланувчи ва шундан фойда кўрувчи шахс. *Тимга кираверишдаги тоқнинг икки томонида шойи чопон кийган, симоби салла ўраган саррофлар олдиларидаги баркаша тангаларни уйиб ўтирар эдилар.* М. Осим, Элчилар. XI асрда яшаб ўтган Носир Хусравнинг маълумотларига қараганда, биргина Исфаҳонда 200 тача сарроф бўлган. «Фан ва турмуш».

САРРОФЛИК 1 Йирик пулни майдалаб бериш ёки чет эл пулини бошқа мамлакат

пулига айирбошлаш билан шуғулланиш, сарроф касби.

2 тар. Бозорда саррофлар дўкони жойлашган раста, саррофлар қатори. *Саррофликда пул майдаламоқ.*

САРСАБИЛ [ф. ساسبيل — жаннатдаги булоқ номи; соф, жаннатий сув] бот. Униб чиқмаган (ер остидаги) ёш пояси ва новдалари сабзавот сифатида овқатга ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик; сабзавот ва манзарали экин. *Сарсабилдан аспаргин олинади.* «ЎЗМЭ».

САРСАРИ [ф. سارسرى — бепарво, эътиборсиз; энгилтак] 1 *позт.* Тинимсиз; жонсарақ. *Сарсари кезмоқ.* ■ *Мана, қимматлигим, яна баҳор келиб, Сени излаб юрди, кезди сарсари.* Зулфия.

2 Бекорчи; санқи, дайди. *Ажал, бошимизда кезма сарсари, Йўлимизни кесма, эй ёвуз шамол!* Р. Парфи, Кўзлар. *Утирсанг — замину юрсанг — соянеман, Изингда сарсари тўзонман, чангман.* Р. Бекниёз, Тўтиё.

САРСОН [ф. سراسمان < سراسمان — бошдаги шиш; бош айланиши; менингит] Ўз йўлини топа олмаган, овора, саргардон, адашган. *Сарсон ўтган неча насллар Тополмасдан туғилган жойин.* А. Орипов. *Мен йўлларда сарсонман, хуморимни излайман.* «Ойсулув». *Салимани бекорга сарсон қилгани учун йўл-йўлаккай Замира аччиқ-аччиқ гап эшитиб олди.* Ҳ. Назир, Бир туп гўза.

САРСОНГАРЧИЛИК Беҳуда қатнаш, елиб-югуриш; овора бўлиш; дарбадар кезиш. [Рихсиев:] *Қанчадан-қанча оворагарчилик, сарсонгарчилик!* [Зиёдулла:] *Сарсонгарчилиги борми, шу баҳона Тарлон икковимиз шаҳарни сайил қилиб келяпмиз.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

САРСОНЛИК айн. сарсонгарчилик. *Зулминг билан, золим фалак, Сарсонликда бўлгум ҳалак.* «Тоҳир ва Зухра».

САРСОН-САРГАРДОН Ниҳоят даражада сарсон, овораи сарсон. *Қонуний талабимизни вақтида бажармай, сарсон-саргардон қилган одамларни жазолаш ўрнига, уларнинг бошини силаб.. ўз обрўйимизни ерга уришимиз керакми?* Шукрулло, Сайланма.

САРСОН-САРГАРДОНЛИК Сарсонликдаги ҳаёт, аҳвол. *Уруш туфайли ота-оналаридан бевақт жудо бўлган, сарсон-саргардонлик бошларига тушган гўдакларнинг аччиқ қисмати Маҳкам акалар оиласи*

билан Муборакхонни бир-бирларига боғлаб қўйган эди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

САРСЎЗАН [ф. *سرسوزان* — катта игна] махс. Аёлларнинг бош кийимига тақиландиган (қадаладиган) тўғнағич; заргарлик буюми. *..яланг оёғидан заҳри қаттол зирани чани игна ёки сарсўзан билан авайлабгина.. олган аёл эди.* А. Дилмурод, Фано даштидаги куч.

САРТ [ф. *سارت* < санск. *sarthavaṇa* — карвонбоши, савдогар] **I тар.** Қадимда Ўрта Осиёдаги шаҳар ва қишлоқларда яшаб, деҳқончилик, савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган туркий халқлар (жумладан ўзбеклар).

2 Чор Россияси ҳукмронлиги даврида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги маҳаллий халққа европаликлар томонидан берилган сохта ном. *Наҳотки, сарти одам бўлмаса? Гуноҳим нима экан ахир!* — деб ўйлади Ботирали. С. Аҳмад, Сайланма. *Бир неча қадам нарида, кўчанинг ўртасида, бир ўрис миршаб, икки сарт миршаб, қиличини яланғочлаб, Ёрматни олиб келишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

САРТАРОШ [ф. *سرتراش* — бошни қирувчи, қиртишловчи] Соч-соқол олувчи уста. *-Худога шукур, мана, Муллажон сартарош бўлиб, камлик кўраётгани йўқ, — деди кампир Шодига.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Йигит ойнага боқиб, мўйловини чимириб, сартарошга раҳмат айтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

САРТАРОШЛИК **I** Одамларнинг соч-соқолини олиш билан шуғулланиш, сартарош касби. *Ўтар бобо.. табиблик ва сартарошлик туфайли орттирган беш-ўн тангасини ҳовлини кенгайтириб, уй солишга сарфлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 айн. сартарошхона.

САРТАРОШХОНА [сартарош + хона] Сартарош дуқони, сартарошлик. *Бир неча кундирки, сартарошхона очик. Аваз азонлаб туриб, дўконига шошилади.* С. Сиёев, Аваз.

САРТАХТА [ф. *سرتخته* — катта, асосий тахта] этн. Ўлик ювиладиган тўрт оёқли пастак (хонтахтага ўхшаш) стол.

САРТИЯ [ф. *سارتيه* < санск.] Сартлар (қ. сарт **2**). *-Ҳазрати подшоҳимизнинг ўз фуқаролари мусулмонлар.. бизнинг Туркистон сартиялари ҳам фармонбардор бўлиб, хусусан, ана шу қаттол жанг кунларида ёрдам бер-*

моқлари фарздор, — деди қаландарлардан бири халойиққа. Ф. Фулом, Шум бола.

САРТОПО [ф. *سرتاپا* — бошдан оёққача] Бутунлай, батамом, бошдан-оёқ; бошидан охиригача. *У кунлар ўчди менинг Қўзларимдан сартопо.* Миртемир. *Айниқса, Хатиб домла бу кун сартопо бахтсизликка учраб, сувга тушган мушукдек тараниб қолади.* А. Қодирий, Обид кетмон. [Қози:] *Сен бир камбағалсан. Ўз жонингга жабр қилма, сартопо фалокатларга дучор бўлма, деймиз.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Умрида қўшиқ айтмаган одам, қизаринқираб, ён-атрофга олазрак сартопо назар ташлаб олди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

САРУПО [ф. *سروپا* — бош-оёқ (кийим)] юқ. усл. айн. сарпо. *-Жанобларини янги сарупо ва улуғ мартаба билан табриклаймиз, — деди Ҳусайн.* М. Осим, Сеҳрли сўз.

САРФ **I** [а. *صرف* — пулни майдалаш; ишдан озод қилиш, харж, харажат; чиқим] **I** Бирор мақсад учун харж бўлган пул, маблағ; чиқим, харажат. *Пахтадан олинган қўшимча ҳосил барча қилган сарфларимиздан анча ортиқ бўлди.* Газетадан. *-Қаранг, бировларнинг болаларини пул сарф қилиб, вақт сарф қилиб, текинга ўқитса-я!* — деди Мақтовул. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Умуман, бирор мақсад учун ишлатилган, кетган ёки кетадиган нарса миқдори. *Материал сарфини тежаб-тераб турмоқ.* ■ *Электр энергияси сарфини ҳар кунни назорат қилиш одатга айланиб қолади.* Газетадан.

САРФ **II** [а. *صرف* — турланиш, тусланиш] эск. айн. морфология. *Ўзбек тили сарфи.*

САРФАРОЗ [ф. *سرفراز*] эск. айн. сарафроз. *Барча неъмат бир томону шеър соз, Шеър бирлан бизни айланг сарфароз.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

САРФИЙ [а. *صرفى* — морфологик, грамматик] эск. айн. морфология.

САРФИЯТ [а. *صرفيت* — харажатлар, сарф қилинган нарсалар] кам қўлл. кт. Сарф қилиниш; сарф-харажат. *Усимлик орқали ва каналлар орқали сув сарфияти даражаси, айниқса, Ўрта Осиё иқлими шароитида юқори бўлади.* «Фан ва турмуш».

САРФЛАМОҚ **I** Харажат, чиқим қилмоқ, сарф қилмоқ. *Пул сарфламоқ.* ■ *Пулни беҳуда сарфламанг, мулла, уч-тўртта гилам, бир-иккита сигир олиб қўйинг.* П.

Турсун, Ўқитувчи. *Тожи ёш хотинини яхши кўриб, унинг тўйи учун бор-йўғини сарфлаб юборган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ишлатмоқ, фойдаланмоқ, кетказмоқ, сарф қилмоқ. *Материални тежаб сарфламоқ. Меҳнат сарфламоқ. ■ Музей залларини безатишда илмий-таъмирчилик устахонаси меъморлари катта куч-ғайрат сарфладилар.* Газетадан. *Эгаллаган илмимни жамият йўлида сарфлайман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

САРФ-ХАРАЖАТ Кетказилган сарф ва харажат(лар). *Аммо уни [олтинни] очишга кетадиган сарфу харажат олтиннинг ўзидан ҳам қимматга тушади.* С. Кароматов, Олтин кум.

САРХАЛ Таом пиширишда ёғни доғ қилиб, унда гўшт ва бошқа масаллиқлар қовуриб бўлинган дастлабки жараён. *Кампир бечора бир нафасда овқатини сархалда қолдириб, бетини юлиб, саннагани тушиб кетди.* «Шарқ юлдузи».

САРХАТ [ф. + а. سرخط — битим, келишув; тилхат; хуснихат] кт. Чиройли ёзув, хуснихат. *Сархат машқ қилмоқ. ■ Бахтим борки, ҳар нарса гўзал Кўринади менинг кўзимга. Водийларга қуёш тўккан ҳал, Шунинг учун сархат сўзимга.* Ҳ. Олимжон.

САРХИЛ Энг яхшиларидан терилган, сара. *Сархил мевалар. Узумнинг сархили. ■ Гадайбой сархил олма, нок, узумларни вагонларга жойлаб, Россиянинг узоқ-узоқ шаҳарларига жўната бошлади.* Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. *Боғда эса сархил мевалар пишиб, бол томиб ётганмиш.* Ҳ. Каримов, Санъат сеҳри.

САРХИЛЛАМОҚ Энг яхшисини, сархилини ажратиб олмоқ, сараламоқ. *Олма-ларни сархилламоқ. Узумни сархиллаб, саватларга жойламоқ.*

САРХОВ с.т. айн. саршок. *Бу тўзон, сархови нураган деворлар оша ҳовлиларга ўтиб, дарахт ва ерларни қоплади.* А. Мухтор, Опасингиллар.

САРХОК [ф. سرخاک — тупроқ боши: қабр] Деворларни ёғин-сочиндан сақлаш учун девор устига қўйиладиган серсомон лумбоз. *Сўз маъқулдан ошмас, девор сарходдан.* Мақол. ■ *Узоқдаги тераклар, сархоки емирилган девордай қорайиб кўринади.* Газетадан.

САРХОНА [ф. سرخانه — асосий хонача: чилимнинг ўтхонаси] Чилимнинг юқори

қисмида жойлашган, тамаки солиб тутатиладиган сопол ёки ёғоч мослама, чилим ўтхонаси. *Сархонага тамаки солмоқ. ■ Асрорқул чилимни шундай қаттиқ тортдики, сархонада аланга кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

САРХУШ [ф. سرخوش — ширакайф, кайф қилган; кайфи чоғ, хурсанд; безовта, жўшқин] **1** Кайфи бор, ширакайф; кайфли. *-Оёқларим ҳам қалтирай бошлади, кўчада сархуш одамлардай борардим, — деди Камолiddин.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Бир кеч зиёфатдан сархушроқ бўлиб қайтдим.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Отабек сархуш товуш билан жиддийгина қилиб [машшоққа] жавоб берди: -Билсангиз, ҳайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Бирор нарсдан кучли таъсирланиб завқланган, кайф қилган; ўта бахтиёр; масрур. *Мен сизни севаман ялпизлар атри, Қушчаларнинг сархуш сайроғи билан.* Ҳ. Даврон, Тунги боғлар. *Бўса мени айлади сархуш, Ўйнаб туриб сочининг учин, Енгил тортдим гўёки бир қуш.* Уйғун.

САРХУШЛАНМОҚ 1 Кайф қилмоқ, ширакайф бўлмоқ. *Меҳмонлар оз-оздан ичиб, сархушланиб олдилар.*

2 кўчма Ўзини ўта бахтиёр сезмоқ, хурсанд бўлмоқ, масрурланмоқ. *Навбатдагилар қанчалик маҳтал бўлса, узининг устунлигидан шунчалик сархушланади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *[Отабек] Кўз ўнгида бировнинг сурати ўтиб, сархушланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

САРХУШЛИК Кайфли, ширакайф ҳолат; хурсандлик, масрурлик. *Карим ўпкасини тўлдириб нафас оларкан, вужудида сўз билан таърифлаб бўлмас бир сархушлик туйди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

САРЧАШМА [ф. سرچشمه — булоқ, булоқ боши; манба] **1** Бош булоқ. *Қиз бечора қирқ кўлоч сочини яғринига ташлаб, сарчашмага бориб, сув ичиб, юзини ювиб ўтирди.* «Нурали».

2 кўчма Бош манба. *Китоб — маънавият сарчашмаси. ■ Дилбарим, Эркин дилин сен Бир тиниқ сарчашма бил, Акс этар ишқ офтоби Қалбининг кўзгусида.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони.

САРҚИТ 1 Бировдан қолган таом, қолдиқ овқат. *Ўзи тўймагanning сарқити қорин*

огрилади. Мақол. ■ Фарзандим бор эди, деб бир марта йўқламади. Биттаю битта бола-си одамларнинг сарқити билан яшаётган-лигига номус қилмади. С. Аҳмад, Ойдин кечалар. Зокир қўлидаги қадаҳни тақ этказиб столга қўйди. Қадаҳ тарелкага урилиб, чилчил синди, шиша синиқлари овқат сарқитларига аралашиб кетди, дастурхон ҳўл бўлди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 кўчма Ўтмишдан мерос бўлиб келадиган, баъзан замона руҳига тўғри келмайдиган одат, расм-русум, тартиб ва ш. к. Эскилик сарқитлари. ■ Шаҳар фуқароси ҳаётинидаги эскилик сарқитларини тугатиш, дилсўхлик, асаббузарликни олиб ташлаш — бу осон иш эмас. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатини. Ҳаётнинг қанчалар издан чиқиб кетишига сабаб бўладиган сарқит одат — гиёҳвандликка лаънатлар ўқийлик! Газетадан.

САРҒАЙМА с. т. айн. сарик 4. Айниқса, «Ҳожиматов дамламаси» деган дармондори, неча йилдирки, сарғайма билан огриган беморлар дардига даво бўляпти. Газетадан.

САРҒАЙМОҚ 1 Сарик тус олмоқ. Қуз тушиди, барелар сарғайди. Урик олтиндай сарғайиб пишибди. ■ Иссиқ жон дейдилар, жон бўлса бўлар, Пайт келса, чечак ҳам сарғаяр, сўлар. А. Орипов, Йиллар армони.

2 кўчма Зориқиб, толиқиб кутмоқ, маҳтал, интиқ бўлмоқ. Идорама-идора бир имзо учун сарғайиб, ҳафталаб умрим зое кетган вақтлар бўлди. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Айриқинг тўрандан, сочингни ёйиб Йиғлай бер, бувишим, энди сарғайиб. «Алпомиш».

3 кўчма Қаттиқ ялинмоқ, илтижо қилмоқ; изтироб чекмоқ. Момо, сизга сўз сўзладик мунғайиб, Арз айтамин энди сизга сарғайиб. «Рустам».

САРҒАЙТИРМОҚ 1 Сарғаймоқ 1 фл. орт. н. -Жийдани сарғайтириб, анорни қизартирган, пахтани етиштириб, қовунни тўрлатган далалар хумор қилади, — деди Элмурод. Шухрат, Шинелли йиллар. -Сен билан гаплашаман, деб кўйлаимнинг этагини [дазмолда] сарғайтириб қўйдим, — деди Қодир Сатторга. «Шарқ юлдузи».

2 кўчма Кўп куттириб маҳтал, интизор қилмоқ. Унга йўқ, дейсан, бунга йўқ, дейсан, кимни хоҳлайсан ўзи? Мана, синглиннинг ҳам бўйи етиб қолди, қачонгача бизни сарғайтирасан? «Ёшлик».

3 кўчма Қаттиқ изтиробга, жуда оғир аҳволга солмоқ. Ганим босмас, дедим, ўлмай изимни, Фарзанд доғи сарғайтирди юзимни. «Гулшанбор».

САРҒАРМОҚ эск. кам қўлл. айн. сарғаймоқ 1. Ёшлик — зангор фасл, кечди, сарғарди.. Р. Парфи, Қўзлар.

САРҒИМТИЛ с. т. Сарғиш, бироз сариққа мойил ранг (тус). [Мингбоши] Чилимни жуда узоқ тортиб чеккандан кейин, сарғимтил тутунни оғзидан совуриб туриб, ўтирганларга хитоб қилди.. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

САРҒИМТИР айн. сарғиш. Сарғимтир чанг. ■ Қор-қоронғи кечада ҳовлимизга аллақандай сарғимтир нур чўзилиб кираверди. С. Аҳмад, Ҳукм. Завқли баҳор фасли тугаб, ўрик мева берди, майсалар қандайдир сарғимтир тусга кира бошлади. Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи.

САРҒИШ Сарик ранга мойил, сариқроқ, сарғимтир. Сарғиш ўт. Сарғиш қум. Сарғиш соч. ■ Поезд саҳро бағрини ёриб, олдинга интилар, сарғиш қумтепалар, саксовулзорларни орқада қолдириб.. манзилга шошар эди. К. Яшин, Ҳамза. Муқаддам сарғиш жингалак сочли, серҳаракат, хушчақчақ йигитни эслади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кўлоқ сол.

САРҲАД [ф. + а. سرحد — чегаранинг боши: чегара, худуд; чек, доира] кт. Чегара, худуд. Давлатнинг сарҳадлари. ■ Бу дунёда сарҳадлар шартли, Бу дунёда собитдир Ватан. У. Қўчқоров, Ҳаяжонга қўмилган дунё. Ҳали бу йўлингнинг поёни узоқ, Ҳали сарҳадларда ағёрларинг мўл. А. Орипов, Йиллар армони.

САРҲАФТА [ф. سرهفته — ҳафтанинг боши] этн. Куёв томонидан ҳар ҳафтада (ҳафта бошида) келин томонга бериб туриладиган совға-салом. Бугун бой отанинг ўзлари сарҳафта учун ярим соатдан сўнг келиш қилади. У. Исмоилов, Сайланма.

САРҲИСОБ [а. + ф. سر حساب — огоҳ ва хабардор бўлиш: асосий ҳисоб-китоб, ҳисобот] Ҳисоб-китоб; якуний ҳисобот. Эҳтимол, ўтирганларнинг ҳар бири жамиятда тутган ўрни, унга қилаётган хизматларини чамалаб, ўзига сарҳисоб бераётгандир. С. Кароматов, Сўнгни бархан. Бош инженер хатни ўқиди-ю, ўзича ўтган йилги ишларни сарҳисоб қилди. Газетадан. Ўз ҳаётимдан ўзимга сарҳисоб айлар хаёл. Э. Воҳидов.

САРҲОВУЗ [а. + ф. سرحوуз – бош, асо- сий ҳовуз] Катта ҳовуз. Бу икки боғнинг орасида сада дарахтлари билан ўраб олинган бир сарҳовуз бор эди. С. Айний, Эсдалиқлар.

САС поэт. Овоз, товуш; нидо. *Боғ ичра кирдим мен тонгда, Борлиқ сокин: на сас, на товуш. Х. Даврон, Қақнус. Тош юрагинг юмшасин, Эшитсин қалблар сасин. Х. Олимжон. Урмон тўлди қуш сасига, Куйлаб оқди ирмоқлар. Э. Воҳидов, Нидо.*

САСИМОҚ 1 Сассиқ ҳид чиқармоқ, ёқимсиз, қўланса ҳид таратмоқ.

2 Сассиқ ҳид келмоқ; ёқимсиз ҳид урилмоқ (бурунга). *Ҳаммом сасиб ётибди. ■ Йўлчи отхонанинг бир томонида уюлиб, сасиб-бижиб ётган гўнгни аравага ортди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Айниб, ҳидланиб, бузилиб, чириб қо- лмоқ. *Гушт сасиб қолибди. Қондаги сабзи са- сиб қолибди. Асал айнимас, сариёғ сасимас. Мақол. ■ Беш килограмм келадиган балиқ- нинг қулоғини очиб қараб, [Шокиржон] ба- лиқчига нўписа қилди: -Йй-я, ириб қолибди- ку, сасиганга ўхшайди. «Гулистон».*

4 Ўт чиқармасдан тутаб, қўланса ҳид чи- қариб ёнмоқ. *Самовар сасияпти. ■ Сарой- нинг тўрида бошқаларга қараганда кўркам- роқ бир ҳужра.. наригиларида қорачироқ сасиганда, бу ҳужрада шам ёнарди. А. Қо- дирий, Ўтган кунлар.*

5 кўчма дағл. Аччиқ-тирсиқ, кинояли гап қилмоқ. *Ачиган оғиздан сасиган гап чиқади. Мақол. ■ У [нотаниш киши] Мў- мин хунобга нафрат билан қараб олиб, уч- тўрт оғиз сасиди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. -Уста, аскияни чойхонага чиқиб қиласиз. Бу – мажлис. Гапингиз бўлса, панада сасимай, манови ёққа чиқиб гапиринг! – деди раис. С. Аҳмад, Чўл бургуту.*

САСИР бот. Соябонгуллилар оиласига мансуб, сариқ гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

САССИЗ Овозсиз, товушсиз; овоз чи- қармасдан. *Козим сассиз одим ташлаб, Азим тўпчининг ёнига борди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

САССИҚ 1 Ҳиди ёмон, ёқимсиз, қў- ланса. *Сассиқ газ. Сассиқ саримсоқ. Бурун- ни сассиқ деб кесиб ташланмас. Мақол. ■ -Сассиқ балчиқда ётган сассиқ тўнғиз аввал ўзини қутқарса-чи, бировнинг ғамини ейиш ўрнига! – деди Зуфизар. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Сассиқ ҳид ўрнашиб қолган; ҳавоси оғир; бадбўй. *Сассиқ ҳаммом. ■ Икки йил- гача.. мана шу сассиқ баракда чириб ёта- мизми? А. Муҳтор, Туғилиш. Зумрад бензин анқиб турган сассиқ кабинадан сакраб ту- шиб, шийпондаги хотин-қизлар орасида ғо- йиб бўлди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

3 Айниб, ҳидланиб, бузилиб, чириб қо- лган, ачиган. *Кўкариб кетган бу сассиқ сувда бижиллаб ётган ҳар хил қуртлар, тушган ерида бир-икки қилпанглаб, дарров ўларди. М. Исмоилий, Фарғона. т. о.*

4 кўчма дағл. Гап-сўзи кишига ёқмай- диган; қўланса (гап, сўз, муомала ҳақида). *Сассиқ одам. Сассиқ сўз. ■ Эшон ҳам, отинойи ҳам иккиюзлама, ёлгончи ва сассиқ гап одамлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Мени нима учун бундай қийнайсиз.. Кошкийди, қорача бўлиб туғилган бўлсам, кўргами, калгами тегиб, сизнинг таънагизни, сассиқ сўзларингизни эшитмас эдим! М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

5 кўчма Бировни камситиш, ҳақорат- лашни билдиради. *Оҳ болам, ёшлигим қай- тиб келса, бу сассиқ чолга ўлсам ҳам тег- масдим. С. Аҳмад, Сайланма. -Сен гапирма, сассиқ кампир, – деди Қумри, Қамчининг ёни- ни олиб, – эринг билан қўшмозор бўл! Ҳ. Фулом, Машғал.*

Сассиқ алаф қ. алаф. Сассиқ кекирдак Овқат ҳазм бўлмаслиги натижасида қўлан- са ҳидли газ чиқариб кекирадиган. *-Мен ҳам бугун «зиефат» еявериб, жуда ҳам сассиқ кекирдак бўлиб кетдим, – деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.*

САССИҚКАВРАК Зирадошлар оиласига мансуб, елим-смоласи зарарли ҳашарот- ларни йўқотишда қўлланадиган, пояси йў- фон доривор ўт.

САССИҚҚУЗАН зоол. Сувсарлар оила- сига мансуб, қимматбаҳо мўйнали йиртқич жонивор. *[Амударё дельтасида] Сутэми- зувчилардан юмронқозиқ, қуён, сассиққузан, бўрсиқ.. ва бошқалар яшайди. «Иқтисодий география».*

САССИҚЛИК Қўланса ҳидлилиқ, бад- бўйлик.

САССИҚПОПИШАК айн. **попишак.** *Хизматкор ҳўкизни етаклаб бозорга бора- ётганда, бир дарахтдаги сассиқпопишак «поп-поп» дебди. «Олтин олма».*

САССИҚҚҰНФИЗ Ранги қора, металл-симон товланувчи, тупроқнинг юза қатламида яшовчи йиртқич қўнғизларнинг бир тури. *Сассиққўнғизлар тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида фаол иштирок этади.* «ЎЗМЭ».

САТАНГ Пардоз-андозга, кийинишга зеб берган; олифта, башанг. *Сатанг аёл.* ■ *Келинининг қуруқ, сатанг, эрига меҳри йўқлигидан хуфтон бўлиб турган Хайрибичининг юраги.. эзилди.* Д. Нурий, Осмон устун. — *Эй бебош бола, сочи калта, думи юлуқ бир сатангага уйланиб олибсан-у, онанг бе-хабар, — деди Каромат.* Ш. Саъдулла, Икки билгузуқ.

Сатанг соқол тар. этн. Олифта аёлларнинг икки қулоқ орқасидан олдинга солинтириб қўйиладиган икки тутам соқолсимон сочи. *Ичкари уйдан қора атлас кўйлак, қора духобадан узун камзул кийган.. икки қулоғи тағидаси сатанг соқоли билан бир қарич келадиган марварид зиракни рўмол устидан чиқарган ёшгина хотин чиқиб, тўрага салом берди.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

САТЕЛЛИТ [лот. satelles, satellitis — тансоқчи; йўлдош; шерик] 1 Бировнинг амри, фикри билан иш қилувчи, итоатгўй одам. 2 Расмий жиҳатдан мустақил бўлган, лекин амалда бошқа, ўздан кучлироқ давлат амри, хоҳиши билан иш тутадиган давлат, ҳукумат. *Сателлит давлатлар.*

3 *астр.* Бирон-бир сайёранинг (табиий) йўлдоши.

САТИЛ [а. سطل — пақир; ковш] шв. 1 Челак, пақир. *Шу вақт ичкаридан бир қиз икки қўлида икки сатилни кўтариб, дарё лабига келди.* «Гулихиромон». *Бодомгул сатилларни кўтариб, ҳамон шудринг кетмаган ўтзорга оралади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 Сирланган кастрюлька. *Сатилга қатиқ ивтимоқ.*

САТИН [фр. satin — атлас, шоҳи мато] 1 Ипаксимон ялтироқ ип газлама. *Олма гулли кўрпабоп сатин.* ■ *Сатин олдим кўрпалик, гуллари турлик-турлик.* «Кўшиқлар».

2 Сатиндан тикилган. *Зебихон ўз чодирига кириб, гулли сатин кўйлагини кийиб чиқди-да, машинага ўтирди.* С. Аҳмад, Уфқ.

САТИРА [юн. satira < satura lanx — турли мевалардан иборат овқат; аралашма] Адабиёт ва санъатда: кишидаги нуқсонлар ва ҳаётдаги камчиликлар, салбий ҳодисаларни

аёвсиз танқид қилиш, фош этиш ҳамда шундай мазмунда ёзилган бадиий асар; ҳажвиёт. *Сатирада ижодкорнинг мавзуга қарашли ўз сезги ва ҳис-туйғуларидан устун туради.* «Ўзбек адабиёти».

САТИРАНАВИС [сатира + ф. نویس — ёзувчи] айн. сатирик.

САТИРИК Сатира жанрида асар яратувчи адиб, сатиранавис, ҳажвчи. *Сатирик бу ерда гротеск, муболага каби сатирага хос хусусиятлардан керагича, унумли фойдаланиши мумкин.* «ЎТА».

САТИРИК Сатирага оид, сатира характеридаги; ҳажвий; киноявий-кулгили. *Сатирик асар.* ■ — *Сизнинг насрий асарларингиз, ҳикояларингизда фикр ёрқин, тил ўткир ва гўзал сатирик чизиқлар бордир, — деди Аҳмад Ҳусайн.* Ойбек, Нур қидириб. *Масалда сатирик ва юмористик элементлар муҳим ўрин тутади.* «ЎТА».

САТО [ф. ستار — «сетор» с. нинг бузилган шакли] Танбурнинг камон билан чалинадиган тури (косаси танбурга нисбатан каттароқ ва юпқароқ бўлади). *Сатода, одатда, куйчан, оҳангдор асарлар турли нолиш ва қочиримлар билан бойитилиб чалинади.* «ЎЗМЭ».

САТР [а. سطر — чизик, йўл, қатор] Босма ёки қўлёзма матннинг ёки шеърнинг ҳар бир йўли; бир қатор. *Шеър сатри. Тўрт сатрдан иборат шеър.* ■ *Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла Безамоқ чоғидир умр дафтارين.* Ф. Фулом. *Шеър ёзайин сенга бағишлаб, Мангу қолгин сатрларимда.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Хатнинг сатрлари қора сиёҳда жуда усталик билан ўчириб юборилган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

САТРАНЖ [а. + ф. سترنج < ҳинд.] 1 қ. шатранж 1.

2 эск. айн. шахмат. *Маликанин оху кўзлари сатранж тахтасининг катаклариди-ю, хаёллари чарх уриб, олисларда учарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

САТГА, сатти шв. рвш. 1 Фақат, нуқул. *Томошага жўнади сатта барваста қизлар.* «Юсуф ва Аҳмад». — *Бу унга йўргакда теккан касал экан-да. Қизларнинг сатта ўн гулидан бир гули очилмаганини топади-я, — деди Маҳмуд унга.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Бу энди қишлоқ эмас, сатти чордевор эди: томлари бузилган.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

2 Ҳадеб, ҳамиша. - Умарали сатта ўзини мастликка солиб, ганни чалғитади, — деди Ўрик домла. С. Аҳмад, Чўл бургути.

САТТОР [а. ستار — ҳимоя қилувчи, кўриқловчи; тўсиб, беркитиб турувчи; гуноҳларни кечирувчи, афв этувчи (Оллоҳнинг сифатларидан бири)] 1: **ўламан саттор** Ўлсам ҳам, асло, сира, ҳеч. *Сора.. онасини уй ичига киришга ундади. Онаси эса, ўламан саттор, бу уйга кирмайман, деб қизини ўша заҳотиёқ эргаштириб кетмоқчи бўлди.* Ё. Хаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

2 Саттор (эркаклар исми).

САТУРН [лот. Saturnus — Қадимги Рим мифологиясида: экин-тикинлар маъбуди ва зироатчилик ҳомийси] (С — катта) астр. Куёш системасидаги сайёралардан Куёшдан узоқлиги бўйича олтинчи, катталиги бўйича иккинчи, атрофида ҳалқаси мавжуд бўлган сайёра; Зуҳал, Кайвон. *Сатурнни илк бор Галилей 1610 йилда кашф этган.* «ЎЗМЭ».

САТҲ [а. سطح — юз, юза; сирт; текислик] 1 Бирор нарса-буюмнинг, жойнинг усти, юза томони; юз, юза, бет. *Ер сатҳи. Ҳовли сатҳи.* ■ *Ой сатҳига қадам қўйган дастлабки инсон америкалик астронавт Нил Армстронг эди. «Фан ва турмуш». Паром парчалари, кураклари, тахта ва резиналар сув сатҳида сузиб юрарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Баландликларни ўлчашда асос қилиб олинган бошланғич юза, савия. *Денгиз сатҳидан минг метр баланд жой.* ■ *Томчилатиб суғоришда боғ сатҳидан маълум даражада баландроқ ерда ҳовуз қазилади.* «Фан ва турмуш». *Бу ёқдаги унгур.. сой сатҳидан бир қулоқ паст қазилаётган эди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

3 айн. юз I 8. *Квадратнинг сатҳи. Дошранинг сатҳи. Сатҳ ўлчовлари.*

САУНА [фин. sauna — фин ҳаммоми] Ҳаммомнинг қуруқ, иссиқ ҳаволи тури; фин ҳаммоми. *Сауна иссиқхонасининг деворлари ва терлаш супалари игнабаргли дарахт ёғочидан қилинади.* «ЎЗМЭ». *Уйнинг орти қора ойналар билан ажратилган бўлиб, [у ерда] сауна, туркча ҳаммом, терлаш хоналари жойлашганди.* Н. Ёқубов, Жон.

САФ [а. صف — қатор; тартиб билан, ёнма-ён туриш] 1 Ҳарбийларнинг ёки, умуман, кишиларнинг ва нарсаларнинг маълум тартибда тизилиши, мунтазам қатори. *Саф*

тортмоқ. Бир сафга тизилмоқ. ■ *Шов-шув, гала-ғовур бирдан босилиб, ҳамма сафга турди.* О. Ёқубов, Излайман. *Душман сафи бузилиб, ҳар томон тузиб кетди.* «Нурали». *Йўлнинг икки четида узун миззатераклар саф торган.* Н. Аминов, Суварак.

2 *кўчма* Бирор жараён, фаолиятнинг энг қизғин ўрни. *Ҳар бир виждонли одам бу курашнинг олдинги сафида бормоғи лозим.* Газетадан.

3 *кўчма* Бирор гуруҳга мансуб кишиларнинг мажмуи, қатори. *Ҳозирги долзарб кунлар масъулияти ҳар бир кишининг ўрни пахтазорда, теримчилар сафида бўлишини тақозо этмоқда.* Газетадан. *Минглаб абитуриентлар талабалар сафига қўшилиш учун синов имтиҳонларидан ўтишяпти.* Газетадан.

Сафга кирмоқ 1) бирор мунтазам тизилган қатордан жой олмоқ; 2) бирор гуруҳдан жой олмоқ, унга қўшилмоқ. *Талабалар сафига кирмоқ. Илғорлар сафига кирмоқ. Сафга ўтмоқ айн. сафга кирмоқ. Сафдан чиқмоқ* 1) мунтазам қатордан олдинга чиқмоқ. *Сафдан бир қадам олға чиқмоқ;* 2) аъзоликдан чиқмоқ; 3) *кўчма* қатордан чиқмоқ, ишдан чиқмоқ. *Эргашевлар окопи ёнида бирданига учта граната портлади. Эргашевнинг жанговар дўстлари яраланиб, сафдан чиқди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

САФАР I [а. سفر — саёҳат, сайр; бирор жойга бориш; марта, гал] 1 Хизмат йўли билан ёки саёҳат қилиш, учрашиш мақсадида бирор ерга бориш; йўл. *Узоқ сафар. Бир ойлик сафар. Сафарга чиқмоқ. Сафарга отланмоқ. Сафардан қайтмоқ. Дуст сафарда синалар.* Мақол. ■ *Сидиқжон икки кундан кейин сафар ҳозирлигини кўриб, тушга яқин йўлга чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. *Бир-икки ойлик сафардан қайтиб келсам, уйимда анчагина хатлар йиғилиб қолибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Сафаринг бехатар бўлсин, савдогар, Эсонмон келин Ҳитой элидан.* «Ойсулғу».

2 Гал, марта; бор. *Ўтган сафар. Бу сафар. Ҳар сафар.* ■ *Ҳар сафар ҳаққушининг носиси эшитилса, Гавҳар аясининг пинжиёга кириб кетар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кимдир бугулиб бақирди. Бу сафар Чарос аниқ эшитди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Нариги дунёга сафар қилмоқ ҳазил Ўлмоқ, вафот қилмоқ. - *Чекканим ғанимат, —*

деди Али тажсанг. — Ҳозир борман, бир минутдан кейин нариги дунёга сафар қиларман. Ойбек, Танланган асарлар. Сафар қариди қ. қаримоқ.

САФАР II [а. *صفر* — арабча ой номи] 1: сафар ойи Қамария йил ҳисобида 29 кундан иборат иккинчи ойнинг арабча номи. [Мулладуст ўзига-ўзи:] Билмайман, мучалим тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн бирида туғилибманми? Ҳамза, Майсаранинг иши. Воқеа сафар ойи иккинчи жумасининг ярим кечаси юз бериши керак эди. А. Мухтор, Чинор.

2 Сафар (эркаклар исми).

Сафар қочди этн. Хосиятсиз деб ҳисобланган сафар ойининг охирида бирор кампирга жулдур кийимлар кийдириб, уни қишлоқдан ҳайдаш одати; бунда гўё қишлоқ бало-офатлардан қутулар эмиш. Сафар қочди қилмоқ 1) «сафар қочди» маросимини ўтказмоқ; 2) кўчма с. т. умуман, қувғун қилмоқ, қувлamoқ, маҳрум этмоқ. [Мулладуст ўз-ўзига:] Бу дунё ҳамма ёғидан бизни сафар қочди қилган, ўшанинг учун эллик тўртга кирибманки, иқболим наҳс фалокатдан сира ажрамайди. Ҳамза, Майсаранинг иши.

САФАРБАР [а. + ф. *سفربر* — сафарга йўловчи] Бирор тadbирга шай, тайёр. Баҳор ойлари бошланди. Барча ишчи кучи ва техника далада сафарбар ҳолатга келтирилган. Газетадан. Теримга барча куч бўлди сафарбар, Ўлка бўйлаб кезди ҳар кун хушхабар. Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

Сафарбар қилмоқ (ёки этмоқ) 1) жанговар, тайёр ҳолатга келтирмоқ, долзарб, муҳим ишга жалб этмоқ, фаоллик билан ишга солмоқ. [Матбуот] Халқни кураш ва ғалабага сафарбар қилаётибди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари; 2) армия (ёки жанговар отряд) сафига чақирмоқ, жўнатмоқ. Улар [курсантлар] кетгач, ўрнига энди сафарбар этилган кишилар келди. Шухрат, Шинелли йиллар.

САФАРБАРЛИК I Армия сафларига чақириб, чақирилиш; жанговар ҳолатда бўлиш. Сафарбарлик бошланиб, қишлоқдан йигитлар кетма-кет армияга жўнаб кетдилар. «Саодат».

2 кўчма Бирор нарсага тайёр, шай туришлик. Қишлоқ меҳнаткашлари руҳида сафарбарлик, меҳнат шавқ-завқи мавж урмоқда. Газетадан.

САФАРБОШИ Сафарда сафар қатнашчиларига, гуруҳга бошчилик қилувчи одам. Сафарбоши билан Матвей Владимирович ҳам келган, Самарқандда яқинлари бўлмагани учун шу ҳовлида туриши керак эди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

САФАРДОШ Сафарда бирга бўлган кишилар (бир-бирига нисбатан), сафардаги ҳамроҳ. [Муҳаммадали] Сафардоши Мулла Шокирни кўриши билан юзи ёришиб, ўрнидан туриб ўтирди. М. Осим, Элчилар.

САФАРЧИ Сафарга чиққан ёки сафарда бўлган киши, сафар қатнашчиси. Сафарчиларга намунали маиший хизмат кўрсатиш. ■ Моҳидил кўринишдан камҳафсала, аммо ичи жўш уриб турган участка бошлиғи билан.. доим худди поездга кеч қолаётган сафарчидай шошиб-пишиб гапиришади. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

САФ-БАСАФ [а. + ф. *صاف، باصاف* — саф саф бўлиб] Саф тортиб, сафга тизилиб. [Тераклар] Дубулғали аскарлардай Туришади саф-басаф. О. Ҳақимов, Достонлар. Саф-басаф гуллар аро Кезганда гулшан тонг қизи, Чайқалур гул денгизи, Бўлғай-да хумор, келадур. Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

САФБАСТА поэт. [а. + ф. *صفايسته* — саф бўлиб тизилган, боғланган] Сафга тизилган, саф тортган; бир сафдаги. Сиз меҳнатда ҳамкор, жангда сафбаста, Сиз эзгуликларга тугамас консиз. Уйғун. Энг олий бинолар икки кўнанинг Сафбаста қизлардай кўрки бўлади. Ф. Ғулом.

САФБОШИ Сафда турган ёки бирор ташкилот сафига уюшган кишиларнинг бошлиғи; йўлбошчи. -Сафбоши оёғини тираб олгандан кейин саф унинг хоҳишига қараб оқади-да, — деди Болтаев Раҳимовга. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

САФДОШ I Ҳарбий хизматда бирга, бир сафда бўлган кишилар. Жангчилар янги сафдошларини ўраб олишди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бир соҳада ёки бир ташкилот сафида биргаликда иш олиб борувчи кишилар. Бер қўлингиз, дикаш сафдошим, Бўлур ойга етгудек бошим. Ҳ. Пўлат, Танланган асарлар. Қаламкаш сафдошлар, газетхонлар.. фан, маданият арбоблари юбиляр газетани қизгин муборакбод қилдилар. Газетадан.

3 Тенгқур, тенгдош. Устод Қавомнинг бу феълени сафдошлари билсалар ҳам, билмасликка.. олишарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

САФИЛ [a. سفيل — паст, пасткаш, аб-лаҳ] эск. кт. 1 Жуда ёмон, ночор; қабиҳ. Биз қиссамизнинг ҳажми сиғдирмаганликдан унинг шаҳардаги сафил ҳаётига тафсилий тўхтаётимиз. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ярамас, разил, палид, ифлос. Қадрига етмаганни бу оннинг Халқ ичинда юзи қаро бўлсин! Ҳам сафил, ҳамда мохов била тенг, Бутун оламга можаро бўлсин! Ҳ. Олимжон.

САФЛАМОҚ Бир сафга тизмоқ, қаторга турғизмоқ, саф торгитирмоқ. Аскарларни сафламоқ.

САФЛАНМОҚ Сафламоқ фл. ўзл. н. Шу пайт бирдан: — Сафлан! — деган команда эшитилди. Отряд сафланди. К. Яшин, Ҳамза.

САФО [a. صفاء — тозалик, тиниқлик, софлик; самимийлик; хотиржамлик] 1 Бегубор тозалик, мусаффолик, софлик. Инсон туғилмоқда — янги бир одам Кўз очди тонготар сафоси билан. Ж. Жабборов. Ўзбек тупроғидан келибман бу бор, Сенгадир ошифта қалбим сафоси. А. Орипов, Йиллар армони.

2 Хурсандчилик кайфияти, нашъу намо; ҳузур, гашт. Кайфу сафо қилмоқ. ■ [Ғули:] Ғазалким, сўзлагай меҳру вафодин. Ғазалким, сўзлагай ишқдин, сафодин. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Бутун умрин кечириб кайф билан, сафо билан, Иши бўлмаган экан «ўткинчи» дунё билан. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

3 Сафо (эркаклар исми).

САФОБАХШ [a. + ф. صفا بخش — сафо бахш этувчи; ёқимли, дилкаш] поэт. Хурсандчилик кайфияти, ҳузур бағишловчи, кайф-сафо бахш этувчи; гаштли. Сафобахш боғлар. ■ Фарғонанинг бинафшаранг тоғларидан эсаётган сафобахш елдан тўйиб-тўйиб шимирмадингми ҳали? Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Қайин ўтин чарсиллаб, хушбўй ис таратиб, тоза, чиройли аланга билан гуруллаб ёнаркан, йигит бутун ву-жудида уйқу каби элитувчи, май каби сафобахш тоғли ором сезади. Ойбек, Қуёш қораймас.

САФОГОҲ [a. + ф. صفاگاه — кўнгилхушлик жойи] поэт. Хурсандчилик, хуш кайфият, ҳузур бағишлайдиган жой, оромгоҳ.

САФОЙИЛ [a. صفائر / صفائر] Даस्ताга ўрнатилган бир неча ҳалқали урма чолғу асбоби (ўтмишда асосан дарвиш-қаландарларнинг чолғуларидан бири бўлган). Улар

[қаландарлар] сафойилларини жаранглатиб, Машраб ғазалларини қўшиқ қилиб, ўйинга тушганларида, оломонни бир зумда сеҳрлаб қўярдилар. Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим. Бир кун Калта Минор ёнидан қаландар либосидаги букри кимса сафойилини шақиллатиб, бақириб ўтди. С. Сиёев, Аваз.

САФОЛАТ [a. سفالت — таг, остки қисм; асос; паст(каш)лик] эск. кт. 1 Жуда ёмон, ночор аҳвол, абгорлик. Сафолатга тушмоқ.

■ Кўчанинг икки томонида бўғот томли, қинғир-қийшиқ хароб уйлар, ярим қулаган деворлар оқшом қоронғисида дардли манзара ясади, сафолатдан, йўқчиликдан қўрқинч сукутга чўқади, қоронғида аста-аста эриб йўқолади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ярамас ҳатти-ҳаракат ёки хулқ-атвор; разиллик, разолат. Ҳаёт овқларига одат, шариат кийгизган разолат ва сафолат кишанларини парчалаб ташлаёлмаганидан, ҳалигача ёр кўксига бош қўйиб, «Севаман!» деб айтолгани йўқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

САФОЛАТЛИ айн. сафил. Унинг [Тўғонбекнинг] сафолатли кунларида танишиб, ҳужрасидан жой берган эски қадрдони Алоиддин Маишадийни пул, кийим билан йўқлаб турарди. Ойбек, Навоий.

САФОЛИ Хурсандлик кайфиятини бағишловчи, сафо бахш этувчи; сафобахш, гаштли. Сафоли тун. ■ Фуломжоннинг сафоли овози ҳар танга ширин жон бўлиб, ҳар онга ойдин он бўлиб кириб борди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Куй.. қанчалар сафоли куй бу! Садоланган қайси гулшанда! М. Али, Гумбаздаги нур.

САФОРАТ [a. سفارت — воситачилик; элчилик, элчихона] эск. кт. Муайян давлатнинг чет элдаги ваколатхонаси, дипломатик вакиллик.

САФОРАТХОНА [сафорат + хона] эск. кт. Муайян давлатнинг чет элдаги ваколатхонаси биноси.

САФОҲАТ [a. صفاة — ақли камлик, пастлик; тентаклик; уятсизлик, сурбетлик] эск. кт. Нодонлик, нодонларча ҳатти-ҳаракат, аҳмоқона иш. Мана бул сабабдан.. фақир ва бечора болалар.. ниҳол умрларин сафоҳатга барбод беруб кетмакдаурлар. Ҳамза, Танланган асарлар.

САФРО [a. صفراء — сариқ ранг; оқимтир; ўт, сафро] Одам жигаридаги безлар

орқали мунтазам ишлаб чиқиладиган кў-кимтир сариқ суюқлик; зарда, ўт. Сафро, одатда, жигардан ўн икки бармоқли ичакка оқиб тушиб, сўнгга ингичка ичакка ўтади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

Сафро ташламоқ Сафро қайт қилмоқ. [Жўрабек] Душанба, сешанба кунлари сафро ташлаб, руҳи ёришган кишидек, анча енгил тортди. Мирмуҳсин, Қуламас қоя. Сафроси қайнамоқ айн. зардаси қайнамоқ қ. зарда. Инолчиқ Умархўжанинг тил учидаги тум-тароқли сўзига қулоқ соларкан, сафроси қайнар, ер тепиниб, уни сўкишдан ўзини базур тутиб турарди. М. Осим, Ўтрор.

САФСАР 1 Бинафшаранг, бинафша рангли. Сафсар сиёҳда майда ёзилган сатрлар хира парда орқасидагидек эди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

2 айн. сафсаргул. Саф-саф тизилиб, Сафсар оёғинга қўйиб сар, Банд-банд узлиб, Жоним билан банда бўлибдур. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

САФСАРГУЛ айн. гулсапсар. Хужра атиргул, пуштигул, сафсаргулларга тўлиб кетди. К. Яшин, Ҳамза.

САФСАТА [а. **سفسطة** — софизм, сохта хулоса; бекорчи, қуруқ гап; валдираш] **1** Бемаъни гап, таги пуч, асоссиз даъво, назария ва ш. к. Хўш, ўзингча фалсафа деб ўйлаган бу.. сафсатанг билан нима демоқчисан? М. Исмоилий, Фарғона т. о. -Кўй бу сафсатанени, — деди Шамси Тўраевич Баширжонинг сўзини бўлиб, — ҳалма нарсани динга, худога тақайверма. Н. Аминов, Суварак.

2 Қуруқ, бекорчи гап. Бу сафсаталардан мафқуравий муҳолифларимиз кўзлаган мақсад аён. Газетадан.

Сафсата сотмоқ Бемаъни гаплар гапирмоқ, ёлгон назариялар тўқимоқ. Али десам, бали дейди, оғзимни очиргани қўймай, нуқул сафсата сотади. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

САФСАТАБОЗ Қуруқ гап сотишни, сафсатабозликни яхши кўрадиган, сафсата сотувчи. Сафсатабоз одам. ■ Қудрат у [Тешавой] ўйлаганчалик қуруқ сафсатабозлардан эмас экан. Ж. Абдуллахонов, Йўл.

САФСАТАБОЗЛИК 1 Маънисиз гаплар айтиш, таги пуч, асоссиз даъво қилиш, ёлгон-яшиқ назариялар тўқиш.

2 Қуруқ гап сотиш, валдираш, вайсаш. Бехўда сафсатабозлик билан вақт ўтказиш.

САФСАТАЧИ айн. сафсатабоз. Сафсатачи одам.

САФСАТАЧИЛИК айн. сафсатабозлик.

САФҲА [а. **صفحة** — «саҳифа» с. нинг метатеза ҳолати] *поэт.* Саҳифа, варақ, бет. Сафҳада ягона сарлавҳа: «Ҳайкаллар», «Ҳайкаллар». Т. Тўла.

САХАЛАР Россия Федерацияси таркибидаги Саха Республикасининг туркий тиллардан бири бўлган саха тилида сўзлашувчи туб аҳолиси [рус манбаларида якут (ёқут) деб аталади]. Сахалар этногенези жуда мураккаб. «ЎЗМЭ».

САХАРОЗА [юн. **sakchar** < санск. **sakkhara** — шакар] Ўсимлик баргларида ҳосил бўладиган қанд; углевод. Асал глюкоза, фруктоза, сахароза ва минерал моддалардан ташкил топади. «Фан ва турмуш».

САХИЙ [а. **سحى** — қўли очик, саховатли, химматли, олиёйҳиммат] **1** Ҳеч кимдан нарсасини аямайдиган; ҳотам; ҳотамтой; танти. Сахий одам. Сахий топса, бўлиб ер, бахил топса, босиб ер. Мақол. Сахий билан бахил бир қудуқдан сув ичмас. Мақол. ■ Вақт-бевақт бировникига бир меҳмон келса, отини ушлаб.. кўнглини хушлаб жўнатса, бул одам — сахий. «Алпомош».

2 Сахийлардан ўз ёрдамини, хизматини аямайдиган, ғамхўр; меҳрибон. Сахий устоз. ■ Сахий педагог Меҳри опа тарбиялаган ёшларни республикамизнинг ҳамма жойида учратиш мумкин. Газетадан.

3 кўча Табиий бойликларга бой; тўкин, мўл; мўл-кўл. Сахий ер. Сахий ёз. ■ Ер! Қандай бойсан, сахийсан, гўзалсан. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Урушдан қайтган ғолиб отадек Қўни-қўнжи тўлиб сахий куз келди. Ф. Фулом.

4 кўча Нуруни аямай тўкувчи; юқори ҳароратли (қуёшга нисбатан). Ана, йўлнинг иккала бети бўйлаб сахий қуёш нуруни беармон эмиб, ястаниб ётган тоқзорлар орқада қолди. «Шарқ юлдузи». Ҳазина ер, зиллол сув, Ёз бўйи сахий қуёш. Ғайратий.

САХИЙЛИК Ҳеч кимдан нарсасини, яхшилигини аямаслик; ҳотамлик. Сахийлик қилмоқ. ■ Сахийлик, меҳмондўстликда андижонликлар Ҳотамдан ўтса ўтардики, аммо наст келмас эди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Сахийликни одат қилган бўлса ким.. Қўлидан давлати кетмасин унинг. Э. Воҳидов.

САХОВАТ [а. سخاوت — кўли очиклик, олийҳимматлик, саховатлилик] 1 Баланд ҳимматлилик, сахийлик. *Кимхобни кийиб олгач, домла Ниёз «саховатда Ҳотамтойдан, адолатда Нўширавони одил» дан ортиқроқ у жанобнинг ҳақиға яна янги дуо ва санолар тўқиди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

Саховат кўлини чўзмоқ Ҳиммат қилмоқ; ёрдам кўлини узатмоқ. Саховатнинг етти дарвозасини очмоқ Ҳиммат билан эҳсон у инъомлар улашмоқ.

2 кўчма Табиий бойлик; мўл ҳосил; тўкинлик, мўллик. *Дехқон ерни ардоқласа, ер ҳам ундан саховатини аямаслигини тажрибада кўриб турибмиз.* Газетадан. *Осмонда офтоб саховат билан нур сочарди. «Шарк юлдузи».*

САХОВАТЛИ 1 Саховатини аямайдиган, сахий; ҳотамтой, ҳимматли. *Саховатли одам. ■ Феъли кенг, саховатли, меҳмондўст ўзбекларнинг донғи ҳамма ёққа кетган.* Мирмуҳсин, Умид.

2 кўчма айн. сахий 3. Саховатли Фарғона боғларида пишқичлик бошланди.

САХОВАТПЕША [а. سخاوتپيشه] айн. саховатли 1. — *Маскон подшоҳи ростдан ҳам саховатпеша эркан! — деди Хўжа Калон бошини фоз кўтариб. М. Осим, Элчилар. Уйлаймизки, бундай саховатпеша кишилар ҳаминша топшади.* Газетадан.

САХОВАТПЕШАЛИК Саховатпеша бўлишлик, саховатпеша эканлик; сахийлик, ҳотамтойлик. *Лекин Худоёрнинг саховатпешалиги ва маъмуриятпарварлиги меҳнаткашнинг хазинага олтин суратида йиғилган кучидан эмас, бевосита билак кучидан, кўз ёшидан эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

САХТИЁН [ф. سختيان — ошланган эчки териси] 1 от Эчки ёки кўй терисини ўсимлик мойлари билан ошлаб тайёрланган юмшоқ чарм. *Кўнчилар қайиш, сахтиён.. тайёрлаб, вофурушларга, улгуржи пойабзал тикадиган косибларга чакана сотадилар. Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим. Дағал сахтиёндан этик кийган оёқларини кериб.. пичан уюмларини аравага отарди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 сфт. кўчма Сахтиёндан тайёрланган. *Илк бор байрам куни сахтиён этик кийган бола каби чақнар кўзларим. А. Шер, Қадимги куй. Ҳофиз Кўйкий кўйнидан нафис сахтиён*

муқовали китобни олиб, Бобурга авайлаб узатди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

САЧВОН с.т. айн. чачвон.

САЧОҚ 1 Гажим, попук, шокила. *Сулув отларга ярашган, Тилла сачоқ тизга тушган. «Гулихиромон».*

2 Отнинг тўпиғи устидаги бир тутам соч.

САЧОҚЛИ 1 Сачоқ тутилган (қадалган); гажимли. *Ёз ёни айвон ўчоқли, Кўли дастурхон сачоқли. «Кўшиқлар».*

2 Оёғида сачоғи бор, оёғи сачоқли (от ҳақида).

САЧРАМОҚ 1 Парчаланиб отилмоқ; сочилмоқ. *Балчиққа кесак отма, юзингга сачрайди.* Мақол. — *Машина ўтганда, лой, сув сачрайвериб, деворлар шалтоқ бўлиб кетган. Э. Усмонов, Ёлқин. Отларнинг тақаси тош йўлга урилганидан, гоҳо учқунлар сачрарди. «Шарк юлдузи». Ой чиқди. Сербулут осмон худди сиёҳ сачраган зангори куйлакка ўхшарди. С. Аҳмад, Уфқ.*

2 Ирғимоқ, сакрамоқ. *Туғонбек тоқати тоқ бўлиб, сачраб ўрнидан турди. Ойбек, Навоий.*

3 Боши ёки гавдасини кескин ҳаракатлангирмоқ. *Отабек сачраб, Кумушга юз ўғирди: — Бу ўртага Зайнабни келтириб нимага тиқасиз энди? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Гавҳар, электр токи теккандай сачраб, унинг қучоғидан чиқди. П. Қодиров, Уч илдиз.*

4 кўчма Қаттиқ-қаттиқ гапирмоқ, тўсатдан ўшқириб, ғазаб билан танбех бермоқ. *Унинг [онасининг] сачрайдиган, болаларига бақирадиган одати йўқ эди. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.*

САЧРАТҚИ I бот. Ҳаворанг гулли куп йиллик бегона ўт (халқ таъбаотида фойдаланилади). *Кўёш шўғласи ялт этиб тегиши билан, сачратқи ўз тоғбарглариини ёзади, ҳавони булут қопласа, гуллариини юмиб олади.* Газетадан.

САЧРАТҚИ II шв. Баданда, юзда пайдо бўладиган йирингли тошма; иссиқлик. *Баъзан симоб каби лақиллаб турган чўғ парчалари ерга тўкилиб, ҳаммага сачраб кетади. Кимнинг кўли, кимнинг оёғи, кимнингидир юзи сачратқи ярадек жароҳатланиб ҳам олади. Ойдин, Бечора.*

САЪВА [а. صوة — чумчүксимонларга мансуб қушча] зоол. Чумчүксимонлар туркумига мансуб, ранг-баранг патли сайроқи қуш. *Ҳозир бу овозга томлар ва пахса де-*

ворлардаги даканг хўрозлар қичқириғи, савва, булбуллар навоси қўшилишиб, Қудратнинг ҳаёлини олиб қочди. Ҳ. Назир, Сўнас чақмоқлар. *Унгуларда сакрайди оху, Наъматакда савва миттижон.* А. Орипов.

САЪЙ [а. *سعى* — ҳаж зиёрати чоғида Сафо ва Марва тепаликлари ўртасида югуриш; интилиш, иштиёқ; уриниш, ҳаракат; ҳафсала]: **саъй этмоқ** (ёки **қилмоқ**) Астойдил ҳаракат қилмоқ; тиришмоқ. *Саъй этмоқлик лозимдир бирга, Золимлардан қутулмоқ учун.* М. Али, Боқий дунё. *Аҳмад кун ёмон ишларни саъй этиб, охири сабр косамизни тўлдирди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

САЪЙ-ҲАРАКАТ Астойдил ҳаракат; уриниш. *Бошда бундай саъй-ҳаракатлар Авазга табиийдек туюлди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қўлмак сингари хор бўлмай деган дангаса одам саъй-ҳаракатдан тинмасин, дангаса бўлмасин, беҳуда хаёлларни кўп сурмасин.* Газетадан. *Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноятчиликнинг олди олинади, ҳудудда осойишталик ҳужм суради.* Газетадан.

САҚАР [а. *سقر* — дўзах, жаҳаннам] *дин.* Мусулмонларнинг эътиқодига кўра, етти дўзахнинг бири; дўзах.

САҚИЧ Чайнаш учун мум ва арча ширасидан махсус технология билан тайёрланадиган модда. *Сақич чайнамоқ.* ■ *Майда савдогарлар сақич, гилвата сотишарди.* И. Раҳим, Ихлос. [*Хон ўрдаси мирзосининг*] *Мадрасада ўқиб юрган ўғли ва уйда сақич чайнаб ўтирган ўн олти ёшли қизчаси ҳам бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Сақич бўлмоқ Ғийбат, турли миш-мишлар сабабчиси (объекти) бўлмоқ. *Мен гапсуздан қўрқмайман-у, эл оғзида сақич бўлиш, миш-мишчиларни ўчакиштириш ҳам ҳавас эмас.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. **Сақич қилиб чайнамоқ** Бир гапни ҳадеб гапиравермоқ, эзмалик қилмоқ. *Аввало одамларнинг оғзига тушма, оғзига тушганиндан кейин, сақич қилиб чайналасан.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

САҚЛАГИЧ *тех.* Турли механизм, асбоб ва ш. к. да тасодифий ҳодисалардан сақлаб, хавфсизликни таъминловчи қурилма, асбоб. *Электр сақлагич. Тўппонча сақлагичини босиб қўймоқ.*

САҚЛАМОҚ 1 Эҳтиёт қилмоқ; эҳтиёткорлик билан (бирор жойда) асрамоқ, асраб-авайлаб ишлатмоқ. *Сандиқда пул сақ-*

ламоқ. Омборда қиш учун ғалла сақламоқ. ■ Маҳсини уч кун ҳайитда кийиб, сақлаб қўйгандим, ана уни пуллаб, тагчарм оламин. Ойбек, Танланган асарлар. *Мана, ўшал нафис гулингни Китобимда сақладим бир йил.* Т. Тўла. *..бутун орттирганини «тишининг ковагида сақлаб» тўплайди-да, бир жийрон қашқа от олади ва довондан сўнги марта от миниб ўтади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ташқи таъсирдан муҳофаза қилмоқ; айнаш, бузилиш-ёрилиш, нест-нобуд бўлишдан, барбод бўлишдан асрамоқ, эҳтиёт қилмоқ. *Оилани сақлаб қолиш учун, фарзандларим учун ҳаракат қилдим, лекин иложи бўлмади.* Газетадан. *Арча тоғ ёнбағирларидagi тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлайди.* Газетадан.

3 Эҳтиёт қилиб, асли ҳолати, хусусияти ёки кўринишини ўзгаришсиз олиб қолмоқ. *Кампир холамиз бу сандиқларда энг олдин беҳи сақлаган бўлса ажаб эмас.* Х. Тўхтабоев, Ширинов қовунлар мамлакатини. *Лайлонинг онаси... элликлардан ошган, лекин ҳали ҳам ўзини яхши сақлаган, зуваласи пишиқ аёл экан.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Фикримизча, ҳар қандай шароитда жуфтлик хусусиятини сақлаган жуфт сўзлар луғатларда берилиши лозим.* «ЎТА».

4 Бирор кимсага атаб ёки бирор мақсад учун (буюм ёки емишларни) асраб қўймоқ. *Буларни кимга сақлаб қўйибсиз?* ■ *Сулувнинг миясига бир фикр келиб, миҳдай санчилди: отаси энг сўнги кучини фақат қасос учун сақлаб олиб келган.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Мен унақа кек сақлайдиганлардан эмасман.* С. Аҳмад, Ҳужм.

5 Ҳимоя, муҳофаза, ғамхўрлик қилмоқ, қўриқламоқ. *Давлат чегараларини сақламоқ. Халқларнинг тинчлигини сақламоқ.* ■ *Бугунги кунда инсоният олдидан ниҳоятда муҳим муаммо турибди, у ҳам бўлса, ер юзидан тинчликни сақлаб қолиш.* Газетадан. *Табиатни муҳофаза этиш, ҳайвонот дунёсини сақлаш ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга.* Газетадан.

6 Халос қилмоқ, қутқармоқ; омон қолдирмоқ. *Улимдан сақламоқ. Ҳалокатдан сақламоқ.* ■ *Менинг бурчим — ўлаётган одамнинг олдидан бўлиш, — деди у, — эҳтимол, унинг жонини сақлаб қоларман.* К. Яшин, Ҳамза. *Шунда Қиличқора айтибди: -Аждар-*

дан эли сақлайдиган мард топиладими? «Эртактлар».

7 Бирор хатти-ҳаракатдан қайтармоқ, тўхтатиб қолмоқ, тиймоқ. Ёмон суздан сақла дошм тилинени. «Нурали».

8 Риоя қилмоқ, муайян ҳолатга амал қилмоқ. Сукут сақламоқ. Тартиб-одоб, интизом сақламоқ. ■ Жувон ўзини тартибга солиб бўлгунча, жойидан қимир этмай, одоб сақлаб турарди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

9 Белги, из, нишона олиб қолмоқ. Сақлаб қопти одам изларин Бу тоғларнинг мусаффо қори. Ш. Раҳмон. Бу осори атиқалар ўзида ўтмиш нафасини сақлаб қолган. Газетадан. Ҳар бир ўткинчининг қиёфасини ёдда сақлаб қолиш учун бутун фикру ўйлари, идрокларини бир нуқтага тўплаб турибдилар. С. Аҳмад, Юлдуз.

10 Доимий равишда қадрламоқ, эҳтиром билан эсламоқ. У [Алимардон]. чинакам санъатни қалбининг тўрида сақлашга қодир бўлган чинакам шинавандалар озмунча эмаслигини билмас, билишни хоҳламас эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

11 Асрамоқ, боқмоқ, тутмоқ. Хизматчи сақламоқ. Қуш сақламоқ.

Жон сақламоқ қ. жон 3. -Қочиб қолганми? — дедилар отам, — бостирмада беркиниб, жон сақлаган бўлиши ҳам мумкин. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. Сир сақламоқ Бирор воқеа-ҳодиса, гап-сўз ёки фактни ўзгалардан яшириб юрмоқ, ошкор этмаслик. Мен бу сирни шу чоққача ичимда сақлаб келаётган эдим, энди айтмасам бўлмайди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Ҳатто ота-онасидан ҳам сир сақлаган бир йиғитнинг ўз ўғлини бўлиб чиққани менга қизиқ кўринадир. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Худо сақласин Сира кўрсатмасин; бошга тушмасин; асло, ҳеч қачон. Одамларнинг юзига қарай олмайдиган бўлиб қолишдан худо сақласин. Т. Ашуров, Оқ от. Эсда (ёки ёдда, хотирада) сақламоқ Ёдда тутмоқ, эсдан сир-қармаслик, унутмаслик. Ўз қўлида сақламоқ Ўз қўлида, ихтиёрида, амрида тутиб турмоқ. Ҳокимиятни ўз қўлида сақламоқ.

САҚЛАНДИ шв. Асраб олинган, асранди. Сақланди қиз. ■ Сувга ташна бўлди Чамбининг чўли, Ташналикдан улар чўлнинг булбули, Ташлаб кетгин олдиндаги улоқни, Гурӯғининг боқма, сақланди ули. «Бўтакўз».

САҚЛАНИШ I Сақланмоқ фл. ҳар. н. Материянинг сақланиш қонуни (флс.).

2 Ўз-ўзини сақлаш; муҳофаза, ҳимоя қилиш. Атом радиациясининг таъсиридан сақланиш. Ёнғиндан сақланиш қоидалари. Ҳомиладорликдан сақланиш. ■ Инсон турли зарарли касалликлардан, юқумли дардлардан сақланиши керак. Газетадан.

САҚМОН I шв. Сопқон, палаҳмон. Сақмон отмоқ.

САҚМОН II Кўзиларининг ёши ва ривожланиши бир хил бўлган эмизикли она кўйлар тўдаси. Сақмонлар, одатда, янги кўзиларни бут сақлаш, парваришлаш мақсадида тузилади. «ЎЗМЭ».

САҚМОНЧИ Сақмондаги кўй-кўзиларга қаровчи чўпон, кўйчивон (қ. сақмон II). Ҳар бир сақмонга чўпон вазифасини бажарувчи сақмончи тайинланади. «ЎЗМЭ».

САҚОҚУШ зоол. айн. бирқозон, меш-кобқуш.

САҒАЛ рвш. шв. с.т. Бироз, андак; салпал. Сағал сабр қил. ■ Бу калтаги сийлаб ўтди, Калтак сағал тегиб қобди. «Баҳром ва Гулданом».

САҒАНА [ф. سغانه] с. т. Соғона, мақбара. Дўппайиб турган катта-кичик сағаналар тепа-насида ярим ой шаклидаги моҳча — тунукачалар совуқ йилтирарди. С. Сиёев, Ёруғлик. Умарқул онаси арвоҳини шод қилди: унинг Туркистондаги қабри устига сағана ўрнатди. Ҳ. Фулом, Маъшбал.

САҒИР [а. صغیر — унча катта бўлмаган, кичик; майда; ёш бола] I Ҳали вояга етмаган етим бола. Сағир ҳаққига тегиб бўлмас. Сағирнинг ҳақи — сопқоннинг ўқи. Мақол. ■ -Десангиз, Ойнахон, ўзи [Маъмуржон] бир сағир бола, ҳеч кими йўқ, — деди меҳмон хотин. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. Душман кўрсанг, қўймай издан қувлагин, Сағир кўрсанг, анинг кўнглин овлагин. «Эрали ва Шерали». Мадамин шовқин солди: -Худойқул менинг жигарим, аммамдан қолган сағир. Етти ёшидан боқиб одам қилдим. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ёш бола, кичкина бола. Маҳалла бу ҳангомадан уйғониб, Эшигига келди сағиру кабир. Муқимий.

САҒИРХОНА [сағир + хона] эск. Етим-хона; меҳрибонлик уйи. Областада.. ота-онасиз қолган болаларни боқиш, тарбиялаш

мақсадида сағирхоналар очилди. М. Урин-хўжаев, Унутилмас кунлар.

САҒРИ 1 От, эшак, қорамол қабиларнинг орқа оёғининг устки қисми. *От сағридан, кўй бағридан.* Мақол. ■ *Бек от сағрисига аччиқ билан қамчи босди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Тўнғич ботир шернинг сағрисига қилич урибди.* «Чалпак ёққан кун».

2 Гавданнинг думба билан бел ўртасидаги қисми. *Итнинг тиши.. сағримга ханжар ургандай ботган эди.* Ҳ. Фулом, Шум бола.

3 Отнинг сағри терисидан тайёрланган, кавуш учун ишлатиладиган кўн, чарм. *Кўнчилик корхоналарида сағри тайёрлаш муҳим ўринни эгаллаган эди.* Ҳ. Озодаев, Саноат.

4 Шундай чармдан қилинган (пойабзал ҳақида). *Қиш-ёз оёғида бир сағри кавуш.* Маҳси ҳам минг ямоқ. Ойбек, Танланган асарлар.

САҒРИЧИ Сағри тайёрловчи, кўнчи (қ. сағри 3). *Абдуваҳоб сағричи бўлса, белбоғига осиб олган соқолтароғини қинидан олиб.. кўнғир соқолини тареди.* Мирмуҳсин, Дор-бозлар.

САҲАР [*а.* سحر – эрта тонг, тонготар] Гира-шира тонг ёришган маҳал, эрта тонг пайти; субҳидам, тонг, азон. *Қовун есанг, саҳар е, саҳар емасанг, заҳар е.* Мақол. ■ *Вақт саҳарга яқин, теварак-атрофдаги хўрозлар кетма-кет қичқиришарди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёз фасллари у деҳқончилик қилади, саҳар кетиб, кеч келади.* М. Исмоилий Фарғона т. о.

Саҳар турмоқ 1) барвақт уйқудан турмоқ. *Улар саҳар туриб, қишлоққа йўл олдилар.* «Муштум»; 2) *дин.* рўза ойи кунларида барвақт туриб саҳарлик қилмоқ. **Эрта (ёки тонг, каллаи) саҳар** Жуда эрта, тонг отаротмас. *Лонг саҳарда турмоқ.* ■ *Куз пайти кечқурунлари ва тонг саҳарда ҳаво тоза ва хийла салқин бўлади.* Газетадан.

САҲАРЛАБ *рвш.* Эрта билан, барвақт, эрта тонгда; субҳидамда, азонда. *Саҳарлаб турмоқ.* ■ *Аваз аранг тонг оттирди.* Саҳарлаб Эшжонни етаклади-ю, йўлга тушди. С. Сиёев, Аваз.

Каллаи (ёки тонг) саҳарлаб Жуда эрта, азонлаб, барвақт, тонг отмасдан. *Соҳиб қори кўриб қолса нима дейди, каллаи саҳарлаб боғимда нима қилиб юрипти бу хотин, демайдимми?* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аёл тонг*

саҳарлаб жунжикиб уйғониб кетди, осмон оқариб келарди. М. Мансуров, Ёмби.

САҲАРЛИК *дин.* Рўза ойи кунларида тонг отмасдан, рўза тутиш вақти бошлангунга қадар ейиладиган овқат ва шунга белгиланган вақт. *Саҳарлик қилмоқ.* ■ *Рўза тутиш шоҳу малайга баробар келган мажбурият бўлгани учун, сурнай ва нақора [ноғора] сарой аҳлини саҳарликка уйғотмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

САҲАР-МАРДОН [*а.* + *ф.* سحر مردان – мардлар тонги] *айн.* саҳари мардон қ. мардон 1. *Саҳар-мардонда турмоқ.*

САҲАРХЕЗ [*а.* + *ф.* سحر خيز – саҳарда, эрта тонгда турувчи] Эрта билан барвақт, саҳарлаб туришга одатланган, саҳарда турувчи, азонда уйғонувчи. *Саҳархез одам.* ■ *Саҳархез Туробнинг овози ҳаммани оёққа турғизди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Узоқ-узоқлардан саҳархез хўрозларнинг қичқириғи эшитилди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. *Саргашта саболар ҳам тин олдилар чаманда, Саҳархез булбуллар ҳам жим қолдилар чаманда.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

САҲБО [*а.* سحاب – олтинранг вино, май] *эск. нозт.* Қизил вино, шароб. *Сенсиз гулу боғ хору саҳро, Кўнглим тиламайди кайфи саҳбо.* Ҳабибий.

САҲВО [*а.* سحو – эътиборсизлик, паришонхотирлик; хато, хатолик] *кп.* Йўл қўйилган хато, камчилик. -*Мен ҳозир сизга Нодирабегим ғазалларидан ўқиб бераман. Саҳво қилсам, кечирасиз, – деди Гулноз бувисига.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Дўстларим, шоир деманг, Эркин ғазал шайдосидир, Ёш денг-у, маъзур тутинг, Саҳво ўлса гар девониди.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

САҲВ-ХАТО, саҳво хато Камчилик ва хатолар. *Йўқ, бойни ўғри ё фирибгар демоқчи эмасман. Лекин саҳв-хато бўлиши мумкин.* С. Айний, Қуллар. *Агарчи мендан ўтган бўлса ҳар саҳво хато, дилдор Кечирсин, тавба қилдим, юз пушаймон, бир келиб кетсин.* Ҳамза.

САҲИЛ [*а.* سهل – енгил, осон; юмшоқ; текис, силлиқ] *эск. кп.* Вазни кам, енгил.

САҲИФА [*а.* صحيفه – варақ, бет; юз, юза; газета] 1 Китоб, дафтар ва ш. к. варағининг ҳар бир томони; бет. *Дафтарнинг саҳифаси.* ■ *Ҳаммаси бўлиб беш саҳифали ҳикоячага юз эллик саҳифа қоғоз қораланган.* Газетадан.

Мутриб хатчўн солинган бир саҳифани очди-ю, «ўқи» деди. С. Сиеёв, Ёруғлик.

2 Варақ бетигади матн. *Нарзи чўнтагидан газета олиб, уни чироққа тутиб, саҳифаларига кўз югуртирди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

3 Газета, журнал ва ш. к. нинг маълум масалага бағишланган ёки бирор умумий мавзу билан боғланган бир бети. *Газетанинг адабиёт саҳифаси. Шеър саҳифаси. ■ Аҳмедов саҳифадаги материалларни кўздан кечириб, умумий сарлаҳани товуш чиқариб ўқиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

4 *кўчма* Давомли бутун бир ҳодиса, ҳаёт ва ш. к. нинг айрим даври. *Шоир ҳаётининг ишонли саҳифалари. Тарих саҳифалари. ■ Тошкент фестивали уч қитъа кинематографчилари ижодиди ёрқин саҳифалар очаётир. Газетадан. Янги йил ҳаётимизга кириб келиши билан олам янгилангандек бўлади — тарихи солномасининг яна бир янги саҳифаси очилади. Газетадан.*

САҲИФАЛАМОҚ *плгрф.* Терилган матнни саҳифаларга бўлмоқ; вёрстка қилмоқ. *Машиналар ғирллаб, Саҳифалаб беради. Бир ёқдан корректорлар Солиштириб кўради. Қ. Муҳаммадий. Журналнинг ушбу сони саҳифаланаётганда, редакцияга хунук хабар келди. «Фан ва турмуш».*

САҲИҲ [а. *صحیح* — соғлом; тўғри, чин; ҳақиқий, ишончли] 1 Энг ишончли деб ҳисобланган ҳадис. *Муҳаддислар ҳадисларни ҳақиқий ва ноҳақиқийга ажратиш (яъни кодификация қилиш) билан шуғулланиб. улардан асосан саҳиҳларини тўплашга интиланлар. «ЎЗМЭ».*

2 Энг ишончли деб ҳисобланган ҳадислар тўплаши. «*Саҳиҳи Бухорий*». «*Саҳиҳи Термизий*».

3 Тузатилган, тўғриланган, бехато. *Дарслик ёзувчи киши саҳиҳ матнга таяниш тамоийлини эгаллаши лозим. Газетадан.*

САҲН [а. *صحن* — идиш, тарелка; ҳовли, очик майдон] Бирор чекли (чегарали) юза, майдон. *Ҳовли саҳни. Залининг саҳни. ■ Ям-яшил саҳни билан осмон каби кенгдир бу бог, Ерга кўк тушган каби юлдуз қатор минглаб чироғ. Ф. Фулом. Богнинг саҳнини Салим уч ярим таноб, Фазлиддин уч таноб мўлжаллади. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳовли саҳнида катта ҳовуз, атрофи мрамар тошлар билан ишланган. Ж. Шарипов, Хоразм.*

САҲНА [а. *صحنه* — томоша кўрсатиладиган жой] 1 Томоша кўрсатиладиган жойда, театр, концерт зали ва ш. к. томошахоналарда спектакль қўйиладиган, концерт бериладиган баланд жой. *Театр саҳнаси. Саҳна дарнардаси. ■ Қоронғилик секин ёришиб, саҳнада ҳарир кийимларга ўралган раққоса Малак хоним пайдо бўлди. Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир. Андижон театри саҳнасида Лутфихоним Саримсоқова ижро этган ролини биринчи бор кўрганам ҳамон эсимда. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

2 Умуман, театр хизмати, театрдаги фаолият. *Умрини саҳнага бағишламоқ. ■ Унинг ёши эликдан ошиб, дам олиш пайти яқинлашса ҳам, шу болаларни боқиш, тарбиялаш учун, уларнинг келажоги учун яна саҳнага қайтди. Газетадан.*

3 *кўчма* Бадий асардаги айрим қисм-воқеа, эпизод. *Учрашув саҳнаси. ■ -Хўш, тўй саҳнасини яна бир марта такрорлаймиз, — деди кўзойнакли режиссёр. Газетадан.*

САҲНАБОП Саҳна учун мос, саҳналаштирилиши осон асар. *Саҳнабоп асар.*

САҲНАВИЙ Саҳнага, саҳнадаги фаолиятга оид; саҳна учун мос. *Романнинг саҳнавий талқини.*

САҲНАДОШ Бир саҳнада, театрда бирга ишлаган ёки ишловчи, бир саҳна асарига роль ижро этувчи (бир-бирига нисбатан). *Қаламдош, саҳнадош биродарлар бундан буён ҳам ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш режаларини тузиб олишди. Газетадан. Узоққа бормай, ўз устозларим, тенгқур ҳамкасблар, саҳнадош дўстларимнинг босиб ўтган йўли, фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Газетадан.*

САҲНАЛАШТИРМОҚ 1 Бадий асарни саҳнага қўйиш учун мослаб қайта ишламоқ. *Романни саҳналаштирмоқ. ■ Бир йиғилишда Хуриш ўзининг бир пардали пьесасини ўқиди. Тўғрак қатнашчилари пьесани саҳналаштиришни ташкил қилишди. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.*

2 Саҳнага қўймоқ, постановка қилмоқ. *Янги спектаклни саҳналаштирмоқ. ■ Биринчи йили А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» драмасидан, келгуси йили С. Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» комедиясидан кўринишлар саҳналаштирдим. Газетадан.*

САҲОБА [а. *صحابه* — Муҳаммад пайғамбар сафдошлари] Муҳаммад пайғамбарнинг

сафдошлари ва яқин ёрдамчилари; кейинчалик: уни бир марта бўлса ҳам кўрган кишилар. У [Анвар қори].. авлиёларнинг гурбати, саҳобаларнинг фақирлиги ҳақида турли оятлар, ривоятлар келтирди. Ойбек, Улуғ йўл. Саҳобаларнинг ислом тарихидаги алоҳида аҳамияти шундаки, Муҳаммад (сав) вафот этганидан сўнг, унинг таълимотини ҳаммалари бир бўлиб сақладилар. «УзМЭ».

САҲРО [а. صحراء — чўл, дашт, биёбон] 1 Ўсимлиги жуда кам, сувсиз бепоён дашт, биёбон; чўл. Саҳройи Кабир. Бийдек саҳро. ■ Тропиклардан унча узоқда бўлмаган ва ёнгинарчилик жуда кам бўладиган жойларда саҳролар пайдо бўлади. «География». Кечга яқин улар яйлов тугаб, саҳро бошланадиган ерга етиб келдилар, сарғиш барханлар, чиройли гуллаган саксовул буталари кўринди. А. Мухтор, Чинор.

2 кўчма Арктика ва Антарктидадаги қор ва муз қоплаган ерлар.

САҲРОЙИ [а. صحرائي — саҳрога тегишли, саҳрода бўладиган] Саҳрода яшайдиган. Саҳройи халқнинг қишловларига от қўйиб, минглаб қўйларни ўлжа ҳайдашни севади. Ойбек, Навоий. - Саҳройи мўғул ашвор тинглашдан қочди! — деди кулиб Султонмурод. Ойбек, Навоий.

САҲҲОФ [а. صحاف — газета сотувчи; муқовачи, муқова ясовчи] 1 Китобларни муқоваловчи уста; муқовасоз. [Илгари] Бадиий бекалик қўлёзма китобларни яратишда наққош ва саҳҳоф сингари бир қанча мутахассислар иштирок этган. «Фан ва турмуш».

2 эск. Китоб сотувчи, китобфуруш. Саҳҳофлар катта пул тўлаб, устоз шоирларнинг девонларини унга [Абдусамадга] кўчиртирар ва фойдасига сотар эдилар. М. Осим, Сеҳрли сўз. Бобур саҳҳофларни чақириб, бу китобнинг энг билан нархи қанча бўлишини сўради. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

■ **Саҳҳоф бозор тар.** Саҳҳофлар китоб савдоси билан шуғулланадиган бозор. Хусайн шу бугун эрталаб саҳҳоф бозорни айланиб чиқиб, китоб ушлаб турган бир кампирга кўзи тушиб қолган эди. М. Осим, Карвон йўлларида.

САҲҲОФЛИК 1 Қоғозни саҳифалаш ва китобни муқовалаш касби. Кейинроқ тўпланган маълумотимга кўра, мулла Назрулло ёшлигида саҳҳофлик қилар экан. С. Айний, Эсдалиқлар.

2 Бозорда саҳҳофлар ёки уларнинг дўконлари ўрнашган жой, саҳҳофлар растаси. Наққош бундай китобларни Разнонинг сўроғи, ялинишига қараб, саҳҳофликдан топиб келтирар, ўқитиб, ўзи ҳам эшитишни севад эди. Ойбек, Улуғ йўл.

СВАРКА [р. сварить — «уламоқ, пайвандламоқ» фл. дан ясалган от] с.т. айн. пайванд 2.

СВАРКАЧИ с.т. айн. пайвандчи

СВЕТОФОР [р. свет — нур, ёруғлик + юн. phoros — элтувчи] Пиёдалар ва транспорт воситаларининг кўчада, йўлда ва темир йўлдан ўтиш жойларидаги ҳаракатини ҳамда темир йўл транспорти қатновини тартибга солишда ишлатиладиган ва ёруғлик сигнали (асосан, 3 рангда) берадиган электр қурилма. Автоматик светофор. ■ Узоқдан светофорнинг яшил чироғи кўринди. Ў. Ҳошимов, Пўлат чавандоз.

СВЕЧА [р. свет — «ёруғлик, нур; чироқ» с. дан ясалган от] 1 тех. Ички ёнишли двигателларнинг электр учқун чиқариб, ёнилғи аралашмасини ёндириб берувчи қисми. -Свечалардан учқун чиқаяптими? — деди Раҳимжон. -Бўлмаса, ручкани айлантиринг-чи, кўрайлик. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирда.

2 физ. Ёруғлик кучининг ўлчов бирлиги.

СВЕЧАЛИ 1 тех. Свечаси бўлган, свеча ўрнатилган.

2 физ. Ёруғлик кучи қанчадир свечага тенг бўлган. Юз свечали электр лампа.

СВИТЕР [ингл. sweater < sweat — терламоқ, тер чиқармоқ] Жун илдан тўқилган, тугмасиз калта иссиқ кийим. Эшикда Санам кўринди. Устида кўкиш свитер. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. Рустам қизнинг хаёлида жонланди. «Бугун ҳам у свитер кийиб юрган бўлса керак», деб ўйлади у. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

СВОДКА [р. свести — «тўплаб хулоса чиқармоқ, бирор шаклга келтирмоқ» фл. дан ясалган от] эск. Бирор ишнинг бориши, режанинг бажарилиши ва ш. к. ҳақидаги кўрсаткичлар маълум тартибда жойлаштирилган ёзма маълумот. Пахта теримининг бориши ҳақидаги сводка. ■ Фалла фронтдан олинган сводкага бир назар ташланг-а, республикамиз олган мажбуриятини бажарай деб қолди. Газетадан.

СЕАНС [фр. seance < seoir — мувофиқ бўлмоқ, ярашмоқ; ўринли бўлмоқ] 1 Кино ва б. томошаларнинг ҳар сафар бир марта кўрсатилиши. *Шу чоқ сеансга қўнғироқ бўлди-ю, томошабинлар бирин-кетин залга кетишди.* Газетадан.

2 Такрорланганидан бирор ишнинг ҳар сафарги бажарилиши. *Гипноз сеанси.*

СЕБАРГА [ф. سه برگه — уч баргли] бот. Дуккаклошларга мансуб, сув бўйида, ўтлоқларда ўсадиган, барги уч бўлакли, беда-симон бир ёки кўп йиллик ўт; ем-хашак экини. *Келинчак оёқларини ариқча лабидаги себарга устига узатиб, юзини ҳўллади.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

СЕБОРЕЯ [лот. sebum — ёғ + юн. theo — оқмоқ] Ёғ безлари функциясининг бузилиши натижасида келиб чиқадиغان, кўпинча балогатга етаётган ўсмирларда учрайдиган тери касаллиги. *Себорея, асосан, юз, бош, кўкракнинг юқори қисми ва елкада, яъни ёғ безлари кўп жойлашган ерларда учрайди.* «ЎЗМЭ».

СЕВАЛАМОҚ Майдалаб, томчилаб ёрмоқ; шиваламоқ (ёмғир ҳақида). *Икки кундан бери гоҳ севалаб, гоҳ шиддат билан ёғайтган ёмғир ҳамма ёқни ивитиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ташқарида севалаб ўтган майин ёмғир ҳам тинди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СЕВГИ 1 Қарама-қарши жинсдаги одамларнинг (эр ва хотин, йигит ва қизнинг) бир-бирига нисбатан чуқур интим, чин қалбдан ва фидокорона илиқ муносабат туйғуси; ишқ, муҳаббат. *Севги пулга сотилмас, кўнгиш пулга топилмас.* Мақол. ■ *Муҳаббат унинг [Гулнорнинг] юрагини ҳар кун яна чуқурроқ эгаллаб, дардини кучайтиргач, севгининг чин маъносини тушуна бошлаганди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Севги одамнинг юрагига тиниқлик, нур, кўнглига эзу орузлар солади дейишади.* С. Аҳмад, Суд. *Севгини тортиб бўларми Тошу тарозу билан..* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Бирор яқин кимса ёки нарсага нисбатан меҳр-садоқат, меҳр-муҳаббат туйғуси. *Вақтим чоғ этган — Ватан севгиси! Кўксим тоғ этган — Ватан севгиси!* Ё. Мирзо.

СЕВГИЛИ 1 Кишининг кўнгиш қўйган дилдори; ёр, маъшуқ(а), маҳбуб(а). [Темиржон] Қандай бўлмасин, севгилисининг кўнғироқдай товушини эшитиш дардида изти-

роб чекар, юраги дам-бадам ҳаприқиб турарди. Ж. Абдуллахонов, Орият. *Севгилим, сени деб куйдим қанчалар, Севгилим, юракда дардим лиммо-лим.* «Ёшлик».

2 сфт. Севикли, севимли, яхши кўрган. *Севгили ёр. ■ Ҳаёт, қулоқлари ёнида севгили оҳанги бирдан янграб кетгандай, шодлик ҳаяжони билан талпинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СЕВГУВЧИ айн. севувчи. *Икки севгувчи қалбнинг орзулари, ўйлари, қарашлари ҳар масалада ғоят мос келар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕВИКЛИ 1 айн. севгили 1. *Шу келишган, хушибичим, башанг кийинган йигит, назарида, худди севикли Холдорбекка ўхшаб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Энг қадрли, севимли. *Севикли ўртоқ. Севикли ўқитувчи. ■ Севикли устознинг кутилмагандаги буйруғи Зулфиқорнинг ҳафсаласини пир қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СЕВИМЛИ 1 айн. севгили 1. *Акрамхон шу севимли қизнинг севиклиси бўлишни истар, аммо бундай бахтга эришиш осон эмаслигини биларди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *У[Зебо] севиб, севимли бўлганидан мамнун эди, бахтиёр эди.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

2 Ёқтирадиган, яхши кўрадиган, суюкли. *Севимли касб. Севимли муסיқа. ■ Анвар ҳар ким учун севимли ва хушмуомаласи барчага баравар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Чой миллионлаб кишиларнинг севимли ичимлигидир.* Газетадан.

СЕВИМСИЗ Киши яхши кўрмайдиган, севмайдиган. *Офтоб ойим учун гўё.. Кумуш энди эрига севимсиз, шидан чиққан ва бурчакка тиқилган увададек бўлиб кўрина бошлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЕВИНАРЛИ Севинса арзийдиган, қувонарли. *Севинарли натижа.*

СЕВИНМОҚ Хурсанд бўлмоқ, шод бўлмоқ, қувонмоқ. *Ич-ичидан севинмоқ. ■ Гулнор, кутилмаганда кетмон олиб кетиш баҳонаси билан келган Йўлчини кўриб, ниҳоятда севинди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бойвачча, Ҳамдам Йўлдошевни товушидан таниб, севиниб кетди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Ишнинг энгил кўчишини билиб севинган она Отабекнинг бу шартига дарров кўна қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ўзида йўқ севинмоқ Ниҳоятда, жуда ҳам хурсанд бўлмоқ. *Анвар капалак ва олтин-*

қўнғизларни гулзорда учуриб юборар, агар улар гулларга қўниб қолсалар, ўзида йўқ севинар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СЕВИНЧ Хурсандлик ҳис-туйғуси; шодлик, қувонч. *Юрагида севинчи тўла, чопади қиз, қуш каби енги.* Т. Тўла. -Эҳ, маза! Маза! — *Попук севинчидан қуёндай диконг-диконг сакради.* Х. Назир, Ёнар дарё.

СЕВИНЧИ Хушxabар учун бериладиган инъом, совға; суюнчи. *Ўзбек ойим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшнинг боласи юзуриб кириб қолди: -Севинчи беринг, бек буви, кеннойим келдила! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ишим яхши, ким келса, хотининг Ҳасан-Ҳусан тугди, деб севинчи олавераман энди.* С. Аҳмад, Таржимаи ҳол.

СЕВИНЧЛИ Кишини хурсанд қиладиган, шод этадиган; қувончли. *Севинчли хабар.* Севинчли кун.

СЕВИШМОҚ 1 Севмоқ фл. бирг. н. *Группадаги талабалар Абдухалилни софдиллиги, меҳнатсеварлиги учун севишарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Бир-бирини севмоқ. *Омон билан Ойчинор севишиб қолди, икковини унаштириб қўйишди.* «Ойсулув».

СЕВМОҚ 1 Ишқ-муҳаббат туйғуси билан муносабатда бўлмоқ; кўнғил қўймоқ, яхши кўрмоқ. *Жонгинам, мен сенга кўрсатай вафо, Гуллаган баҳорим, сени севаман.* У. Исмоилов, Сайланма. *Шу тондагина у [Алишардон] Муқаддамни севганини, қаттиқ севганини тушунди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Меҳр-муҳаббат, садоқат кўрсатмоқ; ғамхўрлик қилмоқ. *Ватанни севмоқ. Онани севмоқ.* ■ *Она ўз ўғлини севади фақат..* Ҳ. Олимжон. *Отам бўлмасангиз ҳам, мени отам муҳаббати билан севган содиқ ва меҳрибон бир кишимсиз, яъни маънавий отам.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ўқтирмақ, яхши кўрмоқ. *Муסיқани севмоқ. Гулни севган тиканни ҳам севади.* ■ *Нури кийинишни, безакни севар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Жини севмаслик Ўқтирмаслик, таъбиға, дидига тўғри келмаслик; ёмон кўрмоқ. *Мингбоши, Содиқ аминни жини севмагани учунми, у бу ерда йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СЕМЕНТ [лот. segmentum — бўлак, латтак; кесма < сесо — кесаман] 1 мат. Доиранинг ёй ва ватар билан чегараланган қис-

ми; шарнинг кесувчи текислик билан ажратилган қисми.

2 анат. Кўп бўғинли жониворлар танасидаги ҳар бир бўғин ёки умуртқа поғонасининг ҳар бир қисми.

СЕГОҲ [ф. سه‌گه — уч ўринли, уч пардали] (С — катта) мус. 1 Ўн икки мақом тизимидаги маълум шўъба номи (ҳ. шашмақом).

2 Шашмақом ва Хоразм мақомлари таркибида бешинчи мақом номи. *Сегоҳнинг 2-гурӯх шўъбаси «Мўғулчаи сегоҳ» деб номланиб, Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар қисмларини ўз ичига олган.* «ЎЗМЭ».

СЕДАНА [ф. سدانه — уч донали, уч уруғли] бот. Бир йиллик ўтсимон зиравор ўсимлик ва унинг нон бетига сепиладиган хушбўй уруғи. -*Ахир седана сепилган, сўқиллаб турган бундақанги нонни ҳеч қаердан тополмайсиз! — деди Жамолиддин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СЕДАНАЛИ Седана сепилган. *У седанали нонни яхши кўришимни билиб.. йўл-йўлаккай бозора кириб, уч-тўртта ёпилган седанали нон олиб келарди.* Мирмуҳсин, Умид.

СЕДИ Гана Республикасининг пул бирлиги.

СЕЗГИ 1 Нарса ва ҳодисалардаги айрим хоссаларнинг миядаги инъикоси. *Кўриш сезгиси. Эшитиш сезгиси. Сезги аъзолари.* ■ *Сезги дунёни билишнинг биринчи босқичи ва таркибий қисмидир.* «ЎЗМЭ». *Сен чал бугун ялли ҳаёт куйини, Бутун сезги, ҳиссим билан тинглайман.* Файратий. *Қалтирарсан ажиб сезгидан..* Р. Парфи.

2 Ақл-идрок билан ҳис этилган, фаҳмланган, пайқалган ички туйғу; фаҳм-фаросат; инстинкт. *Қандайдир узук-юлуқ фикрлар, кўнғилни ғаш қиладиган сезгилар уни чулғаб олди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *У оналарга хос ички бир сезги билан шунча чақалоқ орасидан ўғлининг овозини — баланд йиғисини дарров ажратиб оларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Элмуроднинг кўнғлида энди чолга нисбатан бўлган ҳалиги нафрат учиб, унинг ўрнига аянча ўхшаш бир сезги пайдо бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СЕЗГИР 1 Сезиш қобилияти кучли, ташқи таъсири тез сезадиган. *Сезгир қиз.* ■ *У [Тожибой] энди тулкидек айёр, бўридек сезгир бўлиб қолган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ибодов юмишқ сунурги бўлса-да,*

табиатан сезгир, зийрак одам эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Тез фаҳмлаб оладиган; зийрак, хушёр; фаҳм-фаросатли. Бошиқнинг хушмуомала, маданиятли бўлгани яхши-ю, қани энди у яна сезгирроқ, фамхўрроқ ҳам бўлса. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Санъаткорнинг ички дунёси, мураккаб ижодий шахсияти алоҳида сезгир бўлади, ҳаётни тушуниш билан утқирилашгандир. Газетадан.

3 Энг кичик ўзгаришларни ҳам қайд этадиган. Сезгир тарози. ■ Чуқур қудуқларга ва ер юзига ўрнатилган сезгир асбоблар қаттиқ ер пўстлоғида микроскопик дарзлар ҳосил бўладиган пайтни найқайди. Газетадан. Адабиётни ҳақли равишда энг сезгир барометрга қиёс этишади. «ЎТА».

СЕЗИРЛИК 1 Ташқи таъсирга нисбатан сезгир бўлишлик. Рецепторларнинг сезгирлиги. Қулоқнинг сезгирлиги.

2 Хушёрлик, зийраклик; фаҳм-фаросат. Гавҳар бланкаларни тулдираркан, Талъатнинг зимдан қараб қўяётганини қизларга хос сезгирлик билан ҳис этарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

СЕЗИСИЗ Сезиш қобилиятини йўқотган; ҳиссиз, туйғусиз. Бармоқларим сезгисиз бўлиб қолибди. Сезгисиз қилиб қўймоқ.

СЕЗИЛАРЛИ 1 Сезилиши, ҳис этилиши мумкин бўлган, фарқи анчагина катта, кучли. Қуёш ботганига анчагина бўлган. Қоронғилик қуюқлашган сари.. ҳаво сезиларли даражада ҳисоб борарди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Кўзга кўринарли; арзирли, айтарли. Унинг иш фаолиятида сезиларли ўзгариш бўлмади. Сезиларли натижалар қўлга киритилди.

СЕЗИЛАР-СЕЗИЛМАС Билинар-билинмас, унча сезилмайдиган; пайқаш қийин бўлган, Ниҳоят, султоннинг кукимтирсарғиш юзига сезилар-сезилмас қизиқлик югурди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё. Ишлаб турган юракнинг жонли ҳужайраларидаги сезилар-сезилмас ўзгаришларни ўрганиш қийин. Газетадан.

СЕЗИЛМАС Унчалик сезилмайдиган, билинмайдиган; яширин. Сезилмас истеҳзо.

СЕЗИЛМОҚ 1 Сезмоқ фл. мажҳ. н. Зилзила юқори қаватларда кучлироқ сезилади. ■ Қўмда кетаётган кишига нинанинг оғирлиги ҳам сезилади. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Акс этмоқ, кўринмоқ, билинмоқ, намён бўлмоқ. Ҳаёт ўчоқ ёнидаги шохларни гоҳ оёғи билан босиб, гоҳ тиззасига уриб синдиради, унинг шошқин ҳаракатларидан ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бобурнинг Самарқандга яна юриш қилиши қатъий экани унинг гап оҳангидан сезилди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Туюлмоқ, ўхшамоқ. Содиқнинг жавоби унинг устидаги юкни тағин ҳам оғирлаштиргандек сезилиб, у бошини қуйига энгаштирди ва чувак соқолини тузатиб, фикрда қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЕЗИП 1 Сезмоқ фл. ҳар. н. Оғриқни сезиш. Масъулиятни сезиш.

2 Сезги, сезув. Сезиш қобилияти. Сезиш аъзолари.

СЕЗМОҚ 1 Сезги аъзолари орқали ҳис этмоқ; ташқи таъсирни туймоқ. Совуқни сезмоқ. Ҳидни сезмоқ. ■ Мансурнинг илиқ қўллари пешонасини, сочини силаётганини сезиб, кафти билан юзини тўсди-ю, унсиз йиғлаб юборди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. [Гавҳарнинг] Юраги гуриллаб урар, шамолдан кулоқлари шанғиллар, тиззасининг кўзи муздай ерга тегиб турганини сал-пал сезарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Ақл-идроқ билан фаҳмламоқ; кузатиш, тажриба орқали ҳис этмоқ. Кейинги вақтларда эрининг нимадандир қаттиқ изтироб чекаётганини Розия сезиб юрибди. С. Сиёев, Аваз. Азиза курсдош қизларнинг гаши келаётганини сезган сайин ўзини ғолиб ҳисоблаб, роҳатланар.. эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

3 Олдиндан ҳис этмоқ, пайқамоқ, фаҳмламоқ. Совлиқ қандайдир бир ёмонлик юз беришини сезгандек безовта маърар, икки оёғини тинмай силкитаётган кўзи томон интиларди. С. Аҳмад, Юлдуз. Бу воқеадан хабар топган Султон Али мирзо Улим хавфи ўзига ҳам яқинлашиб келаётганини сезди-ю, қандай қилиб бўлса ҳам қочиб қутулишининг пайига тушди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Шундай деб ҳисобламоқ, шундай деб билмоқ; туюлмоқ, Лекин Яраш полвон ўз уйида ўзини мусофирдек сеза бошлади. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Фотима бирдан қалтираб, кучсиз, дармонсиз бўлиб қолгандек сезди ўзини. Т. Ашуров, Оқ от.

СЕЗОН [фр. saison < лат. satio, sationis — экиш, экиш мавсуми] эск. айн. **мавсум**.
Кузги сезон.

СЕЗОНЛИ айн. **мавсумий**.

СЕЗУВЧАН айн. **сезгир**. *Юрак нозик, сезувчан бўлади.* М. Жўра, Изтироб.

СЕЗУВЧАНЛИК Тирик организмнинг ташқи ва ички муҳит таъсирини қабул қилиш хусусияти. *Нерв системаси қанчалик қўзғалувчан бўлса, сезувчанлик шунчалик юқори бўлади ва аксинча.* «ЎЗМЭ».

СЕЙСМИК 1 Ер қобиғидаги тебранишларга, зилзилага оид, шу ҳодисалар билан боғлиқ бўлган. *Сейсмик тўлқинлар.*

2 Зилзила кўп бўлиб турадиган. *Сейсмик ўлка. Сейсмик зона.*

3 Ер қимирлашини (зилзила зоналарини) ўрганишга оид; ер қимирлашини махсус асбоблар ёрдамида қайд этиб турадиган. *Сейсмик хариталар.* ■ *Сейсмик ва микросейсмик районлаштириш хариталари асосида антисейсмик ишларнинг миқёси ва хусусияти аниқланади.* «Фан ва турмуш».

СЕЙСМО- [юн. seismos — ер қимирлаши] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, ўзи қўшилиб келган сўзнинг ер қимирлаши ва Ер қобиғидаги турли силкинишларга алоқадорлигини кўрсатади (мас., *сейсмограф, сейсмотектоника*).

СЕЙСМОБАРДОШ [сейсмо.. + бардош] сфм. Зилзила, сейсмик кучлар таъсирига бардош берувчи. *Сейсморбардош қурилиш.*

СЕЙСМОГРАММА [сейсмо.. + юн. gramma — ҳарф, ёзув] Ер қимирлаши ёки портлаш натижасида вужудга келадиган ер тебранишлари ёки силкинишларининг сейсмограф ёрдамида қайд этилган ёзуви, чизмаси.

СЕЙСМОГРАФ [сейсмо.. + юн. grapho — ёзаман] Ер қобиғидаги механик тебранишларни, сейсмик сигналларни автоматик равишда қайд қилувчи, ёзиб борувчи асбоб. *Ҳар хил турдаги ҳамма сейсмографлар ҳар кундаги ишларини қилиб, ошиқмай-тошиқмай ишламоқда эди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

СЕЙСМОЛОГ Сейсмология мутахассиси, зилзилашунос. *Сейсмолог олимлар зилзила марказига сезгир асбобларни ўрнатиб қўйишди.* Газетадан. *Бобур мирзо Қандаҳор тоғларининг хусусиятларини худди сейсмологдай жуда келтириб таърифлайди.* Газетадан.

СЕЙСМОЛОГИК Сейсмологияга оид. *Сейсмологик харита. Сейсмологик тадқиқотлар.*

СЕЙСМОЛОГИЯ [сейсмо.. + юн. logos — фан, таълимот] Геофизиканинг ер қимирлашини, зилзилаларни ва улар билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганадиган бўлими; зилзилашунослик. *Японияда зилзила кўп бўлади. Шу сабабли зилзилани ўрганувчи фан — сейсмология ниҳоятда ривожланган.* Х. Ҳасанов, Экватордан ўтганда. *Сейсмология физика ва геология фанлари билан узвий боғлиқ.* «ЎЗМЭ».

СЕЙСМОМЕТРИЯ [сейсмо.. + юн. metreo — ўлчайман] Сейсмологиянинг сейсмик асбобларни ҳамда Ер қобиғидаги тебранишларни қайд этиш усулларини ишлаб чиқувчи соҳаси.

СЕЙСМОТЕКТОНИКА [сейсмо.. + тектоника] Зилзиланинг вужудга келишидаги геологик шароитларни ўрганувчи мустақил фан соҳаси. *Сейсмотектоника 20-асрда вужудга келган.* «ЎЗМЭ».

СЕЙФ [ингл. safe — хавфсиз, ишончли] Пул, ҳужжат, қимматбаҳо металллар ва б. қимматбаҳо нарсалар сақланадиган мустақкам, ёнмайдиган шкаф, қути; пўлат сандиқ. *Почта бошиғи пўлат сейфни қулфлаб, энди сургўчламоқчи бўлиб турганда, ҳаллослаб кириб келган чолни кўриб, ишини тўхтатди.* Х. Фулом, Замин юлдузлари. *Мухтор Алиев синчковлик билан у ёқ-бу ёққа кўз югуртириб чиқиб, сейфни қулфлади.* М. Хайруллаев, Ҳикоялар.

СЕКАНС [лат. secans — кесувчи, кесиб ўтувчи] мат. Тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузанинг ўткир бурчакка ёпишган катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция.

СЕКАТОР [лат. secare — кесмоқ, қирқмоқ] боғ. Боғдорчиликда унча йўғон бўлмаган шох ва новдаларни, янги қўчатларнинг ортиқча қисмларини кесиб тўғрилайдиган асбоб; тоққайчи.

СЕКИН рвш. **1** Оҳиста ҳаракат билан, аста, ошиқмасдан, шошилмасдан. *Секин юрмоқ. Эшик секин очилди. Дарё секин оқарди.* ■ *Равно секин бошини кўтариб қудумсиди ва юзини четга ўгирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қамалган тутун жуда секин тарқалмоқда эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Билинар-билинимас, сезилар-сезилмас. *Шеригим мени секин туртиб иллади. Қа-*

булхонага чиқдик. А. Қаҳҳор, Бек. [Фотиманинг] Ўғлининг сочларига теккан бармоқлари секин қимирлади-ю, силашга ҳам журъат этолмай, тўхтаб қолди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Атрофда тобора одам кўнайиб борар, биров унга узоқдан тазъим қилар, биров қуюққина кўришар, нотаниш кишилар секин калла силкиб қўярди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Эҳтиёткорлик билан, аста-аста; озор бермай, авайлаб. *Яранинг латтасини секин кўчирмоқ. Зирапчани секин олиб ташламоқ. ■ Талъат пиёлани секингина стол бурчагига қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Вазминлик билан, ҳовлиқмасдан, оҳиста. *Секин тушунтирмоқ. ■ Агар мен бир бойнинг ўғли булсам, Нури мени сева, ота-онасига айтмаганда ҳам, атрофдагиларга секин билдирган булар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Паст товуш билан; эшитилар-эшитилмас. *-Секин! Секин гапир!* — *Ҳакимбойвачча лабини тишлади, — хотинлар эшитса, гапсўз чувалади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Алимардон секин уф тортиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 Оз-оздан, асталик билан; кам-камдан. *Иложсиз қолган деҳқон баҳони секин камайтириб, етти сўмга тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕКИН-АСТА айн. аста-секин. *Секин-аста юрмоқ. ■ Кўёш секин-аста кўтарилиб, қалин шохлар орасидан мўралай бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қотмадан келган ҳаракатчан бу йигитнинг номи секин-аста одамларнинг тилига туша бошлади.* Газетадан.

СЕКИНЛАМОҚ Тезлигини, суръатини пасайтирмоқ. *Поезд секинлаб, гоҳ тўхтаб, гоҳ жадаллаб, қор босган бепоён саҳродан борар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Шофёр секинлади-ю, тўхтамади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

СЕКИНЛАТМОҚ 1 Секинламоқ фл. орт. н. *Поездни секинлатмоқ. Юришни секинлатмоқ. ■ Саман лўкиллаб бориб, қадами-ни секинлатди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 с.т. Пасайтирмоқ, пастроқ туширмоқ (овоз, товуш ҳақида). *-Бу жиҳати сизга кўп ғанимат, — деди маҳдум ва товушини секинлатди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Директор онанинг руҳий ҳолатини сездим,*

дарҳол унга жой кўрсатиб, радиоприёмникни секинлатди. Газетадан.

СЕКИНЛАШМОҚ 1 Пасаймоқ, сустлашмоқ; сусаймоқ (тезлик, суръат ҳақида). *Поезд секинлашди. Иш суръати секинлашди. ■ Хирмонга яқинлашганда, Гавҳарнинг қадамлари секинлаша бошлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Авазнинг қадами бир секинлашади, бир тезлашади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Пасаймоқ, пастроқ тушмоқ (овоз, товуш ҳақида). *Муסיқа овози секинлашди.* Газетадан.

СЕКИНЛИК 1 Сустлик, ошиқмаслик; сезилар-сезилмаслик. *Ҳаракатнинг секинлиги. Суръатнинг секинлиги. Товушнинг секинлиги. ■ Афсуски, бу иш жуда секинлик билан амалга ошириляпти.* Газетадан.

2 Вазминлик; оғирлик. *Секинлик билан тушунтирмоқ. ■ Увишган қалбимни секинлик билан Эзар эди бўм-бўш бу шаҳар.* А. Орипов.

СЕКИН-СЕКИН рвш. 1 айн. аста-секин. *Секин-секин юрмоқ. Секин-секин гапирмоқ. Секин-секин кўтариламоқ. ■ Субҳ азони айтилиб, секин-секин тонг ёриб борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Тадрижий равишда, даража-бадаража, поғонама-поғона; оз-оздан. *Секин-секин унутмоқ. ■ Она ўлимига чидай олмаган каби кўринган Нури секин-секин тақдирга.. тан берган эди.* Газетадан.

СЕКРЕТ [лот. secretus — ажратилган, ажратиб чиқарилган] биол. Одам ва ҳайвон организмидеги без ҳужайралари ишлаб чиқарадиган ва ажратадиган модда; ажралма (тупук, шиллик, гормон ва ш.к.). *Организмнинг нормал ҳаёти учун секретлар муҳим аҳамиятга эга.* «ЎЗМЭ».

СЕКРЕТАРИАТ [фр. secretariat < лот. secretarius — ишончли шахс] 1 қ. **КОТИБИЯТ** 1. *Бош бошқарма секретариати.*

2 қ. **КОТИБИЯТ** 2. *Мажлис секретариати.* **СЕКРЕТАРЛИК** қ. **КОТИБЛИК. *Секретарлик лавозими.***

СЕКРЕТАРЬ [лот. secretarius — ишончли шахс] қ. **КОТИБ** 2-4. *Идора секретари. ■ Нега хўп дедингиз, секретарингиз касалхонада, докладни сизга ким ёзиб беради?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

СЕКРЕЦИЯ [лот. secretio — ажратиш] биол. Одам ва ҳайвонлар организмидеги без-

лардан секретларнинг ҳосил бўлиш ва ажралиб чиқиш жараёни. *Ички секреция. Ташқи секреция.* ■ *Секреция* — ҳужайра ичида синтез қилинган маҳсулотнинг аста-секин етилиб, кетма-кет бир органиддан бошқасига ўтказилиб турадиган изчил жараён-дир. «ЎЗМЭ».

СЕКС [лот. *sexus* — жинс] Жинсий майл билан боғлиқ кечинмалар, хатти-ҳаракатлар мажмуи.

СЕКСОЛОГИЯ [секс + юн. *logos* — фан, таълимот] Инсоннинг жинсий ҳаёти физиологиясини ўрганадиган фан. *Сексология мумаммолари билан турли соҳа мутахассислари.. шуғулланадилар.* «ЎЗМЭ».

СЕКСОПАТОЛОГИЯ [секс + патология] Тиббиётнинг жинсий ҳаёт ва хатти-ҳаракатларнинг бузилишидан келиб чиқадиган касалликларни ўрганиш ва даволаш билан шуғулланувчи соҳаси.

СЕКСТИЛИОН, секстильон [фр. *sextillion*] Бир сони ва йигирма битта нуль билан ифодаланган сон, миқдор.

СЕКТА [лот. *secta* — таълимот, оқим, мактаб] 1 *дин.* Мазҳаб, маслак; асосий, ҳукмрон диний йўналишдан ажралиб чиққан гуруҳ. *Секталар, одатда, мавжуд диний йўналишларга қарши мухолиф ҳаракат сифатида вужудга келган.* «Фалсафа қомусий лугати».

2 *кўчма* Ўз манфаатлари, фикрлари билан чекланиб қолган, кўпчиликдан ажралган кишиларнинг тор гуруҳи.

СЕКТАНТ [р] 1 *дин.* Бирор диний мазҳабга (сектага) мансуб киши.

2 *кўчма* Секта тарафдори ёки қатнашчиси (қ. **секта** 2).

СЕКТОР [лот. *sector* — қирқувчи, қирқиб ажратувчи] 1 *мат.* Доиранинг ёй ва икки радиус билан чекланган қисми ва шу шаклдаги нарса. *Сектор юзини ўлчамоқ. Доира сектори.*

2 *эск.* Яхлит бир ҳудуднинг маълум радиус ва чегаралар билан чекланган қисми, алоҳида ажратилган ҳудуд. *Мудофаа сектори. Чилонзорнинг еттинчи сектори.* ■ *Шаҳар беш секторга бўлинган.* Газетадан.

3 Баъзи идора ва муассасаларнинг муайян фаолиятга ихтисослашган бўлими. *Кадрлар сектори. Лугатшунослик сектори.* ■ *Тозалик сектори ётоқхонанинг ичи ва ташқарисидаги ишларга яхши раҳбарлик қиляпти.* «Саодат».

4 Халқ ҳўжалигининг муайян иқтисодий ва ижтимоий белгилар билан ажралиб турадиган қисми, соҳаси. *Хусусий сектор. Давлат сектори.*

СЕКУНД [лот. *sekunda (divisio)* — иккинчи (бўлиниш)] 1 *айн.* **сония.** *Бир неча секунд вақт. Секунд стрелкаси.* ■ *Зокир унинг бир секунд тўхтаганидан дафтарни таниганини сезиб, дув қизарди.* П. Қодиров, Уч илди.

2 *мат.* Бурчак градусининг уч минг олти юздан бир улушига тенг бурчак ўлчов бирлиги.

3 *с.т.* Жуда оз вақт; он, пайт. *Очилнинг энг яқин мақсади аниғини билиш, мавҳумликдан қутулиш бўлгани учун дастлабки секундларда «зап билдим», деб ичида асабий кулиб қўйди.* П. Қодиров, Уч илди.

СЕКУНДАНТ [лот. *sekundans, secundantis* — ёрдам, қўмак берувчи] 1 *тар.* Дуэль қатнашчиларидан ҳар бир рақибнинг дуэль шартлари ҳақида музокара олиб борувчи ва уларнинг бажарилишини кузатиб турувчи ишончли киши.

2 Бокс ва шахмат ўйинларида мусобақа қатнашчисига воситачилик қилувчи, ўйин давомида, танаффус вақтларида хизмат кўрсатувчи шахс. *Рингда секундант бўлиш.*

СЕКУНДЛИ 1 *с.т.* Бир секунд (сония) давом этадиган; бир онли. *Беш секундли сукунат.*

2 *с.т.* Жуда оз давом этадиган, бир онли. *Секундли иш.*

3 *мат.* Секунд катталигидаги, секунд билан ўлчанадиган. *39 градус 25 секундли бурчак.*

СЕКУНДОМЕР [секунд + р. *мерить* — ўлчамоқ] Жуда қисқа вақт оралигини секундлар билан ўлчайдиган соатсимон асбоб.

СЕКЦИЯ [лот. *sectio* — кесиш, қирқиш] 1 Баъзи идора, ташкилот, жамият ва ш. к. нинг алоҳида бўлими. *Олий Мажлис Доимий комиссиясининг соғлиқни сақлаш секцияси. Спорт клубининг шахмат секцияси.* ■ *Биллим даргоҳида волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка, эшкак эшиш секциялари ишлаб турибди.* Газетадан.

2 *эск. қ.* *шўъба.* *Конференциянинг имло ва нутқ маданияти секцияси. Терминология секцияси.* ■ *Кенгашда уч секция: ижтимоий-сийсий терминология секцияси, лингвистик секция ва техника терминологияси секцияси ташкил этилди.* «ЎТА».

3 Магазиннинг муайян турдаги товарлар сотишга ихтисослашган бўлими. *Тайёр кийимлар секцияси.*

4 Машина, механизм, ускуна, асбоб кабиларнинг қувур, труба ва ш.к. тизимидаги бир қанча қисмлардан бири. *Бино секциялари. Трубопровод секцияси.*

5 Тураржой ёки саноят биноларининг тугалланган алоҳида қисми. *Пошша хола кўз ўнгиси Дороббекнинг фэйзсиз секцияси [квартираси] гавдаланиб кетди. Д. Нурий, Осмон устунни.*

СЕЛ [а. سِيل — оқим; сой, анҳор, жилга] 1 Шиддатли, кучли ёғин; жала. *Томчи — сел бўлмас, Душман — эл бўлмас. Мақол. ■ Май ойи тугаб боряпти-ю, ҳалиям ҳар куни ёмғир, ҳар куни сел. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Баҳорда қаттиқ сел ёғиб, дала бетини қатқалоқ қоплади. Газетадан.*

2 Тоғли ҳудудларда шиддатли ёмғирдан, жаладан ёки қор эришидан ҳосил бўладиган, аҳолига, халқ ҳўжалигига катта зарар келтирадиган кучли лой-сув оқими. *Тусатдан келган сел оқими Толлимаржон бош корпусида қурилаётган котлованга урилиб, иш-ни таққа тўхташиб қўйди. Газетадан. Сел ювиб кетган ёки ёзнинг қаттиқ гирдоблари ялаган тақир ерларнинг майда тошлари оёқ остида гижирларди. С. Айний, Қуллар.*

3 Гўштнинг суви, қони. *Сели билан қовурилган жигар. ■ Ҳа, мулла ака, қўлинг ўргилсин каюб бор, ейсизми? Сели жижиллаб турибди. Ойбек, Улўғ йўл. Неча бор эйтибор бергандирсиз, ҳар қандай гўшт тузланганда, сели чиқиб кетади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

4 Кўчма Куёшнинг кучли ҳарорати; куёш нури оқими. *Куёш селига мириқиб чўмилган ям-яшил дала барқ уради. Ж. Абдуллахонов, Орият. Осмон беғубор, тиниқ, офтоб сели гўдак кулгусидай ёқимтой эди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.*

5 Кўчма Сел томчилари каби шиддатли ва беҳисоб. *Милтиқлардан ўқ сели ёғдирилиб, «ура» садолари қум саҳросини ларзага келтирди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

6 Кўчма Бирон-бир воқеа-ҳодисанинг, жараённинг кучли, кўпайган ҳолати, оқими. *Ғам сели. ■ Элмурод шундай ўйлар селида ғарқ бўлиб, уйқуси қочди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ёши йигирма иккига қадам қўйганда, Берунийни ҳам ҳодисалар сели юмалатиб, ўзи*

билан бирга жанубга олиб кетди. М. Осим, Жайҳун устида булутлар.

Сел бўлмоқ 1) завқланиб ҳузур қилмоқ; яйрамоқ; эримоқ, секин бош чайкамоқ. *-Дутор чалганимда, [Сулаймон] сел бўлиб ўтирарди, — деди Меҳри опа. А. Эшонов, Дутор;* 2) дув-дув, жуда кўп оқмоқ. *Зубайданинг онаси қизига ялиниб-ёлвориб, кўзларидан ёш сел бўлиб оқиб, ўкраб-ўкраб йиғларди. К. Яшин, Ҳамза. Сел қилмоқ Ҳузур бахш этмоқ, завқлантирмоқ, эритиб юбормоқ. Болтабой суҳбатнинг гули, қўшиқ айтса, одамни сел қилдиган, аскияда пайровдан чиқмайдиган йигит эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Куйнинг навоси улфатларни сел қилди. М. Ҳазратқолов, Журъат.*

СЕЛАВА [а. + ф. سيلاب — сел суви] 1 с. т. Селоб.

2 айн. сел 3. *Селаваси оқиб турган гўшт.*

3 с. т. Турли ичкиликлар (пиво, ароқ, коньяк ва ш.к.) аралашмаси; коктейль.

СЕЛГИМОҚ Суви, нами қочиб, бир қадар қуримоқ. *Тоғ орқасидан аста шамол кўтарилди, ерлар селгий бошлади. Ойдин, Ширин келди. -Ҳечқиси йўқ, [костюмни] илиб қўйдим, бироз селгисин, дазмол билан қурийдим, — деди Нодира Комилжонга. У. Назаров, Биринчи мактуб.*

СЕЛЕКТОР [лот. selector — саралагич, танлаб олувчи] тех. 1 Бир қанча маскан (нуқта)ларнинг марказ билан тезкор телефон алоқасини амалга ошириш мақсадида бошқа аппаратлар тармоғига уланган электромеханик қурилма, аппарат.

2 Телевизорнинг зарур телеканални танлаб олиш имконини берувчи, механик ёки электрон тарзда ишловчи механизми.

СЕЛЕКЦИОН 1 Селекцияга оид; селекция иши билан шуғулланадиган. *Селекцион станция.*

2 Селекция йўли билан ҳосил қилинган. *Бўғдойнинг селекцион навлари.*

СЕЛЕКЦИЯ [лот. selectio — танлаш, саралаш] қ.х. 1 Мавжуд қишлоқ ҳўжалик ўсимликлари ва ҳайвон зотларининг инсонга зарур белги-хусусиятларга эга бўлган навлари, зотлари ва дурагайларини яратиш усулларини ишлаб чиқувчи фан. *Селекциянинг илмий-назарий базаси генетика ҳисобланади. «ЎЗМЭ».*

2 Ўсимлик турлари ва ҳайвон зотларининг мавжудларини сифат жиҳатдан ях-

шилаш ва янгиларини яратиш. Бизда селекция иши тузук ташкил қилинган, дон ва бошқа экинларнинг кўпгина янги навлари етиштирилган. Газетадан.

СЕЛЕКЦИЯЧИ Селекция ишлари билан шуғуллланувчи мутахассис. Селекциячи олимлар. ■ Мен кекса селекциячи бўлганим сабабли, ёш укаларимни муваффақият билан табриклайман. Мирмуҳсин. Умид. *Фаллакор деҳқонлар, олим ва мутахассислар, селекциячиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати тўфайли қисқа фурсат ичида бу улғу ва мураккаб мақсадга эришилди.* Газетадан.

СЕЛЕКЦИЯЧИЛИК айн. селекция 1, 2. У [Дадабоев] қўлида тўлиб-тошиб турган ғўза чаноғини олиб, йиғилганларга кўрсатди: -Вилт бу навга яқинлашмайди, бу — ҳозирги энг яхши нав, селекциячилигимизнинг муваффақияти. Мирмуҳсин, Умид.

СЕЛЕН [лот. Selenium < юн. Selene — Ой] Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент; жигарранг тусли тўқ кулранг модда, металлоид. Селеннинг энг ажойиб хусусияти шундаки, ёруғлик нури таъсирида унинг электр ўтказувчанлиги кескин ўзгаради. «ЎЗМЭ».

СЕЛЕНОЛОГИЯ [юн. Selene — Ой + юн. logos — фан, таълимот] Ой сиртининг тузилиши ва кимёвий-минералогик таркибини ўрганувчи фан. Селенологияда астрофизик усуллар билан бир қаторда геофизик, геокимёвий усуллардан ҳам фойдаланилади. «ЎЗМЭ».

СЕЛЁДКА [«сельд» с. дан] Тузланган ёки дудлаган сельд балиғи. Чолнинг хотини.. тарелкада юпқа қирқилган нон, иккита селёдка, бироз шакар олиб келиб, ўртага қўйди-да, чой келтиргани чиқиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СЕЛИТРА [лот. sal — туз + nitrum — табиий сода; ишқор] ким. Нитрат кислотанинг натрий, калий, кальций ёки аммонийли тузи (техникада ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланади). Аммиакли селитра.

СЕЛКИЛЛАМОҚ У ён-бу ён чайқалмоқ, тебранмоқ, силкинмоқ; ҳилпилламоқ. Онда селкиллаб бормоқ. ■ Қўшоқнинг бу киноясига Жаниш селкиллаб кулди ва қўлини ўтга тутиб жавоб қилди. Ҳ. Шамс, Душман. Бу — бошига оппоқ салла ўраган, селкиллаган оппоқ соқоли кекса деҳқоннинг овози эди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Ос-

тингда ўйнайди минган суворинг, Эгингда селкиллар тилла туморинг. «Ойсулув».

СЕЛОБ [а. + ф. سيلاب < а. سيل — сел, тошқин + ф. آب — сув] 1 Сел сувлари.

2 шв. Тошқин; сел. Селоблар вақтида эса дарё тошиб, этагида ҳар йили талай экинзорларни нобуд қилмоқда. Газетадан.

Селоб ёт ёки кўз селоби шв. фольк. Дувдув ёш. Оҳ урганда, кўздан оқар селоб ёш, Золим билан ҳаргиз бўлманлар йўлдош. «Ал-помиш».

СЕЛОН Сидирға рангли астарбоп шоҳи. Ипакдан бахмалу шоҳи, банорас, Жужунча ҳам селону ҳар хил атлас. Ф. Фулом.

СЕЛПИМОҚ Кескин ҳаракат қилмоқ, силтамоқ; силкитмоқ. Агар паровоз қаттиқ селлиб тўхтаганида, бобо яна анча ухлар эди. Ё. Шукуров, Бобо Тошкентда. Сулаймон ака уста Баҳромни селлиб қичқирди: -Қўйворинг! Қўйворинг, дейман. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Абуали эликбоши, юзбошилар кўрсин, дегандек гир айлаиб, қиличини селпирди. Мирмуҳсин, Меъмор.

СЕЛПИНМОҚ Кескин ҳаракат қилмоқ; силтанмоқ, силкинмоқ; тебранмоқ. Поезд ғизиллаб ўтиб кетди, сўнги вагон кетидан шамол селпинди. «Ёшлик». Одиловнинг машинаси қумтепалар орасидан селтинмай борарди. Й. Шамшаров, Танланган асарлар.

СЕЛТАНГЛАМОҚ шв. Гандиракламоқ. Иккаласи чўлда селтанглаб келаётир. «Нурали». Абрай полвон орқасига селтанглаб бориб, кимнингдир фонусига қоқилиб кетди. Т. Мурод, Кўшиқ.

СЕЛХОНА [сел + хона] Сел сувларини оқишиш ва худудни сел офатидан муҳофаза қилиш учун қурилган махсус гидротехник иншоот ёки шу мақсад учун мосланган жар, сой. -Модомики, сел хавфи борми, селхона бўлиши лозим. Сел ҳар йил бир томондан, бир издан келади, — деди Чўли бобо. Ҳ. Фулом, Сенга интилам. Унинг [Умурзоқнинг] маслаҳати билан.. ортиқча сувни жарга — селхонага буриб юбориш чорасига киришилган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

СЕЛЬДЕРЕЙ [фр. celer] Ошқук сифатида истеъмол қилинадиган икки йиллик сабзавот ўсимлиги; қафас.

СЕЛЬДЬ [р. сельдь < қад. исланд. sild] зоол. Унча катта бўлмаган, овланадиган денгиз балиғи. Астрахан сельди. Океан сельди.

СЕМАНТИК тлш. Семантикага, маънога оид. Сўзнинг семантик тизими. Семантик таҳлил. ■ Бундай феъллар коммуникатив алоқада муҳим семантик роль ўйнайди. «ЎТА».

СЕМАНТИКА [юн. *semantikos* – ифодаловчи, билдирувчи] тлш. 1 Тил бирликларининг маъноси. Сўзнинг семантикаси. ■ Ўғуз шевалари ўртасида лексик мослик билан бир қаторда, айниқса, семантикада кучли фарқлар ҳам бор. «ЎТА».

2 айн. семасиология.

3 Семиотиканинг асосий бўлимларидан бири.

СЕМАСИОЛОГИК Семасиологияга оид. Семасиологик тадқиқот.

СЕМАСИОЛОГИЯ [юн. *semasia* – белги, аломат, ифода; маъно, мазмун + юн. *logos* – фан, таълимот] Тилшуносликнинг тил бирликлари маъносини ва уларнинг ўзгаришларини ўрганувчи бўлими. Семантик майдон назариясининг жорий этилиши ўзбек тили тарихий семасиологияси муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. «ЎТА».

СЕМАФОР [юн. *semaphore* < юн. *sema* – белги, сигнал + *phoros* – ташувчи] Темир йўлда станцияга яқин жойга устун тарзида ўрнатиладиган, ўз қанотларининг турли хил ҳолати ёки яшил, сариқ, қизил рангли (ўчиб-ёниб турадиган) чироқлари воситасида йўлнинг очиқлиги ёки берклиги ҳақида машинистга сигнал бериб турадиган стационар қурилма. Ҳам ўнг, ҳам чап томондаги семафорларда гоҳ қизил, гоҳ кўк чироқлар ёнади. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

СЕМЕСТР [фр. *semestre* < лот. *semestris* – олти ойлик; ярим йиллик < *sex* – олти + *mensis* – ой] Олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида ўқув йилининг ярми. Биринчи семестр. Семестр имтиҳонлари. ■ [Раҳим Саидов] Баъзи семестрларда стипендиясиз қоларди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмири.

СЕМИЗ 1 Этли, тўладан келган; тўла. Семиз одам. ■ Скамейкада ёш болали аёлнинг чап ёнида ўтирган семиз киши бепарво газета ўқирди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. Саккиз меҳмон ичида иккиси бениҳоят семиз эди. Ойбек, Танланган асарлар. [Отабек:] Нега Зайнаб семиз-у, Кумуш озғин?! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Яхши боқилган, этли; бўрдоқи; вазндор; ёғ босган. Семиз қўй. Семиз гўшт. ■

Сувонжон августнинг охирларида ўрмон хўжалиги пунктига келди. Унинг қўлида тўртта семиз каклик бор эди. С. Анорбоев, Оқсой. Шарофатхон бир катта косада семиз қўй гўшtidан пиширилган шўрвадан келтирди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 қ. х. Ўсимлик учун фойдали моддаларга бой, серҳосил (ер ҳақида). Тайёр, семиз ер бўлса, 50 центнердан ҳосил олиш учна қийин эмас. Газетадан. Тупроқ – семиз, сув – яқин, ҳавоси очиқ, Қуёш эса йил бўйи бу ерга ошиқ. М. Шайхзода.

4 с. т. Йўғон, қалин, қаппайган; энли. Семиз китоб. ■ Кечқурун гузарга кириб туринг, кўрасиз. Семиз-семиз сумка кўтарган хотинлар ўтаверади. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Эни бир ярим, бўйи икки қарич чамаси келадиган газетанинг устига қора, семиз ҳарфлар билан: «Туркистон вилоятининг газети» деб ёзилган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Олдинда серсавлат Мойлихон ака, ортида жигарранг дипломат ва семиз қоғоз папка кўтарган Фойибжон пилдираб келар эди. Н. Аминов, Қалтис хато.

СЕМИЗАК бот. Семизўтларга мансуб, тоғли жойларда ўсадиган бир йиллик ўсимлик.

СЕМИЗЛИК Семиз бўлишлик, тўлалик; йўғонлик. Семизликни қўй кўтарди. Мақол. ■ -Қаранг, бу ўлгурни, – болдоқли хотин қошини чимириб, ёнида семизликдан пишиллаб ўтирган аёлга қаради, – чой олиб кир десам, ҳали ўтинхонада ивирсиб юрибди. С. Зуннунова, Гулхан.

СЕМИЗЎТ Суғориладиган ерларда ўсадиган, поясида оқ сутсимон модда бўлган бир йиллик бегона ўт.

СЕМИНАР [фр. *seminaire* < лот. *seminarium* – кўчатхона; мактаб < *semen* – уруғ] 1 Олий ёки ўрта махсус ўқув юрталарида талабаларнинг ўқув режасида белгиланган мавзуларни қанчалик ўзлаштирганликларини аниқлаш, уларнинг мустақиллигини ошириш мақсадида ўқитувчи раҳбарлигида ўтказиладиган машғулот. Семинар мавзулари тегишли профессор-ўқитувчилар томонидан тузилиб, кафедра мажлисида тасдиқланади. «ЎзМЭ».

2 Бирор илмий муассасада, ташкилотда ходимлар малакасини ошириш, илмий ютуқлар ва тажрибани ўрганиш, айирбошлаш ва тарқатиш учун ўтказиладиган йи-

филиш. *Врачлар семинари.* ■ *Тошкентда яқинда катта ёзувчилар учун алоҳида, ёш ёзувчилар учун алоҳида семинарлар ташкил этилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

СЕМИНАРИЯ [«семинар» с. дан] 1 тар. Баъзи мамлакатларда, мас., 18-аср — 20-аср бошларида Россияда бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган махсус ўқув юрти.

2 16-асрнинг 2-ярмидан Фарбий Европанинг айрим мамлакатларида ташкил этилган, айрим христиан черковлари учун руҳонийлар тайёрлайдиган ўқув юрти.

СЕМИОТИКА [юн. semeiotike — белгилар ҳақидаги таълимот] Ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қиладиган белгилар ва белги тизимларининг умумий хусусиятларини ўрганадиган фан соҳаси. *Лингвистик семиотика.* ■ *Семиотика ғояси кейинчалик америкалик файласуф Ч.У. Моррис томонидан тартибга солиниб ривожлантирилди.* «ЎЗМЭ».

СЕМИРМОҚ 1 Эт олмоқ, вазни кўпаймоқ; йўғонлашмоқ; тўлишмоқ. *Бир терининг ичида қўй неча марта семириб, неча марта озади.* Мақол. *Чумчуқ семирса, ботмон келмас.* Мақол. ■ *Камбағал уруғ-аймоқ, қўни-қўшчилар, тўйда, азада семирадиган юримсак аёллар қоронгида туртишиб, ниёда жўнашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма с. т.* Жуда хурсанд бўлмоқ; кайфияти кўтарилмоқ. *Бу хушxabарни эшитиб, Абдумалик яна ҳам семирадиган бўлди.* Газетадан.

СЕМИРТИРМОҚ 1 Семирмоқ фл. орг. н. 2 Боқиб эт олдирмоқ; бўрдоқи қилмоқ. *Қўйларни семиртирмоқ. Молларни боқиб семиртирмоқ.*

СЕНИТ қ. семитлар. *Семит тиллари.*

СЕНИТЛАР айн. сомийлар.

СЕНИТОЛОГИЯ қ. сомийшунослик.

СЕМОН с. т. Цемент. *Юқори навли се-мон. Семон заводи. Семон пол.* ■ *Семон ҳовузга анча сув тўпланиб, устида хазонлар, сочдек майин бақатўнлар қалқиб юрибди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Раҳимов узоқ утирмади. Мирвалини қўлтиқлаб, семон йўлкада бирпас кезиб юрди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

СЕМУРҒ [ф. *سيمرغ* — ўттизта қуш: афсонавий қуш номи] Шарқ халқлари оғзаки поэтик ижодидаги афсонавий қуш. *Семурғ*

ўйланиб қолди, Қалбини шафқат олди. Ҳ. Олимжон. *Семурғ ўзбек халқ эртақ ва афсоналарида ижобий қаҳрамоннинг дўсти, химоячиси, ҳамроҳи, уни «Етти зулмат ичи» дан олиб чиқувчи фантастик қуш сифатида гавдаланади.* «ЎЗМЭ».

СЕН ки. олм. 1 Ўзидан кичикларга ёки яқин кишиларга мурожаат тарзида ёки уларнинг номи ўрнида ишлатиладиган сўз. *Сен менга мана бу хатни ўқиб бер.* ■ *Сен — Пушкиннинг севган малаги, Сен — Гёте орзу этган қиз.* А. Орипов. *Сенинг танинганга ўқ ҳам ботмайди, найза ҳам.* А. Қаҳҳор, Бос тепкини.

2 с. т. (қўл. шаклида) Тингловчига нисбатан менсимаслик, беписандлик каби маънони билдиради. [*Фотима:*] *Ҳали шошмай тур, сенларга бир жазо берайлик, бошқа диёнатсизларга ҳам ибрат бўлсин.* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Жонсиз нарсаларга мурожаат тарзида ёки уларнинг номи ўрнида ишлатилади. *Ажал, сен найзангни санчдингни чиндан Ўзбек шеърятин паҳлавонига?* А. Орипов. *Рухимда бир маъюслик сокинлик уйғотганда, Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим.* А. Орипов.

СЕН е — мен е ёки сен же — мен же Овқат жуда ҳам кўп, ҳаммадан ҳам ортиб қоладиган даражада бўлганда айтиладиган ибора. *Сену менга бормоқ айн. сен-менга бормоқ қ. сен-мен.* *Худди шу масала устида Тожибой билан Абдурасул орасида жанжал чиқиб, иккови сену менга бориб қолишди.* П. Турсун, Ўқитувчи. (Ҳап) *сеними!* *Дуқ-пўписи* ибораси. -*Кўраман, кирмаганингни, — деди Бўтабой отланаётиб, — шу қилганиннга, сеними!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СЕНАЖ [р. сено — пичан] Ўтларни сўлтиб, шиббалаб, витаминларга бойитилиб тайёрланадиган моллар озуқаси. *Сенажни пичан ва силос учун фойдаланиладиган барча турдаги ўтлар ва уларнинг аралашмасидан тайёрлаш мумкин.* «ЎЗМЭ».

СЕНАТ [лот. senatus < senex — кекса, қария: қариялар кенгаши] 1 тар. Қадимги Рим давлатида: олий ҳокимият органи.

2 тар. Россияда: 1711—1917 йилларда қонун чиқарувчи ва давлатни бошқарувчи олий давлат органи.

3 Айрим мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда, парламент юқори палатасининг

номи. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (жами 100 сенатор) ваколат мuddати 5 йил. «ЎЗМЭ».*

СЕНАТОР [лот. senator] Сенат аъзоси.

СЕНИКИ-МЕНИКИ: сеники-меники йўқ Ажратиш, қизганиш йўқ, ҳамма нарса ўртада. *Талабалар жуда иноқ, уларда сеники-меники йўқ. Сеники-меники қилмоқ* У сеники, бу меники, деб нарса талашмоқ, ўзиникини қизганмоқ.

СЕНИНГЧА *крш. с.* Сенинг фикрингча, ўйлашингча. *Сенингча, ким ҳақ?*

СЕНЛАМОҚ *айн. сенсирамоқ. Дустини сенламоқ.* ■ *Бозорком дам сизлаб, дам сенлаб, чолга ўдағайларди. Т. Ашуров, Оқ от. [Қоровул:] Э савдогарбача, мени сенлама! Пайғамбар ёшидаги одамман. Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар.*

СЕН-МЕН: сен-менга бормоқ Айтишиб қолмоқ, уришмоқ. *Арзимаган нарсага сен-менга бориб қолдик.*

СЕНСАЦИОН Сенсацияга, шов-шувларга сабаб бўладиган. *Сенсацион воқеа.*

СЕНСАЦИЯ [лот. sensatio — сезиш, ҳис қилиш < sensus — сезги, туйғу] Кутилмаганда содир бўлган, кишиларни ҳаяжонга соладиган ҳайратли ҳодисалар ва бунинг натижасида кўпчиликда туғилган кучли таассурот, шов-шув. *Археологлар топган ҳар бир ажойиб янгилик — ҳам илм, ҳам газета учун сенсацияга айланган эди. Газетадан. Карикатура озгина танқидийроқ бўлса, чоп этишмайди. Чунки сенсацияга тоқатлари йўқ. Газетадан.*

СЕНСИРАМОҚ 1 Бирор шахсга «сен» деб мурожаат этмоқ. *Полк командири, Йўлдошин ўзига яқин олиб сенсирай бошлагани, тагин аллақандай сифатлари билан ёш лейтенентни дарҳол ўзига қаратиб олди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.*

2 «Сен» деб мурожаат қилиш орқали беҳурмат муносабатда бўлмоқ. *Аҳмаджон қисмга янги келган куни бу йигит ундан: -Қаерликсан? — деб сўради. Ўзидан кичик бу йигитнинг сенсирагани Аҳмаджонга малол келди. А. Қаҳҳор, Олгин юлдуз.*

СЕНСУАЛИЗМ [лот. sensus — ҳис-туйғу, сезги] *фил.* Билиш назариясида сезгини, ҳис-туйғунинг билишнинг асосий манбаи деб тан олувчи фалсафий йўналиш.

СЕНТИМЕНТАЛ [ингл. sentimental < фр. sentiment — ҳис-туйғу < лот. sentire — сезмоқ,

ҳис қилмоқ] 1 Сентиментализмга оид, сентиментализмга асосланган, сентиментализм руҳи, ғоялари билан суғорилган. *Сентиментал роман.*

2 Кўнгли бўш, кўнгилчан, ҳаддан ташқари ҳассос ва йиғлоқи. *Сентиментал аёл.*

СЕНТИМЕНТАЛИЗМ [фр. sentimentalisme < sentiment — ҳис-туйғу] 18-асрнинг иккинчи ярми ва 19-аср бошларида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатидаги оқим. *Сентиментализмда ҳиссиёт яхшилик ва ёмонликни белгиловчи, инсоннинг қадр-қиммати аниқловчи асосий меъёр сифатида талқин қилинади. «ЎЗМЭ».*

СЕНТЯБРЬ [лот. september < septem — етти: еттинчи ой] Қадимги Римда 1 мартдан бошланадиган тақвим йилининг еттинчи ойи; Григорий календариди йилнинг тўққизинчи ойи. *Бешинчи сентябрь. Сентябрь ойи. Биринчи сентябрь — Муस्ताқиллик байрами.*

СЕНЧА *рвш.* Сен каби, сендек, сенчалик. *Мен бу тўғрида сенча узоқни ўйлаб турмайман, дарров «лаббай» дейман. А. Қодирий, Обид кетмон.*

СЕНЧАЛИК Сенга ўхшаб; сен каби; сенча. *Шуларнинг [ота-оналар, ака-укаларнинг] ҳам меҳру муҳаббати бордир. Шулар ҳам соғинишар дейман? Ё сенчалик соғинишмасмикан? А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

СЕНЬОР, сеньора [исп. senor, senora < лот. senior — катта] Испанияда: эркаклар ва аёлларга ҳурмат билан мурожаат қилиш шакли.

СЕНП *этно.* Қиз узатишда унга ота-онаси ва қариндош-уруғлари томонидан бериб юбориладиган мол, бисот. *Келинни келганда кўр, сенини ёйганда кўр. Мақол. ■ Шу замонда олтимши норни чуқтириб, Орта берди Барчин сулув сенини. «Алпомиш».*

Сен ёймоқ (ёки ёзмоқ) 1) келиннинг молини ёйиб кўз-кўз қилмоқ, у билан келин тушадиган уйни безатмоқ; 2) кўчма чирой бермоқ, ясантирмоқ. *Баҳорги боғларга сен ёйиб кетган, Чуларга чашма бинафша элтган. С. Зуннунова.*

СЕПАРА [ф. separer — уч паррали, уч қиррали] Қоп-қанор тикишда ишлатиладиган уч қиррали йўғон игна. *Сепара билан қоп тикмоқ.*

СЕПАРАТ [лот. separatus — алоҳида, ажратилган < separare — ажратмоқ] *сиёс.* Ман-



фаатдор томонлар билан келишмай қилинган, бир томонлама, алоҳида. *Сепарат сулҳ.*

СЕПАРАТИЗМ [фр. *separatisme* < лот. *separatus* – алоҳида, ажратилган] *сиёс.* Ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш; давлатнинг бир қисмини ажратиб олиб, янги давлат тузилмасини тузиш ёки мамлакатнинг бир қисмини мухториятга айлантириш ҳаракати. *Сепаратизм ҳаракатлари.* ■ *Кўпинча ички сабабларни кўпайтирувчи, гижгиселовчи, ўз мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар сепаратизмнинг пайдо бўлиши ва кучайишига олиб келади.* «УзМЭ».

СЕПАРАТОР [лот. *separator* – ажраткич] Газдан суюқ ёки қаттиқ зарраларни, суюқликдан қаттиқ зарраларни ажратиш, аралашмаларни таркибий қисмларга ажратиш учун мўлжалланган аппаратларнинг умумий номи. *Сут сепаратори. Ғалла тозалайдиган сепаратор.* ■ *Газ сепараторида газ суюқ ва қаттиқ зарралардан тозаланади.* «УзМЭ».

СЕКПИК Кўпинча юз, бўйин, қўл терисида пайдо бўладиган сарғиш, қўнғир, қорамтир рангли, шакли ҳар хил бўладиган майда доғлар. *Мирзо Исмоилов қовоқларининг устигача сепкил босан, чуваккина юзини бужмайтирди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Баланд тераклар остидаги оқ уйлардан бирида.. бурни устига беш-унта сепкил сочилиган, жик-каккина қиз дамо-дам кўзларини микроскопга қадайдди..* Мирмуҳсин, Нуқра.

СЕКПИЛДОР Сепкили кўп; сепкил босган; сепкилли. *Сепкилдор қиз.* ■ *Ўнг томонда ўтирган сепкилдор бола Ботирдан кўзини олмайди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Шодимат.. сепкилдор, лўппи кўзи тарвақайлаб кулди-да, «Бормисан, ошна?» деб [Мусаевга] ўнг қўлини узатди.* А. Муҳиддин, Ошналар.

СЕКПИЛЛИ *айн.* сепкилдор. *Сепкилли бола.* ■ *-Энди хотирни жам қил, Аркаш, — деди ёнидаги қизғиш сочли, сепкилли йегит қўшнисига кўз қисиб.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

СЕПЛАМА Наридан-бери, амал-тақал қилиб ясалган (ишланган); омонат. *Сеплама этик.*

СЕПЛАМОҚ Наридан-бери, бир амаллаб ясамоқ (қилмоқ); амал-тақал қилиб тўғриламоқ. *Оз бўлса, эплаб кўр, кўп бўлса, сеплаб кўр.* Мақол.

СЕПЛИ Сепи (моли) кўп. *Сепли қиз. Сепли келин. Сепли қизим бўлгунча, эпли қизим бўл.* Мақол.

СЕПМА *айн. сочма* 1. *Уруғни сепма қилиб эжмоқ.*

СЕПМОҚ 1 *Сочмоқ, пуркамоқ, сачратмоқ (суюқликлар ҳақида). Ҳар оқшом аяси ҳовлига кўлоблатиб сув сепарди. Кейин рай-ҳон иси билан ўткир тупроқ ҳиди бутун ҳовлини тўтиб кетарди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Уста вишиллашиб атир сепгач, миждозининг юзини елиб, сўнг артиб кўяди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Сув сепгандай (ёки куйгандай) Жим, жимжит. Ҳаммаёқ сув сепгандай. ■ *Сув сепгандай жимжит. Онда-сонда полиз атрофидан беданнинг ширали овози келади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Сув сепмоқ* 1) юраги ўртанган ғамли, аламли кимсага бироз таскин-тасалли бермоқ, дардини юмшатмоқ; совитмоқ. *Гапга хотима бермай, бошқа тарафлардан ҳам камчиликлар топиб, асосли суратда кутидорнинг Отабекка томон ҳароратланаёзган юрагига сув сепмоқчи бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) тўхтатмоқ, яқун ясамоқ; пасайтирмоқ. *Жиринглаган телефон аланга ола бошлаган мунозара оловига сув сепди.* Газетадан. *Биринчи муҳаббат алангасига сув сепган.. бебурд, ёлғончи қизни [Ҳайдар] шу тобда аччиқ, аламли сўзлар билан қақиб олгиси.. келарди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

2 *Бир текисда сочмоқ (кукун ҳолидаги нарсалар ҳақида). Чучварага мурч сепмоқ. Ғўштга туз сепмоқ.* ■ *Холниса ёзиқ хамирга бироз урвоқ сепди-да, ўқлогини айлантириб, яна ёйишда давом этди.* С. Нуров, Нарвон. *Бу одам шошмасдан тухумни арчиди, ҳафсала билан туз сешиб, оғзига солди..* А. Қаҳҳор, Асарлар.

Ярасига туз сепмоқ Гап ёки хатти-ҳаракат билан дардини кучайтирмоқ. *Болам, шу муштипар, шу бахтсиз онангнинг ярасига туз сепмасанг, юрак-бағрини қон қилмасанг, данданг келтирган хабарни айтаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 қ.х. *Бир текисда тарқатиб сочмоқ; экмоқ (дон-дун, уруғ, ўғит ва ш.к. ҳақида). Мехнат қилмай роҳат кўрмас, уруғ сепмай экин ўрмас.* Мақол. ■ *-Ҳой чол, манави ер ўлгур шундай ётмасин.. Озгина сабзи уруғи сешиб қўйсангиз-чи? — деди Тўхтабуви.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

4 *кўчма* Тарқатмоқ, сочмоқ. *Ёғду сепмоқ.* ■ *Кечанинг олтин чечаклари оғочлар орасидан нур сепди.* Уйғун, Асарлар. *Кенг, те-*

кис кўчага узоқдан чироқлар туман ичида хира, совуқ нур сеподи. Ойбек, Танланган асарлар.

Уруғини сепмоқ Бирор жараённинг авж олиши, кенг ёйилиши учун ҳаракат қилмоқ. *Яхшилик уруғини сепмоқ.* ■ *Низомулмулк фитна уруғини узоқни мўлжаллаб, жуда махфий сепмоқда.* Ойбек, Навоий. *Ўтга (ёки оловга) керосин сепмоқ* Гап ёки бирор иш-ҳаракат билан кимсанинг аламига алам қўшмоқ; кайфиятини баттар бузмоқ. *Қодирқул.. турқини бузмай, яна Ҳасан аканинг ўтига керосин сепди.* А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ.

СЕПОЯ [ф. *سه پايه* — уч пояли, уч оёқли] 1 Тугон, дамба қуришда, дарё ва анҳорларнинг қирғоқларини сув ювиб кетишидан сақлашда ишлатиладиган, учта ходани учбурчак шаклида бир-бирига маҳкамлаб, поялар ораси харсангтош ва б. материаллар билан тўлғазиладиган мослама. *Сепоячилар дарёнинг ўртасига сепоялар ўрнатдилар.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Кўприк хийла узун бўлганлиги учун уч-тўрт жойида тагидан қўйилган зўр сепоя тургаклари бор эди.* П. Қодиров, Юлдузли тинлар.

2 Бирор нарса осииш, илиш учун мўлжалланган уч оёқли асбоб. *Сепоя остида чимдиб димоғни, Челақда пишади антиқа шўрва.* М. Икром, Балиқ овида.

3 *шв.* Новдадан учбурчак шаклида тўқилган чамбарак. *У сават, (ичида) гўшт бор. Ёнидаги сепояда сут, қатиқ..* С. Нуров, Нарвон.

СЕПОЯЧИ Сепоя тўсиқлар ясовчи ва ўрнатувчи мутахассис. *Латифжон.. сепоячилар ичида дам кўриниб, дам кўринмай ишлаётган тенгдош дўсти Борис Ешқовга тез-тез куз ташлаб кўяр.. эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СЕПСИЗ Сепи йўқ; сепи бўлмаган. *Сепсиз қиз.*

СЕПСИЛМОҚ *шв. айн. сепсимоқ.* Ташқарида қатнов сепсилган, майин оқшом жимлигида бақа қуриллар.. эди. А. Мухтор, Қумуш тола. *Кузнинг мадади билан очлик ҳам сепсилди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар.

СЕПСИМОҚ *шв.* Пасаймоқ, сусаймоқ; сийрақлашмоқ. *Бўрон бироз сепсиган эди, қир настидан яна қуюқ тўзон кўтарилди.* А. Ҳасанов, Чироқлар.

СЕПСИС [юн. *sepsis* — чириш, ириш] *тиб.* Йиринг ҳосил қилувчи микробларнинг инфекция ўчоғидан қонга ўтиб, қоннинг заҳарланиши натижасида келиб чиқадиغان оғир юқумли касаллик. *Киндикнинг йиринглаши чақалоқлар сепсисига сабаб бўлади.* «ЎЗМЭ». *Сепсис касаллигида тил қуруқ, ёрилган ва қорамтироқ қарашланади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

СЕР- [ф. *سير* — тўқ, ҳаддан ташқари тўйган; кўп, мўл, зиёда] Отлардан кўпликни, мўлликни билдирувчи сифатлар ясовчи олд қўшимча, мас., *сербарг, серган, сергўшт, серсув, серҳосил.*

СЕРАВЖ [сер. + авж] 1 мус. Авжи кўп, кўп авжли. *Серавж ашула.*

2 Яхши ривожланган, авж олган, тез етилаётган. *Яхши ишлов берилган, озиқлантирилган ғўзалар серавж, ёппасига шоналамоқда.* Газатадан.

СЕРАЖИН Ажини кўп, ажин босган; юзлари бурушган. *Пўлатжон кўзини юмиб, меҳрибон онасининг серажин нуруйни юзини кўз олдига келтирди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Чолнинг юзлари бужмайиб, серажин бетлари кичкина бўлиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

СЕРБ қ. **серблар.** *Серб тили. Серб аёл.*

СЕРБАР Эни кенг; энли. *Сербар чит.*

■ *Мирзо Улуғбек белидаги сербар камарига осилган калитни олиб, эшикнинг қулфини жаранглапти очди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси. *У ёш йигитлардек қаққон, серҳаракат, сочида битта ҳам оқи йўқ, белида сербар камар.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам. *Улар сербар йўлакдан ўтиб бориб.. тахта сўрига чиқиб ўтиришди.* Ш. Бўтаев, Кўрғонланган ой.

СЕРБАРАКА Баракаси кўп, жуда баракали. *Сербарака меҳнат. Сербарака йил.* ■ *Шоҳаншоҳ менга эмас, менинг юртимга, бойлигимизга ошиқ бўлган.. Шу сербарака юртим унга керак бўлиб қолган.* М. Осим, Тумарис. *Ажиб сербарака бўлиб келди куз..* А. Ҳамдам.

СЕРБАРГ Барги кўп, барги қалин; қуюқ, зич баргли. *Қўриқ ва бўз ерларда яратилган боғнинг ниҳоллари сербарг ва серновда бўлса ҳам, таналари ёш ва ингичка эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

СЕРБЕЗАК Безаги, ҳашами кўп; серҳашам. *Баланд, сербезак шифтда, олтин суви югуртирилган кучли занжирда каттакон*

қандил ҳисобсиз чироқлари билан гавҳардай товланиб турар эди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

СЕРБЛАР Сербия ва Черногориянинг серб-хорват тилида сўзлашадиган асосий аҳолиси. *Серблар 12-асрда халқ сифатида шаклланган. «ЎзМЭ».*

СЕРБОЛА Бола-чақаси кўп; серфарзанд. *Уй бекаси бомбадан қулоғи хийла кар бўлган, юм-юмалоқ, сергап, сербола аёл эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Шу сербола, серхона, сергаёво уйнинг нимасидир кўнглимга ором беради. А. Мухтор, Чинор.*

СЕРБОШОҚ Бошоғи кўп; кўп бошоқ чиқарадиган. *Сербошоқ буғдой.*

СЕРБУРМА Бурмаси кўп, кўп бурмали. *Сербурма юбка. Сербурма кўйлак.*

СЕРБУТОҚ Бутоғи кўп, бутуқлаб кетган. *Сербутоқ шох. ■ У эмаклаб, сербутоқ қора қайин тагига борди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

СЕРБҮЁҒ 1 Бўёғи кўп, бўёқдор; қалин бўёқли. *Сербўёғ расм.*

2 кўчма Кўп бўёқ берилган. *Жажжи қизча эдим, ҳавасларга бой, Сирли кўринарди сербўёғ олам. М. Эгамбердиева, Гулбарг.*

СЕРВАНТ [фр. servante] Идиш-товоқ, сочик, дастурхон ва ш. к. қўйиладиган, юқори қисми ойнабанд шкаф, буфет. *Сервант полкаларига ажойиб чинни ва биллур идишлар тартиб билан жойлаштирилган эди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

СЕРВЕР [ингл. server] *тех.* Муайян дастурлар тўплами билан таъминланган ва умумкомпьютер тармоғида диспетчерлик, тақсимлаш ва бошқариш вазифаларини амалга оширувчи компьютер ёки компьютерлар гуруҳи.

СЕРВИЗ [фр. service — хизмат; идиш-товоқ тўплами] Маълум миқдордаги кишиларга мўлжалланган, бир хил бадийй безакли идиш-товоқ тўплами. *Қаҳва сервизи. Чой сервизи. ■ [Карима] Диван устида чордана қуриб утириб, буфетдаги нодир сервизларни томоша қила бошлади. С. Абдуқаҳҳор, Уй остонадан бошланади.*

СЕРВИС [ингл. service — хизмат] Кундалик турмушнинг хилма-хил соҳаларида — магазин, меҳмонхона, сартарошхона, ёнилғи қуйиш шохобчалари ва ш.к. да аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва шундай хизматнинг ўзи. *Шуниси қувонарлики, эндилик-*

да ўқув даргоҳимиз хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш методологиясини шакллантирувчи муассасага айланади. Газетадан.

СЕРВИТАМИН [сер. + витамин] Витаминларга бой, витамини кўп. *Сервитамин озиқ-овқатлар. ■ Ғўзаноюдан сервитамин озуқа ачитқилари, фурфурол тайёрлаш мумкин. Газетадан.*

СЕРВИҚОР Ғоят виқорли; кўркам, салябатли. *Сервиқор қоя. Сервиқор тоғлар. ■ Ҳовлиларга кираверишдаги катта ва сервиқор дарвозаларни айтмайсизми. Мирмуҳсин, Умид. Унда баҳайбат ва сервиқор Бошошота чўққиси кўзга ташланади. Газетадан.*

СЕРГАК 1 Тез, дарҳол сезадиган; сезгир, зийрак. *Сергак соқчи. Сергак бўлмоқ. Сергак тортмоқ. ■ Кийикдек сергагу хушёр чавандоз Қадам қўйганда тоғлар қилган овоз. Ҳабибий. Малоҳат ҳам сергак утирар, икки қулоғи мунозарада эди. С. Нуров, Нарвон.*

2 Тез фаҳмлайдиган; зеҳни ўткир; фаросатли. *Сергак ўқувчи. ■ Кўнгил қўйган йигитинг сергак бўла қолса, дилиндагини тушуниб, гапингга монанд жавоб қилса. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

3 Уйғоқ; ухлаган эмас. *Маҳкам ёнига ағдарилиб ётди ва кўзини юмди. Лекин бутун вужуди сергак эди. П. Қодиров, Уч илди. -Дарҳол дарвозалар яқинидаги маҳалларга хабар қил, ухламасинлар, сергак бўлиб турсинлар! — деди Темиртош. «Ёшлик».*

СЕРГАКЛАНМОҚ 1 Хушёр тортмоқ, зийрак, сергак бўлмоқ. *Дам қаттиқроқ, дам сустроқ эшитилаётган шовқидан бировлар ваҳимага тушди, бировлар ҳайрон бўлди, бировлар сергакланди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Хушига келмоқ (кайф, уйқу, кўркувдан кейин). *Меҳмонларнинг мастликлари, кайфлари бирдан тарқалган, улар бир онда сергакланган эдилар. Ойбек, Улуғ йўл.*

СЕРГАКЛИК Сергак, зийрак бўлиш хусусияти; хушёрлик, зийраклик. *Унда таланти билан бирга интилиш, ҳаракат ва сергаклик бор. Ф. Фулом, Талант ва маҳорат. Тулқинжон Ҳурининг сўзларини зўр диққат ва сергаклик билан тинглади. Ф. Мусаёнов, Ҳури.*

СЕРГАП 1 Кўп гапирадиган, эзма. *Сергап чол. ■ Корфармо Аҳмад Чалабий қирқ ёшларга борган, йўғон, қанишари наст, кўзлари ўйнаб турадиган сергап одам. Мир-*

муҳсин, Меъмор. Қизиқ, шундай камгап одам билан сергап, эзма Сабоҳат хола қандай қилиб қирқ йилдан ортиқ бирга турмуш қилишган? Ю. Шомансур, Қора марварид.

2 салб. Куруқ гап, сафсата сотишни яхши кўрадиган, гап чайнайдиган; доим жавраб юрадиган, вайсақи. *Бизда ҳам сергап, куруқ маслаҳат берадиганлар жуда кўп, лекин амалда ҳеч балода йўқ.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

СЕРГАПЛИК Сергап, эзма хусусиятга эгаллик. *Мансурининг тутуриқсизлигида, сергаплигида ва мақтанчоқлигида унинг хараكتери яхши гавдалантирилган.* «УТА».

СЕРГУЛ 1 Гули кўп, гуж-гуж гуллаган. *Дарҳақиқат, ўрик бу йил мисли кўрилмаган даражада сергул бўлди.* Ш. Рашидов, Бурондан кучли.

2 Гули кўп, кўп гул, нақш солинган (босилган) ёки тикилган. *Сергул чит.* ■ *Саломатхон эса белигача тушиб турган сочларини сергул қийқочла билан боғлаб қўйибди.* С. Қодиров, Канотлар.

СЕРГУШТ 1 Этли, семиз, йўғон. *Сергушт юзлари йилтиллаб турган раис аллақандай қоғозларга имзо чекиш билан овора эди.* Р. Файзий, Чулга баҳор келди. *Холтой эса қора терга ботиб, букиб ўтирар, жиққа ҳўл бўлган кўйлаги сергушт танасига ёпишиб кетган эди.* М. Хайруллаев, Алёр.

2 Серэт, этли. *Сергушт ўрик.* *Сергушт шафтоли.*

3 Гушти мўл, кўп гушт солинган. *Сергушт шўрва.* ■ *Сергушт бугдой шавласининг хушбўй ҳиди анқиб, одамнинг димоғига урарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

СЕРДАВЛАТ Давлати жуда кўп; бой. *Сердават киши.* ■ -Эсим қурсин, айтмабман, худоё серфарзанд, сердават бўлинг. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

СЕРДАРАХТ Дарахти кўп, кўп дарахт экилган. *Сердарахт ҳовли.* ■ *Озода ишдан чиқиб, трамвайга ўтирмай, янги барг ёзган сердарахт, гавжум кўчадан уйига қайтди.* С. Аҳмад, Алла. *Сойнинг ўнг бетидоғи сердарахт маҳаллада Мавлоно Фазлиддин буттурдан бери истиқомат қилаётган пешайвонли мўъжаз бир уй бор.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

СЕРДАРОМАД Даромади кўп, кўп даромад келтирадиган. *Сердаромад иш.* ■ [Али мешкобчи] *Ўз наздида мешкобчилик серда-*

ромад бўлганлиги учун шу ишни қиларди. Мирмуҳсин, Меъмор.

СЕРДАХМАЗА Дахмазаси, ташвиши кўп; серташвиш. *Сердахмаза иш.* ■ *Тўйга айтиш жуда қизиқ, аммо айна пайтда жуда сердахмаза юмуш экан.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

СЕРДИҚҚАТ 1 Кўп диққат қиладиган; юракни сиқувчи. *Сердиққат иш.* ■ *Каштага гул тикиш сердиққат, сабр талаб қиладиган хунарлардан ҳисобланади.* «Саодат».

2 Ишга жиддий қарайдиган, жуда этиборли. *Хунармандлар ўртасида ажойиб истеъдодли, сердиққат, серзавқ одамлар жуда кўп.* Ойбек, Навоий.

СЕРЕНАДА [фр. serenade < итал. serenata — оқшомги кўшиқ < sera — оқшом, кеча] 1 Ўрта асрларда Италия ва Испанияда маъшуқа шарафига, одатда, маъшуқа эшиги ёки деразаси ортида туриб, торли мусиқа асбоби жўрлигида айтилган кўшиқ.

2 Чолғу ансамбли учун ёзилган, сюитага ўхшаш мусиқа асари. *Операда қаҳрамонни тасвирлаш учун.. кўшиқ, романс, серенада ҳам киритилади.* Газетадан.

3 кўчма Умуман, аниқ бир шахсга бўлган меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи ҳар қандай мусиқий асар.

СЕРЁМҒИР Ёмғир кўп ёққан ёки ёмғир кўп ёғадиган. *Серёмғир ерлар.* *Серёмғир куз.* ■ *Кўклам серёмғир келиб, мардикор бозорда ишининг мазаси бўлмади.* Ҳ. Фулом, Феруза.

СЕРЁҒ 1 Ёғи, мойи кўп; кўп ёғ, мой берадиган. *Серёғ гушт.* *Серёғ кунжўт.*

2 Жуда кўп ёғ солинган; ҳаддан ташқари ёғли. *Серёғ ош.* *Серёғ мантти.* ■ *Девзира гуруч, зираворлар ҳиди ҳар ёнга уфурган, серёғшту серёғ ош келдики, кимдир бояги завқли хитоблардан уялган бўлиб, секин уҳ тортди.* М. М. Дўст, Лолозор.

СЕРЁҒИН Ёғингарчилик кўп бўладиган, қор-ёмғир кўп ёғадиган. *Серёғин кун.* ■ *Дехқон баҳорга кўз тикди.* Аммо кўклам серёғин келди. С. Сиёев, Аваз. *Баҳор кези бу ерлар серёғин бўлади, тоғ ва қирларга тушган ёмғир суви жилғаларни тўлғазиб, шу қишлоққа томон оқади.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

СЕРЖАНЖАЛ 1 Жанжал кўп бўлиб турадиган, жанжалли. *Сержанжал уйда баракка йўқ.* Мақол.

2 Жанжалкаш; бўлар-бўлмаста жанжал қилаверадиган. *Сержанжал хотин.*

СЕРЖАНТ [фр. sergent < лот. serviens — хизматчи] Милиция, полиция ва армияда кичик командирларга бериладиган унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Кичик сержант.*

■ *Мен билан ёнма-ён бир сержант ҳам отишиб туриб эди, бирдан унинг пулемёти тўхтаб қолди.* Ойдин, Ҳикоялар.

СЕРЖАҲЛ Салга жаҳли чиқаверадиган, жаҳли тез; жаҳлдор. *Сержаҳл одам.* ■ *Биринчи қарашда у одам ғоят жиддий, ҳатто бирмунча сержаҳл кўринарди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов. *Мунис тенгқурларига ўхшамасди: жуда эрка эди, сержаҳл эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

СЕРЖИЛВА 1 Ранг-баранг тусда товланиб, жилваланиб турадиган, ғоят жилвали. *Сержилва атлас.* ■ *Қуриқчи чол чайла томида милтиқни қучоқлаганча, сержилва юлдузли осмонга тикилиб, хаёл суриб ётарди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 *кўчма* Ранг-баранг оҳангда товланувчи, жилвали, ўйноқи. *Ўзбек мусиқаси мутлақо ўзига хос, оҳангдор, сержилва, ўйноқи мусиқади.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

3 *айн. серишва.*

СЕРЖИЛО *айн. сержилва* 1, 2. *Тилла дейилганда, сержило итак, ранг-баранг шоҳи атласлар, хушбичим кийим-кечаклар кўз олдимизга келади.* Газетадан. *Сержило оҳанглар унинг [қизининг] хаёлини узоқ-узоқларга олиб кетди.* «Ёшлик».

СЕРЖУН 1 Жунни кўп, кўп жун берадиган. *Сержун қўйлар.*

2 Жунни кўп, жун босган. *Икки тиззасига сержун билакларини қўйиб.. ўй сураётган кекса киши — уста Замон эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 Кўпроқ жун қўшиб тўқилган. *Сержун газлама.*

СЕРЗАВҚ 1 Кишига катта завқ бағишлайдиган; ғоят завқли. *Серзавқ мусиқа.* ■ *Ишчи хонадонида ноёб танбурнинг серзавқ машқи анчагача жаранглаб турди.* Мирмуҳсин, Созанда.

2 Нарса, ҳодисалардан катта завқ олувчи; ғоят завқли. *Серзавқ шинаванда.* ■ *Қирқта жўраси бор. Ҳаммаси серзавқ, юраги ўтли одамлар.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕРЗАРДА Ҳадеб зарда қилаверадиган, зардаси, жаҳли тез. *Серзарда одам.* ■ *Маъ-*

суманинг эри димоғидан эшак қурт ёғадиган, серзарда бойвачча эди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Раис серзарда, одамларни жеркиб ташлайди, дейишади, тўғрими?* Й. Шамшаров, Танланган асарлар.

СЕРИАЛ [ингл. serial < лот. series — қатор] Кўп серияли, кўп қисмли давомли фильм (кўпинча унча талабчан бўлмаган томошабинларга мўлжалланади, шунинг учун бадиий жиҳати пастроқ бўлади). *Мана шу сериални кўряписизларми, деган саволга эркагу аёл, ёшу қари бараварига ҳа, деб жавоб беришди.* «Саодат».

СЕРИЛДИЗ 1 Илдизи жуда кўп; илдиз отиб, тармоқланиб кетган. *Серилдиз дарахт.* *Серилдиз бута.*

2 Илдиз босган. *Серилдиз қирғоқ.* ■ *Полковникнинг самимий мақтовидан жангчилар бир-бирларига қараб кулиб қўйишди ва серилдиз ерни тағин ҳам ғайрат билан қўпора бошлашди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

СЕРИШВА 1 Жуда ишвали, ноз-ишва қилаверадиган. *Серишва аёл.* ■ *Маҳбубанинг ширин мақоли яхши, ҳам серишва қошиқилоли яхши.* П. Маҳмуд, Рубойилар.

2 *кўчма* Мафтун этадиган, ўзига тортадиган. *Ҳазал ҳам бўлурми мунча дилрабо, Бунчалар серишва, бунчалар серноз.* Э. Воҳидов.

СЕРИЯ [лот. series — қатор] 1 Бир хил, ўхшаш ёки умумий белги, хусусиятлари жиҳатидан ўзаро узвий боғлиқ бўлган нарсалар гуруҳи (китоб, брошюра ва ш.к.). *Илмий-оммабон адабиётлар серияси.* *Телевизорларнинг янги серияси.* ■ *Сўнги пайтда ҳар йили турли адабий сериаллар нашр этилмоқда.* Газетадан.

2 Қимматбаҳо қоғозлар, ҳужжатлар ва ш. к. нинг ҳарф ёки рақамлар билан гуруҳланиб белгиланган разряди, категорияси. *Облигация серияси.* *Паспорт серияси.*

3 Давомли кинофильмларнинг ҳар бир мустақил бўлаги. *Кинофильмнинг иккинчи серияси.*

СЕРИЯЛАБ *реш* Серияларга бўлиб, серия-серия қилиб. *Машиналарни сериялаб ишлаб чиқармоқ.*

СЕРИЯЛИ Серияларга бўлинган, сериялаб чиқариладиган. *Серияли маҳсулот.* *Уч серияли кинофильм.* ■ *Дилрабо ҳинд рақслари уларни сеҳрлаб олди.* *Икки серияли кино-*

фильм қандай ўтиб кетганини пайқамай қолишибди. Мирмуҳсин, Умид.

СЕРКА Бичилган эркак эчки, ахта така. Той отга эргашар, қўй — серкага. Мақол. ■ Қурққанидан кўзлари олайиб кетган кўк серка жар ёқасига етиб бориб.. соқолини селкиллаганича, таққа тўхтади. С. Анорбоев, Оқсой. Адир устида чўпонларнинг ити, шохдор серка кўринди. Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

СЕРКЕПАК Кепаги кўп, кепаги меъ-ёридан ортиқ. Серкепак ун.

СЕРКИПРИК Киприги кўп, қуюқ. Салтанат катта, серкиприк кўзлари билан юзимга бир қаради-да, яна бошини эгди. О. Ёкубов, Бир фельетон қиссаси.

СЕРКЎСАК Кўсаги зич; кўп кўсак тукан. Серкўсак ғўза.

СЕРМАЗМУН Мазмунан бой, чуқур мазмунли. Сермазмун маъруза. Сермазмун асар. Сермазмун мақола. ■ Ўзини пахта устаси деб юрган баъзи кишилар Саодатнинг сермазмун лекциясини эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдилар. Ж. Шарипов, Саодат. Ҳаётимиз тобора сермазмун, ширин, фароғатли бўлиб бормоқда. Газетадан.

СЕРМАМОҚ шв. Силкитмоқ; силтамоқ; зарб билан силтамоқ, Дунглик устида атлас кўйлак кийган Зулайхо турар ва бизга оқ рўмолча сермаб, кимнидир чорлар эди. П. Қодиров, Қадрим. Ферузанинг кўзларида ўт чақнади, қўлини қиличдай сермаб, устунни кўрсатди. С. Сиёев, Ёруғлик.

СЕРМАШАҚҚАТ Машаққати кўп, жуда машаққатли. Сермашаққат иш. ■ Чорвадорнинг меҳнати оғир ва сермашаққат. Газетадан. -Чигит экиш бултурги йили шунақа сермашаққат бўлди, — дея сўхбатни давом эттирарди раис. «Шарқ юлдузи».

СЕРМАЪНО Мазмун жиҳатдан бой, чуқур маъноли. Сермаъно гап. Сермаъно ибора. ■ Эҳсон ундан [Саидийдан] чиройли, сермаъно хат кутади, чунки у, Саидийга бўлажак шоир, деб қарар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

СЕРМАҲСУЛ Маҳсули кўп, кўп маҳсул берадиган. Сермаҳсул мол. Сермаҳсул тармоқ. Сермаҳсул ижодкор.

СЕРМЕВА 1 Меваси кўп, кўп мева берадиган. Зайтун дарахтининг бўйи 4—5 метрча бўлиб, у жуда сершоҳ, сермева бўлади. Газетадан.

2 Мева дарахти кўп, мева дарахтига бой. Сермева боғ.

СЕРМЕҲМОН Уйдан меҳмон аримай-диган, меҳмондуст. Сермеҳмон хонадон. Сермеҳмон халқ.

СЕРМЕҲНАТ Кўп меҳнат талаб қиладиган; меҳнати кўп. Сермеҳнат экин. ■ -Чорва иши, ўғлим, жуда сермеҳнат иш, — деди Абдураззоқ ота. С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. Қурт боқиш жуда нозик ва сермеҳнат ишидир. Газетадан.

СЕРМОЙ айн. серёғ. Сермой кунжут. Сермой ош. ■ Нусратбек болишига ёнбош-лаб, катта сопол товоқдази сермой чалобдан ичди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

СЕРМОЛ 1 Моли, мол-дунёси, сепи кўп. Сермол қиз.

2 Моли, товари кўп. Тишдан қараганда эски, кўримсиз, лекин катта, сермол дуконда Мирзакаримбой билан Салимбойвачча турар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Чорваси, чорва моли кўп. Сермол ферма.

СЕРМУЛОЗАМАТ Мулозаматни, такал-лүфни ўрнига қўядиган; ғоят мулозаматли. Сермулозамат одам. ■ Ўша пайтлардаёқ Маъсумаларнинг эшигини сермулозамат, чаққон, гапдон кампирлар — совчилар черта бошлаган эди. «Шарқ юлдузи». Аҳмад сермулозамат, узундан-узоқ хайрлашишни ёқтирмасди, сабр билан илатифотларнинг тугагини кутди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. Қандайдир сермулозамат йигитлар келиб, Очил бува билан саломлашишди. А. Мухтор, Чинор.

СЕРМУЙ 1 айн. сержун **2.** Ибн Яминнинг уйи ташқарисида тўпланган тўда ҳамон тарқалмаган, ҳалиги девона жазавага тушиб, сермуй кўркагига муштлаб, оғзидан кўпик сочарди. К. Яшин, Ҳамза.

2 Тукли, сертук (гилам, газмол ва ш. к. ҳақида). Сермуй гилам.

СЕРНАМ 1 Нами жуда кўп; жуда нам. Сернам пахта.

2 Ғоят нам, зах. Бугдой қанчалик сернам ерга экилса, ҳосил шунчалик мўл бўлади. «Шарқ юлдузи».

3 Нам, рутубатли. Ҳавонинг иссиқ ёки салқин келиши, қуруқ ёки сернам бўлишига қараб экин экиш муддатлари ҳам ўзгаради. Газетадан.

СЕРНАСЛ Насли кўп, кўп насл қолдирган ёки қолдирадиган; кўп туғадиган; серпушт. *Сернасл мол.*

СЕРНАҚШ Кўп нақш солинган ёки ўйиб чизилган; жуда кўп нақшли. *Меҳмон сернақш дарвоза олдига етиб келгач, мис ҳалқани тақиллатди.* М. Осим, Карвон йўлиларида. *Кўркам, сернақш чоғу созандага шўҳом, эҳтирос бахш этишини яхши тушунади уста.* «Гулистон».

СЕРНОЗ Нози, кўп; ноз-карашма қилишни яхши кўрадиган. *Серноз раққоса.*

СЕРОБ [ф. *سيراب* – намга, сувга тўйинган; суғорилган, чанқоғини қондирган] Етарли даражада кўп, мўл-кўл. *Бизда ҳамма нарса сероб.* ■ *Зап ўрик экан-да. Канал битиб, сув сероб бўлиб, боғ-роғ қилганимизда, албатта, шунинг данагидан экамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Чўлда энг сероб гийё бўлган шувоқ майда кулранг барглари титратиб, шамолда зўр бериб силкинади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СЕРОБГАРЛИК айн. **серобгарчилик.**

СЕРОБГАРЧИЛИК Ҳамма нарса етарли бўлган пайт, мўлчилик; мўл-кўлчилик; маъмурчилик, фаровонлик. *Ҳамма ёқ серобгарчилик бўлиб қолди. Серобгарчиликда яшамок.*

СЕРОБЛИК 1 Сероб, мўл-кўл бўлишлик. *Она шахримизнинг гуллаб-яшнаб туришининг боиси сувимизнинг сероблигидандир.* Газетадан. *Бозорда мева сероблигидан ҳеч қаёққа сиғмайди.* Газетадан.

2 айн. серобгарчилик. *Бир ёқда – ташналик, сўлғинлик, иккинчи ёқда – сероблик, гулгунлик!* *Бир-биридан мадад ололмайди, бири-бирига ёрдам қилолмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шалодадек булутинг оппоқ, Ёғдиради сероблик ва қут.* Ю. Шомансур.

СЕРОБЧИЛИК айн. **серобгарчилик.** *Баркашларда тўлиб-тошиб тортилиб нонлар, Фаровонлик, серобчилик, ҳар уйда байрам.* Ҳабибий.

СЕРОҲАНГ Оханг жиҳатдан бой; рангбаранг оҳангли. *Сероҳанг куй. Сероҳанг овоз.* ■ *«Тинчлик» сўзи.* Бу – ёқимли, *сероҳанг бир сўз, Ҳаёт – булоқ, тинчлик – унга кўз.* М. Шайхзода.

СЕРПАМОҚ шв. Зарб билан урмоқ, солмоқ; силтамоқ. *Қилич билан серпаб ўтмоқ.*

СЕРПАНТИН [фр. *serpentin* < лот. *serpens* – илон] Бал, маскаррад ёки карнавал қат-

нашчиларига иргитиладиган, рангли қоғоздан ясалган узун илонсимон лента.

СЕРПАРДОЗ 1 Пардозга берилган; пардоз-андозни яхши кўрадиган. *Серпардоз хотин.* ■ *Элмира жуда серпардоз бўлиб қолди.* С. Зуннунова.

2 Кўп пардоз берилган. *Серпардоз уй.*

СЕРПАХТА Пахтаси кўп, пахта кўп солинган. *Серпахта кўрна. Серпахта чопон.* ■ *Унинг [сандалнинг] бурчагида.. устига серпахта чопонини тортиб Хўжаназарбой ётмоқда эди.* С. Айний, Қуллар.

СЕРПЕНТАРИЙ [лот. *serpens, serpentis* – илон] Тирик ҳолатда заҳар олиш учун заҳарли илонлар боқиладиган, парвариш қилинадиган жой, илонхона.

СЕРПИЁЗ Пиёзи жуда кўп, кўп пиёз солинган. *Серпиёз сомса.* ■ *Столда ширинликлардан кўра серпиёз шакароб, шўртанг бодринг бор эди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

СЕРПУЛ Пулдор; пули кўп. *Серпул одам.* ■ *Зокировнинг касби-кори нотайин, аммо серпул.* М. Жўра, Изтироб. [Хотин:] *Иккита анор учун хотинингизни серпул одамга оширгани уялинг!* А. Қаҳҳор, Анор.

СЕРПУШТ [ф. *سيرپشت* – кўп наслли] Сернасл; кўп бола туғадиган; кўп тухум берадиган; тез урчидиган. ■ *Ургимчаккана жуда серпушт бўлади.* Газетадан.

СЕРПУШТЛИК биол. Ҳайвонларнинг табиий ўлим ўрнини қоплаш учун зарур бўлган пушт қолдириш хусусияти. *Серпуштлиқни ошириш чорвачиликда катта аҳамиятга эга.* «ЎЗМЭ».

СЕРРАЙМОҚ 1 Бир жойда анграйиб, ҳаракатсиз турмоқ. *Серрайиб турмоқ.* ■ *Низомжон нима қилишини билмай, серрайиб туриб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қиз даҳшат аралаш серрайиб қотиб қолди.* У. Назаров, Одамлар.

2 салб. Бирор иш қилмасдан, анграйиб ёки кеккайиб турмоқ. *-Нимага серрайиб турибсан? Бу ёққа кел, чурвақа! – деб қичқирди мингбуши болага қараб.* М. Исмоилий Фарғона т. о.

СЕРСАВЛАТ Ҳоят савлатли, жуда ба-савлат. *Лаганлар бўшаётганда, эшикдан серсавлат бир қора одам кириб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сунага келиб ёнбошлаган элик ёшлар чамаси бу аёл анча серсавлат, ёшилигида хусндор бўлгани билиниб турарди.* У. Исмоилов, Сайланма.

СЕРСОЯ 1 Кўп соя берадиган; сояси кўп. *Серсоя сада.* ■ *Дарахт кам бўлса-да, лекин куюқ, серсоя.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Жуда соя, салқин. *Салкам миллион туп дарахти бор Тошкентда нима кўп, серсоя кўчалар, жойлар кўп.* П. Қодиров, Уч илди.

СЕРСОҚОЛ Соқоли узун ва қалин, соқоли кўп; соқоли ўсиб кетган. *Серсоқол чол.* ■ *Меъмор аравадан тушганидан сўнг, бу томонга келаётган серсоқол Чўли бобо қаршисига чиқиб, у билан эски танишлардек қўл беришиб омонлашди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СЕРСУВ 1 Суви кўп, суви мўл, тўла. *Серсув кўллар.* ■ *Болалик хотиралари билан алоқадор бу дарёчани у серсув, тубсиз нахрларга алишмайди.* С. Нуров, Нарвон.

2 Сувли; ширадор; сершарбат. *Серсув шафтоли. Серсув турп.* ■ *Пахтасеб — олманинг бир тури. Кичкина, сарғиш бўлади. Лекин жуда мазали, серсув.* Ш. Холмирзаев, Олма емадим.

СЕРСУТ Кўп сут берадиган, сути кўп. *Серсут сигир.* ■ *Отам сигирнинг серсут ёки камсутлигини маърашидан билар эдилар..* А. Қаҳҳор, Асарлар.

СЕРСУЯК Суяги кўп. *Серсуяк гўшт.* ■ *Сунагул мени ёш боладай йиғлатиб, кичкинагина, серсуяк мушти билан кўз ёшларимни артиб кетди.* А. Мухтор, Асарлар.

СЕРТАВОЗЕ Ғоят тавозели; сертаъзим. *Сертавозе одам.* ■ *[Тўлама] Каттаю кичикни баравар «ако» дейдиган сертавозе бу йигитдан қандай гап чиқаркин, деб кутиб турди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳозир у [Ирода] нимаси биландир қадимий эртақлардаги сертавозе канизакларни эслатиб юборди Аҳмадга.* Ф. Мусаҷонов, Ҳиммат.

СЕРТАКАЛЛУФ айн. сермулозамат. *Сертакаллуф одам. Сертакаллуф бўлмақ.* ■ *Чўққи соқолли бу одам ғоят сертакаллуф.* эди. Т. Малик, Иблис девори. *Бу мулоийм, сертакаллуф аёлга рўпара келган ҳар қанақа тошюрақ ҳам юмшайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

СЕРТАРМОҚ 1 Тармоқланган; ён-атрофга қараб ўсган. *Бодом илдиизи сертармоқ бўлгани сабабли тупроқ эрозиясига қаршилик қилади.* «Фан ва турмуш»

2 Тармоқлари, соҳалари кўп ва хилма-хил. *Сертармоқ соҳа.* ■ *Ҳозир фанлар жуда чуқурлашиб, сертармоқ бўлиб кетган.* С. Нуров, Нарвон.

СЕРТАШВИШ 1 Ташвиши кўп; ғоят ташвишли, серхархаша. *Серташвиш иш. Серташвиш жой.* ■ *Серташвиш асрда дунёга келдинг.* Э. Воҳидов.

2 Ғам-ташвиши кўп, тиниб-тинчимас. *Серташвиш одам.* ■ *Бирам серташвиш, бирам серташвишсанки, болагинам!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Соддагина чодирда ёлғиз яшаган Навоий дилғир, серташвиш эди.* Ойбек, Навоий.

3 Ташвиш ифодалайдиган; ташвишли. *Дилоромнинг серташвиш кўзлари бир зумда чақнаб кетди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Азмиддин Талъатбейнинг серташвиш юзига.. совуқ кўзларига қараб, ўйга толди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

СЕРТАЪЗИМ айн. сертавозе. *Сертаъзим одам. Сертаъзим бўлмақ.*

СЕРТИКАН Тикани жуда кўп. *Сертикан гул.* ■ *Салқин, нам шамол тепалардаги кактус дарахтларининг сертикан шохларини секин чайқатади.* И. Раҳим, Тақдир.

СЕРТИФИКАТ [фр. certificat < лот. certum — аниқ, тўғри, рост + facere — қилмоқ] **1** Давлат органларининг молиявий қарз (заём) мажбурияти; шунингдек, кўрсатувчига бериладиган давлат заёмлари облигациялари ва қимматдор банк қоғозлари.

2 Омонатчининг, белгиланган муддат утгач, банкка қўйилган омонат суммасини ҳамда унинг фоизларини олиш ҳуқуқи ҳақидаги ёзма ҳужжат.

3 Ташқи савдо амалиётида: тегишли ваколатли органлар томонидан бериладиган ва товарнинг сифати, оғирлиги, ишлаб чиқарилган жойи ва б. хусусиятларини тасдиқлайдиган ҳужжат. *Маҳсулот сертификати.*

4 Бирор нарса, воқеа ҳақидаги расмий ёзма гувоҳнома; диплом. *Шайхонтоҳур туманида компьютер саводхонлиги бўйича ташкил этилган курсни якунлаган ёшларга сертификатлар топширилди.* Газетадан.

СЕРТИФИКАТЛАШ Бирон-бир маҳсулот ёки хизмат сифат тавсифининг сифат стандартида талаб этилган даражага мос келишини аниқлаш, тасдиқлаш. *Бугунги кунда маҳсулот ва хизматларни сертификатлашда республикада фаолият юритаётган 50 дан ортиқ сертификатлаш идоралари ва 250 дан ортиқ синов лабораторияларининг аҳамияти муҳим.* Газетадан.

СЕРТОМИР 1 Томири жуда кўп. *Сертомир гўшт.*

2 Томирлари бўртиб чиққан. *Ойим қирқ беш ёшлардаги. қотма аёл бўлиб, қўллари эркаларникига ўхшаш йўғон, гўштдор ва сертомир эди. Ҳ. Ҳакимали, Навбаҳор.*

СЕРТОМОҚ Овқатхўр; овқатни кўп ейдиган. *Сертомоқ одам. Сертомоқ мол.*

СЕРТУК 1 Туки кўп, хурпайган, пати қалин (гилам, мато, рўмол, шунингдек, айрим мевалар ҳақида). *Боғ кўчалардан аста ўтиб борардик, оёқ остида билқ-билқ иссиқ тупроқ, ўрқачли пахса деворлардан сертук олтин шафтолилар осилиб ётарди. Мирмуҳсин, Умид.*

2 Тукли, жун босган. *Алиохун ўрнидан туриб, кенг, сертук кўкрагини қавартиб керишди. Ойбек, Танланган асарлар.*

СЕРТУПРОҚ Тупроғи кўп, тупроқ босган. *Даладан қайтган моллар шовқин-сурон билан катта сертупроқ кўчани чангитиб келмоқда. С. Аҳмад, Муҳаббат.*

СЕРТУХУМ 1 Кўп тухум солинган; тухуми кўп. *Сертухум хамир. Сертухум қуймоқ.*

2 Кўп тухум қиладиган; серпушт. *Сертухум товуқ.*

СЕРУЙҚУ Кўп ухлайдиган, ҳадеб ухлайверадиган, уйқудан бош кўтармайдиган. *Серуйқу одам.*

СЕРУНУМ 1 Яхши унум, маҳсул берадиган. *Серунум иш.*

2 *айн. серхосил. Серунум ер. ■ Серунум меҳнат уларни тўқ турмушга қараб етаклар эди. Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.*

СЕРУРУҒ 1 *айн. серпушт.*

2 Уруғи кўп. *Серуруғ тарвуз.*

3 *кўчма Қариндош-уруғи жуда кўп. Серуруғ одам. ■ Ҳурматли кишилардан бири омонатини топширибди-да. Узиям жа серуруғ эканми? Одамларнинг кўплигини қаранг. Т. Ашуоров, Марварид тут.*

СЕРФАЙЗ Ғоят файзли, кўркам, кўзни қувонтирадиган. *Серфайз боғ. Серфайз ҳовли. Серфайз куча. Серфайз тўй. ■ Улар серфайз ҳовлига кириб келганларида, эндигина тонг ота бошлаган эди. «Ёшлик».*

СЕРФАРЗАНД Фарзанди, боласи кўп. *Серфарзанд она. ■ - Боқижон бўлса, ҳамма ака-укаларица қараганда серфарзанд. Уетти фарзанднинг отаси. Н. Сафаров, Оловли излар.*

СЕРФАҲМ Фаҳм-фаросатли; зийрак; ақли ўткир. *Рустам эси кириб қолган, китоб ўқиб, ҳар гапнинг маънисига тушунадиган, серфаҳм, ўйли, ақлли йигит эди. «Муродхон».*

СЕРФИКР Кўп фикрлайдиган; оғир-вазмин. *Серфикр одам. ■ [Ўзбек ойим:] Кумушинг ўзингага ўхшаш серфикр кўринадир, Зайнаб бўлса менга ўхшаш қувноқ! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

СЕРХАРАЖАТ *айн. серхарж. Бир бойнинг икки ўғли бўлиб, каттаси машаққат, серхаражат, пулни ўринсиз сарф қиладиган экан. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

СЕРХАРЖ Чикимдор, кўп харажат қиладиган, кўп пул сарф қиладиган. *Серхарж одам.*

СЕРХАРҲАША 1 Ҳадеб хархаша қилаверадиган, жуда инжиқ; эркатой. *Серхархаша бола. ■ Айниқса, Мавлон аканинг «тўрва қоқдисси» — икки яшар Нишонтой жуда серхархаша бола. Ҳ. Фулом, Машғал.*

2 Инжиқ; нозиктабиат; ҳеч нарса ёқмайдиган. *Серхархаша аёл. ■ Йўлга чиққандан бошлаб камгап, хомуш бўлиб қолган Ғаввос Андхудан чиқиб, қум ичига киргач, серхархаша, гап ёқмайди қум бўлиб қолган эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

СЕРХОСИЯТ Хосияти, фойдаси кўп. *Серхосият ўсимлик. ■ Она сути чиндан ҳам серхосият. «Фан ва турмуш».*

СЕРЧИҚИМ 1 Чикими, харажати кўп; маблағни кўп талаб қиладиган. *Серчиқим иш. ■ Ҳозирча қўлда бажарилаётган бу ҳар иккала ишнинг серчиқим эканлигини шундан ҳам билиб олаверинг.. Газетадан.*

2 *айн. серхарж. Серчиқим одам.*

СЕРЧИҚИТ Серчиқинди, кўп қисми чикитга чиқиб кетадиган. *Серчиқит хомашё. Серчиқит дон.*

СЕРШАРБАТ *айн. сершира. Шафтолининг сершарбат этлари ёзнинг иссиқ кунларида «чанқоқ босди» бўлади, десерт сифатида ишлатилади. К. Маҳмудов, Мевалар.*

СЕРШИРА Жуда ширин; ширадор. *Сершира қовун. Сершира анжир. ■ Венгер мускати сершира ва хушбўй бўлиб, ўзига хос ҳиди ва мазаси бор. Р. Мусамуҳаммедов, Мўл узум ҳосили.*

СЕРШОВҚИН 1 Шовқини кўп; шовқин-суронли. *Сершовқин куча. Сершовқин цех. ■ Маҳкам.. Сирдарё бўйидаги сершовқин, гавжум ишчилар шаҳарчасида кат-*

та булган эди. П. Қодиров, Уч илдиз. *Темиржон сершовқин, серқатнов йўлка бўйлаб бемақсад, беихтиёр борар экан, ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка уринарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Шовқин чиқарадиган, шовқин кўтарадиган. *Шиорлар ва гуллар билан безатилган катта зал сершовқин болаларга тўлиб кетди.* О. Ёқубов, Каптар.

СЕРШОНА Шонаси кўп, кўп шоналаган. *Сершона гўза. Сувга қонган гўзалар сершона бўлиб ўсади.*

СЕРШОХ Шохи кўп, қуюқ, зич; шохлаб кетган. *Сершоҳ дарахт.* ■ Катта сершоҳ ёнғоқ соясида ўнчача аёл узумларни тозалаб, яшиқларга жойлашарди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

СЕРЯМОҚ Ямоғи кўп, кўп ямоқ солинган. *Серямоқ чопон.* ■ [Алиохун] *Дупписига тўғналган игнани олди, қаердандир ип топиб, эски, серямоқ кўйлагининг йиртиғини ямашга ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕРЯПРОҚ айн. сербарг. *Серяпроқ дарахт.* ■ [Фуломжон] *Кўшни эшигини тўсиб турган серяпроқ, қалин шохлар орасига кириб, минбоши ҳовлисига қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СЕРЎТ Ўти кўп, ўти қалин, зич. *Серўт яйлов.* ■ *Кенжа серўт жойларни қидириб, сурувни тоғ томонга ҳайдади.* «Олтин бешик».

СЕРҚАВИҚ Қавиғи кўп, ораси яқин қилиб зич қавилган. *Серқавиқ кўрна.* ■ *Қамчи.. серқавиқ буз тўни устидан чандиб боғлаб олган кўш белбоғини.. ушлаганча жавоб берди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

СЕРҚАДОҚ Қадоғи кўп, ҳамма ёғи қадоқ, қадоқ босган. *Серқадоқ қўл.* ■ *Ҳамроали серқадоқ кафтларини пешонасига соябон қилиб, ўша томонга тикилди-да, ўзича.. қичқирди.* Ш. Фуломов, Ташаббус.

СЕРҚАЙМОҚ Қаймоғи кўп, кўп қаймоқ берадиган. *Сигирлардан қишин-ёзин бирдек кўп, серқаймоқ сут соғиб олсак, етарли озуқа ғамлаб қўйсак, гўшт ҳам, сут ҳам, ёғ ҳам, жун ҳам кўпаяди.* Ҳ. Нурий, Яшил хирмон.

СЕРҚАТИҚ Қатиғи кўп, кўп қатиқ солинган. *Серқатиқ мастава.* ■ *У серқатиқ гўзача ичиб, қоринни тўйғизиб олган бўлса-да, ошпаз Абдулматкарим ниширған овқатларга қараб, кўнгли суст кетарди.* М. Осим, Ўтрор.

СЕРҚАТНОВ 1 Транспорт ва йўловчилар кўп қатнайдиغان. *Серқатнов кўча.* ■ *Темиржон сершовқин, серқатнов йўлка бўйлаб бемақсад, беихтиёр борар экан, ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка уринарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Тез-тез келадиغان; кунда-шунда. *Серқатнов меҳмон.* ■ *Шундан сўнг Поиша хола бу ерга, яъни Йигиталининг уйига серқатнов бўлиб қолди.* Д. Нурий, Осмон устун. *Алихон редакцияга.. айниқса, сўнги вақтларда анча серқатнов бўлиб қолган эди.* М. Хайруллаев, Гурур.

СЕРҚИЛИҚ 1 Ножўя ёки келишмаган қилиқлари кўп, жуда қилиқдор. *Серқилиқ бола.*

2 *Кўчма* Тез ўзгариб турадиган, инжиқ. *Узоқ Фарғона қишлоғининг серқилиқ табиатини болалигидан билгани учунми, буюқда қолгандай, эгнига брезент чакмон, бошига оқ намат қалпоқ кийган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

СЕРҚИЛТАНОҚ Қилтанокли, қилтанокли кўп. *Серқилтанок балиқ.*

СЕРҚИРРА 1 Қирраси кўп, қиррадор. *Серқирра стакан. Серқирра тош.* ■ *Олмосдек серқирра, офтобда чуққилари ярқираб турган баланд қорли тоғлар кўзни қамаштирарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 *Кўчма* Ҳар тарафлама, кенг; мазмунга бой, сермазмун. *Серқирра истеғдод. Серқирра олим.* ■ *Шоир ижоди шунчалик серқирра, сербарака, сержиллоки, ҳаммаси ҳақида бир мақолада айтиб ўтишга асло имкон йўқ.* «ЎТА». *Забардаст олим Тошмуҳаммад Ниёзович Қориниёзийнинг мураккаб ва серқирра ҳаёт йўли ҳаммамиз учун ҳайратомуз ва ибратлидир.* «Фан ва турмуш».

СЕРҚОШ Қоши қуюқ ва қалин. *Очил бува ўтқир қора кўзли, серқош, чиройли йигит бўлган.* А. Мухтор, Чинор.

СЕРҚУЁШ Қуёш нури кўп тушадиган; қуёшли кунлари кўп. *Серқуёш ёз. Серқуёш Ўзбекистон.* ■ *Шу кунларда серқуёш республикамиз далаларида иш қизғин.* Газетадан.

СЕРҚУМ 1 Қуми кўп, қум босган. *Серқум соҳил. Туби серқум дарё.*

2 Қум кўп солинган. *Серқум сувоқ.*

СЕРҒАЙРАТ Ғайрати кўп; жуда ҳам ғайратли. *Серғайрат бола.* ■ *Бозорқул бундай пайтларда бош эгиб, хомуш ўтирарди, бугун эса серғайрат, жонсарак.* А. Мухтор, Чинор.

Галифе шими, брезент этиги, бутун қиёфаси унинг соғлом, ишчан, серғайрат одамлигини таъкидлар эди. С. Нуров, Нарвон.

СЕРҒАЛВА 1 Ғалваси, жанжал-сурони кўп; ғалвали. *Серғалва жой.* ■ *Сайёра шу серғалва хонадонга келин бўлиб тушиб, нима ҳузур-ҳаловат кўрди?* Газетадан. *Одам яшар замон юкин орқалаб, Серғалвароқ кечасидан буғуни. Э. Воҳидов, Муҳаббат.*

2 Кўп ғалва, жанжал қилаверадиган; жанжалкаш. *Серғалва одам.*

СЕРҲАРАКАТ 1 Доим ҳаракат қилиб турадиган, тиниб-тинчимас; тез ва чаққон ҳаракат қиладиган; ҳаракатчан. *Муқаддам сарғиш жингалак сочили, серҳаракат, хуш-чақчақ йигитни эслади. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулук сол. Нажмиддин Бухорий олтамиш ёшлардан ошган, паст бўйли, елкалари кенг, серҳаракат одам. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 Кўп ҳаракат талаб қиладиган. *Серҳаракат ўйинлар.*

СЕРҲАФСАЛА Ҳафсалали, ҳар бир ишни ҳафсала билан қиладиган, эринмайдиган. *Серҳафсала одам.* ■ *Саидқабар ҳожи қутини очди-ю, кўзи тиниб кетди. Унда чиндан ҳам завқли, серҳафсала устанинг мўъжизакор санъати ўзининг бутун жозибасини намойиш қилиб турарди: бу олтин узук эди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

СЕРҲАШАМ Ҳашами кўп, ҳашамдор; жуда ҳам ҳашаматли. *Серҳашам бинолар.* ■ *Улар қирған уй меҳмонхона бўлса керак. Ниҳоятда серҳашам эди. С. Аҳмад, Пойқадам.*

СЕРҲИҚМАТ Ҳиқматга бой. *Серҳиқмат мақоллар.*

СЕРҲИММАТ Жуда ҳимматли, саҳий. *Серҳиммат одам.*

СЕРҲОСИЛ Ҳосилдор, унумдор, кўп ҳосил берадиган, *Серҳосил ер. Серҳосил тупроқ.* ■ *Ўзбекистон деганда, поёнсиз пахтазорлар билан бирга серҳосил мевазорлар, полизу яйловлар кўз олдимишга келади. «Саодат».*

СЕСАРКА [р. цесарка < caesar — цезарь: Қадимги Римда бой, таниқли уруғ номи]: **сесарка товух** Товуқлар туркумига мансуб, куркасимон хонаки парранда.

СЕСКАНМОҚ Ташқи таъсирдан чўчиб ёки бирор нарсадан жирканиб сапчиб тушмоқ. *Сесканиб кетмоқ.* ■ *Тўйбека.. совух сув келтириб, Кумушнинг манглай ва кўксига сепган эди, сесканиб ўзига келди. А. Қодирий,*

Ўтган кунлар. [Зухраҳон] Эти сесканиб, бундай қараса, катта-катта чумолилар оёғида ўрмалаб юрибди. А. Муҳиддин, Куёв қочди.

СЕССИЯ [лот. sessio — мажлис, йиғилиш] **1** Иш, машғулоти даврий равишда амалга ошириладиган ваколатли органларнинг, суд ёки жамиятларнинг иш, йиғилиш ўтказадиган даври. *Қонунчилик палатасининг навбатдаги сессияси. Суднинг сайёр сессияси.*

2 Биржалар фаолиятининг ташкилий шакли: кун давомида савдо қилиш учун белгиланган қатъий вақт. *Сессиялардан олдин ёки кейин тузилган савдо битимлари ҳақиқий ҳисобланмайди ва рўйхатдан ўтказилмайди. «ЎЗМЭ».*

3 Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида: белгиланган вақтларда ўқув режасида кўзда тутилган имтиҳонларни топшириш даври. *Қишки сессия.* ■ *— Бу метод ҳозир бизга иш бермайди, — тушунтирди Зокир юмшаб. — Вақт зиқ. Группаларда муҳокама қилдиргуниimizча, сессия етиб келади. П. Қодиров, Уч илдиш.*

СЕТ [ингл. set] Теннис ўйинида одатдаги уч партиянинг ҳар бири. *Иккинчи сетда дедил ҳаракат қилган вакилларимиз ҳисобни тенглаштиришди. Газетадан.*

СЕТКА [р. сетка — кичкина тўр] **1** Ип, пластмасса ва б. дан тўқиладиган тўр халта. *[Хола] Қўлидаги сеткага нон, овқат, бир-икки бош узум солиб, йўл ўртасида бир студент йигитдан клиникага қандай боришни сўради. Мирмуҳсин, Умид. Биров ишга шошиляпти, биров бозордан келяпти, икки қўлида сетка. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.*

2 иқт. айн. жадвал. *Тариф сеткаси.*

СЕТОР [ф. سەتار — уч торли] Уч торли, чертиб чалинадиган, тамбурсимон мусиқа асбоби. *— Хонандалар сукутда, сеторлар ғилофда, — деди Андугоний. Мирмуҳсин, Меъмор.*

СЕШАНБА [ф. سهشنبه] Ҳафтанинг душанбадан кейинги, иккинчи куни. *Алқисса, таҳлил ҳафтада уч кун эрди: шанба, якшанба, душанба; аммо сешанба куни ҳар бир жамоанинг ўз олдига гаплари бор эрди. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

СЕЯЛКА [р. сеять — «экмоқ» с. дан ясалган от] қ. х. Уруғларни маълум чуқурликда бир текис экиш, экинларни ўғитлаш ишларига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги

машинаси. *Эртадан чигит эжмоқчи эдик, сеял-каларни тайёрлаб кўйяпман.* Ойдин, Келин ўғил туғибди. *Сеялалар чигитни майин тупроқли далаларда бир хил чуқурликда ташлаб кетади.* Газетадан.

СЕЯЛКАЧИ Сеялкада ишловчи, сеялка билан уруғ сепувчи деҳқон. *Сеялкачиларнинг қўли қўлага тегмайди, ҳозир улар билан суҳбатлашиш ҳам қийин.* Газетадан.

СЕХР [а. *سحر* — жозиб, фусункорлик; сеҳргарлик, афсун, жоду; жодугарлик] **1** Ғайритабиий кучлар, сеҳрли афсун ва дуолар ёрдамида мўъжиза яратувчи ҳаракат ва дуолар; афсун, жоду. *Девлар буни сезиб, сеҳр билан битта таёқни дуторга, қовун пўчоғини доирада айлантириб, мафтун қилувчи куй чалиб, қўшиқ айта бошлабдилар.* «Олтин бешик». *Ўғлингизнинг бу иши бежиз эмас: марғилонлик сеҳр қилдим, жоду қилдим, ҳайтовур, сиз шу йўсунда юра берсангиз, эрта-индин ўғилдан ажраласиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дейдиларки, сенинг кўзларинг Афсунгармиш, сеҳр этармиш.* Р. Парфи, Кўзлар.

2 кўчма Сўз ёки хатти-ҳаракатдан келиб чиқадиган мафтункорлик, фусункорлик, жозиб. *Куй сеҳрига берилмоқ.* ■ *Кўп захмат сўзида англаб етолдим Устоз Алишернинг буюк сеҳрини.* Э. Воҳидов. *Алимардон ўз овозининг сеҳри бутун тўйхонани ром этганини сезиб, завқ билан ашула айта бошлади.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

СЕХРБОЗ [а. + ф. *سحر باز*] кам қўлл. айн. сеҳргар.

СЕХРГАР **1** [а. + ф. *سحر گر* — сеҳр, жоду қилувчи, афсунгар, жодугар] **1** Сеҳр билан ўзи ёки бошқаларни ҳар хил қиёфага киритувчи; афсунгар, жодугар (эртак ва афсоналарда). *Чиройли йигит қиёфасига кириб олган сеҳргар Иблис, севгилимни қўлтиқлаб кетаётганини кўриб, ёниб кетдим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *У сеҳргар бир думалаб, чумчуқ қиёфасига кирдида, «пир» этиб учиб кетди.* «Олтин бешик».

2 кўчма Мафтун қилиб, ўзига боғлаб олувчи; фусункор. *Сеҳргар кўзлар.* *Сеҳргар қиз.* ■ *Радиодан дутор садоси таралар, сеҳргар куй Темиржоннинг қалбига кириб борар, унинг юзида маъсум латофат уйғотарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

СЕХРГАРЛИК **1** Сеҳр-жоду қилиш ҳунари, касби. *Афлотуннинг қизи отасининг*

сеҳргарлик-жодугарлик ҳунарини ўрганиб олган эди. «Луқмони ҳаким».

2 Халқ эътиқодига кўра, зиён етказиш ёки ундан халос қилиш, касалликларни тузатиш борасидаги мўъжизавий қобилият.

3 кўчма Кишининг эс-ҳушини олиб қўйиш; жозибалорлик, фусункорлик.

СЕХР-ЖОДУ Сеҳр ва жоду. *Сеҳр-жоду қилмоқ.*

СЕХРКОР айн. **сеҳргар** **2.** [Гулхайрининг] *Товуши майин, баҳор шабадасидай сеҳркор мавжланиб, тўппа-тўғри дилга қўйиларди гуё.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СЕХРЛАМОҚ **1** Сеҳр-жоду билан эс-ҳушини олиб, ўз измига бўйсундирмоқ (эртак ва афсоналарда). *Буларнинг ҳаммасини сеҳргар Иблис сеҳрлаб қўйди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

2 кўчма Эс-ҳушини олиб қўймоқ, мафтун қилмоқ, ўзига тортмоқ; ром этмоқ. *Уйнаётган йигит ўз санъати билан даврдагиларни сеҳрлаб қўйган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Лаълининг катта тим қора кўзлари йигитни сеҳрлаб қўйди.* Д. Нурий, Осмон устни.

СЕХРЛИ **1** Сеҳрлаш, мўъжиза яратиш хусусиятига эга, сеҳрловчи; сеҳрланган. *Сеҳрли таёқча* ■ *Шундай бўлгач, сеҳрли қалпоқчанинг ёрдамига муҳтожман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. — *Мен бир сеҳрли булоқ топдим, — деди йигит.* «Эртаклар».

2 кўчма Мафтун этувчи, мафтункор, фусункор, ўзига жалб этувчи. [Гулнор] *Бир ёз кечаси тўлин ойнинг сеҳрли нурида, мана шу тераклар остида йўлчини кутмаганмиди?* Ойбек, Танланган асарлар.

СЕХРЧИ айн. **сеҳргар** **1.** [Ўзбек ойм:] *Марғилонликнинг домласи сеҳрчи ҳинди эди, мен бўлсам бу ердан ҳинди домла топа олмадим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СИ **1** [лот. si] Мусиқада: муайян изчилликдаги товушқаторнинг еттинчи товуши ва унинг нота белгиси. *Музиқада еттита асосий товуш бор: до, ре, ми, фа, соль, ля, си.* И. Акбаров, Музика саводи.

СИ **II** [фр. si < Systeme Internationale — «халқаро тизим» бирикмасининг қисқартмаси] Халқаро бирликлар тизими — физик катталикларнинг асосий ва ҳосилавий ўлчов бирликлари тизимининг қисқача номи.

СИБИЗГА с.т. Найнинг бир тури; чўпон найи (қ. **най 3**). *Қамиш сибизга. Сибизга чалмоқ.* ■ *Мен ҳам қўлга олиб сибизга созим, Тўйинга шошарман элдан илгари.* Э. Воҳидов.

СИБИЗГАЧИ Сибизга чалувчи.

СИБИР [р. Сибирь — Россия Федерацияси ҳудудининг Осиё қисмидаги табиий ўлка]: **сибир қилмоқ** с. т. тар. Сибирга сургун қилмоқ. [Ҳоким:] *Йўқ, ҳукм қатъий. Фофир бир умр сибир қилинди!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

СИБИЗГА с.т. айн. Сибизга. *Ана, чўпон йигит яшил майсазорга ёнбошлаб, қамиш сивизғасини чалаётибди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

СИГАРА [фр. *sigare* < исп. *sigarro*] Чекиш учун найча шаклида тигиз, зич қилиб ўралган ва сирти елимланган тамаки барглари.

СИГАРЕТА, сигарет [фр. *cigarette* — кичик сигара] Бор бўйича тамаки тиқилган, муштуксиз, шунингдек, зарарли моддалар таъсирини камайтириш мақсадида махсус филтер билан таъминланган қоғоз найча. *Сигарета тутатмоқ. Филтрли сигарет.* ■ *Аҳмад коридорга чиқиб, чўнтагидан сигарет олиб тутатди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Солиҳ чекаётган сигаретасининг кулини қоқар экан, узилиб қолган гапни давом эттирди.* О. Мўминов, Хийбондаги уч учрашув.

СИГИР Бузоқлаган урғочи қорамол. *Говмиш сигир. Сигир соғмоқ. Сийлаганни сигир билмас.* Мақол. ■ *Ҳовли этагидаги оғилхона томондан сигирнинг пишилагани, алланиманинг тап-тап этиб ерга тушгани эшитилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Сигир йили Мучал йил ҳисобида иккинчи йил (қ. **мучал**). *Унинг йили — сигир.*

СИГИРХОНА Сигир турадиган жой, молхона, оғилхона. *Самин бобо ухладийёв деганда, Сайфи билан икки-уч бўлак кунжарани қўлтиқлаб, сигирхонамизга йўрғаладик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

СИГИРҚУЙРУҚ Бўйи 60–105 см, барглари бандси, меваси ва пояси тук билан қопланган, сариқ шингилсимон тўпгулли ўсимлик; бегона ўт (халқ табобатида жароҳатни даволашда ишлатилади). *Сигирқуйруқни [заҳарли бўлгани учун] мол емайди.* «ЎЗМЭ».

СИГНАЛ [нем. *Signal* < лот. *signum* — белги] 1 Бирор маълумот, буйруқ, хабар ва ш. к. ни яқин ёки узоқ масофага етказиш, кишиларни ўзига қаратиш, огоҳлантириш,

тартибга чақиритиш учун қўлланидиган шартли белги, ишора, товуш ва ш.к. *Светофор сигналлари. Товушли сигнал. Аниқ вақт сигнали. Машина сигнали. Сигнал чироқлари.* ■ *Шофёрнинг «Йўл очинглар» матносида бераётган сигнали бефойда эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Мансур ҳовли ўртасига етиши билан орқадан машина сенили эшитилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 *кўчма* Бирор ҳодисанинг олдини олувчи, у ҳақда огоҳлантирувчи, таъкидловчи хабар ёки белги, ишора. — *Шундай кўнглисиз аҳволлар тўғрисида сигналлар бўлганмиди? — Бўлган эди. Бу ерда ўртоқ Эргашевнинг хушёрлигига тан бериш керак.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Шундан буён икки ой ўтди, ҳали ҳам матбуот сигналига жавоб йўқ.* «Муштур».

СИГНАЛИЗАТОР Сигнализация уйсунаси ёки унинг сигнал берувчи қисми.

СИГНАЛИЗАЦИЯ [фр. *signalisation* — белгиларни масофага узатиш < *signum* — белги] Сигналлар системаси ва сигнал берувчи асбоблар, қурилмалар мажмуи. *Автоматик сигнализация. Сигнализация ва алоқа воситалари.* ■ [Сигнализация] *Вазифасига қараб, авариянинг олдини олиш, чақиритиш, буйруқ бериш, ўт ўчириш, қидириш, огоҳлантириш учун мўлжалланган сигнализацияларга бўлинади.* «ЎЗМЭ».

СИДЕРИК [лот. *sidus, sideris* — юлшуз; осмон ёритқичи]: **сидерик айланиш даври астр.** Сайёра, астероид ёки кометанинг Қуёш атрофида, табиий йўлдошнинг ўз сайёраси атрофида бир марта тўлиқ айланиб чиқиш даври (*таққосланг: синодик: синодик айланиш даври*).

Сидерик ой астр. Ойнинг Қуёш атрофида тўлиқ бир айланиш даври; *таққосланг: синодик: синодик ой.*

СИДИРИЛМОҚ Сидирмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. *Териси сидирилиб кетди.* ■ *У [Лолахон] енгини шимариб олган, кулча бетлари терга ботган, қизил рўмолчаси бошидан сидирилиб, узун соч ўрмига илашиб қолган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Гавдадан кўчган пўст, оёқдан ечилган пайпоқдек, илон гавдасидан сидирилиб тушади.* «Зоология».

Ичи сидирилиб кетмоқ Ичида ҳеч нарса қолмаслик, қорни очиб кетмоқ. *Кўк чой ичавериб, ичим сидирилиб кетди.*

СИДИРМОҚ 1 Қўл бармоқлари ёки кафтни босиб, бир томонга ҳаракатлан-

тирмоқ. *Эргаш қизарган юзини кафти билан сидириб қўйди.. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Раҳим Саидов титроқ қўллари билан соч толасини юз-кўзи аралаш сидириб, кичкина ёстиқча билан битта бўлиб ётган сочларига секин қўшиб қўйди. Ҳ. Умарбеков, Ёз ёмғири.*

2 Қўл бармоқлари билан тортиб ёки суриб туширмоқ, тозаламоқ. *Пайпоқни сидириб, тўпиққа туширмоқ. ■ - Ёмонликка яхшилик, — деди ўт ёнида дийдираб ўтирган Уббинияз соқолидаги лойни сидириб. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. - Ҳозир жуда қорним очди, — деди Турғунбой нешонасидан терларини сидираркан. Т. Ашуров. Оқ от.*

3 Артиб, қириб ёки кўчириб олиб ташламоқ. *Бу ерда.. майдоннинг ҳар бир қатлами сидириб олиниб, тақир ерда 500 машина сифадиган катта автобаза қурилаётган экан. С. Сиёев, Ёруғлик. Бўтабой ариқ четларидаги ўтларни кетмонлаб сидирди. С. Аҳмад, Ҳужм. «Овни нима қиламан!» деб ўйлади Ёдгор нон ушоқларини сидириб оларкан. Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

4 кўчма Олиб ташламоқ; холи қилмоқ; кетказмоқ. *Энг мусавфо хаёл бўлиб ишқ, Қиз қалбидан сидирди доғни. О. Ҳожиева. Кулги юраклардаги ғашликни сидирди. М. Исмоилтй, Бизнинг роман.*

Сидириб солмоқ Жеркиб бермоқ, койймоқ. *-Санобар билан бироз ҳазиллашдик, кулишдик. Ушанда унинг кеннойиси зарда билан уни чақириб, «йигит кишининг олдига ҳадеб ҳингиллайверасанми», деб сидириб солган эди, — деди Баҳром. М. Қориев, Ойдин кечалар. Юзини (ёки бетини) сидириб ташлаб Андиша қилмасдан, уятни йиғиштириб қўйиб.*

СИДИРҒА 1 Бир рангдаги, бир тусдаги; гулсиз, сийдам. *Сидирға духоба. Сидирға ранг. ■ Ёнидаги буш стул устида турган сидирға қора бахмал дўпписини олиб, тақир бошига кийди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Ялпи равишда, ёппасига, бир текис, узлуксиз равишда. *Мана, уч кечаю кундуз ҳавонинг қовоғи солиқ: қора ёғнинг тутунидай қоп-қора булут Асака билан Ўзган оралигини сидирға қоплаб олган. Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. Қор тоғда сидирға бўлмай, қатиқ тўқилгандай олачалпоқ. Шўҳрат, Жаннат қидирганлар.*

СИДИРҒАСИГА рвш. Ёппасига, ялписига, узлуксиз равишда. *Меваларни сидир-*

ғасига совуқ урибди. ■ - Сидирғасига ўқий-вер, бу нимаси, бизлар ҳам эшитайлик, шайтон қиз! — дейди Роҳат келинойи. Ойбек, Болалик.

СИДРА (фақат снқ. сонлар билан) 1 Марта, карра, бора. *Жабборов техникани яна бир сидра кўздан кечиршиш учун беш кун имконият борлигини айтди. Н. Ҳайитқулов, Ер тафти. - Бугун икки гектардан бир сидра теримда 38 центнер ҳосил кўтарибмиз, — деди бригадир. С. Акбарий, Чўлдаги парвоз.*

2 Одатда, бир бутунликни ташкил этувчи нарсаларнинг тўлиқ йиғмаси, тўплами. *Бир сидра кийим. ■ Бола-чақа маъмур. Егани олдига, емагани кетида. Кийим-кечакдан эса уч-тўрт сидрадан, — деди Нафас Йўлдошев. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

3 Айни бир пайтда; маълум муддатда; қачонлардир. *Бир сидра. Бир сидра шундай воқеалар ҳам бўлиб ўтган эди. ■ Кумушининг заҳарли муаммо мактуби бир сидра Отабекнинг кўз унгидан ўтиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

СИДҚ [a. صدق — ростлик, тўғрилиқ, самимийлик; ҳақиқат] Чинлик, ростлик, садоқат, содиқлик, самимийлик. *Мастура қилиб нолишни, Сидқ билан тўқди кўздан ёшни. «Эрали ва Шерали».*

СИДҚИ фольк. Рост, ҳақиқий; ростакмига, чин кўнгилдан, дилдан қилинадиган ёки айтиладиган. *Сидқи қасамлардан онт айтиб, ваздани қаттиқ қилиб дўст булди. «Муродхон». [Энаси ўғилларига:] Эна деган тилингдан мен, шўр бебахт, Сидқи йиғла, пирим келсин тезроқ. «Эрали ва Шерали». ..Энди сидқи сўрашайлик сиз билан, Ўз юртимда она-отам омонми? «Зулфизар билан Авазхон».*

СИДҚИДИЛ [a. + ф. صدق دل — кўнгил, қалб садоқати] рвш. Астойдил, чин юракдан; ҳақиқий. *Мана сен, ота-бобонг бизга сидқидил хизмат қилдинглар [деди Махсум]. С. Анорбоев, Оқсой. Сидқидил бирла қўлига ким они тутса агар, Мақсадига етказиб, кўнгил ризо қилди қалам. Ҳамза.*

СИДҚИДИЛДАН рвш. Чин дилдан, юракдан; астойдил; садоқат ва самимият билан. *Мен унинг бу ишларни сидқидилдан адо этаётганига, мамлакат учун астойдил қайғураётганига инондим. Ш. Холмирзаев, Қўл кўприк.*

СИДҚИДИЛЛИК Садоқатлилик, чин садоқат; самимийлик. *Сидқидиллик кўрсатмоқ. Сидқидиллик билан бажармоқ.* ■ У буюрган ишни сидқидиллик билан тез ва аниқ ўтайди. Шухрат, Шинелли йиллар.

СИЁ [ф. *سياء* — қора; қоралик] *с.т. айн. сиёҳ. Очилган ғунча гулидек, Сиё сочлари сунбулдек, Ширин овозли булбулдек Сиз ёрима мендин салом.* «Кўшиқлар».

Дили сиё. Боя сўкчак тагидан ўнмача ўлик қурт териб чиқди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Ноз-неъмат муҳайё бўлса-ю, дилинг сиё, руҳинг сунуқ бўлса, ҳаётда не лаззат бор?* М. Жўра, Изтироб.

СИЁСАТ [а. *سياست* — бошқариш; раҳбарлик қилиш, бошлаб бориш] 1 Давлат ҳокимияти шакллари аналга ошириш ва бошқариш; давлат ҳокимиятининг мамлакатни бошқарувда ва халқаро муносабатларда тутган йўли; давлатни бошқариш санъати. *Ички сиёсат. Ташқи сиёсат.* ■ *Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати янгича маъно ва мазмун касб эта бошлади.* «ЎЗМЭ». *Бу кунги шароит тажрибали хонни бошқача сиёсат ушлашга мажбур этди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *кўчма* Ҳийла-найрангга асосланган, йўлига қилинган иш, хатти-ҳаракат; устмонлик. *Шу жойда раиснинг обрўси сал дарз кетибди. У ўзининг бийлигини сиёсат билан ўтказмоқчи бўлган экан-у, бўлмабди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Деҳқон, қосиб халқи нотинчланиб қолди: албатта, уларнинг болалари кетади-да, фармонда мардикор дейилган, аммо, Салим ака, менимча, бу нарса бир сиёсат, бир алдов бўлса керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *с. т.* Дўқ, пўписа, кўрқитув. [*Навий:*] *Таҳдид ва сиёсат эмас, меҳрибонлик даркор.* Ойбек, Навоий. [*Беклар:*] *Сиёсат учун битта ифвогарнинг бошини кестирмоқ зарур!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳа, одамлар айтар эди, Азроил жон оладиган бўлганда, шундай сиёсат билан, ҳайбат билан келади, деб.* «Муродхон».

СИЁСАТБОЗ [а. + ф. *سياستباز* — қуруқ сиёсатчи] Сиёсатбозликни яхши кўрадиган, қуруқ сиёсат билан иш кўрадиган. *Сиёсатбоз кишилар.*

СИЁСАТБОЗЛИК Қуруқ сиёсат билан иш тутиш, сиёсат сўқиш, сафсатабозлик. *Сиёсатбозлик қилиш.*

СИЁСАТДОН [а. + ф. *سياستدان* — сиёсатни биладиган, тушунадиган] Сиёсат билан шуғулланадиган, сиёсатни яхши биладиган, тушунадиган; сиёсатчи. *Сиёсатдон одам.* ■ *Сиз, айтайлик, хорижий мамлакат билан музокара олиб борадиган дипломат ёки сиёсатдонсиз.* «Фан ва турмуш». *Хуллас, атоқли шоир, сиёсатдон, бастакор ва таржимон Комил ижоди.. адабиётимиз тарихидан мустақкам ўрин эгаллаган.* «ЎТА».

СИЁСАТЛИ Гапи ўткир, гапини ўткази оладиган, ҳайбатли, ўз салобати, теран фикри, қаттиққўллиги билан кишиларни ҳайқитирадиган. *Сиёсатли бошиқ.* ■ *Бир ҳайбатли, сиёсатли нарсалар экан. Булар билан олишиб бўлмаса керак.* «Ёдгор».

СИЁСАТЧИ Сиёсат билан шуғулланувчи, сиёсатдон, сиёсат арбоби. *Сиёсатчилар нега сиёсий партиялар фаолияти ҳақида фикр билдирмаяптилар?* Газетадан.

СИЁСАТШУНОС [сиёсат + ф. *شناس* — ўрганувчи, текширувчи] *айн. сиёсатдон. Сиёсатшуносларнинг фикрига қараганда, эфир доирасида берилган вақт давомида Януковичнинг.. нисбатан бироз устунлиги сезилган.* Газетадан.

СИЁСИЙ [а. *سياسي* — сиёсатга, дипломатияга доир] 1 Сиёсатга оид, сиёсат билан боғлиқ бўлган, сиёсат соҳасидаги. *Сиёсий масала. Сиёсий партия. Сиёсий шарҳловчи.* ■ *Мустақил Ўзбекистон сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди.* «Мустақиллик» лугати.

2 Давлатга, давлатчиликка ва фуқаролик ҳақ-ҳуқуқига оид. *Сиёсий тузум. Сиёсий ҳуқуқ.* ■ *Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тузуми 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси, шу асосда қабул қилинган конституциявий қонунлар ҳамда бошқа расмий ҳужжатлар билан белгиланган.* «Мустақиллик» лугати.

Сиёсий харита Дунёнинг, қитъаларнинг давлатларга бўлинишини, давлатлар ёки уларнинг айрим қисмларининг ҳозирги кундаги сиёсий-маъмурий тузилишини кўрсатувчи харита. *Дунёнинг сиёсий харитаси.* ■ *Европа сиёсий харитасида Могилов шаҳри*

кичик бир нуқта бўлиб кўринди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СИЁҚ [а. سباق — оқим, жараён, бирор нарсанинг бориши, давом этиши; матн парчаси] (3-шахс бирл. **сиёқ** ва **сиёғи**) 1 Авзо, афт-ангор, турқ, кўриниш. *Ҳавонинг сиёқи бузук.* ■ *Уғил ҳам отага шунча ўхшарми, Кўзингда, сўзингда отанг сиёқи.* О. Ҳакимов. Достонлар. *Чапдастлиги учар қушни олгудек, Сиёқдан йўлбарсга чанг солгудек.* Я. Қурбон. *Энажон, сўрама қайғу ҳам доғим, Ғам билан сарғайди гулдай сиёғим.* «Равшан».

2 Ҳолат, аҳвол, феъл-атвор. *Гўёки Собировнинг «ўғри» деб қилган ҳақоратига чидаманг сиёқда гузарга чиқиб, бақариб-чақирди.* А. Қодирий. *Обид кетмон.* — [Кумушининг] *Кундошликка чидайдиган сиёқи йўқ, ҳар кун Зайнабингиз билан ғиди-биди қилавериш, сизни қийнаб кўярмикан дейман, — деди Отабек.* А. Қодирий, Ўлган кунлар. [Йўлдошвойнинг] *Сиёқидан зўр генерал бўлишини фаҳмлаб турибман.* Ҳ. Ғулум, Тошкентликлар.

3 Мазмун, маъно. [Тошмурод:] *Ғапининг сиёғига қараганда, Йўлдош қизини сенга келинликка беришга рози.* Газетадан.

СИЁҲ [ф. سياه — қора; қоронғилик; бахтсиз, ғамгин] 1 сф.т. *поэт.* Қора, қора рангли. *Кўзимга кўйибман сиёҳ сурмани, Жоним отам, севганимга бер мани.* «Кўшиқлар». *Қор кетди заминда, Бўртди илк гиёҳ, Қоронғи, сиёҳ тунда Шам ёнди гўё.* Х. Даврон.

2 *от кўчма* Хат ёзиш учун ишлатиладиган рангли суюқлик. *Қора сиёҳ. Қизил сиёҳ. Сиёҳ билан ёзилган хат.* ■ *Ой чиқди: сербулат осмон худди сиёҳ сачраган зангори кўйлакка ўхшарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Дяли сиёҳ с.т. айн. дяли сиё қ. сиё. *Ҳайдар Ғуломович ҳам уйига дили сиёҳ бир ҳолатда қайтди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Олчинбеkning бу аянчли аҳвали Шаҳзоданинг дилини сиёҳ қилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Рўйи сиёҳ* Юзи қора, қора юзли. *Рўйи сиёҳ бўлдиқ ушбу шаҳарга, Бошимиз кесади, осади дорга.* «Эрали ва Шерали».

СИЁҲ II эск. айн. **сиёқ**, *Ҳавонинг авзойи бузук, ёғадиган сиёқи бор.* ■ [Олимовнинг] *Шу зехни, ғайрати турса, келгусида агроном бўлиш сиёқи бор.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. [Зикриё қори:] *Пулат деган шу бўлади,*

тақсир. Бунинг икки дунёда ҳам эл бўладиган сиёқи йўқ. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

СИЁҲДОН [ф. سياهدان — сиёҳ илтиши] *тар.* *Сиёҳ кўйиб кўйиладиган идишча, ёзув-чи-зув асбоби, довот.* *Шиша сиёҳдон.* ■ *Столи устида қоғозу қалам, Сиёҳда тўладир сиёҳдони ҳам.* Ж. Жабборов. *Сиёҳдон, азизим, қаро кўзлим, Қаро тунлар аро ёриган кўзгу.* Ғ. Ғулум.

СИЗ (кш. олм. 2-ш. кўпл.) 1 Ўзидан катта кишининг ёки ҳурмат билдириладиган шахснинг номи ўрнида қўлланувчи сўз (тингловчига нисбатан). *Бу сизнинг китобингизми?* ■ [Оқсол:] *Қимирламанг, отахон! Сиз келганда, биз турсак ярашади, биз келганда, сиз турсангиз, хунук кўринади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. [Меъмор:] *Майманадаги Ҳорун бўзчи — сиз бўласизми?* Мирмуҳсин, Меъмор. — *Акрам ака! — қизнинг овозида гина аралаш илтижо бор эди. — Сиз мени тушунишни ҳам хоҳламайсиз!* Газетадан.

2 Кўпчиликка қилинган мурожаатда қўлланади. *Мана, Назира хола ҳам, Шаҳодат хола ҳам келишди. Яхши бўлди. Ўзим ҳам сизларни йиғиб, икки оғиз гаплашмоқчи эдим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. — *Сизлар ким бўласиз? — деди Чули бобо. — Мана бу йигит бек ҳазратларининг инилари, — деди Меъмор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СИЗЛАМОҚ Ўзидан каттага ёки бирор одамга ҳурмат юзасидан «сиз» деб мурожаат этмоқ. *Сизлаб гапирмоқ.* ■ *Акрамхон ундан жавоб мушти кутиб, жангга ҳозирланган чоқда даъвогар энди ғазаб билан эмас, ҳазил билан ва сизлаб жавоб қилди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

СИЗЛОВУҚ айн. **сизлогич**. У [Ҳасан] худди бўйнига сизловуқ чиққандай, калласини бир ёнга қийшайтириб, афтини бужмай-тириб, салом-аликсиз тўғри тўрга ўтаверди. С. Сиёев, Аваз.

СИЗЛОҒИЧ Тук, соч халтачаси оғзининг йирингли яллиғланиши; фолликулит. *Сизлогичнинг олдини олишда тери тозалигига алоҳида эътибор бериш айниқса муҳим.* «ЎЗМЭ».

СИЗМОҚ 1 Бирор нарса орқали ёки унинг орасидан аста-секин ёки томчилаб ўтмоқ. *Молхона томининг бўғотидан сизиб тушаётган йирик-йирик томчилар ора-чора ярақларди.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. [Собирнинг] *Лабларининг четидан шўртане*

томчилар сизиб кирди. М. Мансуров, Ёмби. Ориф ака тош тагидан сизиб чиққан бир чашмадан ётиб сув ичди. А. Мухтор, Чинор.

2 **кўчма** Аста-секинлик билан, оҳиста. Янгроқ куй юракка сизиб кириб, гўё сизни анвои зуллар чаманзорига етаклагандек бўлади. Газетадан. Нусратбекнинг кўнглидан: «Гулхайри бирон жойга кетсайди», деган истак сизиб ўтди. С. Нуров, Нарвон.

СИЗОТ, **сизот сув** Ер остидан сизиб чиқадиган сув, зах суви. Сизот оқар зовурлардан, Отилади шағал ва қум. Миртемир. Зовурни қўлча чуқур олсангиз, сизот сув шунча тез йўқолади. Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамон пахтакор.

СИЗСИРАМОҚ айн. сизламоқ. Ўзидан катталарни сизсирамоқ. ■ **Ҳожи.. хотинини сизсираб:** -Сиз икки келин ушлашни билмабсиз, Зайнабга жабр қилган кўринасиз.. — дер эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СИЗФИМОҚ шв. айн. сизмоқ 1, 2. Майин ел чўққиларни қучиб ётган қор нафасини олиб келади; музликдан сизғиб тушаётган сув шилдираб оқади. Й. Шамшаров, Тошқин. Ток барглари орасидан сизғиб ўтган тангадек офтоб нурида олтиндек товланиб турган антиқа беҳиларга меҳмоннинг кўзи тушиб, завқланди. М. Хайруллаев, Алёр.

СИЙДАМ шв. Сидирга, бир тусдаги; гулсиз. Бу — инглиз ҳарбий либоси устидан сийдам беқасам тўн кийган 35 ёшлар чамасидаги киши эди. С. Азимов, Оппоқ тонг қушиғи. Ўрта ёшлардаги, сийдам зангор бахмал дўппи кийган бир киши гапга аралашди. С. Абдулла, Таниш башаралар.

СИЙДИК 1 Буйрак орқали ажралиб чиқадиган ва таносил аъзолари орқали ташқарига чиқариб ташланадиган суюқлик; пешоб. Сийдик пуфаги (қовуқ). Сийдик йўллари. Сийдик тутилиши. ■ **Организмдан сийдик билан бирга сув, тузлар ва бошқа чиқиндилар, шунингдек, организмга кирган ёки унинг ўзида ҳосил бўлган турли захарли моддалар чиқиб кетади.** «ЎЗМЭ».

2 с.т. Пушт, насл; сперма, манйи. Ўз сийдигидан бўлган бола. ■ **Мен сенларнинг амирингизга қўшилмадим-у, унинг сийдигидан бўлган сенларга қўшиламанми?** С. Айний, Куллар.

СИЙЛАМОҚ 1 Ҳурматини бажо келтирмоқ, иззат-икром қилмоқ, эъозламоқ. Отасини сийлаганни боласи сийламас. Ма-

қол. ■ **[Ўзбек ойим:] Ҳали қудаларимизни муддаодагидек сийлай олганимиз йўқ, шу ҳолда жўнатасак, бизнинг шаънимизга яхши эмас.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қадрига етмоқ, ҳурматламоқ. Эр — сийлаган ерда азиз. Мақол. ■ **Сийланган жойида азиздир инсон.** А. Орипов.

3 Меҳмон қилмоқ, зиёфат қилмоқ; қўллаб юбормоқ (асосан, билан сўзи билан биргаликда). Умид Ҳафизани эскимо ва ширин данак билан сийлади. Мирмуҳсин, Умид. Овқатдан кейин бобо меҳмонларни қимиз билан сийлади. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Сарихон [подшоҳи] катта ўтовларга тушириб, элини йиғиб, қўйни сўйиб, зиёфат қилиб, сийлай берди. «Ойсулув».

4 с.т. Савдо-сотикда ҳурмат юзасидан ортиқроқ, оғирроқ, яхшироқ қилиб бермоқ ёки камроқ ҳақ олмоқ. Сизга беш сўм сийладим. Ун килограмм ҳамма қатори, беш килограмм сизга сийладим. ■ **Одалар, ҳеч бўлмаса икки-уч тупдан сийланг, деб яли-наверди.** Ҳ. Назир, Бир туп гўза.

СИЙЛИ шв. Сийланган; иззат-икромли, эътиборли, обрўли. Ҳақиқат сўзласа сизга Аҳмадхон, Сийли ердан келган экан бу меҳмон. «Зулфизар билан Авазхон». [Авазхон:] Бориб Хидиройга меҳмон бўлайлик, Тургин, ойим, сийли жойга борайлик. «Зулфизар билан Авазхон».

СИЙЛОВ 1 Сийламоқ фл. ҳар н.

2 Сийлаб, ҳурмат қилиб бериладиган нарса, совға, туҳфа. Унинг эғнида Дурди қилич берган сарпо — ипак чопон, киссасида «бу биздан сийлов», деб Дурди қилич инъом этган тангалар шарақлайди. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Савдода хариднинг ортиқроқ, оғирроқ, яхшироқ қилиб берилган ёки ҳақнинг камроқ олинган қисми. Оғири сизга сийлов. Сийлови билан тортиб бермоқ.

Ўзингга сийлов (бўлсин) кест. Ўзингга буюрсин (яъни менга, бизга кераги йўқ). Маслаҳатинг ўзингга сийлов. ■ **[Асад:] Жўхори-пўхорингиз уста бувам билан ўзингизга сийлов.** Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

СИЙМ [ф. سيم — кумуш, нуқра] поэт. Кумуш. Ҳўжасида бўлса ҳам қанча-қанча сийму зар, Қаранги, жулдур кийган Эзон мангу қолибди. А. Орипов.

СИЙМБАР [ф. سيمبر — оқбадан, гўзал, зебо] Оппоқ, нозик баданли. Қайрилиб боқди

қиё ул сиймбар, қайрилма қош, Мен ҳамон урмоқда эрдим тўлғона тошларга бош. Газетадан.

СИЙМИН [ф. *سيمين* — кумуш каби, оппоқ] *поэт.* Кумушранг, кумушга ўхшаш. *Қудда моҳ аста кезар, сочар хомуш Борлиқ узра сиймин ҳал.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

СИЙМО [а. *سيماء* — юз, чеҳра; белги, аломат, қиёфа] *кт.* I Шахс, зот. *Улуғ сиймо.* ■ [Қосимбек:] *Мовароуннаҳрдаги темурийлар орасида энг соҳибистеъдод, соҳибқудрат сиймо — Бобур мирзодирлар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Шоир ва академик Фафур Фулом шеърятда ўзига хос, мисли йўқ сиймолардан биридри.* «Саодат».

2 Қиёфа, кўриниш; чеҳра, юз. *Улуғвор сиймо. Ғузал сиймо.* ■ *Бизга ғоят азиз, ғоят мўътабар Шифокорнинг илиқ сиймоси.* Э. Воҳидов. — *Унинг [қизнинг] сиймосида мен ҳаёт ғузаллигини кўрдим. Табиат бунёд этган ноёб гул эди у, — деди Самар.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Қундузхон бундан икки йил аввал йўқотган онасининг меҳрибон, мунис сиймосини қидиради.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 Бирор шахс образи. *Уйчан мисраларда таржимон Маргаританинг изтироб тўла сиймосини усталик билан тасвирлайди.* «ЎТА».

СИЙМОҚ Қовуқни бўшатмоқ, ёзилмоқ. *Эрим урмайди дема, Болам сиймайди дема.* Мақол. ■ *Отлиқ отини тўхтатиб, ундан тушиди, от сийганда, ундан узоқлашиб турди.* С. Айний, Қуллар.

Билиб туриб, сувга сиймоқ Билиб туриб, ноҳўя ёки номақбул иш қилмоқ; гуноҳ қилмоқ (ота-боболар эътиқодига кўра, сувга сийиш катта гуноҳ ҳисобланган).

СИЙМТАН *айн.* сиймбар.

СИЙНА [ф. *سينه* — кўкрак, кўкс; кўкрак қафаси; қалб, дил] *кт. поэт.* I Кўкрак, кўкс. *Эслаганда, қизнинг сийнаси Чуқур бир оҳ билан қўзғалур.* Ҳ. Олимжон. *Мирқосимнинг қўлидаги чақалоқ бирдан йиғлаб юборди. Лағли уни қўлига олиб, бағрига босди-да, лорсиллаб турган оппоқ сийнасини тутди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Ханжарнинг тиғи унинг [Шаҳзода-хоннинг] сийнасини бир неча бор ялаб ўтди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *кўчма* Дил, қалб, юрак. *Булбул учиб, қўнар зоғлар, Сийнам тўла алам-доғлар.* «Эрали ва Шерали». *Неча вақтлар қўлим*

боғли, Банди бўлиб, сийнам доғли. «Юсуф ва Аҳмад».

3 *кўчма* Кучоқ, бағир; оғуш. *Булоқ она Ер сийнасида Шейр сингари қайнаб оқади.* Э. Воҳидов. *Сенинг учун очиқдир кенг жаҳоннинг сийнаси.* Ф. Фулом.

СИЙНАБАНД [ф. *سینه بند* — кўкракпеч, ошхўрак; бюстгальтер, лифчик] Аёлларнинг ички кийими; лифчик. *У сийнабандидан рў-молчага ўроғлиқ алланарса чиқариб, эрининг олдига ташлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СИЙПАЛАМОҚ I Силамоқ, силаб эрка-ламоқ. *Мен унинг узун, нозик бармоқларига қарадим-у: «Насиб қилса, бир куни мана шу бармоқларни сийпалаб, тилла узук тақаман», деб қўйдим ичимда.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ушлаб, силаб кўрмоқ, силаб текширмоқ, пайпасламоқ. *Давлатёрни чамадоннинг ялтироқ жезлари жуда қизиқтирди. Уларни қўллари билан сийпалаб кўриб: — Бу папкани ҳужумат берганми ё сотиб олганмисиз? — деб сўради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма айн.* сийпамақ 2 (шабада, шамол ҳақида). *Кўм-кўк ўтзорлар ичидан ёқимли шабада эсди-ю, қиз билан йигитнинг юзларини сийпалади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Баҳор шабадаси юзни сийпалаб, кўжатларнинг ҳидини димоққа уради.* Ҳ. Нухмон, Фасллар.

4 *кўчма* Яширишга, юмшатишга, билдирмасликка уринмоқ; хаспўшламоқ. *Хуришданинг илжайиб, сийпалаб гапиришида қандайдир сир бор эди.* Д. Нурий, Осмон устун.

СИЙПАМОҚ I Қўл кафти билан силамоқ. *Силаганни сизир билмас, сийпаганни — ҳўкиз.* Мақол. ■ *Дуодан сўнг барча юз сийпади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..эшон аллақандай бир дуони ўқиб, соқолини сийпади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Оҳиста, майин урилиб, тегиб ўтмоқ (шамол, шабада ҳақида). *Майин шабада столдаги расмларни сийпаб, уларга жон киргизгандай бўлди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Азим теракларнинг шохлари оралиғидан ой мўралади, унинг яланғоч тўшини куз ели сийпаб ўтди.* Й. Шамшаров, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Гап-сўз, муомала билан вазиятни юмшатмоқ. *Сийлагани пул топмасанг, Сийпагани тилинг бор.* Мақол.

СИЙРА [а. *سيره* — таржимаи ҳол, турмуш тарзи; тарих] *дин.* Муҳаммад пайғамбар ҳаёт йўлини баён қилишга бағишланган, илк

ислом даврида яратилган диний-тарихий асарларнинг умумий номи.

СИЙРАК I Туки кам, қалин, қуюқ эмас. *Сийрак соқол. Сийрак соч.* ■ *Мўмин ака пешонасини тириштирди, сийрак бароқ қошлари бир-бирига туташди.* О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси. *Исфандиёр пинагини бузмади. Сийрак мурти бир учиб қўйди, холос.* С. Сиёев, Аваз.

2 Кўп эмас, кам; онда-сонда. *Чойхонада одам сийрак эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Бугун майдондаги арчалар кўзимга аввалгидан сийрак, катта кўриняпти.* Ҳ. Назир, Сўнмас чироқлар. *Бу оилада.. ҳар кун ширин-ширин овқатлар тайёрланади. Аммо меҳмон сийрак бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Кўзи, тешиклари катта-катта. *Сийрак тур. Сийрак элак кунда керак, Пахта элак ҳайитда керак.* Мақол.

4 Арқоқ-ўришларининг оралари очиқ-очиқ қилиб тўқилган. *Сийрак дока.*

5 Унчалик зич бўлмаган, сийраклашган (газ, ҳаво ва ш.к. ҳақида). *Сийрак булут.* ■ *Бу ер бўлса денгиз сатҳидан икки-уч минг метр баланд, ҳаво анча сийрак.* С. Анорбоев, Оқсой.

6 Кам учрайдиган, онда-сонда бўладиган. *Сийрак ҳодиса.* ■ *Учадиган чироқ ёниб ўчади, мақоли каби Туркистон хонларида сийрак кўрилган бу мамуриятпарварлик бизга қолса шу омиллардан туғилган ва бунда самимий ҳеч нарса йўқ.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СИЙРАКЛАШМОҚ I Сийрак бўлиб, озайиб қолмоқ. *Кўкдаги юлдузлар ойнинг ўткир шуъласида эригандай сийраклаша бошладилар.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Камаймоқ, озаймоқ. *Кўчадаги қатнов сийраклашиб, қоронғи туша бошлади.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Бирпасда перронда одамлар сийраклашиб қолди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Кенгайиб ёки маълум ҳажмдаги миқдори камайиб, салмоғини йўқотмоқ, сийракланмоқ (газ, ҳаво ҳақида). *Юқорига кўтарилган сари ҳаво сийраклашади.*

СИЙРАКЛИК Зич, тигиз эмаслик; камлик, кўп эмаслик. *Қўчатларнинг сийраклиги.* ■ *У ҳаяжонлана бошлаганидан ва ҳавонинг бу ерда сийраклигидан юраги гупиллаб урди.* С. Кароматов, Олтин қум.

СИЙРАТ [*а. سيرت* – таржимаи ҳол, турмуш тарзи; обрў, эътибор, тарих, умр йўли] *кт.* Ички олам; руҳият. *Одамнинг суратиغا қарама, сийратиغا қара.* Мақол. ■ *Хуллас, сурат бор-у, сийрат йўқ. Сийратсиз тана ўлик эмасми?* С. Сиёев, Ёруғлик.

СИЙҚА I Ишқаланавериб, суртилавериб сайқал топган ёки едирилиб теп-текис бўлган, сип-силлиқ. *Сийқа тош. Сийқа чақа.* ■ *Бу кун ҳам қуёш, худди совқотаётгандек, осмонда бир муддат сийқа танга каби хира ялтираб, кўздан йўқолди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Бировлар савдо-сотиқ ёки харж билан овора бўлса, бировлар чўнтаклариди сийқа чақаси йўқ, бозор расталарида гаранг судралади.* Ойбек, Танланган асарлар.

Сийқа бош 1) сочлари тўкилиб кетган, кал бош; 2) кал одам.

2 *кўчма* Кўп қўлланган, ишлатилавериб кўнгилга урган, меъдага теккан (гап, сўз, ибора ва ш. к.) *Сийқа гап.* ■ *-Подшоҳнинг амри вожиб, – деди аллома, сийқа, эски гапни ишлатишга мажбур бўлиб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Сийқаси чиққан Сийқаланиб кетган, кўп чайналган, (ишлатилавериб) кўнгилга урган, эскирган. *..улар [ишни орқага судровчилар] уялмай-нетмай.. сийқаси чиқиб кетган «бажарамиз»ларини такрор-такрор айтишади.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

3 *кўчма* Фоя, мазмун ва бадиийлик жиҳатидан юзаки, саёз. *Сийқа фикр. Сийқа асар.* ■ *Сотиболдиевнинг баҳслашиши ҳам алланечук сийқа, бачкана эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

СИЙҚАЛАМОҚ Бирор предметни (тошга, темирга) ишқалаб ёки згов ва ш.к. билан сайқал бериб силиқламоқ. *Фиштни сийқаламоқ. Тезоқар сувлар ҳатто тошларни сийқалаб юборади.*

СИЙҚАЛАНМОҚ I Сийқаламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Сийқаланган тош. Сийқаланиб кетган муҳр. Сийқаланган танга.* ■ *[Равшан бобо] Сийқаланган қабр тошини қўли билан силади.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 *кўчма* Кўп ишлатилаверишдан, такрорлайверишдан сийқаси чиқмоқ, кўнгилга, меъдага урмоқ, эскирмоқ. *Сийқаланган ибора.*

СИЙҚАЛАШМОҚ I Сийқа, силлиқ бўла бормоқ, силиқлашмоқ.

2 кўчма Мазмуний ёки бадий жиҳатдан саёзлашмоқ; кўп қўлланиб меъдага урмоқ, жонга тегмоқ. *Бора-бора Қорача Ҳожибнинг ҳазиллари сийқалашиб, ҳамманинг энсасини қотира бошлади.* М. Осим, Ўтрор.

СИЙҚАЛИК Сийқа хусусиятига, хос-сасига эгалик. *Тошнинг сийқалиги. Асарнинг сийқалиги.* ■ *Умуман, адабиёт фани ўқи-тилганда, сийқаликдан қочиб керак.* Газетадан.

СИЙҒОҚ Кўп сийдиган, қовуғи бўш, беихтиёр сийиб қўядиган. *Сийғоқ бола.*

СИЙҒОҚЛИК Қовуғи бўшлик, беихтиёр сийиб қўйиш, сийдикни тута олмаслик. *Тунги сийғоқлик — уйқуда беихтиёр сийиб қўйиш, асосан, ёш болаларда учрайди.* «ЎЗМЭ».

СИЛ [a. سَل — туберкулёз] 1 Турли аъзолар, асосан, ўпкада ўзига хос яллиғланиш билан кечадиган сурункали юкумли касаллик; туберкулёз. *Ўпка сили. Суяк сили. Сил шифохонаси.* ■ *Тамаки тутунини таркибидая захарли моддалар турли хил ўпка хасталиклари — бронхит, сил, рак касалликларига олиб келиши мумкин.* Газетадан. *Сут ўпка яраси ва силга қарши ишлатиладиган халқ дори-дармонидир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

Сил бўлмоқ 1) сил касалига йўлиқмоқ; 2) кўчма с. т. жуда сиқилмоқ, зерикиб, қон бўлиб кетмоқ. [Фотима ўз-ўзига:] *Ҳеч бир киши билан сўзлашмасдан, сил бўлишга яқин келдим.* Ҳамза, Тўхматчилар жазоси. **Сил касали** (ёки касаллиги) *айн. сил. Сил қилмоқ* 1) сил касалига йўлиқтирмақ; 2) кўчма с. т. юрагини сиқавериб, тоқатини тоқ қилиб юбормоқ. *Сил қилиб юбормоқ.* ■ *Пошшахоннинг жаҳлига теккан яна бир нарса — Султонхоннинг бепарволиги! Шу бепарволик, шу ўйнаб-қулиб юришлар Пошшахонни сил қилади, сил!* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Юрагимда қабохат армон бўлди, Бунинг захматлари мени сил қилди.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Шу касал билан оғриган бемор. *Силларни даволамоқ. Силларни изоляция қилмоқ.*

СИЛА I рвш. Идишинг чети, лаби, оғзи билан баравар қилиб. *Косани сила қилиб тўлдирмоқ. Ошга сила уч пиёла гуруч солмоқ.*

СИЛА II Олабуға балиқлар оиласига мансуб, денгиз, дарё ва кўлларда яшайдиган, овланадиган балиқ.

СИЛАБ-СИЙПАБ рвш. 1 Бирор нарса устидан, юзасидан қўлни аста юргизиб,

силаб. *Бир хаёли унинг ёнига боргиси, тиззаси устида тураан қўлини силаб-сийпаб, кечирим сўрагиси келди.* «Ёшлик». *Ошпаз қадрдонинг қоқсуяк елкаларини силаб-сийпаб кўришар экан: -Ранжитганим учун кечир, бу гал мандан ўтди, ўртоқ, — деди овози қалтираброк.* «Ёшлик».

2 Силлиқлаб, пардоз-андоз қилиб, у ёқбу ёғини тўғрилаб. *-Кийимларимни кийиб, ўзимни силаб-сийпаб бинойидай бўлиб, бозор томон жўнадим, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

3 кўчма Енгил, оҳиста тегиб, уфуриб. *Енгилгина шўх еллар, Қанот силкиб учади. Силаб-сийпаб юзларимни, Буйларимдан қучади.* Т. Тула.

4 Силаб ва сийпаб, эркалатиб, ардоқлаб. *Болани силаб-сийпаб эркалатмоқ.*

5 Алдаб-сулдаб, йўлини қилиб. *Материал йўқ. Ҳатто мухтарам сайёҳ учун ҳам материал тополмай, жума кунини келинг, деб силаб-сийпаб жўнатганимни кўрдингиз-ку!* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

СИЛАМА: силама сандиқ Мол-дунё билан лиммо-лим тўлдирилган сандиқ; сандиқ тўла. *Силама сандиқ мол.*

СИЛАМОҚ I Устидан кафт юргизмоқ, сийпамоқ. *Дарға оппоқ соқолин силаб, Қараб қолди бўлиб паришон.* Э. Раҳим. *Инобат, худди бўғлиб кетаётгандай, рўмолини ечиб, томоғини силади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Устидан қўлини астагина юргизиб, сийпаб эркалатмоқ. *Фуломжон отхонага кириб, тўқилган бедаларни охурга териб солди, қоронғида ҳам саманинг пешонасини силаб, суйиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўчма Майин, оҳиста тегмоқ (шамол, ел, шабада ҳақида). *Ариқлар бўйида майсалар шивирлашарди, шабада қирмизи юзларни силаб, қўшиқ куйларди.* Газетадан. *Майин эсаётган шамол.. дарахтлар соясида югуриб бораётган Саодатнинг юзини, сочларини силаб утади.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

Бошини (ёки пешонасини) силамоқ қ. бош. *Нодира онаси ўрнида Анварнинг бошини силади, ювиб-таради ва Анварнинг истиқболи учун қайгурди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Нон (ёки пахта) силамоқ этн.** Даволаш мақсадида танадаги оғриқ жой устидан нон ёки пахтани босиб-босиб қўймоқ, айлантирмақ, сийпамоқ.

СИЛЕН бот. Чўлда ўсадиган ва қумни яхши ушлайдиган кўп йиллик бошоқли ўт.

СИЛЖИМОҚ 1 Жойидан кўзгалмоқ, сурилмоқ. *Нарироқ силжимоқ.* ■ *Ҳозир Криловнинг машҳур масали эсимга тушиди: оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа аравани уч тарафга тортади-ю, арава ҳеч силжимайди.* «Шарқ юлдузи». [Бўлим мудури] Шундай кўлдики, юпқа гардишли кўзойнаги силжиб кетди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

2 *кўчма* Кетмоқ, жўнаб кетмоқ. [Офтоб ойм:] Янглишяпсиз, ойи! – [Ўзбек ойм:] Янглишсам, янглишмасам, Кумуш бу уйдан силжимайди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 Бир тарафга қараб ҳаракатланмоқ, илгариламоқ. *Поезд жанубга қараб силжиб эди.* Газетадан. *Эримбет чўккалаганича, эшик томонга силжиди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Туманлар силжийди мисли оқ уюр, Парчин булутлари ўтлоқлар бедор.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

4 Сизиб ўтмоқ, сизмоқ, сизғимоқ. *Шиндан сув силжиб томчиламоқда.* ■ *Қалин ток барглари орасидан силжиган қуёш нурлари унинг юзидан, сочларида товланиб ўйнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўчма* Ривожланмоқ, илгари босмоқ. *Таржима назарияси сўнги даврда жиддий тарзда олдинга силжиди.* Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш. *Шу тарзда ишлар жуда секин силжиди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

СИЛЖИШ 1 Силжимоқ фл. ҳар. н. Йўлчи учун *Мирзақаримбойниқидан силжиш* – Гулнордан айрилиш демак эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Яхши томонга ўзгариш, олға босиш. *Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам ижобий силжишлар рўй берди.* Газетадан. *Чиннисозларнинг ишида жадаллик, силжиш бор.* Газетадан.

3 махс. Модда ёки жисм қатламларининг (қисмларининг) бир-бирига нисбатан сурилиши, кўчиши. *Сейсмик силжиш.* *Муз қатламларининг силжиши.*

СИЛИКАТ(ЛАР) [лот. silex, silicis – чақмоқтош] 1 Таркибида силикат (кремний) кислота тузлари бўлган минераллар (дала шпати, слюда ва ш. к.). *Сунъий силикатлар.* ■ *Қўнчилик силикатлар кимёвий жиҳатдан барқарор; улар кислоталар таъсирига чидамли.* «ЎЗМЭ».

2 Шундай минераллардан тайёрланган материаллар (шиша, чинни, цемент, гишт ва ш. к.). *Силикат бетон.* *Силикат буюқлар.* ■ *Силикат гишт силлиқ ва кўркам бўлганидан, устидан пардоз бериш талаб этилмайди.* «ЎЗМЭ».

СИЛИЦИЙ [лот. silicium < silex, silicis – чақмоқтош; кремний] айн. **кремний.**

СИЛКИЛАШМОҚ 1 Қийишмоқ, талашмоқ, талашиб-тортишмоқ (савдода, битипувда). – *Бир қанча силкилашишлардан кейин бой менга хизмат ҳақи учун ойига она сутидан ҳалол икки пуд ун, хом-пишиқ аралаш етти қадоқдан олма берадиган бўлди, – деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

2 Айтишиб қолмоқ, сен-менга бормоқ, ади-бади айтишмоқ. *Арзимаган нарсага силкилашиб қолишибди.*

3 Бел олишувда, курашда бир-бирини силтамоқ, силтаб тортмоқ, тортишмоқ. *Полвонлар бир-бири билан силкилашди.*

СИЛКИМОҚ Куч билан у ён-бу ёнга силтамоқ, кескин тебратмоқ. *Қизнинг назарида, она перронда ҳамон рўмол силкиб тургандек эди.* С. Аҳмад, Меҳрибон. *Майсаларни силкиб, шитирлаб бирдан Юзуриб ўтди ел – безовта, сергак.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Сидиқжон эгарга яхшироқ ўрнашиб, отнинг жиловини силкиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Бош силкимоқ 1) бош(ни) қимирлатмоқ. *Турсунбой ота эгарга қийшиқ ўтириб, хиргойи қила бошлади. От қушиқ мақомига бош силкиб, аста-секин йўртиб кетмоқда.* С. Аҳмад, Хукм; 2) бошни қуйига ҳаракатлантириш билан тасдиқ ишорасини қилмоқ. *Секретарь ҳам унинг гапини тасдиқлагандек, вазмин бош силкиб қўйди.* Ш. Фуломов, Қалб ундайди. **Этак силкимоқ айн. этак қоқмоқ қ. этак.** **Қанот силкимоқ айн. қанот қоқмоқ қ. қанот 1.** **Қўл силкимоқ 1)** қўлни ҳавода у ён-бу ёнга тебратмоқ. *Ҳамма кўчада. Ҳамма унга оқ йўл тилаб, қўл силкимоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) айн. **қўл силтамоқ қ. силтамоқ.** *Али тажанг умидсизларна қўлини силкиб, туриб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

СИЛКИНИШ Силкинмоқ фл. ҳар. н. *Сўхбат шунчалик қизиган эдики, ташқарида бўралаётган қор бўрони билан палаткаларнинг силкиниши унча сезилмас эди.* Файратий, Узоқдаги ёр.

Ер силкниши айн. зилзила 1. Ер силкниши ҳозир ҳам жуда катта талафотларга сабаб бўлмоқда. Газетадан.

СИЛКИНМОҚ 1 Силкимоқ фл. ўзл. н. Ой тепага келган. Тол барглари шабадада силкиниб йилтирайди. С. Аҳмад, Хукм. Арава фижирлаб борар, гап мавзудан мавзуга кўчар, Турғуной гапга аралашолмай, бедалар ичида бир боғ бедадай силкиниб борар эди. А. Қаҳҳор, Мастон. Машина бир силкиниб юриб кетди. Э. Раимов. Ажаб қишлоқ.

2 Ўз гавдасини кескин кўтариб туширмоқ, қаттиқ тебранмоқ. Туя силкинса, бир эшакка юк тушар. Мақол. ■ -Кўшиқ айтсанг-чи, Турғуной, — деди Мастон бир силкиниб, устидаги юкларини яхшироқ ўрнаштириб. А. Қаҳҳор, Мастон. Толипов жонҳолатда силкиниб, қичқириб юборди. «Шарқ юлдузи».

СИЛКИТМОҚ 1 Силкимоқ фл. орт. н. Аҳмадинг тили калимага келмай қолди, «йўқ» деган маънода бош силкитди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. Дутор қуруққина йиғламас эди, балки бутун коинотни «зир» эттириб ва хаста юракларни «дир» силкитиб йиғлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ларзага солмоқ. Момақалдиқроқдай кўкни силкитиб гумбураётган тўп отишмасини эшитди. Ойбек, Кўёш қораймас.

СИЛКИШМОҚ 1 Силкимоқ фл. бирг. н. Станция биқинидаги қувурлар устида қизлар кўшиқ айтиб ўтиришарди. Улар Моҳидил билан қўл силкишиб кўришишди. Ж. Абдуллахонов, Туффон.

2 айн. силкитмоқ. -Зарари йўқ, — деди Қаримий, бир бош силкиш билан пешонасидаги сочларини орқасига ташлаб. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СИЛЛА: силласи қуримоқ 1) куч-қуввати кетмоқ, ниҳоятда чарчамоқ, тинка-мадори қолмаслик. [Аматжоннинг] Силласи қуридим, қорни очдим, кичкина кетмонни елкасига ташлаб, қапа томон юрди. С. Сиёев, Аваз. Бу ерлардан эртага ҳам дон олиш керакми? Ким экади, ким ўради, ким янчади? Силласи қуриган аёлларми, эти устухонига ёпишган болаларми? Т. Малик, Ажаб дунё; 2) кўчма ёмон, ночор аҳволга тушмоқ. Мутрибинг ҳазилнамо байтида Аваз йўқчилик, қаққирлиқдан силласи қуриган, аммо кўнгли фаноатга тўла некбин шоир қалбини кўргандек бўлди. С. Сиёев, Аваз.

СИЛЛАБИК [юн. syllabikos < syllabe — бўғин]: силлабик ёзув График белгилари бўғин ҳосил қилувчи фонема ёки фонема қўшилmalarини ифодалайдиган ёзув. Энг кейин шаклланган силлабик ёзувлардан япон ва корей ёзувларини курсатиш мумкин. «ЎЗМЭ». Силлабик шеър тизими Ҳар сатрда бўғинлар сони бир хил, тенг бўлишига асосланган шеър тизими. Демак, силлабик шеър тизими ўзбек шеърятига хос бўлган асосий шеър тизимдир. «ЎЗМЭ».

СИЛЛИҚ 1 Текис, теп-текис, ғадир-бурдурдур. Тош шу қадар силлиқки, гўё ҳайкалтарош хўп ҳафсала билан йўнган-у, кўтаролмай ташлаб кетган дейсиз! Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Шерали Оғажонга қўл узатиб кўришаркан, унинг хотинларникидек силлиқ юзига.. қараб, эшитилар-эшитилмас «ғоят мамнунман», деб қўйди одоб юзасидан. С. Кароматов, Олтин қум.

2 Сирпанчиқ, сирғанчиқ, ойнадек. Силлиқ муз. ■ [Бектемир] Нам, силлиқ қияликдан сирпаниб, яна сувга «шалоп» этиб тушди. Ойбек, Кўёш қораймас.

3 Бежирим, текис, жиолои. [Жураҳоннинг] Дурраси силлиқ сочларидан сидирилиб, настга тушди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 кўчма с. т. Қад-қомати келишган, бежирим, чиройли. Сирти силлиқ жувон. ■ Дуруст, силлиққина йиғит экан, деб ўйлади у юраги тирналиб. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сано. Олимхон замонасига мувофиқ, олифтаноам, ёшига нисбатан чиройли, силлиқ киши эди. Ойбек, Танланган асарлар.

5 кўчма Камчиликсиз, равон (тил, услуб, нутқ ва ш. к. ҳақида). Силлиқ услуб. Силлиқ гапирмоқ. Силлиқ нутқ. ■ Почтаевнинг тўғри, силлиқ гаплари узоқдан дон-дона янграб эшитиларди. А. Мухтор, Туғилиш.

6 Кишига ёқадиган, қаттиқ тегмайдиган, юмшоқ. Силлиқ муомала. ■ [Собир ака:] Силлиққина қилиб жавоб бердим. Сен нима дейсан, аяси? О. Ёқубов, Пьесалар.

7 Муаммосиз; кўнгилдагидек, тўсиқсиз; бекам-кўст; бежанжал. Аммо олдиндан тузилган режалар ҳамиша ҳам силлиққина амала ошавермайди. С. Кароматов, Олтин қум. Бу учинчи хотинимдан ҳам хамирдан қил суғургандек — силлиққина қутулмоқчи эдим, бирок отим ишнинг пачавасини чиқариб қўйди. «Муштум».

Силлик кучмоқ Бегўсиқ, қаршиликсиз, бежанжал бажарилмоқ, ечимини топмоқ (бирор хатти-ҳаракат ҳақида). *Ишинг силлик кўчаётганидан боши кўкка етган Вафо автор: «Хуш, хуш, бажонидил, бажонидил», дея у билан узоқ хайрлашди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

8 Товушсиз; сездирмасдан. *Алимардон мушукдай силлиққина кириб келганини ва синф журналини алмаштираётганини ҳеч ким сезмай қолди.* Газетадан.

9 махс. Бир текисда, бир маромда, равон, шовқинсиз. *Тўғри, ишни қойил қиласан, машиналар доим силлик айланади.* Ф. Мусажонов, Камтарин ишчи.

Сувдан силлик чиқмоқ Бирор жанжалли ёки жиноий ишдан беайб тарзда, жавобгарликсиз қутулмоқ. *У ташивишдан, тўғрироғи, жавобгарликдан ўзини холи қилиш мақсадида танқид қилинган ва қилинмаган чойхоналарнинг деярли ҳаммасини беркитишини.. лозим топди.* Мўминов гўё бу билан сувдан силлик чиқмоқчи бўлди. Газетадан.

СИЛЛИҚЛАМОҚ 1 Турли материаллар (металл, тош, ёғоч ва б.) га ишлов бериш билан уларни силлик қилмоқ, сайқал бермоқ. *Тошни силлиқламоқ. Яхмалакка сув сеппиб силлиқламоқ. ■ У толдан қилинган янги кетмон сопини ойна билан қиртишлаб силлиқлар, хаёлида эса Эралини ачитиб олаётган эди.* А. Муҳиддин, Ганишер.

2 кўчма с. т. Қайта ишлаб, камчиликлардан холи, бекам-қўст, равон қилмоқ. *Услубни силлиқламоқ. Тилни силлиқламоқ. ■ Гулнор ўз дўсти, сирдоши Зайнаб билан маслаҳатлашиб, йўлчига хат ёзишга қарор қилган ва сўзларини айтиб турган; отин қиз эса, Гулнор сўзларини силлиқлаб, қоғозга кўчирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Кўпол, дағал гапни тўғриламоқ, юмшатмоқ. *-Дадангиз шунчалик деган бўлсалар, рудо хайр берсин, - деди Сидиқжон, кўпол хавида айтган гапини силлиқлаш учун..* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

СИЛЛИҚЛИК 1 Текис эканлик, бежиримлик; равонлик. *Юзнинг силлиқлиги. ■ У [Нусратбек] онасининг.. қаттиқ қўлларини уқалаётганида, ўзининг қўллари оппоқ, семиз, силлиқлигини сезиб уялган эди.* С. Нуров, Нарвон.

2 Хушмуомалалик, юмшоқлик; осонлик. *Шу орада ғаламис оралаб, илоннинг ҳақини*

еган, деган гап чиқиб қолди. Силлиқлик билан, ўз аризамга биноан кўён бўлиб қолдим. С. Аҳмад, Сайланма.

СИЛЛИҚЛОВЧИ 1 Силлиқламоқ фл. сфдш.

2 Буюмларга сайқал берувчи, сайқалловчи ишчи, уста.

СИЛЛОГИЗМ [юн. syllogismos — ҳисоблаш, ҳисобга олиш, хулоса чиқариш] Ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий мулоҳазадан учинчи — янги қатъий мулоҳаза ҳосил қилиш; дедуктив хулоса чиқариш тури. *Силлогизмнинг таркиби хулоса асослари ва хулосадан ташкил топган.* «ЎЗМЭ».

СИЛЛОГИСТИКА [юн. syllogistikos — хулоса чиқарувчи] Анъанавий формал мантиқнинг дедуктив хулоса чиқариш қоидаларини ўрганувчи бўлими. *Замонавий математик мантиқда силлогистика алоҳида бўлим сифатида ажратилмайди.* «ЎЗМЭ».

СИЛОВСИН 1 зоол. Мушуксимонлар оиласига мансуб, оёқлари узун, тумшуғи чўзиқ, кўзи жуда ўткир йиртқич ҳайвон. *Тоғда силовсинни ҳам, қоплонни ҳам кўрдик.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Ҳозир ҳам оёғидаги силовсин терисидан тикилган енгиш ва чидамли чориққа, сарғиш комбинезон шим ва костюми устидан кийиб олган нимча пўстинига, елкасига осиб олган сафар халтасига қараган киши уни альпинистдан ажратиши қийин.* А. Кўчимов, Халқа.

2 Шу ҳайвоннинг териси, мўйнаси. *Бек бўлиб.. силовсин тўн, зарли камар бойлади.* «Хушкелди».

СИЛОН Бўри ва итдан туғилган дургай (гибрид).

СИЛОС [исп. silos — дон сақланадиган ўра] қ. х. Чорва моллари учун ўт, маккажўхори, картошка, кунгбоқар ва ш.к. ларнинг кўк пояларидан махсус йўл билан тайёрланадиган тўйимли ем, озуқа. *Силос бостирмоқ. ■ Ҳосил мўл, тобида силос қилмасанг, шираси камайиб.. кетади.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Силос, асосан, маккажўхори, оқ жўхори поясидан ёки пояси ва донидан тайёрланади.* «ЎЗМЭ».

СИЛОСХОНА [силос + хона] Силос бостириладиган иншоот, чуқур, ўра ва ш. к. Силосхоналарга маккажўхори кўкпояси узоқ вақт тўкилса, силоснинг сифати бузилади. Газетадан.

СИЛОҲ [а. سلاح — қурол, қурол-аслаҳа; қўшин тури] эск. кт. Қурол-яроғ, аслаҳа. Душманимиз ҳануз силоҳини тарк этмади. Ойбек, Навоий.

СИЛСИЛА [а. سلسله — занжир; қатор, саф; тизим] кт. 1 Маълум тартибда кетма-кет тизилган нарсалар. Тоғлар силсиласи. ■ Деразалардан қорға кўмилган дарахтлар, томлар, дала ва узоқда тоғ силсиласи кўринади. Уйғун, Хуррият. Бу — Кўҳисийё. Унинг остида яланғоч қўнғир қоялар силсиласи. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 кўчма Бирин-кетин содир бўлувчи ҳодисалар тизмаси, занжири. Ҳаёт силсиласида Олтин ҳалқа дегудек, Одамлар, ёш онани Кутлаб қўйингиз бу чоқ. А. Исроилов, Биз — дунё одамлари. Унинг барча романлари, энг аввало, тарихий-социологик йўсиндаги тадқиқотлар силсиласидир. «УТА».

3 Сулола; шажара. Бағрига қон шимган бу қадим тупроқ Кўп кўрган авлодлар силсиласини. А. Исроилов, Биз — дунё одамлари.

СИЛТАМОҚ 1 Куч билан кескин тортмоқ ёки итармоқ. Отнинг жиловини силтамоқ. Варракни силтаб тортмоқ. ■ Анвар аллақачон ерга сакраб тушган, эшикни силтаб юборган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. [Йишит] «Шуни тўлдириб ун кўтариб келаман», дегандай катта қопини силтаб, елкасига ташлади. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Қиз ҳам уйнаб турган сочини силтаб, орқасига ташлади-ю, унинг кўзларига тик қаради. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 кўчма Сўзини кесмоқ; жеркимоқ. Эрталаб [Сотти] кампирнинг қулоғига шивирлаётган эди, кампир уни силтаб ташлади: -Болам, бу одатинени ташла. С. Аҳмад, Сайланма. Арзимас нарсага унинг [Шакарнинг] чарслиги тутиб, болани силтайдиган, қарғайдиган қилиқ чиқарди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

Орқага силтамоқ қ. орқа. Этак силтамоқ айн. этак қоқмоқ қ. этак. Қўл силтамоқ 1) қўлни кескин силкитиб, норозилик, жаҳл, умидсизлик каби маъноларни ифодаламоқ. -Бас, кўп вақиллама! — деди маҳдум қўл силтаб. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Низомиддинов жаҳл билан қўл силтади. С. Аҳмад, Ҳукм; 2) бепарво бўлмоқ; воз кечмоқ. Шундан кейин ҳақли савол туғилади: бугун улкан зафарлар олдида боғлардан кечдик, булбулу

қушларга қўл силтадик. Эртага-чи?! Газетадан; 3) эътиборсизлик, масъулиятсизлик билан қарамоқ. Болалар тарбиясига қўл силтаган шахс келажак олдида жавобгардир. Газетадан.

СИЛТАНМОҚ 1 Силтамоқ фл. мажх. н.

2 Силтамоқ 1 фл. ўзл. н. Холида қўлимдан беҳолени силтаниб чиқди-ю, яроқлари оқшом шабадасида оҳиста силкиниб турган ўрик тагидан бурилиб, муюлишда кўздан ғойиб бўлди. Ў. Ҳошимов, Хаёлларга бўламан тутқун. Шу пайт машина силтаниб, жойидан жилди. М. Мансуров, Ёмби.

Кейинга (ёки орқага, ортга) силтанмоқ 1) ривожланмаслик; судралмоқ; орқада қолмоқ. Ишимиз олға силжиш урнига орқага силтанаётгандай бўларди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси; 2) орқага сурилмоқ, кечиктирилмоқ. Тўйнинг кейинга силтаниши.. эса тақдир шиш.. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СИЛТОВ 1 Силтамоқ фл. ҳар. н. Қўл силтови.

2 Кескин тортиш, кўтариш ёки итариш; кескин қўл ҳаракати. Илкис бир силтовдан арқон чирт узилди. «Шарқ юлдузи». Уларни ажратмоқчи бўлганлар яна силтов еб, четга чиқишар эди. К. Кенжа, Нотаниш гул.

3 кўчма Туртки, баҳона, сабаб. Тўй силтови билан тўн битар. Мақол. ■ -Бугун театрда яхши нарса бор. Кўриш керак, — Карим уларни тўхтатмоқчи, шу силтов билан Ойтўтинини олиб қолмоқчи бўлди. Ойдин, Ҳикоялар.

4 Каттиқ гап, туртки, жеркиш. [Нодирнинг] Келинойисига нисбатан штифотсизлиги билиниб турса ҳам, айтганини бажарар, ҳатто дағдаға, силтовларига бутунлай ўрганиб қолгандай эди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СИЛУЭТ [фр. silhouette — ёндан кўриниши сояга ўхшатиб карикатураси чизилган француз давлат арбоби Эде Силуэт (18-аср) номидан] 1 Шакл ва нарсаларнинг текис юзада яратилган бир тусдаги тасвири.

2 Нарсалар ва қиёфанинг унинг соясига ўхшатиб чизилган шакли. Силуэт билан Германияда Ф.О. Рунге, А. Менцель, П. Коневка; Россияда Ф.П. Толстой, Е.М. Бем ва бошқалар шуғулланган. «ЎзМЭ».

3 кўчма Шарпа, қора, кўзга чалинган нарса. Тоғ силуэти. ■ Чироқ шуғласида икки хотиннинг юзи, бурунлари бир-бирига те-

гар даражада яқин. Четдан қора силуэтдай кўринар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Кўчадан кузатган киши кўзига аҳён-аҳёнда уйнинг у ёқ-бу ёғига юраётган киши силуэти чалинади. Газетадан.

СИЛҚИМОҚ I с. т. Сирқимоқ, сизмоқ; томчиламоқ. Умри опа силқиб келаётган кўз ёшларини рўмолининг учи билан артиб, Боқи-жоннинг пешонасини силади. Газетадан. Шох-шабба орасидан сув силқиб томчиларди. Ойбек, Кўёш қораймас.

2 кўчма Аста тўпланиб чиқмоқ; пайдо бўлмоқ. Булар, албатта, шоиранинг юрагидан силқиган азиз ва қадрдон ҳис-туйғуларнинг бир зумгина оройиши, ўйчанлик ва сокинликдир. «ЎТА».

СИЛҚОВЛАНМОҚ Ҳолсизланмоқ, мадорсизланмоқ, ҳаракати сусаймоқ. Нукра бу гапни ҳеч кимга айта олмади. Унинг силқовланиб юргани сабабини билолмай эри ҳам фиғон бўларди. Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар.

СИМ I [ф. *سیم* — металл чивик, ип; кумуш] I Ип, чилвир, чивик кўринишдаги узун металл буюм. Пулат сим. Мис сим. Йўғон сим. Ингичка сим. Сим тўр. Сим ғов. ■ [Ҳожар:] Нима? Оғзингизни ёпинг! Молхонага сим билан тортиб кўяман, остонадан ўлиги чиқади. Ҳамза, Паранжи сирлари. Йўл чеккасидаги янтоқлар худди занг босган симдай қовжираб ётар. эди. Н. Фозилов, Дийдор.

Тиканли сим Ғов, тўсиқ учун ишлатиладиган махсус сим. Ҳар қадамда.. танкка қарши қазилган чуқур, бир неча қатор тортилган тиканли сим.. А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Электр ёки телефон линиясига тортиладиган ўтказгич. Электр сими. Телефон сими. Сим тортимоқ. ■ Вагонлар ўнчага келади. Уларнинг тепасидан бир-бирига электр сими тортилган. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

Сим қоқмоқ с. т. Телефон орқали гаплашмоқ, телефон (кўнғирок) қилмоқ. [Назокат] Кечга яқин сим қоқди. Ҳилматилла у билан жуда яхши гаплашди. Шуҳрат, Умр поғоналари.

3 Мусиқа асбобларининг металл ипи; металл тор. Танбур сими. ■ Агар алдамаса шу совуқ симлар, Гар шул эшитганим бўлмаса рўё, Сен она эмассан, дорсан, табитат, Сен бешик эмассан, жаллодсан, дунё! А. Орипов.

4 Симдан ясалган, тўқилган. Виктор шундай деди-ю, эски сим каравот тагидан сандиқдек зил-замбил чамадонини тортиб олди. С. Кароматов, Олтин қум. Этакдаги сим тўр ортида товуқлар қақағлайди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Сим жўяк шв. Сим хаткаш ёрдамида тортилган жўяк, ариқ.

СИМ II кт. айн. сийм. Хазинанинг симу зарга эҳтиёжи не даражада! Ойбек, Навоий.

СИМБАР поэт. айн. сиймбар. Осмонга қарасам — юлдуз ўйнайди, Ерга боқсам — ёр кетишга қўймайди. Юзига қарасам холи ярашиб, Симу симбарига кўзим тўймайди. «Кўшиқлар». Сарвақомат нозик ситора, Оп-поқ томоқ, қора қош симбар, Бир-бирига интиқ икки дил, Бир-биридан олис икки жон. М. Али, Боқий дунё.

СИМБАТ фольк. айн. сумбат. Менга ҳам берибди сину симбатни, Мен не қилай давлати йўқ келбатни?! «Равшан».

СИМБИОЗ [юн. symbiosis — биргаликда яшаш] Икки ва ундан ортиқ турларнинг бир-бирига фойда келтириб бирга яшаши. Худди шунга ўхшаш симбиоз кавш қайтарувчи сутэмизувчилар билан улар орасида яшайдиган инфузориялар орасида ҳам мавжуд. «ЎЗМЭ».

СИМВОЛ [юн. symbolon — белги, рамз; аломат; тимсол] I айн. рамз I. Оқ каптар — тинчлик символидир.

2 Кимёвий элементга берилган лотинча номнинг қисқартирилган шакли. Мас., Na — натрий элементининг, N — азот элементининг симболи.

3 Бирон-бир ғояни ўзида мужассамлаштирувчи бадиий образ.

4 У ёки бу фанда қабул қилинган бирон-бир катталиқнинг, бирликнинг шартли белгиси. Кимёвий символлар.

СИМВОЛИЗМ [юн. symbolon — белги, рамз; тимсол] I Символлар, рамзлар мажмуи.

2 19-аср охири — 20-аср бошларида дастлаб Францияда, кейин Европанинг бошқа мамлакатларида пайдо бўлган адабий оқим [Символизмда белги, рамз (символ) поэтик образликнинг чўққиси, ғоянинг энг мукаммал ифодаси сифатида намоён бўлади]. Символизмнинг юзага келиши Париж Коммунаси тугатилгандан кейин француз воқе-

лигида вужудга келган ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ. «ЎЗМЭ».

СИМВОЛИК *эск. айн. рамзий. Символик тасвир. Символик образ.*

СИМВОЛИСТ Символизм тарафдори, символизмга амал қилувчи киши.

СИМВОЛИСТИК 1 Символизмга ва символистга оид, символизм руҳидаги. *Символистик асар.*

2 Символик, рамзий. *Символистик образ.*

СИМДЎЗИ [ф. *سیمدوزی* — кумуш ипда тикилган] Зардўзликда бадий буюмлар кашта гулларини оқ ёки зарҳалланган кумуш ипда қоплаб тикиш усули.

СИМЁН 1 Ориқ, рангпар, пачақ одам. *Туф де, кузинг тегади, касофат! Шу сўзингни менга айтсанг, тишингни суғуриб олардим. Кошкийди менда тиш бўлса-ю, сенда гавда, симён.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма сўк.* Ярамас.

СИМЁҒОЧ Электр симларини ўтказиш учун ерга тик ҳолатда ўрнатилган баланд, йўғон хода. *Алишер дарвозамиз олдидаги симёғочга суянганча, йиқилган машинани томоша қилиб турган экан.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Симёғоч учига ўрнатилган лампочка ёруғида ҳовуз суви ятираб кўринади.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

СИМИЛЛАМОҚ 1 Сирқирамоқ, зирқирамоқ. *Оёқларим симиллаб оғрияпти.*

2 *шв. айн. имилламоқ.*

СИМИРЕНКО [украин олими Л. П. Симиренко номидан] Пўсти яшил, эти кўкимтир-оқ, серсув, хушбўй кечпишар олма нави. *Ўзбекистонда симиренко нави 20-асрнинг 70-йилларида боғларда ўстирилиши жиҳатидан 1-ўринни эгаллаган.* «ЎЗМЭ».

СИМИРМОҚ 1 Ичга тортиб ичмоқ. *Қимизни симирмоқ.* ■ *Валиев илиб қолган чойни симирди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Отанинг қўлига бериб қубизни, Кетидан тутдилар тўла қимизни. Симирди-да, ота қубизни тортди, Эшитганлар чуқур завқларга ботди.* М. Алавия.

2 Чуқур нафас билан ичга ютмоқ. *Тоза ҳаводан симирмоқ баҳонасида Расулжон тезроқ ҳовлига чиқа қолди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ота райҳон ҳидини симирди.* А. Эшон, Ота.

3 *кўчма* Мириқиб вужудига сингдирмоқ; туймоқ; руҳан ҳис қилмоқ. [Султонмурод] *Ишқ дардини тотли май каби симирмоқдан*

сўё лаззатланади. Ойбек, Навоий. *Шеър зулолидан симирдим бир пиёла тўлдириб, Воҳ, кўринди менга ҳар бир қатраси уммон қадар.* Э. Воҳидов.

Сув келса симириб, тош келса кемириб Ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, уларга бардош бериб. *Ўлиб-тирилиб, тиришиб-тирмашиб, сув келса симириб, тош келса кемириб, эндигина одам қаторига кирдим.* Х. Султонов, Отамнинг юрти.

СИМКОР [ф. *سیمکار* — хунармандларнинг ўз шогирдларига тўлайдиган иш ҳақи] *тар. 1* Хўжайинлар томонидан шогирдларга ёки ёлланиб ишловчи хунармандларга ишбай асосида тўланган иш ҳақи. *-Йўқ, йўқ — деб кулди уста Олим, — мен сизга ўхшаб дўконнинг устида сира тухум босган эмасман, симкорни кўзим қиймайди, десангиз мен ишонар эдим.* А. Қодирй, Ўтган кунлар.

2 Ишбай асосида иш ҳақи олиб ишловчи шогирд ёки хунарманд. *Эсимда, ёшлик чоғимда шаҳардаги симкорлар иш ташилаганлар, боёнларнинг кўпи ён берган.* У. Исмоилов, Сайланма.

СИММЕТРИК Симметрия қонунлари асосида жойлашган ёки ясалган; симметрияга эга бўлган. *Симметрик бино. Симметрик шакл.* ■ *Тенглик типидagi (мас., айният, эквивалентлик, ўхшашлик) муносабатлар ҳам симметрик бўлади.* «ЎЗМЭ».

СИММЕТРИКЛИК 1 Бирор нарса, предмет қисмларининг симметрия ҳолатида бўлиши. *Иншоот қисмларининг симметриклиги.*

2 *мат.* Икки ўринли, икки ҳадли муносабатларнинг хоссаси.

СИММЕТРИЯ [юн. *symmetria* — ўлчовдошлик; мутаносиблик, мослик] Бирор нарсанинг маълум нуқта, тўғри чизиқ ёки текисликка нисбатан қарама-қарши томонларда бўладиган қисмларининг жойлашишидаги мутаносиблик, ўхшашлик, мослик, уйғунлик. *Симметрия маркази. Симметрия ўқи. Симметрия ҳолатини сақламоқ.*

СИМОБ [ф. *سیماب* — кумуш суви] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оддий температура шароитида суюқ ҳолда бўладиган кумушранг оғир металл. *Симоб кумуш рангли, суюқ ва тез буғланувчи металл бўлиб, ўзининг суюқлиги ва текис юзада.. ҳаракатланиши билан*

бошқа металлдан фарқ қилади. «Фан ва турмуш». Ёниб бўлаёзган шам шуъласида шайхнинг мижджсаларида ёш томчилари симоб зарраларидай милтираб турарди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

СИМОБИ(Й) [ф. *سيمايى* — симобдай, симобга ўхшаш] Симоб рангидаги, кумушранг; кумушсимон оқ ялтирок. *Симоби салла.* ■ *Робия товонига тушадиган узун симоби чакмонини бошига ёпинди-ю, Тоҳирнинг отига мингашиб чиқиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бошига симобий салла, эгнига банорас тўн кийган бир отлиқ дарвоза олдида эгардан тушиди-да, жиловни ўз хизматкорига тутқазди.* М. Осим, Ўтрон.

СИМОБЛИ 1 Таркибида, ичида симоб бўлган. *Симобли руда.*

2 Симоб воситасида ишлайдиган. *Симобли манометр.*

СИМПАТИК [юн. *sympathes* — раҳмдил, ҳамдард; хайрихоҳ]: **симпатик нерв системаси** *тиб. биол.* Одам ва умуртқали ҳайвонлар вегетатив нерв системасининг ички аъзолар фаолиятини яхшилаш, тартибга солишда иштирок этувчи, организмнинг ташқи муҳит билан таъсирлашуви учун зарур бўлган энергия ажралувини фаоллаштирувчи қисми. **Симпатик сиёҳ** Махфий ёзишмаларда қўлланадиган, фақат қизитилганда ёки махсус кимёвий эритма билан ҳўлланганда кўринадиган туссиз (рангсиз) сиёҳ.

СИМПАТИЯ [юн. *sympatheia* — раҳмдиллик, ҳамдардлик; хайрихоҳлик] Бирор шахс ёки нарса-ҳодисага нисбатан бўлган ижобий муносабат. *Фирдавсий Рустам образини зўр муҳаббат билан тасвирлаб, бутун симпатиясини унинг томонига тўкиб солади.* Газетадан. *Антитеза усулидаги тасвирда ёзувчи ёки шоир бирор шахс ёки воқеага нисбатан китобхонда симпатия ёки антипатия уйғотади.* «ЎТА».

СИМПОЗИУМ [лот. *symposium* < юн. *symposion* — мусиқа, шеър ўқиш билан ўтадиган йиғин, зиёфат] Бирор илмий масала бўйича ўтказиладиган халқаро илмий кенгаш; илмий анжуман. *Геолог олимлар халқаро симпозиуми.* ■ *Римда ўтказилган халқаро симпозиумда маълум қилинишича, сўнги 25 йил давомида грип эпидемиясини юзага келтирадиган вируслар миқдори 231 тага етди.* Газетадан. *Кузда, Темурийлар даври санъатига бағишлаб ўтказилган ЮНЕСКО симпозиуми*

арафасида, телевиденида студентларнинг топқирлик мусобақаси ташкил қилинган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СИМПТОМ [юн. *symptoma* — воқеа, саргузашт; ўхшашлик; белги, аломат] *тиб.* Бирор касаллик ёки патологик ҳолатнинг белгиси. *Ҳар қандай касаллик симптомлар йиғиндиси (синдром)га қараб белгиланади.* «ЎЗМЭ».

СИМРАЙМОҚ *с.т.* Норози, энсаси қотган ҳолда қараб турмоқ. *Нуғмон унинг орқасидан бир зум симрайиб қараб турди.* «Шарқ юлдузи».

СИМ-СИЁ(Ҳ) Қоп-қора, тим қора; қопқоронги, тим қоронғи, зим-зиё. *Олдинда Ҳақим, орқада тўрт оғайни йўлга тушишди.* *Сим-сиё тун.* *Атроф жим-жит.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Не зотлар утдилар ҳасратга тўлиб, Қуллари зимистон, туни сим-сиё.* А. Орипов, Йиллар армони.

СИМСИЗ Сими йўқ, симдан фойдаланмай ишлайдиган. *Симсиз алоқа.* ■ *Бонбарни симсиз телефон дейишлари бежиз эмас.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

СИМ-СИМ 1 *рви.* Симиллаб; давомли равишда. *Қуллар ўтди. Оёқ оғриғи анча босилди.* *Аммо энди унинг [Йигиталининг] аъзойи бадани мисдай қизиб, сим-сим зирқирайдиган, ўзи эса ахён-ахён лоҳас бўладиган бўлиб қолди.* С. Кароматов, Тоғ гўзали. *— Қандай оғрийди? Сим-сим оғрийдими ёки ничоқ санчгандай? — деб сўради ҳамшира.* Н. Аминов, Қатгис хато.

2 *кўчма* Бир маромда, майдалаб. *Ёмғир ёғди сим-сим.* «Ёшлик». *Ёмғир сим-сим ёғар, саман тоғнинг ёлғизоёқ йўлидан шилт-шилт босиб борар эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

СИМТАРАШ *шв.* Қашлағич.

СИМТЎР Симдан қилинган тўсиқ. *Атрофи симтўр билан ўралган майдончада болалар футбол ўйнашмоқда.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Палата жимжит эди, пашша учса ҳам эшитилади, лекин учадиган пашшанинг ўзи йўқ — деразаларнинг сиртидан майда тешикли симтўр тутилган.* М. М. Дўст, Лолазор. *Этакдаги симтўр ортида товуқлар қақағлайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СИМФОНИК [юн. *symphonos* — оҳангдош] Симфония мусиқа шакли билан боғлиқ, шунга алоқадор. *Симфоник мусиқа.* *Симфоник этюдлар.* ■ *Ошхона ёнидаги симёғоч-*

да ўрнатилган радиодан симфоник куйлардан берилаётган концерт янграрди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Симфоник оркестр Торли, пуфлама ва урма (зарбали) чолғу асбоблари ижрочиларини бирлаштирувчи оркестр.

СИМФОНИЯ [юн. symphonia — оҳангдошлик < sym — бирга + phone — товуш] 1 Инструментал (чолғу асбобларида ижро этиладиган) мусиқанинг симфоник оркестр учун ёзилган, одатда, 4 қисмдан иборат бўладиган олий шакли. *М. Ашрафийнинг биринчи симфонияси.* ■ Бундан ташқари, торли оркестр, пуфлама созлар оркестри ва бошқа оркестрларга мўлжалланган симфониялар ҳам учрайди. «ЎЗМЭ».

2 *кўча* Турли-туман товуш, ранг, оҳанг ва ш. к. нинг уйғун, ҳамоҳанг ҳолда қўшилиши, бириктиши. *Меҳнат симфонияси.* ■ *Олмадаги майна эса, калта-калта «чах-чах»и билан чумчуқларнинг бетартиб симфониясига жўр бўларди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

СИНАГОГА [юн. synagoge — йиғилиш; тўпланиш жойи] Яҳудийлик ибодатхонаси ва яҳудийлар жамоаси. *Ўзбекистонда ҳозир 7 та — Тошкентда 3 та, Самарқанд ва Бухорода 2 тадан синагога фаолият кўрсатади.* «ЎЗМЭ».

СИНАЛГАН 1 *Синамоқ* фл. сфдш. *Синалган ёв — урушга яхши.* Мақол.

2 *Синашта, синовлардан, текширувлардан ўтган, ишончли. Синалган одам. Синалган қурол.* ■ *Орадан икки ой ўтди. Улар энг яхши ва синалган разведкачилардан бўлиб қолишди.* А. Раҳмат, Соқов бола.

СИНАМАЛИ эск. 1 Амалда, тажрибада синаб кўрилган, синовдан ўтган.

2 *айн. татбиқий, амалий. Синамали ҳандаса (амалий геометрия).*

СИНАМОЛ Текширилган, синалган, синовдан ўтказилган, ишончли. *Синамол от.* ■ *Ҳозир улар менга синамол эмас, ҳали бизларнинг бир-биримизга душманлигимиз бор.* «Муродхон». -*Менимча, биз. синамол ўзгариларни чўтга солмасдан тадбир кўрмоқдасиз, — деди Мир Алихон.* С. Азимов, Қонли сароб.

СИНАМОҚ 1 Синовдан ўтказмоқ, текширмоқ, текшириб кўрмоқ. *Тайёр машиналарни синамоқ. Синамаган отнинг сиртидан ўтма.* Мақол. *Эр йигитни майдонда сина-*

Мақол. ■ *У [Азиз Абдураззоқ] фақат шеър ёзиб қолмай, насрий ҳажвчиликда ҳам кучини синамоқда.* «Муштум». *Шилдир-шилдир қамишга сирғам тушиди, ёр-ёр, Синалмаган йигитга синглим тушиди, ёр-ёр.* «Оқ олма, қизил олма».

2 Бир предметни (мас, дорини, таомни) ишлатиб кўриб ёки истеъмол қилиб, таъсирини аниқламоқ. *Тоҳиржон киноя билан жилмайди: -Барча дорини синадим. Меники бедаво дард.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Имтиҳон қилиб, билим даражасини аниқламоқ. *Ўқувчиларни физикадан синаб кўрмоқ.*

4 Ўсмоқчилаб сўрамоқ, кўйнига қўл солмоқ. *Унинг [Ҳотамнинг] сахийлиги ростми, ёлғонми — синаш мақсадида, бир-икки одам ўша тулпорнинг сўраб, олдига боришибди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

5 Бошидан кечирмоқ, ўз тажрибасида, ҳаётида кўриб билмоқ. *Қарзга йўлиққандан кўра, балойи ногаҳонга йўлиққан яхши. Ҳаммасини синадик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Синасин ўз бахтини, Бахти қўлласин уни.* Ҳ. Олимжон.

СИНАМОҚЧИЛИК Ўсмоқчилаб текшириш, синаш. *Унга [Ҳафизанинг онасига] шу керак эди — бу хабарни синамоқчилик учун ҳам айтган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

СИНАНТРОПЛАР [лот. Sina — Хитой + юн. anthropos — одам] Суяклари илк бор Хитойдан (1927–37) топилган энг қадимги одамлар. *Синантропларнинг суяк қолдиқлари билан бирга улар фойдаланган. тош қуроллар, уларнинг оловдан фойдаланганига гувоҳлик берувчи кул ва ҳайвонларнинг куйган суяк қолдиқлари топилган.* «ЎЗМЭ».

СИНАШ 1 *Синамоқ* фл. ҳар. н. *Машиналарни синаш. Кучини синаш. Курашда (мусобақада) куч синаш.* ■ *Биринчи куёвнинг феъл-атвори унга маъқул тушмагани учун, куёв бўлажак йигитни ҳар ёқлама текширишни, синашни истар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *айн. синов* 2. *Синаш стенди. Синашдан ўтмоқ.*

СИНАШМОҚ 1 *Синамоқ* фл. бирг. н. *Улар меҳмонни ҳўп синашди.* ■ [Қудрат:] *Ҳозирча мен сиз билан бахт синашиб кўрмоқчиман.* Н. Сафаров, Уйғониш.

2 Ўзаро бир-бирини синамоқ, бир-бирининг хислат-фазилатларини яқиндан ўрган-

моқ, синашта бўлмоқ. *Ҳамма фикру зикри, бутун борлиғи билан кенг даврада куч синашиб юрган икки зур полвонга тикилиб қолган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СИНАШТА 1 Яхши синалган, текширилган, таниш, қадрдон, яқин. *Қоровул синашта эди, итоаткорона бош эгди: - Тушундим, хўжайин. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Пошшо-хон савдони синашта кишилар орқали зимдан амалга оширадиган йўлни топди. Д. Нурий, Осмон устун.*

2 Бошидан кечирилган, синаб, тотиб кўрилган; тажрибадан ўтказилган. *Бу дард айниқса Отабекка уч йилдан бери синашта. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

СИНГАЛ қ. сингаллар. *Сингал аёл.*

СИНГАЛЛАР, синхаллар Шри Ланка Республикасининг асосий аҳолиси. *Сингалларнинг аجدодлари милоддан аввалги 5-асрда Шимолий Ҳиндистондан кўчиб келиб, маҳаллий қабилалар билан аралашган. «ЎзМЭ».*

СИНГАРИ айн. каби. *Ҳар бир она сингари Тўқсон буви ҳам ўз ёлғизининг бахтли бўлишини истарди. Н. Сафаров, Оловли излар. Оёқ босган жойлардаги шўр ерлар қор сингари ғирчиллайди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

СИНГАРМОНИЗМ [юн. syn — бирга + harmonia — уйғунлик, оҳангдошлик] тлш. Туркий тилларда ва баъзи бошқа тилларда унлилар уйғунлиги; кўшимчалардаги унлиларнинг ўзакдаги унлиларга мослашуви. *Эски ўзбек адабий тилида эса сингармонизм қонуни анча изчил ва айрим ҳолларда тўлиғича амал қилган. «ЎзМЭ».*

СИНГАРМОНИК Сингармонизмга оид, сингармонизм қоидаларига, талабларига бўйсунувчи. *Сингармоник мослашув. Сингармоник ҳодисалар.*

СИНГА(К): сингга(к) нон Синггиб пишган нон. *Дастурхончи. дастурхон эзиб, унинг бетини тандирдан энди узилган, буғланиб турган синггак нонлар.. билан тўлдириб ташлади. Ойбек, Навоий.*

СИНГДИРИШ 1 **Сингдирмоқ** фл. ҳар. н. *Абдужалил тегирмончи мулла Обид ҳақидаги ўзининг вазвасасини уларга ҳам сингдиришга муваффақ бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 **физ.** Ютиш, абсорбция. *Ёруғликни сингдириш.*

СИНГДИРУВЧАН **физ.** Ўзига тез сингдириб оладиган, тез ютадиган, шимадиган. *Сингдирувчан жисм.*

СИНГИЛ (3-ш. бирл. сингли ва синглиси) 1 Бир ота-онадан туғилган қизларнинг кичиги (опаларига, акаларига нисбатан). *Кичик сингли. Ўртанча сингли. ■ Энди ишим ўнг бўлади: энди аям, укам, синглим зорикмайди. Ойбек, Танланган асарлар. Солиҳ махдум онаси ва ўн олти ёшли Наима исмли синглиси билан Қўқонда қолди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

2 Ўзидан кичик қизларга, аёлларга мурожаат қилинганда қўлланадиган сўз. *-Кўп ўқигансиз, лекин кам биласиз, синглим! — деди ўқитувчи [Гавҳарга]. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Офтоб ойимни.. Ўзбек ойим ўтказгани жой топмас, «қуда» сўзи ўрнида «синглим» деб хитоб қилар, ошни ҳам унинг раъйини сўрамасдан буюрмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Қайни сингил айн. қайнсингил.

СИНГИЛЛИК Кимсага сингил мақомида бўлиш; сингил каби муносабатда бўлиш. *Сингиллик қилмоқ. ■ Шунга қолипга солиб бермасангиз бўлмайди, синглим. Бир сингиллик қилинг! А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

СИНГИМОҚ 1 Шимилмоқ, шимилиб ёки сизиб, ички қатламга, қисмига ўтмоқ. *Мойбўёқ тахтага яхшигина сингийди. ■ Улар: «Ер тўймагунча, эл тўймас, лалмикор қирларнинг тупроғига қор суви сингимагунча, буғдой уммайди», деб нолир эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Қумга сингиб кетгандай ёки қумга сингган сувдай 1) бекорга, беҳуда, фойдасиз, нафсиз. *Шунча берган тағлимларим қумга сингган сувдай сингиб кетаверибди-да. «Латифалар»; 2) жимжит, унсиз, шовқинсиз, сув қуйгандай. Комбат шаҳарда мудофаа тутишга буйруқ берди. Душман қумга сингиб кетгандай жим эди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.*

2 Ҳазм бўлмоқ, ўзлашмоқ (овқат, озиқ ҳақида). *-Уч тутам ҳола, уч танга пул, — деди.. йигитча. — Агар ҳаммасини есангиз, ош бўлсин, сингисин. С. Айний, Эсдалиқлар. Вақтида овқатланмаслик меъда шиллиқ қаватини яллиғлантиради.. натижада киши қайт қилади, еган овқати сингмайди. Газетадан.*

3 **физ.** Ютилмоқ, шимилмоқ. *Ёруғликнинг жисмга сингиши.*

4 кўчма Бағрига, қўйнига кириб ёки рангига, тусига ўзлашиб кетмоқ ёхуд бирдек бўлиб, изсиз йўқолмоқ. *Отабек сунбул исли сочлардан руҳ олар, Кумуш гўё унинг бағрига сингиб кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уларнинг бир-бирига монанд гавдаси чироқлар нурини кесиб ўтиб, қоронғилик қўйнига сингиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

5 кўчма Ўрнашиб қолмоқ, жо бўлмоқ. *Қишлоқ муҳити, ота-онанинг ўта оқ кўнглилик руҳида берган тарбияси Йигиталининг қон-қонига сингиб кетганди.* Д. Нурий, Осмон устун. *Бу одам маҳалла ҳаётига, ҳар бир кишининг дилига кириб, шу қадар сингиб кетган эдики, отпусказга ё командировкага кетса, бутун маҳалла ҳувуллаб қолгандай бўларди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Пишиб ётган боғларга боқдим, Ҳисларимга сингиб кирди куз.* Х. Даврон.

6 кўчма Йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ; йўқ бўлиб, хотирага айланиб қолмоқ. *Йиллар қаврига синиб кетган болалик, олида судралиб юрган булут парчаларидек, кўз ўнгидан ўтаверади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Сингиб пишган нон Қизариб, мағзигача яхши пишган нон. *Умид дастурхон устидаги новвоту пашмак, қаймоғу асал, тандирда сингиб пишган нонларни кўриб таъсирланди.* Мирмуҳсин, Умид.

СИНГИР айн. пай I 1.

СИНГИШ I Сингимоқ фл. ҳар. н.

2 **физ.** Ютилиш, абсорбция.

3 айн. ассимиляция 3. *Тилларнинг сингиши.*

СИНГИШМОҚ I Чучур ўрнашмоқ, ўзлашмоқ, жо бўлмоқ, сингмоқ, сингимоқ. *Оқшом тинчлигида оламнинг бутун гўзалликлари кўнглимга сингишиб киргандай бўлади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Кўзларига ўрнашган, сингилган ғам кетмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўрганиб қолмоқ, чиқишмоқ; мослашмоқ. *Қарийб етти йиллик гавжум ҳаёт давомида Йигитали шаҳар шароитига бутунлай сингишиб кетган эди.* Д. Нурий, Осмон устун.

3 Бағрига, қўйнига ёки рангига, тусига кириб йўқолмоқ; бирга қўшилиб, бирдек бўлиб кетмоқ. *Тоғлар, қирлар, далаalarda оқшом тушиб, қош қорая бошлаган, атрофдаги дарахтлар, уйлар ва экинзорларнинг бари бир-бирига сингишиб, кўккимтир туман пар-*

дасига ўралаётган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

4 кўчма Ўрганиш бўлиб қолмоқ, одат тусига кирмоқ, ўзлашиб кетмоқ. *[Қандолатхон] Эри устидан «хукмронлиги»ни Ҳуснидинга ҳам кўрсатмоқчи бўлди. Лекин Ҳуснидинга бу қилиқ сингишмай, аввал бир неча кун таъби тирриқ юрди.* Мирмуҳсин, Фёвнал кучсизлик.

СИНГМОҚ айн. сингимоқ. *Дилга сингди юрт муҳаббати.* Э. Воҳидов. *Намозбекни ўлдириб, қотиллар тунга сингди.* Х. Даврон.

Меҳнати сингган Кўп меҳнат сарфлаган. *Пардаев — Ватанга меҳнати сингган камтарин одам.* С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини. *[Салимхон Обидий:] Бу селекция институтига.. қанча меҳнатим сингган.* Мирмуҳсин, Умид.

СИНДИКАЛИЗМ [фр. syndicat — касаба уюшмаси, бирлашмаси < юн. syndikos — бирга ҳаракат қилувчи, ҳаммаслак] **сиёс.** Ишчилар ҳаракатида 19-аср охири — 20-аср бошларида кенг тарқалган, касаба уюшмалари (синдикат)ни меҳнаткашларни уюштиришнинг энг олий шакли деб қаровчи ва ишлаб чиқариш воситалари касаба уюшмалари ихтиёрига берилиши керак, деб ҳисобловчи оқим. *Ҳозир қатор мамлакатлардаги сўл партия ва ҳаракатларнинг гоялари ва мафжураларида синдикализм таъсири сезилади.* «ЎЗМЭ».

СИНДИКАЛИСТ **сиёс.** Синдикализм тарафдори, синдикализм йўлини тутувчи.

СИНДИКАТ [фр. syndicat < лот. syndicus — ишончли шахс, вакил < юн. syndikos — бирга ҳаракат қилувчи, ҳаммаслак] **I** **иқт.** Ишлаб чиқариш ва юридик мустақиллигини сақлаган ҳолда, умумий тижорий фаолиятни (нарх белгилаш, маҳсулотни сотиш, хомашё харид қилиш ва б.) амалга оширувчи корхоналар (ишбилармонлар) бирлашмаси; монополиянинг бир кўриниши. **Банк синдикати.** ■ **Синдикат таъсис этган умумий савдо ширкати синдикатнинг ҳар бир аъзоси билан савдо-сотиқ тўғрисида шартнома тузади.** «ЎЗМЭ».

2 Францияда ва б. баъзи мамлакатларда касаба уюшмаларининг номи.

СИНДИРМОҚ **Синмоқ** фл. орт. н. *Тош отиб, ойнани синдирмоқ. Йиқилиб, оёғини синдириб олмоқ. Иш юришмаса, буламиқ дандон синдирар.* Мақол. *Беҳуда ҳаракат*

белни синдирар. Мақол. ■ Акрамхоннинг онаси девори қулаётган уйдан қочиб чиқаман деб, остонага қоқилибди-да, оёғини синдирибди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. *Йигит охири Забаржадни ялинтириб, ғурурини синдирди. «Ёшлик». Ўз отам синдирди менинг шавъимни, Энажон, олиб кел шу эшонимни. «Эрали ва Шерали».*

Белини синдирмоқ қ. бел I. *Душман белини синдириш учун озмунча қурбон бермадик. Н. Сафаров, Оловли излар. Колхозчи қул эмас-ку? Бир жувоннинг тўрт ой белини синдириб топганини мен, сиз, анавилар ёзда салқин, қишда иссиқ ерда ўтириб олар эканмиз. С. Сиёев, Отглиқ аёл. Илгиғингни (ёки оёғингни) синдираман Дўқ-пўписа ибораси. Ҳа, кўчага чиқмайсан, эшитдингми? Ҳой бола!.. Илгиғини синдираман-у, касалингни боқиб ўтираверман. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Нон (ёки патир) синдирмоқ айн. нон ушатмоқ қ. ушатмоқ. Тийин устида тиш синдирадиган одам Жуда хасис, зиқна одам. *Малик Раҳимовни бир тийиннинг устида тиш синдирадиган зиқна одам, деб бўлмайди. «Муштум». Хари (ёки чўп) синдирмоқ* Бирор киши ҳеч кутилмаган ишни қилганда айтиладиган ибора. **Шохини синдирмоқ** қ. шох II. [Зухра] *Ўтган сафар мажлисда Хўжабековнинг шохини, қолаверса, ўзининг ҳам шохини синдириб, Шербекнинг қўлини баланд қилиб кетган эди. С. Анорбоев, Оқсой. Қанотини синдирмоқ* қ. қанот I.*

СИНДРОМ [юн. syndrome — йиғилиш, тўпланиш; бир-бирига дуч, тўғри келиб қолиш] *тиб.* Келиб чиқиш механизми умумий бўлган ва организмнинг муайян оғриқли (касал) ҳолатини ифодаловчи белгилар (симптомлар) нинг мос, тўғри келиши.

Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) *тиб.* Одамларда лимфатик системанинг зарарланиши оқибатида организмнинг ҳимоявий куч-қуввати заифлашувидан иборат вирусли касаллик (асосан, жинсий алоқа ва қон орқали юқадн, ўтади).

СИНЕКДОХА [юн. synekdoche — муносабатдошлик, ўзаро боғланиш] *ад. тлш.* Метонимиянинг куринишларидан бири; бутун (катта) нарсанинг номини унинг қисми (кичик) номи билан ёки аксинча аташдан иборат кучим тури.

СИНИШ I **Синмоқ** фл. ҳар. н. *Пиёланинг синиши. Дарахт шохининг синиши. ■ Гоҳо қамчининг заҳарли чарсиллаши, таёқнинг «қарс» этиб синиши ва ғазабли ҳайқирик эшитилади. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.*

2 физ. Бир муҳитдан иккинчи муҳитта ўтишда ёруғлик йўналишининг ўзгариши. *Ёруғликнинг қайтиши ва синиши. Синиш бурчаги.*

3 иқт. қ. банкротлик.

СИНИҚ I сфт. Синган, парчаланган, бирор ери учган ёки дарз кетган, ёрилган. *Синиқ пиёла. ■ Ана шу «боғи эрам» энди эгасиз уйдаи хувуллаб ётибди. Синиқ деразалардан қушлар учиб кириб-чиқиб турибди. С. Сиёев, Отглиқ аёл. Кўча ўртасида бир синиқ шиша Қараган одамнинг олар кўзини. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. Анчадан кейин Муқаддам чил-чил бўлган мушукчанинг синиқ бўлақларини босиб ўтиб, ёмғирнўшини кийди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

2 сфт. Синиб ишдан чиққан, яроқсиз ҳолга келган. *Синиқ арава. ■ Тўтибу аллақерда чанг босиб ётган синиқ дуторни олиб чиқиб артаётганида, Тожибой кириб келди. С. Зуннунова, Гулхан.*

3 от кўчма Синган нарсанинг бўлақлари. *Жасура йиғламсираганча пиёла синиқларини тера бошлади. Э. Аъзамов, Жавоб. [Нигора] Полдан термометр синиқларини териб, ўрнidan турганида, ўзини анча босиб олган эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

4 от кўчма Одам аъзосининг шикастланиб синган қисми, синган қўл, оёқ ва ш.к. *Хирурглар кенг гулзор ўртасига стол қўйиб, синиқларни гипсламоқда, ярадорларни бинтламоқда. «Шарқ юлдузи». Синиқнинг битишидан мумиёнинг сифатини аниқлаганлар. «Гулистон».*

5 от кўчма Ярим ой ёки ойнинг сувга бўлак-бўлак бўлиб тушган акси. *Осмонга қарасам — ойнинг синиғи, Ерга кўз ташласам — сувнинг тиниғи. Кўзига қарасам — ёлқинлар сочиб, Жонимга ўт солди ёрнинг қилиғи. «Кўшиқлар». Шўғлаланиб, шарқираб ётар Кўк сувларда ой синиқлари. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.*

6 кўчма Рангпар, сарғимтил, сўлғин. *Ичкаридан янги беқасам тўн кийган, жуссаси кичик, муллаваччага ўхшаш ранги синиққина бир йигит иккита тугун кўтариб чиқди. А. Мухтор, Чинор. Дўптили одам ранги зар-*

чанинг рангидай синиқ, мендайн бир кал экан. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

7 кўчма Паст ва шикаста, титроқ (гап оҳанги, овоз ҳақида). - *Менга бир киши керак эдилар, — деган синиқ овоз келди ташқаридан.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Синиқ, титроқ товуш билан: — Нимага хафа бўламан, айтаверинг, — деди Ҳаётхон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

8 кўчма Маъюс, сўниқ; кайфияти паст, хафа ҳолда. [Усмонжоннинг] *Отаси бормикин? Етимликда ўсганми, жуда синиқ йигит кўринади, — ўйлади Адолат.* С. Зуннунова, Гулхан. - *Икковиям тирноққа арзимаиди, морожний обертганим, кинога оптушганим учун шунақа, — деб синиқ илжайди [Собир].* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Шарифа синиқ кулумсиради.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.

Кўнгли (ёки руҳи) синиқ Кўнгли чўккан; дили вайрон, машқи паст. *Фарибнинг кўнгли синиқ.* Мақол. ■ *Унинг ёмон яшамаетганлигини, лекин руҳи бироз синиқроқ эканлигини сездди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Синиқ чизиқ мат.** Бурчак ҳосил қилиб, йўналишини ўзгартирган чизиқ. *Агар синиқ чизиқнинг учлари устма-уст тушса, бундай синиқ чизиқ «ёпиқ синиқ чизиқ» дейилади.* «Геометрия».

СИНИҚЛИК 1 Бирор нарсанинг синиқ эканлиги. *Пиёланинг синиқлиги кўзга ташланди.*

2 Руҳан хафа эканлик. *Руҳий синиқлик.* *Кўнгли синиқлиги.*

3 Овознинг маъюс, титроқ бўлиши. - *Албатта, мени олмас, — деди Нозик; унинг товушида шу чоққача эшитилмаган бир синиқлик оҳанг бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

СИНИҚ-МЕРТИК У ер-бу ери синган, учган ёки дарз кетган; чақа бўлган. *Синиқ-мертик идишлар.* ■ *Ўртада манқалдонда олов, олов атрофида синиқ-мертик чойнакалардан уч-тўрттаси терилган.* Ф. Гулом, Шум бола. *Гуанор бутун жиҳози бир наमत, тоқчадаги бир неча синиқ-мертик коса, пиёла ва.. бир неча эски, ямоқ-ясоқ чит кўрпадан иборат бўлган қоронғи, зах уйга кириб, танчага оёқларини узатиб ётар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

СИНИҚМОҚ Рангини олдирмоқ, рангпар бўлиб қолмоқ, сарғаймоқ. *Ранги синиқибди.* ■ *Отабек кирганда, ўзининг синиқ-*

қан юзи, ичкарига ботинқираган кўзи билан Қумуш илжайиб, унга қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Онасининг синиққан ранг-руйига қараб, Давроннинг боши эгилди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

СИНИҚЧИ *шв.* Синган-чиққанни тузатувчи табиб. *Эрига қараб: — Қоракўзни синиқчига обориб келмайсизми? Бечоранинг қўли чиқиб кетган шекилли, — деган эди, Шамол тоға уришиб берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

СИНИҒАР [*с* синглиси ғар (бўлтур)] *сўж.* Нафрат, газаб, сўкиш, койишни ифодаловчи сўз. [Зиёд:] *Шу десанг, кўтариладиган хонаси келиб қолган экан, қуруғидан оборсалар, қайтарворганмиш синиғар.* М. Мансуров, Ёмби.

СИНКА *с.т.* Синька. *Деҳқоннинг эғнида синкага солинган хомсурп яқтак.* С. Аҳмад, Ҳукм. - *Қизил булутлар энди сарғимтир тусга кириб, кўз олдимда рангини ўзгартираверди-да, бирдан синкага солгандек зангори рангага бўялди, — деди чол.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

СИНКРЕТИК [юн. synkretismos — бирлашиш] Қоришиқ; бирлашган; қисм, бўлақларга ажралган. *Яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, мазкур моддий таъсирнинг маънавий акс-садоси табиат олами билан инсоннинг маънавий-психологик олами ўртасидаги синкретик гармонияни вуҷудга келтиради.* «УГА».

СИНЛИ *шв.* Бўй-баста, қад-қомати келишган. *Синли, синли, синбатлим, Қора шердай ҳайбатлим.* «Қўшиқлар». *Ҳайвонлар ичиде ўзинг синлисан, Тубушқон туёқли, марал беллисан.* «Фольклор».

СИНМОҚ 1 Парчаланмоқ, майдаланмоқ, бўлақларга ажралмоқ, узилмоқ. *Шиша синди. Қалам синиб қолди. Кўза кунда синмайди, кунда синди.* Мақол. *Қайин дарахтининг эгилгани — сингани, Эр йигитнинг уялгани — ўлгани.* Мақол. ■ *Қўлидаги дасталанган пахта гулли пиёладан бири ерга тушиб, чил-чил синди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Оёғининг остида ногоҳ Чирс ётар-у, синиб тушар шох..* Х. Даврон, Болаликнинг осмони. *Ел кетма-кет буқираб, бунга чидай олмаган шохшаббалар қарс-қурс синар.. эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Зарб еб шикастланмоқ, парчаланмоқ (ғавда суяклари ҳақида). *Умар билаги синиб, боши ёрилиб, тупроқда бехуш ётарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

Бели сннмоқ 1) бели шикастланмоқ. *Меъмор Нажмиддин Бухорий кўтарган аламни фил кўтарса, бели синарди.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) кўчма зарбага учрамоқ, хонавайрон бўлмоқ. [Азизбой:] *Ҳо, ҳо.. Куп чирнама, Пулат! Азизбой билан олишганлардан кўпининг бели синиб кетган-а!* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Бошида калтгак синмоқ қ. калтгак.**

3 Шикастлини ишдан чиқмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ. *Арава синди, ҳўкиз ўлди.* Мақол. ■ *-Хафа бўлмаг, ака, — дехоннинг елкасини қоқиб юпатди Йўлчи, — фалокат эмас — арава синади, тузатилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Синган сози қайтадан Тилга киргандай, Ҳазон бўлган баҳори Гулга киргандай.* Файратий.

4 кўчма Конкуренцияда, рақобатда енгилмоқ, банкротлашмоқ, хонавайрон бўлмоқ. [Саидхўмад:] *Замон жуда лойқаланиб кетяпти, ҳали қарасанг, у бой синибди, ҳали қарасанг, бу бой.* Ойбек, Улуғ йўл.

5 кўчма Маънавий зарба олмоқ. *Одамнинг кўнгли нозик бўлади: бир кичкина нарса билан ё синади, ё кўтарилади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *-Агар боланинг рўзи синса, шунақа бетгачопар, каттага сўз қайтарадиган, қайсар бўлади, — деди [Акбархўжа].* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 кўчма Енгилмоқ, маҳв бўлмоқ. *Синмас ирода. Ҳақиқат букилади, аммо синмайди.* Мақол.

Бели синмаган пул Янги, шалди роқ пул. **СИНОАТ** [a. صناعات — санъат, маҳорат; касб-хўнар] Ажиб иш, сирли ҳодиса. *Бу қандай синоат? ■ Нима сир бу? Не синоат? Ё кўнглида уйғонди туйғу?* М. Али, Боқий дунё. *Муъжиза рўй бермаган бўлса-да, бироқ ҳар кун бизни ҳайратлантирарли синоатлар бўлиб турди. «Фан ва турмуш». Назаримда, буларнинг ўртасида мендан бошқа ҳамма биладиган бир синоат бор эди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.*

СИНОВ 1 Сянамоқ фл. ҳар. н.

2 Сифатини, чидамли-чидамсизлигини аниқлаш учун ўтказиладиган текшириш. *Синовдан ўтказмоқ. Синов муддати.* ■ *Малакали лабораториялар синовдан муваффақиятли ўтган бундай сополар асрлардан асрларга ўтади, сақланади.* Газетадан.

3 Сабот ва чидам зарур, керак бўлган палла, воқеа-ҳодиса; имтиҳон. *Сиз тақдир-*

нинг синовларига бардош бериб келган мард одамсиз. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Эл бошига иш тушса, дўст синовдан ўтади.* «Шарқ юлдузи». *Ёш оиланинг бузилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида суд уларга 6 ойлик синов муддати беради.* Газетадан.

4 Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва ўқувчиларининг ҳамда абитуриентларнинг ўқув режасидаги фанлардан олган билими ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш усули. *Институтда синовлар бошланди.* ■ *Минглаб абитуриентлар студентлар сафига қўшилиш учун синов имтиҳонларидан ўтишяпти.* Газетадан.

Синов дафтarchаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба ва ўқувчиларининг муайян таълим муассасасида ўқишини тасдиқловчи, уларнинг баҳолари қайд этилувчи академик ҳужжат. *Синов дафтarchаси битирувчига тегишли мутахассислик юзасидан диплом [сертификат] беришга асос бўладиган расмий ҳужжат ҳисобланади.* «ЎЗМЭ».

СИНОВЧАН Бирор ҳолатга, воқеа-ҳодисага зимдан назар ташлайдиган, разм соладиган, билиб олишга интиладиган. *Обид Йўлдошевчи бу табрикнинг қанчалик самимийлигини билмоқчи бўлгандай, Муҳаммаджонга синовчан назар билан тикилиб, раҳмат айтди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Туладан келган хўшсурат одам оқ оралаб қолган қалин сочларини силаб, Матлубага синовчан тикилиб ўтирарди.* О. Ёкубов, Излайман.

СИНОВЧИ 1 Сянамоқ фл. сфдш. Кампир синовчи кўзлари билан йигитга узоқ тикилди, бошини оҳиста чайқаб, сўнг енгил бир хўрсиниб деди.. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Махсус синовдан ўтказувчи мутахассис. *Синовчи учувчи.*

3 айн. **синовчая.** *Махдум унга синовчи назар билан тикилиб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СИНОД [юн. synodos — мажлис; йиғилиш] 1917 йилгача чор Россиясида: Рус православ черковининг олий бошқарув органи; ҳозирги вақтда — Москва ва Бутун Русь патриархи қошидаги маслаҳат органи.

СИНОДИК [юн. synodos — бирикши; қўшилиш; бирикма]: *аср. синодик айланмиш даври* Куёш системасидаги бирор сайёранинг ўз орбитаси бўйлаб ҳаракатланиб,

Брдан кузатилаётганда, Куёшга нисбатан дастлабки вазиятига қайтишигача ўтган вақт. **Синодик ой** Сайёралар ёки Ойнинг кетма-кет келадиган иккита бир хил фазаси орасидаги (мас., ой кўринган кундан янаги ой кўринадиган кунгача бўлган) вақт; *таққосланг*: сидерик: сидерик давр, сидерик ой. *Ойнинг кетма-кет келадиган иккита бир хил фазаси орасидаги вақт синодик ой дейилади.* «Астрономия».

СИНОЛОГ Синология олими, мутахассиси; хитойшунос. *Синолог олим.*

СИНОЛОГИК Синологияга, хитойшуносликка оид. *Синологик тадқиқотлар.*

СИНОЛОГИЯ [лот. Sina — Хитой + юн. logos — фан, таълимот] Хитой тарихи ва маданияти, тили ва адабиёти ҳақидаги фанлар мажмуи; хитойшунослик. *Синология соҳаси.*

СИНОНИМ [юн. synonymos — бир хил номли] *тлш.* Шақли ҳар хил, маъноси эса бир хил ёки бироз фарқли бўлган тил бирликлари қаторидаги ҳар бир тил бирлиги. *Ўзбек тилидаги синонимлар. Синоним сўзлар.* ■ *Гулханий тили лексикасининг хусусиятларидан бири шуки, «Зарбулмасал»да маълум бир предмет, нарса номи бир неча адекват синонимлар орқали ифодаланади.* «ЎТА». *Синонимлар асарга сайқал беришда, фикрни жозибали ифодалашда катта аҳамиятга эга.* «ЎТА».

СИНОНИМИК *тлш.* Бир-бирига синоним бўлган; маънодош. *Синонимик сўзлар.* ■ *Ҳар бир синонимик қаторнинг чегараси, ундаги сўзлар асосий сўз [доминанта] га қиёслаш орқали белгиланади.* «ЎТА». *Синонимик мақолларни эса ҳар бир халқ, ўзининг миллий хусусиятлари ҳамда маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, мустақил равишда яратади.* «ЎТА».

СИНОНИМИКА *тлш.* 1 Бирор тилнинг синонимлари мажмуи. *Ўзбек тили синонимикаси.*

2 Лексикологиянинг синонимларни ўрганивчи бўлими.

СИНОНИМИЯ [юн. synonymia — бир хил номга эгаллик] *тлш.* Тил бирликларининг маъно жиҳатидан яқинлик, маънодошлик ҳодисаси. *Грамматик синонимия.* ■ *Шуниндек, полсемантик сўзлардаги антонимик муносабат ҳамда антонимик сўзлар сино-*

нимияси уларда стилистик имкониятлар кенг эканлигини кўрсатади. «ЎТА».

СИНОПТИК [юн. synoptikos — барча нарсани бараварига кузата, кўра олувчи] *мтр.* Об-ҳавони кузатувчи, об-ҳавонинг қандай бўлишини, одатда, синоптик хариталар асосида олдиндан айтиб берувчи мутахассис, метеоролог. *Гарчи синоптиклар бир кун илгари табиий офат содир бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган бўлишса ҳам, тоғдан бостириб келган сел анча талафот етказди.* Газетадан.

СИНОПТИК *мтр.* Об-ҳаво шароитларига, метеорологияга оид; турли хил мураккаб ахборотлар мажмуини тезлик билан кузатиш имконини берадиган. *Синоптик кузатишлар.* ■ *Тажрибакор кексалар тахмини ва синоптик прогнозларга кўра бу йил қиш эрта тушиши кутиляпти.* Газетадан.

Синоптик карта (ёки харита) Айни бир вақтда ер устида ва осмонда об-ҳавони кузатишдан олинган натижалар рақамлар ва шартли белгилар билан акс эттирилган географик об-ҳаво харитаси (бундай харита об-ҳавони синоптик таҳлил қилиш ва олдиндан айтиб беришга хизмат қилади). *Радио орқали икки синоптик карта: бири — Европадан, иккинчиси — Америкадан қабул қилинди.* «Фан ва турмуш».

СИНОПТИКА [юн. synoptikos — барча нарсани бараварига кузата, кўра олувчи] Метеорологиянинг синоптик хариталар асосида об-ҳавони олдиндан айтиб бериш мақсадида атмосферадаги кенг қўламли физикавий жараёнларни ўрганивчи бўлими.

СИНОҚ *шв. айн. синов.* *Келди дўстлар йироқдан.. Мексикадан, Ироқдан, Қўнди бахт манзилига, Утиб минг хил синоқдан.* Е. Мирзо, Ўғил меҳри. *Синоқларнинг қийноғида яшадик бутун.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

СИН-СИМБАТ, *синя-сумбат шв.* Ташқи қиёфа, буй-баст, қад-қомат. *Бўри полвон Абрай полвоннинг син-симбатига синчиклаб тикилди.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Хўб йигит экан. Балли отанга, сини-сумбатинга.* «Равшан».

СИНТАГМА [юн. syntagma — тизим, саф; қўшилган бирор нарса] *тлш.* Бир ёки бир неча сўздан иборат синтактик, интонацион-мазмуний нутқ бирлиги.

СИНТАКСИС [юн. syntaxis — тузиш, бириктириш; тузилма, таркиб, бирикма] *тлш.* 1 Бирор тилдаги сўзларнинг сўз бирикма-

ларига ва гапларга бирикиш усуллари, шунингдек, сўз бирикмалари ва гапларнинг турлари ва маънолари. *Ўзбек тили синтаксиси.* ■ *Гапнинг зарур белгиларидан бири бўлган интонация — синтаксиснинг фонетика билан, тилнинг фонетик системаси билан ҳам боғланишини кўрсатади.* «Ҳозирги ўзбек адабий тили».

2 Грамматиканинг сўзларнинг сўз бирикмалари ва гапларга, содда гапларнинг эса қўшма гапларга бирикиш усуллари, сўз бирикмалари ва гапларнинг тузилиши, маъноси ва вазифаларини ўрганадиган бўлими. *Юқорида қайд этилган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, синтаксис сўз бирикмасини ва гапни текширади, унинг асоси гап ҳақидаги таълимотдир.* «Ҳозирги ўзбек адабий тили».

СИНТАКТИК Синтаксисга оид. *Синтактик таҳлил. Сузнинг синтактик вазифаси.*

СИНТЕЗ [юн. synthesis — бирикиш, қўшилиш; бириктириш, қўшиш] 1 Предмет ва ҳодисаларни бир бутун ҳолда, уларни ташкил этувчи қисмларнинг бирлиги ва ўзаро боғланишида ўрганадиган илмий-тадқиқот усули; *зид. анализ. Синтез усули билан фақатгина табиий фанларнинг эмас, балки техник ва ижтимоий фанларнинг интеграциялашуви натижасида кибернетика, бионика, семиотика, тизимлар назарияси яратилди.* «Фалсафа».

2 *ким.* Бир хил кимёвий бирикмалардан бошқа бирикмаларни ёки содда элементлардан мураккаб бирикмаларни ҳосил қилиш; шундай бирикмаларнинг ҳосил бўлиши. *Саноатнинг йирик тармоқлари, жумладан, бўяғичлар, пластмассалар, синтетик каучуклар ва бошқаларни ишлаб чиқариш органик синтез асосида ривожланди.* «ЎЗМЭ». *Ҳужайра ҳаётида оқсил синтези асосий жараён ҳисобланади.* «Фан ва турмуш».

3 *кўча* Бирор фаолиятнинг умумлашган бирлиги, умумлашмаси; ҳосил бўлган яхлитлик. «*Зайнаб ва Омон*» поэмаси *Ҳамид Олимжоннинг урушдан бурунги ижодий фаолиятининг синтезидир.* «Ўзбек адабиёти».

4 Бир неча хил санъат тури қўшилмаси, бирикмаси (инсонга ҳар томонлама эстетик таъсир кўрсатади). *Санъатимизда замонавий меъморчилик билан монументал санъат синтези тобора табиий тус олмоқда.* Газетадан.

СИНТЕЗАТОР [юн. synthesis — бириктириш, қўшиш, боғлаш] Маълум дастур асосида барча куй ва усуллар, турли чолғу асбоблари ва табиат товушлари, қушлар овози, шунингдек, табиатда мавжуд бўлмаган янги товушларни чиқариб берувчи мураккаб электрон мусиқа асбоби. *Синтезатор мусиқаси.* ■ *Ўзбекистонда турли русумдаги синтезаторлар 1980 йилларнинг бошларида пайдо бўлиб.. баъзида концерт жараёнида ҳам жорий этилмоқда.* «ЎЗМЭ».

СИНТЕЗЛАМОҚ 1 Синтез йўли билан текширмоқ, умумлаштирмоқ, бирлаштирмоқ, синтез қилмоқ.

2 *ким.* Синтез йўли билан ҳосил қилмоқ, олмоқ, синтез қилмоқ. *Янги препарат синтезламоқ.*

3 Бир-бирига қўшиб, сингдириб юбормоқ. *Чунки у [Ш. Холмирзаев] ҳикоя ечимида узоқ элтишга алоқадор одат билан янги давр воқелидини бадиий синтезлай олди.* «ЎТА».

СИНТЕТИК [юн. synthetikos — бириктирувчи, қўшувчи, уловчи] 1 Синтезга, бутунлигича узвий боғланишда олиб текширишга асосланган. *Тадқиқотнинг синтетик усули.*

2 Узвий боғланишда бирикиб умумлашган, узвий боғланишда умумлаштирилган. *Синтетик образ.*

3 Синтез йўли билан ҳосил қилинган, олинган. *Синтетик каучук. Синтетик тола. Синтетик полимерлар. Синтетик кирювиш воситалари.* ■ *Синтетик кристалларнинг 10 мингга яқини — анорганик моддалар.* «ЎЗМЭ».

4 *тлш.* Қўшимчалар қўшиладиган; морфологик шаклли. *Майл категорияси ўрганилганда, шу кунгача унинг синтетик йўлда ясалишига кўпроқ эътибор берилиб, аналитик йўл билан ясалишига деярли аҳамият бермай келинарди.* «ЎТА».

СИНУВЧАН Салга синадиган, мурт, но-зик. *Синувчан гишт. Қариганда суяк синувчан бўлиб қолади.*

СИНУВЧАНЛИК *махс.* Металларнинг уларга бирон куч таъсир эттирилганда пайдо бўладиган зўриқишларга қаршилик кўрсатиш хоссаси. *Бирон-бир маҳсулот учун материал танлашда уларнинг синувчанлик хоссаси ҳисобга олинади.* «ЎЗМЭ».

СИНУС [лот. sinus — эгрилик, қийшиқлик] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчак ўткир

бурчаги қаршисидаги катетнинг гипотенузага нисбатидан иборат тригонометрик функция. *Бурчакнинг синусига қараб унинг катталигини аниқламоқ.* ■ *Раҳматулла Ибодов Мирзо Улуғбек тузган жадвалдаги синуслар қийматининг тўғрилигини текшириб чиқди.* Газетадан.

СИНУСОИДА [юн. sinus — букилган, эгилган жой, қийшиқлик + eidos — кўриниш; қиёфа; хил, тур] *мат.* Синуснинг бурчак ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгаришини график тасвирловчи тўлқинсимон ясси эгри чизик.

СИНФ I [a. صنف — хил, нав; тоифа, бўлинма] Кишиларнинг тарихан шаклланган ишлаб чиқариш тизимида, ижтимоий меҳнатни ташкил этишда муайян мавқе ва ўринга эга бўлган, ишлаб чиқариш воситаларига, ижтимоий бойликнинг тақсимланишига бир хил дахлдорлиги ва манфаатларининг умумийлиги жиҳатидан бирлашган катта гуруҳи; нисбатан барқарор бўлган катта ижтимоий қатлам. *Ижтимоий синфлар. Мулкдорлар синфи.* ■ *Ўзбекистонда фуқароларга мулкдор бўлиш ҳуқуқининг берилиши жамиятни қарама-қарши синфларга бўлиб ўрганиш ғоясини ҳам инкор этади.* «ЎЗМЭ». *Ҳозир социологияда жамиятни синфларга ва бошқа ижтимоий гуруҳларга бўлишнинг турли мезонлари илгари сурилмоқда.* «ЎЗМЭ».

СИНФ II [a. صنف] 1 Ўқувчилар томонидан бир ўқув йили давомида эришила диган умумий билим савияси; мактаб таълимининг ҳар бир босқичи; мактабнинг асосий таркибий бирлиги. *Синфдан синфга ўтмоқ.* ■ *Таълат ўнинчи синфини кумуш медал билан тамолади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол. 10-«А» синфда ўқийдиган *Рустам.. кuzда пахта байрамига атаб мактабда ўтказилган кечада рубоб чалиб, ашула айтганида ҳам уни яхши кўраркан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

2 Ўқув юртларида машғулот ўтказила диган хона, аудитория. *Ёруғ синф. Синф доскаси.* ■ *Синфга киришим билан, болалар қичқириб юборишди: -Ур-ре-е, Ҳожси келди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ўқувчи «биз кўпчиликмиз, ўқитувчи ҳаммамизни баравар кўролмайди», деб ўйлайди. Ҳолбуки, ўқитувчи синфдаги ҳар бир боланинг нима қилаётгани-*

ни аниқ билиб туради. Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

3 *кўчма* Бошланғич ва ўрта мактабларда ўқув йили давомида ягона ўқув дастури асосида таълим олувчи ўқувчилар жамоаси. *Синф раҳбари.* ■ *Синф бир оғиздан «Ассалому алайкум» деб қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мактабда ёмон бўлсам, ё икки кун бормасам, бутун синф оёққа турарди.* «Ёшлик».

4 Бадиий ўқув юртларида ўқувчиларнинг бирор ўқув фани бўйича ихтисослаштирилган гуруҳи. *Композиция синфи.* ■ *Маллигани Ўзбекистон халқ артисти С. Қобулова синфига ўқишга қабул қилиш мақсадида тайёрлов курсида ўқитишди.* Газетадан.

5 *биол.* Ўзаро қариндош ҳайвонлар ёки ўсимликлар туркумларини бирлаштирувчи категория. *Сутэмизувчилар синфи.*

СИНФДОШ Бир синфда ўқийдиган ёки ўқиган болалар (бир-бирига нисбатан). *Синфдошлар билан учрашув.* ■ *Зебунисо — Зумраднинг синфдоши. У жуссаси чоғроқ, камгап, мулоҳазали қиз эди.* С. Сиёев, Отлик аёл. *Шундоқ тўполончи боланинг бирданига ювош бўлиб қолганини кўриб, синфдошлари ҳайрон эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

СИНФИЙ [a. صنفى — синфга оид, тур, тоифага алоқадор] 1 Синфларга, ижтимоий қатламга оид. *Синфий жамият.*

2 Бирор синфга хос бўлган, бирор синфга мансуб. *Ишлаб чиқариш, савдо-тижорат, воситачилик, ҳунармандчилик.. эркин ижодий фаолиятда машғул хусусий.. тадбиркорлар мустақил Ўзбекистонда шаклланаётган мулкдорлар синфининг илдам ўсаётган ички синфий қатламлиридир.* «Мустақиллик» луғати.

СИНФХОНА с.т. айн. **сИНФ II 2.** *Йўлдошев дарсга кирганида, синфхона сеҳрли овозга тўларди.* Газетадан. *Коридорлар, заллар, синфхоналар, фан кабинетлари юксак дид билан қайта жиҳозланди.* Газетадан.

СИНХРОН [юн. synchronos — бир вақтли, даврли < syn — бирга + chronos — вақт, давр] 1 Бир-бирига мос равишда, айна бир вақтда, баб-баравар содир бўлган ёки бўладиган, синхронизмга, синхронликка эга бўлган. *Синхрон айланиш. Синхрон ҳодисалар.* ■ *Имо-ишоралар «тили»ни, айниқса, синхрон таржима ва кинофильмлар ўғирмаси билан шуғуланувчи таржимон-мутахассис-*

лар аниқ фарқламоқлари даркор. Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 Айни бир давр тилини давр, вақт омили ва лисоний ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳолда тавсифлашга оид, алоқадор. *Синхрон таҳлил.*

СИНХРОНИЗАТОР *тех.* Маълум жараёнларни ёки машина, механизм ва ш.к. нинг ишини синхронлайдиган, ўзаро мувофиқлаштирадиган, мослаштирадиган қурилма, мослама.

СИНХРОНИЗМ [юн. *synchronismos* — бир вақтlilik] Икки ёки бир неча ҳодиса, жараён ва ш. к. нинг бир-бирига мос равишда айна бир вақтда, баб-баравар содир бўлиши.

СИНХРОНЛАМОҚ Икки ёки бир неча ҳодиса, жараён ва ш.к. нинг ўзаро мос равишда айна бир вақтда, баб-баравар содир қилмоқ, содир бўлишига имкон яратмоқ.

СИНХРОНЛИК Ўзаро мос равишда, айна бир вақтда содир бўлишлик. *Харакатларнинг синхронлиги.*

СИНЧ *бнк.* 1 Бино ва иншоотлар деворининг таглик ёғоч билан саррови ўртасига қадалган ёғочлар. *Лайлак уя бостирманинг олди кўтарилиб, орқаси кўча томонга босиб кета бошлади. Унча зич қилиб қоқилмаган синчлар орасидан дув этиб гувалалар тўкилиб тушди.* Д. Нурий, Осмон устун.

Синч девор Синч қадаб, гувала териб қурилган девор. *Ўртасига атиреул, райхон ва гултожжўроз эскидан ҳовлининг ўнг томонидаги йўлак бўйлаб юриб, юқоридаги синч девор(ли) пастак уйга киришди.* «Муштум». **Синч уй** Деворлари синч қадаб қурилган уй. *Пастак гувала уйлардан тортиб, болохонали синч уйларнинг кўпи пинагини бузмай, гердайиб турарди.* «Шарқ юлдузи».

2 Иморатнинг, деворнинг шу қисми учун боп ёғоч. *Иморатга синч олмоқ.*

СИНЧАЛАК *зоол. шв.* Читтак. *Девор тагидан пирр этиб синчалак учди.* А. Эшонов, Дутор.

СИНЧАЛОҚ Жимжилоқ, кичик бармоқ. *Шунда кампир маликадан бу гапни эшитиб, синчалоғини тишлаб, тўхтаб қолди.* «Эртаклар». *Маматурди қора синчалоғи билан ўнг қулоғини бир ковлаб олгач, жулдур дўпписини елкасига ташлаб, уйдан чиқади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

СИНЧИ *фольк.* Отларнинг зотини, наслини, ёшини, феъл-атворини яхши би-

ладиган одам. [Шербек] *Отнинг тилини Йўлдош новчадай биладиган синчи йўқлигига иқрор бўлса-да, бирор марта номини оғзига олмаган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Синчи, отнинг таърифини қилиб, «чини шу!» деб, бир сўз айтиб турган экан..* «Алпомниш».

СИНЧИКЛАМОҚ: *синчиклаб* Зўр диққат билан, майда-чўйдасигача, икир-чикиригача, ипидан игнасигача, миридан сиригача қолдирмай. *Синчиклаб қарамоқ. Синчиклаб текширмоқ.* ■ *Ёдгор оёқларига тош боғлангандай имиллаб олдинга чиқаркан, Маҳмуда Алиевна ўзига синчиклаб қараб қўйганини пайқади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Врач болаларни синчиклаб кўрар экан, уларни оналарга хос сўзлар билан эркалайди.* М. Хайруллаев, Оппоғим.

СИНЧИЛИК 1 Отларнинг зотини, феъл-атворини, ёшини аниқлаш билан шуғулланиш; синчи касби. *Баракалла Равшаннинг синчилигига, биз ҳам синчилик даввосини қилиб юрган эканмиз, синчилик мана бундай бўлар экан.* «Гуруғли».

2 Бирор нарсани синчиклаб, диққат билан ўрганиш, кузатиш хусусияти. *Баъзида телба-тескари гапириб қўйгани билан, қурғурнинг синчилик сиёғи бор.* «Ёшлик».

СИНЧКОВ Синчиклаб, зўр эътибор билан қарашга, текширишга одатланган, ҳеч нарсани назар-эътибордан четда қолдирмайдиган. *Синчков назоратчи.* ■ *Мирзамухаммад Расулович етти ўлчаб, бир кесадиған, мулоҳазали, синчков, зукко одам эди.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. *Онаси водопровод жўмраги олдида юз-қўлини юваётган қизига синчков назар билан қаради.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

СИНЧКОВЛИК Зўр диққат, эътибор билан кузатиш хусусияти. *Кузатувчининг синчковлиги.* ■ *Нодира [чолга] синчковлик билан қараб, ундан гап сўрамоқчи бўлиб турарди.* С. Юнусов, Гап тилмаган ҳазина. *Алимардон билан Муқаддамнинг тўйи ўтганидан бери у одамларга ўзгача бир синчковлик, ички алам, ишончсизлик билан қарайдиган бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

СИНЧКОР *айн. синччи.* *Синчкор иморат.* ■ *Синчкор уйлар қуриш усули ҳам халқимизда кўп асрлардан бери маълум.* Газетадан.

СИНЧЛИ Деворлари синч қадаб куйилган; синчкор. *Синчли девор.* ■ *Синчли уйнинг афзалликлари ота-боболаримиз замонида маълум.* Ж. Абдулахонов, Хонадон. *Зилсила бу маҳаллаларни ҳам тебратиб, томларнинг чангини чиқарса-да, лекин синчли уйларни қўлатолмаган эди.* «Шарқ юлдузи».

СИНЬКА [р. синий — кўк, кўкиш ва синить — кўкка бўямоқ; кўк бўёқ] Газлама, кийим-кечак ва ювилган оқ буюмларга кўкиш тус бериш учун ишлатиладиган кукун бўёқ. *Ювилган кирни синькага солмоқ.* ■ *У [Тожбой] то гапириб бўлгунча терлаб, олятка солинган яктаги жикка хўл бўлиб, олатароққа айланаб кетди.* С. Аҳмад, Муҳаббат.

СИНЬКАЛАМОҚ Синькага солиб кўкиш тус бермоқ. *Кўйлакни синькаламоқ.*

СИОНИЗМ [қад. яҳ. Қуддус яқинидаги Сион тепалиги номидан] 19-аср охирида вужудга келган, яҳудийларнинг Фаластинга келишини рабатлантириш ва у ерда яҳудийлар давлатини тузишни мақсад қилиб қўйган яҳудий миллий ҳаракати.

СИОНИСТ Сионизм тарафдори. *Жаҳон сионистлар ташкилоти 1897 йилда тузилган, қароргоҳи — Исроил ва АҚШда.* «ЎЗМЭ».

СИПАР [ф. سپر — қалқон; тўсиқ, ғов] тар. Қалқон, совут; ўқ, найза, қилич ва ш. к. қуроллар зарбидан сақланиш учун қўлланган доира ёки бирор бошқа шаклдаги қадимий аслаҳа; қалқон. *Қиличга бу рад бериб, Бошига сипарин тутди.* «Шири билан Шакар».

СИПО [ф. سپاه — қўшин, аскар] 1 Камтар, камсуқум, оддий. *Сипо одам. Сипо кийинмоқ.* ■ *Комила беқасам кийиб, сўрида сипоғина ўтирган Азимжонга кўз қирини ташлаб қўйди.* А. Мухтор, Чинор. *Баланд бўйига сипо қилиб тикилган гулдор кўйлаги ёнишиб турарди.* Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

2 Оғир, вазмин, босиқ. *Ўзини сипо тутмоқ.* ■ *Йигит улар билан сипо саломлашиб, қўлидагиларни столга қўйди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Энди шўхлик қаёқда дейсиз, Юришларим сипо ва уйчан.* А. Орипов, Йиллар армони.

СИПОГАРЛИК айн. сипогарчилик. Саид сипогарликни қўлдан бермаган ҳолда, уларни эркалаган бўлади. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

СИПОГАРЧИЛИК Ўзини жуда оддий, камтарона туттишлик; одмилик; хушмуомалалик. [Бой] *Сипогарчиликни йиғиштириб қўйиб, аслига қайтди.* Н. Фозилов, Оқим.

СИПОЛИК Камтарлик, камсуқумлик; босиқлик. — *Мен у кишининг гапларига бирор қўшимча қилишга ожизман, — деди Саидғози ва креслода савлат тўкиб ўтирган раисга қараб, сиполик билан бош ирғатди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қора кийиниб олган Бадиа меҳмонларга чой-нон қўйиб, сиполик билан хизмат қиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СИПОРИШ [ф. سفارش / سپارش — топшириқ, буюртма; фармойиш, амр; тавсия, қафолат] 1 Эск. кт. Топшириқ, вазифа, ўғит, насиҳат. [Ҳасанали]. «Ўлганимдан кейин.. бир вақтлар Ҳасанали ота ҳам бор эди деб ёдласа, менга шуниси кифоя!» деб қарор берган ва ҳозирдан бошлаб Отабекка бу тўғрида сипоришлар бериб, ундан самимий ваъдалар олиб юргувчи оқ кўнгишли бир қул эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Эъзоз-эҳтиром, илтифот, мулозамат ёки хушомад. *Тешабой Ашурмирзонинг тавнаю таъзиридан ҳали қанчалик ерга кириб кетган бўлса, ҳозирги сипоришдан кўкрагига шабада тегиб, қаддини [шунчалик] ростлаб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Нор Мастурага:] *Келинг, хола. Ҳаммага сипориш қилсангиз ҳам, менга савдони очиқ қилаверинг.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

СИПОРИШЛАМОҚ Мулозамат, иззатикром ёки хушомад қилмоқ. — *Вой, ош айлансин сизлардан. Одам бор ерга одам келадиди-да, адаси, — деб гапини сипоришлади энди Ноуба ва дастурхон ёзишга шошилди.* М. Мансуров, Ёмби.

СИПОҲ [ф. سپاه — ҳарбий бирлашма; қўшин, армия] 1 тар. Подшоҳ, хон, амир саройида узоқ хизмат қилган лавозимли киши; амалдор. *Сипоҳнинг оинаси бўлмас. Мақол.* ■ *Эшикни қия очиб, нотаниш кишиларга совуқ назар ташлаган, юзлари гўштдор уй эгаси сипоҳларга хос нурвиқорлик билан «Хизмат?» дегандек қаради.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Жангчи, аскар. *Деҳқон бўлсанг — қошида бўл, сипоҳ бўлсанг — бошида бўл.* Мақол. ■ *Қиличи синиб, қалқони тешилган сипоҳлардек, она-бола китоб-дафтарларни кўтариб, боғ дарвозаси томон юриша бошлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Муҳаммад Раҳимхон йўл ёни-*

да саф тортган сипоҳларга қараб бош чай-қади. С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Шахмат ўйинида: пиёдадан катта доналар (фил, от, рух, фарзин). *Бир пиёдага бир сипоҳни қурбон бермоқ.*

4 *кўчма айн. сипо.* -Қачондан бери сипоҳ бўлиб қолдинг? — таъна қилди бошланг. Шухрат, Шинелли йиллар. *Шерназарбой ҳаммадан сипоҳ кўринган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

СИПОҲГАРЧИЛИК айн. сипогарчилик. *Сипоҳгарчилик қилмоқ.* ■ [Шарофат] *Сипоҳгарчиликни қўлдан бериб қўймаслик учун бирпас жим қолди-да, кейин қошини бироз чимириб, сўз бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СИПОҲИ(Й) [ф. سپاهى — аскар, жангчи] айн. сипоҳ 1, 2. *Махдум машҳонадан чиқиб, ичкари киришга одим узган ҳолатда дарвозадан сипоҳи кийимида бир киши кирди ва махдумга салом бериб, яқинига юриб келди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

СИПОҲЛИК 1 тар. Амалдорлик, иш бошилиқ.

2 Аскарлик, жангчилик.

3 айн. сиполик. *Йўлдошга айтиб қўйинг, ҳадеб менинг жигғимга тегавермасин.* -Хўп, — деди Турсунов сипоҳлик билан. Ибохон, Улуғ йўл.

СИПОҲСОЛОР [ф. سپاهسالار — бош қўмондон; кўшин етакчиси] тар. ҳарб. Лашкарбоши, бош қўмондон. *Хива хонлигида жами отлиқ ва пиёда кўшинга сипоҳсолор қўмондонлик қилган.* «ЎЗМЭ».

СИПСАР [ҳинд. < سپسار — тимсоҳ < ф. سپاسر — қора бош] Ҳиндистон дарёларида яшайдиган, тумшуғи ингичка ва узун тимсоҳ.

СИП-СИЛЛИҚ 1 Силлиқ с. нинг куч. *Сип-силлиқ тахта. Сип-силлиқ ойна. Сип-силлиқ бош.* ■ *Директорнинг столи сип-силлиқ эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

2 Худди бегуноҳ каби; бежанжал, беишқал, текис. *Саодат давом этди: -Ўтган кенгашда директорингиз бу ҳақда оғиз очмади, сип-силлиқ бўлиб, минбардан тушиб кетди.* А. Мухтор, Қарс икки қўлдан чиқади. *Баталов билан Бобожонов милиция ходимларининг бошини айлантириб, сип-силлиқ чиқиб кетишди.* «Муштум».

СИПҚАРМОҚ Бир симиришда ичмоқ, таги-туғигача симирмоқ. *Аҳмад Танбал мин-*

натдорона бош ирғаб, майни сипқарди-ю, кейин дастурхондаги тандиркабобга қўл чўзди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бобо Хурмо, киприксиз кўзларини мастона ўйнатиб, бир эмас, икки коса шарбатни уст-устига сипқарди-да, ҳикоясини бошлади.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

СИПҚИРМОҚ с.т. айн. сипқармоқ. *Полвоннинг томоғи тақиллаб турган эди: -Бўпти, олдик, — деди ва бир сипқариб, пиёлани бўшатди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Ёзда ариқ лабда ўтириб, бир пиёлага анор сувини сиқиб сипқирмоқни ким севмайди дейсиз?! И. Тўлқин, Али бобо боғи.*

СИР 1 [а. سز — махфий нарса, яширин иш ёки гап; қалб, кўнгил] 1 Ўзгалардан махфий тутилган ёки ўзгаларга номаълум бўлган бирор иш, гап, нарса ва б. *Ҳарбий сир. Юракдаги сир. Сир сақламоқ. Сир тутмоқ. Сирни ошкора қилмоқ. Душманнинг кулгани — сирингни билгани. Мақол. Ўз дўстим деб сир айтма, дўстингнинг ҳам дўсти бор. Мақол. ■ Отабек нима деб айтишга сўз тополмай қолди. Чунки юрак сирини ифода қиларлик жумла топши мумкин эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аҳмад юрагида яшириб юрган сир туну кун, бир дақиқа ҳам унга тинчлик бермасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Ҳали очилмаган, аниқланмаган, илмфан ҳали ўрганиб етмаган, инсон учун ҳали номаълум нарса. *Коинот сирлари. ■ Ойга учирилган иккинчи ракета космос сирларини билишга доир қимматли маълумотлар берди.* «Фан ва турмуш». *Олимларнинг ушбу ҳолдан Чимирилди қошлари. Бу қанақа сир бўлди, деб Тамом қотди бошлари.* А. Орипов, Йиллар армони. *Одамзод доимо дунё сирларини билишга ҳаракат қилиб келган.* «Фан ва турмуш».

3 Бирор соҳа ёки фаолият турининг ўзигагина хос бўлган хусусият; малака. -*Бўтам, сиз кошинпазлик ҳунаридаги ҳамма сирларни диққат билан ўрганганмидингиз? [деб суради Меъмор].* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бадиий ижод сирларига, ижод психологиясига қизиқиш омавий маънавий эҳтиёжга айланиб қолган экан, уни ўрганиш фойдали.* У. Норматов, Талант тарбияси.

Миридан сиригача Ипидан игнасиғача, бошдан-оёқ; батафсил. *Зиёдуллага бу ҳунар ёқиб тушган, уни миридан сиригача эғаллаб олиш учун бутун кучи, зеҳнини ишга солган*

эди. Х. Назар, Ўтлар туташганда. **Сир босмоқ** Салобати босмоқ, ийманмоқ. *Меҳмоннинг сирни босанлигиданми ёки меҳмон кутиш таъвишиданми, у нимагадир ичидагини ташига чиқармас эди. И. Раҳим. Хислат.*

СИР II 1 Ялтироқ минерал ёки мойбўёқ. Унинг [мачитнинг] баланд ва сирни кўчиб кетган эски устулли айвонида уч-тўртта намозмон ўтиришибди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бу мақбаранинг ичи сир берилган жуда гўзал тошлар билан безалган бўлиб, Хоразм наққошлик санъатининг юксак намуналаридан биридир. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Металл буюм ва идиш-оёқ сиртига қопланадиган шишасимон масса; эмаль. *Сирни кўчган кастрюлька. ■ Хаял ўтмай, бир чойнакда кўк чой, сирни кўчган патнисда тўртта бозор нони кўтариб келди Қудрат. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Симобнинг бирор металл билан қотишмаси ёки металлнинг симобдаги қотишмаси; амальгама. *Сирни кўчган ойна.*

СИР III [р. сырой – ҳўл, нам; хом, пишмаган] *айн. пишлоқ. Аёл сумкасидан сир билан колбаса олиб, [Олимжон ва Манзуранни] меҳмон қилди. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар. Рестораннинг орқа эшигидан икки тўр халтани яхна гўшт, сир, коньяк, кўкпиез ва помидорларга тўлдириб чиққан Нусратбек уйга ошиғич қайтиб келди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

СИРА I *реш. I* Асло, асти, мутлақо, ҳеч. Бунинг сира иложни йўқ. ■ *Аҳмад бу гапни сира қутмаган эди, ток ургандек, эти жимирлашиб кетди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Авжи қиш вақти бўлса ҳам, ерда сира қор йўқ. С. Зуннунова, Янги директор. У ўтирганлардан сира тап тартмасдан, шеърини баланд овоз билан ёддан ўқиди. К. Яшин, Ҳамза.*

2 (фақат бўлишсиз фл. билан) Ҳеч қачон, ҳеч вақт. Энди бу ерга сира келмайман. ■ *Барибир, мен Гулнор опани унутмайман сира, уни кўргани тез-тез келиб тураман. Ойбек, Танланган асарлар. Канал очилган кун эсингизда борми? Каналдан оққан чироклар кўз олдимдан сира кетмайди. Бу ўйин эмас, халқнинг орзуси эди. А. Қаҳҳор, Кўшгинор чироклари.*

3 (фақат сўроқ гапларда) Бирор марта, ҳеч. - *Шаҳодат муфтингизнинг афтига сира қарайсизми. Шоирингизнинг пичинларини*

пайқайсизми? – деди Анавар Султоналига. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўғлингизни тийиб олиш сира эсингизга келадими? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СИРА II 1 Мунтазам, изчил қатор; кетма-кетлик, тартиб, навбат. *Сонлар сираси.*

2 Саф, қатор. *Пиёдалар сирасида кекса муаррих ва шоир Мирзо, Табибий, Баёний кўринди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

3 кўчма Қатор, таркиб. *Ҳар ҳолда, шахмат ҳар қандай ўйиндан шу қадар катта фарқ қиладики, бу фарқ шахматни узил-кесил ўйинлар сирасига қўшишга имкон бермайди. М. Муҳитдинов, Мия гимнастикаси. Мулла Абдураҳмон. Раённинг эрга берилганлигининг хабарини эшитгач, бу тасодифни истиқболнинг хайрли фоллари сирасига киритди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

4 Фикрнинг, гапнинг асосий мазмуни, моҳияти, маъзи; гапнинг пўскаллasi. - *Сўзламайман, – деди Тўйбека [Кумушга], – лекин сирасини сўзлайман... Ох, кўрсанг эди бир куёвни! А. Қодирий, Ўтган кунлар. – Гапнинг сирасини айтақолсангиз-чи, холажон, – дедим ниҳоятда чидамди. Т. Алимов, Тўй қолди.*

Сирасини айтганда Тўғрисини айтганда, гапнинг тўғриси. Сирасини айтганда, пойтахтлик конструкторлар бизга ёрдамга келишади, деб ўйламаган эдик. Газетадан.

СИРАСИГА *реш. кам қўл. Сурункасига, қаторасига; бетўхтов. Уч кун сирасига ёмғир ёғди.*

СИРА-СИРА *Сира I 1, 2 с. нинг куч. Сира-сира билмайман. ■ Гулчеҳра Султон билан Дилбар ўртасида ғов бўлишни сира-сира истамасди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. Муллажон унинг кўзига мўлтираб қаради. Бу қараш Башоратга сира-сира таъсир қилмади. С. Аҳмад, Сайланма.*

СИР-АСРОР, **сир асрор** [сир + асрор] Барча сирлар (қ. сир I). *Бир ҳафта ўтмаёк, бу уйдаги сир-асрор Инобатга ойнадек бўлди-қўйди. С. Аҳмад, Сайланма. Онаси хат танимас, лекин турмушнинг кўп сир-асрорига ақли етадиган, мулоҳазали аёл. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.*

СИРАЧ I *бот. Пиёздошларга мансуб, адир ва тоғларда усадиган кўп йиллик ўсимлик.*

2 Шу ўсимлик илдизидан олинадиган кукун. *Буни [тайёр маҳсиларни] сотиб, чарм,*

ип, сирач, мум сингари косибчилик учун керакли ашёларни олади. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Қоғоз, чарм ва ш. к. ни ёпиштириш учун шу кукундан сувга қориб тайёрланган, кўпинча этикдўзликда, косибчиликда ишлатиладиган елим. Акбарали.. отасининг ёнида ип эшиб, сирач қорар, ойисининг ўғирда жўхори толқон туйиб, заранг косага бир қошиқ шинни солиб беришини тоқатсизлик билан кутарди. А. Мухтор, Чинор.

4 кўчма с. т. Сурбет, хира, елим (одам ҳақида).

СИРАЧЛАМОҚ Сирач суртмоқ, сирач суртиб ёпиштирмоқ, сирач билан ёпиштириб ясамоқ. Агар ҳаво варракбон бўлиб, шамол турса, варракни шошиб-пишиб сирачлайман-да, қуримасданоқ кўтариб, томга югураман. Ойбек, Болалик.

СИР-АЪМОЛ [сир + аъмол] айн. сир-синаот. Унинг [Ражаб тегирмончининг] сир-аъмоли Ҳасан овчига маълум. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

СИРГОҲ [а. + ф. سرگه — сирлар макони] кам қўлл. Сирлар макони, сирли макон. Аввало шуни айтмай: бу олам, дарҳақиқат, ғоят мураккаб сиргоҳ ва коргоҳдир. В. Зоҳидов, Гўзаллик нимада?

СИРДОШ I Бир-бирига сирини ишониб айтувчи, ҳамдард кишилар (бир-бирига нисбатан). Ёмон билан йўлдош бўлма, Нодон билан сирдош бўлма. Мақол. ■ Улар бир-бирларига сирдош, ҳамфикр, меҳрибон бўлиб улғайдилар. К. Яшин, Ҳамза. Илгарилари ўт билан сувдек бўлган кундошлар энди сирдош бўлиб, чекка-чеккада пичирлашадиган бўлдилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 кўчма Барча сир-асрори, тарихининг гувоҳи; асрдош. Бахмал соҳилинга кўз тикиб қолдим, Асрлар сирдоши, эй улуғ дарё. Ғайратий. Дарё — саҳронинг азалий сирдоши. У ҳам қум рангиди тўлғанади, у ҳам саҳродек чексиз ва қадимий. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловот.

СИРЕНА [фр. sirene < лот. siren < юн. seiren — юнон мифологиясида ўз қўшиқлари билан денгизчиларни хавфли, ҳалокатли жойларга чорловчи, бош ва кўкрак қисми аёл қиёфасидаги афсонавий қуш] Маёк, кема ва ш. к. да қўлланадиган ва сиқилган ҳаво ёки буғ билан ишлайдиган, кучли товуш сигнали берадиган асбоб ва унинг

сигнали. Кема сиренаси. ■ Йўлдош блиндаждан чиққанда, ўрмоннинг аллақайси бир еридан сирена чинқирғи эшитилди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

СИРЕНЬ [нем. Sirene < лот. syringa < юн. syringa — найча; сибизга] қ. настарин. Сирень кўчатини кузда ўтқазган маъқул. «Фан ва турмуш». Сиренлар, сиренлар, ҳар кун эрталаб Деразамни очиб, кўраман сизни. Х. Салоҳ, Чашма.

СИРИЛМОҚ I Сирмоқ фл. мажҳ. н. Духоба сирилган диван. ■ Шерали, бошлиқ кабинетидан чиқиб, рўпарадаги устига қора чарм сирилган эшикни очиб, хонага кирди. С. Кароматов, Олтин қум.

2 Сирмоқ 2, 3, 4 фл. ўзл. н. Отлар эрталабдан бери сирилиб ётибди.

Пивэз пўстидай сирилмоқ Очликдан сулаймоқ, оч қолмоқ, оч ўтирмоқ. Чой-пой ичсак булар эди. Қорин ҳам пивэз пўстидай сирилиб кетди-ку. О. Толибов, Анқов.

СИРИУС [лот. Sirius — Катта Ит юлдуз туркуми] Катта Ит юлдуз туркумининг бир юлдузи; осмон сферасидаги энг ёруғ ва Куёшга яқин кўшалок юлдуз. Сириус кўшалок юлдуз бўлиб, компонентлари бир-бирининг атрофида 50 йил давр билан айланаб туради. «ЎЗМЭ».

СИРИҚ шв. 1 Шипни тутиб, қўтариб туриш учун уй ўртасига ўрнатилган йўгон устун, тирговуч. Йигитчиликда ўйнаб-қулиб қолиш керак. Мана, ўзинииз ҳам қора сочу қора кўз, сириқдек йигитсиз. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Темир ёки ёғоч косов.

СИРКА I [ф. سرکه / سرکا] Сирка кислота-нинг сувдаги эритмаси — меваларни консервалашда, овқатга қўшилиладиган зиравор сифатида ишлатиладиган ўткир хидли, аччиқ-нордон мазали суюқлик (уй шароитида узум, олма ва ш.к. ширин меваларнинг шарбатидан ҳам махсус усулда тайёрланади). Узум сиркаси. Овқатга сирка солмоқ. ■ Овқатга мурч, пивэз, сирка кабиларни.. қўшиши, лимон суви ёки нордонроқ дорилар бериш иштаҳа пайдо қилиши мумкин. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. Тўлаган энгашиб, дастурхоннинг бир четига соқолини артди, дон тиқилган товукдай буйинини чўзиб кечирди, сирка ичкандай афтини буруштириб: -Жуда тўйдим.. Азбаройи худо!.. — [деди] А. Қаҳҳор, Танланган асарлар.

Сиркаси сув кўтармайдиган (одам) Гап кўтармайдиган, таъби нозик одам. *Мажлис-да унга: -Сен бола, чучварани хом санаб юрибсан. Шошма ҳали, жўжани кузда санаймиз. Бу қанақаси, сирканг сув кўтармайдиган бўлиб қопти, — дейишди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Ҳақиқатда, [Исмоил ота] сиркаси сув кўтармайдиган одам.* У. Назаров, Исмоил тажанг.

СИРКА II Бит тухуми. *Ёмондан ит яхши, Сиркадан бит яхши.* Мақол. *Боланинг эркаси — битнинг сиркаси.* Мақол.

СИРКАЛАМОҚ I Юмшатиш, таъм бериш учун сирка қўшиб аралаштирмақ. *Пиёзни сиркаламоқ. — Бўлмасам-чи, — деди йигит кулумсираб, — гўшт-да бу, онахон, дудланган, сиркаланган, саримсоқ пиёзи бор, жа хушхўр.* Н. Аминов, Қалтис хато. *Бодрингни кишга тузлаб, сиркалаб ва консерва қилиб олиш эндиликда ғоят кенг урф бўлган.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

СИРКАЛАМОҚ II Тухум қўймоқ. *Бунақа жойда ҳар хил қурт, ҳашаротлар сиркалаб, ғуж-ғуж урчийди.* С. Нуоров, Нарвон.

СИРКОЙИ Узумнинг аччиқ тури.

СИРКОР I айн. *сирчи.* *Сиркор уста. — Меъморларимиз.. сиркор, наққош ва ўймакорлар билан яқиндан ижодий алоқада бўлишлари қутилмаган натижалар беради.* Газетадан.

2 Сирланган, сир (мойбўёқ) бериб ишланган, сирли. *Сиркор уй. Сиркор сопол идиш. — Ҳамма икки тавақали сернақи, сиркор эшикнинг очилишини ва ўз номларининг айтиб чақиришларини кутиб турарди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Исломбой чирғи чарақлаб турган ойнабанд, сиркор айвонда уст-бошидаги қорни қоқиш баҳонасида тўхтаб, ўртадаги деразадан разм солди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

СИРКОРЛИК I Нарсалар сиртига мойбўёқ бериб безатиш билан шуғулланиш; сиркор касби. *Сиркорлик касбини ўрганмоқ.*

2 Сир (мойбўёқ) билан ишланган безак, гул. *-Тўғри, — деди шипдаги сиркорликка зехн солиб ўтирган дўкон мудири [Холназаровга], — кеча комиссиян магазинда бир буфет кўрдим.* «Муштум.

СИРЛАМОҚ I Сир (мойбўёқ) билан бўямқ, гул солмоқ. *Деворларни сирламоқ. — Фақат болохона тагидаги уй ўзгарибди: Оқланибди, янги эшик ўрнатилибди, сирлан-*

ган деразаларда келинлик нишони бўлган нафис дарпардалар.. Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол.

2 Сир ёки эмаль билан қопламоқ. *Сопол буюмларни сирламоқ. Тоғорани сирламоқ. — У устидаги фуфайкасини ечаётиб, бурчакда турган чиройли, чети гулдор, сирланган оқ тоғарачага кўзи тушиб қолди.* Н. Фозилов, Дийдор.

3 Амальгама билан қопламоқ. *Кўзуларни сирламоқ.*

СИРЛАШМОҚ Бир-бирига сирларини айтмоқ, дардлашмоқ, дилидаги гапларини тўкмоқ. *[Ўзбек ойим ва Офтоб ойим] Сирлашиш учун бошқа уйга чиқиб кетдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Мана, ич, — деди мешкобчи заранг косани тўлдириб узатиб, — ич, жигарим, энди сирлашадиган фақат иккимиз қолганга ўхшаймиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СИРЛИ I 1 Бошқалардан сир тугилган, яширин, махфий, сири бор. *Чўли бобонинг жой солаётганлар ёнига кетганидан фойдаланиб, Ҳорунбек Меъморга оҳиста сирли бир гапни шивирлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Улар серсоя дарахтлар остидаги салқин йўлакдан кетиб боришаркан, сўхбатлари яна куюқлашиб, сирли тус олди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Замирида қандайдир бир сир яширинган; ажиб, ўзига жалб қилувчи. *Шеърийат — ғоят бир сирли олам.* Газетадан. *Унинг узун киприклари ойдинда қоп-қорайиб кўринар, алақандай сирли гўзаллик берарди чехрасига.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол. *«Тўй» сўзини эшитган Ойнисанинг вужудини сирли бир аланга қамради, юз-кўзи ўт бўлиб ёнди, тошкентликнинг отини ҳам ташлаб, уйи томон қочди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Бу гапингам тўғри, севги инсоннинг жуда сирли туйғуси деб бекорга айтмаганлар.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Ниҳандир, қандайдир сирни яширган, аллақандай бир сири бўлган. *Саидғози.. тингловчиларни энктиртириш учун бироз тўхтаб, залга сирли назар ташлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *У [Баҳром] менга қараб сирли кулди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *-Аканг келяпти, — сирли товуш билан деди Эргаш, — тагин анов кунга ўхшаб бир дўппосласа нимани қиласан..* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

4 Кўрқинчли, ваҳимали; юракка кўрқув соладиган. *Шамол ўрмонни сирли, ваҳимали*

садолар билан тўлдирди. Ойбек, Куёш қораймас. *Бир маромда пишқираётган океан аёлнинг кўнглига ваҳм солар, қоп-қора тошлар кўрқинчли ва сирли кўринарди.* «Ёшлик».

5 Илмий жиҳатдан ўрганилмаган, очилмаган, аниқланмаган, маълум бўлмаган. Ҳамза кўнглида Ҳиндистон сафари иштиёқи туғилган пайтдан бошлаб бу сирли мамлакат ҳақидаги ёзма ва оғзаки маълумотларни ўргана бошлаган эди. К. Яшин, Ҳамза. *Тузди-ю Мирзо Улуғбек Кўрагоний жадвалин, Сирли осмон тоқига илк Қўйди нарвон ўзбегим.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

СИРЛИ II I айн. сиркор II. Ағёрнинг сирли меҳмонхонасидан дўстингнинг сомонхонаси яхши. Мақол. ■ - *Бу яхши! Бухородек шаҳри азимда юзта кулол бўлса ҳам оз. Бозорларда идишлар кўпайсин, янги биноларга сирли сополар кўпроқ етказиб берилсин, — деди Меъмор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Сир ёки эмаль билан қопланган, сирланган. *Сирли челақ.* ■ *Қўлига сирли сопол коса тутган бир қизча қадамларини авайлаб босиб келди-да, косани Ойимхонга топширди ва тез чиқиб кетди.* П. Турсун, Уқитувчи. *У тахта эшик занжирини тушириб, ичкари кирди. Кизги ўртасидаги тузунга кўзи тушди. Очса — сирли тоғорада ош, икки шиша ароқ, нон, бозори кулчалар.* «Ёшлик».

СИРМА Усти бирор мато билан қопланган, устига бирор мато сирилган. *Сирма нўстин.*

Сирма тўн (ёки чопон) Пахтаси астар ва миён астар орасига олиб қавилган, устидан авра сирилган тўн. *Унинг бошида қулоқчинли теллак, эғнида кўк сирма калта чопон, чап енгига қизил мато боғлаб олибди.* П. Турсун, Уқитувчи.

СИРМОҚ I I Устини мато билан таранг қилиб қоламоқ. *Диванни қизил духоба билан сирмоқ.*

2 Гавдага ёпишиб таранг турмоқ (кййим ҳақида). *[Аъзам] Бир келса, Таманнонинг ўзи ёғиз. Худди бир маҳал кўрганидай, баданга сириб тикилган шим ва кофтада.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

3 Маҳкам қилиб боғламоқ. *Уста.. чорсини белига сириб боғлаб, минбарга чиқди.* С. Аҳмад, Ҳодивой.

4 Арқонни калта қилиб боғламоқ, қантариб қўймоқ. *Отни устунга сириб боғламоқ.*

СИРМОҚ II Бирмунча вақт овқат бермай оч қўймоқ, оч қолдирмоқ ёки ўзини овқатдан тийиб, оч ўтирмоқ. *-Овқат-повқатинг борми, опкелсанг-чи, ўлдирдинг-ку сириб, — деди Икромжон Жаннат холага.* С. Аҳмад, Уфқ. *Жувозга қўшилган отдек чўзилиб, қулоғингиздан кун кўриниб қолибди-ку!* *Овқатдан ўзингизни сирманг, пул топилади, соғлиқдан ажраб қолманг яна.* С. Нуров, Нарвон.

СИРОП [фр. sirop < а. شراب — шарбат] Мева шарбати ва шакарни қайнатиб тайёрланган қуюқ қиём; шарбат. *Олча сиропи.*

СИРОТ [а. سراط / سراط — йўл] дин. Ислом манбаларида қиёмат куни, охиратда жаннатга бориш йўлида жаҳаннам (дўзах) узра тортиладиган қилқўприк [Форсларда ва мусулмон туркий халқларда «пулсирот, пул сирот» деб юритилади. Бунда форсча «пул» (پل) сўзи «кўприк» демакдир. *Таққосланг: Тахтапул — ёғоч кўприк]. Сирот кечмай, қаҳ-қаҳ кулма.* Мақол. ■ *Қурбонлик қилмаган кишилар жаннатга ўзларича ўтишга уринсалар ҳам, сирот кўпригидан йиқилиб, дўзахга тушиб, қаттиқ азобланар эмиш.* Газетадан.

СИРПАНМОҚ I Силлиқ юза, сирт устида монесиз, тўсиқсиз сурилмоқ; сирғанмоқ, тойғанмоқ. *Сирпаниб йиқилмоқ. Сирпаниб кетмоқ.* ■ *[Адолатнинг] Бошидан сирпаниб кетган паранжиси оёқларига ўралашиб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теварагидан қувонч билан иноқ ўйнашар эди.* Ойбек, Навоий.

2 Силлиқ муз, яхмалак ёки қор устида учмоқ, сирғанмоқ. *Тепаликдан сирпаниб тушмоқ. Конькида сирпанмоқ.* ■ *Лой, тойғоқ йўлдан эшагимиз қийналиб қадам ташлар, гоҳ сирпаниб, гоҳ йиқилгудек мункиб кетарди.* «Ёшлик».

СИРПАНЧИҚ I Силлиқ, тойғоқ юза, сирт; сирғанчиқ. *Сирпанчиқ муз.* ■ *Қаттиқ совуқ бўлиб, кўчалар сирпанчиқ бўлган кунларнинг бирида Афанди Тошкентга ташриф буюрди.* «Муштум».

2 Сирпаниш, коньки отиш учун махсус музлатилган жой, майдон. *Сирпанчиқда коньки учмоқ.* ■ *Болалар танаффусда бири қорбурон ўйнаб, бири сирпанчиқда учиб юришарди.* Газетадан.

Сирпанчиқ отмоқ Силлиқ муз ёки қор устида учмоқ, сирпаниб ўйнамоқ. *Вали йўл-йўлакай сирпанчиқ отиб келаркан, ўзидан алдинда кетаётган қизчани туртиб юборди.* Газетадан.

3 тех. Станок, мослама, қурилма ва ш. к. нинг сирпанувчи қисмлари сурилиб юрадиган силлиқ йўналтирувчи қисми.

СИРРА: сирра бўлмоқ Нима иш қилишини билмай гаранг бўлмоқ, серраймоқ. *Офтоб ойимга бу хат музлик сувга шўнғитиб олиш таъсирини берган ва ўтирган ерида сирра бўлиб қотиб қолган эди.* А. Қодирий, Ўтган қунлар. *Ҳардамхаёллик билан эшикни очиб, Қобил тоғанинг уйига кирдим-у, ўтиришни ҳам, чиқиб кетишни ҳам билмай сирра бўлиб қолдим.* Газетадан.

СИР-СИНОАТ [сир + синоат] қ. сир 1, 2. *Ростдан ҳам нима бўляпти ўзи? Ё ўртада мен.. билмаган қандайдир сир-синоат бормикин?* О. Ёқубов, Излайман.

СИРТ 1 Нарсаларнинг ташқи томони, ташқи юзи. *Ер сирти. Ой сирти. Сирти кўк идиш. Мол оласи сиртида, одам оласи ичида.* Мақол. ■ *Бу чойнакнинг сирти ажойиб нақшлар билан безатилган экан. «Олтин олма». Кун тиг тортиб, дарёнинг у томонидаги адирларнинг сирти тўқ яшил, жилғалари қора тусга кирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Нарса ёки кимсанинг ташқи қиёфаси, кўриниши; зоҳирий томони. *Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ.* Мақол. *Сиринени сиртинга чиқарма.* Мақол. ■ *Демак, у сиртдан ҳуснга қанчалик бой бўлса, маънавий жиҳатдан ҳам шунча бой экан-ку!* К. Яшин, Ҳамза. *Булар сиртдан мағрурдек кўринадилар. Бироқ бу мағрурликка кирмайди, буни кибр дейилади.* Шукрулло, Сайланма.

3 Ташқари, чет. *Душманнинг сиртида эмас, ичида бўл.* Мақол. *Синалмаган отнинг сиртидан ўтма.* Мақол. ■ *Зумрад ҳануз сиртда ийманиб турарди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Мен қўл қўйиб, муҳр босар эдим-у, лекин сиртдан туриб сизларга ёрдам берганим мақбул.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Йўқ, шоир ҳиссини бўлмайти алдаб, Сиртдан баҳо бериб бўлмас кишига.* Шукрулло, Сайланма.

4 мат. Геометрик шаклнинг ташқи юзи, умумий қисми. *Шар сирти. Цилиндрнинг ён сирти. Ботиқ сирт. Уюрма сирт.* ■ *Фанда сиртининг хусусиятларини ўрганувчи бутун бошли йўналишлар мавжуд. «Фан ва турмуш».*

5 геогр. Тизма тоғ чўққилари. *Агар мана шу Музлоқ тоғнинг чўққалаган нор туянинг ўрқачига ўхшаган сиртига чиқилса, кишининг кўзи олдида бир-бирига зид икки дунё очилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Сиртдан 1) ташқи томондан, ташқи кўринишидан. *Қиз сиртдан кўримсизроқ бўлса-да, кўзларида қандайдир сеҳр бордек эди. «Ёшлик»; 2) шунчаки йўлига. Капсанчилар сиртдан муросага келган бўлиб, зиммаларига тушган вазифаларни мумкин қадар тезроқ бажаришга сўз бериб тарқалишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) ғойибона, четдан. *Сизни сиртдан танирдим, сиз тўғрингизда кўп эшитганман.* К. Яшин, Ҳамза; 4) зимдан; яширинча. *Сиртдан гапириб юрмоқ. Сиртдан иш битирмоқ. Сиртдан қараганда* Бир қараишда, шунчаки йўлига, юзаки қараганда. *Эсон бобо сиртдан қараганда бепарводек кўринса-да, милтиқни ўғли олганини аниқ билгач, юрагига ғулу тушди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Сиртдан ўқиб* Ўқув юртига қатнамай, мустақил шуғулланиб ўқиш (яна қ. сиртқи). *Тоштемир сиртдан ўқиб, педагогика институтини тугаллаб, диплом олишни орзу қилар эди.* Газетадан. *Сиртига сув юқтирмаслик* Сира ўзига олмаслик, парво қилмаслик. *Миркомил ака ғала-ғулага азият чекадиганлардан эмас. Сиртига сув юқтирмайди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

СИРТЛОН зоол. Ўлимтик билан озиқланадиган, бўйнида ёли бор, ранги яшаш жойига мослашадиган йиртқич сутэмизувчи ҳайвон. *Икки сиртлон бир сиртлоннинг сиртин йиртар.* Мақол. ■ *Ҳазбингни яширолмаи Мисли сиртлон, мисли шер, Тишларингни ёвга санчсанг — Бу энг қутлуғ, улуг шеър.* Х. Даврон, Болаликнинг осмони.

СИРТМОҚ 1 Арқон, чизимча ва ш. к. ларнинг бўйинбоғ шаклида суриладиган ва сиқиладиган қилиб боғланадиган учи. *Сиртмоқ салмоқ. Дорнинг сиртмоғи.* ■ *Қари солдат дор тағидаги тўнкаларни қимирлаб текширди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. — *Раҳмонқул дорга осиладиган бўлса, мен ўзим сиртмоқ ташлаб бераман, — деди Ҳани ота.* Ҳ. Фулом, Маъшал.

2 кучма Асорат, сиқув, исканжа. *Ажал сиртмоғи.* ■ *«Агар сенга ўхшаганлардан яна бир-иккитаси бўлса, покиза ҳаётнинг булғаланиши, соф муҳаббатнинг тухмат сирт-*

моғида жон бериши ҳеч гап эмас!» деганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. М. Жабборов, Севинч ёшлари. Агар ишлари чаппасидан келса-ю, Шайбонийхоннинг қопқонига тушсалар, ажал сиртмоғи энг аввал Бобурнинг бўйнига тушишини ҳаммалари билардилар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

СИРТМОҚЛАМОҚ Сиртмоқ солмоқ, сиртмоқ солиб боғламоқ ёки бўғмоқ. *Подшо айтди: -Ингичка симдан чилвир қилинглар, ҳалқа қилиб бўйнига солинглар, сиртмоқлаб, тилла дорға илинглар.* «Эрალი ва Шерали».

СИРТҚИ 1 Нарса ёки кимсанинг ташқи, устки томонига оид; сиртидаги, ташқи. *Бинонинг ички ва сиртқи томони. Сиртқи кўриниш.*

Сиртқи дори Ичга ютиб ёки ичиб истеъмол қилинмайдиган дориларнинг умумий номи (мас., кўзга томизиладиган, ярага суртиладиган ва ш.к. дорилар).

2 Ўқув юртига қатнамай ўқишга доир. *Сиртқи ўқиш. Сиртқи таълим. Институтнинг сиртқи бўлими.* ■ Ваҳобжон ўтган йилнинг августида сиртқи институтга имтиҳон топширгани Тошкентга тушган эди. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

СИРЧИ 1 Мойбўёқ билан ишловчи уста; сиркор. -*Аmmo сиз, болаларим, ишнинг оғирини ўз зиммаларингизга олинг. Бундан буёғи сирчиларга, кошинпазларга ёрдам қилинг; кўпи кетиб, ози қолган [деди Меъмор шогирдларига].* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Кўзгу ясовчи уста.

СИРЧУМЧУҚ Қораялоқлар оиласига мансуб қуш. *Ўзбекистон қўлларида қора бошли сирчумчўқ ёки қора сирчумчўқ уя қуради.* «ЎзМЭ».

СИРҚИМОҚ Сизиб ўтмоқ, томчилаб оқмоқ. *Бочкадан сув сирқиб турибди.* ■ *Унинг эски тринка шимининг почаларидан сув сирқиб оқар, эғнидаги бенур чит кўйлаги шалаббо бўлиб, баданига ёпишиб кетган эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

СИРҚИНДИ 1 Идиш тагида қолган суюқлик, қолдиқ. -*[Газнинг] Ҳаммасини тортиб олиб бўлмаяпти, масофа узоқ, сирқиндиси қолади, - деди йигитларга.* А. Мухтор, Чинор. -*Ёнмайдиган сирқинди мой экан! - деди Маҳмуд жувозкаш йигитга таъна қилиб.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 кўчма Қолдиқ, сарқит; эскилик сарқити. *Мен ёзмоқчи бўлиб турган ҳикоянинг*

қахрамони ҳам ўша эски сирқинди типларидан бири эди. Ф. Фулом, Тирилган мурда.

СИРҚИРАМОҚ айн. зирқирамоқ. Ёдгор совиб қолган чойдан ичди. *Колбаса емоқчи бўлган эди, тиши сирқираб кетди.* Ў. Хошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Дадавойнинг кирза этикдаги болдир суяклари тиззасига-ча сирқиради, кетаётган ерида бир нафас тўхтаб, нафасини ростлашга мажбур бўлди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

СИРҚИТМОҚ 1 Сирқимоқ фл. орт. н.

2 Бир томчи ҳам сув, суюқлик қолдирмай бушатмоқ. *Идишни сирқитмоқ.* ■ *Шарифпиён бирпас сукут сақлаб, ароқнинг қолганини пиёлага сирқитиб, бир кўтаришда ичди ва қаттиқ уф тортди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СИРҚОВ Касал каби лоҳас, ланж, беҳол. *Она юртнинг ҳатто суви Не сирқовга даво, дерлар.* Миртемир, Асарлар.

СИРҚОВЛАНМОҚ Бетоб кишидек беҳол, бемажол юрмоқ; дармонсизланмоқ; ланж, лоҳас бўлмоқ. *Фарида касал одамдек сирқовланиб, ҳеч нима ёқмай юрди.* Мирмуҳсин, Чиниқўш. *Охунбува ака қиши билан сирқовланиб юриб, кўклам чиқиш олдиди дунёдан ўтди, беш бола тепасида чирқираганча қолди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

СИРҒА Кулоққа тақиладиган безак буюм; исирға, зирак. *Кумуш сирға.* ■ *Ҳусниддин тўхтаб туриб, марварид сирғаларини серкиллашиб келаётган Қандолатхон билан омонлашди.* Мирмуҳсин, Феълан кучсизлик. *Даволовчи врач келди. Унинг ҳам эғнида оқ халат, қалин лаблари бўялган, қулоғига шалақдек сирға тақиб олган, хушрўй жувон.* Н. Аминов, Қалтис хато.

СИРҒАЛИҚ шв. Кулоқнинг сирға тақиладиган пастки юмшоқ қисми; солинчак.

СИРҒАЛМОҚ 1 айн. сирпанмоқ 1. *Осмонлар иморатлардан завқланиб, гоҳ ўн-га, гоҳ сўлга зеҳн солиб бораркан, тасодифан оёғи сирғалиб, чалқанчасига қулаб тушибди.* «Муштум».

2 Сурилиб, айланиб кетмоқ. *Кетмоннинг силлиқ дастаси қўлида сирғалиб кетавергач, кафтига туфлаб қўйди.* «Ёшлик».

3 Сирт устида пастга қараб секин ҳаракатланмоқ. *Бола отасининг қўлидан сирғалиб тушиб, ўзи чопқиллаб кетди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Хонзода бегимнинг сўлгин юзига кўзларидан ёш сирғалиб тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Кампирнинг ёноқ-*

лари бўртиб чиққан. Румоли сирғалиб, елка-сига тушган. Т. Малик, Ажаб дунё.

4 Сездирмасдан, секингина сурилмоқ, силжимоқ, юрмоқ. *Дераза олдидан иккита шарпа сирғалиб ўтди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Руқия чаққонлик билан ҳовлидан сирғалиб чиқиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

СИРҒАЛУВЧИ Сирғанувчи, сирпанувчи, сурилувчи. *Станокнинг сирғалувчи қисми.*

Сирғалувчи ундошлар тлш. Фрикатив товушлар.

СИРҒАНИШ 1 Сирғанмоқ фл. ҳар. н. Музда сирғаниш.

2 физ. Бир юзанинг иккинчи юзада айланмай силжиши. *Сирғаниш коэффициенти.* *Сирғаниш подшпниги.*

СИРҒАНМОҚ айн. сирпанмоқ **1.** *Сирғаниб кетмоқ.* *Сирғаниб йиқилмоқ.* ■ *Шамол дераза ойнасига қайириб ураётган томчилар кўз ёшидай секин пастга сирғаниб тушарди.*

П. Қодиров, Уч илди.

СИРҒАНУВЧИ 1 Сирғанмоқ фл. сфдш.

2 махс. Бирор юзада айланмасдан силжувчи. *Сирғанувчи нур.* *Сирғанувчи вектор.*

СИРҒАНЧИҚ айн. сирпанчиқ **1.** *Сирғанчиқ муз.* ■ *Эрталабдан ёмғир шивалай бошлади.* *Қақраб ётган ерларнинг юзи ялтираб, сирғанчиқ бўлиб қолди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Шишадай ялтираб қолган ер бети музлай бошлаган, оёқ ости сирғанчиқ эди.* О. Ёкубов, Бир фельетон қиссаси.

СИРҒИЛМОҚ айн. сирғалмоқ. [Гулноз] *Бу гал ҳам қўл учини сочиққа артди-да, супадан сирғилиб тушиб, уйига кирди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. -*Атрофдаги барча нарсаларни унутиб, уни [асарни] ўқий бошладим.* Ёноқларимдан кўз ёш доналари сирғилиб оқарди, — деди Ҳалима. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *У [Тоштемур] ёмғирда бир нафас турди-да, кейин тўндан секин сирғилиб чиқиб кетди.* Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.

СИРҒОҚ 1 Серёмғир вақт, ёгингарчилик. *Эскичасига «қирқ кун қурғоқ ёки қирқ кун сирғоқ», дердилар.* *Мана шу «сирғоғи» бошланганга ўхшайди.* Мирмуҳсин, Жамила.

2 айн. сирпанчиқ **1.** *Сирғоқ йўл.*

СИР-ҲОЛ [сир + ҳол] Сир-асрор, ҳолаҳволлар мажмуи. *Алтомши билан Барчин бир-бирини кўриб, сир-ҳолни билиб, шундай бўлиб юрди.* «Фольклор».

СИСТЕМА [юн. systema — яхлит; қисмлардан таркиб топган] **1** Иш-ҳаракат, турли

жараён ва ш. к. ларда қисмларнинг ўзаро жойлашиши ва боғлиқлигидаги тартибот, тизим.

2 Нарса, ҳодиса ва тушунчаларнинг таснифи. *Линнейнинг ботаник системаси.*

3 Бирор таълимотда асос бўлган қоидалар, қарашлар, тамойиллар мажмуи. *Декартнинг фалсафий системаси.*

4 Бирор иш методлари, тартиб-усуллари мажмуи. *Даволаш системаси.* *Таълим-тарбия системаси.* ■ *Таълим-тарбия савиясини оширишда кабинет системасига ўтиш ўзининг афзалликларини кўрсатаётир.* Газетадан.

5 Қонуний тартибда жойлашган ва ўзаро узвий боғланган қисмлардан, элементлардан таркиб топган бутунлик. *Тилнинг товуш системаси.* *Терминологик система.* *Қон томирлар системаси.* ■ *Мағлумки, замин — Ер сайёраси Куёш системасида коинотнинг бир кичик бўлаги сифатида пайдо бўлди ва тараққий этди.* Газетадан. *Олимларнинг яқдиллик билан айтишларича, марказий нерв системаси ғоят нозик нерв ҳужайраларидан иборат.* «Саодат». *Элементлар даврий системасини яратган Менделеев университетга кириш учун бир неча марта уринган, лекин ҳар сафар.. химиядан «йиқилган».* «Фан ва турмуш».

6 Вазифаларига кўра бир хил ёки ташкилий жиҳатдан бир бутун бўлиб бирлашган ташкилотлар ёки муассасалар мажмуи. *Халқ маорифи системаси.* *Фанлар академияси системаси.*

7 Бир мақсад, аини бир иш, вазифани бажариш учун белгиланган мослама, машина, механизм ва ш.к. дан таркиб топган яхлит техник қурилма. *Иситиш системаси.* *Энергетик система.* *Суғориш системаси.* ■ *Унинг ташаббуси билан боғча газлаштирилди, қишда буғ билан иситиш системасига ўтказилди.* Газетадан.

8 Бирор ишни ташкил этиш, уюштириш ёки амалга ошириш шакли, принципи. *Сайлов системаси.* *Меҳнатга ҳақ тўлаш системаси.*

9 Ижтимоий тузум, ижтимоий қурилиш шакли.

10 Меъёрий, одатий, мунтазам тусга кирган, шу тарзда амалга ошадиган иш-ҳаракат, жараён. *Эрталабки гимнастика ўзига хос системага айланди.*

СИСТЕМАЛИ 1 Муайян системага асосланган; мунтазам, тартибли. *Системали иш.*

Ишни системали равишда олиб бормоқ. ■ *Боладаги мавжуд қобилиятни юзага чиқариш уни системали меҳнатга ўргатишдан иборат экан.* «Фан ва турмуш».

2 Муттасил, мунтазам. *Машғулотларга системали равишда қатнашмоқ.*

СИСТЕМАСИЗ Маълум системаси, режаси бўлмаган; тартибсиз, бетартиб, палапартиш. *Системасиз иш. Системасиз баён.*

СИСТЕМАТИК Муайян системага, тартибга асосланган; системали, тартибли, мунтазам. *Систематик машғулот.*

СИСТЕМАТИКА [юн. systematikos – тартибга солинган] **1** Бир турдаги, ўзаро боғлиқ нарса ва ҳодисаларни уларнинг умумий белгиларига кўра таснифлаш, гуруҳлаш.

2 Биологиянинг ҳозирда мавжуд бўлган ва қилиб кетган ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларни ҳар томонлама тавсифлаш, улар ўртасидаги қариндошлик муносабатларини, турларнинг пайдо бўлиш йўллари аниқлаш ва турлар бўйича таснифлаш билан шуғулланадиган бўлими. *Ҳайвонлар систематикаси. Ўсимликлар систематикаси.* ■ *Систематика тирик табиатни муҳофаза қилишни ташкил этишда бениҳоя катта аҳамиятга эга.* «ЎЗМЭ».

СИТАМ [ф. *ستم* – жабр-зулм, жабрлаш; зўравонлик] *Жабр, жафо, зулм. Ситам қилмоқ.* ■ *Барча шодлик сенга бўлсин, Бор ситам, зорлик менга. Барча дилдорлик сенга-ю, Барча хушторлик менга.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. *Мана, ўша дамлар келди, юрагида йиғилган ҳамма дарду ситамлари, ҳамма алам, ҳамма исёнларини тўкса арзийдиган қасосли онлар келди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. [Ғули]: *Алишер, не учун ҳурлик яралган, Нечун жабру ситам, зўрлик яралган.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

СИТАМГАР [ф. *ستمگار* – зўравон, жабр, ситам қилувчи] **1** *Жабр-зулм қилувчи; эзувчи, зодим. Ситамгар фалак.*

2 *кўчма* Ноз-истиғнолари, ғамзаю ситамлари билан куйдирувчи, адо қилувчи. *Ситамгар ёр.* ■ *Мен кимга бориб йиғлай ул шўхи ситамгардан! Юрт-элга бутун телба, афсона қилиб кетди.* Ҳамза.

СИТАМДИЙДА [ф. *ستمديده* – жабр-зулм, ситам кўрган] *кам қўлл. айн. аламдийда.*

СИТАМКОР [ф. *ستمكار* – зўравон, зулмкор] *кам қўлл. айн. ситамгар. Отаси ўлими-*

дан кейин уйдан қувиб юборган ситамкор ўғай онага у яна керак бўлиб қолибди-да! Мирмуҳсин, Умид. Нима қилдинг, ситамкор дунё, Нега мени яратдинг ёлғиз? «Шарқ юлдузи».

СИТАМЛИ Аламли, дард-оғриқли; дард-алам ифодаловчи. *Севгининг ширин онлари.. сингари ситамли алами, шафқатсиз кулфати ҳам бўлади.* М. Жўра, Изтироб.

СИТИЛМОҚ **1** *Ситмоқ* фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Яраси ситилибди.*

2 Эскириб, тўзиб, у ер-бу еридан йиртилмоқ ёки чокидан кетмоқ. *Чопон чокидан ситилибди.* ■ *Салтонбу ситилиб кетган эски кўрпага ўралиб, дарча ёнида ётган эди.* М. Исмоиллий, Фаргона т. о.

Кўзим ситилсин (ёки ситилиб оқсин) *Қасам ибораси. Мен агар шу акамни ёр демасам, Ситилиб оқсин икки кўзимнинг бириси.* «Кўшиқлар».

СИТМОҚ *Сиқиб* ичидагини чиқармоқ, ажратмоқ. *Ярани ситмоқ.* ■ *Баъзи одамлар данага олинган олча мураббосини яхши кўрадилар. Лекин олчанинг данагини қўл билан ситганда, шарбати оқиб кетади.* «Саодат».

Ситиб чиқармоқ **1)** қисиб чиқариб юбормоқ, олиб ташламоқ. *Зираччани ситиб чиқармоқ;* **2)** *кўчма* тазйиқ билан йўқ қилмоқ, чиқариб ташламоқ. *Ахир дину имонни мусулмон дилидан ситиб чиқариб бўлмайди-ку?* К. Яшин, Ҳамза.

СИТОР [ҳинд. *ستار / ستاره*] Ҳиндистон ва Покистонда: торли-тирнама мусиқа чолғу асбоби. *Ситорни такомиллаштирган ва (унинг) шак моҳир ижрочиси Хусрав Деҳлавий ҳисобланади.* «ЎЗМЭ».

СИТОРА [ф. *ستاره* – юлдуз; тақдир, қисмат] *эск. кт. айн. юлдуз.*

Ситораси иссиқ айн. истараси иссиқ қ. истара. *Охири бир куни «Сорахон хунок, бу – рост, аммо ситораси иссиқ», деган фикрга келди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

СИТРО [фр. *citronnade* – лимондан тайёрланган ичимлик] *Мева шарбатидан тайёрланадиган, чанқов босувчи ичимлик. Лимонад, ситроза ўхшаши ичимликларни тайёрлаган чоғда бутилкага насос ёрдами билан, босим остида карбонат ангидрид юборилади.* «Кимё».

СИТУАЦИЯ [фр. *situation* < лот. *situatio* – аҳвол, вазият] *қ. вазият* **1, 4.** *Қулай ситуация.*

СИФАТ [а. *صفت* – хосса, хусусият, хислат, характер] **1** *флс.* Нарса, воқеа, ҳодиса

ва ш. к. ни уларнинг ўзига хос белги ва ички хусусиятларига кўра ифодаловчи фалсафий тушунча. *Миқдорнинг сифатга айланиши.*

2 Нарсанинг, кимсанинг ижобий ёки салбий хусусияти, фазилати, хислати. *Инсон сифатлари ичида камтарлик энг яхши фазилатдир.* Газетадан. *Навоий Хусайн Бойқарода шоирлик, илмпарварлик сифатларини кўрди.* Ойбек, Навоий. [*Домла уз-ўзига:*] ..*Хурматли китобларда айтадилар:* «*Сабр-лилик — худонинг ояти, сабрсизлик — шайтоннинг сифати*». Шуларга амал қилиб, бироз сабр қилмоқ керак. Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Молнинг, маҳсулотнинг ёки ишнинг яроқлилиқ даражаси, қўйилган талабларга қанчалик жавоб бера олишини белгилловчи хусусияти. *Маҳсулотнинг сифатини яхшиламоқ. Ишнинг сифатини оширмоқ.* ■ *Ноннинг сифати унинг намлиги.. ва ғоваклиги каби хоссалар билан белгиланади.* Ф. Маҳжумов, Дастурхонимиз файзи. *Фабрикамизда илгорлар жуда кўп, улар ҳам маҳсулот кўламини учун, ҳам сифати учун курашадилар.* Газетадан.

4 Кўшма сўз таркибида «ўхшаш», «-симон» каби маъноларни билдиради, мас., *девсифат, одамсифат, улугсифат.*

5 тлш. Предметнинг белгисини билдирувчи сўзлар туркуми. *Нисбий сифат. Туб сифат. Сифат даражалари.*

Сифатда Вазифасида, ўрнида, =дек. *Бир адиб сифатида айтишим мумкинки, бундай фазилатга эришиш осон эмас.* С. Кароматов, Олтин кум. *Мен телепатияга ишонаман. Ғарбда телепатия махсус фан соҳаси сифатида ўрганилаётган эмиш..* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СИФАТДОШ тлш. Феълнинг сифатга хос вазифани бажарувчи, предмет белгисини билдирувчи шакли, мас., *чиниққан бола, қуйлаётган қиз.*

СИФАТЛАМОҚ Бирор жиҳатдан характерламоқ, сифатини ёки сифатларини таърифлаб бермоқ, *Яхши томондан сифатламоқ.*

СИФАТЛАНМИШ тлш. Сифатловчи аниқлаб-сифатлаб келадиган сўз; аниқланмишнинг бир тури.

СИФАТЛАШ **1** Сифатламоқ фл. ҳар. н. *Яхши томондан сифатлаш.*

2 ад. Предметнинг бирор хусусиятини ажратиб кўрсатиш ёки унга бошқа бир пред-

метга хос хусусиятни кўчиришдан иборат бадий-тасвирий восита; эпитет. *Шунга асосланиб, тасвирий воситалардан ўхшатиш, метафора, сифатлашни ўхшаши кўчимларга; синекдоха, метонимия, муболага, кичрайтириш, аллегория, қочриқ ҳодисаларини ўхшашсиз кўчимга киритиш мумкин.* «ЎТА».

СИФАТЛИ **1** Сифат жиҳатидан талабга тўла жавоб берадиган, сифати яхши. *Сифатли мол. Сифатли иш.*

2 Аниқловчи орқали ифодаланган сифатга эга бўлган. *Аъло сифатли мол. Ёмон сифатли маҳсулот.* ■ «*Майин жун деб юқори сифатли қўй гўшти, диркиллаган думба ёғидан айриламиз денг*», — Шербек ёлғиз ўзи кетаётиб уйга чўнди. С. Анорбоев, Оқсой. *Деворда ва ерда қимматбахо гиламлар, аъло сифатли чет эл гарнитури.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

СИФАТЛОВЧИ тлш. Предметнинг белгисини-сифатини билдирувчи сўз; аниқловчининг бир тури.

СИФАТСИЗ Сифат жиҳатидан талабга тўла жавоб бера олмайдиган, сифати ёмон, паст. *Сифатсиз маҳсулот. Сифатсиз иш.* ■ *Ичкиликнинг иқтисодий зарари ҳам катта: у меҳнат интизомини бузади, унумдорликни пасайтириб, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл очади.* Газетадан. *Сув исрофгарчилигига, суғоришни сифатсиз ўтказишга қатъий барҳам берингиз!* Газетадан.

СИФИЛИС [Syphilis — италян врачл Ж. Фракасторонинг шу касаллик ҳақидаги достони қаҳрамони — чўпон Сифилус номидан] айн. захм II.

СИФОН [юн. siphon — найча] **1** Суюқликни юқорироқ сатҳдаги идишдан пастроқ сатҳдаги идишга ўтказувчи, турли узунликдаги тирсақлари бўлган букич найча.

2 Карбонат ангидрид босими остида найча орқали қуйилувчи ичимликни газлаштириш учун мўлжалланган идиш.

СИФР [а. صفر — ноль; ҳеч нарса] эск. айн. ноль **1**.

СИХ [ф. سیخ — кабоб сихи, чўпи; учли таёқ; бигиз] Кабоб пишириш учун металлдан, баъзан ёғочдан тайёрланадиган учи найза чўп. *Бир сих кабоб. Гушти сихга тортмоқ.* ■ *Дастурхонда кабоб сихлари, ичиб тугалланмаган коньяк, вино ишшлари турибди; каравотда кимдир хуррак тортмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ўртага кабоб кел-*

ди. *Авзамжон ака ўз қўли билан икки-икки сихдан расамади билан меҳмонларнинг ликопчасига қўйди.* С. Аҳмад, Сайланма.

Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам Ҳеч кимга, ҳеч қайси томонга зарар бўлмасин, иш икки томон учун беозор битсин. - *Биласизми, нима? — раис уларни келиштирмакчи бўлди, — келинг, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам деганларидек, иккаласига беш баҳо бериб қўя қоламиз, майлими? «Муштум».*

СИХЛАМОҚ 1 Сихга тортмоқ, сихга тизмоқ.

2 Учини сихга ўшатиб найзаламоқ.

СИХОЛА [сих + мола] қ.х. Тишли мола, борона. *Аямларнинг бригадаси шийпони олдиди сихмола кўргандим. Ўшани кечаси обкелиб, ишлатволиб, тагин жойига элтиб қўй-сак-чи? Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.*

СИЧҚОН 1 Ер юзиди кенг тарқалган, хавфли касалликлар тарқатадиган кичик кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон. *Шу пайт амманнинг яқинда болалаган тарғил мушуги, оғзиди сичқон тишлаганча, уйга кириб кетди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Қаердадир юлғун тагида чўл сичқоними, нимадир ногоҳ шитирлади-ю, Зулҳумор чўчиб тушди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Мучал йил ҳисобида биринчи йил ном. *Унинг йили — сичқон.*

Сичқон йили Мучал йил ҳисобида биринчи йил (қ. мучал).

Арслоннинг ўлиги — сичқоннинг тириги Катта мартабали киши мартабасидан тушганда ҳам, оддий кишилардан юқори турради, катталигича қолади, деган маънодаги ибора. **Сичқон сизмас нинга, галвир боғлар думига** Имкониятларини ҳисобга олмай дахмаза орттирган кишига нисбатан айтиладиган мақол. **Сичқон сурди** Касалликдан эндигина тuzалган киши биринчи бор уйдан чиқиб, бирор жойга борганда айтиладиган ибора. - *Ҳамзахонни бугун-эрта сичқон сурди қилиб, кўчага олиб чиқамиз, холлажон, худо хоҳласа, — деди Умар полвон қўлидаги тугунни Жаҳонбувиға узатиб.* К. Яшин, Ҳамза. **Сичқоннинг ини минг танга** Қочишга жой топа олмай қолинган пайтда айтиладиган ибора. *Мадрасалар ҳам жимжит, фалакиёт мударрислари, ҳандасая риёзиёт муллолари учун сичқоннинг уни минг танга бўлиб кетган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СИЧҚОНЧА *тех.* Компьютерни бошқариш пулти. *Компьютер сичқончаси.*

СИҚИЛИШ 1 **Сиқилмоқ** фл. ҳар. н. *Троллейбусда одам сиқилиб кетди.. Бундай ҳолларда йўловчиларнинг бир-бирларига уринишлари, туртинишлари, сиқилишлари табиий.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

2 Одамлар тирбанд ҳолат, тиқилинч. *Сиқилишда қолмоқ.*

3 *физ. тех.* Ташқи куч таъсири остида жисмнинг ҳажми торайиб, зичланиши. *Жисмларнинг сиқилиши.*

СИҚИЛМОҚ 1 **Сиқмоқ 1, 2** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Совуқдан сиқилган жисм. Сиқилган газ.* ■ *Иккита забардаст одамнинг ўртасида сиқилиб, қимирлашига ҳам журғат этолмай кетаверди!* Ф. Мусажонов, Нозик масала.

2 (ч. к. билан) Танглик сезмоқ, толиқмоқ, зорикмоқ. *Пулдан сиқилмоқ. Рўзғордан сиқилмоқ.*

3 Руҳан эзилиб ёки зерикиб диққат бўлмоқ, диққати ошмоқ, зиқ бўлмоқ. *Уқунларни эсласам агар, Сиқиламан, юрагим титрар.* Ғайратий. *Анвархоннинг кўнгли эзилган эди, қаршида ўтирган, руҳан сиқилган йигитнинг аҳволини яхши тушунган эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

Юраги сиқилмоқ Юраги зиқ бўлмоқ; руҳан эзилмоқ, қийналмоқ. *Кампири мингирлаган овоз билан зорлана бошлаганда, чолнинг юраги сиқилиб кетди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

СИҚИЛУВЧАНЛИК *физ.* Моддаларнинг турли кучлар таъсирида ўз ҳажмини ўзгартириш хусусияти. *Газнинг сиқилувчанлиги.* ■ *Табиатда мавжуд моддаларнинг барчаси сиқилувчанлик хусусиятига эга. «ЎЗМЭ».*

СИҚИМ Нарса чангаллаб сиқилган қафт ва шу қафт орасига олинган нарса миқдори; қисим. *Сиқимини тўлдириб-тўлдириб ниста олмоқ. Ошга бир неча сиқим сабзи солмоқ.* ■ *Мирвали банги бировнинг қўлидаги беданани кўриб, дидига ўлтирадиган бўлса, сиқимида салмоқлаб кўриб, «ҳамма жойи ҳам келган экан», деб қўяди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Бир сиқим 1) қафт билан чангаллаб олинган миқдордаги, бир қисим. *Қўлимда бир сиқим Тошкент тупроғи, Узоқ ўтмишларга элтади хаёл.* Р. Бобожон, Танланма; **2)** озгина, бир чўқим. *«Камбағал одамга бир си-*

қимгина ош яхши..» деб, таомдан сўнг бирон соат ғоз патидан ясалган тишқовлагични олиб, тишини ковлаб юради.. Мирмуҳсин, Умид; 3) кичкина, ушоқ, Кампирдан садо чиқмади. У бир нарсдан қўрқиб кетган боладай, иягини тиззасига қўйиб, зинада бир сиқимгина бўлиб ўтирарди. О. Ёқубов, Диёнат. Қарасам, пункт бошлиғи, қабул қилмайман, деб тағин тихирлик қияпти: нимадандир ғайирлиги ёки қандайдир тамаси борга ўхшади. Ўзи бир сиқимгина йигит. Газетадан.

СИҚИМЛАМОҚ Кафт билан чангаллаб олмоқ, чангаллаб сиқмоқ, ушламоқ, қисимламоқ. Қўрқанимдан ётган еримдаги ўтларни сиқимлаб юла бошладим. С. Сиёев, Ёруғлик. Дашт қўйнига кирди-ю Илк бора наъра солди. Ташна ер бағридан у Сиқимлаб тупроқ олди. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. Воҳид жонжаҳди билан сиқимлаган наъматак тиканлари кафтига эмас, юрагига санчилди гўё! «Саодат».

СИҚИШ 1 Сиқмоқ фл. ҳар. н. Қўлга олиб сиқиши.

2 физ. тех. Босим, куч таъсири остида ҳажмини кичрайтириб зичлаш, қисиш.

СИҚИШТИРМОҚ 1 Сиқиб, зичлаб жойлаштирмоқ. Нарсаларни чамадонга сиқиштириб жойламоқ. ■ Омон мумкин қадар қўйларни темир йўлга яқинлаштирмасликка уринар ва кўчанинг девор томонига сиқиштириб олиб борар эди. Ф. Фулом, Шум бола.

2 Сиқув остига, исканжа остидаги, сиқув остида текширмоқ. Нор она Жашининг уша нарсаларини ундириш учун келиб, оқсоқолни сиқиштираётган экан. Ҳ. Шамс, Душман.

СИҚИҚ 1 Сиқилган, қисилган, сиқимланган. Сиқиқ мушт.

2 Тор, кичкина. Кичик масжид қишлоқнинг Эшон маҳалла деб аталган қисмида бўлиб, сиқиқроқ бир хонақоҳ ва торроқ бир айвондан иборат. А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Ҳақ-ҳуқуқдан, эркинликдан махрум; сиқув, исканжа остидаги; танг. Сиқиқ вазият. Сиқиқ ҳаёт. ■ Султонхон, бечора, кундошларини «аҳмоқ» деб ўйлайди. Ҳолбуки, у сиқиқ муҳитда.. яшовчиларнинг ҳаммаси бир-бирини алдашга, бир-бирини «аҳмоқ» қилиб қолдиришга уринади.. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

4 Чекли, чекланган, танг. -Ер жўнидан сиқиқроқмиз, - деди бошини аста қимирлатиб Ўктам. Ойбек, О. в. шабадалар.

5 Мухтасар, ихчам. ..сиқиқ ва чуқур маъно билдирадиган мақоллар тугал бир поэтик асар мазмунига тенг келади. Газетадан. Чиндан ҳам истиора энг сиқиқ шаклдаги ўхшатишни эслатади. «ЎТА».

6 от Сиқув, тазйиқ, исканжа. [Сулаймонов] Турли фикрлар сиқиғидан чиқиб, бир қарорга келгандай, Раҳмон отани олиб келишларини сўради. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

СИҚИҚА олмоқ Роса сиқмоқ, қийнамоқ, исканжага олмоқ. -Бечора Мўмин ака! - раис хоҳолга кулиб юборди. - Бу ёқда сиз [Юлдузхон], бу ёқда журналист ўртоқ.. Тоza сиқиққа олдиларинг-ку шўрликни. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.

СИҚИҚЛИҚ 1 Торлик; эркисизлик; чекланганлик. Вазиятнинг сиқиқлиги. Жойнинг сиқиқлиги.

2 Сиқув, тазйиқ, исканжа остидаги шароит, ҳаёт.

СИҚМА Сиқиб чиқариладиган. «Улуғбек» хўжалик магазинига кирсам, чиройли идишда сиқма пойабзал мойи турибди. «Муштум». Шароит фалакда космонавтларни концентрат, сиқма овқат истеъмол этишга мажбур этади. «ЎТА».

СИҚМОҚ 1 Ўраб, қамраб ёки босиб эзмоқ, қисмоқ. Тошни сиққан билан сув чиқмас. Мақол. ■ Унинг юзлари худди шарбати сиқиб олинган анор нўстига ўхшаб кетарди. С. Аҳмад, Пойқадам. Дарвоза очилиб, йўғон қоматини спортчилар қиядиган қалин трико сиқиб турган Шамси Тураевич кўринди. Н. Аминов, Суварак. У йигитни тагига босиб олиб, бўйнидан сиқди-да, юзини ерга ишқаб, ура кетди. Т. Ашуров, Оқ от.

2 Сириб боғламоқ. Тонгда жангчилар оч қорнини камар билан маҳкам сиқиб, йўлга тушдилар. Ойбек, Куёш қораймас.

3 Босим билан ҳажмини кичрайтириб зичлаштирмоқ. Газни сиқмоқ.

4 Тазйиқ билан суриб бормоқ, танг ҳолда қолдирмоқ. Рақибни бурчакка сиқиб қўймоқ. Машина қўл меҳнатини сиқиб чиқармоқда. ■ Душман бу қийинчиликлардан фойдаланиб, станция томон сиқиб келди. Ойбек, Куёш қораймас.

5 Эркинлик, ҳуқуқ бермай ёки ўринсиз талаб, даъво, бўҳтон ва ш. к. билан руҳан эзмоқ, қийнамоқ. Болаларни булар-бўлмасга сиқавермоқ. Уни, овқатни бузибсан, деб роса сиқдик.

Юракни (ёки қалбни, дилни) **сиқмоқ** Юракни эзмоқ ёки зиқ қилмоқ. *Хавотирли сукут онлари чўзилгандан чўзилар, юракни сиқар, ваҳимага тўлдириб, чорасизлик — ожизлик чоҳига қулатмоқда эди. «Ёшлик».*

6 (ч.к. билан) Бирор нарсадан чеклаб қўймоқ; зориқтирмоқ. *Пулдан сиқмоқ. ■ [Хушрўй] Иккинчи ва учинчи ҳафталарда ўчоқ бошини ўз қўлига олиб, кундошини иккита ёш боласи билан томоқ важдан ҳам сиқа бошлайдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Албатта, кампир келинларини рўзгордан сиқмасди. Аммо режани бузмай, масаллиқни исроф қилмай иш тутарди. С. Аҳмад, Сайланма. Бечора холани худо ҳусндан сиққан, жамолида жиндаккани кулиб турадиган ери йўқ. Мирмуҳсин, Умид.*

Сиқиб сувини ичмоқ Каттиқ тазйиқ кўрсатмоқ, ниҳоятда қийнамоқ, азоб бермоқ. *[Директор] Буфетчининг ҳам сиқиб сувини ичяпти. С. Зуннунова, Янги директор.*

СИҚТАМОҚ; йиғламоқ-сиқтамоқ Ёлвориб йиғламоқ, йиғи-сиғи қилмоқ. *Хотин йиғлайди, сиқтайди, охири турмушлари барибир қовушмаслигига қизи етгач, лоқақулдан қуруқ қолмаслик пайига тушади. «Муштум». Йиғлаб-сиқтаётган Саодатни четга суриб, бемор тепасига борди-да, шприцдан чарсиллатиб, четроққа дори сачратди. А. Мухтор, Асарлар.*

СИҚУВ 1 **Сиқмоқ** фл. ҳар. н. *Бўғзим арқон сиқувин сезур, Зирқрайди оғирликдан бел. Х. Даврон, Қақнус.*

2 Тазйиқ, исканжа, сиқик. *Сиқувни кучайтирмоқ. ■ Собир йиғилишларда Рашидни сиқувга олар, ҳар хил баҳоналар билан кўпчиликнинг олдида уни ерга уришга интиларди. А. Кўчимов, Ҳалқа. Тепалик мудофаачилари душманнинг икки томондан қилаётган сиқувига бардош бердилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

Сиқувга олмоқ айн. сиқикқа олмоқ қ. сиқик 6. *Бригадирларни сиқувга олди.. келгуси йилда бундай хунук аҳвол такрорланмаслиги учун сўз берди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. Асрор индамади. Бахтига аёл уни суроққа тутиб, сиқувга олмади. «Ёшлик».*

СИҒАРЛИ Бирор миқдордаги ёки катталиқдаги нарса сиғадиган, элтадиган. *Ун литр сув сиғарли идиш. ■ Дарвозанинг бир қаноти сезилар-сезилмас фижиллабеина бир одам сиғарли очилди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

СИҒДИРМОҚ 1 **Сиғмоқ** фл. орт. н. *Ҳамма нарсани чамадонга сиғдирди. ■ Бу куннинг кўркамлигидан олган таассуротини Али ичига сиғдиролмади: -Зап яхши кунми! — деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Ортиқ] сўкиниб, нима қиларини билмай, жаҳлини ичига сиғдира олмай, қўлидаги кружкани қулочкашлаб ерга урди. М. Мансуров, Ёмби.*

2 Ўз ичига жо қилмоқ, элтмоқ. *Минг литр сувоқлик сиғдирадиган цистерна. Минг киши сиғдирадиган зал.*

СИҒИМ Бирор миқдордаги нарсани сиғдириш, элтиш қобилияти, ички ҳажм. *Умуман, республикаимизда деярли Сирдарё сиғимига тенг миқдордаги ер ости сувлари бор. С. Кароматов, Сўнги бархан.*

Иссиқлик сиғими физ. Модда температурасини бир градусга кўтариш учун сарф бўладиган иссиқлик миқдори. **Электр сиғими физ.** Ўтказгичнинг электр заряд тўплаш хусусиятини ифодаловчи электр катталиқ; миқдор жиҳатидан яққаланган ўтказгичнинг потенциални бир бирликка ўзгартириш учун зарур бўлган заряд миқдорига тенг. **Конденсаторнинг электр сиғимини аниқламоқ.** **Кеманинг сув сиғими денг.** Сузиб кетаётган кеманинг ўз оғирлигига тенг миқдорда сиқиб чиқарадиган сув миқдори.

СИҒИМЛИ 1 Бирор миқдордаги сиғимга эга бўлган. *Беш юз литр сиғимли цистерна. ■ Механизациялашган фермалар ва комплекслар, 76,4 минг куб метр сиғимли силос ва сенаж иншоотлари қурилди. Газетадан.*

2 Кўп элтадиган, сиғдирадиган, сиғими катта. *Сиғимли идиш.*

СИҒИНДИ Ўзга юртда ёки бировникида ҳақ-хуқуқсиз қарам бўлиб яшовчи одам. *Шунда Бойсар: -Энди биз ўз элимизда сиғинди бўлиб.. юрадиган бўлсак, бу элда бизнинг тургилигимиз қолмади, — деди. «Алпомиш».*

СИҒИНИШ 1 **Сиғинмоқ 1, 2** фл. ҳар. н. *Турли диний маросимларни бажариш ҳам сиғинишининг бир кўринишидир. «ЎЗМЭ».*

2 айн. ибодат 1.

СИҒИНМОҚ 1 дин. Худога, азиз-авлиёларга, илоҳий кучга эга деб ҳисобланган нарсаларга сажда қилиш; диннинг асосий элементи. *Ҳозир пир ўзларини эмас, сизларни ўйлайдилар, тонг саҳарларда жойнамозга тиз чўкиб: «Ҳақ йўлдан адашган гумроҳ бандаларингга ғазаб қилма», деб худога си-*

ғинадилар. С. Аҳмад, Ҳукм. Назирқулнинг отаси Шохмардонга сиғиниб, қўқор олиб бориб суйди. С. Аҳмад, Ҳукм. Инсон ўзини танигунча кўп нарсаларга сиғинган. Газетадан.

2 кўча Бирор кимсага, нарсага ортиқ берилмоқ, уни ҳаддан ташқари улугламоқ. Пулга сиғинмоқ. Қуш бутоққа сиғинар. Мақол. ■ Жаҳалатда қолган халқ алам ҳар борганида, «садағанг кетай, эшоним», деб унинг оёғига тиз чўкиб сиғинар, назр-ниёз берар эди. П. Турсунов, Ҳикитувчи.

3 Наҳот истаб бормоқ, бош урмоқ, Музга суянма, ёвга сиғинма. Мақол. ■ Аймоқ халқи бизни дўстдек кутар деб, Юртингизга биз сиғиниб келганмиз. «Ёдгор».

СИҒИШМОҚ 1 Сиғмоқ 1, 3 фл. бирг. н. [Толзорга] Одам сиғишмай кетарди, кўрпача туғул палос етишмай қоларди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Айни бир вақтда ёки бир ерда мавжуд бўлмоқ, бирга, ёнма-ён яшамоқ. Бир-бири билан сиғишмайдиган қарама-қарши фикрлар.

3 Бирор кимсаникида ёки бошқалар ўртасида чиқишиб, эл бўлиб яшаб, ишлаб кетмоқ, эликишмоқ. У ҳеч қаерда, ҳеч кимникида сиғиша олмайди.

СИҒМОҚ 1 Жо бўлмоқ, жойлашмоқ, кетмоқ. Кўп нарса сиғадиган идиш. Қучоққа сиғмайдиган дарахт. Бир қўлтиққа икки тарвуз сиғмас. Мақол. ■ [Бу ерда] 500 машина сиғадиган катта автобаза қурилаётган экан. С. Сиёев, Ёруғлик. Ё кечки саққин билан, ё эртага эрталаб шаҳар ҳовлига [беда] олиб тушаман. Қандай беда денг, боғи қучоққа сиғмайди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Лойиқ, мос келмоқ (кийим, пойабзал ҳақида). Этик оёғимга сиғмади.

3 Бемалол кирмоқ, ўтмоқ. Ип игнанинг тешигига сиғмади. ■ Зиндон ёнидан бир арава сиғадиган тор кўча ўтган. С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Ҳузига паноҳ топмоқ, бемалол, хотир-жам яшамоқ, турмоқ. Ундан чиқиб қаёққа, кимникига бораман, кимнинг уйига сиғар эдим. А. Қаҳҳор, Мастон. Ўз юртингга сиғмай, бунда келасан, Дарбадар бошингга бало бўласан. «Ширин билан Шакар». Аваз ўз уйига сиғмай қолди. С. Сиёев, Ёруғлик.

5 Кўча Муғри келмоқ, мос бўлмоқ. Устозлар турганда, ўзи ҳақида сўзлаш шарқона одобга сиғмайди. Газетадан. У нобакор яқинда

бир ғайридин оғизгага уйланмиш. Бу иши энди ҳеч қайси низомга сиғмайди! К. Яшин, Ҳамза.

Ақла сиғмаслик қ. ақл. Чунки, сен айтгандек, беш-олти кунда Қўқонга бориб келиш сира ақлга сиғмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Гап сиғмаслик Бошқа гапга ўрин йўқлик. Шарофат орага бошқа гап сиғмаслигини кўриб: -Боламини олиб кетгани келдим, — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ичига сиғмаслик (севинч, шодлик, дард ва ш. к. ҳақида) Тўлиб-тошмоқ. Ҳамза шу аснода юз берган даҳшатли манзарани кўриб эзилиб кетди, у тутақар, газаби ичига сиғмай ғижинар, «тақа-тақ» қилиб ўтиб бораётган вагонлардан кўз узмасди. К. Яшин, Ҳамза. Кўнглига (ёки дилига) сиғмайди айн. юрагига сиғмайди 2. Пешонасига сиғмади қ. пешона 2. Ойинг фаришта эди, қизим. Нима қилайликки, пешонамизга сиғмади. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Тасвирга (ёки таърифга) сиғмайди Тасвирдан, таърифдан ташқари, таърифлаб ҳам бўлмайдиган; ажойиб. Гўзаллиги таърифга сиғмайди. ■ Тошкент тонготари нақадар гўзал, Чиройли, тасвирга сиғмас, сермазмун. Ғайратий. Терисига сиғмай Ҳаддан ташқари қувониб. Улар [йиғитлар] қопларини тўлдириб, териларига сиғмай, олма-узум олиб келаётганида, муғуллар ушлаб олдилар-да, қулоқ-бурунларини кесиб, қўйиб юбордилар. М. Осим, Ўтрор. Мавлоно Соҳиб Доро жиянининг «абжад» ҳисобини яхши ўрганиб олганини, фаҳм-фаросати ўсганини кўриб, терисига сиғмай кетди. М. Осим, Сеҳрли сўз. Хаёлга сиғмайдиган Хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган, хаёлда ҳам тасаввур қилиб бўлмайдиган. Юрагига сиғмайди 1) ичида ётмайди, бировга айтмаса бўлмайди. Ўз юрагингга сиғмаган сир ўзанинг юрагига сиғмас. Мақол; 2) кўнгли кўтармайди, кўнглига ёқмайди, хуш келмайди (фақат нохуш, дилгир кайфиятдаги кишига nisбатан айтилади). Қўлидан гўнғир-гўнғир гапдан бошқа иш келмайдиган бу одамнинг лип этиб кириб келавериши кейинги вақтда Қудратиллахўжанинг юрагига сиғмай қолган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Юрагига (ёки қўнглига, дилига) қил (ҳам) сиғмайди Ҳеч нарса ёқмайди, ниҳоятда юраги ғаш, хафа. Умри-ни ҳалол, беғуноҳ ўтказган ийитнинг ҳозир кўнглига қил сиғмайди. С. Аҳмад, Ҳукм. Ҳад-

ди сигмаслик қ. ҳад I 3. *Мозорга тил тек-кизишга қандай ҳаддинг сиғди, муртад?! К. Яшин, Ҳамза.*

СИҲАТ [а. صحت – соғлик, саломатлик; чинлик, ҳақиқийлик; тўғрилиқ] Тан соғлиги, соғлик, соғломлик. *Сиҳатингиз яхшими? Тан-жонингиз сиҳатми? Сиҳат тиласанг – кўп ема, иззат тиласанг – кўп дема.* Мақол. ■ *Серёмғир, рутубатли Мозандарон Ибн Синонинг сиҳатиға футур етказган, қувватдан кетказган эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Сиҳати бугун хийла дуруст, лекин аввалги кунлардаги каби руҳиятига эзгин бир титроқ солиб, қулоқлари остида бетиним денгиз шовқинию ўтакаси ёрилган одамларнинг оху фарёдлари тўхтовсиз эшитилмоқда.* Н. Қиличев, Чиғирқ.

Сиҳат топмоқ айн. сиҳатланмоқ.

СИҲАТГОҲ [а. + ф. صحتگاه – даволаниш жойи, шифохона] Беморлар ётиб даволанадиган махсус профилактик даволаш муассасаси; санаторий. *Юртимизда ҳам шундай гушлар мавжуд бўлиб, улардан бири Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги.. «Ботаника» сиҳатгоҳидир.* «Гулистон». *Биз дам олаётган сиҳатгоҳ тоғли худудда жойлашган.* «Шарқ юлдузи».

СИҲАТЛАНМОҚ Касалдан яхши бўлиб турмоқ, тузалмоқ. *Бир ой касалхонада ётиб сиҳатланиб кетдим.*

СИҲАТЛИК Тан-жони соғлик, саломатлик. *Сиҳатлик тиламоқ.* ■ *Нигора қадам босган чўпонларнинг чайлаларига у билан бирга шодлик, сиҳатлик кириб боради.* С. Анорбоев, Оқсой.

СИҲАТ-САЛОМАТ [сиҳат + саломат] Соғ-саломат, эсон-омон. *Қалай, сиҳат-саломат юрибсизми? ■ ..Маъсума бека пиширган овқатлардан шогирдлар қатори у ҳам тановул этиб: –Саховатли Меъмор ҳазратларининг умрлари узоқ бўлиб, доимо сиҳат-саломат бўлсинлар, – деб дуо қиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Минг шукурким, келдинг бугун сиҳат-саломат, шодман.* Ҳамза.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК Соғ-саломатлик, эсон-омонлик. *Сосан, устоднинг сиҳат-саломатлиги, ўз аҳволи ҳамда исмини очик зикр этиб бўлмайдиган бир киши ҳақида ҳам гап кетарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Умр лаззати эса сиҳат-саломатлик билан боғлиқ эканини ҳаммамиз биламиз, шундай экан, уни жуда қадрлашимиз керак.* Газетадан.

СИҲАТСИЗ кам қўлл. Сиҳати, соғлиги ёмон; касалманд, касал. *Сиҳатсиз одам. Сиҳатсиз бўлиб қолмоқ.*

СКАЛЬПЕЛЬ [лот. scalpellum – пичоқча] *тиб.* Жарроҳлик амалиётида тўқима ва аъзоларни кесишда ишлатиладиган махсус металл пичоқча. *Скальпель ўтқир, ушлашга қулай, осон тозаланадиган ва стерилланидиган бўлиши керак.* «ЎзМЭ».

СКАМЕЙКА [р. скамья < лот. scamnum – ўтирғич, ўриндиқ] Икки ёки тўрт оёқли узун ўриндиқ. *Лолахон скамейканинг бир чеккасиға омонатгина ўтирар экан, рассомга ялт этиб қараб қўйди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *У [Аҳмад] катта дарахтнинг соясига қўйилган скамейкани танлади.* Ф. Мусахонов, Ҳиммат.

СКАНДИЙ [лот. Scandium < Scandia – Скандинавия яриморали номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оч сариқ тусдаги енгил, юмшоқ металл. *Скандий кимёвий хоссалари жиҳатидан фаол металллар жумласига киради.* «ЎзМЭ».

СКАНЕР [ингл. scanner] Информатикада: тасвирни, матнни компьютерга киритиш мосламаси.

СКАРЛАТИНА [итал. scarlattina < лот. scarlatum – оч қизил ранг] Купинча болаларда учрайдиган, нафас сиқилиши ва иситма, томоқнинг оғриқли яллиғланиши, бутун тана бўйлаб тарқалган қизил тошмалар билан намоён бўладиган оғир юкүмли касаллик. *Скарлатинанинг енгил, ўртача оғир ва оғир турлари ажратилади.* «ЎзМЭ».

СКАФАНДР [фр. scaphandre < юн. skaphē – қайиқ + aner, andros – одам] Сув остига тушишда, шунингдек, стратосфера ва космосга учишда кийиладиган, нафас олиш учун кислород билан таъмин этиб турувчи аппарати бўлган махсус герметик кийим. *Гаввослар киядиган скафандр резиналанган матодан тикилади.* «ЎзМЭ».

СКВАЖИНА [қад. р. скважень – жарлик, дара; фор] Бурғилаб ковланган кудуқ. *Газ скважинаси. Нефть скважинаси.*

СКВЕР [ингл. square – тўртбурчак майдон < лот. exquadrare – тўртбурчак қилиб қирқмоқ] қ. **хмёбон.** *Сквер томондан оқиб тушган баҳор суви тротуарнинг зичида қўлаб ётар, уша ёқдан келган кишиларнинг лой*

излари асфальтга муҳрдай босилиб, қуриб қолган эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

СКЕЛЕТ [лот. skeleton — қуриб қолган < skello — қуритаман] анат. Одам ва ҳайвон организмда таянч ва ҳимоя вазифасини бажарадиган қаттиқ тўқималар мажмуи. Одам скелети. *Ички скелет. Балиқнинг тоғай скелети.* ■ Одам скелети 200 дан ортиқ суякдан иборат бўлиб, тузилиши одамсимон маймулларникига ўхшайди. «ЎЗМЭ».

СКЕПТИК [юн. skeptikos — кўриб чиқишга, ўйлаб кўришга мойил] 1 флс. Скептицизм тарафдори. *Скептиклар антик диалектикадек қудратли қуролга эга эдилар. «Фалсафа».*

2 Ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳамма нарсага шубҳа ва ишончсизлик билан қарайдиган одам.

СКЕПТИК 1 флс. Скептицизмга оид, скептицизмга асосланган, скептицизм руҳи билан суғорилган. *Скептик идеализм.*

2 Ишончсизлик руҳи билан суғорилган. *Масалага скептик қараш.*

СКЕПТИЦИЗМ [юн. skeptikos — кўриб чиқишга, ўйлаб кўришга мойил] 1 флс. Объектив ҳақиқатни тўғри ва аниқ билиш мумкинлигига ишончсизлик билан қаровчи идеалистик фалсафий оқим. *Гарчанд скептицизм таълимоти кўп жиҳатдан билиш жараёнининг мураккаб муаммоларини аниқлашга ҳаракат қилган бўлса-да, лекин объектив билишга нисбатан умидсизлик билан қараш ва рад этиши агностицизмга олиб боради.* «ЎЗМЭ».

2 Ҳамма нарсага шубҳа ва ишончсизлик билан қараш; ишончсизлик.

СКИПИДАР [р. < пол. skipanard < лот. spica pardi — нард (хушбўй ўсимлик) бошоғи] Игнабаргли дарахтларнинг смоласини сув буғи иштирокида ҳайдаш, шунингдек, ёғочни қуруқ ҳайдаш йули билан олинадиган ўткир хидли рангсиз, тиниқ, учувчан суюқлик (лок-бўёқ ишлаб чиқаришда, тиббиётда ва б. соҳаларда ишлатилади).

СКИФЛАР Милоддан аввалги 7- ва милодий 3-асрларда Дунай ва Волга дарёлари ораллигидаги ҳудудда яшаган чорвадор аҳоли. *Скифлар давлати. Скифлар маданияти.* ■ ..скиф қабилалари аслида туркий тилларнинг турли лаҳжаларида сўзлашувчи орийлар эди. «ЎЗМЭ».

СКЛАД [р. складывать — «тахламоқ, жойлаштирмақ, йиғиб, жойлаб қўймоқ» фл. дан ясалган от] эск. қ. омбор. *Тахта склади. Қумир склади.* ■ Складда газламалар шифтгача тахлаб қўйилган. Газетадан.

СКЛАДЧИ қ. омборчи.

СКЛЕРОДЕРМИЯ [юн. skleros — қаттиқ, берч + derma — тери] тиб. Терининг, тери ости тўқималарининг, баъзан ички аъзоларнинг қалинлашиб, қаттиқлашиб қолишидан иборат сурункали касаллик.

СКЛЕРОЗ [юн. sklerosis — қотиш, қаттиқлашиш] тиб. Турли аъзолар, томирлар девори ва тўқималарнинг айрим специфик элементлари ўлиб (камайиб), уларнинг ўрнини бириктирувчи тўқима(лар) эгаллаши натижасида уларнинг қаттиқлашиши. *Мия қон томирлари склерози.*

СКОЛИОЗ [юн. skoliosis < skolios — қийшиқ, эгри] Умуртқа поғонасининг ён томонга қийшайиши. *Келиб чиқишига кўра, туғма ва орттирилган сколиоз фарқ қилинади.* «ЎЗМЭ».

СКОТЧ [ингл. scotch (tape)] Идора, девонхоналарда ишлатиладиган ёпишқоқ лента, тасма.

СКРЕПЕР [ингл. scraper — қурак, қирғич; ковш < scrape — қиртишламоқ, қириб тозаламоқ] тех. Ерни қатлам-қатлам қилиб қазिश, қовшни тупроққа тўлдириб, уни белгиланган жойга тўкиш, суриш ва текислаш ишларини бажарадиган машина. *Яланликда скреперлар, бульдозер ва экскаваторлар, полвон тракторлар саф-саф бўлиб тизилган. Й. Шамшаров, Танланган асарлар. Сал нарида эса, қудратли бульдозерлар ва скреперлар чуқурларни тўлдириб, тепаликларни ағдариб, ер текисларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

СКРЕПКА [р. скрепить — «бириктирмақ, маҳкамламоқ, қадаб қўймоқ» фл. дан ясалган от] Қоғозларни, ҳужжатларни бир-бирига тиркаш, varaқларни устма-уст қилиб бириктириб маҳкамлаш учун ишлатиладиган сим қисқич.

СКРИПКА [р. скрипеть — «ғижирламоқ, ғарч-ғурч қилмоқ» фл. дан ясалган от] Камонча билан чалинадиган тўрт торли мусиқа асбоби. *Скрипка садоси. Скрипка чалмоқ.*

СКРИПКАЧИ Скрипка чалувчи созанда. *Моҳир скрипкачи.* ■ 19-асрда виртуоз скрипкачи ва машҳур композиторлар Н. Па-

ганини, П. Сарасате ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди. «ЎЗМЭ».

СЛАВЯН қ. славянлар. *Славян тиллари. Славян аёл.*

СЛАВЯНЛАР Келиб чиқиши бир, тили ўзаро яқин бўлган Европа халқларининг энг йирик гуруҳи (уч катта гуруҳга бўлинади: шарқий славянлар, ғарбий славянлар, жанубий славянлар).

СЛАВЯНШУНОС [славян. + ф. شناس — ўрганувчи, билувчи] Славяншунослик мутахассиси.

СЛАВЯНШУНОСЛИК Славян халқларининг тиллари, тарихи, адабиёти ва маданиятини ўрганувчи фанлар мажмуи.

СЛАЙД [ингл. slide] Шиша пластинка ёки плёнка каби шаффоф асосга туширилган оқ-қора ёки рангли фотографик тасвир. *Вилоятлардаги турли хил нон тайёрлаш усуллари фотостендларда, слайдларда, кинолавҳаларда кўрсатиш мумкин.* Газетадан.

СЛАЛОМ [норвегча slalom — пастга тушадиган из] 1 Ўтиш жойлари байроқчалар билан белгилаб қўйилган махсус йўл бўйлаб чанғида тоғдан тушиш. *Тоғ-чанғи слалом.*

2 Табиий ёки сунъий тўсиқлар бўлган дарё ёки каналларда байдарка ва каноэда сузиш. *Эшкак эшиш слалом.*

3 Муайян узунликдаги шатак арқони билан махсус трансси бир хил тезликда босиб ўтиш. *Сув чанғилари слалом.*

СЛАНЕЦ [қад. р. стланец < стлать — «ёймоқ, ётқизмоқ, тўшамоқ» фл. дан] Қатлам-қатлам тузилишга эга бўлган, юпқа пластиналарга ажраладиган метаморфик тоғ жинси. *Ёнувчи сланец. Гилли сланец.* ■ *Мукамал қават-қаватланган гилли сланецлар томларни ёпишда ишлатилади.* «ЎЗМЭ». У [олтин] сланецлар, қўмтошлар, гранитлар ичига учрайди. С. Кароматов, Олтин кум.

СЛЕСАРЬ [нем. Schlosser < Schloß — қулф, зулфин, тамба] Металл буюмларни қўлда ишлаш, ясаш, тузатиш бўйича мутахассис ишчи; чилангар. *Юқори малакали слесарь. Монтажчи слесарь. Ремонтчи слесарь.*

СЛЁТ [р. слететься — «ҳар ёқдан йиғилиб, ёпирилиб келмоқ» фл. дан] Оммавий ташкилотларнинг ёки бир касбдаги кишиларнинг катта йиғилиши, кенгаши. *Илғор механизаторлар слёти.*

СЛОВАК Словак миллатига мансуб. *Словак тили. Словак аёл.*

СЛОВАКЛАР Ғарбий славянларга мансуб халқ; Словакия Республикасининг асосий халқи. *Археологик тадқиқотлар славяларнинг аجدодлари — ғарбий славян қабилалари ҳозирги Словакия ҳудудида 4–5-асрда пайдо бўлганлигини кўрсатади.* «ЎЗМЭ».

СЛОВЕН Словен миллатига мансуб. *Словен аёл.* ■ *Адабий словен тили 19-аср ўрталарида тулиқ шаклланган.* «ЎЗМЭ».

СЛОВЕНЛАР Жанубий славянларга мансуб халқ; Словения Республикасининг асосий халқи. *Югославия таркибидан ажралиб чиққан словенлар 1991 йил 25 июндан мустақил давлат барпо этганлар.* «ЎЗМЭ».

СЛЮДА [қад. р. слуд — юпқа, шаффоф муз қатлами] Юпқа қатламларга ажраладиган қаттиқ шаффоф минерал; муҳим фойдали қазилма. *Слюдалар ёпишқоқлиги ва эгилювчанлиги туфайли тез ўзгаради, энгил жиловланади.* «ЎЗМЭ».

СМЕНА [р. смениться — «алмашинмоқ, бошқасининг ўрнига келмоқ» фл. дан] 1 Ўрин алмашиниб ишловчи, ўқувчи, дам олувчи ва ш. к. кишилар гуруҳининг бошқа кишилар гуруҳи билан алмашинувига қадар давом этадиган вақт бўлаги. *Икки сменада ишлаш. Биринчи сменада ўқиш.* ■ *Эртаси иккинчи сменадан қайтишда Набиғул Қодир билан бирга кетди. А. Қаҳқор, Қанотсиз читтак. Қудрат бу бола билан кечагина яқиндан танишди. Уларнинг иккиси бир мактабдан бўлса ҳам, сменалари бошқа, қишлоқлари ҳам бошқа эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Шу вақт давомида бирга ишловчи, ўқувчи, дам олувчи ва ш. к. кишилар гуруҳи. *Янги смена ишга чиқди. Смена ишдан қайтди.* ■ *Смена мастери уни биринчи марта ер остига олиб тушганида, Иномжоннинг буладигани бўлган эди. С. Аҳмад, Мўтти.*

СМЕНАДОШ 1 Бир сменада ишловчи, ўқувчи ва ш. к. кишиларнинг ҳар бири (бошқаларга нисбатан).

2 Бир-бирини алмаштирувчи, ўрнини олувчи, ўрнини босувчи. *Биз дам олаётган пайтда сменадошларимиз ишни давом эттирдилар.*

СМЕНАЛИ Сменалари бўлган, сменаларга бўлинган. *Уч сменали иш. Икки сменали ўқиш.*

СМЕТА [р. (с)метить — «мўлжалламоқ, кўзламоқ» фл. дан ясалган от] Олдиндан тузилган кирич-чиқим ҳисоби ва шундай ҳисоблар ёзилган ҳужжат. *Харажатлар сметаси. Курилиш сметаси. Сметага киргизмоқ.*

■ *Техник чақириб, план ва смета тузиш, неча нуд тунука керак бўлишини билиш зарур экан. А. Қодирий, Обид кетмон. Баъзан ишлаб чиқаришга, объектларни қуришга алоҳида харажатлар сметаси тузилади. «ЎЗМЭ».*

СМЕТАНА [қад. р. сметати — «йигмоқ, уюм қилиб тўпламоқ» фл. дан: куюқ сут, қаймоқ] Суяқ қаймоққа ивитқи қўшиб тайёрланадиган маҳсулот. *Сметана таркибида сут ёғидан ташқари оқсил, сут қанди, органик кислоталар, минерал тузлар, шунингдек.. витаминлар мавжуд. «ЎЗМЭ».*

СМОЛА [р. смола — елим; қатрон, чирк] Игнабаргли ва б. баъзи бир ўсимликлардан ажралиб чиқадиган, ҳавода қотиб қоладиган елимшак модда; шира. *Қарағай смоласи. Куюқ смола. Хушбўй смолалар. Синтетик смола.* ■ *Баҳайбат қарағайлар шохи ва тана қисмининг синган ва зарарланган жойларидан кўплаб смолалар ажралиб чиқа бошлаган. «Фан ва турмуш». Бу янги материалга цемент ҳам, сув ҳам ишлатилмайди. Улар ўрнига полимер смоласидан фойдаланилади. «Фан ва турмуш».*

СМОЛАЛАМОҚ Смола суртмоқ ёки сийгдирмоқ. *Қайиқларни смолаламоқ.*

СМОЛАЛИ Смола берадиган; серсмола. *Смолали дарахтар.*

СМОРОДИНА [қад. р. смород — ўткир, кучли ҳил] қ. қорағат. *Смородина озиқ моддаларга бой, сернам, сувни яхши ўтказадиган, ер ости сувлари камида 1,5 метр чуқурликда бўлган ерларда яхши ўсади. «ЎЗМЭ».*

СНАЙПЕР [ингл. sniper < snipe — панадан туриб отмоқ] Махсус таълим олган мерган, моҳир отувчи. *Снайперлар милтиғи.* ■ *Дивизияда снайперлар курси очилиб, унга Тешабой Одилов раҳбар этиб тайинланди. Газетадан.*

СНАРЯД [р. снаряд — асбоб; қурол, тўп ўқи, ёрилувчи бомба] 1 Артиллерия қуролларидан отиладиган ўқ-дори тури. *Портловчи снаряд. Ёндирувчи снаряд.* ■ *Артиллерия учун снаряд сув ва ҳаводек зарур бўлгани учун, Воҳидов фурсатни бой бермай, снарядларни елкасига қўйиб таший бошлади. Газетадан. Тенада снарядлар портлар, гильзадан ясалган*

заиф исчироқ ҳар ларзада пирпираб, қоронғи ер қаъридаги ҳаётни зўрға ушлаб тургандек туюлар эди. А. Мухтор, Асарлар.

2 Баъзи техник қурилмалар номи. *Ер қаърузчи снаряд.*

3 Гимнастика асбобларининг умумий номи. *Снарядда машқ қилмоқ.* ■ *Унда [мусобақада] россиялик спортчи Т. Лисенко снарядни 77 метру 80 сантиметрге улоқтирди. Газетадан.*

СОАВТОР [р. со. — бирга + автор] эск. айн. ҳаммуаллиф. -*Йўқ, ростини айтинг, — деди Яхшибоев қовоғини очмай. — Айтинг, соавтор бўлсам хафа эмасмисиз?* М. М. Дўст, Полазор.

СОАТ [а. ساعة — аниқ бир вақт, лаҳза; 60 дақиқали вақт] 1 Сутканинг йигирма тўртдан бир улушига тенг вақт ва шу мудатни кўрсатувчи вақт ўлчови. *Бир соат — олтмиш минут. Орадан уч соат ўтди.* ■ *Отабек Марғилонга ҳар нимадир бир соат илгарироқ етиш учун ошиқар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эллик қадамча йўлни, назаримда, бир соатда босгандай бўлдим. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Туш пайтидан ёки ярим кечадан бошлаб шу ўлчовда ҳисобланадиган вақт оралиғи; пайт. *Қутидор, одатига қарши, бозордан кундуз соат учларда қайтиб келди-да, Отабекни сўради.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мажлис ропна-роса соат бирда бошланди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. [Ҳасанали] Ухламай кутиб ўтирди. Аммо [Отабек] тунги соат ўн бир бўлса ҳам келмас, ўн иккида ҳам дарақсиз эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Солиҳ иш вақти тугашига икки соат қолганда нарсаларини йиғиштирди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.*

3 Вақтни сутка давомида шу ўлчовда ўлчайдиган асбоб. *Олтин соат. Чунтак соат. Девор(ий) соат.* ■ *Чарм камзулли йигит ён чўнтагидан занжирли соатини олди, қоп-қоғини қирс эткизиб очди. С. Сиёев, Ёруғлик. Врач Мамлакатнинг томир уришини соати-га қараб ўлчади. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.*

4 Ўқув машғулотини учун белгиланган 40 минутли ёки 45 минутли вақт, дарс. *Ўзбек тили учун ҳафтада тўрт соат ажратилган.* ■ *Бир ўқувчининг бир соат дарс қолдириши ҳам унинг билимига таъсир қилади. Газетадан.*

5 Умуман, вақт, фурсат, пайт, он. *Толе соатини кутмоқдан ўзга иложимиз йўқ [деди*

подшоҳ Навоийга). Ойбек, Навоий. *Бу кунги кеч Отабек билан Ҳомиднинг қайси бирларининг сўнг соатлари етганлиги шу қоронғи тун каби қоронғи эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Меъмор бўлса икки шоғирднинг сал қуюшқондан чиқиб, талтайишаётганидан энсаси қотиб келарди: қани шундоқ яхши соатларда унинг ёнида ўғли Низомиддин ҳам бўлса! Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Маълум мақсад учун белгиланган, хос вақт. *Қабул соатлари. Иш соати.* ■ *Ўрдага алоқаси бўлмаган кишилар боққа киролмаслар, фақат ҳафтада бир кун кўнгли очил соатларида, баъзи мустасно зотлар учун боғнинг йўли очил бўлар эди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

7 Соат (эркаклар исми). **СОАТЛАБ** *рвш.* Бир неча соат; кўп вақт. *Соатлаб кутмоқ.* ■ *Булар душман позициясига яқинроқ бориб, бирон қулай жойда соатлаб, баъзан кун бўйи пойлаб ётишади*. А. Қаҳҳор, Асарлар. *Кечагидай эсимда, худди шу вокзалда дадам билан изғиринда соатлаб поезд кутганмиз*. Газетадан.

СОАТЛИ 1 Соат давомидаги, бирор соат давом этган ёки этадиган. *Икки соатли маъруза. Олти соатли иш куни.* ■ *Баъзи мунишийлардаги ярим соатли бу ўзгаришдан таажжуб қилинмасинким, бунинг сабаби оддий ва очиқдир*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шаҳар билан Келеснинг ораси ярим соатли йўл*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Соатлар бўйича тузилган. *Соатли график*.

3 Соати бўлган, соати бор. *Соатли киши.* **СОАТСОЗ** [а. + ф. *ساعت ساز* – соат ясовчи, тузатувчи] Соат ясовчи ёки тузатувчи уста. *Биринчи пужинали соатни женевалик соатсоз Густав Фили иштиро этган*. Газетадан.

СОАТСОЗЛИК 1 Соат ясаш, тузатиш билан шуғулланиш, соатсоз касби. *Соатсозликни ўрганмоқ*.

2 Соат ишлаб чиқариш. *Соатсозлик заводи.* ■ *А. Розиковнинг шикоятчи асосида соатсозлик устахонасидаги нуқсонлар очиб ташланди*. «Муштум».

СОБ: *соб бўлмоқ* 1 Тамом бўлмоқ, тугамоқ. *Пулим соб бўлди.* ■ *Отасидан қолган қўр-қут соб бўлгандан кейин Нурматжон наст ишни ўзига эл кўрмади, тузук иш уч-*

рамади. А. Қаҳҳор, Асарлар. *Қиш охирлаб, тўйлар соб бўлди*. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 *кўчма* Ҳамма имкониятдан айрилмоқ; умиди узилмоқ. *-Мен учун ҳамма нарса соб бўлди! – деди Қиём*. Ш. Холмирозев, Қил кўприк.

3 *кўчма* Жисман ва маънан инқирозга юз тутмоқ. *Шу шўрлик аёлни [касални] бир кириб кўрайлик! Уч кунлиги борми, йўқми.. соб бўлган дейишади..* А. Қаҳҳор, Асарлар. *-Уйни нима қиламан? Соб бўлган одамман мен, – гўнғиллади Нусратилла*. А. Мухтор, Опасингиллар.

СОБ ҚИЛМОҚ Тамом қилмоқ, тугатмоқ. *Гапни соб қилмоқ*.

СОБАЧКА [р. собачка – кучукча; милтиқ тепкиси; бирор деталь тиши] *тех.* Турли машина ва механизмларда айланувчи деталларнинг тескари айланишига йўл қўймайдиган тишсимон қисм.

СОБИР [а. *صابر* – сабрли, чидамли, матонатли] 1 Сабрли. *Собир одам.* ■ *Очил бува сафарни тугатганидан, эзгу бир фарзни бажо келтириб, кони савобга ботган одамдек мамнун кўринар, сокин ва собир эди*. А. Мухтор, Чинор.

2 Собир (эркаклар исми). **СОБИТ** [а. *ثابت* – мустаҳкам, барқарор, матонатли, буқилмас] 1 Бир гапта, мақсадда, маслакда мустаҳкам туралиган; оғишмайдиغان. *Собит курашчи. Собит дўст.* ■ *Бу дунёда сарҳадлар шартли, Бу дунёда собитдир Ватан*. У. Кўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё. *Наҳот, дейман, дунёда собит нарса йўқ асло, Наҳотки етукликнинг тимсоли йўқ бус-бутун?* А. Орипов, Юртим шамоли.

СОБИТ ҚОЛМОҚ Бир гапта, мақсадда оғишмай мустаҳкам турмоқ. *Агар биз, шу утирган оғайнилар, бояги гапта собит қолсак, сиримизни яна яшириб кетиш мумкин*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Собит (эркаклар исми). **СОБИТҚАДАМ** [а. *ثابت قدم*] (*тўғриси собит қадам*) *айн.* собит 1.

СОБИТҚАДАМЛИК (*тўғриси собит қадамлик*) Ўз мақсади, маслағидан оғишмаслик, саботлилиқ. *Аммо шоира иродали бўлгани учун собитқадамлик билан ижод этишда давом қилади*. «ЎТА».

СОБИҚ [ا. سابق — қувиб ўтувчи; олдиндаги; аввалги, бурунги] Ўтмишда бўлиб ўтган, илгарити. *Собиқ директор. Собиқ мустамлака мамлакатлар.* ■ -Илиниб турганингни сезсанми, раис, — деди у ҳаёл суриб, — энди сен ҳақиқий раис эмас, собиқ раиссан. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Тунов кунни билет олгани вокзалга чиқсам, собиқ курсдошим Элмуродни кўриб қолдим. С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

СОБОЛЬ [р. соболь — юронқозик; олабула, олачирпор; хол-хол] Жуни қалин, майин, қора-кўнғир рангли сутэмизувчи ҳайвон (қимматбаҳо мўйнаси учун кўп овланиши натижасида камайиб кетган). *Соболь ҳар хил ҳайвонлар ва ўсимликлар билан озиқланади.* «ЎЗМЭ».

СОБОР [р. собор — (руҳонийлар) йиғини] Олий мартабали руҳонийлар ибодат қиладиган йирик христиан ибодатхонаси. *Тошкентдаги Спас Преображенск собори (1888), Самарқанддаги Покровск собори (1902) кабилар Византия меъморлиги таъсирида.. қурилган.* «ЎЗМЭ».

СОБУН [ا. صابون — совун] эск. кт. айн. совун.

СОВЕТ I [р. совет — кенгаш; маслаҳат] 1 тар. Давлат ҳокимиятининг вакиллик органи, жамиятни сиёсий жиҳатдан ташкил этиш шаклларида бири. *Олий Совет. Шаҳар совети.*

2 эск. Турли хил коллегиял органларнинг номи (яна қ. кенгаш). *Ҳарбий совет. Педагогика совети.* ■ Унинг ёнидаги стулда отаналар советининг раиси — телевизорда ҳам бир-икки марта одоб ҳақида сўхбат ўтказган чўққисоқол пенсионер чол — Қосим ота жойлашган. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

СОВЕТ II тар. эск. I Совет мамлакатига, СССРга алоқадор, Советлар мамлакатига мансуб. *Совет Иттифоқи. Совет халқи.*

2 Совет давлат органларига ва уларнинг фаолиятига оид. *Хужалик ва совет ташкилотлари.*

3 СССРда пайдо бўлган, вужудга келган, шакланган. *Совет ҳукумати. Совет кишиси. Совет мафқураси.*

СОВИМОҚ I Иссиғи, ҳарорати пасайиб, совуқ ҳолга келмоқ, бирмунча совуқ бўлмоқ. *Суя совиди. Ҳаво совиди.* ■ Ёдгорнинг назарида, уй янаям совиб кетгандек кўринди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Отақўзи бирдан қайнаб тошди-ю, совиб қолган бир пиёла чойни бир кўтаришда бўшатди. О. Ёқубов, Диёнат.

2 Баданидан ҳоври кўтарилиб, ҳарорати нормаллашмоқ. *От совиди.* ■ Чув деб ота қамчини, Чинор бериб боради. *Совидими жонивор, Ўзин отиб боради.* «Ойсулув».

3 кўчма Ҳовридан тушмоқ, пасаймоқ. *Тез қайнаган тез совир, дейдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Мамашанинг қилиқларидан хафа бўлмайсида, кўшни. Кейин совиб қоладилар.* «Муштум».

4 Жўшқинлигини, хуружини, авжини, қизигини йўқотмоқ, сусаймоқ, сўнмоқ. *Бозор совиди. Базм совиб қолди.* ■ *Олчинбек унинг [Ҳамзанинг] бу таклифини на рад этди, на қувватлади. Шу билан сўхбат совиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

5 кўчма Кўнгли қолиб, меҳр-муҳаббатини, майлини, ихлосини йўқотмоқ. *Ишдан совимоқ.* ■ *Дарслардан совидим, ҳеч ким билан ишим йўқ.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. [Аваз:] *Оға, ўн кунча бўлди, қўлимга қалам олмадим. Назмдан тамом совидим.* С. Сиёев, Аваз.

Кўнгли совимоқ қ. кўнги. Тупроғи совимай (ёки совимасдан) Вафот қилганидан ҳеч қанча вақт ўтмай. *-Дада, уялмайсиизи, андиша қилмайсиизи? Акамнинг тупроғи ҳали совимай туриб-а? — деди Низомжон.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Қандай ота у? — қичқирди Нури. — Ойимнинг тупроғи совимасдан, чўри қизга уйланадими? Ойбек, Танланган асарлар.*

СОВИТКИЧ тех. I Озиқ-овқат маҳсулотлари ёки тез айнийдиган маҳсулотлар паст температурада сақланадиган иншоот ёки курилма; холодильник. *Икки камерали совиткич.* ■ *Уй-рўзгор совиткичида температура +6° дан -18° гача бўлиши мумкин.* «ЎЗМЭ».

2 Кондиционер. *Қалдирғоч.. хонани бир айланиб, деразанинг юқори кўзига ўрнатилган совиткич устига қўнди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

СОВИТМА Совитиб тайёрланган, совитилган. *Совитма ош.*

СОВИТМОҚ I Совимоқ фл. орт. н. Уйни совитмоқ. *Компотни совитиб ичмоқ.* ■ [Гуанор] *Онаси тайёрлаб чиққан хўрда ошни одатда жуда совитиб ичишни яхши кўргани учун четга олиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Азар ҳоким ҳеч кимни, айниқса, Қудрат акани қамамаган бўлса, аҳолини кўр-*

қитмаслик, ишдан совитмаслик учун қамамаган. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 махс. Боқувдаги отни секин-аста юргизиб, оёқларининг чигилини ёзмоқ ёки қизиб турган отни секин-аста юргизиб, ҳовридан туширмоқ. *Отни бироз совитдим. Беда солдим.* Ҳ. Фулом, Машъал.

3 этн. Иссиқ-совуқ, амал қилиб кўнглини қолдирмоқ, ихлосини қайтармоқ. [*Домла Фотимага:*] *Совитмоқ учун бир қанча нарсаларга дам солмоқ керак, айниқса, чойга, қандга, ундан кейин бир банд қилиб бераман, эрингиз ётадиган жойга қўясиз.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

Иссиқ ўрнини (ёки жойини) совитмоқ Яхши ўрнашиб ишлаб ёки яшаб турган жойини алмаштирмоқ.

СОВЛИҚ Қўзилаган, соғиладиган қўй; она қўй. *Қўй соғдиришининг ўзига яраша гашти бор. Она совлиқни бўйнидан қучиб турасан. У тиширчиламаслиги керак.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

СОВРИЛМОҚ с. т. Совурилмоқ. *Гоҳо атрофдаги йўлтўсар беқлар Дастидан соврилди карвонлар — юклар.* М. Шайхзода, Тошкентнома. *Йиллару йилномалар соврилган йўқ шамолга, Ҳақиқат бўлди бугун тушлару афсоналар.* Миртемир, Танланган асарлар.

СОВРИН Улоқ, пойга, мусобақа ва ш.к.ларда ғолибларга бериладиган мукофот. *Адирда эса сумалак пиширилади, ош тортилади.. [кўпқари] уюштирилади, ғолибларга соврин улашилади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Бош соврин таъсис этилди: турнир ғолиби тошкентлик усталар ишлаган катта чинни вазани олади.* Газетадан.

СОВРИНЛИ Соврини бор, совринга эга. *Ўйлайманки, йигитлар совринли ўринлардан бирини олишга ҳаракат қилишади.* Газетадан. *Мусобақада республикамиз ёшлари ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қилдилар.* Газетадан.

СОВУМОҚ айн. **совимоқ.**

СОВУН [а. صابون — совун] Ювиниш ёки кир ювиш учун ёғ ва ишқорлардан тайёрланадиган, яхши кўпирадиган хўжалик буюми. *Атир совун. Кир совун. Совун кўпиртирмоқ.* Ёмоннинг совунида кир ювма. Мақол. ■ *Бунда кумуш шамдондан тортиб жуфт-жуфт қилиб боғлаб қўйилган қоракўл тери-гача, яшик-яшик кир совундан тортиб юзма-*

юз қилиб бойланган тагчармгача бор эди. С. Аҳмад, Уфқ.

Совун тош с. т. Каустик сода. **Совунига кир ювмабди** Кимсага ҳали иши тушмабди, уни ҳали синаб кўрмабди. *Ўзлари йўл излаб, товоқларига қурт тушиб қолсин. Улар ҳали Ортиқнинг совунига кир ювишмабди.* М. Мансуров, Ёмби.

СОВУНАК [а. + ф. صابونيه < a. صابونيه] Наврўзгулдилар оиласига мансуб, илдизи совун ўрнида ишлатиладиган бир йиллик ўтсимон ўсимлик.

Совунак ҳолва Парвардасимон оқ ҳолва. *Дастурхонда қатлама патир, ўрикқоқи, майиз, совунак ҳолвадан Ҳазорасп олмасигача бор.* С. Сиёев, Аваз.

СОВУНГАР [а. + ф. صابونگر — совун тайёрловчи] 1 Совун ишлаб чиқарувчи касиб, хунарманд. *Совунгарнинг ўғли Қажҳор менинг тендош ўртоғим, уларникида ботбот бўлардим.* М. Жўра, Ноширнома. *Мен унинг тегмайман, деганига қараб турадиган жониворманми? Гуштини сизга тортиб, ёғини совунгарга сотаман, биласанми?* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Совунгарлик саноатининг ишчиси. *Корхона совунгари.*

СОВУНГАРЛИК 1 Совун ишлаб чиқариш касби.

2 Совун ишлаб чиқариш. *Совунгарлик саноати.*

3 эск. Бозорда совунгарлар растаси.

СОВУНДАРАХТ Мевасида сапонин моддаси бўлган ва совун ўрнида ишлатиладиган паст бўйли дарахтлар ёки буталар туркуми.

СОВУНДОН Совун солинадиган идиш; совун қути. *Хола тиш чўтка, совундонларга боладек қизиқиб термилди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СОВУНЛАМОҚ Совун суртмоқ, совун суртиб ювмоқ ёки ювинмоқ. *Кирни совунламоқ. Қўлни совунлаб ювмоқ.* ■ *Амаки ўлғудай хасис эди, умрида оёғини совунлаб ювмас — қиёматда пулсиротдан ўтиб кетаётганида тойиб кетармиш..* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *У сувни шариллатиб қуйиб, қўлини наридан-бери ювмоқчи эди, деразадан кузатиб турган буви яна ўшқирди: -Совунлаб юв, икки марталаб совун сур! Башарангни ҳам юв! Мирмуҳсин, Умид.*

СОВУНЛИ Совун кўпиги аралаштирилган. *Сулургини ишлатишдан олдин совунли*

қайноқ сувда ҳўлаб олсангиз, кўпга чидайдди.
«Саодат».

СОВУНЧИ айн. совунгар 1. Умарали совунчининг невараси-да, Шоқосим анча нобон бола чиққанидан хабарим бор. Аммо бунчаллик газдандалигини билмасдим. Мирмуҳсин, Умид.

СОВУНЎТ Пояси тўрт қиррали, ёйилиб ўсадиган, барглари чўзинчоқ бегона ўт.

СОВУРИЛМОҚ Совурмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Хирмондаги ҳамма дон шамолда бир соатда совурилди. ■ Шаҳарлар хароба, бир уюм тупроқ, қишлоқларнинг кули кўкка со-
вурилган. Ф. Гулом, Танланган асарлар. Меҳнатларим зое кетмади, елга совурилмади.
«Ёшлик».

СОВУРМОҚ 1 қ. х. Шамолда шопириб тозалamoқ, шопирмоқ. Ўт иши — қовурмоқ, Ел иши — совурмоқ. Мақол. ■ [Бободехқон] Кун қизиб турган пайтларда, бошидан оф-
тоб ўтишига қарамай, янчиқ янчибди. Кечки шамолда бугўдой совурибди. С. Анорбоев, Бободехқон сўзи.

2 кўчма Беҳудага кеткизмоқ, беҳуда сарф, харажат қилмоқ. Пулни совурмоқ. ■ Мен учун ҳам, ўзи учун ҳам пулни аямай совувар ва ҳеч қачон менинг мойнам билан қизиқмасди. «Ёшлик».

3 Маҳв этмоқ, йўқ қилмоқ, беҳудага чиқармоқ. Тилакларимни совурганинг етмай, тилак уйимни йиққанинг нимаси. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шоирнинг юрагида ҳақиқат душманларига қарши, ҳаммадан севгани — ҳаёт гулини совурмоқчи бўлган ёвуз кучларга қарши ғазаб ёнар эди. Ойбек, Навоий».

Кулини кўкка совурмоқ Батамом йўқ қилмоқ, маҳв этмоқ, ағдариб ташламоқ. Чингиз фармони билан шаҳарга ўт қўйилиб, кули кўкка совурилди. Мирмуҳсин, Темур Малик. Кўкка (ёки беҳудага) совурмоқ айн. совурмоқ 1,2. Шамол қутурар, қорни оппоқ тўзонга айлантириб, кўкка совувар эди. Ойбек, О. в. шабадалар. -Бизни давлат пулини кўкка совурувчи тентаклар, хаёлпарастлар, деб аташаётганлар ҳам йўқ эмас, — деди До-
ниёров Моҳидилга. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СОВУТ тар. Танани найза, ўқ, қилич зарбидан сақлаш учун кийиладиган, пўлат симдан тайёрланган ҳарбий кийим. Авазхон отасидан дуо олиб, совутини кийиб, қалқонини эйнига [эгнига] солиб, ўн олти газ исфиҳони алмосини белига осиб жўнади. «Маликаи айёр».

Темур Малик икки қават совут ва дубулға кийиб, кема тумшугига чиқди. М. Осим, Карвон йўлларида.

СОВУҚ 1 от Паст ҳарорат, паст температура. Совуқ оёқдан урар, Иссиқ — бошдан. Мақол. ■ Тошкентдан келган лектор «Ойда ҳаёт борми?» деган мавзуда лекция ўқиб: -Ойда кечаси юз градус совуқ, кундузи юз градус иссиқ бўлади, — деганди. С. Аҳмад, Уфқ. Албатта, йўл яхши бўлиб, жадалроқ юришса, совуқ унча билинмас, лекин из тушмаган йўлдан юриш мушкул. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

Совуқ емоқ (ёки қотмоқ) айн. совқотмоқ. Бировнинг ишига саратонда қўл совуқ қотади. Мақол. ■ Кун иссиқ, пиджаксиз кетай дейман-у, кечасига қолсам совуқ емай, деб қўрқаман. Шўҳрат, Шинелли йиллар. **Совуқ олмоқ (ёки урмоқ)** Совуқ қаттиқ таъсир этиб ёки музлатиб ишдан чиқармоқ, шикастламоқ. ..Эндигина авж олаётган ниҳолларни бир кечада совуқ урди. Газетадан. **Куруқ (ёки қора) совуқ** Ҳаво очиқ ёки қор ёғмай турган вақтдаги қаттиқ аёз. Тошкентда.. ўткир қуруқ совуқ!.. Соқолларда, мўйловларда, киприкларда қиров. Ойбек, Танланган асарлар. Бир тундаёқ қора совуқ ғўзани урган эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 от этн. Совуқлик овқатларни кўп истеъмол қилиш натижасида организм фаолиятининг сусайиши. Совуқни оширадиган овқат.

Совуғя ошди 1) совуқлик овқатни еявериб ланж бўлди. Совуғинг ошса — давлат, Иссиғинг ошса — қиёмат. Мақол. ■ -Сутқатиқларинг совуғимни ошириб юборяпти. Шаҳарда бозор яқин эди, асал олдириб турардим, — деди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 2) кўчма безор бўлди, кўнглига урди. Ўзимиз ҳам етимваччалар орасида ҳўп чидам билан ўқидик-да, а? Қайси бирини кўрмай, ҳали ҳам совуғим ошди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Температураси белгили чегардан паст ёки жуда ҳам салқин, аёз. Совуқ ҳаво. Совуқ кун. ■ Мен эса дарчадан тўниб боқаман, Совуқ куз тунидан маъни чақаман. А. Шер, Қадимги куй.

4 сфм. Ҳарорати, температураси паст. Муздек совуқ сув. ■ Ичкилик деганни совуқ сувдек симирган билан унча кайф қила олмайсиз. А. Қодирй, Кичик асарлар. Совуқ

шамол оқими ҳам юз терисига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. «Саодат».

5 Иситилмаган, қизитилмаган. *Совуқ уй*. ■ *Театр биноси совуқ, томошабинлар пальто ва қалпоқларда ўтиришарди*. Газетадан. *Совуқ, рутубатли хонамга шу кеч Олаб қайтдим изтиробингни*. А. Орипов, Йиллар армони.

6 Совиган ёки совитилган, яхна. *Совуқ овқат*. ■ *Қодир уйғонди, у ҳаддан ташқари чанқаган эди, чайнакда қолган совуқ чойни шмириб, атрофига қаради*. А. Қаҳҳор, Канотсиз читтак.

7 сфт. кўча Узига жалб қилмайдиган; ёқимсиз. *Совуқ одам*. *Совуқ башара*. *Ўзи совуқнинг қилиғи ҳам совуқ*. Мақол. *Қулоқдан кирган совуқ сўз Кунгилга бориб муз бўлар*. Мақол. ■ *Бир вақтлар деҳқонларга, деб ҳавас билан қурдирган бу уй-жой, фишт ётқирилган кенг супа.. кўзига совуқ, ғариб, мунгли кўринди*. С. Нуров, Нарвон. *Қора қишда туй қилмай, Баттар бўлгур нокас гов, Бачча-ғарингиз аслида Фейли совуқ эдиёв*. А. Орипов, Йиллар армони. *Кўйинг, Нуъмонжон ака, қиз болани қўлтиқлаб юришни ҳам билмайсиз-а!* *Бирам совуқ, бесўнақайсиз*. М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

Турки (ёки сўхтаси) совуқ Гап-сўзи, ташқи кўриниши билан кишига ёқмайди-ган кимса ҳақида айтиладиган ибора. *Э, мени энди кўраласизми, Муяссархон, эски билганингиз сассиқ чол — сўхтаси совуқ Назар Яхшибойман-да*. М. М. Дўст, Лолазор.

8 Кўнгилга ёқмайди-ган, кўпол, дағал. *Совуқ ҳазил*. *Совуқ жавоб*. *Совуқ муомала*. ■ *[Йигит] Даврон томон яқинлашаркан, совуққина илжайганча: -Одамни кўрқитиб юбордингиз, ока, — деди*. Н. Қилчев, Чиғириқ. *Пўлат у [Хусниддин] билан жуда совуқ саломлашди — энаси қотиб, қўлининг учини берди*. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

9 Ёқимсиз, кўнгилсиз, нохуш. *Совуқ хабар*. ■ *Ёдимга унинг ўша қисқа, лекин менинг энг азиз ҳис-туйғуларимни янчиб ташлаган совуқ мактуби тушди*. О. Ёқубов, Икки муҳаббат. *Машриқчи бу совуқ хабарни эшитгач, бағри ўтда ёниб, нима қилишини билмай, Сурия билан бирга тушган расмидан Сурияни қирқиб олиб, ёқиб юборди*. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

Совуқ уруш сиёс. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда турли йўл ва воситалар билан кескинлик, душманликни кучайтиришга қаратилган сиёсат.

СОВУҚЛИК 1 Ҳарорати, температура-си паст эканлик. *Ҳавонинг совуқлиги*. *Уйнинг совуқлиги*.

2 *айн. совуқ 1*. *Манглайда совуқлик ҳис этиб, Кумуш кўзини очди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Совуқ гап, муомала, қилиқ; ёқимсизлик; кўполлик. *Қилиқнинг совуқлиги*. ■ *Гапининг кўрслиги, муомаласининг совуқлиги учун қишлоқлар уни Соли совуқ деб атардилар*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳозир унинг [Сидиқжоннинг] кўзига жувон бирон совуқлиги билан эркакни ўздан қочирадиган қари қиз эмас, кўп йигитларни ўзига шайдо қилган.. бир нозанин бўлиб кўринди*. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

4 *айн. совуқчилик*. *Орага совуқлик солмоқ*. ■ *[Ёрқиной] Дадасининг терс юрганидан қайнонаси олдида ўзини гуноҳкор сезарди*. *Хайрият, орадаги совуқлик хийла юмшабди*. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

5 Халқ таъобатида: паст калорияли овқатлар (ёвғон хўрда, сут-қатик, сабзавот ва ш. к.); *зид. иссиқлик 3*. -Э, *чойи кабуд, ми-жозга совуқлик қилур, — деди у*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СОВУҚСИРАМОҚ Совуқ емоқ, тана-сита совуқ ўтмоқ; ўзини бироз совуқ егандай ҳис қилмоқ. *От сувини ичгандан кейин совуқсираб, диркилаб кишнаб, ўттиз икки нағмада уйнай беради*. «Нурали».

СОВУҚХОНА 1 *айн. музхона*.

2 Маҳаллий ҳаммомларнинг иссиқхона-сита қираверишда жойлашган, иссиқхонадан чиқиб, дам олиб, нафасни ростлаб ўтириладиган алоҳида совуқроқ хона. *Совуқхонада ювинмоқ*. *Совуқхонага чиқиб дам олмоқ*.

3 *тар.* Зиндоннинг алоҳида муздек совуқ бўлмаси.

СОВУҚЧИЛИК Бир-бирини ранжитиш, ўзаро аловат, низо ва ш. к. туфайли юзага келган ҳолат, совуқ муносабатлар. *Орага совуқчилик солмоқ*. ■ *Шу сабаб бўлиб, оналар ўртасига совуқчилик тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас*. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Орага расмиятчилик тушдими — совуқчилик аломати*. «Шарқ юлдузи». *Совуқчилик қуда чақириқдан бошланди*. «Шарқ юлдузи».

СОВУҚҚОН 1 Бўлар-бўлмаста ҳовлиқиб ёки тутақиб кетмайдиган; оғир, вазмин. *Совуққон одам.* ■ У [Тўғонбек] шаҳзодага ниятларини дилга яширишни, ҳар қандай шароитда ҳам яширин ишлашни, ҳар вақт совуққон бўлишни кенгаш берди. Ойбек, Навоий.

2 Эътиборсиз, бепарво. *Совуққон раҳбар.*

СОВУҚҚОНЛИК 1 Оғир, вазмин бўлиш хусусияти. *Узини совуққонликка солмоқ.* ■ *Албатта, эл фойдасидан кўра ўз манфаатини олдинга сурувчи бу чўталчи бекларга қарши ҳожининг совуққонлик сақлай олиши ва асабийлашмаслиги мумкин эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сўз Гулшан билан учрашиш ва ундан олинган жавобга етганда, Анварнинг туси ўзгариб, киприк остлари учиб кетди.* Аммо кутилмаган равишда яна совуққонлик сақлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Мансабдор шахсининг, умуман, бирор кимсанинг ўз вазифаларига эътиборсизлиги, бепарволиги; масъулиятсизлик. *Ўз ишига совуққонлик билан қарамоқ.* ■ *Кейинги пайтда баъзи тиббиёт ходимларининг ўз ишларига совуққонлик ва тамағирлик билан муносабатда бўлаётганликлари аниқланди.* «Саодат».

СОВХОЗ [р. советское хозяйство — «совет хўжалиги» бирикмасининг қисқартмаси] *тар. эск.* Собик СССР да қишлоқ хўжалигида ташкил этилган йирик давлат хўжалиги. *Совхоз директори. Совхозда ишламоқ.*

СОВЧИ этн. Уйланувчи йигит томонидан бирор хонадоннинг вояга етган қизини кўриши ва уни келин қилиб беришга қиз томон розилигини сўраш учун вакил қилинган киши. *Яхши отга қамчи керакмас, Яхши қизга — совчи.* Мақол. ■ *Қиш ичи ҳам кети узилмаган совчилар бир-икки ҳафтадан бери келишдан тўхтаганлар.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Қўшни маҳаллалик Орият бувининг уникига совчи қўйиши Саломат холянинг етти ухлаб тушига кирмаган эди.* «Саодат». Аҳмад негадир паришонроқ бўлиб юрган кунларнинг бирида катта қизига совчи келди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

СОВЧИЛИК Қиз кўриш ва қиз томон розилигини сўраш мақсадида бировнинг хонадонига бориш; совчи бўлиш. *Совчиликка бормоқ. Совчилик қилмоқ.* ■ [Онаси] *Қаёққа совчиликка борса, ўғлингиз латта экан, деб қайтаришарди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Саври хола*

ўғлини хижолатдан қутқармоқчи, азобдан халос этмоқчи, Малоҳатникига совчиликка бормоқчи бўлди, аммо азадор уйга қандай боради! «Шарқ юлдузи».

СОВҚОТМОҚ Баданидан совуқ ўтиб, оғриқ сезмоқ, жунжимоқ. *У боягина тўрвадаги балиғини кўтариб, қишлоқ йўлидан изғиринга юзма-юз келаётганида, танаси бунчалик совқотмаган эди.* Х. Фулом, Машғал.

СОВҒА 1 Кимсанинг кўнглини олиш ёки хизматларини тақдирлаш учун тортиқ қилиб берилган нарса; ҳадя, туҳфа. *Қимматли совға. Совға бермоқ. Душманнинг совғасидан кўрқ.* Мақол. ■ *Шаҳар санитария бўлимининг бошлиғи ҳам машинасидан тушиб, у билан жуда қуюқ кўришиб, кўкрак чўнтагида турган авторучкасини совға қилди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Туйга келолмаган оғайниларидан уч-тўрттаси, Бадалбекни табриклаш учун, совғага магнитофон кўтариб келиб қолишди.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 кўчма Кўпчилик учун тайёрланган ва тантанали равишда эгаларига топширил(ади)ган нарса. *Сайёҳлар, пойтахтимиз меҳмонлари байрам арафасида ана шундай ажойиб совға [янги меҳмонхона] оладилар.* Газетадан. *Тарихий саналар ва байрамларни меҳнат совғалари билан кутиб олиш — шонли ва азалий анъаналардан бири.* Газетадан.

СОВҒА-САЛОМ Бирор кимсага аталадиган ёки олиб бориладиган совға ва саломлар. *Жавҳар Янги йил олдидан, онасининг қистови билан совға-салом кўтариб, қизчасини кўргани борган экан.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Қодиржон Фарғонадан олиб келган совға-саломларни кўтариб, тўғри Шавкат аканикига борди.* «Ёшлик».

СОВҒОТ эск. кт. Совғалар, туҳфалар.

СОДА [итал. soda < лот. soda — натрий] 1 Натрий карбонатларнинг умумий техник номи. *Ичимлик сода. Каустик сода.* ■ *Нўхатни тезроқ ва юмшаб пишиши учун ивтигандда, чой содаси қўшсангиз ҳам бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Қадимги кишилар қумга сода ёки ишқор қўшишса, унинг эриш температураси бир қадар пасайишини билишган.* «Фан ва турмуш».

СОДАЛИ Таркибида сода бўлган, сода қўшилган, сода эритилган. *Содали сув.* ■ *Кунжутли ёки содали нонлар асосан қиздирилган тандирларда пиширилгани маъқул.* Газетадан.

СОДДА [ф. سادده — мураккаб бўлмаган, оддий; соддадил, кўнгилчан; камтар] 1 Тузилиши, таркиби жиҳатидан мураккаб бўлмаган; оддий. *Содда механизм. Кимёвий содда моддалар.*

Содда гап тлш. Ўз таркибида биргина предикатив бирликка эга бўлган, маълум фикр ифодалай оладиган гап. *Содда кесим тлш.* Бир мустақил сўз орқали ифодаланган кесим. *Содда сон* 1) *мат.* ўздан бошқа сонларга бутун бўлинмайдиган сон; 2) *тлш.* биргина сўздан ифодаланган сон. *Содда сўз* Таркибида биргина луғавий маъноли қисм бўлган сўз.

2 Ечилиши осон, енгил, жўн. *Содда масала.* ■ *Тешабойнинг ҳисоби содда: бирга — ўн!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Тушунилиши осон, равон. *Мақола омабон, равон ва содда тилда ёзилган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Маршал аслида сўз қидирмасдан, содда ва аниқ иборалар билан гапирса-да, бу сўзларни оҳиста талаффуз этарди.* Газетадан.

4 Ортиқча ҳашамаи, безаги йўқ, жуда ҳам оддий. *Содда уй.* ■ *Соддагина чодирда ёлғиз яшаган Навоий дилгир, серташвиш эди.* Ойбек, Навоий. [Кумуш] *Шу соддагина яшайдан сўнг иккинчи тоқчада тироғлик турган кўзгу ёнига борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Ортиқча такаллуф ёки қувлик-шумликни билмайдиган; оддий, камтар, соддадил. *Содда одам.* ■ *Шерали бу содда, самимий қизнинг болаларча хатти-ҳаракатини қўриб, таажжубланди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Содда хотин эрининг куйиб-пишиб айтган бу гапларига астойдил ишонди. Сирни бировга айтмасликка ваъда берди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Нойиб кудди: — Соддасан, Акбарали! Подшолик ҳамма вақт юртнинг обрўли одамларини ҳимоя қилади. Обрў давлат билан топилади, муни биласан.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

6 Гўл, лақма. *Содда сир* — *тилида, писмиқ сақлар дилида.* Мақол. ■ *Мен содда шунинг гапига ишониб ўтирибман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 Соддаларча қилинган, юзаки. *Элмурод Тожибойнинг.. содда ва беғубор мулоҳазасидан завқланиб кудди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СОДДАДИЛ [ф. ساددهل — очик кўнгилли, ишонувчан; гўл, лақма] 1 Қувлик-шумликни

билмайдиган, кўнгли очик, кўнгли тоза, софдил. *Соддадил йигит.* ■ *Бу соддадил чолнинг куйиб-пишиб отини мақташидан атрофдагилар ҳам завқланиб кулишди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Соддадил авом халқ Олло таолонинг каломини ўртага қўйиб айтилган бу панду насиҳатларга қулоқ солмай иложи йўқ эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Содда, гўл. *Қовун сайил мавсуми ва кўклам чоқларида бир талай соддадил ва нодон одамлар қўй, кўчқор, сизир ва бузоқ етаклаб.. шайхларга назр қиларди.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

СОДДАДИЛЛИК 1 Қувлик-шумликни билмаслик; софдиллик; гўллик, лақмалик. *Шўхлик ва қувноқлик, самимийлик ва соддадиллик болаларга хос хусусиятлардир.* Газетадан. *Соддадиллик қилиб, фириб еди-ю, қахрамонлик қилиб, ўзини оқлади.* Н. Сафаров, Жангчи шоир.

2 Соддадил кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Ҳайдарнинг соддадиллик билан ҳеч нарсани яширмай очик айтиши, ҳатто амалқисининг чизган чизғидан чиқмаслигини тан олавериши унинг оққўнгли одамлигини билдирди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

СОДДАЛАШМОҚ 1 Тузилиши, таркиби жиҳатидан оддийроқ ҳолга келмоқ, соддароқ бўлмоқ. *Бошқарув аппарати соддалашди. Тенглама соддалашди (мат.).* ■ *Либоснинг кундалик қисми бўлган безаклар бичими соддалашди.* Газетадан.

2 Муомала, юриш-туриш жиҳатидан оддийлашмоқ, оддийроқ, соддароқ бўлиб қолмоқ.

СОДДАЛИК 1 Ишонувчанлик, ҳар бир нарсани тўғри қабул қилишлик. *Соддалик қуриб кетсин, «Холматов», деганларида ҳам хаёлимга ҳеч нарса келмабди.* О. Ёқубов, Излайман.

2 Гўл ёки соддадил кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Соддалик қилмоқ.* ■ *Темиржон соддалик қилиб, Ғойибжоннинг гапига чиппа-чин ишонарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *— Отини сўрамадингизми? — Уни қаранг-а, бу ҳам соддалик-да, сўрамабман.* Ойдин, Суҳбати жонон.

СОДИР [а. صادر — келиб чиқадиган; ташқарига чиқадиган; рўй берувчи] 1: **содир** бўлмоқ Воқе бўлмоқ, рўй бермоқ, юз бермоқ. *Талиб ака гўё ҳеч нарса содир бўлмагандек юрарверди, Аҳмадни ўз ҳолига ташлаб қўйди.*

Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Аҳмад энг яқин одамларидан жудо бўлиб қолганини, мудҳиш воқеа содир бўлганини тушунди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Содир (эркаклар исми).

СОДИҚ [а. صادق — самимий, софдил; чин, ҳақиқий] 1 Сидқидилдан берилган, садоқатли. *Содиқ дуст.* ■ [Аваз] Юраги бозилаб, теваракка нолон боқиб. *Ўзига содиқ рафиқ, сафдош, аниқроғи, бир раҳнамо излаб юргандек эди.* С. Сиёев, Аваз. [Бобур] *Кетганларни қайтариб келиш учун энг содиқ беклардан бирини Андижонга юборди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мен буюк юрт ўғлидирман, Мен башар фарзандиман, Лекин аввал сенга бўлсам Содиқ ўғлон, ўзбегим.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 Содиқ (эркаклар исми).

Субҳи содиқ Куёш чиқишидан сал олдинги тонг ёришиши. *Ана шундай тароватли субҳи содиқда Меҳтаробод маҳалласидан икки киши йўлга чиқди.* С. Сиёев, Аваз.

СОДИҚЛИК Садоқатли бўлиш, сидқидиллик, вафодорлик, садоқат. *Ватанга содиқлик. Дустларнинг содиқлиги. Содиқлик кўрсатмоқ.* ■ *Адолат бу аҳил эр-хотиннинг ҳаётини доим ҳавас қилар, уларни бир-бирига содиқлиги учун ҳурматлар, ўзининг ҳам ҳаёти ана шундай бўлишини орзу қиларди.* С. Зуннунова, Гулхан.

СОЗ I [ф. ساز — розилик; рухсат; келишув; мослик, мувофиқлик] 1 Яхши, тузук, дуруст, қулай. *Оз сўз — соз сўз.* Мақол. *Иш курулиниг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар.* Мақол. ■ *Наманган бораман, создир ҳавоси, Мевалари ширин, дарднинг давоси.* С. Абдулла. *Бу гулшан соз эди, соз устига соз этгали келдик. Қардонларни шод айлаб, сарафроз этгали келдик.* Ҳабибий, Танланган асарлар.

Соз тупроқ Механик таркибига кўра энг оғир тупроқ тури. *Ағдарма машиналар йўл очилаётган жойга соз тупроқ ташиб келтирмоқдалар.* Газетадан.

2 Ўзаро яхши муносабат, муомала; ҳамжихатлик, иноқлик, иттифоқлик. *Қариндошлар билан созингиз чиқмас эмиш.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

Соз(и) келмоқ Гапи, феъл-атвори мос келмоқ. [Зиёдулла:] *Сафар ака, биласиз, бизнинг Тарлоннинг тўриғингиз билан сози келмайди. Вақтини топдим, жиққамушт бўлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Ҳан-*

гомаси соз келмасми, Ҳар кимнинг тенгқури бўлса. «Оқ олма, қизил олма».

3 мус. Созланган, сози тўғриланган. *Дутор ҳали соз эмас.*

4 Мусиқа асбоби торларининг ёки мусиқа асбобларининг ўзаро мос товуш уйғунлиги. *Роялнинг сози бузилибди. Созини тўғриламоқ.*

СОЗ II [ф. ساز — тор; мусиқа асбоби] 1 Миллий мусиқа асбобларининг (мас., дутор, танбур, ғижжак) умумий номи. *Қирқида қўлига соз олган қиёматда қўлогини бурар.* Мақол. ■ *Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, соз овозини босиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу симфония орасидан авторнинг якка созда чалган турли нардадаги овози яққол эшитилиб туради.* «ЎТА».

2 Туркия, Эрон ва Озарбайжонда тарқалган торли-тирнама мусиқа асбоби.

3 Мусиқа асбобининг ёки хонандаларнинг овози, садоси, навоси. *Йўрғаларди созга бир гўзал дўндиқ, Ҳамма эшитарди завқ билан қўшиқ.* М. Алавия.

СОЗ III шв. Қамиш, қамишзор.

Соз силовсин Қамишзорда яшовчи силовсин, ёввойи мушук.

СОЗАНДА [ф. سازنده — қурувчи, яратувчи; чолғучи] Миллий мусиқа асбобларидан бирида машқ қилувчи мусиқачи; машшоқ, навозанда. *Ҳовузнинг икки ёнидаги икки супани хонанда ва созандалар эгаллаган, созларнинг куйи боғдаги булбуллар овозига қўшилиб, юракларда ширин орзулар. уйғотарди.* О. Ёқубов, Қўҳна дунё. *Ҳовлининг бир томонида, баланд сўрида хонанда ва созандалар мақомни янграгмоқда.* Мирмуҳсин, Умид.

СОЗЛАМОҚ I Соз қилмоқ, тўғриламоқ, яхшиламоқ; тартиб бермоқ. [Рихсиев] *Қиш бўлсаям, ҳашар қилиб, ҳовлини созлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Яхшиламоқ, яхши қилмоқ. *Саҳар турдим-у, кайфиятни созлаб, мактабга жўнадим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Мусиқа асбоблари товушини ўзаро мослаштирмоқ, уйғунлаштирмоқ, созини тўғриламоқ. *Гуландом дуторни олиб созларкан, деди: —Дутор бўлмаса, бу зиндонда юрагим ёрилиб ўлар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 тех. Бирор технологик жараён ёки ре-
жимга мосламоқ, ростламоқ, тўғриламоқ.
Станокни созламоқ.

СОЗЛИҚ *шв.* Қамиш босган ботқоқ ер;
қамишзор. *..Биз текис йўл қолиб, созлиқни*
кечиб кетдик. А. Мухтор, Давр менинг тақ-
диримда. У [Комил] *ийгитларни хирмоннинг*
орқасидаги созлиққа бошлаб ўтди. О. Ёқубов,
Эр бошига иш тушса.

СОЗЧИ *шв.* Созанда, машшоқ. Қурбон
созчи гармон садафларини босиб, ажойиб
сеҳрли куйлар ҳосил қилар, ўзи ёзган шеърни
куйга солиб, қўшиқ айтарди. Ж. Шарипов,
Хоразм. *Холдор созчи қирқ йил чалган эди соз,*
Гузал чертар эди танбур-дурторни. Ойбек,
Камончи.

СОЙ 1 Икки адир ёки тоғ оралиғидаги,
кўпинча оқар сувлар ҳаракати ва б. нати-
жасида ҳосил бўлган пастлик жой, сув йў-
ли, водий. *Бой бойга боқар, сув сойга оқар.*
Мақол. ■ *Ҳозир кўклам кунлари:* қирлар,
сойлар кўк-қизил.. *пушти, гўлос ва тагин*
аллақанча рангли чечаклар билан устларини
бежаб, ошиқларга янги ҳаёт, янги умид
бердилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Шундай водийда, пастликда доимий
ёки мавсумий оқадиган кичик дарё, ариқ,
ирмоқ. *Сой суви. Сойда чўмилмоқ. Сойдан ке-*
чиб ўтмоқ. Чой тўкилиб, сой бўлмас, Юлдуз
ийғилиб, ой бўлмас. Мақол. ■ *У болдодни*
адо этгач, харсанг тошлар оралаб шарқираб
оқаётган сой бўйига тушиб, табиатнинг
мислсиз жамолини томоша қилди. Мирмуҳ-
син, Меъмор.

3 махс. Милтиқ стволи ичидаги бурама
ариқча.

СОЙЛИК Ер юзасининг ботик жойи,
пастлик, водий, сой. *Сойликлардан чуққизга*
қадар Сўқмоқ йўллар узоқ чузилмиш. Х. Са-
лоҳ. *Козим сойликка тушиб, яна юқорига*
ўрмалади. Э. Усмонов, Ёлқин.

СОКИН [a. ساكن — тинч, ювош, хотир-
жам; кўзгалмас, ҳаракатсиз; бир жойда ис-
тиқомат қилувчи] **1 сфт.** Сукунатга чўмган,
жимжит. *Ойдин оқшомларда қишлоқнинг со-*
кин кўчаларида Мансур билан жимгина ке-
зишларнинг ҳам.. ажиб бир гаши бор эди. Ў.
Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кафе сокин*
ва тинч, одам сийрак, атроф катта дарахт-
лар билан ўралган. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.
Қиз ҳамон қўнғироқдек кулар, сокин бог унинг

шодон қаҳқаҳаси билан тўлган эди. Ў. Ҳо-
шимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 сфт. Ҳаракатсиз, тинч. *Денгиз сокин.*
Менинг кўнглим Бўрон тилаб турибди.. Х.
Даврон, Қақнус. *Кузак шамоллари эдилар*
яна, Сокин юрагимда туйғулар қўзғаб. А.
Орипов, Ҳайрат. *Оптоқ булут изғир саросар,*
Оптоқ булут сокин осмонда. Р. Парфи, Кўзлар.

3 сфт. Паст, босиқ (овоз ҳақида). *Ёдгор*
ғувуллаб кетаётган бошини базўр кўтариб
қаради: Маҳмуда Алиевна ҳамон ўша сокин
овозда гапирар эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга
қулоқ сол. *Ним шабадада.. азим чинорнинг*
сирли бағридан чиқиб келган сокин ва қуд-
ратли шовуллаш оламини тутди. А. Мухтор,
Асарлар.

4 рвш. Аста-секин, бир маромда. *Тиниқ*
мовий осмонда парча-парча оқ, пуштиранг
булутлар сокин сузади. Н. Аминов, Ёлғончи
фаришталар. *Номига яраша қорамтир сув*
сокин, виқорли оқади, толларнинг йўғон қиз-
ғиш илдизларини ювади. Ҳ. Фулом, Бинафша
атри.

5 рвш. Хотиржам, осойишта. *Сарой вазири*
подшо ҳузурига ўзини сокин ва бетакаллуф
тутган ҳақимни биринчи мартаба кўриши
эди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Темиржон-*
нинг боқишлари сокин, қомати ҳам худди та-
биатига мос тушгандай нозиккина. Ж. Аб-
дуллахонов, Орият.

СОКИНЛИК 1 Жимлик, жимжитлик,
сукунат. *Тун сокинлигини онда-сонда итлар-*
нинг хуриб қўйишлари бузарди, холос. «Ёшлик».
Қишлоқ узра сокинлик инди, Тун чодирин се-
кин ташлайди. «Шарқ юлдузи».

2 Босиқлик, хотиржамлик. *Мутрибнинг*
туриш-турмушидаги хокисорликми, ҳалимлик
ё сокинликми, нимадир Авазга тез ва кучли
таъсир қилади. С. Сиёев, Ёруғлик. [Про-
фессорнинг] *Қорамағиз чехрасида аланечук*
хотиржамликми, сокинликми, шунга ўхшаш
ифода кўришиб турар.. эди. Ў. Ҳошимов, Нур
борки, соя, бор.

СОКИТ [a. ساكت — жим, индамай ту-
рувчи; камгап, индамас; осойишта, тинч,
ювош] Сукут сақловчи; жимжит, осуда. *Ём-*
ғирли кун эди, атроф жим, сокит, Маъюс
кўзларингга боқардим сармаст. А. Орипов.
Олима! Ҳаёлчан, қўлда қаламинг, Жим, сокит
хонада ўйларинг чексиз. Газетадан.

СОЛ 1 Бир-бирига арқон ва ш.к. билан
маташтирилиб, сувда оқизиладиган ходалар.

Кемачилар узун ёғочларни.. сол билан оқизиб, Гамакунрик ёнида қирғоққа чиқардилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Тахта-ёғочларни ёки сувда чуқмайди-ган нарсаларни бир-бирига бириктириб ясалган супа; платформа. *Сирдарёда юрибди Сол ҳам қайиқ, ёр-ёр. Қишлоғингизда борми Бизга лойиқ, ёр-ёр.* М. Алавия. *Эртасига эрта билан от-араваларни сол устига чиқариб, дарёдан ўтказиш машаққати бошланди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СОЛДАТ [нем. Soldat < итал. soldato — маош, мояна олувчи < soldo — пул, танга] Аскар, жангчи, ҳарбий киши. *Дарвоза олдида иккита солдат соқчилик қилиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Полковник солдат ва офицерларнинг жангга тайёргарлиги қандай бораётганлигини текширди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

СОЛДАТЛИК Солдат бўлиб хизмат қилиш; аскарлик. *Солдатлик бурчи. Солдатлик мундир.* *Солдатликка чақирилмоқ.*

СОЛДАТЧА 1 сфт. Солдатлар учун белгиланган, солдатларга хос. *Солдатча этик.*

2 рвш. Солдатлардек, солдатларча. *Солдатча юрмоқ.*

СОЛДИ-ПИПДИ Тезпишар тарвуз номи.

СОЛИДОЛ [лот. solidus — қуюқ, қалин + oleum — мой, ёғ] Автомобиль, трактор деталларини ва б. механизмларнинг қисмларини мойлаш учун ишлатиладиган қуюқ мой.

СОЛИК [а. سالىك — йўлчи, йўлдан юривчи; очик, бўш йўл; суфийликда учинчи босқичга етишган зоҳид] Тасаввуфда: сулук (тариқат)ни ихтиёр қилган, лекин ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган мурид.

СОЛИМ Улоқни маррага етказган кишига бериладиган соврин. *Кунда чиқиб бул кўтқари қилади, Кунда солим, улоқ бериб туради.* «Алломиш». *Ғолибни солим берадиганларнинг ҳузурига ўзи етаклаб бормаса, кўнгли жойига тушмайди.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

СОЛИНМОҚ 1 **Солмоқ** 1-2, 4-5, 7-9, 12-19, 21 фл. мажҳ. н. *Жажжигина хона биллур қандилдан ёғилаётган нурга тўлган, деворлардаги кекса артистларнинг суратлари солинган рамкалар ойнаси ярақлаб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Узукларга солинган Кўздай бўлди Ойчинор.* «Ойсулув».

Сув йўқ, сув солинган кўзача отнинг тагида қолиб синган. А. Қаҳҳор, Асарлар. *Шимининг тиззаси билан ўнг чўнтагининг тагига ямоқ солинган эди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Супанинг қаршисига, ўн қадамча нарига муъжазгина бир чорпоя қўйилиб, унга самоварнинг эски-туски палослари солинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тўғри, идишларни ўз вақтида қайтармаган савдо ташкилотларига жарима солиняпти.* Газетадан. *Зайнабнинг.. оғаси томонидан ушланиб, кишианга солинган можароси эшитилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳовлининг уч томони бир уй, бир айвон қилиб қаторасига солинган янги бинолар билан ўралган, бир томони гилосзор боғча.* Ойбек, Танланган асарлар. *Набиғулнинг акаси Қодирга попоп машина билан гул солинган қора бахмал бир рўйжа кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Лекин схематик, тили ғализ, баъзи қоида ва шаблонга солинган.. асарлар кишиларга ёқмаяпти.* «ЎТА». *Агар соябон аравада кетаётган икки хотиннинг висир-висурига қулоқ солинса, балки Тешабойнинг сирини билиб олиш мумкин булар?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Солмоқ 17 фл. ўзл. н. *Ғуломжон.. шунча гуллар ичидан излаган гулини топмадим, қўллари осилиб, боши солиниб чиқди гулзордан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Осилмоқ, осилиб тушиб турмоқ. *Мамуржоннинг ўсиқ қошлари солинди, гуё шу қошлар оғирлигидан кўзлар ерга қарарди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

СОЛИНЧАК Қулоқнинг сирға тақиладиган пастки юмшоқ қисми; сирғалиқ. *Солинчакларда болдомнуса кумуш гажаклар, ойнадор болдоқлар ҳалқа-ҳалқа бўлди.* Т. Мурод, От кэшнаган оқшом.

СОЛИСТ [итал. solista < лот. solus — бир, ягона] 1 қ. **яккахон.** *Муҳиддин қори уни [Уста Олимни] ўз ансамблида солист-музикачи бўлиб ишлашга таклиф қилди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Ака-сингил оркестрда солист бўлиб ишлай бошладилар.* Газетадан.

2 Операда мустақил партияларни ижро этувчи хонанда, балетда якка номер (ракс)ларни ижро этувчи артист.

СОЛИСТКА Солист аёл.

СОЛИШМОҚ 1 **Солмоқ** 1-25 фл. бирг. н. *Болалар расм солишмоқда.* ■ *Ўртоқларим солишар қулоқ, Ҳикоянгни сўйлаганимда.* Р. Бобожон, Танланма. *Уч йигит сандалнинг*

оёқ томонига ўтириб, дилдираётган нота-ниш кишини ўраб, гапга солишди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Жанг қилмоқ, уришмоқ, муштлашмоқ, У [Асқар полвон] қоида, усул ва тартибга риоя қилмасдан, девдек солишади. Ойбек, Қуёш қораймас.

СОЛИШТИРМА Солиштиришга, қиёслашга асосланган, солиштириш, қиёслаш учун асос бўладиган; қиёсий. *Ҳайвонларнинг солиштирма анатомияси.*

Солиштирма оғирлик физ. Бир жинсли жисмнинг ҳажм бирлигига тўғри келувчи оғирлиги. *Муайян жисм солиштирма оғирлигининг қиймати ўлчов ўтказилаётган жойнинг географик кенглигига ва Ер сиртидан баландлигига боғлиқ.* «ЎЗМЭ».

СОЛИШТИРМОҚ 1 Солишмоқ 2 фл. орт. н. *Хурозларни роса солиштирдик.*

2 Қиёс қилмоқ, таққосламоқ. *Утган йилги натижаларни бу йилги натижалар билан солиштирмоқ. Қўлзamani солиштириб ўқимоқ.* ■ *Беихтиёр у [Низомжон] опаси билан Асрорани солиштира боилади.* С. Аҳмад, Уфқ.

СОЛИҚ 1 I Давлат томонидан амалдаги қонунлар асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг даромади ёки мол-мулкидан ундириладиган ва бюджетга ўтказиладиган мажбурий тўлов. *Маҳаллий солиқ. Даромад солиғи. Солиқ йиғмоқ. Солиқ тўламоқ.* ■ *Унинг [Мусулмонқулнинг] ўз кайфича ойда эмас, ҳафтада солиб турган солиқлари фуқароларнинг терисини ишлса.. остириб, кестириб туриши хосни ҳам эсанкратиди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Солиқ имтиёзлари беришнинг хилма-хил шакллари жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг солиқ амалиётида қўлланади.* «ЎЗМЭ».

2 Бирор харажатни қоплаш, бирор маърака-маросимни ўтказишга ёрдам бериш мақсадида ўзаро келишиб, кўпчиликка (асосан, қариндошлар ва яқин кишиларга) сочилган, тақсимланган тўлов, йиғим.

3 *этно.* Олиқ-солиқдаги битимга мувофиқ, куёв томондан келин томонга берилиши лозим бўлган пул ва нарсалар.

СОЛИҚ II Қуйи солинган, осилган, солиғлик. *Унинг [Дадамаст аканинг] қовоғи солиқ, кўринишидан жаҳлдор одамга ухшарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ранги қув учиб, беҳуш каби қотган.. Аҳмад Ҳусайн боши қуйи солиқ эди.* Ойбек, Нур қидириб.

СОЛИҚЧИ Солиқ олувчи, йиғувчи, тўпловчи. *Илгарилар бу ера елкасига милтиқ тақиб, ёнбошига чарм халта осган отлиқлар келар, одамлар уларнинг қорасини узоқдан кўрибоқ, «солиқчи» дердилар ва бекинишга жой ахтариб, тирқираб кетардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СОЛИҒЛИҚ I Солиб жойлаб қўйилган, солинган. *Қинга солиғлик ханжар.* ■ *Китобнинг қатига дафтар, қалам ҳам солиғлиғича қолган.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Қўйилган, солинган. *Самоварда сув солиғлик турибди.*

3 Солинган, ёзилган, тўшалган. *-Бу ёққа ўтиринг, — деди у, эрини палос солиғлик сулага таклиф қилиб.* М. Исмоилов, Фарғона т. о.

4 Солиб қўйилган, солинган, бекитилган. *Тугмалари солиғлик.* ■ *Секин келиб, кўча эшикни итарсам, ичидан қулф солиғлик.* «Муштум».

5 *айн. солиқ II. Одилов.. Мавлоннинг кўнглини кўтаришга уринди. Мавлон эса, қовоғи солиғлиғича.. индамай ўтираверди.* Ф. Жураев, Обид Жалилов.

СОЛИҒ [а. صالح — хушахлоқ; яхши, очиқ кўнглили; яхши, эзгу; фойдали; тўғри; салоҳиятли, яроқли] I Эзгу, савобли; энг яхши; фойдали. *Қуръонда.. солих амал ҳам имон таркибига киритилган.* «ЎЗМЭ». *Яхши одамлар, гарчанд ўзлари жисман орамизда йўқ бўлсалар ҳам, солих ишлари ва ибратли хислат-фазилатлари билан тирикларнинг ҳаётига кўмакдош бўлиб яшайдилар.* Газетадан.

2 Кишига фақат яхшилик қиладиган, мўмин-қобил, яхши. *Фарзанди солих.* ■ *Ўғлингизга ўқитиб дину диёнат йўлини, Солиху дуппа-дуруст аҳли мусулмон қиламан.* Ҳамза.

3 Солих (эркаклар исми).

СОЛКАШ [ф. سالکش — йил ўтказувчи, йил тортувчи] Йил оша мева қиладиган. *Солкаш олма.* ■ *-Жийда солкаш кўринади, бу йил мева қилмаяпти, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

СОЛЛАНМОҚ I Осилиб тушмоқ, осилмоқ, эгилмоқ. *Қор босган дарахт шохлари солланиб ётибди.* З. Дусматов, Ёқут. *..қия очиқ қолдирилган шиша тутқичли бир эшикда ҳимарилган дарпарданинг узун этаклари солланиб турарди.* У. Исмоилов, Сайланма.

СОЛЛАНМОҚ II У ён-бу ён тебранмоқ, чайқалмоқ. *Дарҳақиқат, тор кўча ичидан.. Нозикхон амирхон кавушини ғирчиллатганча солланиб келарди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Кўёш бир маромда нур сепар, теварак товланар, дарё ҳам ўзгача жило ёйиб, солланиб оқар, фақат ўша Сўлимбек йўқ эди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

СОЛМА шв. Кичкина, тор ариқ, ариқча. *Эшигининг олди солма, Солмадан, оға, сув олма. «Кўшиқлар».*

СОЛМОҚ I Бирор нарса ичига ёки устига жойламоқ, қўймоқ, ташламоқ. *Нарсаларни чамадонга солмоқ. Дастрўмолни чўнтакка солмоқ. Пичоқни қинга солмоқ. Самоварга олов солмоқ. Милтиққа ўқ солмоқ. ■ Чол «хўп» деб, бўрини қопга солиб, устига похол ёпиб бекитиб қўйибди. «Чалпак ёққан кун». Бўзўғлоннинг насихатин олмадим, Шу Маҳмудни зиндонимга солмадим. «Юсуф ва Аҳмад». Бир балиқчи дарёга қармоқ солиб ўтирган экан. «Эртақлар». Насиба боласини беланчакка солиб аллаламоқда. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Лаълихон соат бешни мўлжаллаб, ошнинг гурунчини солди. Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йитит?*

Юзига солмоқ Таъна қилмоқ, бирор нарсани таъна билан эсита солмоқ, *Яхши-боевнинг юраги шув этиб кетди. Ҳозир юзимга солади, деб ўйлади, мен ўғлингни ўқишга киртиб қўювдими, дипломатликка ўқиётувдими, энди нега рассомлик қилиб юрибди, деб айтади. М. М. Дўст, Лолазор. Ўт солмоқ* Қийнамоқ, азоб бермоқ. *Қўйнига қўл солмоқ к. қўл.*

2 **Ўрнатмоқ, қўймоқ. Узукка кўз солмоқ. Рамаларга ойна солмоқ. Тиш солмоқ.**

3 **Ўтиргизмоқ. [Хуморхон:] Марасул ака, машинангизга солиб, бир айлантириб келсангиз-чи!** А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

4 **Меъёри билан қўшмоқ; қўймоқ. Овқатга туз солмоқ. Ерга ўғит солмоқ. Самоварга сув солмоқ. ■ Эрталабки нонуштага бериладиган овқатга сариёғ солинмайди. С. Аҳмад, Юлдуз.**

5 **Бермоқ, ташламоқ (молга бериладиган овқат ҳақида).** *Тоштемир қудуқдан бир неча марта сув чиқариб, отларни суғорди, охурларга беда солди. Ҳ. Фулом, Феруза.*

6 **Бирор ҳолатга туширмоқ ёки бирор ҳолатни юзага келтирмоқ, пайдо қилмоқ.** *Ёқубжонни аввалига лаънатладим, кейин*

оқладим. Негаки, у менинг мудроққа мойил танимга гулгула солди, хаёлларимни остин-устин қилиб юборди. М. М. Дўст, Лолазор. Йигиталининг бемаҳал келиши Сафаралининг кўнглига бироз шубҳа солган бўлса ҳам, у қувонган бўлиб: -Йигитали келди, Муҳаббат, — деди. Н. Фозилов, Дийдор. Қизнинг қийғоч қоши, жарангли кулгилари кимларнингдир юрагига ларзалар солган. «Саодат». Кумушнинг бу ҳоли бечора онанинг юрагини эзар, юз хил васвасаларга солар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

7 **Бирор тартиб, йўналиш, ўлчов, вазият ва ш.к. га туширмоқ; мослаштирмоқ. Ишни изга солмоқ. ■ Чунки асарнинг тилини безаш, ўз услубига солиб таржима қилишни.. услублаштириш деймиз. «ЎТА».**

8 **Ёпиштириб тикмоқ, уламоқ. Улоқ солмоқ. Ямоқ солмоқ.**

9 **Тўшамоқ, ёзмоқ. Ўрин солмоқ. Кўрпача солмоқ. Дастурхон солмоқ. ■ Гўрўғли билан Шерниёзнинг йўлларига пойандозлар солишди, иззат-икром билан Қосимхоннинг олдига олиб боришди. «Гулшанбоғ». Кумушни ўрин ёзишга қўймай, ўзи пар тўшакни олиб, ерга солди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.**

10 **Тўшамоқ, ётқизмоқ. Йўлларга шағал солмоқ.**

11 **Рўпара қилиб, қаратиб қўймоқ, тутмоқ. Хатни чироққа солиб ўқимоқ. ■ Қиз ўзини ойнага солди. «Шарқ юлдузи». Карим, Ота писмиқ, Қорахўжалар Миролим буванинг дарвозахонасида ўзларини офтобга солиб ўтирибди [деди Саид]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Тоғай кутган ҳол юз берди: отаси шижани ёруққа солиб кўра бошлади. «Ёшлик».**

12 **Қуритиш, ачитиш, пишириш учун қўймоқ. Майиз солмоқ. Қоқи солмоқ. Вино солмоқ. ■ Жаннат хола шошиб ун чалиб, қўймоқ солди-да, болтани қўлига олиб, тўқайга қараб кетди. С. Аҳмад, Уфқ.**

13 **Тўлов мажбуриятини юкламоқ, белгиламоқ. Солиқ солмоқ. Жарима солмоқ. ■ Менга қолса, бу кунларда [халққа] ўттиз икки танга эмас, ўттиз икки қора пул солиш ҳам оғирдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.**

14 **Бирор кимса ёки кўпчилик муҳокамасига қўймоқ, ҳукмига топширмоқ, ҳавола қилмоқ. У киши мажлисга солган иш бўлмай қолмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.**

Бир-бирига солмоқ Бир-бирига ҳавола қилмоқ, тўнкамоқ, сансалорликка солмоқ.

Ўртага солмоқ 1) кўпчиликнинг муҳокама-сига қўймоқ, ҳукмига топширмоқ. *Албатта! Умумий мажлис қиламиз, ўртага сола-миз.* А. Қаҳҳор, Бек; 2) кўчма рўқач қилмоқ. *Иккинчи марта эрга чиқишим ҳақида бирин-чи оғиз очган қайнонам бўлди. Болаларимни ўртага солди.* Ҳ. Фулом, Машғал; 3) кўчма ўртада баҳам кўрмоқ, умумлаштирмоқ. *Кап-санчилар Баҳрободда собиқ батрак ва чора-кордан ташкил топган бир колхоз борлиги-ни, улар ер-сув, от-улов, асбоб-ускуналарини ўртага солиб, шериклик деҳқончилиқ қилиш-ларини эшитган.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.

15 Бирор нарса ёки кимсага йўналтир-моқ, қўймоқ. *Овага қуш солмоқ.* ■ *Добил ча-либ, қушлар солиб келай деб, Ёлғиз бориб қолдим Ховдак қўлига.* «Гулшанбоғ». *Навқар, от солиб борди-ю, Ҳасан қайғичини улоқдай азот кўтариб, эгарга ўнгариб олди.* С. Сийёев, Ёруғлик. *Кеча манави картага Дилдор трак-тор солмаган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

16 Бирор ишга, ҳаракатга туширмоқ, йўлламоқ, ташламоқ. *Бутун кучларни жангга солмоқ.*

17 Ёллаб ишга туширмоқ. *[Бухгалтернинг хотини] Ўзи ишламагани-ишламагани, яна одам солиб берасан, деб ҳар куни хархаша қилгани ортиқча.* Қ. Мақсудов, Саодатли чаманда. *Менга қаранг, уйга ҳеч уста сол-ганмисиз?* «Ёшлик».

18 Арқон, занжир каби нарсалар уриб, ташлаб банд этмоқ, боғламоқ. *Бўйнига сирт-моқ солмоқ. Оёқларига кишан солмоқ.* ■ *Эҳ-ҳе, ҳали шундайми? Нури опангиз тушини сувга айтсин, занжир солиб судрасалар ҳам, бошқа ёққа бормайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

19 Қисмларини бир-бирига туширмоқ, ўрнига қўймоқ. *Машинага ип солмоқ. Куй-лакнинг тугмасини солиб олмоқ.* ■ *Болалар тезгина эшикни ётиб, орқасидан занжирни солиб қўйдилар.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

20 Барпо қилмоқ, қурмоқ, ясамоқ. *Уя солмоқ. Уй солмоқ.* ■ *Ҳозир биров иморати-ни ўхшатиб солса, бошқалар ҳам ундан қол-май деб тиришади.* Н. Норқобилов, Тўқна-шув. *Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисми балқларнинг уруғ ташлайдиган, ёввойи ҳайвонларнинг урчидиган, қушларнинг уя соладиган жойидир.* «Фан ва турмуш».

21 Ҳозирламоқ, тайёрламоқ; қурмоқ, Чи-лим солмоқ. *Арғимчоқ солмоқ.* ■ *Дарвозадан*

ўн беш одимлар нарида.. дарвоза беклари гулхан солиб, чилим чекиб ўтирадилар. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

22 Зарб билан урмоқ, туширмоқ. *Тарса-ки солмоқ. Мушт солмоқ. Айлантириб соли-моқ. Қилич солмоқ. Қулоқ-чақкасига солиб қолмоқ.* ■ *Қўлинг қичиган бўлса, биқинига солмайсанми, бетигаям урасанми, нодон!* «Ёш-лик». *Кучинг етмас экан, нима қилардинг беллашиб, тош-пош билан жон жойига сол-майсанми ўхшатиб.* «Ёшлик».

23 Чизмоқ, ишламоқ, ясамоқ (гул, нақш ва ш.к. ни). *Расм солмоқ.* ■ *Ҳозирги ўсмир-лар ҳар хил нарсаларнинг сурати солинган кийимларни кўпроқ яхши кўришади.* Газета-дан.

24 Осилтирмоқ, солинтирмоқ. *Эр йигит-нинг бош солгани — ўлгани.* Мақол. ■ *Али-мардон каравотга қўлларини тираганча, бо-шини қуйи солиб ўтирарди.* Ў. Ҳошимов, Қал-бинга қулоқ сол.

25 Ечмоқ, олиб ташламоқ, туширмоқ (кийимни). *Куйлак ечар, — деди Қумри тур-ган куйи ва куйлагини ечиб ташлади.* — *Иш-тон солар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

26 бот. Тугмоқ, гулдан мева ҳолига ўт-моқ. *Қовоқ бешта солибди.* ■ *Уч туп тар-вузнинг ҳар бири ўнтадан солган экан.* «Чал-пак ёққан кун».

27 Қўшма феъллар таркибига киради, мас., *асос солмоқ, ваҳима солмоқ, гапга сол-моқ, дам солмоқ, даҳшат солмоқ, дод сол-моқ, эсга солмоқ, қорин солмоқ, қулоқ сол-моқ.* ■ *[Фазилат опа] Тўғри келган одам-нинг кўксига ўзини ташлаб, уввос солади.* М. Ҳазратқулов, Журьят. *Гулнорари ўтқизди-да, камизини гапга солди.* «Гулнорпари». *Нормат қўшиқча қулоқ солиб, ичкаридаги одамнинг чиқишини кута бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

28 =а/=й ёки =(н)б аффиксли равиш-дош билан келиб, шу равишдош орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг батамом ёки рўйирост бажарилганлигини билдиради. *Бор гапни айтиб солмоқ.* ■ *Яхшибоев индамай турди. Сездики, Қўзибойнинг дардлари чўнг, дардларини тамома тўкиб солмоқчи — тасалли кор қилмайди.* М. М. Дўст, Ллазор. *Низом-жон чидамади. Юрагида тўлиб-тошган гап-ларни узил-кесил тўкиб солмоқчи бўлиб, қиз-ни излаб, яна далага қараб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

29 =а/=й аффиксли равишдош билан кўмакчи феъл вазифасида келиб, шу равишдош орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг дарҳол бажарилганлигини билдиради. *Бола тура солиб, уйига қочди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Замон кела солиб, у одамдан сўради.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

Бошига солмоқ Атайлаб ёмонлик қилмоқ. *Бу ерларга келган кетмайди омон, Бошинга соларман охираат замон.* «Маликаи айёр». =га солмоқ ..қилиб кўрсатмоқ. *Ўзини ухлаганга солмоқ.* ■ [Мақсуд қори:] *Менга қара, эшон бола, ўзингни гўлликка солма.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. -Ўзингингни овсарликка солалверсангиз, ҳужжатни биз кўрсатамиз, — деди ниҳоят терговчи. «Ёшлик». *Тошўлат унинг таъдор гапларига дафъатан тушунмади, ўзини лоқайдликка солиб, уни қувватлаган бўлди.* К. Яшин, Ҳамза. =дан олиб, =га солмоқ Ҳадеб, зур бериб такрорламоқ, қайта-қайта айтмоқ, атамоқ (койиш, ҳақорат сўзлари ҳақида). *Борди-ю, ишинг сал «эртага» қолганини билса.. тўрадан олиб, тўрага солади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Мажлис тарқагандан кейин Наимий Онахондан узр сўради, ўзини нодондан олиб, нодонга солди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Йўлга солмоқ** 1) тартибга чақирмоқ, тўғри йўл кўрсатмоқ. *Аҳмад маҳалладаги болаларни йўлга солиб турарди.* «Ёшлик»; 2) бирор иш-ҳаракатни қилишга ундамоқ. *Ўғлимни шу одам йўлга солган, хотининг билан ажраш, деган;* 3) ҳийла-найранг билан айтганини қилдирмоқ. *Мени алдаб сололмайсан йўлингга..* «Маликаи айёр». **Назар (ёки разм) солмоқ** Қарамоқ, боқмоқ. *Икки пари юзидан пардасини олди. Гурўғлига қараб, бир назар солди.* «Гулшанбоғ». *Самандар ҳаяжон ичида қизга бош-оёқ разм солди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. **Оғиз солмоқ** Келинликка ёки хотинликка сўрамоқ. *Шу йили кўкламда Мирҳамид миробнинг бевасига оғиз солди.* «Ёшлик». **Ўзини у ёқ-бу ёққа солмоқ** 1) дангасалик қилмоқ; 2) бирор ишни қилмаслик учун баҳона топмоқ.

СОЛНОМА [ф. سالنامه — йилнома; тақвим < سال — йил + نامه — хат, ёзув, битик] 1 айн. **Йилнома.** *Тарих солномаси.* ■ *Солнома, одатда, тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчиси томонидан ёзилган.* «ЎЗМЭ». *Бағдод тарихидан шундай солнома Битмиш кўп қадимда қай бир аллама.* А. Шер, Қадимги куй.

2 эск. айн. **календарь, тақвим.**

СОЛО [итал. solo — якка, ягона < лот. solus — бир, битта] мус. *Якка созанда, хонанда, раққоса ижро этиши учун мўлжалланган асар ва унинг ижроси.* *Скрипка солоси.* ■ -*Овозим яхши бўлгани учун мен унинг [Ҳамзанинг].. қўшиқларининг солосини ижро этардим,* — деди Фаёзов. Э. Зокиров, Хоразм санъатининг фаҳри.

СОЛОР [ф. سالار — бошлик, йўлбошич] эск. Саркарда, бошлик.

СОЛТОБ [ф. سالتاب] шв. Ёши катта, анча ёшга бориб қолган, қартая бошлаган. *Ўрта яшар бўлайин деган каниздан қартайган кўҳна солтоб канизлар наст тушиб, қалпоқ соти-бу турибди.* «Равшан».

СОЛЬ [лот. sol — қуёш] Мусиқа гаммасининг бешинчи товуши ва унинг нота белгиси.

СОЛЯРИГРАФ [лот. solaris — қуёшга доир + юн. grapho — ёзаман] Қуёш радиациясини қайд этиб борувчи асбоб. *Соляриграф Қуёш ва Қуёш системасидаги сайёраларни ўрғанишида қўлланади.* «ЎЗМЭ».

СОЛЯРИЙ [лот. solarium < sol — қуёш] Қуёш ваннасини қабул қилиш ёки қуёш (нурлари) билан даволаш учун махсус жиҳозланган очик майдонча ёки хона.

СОЛЯРКА [р. < лот. solaris — қуёшга доир] Нефтни ҳайдаш, қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган, ўзига хос қидли мойсимон суюқлик; соляр мойи (кўпинча мотор ёнилғиси сифатида, шунингдек, техника, кўнчилик, тўқимачилик соҳаларида ишлатилади). — *Бу қозонлар торф билан ишлайди, солярка билан эмас,* — жавоб берди куёв. Х. Аҳмар, Яккама-якка. [Кўчқор:] *Илгари тезак ёқиларди, энди тезакни солярка билан ёқапмиз.* «Ёшлик».

СОЛҚА 1 Яхши тортилмаган, ўртаси осилиб тушган, солинган. *Солқа дор.* *Солқа тортилган арқон.*

2 Осилиб тушган, лўмбиллаган ёки керккан. *Солқа лунж.*

СОЛҚАЛАНМОҚ айн. **солқимоқ 1.**

СОЛҚИ шв. Солқа.

СОЛҚИМОҚ айн. **салқимоқ.**

СОЛҒИТ шв. Солиқ, ўлпон. — *Солғитлар жонга тегди! Хоннинг зулми ошди!* — деган гаплар ҳавони қоплар эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

СОМБРЕРО [исп. sombrero < sombra — соя, кўланка] Асосан, Марказий ва Жа-

нубий Америкада тарқалган, соябони кент шляпа.

СОМБУСА *эск. кт. айн. сомса.*

СОМЕ(Ъ) [*а. سامع* — эшитадиган, эшитувчи; 3-ш. бирл. *сомеи*] *кт. 1* Эшитувчи, тингловчи. *Кўпинча Абу Убайд «Китобушифо» дан бир бобни ўқир, унга диққат билан қулоқ солиб ўтирган сомеълар, тушунмаган ерларини сўрар эдилар. М. Осим, Карвон йўлларида. Хотира йиғлатар найга айланиб, Сел бўлиб тин олар соме Регистон. А. Исроилов, Биз — дунё одамлари. Севаргул уйчанлик билан чўнкайиб, тиловатга соме ўтираркан, тагин беихтиёр таажжеубланди. Н. Қиличев, Чигирик.*

2 дин. Куръон ўқиётган қори янглишганда ёки унутиб тўхтаб қолганда луқма солиб турувчи иккинчи қори.

СОМЕЛИК *Соме бўлишлик, иккинчи қори вазифасини бажариш. Қишлоққилар менинг қори эмаслигини, ёлгондан сомеликка ўтанганини пайқаб қолибдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

СОМИЙЛАР [*а. سامى* — олий, олиймақом < *а. سام / қад. ях. Шем (Сим)* — Исм, Ном: Нуҳ пайгамбарнинг ўғилларидан бирининг номидан] Шимолий ва Шарқий Африкада, шунингдек, Олд Осиёда яшаган ва сом тиллари оиласига кирадиган тилларда сўзлашган қадимий (аморийлар, финикийлар, оссурийлар, оромийлар, сурёнийлар ва б.) ва сўзлашувчи ҳозирги (араблар, амхарлар, Исроил яҳудийлари, сурияликлар) халқлар. *Фандаги маълумотларга кўра, сомиёларнинг аجدодлари қадимда Сахрои Кабирнинг шимолида яшаган деб тахмин қилинади. «ЎзМЭ».*

СОМИЙШУНОС [*а. + ф. سامىشناس* — сомиёларни ўрганувчи] *айн. семитолог.*

СОМИЙШУНОСЛИК *айн. семитология.*

СОМОН Буғдой, арпа, шоли янчилганда, пояларининг эзилиб майдаланишидан ҳосил бўладиган, маҳаллий бинокорликда ва ем-хашак сифатида ишлатиладиган маҳсулот. *Майда сомон. Йирик сомон. Молларга сомон бермоқ. Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони афзал. Мақол. ■ У ярим ойдан бери пичан тайёрлаш, беда ўриш, сомон ҳозирлаш билан банд. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.*

Сомон сувоқ *Сомон солинган лой билан қилинган сувоқ. Сомон сувоқ қилинган айвон*

деворидаги катта михга шлинган эски радиопродуктар.. бир алфозда хирилларди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

Сомон йўли *астр.* Ҳаво очиқ тунда оддий кўзга ёруғ йўл каби кўринадиган юлдузлар туркуми. *Сомон йўли юлдузлари тўплами тартибсиз бўлмай, ўзаро тортиш кучи билан боғланган системани ҳосил қилади. «ЎзМЭ».*

СОМОНИЙ Тожикистон Республикасининг асосий пул бирлиги номи (2000 йилдан).

СОМОНХОНА *Сомон сақланадиган жой, хона. Ағёрнинг сирли меҳмонхонасидан дўстининг сомонхонаси яхши. Мақол. Бузоқнинг югургани сомонхонагача. Мақол. ■ Бу данғиллама бинонинг ичкари томони катта сарой бўлиб, унинг отхонаси, сомонхонаси ва узун кетган айвони бор. Ҳ. Шамс, Душман.*

СОМОНЧИ *Сомон келтириб ёки ёзда сомон босиб, қишда сотувчи савдогар.*

Сомончи йўли *айн. Сомон йўли қ. сомон. Осмони заминда, арава орқасидан кўтарилган тўзондек бўлиб, Сомончи йўли кўринди. С. Аҳмад, Уфқ. Бу ўлик океан устига тункарилган осмонгина гўё барҳаёт: тубсиз қоронғилик тепасида Сомончи йўли нуқрадай жимирлайди. А. Мухтор, Асарлар.*

СОМСА Ёйилган хамирга гўшт, қовоқ ва ш. к. солиб тутиб, одатда, тандирга ёпиб, шунингдек, газ духовкаларида ҳам пишириладиган егулик. *Гўшт сомса. Қовоқ сомса. Исмапоқ сомса. Сомса ёлмоқ. ■ Сут-қаймоққа йўғрилган жимжимадор патир кулчалар, ҳали совимаган тандир сомсалар.. ҳаммаси фарosat, дид билан қўйилган. С. Анорбоев, Оқсой. Ошхона деразаси ёнида туриб, сомса ясаётган уйғур йигит ҳам гўзал қиздан нигоҳини узмасди. Мирмуҳсин, Умид.*

СОМСАПАЗ *Сомса пишириб сотувчи шахс. Узоқда қатор чойхоналар, дўконлар кўринар, муқошида ўчоқ устига мукка тушган сомсапаз оловни қовлаб, тутун бурқитар эди. Ойбек, Улуғ йўл.*

СОМСАПАЗЛИК 1 *Сомса пишириш ва сотиш билан шуғулланиш. Сомсапазлик қилмоқ.*

2 тар. Бозорда сомсапазлар дўкони жойлашган раста.

СОИ 1 1 мат. Нарсаларнинг қанчалигини, саногини, ададини ҳисоблаш учун хизмат қиладиган восита; математик тушунча. *Бутун сонлар. Каср сонлар. Сонлар нисбати.*

Сонлар назарияси. ■ Сон тушунчасининг ривожланишига ўрта аср математиклари ҳам катта ҳисса қўшишлар. «ЎЗМЭ».

2 с. т. Рақам. Бир сони. Йигирма беш сони.

3 Миқдор, санок; адад. Келаётган аёлларнинг сони йўқ. Ойбек, Танланган асарлар. Сунги қирқ йил мобайнида республикамизда илмий ходимларнинг умумий сони 103 марта.. кўнайди. «Фан ва турмуш».

Сон мингта Жуда ҳам кўп, неча-неча мингта. ..*Ешуллини, марҳума Қурбоной қизимизни мақтаганлар сон мингта. Уларни қўйлик, менинг ўзимни мақтаганлар-чи? М. М. Дўст, Лолазор.*

Соня бор, салмоғи йўқ қ. салмоқ.

4 Номер; тартиб номери. Иккинчи сон ўрта мактаб. ■ «Мулла Насриддин»нинг у сони очик эслай олмасам ҳам, кўрганлигим хотирамда равшан бор. А. Қодирий, Кичик асарлар.

5 тлш. Предметларнинг миқдорини, сон-саногини ва санок жиҳатидан тартибини билдирувчи сўз туркуми. Санок сонлар. Тартиб сонлар. Чама сонлар.

Сон кирди (ёки тегди) Дуруст бўлиб қолди, тузалди. Унга ҳеч сон тегмайди. ■ [Кўчқорнинг] Қўполликлари ҳам йўқолиб борапти. Кийим-бошига сон кириб қолди. А. Ёқубов, Ш. Шодиев, Топилган қиз. Сонга қўшилмоқ (ёки кирмоқ) 1) ҳисобга, қаторга кирмоқ. Кимгаки бўлмаса ақлу билим ёр, Қўшма уни одам сонига зинҳор. «Фан ва турмуш»; 2) яшиланмоқ, тартибга тушмоқ. Сонсиз хотиннинг уйи сонга кирмас. Мақол. ■ [Ошно:] Бу ерлар ҳам сонга киради, яшидан либос кияди, боғу бустонга айланади.. М. М. Дўст, Лолазор. Сондан чиқмоқ 1) ҳисобдан, қатордан, одамгарчиликдан чиқмоқ. -Ҳадеб уйда ўтиравериш ҳам одамни сондан чиқаради, - деди кампир Санамга. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар; 2) яроқсиз ҳолга келмоқ. Уруш ҳаммани сондан чиқарди. «Ёшлик».

СОН II 1 Одам ва ҳайвон оёғининг тизза билан тос ўртасидаги қисми. Сони йўғон одам. Сон суяги. Сув унинг сонигача чиқди. ■ Саид сув тўла чўмични узатаётганда, бир қўлатум сув отасининг сонига тўкилиб кетди. «Ёшлик». Хумор келин Бўрижоннинг қўлидан гаврон таёқни олиб, ҳўқизларнинг сағрисига, сонига зарб билан урди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. Куйган банда уриб йиғлар

сонига, Шаҳид булган бўялади қонига. «Эрали ва Шерали».

2 Ҳайвонлар оёғининг шу қисмидаги гушти. Султонов кийикнинг сонини сонга, тушини тушига ажратиб саранжомларкан.. ўзига қарашиб турган Ортиққа кўзи тушган сари, кўнглиғалиғи ортиб борарди. М. Мансуров, Ёмби.

СОНАТА [итал. sonata < лот. sonare — янграмоқ] Умумий бадиий ғоя билан бирлашган, турли мавзу ва характердаги, ўзаро фарқланувчи (секин, вазмин ёки тез) бир неча (одатда, 3—4) қисмдан иборат бўлган, икки ёки бир неча чолғу асбоби учун ёзилган мусиқа асари. Бетховеннинг туртинчи сонатаси [тингловчиларда] яхши таассурот қолдирди. Газетадан.

СОНАТИНА [итал. sonatina — сонатача] мус. Сонатанинг ўз соддалиғи, ижро услубининг оддийлиғи билан ажралиб турадиган кичик ҳажмли тури.

СОНЕТ [итал. sonetto < лот. sonax — жанрангдор, баланд, чинқирок] Белгиланган қатъий қонун-қоидалар (ҳажм, ритм, вазн, қофия) асосида яратиладиган, 14 мисрадан иборат шеърый жанр. Сонетнинг шеър тури сифатида шаклланишида Ф. Петрарканинг хизматлари катта. «ЎЗМЭ».

СОНИЯ [а. ثانيا — иккинчи] қ. секунд 1. Шундан бир-икки сония ҳам вақт ўтмади, йўлак оғзида бир кўлага кўринди. А. Қодирий, Кичик асарлар. Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати, Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония? А. Орипов, Йиллар армони. Орага бир сония сукунат чўкди. Н. Норқобилов, Тўқнашув.

СОНЛИ 1 Бирор сон ёки сонлар билан ифодаланган. Сонли масштаб.

2 Маълум миқдордаги, маълум миқдорга эга. Кўп сонли талабалар жамоаси. ■ Мақсадимиз кам сонли халқлар вакиллари маданиятини ривожлантиришга кўмаклашишдир. Газетадан.

3 Номери бор, номерли. Бешинчи сонли ўрта мактаб.

СОН-САЛМОҚ Сон ва салмоқ, миқдор ва оғирликлар мажмуи. Сон-салмоғи йўқ.

СОН-САНОҚ Сон, миқдор ва унинг саногини, ҳисоби. Навбатда турганларнинг сон-саногини йўқ. ■ Предметнинг сон-саногини билдирган сўз туркуми сон деб аталади. «Ўзбек тили» дарслиғи.

СОН-САНОҚСИЗ Беҳисоб кўп, сон-саногии йўқ, беадад. *Ҳаво очиқ, кўжда сон-саноқсиз юлдузлар чарақлаган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Кузги осмонда сон-саноқсиз юлдузлар чарақлаб ётарди.* «Шарқ юлдузи». *Сон-саноқсиз кишилар кетмон билан ер қўпоряпти.* С. Аҳмад, Уфқ.

СОНСИЗ айн. **сон-саноқсиз.** *Сонсиз арилар ва баҳор қўнғизлари гуллар орасида учшиб, ажиб мусиқа тарқатарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кенг йўлларда оқиб келади Шаҳар томон сонсиз оломон.* Э. Раҳим.

СОНСИЗ-САНОҚСИЗ айн. **сон-саноқсиз.** *Фарзандларинг бордир сонсиз-саноқсиз. Во ажаб, қадрингни гоҳида билмас.* А. Орипов, Она сайёра.

СОП I Баъзи асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми; тутқи, даста, банд. *Теша сопи.* Қошиқнинг сопи. *Уғирнинг сопи.* *Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.* Мақол. ■ *Олтмиш ёшлардаги жиккак чол тешасининг сопини белбоғидан ўтказиб, сўрига келади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. - *Чикинлар, — Бек атрофга сергак қулоқ тутиб, ҳеч сас эшитмагач, шундай шивирлади ва ханжарининг сопиндан янада маҳхамроқ чангаллади.* «Ёшлик». *Бундай тигли, сопи гулдор пичоқни фақат Хўжанд усталари ясарди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

Кетмоннинг сопини ушламаган Деҳқончилик ишидан хабари йўқ, умрида кетмон билан иш қилмаган; хом. *Ўзингиз айтингчи, ахир, бу елкаси офтоб кўрмаган сояларварлар, кетмон сопини ушламаган номардлар колхозда нима қилиб беради?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Сопини ўзидан чиқармоқ** Ёнидан маблаг ёки куч сарф қилмай, бошқалар ҳисобига иш битирмоқ. - *Актга қўл қўйилиб, уйингизга етиб олгунча, ҳар қандай ис-писдан холи бўлиб қолади.* *Сопини ўзидан чиқаряпман-да, — деди Одил Эгамбердига.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

СОП II кам қўлл. айн. **соб.** *Ишқ дардида соп бўлмоқ.* *Ишдан урилиб соп бўлмоқ.* ■ *Ҳа, бир алами бордир-да.. Ё нос соп бўлдимикин?* *Хумори тутган бўлса керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СОП III фольк. Энг зўр, асил. *Ўн минг уйли қўнғирот элининг соп деган бойваччалари.. уз кайфу сафоси билан ўтириб эди.* «Алломиш».

СОПЛАМОҚ I Соп ўрнатмоқ, даста қўймоқ, қилмоқ. *Пичоқ(ни) сопламоқ.* *Болта(ни) сопламоқ.*

СОПЛАМОҚ II с. т. Батамом кеткизмоқ, соп, тамом қилмоқ. *Бор пулни сопладим.*

СОПЛИ Соп ўрнатилган, сопи бор. *Калта сопли кетмон.* ■ [Саидқул] *Пичоқни қинидан чиқарди.* *Дандон сопли ўткир тиг эди, сопига гуллар чекилган, ялтиллаган асил мол.* М. М. Дўст, Лолазор.

СОПОЛ [ф. سفال — кулолчилик маҳсулоти; лой идиш] Махсус лойдан ясаб, оловда қиздириб тайёрланадиган маҳсулот. *Сопол товоқ.* *Сопол қувур.* *Сопол тувак.* *Сопол чинни бўлмас, бегона — уни.* Мақол. ■ *Нусратбек болишга ёнбошлаб, катта сопол товоқдаги сермой чалобдан ичди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Бахт мана бу чиройли сопол кўза эмаски, сотиб олиб келсанг-да ёки ота-онанг олиб берса-ю, махлиё бўлиб ўтирсанг.* А. Мухтор, Асарлар.

СОПОЛАК [ф. سفالك — кичкина сопол] 1 Сопол парчаси.

2 Болаларнинг бир қанча ўйинларида ишлатиладиган ясси сопол ёки тош. *Сополак ташламоқ.* ■ *Баъзи одамлар қизларига тўп-тош, лапар ўйнашлари учун силлиқ сополаклар ҳам териб кетишади.* Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой.

СОППА-СОФ Ҳеч қандай касали йўқ, бутунлай соғ, соғлом. *Мунозаранинг ўрни эмас.* *Кўрганингиздек, соппа-соғман.* «Ёшлик».

СОПРАНО [итал. soprano < sopra — устида, юқорида] мус. 1 Аёллар ёки болаларнинг энг юқори хонандалик овози. *Сопрано бошқа овозлардан «бош» регистр устунлиги билан фарқланади.* «ЎЗМЭ».

2 Шундай овозга эга бўлган хонанда аёл.

3 Хордаги баланд овозли партия.

4 Баъзи созларнинг юқори регистрли тури.

СОПҚОН тар. Ичига тош солиб отиладиган қадимги содда қуроқ. *Сағирнинг ҳақи — сопқоннинг ўқи.* Мақол. ■ *Йигитлар дарахтларда, тоғ унгуриларида туриб, сопқон отиб, ёвни шунча думалатиб турсалар ҳам, у газандалар борган сари кўпая берибди.* Ойдин, Олтмиш газ арқон. *Сопқондан қушларга тош отиб юрган..* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

Отилмаган сопқон ҳам бошга тегаети, ҳам кетга (ёки қўймучга) Уддасидан чиқа олмай қилинган иш кишининг ўзига зарар етказаети, деган маънода ишлатиладиган мақол. - «Отилмаган сопқон ҳам бошга, ҳам қўймуч-

га тегар» деганларидек, қассоб гапни ўзи бошлаб қўйиб, пировардида ер ёрилса, ерга кирсудай бўлди, — деди Абдурасул. П. Турсун, Ўқитувчи.

СОР [ф. سار — чуғурчуқ] Қарчиғайлар оиласига мансуб йиртқич қуш; сариқсор. Сорларнинг икки тури Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Қизил китобиغا киритилган. «ЎЗМЭ». ..Қор бетиға чиқса, дарҳол тулкию сор қушларға ем бўладиган кўрсичқонлар [кабель] симларни емириб ташлаган экан. Ш. Холмирзаев, Сайланма.

СОРТ [фр. sorte < лат. sors, sortis — қуръа; қисм, улуш; хизмат, мансаб; тур, хил, жинс] 1 Молнинг, маҳсулотнинг муайян сифатий белгиларга эга бўлган категорияси, нави; нав. *Биринчи сорт пахта. Учинчи сорт газмол.*

2 эск. қ. нав. *Пахтанинг янги сортларини етиштирмоқ. ■ Барча маҳсулотнинг 28 фоизи биринчи сортга қабул қилинди.* Газетадан.

СОСТАВ [р. состав — бириктирилган нарсa; тизим, таркиб] 1 эск. қ. таркиб 1, 2, 3. *Тилнинг лугат состави. Шишанинг состави.*

2 *Жўнашга тайёр қилинган ёки йўлдаги бир-бирига тиркалган вагонлар мажмуи. Юк вагонлари состави. ■ Эшелон бошлиғининг сигналидан кейин паровоз буғ чиқариб, чузиқ гудок берди-да, катта.. составни судраб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СОСТАВЛИ эск. айн. таркибли. *Составли сузлар.*

СОТИЛМОҚ 1 Сотмоқ фл. мажх. н. *Одоб бозорда сотилмас.* Мақол. ■ *Бир томон чиннифурушлик, бир томонда атторлар растаси. Бир томон эса ҳар хил ширинликлар ва бошқа моллар сотиладиган “гулбозор”.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўча нафр.* Ўз виждонини сотиб, қарши томонга ўтмоқ; сотқинлик, хоинлик қилмоқ. *Душманга сотилмоқ.*

СОТИХ [р. сотый — юзинчи; юздан бир улуш қисм] Гектарнинг юздан бир қисмига тенг сатҳ ўлчови бириги. *Уларнинг ийгирма сотих томорқаси бўлиб, унда отаси экиб кетган хил-хил мевали дарахтлар кўп эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Ариқнинг нариги бетида ун сотихча томорқамиз бор эди.* «Ёшлик».

СОТМОҚ 1 Пулга айирбош қилмоқ, белгилли келишилган пул эвазига бермоқ. *Арзон*

сотмоқ. Қиммат сотмоқ. Пулга сотмоқ. Ўз нархига сотмоқ. ■ -Йўлингдан қолма! — деди у Зулфизарга ўқрайиб. — Сендақаларга сотадиган узумим йўқ! К. Яшин, Ҳамза.

СОТИБ ОЛМОҚ 1) пулга алмаштириб олмоқ, харид қилмоқ. *Бизнинг Қаландар бой кузда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб, саройига босиб кўяди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) пул бериб, ўз томонига оғдириб олмоқ, оғдирмоқ. *Қамбарали акани сотиб олгани кучингиз етмаса керак. Милтиқ билан бўлмади, энди пул билан рахна солмоқчимисизлар.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 3) *кўчама ўзига орттирмоқ, лардисар қилмоқ (жанжал, гап ва ш.к.ни).* *Ҳар кунни аҳвол шу. Қаерда маишат, кўпқари бўлса — шуники. Уриш-жанжалнику, излаб юриб сотиб олади, лаънати.* Н. Фозилов, Оқим.

2 *кўчама нафр.* Сотқинлик, хоинлик қилмоқ. *Дустини сотмоқ. Ватанни сотган эр бўлмас.* Мақол.

Гап сотмоқ қ. гап I 1. Сафсата сотмоқ қ. сафсата 2.

СОТУВЧИ 1 Сотмоқ фл. сфдш. *Олма сотувчи.*

2 Магазинда савдо-сотик билан шуғулланувчи ходим. *Сотувчилар харидорларга холис хизмат кўрсатиш билан банд.* Газетадан.

СОТУВЧИСИЗ: сотувчисиз магазин Сотувчиси бўлмаган, харидорлар ўзига ўзи хизмат қиладиган магазин.

СОТҚИН нафр. Ўз виждонини сотиб, қарши томонга ўтган; сотилган, хоин. *Сотқин одам. ■ Ул нобакор Балх ҳоқими сотқин тузиб, исён байроғини баланд кўтарди.* М. Осим, Карвон йўллариди. *Мулла Турсуннинг сотқин ва риёкор эканлиги кўпчиликка маълум бўлди.* «Саодат».

СОТҚИНЛИК Сотқин, хоин бўлиш хусусияти; хоинлик.

СОФ [а. صاف — тоза, шаффоф, тиниқ] 1 Беғубор, тоза, мусаффо. *Соф ҳаво. Соф сув. ■ Соф, яшил табиат юракларга куч бағишлади.* Ойбек, Кўёш қораймас. *Соф осмонда маъсум боққан, Тўлин ойдир йўлдошим.* Бойчечак. *Уфқларга оташ қалаб, Тонг отади соф, нафис.* Э. Воҳидов.

2 Бошқа нарсa аралашмаган; асил, тоза. *Соф олтин. Соф ҳолда учрамайдиган кимёвий элементлар. ■ Бир грамм соф радиий*

олиш учун бир неча тонна уран рудасини қайта ишлашга тўғри келади. «Фан ва турмуш».

3 Ўзга унсурлардан холи; тоза. У [рус жувон] айвонга қараб келаётган кишини таниб: -Э, Фуломжон, келинг! — деди соф ўзбек тилида. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 кўчма Доғ тушмаган, ҳар қандай айб, гуноҳ, нуқсондан холи; тоза, покиза, ҳалол. Соф виждон. Соф муҳаббат. ■ Назаримда, шу ўй унинг содда, соф юрагига шундай азоб бермоқдаки, бу азоб олдида устида қанот ёзиб турган улим ҳам писанд эмасдек туюлар эди. А. Мухтор, Асарлар. Гулнор.. соф номусига отилган қорани бутунлай ювиб ташлашга жазм қилди. Ойбек, Танланган асарлар. Бу бозор аҳлига, бу ердаги софу нософ икир-чикир бандаларга менинг нима дахлим бор?. А. Мухтор, Асарлар.

Соф фойда Чиқим, харажат ва ш. к. чиқариб юборилгандан кейин қолган пул, даромад.

СОФА [фр., итал. sofa — диван < а. صفا — тош супа, ўриндиқ; бостирма, айвон] Пастак, кенг, ёндори суянчиги билан бир хил баландликда бўлган диван.

СОФДИЛ [а. + ф. صافدل — кўнгли тоза, самимий] Кўнглида кири, гидири йўқ, дили, қалби пок, соф. Софдил одам. ■ Софдил, камтар, билимдон дўст учун кўксингни оч, Яхшилардан сўз очиб, энг яхши сўз дуррини соч. С. Абдулла. Наврўз баҳорини соғинган ҳар бир софдил инсонга қарата дил сўзларини изхор этади. Газетадан.

СОФДИЛЛИК Кўнглида кири йўқлик, ҳалоллик; самимийлик. Сидиқжон, унинг юзиде истеҳзоли бир табассум бор гумон қилиб, ер остидан қаради. Бироқ жувоннинг юзиде самимият, софдилликдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Очиқ чеҳра билан, софдиллик билан, осонгина жуда табиий қилиб айтилган.. гап уни ҳаяжонга солди. И. Раҳим, Ихлос.

СОФИЗМ [юн. sophisma — айёрлик қилиш; алдаш] Расман тўғри, чинга ўхшаб туюладиган, аслида ёлгон тузилган (чиқарилган) хулоса, сохта исбот; маккорлик во-ситаси. Софизм соддадил кишилар қалбида ҳақиқатга, адолатга шубҳа уйғотувчи, уларни тўғри йўлдан адаштирувчи маккорлик қуро-лидир. «ЎЗМЭ».

СОФИР [а. سافر — очиқ, очиқ-ойдин; йўлчи, сайёҳ] эск. айн. элчи.

СОФИСТИКА [юн. sophistic — мунозарани айёрлик билан олиб бориш, унинг йўналишини ўзгартириб юбориш маҳорати] фнс. Мантиқ қонунларини атайин бузиб, ёлгон далилларга асосланган ҳолда муҳокама юрийтиш.

СОФЛАМОҚ 1 Бегона ёки зарарли нар-салардан тозалаб, соф ҳолга келтирмоқ; пок-иза, мусаффо қилмоқ. Ҳавони софламоқ. Сувни софламоқ.

2 махс. Аралашмалардан тозалаб, маълум талаблар даражасига етказмоқ. Ёғни софла-моқ.

СОФЛИК 1 Тозалик, беғуборлик, му-саффолик. Сувнинг софлиги. Муҳаббатнинг софлиги. Дилнинг софлиги. ■ Анчадан буён да-вом этиб келаётган баҳслардан бири она тилимизнинг софлигини сақлаб қолиш ҳақида бораётир. «Муштум».

2 Ҳар қандай айб, гуноҳ, нуқсондан хо-лилик; поклик, ҳалоллик. Бойназар ака ҳар соҳада ҳалоллик, софлик бўлишини яхши кў-ради. Ш. Шокиров, Бойназарнинг байроғи.

СОХТ [ф. ساخت — тайёрлаш, ишлаб чи-қиш; иш, амал] Ташқи кўриниш, қиёфа. Салла, оқ тўнлар кўруб, сохтимни инкор ай-ламанг, Бўлмасам ҳамки асл девона, кал де-вонаман. Муқимий. Ҳамма вақт яхши кў-ринадиган қоровул шу тобда унинг [Элму-роднинг] назариде жуда сохти совуқ одамга ўхшаб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

СОХТА [ф. ساخته — тайёрланган, ишлаб чиқилган; сунъий, ясама] **1** Қалбакилик мақсадида аслига ўхшатиб ишланган, ясал-ган; ясама, қалбаки. Сохта пул. Сохта имзо. ■ Мен билан Отабекни қаматиб, дор ости-га юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этувчи.. баттол Ҳомид экан. А. Қодирий, Ўтган кун-лар. Демак, Сиддиқ Шарипов — отангизнинг сохта исми-шарифи. «Шарқ юлдузи». У бу ишга пухта ўйлаб киришган. Унинг сохта ҳужжатлари шундан далолат бериб туриб-ди. «Ёшлик».

2 Етарли асосга эга бўлмаган, асоссиз, пуч. Сохта даъво. Сохта назария. ■ [Фоти-ма:] Бўлмаган сохта далиллар билан гапирувчи ифлосларнинг сўзига кириб, бу хилда қилиш яхши эмас. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

3 Ёлғондакам, таги пуч, юзаки. *Сохта обрў.*

4 Самимиятсизлик билан шунчаки қилинган, носамимий, юзаки, ясама. *Сохта кўлги. Сохта мулоийшлик.* ■ -Э, сизмидингиз, *Шоқосим ака, танимай қолганим учун кечирасиз, — деди [Ҳафиза] жиндек сохта жшмайиб.* Мирмуҳсин, Умид. *Аппон чол унинг сохта, зўраки такаллуфидан ғазабланди.* «Ёшлик». *Меҳмонлар орасида Марҳабо, таллантлар!»* телевизион конкурснинг икки қатнашчиси ҳам бўлиб, улар сохта камтарликданми ёки тортинчоқликданми, бир чеккада қимтинибгина ўтиришарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СОХТАГАР [ф. *ساخته‌گر*] айн. сохтакор.

СОХТАКОР [ф. *ساخته‌کار* — сунъий, ясама, қалбаки иш қилувчи] Қалбакилик, алдамчилик билан иш тутувчи; қаллоб. *Энди турмушга кўр кўз билан қарама, қизим. Магазинчи йигитинг сохтакорроқ кўринади, эҳтиёт бўл.* А. Муҳиддин, Куёв қочди.

СОХТАКОРЛИК Қалбакилик, қаллоблик; қинғирлик. «*Автомобилчи*».. раҳбари Ч. Абдуназаровнинг иш тажрибасидан шунақанги сохтакорликлар чиқиб қолдики, суд бундай жиноятлар учун фақат жарима солиш жазоси билан чекланганлигига ҳайрон қолган киши. Газетадан.

СОХТАЛАШМОҚ 1 Самимийликни йўқотиб, ёлғондакам, сохта, ясама тус олиб бормоқ, юзакилашмоқ. *Сохталашган мулоийшлик.*

2 Ҳақиқатдан йироқлашмоқ. *Сохталашган маълумотлар.*

СОХТАЛАШТИРМОҚ Ҳақиқатдан йироқлаштирмоқ, ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқ. *Тарихни сохталаштирмоқ.* ■ *Шундоқ ҳам кўҳликкина қизга пардоз-андоз ҳам ортиқчалик қиларкан. Қайтага хусини сохталаштириб турарди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СОХТАЛАШТИРУВЧИ Ҳақиқатни бузиб кўрсатувчи. *Тарихни сохталаштирувчилар.*

СОХТАЛИК 1 Қалбакилик, юзакилик, ясама эканлик. *Ҳужжатнинг сохталиги.* ■ ..фақат ароқ ичмаган *Отамуродгина* бу яқинликнинг сохталигию бу меҳрибончиликларнинг шунчаки, йўлга эканини сезиб, ичидан ғижиниб ўтирар, нимагадир унинг кўнгли ғаш эди. М. Мансуров, Ёмби.

2 Сохта иш, хатти-ҳаракат; қаллоблик. *Гоҳо ахлоқ табиатига бегона қилиқлар ҳам учраб қолади. Буларни сохталик ё риёкорлик деб аташ мумкин.* М. Исмоилий, Одабийлик қиссаси.

СОХТ-СУМБАТ Ташқи кўриниш, қиёфа; қад-қомаТ. *Сохт-сумбати келишган йиғит.* ■ *Афанди, семизнинг сохт-сумбатига қараб туриб: — Ун беш кундан кейин ўласан, дори ҳайф кетади, — деди.* «Латифалар».

СОЦИАЛ [лот. *socialis* — ижтимоий] Кишилар ҳаётига, уларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатларига оид; ижтимоий. *Социал тараққиёт. Социал тузум. Социал муҳит. Жамиятнинг социал таркиби.* ■ *Студентлар. лекцияларнинг мағзини қақиб, социал баҳо берадиган бўлишлари ҳам керак.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Социал таъминот Фуқароларни қариганда, касалланган ва меҳнат қобилиятини йўқотган ҳолларда давлат томонидан моддий жиҳатдан таъминлаш тизими; ижтимоий таъминот.

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТ [социал + демократ] *тар.* Социал-демократия тарафдори; социал-демократлар партиясининг аъзоси (қ. **социал-демократия**).

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК *тар.* Социал-демократия ва социал-демократга оид. *Социал-демократик партия. Социал-демократик қарашлар.*

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЯ [социал + демократия] Халқаро ишчилар ҳаракатида: 19-аср охирида пайдо бўлган, дастлаб инқилобий кураш йўли билан, кейинчалик демократик методлар, ислоҳотлар йўли билан ижтимоий адолатга, эркинлик ва тенгликка асосланган тузумни ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ғоявий-сиёсий оқим.

СОЦИАЛИЗАЦИЯ [лот. *socialis* — ижтимоий] Хусусий мулк ҳисобланган ер, ишлаб чиқариш воситалари ва ш.к. ни жамият мулкига, умум мулкка айлантириш.

СОЦИАЛИЗМ [фр. *socialisme* < лот. *socialis* — ижтимоий] 1 *тар.* Мақсади ва идеали ижтимоий адолатни, эркинлик ва тенгликни амалга оширишдан иборат бўлган, хусусий мулкни ижтимоий (умумий) мулкка айлантириш орқали мазкур принципларга эришиш мумкин, деб ҳисобловчи таълимот. *Социализм ғояси.* ■ *Социализмда*

инсон хусусий мулдан тамоман ажратилди. «ЎзМЭ».

2 20-асрда бир қатор давлатларда: жамият ҳаётининг барча соҳаларига давлатнинг аралашувини тақозо этувчи ижтимоий-иқтисодий тузумнинг номи; собиқ СССР да ҳукм сурган тоталитар тузум. [Шўролар даврида] Айрим мамлакатларга, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан «капитализмни четлаб, социализмга ўтиш» мумкинлиги тўғрисидаги сохта таълимот ҳам ўйлаб топилди. «ЎзМЭ».

СОЦИАЛИСТ [лот. socialis — ижтимоий]

1 Социализм тарафдори (қ. социализм 1).

2 Социалистик партия аъзоси.

СОЦИАЛИСТИК 1 Социализмга оид (қ. социализм 2). Социалистик система.

2 Социализм принципларига асосланган, шунга жавоб берадиган. Социалистик тузум.

3 Социал-демократияга оид. Социалистик партия.

СОЦИОЛИНГВИСТИКА [лот. socialis — ижтимоий + лингвистика] Тилнинг ижтимоий табиати, унинг ижтимоий вазифалари, ижтимоий омилларнинг тилга таъсир кўрсатиши ҳамда тилнинг жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ўрганувчи илмий-назарий соҳа.

СОЦИОЛОГ Социология билан шуғулланувчи олим, жамиятшунос.

СОЦИОЛОГИК Социологияга оид. Социологик тадқиқот. Социологик тафаккур.

СОЦИОЛОГИЯ [лот. soci(etas) — жамият + юн. logos — фан, таълимот] Жамият ҳақидаги ва айрим ижтимоий тартиботлар, жараёнлар, ижтимоий гуруҳлар, шахс ва жамият муносабатлари, кишиларнинг ўзаро муомала қонуниятлари ҳақидаги фан. [Ўзбекистонда] Социология фанини мустақилликдан сўнггина лозим даражада ривожлантириш имконияти туғилди. «ЎзМЭ».

СОЧ 1 1 Одамнинг бош терисида ўсадиган қил толалар қопламаси ва уларнинг ҳар бири. Сийрак соч. Куюқ соч. Бошида битта ҳам соч йўқ. Соч олдиromoқ. ■ Силкиниш орқасида унинг [қизнинг] юзини тўзғизган соч толалари ўраб олиб, жонсиз бир суратга киргизди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У машинани бир маромда юргизар, кабинага кирган шамол ўримга сўз бермаган соч толаларини елкасидан олиб, бўйнига ташлар, юзларини безорор савалагандай буларди. С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Бирор тарзда ўстирилган ва тартибга солинган шундай толалар мажмуи. Ўртадан фарқ очиб қўйилган соч. Калта қилиб қирқилган соч. Урилган соч. ■ У [Кумуш] бу кечаси кўрган баъзи тушларини Отабекнинг бу кун келишига йўйди-да, эрталабдан туриб, сочларини ечди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ун сочқиз ёшлароғи, оқ-сарик, иккита йўғон соч ўрими кифтларига тушган қиз шахдам-шахдам қадам босиб келиб, болаларга қўшилди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Чилвир соч 1) майда ўрилган соч. Комендантнинг чилвир соч қизчаси Нусратбекнинг ёнига югуриб келди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди; 2) шундай сочли аёл. Учиб ўтган қалдирғоч, Ишқимга қилган илож, Интизордир чилвир соч, Етказил саломини. Ё. Мирзо.

3 кўчма Тола, нур сингари нарсалар ҳақда. Қорли тоғлар орқасидан Атаас сочин тараб қуёш, Гоҳ мўралаб ўйнатар қош, Ханда сочар дудоғидан. Ғайратий.

— да сочи оқарган Бирор ишда узоқ йиллар ишлаган, умрини шу ишга сарф қилган. Биз меҳнатда топдик бахтимиз, Меҳнатда соч оқарса, майли! Ё. Мирзо. **Сочини ёймоқ** Бошига мусибат тушиб ёки доғда қолиб оқ-воҳ қилмоқ, мотам тутмоқ. **Сочин ёйиб, кўкрагига муштлайди, Болам, дейди, кўзларини ёшлайди.** «Нурали». **Сочини супурги қилмоқ** Чўрилардек бутун хизматини қилмоқ. **Сочини юлмоқ (ёки юлиб йиғламоқ)** Дод солмоқ, дод-фарёд қилмоқ. Бу гапнинг учи чиқарилса, хотинлар сочини юлади, хотинларгина эмас, кўпгина эркаклар ҳам тезда рози бўла қолмайди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Тепа сочи тикка турмоқ (ёки бўлмоқ)** қ. тепа.

СОЧ II Чумчуқсимонлар туркумининг шақшақлар оиласига мансуб кичкина сайроқи куш; майнанинг бир тури.

СОЧБОҒ Ёши улғайган аёллар сочига осиб юрадиган безакдор, танга ва ш. к. юки бўлган, одатда, қора шойидан қилинган боғич. Сочим узун, сочбоғимни солмийман, Буйим тенги зар берсангиз, олмийман. «Кўпшиқлар». Оёғида эски кирза этик, узун сочлари учидан сочбоғ.. Ш. Холмирзаев, Сайланма.

СОЧИЛМА Сочилиб ётадиган, сочилган. Сочилма қум.

СОЧИЛМОҚ 1 Сочмоқ фл. мажҳ. н. Бу йил уруғ барвақт сочилди. Ерга гўнг сочилди.

2 Сочмоқ 1-5 фл. ўзл. н. **Фикр сочилиди.** ■ Боғларда гуллар очилган, ҳидлари ҳар ён сочилган. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СОЧИЛУВЧАН физ. Сочилган; тўкилувчан. *Сочилувчан модда.*

СОЧИЛУВЧАНЛИК Сочилиш хусусияти. *Модданинг сочилишчанлиги.*

СОЧИСУНБУЛ айн. болтириқ.

СОЧИҚ I I Сочиб ташланган, сочилиб ётган. *Олимжон тор кўчадан Борар эди қишлоққа, Кўзи тушди беш, ўн чоғ Йўлда сочиқ ёнғоққа. Қ. Муҳаммадий.*

2 айн. **чочиқ II 2.** *Ой келиннинг бошидан сочиқ сочинг, ёр-ёр. «Кўшиқлар».*

СОЧИҚ II Юз-кўл ёки идиш-товоқ артиш учун ишлатиладиган буюм. *Кўл сочиқ. Қозон сочиқ.* ■ [Кудратжон] *Жўмракда қўлини юваётган адасига уйдан сочиқ олиб чиқди. Мирмуҳсин, Умид. Холиса духовкадаги димланган товўқни ағдариб қўйиб, қўлларини сочиққа артди. С. Нуров, Май-саларни аёз урмайди.*

СОЧМА I қ. х. Сочиб, сепиб экиладиган; сепма. *Сочма экин. Сочма қилиб экмөқ.*

2 от Питра.

Сочма ўқ айн. **питра.** *Душман Исмоиловни жуда яқиндан туриб, сочма ўқ билан отган!* Ҳ. Фулом, Машғал.

3 Питралаи ўқ билан отадиган милтиқ. *Ботирали сочманинг тепкисини босиб, ҳар иккала қирғовулни қулатди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

4 эск. айн. проза.

Сочма шеър Лирик кечинмалар сочма нутқ шаклида ифодаланган, жўшқин ритми билан шеърга ўхшаш бўлган насрий асар; насрий шеър.

5 геол. Нураган тоғ жинслари, минераллар ва руда бўлаклари қайта тўпланган жой; сочма кон. *...орадан олтмиш тўққиз йил ўтгач, Л.И. Брусницин худди шу ердан биринчи марта сочма олтин топишга муваффақ бўлган эди. «Фан ва турмуш». Сочма конлар шағал, қумтош ва қумлар тарқалган жойларда вужудга келади. «ЎЗМЭ».*

СОЧМОҚ I айн. **сепмоқ 1, 2.** *Уруғ сочмоқ. Йўлларга қум сочмоқ. Ҳовлига сув сочмоқ. Арпа сочсанг, арпа ўрасан. Мақол. Тер тўкиб сочсанг уруғ, Ер сени қўймас қуруқ. Мақол.*

2 Ҳар ён-ҳар ёнга тарқатиб ташламоқ, паришон қилмоқ. *Бошидан гул сочмоқ.* ■

Улардан сал тепада, бархан устида йиртилиб, таги кўчиб кетган бир пой ботинка, ундан нарида оғзи очиқ, бўм-бўш рюкзак ётар, унинг ичидаги нарсалар атрофга сочиб ташланган эди. М. Мансуров, Ёмби.

3 *кўчма* Тарқатиб юбормоқ, қочирмоқ. *Нормат, унинг хаёлини сочиб юбормаслик учун, ўз ўрнига чўзилди-да, анча вақт ўй суриб, ниҳоят ухлаб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

4 Тарқатмоқ, ёймоқ. *Узунчоқ олборнинг тўрида йиғирма бешинчи лампочка хира нур сочади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Ёз. Июнь қуёши кўкдан заррин нур сочади. «Саодат».*

5 Таратмоқ, ёймоқ, тўкмоқ. *Хилма-хил гуллар хўшбўй ҳид сочиб, бўстонни яшинатиб турар, шишадек тиниқ сувлар шилдираб оқиб ётар экан. «Чалпак ёққан кун».*

6 Бирор ўлчовда, меъёрда тақсимлаб тарқатмоқ, солмоқ. *Харажатни ҳаммага барабар сочмоқ.* ■ *Қарорим шундан иборатдирким, эртадан бошлаб юртга ўттиз икки тангадан солиқ сочасиз! А. Қодирий, Уттан кунлар.*

Заҳрини сочмоқ қ. заҳар 3. *-Нима дейман? - хотинига заҳрини сочди Малик муаллим. - Бор гапни ўзбекча қилиб тушунтирдим-ку сенга. А. Кўчимов, Ҳалқа.*

СОЧОҚ I I айн. **сачоқ.**

2 Сигир, от, эшак думининг учидаги попуги.

СОЧОҚ II шв. айн. **сочиқ II.**

СОЧОҚЛИ I айн. **сачоқли.**

2 Учида попуги бўлган. *Сигир унга жавобан сочоқли думини ҳавода уйнатган эди, учи шилп этиб Тошхоннинг юзига тегди. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.*

СОЧПОПУК I Аёлларнинг сочга тақадиган, қора ип, ипақ ёки жундан эшилган, учлари попуксимон безак буюми. *У[Назокат] сочпопугига осилтирган чўлписини жиринглашиб юрар, иккала қошини туташтириб қалин ўсма қўяр, ҳатто устахонада ҳам кўп вақтини ўсма тортиш билан ўтказар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Сочпопугим учидо Кўзмунчоғи бир шода. «Оқ олма, қизил олма».*

2 айн. **баргак II 2.** *Қизлар сочидо толбаргакдан сочпопук. С. Аҳмад, Ҳукм.*

СОЧТАРОШ кам қўлл. айн. **сартарош.**

СОЧҚИ шв. айн. **чочиқ II 2.** *Бир кампир язманнинг бошидан сочқи сочди. С. Сийёв,*

Саратонда қор ёғди. Аскар боши узра сочқилар сочилди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

СОЮЗ [қад. р. союз — занжир; алоқа, боғланиш; иттифоқ, бирлашма, уюшма] эск. Ижтимоий бирлашма, уюшма; жамоат ташкилотли. Менинг асаримни юксак мукофотга тавсия этган Ўзбекистон ёзувчилар союзига, Тошкент давлат университетининг филология факультети студентларига, асарга катта баҳо берган ҳамкасбларимга.. чуқур миннатдорчилик билдираман. А. Қаҳҳор, Асарлар.

СОЯ [ял. shoyu] Дуккакдилар оиласига мансуб, ловияга ўхшаш бир йиллик ўсимлик ва унинг озиқ-овқат саноатида кент қўлланадиган дони. Соя унидан сут, творог, қандолат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади. «ЎЗМЭ».

СОЯ [ф. سايه — кўланка; пана жой; ҳимоя, ҳомийлик] 1 Куёш нури тушмайдиган салқин жой; кўланка. Сояда дам олмоқ. Ёнғоқ бутун ҳовлини соя қилиб турибди. Сада соя берар, тол хода берар. Мақол. ■ Ортиқ, сувсизлик юрак-бағрини ўртаб, иссиққа чидамай, юлғун тагига сурилади, бошини сояга олиб, қўлларини кумга тиқиб, салқин излайди. М. Мансуров, Ёмби. Шунча қилдим тол дарахтни парвариш, Сояси бор, мевасини кўр-мадим. «Қўшиқлар».

2 Ёруғликни, нурни тўсувчи нарсалардан тушган тасвир, кўланка. Эгерининг сояси ҳам эгри. Мақол. Қурқоқ от ўз соясидан хуркар. Мақол. Теракнинг сояси тагига тушмас. Мақол. ■ Чодирнинг чети кўтарилиб, майкачан бўлиб олган Азизхоннинг сояси кўринди. С. Аҳмад, Уфқ.

Соя солмоқ (ёки ташламоқ) 1) соя бермоқ, соя ҳосил қилмоқ, соя қилиб турмоқ. Шипга осиглиқ қирқинчи чироқнинг қалпоғи уй деворларининг тепа ёғига чўзиқ соя солган. Ҳ. Ғулом, Машғал. У [Азиза] қуюқ соя ташлаган дарахт остига ўтириб, хаёлга толди. «Ёшлик»; 2) кўчма ғашлик солмоқ, хира қилмоқ. -Кумуш менга тик қаролмас, юзларига хижолат соя солган эди, — деди Камолитдин. Т. Жалолов, Олтин қафас. Соя қайтди Кун ярмидан оғди, кечга қараб кетди. Кечки пайт, соя қайтганда, Анзираг хола унга [Сидиқжонга] даричанинг олдидаги супага жой қилиб берди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

3 кўчма Шарпа, кўланка. [Қудрат:] Урушнинг шум сояси бу ерга ҳам етибди. Н. Сафаров, Уйғониш. Вазир: -Подшонинг ўзи худонинг сояси, подшо сўзи Қуръон эмасми, лаънати! Қани, халойиқ қаерда, дарров айт! — деди. «Тоҳир ва Зухра». -Вой, Роҳиланинг ўғли келибдими?! Роҳила шўрлик кутавериб, соя бўлиб қолувди. Бир жойга айтгани бор экан, беармон ўладиган бўлди, — деди энамиз севиниб. «Ёшлик».

4 кўчма Ҳомийлик, паноҳ. Маъқул, маъқул, бой ота, сояи давлатингиз кам бўлмасин. Ойбек, Танланган асарлар. -Биздан Турахўжаевга кўпдан-кўп дуо денг, тақсир! Биз бу ерларда ўша одамларни соя қилиб юрибмиз, — деди Мадамин. П. Турсун, Ўқитувчи.

Офтобни сояга етказмай (ёки келтирмай) Бир зум ҳам кечиктирмай, дарҳол. [Холмат:] Тасаддуғингиз кетай. Дупписини олиб кел, десангиз, ахир биз жаллод.. кимнинг ажали етса, пойқадамингизда офтобни сояга етказмай, бошини кесиб келтираминиз-да! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Сояда қолдирмоқ Ўз устунлиги билан кимсани панада, орқада қолдирмоқ. Йшлар ўтган сари Ислохоннинг таърифи кўп усталарни сояда қолдириб кетди. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. Сояда қолмоқ Панада қолмоқ, кўзга кўринмай, четда қолиб кетмоқ. Жура полвон бригадасига андижонлик полвонларни танлаб олган эди, аммо биронтаси Азизхонга етолмас, унинг соясида қолиб кетарди. С. Аҳмад, Уфқ. Сояси юпқа 1) нозик, нимжон, заиф; 2) гап кўтара олмайдиган, таъби нозик. [Гулчехра:] Келин-пошшанинг сояси жуда юпқа, тил теккизманглар унга. Ойбек, Улуғ йўл. Соясига кўрпача солмоқ (ёки салом бермоқ) 1) жуда ҳам хурмат қилмоқ, хурматини жойига келтирмоқ. -Кўрқдингизми? — дейди Абдужалил тегирмончи ўз даввосига асос солиб, — қишлоқ халқи бизнинг соямизга салом беради. А. Қодирий. Обид кетмон; 2) хушомадгўйлик, лаганбардорлик қилмоқ. У [Яхшибоев] келди нимаю келмади нима, боғ қилмоқчи бўлса, ана, мендан бошқа мингта боғбон бор, соясига кўрпача соладиган шогирдлари кўп, майли, ушалар экиб, ушалар кўкартириб бера қолсин. М. М. Дўст, Лолазор. Ўз соясидан кўрқмоқ (ёки чўчимоқ, ҳадиксирамоқ, хурқмоқ) Ҳар нарсадан кўрқмоқ, жуда ҳам кўрқоқ бўлмоқ. Қўрқоқ от соясидан хуркар. Мақол. ■ Яхши эмас, Фармонқул ака, нега қуёнга ўхшаб ўз

соянгиздан ҳадиксирайдиган бўлиб қолдингиз?

С. Маҳкамов, Шогирд.

СОЯБОН [ф. سایبان / سایبان — бостирма, айвон; чодир; шамсия, зонтик] **1** айн. **зонтик**. *Шойи соябон. Соябон тутмоқ.* ■ Буронбек чарм шапкали бошини соябон тагига яширди. Ҳ. Фулом, Маиғал. *Нариги хонада дарс тайёрлаб ўтирган неварасига, соябон тутиб, кўчадан тезда адасини қақриб келишни айтди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 с. т. Шляпа, шапка ва ш. к. нинг соя берувчи қисми. *Шапканинг соябони.* ■ Бежиримгина тилла гардишли кўзойнагию сербар похол [шляпаси] соябони ўзига бирам ярашган Валентина ҳорғин жилмайди. М. Мансуров, Ёмби. *Рўпарасида шляпанинг кенг соябони тагидан Хуморхоннинг кўзлари ёниб турарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

Кўлини (ёки қафтини) соябон қилмоқ Кўлини (қафтини) пешонасига қўйиб, кўзларини қуёшдан паналамоқ. *Зокир ота қўлини соябон қилиб, шудгорнинг узоқ тагигача чамалаб кўрди.* Ҳ. Фулом, Замин колдузлари.

3 Умуман, қуёш нуридан ёки ёмғирдан сақловчи ҳар қандай қурилма, пана. *Автобус станцияларига соябонлар қурилмоқда.* ■ Қуёш тиккага келиб, аёвсиз қиздираётгани учун, ҳар ер-ҳар ерда соябонлар тикилган. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Шундай гаштли кунлардан бирида практикантлар, бошларида соябон, тепа устида давра қурганча, орқаларини офтобга тоблаб, қарта ўйнаб ўтиришар.* эди. М. Мансуров, Ёмби.

4 кўчма Паноҳ, ҳомийлик, хайрихоҳлик. *Тоғлар боши хиббон, Бир худойим соябон.* «Нурали». *Қон йиғлайсиз бу кун онам меҳрибон, Отам экан ҳаммамизга соябон.* «Зулфизар билан Авазхон».

СОЯБОНГУЛЛИЛАР, соябонгулдошлар Соябонга ўхшаш тўпгулли ўсимликлар (зира, кашнич ва ш. к.)

СОЯБОНЛИ Соябони бўлган, соябон тутилган. *Соябонли киши. Соябонли арава. Кафенинг ранг-баранг соябонли столлари.* ■ *Ичмайдиган, чекмайдиган одам, ранги тоза, руҳи тетик, кенг соябонли шляпасини бошидан алганида, офтоб урмаган манглайида қоп-қора сочлари ёйилиб тушди.* А. Мухтор, Қумуш тола.

СОЯКИ [ф. سایکی] **1** Хўраки ва винобоп узум нави. *Бир бош сояки.*

2 Шу узумдан солинган вино. *Бизда асосан узумнинг саперави, сояки, оқ мускат каби вино сортлари, майизбон қора кишимши навлари ўстирилади.* М. Мирзааҳмедов, Гулистонликлар бўстонида.

3 Шу узумдан қуритилган майиз. *Аҳмадхон учун маҳрамлар, Тахсимчага соп келди, Сояки, майда майиз.* «Гулшанбоғ».

СОЯЛИ **1** Сояси қўп, серсоя. *Майдоннинг юқорисидаги тевараги шосупалар, сояли дарахтлар билан ўралган сарҳовуз.* С. Айний, Куллар.

СОЯЛИ **2** Таркибида соя маҳсулоти бўлган. *Сояли шоколад.*

СОЯПАР айн. сояпарвар. [Полвон:] *Ўлғудай дангаса, сояпар кишилар. Ишлашмайди, меҳнат кунларидан қирқиб қўйдим.* К. Яшин, Пьесалар.

СОЯПАРВАР [ф. سایپروور — сояни яхши кўрувчи; сояда ўстирилган] **1** бот. Сояда ўсадиган, сояни яхши кўрадиган. *Сояпарвар ўсимликлар.*

2 салб. Ишламай, соя-салқин жойларда ётишни яхши кўрадиган, ишەкмас; ялқов. *Мен кучимни, теримни тўкай, фойдасини сояпарвар бойлар кўрсин. Мен икки қўлимни бурнимга тиқиб қолаверай. Қани инсоф?! Ойбек, Танланган асарлар. Сенга ўхшаган сояпарвар, бўйни йўғонлар ўзини салқинга уриб, жўжаҳўрознинг шўрвасини ичиб ўтирганда, хотинлар терлаб-пишиб кетмон чопган.* С. Аҳмад, Қадрон далалар.

СОЯПАРВАРЛИК Дангасалик, ишەкмаслик, енгил яшашга мойиллик. *Дангасаликка, сояпарварликка. асло йўл қўймаслик керак.* Ойбек, О. в. шабадалар.

СОЯ-САЛҚИН Қуёш нури тушмайди-ган, соя ва салқин. *Соя-салқин жой. Соя-салқин хиббонлар.* ■ *Кўйлар илгаригидек ўтламайди, ҳовликиб соя-салқин жой излайди, дуч келган бута, саксовул остига бош суқиб ётиб олади.* «Ёшлик».

СОЯСИДА (б. к. билан) кўм. өзф. Туфайли, орқасида, орқали. *Шарофатларингиз соясида кўп кишилар билан танишдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СОЯЧИРОҚ этн. Бесоқолларни қизлар қиёфасида кийинтириб, меҳмонхонада бир неча чироқ ёруғида томоша қилиш ёки ўйнатиш одати.

СОҚА **1** [ا. ساقه — олиб борувчи, ҳайдаб келувчи, бошқариб борувчи] *шв.* Дарё ёки

анҳорлардан катта ариқларга сув олинадиган жой; ариқ боши. *Элимизнинг оғаси, Адрас тўннинг ёқаси, Ёнимизнинг соқаси Мироблага бир салом.* «Кўшиқлар». Амунинг қайсарлиги тутиб, қирғоқларидан нарига кетди, соқаларга сув бермай қўйди. Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

СОҚА II шв. Соққа.

СОҚА III [а. ساقه — поя, палак; орқадан борувчи; арьергард] 1 *ҳарб.* Ҳарбий юриш ёки машқлар чоғида асосий кучлар ортидан соқчилик қилиб борувчи махсус қисм.

2 *ҳарб.* Жанг пайтида турли ташқи зарбалардан сақлиниш мақсадида тизза ва тирсақларга кийиладиган металл қалқонча.

3 шв. Бирор кимсадан ёки бирор ердан тарқаган; авлод, зот. *Аваз ўғлон қирқ йигитнинг оғаси. Ботирларнинг Аваз олтин соқаси.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

СОҚИЙ [а. ساقى — май, шароб қуювчи] Май қуювчи; косагул. *Дустлар, соқий бўлинг бизга бу кеча, Дуст юзидек иссиқ тонг йўқ дунёда!* Ғ. Ғулум, Танланган асарлар. *Ака Ғафур Ғулум, эрка, шўҳ ҳамон, Доно шоир учун жом қуй, эй соқий. Шунчалик ардоқлаб турибди замон, Бу умр боқийдир, бу умр боқий.* А. Орипов, Йиллар армони.

СОҚИЙЛИК Май қуйиб беришлик, косагуллик. *Соқийлик қилмоқ.* ■ *Соқийликни Сафобой ўз қўлига олди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

СОҚИЙНОМА [соқий + нома] 1 Шарқ мумтоз адабиётида соқийга мурожаат шаклида ёзилган, шоирнинг кечинмалари ҳам акс этадиган лирик жанр. *Соқийномани мустақил жанр сифатида ишлатиш форс шоири Умид Техронийдан бошланган.* «Ўзбек адабиёти».

2 Енгил ва жонли суръатдаги доира усули ва мазкур усулда айтиладиган ашула йўллари номи. *Соқийнома йўллари рақсга жўрваоз сифатида ҳам айтилган.* «ЎЗМЭ».

СОҚИТ [а. ساقط — йиқилган, ағдарилган, тўкилган; нуқсонли, қусурли; бузуқ]: **соқит қилмоқ** (ёки **этмоқ**) Олиб ташламоқ, холи қилмоқ. *Албатта, унинг [Бобурнинг] фотиҳ, шоҳ ва давлат арбоби сифатида жуда мураккаб ҳаёт кечирганлигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.* «Ёшлик». Шунда азага келганлардан уч-тўрттасини чақириб, уларга васиятни ўқиб бердим-да, гуноҳ-

ни буйнимдан узил-кесил соқит этдим. М. М. Дуст, Лолазор.

СОҚОВ I Тилсиз, гунг, гунгалак. *Туғма соқов. Кар ва соқов.* ■ *Ўзларини буткул хузур-ҳаловатга топширган ширакайф меҳмонлар тасодифан кириб қолган, кўзларида кўрқув аралаш бесаранжомлик акс этган соқов болага ажабсиниб тикилишиди.* «Ёшлик».

Соқов бўлиб қолмоқ 1) бутунлай тилсиз, гунг бўлиб қолмоқ; 2) *кўчма* бирор сабаб билан вақтинча тили ишламай, гапиролмай қолмоқ. *У, бир лаҳза тилига сўз келмай, соқов бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

2 Баъзи товушларни қийналиб талаффуз қиладиган ёки тутилиб гапирадиган; дудуқ.

СОҚОВЛАНМОҚ Тутилиб гапирмоқ дудуқланмоқ. *Ҳар сафар учрашганда, янгидан танишгандек, аввал бир қизаришиб олиб, кейин гап тополмай соқовланиб, тутилиб гап бошлашарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Кўкрагини баланд тутди-да, яқтак чўнтагидан носини олиб, бир чимдимини тил тагига ташлади. Бироз соқовланиб сўзлади.* Ойдин, Ширинга мактуб.

СОҚОВЛИК тиб. Туғма ёки илк болалик даврида рўй берган карлик оқибатида келиб чиқадиган нуқсон; гунглик, тилсизлик. *Эшитиш қобилияти сақланиб қолганда эса соқовликка нутқ маркази ёки марказий нерв системасининг зарарланиши сабаб бўлади.* «ЎЗМЭ». *Севаргул ниҳоят соқовлик азобидан қутулиб, бурро-бурро гапириб юборганиданми.. хийла хушҳол эди.* Н. Қиличев, Чигирик.

СОҚОЛ I Иякни қоплаб ўсадиган қилтуқлар. *Қора соқол. Қуюқ оппоқ соқол. Соқол олдиarmoқ.* ■ *Йигитнинг кўрки — соқол, Бозорнинг кўрки — баққол.* «Қанотли сўзлар». *Эллик йил уста бобо деб ном чиқарган отасининг соқолидан, обрўсидан айрилиб, зиякка тескари миниб кетаётганини тасаввур қилди.* С. Сиёев, Аваз.

Чўққи соқол қ. чўққи. - *Мен дегрезликман, — деди узун пешмат, шошранг дўхоба дўпни кийган бу чўққи соқол киши.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

2 *кўчма* Баъзи ўсимликларнинг сочсимон попути. *Маккажўхорининг соқоли.*

=да соқоли оқарган айн. =да сочи оқарган қ. соч I.

СОҚОЛЛИ Соқоли бор, соқол қўйган. *Соқолли киши.* ■ *Баширжоннинг кўзига яна*

Ислом отанинг нафрат ва ҳазардан қийша-йиб кетган соқолли қиёфаси кўриниб кетди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СОҚОЛТАРОҚ Соқол тарайдиган кичкина тароқ.

СОҚЧИ 1 Муайян жойни, худудни муҳофаза қилувчи қуролланган кўриқчи, посбон. *Чегара соқчилари.* ■ *Чегарада тиканли симлар, милтиқли соқчилар — қуш учиб ўтиши мушкул.* Газетадан. *Шаҳар атрофини ўраб олган пахса деворлар устида соқчиларгина у ёқдан бу ёққа юриб турар.. эди.* Ойдин, Ҳикоялар.

2 Кўриқчи, қаровчи, қоровул. *Сурув ўз соқчиларига тўла шонч билан пиш-пиш мудрамоқда.* С. Анорбоев, Оқсой.

Соқчи кема Соқчилик хизмати учун белгиланган ҳарбий кема.

3 Бирор кимсанинг хавфсизлигини сақлаш учун белгиланган шахс, шахсий кўриқчи. [*Сардор:*] *Ўз еримда жонимни ҳовучлаб, соқчи билан юраманми энди?* «Шарқ юлдузи». *Қўлга тушмоқдан кўрқадиган ташмақдай, мени ўзига соқчи қилиб олармиди?* М. М. Дўст, Лолазор.

4 Муҳофаза, ҳимоя қилувчи, кўриқловчи, сақловчи, посбон. *Тинчлик соқчилари.*

СОҚЧИЛИК Кўриқчилик, посбонлик, қоровуллик. *Назирқул бундай яширин суҳбатларга кўп марта соқчилик қилган.* С. Аҳмад, Хукм.

СОҚҚА 1 Зўдир, шар.

Сайлов соққаси тар. 1917 йилгача: сайлов қутисига ташланадиган, розилик ёки қаршилиқни ифодаловчи оқ ёки қора шарча. *Бу мингбошиликнинг ҳар бир соққаси бир камбағалнинг бир ойлик пулига тушган-а!* Ҳамза, Танланган асарлар.

2 Чўт донаси.

3 Болалар ўйинларида: тикилган ганақни уриш учун белгиланган ошиқ, ёнғоқ ва ш. к. *Тошларниқизга келиб, қўллари, тирноқларининг ораси кўқариб кетгунича хом ёнғоқ арчишиб, соққа ўйнашди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Ҳаҷонгирхон кўчада Соққа ўйнаб юрибди.* «Нурали».

Кўз соққаси анат. Кўзнинг шарсимон юмалоқ қисми. *Кўзларини шундай олайтирдик, кўз соққалари ўқдай отилиб кетадиганга ўхшади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СОҒ 1 Касали йўқ, сиҳат-саломатлиги яхши; соғлом. *Соғ тиш. Соғ юрай десанг, озо-*

да бўл! Соғ танда соғлом ақл. Мақол. ■ *Соғ бориб, саломат келгин, Авазжон, Боргин, болам, сени ҳаққа топширдим.* «Маликаи айёр». *Ёшсан, соғсан, ишла, ўйна, улфат қур, ҳар бир шўхлик йиғитликда ярашади, болам.* Ойбек, Танланган асарлар.

СОҒ 2 *шв.* Ўнг. *О, бу гўзал йўллар, ажойиб йўллар, Гул билан қопланган соғу сўллари.* Уйғун, Тонг кўшиғи. *Баҳайбат калтаги душман қўлинда, Жонқуяри йўқдир соғу сўлинда.* «Гулшанбор».

СОҒАЙМОҚ Дарди, касали ариб, яхши бўлмақ, шифо топмоқ, сиҳатланмоқ. *Уч ҳафта ўтган, қизча касалхонадан соғайиб чиқди.* «Фан ва турмуш». *Агар унинг ота-онаси оғир-вазминлик билан менинг соғайишимни кутишганда эди, ошламиз бузилиб кетмасди, ўғлим етим қолмасди.* Газетадан.

СОҒАР [ф. ساغر — май ичиладиган пиёла; қадах] эск. Шароб қуйиб ичиладиган идиш. *Маю майхонаю соқию мутрибни ҳавас қилдим, Менинг-чун ҳар сўзи мутрибу соқию соғар хат.* Ҳабибий.

СОҒДИРМОҚ 1 Соғмоқ фл. орт. н. *Бойсари:* *—Қизимга Кўкқамиш кўлида қўй соғдириб, чорвадорлик илмини ўргатайин, қўй соғмоққа уста бўлсин, — деди.* «Алпомиш».

2 Соғиб олиш пайтида жим турмоқ. *Бегона одамларга сира соғдирмайдиган сизир.*

СОҒИМ 1 Бир галги сут соғиш, бир гал соғиб олинган сут. *Соғимни оширмоқ. Соғим даври.*

2 *айн. соғин.* *Туркистон халқлари бўлса оқ подшо учун соғим сизирнинг ўзи бўлиб қолганди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

СОҒИМЛИ Соғиш учун қулай, соғишли. *Эмчаклари соғимли сизир.*

СОҒИМСИЗ Соғиш учун ноқулай. *Эмчаклари соғимсиз сизир.*

СОҒИН Сут берадиган, соғиладиган.

Соғин сизир 1) сут берадиган, соғиладиган сизир. *Эгамберди, менда бир соғин сизир бор, шуни ола кетинг, ўзингизга..* Ш. Холмирзаев, Оғир тош қўчса; 2) *кўчма* текин даромад манбаи. *—Ҳўжсаназарнинг ўзи колхоздан чиқдимми? — деб сўради хотини эридан. —Йўқ, уни колхоздан қувмасалар, ўз ихтиёри билан чиқмайди, чунки ҳозирча колхоз у учун бир соғин сизир.* С. Айний, Қуллар.

СОҒИНМОҚ 1 Айрилиқдаги яқин кишисини жуда кўргиси келмоқ; қўмсамоқ; соғинч ҳиссини сезмоқ. *Эй дилрабо, ишқинг*

била девона бўлдим соғиниб, Булбул каби тун-кечалар гирёна бўлдим соғиниб. Ҳамза. Эрини соғиниб юрган Холисанинг юраги негадир бирдан орзиқиб кетди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. Билаган, чарчагансизлар, болачақаларни соғингансизлар. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Умуман, кўнсамоқ, хумор қилмоқ. Калпалак гулни соғинар, булбул — куйни. Мақол. ■ Биз, барибир, баҳорни ҳар гал соғиниб кутиб оламиз. «Саодат». Қарши бобо ҳар қанча хурматга арзийди. Агар бирон кун уйда қамалиб ётса, далани соғиниб қолади. А. Кўчимов, Ҳалқа. Фуломқорининг ашуласини жуда соғиниб қолдик. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

Калтакни соғиндингми? Калтак егинг келяптими?

3 Раво кўрмоқ, истамоқ. Қўшинга ёмонлик соғинма. Мақол. ■ [Ҳасанали:] Энди сиздан шуни ҳам сўрайин: хўжасига содиқ бир қул, сизнинг таъбирингизча, маънавий бир надар, ўз ўғлига ёмонлик соғинарми, бу тўғрида жавоб берингиз-чи? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СОҒИНЧ Соғиниш ҳис-туйғуси. Ҳафиза онаси бағрида кўзига андак ёш олди, бу — соғинч ёшлари эди. Мирмуҳсин, Умид. Утган кунларимга боқиб мунтазир, Соғинчдан ёнади ёнган бу жоним. А. Орипов, Йиллар армони. Гулхайри пинҳона учрашувларга кучли эҳтирос, орзиқиш, ҳаяжон, соғинч билан келарди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

СОҒИНЧЛИ Соғинч билан тўлиб-тошган, соғинч ифодаловчи. Соғинчли салом. ■ Хат ёзаман, ўнг қўлимда қаламим, Ёрга етгай бу соғинчли саломим. Газетадан. Сизлардан соғинчли салом битилган мактублар олганимиз тақдирда, бошимиз кўкка кўтариларди. Газетадан. Соғинчли бир оҳанг денгизни бўйлар, Мовий сатҳ айланар ойдин қушиққа. А. Шер, Қадимги куй.

СОҒЛИК, соғлиқ Соғ-саломат бўлишлик, саломатлик, соғломлик. Соғлигим — бойлигим. Мақол. Тани соғлик — туман бойлик. Мақол. ■ Тенг миқдорда сабзи, қизилча, бодринг шарбатларидан коктейль қилиниб, овқатдан олдин ичилса, соғлик ва кайфият яхши бўлади. «Фан ва турмуш». Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия бўлиб, кейин овқат ва ундан сўнг уйқу тадбиридир. «Саодат».

СОҒЛОМ 1 Дард-касалдан холи; соғ. Соғлом одам. ■ Зеро, она бўлиш бахти фар-

зандларни соғлом ва баркамол тарбиялашдек машаққатли меҳнат билан чамбарчас боғлиқ. «Саодат». Соғлом бўлиб дошмо, Ёнгинамда юргин сен. «Кўшиқлар».

2 Соғлиқни сақлаш талабларига тўла жавоб берадиган; беғубор, тоза, соф. Соғлом турмуш шароитлари.

3 Кўчма Зарарли таъсирдан, салбий ҳислат, иллат ва ш.к. дан холи; тоза, пок. Соғлом оила. Соғлом ижтимоий муҳит. ■ Мазкур йўғилишда мутахассислар бугунги иссиқ иқлим шароитида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ва кийиниш, шунингдек, сайёҳлик масалаларига алоҳида ургу бердилар. Газетадан.

4 Кўчма Рухий жиҳатдан шикаст етмаган; расо. Соғ танда — соғлом ақл. Мақол. ■ Соғлом ақл китобсиз яшай олмайди. Газетадан.

5 Кўчма Ғоявий-мафкуравий, маънавий жиҳатдан тоза, пок. Соғлом фикр. ■ Жумҳуриятадаги соғлом маънавий-руҳий вазиятни таъминлаш борасида зўр масъулият юклатилганини англаб турибмиз. Газетадан.

СОҒЛОМЛАНМОҚ Зарарли таъсир, салбий ҳислат, иллат ва ш. к. дан қутулмоқ; мафкуравий, маънавий жиҳатдан тоза, пок, соғлом бўлмоқ; соғломлашмоқ. Идора аппарати соғломланди.

СОҒЛОМЛАШМОҚ 1 Дард-касали ариб, яхши бўлмоқ, соғаймоқ, тузалмоқ.

2 айн. соғломланмоқ. Халқаро муносабатлар соғломлашиб бормоқда.

СОҒЛОМЛИК Соғлиқ, саломатлик, касал эмаслик. Ақлнинг соғломлиги. Фикрнинг соғломлиги. ■ Тишченко деган аёл унинг [Малоҳатнинг] соғломлигига, кучига, абжирлигига, айниқса, зехнига қойил бўлиб юрар экан. А. Қаҳҳор, Жонфигон.

СОҒМОҚ Эмчакни ийдириб, унинг учларини чўзиб ёки машина ёрдамида сутни чиқариб олмоқ. Сигирни соғмоқ. Шақ-шақ этган келини сизер соққанида кўр. Мақол. ■ Шу билан бирга қорамолларга йил бўйи ширали кўк масса бериб туриш ҳам соғиб олинаётган сут миқдорини кўпайтиришга хизмат қилади. Газетадан.

Соғиб ичмоқ Бировнинг бутун топган-тутганидан, куч-қувватидан ўзиникидай фойдаланмоқ. Амалдор идорани сигирдай соғиб ичарди. Газетадан.

СОҒОНА [ф. سغانه] 1 Қабр устига қурилган ёдгорлик; мақбара. *Қаерга борасиз, Қулбобо, сиз бизнинг бобомизсиз.. ажалингиз етса, отамнинг гўри ёнига сиз учун катта бир соғона ясаб, сизни элиб кўмамиз.* С. Айний, Қуллар.

2 Мозор, гўр, қабр. *Асқар ота бориб, соғонанинг бош томонига чўкка тушди ва баланд овоз билан қўрбон ўқиди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

СОҒ-САЛОМАТ айн. сихат-саломат. *Туз-насиба тортса, қайтиб келармиз, Соғ-саломат келиб, сизни кўрармиз.* «Маликаи айёр». *Улар соғ-саломат манзилларига етишди.* «Ёшлик».

СОҒУВЧИ 1 Соғмоқ фл. сфдш.

2 Фермаларда молларни соғувчи ходим. *Илғор соғувчилар.* ■ «Барлос» фермаси кони хазина-да. *Қўпчилик ўзини шу ерга уради. Шунинг учун соғувчини ҳам, молбоқарни ҳам танлаб олишади.* «Ёшлик».

СОҶА [а. ساحة – очик кенг жой; ҳовли; майдон] 1 Инсон фаолияти, илм-фан, маданият ва ш. к. нинг ҳар бир тармоғи. *Фан соҳалари. Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳалари.* ■ *Геоботаника номи билан юртилувчи соҳа ер қазрининг сир-асроридан кишиларни воқиф этиб туради.* Газетадан. *Ноқобил кадр, қайси соҳада бўлмасин, ривожланиш олдидаги бир тўсиқ.* «Саодат». *Этнонимика соҳасининг ҳозирга қадар ҳал этилмаган ва мунозарали масалалари бор.* «ЎТА».

2 кам қўлл. Майдон, ер. *Ойнинг тўла тутилиш соҳаси (астр.).* ■ *Сарв ёғочлари билан банд катта соҳа.* Ойбек, Навоий.

СОҶИБ [а. صاحب – ҳамроҳ; дўст, ўртоқ; эга, хўжайин] 1 Эгаллик қилувчи; эга. *Уй соҳиби.* ■ *Орол денгизининг жанубидаги шу бепоеъ чўлларнинг соҳиби бўлган кўчманчи массагетлар келин кутмоқда.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Қувурларни алмаштириб олишдан хонадон соҳиблари воз кечдилар.* Газетадан.

Соҳиби давлат Давлат эгаси, бадавлат, давлатманд. **Соҳиби тож** Тож эгаси, тождор (шоҳлар, подшоҳлар ҳақида).

2 Бирор илм-хунар ёки хислат, фазилатни эгаллаган. [Қози:] *Яна ўзингиз соҳиби ақлсиз.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Шу тарзда бу серқирра фаолият соҳибининг мероси шеърлар, дoston ва манзумалар, ҳикоя ва*

повестлар, очерк ва публицистик асарлардан иборатдир. Ф. Фулом, Танланган асарлар.

Соҳиб(и) каромат Каромат қилувчи, кароматли; мўъжизакор. *Одамлар Султон девонани «оташнафас вали» деб мақташар эди. Ўша нодон, алданган кишиларнинг мақтаб.. юрган соҳиби каромати, бир алжиллаб ўтирган банги экан.* М. Муҳаммадҷони, Турмуш уринишлари. **Қалам соҳиби ёки соҳиб қалам** Қалам тебратувчи; ёзувчи. *Сени яхши танийман-ку! Сен – соҳиб қалам, сен – шоирсан.* А. Орипов.

3 Соҳиб (эркаклар исми).

СОҶИБА [а. صاحبہ – дугона; эга] 1 Эгаллик қилувчи аёл, соҳиб аёл. *Уй соҳибаси.* *Хуш овоз соҳибаси.*

2 Соҳиба (хотин-қизлар исми).

СОҶИБЖАМОЛ [а. صاحبجمال – хусн, чирой эгаси] 1 Гўзал хусн-жамол эгаси; хушрўй, барно, зебо. *Соҳибжамол аёл.* ■ *Хотинининг юзига тик қарашга чоғланди-ю, аммо қани энди у малак, у баргикарам кўйлакли соҳибжамол кўз олдидан кетса.* М. Мансуров, Ёмби. *Рўмолини лабга босиб Соҳибжамол кулади..* «Ёшлик».

2 Соҳибжамол (хотин-қизлар исми)

СОҶИБИ [а. + ф. صاحبى] Ўрта Осиёда халқ селекциясида яратилган узум нави. *Оқ кишмиш, қора, оқ чиллаки, чарос ва баён ширин, соҳиби ҳамда каттақўрғони каби рангбаранг шиғил-шиғил бошлар кўзларни қамаштиргудек серҳосил.* Н. Сафаров, Оловли излар.

СОҶИБКОР [а. + ф. صاحبكار – ишбилармон, иш берувчи, ёлловчи] 1 Ўз ишининг устаси; омилкор. *Соҳибкор боғбон.* ■ *Дилбар Фарғонадан соҳибкор халқим Ҳар йили узатар тонналаб мева.* А. Орипов, Йиллар армони. *Пахтакору чорвадор, пиллакору ғаллакор, боғбону соҳибкор – ҳаммасининг юзи ёруғ.* «Саодат».

2 Корхона эгаси; ишбилармон.

СОҶИБКОРЛИК Боғбонлик, узум, мева етиштириш билан шугулланиш. *Ишқомда туғлиб, чайлада катта бўлган бу истарали йигит соҳибкорликни ўн беш ёшидаёқ эгаллаб, санъат даражасига кўтарган эди.* А. Мухтор, Чинор.

СОҶИБҚИРОН [а. صاحبقران – қирон эгаси] 1 Астрология ва афсоналарда: Зухра ва Муштарий ёки Зухра ва Қуёшнинг эклиптика даврининг маълум бир даражасида

туғнаш келиш вақти (қирон)да туғилган бола (бундай боланинг бахтли, ғолиб, музаффар ва улуг мартабали бўлиши башорат қилинган). *Ёвни яксон этинг, соҳибқиронлар, Мангу омонликда ўтсин наслимиз!* Ғ. Ғулум, Танланган асарлар.

2 Шарқ мамлакатларида: кудратли ҳукмдор, жаҳонгир унвони.

3 Амир Темурнинг шарафли унвони. *Соҳибқирон бобомиз Самарқандда гўзал боғлар бунёд этган.* Газетадан.

СОҲИЛ [а. ساحل — қирғоқ, сув ҳавзасининг чети, лаби] 1 Сув ҳавзаларининг чети; бўй, қирғоқ. *Чакалакзордан бир ҳакка «шақ-шақ»лаб, узун думини чўзганча, нариги соҳилга учиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Дарё соҳилидаги табиий яшил майсазорлар, чакалакзорлар атроф муҳитга катта ижобий таъсир кўрсатади.* «Фан ва турмуш».

2 Сув ҳавзалари бўйлаб жойлашган ерлар. *Кумуш рангли булутлар Сув олади Оролдан. Лолazorга айланар Соҳил эрта баҳордан.* З. Диёр.

СОҲИР [а. ساحر — сеҳрли, афсонавий; сеҳргар, жодугар] Сеҳрли, фусункор. *Соҳир кўзлар.* ■ *Тоғ қизларин ибo, назокатлари Кузинг рухсорида бўлади зоҳир, Унсиз латофатдир марҳаматлари, Гоҳ улар ҳикматли, гоҳида соҳир.* А. Суюн, Замин тақдири. *Қизликнинг энг маъсум, соҳир туйғулари Абдулмуминга бахшида бўлмаганиди?* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

СПАЗМ, спазма [фр. spasme < юн. spasmos — тиришиш, томир тортишиш] Мускулларнинг беихтиёр таранглашиши, тортишиши. *Скелет мускуллари спазмида ҳаракат қилиш қийинлашади, силлиқ мускуллар спазмида турли аъзолар функцияси бузилади.* «ЎЗМЭ».

СПАРТАКИАДА [лот. Spartacus (Спартак) — қадимги Римда милоддан аввалги 73—71-йилларда кўтарилган куллар кўзғолонининг раҳбари + (олимп)иада] Спортнинг бир неча тури бўйича анъанавий оммавий мусобақалар (20-асрнинг 20-йилларидан бошланган). *Умумий яқунда ғолиб чиққан ўқувчилар шаҳар спартакиадасида туман терма командаси шарафини ҳимоя қилиш ҳужуқини кўлга киритишади.* Газетадан.

СПЕКТАКЛЬ [фр. spectacle < лот. spectaculum — томоша] Саҳнага кўйилган драматик асар, театр томошаси. *Кечада А. Қаҳ*

ҳор номидаги Сатира театрининг артистлари спектакллардан парчалар ва миниатюралар ижро этишади. Газетадан. *Болалар ва ёшлар театрлари спектакллари ўсиб келатган ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашга даъват этилгандир.* Газетадан.

СПЕКТР [лот. spectrum — тасаввур; кўзга кўринадиган, кўриб бўладиган нарса, тасвир] 1 Муайян система ёки жараёни тавсифловчи бирон-бир катталиқнинг барча қийматлари йиғиндиси. *Оптик спектр. Акустик спектр.*

2 Мураккаб нурнинг шиша призма ва ш. к. синдирувчи муҳит орқали ўтганида ҳосил бўладиган ранг-баранг чизиқлар мажмуи. *Кўёш спектри. Спектрнинг барча ранглари.* ■ *Ҳисоблашнинг стандарт усуллари спектрдаги турли компонентларнинг хarakterистикаларини бир-бирдан фарқ қила оладиган юқори малакали ходимларни талаб қилади.* «Фан ва турмуш».

СПЕКТРАЛ Спектрга оид.

Спектрал таҳлил Моддаларнинг спектр чизиқларига қараб уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш усули.

СПЕКУЛЯНТ эск. Спекуляция билан шуғулланувчи одам; олибсотар, чайқовчи.

СПЕКУЛЯЦИЯ [лот. speculatio — кузатиб, изма-из бориб, диққат билан қараб топиш] 1 Фойда олиш, бойиш мақсадида камёб нарсаларни сотиб олиб, уларни қиммат нархда пуллаш, сотиш; чайқовчилик.

2 Қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигация ва ш. к.) ни сотиб олиш ва қайта сотиш ўртасида юзага келадиган фарқдан фойда олиш мақсадида уларнинг олдидотдиси билан шуғулланиш.

СПЕРМА [юн. sperma — уруғ; пушт] айн. **маний**.

СПЕРМАТОЗОИД [сперма + юн. zoop — тирик организм + eidos — кўриниш] физиол. Одам, ҳайвон ва кўпчилик ўсимликларнинг эркаклик жинсий ҳужайраси. *Муҳит температураси, босими, кислота-лигининг ўзгариб туриши сперматозоид функциясининг бузилиши ва тезда ҳалок бўлишига олиб келади.* «ЎЗМЭ».

СПЕЦИФИК [лот. specificus — турни, жинсни белгиловчи, турга оид] Бирор кимса ёки нарсанинг ўзига хослигини кўрсатувчи, фақат бир киши ёки нарса-ҳодисанинг ўзи учунгина характерли бўлган. *Модданинг*

специфик хусусиятлари. Урмоннинг специфик шароити.

СПЕЦИФИКА [лот. specificus — турни, жинсни белгиловчи, турга оид] Бирор нарса, ҳодиса учунгина хос, характерли хусусиятлар мажмуи. *Урта Осиёда ирригация қурилишларининг спецификаси. Пахтачиликнинг спецификаси. Тошкентда метро қурилишининг спецификаси.*

СПЕЦИФИКАЦИЯ [лот. specificatio < species — тур, жинс + facere — қилмоқ, бажармоқ] Машина, асбоб-ускуна, қурилма ва ш.к. нинг батафсил тавсифи акс эттирилган жадвал шаклидаги техникавий ҳужжат.

СПИДВЕЙ [ингл. speed — тезлик + way — йўл] *спрт.* Трекда ёки яхмалак йўлакда ўтказиладиган мотоцикл пойгаси.

СПИДОМЕТР [ингл. speed — тезлик + метр] Автомобиль, мотоцикл ҳаракат тезлигини ва қанча йўл босиб ўтилганини кўрсатувчи асбоб. *Сўхбат чоғида унинг [шофёрнинг] варақаси тўла тўлдирилмаганлиги, автомобиль спидометри ишламаслиги ва техник камчиликлари борлиги аниқланди.* Газетадан.

СПИКЕР [ингл. speaker — сўзловчи, но-тик] 1 Буюк Британияда умум палатасининг раиси.

2 Бир қатор мамлакатлар парламентларида парламент раиси ёки палата раиси.

СПИРАЛ *сфт.* Спираль шаклидаги, спиралсимон. *Спирал зинапоя.*

Спирал галактикалар Ташқи кўриниши спирални эслатувчи гигант юлдуз системалари. *Спирал галактикалар кўпинча бир томонга ўралган икки шохобчадан иборат бўлади. «ЎЗМЭ».*

СПИРАЛСИМОН Спираль шаклидаги; спирал.

СПИРАЛЬ [лот. spiralis < spira — бурилган, эгилган жой; эгик, букжик; ўрам] 1 Муайян нуқта атрофидан кўп марта ўралиб, унга борган сари яқинлашадиган ёки ундан узоқлашадиган ясси эгри чизиқ. *Спираль хоссаларидан фан ва техниканинг турли соҳаларида фойдаланилади. «ЎЗМЭ».*

2 Винт шаклидаги узлуксиз бурама сим. *Электр пилта спирали.*

СПИРТ [ингл. spirit < лот. spiritus — нафас, дам; жон, руҳ] 1 Серкрахмал, ширали маҳсулотлардан (буғдой, картошка ва ш. к.

дан) ҳайдаш йўли билан ҳосил қилинадиган, алкогольга бой, ўткир таъмли, туссиз, ёнувчи суюқлик. *Вино спирти.*

2 *ким.* Таркибида водород атоми билан кислород атоми бирикмаси бўлган бир гуруҳ органик моддалар номи. *Ёғоч спирти.*

СПИРТЛАМОҚ 1 Спирт сингдирмоқ, спиртта тўйинтирмоқ.

2 Янги солинган узум виносига унинг қувватини ошириш ва ширасини сақлаш учун спирт қўшимоқ.

СПИРТЛИ 1 Ичида спирти бўлган, спирти бор. *Спиртли идиш.*

2 Спирт қўшилган, таркибида спирт бўлган. *Спиртли ичимликни узлуксиз истеъмол қилиш туфайли киши руҳияти бузилади, қулоқ асида бўлмаган товушларни эшитади, кўз йўқ нарсаларни кўради.* Газетадан.

СПИРТОВКА [«спирт» с. дан] Спирт билан ёнадиган горелкали мослама.

СПИРТСИЗ Спирт солинмаган, спирт қўшилмаган, таркибида спирти бўлмаган. *Спиртсиз ичимликлар.*

СПОНСОР [ингл. sponsor < лот. spondeo — кафил буламан, кафолат бераман] қ. ҳомий.

СПОРА [юн. spora — сочиш; экиш; уруф] *биол.* Ўсимлик организми, замбуруғлар ва баъзи содда жониворларнинг кўпайиш ва яшаш учун хизмат қилувчи бошланғич уруғи, муртаги. *Йўсин споралари.*

СПОРАЛИ Споралар орқали кўпаядиган. *Спорали ўсимликлар.*

СПОРТ [ингл. sport < disport — ўйин, эрмак; ўйин-кулги] Соғлиқни мустаҳкамлашга ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ўсишга қаратилган бадантарбия машқлари, шулар бўйича мусобақалар, кураш, туризм ва ш. к. мажмуи; жисмоний маданиятнинг таркибий қисми. *Спорт зали. Спорт гимнастикаси. Спорт ўйинлари. Спорт билан шуғулланмоқ. ■ Умиднинг бокс спорти ҳақида баъзан узоқ гапириб, Ҳафизани зериқтирган вақтлари ҳам бўлган эди. Мирмуҳсин, Умид. Қолаверса, болаларимиз от спорти билан шуғулланса, соғлом, баққуват бўлиб, юртимизга посбон бўлади.* Газетадан.

СПОРТСМЕН [ингл. sportsman] айн. спортчи.

СПОРТЧИ Спортнинг бир ёки бир неча тури билан мунтазам суратда шуғулланувчи киши. *Ҳозирги юксак тараққиёт*

даврида маҳоратли спортчилар кўрсаткичи ҳам мунтазам ўзгаряпти. «Фан ва турмуш». Мева ва савзавот шاربати эса спортчилар ҳамда жисмоний меҳнат аҳлларига айниқса фойдали. «Фан ва турмуш».

СПРАВКА [р. справить — «бирор киши ёки нарса ҳақида суриштириб маълумот тўпламоқ» фл. дан ясалган от] эск. айн. маълумотнома 1-2. Соғлиғи ҳақидаги справка. Иш жойидан справка олмақ. ■ [Наби-гул:] Фарғонада бир бойга хизматкор бўлганман. Борсам, справка топа оламан, ammo бормайман, ўртоқжон. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читта.

СПРАВОЧНИК [р. «справка» с. дан] эск. айн. маълумотнома 3. Амалий врачлар учун справочник. Математикадан справочник. ■ Кутубхонадаги справочник материалларга кўз югуртирдим. Газетадан.

СПРИНТ [ингл. sprint — қисқа масофага югуриш] спрт. Қисқа масофага югуриш, сузиш ва ш. к. бўйича ўтказиладиган мусобақа.

СПРИНТЕР [ингл. sprinter] спрт. Қисқа масофадаги мусобақаларга ихтисослашган спортчи (енгил атлетика, сузиш, конькида югуриш, велопойга каби спорт турларида).

СТАБИЛ [лот. stabilis — турғун, доимий] Мустаҳкам, ўзгармайдиган, барқарор, турғун. Стабил баҳо. Стабил кучланиш (эл.). ■ Стабил ва мул ҳосил олиб туриш — стабил ва пул даромадлар олиб туриш демакдир. Газетадан.

СТАБИЛИЗАТОР [лот. stabilis — турғун, барқарор] 1 тех. Самолётнинг бўйлама турғунлиги ва бошқарилувчанлигини таъминлайдиган куйруқ қанотининг кўзгалмас қисми.

2 Бирор жараённи, мас., электр токи ёки кучланишини автоматик тарзда бир текис тутиб турадиган асбоб. Телевизор стабилизатори.

3 ким. Бирор материал (пластмасса, лок, бўёқ, елим ва ш.к.)нинг турли ташқи таъсирлар оқибатида рўй берадиган ўзгариши (эскириши)ни секинлаштирадиган модда.

СТАБИЛИЗАЦИЯ [лот. stabilis — турғун, доимий] Стабил ҳолатга келиш ёки келтириш, стабиллашиш ёки стабиллаштириш. Иқтисодийёт стабилизацияси. Стабилизация қурилмаси.

СТАБИЛЛАШМОҚ Стабил, турғун, барқарор ҳолга келмоқ, текислашмоқ, тур-

ғунлашмоқ. Баҳолар стабиллашди. Ҳосилдорлик стабиллашди.

СТАБИЛЛИК Барқарорлик, турғунлик, мустаҳкамлик. Тезликнинг стабиллиги. Валютанинг стабиллиги.

СТАВКА I [р. ставить — «жойлаштирмақ, ўрнатмақ» фл. дан ясалган от] эск. 1 Олий бош қўмондон қароргоҳи (уруш даврида). Ставкага бормоқ.

2 Қуролли кучлар раҳбариятининг олий органи (уруш даврида). Ставка кўрсатмалари.

СТАВКА II [р. ставить — «баҳоламақ, санамоқ, бирор киши ёки кимсага қандайдир тарзда муомалада бўлмоқ» фл. дан ясалган от] 1 Солиқ, иш ҳақи ва б. турли хил тўловлар миқдори, меъёри. Ойлик ставка. Солиқ ставкаси. ■ Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳолининг реал даромади ошди. Газетадан.

2 с.т. Бир ойлик иш соати ёки куни. Мен ишга энди келишим, Назар Яхшибоевич. Бу ерда ярим ставка ишлаймэн, келамэн-у кетамэн. М. М. Дўст, Лолазор. Институтни битириш билан «Москвич» сотиб олди. Яқин поликлиникага номига ярим ставка ишга кириб қўйиб, кундузи гулчилик қилди. М. Мансуров, Ёмби.

СТАДИОН [юн. stadion — Юнонистонда спорт мусобақалари ўтказиладиган жой] Футбол ва б. спорт ўйинлари майдони, югуриш йўлқалари ва томошабинлар учун трибуналари, ёрдамчи иншоотлари ва хоналари бўлган спорт мажмуаси. «Пахтакор» стадиони. ■ Арслон наридан-бери овқатланиб, қайта кийинди-да, стадионга — футболга кетди. Мирмуҳсин, Қахрамоннома.

СТАДИЯ [юн. stadion — қадимда: масофа ўлчов бирлиги] Бирор нарсанинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларга эга бўлган давр, ҳар бир муайян босқич. Қурт боқинининг биринчи стадияси.

СТАЖ [фр. stage] 1 Бирор соҳадаги иш-фаолиятнинг давомийлиги, умумий муддати, вақти. Меҳнат стажси. ■ Улар менин «икки йил ўқишга киролмай, бир шамоллаб, стаж орттиргани» келганимга чиппачин ишониди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Янги ишга кирган кишининг бирор ишда, соҳада амалий тажриба орттириши,

раҳбарият томонидан унинг қобилиятига баҳо берилиши учун белгиланган вақт. *Бу ишда менинг стажим йўқ.*

СТАЖЁР [фр. stagiaire] Кейинчалик муайян лавозимда ишлаш учун синов муддатини ўтаётган ва таълим олаётган киши.

СТАЖИРОВКА [«стажёр» с. дан] Тажриба орттириш учун белгиланган синов муддати ва шу муддат давомидаги амалий иш тажрибаси; стажёр бўлиб ишлаш, синов муддатини ўташ. *Шу билан бир қаторда таълим олиш ва стажировкадан ўтиш учун ёшларни мамлакатнинг sanoat марказларига кўпроқ юбориб туриш фойдали бўлади.* Газетадан.

СТАЙЕР [ингл. stayer — чидамли одам] Узоқ масофаларга югурувчи ёки сузувчи спортчи; таққосланг: **спринтер**.

СТАКАН [қад. р. — стокан, достакан < т. тостакан — ёғоч косача] Ичимликлар ичиш учун ишлатиладиган, дастасиз цилиндрик шиша идиш. *Қиррали стакан. Биллур стакан. Бир стакан сув.* ■ Сомсахона орқасига ўтиб, вино будкасидан стакан сўраб олди-да, дўкондан олиб чиққан чоракта арқони қўлқўлатиб қуйиб ичди. С. Аҳмад, Уфк.

СТАН [р. стан, станок — манзил, қароргоҳ; дастгоҳ] *тех.* Металл чиғирлайдиган, ёядиган машина. *Прокат стани.*

СТАНДАРТ I [ингл. standard — меъёр, намуна, ўлчам] I Ўзига ўхшаш бошқа объектларни таққослаш учун асос қилиб олинган намуна, андоза, эталон.

2 Стандартлаштирилаётган объектга нисбатан қўлланидиган меъёрлар, қоидалар, талаблар мажмуини белгиловчи расмий меъёрий-техник ҳужжат. *Давлат стандартлари.* ■ *Нуқсонлар, нон сифати бўйича давлат инспекциясининг текширишича, давлат стандартига ва нон ёпиш технологияси қоидаларига риоя қилмаслик натижасида келиб чиқади.* «Фан ва турмуш».

СТАНДАРТ II 1 Стандартга мувофиқ, мос бўлган, стандарт талабларига жавоб берадиган. *Стандарт уйлар. Стандарт деталлар.* ■ *Синалаётган янги навлар, ҳосилдорлиги ва қимматли хўжалик белгилари бўйича, стандарт навга қийслаб баҳоланади.* «ЎзМЭ».

2 *Кўча* Бир қолипдаги, шаблон. *Стандарт гап.* ■ *Келганлар мен билан икки сузли*

стандарт табрик айтиб сўрашди. Ш. Ри-зо, Қор ёғди, излар босилди.

СТАНДАРТЛАМОҚ Бир стандартга келтирмоқ, стандартга мувофиқ, бир хилда, бир қолипда ишламоқ, ясамоқ, ҳозирламоқ. *Стандартланган бинолар.*

СТАНДАРТЛАШ Фан, техника ва амалий тажрибаларнинг умумлаштирилган ютуқларига таянган ҳолда стандартлар белгилаш ва уларни тармоқларда қўллаш жараёни. *Стандартлаш халқ хўжалигини бошқаришда муҳим роль ўйнайди.* «ЎзМЭ».

СТАНДАРТСИЗ Стандартга мос келмайдиган, стандарт талабларига жавоб бермайдиган, стандартдан ташқари; ностандарт. *Стандартсиз мол. Стандартсиз ускуналар.*

СТАНОК [р. станок — кичкина дастгоҳ] 1 *тех.* Металл, ёғоч, қаттиқ материалларга ишлов бериш, улардан бирор нарса тайёрлаш ҳамда газлама тўқиш учун хизмат қилувчи машина. *Пармалаш станогги. Силлиқлаш станогги.* ■ *Минг-минглаб кишилар машина, станоклар, конвейерлар қаршисида эртадан-кечгача туриб меҳнат қилишади.* «Фан ва турмуш». *Сўнги маълумотларга қараганда, духоба тайёрлаш учун янги пневматик-автоматик станоклар тайёрланиши назарда тутилмоқда.* Газетадан.

2 *ҳарб.* Тўп, пулемёт ва ш. к. қуроллар ўрнатилган, одатда, гилдиракли асос. *Пулемёт станогги.*

СТАНОКЛИ 1 Станогги бор, станок билан таъмин этилган. *Замонавий станокли цехлар.*

2 Станокка ўрнатилган. *Ун туртинчи вагон томига қўл пулемёти, охирги вагонга иккита станокли пулемёт ўрнатилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СТАНОКСОЗ [станок + ф. ساز — ясовчи, қурувчи] Станок ясовчи, станок ишлаб чиқарувчи ишчи, мутахассис.

СТАНОКСОЗЛИК Станоклар ишлаб чиқариш; машинасозлик sanoatининг станоклар ишлаб чиқарадиган тармоғи. *Станоксозликни ривожлантириш. Станоксозлик sanoati.*

СТАНСА с. т. эск. Станция. — *Жуна, бошқа юмушларни қил. Ман ўзим ҳайдаман, стансада юмушим ҳам бор, — деди-да, Ёрмат ҳайдовчи ўрнига ўтириб олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Стансаси йўқ с. т. Тайини йўқ, бетайин. **Стансанг ишлайдими? дағл.** Миянг ишлайдими? Ақлинг борми?

СТАНЦИЯ [лот. statio — тўхташ жойи; бекат] 1 Темир йўл поездлари ёки қуруқликдаги бошқа транспорт воситалари тўхтайдиган жой; шу жойга тегишли иншоот ва хизматлар мажмуи. *Темир йўл станцияси. Метро станцияси.* ■ *Поезд Тошкентдан чиққандан бери йўл-йўлакай ҳар разъезд, ҳар станцияда вагонларга гул отаверишган эди. С. Аҳмад, Уфқ. Чоллар, келинчақлар, ҳассага таяниб қолган кампирлар станция биноси тепасидаги радиокарнайга тикилишган. С. Аҳмад, Уфқ.*

2 Махсус вазифа бажарувчи айрим муассасалар, корхоналар ёки илмий-текшириш иши олиб борувчи муассасалар номи. *Телефон станцияси. Метеорология станцияси. Селекцион станция.* ■ *Шу боисдан бу ерда сейсмик станция қурилди ва кенг кўламда сейсмологик, геофизик кузатишлар бошлаб юборилди. «Фан ва турмуш». Зиммамизда бир ярим мингта дизель насос станцияларини электр энергиясига ўтказишдек катта вазифа турибди. Газетадан.*

3 Бортида илмий асбоб-ускуналар бўлган космик аппарат. *Космик станция.* ■ *Мутлақо қутилмаганда «Салют-7» орбитал станцияси билан алоқа узилди. «Фан ва турмуш».*

СТАРТ [ингл. start — жўнаб кетиш; ҳаракатнинг бошланиши] 1 Масофани босиб ўтиш ва олдинга ҳаракат қилиш билан боғлиқ спорт мусобақаларининг бошланиш ўрни. *Старт чиқиғи. Старт майдони.* ■ *Раҳим цирк полвонларидай кўкрагини олдинга чиқариб, лапанлаб, стартга яқинлашди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Югуриш, велопоёга ва ш.к. спорт мусобақаларининг бошланиш пайти. *Старт бермоқ.*

3 Учиш аппаратларининг ердан қўтарилиш жойи ва пайти.

СТАРТЕР [ингл. starter < start — бошламоқ, ишга туширмоқ] Ички ёнув двигателини ишга солиш, юргизиб юбориш учун хизмат қиладиган мослама, асбоб.

СТАТИК [юн. statikos — турувчи, жойлашувчи; тўхтаб турувчи] 1 Статикага, ҳаракатсизлик ҳолатига, мувозанатга оид, статика қонунларига асосланган. *Статик на-*

грузка. ■ *Ҳаракатсиз ҳолатдаги иш, ма-салан, қўлни қўзиб турган ҳолатда юкни ушлаб туриш статик иш деб аталади. «Анатомия».*

2 Ҳаракатсиз ҳолатни акс эттирувчи, ҳаракатсиз, тургун ҳолатдаги. *Статик тасвир.*

СТАТИКА [юн. statike] 1 Механиканинг жисмларнинг муайян кучлар остидаги мувозанат шарт-шароитларини ўрганадиган соҳаси. *Геометрик статика усулларидан фойдаланиб, қаттиқ жисмларнинг мувозанат ҳолатлари ўрганилади. «ЎЗМЭ».*

2 Мувозанат, тинчлик ҳолати.

СТАТИСТИК [юн. statos — арзирли] Статистика мутахассиси, статистика билан шуғулланувчи киши.

СТАТИСТИК 1 Статистикага оид. *Статистик маълумотлар.*

2 Статистика методлари асосида олиб бориладиган, шу асосда тўпланган маълумотларга таянадиган. *Статистик кузатишлар. Статистик жадваллар.*

СТАТИСТИКА [нем. Statistik < итал. stato — давлат < лот. status — бойлик, мол-мулк]

1 Турли хил ялпи миқдорий маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш методларини ишлаб чиқадиган, шу йўл билан ижтимоий ҳаётнинг умумий қонунларини ўрганадиган ижтимоий фанлар тармоғи. *Статистика мурраккаб ва сертармоқ фанлар мажмуидан иборат бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил ҳодисаларини ўрганади ва таҳлил этади. «ЎЗМЭ».*

2 Жамият ҳаётидаги ҳодисалар ва жараёнларга доир ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил ва эълон қилиш билан боғлиқ амалий фаолият соҳаси. *Статистика амалиёти билан Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар, туман бошқарма (бўлим)лари шуғулланади. «ЎЗМЭ».*

3 Ижтимоий ҳаётнинг бирор соҳасини тавсифловчи якуний кўрсаткичлар йиғиндиси.

СТАТУС [лот. status — аҳвол, ҳол, ҳолат] Халқаро ҳуқуқда: ҳуқуқий ҳолат, вазият (*яна қ. мақом* II 3). *Дипломатик статус. Давлатнинг мустақиллик статуси.*

СТАТЬЯ [р. статья — мақола; банд, модда] қ. *модда* II 2. *Даромад статьялари. Буромад статьялари.*

СТАХАНОВЧИ [утган асрнинг 30-йилларида кўмир қазиб олишда ўта юқори кўрсаткичларга эришган машҳур шахтёр А. Стаханов номидан] *тар.* Стахановчилик ҳаракатининг қатнашчиси; ўтган асрнинг 30–40-йилларида ишлаб чиқаришда янги техникани эгаллаган ва юқори меҳнат унумдорлигига эришган новатор ишчи. *Жонфигон утган йил баҳор кечаларининг бирида.. истироҳат боғига кирган экан, қараса, шаҳарнинг манман деган стахановчилари қаторида хотинининг ҳам каттакон портрети турибди.* А. Қаҳҳор, Жонфигон.

СТАЦИОНАР I [лот. stationarius — қўзғалмас, ҳаракатланмайдиган] 1 Ҳамиша бир жойда туриб ишлайдиган, кўчмас ишхона, муассаса ва ш. к.

2 Касаллар доимий жой (койка)га эга бўладиган ва бутун сутка (лар) давомида ётадиган даволаш муассасаси. *Стационарда даволанмоқ.*

СТАЦИОНАР II I Бир жойда туриб ишлайдиган, кўчмас. *Стационар устахона. Стационар кутубхона.*

2 Бутун сутка давомида касалхонада ётиб даволаниш билан боғлиқ.

СТАЧКА [қад. р. стакаться — тил бириктирмоқ, келишмоқ] *тар. айн. забастовка.*

СТВОЛ [қад. р. стибол — поя; шохча] 1 Милтик, тўп сингари отиш қуролларининг ўқ отилиб чиқадиган найсимон қисми. *Милтиқ стволи. Пулемёт стволи.* ■ *Танклардаги тўпларнинг узун стволлари олов пуркай бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 кон. Вертикал шахтанинг оғзидан тубигача бўлган қисми. *Шахта стволи.*

СТЕЛЛАЖ [нем. Stelage < голл. stellen — қўймоқ, жойлаштирмоқ] Турли нарсалар қўйиш, мас., китоб сақлаш учун ясалган сўкчачаксимон устма-уст точка (полка)лар.

СТЕЛЬКА [р. стлать — «ёймоқ, солмоқ, тўшамоқ» фл. дан ясалган от] Пойабзалнинг ичига қўйиладиган юпқа чарм, мато ёки картон патак.

СТЕНД [ингл. stand — таглик, поя, устун; пештахта] 1 Кўргазма, музей ва ш. к. да намойиш учун экспонатлар қўйиладиган мослама, шчит. *Адабиёт музейида «Навой» стенди. Экспонатларни стендларга қўймоқ. Стенд ташкил этмоқ.* ■ *Стендларда ойна тагида қўйилган турли-туман минераллар*

йилт-йилт товланар эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Тайёр машина ва ускуналар синаладиган қурилма. *Двигателни стендага ўрнатиб, синовдан ўтказмоқ.*

3 Ҳавода учиб бораётган нишонга сочма ўқ билан отиш учун жиҳозланган махсус жой, майдонча.

СТЕНО- [юн. stenos — тор, сиқик, қисқа] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «тор, сиқик, тигиз, қисқа» маъноларини ифодалайди.

СТЕНОГРАММА [стено.. + юн. gramma — ёзув, ёзув белгиси] Оғзаки нутқни қоғозга сўзма-сўз ёзиб олиш; стенографик усул билан ёзиб олинган матн. *Маъруза стенограммаси.*

СТЕНОГРАФИК I Стенографияга оид. *Стенографик усул. Стенографик алифбо.*

2 Стенография усули билан ёзиб олинган. *Стенографик ҳисобот. Стенографик материаллар.*

СТЕНОГРАФИСТ Оғзаки нутқни стенография усули билан ёзиб олувчи мутахассис.

СТЕНОГРАФИСТКА Стенографист аёл. *Агар стенографистка қиз ушлаб қолмаганида, дераза тагидаги гули қуриб қолган тувакка боши билан уриларди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

СТЕНОГРАФИСТЛИК Стенографист касби, стенография билан шуғулланиш. *Стенографистлик курси. Стенографистликни ўрганмоқ.*

СТЕНОГРАФИЯ [стено.. + юн. grapho — ёзаман] Оғзаки нутқни турли шартли белгилар ва қисқартмалар билан тез ёзиб олиш усули ва шундай ёзувнинг ўзи. *Стенография курси. Маърузаларни стенографияда ёзиб бормоқ.*

СТЕНОГРАФЧИ айн. стенографист.

СТЕНОКАРДИЯ [стено.. + юн. kardia — юрак] *тиб.* Юрак ишемик касаллигининг кўкрак қафасининг марказий ёки чап қисмида тўсатдан пайдо бўладиган ғижимловчи оғриқ билан, қўрқув ва ваҳима билан кечадиган шакли.

СТЕПЛЕР [итал. stepler] Қоғоз варақларини металл чанғақчалар билан бириктириш, тикишга мўлжалланган дастаки ёки механик мослама.

СТЕРЕО- [юн. stereos — қаттиқ; жисмга оид, ҳажмий, фазовий] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи тарки-

бий қисми: «қаттик, қатъий»; «ҳажмдорлик, фазовий тақсимланиш» маъноларини ифодалайди (мас., *стереотип, стереометрия, стереокимё* ва б.).

СТЕРЕОКИМЁ [стерео.. + кимё] *ким.* Молекулалардаги атомларнинг фазовий жойлашиши, тузилиши ва бунинг физик-кимёвий таъсири ҳақидаги таълимот, фан.

СТЕРЕОМЕТРИЯ [стерео.. + метр] *мат.* Геометриянинг бир текисликда ётмаган, фазодаги геометрик шаклларни ўрғанадиган бўлими.

СТЕРЕОСКОП [стерео + юн. skopeo – кўраман] Бир нарсанинг иккита тасвирини бирга кўшиб, бўрттириб, ҳажмдор қилиб кўрсатадиган оптик асбоб.

СТЕРЕОСКОПИК 1 Ҳажми, фазовий шакли яққол кўзга ташланадиган, бўртиб кўринадиган, бўртма. *Стереоскопик тасвир. Стереоскопик фотосурат.*

2 Ҳажмдор тасвир ҳосил қиладиган, бўрттириб, ҳажмдор қилиб кўрсатадиган. *Стереоскопик кино.*

СТЕРЕОТИП [стерео + юн. typos – из, тамға; аломат] 1 *плгрф.* Китоб, газета, журнал ва ш.к. ни кўп нусхада нашр этиш учун терилган матннинг металл, резина ёки пластмассадан қилинган яхлит қолипга кўчирилган нусхаси; босма қолип.

2 *Стереотип* 1 га оид, стереотипдан кўчириб босилган. *Стереотип нашр.*

3 *кўчма* Бир хил, бир қолипдаги. *Фильмни яратиш учун муаллифлар янги, маънодор шакллар, қаҳрамонларни янгича кўрсатиш йўллари*ни излаб, ўрганиб қолинган *стереотип* ва *схематизмдан воз кечаётганликларини намойиш этдилар.* Газетадан.

СТЕРЕОТИПИЯ *плгрф.* Стереотиплар тайёрлаш ва улардан фойдаланиб, китоб ва ш. к. босиш усули, техникаси.

СТЕРЖЕНЬ [қад. р. стержень – дарахт танасининг ўзаги] Металл ёки бошқа материалдан тайёрланган таёқчасимон деталь. *Металл стержень. Затвор стержени.*

СТЕРИЛ [лот. sterilis – тоза, пуштсиз, наслсиз] Стерилизация қилинган, стерилланган, микроблардан холи қилинган. *Стерил пахта. Стерил бинт.* ■ *Аппарат бутун асбоблари билан стерил бўлиши лозим.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

СТЕРИЛИЗАТОР Лаборатория идишлари, тиббий асбоб-ускуналарни стериллаш учун хизмат қиладиган қурилма, мослама.

СТЕРИЛИЗАЦИЯ, стериллаш [лот. sterilis – тоза, пуштсиз, наслсиз] Қайнатиб, қизитиб, қатрон қилиб ёки кимёвий йўл билан микроблардан тозалаш, зарарсизлантириш.

СТИЛИСТИК Стилга, стилистикага оид, услубий. *Стилистик хато. Стилистик жиҳатдан гализ жумла.* ■ *Бу синонимик қаторлардаги сўзлардан фақат нейтрал стилистик бўёққа эга бўлган баъзи сўзларгина атрибутив функцияда қўлланади.* «ЎТА».

СТИЛИСТИКА «стиль» с. дан] 1 Тилшуносликнинг тил ва нутқ бирликларини ўрнида қўллашни, тилнинг тасвирий воситаларини ўрганувчи бўлими. *Лексик стилистика. Фонетик стилистика.* ■ *Стилистика учун адабий-нейтрал услуб муҳим қимматга эгадир.* «ЎТА».

2 *айн. услубшунослик.*

3 Адабиёт назариясининг бадиий адабиёт асарларининг тил хусусиятларини ўрганувчи бўлими.

СТИЛЬ [юн. stylos – ёзув, хат таёқчаси] 1 Муайян давр ёки оқим адабиёти ва санъатидаги, шунингдек, алоҳида бир муаллиф ёки алоҳида асардаги тасвирий воситаларнинг гоёвий ва бадиий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги; шундай воситалар мажмуи; услуб. *Адабиётда романтик стиль. Архитектурада шарқ стили.*

2 *айн. услуб* 2. *Ёзувчининг стили. Китобий стиль. Публицистик стиль.*

3 *айн. услуб* 3. *Бадиий стиль. Илмий стиль.*

СТИЛЯГА [«стиль» с. дан] *салб.* Кийиниш ва юриш-туришда кўпчиликнинг дидига мос келмайдиган, ғайриоддий, европача модага зеб берувчи йигит ёки қиз. *Шаҳар стилиягаларини бир чўқишда қочирадиган бу қиз Иномжонни тамоман дол қилиб қўйган эди.* С. Аҳмад, Мўтти.

СТИМУЛ [лот. stimulus – ҳайвонларни ҳайдаш учун белгиланган учли таёқ] Бирор ишга қизиқиш туғдирадиган, рағбатлантирадиган, ундайдиган нарса, омил. *Меҳнат унумдорлигини оширувчи стимуллар. Моддий стимул. Маънавий стимул. Стимул бермоқ.*

СТИПЕНДИАТ [лот. stipendiatu] Стипендия олувчи шахс. *Президент стипендианти.*

СТИПЕНДИЯ [лот. stipendium – тўлов] Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимлари талаба ва ўқувчилари-

га, аспирант ва докторантларга, махсус курсларнинг тингловчиларига ҳар ойда бериб туриладиган нафақа, пул.

СТИХИЯ [юн. stoicheion — унсур, элемент; ибтидо, асос] **1** Кучли табиий офат (ёнғин, тошқин, довул, зилзила ва ш. к.). *Табиат стихиясини енга оладиган бирдан-бир куч — одамлар.. улардаги жасурлик.* И. Раҳим, Ихлос.

2 *кўчма* Кўр-кўрона, бебош ҳаракат; уюшмаганлик; уюштириб ва идора қилиб бўлмайдиган ижтимоий куч.

СТИХИЯЛИ **1** Стихияга оид, кишиларнинг иродасидан, хоҳишидан ташқари табиий кучлар таъсири остида юзага келадиган.

2 Уюшмаган, тўғри ташкил этилмаган, идора қилиб бўлмайдиган. *Стихияли ижтимоий ҳаракат.*

СТИХИЯЛИЛИК Уюшмаганлик, тўғри ташкил этилмаганлик; режасизлик. *Ҳаракатнинг стихиялилиги.*

СТИХИЯЧИЛИК Стихияли ҳаракат, бошбошдоқлик. *Стихиячиликни онглиликка айлантириш.*

СТОИК [юн. stoikos] *флс.* Стоицизм издоши, тарафдори.

СТОИЦИЗМ [юн. Stoia (Стоя) — стоиклар мактаби асосчиси Зенон биринчи марта нутқ сўзлаган пешайвон номидан] Юнон фалсафасида милоддан аввалги 3—2-асрларда юзага келган, инсон (доно киши) эҳтирос ва ҳою ҳаваслардан холи бўлиб, ақл-идрокка бўйсуниб яшамоғи керак, деб ҳисоблаган фалсафий оқим. *Гераклит гоғлари таъсирида стоиклар бошланғич оловнинг фаол ролини, унинг ҳамма нарсанинг яратувчиси эканлигини қайд қилганлар, лекин улар кейинчалик ҳаво, сув, тупроқнинг ролини ҳам эътироф этганлар.* «Фалсафа».

СТОЛ [қад. р. стол — курси, ўриндиқ; тахт] **1** Дастурхон тузаш ёки ишлаш учун мўлжалланган, тиргак ёки оёқчаларга ўрнатилган кенг горизонтал тахтали баланд курси; мебель тури. *Тугарак стол. Тортмали стол. Ёзув столи. Овқат столи. Операция столи.* ■ [Абдулла Қаҳҳор] *Ҳар куни муайян вақтда ёзув столида ўтиришлари шарт эди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Лобархон катта уйдаги столга дастурхон тузаб.. чойнакдаги чойни қайтариб турарди.* Газетадан. *Жувон бир коса хушбўй ва хуштаъм*

овқатни столга қўйиб, секин нари кетди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 *кўчма с. т.* Амал, лавозим. [Заргаров:] *Нимадан тап тортаман!.. Олса, столини олади-да, артелимга бориб, яна раислигимни қилаверман.* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

3 Махсус ишлар билан шуғулланувчи муассаса ёки муассасадаги бир бўлим. *Паспорт столи. Адрес столи.*

СТОЛБА [р. столб — ерга тик ўрнатилган хода] *айн. симиёғоч.* *Электр тармоғи столбалари.* ■ *Поезд шу қадар елмоқдаки, Норматнинг назарида поёнсиз дашт чир айланиб, телеграф столбалари унга қараб чопиб кетаётгандай.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

СТОМАТИТ [юн. stoma, stomatos — оғиз + itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Оғиз бўшлиғидаги шиллик парданинг яллиғланиши.

СТОМАТОЛОГ Стomatология бўйича мутахассис, врач. *Ҳозир стоматолог кабинетлари замонавий аппаратлар билан жиҳозланган.* «Саодат».

СТОМАТОЛОГИК Стomatологияга оид. *Стоматологик операция.* ■ *Стоматологик касаликларни даволашда турли дори-дармонлар, лазер ва инфрақизил нур, ультратовуш, физиотерапия усуллари ва ш.к. дан фойдаланилади.* «ЎЗМЭ».

СТОМАТОЛОГИЯ [юн. stoma, stomatos — оғиз, + logos — фан, таълимот] Тиббиётнинг оғиз бўшлиғи, тиш, жағ ва юз касалликлари ва уларни даволаш ҳақидаги бўлими. *Ҳозирги замон стоматология фани терапевтик, хирургик, ортопедик, болалар стоматологияси каби бўлимларни ўз ичига олади.* «ЎЗМЭ».

СТОП-КРАН [ингл. stop — «тўхтатмоқ» фл. дан буйруқ шакли + кран] Вагонларга ўрнатилган ва поездни дарҳол тўхтатиш зарурати туғилганда босиладиган тормозлаш ричаги.

СТРАТЕГ [юн. strategos] **1** *ҳарб. тар.* Юнонистонда кенг ҳарбий ва сиёсий ваколатларга эга бўлган лашкарбоши.

2 Йирик ҳарбий операцияларга раҳбарлик қилувчи саркарда, стратегия билимдони.

3 *кўчма* Бирор фаолият соҳасига моҳирлик билан раҳбарлик қилувчи киши.

СТРАТЕГИК **1** Стратегияга оид, стратегия билан боғлиқ. *Стратегик режа.*

2 Ҳарбий аҳамиятга, урушнинг умумий мақсади нуқтан назаридан аҳамиятга молик бўлган. *Стратегик хомашё*. *Стратегик қурилишлар*. ■ *Бу тепаликдан туриб, дарё кўприкларини кузатиб туриш, ўққа тутиш мумкин. Бу жиҳатдан 119-тепалик — жуда-жуда муҳим стратегик объект*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Мустақил ҳаракат қиладиган йирик ҳарбий бўлинмаларга ёки бутун армияга оид. *Стратегик фронт*. *Стратегик авиация*. *Стратегик разведка*.

4 *кўчма* Бирор-бир иш-фаолиятни, жараёни тайёрлаш ва амалга ошириш учун муҳим бўлган умумий ёки асосий йўл-йўриқларни қамраб олган. *1994 йил 1 июлдан миллий валютамиз — сўмнинг муомалага киритилиши билан мамлакатимиз энг катта иқтисодий стратегик қадам қўйди*. Газетадан.

СТРАТЕГИЯ [юн. *strategia* < *stratos* — қўшин + *ago* — бошлаб бораман] 1 *ҳарб*. Уруш олиб бориш санъати; уруш ва ҳарбий операциялар ўтказишнинг умумий режаси. *Яшин тезлигидаги уруш стратегияси*.

2 Уруш олиб бориш ҳақидаги фан. *Стратегия курси*. *Стратегиядан маърузалар*. *Ҳарбий стратегия назарияси*.

3 *кўчма* Ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати, шунингдек, умуман, бошқаруви тўғриси ва истиқболли режалаштириш санъати. *Фан тараққиётида ҳар бир муҳим давр илмий изланишларнинг маълум стратегиясини ўртага ташлайди*. «Фан ва турмуш».

СТРАТОСТАТ [лот. *stratum* — тўшама, қатлам + *status* — турғун, кўзгалмас] Стратосферага учирши учун белгиланган аз-ростга; ҳаво шарни. *Ҳозир стратостатлардан илмий текшириш мақсадларида.. метеорологик ракеталар учирши ва бошқаларда фойдаланилади*. «ЎЗМЭ».

СТРАТОСФЕРА [лот. *stratus* — тўшама, қатлам + *sphaera* — шар] Атмосферанинг тропосферадан 8–10 километрдан то 50 километр баландликкача бўлган ораликда жойлашган қатлами. *Стратосферадаги озон қатлами ультрабинафша нурларни Ер сиртига ўтказмайди, акс ҳолда, Ерда ҳаёт бўлмас эди*. «ЎЗМЭ».

СТРАХОВАНИЕ [р. страховать — «эҳтиёт қилмоқ, хавфсизлигини таъминламоқ» фл. дан ясалган от] қ. **СУГУРГА**.

СТРЕЛКА [р. стрела — «ўқ, найза; мил, тил» с. нинг кичр.] 1 Турли ўлчов ва назорат асбобларида: ўз ўқи атрофида айланиб, ўлчанаётган нарса миқдорини кўрсатувчи ингичка учли, камбар найза. *Соат стрелкаси*. *Манометр стрелкаси*. ■ *Очилнинг ҳислари ҳаракатдаги нўлатлар орасига тушиб қолган магнит стрелкасидай титраб, у ёқдан бу ёққа бориб келар эди*. П. Қодиров, Уч илдиз. [Ҳайдовчи] *Газни шундай қаттиқ босдики, кўз очиб-юмгунча спидометр стрелкаси «100» дан ўтиб, «120»га яқинлашиб қолди*. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Шу шаклдаги чизиқ ёки белги. *Йўл кўрсатувчи стрелка*. ■ *Хаританинг ҳар хил жойларига рангдор қаламлар билан белгилар, стрелкалар, рақамлар қўйилган эди*. М. Муҳамедов, Одерга.

3 т. й. Темир йўлларда бир изни иккинчи изга улаш, ҳаракатдаги составни бир йўлдан иккинчи йўлга ўтказиш учун хизмат қиладиган мослама. *Трамвай стрелкаси*. *Стрелкани бир издан иккинчи изга ўтказмоқ*.

СТРЕЛКАЛИ Стрелкаси бўлган. *Стрелкали гальванометр*. *Стрелкали чизиқ*.

СТРЕЛКАЧИ Темир йўл изларининг стрелкасини буриб, ўзгартириб турувчи ишчи. *Разъезд стрелкачиси*. ■ *Бир куни бригада сменадан чиқиб келаётганда, Иномжон улардан сурилиб, стрелкачи қиз Мўтихоннинг олдига қолади*. С. Аҳмад, Мўтти.

СТРЕСС [ингл. *stress* — босим; кучланиш, танглик] Одам ва ҳайвонларда кучли ташқи таъсиротлар натижасида содир бўладиган ўта ҳаяжонланиш, безовталиқ, асабийлик ҳолати. *Одамда бир хил кучдаги стресс ҳам хавфли, ҳам ижобий бўлиши мумкин*. «ЎЗМЭ». *Турмуш тарзимизда кулгининг аҳамияти шу қадар муҳимки, кўпгина муаммоларни кулги ёрдамида енгиб, стресс оқибатида пайдо бўладиган касалликларнинг олдини олишимиз мумкин*. Газетадан.

СТРОНЦИЙ [лот. *Strontium* < *Strontion* (Строншон) — Шотландиядаги кичик бир қишлоқ номи] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон оқ енгил металл. *Кальций бор жойда ҳамшиша стронций учрайди*. «Фан ва турмуш».

СТРУКТУРА [лот. *structura* — тузилиш; боғланиш] Муайян нарсаларнинг тузилиши, қурилиши; таркибий қисмларнинг ўзаро

боғлиқлиги. *Тупроқнинг структураси. Суз структураси. Бошқариш аппаратининг структураси.* ■ *Структурани билиш — элементларни, уларнинг ўзаро алоқадорликларини аниқлаш, бу элементлар бир бутунлигининг ўзига ҳос табиатини тушуниб олишдир.* «ЎЗМЭ».

СТРУКТУРАВИЙ Структурага, тузилишга, таркибга оид. *Структуравий тилшунослик.* ■ *Оламда сифат жиҳатдан турли системаларда структуравий муносабатларнинг беҳисоб кўп даражалари, типлари мавжуддир.* «Фалсафа». Кейинги вақтларда табиатшунослик ва ижтимоий фанлар соҳаларида.. *структуравий таҳлил усуллари ишлаб чиқилди.* «ЎЗМЭ».

СТРУКТУРАЛИ Муайян структурага, тузилишга эга бўлган. *Структурали тупроқ.*

СТУДЕНТ [лот. studens, studenstis — кунт, ғайрат билан ишловчи, шуғулланувчи] айн. талаба. *Институт студенти.* ■ *Бир гуруҳ юқори курс студентлари турадиган бу уйда.. ҳар хонанинг калити маълум бир жойга яшириб кетиларди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

СТУДЕНТКА Студент қиз.

СТУДЕНТЛИК қ. талабалик. *Элмуроднинг студентлигида.. Маяковский ҳақида доклад қилганида фамилиясини билиб олган эди йигит.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Студентлик йиллари ихлос билан ўқидик.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

СТУДИЯ [итал. studio — ҳафсала, кунт; ўқиш, ўрганиш] 1 *Рассом ёки ҳайкалтарош ишхонаси.*

2 *Рассом ёки актёрлар тайёрлайдиган мактаб.*

3 *Таълим-тарбия машғулотлари амалий-ижодий иш билан биргаликда олиб бориладиган, актёр, созанда, рассом ва ш. к. тайёрлайдиган мактаб. Балет студияси. Опера студияси.* ■ *Москвадаги ўзбек театр студияси ўқувчилари жиддий постановкалар тайёрлаган эдилар.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

4 *Саҳнавий (ёки тасвирий) санъат асосларини ўрганадиган, асосан, ёшлардан ташкил топган театр (ёки рассомлар) ижодий жамоаси. Бу орада ёнимга зарварақ тўн кийган икки артист келиб ўтирди. Студиянинг таомлига кўра, мен ҳам уларга парво қилмай, ўтиравердим.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка.

5 *Бадий ва б. фильмлар яратувчи ижодий ва техник ходимлар жамоаси; шу жамоа ишлайдиган жой, киностудия. Ҳужжатли фильмлар студияси.* ■ *Фильмлар Тошкент студиясининг ўз ижодий кучлари билан ўз павилонида олиниб, ўз фабрикасида тайёрланади.* Газетадан.

6 *с. т. Радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар олиб бориладиган махсус бино; радиостудия ёки телестудия.*

7 *Умуман, сурат олиш, овоз ёзиш ва ш. к. мақсадлар учун жиҳозланган иш жойи. Тошкентда яқинда грампластинкалар учун овоз ёзиб оладиган студия очилган эди.* А. Пулатов, Янги студияда.

СТУЛ [р. стул < нем. stuhl] *Одатда, суянчиғи бўладиган, бир кишилик ўриндик; курси. Дадам сувоғи кўчган деворларга, эски шкаф, оёғи маймоқ стулларга бир қараб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳафиза Умиднинг кўзларига тикилди. Бир лаҳзадан кейин стулга ўтирди. У Умиднинг юрагида бир нима борлигини сезарди.* Мирмуҳсин, Умид.

СТУН айн. сугун. У [Марайим] *ҳаш-паш дегунча стунга тирмашиб чиқиб, картонни эски деворий газетанинг устига мислаб тушди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Султон Муҳаммаднинг давлати — стунлари чирган кўҳна бир иморатдир.* М. Осим, Ўтрор.

СТЮАРДЕССА [ингл. stewardess] *Самолёт ёки кемаларда йўловчиларга хизмат кўрсатувчи шахс. Стюардесса қиз. Стюардессалар махсус мактабларда тайёрларликдан ўтадилар.*

СУБСТАНЦИЯ [лот. substantia — моҳият] *флс. Қадимий фалсафа тарихида бутун борлик ва ҳодисаларнинг моҳияти, дастлабки асоси. Арастуниинг ўзи эса субстанция — моҳият, барча категорияларнинг реал асоси.. деб таъкидлайди.* «Фалсафа».

СУБСТРАТ [лот. substratum — тўшам, асос] 1 *флс. Турли-туман ҳодиса ва жараёнларнинг умумий моддий асоси, ҳодисалар ўртасидаги умумийлик ёки ўхшашликнинг негизи.*

2 *тлш. Маҳаллий аҳолининг келгинди (босқинчи)лар тили томонидан сиқиб чиқарилган тили; шу тилнинг келгиндилар тилидаги излари, қолдиқлари. Формал ҳажмининг бу даражадаги ихчамлиги мураккаб семантик субстратнинг ифодаланишига, бирор даражада бўлсин, монелик қилмайди.* «ЎТА».

СУБТРОПИК [лот. sub — остида, яқинида, ёнида + тропик] Субтропикларга оид, хос. *Субтропик иқлим. Субтропик ўсимликлар.* ■ *Цитрус ўсимликларидан бири — лимон субтропик ва тропик мамлакатларда ўсади. Газетадан. Совуқ ҳаво бостириб кириши натижасида гоҳо субтропик зонада ҳам қор ёғиши мумкин. «Фан ва турмуш».*

СУБТРОПИКЛАР Ер шарининг Шимолий ва Жанубий яримшарларидаги тропик зоналар билан муътадил зоналар ўртасида жойлашган икки географик зона.

СУБУТ [а. ثوبت — қатъийлик, барқарорлик, мустақамлик] Сўзнинг, ваъданинг ёки тугган ишонинг ишончга сазоворлиги, тайинлиги; эътибор, бурд. *Субути йўқ одам.* ■ *Субутинг йўқ сенинг. Булар ишни расво қилганда, яна бошқа ёққа ўтиб оласан!* А. Мухтор, Туғилиш.

СУБУТЛИ Субутини, эътиборини йўқотмаган, ишонса бўладиган; бурди бор, тайинли. *Пахта даласи — мардлар майдони, гапининг устидан чиқадиган, лафзи ҳалол, субути одамлар.. майдони. С. Абдуқаҳҳор, Қувондиқ.*

СУБУТЛИЛИК Ўз сўзида, ваъдасида қатъийлик, барқарорлик. *У [Раҳима] оз вақт ичида.. покизалиги, субутлилиги билан халқни ўзига жалб этди. Н. Сафаров, Раиса.*

СУБУТСИЗ Субутини йўқотган, ишониб бўлмайдиган; тайини, бурди йўқ, бетайин, бурдсиз. *Ваъдага вафо — мардинг иши, Ваъдасиз — субутсиз киши. Мақол.* ■ *Олимжон — содда ва оққунгли йигит, сўзлари вазмин ҳам маъноли. У Анварга ўхшаган субутсиз эмас. Т. Расулов, Марҳамат.*

СУБУТСИЗЛИК Ўз сўзида, ваъдасида турмаслик, беқарорлик, субути йўқлик. *Темур афандининг субутсизлигидан фижиниб айтди.. «Латифалар».*

СУБЪЕКТ [лот. subjectum — остида, асосида турувчи] 1 Мантиқда: муҳокама қилинаётган, ҳукм чиқарилаётган предмет; мантиқий эга.

2 Фаол иш-ҳаракат қилувчи, билувчи, онг ва иродага эга бўлган индивид ёки ижтимоий гуруҳ. *Индивид — ижтимоий маъжудот, шу маънода субъект ижтимоий мазмун касб этади, яъни жамиятнинг ўзи ҳам субъект бўлиб келиши мумкин. «ЎЗМЭ».*

3 тш. айн. эга 2. Гапнинг субъекти.

СУБЪЕКТИВ 1 Бир шахснинг, субъектнинг ўзигагина хос, ўзигагина тегишли; шахсий. *Субъектив омиллар.*

2 Бир кишининг шахсий фикрига, қарашларига асосланган, бир тарафлама, бир томонлама. *Субъектив кечинмалар. Субъектив баҳо. Субъектив қарашлар.*

Субъектив идеализм флс. Инсон онгидан ташқарида ва инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳеч қандай реаллик, воқелик йўқ, деб талқин қилувчи фалсафий таълимот; идеалистик фалсафанинг икки асосий оқимидан бири. *Субъектив идеализм.. янги замоннинг йирик мутафаккирлари — Лейбниц, Кант, Фихте, Шеллинг фалсафий қарашларида аксини топди. «Фалсафа».*

СУБЪЕКТИВИЗМ 1 айн. субъектив идеализм қ. субъектив.

2 флс. Нарса ва ҳодисаларнинг маъжудлиги ва ўзгариб боришини қонуниятлар асосида эмас, балки субъект фаолиятига боғлаб тушунтирувчи идеалистик таълимот.

3 Субъектив қараш, масалага бир томонлама, ўз шахсий фикри, мулоҳазалари нуқтаи назаридан ёндашиш. *Ҳаёт ҳодисалари талқинида авторнинг ҳароратли «субъективизми» лирик, ҳиссий стихиядан озиқ олади. «ЎТА».*

СУБЪЕКТИВИСТ Субъективизм тарафдори (қ. субъективизм 1, 2).

СУБЪЕКТИВЛИК айн. субъективизм. *Баҳонинг субъективлиги. Фикрнинг субъективлиги.* ■ *Воқелик ёзувчининг қалб призмасидан ўтади, тасвир объектига муносабат субъективлиқнинг нозик моментларида кўринади. «ЎТА».*

СУБҲ [а. صبح — эрталаб, тонг, тонготар] Эрта тонг пайти; сабоҳ, саҳар. *Тинмагур шахримизнинг Субҳида шунча овоз. Ф. Фулом. Субҳ чоғида магар чиққанда ёрим тўлғаниб, Гул ёқасин чок этар, булбулда афғон кўзғалур. Ҳабибий.*

Субҳи козиб (л. м. ёлғон тонг) Тонготардан анча олдин, тонг ёришгандек туюладиган пайт. *Ҳа, субҳи козибда эмас, субҳи содиқда, хўрозлар қичқирар-қичқирмас, булбулу майналар хонишини бошлар-бошламас, тўрт аскар оиналарининг кўрғонига этиб келишганди. «Ёшлик».* **Субҳи содиқ** (л. м. чин тонг) Ҳақиқий тонготар пайти. *Шарқ уфқидан аста-аста қоронғилик кўтарилиб, ўрнига субҳи содиқ жойлашмоқда эди. А. Қо-*

дирий, Кичик асарлар. *Излаб бораётган Барчин ёри ҳам, бахмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ туққан вақтда бир туш кўрди.* «Ал-помиш».

СУБҲИДАМ [а. + ф. *صبح* — эрта тонг; тонг сахарлаб] Эрта тонг пайти; тонг, субҳ. *Субҳидамада турмоқ. Субҳидам чоғи.* ■ *Субҳидам сабоси қўзғалиб, Зулфингни тортқилар оҳиста.* А. Шер, Қадимги куй. [Едгорбек] *Ювиниб, айвонга чиққанида, кеч кузнинг сахарги совуқ ҳавосидан бадани жунжикди. Лекин, барибир, субҳидам тоза ва ёқимли эди.* «Ёшлик».

СУБҲОН [а. *سبحان* — мақтов, мадҳ] *дин.* Мақтов, мадҳия; мадҳлар.

Субҳон олло Оллонинг мадҳи; Оллога мадҳлар бўлсинки.. [Уста Олим:] *Субҳон олло! Қандай юрагингиз бор экан, Отабек! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

СУБҲОНИ 1 Эртапишар серҳосил маҳаллий ўрик нави.

2 Шу ўриқдан солинган туршак.

СУВ 1 Водород билан кислороднинг кимёвий бирикмасидан иборат рангсиз, ҳидсиз шаффоф суюқлик; табиатда муз ва буғ ҳолида ҳам учрайди, барча тирик организмларнинг ва кўпгина моддаларнинг таркибий қисмини ташкил қилади. *Қор суви. Денгиз суви. Оқар сув. Турғун сув.* ■ *Зиллол сувлар, эрам каби боғу бўстонлар, Менинг совғам кошоалар, олтин тупроқлар. Файратий. Атмосферада сув буғ, туман, булут, ёмғир, қор ҳолатида бўлади.* «ЎЗМЭ».

2 Шундай суюқлик ичимлик сифатида. *Минерал сувлар.* ■ *Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқдир.* «Фан ва турмуш». *Организмга йод озиқ-овқат ва сув билан киради.* «Фан ва турмуш».

Жон (ёки ҳаёт) суви 1) ҳаёт бағишловчи, ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилувчи сув. *Улар келарига, ўз ерларига, ўз уйларига ҳаёт суви ўзатириш учун.. курашга борадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о; 2) кўчма ҳаёт бағишловчи, жон, файз киритувчи нарса. *Ташқарида бир қўша созандалар дутор, танбур, фижжак, рубоб, най билан дунёга жон суви селиб, шаҳарнинг машхур ҳофизлари ашула айтадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Машқ бошланиши билан бутун вужудимга ҳаёт суви югурди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Сув ичмоқ** 1) сув истеъмол қилмоқ. *От бошига иш тушса, сувлиғи билан сув ичар, Эр бошига*

иш тушса, этиғи билан сув кечар. Мақол; 2) сугорилмоқ. *Шолининг орқасидан курмак сув ичибди.* Мақол. ■ *Кўз тикиб турган ерларимиз эски ариқдан сув ичолмайди, янги ариқдан тақир ичолмайди, яна азалгидай қақраб ётаверади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сув йўли** Кемалар қатнайдиған йўл. **Сув қўймоқ** Суғориш учун сувнинг йўлини очмоқ, сугормоқ. *Экинга сув қўймоқ.*

3 Сой, кўл, дарё ва ш. к. нинг сувли сатҳи ҳақида. *Сув бўйи.* *Сувнинг нариги бети.* *Сувнинг кўтарилиши.*

4 Тармева, сабзавот ва ш.к. таркибидаги шира, шарбат, суюқлик. *Анор суви. Сабзининг суви.* ■ *Боғингда очилган қизил гулларинг, Узумнинг сувидай ширин тилларинг.* «Кўшиқлар».

5 Тирик организм ва аъзолардан ажралиб чиқадиган суюқлик, шира. *Ошқозон суви.* ■ [Ермат] *Тумов орқасида бурнидан тўтовсиз оққан сувни ҳам сезмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Оғзининг суви келди Ҳаваси келди; егиси, ичгиси келди. *Ундан нарида каттакон дошқозонда ош дамлаб қўйилибди.* *Зарчува солинган, сан-сариқ.* *Оғзининг суви келиб кетди.* «Ёшлик».

6 Умуман, турли нарсалар таркибидаги намлик. *Суви қочган нон, олмачой билан нонушта қилишаётганда, Гадейбой пайдо бўлди.* Ҳ. Фулом, Феруза.

7 *Кўчма с. т.* Маза-матраси, шираси ёки жири йўқ (мева ёки овқат ҳақида). *Қовун қипқизил сув чиқди.* *Бу шўрва эмас, шилдир сув.*

8 Каштачиликда: тўғри ёки тўлқинсимон чизиқ шаклидаги гул элементи. *Суви оқ, гули турли қийиқча.*

9 эск. Ўн танобга тенг ер ўлчов бирлиги. *Ҳар ўн таноб ер бир сув ҳисобланиб, мана шу майдон ҳисобидан ариқ тозалашга бир ҳашарчи юборилар эди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

10 Турли бирикмали номлар таркибида келади, мас., *сув каламуши, сув эчкилари, сув ости кемаси.*

Анча (ёки кўп, қанча-қанча) сувлар оқди Кўп замонлар ўтиб кетди, анча вақт бўлди. *Ҳа, қизим, ундан буён қанча-қанча қорлар ёғди, қанча-қанча сувлар оқди, у вақтларда ёш эканмиз, фаросат оз экан, кўп-кўп камчиликлар ўтди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Сиркаси сув** кўтармайдиган одам қ. сирка

1. Сиртига сув юктирмаслик қ. сирт. Сув бўлмоқ 1) терлаб жиқ хўл бўлмоқ, терга ботмоқ. *Бемор иситмалаб, сув бўлиб ётибди*; 2) эриб сувдек бўлмоқ. *Темирчининг қўлида темир эриб сув бўлар*. Мақол. *Сув йўғида таяммум қ. таяммум*. Сув текин қ. текин. Сув қилиб (*ёки сувдек*) ичмоқ (*ёки ичиб юбормоқ*) *айн. сув қилмоқ* 2. Сув қилмоқ 1) зимдан ўзлаштирмақ, ўзлаштириб, гумдон, йўқ қилмоқ. *Наврўзда дув-дув гап тарқалганди*: Саидхон колхознинг фалонча пулини гумдон қилиб, қамалиб ётганмиш, писмадончи молни сув қилиб, қўлга тушиб қолганмиш. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка; 2) миридан сиртигача пухта эгалламоқ, беш қўлдай билиб, ёдлаб олмоқ. *Ун етти кун деганда [Мўминжоннинг] хати келди.. яна хати келгунча, билмадим, неча марта ўқиб чиққанмикинман уни*. Худди сув қилиб юбордим. Қ. Мақсумов, Муҳаббат қўшиғи. **Сув қуйгандек** (**тинч, жимжит**) Чурқ этган овоз йўқ, жимжит. *Навойнинг уйи сув қуйгандек жимжит, ҳамма оёқ учиди юрар, бир-бирлари билан шивирлашиб гапиришар эди*. М. Осим, Сехрли кўз. **Сувга оқизмоқ** (*ёки ташламоқ*) Бехудага кеткимзоқ, совурмоқ, шамолга учирмоқ, *У [деҳқон] молини сотмади — сувга оқизди*. Йўқ, сувга оқизгандан баттар бўлди. Ойбек, Танланган асарлар. **Сувга тушган нондек бўшашмоқ** Жуда ҳам бўшашиб кетмоқ, ҳовридан тушмоқ. *[Отабек] Сувга тушган нондек бўкиб, бўшашиб, юз хил совуқ, ярамас хаёллар қўлида эзилиб, ўзининг дунёда борми-йўқлигига ҳам тушинмай кета берадир*. А. Қодирий, Утган кунлар. **Сувга туша, қуруқ чиқадиган** Жуда қув, айёр, ҳар қандай мушкул вазиятдан сип-силлиқ кутулиб чиқадиган. **Сувга уриб кетмоқ** Зим-зиё бўлиб кетмоқ, бедарак йўқ бўлмоқ, йўққа чиқмоқ. *Дунёдан умиди бўлмаган одамда дид ҳам, орзу-ҳавас ҳам сувга уриб кетар экан*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Сувда мазза бор, бунда мазза йўқ кест**. Жуда бемаза нарса ҳақида. **Сувдай билмоқ** (*ёки ичмоқ, эзиб ичмоқ*) Жуда яхши билмоқ, чуқур, пухта билиб олмоқ, эгалламоқ. *[Эртўғон ота] Сув шмин сувдай ичан Дарёларнинг султони*. Қирқ колхозга сув сурган Миробларнинг полвони. Қ. Муҳаммадий. **Сувдай сероб бўлинг** Ҳеч нарсадан камчилигингиз бўлмасин. **Тагига сув кетди** Таги, замири бўшашди. *Бойликнинг тагига сув кетди*. Ойбек, Танланган асарлар. **Тушингизни**

сувга айтинг қ. туш. **Ўзини ўтга (ҳам), сувга (ҳам) урмоқ қ. ўт** 1. **Ўт билан сувдек** Бир-бири билан сира ҳам келиша олмайдиган даражада зид, қарама-қарши, ит-мушук. *Илгарилари ўт билан сувдек бўлган кундошлар энди сирдош бўлиб, чекка-чеккада пичирлашадиган бўлдилар*. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Қўлини совуқ сувга урмайди қ. қўл**. **Ғалвирни сувдан кўтармоқ қ. ғалвир**.

СУВАМОҚ 1 Лой, алебастр каби материаллар билан қоплаб силлиқламоқ; сувоқ қилмоқ. *Уйларни сувамоқ*. Том сувамоқ. ■ **У [Толибжон] уйдалик пайтида ҳовлининг кемтикларини тузатади, лой қориб, деворларнинг нураган жойларини сувайди. С. Аҳмад, Жимжитлик. *Бутабой баҳор ёмғирида нураган ўчоқни яхшилаб сувади*. С. Аҳмад, Ҳукм.**

2 **кўчма салб**. Ошқор қилмай бекитиб, тўғрилаб юбормоқ, текисламоқ, хаспўшламоқ. *Камчиликларни суваб ўтмоқ*.

СУВАРАК зоол. Қора ёки тўқ кўнғир рангли, узун қилсимон мўйловли, ер юзида кенг тарқалган кемирувчи ҳашарот; таракан. *Ўзбекистонда суваракларнинг 30 га яқин тури, жумладан, хонадонларда 2 тури (сарик суварак ва қора суварак) тарқалган*. «ЎзМЭ». Бунақа кимсалар пана-пастқам ерларда кўзга ташланмай, ивирсиб юришаверади-да, бир пайт қарабсизки, суваракдек лоп этиб ёруғликка чиқиб олишади. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

СУВБУРГУТ Қарчиғайлар оиласига мансуб, дарё, денгиз ва кўл қирғоқларида яшовчи йиртқич қуш. *Ўзбекистонда оқ думли сувбургут ва узун думли сувбургут учрайди*. «ЎзМЭ».

СУВДОН 1 Қушларга сув бериладиган идиш. *Бедананинг сувдони*. *Сувдонларга сув қуймоқ*. ■ *[Жўра] “Ҳайрият, тирик экансан”, деди-да, сувдон билан дон соладиган синиқ товоқни олиб, ҳужрадан дон, ариқдан сув тўлдириб келиб, товуғининг олдига қўйди*. У. Назаров, Замон.

2 Ёнда олиб юриладиган сув идиш. *Бектемир сувдонни кўтариб, бир неча қултум ютди-да, яна пўки билан оғзини маҳкамлаб қўйди*. Ойбек, Куёш қораймас.

3 Умуман, сув солиб қўйиладиган идиш. *Сувдонни олиб, чўнтакларга озгинадан қаттиқ нон солволамиз, — деди у буйруқ оҳангида*. А. Обиджон, Эй, ёруғ дунё.

СУВЕНИР [фр. *souvenir* — хотира; ёд-горлик] Эсдалик учун бериладиган, бирон мамлакат, шаҳарга қилинган сафардан эсдалик бўлиб қолган ёки қоладиган бадий ҳунармандлик буюми, совға. *Сувенирлар мағазини. Сувенир олмоқ.* ■ *Галина Васильевна сувенир фигураларнинг нодир коллекциясини яратди.* Газетадан.

СУВЕРЕН I [фр. *souverain* — олий] Халқаро ҳуқуқда: мустақил олий ҳокимият эгаси.

СУВЕРЕН II I Суверенитетта, мустақилликка эга бўлган; эркин, ҳур; мустақил. *Суверен давлат.* ■ *Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат суверенитети масаласига алоҳида боб ажратилган бўлиб, унинг I-моддасида «Ўзбекистон — суверен демократик республика» дейилган.* «Мустақиллик» луғати.

2 Олий ҳокимиятни амалга оширувчи.

СУВЕРЕНИТЕТ [фр. *souverainete* — олий ҳокимият] Халқаро ҳуқуқда: давлатнинг ички ишларни олиб боришда ва ташқи муносабатларда бошқа давлатлардан тўла мустақиллиги. *Давлат суверенитети. Миллат суверенитети.* ■ *Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат суверенитети алоҳида бобда ўз ифодасини топган.* «ЎзМЭ».

СУВЕРЕНЛИК айн. **мустақиллик.**

СУВИЛОН зоол. Ерда, дарахтда, сувда, сув бўйида яшовчи, узунлиги ва ранги ҳар хил, ер юзиде кенг тарқалган илон тури. *Сувилоннинг 10 тури Халқаро Қизил китобга киритилган.* «ЎзМЭ».

СУВЛАМОҚ I Сув билан ҳўлламоқ, намламоқ. *Латтани сувлаб, этик артмоқ.*

2 шв. Сув ичмоқ. *Булар шу Чилбир чўлида, Ойна кўлида қўниб, сувлаб, моллари ўтлаб ётаверсин.* «Алпомиш». *Бу булоқдан ўнлаб қишлоқлар сувлайди.* «Ёшлик».

СУВЛАНМОҚ I Сувламоқ I фл. мажҳ. н. *Сувланган латта.*

2 Сув очмоқ, сув олмоқ. *Гулноз [олмани]. гарчиллатиб тишлади — нордонгина экан, оғзи сувланиб, кўзи чарақлади.* Х. Ғулом, Тошкентликлар..

СУВЛАТМОҚ I Сувламоқ фл. орт. н.

2 шв. Суғормоқ, сув бермоқ (ҳайвон ва паррандаларга). *Ушанда Эрназар полвон отини сойдан сувлатиб қайтаётган эди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Эшакларни гал-*

ма-гал миниб, пастдаги булоқдан сувлатиб келдик. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

СУВЛИ I Ичида суви бор. *Сувли идиш.* ■ *Ортик ўриндиқ тагидан сувли мешни тортиб олиб, кўринарли ерга қўяркан, бир чеккада гарансиз турган Зулхуморга пичинг қилди.* М. Мансуров, Ёмби. *Осмондаги ой бўлсам, Тиниқ сувли сой бўлсам, Севган ёрнинг кўксинда Кеча-кундуз жой бўлсам.* «Кўшиқлар».

2 Таркибида суви бўлган. *Сувли эритма.*

3 Суви, шираси кўп, серсув, сершира. *Сувли шафтоли. Сувли мевалар.*

4 Сув билан таъмин этилган, сув бор бўлган. *Сувли ерлар.* ■ *Ўтли, сувли яйловининг йўли олис, Ўлан бўлса, айтишайлик бизлар холис.* «Кўшиқлар».

СУВЛИК Сув ҳавзалари, денгиз, океан кабиларнинг жами. *Ер юзасининг учдан икки қисмидан кўпроғини сувлик — денгиз ва океанлар қоплаган.* «Фан ва турмуш».

СУВЛИҚ с. т. Сувлуқ. *Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар, От бошига иш тушса, сувлиқ билан сув кечар.* Мақол. ■ *Ферузнинг оппоқ самани тилла сувлиғини чайнаб, пишқириб бормоқда.* С. Сиёев, Аваз. *Сувлиқ тишлаб араб оти, Белида кескир нўлати, Яқин қолди Чамбил юрти, Бораётир валламат.* «Гулшанбоғ».

СУВЛЮҚ Дарё ва, умуман, сув ҳавзаларининг ҳайвонлар, моллар сув ичадиган жойи. *Молларни сувлоққа суғормоқ.* ■ *Улар [турналар] гоҳо сувлоққа бориб чўмилгандан кейин ҳам илиқ қумлоқда туриб, патларини шу хилда қуритишар эди.* Ш. Ҳолмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Ой синиғи тўла сувлоққа Шаршарадай қўйилган ёллар. Бу ёлларни силар меҳрибон Шаббодалар — маъюс аёллар.* Ш. Раҳмон, Уйғоқ тоғлар.

СУВЛУҚ Юганнинг от оғзига солинадиган металл қисми. *Сувлуғини чайнатиб, Йўлда отни ўйнатиб, Чўлда кетиб боради Бир қаландар йўл тортиб.* «Нурали». *От сувлуғини чайнаб, бекни опқочиб келяпти.* «Гуруғлининг туғилиши».

Оғзига сувлуқ солиб олмоқ Жиловлаб олмоқ, бўйсундирмоқ. *Оғзига сувлуқ солиб олганимдан сўнг, измигга юрмай кўрсин-чи!* С. Анорбоев, Оқсой.

СУВОРА [ф. *سواره* — отлик; от-уловга минган ҳолда] мус. I Шашмақомнинг Буз-

руқ мақоми асосида яратилган куй ва ашулалар. *Суворанинг яна уч хили – машхур чолғу куйларидир. «ЎЗМЭ».*

2 Хоразмдаги машхур мақом ашула йўллари ва мумтоз ашулалар туркуми. *Суворалар шегрий матнида кўпроқ тасаввуф мавзuida мухаммаслар қўлланган. «ЎЗМЭ».*

СУВОРИ [ф. *سواری* – отда, от-уловда юриш; салт (миниладиган) от] От минган киши; отлик аскар. *Икки суворининг қора ширнаси Ҳамон келаберди Телбасой сари. А. Мухтор, Асарлар. Алим бува билан Ҳасан суфи дарров настга қарашди. У ерда, оломон орасида, бир неча сувори отлардан тушаётган эди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

СУВОРИЙ айн. *сувори. Қора Бахмал итотат қилишга мажбур эди. Эгардаги суворий жиловни қаёққа тортса, ўша томонга йўл соларди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Тилмоч ўнг қўлини кўтариб, енгил бир ишора қилди, хезланиб турган суворийлар отларидан кетма-кет сакраб тушишди-ю, ўзларини қабилга аъзолари устига отишди. Газетадан.*

СУВОСТИ 1 Сув остида қилинадиган, бажариладиган, сув остида мавжуд бўлган. *Сувости спорти. Сувости телевидениеси. Сувости тизмалари.*

2 Сув остида ҳаракатланадиган (кема ҳақида). *Сувости кемасини қуриш 17-асрдан бошланди. «ЎЗМЭ».*

СУВОТ шв. Мол, от суғориладиган ёки ювиладиган жой. *От сувот. ■ Қўзиларни тушида сувотга олиб бориб ювамиз. Н. Фозилов, Иншо.*

СУВОҚ Суваш ва унинг натижасида ҳосил бўлган қатлам. *Лой сувоқ. Сомон сувоқ. Сувоқ қилмоқ. ■ Четроқда, қари тол остида, сувоқлари кўчиб ётган баланд лой супа. «Ёшлик». Тўқилади девордан сувоқ, Фижилайди саҳарда эшик. Х. Даврон, Болаликнинг овози.*

СУВОҚЛИ Сувоғи бор, сувалган. *Сомон сувоқли айвон деворидаги катта миҳга шлинган эски радиорепродуктор ҳам зўё мудроқ бир алфозда хирилларди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

СУВОҚСИЗ Сувоғи йўқ, сувалмаган. *Сувовқсиз уй. ■ Мана, шофёр кўрсатган уй: хом гиштан қурилиб, деворлари сувоқсиз, томи чала ёпилган. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.*

СУВОҚЧИ Сувоқ қилувчи уста. *Сувоқчи йигит. Ямоқчининг ишини сувоқчи билмас.*

Мақол. ■ *Эргаши.. бир камбағал сувоқчининг ўғли бўлиб, катта бир бойнинг молларини боқаркан. П. Турсун, Ўқитувчи.*

СУВОҚЧИЛИК Сувоқчи касби. *Сувоқчилик қилмоқ. Сувоқчиликни ўрганмоқ. ■ Исломжонга сувоқчилик ота касб. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.*

СУВПИЁЗ Серсув, ботқоқли жойларда ўсадиган ўсимлик.

СУВРАНГ Тоғ-адирларда ўсадиган кўп йиллик қиёқсимон ўт.

СУВСАМОҚ Сувга ташна бўлмоқ, чанқамоқ, чўлламоқ. *Қизни сураганга бер, Қимизни – сувсаганга. Мақол. ■ -Танидинг-а, жонивор, – деди Суярқул хаёлан сигирга мурोजаат қилиб. – Қорнинг очдим, сувсаб кетгандирсан? А. Кўчимов, Ҳалқа. Кал кетаверди, кетаверди, ҳориб, сувсаб, очқаб, бошини бир жойга қўйиб ётди. «Эртақлар».*

СУВСАР 1 Қимматбаҳо, қалин ва юмшоқ мўйнали йиртқич сутэмизувчилар оиласининг бир тури ва унинг мўйнаси. *Сувсар териси. ■ Сувсарлар қимматли мўйнаси учун овланади, бир қанча турлари мўйначилик фермаларида боқилади. «ЎЗМЭ».*

Тош сувсар Сувсарнинг тоғли жойларда яшайдиган тури.

2 Шу ҳайвоннинг майин бароқ териси. *Сувсар теллак. ■ [Савдогарлар] Ёш кийик муғузлари, боғлам-боғлам сувсар терилар.. ва бошқа нарсаларни олиб кира бошладилар. М. Осим, Карвон йўлларида.*

СУВСИЗ 1 Ичида суви йўқ. *Сувсиз идиш.*

2 Таркибида суви йўқ. *Сувсиз кислота.*

3 Сув билан таъмин этилмаган, сув чиқарилмаган. *Сувсиз ерда тол бўлмас. Мақол. ■ Булар сувсиз чўлдан ўтиб, Бораётир йўллар тортиб. «Маликаи айёр». Дайди шамол чангли, дағал япроқларни, сувсиз ариқ ёқаларидаги кир, сарғайган ажриқларни титкилаб, мунгли шовуллади. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

4 Суви, шираси кам. *Сувсиз беҳи.*

СУВСИЗЛИК 1 Сувга ташналик, чанқашлик. *Ортиқ, сувсизлик юрак-бағрини ўртаб, иссиққа чидамай, юлғун тагига сурилади, бошини сояга олиб, қўлларини қумга тиқиб, салқин излайди. М. Мансуров, Ёмби. Қипқизил қумда пиёда юриб, очликда, сувсизликда овора бўлиб, икковинг ҳам уласан. «Маликаи айёр».*

2 Сув танқислиги, етишмаслиги. *Миллий матбуот марказида Орол денгизи ҳамда сувсизлик каби асосий масалаларни муҳокама қилишди.* Газетадан.

СУВСИРАМОҚ Сувга жуда ҳам ташна бўлмоқ, сувга ташналикдан қуришмоқ, қақрамоқ. *Сувсираган ғўзалар.*

СУВСОҚ Сувга ташна, сувсираган, чанқоқ. *Сувсоқ ерлар. Сувсоқ ғўзалар. Сувсоқнинг ўйи — сувда.* Мақол. ■ [Тўғонбек] *Осиё чулларининг жаҳаннам ёнғинига, қум тўлқинларига чидаш бериб, оч, сувсоқ кезишни машаққат ҳисобламас эди.* Ойбек, Навоий.

СУВСОҚЛИК Сувга ташна бўлишлик.

СУВХҲҮР Сувни кўп ичадиган. *Сувхўр мол.*

СУВЧЕЧАК тиб. Температура кўтарилиши, тери ва шиллиқ қаватларга пуфакчалар тошиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик. *Сувчечак тошмаси баданнинг ҳамма қисмига бир вақтда эмас, балки 1—2 кун оралатиб тошади.* «ЎзМЭ».

СУВЧИ 1 қ. х. Экинларни, хусусан, ғўзаларни суғорувчи деҳқон, суғориш бўйича мутахассис. *Моҳир сувчи.* ■ *Сувчи, теримчи ёки механизатор чанқаб бораётганда, олдида калладай қовун ёки тарвуз дўнпайиб кўринса, чанқоқбости қилади.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Хув юқорироқда, дарёнинг ёқасида бир қора кўринди.* «Бул ўтинчими, сувчими, бундан бир савол сўрайин», деб Авазхон бурилиб борди. «Гулшанбоғ».

2 Сув келтирувчи, сув билан таъмин этиб турувчи ходим (мас., тракторчилар бригадасида).

3 тар. Сув ташиб бериш, сув билан таъминлаш ишларини бажарувчи киши. *Бухорода эса сувчини мешкобчи деб аташган.* «ЎзМЭ».

4 Сув сотувчи.

СУВЧИЛИК Экинларни суғориш билан шуғулланиш; сувчи касби. *Сувчилик қилмоқ.* ■ *У [Тождидин] сувчиликнинг сувини ичиб юрган одам.* А. Абдукаримов, Чўл бургути.

СУВЎТ Содда тузилган ва, асосан, сувли муҳитда ўсадиган турли ўтларнинг умумий номи. *Қизил сувўтлар. Яшил сувўтлар.* ■ *Аёллар ва болалар иштиёрида қолган экинзорлар чуқур, яхши ишланмаганидан ёввойилашиб, ҳамма ёқни шўра, ғумай, сувўт, тикан босиб кетган.* С. Нуоров, Нарвон. *Сувўтлар энг қадимги организмлар бўлиб, улардан бошқа ўсимликлар келиб чиққан.* «ЎзМЭ».

СУВҚОВОҚ 1 Ичи ўйиб ташланиб, қобиғидан идиш сифатида фойдаланиладиган қовоқ. *Нимтатир шабада, шабнам, бедана, Чайлага ўрмалаб чиққан сувқовоқ.* Ғ. Ғулом.

2 Шундай қовоқ қобиғидан ясалган, сув, дон сақланадиган идиш. *Унда [чайлада] яқинда.. Сукм оға ўзи орқалаб келган ола хуржун, бир чети синиқ сопол коса, сувқовоқ турарди.* Н. Фозилов, Оқим.

СУВҚОҒОЗ 1 Кунга, ёруққа солганда, ичда сурати кўринадиган шаффоф қоғоз. *Каримов юпқа сувқоғозга машинкада босилган узундан-узоқ хатни синчиклаб ўқий бошлади.* Ҳ. Шамс, Душман. *[Яхшибоев] Сандиқдан кўнгли туқ эди. Шунчаки сувқоғознинг бармоқлар орасида шитирлашига қулоқ тутди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 с.т. Полиэтилен ёки целлофандан тайёрланган ўров материали, халта. *Комил сувқоғоз ичидан бир бурда нон олиб, дераза олдида борди.* «Ёшлик».

СУД 1 [қад. р. судъ — иш; ҳукм] **1** Муайян фуқаровий (айрим шахслар ёки муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги, шахслар билан муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги) низоларни ҳал қилувчи ҳамда жиноий ишларни кўриб чиқувчи — одил судловни амалга оширувчи давлат органи. *Халқ суди. Суд қарори. Суд ҳукми. Суд органлари. Судга бермоқ. Суд тизими.* ■ [Қосимжон:] *Ўртоқлар, олиб боринглар буларни, адолат судига топширинглар! Тегишли жазосини кўрсин.* Ҳамза, Тўҳмагчилар жазоси.

2 Шундай орган жойлашган бино, хона, жой. *Суд эшигининг олдида ўтирганларнинг кўпчилиги ёшлар.* Газетадан.

3 Шундай орган ходимлари ёки судьялар ҳайъати. *Суд мажлиси.* ■ *Суднинг саволига жавобан Сидиқжон ўн бир гувоҳнинг номини айтганда, Шарофат рўмолининг учини тишлаб, донг қотиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Фуқаровий ёки жиноий ишнинг шундай органда кўрилиши. *Судда ютиб чиқмоқ.* ■ *Суд муҳокамаси вақтида суднинг чиқарган ҳар бир ажрими дарҳол эълон қилиниши керак.* «ЎзМЭ». *Суд ўн бешинчи майда бўлиши керак эди. Шу кунни Сидиқжон судда нима дейишдан ҳам кўра Шарофатга рўпара бўлишни кўпроқ ўйлаб, хўп ясанди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СУД II [ф. سود – фойда, даромад; фоиз] 1 эск. Фойда, наф. *Энди суд қилмасдир ғаму ҳасратинг, Билгин, йўлдош бўлди доғу кул-фатинг.* «Эрали ва Шерали».

2 Судхўрлар томонидан қарзга берилган пул эвазига олинадиган фоиз.

СУДБОЗ [суд I + ф. باز – уйновчи; бирор нарса ишқибози] с. т. Бўлар-бўлмас ишлар билан судга муурожаат қилаверадиган, суд-бозликни, судлашишни яхши кўрадиган; қозибоз. *Судбоз одам.*

СУДБОЗЛИК с. т. Бўлар-бўлмас ишлар билан судга муурожаат қилавериш, судла-шиш; қозибозлик. *Судбозлик қилиб юрмоқ.*

СУДЛАМОҚ Белгиланган тартибда фу-қаровий ёки жиноий ишни судда кўрмоқ; суд қилмоқ.

СУДЛАНГАНЛИК ҳуқ. Шахсининг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат: суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилганлик. *Судланганлик айблов ҳукми кучга кирган кун-дан бошланади.* «ЎЗМЭ».

СУДЛАНМОҚ Суд қилинмоқ; судда жи-ноий жавобгарликка тортилмоқ.

СУДЛАНУВЧИ I Судланмоқ фл. сфдш. 2 ҳуқ. Судга берилган айбланувчи; судда иши кўриладиган шахс. [*Суд жараёнида*] *Айб-ланувчи, судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи би-лан таъминланади.* «ЎЗМЭ».

СУДЛАШМОҚ Суд орқали даъволаш-моқ, даъволашиб, бир-бирини судга бер-моқ. *Ер тўғрисида бир чатоқ одам билан суд-лашиб юрган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Қаршибой*] *Бир парча гўшт бўлиб дунёга келганидан бери иссиқ бағрида иситиб ўс-тирган отасини судлашиш даражасигача етказди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

СУДЛОВ Маълум тартибда фуқаровий ёки жиноий ишни судда кўриш; шундай ишларнинг судда кўрилиши. *Одил судлов.* *Судловнинг ошкоралиги.*

СУДМАНД [ф. سودمند – фойдали, даро-малли] эск. Фойда келтирадиган, фойдали, нафли.

СУДРАЛМОҚ I Судрамоқ фл. ўзл. ва мажх. н.

2 кўчма Орқада қолмоқ, кечикмоқ, чў-зилмоқ. *Ишининг судралоши.* *Қурилишининг суд-ралоши.* ■ *Колхоз тинчлигига тинчиди-ю, қўжлам иши ниҳоятда судралди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Имиллаб юрмоқ, секин бормоқ; имил-лаб юриб ёки сусткашлик қилиб, кейинда қолмоқ. *Охири ўринда судралоиб бормоқ.* ■ [*Мели полвон*] *Ҳамманинг астойдил кетмон ураётганини кўриб, мамнун бўлди.* *Энг чет-даги Мўмин қийишқининг судралоётгани унинг ғашига тедди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Чанг ва шовқин орасида аста судралган ҳорғин граж-дан аҳоли: аёллар, болалар, чоллар ҳам кўп эди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР айн. судралувчилар қ. судралувчи 2. *Гавдаси ерда судралоиб ю-рганлиги учун, калтакесак ва унга ўхшаш ҳайвонлар судралоиб юрувчилар деб аталади.* «Зоология».

СУДРАЛУВЧИ I Судралмоқ фл. сфдш. 2 (*асосан, кўпл. шаклда*) Асосан, ер ба-ғирлаб ўрмалаб (судралоиб) ёки қорни билан сурғалиб ҳаракатланадиган умуртқали ҳай-вонлар синфи (илон, калтакесак, тимсоҳ, тошбақа).

СУДРАМОҚ I Ердан узмай, кўтармай сирпангириб тортмоқ, сургамоқ. *Ходаларни судрамоқ.* *Этакларини ерда судраб юрмоқ.* ■ *Қиш суви кўйилган катта пайкал музлигида икки қора кўринди.* *Бу муз устида бир-бирини судраб, сирғанчиқ учаётган болалар эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Заргаров қумда этигини судраб. трассанинг охирироғига етганда, нақ қулоғининг тағида қаттиқ занг чалинди.* А. Мухтор, Асарлар. [*Искандар*] *Ёмбини апиш-тапи қопчиққа жойлаб, нарида ётган кич-кина замбилни судраб келди.* М. Мансуров, Ёмби.

Оёғини судраб босмоқ (ёки юрмоқ) Оёғини зўр-базўр босиб, секин-аста юрмоқ, судралмоқ. *Оёғини судраб, яна Боғчадарвоза томон борар экан, «Шоир замон қаерда бўлди экан-а?» деб хаёлланди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Зўр билан бирор томонга тортмоқ, ун-дамоқ. *Бошим қотиб, райондаги чойхонада чой ичиб ўтирсам, Матқовул пайдо бўлди. Мени уйга судровди, бормадим.* Ҳ. Назир, Ўтлар тутанганда. *Дод-фарёдимга қулоқ солмай, дадам қўлимдан судраб, уйга олиб кетди.* Ой-бек, Танланган асарлар.

3 с. т. Амал-тақал қилиб кийиб юрмоқ. *Ўзингиз биласиз, тўрт йилдан бери бу ерда ишлайман, тиним йўқ, ишдан бошим чиқмай-ди. Лекин ҳали ҳам бир чопоним икки булма-ди. Ҳали ҳам қиш-ёз битта чорикни судрай-ман.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 *кўча* Пайсалга солиб ёки сусткашлик қилиб, орқага чўзмоқ, кечиктирмоқ. *Ишни судрамоқ.*

СУДРАТМА I Тортиб, судраб юрилади-ган; тиркама. *Судратма арава.*

2 *тар.* Одамга сиртмоқ солиб, отда судраш йўли билан жазолаш, қатл қилиш усули. *Ўғри энди мени отига судратма қилмоқчи бўлди.* «Ёшлик». *Тошкент оломонининг талаблари билан Азизбекнинг икки оёғидан арқон билан боғлаб, отнинг човига судратма қилдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СУДРАШМОҚ I Судрамоқ фл. бирг. н. Семён билан Лўли.. мени судрашмади-ю, икки билгимдан маҳкам ушлашди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Бир-бирини судраб, биргалашиб юрмоқ; бирга санғимоқ, дайдимок. *Эланганга, ёлборанга бўлмади, Уларман [улар билан] судрашиб юрган кунларим.* «Фольклор».

СУДХҲР [ф. *سودخور* – фойдахўр, фойда олувчи] Пул қарз бериб, фоиизи, фойдаси ҳисобига бойлик орттирувчи шахс. 1919–1920 йилларда Сурхон воҳасининг энг катта судхўр бойи Суюн Пинхос ўғли эди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Кўп ҳолларда қарздорлар қарзни ўз вақтида уза олмай, еридан, уй-жойидан, мол-мулкидан ажралиб, хонавайрон бўлган, судхўрлар эса бойиб кетган.* «ЎзМЭ».

СУДХҲРЛИК Оғир шартлар билан қарз бериб, фойда олинадиган фаолият. *Судхўрлик қилмоқ.* ■ *Судхўрликда қарзни қайтариш муҳлати, тўпландиган фоииз миқдори оғзаки келишув ёки тилхат билан расмийлаштирилган.* «ЎзМЭ».

СУДЬЯ [«суд» с. дан] I Суд органларида судга тушган ишларни кўрувчи ва шу ишлар бўйича ҳукм чиқарувчи лавозимли шахс. *Судьядан муайян суд ишларининг моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни.. талаб қилиш тақиқланади.* «ЎзМЭ».

2 Спорт ўйинларида, мусобақаларида: ўйин қоидаларига риоя қилинишини кузатиб борувчи ва юзага келган низоларни ҳал қилувчи шахс; ҳакам, арбитр.

СУДЬЯЛИК Судья касби. *Судьялик қилмоқ. Судьяликка сайламоқ.*

СУЁҒЛИҚ Суяб кўйилган, суялган, суянган. -*Мана, ҳассаниз, – Шер каравотнинг оёқ томонида суёғлиқ турган ҳассани олиб, бобосига берди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

Аъзамжон ҳаяжонда қандай қилиб уйга кирганини, қандай қилиб деворга суёғлиқ турган мотоциклни етаклаб чиққанини билмайди. С. Аҳмад, Уфқ.

СУЖУД дин. [а. *سجود* – «сажда» с. кўпл.] Сажда, ибодат. [*Домулла:*] *Хуллас, бизни ҳам бироз хотиржам қилинг. Аниқ хабарми шу? Рукув, сужудда ҳам ҳаёлимиз паришон бўлди-да. Ҳамза, Танланган асарлар. Рухимда ҳам ишқдир, вужудимда – ишқ, Осийлигимда ҳам, сужудимда – ишқ. Ёр, менга қисматдан омонлик тила, Ки менинг барбоду мавжудимда – ишқ.* Газеталар.

СУЗАҒОН I Тез ва яхши сузадиган, сузишга уста. *Сузағон бола.*

СУЗАҒОН II Дуч келганни сузаверадиган; сузонғич, асов. *Сутсиз сигир сузағон бўлар.* Мақол. ■ *У [Полавон ота] моллардан қайсиси сузағону қайсиси қочағон.. бир қарашдаёқ пайқарди.* Ҳ. Назир, Сунмас чақмоқлар.

СУЗГИЧ I Сууюқликларни турли хил механик аралашмалардан тозаловчи асбоб, мослама; филтёр. *Сутни сузгичдан ўтказмоқ.* ■ *Янтоқдан тайёрланган дамлама сузгичдан ўтказиб олинади ва ваннада чумилганда ишлатилади.* «Фан ва турмуш».

СУЗГИЧ II I Сув юзида ва, умуман, сууюқлик бетида сузувчи, турли мақсадлар учун белгиланган енгил нарса, деталь; қалқовуч. *Қармоқ сузгичи. Карбюратор сузгичи. Сув йўлини кўрсатувчи сузгичлар.*

2 Балиқ ва б. сув ҳайвонларининг сувда сузиш (ҳаракат қилиш) аъзоси. *Балиқнинг қуйруқ сузгичи.*

СУЗГИЧ III Сув бетида жуда тез сузиб юрадиган кўнғизсимон ҳашарот, сув кўнғизи. *Сув нўҳиятда соф; офтоб нурида живир-живир товланувчи майда шағал юзида кичкина балиқлар сайр қилади, ғир-ғир сузгичлар айланади.* Ҳ. Аҳмар, Ким хақ?

СУЗГИЧЛИ Сузгичи бўлган, сузгичи бор. *Сузгичли жониворлар. Сузгичли камера. Пўкак сузгичли қармоқ.*

СУЗГУН айн. *сузук.* Сузгун кўзлар. ■ *Қора, ўсиқ киприклари остида сузгун Машғал каби норлар бир жуфт чағир сурма кўз. Ғ. Фулом, Танланган асарлар. Тулин ойнанинг сузеун боққан чоғи, Яшил атлас қирлар уйқуда.* Миртемир, Асарлар.

СУЗИЛМОҚ I Сузмоқ I фл. мажҳ. н. [*Хотин*] *Уйга бир-икки қатнаб, сузилган*

шўрваларни ташиб битиргач, уйнинг эшигини беклади—да, кириб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Биз лойқа сув ичмаймиз ҳовуз, ариқ, анҳордан.. Шишадек тозаланган, сузилиб сув омбордан..* Қ. Муҳаммадий.

2 Эскириб, тўзиб йиртила бошламоқ; ситилмоқ. *Битта пишиқроқ кўйлак ҳам олсанг буларди ўзинга.. анов ювилган кўйлагининг елкалари сузилиб қопти.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Андиша ёки ноз билан ўзини сиполикка солиб, тортиниб турмоқ. *Бир оздан сунг, яна ғалаба нашъасидан сузилаётган хумор кўзларини бироз қисиб, кулумсираганча гапида давом этди: -Мен хиёнатинг учун сендан қасос олмоқчи эдим. «Ёшлик».*

Кўзи сузилди 1) уйқу босиб ёки хумор тутиб, кўзи қисилди. *Қиз яна анчагача хаёл суриб ётди. Ниҳоят, бу кунги серҳаяжон воқеалар анча чарчатган эканми, кўзи сузилди.* Ф. Мусаёнов, Ҳури; 2) ноз-ишва билан кўзлари ярим юмилди. *Фунажиннинг кўзи сузилмаса, буқа ипини узмайди.* Мақол. ■ *Зор инграб йиғларман, кўнглим бузилиб, Талпиниб келарман, кўзим сузилиб.* «Тоҳир ва Зухра».

СУЗМА Сурп халтага солиб, осиб қўйилган қатиқнинг зардоби сизигач ҳосил бўлган сут маҳсулоти. *Ёғли сузма. Сузма қурут. Сузма халта.* ■ *Мурчи сузмага қўшиб ейилса, иштаҳани очади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Дастурхонда яна ўша қурут, сузма, сук пайдо бўлди, салдан кейин эшикда бир гуруҳ қизлар кўринди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Назар пишиқ ўроғини сузма халта осилган тутга санчиб, хонага йўналди.* «Ёшлик».

СУЗМОҚ I 1 Сузгич ёки бошқа бирор нарса орқали ўтказиб, механик аралашмалардан тозалamoқ. *Бензинни машина бакига сузиб солмоқ.*

2 Сувоқ нарсаларнинг керакли қисмини ажратиб олмоқ. *Сирка сузмоқ. Сузиб сутнинг қаймоғини олмоқ.* ■ *У киши [бой] шўрвани пиширади, лекин мойини сузиб ичади, гўштини ейди, менга тақир суяк, бир коса жирсиз сув келтиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тайёр овқат ёки ичимликни ейиладиган ёки ичиладиган идишларга тақсимлаб солмоқ. ■ *Палов сузилиб, Нусратбек икки лаганни келтирганда, йигитлар Соҳиб ака-*

нинг елкасига туртишди. С. Нуров, Нарвон. *Махсумов ҳаммага шўрва сузди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Бир сиқимгина ош қилиб, сузиб олишга ҳайрон бўлиб ўтирган эдим.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 Қарталарни ўйновчиларга бўлиб бермоқ. *Қарта сузмоқ.*

Кўз сузмоқ Ноз-ишва билан қарамоқ, кўзларини ярим юймоқ. *Фунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди.* Мақол. ■ *Ёши қирқларга бориб қолган бўлса ҳам, икки бети қип-қизил.. жорья буш халтани ноибнинг қўлидан оларкан, қоп-қора кўзларини алланечук сузиб, ғамзали бир оҳангда: -Бизга-чи, бегим? — деб сўради.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

СУЗМОҚ II 1 Қўл-оёқ ёки сузгичларини қимирлатиб, сувда турмоқ ёки бирор йўналишда ҳаракат қилмоқ. *Қулоч отиб сузмоқ. Қурбақача сузмоқ. Чаққанчасига сузмоқ.* ■ *Терак тагидан шопиоя бўйлаб йўл бор. Чирчиққа тик чиқади. Дарёдан сузиб ўта-миз.* Ҳ. Фулом, Мағъал. *Балиқ сувда сузади, сувда ухлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Сув транспорти воситаларида юрмоқ, сайр ёки сафар қилмоқ. *Қайиқда сузмоқ. Кемада сузиб, денгиздан ўтмоқ.*

3 Сувоқлик ёки газ бетида қалқиб турмоқ ёки оқмоқ. *Итарувчи куч жисм оғирлигига тенг бўлганда, жисм сувоқликнинг юзиде ёки ичиде сузиб юради.* «Физика». Бу «Волга» ҳам тун оғушида, худди сувда сузиб бораётган кемадек, аста-секин узоқлашди.. «Ёшлик». *Эскидан сақланиб қолган ёдгорлик — оққушлар сузиб юрган кўллари дарахт тагида най чалиб ўтирган йигит-қизларнинг суратлари.* М. М. Дўст, Лолазор.

4 *Кўчма* Бир маромда бир тарафга қараб ҳаракат қилмоқ, кезмоқ, оқмоқ. *Домла кўзларини ишқаб, атрофга қайта тикилди-ю, қандайдир баҳайбат қушларнинг қумда оҳиста сузиб юрган сояларини кўриб, беихтиёр тепага қаради.* М. Мансуров, Ёмби. *Самода эса ҳеч кимга кераксиз ғариб ой мунғайиб сузарди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *..пуштиранг улкан булут самонинг қоқ ўртасида сузиб бориб, рўпарадаги қўшинининг пастак, лойшувоқ томига.. юпқа ва шаффоф соя ташлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СУЗМОҚ III Шохи билан урмоқ, шохини санчмоқ. *Эчкининг ажали етса, қасосбони сузар.* Мақол. ■ *Ҳа, асов сигирнинг*

фёлини билмасанг, олдига йўлатмайди — сузади, тепади, сут бермайди. М. Жўра, Куёшдан нур эмганлар.

Ер сузмоқ Ерга тикилиб қолмоқ, ердан кўзни узмай ўтиромоқ ёки бормоқ. *Дилдор Низомжонни кўриб, секин шийтондан тушида, ер сузганча ариқ томонга ўтиб кетмоқчи бўлди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Пул(ни) сузиб олади** Ердан супуриб олгандай пул топади, катта пул, фойда олади. *Шу давр ичида қўшмачи ҳожи пулни сузиб олди — шинам ҳўжрасидан меҳмон аримади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

СУЗОНҒИЧ айн. сузағон II. Сузонғич сигир. ■ [Пайғамов:] Нодонни сийласанг, чориғи билан тўрга чиқади. *Илмий ходим, деб сузонғич ҳўкиз олиб келган эканмиз.* С. Нуров, Нарвон.

СУЗУВЧИ I Сузмок I фл. сфдш. *Овқат сузувчи. Қарта сузувчи.*

СУЗУВЧИ II Сузмок II фл. сфдш. Сузувчилар мусобақаси. ■ *Сув полоси бўйича машҳур сузувчи А. Зулфиддинов мuddатидан олдин чемпионлик нормативини бажариб бўлди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

СУЗУК Уйқузираб, хумор тутиб ёки нозишва билан қисилган, юмилинкараган, хумор (кўз ҳақида). - *Вой, эсим кўрсин! — деди [Лобар], эрига сузук шахло кўзлари билан кулиб қараркан.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Қўлимда энг қиммат узугим бўлса, Ундан ҳам қимматли кўзи сузугим.* Ф. Фулом.

СУИИСТЕЪМОЛ [a. سؤالاستعمال — нотўрин, нотўғри ишлатиш, ўз манфаати учун фойдаланиш] Бирор нарсадан, мас., амал, бойликдан ўз манфаати учун йўл қўйилганидан ортиқча фойдаланиш. *Сиз менинг меҳримни суиистеъмол қиласиз.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Терговчи очиққина йигит экан, кўнглидагини шундоқ айтиб қўя қолди: мансабини суиистеъмол қилган деган гўмонимиз бор.* М. М. Дўст, Галатела қиссалари.

СУИҚАСД [a. سؤالقصد — ёмон ният] Бирор кимсани йўқ қилиш, ўлдириш учун қасдан қилинган ҳаракат, қасд. *Суиқасднинг олдини олмоқ. Суиқасд қилмоқ. Суиқасд йўлига ўтмоқ.* ■ *Ёмонлар суиқасдидан саломат қутулишингиз муборак бўлсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тайёрланган суиқасддан у беҳабар бўлишяам мумкин.* «Ёшлик».

СУИҚАСДЧИ Суиқасд қилган ёки суиқасд йўлини тутган киши.

СУЙКАЛМОҚ I Суйкамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Деворга суйкалмоқ.*

2 Суянмоқ; бир-бирига тегмоқ.

3 Эркаланиб ёпишмоқ.

4 *кўчма* Яқинлашмоқ; яқин муносабатда бўлишга ҳаракат қилмоқ. *Суймаганга суйкалма.* Мақол. ■ *Хотин имласа бас, не-не ёш эркалар суйкалиб келган бўларди.* *Яхшибоевнинг ўлигини ўртага тиқиб, ғийбат урчишига ҳеч ҳўжат қолмасди.* М. М. Дўст, Лолазор.

СУЙКАМОҚ Суркамоқ, суртмоқ. *Бўёқни суйкамоқ. Бетиға атир-упа суйкамоқ.*

СУЙКАНМОҚ I Суйкамоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н.

2 Яқинлашмоқ суркалмоқ. *Ёмонга суйкансанг, доғи юқар, Деворга суйкансанг — тупроғи.* «Қанотли сўзлар».

СУЙМОҚ с. т. I Яхши кўрмоқ, севмоқ. *Ҳақ суйган ишни халқ суяр.* Мақол. *Сулув — сулув эмас, Суйган — сулув.* Мақол.

2 Эркаламоқ, эркалатмоқ. - *Мениям шу мактабда.. ўқитасизми? — Албатта, албатта, — деди Элмурад қизни суйиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Икки суймаслик Ёқтирмаслик. *Индамаган одамларни иқим суймас кўп..* «Ёшлик».

СУЙРИ Ташқи шакли балиқ сирти сингарии секин-аста, равон ўзгариб борадиган, ўз ҳаракатида муҳитнинг энг кам қаршилигига учрайдиган. *Суйри вагон. Суйри қанотлар (авиа).* ■ - *Оқ-қизғиш ёноқларида майда кулгичлар. Бурни суйри бўлиб борган-у, учи бироз эгилиб, эркакча “қушбурун” бўлиб қолган.* П. Қодиров, Уч илди.

СУКУН [a. سکون — ҳаракатсизлик, тинчлик; сокинлик, жимлик] Араб ёзувида: ёпиқ бўғин охиридаги ундош устига қўйиладиган диакритик белги (шу ундошдан кейин унли келмаслигини билдиради).

СУКУНАТ [a. سکونت — сокинлик, жимжитлик] I Ҳеч қандай товушнинг йўқлиги; жимжитлик, сокинлик. *Сукунат масканисан, Қўм-қўк мусаффо само.* Газетадан. *Қуш от қўшилган арава шаҳар сукунатини бузиб, Рафинак томон елиб кетди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Сукут, сўзсизлик. *Ўртага ноҳуш сукунат чўкди.* «Шарқ юлдузи». *Сукунатни яна отанинг товуши бузди: — Ҳеч нарса деёлмайсан! Қайси юз билан гапирасан?!* «Ёшлик».

СУКУНАТЛИ Сукунатга чўккан, сукут босган, сокин, жимжит. *Сукунатли кеча.* ■

Жура қишлоққа етганда, қуёш ботиб, кечанинг сукунатли қора тўрлари дала устини қоплаган эди. Ҳ. Шаамс, Душман.

СУКУТ [а. *سكوت* — жимжитлик; гапирмаслик; камгаплик] **1** Кимсадан ёки ҳеч кимдан чурқ этган товуш, садо чиқмай, жимлик ҳукм сурган ҳолат; сўзсизлик. *Сукут қилмоқ. Сукут сақламоқ. Сукутга кетмоқ (ботмоқ, чўммоқ). Сукут — аломати ризо. Мақол. Аҳмоққа жавоб — сукут. Мақол. ■ Қизча болаларга хос қайсарлик билан бошини эгганича жим турар, унинг сукутида, бутун хатти-ҳаракатида нимагадир қарши сўзсиз исён бор эди. «Ёшлик». Сукут сақламоқ ҳамма вақт ҳам ақллиқдан дарак беравермайди, аммо билганингни шақиллаб гапира бериш — ўз обрўйингни пақирлаб тўкиш демак.. Мирмуҳсин, Умид.*

2 айн. *сукунат 1. Турғайлар ухлашур ёвшан тагида, Дарё бўйларида — тўқайда сукут. Миртемир, Асарлар. Дунёда шундай қўшиқ борки, янграганда, олам бир дақиқа сукутга чўмади. «Саодат».*

СУКЧАК кам қўл. қ. *сўкчак.*

СУЛАЙМОҚ Ҳолдан тойиб шалпайиб қолмоқ, шилқ этиб тушмоқ. *Очликдан сулаймоқ. Чарчаб сулайиб қолмоқ. ■ Хон тарафдан.. ишбоши қилиб белгиланган саркорлар, [уларнинг] очлик дармонсизлигини ялқовлик ҳисоблаб.. сулайиб йиқилмагунча, кетмонни ташлатмас эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Очликдан кечгача сулайиб юрдим. «Шарқ юлдузи».*

СУЛГИ шв. Лунги, сочиқ. *Шабада экинидан сулги қимирлаб кетди. «Афсунгарлар тўғфаси».*

СУЛИ Бошоқдошларга мансуб, ем учун экиладиган ғалла ўсимлиги ва унинг дони, ғалласи. *Отнинг охурида гўлбеда, тўрвасида арпа, сули қанда бўлмади. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.*

СУЛИШ айн. *сўлиш. Сулиш олмоқ. ■ Шоир бир сулиш олиб, танбурни тоқчага тираб қўйди. Ойбек, Навоий.*

СУЛЛА шв. айн. *суллоҳ. Бунӣ ҳайданг, баччағарни. Мулла деган сулла шу! Ҳамза.*

СУЛЛОҲ [а. *سلاخ*] Ўтакетган хира, сурбет, шилқим. *Балки сен ҳам ўғридирсан ё нокас, суллоҳ, Турғандирсан ношолождан бўйинингни буриб. А. Орипов, Ёйиллар армони. Қандай суллоҳ одам у? Ейдиганини еб кетди! Яна нима дейди?! С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.*

СУЛЛОҲЛИК Сурбетлик, шилқимлик, суллоҳ бўлишлик. *Суллоҳлик билан олмоқ. Суллоҳлик қилмоқ.*

СУЛОЛА [а. *سلالة* — насл, зот, зурриёт; авлод, болалар; уруғ, оила] **1** Бир авлоддан тарқалиб, ворислик, валиаҳдлик ҳуқуқига асосан бирин-кетин тахтга ўтирган подшоҳлар, амирлар, хонлар ва ш.к; династия. *Сомонийлар сулоласи. Ғазнавийлар сулоласи. ■ Бадиуззамон, Темур сулоласига мансуб бир кўп шоҳлар, шаҳзодалар каби, шеърдан завқланар, ўзи ҳам гоҳо-гоҳо бирор нарса ёзиб қўярди. Ойбек, Навоий.*

2 Иш-фаолият анъаналарини, маҳорат сирларини давом эттирувчи авлод, насл. *Ҳиндистон кинематографиясининг доврўғига доврўқ қўшаётган санъаткорлар орасида Капурлар сулоласи алоҳида ажралиб туради. Газетадан. Унга [Тошпўлат отага] қарилик йўл бермади. Лекин фарзандининг фожиаси Ғозибой дарбозлар сулоласини давом эттирдан тўхтабди. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.*

СУЛС [а. *سلس* — учдан бир қисм; хаттотлик ёзуви (ҳуснихат) тури] Араб ёзувидаги хат услубларидан бири; хаттотлик услуби. *Сулс дастлаб расмий ҳужжатларни ёзиш, кейинроқ Қуръон кўчиришида қўлланган. «ЎзМЭ».*

СУЛТОН [а. *سلطان* — олий ҳукмдор, подшо] **1** Мусулмон давлатларида амир, хон, шоҳлар унвони. *Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл. Мақол. ■ Бу чоққача қанча замонлар ўтди, Қанча подшо, амир ҳам хонлар ўтди, Йўқ-юққа камбағал билан иши йўқ.. Ўз кайфини суриб султонлар ўтди. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Жаҳонда энг кўп сармоёга эга бўлган Бруней султони 1788 хонадан иборат бўлган саройда яшайди. «Фан ва турмуш».*

2 кўчма Ўзгалар ичида энг олдингиси, сараси; шоҳи. *Сабо, арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун. Тамоми ҳусн элининг шоҳи — султон бир келиб кетсун. Ҳамза. Ман сизни биламан, олийжаноб, ҳар қандай майда гаплардан устун турадиган, кек сақламайдиган йигитсиз. Йигитларнинг султонисиз! С. Нуоров, Нарвон. Жавоҳирлар султони — олмос фақатгина зебу зийнат бўлибгина қолмасдан, балки забардаст ҳамда нозик техника маҳсулоти ҳисобланади. Газетадан.*

3 Султон (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

СУЛТОНИ [a. سلطانی] Узум навларидан бирининг номи ва шу узумдан солинган майиз.

СУЛТОНЛИК I Султон, шоҳ бўлишлик.
2 Султон қўл остидаги давлат. *Туркия султонлиги.*

СУЛУВ Гўзал, чиройли, кўркам. Сулув қиз. Сулув баҳор. Сулув — сулув эмас, суйган — сулув. Мақол. ■ Қизилқумнинг қоқ ўртаси, Ултирардик овулда, Қимиз сузиб, ўртар сулув — Кўхлик эди охудан. Отаёр, Оқ фасл. Нақадар сулувсан, нақадар инжу, Эй, сен шимол юртин чўнг ўрмонлари. А. Орипов, Йиллар армони.

СУЛУК [a. سلوك — хатти-ҳаракат ва турмуш тарзи; йўл; хулқ, ахлоқ] дин. Солиқнинг тариқат йўлини ўтиш жараёни; муриднинг руҳий-ахлоқий камолотга эришиш йўли. *Тасавуфнинг амалий-ахлоқий сулуки.* ■ Қушларнинг Семурғни қидириб қилган фантастик сафари ва бу сафардаги кечинмалари ҳамда тортган азоб-уқубатлари риёзат ва сулуқ йўлининг рамзий ифодасидир. «ЎТА».

СУЛУКАТ [a. سلوكات — хатти-ҳаракат ва турмуш тарзи] Кишилар билан муомалада, жамиятда ўзини тутиш тарзи; хулқ-атвор, қилиқ. *Сулуқати совуқ одам.*

СУЛУКАТЛИ Кишилар билан муомалада, жамиятда ўзини яхши тута биладиган, қилиғи ёқимли. *Сулуқатли одам.*

СУЛЬФАТ [лот. sulphur — олтингургурт] қ. сульфатлар. *Аммоний сульфат. Сульфат кислота.*

СУЛЬФАТЛАР ким. Олтингургурт (сульфат) кислотасининг тузлари. ■ *Сульфатлар табиятда кенг тарқалган ва турли саноят соҳаларида хомашё сифатида қўлланади.* «ЎЗМЭ».

СУЛҲ [a. صلح — тинчлик; ярашиш] I Урушувчи томонлар ўртасидаги ярашув, яраш-яраш. *Сулҳ шартномаси. Сулҳ тузмоқ.* ■ *Умумий сулҳдан кейин, одатда, сулҳ шартномаси тузилади.* «ЎЗМЭ».

2 Умуман, келишув, тотувлик, тинчлик. *Шомат, Яхшибоевнинг зўрлигини тан олди, тан олгани баробар, «сулҳ» дея қўлини берди.* М. М. Дўст, Лолазор.

3 дин. Мусулмонлар билан фатҳ этилган вилоятлар аҳолиси ўртасида тузиладиган тинчлик битими.

СУЛҲПАРВАР [a. صلحپروور — сулҳни ёқловчи, тинчликсевар] I айн. тинчликсевар. *Сулҳпарвар мамлакатлар.*

2 Келишувчи, ярашувчи. — *Ке, қўй, хотин, шуни туғиб қўя қол, — деди Тош жуда сулҳпарвар оҳангда.* 3 Аълам, Зарб.

СУЛҲ-САЛОҲ [сулҳ + салоҳ] Сулҳ, келишув. *Икковлари [йигит билан жувон] уришиб, мени энга олмагач, сулҳ-салоҳга келишди.* Ф. Фулом, Шум бола.

СУМАК этн. Бешикка беланган чақалоқнинг сийдигини тувакка йўналтирувчи найсимон асбоб. *Қиз сумак. Ўғил сумак.* ■ *Бешик, беланчак, қиз сумак, ўғил сумак, ип ўрайдиган урчўк, заранг чўмич, ўроқ бозори қозондек қайнарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Муборакнинг отаси қишда дурадгорлик қилар, эшик, бешик, сумак, сандал, заранг товоқ ясарди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СУМАЛАК I Қорнинг эриб оқиб, қайта музлаши натижасида ҳосил бўлган найсимон, чўзинчоқ муз. *Ўнг томонда шоҳи пардадек осилиб турган япалоқ, лентасимон сумалаклар ҳам жуда чиройли эди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ер, томлар қор. Тарновларда сумалаклар осилган. Изғирин юзни ялайди.* С. Нуров, Нарвон.

СУМАЛАК II Ундириб янчилган бугдой, ун ва ёғ аралашмасидан тайёрланадиган, сервитамин, хушхўр ҳолвайтарсимон овқат (одатда, баҳор кезлари аёллар ўртасида халфана асосида пиширилади). *Бу кеча — гулгун кеча, Учоқда ўт тонггача, Ким пиширса сумалак, Яшасин-эй минггача!* А. Суюн, Олис тонглар. *Дошқозонда қайнар сумалак, Она-хонлар тонгни пойлайди.* «Саодат». *Бинобарин, сумалак йилда бир мартагина тайёрлаш мумкин бўлган ноёб таомдир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

СУМАН [ф. سمن — оқ гулли, хушбўй ўсимлик] Оқ хушбўй гулли ўсимлик ва унинг гули; ясмин, ёсуман. *Хати мушкинмудурур гул юзида Ё суман устида райҳон кўринур.* Бобур.

СУМАНБАР [ф. سمنبر — оқбадан ва суман исли] поэт. Гуландом, хушруй, зебо. *Бир парипайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам.* Увайсий.

СУМБА I айн. шомпол. *Эркинжон кичик уста, Станокда бирнасада Беҳи шохидан атай Силлиқ қилиб сумбадай, Бувига қилар ҳасса.*

Қ. Муҳаммадий, Одам — олам қўшиғи. *Сешанбаликларнинг қуроллари эски тарзда ясалган милтиқлар бўлиб, уқ ва дорилари оғзидан солинар ва сумба билан жойланарди. С. Айний, Эсдаликлар.*

2 тех. Тешик тешиш ёки белги солиш учун хизмат қиладиган, учи найза пўлат асбоб.

СУМБАТ Ташқи кўриниш; қад-қомат. *Сумбати келишган йигит. ■ Дарҳақиқат, қиз тўлишган — қарғашойи кенг кўйлаги ҳам унинг этилган сумбатини кўздан яширолмаас эди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. Сумбатинг келишган, эй барно йигит, Ҳорманг, харидорим, қайдин бўласиз? «Тоҳир ва Зухра».*

СУМБУЛ с. т. Сунбул. *Шўр ерда сумбул уммас. Мақол. ■ Сумбул ҳам, нарғис ҳам, гунча ҳам, гул ҳам Атлас кийган қизда бўлмиш жамулжам. Уйғун, Тонг қўшиғи.*

Сунбул соч Сунбул каби узун ва чиройли соч. *У ҳозир мана шу янғасининг илгарии қиқир-қиқир куладиган, сумбул сочлари тақимига тушган гўзал бир қиз бўлганига ишонмаётгандек эди. «Ёшлик».*

СУМБУЛА с. т. Сунбула. *Асадда оралаб е, Сумбулада саралаб е. «Қанотли сўзлар». Сумбула сувидай тиниқ манглай тер Марваридо доналар бўлди оқибат. Ф. Фулом, Танланган асарлар.*

СУМБУЛСОЧ бот. Соя-салқин жойларда, сув сирқиб турадиган унгулларда, булоқлар атрофида ўсадиган кўп йиллик манзарали ўт.

СУМКА [р. сума, сумка — тўрва, хуржун] Нарса солиб кўтариб юриладиган, чарм, мато ва ш.к. дан ясалган буюм. *Чарм сумка. Почталъон сумкаси. ■ Тамара қўлига сумкасини олиб, нон харид қилиш баҳонасида биринчи қаватга тушди. «Ёшлик». Ёрдамчилар машинадан тушиб, қўлларига сумка сеткаларини яккаю ягона балхи тутнинг шохига илиб қўйишди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

СУММА [лот. summa — якун, умумий миқдор] Бир миқдор пул, маблағ. *Нафақалар суммаси йшдан-йшга ошмоқда. ■ Яқинда поччам катта сумма зарур бўлиб қолганини сўз орасида қистириб ўтди. Ойбек, Танланган асарлар.*

СУНБУЛ [а. سنبول — бошоқ] Пиёзгуллилар оиласига мансуб, лола баргига ўхшаш

узун баргли ўтсимон манзарали ўсимлик ва унинг гуж бўлиб очиладиган хушбўй, чиройли гули. *Сен чиндан ҳам гўзалсан, Лабларинг ол, қирмизи. Сочларингга сунбул банд, Кўзларинг тонг юлдузи. А. Орипов, Йиллар армони. Отабек сунбул исми сочлардан руҳ олар, Кумуш гўё унинг бағрига сингиб кетган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Сув сунбул(и) Сочдек узун-узун пояли ва жуда нозик баргли папоротник.

СУНБУЛА [а. سنبلة — бошоқ; бурж номи] 1 (С — катта) астр. Ўн икки буржнинг бири, Асад ва Мезон буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобида олтинчи ойнинг номи (22 август — 21 сентябрь даврига тўғри келади). *Сунбулада сув совийди. Мақол. ■ Ташқаридаги шох баргларининг сунбула шабадаси билан шивирлашаётгани эшитила бориқлар, Бугдой тўла сариқлар, Чарс бедовлар ориқлар, Ҳай-ҳай, жоним сунбула! М. Қўшмоқов, Али Қамбар.*

Сунбуланинг сувини ичган экин Куз сувини ичган экин (бундай экин ҳосили қишда яхши сақланади, дейдилар).

СУНДИРМОҚ: бўйин сундирмоқ айн. буйсундирмоқ.

СУНМОҚ эск. кам қўлл. Тутмоқ; узатмоқ. *— Агар йўқ деганингизда, бошингиздан қўйиб юборар эдим, — деди новчадан келган бир йигит. унга [наҳлавонга] май косасини сунар экан. М. Осим, Сеҳрли сўз. Ичига шабнам йиғилган лобақизғалдоқлар унга [капалакгулга] майи нол сунар эдилар. М. Осим, Карвон йўлларига.*

Бўйин сунмоқ айн. буйсунмоқ. *Номардларга асло сунма бўйинингни, Пуч ёнғоққа тўлдироди қўйинингни. Мақол.*

СУННА [а. سنة — одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи; қонун] дин. Ислолда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, амаллари, хатти-ҳаракатлари. *Сунна исломда Қуръондан кейинги, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шариятнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган. «ЎзМЭ».*

СУННАТ [а. سنة] 1 дин. Ҳадисларда тарғиб этилган, ибодатда ҳам, муомалада ҳам қўлланувчи амал. *Уғил болани хатна қилиши, уйланиб оила қуриши, фарзандларга яхши исм қўйиши суннат амалларидан саналади. «ЎзМЭ».*

Ортикча молу дунёсидан хайру эҳсон қиладиган ва суннатга амал қилиб, бидъатларга ўтиб кетмаган кишиларга қандай яхши! «Фан ва турмуш».

Суннат тўйи Ўғил тўйи, хатна тўйи. Қиз чиқарадиган, ўғил уйлантирадиган, суннат тўйи қиладиган хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим кенгашидан ташқари жўната олмас эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳам фарз, ҳам суннат айн. ҳам фарз, ҳам қарз қ. қарз 2. -Қизим, — деди Эрназар ака соқолини уйчан силаб, — ўтган сафар жуда маъқул гап айтдингиз. Уйлаб қарасам, ерни яхлитлаш ҳам фарз, ҳам суннат экан. И. Раҳим, Ихлос.

2 Суннат (эркаклар исми).

СУННИЙ [а. سنئى — суннага амал қилувчи] қ. суннийлар.

СУННИЙЛАР дин. Куръондан ташқари сунна(т)ни ҳам имон-этиқод манбаи деб тан олувчи мусулмонлар; таққосланг: шиалар.

СУННИЙЛИК [«сунна» с. дан] дин. 1 Ислом динидаги икки асосий йўналиш (мазҳаб)дан бири ва энг кенг тарқалгани.

2 Сунний мазаҳби.

СУНЬИЙ [а. صنئى — ясама, ишланган; табиий эмас] 1 Бирор усул билан табиийга ўхшатиб ясалган, тайёрланган, юзага келтирилган. Сунъий каучук. Сунъий тола. Сунъий буйрак. Ернинг сунъий йўлдоши. ■ Эндилликда жаҳондаги энг йирик стадионлардаги юзуриш йўлаклари сунъий қопламалар билан ишланмоқда. «Фан ва турмуш». Котибанинг кўкка бўялган қовоқлари, ҳар бири тикандай ажралиб турган сунъий киприклари тиртиради. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Табиий бўлмаган йўл билан амалга ошириладиган; нотабиий. Сунъий ёритиш. Сунъий сўғориш. ■ Уни дарҳол дераза ёнига яқинроқ келтиришиб, сунъий нафас олдиришди. «Ёшлик». Сунъий ишлов берилган, аёллар зийнати ҳисобланган олмос «бриллиант» деб аталади. «Фан ва турмуш».

3 кўчма Ясама, сохта, ёлғондакам; носамимий. Сунъий табассум. Сунъий хотиржамлик. ■ Кувё олдин манзират қилиб кўрди. Лекин сўзлари анча сунъий чиқаётганини ўзи ҳам сезди, шекилли, миннатдорчилик билдириб қўя қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Очил ўзини вазмин тутиб, табиий муомала қилган сари,

Замира ўнғайсизланар, сунъий равишда босиқ бўлишга уринарди. П. Қодиров, Уч илдиш.

СУНЪИЙЛИК Ясамалик, сохталик, табиий эмаслик. Материалнинг табиийлиги ёки сунъийлигини аниқламоқ. Кулгининг сунъийлиги. ■ Илтифот кўрсатиш меъёридан ошса, бачканалик ёки сунъийликка ўхшаб қалади. Газетадан.

СУПА [а. صفا — тошдан қилинган дўнг, тош ўриндиқ, тоқча; айвон, шийпон] 1 Ҳовли, боғ ва, умуман, очиқ ерда ўтириш, ётиш-туриш учун тупроқдан чорбурчак шаклида кўтариб қурилган жой. Баланд супа. Супа қурмоқ. Супага жой қилмоқ. ■ -Уйга кириб ўтирмайлик, супага жой қилиб қўя қолинг, девкор, — деди кўринишидан оғзи катталиги ҳам билинмайдиган меҳмон дўрилоқ товўшда. «Ёшлик». Ҳовуз атрофидаги супа дид билан безатилган. «Гулдаста».

Шоҳ супа айн. посупа.

2 Умуман, чорбурчак шаклидаги, ердан баланд жой ёки қурилма. Ҳайкал ўрнатилган супа.

СУПАТОҒ геогр. Усти супага ўхшаш текис, ёнлари тик тоғ.

СУПАЧА 1 Кичкина супа. Супачада ухлар эркак ва аёл, Ёғоч бешик ўрталарида. М. Юсуф, Уйкудаги қиз. Тоғасиникига келган куни кечқурун боғдаги супачада ётар, қушларнинг сайрашига қулоқ соларди. М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Супа шаклидаги кичикроқ, ердан баланд жой ёки қурилма. Ҳайкал супачаси.

СУПЕР- [лот. super — юқорида, устида] Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «олий сифатли, юқори даражали», «бош, асосий» ва «устиди, юқорида жойлашган» деган маъноларни билдиради, мас., супермаркет, суперфосфат.

СУПЕРМАРКЕТ [ингл. supermarket < супер. + ингл. market — бозор; сотиш, пул-лаш] Турли хил озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари сотиладиган катта дўкон. Қуйи Чирчиқ туман марказида тумандаги илк супермаркет ўз эшикларини очди. Газетадан.

СУПЕРОҒИР: супеороғир вазн срт. Боксда энг оғир вазнли (ўйинчи). Супеороғир вазнда ўзбекистонлик боксчи Р. Чагаевнинг кейинги рақиби маълум бўлди. Газетадан.

СУПЕРФОСФАТ [супер + фосфат] Апатит ва фосфоритларни олтингугурт

кислотаси билан ишлаб ҳосил қилинадиган юқори сифатли фосфорли ўғит. *Донадор суперфосфат. Суперфосфат заводи.*

СУПРА [а. سفره — сафар озуқаси (овқати); тушлик дастурхон, суфра] Хамир ёйиш, нон яшаш учун мўлжалланган, одатда, ошланган теридан қилинадиган дастурхонсимон рўзгор буюми. *Тери супра. Ҳар супранинг нони бор.* Мақол. ■ *Раҳбархон қўлидаги ўқлоғини супрага дуқ этиб урди.* Ў. Усмонов, Қисмат. — *Вой, ўла-ай!* — деди Бувиражаб супрани очиб. «Ёшлик». *Мезбонлар қўй терисидан қилинган супраларда.. пиширилган гўшт келтира бошладилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Номи (ёки оти) улуғ, супраси қуруқ Номига яраша қўли, дастурхони очиқ бўлмаган, мартабасига мувофиқ иш тута олмайдиган одам ҳақида айтиладиган ибора. *Биладики, [Севаргул] кўк диплом билан институтда қололмайди, мабодо унинг шарофати туфайлидан қолдирилганда ҳам, оти улуғ, супраси қуруқ юраверади.* Н. Қилчиев, Чиғирик. **Қулоқ супраси анат.** Қулоқнинг товуш тутувчи ташқи тоғай қисми. *Султон тандирчи — қотма, кўк кўзлари ҳорғин ва ҳаёлчан.. бармоқлари, ҳатто қулоқ супраларини майин жун босган калта соқолли чол.* «Ёшлик».

СУПРАҚОҚДИ 1 Катта зиёфат, тўй ва ш.к. дан кейин қолган нарсалар билан кичик доирадаги яқин кишиларни меҳмон қилиш ва шундай меҳмондорчиликнинг ўзи.

2 *кўчма* Энг кичик, кенжа (фарзанд ҳақида). *Мўминбой — унинг супрақоқдиси, элликка кирганда кўрган фарзанди.* «Ёшлик».

СУПТА Жуссаси унча катта бўлмаган, хипчадан келган; бежирим. *Супта аёл.* ■ [Хуррам:] *Чуқурни шушурй қилиб қазинг. Қизнинг бетидай супта бўлсин.* «Ёшлик».

СУПУРГИ 1 Супуриш-сидириш, тозалаш учун бурган, шувоқ, маккасупурги ва ш.к. дан дасталаб боғлаб ясаладиган рўзгор буюми. *Шувоқ супурги. Чўлтоқ супурги.* ■ *У тахмондаги, шифтлардаги исларни супурги билан олиб, полни икки қайта ювди.* Мирмуҳсин, Умид. *Янги супургини ишлатишдан олдин совунли қайноқ сувда хўлаб олсангиз, кўпга чидайди.* «Саодат».

Хотин (ёки хотинак) супурги Банди қисқа, одатда, уй супуриладиган супурги. **Эркак супурги** Банди узун супурги. *Чол гира-*

ширада уйдан чиқарди. Қўлида кетмон солидек узун сопи эркак супурги, челақ. Ў. Умарбеков, Дутор. **Қоровул супурги** Узун ёғоч дастали катта супурги.

2 *бот.* Чўл, қирда ўсадиган сершоҳ, уруғи заҳарли бир йиллик ўсимлик.

3 *айн.* маккасупурги.

Супурги пуля тар. Эски мактабларда болалардан уларни ўқитганлик учун олиннадиган солиқларнинг бир тури. **Юмшоқ (ёки мулойим) супурги** Муомаласи юмшоқ, мулойим, аммо ўзи қаттиқ ёки қув одам ҳақида. [Алижон] *Учрашганда шундай мулойим супурги бўлиб кетадики, унча-мунча одамлақ этиб учиб, бундан яхши йигит бўлмаса керак, деб ўйлайди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. **Қўли косов, сочи супурги** Ҳамма уй-рўзгор ишларини ва б. оғир юмушлар, топшириқларни хизматкордек бажарувчи одам ҳақида. *Сизни деб қўлим косов, сочим супурги бўлса-ю, ҳали сиздан келган гап шуми?* А. Муҳиддин, Давлат қораловчиси.

СУПУРГИЧИ Супурги боғлаб сотувчи киши. *Мана, Барат супургичи! Бозордан супургисини чақа қила олмай, яна орқалаб қайтаётир.* Ойбек, Танланган асарлар.

СУПУРИБ-СИДИРМОҚ Супуриб, гард қолдирмай тозалаб олмоқ. *Ўзи супуриб-сидириб, супада чордана қуради. Тиззалари орасига патила-патила эчки юнглари уяди. Чувий бошлайди.* «Ёшлик». *Ҳамма ёқни супуриб-сидириб, ёғ тушса ялагудай қилиб, Ҳожидан бобонинг чиқишига мунтазир бўлиб турдик.* Ғ. Фулом, Шум бола.

СУПУРИНДИ 1 Супурганда тўпланган ахлат. *Супуридиларни ерга тўплаб ёқмоқ.* ■ *Бу ерга ёзда супуринди, қишда қор ташлайдилар.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

2 *кўчма нафр.* Одамгарчилигини йўқотиб, кишилардан ажралиб қолган, маиший ёки мафкуравий жиҳатдан тубан киши.

СУПУРМОҚ 1 Супурги билан чанг-тўзон, ахлат ва ш.к. дан тозаламоқ, ахлат ва ш.к. нарсаларни сидириб олмоқ, тўпламоқ. *Уй супурмоқ. Ҳовли супурмоқ. Янги супурги тоза супура.* Мақол. ■ *Унлаб фаррошлар ҳафсала билан ер супурган, мешкобчлар этакларини белбоққа қистириб, сув сепган..* С. Сиёев, Аваз.

2 *кўчма* Тағ-томири билан сидириб, ордан кўтармоқ, сурмоқ. *Юлғичларни орамиздан супуриб ташлаш керак.*

3 *кўчма* Йўқ қилмоқ, йўқотмоқ, барҳам бермоқ. *Гул боғларга еллар кўклам нафасини уфурди. Ердан қору мовий кўкдан булутларни сунурди.* Э. Воҳидов.

Ер сунурмоқ Этаги ерга тегиб судралмоқ. *Ўлмас этаклари билан ер сунурганча, унга эрашди.* «Ёшлик».

СУР I Дудлаб ёки осиб қўйиб қуритилган, қоқланган. *Сур гўшт. Сур балиқ.* ■ *Қозоқ қизи тутган қимиз, қалбидек соф, Эздан чиқмас сур қазининг тўғрамчаси.* С. Абдулла. *–Бу ану кунги сур гўшт, – деди Нозик кампир гуноҳини енгиллатадиган важ топилганидан қувониб.* «Ёшлик».

СУР II Без, сурбет. *Сур одам.* ■ *Нигоранинг кўз олдига Ёқутойимнинг тухумдай тиғиз гавдасию пардоз-андоз қилган сур башараси келди.* С. Анорбоев, Оқсой.

СУР III [ф. *سور / سړخ* – қирмизи, қизил, қизғиш] 1 *от* Тўқ кулранг, тилларанг қорақўл. *Лолаларнинг унар жойи қир бўлур, Қоракўлнинг кўркам тури сур бўлур.* Я. Курбон. *Эшик зинаоясида сур қалпоқ кийиб, қизил астарли чакмонининг барини кумуш камарига қистириб олган киши кўринди.* «Шарқ юлдузи».

2 *сфт.* Тўқ кулранг тусдаги; сурранг. *Сур қорақўл тери.* ■ *Бутхонанинг сур деворига Ҳар ўткинчи бир сатр битмиш.* Миртемир, Асарлар.

СУР IV шв. Салобат. *Умрида ҳали бирор марта ҳайфсан олмаган, беозор Саидхонни прорурорнинг сури босиб қолди.* Ш. Тошматов, Тонглаги қўланка. *Дуруст, ўзим ёлғиз бўлганда дадил айта бераман-ку! Лекин ўша.. учраган вақтда.. баччағарнинг сури босиб қолади, дейман.* Ҳамза, Танлаган асарлар.

СУР V [а. *صور* – шох, мугуз; карнай] дин. Қуръонда айтилишича, қиёмат куни Исрофил фаришта томонидан чалинадиган, шох (мугуз)дан ишланган карнай.

СУРА [а. *سوره*] (у – чўзиқ) Қуръоннинг 114 бобидан ҳар бири. “Бақара” сураси. ■ *Баъзи сураларнинг номи суранинг бошида келган сўздан олинган.* «ЎЗМЭ». *Бу «Ҳажж» сураси Мадинада нозил қилинган бўлиб, етмиш саккиз оятдан иборатдир.* «Шарқ юлдузи».

СУРАЙЁ [а. *سُرَايَا*] 1 (С – катта) астр. Савр юлдузлар туркумидаги бир гуруҳ юлдузлар номи. *Бир оқшом, ой тўлган, ел ўйнар то баланд Сурайё зангори.* У. Носир, Юрак.

2 эск. Маъшуқа, ўйнаш.

3 Сурайё (хотин-қизлар исми).

СУРАЛАЙ: суралай гоз Ғозсимонлар туркумининг ўрдаклар кичик оиласига ман-суб кўл қуши; шомруқ.

СУРАТ [а. *صورت* – кўриниш, тимсол; тасвир, тасаввур; фоторасм; шакл, нусха] (у – чўзиқ) 1 Рассом томонидан чизилган тасвир, расм. *Сурат солмоқ.* ■ *Тунги боғлар суратга ўхшар, Ҳар бир чизиқ аниқ ва қора. Кундузи у мен каби яшар, Тунда – қотиб қолган хотира.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Шоирлар сурати турибди қатор, Мана бу – Лермонтов, мана бу – Фуркат.* А. Орипов, Ўйиллар армони.

2 Босма тасвир, китоб, журнал ва ш. к. да босилган расм, иллюстрация. *Суратлар билан безатилган китоб.* ■ *Абдуракул ўқишни билмаса ҳам, китобларни иштиёқ билан варақлай бошлади ва баъзи бир суратларга тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Фотографик тасвир, фоторасм. *Сурат олдиromoқ. Суратга олмоқ. Суратга тушмоқ.* ■ *Жамолзода Гулгинага қараб турди-да, ички завқ ила Ботирга деди: –Қара, Ботир, Гулгинахоним оху ила сўзлашяпти.. Таассуфки, фотоаппаратимиз йўқ, суратга олсак бўларди.* «Ёшлик». *Ёнаётган бағрини қандай қилиб совитса экан?! Ҳеч совитиб бўлмайди! Девордан Ҳафизанинг суратини олиб, бурдаласинми? Мирмуҳсин, Умид.*

4 Ташқи қиёфа, кўриниш; сиймо. *Уйқусиз кечаларда Сурагинг кўз олдимда.* Миртемир, Асарлар. *Муқбил бир қаландар суратига кириб, сафарга чиқибди.* «Эртақлар».

Сурати одам Ташқи кўринишигина одам, лекин эзилган, ҳолсиз ёки инсонийлигини йўқотган, разил. *Бузилдим, одамгарчиликим қолмади, суратим одам, бойвачча ака, менадан ҳайвон яхши,* Ойбек, Танланган асарлар. **Сурати қолмоқ** Касаллик, қўрқув ёки руҳий азобдан озиб-тўзиб кетмоқ. *Ортиқча меҳр қўйганиданми, ўғлининг саратондаги чақмоқдек ногоҳ қамалиб қолишидан Оҳистахон шунақа кўрқиб кетдики, икки-уч кунда сурати қолди.* ШУҳРАТ, Умр поғоналари.

5 (ў.-п. к. шаклида) Қўшма равиш таркибида келади. *Шошилинч суратда. Расмий суратда. Мунтазам суратда.*

6 мат. Оддий касрда чизиқ устидаги сон. *Сурат ва махраж.*

Баайни (ёки худди) сурат Жуда чиройли, жуда гўзал. *Баайни сурат: киши ҳам бун-*

дай бежирим булар экан. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **СУРАТ БЎЛИБ** (қотиб) қолмоқ Ҳайратда қолмоқ, ҳанг-манг бўлмоқ. *Зулук-хон Норқўзининг турган ерида сурат бўлиб қолганини, йигитнинг қалби кўрқувга тўлганини фахмлади.* Х. Ғулум, Сенга интилагман. *Шу пайт бир ҳодиса рўй берди-ю, болаларнинг ҳаммаси сурат бўлиб қотиб қолишди.* О. Акрамхўжаев, Кониютнинг сири.

СУРАТКАШ [а. + ф. صورت کش — сурат чизувчи, расмга олувчи] 1 с. т. Сурат чизувчи, сурат солувчи; рассом. *Сураткаш чизган манзара.*

2 айн. **фотограф.** *Новча сураткаш чигирт-кадай дам у ёққа, дам бу ёққа сакраганича, тинмай фотоаппаратини чиқиллатарди.* «Ёшлик». *Эшик оғзида рўйхатга олаётган қизларга юзландик. Ҳисобдан ўтиб, энди залга қараб юрган ҳам эдикки, нақ пешонамизда сураткашларнинг чироғи икки марта ярқ этди.* М. М. Дўст, Лолазор.

СУРАТКАШЛИК Сурат чизиш ёки сурат олиш билан шуғулланиш; сураткаш касби. *Сураткашлик қилмоқ.*

СУРАТЛАНМОҚ кам қўлл. айн. **гавдаланмоқ.**

СУРАТЛИ 1 Сурати, суратлари бўлган; суратлар билан безатилган. *Суратли журнал.* ■ *Мен суратли китобни яхши кўраман.* Мирмуҳсин, Умид.

2 **поэт.** Бирор кўринишга эга бўлган, кўринишидаги, қиёфасидаги. *Қараса, Юсуф талғатли, Искандар савлатли, Рустам жасадли, ажаб суратли бир йигит ёнбошлаб ётибди.* «Маликаи айёр». *Малойик суратли, гул юзли дилбар, Ростин дегин, дилбар, қайдин бўласан?* «Маликаи айёр».

СУРАТХОНА [сурат + хона] **эск.** 1 Фотосурат олинадиган ишхона, фотография.

2 Расмлар музейи, галереяси.

СУРАТЧИ с. т. 1 айн. **рассом.** *Суратчи чизган портрет.*

2 айн. **фотограф.** *Бизнинг суратчимиз яна сурат олди. Хотин бундан жуда хурсанд бўлди.* Х. Олимжон, Танлаган асарлар.

СУРБЕТ Гап таъсир қилмайдиган; сур, безбет. *Сурбет одам.* ■ *Баширжон енгил нафас олиб: —Уф, хайрият! — деди ва: —Жуда исқирт, сурбет чол-да! — дея қўшиб қўйди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Тоғай унинг башарасига тикилиб тураркан, кўнглида шу истакни туйди: қани энди бу сурбетни қўли*

толгунча қамчин билан саваласа, отга топ-татса.. «Ёшлик».

СУРБЕТЛАРЧА **реш.** Сурбет одамлардек, сурбет одамларга хос равишда, гапга парво қилмай. — *Энди хотинимиз ўқимаган хотин, — сурбетларча илжайди Обидов.* С. Зуннунова, Олов. *Бир ёқда Тўйчининг сурбетларча зуғум қилиши, бир ёқда тийинлаб тўпланган икки мингдан ажраб қолаётгани Рисолат холани ўртаб юбарди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

СУРБЕТЛАШМОҚ Сурбет, безбет бўлиб бормоқ.

СУРБЕТЛИК 1 Сурлик, безбетлик, безбет бўлишлик; сурбет эканлик. *Унинг сурбетлиги мени гангишиб қўйди.* «Ёшлик».

2 Сурбет одамларга хос иш, хатти-ҳаракат, қилиқ. *Қоровой ака ҳеч қандай савол-жавобсиз ичкарига кириб, сурбетлик билан салом берди.* К. Яшин, Ҳамза. *Лекин билинг, бунақа сурбетлик билан.. ҳеч қачон косангиз оқармайди.* «Ёшлик».

СУРГАМОҚ айн. **судрамоқ.** *Маматнинг катта ўғли аёлнинг қўлидан косовни тортиб олиб, сўкина-сўкина, уни четга сургади.* «Ёшлик». *Эти сўнгақларидан ажралиб кетаётгандек, бесўнақай гавдасини аранг кўтарганча, тегирмон бўйлаб оёқларини сургаб босарди.* «Афсунгарлар туҳфаси».

СУРГИ I Ични юмшатадиган, сурадиган дори-дармон. *Сурги ичмоқ. Сурги дори.* ■ *Тузли сурғилар мунтазам ишлатилганда, улар ичакни таъсирлантириши натижасида ичак шиллиқ нардаси яллиғланиши мумкин.* «ЎЗМЭ».

СУРГИ II **шв.** Юз-қўл артадиган сочиқ, лунги.

СУРГУН **эск.** 1 Давлат органларининг қарори ёки суд ҳукми билан жазо тариқасида бошқа бир ерда яшаш учун мажбурий равишда кўчириш; бадарға. *Сургун қилмоқ. Сургунга юбормоқ.* ■ *Сал норозилик қилиб, ишдан бўйин бурганларнинг боши балога қолар, бундайларга сургун, бадарға доимо таҳдид солиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бош вазир Исфандиёрни тахтдан тушириш йўлини ўйлаб, уйи томон борар, хон эса Исломуҳжани сургун қилиш ё қатл этиш режасини туза бошлаган эди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Шундай жазога маҳкум этилган кишилар бадарға қилинадиган жой ва у ердаги ҳаёт. *Бир ўқитувчи рус аёл ҳам сургун қилинган экан. У сургундаги саводсизларни ўқита*

бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Сургунда қон ютган йилларни айтиб, Дер экан: -Эсимда: бир вақтлар йироқ Юртда бошимизга тушганди фироқ. М. Шайхзода.

СУРДОЛОГ [лот. *surdus* — кар + лот. *logos* — сўз, тушунча; таълимот] Кар ёки заиф эшитувчи болаларни ўқитувчи педагог. *Малакали сурдолог тарбиячи ва ўқитувчилар Б. Исмоилова, Д. Ражабовалар болалар билан эринмай шуғулланишади.* Газетадан.

СУРДОПЕДАГОГИКА [лот. *surdus* — кар + педагогика] Дефектологиянинг кар ёки заиф эшитувчи болаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларини ўрганувчи тармоғи. *Сурдопедагогика отоларингология, акустика, логопедия, умумий педагогика, тилшунослик, психология, физиология билан узвий боғлиқ.* «ЎЗМЭ».

СУРИК [қад. р. *сурикъ* — қизил бўёқ < юн. *surikon* — сурия бўёғи] I Таркибида қурғошин оксид ёки темир оксид бўлган, техникада ва лоқ-бўёқ санотида қўлланиладиган минерал.

2 Шундай минералдан тайёрланган қизғиш-зарғалдоқ ёки қизғиш-жигарранг бўёқ.

СУРИЛМА I У ён-бу ён суриладиган; сурма. *Сурилма қопқоқ.*

2 геол. Тоғ жинсларининг гравитация жараёнлари таъсирида ёнбағир бўйлаб пастга томон силжishi. *Ётиқ сурилма. Тик сурилма.* ■ *Қизилжарга соҳиллардан сурилмалар кўп тушган, қанчалаб арчаларнинг илдизлари очилиб ётар.. эди. Ш. Холмирзаев, Сайланма.*

СУРИЛМОҚ I **Сурмоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. Орқа қаторда ўтирган кексароқ бир рус, скамейка четига сурилиб, *Икромжонга ёнидан жой кўрсатди. С. Аҳмад, Уфқ. Уларни [лоларни] ердан қовлаб олиш жуда осон. Қовланмайди ҳам, шунчаки тупроқ четга сурилса бас, ҳар лола тупи сопол тугаги билан очилиб қолади. М. М. Дўст, Лолазор. Кечга бориб хон: «Ғолиблар шарафга.. зиёфат беришсин», деб фармон берди. Тонготар базм бўлиб, кайф-сафо сурилди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 Иши орқага кетиб пастлашмоқ, қатордан, сафдан чиқмоқ. *Бечора, иши юришмай, анча сурилиб қолибди.*

СУРИНМОҚ I Қоқилиб-суқилиб, туртиниб юрмоқ. *От суринмай, йўл танимас.* Мақол. ■ *Нурбек сўқмоқ устида ётган тўнкага суришиб йиқилди. Кафтию юзи,*

тиззалари сидирилди. «Ёшлик». Лоилоҳа қудратингга, илоҳим, Йиқилсам, суринсам, пушти паноҳим. «Юсуф ва Аҳмад».

2 Қийин аҳволга тушмоқ, қийинчилик билан кун кўрмоқ. *Бўлар-бўлмас уринма, Охирида суринма.* Мақол. ■ *Биров ҳолинг не деб сўрармикан, деб умид қилман. Яққаланганинда, суринганинда бу жуда билинади. «Ёшлик». Мудҳиш шарпалардек суринган халқнинг Оху фиғонлари тутун ё ғубор. Ф. Фулом, Танланган асарлар.*

СУРИШ I **Сурмоқ** фл. ҳар. н. *Нарсаларни у ёққа-бу ёққа суриш. Ишни олдинга суриш. Ҳаёл суриш.* ■ *-Жамоани орқага суришга, обрўйини тўкишга ҳеч қандай ҳаққингиз йўқ. — деди директор.* Газетадан.

2 фольк. Жанг, уруш. *Оломондан неча ўлиб, Жуда қирғин суриш бўлди. «Фольклор».*

СУРИШМОҚ I **Сурмоқ** фл. бирг. н. *Умид билан бир ёстиққа бош қўйиб, нималарни орзу қилишмаганди. Кучоқлашиб, кўзуга тикилганча, ширин ўйлар суришарди. «Ёшлик».*

2 Жанг қилмоқ, олишмоқ. *Ҳасанхон шу майдонда урушиб, суришиб, олишиб, солишиб, урушмоқдан армони қолмади. Эргаш Жуманбулбул ўғли.*

3 с. т. *Мириқиб шахмат ўйнамоқ, шахмат тахтасида жанг қилмоқ. Бироқ масалиқ қозонга тушиб, улар беш-олти қўл эзилишиб шахмат суришиди ҳамки, Зиёд муддаога ўтмасди — ёрила қолмасди. М. Мансуров, Ёмби.*

4 Ҳисоб-китоб қилиб, бир-бирига ўтган қарз ёки ҳақни тўлаб, орани очмоқ. *-Дий-дийингни қўй, — деди Зариф найза. — Ака-ука кейин суришиб кетаверасанлар. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.*

СУРИШТИРМОҚ I Биридан бирига ёки у ён-бу ён сурмоқ. *Харажатларни бир моддадан иккинчи моддага суриштириб қопламоқ. Нарсаларни суриштириб, икки яшикка жой қилмоқ.*

СУРИШТИРМОҚ II Бутун тафсилоти билан билиб олиш, тағита етиш учун сўроқлайвермоқ, сўраб-сўраб билмоқ, аниқламоқ. *Авлодни суриштирмоқ. Узумини е, боғини суриштирма.* Мақол. ■ *Суриштириб келса, ҳаммамиз бир томирданмиз. «Ёшлик».* *Кийимлари-да нақ рисоладагидек: бошдан-оёқ чет элники. Феълени суриштирсангиз, мисоли ўт-олов! «Ёшлик».*

Суриштирмай ёки суриштирмасдан 1) сўроқлаб аниғини билмасдан, аниқламай-нет-

май; 2) фарқига бормай, фарқ қилмай, ара-лашига. *У овқатнинг яхши-ёмонини суриш-тирмайди.*

СУРКАЛМОҚ 1 Суркамоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Деворга суркалмоқ.* ■ [Муҳсина хоним:] *Ҳадеганда йўғлай олмайман, айниқса, кинода панд беради шу одатим, ноиложликдан дори суркалган рўмолчани кўзга суртаман.* М. М. Дўст, Лолазор. *Урғочи шер ҳеч қандай ҳужум қилмасдан, кўзидан ёшини тўқиб, ерга суркала-суркала келаверибди.* «Эртақлар».

2 Ёйилиб кетмоқ, ёйилиб, ифлос, доғ-дуг бўлмоқ. *Стул қимирлаб, хатим суркалиб кетди.*

3 *кўчма салб.* Хиралик билан суқилмоқ, ёпишмоқ, кимса атрофида ёки бирор доирада ўралашиб юрмоқ, пашшаҳўрда бўлмоқ. *Мулла Мамасолиҳ Уста Бабудни ийдириш учун хушомадомуз бир оҳангда балчиқдай суюқлиб, суркалиб давом этди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

СУРКАМОҚ 1 Бирор нарса бетини, сиртини бошқа нарса бетига, сиртига ишқамоқ, суйқамоқ. *Товонини ғишга суркаб ювоқ.*

2 Бирор нарса бетига, сиртига юқадиган ёки сингийдиган нарса бермоқ, суртмоқ. *Деворга бур суркамоқ. Машинага мой суркамоқ. Ярага дори суркамоқ.* ■ [Унсин] *Ичкари уйда ўтириб, маҳсиларга шон қоқадди, шондан туширади, пардозлайди, қора гул, лок суркайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мели полвон Худойқулга яна имо қилди: -Қани, бармоғингни тўғрига, — деди ва.. бош бармоғига сиёҳ суркади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СУРКАТМОҚ 1 Суркамоқ 2 фл. орт. н. *Оёғига дори суркатмоқ.*

2 Ёйилтириб юбормоқ, ёйилтириб, ифлос, доғ-дуг қилмоқ. *Хатни суркатиб юборибди.*

СУРЛАМОҚ Осиб қўйиб қуритмоқ, қоқ қилмоқ, қоқламоқ. *Гушт сурламоқ. Балиқ сурламоқ.*

СУРЛИК Безбетлик, сурбетлик; шил-қимтик. *Сурлик хўрлик келтирар.* Мақол.

СУРМА I 1 Менделеев даврий система-сининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон оқ, мўрт металл. *Сурма кони. Сурма рудаси.* ■ *Сурманинг алюминий, галлий, индий билан ҳосил қилган қотишмалари яримўтказгичлар ишлаб чиқаришда қўлланади.* «ЎЗМЭ».

2 Таркибида шу элемент бўлган қорам-тир пардоз бўёғи (қош, киприкларни бўяш учун ишлатиладн). *Сурма қўймоқ. Кўзига сурма тортмоқ. Усма кетар — қош қолар, Сурма кетар — кўз қолар.* Мақол. ■ *Саломатнинг сурма тортилган кўзлари ола-қула бўлиб кетди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Юзлари худди олмадай таранг. Бир жуфт қуралай кўзи сурма босгандай қора, бир қарашни биланоқ юрагимни така-пука қилиб ташлади.* Ҳамза, Танланган асарлар.

Сўқир кўзга сурма Номуносиб ёки беҳуда иш қилган кишига нисбатан айтиладиган ибора. *Ўрмонжон кулди: -Сўқир кўзга сурма.. нима қиласизлар, нима қиласан алдаб? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

СУРМА II Суриладиган, сурилма. *Сурма қопқоқ. Столнинг сурма яшиги.*

СУРМАДОН Сурма солинадиган идиш. *Бир кун сени кўтариб, қўшничикига ўтдим. Уй эгаси ичкари ҳовлида экан, ташқарида сурмадон қўйилган эди.* «Саодат».

СУРМАЛИ 1 Таркибида сурма бўлган. *Сурмали тоғ жинси.*

2 Сурма қўйилган ёки сурма қўйилган-дек қора. *Куйлақлари бурмали, Қошу кўзи сурмали Қайнопасига бир салом.* «Кўшиқлар». [Баширжон] *Ниҳоят, жувонни чироқ томон ўгириб, чўғдек ёнаётган сурмали кўзларига ютоқиб тикилди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

СУРМАРАНГ Туқ симоби ранг, қорам-тир. *Уфқдаги олачалтоқ булутлар қирмизи рангга кирди, денгиз қорайиб, сурмаранг тус ола бошлади.* «Ёшлик». *Сурмаранг духоба дўтти кийган, кўса, олтишларга борган жиккак киши электр плитада қайнаётган сувни кичкина рух чойнакчасига дамлаб олаётган эди.* Ў. Усмонов, Қисмат.

СУРМАЧЎП Сурма суртадиган махсус ингичка чўп.

СУРМОҚ 1 Итариб, бир жойдан иккинчи жойга кўчирмоқ; жилдирмоқ, силжитмоқ. *Ориқ, кўзи ичига тортиб кетган, ияклари ингичка келин айвон тахмонидаги сандиқни нари-бери сураб эди.* «Саодат».

Олдинга сурмоқ 1) олд томонга силжитмоқ; 2) *кўчма* олға бостирмоқ. *Ишни олдинга сурмоқ. Орқага сурмоқ қ. орқа. Акаси қисташини қўйибди, укаси эрта-индин, деб орқага суришини қўйибди.* «Эртақлар». **Сув сурмоқ** Суғориш учун сувни бирор томонга йўналтирмоқ, йўналтириб олиб бормоқ. *У*

[Йўлчи] ер ҳайдади, чопиқ чопди, сув сурди, далага гўнг ташиди. Ойбек, Танланган асарлар. **Суриб бормоқ** Куч билан сиқиб, босиб бориб, илгари ҳайдамоқ. *Ҳайдар, рақибини суриб бораётиб, чалиниб йиқилиб тушиди.* Й. Раҳим, Ихлос. **Суриб кетмоқ** 1) куч билан олиб, тортиб, судраб ёки эргаштириб кетмоқ. *Тингловчи эса шу дарё юзидаги елканга ўхшайди. Сизларга кўчган хотиралар эса елканни суриб кетувчи шамолга ўхшайди.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари; 2) олиб қочмоқ (от ҳақида). *Саман ҳуркиб, келган томонига — Кукоролга суриб кетди!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 3) кўчма фойда бермай, зарар келтирмоқ. *Ҳаром пул суриб кетади.* **Суриб чиқармоқ** Куч, тазйиқ билан сиқиб чиқармоқ. *Қисм қоронғи тушгунча душманни олдинги оқоллардан суриб чиқарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Четга сурмоқ** 1) чет томонга сиқитмоқ; 2) кўчма четта чиқариб юбормоқ, четлатмоқ.

2 Юрмоқ (шахмат ва шашка ўйинида). *Пийдони сурмоқ. Филни сурмоқ.*

3 Бирор томонга йўналтирмоқ, солмоқ. *Лашкар сурмоқ. Карвон сурмоқ.* ■ *Ажсаб, бунда нечун ёлғиз юради, Ким экан у, кечаси от суради? «Гулшанбоғ». Фиротга мен аччиқ қамчи урайин, Ёв кетиндан шу кеча от сурайин.* «Гулшанбоғ».

4 с. т. Суртмоқ, суркамоқ, [Нафиса] *Икки қўли ёрилган, ҳадеб глицерин сурмоқ ҳам фойда бермасди.* Мирмуҳсин, Қахрамоннома.

5 Отлар билан қўшма феъл ясайди, мас., *давр сурмоқ, кайф сурмоқ, хаёл сурмоқ, ҳукм сурмоқ.* ■ *Ушилдираб оқаётган ариқ ичидан балиқчалар излаб, хаёл сураётган Ҳафизага боқиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Уларни кузатиб турган она, қизининг энг ўйнаб-қуладиган, аёллик, оналик бахтини сурадиган вақти ўқиш билан ўтаётганига ачинар.. эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Боғда гулни тергин энди, Давру даврон сургин энди.* «Гулнорпарӣ».

Насл (ёки суяк) сурмоқ Наслдан наслга ўтмоқ (бирор касаллик, ирсий ҳолат ва ш.к.). **Тирноғи сурибди** Янги тирноқ чиқиб ва ўсиб, эски, зарарланган тирноқни туширибди. **Умр сурмоқ** Умр кўрмоқ, яшамоқ. **Қалам сурмоқ айн.** қалам тебратмоқ қ. тебратмоқ. *Навоий улуғ форс шоирлари каби, шеърнинг ҳамма шаклларида қаламни жасур сурди.* Ойбек, Навоий.

СУРНАЙ [ф. *سورناى* — тўйда чалинади-ган най < *سور* — тўй, зиёфат + *ناى* — най, сибиэга] Тешикларини бармоқлар билан очиб-ёпиб, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. *Сурнай овози. Сурнай навоси. Сурнай чалмоқ.* ■ *Энди билдим, бир кун сенинг тўйинг бўлиб, Сурнай йиғлар саҳаргача ўйин бўлиб.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз. *Хоразм отлиқ аскарлари карнай, сурнай, ноғора садолари остида душман билан чопқилаша бошладилар.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Қирқин қизлар қўлларига карнай-сурнай, чилдирма, чанқовуз олиб, ҳар қайсиси бир нағма қилиб бораётир.* «Маликаи айёр».

Сурнайингни тортма Йиғи-сиғи қилаверма, йиғингни қўй. *Сўк ошига сурнай кест.* Арзимаган ишга ортиқча дабдаба, дарандурунг қилинган ҳолларда ишлатиладиган матал.

СУРНАЙЧИ Сурнай чалувчи одам. *Ғат-ғат қилган карнайчи, Балоба қолган сурнайчи.* Мақол. *Қарға қақимчи экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан..* (эртакларнинг бошламасидан).

СУРОБ: суроби тўғри бўлмоқ (ёки тор-твлмоқ) 1) ҳолдан тоймоқ, ҳол-жони қолмаслик. *..Турқинга бир қара, икки кунда суробинг тўғри бўп қопти-ю!* «Ёшлик»; 2) адабини, таъзирини емоқ; бўлари бўлмоқ. *Ҳўн, бу одамнинг бугун қўли узун. Эртага-чи? Эртага суроби тўғри бўлгач, бу думбул эркатой нима қилади? «Ёшлик».* **Суробини тўғриламоқ (ёки тортмоқ)** 1) ҳолдан тойдирмоқ, жонини кўзига кўрсатмоқ; 2) адабини, таъзирини бермоқ, кунини кўзига кўрсатмоқ. [Турди ғилай:] *Шошмай тур, сениям суробингни тўғрилаб қўядиган пайт келади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

СУРОН 1 Кучли шовқин, ғовур-ғувур, шов-шув. *Бобур умрининг сўнги йилларида саройдаги хушқақчақ сурон билан тула базму томошалардан совиган эди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Сурон тиниб, ҳамма яна жойига ўтириб бўлгач, Ошно ҳеч гап айтмагандай, воҳа раҳбарига юзланди-да, жўнгина суради..* М. М. Дўст, Лолазор.

Сурон солмоқ (ёки кўтармоқ) Кучли шовқин кўтармоқ, шовқин солмоқ, ғовур-ғувур қилмоқ. *Кўнчилиқ дам урса, бўлади бўрон, Саҳрога солади даҳшат ва сурон.* А. Пулат. *Тракторлар сурон кўтариб, ер бағри-ни тилка-пора қилади.* «Шарқ юлдузи».

2 ҳарб. Қўшинларнинг жанг майдонида бир-бирига қарама-қарши турган ёки ҳужум вақтидаги аскарлар ҳайқирғи.

3 кўчма Катта қийинчилик, азоб, ма-шаққат. *Суронлар йўлида турибди кутиб, Ўзинг қўлла энди мени, онажон. А. Орипов, Йиллар армони. Балки, ўз набиралари қучоғида осуда ҳаёт кечираётгандир? Ҳар уруш суронлари ёдга тушганда, юракда бир оғриқ билан сизларни эслар? «Шарқ юлдузи».*

СУРОНЛИ I Шовқин-сурон, говур-гу-вур билан тўлган; шовқинли. *Суронли жанглар. ■ Никоҳ тўйи фавқулодда суронли ва тантанали бўлди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 кўчма Дабдабали, бўронли. *Суронли йиллар.*

СУРП Сидирға ип газлама ва ундан тикилган кийим. *Оқ сурп. Қора сурп. Сурп яқтак. ■ Корхонанинг 2-тўқув цехи жамоаси ноябрь ойида 85200 метр хом сурп тўқиб, режа топшириқларини бажарди. Газетадан. Меҳмонлар кун оққанда келишди. Ҳаммаси силлиқ дазмолланган қора шим, энги калта оқ сурп кўйлак кийишган. С. Нуров, Нарвон. Майкачан, оқ сурп иштон.. кийган Аҳмад бригадир пайкалда ўт ўраётган эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

Хом сурп айн. без II.

СУРПА шв. айн. супра.

СУРРА I Кенг ола-була йўлли маҳаллий нимшойи мато. *Бир жура сурра. Сурра тўн. ■ Адҳамбой маърақасидан кийган сурра пўшакни.. волидангиз ҳайф кўрди. А. Қодир-рий, Кичик асарлар.*

2 Шундай матодан тикилган тўн. *Сурра тўн.*

СУРРАНГ айн. сур III 2. *Сурранг ипак. ■ Бу кўчаларнинг тунроғи ҳам бошқа: йўл-каларга сурранг майда шлак тўкилибди, юрганда гичир-гичир қилади. А. Мухтор, Опасингиллар.*

СУРРОГАТ [лот. surrogatus – бошқасининг ўрнига қўйилган] Бирор нарсанинг ўрнида ишлатиладиган, лекин унинг ўрнини тўла боса олмайдиган, унинг хоссалари-гагина эга бўлган нарса. *Озиқ-овқат суррогатлари. Сахарин – қанднинг суррогати. ■ Тўғри, на матининг, на оҳангининг тайини йўқ, маза-матрасиз ашулалар, тақлид ва кўчирмакашликдан иборат суррогатлар ҳам кам эмас. Газетадан.*

СУРСАТ эск. фольк. Ўлпон, солиқ. *Учқур эдинг, қанотингдан қайрилдинг, Югуруқ бўлсанг, туёғингдан тайрилдинг, Биз овқатдан, сен сурсатдан айрилдинг. «Алпомиш».*

СУР-СУР I Тиқилинчдаги ур-йиқит ҳаракати, бир-бирини туртиб-суртиб, итариб, босиб бориш. *Бозордаги сур-сур. ■ Давидни сур-сур қилиб, қоронғи бир хонага олиб кириб кетишди. Ё. Ҳаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.*

2 Жанжал, олишув, тортигув. *Бу ғалва, сур-сур бўлиб, Қори ўша баттал амин билан чап бўлиб қолади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

СУРТКИ I шв. Сочиқ лунги.

СУРТКИ II: суртки дори Ярага ёки оғриқ жойга суркаладиган дори.

СУРТМОҚ I айн. суркамоқ. *Деворларга бўёқ суртмоқ. Юз-қўлига совун суртмоқ. ■ Пайғамов лабига, чаккаларига билинар-билинкас атир суртди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Аҳмад бригадир боласи олиб келган пиёзни белбоғидаги ничоқ билан иккига бўлиб, сувини боланинг бармоғига суртди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Чол икки қўлини юзига суртди. С. Аҳмад, Уфқ.*

2 **Артмоқ**, артиб-суртиб тозаламоқ. *Гўр-ўғли қандай таом бўламасин, еб бўлгандан кейин, агар сув ўрнига заҳар ичса ҳам, шу рўмол билан оғзини суртса, еган-ичгани баданига мойдай эриб, сингиб кетар эди. «Гулшанбоғ».*

Бурнига кесак суртмоқ Лақиллатиб, бирор нарсадан қуруқ қолдирмоқ, чув туширмоқ; фариб, панд бермоқ. *Кўзга (ёки юзга) суртмоқ қ. кўз. Кўзга суртиб, фарзанд, дедим, ўзингни, Жон борида суртдим кўзга изингни. «Маликаи айёр». Оёғига юз суртмоқ* 1) оёғига йиқилмоқ, бош урмоқ, ялиниб, илтижо қилмоқ; 2) тавоф қилмоқ, кимсани муқаддас билиб зиёрат қилмоқ.

СУРУВ Қўй-эчки подаси. *Сурув боқиб, қир бағрида юрингми, Қўйлар боқиб, хўб кай-фингни сурдингми? «Гулихиомон». Илгарилари Усмонали дўхтирнинг қўли қўлига тегмасди. Ҳали мол фермасида, ҳали яйловга чиқиб кетган қўйлар сурувида, ҳали тоғда ўрмалаб юрган эчкилар орасида. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

СУРУНКАЛИ Сурункасига, бетўхтов давом этадиган; узлуксиз. *Сурункали ёмғир. ■ Сурункали бавосирга янтоқ аралашмасидан тайёрланган малҳам қўлланади. «Фан ва турмуш».*

Сурункали касаллик Тузалиши қийин бўлган, давомли ёки ҳеч тузалмайдиган касаллик.

СУРУНКАСИГА *рвш.* Муттасил равишда, узлуксиз, бетўхтов. *Тўрт йил сурункасига битта ўқишга кирман деб.. бу йигитнинг қийинчиликларни писанд қилмаслиги [Сатторни] ҳайрон қолдириди. Ҳ. Усмонов, Қисмат. Башарти бу ҳол сурункасига давом этадиган бўлса, ўқувчи сержаҳл бўлиб қолиши мумкин. «Фан ва турмуш».*

СУРУР [*а.* سرور — шодлик, хурсандчилик, шодийна] *поэт.* Шод-хурсандлик ҳисси, нашъаси; севинч, қувонч. *Кўклам ноҳуш кўнглининг бир четини ёриштириб турар, сурур, севинч бағишлар, кўркини «кўз-кўз» қиларди. М. Хидир, Қирғоқлар. Шамдонлардан шамлар ҳам гўё Ёруғ тортиди — қўшилди сурур. Х. Даврон, Тўмариснинг кўзлари.*

СУРХ [*ф.* سرخ — қизил, қирмизи; қизартириб қовурилган] Ёш, янги, сурхун (новда ҳақида). *Сурх новда. ■ Зум ўтмай, тутнинг сурх новдалари орасидан бошқаси учиб чиқиб, унга қўшилди. Кейин қир устида сўфитўрғай нозик чулдиради. М. Мансуров, Ёмби.*

СУРХОН Узум турларидан бирининг номи ва шу узумдан солинган майиз.

СУРХУН [*ф.* سرخون — тўқ кулранг] *айн.* *сурх.* *Ерга дув этиб қор тўқилди. Ёш сурхун новдалар оғир юкларидан бўшаб, қадларини кўтарди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.*

СУРЪАТ [*а.* سرعت — тезлик, жадаллик; шошилиш, ошиқиш] 1 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, жараён ва ш.к. нинг жадаллик даражаси; тезлик; шошилиш. *Қурилиш суръати. Иш суръатлари тобора ошмоқда. ■ Қурилиш иши қишин-ёзин тўхтамайди, жадал суръат билан кетиб.. муддатдан анча бурун битди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

2 *эск. айн. тезлик* 2. *Лекин ул ҳаромзодаи бедин орқамдин тамоми бир суръат билан қувлаб келур эрди.. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

СУРҒУЧ 1 Тез эриб, тезда қотадиган рангдор смола ва мум қотишмаси. *Қизил сурғуч.*

2 Шундай смола ёки мумдан фойдаланиб босилган тамға, қоққоқ ва ш. к. *Қулфнинг сурғучини кўчирмоқ. ■ Полвон этигининг кўнжидан пичоқ олиб, унинг сопи билан*

бутилка учигади сурғучни уриб туширди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

СУРҒУЧЛАМОҚ Сурғучдан фойдаланиб тамға босмоқ ёки қоққоқламоқ. *Қулфни сурғучламоқ. ■ Даҳлиздан унинг [Нозимнинг] нимадир деганча хоҳолаб кулгани эшитилди. Хиёдан сўнг каттакон биллур бодияда шарқона аччиқ-чучук ҳамда оғзи сурғучланган узунчоқ бир шишани столга келтириб қўйди. Н. Қиличев, Чигирик.*

СУС: *кўнгли сус кетмоқ* Кўнгли жуда ҳам тусаб кетди. *Кўнглим олмага сус кетди.*

СУСАЙИШ 1 *Сусаймоқ* фл. ҳар. н. *Суръатнинг сусайиши.*

2 Кейинга кетиш, таназул.

СУСАЙМОҚ 1 Илгариги кучини, шиддатини йўқотмоқ; секинлашмоқ, пасаймоқ. *Нусратбекнинг ташидаги титроқ бироз сусайди, секин, вазмин, салмоқ билан одимлаб кетди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Ҳарсиллашлар сусайиб, тиқ этган товуш ҳам аниқ эшитилади. Қаердадир, ер остида, юмронқозик ниманидир кемиради. М. Мансуров, Ёмби. Ниҳоят, чаккасидаги шанғилаш сусайиб бориб, алланарса жинг этди-ю, қулоқлари очилиб кетди. М. Мансуров, Ёмби.*

2 Шаштидан қайтмоқ, илгариги ғайратини, жушқинлигини ёки қизиқишини йўқотмоқ; бўшашмоқ, пусмоқ. [*Кумуш*] *Кундан-кунга Зайнабнинг сусайиб, ўзига бегоналашиб борганини яхши англар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Меъдаси сусаймоқ Меъдаси овқатни яхши ҳазм қила олмайдиган бўлиб қолмоқ.

3 Кучини, таъсирини йўқотмоқ, кучсизланмоқ. [*Ҳакимбойвачча*] *юртдаги тинчсизликнинг сабабини диннинг сусайганидан, ула-моларнинг халққа раҳбарлик қилмаганидан кўрди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Бўш қўйилганлик натижасида орқага кетмоқ, ёмонлашмоқ, пасаймоқ, бўшашмоқ. *Интизом сусайди.*

СУСПЕНЗИЯ [*лот.* suspensio — илиш, осиш; илиниш, осилиш] *физ.* Таркибида майда қаттиқ зарралар муаллақ ҳолда бўлган суюқлик. *Бу турманнинг дярли ҳамма хўжаликларида хлорелла суспензияси ишлаб чиқарадиган қурилмалар ишлаб турибди. «Фан ва турмуш».*

СУСТ [*ф.* суст — бўш, кучсиз, нимжон; бўшанг, ланж; қатъий эмас; зич эмас] 1 Унча кучли, шиддатли бўлмаган; секин, паст.

Суст оқим. Суст олов. ■ Тез маслаҳат ёвнинг бўйинин эгдирур, Суст маслаҳат бул ўлжадан қўйдурур. «Гулихиромон». Эрталаб туриб, газета варақлашга юрагим дов бермайди. Нега кўрқаман, нимага ишончим суст? А. Мухтор, Асарлар.

2 Секин иш қиладиган, камфаол, имиллаган; сусткаш. *Суст одам. Бозор суст. Қўли суст косибдан оёғи чаққон гадои яхши. Мақол. ■ Омборхоналар таъминоти суст амалга ошириляпти. Газетадан.*

3 Ланж, бўшашган. *Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлади. Мақол.*

СУСТКАШ [ф. *سستكاش* — ланж, бегайрат] Секин қимирлайдиган, имиллаб иш қиладиган; суст, ланж. *Сусткаш одам. Сусткаш уста.*

СУСТКАШЛИК 1 Суст бўлишлик, имиллашлик, бўшашганлик, ланжлик. [*Али тажанг*] *Элатлари қошига келиб ёнбошлагач, унинг эски сусткашлиги тўғрисида ҳазил қилишди. Ойбек, Куёш қораймас. Қийинчиликларни баҳона қилиб, сусткашлик қилсак, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни бой бериб қўйишимиз мумкин. Газетадан.*

2 Сусткаш одамларга хос хатти-ҳаракат, суст иш; сустлик.

СУСТЛАНМОҚ Суст бўлиб қолмоқ, секинламоқ, пасаймоқ, сусаймоқ. *Султонали бироз сустланиб, ўздан ўн от одими йироққа борган тунқотарни чақириб тўхтатди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

СУСТЛАШМОҚ 1 Тобора сусайиб, секинлашмоқ, пасаймоқ. *Иш сустлашди. ■ -Диёра, — мурожаат қилди Жонибек негадир тобора қадам олиши сустлашиб. «Шарқ юлдузи». Исми тилга олиними билан Ажабнинг нафас олиши сустлашди. «Шарқ юлдузи».*

2 айн. бўшашмоқ II 6. [У] *Интизомнинг сустлашиб кетаётганини, бунга баъзи командирларнинг ўзлари ибрат кўрсатаётганларини.. сўзлади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

СУСТЛИК 1 Шашти пастлик, ғайратсизлик; қосисизлик; ланжлик. *Йигитлик — мастлик, Қариллик — сустлик. Мақол. ■ Юсуфбек ҳожии.. ўғлининг бу сустликка ўхшаб кўринган ҳолини ёмонга йўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Суст одамларга хос хатти-ҳаракат, суст иш; сусткашлик. *Уртоқлар.. ишга келганда, сустлик, ҳафсаласизлик қилишди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

СУТ 1 Одам (аёл) ва сутэмизувчи ҳайвонларнинг лактация даврида сут безларида ишлаб чиқариладиган, янги туғилган наслни озиклантирадиган мураккаб кимёвий таркибли оқ рангдаги суюқлик. *Сут безлари. Бола йиғламаса, она сут бермайди. Мақол.*

■ *Кўкрагимда сутим деб, Юрагимда ўтчим деб, Энаси шўр йиғлайди, Қайдасан, Аҳмадим, деб. «Ойсулув». Искандар елиннинг сўргичдек учларидан тиз-тиз отилиб чиқиб, хурмага олпоқ индекс пов-пов чўзилиб тушаётган сутга ҳайрат билан тикилиб қолди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

2 Сигир, қўй, эчки ва ш.к. чорва молларининг эмчагидан соғиб олинган шундай суюқлик (овқат ва маҳсулот сифатида). *Сигир сути. Ёғли сут. Сут санаоти. Сут маҳсулотлари. Сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичар. Мақол. ■ Кечаги чоршанба бозорда бир сигир олдим денг, егани қуруқ хашагу сутига қошиқ ботмайди — шундоққина қаймоқ. «Аския». Ошқозонда ҳазм бўлиб кетиши зарур бўлган дориларни сут билан ичиш мутлақо мумкин эмас. «Фан ва турмуш».*

3 Баъзи ўсимликларнинг танаси, пояси ёки ҳосилидаги оқ суюқлик. *Семизўтнинг сути. Думбул жўҳорининг сути. ■ Бир куни Файзулла билан сути қотган думбул ўрикларни териб олиб, жуфтми-тоқ ўйнаб ўтирсак, кўчада биров чақиргандай бўлди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Она сути оғзига келмоқ қ. оғиз. Наинки сен, ишлайверсак, бизларнинг ҳам, бил, Оғзимизга келиб қолар она сутимиз. А. Орипов, Йиллар армони. Она сути оғздан кетмаган Ҳали ёш, турмушнинг аччиқ-чучугини, тажрибасини кўрмаган; гўдак. Она сути оғздан кетмаган бола. Она сутидай ҳалол (ёки пок) қ. она. Оқ сутини оққа, кўк сутини кўкка соғмоқ қ. оқ. Сут билан кирган жон билан чиқади Ёшликдан ўрганган одат ўла-ўлгунча сақланади, деган маънода ишлатиладиган матал. Махдум.. Анварнинг бирор камбағал билан «ёзилишиб» ўтирганини кўрса.. «сут билан кирган жон билан чиқар, мақоли кўп тўғри сўз», деб ўйлар ва энсаси қотиб, четга кетар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Сутдан оқ, сувдан тиниқ Беғубор, пок, бегуноҳ одам ҳақида. Хом сут эмган бандя (ёки инсов) қ. эммоқ. Исҳоқ Махсум билан Уста Мўмин ҳам хом сут эмган бандя эдилар. Газетадан.

СУТАК 1 *айн.* тентакш.

2 *к.* сутақ.

СУТКА [*қад. р.* сутки — кун билан туннинг туташши жойи, чегараси] Бир кеча-кундузга, 24 соатта тенг вақт ўлчов бирлиги ва шу ўлчовдаги вақт. *Ойни тадқиқ қилишнинг амалий томонлари ҳам бор. Аслида Ой ракетада Ердан бор-йўғи бир неча суткалик йўл. «Фан ва турмуш». Одамга бир суткада бир килограмм нон ва, умуман, овқат, бирикки литр сув ва йигирма беш килограмм ҳаво зарур. «Фан ва турмуш». Сутканинг ёруғ қисми тобора қисқариб бормоқда. «Ёшлик».*

СУТКАЛИ 1 Белгили сутка давом этган, сутка билан ўлчанадиган. *Икки суткалик парвоз.*

2 Бир сутка давомда юз берадиган. *Кўйнинг суткалик ҳаракати.*

СУТКАЛИК Бир суткага тўғри келадиган. *Суткалик иш ҳақи. Суткалик ўртача ҳарорат.*

СУТЛАМА Адир, қир ва тоғларда ўсадиган, заҳарли сут ширали кўп йиллик ўт.

СУТЛИ 1 Ичида сути бор. *Сутли идиш.*

2 Таркибида сути бўлган. *Сутли ўт.*

3 Сут солинган, сут қўшилган. *Сутли кофе.*

4 Сут берадиган, соғиладиган; соғин. *Сутли сигир. ■ Зотли молим, хўш-хўш, Сутли молим, хўш-хўш. «Кўшиқлар».*

СУТПЕЧАК Пояси чирмашиб ўсадиган, барглари юраксимон ёки уч бурчакли бегона ўт; илонпечак. *Сутпечак ғўза тунлами ва бошқа зараркунандалар кўпайиши учун макон (вазифасини бажаради). «ЎЗМЭ».*

СУТТИКАН Поясида сутсимон шираси бўлган, тик ўсадиган бегона ўт; чойяпроқ.

СУТУН [*ф.* ستون — устун; тиргақ, тирговуч] 1 Устун, столба, колонна. *Пештоқ сунунлари.*

2 Газета, журнал ва ш.к. нинг ҳар бир устун. *Газета ҳар сониди шаҳар ободонлигига айрим сунун берадиган бўлди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

3 *айн.* графа 1.

СУТХҲҲҲ Сутни яхши кўрадиган, кўп сут истеъмол қиладиган. *Сутхур бола.*

СУТХҲҲҲЛИК 1 Сутни яхши кўришлик.

2 Мириқиб сут ичиш. *Сутхурлик қилмоқ.*

СУТЧИ Сут соғувчи ва сут сотувчи. *Сутчи аёл. ■ Оппоқ тонг отган эди. Шаҳар кўчаларига бирнасада жон кириб, асфальт йўлакларда тўқ-тўқ оёқ товушлари.. сут-*

чиларнинг чақириқлари эшитилди. А. Мухтор, Чинор.

СУТЧИЛИК 1 Сут сотиш билан шуғулланиш. *Сутчилик қилмоқ. ■ Шу тўрттинчи йилда аъзолардан йиғилган сут, қатик, сузма ва сариёғларни сотиш учун шаҳарда сутчилик дўкони очилди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 Сут етиштириш. *Сутчиликни ривожлантириш. Сутчилик фермаси.*

СУТЭМИЗУВЧИЛАР зоол. Болаларини ўз сути билан боқувчи умуртқали хайвонлар синфи. *Сутэмизувчилар ер юзидаги Шимоллий қутбдан тартиб Антарктида қирғоқларигача бўлган барча ҳудудларни эгаллаган. «ЎЗМЭ».*

СУТҚОН Заҳарли сути бўлган ўсимлик, сутламанинг бир тури.

СУФ *этно.* Дам солганда, дуо ўқиганда, беморга ёки унга бериладиган нарсага нафас уриб чиқариладиган товуш; куф-суф.

Суф демоқ 1) дам солиб, дуо ўқиб нафас урмоқ. *Дадам раҳматли “туф” десалар, сувни тескари оқизиб, “суф” десалар, кўрнинг кўзини очиб юборадиган улуғ зот эдилар. Ғ. Ғулом, Шум бола; 2) кўчма воз кечмоқ, йиғиштирмоқ; ташламоқ. Суф де шофёрлигигаю берадиган олти юз сўлкавойига! Қачон пулга зориксанг, менга келабер. А. Мухтор, Туғилиш. Суф сенга (ёки сизга) кест. Баракалла сенга (сизга). Қанақа одамсиз ахир. Суф сизга-е!..сиз билан ҳазил қиляпмиз-а? Ш. Тошматов, Эрк куши.*

СУФИЙ [*а.* صوفى — жун газламага оид; тасаввуф вакили, зоҳид < صرف — дағал жун газлама] *дин.* Тасаввуф, суфийлик издоши, давомчиси, мухлиси.

СУФИЙЛИК *дин.* қ. тасаввуф.

СУФ-КУФ *айн.* куф-суф.

СУФЛАМОҚ Дам солиб, дуо ўқиб нафас урмоқ, суф демоқ. *Домла.. дуо ўқиб, отга дам урди, суфлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

СУФЛЁР [*фр.* souffleur < souffler — уқтирмоқ, ўргатмоқ; секин айтиб турмоқ] Театрда саҳнага чиққан артистларга уларнинг сўзларини, томошабинларга кўринмайдиган махсус жойда туриб, айтиб бериб, эслатиб турувчи ходим. *Тажрибали суфлёр. Суфлёр будкаси. ■ Театримизда.. режиссёр, костюмер, суфлёр.. ҳаммаси бор, фақат раҳбар йўқ. Ш. Саъдулла, Икки билгазулк.*

СУФФИКС [лот. suffixus – қадалган, бириктирилган] *тлш.* Сўз ўзагига қўшилиб, унинг маъносини ўзгартирадиган ёки бошқа сўз билан боғлаш учун хизмат қиладиган морфема; қўшимча. Сўз ясовчи суффикс. ■ ..сувчи, олмасор, онахон, китоблар сўзларидаги -чи, -зор, -хон, -лар қўшимчалари суффикслардир. «УзМЭ».

СУХАН [ф. سخن – нутқ; сўз, ибора, суҳбат] Сўз; гап; суҳбат. *Сухан қилмоқ. Сухан бошламоқ.* ■ Бу зolim фалақдан минг дод айлайин, Қулоқ солгин, тўрт-беш сухан сўйлайин. Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Китобу дoston бир қанча назму наср ила ёздинг, Сухан майдонида жавлон қилиб топдинг зафар, Жомий. Ҳабибий, Девон.*

СУХАНБОЗЛИК 1 Суҳбат, гаплашиш, чақчақлашиш. У [Раъно] ҳовлида Нафисахон, кампир бувилар билан ҳам жиндек суханбозлик қилиб, шатиллаганча жўнади. Мирмуҳсин, Умид.

2 айн. сафсатабозлик 2. *Навоий суханбозлик қилмаган, масаланинг моҳиятини асло жўн тушунмаган.* «Ёшлик».

СУХАНВАР [ф. سخنور – ёзувчи, шоир; нотик, сўзамол] 1 айн. **сухандон** 1. *Қулоқ солинг суханварнинг сўзига, Ўзи тирик, душман тушмас изига.* «Хушкелди».

2 Ширинсўз, ширинсухан. *Бўз қарчиғай эдинг, парвоз айладинг, Суханвар тўтисан, ҳар хил сўйладинг.* «Равшан».

3 Кўп гапирадиган; сергап.

СУХАНВАРЛИК 1 Гапга чечанлик, сўзамоллик.

2 Ширин суҳбат. *Бунда келинг, иним, бир нафас суханварлик қилайлик.* Ойбек, Навоий.

СУХАНГАР [ф. سخنگار – сўзловчи, гапирувчи] айн. **суханвар** 1, 2, 3. *Ана энди шу хушвақтликда кундуз кунни кўпқари, тўй, кечаларка созана, дуторчи, оҳангар, сухангарлар сўз айтади.* «Юсуф ва Аҳмад».

СУХАНДОН [ф. سخندان – сўзни билувчи; силлик, равон гапирувчи; ёзувчи, шоир; нотик] 1 Гапга чечан, сўзамол; нотик. *Олурман баҳра ҳикматли сўзингдан, Сухандонсан, сухандонсан, сухандон.* Ҳабибий, Девон. *Қулоқ солинг сухандоннинг тилига, Булбул ошна булар боғнинг гулига.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

2 Бадиий сўз устаси. [Шоҳ ал-Форобийга деди:] *Сен дониши сухандонсан, биламиз, ҳазил-мутуйиба қилмоқдасан.* А. Мухтор, Чи-

нор. *Кечалари сухандонлар сўз айтиб, Келганларнинг димоғини хушлади.* «Гўрўғлининг туғилиши».

3 айн. диктор. *Радио сухандони.*

СУХАНДОНЛИК Гапга чечанлик, сўзамоллик. *Теша кўнгилчан сухандонлик билан Севаргула чой қуйиб узатди.* «Ёшлик». *..Аёл боши билан баъзи «шоир замон»ларни сухандонликда мағлуб этгани эл орасида гап бўлиб кетган.* «Ёшлик».

СУХАНЧИН [ф. سخنچين – гап терувчи; ғийбатчи, чақимчи; гап ташувчи] Гап ташувчи, бировнинг гапини бировга етказиб юрувчи; ғаламис; чақимчи. *Суханчин одам.*

СУХАРИ [қад. р. сухара – қуриган дарахт < сухой – қуруқ, қуриган, қотиб қолган] Япроқ-япроқ қилиб, қирқиб қуритилган нон. *Ширин сухари. Сухари билан чой ичмоқ.*

СУХСУР 1 айн. **сухсур.**

2 Кўчма Гўзал, чиройли, хушсурат. *Вой, бўйгинангдан онагинанг айлансин! Бунча сухсур экансан, худди сутга чўмилтиргандай-а! Ҳ. Фулом, Машъал.*

СУХСУРДАЙ, -дек 1 Сухсур каби чиройли. *Сизнинг ўз ўғлингиз бўлиши керак, сухсурдай жувонсиз.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Хонадонга кирганига икки ҳафта ўтмай, Зеби исмли бўйига этган сухсурдек қизини никоҳ қилиб, қўшиб қўйди.* Газетадан.

2 Кап-катта, кўзга кўринган. *Йигитлар ўтди.. Этак остида қолган Комилжон укам ҳам сухсурдай йигит бўлди.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

СУЧУК айн. **чучук.** *Тиллари сучуккина, Бурниси пучуққина.* «Кўшиқлар».

СУЧУКТОМОҚ Ширинликни яхши кўрадиган, чучуктомоқ, ширинтомоқ.

СУШИЛКА [р. сушить – «қуритмоқ, намини, сувини қочирмоқ» фл. дан ясалган от] 1 Бирор нарсани қуритиш учун хизмат қиладиган қурилма. *Газ сушилка. Электр сушилка.*

2 Шундай қурилма ўрнатилган хона, жой. *Пахта сушилқаси.* ■ [Жўрабой] *Кечалари сушилқада, пунктда юриб, алла-паллада уйига қайтар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

СУЮК Энг яхши кўрилган, севикли. *Боболардан сўзладим, аммо Бир зот борқим, баридан суюк: Буюкларга бахш этган даҳо, Она халқим, ўзингсан буюк.* А. Орипов, Йиллар армони.

СҮЮКЛИ айн. суюк. Кўзимга зиндон бун тахту жаҳоним, Ҳасратим кўп, йўқ суюкли ўғлоним. «Эрали ва Шерали». Менинг пушти камарим бу – суюкли ўғлим, Нуридидам васли учун тангрига шукур. А. Орипов, Йиллар армони.

СҮЮЛМОҚ I 1 Маълум даражадан суюқроқ бўлмоқ. Лойга сувни кўп қуяверманг, суюлиб кетади.

2 физ. Сиқилиб ёки эриб, суюқ ҳолга келмоқ (газ ёки қаттиқ жисмлар ҳақида).

Мияси суюлмоқ Ақли пасаймоқ, мияси айнимоқ. Махдум уламо, амалдор ва ғайрилардан шунинг каби сипоришларни.. қабул қила-қила, жуда мияси суюлган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган** Ёши анча улгайган бўлсада, бемаъни ишларини, одатларини, қилиқларини ташламаган одам ҳақида. – Ҳали ҳам ўша шилқимлигинг қолмабди. Қариб қуюлмабсан, ачиб суюлмабсан, – деди мулла Мамасолиҳ Худхуд сўфига. Н. Мақсудий, Лайлатулкадр.

СҮЮЛМОҚ II Сийлаган, хурмат-иззат қилган ёки эркатланган сари ҳаддан ошмоқ, чегарадан ташқари иш қилмоқ. Раҳимов Масафоевни чап ёнидаги жойга чақирди. Бунақа пайтларда Масафоев жуда суюлиб кетарди. С. Аҳмад, Жимжитлик. – Хумор бўлганда қандоқ! – дедим бироз суюлиб. Газетадан.

СҮЮМЛИ айн. суюкли. Сиз туш кўринг севглингизни! Соҳилларга боринг у билан. Айтилмаган энг суюмли сўзларингизни Унга айтинг! «Ёшлик».

СҮЮНАРЛИ айн. севинарли.

СҮЮНМОҚ айн. севинмоқ. Яхши сўз суюнтирар, Ёмон сўз куюнтирар. Мақол. Ёз куюнган қиш суюнар. Мақол. ■ Авазни кўриб, Рўзминбой суюнди, дарров патнис тўла ширинлик, ёлғиз чинни чойнагида чой келтирди. С. Сиёев, Аваз.

СҮЮНЧ айн. севинч. Фақат.. қўлга кирган ҳар улжа Дармон, қувват, суюнч беради. Миртемир, Асарлар. Беҳад суюнч ила қайтаман, Шу йўл.. бироқ еллар мулойим. Миртемир, Асарлар.

СҮЮНЧИ Бирон қувончли воқеа тўрисида хушхабар келтирувчига бериладиган совға, мукофот; севинчи. – Э, аҳмоқ кампир, бир норнинг баҳоси минг тилла бўлмас-у, сенга мен суюнчига минг тилла берайми?! «Ну-

рали». Зулфлари сунбулинг келди, Гўрўғли, бергин суюнчи! «Гулнорпари».

СҮЮНЧЛИ айн. севинчли.

СҮЮРҒОЛ [муф. сўёрхўл – инъом, совға қилиш] тар. Шоҳ, хон, амир томонидан амалдор ва саркардаларга салтанат олдида кўрсатган алоҳида хизмати учун инъом қилинган ер-сув, мол-мулк. Амир Темур ўзининг энг истеъдодли саркардаларидан бири – амир Шоҳмаликка бир қанча ерларни суюрғол қилиб берган. «ЎЗМЭ».

СҮЮҚ I Оқиш ва ўзи ишғол қилиб турган идиш шаклини олиш хусусиятига эга бўлган. Суюқ жисм. Суюқ модда. Суюқ ёқилғи. ■ [Суюқ шиша] Кимёвий фаол, қаттиқ, суюқ ва газсимон моддалар билан реакцияга киришади. «ЎЗМЭ».

2 Суви меъеридан ортиқ ёки нисбатан кўп бўлган; серсув. Яна бир кетмон урганда, ажриқзордан билқилаб суюқ лой чиқди-да, кейин кучли тиниқ сув тикка отилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Маза, куч берувчи таркибий қисми меъеридан кам ёки нисбатан оз бўлган; кучсиз. Суюқ сут. Суюқ қатиқ. Суюқ эритма. ■ Ҳайдарбойнинг кўримсиз чойнакларигадаги қуюқ ва суюқ чойлари бу ердаги жуда кўп одамларнинг ҳам, ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам чанқовини босиб туради. П. Турсун, Ўқитувчи.

Суюқ ош Угра оши, хўрда, мастава, мошхўрда ва ш. к. қуюқ бўлмаган овқатлар. Шокир баззоз Анпон чолга қатиқ билан райҳонни узатди. У косасига керагини солиб бўлгач.. – Қани, Анпон, овқатга қара, – деб, косадаги суюқ ошини уч-тўрт бор шопириб қўйди. «Ёшлик».

4 Унчалик қалин, зич бўлмаган, ҳақкам-дуккам, сийрак. Суюқ тутун. ■ Офтоб ҳали қор ташлаган суюқ, оқиш булутлар ортидан чиқмаган бўлса ҳам, тушга бориб, ҳамма ёқ илиб кетди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

5 кўчма Мазмунан саёз, сийқа ёки бемаза. Суюқ гап. Суюқ асар. ■ – Постаювканг ёғи олинган сутга ўхшайди, суюқ, – деб танқид қилдим. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

6 кўчма Фаҳш йўлига кирган; бузуқ. Суюқ эркак. ■ [Умар] Кўп юрди, кўп топди, тонганини совурди. Албатта, у пуллар суюқ аёллар йўлига кетди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

СУЮҚЛАНМОҚ *айн. суюлмоқ* I. Органик моддалар 350—380° да суюқланади. «ЎЗМЭ».

СУЮҚЛАШМОҚ I Суюқ ҳолга келмоқ, суюлмоқ.

2 *кўчма* Мазмунан саёзланмоқ, сийқалашмоқ ёки бемазалашмоқ.

3 *кўчма* Ахлоқий жиҳатдан бузилмоқ, ёмонлашмоқ.

СУЮҚЛИК I Оқиш ва ўзи ишғол қилиб турган идиш ҳажмини олиш хусусиятига эга бўлган модда. *Кичкинагина, пенициллин шишасида қандайдир опноқ суюқлик эди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Жазирама ёз кунлари янтоқ ўзидан сарғиш елимга ўхшаш суюқлик ажратиб чиқаради.* «Фан ва турмуш». *Укунда уч маҳал беморнинг қон томирига игна санчиб, аллақандай суюқлик юборади.* С. Сиёев, Аваз.

2 *физ.* Модданинг қаттиқ ва газсимон ҳолатлари ўртасидаги механик ҳолат. *Модданинг суюқлиги. Сутнинг қуюқ ёки суюқлигини ўлчамоқ.*

3 *кўчма* Суюқ кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат, юриш-туриш, қилиқ. *Кунлардан бирида у, беадаблик қилгани учун, бир шаддод қиздан шапалоқ егани эсида. Ўша-ўша, Валивой қизларга суюқлик қилмайдиган бўлди.* Ҳ. Назир, Онайизор.

СУЮҚ-ҚУЮҚ *айн. қуюқ-суюқ.* Суюқ-қуюқдан кейин Моҳидилга оқ йўл тилашлар, беҳисоб истаклар баён қилинди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СУЮҒОЁҚ *айн. суюқ 6.* Йўқ, келинни суюғоёқ дейиш ҳаёлига ҳам келмасди-ю, аммо бундай хотиннинг эри шу кенжа ўғлидақа бўлмаслигини аниқ биларди. «Ёшлик». Умиджон, гапингиз менга ёқди. *Хотин суюғоёқ бўлса-ю, йигитман, деб юриш яхши эмас!* Мирмуҳсин, Умид.

СУҒОЁҚЛИК I Фаҳш йўлига кирган кишиларга хос хатти-ҳаракат. *Суюғоёқлик кўчасига кириб кетишда ўзи ва ота-онаси ҳам қайсидир маънода айбдор.* Газетадан.

2 Суюғоёқ, бузуқ эканлик; ахлоқан бузуқлик. *Раиснинг суюғоёқлиги элга жория бўлди.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Бир кунни онаси кўчадан, қайнонаси Фаридани суюғоёқлиги учун ҳайдаб юборганмиш, деган гап топиб келди.* «Ёшлик».

СУЯК I Одам ва умуртқали ҳайвонлар скелетининг ҳар бир қисми; сўнтак. *Ўмров суюги. Тизза суюги. Суюк оғриғи. Фил суюги.* ■ Суюк бутун бўлса, эт битиб кетар.

Мақол. ■ *Бўрижоннинг ориқ, умуртқа суюклари бўртиб, қовурғалари саналиб турган кўш ҳўкиси омовчи зўрға тортиб боряпти.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Бобо.. умр бўйи кўксини бекитмаган, анордек қизғиш кўксидоғи суюқлар бўртиб чиқиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Одам қони таркибида, шунингдек, суюгда ўттиздан зиёд элемент учрайди.* «Фан ва турмуш».

Суяги бузуқ Суюклари йўғон, бўлик, бўлали. *Суяги қотмаган* Етилмаган; ёш, гўдак. *Мен мағруриқка берилиб, суюги қотмаган ўғлимни бу қўшинга.. бош қилиб юбордим ва манманликнинг жазосини тортидим.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. **Суюклари чиққан** (ёки саналиб қолган) *айн. қуруқ суюк.* **Суюк-суюгидан ўтмоқ** 1) бутун танасига, суюқларигача таъсир этмоқ. *Тоғдан эсган изғирин одамнинг суюк-суюгидан ўтиб кетади.* М. Осим, Қарвон йўлларида; 2) руҳиятига жуда қаттиқ таъсир қилмоқ. *Бу сўзлар Нусратбекнинг суюк-суюгидан ўтиб кетди.* С. Нуров, Нарвон. **Эти — сизники, суюги — бизники** Тўлиқ сизнинг ихтиёрингизга топширдик, ҳар қандай йўл, восита билан тарбиялаб, одам қиласиз, деган маънода қўлландиган ибора. *Бола олти яшар бўлганда, подшо дастурхонни катта қилиб, боланинг қўлидан етаклаб, мактабга олиб борибди: — Эти — сизники, суюги — бизники, — деб домлага берибди.* «Лўқмони Ҳаким». **Эти суюғига ёпишган** *айн. қуруқ суюк.* Тишлари тушиб, жағи-жағига киришиб кетган катта бувиси ҳасасини ерга тақ эткизиб урди-ю, қуришиб, эти суюғига ёпишиб кетган башарасини буруштириб, шанғий бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Қуруқ (ёки қоқ) суюк** Жуда ориқ, озғин, қотма.

2 Сўйилган молнинг этли устухони (овқат сифатида). *Суюк қайнатмоқ. Суюк тозаламоқ.* ■ *Гўшт суюксиз бўлмас, Шоли — курмаксиз.* Мақол. ■ *Ахир сен ит эмасдингку, беланиб лойга, Бир-бирингни ғажисанг то суюк талашиб.* А. Орипов, Йиллар армони.

3 Этдан тозаланган устухон (хомашё, материал сифатида). *Суюк елими. Суюк ўймакорлиги. Суюк тугма. Суюк уни.* ■ *Суюкка гул чизиб, асбоблар (парма, аррача, эгов ва б.) ёрдамида ўйиб, нақиллар ҳосил қилинади ҳамда жилоланади.* «ЎЗМЭ».

4 *сфт.* Жуда ориқ, озғин, Суюк одам. ■ *Чол сесканиб, бошини кўтарди, йигитни*

кучоқлаб, суяк қўллари билан унинг елкасини силади. Ойбек, Танланган асарлар.

5 кўчма Авлод, насл; уруф. Султон суягини хўрламас. Мақол.

..да суяги қотган Бирор ишда кўп ишлаган, вояга етган, чиниққан; тажрибакор. Мени кичкина, нимжон деманг. Далада ўсганман. Кетмонда суягим қотган. С. Аҳмад, Уфқ. Пичоқ (бориб) суякка қадалмоқ (ёки тақалмоқ, етмоқ, теғмоқ) Аҳвол чидаб бўлмас даражага етмоқ, сабр косаси тўлиб-тошмоқ. Бас, пичоқ бориб суягимга етди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Жон дўстим, пичоқ бориб суякка тақалди, бу кеча ҳам ухламай чиқдим. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Суяги йўқ Ҳеч нарсага йўқ демай-диган, қайтармайдиган; бирор нарсага ҳирс қўйган одам ҳақида. [Қози:] Хотиржам бўлинг, бой. Қодирқул додхоҳнинг бунақанги ишларга суяги йўқ. Ҳамза, Танланган асарлар. Суяги тинч Ғам-ташвишни билмайдиган, ҳеч ғами, ташвиши бўлмаган одам ҳақида. Суяги тинчиб қолмоқ Ғам-ташвиш, жанжал ва ш.к. дан қутулмоқ, ўзидан тинчиб, хотиржам бўлиб олмақ. Суягига (ёки суяк-суягига) сингимоқ Одат тусига кириб, мустаҳкам ўрнашиб олмақ, ўрганиш бўлиб қолмоқ. -Ажабо, - деди Собиржон чиқиб кетаётган ҳалиги юпунгина чолга қараб, - мутелик ҳам одамнинг суяк-суягига мунчалик сингиб кетар экан-да. «Шарқ юлдузи». Суяк сурмоқ қ. сурмоқ. Ўзи суяк сурадиган бир дард экан бу. С. Аҳмад, Ҳукм. Тилнинг суяги йўқ Тилни тиймасанг, ҳар нарсани гапира-веради, кўнгилга келганини қайтармайди. Аввали уриш бўлмасин, уриш бўлгандан кейин, тил ўлеурунинг суяги йўқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

СУЯҚДОР Суяклари йўғон, бўлали, бўлиқ суякли. Суяқдор одам. ■ Жундор билакларини тирсагидан настрокқача шимариб, маърака қозондаги ошни ағдараётганда, ошпазнинг суяқдор ёноқлари лоладек қизаради, текис, кенг пёшонасига реза-реза тер қалқиб чиқади.. «Ёшлик». Рустак — сочсоқоли оқарган, бироз мункайиб, чўкиб қолган суяқдор чол. М. Осим, Карвон йўлларида.

СУЯҚЛАНИШ физиол. Суякка айланиш. Суяқланиш жараёни.

СУЯҚЛИ айн. суяқдор. Суякли, бўйчан йигит.

СУЯМ Ёзилган ҳолдаги курсаткич бармоқ учи билан бош бармоқ учигача бўлган масофага тенг узунлик ўлчови. Фарҳод чўнтагидан уч суям занжир чиқариб, шаҳодат бармоғида айлантириб уйнай бошади. «Ёшлик». Мана кураш эсдалиги, яхши қара: Буксасида бир суямча ямоқ-яра. Ғ. Фулом.

Беш суям Тахминан бир метр. Бир суям Озгина, кичкина, бир парча. Бир суям нон. ■ Бир суям бўлса ҳам, ўз мулкингиз. А. Қаҳҳор, Сароб.

СУЯМОҚ 1 Бир учини ерга, иккинчи учини бирор тик нарсага тақаб турғизиб қўймоқ; тирамоқ, таямоқ. Ҳассани деворга суяб қўймоқ. Тепиб ўтма, суяб ўт. Мақол. ■ У деворга суяб қўйилган ойболтага ташланди. «Ёшлик».

2 Бирор еридан тутиб, кўтариб мадад бермоқ. Кампир, азиз меҳмонларни ўтқизгандан кейин, чолни суяб олиб кирди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. [Соқи бобо] Уни қўлтиғидан суяб, отга миндирди. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Оёқлари увушган бойни аравадан суяб туширишда букрига Тоштемир кўмаклашди. Ҳ. Фулом, Феруза.

3 кўчма Мадад, ёрдам бермоқ; қўлламоқ. Сен йўғингда мени шулар суяб юришди-да. Ҳ. Фулом, Машъал.

СУЯНМОҚ 1 Орқасини, елкасини, кифтини бирор нарсага тираб ўтирмоқ ёки турмоқ. Деворга суянмоқ. Ёстиқча суянмоқ. Эчкининг таёқ егиси келса, чўпоннинг таёғига суянади. Мақол. ■ Улугбек чайқалиб, деворга суянди. «Ёшлик». Ая кейин кўрса, Кароматхон ҳам келиб, эшик кесакисига суянганча, гапларига қулоқ солиб турган экан. А. Мухтор, Қумуш тола.

2 Гавда оғирлигининг бир қисмини бирор нарсага ташламоқ; таянмоқ. Ёзилган таёқча суянма, сени ҳам эгади. Мақол. ■ Яхшибоев ўтирган харрагидан турди. Қўлидаги аждарбош ҳассасини ерга қўйиб, секин суянди, юрагига қулоқ тутди. М. М. Дўст, Лолазор. Искандар эса бештиёр сури панжарасига оғир суяниб.. чуқур тин олди. М. Мансуров, Ёмби.

3 кўчма Мадад олмақ, ёрдамга таянмоқ, ёрдамга таяниб иш тутмоқ. Халққа суянсанг — бўласан, халқдан чиқсанг — бўласан. Мақол. ■ [Яхшибоев:] Қариган чоғингда одамнинг ҳар бири ғанимат: дардинни айтсанг, чайқалган чоғинг суянсанг. М. М. Дўст,

Полазор. Тоғай ким — ёлғизқул бир йигит. Улармон отасиу пуф деса, довогга бориб тушадиган қилтириқ укасини демаса, бошқа суянадигани йўқ. «Ёшлик».

4 Ишонмоқ, таянмоқ; асосланмоқ. Мақсуд Солиев ўттиз йиллик иши давомида одамларнинг турфа хилини кўрди. У, тажрибасига суянган ҳолда, бир нарсага амин бўлди: жамият учун жиноятчидан кўра лоқайд одам хавфлироқ! «Ёшлик».

Сувга суянмоқ Пуч нарсага, бевурд кимсага суянмоқ. Сувга суянма, ёвга сизинма. Мақол. Суянган тоғи Ишонган кўмакчиси, ёрдамчиси, мадалкори. Суяниб қолмоқ Бир-бирига ўрганиб, бир-бирининг ёрдамисиз яшай олмай қолмоқ. Чолу кампир бир-бирларига суяниб қолган, бир-бирларига жуда меҳрибон. Ойдин, Ширин келди.

СУЯНЧ Таянч бўлиб хизмат қилувчи, мадад берувчи куч; таянчиқ, таянч. Сендан ўзга ҳеч суянчим бўлмади, Не сабабдир — кулиб келдинг, Ёдгоржон? «Алпомиш». Бу дунёда бировга суянч бўлганинг қолади. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

СУЯНЧИҚ 1 Ўриндиқларнинг суяниш ёки тирсақ тираб ўтириш учун хизмат қиладиган қисми. Кресло суянчиғи. ■ Илҳомжон машина эшигини очиб, ўриндиқ суянчиғини бироз орқа суриб кўйди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. ..деворга тираб кўйилган, орқа суянчиғига кафтдек ойна ўрнатилган эски диванда ўқитувчи ва тарбиячилар зич ўтиришибди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Унинг кўзи стул суянчиғига илгинган кителига, шмига тушди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 кўчма айн. суянч. Оиланинг суянчиғи. ■ Муслмонқулнинг биринчи суянчиғи ўзининг одамлари бўлса, иккинчиси — уламолар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Аввало, ўз тинчингизни уйланг, ука. У киши сизга суянчиқ бўлоладими, йўқми — шуни уйланг. М. М. Дўст, Лолазор. -Ўзимнинг улигинам (ўғилгинам), суянчиққинам, — деб эркаларди баъзан уни онаси.. «Саодат».

СУЯҒИЧ Суяб кўтариб туриш учун хизмат қиладиган нарса; тирговуч.

СУҚ 1 Бировнинг оғзидаги, қўлидаги, олдидаги овқатига ҳавас, суқлик билан қаровчи; бировнинг дастурхонига бетакаллуф суқилувчи; очкўз. Оч тўяр, суқ тўймас. Мақол. ■ Қосим суқ, Қорни қудуқ, Кўзи оч, Нафси қулоч. «Бойчечак».

2 Ҳирс, эҳтирос; ҳавас. Баширжон унга [Қирмизхонга] суқ билан тикилди.. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. [Йигит] Қизинг қадди-қоматиға суқ билан тикилди. «Ёшлик». Парво қилма. Омон-эсон Тошкент бораиллик, бировнинг суқи тушмаганидан топиб бераман. Кўрибсанки, у ҳам шайдо, сен ҳам. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 этн. «Ёмон кўз», кинна. Даф бўл, фалокат шўртумшуқ, Тегирмонда туз ёган суқ, кет, кет, кет, кет! Ҳамза, Танланган асарлар. Ажаб бунти! Ўғлингизга ҳали бу ҳам оз! Бўлмаса Зулфия кимдан кам? Ҳуснига суқингиз киради. О. Ёқубов, Чин муҳаббат.

СУҚАТОЙ Суқ, очкўз бола; суқтой. -Мен суқатой эмасман, — Набижон Арслон берган олмани олмади. К. Раҳим, Суқатой.

СУҚИЛМОҚ 1 Суқмоқ фл. мажҳ. н. Девор қавагиға суқилган қозик. Қинга суқилган ханжар. ■ [Чол:] Аммо-лекин шунақаям боплангки, уясиға чўп суқилган асаларидай, ўзларини қаёққа уришларини билмай қолишин. О. Ёқубов, Қаҳрамон излаб.

2 Ичга, орасига ёриб кирмоқ, тиқилиб, орасига кириб жойлашмоқ; тиқилмоқ. Танчага суқилмоқ. Кўрпа орасига суқилмоқ. ■ Тоғ пинжига суқилиб, бир чойхона, бир кабобхона ҳам пайдо бунти. С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 Бошлана, нажот излаб, ўзини бирор ерга урмоқ, бош суқмоқ. Суқиладиган бошқа кавак қолмади. С. Аҳмад, Ҳукм.

Бағрига (ёки кучоғига, пинжига) суқилмоқ Бағрига кирмоқ. Назар ака икки-уч қаддам ташлади, шу аснода қўлларини ёзиб очдики, ношлож бориб, бу улкан, бу забардаст одамнинг пинжига суқилдим. М. М. Дўст, Лолазор.

4 кўчма Билдирмасдан ёки сурбетлик, зўрлик, хиралик билан бирор жамоа, ташкилот ва ш.к. га кириб олмақ. Милиция сафларини унга суқилиб кирган номуносиб кишилардан тозалар эканмиз, биз ошкораликдан чўчмаймиз. Газетадан. Кўпчиликка том устидан қарайдиган бу зотлар бундай пайтларда «мансабдан тушиб», кўпчилик орасига суқилишига мажбур бўлдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Қотишмоқ, аралашмоқ. Орага Мастура хола суқилди: -Ҳа, юра турсин, синглингиз, меҳмон. Жуда соғиниб ўлганман. Ж. Абдуллахонов, Туфон. [Зулфия:] Мен уни деб..

сизни ҳам, Рустам акамни ҳам хафа қилдим. Агар у келиб суқилмаганда, биз бахтли бўлардик. О. Ёқубов, Чин муҳаббат.

Гапга (ёки сўзга) суқилмоқ Гапга аралашмоқ, -Дугонажоним сизни еру кўкка ишонмайди, — дея гапга суқилди Муяссар хоним. М. М. Дўст, Лолазор. -Йўқотиб нима қилади, — деди Карим подачи гапга суқилиб. «Шарк юлдузи».

СУҚЛАМОҚ 1 этн. Суқ кирган кишини дам солиб «даволамоқ», кинна солмоқ.

2 с. т. «Суқ-суқ» деб қўймоқ (бошқа одам емасин деб тақиқлаб қўймоқ).

СУҚЛАНМОҚ Суқ назар, ҳавас ёки эҳтирос билан боқмоқ; ҳаваси келмоқ. Суқланиб қарадим тонгинг юзига, Бир қарашда оппоқ шоҳига ўхшар. Уйғун, Тонг қўшиғи. Сувга суқланар, Капалакка суқланар Ёруғ олам остонасида Бир куртак. М. Қўшмоқов, Али Қамбар. -Ўзинг-чи? Гулзора бўйин қўзган тўядай, ҳар аёлга суқланасан! — деди Али тажанг жаҳл билан. Ойбек, Куёш қораймас.

СУҚЛИ Суқ-ҳавас билан тўлиб-тошган; ҳавасли, эҳтиросли. Суқли назар. ■ Нигора сувдан чиққанда, баданидаги томчилар гўё бегона суқли кўзларни қайтаршига қасд қилгандай, қуёш нурида марвариддек ялтирайди. С. Анорбоев, Оқсой. Кенг қирларга суқли боқиб Борар эдим бир ўзим, Она юртим чиройига Тўймас эди ҳеч кўзим. Шухрат.

СУҚЛИК Суқ эканлик, очқўзлик, тўймаслик. Суқлик қилмоқ. Суқлик хўрлик келтирар. Мақол.

СУҚМА Суқиб қўйиладиган, тикма. Суқма даста.

СУҚМОҚ 1 Куч ёки зарб билан учли нарсани бошқа бирор нарсага киргизмоқ; санчмоқ, тикмоқ. Найза суқмоқ. Игна суқмоқ. ■ Малик муаллим ялт этиб келинига қаради. Биров бигиз суқиб олгандай, кўкрагининг ости санчиб оғриди. А. Кўчимов, Ҳалқа. Нусратбек ҳозир бу силлиқ башарага мушласа, игна суқса, тепкиласа ҳам, қонамаса, қизармаса керак. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Бирор нарса ичига, орасига жойламоқ, тикмоқ. Ханжарни қинига суқмоқ. ■ Йўлдош эгилиб, бошини тиззаси орасига суқди. қўллари билан қулоқларини беркитди. «Ёшлик». Гавҳар зимдан Талғатга қаради. У бошини баланд кўтариб, қўлларини шимининг

чўнтагига суқиб борарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. У [Искандар] бир қўли билан қончиқни очиб, бир қўлини хумчага суқди. М. Мансуров, Ёмби.

[Бировнинг] киссасига (ёки ҳамёнига, чўнтагига) қўл суқмоқ Бировнинг киссасига, пулига қўл урмоқ, хўжайинлик қилмоқ. Ука, мен ҳақимни сўрайман. Бировнинг киссасига қўл суқаётганим йўқ. Ойбек, Танланган асарлар. Бош суқмоқ қ. бош. Қодиров чайлага бош суқиб, ноз-неъматлар тўла дастурхонга кўз югуртирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бурун суқмоқ айн. бурун тикмоқ қ. бурун I. Ойқиз бўлса ҳаддан ошиб кетди, ҳамма ишга бурнини суқяпти. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Гапни гапир (ёки айтгин) уққанга, жонни жонга суққанга Гапни фикрингга, мақсадинга тушунадиган, сенга жон куйдирадиган одамга гапир, деган маънода ишлатиладиган матал. {Бутабой ака} «Тушунтириш керак» дейдилар, тўғри, лекин «гапни айтгин уққанга, жонни жонга суққанга, гапни айтиб нетарсан онаси бемаҳал туққанга!» А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Икки қўлини бурнига суқиб қ. бурун. Катта ўғлим билан икки қўлимизни бурнимизга суқиб, ўз уйимизга бордик. С. Айний, Куллар. Кўзига чўп суқмоқ айн. кўзига чўп солмоқ қ. кўз.

СУҚСУР Ўрдаксимонлар оиласига мансуб, патлари ғоят гўзал ва ранг-баранг қуш. Кўкқамиш кўлидан суқсур учирдим, Суқсурни излаган лочин буламан. «Алпомиш».

СУҚСУҚ Ўрдаклар оиласига мансуб, ёввойи ўрдакдан кўра кичикроқ қуш.

СУҚТОЙ айн. суқатой. Қулидан нонини Қоллон опқочди: Унутган эди у суқтой кучугин. F. Фулом, Танланган асарлар.

СУҚУТ [a. سقوط — йиқилиш, ағдарилиш; пасайиш, камайиш; ажралиш, кучиш; йўқ бўлиш] эск. кт. Китобнинг, матннинг тушириб қолдирилган, етишмайдиган ери.

СУҒД, сўғд [суғд. سوز — куйиш, ёниш ёки سغد — ёмғир суви тупланган сойлик; сернам, унумдор ер] қ. суғдлар. Суғд халқи. Суғд тили. ■ Суғд ёдгорликлари орасида Рустам ҳақидаги эпосдан парчалар (5—7-асрлар) катта адабий қимматга эга. «ЎЗМЭ».

СУҒДИЙ Суғдларга, суғд халқига оид. **СУҒДИЙЛАР** айн. суғдлар.

СУҒДЛАР Зарафшон водийси ва Қашқадарё воҳасида яшаган қадимий эроний халқ; этник уюшма сифатида милоддан аввалги 12-11-асрларда пайдо бўлган. Суғдлар Буюк Ипақ йўли халқро муносабатларида катта нуфузга эга эдилар. «ЎзМЭ».

СУҒДШУНОС Суғдшунослик мутахассиси. Суғдшунос олим.

СУҒДШУНОСЛИК Суғдларнинг тарихи, тили, адабиёти, маданиятини ўрганувчи фан соҳаси. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ўзига хос суғдшунослик мактаби вужудга келган.. «ЎзМЭ».

СУҒОРИШ 1 Суғормоқ фл. ҳар. н. Ғуззаларни суғориш. Томчилатиб суғориш. Жилдиратиб суғориш. ■ Айланма сув этакка бориб етганда, суғориш тамом бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Экин майдонларини сув билан таъмин этиш, сув чиқариш чора-тадбирлари ва воситалари мажмуи; ирригация. Суғориш режими. Суғориш шохобчалари. ■ Сувни тежаш суғороси туфайли деҳқончиликда канал ва суғориш тармоқлари ўзанига темир-бетон нов, қувар ёки плёнка ётқизиляпти. «Фан ва турмуш».

СУҒОРМА: суғорма (обикор) деҳқончилик Сув билан етарли таъминланмаган худудларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориб етиштириш. Суғорма шароитлар. ■ Суғорма деҳқончилик экинлардан энг юқори ва барқарор ҳосил етиштиришни таъминлайди. «ЎзМЭ».

СУҒОРМОҚ 1 Экин майдонларини, ўсимликларни сув билан таъминламоқ, сув қўймоқ. Экин суғормоқ. Ғуззаларни суғормоқ. Йиғлаб-йиғлаб марза олсанг, кулиб-кулиб суғорасан. Мақол. ■ Эшикка ярим бўйра эни ўсма эккан бўлсалар, шуни ҳам обкашда сув ташиб суғоришган. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Сув бермоқ, сув ичирмоқ. Қўйларни суғормоқ. Туяни чўмич билан суғориб бўлмас. Мақол. ■ Тоштемир қудуқдан бир неча марта сув чиқариб, отларни суғорди, охурларга беда солди. Ҳ. Ғулом, Феруза.

3 кўчма («билан» сўзи иштирокида) Сингдирмоқ. Мехр, ғамхўрлик билан суғорилган тарбия, албатта, ўз самарасини беради. Газетадан.

4 тех. Тобламоқ. Пулатни суғормоқ.

СУҒОРУВЧИ 1 Суғормоқ фл. сфдш.

2 айн. сувчи 1.

СУҒУР Тийинлар оиласига мансуб, буйни калта, кўзи катта, мўйнали кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон. Ўзбекистонда узун думли (қизил) суғур ва кўк суғур учрайди. «ЎзМЭ». ..Судда ишлайдиган Лапасов иккита суғур тутиб беринлар, деб қанақа тиқилинч қилди. «Ёшлик».

СУҒУРИЛМОҚ 1 Суғурмоқ 1, 2 фл. ўзл. ва мажҳ. н. Икки кундан кейин Аваз дўконига келиб, уни танимай қолди. Зулфин суғурилган, эшикка қоракуя билан катта қилиб «Кожир» деб ёзилган эди. С. Сиёев, Аваз. Қилинчлар қиндан суғурилди. «Шарқ юлдузи».

2 кўчма с. т. Билдирмай, сездирмай секингина чиқиб кетмоқ; сирғилмоқ. [Сотқин] Ғала-говурдан киши билмас суғурилди. «Ёшлик».

СУҒУРМОҚ 1 Ўрнашган жойидан куч билан тортиб чиқармоқ. Илдиз суғурмоқ. Омбур билан миҳ суғурмоқ. ■ Тушида қора матога ўралган киши унинг [чолнинг] соғ қолган ягона жағ тишини суғуриб олаётган эмиш. «Ёшлик». Холматжон сувсизликдан қорайиб кетган бир тул ниҳолни суғуриб олмоқчи эди.. С. Аҳмад, Уфқ. Қассоб қийма кабобни сихдан суғуриб олиб, сабзидек тишлаб ерди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Тиқилган, ботган жойидан чиқариб олмоқ. Мўйтаннинг кекса балиқчиси.. чоригини лойдан зўрға суғуриб, қора тутун ичига кириб кетди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Хамирдан қил суғургандай қ. хамир. Узоқ йиллар мобайнида тупланиб қолган ортиқча кунлар, хамирдан қил суғургандай, осонгина йўқотилди. «Фан ва турмуш».

3 кўчма Бирор ердан, тўдадан, муҳитдан ажратиб, узиб олиб кетмоқ. Попукдай қизни иссиқ уясидан суғуриб, олиб келдим. Ойбек, Улуғ йўл.

4 Солиб қўйилган, жойланган еридан чиқармоқ, чиқариб олмоқ. -Бермайман дегин, ҳали шунақами? — аравакаш қалтираб турган қўллари билан пайдаланиб, ёнидан ничогини суғурди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Уқиличини ғилофидан суғуриб, осмонда ярқиратди. Мирмуҳсин, Темур Малик.

5 кўчма Сўриб, тортиб олмоқ; олиб қўймоқ. Безгакни ҳазил фаҳлама. Киши кучини суғуриб, шалпайтиради. Ойбек, О. в. шабадалар.

6 Чиқариб юбормоқ, тарқатмоқ, ёзмоқ. Унинг баданидан она тупроқ интизорлиги,

жанг-жадал суронлари ҳордиғини суғуриб олаётгандай бўлди. Шухрат, Шинелли йиллар.

Жонни (ёки юракни) суғуриб олмоқ Қаттиқ руҳий ёки жисмоний азоб бермоқ, ўлгудай қийнамоқ, жонини олмоқ. *Отаси энди Тоғайни тавбасига таянтирмагунча, бобосини таъриф ва тавсиф этавериб, жонини суғуриб олди.* «Ёшлик». **Таг-томрири билан суғуриб ташламоқ** 1) бутунлай юлиб ташламоқ; 2) йўқ қилмоқ, бартараф этмоқ. **Тилингни суғуриб оламан** Дўқ-пўписа ибораси. *Аё кофир, билиб сўзла сўзингни, Тилларинг суғуриб, уяй кўзингни.* «Маликаи айёр». **Юракдан** (ёки кўнгилдан, миядан, хаёлдан) суғуриб олмоқ Дилдан чиқариб ташламоқ, батамом унутмоқ. [Туйғуной:] *Барибир, унинг [Раҳимовнинг] номини юрагимдан суғуриб ташлай олмайсиз.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

СУГУРТА Табиий офатлар, турли бахтсиз ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими. *Суғурта компанияси. Суғурта полиси. Суғурта шартномаси. Суғурта қопламаси.* ■ -*Ҳукуматимизга раҳмат. Шартнома бўйича суғурта идорасидан пул олдим, — деди шофер йигит.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Одамларни, уй-жойларни, мол-ҳолларни суғурта қилиб юрибмиз.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Пиримқул молия — Мустафонинг укаси, Галатепода томорқа солиғию суғурта пулини йиғади.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

СУГУРТАЛАМОҚ Суғурта қилмоқ ёки қилдирмоқ. *Мол-мулкни суғурталамоқ.* ■ *Суғурталаш мажбурий ва ихтиёрий шаклларда амалга оширилади.* «ЎЗМЭ».

СУГУРТАЛАНУВЧИ Суғурта қилинувчи шахс ёки томон. *Суғурта ҳодисаси рўй берганда, суғурталанувчи тезда бу ҳақда суғурта компаниясига хабар бериши зарур.* «ЎЗМЭ».

СУХБАТ [a. صحبت — бирлашма, уюшма; алоқа қилиш, муносабат, дўстлик] 1 Икки ва ундан ортиқ киши ўртасидаги ўзаро сўзлашув; мусохаба; гурунг. *Қизгин суҳбат. Ганцир-гунгур суҳбат. Хушчақчақ суҳбат. Суҳбати ширин одам. Булоқнинг суви тикиқ, Дононинг — суҳбати.* Мақол. ■ *Санжар Тилла суҳбат чоғи гинахонлик тарзида деди.*

К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Меъморнинг икки қўли орқасида, ошналарининг суҳбатига қулоқ солиб тургандек бўларди-ю, кўзлари юз қадамча нарида чодир қураётган шоғирдлариди, ўғил бола кийимини кийиб олган шаддод қизиди эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

СУХБАТ ҚИЛМОҚ (ёки айламоқ, қурмоқ) Йиғилишиб суҳбатлашмоқ, гаплашмоқ, мусохаба қилмоқ; гурунглашмоқ. *Аҳмон дев суҳбат қилмоққа мойил бўлди.* «Маликаи айёр». *Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар, Суҳбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоқлар.* Муқимий. *Чойхона сўриларида одамлар чой ичиб, суҳбат қуриб ўлтириптилар.* «Шарқ юлдузи».

2 Бирор мавзуда эшитувчилар билан фикр алмашинув, савол-жавоб тариқасида ўтказиладиган машғулот; мулоқот. *Экология ҳақида суҳбат.* ■ *Муфтий ҳазратлари, сиз билан ахлоқ-одоб ҳақидаги суҳбатимиз аҳли жамоага фойда бўлади.* Газетадан.

3 кўчма кам қўл. Ўтириш, улфатчилик. *Тантубойвачча.. базмини, суҳбатини кўрган.. кўп хотинларни энди секин-секин унута бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Адабсиз, баҳрасизлар суҳбатин ҳаргиз ҳавас қилма, Тўкилгай обрўйинг, бехуда завоқу сафодан кеч.* Ҳабибий.

СУХБАТДОШ Суҳбатда иштирок этувчи киши, суҳбат қатнашчиси; суҳбатчи, ҳамсуҳбат. *Ажойиб суҳбатдош.* ■ *Шерали, суҳбатдошининг айтганларини тасдиқлагандек, бош чайқади.* С. Кароматов, Олтин кум. *Донларим — кенгашимдан, Неча бек суҳбатдошимдан — Барисидан жудо бўлдим.* «Ойсулув».

СУХБАТИЖОН [a. + ф. صحبت جان — суҳбатнинг жони, суҳбати ширин] Суҳбати ширин, суҳбаторо. *Суҳбатижон одам.*

СУХБАТЛАШМОҚ Йиғилишиб, ўзаро гаплашмоқ; суҳбат қилмоқ, суҳбат қурмоқ; гурунглашмоқ. *Фозил одам билан суҳбатлашсанг, роҳат қиласан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одатда, кўпчилик қизларнинг ҳусни танишиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб кетганиндан кейин очилади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

СУХБАТОРО [a. + ф. صحبت آرا — суҳбатта оро берувчи, файз киритувчи] айн. *суҳбатижон. Суҳбаторо одам.* ■ *У [Мулла Бурҳон] сўзамол ва суҳбаторо бўлиб, тоғликларнинг қаттиқ муомалалигини бухоролик-*

ларнинг нозик гаплиги билан қўшган эди. С. Айний, Эсдаликлар.

СУҲБАТЧИ айн. суҳбатдош.

СФЕРА [юн. sphaira — шар] мат. Ҳамма нуқталари фазонинг бирор маркази (нуқта-си)дан баравар узоқликда жойлашган берк сирт; шар сирти. *Сфера марказидан ўтувчи текислик уни катта айлана бўйлаб кесади.* «ЎЗМЭ».

Осмон сфераси Осмон ёритқичларининг кўринарли жойлашуви ва кўринарли ҳаракати ҳақида тасаввур берувчи, радиуси ихтиёрий бўлган шарсимон сирт; осмон гумбази. *Осмон сферасидаги ёритқичга бўлган ҳар бир йўналиш сферада нуқта билан, текислик эса доира билан тасвирланади.* «ЎЗМЭ».

СФЕРИК Сферага оид; сфера шаклидаги. *Сферик сирт. Ботиқ сферик кўзгу. Сферик геометрия.* ■ *Бир координата системасидан иккинчи координата системасига ўтиш сферик тригонометрия формуллари ёрдамида амалга оширилади.* «ЎЗМЭ».

СФИНКС [юн. sphinx — бўғувчи ўлим руҳи] 1 Юнон мифологиясида: қанотли ярим урғочи шер, ярим аёл кўринишидаги махлуқ.

2 Қадимги Мисрда: танаси шерники, калласи одамники бўлган, ўтирган ҳолатдаги афсонавий махлуқ ҳайкали.

СФРАГИСТИКА [юн. sphragis — муҳр] Тарих фанининг муҳрларни ўрганадиган ёрдамчи соҳаси.

СХЕМА [юн. schema — қиёфа, кўриниш, шакл] 1 Бино, иншоот, машина, механизм ва ш.к. нинг умумий муҳим томонлари ва қисмлари ўртасидаги боғланиш шартли белгилар билан масштабсиз ифодаланган чизма. *Станок схемаси. Ёритиш системасининг схемаси. Радиопрёмник схемаси.*

2 Бирор нарсанинг умумий тасвири ёки тавсифи, баёни; хомаки режа. *Атом схемаси. Сейсмик худудлар схемаси.*

СХЕМАТИЗМ [«схема» с. дан] Бир қоллигдаги тайёр қоида ва формулаларга ёпишиб олиб, ишнинг асосий моҳиятига зид равишда умумий тарзда юзаки муҳокама юритиш, тасвирлаш, тавсифлаш.

СХЕМАТИК 1 Схема равишидаги, схемадан иборат бўлган, схемага оид (қ. **схема** 1). *Қурilmанинг схематик тасвири. Жойнинг схематик плани.*

2 Умумий тарздаги, содда. *Схематик баён.*

СХОЛАСТ 1 флс. Схоластика тарафдори. *Схоластлар Платон, Аристотелнинг таълимотларини ўз мақсадаларига мослаштириб, христианлик ақидаларини асослаш йўлида талқин этишган.* «ЎЗМЭ».

2 Бирор нарса-ҳодиса ёки фаннинг фақат ташқи, шаклий жиҳатларинигина идрок этувчи киши, ҳарфхўр; юзаки фикрловчи.

СХОЛАСТИК айн. схоласт.

СХОЛАСТИК 1 флс. Схоластикага оид, схоластикага асосланган, схоластикадан иборат бўлган. *Ренессанс даврида схоластик анъаналарнинг айрим жиҳатлари янада ривожланди.* «Фалсафа».

2 кўчма Формал, юзаки; ҳаётдан, амалиётдан ажралган, қуруқ сафсатадан иборат бўлган. *Схоластик танқид.*

СХОЛАСТИКА [юн. scholastikos — мактабга оид; илмий; билимли] 1 Диний дунёқарашни назарий асослашга интилган, ўрта асрларда Фарбий Европада тараққий этган диний фалсафа. *Схоластика антик фалсафадан, хусусан, Прокл таълимотидан кўп баҳраманд бўлган.* «Фалсафа».

2 кўчма Ҳаётдан ажралиб қолган юзаки билим, беҳуда, қуруқ сафсата; ақидапарастлик.

СЦЕНАРИЙ [итал. scenario < лот. scenarius — сахнага оид, алоқадор] 1 Пьеса, опера, балет спектакллари, оммавий тadbирлар ҳамда томошаларнинг режаси, сюжет тузилиши. *Наврўз байрами сценарийси.*

2 Кино санъати ва телевидение воситалари ёрдамида гавдалантириб кўрсатиш, экранлаштириш мақсадида ёзилган адабий-драматик асар. *Ўзбекистонда сценарий жанрининг ривожланишида кинорежиссёр Наби Ғаниевнинг хизматлари алоҳида.* «ЎЗМЭ».

СЦЕНАРИЙЧИ Сценарий ёзувчи адиб; сценарист. *Э. Ҳамроев, А. Шариповлар ҳам [кино соҳасида] дастлабки ўзбек сценарийчиларидан.* «ЎЗМЭ».

СЦЕНАРИСТ айн. сценарийчи.

СЧЁТ [р. считать, счесть — «ҳисобламоқ, санамоқ» фл. дан ясалган от] бухг. 1 Тулов-ҳисоб варақаси, туловнома. *Электр пули тулаш учун счёт.* *Бажарилган ишга ҳақ олиш учун счёт ёзмоқ.* ■ *-Боя нега айтмадинг? — деди Абдуманноф счётни кўлига олиб. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.*

2 Нақд пул маблағларини қайд этувчи молиявий ҳисоб-китоблар ва мажбурият-

ларни акс эттирувчи хужжат. *Ташкилотнинг банкдаги жорий счёти. Счётга пул утказмоқ. Счётга ёзиб қўймоқ.*

СЧЁТЧИК [р. счётчик — ҳисобловчи, сановчи] қ. **ҳисоблагич**. *Электр счётчиги. Газ счётчиги.*

СЪЕЗД [р. съехаться — «турли жойлардан бир жойга келиб тўпланмоқ» фл. дан ясалган от] Айрим ташкилотлар, аҳоли гуруҳлари вакилларининг йиғилиши; катта йиғин; қурултой. *Ўқитувчилар съезди. Съезд қарорлари. Съездда қатнашмоқ.*

СЪЁМКА [р. снять — «кино-, фото-, телетасвир тайёрламоқ, тасвирга (суратга) олмақ» фл. дан ясалган от] Суратга олиш (мас., киностудияда). *Съёмка қилмоқ. Съёмкада қатнашмоқ. ■ Уч ойдан кейин кинокомедиянинг съёмкаси бошланди. А. Қаҳҳор, Картина.*

СЮЖЕТ [фр. sujet < лат. subjectum — предмет, мазмун, моҳият, нарса] 1 Бадиий асарда, фильмда воқеа-ҳодисалар тасвири, баёнидаги изчиллик ва ўзаро алоқа; бадиий асар мазмуни. *Романнинг сюжети. Пьесанинг сюжети. ■ Бадиий асар сюжети тасвирланаётган воқелик ва асарда иштирок этадиган қаҳрамонлар масаласига бевосита боғлиқ. «ЎЗМЭ».*

2 Тасвирий санъатда: тасвир объекти, предмети.

СЮИТА [фр. suite — қатор, изчиллик] Умумий бадиий мазмун, ғоя, дастур остида бирлаштирилган, кетма-кет келувчи бир неча (одатда, контраст) мустақил қисмлардан ташкил топган мусиқа асари; мусиқий жанр. *Ўзбекистон композиторларидан.. М. Бурҳонов, М. Ашрафий, С. Юдаков, Д. Соаткулов.. Кабилар симфоник ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, шунингдек, фортепиано ва бошқа созлар учун турли сюиталар яратилган. «ЎЗМЭ».*

СЎТАЛ Кўпинча ёш болалар ва ўсмирлар баланида, одатда, қўл ёки оёқда бўладиган қаттиқ, кумалоқ ёки ясси ўсимта; терининг вирусли касаллиги. *Оддий сўгал. Ясси сўгал. ■ Оддий сўгал кўпи билан нўхат катталигида, оғриқсиз, ғадир-будур тугунча бўлиб, кўпинча қўл панжасида учрайди. «ЎЗМЭ».*

СЎЗ 1 *тлш.* Ўз товуш қобигига эга бўлган, нарса-ҳодисалар, жараёнлар, шахслар, белги ва миқдорларни, хусусиятларни,

ҳаракат ва ҳолатни, алоқа ва муносабатларни номлаш учун хизмат қиладиган, мустақил луғавий маънога эга бўлган, шунингдек, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг муҳим тил бирлиги; гапнинг қурилиш материали. *Туб сўз. Ясама сўз. Қўшма сўз. Сўз бирикмаси. Сўз таркиби. Сўз ясалиши. ■ Сўзнинг товуш ва маъно томони бор. Лекин ҳар қандай товуш йиғиндиси сўз бўлавермайди. «ЎЗМЭ».*

Кириш сўз 1) муқаддима, дебоча, кириш. *Ҳайдар ақанинг одамларга малол келмайдиган.. кириш сўзлари ҳаммани хушхўл қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) тлш.* гап бўлаклари билан синтактик боғланмаган, гапда сўзловчининг баён этилган фикрга муносабатини, гап мазмунининг юқорида ёки қуйида айтил(ади)ган фикрга боғланишини ва ш. к. ни билдириб келувчи сўз, мас., *албатта, айтгандек, дарвоқе.*

2 Бирор маъно турига, услубга оид шундай бирлик (тилда, нутқда ифода воситаси сифатида). *Дағал сўз. Беадаб сўз. Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор. Мақол. ■ ..не-не ошиқларни рад қилган бу гўзал жувон бир бўз боланинг икки оғизгина ширин сўзига зор бўлиб, қоронғилик қаърига умидсиз тикилиб турарди. С. Аҳмад, Уфқ. Афтидан, борлиғимиз Мастура билан банд, қуюндай чарх ураётган таассуротлар, фикрлар, туйғуларни ифода қилгани сўз тополмас эдик. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.*

3 Сўзлашувда, гапда, нутқда шундай воситалардан фойдаланиш қобилияти, санъати. *У сўзда йўқроқ. ■ У кишининг сўзлари китобда ҳам йўқ, шундай маъноли.. ана сўзга усталигу. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Мақол; матал; ибора. *Қочирим сўзлар. Ҳикматли сўзлар Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. Мақол. ■ Кумушнинг гўзаллик таърифни ғойибона эшитиб, оғзининг суви келувчи хотинли ва хотинсиз орзумандлар «ётиб қолгунча, отиб қол!» сўзига амал қилиб, қутидорниқига совчиларни турнақатор юбора бошлаган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

5 Гап, гап-сўз, нутқ. *Самимий сўзлар. Нотиқнинг сўзлари. Сўз сўрамоқ. Маърузачига сўз бермоқ. Сўз айтмоқ. Сўз бошламоқ. Сўзга чиқмоқ. Сўзга тушмоқ. Сўзини бўлмоқ. Сўзни қисқа қилмоқ. Сўзини оғздан олмақ.*

■ **Директор билан олдиндан келишиб олинган бўлса керак, биринчи бўлиб Бақалоқ сўзга чиқди.** С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Сўз бошлади чол титраб, Ҳалқумига келиб жон. А. Орипов, Йиллар армони. Азизхон бир сўз демай, машинанинг орқа ўриндиғига чиқди. С. Аҳмад, Уфқ.

Сўз бермаслик 1) гапиришга имкон бермаслик. *Хотини Карим акага сўз бермайди. Бир гап айтса, бетингда кўзинг борми демай, қайириб ташлайди.* М. Ҳазратқулов, Журъат; 2) бўйсунмаслик. *Қишлоқи ёшлигим сарпойчан чопар Сўз бермай декабрь қунларига.* А. Шер. **Сўз очмоқ** Гапиришни бошламоқ. *Муҳаббат қиссасидан сўз очиб, қилсам газалхонлик, Уқишгай ишқ эли назимни кўп заррин китоб ичра.* Ҳабибий, Девон. **Сўз эркинлиги ҳуқ.** Инсоннинг асосий шахсий ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири; ўз фикрини озгаски ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзма баён этиш имконияти. *Биз сўз эркинлигини сўрар эдик.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Демократик мамакатларда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти сўз эркинлигига асосланган.** «ЎЗМЭ». **Сўз қотмоқ** Бирор гап, сўз айтмоқ, гапирмоқ. *Зайнаб тамом, тамом лол эди, Сўз қотишга у беҳол эди.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

6 **Миш-миш гап, овоза; игво.** *Эл бор ерда сўз бор.* Мақол. ■ **Уликми-тирикми** — билармиз. *Мен ҳам қараб турмайман. Аммо сўз тарқалмасин, айт, хотининг тилини қиссин.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 **Ўғит, панд-насиҳат, таблим-тарбия, илтимос ёки буйруқ мазмунидаги гап.** *Онанинг сўзини қулоққа олмоқ. Катталарнинг сўзига кирмоқ. Сўзини икки қилмаслик. Ёмоннинг бўзини олгунча, Яхшининг сўзини ол.* Мақол. *Дўст сўзини ташлама, Ташлаб бошинг қашлама.* Мақол.

Сўзини ерда қолдирмоқ Буйруқ ёки илтимосини бажармаслик. *Кумушининг қарши тушмаги тўғрисида, албатта, уларнинг шубҳалари йўқ эди. Шунинг билан бирга, отананинг сўзини ерда қолдирди, деб ҳам ўйламас эдилар,* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Сўз(и)га кирмоқ** Айтганини қилмоқ, маслаҳат буйича ҳаракат қилмоқ. *Акасининг сўзига кириб, тўй қилдинг, шарманда бўлдинг.* С. Аҳмад, Уфқ. **Бой афанди:** «Мана холос, азарман сизнинг сўзингизга кирсам, тоза шар-

манда бўлар эканмиз», — деб. мени хижолат қилдилар. Ҳамза, Танланган асарлар.

8 **Ваъда, лафз; азм-қарор.** *Сўзида турмоқ. Йигит сўзи бир бўлур.* Мақол. *Турсанг сўзингда — хурмат юзингда.* Мақол. ■ [Авазхон:] *Эй ота, падари бузруквор, сўздан қайтиш номарднинг иши.* «Маликаи айёр». *Мансур энди Гаҳар сўздан қайтмаслигини тушуниб тўхтади.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бировга айтмасликка сўз бераман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

Оран сўз ўтмоқ (ёки чиқмоқ) Келиш-мовчилик рўй бермоқ, низо чиқмоқ. *Мир ҳазратлари билан орангиздан бирон сўз ўтган, деб гумон қилаурман.* Ойбек, Навоий. **Сўз ўйини** Бир сўзнинг турли маъноларидан ёки турли маънодаги шаклдош сўзлардан фойдаланиб тузилган, турлича тушунилиши мумкин бўлган ибора. *Уй эгаси дастурхон ёзар экан: — Умридан шунча бўлгандан кейин, худдо хоҳласа, умри узоқ бўлади, — деб сўз ўйини қилди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

СЎЗАК I [ф. سوزاك — триппер; хуснбзар, бўжама; йиринг] **тиб.** Асосан, тасодифий жинсий алоқа қилиш оқибатида келиб чиқадиغان, сийдик йўллари ва жинсий аъзолар яллиғланишидан иборат юқумли таносил касаллиги; триппер. *Сўзак юқумли бўлгани учун, касаллик белгилари пайдо бўлиши биланоқ, венеролог врачга мурожаат этиш керак.* «ЎЗМЭ».

СЎЗАК II [ф. سوزاك — санчик] **Қаттиқ совқотиш натижасида панжа учларида сезиладиган санчикли грик.**

СЎЗАМОЛ I Сўзга уста, гапга чечан; гапдон. *Сўзамол одам.* ■ **Ҳамиша камгап Отамурод худди шунақа, бировга ёрдам керак бўлиб қолган пайтда сўзамол, очиқдан-очиқ меҳрибон бўлиб қолади.** М. Мансуров, Ёмби. *Бошиқ сўзамолгина, лекин қўлидан келса, яхшилигини аямайдиغان одам экан.* «Ёшлик».

СЎЗАМОЛЛИК Сўзга уста, гапга чечан бўлишлик. *Сўзамоллик қилмоқ.* ■ **Зиёднинг фавқулодда сўзамоллиги ўз йўлига, лекин ҳозир ҳар қўл силкиганда, кафтига бегона нарсадай ишқаланаётган ортиғи ғалати туюлар эди.** М. Мансуров, Ёмби. [Башир] *Ўзининг сўзамоллигини йиғилганларга, айниқса, Қирмизхонга кўрсатиб қўйгиси келарди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Минг хил нағмаси бор сўзамолликнинг, Оқиллар авомга боқар жавдираб.* «Ёшлик».

СЌЗАН I [ф. سوزن — игна, нина; тикан] Этикдўз косиблар иш тикадиган махсус игна. *Сўзан билан чок тикмоқ.* ■ *Уй-рўз-ғорда ишлатиладиган қуроллар номи: пичоқ, ангишвона, жуволдиз, игна, чопқи, қайчи, сўзан ва бошқалар.* «УТА». Чол унга *сўзан, бигиз тутишни кўрсатади.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЌЗАН II [ф. سوزن] Дуккаклилар оиласига мансуб, қумлоқ ерларда ўсадиган бута ўсимлик; акациянинг бир тури.

СЌЗАНА [ф. سوزنى — шойи ип билан кашта тикилган кичикроқ рўмол; палак] Сидирга газламага гул тикиб тайёрланган, деворга осиладиган безак буюми; гулкўрпа. *Шоҳи сўзана. Сўзана тикмоқ.* ■ *Унинг қаршисида, сўзана тутилган девор тагида, мушдай бўлиб ўтирган мухбир йигит — Ислом пиқиллаб кулиб юборди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Сурмахон ая кўкка қаради: юлдуз тўла қорамтир осмон йирик-йирик гавҳар доналари қадалган бахмал сўзанага ўхшайди.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

СЌЗАНАК I [ф. سوزنک — нинача; ниначи] шв. Ниначи.

СЌЗАНАК II [ф. سوزنک] шв. Отнинг пешноби.

СЌЗБОЗЛИК Куруқ гап, сафсата сотиш, сафсатабозлик. -*Бўлдими? Сиз билан сўзбозликка вақтим йўқ, — деб ғазабланиб қичқирди Йўлчи, — шуни билингки, халқ ўз ишини билиб қилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

СЌЗБОШИ Кириш, дебоча, муқаддима.

СЌЗЛАМОҚ I Оғзаки равишда фикр баён этмоқ; гапирмоқ. *Оз сўзла, кўп тингла.* Мақол. *Кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам, соз сўзлар.* Мақол. *Бошинга қилчи келса ҳам, тўғри сўзла.* Мақол. ■ *Сўзласанг, ҳар кимнинг ўз ақлига чоғлаб сўзлагин, Қутмагай от хизматин ҳеч кимса ёш бир тойдан.* Ҳабибий, Девон. *Йигит улар олдида пилдираб бораркан, тинмай Азизхон қилаётган ишлардан сўзлаб борарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Нутқ, маъруза қилмоқ, гапирмоқ. *Гуё икки навқирон йигит шу бугун борибоқ Ўртақўрғонни забт этадигандай, баланд руҳ билан нутқ сўзлади.* М. М. Дўст, Лолазор. *Биринчи котиб йиғилганлар олдида чиқиб, озгина сўзлагандан кейин, ўтирган халқ-*

қа қарата огоҳлантиришсиз ўқ узишди. «Фан ва турмуш».

3 кўчма Ифодаламоқ, намоён этмоқ. *Баҳор табиат сўзаллигидан сўзлайди.* Газетадан. *Титроқ симлар Тамара опамизнинг бедор тунлари, ҳаловатсиз кунлари, роҳатбахш лаҳзалари ҳақида сўзларди бизга.* «Саодат».

СЌЗЛАНМОҚ I Сўзламоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Зиёфат асносида иттифоқнинг фойдалари, тарқоқликнинг зарарлари сўзланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўзича гапирмоқ, ўз-ўзи билан гапиришмоқ. *Сўнг ўзича сўзланиб, тўрга йўналди.* «Шарқ юлдузи». *У туйқус асабланиб, сўзланди.* «Шарқ юлдузи».

СЌЗЛАШМОҚ I Сўзламоқ фл. бирг. н.

2 Гапиришмоқ, гаплашмоқ. *Нотиклар ўн минутдан сўзлашди.* ■ *Нима ва қайси тўғриларда сўзлашдилар, Отабек қиччоқларга қарши сўзламадими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бирор нарса, масала ҳақида ўзаро музокара олиб бормоқ; гапиришмоқ, келишмоқ, битишмоқ. *Таътил тўғрисида директор билан сўзлашиб қўйдим.* ■ *Эртага шаҳарга тушинг, акам билан сўзлашиб, ишни битирасиз, дурустми?* Ойбек, Танланган асарлар.

СЌЗЛАШУВ Сўзлашмоқ фл. ҳар. н. [Гулнор] ..*Нурининг никоҳ кунигина Йўлчига яқинлашиб, у билан сўзлаша олган эди. Ундан бери учрашувга, икки оғиз сўзлашувга ботинолмасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Сўзлашув тили Кундалик турмушдаги алоқа-аралашув учун хизмат қилувчи тил; оғзаки нутқ турларидан бири.

СЌЗЛИ I Бирор миқдордаги сўздан таркиб топган, қанчадир сўзни ўз ичига олган. *Уч сўзли матн. Олтмиш минг сўзли луғат.*

2 Бирор аниқловчи билан биргаликда келиб, шахснинг характери ёки муомаласи қандайлигини билдиради. *Ширин сўзли — шоҳ косадан сув ичар.* Мақол. *Тўғри сўзлининг тўни йиртиқ.* Мақол. ■ *Қарилари ширин сўзли, Жувонлари турфа нозли, Қизлари бор жоду кўзли.* «Нурали».

Бир сўзли I) бир сўзда, ўз айтганида турби оладиган; ўжар, қайсар. *Бир сўзли бола.* ■ [Мулла Мадрахим] *Мижғов ганни ёқтирмайдиган, бир сўзли бу заҳар полковникка муддаосини очиқ айтишга мажбур бўлди.*

Ш. Тошматов, Эрк қуши; 2) сўздан, лафзидан қайтмайдиган; айтганини қиладиган; ваъдали. *Бир сўзlining юзи ёруғ.* Мақол. ■ *Пўлатов қаршисида бир сўзли, зукко ва қатъиятли аёл турганлигини билди.* «Ёшлик». Ўз сўзли Ўз сўзини ўтказадиган, айтганини қилдирадиган, гапининг икки қилинишини ёқтирмайдиган. *Ўз сўзли йигит — кун юзли йигит.* Мақол. ■ *Шу ўтган давр уни кўп нарсага ўргатди: бўшашган қишлоқ қизини ўз сўзли, чўрткесар қилиб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ.

СЎЗЛИК 1 Бирор луғатта, маълумотномага киритилган ёки киритиладиган сўзлар рўйхати. *Изоҳли луғат сўзлиги. Сўзлик тузмоқ.* ■ *Муайян фан соҳаси ичида аввал мавзулар буйича сўзлик тузилади.* «ЎЗМЭ».

2 эск. айн. луғат. *Ботаника сўзлиги.*

СЎЗЛИЛИК Муайян даражадаги ўжарлик, қайсарлик; сўзида, ваъдасида туришлик. *Ўзбек олим эрига ялина бошлади: — Бир сўзлилигингизни қўйинг, эр.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЎЗМА-СЎЗ *рвш.* 1 Битта ҳам сўзни тушириб қолдирмай, оқизмай-томизмай; айнан. *Эшитган гапларини сўзма-сўз айтиб бермоқ.*

2 Гапнинг бутун маъносига қараб эмас, балки ундаги сўзларнинг луғавий маъноларига қараб; луғавий. *Сўзма-сўз таржима қилмоқ. Сўзма-сўз таржима.*

СЎЗОНА [ф. *سوزانه / سوزان* — ёнган, куйган; ёнаётган; куйдирувчи, емирувчи] Куйган, аламли. *Сўзона бўлмоқ.* ■ *Соғинчдан юраги сўзона она.. сочлари қировга айланган она тўртинчи марта, умид билан, ўғлининг лақабини ҳам қўшиб чақирибди.* «Ёшлик». *Ишқдан қалби куйган сўзона бир шам, Ишққа исён этиб, ёд этар қасам.* «Ёшлик». *Ҳеч ким менингдек куймаган ҳажринг ўтига, эй санам, Танҳо туташдим ман ўзим, сўзона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

СЎЗСИЗ 1 *сфт.* Сўзи, сўзлари бўлмаган, *Сўзсиз сурат.*

2 *рвш.* Овоз чиқармай, гапирмай; сукут ичра, жим. *Ногаҳон фалакка урган каби дўқ, Сўзсиз қотиб турар буйчан тераклар.* А. Орипов, Йиллар армони.

3 *рвш.* Ҳеч қандай эътирозсиз. *Сўзсиз итоат этмоқ. Сўзсиз таслим бўлмоқ.* ■ *Хоҳиш-иродамизни сўзсиз бажарасан.* «Шарқ юлдузи».

4 *мод. с.* Фикрнинг аниқлигини, қатъий буйруқ ва заруратни билдиради. *Сўзсиз, у келади. Мактабдаги мусобақаларга қатнашда ва, сўзсиз, биринчи ўринни эгаллайди.*

СЎЗСИЗЛИК 1 Жимлик, жимжитлик, сукунат. *Орага сўзсизлик чўкди.* ■ *Орадаги сўзсизлик бир пиёладан чой ичгунча бузилмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Лафзи, субути йўқлик, ваъдасизлик, бебурдлик.

СЎЗЧАН *кам қўлл. айн. сўзамол. Сўзчан одам.*

СЎЗЧИ 1 Гап ташувчи, йўқ гапларни тарқатиб юрувчи, ғийбатчи. *Сўзчи одам.*

2 *айн. сўзамол. Ботир ёвда билинар, сўзчи довда билинар.* Мақол. ■ *Созчимисан, сўзчимисан, Бозингар — савдогармисан.* «Юсуф ва Аҳмад».

СЎЙИЛ Узун йўғон калтак, таёқ. *Кетмон, чўкки [чўкки], ўроқ, сўйил кўтарган жабрдийда косиблар, деҳқонлар, чорикорлар, қўшчилар тўдалашиб, Хива сари отланди.* С. Сиёев, Аваз.

СЎЙИНМОҚ *с. т.* Севинмоқ.

СЎЙИНЧИ *с. т.* Суюнчи.

СЎЙЛАМОҚ 1 Сўзламоқ. *Аввал ўйла, кейин сўйла.* Мақол. ■ *Шунчалар билимдон сиёқингиз бор, Минг ўйлаб, бир сўйлар ўқитувчи ҳам.* Ф. Фулом, Танланган асарлар. *Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Шивирлаб сўйлайлик Ватан ҳақида Узоқ қиш туни Оқ тонгни уйғотган эртакка ўхшаб.* А. Шер, Қадимги куй.

2 *айн. сўзламоқ* 3. *..Ва кўмилиб куз боғларига, Афсоналар сўйлар Самарқанд Қадим ўзбек қишлоқларига.* Х. Даврон, Қақнус. *Жайрон ҳасратида йўл кечар овчи, Ошиқнинг дардини сўйлар газал, тор.* Миртемир, Асарлар.

СЎЙЛОҚ 1 Ташқарига туртиб чиққан, узун (тиш ҳақида). *Хотин ишиган қовоқлари остидаги кўкмитир кўзларини қисиб, сўйлоқ тишларини кўрсатганча, сўрашган киши бўлади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

2 Шундай тишли одам. *Сўйлоқ киши чиқиб келиб, юкни қабул қилиб олгач, чой-пойга шама қилиб ўтирмай, дарҳол эшикни ёпди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

СЎЙМОҚ 1 1 Бўзига тиг тортиб ўлдирмоқ, бўғизламоқ. *Кўй сўймоқ. Товуқ сўймоқ. Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин.* Мақол. ■

[Латифжон:] *Хўп бўлади, додхоҳ.. Бурдоқини сўйишга қассобни чақирайми? Ҳамза, Танланган асарлар. [Ҳожин:] Кудаларингни нима билан кутишни бўлса, ўзинг биласан: туя сўйиб чарлаганинда ҳам, келмайдирган кишилар! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Кесмоқ, бўлақламоқ, кесиб-кесиб қўймоқ. (асосан, қовун, тарвуз, анор ва ш. к. ҳақида). *Қовун сўймоқ. ■ Камолитдин маҳдум нонни ушатиб, патнисдаги анорни олдию, авайлаб сўя бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Рўзи полвон.. ҳандалакни эпчиллик билан сўйиб, меҳмонларнинг олдига қўйди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

Пичоқсиз (ёки тўғсиз) сўймоқ Каттиқ алам етказмоқ, азоб бермоқ. *Инсофсизлар, мени тўғсиз сўйдиларинг. «Шарқ юлдузи». Ўтмас пичоқ билан сўймоқ қ. пичоқ.*

СЎЙМОҚ II с. т. Севмоқ, сўймоқ, яхши кўрмоқ. *Тенг еганни тангри сўйибди. Мақол. ■ Икковинг ҳам созандасан, Ота сўйган дўзандасан. «Юсуф ва Аҳмад».*

СЎК Тозаланган, оқланган тарик. *Хом сўк. Қовурилган сўк. Сўк оши. Овқатга сўк солмоқ. Сўк толқон. ■ Дастурхонда яна уша кўрт, сузма, сўк пайдо бўлди, салдан кейин эшикдан бир гуруҳ қизлар кўринди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Палоссиз, зах цементда ётасан, Ҳар куни ейдиган бир чўмич ёвгон сўк оши ёки сули бутқадан ҳам маҳрум бўлиб, икки юз грамм нон ва сувга кунинг қолади. «Ёшлик».*

Оғзига сўк солмоқ айн. оғзига толқон солмоқ қ. толқон. *Ниҳоят, Файзулла чидаб туролмади: -Ҳа, оғзингларга сўк солволдиларингни бугун? Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. Мана бугун ҳам Ҳабиба билан Қудрат, ораларидан оламушук ўтгандай, оғзиларига сўк солиб кириб келишди. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. Сўк ошига сурнай қ. сурнай.*

СЎКАҒОН Кўп сўкинадиган, бўлар-бўлмаста сўхадиган, сўкиनावерадиган; сўконгич. *Сўкағон одам.*

СЎКИК Чоклари сўкилган; чокидан кетган. *Сўкик тўн. Елкаси сўкик кўйлак.*

СЎКИЛМОҚ I Сўкмоқ I фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Кўрпа сўкилиб, қайта қавилди. ■ -Саид! - У отасининг чақирувидан сўнг кўприк устида тўхтади. Кўйлагининг сўкилган жойидан чиқиб турган илني ўраб тураверди. «Ёшлик».*

Дяли (ёки юраги) сўкилмоқ Дили аламга тўлмоқ, вайрон бўлмоқ. *Халқни деб юраги тўкилиб турган, халқ шўрида юраги сўкилиб турган шу нуроний кексалар қараб тура олармикан? М. Исмоилий, Фарғона т.о. Чокидан (ёки чок-чокидан) сўкилмоқ I) тарқалиб, тўс-тўс бўлиб кетмоқ. -Дод! - Хонанинг шифтигача лорсиллаб кетди. Ўз бақирғидан бағри чок-чокидан сўкилди. «Ёшлик»; 2) барбод бўлмоқ, бутунлай издан чиқмоқ. *Битта бўрон кўтарилувдики, бутун ишингиз чок-чокидан сўкилиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.**

СЎКИЛМОҚ II Сўкмоқ II фл. мажҳ. н. **СЎКИНИШ I Сўкинмоқ** фл. ҳар. н. *Бекорга сўкиниш.*

2 **Сўкиш**, ҳақорат сўзлари. *Сўкинишлар ўрнини - бахтиёр кулги, ғийбат, фисқу фасод, миш-мишлар ўрнини ширин суҳбатлар олади. Ана унда инсон ер ўзиде меҳмон эмас, мезбон бўлиб яшаяжак!* Газетадан. *Туябонлар, филбонларнинг жаҳл билан қичқириб сўкинишлари қулоқни қоматга келтиради. «Ёшлик».*

СЎКИНМОҚ Ўзича, ҳеч кимга қаратмасдан сўкмоқ; койинмоқ. *Яхшибоев бўралаб сўкинди, лекин кўзини очди. М. М. Дўст, Лолазор. Шохмурод Кўҳистоний кун бўйи диққат бўлиб, сўкиниб юрди. Мирмуҳсин, Темури Малик.*

СЎКИЧАК с. т. Сўкчак.

СЎКИШ I Сўкмоқ I фл. ҳар.н. *Кўрпани сўкиш. ■ Шимининг почасини ҳам сонигача сўкиш керак. С. Анорбоев, Оқсой.*

СЎКИШ II I Сўкмоқ II фл. ҳар.н. -*Сўкмас эдим, болам, - деди Яхшибоев. - Асли сени болаликда кўпроқ сўкиш керак эди, энди жуда кеч. хўш, нега уялдинг? М. М. Дўст, Лолазор.*

2 **Сўкиниш**, ҳақорат сўзлари. *Сўкиш эшитмоқ. ■ [Хотам Шўро:] Сенда савод бор, менда икки-уч оғиз чийратма сўкишдан ўзга савод йўқ, болам. М. М. Дўст, Лолазор. Гар шеърни севмасанг, сўкишларим бор, Омон айламакни кутмагил мендан. А. Орипов, Йиллар армони.*

СЎКМОҚ I Тикилган нарсанинг ипини узиб, сўгуриб, бўлақларга ажратмоқ. *Кўрпани сўкиб, ағдариб тикмоқ. ■ [Отабек] Тикилган илларни сўкди ва мактубни очиб, оч кўзини ишга қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

СҮКМОҚ II Ёмон сўзлар билан уришмоқ, ҳақорат қилмоқ. -*Ҳа, ноинсоф, ҳа кўл-нак!* - *Қоратой бойни сўка бошлади.* - *Ифлос қарға!* Ойбек, Танланган асарлар. *Очман! Яланғочман! Хорман! Сиз у деб сўкасиз, бу деб сўкасиз, бас-да шунча хўрлаганингиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Умуман, уришмоқ, койиғмоқ, *Турғунбой бутун айбни қўлида боласини кўтариб турган хотинга тўнкаб, уни сўкди ва қизариб-бўзариб, меҳмонлар билан сўраша бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

СҮКОНҒИЧ айн. *сўкағон.* Сўконғич бола.

СҮКЧАК Қурт боқиш учун қурилган, одатда, бир неча қаватли маҳсус стеллаж. *Ҳозир клубга келаётимб, баҳор пайтлари клуб ичида сўкчаклар тахланиб, қурт боқилиши эсимга тушди.* О. Мухтор, Бухоролик бир йигит. *Гулзира, одатича, қўлини орқасига қилиб, сўкчаклар орасидан бир айланиб ўтди.* «Шарқ юлдузи».

СҮЉ айн. **чап 1.** Сўл қўл. *Унг кўзингга сўл кўзинг соқчи бўлсин.* Мақол. ■ *Электр симга қўниб, бошини гоҳ ўнг, гоҳ сўлга буриб, атрофни кузатаётган дала қалдирғочига кўзи тушди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Қайиқнинг ўнгида ва сўлида тинч, қора шморатлар, кемалар пайдо бўладилар.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

СҮЉАК Сўлак безларидан ишлаб чиқариладиган ёпишқоқ суюқлик; оғиз суви. *Тамаки сўлак безлариға таъсир этиб, унинг ишлаб чиқарилишини ва таркибини ўзгартиради.* «Саодат». Сўлак оғиз бушилиғига тушган бактерияларни нобуд қилиши хусусиятига ҳам эга. «ЎЗМЭ».

СҮЉАКАЙ с. т. Сўлак. *Холида хонага кирганда, Зумрад кампир, сўлакайини оқизганча, конвертни елимлаётганди.* «Ёшлик». -*Ажойиб нарса экан, - деди бояги йигит сўлакайини оқизиб.* М. Осим, Карвон йўлларида.

СҮЉАКЧА с. т. Гўдакларнинг, чақалоқларнинг кўкрагига тутиладиган фартукча.

СҮЉЖАЙМОҚ I Эс-хушини йўқотиб анграйиб қолмоқ; серраймоқ. *Мамат қас-соб: -Амманг ўлгандай сўлжайиб ўтиришинг нимаси, тур ўрнингдан!* - *деди Шодиёрга.* «Ёшлик».

2 Қовоғини, лаб-лунжини осилтирмоқ; ўшшаймоқ. *Гўзал йигит сўлжайганича қай-*

тиб чиқди ва портфелини олиб жўнади. А. Қаҳҳор, Қайғулар.

3 Бужмаймоқ, бурушиб-тиришмоқ. *Чолнинг кўзига у [Вали полвон] ранги ўчиб, қони қочган, семиз лунжлари сўлжайиб, қалин лаблари баттар дўрайган.. кўринди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

СҮЉИ шв. Бисотдаги мол-мулк, дунё. *Подшонинг уруши адо бўлмади, Деҳқон халқининг сўли сира қолмади.* «Фольклор».

СҮЉИМ I Ёқимли ва гўзал, лўппи, дўндик. *Сўлим қиз.* ■ *Қиз атлас лозим, атлас кўйлакда сўлим ҳам содда кўринаяпти.* «Ёшлик». *Далага чиқ, соф ҳавода этилиб юрган сўлимлардан бирини танла!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Беғубор, соф, гўзал ва ёқимли. *Сўлим кеча.* *Сўлим баҳор.* ■ *Навоий кўчаси тун қўйнида ғоятда сўлим эди: беҳисоб чироқлар юлдуздек милтираб ёниб ётибди.* Мирмуҳсин, Умид. *Қишлоғимиз адир бағрида жойлашган, табиати сўлим, ҳавоси оромбахш.* «Шарқ юлдузи».

СҮЉИМОҚ с. т. Сўлмоқ. *Усмани узиб қўйдим, Сўлиса қўяман деб.* «Ёшлик». *Лавлихон кампирнинг сўлиган олмадек бурушган юзидан ўнди-да, югурганча ювиниш учун уйга кириб кетди.* «Саодат».

СҮЉИШ I Сўлимоқ фл. ҳар. н. *Япроқларнинг сўлиши.* *Гулдек сўлиш.*

2 Нафас, тин, сулиш. *Сўлиш олмоқ.* ■ *-Гап-да, укажон, - деди Яхшибоев сулиш олиб. - Отингиз нимади?* М. М. Дўст, Лолазор. *Чавандоз инқиллаб-синқиллаб ўтираркан, оғир сўлиш олди.* «Ёшлик».

СҮЉИҚ I кам қўлл. Сўлиган, сўлғин. *Сўлиқ гул.* *Сўлиқ юз.* ■ *Соппа-соғ одамдай ёзармишсиз хат, Лекин, биламанки, афтингиз сўлиқ.* Миртемир, Асарлар.

СҮЉИҚ II с. т. Сувлук. *Сўлиқ чайнаб турган жийрон зулукдай улоқчи бўлиб кўринди [Заргаровнинг] кўзига.* А. Мухтор, Асарлар. *От, бурун катакалари керилиб, сўлиқни безовта чайнаб, ҳид олди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

СҮЉИҚМОҚ айн. сўлмоқ **2.** *Сўлиққан юзлар.*

СҮЉКАВОЙ [р. целковый - бир сўмлик танга] с. т. эск. **1** Бир сўмлик танга. *Етти ярм сўлкавойни жойи ростонда олсан, деб жўнаб кетдим.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бойваччалар ҳаменидан жарақ-жарақ сўл-*

кавойлар тўжилиб, Франциядан келтирилган винолар Нилдай оқди. Мирмуҳсин, Қахрамоннома.

2 Умуман, бир сўмлик пул, бир сўм. *Ҳай, майли, юз сўлкавий берасиз, узиб бориб қўямиз, акажон!* О. Ёқубов, Тилла улуқ.

СЎЛЖОҚ 1 Усиб турган ёки янги узилган вақтидаги ҳолатини йўқотмоқ; шалтаймоқ (ўсимлик ҳақида). *Умид сўлиб, қовжираб қолган ғузалар тепасида айланарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Қизил гуллар айтар: Ҳеч сўлмагайман, Ёмоннинг қўлида хор бўлмагайман.* «Кўшиқлар».

2 кўча Ғам-ташвишдан ёки дард-алам чекиб, узини олдирмоқ, ранги кетиб, қутги ўчиб, синикиб, сўлгин тус олмоқ; синиқмоқ. *Эл билан бўлсанг — буласан, Элдан чиқсанг — сўласан.* Мақол. ■ *Қоп-қора кўзинг Ёшларга тўлмиш, Ой каби юзинг Япроқдай сўлмиш.* Миртемир, Асарлар. *Симобдек беқарор, куч-ғайрати танига сиғмаган ўт-олов йигит энди сўлган, тақдирнинг бемаҳал зарбасидан эсанқираб қолганди.* С. Аҳмад, Уфқ.

СЎЛОҚ Арава гупчаги тешигига икки томонидан ўрнатилган темир ҳалқа (гупчакнинг ейлиб кетмаслиги ва ўқнинг раван айланиши учун хизмат қилади). *Сўлоқ ўрнатмоқ. Сўлоқни мойламоқ.*

Сўлоғи ўйнаган (ёки чиққан) 1 сўлоғи маҳкам ўрнашмаган, қимирлаб, лиқиллаб турадиган. *Сўлоғи ўйнаган арава;* **2) кўча** дабдаласи чиққан, шалоқ. [*Турғун Мирбадалга:*] *Оббо! Сўлоғи чиққан машинангизни мунча мақтадингиз!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. «Победа» тўхтади. — *Юрмаяптими?* — *суради Рабиев.* — *Эски. Сўлоғи ўйнаган, — изоҳ берди Сайфи.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка; **3) кўча** абжағи чиққан, яқсон, тор-мор бўлган. **Сўлоғини ўйнатмоқ (ёки чиқармоқ) 1** дабдала, шалоқ қилмоқ. *Ўйинчоқнинг сўлоғини ўйнатибди;* **2) кўча** абжағини чиқармоқ; яқсон, тор-мор қилмоқ.

СЎЛОҚМОН 1 Йўғон таёқ; сўйил.

2 кўча салб. Гунгурсдай, хирсдай, барваста одам ҳақида. *Бу она суги оғзидан кетмаган сўлоқмонлар нимани кўрибди?!* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Шу юрган бекорчи сўлоқмонлар орасида юрса юрипти-да, унга ошу нон берармидик.* С. Абдулла, Соялар.

СЎЛҚИЛДОҚ 1 Лўмбиллаган, семиз, дўмбоқ, лўппи, сўлқиллаган. *Сўлқилдоқ бола.* ■ *Хумор келиннинг катта қора кўзлари*

ҳам, тер, суги ҳиди анқийган сўлқилдоқ тани ҳам, илиқ нафаси ҳам Бурихонга ёқади. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

2 Эндигина етилган, сурх. *Сўлқилдоқ новда.* ■ [*Мирғиёс:*] *Кўк қурт! Ёмон офат. Ғузанинг заволи. Тезда тухумини қуритиш керак. Ғузанинг айни сўлқилдоқ пайти, келиради очофат!* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

Сўлқилдоқ ер Етилиб, бўртиб, кўпчиб турган ер. **Сўлқилдоқ нон** Кўпчиб, сингиб пишган янги нон. *Нон, гарчанд арпа қўшилган бўлса ҳам, шундай иссиқ, сўлқилдоқ, ўзи-ям шундай қизариб пишганки, кўргандаёқ ташланади киши.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

СЎЛҚИЛЛАМОҚ Аста тебранмоқ, селкилламоқ. *Кўклам бўлса, томошадир чўллари, От чопганда, сўлқиллайди беллари.* «Гулихиромон». *Лутфиниса оппоқ, юрса сўлқиллайдиган, икки қошининг учи бир-бирига туташ, бўйи сал пастроқ, тўлагина қиз.* С. Аҳмад, Уфқ.

Сўлқиллаган ёки сўлқиллаб пишган (ёки турган) нон айн. **сўлқилдоқ нон қ.** **сўлқилдоқ.** *Ҳайрон бўлманг, Дилшодбек, рост гап. Ахир седана сепилган, сўлқиллаб турган бундақанги нонни ҳеч қаердан тополмайсиз!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сўлқиллаган ер айн.** **сўлқилдоқ ер қ.** **сўлқилдоқ.**

СЎЛҒИН 1 Сўлиган, сўлиқ. *Сўлгин ғўза.* ■ *Экинлар томирига қон югурди. Сўлгин япроқлар аста жонлана бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Сахий жануб кўёши шитоб билан тик кўтарилди. Ут-алаф ҳам, гулчечак ҳам.. иссиққа дош беролмай, сўлгин бош эди.* С. Абдуқаҳҳор, Жанубий нуқтада.

2 кўча Ўзини олдирган, синиққан, ранги кетган, қутги ўчган, сўлиққан. *Сўлгин чехра.* ■ *Онанинг ранги сўлгин, кўндан дард чекиб, хийла азоб тортган аёлнинг юзларига ўхшарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Панжининг кўзлари қизарган, юзи сўлгин эди.* «Ёшлик».

3 Файзини йўқотган, фэйз-футурдан кетган. Сал сўлгин, қалин тутзорларга кўз ҳали қўл урмаган бўлса ҳам, энди ёз эмас эди. «Ёшлик». *Кўёш гоҳ булутлар орасида яширинар, гоҳ бирдан сўлгин далаларни, яланғоч теракларни майин товлантирар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

Рухи сўлгин Рухи тушган, сўниқ. *Чолнинг руҳи сўлгин, кўзлари ич-ичига кириб кетган*

эди. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

СЎЛҒИНЛАШМОҚ Сўлғин кўринишда бўлмоқ; синиқмоқ. *Нечундир Асалнинг ранг-рўйи кўп ўтмай сўлғинлашди, овози, кулгиси дағаллашди. «Ёшлик». Саиднинг руҳи сўниб, ранг-рўйи тобора сўлғинлашиб борарди. «Шарқ юлдузи».*

СЎЛҒИНЛИК Сулиқлик, синиққанлик, ҳорғинлик; руҳи тушганлик, хафалик. *Султонхоннинг ранги ўча бошлаган эди, икки бетидоги шапалоқдай қизилига сўлғинлик югурди. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Нигора бошини столдан шиддат билан кўтарди. Кўзларида маънос сўлғинлик, лабларида кинояли табассум. С. Анорбоев, Оқсой.*

СЎМ 1 тар. Собиқ Иттифоқда: совет рублининг ўзбекча номи; рубль. *Бир сўм. Уч сўм. ■ Проводник бир даста кулранг чойшаб, боғичи узилган ёстиқ жилдлар олиб келди, жувон билан Нусратбек бир сўмдан тўлаб олишди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Мен ғишт кукуни қўшилган гуручни девзира деб, килосини тўрт сўмдан сотаман. С. Аҳмад, Юлдуз.*

2 Ўзбекистон Республикасининг асосий пул бирлиги (1994 йил 1 июлдан). *Икки юз сўм. Минг сўм. ■ Сўмнинг муомаласа қилиниши Ўзбекистон пул муомаласи ва ҳисобкитоблар тизимини ташкил этиш ҳамда республика иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. «ЎЗМЭ».*

СЎМ II Катта чипқон, хўпоз.

СЎМ III: сўм гўшт Суяксиз ва ёғсиз юмшоқ эт, лаҳм гўшт.

СЎМЛАБ *рвш.* 1 Сўмлар билан; ҳар бир сўмини алоҳида. *Пулларни сўмлаб санаб чиқмоқ. Сўмлаб пул йиғмоқ.*

2 Унча-мунча пулнинг бетига қарамай, кўплаб, катта-катта (ҳаражат қилмоқ). *Миллион сўмлаб пул топмоқ. ■ Бундай оилаларда тирикчилик эҳтиёжларига сўмлаб эмас, тийинлаб сарф қилинади. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.*

СЎМЛИК Қиймати сўм турадиган, сўмга тенг. *Ун минг сўмлик ҳаражат. ■ Оқсоқолнинг жазоваси тутиб, плёнка дастурхонга тузилган бир нимани олиб, чўнқайиб ўтириб ечди-да, ичидан юз сўмликларни олиб, бошидан ошириб сочаверди. С. Аҳмад, Уфқ. Ҳар бир этик учун бир сўмлик материал сарф қилдилар. С. Айний, Қуллар.*

СЎНА I: сўна пашша Икки қанотлиларга мансуб, калта мўйловли ҳашарот: урғочиси ҳайвонлар, баъзан одам қонини сўрадиган, эркаги гуллар шираси ва б. суяқликлар билан озиқланадиган йирик пашша. *[Мулладушт:] Урғилай, тақсир! Бебахтнинг ошига пашша ҳам, кана ҳам, сўна ҳам, қолаверса, шалолаб олиб мана шунақа азройил ҳам, мункарнакир ҳам тушавереди. Ҳамза, Танланган асарлар.*

Сўна бўлмоқ Хира пашшадай ёпишиб олмоқ, пашшахўрда бўлмоқ.

СЎНА II Ёввойи ёки хонаки эркак ўрдак. *Шакарқўлга овга кетиб бораман, Шакарқўлдан сўна, суқсур ураман. «Интизор».*

СЎНГ 1 от Охир, пировард, ниҳоя. *Асарнинг боши ва сўнги. Зўриқнинг сўнги – хўрлик. Мақол. ■ [Кумуш] Сўзининг сўнгини айтолмади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қушбеги мактубнинг сўнроғига келиб тўхтади-да, қақирди: -Пирмат, Пирмат! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Дейдилар, фазонинг чегараси йўқ, Миллиард юлдузларнинг сўнги ҳам фазо. А. Орипов, Йиллар армони.*

2 сфт. Охирги, сўнгги. *Сўнг дафъа. Сўнг бор.*

3 *рвш.* Кейин, сўнгра. *Сўнг дарди енгиллашдим, қадамлари илдамлашди. «Шарқ юлдузи». Сўзимиз тамом бўлсин, сўнг боражакман. С. Сиёев, Ёруғлик.*

4 кўм. (ч. к. билан) –дан кейин. *Бироздан сўнг. ■ Саламдан сўнг Аҳмад тўғри муддаога ўтди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Устод бир неча сониялик мулоҳазалардан сўнг қатъият ила олдинга юриб, итни ушлади. «Фан ва турмуш».*

Сўнг сўз, сўнгсўз Асар охиридаги хотима; охирги сўз.

СЎНГАК Суяк, устухон. *Сўнгак ош бўлмас, нодон бош бўлмас. Мақол. ■ Камина: -Оёғимда бодим бор, сўнгакларим ҳали бутун, шукр, замона тўқлиқ, илгим тўла, – дедим. Н. Аминов, Қаққаҳа. Энди нима қилай, энди дашти биёбонга бош олиб кетайми?! У ёқда сўнгагимниям ҳеч ким тополмайди. «Ёшлик».*

СЎНГГИ 1 Охирги, охиридаги. *Сўнгги йил. Сўнгги саҳифа. Сўнгги пушаймон – ўзингга душман. Мақол. ■ Отам сўнгги ерини уч тиллога сотган маҳалда мен 10–11 ёшларда эдим. «Фан ва турмуш». Нимашикн эзма калсалхонада, У сўнгги ишингдек туюлаверар. А. Орипов, Йиллар армони. Заргаров мезбон-*

нинг сўнги сўзларини эслаб жилмайди. А. Мухтор, Асарлар. Охунбобоев, уни хижолат қилмаслик учун, Норин суви қўйилиши керак бўлган каналнинг сўнги участкасини кўргани Қорадарё буйига тушиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ. Сўнги вақтларда игна билан даволаш усулига қизиқиш ортиб бормоқда. «Фан ва турмуш».

2 Маълум иш ёки маълум пайтдан кейинги, кейин бўлган ёки бўладиган. Сўнги қирқ йил мобайнида республикамизда илмий ходимларнинг умумий сони 103 марта.. кўпайди. «Фан ва турмуш». Сўнги вақтларда шаҳарда ижобий силжишлар кўзга ташланаётганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Газетадан. [Отабек] Ҳомиднинг бундан сўнги режасларини ўрганишга ва шунга қараб кураш бошлашга қарор берган.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЎНГРА рвш. 1 Кейин, сўнг. Душман ошингни ер, Сўнгра бошингни ер. Мақол. ■ [Фотима:] Олдин бир нарсага тушуниб олинг, сўнгра аччиқ қилсангиз мумкин. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

2 Бундан, булардан ташқари; иккинчидан. Келувчилар «аҳли раста», яъни савдогарлардан, сўнгра уламо, мударрис ва эшонлардан иборат. Ойбек, Танланган асарлар. Энди Салимжонга кириб айтинг, бундай ишдан қўлини тийсин! Бу – бир, сўнгра, ҳовликмасин. Ойбек, Танланган асарлар.

СЎНГСИЗ Сўнги, охири, поёни йўқ; бепоён, чексиз. Сўнгсиз саҳро. Сўнгсиз йўл. ■ Бобо ёнидаги боладай хушҳол, Тўрғайлар чарх урар сўнгсиз самода. А. Орипов, Йиллар армони. Дустларим, булар ҳам мезонмас сира, Бу – менинг чувалган, сўнгсиз ўйларим. А. Орипов, Йиллар армони.

СЎНГСЎЗ қ. сўнг.

СЎНИҚ 1 Ўчган, сўнган, ўчирилган, ўчиқ. Сўниқ печь.

2 Хира, нурсиз. Сўниқ юлдузлар. ■ Сўниқ кўзлари мўлтираб турган, ҳар бир буйруқни сўзсиз бажарувчи йигит, қадам ташлашидан ёш жувонга ўхшаган жулдур паранжли аёли сарой томон бошлади. М. Осим, Карвон йўлларида.

3 кўчма Синиққан, сўлғин. Сўниқ чехра. ■ Ҳафиза ноумид уйга келди. У сўниқ, кайфи паст эди. Мирмуҳсин, Умид. Балки қаршингизга келгандир мунис Бева келинчакнинг сўниқ руҳсори. А. Орипов, Йиллар армони.

4 Ҳарорати, қўри кетган; сўнган. Қалби сўниқ кишилар.

Рўҳи сўниқ ёки сўниқ рўҳ Рўҳи тушган, рўҳи сўлғин. Рўҳи сўниқ кишидан путур кетар ишидан. Мақол. ■ Пайғамов хотинининг сўниқ рўҳи, совоқ қарашларини Нусратбек сезганидан пинҳона изтироб чекди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

5 кўчма Бўғиқ, ҳазин. Сўниқ товуш. ■ -Ҳеч қандай айбим йўқ, ҳеч нарса билмайман, оға, – деди сўниқ овоз билан Абдусаломхўжа. Ж. Шарипов, Хоразм.

СЎНИҚЛИК Сўниқ, нурсиз бўлишлик; рўҳи тушганлик, рўҳсизлик. Нурнинг сўниқлиги. Кўзнинг сўниқлиги. ■ Чунки киши юзидаги сўниқлик, эснаш одатидек, дарров бошқаларга ҳам ўтади. Мирмуҳсин, Илдиз ва япроқлар.

СЎНМАС 1 Сира ўчмайдиган, сўнмайдиган, абадий ёниб турадиган; ўчмас. Ёдгорлик ёнида сўнмас машъал ёниб турибди. ■ Умидни жодига қўйиб, тўрт бўлак қилса бўладиган хиёнатини ҳам биларди. Лекин юрагида бир сўнмас оташ лов-лов ёниб ётарди. Мирмуҳсин, Умид.

2 кўчма Абадий турадиган; ўлмас. Бу сажар минг йиллар тилакларига Сўнмас овоз бериб янраган бонгдир. А. Шер, Қадимги куй. Олисидаги тоғлар сўнмас виқор билан қад кериб турибди. «Шарқ юлдузи».

СЎНМОҚ 1 Ёнмай, ёруғ бермай қўймоқ; ўчмоқ, Учқун йилт этиб сўнди. «Шарқ юлдузи». Мушакнинг кўк, сариқ, қизил шуваллари тупроқ уюмларини, чойхона томларини узоқ ёритиб турди-да, кейин аста сўнди. С. Аҳмад, Уфқ. Домла сўна бошлаган гулханга утин ташлай туриб, унга синовчан қараб қўйди-ю, атай елка учирди. М. Мансуров, Ёмби.

2 Ёруғлик кучи, даражаси пасайиб, нурсизланиб бормоқ, хира тортмоқ, хиралашмоқ. Чекина олмайди деворда тасвир, Секин сўна бошлар деворда кўёш. Х. Даврон, Қақнус. Деразадан тушиб турган ёруғлик аста-аста сўниб, уй ичи қоронғилашаверди. С. Аҳмад, Ҳукм.

3 кўчма Дастлабки кучи, даражаси, шиддати пасаймоқ, сусаймоқ; ўчмоқ. Юракдаги исёнкор туйғулар аста-секин сўниб, хаёлини аллақандай маънос ўйлар банд этди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Илгаригидек

ёнишлар, талпинишлар, эркалашлар, ҳаяжонлар сўнгандек.. Мирмуҳсин, Умид.

4 кўчма Пасаймоқ, кучсизланмоқ (овоз, товуш ҳақида). Олам сукунати анча йироқлашиб кетган поезднинг сўниб борувчи тарақа-туруқидан бўлак ҳеч нарса бузмасди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Сўниб қолган кулди яна оловлана бошлади. П. Қодиров, Уч илди.

Ҳаёти (ёки умри) сўнмоқ Ўлмоқ, вафот қилмоқ.

СЎПОҚ Ясси ва чўзиқ (асосан, бош ва юз тузилиши, бичими ҳақида). Сўпоқ бош. Сўпоқ (бош) бола. ■ Не кўзи билан кўрсинки, қизнинг рўпарасида турган — Қултой калла эди. Унинг катта сўпоқ боши чироқ ёруғида тебрланди. А. Мухтор, Асарлар. Сўпоқ бошининг таклифи билан қафасни боғнинг гадоёй топмас бир чеккасига кўчиришганди. «Шарқ юлдузи».

Ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ демоқ қ. ўпоқ. Бибижоннинг бешик қўлтиқлаб, бола боқиб ўтириши бойга ҳам, унинг хотинларига ҳам хуш келмасди. Шунинг учун ҳам улар бу ўзича бахтиёр онага, ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ, деб кун кўрсатишмади. К. Яшин, Ҳамза.

СЎППАЙМОҚ 1 Ёлғиз кўкқайиб турмоқ; хунуқдан-хунуқ бўлиб кўкқайиб қолмоқ. Аёл кийим-кечаклар бетартиб сочилган хона ўртасида гангигандек сўппайиб турарди. «Ёшлик». Хотин мендан бирор уни ёш кичик, кўришни ҳам шунга яраша, лекин ўзимизнинг бўларимиз бўлган.. бурун сўппайиб чиққан, лунжлар осилган, бўйин қилтириқ тортган. М. М. Дўст, Лолазор. Нима қилсин, бир ўзи ҳовлида сўппайиб тура олмайди-ку. «Ёшлик».

2 Кимсасиз, ёлғиз бўлмоқ. Чол-кампир сўппайиб қолдик. Уй жимжит.. бир-биримизга мўлтайиб қараб ўтираман. В. Фофуров, Вафодор. Ҳамма далада, ишда, бир ўзим маҳаллада сўппайиб юргим келмади. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. Дунёга одам сўппайиб келиб, сўппайиб кетадиган бўлса, ундай одамнинг келганидан келмагани. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ҳеч нарсасиз, қуруқдан-қуруқ. Тоғани [тоғанинг суратини] айниқса беш кетадиган қилиб чизибди. Хўп вақтида буюрган эканми. Бўлмаса, қуруқдан-қуруқ, сўппайиб кириб боришарди. М. Мансуров, Ёмби.

СЎРАБ-СУРИШТИРМОҚ қ. сўрамоқ 1. Менинг назаримда, Фотима суҳбатга эҳтиёткорлик билан ёндашар, кўпроқ менинг ҳақимда сўраб-суриштирарди.. «Ёшлик». Агар сенда эрлик ҳуқуқи бўлганида эди, менинг нима иш қилишим ва қаерларда юришимни олдинроқ сўраб-суриштирган бўлардинг. «Ёшлик».

СЎРАМОҚ 1 Маълумот олиш, билиш учун савол билан мурожаат қилмоқ; савол, сўроқ бермоқ. Манзилини сўрамоқ. Воқеанинг тафсилотини сўрамоқ. Сураганинг айби йўқ. Мақол. Кўп юргандан сўрама, кўп кўргандан сўра. Мақол. ■ Куйганёр кўприги олдига келганда, шофёр тормоз бериб, қўй етаклаган кишидан еттинчи участка қай тарафдалигини сўради. С. Аҳмад, Уфқ. Азизхоннинг ўша тарафларга боргиси келди. Шошиб сўради: -Армияга одам олишадими? С. Аҳмад, Уфқ.

Кўнгил сўрамоқ қ. кўнгил 1. Ҳаммадан онанг рози, Кўнгил сўраб туради. «Кўшиқлар».

2 Кимсани чақирмоқ ёки чақирилишини илтимос қилмоқ. -Алло, кимни сўраялсиз? — Аҳмедовни сўраялман.

3 Билимини текширмоқ, имтиҳон қилмоқ. «Ж»нинг каттасини кўрсатиб бермадингиз, эртага домла сўрайдиган эдилар. Қанақа ёзлади? А. Қаҳҳор, Санъаткор. Қўйинг, хола, алахситманг, дарсларини қилсинлар.. Битта-яримта одам дардан сўраб қолса.. Ҳеч ким сўрамаса ҳам, Урмонжон акам сўрайдилар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Фикрлашиб, маслаҳатини ёки руҳсатини олмоқ. [Қутидор] Хотини ва қизидан сўраб ўтирмай, бир кун дўконидан эркак совчилар билан битишиб ҳам келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Янаги йилга ер экувсиз қолса, колхоз ҳеч кимдан сўраб ҳам ўтирмасдан, қўш солиб юборади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Бирор илтимос ёки талаб билан мурожаат этмоқ; илтимос ёки талаб қилмоқ. Изн сўрамоқ. Узр сўрамоқ. Қарз сўрамоқ. Номардан ёрдам сўрама, юзингга солади. Мақол. Бой қўшингдан сўрагунча, Йўқ уйингни ахтар. Мақол. ■ Азизхон жой излаб аланглаб тураркан, юқорида ўтирган Белявский уни имлаб, юқорига чиқишини сўради. С. Аҳмад, Уфқ. [Мўхсина] Савол сўралганда ҳам, жавоб бермайди, эрига мўлтираб қарайди — изн сўрайди. М. М. Дўст, Лолазор.

Баширжон ўзининг мушкул аҳволи тўғрисида маслаҳат сўрамоқчи эди, бўлмади. Курдики, акахоннинг аҳволи уникидан ҳам оғир. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Гуноҳини сўрамоқ Гуноҳидан ўтишни илтимос қилмоқ. [Мирзақул:] *Бой ота, Суярни-нинг гуноҳини мен сиздан сўрадим. Кечинг. Н. Сафаров, Уйғониш.*

6 Рухсат, ижозат ёки розилик олмоқ. *Эшон очик бўлса ҳам, сўраб кир. Мақол. Меҳмон сўраб эмас. Мақол. ■ Муқбил подшодан Ҳотамни бошлаб келишга ижозат сўрабди. «Чалпак ёққан кун».*

7 Кимсани хотинликка, келинликка берилишини илтимос қилмоқ. *Қиз(ини) сўрамоқ. Қизни сўраганга бер, Қимизни — сувсаганга. Мақол. ■ Мамат қассобнинг қизини қўшни қишлоқдан бир неча одам сўраган эди. «Ёшлик».*

8 Бировни ахтармоқ ёки изламоқ. *Бугун Азизхонни сўрамаган, суриштирмаган одам йўқ, деса бўлади. С. Аҳмад, Уфқ. Кун шаҳарга бордим сўраб, Тополмадим норим истаб. «Нурали». Ҳозир Эшон қишлоқда ҳам у кишини икки отлик сўради. С. Аҳмад, Уфқ.*

9 Салом ва яхши истакларни бировга етказмоқ. *Қариндошларни сўраб қўйинг.*

10 Савдода, олди-сотдида ўз моли учун бирор нархни айтмоқ. *Қиммат сўрамоқ. ■ -Тойчангизга неча пул сўрайсиз? -Эгаси юз сўм сўради. Мен етмиш сўм дедим. А. Қаҳқор, Қанотсиз читтак. -Кетамиз, — деди [Отабек] бироз ўйлангандан кейин, — мол баҳолари тўғрисида битишолмай турамиз — олғувчилар арзон сўрайдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

11 фольк. Идора этмоқ; ҳокимлик, ҳукмронлик қилмоқ. *Юртни сўрамоқ. ■ Бу бошимга хос саллани ўрайман, Омон бўлсам, мамлакатни сўрайман. «Эрали ва Шерали». Чамбилбелни сўраб ётган зўр султон, Ўғил ёки қиз кўрмади Юнусдан. «Маликаи айёр».*

СЎРАШИШ 1 Сўрашмоқ 2 фл. ҳар. н. *-Ассалому алайкум, эшон ака, менман, — деди Фуломжон ҳам, сўрашишга мажбур бўлиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Салом-алик; кўришиш. *Мўмин кишиларнинг қўл бериб сўрашиши бошқа миллатларнинг ўпишиб кўришиши билан баробардир. «Фан ва турмуш».*

СЎРАШМОҚ 1 Сўрамоқ 1-3, 5-10 фл. бирг. н. *Ундан ҳеч нарса сўрашмади. ■ Штаб*

радиоузелидан тинмай қурувчилардан тартиб сақлашни, ўзбошимчалик қилмасликни сўрашарди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Салом-алик қилмоқ, кўришмоқ. *Қўл бериб сўрашмоқ.*

СЎРГИЧ бот. Гулнинг оталик чангини тутиб қоладиган қисми, тумшукчаси.

СЎРИ [a. سریر — каравот, койка] **1** Ток, қовоқ ва ш. к. чирмашувчи ўсимликларни ўстириш, кўтариб қўйиш учун шийпон шаклида, тик ёки қия қилиб қўтарилган мослама, қурилма. *Токларни сўрига олмоқ. ■ Токни сўрида ўстириш усули халқ тажрибаси асосида вужудга келган. «ЎЗМЭ».*

2 Нарса қўйиш, ёйиш учун қурилган, тўрт оёққа ўрнатилган тахта супа. *Инкубаторлар учун жой тайёрлаш, пиллахоналарни ремонт қилиш, ёқилга жамғариш, биноларни дезинфекциялаш, сўкчаклар ва сўрилар ҳозирлаш ишлари авж олиб кетди. Газетадан.*

3 шв. Катта тахта каравот. *Ҳали барг ёзмай, безрайиб турган икки туп сада тагидаги чойхона сўриларида одам кўп. С. Аҳмад, Ҳукм. Шийпоннинг сўриси битди-ю, томи ёпиқсиз қолди. «Шарқ юлдузи». Искандар эса беихтиёр сўри панжарасига оғир суяниб, ўзи сезмаган ҳолда, тоғ ағдарган одамдек чуқур тин олди. М. Мансуров, Ёмби.*

СЎРИТОК айн. сўри **1.** Узум каттакатта боғларда ишқом қилиб ўстирилса, шаҳар ва қишлоқ ҳовлиларида асосан сўриток усулида етиштирилади. *К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

СЎРМОҚ 1 1 Лабларга қўйиб ёки лаб орасига олиб, сиқиб ичга тортмоқ. *Анорнинг сувини сўрмоқ. Жавзо кирмай, равоч сувини сўр. Мақол.*

2 Шу йўсинда овқатланмоқ, эммоқ (бола ҳақида). *Она кўкрагини сўриб ётмоқ.*

3 Дамига тортиб олмоқ. *Насос сувни сўриб олади.*

4 Умуман, тортиб олмоқ. *Куз офтоби. эрталабдан оқшомги ёмғир захрини сўра бошлади. Й. Шамшаров, Кумуш пиёла. Тезага қўтарилган қуёш ўтли тили билан ер бағридаги барча нарни сўриб оларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

5 Тирик организмларнинг сувини, ширасини, қонини махсус аъзолари ёрдамида тортиб ичмоқ (ҳашаротлар, қуш ва ҳайвонлар ҳақида). *Капалак гул сувини сўради. Зулук қон сўради. ■ Ёш ўргимчаклар онаси-*

нинг ҳар томонидан қон суюқлигини сўраверди. «Фан ва турмуш».

6 Оғизга олиб ва тупук билан ҳўллаб, селини тил ва танглай ҳаракати билан аста-секин ичга ютмоқ; шиммоқ. *Конфет сўрмоқ.* ■ *-Биз деҳқон одаммиз, Саидқул, — деди у. — Сиз у — аёллар билан кўп гаплашиб, оз тановул қилиб, кейин газагига қанд сўради-ган. М. М. Дўст, Лолазор.*

7 *кўчма* Зўрлик ёки алдов билан бировнинг кучидан, меҳнатидан, бойлигидан фойдаланмоқ; эксплуатация қилмоқ. [*Зухра:*] *Сигирнинг қулоғига тушган канадай эрни сўриб ётиш ҳам яхши касб!* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

8 Чекмоқ, тортмоқ. *Чилим сўрмоқ.* ■ *Бектемир махорка ўраб, жимгина сўра бошлади. Ойбек, Қуёш қораймас.*

Бармоғининг (ёки тирноғининг) кирини сўрмоқ Оч қолмоқ, ейишга нарса тополмаслик. *Кўпларнинг егани нони, қалагани ўтини йўқ. Бармоғининг кирини сўриб, оёғини эски тушакка ўраб утирибдур. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Қонини (ёки кучини, илигини) сўрмоқ қ. қон.* *Бултур, кеч куз, қишнинг бошлари бўлса керак — куч-қувватини аллақандай кўринмас жонзот сўриб олгандек, бирдан озиб-тўзиб. ранги олинди, бурунги ғайратидан асар ҳам қолмади. «Ёшлик».* *Деҳқонларнинг ҳоли шундайин ўтган Шафқатсизлар илизин сўриб ётган. Эргаш Жуманбулбул ўғли.*

СЎРМОҚ II айн. сўрамоқ. *Ранг кўр, ҳол сўр.* Мақол. ■ *Аслим сўрсанг, бир якдона гавҳарман, Ёвмит, дейди униб-усган юртимни. «Гуруғлининг туғилиши».* *Арзи ҳолингни бугун сўргали султон келадур. Ҳамза.*

СЎРМОҚ I Сўрамоқ фл. ҳар. н. *Бадалмат дума, Боқижонбойларга айтиб, уйларидаги бутун гиламларини вокзалга чиқаришларини сўров керак.* Ф. Фулом, Танланган асарлар.

2 Савол, сўроқ. *Ҳафиза эрининг суровига қисқагина жавоб қилди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Илтимос ёки талаб. *Сухбатдошлар сурови билан мен ҳам ўзим тўғримда сўзлаб бердим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 *расм.* Бирор маълумот ёки тушунтириш берилиши ҳақидаги расмий талаб; талабнома.

5 *расм.* Социологик тадқиқотларда қўлланадиган дастлабки ахборот йиғиш усули. *Сўров социологик ахборотнинг ишончлигини, яъни тадқиқотларда олинган маълумот-*

ларнинг ҳаққонийлигини таъминлаши зарур. «ЎЗМЭ».

СЎРОВНОМА I Ишга қабул қилишда тўлдириладиган расмий ҳужжат. *Сўровномада ишга кирувчи (тўлдирувчи)нинг имзосидан ташқари кадрлар билан шуғулланувчи (ҳужжатни текшириб олувчи)нинг ҳам имзоси бўлади.* «ЎЗМЭ».

2 Тўлдираётган одам ҳақида бирон-бир маълумот олиш ёки муайян дастур бўйича тузилган саволларга жавоб олиш учун бериладиган сўров варақаси, анкета. *Сўровнома тузиш, уни тарқатиш, ўрганиш (анкеталаштириш) ижтимоий фанларда, аҳоли рўйхатини ўтказишда, жамоатчилик фикрини ўрганишда қўлланади.* «ЎЗМЭ».

3 айн. **сўров 4.** *Уша сўровномага ташкилот раҳбари нима жавоб қилган? Э. Аъзам, Кечикаётган одам.*

СЎРОҚ I Савол, сўров. *Сўроқ бермоқ. Сўроқ оҳанги. Сўроқ гап.* ■ *Кечир, Зайнаб, ожиздир Омон, Бу сўроғинг жон ўртар ёмон. Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар. «Нега?», дейсан, тушунмайсан, ўз сўроғининг Жавобини юралигдан тинглаб кўрасан. Ф. Фулом, Танланган асарлар.*

Сўроқ белгиси тлш. Мазмунидан сўроқ англашилган гаплар охирига қўйиладиган ва шу гапнинг ифода мақсадига кўра сўроқ гап эканлигини кўрсатадиган тиниш белгиси.

2 *ҳук.* Шахсдан кўрсатув ва тушунтирув олиш воситаси. *Сўроқ бермоқ. Сўроқ қилмоқ.* ■ *Сўроқ вақтида қийноққа солиш, зўравонлик, шафқатсизлик ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этиш жинойят ҳисобланади.* «ЎЗМЭ».

3 айн. **сўров 4.** *Ахир, улар сайловчи халқда! Уларнинг сўроғига, талабига тўла жавоб бериш керак-да. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.*

СЎРОҚЛАМОҚ I Сўрамоқ, сўраб-суриштирмоқ. *Чол Сувонжоннинг шарпасини сезди, шекилли, «тондингми?» деб сўроқлаб қолди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Сўраб-сўраб қидирмоқ, суриштирмоқ; дарақламоқ. *Ёр ишқида неча бағримни доғлаб, Мен борайин Шаҳризарни сўроқлаб.* «Маликаи айёр». *Паризодни сўроқлаб, Бағрини ўтда доғлаб, Хоннинг змигин қоқди, Эриб сув бўлиб оқди. Ҳ. Олимжон.*

СҮРОҚСИЗ 1 Рухсат олмасдан, берухсат. *Бутабой суроқсиз эшикни очиб кирди. С. Аҳмад, Хукм. Вақт ҳам биздан суроқсиз ўтиб борапти. М. Қориев, Ойдин кечалар.*

2 ҳуқ. Суроқ қилмасдан; терговсиз. *Суроқсиз уч кун ётиб чиқибди.*

СҮРРАЙМОҚ 1 айн. *серраймоқ. Куйидаги кўлага ҳануз бугот остида сўррайиб турар эди. А. Қодирий, Кичик асарлар. Бечора Дан-донон сўррайиб қолди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

2 Озиб-тўзиб кетмоқ, ўлар ҳолатга етмоқ. *Йигитнинг.. чўзинчоқ юзи сўррайиб қолди. С. Анорбоев, Меҳр.*

СҮРҒИЧ 1 Эмизикли болалар эмчак ўрнида сўрадиган резина буюм; эмзик. *Турсун Тўраевичнинг ҳали-вери гапдан тийилишига кўзи етмаган хотин кўлидаги боласини ён тарафдаги стулга ўтқазди-ю, оғзига сўрғичини бериб, жаҳл билан ўрнидан турди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Искандар елиннинг сўрғичдек учларидан «тиз-тиз» чўзилиб тушаётган сутга ҳайрат билан тикилиб қолди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

2 анат. Тери ва шиллик парда сиртидаги сезгир дўмбоқчалар. *Тилни текширган чоғда.. тил сўрғичларига ҳам диққат билан қараш лозим. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. [Сўрувчиларнинг] Оғиз сўрғичи гавдасининг учида, унинг тубида оғиз тешиги жойлашган. «ЎЗМЭ».*

3 бот. Чирмашиб ўсадиган паразит ўсимликнинг туксимон ўсимталари.

4 с. т. Сўргуч. *Хизматкорлар кўзаларнинг оғзига сўргуч суриб, қатронга юмалатиб юборишди. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш. Бу – вокзалнинг почта омбори бўлса эҳтимол, эски яшиқлардан сўргич, елим, сирач, мумланган каноп ҳиди келиб турибди. «Ёшлик».*

СҮТА 1 Битта йўғон этли ўқда жойлашган тўпғул.

2 Маккажўхорининг донли ёки дони олингандан кейин қолган ўзаги; тўпмеваси. *Сўта ёқмоқ. Сўталарни йиғиштирмоқ. ■ Мана шу ҳафта сувли дарада кийик жўхори сўтасини кемириб турганини ўз кўзим билан кўрдим. Н. Норматов, Исмоил тоға тарозиси. Доналари марвариддай жўхори сўтасини отмоқчидай, она дўқ қилди қизга. Ойбек, О. в. шабадалар.*

3 шв. Таёқ, калтак. *«Ҳа, бўйнинг узилгур!» деб, ердан узун сўта олиб қувди. С. Сиёев, Саратонда қор ёғди. Қирдан ошган ерда бир*

одам келаяпти, эғнида жанда, қўлида сўта, оғзидан парча-парча кўпик тўкилиб келаяпти. «Юсуф ва Аҳмад».

СҮТАК Содда, гўл. *Сўтак одам. ■ -Кекиртагингни узиб ташлайман, сўтак! – деган даргазаб овозлар эшитилади. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.*

СҮТАКЛИК Ёшлик; соддалик, гўллик. *Сўтаклик қилмоқ.*

СҮТМОҚ шв. Ситмоқ, сўкмоқ, чок-чок қилмоқ. *Чокини сўтмоқ. ■ Жилва бериб кулишиб, Қизлар ўтиб боради. Жонон чиннидай овози Юракни сўтиб боради. М. Алавия.*

СҮФИ [а. صوفى – суфийлик излоши] **1** Масжидда азон айтувчи киши; муаззин. *Бутқода хўроз қичқирар, Мезанада – сўфи. Мақол. ■ Мана бугун Султонбой қишлоқ суфиси азон айтмасдан ўрнидан туриб, томега қамиш босаёттибди. Х. Фулом, Машғал. Лектўр [лектор] сўфи азон айтгандай қилиб гапираркан. «Ёшлик». Қўқоннинг эски шаҳарига қарашли бир масжидда бир сўфи бўларкан. Газетадан.*

Сўфи азон айтмасдан Жуда эрта, тонгсахарлаб. *[Аёл] Сўфи азон айтмасдан уйғониб, нон ёнди, мол-ҳолга қаради. «Ёшлик».*

2 кучма Содда, гўл, художўй одам. *-Вой, отаси тушкур-ей, – деди кула-кула Муса, – мен сизни сўфи, бундай ишларга эътибор қилмайди, деб юрсам, сизда гап кўп экан. П. Турсун, Ўқитувчи. Уч-тўрт хотинли бойларнинг, айниқса, чорбозорчи савдогарларнинг беш-олтилаб хотинлари эрларини кутиб, сўфи бўлиб ўтиришади дейсизми? М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

СҮФИЁНА [ф. صوفيانہ – суфий каби, суфийлардек] **1** дин. Суфийлик руҳидаги, суфийлик руҳи билан суғорилган. *Суфиёна дунёқараи. ■ Султонмурод.. суфиёна руҳ билан айтилган бир ғазалнигина мақтади. Ойбек, Навоий.*

2 Содда, художўй одамларга хос бўлган. *Суфиёна кўриниш.*

СҮФИЙ дин. айн. суфий. *Суфийларнинг фикрича, инсон нафсга эрк бермаслиги, уни ўз вақтида жиловлай олиши зарур. «Фалсафа».*

СҮФИЙЛИК қ. суфийлик, тасаввуф. *Суфийликнинг амалиётига кўра, баркамол инсон ўз нафсини тия оладиган, ақл-заковатни ҳар қандай ҳиссиётдан устун қўя оладиган, қалби яхшилик, эзгулик билан тўла кишидир. «Фалсафа».*

СҮФИЛИК Масжидда азон айтиш, сўфи машғулоти. *Сўфилик қилмоқ.* ■ *Борингки, ўғри қариганда сўфилик ихтиёр этган бўла қолсин.* М. М. Дўст, Лолазор.

СҮФИНАМО [а. + ф. *صوفى نما* – сўфига ўхшаш] Сўфи каби, сўфига ўхшаш. *Мингбошим сўфинамо, Тасбеҳу бўйнида ридо, Чўқиб қочар зоғи аъло, Бир доғули айёр экан.* Муқимий.

СҮФИТЎРҒАЙ Бошида патлардан кокили бўлган, ерда яхши югурадиган, чумчуқсимонлар туркумига кирувчи қуш. *Эшикка чиқса, унинг ҳуснига маст бўлиб, сўфитўрғай, каклик, будана [бедана] – жами қушлар беада сайрашар эди.* «Ойсулув». Кейин қир устида сўфитўрғай нозик чулдиради. М. Мансуров, Ёмби.

СҮХТА [ф. *سوخته* – куйган, ёндирилган; тагига олган; хафа, ғамгин] Пиликнинг куйган қисми. *Отабек микроз билан шам сўхтасини кесиб тузатди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Мойи тугаб, пилиги сўхта бўлган чироқ бир лип этиб сўнди.* С. Аҳмад, Хукм.

Гур сўхта қ. гурсўхта. Жигар сўхта қ. жигарсўхта. Жувон сўхта қ. жувонсўхта. Сўхтаси совуқ Ёқимсиз, турқи хунук. *Сўхтаси совуқ одам.* ■ *Хуморхон ёмон кўради шу сўхтаси совуқ Раҳмонқуловни.* А. Мухтор, Туғилиш. **Сўхта бўлмоқ** Куйиб, кўмирга айланмоқ (лампа, шам ва ш.к. нинг пилиги ҳақида). *Сўхта бўлган пилик боши кесилур.* Ш. Шомухамедов.

СҮХТАЛАНМОҚ Куйиб кўмир бўлмоқ, қора кукунга айланмоқ. *Тун ярмидан оғиб, чироқ пилиги ҳам сўхталанди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

СҮҚА [р. соха – тирговуч, тамба; омоч] Ер ҳайдаш учун ишлатиладиган чўян тишли сода асбоб; омоч. *Ерни сўқа, эски омоч эмас, трактор ҳайдайди. Ғўзага машина ишлов бериб, ҳатто пахтани машина териб берипти.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ушанда сўқа билан ер ҳайдаган деҳқонлар, дон сепиб бўлгач, катта тўй ўтказишар экан.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

СҮҚИМ I Сўйиш учун семиртирилган, бўрдоқи қорамол (буқа, ҳўкиз, сигир). *Сўқим гўшти. Сўқим сўймоқ. Сўқимга боқмоқ.* ■ *Халойиққа энди obu oш берди, Қанча кўю қанча сўқимлар сўйди.* «Нуралги».

2 кўчма салб. Ишламай еб ётувчи, давангирдай соғ одам ҳақида. *Сўқимдек ийгит.* ■

-Ўргатма менга!.. – қаҳрдан қичқиради Муҳсина хоним. – Бир гала сўқим, бир гала текинтомоқ. М. М. Дўст, Лолазор. *Бу сўқимларни кутиб, ичагингиз узилиб кетади. Улар туни билан зиёфатда кабоб еб, ҳиринглашиб чарчашган.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

СҮҚИР [мўғ.] 1 Кўр, ожиз. *Чин кўнгиладан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар.* Мақол.

2 Кўзи кўр, кўзи ожиз одам. Сўқир киши. ■ *–Ҳой, мўғуллар! – деб заҳарханда кулди у [Темур Малик]. – Иккинги учун садоғимда икки ўқ қолди, иккингишни ҳам сўқир қилиб қўяйми? М. Осим, Карвон йўлларида. Бенафдур сўқирга тутилган чироқ.* Ш. Шомухамедов.

3 кўчма Ҳеч нарсани билмайдиган, сезмайдиган; қолюк, кўр. *Кўзи сўқирдан кўраги сўқир ёмон.* Мақол. ■ *Нима қилай, бу сўқир кўзлар кеч очилган бўлса? «Ёшлик».* *Шунча пайтдан бери кўр эканман, сўқир эканман.* «Шарқ юлдузи».

СҮҚИРЛИК Кўрлик, кўзи ожизлик; қолюклик. *Кўзнинг сўқирлиги. Маънавий сўқирлик.*

СҮҚМА Ўзича ўйлаб чиқарилган, сўқилган, тўқилган, ясалган; ясама. *Сўқма тил.* ■ *Уйнинг тўрида.. сўқма тахта стол олдиди, беш-олти кишидан иборат ҳайбат ўтирибди.* Ойбек, Болалик.

Сўқма йўл айн. сўқмоқ I 1. *Тупроқ тўкиладиган жойга мокидай қатнаб, сўқма йўлни шулар шиббалаган.* Газетадан. *Боши ғувуллаб, ташқарига чиққанида, тонгнинг соғ ҳавосиданми, юрак ютиб қилган ишиданми, бироз енгил тортиб, дуч келган сўқма йўлга тушиб юриб кетди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

СҮҚМОҚ I 1 Одамлар қатнови натижа-сида ўз-ўзидан юзага келган ёлғизоёқ йўл. *Мана шу адирлар бағридан бир сўқмоқ ўтган.* «Ёшлик». *Сахро сўқмоғида бошин эгиб жим, Бир кимса кетмоқда, билмасман, у ким.* А. Орнпов, Йиллар армони.

2 кўчма Киши фаолиятида, ҳаётда босиб ўтган ёки босиб ўтиладиган йўл. *Ҳаётимиз жуда гўзал. Лекин унинг ўзига яраша наст-баландликлари, сўқмоқлари ҳам бор.* *Ўйлаб турсам, менинг ёлғизоёқ сўқмоқ йўлим аллақачон тугабди.* А. Мухтор, Асарлар.

СҮҚМОҚ II 1 Урмоқ, туширмоқ, солмоқ. *Мушт билан сўқмоқ. Қалла сўқмоқ.* Сў-

қолмаган сүйил кутарар. Мақол. ■ **Йуқ**, оғалар, темирни қизиғида сүқиб қолиш керак! А. Қодирий, Утган кунлар.

2 кам қўлл. Ўзича ўйлаб чиқармоқ, тўқимоқ, ясамоқ. «Яқинда Қирмизхон билан Қиёмхоннинг тўйлари бўлармиш», деб Исломотадан қутулиш учун шунчаки важ-корсон сўққан эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

Фалсафа сўқмоқ айн. фалсафа сотмоқ қ. фалсафа 2.

СЎҚҚА Ҳеч кими йўқ, ёлғиз, якка. - *Ўзинг сўққа жонингни боқолмайсан-у, тўқлини қандай қилиб боқасан, — деди Шум бола Омонга.* Ф. Фулом, Шум бола.

СЎҚҚАБОШ 1 Ҳеч кими йўқ, ёлғиз. *Сўққабош одам.* ■ [У] *Дунёда яккаю ягона, сўққабош одам.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Назарбек, бизда оила йўқ, оиламиз ўн йил бурун қазо қилган, икки фарзандимиз бор эди, бири ҳам турмади. Сўққабошимиз энди.* М. М. Дўст, Лолазор.

2 Уйланмаган, бола-чақа қилмаган; бўйдоқ, ёлғиз. - *Биби Робия, — деди у [Яхшибоев] — сўққабош ўтиб кетяпсан.* М. М. Дўст, Лолазор.

СЎҚҚАБОШЛИК Сўққабош, ёлғиз бўлишлик. *Сўққабошлик жонга тегди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

СЎҚҚАЙМОҚ с.т. Сўппаймоқ, кўққаймоқ. *Сўққайиб турмоқ.* ■ *Кўжда чарх урган қушлар ҳар замонда югуриб келиб, қўлларини кўксига қовуштирганича сўққайиб қоладиган кулранг юмронқозиқларга ўз жамолини кўз-кўз қила бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

СЎҒИН шв. Сўнг, кейин, сўнгра. *Ундан сўгин элдан кўп лашкар олиб, Келган ёвман [ёв билан] сўгин жанжал қилажак.* «Юсуф ва Аҳмад». *Китоб уқиган одамларни садағаси кетай, уқиб-ўқиб, сўгин начайли [начальник — бошлиқ] бўлишган.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

СЎҒИР с. т. Суғур.

СЎҒОН шв. Пиёз. *Сўфи сўгон ер, топилса йўгон ер.* Мақол.



ТААДДИ [a. تَعْدَى — ҳужум, тажовуз қилиш; жабр-зулм; зўравонлик; қонунбузарлик] эск. кт. I Шафқатсиз эзиш; зулм, жабр. *Биз.. Мусулмонқулнинг зулм ва тааддиси.. бағоят ошиб борганлигини музокара.. қилишдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бир нечаси айтди: -Ҳозир Ултоннинг тааддисидан қочиб, бўлак чегарага бориб турганимиз маъқул.* «Ёдгор».

2 кўчма Дағдаға, дўқ, пўписа. [Султонмурод] *Таадди билан баланд кела бошлади: -Сизлар ким? Нима ҳақларинг бор? Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

Таадди қилмоқ Дўқ, пўписа қилмоқ. *Кутарилиб, менинг кўнглим қавартма. Жўна деб, Шомирот, таадди қилма!* «Ёдгор».

ТААЖЖУБ [a. تَعَجُّب — ҳайрон бўлиш, ажабланиш] I сфт. Кишини ҳайратда қолдирадиган, ажаблантирадиган, ғалати. *Таажжуб нарса. Таажжуб иш.* ■ *Бу таажжуб ҳол одамларда гўмон туғдирмай қолмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Редакцияга ақл бовар қилмайдиган таажжуб бир хат келди.* «Муштум».

2 от Ажабланиш, ҳайронлик. *Қўлдош юзиде таажжуб аломати пайдо бўлди. Х. Шамс, Душман. Хотиннинг таажжуби ошди.* С. Айний, Қуллар. *-Юсуфжонов?! - деди қоровул ҳам таажжуб, ҳам хурсандлик билан.* Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди. [Сафар] *Таажжуб ва ҳайрат ичиде келиб, меҳмонхонага кирди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Кишининг ажабланиш ҳолатини, ҳайронлигини билдиради; ажаб, қизиқ. *Таажжуб, унинг мактуби юрагимда на севинч уйғотди, на бир ачиниш!* О. Ёқубов, Тилла

узук. *Лекин таажжуб: одамларнинг ишиқ муомаласи, айниқса, Шербекнинг меҳрибонлиги негадир унинг кўнглини бузди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Таажжуб қилмоқ Таажжубланмоқ, Таажжубга солмоқ Ажаблантирмоқ. *Мени таажжубга солган нарса шуки, нима учундир ҳеч ким қачон ва қандай мукофот олганимни сўрамасди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Таажжубга тушмоқ** Ажабланиш ҳолатида бўлмоқ; ажабланмоқ. *Меъмор ўзини уста Абдуғафур негадир юқори қаватга чақиртирганидан таажжубга тушди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТААЖЖУБЛАНАРЛИ Кишини таажжубга соладиган, ажаблантирадиган; ҳайрон бўларли, ажабланарли. *Бунинг ҳеч таажжубланарли жойи йўқ.* ■ *Хусусан, бундай юмушлар хизматкорларга буюрилса, бу ҳеч қандай таажжубланарли ҳол ҳисобланмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТААЖЖУБЛАНМОҚ Ҳайратда қолмоқ, ҳайрон бўлмоқ, ажабланмоқ. *Бирдан бошиқа бир овоз эшитилди: кимдир тез-тез гапирди, дам эркакча, дам хотинча сўзлайди, дам чақалоқ бўлиб «инга»лайди.. Йўлчи таажжубланиб, Ерматга қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Олахўжа Мели полвоннинг олди-га келди. Бузилаётган ерни қучоқлаб, ётиб олди. -Ййи, ийи! - дейишди таажжубланган одамлар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТААЖЖУБЛИ с. т. Таажжубланарли, ажабланарли, ҳайрон қоларли, ғалати, қизиқ. *Таажжубли ҳол.*

ТААЛЛУҚ [a. تعلق — алоқа, боғлиқлик; содиқлик, мухлислик; ишқ-муҳаббат; те-

гишлилик] 1 кам қўлл. Алоқадорлик, дахлдорлик; алоқа, боғланиш, муносабат. *Бу ишининг сизга ҳам тааллуқи бор.* ■ *Асад қори.. сўнги ҳикоянинг ҳам ўзига тааллуқи йўқдай, без бўлиб ўтираверди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 эск. Уйланиш; алоқадорлик; хотин, рафиқа. *Отабекнинг иккинчи тааллуқи [Зайнаб] тўғрисида келин боламизга билдирилмаса хўп эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТААЛЛУҚДОР [a. + ф. تعلق دار — тааллуқли, алоқаси бор, алоқадор, боғлиқ] 1 айн. тааллуқли. *Ишга тааллуқдор хўжжат.*

2 кўчма эск. айн. хотинли.

Тааллуқдор қилмоқ Уйлантирмоқ, хотин олиб бермоқ.

ТААЛЛУҚЛИ 1 Бирор нарса ёки кимсага алоқаси, боғланиши бўлган; дахлдор, алоқадор. *Ишга тааллуқли хўжжатлар.* ■ *Маҳкамов бошиқнинг оғзига кўз тикиб, ишга тааллуқли бирор муҳим гап кутарди.* «Муштум».

2 Бирор нарса ёки кимсага қарашли, тегишли, мансуб. *Ғиждувонга ревком келиб: -Амир ва унинг билан қочган одамларга тегишли моллардан ва, умуман, подшоҳликка тааллуқли нарсалардан бошқа нарсалар мусодара қилинмасин, — деди.* С. Айний, Куллар.

ТААЛЛУҚСИЗ Алоқаси, боғланиши, дахли бўлмаган; алоқасиз, муносабатсиз. *Ишга тааллуқсиз хўжжат.*

ТААММУЛ [a. تأمل — кўриб чиқиш, муҳокама; мушоҳада; ўйлаш, фикр, мулоҳаза юритиш] эск. кт. Андиша, фикр, мулоҳаза.

Тааммул қилмоқ Ўйламоқ, ўйлаб қолмоқ. *Хатиб домла мулла Обиднинг кўзидан бир маъно ўқиш учун тиришгандек бироз тааммул қилиб қолади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТААРҲУЗ [a. تعرض — ҳалақит бериш; қаршилиқ, эътироз] эск. кт. Бирор нарсага, ишга, ҳаракатга кўрсатилган қаршилиқ, тўсқинлик.

ТААССУБ [a. تعصب — бирор нарса ёки ғояга беҳад берилиш, кўр-кўрона эргашиш; фанатизм] 1 Бирор кимса ёки нарсага тақлид қилиш, эргашиш.

Таассуб қилмоқ Тақлидан эргашмоқ. *Сен Кумушхонга таассуб қиламан дейсанми? Ҳамза, Паранжи сирлари.*

2 Эътиқод, маслак ва ш. к. га кўр-кўрона берилиш; фанатизм. *Мулла Обидбой ва домлаларнинг қутқуси биланми ёки ўзининг ди-*

ний таассуби орқасиданми, баҳарҳол, ерни рад қилди. А. Қодирий, Обид кетмон.

ТААССУРОТ [a. تأثرات — таъсирчанлик, ҳассослик; гам-андуҳ, хафагарчилик] Кўрилган, ҳис этилган ҳодиса, киши ёки нарса тўғрисида кўнгилда, хотирада қолган из, тўғилган фикр ва ҳис-туйғулар мажмуи. *Сафар таассуротлари.* *Яхши таассурот қолдирмоқ.* ■ *Бу куннинг кўркамлигидан олган таассуротини Али ичига сиғдирилмади: -Зан яхши кунми! — деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Болалар янги ўқитувчининг дарси тўғрисида ўз таассуротларини ўртоқлаша бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТААССУФ [a. تاشف — афсусланиш, ачиниш, куйиниш] Кўнгилсиз, номақбул воқеа, ҳодиса, аҳвол ва ш. к. дан тўғилган ачиниш; афсус. *Таассуф қилмоқ.* *Таассуф билдирмоқ.* ■ *-Ғоят таассуф! — деди Талъат афанди, бармоқларини қовуштириб қирсиллатаркан.* Ҳ. Ғулум, Машғал. *Отабек уялуу аралаш кулумсираб, қутидорга қаради: -Таассуфки, эслай олмайман! — деди у.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Раҳматли валламати одам эдилар, — таассуф билан гапирарди кимдир.* «Ёшлик».

ТААССУФЛАНМОҚ Таассуф қилмоқ, афсусланмоқ, ачинмоқ. *Биз унинг [Лутфиланинг] аянчли ҳолига.. таассуфландик.* Мирмуҳсин, Созанда.

ТАБ [ф. تَب — иситма, безгак] с. т. Тафт, ҳарорат.

Таб босди қилмоқ Тафтидан, ҳовуридан туширмоқ, таскин, тасалли бериб ёки бирор нарса билан овутиб, тафтини, ҳовурини босмоқ. *Ўзимнинг гапимга ўзим пушаймон еб, ўлганимнинг кунидан «таб босди» қилиб, шартномага қўл қўйдим.* Ф. Ғулум, Тирилган мурда. **Таб тортмаслик** Бирор нарса қилиш ёки айтишдан қайтмаслик. *Қизлар — бало.. Кечалари ҳам далага чиқишдан таб тортмайди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Зухра ҳам таб тортмай: -Туртмасдан гапирсангиз бўлмайдимиз, ургандан туртган ёмон, — деди.* Ойдин, Ҳикоялар.

ТАБАА [a. تبعه — қарашлилик, тобелик; миллат, миллий мансублик; фуқаролик] эск. кт. Фуқаро, фуқаролар. *Ўз хўжайинлари.. иродаси билан.. инглиз табааси Шайх Файз Муҳаммадхон солган суннийларнинг ягона маҷитига имом бўлиб жойлашди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТАБААЛИК эск. кт. Фуқаролик.

ТАБААСОЗЛИК эск. кт. 1 Кимсага тақлид қилиш, эргашиш, таассуб.

2 Кимсанинг кўнглига қараб иш қилиш, кўнгилсозлик. *Табаасозлик қилмоқ.*

ТАБАР [ф. *تبر* — болта] 1 шв. Болта. *Мулалар ўқийди зеру забарни. Усталар ишлатар теша, табарни.* «Равшан».

2 тар. Ойболтанинг бир тури, қадимий жанг қуроли. *Сипоҳ билан гаплашмоқчи бўлсанг, қўлинда табаринг бўлсин, деганлар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАБАРГУЛ бот. Чучмомагулдошлар оиласига мансуб, хушбўй оқ гулли, туганак пиезли кўп йиллик ўсимион ўсимлик.

ТАБАРРУК [а. *تبرک* — дуо, фотиҳа олиш, рухсат, розилик олиш; муборак, муқаддас] 1 Улуғ ҳурматга сазовор, ғоят ҳурматли, мўътабар ва азиз. *Табаррук чол.* ■ *Қишлоқнинг табаррук онахонлари уйда бешикка гаврапуш ёпишаётган экан.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Табаррук инсон Шоаҳмад ака айтгандек, «Ҳамма миллат болалари бир бола» эди.* Р. Файзий, Таъзим.

2 Яқин, мўътабар кимса ёки нарсани эслатилиган, ундан эсдалик, ёдгорлик бўлиб қолган. *Отамдан қолган табаррук китоб.* ■ [Навоий:] *Энди, сиз бу табаррук қилич билан давлатимизни, салтанатимизни, мамлакатимизни ва унинг санъатини ҳимоя қилинг!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 Илоҳий кучга эга бўлган; муқаддас; азиз-авлиёларнинг назари тушган. -*Маккатуллода, табаррук ерда эримга қуръон ўқитарман, гуноҳларини худодан йиғлаб тиларман, деган ният қанот бўлди, — деди Ҳожжи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Элимиз нонки ва донки табаррук ҳисоблаб, пешонасига суртади.* Газетадан. *Она! Дунёдаги энг азиз, энг лазиз ва табаррук, энг мухтарам калом бу!* «Саодат».

ТАБАССУМ [а. *تبسم* — жилмайиш; илжайиш] Юз, кўз ва лаблар билан кулумсираш ҳолати, шундай ҳолат ифодаси; жилмайиш. *Ҳаётнинг юзига ширин табассум югурди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Отабек ҳам истеҳзоли табассум орасида Ҳомидга кўз қирини ташлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг лабларидаги табассумни кўрган Зулфиқор ашулани яна баландроқ олди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Шоиранинг кўзлари табас-*

сумдан ёниб турар эди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

Табассум қилмоқ Кулумсирамоқ; жилмаймоқ. *Юлдузхон Муҳиддинга қараб, маъноли табассум қилди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ТАБАҚ [а. *طبق* — қопқоқ; ликоп, лаганча] 1 эск. кт. айн. товоқ. *Ош мисоли табақда кўз ёши, Курмаги кўп, гурунчидан тоши.* Муқимий. *Лочираю патирлар, ширинликлар, табақларда эту кулчатой, косаларда шўрвалар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Чоп қилинган босма матнни ўлчаш бирлиги, босма табақ, яна қ. босма. *Бу луғат тахминан 25 табақ ҳажмида бўлиб, ўн мингга яқин сўзни ўз ичига олади.* «ЎТА».

ТАБАҚА [а. *طبقة* — қатлам, қават; даража] 1 Эшик, дераза ва ш. к. нинг очилиб-ёпиладиган ҳар бир бўлаги. *Якка табақа дераза. Кўш табақа эшик.* ■ [Ҳасанали] *Занжирни тушириб, дарвозанинг бир табақасини очиб ҳамоно, шу табақага суюниб турган Отабек Ҳасаналининг оёғига йиқилиб тушди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Халқ ичидаги муайян ижтимоий қатлам, гуруҳ, тоифа. *Савдогарлар табақаси.* ■ *Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярли Мусулмонқул даккисини еб келган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тахта атрофида ўтирганлар орасида аҳоли турли табақаларининг вакиллари бор эди.* Газетадан.

ТАБАҚАЛАНИШ 1 Табақаланмоқ фл. ҳар. н.

2 Табақаларга ажратиш, шундай жараён. *Аҳолининг табақаланиши.* ■ *Фақат жамиятда ҳукм сурган тенгсизлик, табақаланиш — одамларни бир-бирларига бўри.. қилиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАБАҚАЛАНМОҚ Табақаларга бўлинмоқ.

ТАБАҚАЛАШТИРМОҚ 1 Табақаларга бўлиб юбормоқ, табақаларга ажратмоқ.

2 Маълум белгиларга қараб фарқламоқ, дифференциация қилмоқ. *Табақалаштирилган таълим.*

ТАБАҚАЛИ Табақаси бор, табақаси бўлган (эшик, дераза ва ш. к. ҳаққда). *Икки табақали дарвоза.* ■ *Улар кичкина ҳовлининг бир табақали пастаккина эшигидан кирганларида, айвондаги ўчоқ олдида ўтирган аёл ўрнидан турди-да, ҳовлига юз ўғирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАБАҚАЧИЛИК Жамият табақаларининг ўзига хос белгилари, тартиб-қоидалари ва уларга асосланган ижтимоий муносабатлар.

ТАБДИЛ [а. تديل — ўзгартириш, алмаштириш] эск. кт. Ўзгариш, алмашиниш; ўзгартиш, алмаштириш. — *Ҳозир таътил вақти бўлгани учун қишлоқларда табдили ҳаво қилиб юрибмиз, — деди домла.* Ф. Фулом, Шум бола.

Табдил этмоқ (ёки қилмоқ) Ўзгартирмоқ. *..ўйлаб кўринг, тақдирни табдил этиб бўладими?! М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар.*

ТАБЕЛЧИ 1 Корхона ва муассасаларда ишга келиш-кетишни ҳисобга олиб борувчи, табель юритувчи ходим.

2 тар. Колхоз ва совхозларда ишчи ва колхозчиларнинг ишга чиққан-чиқмаганлигини ва қанча, қандай иш бажарганлигини қайд қилиб ва ҳисобга олиб бориш учун тайинланган шахс. *Мен ҳам олдиниға табелчи, сўнг секретарь бўлганман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТАБЕЛЧИЛИК Табелчи иши, касби. *Табелчилик қилмоқ.*

ТАБЕЛЬ [нем. Tabelle — жадвал < лат. tabella — кичкина юпқа тахта] **1** эск. Бирор нарсани ҳисобга олиш варақаси; жадвал.

2 Ишчи ва хизматчиларнинг ишга келиш ва кетиш вақти қайд қилинадиган махсус дафтар ёки тахта. *Табелларда ёзилса «Рузи-биш кампир», Табелчиға хўрайиб аста қарайди.* Ф. Фулом.

3 Мактаб ўқувчиларининг дарсдан улгуришлари (баҳолари) қайд қилиб бориладиган варақ. *Акамнинг табелидаги «хулқ» деб ёзилган графада ҳамма вақт «5» баҳоси бўларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАБИАТ [а. طبيعت — борлиқ; табиий хислат; одатийлик] **1** Бутун мавжудотни ўз ичига олган олам, борлиқ. *Табиат зап қизик нарса-да. Унда ҳамма нарса мавжуд, ҳамма нарсанинг ўз урни, ўз мавқеи бор.* Н. Фозилов, Дийдор. *Табиатнинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган, бировдан рухсат ҳам сўраб ўтирмайдиган қонунлари бор.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Кузда табиатнинг жонли ва фаол вақили — одам организми ҳам тиниқади.* Газетадан.

2 Инсоният ва ҳайвонотдан ўзга олам. *Табиат билан одам боласи қиёсланса, бир-*

бирига ўхшаши ақли ҳайратга солади. Газетадан. *Кетди қирдан турна ҳам, Бўшаб қолди табиат..* А. Орипов, Юртим шамоли. *Табиатда учрайдиган минералларнинг баъзилари саноат аҳамиятига эга.* Газетадан.

3 Ўт-ўлан, ўсимлик ва б. нарсалар банд этган теварак-атроф, қир-адир, ўрмон ва ш.к. лар. *Отабек табиатнинг шу кўркем ва латиф кўринишига мафтун бўлиб, бироз ётгандан кейин, «Ул ҳам бўлса эди», деб ўйлади ва узоқ тин олиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Табиат сокин, уфқ жимирлайди..* А. Мухтор, Чинор. *Табиат ўз тилида роз айтиб шивирлар экан, йигит бундан ўз қувончининг мадҳини ўқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кечаги чанғбости ёмғир табиатга хусн бериб кетганидек, одамларнинг ҳам баҳридилини очиб юборди.* Н. Фозилов, Дийдор.

4 Ер сатҳининг маълум бир жиҳатини акс эттирувчи белги, хусусият ёки ҳолати. *Бу ернинг гўзал табиати ва зилол сув манбалари одамларга ором бағишлайди.* Газетадан. *«Бобурнома»ни варақлар экансиз.. табиат манзаралари чизилган лавҳаларга дуч келасиз.* «Фан ва турмуш».

5 Инсон руҳиятига хос асосий, турғун хусусиятлар мажмуи; характер, феъл. — *Ўзи жуда оғир ва ақлли йигит, бунинг устига қизик табиати ҳам бор, — деди Уста Олим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У [Вали ака] табиатининг оғирлигига қарамай, ўрнидан сапчиб туриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мирзакаримбойнинг қизи Нурунисонинг табиатида энгиллик билан макр устун турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Доим заҳда ўтириб ишлаганиданми ёки ўзимнинг табиатимда заифлик борми — ишқилиб, кўп вақтдан бери бедармон тортиб юрибман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Паст табиат Зиқна, қизғанчик, хасис. [Қодирқул:] *Бу бойнинг табиати шунақа пастми? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Сўфи табиат 1) характери, қилиғи сўфиларникига ўхшаш; 2) кечалари бедор, ухламайдиган. Томма-том қочиб кетаётганимни баъзи уйқуси зийрак, сўфи табиат қари-қартанлар ҳам кўриб қолган эдилар.* Ф. Фулом, Шум бола. **Табиати кўтармайди (ёки тортмайди)** Мижозига тўғри келмайди, кўнгли тортмайди.

6 *кўчма* Нарсага хос бирор белги, хуссият. *Планеталарнинг физик табиати.* ■ *Туркий тилларда чўзиқ унлиларнинг табиати.. кўндан мутахассисларнинг диққатини жалб қилиб келади.* «УТА».

7 Кайфият, рухий ҳолат. *Тоғжибойнинг Гулсумга жазманлиги тўғрисидаги гаплар эсига тушиб, табиати бироз хира бўлди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Аҳмад ўз хонасига кирса, Толиб ака йўқ экан. Унинг табиати равшан эди.* Ф. Мусаждонов, Ҳиммат.

8 Дид, фаросат. *Табиати нозик одам. У одамнинг табиатини қарангки..*

Тўқим табиат қ. тўқим.

9 Яратувчи, ато этувчи, бошқарувчи илоҳий куч-қудрат тимсоли. *Табиат бу диёрга шундай сеҳрли куч ато этганки, унинг тупроғида ҳар қандай ўсимлик баҳра олади.* Газетадан. *Аслида тупроқни одил табиат Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.* А. Орипов, Ўйлар армони.

ТАБИАТАН Табиатига кўра, табиатига, мижозига мос ўлароқ. *У киши табиатан хушфەъл одам бўлсалар ҳам.. бирдан тутақиб кетардилар.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Ботир йигирма уч ёшларда бўлиб, табиатан шўх, ичида гап сақламайдиган йигит эди.* И. Раҳим, Ихлос. *Қиз болалар табиатан нозик, нафис, латофатлидилар.* «Саодат».

ТАБИАТЛИ Айрим сўзлар билан бириқиб, шу сўз англатган маънодаги табиатга эгалликни билдиради (қ. **табиат** 5). *Оғир табиатли одам. Енгил табиатли аёл.* ■ *Олимов қирқ беш ёшлардаги.. мулоим табиатли.. киши эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Юсуфий мураккаб табиатли одам эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кийинишидан нозик табиатли, баланд дидли эканлиги кўриниб турарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ТАБИАТШУНОС [табиат + ф. *شناس* — ўрганувчи] 1 Табиатни ўрганувчи, текширувчи шахс. *Марҳамат Қудратга, ёш табиатшунослар тўғараги тузишда кўмаклашган, деган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Табиатшунослик, табиёт мутахассиси.

ТАБИАТШУНОСЛИК Табиат ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги фан, табиёт.

ТАБИБ [а. *طبيب* — шифокор, даволочи; врач] 1 эск. Беморларни даволочи мутахассис; врач. *Касалнинг тузалгиси келса,*

табиб ўз оёғи билан келади. Мақол. *Табиб — табиб эмас, бошидан ўтган — табиб.* Мақол. ■ *Бухоройи шарифда Абу Али ибн Сино деган бағоят улуғ табиб ўтган!* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 Табиёт илмидан муайян мутахассис тайёрловчи ўқув юртида таълим олмаган, ўз ҳаракати, ҳаётий тажрибаси орқали беморларни даволаш билан шуғулланувчи шахс. *Табиб, қуй жигарини хом кабоб қилиб, бужғун сепиб енг, деган эди.. дарди шифо топмади.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

ТАБИБГАРЧИЛИК с. т. Табиблик. *Табибгарчилик қилмоқ.* ■ *Биз энди табибгарчиликдан хабаримиз йўқ одам.* Ф. Фулом. Тирилган мурда.

ТАБИБЛИК 1 Табобат, беморларни даволаш билан шуғулланиш. *Ибн Ямин табиблик асбобларини, нодир китобларини олиб, Фарғонанинг Аввал қишлоғига йўл олди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Табиб иши, касби. *Ўтар бобо хон саройида қирқ йил хизмат қилиб, табиблик ва сартарошлик тўфайли орттирган беш-ўн тангасини.. уй солишга сарфлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТАБИБЧИЛИК с. т. Табиблик. *Мулла ибн Ямин.. Қўқонда.. табибчилик билан шуғулланган.* «УТА».

ТАБИИЁТ [а. *طبيعات* — табиат ҳодисалари; табиий фанлар] 1 Табиат ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги фан; табиатшунослик.

2 Мактабда табиат тўғрисида ўқитиладиган предмет номи. *Табиётдан «5» баҳо олдим.* *Табиёт ўқитувчиси.*

ТАБИИЙ [а. *طبيعي* — табиатга оид, табиатда бўладиган; одатий, меъерий] 1 Табиатнинг ўзида мавжуд бўлган, инсон таъсири бўлмаган; *зид. сунъий.* *Табиий бойликлар.* *Табиий шароит.* *Табиий газ.* ■ *Туз табиий конлардан ва шўр сувлардан олиниши маълум.* «Фан ва турмуш». *Унинг фикрича, сунъий шохлатилган ғўзанинг юзта сунъий кўсагидан кўра шохлатилмаган ғўзанинг ўн-та табиий кўсаги афзалроқ — оғир ва пахтасининг толаси узун бўлиши керак эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Иссиқкўл соҳилларини табиий шифобахш маскан, дея бежиз айтишмайди.* Газетадан.

2 Табиатнинг ўз асл ҳолати, қонун-қоидалари билан боғлиқ бўлган, боғлиқ ҳолда

юз берадиган. *Табиий танланиш. Табиий ўз-гаришлар.* ■ «Бобурнома» ни varaқлар экансиз, ўрни-ўрни билан табиат манзаралари чизилган лавҳаларга, табиий ҳодисалар тасвирига дуч келасиз. «Фан ва турмуш». Бу табиий офат [ер қимирлаши] кишиларнинг иродаси мустаҳкам, бир-бирига мададкор.. эканлигини яна бир бор исботлади. Газетадан.

Табиий фанлар эск. Табиат ҳодисалари ва қонуниятлари ҳақидаги фанлар мажмуи. Нега ўрта асрларда табиий фанлар жаҳонни ҳайратга соларли даражада тараққий этиб, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино каби алломалар этишиб чиқди? С. Кароматов, Олтин қум.

3 Аслида (яратилишида) бор бўлган. *Лабидаги табиий холи ўзига ярашган.* ■ Табиий ҳолати бузилмаган тупроқнинг умумдорлиги тупроқнинг табиий умумдорлиги деб аталади. «Фан ва турмуш».

4 кесим өзф. Одатга, мантиққа тўғри (келадиган), бўладиган ҳол. Янги йил арафасида ҳар бир қалбда энг дилбар орзулар ошиштошади, бу — табиий. «Саодат». Катта иш бажараётганда, одам майда-чуйда камчиликларга йўл қўйиши табиий. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Киши оғир дамларда қадрдон дўстларини ёдга олар экан, юртини қўмсаши табиий. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

5 мод. с. Албатта, ўз-ўзидан, шубҳасиз, аниқ. Табиий, Хушрўйнинг феълини яхши билган ота-она унинг раъйини олмасдан туриб, бир иш қилмоқдан қўрқардилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сўзамол, бадавлат.. қари тоғанинг бирдан кўз юмиб, сукутга ботишининг сабабини, табиий, Йўлчи тушунмади. Ойбек, Танланган асарлар. Кеч. Табиий, бу чоқ кишилар ором оғушида. Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАБИЙЛИК Табиий ҳолат, шундай ҳолатга эгаллик. Табассумнинг табиийлиги. ■ [Қумуш] Латиф бурни ёнидаги қора холининг табиийлигига ишонмагандек қашиб кўрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Дадамат аканинг бутун вужудидан қатъият, табиийлик ва самимият уфуриб турарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАБЛ [а. طبل — катта ноғора; довул] тар. Ноғора; тери қоплаб ишланган ва уриб чалинадиган махсус чолғу. Бу сукунатни фақат мишабларнинг онда-сонда дап-даглаб чалинадиган табл садоси бузар.. эди. А. Ҳақимов, Илон изидан.

ТАБЛА [а. طبله — осма кулф; кути] 1 шв. Отлар турадиган оғилхона. Шохдорхоннинг саксон таблада бедов оти бор эди. «Гуруғли».

2 айн. табл.

ТАБЛЕТКА [фр. tablette — кулча] Бўлакларга бўлинган, тугмачасимон қаттиқ дори. Хинин таблеткаси. Таблетка ютмоқ.

ТАБЛИЦА [пол. tablica < лот. tabula — тахта; жадвал] Графаларга батартиб қилиб жойлаштирилган ва рақамларда ифодаланган маълумот; жадвал. Математик таблицалар. Таблица тузмоқ.

ТАБЛО [фр. tableau — сурат, тасвир, картина; эълонлар тахтаси] Текшириш объектининг аҳволи ёки мусобақанинг бориши ва натижалари, тижорат хабарлари ва эълонлари ёзиб кўрсатиб туриладиган сигнал тахтаси. Темир йўл таблоси. ■ Куйиб-пишиб дарвозага ким тўп киритди-ю, қайси анқов дарвозабон ўз дарвозасига келган тўпни ушлолмай қолди — буларнинг ҳаммасини.. табло ҳисобга олиб туради. Ф. Маҳкамов, Табло қиссаси.

ТАБОБАТ [а. طبابت — шифокорлик касби, табиблик; даволаш] Тиббиёт (асосан, шарқ халқ тиббиётига нисбатан ишлатилади). Нонушта пировард бўлгунча, домла шарқ табобати ва унинг маишхур кишилари тўғрисида сўзлади. А. Қаҳҳор, Сароб. Халқ табобатида азалдан ялпиздан турли-туман касаликларни даволашда фойдаланиб келинган. Газетадан. Ҳусайн бўш вақтларида.. баъзан табобатга доир китобларни мутолаа қилар эди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. Байталнинг устидаги хуржуннинг икки кўзи табобат анжомлари билан тўлган эди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАБОБАТҲОНА эск. Шифохона, касалхона.

ТАБОБАТЧИЛИК кам қўлл. Табобат, тиббиёт ишлари. Исириқ қадим замонлардан бери турли халқлар табобатчилигида ишлатилиб келган. «Фан ва турмуш». Утмишда халқимиз табобатчиликда кўпгина турли гиёҳлар, дори-дармонлар ишлатганлар. А. Раҳимжонов, Бош оғриқ.

ТАБОР [ф. تيار — қариндош, авлод; насл-насаб]: хешу табор қ. хеш.

ТАБОРАК [а. تبارك — дуо, фотиҳа олиш] Қуръондаги суралардан бирининг номи. Йиғлаб уйга кирарканман, бувим мени қучоқ-

лаб қарши олди: -Йиғлама, болам, таборақни ўқи, — дейди елкамни қоқиб. Ойбек, Болалик.

ТАБОҚ айн. табақ.

ТАБРИЗ [ф. تبریز — Эрондаги шаҳар — Табриз номидан] Ўзбекистонда ўсадиган узум навларидан бири ва шу узумдан тайёрланган майиз.

ТАБРИК [а. تبریک — бахт, омад, эзгулик тилаш; қутлаш] Бирор яхши (қутлуғ) кун, сана ёки эришилган ютуқ, яхшилик муносабати билан билдириладиган қутлов сўзлари; муборақбод. *Меҳмонлар билан вакилларнинг қизғин табриклари, хайрли тилақларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Юзлари қувончдан қизарган Обид Йўлдошевчи табрикларга паст товуш билан раҳмат айтарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Анвар самимий ва риё аралаш табриклардан анча ўнғайсизланган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Табрик қилмоқ (ёки этмоқ) қ. табрикламоқ. *Анвар ўзини табрик қилувчи уламо ва ашрафлар юзидан очиқ равишда риё, шайтанат ва тамаъ ўқир, камбағаллардан содда самимият кўрар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мулла Абдурахмон. Анварни табрик этиш учун оғиз очишга қодир эмас ва ҳар замон қаршисидаги «бемаъни»га қараб кўяр эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАБРИКЛАМОҚ Табрик айтмоқ; муборақбод қилмоқ, қутлов сўзларини айтмоқ. *Набижон биринчи давлат имтиҳонини топширган кун Муборақ уни катта гулдаста олиб келиб табриклади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Зиё шоҳичи. қутидорни Отабекдек бир йигитни куёв қилиш билан табриклади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эшикдан кира солиб. баланд овозда Аҳмадни табриклади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАБРИКНОМА [табрик + нома] Табрик сўзлари ёзилган мактуб, табрик хати. *Табрикнома йўлламоқ. Табрикномани ўқиб бермоқ.* ■ *Мен ҳам таниш-нотаниш дўстларимдан янги йил табрикномаларини олаётирман.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАБУ [полинезча тапу — тақиқлаш] Диний эътиқод, ирим, кўрқиниш ва ш.к. таъсирида маълум сўз, ҳаракат кабилардан тийилиш, уларни чеклаш, ман этиш; ишлатилиши, қўлланиши чекланган, ман этилган сўз, нарса, ҳаракатнинг ўзи (Мас., чаён сўзини қўлламай, унинг ўрнида эшак,

оти йўқ сўзларини ишлатиш). *Жамоа йўлбошчилари ва хоҳинлар ўз ҳукмронликларини мустақамлаш йўлида табу одатидан фойдаландилар.* «Фан ва турмуш».

ТАБУРЕТ(КА) [нем. Taburet < фр. tabouret] Суянчиги бўлмаган, квадрат ёки гардиш шаклидаги ўриндиқ; кватси. *Матқовула ака борди-ю, Фуломжон тутган табуреткага ўтирмади, қўлларини қовуштириб иззат сақлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уйнинг бутун жиҳози: тахта каравоту оддий бир стол билан иккита табуретка ва ерда эски намат тўшоғлиқ, холос.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАБЪ I [а. طبع — табиат, табиий ҳолат; хислат] эск. кт. айн. таъб.

ТАБЪ II [а. طبع — нашр этиш, босиб чиқариш]: **таъб этмоқ** эск. Нашр этмоқ, босмаҳонада босмоқ ёки бостирмоқ, чоп қилмоқ.

ТАВАЖЖУҲ [а. تَوَجُّه — бирор кишига мурожаат қилиш, юзланиш; бирор томонга юриш, жўнаб кетиш] I Хайрихоҳлик билан юзланиш, қараш. *У Фуломжонни шу вақтгача танимагани учун афсус еяр, ошкор бир таважжух билан унга қараб-қараб кўяр эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Дикқат-эътибор. У [Самарқанд] ўзининг тарихий обидалари билан ярқираб, бутун ер юзи халқларининг таважжухини ўзига тортиб туради. Ф. Фулом, Самарқанд сайқали. *Шоҳистанинг отаси, уйга қайтиш ҳақида сўз очандан кейин, бошлиқлар таважжухидан қолади.* «Саодат».

3 дин. Худога ёлвориш, илтижо. *Эшон ҳолаҳвол сўраганда, ҳожи ўрnidан туриб, таъзим қилди: -Худога шукур, дуою таважжухларининг шарофатидан соғ-саломатман.* С. Айний, Дохунда. *Изингда термилиб қолди кекса чол, Кўзда таважжухи, дуоси тилда.* А. Орипов.

ТАВАККАЛ [а. تَوَكَّل — ваколат олиш; умид боғлаш; суяниш, ишониш] I Оқибат-натига қандай бўлишидан қатъи назар, бирор ишга жазм қилиш, нима бўлса бўлар, ё остидан, ё устидан зайлида қилинган ҳаракат. *Йўқ, ўртоқ Низомов, биз таваккал қилолмаймиз. Таваккалнинг туби тош, бошингни урсанг — ёрилади.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Базан жони халқумига келиб, ўзини нималарга урмади, неча марта қаттис таваккалларга борди, неча марта пачағи*

чиқиб, яна тикланиб олди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 дин. Ўзини Аллоҳ иродасига топшириш, бутун умидни унга боғлаш, унинг марҳаматида ишониш. *Кўргиликдан, таваккалдан, тақдирдан воз кечиб, халқ реал нарсаларга аҳамият берадиган бўлди.* Ойбек, Нур қилдириб.

3 Таваккалчилик билан иш тутишни билдирувчи, шундай ҳолларда қўлланувчи сўз. *Биридан қочсанг, бошқасига тутиласан. Ундан кўра қочмаймиз! Таваккал. Пешонага битгани бўлур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Унга ташланар, қутичани олиб қўйсаммикан? Кучим етармикан?! Таваккал!* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

Таваккал қилмоқ Таваккал тарзида иш қилмоқ, бирор ишга жазм этмоқ. *Инсон қадами камдан-кам тегадиган бу ёввойи водийда таваккал қилиб йўл босишдан бўлак илож қолмади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Собир бирон марта ҳамсухбат бўлмаган.. Одил бувага, таваккал қилиб, юрак дардини очишга жазм қилди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ТАВАККАЛЧИ Таваккалига, таваккал билан иш қилувчи. *Уйчи ўйига етгунча, таваккалчи ишини битирар.* Мақол. ■ *..ҳаммаси мол-дунё излаб чиққан таваккалчи бўйдоқлар бўлса керак-да.* А. Мухтор, Чинор.

ТАВАККАЛЧИЛИК Таваккал билан иш тутишлик, таваккал иш. *Билимсиз, тажрибасиз болаларни, менинг қаршичилигимга қарамай, қалтис таваккалчиликка бошлаган сиз эмасми эдингиз?* А. Мухтор, Туғилиш. *Буюк ишларнинг кўпчилиги таваккалчилик билан қўлга кирган, буни инкор қилиб бўлмайди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТАВАЛЛО [а. *تولى* — амал, мансабга эга бўлиш; бирор ҳис-туйғуга берилиш; дўст бўлишга интилиш] эск. Ёлвориш, ялиниб сўраш, илтижо. *Иброҳимбек, Пулатхўжаевнинг хитобу таваллоларини эшитмаган каби, ўтга «исиниб» утирар эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

Тавалло қилмоқ Ёлвормоқ, илтижо қилмоқ. *Даҳонинг онаси кўзига ёш олиб тавалло қилди.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Халил бобо.* «Кечир, гумроҳ дўстингни кечир!..» дея тавалло қилганида, ҳеч қим оғиз очмади. «Ёшлик».

ТАВАЛЛУД [а. *تولىد* — пайдо бўлиш, дунёга келиш; туғилиш] эск. Туғилиш, дунёга келиш. *Навоий таваллудининг 500 йиллиги.*

■ *Ҳар умрнинг икки кун бор: Бири ўлим, бири таваллуд.* М. Шайхзода.

Таваллуд топмоқ Туғилмоқ, дунёга келмоқ. *Таваллуд топган чақалоқнинг биринчи эҳтиёжи пахтага бўлади.* Х. Нуъмон, Чаноқ. *Ибн Сино ҳазратлари Бухороийи шарифда таваллуд топганлар.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

ТАВАН [та. *توان / تاونان* — жарима; зарарни қоплаш] этн. Хотинлар тўйга олиб келадиган мева ва кийимликлардан иборат тортиқ; туҳфа. *Бунча хотин, бунча бола-чақа, бунча таван қаерга сиғади?* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАВАНБОШИ этн. Таванларни қабул қилиб олиш, меҳмонларга патнис тузаш учун таванхонага бош қилиб қўйилган аёл. *Бозорқулнинг онаси жуда чиройли хотин эди, тўй-ҳашамда таванбоши бўлиб ўлиб кетди.* А. Мухтор, Чинор.

ТАВАНХОНА этн. Тўй ва зиёфатларда меҳмонларга патнис тузаладиган, совға-саломлар, тўёнлар, таванлар қабул қилиб олинадиган хона. *Тўёнлар таванхонага уйиб қўйилмоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ўғлим, таванхонадагиларга «Бу — Хадича холамнинг саватлари, эҳтиёт қиларкансизлар», дегин.* Т. Алимов, Совға.

ТАВАНЧИ 1 қ. таванбоши.

2 тар. Тўй ва зиёфатларда меҳмонларга хизмат кўрсатувчи ходим. *Таванчилар оёқ учи билан юриб, чаққонлик билан дастурхон ёздилар.* Ойбек, Навоий.

ТАВАҚА с. т. айн. табақа 1. *Дарвозанинг бир тавақаси очиқ.* ■ *Кўп ўтмай, дарвоза тавақасидаги эшик очилди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Муқаддам бир тавақаси очилган дераза олдида эрига ачиниб қараб турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ТАВАҚАЛИ с. т. Табақали. *Афанди эшик бозоридан ўтаётиб, икки тавақали эшикни кўтариб қолди.* «Латифалар».

ТАВАҚҚУФ [а. *توقف* — тўхташ, тек туриш; бировга қарамлик; журъатсизлик] эск. кт. Тўхташ, сабр қилиш. *Йўқ, таваққуф қилинг.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ТАВАҲХУМ [а. *توهم* — хаёл қилиш, тасаввур этиш; тахмин қилиш, шубҳаланиш; ваҳимага тушиш] эск. кт. Ваҳимага тушиш, кўрқиш, кўрқув.

Таваҳхум қилмоқ (ёки тортмоқ). Ваҳимага тушмоқ, кўрқмоқ.

ТАВБА [*а. توبه* — айбига иқроор бўлиш; гуноҳлари учун кечирим сўраб ёлвориб] **1** Қилмишидан таъзир еб ёки пушаймон бўлиб, уни қайтармаслик учун қилинган азм-қарор, берилган ваъда ёки қилмиши учун сўралган узр. *Менинг тавбамни лоақал ўзларингиз учун қабул қилинган!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аммо халқ бундай ёлворишларга, тавба, тазарруларга қулоқ солмади, чунки иш ўтган, ғишт қолипдан кўчган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *унд. с.* Таажжубланиш, ҳайронликни билдиради. *Тавба, одам яқин кишисидаги камчиликни кўрмас эканми, деб кўйдим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Ўз уйида ўтирган қиз бир кечада йўқ бўлсин, тавба!* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор ғайритабиий нарса, ҳодиса олдидан истиғфор айтиш, худодан кечирим сўраш маъносида қўлланади. *Ҳадеб: «Ўзинг кечир», «тавба», «астағфирулло» деяверасиз-а.. «Гулдаста». Тавба денг, болам, бўйдоқсиз, яна шундай таннозлардан бирига учраб.. «Гулдаста». Худоё тавба, денглар, икки дунёда эшитмайлик!* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *дин.* Тасаввуфда: солиқнинг тариқат сари қадам кўйишидан олдин қилган барча гуноҳларидан тавба қилиб, келажакда бирор гуноҳ ишни қасддан қилмасликка азму қарор қилиши.

Тавба қилмоқ Тавбани билдирувчи сўзларни, шунингдек, «тавба» сўзининг ўзини айтмоқ. *Э худо, тавба қилдим! Осий бандангни ўзинг кечир!* Мирмуҳсин, Меъмор. *Собирнинг қийфасида танбеҳ еб, тавба қилиш эмас, ўз истагидан қайтмаслик ҳисси барқарор эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қарол, хизматкор бўлиб ишлашга тавба қилдим, киши бир марта алданади-да.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тавбасига таянмоқ** Қилмишидан ниҳоятда пушаймон ҳолатда, таъзирини еган ҳолатда бўлмоқ, шундай ҳолатга тушмоқ. *Балки ўзи инсофга келгандир, тавбасига таянгандир..* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *-Хўп, кетаман. Лекин билиб қўйинг.. пушаймон ейсиз, тавбангизга таяниб қоласиз, — деди Анвар.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ТАВБА-ТАЗАРРУ [тавба + тазарру] Қилмиши учун астойдил кечирим сўраш; қилмишига ўқиниб, иқроор бўлиб, ялиниб сўралган узр.

Тавба-тазарру қилмоқ Ялиниб-ёлвориб узр айтмоқ. *Икки марта масаласи кўрилганда, тавба-тазарру қилгани эсингиздан чиқдими, Бонухон?* С. Кароматов, Ҳижрон. [*Жонфигон*] *Хотинига неча-неча тавба-тазаррулар қилиб, энди бирор жойга кириб ишлашга, астойдил ишлашга сўз берибди.* А. Қаҳҳор, Жонфигон.

ТАВИР *фольк.* Диккакдан кичик, узун сочоқли, эгар остида икки ёққа ёйиб ташланадиган от абзали.

ТАВКАР Тўрт ошиқ ташлаб уйналадиган қимор ва унда қатнашувчи қиморбозлар давраси. *Бошладилар ошдан сўнг Зур тавкар — қимор. Қаршилиқ йўқ бу ишга, Улфат аҳли ёр.* «Фольклор».

ТАВКАРГИР *эск.* Қиморда ютуқдан чўтал олувчи; чўталчи. *Охири Абдурахмон чойхонанишин, тавкаргир ва бобойи банглар орасида ўзига замин тонди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАВЛА *шв.* Чўлларда кўниб ўтиш учун ишланган қурилма, уй, бостирма.

ТАВОЗЕ [*а. تواضع* — ўзини паст тутиш, камтарлик; тил бириктириш, келишув] Ўзини хокисор, одоб билан тутиш; хокисорлик, камтарлик. *Гулбаҳор унга [аёлга] аввал тавозе билан эгилиб салом берди, кейин бориб, елкасини тутиб кўришди.* С. Зуннунова, Гулбаҳор. *Таъзим этган каби, қўлларини тавозе билан кўксига қўйди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Инсон илми, одоби, тавозеси билан ёқимли бўлиб, меҳнати билан шарафланади.* Газетадан.

Тавозе кўрсатмоқ Ўзини камтар, тавозели тутмоқ, шундай муносабатда бўлмоқ. *Меъморга тавозе кўрсатиб, бетоб бўлгани ва бунинг устига «амирзода пулни камроқ бераётгани»ни айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Муфти Мажидбекни ҳурмат қилса-да, Алига ўхшаб, унга унча тавозе кўрсатмади.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ТАВОЗЕЛАНМОҚ Тавозе билдирмоқ, тавозе кўрсатмоқ. *-Худога шукур, давлатлари кўланкасида, — деб кўрбоши тавозеланди ва кўл қовуштириб, қушибегининг яқинига чўккалади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАВОЗЕЛИ Кишиларга тавозе билан муомала қилувчи, хокисор, камтар. *Бу [Дарвешали] ўқимишли, тавозели одам бўлса ҳам, кўп жиҳатларидан акасига ўшамасди.* Ойбек, Навоий. *У [Сафар чўтир] аввалгидан*

мулойим, тавозели, ювош эди. Ойбек, Кўёш қораймас.

ТАВОН [ф. *توان* — қудрат, қувват] эск. кт. Қувват, куч-қудрат, чидам. Қолган умримни, Ҳабибий, сарф этай мадҳинг билан Ақлу ҳушу қудрату тобу тавоним борича. Ҳабибий.

ТАВОНГАР [ф. *توانگر* — бой, бадавлат; қодир, қудратли] эск. Бадавлат, давлатманд, сергул, бой. Тавонгар фақирни кўп дуо қилди ва дедики, бир масжид солурман, анинг саво-би сенгадир. А. Қаҳҳор, Миллагчилар.

ТАВОНО [ф. *توانا* — кучли, қодир] эск. кт. Забардаст, жисмонан бақувват, соғлом. Бу одамнинг сену мендек қўлидан иш келадиган тавоно ўғиллари бор. С. Абдулла, Солярлар.

ТАВОФ [а. *طواف* — (бирор нарсаинг) атрофида юриш, айланиш] дин. Ҳаж ва умра маросимлари таркибига кирувчи, Каъба атрофида айланишдан иборат жараён (умра қилувчилар бир марта, ҳажга келганлар 3 марта тавоф амалини адо этадилар).

Тавоф қилмоқ 1) дин. муқаддас, табаррук деб ҳисобланган кимса, нарса, жой атрофини зиёрат қилмоқ. Мақсуд чой келтиради. Азизбойнинг имоши билан ярим сажда қилган ҳолатда эшонни тавоф қилади. Н. Сафаров, Шарқ тонги; 2) кўчма муқаддас, азиз санаб эъзозламоқ, кўзга суртмоқ. Изларини қилсам тавоф. «Равшан». Ниҳоят, ноибнинг муҳрини чўнтагидан олди-да.. орзусига эришганлиги аломати сифатида уни тавоф қилди. Х. Тўтабоев, Йиллар ва йўллар.

ТАВОЧИ [мўғ. *تواجى* — ҳисобчи] тар. 13—19-асрларда Ўрта Осиё ва Эронда: ҳукмдорнинг фармон ва топшириқларини тегишли жойларга зудлик билан етказувчи олий ҳарбий мансабдор.

ТАВР I [р. тавро < т. туғро] Ҳайвонларнинг териси, шохи ёки туёғига куйдириб қўйиладиган белги, тамға. Тавр босмоқ.

ТАВР II [а. *طور* — босқич; ҳолат, аҳвол; сурат, ҳол, тарз, йўсин; одат, қилиқ, юриш-туриш] I шв. рвш. Сингари, каби; хилда, тарзда. Қўёшнинг бу тавр ботишини.. фақат Жилвон чўлидагина кўрасиз. Н. Юсуфий, Саидон дostonи.

2 шв. Ҳол, аҳвол. Товмирилар қўймади ўз таврима, Эмранганда қонлар кетди бағрима. «Ширин билан Шакар».

ТАВРИДА кам қўлл. Аслида, зотида; азалдан. Лақаб бўлди Навоий, исми Алишер. Би-

лим майдонида эрлар аро эр.. Бўлиб таврида олимлик нишони, Билимли, нуктадонлар нуктадонни. Ҳабибий.

ТАВРОТ [а. *تورات* < яҳ. Тора — қонун] Яҳудий динининг муқаддас китоби; Ислом ақидасига кўра, Аллоҳ томонидан Жаброил орқали Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган илоҳий китоб. Тавротда афсона: бир олма учун Жаннатдан бадарга бўлганмиш одам. Ф. Фулом.

ТАВСИФ [а. *توصيف* — муфассал таъриф, баҳо; сифатлаш, мақташ] I Сифат; сифатлар. Эсимки, мен у кампирнинг таъбир ва тавсифларини эсимдан чиқарганман. С. Айний, Эсдалиқлар. Мен отахон тавсифи тўғрисида тўла тасаввурга эга эдим. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Сифат-белгиларнинг баёни, таърифи, тасвири. Шаҳарнинг тавсифи. ■ Таърифинг, тавсифинг тушмагай тилдан. Уйғун, Ҳаёт қақиради. Холбеканинг тавсифини, ҳусну зеболизини эшитган подшоҳлар ва хонзодалар ҳар мамлакатдан, ҳар юртдан, ҳар диёрдан совчи қўйберди. «Кунтуғмиш». Тавсифингга мен шуғладин қалам йўнайин. Э. Воҳидов, Шодиёна.

Тавсиф қилмоқ айн. тавсифламоқ. Бир-бирига қилар таассуф, Қилиб бўлмас уларни тавсиф. «Гулихиромон».

ТАВСИФИЙ Таъриф-тавсифга оид, тавсифлаш тарзидаги. Унинг ўзбек шевалари бўйича олиб борган тавсифий ишлари жуда аниқ бўлиши билан ажралиб туради.. «УТА».

ТАВСИФЛАМОҚ Тавсифини бермоқ, қайд этмоқ, баён этмоқ; таърифламоқ. Ёзма адабиётда маънодор кулги, йўтал, юз-кўз ифодаси, қўл ҳаракатлари кенг ёритилади ва тавсифланади. Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш. Моҳидил.. ёнма-ён, бидиллаганича воқеани тавсифлаб келаятган қизнинг гапларини аранг илиб оларди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТАВСИФНОМА [тавсиф + нома] Бирор кишига оид маълумотлар, унинг сифатлари қайд этилган ҳужжат, ёзма тавсиф. Мана тавсифномангиз, энди бошқа ишга ўтсангиз. С. Абдуқаҳҳор, Бетга айтганнинг захри йўқ.

ТАВСИЯ [а. *توصيه* — васият бўйича топшириш; тавсия, маслаҳат бериш, таништириш] I Бирор иш, лавозим, ўқиш ва ш.к.га лойиқ кўриб тақдим этиш, шундай маз-

мунли тақдимнома. *Йирик мутахассиснинг тавсияси билан ишга олмоқ.* ■ *Тавсия берилдан олдин.. тавсия берилувчининг барча фазилатларини тарозига солиб туриб, ўз фикрини айтади.* Газетадан.

2 *Маслаҳат, кўрсатма. Врачнинг тавсияси билан даво олмоқ.* ■ *Ибодовнинг тавсияси билан хатни таржима қила оладиган кишининг уйига борди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

3 *Фойдаланиш, амалга ошириш учун белгиланган кўрсатма, йўл-йўриқ. Саноат ва қурилиш соҳаларига доир бир қатор илмий тавсиялар ишлаб чиқаришга топширилди.* Газетадан. *Хусусан, узумчиликда тўпланган материаллар асосида илғор тавсиялар ишлаб чиқилди.* «Фан ва турмуш».

Тавсия қилмоқ (ёки этмоқ) Маъкул (лойиқ) билиб тақдим қилмоқ, маслаҳат, кўрсатма бермоқ. *..одобли, билимдон йигит, — деди кулиб, тавсия қилаётган муаллимнинг фазилатларидан завқланган кишидек.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Сизни бўлим мудирлигига тавсия этмоқчиман.* «Ёшлик». *Тез-тез шомолаб турувчиларга олдин уйда пайпоқда, кейин яланг оёқ юриш тавсия этилади.* «Фан ва турмуш».

ТАВСИЯНОМА [тавсия + нома] Ёзма тавсия, маслаҳат (расмий хужжат турларидан бири). *Унинг [Пулатжоннинг] партияга ўтиши учун генерал Собир Раҳимов тавсиянома ёзди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТАВТОЛОГИК Тавтологияга оид, тавтологиядан иборат бўлган. *Тавтологик ибора.*

ТАВТОЛОГИЯ [юн. *tauto* — айнан ўзи, *ўша + logos* — сўз] Бир фикрни бошқа сўз ёки сўзлар билан такоран, ортиқча ифода лаш, бир сўзни ортиқ такорлаш. *Айрим ҳолларда ана шундай такорнинг бири ҳеч қандай функцияни бажармайди, натижада бундай плеоназм тавтологияга айланади.* «УТА».

ТАВФИҚ [а. *توفيق* — мувофиқлаш(тириш); яраштириш, келиштириш; ёрдам, мадад; бахт, омад] 1 *дин.* Тўғри йўлга бошловчи дин йўл-йўриқлари, инсоф, диённат; эътиқод. *Бу гуноҳдор ўғилга ўзинг тавфиқ бер ва мен қулингни кечир.* Ойбек, Нур қидириб. *Жаноб Хўжа Яҳё молу дунёга ҳирс қўйиб, тавфиқни унутган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 *кўчма* Ножўя иш, хатти-ҳаракат ва ш. к. дан ўзини тийиш. -*Золимларга инсоф, тавфиқ берсин!* — деди бувим кўзларига ёш олиб. Ойбек, Болалик.

Тавфиққа келмоқ Инсофга келмоқ, яхши йўлга кирмоқ, ёмон (номақбул) иш, хатти-ҳаракатлардан тийилмоқ. -*У вақт, — деди Шодим, — бизни шайтон йўлдан чиқарган эди. Энди тавфиққа келдик.* С. Айний, Қуллар.

ТАВФИҚЛИ 1 дин. Дин йўл-йўриқларини бажарувчи, диёнатли, эътиқодли; солиҳ.

2 *кўчма* Ножўя иш, хатти-ҳаракат ва ш. к. дан ҳазар қилувчи; инсофли, мўмин, солиҳ.

ТАВФИҚСИЗ қ. бетавфиқ.

ТАВҚ [а. *طوق* — бўйинга тақиладиган маржон; бўйин, ёқа; бўйинбоғ; ҳалқа]: **тавқи лаънат 1)** *тар.* жазо тариқасида гуноҳкорнинг бўйнига кийгизиб, қулғаб қўйиладиган кунда; 2) *кўчма* бошга тушган (гарданга илинган) катта ташвиш; дардисар, ёмонлик. У [Қўчқор] *Муҳаббатга уйланаётганида, ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этган, болагидан бўйнига тавқи лаънат бўлиб илинган бахтсизлик ниҳоят унутулиб кетадиган бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Наҳотки, бундай бадномликлар одам боласининг мангалайига тавқи лаънатдек тоабад муҳрлаб қўйилган бўлса?* С. Сиёев, Аваз.

ТАВҲИД [а. *توحيد* — бириктиш, қўшилиш, бирлашиш, яхлитланиш] *дин.* 1 Аллоҳнинг яккаю ягоналигига эътиқод қилиш, Аллоҳга ширк келтиришнинг барча қуринишларидан воз кечиш.

2 Тасаввуфнинг бешинчи босқичи: Ҳақиқат билан уйғунлашиш, инсон руҳининг Аллоҳ томон юксалиши.

ТАГ [ф. *تہ < تک* — ост, туб; остки қисм] 1 Нарсанинг остки, пастки қисми, туби. *Пақирнинг таги тешилибди. Туфлининг таги лой бўлибди.* ■ *Қўғазордаги водокачка тикланадиган бўлса, таги билан кўпориб ташлайми.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Бирор ҳолатда бўлган, жойлашган нарсанинг ост томони, пастки томон (ер, бўшлиқ ёки бошқа нарса). *Столнинг тагига бекинмоқ.* ■ *Тўғон тагидан ўтган сув шалоласи канални тешиб юбориши ёки қирғоқларни ўпириб кетиши мумкин.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қўкрагини баланд тутди-да, яқтак чўнта-*

гидан носини олиб, бир чимдимини тил тагига ташлади. Ойдин, Ҳикоялар.

3 Тик ҳолатли нарсаларнинг ост қисми атрофи, ён-бегидаги ер сатҳи. *Доим девор тагида турадиган стол икки каравот ўртасига олинган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кун тиккага келгунча тўхтамай юриб, тик чўққининг шундай тагига келдик.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

4 Нарса ёки шахснинг бошқа бир нарса, сатҳ ва ш.к. га тегиб, ўрнаб турган томони; ост. *Курпачанинг таги. Хат стол устидаги китобнинг тагида.* ■ *Мактубни ўқиб, ёстиқ тагига қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *У бироз олдинда, тагидаги саман йўрғанинг бир текис юришига мос сал чайқалиб, хаёлга чўмиб ўтирипти.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

5 Нарсанинг ўз сиртига қарама-қарши бўлган томони; ич. *Домла ер остидан наранжи тагида жилпанглаб турган шўх аяга бир боқди-да, никоҳ хутбасини бошлаб юборди.* «Муштум». *Пиджагининг тагидан кийилган оқ садаф тугмали рангдор, катак қўйлақ арзон костюмга жуда мос келган.* П. Қодиров, Уч илди.

6 Ер, сув қабиларнинг ост, ич томони; ост, ич. *Билмадим, кўкка учдими, ер тагига кирдими.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Асли, зоти (ота-боболари), келиб чиқиши. *Тагимиз камбағал. Отамизнинг касби ҳаммоллик эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У ҳам таги кўрган ошадан чиққан.* Мирмуҳсин, Умид. *Менинг отим — Олим. Таги Чорвоқликман.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

8 Замир; асос. *Аҳмад.. бунинг тагида бир гап борлигини пайқади.* Мирмуҳсин, Мёъмор. *Элмурод қассобнинг «сиёсат» тўғрисидаги саволи тагида унинг ўз ғарази ва ташвиши ётганини пайқади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

9 Охир-оқибат, натижа. *Сабр таги — сар(иқ) олтин.* Мақол. ■ *Меҳнат таги — роҳат, деган қадимгилар.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Устод Қавом бу ишининг таги ёмонлигини.. биларди.* Мирмуҳсин, Мёъмор.

10 (3-ш. эгалик қўшимчаси билан — таги) Нарсанинг муайян ҳолати, миқдори [кўп ёки оз (кам) сўзи билан қўлланади]. *Кейин бирини илтиб, бирини нишириб еб, иккисини чўнтагига солиб кетди. Таги кўп бўлса ҳам кошки эди.* «Муштум». Ўғлим, бу икки отга

ярашиқли нарсаларнинг ҳам таги камдир. «Эрали ва Шерали».

Бурни (ёки тумшуги) тагида Шундоққина олдида, ёнгинасида. *Бурнимизнинг тагида экан-у бу лағнатилар, яна қидириб юрибмиз.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Поезддан тушгандан кейин шундай тумшугимиз тагида экансан-ку, биз бўлсак қаёқларга бориб юрибмиз.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Дўппининг тагида одам бор қ. дўппи.** Ер тагидан қарамоқ Бошни қуйи солган ҳолда қарамоқ (куз ташламоқ). *Бу гап Бадиага ер тагидан қараётган Зулфиқор Шоший устидан гўё совуқ сув қуйгандек бўлди.* Мирмуҳсин, Мёъмор. **Кўз тагига олмоқ** Эришиш (узеники қилиш) учун мўлжаллаб қўймоқ. *Кўз тагига олиб қўйганинг борми ўзи?* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Олдин институтни битирай, кейин ўзим мўлжаллаб, кўз тагига олиб юрган қиз бор.* «Муштум». **Таги зил** Оқибати яхши бўлмаган; ишончсиз; ҳалокатли. *Ҳазилнинг таги зил.* ■ **Муҳаммад Арғуннинг таги зил** маълумотлари **Шоҳрухни ҳам, Улуғбекни ҳам оёққа турғазди.** Мирмуҳсин, Мёъмор. **Таги очилди** Нима эканлиги, мазмуни, моҳияти маълум бўлди. *Энди таги очилди. Нима демоқчисан?* Ҳамза, Танланган асарлар. **Таги паст қ. паст 9.** *Отасини кўндирамиз, унинг таги паст, жазоси пул-да..* Ж. Шарипов, Хоразм. **Тагига етмоқ** 1) иш-ҳаракат, гап-сўз ва ш.к. нинг моҳиятини англамоқ, билмоқ, асл моҳиятини билмоқ, сирини очмоқ. *Ботирали одамлар оғзидаги миш-мишларнинг тагига етишни истарди.* Ҳ. Фулом, Машғал. **Ҳақиқатнинг тагига етгунча орада ноқулай гаплар бўлиб ўтди.** Газетадан. **Маҳкам ака гапнинг тагига энди етди, қулиб юборишига сал қолди.** Р. Файзий, Ҳазрати инсон; 2) йўқ қилмоқ. **Ўғлим Ҳамзанинг ҳам тагига етиб, оз қолди мени доғда қўйиб кетишига.** К. Яшин, Ҳамза. **Тагига (ёки тагини) олдирмоқ** Тагини қуйдириб, ўта қовуриб қўймоқ. *Бизни кутаверишиб, ошини тагига олдирибди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *..шолени сочмасдан туюлмайд, сув қайнатса ҳам, тагига олдириб қўяди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Тагига сув кетди** Фаолияти барҳам топди, йўқликка юз тутди, тамом бўлди. *Ўртада ҳар хил меросхўрлар кўпайди. Бойликнинг тагига сув кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У кунлар Назирқул учун энг бахтиёр кунлар эди. Ўшандай бе-*

озор кунларнинг тагига сув кетди. С. Аҳмад, Хукм. Тагида қолмоқ Бирор нарсага катта миқдорда эга бўлмоқ. Дуонинг тагида қолмоқ. Бойликнинг тагида қолмоқ.

ТАГДОР [ф. تگدار — таги, насл-насаби бор; бирон асосга эга] **1** Насл-насаби, зоти яхши; асилзода. Бу бир хил асил, тагдор хонзодами, деб ўрнидан туриб.. бир суз айтади. «Равшан».

2 Тагли маънога эга, замирида (тагида) махсус маъно бўлган. Бечора йигит тагдор гапга тушунмай анграйиб қолди. С. Сиёев, Аваз. Дилшод тагдор қилиб қулди. М. Исмоилий, Фаргона т.о. Афандининг тагдор ишорасига қойил қолган шоҳ шу заҳоти унга сарупо кийдиришни буюрди. «Муштум».

ТАГДЎЗИ [таг + ф. دوزى — тикиш; тикилган] Таги бир рангдаги ипак билан сидирасига тўлдирилган, у ер-бу ерига гул тикилган (дўппи ҳақида). Унинг бошида янги тагдўзи дўппи. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАГЗАМИН [таг + замин] кам қўлл. Пойдевор, фундамент. Баланд бетон тагзамин устига ғишдан қурилган, узун пешайвони шарққа қараган беш-олти хонали уй. А. Ибодинов, «Латофат» дўқонидаги қатл.

ТАГЛИ 1 Таги, туби бор. ..оёғида қора чарм тагли оқ пийма-этик. «Муштум».

2 айн. тагдор. Тагли одам.

ТАГЛИ-ЖОЙЛИ Насл-насаби яхши ва ўз жойи, етарли мол-мулкига эга. Тагли-жойли одамлар-да, супага бир гилам солиб қўйипти, нах икки ёғидан уч қаричдан тушиб ётипти.. «Муштум».

ТАГЛИК 1 Бирор буюмнинг тагини, ост қисмини ясаш учун боп материал.

2 Нарсанинг тагига қўйиш учун ишланган қурилма, мослама. Куркаларни суғоришда.. рухланган челақлардан фойдаланилади, челақ ёғоч тагликка қўйилади. «Ўзбекистон паррандачилиги».

3 Чақалоқнинг тагига солиб қўйиладиган юмшоқ мато. Тагига нам ўтганини сезиб, бошқатдан йўрғакламакчи бўлди. Буни сезган Салима ىрғиб ўрнидан туриб, таглик келтириб берди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ТАГОБИ Хўраки ва винобоп ўртапишар узум нави; шу хил узумдан тайёрланган майиз ёки вино. Бундан чиқди.. тагобидан мўлроқ ичиб юборибди-да. С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

ТАГСИЗ 1 Таги, туби йўқ. Тагсиз челақ. **2** кўчма Жуда чуқур, тубсиз. Тагсиз денгиз. ■ Факультет — Мунисхон билан икковининг орасидаги тагсиз чоғга тушган омонат кўприк эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 кўчма Бепоеён, бениҳоя. Тагсиз осмонда сочилиб ётган саноқсиз юлдузлар гузарнинг тўрт ерига ёқиб қўйилган кунжара машвални эрмак қилаётгандек живирлашади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 кўчма Асоссиз, пуч. -Бу гапларимни ёлгон демоқчимисан? -Албатта, тагсиз гаплар! С. Айний, Қуллар.

ТАГСИНЧ Синчли иморатнинг пойдевориغا ётқизиладиган ва устига синчлар қадаладиган узун, бақувват ёғоч. Малла киши ичкарига кирганда, ҳалиги эски нарпаша паранжи айвон тагсинчида ётар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАГ-ТАХТ Кимсанинг асли, насли-насаби, зоти, келиб чиқиши. Ўзининг «таг-тахти»га бино қўйган одамлар. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТАГ-ТАХТЛИ Бойлар, ўзига тўқ одамлар нуқтаи назаридан насл-насаби яхши; тагдор. Остонанизега арзийдиган таг-тахтли мастура қизлар қуриб кетиптими? А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТАГ-ТОМИР таг-томири билан **1** Таги-томирини қолдирмай; бутунлай. Трактор.. ёввойи жийда, чангал, туранги, тол, дўлана сингари бута ва майда дарахтларни таг-томири билан қўпориб ташлар эди. А. Қаҳҳор, Қушчинор чироқлари.

2 кўчма Ҳеч асари қолмай (асар қолдирмай); бутунлай. Ойқиз раиснинг.. дилида занг босиб ётган.. чирик фикрларни таг-томири билан суғуриб ташлашни истарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Илоё, таг-томири билан қуриб кетсин бу газандалар! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАГ-ТУБ 1 айн. таг-тахт. [Баҳри:] Турғуннинг таг-тубини бундоқ суриштирдингми? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

2 айн. таг-томир. Дарахтларни таг-туби билан қўпормоқ. Зарарли иллатларни таг-туби билан йўқотмоқ.

ТАГ-ТУБЛИ айн. таг-тахтли. Неча хотин олиб ёлчимаган туппа-тузук, таг-тубли одамлар қул. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАГ-ТУГ айн. таг-туб. Таг-туги билан қўпормоқ. ■ Ростини айтсам, мен шу вақт-

гача ҳеч бир аёлнинг таг-тугини суриштирган эмасман. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАГ-ТУГЛИ айн. таг-тахтли. - Қиз бола бўйга етганда, ота уйи унга торлик қилади. Ота-оналар уни «таг-тугли» жой топиб беришга шошиладилар, — деди Қумуш. Т. Жаололов, Олтин қафас.

ТАГЧАРМ Пойабзалнинг ост қисмига ишлатиладиган қалин чарм. Шиппагининг тагчарми кўчган ерларини тикди.. С. Кароматов, Олтин қум.

ТАДБИР [а. تدبير — бошқариш, идора қилиш; тежамкорлик; чора, илож, йўл-йўриқ; ҳаракат тарзи] 1 Амалга ошириш, рўёбга чиқариш учун йўл-йўриқ ва чора. *Ҳосилдорликни ошириш тадбирлари.* ■ ..ҳақиқат олдидан у ҳайрон ва бунга қарши тадбир ўйлаш билан гаранг эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Бу тадбирнинг келиб-келиб Туламадан чиққанини айтмайсизми!* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Мақсадни амалга ошириш йўлидаги иш, хатти-ҳаракатнинг ўзи. *Бу шунчаки оддий тадбир бўлмай, у ер юзидан тинчликни мустаҳкамлаш иши билан чамбарчас боғлаиб кетади.* «Фан ва турмуш». *Ҳар бир тадбир талабалар тарбиясини такомиллаштиришга.. йўналтирилган.* Газетадан. *Ҳосил туғиш даврида чеканка қилиш муҳим агротехник тадбирлардан бири ҳисобланади.* Газетадан.

3 Маълум мақсадда ташкилий равишда амалга ошириладиган (бажариладиган) иш, ишлар. *Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармаси ва кинофильмлар прокати «Зулматдан зиёга» номи билан катта маданий тадбир ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда.* Газетадан.

ТАДБИРИЙ Тадбирга оид, тадбирга қаратилган. *..ҳайвонлар экспонатларини бойитиш каби жуда кўп тадбирӣ чоралар режалаштирилган.* Газетадан.

ТАДБИРКОР [а. + ф. تدبيرکار — тадбир қилувчи, тадбир изловчи] 1 айн. тадбирли. *Омон мустақил фикрли, чўрткесар, узоқни кўра оладиган, тадбиркор, яхши дўст эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Тадбиркор Халил ақанинг қаршисида Аҳмад бир лаҳза ўзини жуда лапашанг ҳис этди.* Ф. Мусахонов, Ҳиммат.

2 Ишлаб чиқаришни ёки бошқа фаолиятни ташкил этувчи, молиялаштирувчи,

тижорат ёки саноат корхонасини фойда олиш мақсадида бошқарувчи шахс, мулкдор.

ТАДБИРКОРЛИК Тадбиркорга хос хатти-ҳаракат, фаолият, ҳислат. *Тадбиркорлик билан иш тутмоқ.* ■ *Бу ишда яна Бабич билан Семённинг тадбиркорлиги қўл келди.* Ш. Фуломонов, Инсон қўли гул.

ТАДБИРЛИ Тадбир билан, пухта ўйлаб иш қиладиган. *Тадбирли одам.* ■ *Норбиби ёш бўлса ҳам, анча тадбирли, довжорак қиз эди.* Ҳ. Шаам, Душман.

ТАДБИРСИЗ Ўйламасдан, режа ва тадбир кўрмасдан иш тутувчи; палапартиш, шу тарздаги. *Тадбирсиз одам.* ■ *Тошкент халқи қипчоқларнинг жабру зулми ва тадбирсиз идораси остидан ётиб, жуда тўйди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ТАДРИК [а. تدارك — тўғрилаш, тузатиш, тўғри йўлга қўйиш; чора, илож] Тайёргарлик, ҳозирлик. *Сафар тадориклари.* ■ *Чол тўй тадоригини ҳам кўриб қўйган эди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Байрам тадоригими, тонготар файзими.. баъзан мижжса қоқтирмайди сени.* С. Акбарӣ, Сени улуглайман.

ТАДРИЖ [а. تدرّيج — даражама-даража, аста-секин илгарिलाш, юқорилаш, юксалиш] 1 кт. Миқдорӣ ёки сифат ўзгаришларидаги даражама-даражалик, аста-секинлик; табиат ва жамият ҳодисаларининг ҳаракат ва ривожланиш шаклларида бири; эволюция. *..шу усул ҳам шеърда ҳисни, манзарани ва тасвирни пояма-поя тадриж билан кучайтиришга хизмат қилади..* М. Шайхзода, Фурқатнинг бадий маҳоратига доир.

2 ад. Мумтоз шеърятда, асосан, ғазалларда муайян образ ёки тушунчани ўхшатишлар воситаси билан даражама-даража ривожлантириб боришдан иборат бадий усул.

ТАДРИЖАН [а. تدرّيجاً — тадрижий равишда] кт. кам қўлл. Изчиллик билан, аста-секинлик билан, эволюцион тарзда, тадрижий равишда; даража-бадаража. *Тадрижан ривожланмоқ.*

ТАДРИЖИЙ Секин-аста, даража-бадаража содир бўладиган; эволюцион. *Табиатнинг тадрижий тақомили. Тадрижий ривожланиши.* ■ *Лирик сюжет поэзияда лирик қаҳрамон характерининг шаклланишини ва тадрижий ривожланишини ифодалайди.* Н.

Каримов, Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати.

ТАДҚИҚ [a. تَدْقِيق – синчиклаб, батафсил текшириш, синаш; аниқлаш] Чуқур, синчиклаб ўрганиш иши. *..уларда давр туйғуси, замон дарди ва воқелик тадқиқи чуқурлашиб бораётди.* Газетадан.

Тадқиқ қилмоқ (ёки этмоқ) Илмий асосда, синчиклаб, чуқур текширмоқ, ўрганмоқ. *Тил ҳодисаларини тадқиқ қилмоқ.* ■ **Мақсад** – «Ал-Тоҳир» юлдузига шожии борича яқинлашиб, унинг ўзини ва теварак-атрофини тадқиқ қилишдан иборат эди. О. Мўминов, Хиебондаги уч учрашув. *..хуллас, бу жойларни тадқиқ этиб, аниқ бир фикрга келиш керак, – дея Шералига қараб сўзини яқунлади.* С. Кароматов, Олтин кум.

ТАДҚИҚИЙ Илмий текширишга оид; илмий текширишга асосланган. *Тадқиқий иш. Тадқиқий метод.*

ТАДҚИҚОТ [a. تَدْقِيقَات – «тадқиқ» с. кўпл.] 1 Тадқиқ иши, текшириш, ўрганиш иши. *Бухоро яқинидаги Қизибии меъморий комплексида кенг планда тадқиқотлар олиб борилди.* «Фан ва турмуш».

2 Илмий текшириш ишининг натижаси. *Янги кашфиёт ва тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий қилмоқ муҳимдир.*

ТАДҚИҚОТЧИ Тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи шахс. *Мақсуд Шайхзода Алишер Навоий ижодининг йирик тадқиқотчиларидан бири бўлди.* Газетадан.

ТАДҚИҚОТЧИЛИК Тадқиқот билан машғул бўлиш, тадқиқот ишлари. *Геология соҳасидаги тадқиқотчилик. Тадқиқотчилик билан шуғулланмоқ.*

ТАЁВ кам қўлл. айн. **тиргак.** *Таёвларни тиран қирғоққа, Абдукарим, сен кел бу ёққа.* Э. Раҳим.

ТАЁҚ 1 Дарахт шохининг уриш, ҳайдаш ва ш.к. учун ишлатиладиган бўлаги, ундан махсус ишланган қисми; калтак. *Узун таёқ. Қуруқ таёқ.* ■ *Кал ўликни дарвозага олиб чиқиб, белини боғлаб, қўлга таёқ бериб кетибди.* «Эртақлар».

2 Шундай ёғоч (таёқ)дан теккан зарб. *Кимларнинг орқасида таёқ излари, Ҳали ҳам тўлқинлар қон денгизлари.* Ғайратий.

3 Ҳасса вазифасидаги ёғоч; ҳасса. *Оёқ чарчаса, таёқ ярайди.* Мақол. ■ *Ота залварли таёғини қорға ниқтаб босиб, бардам қадам ташларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Айтилмаган қўноқ – йўнилмаган таёқ. *Айтмаган жойга меҳмон бўлиб бориш орсилик бўлади, деган маънодаги мақол.* **Бояги-бояги** – бойхўжанинг таёғи қ. **бояги.**

ТАЁҚЛАМОҚ кам қўлл. Таёқ билан урмоқ, калтакламоқ. *Тухми одам бўлса, банди қилгин деб, Ким бўлса таёқлаб, бориб ургин деб.* «Нурали».

ТАЁҚЛИ Таёғи бор, таёқ кўтарган. *Арқ дарвозасидан югурган бир неча таёқдилар.. деҳқонни ёқасидан ушлаб.. судраб олиб бордилар..* С. Айний, Қулар.

ТАЁҚЧА 1 Кичкина таёқ.

2 айн. **стержень.** *Темир таёқча.*

3 Баъзи касалликлар микроби. *Кох таёқчалари* (сил касалини тарқатувчилар). ■ *..касалликни жуда майда бўлган кўкйўтал таёқчалари пайдо қилиши маълум бўлди.* А. Ҳабибов, Кўкйўтал.

ТАЖАЛЛИ [a. تَجَلِي – кўриниш, жилваланиш, жилоланиш] 1 эск. кт. Жилва, жило; жилолар. *Ҳуснинг тажаллисидин бетоб мохрўлар, Андоқки зоҳир ўлмас хуриш, чиқса кавкаб.* Нодира.

2 дин. Аллоҳнинг зуҳурланиши, намоён бўлиши (зот тажаллиси, сифот тажаллиси, феъл тажаллиси каби уч турга бўлинади).

ТАЖАММУЛ [a. تَجَمُّل – юзаки, ёлгондакам хушмуомалалик; безатиш, пардозлаш; сабр-тоқат] эск. Керакли нарсалар, зийнат буюмлари. *Қизниқида ҳамма тажаммулни тайёрлаб, Комилбекнинг отасидан тортиб никоҳ қиладиган қозию қуззотларгача куёвни кутиб ўлтирар эканлар.* А. Қодирний, Утган кунлар.

ТАЖАНГ 1 Кайфи бузуқ, жаҳли (асаби) кўзиган ҳолатли. *Юзлари лўпнигина, серғайрат, тажанг хотинга қараб туриб, Нуратбек онасини эслади.* С. Нуоров, Нарвон. *..ҳар сафар қайтишда хуноб бўлар, сўкинар ва Аҳмаджонни ҳам тажанг гумон қилиб, унга тасалли берар эди.* А. Қаҳқор, Олтин юлдуз

Тажанг бўлмоқ Асаби кўзгаб жаҳлланмоқ, ўта кайфи бузилмоқ, тажанглиги тутмоқ. *Раис Рихсивой акадан аҳволни билган, яна тажанг бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Бугун Ботиралининг уйидаги жонланишдан тажанг бўлиб ўтирган маҳдум бобиллаб берди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Бекорга жаҳли чиқаверадиган, жиғибийрон бўлаверадиган; жаҳли, аччиғи тез. *Тажанг одам.* ■ *Ака-ука уста қўлида уч йил*

ишлашди — тезроқ ва тажанг Абутолиб уч ил деганда уста Нажмиддин Бухорийнинг розилигини олмай, ўз ҳовлисида хумдон қуриб, кошину идиш ясай бошлади. Мирмуҳсин, Меъмор. Зоҳир шайх. оғаси каби арзумаган нарсага ловуллаб кетадиган тажанг, жаҳлдор эмас. С. Сиёев, Авваз.

3 Шундай белги-хусусиятга эга бўлган шахс исмига қўшиб айтиладиган (ишлатиладиган) сўз, лақаб. Нурилла Нарвоний «бир ичак узди» қилиш учун эшигига «Ҳасратхон» деб ёзилган нимқоронғи хонига Эшплат тажангни олиб кирибди. «Муштум».

ТАЖАНГЛАНМОҚ кам қўлл. Тажанг бўлмоқ. Солиҳбойнинг қайнаб турган ғазоби.. тажангланиб бақиршида эмас, балки гапларининг қатъийлигида ифодаланади. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

ТАЖАНГЛАШМОҚ Тобора тажанг бўлмоқ, тажанглиги ошмоқ. Чол баттар тажанглашиб, энди оғзини сўзга жуфтлаган эди, вақтичоғ Унсин кўчадан қушдай учиб кирди. Ойбек, Улуғ йўл.

ТАЖАНГЛИК 1 Тажанг ҳолат. -Татар қайтдимиз? — деб сўрайди мулла Обид. -Қайтди, тажанглиги ошиб, яна далага кетди! — деб кулади Мардонбой. А. Қодирий, Обид кетмон. У тажанглик билан қўлларини яна ўйнатди. П. Турсун, Ўқитувчи. Овозида тажанглик, асабийлик бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Тажанг шахсга хос хусусият, хислат. Ўқитувчи тажанглик, қўполлик, шошқалоқлик, бесабрлик каби номатлуб сифатлардан бутунлай мусаффо бўлиши шарт. Р. Усмонов, Одобнома. Қуюқ қошлари остида икки кўзи ёниб туради, жиндак тажанглиги ҳам бор — бир сўз етарли, икки сўз ортиқча. Мирмуҳсин, Умид.

ТАЖАССУМ [а. تجسم — шаклланиш, гавдаланиш; катталаниш] эск. кт. Гавдаланиш, ифода белгиси, ҳолат. Воқеалар образлардагина конкрет тажассумига, типик чизгиларга эга бўлади. «Ёшлик». Фикрни теранлаштириш эвазига ғоя янада бойийди ва поэтик тажассумига эришади. «ЎТА».

Тажассум топмоқ Гавдаланмоқ, ифода белгисига эга бўлмоқ. Шу маънода пейзаж лирикада инсоний ҳис-туйғу ва кечинмаларнинг ёрқин тажассум топиши учун фон вазифасини ўтайди. «ЎТА».

ТАЖАССУМЛАНМОҚ эск. кт. Гавдаланмоқ, мужассам ҳолда намоён бўлмоқ. Инсон табиатининг порлоқ, хира, рангсиз, қора ва ҳоказо жонсиз жилвалари кўз олдида тажассумланади. Ойбек, Навоий.

ТАЖВИД [а. تجويد — қироат, оҳанг билан ўқиш] дин. Қуръон оятларини ўқишда нутқ товушлари талаффузининг тўғрилигига эътибор бериш, Қуръонни қироат, алоҳида оҳанг билан ўқиш; Қуръон ўқиш илми.

ТАЖНИС [а. تجنیس — ўхшаш, бир хил шаклга келтириш; тўла уйғунлик] 1 Тил бирликларининг шаклдошлигига асосланган сўз ўйини.

2 ад. Оғзаки ва ёзма адабиётда: шаклдош (омоним) сўзларни қўллаш, сўзларни шаклдош қилишдан иборат бадиий санъат тури (туяқ жанрида кенг қўлланади). Мас.: Қўлингдан келганга чиқар яхши *от*, Яхшилик қил, болам, ёмонликни *от*, Насиҳатим ёд қилиб ол, фарзандим, Ёлғиз юрса, чанг чиқармас яхши *от*. «Равшан».

ТАЖОВУЗ [а. تجاوز — ўтиш, чегарадан ўтиш, босиб ўтиш; ҳаддан ошиш; қонунбузарлик] 1 сиёс. Бир ёки бир неча давлатнинг бошқа мамлакатларни бўйсундириш, уларнинг ерларини босиб олиш мақсадида қурол кучи билан бостириб кириши. Имперализмнинг ҳар қандай хуружлари, исёнлари, суиқасдлари, тажовузлари бу руҳни ўлдиролмайди. П. Қодиров, Уч илди.

2 кўча Умуман, зўрлик, зўравонлик хатти-ҳаракати, ҳамласи. Назира ёмон ниятда қилинаётган тажовузни сезиб қолгандай, қўллари ғайритабиий кучга кириб, Йигитлини итариб юборди. Д. Нурий, Осмон устун. Ҳамма чиройли қизлар каби, у ҳам йигитларнинг «тажовузи»га кўп учради. П. Қодиров, Уч илди.

Тажовуз қилмоқ Шундай иш, хатти-ҳаракат қилмоқ, зўравонлик, тажовузкорликни амалга оширмоқ. ..халқнинг эркига тажовуз қилишга қарши мардонвор кураш олиб борди. «Саодат». Қаёқдандир ковлаштириб, «Бир вақтлар Сайфиддинов фалончи қизнинг момусяга тажовуз қилган, деган гапни топди. Мирмуҳсин, Жиблажибон.

ТАЖОВУЗКОР [а. + ф. تجاوزکار — тажовуз қилувчи] Тажовуз, босқинчилик сиёсатини қўлловчи (қ. тажовуз 1). Тажовузкор давлатлар.

ТАЖОВУЗКОРЛАРЧА Тажовузкорлар каби, тажовузкорлик билан. *Тажовузкорларча ҳаракат.*

ТАЖОВУЗКОРЛИК Бошқаларнинг ерларини босиб олиш мақсадларига қаратилган зўравонлик ҳаракати. *Тажовузкорлик сиёсати.*

ТАЖОВУЗКОРОНА айн. тажовузкорларча.

ТАЖОҲУЛ [а. تجاهل — билиб ёки билмасдан инкор этиш, ўзини билмасликка олиш]: **тажоҳули орифона** ад. Мумтоз шеърятда ўхшатиш усулларидан бири: шоир бирор манба (ёр, маҳбуб ва ш.к.) га нисбатан бир ёки бир неча тўғри, ҳаққоний ўхшатиш қўллаб, гўё хатога йўл қўйгандай, ўхшатишларнинг тўғри-нотўғрилиги ҳақида бошқалардан сўрайди.

ТАЖРИБА [а. تجربه — синов, эксперимент; малака, маҳорат; бирор хислатни, иш-ҳаракатни синаб кўриш] 1 Муайян мақсадда амалга ошириладиган, билтиш, аниқлаш, синаш ва ш.к. га қаратилган иш, фаолият. *Тажриба ўтказмоқ. Тажриба натижалари. Тажрибада синаб кўрмоқ.* ■ *Тажриба учун ажратилган уч гектар ер тизма тоғлардай бир-бирига улашиб кетган адир этагида эди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Кларк Маҳдининг юрак уришини текшириб кўрди-ю, тажрибани бас қилди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Амалий ишда, ҳаётда ўзлаштирилган, орттирилган билимлар, малакалар, уқувлар мажмуи. *Ҳаётий тажриба. Педагогик тажриба. Илғорларнинг тажрибасини ўрганмоқ. Тажрибаларни ўртоқлашмоқ.* ■ *Бизнинг вазифамиз илмни халқ тажрибаси билан бойитиш ва шу билан бирга халқ тажрибасини илмнинг элагидан ўтказишдир. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Биз илғор машаалларимизнинг тажрибасини оммалаштиришимиз керак. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Шайбонийхон чоршанба кун и ҳаёт-мамоти ҳал бўлишини сезиб, бор истеъдодини, бутун тажрибасини ишга сола бошлади. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

3 флс. Объектив дунёни, воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий-эмпирик билиш жараёни; объектив дунё ва ижтимоий амалиёт қонуналарининг киши онгидаги инъикоси. *Ҳиссий тажриба. Санъаткорнинг эстетик тажрибаси.*

4 Бир масала, йўналишда дастлабки тарздаги иш, ҳаракат ва унинг маҳсули. *Ёш ижодкорнинг биринчи тажрибаси.* ■ *Ўз ғазаларига ўзи таҳмис боғлаш тажрибасини ҳам адабиётимиз тарихида Навоий бошлаб берди. «ЎТА».*

ТАЖРИБАВИЙ Тажрибага оид, тажрибага асосланган. *Тажрибавий ва назарий физика.*

ТАЖРИБАДОР [а. + ф. تجربه دار — тажрибага эга] кам қўлл. айн. тажрибали. *Тажрибадор йилқичилар.*

ТАЖРИБАКОР [а. + ф. تجربه کار — тажриба қилувчи, тажриба ўтказувчи] 1 айн. тажрибали. *Тажрибакор одамлар.* ■ [Қодир:] *Бригадирликка энг яхши, илғор, тажрибакор, ишининг кўзини биладиган, жонкуяр одамларни сайламоқчимиз. Уйғун, Навбаҳор.*

2 Тажриба ўтказувчи, тажриба билан шуғулланувчи. *Лебедев — жаҳон фани тарихида ёруғлик босимини биринчи бўлиб аниқлаган машҳур тажрибакор олим. «Фан ва турмуш».*

ТАЖРИБАКОРЛИК Катта, кўп тажрибага эгалик, тажриба асосида иш кўришлик, тажрибага оид иш-фаолият. -*Соқол тажрибакорликдан оқаради, — деди у намоздан қайтиб келган чолга. Ф. Расул, Адолат.*

ТАЖРИБАЛИ Катта тажрибага эга, кўп тажриба, малака орттирган. *Тажрибали ўқитувчи. Тажрибали раҳбар.* ■ *Нигора Акрамни тажрибали, билимдон врач деб ҳурмат қиларди. С. Анорбоев, Оқсой. Дарҳақиқат, пахтани тушуна оладиган, ерни биладиган тажрибали раиссан. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ТАЖРИБАСИЗ Иш тажрибасига, малакага эга бўлмаган; гўр, хом. *Тажрибасиз агроном.* ■ *Мен ҳаммани бир-бир синаб кўрганымдан кейин, Ҳасанни ҳаммадан тажрибасизроқ, соддароқ топиб, шуни овлашга киришдим. С. Айний, Қуллар.*

ТАЖРИБАСИЗЛИК Тажрибага эга эмаслик, тажриба кўрмаганлик. *Сиёсий тажрибасизлик. Тажрибасизлик оқибатидаги камчилик.* ■ *Мана, кечаги воқеани олинг. Самолётлар ҳужуми вақтида командирлар тажрибасизлик қилишди, жангчилар шошиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ТАЖРИБАЧИ айн. тажрибакор 2. *Тажрибачи талаба.*

ТАЗАРРУ [a. تازرع — ўзини паст тутиш, итоаткорлик; ялғиниш, ёлвориш] Узр билан ёлвориш, ялиниш. *Тавба-тазарру қил, тақсирим гуноҳингдан ўтсинлар.* «Муштум».

ТАЗЙИҚ [a. تازييق — торайтириш; чеклаш; эзиш, жабр қилиш; эзилиш] 1 Куч билан, зўрлаб ўтказиладиган таъсир, сиқув. *Жамоатчиликнинг тазйиқи. Тайзиқ кўрсатмоқ. Ўз фикрини тазйиқ билан ўтказмоқ.*

■ *Инглиз хўжайинларининг тазйиқи билан Ҳайдархўжа яна жиддийроқ ишга киришди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Бир нафасгина қотган халқ тўлқини яна кучлироқ тазйиқ ва матонат билан олға сапчиди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *эск. физ.* Босим. Суюқликнинг тазйиқи. ■ *Ғоят кучли босимга эга бўлган нефтнинг ер остидан қилиб турган тазйиқини қайтариб турган нарса шу жинс (гил) эди.* «Фан ва турмуш».

ТАЗКИРА [a. تذكرة — билдириш, хабардор қилиш; ҳаётнома; хотира, эслаш; хотиранома] 1 *ад.* Ёзувчи ва шоирлар тўғрисида қисқача маълумот берилиб, асарларидан намуналар келтирилган, умуман, тарих, тасаввуф, санъат соҳасидаги воқеа ва шахслар ҳақида эсдалик руҳида ёзилган китоб, антология. *Навоий тазкираси — «Мажолис».. янги тиндаги тазкира — антология эди.* «ЎТА».

2 *айн. мемуар.*

ТАЗКИРАЧИ Тазкира ёзувчи шахс. *Бу фақат Навоий туркий халқлар адабиётида.. ўз замонаси адабиётининг қимматини оширган шк тазкирачи бўлиш эътибори билан ҳам ижобий таъсир ўтказганлигини кўрсатади.* «ЎТА».

ТАЗКИРАЧИЛИК Тазкира ёзиш, фаолиятнинг шу соҳаси. *..ўрта аср давридаги ўзбек адабиёти учун ҳам хамсачилик, тазкирачилик каби ранг-баранг бадиий асар хиллари.. характерлидир.* М. Ҳусайнов, Навоий мақолотлари.

ТАЗМИН [a. تازمين — қамраб олиш, ичига олиш; ўз фикрини тўғридан-тўғри эмас, ишора, рамзлар билан ифодалаш] *ад.* Шоир ўз фикри, ҳис-туйғусини тасдиқлаш, исботлаш ёки давом эттириш учун ўзга шоир ижодидан шоҳбайт — афоризм даражасига кўтарилган машҳур мисрани ўз шеърида келтиришидан иборат шеърий санъат тури. *Ғарибий хатни Муқимийга узатди. ..Бу шеър*

Муқимийнинг Йигчи эшон ҳақидаги ҳажвиге тазмин эди. С. Абдулла, Қувғунда.

ТАЗОД [a. تازاد — қарши ҳаракат, қарама-қаршилик] *ад.* Мумтоз шарқ шеъриятида ўзаро зид тушунчаларни ифодаловчи сўз ёки ибораларни қўллашдан иборат, кенг тарқалган бадиий тасвир воситаси. *Тазод дастлаб фольклор ва қадимги бадиий адабиётда ишлатилган.* «ЎзМЭ».

ТАЙ [a. طى — буриш, букиш; масофани босиб ўтиш; юриш, кезиш]: **тай қилмоқ** (ёки **урмоқ**) *эск.* Кезиб, юриб, айланиб чиқмоқ. *Бир талай манзил-мароҳил тай қилиб, кўп юриб, кўп юрсам ҳам мўл юриб, Анчабод деган шаҳри азимга борганимда, бир тўда катта-кичик, қора-қура ўспиринлар атрофимни ўраб олишди.* Ф. Фулом, Шум бола. *Ҳар шаҳарман шу шаҳарга борасан, Жаҳонни тай уриб, излаб кўрасан.* «Муродхон».

ТАЙГА [p. тайга < т.-олтой тайга — қояли тоғ] Осиё, Европа ва Американинг шимолидаги қалин ўрмон зонаси. *Тайга ўрмонлари. Тайга иқлими.* ■ *Тайгалар қуршови ичида бутун, Ажратиб бўлмасди кундузми ё тун.* М. Шайхзода.

ТАЙЁР [a. طيار — учадиган, учувчан; жўнатувчи] 1 Бирор ишга шайланиб, ҳозирланиб турган, шай, ҳозир. *Улар [солдатлар] миликларини осмонга ўқталиб, ҳар дам отишга тайёр турардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор нарса, иш учун мойил, рози ҳолатли. *Мени қўя беринг, осадими, чопадими — ҳаммасига тайёрман.* К. Яшин, Ҳамза. *Йўлчи шу чоқда қанча ақчаси бўлса ҳам беришга тайёр эди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Анварга мазкур олий табақаларнинг ҳар қайсиси ҳам ўз қизини бериб, кувё қилишга тайёр!* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Салтанат учун қурбон бўлишга ҳам тайёр..* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Ишлатиш, истеъмол ва ш.к. учун ҳозирлаб қўйилган. *Тайёр кийимлар. Тайёр маҳсулотлар.* ■ *Сутчой тайёр бўлди, сузиб кирайми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ғаввос тайёр арвалардан бирини олиб келди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 *с.т. юкл.* Кучайтириш, таъкид билдиради (асосан, болани ота ёки онага қиёс-лашда қўлланади). *Кичик ўғли тайёр отасининг ўзи бўлибди.*

Тайёр қилмоқ Тайёр ҳолга келтирмоқ. *..ғўшт, мой солиши учун тоғораларни тозалаб тайёр қилишни буюрди. Ойбек, Танланган асарлар. Уй эгаси ажойиб танги хотин, айтаганини тайёр қилади. Шухрат, Шинелли йиллар. Тайёр ошга баковул қ. баковул.*

ТАЙЁРГАРЛИК 1 Тайёр ҳолга келиш, келтириш ишлари; тайёрлаш, тайёрланиш ҳаракати; ҳозирлик. *Имтиҳонга тайёргарлик. Сафарга тайёргарлик. Баҳорги экишга тайёргарлик.* ■ *Азиз меҳмонни кутаётгандек уйда тайёргарлик зўр эди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.*

2 Тайёрлик, ҳозирлик ҳолати. *Сийсий тайёргарлик.* ■ *..жанговар тайёргарликни такомиллаштириб.. жангларга ҳозир бўлиб туриш керак. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Коллеж жамоаси янги ўқув йилига катта тайёргарлик билан келди. Газетадан.*

Тайёргарлик кўрмоқ Тайёрлаш (тайёрланиш) ишларини қилмоқ, амалга оширмоқ. *Чодирларда дам олиш ва катта зиёфатлар бериш учун ҳамма тайёргарликлар кўриб қўйганини мулла Фазлиддин билар эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Бадиа эгар қошидан ушлаб, отига енгилгина минди-да, улоққа тайёргарлик кўриб чопиб юрган чавандозлар тўпи сари учиб кетди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ТАЙЁРГАРЧИЛИК с.т. қ. тайёргарлик.

ТАЙЁРЛАМОҚ 1 Тайёр, муҳайё ҳолга келтирмоқ; тахт қилмоқ; ҳозирламоқ. *Қишга ўтин тайёрламоқ.* ■ *Гулнор ҳамма нарса-ни зумда тайёрлаб, дадасига кўрсатди. Ойбек, Танланган асарлар. Заврак нонушта тайёрлаб, у одам кутуб ўтирганини Меъморга хабар қилди. Мирмуҳсин, Меъмор. ..отин бувларга, эшон ойимларга таҳорат суви тайёрлаш каби юмушлар Гулнорни йўлчи олдига аста-секин яқинлашувга мажбур қилди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Ишлаб юзага келтирмоқ, ҳосил қилмоқ, етиштирмоқ (кўрмоқ, пиширмоқ, тикмоқ, ясамоқ ва ш.к.). *Унсин.. Йўлчи учун ўзи тайёрлаган яхши «тагдўзи» дўппини кийдирди. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳозирги пайтда шифобахш ўсимликлардан дори тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Газетадан. У шу куникэ эни бир метр, бўйи ярим метрли супа тайёрлади. Газетадан. Чиннинг анъанавий вазифаси идиш-товоқлар, меъмор-*

чилик деталлари ва бошқа буюмлар тайёрлашда қўлланишидан иборатдир. Газетадан.

3 Ўқитиб, ўргатиб ва б. йўллар билан бирор иш-вазифа учун тайёр қилмоқ; етиштирмоқ. *Кадрлар тайёрламоқ. Имтиҳонга тайёрламоқ.* ■ *Тищенко уни [Малоҳатни] бирмунча вақт шофёрлар курсига тайёрлабди, оқибат киргизиб ҳам қўйдиби. А. Қаҳҳор, Жонфиғон. Уттиз бир йигит-қиз Олмазордаги механизаторлар тайёрлайдиган билим юртига бориб ўқиймиз [деди Аъзам]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

ТАЙЁРЛИК 1 Тайёр эканлик, тайёр ҳолатдалик. *Мирзакаримбой жиянининг ишга тайёрлигидан рози каби кулди-да, индамасдан, ичкари кириб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 айн. тайёргарлик. *Шундай қадрли меҳмон келишини олдинроқ билмагани сабабли тайёрлик кўролмаганидан нақадар хижолатда эканини айтиб битиролмас эди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.*

ТАЙИН [а. تعيين — белгилаш, тайинлан]

1 Аниқ, белгили, тайинли. *Тайин вақт. Тайин иш.* ■ *Ахир, хатида тайин ёзибди-ку.. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. Умид уларга тайин бир гап айта олмади. Мирмуҳсин, Умид. Аммо бир нарса тайин эди: у шу қизсиз яшай олмайди! Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.*

2 Аниқ, бор ҳолатли, муқимликка эга. *Йигитнинг қўлида гулдай хунари бор экан.. уй-жойи тайин экан. Яна сенга нима керак? Ойбек, Танланган асарлар. ..унга нима етишмайди.. касб-кори тайин, бировга муҳтожлиги йўқ. «Ёшлик».*

Тайин қилмоқ (ёки этмоқ) 1) нима, қачон ва ш.к. жиҳатдан белгиламоқ, аниқламоқ, тайинламоқ. *Темир акамнинг бизларга тайин қилган иши шуки.. Н. Сафаров, Уйғониш. Унинг ёшини тайин қилиш қийин.. Ойбек, Танланган асарлар. Тайин қилдим тўйнинг булар кунини. Ҳ. Олимжон; 2) иш-вазифа, лавозим кабиларга қўймоқ, тайинламоқ. *Раисликка тайин қилмоқ.* ■ *..мустақкам истеҳком ўрнатишимиз, қоровуллар тайин этишимиз мақсадга мувофиқдир. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Тайини йўқ* 1) аниқ, белгили эмас; ноаниқ, нотайин. *Тўйнинг қачон бўлишининг ҳали тайини йўқ.* ■ *Наслу насаби номаълум, ота-онасининг ҳам тайини йўқ Қора илонни бирон кимса ҳам эсламади. Мирмуҳсин, Меъмор. Борадиган шаҳрининг**

тайини йўқ. «Муродхон»; 2) ҳолати, натижаси муқим (аниқ) белгили эмас. *Ишингизга тушунолмай турибман, Йигитали ака, топишингизнинг ҳам тайини йўқ.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Тайини йўқ иш! Мен ғузани нобуд қилгани кўймайман!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 3) иши, ваъдасида собитлиги йўқ, бурди йўқ; бетайин. *Йўқ, тайини йўқроқ бола экан, бир куни қарасам, бошқа бир қиз билан ивирсиб юрибди.* У. Назаров, Фурур.

ТАЙИНЛАМОҚ 1 айн. тайин қилмоқ (этномоқ) 1 қ. тайин. *Мажлис вақтини тайинламоқ. Пенсия тайинламоқ.*

2 Таъкидлаб, уқтириб айтмоқ; топшириқ бермоқ. *..уғлига ёмон гапларни тилга олмасликни такрор-такрор тайинларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Волидангиз тайинлаб юбордилар, дарҳол Андижон кўрғонига бориб, белларни тушламоқ керак!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. [Мавлонов:] *-Бу кишининг аҳволидан хабар олиб туриш, — деб қаттиқ тайинлаб кетган эди.* П. Турсун, Ҳақитовчи.

3 Мансабга, вазифа ёки ишга кўймоқ, белгиламоқ. *Ишга тайинламоқ. Директор қилиб тайинламоқ.* ■ [Мусулмонқул:] *Бу мадрасаларга, хизмати билан танилган уламодан мударрислар тайинлар эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *У, боининг уйида кечган воқеалардан хабардор бўлиб туриш учун, Шокир отанинг кампирини тайинлаган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бизга канал бўйича ўтов қилиб, ошпаз тайинлаб беришди.* Ш. Фуломов, Шонли авлод.

ТАЙИНЛИ 1 Муайян, маълум, аниқ, тайин. *Тайинли иш. Тайинли кун.* ■ *Мажлис тайинли бир фикрга келмасдан тарқалди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Тайинли жавоб ололмаган бойвачча кўрғон эшигига бориб, кучи борица итарди.* С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина.

2 Арзирли ва мақбул. *Тайинли иш.* ■ *Нусратулла рўзғорда кўлини совуқ сувга урмайди, ота мулкига тайинли бир наф қўшган эмас.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Орага тушган совуқ вазиятни йўқотиш учун тайинлироқ сўз қидирар, аммо тилим каллимага келмасди.* Ҳ. Хошимов, Хаёлларга бўламан тутқун.

3 Ишонса бўладиган, синашта, бурдли. *Тайинли одам.*

ТАЙИНСИЗ 1 Номатлум, ноаниқ, нотайин. *Иш жойи тайинсиз. Мажлиснинг куни тайинсиз.*

2 Ишониб бўлмайдиган, бурдсиз, бетайин. *Бу гап уни тайинсизроқ одамга ўхшатиб кўрсатарди.* Мирмуҳсин, Умид.

ТАЙЛАМОҚ шв. Ташламоқ. *Ойчинорнинг оёғини мўлжаллаб, Арқонини усталикман [усталик билан] тайлади.* «Ойсулув».

ТАЙМ [ингл. time — вақт] *спрт.* Спорт ўйинида, мас., футболда: ўйин учун ажратилган вақтнинг 45 минутлик икки қисмидан ҳар бири (баскетболда — 20 минут). *Биринчи тайм. Иккинчи тайм.*

ТАЙМ-АУТ [ингл. time out — муайян вақтдан ташқари(да)] Спорт ўйинлари қоидаларига кўра, жамоа, унинг устози ёки айрим ўйинчининг илтимоси билан руҳсат этиладиган қисқа муддатли танаффус.

ТАЙМЕР [ингл. timer < time — вақтни белгиламоқ, тайинламоқ] *тех.* Маълум вақт оралиғи ўтгандан кейин бирор мослама, қурилмани автоматик равишда улайдиган (узадиган, ўчирадиган) ёки шундай вақт келганидан хабар берадиган асбоб.

ТАЙПАНГЛАМОҚ шв. Лўкилламоқ, лапангламоқ. *Қоғоз халта билан бирга белкуракни кўтарганича, тайпанглаб, настликка қараб юриб қолди Маннон. Ж. Абдуллахонов, Туфон. Каримов Норбуви ёнига тайпанглаб келди.* Ҳ. Шамс, Душман.

ТАЙПОҚ шв. Ялпоқ, бироз яссироқ. *Тайпоқ бош.* ■ *Тайпоқ тобоқада исриқ тутатди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *..бир зумда новдаларни бир-бирининг устидан ва остидан ўтказиб, тайпоқ саватча ясади.* Ш. Холмирозев, Қил кўприк.

ТАЙСАЛЛАМОҚ 1 Кўрқинқирамоқ, ҳадиксирамоқ, хуркмоқ, шу ҳолда ўзини орқага олмоқ. *-Сиз томонда анови. Кўчқорлар кўринмадими? — тайсаллаб сўради Сувожон.* С. Анорбоев, Оқсой. *Жонивор [от] бир-икки қамчидан кейин ҳам олдинга жилиш ўрнига орқасига тисарилиб, тайсалларди.* С. Аҳмад, Чўл бургут.

2 Орқага судрамоқ, кечиктирмоқ, галга солмоқ. *..баъзи бировларимиз уч-тўрт йил нима бўларкин, деб якка рўзғор бўлиб тайсаллаб юридик.* Ҳ. Шамшаров, Инсон қалби кўшдан ёруғ. *Даҳо турли-туман важлар айтиб, тайсаллади.* Т. Мурод, Кўшиқ. *Наҳотки, ўзи бажариши керак бўлган ишга*

енг ишмариб киришиш ўрнига тайсалласа?! С. Кароматов, Сўнги бархан.

ТАЙСАЛМОҚ айн. тайсалламоқ 1. Хизматчилар, ранглари қув ўчиб, чет-четга тайсалдилар. Ойбек, Нур қидириб.

ТАЙФИНЛАМОҚ с. т. Такфинламоқ, кафанламоқ.

ТАЙФУН [ингл. typhoon < хит. taifung (тайфын) — кучли шамол ёки а. طوفان — тошқин; сувнинг кўтарилиши] геогр. Жануби-Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқда бўлиб турадиган шиддатли, ниҳоятда кучли шамолли тропик циклонларнинг маҳаллий номи; тўфон. Тайфун кемалар учун хавфли бўлиб, кўпинча ороларда ва материк соҳилида катта вайронгарчилик келтиради. «География».

ТАЙХАР шв. Эшақ, эшакнинг боласи. Ким экан у, онаси тайхар? Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. Кулга ағанаган тайхардай ранги тоза айниб кетибди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

ТАК 1 тақл. с. Чилдирма, ноғора каби нарсаларни чертганда, чўп билан урганда чиқадиган товушни билдиради. Фақат гиж-жакчигина камон тортар, чилдирмачи ҳар замонда бир «так» этиб чертиб қўяр.. С. Аҳмад, Чўл бургути.

2 Ноғоранинг жаранглироқ овоз берадиган тоқаси; қ. тум.

3 унд. с. Отни тўхатиш, тинчлантириш учун ишлатиладиган ундалма. «Так», деди-ю, «чувҳа» деди, жунади. Қоражон ҳам ўз йўлидан қолмади. «Алпомиш». Так, так! Пашша талаятими, ҳозир ҳаммасини жаҳаннамга юборамиз. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАКА 1 1 Эчкининг эркаги; соғлом насл олиш учун танлаб олинadиган зотли эркак эчки. Тоғ такаси тек турса, оч қолади. Мақол. ■ Кенжа аста қўйлар орасидан бориб, қора таканинг оёғидан маҳкам ушлади. Н. Фозилов, Дийдор.

Така бўлсин, сути бўлсин Нима бўлса ҳам, фойдаси, нафи бўлсин. Мунтазирман ҳар қандай буйруғига ер ўпиб, «Така бўлса, сути бўлсин», ийдириб юмшатаман. «Муштум». **Така соқол(ли)** Соқоли таканинг соқолига ўшаш. [Бўри полвон] Кенг ҳам дўнг пешонасини.. чўзиқ жағи, така соқолини силади. Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. -Яхши ухладингми? — деб сўради така соқолли нонуштадан сўнг. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

2 Туркман қабилаларидан бирининг номи. **Така туркман.** ■ ..кўчада юрган кимса борки, ўққа учди, така ёвмит қиличига йўлиқди. С. Сиёев, Аваз.

ТАКА II Бангладеш Халқ Республикасининг пул бирлиги.

ТАКАББУР [а. تكبر — ўзини улуғ тутиш; мағрурлик, манманлик] Ўзини катта олувчи, кеккайган, гердайган; мутакаббир, димоғдор. **Такаббур одам.** ■ Жуда такаббурсан-да, Зумрад. Отдан тушсанг ҳам, эгардан тушмайсан. С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Отасининг давлати, катта оғиз, ҳовлиқма ва такаббур онасининг эркалаши қўшилиб, қизга ортиқча гурур берган.** Ойбек, Танланган асарлар.

ТАКАББУРЛАНМОҚ кам қўлл. Ўзини кибрли тутмоқ; кибрланмоқ. **Такаббурланиш** ақли одамнинг иши эмас.

ТАКАББУРЛИК 1 Мағрурлик, манманлик, такаббуруна ҳолат. **Такаббурлик билан гапирмоқ.** ■ Тешабойнинг такаббурлигини кўриб, Ҳасан сўфи ҳам индамай қўя қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Такаббур одамларга хос хислат, ҳаттиҳаракат, қилиқ. **Ўқитувчига кибру ҳаво ва такаббурлик асло ярашмайди, чунки ёш авлод ундан ибрат олади.** Р. Усмонов, Одобнома.

ТАКАББУРОНА Такаббурлик билан, кибрланиб. **Уни такаббуруна қараш билан кузатиб турган Абдималик:** -Тинчликми, оғайни? — дея ҳол сўрай бошлади. Ш. Фуломов, Вўз ер уйғонди.

ТАКАЛЛУМ [а. تكلم — сўзлаш, сўзлашиш, суҳбат] кт. Суҳбат, гаплашиш; сўзлаш. **Ҳамза энди мўйлаби сабз урган.. хаёлчан, такаллуми ифодали, мантиқли.. ўз сўзли йигит бўлиб етилган эди.** К. Яшин, Ҳамза. **Тўлғонининг такаллумини бир эшитиб, Амажон оғасига ҳорма айтиб келади..** С. Сиёев, Аваз.

Такаллум қилмоқ Сўзламоқ, гапирмоқ; суҳбатлашмоқ. **У ерда дўстликни улуғлаб инсон, Такаллум қилади қумри мисоли.** А. Орипов, Юртим шамоли.

ТАКАЛУФ [а. تكافت — сунъийлик, соҳталиқ; серҳашамлик, жимжимадорлик; ийманиш, тортиниш] Хурмат-эхтиром ва эъзоз-икром билан қилинган муомала, мулозамат. **Такалуф билан қарши олмақ.** ■ Мен сизнинг кўрпачангизда кўп ўлтирганман, энди менга ортиқча такалуфнингизнинг ҳожати

йўқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қиз ортиқ такаллуф кутиб туролмади, тўғри эшикни очиб, ичкарига кирди, ўзини Пулатжонга қараб отди. Ойдин, Асл ёр.*

Такаллуф қилмоқ (ёки кўрсатмоқ) Хурмат-эҳтиром билан муомалалада бўлмоқ. *Нусратбек.. янги ҳамроҳига ибрат бўлар деган мақсадда жувонга такаллуф қилди: - Чой дамлаб келайми, чанқагандирсиз? С. Нуров, Нарвон. Хола меҳмонларга такаллуф кўрсатиб, орасида Миробидни ҳам чақиб оларди. В. Ғофуров, Вафодор.*

ТАКАЛЛУФЛИ Такаллуфни ўрнига кўювчи, сертакаллуф; такаллуф ифодаловчи. *Такаллуфли мезбон. ■ Нигора кўрққанидан такаллуфли жилмайди: - Қоплон, Қоплон, ахир биз сен билан танишмиз-ку! С. Анорбоев, Оқсой.*

ТАКАЛЛУФОТ эск. кт. Такаллуф; такаллуфлар. *Нозик муомала.. ва такаллуфотлар пардаси остида.. хиёнатлар сезди. Ойбек, Навоий.*

ТАКАЛЛУФСИЗ Тортинмасдан, такаллуф кутмасдан; бетакаллуф. *Мақсад: мундан кейин ҳам менга кечаги Анвар каби такаллуфсиз муомалалада бўлишларингиз ва хурматлар билан мени ранжитмасликларингиздир. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Дустмат такаллуфсиз, ортиқ қистатмай, ичкари кирди. Х. Шамс, Душман.*

ТАКАЛЛУФСИЗЛИК Такаллуфсиз қилинган иш, ҳаракат, муомала; иш, муомаладаги шундай ифода. *-Хўжайин, - одатдагича такаллуфсизлик билан деди у, - бу кун бир талай иш қилдик. Қайнатангизни кидан келган йигит жуда яхши ишлади. Ойбек, Танланган асарлар. Қизимнинг боқишида, гап оҳангида жиндай такаллуфсизлик сезилиб турарди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

ТАКА-ПУКА Чўчиш, кўрқиш, ваҳимага тушиш ҳолатли; безовта. *Бироздан сўнг Шоқосим отларни тўхтатиб Йўлчига қичқирди: - Тушунтир мундоқ, ўзи нима гап.. кўзларинг така-пука. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳамманинг юраги така-пука - нафас чиқармай, тўнғизларнинг ўтиб кетишини кутишарди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

Така-пука бўлмоқ Ваҳимага тушмоқ, безовталанмоқ. *Бу ерда хоннинг беҳисоб қўшинини кўриб, юраги така-пука бўлиб кетди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Шу боис ҳаракатлари ноқўлай, ясама, ичи така-пука эди.*

«Шарқ юлдузи». *Ҳафизанинг кўрқиб, така-пука бўлаётганини Шоқосим сезиб турарди. Мирмуҳсин, Умид.*

ТАКАСАЛТАНГ Ҳеч нарсанинг ғам-ташвишини қилмайдиган, ишёқмас, бекорчи. *Бир мақсади йўқ, мужмалу мижғов такасалтанг, Иш бўлса чўчиб, кўрқади ялқов такасалтанг. Ҳабибий. Узига ўшаи бир-икки такасалтанг билан уззукун боғида ётиб.. ё тагин аллақаяқларда судралишиб, вақт ўтказарди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.*

ТАКАСАЛТАНГЛИК Такасалтанг(лар)-га хос юриш-туриш, ҳолат. *Такасалтанглик жонига тегмоқ. ■ ..уддабурон бир йигит келди, уни ўзимиз сайлаб, ўзимиз кўтариб қўйибмиз-у, тагин ўша-ўша такасалтанглик қилиб юрибмиз. О. Ёқубов, Ларза.*

ТАКАСОҚОЛ 1 айн. эчкисоқол (яна қ. така).

2 бот. Сигирқўйруқдошлар оиласига мансуб, кенг тарқалган кўп йиллик бегона ўт.

ТАКА-ТАКА: така-така қилмоқ Ағдартўнтар, алғов-далғов қилмоқ, шу тарзда тинчликни бузмоқ. *Тоғларни така-така қилиб юрган унинг [Абдукарим темирчининг] божаси бўлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Мақсуд Низомов акасига орқа қилиб.. ҳамма ёқни така-така қилиб юрибди. «Муштум».*

ТАКА-ТУМ тақл. с. Ноғора товушини билдиради. *Том бошида карнайлар наъра тортиб, ноғоралар така-тумга олиб, бойнинг «шухратини» бутун шаҳарга ёймоқда эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

ТАКБАС [a. تگبىس — бир ерга зич қилиб босиш, сиқиш; зичлаш]: **такбас қилмоқ** Сархонага тамаки солмоқ, тамаки босмоқ, шундай қилиб чекмоқ. *Хўрандаларнинг ичида такага янги келган косиббаччалар ҳам бор эди. Булар солма ош қилиб, бир чилим, ярим чилим такбас қилиб кетувчи ёш-яланлар эди. Ф. Фулом, Шум бола.*

ТАКБИР [a. تكبير — кенгайтириш, кучайтириш; улуғлаш, мақташ; худони улуғлаб, «Аллоҳу акбар» иборасини айтиш] **дин.** Аллоҳни улуғлаш билан боғлиқ ибора («Аллоҳу акбар» — Аллоҳ буюқдир)ни таллаффуз этиш, тилга олиш. *Ҳатиб домла.. оқ бўйра устидаги тобут ёнига боради ва салласининг нешини тушириб, такбир учун қўл кўтаради. А. Қодирий, Обид кетмон. Самад бўқоқ индамай, четга бурилиб кетди. Шукур сўфи шом намози учун такбир*

тушира бошлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАКИЛЛАМОҚ «Так», «так» овоз чиқармоқ. *Оёқдан зах ўтиб, тиш такиллай бошлади.* Т. Алимов, Хиргойи. *Деворсоат қолган умрини ўлчаётган сингари бир аллозда такиллайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТАКИР-ТУКУР тақл. с. «Так», «туқ» ва шунга яқин кетма-кет чиқадиغان товушларни билдиради. *Майна уйда ёлғиз ўтириб, уй томини чертаётган ёмғирнинг такир-тукуруни тингларди.* Ш. Тошматов, Эрк қуш.

Такир-тукур қилмоқ Такир-тукур товуш чиқармоқ. *Қулоғига тунука томнинг такир-тукур қила бошлагани эшитилди.* Газетадан.

ТАККОН шв. Табиб. *Қимиз дори, деган неча такконлар, Чайиб бергин сава билан кўнакни.* «Алпомиш».

ТАКЛИФ [а. تَكْلِيْف — буйруқ, топшириқ, вазифа; қилиш; бурч, мажбурият] 1 Муҳокама қилиш, амалга ошириш ёки қабул қилиш учун тақдим этилган фикр, масала, маслаҳат ва ш. к. *Таклиф киритмоқ. Кўпчиликнинг таклифи билан қарор қабул қилмоқ. ■ Лавлихон колхозга раис бўлсин, деган таклиф овозга қўйилганда, ҳамма бир қўлини кўтарса, Бодом хола икки қўлини баб-баравар кўтарди.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. *Менинг таклифим шуки.. Мирзаевга ўхшаганларга институтда ўрин йўқ.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол. *Таклифи ўринсиз чиққанини сездим.. гапни кулгига бурди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ташриф буюриш, қадам ранжида қилиш ва ш.к. ҳақидаги илтимос, сўз, чақириқ. *Таклиф билети. ■ -Раҳмат, Олимхон ака, Мен уйга борай, — Ҳакимбойвачча таклифни оддий манзират деб билгани учун кетмоқчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аъзам таклифни кутиб турмай, бўш яшиқ устига ўтирди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Таклиф қилмоқ (ёки этмоқ) Таклиф билдирмоқ, таклифини айтмоқ. *..Меъморни кўриши билан дарҳол ўнг қўли кўксига, салом бериб, ичкарига таклиф этди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Кейинчалик Санобарни ўша автобус шофёри устидан бўладиган судга таклиф қилишди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Устод Қавом нон ушатиб.. дастурхондаги ширинликлардан олишга таклиф қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 иқт. Муайян вақтда ва муайян нархлар билан бозорга чиқарилган ва чиқарилиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдорини ифодаловчи тушунча.

ТАКЛИФНОМА [таклиф + нома] Мажлис, тўй ва ш. к. га таклиф этиб ёзилган хат; таклиф, чақирув қоғози. *Йиғилиш қатнашчиларига таклифнома юбормоқ. ■ Тўйга одамларни хат орқали чақиртирмоқчи бўлиб, таклифномалар ёздирди.* «Латифалар».

ТАКОМИЛ [а. تَكْمِيْل — камолга етиш; мукамаллик; бир бутун бўлиб бирлашиш] 1 Ривожланиш, камол топиш. *Тадрижий такомил. ■ Шоир [Ҳамид Олимжон] ижодий такомилнинг ўзига хос даврлари бор.* Газетадан.

2 Мукамал, камолга етган ҳолат; камолот, етуқлик. *Ҳа, Нигора бекам-кўст гўзал. У табиат гўзаллигининг такомили, инсон латофатининг айни мужассами эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Такомил топмоқ Камолга етмоқ. *Сен она! Сен битмас ҳаёт булоғи. Ҳаётни яратган муҳтарам омил. Улуғ келажакнинг ёш ниҳоллари Сендан тармоқ ёзиб, тонар такомил.* Зулфия.

ТАКОМИЛЛАШМОҚ Камол топмоқ, мукамаллашмоқ. [Даминжон:] *Ҳа, бўлмасамчи! Машина деган доим ўзгариб, такомиллашиб туради.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

ТАКРОР [а. تَكَرَّر — қайтариқ, такрорлаш] 1 айн. **қайтариқ** 1. *Матндаги такрорлар. ■ Кимдир «такрор бўлмасин!» деб қичқирди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Айрим ҳолларда ана шундай такрорнинг бири ҳеч қандай функцияни бажармайди, натижада бундай плеоназм тавтологияга тенг бўлади.* «УТА». *Бироқ Абдурахмон Шум боланинг янги шароитдаги қайтариғи ва такрори эмас, у янги қаҳрамон.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Иккинчи ёки кўп марта; қайта, қайта-қайта. *Такрор айтмоқ. Такрор огоҳлантирмоқ. ■ Лоақал сиёсат юзасидан бир нима жаримага тортилсалар, истиқболда бу каби ғалаёнлар такрор бош кўтармагай.* Ойбек, Навоний. *Чол такрор сўрагач, у жавоб берди: -Тошкентда иш топсам, балки қоларман.* Ойбек, Танланган асарлар.

Такрор бўлмоқ Такрорланмоқ, қайтарилмоқ. *Ҳар баҳор ҳам шу булар такрор, Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.* Ҳ. Олимжон, Ҳ. Урик

гуллаганда. **Такрор қилмоқ** Такрорламоқ, қайтармоқ. *У, сўзларини билмаса ҳам, овозининг борича, бутун юраги, севинч ва қувончини бағишлаб, ёқимли оҳангни такрор қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 тлш. айн. такрорий сўз қ. такрорий.

ТАКРОРАН *рвш.* Иккинчи ёки кўп марта; такрор ҳолда, яна, қайтадан. *-Душман вақтинча тантана қилмоқда, — деди такроран Чернецов. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ТАКРОРИЙ Такрор қилинадиган, такрор бажариладиган, такрор ҳолдаги. *Такрорий кўрт боқши. Такрорий экиш. — Меммор хотини ва қизининг бир неча бор такрорий уқтиришлари натижасида уч соябон арава, олти отни кирага олиб.* Мирмуҳсин, Меммор.

Такрорий сўз тлш. Сўзнинг кўплик, давомлилик каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилувчи такрор шакли. *Мас., катта-катта (дарактлар) ёш-ёш (болалар) ҳўнг-ҳўнг (ийгламоқ) ва б.*

ТАКРОРЛАМОҚ Иккинчи ёки кўп марта такрор қилмоқ, қайтармоқ. *Яна бир такрорланг, фақир радифини уқиб олмоқчиман.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Юсуфбек ҳўжси, то Эскижўвага етгунча, ўзининг юқоридаги сўзини кўй, гузар халқига такрорлаб келмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАКСА I [*нем.* Taxe — эълон қилиш, баҳолаш < *лот.* taxare — баҳоломақ, баҳо, нарх қўймоқ] Давлат ёки ўз-ўзини бошқариш органи томонидан аниқ белгиланган товар баҳоси ёки меҳнат ва кўрсатилган хизмат ҳақи миқдори.

Такса бичмоқ (ёки қўймоқ) Қатъий баҳо, нарх белгилаб қўймоқ. *Шаҳар шўроси бутун хусусий уйларнинг ижара ҳақига такса бичиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ТАКСА II [*нем.* Dachshund] Танаси узун, оёқлари калта ва қийшиқ бўлган, инда яшовчи жониворларни овлашга мослашган ов ити.

ТАКСИ [*фр.* taxi] Киракаш енгил автомобиль ёки юк автомобили. *Енгил такси. Юк ташувчи такси. Уйга таксида қайтмоқ. — Бино ёнига такси келиб тўхтади, ичидан Ирода тушди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАКСИЧИ Такси ҳайдовчиси, шофёр. *-Қаёққа, биродар? — шопмўйлов таксичи машинанинг қия деразачасидан мўралади.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол.

ТАКСОМЕТР [такса I + *юн.* metreo — ўлчайман] Такси автомобилнинг қанча йўл босанлигини ва қанча ҳақ тўлаш кераклигини кўрсатувчи ҳисоблагич.

ТАКСОМОТОР *айн. такси. Таксомотор парки.*

ТАКСОНОМИЯ [*юн.* taxis — тартиб билан жойлашиш + *посос* + қонун] Бутун борлиқнинг мураккаб, одатда, иерархик тузилмали соҳаларини (жонли табиат, Ернинг тузилиши; география, геология, тилшунослик, этнография ва ш.к. нинг объектларини) таснифлаш ва тартибга солиш назарияси, шу ҳақдаги фан.

ТАКСОФОН [такса + *юн.* phone — товуш] Ичига танга, жетон ташлаш билан ёки магнитли карта киритиш орқали ишлайдиган (гаплашиш мумкин бўлган) телефон аппарати.

ТАКТ [*нем.* Takt < *лот.* tactus — сал тегиши; сезиш, ушлаб кўриб ҳис қилиш] I Мусиқа вазн бирлиги: мусиқа асарининг баравар вақт давом этадиган ҳар бир бўлаги. *-Ҳовлидаги бир туп атирсул ҳам шу қўшиқнинг тактига тушиб, аста тебранмоқда.* — деди қиз. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда.

2 тех. Бирор механизм иш циклининг бир бўлаги.

3 тлш. Нутқнинг бўғиндан катта (бир неча бўғиндан иборат), фразадан кичик бўлган фонетик бирлиги.

ТАКТАК Арпанинг бир тури; тоғарпа. *Ойша хола ҳам тандирга янтоқ, тактак унидан нон ёпишга уринаётганини ўйлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

ТАКТИК Тактикани яхши биладиган, тактикага моҳир.

ТАКТИК Тактикага оид, тактика принципларига ва қоидаларига мос; тактикага асосланган, тактикадан келиб чиқадиган. *Тактик қоида. Тактик разведка. — Тактик жанглар, машғулотлар тугагач, курсантлар фронтга жўнади.* А. Раҳмат, Фронт йўлларида. *Гуревнинг бу тактик усули ҳам Шералига ёқмади.* С. Кароматов, Олтин кун.

ТАКТИКА [*юн.* taktike — қўшин тузиш, сафлаш маҳорати] I Ҳарбий санъатнинг жангга тайёргарлик кўриш ва жанг олиб бориш назарияси ва амалиётини ўз ичига олган таркибий қисми. *Дастлабки уринишлари беҳуда кетган немислар тактикани ўз-*

гартирдилар. Н. Сафаров, Оловли излар. *..алоҳида ўқчи батальон.. армия қисмларининг тажрибаларини, душман тактикасини ўрганиб, жангларга ҳозир бўлиб туриши керак.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кўзланган мақсадга эришмоқ учун олиб бориладиган курашнинг муайян шароитга мос йўл ва воситалари, шакл ва усуллари. *Тактика билан иш олиб бориш, меҳнаткаш халққа таяниб.. улардан кўнгулли дружиначилар сафига тортиш керак.* Ҳ. Нўмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ТАКФИН [а. تَكْفِين — кафанлаш, кафанга ўраш] Мурдани кафанлаш, кафанга ўраш. *Кечас билан такфин чораларини кўриб.. ул жанобни дафн қилинди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ТАКФИНЛАМОҚ Мурдани кафанламоқ, кафанлаб тобутга солмоқ.

ТАКЯ I [а. تَكْيَة — бошпана, тураржой, макон; мусофирхона; етимхона; суянчиқ] шв. Ёстиқ, болиш; суянчиқ.

Такя қилмоқ Суянмоқ, таянмоқ. *Унинг [Азизбекнинг] қаторидаги иккинчи киши бошига катта салла ўраб, қамчи сопи билан эгарнинг қошига такя қилган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Икки тирсагини тиззаларига қўйиб, қўлларини энгагига такя қилди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ТАКЯ II [а. تَكْيَة — тураржой, макон, манзил] **I** Одамлар тўпланиб улфатчилик қиладиган жой. *Такяда ўтириб, энди битта чой ичиб бўлган эдим, қотмагина бир йигит келиб: -Қурбон ота сиз буласизми? — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 тар. Банги ва кўкнорилар тўпланадиган жой; кўкнорихона. *Ун йил ичиде у [Мамарайим] кирмаган кўча қолмади. Наякинни ўрганди, қорадори еди, такяларга кириб, кўкнори ичди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАКЯГОҲ [а. تَكْيَة گاه] **1** айн. такя II, **такя-хона 2.**

2 эск. кт. Суянчиқ, мададкор, ҳомий. *Бу мажбуриятни ўзимга эътиқод қилганимдан эмас, балки сизнингдек оталарим, оғаларимга такягоҳ деб ишонганимдандир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Баъзилар эса неча такягоҳларига суянади, онасини, отасини, ҳатто бобокалонларини ишга салади.* Н. Ёқубов, Жон.

ТАКЯХОНА [такя + хона] **1 тар.** Мусулмон мамлакатларида бой одамлар томони-

дан қурилган, мусофир, камбағал, уйсиз кишиларга вақтинча ётоқ, бошпана сифатида бепул хизмат кўрсатадиган меҳмонхона.

2 айн. такя II.

3 дин. Шиа йўналишига мансуб мусулмонлар ибодатхонаси, масжиди.

ТАЛАБ [а. تَلَب — излаш, қидириш; сўраш, исташ; хоҳиш] **I** Қатъият билан қилинган сўров, илтимос. *Лекин нима қилсин, раҳбарнинг буйруғи, талаби.* Ҳ. Шамс, Душман. *Замира кўпчиликнинг талаби билан ўрнидан турар экан, қизил атлас кўйлагининг ранги юзига ургандай, қип-қизариб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 Бажарилиши, бўлиши шарт ва тақозо этиладиган нарса (нарсалар). *Олий ўқув юртига кириш талаблари. Стандарт талабларига жавоб бермоқ.* ■ *Бироқ жаннинг энг масъулиятли найтида устав талабини бажариш имкони бўлмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мантиқ талаби шу эрур, шоҳим.* С. Сиев, Ёруғлик.

3 Эҳтиёж, истак. *Унинг талаби катта. Маданий молларга талаб кучаймоқда.* ■ *Ҳозирча у бу ҳужжат билан мамлакат талабини қондиришга — маориф фронтига боради..* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 иқт. Харидор, истеъмолчининг бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги. *Муайян товарга ёки товарлар тўпламига барча харидорлар билдирган талаб йиғиндиси бозор талаби дейилади.* «ЎЗМЭ».

5 с.т. Талабгор, хоҳловчи. *Талаб борми? У билан курашишга талаб чиқмади.* ■ *Қилич келиб ялаб-ялаб, Икки ёв урушга талаб.* «Ширин билан Шакар».

6 сфт. Отларга бирикиб, ўша отдан англашилган нарсани истайдиган, унга муҳтож, талабгор маъносини билдиради (Бундай бирикмаларнинг аксарияти қўшма сўзга айланган). *Сув талаб экинлар. Изоҳ талаб ибора. Чопиқ талаб гўзалар.* ■ *Ўқтамнинг қовжироқ лаблари чойталаб эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Чунончи, Алпомиш, Манас — умр буйи тирноқ кўрмай, фарзанд талаб бўлиб юрган чол ва кампирнинг ўғиллари.* Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.

Талаб қилмоқ (ёки этмоқ) 1) қатъий тарзда хоҳиш-истак, талаб билдирмоқ; сўрамоқ. *..кекирикка ҳам пора талаб қиладиган нафси наҳангларнинг куни битди.* «Муштум». *..Замиранинг қотилларига ўлим жазоси бе-*

рилишини талаб қиламан! С. Зуннунова, Гулхан: 2) тақозо этмоқ, шарт қилиб қўймоқ. Шайбонийхон бугун қўлламоқчи бўлган усул яшин тезлигида ҳаракатлинини талаб қилади. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Халқ ҳаётини ғоятда теран тасвирлай билиш муаллифдан катта истевдод талаб этади.* Газетадан; 3) шв. талабгар бўлмоқ, истамоқ, Суянган фарзандим, сен Ёдгоржоним, Болам, талаб қилма Аймоқ юртига. «Ёдгор».

ТАЛАБА [а. طلب — сўровчилар, талаб қилувчилар; ўқувчилар] Олий ёки ўрта махсус ўқув юрти ўқувчиси. *Мадраса талабалари «оғло», «авсат» ва «адно» номи билан уч гуруҳга бўлинган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Йигиталининг ҳамхонаси — ҳозир институт талабаси.. Ғолибжон уйга бориб келаман, деётгандай бўлувди.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Билим юрти талабаларининг ҳаёти ҳар томонлама сермазмун ўтмоқда.* Газетадан.

ТАЛАБГОР [а. + ф. طلبگار] 1 Талаб қилувчи; истовчи, хоҳловчи. *Баковул даврага чорлади: -Насим полвонга талабгор бўлса — чиқсин!* Т. Мурод, Қўшиқ. *Талабгорлар кўп, ammo сизга ўхшаган катта олимлар иштирок этишини тайинлашган эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Келиб ҳар шаҳру қишлоқдан талабгор, Олулар қанча бўлса илм даркор.* Ҳабибий.

2 эск. айн. даъвогар 2.

ТАЛАБНОМА [талаб + нома] Бирор нарсани талаб қилиб ёзилган хат, ҳужжат. *Талабнома ёзмоқ. Талабнома билан мол олмақ.* ■ *Участкалардан келиб турган талаблар, докладномалар.. янги-янги чизмалар сўралган талабномаларнинг саноғи бўлмайдиган баъзан.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Қўлига қўшимча зарур материаллар ёзилган талабномани тутқаздим.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ТАЛАБЧАН 1 Бажариш, амалга оширишни қатъий туриб талаб қилувчи, бу йўлда оғишмайдиган. *У деканнинг иш юзасидан ҳар қандай яқинликни йиғиштириб қўйишини, талабчан, қаттиққўллигини, ҳеч кимни аяб ўтирмаслигини яхши биларди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Ўртоқ Раҳимжонов ўз касбига муҳаббат билан қарайдиган, масъулиятни ҳис қиладиган, талабчан агрономдир.* Газетадан.

2 Юксак талаблар қўювчи, юқори даражани кўзлаб фаолият кўрсатишни талаб

қилувчи. *Расмининг тагига: «Ўжар шоғирдан талабчан устозга» деб ёзилган.* «Гулдаста». *Талабчан, меҳнаткаш шоир Ҳамид Олимжон қисқа умри ичида жуда катта маданий мерос қолдирди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Талаб жиҳатдан ва баҳолаш савияси юқори. *Талабчан китобхонлар.* ■ *«Бир йилнинг тўққиз кунини» фильми талабчан томошабинларимизнинг юксак дидига мосдир.* Газетадан. *Ҳа, йилдан йилга иш салмоғи ортиб борапти, одамлар эса талабчан бўлиб кетишапти.* «Муштур».

4 кўчма Кўп талаб қиладиган. *Бодринг — иссиқсевар, ёруғсевар ва намга талабчан ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

ТАЛАБЧАНЛИК Талабчан бўлиш, талабни бўшаштирмай иш тутиш. *Талабчанлик йўқлигидан бир йил мобайнида атиги учтагина мактаб текширилган эди.* Газетадан. *Ўз-ўзига қаттиқ талабчанлик билан уй-ғуналиши кетган камтарлик одамнинг олийжаноб характеридан туғилади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ТАЛАЙ Анча, кўп, кўпгина. *Шу кўйи бошига тушган кулфатларни бир чеккадан айтишга чоғланди-ю, ташқаридан талай одамлар ўзларига боқиб туришганини кўрди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Домла талай вақтгача ухлай олмади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

Бир талай Жуда кўп. *Олма, ўрик, олча-лар Тўккан гуларин, Мевалари бир талай, Эгган буйларин.* З. Диёр. *Эртаси кунига мезбонлар бир талай меҳмон чақиритишган эди.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

ТАЛАМОҚ 1 Зўрлик билан ёпирилиб тортиб олмақ, олиб қўймоқ. *Қўқонни талаб, бизнинг устимизга қўшин тортиб келаётган.. Султон Аҳмад мирзо эса бизнинг подшоимиз билан бир отадан бўлган оға-инилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Талашиб-тортишиб харид қилмоқ. *Янги китобни бирнасда талаб кетишди.*

3 Кўп бўлиб, биргалашиб ташланмоқ, ёпишмоқ. *Арилар таламоқ.* ■ *Болалар бараварига Раҳимни талай бошлашди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

4 Киши ёки нарсага давомли (такрор-такрор) ҳужум қилмоқ, шу тарзда юлиб-юлқимоқ. *Ҳува анави ялангликка қаранглар!.. Унда одамзод суяги ётибди. Бечорани қашқир талаган бўлса керак.* Мирмуҳсин, Меъмор.

5 кўча с. т. Каттиқ уришиб бермоқ, юлиб-юлқиб ёпишмоқ. Кичкина бир қизчадан дакки еган аёл Эргашойни талаб берди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

6 кўча с. т. Таталамоқ, тирнамоқ, ғаш қилмоқ. [Алишернин] Кўнглини шубҳа, ғазаб, пушаймон ҳислари талар эди. М. Осим, Зулмат ичра нур.

Ичини ит (ёки ари) таламоқ Ўта бетинч бўлмоқ, безовталанмоқ. Ҳамма ўз иши билан банд. Биргина Низомжоннинггина ичини ари талапти. С. Аҳмад, Уфқ.

ТАЛАНТ [юн. talanton — тарози; пул-ҳисоб бирлиги] 1 Юқори даражали туғма қобилият; истеъод. Бировларга суйкалиб эмас.. ўз меҳнати, таланти билан обрў олиши керак. Мирмуҳсин, Умид. Ноёб талант эгаси бўлган Юсуфжон қизиқ ўз халқининг азиз фарзандларидан биридир. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Юксак қобилиятга, катта истеъодга эга бўлган шахс. Бизда яхши талантлар жуда кўп. ■ Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби туғма талантлардан ҳар қанча ўргансанг арзийди. М. Жўра, Ноширнома.

3 Юнонистон ва б. айрим қадимги давлатларда огирлик ва пул ўлчови бирлиги. Қадимги Римдаги кумуш ёмбилар бир талант огирлигида чиқарилган. «Фан ва турмуш».

ТАЛАНТЛИ Юқори даражали қобилиятга, талантга эга бўлган; истеъодли. Талантли бола. Талантли созанда. ■ Ичи қора, ҳасадеғуй киши ақлли ва талантли кишилардан ўрғаниш ўрнига, уларга бахиллик қилади. Р. Усмонов, Одобнома. Халқ ўзининг талантли фарзанди Ҳамид Олимжонга ҳайкал қўйяпти. Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАЛАНТСИЗ Таланти йўқ; истеъодсиз.

ТАЛА-ТАЛА Ҳамма ёқдан тортқилаб талаш, ўзлаштириш; талон-торож, торт-торт. Тала-тала бўлмоқ. Тала-тала қилмоқ.

ТАЛАТИН, талитин шв. Чармнинг қалин бир тури. Шу тобда бошида қора чўғирма, эғнида узун ипак тўн, оёғига талитиндан маҳси кийган Аваз ўрнидан туриб.. шеър ўқий бошлади. Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАЛАТЎП Ур-йиқит, сур-сур ва ш.к. бесаранжом, нотинч ҳолат; тўс-тўполон. Ун минг уйли Кўнғирот талатўп бўлиб, Кашал элига, Қалмоқ юртига.. кўча бошлади. «Ал-помиш». Содиқжон бойваччанинг ҳовлиси

бирпасда талатўп бўлиб қолди. Зубайда ерда ётарди.. К. Яшин, Ҳамза.

ТАЛА-ТЎПОЛОН Шов-шув, шовқин-суронли ҳолат. ..уларни қишлоқ чегарасига-ча тала-тўполон билан кузатишди, кейин ҳалиги ашулани айтиб, қишлоққа қайтишди. Ҳ. Шамс, Душман. Раис кўнғироқ чала бериб, тала-тўполонни сал босди-да, иккинчи жиноятчига — Азмиддинга ўтди. Ҳ. Фулом, Машғал.

ТАЛАФ [а. تلف — зарар, зиён; бузилиш, шикастланиш; ҳалокат; йўқотиш] Йўқ бўлиш, ҳалок, нобуд бўлиш. Арзимаган сабаблар билан талаф бўлган жонларни ҳамиша кўз олдинда тут! А. Қодирий, Утган кунлар.

ТАЛАФОТ [а. تلفات — талаф] с. кўпл.] 1 Урушда берилган қурбонлар; йўқотишлар. Душман катта талафот кўриб, чекинишга мажбур бўлди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. ..жангда энг катта талафот ниёдалар орасида бўлур, буни билурсенми? П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Йўқотиш, ажраб қолиш; зарар. Ер силкиниши ҳозир ҳам жуда катта талафотларга сабаб бўлмоқда. Газетадан.

ТАЛАФФУЗ [а. تلفظ — сўзлаш, айтиш] Товуш ёки сўзнинг айтилиши, айтилиш хусусияти. Унли товушларнинг талаффузи. Сўзни тўғри талаффуз қилиш. ■ «Олин-олин» эмас, «олинг-олинг» — «берите, кушайте» деган сўз, — деди Элмурод. —Ҳа, талаффузи қийин экан. Майли, ўрганиш мумкин. Ишқилиб, менга ўзбекча ўргатасиз, — деди Михайлов. П. Турсун, Ўқитувчи. Киши исмлари имлосига хос бўлган яна бир хусусият шундаки, баъзи сўзлар исмга кўчгач, сўзнинг талаффузида ҳам айрим ўзгаришлар юз беради. Э. Бегматов, Киши исмлари имлоси.

ТАЛАШ 1 Таламоқ фл. ҳар. н. Босқинчилар шаҳару қишлоқларни талаш билан қаноатланмай, кўҳл қизларни чўриликка олиб кетишар эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Бу кун — бозор кун, Хўжайлидан чиққан бозорчиларни талаш учун йўлтўсарлар шайланиб келаётган бўлсалар керак. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Бирор нарсани қўлга киритиш йўлидаги зиддиятли олишув, жанг. Ўзаро тожтахт талашлари Абдулатифни ёвуз инсонга, атасининг қотилига айлантиради. Мирмуҳсин, Меъмор. Жанг боради олисда, Ер та-

лаш, осмон талаш. «Шарқ юлдузи». Қутлуғ Нигор хоним.. ўғлининг бу талашларга, адоватларга аралашмасдан, ўз мулкида осойишта ҳукм суришини истарди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Ўзиники қилиш учун ёпишиш, тиришиш ҳаракати (кам, етишмаётган нарсаларга нисбатан). Вагонда жойлар талаш. Чувурчувур. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Бутун бошлиқ колхозда битта универсал талаш. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Жанжал, низо. Ўзаро талашлар, фитналар, фасод — Меҳнатни, савдони, қўшиқни эзди. М. Шайхзода. Ушбу дорга осилгувчи бетавфиқ, Авбошларга, осийларга бўлиб бош, Халқ ичига солди нифоқ ва талаш. И. Султон, Номаялум киши.

5 Тортишув; баҳс, мунозара. Яна ўртада хомушлик ҳукм суриб, Ҳасанали ишни тузуроқ очиб ва ё шу куйи қолдириб кета бериш талашиди эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Қай хунарни танлашга Болалар қотди боши. Ҳаммасини ўргансак, — Қайнар фикр талаш. Қ. Муҳаммадий. Куни билан унинг бошида фикрлар талаш авжга минди. Мирмуҳсин, Чиниқиш.

Тонг талаш Тонг отиш. Тонг талаш пайт.. ой ётоғига отланаётган.. палла. Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

ТАЛАШМОҚ I Таламоқ фл. бир. н. Шайбонийхоннинг қуюндай отлиқлари уларнинг.. кўчларини талашди, кўпларини аёвсиз ўлдиришиди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ўзиники қилиш учун тиришиб ёпишмоқ, айтишмоқ, олишмоқ. Жой талашмоқ. ■ Талашиб, тортишиб, кўпроқ олган бир аёл ўз насибасидан Бувинисонинг косасига озгина солиб берди. П. Турсун, Ўқитувчи. Йигит, бошлиқ билан тул талашиб, айтишиб қолгани эсига тушиб, яна зардаси қайнади. М. Мансуров, Ёмби.

3 Даъволашиб уриш-жанжал қилмоқ, низолашмоқ, урушмоқ. Тахт талашмоқ. ■ Нега подшолар урушади? — Ер-сув талашиб урушади! П. Турсун, Ўқитувчи. ..қайнсинглисининг уй-жойини талашиб нима қиларди? — Буниси ўзига аён. Газетадан.

4 Баҳслашмоқ, тортишмоқ. Деворга орақасини бериб, ёнма-ён турган ўрта ёшдаги икки аёл нима ҳақидадир талашмоқда эдилар. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. Баҳслаша-

дилар, ҳар ким ўз ёнидаги билан талашади. А. Қодирӣ, Улоқда.

Бир қориндан талашиб тушган қ. қорин 7. Буй талашмоқ Буйи бараварлашмоқ. Эртаиндин маккажўхорингиз узингиз билан буй талашиб қолади. С. Кароматов, Ҳаёт қандай яхши. Йўл ёқасида буй талашиб ўсган тераклар чўл шамолида оҳиста шовуллайтиди. «Ўзбекистон кўриқлари». Гап талашмоқ Ўзиникини маъқуллаб гап айтишмоқ. Икки қизча мактабдан келаётиб, гап талашиб қолишиди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. Жон талашмоқ 1) жон олиб, жон бермоқ; қаттиқ курашмоқ. Олисда қонли уруш бормоқда, шаҳарлар ёнмоқда, одамлар ёвуз душман билан жон талашмоқда эдилар. С. Аҳмад, Уфқ; 2) ўлим олди талвасасида бўлмоқ. Қон талашмоқ 1) тўқ қизил, кўкиш қизил рангга кирмоқ. У қон талашиб турган чўл уфқига сокин термилганча.. ётаверди. С. Сиёев, Аваз; 2) бирор зарб таъсирида кўкиш рангга қон тўпланмоқ (киши танаси ёки унинг бирор аъзосида) ёки қонга тўлмоқ. Қон талашган кўзлар. ■ ..қон талашган юзлари тирсиллаб ёрилиб кетгудай. «Муштум».

ТАЛАШ-ТОРТИШ Қаттиқ баҳс, мунозара, тортишув. Кўп талаш-тортишдан сўнг, у йигирма процентдан эмас, ўн уч процентдан беришга рози бўлди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ТАЛАШУВ I Талашмоқ фл. ҳар. н. Талашувнинг ҳожати йўқ.

2 Жанжал, тортишув. Олимхоннинг «фазилатлари» саноқсиз: у, эллиқбоши бўлгани учун, ҳамма тўйи, маъракаларга бурнини тикади, маҳалланинг одамлари орасида юз берган ҳар хил жанжал ва талашувларга боши билан кириб кетади. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАЛБИС [a. تلبیس — кийинтириш; қоплама, тўшамма; ҳийла, макр, ёлғон] эск. кт. 1 Сохта, қалбаки, ёлғон. Талбис васиқа.

2 Айёрлик; ҳийла, найранг. Шу кунгача айтган ёлғонларинг, қилган талбисларинг, еган ҳаром-ҳаришларинг бас. С. Айний, Қуллар.

ТАЛВАСА [a. تلوصه — ҳаяжон, изтироб, ташвиш] Эсанкираш, саросима ва ш.к. билан юз берувчи безовталиқ, ҳаяжонли ҳолат. Мана энди.. талваса билан қалби тубига бекитиб келган сирини очиб қўйди.. Шуҳрат, Умр поғоналари. [Ёрқиной] Дадасининг оқ қилишини аччиқ устидаги талваса деб

биларди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Ярадорлар.. изтироб ва иситманинг зўридан талваса билан бирдан сачраб турар, сўнг ҳушсиз йиқилар эди.* Ойбек, Куёш қораймас.

Жон талваси 1) Ўлим олдидаги безовталик, жон талаш. *Уларнинг учи [учтаси] ўлган, бири эса ҳали жон талвасасида эди.* О. Отабеков, Кам бўлмагур, ўғил; 2) қаттиқ безовталик, қўрқув, ҳаяжон. *У [эркак] аёлни благадидан ушлади. Аёл жон талвасасида: -Войдод, одам борми!? — деб қичқириб юборди.* Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. *..сайёд домидан хуркиган оҳудай жон талвасасида қочиб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ТАЛВАСАЛАНМОҚ Талвасага тушмоқ, талвасада қолмоқ, қаттиқ ҳаяжонланмоқ. *Бўлмади, ўрнидан турди-да, ўринсиз ҳадиксираб талвасаланаётган.. йигитнинг сўзини бўлди.* Т. Алимов, Совға.

ТАЛЛИЙ [лот. thallium < юн. thallos — яшил новда] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушранг оқ металл.

ТАЛЛОН I Ўн икки ёшли от.

2 кўчма Жуда қари, мункиллаган чол. *Буни ҳайданг, қўя кўрманг! Бу чатоқ бир шумки, Қошу мижжангни териб, Кўсаю таллон қиладир.* Ҳамза.

ТАЛМЕҲ [а. تلميح — шама, ишора] ад. Шарқ мумтоз шеъриятидаги бадийий санъатлардан бири бўлиб, бунда шоир ўз шеърисида аввалдан маълум ва машҳур бўлган қисса, воқеа ёки асарга ишора қилади, натижада ўз фикрини мухтасар баён этади.

ТАЛМОВСИРАМОҚ I Довдирамоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ. *Сабозул бу саволларнинг биронтасига жавоб тополмас, талмовсирар, нажот йўлини излаб, кўз ёшига зўр берарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ёдгор ўзи ҳақидаги ҳукми ўзи ўқиган маҳбус каби талмовсирар қолган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Атайлаб ўзини шундай ҳолатга солмоқ, шундай ҳолатда тутмоқ. *Ўрталаридаги сирдан дастурхончининг хабардорлигидан ҳайрон бўлди, ўзини билмасликка олиб талмовсиради.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Чолнинг талмовсиратганини очикдан-очик сезиб турарди у.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

ТАЛМУД [а. تلمود < қад. ях. ламейд — таълимот] Яҳудийларнинг қадимги диний

китоблар тафсиридан иборат қонун-қоидалар мажмуи, муқаддас китоби.

ТАЛМУДЧИ Масаланинг моҳиятини тушунмасдан, уни кўр-кўрона, юзаки ёдлаб олган шахс; қироатхон, ҳарфхўр.

ТАЛМУДЧИЛИК Қироатхонларча фикр юритиш; ҳарфхўрлик.

ТАЛОН I Ўзганинг мулкини талаб тортиб олиш; талаш. *Агар биронтанининг қуроғимиз узилса, чуввос кўтарамиз. Айниқса, узилган қуроқ бошқа маҳалладан бўлса, мен ва ўртоқларим у тушар-тушмас талашиб-тортишиб, талон қилиб олишга шошиламиз.* Ойбек, Болалик. *Кўрди кўп зилзила, селни, тошқинни, Кўрди кўп талонни, кўрди босқинни.* А. Обиджон, Кетмагил.

ТАЛОН II [фр. talon] I Бирор нарсани олиш, бирор жойга кириш ҳуқуқини берадиган назорат варақчаси. *Бензин талони.*

2 Ҳужжат (чек, ордер ва ш. к.)нинг ажратиб олинадиган ёки, аксинча, у ажратиб олингач, дафтарда қолдириладиган қисми, дубликати.

ТАЛОН-ТОРОЖ [талон + ф. تاراج — ўғирлаш, талаш; ўлжа] Ҳамма ёқдан тортиқлаб талаш, ўзлаштириш, тала-тала, торт-торт. *Талон-торож юртни вайрон этди, мамлакат завол топди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Талон-торож, босди-босдилар товсиллаб, Самарқанд ёнида Бухоронинг ҳам бир қадар осойишта тургани туфайли йиллар тез кечаётгандай туюлар эди.* Мирмуҳсин, Мезмор.

ТАЛОНЧИ Талон қилувчи, таловчи, босқинчи. *Ким яхши кўради у талончи итларни? И. Султон, Бургутнинг парвози.* *Ваҳший талончилардан қаттиқ нафратланган Юсуфжон.. фурсат пойлаб, улардан ўч олишга интиларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

ТАЛОНЧИЛИК Талон, талон-торож иши, ҳаракати. *Ким яхши кўради у талончи итларни? И. Султон, Бургутнинг парвози.* *Ваҳший талончилардан қаттиқ нафратланган Юсуфжон.. фурсат пойлаб, улардан ўч олишга интиларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

ТАЛОТУМ [а. تلاطم — ўзаро тўқнашиш, урилиш; тўлқинларнинг бир-бирига урилиши] Тўс-тўполон, ғавво. *Бутун бир қишлоқни талотум қилган Равшан исми оёқяланг ушландими? С. Кароматов, Бир томчи қон.*

ТАЛОҚ I [а. طلاق — ажралиш, хотин билан ажралиш, қўйиш] I Никоҳни бузиш,

бекор қилиш ҳақидаги эр томонидан ай-тиладиган сўз; бу сўзнинг айтилиши хотинни барча хотинлик мажбуриятидан тўла озод қилади. «Талоқ» сўзини эшитган Қумушининг кўзи ярқ этиб очилиб, яна юмилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАЛОҚ ҚЎЛМОҚ «Талоқ» сўзини айтиб, никоҳни бузмоқ. *Хотин қилиш қўлингиздан келмаса, талоқ қилинг!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Уч талоқ* Уч марта талоқ; узил-кесил ажралиш (бу ҳолда шарият қондасига кўра, хотин то бошқа эрга никоҳланиб, яна ажралмагунча, ўз эри билан ярашуви мумкин эмас). *Уста Абдураҳмон қизларни кўп уради. Бир кун Нисо буви: -Урсангиз, ўша дуконингизга олиб бориб уринг, - деганида, уста: -Ҳа, жонинг ачийдимми, бундан кейин мен ураётганда, кулиб турмасанг, уч талоқсан.. - деб юборди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. **ТАЛОҚ ХАТ(И) Қ. ХАТ 9.**

2 Қиз, хотин каби сўзлар билан қўлла-ниб (одатда, қўшма сўз сифатида), шу сўзга нисбатли сўклишни, ҳақоратни билдиради. *Мен ахир сингли талоқни жўрттага қоптирдимми? А. Қодирий, Обид кетмон. Тирноқча жойимни сен хотинталоққа бермаганим бўлсин.* Ойбек, Танланган асарлар. *...ҳе, гап билгунча иш билгин, баччаталоқ!* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ТАЛОҚ II айн. қоражигар I. Қўй сўйилиши билан қорин қисмига ёпишиб турган талоғини аста кўчириб оламиз. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ТАЛОҚНОМА [талоқ + нома] Талоқ қилинганлик тўғрисида эр томонидан ёзилган мактуб, хужжат. *Бу ишларингиз фойдасиз чиққач, исмидан талоқнома ёзиб, икки йиллаб рафиқамдан айириб туришга муваффақ бўлдингиз, бу орада гуноҳсиз бир йигитни ҳам ўлдирдингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАЛОҚСИЗ Талоқ қилинмаган, талоқ хати берилмаган ёки олинмаган (қ. талоқ I). «*Кишининг хотинини талоқсиз чиқариб ол-да, бугун эрга бер!» деди [Отабек] ва телбаларча нима учундир кулиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАЛПАНГЛАМОҚ Лапангламоқ, лапанглаб юрмоқ.

ТАЛПИНМОҚ I Қанот қоқиб, қўлларни қанот каби ёйиб, олдинга интилмоқ. *Учишга талпинаётган қушдек юраги ҳап-риқаяётган Зулфиқорнинг ҳаяжонини Меъмор*

яхши сезиб турарди. Мирмуҳсин, Меъмор. *Дадасига талпиниб турган Кимсанни Зебинисо эрига узатди-да.. тўрт томонга қарай бошлади.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Умуман, олд томон ҳаракат қилмоқ, ташланмоқ. *Мен ўзимни вагондан отдим, мени кўриб, Саломат ҳам олдинга талпинди.* О. Ёқубов, Излайман. *Йигитали.. ҳушидан кетаяёган қизчани маҳкам бағрига босиб, ташқарига талпинди.* Д. Нурий, Осмон устун. *Машина ўжарлик билан олдинга талпинади қумликдан, чангдан.* «Ўзбекистон кўриқлари».

3 кўча Эришиш, етишиш йўлида, ҳаракатида, мақсадида бўлмоқ; интилмоқ. *Аваз Мутрибни.. бир меҳр билан суяди, унга ҳаммаша қалбан талпинади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бундай пайтларда яшил кўкат қанчалик кўзни қувонтирса, шўрхоқ таъбни шунчалик хира қилар, бамисоли бири ҳаятга талпинса, иккинчиси уни бўғмоқчи бўларди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *..шон-шўхратга, амалга талпинаётган кимсаларнинг қилмиши кўнглини оздирди, ғазабини қайнатди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ТАЛТАЙМОҚ I Мағрурланиб ўзини йўқотмоқ, кеккаймоқ. *Камтар бўл, талтайма, кеккаймагил тик! Дўст учун заҳар ют, ширин жонни тик!* Ё. Мирзо. *Муваффақиятлар ҳар қанча катта бўлганида ҳам, раҳбарнинг талтайиб ва кибрланиб кетишга ҳақи йўқ.* Газетадан.

2 Оёқ-қўлларни ёзиб, ялпайиб ўтирмоқ, ётмоқ, ястанмоқ. *Талтайиб ўтирмоқ. ■ Уктам тонг отгандан сўнг қалин, юмишқ тушакда талтайиб ётгиси келмади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Сийлаган, ҳурмат-иззат қилган ёки эр-калаган сари ҳаддан ошмоқ, суюлмоқ. *Талтайиб ўсган бола. Эрка тутса онаси, талтаяди боласи.* Мақол. ■ *Меъмор бўлса икки шоғирдининг сал қуюшқондан чиқиб, талтайишайётганидан энсаси қотиб келарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ундақа талтайманг. Индамаганим сайин, қуюшқондан чиқиб кетяпсиз.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТАЛТАНГЛАМОҚ шв. Лапангламоқ, лапанглаб юрмоқ. *Бу одам азбаройи семизликдан, юрса — талтанглаб, гапирса — узлуксиз пишилар эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

ТАЛХ [ф. تلخ — аччиқ; ёмон] Тахир, аччиқ. *Удалани соғинар.. бугдойзор гашти, андак талх исли сўлиган бедалар учун жонини беришга тайёр эди.* С. Сиёев, Аваз. [Чалоб]

Кудук сувига чалинган бўлса керак, бироз талх.
С. Нуоров, Нарвон.

ТАЛҲА [ф. *تلخه* — зардоб, сафро; аччиқ алаф уруғи] айн. **какра** 1.

ТАЛЪАТ [а. *طلعت* — ташқи кўриниш; қиёфа, сиймо] 1 эск. кт. Юз, чеҳра; қиёфа. *Оҳ тортсам, сарғайди гулдайн талъат.. «Гулшанбоғ».* Нечукким, менга нури талъатинг жаннат билан тенгдир. Э. Воҳидов.

2 Талъат (эркаклар исми).

ТАЛЪК [нем. *Talk* < а. *طلق*] Оқ ё яшилга мойил, қат-қат тузилган юмшоқ минерал (техникада ва тиббиётда асосан кукун ҳолида ишлатилади). *Ўзбекистонда олтинсуғурт, фосфорит, талък, дала шпати.. каби минерал хомашёлар ҳам бор.* М. Зокиров, Бебаҳо хазиналар.

ТАЛҚИН [а. *تلقين* — ўқитиш, ўргатиш; ўғитлаш; аниқ қилиб тушунтириш; ўқиб, билиб ўзлаштириб олиш] 1 дин. Диний ваъз, таълим. {Шум бола:} *Биз аввал хонақоҳга кириб бордик. Қаландарбоши эшикдан.. талқин бошлаб кирди.* Ф. Фулом, Шум бола. *Шунинг учун ёлғиз ибодат, дуо, талқинлар кифоя қилмайди. Катъий ҳаракат керак! Ҳаракат!* Н. Сафаров. Шарқ тонги.

2 Мазмун, моҳиятини тушунтириш; шарҳ. *Диловарим, далаларим, эҳромларим олтиндан, Сўз тополмам, баланд турар таврифлардан, талқиндан.* Э. Охунова, Икки океан оша. *Расулжон хайрлашиб кетгандан кейин ҳам, унинг талқинини ҳар ким ўзича изоҳлаб, узоқ баҳслашиб ўтиришди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 Образ ёки мусиқий асарнинг ўйновчи, ижро этувчи томонидан ёритилиши, ижроси. *Мажиддин образи Обид Жалилов талқинида шу қадар салмоқли чиққанки, усиз спектаклни тасаввур қилиш қийин.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

Талқин қилмоқ (ёки этмоқ) 1) диний ваъз-насиҳат қилмоқ; 2) тушунтирмоқ, изоҳламоқ, талқинини бермоқ. *Аммо, барибир, суиқасдни ҳар ким ҳар хил талқин этарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Демак, у Шокир акага тақлид қилишдан қочиб, ролни ўзича талқин этган.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

4 мус. Шашмақомда асосий куйнинг мустақил қисми. *Талқини баёт. Талқини наво.* ■ *Созанда бир жуфт нағма чалиб, талқинга ўтди. Ҳофиз йигит.. овози ширали,*

юракларни сел қилиб, тингловчиларни ерга қаратиб қўярди. С. Сиёев, Аваз.

5 шв. Қўшиқ, ашула. *Эрта саҳар тушар тонгининг салқини, Пахтазорда хотин-қизлар талқини.* «Қўшиқлар».

ТАЛҚИНЧИ 1 дин. Ваъз-насиҳат ўқувчи; воиз, ваъзгўй.

2 Талқин қилувчи, шарҳловчи.

3 шв. Қўшиқчи, ашулачи, хонанда.

ТАМА [а. *طمع* — кучли истак, тилак, орзу; ҳирс, очкўзлик] (охирги а — *чўзиқ*) 1 Бировдан бир нарса ундириш ҳисси, ўзиники қилиш, олишга бўлган интилиш. *..ундаги шухратпарастлик, тама олдида подшоҳларга тиз чўқишдан ҳам.. қайтмаслигини кўпчилик биларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мансабиндан манфаат, дастурхонингдан тама излаб ёндашган — дўст эмас.* Р. Усмонов, Умр сабоқлари.

2 Умидворлик, умид, илинж. -*Балки бегингизнинг тамалари хон қизидадир, — деди истеҳзо билан Ҳомид.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Тама қилмоқ 1) бировдан бирор нарса кутмоқ, бировдан ўлжа олишга интилмоқ, кўз тикмоқ. *Бир-бирларидан ҳеч нарса тама қилмай дўстлашишлари икковини ҳам чинакам бахтиёр қиларди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Маҳдум бу ерда ўқийётган икки муллавачча учун Қорабулоқдаги вақфдан ҳам тама қилмоқда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) умидвор бўлмоқ, умид қилмоқ; толиб бўлмоқ. *Шунча азамат йигит турганда, сен бола, посёлканинг олд қизига тама қилиб келсанг-а!* П. Қодиров, Қадрим.

ТАМАГИР [а. + ф. *طمعير* — бирор нарса олишга интилувчи; очкўз, манфаатпараст] Бировдан ўлжа олишга, тама қилишга ўрганган, тама қилувчи. *Тамагир одам. Тамагир бўлмоқ.* ■ *Солиҳ маҳдум хасис, тамагир, ҳар ҳолда.. уни яхшилар қаторига қўйиб бўлмайди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Учинчи бир туркум одамлар борки, ҳатто уйига меҳмонга бориб қолсанг ҳам, қўлингга қарайди. Бундай одамни тамагир, поракўр, деявер.* Ё. Шукуров, Қасос.

ТАМАГИРЛИК Бировдан бир нарса куттиш ва шунинг илинжида бўлиш; шу мақсаддаги хатти-ҳаракат. *Тамагирлик билан қарамоқ.* ■ *Тамагирлик инсон ҳамиятини ерга уради.* Газетадан.

ТАМАДА [ғруз. tamadoba – тўй, зиёфатга катталиқ (бошчилик) қилиш] Ўтиришларда, зиёфатда ичкилик қуйиб, қадаҳ сўзи (тост) айтувчи; соқий, косагул. *Маруся келиб ўтириши билан Ҳайдар сўз бошлади: -Мени тамада қилиб қўйишди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ТАМАДДИ [а. تمنع – роҳатланиш, хузурланиш; фойдаланиш ҳуқуқи] 1 Бирор нарса еб олиш, овқатланиш. *Нонуштада Эгамберди бобо нонини дастурхонга қўйса, пешиндаги тамаддида у белбоғини ёзарди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Енгил таом; егулик. *Бир одамнинг бир кунлик тамаддисиди бир кап қўғирмоч бўлиб, ёмон кунларни не ҳасратда ўтказишарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Калла, бу – сўйилган ҳайвоннинг боши, ундан шўрвалар, яхна тамаддилар тайёрланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Карамдан тайёрланган турли тамаддилар инсон саломатлигига жуда фойдали, уни бардам ва тетик қилади.* Газетадан.

Тамадди қилмоқ Бирор нарса еб олмоқ, озгина, енгилгина овқатланиб олмоқ. *Бироз тамадди қилганларидан кейин, гапнинг мавзуси ўзгарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *-Йигитали.. кўча беткайидаги кичкина кафеда тамадди қилди. ўзимиз ҳам тамадди қилиб олайлик, – деди Махсум пешин намозига ҳозирлик кўраётиб.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАМАДДИЛАНМОҚ Енгил-елпи овқатланмоқ, бироз овқатланиб олмоқ.

ТАМАДДУН [а. تمنن – маданият; цивилизация] эск. кт. қ. маданият. *Ҳаваскори тараққий ва тамаддун қахрамон ёшлар.* С. Хондайлиқий, Навбаҳор. *Туркияда.. жаҳоннинг икки буюк тамаддуни – Фарб ва Шарқ цивилизацияси учрашган.* Газетадан.

ТАМАДДУНЛАШМОҚ эск. кт. қ. маданиятлашмоқ.

ТАМАКИ [а. تمباک ёки ф. тако < исп. tabaco] Йирик баргли ўтсимон ўсимлик ва шу ўсимликдан қурийтиб тайёрланадиган чекимлиқ. *Аччиқ тамаки. Қучсиз тамаки. Тамаки маҳсулотиди. Тамаки чекмоқ.* ■ 1958 йилда 120 гектарга тамаки экилган эди. «Муштум». *Эмин унга тамаки халтасини узатди: -Хуморингни ёз, ошнам, қўлбола тамаки.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАМАКИДОН Тамаки солиб қўйиладиган идиш. *Тамакидондан тамаки олмоқ.*

ТАМАКИЗОР Тамаки экилган ер, майдон.

ТАМАКИКОР Тамаки экувчи ва етиштирувчи деҳқон ёки хўжалиқ. *Ургут тамакикорлари режани ўз вақтида бажардилар.* Газетадан.

ТАМАКИКОРЛИК Тамаки етиштириш, тамакичилик.

ТАМАКИФУРУШ Тамаки савдосиди билан шуғулланувчи киши.

ТАМАКИЧИ 1 айн. тамакикор.

2 айн. тамакифуруш.

ТАМАКИЧИЛИК айн. тамакикорлик. *Совхоз тамакичиликдан «атиғи» 380 минг сўм зарар қилди.* «Муштум».

ТАМАКОР кам қўлл. айн. тамагир. *Тамакор одам.* ■ *Унинг [мулланинг] тамакор кўзлари юзимизга эмас, чўнтагимизга қаралган эди.* Газетадан.

ТАМАЛ [а. تملی – доимо, ҳамиша; чидам, бардош] эск. кт. Негиз, асос, пойдевор. *Тамал солмоқ (қўймоқ).* ■ *Ҳақиқат тамалини қулатмоққа кўтарилган қўлларни кесмоқ зарур.* Ойбек, Навоий.

Тамал тоши Пойдевор, асос, фундамент. *Тамал тошини қўймоқ.*

ТАМАЛАНМОҚ кам қўлл. Тама қилмоқ, умидвор бўлмоқ.

ТАМАЛЛУҚ [а. تملق – хушомад, сермулозаматлик; ялтоқилиқ] эск. Ҳаддан ортиқ такаллуф кўрсатиш, сермулозамат бўлиш; хушомад қилиш, ялтоқилиқ, тилғеғламлик. *Икки меҳмон тарафларидан ўзига тамалинган фавқулодда тамаллуқ ва мулозамат, табиий, уни ўйлашга мажбур қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАМАННО [а. تمنى / تمنّا – тилақ, истак, орзу] Ноз-ишвали ҳаракат. *Ёр таманноси.* ■ *Ажойибдир таманноси, таманносин бор маъноси.* «Қўшиқлар». *Ўз хуснига ўзининг рашик келаётгандай, таманно билан сочини тараяпти.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Таманно қилмоқ (ёки этмоқ, айламоқ) 1) ноз-ишва, карашма қилмоқ; 2) эск. истамоқ, тиламоқ, сурамоқ. *Кўз нурумизнинг дуои жонини субҳи шом.. таманно этмоқ-дамиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) орзу қилмоқ. *Қайга мен бошим урай ҳам қайда гаёга айлайин, Қайси бир лутфу карамларни таманно айлайин.* С. Абдулла. *Бувижон, кўз эркакларга гўзалликни таманно қилиш учун берилган.* Мирмуҳсин, Югурдак.

ТАМАННОЛИ Ноз-ишвали, карашмали. *Таманноли нозанин. Таманноли кўзлар. Таманноли қилиқлар.*

ТАМАЧИ айн. *тамагир. Тамачи одам.*

ТАМБА Эшикни бекитиш учун унинг орқасидан тиралган ёки тираладиган тахта, ёғоч ва ш.к. *Эшикка тамба қўймоқ.* ■ *Зулфизар катта дарвоза томон отилди. Тамбасини олиб ташлаб, ўзини қамишзор қўйнига урди. К. Яшин, Ҳамза.*

ТАМБАЛ с. т. Танбал. *Сен тамбалга берган томоғим ҳаром бўлсин.. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ТАМБАЛАМОҚ Тамба қўймоқ, тамба тираб бекитмоқ. *Дарвозани тамбаламоқ.* ■ *Куча эшикни ичидан тамбалаб, ҳовли томон юрди. Д. Нурий, Осмон устун.*

ТАМБУР [фр. tambour – гумбазнинг асос (айлана) қисми; доира] 1 т.й. Темир йўл вагонининг кираверишдаги даҳлизчасимон бўлмаси. *Алоҳида вагонга қўшимча соқчилар қўйди. Ўзи ҳам шу вагон тамбурига кўчиб ўтди. Ҳ. Фулом, Машвал.*

2 *архит.* Биноларнинг ташқи эшиклари олдига қурилган кичик хона, даҳлиз.

ТАМИЗ [а. *تعيز* – имтиёз бериш; фарқлаш; соғлом фикр; фаҳм-фаросат] Ўз билиги, ақли, фаросати билан тегишлича иш тутиш қобилияти; фаҳм, фаросат. *Тамизи йўқ одам.* ■ *Тамизи бўлса, ўшанинг ўзи калтак, – деди-да, бирпас кулоқ бериб ўтирди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Бу факт ва далиллар олдида ўжарлик қилиш ақл ва тамиздан эмас. А. Ҳақимов, Илон изидан.*

ТАМИЗЛИ Ўз билиги, ақли, фаросати билан тегишлича иш тутувчи; фаҳмли, фаросатли. *Тамизи бола.* ■ *Ҳали ҳеч ким кўрмаган бўлса ҳам, Мухторхон домла ёқтирган учун, жуда ақли, тамизли аёл чиқиши муқаррар бўлган келинни ҳамма ғойибона яхши кўриб қолди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.*

ТАМИЗСИЗ Тамизи йўқ; бетамиз, бетафаросат. *Тамизсиз одам.*

ТАМКИН [а. *تكمين* – мустаҳкамлаш; маҳкамлаш; имконият, ҳақ-ҳуқуқ бериш] 1 Салобат, савлат, савлатлилик.

2 Сабр, қаноат; оғирлик, вазминлик. *Жангларда зафардор – Ҳалқимга бўлиб ёр, Ҳар ишда мадакор, Тамкину қарорим. Ҳабибий. – Қўрқманг, – деди Асрорқул тамкин овозда; у сиртдан вазмин кўринарди. Н. Қилличев, Ёронгул.*

ТАМЛИ Тами яхши; тотли, мазали. *Тамли овқат.* ■ *Биринчи марта ўз меҳнатим.. билан тайёр бўлганиданми ёки ҳаддан ортиқ очикқанимданми, ҳар ҳолда, у кунги кўзиқорин қовурдоғи зўшт қовурдоғидан ҳам тамлироқ туюлди. С. Айний, Эсдалиқлар. Бу Амударёнинг тамли балиғи, Балиқнинг лаққаси, ўбдан ёғлиғи. Миртемир.*

ТАМОЙИЛ [а. *تعايل* – тебраниш, чайқалиш; ўзгариб туриш; ўзгарувчанлик; мойиллик] эск. кт. 1 Майл, мойиллик. *Ваҳший халқларда қонхўриликка тамойил зўр бўлади. Бу – шубҳасиз ҳақиқат!* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор соҳада тартиб, қоида тусини олган нарса, тадрижий йўналиш. *Халқ афсоналарида реалистик тамойил шу тарзда тобора кучайиб борди. «Фан ва турмуш». .бозорларимизда ўша азалий удулларимизни, тамойилларимизни тиклаш, бозорни миллий қадриятларимизнинг кўзгуси сифатида моён қилиш лозим. Газетадан.*

ТАМОМ [а. *تمام* – тўлиқ, мукамал; охир, интиҳо, ниҳоя] 1 Охир, поён, ниҳоя. *Иш тамомига етди. Ҳикояни тамомига етказмоқ.*

Тамом бўлмоқ 1) охирига, поёнига, ниҳоясига етмоқ, тугамоқ. *Дарс тамом бўлди.* ■ *-Олтин ўтда билинади, – деди Собирахон, – уруш тамом ҳам бўлар, уйин-қули учун тўпланганимизда, бу кунлар эртақдай бўлиб ҳам қолар. А. Қаҳҳор, Хотинлар;* 2) битмоқ, қўлдан чиқмоқ, тайёр бўлмоқ. *Қурилиш тамом бўлди;* 3) ишлатилиб, сарфланиб, истифода қилиниб одоқ бўлмоқ, тугамоқ. *Пул тамом бўлди. Вақт тамом бўлди.* ■ *Занжирли реакция ғоят даражада тезлик билан ривожланади ва парчаланувчи материалнинг ҳаммаси тамом бўлгунига қадар давом этади. «Фан ва турмуш»;* 4) кўчма дард-алам тортиб, кулфат чекиб, куйиб ёки ёниб адо бўлмоқ, тугамоқ. *Майли, болам, бошга тушгани кўз кўрар, дейдилар. Мени қўйиб, ўзининг ҳам бир ўйлаб қўй. Бу ташвишлардан тамом бўлдинг-ку, болам!* О. Ёқубов, Айтсам, тилим куяди, айтмасам – дилим; 5) синмоқ, абгор бўлмоқ. *Еган еб кетди. Ичган ичиб кетди. Аммо Абдувосев шу битта тўй билан тамом бўлди. «Муштум».* **Тамом қилмоқ** 1) охирига, поёнига, ниҳоясига етказмоқ. *Аҳмедов капсанчиларни колхоз тузишга чақириб, сўзини тамом қилди.*

Савол-жавобга ўтилди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) битирмоқ, қўлдан чиқармоқ, тайёр қилмоқ. *Мактаб қурилишини сентябргача тамом қиламиз*; 3) ишлатиб, сарфлаб, фойдаланиб одоқ қилмоқ; тугатмоқ. *Ресурсларни тамом қилмоқ.* ■ *Пул десанг — саногу йўқ.. Санаб тамом қилиб бўлмайд.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 4) ўқув юртида ўқиб чиқмоқ, битириб чиқмоқ, ўқув юртини тугатмоқ. *Университетни тамом қилган киши*; 5) кўчма адо қилмоқ. *Уғлининг ташвиши кампирини тамом қилди*; 6) кўчма ўлдирмоқ. *Тўқсоновнинг мерганлик ҳаваси кўзиб, дарров Дадабойнинг елкасидаги сочма милтиқни олди-да, типирчилаётган итни бир отишда тамом қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 7) кўчма синдирмоқ. *Битта тўй уни тамом қилди.*

2 Тамомила, бутунлай, батамом. *Тамом эрдан чиқармоқ. Тамом ишонмоқ.* ■ *Элмурод маънос бир неча қадам босди.* «Йўқ, — деди ичида, — бу мен билган, мен синаган Фотима эмас. Энди ўзгариб, тамом бошқа бўлиб қолган». П. Турсун, Ўқитувчи. *Ярим кечага борганда, душман тамом ҳолдан тойиб, чекинишга мажбур бўлди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Зайнаб ҳам тамом ипакларга кўмилиб ясанган..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 олим. Бутун, барча, тамоми. *Тамом халқ мажлисга йиғилди.* ■ *Юсуфбек ҳожининг Нормухаммад қушбегига юборган чопари Кировчи яқинида унга етган ва қушбедини тамом сипоҳлари билан Тошкентга қайтарган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..қалампирмунчоқни гулобга ивитишиб, келиннинг тамом баданига суртишар эмиш.* К. Яшин, Ҳамза.

4 кесим өзф. Якунига етганлик, битганликни билдиради. *Тамом, хўжайин, ана, шай қилиб кўйдим.* К. Яшин, Ҳамза. *Шаҳзодаҳон эрига кўзларини ўқдек қадаб, тантанавор қараб тураверди. Бир зарб ўлса, тамом.* К. Яшин, Ҳамза.

5 юкл. өзф. Таъкид, кучайтирувни билдиради. *Дадам ичиб келдим, тамом, дарров қилдан қийиқ чиқариб, ойишонимни дўппослашга тушарди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Шундан қўрқдим, тамом, ўлимдан қўрққанни бўлади. Улимдан қўрққан киши қаҳрамон бўлолмайди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Адоий тамом бўлмоқ қ. адоий. Гап тамом Бўлди, гап тугади, бошқа гапга ўрин йўқ. *Шу билан «гап тамом» дегандек.. сайр қилиш*

учун дарахтлар остидаги йўлдан ичкари томон йўналди. К. Яшин, Ҳамза.

ТАМОМАН рвш. Тулиқ равишда; бутунлай, тўла, буткул. *Хатар тамоман йўқолди. Қарздан тамоман узилди.* ■ *Сафар бўзчи гинани тамоман кўнглидан ювиб ташлаган эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Қизнинг анор юзлари, тиниқ дудоқлари, назик бели уни тамоман беҳуд этган эди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

ТАМОМИ(Й) Ҳамма, барча, бари. *Тамоми(й) халқ майдонга йиғилди.* ■ *Фақат хотиннигина эмас, ер-сувни, тамоми давлат ва ашқол-дашқоллари билан тортиб олмоқчи.* У. Исмоилов, Сайланма.

ТАМОМИ(Й)ЛА рвш. Бутунлай, тамоман. *Аҳвол тамоми(й)ла ўзгарди.* ■ *Замира эса унинг тамомила акси.* С. Кароматов, Олтин кум.

ТАМОМЛАМОҚ 1 Охирига, поёнига, ниҳоясига етказмоқ. *Маърузани тамомламоқ.* ■ *Ҳожми ўзидан ошириб сўзлаган бу сўзларини шу гап билан тамомлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Битирмоқ, қўлдан чиқармоқ, тайёр қилмоқ. *Яна бир ғайрат қилиб, ГЭСни битириб олсак, колхозчилар канални тамомлаб, сувни бизга келтириб берсалар, марра — бизники.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

3 Ишлатиб, сарфлаб, фойдаланиб одоқ қилмоқ, тугатмоқ. *Маблағларни тамомламоқ. Захираларни тамомламоқ.* ■ *Қизиқ, биз пахта етилмай.. ҳосилни қарз-қурз, бунак билан тамомлаймиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Ўқув юртини битирмоқ, тугатмоқ. *Институтни тамомлашим билан орзум амалга ошди. Мен энди киноактрисаман.* «Муштум».

ТАМОШО [a. تماشا — бирга юриш, сайр қилиш] қ. томоша. *Агар укалари Салимбойвачча ҳам улфатларини бошлаб чиқса, тамошони унда кўрасиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАМСИЗ Тами, мазаси йўқ; бемаза, тотсиз. *Тамсиз овқат.*

ТАМСИЛ [a. تمثيل — томоша, ўйин; ўшаб кетиш; ўрناк, намуна олиш; мисол қилиб келтириш] ад. Мумтоз адабиётда: байтнинг биринчи мисрасида ифодаланган фикрга далил сифатида иккинчи мисрада ҳаётий бир ҳодисани мисол қилиб келтиришга асосланган бадий санъат.

ТАМТАМ I I Қадди-қомаги келишган ва зебо. У ниятига етди. Қишлоқнинг тамтам қизига уйланыпти. С. Аҳмад, Уфқ. *..ой қизлар, тамтам келинчақлар Ватан мудофаасига жўнашди..* Г. Нуруллаева, Юрак ёнмоғи керак.

2 *кўчма салб.* Ўзига, кийим-бошига зеб берган; башанг, олифта. *Номи Мутти бўлса ҳам, кўп йигитларни лақиллатганидан «лўтти» деб ном олган бу қиз шаҳардаги энг тамтамларнинг бири экан.* С. Аҳмад, Мўтти. *Жуда олифта, тамтам йигит экан, шиммининг тахи бузилмасин дебми, айвонга ҳам чиқмай.. курсида ўтириб, фотиҳа ўқибди.* Ҳ. Назир, Куктерак чироклари.

ТАМТАМ II [фр. tam-tam < ҳинд. — товушга тақлид сўз] Катта мис баркаш шаклидаги, таёқча билан уриб чалинадиган мусиқа асбоби; гонгнинг бир тури. *Чўчиما, раққоса! Тамтам сасидан.* Ҳ. Шарипов.

ТАМТАРОҚЛИ [ф. طمطراق — дабдаба, ҳашамат; серҳашамлик] Дабдабали, баландпарвоз. *Тамтароқли иборалар.* ■ *Паншев унинг тамтароқли сўзларини таржима қилгандан кейин, пристав мутаваллини қўлтиқлаб, тахт ёнига борди.* М. Осим, Элчилар.

ТАМУҒ эск. дин. Жаҳаннам, дўзах. *Оқни қаро деганлар ул тамуғга кирмишлар.* Аҳмад Яссавий.

ТАМШАНМОҚ I Бирор нарса еяётган, чайнаётгандек, оғиз очмай, лабларини қимирлатмоқ; оғзидагини тотиб кўраётгандек бўлиб, лабларини очмай чайнамоқ. *Элмурод қўл чўзиб, мошкичиридан жиндек оғзига солди-да, бўйинини қисиб, ерга қараган кўйи, сикин тамшанди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Оғзидаги туршакни у лунжидан бу лунжига ўтказиб, тамшаниб, чайнаб ўтирарди.* Мирмуҳсин, Дорбозлар.

2 Тотигиси келиб, лаб-лунжини қимирлатмоқ. *Умида қуруқлаб бораётган оғзини очиб тамшанар.. эди.* Д. Нурий, Осмон устунги. *Шайхнинг барзанги хизматкори мўлкўл таомни кўриб тамшанди.* С. Сиеёв, Аваз. *Нормамат хўрозқандга тўймаган боладай тамшаниб қолди.* «Ёшлик».

ТАМҒА I Нарса, мол, маҳсулот ва ш.к. ни ажратиш, ҳисобга олиш ёки уларнинг қимга тегишлилигини кўрсатиш учун кўйилладиган, босилладиган белги. *Фабрика тамғаси.* ■ *Оқондан қараб турган Нормат*

уларнинг [самолётларининг] қанотларидаги қизил юлдуз тамғаларини кўриб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тошкент тамғаси босилган чинни буюмларни Ўрта Осиё республикаларининг барча хонадонларида учратиш мумкин.* У. Маърупов, Устоз.

2 Қадимда маҳбусларнинг танасига белги кўйиш, босиш учун қиздириб ишлатилган асбоб ва шу асбобни босишдан ҳосил бўладиган белги, из. *Боланинг билагига ёпишиб қолган тамғани Наби полвон, эритилган сурғуч устига босилган печатдек, зўрға узиб олди.* С. Айний, Қуллар.

3 От, мол ва ш.к. нинг танасига ёки тана аъзоларидан бирита белги босиш учун қиздириб ишлатилладиган асбоб ва шу асбобни босишдан қоладиган белги, из. *Отга тамға босмоқ.* *Кўйнинг қулоғидаги тамға.*

4 Очиш, бузиш ва ш.к. га қарши қўйилладиган белгилли нарса, сурғуч. *Ҳайдарқул оддий ўғрилاردан эмас, у мен тамға босиб қўйган чошдан арпа ўғирлаган.* С. Айний, Қуллар.

5 айн. герб. *Саодат беҳисоб тангалар орасида ўз танғасини таниб турибди; унинг.. тамғаси сув остида Саодатнинг кўзига ўзга-ча ярқирамоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

6 *кўчма* Нимадандир қолган, унинг белгиси бўлган нарса, асар, из. *Азоб-уқубатлар тамғаси.* ■ *Уларда [тарихий обидаларда] кўп замонлар ва динларнинг тамғаси бор.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. *Хотинининг истараси иссиқ чехрасига ниманингдир даҳшати қора тамғасини босиб кетган эди.* М. Исмоилпий, Фарғона т.о. *Менга таниш бўлган хонадонлар, девор, томи қулаган уйлар.. Бу урушнинг бадбуруш тамғалари..* Н. Сафаров, Оловли излар.

7 *кўчма* Қилмиш, хатти-ҳаракат ва ш.к. га кўра тақилган ёрлиқ, белги. *Лаънат тамғаси.* ■ *Орада аллақанча давр бу ажойиб анъанага эскилик тамғаси босилиб, унутилаёзган эди.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти.

8 тар. Қадимда четдан киритилган молга белги солишда олинган бож.

Тилиннга тамға босилганми? Тилиннг йўқми? Нега гапирмайсан?

ТАМҒАДОП I тар. Қадимда четдан киритилган молга тамға босиш ва бож олиш билан шуғулланган лавозимли шахс.

2 сфт. Тамға босилган, тамғали.

ТАМҒАЛАМОҚ Тамға босмоқ, тамға солмоқ. *Молларни тамғаламоқ.* ■ *Яхшиги-*

на қўриқланг, хабардор бўлинг, элаб чошлагандан кейин тамғалаб, менга хабар беринг. Фурсатимни топиб келиб, биргалишиб хирмонни кўтарамиз. С. Айний, Қуллар.

ТАМҒАЛИ I Тамға босилган, тамға солинган. Қизил ярим ой тамғали санитария аравачалари, машиналар.. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 айн. **гербли**. Дукондорлар унинг кафтига аллақандай тамғали марка пулни жирканиб ташлар, ё бўлмаса, кўзларини ўқрайтириб, қўлларини силтаб, «кет!» деб жержиб берардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАН [ф. *тан* — гавда, бадан, тана] I Одам гавдасининг кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғидан иборат қисми: тана. *Бир кун унинг бошини танидан жудо қилсалар ажаб эмас..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Киши танидаги аъзоларнинг ҳам қулоғи бор: ўзининг бардамлигини эшитган аъзолар яна соғ туриб, хизматни бажараверади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Кишининг бутун борлиғи, вужуд. *Соғ танда соғ ақл. Мақол. Тани соғлиқ — туман бўшлиқ.* Мақол. — *Худоё тавба денг, жон бошқа, тан бошқа, — деди домла.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аноргулнинг қўлидаги дутор «Ўртоқлар» куйини танларга ларза бериб тарона қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ахир тут фақат қорин тўйдирадиган таом бўлмасдан, киши танига дори-дармон ҳамдир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Тана, вужуднинг сирт қисми; бадан. *Гард юқмасин таниннга, Лой тегмасин бариннга.* К. Муҳаммадий. *Бу гапни эшитиб, Элмуроднинг тани жимирлаб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йигит унинг оқ мрамардек яланғоч танига боқмай, ерга қаради.* Мирмуҳсин, Йўқолган жаҳоҳир.

4 кўча. Ўлик тана; жасад. *Солдат тани, қўшин взводдан шекилли. Снайпернинг ўқи калласига тегибди, қора қонга бўялиб ётибди шўрлик.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Мазлумларнинг танидан Қурган саройлар.. Гамда ўтди халқ умри Кўп йиллар, ойлар.* Файратий.

5 Шахс билдирувчи сўзлар ёки эгалик шаклидаги сўз билан қўлланиб, тегишлилик, улуш каби маъноларни билдиради. *Ҳар ким ўз танини олди. Харажатнинг ярми менинг таним. Мен ҳам тўртдан бир тан.* — *Бўпти, Даврон, зиёфат менга тан, — дедим.* — *Ҳаммасини ўзим пишираман.* П. Қодиров, Қадрим.

6 Дастлабки баҳо, таннарх; дастлабки маблағ, сармоя. *Танидан юз сўм камига сотмоқ. Еб-ичиб, танини қилмоқ.* — *Муҳаммадражаб саккиз минг сўмни ойига ўн уч процент фойда бериш шарти билан олиб, икки ойдан бери на фойдасини беради, на танини.* А. Қаҳҳор, Сароб.

7 кўм. өзф. кам. қўл. Томон, ён. *Ким зўр бўлса, жазосини беғаман, Камбағал Назарнинг тани бўламан.* Ф. Йўлдош, Маматкарим полвон.

Бир жон, бир тан бўлмоқ қ. жон. Тан бермоқ 1) ишонч ҳосил қилмоқ. *Илгари мен, очиги, буларнинг қўлидан шунчалик иш келишига ишонмаган эдим, энди тан бериб қўйдим.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *..унинг билмаган нарсаси йўқлигига ҳамма тан бериб улгурган эди.* А. Мухтор, Туғилиш; 2) қойил бўлмоқ, қойил қолмоқ. *Ўктам кўзларини қисиб, бошини тебратиб, қовунни мақтади: — Дидингизга тан бердим.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ажойиб шаҳар Боқуни бунёд этган халққа ва унинг истеъдодига тан бердик.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Тан олмоқ** 1) бўйнига олмоқ, иқдор бўлмоқ. *Ўз хатоларини тан олмоқ.* — *Адолат ҳар кун кечқурун Усмонжонни кўриш орзусида уйига ошиқар, уни соғинар, лекин бун тан олишга ўзидан-ўзи уяларди.* С. Зуннунова, Гулхан; 2) танимоқ, ҳисоблашмоқ; эътироф қилмоқ. *Зарифа унча-мунча йигитни тан олиб яқинлашишга ишомилмасди.* С. Кароматов, Олтин кўм. *Раисни тан олмай қўйишларига ҳам сал қолди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Танини бағишламоқ** Тегишга, никоҳига ўтишга рози бўлмоқ. *Унинг никоҳига танини бағишлаган одам киради.. Мен эмас.* К. Яшин, Ҳамза. *Бормай туриб бағишласин танини, Сўнгра кўрсин хотин меҳрибонини.* «Гулшанбоғ». **Тақдирга тан бермоқ** Қисматидаги бирор нарсага, ҳолатга рози бўлмоқ, кўнмоқ. *Яраш полвон кекса момоларнинг тилига кириб, хотинини туркона муолажа қилдирди. Фойда чиқмади. Кейин эр-хотин тақдирга тан бердилар.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ТАНА I [ф. *тана* — гавда, бадан, тан; поя] I айн. **тан** I—4. *Эрта кўклам бўлгани учун, баҳор қуёши таналарга ёғдай ёқади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бир қилич зарби билан бошини танасидан жудо қилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Шундан кейин бироз танаси яйраб, таранг тортилган асаблари бў-*

шашиб, «Хайрият!» деб қўйди. К. Яшин, Ҳамза. Чоғиб бордим қошига, Сулайб ётар танаси, Олти газ нари жойда Вафодорим калласи. «Ойсулув».

2 Жониворларнинг жисми, жуссаси. Илоннинг қандай сув ичишини камдан-кам кўриш мумкин. У танасини гоҳ шишириб, гоҳ пучайтириб, оғир нафас оларди. «Фан ва турмуш».

3 Дарахтнинг, ўсимликнинг тағ, поя қисми. Ҳовузнинг тўрт томонида йўғон-йўғон қайрағочлар, таналари қулочга сиғмайди. Ж. Шарипов, Хоразм.

4 тех. Турли асбоб, машина ва ш. к. нинг бўлақларини тутиб турувчи қисми. Краннинг танаси.

Тананга ўйлаб кўр (ёки қара) Яхшилаб ўйлаб, муҳокама, мулоҳаза қилиб кўр. Жаҳлимдан тушганимдан кейин шундай танамга ўйлаб қарасам, бечора ўртоғимдан унчалик қаттиқ гина қилишининг ҳождати йўқ экан. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

ТАНА II [ф. *تانه*] Бир-икки ёшли урғочи бузоқ. Ҳа, ўша йшли дадам билан колхоз таналарини боқдик. С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. Кетаётир навкарлар Сўна қувган танадай. «Ойсулув».

ТАНАВОР [ф. *تاور* – тўла, бўлик, семиз] Пойабзалнинг бошлиғи ва кўнжи учун ишлатиладиган тери ва ундан бичиб олинган андоза. ..косиблар ҳафта давомида ўнлари тиккан кавуш, маҳсиларини сотиб, энг аввал кўнчилардан танавор сотиб олишарди. Газетадан. Москванинг чармфурушлик бозорида тағчарм бошқа растада, танавор чарм бошқа растада сотилишини гапириб берди. М. Осим, Элчилар. Агарда минг тўққиз юз йигирманчи йиллардаги унинг бозордан танавор тополмай, ишсиз, оч қолган вақтларидаги аҳволи руҳиясини хотирласак, унда советлар ҳокимиятига қарши бир кек туғилган даврига ҳам туртиниб ўтамиз. А. Қодирий, Обид кетмон.

ТАНАЗЗУЛ [а. *تنزل* – ўзини паст тутиш, тавозели бўлиш; тубанлашиш] Орқага қараб кетиш; инқироз, тушкунлик, регресс. Иқтисодий таназзул. Таназзулга тушмоқ. Таназзулга юз ўғирмоқ. ■ Бу иш тезда бартараф этилмаса, салтанат обрўсига пугур етади, таназзулга олиб боради, деб ўйлардилар. Мирмуҳсин, Меъмор. Чунки ахлоқ бўлмаган жойда маънавий таназзул бошланади.

Газетадан. Бухоро амири Саидолимхон ҳукмронлик қилган давр. мамлакат ҳужалиғи издан чиқиб, таназзулга юз ўғирган эди. Газетадан.

ТАНАКОР [ф. *تنگار* – танакор, бура] **1** Бор кислотасининг натрийли тузи (сир тайёрлашда, кимёвий идиш ва шишалар ишлаб чиқаришда, металлларни кавшарлашда ишлатиладиган шишасимон тиниқ кристалл модда).

2 кўча Бирлаштирувчи энг зарур нарса ҳақида. Севги муқаддас нарса. Оиланинг тотув, ширин бўлишига у танакор бўлсин. С. Нуров, Янгича тўйлар.

ТАНАФФУС [а. *تنفس* – нафас олиш; нафас, дам] **1** Дарс, иш, машғулот ва ш. к. орасида бериладиган қисқа дам. Ўқувчилар танаффусга чиқди. Танаффус эълон қилмоқ. ■ Бу сукут боксёрларнинг шиддатли раундлари ўртасида нафас ростлашга бериладиган танаффусга ўшарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Эрталаб қуёш билан барабар туриш, қош қорайгунча иш. Бир маҳал овқатга танаффус. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўча Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги узилиш, тўхташ бўлган вақт. Ашулаларни танаффус қилмай айтарди. «Ёшлик». Бир оз танаффусдан сўнг проگرامмада.. хоккей ўйини кўрсатила бошланди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ТАНАЧА I **Тана II** с. кичр. Танача боқмоқ. ■ Бизнинг даргоҳда яқин жойда икки яшар чамали бир ола танача бебошвоқ ўтлаб юрар эди. Ф. Фулом, Шум бола.

2 физиол. Кичкина, фақат микроскоп орқали кўрса бўладиган жисм, ҳужайра. Оқ таначалар. Қизил қон таначалари. ■ Қон – ичида жуда кўп қизил қон таначалари бўлган тиниқ, деярли рангсиз суюқликдан иборат. «Анатомия».

3 бот. Ниш; ниҳол.

ТАНБАЛ [ф. *تنبال* – эринчоқ, ялқов] Ўткетган дангаса, ялқов. Танбал одам. ■ «Ур доно учун жуда қисқа, танбал учун керагидан ортиқ узун! Одам бўлсанг, шу қисқасини танла!» деб матал ўқиди. Шуҳрат, Жаннат қидирганлар. Дала шийони қурилишига бошлиқ бўлиб биркитилган киши анча бўшанг ва танбал эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТАНБАЛЛАШМОҚ Танбал бўлиб, ялқовланиб бормоқ, танбал, ишەқмас бўлиб

қолмоқ, дангасалашмоқ, *Бекорчиликка ўр-
ганиб танбаллашиб қолибсан.*

ТАНБАЛЛИК Ишەқмаслик, дангасалик. *Унинг отаси ҳам.. танбаллик, совуққонлик
кишини охири хароб қилишини ўғлига так-
рор-такрор айтар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Пахтакорга танбалли ярашмайди, ука.. А.*
Муҳиддин, Чап чўнтак.

ТАНБЕҲ [а. تنبهه — уйғониш, жонланиш;
огоҳлантириш; эслатма, изоҳ] 1 Ножўя хат-
ти-ҳаракат учун берилган таъзир, койиш,
огоҳлантириш ёки жазо. *Енгил танбەҳ. Қат-
тиқ танбەҳ. Танбەҳ бермоқ. Танбەҳ олмоқ.*
■ *Кекса боғбоннинг самимий сўзлари ҳам
таъна, ҳам танбەҳ эди.* Ш. Рашидов, Бў-
рондан кучли. *Тоғанинг танбەҳлариغا қа-
рамай, жиян ўз йўлидан қайтмади.* «Шарқ
қолдузи». — *Биз текканимиз йўқ-ку, ота!* —
*деди болалардан бири, чолнинг танбەҳини
қаттиқ олиб.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Танбەҳ бермоқ Койиш, ўғит тарзидаги
гап-сўз айтмоқ. *Ҳашира танбەҳ бериб,
бошимни ёстиққа қўйди.* «Гулдаста». *Бошлиқ
бўлганингиздан кейин гапириш эмас, танбەҳ
беришга ҳам ҳаддингиз сиғади..* С. Нуров,
Нарвон. **Танбەҳ емоқ** айн. **танбەҳ олмоқ.**
Танбەҳ олмоқ 1) танбەҳли гап-сўз эшитмоқ;
2) иш-хизматда оғзаки ёки ёзма тарзда
расмий жазо олмоқ. *Мен.. саҳар-мардонда
тепани айланиб чиқаман деб, командирдан
қаттиқ танбەҳ олган эдим.* Т. Рустамов,
Мангу жасорат. **Танбەҳчини бермоқ** Жазо
бўладиган иш ёки гап-сўз қилмоқ; жазоси-
ни (жаззасини) бермоқ. *Манман кишининг
бунда буйини суғуриб, Агар кўрсам, танбەҳи-
ни бераман.* «Баҳром ва Гуландом». **Танбەҳи-
ни емоқ** Адабини, таъзирини емоқ. *Одам
тиқилинч бўлган бу вагонда жой тополмас-
дан, эшикнинг олдидан ўтириб, тоза танбە-
ҳини едим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш
уринишлари. *Собирнинг қиёфасида танбەҳ еб,
таъба қилиш эмас, ўз истагидан қайтмас-
лик ҳисси барқарор эди.* Ф. Мусажонов,
Ҳиммат.

2 Камчилик, хато кабиларни қайд этув-
чи гап-сўз, фикр-мулоҳазалар. *..бу ишдан ҳам
айрилиб қолмай, деб астойдил ишлади, хў-
жайинидан бирон танбەҳ эшитмади.* Ё. Хаи-
мов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамонт. *Уларнинг мас-
лаҳати, йўл-йўриғи ва танбەҳлари аксарият
қолларда ўринли бўлиб чиқаётганлиги бежиз
эмас.* Газетадан.

3 Иш-хизматдаги тартиб-қоидага бино-
ан бериладиган расмий жазо. *Ишдан кечи-
кишлари учун танбەҳ олмоқ. Тартибга риоя
қилмаганлиги учун командир танбەҳ эълон
қилди.*

4 *спрт.* Ўйин қонун-қондасига зид хат-
ти-ҳаракат учун ҳакам томонидан айтилган
гап, сўз; огоҳлантириш.

ТАНБЕҲЛАМОҚ 1 Танбەҳ бермоқ, ада-
бини, таъзирини бериб қўймоқ, койймоқ.

2 Огоҳлантирмоқ; уқтирмоқ. *Уни йиқил-
ган йўғон дарахтлар орқасига ўтқазар, лаб-
ларини қисиб, қўллари билан танбەҳларди:
«Йиғлама!»* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ёз кун-
лари [Ўзбек ойим] айвоннинг тўрига ясланиб,
Ҳасаналининг хотини бўлган Ойбодоққа, чў-
ри қиз Ҳанифага хамирни ачитмасликни, па-
ловни қирмоқ олдирмасликни танбەҳлабгина
ўтирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАНБУР [а. طنبور — торли чертма муси-
қа асбоби; уд] Дастаси узун, уч ёки тўртта
сим торли, нохун билан чертиб чалинади-
ган мусиқа асбоби. *Танбур чалмоқ. Танбурни
созламоқ.* ■ *Барот полвон «додхоҳ келибди
шекилли», деб самовар томонга қараган эди,
дугор, танбур, гижжак, най, доира кўтариб
келаётган машшоқларга кўзи тушиди.* М. Ис-
моилий, Фарғона т. о.

**Эшакнинг (ёки ҳўкизнинг) қулоғига тан-
бур чертмоқ (ёки чалмоқ)** Гапни уқиб ол-
майдиган (олмаган) шахсга нисбатан қўл-
лангани. — *Ҳўкизнинг қулоғига танбур черт-
димми, нодон хотин!* — *қизариб кетди Ёрмат.*
— *Кимга булар эди, бой отам ўзига сўраяпти.*
Ойбек, Танланган асарлар. *Йиғилишдаги гап-
лар ҳўкизнинг қулоғига танбур чертгандай
бўпти-да.* А. Муҳиддин, Фанишер.

ТАНБУРЧИ Танбур чалувчи созанда.
Моҳир танбурчи. ■ *Алоҳида уйларида ёки
мактаб боғида [домла] улар билан бир лаган-
да ош еб, дугорчи, танбурчи ва ашулачи
йигит-қизларни шу ерга чақиртириб, маишат
қилишга берилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАНВИН [а. تنوين — «н»лаштириш, ай-
рим арабча сўз (от)лар охирини «н» билан ай-
тиш] Араб ёзувида ҳарфнинг устига ёки остига
қўйиладиган қўш зер, қўш забар, қўш пеш.

ТАНВИР [а. تنوير — ёритиш; маориф,
маърифат; гуллаш] эск. *кт.* Маърифат, мао-
риф, оқартирув. *Матбуотнинг вазифаси халқ-
ни танвиёр ва тўғри йўлга ташвиқ бўлса..* А.
Қодирий, Кичик асарлар.

Танвир этмоқ Ёритмоқ. Мен мантиқ.. фалсафа каби инсон закосининг муқаддас машааллари билан талабаларнинг кўнглиларини танвир этаман. Ойбек, Навоий.

ТАНГ [ф. تانگ — тор, сиқик, зич] 1 Оралиғи, эни, ҳажми етарлича катта бўлмаган; тор, чоғ. *Танг йўлак.* ■ *Тошни тошларга уриб, Тарқатиб кўрқинч оҳанг, Йўли унинг поёнсиз, Гуё саҳро кўкси танг.* Файратий. *Вақт танг, далада иш тиғиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кутулиш, ҳал қилиш ёки иложи, давосини топиш жуда қийин бўлган, ғоят оғир, мушкул, ночор. *Танг аҳвол. Танг вазият. Беморнинг аҳволи танг.* ■ *Уканг Қурбон оқсоқол тегирмониди ишлаб туради. Рўзғордан бир қадар сиқилишган. У ёғини суриштирсанг, қишлоқда ҳамманинг рўзғори танг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ишнинг энг танг жойи — қум билан шағалнинг етишмаслиғида.* А. Мухтор, Туғилиши. *Ҳаёт-мамот урушининг танг дақиқаларида Эргаш меҳрибон онасининг гапларини эслади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Танг қолмоқ (ёки қотмоқ) Ҳайратда қолмоқ. *Зулайхонинг осойишта юзига қараб танг қолдим. У хатарли одам билан гаплашиб юрганини бутунлай сезмаётганга ўхшарди.* П. Қодиров, Қадрим. «*Ҳарқалай, уйғотай*», деди яна она ва ўғлининг бошига эгилди, эгилди-ю, танг қотди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ТАНГА 1 тар. Бухоро хонлигида 15 тийинга, Қўқон хонлигида 20 тийинга тенг бўлган кумуш пул. *Бир танга (йигирма тийин).* *Ярим танга (ўн тийин).* *Туя бир танга — қани бир танга, Туя минг танга — мана минг танга.* Мақол. ■ *Битта мушак уч минг, — деди Туробжон, — юзта мушак отилса.. биттангадан юз танга. Бир миридан кам — етмиш беш танга бўлади.* А. Қаҳҳор, Анор.

2 Умуман, қоғоз пулдан бошқа, олтин, кумуш, мис кабилардан зарб этилган пул. *Олтин (тилло) танга. Кумуш танга. Танга ва қоғоз пуллар.*

3 Олтин, кумуш ва уларнинг қоришмасидан зарб этилган пул. қиёсланг: **чақа**. ..тошкентлик мардикор иштонининг липпасига қистирилган бўз халтачани — ҳамённи олиб, танга, чақа аралаш бир сўмни санаб тўқди. Ойбек, Танланган асарлар. *Охирида маддоҳ*

йиғилган танга ва қора пулларни бир шол қопчага солди. С. Айний, Қуллар.

4 Қозоғистон Республикасининг асосий пул бирлиги.

5 Балиқ терисини қоғлаб олган қаттиқ майда тўтаракчалар. *Балиқнинг тангаси. Балиқ тангасини пичоқ билан тозалармоқ.*

6 кўчма Йилтироқ тангасимон нарса ҳақида. *Чойхоначи Дадамат унда-мунда қуёш тангадек ерга қуёш тушмасди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Заргаров:] Йўқ, йўқ! Менинг феълимни биласан-ку: жаҳлим чиқса, тангадай жанжални ғалвирдай қиламан-қўяман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

2 Танга каби, тангага ўхшаш. *Сўзни тангадай жаранглайиб сўзлашга устасиз..* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТАНГАДАЙ, -дек 1 Танга ўлчамидек, кичик. *Суна ҳам анча салқин бўлиб, кечгача тангадек ерга қуёш тушмасди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Заргаров:] *Йўқ, йўқ! Менинг феълимни биласан-ку: жаҳлим чиқса, тангадай жанжални ғалвирдай қиламан-қўяман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

2 Танга каби, тангага ўхшаш. *Сўзни тангадай жаранглайиб сўзлашга устасиз..* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТАНГАЧА 1 Танга с. кичр. 2 кўчма Майда танга шаклидаги йилтироқ нарсалар ҳақида. *Ер бетига осмондан Қўлаб тушар тангача, Будири қишнинг зийнати: Ҳаммаёқ оқ тонггача.* 3. Диёр.

3 айн. **танга 5.** **ТАНГЕНС** [лат. tangens — тегиб турувчи] мат. Тўғри бурчакли учбурчакда ўткир бурчак қаршисидаги катетнинг бошқа катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция.

ТАНГИ [ф. تانگى — торлик, сиқиклик, камбарлик] геогр. Икки тоғнинг остки туташган ери; тор дара.

ТАНГЛАЙ Оғиз бўшлиғининг юқори девори; қаттиқ ва юмшоқ танглайдан иборат бўлиб, оғиз бўшлиғини бурун бўшлиғидан ажратиб туради. *Қаттиқ танглай. Юмшоқ танглай. Тилни танглайга тегизмоқ.* ■ *Секин [шафтолининг] нўстини арчсанг, оғзинга солиб, тилинг билан танглайингга боссанг-у, сувини қўлт-қўлт ютсанг.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

Танглайи тақиллаб кетди ёки танглайи қуриди Ортиқ сувсаб, томоғи қақраб кетди. [Қудратнинг] *Лаблари қовжирган, танглайи қуриган, ранглари учган эди.* 3. Фатхуллин,

Сўнмас юлдуз. **Танглайини кўтармоқ** (ёки **босмоқ**) *этн.* Чақалоқнинг танглайини бош-малдоқ билан босмоқ. **Танглайини.. билан кўтарган** Бирикма таркибидаги «билан» кўмакчиси билан боғланган сўз аниқланган нарсга, гап-сўз (уни қилиш, айтиш, қўллаш) шахсга ёшликдан одат эканлигини, ёшликдан теккан «касал» эканини билдиради («кўндоқда теккан» ибораси маъносига яқин маъно билдиради). *Унинг танглайини пул билан кўтарган. Танглайини сўкиш билан кўтарган* (Кўп сўкинадиган, сўкиниб гапирадиган шахсга нисбатан қўлланади). **Танглайини тақиллатмоқ** Танглай билан тил орасидан тақиллаган овоз чиқармоқ (ҳайрат, инкор ва ш.к. маъноларни ифодалаш учун). *-Ҳеч кимда йўқми-а? — паршон бир ҳолда сўради Бувинисо. Кўзлари милтиллаган бола, гапиршига мадорсиздек, танглайини тақиллатиб, бош чайқади. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Тили танглайига ёпишмоқ* Ҳаяжон, газаб, кўркүв ва ш.к. сабаблар туфайли гапиролмай қолмоқ. *Маҳмуджонни муздек тер босди. Нимадир демоқчи эди, тили танглайига ёпишди.* «Муштум».

ТАНГЛИК 1 Танг ҳолат, танг эканлик. *Жойнинг танглиги. Вақтнинг танглиги.*

2 Танг, сиқиқ жой. *Тангликка сира тобим йўқ.*

3 Торлик, кичкина эканлик. *Этигим бироз танглик қилди.*

4 Оғир, мушкул аҳвол; етишмаслик. *Озиқ-овқат танглиги. ■ Рўзғордан шундай танглик тортдиқки, гапирсам, балки ишонмайсиз. Ойбек, Танланган асарлар. Ем-хашак танглиги сабаб, магазиндан нон олиб боқшига мажбур бўлган. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

5 *айн. кризис, инқироз. Иқтисодий танглик. Ҳўқумат танглиги. ■ Утмишда.. тез-тез содир бўлиб турган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тангликлар ирригация ишларига салбий таъсир қилган. И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.*

ТАНГО [исп. tango] Тўрт тактда ўйналадиган мулоийм рақс ва шу рақс мусиқаси. *Тангога рақс тушмоқ. ■ «Чет» таклифларга чек қўйиш мақсадида уни ўзи тангога олиб тушмоқчи бўлди. П. Қодиров, Уч илди.*

ТАНГРИ [муғ. тэнгэр — осмон; худо] Оллоҳ, Худо, парвардигор. *Мен қиламан ўт-*

тиз, тангрим қилади тўққиз. Мақол. Тенгеганни тангри суйибди. Мақол. ■ Базида гўлдираб босинқирар, уйғониб кетиб, тангрига ёлвориб, нажот тиларди. Мирмуҳсин, Чўри.

ТАНГЧИЛИК *айн. танглик 4. Тангчиликдан чиқмоқ. ■ Оталаримиз.. кураш йўлида йўқчиликка ҳам, тангчиликка ҳам чидашди. И. Юсупов, Меҳнатда жасорат кўрсатинг.*

ТАНДА 1 Мато тўқиш учун узунасига, бўйлама тортилган ип, ўриш. *Тандаси ҳам, арқоғи ҳам соф ипакдан тайёрланган атлас. ■ Этаги олисларга чўзилиб кетган чўл тўқувчи дастгоҳидаги тандага, янги обод бўлган жойлар эса шу танданинг аста-секин тўқилиб келаётган сергул матосига ўхшарди. С. Аҳмад, Чўл бургути.*

Танда кўймоқ 1) мато тўқиш учун унинг ўришини тартиби билан тортиб чиқмоқ; 2) кўп марта бориб келмоқ, бирор жойга серқатнов бўлиб қолмоқ. *Иноят оқсоқол Марғилон билан Чортрак орасига танда кўйиб қолган. С. Аҳмад, Уфқ. Менам шунисига доғман-да, ука. Кейинги вақтларда Турди ғилай идорага танда кўйган. А. Кўчимов, Ҳалқа.*

2 *кўчма* Ўриш иплари каби тортилган нур, тола ва ш.к. ҳақида. *Кўёш ҳам ишоқалоқ бўлиб қолди — тандасини дарров йиғиштириб олди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

ТАНДАЧИ Танда кўювчи уста.

ТАНДИР [а. تندر — нон ёпиладиган учоқ, қурилма] Нон, сомса, кабоб кабиларни ёпиб пишириш, тайёрлаш учун лойдан ясалган қурилма. *Тандирга ўт ёқмоқ. Тандирда нон ёлмоқ. Тандирдан янги узилган иссиқ нон. Уйда чакса уни йўқ, том бошида кўш тандир.* Мақол. ■ [Старшинанинг] *Тандирдан чиққан ширмон нон каби бўртиб турган юзида шўх табассум пайдо бўлди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Ҳар гал нон ёпишганда, унга атаб жажжигина кулча ясар, то қўллари куйиб, тандирдан узиб бермагунча, Мансур пойлаб ўтирарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кўлоқ сол.*

Супрадаги унга қарамай, тандирга ўт қалайдиган Бор ёки йўқ эканини суриштирмай, аҳволи билан ҳисоблашмай ҳотамлик қиладиган, эррайим. *Раис супрадаги унга қарамай, тандирга ўт қалайдиган хилдан. С. Аҳмад, Ҳодивой.*

ТАНДИРЧИ Тандир ясовчи (тайёрловчи) уста. *Кўқоннинг Исфара гузариди Мусо тандирчи ўғли Абдулхайни уйлантиряпти. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Парфи сўтак билан Фармон кал орқаларига қайтиб, Пирмуҳаммад тандирчи ёнига келишди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ТАН-ЖОН, тану жон Кишининг бутун борлиғи, вужуди. *Бу ҳовлига келганида, у яйрар, тан-жони ором оларди. Мирмуҳсин, Топилган ҳусн. Ҳам ҳадик, ҳам эҳтирос билан тан-жони ёниб кетган Шаҳзодаҳон Олчинбекнинг қучоғидан зўрга суғурилиб чиқиб олди. К. Яшин, Ҳамза.*

Тан-жони соғ Соғ-саломат, сиҳат-саломат. *Нафисаҳон Ҳафизани кучиб: -Яхши юрибсанми, тан-жонинг соғми? — деди. Мирмуҳсин, Умид. ...э-ҳуши жойида, қадди-қомати келишган, тан-жони соғ.. манман деган битта йигитнинг ишини баҳузур қиладиган хотин эди-да. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

ТАНИЛМОҚ 1 Танимоқ фл. мажҳ. н. У, ниқоб очилиб, танилиб қолди.

2 Ном чикармоқ, долг таратмоқ, маълум-машҳур бўлмоқ. *Бу ҳофиз бутун оламга танилган. Ойбек, Танланган асарлар. Шундай қилиб, у тез фурсатда эл-юрт орасида «Ҳакимча табиб» номи билан танилди. К. Яшин, Ҳамза. Орадан кўп йиллар ўтди, Тамараҳоним машҳур актриса бўлиб танилди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

ТАНИМОҚ 1 Таниш бўлмоқ, билмоқ. *Мен уни икки йилдан бери танийман. Бу ерда у ҳеч кимни танимайди. ■ Адолатни таниганлар унга ҳайрон бўлиб, бақрайиб қараб қолар, баъзи бировлар юзини ўзирар.. эди. С. Зуннунова, Гулхан. Нурунисони яқиндан таниганлар у билан ҳар вақт жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилар эдилар. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Ўзига тегишли ёки таниш кимсани, нарсани кўринишидан ёки бошқа бирор белгисидан билмоқ, ажратмоқ. *Овозидан танимоқ. Кўзидан танимоқ. ■ Дарвозабон бекни таниб, қўл қовуштирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эшелоннинг кейинги тўхташида вагон турқишидан қараб турган Исроил Азимов бу станцияни таниб, «Пенза» деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Лой ва тупроққа қоршиган жангчиларни танимоқ қийин эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ҳай, у қизни ўзинг кўрсанг танийсанми? С. Сиёев, Аваз.*

3 Фарқига борадиган, яхши-ёмонни ажратадиган бўлмоқ, ажрата билмоқ. *Отинг борида йўл тани, Ақлинг борида эл тани. Мақол. ■ Сен азалдан одам танийсан. Кўнглингда бир нарса келмасин-у, оғайни, Шобдурфаттоҳ Ҳўжаев — ўғил бола йигит. А. Қаҳҳор, Оғайнилар. Гилам танийдиган одам икки мингга индамасдан олади. А. Қаҳҳор, Асарлар. Жўра бошқа отларга бир зум кўз ташлаб: -Агар от танисанг, рисоладаги саман — шу, — деди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Ҳақ-ҳуқуқи, обрўйи, мавқеи ва ш. к. билан ҳисоблашиб муомала қилмоқ, тан олмақ. *Биз Мусулмонқулни танимаймиз! Бизнинг бошлиғимиз Ҳудоёрхондир! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Одамни танимаслик (ёки танимай қўймоқ) Жуда мағрурликка берилиб (ҳаволаниб), ҳеч кимни менсимаслик, писанд қилмай қўймоқ. *Шундай қилиб, кунни ўтказаверди. Бурунгидай одам танимайдиган бўлиб кетди. «Баҳром ва Гуландом». Равшан Мусаев совхознинг 4-бўлимига бошқарувчи бўлди-ю, унча-мунча одамни танимай қўйди. «Муштум». Оқ-қорани таниган* Яхши-ёмонни кўрган, кўп нарсани, дунёнинг борди-келдисини билган. *Сиз оқ-қорани таниган одамсиз, Абдишукур. Ойбек, Танланган асарлар. Хат танимоқ* Ўқиш-ёзишни билмоқ, саводли бўлмоқ. *Ана, сизнинг меҳрибон Ойимхон опангиз. Районга бориб, уч ой ўқиб келди. Ҳа, салпал хат танийдиган бунти. П. Турсун, Ўқитувчи. Эсини (ёки ақлини) танимоқ* Эси кириб, улғайиб, онгли равишда иш қиладиган ва кўрган-кечирганларини эслай оладиган бўлмоқ. *Биз, раисимиз айтмоқчи, энди эсини таниган боладаймиз: кўп нарсага қизиқамиз, кўп нарсани билгимиз келади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Мирпўлат Темирович гапнинг пўсткалласини айтдилар, эсимни таниганимдан бери бу — иккинчи марта этик кийишим. С. Маҳҳамов, Шогирд. Ҳақини танимоқ* Ўз ҳақ-ҳуқуқини билмоқ, ҳақ-ҳуқуқини ўз қўлига олмақ. *Давлатёр таърифлаюндек, «ҳақини танимаган» бу бечора [Худойқул] шу равишда ҳаёт кечирар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ТАНИТМОҚ 1 Танимоқ фл. орт. н. Юзларини танитмаслик мақсадида, турли шаклдаги мўйлову соқол ва юзу сочининг тусини ўзгартирадиган мой суртмалар гамлашган. «Муштум».

2 Маълум қилмоқ, билдирмоқ, айтмоқ (ўзини, кимлигини). *Отасига учраб, ўзимни танитдим, қимтиниб-тортиниб, арзимни айтдим.* «Муштум».

3 Маълум-машҳур қилмоқ. *Ана шу саксовулар, ана шу барханлару қўй-қўзилар менинг одамлигимни танитди.* М. Салом, Кечирим. *Меҳнат, халқ ишига садоқат Сафаровни барвақт элга танитди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

ТАНИШ 1 Танимоқ фл. ҳар. н. *Бир-бирини таниш. Хат таниш. Оқ-қорани таниш.* ■ Янги кийимлар кийиб, чиндан ҳам таниш қийин бўлиб қолган Элмуродни кўриб.. кўзлари олайиб кетди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Агар жиноятчи кўлга тушсагина, Умар уни тусмоллаб таниши мумкинлигини тушунди терговчи.* С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина.

2 сфт. Кимсага аввалдан маълум, кишилар танийдиган, биладиган. *Таниш одам. Таниш овоз. Таниш иш. Таниш имзо. Бу ерлар унга болалиқдан таниш.* ■ *Зиёдилла таниш дала йўлидан хаёл суриб борарди.* Х. Фулом, Машғал. *Унинг қўлида Зулфиқорга таниш кичик ханжар ялтираб турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 от Кимгадир маълум бўлган, у танийдиган ва маълум даражада муносабат-алоқаси бўлган шахс. *Қани, юр, темир йўлда танишим бор эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Турикни бир танишиникида қолдирди-да, ўзи.. шаҳарга жўнади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳў!.. эски танишлар тўпланадиган кун экан-да бўлмасам.* «Муштум».

Кўз таниш Фақат кўрганда салом-алиқ қилишиб юрадиган, ҳали унчалик алоқа-муносабати бўлмаган таниш. *Муроджон билан ҳали тузукроқ таниша олганимча йўқ. У ҳам менинг кимлигимни яхши билмайди.* Фақат кўз танишимиз, холос. Ғайратий, Узоқдаги ёр.

ТАНИШ-БИЛИШ Бир-бирини танийдиган ва маълум жиҳатдан алоқа-муносабати бор шахс(лар). *Сумка, тўрхалта кўтарган одамлар уй-уйига шошилишар, таниш-билишларини кўриб, байрам билан қутлашар эди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Энди, дўхтир, ҳозир қайси институтга борсангиз, таниш-билишининг боласи киради.* Ҳ. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ТАНИШЛИК 1 Таниш бўлиш, таниш эканлик. *Иш билан танишлиги унга қўл кел-*

ди. ■ *Йигитлини ҳаммамиз яхши таниймиз.* Аммо ҳозир бу танишликнинг сира аҳамияти йўқ. С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Ҳазро таниш-билиш ҳолати, таниш-билишлик муносабати. *Менга қолса, бу ишда ҳеч бир кўрқадиган гап йўқ, уста билан танишлиги бўлса, унинг уйига меҳмон бўлгандир.* А. Қодирий, Ҳтган кунлар. *Бу одам бизнинг уйимизда нима қилиб ўтирибди? У билан танишлигинг борми?* «Муштум».

ТАНИШМОҚ 1 Танимоқ фл. бирг. н. *Улар мени танишмади.* ■ *Тошкентимиз шундай ўзгарганки, уни узоқ кўрмаганлар ҳозир таниша олмайди.*

2 Кимса билан Ҳазро таниш бўлмоқ, бир-бирини таниб, билиб олмоқ. *Бекмуродов билан ўтган йили дам олиш уйида танишган эдим.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Одатда, кўнчилик қизларнинг ҳусни танишиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб кетганиндан кейин очилади.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Албатта, ўзинг бирга борсан, қўдаларинг билан танишмоғинг ҳам зарур.* А. Қодирий, Ҳтган кунлар.

3 Муфассал урганмоқ, кўриб чиқмоқ, билиб олмоқ. *Иш билан танишмоқ. Шаҳар билан танишмоқ.* ■ *У гуваала деворли кўчаларда уйма-уй юриб, колхозчиларнинг турмуш шароити билан танишиб чиқди.* Й. Шамшаров, Тошқин.

ТАНИШСИЗЛИК 1 кам қўлл. Таниш эмаслик, нотанишлик. *Иш билан танишсизлик.*

2 Танишлари йўқлик. *Шаҳрингизга биринчи марта келишим бўлгани учун, танишсизлик, ёлғизлик мени жуда зериктирган эди.* А. Қодирий, Ҳтган кунлар.

ТАНИҚ Таниб олиш учун қўйилган ёки табиий мавjud бўлган белги, нишон. *Йуқолган отингизнинг қандай таниғи бор?*

Таниқ бермоқ Таниганлигини билдирмоқ, маълум қилмоқ; гувоҳлик бермоқ. *Қишлоқда мулла Мамажонни илгаридан танийдиган кишилар: -Бу йиллар [1928-29] фалон мазорнинг дахмасида шайхлар билан бирга эди, - деб таниқ берадилар.* Ф. Фулом, Тирилган мурда.

ТАНИҚЛИ 1 Таниб олиш учун қандайдир белгиси ёки белгилари бўлган; таниш. *Таниқли кўча.* ■ *Тамға каби таниқли, Ҳар ерда бир из.. Узоқларда жилади Уч-тўрт хотин-қиз Ҳ. Олимжон.*

2 Кўпчиликка маълум, кўпчилик танийдиган; атоқли, машҳур. *Таниқли шоир.* ■ *Кўпчилик олдида айтишиб ўтириш иккин-гизга ҳам ярашмайди,* — ..иккин-гиз ҳам эл-юртда таниқли одамларсиз. И. Раҳим, Ихлос. *Миркарим ака Эски шаҳарга таниқли одам.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ТАНК [ингл. tank — зирҳ билан қопланган, гусеницали ҳарбий машина < шу машина ихтирочисининг фамилияси (Танк)-дан келиб чиққан] 1 Зирҳланган, тўп ва пулемётлар билан қуролланган, ҳар қандай йўлда ҳам юра оладиган гусеницали ҳарбий машина. *Оғир танк. Енгил танк. Танк дивизияси.* ■ *Бу ёққа [қишлоққа] мадад учун юборилган немис танкларининг йўлини бизнинг танкларимиз тўсган, сойликда танклар жанги бўлмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Суюқликларни сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган, махсус жиҳозланган катта идиш.

ТАНКЕР [ингл. tanker] Суюқликларни, суюқ юкларни танкларда (қ. танк 2) ташийдиган махсус кема.

ТАНКЕТКА I [ингл. tankette — кичкина танк] Разведка, алоқа учун хизмат қилувчи гусеницали енгил жанговар машина (20-асрнинг 20-30-йилларида).

ТАНКЕТКА II [р.] Тагчарми товонга томон қалинлашиб борадиган, хотин-қизларбоп енгил оёқ кийими.

ТАНКЧИ Танк қисмида ҳизмат қилувчи ҳарбий ходим. *Танкчилар жангга кирди.* ■ *Танкчиларимизнинг жасоратига оид жуда кўп жанговар эпизодлар кўз олдимда турибди.* «Ёшлик».

ТАНЛАМОҚ I Бирор белги-хусусияти, хислати ва ш.к. га кўра ажратмоқ, белгиламоқ. *Қовун танламоқ. Қўйнинг семизини танламоқ.* ■ *Полвон учинчи дафъа келтирилган тошлар ичидан.. бир тошни танлаб олди-да, яхшилаб артишга ва бир томонини йўнишга буюрди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Унга қиз танлаш, қишлоқнинг энг биринчи қизини топиб бериш онанинг иши эмасми?* И. Раҳим, Ихлос. *..ёш толга чиқиб олган йеит болтача билан силлиқ шохларни танлаб кесарди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Маъқулини белгиламоқ, маъқул топтомоқ, ўзи учун маъқул деб билмоқ. *Касб танламоқ. Эшакнинг танлагани — шўра. Тан-*

лаган йўлидан қайтмаслик. ■ *Боғнинг энг «туби»да, сердарахт ва пастқамликда кафе бор. Аҳмад шу кафени танлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Умуман, белгилаб, ажратиб олмоқ. *Қаёққа бўларди, уйга-да,* — *қўрслик билан жавоб берди чол.* — *Ҳар ким ўз молини танлаб олсин, деган буйруқ чиқибди-ку!* С. Аҳмад, Ҳукм.

Танлаб (ёки танлаб-танлаб), тозисига учрамоқ Танлаб-танлаб, энг ёмонига, нобопига учрамоқ.

ТАНЛАНИШ I Танланмоқ фл. ҳар. н.

2: **табий танланиш** Яшаш учун курашнинг натижаси бўлиб, жонли организмларнинг эволюцион тараққиёт жараёнида ҳаётини шароитларга мослашиб бориши ва яшаб қолишидан иборат биологик қонуният, жараён.

ТАННАРХ [тан 6 + нарх] *иқт.* Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳамда ишлар бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун қилинган жами жорий харажатларининг пул шаклидаги ифодаси; маҳсулотнинг иш ҳақи ва ишлаб чиқариш харажатларидан иборат ўз нархи. *Маҳсулот сифатининг ёмонлиги, таннархининг қимматлашгани ҳақида нега лом-мим демайсиз.* «Муштум». *Тупроққа қўшиладиган полимерларнинг таннархи унча қиммат эмас.* С. Кароматов, Фан — бизнинг компасимиз.

ТАННОЗ [а. طائز — ноз қилувчи, шўх ва серноз] 1 Ўзига оро бериб, ноз билан юрвчи; нозли ҳаракатлар қилувчи. *Бир танноз қиз дабдаба билан идорага келиб деди: -Мени секретарликка қабул қилсангиз.* «Муштум». *Сертаманно, кеккайган таннозлар ёҳуд нима десанг, хўп деб кўнаверадиган чўрисифат лақмалар дарров меъдага уради.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Бирор фойдали иш-юмуш билан шуғулланмай, ўзига оро беришдан, уйин-қулгидан бошқани билмайдиган, олифта. *Беиш таннозлардан орттириб улфат, Уйин-қулгиларга бердинг кўнглини.* Э. Охунова, Шу ҳам бахтми? *Тавба денг, болам, буйдоқсиз, шундай таннозлардан бирига учраб.. «Гулдаста». Совуқ сувга қўл урмас таннозини Етаклаб, қаёққадир бошлаб кетди.* «Муштум».

ТАННОЗЛИК Таннозларга хос иш, ноз, карашма. *Таннозлик қилмоқ.* ■ *Айниқса, бой*

қизларининг юришида, ҳаракатида тан-нозлик, тантиқлик очиқ сезилиб туради. Х. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. Қиз ҳамон бошини қуйи солиб турар.. таннозлик ўрнини энди қандайдир мулоим осойишталик эгаллаган.. Ж. Абдуллахонов, Орият.

ТАНОБ [a. طنب / طناب – арқон; пай] 1 эск. Ер ўлчаш, узунлик ўлчаш, чизиқ тортиш ва ш.к. ларда ишлатиладиган узун чилвир, режа ип.

Таноб тортмоқ (ёки урмоқ) Режа ип тортиб ўлчамоқ. *Матчон тўра кузда ҳосилни йиғиштириб олгач, қумгача қўзилган бўз ерларга таноб урдириб, ўзига қўшиб олди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 кам қўлл. Умуман, ингичка арқон, чилвир ёки каноп ип, ришта. *Шоҳнинг амри билан минг полвон ва кал икки кеча-кундуз йўл тортиб, Ёша тоғига етиб, чортиқлар [чодирлар] танобини тортиб.. ётаверди.* «Зулфизар билан Авазхон». Бекам-қўст турмуш кечириб, эр-хотин тотув яшаётган кезларда тўсатдан бу иноқ ошла чархининг таноби узилди. И. Раҳим, Ёш хотин. Банд этиб зулфинг аро кўнглимни озод этганинг, Қўш учиргандек эрур боғлаб аёғига таноб. Нодира.

3 эск. тар. Ўрта Осиё хонликларида: томонлари 60 газдан иборат бўлган майдонга тенг юза (ер) ўлчов бирлиги. *Тонг отгунча бир танобча ернинг ғўзаси сув ичди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Боғнинг сатҳини Салим уч ярим таноб, Фазилдин уч таноб мўлжаллади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 эск. тар. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда қўлланган узунлик ўлчов бирлиги (17-асрда 39,9 метрга тенг бўлган).

Оғзининг (ёки лабининг) таноби қочмоқ айн. **оғзининг боғичи қочмоқ қ. боғич.** *Муродовани кўранда оғзининг таноби қочади-роган Зуннунов бугун ҳақиқатан ҳам хомуш кўрунди.* И. Раҳим, Ихлос. *-Бор, яна бир миридан ташладим, – деб юборди.* Инглизнинг лабининг таноби қочиб, илжайди. К. Яшин, Ҳамза. **Танобини тортмоқ** 1) йўл, ҳажм ва ш.к. жиҳатдан қисқартмоқ, камайтирмоқ. *Минган оти жонивор Йўлнинг танобини тортди.* «Нурали». *Умридан барака топсин. Чўлнинг танобини тортяпти.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Овқатнинг танобини тортиб қўйишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) бўлмағур, номақбул иш-ҳаракатга чек қўй-

моқ, шундай хатти-ҳаракатдан тийиб қўймоқ. *..ҳўжаликларнинг баданига зулукдай ёпишиб олган мана шунақа одамларнинг танобини тортиш керак.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари. *Амакисиза ён босган ўғлидан ҳам ранжиди.* *Танобини тортиб қўймоқ* ниятида уйга келса, *Жавҳар йўқ.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТАНОБИЙ [a. + ф. طنبى / طنبى – катта умумий хона, меҳмонхона, зал] Умумий бино, иморатда бошқаларига нисбатан катта, махсус безатилган ва меҳмонлар кутиб олиннадиган хона. *Хобгоҳдан икки хона нарида ҳашаматли танобий уйда аллақачон тўзаб қўйилган дастурхон мирзога мунтазир эди.* П. Қодиров, Бобур. *Бобур мирзо туя кигиз тўшалган танобий хонада даричадан ташқарига қараб, хомуш тикилиб ўтирарди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Танобий хона майин мусиқа, жаранг кули, зарофати гурунг ила яшнай бошлади.* С. Сиев, Ёруғлик.

ТАНОБЛАМОҚ Таноб тортиб, ер ўлчамоқ. *Минг таноблаб ҳисобланган олмазор.* Ф. Фулом, Шум бола.

ТАНОБЧИ 1 эск. Таноб тортиб, ер ўлчовчи киши. *Бой, танобчи олиб келиб ўлчатиб.. икки таноб чиқартириб олган эди.* *Менинг тахминимча, бой ўлчаб олган ер икки танобдан ортиқ эди.* С. Айний, Қуллар.

2 тар. Солиқ олиш учун ер ўлчовчи лавозимли киши. *Ясовулбоши Шерназарбой хоннинг буйруғини кўнгилдагидай бажара бошлади, қишлоқларга танобчидай юборди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ТАНОВАР [ф. تناور – семиз, бўлик; бар-васта, гавдали] Ўзбек халқ рақс куйларидан бирининг номи. *Тановарни чалмоқ.* *Тановарга ўйнамоқ.*

ТАНОВУЛ [a. تناول – ўз ичига олиш, қамраш; ейиш, ичиш]: **тановул қилмоқ** Истеъмол қилмоқ (емоқ, ичмоқ). *-Қани, бу ёққа, Анвар! – деди маҳдум. – Таомни шу ерда тановул қилсак ҳам бўлур.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ифтор маҳалида тановул қилмоқ учун кўнгил тусаган нарса, озми-кўпми, дастурхонга муҳайё қилинади.* Н. Сафаров, Наврўз.

ТАНОСИБ [a. تناسب – ўзаро алоқа; қариндошлик; бир-бирига мутаносиб ва уйғун бўлиш] 1 Ўзаро мутаносиблик ва уйғунлик. *Ҳолбуки, тасвир ғоят бекаму кўстга ўхшарди: кенг порлоқ манглай, беозор дард*

акс этган ўйчан кўзлар, ажиб ёруғлик таношиби.. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Бир зумда ичкаридан ҳаворанг футболка кийган, қадди-басти таносиб қиз чиқиб келди.* Н. Ёқубов, Жон.

2 ад. Шарқ мумтоз шеърятнда: шеър байтларида маъно жиҳатдан бир-бирига яқин, ўзаро муносабатдош бўлган тушунчаларни англатувчи сўзларни қўллаб (мас., жон-бадан; юз-оғиз-кўз; ҳаж-фарз-зиёрат каби), улар воситасида образли ифодалар, лавҳалар яратишдан иборат бадиий санъат тури.

ТАНОСИЛ [а. تناسل — кўпайиш, урчиш, болалаш] Биологик жинсга оид, жинсий. *Таносил аъзолари.*

Таносил касалликлари Жинсий аъзолар касалликлари. қ. венерик касалликлар.

ТАНСА с. т. Танца, рақс.

ТАНСИҚ [а. تنسيق — териш, тизиш; тартиб билан жойлаш; мувофиқлашув; нодир, камёб нарса] 1 Кам қилинадиган ёки бирор жойда кам бўладиган, лекин севиб ейиладиган. *Тансиқ овқат. Тансиқ мева.* ■ *Қазичарта, кабоб, палов, бешбармоқ, Қовун-тарвуз, мева, саримой, қаймоқ, Тансиқ ҳисобланган ҳар нимаки бор, Дастурхонимизда сизга интизор.* Уйғун.

2 Умуман, кам топиладиган, кам бўладиган, кам учрайдиган; ноёб. *Адолат извоидаги тансиқ моллар, зеб-зийнат буюмларини кўриб, шуларнинг ҳаммаси бир бригадага тегишли эканига ишонмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Жуда уймансангиз, мана, бир кучоқ гул, бера қоласиз,.. — деди ҳазилсимон Комила. — Ана тансиқ совға!* Ойбек, О. в. шабадалар. [Тантибойвачча] *Жондор вагончи каби дўстини ғоят қувонтирган «ажойиб тансиқ ўтириш» ваъдасининг бундай ишқал бўлиб чиққанидан уялди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАНСИХАТЛИК айн. тансоғлик. Шу билан бирга, сизларга узоқ умр, тансиҳатлик, ўқшида ғайрат тилаб қоламан. П. Турсун, Уқитувчи.

ТАНСОҒЛИК Тан-жони соғлик, сиҳат-саломатлик. *Полвон бобо, ундай чил берманг-е, Хотам полвонга тансоғлик керак.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ТАНТАЛ [лот. tantalum < юн. Tantalos — юнон мифологиясида: маъбудлар томонидан абадий очлик ва ташналик азобиға

маҳқум қилинган Лидия шоҳининг исми] Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кўкиш-қуланг, эриши қийин қаттиқ металл.

ТАНТАНА [а. تانتانا — жаранглаш, жаранг; шовқин; гўнгиллаш] 1 Муҳим воқеа, ҳодиса ва ш. к. муносабати билан ўтказиладиган, ўйин-қулги, хурсандчилик руҳида давом этадиган йиғин, маросим. *Байрам тантаналари.* Янги йил тантаналари. ■ *Тантана, ҳашаматни севган Ҳусайн Бойқаро уйни тўлдирган ва улуғвор таъзим.. билан ўтирган оломонга фахрлиниб қаради.* Ойбек, Навоий. *Қаҳрамоннинг қишлоққа қайтиб келиши катта тантанага айланди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Май — баҳор эркаси, ғалаба рамзи, Шаҳар, қишлоқларда тантана, байрам.* Р. Бобожон.

2 Бирор мақсад, фаолият йўлидаги ғалаба, муваффақият ва унинг ифодаси. *Ойбек инсон ақл-идрокиннинг, адолат ва бахт-саодатнинг тантанаси йўлида ғоят улкан ижодий жасорат кўрсатди.* Газетадан. *Тинчлик учун кураш, гуманистик ғоялар тантанаси учун кураш ишига ёшлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.* Газетадан. *Бу қарашда Зеби қандайдир заҳарли тантанани сезиб, унинг маъносига тушунди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

3 Тўй, хурсандчилик йиғини, маросими кабиларга оид хатти-ҳаракат, шодиёна ишлар. *Қиздан хабар топиб келган Ёрмат уни Шоқосимнинг қулбасидан тортиб олиб кетгач, бой ҳовлисида тўй тантаналари бошланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уйда ғалати бир тантана ҳукм сурарди.* С. Зуннунова, Янги директор.

4 Ғолибона, кўтаринки кайфият. *Ҳозир у мамнуният ва тантана билан кулумсираб, Маҳкамнинг яхши волейболчи эканини айтди..* П. Қодиров, Уч илдиз. *Суяр ўзининг қувончини тантана билан эълон қилди: -Бугун инструкторимизни қолдирдим, дада! А. Қаҳҳор, Асарлар.*

Тантана қилмоқ 1) ғалаба қилмоқ, рўёбга чиқмоқ. *Мана мен ҳам бугун мақсадимга тантана қилишига ишонганим учун шаҳарга тушиб чиқмоқчиман.* Ҳ. Фулом, Машғал; 2) тантанали ҳолатда бўлмоқ, тантана ҳукм сурмоқ. *Тоғда ҳам, пастда ҳам.. — ҳамма ерда меҳнат тантана қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Чиндан ҳам поёнсиз чўлда*

ҳаёт тантана қиларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ТАНТАНАБОЗ [тантана + ф. تاز — яхши кўрадиган, берилган] Тантанани, асъасабдабдани яхши кўрадиган, қуруқ тантаналарга берилган. *Нутқингизда*: «*Биз сийқаси чиққан ваддабозлардан, тантанабозлардан.. эмасмиз*», дедингиз. «Муштум».

ТАНТАНАБОЗЛИК Қуруқ тантаналарга берилиш. *Йиғилиш ва конференциялар тантанабозликка айланмаслиги керак*. Газетадан.

ТАНТАНАВОР айн. **тантанали**. *Машиқлар дарҳол «Хон чиқар» дейшладиган тантанавор муқонна бошладилар*. С. Сиёев, Ёруғлик. *Дарвозанинг иккала қаноти очиб қўйилган, ичкарида тантанавор бир кайфият ҳукмрон эди*. Д. Нурий, Осмон устунни.

ТАНТАНАЛИ 1 Тантанага эга, тантана руҳидаги, тантана билан бўладиган. *Ўидаги қароргоҳда бу оқшом сизларнинг шарафингизга тантанали зиёфат берилур*. П. Қодиров, Юлдузли туңлар. *Трестдагилар илғор бинокорлар қатори Ёдеорни ҳам тантанали кечага таклиф қилишди*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Тантана ифодаловчи. *Гуё улуғ бир ҳодиса содир бўлиши кутилаётгандек, еру кўк тантанали қиёфа олди*. С. Анорбоев, Оқсой. *Аҳа, демак, ҳали топганингиз йўқ, — деди Исмоил тантанали бир оҳангда..* Ойбек, Нур қидириб.

3 Асъаса-дабдабали, кўтаринки руҳ билан. *Никоҳ тўйи фавқуллода суронли ва тантанали бўлди*. Ойбек, Танланган асарлар. *Саидғози бу сўзларни оғзини тўлдириб, алоҳида расмий тусда гапиргани учун тантанали жарангларди*. С. Анорбоев, Оқсой.

ТАНТИ 1 Ўзгаларга ёрдам, сарф ва хизматини аямайдиган, мард; кўнгли ва қўли очик. *Бой ва танти куёв харажатларнинг йирик ва майдалигини суриштирмай, чўнтакларидан даста-даста пул чиқарар эди*. Ойбек, О.в. шабадалар. *..Бу танти йигит ўз ўртоғи Низомиддиннинг зиндонда ётишига асло йўл қўймайди, деб ҳисобларди у*. Мирмуҳсин, Меъмор. *Танти, лекин бизга эмас.. Зиёфатларини еган одамлар унга Танти от қўйишган*. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Алдам-қалдам, фирромлиги йўқ, ўзаро муносабат, беллашув ва ш.к. да ҳалол. *Азим тажанг қиморбоз эди, шунинг учун ҳам ҳар*

бир қиморбоз сингари мард, танти. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Танти бўлиб урушайлик, деб Арза бекларга курсатди*. «Гулихи-ромон».

3 *Кўчма Сахий, ҳалол. Мана қатор-қатор қарвон келар Гўзал Фарғонанинг танти еридан*. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ўктам ҳам Усаржонга қараб, салмоқланиб деди: -Хуллас калом, меҳнатни аяманглар, ана унда бу жой хийла танти бўлади*. Ойбек, О.в. шабадалар.

ТАНТИЛИК Танти одамларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Йигит кўрки эса мардлик, тантилик*. Миртемир. *Тантилик шундай бўлсин: Ҳар ким йиқилса, шу ўлсин, Йиқитган ала тирик қолсин*. «Эрали ва Шерали». [Тантибойвачча] *Гуландомга суйкалади, унинг атлас кўйлаги остида балқиб турган кўкрагини ўйнайди. Кераксиз бўлса ҳам, тантилик учун ҳар хил овқатлар, ичимликлар буюрди*. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАНТИҚ 1 Ортиқ эркалатиб, талтайтириб юборилган, талтайган. *Моҳим — Ҳоразм хони.. Алломатхоннинг яёна тантиқ қизи, 18 ёшда*. С. Абдулла, Тоҳир ва Зуҳра.

2 Бўлмағур қилиқлар қиладиган, қилиқлари келишмаган, бемаъни. [Саидалимхон] *Ўлгудек тантиқ. Агар бир эркаланишга тушиб кетса, киши қилмаган қилиқларни қилади*. Ойдин, Ҳазил эмиш.

ТАНТИҚЛАНМОҚ Тантиқлик қилмоқ, талтайиб эркаланмоқ, суюлмоқ. *Эвзохон очилиб кулди-да, нимчасини ечиб узатди: -Мана, суюнчи, жоним! Тозагул тантиқланди: -Бу билан қутулмайсиз. Чақалоғимга бош-оёқ сарпо қиласиз*. Ҳ. Ғулум, Манғал. *Рисолат Сабоҳатга ўхшаб тантиқланмади, бамайлихотир ўтираверди*. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

ТАНТИҚЛИК Тантиқ, эрка шахсларга хос қилиқ, хатти-ҳаракат, хислат. *Боядан бери тантиқликларидан ичида кулиб келатган Ҳафиза ўзгарди..* Мирмуҳсин, Умид.

ТАНФУРУШ [тан + ф. فروش — сотувчи] Эркалар билан жинсий алоқа ҳисобига кун кўрувчи бузуқ хотин; фоҳиша, ғар. *Фуод афанди танфурушлар зумшаси бўлиб, қора қабих бир махлуқ эди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ТАНФУРУШЛИК Ўз танини, номусини сотиб кун кўришлик; фоҳишалик.

ТАНЦА [р. танец — доира бўлиб ашула айтиб рақс тушиш < нем. Tanz — рақс] 1 Европача рақс (танго, фокстрот, вальс ва

ш. к.). *У модани, танцани, театр ва сайл-ларни яхши кўрарди.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар.

2 Шундай рақс мусиқаси. *Брамсинг вен-герча танцалари.*

3 Европача рақс кечаси. *Бахтиёр дамлар кечанинг охиридаги танцада ҳам давом қи-лиши керак эди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

ТАНЧА *шв. айн. сандал* I. *Очиқ танчага писта кўмир солиб.. икки муфти қўлларини оловга товлар эдилар.* А. Қодирий, Меҳроб-дан чаён.

ТАНҚАБУРУН Учи юқорига кўтарилган ва тешиклари яққолроқ кўринадиган бурун; шундай бурунли одам. *Йирик гавдали, қисик кўз, танқабурун бу одам, афтидан, тилла тишининг шериги эди.* А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.

ТАНҚАЙГАН Учи юқорига кўтарилган ва тешиклари кўриниб турадиган (бурун ҳақида). *Унинг кўнғир қошлари, осмондай кўм-кўк кўзлари, сал танқайган бурни, қалин лаб-лари кўзларимга иссиқ кўринар, аммо уни қаерда кўрганлигимни эслай олмасдим.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ТАНҚИД [а. تنقيد — баҳо бериш мақ-садида ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосдаги хулоса] 1 Иш-ҳаракат, фаолият, асар, таълимот ва ш. к. нинг ютуқларини қайд этиш, камчилик ва нуқсонларини белгилаш ва бартараф этиш мақсадидаги муҳокама, таҳлил. *Таҳлил айлаб терсу ўн-гиндан, Иккимизни қилади беҳол. Хўп дўп-послаб, танқид сўнгида Ижодимга тилайди камол.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 Бирор нарсанинг тўғри, ҳаққоний эка-нини илмий таҳлил этиш, тадқиқ этиш. *Тарихий манбаларнинг танқиди. Матн тан-қиди.*

3 Адабий фаолиятнинг бадиий, илмий ва б. турдаги асарларни, шунингдек, уларда акс эттирилган ҳаётий ҳодисаларни талқин ва таҳлил қилувчи махсус тури. *Шахсан мен адабий танқид фақат адабиёт учун эмас, умуман, маънавий ҳаёт учун зарур эканини.. яна ҳам чуқурроқ ҳис этдим.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Адабий-бадиий танқид билан адабиётшунослик фанининг бир-бирига яқин томонларидан ташқари анчагина фарқ-лари ва ўзгачаликлари ҳам бор.* «УТА».

4 Камчилик, нуқсон, хатолик ва ш. к. ни қайд этиш, қоралаш, шунингдек, уларни

ҳал этиш мақсадида билдириладиган тан-беҳли фикр-мулоҳаза, гап-сўз. *Фақат бир нарсани — шу танқидга қарши зўр бир далил топиб, энгиб чиқишни ўйлашар эди.* П. Қо-диоров, Уч илдиш. *Танқид бўғилган жойда ҳеч қандай тараққиёт бўлиши мумкин эмас.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Танқиднинг фойдаси катта, ишимизни ўнғариб оламиз, мен буни албатта қиламан.* «Муштум».

ТАНҚИД ҚИЛМОҚ Танқид тарзидаги гап-сўз айтмоқ, танқидий фикр-мулоҳаза билдир-моқ. *У ғўзаларини ўт босган звено бошлиқ-ларининг, сув бостириб юборган сувчилар-нинг номагарини ёдаки айтиб, танқид қилар-ди.* О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса. *Бў-табойнинг ишларидаги камчиликларни тан-қид қилганимда, мактаб масаласини ҳам қистириб ўтсам булар эди.* А. Қаҳҳор, Кўш-чинор чироқлари.

ТАНҚИДБОЗ [танқид + ф. باز — яхши кўрадиган, берилган] Бўлар-бўлмаста танқид қилиш, ҳамма нарсадан камчилик излашни яхши кўрадиган шахс.

ТАНҚИДБОЗЛИК Бўлар-бўлмаста тан-қид қилавериш, ҳамма нарсадан камчилик излаб, қуруқ танқидга берилиш.

ТАНҚИДИЙ 1 Танқидга оид; танқиддан иборат бўлган, танқид мазмунидаги. *Тан-қидий мақола.* ■ *Гап танқидий мулоҳаза-ларга келган экан, яна бир масалада.. баҳс-лашмоқчиман.* У. Норматов, Талант тарбияси.

2 Танқидчилик руҳидаги, танқидийлик руҳи билан суғорилган; танқид кузи билан қаровчи. *Ўктам ўз чопиғига танқидий разм солади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТАНҚИДЧИ 1 Адабий, илмий, публи-цистик асарларни таҳлил қилиш, уларнинг ижобий ва салбий томонларини, ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ва баҳолаш би-лан шуғулланувчи адабиётшунос. *Адабий танқидчи. Театр танқидчиси. Кино тан-қидчиси.* ■ *Ўйлайманки, роман ҳақида ҳали китобхонлар, адабий жамоатчилик, тан-қидчилар ўз мулоҳазаларини айтадилар.* С. Кароматов, Олтин кум.

2 с. т. Умуман, танқидий фикр-мулоҳаза айтувчи шахс.

ТАНҚИДЧИЛИК 1 айн. танқид 3. *Тар-жима танқидчилиги ҳамма вақт ижодий меъёрни аниқлаган ҳолда, ана шу икки «фронт»да кураш олиб бормоғи лозим.* Ф. Са-ломов, Таржима назариясига кириш. *Ада-*

бий танқидчиликнинг биринчи ўргамчи асарлари вақтли матбуот саҳифаларида пайдо бўлди. «УТА».

2 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, таълимот, назария ва ш.к. га танқидий ёндашиш, танқидий нуқтаи назардан қараш.

ТАНҚИС [а. تانقيس — камайиш, қисқариш, пасайиш; етишмовчилик] 1 Талаб, эҳтиёжга нисбатан оз, етишмайдиган миқдорда; камчил, камёб. *Танқис мол.* ■ Шағал, қум олтимши чақиримдан ташилади — биласан, қурилишда энг танқис нарса шу. А. Мухтор, Туғилиш.

2 Бирор нарсадан сиқилган, камчилиги бўлган; шу нарсага бўлган талаби, эҳтиёжи етарли даражада қондирилмаган. *Сувдан танқис ерлар.* ■ [Қодир:] *Иш оғир, турмуш оғир. Эҳтимол, кийим-кечакдан танқисдирлар.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи.

ТАНҚИСЛИК Танқис ҳолат; етишмаслик, етишмовчилик; камёблик. *Биз кўприк қуриш билан қурилиш материали танқислигидан узил-кесил қутуламиз.* А. Мухтор, Туғилиш.

ТАНҚИСЧИЛИК айн. танқислик. *Ниҳоят, оилада бўладиган танқисчилик ҳам ўртага тушадиган бун қолди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.

ТАНҒИМОҚ 1 Маҳкам сиқиб, ўраб, айлантириб боғламоқ. *Белни танғимоқ.* Ярани танғиб боғламоқ. ■ *Умар шойи қийиқ билан пешонасини танғиб, каравотга ётди.* И. Раҳим, Ихлос. [Тамара:] *Бироз ўзига келгач, сочларини бошига танғиди-да, Ғофирни диванга таклиф қилди.* Қ. Мақсумов, Қутилмаган бахт. *Югурганича ичкари уйга кирмоқчи эди, оқ фартукли, бошига оқ рўмолча танғиган ёшгина хотин чиқиб, уни тўхтатди.* Ойдин, Чақалоқча чакмонча. *Бу ерларда сервиқор тоғлар белига танғилган кумуш камардек темир йўл пайдо бўлди.* Газетадан.

2 Ечилмайдиган қилиб, маҳкам боғламоқ; чандимоқ. *Отни устунга танғиб қўймоқ.* ■ *Шу пастқам уйига арқон билан танғиб қўйганга ўхшайдилар-а.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жаниш бу гал эпчиллик билан ҳалиги қозиқдан латтани олди-да, унинг оёқ-қўлини танғиб боғлади.* Ҳ. Шамс, Душман. *Бола ботинкаси устидан боғланган латтани қаттиқроқ танғиди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ТАНҒИШ 1 Танғимоқ фл. ҳар. н. *Пешонани танғиш.*

2 тиб. кам қўлл. Танғиб боғлаш учун белгиланган нарса. *Қон вена ёки капиллярлардан оқса, қаттиқроқ босадиган танғиш билан боғлаш керак.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ТАНҒИҚ(ЛИ) Танғиб, чандиб боғланган, танғилган. *Пешонаси танғиқли йигит Тингламоқда айтганин чолнинг.* Э. Раҳим.

ТАНҲО [ф. تنها — бир, ягона, якка-ёлғиз] 1 Бошқа кимсадан, нарсадан холи, якка, ёлғиз. *Ҳамма ёқни сақлар муз тоғидан ғов, Жимликка тикилган бир танҳо ўтов.* Ф. Ғулум. *Қиз билан йигит суҳбатининг танҳо гувоҳи — осмонда сузиб юрган ой қаршидаги қора булут нарчасига айёрларча секин кириб яширинди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Уйқум қочгач, кўчаларни танҳо айланиб, ширин орзулар оғушида тонг отгунча кезиб юрим келарди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат.

2 Кимсасиз, ҳеч ким йўқ. *Танҳо кечада фарзанд билан ота ўртасида бўлиб ўтган у учрашувни фақат кўкда сузиб юрган ойнинг кемтик ўроғи кузатиб турарди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 Бирор жиҳатдан яккаю ягона, тенги, ўхшаши йўқ. *Гилос ширинми ё сен! Ширинликда танҳо сен.* Р. Бобожон. *Ҳусн бобида танҳо десам, хунар бобида ҳам танҳо экансан.* Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин.

4 кўм. взф. Айириш, чегаралаш билдиради; фақат. *У даргоҳда ранг бор, олов бор, Танҳоғина сен йўқсан, гулим.* Р. Парфи, Кўзлар. *Қани энди, бутун борлиққа танҳо ўзинг ҳукмрон бўлсанг.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ТАНҲОЛИК 1 Яккаю ягоналик, танҳо эканлик. *Ўзаликда танҳолик.* ■ *Предметни аниқлаш ёки шахснинг танҳолигини таъкиллаш учун қўлланган «ўз» сўзи ўзлик олмоши деб аталади.* «Ўзбек тили» дарслиги.

2 Ёлғизлик ҳолати; ёлғизликдаги ҳаёт; ёлғизлик. *Унсин тужорча шаклли ҳовлида айланади, танҳолик ва ҳасрат унинг юрагини эзади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ойниса ёлғиз қолди. У умрининг кўп қисмини шундай ёлғизликда, хавотирликда ўтказган, танҳоликка кўниккан бўлса ҳам, бу галгиси ниҳоятда оғир туюлди.* Ҳ. Ғулум, Тошкентликлар. *Кейинги кунларда Авазни яна танҳолик ўртаи бошлаган эди.* С. Сиёев, Аваз.

ТАОЛО [a. تعالى — баланд булишлик, юк-саклик; гурур, мағрурлик; мусулмонларнинг худонинг исмига кўшиб айтадиган улуғлаш сўзи] *дин*. Энг олий, энг юқори кўтарилган (худонинг сифатларидан бири). *Худойи таоло*. ■ *Хасанали севинчисини топширгандан сўнг, дуога кўл очди: -Олло таоло умри билан берган бўлсин! А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Йук, — деди эшон, — Йук, банданинг иши ҳақ таолога имон келтирмоқ!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАОМ [a. طعام — емиш, овқат, егулик] Пиширилган, ейиш-ичиш учун тайёрланган нарса; овқат. *Лаззатли таом. Миллий таомлар. Таом тайёрламоқ. Таом туз билан, туз — ўлчов билан. Мақол. Аввал таом, баъдаз калом. Мақол.* ■ *-Қани, бу ёққа, Анвар, — деди махдум. — Таомни шу ерда тановул қилсак ҳам бўлур. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Турдаги ёши улуғлар фотиҳадан сўнг таомларга қарашди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ТАОМИЛ [a. تعامل — ўзаро алоқа, муносабат; ҳамкорлик] Бирор жамиятда, эл-халқда одат ҳукмига кирган тартиб-қоида, расм. *Эски таомил. Янги таомил. Таомилга кирмоқ.* ■ *Тўйнинг тўри азиз меҳмонларга аталади. Урф-одатимиз, таомилимиз шундай. М. Назаров, Чўлни яшнатганлар. Тўй кунлари ичкарида самоварни кўпинча эркак киши қайнатиши эскидан бир таомил бўлиб қолган. Ойбек, Танланган асарлар. Жанубий Америкага бориб қолсангиз, самолётда кетяписизми, кинотеатрга кирдинизми.. дарров сақич конфет билан сийлашади. Таомил шунча!* «Фан ва турмуш».

ТАП I *тақл.* с. Икки нарсанинг бири-бирига урилиши ёки бирор нарсанинг ерга зарб билан тушишидан ҳосил бўладиган бўғиқ товушни билдиради. *Олма тап этиб ерга тушди.* ■ *Ботирали ўзини тап этиб ерга ташлади. Ўқ варанглади. Ҳ. Фулом, Машғал.*

ТАП II [ф. تفت — тез, шошилинч]: **тап тортмоқ** Чўчимоқ, ҳадиксирамоқ. [*Заргаров:*] *Нимадан тап тортаман!.. Олса, столини олади-да. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Қудрат тап тортмаса ҳам, Кўзубой кўрқиб кетди: жон ҳолатда.. напқасини итга қараб отди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Шокирбек сиз ўйлаган кишилардан эмас, асло тап тортмай сўзлай беринг. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ТАПИЛЛАМОҚ «Тап-тап» урилмоқ, «тап-тап» овоз чиқармоқ. *Раҳим Саидов жўрттага оёқларини тапиллатиб, эшиккача борди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Тун сукунанин фақат водокачканинг тапиллашигина бузмоқда. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.*

ТАПИРА-ТУПУР *айн.* тапир-тупур.

ТАПИРЛАМОҚ Тапир-тапир товуш чиқармоқ.

ТАПИР-ТУПУР *тақл.* с. Кўп ва бетартиб тушаётган оёқ ёки бошқа нарсалардан чиқаётган «тапир» ва шунга яқин товушни билдиради. *Бироздан кейин жуда кўп от тақаларининг тартибсиз тапир-тупури эшитилди. Ҳ. Фулом, Машғал. Жуда яқин келиб қолган тапир-тупурдан, бир-бирига асло ўхшамаган «ба-ба», «ма-ма»лардан бутун атроф ларзага келарди. С. Анорбоев, Оқсой. Ташқарида тапир-тупур оёқ товушлари эшитилиб, хонага икки навкар кириб келди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.*

ТАППА: *Ташламоқ, босмоқ* каби баъзи феъллар билан қўлланиб, шу феъл англатган ҳаракатнинг тезда, шартта бажарилишини билдиради. *Пирнафас ака ўзини ёстиққа таппа ташлади. Ж. Шарипов, Хоразм. Шакархон уйига лоҳас тортиб қайтди-да, ариқ бўйидаги сўрига таппа ёнбошлаб, чуқур нафас олди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Камола.. чопқиллаганча уйларига кирди-ю, ўзини таппа каравотга отди. Н. Фозилов, Дийдор. Матпано бойвачча йигитни таппа ерга босди-ю, қўлини орқасига қайирди. С. Сиёев, Аваз.*

ТАППА-ТАХТ I «Тахт» сўзининг кучайтирма (интенсив) шакли; таппа-тайёр. *Ҳамма нарса таппа-тахт. Сафар анжомларини таппа-тахт қилиб қўймоқ.* ■ *Донишманд кал, сипоҳийликни ўхшатиб, қўшинни таппа-тахт этиб.. бостириб бора берди. «Хушкелди».*

2 *қул.* Кучайтиришни билдиради; нақ, роса. *Гулсаранинг бувиси Таппа-тахт кирди юзга. Сочлари қордек оппоқ, Юзи ўхшар кундузга. Қ. Муҳаммадий. Водокачка биноси қурилишини тугатиш учун таппа-тахт уч кунлик иш қолган эди. Газетадан.*

ТАППИ I Чорва моллари тезагидан рапида шаклида ясаб қурилган ёқилғи. *Қуруқ таппи. Таппи ясамоқ. Таппи ёқмоқ.* ■ *У [Зебо] боғ ва полизга қарарди, ҳовли супуриб,*

уйларни йиғиштирарди, нон ёпиб, сизир соғарди, кир ювиб, тапти қиларди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Бу бесабр жимлик ва қоронғиликда, жинчироқ пирпирагани сари, тапти ёпиб ташланган баланд деворлар билан уч томондан ўраб олинган ҳовли юзи худди ерга чўкиб кетаётгандай эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 кўчма Ранги таппига ўхшаш, қора. Аҳмадининг қўли сомон қориб, гўнж кураб, нақ тапти бўлиб кетган қўллар, қишлоқи ўсмирнинг қўли. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

ТАППОТ шв. Тафт, ҳарорат; жазира (яна қ. таффот). Наҳотки, ўғли қўл таппотлари билан олишишга кетаётганини англамас! С. Нуров, Меҳригиё. Ҳали буй чўзолмай, таппотда қовжирган гиёҳни кўрмаган киши томчининг қадрини на билсин! С. Кароматов, Саҳро кўшиғи. Қарши чўли. Шамол увуллайди, кўчма қумлар гирдоб солади, саратон таппоти юзни куйдирарди. С. Нуров, Дурдона.

ТАПТ [ф. تفت — иссиқ, қайноқ; жазирама] с. т. Тафт, ҳарорат.

ТАП-ТАП Тап I с. такрори. Бирин-кетин тўрт кишининг отдан тап-тап тушгани эшитилди. Ҳ. Фулом, Машғал.

ТАП-ТАҚИР Бутунлай тақир, бирорта ҳам тук ёки гиёҳ йўқ. У [Ҳошимжон ака] тап-тақир, юмалоқ бошини силаб жилмайди. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси. -Бу тап-тақир давтни олтин водийга айлантира-миз, — деди ишонч ва ғурур билан Ўктам. Ойбек, О.в. шабадалар.

ТАП-ТУП «Тап», «туп» ва шунга яқин товушларни билдиради. Уриқлар ерга тап-туп туша бошлади. ■ От туюқлари бўғиқ тап-туп қилади, эгар-жабдуқлар аста шириқлайди. С. Анорбоев, Гўзаллик излаб. Аравалар ғийқ этиб тўхтади. Отлиқлар тап-туп ерга тушиб, бандиларнинг қўл-оёқларини ечиб, пастга ола бошладилар. Ҳ. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ТАР I [ф. تر — ҳўл, нам; янги, тоза] 1: тар мева Ҳўл мева. Кўпроқ тар мева истемол қилсинлар, аммо Бухоро меваси жанобларига зарарлидир. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. Тар ғунчани топиб олган асалари унинг ширасига тўймагунча наригисига ўтмас экан. Э. Самандар, Тангри қудуғи. Абулғози шу тобда уни бағрига босишни, тар олмай қизариб турган ёноқларидан, лағли

лабларидан ўпишни истар эди. Э. Самандар, Тангри қудуғи.

2 шв. Янги. Тар очилган тоза боғнинг гулисан, Энанг ҳам онангнинг жону дилисан. «Рустам». Ардоқладим авайлаб тар ғунчадек астойдил.. Р. Бекниёз, Тўтиё.

ТАР II тақл. с. Баъзи нарсаларнинг йиртилишида ёки баъзи асбобларнинг ишлашида чиқадиган товушни билдиради. Мотор тар этиб, яна ўчди. ■ Алижон исқирт, зил тўшакни уйдан олиб чиқиб, ҳовлининг бир бурчагига улоқтирган эди, унинг бир томони тар этиб йиртилиб, ичидан нул сочилиб кетди. Мирмуҳсин, Чиниқиш.

ТАРАДДУД [а. تردد — бирор қарорга келолмай туриш, иккиланиш; қатъиятсизлик] 1 Бирор ишни, мақсадни амалга ошириш учун кўриладиган тайёрлик, бажариладиган хатти-ҳаракат. Имтиҳон тараддуди. Сафар тараддуди. ■ Ҳар икки томон ҳам шу бугундан бошлаб тўй тараддудини кўрадиган бўдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Умуман, бирор иш, нарсани тайёрлаш, амалга ошириш ҳаракати. Шарқ уфқида қуёшнинг олтин баркаши тепага кўтарилганда, оқолларда фронтка нонушта тараддуди бошланди. Б. Имомов, Ҳорманг, қуролдошларим. Элчиев ҳам жамғармасидан яхлитини кўтариб, бозор-ўчар тараддудига тушиди. Э. Аъзамов, Жавоб. Мулла Алимқул эшикдан кириб келган меҳмон билан кўришиш ва ўз тагидаги кўрпачадан жой бериш тараддудида аста ўрнидан кўзгалди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Қатъиятсизлик, иккиланиш ҳолати; шундай ҳолатда сурилган ўй, фикр-хаёл, ташвиш, мулоҳаза. Унинг эндиги тараддуди учраиши ёки учрашмаслик борасида эмас, Раънонинг олдига очиқча боришми, яширинчани тўғрисида эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Мен Матлубанинг.. шабадада тўзғиб, нешонасига тушган майин сочларини, тараддуд ифодаси жилोलаниб, пар-пар ёнган катта чарос кўзларини кўрдим-у, ўзимдан ранжидим. О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси. Опа-сингил ўзларини қаёққа қўйишларини билмай, тараддудга тушиб қолдилар, кўчага, йўлга қарадилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар. [Йўлчи] Меҳмонхона эшигига келиб, тараддудда қолди: камбағал учун ўз ҳақини талаб қилиш ҳам қийин. Ойбек, Танланган асарлар.

ТАРАДДУДЛАНМОҚ Тараддуд ҳолатида бўлмоқ (**тараддуд** ҳар учала маъносида). *Сафарга тараддудланмоқ. Бозорга тараддудланмоқ. Нима қилишни билмай тараддудланмоқ.* ■ Элчибек ўрнидан туриб кетиб, қаёққадир тараддудлана бошлади. А. Мухтор, Туғилиш. *Нодира Саодатхонга бир нима демоқчи бўлиб тараддудланди-ю, негадир айтолмади. С. Зуннунова, Янги директор. Менга ҳам Сатторқул акамнинг раис бўлиши маъқулдай туюлди-ку, бироқ раис бўлиб олгандан кейин мени яна кўпроқ ишлатса керак, деб тараддудланиб қолдим. Ф. Фулом, Тирилган мурда. Ҳақимбойвачча бу масалада ўзининг узоқ вақт тараддудланганига, ниҳоят, фурсатни қочирганига афсусланди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ТАРАКА [а. *ترکه* — қолдирилган нарса; мерос] эск. Тақсимлаш, тақсим, бўлиш.

Тарака қилмоқ Бўлиб (тақсимлаб) бермоқ. *Азбаройики, янги ҳукумат камбағалпарвар, деб йиққанини кўпчилик ўртасида тарака қилмай, ҳукумат қўлига бердим. С. Кароматов, Сўнги бархан.*

ТАРАКАН қ. суварак.

ТАРАКАНА, **таркана** эск. Тақсимлашдан тегадиган улуш, ҳисса. *Муаллимлар.. бир ҳафтагача келиб, тараканларини олиб кетишларини тавсия қиламиз.. Чунки Асака муассасаларининг.. мактабларнинг остонасигача бўлиб олиш ҳаёллари бор. «Муштум».*

Таракана қилмоқ айн. **таракка қилмоқ** қ. **таракка**. *«Менга деса, давлатингизни яланг оёқларга таракана қилиб юбормайсизми!» деб тўнғиллаганча чиқиб кетди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.*

ТАРАКАЧИ эск. шв. Мерос тақсимловчи. *Ёдгор, бир тангаси даста мирзосининг котибонасига [хизмат ҳақига] кетган ойликка ўздан бир танга қўшиб, таракачига берди. С. Айний, Доҳунда.*

ТАРАКЛАМОҚ «Тарак-тарак» товуш чиқармоқ. *Совуқдан тишлар таракларди.* ■ *Узоқда гоҳ-гоҳ автомат тараклаб қўярди. Ойбек, Куёш қораймас. Тошларнинг қўрғон кунгураларига тегиб гумбураши.. мўғулларнинг даҳшатли сурони, ноғораларнинг тараклаши, карнайларнинг ғат-ғути ҳавони ларзага келтирди. М. Осим, Ўтрор.*

ТАРАЛ(Л)А Беғам-беташвиш айш қилиб юриш; шу тарздаги хурсандчилик, гашт. *Туй*

бўлса, сизга нима ғам, аяжон? Сиз ҳам таралани ванг қўйиб юравермайсизми? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Уйнаб-қулиб, таралангни тортиб юравер. Сенга «чурқ» этадиганнинг боши ўнта. Ф. Фулом, Шум бола. Қуришиш раҳбарлари эса парвойи палак. «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар», деб таралани ванг қилиб юришибди. «Муштум».

ТАРАЛ(Л)АБЕДОД Беғам-беташвиш айш қилиб юриш; хурсандчилик, гашт (шу тарзда юрадиган шахсларга нисбатан қўлланади). *Таралабедод қилиб юрмоқ.* ■ *Қачон кўрсанг, таралабедод, хурсанд, хушчақчақ. Шўхрат, Шинелли йиллар. Бировларнинг севгисини хор қилиб, бошқа ёр топиб, таралабедод қилиб юрувчиларнинг адабини бериб қўйиш керак. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. -Асадни ёшлигидан билардим. Ширинтомоқ, маишатга суяги йўқ, таралабедод, — деди Камол. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.*

ТАРАЛИМОҚ 1 **Тарамоқ** 1, 2 фл. мажҳ ва ўзл. н. Сув ҳамма эгатга баравар таралади. ■ *Ўрмонжон шошиб чиқиб кетди ва бирон соатдан кейин озғин, сочи ўнг томонга жуда ҳафсала билан таралган.. ёшгина бир йигит билан кириб келди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.*

2 **Ёйилмоқ**, **тарқалмоқ**. *Қайси бир узун қулоқ орқали бу гап қамиш тўзғоғидай таралиб кетди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Кумушибди бошловчи қизлар билан уйга кирди, ундан таралган атир ислари билан уй тўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ун икки ўғил-қизли ота-онанинг донғи бутун мамлакат бўйлаб таралди. Р. Файзий, Шоҳи дарпарда.*

3 Ҳар томонга кетмоқ, тарқалмоқ. *Қизлар мусиқий асбобларни кучоқлаб, кўрқапса, ғинг демасдан, ҳар ёққа таралдилар. Ойбек, Навоий. Чипор товўқ ҳам зўр ташвиш билан қақағлаб, таралиб юрган жўжа-ларини қаноти остига чақирарди. А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз.*

ТАРАМ 1 Соч, соқолнинг тарокдан ўтказилиб силлиқланган ҳар бир тутами, қисми. *Бир тарам соч.* ■ *Сочингиз тарамлари ипакдан силлиқ. Миртемир.*

2 **кўча** Толаланиб, бўлакляниб, маржон каби оққан сув, кўз ёши ҳақида. *Хотинининг ҳар кўзидан етмиш тарам ёш тўкилиб, юзгиналарига ёйилиб.. «Ойсулув».*

ТАРАМОҚ 1 Тароқ ёки бошқа бирор нарса билан соч, соқол ва ш.к. нинг чигилини ёзмоқ, текисламоқ. *Шундан кейин сочларини бир томонга силлиқ тараган тилла тишли йигит қўл кўтарди.* Н. Аминов, Суварак. *Отам ўйлаб қолди.* Соқолини бармоқлари билан таради. Ойдин, Садағант бўлай, командир. *Қоронғида сокин турган отнинг буйнидан кучоқлади, бармоқлари билан ёлини таради.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ювиб-тарамоқ Озода тутиб, парвариш қилмоқ. *Мен укаларимни ювиб-тараб, кечқурун бир қошиқ обиёвғон қайнатиб, етимлигини билдирмасликка уриндим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 к. х. Арик-жўякларга сувни бир меъёрда тақсимлаб оқизмоқ, таратмоқ. *Жўяк олинган жойларда тажрибакор сувчилар чанқаган ғўзаларга сув тарардилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Шермат ота икки гектарлик картага сув тараб бўлди-да, эгатларни кўздан кечириб, ўқариқ буйига чиқди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

3 кўча поэт. Ёймоқ, сочмоқ. *Қорли тоғлар орқасидан Атлас сочин тараб қуёш, Гоҳ мўралаб, ўйнатар қош, Ханда сочар дудоғидан.* Файратий.

Ток(ни) тарамоқ Ток новдаларини бириридан ажратиб, таратиб, бағазларга боғламоқ. *Боғбон боққа қаролмапти, тоқларини таролмапти.* Ё. Шукуров, Асарлар.

ТАРАМ-ТАРАМ Ранг ёки бошқа жиҳатдан узун-узун йўлли, йўл-йўл. *Тарам-тарам олма. Тарам-тарам таревуз.* ■ *Ҳовлидаги ёнғоқ ва ўрикларнинг қорамтир барглари ва бута ораларини тарам-тарам қизғиш нур ёритмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг баданлари қамчи изларидан тарам-тарам титилиб, мўматалоқ бўлиб кетди.* А. Пўлат, Ўқлар чакнаган дамларда.

ТАРАН [р. таран – девортешар қурол < нем. Taпан – қамал қуроли] 1 тар. Қалъа ва унинг дарвозаларини бузишда қўлланадиган, узун йўғон холадан иборат, занжирга осиб боғланган қадимий ҳарбий қурол. *Искандар усти ёниқ, ғилдиракли таранлар ясаттирди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 ҳарб. Душман самолёти, кемаси ёки танкига ўз самолёти, кемаси ёки танки билан зарба бериш. *Ўқларим тугади, самолётимни таранга олиб бормоқдаман.* Газетадан.

ТАРАНГ [ф. *ترنگ* – ўқ отилганда камон ипидан чиқадиган товуш] 1 Қаттиқ тортилган, солқа ёки бурушиқ жойи қолдирилмасдан керилган. *Таранг тортилган арқон.* ■ *Нафиса кўрдик, ип жуда таранг тортилди, энди ширт этиб узилган кетиши мумкин.* Шўхрат, Жаннат қидирганлар. *Бу тор, таранг кийимда унинг келишган қомати янада бўртиб турарди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

2 Тўлишиб силлиқ тортган, текис. *Таранг сийналар қора кофтага сиғмай, қўш чуққиса айланган.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Бир неча кун ичида Нодиржоннинг эти устухонига ёнишиди, энли, таранг пешонасида ажизлар пайдо бўлди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

3 кўчма Айрим сўзлар билан қўлланиб, нарса, ҳолат кабиларнинг юқори даражасини, сўнгги чегарасини билдиради. *Унинг бутун вужуди ҳаяжон билан таранг тортилган эди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *..унинг уятчан кўзларига кўзи тушиб, таранг асаблари бирдан бўшашиб кетди.* С. Нуров, Нарвон. *Саломхонадаги таранг вазият бироз юмшагандек бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Низомжон ана шу оилада, ҳамиша таранг рўзғор ичида ўсди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Таранг қилмоқ 1) таранг ҳолга келтирмоқ. *Арқонни таранг қилмоқ;* 2) ялинтириш ва ш.к. мақсадда рози бўлмаслик, қўнмаслик. *Шундай пайтларда Ҳури жуда очилиб кетар, гали келганда, ҳеч таранг қилмай, қўлидан келганини кўрсатар эди.* Ф. Мусажонов, Ҳури. *Келинни аравада олиб келишаётганларида, гузарларда тўсишарди. соврин тилаб, атайин таранг қилишарди. .* Р. Раҳмон, Мехр кўзда.

ТАРАНГЛАМОҚ Тортиб ёки кериб, таранг ҳолга келтирмоқ. *Дорни тарангламоқ. Дуторнинг ипини тарангламоқ. Матонни таранглаб, гул тикмоқ.* ■ *Участка этагидаги икки йигит симни таранглаб, белги қилинган тугмачани назорат чизиғига бараварлади.* Р. Раҳмон, Тиниб-тинчимас.

ТАРАНГЛАШМОҚ Таранг ҳолга етмоқ (**таранг** тўғри ва кўчма маънода). *Йигитали сувдан руҳи энгли тортиб чиқди, таранглашган баданларида қайта бардамлик пайдо бўлди.* Д. Нурий, Осмон устун. *..бойвачча гоҳ асаби таранглашиб, милтиғини қўлга олар, гоҳ бўшашиб, ёнига қўярди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Эркин институтни тамомлаб, илмий иш билан шуғуллана бошлаган*

пайтда муносабат янада таранглашди. Газетадан.

ТАРАНГЛИК Таранг ҳолат (**таранг** тўғри ва кучма маънода). *Бўғизда тиқилиб, ўртада тўлиб турган нафасни фақат сарбаст гап билан, ўртадаги тарангликни йўқотувчи эркин сўз билан ўнглаш мумкин эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. - *Йўқ, Шерали Назарович, — деди ҳамон таранглигидан тушмаган Расулжон, — тўғри айтдингиз.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ТАРАНМОҚ Сочларини тараб, у ёқ-бу ёқларини тартибга келтирмоқ. *Танноз тарангунча тўй ўтар.* Мақол. ■ [Элмурод] *Ювинди, таранди ва сўнгра айвондаги сандалга ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ювиниб, тараниб, тоза куйинган қиз заргар қўлидан эндигина чиққан узукка ўхшайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

ТАРАННУМ [а. *ترنم* — куйлаш, ашула айтиш; сайраш, гўзал сўзлаш] *поэт.* Куйлаш; куй. *Алаловчи ва фараҳбахш нозик тараннум Севи меҳри билан мени ҳар нафас кучар.* Файратий.

Тараннум этмоқ (ёки қилмоқ) 1) куй ижро этмоқ, куйламоқ; 2) кучма мадҳ этмоқ, мақтамоқ, куйламоқ. *Шоирлар шеърларида тараннум этган гўзал боғ!* Ойбек, Навоий. *Мардлик сенда, ҳарорат сенда, Тараннум қил севи эртагин.* Р. Бобожон.

ТАРАНТАС [р. таратайка < карандас — одам ташийдиган арава тури] *эск.* Одам ташийдиган тўрт ғилдиракли арава. *..Чорраҳаларда чиройли тарантаслар, отлари тумшугига кийгизилган тўраадан сули чайнаятти.* А. Мухтор, Чинор. *Фойтун қиммат бўлгани учун, энди мен тарантас деган узун аравага тушдим.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

ТАРАТМОҚ 1 **Тарамоқ** фл. орт. н. Сочини таратмоқ. *Жўякларга сув таратмоқ.*

2 Ёймоқ, сочмоқ, тарқатмоқ. *Кабобназининг елтигичи новий дудлар билан ёқимли ҳид таратади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Осмонни тўлдириб учган қушларни айтинг: улар ҳам ҳузур бағишлаб, Кўкорол кўкида ёқимли куйлар таратар эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сахий ёз қуёши оламаг нур таратади, қабристон ҳам қўм-қўк.* Газетадан.

ТАРАФ [а. *طرف* — чет, чекка, уч; охирги, сўнгги нуқта; чекка жой; ён, томон] 1

айн. томон 1-4. У тараф. Бу тараф. Ҳар тараф. ■ Урданинг ташқариги қисмининг уч тарафи (жануб, шарқ, ғарб) биносиз, фақат қўрғон деворларининг зиналари эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кундузи қум тарафдан илиқ, нафасни қайтарадиган шамол эсади.* С. Аҳмад. *Уфқ. Ҳар икки тараф, ким ўзар ўйнагандек, оташ мақтовлар билан бир-бирини ўққа тутди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Шунинг учун бошқа ўйинларни қўя туриб, мажлиснинг энг қизиқ тарафи бўлиб саналган лапар айтишига кўчдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..ҳар икки тараф ўртасидаги вазият тобора кескинлашиб борарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Айтмади, сўрасам, ганин бошқа тарафга чалғитди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Тарафини олмоқ Тарафдор сифатида ҳаракат қилмоқ, бирор томонни ҳимоя қилмоқ, қўллаб-қувватламоқ; у ёки бу тарафга бўлишмоқ. *Жанжал чиққан вақтларида подшо камбағалларнинг эмас, бойларнинг тарафини олар экан.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Курашувга, беллашувга, баҳслашувга хоҳиш билдирувчи шахс, талабгор. *Бирор шаҳарга келганида, унга [Қулматқорага] тараф чикмай қолса борми, бундай шаҳарнинг йигитлари йигит ҳисобланмасди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ишбоши: -Қани, тараф борми? — деб, полвонларни майдонга чақирганда, нима бўлди-ю, таваккал қилиб, ўрнимдан туриб кетдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Тараф йўқ Бас келадиган, беллаша оладиган, тенглашадиган киши йўқ. *Унинг [Валижоннинг] одамхуналиги, кўнгличанлигига тараф йўқ.* Ҳ. Назир, Олмос. *Гандан гап чиқаришда сенга тараф йўғ-а, хотин..* А. Муҳиддин, Ҳады.

3 *фольк.* Душман, ганим. *Қашшоқларга бойлар кўп тараф бўлди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Мен ўлмасам, тараф босмас изингни.* «Юсуф ва Аҳмад».

4 *қўм. өзф.* (3-ш эзалик ва ч. к. шаклида). Томонидан, жиҳатидан. *Ўз ёнларидан сарф қилиш учун ақчалари йўқ, ҳуқумат тарафидан бериладиган овқатнинг салмоғи йўқ эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ТАРАФАЙН [а. *طرفين* — «тараф» с. иккилик сони: ҳар икки тараф] *эск. кт.* Даъвогар ва жавобгар ёки баҳслашувчи, курашувчи, олишувчи томонларнинг ҳар иккиси; томонлар, тарафлар. *Тарафайнларни сўроқ қилмоқ. ■ Тарафайн бир-бирлари билан тани-*

шиб кўришгандан сўнг, марказ вакили идорани бу йилги зўр муваффақият билан табрик қилади. А. Қодирий, Обид кетмон. Тарафайнларнинг гаплари эшитилгандан кейин, суд ҳукм мажлисига кирди. А. Мажидий, Инжиқ зиёратчи.

ТАРАФ-БАТАРАФ қ. тарафма-тараф. Дехқонлар, боғбонлар чойхоналарни тўлдириб ўтиришади-да, тараф-батараф аскиябозлик қилишади. Б. Раҳмонов, Тиниб-гинчимас.

ТАРАФДОР [а. + ф. طرفدار — тарафини олувчи, ёқловчи, ҳимоя қилувчи] 1 Бир-бирига қарши бўлган томонлардан бирига ён босувчи, уни қўллаб-қувватловчи, ҳимоя қилувчи шахс. Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқиб кетсин! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бобур бу гал яна алданмаслик учун шаҳар ичидаги тарафдорларининг ҳеч бирига хабар бермасдан.. таваккал қилиб келди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Бирор ғоя ёки ҳаракатни ҳимоя қилувчи, шу ғоя, ҳаракат учун курашувчи шахс, ташкилот ва ш.к. Тинчлик тарафдорлари. ■ Бетоб бўлиб Ўшга келолмаган Хўжа Абдулло ҳам Бобурнинг Самарқандга қўшин тортиб боришига тарафдор эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ТАРАФКАШ [а. + ф. طرفکش — тарафини олувчи, тарафдор] 1 Бирор томоннинг тарафини олувчи; тарафдор. Бедана эгалари ва уларга пул тиккан тарафкашларнинг кўзлари ола-кула, юраклари така-пука бўлиб, нафаслари ичига тушиб кетди. М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

2 Қарши чикувчи, курашувчи, беллашувчи; талабгор. - Бургутнинг йиғитлари ҳали курашда елкаси ер кўрмаган полвонлар. Ҳозир бу полвонларга Фарғона томонда тарафкаш йўқ, — деди йиғит. С. Аҳмад, Чўл бургути.

3 Тараф-батараф бўлиб курашувчи; гуруҳбоз. Менинг қишлоғимда тарафкашлар кўп... Бир-бирини ковлайди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАРАФКАШЛИК Тарафкаш бўлиш, тарафкаш бўлиб иш тутиш. Жанжал бир нафасда тарафкашликка айланиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАРАФЛАМА: Миқдор билдирувчи (бир, икки каби) сўзлар, шунингдек, ҳар сўзи би-

лан қўлланиб, шу сўзлар билдирган миқдорий нисбатни англатади. Масалани бир тарафлама ҳал қилмоқ. ■ Кекса, танилган ёзувчи ўсиб келаётган ёш авлодга ҳар тарафлама кўмаклашувчи керак. Н. Сафаров, Оловли излар.

ТАРАФЛИ Тарафи, ёни бўлган. Икки тарафли ничоқ. Бир тарафли мовут.

Бир тарафли бўлмоқ У ёқли ёки бу ёқли бўлмоқ; бирор томон фойдасига ҳал бўлмоқ. Отабек иш бир тарафли бўлгунича ўзининг қочмаслиги учун кафил беришга мажбурдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир тарафли қилмоқ** У ёқли ёки бу ёқли қилмоқ; бирор томон фойдасига ҳал этмоқ.

ТАРАФМА-ТАРАФ Тараф-тараф бўлиб, тарафларга бўлиниб. Қўчада Витя, Сарсенбой, Остап ва қўшни болалар тарафма-тараф бўлиб, тўп тепишмоқда. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Тарафма-тараф бўлиб тортишувлар, ёр-ёр айтишувларни айтмайсизми.. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ТАРАШ I Тарамоқ фл. ҳар. н. Сочни тараш. Сувни тараш. Тараш машинаси. ■ Лавли ишвали кўзлари билан унга ҳар қанча термулиб боқмасин, бек ўз оти билан, унинг.. ёлини тараш билан машғул. Ҳ. Фулом, Машғал.

ТАРАШ II [ф. تراش — кесиш; қириш, қиртишлаш] Кесиш, йўниш, қиртишлаш, қириб текислаш. Идишлар қуриб, тарашдан чиққан, [Қулмуҳаммад] гилвата қуярди. Мирмуҳсин, Чури.

ТАРАША [ф. تراشه — силлиқланган, тарашланган нарса; ёғоч пайраҳаси, қириндиси] 1 Ёриб майдаланган ўтин. Қуруқ тараша. Тараша тайёрламоқ. ■ Кўмир йўқлигидан, тараша чўғи танчани бирпас бизиллатиб сўнган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Кейин у айвондаги самоварни пуфлаб, ўтхонасига тараша ташлай бошлади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

2 Кўчма Қуруқ, қаттиқ нарса ёки қотма одам ҳақида, Унинг қўллари бамисоли тараша.

3 Шундай қотма, «қуруқ» одамнинг исмига қўшиб айтиладиган лақаб. - Полвон, бас, Ҳамзахонни чарчатиб қўймайлик, — деди Маҳмуд тараша.. К. Яшин, Ҳамза.

Томдан тараша тушгандай Қутилмаган(да), бирдан, тўсатдан; ўйламай-нетмай.

Холиқнинг томдан тараша тушгандай гаплари тагин кулгимни қистатди. Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. Қизиқ, туппа-тузук йигит, у йўқ-бу йўқ, томдан тараша тушгандай.. бирдан совчи юборгани қанақаси. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

ТАРАШЛАМОҚ 1 Силлиқ, текис қилиб олмоқ, қирмоқ (соч, соқол, жун ва ш.к. ни). -Сиз, — деди Азмиддин, калта, сийрак соқолини пўрим тарашлаган Бўронбекка қараб.. Ҳ. Фулом, Машғал. *Ун олти ёшидан бери соқол олдирадиган сермўй Очил ҳозир уч кунда бир юзани тарашларди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 Йўниб, қириб ва б. йўл билан ишлов бермоқ, силлиқламоқ. *Инсон қўли билан тарашлангандай силлиқ, тўртбурчак харсанглар бу ерда жуда кўп.* С. Анорбоев, Оқсой. *..йигит ўзидан уч-тўрт қадамча нарида ғишт тарашлаб ўтирган кекса одамга ўзга тилда бир нима деди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 кўчма Қириб-қиртишлаб, бутунлай йўқотмоқ, йўқ қилмоқ. *Насибани аллақачон кўнглимдан тарашлаб ташлаганим учун ҳам индамай қўя қолардим.* О. Ёқубов, Тилла узук.

ТАРАҚ 1 тақл. с. Икки қуруқ нарсанинг бир-бирига қаттиқ урилишидан чиққан товушни билдиради. *Тарақ этиб эшикни ёпмоқ.* ■ *Хола тарақ этказиб, бўш челақни ерга қўйди.* Газетадан.

ТАРАҚ II: Баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўз англагган нарсанинг юқори даражасини билдиради. -*Пичогимиз мой устида денг! Касод бўлиб қолган бозоримиз яна тарақ бўлар экан-да!* — деди кавушдўз ака Наврўзга. М. Осим, Элчилар. *Битта-ярымтаси ваҳималироқ бир гап эшитдим, дарров мол нархини оширадидлар. Уруш баҳона бўлди уларга. Бизнинг хўжайин-чи? Иши тарақ!* Ойбек, Танланган асарлар. *Кайфи тарақ Тантйбойвачча Салимни юпатиш учун ичкиликни мўл ичирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биринчи қалин қордан кейиноқ қақшатқич изғиринлар бўлиб, ҳамма ёқ тарақ музлади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ТАРАҚ(А)-ТУРУҚ 1 тақл.с. «Тарақ» ва шунга яқин товушларни билдиради. *..оломон бир-бирига аралашиб, тарақа-туруқлар, қилчларнинг жаранги, отларнинг кишнаши дашт сукунатини бузиб юборди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Эшик тарақ-туруқ очилиб, кўн этишени дўқиллатанча, акаси Мўмин кириб келди.* Ш. Фуломов, Ёрқин йўллар.

2 кўчма с.т. Ортиқча, кераксиз нарса, хатти-ҳаракат кабилар ҳақида. *Бунақа тарақа-туруқларнинг нима (кимга) кераги бор?!*

ТАРАҚЛАМОҚ 1 «Тарақ», «тарақ-тарақ» товуш чиқармоқ, тарақ этмоқ. *Кўча томонда бир нарса тарақлади. Аёл қўлидаги қошиқни қўйди-да, юзуриб дераза олдига борди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Эшик тарақлаб очилиб, кимдир Мунавварни кучоқлади.* С. Анорбоев, Меҳр.

2 кўчма Иш-фаолият, нарса ва ш.к. нинг авжида, юқори даражада бўлишини билдиради. *Тарақлаган участканинг бекасиман, Эргинамнинг жондан суйган эркасиман.* «Муштум». -*Иш тарақлаб, пул кўпайгандан кейин, бирваракай ички-ташқи данғиллама иморат соламан, — деди-да, ёмонгина ҳовлини ижарага олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ТАРАҚҚИЁТ [a. ترقیات — юксалиш, олға ҳаракатланиш, ривожланиш, ўсиш] Ривожланишнинг оддийдан мураккабга, қуйдан юқорига йўналган шакли, унинг юксалиши. *Тарихий тараққиёт. Техника тараққиёти. Кишлик жамиятининг тараққиёт бошқичлари. Фан ва маданиятнинг тараққиёт даражаси.* ■ *Мана, тараққиёт даври келиб, шаҳарлар қайта қурилмоқда..* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи кучлар кенг қўламда ривожланмоқда, фан-техника тараққиёти авж олмоқда.* «Фан ва турмуш».

ТАРАҚҚИЙ [a. ترقى — кўтарилиш, юксалиш, ривожланиш] кам қўлл. айн. **тараққиёт.** *Агар биз жаҳду жадал қилиб, бу жаҳолат ботқоғидан қутулмасак, тараққий йўлини тутмасак.. яқин ўртада биз мусулмонларнинг муқаддас ерларимизни ҳам босиб оладилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

Тараққий этмоқ (ёки қилмоқ, топмоқ) Ўсмоқ, ривожланмоқ, юксалмоқ; мукамаллашмоқ. *Тараққий топган мамлакатлар.* ■ *Қадимда қайси шаҳар тараққий этиб, обод бўлган бўлса, унинг сабабини тарих китобларида савдо йўли ўтганлигида, деб ўқитилади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

ТАРАҚҚИЙПАРВАР [a. + ф. پورور — тараққиёт тарафдори, ҳимоячиси] Тараққиёт тарафдори, тараққиёт, юксалиш учун курашувчи. *Тараққийпарвар ёзувчи. Тараққийпарвар инсоният.* ■ *Унинг [«Хуршид» газетасининг] бошқармаси.. Шариф охунд деган тараққийпарвар бир одамнинг меҳмон-*

хонасида экан. М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари. Уқўпинча тараққийпарвар зйёлларга яқин алоқада бўлди. Ойбек, Нур қидириб.

ТАРАҚҚОС [а. *ترقاص* – сакраш, типирчилаш; ўйинга, рақсга тушиш] 1 айн. қумой.

2 кўчма Жуда хунук, таъвия. Таъвийий тараққос айн. таъвия-тараққос.

Тараққос бойламоқ фольк. Гижинглаб турмоқ (от ҳақида); ноз-ишва қилмоқ. *Гирот Авазни кўриб, учадиган қўшдай, ҳар кўзи таркашдай, юлдузни кўзлаб, тараққос бойлаб ўйнай берди.* «Балогардон».

ТАРАХХУМ [а. *ترخم* – раҳм қилиш, ғамхўрлик, марҳамат]: эск. кт. Раҳм, раҳм қилиш, марҳамат. *Али Акбарнинг Мирзога ишончу ихлоси бўрининг қўйга тараххумидек иш эди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Ҳасанлининг юзига падарона тараххум туси килириб, кексаларга хос оҳангдор бир товуш билан бекнинг устидаги оғир юкни ола бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Тараххум этмоқ (ёки қилмоқ, айламоқ) Раҳм, шафқат қилмоқ, *Умид қиламизки.. қизимизнинг кўз ёшига тараххум этиб, айиртириб қўйсангиз.* Ҳамза, Танланган асарлар. *Аслим сўрсанг – хонзодаман, қаддингдан, Тараххумлар қилгин менинг ҳолима.* «Ойсулув». *Неча кундан бери кўрсатмайин васлин соғинтирди, Тараххум айласун ул шўхи жонон, бир келиб кетсун.* Ҳамза.

ТАРБИЯ [а. *تربيه* – ривожлантириш; парвариш қилиш, ўстириш; ўргатиш; илм бериш] 1 Таълим, ахлоқ-одоб ва ш.к. ни ўргатиб, сингдириб, инсонни вояга етказиш, улғайтириш, ўстириш. *Интернат тарбиясида ўсган бола.* ■ *Абдурахмон.. отаси ўлиб, онаси ва ота томонлари тарбиясида қолди.* А, Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қиз ўн олти ёшгача бу оилада, музика муаллими бўлган камбағал амакиннинг тарбиясида ўсди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Инсонда иш-хунар, одоб-ахлоқ ва ш.к. ни шакллантириш, ривожлантиришга, унинг жамиятда яшashi учун керак бўлган хислатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган иш-амаллар мажмуи ва шу йўл билан сингдирилган одоб-ахлоқ, хислат, фазилат қабулларнинг ўзи. *Сийсий тарбия.* *Ҳоявий тарбия.* *Мактаб тарбияси.* *Тарбияси бузуқ одам.* *Тарбияси яхши бола.* ■ *Ёш авлод тарбиясида юқори самарага эришиш учун*

бир қатор шарт-шароитлар барқарор бўлиши лозим. Газетадан. *Болалар китоби тарбия учун ёзилди, тарбия эса буюк иш.* «Саодат».

Тарбия бермоқ Тарбия хизматини амалга оширмоқ, тарбияламоқ. *Болага оила ҳам, мактаб ҳам тарбия бериши, одоб-ахлоқ ўргатиши шарт.* Газетадан. **Тарбия олмоқ (ёки кўрмоқ, топмоқ)** Тарбия орттирмоқ, тарбияга эга бўлмоқ. *Хорст Шустер ўн ёшгача мактабда шундай тарбия олган: «Уруш жуда қизиқ нарса бўлади. Катта бўлганида, бир ўзинг юзта душманни ўлдирасан..»* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Заргаров узун сўздан хулоса чиқариб: -Мен ёшлигимда шундай тарбия кўрсам, ҳозир ерда туриб, ойда чорвачилик қилар эдим, – деди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Мундоқ жойда тарбия топган киши қандоқ олим.. инсофли ва шафқатли бўлса керак.* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Маълум тартиб, усул асосида қараб, ишлов бериб ўстириш; парваришлаш (ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида). *Фуза тарбияси оғир иш.*

Тарбия қилмоқ 1) тарбиялаб катта қилмоқ, вояга етказмоқ, ўстирмоқ, улғайтмоқ (қ. тарбия 1). *Ўн бир ёшлик Темир, тўққиз ёшлик Қобил ва Анварларни тарбия қилиш оғирлиги Нодиранинг устига тушди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) илм-хунар бермоқ, одоб-ахлоқ ўргатмоқ, тарбиялаб бирор хислат-фазилатни сингдирмоқ (қ. тарбия 2). *Шунча таҳсил ва тарбия берганларингиз учун раҳмат!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) парвариш қилмоқ (қ. тарбия 3). *Ҳали нишона қилмаган мевани ҳисобга киритасанми? Аввал тарбия қил, гулласин, ундан кейин мевасига сават тўқисанг арзийди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Бузоқлидан ўзи тарбия қилган, унга ўрганган эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

Жисмоний тарбия қ. жисмоний.

ТАРБИЯВИЙ Тарбияга оид; тарбия учун хизмат қиладиган. *Тарбиявий ишлар.* *Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асар.*

ТАРБИЯЛАМОҚ 1 Боқиб ва таълим бериб катта қилмоқ, вояга етказмоқ, ўстирмоқ. *Ўн бир болани тарбиялаган она.* ■ *Раҳмат, она, Ботиралидек ўғилни тўққанингиз, тарбиялаб ўстирганингиз учун раҳмат!* Х. Фулом, Машғал.

2 Илм-хунар бериб, одоб-ахлоқ ўргатиб етиштирмоқ. *Мактабимиз тарбиялаган бо-*

лалардан кўп олимлар етишиб чиқди. ■ Ким айтади бунга оғир қиз деб, олов-ку! Тўғри, сал ёввойилиги бор. Аммо ўзим тарбиялаб оламан. Ф. Мусахонов, Ҳури.

3 Мунтазам, изчил тарбия йўли билан ғоявий, маънавий ёки бошқа жиҳатдан шакллантирмоқ, етиштирмоқ. У ўзбек санъатининг фахри бўлиб қолган кўпгина талантили артистларни тарбиялаб ўстирди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Айни пайтда ҳар бир тошкентликда ватанпарварлик туйғусини, шаҳар бойлигига бойлик, чиройига чирой қўшиша.. бўлган интилишни собитқадамлик билан, изчил тарбиялаш керак. Газетадан.

4 Парвариш қилмоқ, Бу кўчатларни ўзимиз тарбияладик.

ТАРБИЯЛАНУВЧИ 1 Тарбияланмоқ фл. сфдш. Тарбияланувчи ёшлар.

2 Тарбия олувчи, тарбияда бўлган шахс. Тарбияланувчиларни доим эътиборда тутуш керак.

ТАРБИЯЛИ Тарбия кўрган, яхши тарбия олган. Тарбияли ёшлар.

ТАРБИЯСИЗ 1 Тарбия олмаган, ахлоқсиз. Тарбиясиз бола. ■ Тарбиясизнинг бир қилиғи ортиқ, деган мақол бор. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Шу маъноси билан ҳақорат учун қўлланади. У автобусдан тушиб, ловуллаб турган кўлоғини ушлаганча, Ҳожига қаради ва бисотидаги энг оғир, энг даҳшатли ҳақоратни ишлатди, яъни «тарбиясиз!» деди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

ТАРБИЯТ эск. кт. айн. тарбия 1. Ким кучук бирлан хўтикка Қанча қилса тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, Аслоки бўлмас одами. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ТАРБИЯЧИ Тарбия берувчи шахс, мураббий. Боғча тарбиячиси. Тарбиячи аёл. ■ Унинг ғурур тўла кўзлари.. устозларига тиклар, ота ўрнида оталик қилган хўрматли Давроновага, жонкуяр тарбиячи Нафиса хонимга чин қалбидан миннатдорлик билдиргиси келар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Абдулла Қаҳҳор ёшларнинг.. том маънодаги тарбиячиси эди. Газетадан.

ТАРВАЙМОҚ Ёйилиб ялпаймоқ, керилмақ. Кундузи билан қурбақадек тарвайиб, узун теракнинг қоқ тепасида турган катта булут парчаси киши таъбини хира қиларди. Ибохон, Улуғ кун. Элмурод Абдурасулнинг

ёнига ўтиб, оёқлари тарвайган «эшак»нинг бир четига ўтирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАРВАҚАЙ кам қўлл. Шохлари атрофига ёйилган ҳолатли. Мен ҳовлимга бордим, болалигимда кўрганларимдан ёлғиз шу жийда қолибди — тарвақай, ғадир.. қадимгидек. Миртемир.

ТАРВАҚАЙЛАМОҚ 1 Ёйилиб, ҳар томонга шох отиб кетмоқ (дарахт ҳақида). Ҳар ёққа тарвақайлаб ўсган бесўнақай, қари толларнинг кўланкаси қуюқ. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кўчма Ёнига, атрофига чўзилмоқ, кенг очилмоқ. Мешдай қаппайган қорни юрганида ҳам силкинар, тирсиллаб турган оппоқ елини сонларига шалоп-шалоп урилар, ўрта қўлдай йўғон-йўғон, тарвақайлаб кетган эмчакларидан йўл-йўлакай сут тиз-тиз тирқирарди. С. Анорбоев, Оқсой. -Э, бўлди, бўлди, — лаблари тарвақайлаб илжайди Ҳалимбой. Ф. Мусахонов, Нозик масала. Раҳимнинг оғзи тарвақайлаб кетди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Ялпаймоқ; лапангламоқ. Синфга узун малла тўн, кўк духоба дўппи кийган, қипқизил юзли, ўрта бўйли бир киши тарвақайлаб кириб келди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ТАРВИЖ [а. ترويج — тарқатиш, ёйиш, сотиш; муомалага киритиш] эск. Тарқатиш, ёйиш, оммалаштириш; муомалага, амалга киритиш. ..дин томонидан тарвиж этилган бу хаттолик санъати яхши тараққий қилган эди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ТАРВУЗ Қовоқдошлар оиласига мансуб, палак отиб ўсадиган бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ёйиладиган юмалоқ ёки овалсимон, қизил гўштли, сервус ҳосили. Тарвуз уруғи. ■ Уроз қаердандир катта тарвуз келтириб, ўртага қўйди. Ойбек, Танланган асарлар. Поезд билан баравар ғарбга кетаётган қуёшнинг сафари тезлашди ва у, кесилган қизил тарвуз палласидек, ўрмон дарахтларига иланиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Тарвузи қўлтигидан тушмоқ Умиди пучга чиқмоқ; ҳафсаласи пир бўлмоқ. Дафндан сўнг тўй бир йилсиз бўлмаслигини эшитиб, қари куёв, тарвузи қўлтигидан тушиб, қишлоғига хомуш қайтиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қудрат тарвузи қўлтигидан тушгандай бўшашиди, кўзларига ғилт-ғилт ёш олди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ТАРЕЛКА [нем. Teller] 1 Чети бироз кутарилган, туби кенг, ясси ошхона идиши; ликопча. *Чинни тарелка. Бир тарелка ҳол-вайтар.* ■ Ошқовоқдан пиширилган қозон сомсани тарелкага тузаб.. уларнинг олдига олиб бориб қўйиб, ўзи уйга кириб кетди. С. Зуннунова, Олов.

2 мус. Бир-бирига урилувчи иккита металл баркаш шаклидаги урма чолғу асбоби.

3 Афсона тарзидаги, тарелкага ўхшаш, осмонда учиб юрувчи номаълум жисм. *Учар тарелкалар.* ■ Юлдуз деса, юлдуз эмас, Ё йўлдоши бир дайди. Ҳар ҳолда, у шов-шув солган Тарелкага ўхшайди. А. Орипов, Йиллар армони.

ТАРЁК [а. < تریاک > юн. teriakon — зидди-заҳар, ҳайвон заҳарига қарши дори] Афюн, қорадори. *Баъзан.. узундан-узун хаёллар Меъморни қуриш олиб, бир муддат тарёку наша элитган одамдай, бир нуқтага тикилганча хаёл суриб қоларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАРЖИМА [а. ترجمه — бир тилдан иккинчи бир тилга ағдариш, ўгириш; изоҳлаш, шарҳлаш; биография] 1 Бир тилдаги матнни бошқа тилда қайта яратишдан иборат адабий ижод тури. *Эркин таржима. Сўзма-сўз таржима. Бадиий таржима. Таржима назарияси.* ■ Ниҳоят, асар таржимаси борасидаги ишмиш охиради. Газетадан. Лермонтов шеърларининг биринчи таржимаси 1920 йилларнинг охирига тўғри келади. «Саодат».

2 Бир тилдан бошқа тилга ағдарилган матн. *Таржима тайёр бўлгач, муаллиф у билан таниша бошлади.* Газетадан. *Таржимадаги сўзлар, иборалар, жумлалар бир-бирига таъсир кўрсатиб, жозибали маъно касб этади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

Таржима қилмоқ Бир тилдаги матнни бошқа тилга оғзаки ёки ёзма ҳолда ағдармоқ, ўтирмоқ. *Кейинчалик Бағдодга бориб, қадимги юнон олимларининг фалакиётга оид асарларини таржима қилдилар ва илмий шарҳладилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Болалардан русчани сал-пал тушунадиганлари бошқаларига таржима қилиб беришди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Таржимаи ҳол Кишининг ўз шахсий ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган баён; автобиография. *Шоирнинг таржимаи ҳоли. Таржимаи ҳол ёзмоқ.* ■ Абдукарим ака Бо-

тирали қаршисида маънос утириб, кутилмаганда ўз таржимаи ҳолини сўзлаб кетди. Х. Фулом, Машъал.

ТАРЖИМАЧИ кам қўлл. айн. **таржимон.** **ТАРЖИМАЧИЛИК** Таржима қилиш, таржима билан шуғулланиш. *Кейинги йилларда.. таржимачилик фаолияти тобора ривожланмоқда.* Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.

ТАРЖИМАШУНОС [таржима + ф. شناس — ўрганувчи] Таржима назариясини, унинг қонун-қоидаларини ўрганувчи мутахассис, олим.

ТАРЖИМАШУНОСЛИК Таржима назарияси билан шуғулланувчи фан. *Ойбекнинг таржима соҳасидаги катта фаолиятини ўрганиш ўсиб келаётган таржимашунослик фанининг долзарб вазифаларидан биридир.* Ж. Шарипов, Моҳир таржимон.

ТАРЖИМОН [а. ترجمان — таржима қилувчи] Таржима қилувчи шахс. *Моҳир таржимон.* ■ Мен билан сўзлашишингиз учун таржимон ҳам керакдир ҳали? П. Турсун, Ўқитувчи. *Мақсуд Шайхзода талантили шоир, моҳир таржимон, меҳрибон ўқитувчигина эмас, у атоқли олим ҳамдир.* «ЎТА».

ТАРЖИМОНЛИК Таржимон иши, касби. *Унинг қаноти остида кўндан-кўн ёш талантлар таржимонлик, таҳрирчилик сингари мураккаб ишларнинг сир-асрорини билиб олдилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ТАРЗ [а. طرز — ҳаракат усули, йўсин, равиш, услуб] 1 (3-ш. эгалик шаклида — тарзи) Ўзи боғланиб келган (ўзидан олдин қўлланган) сўз билдирган нарсанинг йўсини, кўриниши, ҳолати маъносини англатади. *Ҳаёт (турмуш) тарзи.* ■ Онасининг гаплари Санамга ҳеч ёқмаган, лекин гапнинг тарзидан онасининг кампир билан ҳамфиқр эканини англаган эди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Сув музга айланганда, модда зарраларининг ҳаракат тарзи ўзгаради.* «Фан ва турмуш».

2 (3-ш. эгалик ва ў.-н. к. шаклида — тарзида) Иш-ҳаракат, нарса-ҳодисанинг йўсини, равиши маъносини билдиради; йўсинида, сифатида. *Кўнгли тортиб юрган одами айтгани учун хафа бўлмади, аммо ҳазилга ҳазил тарзида.. шўхлик қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. *Давра суҳбати савол-жавоб тарзида ўтди.* Газетадан. *Шу сабабли ўзингизга сир тарзида айтманки, Англия*

тез орада жаҳоний давлат мавқеини йўқотади. А. Ҳақимов, Илон изидан.

3 (ў.-п. к. шаклида — тарзда) Белги билдирувчи сўзлар, шунингдек, айрим олмошлар билан қўлланиб, шу сўзлар англатган белгили ҳолатни, ҳаракат-ҳолатнинг шундай ҳолат, йўсин билан бўлишини билдиради; йўсинда, ҳолда. *Ҳафиз Мирзамухамедович одадига хилоф тарзда кўпроқ гапириб қўйганини пайқади, шекилли, бирдан тўхтаб қолди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Мусаввирлар китобнинг мазмунига ҳамоҳанг тарзда расмлар чизишган.* «Фан ва турмуш». *Шу тарзда ишлар жуда секин силжиди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

4 (3-ш. эгалик. ва ў.-п. к. билан — тарзида) кўм. *взф.* Ўхшатиш, қиёс муносабатини билдиради; сифатида, каби. *..ўлпон тўлашдан бош торганлари учун, ўн олти минг қўйлар.* *..жарима тарзида тортиб олиб келинди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

5 *шв.* Юз, чеҳра; қиёфа, аҳвол. *Тарзинг бордир ою кундан зиёда.* «Ойсулув». *Тарзига қарасанг, бир лочин — шунқор.* «Баҳром ва Гуландом».

Бир тарзи (ёки тарзда) айн. бир ҳолатда қ. ҳолат. *Универмагнинг сотувчиси Барот Зоҳидов ишдан бир тарзи бўлиб келган кунни онаси кўп назр-ниёз билан.* *Барно домланикига югуриб қолади.* «Муштум».

ТАРИЛЛАМОҚ «Тар» этган овоз чиқармоқ (тартарак, пулемёт ва ш.к. нинг овози ҳақида). *Мотоцикл тариллаб, биздан узоқлашди.* ■ *Сал ўтмай самолётнинг моторлари тариллаб, парраклари айлана бошлади.* Н. Фозилов, Дийдор. *Олдинги линияда аҳён-аҳёнда автомат ва пулемётнинг тариллагани эшитилар эди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ТАРИФ [фр. *tarif* — аниқлаш; қатъий баҳолар (тўловлар) тизими < *ا. تعريف* — аниқлаш, белгилаш; бож тўловлари ҳақида билдириш] Турли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш хизматлари учун (мас., йўловчи ва юк, экспорт ва импорт товарлари ташиш ва ш.к.) тўлов ставкалари (ҳақлари) тизими. *Илтиёзли тариф. Почта тарифи. Тариф жадвали. Тариф бўйича ҳақ тўламоқ.*

ТАРИХ [а. *تاريخ* — ўтмиш; давр, вақт, эра; сана; тарих] 1 Ижтимоий тараққиёт жараёнида юзага келган воқелик, ҳаёт. Та-

рих диалектикаси. *Тарих қонунлари.* ■ *Башарият тарихи зулм, ҳақсизлик, талончилик даврини поймол этиб, эрк ва адолатнинг нурли асрига ғолибона юраётир.* Ойбек, Нур қдириб.

2 Ўтмишга оид факт ва ҳодисалар мажмуи; ўтмиш, кечмиш. *Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Фақат уч туп қайрағочгина кўҳна тарих нишонаси бўлиб турибди.* И. Раҳим, Ихлос. *Тарихдан шу нарса маълумки, инсониятга қилинган ёвузлик ва жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаган.* Газетадан.

3 Бирор нарса, воқеа-ҳодиса ёки шахснинг ўтмиш ҳаёти. *Қишлоқнинг тарихи. Савдо муносабатлари тарихи. Корхона тарихи.* ■ *Ота-боболаридан эшитган шаҳар тарихи, чеккан жабру жафолари кўз олдидан ўтарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Сизга Мадамин тўғрисида маълумот керакми? Мадамнинг тарихини Юсвали тоғам яхшироқ билади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нимасини айтмасиз, бу одамнинг тарихи ҳам олам-жаҳон.* С. Кароматов, Олтин қум.

4 Жамият ва давлатлар ўтмиши тараққиётини урганувчи фан. *Янги тарих. Урта асрлар тарихи. Ўзбекистон тарихи. Жаҳон тарихи.*

5 Табиат ва жамиятнинг, ундаги маълум соҳаларнинг ривожланиши, ўзгариши билан боғлиқ томонларни урганувчи фан. *Муסיқа тарихидан дарс бермоқ. Тилшунослик тарихи.*

6 Бирор нарса, воқеа-ҳодисанинг юз бериши билан боғлиқ маълумотлар мажмуи. *Мен аччиқ оилавий фожианинг тарихини билиб олдим.* «Ёшлик». *Эр-хотин айта берса, бу жанжалнинг тарихи бирон ёзувчининг қўлига тушса, каттақон бир китоб бўлади-ган.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

7 Бирор ишнинг бажарилганлигини, бирор воқеа-ҳодиса қачон бўлиб ўтганлигини, машҳур кишиларнинг таваллуди ва вафотини кўрсатувчи аниқ календар вақт, сана (мумтоз адабиётдаги санъат тури сифатида «таърих» деб ҳам юритилади). *Қўл-ёзманинг тарихини аниқламоқ.* ■ *Ўнг томондаги тошга араб алифбесининг қадимги имлосида йирик қилиб «Маърифатхон жаннат макон», деб ёзилган ва ҳижрий билан «1335», деб тарих қўйилган эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

Касаллик тарихи Касалнинг аҳволи ва унинг даволаниши ҳақида даволоччи врач томонидан тегишли маълумотлар ёзиб бо-риладиган варақа. *Профессор касаллик тарихига нима деб диагноз ёзишни билолмай.. шартли равишда «Негатив» деб атади. «Ёш-лик».*

ТАРИХАН [ф. *تاریخاً* — тарих нуқтаи назаридан, тарихга асосланиб] Тарих нуқтаи назаридан. *Воқеаларни тарихан тўғри тах-лил этмоқ. Тарихан жуда қисқа мuddатда катта муваффақиятларга эришилди.*

ТАРИХИЙ I Тарихда қоладиган, тарих-га кирадиган; муҳим. *Тарихий воқеа. Тари-хий кун. ■ Бу тарихий дақиқани [Берлин устидан ғалабани] зафарли юриши билан келаётган жангчиларимиз сабрсизлик билан кутаётган эдилар. Т. Рустамов, Мангу жа-сорат.*

2 Бирор воқеа-ҳодисанинг бутун тари-хига оид, бутун тарихий жараёни билан боғлиқ. *Ўзбек тили ўз тарихий тараққиёти давомида турли ўзгаришларга учраган.*

3 Тарих фанига оид, бирор соҳанинг тарихини ўрганадиган. *Тарихий грамматика. Тарихий география. Тарихий очерк.*

4 Ўтмишга, тарихга оид, қадимги, кўҳна. *Тарихий асар. Тарихий ёдгорлик. ■ -Ал-батта, Афлотун ҳам, Арасту ҳам замона-сининг кўп доно, кўп ақлли олимлари бўлгани шубҳасиз. Уларнинг ишлари тарихий китоб-лардан маълум, — деди Элмурод. П. Турсун, Уқятувчи. «Салор» ҳозирги пайтда тарихий ариқни эмас, балки чиқиндилар уюлиб ётган узун хандақни эслатади. Газетадан. Демак, бундай ҳолларда махсус сўзлик ва тарихий луғатларга мурожат қилишга тўғри кела-ди. Э. Бегматов, Киши исмлари имлоси.*

ТАРИХИЙЛИК I Тарихга оидлик. *Ёд-горликнинг тарихийлиги.*

2 Ҳар бир нарса ёки ҳодисани уни юзага келтирган муайян тарихий шароит билан узвий боғланишда текшириш ва баҳолаш-дан иборат диалектик тамойил. *Тарихийлик-ка аҳамият бермоқ.*

ТАРИХЛИ кам. қўлл. Тарихи, санаси қайд этилган. *Тарихли қўлёзма.*

ТАРИХНАВИС [тарих + ф. *نویس* — ёзувчи] эск. Тарихни ёзиб борувчи, солно-мачи. *Қиссагўйлар, тарихнавислар ана шу ерлар [чўллар] фожиаси ҳақида, афсуски, ёдгорликлар ва китоблар қолдириб кет-*

маганлар. Миртемир ва А. Пўлат, Сирдарё сели.

ТАРИХЧИ I айн. тарихшунос. *Машҳур тарихчи олимлар китобларида ёзганлар.. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Тарих, солнома ёзувчи. *..ўша давр тарихчилари Темур забардаст, хийла чирой-ли одам бўлганини ёзиб қолдирганлар. Ў. Ҳо-шимов, Қалбингга кулоқ сол.*

ТАРИХШУНОС [тарих + ф. *شناس* — ўр-ганувчи] Тарих илми билан шуғулланувчи мутахассис, олим.

ТАРИХШУНОСЛИК I Тарихшунос иши, касби.

2 Тарих фанининг тарихини ўрганувчи соҳа.

ТАРИҚ I Бошоқдошлар оиласига ман-суб бир йиллик ғалла ўсимлиги ва унинг оқлаб сўк қилинадиган майда дони. *Тариқ сепмоқ. ■ ..қир настида тариқ ўраётган бир тўда деҳқонларни кўриши билан та-биатидаги бир дамлик равшанлик ўрнини яна диққатбозлик эгаллаб олди. Туйғун, Сўнгги саёҳат.*

ТАРИҚ II [а. *طریق* — йўл, кўча; усул, йўсин, йўл] эск. айн. **тариқа**. *-Не тариқ би-лан? — қизиқиб сўради Маждиддин. Ойбек, Навоий. ..ота-онасидан чиройли ахлоқни, одамларга одамларча муомала тариқини ўр-ганиб келибди. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.*

ТАРИҚА [а. *طریقہ* — йўл, кўча; усул, йўл; йўсин] I Баъзи сўзлар билан эгалик шакли-да, шунингдек, шу, бу, қай каби олмошлар билан қўлланиб, «йўл», «йўсин» маъноси-ни билдиради. *Ёшликда икковимизнинг кун кўриш тариқамиз, онгимиз бир эди. А. Қаҳ-ҳор, Сароб. Унинг [Отабекнинг] сўзига қа-раганда, сиз уни оғирроқ тариқа билан дар-бозангиз ёнидан жўнатган экансиз. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. Эсон шундай хаёлар билан уйга қай тариқа етиб келганини ҳам сезмади. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?*

2 (3-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида — **тари-қасида**) кўм. *взф.* Бош келишиқдаги сўз би-лан қўлланиб, ўхшатиш, қиёс каби маъно билдиради; йўсинида, тарзида. *Насихат тариқасида. Совға тариқасида. Мисол тариқасида. Ҳазил тариқасида. ■ «Кўлтиқта-ёққа дардисар бўлдинг!» деган ҳазил-мудо-йиба тариқасида айтилган сўз, тўғриси, иззат-нафсимга тегди. Н. Сафаров, Оловли*

излар. *Баъзан у бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури тариқасида иш қиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ТАРИҚАТ [a. تریقت — йўл; усул, восита; маслак, суфийлик йўли] эск. кт. Тутилган йўл; маслак; суфийлик йўли. У *Бухорода мадрасада ўқиб юрганда, шариат ва тариқат* илмини яхши ўрганган, қуръонни ёд билар эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қўқондан келган меҳмонлар Жамолиддин Муҳаммад-карим суфини тариқатнинг пешвоси, авлиёи пир, дея кўп таърифини гапирдилар.* Ойбек, Улуғ йўл. *Сенинг бу қилигинг на фарзга, на суннатга, на инсонийлик тариқатига тўғри келгай.* С. Сиёев, Аваз.

Тариқат аҳли Суфийлар.

ТАРИҚДАЙ, -дек 1 Тариққа ўхшаш, тарик каби. *Бизларди жойлар Тошканмас — одам хирмонга тушган тариқдай йўқолиб кетса.* С. Нуоров, Нарвон. *Бу нима деган гап, қизлар, иш қолиб, тариқдай сочилиб, тупроқдай тўзиб, ялло қилиб юрибсизлар.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

2 Жуда оз; жиндак, кичкина, тариқча. *Туядек буй берма, тариқдек ақл бер.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Табиб тариқдай афюн келтириб, ўз қули билан ичирди.* С. Сиёев, Аваз. *Кўнглимда тариқдек ёмонлик бўлса, эртагача етмайин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАРИҚЧА (одатда инкор билдирувчи феъллар билан) Озгина, жиндай. *Тариқча ақли йўқ.* ■ [Маҳжам:] *Дадамда тариқча гуноҳ йўқ, тақсир.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Агар шу сўзларим ичиди тариқча қаллоблиги бўлса, билганларингни қилинглар.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. - *Тариқча инсоф борми сизда!* — *бўғилиб гапирди Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ТАРК I [a. ترك — ташлаш, воз кечиш; инкор қилиш]: **тарк этмоқ** (ёки қилмоқ) 1) воз кечмоқ, барҳам бермоқ, ташламоқ. *Чекишни тарк этмоқ.* ■ ..сўзини ҳазилдан бошларди. Бу дафъа ҳам одатини тарк этмади. Туйғун, Дўстлик севинчлари. *Бошига салла ўрашни асло тарк қилмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон; 2) ташлаб (қолдириб) чиқиб кетмоқ. *Қишлоқни тарк этмоқ.* *Хонани тарк этмоқ.* ■ *Атрофда баҳор нафаси кезади, қишда бу ерларни тарк этган қушлар яна учиб келишган, новдаларга қўниб чуғуллашади.* С. Зуннунов, Гулхан.

Тарки дунё қилмоқ Мол-дунёдан, дунёнинг иш-ташвишлари — барча нарсадан воз кечмоқ, узлатга чекинмоқ. *Ҳўш, сиз бу фаний дунё лаззатидан кечган.. сарвари коинот ишқида тарки дунё қилган пири муришлардан бири экансиз.* К. Яшин, Ҳамза.

ТАРК II [ф. ترك — ёриқ, дарз, тирқиш] Букилган, қайтарилган жой; нарсанинг букланган раҳи; тах. *Дўппининг тарки.* *Қаллоқнинг тарки.* ■ *Ботир ака шошиб қолди, шекилли, газетанинг таркини топиб очолмай, унинг бир чеккасини йиртиб ҳам қўйди.* Ҳ. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

ТАРКАНА эск. Талаш-тортиш, талашиш; тақсимлаб, бўлиб олишга интилиш; яна қ. **тарақа, таракана.** *Дўлоқ сувини биз «Қора сув» деймиз. Улар ҳам ҳисобли, бригадалар ўртасида доим таркана.* Ҳ. Назир, Олмос. *Унгача тустовуқлар таркана бўб кетмаса бўлагани, устажон!* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадалари.

ТАРКАШ [ф. تركش — ўқдон, тирдон, садок] фольк. Пиёла, коса каби сопол идишларни синишдан сақлаш учун тери (чарм) ёки ёғочдан қубба шаклида ясалган филоф. *Ғирот Авазни кўриб, учадиган қушдай, қулоқлари қамишдай, ҳар кўзи таркашдай, юлдузни кўзлаб.. ўйнай берди.* «Балогардон».

ТАРКИБ [a. تركيب — бириктириш, бирикма, бириктириб ҳосил қилиш; ҳайъат, ходимлар] 1 Мазлум бир бутунлиқни ташкил этувчи қисмлар, унсурлар мажмуи. Сўзнинг морфологик таркиби. *Сувнинг кимёвий таркиби.* ■ *Тупроқ унумдорлиги учун унинг таркибида, аввало, ўсимликка зарур озиқ моддалар, шунингдек, сув, ҳаво ва иссиқлик етарли бўлиши керак.* «Фан ва турмуш». *Ёнғоқнинг таркибида мой, оқсил, углевод, кислота моддалари беҳисоб.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

2 Жамоа, ташкилот ва ш.к. ни ташкил этувчи шахслар мажмуи. *Комиссия таркиби.* *Ҳукумат таркиби.* *Суд ҳайъати таркиби.* ■ *Баъзилар бу кема экипажининг таркибида Дурра Норни кўриб ажабланишди.* О. Муминов, Хиёбондаги уч учрашув.

Таркиб топмоқ Қисм, унсур кабилардан иборат бўлмоқ, юзага келмоқ. *Кишиларимиз қоронғи уйлардан таркиб топган қишлоқларда яшаганлар.* «Ўзбекистон қуриқлари». *Ирмоқлар бирлашиб, дарёлар ҳосил қилгани каби, катта-кичик муваффақиятлар жам*

бўлиб, улкан ютуқлар таркиб топади. Газетадан.

ТАРКИБАН [а. ترکیب] Таркиб жиҳати-дан; таркибига кўра. *Моддаларни таркибан таҳлил қилмоқ.*

ТАРКИБИЙ Таркибни, бутунни ташкил этувчи, таркибга кирувчи. *Навоий ижодида ишқ масаласи шоир дунёқараши, унинг инсон ва ахлоқ ҳақидаги таълимнинг таркибий қисмидир.* «ЎТА».

ТАРЛОН Ола-тарғил, чавқар; шу тусдаги от. ■ *Тарлон бия Бойчиборнинг энаси Чибарнинг товушин тўқайда билди.* «Алпомиш». [Чорақор] *Тарлонни миниб, учраган, кўринган кишидан Хидирбойни кўрган борми, деб сураб кетаверди.* «Зулфизар билан Авазхон». *Айшпуштанини енди бедовнинг, Сайислар тарлонни яланғочлади.* «Ойсулув». *Буз от.. аждодида бўлса, тўққизга тўлганда тарлон бўлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

Тарлон очган Ола-тарғил бўлиб бузилган, пес очган (бадан ҳақида). [Мастон] *Манглайдан тарлон очган, икки чаккасининг гўшти қочган.. кампир эди.* «Хушкелди». *Хаёли тарлон бўлди шв. Хаёли қочди, хаёли паришон бўлди.* *Хаёли тарлон бўлиб, ўзини ҳар ўйга солиб кетиб бораётир.* «Равшан».

ТАРМАШМОҚ айн. **тирмашмоқ.** *Тармашиб дарахтга чиқмоқ.* ■ *Ана, опанг келди, — деди Муҳаммаджон, — эгага тармашган болаларнинг бир-бир бошини силаб.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари. *Юқоридан маймундай тармашиб, лип этиб пастга тушганини ҳеч ким пайқамабди ҳам.* А. Мухтор, Тугилиш. *..вишканинг темирига тармашиб, аста-секин юқорига чиқа бошладим.* П. Қодиров, Эрк.

ТАРМЕВА (туғриси **тар мева**) қ. тар I.

ТАРМОҚ I Асосий йўл, оқим ва ш.к. дан бўлиниб, ажралиб чиққан қисм; шохобча. *Темир йўл тармоқлари.* *Дарё тармоғи.* ■ *Бу пастак тоғ Федченко музлик тоғларининг тармоқларидан бири бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан «Музлоқ тоғ» деб аталарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Даставвал бош соқадан бошлаб катта анҳорлар, сўнгра унинг тармоқлари қазиларди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Асосий ташкилот ёки бирлашма шохобчаси. *Алоқа тармоқлари.* *Маориф тармоқлари.* ■ *Ҳалиги хат баҳона савдо тармоқ-*

лари ва саноат корхоналарида бўлдиқ. Газетадан. *Тез тармоқ ёймоқда бўлган маориф: сон-саноқсиз мактаблар, интернатлар, катталар учун кечки курслар, бироз бўлса ҳам ўқиган одамларга муҳтож эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

3 Фан-техника, қишлоқ хўжалиги ва ш.к. га оид соҳа, соҳалар. *Хўжаликнинг муҳим тармоқлари.* *Фан ва техника тармоқлари.* *Қорақўлчилик республика чорвачилигининг муҳим тармоқларидан биридир.* ■ *Бу ерда ғалла билан чорва асосий тармоқ ҳисобланади.* «Шарқ юлдузи».

Тармоқ ёймоқ Тармоқларга бўлинмоқ, тармоқлари юзага келмоқ. *Шу муддаони адабиётимизда ҳужжатли асарларнинг кенг тармоқ ёйганлиги сабаблари туғрисидаги гапдан бошласак.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

ТАРМОҚЛАНМОҚ Тармоқ, шохобчаларга бўлинмоқ, тармоқларга эга бўлмоқ. *Тармоқланган канал.* *Кенг тармоқланган соҳа.* ■ *Беҳисоб йўллар қўл ичкарасига тармоқланиб кетган.* «Ўзбекистон кўриқлари».

ТАРМОҚЛИ Тармоқлари, шохобчалари бўлган, тармоқланган. *Кўп тармоқли ташкилот.* *Кўп тармоқли хўжалик.*

ТАРНОВ [ф. ترنوا — сув оқадиган, ўтадиган қувур] Ёмғир, қор сувлари оқиб тушиши учун том четларига ўрнатиладиган, ёғоч ёки тунукадан қувур ёки ариқча шаклида ясалган мослама. *Тунука тарнов.* *Ёғоч тарнов.* *Тарнов ясамоқ.* ■ *Муриларда жон сақлаган мушчалар кукулаб, тарновларга қўниб олишди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Жимжит хонада тарновлардан тушаётган сувнинг шитирлаши.. эшитилиб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

ТАРНОВЧЎП [ф. ترنواچوب — тарновсимон ёғоч] махс. Тиззага қўйиб, устида чок тикиладиган тарновчасимон косибчилик асбоби.

ТАРОВАТ [а. طراوت — нозиклик, мулозимлик; янгилик, тозаллик; ҳўллик, намлик] кт. Янги ва тоза, сўлим ҳолат. *Жонли рангалари тароватини унча йўқотмаган катта гулзор теварагида аста айланар эди Комила.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Кўзга ажиб равшанлик бахш этувчи яшил кўкатлар таровати.. кўксидаси ранжу аламни қувгандек бўларди.* С. Сиёев, Аваз. *Ҳали ҳам унинг [Зумраднинг] қомати ўшандай нозик,*

аллақандай ёшлик тароватини уфуриб турарди. С. Аҳмад, Зумрад.

ТАРОВАТЛИ Ёқимли тароватга эга. *Қуёш ботиб, салқин тушиди. Полизнинг тароватли, хандалак, босволди буйини уфурган файзли оқишоми бошланди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Тонгнинг тароватли шамоли бир нафасгина гўдаклик йилларини қайтарар эмиш.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ТАРОВАТСИЗ Таровати йўқ. *Тароватсиз иссиқ шабада тунги гулханларнинг аччиқ тутунини кулранг қоялар, чакалаklar орасига таратаётган эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Назаримда, ҳамма хотинлар қоғоздан ясалган гулдек ҳидсиз, ҳиссиз, тароватсиз кўрина бошлади.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

ТАРОВИХ [а. تراويح — дам олиш, ҳордиқ онлари; рамазон ойидаги қўшимча намоз, ибодат] дин. Рўза кунлари кечки, охирги намоздан кейин ўқиладиган қўшимча намоз. *Афанди.. ифтордан кейин мачитга таровиҳ ўқигани кетди.* «Латифалар». *Отабек.. туриб таҳорат олди ва меҳмонхонага кириб, таровиҳ бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАРОЗИ [ф. ترازو — вазн ўлчаш асбоби] Оғирлик ўлчаш асбоби. *Қўл тарози. Паллали тарози. Тарози налласи. Тарозида тортмоқ.* ■ *Очиловой балиқтутнинг маҳкамроқ шохига қўл тарози осиб, пахталарни пешма-пеш ўлчаб олишга тушиди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

Ақл тарозиси билан тортмоқ (ёки ўлчамоқ) Ақл билан баҳоламоқ. *Кейин даданинг аҳволини ўйлаб, ақл тарозиси билан тортиб кўриб, тақдирга рози бўлдим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тарози босадиган** 1) салмоқли, салмоқдор, вазнли. *Озгин мол гўшти тарози босмас экан.* «Муштум»; 2) кўчма асосли, жиддий. *Тарози босадиган далиллар тўплади.* С. Анорбоев, Оқсой. **Тарозига солмоқ** 1) тортиш учун тарозига қўймоқ; 2) кўчма фактларни бир-бирига таққослаб, солиштириб, ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрмоқ. *Келинг, сўзларингизни тарозига солайлик, пучми ёки тош босадими, даров маълум бўлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 3) кўчма ўзини ёки ўз ишини пеш қилмоқ, ўзига ёки ўз ишига ортиқ баҳо бермоқ. *Қори ўзини тарозига солиб, мен бор, мактаб бор.. деб гердайиб юрар эди.* П. Тур-

сун, Ўқитувчи; 4) кўчма ортиқ мақтамоқ. *-Ҳадеб уни [қизни] тарозига сола берманг, худо урди-кетди, — деди совчи.* С. Абдуқаҳор, Санамай саккиз дема.

ТАРОЗИБОН [ф. ترازوبان — тарозига қараб, уни кўриқлаб турувчи] Тарозида тортувчи, тарозида тортиш ишини бажарувчи. *Кекса тарозибон келтирилган пахталарни тортмоқда.* Гуйғун, Бригадир. *Тарозибон гангиб қолиб, посанги тошни шимининг чўнтагига солди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

ТАРОЗУ қ. тарози. *Ҳар жойни қилма орзу, Ҳар жойда бор тошу тарозу.* Мақол.

ТАРОНА [ф. ترانه — ашула ва унинг оҳанги] 1) Куй, оҳанг. *Ҳар бир уйда шодиёна тарона, Тўкин-сочин ўртада кенг дастурхон.* Ҳабибий. *Ашула оҳангидаги ранг-баранг тароналар Фуломжон ҳаяжонига найванд бўлиб оқар.. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бугун қурувчиларнинг руҳларида фавқуллода шодлик, юракларига дунё-дунё севинч тароналари.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

Тарона қилмоқ (ёки этмоқ) 1) куйламоқ. *Аноргулнинг қўлидаги дутор «Ўртоқлар» куйини танларга ларза бериб тарона қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма мадҳ этмоқ. *Куйла, созим, юрагим, шеврим, Бахт китобин қилги тарона.* Файратий.

2) Шашмақомда мусиқа асарининг бир қисми. *Таронаи дугоҳ.*

ТАРОҚ 1) Соч, соқол тараш учун ишлатиладиган, ёғоч, металл, суяк ва ш.к. дан ясалган тишли буюм. *Шамшод тароқ. Темир тароқ. Майда тишли тароқ.* ■ *Талғат шимининг чўнтагидан тароқ олиб, сочини текисларкан, тагин жилмайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2) Матога босиладиган шу нусхадаги нақш, тарам-тарам гул. *Жоноқи олмаларнинг икки бетидеги нақш Марғилон атласининг майда тароқларини эслатади.* С. Акбарий, Шодлик давоми.

3) тех. Дастгоҳ, мослама ва ш.к. нинг нарсаларни тараш ёки титиш учун хизмат қиладиган қисми. *Йигирув дастгоҳининг тароғи.* ■ *Бу ернинг бола-чақаси тили чиқиб, аввал билган сўзи — арқоқ билан тароғу найча билан моки.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ТАРОҚЛАМОҚ кам қўлл. айн. тарамоқ. *Ел сочимни тароқлаб ўтса, уйғонаман ширин уйқудан.* Р. Бобажон.

ТАРОҚСИЗ 1) Тароғи йўқ.

2 Таралмаган, тараб текисланмаган. *..тароқсиз сочларига оқ оралаган, ҳорғин, сўлғин эди.* А. Мухтор, Чинор.

ТАРОҚЧИ Тароқ ясовчи уста. *Бешикчилар, тароқчилар, дукчилар Майрамхонни ўз қўллари билан овақлантиришни «бахт» деб билар эдилар.* Ғ. Фулом, Шум бола.

ТАРОҚЧИЛИК 1 Тароқ ясаш иши, касби. *Тароқчилик қилмоқ.*

2 Бозорда тароқ ясаб сотувчи дўконлар қатори, растаси.

ТАРР тақл. с. Газмол йиртилганда, тар-тарак тариллаганда чиқадиған ва шунга ўхшаш овозни билдиради. *Яктак тарр этиб йиртилди.* ■ *Рўпарадаги уйнинг тоmidан «тарр» этган товуш эшитилди. Қизил аскар зинага йиқилди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ТАРРА 1 шв. Таррак.

2 Қовун, узум каби ширали меваларни кўп истеъмол қилгандан кейинги ланжлик, лоҳаслик ҳолати. *-Нафс қурсин.. Сиз ақллилик қилган экансиз, мулла Муҳсин, — дейди қурсоғини ишқалаб, — чоғи, қовуннинг тарраси ушлади мени.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Тарраси тутати Кишини ланж, лоҳас қилади. *Хатиб домлани қовуннинг тарраси тута бошлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кабоб билан иш битадимиз, шўрвасини чимасанг, тарраси тутиши бор.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

ТАРРАК Палак отиб ўсадиган полиз экин ва унинг бодрингдан кўра йирикроқ куврак ҳосили. *Бозорга бодринг, таррак ва эртаги ҳандалаклар ҳам чиққан эди.* К. Яшин, Ҳамза.

Таррак бурун(ли) Бурни катта ва хунук. *Ичкаридан аврасиз пўстин кийган, таррак бурунли, қип-қизил одам чиқди.* А. Мухтор, Туғилиш. **Тарракдек қотмоқ** 1) нима қиларини билмай, ғўдайганча қолмоқ. *Ориф мени кўрди-ю.. бола бечора тарракдек қотди.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб; 2) қаттиқ уйқуга кетмоқ. *Болалар бирпас қувлаш-мачоқ ўйнаб, кейин дуч келган жойда тарракдек қотиб қолишади.* Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.

ТАРС тақл. с. Таранг ёки қаттиқ нарса ёрилганда, синганда ёки урилганда чиқадиған овозни билдиради. *Қовун тарс ёрилади. У эшикни тарс этиб ёпди.* ■ *Ҳасан аканинг чаккасига ҳам бир нима «тарс» этиб*

тегди. А. Муҳиддин, Инсон қалби оташ. *-Эҳ, — Акрам тиззасига «тарс» эткизиб урди-да, креслодан сапчиб турди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ТАРСАЙМОҚ шв. Бақрайиб, безрайиб қараб турмоқ.

ТАРСАКИ Очиқ кафт билан юзга берилган зарб, шапалоқ. *Тарсаки (билан) урмоқ. Тарсаки емоқ. Тарсаки солмоқ.* ■ *Бек Лаълининг у юзи-бу юзига тарсаки қўйиб юборди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ТАРСАКИЛАМОҚ Тарсаки урмоқ. *Зулайхо Гавҳарга бемор одамага қарагандай ачиниб қарайди, бундан кўра тарсакилаб юборгани яхши эмасми? Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

ТАРСИЛЛАМОҚ «Тарс» этган овоз чиқармоқ. *Эшик тарсиллаб очилди. Қовун тарсиллаб ёрилди.*

ТАРСО [ф. ترسا — кўрққан, кўрқувчи; христиан, насроний] дин. *Ғайридин, кофир. Бутхоналар ичра тарсо кўрмади сен каби санамни.* Амирий. *Ҳо-ой, мусулмонлар! Тарсо Авазнинг дўконига йўламанлар! Ул шайтони лаин бирла тил бириктирган..* С. Сиёев, Аваз.

ТАРС-ТУРС тақл. с. «Тарс» ва шунга яқин товушлар. *Башорат «эсиз одамгарчилик» дегандек, унга [эрига] бир ўқрайиб қаради-ю, тарс-турс юриб, ҳовлидан чиқиб кетди.* С. Аҳмад, Муллажон. *Тарвузи қўлтиғидан тушган тунқотар.. тарс-турс кўчага чиқди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ТАРТАРАК Қаттиқ тариллаб овоз чиқарадиган парракли ёғоч асбоб (асосан, боғни қўриқлашда ишлатилади). *Тартарак чалиб, боғ кўримоқ.* ■ *Чол тартарagini қўлтиғига қисиб, сўйлига суянганича, индамай туриб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Узоқ-яқиндан палахмон, тартарак овози, ўғил болаларнинг бақирғи.. эшитиларди..* С. Юнусов, Қутилмаган хазина.

ТАРТИБ [а. ترتیب — тайёрлаш, ташкил этиш; интизом; мойиллик, рағбат; режа] 1 Иш-ҳаракат, тадбир-чора ва ш.к. нинг амалга ошувида риоя қилинадиган маълум изчиллик, режа, қонун-қоида ва шу қонун-қоидаларга жавоб берадиган ҳолат. *Пенсия белгилаш тартиби. Овоз бериш тартиби. Янгича тўй тартиби.* ■ [Заргаров:] *Мажлисда тартиб бўлиши керак!.. [Пўлатжон домла:] Бугунги мажлиснинг тартиби шунақа.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Ойимхон стол-*

ни тақиллатиб, Тожибойни тартибга чақирди. П. Турсун, Ҷўитувчи.

Кун тартиби 1) мажлисда муҳокамага қўйиладиган масалалар. *Мажлисни Иброҳимов очди ва кун тартибини эълон қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) кўчма навбатда турган вазифа. *Мен бу билан дамба масаласини кун тартибидан чиқариб ташлаш керак, демоқчи эмасман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Нарсаларнинг жойлашуви ва ш.к. жиҳатдан мутаносиблик бўлиши, меъёрий ҳолат. *Ҳовлиларга тартиб билан мева дарахтлари экилган.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Яқиндагина келтирилган вагончаларда тартиб ўрнатилди.* Ш. Рашидов, Бурондан кучли. *Уйдаги тартиб ва озодалик унинг баҳрини очиб юборган эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

Тартибга солмоқ Тартибли ҳолга келтирмоқ. *...сочларини тартибга солди-ю, ўрнидан туриб, шоҳи атлас кўрна-кўрначалар тўла тахмонга борди.* К. Яшин, Ҷамза. *Стolni тартибга солаётган Наргизага кўмаклашди.* Ҷ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Шахс ёки нарсаларнинг ўринлашиш тизимида қўлланган йўл; сира. *Почтахона орқага қияроқ ўрнатилган газета витрина-*

сидан иборат бўлиб, унга алифбо тартибида яшиқлар ўрнатилган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Йул-йўриқ, усул, йўсин. *...хон қўшинларнинг шаҳарга кириш ва жойлашиш тартибини олдиндан ўйлаб қўйган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Тартиб бермоқ (ёки қилмоқ) Тузмоқ. [Машҳадий] *Тунларни уйқусиз кечириб, «Девон» ҳам тартиб қилган.* Ойбек, Навоий. **Тартиб сон тлш.** Соннинг қатор, сира билдирувчи шакли, мас. *бешинчи (синф), саккизинчи (хона).*

ТАРТИББУЗАР Қонун-қоида, тартиб-интизом талабларини бузувчи, унга эид иш тутувчи. *Тартиббузарларга қарши курашда жамоатчилик кўмагидан фойдаланиш керак.*

ТАРТИБЛАМОҚ кам қўлл. 1 Тартибга, системага солмоқ.

2 Тартиб қилмоқ, тузмоқ.

ТАРТИБЛИ 1 Маълум тартиб, қонун-қоида талабларига жавоб берадиган; тартиб асосида, изчил. *Тартибли иш. Тартибли уй. Тартибли корхона.* ■ *Марҳаматнинг кўзига унинг уст-боши ҳар вақтдагидан тартибли, озода кўринди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Тартиб-интизомга риоя қиладиган, интизомли. *Тартибли ўқувчи.*

Ўзбек тилининг изоҳли луғати

III жилд

«O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi»

Давлат илмий нашриёти

(Тошкент, 100011, Навоий кўчаси, 30-уй)

Факс: (71) 244-34-38

E-mail: ume2@yandex.ru

Нашриёт лицензияси АИ № 160, 2009. 14.08.

ISBN 978-9943-07-748-5



9 789943 077485

2020.01.05.да босишга руҳсат этилди.
Қоғоз бичими 70 x 100¹/₁₆. Офсет қоғозда босилди.
73,7 нашриёт-ҳисоб табағи. 55,9 босма табок.
Адади 3000. Шартнома №206.

«Credo Print» МЧЖ китоб фабрикасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Боғишамол кўчаси 160.
Тел.: 71 234-44-01/05. www.credoprint.uz
Буюртма №437-20

**DAVLAT TILINI RIVOJLANTIRISH
DEPARTAMENTI**

ISBN 978-9943-07-748-5



9 789943 077485